



ТОШКЕНТ

энциклопедия

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Акмал АКРОМОВ, Бобур АЛИМОВ, Муроджон АМИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Юрий БУРЯКОВ, Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ, Абдулахад МУҲАММАДЖОНОВ, Хайрулла ПЎЛАТОВ, Шавкат СОЛИҲОВ, Нурислом ТЎХЛИЕВ (бош муҳаррир), Абдуқаҳҳор ТЎХТАЕВ, Маргарита ФИЛАНОВИЧ, Даврон ШОРАҲМЕДОВ, Турсунали ҚЎЗИЕВ.

Т $\frac{5001000000}{358-2009}$

ISBN 978-9943-07-096-7

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2009.

ТОШКЕНТ

ЭНЦИКЛОПЕДИЯ



«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»

Давлат илмий нашриёти

Тошкент • 2009

АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР РҲЙХАТИ

а. – аср (рақам билан ёнма-ён келганда)	МЧЖ – масъулияти чекланган жамият
авг. – август	окт. – октябрь
ад. – адабиёт, адабиёти	ОАЖ – очиқ акциядорлик жамияти
АЁҚШ – автоёнилги куйиш шохобчаси	пед. – педагогика
АЖ – акциядорлик жамияти	проф. – профессор, профессори
акад. – академик, академиги	рас. – рессом, рессоми
апр. – апрель	реж. – режиссёр, режиссёри
АТС – автомат телефон станцияси	респ. – республика
б. – бет, бетлар	сент. – сентябрь
БА – Бадиий академия(си)	стат. – статистика, статистик
бал. – баландлиги (рақам б-н ёнма-ён келганда)	ст-я – станция
б-н – билан	Т. – Тошкент (кўп такрорланган ҳолларда, расмий ўринларда тўлиқ ёзилади)
ва б. – ва бошқа, ва бошқалар	тахал. – тахаллус, тахаллуси
ва ҳ.к. – ва ҳоказо	тахм. – тахминан, тахминий
газ. – газета, газетаси	т.й. – темир йўл
дек. – декабрь	ТошТИ – Тошкент тиббиёт институти
деп. – депутат, депутати	ТошДУ – Тошкент давлат университети (тарихий ўринларда)
д-р – доктор	ТошТУ – Тошкент техника университети
ЕАЖ – ёпиқ акциядорлик жамияти	т-р – театр
ж. – жилд (рақам б-н ёнма-ён келганда)	т-ра – температура
жан. – жануб, жанубий	ТТЗ – Тошкент трактор заводи
журн. – журнал, журнали	уз. – узунлик, узунлиги
з-д – завод	ун-т – университет
и.т. – илмий тадқиқот	ФА – Фанлар академияси
ин-т. – институт	фам. – фамилия(си)
и.ч. – ишлаб чиқариш	фев. – февраль
й. – йил, йили (рақам билан ёнма-ён келганда)	ф-ка – фабрика
й.в.э. – йилда вафот этган	ф-т – факультет
каф. – кафедра, кафедраси	ш. – шаҳар, шаҳри (шаҳар номидан кейин)
ком-т – комбинат	шим. – шимол, шимолий
км – километр	этно. – этнография, этнографик
к-т – комитет, комитети	январь – январь
к/т – кинотеатр, кинотеатри	ЎзА – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги
кўч. – кўча, кўчаси, кўчалари	ЎзМУ – Ўзбекистон миллий университети
лаб. – лаборатория, лабораторияси	қ. – қаранг
лот. – лотинча	қад. – қадимги, қадимий
майд. – майдон, майдони	ҚК – қўшма корхона
МДҲ – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги	қ.х. – қишлоқ хўжалиги
м – метр	ҳайк. – ҳайкалтарош
м-з – марказ, маркази	ҳоз. – ҳозирги
мас. – масалан	
мил. – милодий	
мил.ав. – милоддан аввал, милоддан аввалги	

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг олиб борилган илмий тадқиқотлар ва археологик қазилар натижасида Тошкент шаҳрининг ёши 2200 йил деб белгиланди. ЮНЕСКО Бош конференциясининг 34-сессиясида (2007 йил 16 октябрь – 2 ноябрь) Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидан қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг нуфузи ва мавқеини оширишга, хусусан унинг замонавий қиёфасини шакллантириш, шаҳарни ҳар жиҳатдан юксалтириш масаласига доимий эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелдаги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги 828-қарори бу борадаги амалий ишларнинг ёрқин далилидир. Қарорда жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда «Шарқ дарвозаси» деб ном олган, халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлиги таъкидланиб, шаҳар юбилейини нишонлаш билан боғлиқ муҳим чора-тадбирлар дастури белгиланди. Мана шу дастурда, жумладан, «Тошкент» энциклопедиясини тайёрлаш ва нашр этиш масаласи қўйилди.

Мазкур дастур асосида тайёрланган ушбу «Тошкент» энциклопедияси универсал нашр бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг пойтахти – Тошкент шаҳри тарихи ва ҳозирги ҳаётининг турли томонларини ўзида акс эттиради. Унда шаҳар тарихидаги муҳим воқеалар, шаҳарнинг илмий, маданий ва иқтисодий ҳаётига оид маълумотлар, аҳолиси, оилавий маросимлари, табиати, маъмурий бўлинмалари, Тошкентнинг тарихий ёдгорликлари, меъморий обидалари, даҳалари, қадимги ва ҳозирги маҳаллалари, турар жой массивлари, йирик корхоналари, савдо муассасалари, ўрта ва олий ўқув юртлири, илмий тадқиқот институтлари, маданият ва санъат даргоҳлари, адабиёти, мусиқаси, матбуоти, ижодий уюшмалари, йирик кўчалари, майдон ва хиёбонлари, истироҳат боғлари, метрополитени, шаҳарнинг бошқа шаҳарлар б-н маданий ва иқтисодий алоқалари ва б. ҳақидаги мақолалар берилди. Номлари Тошкент тарихи ва тақдири б-н боғлиқ бўлган ҳамда шаҳар кўчалари ва майдонларида, ёдгорликлар ва мемориал лавҳаларда абадийлаштирилган тарихий шахслар, давлат ва сиёсат арбоблари, машҳур фан ва маданият намояндалари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалар илғорлари ҳақида биографик маълумотлар ҳам энциклопедия саҳифаларидан ўрин олди. Мақолалар оқ-қора ва рангли фотосуратлар, хариталар б-н тўлдирилди.

Китоб Тошкент ҳақида умумий ва қисқача тарихий маълумот берувчи мақола билан бошланади. Асосий мақолалар (2200 га яқин) алифбо тартибида жойлаштирилган. Бир-бирига алоқадор мақолаларда айрим маълумотлар такрорланиб қолмаслиги ва улар бир-бирини тўлдириши учун, шунингдек, баъзи бир мақолаларни топишни осонлаштириш мақсадида ҳавола тизимидан фойдаланилди. Ҳавола этилаётган мақола номи *қия ҳарфлар* (курсив) билан ёзилган. Театрлар, институтларнинг номлари қисқа шаклда берилиб, кейин тўлиқ номи ёзилди (мас., **Навоий театри**, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри. **Ислам университети**, Тошкент ислом университети). Касалхоналарнинг номларини беришда уларнинг ўзига хос белгилари (мас., шаҳарга оидлиги) ҳисобга олинди (мас., **Шаҳар клиник касалхонаси**, Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси), баъзи корхоналар, муассасаларнинг номини беришда ҳам шу тартибга амал қилинди.

Айрим ташкилот номларини, айниқса қисқартирилган номларини беришда ҳар бир ҳолда конкрет ёндашилди, улар мумкин қадар ўзбекчалаштиришга ҳаракат қилинди, ўрнига қараб расмий номлари ҳам берилди. Кўчалар ҳақида мақола беришда уларнинг тарихий аҳамияти ва бу кўчаларда жойлашган ташкилотларнинг ўрни назарда тутилди. «Тошкент» сўзи б-н бошланадиган кўпчилик мақолаларда бу сўз ташлаб кетилди (мас., «Тошкент техника университети» ўрнига «**Техника университети**»). Лекин «Тошкент» сўзи номнинг таркибий қисмидан иборат ҳолларда бу сўз қолдирилди (мас., «**Тошкент ҳақиқати**»). Мақола номини ташкил қиладиган сўзлар шу мақола матнида дастлабки ҳарфлари б-н белгиланди (мас., **Анҳор соҳили** – А.с.). Ихчамлаштириш мақсадида шартли қисқартмалардан фойдаланилди (рўйхат илова қилинган).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг Тошкент шаҳрида ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва бошқа жабҳаларда катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Турар жой массивлари, майдонлар, кўчалар, ташкилотлар ва ҳоказолар номлари ўзгариб, тарихий номлари тикланмоқда ёки шарқона тус олмоқда. Табиийки, бу жараёнларни китобда акс эттиришга ҳаракат қилинди.

Китоб сўнггида Тошкент ҳаёти б-н боғлиқ муҳим воқеалар йилномаси (хронологияси) ва Тошкент ҳақидаги адабиёт (асосан, китоблар) рўйхати, шунингдек, асосий мақолалар муаллифлари рўйхати берилди.

«Тошкент» энциклопедиясини тайёрлашда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти ходимларидан ташқари, тегишли соҳаларнинг етакчи олим ва мутахассислари, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг масъул ходимлари иштирок этди.

Нашриёт ва «Тошкент» энциклопедиясининг Бош таҳрир ҳайъати ўқувчиларнинг китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини мамнуният б-н қабул қилади.



ТОШКЕНТ

Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти. Мамлакатдаги энг йирик саноат, транспорт ва маданият маркази. Республиканинг шим.-шарқий қисмида, Тяньшан тоғлари (Тангритоғ)нинг ғарбий этакларида, ўртача 440–480 м баландликда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Иқлими континентал, йиллик ўртача т-ра 13,8°, янв.нинг ўртача т-раси –0,6°, энг паст т-ра –29,5°. Июлнинг ўртача т-раси 27°, энг юкори т-ра 44,6°. Йилига ўртача 420 мм ёгин тушади. Чирчиқ дарёсидан чиқарилган ва бутун шаҳар бўйлаб ўтадиган Бўзсув, Кайковус, Салор, Анҳор, Қорасув, Оқкўрғон, Бўрижар, Оқтепа, Қорақамиш ва б. каналлар унинг микроклимига ижобий таъсир кўрсади (яна қ. *Табиати*).

Майд. 334,8 км². Аҳолиси 2205,3 минг киши (2009 й.; 1991 й. – 2130,0 минг киши, 1977 й. – 1689 минг киши, 1970 й. – 1385 минг киши, 1959 й. – 927 минг киши, 1939 й. – 556 минг киши, 1926 й. – 314 минг киши, 1897 й. – 156 минг киши) (яна қ. *Аҳолиси*). Шаҳарда 11 туман (Бектемир, Мирзо Улуғбек, Миробод, Сергели, Собир Рахимов, Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Яккасарой, Ҳамза), 1 шаҳарча (Улуғбек) бор (2009) (яна қ. *Маъмурий-ҳудудий бўлиниши*).



ТОШКЕНТ



Масштаб: 1 : 150 000

Тошкент ш. 2200 йилликдан ортиқ тарихи давомида мудофаа девори б-н ўралган қад. қалъадан жаҳондаги йирик пойтахт шаҳарлардан биригача бўлган йўлни босиб ўтди. Асрлар давомида шаҳар ўзининг тинч ҳаётидаги муҳим воқеаларни ва суронли жангу жадалларни, юксалиш ва инқироз даврларини бошидан кечирди. Неча бор шаҳар вайрон бўлиб, қайта қад кўтарди. Аввалги ўрнидан неча бор силжиб, номи ҳам бир неча марта ўзгарган.

Тошкентнинг узоқ ўтмиши ва у қад кўтарган қадимги Чоч ёки Шош вилояти ҳақидаги маълумотлар ёзма манбаларда жуда хилма-хил ҳамда узук-юлуқ тарзда акс этган. Зардуштийларнинг қад. муқаддас китоби «Авесто»да Сирдарё ҳавзасидаги мамлакат «Турон», аҳолиси эса «тур»лар деб юритилган. Бу ўлкада тур қавмлари уруғ ва қабила оқсоқолларининг диний ва сиёсий қароргоҳи Қанғха (Қанға) шаҳри борлиги тилга олинади. Сўнги археологик маълумотларга кўра (С.Баратов), мил.ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида Тошкент воҳасида «амюргий саклари» (дарё орти саклари) яшаган.

Тошкент ҳақидаги дастлабки аниқ маълумотлар мил. ав. 2-а. – мил. 5-а.ларга мансуб Хитой манбаларида учрайди. Уларда Тошкент вилояти қадимда Лоюени, Юни, сўнгра Чжеше, Чжэчжен, Чжеси ва Шиго деб номланган. Бу атамалар (аввалги иккитасидан ташқари) «Чоч» сўзининг хитойча талаффуз этилиши натижасида ҳосил бўлиб, ҳатто охириги «Ши» топоними хитойчада «Тош» маъносини англатган. Аммо бу сўз айрим тадқиқотчилар (хитойшунос А.Хўжаев) фикрича, «тоғ



Тошкент ш.нинг герби (Вокзалолди майдонида ўрнатилган ёдгорлик).

жинси» маъносини эмас, шаҳар ҳукмдори номини англатган. Туркий халқларда «темир» ва «тош» атамаси иродаси мустаҳкам, қатъиятли, хурматли кишиларга қўйилган исмлардан саналган. Бир қанча Хитой йилномалари («Бэй ши», «Суй шу», «Синь Тан шу» ва «Тайпинг хуаньюй цзи»)да қайд этилишича, «(Ши давлати) ҳукмдори унвони Ши, исми Ние бўлган». Унинг қароргоҳи Чжэчжи ш.да эди. «Цихай» эн-

циклопедик лугатига кўра «Шиго қадимги давлат номи бўлиб, унинг ҳудудига Тошкент ҳам кирган. Ҳукмдор унвони Ши деб номланган». Демак, «Ши» иероглифи ҳукмдор исми ва «го» давлат, мулк маъносини англатган, ҳукмдорнинг Ши (Тош) исми кейинчалик араб манбаларига Шош шаклида ўтган бўлиши мумкин.

Мил.ав. 3-а.да қадимги Чоч вилоятида ташкил топиб, милоднинг 3-а.гача ҳукм сурган «Қанғ» («Қонгқа» ёки «Қанғха») давлати Хитой ёзма манбаларида «Кангкия» номи б-н тилга олинади. Қад. тохарлар тилида «қанғ» сўзи ҳам «тош» маъносини англатган. Бу давлатнинг пойтахти – Битянь шаҳри бўлиб, у Иоша дарёси (Сирдарё) бўйида жойлашган. Битянь шаҳри Даван (Фарғона водийси)дан 1510 ли (528 км) масофада бўлган. Битянь шаҳрининг бизгача сақланиб қолган харобалари маҳаллий аҳоли ўртасида «Қанқатепа» номи б-н машҳур. У ҳозирги Тошкентдан 70 км жан.да – Сирдарёга яқин ерда, Охангарон дарёсининг қад. ўзани бўйида жойлашган. Қанқатепа мил.ав. 3-а.даёқ атрофи мудофаа девори б-н ўралган аркли шаҳар бўлиб, майдони 160 гектарга тенг. Қад. Қанғ дав-

латининг фуқароси ҳам «қангар», «қанзар», кейинчалик «қанги», «қангли» ёки «қаъни» деб номланган. Улар ҳиндларнинг қад. китоби «Маҳабҳарата»да сақлар ва тохарлар номлари қаторида тилга олинади. Мил. ав. 2–1-а.ларда Қанг давлати нихоятда кучайиб, унга бешта давлат: Тошкент (хитой манбаларида Юни), Қашқадарё (Сусйе), Зарафшон (Фуму), Бухоро (Ги), Хоразм (Юегань) тобе бўлган.


Ўрта аср ёзма манбалари (Табарий, Беруний асарлари ва б.)да келтирилишича, Тошкентнинг қад. номи «Чоч» бўлган. «Чоч» номи илк маротаба (сугдча С' С шаклида) Култепа шаҳар харобаси (Чимкент ш. яқинида)дан топилган (2006) пишиқ ғишлардаги ёзувда учрайди. Топилма мил. 2–3-а.нинг биринчи ярмига оид деб белгиланган. Сосонийлар шоҳи Шопур I нинг «Зардушт Каъбаси» қоясига ўйилган ёзувида «Кўҳи Чоч» («Чоч тоғи») номи қайд этилган (яна қ. Чоч). Шаҳар араблар тасарруфига ўтгач, арабий асарларда «Шош» деб

юритилган. Илк ўрта асрларда у «Чоч», «Шош», «Шошкент», «Мадинат уш-Шош», «Бинкат» ва «Таркан» деб номланган.

Тошкент ҳақидаги дастлабки маълумотлар 9-а.дан бошлаб араб муаллифлари асарларида учрайди. 9-а. математиғи ва астрономи Хоразмий, тарихчи Табарий, 10-а. араб географи Истаҳрий асарларида айниқса қимматли маълумотлар келтирилади. Истаҳрийнинг «Китоб ал-масолик вал-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар тўғрисида китоб») асарида Шошнинг бош шаҳри Бинкат деб кўрсатилади. 10-а.да ёзилган (муаллифи номаълум) «Худуд ул-олам» («Оламнинг чегаралари») китобида «Чоч – бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясалади. Бинкат Чочнинг пойтахти ҳисобланади. Бу катта шаҳар, айна вақтда подшонинг қароргоҳидир», деб таърифланади. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарида Чоч ўзининг камон ва ўқ-ёйлари б-н машҳурлиғи ҳақида мисралар бор.

Шаҳар «Тошкент» номи б-н даставал 11-а.нинг машҳур алломалари – Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида тилга олинади. Беруний «Ҳиндистон» асарида «Тош» сўзи асли туркча бўлиб, арабчада «Шош» шаклини олган. «Тошканд» – тошли қишлоқ демақдир» (Абу Райҳон Беруний, Танланган асарлар – Т., 1963, 2-ж., 232-бет), деб изоҳлайди. Маҳмуд Кошғарийнинг маълумоти бўйича Тошкент шаҳри 11–12-а.ларда «Таркан» деб ҳам юритилган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Тошкент номи устида тўхталиб, «... асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч деб ёзадилар», деб қайд этади. Бироқ 16-а. охири ва 17-а. бошларида Тошкент топоними шуҳрат топиб, унинг қад. номлари Чоч, Шош ва Бинкат атамалари аста-секин муомаладан чиқади. 17-а.да яшаган олим Маҳмуд ибн Вали шундай ёзади: «Шош – Сайхун (Сирдарё)нинг у томонига жойлашган шаҳар ва у Туркистон (вилояти)га қарайди... Уни Чоч деб ҳам атайдилар. Бироқ ҳозирги вақтда у Тошкент номи билан машҳурдир».

Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланиши, шаҳарларнинг қад кўтариши шу ўлкада яшаган қад. чорвадор ва деҳқонларнинг ижтимоий-



иктисодий ва маданий ҳаётидаги улкан тарихий жараён бўлиб, бу жараён, шубҳасиз, ўлканинг ўзлаштирилиб обод этилиши, айниқса, унда чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларининг ташкил топиши ҳамда хунармандчилик, ички ва ташқи савдонинг ривожланиши тарихи б-н узвий боғлиқдир. Бу жараённинг тарихий манзараси ниҳоятда кенг бўлиб, у ёзма манбаларга нисбатан кўпроқ археологик тадқиқотлар воситаси б-н тикланмоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент ҳудудида олиб борилган археологик тадқиқотларнинг натижалари қад. ва ўрта асрларга оид манбалардаги маълумотларни тўлдириб, уларга аниқлик киритмоқда.

Археологик ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, мил.ав. 2-минг йилликнинг бошларида кўчманчи чорвадор аҳолининг ўтроқлашуви кучайиб, деҳқончилик кенгая бошлаган. Тошкентнинг дастлабки деҳқонлари дарё тошқинлари ва адирлардан келган сувлардан ҳосил бўлган ирмоқлар бўйида, табиий захоб ерларда деҳқончилик қилганлар. Ҳоз. Тошкентнинг Қорасув, Салор ва Жўн ариғидан суғориладиган жан. қисми ибтидоий деҳқончилик маданияти ташкил топган ана шу қад. ўтроқ ҳудудга кирган. Тошкентнинг бу ибтидоий деҳқончилик маданиятининг излари даставвал шаҳардан 30 км жан.да Бурганлисой ёқасида топилиб, тадқиқ этилгани туфайли *Бурганлисой маданияти* номи б-н шуҳрат топган.

Мил.ав. 6–4-а.ларда Қорасув, Салор ва Жўн ариғи ёқаларида дастлабки илк қишлоқлар қад кўтарган (қ. *Қовунчи маданияти*, *Қовунчитепа* ва б.). Шулардан бири Жўн ариғи бўйидаги *Шоштепанинг* остки қатламидан қазиб очилган қалъа харобасидир.

Кейинги йилларда олиб борилган археологик қазииш ишлари мил.ав. 6–4-а.лар ва 2–1-а.ларда Шоштепадаги ривожланиш босқичларини аниқлашга имкон берди. Бир томони Жўн ариғига ёндашган бу қад. жой атрофи даставвал тупроқ марза б-н ўралиб, қад. ибора б-н айтганда, «кат», яъни қишлоқ қиёфасини олган. Қишлоқдаги турар жойлар марказида ўчоқлар ўрнатилган ярим ертўла уйлар бўлган, аҳолиси асосан деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Маданий қат-



Шоштепа топилмаси (сопол ўйинчоқлар).

ламларда учраган уй ҳайвонлари суякларидан маълум бўлишича, Шоштепанинг қад. аҳолиси чорвачиликда қорамолчилик, йилқичилик, кўйчилик ҳамда туячилик б-н шуғулланган. Қад. шоштепаниклар жез ва темирдан қурол-яроғ ва асбоблар яшашни, кулолчилик ҳамда тўқимачиликни яхши билган. Шубҳасиз, бу ва унинг атрофидаги бошқа қишлоқлар кейинчалик Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг шаклланишига, қад. Тошкент ш.нинг аста-секин қад кўтаришига замин бўлди.

Мил.ав. 2–1-а.ларда Шоштепада қад. шаҳар белгилари пайдо бўлди. Бу ердан топилган суякдан ясалган ёзув таёқчаси (стиль) 15 см ли бўлиб, бир томони ёзиш учун учли қилиб, иккинчи, ўчирғич томони эса илон бошига ўхшаш қийшиқ кўпбурчак шаклида куракча қилиб ясалган. Бу топилма милод бошларидаёқ Тошкент воҳасида ҳам саводхонлик ҳамда хаттотлик мавжудлигидан гувоҳлик беради.

Шоштепадаги археологик обидалар: шаҳарнинг мустаҳкам муҳофаа девори, ҳашаматли меъморий мажмуа, хунармандчилик буюмлари, хатсавод ва савдодан далолат берувчи топилмалар

Шоштепа топилмаси (сопол идишлар).





Шоштепа топилмаси (ёзув таёқчаси).


2200 йил муқаддам Тошкент воҳасида шаҳар маданияти ривожланиб, Шоштепадаги қад. қишлоқ шаҳар қиёфасини ола бошлаганини кўрсатади. Қад. қишлоқ харобалари устида атрофи қалин айланма девор б-н ўраб олинган доира шаклидаги қалъа (кўрғон) қад кўтаради. Шоштепани ўрганиш Тошкент ҳудудида шаҳар маданияти тарихи худди шу даврдан бошланган, яъни унинг ёши 22 асрдан кам эмас деб баҳолашга имкон берди.

Мил. 1-а.га келиб Чирчиқ, Салор, Қорасув бўйларидаги воҳанинг қарийб ярмидан кўпроғи ўзлаштирилиб, обод этилган. Салор ёнида жойлашган шаҳар – *Мингўрик* бу даврда ҳар томонлама етакчи мавқега эга бўлиб, уни муаррихлар ҳақли равишда милоннинг бошларидаги Тошкентнинг асоси деб ҳисоблайдилар. Бу шаҳар 6–8-а.ларда айниқса равақ топган. Шаҳарнинг Турк

Шоштепа. Археологик қазилар ишлари .

ҳоқонлиги таркибига кириши, унинг Қорамозор тоғларидаги конлар яқинида жойлашгани, ҳунармандчилик маҳсулотларига доимо муҳтож дашт кўчманчиларининг ёндошлиги, шунингдек, асосий қарвон йўллари, хусусан *Буюк ипак йўли* воҳанинг шим. қисмларидан ўтиши уни Чоч давлатининг пойтахти бўлиб қолишига имкон берди. Манбаларга кўра, шаҳар айланаси 4 км дан ортиқ бўлиб, ичида сарой, ибодатхона бўлган арк, амалдорларнинг уйлари жойлашган шаҳристон, ҳунармандлар маҳаллалари ўрнашган рабоддан иборат эди. Шаҳар атрофида озод жамоаларнинг кенг экин ерлари, қишлоқлари, зодагонларнинг кўрғон ва боғ-роғлари, истеҳкомлар пайдо бўлган. Экин-тикин қилинадиган ерлар чеккасида – кўчманчилар даштига туташ чегараларда мудофаа истеҳкомлари қурилган. Тасвирланаётган бу жойлар ҳозирги Тошкент ҳудудида эди.

Араб манбалари (Истаҳрий, Мақдсий, ибн Ҳавқал асарлари)да бу шаҳар Чочнинг пойтахти – «Мадинат уш-Шош» (Шош шаҳри) деб аталган. Чоч пойтахти ҳунармандлари металлдан меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳалар, зеб-зийнат ва рўзғор буюмлари ясаган, кўнчилик б-н шуғулланишган,



пахта ва жундан матолар тўқишган, сопол ва шиша идишлар, заргарлик буюмлари ясаб, ички ва ташқи савдони таъминлашган.

Шаҳар қизгин савдо-сотик маркази ҳам бўлган. Фарбда Византиядан тортиб, шарқда Хитойгача бўлган давлатларнинг Тошкент ҳудудидан топилган тангалари шундан далолат беради. Чоч ҳокими ҳам ўз тангаларини зарб қилдирган. 3–8-а.ларда Чочда мис ва кумуш тангалар чиқарадиган зарбхона бўлган (қ. *Чоч тангалари*). Қад. Чоч ҳукмдорлари олд томонига мулкдорнинг суврати, орқасига думини гажак қилиб, ҳужумга тайёрланиб турган шер ёки қоплон тасвири ёки сулолавий айри тамға туширилган пулларни зарб этган. Чочнинг худди шу даврда зарб этилган баъзи тангалари орасида ҳукмдор билан ёнма-ён турган малика тасвири туширилган пуллар ҳам учрайди. Бу, шубҳасиз, Чочнинг илк ўрта аср ижтимоий ва иқтисодий, айниқса сиёсий ҳаётида ҳукмрон табақа аёлларининг анча-мунча нуфузга эга бўлганлигини кўрсатади. Савдо-сотик ва ҳунармандчилик б-н бирга маданият ҳам юксалган. Манбаларга кўра, тасвирий санъат, мусиқа, айниқса рақс санъати (қ. *Чоч рақси*) ривож топган.



Шоштепа топилмаси (ёрғучоқ).

Турк ҳоқонлиги даврида Чоч ўз тили ва маданиятига эга эди (қ. *Чоч тили*). Тангалардаги ҳокимларнинг унвонлари ва номлари (Артачака, Шчаниябаға, Тарновча) ҳамда расмий ҳужжатлар шу тилда ёзилар эди. Чоч маркази ибодатхоналар (деҳқончилик маъбудаси, оташпарастилик, аждодларга сиғиниш) маркази ҳам эди. Мажусийлар ибодатхоналарининг харобалари ўша даврга оид бошқа ёдгорликларда ҳам сақланиб қолган (қ. *Чилонзор Оқтепаси, Юнусобод Оқтепаси*). Дафн маросимлари зардуштийлик (оташпарастилик) русуми бўйича амалга оширилган. Паррандалар ва





Мингўрикнинг сақланган қисми (консервация жараёни).

одам қиёфаси акс эттирилган, нақшлар б-н безатилган остадонлар яшаш ҳунармандчилик ва санъатнинг алоҳида тури ҳисобланган.

Араб қўшинлари Чочга илк бор 713 й.да юриш қилган. Араб қўшинларининг кейинги юришлари оқибатида шаҳар 9-а.га келиб, аввалги ўрнидан 4–5 км шим.-ғарброқда, Бўзсув каналидан чиқарилган *Кайковус* ариғи ёнида қайтадан вужудга келди ва яна Чочнинг пойтахтига айланиб, жадал тараққий эта бошлади. Шаҳарда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ тез ривож топди. Янги шаҳар араб манбаларида *Бинкат* деб тилга олинади. Бу ном 9–10-а.ларда (Шош Сомонийларга тобе бўлган даврда) зарб этилган кумуш ва чақа тангаларда «Шош» ва «Мадинат уш-Шош» номлари б-н бир қаторда учрайди. Бинкатда ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривож топди. Ҳосилдор ерларни кўчманчилар босқинидан муҳофаза қилиш мақсадида 8-а.нинг 70-й.ларида Чирчиқ водийсининг шим.-ғарбий чегаралари бўйлаб, Сойлиқ қишлоғи ёнидаги тоғлардан то Сирдарёгача девор қурилган. Унинг харобалари *Канпирдевор* номида сақланиб қолган.

Бинкат топилмалари (сопол лаганлар).



9–10-а.ларда Шош Сомонийлар, 10-а. охири – 12-а. ўрталарида Қорахонийлар давлати таркибига кирган. 1215 й.да Муҳаммад Хоразмшоҳ қорахитойлар қўшини ҳамда найманлар хони Кучлуқ б-н жанг қилиб, Шош вилоятини улардан тортиб олди ва вилоят душманлар қўлига ўтмаслиги учун Шош маркази аҳолисини кўчиртириб юборди. Шу боис мўғуллар 1220 й.да шаҳарни қаршиликсиз қўлга киритган бўлиши мумкин. Жувайнийнинг мўғуллар босқини ҳақидаги хабарида Тошкент ш. тилга олинмаган. 13–14-а.нинг 1-ярмида Тошкент *Чигатой улуси* таркибида, 14-а.нинг 2-ярми – 15-а.нинг 80-й.ларигача *Амир Темур* ва Темурийлар давлати таркибида бўлди. 1404 й.да *Улугбек*га мулк тарзида берилди.

Темурийлар даврида Тошкент воҳа б-н дашт чегарасидаги кучли қалъага айланди, унинг ҳудуди кенгайди, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, маданият ривожланди. Регистон, Шайхонтохур ансамблидаги мақбаралар, *Жоме масжиди*, *Шайх Зайниддинбобо мақбараси*, *Зангиота мажмуаси* ва б. қурилди.

Тошкент 1485 й.да Мўғулистон хони *Юнусхон* ихтиёрига ўтди ва унинг қароргоҳига айланди. Ундан сўнг тахтни ўғли *Султон Маҳмудхон* бошқарди. 16-а.да Тошкент яна ободонлашиб, Туркистоннинг ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва маданий марказларидан бирига айланди. Меъморий обидалар қад кўтарди, уларнинг айримлари (Шайх Хованди Тохур мақбараси, Кўкалдош, Бароқхон мадрасалари) ҳоз. кунгача етиб келган. Ҳунармандчиликнинг тараққиёти савдо-сотиқ алоқаларининг кенгайишига олиб келди. 1558 й.да Тошкент қирғиз-қайсоқлар қамалига бардош берди.

16-а.нинг 2-ярмида Тошкент б-н Рус давлати ўртасида савдо алоқалари, элчилик муносабатлари ривожланди. 1579 й.да Тошкентни Бухоро хони *Абдуллахон II* босиб олди. Аштархонийлардан *Имомқулихон* 1611 й.да ўғли Искандарни Тошкентга ноиб қилиб тайинлади. Бироқ шаҳар аҳолиси исён кўтариб, қочиб кетаётган Искандарни тутиб ўлдирди. Бундан ғазабланган Имомқулихон Тошкент аҳолисидан шафқатсиз ўч олган. Катта ўрда ва қалмоқларнинг ҳужумлари оқибатида Тошкент кўп шикастланган (1758).

18-а. ўрталарида Тошкент 4 даҳа (қисм)га – Шайхонтохур, Себзор (Қаффоли Шоший), Кўкча (Шайх Зайниддин), Бешёғоч (Зангиота)га бўлиниб,

уларнинг ҳар бирини мустақил ҳоким бошқарган. Тошкент тарихида бу давр «Чорҳокимлик» деб аталади. *Чорҳокимлик* даврида Тошкент аҳолиси атрофдаги шаҳар ва қишлоқлар, Дашти Қипчоқнинг чорвадор аҳолиси ҳамда Сибирь б-н савдо алоқаларини узмаган. Бироқ бу даврда Тошкентдаги ички зиддиятлар ва нотинчликлардан фойдаланган кўчманчилар шаҳарга бир неча марта хужум қилган. Шу боис савдо-хунармандчилик аҳлининг илғор фикрли вакиллари ўртасида шаҳарни ягона ҳоким кўл остида бирлаштириш гоёси вужудга келган. 1740 й. Россиядан Тошкентга келган поручик Миллер шаҳарнинг 8 дарвозасини санаб ўтган (қ. *Шаҳар дарвозалари*).

1784 й. Шайхонтохур даҳаси ҳокими *Юнусхўжа* қолган 3 та даҳа ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, мустақил Тошкент давлатини ташкил этган. Бир неча ҳарбий юришлардан кейин у Катта Ўрдадан Тошкент атрофидаги қишлоқларни қайтариб олишга, Тошкент аҳолисига тинчлик бермаётган кўчманчи қозоқ қабилаларини бўйсундиришга муваффақ бўлган. 1799 й.да Қўқон хонлиги кўшинлари Тошкентни қамал қилдилар, аммо тошкентликларнинг кучли зарбасига учраб, орқага қайтдилар.

Тошкент давлати ташқи кучлар, айниқса, Қўқон хонлари тазйиқида бўлса-да, 20 йилдан зиёд мавжуд бўлган. Ушбу давлатни «волийи вилоят» лавозими б-н Юнусхўжа бошқарди.

Юнусхўжа шим.да Тошкентга туташган Дашти Қипчоқ худудини ҳам ўз тасарруфига олган, Чимкент ва Сайрам ш.ларини (кейинчалик Туркистон ш.ни ҳам) Тошкент давлати таркибига киритган. Ниёзбек, Олтинтепа, Қорабулоқ, Сарапон, Темир мавзелари ва б. ўнлаб қишлоқлар Тошкентга тобе бўлган.

1800 й.да Тошкент давлатининг чегараси жан. ва ғарбдан Сирдарё бўйлаб, шим.дан Туркистон ва Қоратоғ ёнбағирлари орқали ўтган. Шарқда Сайрам тизмаси ва Угом дарёсининг ўнг соҳили, жан.-шарқда Чатқол-Қурама тоғ тизмаларини ёқалаб Сангир қишлоғигача чўзилган.

Тошкент даҳалари, ўз навбатида, бир қанча маҳалла ва гузарлардан ташкил топган; даҳаларда маҳаллалар сони ва уларнинг катта-кичиклиги турлича бўлган. Аҳоли сони ўсган сайин маҳаллалар кенгайган ёки янгилари пайдо бўлган. Маҳалла маъмурий ҳолати жиҳатидан ўз ички тартиб-қоидалари бўлган жамоа ташкилоти саналган ва уни маҳалла аҳолиси томонидан сайланган бошлиқ (оқсоқол) бошқарган.

19-а.нинг 2-ярмига оид ёзма манбаларда Тошкент маҳаллалари ҳақида статистик маълумотлар мавжуд. Уларда қайд этилишича, бир маҳаллада 50 тадан 150 тагача хонадон бўлган. Баъзи маҳаллаларнинг номлари ўша жойда ривожланган касб-хунарни англатган (Пичоқчилик, Дегрез, Этиқдўз); бошқалари этник атамалар (Ўзбекмаҳалла, Тожиккўча, Мўғулкўча) ёки жойнинг муайян белгиси (Чуқуркўприк, Баландмасжид ва ҳ.к.) орқали ифодаланган (яна қ. *Маҳалла*).

Тошкентнинг энг гавжум қисми унинг бозорлари ҳисобланган (қ. *Бозорлар*). Эскижўва, Чорсу ва Кўкалдош мадрасаси оралиғида Регистон, Чорсу ва Каппон (ғалла) бозорлари жойлашган. Регистон бозорида хонликларда ишлаб чиқарилган моллар б-н бир қаторда Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Қашқар, Хитой ва Россиядан келтирилган моллар ҳам сотилган. Тошкентдан савдо қарвонлари Сибирь шаҳарлари, Қашқар, Хитой, Ҳиндистон, Афғонистон ва Эрон томон қатнаган. Тошкент давлати ташқи ва ички савдони ривожлантириш мақсадида олд томонида «Муҳаммад Юнусхўжа Умарий» деб ёзилган, сиртига лочин ёки йўлбарс тасвирлари туширилган ўз тангаларини зарб этиб, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритган, савдо-сотиқни кенгайтиришга интилган.

Тошкентнинг қалъа девори 19-а. бошларида Юнусхўжа фармони б-н таъмирланди.

Юнусхўжа вафот этгач, унинг ўғли Султонхўжа Тошкент ҳокими бўлди. Юнусхўжанинг ўлимидан фойдаланган Қўқон хони Олимхон ўз укаси Умарбек қўмондонлигида кўшин тортиб, Тошкентни эгаллади ва унга Султонхўжанинг укаси Ҳамидхўжани ҳоким қилиб тайинлади. Ҳамидхўжа Қўқонга бўйсунмай қўйди. Натижада Олимхон шахсан ўзи кўшин тортиб, Тошкентни Қўқон хонлигига узил-кесил қўшиб олди [қ. *Тошкентнинг Қўқон хонлигига қўшиб олиниши* (1810)]. Шундан бошлаб, Тошкентга ноиб сифатида фақат Қўқон хони томонидан *бекларбеги* тайинланадиган бўлди. Бу даврда шаҳар худуди 16 км² ни, аҳолиси 80 минг (баъзи манбаларда 100 минг) кишини ташкил этган. *Лашқар Қушбеги* даврида шаҳар атрофи бўйлаб Қўймас, Қўқон, Қашқар, Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон ва Бешёғоч каби 12 дарвоза бор эди (қ. *Шаҳар дарвозалари*). Шаҳарнинг шарқий дарвозасидан то ғарбий дарвозасигача 8500 қадам, шим.дан жанубга эса 8100 қадам масофа ҳисоб-



Шайхонтохур масжиди (тарихий сурат; 20-аср бошлари).

ланган. Ҳар бир дарвозадан шаҳар маркази – Регистон бозорига элтувчи кўчалар ва улардан эса кўплаб тор кўчалар шохлаб кетган. Шаҳарда хунармандчилик, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги, дегрезлик, темирчилик, кўнчилик, косибчилик, кулолчилик ва б. ривожланган.

19-а. ўрталарида чор Россияси ҳукумати йирик стратегик мавқега эга бўлган Тошкентни босиб олиш мақсадида ҳарбий юриш бошлади. Бу вақтда Тошкент ва Тошкент вилояти Қўқон хонлиги таркибида эди. М.Г.Черняев бошчилигидаги рус кўшинлари 1864–65 й.лардаги бир неча бор уринишлар (қ. *Дархон жанги*)дан сўнг 1865

Эски шаҳар (20-асрнинг биринчи ярми).



й. 17 июнда шаҳарга бостириб кирди. Шаҳар мудофаасида фаол қатнашган тошкентлик тарихчи *Муҳаммад Солиҳхўжа* «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзишича, тошкентликлар душманга қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Жуда кўп одам қурбон бўлган. Шу тарзда чор Россияси кўшинларининг махсус отряди Тошкентни босиб олишга муваффақ бўлган. Тошкент мудофааси жанглирида Қўқон хонлигининг ҳарбий лашкарбошиси *Алимқул* оғир яраланиб, ҳалок бўлади. Босиб олинган шаҳарни ҳуқуқий жиҳатдан мудофаа этишда шаҳар зодагонларидан – уламо, мударрис *Солиҳбек Охунд* фидокорлик кўрсатади. У ге-

нерал Черняевнинг чор Россияси хоҳишига мос келадиган 2-шартномасига имзо чекишдан бош тартади. Шу сабабли у 9 нафар шериги б-н Сибирга сургун қилинади [(қ. *Тошкентнинг босиб олиниши* (1865)]. Тошкент ва унга қарашли барча ҳудудларда Россия давлатининг ҳукмронлиги ўрнатилган (қ. *Туркистон вилояти*). Тошкент чор Россиясининг кейинроқ Туркистон хонликлари-ни босиб олиши учун таянч пунктга айлантирилган. 1866 й. авг.да Россия империясининг Тошкент Россия тобелигига олинганлиги ҳақида расмий фармони эълон қилинган. Тошкент ва унинг атрофлари янги ташкил этилган Сирдарё вилояти таркибига киритилган. Анҳорнинг чап соҳи-

лида рус маъмурлари ва ҳарбийлари учун европача услубдаги янги шаҳар қурила бошлаган (қ. *Янги шаҳар*). Янги шаҳар ҳудудида маъмурий идора ва маҳкамалар жойлаштирилган. Анҳорнинг ўнг соҳилидаги қад. Тошкент *Эски шаҳар* деб атала бошлаган. Бу ҳол ҳам мустамлакачилик тузумининг ёрқин белгиларидан бири эди. Бутун Туркистон ўлкасида бўлгани каби, Тошкентда ҳокимият рус ҳарбий маъмурияти томонидан амалга оширилди, шаҳарда ҳарбий губернатор томонидан тайинланган бошлиқ раҳбар эди (қ. *Шаҳар маҳкамаси*).

Янги саноат корхоналари, савдо-сотиқ идоралари ва маданий-маъмурий муассасалар шаҳарнинг янги қисмида жамланди. Эски шаҳар деярли қайта қурилмади. Туркистоннинг бошқа шаҳарлари сингари, Тошкентга ҳам Россиядан ерсиз деҳқонлар аста-секин кўчиб кела бошлади. Уларга энг яхши ерлар ажратиб берилди, улар бу ерда чор маъмуриятининг таянчи бўлиб қолди.

Чор маъмурлари Туркистонда ўз манфаатларини кўзлаб, жуда катта ҳудуддаги маҳаллий аҳолига, жумладан Тошкент аҳолисига нисбатан жабр-зулм ва ҳақсизликларни кучайтириб, мус-



Эски шаҳар кўчаси (тарихий сурат; 20-аср бошлари).

тамлакачилик сиёсатини олиб борди. 1892 й.да тошкентликлар мустамлака зулмига қарши, 1916 й. июлда чор ҳукуматининг мардикорликка олиш ҳақидаги фармониغا қарши кўзғолон кўтарди (қ. *Тошкент кўзғолони*).

1899 й. Закаспий т.й. Тошкентгача узайтирилди. 1906 й. эса Тошкентни Россия маркази б-н боғловчи энг яқин йўл – Оренбург–Тошкент т.й. қурилди. Тошкент асосий т.й. чорраҳаси, савдо ва транзит пунктига, Туркистон ўлкасининг маъмурий-сиёсий марказига айланди. Шаҳарда кичик саноат корхоналари, банклар юзага кела бош-



лади. 1885–95 й.ларда 28 янги саноат корхонаси пайдо бўлди, 20-а. бошларига келиб, саноат корхоналари сони 53 тага етди. Улар орасида 10 пахта тозалаш, 9 кўнчилик, 4 пиво пишириш, 3 чўян куйиш ва б. корхоналар бор эди. Турли савдо фирмалари, маданий муассасалар, ҳарбийлар ва бошқарув идоралари учун бинолар қурилиши бошланди. 1901 й. *қўнка* ишга туширилди. Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинishi б-н, албатта, биринчи навбатда, мустамлакачилик империясини мустаҳкамлаш мақсадида ўлканинг табиий бойликларини, унинг тарихий-маданий ўтмиши ва ҳоз. кунини ўрганиш ва тадқиқ қилиш жадаллашди. Тошкентда бир қанча тўғараклар, жамиятлар, жумладан Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги, Россия география жамиятининг Туркистон бўлими, Туркистон тиббиёт жамияти ва б.га асос солинди. Китоб босиш ва газета нашр этиш ишлари йўлга қўйилди. Илмий муассасалар (Тошкент астрономия расадхонаси, Туркистон қишлоқ хўжалик тажриба ст-яси) ташкил қилинди, шифохоналар ва дорихоналар очилди.

19-а. охири ва 20-а. бошларида бутун Туркистонда бўлгани каби, Тошкентда жадидчилик ҳаракати юзага келди. Илғор маҳаллий зиёлиларни бирлаштирган бу ҳаракат намояндалари чор Россиясининг мустамлакачилик, хусусан руслаштириш сиёсати моҳиятини англаб етдилар, жамиятни ислоҳ қилиш заруриятини тушундилар ва бу йўлда амалий ишлар олиб бордилар. Тошкентда жадидларнинг «Шўрои исломия», «Турон», «Шўрои уламо», «Иттифоқи муслимин» ташкилотлари фао-Кадет корпуси (тарихий сурат; 20-аср бошлари).

лият кўрсатди. Тошкент жадидлари тепасида *Мунавварқори* Абдурашидхонов, *А.Авлоний*, *У.Асадуллаҳўжаев* ва б. турдилар. Улар янги усулдаги мактаблар очиш, дарсликлар яратиш, театр гуруҳлари, маърифатчилик жамиятлари тузиш, газеталар нашр этиш ишига бошчилик қилишди. Тошкентда шундай мактаблардан биринчисини Мунавварқори Абдурашидхонов «Намуна» номи б-н ташкил этди. 1910 й.га келиб шундай мактабларнинг сони 11 тага етди. 20-а. бошида Тошкентда «Тараққий», «Хуршид», «Шухрат», «Осиё», «Тужожор» сингари илғор ғояларни илгари сурган газеталар нашр этилди (яна қ. *Тошкентдаги жадидчилик*).

Россияда Октябрь тўнтариши ҳақидаги хабар Тошкентга етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йўли б-н эгаллаш учун курашдилар. 1917 й. 28 окт. (10 ноябр)да Бош т.й. устaxonасининг маҳаллий миллатга мансуб бўлмаган ишчилари ҳамда аскарлар қўзғолон бошладилар. Улар т.й. депоси, товар омборлари, 1-Сибирь полки казармаларини ишғол қилдилар. Шаҳар маркази қўзғолончилар қўлига ўтди. 1 (14) ноябрда Тупроққўрғон ҳам ишғол қилингач, Тошкентда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Шу тариқа Тошкентда Россиядан бадарға қилинган большевиклар 1917 й. 1 (14) ноябрда т.й. мастеровойлари ёрдамида тўнтариш ўтказиб, ҳокимиятни эгалладилар.

1918 й.нинг 30 апр.идан бошлаб Тошкент Туркистон АССР пойтахти бўлиб қолди. Шу йилнинг июнь ойида Тошкентда большевикларнинг 1-ўлка съезди бўлиб ўтди. Бу съезд партия ташкилотла-



рини Туркистон Коммунистик партиясига ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш жараёнини ниҳоясига етказди. Туркистон (кейинчалик Ўзбекистон) Компартияси Россия (кейинчалик Совет Иттифоқи) Коммунистик (большевиклар) партиясининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Фуқаролар уруши йилларида (1918–20) Тошкент зўрлик б-н Туркистон миқёсида большевикларнинг зўравонликка асосланган тартибини қабул қилмаган кучларга қарши кураш марказига айлантирилди. Тошкентда Бутун Россия МИК ва РСФСР ХКС нинг Туркистон комиссияси иш олиб борди. 1924 й.да Ўзбекистон пойтахти Самарқандга кўчирилди. 1930 й.дан Тошкент яна пойтахт бўлди.

Тошкент доимо ўзбек миллатига хос саховат ва инсонпарварликнинг рамзи бўлиб келган. Шаҳар ўзининг боғ-роғлари, тўкинчилиги б-н машҳур. 20-а.нинг 20–30-й.ларида шўролар тузуми томонидан қ.х.да «ҳарбий коммунизм» сиёсати жорий этилиши натижасида ўз қишлоқларини ташлаб кетишга мажбур бўлган минг-минглаб жабрдийдалар Тошкентга келгачгина очлик туфайли муқаррар бўлган ўлимдан халос бўлдилар. Шу сабабли шаҳар очарчилик йилларида «Тошкент – нон шаҳри, ризқ-рўз шаҳри», деб ном чиқарди.

20-а.нинг 30–40 й.ларида Тошкентда металл-созлик, машинасозлик, электр энергетикаси ва нефть маҳсулотларидан тортиб, турли-туман енгил саноат ва тўқимачилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқарадиган завод ва фабрикалар барпо этилди. Бўзсув, Қодирия, Бўржар ГЭСлари қурилди. Тошкент Ўрта Осиёнинг маданият марказига ҳам айлана борди. 1918 й. 12 майда Тошкентда Мусулмон халқ дорилфунуни, унинг негизида Туркистон халқ ун-ти, 1919 й.да Туркистон ун-ти ташкил этилди. Мазкур ун-ти Ўрта Осиёда мутахассис кадрлар тайёрладиган энг катта илм маскани бўлиб қолди. Унинг асосида урушгача 16 олий ўқув юрти барпо этилди (қ. *Ўзбекистон миллий университети*).

Тошкентда саноат районларининг пайдо бўлиши шаҳарни янгидан қайта қуришни тақозо этди. 1939 й.да Тошкентни реконструкция қилиш биринчи бош плани ишлаб чиқилди. Унга асосан шаҳар шим.-шарқ ва жан.-



Янги шаҳар кўчаси (тарихий сурат; 20-аср бошлари).

ғарбга томон кенгайди (урушдан кейинги йилларда шаҳар бош плани бир неча бор қайта тузилди). Бош план асосида кўплаб турар жойлар, жамоат бинолари, болалар ва тиббиёт муассасалари қуриш бошланди. Транспорт магистраллари схемаси ишлаб чиқилди, боғлар, хиёбонлар, сунъий кўллар барпо этилди. 1939 й.да Тошкент ҳудуди 90 км² ни, аҳолиси 556 минг кишини ташкил этди. Совет ҳокимияти амалга оширган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар: индустрлаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш бутун республика сингари Тошкент ш.нинг ривожланишига ҳам салбий таъсир қилди. Шаҳар ўринсиз равишда моҳир тадбиркорларидан, энг яхши хўжалик юри-тувчиларидан маҳрум бўлди. 30–50-й.лардаги сталинча қатагонлар оқибатида Тошкент зиёлилари ҳам қатли ом қилинди. Улар орасида Тошкентда яшаб ижод этган Абдулла Қодирий, Боту, Усмон Носир, Чўлпон ва б. бор эди.

Туркистон эрлар гимназияси (тарихий сурат; 20-аср бошлари).



2-жаҳон урушининг дастлабки кунлариданоқ шаҳар саноати олдида муҳим ва шошилинич вазифалар пайдо бўлди. Шаҳар маҳаллий саноати ва хунармандчилик корхоналарининг асосий қисми армия учун зарур кийим-кечак тикишга мослашди. 1942 й.нинг бошларига келиб, Тошкент саноат корхоналарининг қарийб ярми тўлиқ ёки қисман ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. Шу б-н бирга, СССРнинг ғарбий фронтга яқин ҳудудларидан 50 дан ортиқ корхона қисқа муддат ичида шаҳар ҳудудига кўчириб келтирилди ва ишга туширилди. Бу корхоналар орасида В.Чкалов номидаги Москва авиация заводи, «Ростсельмаш», «Электрокабель» ва б. корхоналар бор эди. Ҳарбий аҳамиятга эга бўлган корхоналарни жойлаштириш учун 150 минг м² дан ортиқ и.ч. бинолари қурилди ва реконструкция қилинди. 1943 й. Тошкент саноати 1940 йилдагидан 3 барабар ортиқ маҳсулот берди.

Тошкент маҳнаткашларининг ташаббуси б-н қисқа муддат ичида Шимолий Тошкент канали қазиб тугалланди (1942 й. 5 майда ишга туширилди).

Уруш йилларида шаҳарда 20 га яқин госпиталь (7650 ўринли) ташкил этилди. Тошкентга кўчириб келтирилган болалар уйларини жойлаштириш учун шаҳарнинг энг яхши бинолари ажратиб берилди. Етим болалар алоҳида ҳисобга олинди, ўсмирлар фабрика-завод шогирдлик мактабларига, хунар ва т.й. билим юртларига юборилди. Шаҳар болаларга ёрдам кўрсатиш комиссияси шаҳар аҳолиси ўртасида маблағ тўплаш, болаларга кийим-кечаклар йиғиш ишларини олиб борди. Тошкент хотин-қизларининг чақирғига биноан, эвакуация қилинган болаларни асраб олиш бўйича оммавий ҳаракат бошланиб кетди, кўплаб оилалар бу чақирққа қўшилдилар (қ. *Шомаҳмудовлар оиласи*). Тошкент меҳнаткашлари уруш йиллари 300 минг кишини, шу жумладан 100 мингга яқин болани ўз бағрига олдилар.

Уруш йилларида Тошкентда СССР ФАнинг 375 йирик олим ва илмий ходимлари ишлади. 1943 й. 4 ноябрда Ўзбекистон ФА ташкил этилди. Тошкентда олий ўқув юртлари, шунингдек, Москвадан эвакуация қилинган геодезия, аэрофотосъёмка ва картография инженерлари, автомобиль йўллари қурилиши, архитектура, планлаштириш ин-тлари, Киев индустрия ин-ти ва б. ишлаб турди.

Тошкентда бошқа шаҳарлардан эвакуация қилинган машҳур композиторлар, ёзувчи, адабиётшунос, таржимонлар яшаб, ижод этдилар. Тош-

кентда яшаган машҳур меъморлар шаҳарнинг меъморий ривожига муайян таъсир кўрсатдилар. Навоий номидаги театр, Муқимий номидаги театр бинолари қурилиши бунга мисол бўла олади.

Тошкентликлар фронт майдонларида ҳам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Тошкентликлардан 13 киши Уруш Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди.

Урушдан сўнг Тошкент саноати, асосан, тинчлик даври эҳтиёжлари учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди. 1946–50 й.ларда барча машинасозлик корхоналари техник жиҳатдан қайта жиҳозланди, кенгайтирилди. 1950 й. саноат и.ч. ҳажми урушдан олдинги даврдагига нисбатан 2,9 марта ортди.

Тошкент ҳудуди анча кенгайиб, 1946 й. 130 км² ни ташкил этди. 1950-й.лар охири – 60-й.лар бошларида кўп қаватли янги турар жойлар, саноат зоналари барпо этила бошлади. Ободонлаштириш ишларига, водопровод, канализация тармоқларини қуришга бирмунча аҳамият берилди. 1947 й.дан шаҳар кўчаларида троллейбус қатнай бошлади. 1946–58 й.лар давомида 1 млн. м² дан ортиқ уй-жой қурилди.

1966 й. 26 апр.да Тошкентда юз берган zilзила натижасида шаҳар жиддий шикастланди. Зилзила оқибатлари қисқа муддат (3,5 й.)да тугатилди (қ. *Зилзила*). Шаҳар қиёфаси бутунлай ўзгарди. Боғ ва экинзорлар ўрнига кўплаб турар жой массивлари, жамоат бинолари қурилди (қ. *Меъморлик ва шаҳарсозлик*). Лекин улардан маҳаллий аҳолидан кўра кўпроқ «қурилиш баҳонасида» марказдан келганлар баҳраманд бўлишди.

1973 й. Тошкентда метрополитен қурилиши бошланди. 1977 й. 6 ноябрда унинг 1-йўлининг 1-қисми фойдаланишга топширилди (қ. *Метрополитен*).

Азим шаҳримиз Тошкентнинг шон-шухрати қанчалик юксак бўлмасин, Советлар тузуми даврида унинг мавқеи, ривожланиш суръатлари умуман йирик шаҳарлар даражасидан орқада қолмоқда эди. Шаҳарда уй-жой қурилиши суръати, касалхоналарда ўринлар сони талаб даражасида эмасди. Зилзиладан кейин қурилган кўп қаватли биноларнинг сифати бирдек талабга жавоб бермасди. Айниқса, пойтахтнинг Эски шаҳар қисми хўжалигида ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп эди. Шайхонтохур, Собир Раҳимов, Юнусобод туманлари меҳнаткашларининг марказий иссиқлик таъминоти, канализация, газ таъминотидан фойдаланиш имкониятлари чекланган эди. Кўпгина йирик корхоналар ва мавзелар маҳаллий иқлим

шароитлари, демография ва экология вазиятини ҳисобга олмай қурилганлиги сабабли аҳоли азият чекарди.

Тошкент саноати қанчалик ривожланмасин, умуман шаҳар ҳўжалиги собиқ марказдан ва б. ривожланган минтақалардан тайёр маҳсулот етказиб берилишига бутунлай қарам бўлиб қолган эди. Шўро давлати ҳукмронлиги шаҳардаги миллий қадриятларнинг йўқолишига, шаҳар қиёфасида шарқона кўринишларнинг нураб боришига ҳам олиб келмоқда эди. Давлатнинг мустамлакачилик сиёсати, айниқса, шаҳардаги туман, кўча, майдонлар ва б. объектлар номланишида, ҳайкаллар ўрнатилишида яққол намоён бўлмоқда эди.

1991 й. 31 авг.да Тошкентда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Ҳоз. Тошкент – Ўзбекистон Республикасининг пойтахти, сиёсий маркази. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, ижтимоий ҳаракат ва партияларнинг марказлари, чет эл элчихоналари, БМТга қарашли ташкилотлар ваколатхоналари жойлашган.

Тошкент – қадимдан тинчлик, дўстлик шаҳри бўлиб келган. Бу ерда ўтказилган ҳар қандай анжуман тинчлик, ижтимоий тараққиёт, дўстлик ва

ҳамкорлик, байналмилалчилик, демократизм руҳи б-н суғорилиши одат бўлиб қолган (қ. «Тошкент руҳи»).

1966 йил Ҳиндистон б-н Покистон раҳбарларининг Тошкентдаги учрашуви ва бу учрашувда улар бир битимга келиб, Тошкент декларацияси қабул қилиниши икки давлат – Покистон ва Ҳиндистон ўртасида тинчликка эришиш имконини берди. 1989 й.да Тошкент халқаро тинчлик йили тадбирларида фаол иштирок этганлиги туфайли Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарори б-н шаҳарга «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилди.

«Тошкент – Шарқ дарвозаси деб ном олган улкан сиёсий-иқтисодий, маънавий мавқега эга бўлган, фан, маданият, ижод, илм-зиё салоҳияти юксак равнақ топган, бутун жаҳон миқёсида тан олинган мамлакатимизнинг бош шаҳридир».

Ислом Қаримов.

Мустақиллик йилларида Тошкентнинг халқаро майдондаги нуфузи беқиёс ортди. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ўта муҳим ташқи сиёсий ва иқтисодий муносабатлар соҳасида энг мақбул йўллар Тошкентда топишга киришилган. Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий

Хотира майдони.



алоқалар вазирлиги ва б. давлат бошқарув органлари тузилди, дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди. Тошкентда 90 га яқин элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган (2009).

Тошкентда жаҳон мамлакатлари, БМТ ташкилотлари, МДХ ва Марказий Осиё давлатларининг турли муҳим мавзулардаги семинар, симпозиум ва қурултойлари ўтказиб турилади. Хусусан, Тошкентда минтақавий хавфсизлик бўйича бўлиб ўтган анжуман (1995 й. сентябрь), ядросиз ҳудуд масаласига доир халқаро саммит (1997 й. сентябрь), Президент И.Каримов ташаббуси б-н 1999 й. 18–20 июль кунлари Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича «б+2» гуруҳининг олий даражадаги учрашуви жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлди. Бу учрашувда қабул қилинган «Тошкент декларацияси»га БМТ Бош ассамблеяси томонидан инсоният тақдири ва келажагига дахлдор бўлган муҳим сиёсий ҳужжат мақоми берилди. Шу муносабат б-н БМТ Тошкентга яна бир бор «Тинчлик элчиси» шарафли унвонини берди.

Тошкентликлар дунёнинг кўпгина шаҳарлари б-н узвий дўстлик алоқалари ўрнатганлар. Тошкент Сиэтл (АҚШ), Тунис (Тунис), Патиала (Ҳиндистон), Карочи (Покистон), Триполи (Ливия), Марокаш (Марокаш), Скопье (Македония), Урумчи (ХРР) ва б. шаҳарлар б-н биродарлашган. Тошкент – биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерацияси аъзоси (қ. *Биродарлашган шаҳарлар*). Бу ерда ижтимоий тараққиёт, фан, техника, тиббиёт, маданият ва санъат масалаларига бағишланган анжуманлар мунтазам ўтказилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Тошкентда Ўзбекистоннинг бошқа вилоят ва шаҳарларида бўлгани каби бошқарувнинг тарихий-миллий шакли – ҳокимият ўрнатилди. 1991 й. 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Тошкентда *шаҳар ҳокими* лавозими жорий этилди (қ. *Тошкент шаҳар ҳокимияти*). Тошкентнинг Ўзбекистон мустақиллиги давридаги герби 1996 й.да тасдиқланган. 2003 й.да герб тасвирига қисман ўзгартиришлар киритилган (қ. *Тошкент герби*).

Тошкентда мустақиллик шарофатидан келиб чиқиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавият соҳасида туб ислоҳотлар қилина бошлади. Иқтисодий соҳасида бозор муносабатларига ўтилиши талаблари асосида бизнес, тадбиркорликни, хорижий

сармоялар киритишни рағбатлантириш, янги банк-кредит тизимини барпо этиш, мулкни хусусийлаштиришга доир бир қанча амалий тадбирлар кўрилди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар ишбилармонлари б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар, фирмалар очиш ривож топа бошлади.

Тошкент мамлакатнинг энг йирик саноат марказига айланган. Тошкент саноати тараққиёти илдизини узоқ тарихга эга бўлган хунармандчилик ташкил этади. Самарқанд, Бухоро, Қўқон ва б. шаҳарлар каби Т.да майда ва йирик хунармандчилик қадимдан ривож топган. Ҳақиқий маънодаги саноатнинг пайдо бўлиши 19-а.нинг 2-ярмига тўғри келади. Ўша вақтда пахта тозалаш, вино, арақ, консерва, пахта мойи з-длари пайдо бўлди (қ. *Саноатчи сармоядорлар*). Кейинги 100 йил давомида электроэнергетика, газ, нефть, кўмир, қора ва рангли металлургия, қ.х. машинасозлиги, кимё, цемент, қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат ва б. саноат тармоқлари шаклланди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Тошкент саноатида туб ислоҳотлар амалга оширилди, кўпгина тармоқлардаги саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилди ва хусусийлаштирилиб, давлат акциядорлик, корпоратив, жамоа, хусусий ва б. ташкилий-ҳуқуқий мулк шаклларига айлантирилди, кўплаб, кичик ва ўрта корхоналар ташкил топди (қ. *Кичик бизнес*).

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки йилларида шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида и.ч.-нинг пасайиши кузатилган бўлса, 1995 й.дан бошлаб ҳолат барқарорлашиб, саноат ўсиш йўлига кирди.

Мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг 14,7% Т. ҳиссасига тўғри келади. Пойтахт саноатида 16 дан зиёд асосий тармоғига мансуб 145 та йирик саноат корхонаси мавжуд. Саноат и.ч.да ёқилғи, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, енгил ва озиқ-овқат саноатлари етакчи ўринни эгаллайди. Тошкент саноат корхоналарида 2008 й.да 3473 млрд. сўмлик товар маҳсулотлари ва 1432,7 млрд. сўмлик халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Шаҳар саноатида пахтачилик учун қ.х. машиналари мажмуаси, мебеллар, станоклар, экскаватор, самолётлар ва б. халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилади. Мазкур тармоқларнинг энг замонавий технологиялар б-н қайта жиҳозлангани ва модернизация қилингани туфайли жаҳон бозорида харидоргир, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланмоқда.

2008 й. шаҳар умумий саноат маҳсулот ҳажмининг 92,3% нодавлат сектори корхоналари томонидан ишлаб чиқарилди. Ҳоз. кунда умумий шаҳар инвестициясининг 25,0% давлат мулкчилиги шаклидаги, мувофиқ равишда 75,0% нодавлат сектори корхоналарига тўғри келади. Ялпи ҳудудий маҳсулотда *кичик бизнес* ва хусусий тадбиркорлик улуши ортиб бормоқда. Тошкентда 100 дан зиёд хорижий мамлакат фирма ва компаниялар б-н ҳамкорликда фаолият юритаётган корхоналар сони 3160 тага етиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 2098,1 млрд. сўмдан ошди (2008).

2008 й.да саноат маҳсулотлари и.ч. 136,8% га ўсди, ташқи савдо айланмаси 6993,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди, экспорт ҳажми 3183,0 млн. АҚШ долларига етди, бу 2007 й.га нисбатан 122,6% ни ташкил этди.

Т.да ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотларига нафақат МДХ, балки бошқа хориж давлатларида ҳам талаб катта. Шаҳар саноат корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар: мис симлар Германия, Гонконг, Венгрияга, турли моделдаги тракторлар Хитой, Корея, Афғонистон, Сербия, пахта териш машиналари Африкадаги

мамлакатларга, пластмасса буюмлар Италия, Голландия, Болгария, Ливан, Литвага, пахта толаси Бельгия, Швейцария, Франция, Германия, АҚШ ва б. давлатларга экспорт қилинади.

Тошкент – Урта Осиёдаги энг йирик транспорт чорраҳаси. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга (қ. *Тошкент аэропорти*). Шаҳарда 2 т.й. вокзали, 2 аэровокзал, автовокзал, 5 автостанция ишлайди. Бу ердан Тошкент–Оренбург–Москва, Тошкент–Туркманбоши, Тошкент–Наманган–Андижон ва бошқа т.й. ўтган. Тошкент–Янгийўл, Тошкент–Хўжанд, Тошкент–Самарқанд, Тошкент–Бухоро, Тошкент–Гулистон йўналишида электр поездлари қатнайди. Тошкентдан МДХ мамлакатлари шаҳарларидан ташқари Лондон, Франкфурт-Майн, Тель-Авив, Жидда, Деҳли, Қарочи, Истанбул, Бангкок, Пекин, Урумчи, Нью-Йорк, Амстердам, Шаржа (БАА), Куала-Лумпур, Техрон, Афина, Дубай, Сянган ш.ларига мунтазам ҳаво йўллари, Ҳалаб, Сеул шаҳарлари, Осиё ва Европанинг кўпгина шаҳарларига чартер йўловчилар ташувчи рейслар ўтган. Шаҳардан бир неча муҳим автомобиль йўли бошланади. Уларнинг энг йириги – *Катта Ўзбекистон трaкти*. Тошкентда кичик ва катта ҳалқа автомобиль йўллари мавжуд. Шаҳар йўловчилари ички қатнови метрополитен,

Молия маркази.



троллейбус, автобус, трамвай, таксилар орқали амалга оширилади.

Шаҳар тарихий-меъморий ёдгорликларидан *Қафқол Шоший мақбараси* (10–16-а.лар), *Кўкалдош мадрасаси* (16-а.), *Бароқхон мадрасаси* (15–16-а.лар), *Хўжа Аламбардор мақбараси* (тахм. 10-а.), *Абулқосим мадрасаси* (19-а.), *Юнусхон мақбараси* (15-а. охири), *Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси* (15-а.), *Қалдирғочбий мақбараси* (15-а.нинг 1-ярми) ва б. сақланган.

Тошкентда кўп азиз-авлиёлар ўтишган. Шиб-лиота, Зангиота, Чўпонота, Иброҳимота, Саидота, Ваққосота, Қўйлиқота, Сузукота, Чилонзорота, Яланғочота шулар жумласидандир.

Тошкент қадим-қадимдан инсоният тафаккури хазинасига жуда катта улуш қўшган олиму фузалолар ватани ҳисобланади. *Қафқол Шоший, Абу Бакр Шоший, Шайх Умар Богистоний, Хожа Аҳрор Валий, Абу Сулаймон Банокатий, Ҳофиз Кўҳакий* каби буюк алломалар шу ҳудудда яшаб, Амир Темур шоҳқўчаси.



ижод этганлар. 20-а.да Тошкентда Ҳабиб Абдуллаев, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов, Саъди Сирожиддинов, Яҳё Ғуломов, Собир Юнусов, Восит Воҳидов, Ғани Мавлонов ва б. илм-фаннинг турли йўналишлари бўйича илмий мактаб яратдилар. Мустақиллик йилларида Тошкентнинг илмий салоҳияти кескин ошди. 30 дан ортиқ и.т. муассасаларини бирлаштирган *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси* пойтахтда фаолият кўрсатиб келмоқда. Халқ хўжалиги ва маданий ҳаётнинг тобора ортиб бораётган талабларидан орқада қолаётган и.т. институтлари тугатилиб, турмуш тақозо қилган янги ин-тлар очилди. Илм аҳли чет элдаги олимлар б-н мустаҳкам илмий-ижодий алоқалар ўрнатди.

Тошкентда мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги *Давлат ва жамият қурилиши академияси, Тиббиёт академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ислом университети, Миллий рассомлик ва дизайн институти*, шунингдек, Москва давлат ун-ти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ ун-тининг филиаллари, Тошкент Халқаро Вестминстер ун-ти, Тошкент ш.даги Сингапур менежментни ривожлантириш ин-ти, Тошкент ш.даги Турин политехника ун-ти ва б. олий ўқув юртлари ташкил этилди. Тошкент давлат ун-ти барпо этилиши юзасидан тарихий ҳақиқат тикланиб, Марказий Осиёдаги бу энг табаррук олий ўқув юртига «Миллий ун-т» мақоми берилди (қ. *Ўзбекистон миллий университети*).

Тошкентда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури изчил амалга оширилмоқда. Шаҳарда 289 умумий таълим мактаби, 37 академик лицей, 38 мусиқа ва спорт мактаблари, 79 касб-хунар коллежи, 29 олий ўқув юрти фаолият кўрсатмоқда (2009).

Тошкент ва Тошкент воҳаси Шарқ адабиёти-нинг қад. марказларидан. 14–16-а.ларда *Бадриддин Чочий*, Зайниддин *Восифий* Тошкентда яшаб ижод қилганлар. Кейинги йилларда шу заминдан Алмаий, Камий, Авлоний, Нозимахоним, Мирмуҳсин Шермуҳаммедов, Сидқий Хондайлиқий, Хислат, Мискин, Тавалло, Элбек каби ижодкорлар етишдилар. Тошкент адабий ҳаётида 20-а.нинг 20–30-й.ларида – Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Боту, Зиё Саид, Файратий, Ойдин, кейинги йилларда – Зулфия, Миртемир, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Шуҳрат, Раҳмат Файзий, Шукрулло, Ҳамид Фулом, Асқад Мухторнинг ўрни катта (қ. *Адабиёти*).

Тошкент том маънода санъат маскани ҳисобланади. Бу ердан етишиб чиққан *Тўйчи ҳофиз*, *Зокировлар*, *Ражабийлар*, *Шожалиловлар* сулолалари, Ўзбекистон халқ ҳофизлари Муҳаммаджон *Каримов*, Фахриддин Умаров, Очилхон Отахонов, Ўзбекистон халқ артистлари Ориф *Алимаҳсумов*, Турғун *Алиматов*, Маҳмуджон *Фафуров*, театр арбоблари Шукур *Бурҳонов*, Зикир *Муҳаммаджонов*, Ғани *Аъзамов* ва б. мамлакатимизда ифтихор б-н тилга олинади (қ. *Муסיқаси*, *Театри*).

Тошкентда маданий-маърифий муассасаларнинг кенг шохобчалари мавжуд. Шаҳарда 24 музей (*Ўзбекистон тарихи давлат музейи*, *Ўзбекистон давлат санъат музейи*, *Амалий санъат музейи*, Адабиёт, Ўзбекистон кино санъати, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейлари ва б. музейлар), 115 кутубхона, 9 концерт ташкилоти, 54 маданият уйи, 13 театр бор. Тошкент циркида 1940 й.дан бошлаб машҳур ўзбек дорбозлари – Тошканбоевлар сулоласи фаолият кўрсатиб келмоқда. Шаҳарда 12 маданият ва истироҳат боғи бор. Алишер Навоий номидаги *Ўзбекистон миллий боғи* бутунлай янгитдан барпо этилди. Боғнинг энг кўркем, баланд ерига халқимизнинг буюк шоири Алишер Навоийга муҳташам ҳайкал ўрнатилган.


Шўролар тузуми даврида шаҳар марказида «Инқилоб хиёбони» деб аталган боғ мустақилликдан сўнг «Амир Темур хиёбони» деб ўзгартирилди ва бу ерда соҳибқироннинг салобатли ҳайкали ўрнатилди. *Темурийлар тарихи давлат музейи* қурилди. Академиклар шаҳарчасида Мирзо Улуғбекка ҳайкал қўйилди. Шаҳарнинг кўркем жойларида Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Зулфияга ҳайкаллар ўрнатилди.

Ўзбекистон кўчаси.



Тошкентни *кўкаламзорлаштиришга*, умуман *ободонлаштиришга* катта аҳамият берилмоқда. Шаҳарнинг табиий муҳитини бузадиган корхоналар, ташкилотлар замонавий асбоб-ускуналар б-н

қайта жиҳозланди ёки шаҳардан ташқарига кўчирилди. Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши ишга туширилди. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, асосан 1995 й.дан бутун инфратузилмани комплекс ривожлантиришга киришилди. 1997 й.да 2015 й.гача бўлган Тошкент ш. Бош плани схемаси ишлаб чиқилди. Маҳаллалараро алоқаларни сақлаб қолиб, шаҳарнинг тарихан таркиб топган қисмини тубдан таъмирлаш ва ободонлаштириш йўлида катта ишлар қилинди. Жумладан, Эски шаҳарнинг Қорасарой, Сағбон, Форобий ва б. кўчалари кенгайтирилиб, қайта очилди. Бу кўчаларда транспорт қатнови яшиланди. *Катта ҳалқа йўли*, *Кичик ҳалқа йўли* лойиҳа асосида кенгайтирилиб, тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Фаргона йўли, шунингдек, Тошкентни Қозоғистон б-н боғловчи Келес кўприги ва б. қайта қурилди. «Туркистон» саройи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Республика биржа маркази, Республика кўчмас мулк




биржаси, *Болалар ижодиёти уйи*, *Ўзбек либослари галереяси*, *Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки*, *Халқаро бизнес маркази*, «*Интерконтиненталь Тошкент*» ва б. бир қанча меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, т.й. вокзали, «*Шаҳидлар хотираси*» хиёбони, *Хотира майдони*, *Олий Мажлис Қонунчилик палатаси* ва *Сенат бинолари*, *Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси*, *Ёшлар ижод саройи* ва б. иншоотлар фойдаланишга топширилди. «*Олой*», «*Эскижўва*», «*Фарҳод*», «*Бешёғоч*», «*Миробод*», «*Аския*», «*Отчопар*», «*Паркент*», «*Кўкча*» бозорлари қайта қурилди.

Шаҳар қиёфасининг шарқона тус олишига аҳамият берилмоқда. 1991 й. 1 сент.дан Тошкентдаги Марказий майдон *Мустақиллик майдони* деб аталди. Бу майдонда *Мустақиллик ва эзгулик монументи* ўрнатилди.

Тошкент ш.да кўплаб касалхона, поликлиника, дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Респуб-

лика аҳамиятидаги шошилич тиббий ёрдам, урология, кўз микрохирургияси, кардиология, жарроҳлик, онкология марказлари Тошкентда жой-

Ҳазрати Имом мажмуаси.



лашган. Шаҳарда санаторий, санаторий-профилакторий, дам олиш уйлари бор. Тошкент яқинида Тошкент минерал суви бальнеологик курорти жойлашган (қ. *Соғлиқни сақлаш*).

1994 й.да Тошкентда «Юнусобод» теннис саройи қурилиб, теннис бўйича катта халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Шаҳарда Республика Марказий ҳарбий спорт клуби (МҲСК), «Ўзбекистон», «Жар», «Универсал» ва б. спорт мажмуалари жойлашган. Бу спорт иншоотларида халқаро спорт талабларига жавоб берадиган, нуфузли халқаро спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Тошкентдаги «Пахтакор» ва «Бунёдкор» футбол жамоалари Осиё чемпионлар лигаси мусобақаларида қатнашмоқда. Ўзбек кураши бўйича Тошкентда икки бор жаҳон чемпионати ўтказилди. 2004 й. июль ойида тошкентлик Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳоннинг энг кучли шахматчиларини енгиб, Жаҳон чемпиони унвонини олиши ўзбек шахмат спортининг буюк ғалабасидир (яна қ. *Жисмоний тарбия ва спорт*).

Ўзбекистон мустақиллик йилларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги фармон (1998) ва қонун



(1999), «Обод маҳалла йили» дастури (2003) асосида Тошкент маҳаллалари ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди. Уларнинг фаолият доираси кенгайди. Маҳаллалар юридик шахс сифатида ўз мулкига, молиявий бюджетига, банкдаги ҳисоб рақами-жамғармасига эга бўлиб, раҳбарият (оқсоқол, котиб)нинг нуфузи ортди, вазифалари аниқ белгиланди. Маҳалла гузарлари ободонлаштирилди. Шаҳарда 450 дан зиёд фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – фуқаролар йиғини, маҳалла кўмитаси ишлайди (қ. *Маҳалла*).

Пойтахтда коммунал хўжалик тубдан ислоҳ қилинаётганлиги натижасида хусусий иморатлардан ҳам, кўп қаватли бинолардан ҳам фойдаланишда ўзгаришлар рўй берди. Турар жой мавзеларида аҳоли б-н шартнома асосида ишлайдиган хўжалик ҳисобидаги ширкатлар ташкил этилди. Шаҳарда коммунал хизматни яхшилаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Тошкент аҳолиси хонадонлари тўла газлаштирилган, уй-жойларни иситиш яхшиланган.

Тошкентда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда туб ислохотлар олиб борилмоқда. Шаҳарда 1992 й.дан мобиль алоқа хизматидан кенг фойдаланилади. Бугунги кунда пойтахтда дунёнинг етакчи алоқа компаниялари б-н ҳамкорликда тузилган трансмиллий корхоналар фаолият юритади (қ. *Телефон тармоқлари*).

Тошкентда 19 номда республика газ.лари, 2 вилоят газ. («Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда»), 2 шаҳар газ. («Тошкент оқшоми», «Вечерний Ташкент») нашр этилади. 67 номдаги журналнинг 62 таси Тошкентда чиқади. 4 та ахборот агентлиги фаолият кўрсатади. Ўзбекистондаги нашриётларнинг асосий қисми Тошкент шаҳридадир (қ. *Ноширлик*).

Ўзбекистон радиоэшиптиришларида «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг

Усмон мусҳафи ва у сақланадиган музей-кутубхона.



«Дўстлик» радиоканали шаҳар ва вилоят радиотингловчилари учун ҳар куни махсус эшиттиришлар беради. Шу қорхонанинг «Тошкент» телеканали Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолиси учун махсус кўрсатувлар тайёрлайди (қ. *Телевидение, Радиоэшиттириш*).

2007 й. январда Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (АЙСЕСКО)

Тошкентни Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилди. Шу муносабат б-н шаҳарда кенг кўламада бунёдкорлик ишлари авж олдирилди. Ҳазрати Имом мажмуаси тубдан қайта тикланди. Жумладан, *Ҳазрати Имом жоме масжиди* бунёд этилди. 16-а.нинг нодир тарихий обидаси – Мўйи Муборак мадрасаси тубдан қайта таъмирланиб, Усмон мусҳафи музей-кутубхонасига айлантирилди. Ушбу мўътабар масканда халифа Усмон даврида (644–656) кийик терисига кўчирилган қад. Қуръони карим (Усмон мусҳафи) сақланмоқда.

Бугунги кунда Тошкентда 120 дан зиёд масжид фаолият кўрсатади. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, диний бағрикенглик Тошкент аҳолисининг муҳим фазилатларидан бири-



Мамлакат пойтахти қиёфасини белгилашдаги асосий гоёлар Ислом Каримовга тегишли.


«Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келди. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун муслмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси – АЙСЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 й.да Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай эътирофнинг яна бир тасдиғидир».

Ислом Каримов.

дир. Пойтахтда Ислом дини б-н биргаликда бошқа кўпгина ноисломий диний конфессиялар мавжуд. Улар ҳеч қандай тўсиқларсиз эмин-эркин фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Тошкентда 100 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқ, ўзаро тинч-тотув яшамоқдалар, мамлакатда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка

эришишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Мустақилликка эришилган дастлабки кунларданоқ Тошкентда Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганлиги худди шу олийжаноб мақсадларга хизмат қилмоқда (қ. *Миллий-маданий марказлар*).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 й. 2 апр.даги «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига биноан мамлакат пойтахтида жуда катта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Тошкентнинг қад. Мингўрик шаҳар харо-



Тошкентда Наврӯз тантанаси.

басининг қолдиқлари консервация қилинди; Кўкалдош мадрасасининг кириш пештоқи ва олд қисми сатҳи, Сузукота мақбараси таъмирланди; «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурилишининг 2-навбати тугалланди; Ёшлар ижод саройи, Тошкент Ислом ун-тининг янги ўқув биноси қурилди; «Пахтакор» марказий стадиони тўла реконструкция қилинди; Амир Темура шохкўчаси, Абдулла Қодирий, Паркент, Шаҳрисабз, Тараққиёт кўчаларида кенг кўламда реконструкция ишлари олиб борилди, Тошкент ш. марказида энг мухташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройи қад кўтарди ва шаҳарнинг янги куранти қурилди.

Тошкент ш.да ўзгариш ва қурилишларнинг ташаббускори, аксарият иншоотларнинг муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовдир.

2009 й. 2–10 апр. кунлари ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Тошкент ш.нинг 2200 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди. 2009 й. 26–27 майда Тошкент ш.да «Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида туганган ўрни» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди. 2009 йил сентябрь ойида ЮНЕСКО иштирокида Тошкент ш.нинг 2200 йиллиги кенг нишонланади.

11

АББОСОВ Шуҳрат Солиҳович (1931.16.1) – кинорежиссёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ўзбекистон халқ артисти (1974). 1946 й.дан Т.да. Тошкент давлат т-р ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954), шу ин-тда проф. (1983 й.дан), кафедра мудири (1991 й.дан). М.Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма т-рида (Янгийўл ш.) бош реж. (1954–56). 1958–91 й.лар «Ўзбек-фильм»да реж. (1982–86 й.ларда директор). А. яратган «Маҳаллада дув-дув гап» (1960), «Сен етим эмассан» (1963), «Қалбингда қуёш» (1965), «Тошкент – нон шаҳри» (1967) фильмларида Тошкент ш.даги турли даврдаги воқеалар, тошкентликларнинг турмуш тарзлари, ўзига хос хислатлари ёрқин акс эттирилган. У, шунингдек, «Севги можароси» (1971), «Абу Райҳон Беруний» (1974), «Оловли йўллар» (17 қисмли телефильм, 1975–84), «Катта урушдаги кичик одам» (1989), «Отамдан қолган далалар» (М.Тўйчиев б-н, 1998) ва б. фильмлари б-н ҳам машҳур. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974). «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1994) б-н тақдирланган.

АБДУЛВАДУД КОТИБ, тўлиқ исми Абдулвадул ва б-н Хожабдулваси Шош и й (15–16-а.) – хаттот. Шош-

да туғилган. Валиаддин Абдуллох хатиб Табризийнинг «Мушкот ал-масобиҳ» асари (1336)ни чиройли насх хати б-н кўчирган (1540). Бу нусха 555 варақдан иборат бўлиб, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти кўлэзмалар фондида сақланади. А.К. араб, форс тилларини яхши билган, ўз ҳаёти давомида бир қанча китобатлар қилган.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ – қ. *Авлоний*.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ КЎЧАСИ – Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний ва «Ўрикзор» маҳаллари худудида, Бобур ва Ботир Бобоев кўчалари оралиғида жойлашган. Уз. 1 км га яқин. Драматург, журналист ва маърифатпарвар педагог Абдулла *Авлоний* хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1968 й. 9 сент.да (Местком кўчаси ўрнига) қўйилган. Йўналишда мазкур кўчанинг бир неча тор кўчалари ҳам мавжуд. Кўча йўналишида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Кўча бошланишининг рўпарасида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи жойлашган.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ МАҲАЛЛАСИ (Авлиёота кўч., 63) – Миробод туманидаги маҳалла. Миробод, Ойбек, Боғишамол, Янги Миробод маҳаллала-

ри б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган (Миробод маҳалласидан ажраб чиққан). Миробод маҳалласи худудида яшаб, ижод этган маърифатпарвар Абдулла *Авлоний* хотирасига шу ном б-н аталган. Аҳолиси 6000 киши (1810 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, руслар, шунингдек, 25 га яқин турли миллат вакиллари (ўзбек, тожик, арман, озарбайжон ва б.) яшайди. Маҳалла худудида 3 кўча, мактаб, болалар боғчаси, Миробод деҳқон бозори, «Дилкаш» кафеси, АЁҚШ, озик-овқат дўконлари ва б. жойлашган.

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ат-Термизий кўч., 64) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Ўрикзор» ва «Ракат» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ўзбек маърифатпарвари Абдулла *Авлоний* номига қўйилган. Аҳолиси 4856 киши (1564 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (рус, татар, тожик ва б.) яшайди. Маҳаллада 17 кўча, 20 кўп қаватли уйлар, мактаб, дўконлар, 3 новвойхона мавжуд.

АБДУЛЛА БУЛБУЛ Исо Ҳофиз ўғли (?–1916) – ўзбек созанда ва хонандаси. Т.да туғилган. Гижоак, дотор, танбур каби миллий чолғу асбобларида чалинадиган куйларнинг моҳир

ижрочиси сифатида танилиб, халқ орасида «Булбул» лақабини олган. Хушхонлиги ва созандалиги туфайли «Созанда ҳофиз» номи б-н ҳам танилган. А. Б. замонасининг илғор фикрли куйчиси. Навоий, Фузулий, Фурқат газалларини халқ орасида куйлаган. «Баёт», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Шаҳноза-Гулёр» каби мақом йўлларини Мадумар Ҳофиз талқинидаги эркин («Ёввойи») усулдан соз сулига ўтказган.

АБДУЛЛА ОРИПОВ – қ. *Орипов Абдулла*.

АБДУЛЛА ФОНУС (1828–1914) – ўзбек халқ қизичиси, тақлид устаси. Т.да туғилган. У фонус ясаб сотиш б-н тирикчилик қилган. Турли ёшдаги кишиларга, қуш ва ҳайвонларга тақлид этган. Унинг тақлидлари кўпинча аччиқ кулги, ҳажвдан иборат бўлган. Шу йўл б-н у турмушдаги ноҳақлик ва қусурларни, хурофотни ҳажв қилган.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР (1907.17.9–1969.25.5) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1967). 1925 й.дан Т.да. Ўрта Осиё давлат ун-ти ишчилар (1928) ва пед. ф-тларини (1934) тугатган. Респ. газета ва журн.ларида ишлаган. Ўздавнашрда муҳаррир ва таржимон (1935–53). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг раиси (1954–56). Ижоди шеърят б-н бошланган бўлсада, унинг адабий меъроси негизини насрий асарлар ташкил этади. Ҳикоялар («Бошсиз одам», 1929; «Ўғри», «Анор», 1936; «Кампирлар сим қоқди», «Асрор бобо», 1943; «Даҳшат», 1961; «Нурли чўққилар» 1966 ва б.), романлар («Сароб», 1934–38; «Қўшчинор чироқлари», 1951), қиссалар («Синчалак», 1958; «Ўтмишдан эртактлар», 1965; «Муҳаббат», 1968), пьеса-

лар («Шоҳи сўзана», 1949–50; «Оғриқ тишлар», 1954; «Тобутдан товуш», 1962, қайта ишланган нашри «Сўнгни н у с х а л а р», 1965; «Аяжонларим», 1967), адабий-танқидий ва публи-

цистик мақолалар, очерклар, фелъетонлар муаллифи. А. Қ. ёзувчи сифатида ўзбек тилининг бой имкониятларидан моҳирона фойдаланган. Насрий асарларида ҳам, комедияларида ҳам тилдан фойдаланиш ва она тилининг чексиз имкониятларини намойиш этишнинг ажойиб намуналарини берган ва ўз ижоди б-н ўзбек адабий тилининг камол топишига катта ҳисса қўшган. А.С.Пушкиннинг «Капитан қизи», Л.Н.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик» (Қ.Қаҳҳор ва б-н ҳамкорликда), Н.В.Гоголнинг «Ревизор», А.М.Горькийнинг «Менинг университетларим» асарларини, А.П.Чехов ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1966) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). Чигатой қабристонида дафн этилган.

Т.даги кўча, маҳалла, шунингдек, маданият уйи ва республика Сатира т-рига унинг номи берилган. Т.да *Абдулла Қаҳҳор уй-музеи* очилган (1987). 2007 й.да А.Қ. туғилганлигининг 100 йиллиги муносабати б-н Т.да Ўзбекистон миллий боғидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси олдида А.Қ.га ҳайкал ўрнатилган (ҳайкалтарош И.Жабборов).



Абдулла Қаҳҳор ҳайкали.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР КЎЧАСИ

– Яккасарой туманидаги Абдулла Қаҳҳор ва «Дамариқ» маҳаллалари ҳудудида, Шота Руставели ва Кичик халқа йўли оралиғида жойлашган. Уз. 2 км га яқин. Ўзбекистон халқ ёзувчиси *Абдулла Қаҳҳор* хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1991 й. 20 фев.да (собиқ Завод кўчаси ўрнига) қўйилган. Кўча йўналишида турар жой бинолари, Исроил элчихонаси, тиббиёт муассасалари, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, нотариал идора ҳамда корхона ва ташкилотлар жойлашган.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР МАҲАЛЛАСИ (Дамариқ тор кўч., 57^а-уй)

– Яккасарой туманидаги маҳалла. Бобур, Ҳамид Сулаймон, «Дамариқ», «Конституция», Усмон Носир маҳаллалари б-н чегарадош. 1890 й. «Губербоғ» деб номланган. 2-жаҳон уруши йилларида (1942) Т.га Россиядан э-длар кўчириб келтирилгани сабабли маҳалла номи ўзгартирилиб «Завод» маҳалласи деб аталган. 1985 й.дан ёзувчи *Абдулла Қаҳҳор* номида. Аҳолиси 4920 киши. Маҳалла ҳудудида 12 та кўча, 23 та кўп қаватли уйлар, спорт-соғломлаштириш мажмуаси бор. Маҳаллада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас *Умарбеков* яшаган.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР УЙ-МУЗЕЙИ (Юнус Ражабий кўч., 26/1) – адабий мемориал музей. 1958–68 й.ларда ёзувчи яшаган ва ишлаган уйда 1988 й. очилган. Уй-музей 4 та хона, айвон ва асосий кириш йўлагидан ташкил топган. Музей фондида 4498 экспонат бор (2009). Уларнинг ичида китоб, ҳужжат, магнитофон ёзувлари, қўлёзма, фотосуратлар бор. Экспозиция (мемориал қисми) 2 хонадан иборат бўлиб, унда ёзувчининг иш кабинети, кутубхонаси ва меҳмонхонаси акс эттирилган.

Музейнинг Абдулла Қаҳҳор ҳаёти, ижоди, мероси номли бўлимлари мавжуд. Унинг 1-бўлимида адиб ҳаётининг турли босқичлари, муҳим воқеалари ҳақида ҳикоя қилинади. 2-бўлимда адибнинг журналистик фаолияти ва ижодининг илк даврларига тегишли ҳикоя, фелъетонларнинг қўлёзмалари, улар эълон қилинган вақтли матбуот нашрлари қўйилган. 3-бўлим экспозициясидан адибга ҳурмат ва эҳтиром намунаси сифатида берилган тухфалар, мукофотлар (жумладан «Буюк хизматлари учун» ордени), диплом, эсдалик буюмлари жой олган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ (асосий тахал. Жулкунбой) (1894.4.10–1938.10.4) – ёзувчи. 20-а. янги ўзбек адабиётининг улкан намоёнчаси, ўзбек романчилигининг асосчиси. Т.да туғилган. Мусулмон мактабида (1904–06), рус-тузем мактабида (1908–12), Абулқосим шайх мадрасасида (1916–17) таълим олган. Москвадаги адабиёт курсида ўқиган (1925–26). Эски шаҳар озиқа қўмитасининг саркотиби (1918), «Озиқ ишлари» газ. муҳаррири (1919), Касабалар уюшмасининг саркотиби (1920), «Муштум» журн. асосчиларидан ва таҳрир ҳайъати аъзоси (1923–26).

Ижодий фаолиятининг бошланиши 1910-й.ларнинг ўрталарига тўғри келади. «Садои Туркистон» газетининг 1914 й. 1 апр. сонидан А. Қ. имзоси билан «Янги масжид ва мактаб» сарлавҳали хабар босилган. Шундан сўнг ёзувчининг «Тўй», «Аҳволимиз», «Миллатимга», «Фикр айлагил» каби шеърлари, «Бахтсиз куёв» драматси, «Жувонбоз» ҳикояси chop этилган (1914–15). А. Қ. ижодининг дастлабки намуналари бўлган бу асарлар миллатпарварлик руҳида ёзилган бўлиб, жадидчилик ғоялари билан суғорилган. Ёзувчи унда халқнинг забун ҳолидан кўйиб сўзлайди, миллатни уйғотишга даъват этади, фикрлашга чорлайди. А. Қ.нинг «Улоқда» ҳикояси (1916) аввалги асарлари билан тенглаштириб бўлмайдиган даражада юқори бўлиб, 20-а. тонгидаги ўзбек реалистик адабиётининг чўққиси, реалистик ҳикоянинг энг яхши намунаси ҳисобланади.

А. Қ.нинг публицистик чиқишлари аввало ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномасидир.

А. Қ. сатирик ҳикоялар туркуми («Тошпўлат тажанг нима дейди», «Калвак Маҳзумнинг хотира дафтарида»), романлар («Ўткан кунлар», 1926; «Меҳробдан чаён», 1929), қисса («Обид кетмон», 1935), пьеса («Бахтсиз куёв», 1915), публи-



Абдулла Қодирий ҳайкали.

цистик ва адабий-танқидий мақолалар муаллифи. «Тўла русча-ўзбекча луғат» (1934)ни тузишда иштирок этган. Гоголнинг «Уйланиш», А. П. Чеховнинг «Олчазор» асарларини, Фарб ёзувчиларининг сатирик ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.

1926 й. «Муштум»да босилган «Йиғинди гаплар» ҳикоясидаги танқидий мулоҳазалари учун «аксиланқилобий ҳаракат қилганлик»да айбланиб, қамоққа олинадди, турли бўҳтонлар билан судланади. Судда у мардона туриб, ўз шаънини ҳимоя қилади. «Обид кетмон» қиссаси ҳам шўро мафкурачиларига маъқул келмайди, кескин танқидга учрайди; «идеологик бузуқликлар ва хатолар»га тўла, «сиёсий тутуриқсиз» асар сифатида баҳоланади. Ёзувчининг тарихий романлари эса асосий пафоси – миллат тақдири, бирлиги, эл-юрт

қайғуси, мустақиллиги, шахс эрки, ижтимоий адолат учун кураш гоёлари б-н йўғрилганлиги туфайли ҳам хукмрон мафкурага зид асарлар бўлиб чиқди. Миллат руҳини ёрқин акс эттирган, халқнинг, ўзга миллат китобхонларининг севимли асарларига айланган бу романлар шўро даври сиёсати учун зарарли китоблар сифатида бот-бот қораланди. 30-й.лар ўрталарига келиб, бу машъум компания авжига чиқди. Ниҳоят, А. Қ. 1937 й. 31 дек. куни ҳибсга олинди. 9 ойлик қамоқдаги сўроқ-тергов, қийноқ, хўрликдан сўнг Чўлпон, Фитрат каби маслақдошлари б-н бирга қатл этилди. А. Қ. ҳибсга олинган, асарлари «зарарли» саналиб, ўтда ёқилди, кутубхоналардан йўқотилди, уларни ўқиш тақиқланди. Фақат 1991 й.да юртимиз ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнггина А. Қ.га юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатила бошланди. Китоблари қайта нашр этилди, қодирийшунослик шаклланди. Хорижлик олимлар ҳам А. Қ.га эътибор бердилар. А. Қ. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (1991), «Мустақиллик» ордени б-н тақдирланди (1994). Тошкент маданият ин-тига, Тошкентдаги маданият ва истироҳат боғига, Тошкент метрополитени бекатига, катта кўчалардан бирига, маҳалла, республикамиздаги кўплаб маданият муассасаларига унинг номи берилган.

1994 й.да А. Қ.нинг 100 йиллиги кенг нишонланди ва ёзувчи номи б-н юритиладиган маданият ва истироҳат боғида А. Қ.га ҳайкал ўрнатилди (ҳайк. Ж. Миртожиев).

Хўжа Аламбардор қабристонидида А.Қ.га рамзий ёдгорлик қўйилган.

«АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ»

– метро бекати, «Юнусобод» йўлида. Амир Темур шоҳкўчаси бўйлаб Абдулла Қодирий кўч. яқинида жойлашган. Атрофида Олой бозори, савдо дўконлари, Тошкент молия ин-тининг ф-ти

бор. 2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган. «Тошметролойиҳа» ин-тида лойиҳаланган (меъмори Ф.Музаффарова, муҳандислар: О.Зокиров, В.Журавлёв ва б.). Бекат қурилишида типовой йиғма темирбетон элементлардан фойдаланиш имкониятини берадиган янги конструктив схема қўлланган. Залитантанавор, маҳобатли шарқона устунли, деворларига Абдулла Қодирий асарлари асосида паннолар, бадиий шиша витражли манзаралар ишланган, ёзувчи асарларидан олинган иқтибослар араб шрифти услубида безатилган. Йўловчилар метро йўлакларидан тўғри Олой бозори савдо марказига чиқа оладилар.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ КЎЧАСИ

– Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Юнусобод, Мирзо Улуғбек ва Ҳамза туманларидан ўтади. Зарқайнар ва Нукус кўчалари оралиғида жойлашган. Уз. 5,6 км га яқин. Ўзбек адабиётининг йирик вакилларидан бири, ўзбек миллий романчилиги асосчиси *Абдулла Қодирий* номи б-н аталади. Кўчанинг «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги»



«Абдулла Қодирий» метро бекати.

деб номланган қисмига 1989 й. 14 фев.да, «А.Қаюмов» деб аталган қисмига эса 2008 й. 9 янв.да Абдулла Қодирий номи берилган. Кўча йўналишида шу номдаги маданият ва истироҳат боғи, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси, Республика ёш томошабинлар театри, Шайхонтоҳур тарихий обидаси, Ислом ун-ти, Республика Олий суди, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тиббиёт академияси, қатор банклар, савдо мажмуалари ва б. корхона-ташкилотлар ҳамда турар жой бинолари, «Ғафур Фулом», «Абдулла Қодирий», «Ҳамид Олимжон» метро бекатлари жойлашган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ МАҲАЛЛАСИ

(Зафарий 4-тор кўч., 24) – Учтепа туманидаги маҳалла. Бешқайрағоч мавзесида жойлашган. «Кўкча Оқтепа» ва Журжоний маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 1969 й. ташкил топган. Маҳалла худудида ёзувчи *Абдулла Қодирий*нинг қариндош-уруғлари, бир қанча маҳалладошлари истиқомат қиляётганлари сабабидан шу ном б-н аталган. Аҳолиси

3400 киши (514 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклардан ташкил топган. Маҳаллада 20 та кўча, болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони, новвойхона, до-рихона, «Абу Талха» жоме мас-жиди жойлашган.

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИ (Зарқайнар кўч., 6) – Т.нинг шим.-ғарбий қисми-да, Собир Раҳимов туманида, Себзор даҳаси, Эскижўва бозори ва Тошкент цирки ўртасида жойлашган. Умумий майд. 19,8 гектар. 1932–34 й.ларда ёшлар ташаббуси б-н бунёд этилган. Жойнинг тарихий номидан келиб чиқиб, халқ орасида «Жангоб» («Жанггоҳ») деб аталган. 1932–36 й.ларда Акмал Икромов, 1936–38 й.ларда Мирмуҳсин Шермухамедов номларида бўлган. 1939 й.да рус ёзувчиси А.С.Пушкин номи берилган, 1992 й.дан *Абдулла Қодирий* номида (Абдулла Қодирий боболарининг шаҳар ҳовлиси Жангобнинг шим.-ғарбий тарафида бўлган, ёзувчи шу жойда туғилган). Боғда чинор, қарагай, арча, тол, акация каби дарахтлар ўсади, ҳар йили гулзорларга 10 000 тупдан зиёд гул кўчатлари экилади.

Абдулла Қодирийнинг туғилганига 100 йил тўлиши муносабати б-н 2001 й.да тасдиқланган лойиҳа асосида (меъмори А.Наруцкая) боғда бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Боғдан ўтган ариқ ва сунъий чўмилиш ҳавзаси тош б-н безатилди, 2 та фаввора қурилди. Боғ ҳудудида эртақ қаҳрамонларига ҳайкаллар қўйилди. Майсазор ва гулзорлар барпо қилинди. Боғнинг Эскижўва бозори томонидан кираверишдаги майдонга ёзувчи ҳайкали ўрнатилди (2004 й., ҳайк. Жа-



Абдулла Қодирий кўчаси.

молиддин Миртожиёв). Боғ тўлиқ реконструкция қилиниб, 2005 й. авг.да қайта очилди.

Боғда очик томошагоҳ (амфитеатр), *планетарий*, 11 та аттракцион, кураш майдони, стол тенниси ва шахмат-шашка павильони, овқатланиш ва салқин ичимликлар б-н савдо қилиш шохобчалари бор. Боғда халқ сайиллари ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Боғдан «Чорсу» ва «Ғафур Фулом» метро бекатларига, Зарқайнар, Абдулла Қодирий ва Ғафур Фулом кўч.ларидаги автобус бекатларига чиқиш мумкин.

АБДУЛЛАЕВ Абдулҳақ Оқсоқолович (1918.30.12–2001.28.10) – рангасвир устаси. Ўзбекистон халқ рассоми (1968). Ўзбекистон БА фахрий аъзоси (1997). 1926 й.дан Т.да. Самарқанд бадиий билим юртида (1931–36) ва Москва бадиий ин-тида таълим олган (1938–41). И ж о д и н и манзара ва

портретлар чизиш б-н бошлаган («Ҳовуз бўйида», 1932 ва б.). Машҳур асарлари: портретлар – «Аброр Ҳидоятлов Отелло ролида» (1946), «Маннон Уйғур» (1946), «Ойбек» (1949), «Назарали Ниёзов» (1949), «Автопортрет» (1986) ва б.; манзаралар – «Ёмғирдан сўнг» (1954), «Баҳор келди» (1955), «Шафтоли гуллаганда» (1954), «Хумсонда» (1961) ва б.; натюрмортлар – «Олма» (1962), «Узум ва шафтоли», «Қовун б-н ҳандалак» ва б. 1957 й. Ҳиндистон сафари таассуротлари асосида бу ўлка манзаралари («Тонгда Тожмаҳал»), кишилари (И. Ганди, С. Кетчлу)ни этюд ва картиналарида акс эттирган. Асарлари Тошкентдаги Адабиёт музейида (1968), Ўзбе-

Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи.





А.Абдуллаев. «Буви ва невара» (1960).

кистон санъат музейида (1980–84) ва б. жойларда сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н тақдирланган (1998). Чигатой қабристонига дафн этилган.

АБДУЛЛАЕВ Лутфулла Абдуллаевич (1912.25.10–2000.2.10) – рангасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (1950). Самарқанд бадий билим юртида таълим олган (1930–35). Мирзачўлда ту-
Л.Абдуллаев. «Дўстлар учрашуви» (1961).



тилган. 1935 й.дан Т.да. Тошкент бадий билим юртида ўқитувчи (1935–37). Асарлари долзарб, мазмунли, гоёвий ва мураккаб сюжетли, жонли ва ёрқин образларга бой («Мулла Тўйчи Тошмухамедов портрети», 1938; «Дўстларнинг учрашуви» 1961 ва б.). Ҳажвий карикатуралари «Муштум» жур.да мунтазам босилган. 15 дан ортиқ китобларни бадий беаган: А. Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» тарихий романи (1961, рус тилида), Ойбекнинг «Болалик» (1963), Ф.Фулломнинг «Шум бола» (1964) қиссалари ва б. «Осиё устида бўрон», «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» ва б. фильмларга либослар эскизларини тайёрлаган. Ўзбекистон табиати акс этган манзаралар, плакатлар, портретлар ҳам яратган. Асарлари халқаро кўргазмаларда намоиш этилган. А.Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1995). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

АБДУЛЛАЕВ Самиғ Файзуллаевич (1917.25.10–1998.10.5) – мойбўёқчи рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Т.да туғилган. Тошкент бадий билим юрти (1938) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1960). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тамань ва Керчь я.о.ларида кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944). Ўзбекистон Рассом-

лар уюшмаси бошқаруви раиси (1945–55), Ўзбекистон давлат санъат музейи директори (1956–88). Асарларида табиат, инсон гўзаллиги, айниқса замондошлари, уруш қаҳрамонлари ўз аксини топган.

Портретлар («Автопортрет», 1945; «Резида», 1954; «Генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев», 1977; «Б. Бобоев», 1985 ва б.), манзаралар («Чирчиқ водийсида», 1977; «Баҳор», «Денгиз бўйида», 1979), натюрмортлар («Гуллар», 1966; «Тошкент мевалари», 1981; «Натюрморт», 1985 ва б.) яратган. «Тешиққопқа» қабристонига дафн этилган.

АБДУЛЛАЕВ Ҳабиб Муҳамедович (1912.31.8–1962.20.6) – геолог олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1947). Геология-минералогия фанлари д-ри (1946), проф. (1946). Ўш ш. яқинидаги Аравон қишлоғида туғилган. 1930 й.дан Т.да. Ўрта Осиё Индустриал ин-тини тугатган (1935). 1940 й.дан шу ин-тда доцент, директор. 1942 й.дан Ўзбекистон ҳукумати раисининг ўринбосари, 1944 й.дан айна вақтда Давлат план комиссияси раиси. 1947 й.дан Ўзбекистон ФА вице-президенти, айна вақтда Геология ин-ти директори ҳамда унинг петрология ва металлогения бўлими раҳбари (1947–52). Ўзбекистон ФА техника, геология-кимё фанлари бўлими раиси (1952–55), Ўзбекистон ҳукумати раиси ўринбосари (1955–56), Ўзбекистон ФА президенти (1956–62). Асосий илмий асарлари петрологиянинг назарий масалаларини ишлаб чиқиш, руда конларининг пайдо бўлиши, скарнлар ва улар б-н боғлиқ ҳолда руда ҳосил бўлиши ҳақидаги таълимотга бағишланган. А. ер қобиғида асосий



Ҳ.М.Абдуллаев қабри устига қўйилган ёдгорлик (ҳайк. Е.В.Вучетич).

фойдали қазилмаларнинг юзага келиш ва тарқалиш қонунияти назарияси муаллифи. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн этилган. Геология ва геофизика ин-ти биносига, Техника ун-ти геология-разведка ф-ти биносига ёдгорлик тахтаси ўрнатилган. Геология ва геофизика ин-ти қошида А. музейи ташкил этилган.

Геология ва геофизика ин-ти, метро бекати, Учтепа туманидаги маҳалла, Улуғбек шаҳарчасидаги кўча А. номи б-н аталган.

АБДУЛЛАЕВ МУЗЕЙИ (Н.Ҳожибоев кўч., 33) – Ўзбекистон ФА Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика ин-тида 1963 й. очилган. Фондида 200 дан ортиқ буюм ва ашё бор (2008). 2002 й.да Ҳ.Абдуллаевнинг 90 йиллик юбилейи муно-

сабати б-н қайта таъмирланган ва янги экспонатлар б-н бойитилган. Экспонатлар ичида Ҳ.М.Абдуллаевнинг шахсий буюмлари, ҳаёти ва фаолияти б-н боғлиқ хужжат ва фотосуратлар, нашр этилган асарлари, қўлёзмалари, Ўзбекистоннинг фойдали қазилмаларидан намуналар бор.

АБДУЛЛАХОН II, Абдулла ибн Искандархон (1534–1598) – Бухоро хони (1583–98). Шайбонийлардан. Отаси Кармана ҳокими бўлган. Шайбонийхон ўлими (1510)дан сўнг парчаланиб кетган мамлакат худудини қайта бирлаштириш учун бошқа шайбоний султонлар (Т. ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон), Самарқанд ҳокими Абдуллатифхон ва б.) б-н ёшлик чоғидан қаттиқ кураш олиб борган. Наврўз Аҳмадхон ва кейинчалик у вафот этгач (1556), ўғиллари *Дарвешхон* ва *Бобохон* (Бобо султон)ларга қарши узоқ муддат курашган. 1561 й. Мовароуннаҳр тахтига отаси Искандархонни ўтказиб, амалда (расман 1583 й.дан) давлатни ўзи идора этган. Т.ни эгаллаш учун 7 марта юриш қилиб, ниҳоят, Тошкент тахтини Дарвешхонга топширган (1579). Шу йили Бобо султон Т.га ҳужум қилиб, Дарвешхонни ўлдирган. А. II Бобо султонни яна жангда енгиб, Т.га кирган (1579 й. апр.). 1579 й. 8 майда Қорақамиш кўриғида макон тугган, Т. зиёратгоҳларига ташриф буюрган.

Бобо султон 1579 й. июнь ойида яна Т.ни эгаллаб олган ва А. II б-н сулҳ тузган.

Бироқ шу йили кўчманчилар Т. вилоятига ҳужум қилишганда, Бобо султон улар б-н сулҳ тузиб, уларга Ясси ва Сабронни суюрғол қилган, сўнгра кўчман-

чилар қўшини б-н Сирдарёдан ўтиб, А. II га тегишли вилоятларни чопқун қилишган. 1580 й. А. II юриш қилиб, 28 апр.да Т.нинг шарқ томонида бўлган Утрончи мавзеига кўнган, 2 кундан сўнг Элбеш кўлига (Т.нинг шарқий-шим.да) тушган. 9 майда у Қорақамиш кўриғи, 11 майда *Кайковус чорбоғида* яшаган. Шаҳар чор атрофдан қамал этилган. Бир ойлик қамалдан сўнг Т. эгаллангач, қалъа буржу девори бузилиб, бинолар вайрон қилинган. 1580 й. 19 июнда А. II Ширзо (Кўйлиқ ёнидаги қад. қишлоқ) томонга қайтишга фармон берган. 1582 й. 8 авг.да Таваккал султон Бобо султоннинг калласини А. II га келтирган. Тошкент вилояти ва Ўратепа Абдулқуддус (Дўстум) султонга (А. II нинг укаси) берилган (1582 й. 19 сент.).

А. II даврида мамлакатда кенг кўламда ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилган. Хусусан, Мирзачўлдаги сардоба, Т.даги *Кўкалдош мадрасаси* шу даврга оид.

АБДУЛЛАХЎЖАЕВА Малика Самадовна (1932.28.11) – патолог-анатом олима, Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистон Қаҳрамони (2006). Тиббиёт фанлари д-ри (1968), проф. (1970). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). ТошТИни тугатгач (1956), шу ин-т марказий и.т. лабораторияси мудири (1960–62), Ўзбекистон рентгенология, радиология ва онкология и.т. институтида лаб. мудири (1963–69), ТошТИ (1969–90), 2-ТошТИда патологик анатомия каф. мудири (1990–2000), айна вақтда Респ. патологик анатомия м-зи директори (1988 й.дан). Илмий ишлари, асосан, нерв системасининг иммунологияси, географик па-

тология ва тиббиёт тарихи масалаларига бағишланган. Ўзбекистонда тиббиёт соҳасидаги янги йўналиш – трансплантация иммунопатология асосчиси. Ўзбек ва рус тилларида чоп этилган биринчи патологик анатомия дарслиги (1997) муаллифи. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

АБДУЛЛОҲ АБУ АВОНА ШОШИЙ (?–899) – имом, муҳаддис. Шошда туғилган. Тарихчи Абу Саъд Самъоний Шошдан кўплаб имомлар етишиб чиққанлиги, А.А.А.Ш. шулар жумласидан эканлигини қайд этган. Буюк муҳаддис Имом Бухорий, Жарфар ибн Муҳаммад ал-Фиръбий ва б. ундан ҳадислар эшитганлар.

АБДУЛЛОҲ ИБН АЛ-ОДАМИЙ ШОШИЙ (10-а.) – муҳаддис. Шошда туғилган. Бобосининг исми Одам бўлгани боис унга «Одамий» нисбати берилган. Ҳадис илмини дастлаб ўз юртида Ҳабиб Муғира Шоший, Ҳомид ибн Довуд Шошийлардан ўрганган. Илм талабида Ироқ ва Ҳижоз ўлкаларига сафар қилган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг хабар беришича, А. ибн О.Ш. Шош воҳасида ҳадис илмини тарғиб қилган.

АБДУЛМАННОН КОТИБ Абдулваҳҳоб ўғли (1880–1945) – хаттот. Т.да туғилган. А.к. томонидан настаълиқ хати б-н кўчирилган 20 дан ортиқ қўлёзма Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади. Булар орасида Навоийнинг «Хамса» (1905) ва «Мажолис ун-нафоис» (1917), Мирзо Салимбекнинг «Кашкули Салимий» (1912), Биноийнинг «Боғи эрам» (1917), Афзал Пирмастийнинг «Афзал ут-тазкор» (1917) каби асарлари бор.

АБДУЛҲАҚ КОТИБ (1808–1886) – хаттот. Т.да туғилган. Бухорода таълим олиб қайтгач, ўз шаҳридаги мадрасада мударрис бўлган. 1881–84 й.ларда Арабистон, Миср мамлакатларига ва Истанбул ш.га саёҳат қилган. Таълиқ, риқоъ, сулс, настаълиқ хатларини яхши ўзлаштирган. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида у кўчирган ўндан ортиқ қўлёзма мавжуд.

АБДУРАИМОВ Биродар Ҳасанович (1943.14.5) – футболчи, мураббий. Т.да туғилган. «Пахтакор» футбол жамоасининг ҳужумчиси (1960–68, 1970–74), спорт устаси (1962), «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» (1994), «Ўзбекистон ифтихори» (2003) унвонларига сазовор бўлган. 1972 й.ги мавсумда 1-табақа рекордини ўрнатган (34 тўп). Расмий мусобақаларда жами 210 тўп киритган. А. раҳбарлигида (Р.Акрамов б-н бирга) Ўзбекистон миллий терма жамоаси Хиросима (Япония)да 12-Осиё ўйинлари чемпиони бўлган (1994). «Шуҳрат» медали б-н тақдирланган (1994).

АБДУРАУФ ФИТРАТ – қ. *Фитрат*.

АБДУРАУФ ФИТРАТ КЎЧАСИ – Миробод тумани худудидаги Фарғона йўли ва Абу Сулаймон Банокатий кўч. оралигида. Уз. 2 км. Ўзбек адабиётининг таниқли намояндаси *Фитрат* номи б-н аталади. 1990 й. 28 июнда Новий путь кўч. номи ўрнига қўйилган. Таркибида 5 та тор кўча мавжуд. Кўча йўналишида Миробод деҳқон бозорининг «Фарғона» шохобчаси, Қорасув канали, Тошкент трамвай-троллейбус бошқармасининг поликлиникаси, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган.

АБДУРАШИДХОНОВ Мунавварқори – қ. *Мунавварқори*.

АБДУҒАФУРОВ Абдурайим (1867–1950) – халқ устаси, Тошкент бадий чигарлик мактабининг намояндаси. Т.да туғилган. Биринчи бўлиб мато (бўз)га гул босишда рўян ўрнига ализарин ишлатган. Бухоро ва Қўқон усталиридан янги расмларнинг қолипларини, янги безак ва муҷассамотларни келтириб, маҳаллий чигарликка ижодий сингдирган. 1937 й.да Парижда ўтказилган Халқаро кўргазмада А.нинг асарлари юқори баҳо-

ланган. А. безаган дастурхон, кирпеч, чойшаб ва б. буюмлар респ. музейларида сақланмоқда.



А.Абдуғафуров.

АБЗАЛОВ Рем Абзалович (1914–1983) – 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Т.да туғилган. Ўқчи ротага командирлик қилган (1942–45). А.га Венгрияда, 1944 й.нинг окт. ойида Дунай бўйидаги Дунапатай р-ни учун бўлган жангларда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган. Урушдан сўнг Т.га қайтгач, туман ҳарбий комиссариатида (1945–60), Т. электротехника техникумида (1969) ишлаган. «Биродарлик қабристони»нинг Қаҳрамонлар хиёбонига дафн этилган.

АБУ АБДУЛЛОҲ ИЛОҚИЙ (асл исми Шарафуддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ал-Илоқий) (? – 1008) – ўрта асрларда яшаган машҳур

ҳаким, *Ибн Сино*нинг шогирдларидан бири. Илоқ воҳаси (ҳоз. Тошкент вилоятининг Оҳангарон дарёси атрофидаги ерлар)да туғилган (тахаллуси шундан олинган). Дастлабки маълумотни Шош (Тошкент) мадрасаларидан бирида олиб, сўнг ўз билимини такомиллаштириш учун дастлаб Бухорога, кейин Урганчга бориб таҳсил олган. Бу ерда у Ибн Сино б-н учрашган. Илоқий тиббиётдан ташқари фалсафа ва тарих б-н ҳам қизиққан. «Куллиёти тибби Илоқий» («Илоқийнинг табобат ҳақида рисола-лар тўплами») асарида тиббиёт тарихига оид маълумотлар берилган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО – қ. *Ибн Сино*.

АБУ АЛИ ШОШИЙ, тўлиқ исми Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Абу Али Шоший (?–956) – фақиҳ, шайх. Шошда туғилган. У Абу Ҳанифа мазҳабидаги фақиҳ бўлиб, Бағдодда яшаган, у ерда таълим олган; жамоанинг шайхи даражасига етишган. Устози Абулҳасан ал-Кархий фалаж (шол) бўлиб қолганида, таълим ҳамда ҳадис илмидан сабоқ беришни Абу Али Шошийга топширган.

АБУ БАКР ШОШИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Умар ал-Имом ал-Кабир (1038, Шош – 1114, Бағдод) – фикҳшунос. Фикҳ илмини Бағдодда Муҳаммад ибн Баён ал-Казрувий, Қози Абу Мансур ат-Тусий, Шайх Абу Муҳаммад ал-Жувайнийдан ўрганган. Шайх Абу Исҳоқ Шерозийнинг яқин шогирди бўлган, кейинчалик улуг имом (ал-Имом ал-кабир) даражасига етган ва Ислом фахри (Фахр ул-ислом) сифатида эл-юрт орасида шуҳрат қозонган. А.Б.Ш. Бағдоддаги «Низомия»

мадрасасида мударрислик қилиб, кўп шогирдлар етиштирган. Фикҳ илмига оид «Ҳилят ал-уламо фи мазохиби ал-фуқаҳо» («Фақиҳлар мазҳабларида олимлар зийнати») асари машҳур. Шунингдек, алломанинг фикҳшуносликка оид яна бир йирик асари «аш-Шофий» («Шифо берувчи») бўлиб, у араб олими ал-Музаний (791–878)нинг «ал-Мухтасар» («Қисқача») асари шарҳига оид. Ушбу шарҳ 20 жилддан иборат бўлиб, А.Б.Ш. уни 5 й. давомида ёзиб тугатган. Алломанинг «Аш-Шофия шохобчасининг устуни», «Талоққа оид масала» каби асарлари ҳам бўлган. А.Б.Ш. араб адабиёти, грамматикаси, шеърят ва тилшунослигини ҳам пухта эгаллаган. Бағдоддаги «Боб ул-Шероз» мақбарасига дафн этилган. **АБУ БАКР ҲОМИД ШОШИЙ**, Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Ҳомид Шоший (1007, Шош – 1092, Ҳирот) – имом, аллома, шайх. Шошда туғилган. Ўз юртида фикҳ илмини Абу Бакр ас-Санжийдан ўрганган. Тарихчи Абу Саъд Самъонийнинг ёзишича, А.Б. Ҳ.Ш. унинг бобоси Имом Абулмузаффар Самъонийнинг Марвдаги асхобларидан ва зоҳид, доимо илм б-н машғул бўлган. Фикҳ илмида «имом» даражасига етишган. Фазна султони уни саройга таклиф этган. Бу ерда олим оила қуриб, бола-чақали бўлган ҳамда асарлар ёзган. Сўнгра Низомулмулк уни Ҳиротга чорлаган. Ҳиротдаги «Низомия» мадрасасида мударрислик қилган. **АБУ НАСР ФОРОБИЙ** – қ. *Форобий*.

АБУ САИД ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШОШИЙ – қ. *Ҳайсам Кулайб Шоший*.

АБУ САЪИД ШОШИЙ (?–847) – муҳаддис. Шошда туғилган.

Арис (куёв) деб танилган. Кунyasi Абу Саъид. Илм излаб кўп юртларни кезган ва ҳадислар ривоят қилган. Бағдодда йирик фақиҳ Абдуллоҳ ибн Муборак, Убайдуллоҳ ибн Амр ар-Раққий нақл қилган ҳадисларни ёзиб олган. Кўплаб таниқли олимлар баъзи ҳадисларнинг санадини А.С.Ш.га боғлашган, у ишончли муҳаддис сифатида қайд этилган.

АБУ СУЛАЙМОН БАНОКАТИЙ – қ. *Банокатий*.

АБУЛЛАЙС НАСР ТУНКАТИЙ, тўлиқ исми Абуллайс Наср ибн ал-Ҳасан ибн Қосим ибн ал-Фазл аш-Шоший ат-Тункатий (1013–1093) – шайх, муҳаддис. *Илоқ* маркази Тункатда туғилган. Уни Абулфатҳ деб ҳам аташган. Илм талабида Миср, Мағриб, Тунис, хатто Андалус (Испания)га ҳам борган. Олим таниқли савдогар ҳам бўлган. У асосан буюк муҳаддис Имом Муслим ибн Ҳажжожнинг «Саҳиҳ ал-Муслим» китобидан сабоқ берган. Умрининг охири йилларида Нишопурда яшаб, у ердаги жоме масжидида қудуқ қазиб сув чиқазган ва б. хайрли ишларга бош-қош бўлган. Нишопурда вафот этган ва «ал-Ҳайрат» қабристонига дафн этилган. **АБУЛҚОСИМ МАДРАСАСИ** (Истиклол майдони) – Абулқосим эшон, Маъдихон қози, Янги маҳалла мадрасаси деб ҳам аталган. Ўрта Осиё меъморлиги анъаналарида қурилган. *Абулқосим эшон* 1850 й.да қурдирган, шу сабабли унинг номи б-н аталади. Бинонинг энг эски қисми – хонақоҳи Мўйи Муборак Абулқосимнинг отаси Эшон-тўраҳон томонидан 1820 й. бунёд этилган. Хонақоҳ ичидаги равоқли меҳроби тепасига ишланган китобасида араб тилида шундай ёзув битилган: «Бу арк

каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор». А. м. дастлаб бир қаватли бўлган. Ўзига туташган масжид ва ҳаммом б-н бирга қад. Бешёғоч даҳасидаги маҳалла гузарини ташкил қилган. 1864 й. ҳовли қисмида иккинчи қавати қурилган.

Бинони безашда асосий эътибор бош тарзига қаратилган. У чорси пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб, шарққа қаратиб қурилган. Бош тарзининг ўрта қисмида мадраса девори сиртидан 1,82 м бўрттириб чиқариб, бал. 16 м ли пештоқ ишланган. Унинг икки ёнида гулдаста минора қад кўтариб, уларнинг тепа қисмида 16–17-а.га хос мезана бор. Пештоқнинг олд ва ён томонлари (то даҳана асосигача) ва деворнинг кунгурадор қисми чорси пишиқ ғиштдан текис қилиб ишланган. Унинг юқори қисми эса шарафа ҳамда китоба б-н безатилган.

Мадраса дарвозасидан кираверишдаги чап ва ўнг томонда дарсхоналар бўлган. Ҳовлининг чап томонида ҳаммомга ва ўнг томонида Абулқосим эшон ҳовлисига олиб чиқувчи йўлакчалар бўлган. Ҳовли ўртасида сардоба, тўрда эса Мўйи Муборак хонақоҳи (6,1х6,1 м) жойлашган. Абулқосим мадрасаси.

Мадраса чортоқ тарҳли (55х46 м), ҳовлиси (22х28 м), атрофида миёнсарой, дарсхона ва хонақоҳлардан ташқари шаҳар ташқарисидан келиб ўқийдиган талабаларга мўлжалланган 60 дан ортиқ хужралари бўлган.

А. м.да *Абдулла Қодирий*, *Мунавварқори* Абдурашидхонов, *Ғулом Зафарий* ва *Абдурауф Фитрат* маълум вақт таҳсил олганлар.

1919 й.да барча диний ташкилотлар қаторида мадраса ҳам ёпилган. Мадраса олдидаги ҳовуз ва мадрасанинг ўнг томонидаги ҳаммом 1940 й.да, чап тарафидаги устунли масжид 1981 й.да бузилган. 1946 й.да рўй берган кучли Чатқол zilзиласи А. м.ни қаттиқ шикастлантирди. 1974 й. мадрасага Тошкент қўғирчоқ ф-касининг филиали жойлаштирилди. Натижада бино таниб бўлмас даражада хароба ҳолга келиб қолди.

А. м. 1982–87 й.лар давомида қайта таъмирланди. 1983 й.дан мадрасада Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамиятининг Тошкент бўлими, 1996 й.дан Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармасининг Тошкент ш. бўлими ва унинг халқ

амалий санъатида ихтисослаштирилган Устоз-шогирд йўналишидаги мактаби жойлашган.

АБУЛҚОСИМ ЭШОН ибн Эшонтўраҳон (?–1892) – дин арбоби, Тошкентнинг машҳур эшонларидан, шайх. Т.да туғилган. Отаси Эшонтўраҳон нафақат Т., балки бутун Қўқон хонлиги ҳудудида катта нуфузга эга бўлган. Рус тадқиқотчилари (В.Н.Наливкин, Н.Ликошин, Н.П.Остроумов ва б.) А.э. замонасининг ақлли, зукко, билимли инсонларидан бири эканлигини эътироф этишган. А.э. ўз маблағига мадраса бунёд этган (қ. *Абулқосим мадрасаси*).

1892 й. Т.да вабо касаллиги аломатлари кўриниб, Эски шаҳар аҳолисига нисбатан шаҳар маъмурлари кескин чоралар кўрган чоғда (қ. *Тошкент қўзғолони, 1892*), эшон генерал-губернатор ҳузурига бориб, халқнинг манфаатларини ҳимоя қилган ва Эски шаҳарни тўпга тутилишдан сақлаб қолган. Ўзи қурдирган мадраса ва Янги маҳаллага Эски шаҳар аҳолисини тўплаб, халқ бошига тушган балони ўзига олганлигини эълон қилган. Эртаси куни, 4 июлда А.э. вафот этган.

АБУЛҲАСАН ҚОСИМ ШОШИЙ (10-а.) – аллома. Шошда туғилган. *Қафқол Шоший*нинг ўғли. Тарихий манбаларда дунёдаги улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. Унинг 10 ж.ли «Ат-Тақриб фил-фуруъ» («Фуруъга яқинлашиш») асари фикҳ илмида алоҳида ўрин эгаллайди. Тарихчи Ибн Халликоннинг ёзишича, «Бу асар шофиий мазҳабидаги мўтабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида шу китоб бўлса, бошқасининг хожати йўқдир». Исломуноликда турли фикҳий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишда А.



Қ.Ш.нинг «Ат-Тақриб» асари муҳим аҳамият касб этади.

АВАЙХОН МАҲАЛЛАСИ (Қорасув-6 даҳаси, Гёте кўч., 8-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Навоий, «Наврўз», «Янги Авайхон», «Олтинтепа-5», «Олтинтепа-10» маҳаллалари б-н чегарадош. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 18-а. 2-ярмидаги қозоқлар хони Аблайхон номидан олинган бўлиши мумкин. Аҳолиси 8250 киши бўлиб, турли миллат вакилларида иборат. Маҳалла ҳудудида *Авайхон қабристон*и мавжуд.

АВАЙХОН ҚАБРИСТОНИ (Мирзо Улуғбек тумани Қорасув кўч., 88) – *Авайхон маҳалласи*даги қабристон. Майд. – 1,14 гектар. 1880 й.дан мавжуд. Қабристон қошида Авайхон жоме масжиди бор.

АВАРИЯ ХИЗМАТИ – Т.даги газ тармоқлари, водопровод, электр ёритиш тармоқлари, шунингдек, йўл-кўприк хўжаликларидаги шикастларни ва лифтларни тузатиш учун ташкил қилинган. Газ тармоқларидаги шикастларни «Тошгаз» АЖнинг Марказий авария-тиклаш ишлари идораси тузатади. Уй ичидаги бузилган электр ёритиш тармоғини кундуз кунини уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ташқаридаги бузилган тунги электр ёритиш тармоғини «Тошшаҳарнур» идорасининг А.х. тузатади. Шикастланган электр кабелларни «Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» ОАЖ (ТашгорПЭС) кабель тармоғи марказий диспетчерлик хизматининг махсус авария бригадаси бажаради. Канализация ва водопровод, иссиқ сув тармоғидаги шикастларни «Сув оқава», «Сувсоз» АЖ, «Тошкент иссиқлик тармоқлари» компаниясининг марказий авария диспетчерлик хизмати,

лифтдагиларни эса «Лифттаъмирлашйиғиш» ва «Лифтсервис» корхоналари тузатади. Иситиш тизими, водопровод, канализация ва уй-жойларни ёритиш тармоқларидаги шикастларни кечқурун ва тунда шошилишч ремонт қилиш учун Т.нинг ҳар бир туманида тегишли туман А.х. ташкил этилган.

АВЕЗОВ Мухтор Умархонович (1897.28.9–1961.27.6) – қозоқ ёзувчиси, олим. Қозоғистон ФА акад. (1946). 20-а.нинг 20-й.ларида Т.да яшаган ва бу ердаги Урта Осиё давлат ун-ти аспирантурасида ўқиган (1928). Машхур ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирий романларидан кучли илҳомланган. 1920–30 й.ларда Т.да қозоқ тилида нашр этилган адабий-бадиий, ижтимоий-сиёсий «Чўлпон» журнали б-н ҳамкорлик қилган. А. Тошкентдалиги вақтида ушбу журналда унинг «Кундошлар» пьесаси, ҳикоялари ва бир қанча мақолалари босилган. А.нинг «Абай», «Абай йўли» эпопеяси (ўзбек тилига таржима қилинган), яна бир қанча романлари («Равнақ», «Оғир синов») ўз даврида юксак баҳога сазовор бўлган. А.нинг драматик асарлари қозоқ драматургиясининг ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

А. туркий халқлар адабиёти тарихини теран тадқиқ этувчи кўплаб мақолалар яратди. «Эл Тарғин», «Алпомиш», «Манас» дostonларини тадқиқ этди. Умрининг охириги йилларини шўро мафкурачиларининг оғир тазйиқи ва таъқиби остида ўтказишга мажбур бўлди. Тошкент ш. Бектемир тумани «Абай» маҳалласидаги кўча А. номи б-н аталади.

АВИАСОЗЛАР ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Шолохов кўчаси, 1) – очик турдаги акциядорлик жамияти. 1987 й.да Авиасозлар шаҳарча-

сида янги типдаги бозор сифатида очилган. 1999 й.да «Тошшаҳарлойиҳа» ин-ти лойиҳаси асосида реконструкция қилинган. 2003 й.да 256 та ва 2005 й.да 108 та ноозиқовқат маҳсулотлари сотишга ихтисослашган савдо дўконлари қурилган. Умумий майд. 54514 м². Савдо ўринлари сони 2161, шу жумладан қ.х. маҳсулотлари сотиш учун ажратилган савдо ўринлари сони 1868 та. Бозор ҳудудида хўжалик моллари, саноат моллари, озиқ-овқат моллари дўконлари жойлашган. 9 та шохобчаси: «Паркент» (Паркент кўчаси-74), «Янгиобод» (Оҳангарон кўчаси), «Гулбоғ» (Алимкент 1-тор кўчаси), «Уйсозлар» (Қурувчилар кўчаси), «Машинасозлар» (Боткин кўчаси), «Роҳат» (Оҳангарон кўчаси), «Мухтор Ашрафий» (М.Ашрафий кўчаси), «Пулемас даҳаси», «Паркент ҳалқа йўли» (Катта ҳалқа йўли) мавжуд.

АВИАСОЗЛАР КЎЧАСИ – Ҳамза туманидаги асосий кўчалардан бири. 1970 й.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб С.Қадишев номи б-н юритилган. 2008 й. 2 сент.дан ҳоз. номда. Асосан, авиасозларга қарашли маъмурий ва турар жой бинолари мавжудлиги учун шу ном берилган. Уз. 3 км. 2-Қорасув ва Зумрад кўчалари оралиғида жойлашган. А.к. орқали Қорасув, Бирлашган, Шолохов кўчаларига чиқиш мумкин. Таркибида 4 та тор кўча бор. Кўча йўналишида Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси, Авиасозлар деҳқон бозори ва унинг «Гулбоғ» шохобчаси, Авиасозлар маданият ва техника саройи, Спорт мажмуаси, бошбекат, кўп қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар, савдо мажмуалари ва турли сервис хизматлари жойлашган.



Авиасозлар маданият ва техника саройи.

АВИАСОЗЛАР МАДАНИЯТ ВА ТЕХНИКА САРОЙИ (Қорасув кўч., 2-квартал, 1) – 1980 й. қурилган (меъморлари: Ф.Ашрафий, А.И.Онищенко, Р.З.Тахтаганов, М.Х.Воҳидов, Ю.В.Коростелёв, муҳандислари: Р.Х.Насриддинов, А.Г. Толипов). Саройнинг марказий кириш эшиклари пештоқиға «Икар» композицияси ишланган (ҳайк. А.Осепян, Р.Двакян). Вестибюль, фойе, кўрғазма заллари ва ёрдамчи хоналар бир-бири б-н уйғунлашиб кетган. Вестибюлдаги бўртма керамик намён (рас. И.Аблаев), «Санъат» мозаикаси (рас. М.Калагов) ва жимжимадор қандиллар ички кўринишга жозиба бағишлайди. Залда (1500 ўринли) оркестр ўрни, буриладиган доирасимон ва ҳалқали саҳна бор; зал кинопроекция техникаси ва б. саҳнани ёритиш қурилмалари б-н жиҳозланган. Унда 450 ўринга мўлжалланган балкон ва ложалар мавжуд.



«Ёшлик», «Илҳом», «Жар-птица», «Грация» рақс-спорт клублари, «Шудринг томчилари» балет студияси, «Paradise» модалар театри, «Калинушка» рус халқ рақс ансамбли,

«Само» ўзбек халқ рақс ансамбли, «Кванток» корейс халқ ансамбли фаолият кўрсатади. Саройда «Поиск» изостудияси, бадий рассомчилик устахонаси, сартарошлар тайёрлаш курси ва б. ишлаб турибди.

«АВИАСОЗЛАР» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув кўч., 17) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Махмур, Бобур ва Ҳамза маҳаллалари б-н чега-радош. 1992 й. ташкил топган. Маҳалла номи 1946 й. Россиядан авиация з-дининг Т.га кўчириб келиниши б-н боғлиқ. Маҳалла худудида, асосан, шу касб эгалари учун кўп қаватли уйлар қурилган. Аҳолиси 8931 киши бўлиб, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (ўзбек, рус, қozoқ, корейс ва б.)дан иборат. Маҳалла худудида мактаб, 30-меҳрибонлик уйи, 103-махсус интернат мактаб, 3 та болалар боғчаси, стоматология м-зи, стадион, до-рихона ва б. мавжуд.

Авиасозлар даҳасидаги спорт мажмуаси.

АВИАСОЗЛАР ДАҲАСИ – Ҳамза туманидаги даҳа. 2009 й. 21 апр.да Лисунов даҳаси ўрнига қўйилган. Оҳангарон кўч. б-н Қорасув ва Иззат кўч. оралиғида. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1966 й. бошланган. Лойиҳа муаллифлари: Л.Бурштейн, М.Воробьёва, М.Дадамұхамедова, Н.Никифоров ва бошқалар. А.д.даги турар жойлар, асосан, 4–5 қаватли бинолардан иборат. Оҳангарон ва Қорасув кўч. бўйлаб 9 қаватли бинолар ҳам қурилган. Шаҳарча тўла қуриб бўлиниб, з-д олдидаги майдондан бошлаб бутун ҳудуд бўйлаб, хиёбонлар, майдонлар ва боғларнинг ягона яшил тизими барпо қилинган. Турар жой массивининг м-зи Қорасув кўч. б-н кесишган ерда жойлашган, бу ерда меҳмонхона, Авиасозлар маданият ва техника саройи, савдо шохобчалари бор. А.д.да 2002 й.дан бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, *Авиасозлар деҳқон бозори* қайта қурилди, замонавий теннис корти ва спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

АВИАЦИЯ ЗАВОДИ – қ. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси.

АВЛОНИЙ Абдулла (1878.12.7–1934.24.8) – маърифатпарвар, журналист, давлат ва жамоат арбоби. Т.да туғилган. 1906 й.дан шеърлари б-н матбуотда қатнаша бошлаган. 1906 й. «Тараққий», 1907 й. ўз уйида (Тошкентда) «Шухрат» газ.ларини чиқарган. Бу газ.лар ёпиб қўйилгач, 1908 й. яширин равишда «Осиё» газ.ни нашр этди. Тошкент ш.нинг Миробод маҳалласида янги усул мактаби очиб (1908), ўзи она тили ва адабиётдан дарс берган. 1909 й. «Жамияти хайрия» тузиб, етим болаларни ўқитган. Шундан кейин

Т.нинг Дегрез маҳалласида икки синфли мактаб очган (1912). А. янги мактаблар учун қўлланма ва ўқиш китоблари ёзиб нашр қилдирган [мас., «Биринчи муаллим», 1911; «Иккинчи муаллим», 1912; «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», 1913; 4 жуз (қисм)ли «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» тўплами, 1909–15; «Мактаб гулистони», 1915; «Мардикорлар ашуласи», 1917 ва б.]. *Мунавварқори*, Тавалло, Рустамбек Юсуфбеков, Шокиржон Раҳимий ва б. маърифатпарлар б-н биргаликда «Нашриёт» (1914), «Мактаб» (1916) китоб нашр қилиш ширкатларини ташкил этган. 1913 й. «Туркистон» номи театр труппасини ташкил этишда ва унинг ишида фаол қатнашган. 1917 й. «Турон» газети нашр қилган. А. «Иштирокиюн» газ. ташкилотчиси ва муҳаррири. 1919–20-й.ларда Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги сиёсий вакили ва консули. «Касабачилик ҳаракати» журн. бош муҳаррири (1921). Эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртлари (инпрослар)да мудир (1923–24), Т. ҳарбий мактабида ўқитувчи (1924–29). 1930–34 й.ларда Ўрта Осиё ун-ти тил ва адабиёт каф. мудири, проф. Шу даврда ўзбек мактабларининг 7-синфи учун «Адабиёт хрестоматияси» тuzиб, нашр эттирган (1933). А.нинг шеърӣ тўпламлари, драматик асарлари нашр этилган. У танқидий ва илмий мақолалар, 4000 мисрадан ортиқ шеър ижод қилган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий ин-ти А. номи б-н аталади. *Авлоний ёдгорлик музейи* очилган.



Абдулла Авлоний.

АВЛОНИЙ ЁДГОРЛИК МУЗЕЙИ (Зиё кўч., 6) – дастлаб 1968 й. ташкил этилган. Бу уйда 1910–34 й.ларда А. *Авлоний* яшаган. Ўзбекистон китобсеварлар жамияти ташаббуси б-н 1988 й. дек.да Авлоний уй-музейи номи б-н расмий равишда очилган. Кейинчалик музей А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий ин-ти биносига кўчирилган ва 1993 й. 26 дек.да Авлоний ёдгорлик музейи номи б-н очилган. Музейда жами 682 та экспонат бор. Музей ёдгорлик ва адабий бўлимлардан иборат. Ёдгорлик бўлимида Авлоний яшаган турмуш шароити, шахсий буюмлари, ўзбек ҳамда рус тилларидаги китоблар сақланмоқда. Адабий бўлимда Авлонийнинг педагогик, маърифатпарварлик, журналистик, т-р ва адабиёт соҳасидаги ҳамда ижтимоий фаолияти б-н боғлиқ фотосурат, ҳужжатлар, китоб ва журналлар мавжуд.

АВТОБОШБЕКАТ – автобуслар йўналишларининг бошланиш жойи. Уларда, одатда, диспетчерлик пунктлари (нозимхоналар) ҳам жойлашган бўлади ва транспорт ҳаракати бошқариб турилади, йўловчилар, ҳайдов-

чиларга хизмат кўрсатувчи хоналар мавжуд. Шаҳарда 70 та бошбекат бор. Улар метро бекатлари, аэро ва т.й. вокзаллари, бозорлар, йирик корхоналар, олий ўқув юртлари, аҳоли гавжум яшайдиган турар жойлар яқинида жойлашган. Ҳар бир А. муайян автопарк, автоколонна, автокорхона, трамвай депоси ва б. транспорт ташкилоти назоратида ишлайди. Барча А. ва сўнги бекатларга умумий ҳисобда 162 та автобус, трамвай, троллейбус йўналишлари ва 160 та хусусий ташувчилар хизмат кўрсатадиган йўналишлар бириктирилган (2008). А. ва сўнги бекатларда ҳаракат жадвалларининг бажарилишини назорат этиш ва ҳисоблаб бориш вазифаси 300 дан ортиқ нозим зиммасига юклатилган. Кунига 10 ва ундан ортиқ йўналишлар бўйича транспорт қатнови йўлга қўйилган, бир неча минг йўловчига хизмат кўрсатадиган бошбекатлар: «Тошкент Марказий универмаги», «Тошкент вокзали», «Қўйлиқ Марказ-2», «Пахтакор» метро бекати, «Чкалов» метро бекати, «Аэропорт», «Юнусобод-9-қўртал», «Сергели-7 массиви», «Чорсу савдо маркази», «Тошкент трактор заводи» ва б. Шунингдек, Ҳамза туманида «Кадишев», Собир Раҳимов туманида «Қорақамиш-2/4», «Беруний» метро бекати, Миробод туманида «Қўйлиқ Марказ-1», «Қўйлиқ Марказ-3», Юнусобод туманида «Олой бозори бекати», «Юнусобод-6-қўртал», Сергели туманида «Дўстлик-2-массиви», Шайхонтоҳур туманида «Маннон Уйғур кўчаси» ва «Ибн Сино-2-массиви», Учтепа туманида «Ўрикзор массиви», Чилонзор туманида «Чилонзор буюм бозори», Мирзо Улуғбек тумани-



«Мерседес-Бенц» русумли автобус аҳоли хизматида.

да «Қорасув-1-массиви» ва «Бўзбозор» номи б-н аталувчи йирик, гавжум А.лар жойлашган. **АВТОБУС ҚАТНОВИ** – Т.да шаҳар транспорти турлари ичида йўловчилар ташишнинг кўп қисми А.қ.га тўғри келади. Тошкентда дастлабки автобуслар 1909 й. пайдо бўлган. Ўшанда 10 та 8 ўриндиқли автобус ишлаган. Уларнинг йўналишлари Никольское посёлкаси б-н Қўйлиқни боғлар эди. 1926 й. Ўзбекистон автомобиль саноати ва савдоси трести («Ўзбекавтопромторг») тузилди. Унинг қарамоғида 21 машина бўлиб, шундан 7 таси автобус эди. Булар орасида «Бенц-Гагенау» фирмасининг 40 ўриндиқли автобуслари ҳам бор эди. 1929 й. Т. кўчаларида Ярославль (Россия) автозаводида ишлаб чиқарилган «Я-6» автобуслари пайдо бўлди. Улар 2 ўриндиқли 18 та юмшоқ креслога эга бўлиб, тезлиги соатига 70 км ни таш-

йўналишида автобуслар қатнай бошлади. 1950 й.да вагон типидagi «ЗИС-154» русумли автобуслар пайдо бўлди. 20-а.нинг 80-й.ларида А.қ.нинг умумий масофаси 1724 км ни ташкил этди, 1500 дан ортиқ автобус ва микроавтобуслар аҳолига хизмат кўрсатди.

Мустақилликка қадар шаҳар А.қ.да, асосан, Россия автомобиль корхоналарида ишлаб чиқарилган автобуслардан фойдаланилган. 1992 й.дан бошлаб Т.да жаҳондаги замонавий ва йўловчиларга ҳар томонлама қулайлик яратилган автобуслар қатнови йўлга қўйилди. Жумладан, автобус паркиннинг асосий қисмини ГФРда ишлаб чиқарилган «Мерседес-Бенц» русумли автобуслар ташкил этди. 2008 й.да шаҳар кўчаларида 600 га яқин шундай автобуслар қатнади.

Т.да автобус йўналишларида йўловчи ташиш б-н «Тош-

кил этарди. 20-а.нинг 30-й.ларида Т. автобус паркларига «ЗИС-8» ва «ЗИС-16» автобуслари келтирилди. 1949 й.дан бошлаб ТошМИ – Чўпонота (Чилонзор массиви)

автобустрас» акциядорлик компанияси шугулланади. Компания корхоналари тасарруфида жами 1324 та автобус бўлиб, иш кунларининг тигиз соатларида жами 1160 та автобус белгиланган йўналишларга чиқарилади (яна қ. «Тошавтобустрас»).

Автотранспорт йўналишларининг масофаси 2597,07 км ни, уларда 1 кунда ташиладиган йўловчилар сони 1 млн. 100 мингни ташкил этади (2008).

Шаҳар автобус парклари мунтазам равишда янги маркадаги автобуслар б-н янгиланиб борилади ва тўлдирилиб турилади. Т.нинг барча турар жой массивлари автобус йўналишлари орқали метрополитен бекатлари б-н боғланган.

АВТОЁНИЛҒИ ҚУЙИШ ШОХОБЧАЛАРИ (АЁҚШ) – аҳоли, ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатади. Т.да биринчи автоёнилғи қуйиш ст-яси 1930 й. очилган. Мустақилликка қадар Т.да давлат транспорти ва шахсий транспортга алоҳида-алоҳида хизмат кўрсатадиган 30 та автоёнилғи қуйиш ст-яси ишлаган.

Мустақилликдан сўнг автоёнилғи корхоналарининг иш ҳажми ва тури кенгайди, хизмат маданияти яхшиланди. Бу соҳада чет эл сармоялари жалб этилган ҳолда хорижий шўба корхоналар, қўшма корхоналар, хусусий корхоналар пайдо бўлди. АЁҚШлар фаолиятини қуйидаги корхона ва ташкилотлар уюштиради: Тошкент ш.ни нефть маҳсулотлари б-н таъминловчи «Чинобод нефть базаси», «Кучлик нефть базаси», «Пахта нефть базаси» унитар корхоналари, Тошкент ш. ҳокимлиги ҳузуридаги АЁҚШлар ва мой алмаштириш шохобчалари орқали нефть маҳсулот-



Беруний кўчасидаги «Узгазойл» автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.

лари савдоси б-н шуғулланувчи тадбиркорлар фаолиятини лицензиялаштирувчи комиссия (2003 й. тузилган).

Тошкент ш.да 115 та АЁҚШ мавжуд бўлиб, шулардан 8 таси пул ўтказиш йўли орқали нефть маҳсулотлари тижорати б-н шуғулланади (2008). Булар: Ҳамза тумани Қорасув кўч.даги 120-сонли АЁҚШ, Учтепа туманидаги «Шаҳбозгаз» 30-АЁҚШ, Сергели тумани Лутфикор кўч.даги «Оқ байир» 24-АЁҚШ, Юнусобод тумани Амир Темур шоҳкўчасидаги «Капитал Инвестментс» хусусий фирмаси, Юнусобод тумани Муродов кўч., Миробод тумани Фозилтепа кўч.даги 2 та «Реготмас Азия» АЁҚШ, Собир Раҳимов туманининг Қорасарой ва Таллимаржон кўч.ларидаги «Петролеум глобал ойл» ва «Чашка сервис» 106-АЁҚШларидир.

Шаҳардаги 107 та АЁҚШ хусусий фирмаларга тегишлидир. Бектемир туманида 9 та, Мирзо Улугбек туманида 6 та, Миробод туманида 7 та, Собир Раҳимов туманида 12 та, Сергели туманида 10 та, Учтепа туманида 9 та, Ҳамза туманида 14 та, Чилонзор туманида 12 та, Шайхонтоҳур туманида 7 та, Юнусобод туманида 14 та, Яқкасарой туманида 7 та хусусий фирмалар АЁҚШлари ишлаб турибди. Шохобчаларнинг 27 таси «Узгазойл» хусусий шувба корхонаси ҳиссасига тўғри келади. Шунингдек, бир неча АЁҚШ «Мустанг петрол» хусусий корхонаси, «Дюран Петролеум» кўшма корхонаси, «Эдем болалар уйи» масъулияти чекланган жамият ва ш.к.га қарайди.

Шаҳардаги АЁҚШларнинг 1 таси «Ўзнефтьмаҳсулот» акцидорлик компаниясининг «Кучлик нефть базаси», 1 таси «Чинобод

нефть базаси» унитар корхоналари таркибига кириб, қолган барча АЁҚШларнинг фаолияти хусусий, кўшма ва хорижий корхоналар ҳамда МЧЖ лар томонидан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика истеъмолчиларини нефть маҳсулотлари б-н таъминловчи автоёнилғи корхоналари ишини такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори (1998 й. 18 сент.) асосида Тошкент ш. хусусий автоёнилғи корхоналари уюшмаси ташкил этилган. Уюшманинг асосий мақсади автоёнилғи корхоналарининг иш тартиби масалаларини ўрганиб чиқиш ва шаҳар ҳокимиятига тавсия қилиш, чет эл сармояларини ва корхоналар маблағларини автоёнилғи корхоналари сонини кўпайтириш ва уларни реконструкциялаш ишларига жалб этиш, хусусий АЁҚШлар томонидан аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш кабилардан иборат.

Тошкент ш.да автомобилларни суюлтирилган (пропан) ва сиқилган (метан) газ б-н тўлдириб берувчи шохобчалар ҳам ишлаб турибди. Бу шохобчалар ишини мувофиқлаштириш мақсадида «Узпропансервис» уюшмасининг Т. бўлими тузилди (2004). Бўлим таркибига Тошкент ш. ва вилоя-

тидаги 28 та суюлтирилган газ б-н тўлдириш ва 4 та сиқилган газ б-н тўлдириш шохобчаси киради. Автомобилларни газ б-н тўлдириб берувчи йирик хусусий шохобчалар: «Дейлютранссервис» (Юнусобод тумани), «Бонургаз» (Сергели тумани), «Мобилгаз» (Ҳамза тумани).

АВТОМОБИЛЛАРГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – хизматнинг бу тури б-н 1969 й. ташкил этилган «Ўзавтотеххизмат» бошқармаси шуғулланган. Бошқармага «Север» ф-касининг цехлари ва устахоналари ҳамда Тошкент ш. район бирлашмаларининг пуллик автомобиль турар жойлари қарарди. 1976 й. «Ўзавтотеххизмат» Бош бошқармасининг Тошкент вилоят ва Тошкент ш. бошқармаси негизида «Тошавтотеххизмат» и.ч. бирлашмаси тузилди ва унга Тошкент ш.даги 10 та техника хизмати устахонаси, шунингдек, оддий устахона, автомобиль турар жойлари бириктирилди. 1977 й. Халқлар дўстлиги (ҳоз. Бунёдкор) шоҳкўчасидаги Бош техника хизмати ст-яси фойдаланишга топширилди. Тошкент ш. ва вилоятида техника хизмати кўрсатиш ст-ялари тармоғи кенга борди. 1988 й. «Тошавтотеххизмат» и.ч. бирлашмаси Тошкент «Автотеххизмат» ихтисослаштирилган корхонасига ай-

Чилонзор туманидаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси. Автоустахона.





Тошкент автомобиль-йўллар институти.

лантирилди. 1990 й. бошида «Тошавтотеххизмат» и.ч. бирлашмасига шаҳар ва вилоят бўйича 19 та техник хизмат кўрсатиш ст-яси ва 30 дан ортиқ устакхона қараган.

Мустақиллик йилларида транспорт воситаларининг кўпайганлиги, Т.да турли русумдаги автомобиллар пайдо бўлганлиги уларга техник хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш вазифасини қўйди. 1995 й. окт.да Тошкент «Автотеххизмат» ихтисослашган корхонаси негизида Тошкент ҳудудий «Автотеххизмат» ОАЖ тузилди.

«Автотеххизмат» ОАЖ Андижон вилоятининг Асака ш.да ишлаб чиқарилаётган автомобилларни сотиш (воситачилик хизмати) б-н шуғулланади. Хизматнинг бу тури автосалон (Бунёдкор шоҳ кўч., 118) орқали амалга оширилади. Автомобилларнинг эҳтиёт қисмлари, автомобиль мойларини сотиш учун 3 та магазин ташкил этилди. Уларнинг 2 таси Бунёдкор шоҳ кўчаси 118-уйда, яна бирининг манзили Амир Темур шоҳ кўчаси, 79-уй. «Автотеххизмат» тар-

кибига кирувчи Бош техник хизмат кўрсатиш ст-яси (Бунёдкор шоҳ кўчаси, 118)да 53 та, 3-техник хизмат кўрсатиш ст-яси (Амир Темур шоҳ кўчаси, 79)да 41 та машина-пост бор. Улар турли автосервис хизматларини бажаради (машиналарни ювади, кундалик майда ремонт ишларини бажаради, тунукаларни пайванд қилади, кузов ишларини бажаради, бўяйди, двигателни ремонт қилади, филдиракларни мувозанатлайди, автокамера ва шиналарни вулканизация қилади, филдираклар керими – развални тўғрилайди, аккумуляторларни зарядлайди, газ мослама-си ўрнатади, тузатади ва ҳ.к.).

Тошкент ш.да, шунингдек, хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган турли русумдаги А.т.х.к. ҳам йўлга қўйилган. Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, компания ва фирмаларга қарашли «Мерседес центр», «Хундай», «Тойота центр», «Тошкент лада», «Ўзбек лада» марказларида хилма-хил техник хизмат кўрсатилади.

А.т.х.к. вазифаси «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси томо-

нидан ҳам амалга оширилади. Уюшма таркибида «Тошпассервис» акциядорлик компанияси тузилган (2006).

АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ, Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти (Амир Темур шоҳ кўчаси, 20) – автомобиль транспорти ва йўл қурилиши мажмуаси корхоналари учун малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Т. политехника ин-тининг автомобиль ва йўллар ф-ти негизидан 1972 й. Т.да ташкил этилган. 14 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 18 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланади. Ин-тда автомобилсозлик, автомобиль транспорти, йўл қурилиши, иқтисод ва бошқарув, касбий таълим ф-тлари, 29 каф., 14 лаб.га эга бўлган автомобиль-йўл мажмуаси илмий техник м-зи, магистратура, аспирантура ва докторантура бўлимлари, ахборот ресурслар м-зи (400 мингдан ортиқ асар), ин-т тарихи музейи бор. И.ч. корхоналари ва Ўзбекистон ФА ин-тларида каф-ларнинг филиаллари фаолият кўрсатади. Ин-т қошида лицей, тайёрлов бўлими, тармоқ мутахассисларининг малакасини ошириш курслари мавжуд. 2007/08 ўқув йили ин-тда 3765 талаба, 30 аспирант ва тадқиқотчи таълим олди. 352 ўқитувчи, жумладан 3 акад., 22 фан д-ри ва проф., 173 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т ташкил этилганидан бери 35400 дан зиёд олий малакали мутахассис тайёрланди.

АГРАР УНИВЕРСИТЕТ, Тошкент давлат аграр университети (Қибрай тумани, Университет кўч., 3) – қ.х. учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлайдиган йирик олий ўқув юрти. Ўзбекистон Респ.



Тошкент давлат аграр университети.

хўжалиги учун 64 мингга яқин олий маълумотли мутахассислар тайёрланди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида. 1930 й. 26 майда Ўрта Осиё ун-тининг қишлоқ хўжалиги ф-ти негизда ташкил этилди, бу ин-т 1934–91-й.ларда Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти номи б-н фаолият кўрсатди, 1991 й. 14 апр.да Тошкент давлат аграр ун-тига айлантирилди.

Ун-т 17 йўналиш бўйича бакалавр ва 38 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда 5 ф-т (қ.х. ишлаб чиқариши ва уни ташкил этиш; агрономия; селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш; қ.х.ни механизациялаш; зоомуҳандислик), 26 кафедра ва агроэкология м-зи, биотехнология лаб., энтомофагларни кўпайтириш бўйича биолаборатория, фунгимарказ каби илмий и.ч. лаборатория ва бўлинмалари, аспирантура, илмий кутубхона (2 млн.га яқин нашр) бор. Ун-т таркибида қ.х. ходимлари малакасини ошириш маркази, и. т. ва ўқув-тажриба ст-яси, иссиқхона хўжалиги, академик лицей, гимназия, Ўрта Чирчиқ туманида ўқув-тажриба хўжалиги, Бўстонлик туманида «Юсупхона» дам олиш зонаси мавжуд (2008). 2007/08 ўқув йилида 397 проф.-ўқитувчи, жумладан 56 фан д-ри ва проф., 159 фан номзоди ва доцент ишлади, 4501 бакалавр ҳамда 325 магистр таълим олди. Ун-т фаолияти давомида халқ

«Агроном» газ. (1956 й.дан) ва «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси» жур. (2000 й.дан) нашр этилади.

«АГРЕГАТ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ (Уста Ширин кўч., 117) – пахтачилик учун вентиляторли тиркама ва осма пуркагичлар, плуглар, чанглатгичлар, ротацион хашак ўргичлар, ротацион бороналар, чигит сеялкалари, редукторлар, шестерняли насослар, мотор-редукторлар, трактор ва пахта териш машиналарининг узел ва агрегатлари, шунингдек, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» компанияси таркибига киради. «Главэкскаватор» номи б-н 1955 й. ташкил этилган, 1957 й. Тошкент ирригация машинасозлиги з-дига айлантирилди. 1959–72 й.ларда Ўзбекистон трактор йиғув з-ди (1968 й.да 22 минг Т28Х4 тракторлари ишлаб чиқарилган), 1972 й.дан Тошкент агрегат з-ди, Агрегат заводида чиқарилган гарамлагичлар.



1994 й.дан очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1999 й. сент.дан ҳозирги номда.

2000 й.лардан бошлаб Италиянинг «Агримондо» ва Франциянинг «Кухн» фирмалари б-н ҳамкорликда қ.х. учун турли мақсадларда ишлатиладиган энг замонавий техникани ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Корхона маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади. Корхонанинг ётоқхонаси, Оҳангарон туманида жойлашган «Орзу» дам олиш зонаси бор.

«АГРОБАНК» (Муқимий ўч., 43) – акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 й. 30 мартдаги қарорига мувофиқ, «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки асосида, унинг ҳуқуқий вориси сифатида ташкил топган. Банкнинг акциядорлари Ўзбекистон Респ.нинг Молия вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар.

Банк фермер ва деҳқон хўжаликларига қ.х. маҳсулотларини и.ч., қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш мақсадлари учун кредитлар ажратади; фермер хўжаликларининг материал техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, қ.х. ерлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва б. қишлоқ хўжалигини ривожлантириш б-н боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида инвестицион фаолиятни амалга оширади.

Банкнинг Тошкент ш.да ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 186 та филиали ва 712 та мини-банклари томонидан 213 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга ва 257 мингдан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда (2009).

Тошкент ш.да банкнинг респ. амалиётлар бўлими, Тошкент вилоят бўлими, Бектемир ва Чилонзор филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ, Республика универсал (кўп тармоқли) агросаноат биржаси (Кушбеги кўч., 18) – мамлакат агросаноат сектори товар маҳсулотлари савдоси б-н шуғулланадиган ёпиқ турдаги АЖ. 1991 й. 24 окт.да Ўзбекистон Республикаси Қ.х. вазирлиги, агросаноат ташкилотлари ва қ.х. корхоналари ташаббуси б-н ташкил этилган. Биржанинг асосий фаолият йўналишлари: электрон биржа савдоларида мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчилар товар маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорда эркин қатнашувига кўмаклашиш, корхона, тадбиркорлар, кичик бизнес субъектлари ва фермерларни зарур хомашё, материаллар, қ.х. техникаси, минитехнологиялар, халқ истеъмоли моллари б-н таъминлашга ёрдам кўрсатиш, замонавий биржа ва ахборот технологиялари базасида халқаро биржа савдоларида қатнашиш ва б.

Тошкент ш. иқтисодиётида А.б. муҳим мавқени эгаллайди. 2007 й.да республикадаги улгуржи савдо ҳажмининг 69%, товарлар экспортининг 16%, импортининг 15% А.б. ҳиссасига тўғри келди. Савдонинг умумий ҳажмида кичик бизнес ҳажми 81% ни ташкил этди. Қорақалпоғистон ва барча вилоятларда филиаллари бор. Биржа 1992 й.дан жаҳон биржалари рўйхатига киритилган, 1998 й.дан МДХ товар ва озиқ-овқат биржалари уюшмасига аъзо.

АДАБИЁТИ (Тошкент адабий муҳити) – тарихий манбаларда араб истилосига

қадар бўлган даврда Т.да яшаб ижод қилган шоир ва ёзувчилар тўғрисида маълумот етиб келмаган. Араб истилосидан кейин Ўрта Осиёда илм-фан ва бадий ижод б-н шуғулланган олим ва шоирлар, асосан, араб тилида ёзганлар. Араб ёзувчиси ва олими Абу Мансур ас-Саолибийнинг (961–1038) «Йатимат урдаҳр» («Аср аҳли фозиллари ҳақида замонасининг дурдонаси») асарида шу даврда яшаб, араб тилида ижод қилган тошкентлик шоирларнинг ҳам бир нечаси тилга олинган. Шулардан Абу Омир Исмоил ибн Аҳмад Шоший ва Абу Муҳаммад ал-Матроний Абу Ҳасан ибн Али ибн Матронни қайд этиш мумкин.

Аҳмад Шоший ва Муҳаммад Матроний мансуб бўлган адабий муҳитда ишқий лирика б-н бирга қасидачиликнинг баҳория, холия, фахрия, мадҳия, ҳажвия, ҳамрия, ҳатто марсия сингари кўринишлари кенг тарқалган эди. Матроний ҳам қасидачиликнинг турли кўриниш (жанр)ларида асарлар ёзган. Бу асарлар орасида 945–946 й.ларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда содир бўлган қурғоқчилик ва қаҳатчилик, шунингдек, Наврўздан кейин ёққан қор ва совуқнинг келтирган зарарлари тасвирланган шеърлар ҳам борки, улар шу даврда яшаб ижод қилган шоирларнинг ҳаётида рўй берган муҳим ижтимоий воқеа ва ҳодисаларга муносабат билдирганларини ва уларнинг шеърияти реализм унсурларидан холи бўлмаганини кўрсатади.

10-а.да бошланган қасидачилик анъанаси кейинги даврларда ҳам давом эттирилган. Айниқса, *Бадриддин Чочий* ва унинг сафдошлари қасидада тағмаъно қатламнинг бўлишига, шеърият

мазмунининг нозик ва нафис образларда ифодаланишига, қасидада ижтимоий масалаларнинг кўтарилишига алоҳида эътибор берган. Бадриддин Чочий 1332 й.да Ҳиндистонга бориб, ўша ерни табдили макон айлагунига қадар ўз асарларини туркий тилда ёзган ва шеърият мухлислари ўртасида катта шуҳрат қозонган. Аммо Ҳиндистонга кўчиб борганидан кейин у форс тилида 35 минг байтли «Шоҳнома»ни ва ғазал сингари лирик шеърлардан иборат 6 минг байтли девонни яратган. Афсуски, бу асарлар бизгача етиб келмаган. Аммо шоирнинг «Шарҳи қасоиди Бадри Чочий» («Бадри Чочий қасидаларига шарҳ») асари унинг ўз даврида «малик ушшуаро» ва «малик уз-замон» унвонларига бежиз сазовор бўлмаганини кўрсатади. Шу даврда яшаган Абу Сулаймон Банокатий («Тарихи Банокатий» асари муаллифи, 1329 й.да вафот этган) ҳам шундай унвон б-н тақдирланган.

Давлатшоҳ Самарқандийнинг (1436/37–95) «Тазкират ушшуаро» асарида Т.да яшаган шоирлардан Алоуддин Шоший «илми ҳикмат»да тенгсиз шоир, Улойи Шоший (15-а.) эса муаммо жанрининг устаси сифатида тилга олинган. «Мажолис ун-нафоис» асаридан маълум бўлишича, Навоий ҳам Улойи Шошийнинг муаммоларига илиқ ва самимий муносабатда бўлган.

Бобур ҳаёти ва тақдири ҳам маълум даражада Т. б-н боғлиқ. Онаси Қутлуғ Нигорхоним – Т. хони Юнусхоннинг қизи. Бобур бир неча бор Т.да бўлган. Машҳур «Ёд этмас эмиш кишини...» рубоийсини шу ерда ёзган (1502). 1524 й. Зайниддин *Восифий* (1485/86–1566) Т.га келиб, шу ерда яшаб қолган. Унинг 15–

16-а.да Ўрта Осиё ва Хуросонда юз берган муҳим тарихий воқеалар, Жомий, Навоий, Биноий, Мирзо Улуғбек каби улуғ кишилар ҳаётига оид ҳикоялар, Т. сафари таассуротлари кенг ўрин олган, Т.ни кўтаринкилик б-н мадҳ этган «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асари Т.да ёзилган. «Тарихи Рашидий» китоби ва «Жаҳоннома» номли географияга оид туркий шеърӣ асар муаллифи *Мухаммад Ҳайдар* Т.да туғилган. Унинг «Тарихи Рашидий» асари Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шарқий Туркистоннинг 15–16-а. 1-ярмидаги тарихига оид қимматли манбадир. Бу асар «Бобурнома» каби меъмуар адабиётнинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Султонмуҳаммад Мутрибийнинг (1558–17-а.нинг 30-й.) «Тазкират уш-шуаро» асарида 320 дан зиёд шоирнинг ижоди ва ҳаёти тўғрисида маълумот берилган. Улар орасида Жалилий, Дардий, Мухлисий, Жамил Миррак, Садрий, Забтий, Лофий сингари Мутрибийга замондош тошкентлик шоирлар ҳам бўлиб, улар 16-а. охири – 17-а. бошларида яшаб ижод қилганлар.

1821 й.да Фазлий Намангоний (18-а.нинг 2-ярми – 19-а.нинг 1-ярми) бошчилигида ёзиб тугалланган «Мажмуаи шоирон» тазкирасида 20 дан зиёд вилоятлардан Қўқонга келиб, ўзбек ва форс тилларида ижод қилган 80 дан ортиқ шоирлар ҳақида маълумот берилган. Бу шоирлар орасида Мирий, Акмал, Киромий сингари Т.да яшаб ижод этган шоирлар ҳам бор.

Юқоридаги тазкираларда зикр этилган ҳамда 15-а.дан кейин яшаган шоирларга хос етакчи хусусият шундаки, улар форсий ва туркий (ўзбек) тилларда барабар ижод қилганлар. Бу

шоирлар ўз асарларини гарчанд икки тилда ёзган бўлсалар-да, туркий тил секин-аста улар ижодида етакчи мавқега кўтарила бошлаган. Бу ҳол шу даврда кенг тарқалган баёзларда ҳам яққол кўзга ташланади.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган «Фунун ул-балого» асари топилгач, ундаги «Маъдан ул-латойиф Лутфий Шоший» жумласига асосланиб, ўзбек шоири, ориф ва мутафаккир Лутфийнинг она ватани Т. бўлган, деган фикр илгари сурилмоқда.

Ҳожа Аҳрор таклифи б-н Жомий ҳам Тошкент ш.да бўлган ва табаррук жойларни зиёрат қилган.

Шу йилларда ижод қилган айрим қаламкашлар ўзларига Тошкандий тахаллусини қабул қилганлар. Шундай шоирлардан бири Дилкаш Тошкандийдир (1808–85). Унинг бизга етиб келган газал, мухаммас ва мусаддас сингари лирик жанрларда ёзган асарлари 300 дан зиёд бўлиб, улар ўзбек миллий адабиёт аънаналари асосида ёзилган. Акмал Тошкандий ҳам зуллисонан шоир бўлган. Акмал Тошкандий 1825–30-й.лар орасида Бешёғоч даҳасида туғилган. 1883 й. вафот этган. 15–16 ёшларида Зевай маҳалласидаги Азлархожа масжидининг тарихини ёзган. Шарқшунос олим И.Абдуллаевнинг ёзишича, «Акмалхон Тошкандий арабий илмларда ва адабиётда ўз даврининг тенгсиз бир олими бўлган. У мантиқ (логика), ҳикмат, калом ва б. илмларда ўз даврида энг катта ном чиқарган».

Пўлатхон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» асарида бу шоир Акмалхон II сифатида тилга олинган ва унинг таваллуд

жойи Пискент деб белгиланган. Тазкира муаллифи шоир ижоди тўғрисида сўзлаб, «Ашборлари бадиийдур. Кўпинча Бедилга эргашгани кўринадур. Туркий, форсий ва арабий шеърлари бордур», деб ёзади ҳамда унинг газал ва мухаммасларидан бир неча мисоллар келтиради.

Сайид Акмалхоннинг бобоси Мансурхўжа ҳам пискентлик шайх Низомиддин Қорахонийнинг ўғли бўлиб, унинг отаси ва ўғли ҳам шайхлардандир. «Тухфат ул-аҳбоб» тазкирасида айтилишича, у Мансур тахаллуси б-н шеърлар ёзган ва унинг шеърлари хонақоҳларда ўқилган.

«Тазкираи Қайюмий»да қайд этилган тошкентлик шоирлар: Хоиб, Шоик, Ҳижрат, Дилкаш, Роик, Ҳожи, Садний, Зариф, Азко, Мунис, Омил, Нозима, Тавалло, Хаёлий, Аҳтарий.

19-а. охири – 20-а. бошларида Т. адабий-маданий ҳаётида *Муқимий*, *Фурқат* сингари ўзбек демократик адабиёти асосчиларининг таъсири катта бўлди. Муқимий бир неча бор (1887–88; 1892) Т.да бўлиб, ад. ва санъат аҳли б-н танишди. Т.да «Ҳожи қадоқчи», «Охуним» каби шеърларини яратди (1887–88). Т.да 2 йил яшаган Фурқат ижодига ҳам Т. адабий муҳити катта таъсир кўрсатди. Руслар томонидан очилган Тошкент эрлар гимназиясини, қ.х. ва саноат кўрганмасини кўрди. Асарлари («Гимназия», «Нағма базми хусусида» ва б.)да илғор Европа илм-фани, маданияти, турмуш тарзини тарғиб этди. Фурқат Т.даги маърифатпарвар кишиларга яқинлашди. 1892 й. Тошкент кўзғолонининг иштирокчилари – Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, Аҳмадхўжаларни ўз шеърларида меҳр б-н тилга олди («Сабоға хитоб» ва б.).

20-а. бошларида таржимонлик ривожланди. Шарқ ад. ёдгорликларидан «Минг бир кеча» (1911, Сидқий Хондайлиқий), «Калила ва Димна» (1901–13, Алмаий), Саъдийнинг «Гулистон» (1909, Мулло Муродхўжа) каби асарлари, «Ўғри ва қози», «Мухтасар ул-вақое» ва б. форс латифалари ўзбек тилига таржима қилинди. Л.Толстойнинг «Одамлар нима б-н тирик» ҳикояси (1887), Д.Дефонинг «Робинзон ҳикояси» асари (1911, Фозилбек Отабек ўғли) ўзбек тилида нашр этилди. Анъанавий ишқий лирика *Сидқий Хондайлиқий* (1884–1934), Хислат (1880–1945), Мискин (1880–1937) ижодида давом этди. *Авлоний*, *Нозимахоним* (1869–1924), *Тавалло* (1882–1939) асарларида ижтимоий масалалар акс эттирилди.

Шу даврда маърифатпарварлик янги босқичга кўтарилди. Азизий ва Авлоний маърифатни тарғиб қилиш б-н чекланмай, мактаб очиб, дарс бердилар. Дарсликлар ёздилар, илғор рус ад. намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, болаларга ўқитдилар. Азизийнинг «Усули савтия» мактаби ўқиш-ўқитишда янги босқични бошлаб берди. Авлонийнинг «Биринчи муаллим» (1915), «Иккинчи муаллим» (1917), «Мактаб гулистони» (1916) дарсликлари яратилди. Адабий жанрлар ва мавзу кенгайди. Наср, публицистика, драматургия майдонга келди. Шеърийят ҳам ривожланди. «Ҳадяи Хислат» (1910), «Армуғони Хислат» (1912), «Баёзи Дилкаш» (1912) каби анъанавий ишқий мавзуда ёзилган шеърий тўпламлар б-н бирга «Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» (6 жуз, 1909–17, Авлоний), «Базми ишрат» (1914, Сидқий), «Миллий шеърлардан биринчи жуз. Равнақул

ислом» (1914, Тавалло) каби кескин ижтимоий сатира намуналари яратилди. Шеърийят ижтимоий ҳаёт ходисалари б-н изма-из борди. Нозимахоним шеърларида 1905 й. инқилоби воқеалари акс этди («Баёни арзи ҳол», 1907). Авлоний порлоқ келажакни яқинлаштириш йўлларини излади («Истиқболдан орзуларим»). 1-жаҳон уруши, у б-н боғлиқ мардикорлик ҳаракати «мардикорлик шеърийяти»ни юзага келтирди. Уларда халқнинг урушдан норозилиги, оғир машаққатли ҳаётдан зорланиш кайфиятлари акс этди.

1905–17-й.лардаги янги жанрлар тараққиётида *Мирмуҳсин* Шермухамедовнинг мақолалари, «Бефарзанд Очилдибой» (1914), «20-асрда Туркистон бобой» (1916), Абдулла Қодирийнинг «Жувонбоз» (1915) насрий асарлари муҳим аҳамият касб этди.

Т.даги театр ва театрчилик тараққиёти Авлоний номи б-н боғлиқ. У Т.да 1-театр ҳаваскорлари труппасини тузди (1913). Труппа учун драмалар ёзиб, ўзи саҳнага қўйди. Татар ва озарбайжон драмаларидан таржималар қилди. Мирмуҳсин Шермухамедов «Гимназия», «Эски табиб» каби драмаларини ёзди. Абдулла Қодирий драмалари («Бахтсиз куёв») чоп этилди (1915). «Тараққий», «Шухрат», «Тужжор», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона», «Турон» ва б. газеталар, «Ал-Ислоҳ», «Ал-Изоҳ» каби журналлар чиқди. *Ҳамза* Т.да бўлиб, ўз асарлари б-н матбуотда қатнашди. Адабий танқид ривожланди. «*Туркистон вилоятининг газети*», «*Садойи Туркистон*»да ад.нинг жамиятдаги ўрни, бадий ижодда шакл ва мазмун масалалари, роман ва драма хусусида баҳс-

лар бўлди. Адабий танқид ҳақида махсус мақолалар ёзилди. 20-а. бошида Т. адабий ҳаракатчилигида ғоявий кураш ҳам кескин кечди.

Т. шоирлари 20-а. бошларида келиб миллий адабиётнинг пешқадам намояндалари қаторидан ўрин олдилар. Шу даврда жаҳид адабиётининг майдонга келиши ва камол топишида уларнинг хизматлари, айниқса, самарали бўлди.

Шу даврда жаҳид мактаби, матбуоти, адабиёти ва театрининг пайдо бўлишида Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ҳамза, Тавалло, Фози Юнус, Хуршид (Хоиб), Фулом Зафарий сингари ижодкорларнинг хизматлари ниҳоятда каттадир. Агар ўзбек адабиёти бу шоир ва ёзувчиларга қадар асосан шеърий жанрлардан иборат бўлган бўлса, Абдулла Қодирий насрда самарали изланишлар олиб бориб, ўзбек адабиётини биринчи миллий роман – «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» асарлари б-н бойитди. Чўлпон ва Фитрат янги ўзбек шеърийятига тамал тошини қўйдилар. Фулом Зафарий «Ҳалима» ва б. бир пардали пьесалари б-н мусиқали драма жанрига, Абдулла Авлоний ўзбек болалар адабиётига асос солдилар. Фози Юнус ҳам ҳажвий, ҳам драматургик асарлари б-н шу давр адабиёти бадий уфқларининг кенгайишида иштирок этди.

Октябрь тўнтаришидан кейинги ижтимоий-тарихий ўзгаришлар даврида Т. адабий муҳитида Фафур Фулом, Ойбек, Элбек, Файратий, Абдулла Алавий, Боту, Миркарим Осим, Зулфия, Қуддус Муҳаммадий, Шухрат, Саид Аҳмад, Ҳамид Фулом, Асқад Мухтор, Шукрулло, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Рамз

Бобожон, кейинроқ Мақсуд Қориев, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов каби шоир ва ёзувчилар кириб келдилар. Ўзбек адабиётининг жаҳон адабий жараёнининг таркибий қисмига айланиши худди шу даврда рўй берди. Рус тили орқали жаҳон адабиёти, шу жумладан, рус ва қардош халқлар адабиётларининг энг яхши намуналари б-н танишиш ва уларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши миллий адабиётнинг янги адабий тур ва жанрлар ҳамда бадий услублар б-н бойишига кенг йўл очди. Ёзувчилар ўзбек халқи давлатчилиги ва маданияти тарихининг турли даврларига муурожаат этиб, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Навоий, Бобур, Машраб сингари буюк тарихий сиймолар ҳақида 20-а. адабиётига гази б-н ўлчанадиган баркамол асарларни яратдилар. Ойбекнинг «Қутлуғ қон» ва «Навоий» романлари, Абдулла Қодирий ва Чўлпон асарлари қатағон этилган даврда ўзбек романчилигининг бадий даражасини янги босқичга кўтариб, О.Ёқубов ва П.Қодировнинг Улуғбек ва Бобур ҳақидаги романларининг майдонга келишида адабий мактаб вазифасини бажарди. Миллийлик, шарқона фалсафийлик ва инсонпарварлик руҳияти ўзбек шеърятининг асосий ғоявий-бадий тамойиллари даражасига кўтарилишида Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан», «Мен яҳудийман», «Вақт», «Тун ила тонг» сингари шеърлари муҳим омил бўлди.

Одатда пойтахт айна пайтда ҳар бир мамлакатнинг адабий-маданий м-зи ҳам бўлади. Вилоятларда дунёга келган ва дунёга келаётган истеъдодли ёзувчи, санъаткор ва олимлар пой-

тахтга кўчиб келиб, шу ерда истеъдодларининг камол топиши ва самара беришига муваффақ бўладилар. 20-а.нинг 30-й.ларида бошланган бу жараён ўзбек адабиётининг барча ижодий кучлари Т.да тўпланишига катта имкон яратди. Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Комил Яшин, Уйғун, Собир Абдулла, Иззат Султон, Усмон Носир, Султон Жўра, Амин Умарий, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Саида Зуннунова, Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Жуманиёз Жабборов, Жонрид Абдуллаҳонов, Носир Фозилов, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Самандар, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Ҳалима Худойбердиева, Неъмат Аминов, Муҳаммад Али, Ойдин Ҳожиева, Рауф Парфи, Тоҳир Малик, Хайриддин Султон, Тоғай Мурод, Усмон Азим, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Ҳожиакбар Шайхов, Шароф Бошбеков, Муҳаммад Юсуф, Маҳмуд Тоир ва б. шоир ва ёзувчилар Т.да ўзбек адабиётининг сарчашмасини ташкил этдилар.

20-а.нинг 2-ярми ва 21-а. бошларида Т. адабий муҳитининг юксалиши ва янги ижодий самаралар беришида нашриёт ва матбуот ишларининг йўлга қўйилиши, адабий ижодга катта эътибор берилиши, театр ва кино санъатларининг ривожланиши муҳим омил бўлди. Ўзбек ёзувчи ва адабиётшуносларининг уруш йилларида Т.га эвакуация қилинган ёзувчи ва адабиётшунос олимлар б-н ижодий ҳамкорлиги ҳам беиз кетмади. Шу даврда эришилган тажриба мустақиллик даврида амалга оширилаётган янги адабий-маданий тадбирлар б-н уйғунлаш-

ган ҳолда ҳоз. ўзбек адабиётининг янада равнақ топишида муҳим роль ўйнайди.

Тошкент тавсифига бағишланган ёки Т.да кечган воқеалар акс этган асарлар ўзбек адабиётининг салмоқли ўрин эгаллайди. Абдулла Қодирий («Ўтган кунлар»), Ойбек («Қутлуғ қон», «Болалик»), Мақсуд Шайхзода («Тошкентнома») Раҳмат Файзий («Ҳазрати инсон»), Ҳамид Фулом («Тошкентликлар»), Шўҳрат («Олтин занғламас»), Пиримкул Қодиров («Олмос камар», «Эрк»), Абдулла Орипов («Тошкент шаънига»), Эркин Воҳидов («Шарқ машъали аталган шаҳар»), Ҳалима Худойбердиева («Тошкентга»), Азим Суюн («Тошкент») ва б. ижодкорларнинг асарларида Т.нинг турли даврлардаги ҳаёти акс этган. Айниқса, мустақиллик йилларида Тошкент ш.да адабий ҳаёт янада ривожланди.

АДАБИЁТ МУЗЕЙИ, Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи (Навоий кўч., 69-уй) – дастлаб 1940 й. Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н Республика кўргазмаси тариқасида ташкил топган. Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти бўлими (1944–68), Академиянинг Адабиёт музейи (1968–78), Ҳ.С.Сулаймонов номидаги Қўлёмалар ин-тининг музей бўлими (1979–91). 1991 й.дан Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи. 1967 й. *Алишер Навоий* номи берилган.

Музей биноси меъморий жиҳатдан ўзига хос бўлиб, услуб жиҳатдан бевосита классик шакл ва қисмлардан фойдаланилган (1933–36 й.ларда қурилган).

Музейда 30000 дан ортиқ экспонат, ашё ва хужжатлар бор (2008).

20-а.нинг 70-й.ларида халқ орасига кўплаб экспедициялар уюштирилиб, 2 мингдан ортиқ қўлёзма жамланган. Париж миллий кутубхонаси, Истанбул Тўпқопи саройи кутубхонаси, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Ҳиндистондаги фондларда сақланаётган қўлёзмаларнинг мик-

рофильмлари, китобат санъати ва Шарқ миниатюралари ноёб намуналарининг рангли слайдлари олиб келинди.

Музей ЮНЕСКОнинг темурийлар даври санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиуми олдидан Ҳамид Сулаймон ташаббуси б-н «Бобурнома расмлари» альбомини хорижда нашр этди. Бу альбом 1971 й. Лейпциг ш.да ўтказилган халқаро кўргазманинг совринига сазовор бўлди.

А.м.да 20-а. ўзбек адабиёти намояндаларининг шахсий архивлари ўрин олган бўлиб, улар асосида илмий тавсифлаш ишлари олиб борилади. «Адабиёт кўзгуси» илмий тўплами мунтазам нашр этилади. Музей 2 йўналиш («Миллий адабиёт тарихи» ва «Адабий манбашунослик ва матншунослик» ихтисосликлари) бўйича ўз аспирантурасига эга (1992 й.дан).

Музейда экспозиция, қўлёзмалар, ўзбек адибларининг архивини тавсифлаш бўлимлари фаолият юритади.

Экспозиция бўлими музей биносининг уч қаватида жойлашган. Унда адабий мероси-



Адабиёт музейи биноси.

мизнинг, шунингдек, Марказий Осиё маданияти ва санъатининг ноёб дурдоналари намуналари – китоб, миниатюра, хаттотлик, наққошлик, мусиқа ва меъморчилик асарлари қўйилган. Бўлимда 30 дан зиёд экспозиция заллари бўлиб, улар қуйидаги даврларга кўра ажратилган: «Темурийлар даври ўзбек маданияти ва адабиёти тарихи»; «Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди»; «Бобур ва бобурийлар даври ўзбек адабиёти тарихи»; «17–19-а.лар ўзбек адабиёти тарихи»; «20-а. ўзбек адабиёти тарихи». «Қардош халқлар адабиёти», «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» хоналари. Корейс адиби Чо Мин Хи ва проф. Ҳ.Сулаймон мемориал хонаси ҳам ушбу бўлим таркибидадир.

Ўзбек адибларининг архивини тавсифлаш бўлимида миллий уйғониш даврининг етук сиймолари – Бехбудий, Фитрат, Сўфизода, Ҳазиний, Ҳамза, Чўлпон ва б. ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи материаллар (картина, турли иншоотлар макети, китоб, қўлёзма нусхалари, дастхатлар ва б.) бор. Кейинги залларда эса Абдулла Қодирий,

Айний, Фафур Фулом, Ойбек, Шайхзода ва б. улкан адабиёт намояндалари ҳақида кўргазма материаллари жойлашган.

Музей қўлёзмалар фондида умумий сони 1000 дан ортиқ қўлёзмалар, 2000 га яқин босма китоблар сақланади. Бу, асосан, ўзбек мум-

тоз адабиёти намуналаридан иборат (Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Муқаддamat ул-адаб» асарининг дунёда ягона тўрт тилли қўлёзмаси, Бобурнинг «Мубаййин» асари, Абдурахмон Жомийнинг «Куллиёти» ва б.). 2001 й. музей қўлёзмалар фонди яна бир ноёб манба б-н бойиди. Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов томонидан Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-маоний» асарининг 17-а.да кўчирилган нодир нусхаси музейга ҳадя этилди.

Музей олимлари томонидан ўзбек, рус ва инглиз тилларида қўлёзмалар каталоги тузилган, ўнлаб монография, рисоалар нашр этилган.

Музей олимлари Япония, Жанубий Корея, Эрон, Туркияда ўтказилган илмий анжуманларда маърузалар ва кўргазмалари б-н қатнашади. Хорижлик ҳамкасблари б-н анъанавий равишда илмий-амалий анжуманлар ташкил этади. Музей илмий ҳамкорликнинг турли соҳаларида муносиб иштирок этиб келиш б-н бирга, истиқлолдан сўнг 30 дан ортиқ турли халқаро ва респ. миқёсидаги анжуман ва тадбирларда қатнашди. Музей

Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) аъзосидир.

АДАМОВ Леон Тигранович (1929.26.10) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор (1989). 1943 й.дан Т.да. Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1954). 1954–92 й.лар Тошкентдаги и.т. лойиҳалаш ин-тларида меъмор ва бош меъмор, Тошкент ш.нинг бош меъмори ўринбосари. 1992 й.дан Ўзбекистон меъморлар уюшмаси қошидаги Меъморлик жамғармасида бош директор. Тошкентдаги «Чилонзор турар жой даҳаси» (1959–69), Санъат саройи (1961–63), Мустақиллик майдонидаги маъмурий бинолар (1968–74) ва б. А. иштирокидаги лойиҳалар бўйича яратилган. Т.ни режалаштириш (1964, 1970, 1980), Т. марказини режалаштириш ва қуриш (1964–88) лойиҳалари муаллифларидан. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

АДВОКАТУРА – адвокатлик фаолияти ҳамда хусусий адвокатлик амалиёти б-н шуғулланувчи шахсларнинг мустақил, кўнгилли, касбий бирлашмаларини ўз ичига олади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахсларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатади. Т.да адвокатларнинг уюшган кўнгилли жамоат ташкилоти 1971 й. ташкил этилган шаҳар адвокатлар ҳайъатидир (С.Азимов кўч., 63). Мазкур ҳайъат Тошкент ш.даги 32 та ҳуқуқий маслаҳатхона, шу жумладан, ихтисослаштирилган ҳуқуқий маслаҳатхоналар (автотранспорт ишлари; вояга етмаганлар ишлари ва б.) да ишлайдиган 650 адвокатни бирлаштиради. А. фаолияти «Адвокатура тўғриси-

да» (1996 й. 27 дек.) ҳамда «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида» (1998 й. 25 дек.) қонунлари б-н тартибга солинади.

Қонунлар устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун А. муассасасини ривожлантириш ва кучайтириш мақсадида 2007 й. март ойида Ўзбекистон адвокатлари ассоциациясининг Тошкент ш. бўлими ҳузурида Адвокатлар ҳуқуқий маркази очилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура ин-тини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони (2008 й. 1 май)га кўра, Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари ташкил этилди. Шу асосда палатанинг Тошкент ш. бўлими ҳам иш бошлади.

«АДОЛАТ» МАҲАЛЛАСИ – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Наврўз», «Кўшчинор», «Хуснобод», «Астробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 22 апр.да «Наврўз» маҳалласи иккига бўлиниб, ушбу маҳаллага «Адолат» номи берилган. Аҳолиси 6060 киши (2009). Ўзбек, рус, тожик, яҳудий, татар, корейс, арман, қозоқ, озарбайжон, турк, уйғур, туркман, грузин, қрим-татар ва қирғиз миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида 2 та мактаб, 3 та мактабгача тарбия муассасаси, дорихона ва 1 та маданият муассасаси бор.

АДҲАМ РАҲМАТ (1909–1983) – ёзувчи. 1926 й.дан Т. да. 2-жаҳон уруши йиллари ўзбек тилида чиққан «Қизил аскарлар ҳақиқати» фронт газ. муҳарри-

ри. Урушдан сўнг «Совет Ўзбекистони» газ. муҳбири. Унинг ижодида ҳарбий ватанпарварлик мавзуи асосий ўрин эгаллайди. У ўзбекистонлик 2-жаҳон уруши қатнашчилари қаҳрамонликларини тараннум этган, бедарак йўқолганларни қидириб топиб, халққа маълум қилишда жонбозлик кўрсатган. А.Р.нинг «Жанговар лавҳалар» (1960), «Эллик бир баҳодир» (1961), «Жанговар йиллар» (1962), «Шинелли қизлар» (1964), «Тошкентлик казак» (1973) каби китоблари уруш қаҳрамонлари жасоратига бағишланган. Т.даги кўчалардан бири А. Р. номига қўйилган.

АЁЛЛАР КОНСУЛЬТАЦИЯСИ – ҳомиладор ва гинекологик касалликлари бор аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш муассасаси. Т.да биринчи А.к. («амбулатория шифохонаси») 1883 й. ташкил этилган. 1990 й.да 25 амбулатория типидagi тиббиёт муассасаси, тиббиёт-санитария қисмларида 10 аёллар кабинетлари, шунингдек, туғуруқхоналар, туман поликлиникалари ва касалхоналарда 25 аёллар бўлимлари ишлади. А.к.да ҳомиладор аёлларни мунтазам кузатиб туриш ва гинекологик касалларни даволаш участка тартибида ва диспансеризация йўли б-н амалга оширилади. 1999 й.дан А.к. туман оилавий поликлиникалари таркибида ва шаҳар перинатал марказлари қошида фаолият кўрсата бошлади.

«АЗАМАТ» МАҲАЛЛАСИ (ТТЗ-4 мавзеси, 46) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Юзработ», Мунавварқори, «Аҳиллик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1982 й.гача «Ташавтомаш» массиви, 1991 й.гача «ТТЗ-4» деб, 1991 й.дан «Азамат» маҳалласи деб аталади. Аҳолиси 6400 киши,

аксарияти (70%) ўзбеклар. Худудида ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, саноат коллежи, «Марҳабо нон» МЧЖ саноат корхонаси фаолият кўрсатади.

АЗИЗЛАР МАСЖИДИ (Шайхонтохур тумани, Ялангқор кўч., 2-уй) – меъморий ёдгорлик (18-а. 2-ярми). Мир Қурбоншайх эшон курдирган. Номи унинг авлодларидан – Ходихон азизлар ёки Зайниддинхон эшон номи б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Сабаби уларнинг ҳар иккиси ҳам халқ орасида «Азизлархон» номи б-н машҳур бўлган. Масжид меъмор И.Ф.Бородина томонидан тарихий ёдгорлик сифатида қайд этилган (1953) бўлиб, хонақоҳ ва айвондан иборат. Айвони жан-шарқ томонда, икки қаторда бештадан устунлар қўйилган. Квадрат тарҳга эга хонақоҳ гумбази ўтмишда шикастланиб, кўчиб тушган. Хонақоҳнинг ички деворларига ишланган тоқчалар кейинчалик суваб ташланган. Фарбий деворда меҳроб, қолган уч томонига эса эшиклар ўрнатилган (кейинчалик ёпиб ташланган). Ҳовлида 300 йиллик чинор сақланган. Масжид 20-а. бошларида ҳам Ялангқор маҳалла аҳли учун жоме масжиди вазифасини бажариб келган. 20-а.нинг 20-й.ларида Т.даги бошқа кўплаб масжидлар қатори ёпилган ва узоқ вақт қаровсиз қолган. Маҳалла аҳолиси 1946 й. масжидни қайта очишни сўраб ҳукумат идораларига мурожаат қилишган. Бироқ, ундан 3 км масофада (ўша вақтда расмий очилган масжидлар орасида 2–4 км масофа бўлиши белгиланган эди) Олмазор масжиди фаолият юритаётгани учун уни очишга рухсат берилмаган. Натижада бошқа масжидлар каби А.м. ҳам турли муассасалар ихтиёрида бўлган ва шу давр оралигида бир неча бор

ёнгиндан зарар кўрган. Ҳозирда зиёратгоҳ масканлардан бири.

АЗИЗХЎЖАЕВ Акмал Абдуазимович (1936.08.11 – 2008.12.01.) – футболчи, спорт устаси (1966). Т.да туғилган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устаси (1992). 1954 й.дан «Спартак» футбол жамоасида ўйнаган. «Пахтакор» жамоаси сардори ва ҳимоячиси (1960–65 й.лар). Бухоронинг «Факел» (1966) ҳамда Нукуснинг «Амударё» (1983) жамоаларида бош мураббий. Умрининг охиригача ёш футболчиларга мураббийлик қилди. «Хужум ҳимоядан бошланади» китоби чоп этилган (2008). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (2006).

АЗИМОВ Содик Азимович (1914.7.11–1988.21.12) – физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1962). Физика-математика фанлари д-ри (1955), проф. (1958). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Т.да туғилган. Ўрта Осиё давлат ун-тини тугатган (1940). Ўрта Осиё Политехника ин-тида ишлаган (1940–45), Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида лаб. мудири (1948–56), ин-т директори ўринбосари (1956–58), Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти директори (1962–66), Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти директори (1958–62; 1966 й.дан), Ўзбекистон ФА «Физика-Қуёш» илмий и.ч. бирлашмаси бош директори (1986 й.дан). Асосий илмий ишлари юқори энергиялар физикаси, яримўтказгичлар физикаси, материалшуносликка оид. А. раҳбарлигида Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тида қуёш нури энергиясидан фойдаланиш усули асосида ўта соф яримўтказгич материаллар олишнинг янги технологияси ишлаб чиқилди ҳамда Тошкент

вилоятининг Паркент туманида ноёб қуёш печи барпо этилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн этилган. «Физика-Қуёш» илмий и.ч. бирлашмаси, Тошкент ш.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталган.

АЙНИЙ (тахал.; асл исми Садриддин Саидмуродзода) (1878. 15.4–1954.15.6) – ёзувчи, олим, жамоат арбоби. Бухорода туғилган. Т.га бир неча бор келган. Асосан Самарқандда яшган. Тожикистон ФА акад. ва биринчи президенти (1951–54). Ўзбекистон ФА фахрий аъзоси (1943). Филол. фанлари д-ри (1948), проф. (1950). Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Аввал эски мактабда (1884–87), кейин мадрасаларда таҳсил кўрган. *Аҳмад Дониш* ва озарбайжон ёзувчиси Ҳожа Мароғийнинг ҳамда жадид маърифатпарварларининг асарлари унинг дунёқарашига сезиларли таъсир кўрсатган. «Ёш бухорликлар» ҳаракатида фаол қатнашган. 1918–21 й.ларда тожикча, ўзбекча марш, кўшиқ ва шеърлар яратган. «Одина», «Қиз бола ёки Холида» (1924), «Тожик адабиётидан намуналар» (1926), «Кул бобо ёки икки озод» (1928) каби қисса, ҳикоя, очерклари муҳим аҳамиятга эга. А. тожик ва ўзбек тилларида йирик бадиий асарлар: романлар («Дохунда», 1930; «Куллар», 1934), қиссалар («Бухоро жаллодлари», 1922; «Эски мактаб», 1935; «Судхўрнинг ўлими», 1939), мемуарлар («Эсдаликлар», 1–4-китоблар, 1949–54) ва б. ёзди. А. Ўрта Осиё халқлари тарихи ва адабиётига доир бир неча илмий ишлар муаллифи.

Давлат мукофоти лауреати (1958). Душанбе ш.да вафот этган. Т.даги кўчалардан бири А. номи б-н аталган.

АЙРИЕВ Армен Теванович (1910 – 1966) – майор, уруш иштирокчиси. 1924 й.дан Т.да. Учувчилар курсини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши даврида эскадрилья командири. Немисларнинг Таганрог гуруҳини тор-мор этишда ва Донбассни озод қилишда жасорат кўрсатгани учун Қаҳрамон унвонини олган. 1951 й.дан истеъфода. Т. шаҳар ижроия к-тида ишлаган.

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР – ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ҳар томонлама жадал ўстиришни, уларнинг чуқур, табақалаштирилган ва касбга йўналтирилган билим олишларини таъминлайдиган ўрта махсус таълим муассасаси. А.л.да ўқувчилар ўзлари танлаган йўналиш бўйича билимларини ошириш ва муайян фанлар асосларини чуқур, мукамал ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар. А.л., асосан, олий ўқув юртлири қошида ташкил этилади. Т.да А.л. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 24 фев.даги «Академик лицейлар ва касбхунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарорига биноан, ўша йилдан ташкил этила бошлади. А.л.га умумий ўрта таълим мактаблари (9-синф)ни тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати 3 й. 2007/08 ўқув йили Т.да 37 акад. лицей фаолият кўрсатди, уларда 18321 ўқувчи таълим олди. Т.даги А.л.да 5 тайёрлов йўналиши (аниқ фанлар; ижтимоий-гуманитар фанлар; табиий фанлар; хорижий филоло-



Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги Шайхонтохур академик лицейи.

гия; мусиқа ва санъат) бўлиб, 30 га яқин ихтисосликни ўз ичига олади. 2007 й. Т.даги А.л.га 9347 ўқувчи қабул қилинди. Т.даги А.л.да 1374 ўқитувчи-педагог, жумладан 28 фан д-ри ва проф., 129 фан номзоди ва доцент ишлади. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти қошидаги Шайхонтохур акад. лицейи, Иқтисодиёт ун-ти қошидаги Чилонзор акад. лицейи, Тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти қошидаги акад. лицей, Шарқшунослик ин-ти қошидаги Собир Раҳимов акад. лицейи Т.даги йирик А.л.дир.

АКАДЕМИКЛАР ШАҲАРЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманида, Мирзо Улуғбек ва Дўрмон йўли кўч.лари кесишган жой атрофи-

да етакчи илмий тадқиқот ин-лари бўлгани учун шундай номланади. 1960-й.лардан бошлаб Ўзбекистон ФА илмий тадқиқот ин-тларини замонавий талаблар асосида қурилган ва жиҳозланган бинолар б-н таъминлаш мақсадида барпо этишга киришилган. А.ш.да ФАга қарашли биокимё, биоорганик кимё, ботаника, геология ва геофизика, кимё, математика ва ахборот технологияси, механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги, тарих, тил ва адабиёт, фалсафа ва ҳуқуқ, шарқшунослик, электроника, энергетика ва автоматлаштириш, ўсимлик моддалари кимёси ин-тлари, кутубхона, «Фан» нашриёти, аспирантлар уйи, шунингдек, эндокринология

Академиклар шаҳарчаси.



ин-ти, Мудофаа вазирлигига қарашли ташкилотлар жойлашган. 1994 й.да А.ш.да Мирзо Улуғбек ҳайкали ўрнатилди (ҳайк. Я.Шапиرو) ва ҳайкал атрофида Мирзо Улуғбек хиёбони барпо этилди. А.ш.да 4 қаватли турар жой бинолари, савдо ва б. маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

АКБАРОБОД МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 3-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Юнусобод маҳалласи б-н чегарадош. Бобурий шоҳлардан Акбаршоҳ номи б-н аталади. Аҳолисининг сони 2999 киши (2008). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, уйғур, тожик миллати вакиллари ҳам истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида 13-сонли мусиқа мактаби, «Маяк» сув ҳавзаси мавжуд.

АКВАБОҒ, А к в а п а р к (Амир Темурашхоққаси, 107) – Юнусобод туманининг марказий қисмида, Бўзсув каналининг чап соҳилида, «Ўзэкспомарказ» миллий кўرғазма компанияси ОАЖ дам олиш зонасида жойлашган. Умумий майд. 4,1 гектар. Ҳоз. Аквабоғ, *Тошкентленд* ва *Япон боғи* ҳудудида 1964 й. «Галаба» ма-

даният ва истироҳат боғи ташкил этилган. 1980 й.да «Галаба» боғи Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси таркибига дам олиш зонаси сифатида кўшилган. 1992 й.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси асосида «Ўзэкспомарказ» миллий кўрғазма компанияси ОАЖ тузилди ва бу ташкилот дам олиш зонасининг шим. қисмида ўсаётган дарахтларни сақлаб қолган ҳолда ҳовуз (бассейн)лардан иборат боғ бунёд этишга киришди. 1995 й. 2 июнь куни Аквабоғ (лотинча aqua – сув) фойдаланишга топширилди.

А.да чинор, қарағай, арча, мажнунтол каби дарахтлар ўсади, йўлкалар атрофида гулзор ва майсазорлар барпо қилинган. Боғда 5 та ҳовуз бор: ўсмирлар ҳовузи – чуқурлиги 120 см, сув сифими 2200 м³; барча чўмилиувчилар учун мўлжалланган энг катта ҳовуз; тўлқинсимон ҳовуз – чуқурлиги 180 см, сув сифими 1800 м³, ҳар ярим соатда сунъий тўлқин ҳосил қилинади; массаж (жакузи) ҳовузи – чуқурлиги 120 см, сув оқими воқитида тана массаж қилинади; болалар ҳовузи – сирпаниш учун

3 та ҳар хил рангдаги тепалик бўлиб, ёш болаларга мўлжалланган; камалак-сув сирпанчиклари (тобоган) ҳовузи – чуқурлиги 120 см, ҳаяжонли лаҳзаларни ёқтирувчилар учун мўлжалланган (бу ҳовуз А.нинг оролчасида жойлашган, унга оддий кўприклардан ташқари ёйсимон кўприкдан ҳам бориш мумкин). Шунингдек, А.да тиббий ёрдам кўрсатиш хонаси, амфитеатр, 4 ресторан, тамадди қилиш ва савдо шохобчалари бор. Боққа келувчилар *Тошкентленд*даги дор йўли аттракционидан сайр қилиб, А. манзарасини тепадан кузатишлари мумкин.

АКОПЖАНИЯН Валерий (1949. 28.8) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор (1995). Степанакерт ш.да туғилган. 1979 й.дан Т.да. Самарқанд архитектура-қурилиш ин-тини тугатган (1972). Тошкент Бош плани лойиҳалаш ва и.т. институтида лойиҳалар бош меъмори, турар жой бинолари илмий-тажриба лаб. раҳбари (1979–1998), 1999 й.дан директори. Т.нинг эски шаҳар қисмидаги турар жой биноларини қайта қуриш, Т.даги Халқаро савдо кўрғазма маркази, Алишер Навоий ёдгорлик мажмуа-

Аквабоғ. Умумий манзараси. Болалар сирпаниш ҳовузи.



си, ёзги «Туркистон» театри, Бектемир бозори, Ёпиқ теннис корти ва б.ни лойиҳалашда иштирок этган.

АКРАМХУЖАЕВ Обид Муродович (1920.12.10–1996.15.9) – геолог олим, Ўзбекистон ФА акад. (1966). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), проф., геология-минералогия фанлари д-ри (1959). Т.да туғилган. Ўрта Осиё Индустириал ин-тини тугатган (1945). Ўзбекистон ФА Геология ин-тида катта илмий ходим, лаб. мудир (1950–57), Бутуниттифоқ нефть геологик-қидирув ин-ти Ўзбекистон филиали директори (1957–59). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси, Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси (1964–76) ва 1970 й.гача ФА Ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганувчи кенгаш раиси. Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув илмий тадқиқот ин-ти директори (1959–88), Ўзбекистон ФА вице-президенти, Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси (1990–92). 1992 й.дан ФА нинг Нефть ва газ геологияси, геокимёси и.т. маркази раҳбари. Асосий илмий ишлари нефть-газ конлари литологияси, нефть геологияси ва геокимёси, нефть ва газ захираларини олдиндан ҳисоблаш методини ишлаб чиқишга оид. «Ҳаёт сабоқлари» эсдаликлари (1995) муаллифи. Минор қабристонига дафн этилган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири А. номига қўйилган.

АКТЁРЛАР УЙИ (Тараққиёт кўч., 51) – т-р ходимлари ижодий клуби. 1966 й. ташкил этилган. 1997 й.дан «Ўзбектеатр» ижодий и.ч. бирлашмаси қошида. А. у. да респ. сахна усталари ва ёш актёрларнинг ижодий учрашувлари, ҳисоботлари мунтазам ўтказилади, хотира кечалари, маъруза ва

мунозаралар, кўргазма, кўрик ва танловлар уюштирилади, янги фильмлар намойиш қилинади. А.у. қошида «Тошкент» т-р студияси, «Ўзбекистон» халқ рақс ансамбли, «Цин Сен» корейс фольклор т-р-студияси ва б. ижодий жамоалар фаолият кўрсатади.

АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ,

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббий маркази (Мирзо Улуғбек кўч., 132^а-уй) – акушерлик ва гинекология масалалари бўйича респ.да йирик илмий, ташкилий-методик ва консультатив марказ. 1974 й. Тошкентда 2-туғуруқхона қошида ташкил этилган. 2007 й.гача Акушерлик ва гинекология и. т. институти деб юритилган. 2007 й.дан ҳоз. номда.

Марказда 10 илмий бўлим (акушерлик, гинекология, ўсмир қизлар гинекологияси ва ҳ.к.), 200 ўринли клиника, клиник ординатура, докторантура, илмий кутубхона, кундузги стационар ва б. бор. 2000 й.дан қунига 200 миңга мўлжалланган «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳатхонаси (5 бўлим, лаб., тиббий-генетика, оилани режалаштириш марказлари, инсеминация ва физиотерапиядан иборат) фаолият кўрсатмоқда. Жиззах, Наманган, Нукус

Акушерлик ва гинекология илмий маркази.

ва Қаршида филиаллари бор. 2003 й. марказ қошида сунъий уруғлантириш (экстракорпорал уруғлантириш) б-н шуғулланган «Янги инсон» номи репродуктив марказ очилди. Марказда 10 фан д-ри, 47 фан номзоди ва 100 дан зиёд малакали илмий ходимлар хизмат қилади (2008).

Марказ ходимлари аёллар, оналар ва чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг янги ташкилий тадбирларини ишлаб чиқади, ҳомиладорликда камқонликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини аниқлаш ва даволаш; акушерликда қон кетишининг олдини олиш, туғруқда кўп қон йўқотган ҳамда патологик туғруқ ва мураккаб гинекологик операциялардан кейин аёл соғлигини қайта тиклаш (реабилитация), даволаш масалалари бўйича тадқиқотлар ва илмий кузатувлар олиб боради; акушерлик патологиясининг турли кўринишларида она ва ҳомила ўртасидаги муносабатни, шунингдек, и.ч. омилларининг аёл репродуктив саломатлигига таъсирини аниқлайди.

Марказда акушерлик ва гинекология соҳалари мутахассислари ўз малакасини оширади, унда, шунингдек, Тошкент тиб-





«Алгоритм» ОАЖ.

биёт педиатрия ин-тининг ўқув базаси фаолият кўрсатади.

«АЛГОРИТМ» (Ислом Усмонов кўч., 71) – электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган очиқ турдаги акциядорлик жамияти (ОАЖ). Ўзбекистон радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик саноати корхоналари уюшмаси таркибига киради. 1982 й.да асос солинган. Москва аналитик ҳисоблаш машиналари 3-ди филиали бўлган (1986 й.гача). Дастлаб «Агат» деб номланган саноат электрон ҳисоблаш машиналари ишлаб чиқарган. 1986–96 й.ларда «Алгоритм» и.ч. бирлашмаси, 1996 й.дан ОАЖ. Асосан электр энергияси электрон ҳисоблагичлари, давлат автомобиль рақами белгилари, маиший электротехника маҳсулотлари, ностандарт ускуналар ишлаб чиқаради. Йиллик маҳсулот ҳажми 1688,8 млн. сўм (2007). «Семурғ» санаторий-профилакторийси, болалар соғломлаштириш оромгоҳи, тиббиёт-санитария қисми бор.

АЛИ ШОШИЙ (15-а.) – тошкентлик шоир. Муаммо айтишга моҳир бўлган. Ёзган шеърларидан Давлатшоҳ Самарқандийга айтган машҳур муаммосигина бизгача етиб келган.

АЛИМАТОВ Турғун (1922.20.1–2008.17.12) – созанда (датор,

танбур, сато). Ўзбекистон халқ артисти (1992). Тошкент вилоятида туғилган. 1930-й.лардан Тошкент ш.да. Тошкент пед. инти ишчи ф-ти тўғарагида (1937–40) танбур, ғижокак (скрипка) чалишни ўрганган. Кейинчалик халқ ва профессионал ижро услубларини Шобарат танбурчи, Наби танбурчи, Мулла Тўйчи ҳофиз, Ю.Ражабийлардан ўрганган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942–43). Ёш томошабинлар театри (1940–42), Муқимий театри (1943–46)да ғижокакчи, Ўзбекистон радиоси халқ чолғулари оркестри (1947–52, 1957–59), Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли (1959–85)да созанда. 1985 й.дан Тошкент давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасида ўқитувчи, проф. (1994 й.дан). А. датор, танбур ва сато ижрочилигини мукамал ўрганиб, ўзига хос ижро услубини яратди. Бадиҳагўйлик, соз пардаларини нозик нолалантириб чалиш А. ижрочилик услубига хос. Репертуарида халқ куйлари, мақом ва машҳур ашулаларнинг чолғу йўллари («Датор Навоси», «Танавор I-II», «Танбур Навоси», «Чоргоҳ», «Муножот», «Нола», «Наво», «Наврўзи Ажам», «Эшвой», «Бузрук», «Эй, сабо», «Куйгай» ва б.) ўрин олган. «Буюк хизматлари учун»

ордени б-н мукофотланган (1997). Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

АЛИМАХСУМОВ Ориф (1927.21.5–2005.12.2) – хонанда ва созанда, Ўзбекистон халқ артисти (1977). Т.да туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати интини тугатган (1967). Ўзбек эстрада театри (1956–57), Ўзбекистон телерадиокомпанияси (1957–86)да яккахон, Ўзтелерадиокомпания ҳузуридаги Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли (1976–79 ва 1983–86), этнографик ансамбль (1979–83) бадий раҳбари, айни пайтда Янгийўл ш. Маданият уйи мақомчилар ансамбли раҳбари (1972–78). Тошкент давлат консерваториясида (1983–85), Тошкент давлат санъат интида (1986 й.дан) катта ўқитувчи, доцент. А. ҳажман йирик, баланд авжли ашула, катта ашула ва мақом йўллари раво ва эркин куйлайган. «Шашмақом», «Ўзбек халқ мусиқаси» ва б. фильмларда мақом ва катта ашулаларни ижро этган. «Соғлом авлод учун» (1997), «Эл-юрт ҳурмати» (2000) орденлари б-н мукофотланган. Фозилота қабристонига дафн этилган.

АЛИМКЕНТ КЎЧАСИ – Ҳамза туманидаги Махмур ва «Умид» маҳаллалари ҳудудида. Элбек ва Мухтор Ашрафий кўч.лари оралиғида жойлашган. Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги шу номдаги жой номи б-н юритилади. Уз. 2 км атрофида. 1960 й. 29 янв.да Охунбобоев кўч. ўрнига қўйилган. А.к. бошида Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси, «Чкалов» метро бекати, автобуслар бошбекати, Қорасув канали, кўча йўналишида шахсий турар жой бинолари мавжуд. 2008 й. 2 сент.да А.к.га тугаш кўч.лар (Майна Ҳасанова 1-

ва 2-тор кўчалари) номларини уйғунлаштириш мақсадида улар номлари тегишли рақамларда Алимкент номи б-н ўзгартирилди. Майна Ҳасанова берк кўч. Алимкент 1-берк кўч. деб номланди.

АЛИМОВ Шокир Алимович (1912.28.9–1976.28.3) – фтизиатр олим, Ўзбекистон ФА акад. (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1962). Тиббиёт фанлари д-ри (1951), проф. (1953). Т.да туғилган. Самарқанд тиббиёт ин-тини тугатган (1935). Ўзбекистон сил касаллиги и. т. институтида клиник ординатор (1935–40). Шаҳар 2-сил касалхонаси ва сил касалликлари санаторийси бош врачлари (1940–43). Ўзбекистон сил касаллиги и. т. институтида ассистент, катта илмий ходим (1943–51), 1951 й.дан шу ин-т директори, айна вақтда Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти сил касаллиги каф. мудирлари (1953 й.дан). Асосий илмий ишлари фтизиатрия, силнинг олдини олиш ва уни даволашга оид. А. сил диагностикаси ва давоси устида ишлаб, беморларни меҳнат б-н даволаш гоёсини илгари сурди. Чигатой қабристонига дафн этилган. Ўзбекистон сил касаллиги и. т. институти, Шайхонтоҳур туманидаги кўчалардан бири А. номи б-н аталган.

АЛИМУҲАМЕДОВ Эркин Ҳайдарович (1939.18.12) – Ўзбекистон Қаҳрамони (1995). Т.да туғилган. Меҳнат фаолиятини 1959 й.да В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация и.ч. бирлашмасининг парчинловчи слесари бўлиб ишлашдан бошлаган. 1963 й.дан Тошкент авиация и.ч. бирлашмасида йиғувчи-слесарь бўлиб ишлади. Бирлашмада АН-8, АН-12, АН-22, ИЛ-76, ИЛ-144 ва б. самолётларни серияли и.ч.ни

ўзлаштиришда фаол иштирок этган, самолёт қанотлари агрегатларини йиғиш бўйича етакчи мутахассис, 30 дан ортиқ рационализаторлик таклифлари киритган. 1999 й.дан нафақада.

АЛИМҚУЛ, А л и м қ у л и (Мулло Алиқули Ҳасанбой ўғли) (1831/32–1865) – Қўқон хонлигининг муваққат хони (регент), мингбошиси, амир лашкари (1863–65). 1864–65 й.ларда Тошкент вилояти ва Т.ни М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинларидан Ҳимоя қилишда лашкарга қўмондонлик қилган.

Чор Россиясининг Қўқон хонлиги ҳудудига босқинчилик сиёсати таҳдидли тус олгач, А. Туркия, Англия, Афғонистон, Кашмир ва Хитойга элчилар юбориб, уларни хонликда юзага келган вазиятдан огоҳ этиб, чор Россиясига қарши курашда ҳарбий мададга муҳтож эканлигини билдирган. Шу б-н бирга ички сиёсатда марказий ҳокимиятни мустаҳкамлашга, ички низоларга барҳам бериб, бутун кучни ташқи душманга қаратишга ҳаракат қилган. Чор Россияси қўшинлари Тошкент ш. ва вилоятига таҳдид сола бошлагач, А. ва Султон Саййидхон қўшин б-н 1864 й. 25 ноябрда Т.га етиб келадилар. А. бу ердан қўшин тўплаб, Туркистон ш. томон йўлга чиққан ва Иқон қишлоғи ёнида рус отрядини енгган. 1864 й. дек. охирида А. ва Султон Саййидхон Қўқонга қайтишган. М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари Т.га яқинлашгани ҳақида хабар топгач, улар қўшин б-н Т.га етиб келишган (1865 й. 7 май) (Муҳаммад Солиҳ бўйича 15–16 май).

А. ва хон қароргоҳи Афросиёб тепалигига ўрнатилди. Мингўрик мавзесида катта машварат ўтказилди, шаҳар Ҳимоя-

чилари шу ерга тўпланганлар босқинчиларга қарши газавот эълон қилишган. Қашқар ҳокими Валихон Тўранинг қашқарликлар ҳам бу газавотга кўшилажаклари ҳақидаги мактубини А. ўқиб берган. Сўнгра Салор канали б-н Дархон ариғи оралиғида қаттиқ жанг бўлган, унда А. қўшини зафар кучган (қ. *Дархон жанги*). Рус аскарлари Шўртепага чекинганлар. 9 майда А. аскарлари ва шаҳар Ҳимоячилари ҳужумга ўтишган. Ниҳоятда қаттиқ жангда А. оғир яраланиб, шу куни вафот этган. 1865 й. 10 майда Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилган.

А.ни ўз қўли б-н дафн этган Муҳаммад Солиҳхўжанинг ёзишича, А. Шайхонтоҳурдаги Лангар ҳовузининг шим. тарафига, қайрағоч дарахти остига кўмилган. Рус манбаларига кўра, икки йилдан сўнг А. суяклари қариндошлари томонидан яширин кўчирилиб, ўз юртига олиб кетилган.

АЛИХОНТЎРА Шокирхонтўра ўғли (тахаллуси Соғуний) (1885.21.3–1976.28.2) – дин, ҳарбий ва давлат арбоби, уламо. Туркистон ўлкасининг Тўқмоқ ш.да туғилган. Муҳожирликда бўлган (1917–18; 1930–46). Бир неча бор ҳаж қилган. Макка ва Мадинадаги ислом фалсафасининг йирик марказларида ва Бухорода таҳсил олиб, тафсир, ҳадис, фикҳ ва дунёвий илмларни чуқур ўрганган, араб, форс ва туркий тилларни мукамал билган. 1944 й. 12 ноябрда Шарқий Туркистон жумҳурияти эълон қилиниб, А. Муваққат инқилобий ҳукумат раислигига сайланган. 1946 й. июнда махфий равишда чекистлар томонидан Гулжадан олиб чиқиб кетилган А. ўша йилдан умрининг охиригача Т.да яшаган. Т.да илмий ижод ва таржимонлик б-н шуғул-

ланган. Аҳмад Донишнинг «Наводир ул-вақое», Херман Вамберининг «Мовароуннаҳр ёки Бухоро тарихи», Дарвиш Али Чангийнинг «Муסיқа рисоласи», шунингдек, «Темур тузуклари» каби асарларни ўзбек тилига таржима қилган. «Девони Соғуний» шеърӣ тўплами, «Тарихи Муҳаммадий» («Муҳаммад тарихи»), «Шифо ул-илал» («Хасталиклар давоси») асарлари бор. Т.даги тарихий меъморӣ обидалар ва қад. қўлёмаларни сақлаб қолишда жонқуярлик қилган. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн қилинган. Т.нинг Шайхонтохур туманидаги кўчага унинг номи берилган.

АЛИШЕР НАВОЙ, Навоий, Фоний (тахаллуслари; асл исми Низомиддин Алишер) (1441.9.2–1501.3.1) – буюк ўзбек шоири, мутафаккир, ўзбек адабий тили асосчиси ва давлат арбоби. Ҳиротда туғилган ва ўша ерда дафн этилган. А.Н.нинг болалиги Шохрух ҳукронлигининг сўнгги йилларига тўғри келган. У темурийзодалар, хусусан бўлажак подшоҳ Ҳусайн Бойқаро б-н бирга тарбияланган. 4 ёшида мактабга бориб, тез савод чиқариб, туркий, форс ва араб тилларини мукамал эгаллаган. Ҳирот, Машҳад ва Самарқандда таҳсил кўрган. 10–12 ёшларидан шеър ёза бошлаган. А.Н. 15 ёшида шоир сифатида кенг танилган. Шеърларини туркий (Навоий тахаллуси б-н) ва форс (Фоний тахаллуси б-н) тилларида ёзган. Ҳусайн Бойқаро ҳокимият тепасига келганидан сўнг А.Н.ни муҳрдор, бош вазир каби юқори лавозимларга тайинлаган. Саройдаги мавқеидан юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида фойдаланишга интилган. Султон Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қил-



Алишер Навоий (мусаввир Маҳмуд Музаҳҳиб асари, 16-а.).

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, ёш А.Н.нинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий, унинг:

*Оразинг ёпқоч, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш.
– матлаъли газалини тинглаб:
«Агар муяссар бўлса эди,
Ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий
ва туркий байтимни шу газалга алмаштирардим...» деган экан.*

ган, А.Н. ҳукуматда бош вазир вазифасини эгаллаган йилларда ҳеч бир мамлакатга қарши уруш олиб борилмаган. Хондамирнинг қайд қилишича, А.Н. ўз

маблағлари ҳисобидан Ҳиротда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида бир неча мадраса, 40 работ, 17 масжид, 10 хонақоҳ, 9 ҳаммом, 9 кўприк, 20 га яқин ҳовуз қурган ёки таъмирлаган. Улар орасида Ҳиротдаги «Ихлосия», «Низомия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳи, «Шифоия» табобатхонаси, Қуръон тиловат қилувчиларга мўлжалланган «Дор ул-хуффоз» биноси, Марвадаги «Хусравия» мадрасаси, Машҳаддаги «Дор ул-хуффоз» хайрия биноси ва б. ноёб меъморӣ ёдгорликлар бор.

Бу даврда Ҳиротда адабий ҳаёт жўш урган. А.Н. атрофида Шайхим Суҳайлий, Хожа Осфий, Камолиддин Биноий каби ўнлаб шоирлар, Ҳасан Ноий, Хожа Абдуллоҳ Марворий, Қулмуҳаммад Удий, Шохқули Гижжакий каби созандалар, Мирхонд, Хондамир каби тарихчилар, Султонали Машҳадӣ, Абдужамил Котиб, Хожа Ҳофиз Муҳаммад, Султонали Коиний, Муҳаммад Хандон, Мавлоно Ҳижроний каби машҳур котиблар, Беҳзод каби мусаввирлар қизгин ижодий меҳнат б-н шуғулланган. 15-а.нинг энг ёрқин сиймоларидан бўлмиш Абдурахмон Жомий б-н А.Н. ўртасидаги ижодий ҳамкорлик кўп масалаларда ҳамфикрлиликка олиб келган. А.Н.нинг ўзбек тилидаги дастлабки йирик асарларидан «Ҳилолия» (1469) қасидаси Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган бўлса, форс тилидаги биринчи йирик асари – «Тухфат ул-афкор» (1476) қасидаси Жомийга бағишланган.

А.Н.нинг адабий ва илмий мероси жуда улкан ва серқирра бўлиб, 15-а. мусулмон Шарқи маънавий ҳаётининг деярли барча томонларини қамраб олган 30 га яқин девон, йирик дос-

тонлар, насрий асарлар ва илмий рисоалардан иборат. Унинг адабий ва илмий меросини тўрт гуруҳга таснифлаш мумкин: 1. Девонлари. 2. Достонлари. 3. Форсий тилдаги шеърий мероси. 4. Илмий-филологик ва тарихий асарлари.

А.Н.нинг ўзбек тилида яратган лирик мероси асосан тўрт қисмдан иборат бўлган «Хазойин ул-маоний» девонига жамланган. «Хазойин ул-маоний»даги 4 девоннинг ҳар бирида 650 тадан 2600 ғазал, умуман 4 девонда 210 қитъа, 133 рубоий, 86 фард, 52 муаммо, 13 туюқ, 10 мухаммас, 10 чистон, 5 мусаддас, 4 таржеъбанд, 4 мустазод, 1 мусамман, 1 таркиббанд, 1 қасида, 1 маснавий, 1 соқийнома мавжуд бўлиб, улар Шарқ шеъриятининг 16 турини намоён қилади. А.Н.нинг барча лирик жанрларга оид шеърлари юксак маҳорат б-н ёзилган бўлиб, инсон манфаатларига, унинг эътиқодини мустақамлашга, руҳини соғломлаштиришга хизмат қилади. Унинг ишқий-ирфоний, фалсафий-ахлоқий мазмундаги, ҳаёт нафаси уфуриб турган ҳар бир ғазали бу жанрнинг ўлмас намуналаридир.

Улуғ шоир ижодининг шох асари «Хамса» 5 достондан иборат. Булар «Ҳайрат ул-аброр» («Яхшилар ҳайрати»), «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъайи сайёр» («Етти сайёра»), «Садди Искандарий» («Искандар девори») достонларидир. Форс адабиётидаги хамсачиликка жавоб сифатида яратилган, 52 минг байтдан иборат бу бешлик ўзбек тилининг чексиз имкониятларини амалда исбот этди. А.Н. «Хамса»си ўз дав-



Адабиёт музейи олдидаги Алишер Навоий ҳайкали.

ридаги кишилик жамияти тафаккурининг борлиқ ва табиат, инсон ва жамият, ахлоқ ва маънавий камолот ҳақидаги ўзига хос қомусидир.

«Лисон ут-тайр» – А.Н.нинг сўнгги достони «Хамса»дан 14 й. кейин – 1498–99-й.ларда яратилган. Фаридиддин Атторнинг «Мантик ут-тайр» достонига жавоб тариқасида вужудга келган ушбу тасаввуфий асарини шоир «Фоний» тахаллуси б-н ёзган. Унда шоир инсонийликнинг илоҳий моҳияти, маънавий камолотнинг босқичлари, комил инсон фалсафасининг асосини мажозий йўл б-н, қушлар тимсоли орқали ўқувчига бадиий кўркем ва жонли етказишда санъаткорлик кўрсатган.

А.Н. бутун умри давомида ўзбек тили б-н бир қаторда форс тилида ҳам баракали ижод

қилиб, бой мерос яратди. Унинг бу тилдаги шеърлари 1490 й.ларнинг ўрталарида муаллиф томонидан девон ҳолига келтирилган ва «Девони Фоний» номи б-н машҳур. «Девони Фоний»даги ғазалларнинг аксарияти машҳур форс шоирлари шеърларига татабулардан иборат. А.Н. форс тилида ёзган оригинал ғазалларига «Мухтареъ», «Ихтиро» деб сарлавҳа қўйган бўлиб, уларнинг сони 50 дан ортиқ. А.Н. ўзининг форс тилидаги асарлари б-н замондошларининг, айниқса, Жомийнинг юқори таҳсинига сазовор бўлган ва форс-тожик адабиёти, хусусан шеърияти ривожига муносиб ҳиссасини қўша олган.

А.Н. шоир бўлиш б-н бирга ўз даврининг улуғ олими, мутафаккири ҳам эди. Навоийсиз бу давр фани ва маданияти тараққиётини тасаввур этиш қийин. Айниқса, «Мажолис ун-нафоис» ва «Насоим ул-муҳаббат» тазкиралари, «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» маноқиблари, адабиёт назариясига оид «Муфрадот» ва «Мезон ул-авзон» асарлари, «Тарихи мулуки Ажам» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» каби тарихий асарлари, ахлоқ илмига оид «Маҳбуб ул-қулуб» асари унинг тафаккур даҳосининг серқирра эканлигидан гувоҳлик беради. Буларнинг орасида «Муҳокамат ул-луғатин» асари алоҳида аҳамиятга эга. Унда туркий тилларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукамаллиги, сўзларга бойлиги форс тили қоидалари ва ҳодисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали

тахлил этилган. А.Н туркий тилларнинг жамият тараққиётидаги ўрнини, сўз ва ибораларга бойлигини шоир сифатида чуқур эгаллагани ва англагани учун, унинг бошқа тиллардан камлик жойи йўқлигини, аксинча, уларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини эътирос б-н кўрсатиб, исботлаб берган. Унинг муқояса учун келтирган 100 та туркий феълнинг аксари ўзбек тилида ҳозиргача истеъмолда. А.Н. ушбу асари б-н ўзбек тилининг бойлиги, ўзига хос хусусиятлари ва нафислигини намойиш этди, ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод этишга

рағбатлантирди. Шоирнинг ўзи ўзбек тилидаги асарлари б-н шуҳрат топди, туркий сўз санъаткори бўлиб қолди. Атоқли форс шоирларининг кўпчилиги, Фузулий, Собир, Махтумқули, Абай, Бердак, Абдулла Тўқай каби туркийзабон шоирлар А.Н. ижодидан ўрганиб, унинг анъаналарини давом эттирдилар. Китоблари турли даврларда хатотлар томонидан кўплаб кўчирилди, нафис расмлар б-н зийнатланди. «Хамса» ҳамда «Наводир ун-ниҳоя» девонининг хаттот Абдужамил кўчирган нусхалари Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади.

Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти 1957 й.дан бошлаб ҳар йили шоир туғилган кунида А.Н ижодий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий



Ўзбекистон миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали.

конференция ўтказади. Ойбекнинг «Навоий» (1944) романи, Иззат Султон ва Уйғуннинг «Алишер Навоий» (1945), И.Махсумовнинг «Навоий Астрободда» (1967) драмалари, «Алишер Навоий» кинофильми (Иззат Султон, Уйғун, В.Шкловский, А.Спешнев сценарийси; реж. К.Ёрматов; 1948), Ойбек романи асосида кўп серияли «Навоий» телефильми (реж. М.Юнусов, 1982) ва б. яратилди. А.Н. дostonлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси (1937), «Лайли ва Мажнун» операси (1942), «Сухайл ва Меҳр» балети (1967), «Дилором» операси (1958), «Искандар» драмаси (1991) театр санъатининг энг яхши асарларидан бўлиб қолди. Мустақиллик барча қадриятларимиз қатори А.Н. меросини ўрганишнинг кенг уфқларини очди. Эндиликда унинг

ижодини аслича, моҳиятини тушуниб ўрганиш имконияти юзага келди. 1991 й. Ўзбекистонда «Навоий йили» деб аталди. 1991 й. 9 фев.да Адабиёт музейи биноси олдидаги хиёбонда шоирнинг янги тагсупага ўрнатилган ҳайкали (ҳайк. Н.Дитрих) очилди. 1991 й. 28 сент.да Республика Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида Т.да Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи барпо этилди ва бу боғ ўртасида шоирнинг салобатли ҳайкали (ҳайк.лар: Э.Алиев, Н.Бандзеладзе, В.Дегтярёв) қад кўтарди. 1991 й. окт.-

да Т.да Навоий таваллудининг 550 йиллиги тантанали нишонланиб, катта анжуман ўтказилди. А.Н.нинг 20 жилдли Мукамал асарлар тўплами нашр этилди (1998–2000 й.лар). Навоий номи мамлакатимизнинг кўп жойида абадийлаштирилган. Хусусан, Тошкент ш.да Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти, Адабиёт музейи, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Катта академик опера ва балет театри, Санъат саройи, метро бекати, хиёбон, Т.даги бир неча маҳаллалар А.Н. номи б-н аталади.

«АЛИШЕР НАВОИЙ» – метро бекати, Ботир Зокиров кўч.да жойлашган. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, савдо расталари яқинида. «Ўзбекистон» йўлининг 1-навбати сифатида 1984 й. 7 дек.да фойдаланишга топширилган. Йўловчилар зали устунли, икки ер ости

йўлакки бўлиб, бири орқали «Пахтакор» метро бекатига ўтилади. Меъморлари: Я.Мансуров, В.Маҳмудов; муҳандислари: О.Зокиров ва б. Интеръери гириҳ ва ислимий нақшлар б-н ишланган (рас.лар Р.Муҳаммаджонов, А.Раҳимов). Карнизлари ва тоқилари ҳам миллий нақшлар б-н безатилган (уста И.Шермуҳамедов ва б.). Зал деворларида Навоий «Хамса»си сюжетларидаги намоёнлар, Навоий барельефи бор (рас.лар: Ч.Аҳмаров, И.Қаюмов, кошинкор усталар: А.Аминов, У.Маматбоев, ҳайк. А.Шоймуродов).

АЛИШЕР НАВОИЙ МАҲАЛЛАСИ (Алоқа кўч., 1) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Аллон», «Чигатой дарвоза», Беруний ва Чустий маҳаллалари б-н чегарадош. 1970 й. Шайхонтохур туманидаги «Илғор» маҳалласидан ажраб чиққан. 1970–2000 й.ларда Абдулла Қодирий, 2000–01 й.да «Аллон», 2001 й.дан «Алишер Навоий» номи б-н аталади. Аҳолиси 7200 кишидан ортиқ, асосан ўзбеклар (2009). Маҳалла худудида С.Раҳимов туман паспорт бўлими, «Ўзгазлойиҳа» ин-ти, Тошкент ш. Ички ишлар бошқармасининг ёнғиндан сақлаш бўлими, туман электр тармоқлари бўлими, ўрта мактаб, болалар боғчаси ва машиный хизмат кўрсатиш шохобчалари, 11 та катта-кичик кўча, бир қанча кўп қаватли уйлар мавжуд.

АЛИШЕР НАВОИЙ МАҲАЛЛАСИ (Инқилоб кўч., 2) – Ҳамза тумани Янгиобод даҳасидаги маҳалла. Ж.Шахбозов, «Гулистон», Нодири ва Миршаропов маҳаллалари б-н чегарадош. 1969 й. ташкил топган. Буюк мутафаккир Алишер Навоий номи берилган. Аҳолиси 3992 киши, асосан ўзбеклар, бошқа миллат ва-

киллари ҳам яшайди (2008). Маҳалла худудида болалар боғчаси, 5 та савдо дўкони, 2 та сартарошхона, дорихона, «Сувсоз» корхонасининг 4-цеҳи жойлашган.

АЛИШЕР НАВОИЙ МАҲАЛЛАСИ (Қорасув-2 мавзеси, Ҳусайн Шамс кўч., 16) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Шукур Бурҳонов, Алпомиш, Авайхон, «Катта Қорасув» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. ташкил этилиб, Алишер Навоий номи б-н аталган. Аҳолиси 5694 киши (2008) бўлиб, турли миллат вакилларида иборат. Маҳалла худудидаги ИИВ академиясида ёпиқ спорт иншоотлари мавжуд. **АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ** – қ. *Ўзбекистон миллий боғи.*

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ – қ. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси.*

АЛЛЕРГОЛОГИЯ МАРКАЗИ (Форобий кўч., 2) – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Республика илмий-ихтисослашган муассаса. 1980 й. ташкил этилган. Тошкент ш.да жойлашган. Марказ илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишлари аллергия хасталикларга чалинган беморларга ихтисослашган юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва касалликнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар олиб бориш, шифокорларнинг клиник аллергия соҳасидаги билим савияларини ошириш ва бу борада илмий изланишларни йўлга қўйиш. Марказ Тошкент тиббиёт академияси даволаш ва тиббий педагогика ф-лари учун клиник аллергиядан ўқув маркази ҳисобланади. Шунингдек, марказ жойларда соғлиқ-

ни сақлаш муассасаларига аллергиялогия бўйича илмий-амалий, ташкилий-консультатив ёрдам кўрсатади.

Марказда поликлиника бўлими (маслаҳат берилади ва беморларга тиббий ёрдам кўрсатилади); ихтисослашган стационар бўлим (40 ўриндан иборат, даволаш ишлари б-н бирга «Аллергия ва астма» мактабида ўқитилади) ва аллергиялогик лаб. (барча турдаги текширув усуллари ўтказилади) ишлаб турибди.

А.м.да аллергиялог-дерматолог, аллергиялог-окулист, лор-аллерголог каби мутахассислар фаолият кўрсатади. Марказда 20 дан ортиқ илмий ходим, 10 дан зиёд фан номзодлари ва олий тоифали шифокор-аллергологлар хизмат қилади. Марказ илмий тўплам, монография, дарслик ва турли қўлланмалар нашр этади.

АЛЛОН МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 278) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Чимбой», «Чигатой дарвоза», Алишер Навоий, «Беруний майдони» ва «Университет» маҳаллалари б-н чегарадош. 1931 й. ташкил қилинган. «Аллон» сўзи Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» ва Навоий асарларида «Олонг» (тепалик, паст-баландлик маъносида) шаклида учрайди. Дарҳақиқат, «А.» *Бинкат* атрофида, шаҳар деворига яқин жойдаги тепалик ерда вужудга келган. Аҳолиси 3646 киши (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, уйғур, татар, тожиклар ҳам яшайди. Маҳалла худудида «Ўзстандарт» агентлиги (Госстандарт), бухоро яҳудийлари қабристони, болалар спорт майдончаси, чойхона, озиқ-овқат дўконлари, супермаркет, 2 кафе,

2 сартарошхона, бир неча нов-войхона мавжуд. Маҳалла фахрийларидан Далибой Зоҳидов 37 й. (1950–87) оқсоқоллик қилган. Шу маҳаллада давлат арбоби Н.А.Муҳитдинов (1917–2008) туғилиб ўсган.

АЛМАЙ (тахаллуси; асл исми Фазлуллоҳ Миржалол ўғли) (1851/52–1894/95) – ўзбек шоири, таржимон, арабшунос ва хаттот. Т.да туғилган. Тошкентдаги «Муи Муборак» ва Бухородаги мадрасаларда таҳсил кўрган (1866–67). Турк, форс, араб тилларини ва адабиётини, фалсафа, мантик, ҳуқуқ, мусиқа, тиб, хаттотлик илмини ўрганган. Т.га қайтгач, Шукурхон мадрасасида мударрислик қилган. Эркин фикрлаши, айрим руҳонийлар б-н ихтилофлари туфайли мадрасадан кетишга мажбур бўлган. Умри муҳтожлик ва қашшоқликда кечган. А. асарлари ўша даврда тузилган баёзларда учрайди. Уларда жамиятдаги адолатсизликка қарши нафрат туйғулари ифодаланган, севги ва вафо, садоқат, яхшилик ва ҳалоллик каби фазилатлар улуғланган («Ҳаёт», «Этти», «Келсангчи», «Ярашур» ва б.). Шоир инсон баркамоллиги унинг илм-маърифатли бўлишида, ундан ўзгаларни ҳам баҳраманд қилишда деб билган. «Калила ва Димна»ни форсчадан ўзбекчага таржима қилган. Таржиманинг ҳар бир ҳикояти мундарижасига мос фард, маснавий, қитъа, рубоийлар ёзиб киритган ва ўзи настаълиқда кўчирган. Китоб Т.да нашр қилинган (1898, 1901, 1913). Арабча «Шарҳи Мулло» (1879–80)га кирган «Авзон ул-жумуъ» («Вазнлар жамъи») манзумаси араб шеърятда қофия санъатини ва айрим грамматик қоидаларни ўрганишда муҳим қўлланма ҳисобланган. Баъзи

араб мамлакатларида ҳам ундан дарслик сифатида фойдаланилган. Китобнинг Алмай кўчирган қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда. Т.нинг Учтепа туманидаги кўча, Бешёғоч даҳасидаги намуна иш мактаби А. номида бўлган (қ. *Алмай номидаги намуна иш мактаби*).

АЛМАЙ НОМИДАГИ НАМУНА ИШ МАКТАБИ – 1918 й. Бешёғоч даҳасидаги собиқ рус-тузем мактаби биносидида маҳаллий аҳоли болалари учун очилган мактаб. Шоир, таржимон, хаттот *Алмай* номи б-н аталган. Мактабда меҳнат ва политехника таълими берилган, мусиқа ва драма тўгараклари бўлган. Маориф халқ комиссарлигига мактаблар учун ўқув дастурлари, дарслик ва методик қўлланмалар тайёрлашда ёрдам кўрсатган. Шоир Миртемир, олим ва ёзувчилар Парда Турсун, Жуманиёз Шарипов, Иззат Султон, Ҳасан Пўлат, Сулаймон Азимов ва б. шу мактабда ўқишган. 1929 й.да бошқа мактабларга қўшиб юборилган.

АЛОҚА ХИЗМАТИ – қ. *Почта алоқаси*.

АЛОҚА МАРКАЛАРИ – қ. *Почта маркалари*.

«АЛОҚАБАНК» (Ойбек кўч., 30) – ихтисослаштирилган акциядорлик-тижорат банки. 1994 й.да Тошкент ш.да ташкил топган. Фаолиятини 1995 й. 22 мартда бошлаган. Асосий таъсисчилари ва акциядорлари: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбекистон почтаси», «Ўзбектелеком», «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниялари, Электромагнит мослашув маркази, Давлат алоқа инспекцияси, шунингдек, жисмоний шахслар.

Банк фаолиятининг асосий турлари: корпоратив, улгуржи ва чакана банк амалиётлари. Корпоратив миқозларга ҳисоб-касса хизмати, кредитлаш, лизинг, факторинг, бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш, корпоратив пластик карточкаларни муомалага чиқариш, қимматли қоғозлар б-н амалиётлар, хизматлар кўрсатиш, жисмоний шахсларга ҳисоб-касса хизмати, кредитлаш, ҳисоб очмасдан пул ўтказмалари, маблағларни пул омонатларига жойлаштириш, сўм пластик карточкаларини муомалага чиқариш ва хизмат кўрсатиш, валюта айирбошлаш амалиётлари, аҳолидан телефон, коммунал ва б. хизматлар учун бар-



Алоқабанк.

ча турдаги тўловларни қабул қилиш каби хизматлар кўрсатилади.

Тошкент ш.да ушбу банкнинг шаҳар бўлими хизматларидан 49854 мижоз фойдаланади (2008). Банкнинг асосий мижозларини ахборот тизимлари ва телекоммуникация соҳаси корхоналари ташкил этади.

«АЛП ЖАМОЛ БАНК» (Мустафо Камол Отатурк кўчаси, 21) – хусусий очик акциядорлик тижорат банки. Фаолиятини 1998 й. 16 мартда Тошкент ш.да бошлаган. Банкнинг асосий акциядорларини жисмоний шахслар, шунингдек, қисман юридик шахслар ташкил этади. Банк жисмоний ва юридик шахсларга ҳисобварақлар очиш, улар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, кредит бериш, лизинг ва факторинг хизматлари кўрсатиш, қимматли қоғозлар б-н операцияларни амалга ошириш ва б. б-н шуғулланади, амалдаги қонун ҳужжатлари б-н тақиқланмаган барча банк фаолиятини амалга оширади. Банкнинг Тошкент вилояти ва Тошкент ш.да Қибрай, Зангиота ва Чилонзор филиаллари бор. Тошкент ш.да жойлашган филиали таркибида 9 та мини-банк, 19 пул ўтказиш шохобчаси, 41 та махсус касса фаолият юритади (2008).

Тошкент ш.даги филиалида банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар сони 70 мингтага етди, улардан 65,5 мингтаси жисмоний шахслар (2008).

АЛПОМИШ МАҲАЛЛАСИ (Равон кўч., 23) – Мирзо Улугбек туманидаги маҳалла. «Олтинтепа», «Янги Авайхон», А.Навоий, «Олимлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1984 й.да ташкил топган. Олдин «Ватан» деб номланган. 2005 й.дан ўзбек халқ

қаҳрамонлик достони бош қаҳрамони номи б-н аталган. Аҳолиси 5014 киши (2008). Турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида босмахона, 9 та дўкон, 2 та поликлиника мавжуд.

АЛ-ХОРАЗМИЙ ДАҲАСИ – Чилонзор туманида, Заргарлик ва Гулистон кўчаларининг Катта ҳалқа йўли б-н туташган қисми оралиғида. 1982–91 й.ларда «Алгоритм» ОАЖ қурилиши муносабати б-н унга яқин бўлган ҳудудда турар жой бинолари барпо этилди ва асосан шу ҳудудда истиқомат қилган аҳоли ҳамда «Алгоритм» ОАЖ хизматчилари бу биноларга кўчиб ўтишди. Даҳада 5 ва 9 қаватли турар жой бинолари, оилавий шифохона, почта, новвойхона, мактаб, болалар боғчаси, троллейбус ва автобуслар бошбекати, савдо ва б. маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

АЛ-ХОРАЗМИЙ КЎЧАСИ – Чилонзор туманидаги «Ботирма», «Меҳржон» ва «Кичик Хирмонтепа» маҳаллалари ҳудудларидан ўтади. Катта Қаъни ва Заргарлик кўч. оралиғида жойлашган. Уз. 3 км га яқин. 1969 й.дан буюк мутафаккир Муҳаммад *Хоразмий* номи б-н юритилади. Кўча йўналишида 16-, 17-, 18-, 19-, 20-мавзелар, Хайробод Эшон мақбараси, Бешёғоч деҳқон бозорининг «Ал-Хоразмий» шохобчаси, кўп қаватли турар жой бинолари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, таълим муассасалари бор.

АМАЛИЙ БЕЗАК САНЪАТИ – Чочда шаҳар амалий безак санъати ривожига *Қовунчи маданияти* (6–8-а.да юксак даражага етган) асос бўлган. Т. ҳудудида топилган «сак ҳайвонот услуби»

доирасида яратилган мис буюмлари (мил. ав. 1 минг йилликнинг ўрталарига оид мис пичоқлар, болталар, диний-маросим қозонлари) қад. Чочнинг (Т. ҳудуди) дашт ҳудудлари б-н ўрнатилган маданий алоқалари тўғрисида маълумот беради ва металлга бадий ишлов бериш ҳунарининг юксак даражада тараққий этганлигини кўрсатади.

Т. ҳудудида зардуштийлик дини б-н боғлиқ бўлган мил. 5–7-а.ларга тегишли юзга яқин овал шаклдаги остодонлар (оссурийлар) топилган. Чоч ҳудудида лойга ишлов бериш санъати юқори даражада ривожланган.

8-а. бошларида Марказий Осиёда Ислом динининг ёйилиши б-н илк ўрта аср ижтимоий ҳаётида ўзгариш рўй бериб, мусулмон дини тамойилларига асосланган ва халифалик таркибига кирувчи турли халқлар санъати анъаналарини ўзига сингдирган янги эстетика шакланди.

9–11-а.лардан Мовароуннаҳр ш.ларида бадий ҳунармандчилик тараққиётга эришиб, буюмларда нақшли безаклар устунлик қила бошлади. Бу шиддатли тараққиёт доирасига ўрта аср Т.и ҳам кирган. Бу даврда воҳа пойтахти – Бинхат ҳоз. Т.нинг эски шаҳар қисмида жойлашган. Бу ерда сопол, темир, шиша, кўн буюмлар ишлаб чиқарилган. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, кигиз, гилам, ип газлама ва жун матолар ўзининг аъло сифати б-н ажралиб турган.

Афросиёб ва Нишопурнинг машҳур сопол буюмларидан бадий жиҳатдан қолишмайдиган Т. сиркорига мусулмон дунёсида талаб катта бўлган. 10-а.да араб сайёҳи Ал-Мақдисий

хабар берганидек, «Шарқда унга тенг келадигани бўлмаган». Шаҳарда ҳам маиший буюмлар, ҳам ноёб санъат намуналарини ишлаб чиқарувчи кулоллар маҳаллалари бўлган. 9–12-а.лар давомида Т. сиркор сополчилиги бадий ва техник баркамолликка эришган.

Сиркори буюмлар – ясси идишлар, ликобчалар, пиёлалар, кўзачалар яхши тилаклар билдирилган ёзувлар ёки Қуръони карим оятлари б-н безатилган, ёзувлар, одатда, оқ тарҳга куйиб ва насх хатида битилган. Сиркори сопол беагида услублаштирилган ислимий нақшлар кенг оммалашган, улар ҳандасавий нақшлар сирасига мослаштирилган. Жониворлар, паррандалар, балиқлар, эртақлардаги афсонавий мавжудотларнинг услублаштирилган тасвирлари туширилган Чоч идиши ғоят ноёб саналган. Мовароуннаҳрнинг бошқа бадий марказлари б-н уйғунлашган услуб ўрта асрлар Т. сиркори сополчилигида ўзининг ёрқин бадий ифодасини топган.

Ўқ-ёй ва садоқлар ўзининг шинам ва нафислиги, гўзал ишлов берилганлиги б-н алоҳида шуҳрат топган ва Жануби-Шарқий Осиё ва Ўрта Шарқнинг турли мамлакатларига экспорт қилинган.

Т. яқинидаги конлардан олтин, кумуш, рух, мис, темир, симоб, қимматбаҳо ва рангли тошлар етказиб берилган, улар орасида Чоч ферузаси машҳур бўлган. Буларнинг бари темирчилик ва чилангарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, маъданга ишлов бериш ва заргарлик санъати ривожини жадаллаштирган. Т.да мўғул босқинига қадар рўзғорбоп гулдор буюмлар – баркаш, хум, шамдон, ҳовонча,

чайнак, довод, ихчам декчалар ва б. хўжалик буюмлари ишлаб чиқарилган.

Гил, шиша маъдан, қимматбаҳо ва рангли тошлардан ясалган буюмлар б-н бир қаторда бадий тўқимачилик соҳалари – тўқув хунармандчилиги ва гиламдўзлик, кўн тайёрлаш ривожланган, буларга хомашёни қўшни чорвадор қабилалар етказиб турган. Истахрийнинг хабарича, Т. воҳаларида кийим-кечак ниҳоятда мўл тикилганидан, ҳатто «улар бошқа мамлакатларга жуда кўп миқдорда олиб чиқилган», Мақдсийнинг кўрсатишича, Бинкатдан кўчманчи қабилалар эҳтиёжи учун пахта, кийим-кечак, ипак ва шойи матолар олиб кетилган.

Темурийлар даврида Т.да кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, тош ўймакорлиги, тўқимачилик, гиламдўзлик, каштачилик юксак даражада ривожланган. Шаҳар бозорларининг савдо расталарида мискар ва кандакор усталар ясаган буюмлар алоҳида ўрин тутган, булар қўйма Чоч мис қозонлари, шунингдек, гуллар б-н безатилган баркаш, коса, хумча, шамдонлардан иборат бўлган.

Мўғул босқини даврида Т.нинг иқтисодий ва маданий ҳаёти инқирозга учради, фақатгина тарих саҳнасига Амир Темурнинг келиши билан унда тикланиш даври бошланди.

Бу вақтда Т.да кундалик рўзғорбоп маҳсулотлар б-н биргаликда нодир сиркори сопол ва маъдан буюмлари, заргарлик тақинчоқлари, хилма-хил мато ва гиламлар ишлаб чиқарилган. Айниқса, 14–15-а.лар охирида сиркори сополчилик ўзгача рангу жозибага эга бўлди. Сополчиликда янги тур юзага келди,

яъни тўқ кўк ранг устунлигида Хитой чиннисига тақлид сезилди. 10–12-а.лар Чоч сополчилигининг илиқ ранглар рангасвир услуби Темур давридаги Т. мовий сополчилигига оид нафис суратли ва совуқ ранглар устунлиги б-н алмашади. Қадимшунослар томонидан Кўкалдош мадрасаси ва Шайх Хованди Тоҳур ёдгорлигидан топилган сопол идишларнинг парчалари 15–17-а.лар Т. кулолларининг маҳсулотлари нечоғли юқори сифатга эга эканлигидан гувоҳлик беради.

Бобурнинг гувоҳлик беришича, сифати жиҳатдан тенгсиз Т. ўқ-ёйларини ясашда мўғулларгача бўлган анъаналар давом эттирилган.

15-а.дан Чочнинг Т. ва Шоҳрухия каби шаҳарлари Самарқанд ва Бухоро каби Ўрта Осиёнинг маданий бунёдкорлик, санъат ва бадий хунармандчилигининг етакчи марказлари даражасига кўтарилган. Ёғоч ва тош ўймакорлиги, шиласозлик, тўқимачилик, гиламдўзлик кенг ривож топган.

16–19-а.ларда умумий иқтисодий турғунлик ва савдо алоқаларининг сусайишига қарамай, Т.да хунармандчилик саноати ривожланишда давом этиб, хунармандлар маҳаллалари пайдо бўлади (Дегрез, Кулолгарон, Заргарлик, Маҳсидўзлик, Пичоқчилик, Парчабофт, Тақачи, Темирчи, Чархчи). Заргарлар, кандакорлар шаҳар марказида, совунгарлар ва кўнчилар эса шаҳар чеккасида жойлашганлар. Бу даврда чарм кийимлар – овчилар шими, пойафзал, от терисидан ясалган эгарлар, сопол буюмлар учун гилоф – чинниқоплар, китоб муқовалари – жузгирлар ва б. маиший буюмлар ҳам ишланган.

19-а.нинг 2-ярми – 20-а. бошида Россиядан ф-ка молларининг кириб келиши хунармандчилик буюмларининг бадий сифатига путур етказди.

Кулолчилик устахоналари шахарнинг Бешёғоч ва Кўкча қисмларида жойлашган бўлиб, Бешёғочнинг Эски Намозгоҳ маҳалласидаги бешта устахона оддий, сирланмаган идишлар ишлаб чиқарган. Бу ердаги олтита устахонада эса тандир ясалган. Кўкча мавзесидаги кулолчилик устахонасида гуллар б-н безатилган сиркор идишлар, яъни хум, тоғора, кўзача, шунингдек, гултувак, обдаста ва шунга ўхшаш рўзғор буюмлари ҳамда сопол қувурлар тайёрланган.


Кулолларнинг тайёрлаш йўсинлари ришонликларникига ўхшаса-да, нақшларида фарқ бўлган. Т.да усталар кўпинча чизма усулни қўллаган, одатда, гуллар учли пичоқча б-н ўйиб туширилган. Сўнг уларга ранг бериб, хумдонларда пиширилган. Кўкча усталари лаган, лаганча, шокоса ва товоқлар тайёрлашган.

19-а. ўрталарида Т. кандакорлик мактаби узил-кесил шаклланди. Сув ва озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган сатил, чойдиш, қумғонлар, одатда, «кандакори» усулида йирик ва оддий гуллар б-н безатилган, бунда тарҳга ишлов берилмаган, баъзида чизиқлар б-н безалган. 20-а. бошида Т.да 14 та кандакор – мискарлик устахонаси бўлиб, буюмлар қизил ва сариқ мисдан ясалган, сўнгра кандакори нақшлар б-н безатилган. Гулларнинг хиллари кўпинча анъанавий бўлиб, ўзбек амалий безак санъатининг бошқа безак турларида ҳам учрайди. Айниқса, «ислими» нақши кўплаб вариантларига эга бўлган.

Заргарлик санъатининг Т. мактаби буюмлари, асосан, кумуш ва кейинчалик қотишмага тилла суви бериб ясалган. Маълумки, улар аҳолини ўрта қатламларига мўлжалланган. 20-а. бошидан Т.да кумушдан буюм ясайдиган заргарлар камайгач, пастроқ навли олтиндан буюм ясашга бўлган эътибор кучайган. Айниқса, заргарлик буюмларининг хориждан келтирилиши маҳаллий заргарлик санъатининг бадий сифатига салбий таъсир кўрсатган.

Меъморчиликда ёғоч ўймакорлиги кенг қўлланиб, устун ва эшиклар мураккаб гул ва нақшлар б-н безатилган. Кундалик турмушда ишлатиладиган сандиқ ва бешикларга эса унча мураккаб бўлмаган ҳандасавий нақшлар ёки йўл-йўл чизиқлар чизилган.

Бешёғоч мавзесидаги Чорсу маҳалласида бадий ўймакорлик б-н



Декоратив панно (19-а. охири).
Амалий санъат музейи.

шугулланувчи 20 та дурадгорлик устахонаси бўлган. Уларда эшикларга ўзига хос ва чирой-

ёғочдан ясалган курси. Зиёқориев. Тошкент (30-йиллар).
Бўяма нақш. Т.Тўхтаўжаев бегаган курси (50-й.лар).





Кашта. Тошкентлик халқ каштадўз усталари ишлаган. Амалий санъат музейи.

ли нақшлар чекишга алоҳида эътибор берилган. Шундай эшиклардан бири Ўзбекистон санъат музейига қўйилган.

Эгарсозлик бадий хунармандчиликнинг алоҳида соҳаси ҳисобланган. Эгарларга турли хил ва рангдаги, гоҳо зарҳал бўёқларда гуллар солиб безатилган. Шайх Хованди Тохур мавзесининг Эгарчи маҳалласида юзтача «Эгар-дўкон» устахоналари бўлган. Манбаларда айтилишича, Т. Туркистондаги энг катта эгарсозлик маркази бўлиб, йилига бошқа шаҳарларга 15 мингдан ортиқ эгар сотувга юборилган.

19–20-а.лар бошида Т.да тўқимачилик хунармандчилиги –

каштачилик, тўқувчилик, гиламдўзлик ривож топган. Жумладан, ойпалак (каштали катта палак) гоят оммалашган бўлиб, уларга қизил тағзаминга кўёш рамзини билдирувчи тўпгуллар қора ипда тикилган. Санъат музейида Т. халқ санъатининг ушбу намуналаридан ажойиб мажмуа ташкил этилган.

Каштачи аёллар шу каби кашталар тикишда бўз ва табиий бўёқлардан фойдаланганлар. Оппоқ матога, асосан, икки рангда – кип-қизил ва кўм-кўк рангда гуллар ёғоч қолипларда босилган, шунинг учун читгарлар ўз устахоналарини оқар сувга яқин жойларда қурганлар.

20-а.да Ўрта Осиёдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар оқибатида ислом маданияти ва санъати анъаналари анча ўзгаришларга дучор бўлганди. Т. хунармандчилиги-

да аввалги мусулмон санъати эстетикаси сақланиб қолган бўлсада, «ўтмиш сарқитлари» ва хусусий мулкчиликка қарши курашган коммунистик шиорлар остида анъанавий хунармандчиликнинг кўплаб турлари адолатсизларча йўқ қилиб юборилди.

1920-й.ларда кўплаб саноат турлари ширкатларга бирлашди, бадий саноат билим юртлари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Айниқса, кандакорликда бу жараён фаол кечди. Ўзбекистоннинг турли шаҳарларидан таклиф этилган машҳур усталар раҳбарлигида ёш мутахассислар кўҳна санъат анъаналарини эгаллай

бошладилар. Бироқ 1960 й.да кандакорлик буюмлари ишлаб чиқариш сунъий равишда қисқартирилди, бу эса барча ихтисослаштирилган саноат корхоналарининг ёпиб қўйилишига олиб келди. Фақат 1980 й.лардагина Т. бадий кандакорлиги яна жонланди, уста М.Мадалиев ўз ишларида Т. ва Қўқон кандакорлик мактаблари анъаналарини бирлаштиришга уринди.

1920–30 й.лар заргар ака-ука усталар Абдуғани, Абдукарим ва Абдували Абдурасуловлар кўҳна усулларни ижодий такомиллаштириш б-н бирга янги шакллар яратган ҳолда маҳаллий санъатнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Анъанавий шаклларга нисбатан янгича ёндашув Т. усталарининг 70–80-й.лар ижодига ҳам хос. Бугунги кунда халқ усталари – Н.Холматов, Ф.Дадамухаммедов, Г.Тошевлар ўзбек заргарлик санъатининг асрий анъаналарига шахсий ижодий изланишларини татбиқ этиб, Т.да қад. хунармандчилик анъаналарини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

1920–30-й.лар матога гул босиш соҳасида Ўзбекистон читгарлигининг кўплаб марказлари анъаналарини муваффақиятли давом эттираётган моҳир читгар уста А.Абдуғаффоровнинг номи машҳур. Унинг бодомча усулидаги буюмлари ўзига хос. 1930-й.ларда тикилган дастурхон бунга яққол мисол бўла олади. У эски қолиплардан фойдаланиб, анъанавий қора-қизил бўёқларда гул босган. Йўқолиб кетган қора-қизил гул босиш усули 20-а. охирига келиб тошкентлик уста А.Раҳимов саъй-ҳаракатлари б-н қайта тикланди.

Шу даврда Т. бадий сополчилиги кулоллар авлодидан

бўлган уста Т.Миралиев ишларида намоён бўлган эди. У асосан қалами ва чизма усулидан фойдаланган. Бу вақтда безакнинг асосий воситалари ислими, бодом нухалари ва ҳ.к. эди. 1940–50-й.ларда Т. сополчилигида Т.Миралиев ва А.Аминов етакчи ўринни эгаллаган.

1960–80-й.ларда таниқли сопол устаси Муҳиддин Раҳимов ижоди равнақ топди. Т.да антик ва ўрта аср сополчилигининг дурдона намуналари қайта таъмирланди, шунингдек, 19–20-а. бошларида Ўзбекистон халқ сополчилиги турли мактабларининг техник сирлари ва бадий усуллари ҳамда Т. сополчилиги мактаби қайта тикланди. Эндиликда унинг ўғли Акбар Раҳимов ва набираси Алишер Раҳимов бу ишни муваффақиятли давом эттирмоқда. Улар Т.да барпо этган сополчилик мактабида фақат маҳаллий эмас, балки Ўзбекистон сополчилигининг йўқолиб бораётган мактаблари анъаналарини ҳам қайта тиклаш йўлида катта амалий ва назарий ишлар олиб борилмоқда.

20-а. ўрталарида Т.да ёғоч ва ганч ўймакорлигида нақшу нигорлар ривожланди. Музей жамғармаларида нақшу нигор санъати Т. мактабининг А.Қосимжонов ва Ё.Рауфовлар сингари усталари яратган безакли хонтахта, қути, эгар каби дурдона асарлар сақланмоқда.

1950–60-й.ларда тошкентлик ёғоч ўймакор усталар қутича, лавҳ, нақшинкор хонтахта сингари маиший ашёлар б-н бир қаторда меъморчилик буюмлари – ўймакори устунлар, эшиклар, безакли панно ва паңжаралар яшашда ҳам ажойиб натижаларга эришдилар. Таниқли санъаткор А.Фатхуллаев ишларида техник

Тошкентлик кулол усталар тайёрлаган безакдор лаганлар.

маҳорат ва юксак дид камол топди. Ёш уста А. Азларов шакл жиҳатдан янада мураккаброқ намуналарни қайта тиклашга ҳаракат қилди.

Нақшу нигор ва ганч ўймакорлиги 20-а. 2-ярми Т. жамонатчилик меъморчилигида ўз аксини топди. Т. Арслонқулов, Ж.Ҳақимов ва М.Усмонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳлар Ўзбекистон ва ундан ташқаридаги кўплаб иншоотларни безашда янги-янги композициялар яратди.

Бугунги кунда Т. усталари республика шаҳарларидаги замонавий иншоотларнинг ички қисмларига ажойиб сернақш безаклар чизмоқдалар, чет элларда масжидлар, мадрасалар, ислом санъати музейларини безашда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқдалар.

70-й.лар охири – 80-й.лар бошида Ўзбекистонда папье-машедан қутичалар, пардоз буюмлари ва ҳ.к. тайёрлаш ва безаш йўсинлари қайта тикланди. Чунончи, ўрта аср шарқ миниатюра рангтасви-

Ўймакорлик иши. Устоз ва шогирдлар.



ридан олинган рамзу тимсолларни безакка олиб кириш янгилик бўлди. Замонавий мусаввирлар ўрта аср оҳанг ва сюжетларини ижодий талқин қилиб, анъанавий миниатюра рангтасвир санъатига янги ҳаёт бағишладилар. Т. миниатюрочи мусаввирлари М.И.Болтабоев, Т.Болтабоев, Ф.Раҳматуллаев, Ф.Холматов Б.Бобоназаров, С.Зиёмов, У.Қаюмов, Ш.Рихсиев, Х.Назирова, Ж.Саидалиев ва б. турли ашёлардан: чарм, папье-маше, сувқовоқ, бўз ва қоғоздан кенг фойдаланмоқдалар. Монументал санъат соҳасида ҳам улар катта ижодий муваффақиятларни қўлга киритдилар. 1996 й.да Т.даги Темурийлар тарихи музейида «Санои нафис» гуруҳи



миниатюра усулида бажарган ишлар катта эътибор қозонди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан кейингина халқ усталари ижоди давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлана бошлади. Бир қатор амалий санъат турлари анъаналари тикланди (кулолчилик, читгарлик, кандакорлик, заргарлик, миниатюра санъати ва б.), амалий санъат усталарининг асарлари меъморлик иншоотларида янада кенгроқ қўллана бошлади. Халқ усталарининг ижтимоий мавқеини кўтариш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси халқ устаси» унвони таъсис этилди (1996).

Т. бадий хунармандчилигининг кўплаб буюмлари маиший ҳаётга кенг татбиқ этилган, айни вақтда, улар мукамал техника ва ҳайратомуз ҳаёлот б-н ижро этилган чинакам дурдона асарлар бўлиб қолган. Халқаро кўргазма ва ярмаркаларда Т. халқ усталари буюмлари мунтазам муваффақият қозониб, Ўзбекистон миллий маданиятини жаҳон миқёсида муносиб тарзда намоён этиб келмоқда.

Амалий санъат музейи хоналаридан бири.



АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ, Ўзбекистон Республикаси амалий санъат музейи (Ракатбоши кўч., 15) – маданий-маърифий, илмий муассаса; 1937 й.да Тошкент ш.да очилган муваққат хунармандчилик кўргазмаси заминида амалий санъат (хунармандчилик) музейи ташкил қилинган. 1960–97 й.ларда Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлиги таркибида бўлиб, «Ўзбекистон амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси» деб аталган, 1997 й.дан ҳоз. номида ҳамда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ихтиёрида. Музейда экскурсиялар, кўргазмалар, илмий методика бўлимлари, кутубхона (интернет тармоғига уланган) бор.

Музей хазинасида 19-а.нинг 1-ярмидан то ҳоз. кунгача бўлган даврда ўзбекистонлик усталар томонидан яратилган амалий санъат дурдоналари йиғилган. Улар 20 номдаги (кулолчилик, чиннисозлик, шишасозлик, каштадўзлик, дўппи, матога гул босиш – читгарлик, бадий мато, миллий кийим, гиламчилик, ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, локли

миниатюра, заргарлик, кандакорлик, пичоқчилик ва б.) коллекцияда сақланади ва музей экспозицияси ҳам шу номлар бўйича намоиш этилади. Музей фондидаги экспонатлар сони 7553 та (2008). Музей илмий муассаса сифатида амалий санъат бўйича кенг кўламда и.т. ишлари олиб боради, буюмларни сотиб олади, илмий ёритади, экспозицияларида намоиш этади, буклет, каталоглар нашр этади, кўргазмалар, экскурсиялар, илмий анжуманлар уюштиради.

Музей 1938 й.дан чор Россиясининг дипломати А.А. Половцевнинг 19-а. охирида бунёд этилган собиқ саройида жойлашган. Бинонинг ўзи ҳам халқ меъморлиги ва безак санъатининг нодир намунасидир. Уни қуриш ва безашда Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива ва б. шаҳарлардан келган усталар қатнашган, бино ганч ва ёғоч ўймакорлиги, наққошлик б-н жозибадор безатилган. Марказий хона (собиқ меҳмонхона) шифти кундал услубида безатилган бўлиб, уста О.Қосимжонов наққошларга бошчилик қилган, кошчиларини риштонлик кулол уста Абдулла ишлаган. Хонадаги 2 камин безаклари шифт ва девор нақшлари б-н уйғун, 2 токча ва меҳроб беагини яратишда тошкентлик уста Т.Арслонқулов қатнашган. Хонанинг юқоридаги эшигидан бошқа хона (собиқ истироҳатхона)га ўтилади, бу хона ҳам нафис безатилган. Бинонинг бошқа хоналарида безак кам; 1961 й.да Т.Тўхтаўжаев бошчилигида таъмирланган. 1970 й.да музейга қўшимча 2 қаватли бино қурилган. Меъмор У.Абдуллаев, М. Илҳомов лойиҳалари асосида ва улар раҳбарлигида музей биноси реконструкция қилинган; 80–

90-й.ларда рассом Ч.Аҳмаров марказий хона деворларини амалий санъат мавзуидаги миниатюра асарлари б-н безаган.

Музей ҳақида «Ўзбектелефильм»да «Амалий санъат музейи» (2003), «Амалий санъат музейи экспозициялари бўйлаб саёҳат» (2004) фильмлари ишланган.

АМИР ТЕМУР ибн Тарагой Баҳодир (1336.9.4–1405.18.2) – ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, буюк саркарда, кучли, марказлашган давлат асосчиси, илм-фан ва маданият ҳомийси. Кеш (ҳоз. Шаҳрисабз) ш. яқинидаги Хожа Илғор қишлоғида туғилган. Отаси Амир Тарагой барлос қабиласи амирларидан бўлган. Онаси Такина хотун Бухоро уламоларининг пешвоси мавлоно Садр аш-Шариъа Убайдуллоҳ ал-Бухорий ибн Тож аш-Шариъа Маҳмуд ибн Аҳмад ал-Маҳбубий ал-Бухорийнинг қизи бўлган.

А.Т. ёшлигидан турли машқ ва ҳарбий ўйинлар б-н машғул бўлган, моҳир чавандоз ва дойора баҳодир бўлиб етишган. Ҳарбий фаолиятини айрим вилоят амирларига хизмат қилишдан бошлаган, жангларда чиниқиб, донғи Қашқадарё воҳасига ёйилган. Отаси А.Т.ни аввал (1355) амир Жоку барлоснинг қизи Нурмушк оғага, сўнгра ўша йили (1355) амир Қазағоннинг набираси ва амир Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оғага уйлантирган. Бу никоҳ туфайли А.Т. б-н Балх ҳокими амир Хусайн ўртасида иттифоқ юзага келган. Улар биргаликда Мо-



Амир Темура (рассом Малик Набиев асари).

«Соҳибқирон Амир Темура шахси унинг аجدодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир».

Ислом Каримов.

вароуннаҳрдан мўғул босқинчиларини ҳайдаб чиқаришга киришганлар, Илёсхожа бошлиқ Жета (Мўғулистон) лашкари б-н бир неча марта жанг қилиб, 1364 й. охирида мўғул кўшинларини Мовароуннаҳрдан қувиб чиқаришга эришганлар. Бироқ Илёсхожа 1365 й. баҳорида яна Мовароуннаҳрга кўшин тортиб келган. Тошкент б-н Чиноз оралигида тарихда «Жанги лой» («Лой жанги») номи б-н машҳур бўлган жангда (1365 й. 22 май) амир Хусайннинг уқувсизлиги оқибатида кўшин мағлубиятга учраган.

Мўғул кўшини Самарқандни эгалламоқчи бўлганида, шаҳарда сарбадорлар кўзғолони кўтарилиб, шаҳар аҳолиси мўғулларга қақшатқич зарба беради. Илёсхожа дастлаб Самарқандни, сўнгра Мовароуннаҳрни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган. Сарбадорларнинг ғалабасидан хабар топган А.Т. ва амир Хусайн 1366 й. Самарқанд яқинидаги Кониғил мавзесига келиб, сарбадорлар раҳбарлари б-н музокара олиб борадилар. Музокара чоғида амир Хусайннинг буйруғи б-н сарбадорлар бошлиқларидан Абу Бакр Кулуйи (Калавий) Наддоф б-н Мавлоно Хурдак Бухорийлар қатл этилади,

раҳбарлардан яна бири – Мавлонозодани А.Т. ўз ҳимоясига олиб, қутқариб олади. Шу тариқа Мовароуннаҳрда амир Хусайн ҳокимияти ўрнатилади, аммо кўп вақт ўтмай Хусайн б-н А.Т. ўртасидаги муносабатлар кескинлашиб, очиқдан-очиқ ихтилофга айланган. 1370 й. баҳорида А.Т. амир Хусайнга қарши отланган. Кўшин Термиз яқинидаги Биё қишлоғига етганда асли маккалик Саййид Барака унга салтанат рамзи – катта ноғора (табл) б-н ялов (байроқ) тортиқ қилган.

1370 й. 10 апр.да амир Хусайн қароргоҳи – Балх ш. таслим бўлган. Бу ғалабадан сўнг А.Т. Мовароуннаҳрнинг чингизийлардан бўлган ҳукмдори Қозонхоннинг қизи Сароймулк хонимни ўз никоҳига олган. Шу муносабат б-н А.Т. «кўрагон», яъни «хоннинг кўеви» унвонини олган. 1370 й. 11

апр.даги қурултойда, анъанага кўра, чингизийлардан Суюрғатмишхон мамлакат ҳукмдори деб эълон қилинган бўлса-да, амалда марказий ҳокимиятни А.Т. ўзи бошқарган.

А.Т. дастлаб давлат бошқаруви, ҳарбий, солиқ тизими соҳасида ислохотлар ўтказган, раиъятни ҳимоя қилиш қонун б-н мустаҳкамланган, у барчага баробар бўлган. А.Т. исёнкор амирларга қарши курашиб, Мовароуннаҳр ҳудудини ўз қўли остида бирлаштирган. Йигирма йил (1371–90) мобайнида Мўғулистонга етти марта юриш қилиб, мўғул ҳукмдорлари Анқотўра ва Қамариддин устидан ғалаба қозониб, Мўғулистон томонидан бўлиб турадиган ҳарбий тажовузга чек қўйган.

А.Т. Олтин Ўрда хони Тўхтамиш томонидан бўлаётган хатарнинг олдини олиш учун унга қарши уч марта (1389, 1391, 1395) кўшин тортиб тўлиқ зафар қучган. 1398 й. май – 1399 й. мартда Ҳиндистонга юриш қилган. Ниҳоят, Анқара жанги (1402 й. 20 июль)да турк султони Боязид I Йилдирим устидан ғалаба қозониб, улкан салтанат барпо этган.

А.Т. ўз салтанатида буюк бунёдкорлик ишларини олиб борган. У забт этган мамлакатларидаги бир қатор шаҳарларни (Бағдод, Дарбанд, Байлақон ва б.) қайта тиклаган. Табризда масжид, Шерозда сарой, Бағдодда мадраса, Туркистонда шайх Аҳмад Яссавий



Амир Темура ҳайкали.

А.Т. Тошкентда 1361, 1364–1365, 1367–69, 1390–92, 1405 й.ларда бўлган. Бу ҳақда тарихий манбаларда шундай маълумотлар учрайди. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»сига кўра, 1364 й. А.Т. Жетага юриш чоғида Тошкентга тушган «Вазул ерда ҳазрат соҳибқиронга андак марази воқеа бўлди. Ва (Аллоҳнинг инояти билан) сизат топдилар». Низомиддин Шомийга кўра, 1367–68 й.да Тошкентда соҳибқирон «амир Кайхисрав қизи Руқияни ўғли Жаҳонгирга тўй қилиб олиб берган. Шаҳарда бир ой тўй бўлиб, вақтларини завқу сафода ўтказдилар».

қабри устига мақбара қурдирган. Она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандда кўплаб саройлар, масжид, мадраса, мақбаралар бунёд этиб, боғ-роғлар яратган.

А.Т. дин арбоблари-фан, маданият ва санъат аҳлига ҳомийлик қилган. А.Т. даврида мамлакатда савдосотик, хунармандчилик юксак тараққий этган, халқаро карвон йўллари назорат қилинган, йўллар, кўприклар қурилган.

А.Т. Европанинг Франция, Англия ва Кастилия каби йирик қиролликлари б-н бево-сита савдо ва дипломатик алоқалар ўрнатган. 1404 й. 27 ноябрда А.Т. 200 минг кўшин б-н Хитойга қарши отланган. Бироқ Ўтторга етганда вафот этган. Жасади Самарқандга олиб келиниб дафн қилинган.

Тошкент ш. шим.даги дашт ерлар б-н деҳқончилик қилинадиган обод воҳалар чегарасида жойлашган муҳим стратегик жой бўлганлиги учун А.Т. бу шаҳарга катта аҳамият берган. Тошкент 1368–69 й.да А.Т.га тобе бўлган. Соҳибқирон Дашти Қипчоққа уюштирилган барча юришлар олди-дан Т.да тўхтаб ўтган.

1404–1405 й. қишида А.Т. Хитой томон юришга отланганда, кўшинининг бир қисми Т.да қишлаган. Т.да бўлган пайтда у азиз-авлиёлар қабрларини кўп зиёрат қилган. Зангиота мақбараси ва Шайх Зайниддин бобо мақбараси, Эскижўва бозори ёнидаги ҳоз. Қизилтут кўчасидаги авлиё Шоҳ Азиз масжиди ва б.ни қурдирган.

А.Т. ва темурийлар даврида Мовароуннаҳрда фан ва санъатнинг гуллаб-яшнаши Европа маданиятига ижобий таъсир этган. А.Т.нинг тарихий

хизматларидан яна бири шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этган.

Шўролар тузуми даврида А.Т. шахси ва фаолиятига адолатсизлик б-н ёндашилиб, бир ёқлама баҳо бериб келинди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бундай қарашларга барҳам берилди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов саъй-ҳаракати б-н А.Т.-нинг жаҳон тарихида тутган ўрни, фаолиятини ўрганишга ва уни оммалаштиришга кенг йўл очилди. 1996 й. Ўзбекистонда «Амир Темури йили» деб эълон қилинди. Т., Самарқанд ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО раҳбарлигида А.Т. таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди (1996). А.Т. ҳақида бадиий, видеофильмлар, спектакллар, шеърӣ ва насрий асарлар яратилди, унинг даври тарихига оид кўплаб номзодлик ва д-рлик диссертациялари ёзилди. Унинг номи Ўзбекистонда абадийлаштирилди. Кўплаб шаҳар ва қишлоқлардаги шоҳкўчалар, жумладан Т.даги марказий кўчалардан бирига Амир Темури номи берилди. Майдонлар, мактаблар, маҳаллалар, кинотеатрлар, истироҳат боғлари ва б. унинг номи б-н аталди. Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларнинг марказий майдонларида А.Т.-га ҳайкал ўрнатилди. Т.даги *Амир Темури хибони* олдида *Темурийлар тарихи давлат музейи* барпо этилди (1996), «Амир Темури» ордени таъсис этилди (1996) ва Халқаро Амир Темури жамғармаси ташкил қилинди (1995).

АМИР ТЕМУРИ МАҲАЛЛАСИ (Анна Ахматова кўч., 2) – Сергели туманидаги маҳалла. Собир Раҳимов, Бобур маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. соҳибқирон *Амир Темури* номи б-н ташкил этилган. Аҳолиси 5800 киши, 1187 хонадондан иборат (2008). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (рус, татар, корейс ва б.) яшайди. Маҳаллада 3 та кўча, болалар боғчаси, «Бахтдиёр» ресторани, 2 та озиқовқат дўкони, новвойхона, 2 та ширкат, бозорча мавжуд.

АМИР ТЕМУРИ МАҲАЛЛАСИ (Фурқат кўч., 20^а-уй). – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Тузел», Усмон Носир, «Бирлашган» ва «Наврўз» маҳаллалари б-н чегарадош. 1988 й. ташкил этилган. 1970 й.га қадар Қибрай тумани жамоа хўжалигига қарашли боғ (узумзор, олмазор) бўлган. Кўп қаватли уйлар қурилиши муносабати б-н шаҳар ихтиёрига ўтказилиб, маҳалла ташкил топган. 1991 й. «А.Т.» номи берилган. Аҳолиси 3200 киши, кўп миллатли (ўзбек, қозоқ, татар, рус ва б.) (2008). Маҳалла худудида болалар боғчаси, бир неча саноат корхоналари, 2 автосарой ва б. мавжуд.

АМИР ТЕМУРИ ХИБОНИ – Т. марказида жойлашган. Амир Темури шоҳкўчаси ва Мустақиллик кўч. кесишган жойда, шу хибондан Тараққиёт ва Истиқбол кўч. бошланади. Ушбу хибон 1875 й.да қурилган банк биноси (меъмор В.С.Гейнцельман), 1878–79-й.ларда бунёд этилган ўғил болалар ва қизлар гимназиялари ўқув бинолари (меъмори Я.Янчевский; кейинчалик ТошДУ, Автомобиль транспорти ва йўллари ин-ти; ҳоз. Тошкент юридик ин-ти), 1881 й.да қурилиши ниҳоясига етказилган

Туркистон ўқитувчилари семинарияси биноси (меъмори А.Л. Бенуа) ўртасида барпо қилиниб, манзарали дарахтлар экилган. Сайр этиш учун майдон ва йўлкалар қурилиб, атрофи гуллар б-н безатилган, дам олиш учун ўриндиқлар қўйиб чиқилган. Кичик дўконлар қурилиб, турли кўргазмалар уюштириб турилган. 1918–91 й.ларда бу хибонда сиёсий митинглар ўтказилган. Хибон дастлаб «Константин майдони», 1918 й.дан «Инқилоб хибони», 1992 й.дан «Марказий хибон» деб номланган. Хибон марказий майдонига дастлаб Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернаторига ҳайкал қўйилди. 1918 й.да унинг ўрнига «Озод Меҳнат» ёдгорлиги, 1927 й.да Октябрь тўнтаришини эслатувчи ёдгорлик, 1940-й.ларда Сталин, 1968 й.да Марксга ҳайкал ўрнатилди.

1993 й. 31 авг. куни ушбу хибон марказида йирик давлат арбоби ва буюк саркарда Амир Темури шарафига ўрнатилган ҳайкалнинг (ҳайк. И.Жабборов ва К.Жабборов) тантанали очилиш маросими бўлди ва хибон унинг номи б-н аталди. Шу муносабат б-н хибон майдони ва йўлақларда реконструкция ишлари олиб борилди, марказий майдоннинг тўрт томонида шарқона фавворалар қурилди, гулзор ва майсазорлар янгиланди. Эндиликда А.Т.х.да Мустақиллик, Наврўз ва б. байрамларга бағишланган маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади, 9 апр. куни эса Амир Темури таваллуди кенг жамоатчилик томонидан нишонланади. А.Т.х.-дан Темурийлар тарихи давлат музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Тошкент курантлари, Матбуотчилар кўч. ва Тошкент

юридик ин-тига чиқилади, шунингдек, «Амир Темур хиёбони» метро бекатига тушиш мумкин. Хиёбон яқинида 2009 й.да Ўзбекистон анжуманлар саройи бунёд этилди.


«АМИР ТЕМУР ХИЁБОНИ» – метро бекати. «Чилонзор» йўлида. Амир Темур шоққўчасида, *Амир Темур хиёбони*, Ўзбекистон анжуманлар саройи, Тошкент ш. ҳокимияти, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси яқинида. 1977 й. 7 ноябрда «Октябрь инқилоби» номи б-н очилган (меъмори М.Акрамов, И.Мерпорт, С.Шаппо, муҳандиси Г.Оганесов ва б.). 1992 май ойидан «Марказий хиёбон» дейилган. 1993 й. 30 июнда Тошкент ш. ҳокимиятининг қарорига мувофиқ ушбу бекатга «Амир Темур хиёбони» номи берилган. Мазкур бекат устунли қилиб қурилган: ер ости пиёдалар йўлагига туташган икки ер ости вестибюли бор. Йиғма темир-бетон конструкциялардан қурилган, Амир Темур хиёбони.

шифти плиталарни қиррадор қилиб туташтириб жозибали қилинган; тўсинлар орасига қандиллар ўрнатилган. Устунлари Нурота оқ мрамори б-н, йўлак деворлари Фозгон қизил мрамори б-н қопланган. Саҳнига кулранг ва қора гранит плиталар ётқизилган. Деворларига Амир Темур ҳаёти б-н боғлиқ паннолар ишланган.

АМИР ТЕМУР ШОҚҚЎЧАСИ – Миробод, Юнусобод туманлари ҳудудидан ўтади. Туркистон кўч.дан Катта ҳалқа йўлининг «Уч қахрамон» давлат автомобиль назорати масканигача. Уз. 9 км. 2008 й. 6 майда йирик давлат арбоби, буюк саркарда *Амир Темур* номи қўйилган. Унгача ушбу кўчанинг Миробод туманидаги қисми Мовароуннаҳр кўч. (1917 й.гача Духовский, 1918–1993 й.ларда Пролетар, 1993.30.06 дан Мовароуннаҳр кўч. дейилган), Юнусобод туманидаги қисми Амир Темур кўч. (1917 й.гача Москва, 1918–1992

й.ларда Энгельс кўч. деб аталган) ва Чимкент йўли кўч. деб юритилган. А.Т.ш.к.нинг Абдулла Қодирий кўч., Бўзсув канали ва т.й. ўтадиган қисмларида кўприк қурилган, Кичик ҳалқа йўли ва Аҳмад Дониш кўч. билан кесишган жойларида устидан йўлўтказгичлар бунёд этилган. Кўча йўналишида Темирийўлчилар маданият саройи, «Мингўрик» тарихий ёдгорлиги, М.Ломоносов номидаги Москва давлат ун-тининг филиали, Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Давлат мулк қўмитасининг Тошкент ш. бошқармаси, вилоят ва Тошкент ш. ҳокимликлари, Тошкент куранти, Амир Темур хиёбони, Темирийлар тарихи давлат музейи, Марказий офицерлар саройи, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси, «Ўзнефтьгазқазибчиқариш» компанияси, «Ўзмонтажмахсусқурилиш»






уюшмаси, «Ўзбекистон», «Пойтахт», «Марказий», «Дедеман», «Редиссон», «Интерконтиненталь» меҳмонхоналари, «Олой» ва «Юнусобод» бозорлари, «Ўзэкспомарказ», Тошкент ахборот технологиялари ун-ти, «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлиги мажмуи, «Амир Темур хиёбони», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» метро бекатлари, «Ўзбекистон» спорт мажмуаси, Тошкент телеминораси, «Қозоғистон» кинотеатри, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари, мавзелар, маъмурий бинолар, таълим муассасалари, умумий овқатланиш ва савдо шохобчалари жойлашган.

АН Михаил Иванович (1952.19.2–1979.11.8) – футболчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1976). Т. вилояти Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Олимпия захиралари билим юртини тамомлагач, «Пахтакор» футбол жамоаси ярим ҳимоячиси (1971–79). Олий ва биринчи табақа ўйинларида 52 тўп киритган. 1974 ва 1978 й.ларда мамлакатнинг энг кучли 33 футболчиси рўйхатидан жой олган. У сардорлик қилган мамлакат ўсмирлар терма жамоаси Европа чемпиони бўлган (1976). Миллий футбол терма жамоаси таркибиде ўйнаган (1978). А. авиация ҳалокати натижасида ҳалок бўлган. Т.да дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири унинг номи билан аталади. Болалар ва ўсмирлар футбол жамоалари ўртасида ҳар йили А. хотирасига бағишлаб турнир ўтказилади.

АНБАР БИБИ МАҚБАРАСИ (Тошкент вилояти Зангиота қишлоғи яқинидаги қабристонда) – *Зангиота мажмуаси* таркибидеги мақбара (14-а. охири – 15-а. бошлари). Ривоятларга



Анбар биби мақбараси.

кўра, Зангиотанинг хотини Анбар биби (Қамбар она) қабри устига қурилган. Зангиота мақбарасининг жануби-ғарбида жойлашган.

Анбар биби (Қамбар она) дастлаб 12-а.да яшаган хоразмлик авлиё Сулаймон Боқирғоний (Ҳақим ота)нинг завжаси бўлган, эри ўлгач, Зангиотага турмушга чиққан. Мақбара ичидаги иккинчи қабр Анбар бибининг аввалги қайнонаси Улуғпошшаники.

А.б.м. пештоқ, зиёратхона ҳамда гўрхонадан иборат. Зиёратхона ва гўрхонанинг усти қўш қават гумбазли. Гўрхонага оқ мрамрдан қабр тоши қўйилган. Унинг теварак-сиртига арабий хатлар ва нафис гириҳ нақшлар ўйилган.

Мақбара дастлаб 2 хонали бўлган, кейинчалик унинг олди-га пештоқ қурилиб, кошлар б-н безатилган. Пештоқ таянчи унча баланд эмас. Бу услуб Т. мақбараларига хос. Мақбара безаклари сақланмаган. Унинг девори чорси (25–26 см х 5–7 см) шаклидаги пишиқ ғиштдан қурилган. Мақбара ўлчами – 9 м х 6,4 м. Бал. – 13,5 м, хона ўлчами – 4,8 м х 4,8 м.

АНДРЕЕВ Михаил Степанович (1873.11.9 – 1948.10.11) – этнограф, тилшунос, эроншунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (1943), Россия ФА мухбир аъзоси (1929), Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1945, 1944). Т.да туғилган. Тошкент гимназиясини, Туркистон ўқитувчилар семинариясини тугатган. Т.даги Эшонқули додхо мадрасасида ўқиган (1894). Тошкент реал билим юртида ўқитувчи (1896). 1897 й. Мўғулистон ва Шарқий Туркистон экспедицияларида иштирок этади. 1918–20 й.ларда Туркистон шарқшунослик ин-ти, кейинроқ Ўрта Осиё давлат ун-тида шарқшунослик ф-ти декани. 1927–47 й.ларда доцент, проф. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида этн. бўлими мудири (1944–48). У Ўрта Осиё миқёсида ўтказилган бир қанча этн. экспедицияларга раҳбарлик қилган. Асосий илмий асарларида Туркистон халқларининг урф-одати, эътиқоди, санъати ва дини ёритилган. Шарқий Эрон тилларининг таснифига оид асарлари ҳам бор.

АННА АХМАТОВА КЎЧАСИ – Сергели тумани худудидида. Янги Сергели ва Файзли кўч. орали-
Анҳор канали.



гида жойлашган. Уз. 1,5 км. 1988 й. 29 июлда янги кўчага 2-жаҳон уруши даврида Тошкентда яшаб ижод қилган, таниқли рус шоираси Анна *Ахматова* номи қўйилган. Кўча йўналишида Сергели туман ҳокимлиги, «Янги Сергели» номидаги маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуаси, саноат корхоналари мавжуд. **АНҲОР** – Бўзсув каналининг ўнг тармоғи. Умумий уз. 9,1 км. Чилонзор, Шайхонтоҳур туманлари худудидан оқиб ўтади. А. 1963 й. гача Ўзбекистон кўч.дан бир оз юқори жойдан бошланар эди. «Пахтакор» спорт мажмуаси қурилиши муносабати билан А.нинг боши ҳоз. Ботир Зокиров кўчасидан пастроққа сурилди. Туроб Тўла кўчасида ер остидан ўтгач, бетон новдан оқиб, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғигача келади. Оқтепа канали устидан ўтгандан сўнг Новза ариғи, Фафур Гулом номидаги боғда Чўпонота ариғи, Чўпонота кўчасидан ўтгандан кейин Кучалак ариғи, Фарҳод кўчасидан ўтгандан сўнг Ботирма ариғи ва Чала ариғи сув олади. «Собир Раҳимов» метро бекатига етмасдан сувайирғич б-н Эски Дархон ва Қонқус каналларига ажралиб,

Зангиота тумани (Тошкент виллояти) худудидан оқади. А. Бўзсувдан секундига 13,0 м³/сек. сув олади. Сугориш майд. 6,3 минг гектар чамасида.

АНҲОР СОҲИЛИ – Анҳор каналининг Хуршид ва Бобур кўч. оралиғидаги соҳили. 19-а. бошида Анҳорнинг чап соҳилида Ўрда қурилган, ўнг соҳилидан эса мудофаа девори ўтган (1865 й. бузиб ташланган). 1865 й. мустаҳкам девор б-н ўралган ҳарбий қалъа (қ. *Тошкент тупроқ-қўргони*), 1870 й. Туркистон генерал-губернаторининг қароргоҳи қурилган ва унинг ёнида боғ барпо қилинган. Шаҳар кўч. тармоғи кенгайиб бориши билан А.с. ҳам ободонлаштирилган, канал устига кўприклар қурилган, соҳилида янги турар жой ва маъмурий бинолар қад кўтарган. 1940-й.ларда Навоий кўч.да (муҳандис В.Ташикевич), 1958 й.да академик Сулаймонова (ҳоз. Истиклол) кўч.да (муҳандис Н.Гусева), 1959–60 й.ларда Ўзбекистон кўч.да (муҳандис В.Маъмуров), 1970-й.ларда Космонавтлар (ҳоз. Афросиёб), Абдулла Қодирий кўч.да (муҳандис Л.Драбкина, меъмор В.Русанов) Анҳор каналини кесиб ўтадиган жойларида янги кўприклар қурилди.

Т. зилзиласидан (1966) сўнг А.с. реконструкция қилинган. А.с.даги зилзила маркази бўлган Қашқар маҳалласи ўрнида «Жасорат» ёдгорлик мажмуаси, Ўзбекистон халқлари дўстлиги уйи (ҳоз. Олимпия шон-шухрати музейи) қурилган. А.с.нинг Навоий кўч. б-н Ўзбекистон кўч. оралиғидаги қурилишлар 1974 й. Мустақиллик майд. реконструкция қилиниши жараёнида юзага келган. А.с.нинг Ўзбекистон кўч. б-н Бобур кўч. оралиғидаги қурилишлар эса (меъмор М.Кондакова) 1978 й. амалга оширил-

ган. 20-а. охирида Мустақиллик майдонида олиб борилган бунёдкорлик ишлари, 2006 й.да «Мустақиллик ва эзгулик монументи» ва Олий Мажлиснинг Сенат биноси қурилиши муносабати билан А.с.нинг шу қисми ободонлаштирилди. А.с. да «Туркистон» санъат саройи ва унинг ёзги сахнаси, «Анҳор» ресторани, «Пахтакор» теннис клуби, Миллий банк биноси, Бўрижар ГЭС, Шайхонтоҳур ГЭС ва б. бор. Яқинида «Мустақиллик майдони», «Ўзбекистон» метро бекатлари жойлашган.

АНҲОРБЎЙИ КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур тумани ҳудудида. Навоий кўч. б-н Ўзбекистон кўч. ораллигида жойлашган. Уз. 0,7 км. Анҳор канали бўйида жойлашгани учун шу ном б-н юритилади. 20-а.нинг 30-й.ларида ташкил этилган. Анҳор кўприги ёнидан кирилади. Кўча бошида бир неча кўп қаватли турар жой бинолари мавжуд. Кўчанинг қолган қисми боғ-роғлардан иборат. Ушбу кўча орқали «Пахтакор» марказий стадиони ва теннис кортига бориш мумкин.

АРДЛОНКАТ – қ. *Бурчиулла.*

АРИҚ ОҚСОҚОЛИ – маъмурий мансаб. А.о. ариқларни назорат қилиб туриш ва деҳқонларни сув б-н таъмин этиш учун дарёга ўрнатилган тўғонни ҳамда бош ариқларни ҳар йили баҳорда лойқадан тозалаш ва шохобчаларнинг тегишли суви (ҳақобаси)ни тақсимлаб бериш каби вазифаларни бажарган. 19-а. ўрталарида Т.нинг сўғориладиган бутун ҳудуди 4 туманга бўлиниб, улар маҳаллий ариқ оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Оқсоқоллар ўзларига топширилган энг йирик сув тизими номи б-н аталганлар, мас.: Салор а.о., Қорасув а.о., Анҳор а.о., Кайковус а.о.

АРПАПОЯ КЎЧАСИ – Чилонзор тумани ҳудудида. Бешёғоч майдан кирилади. Аввал узун кўча бўлган, айна пайтда унинг уз. 500 м атрофида. Кўча номи 1893 й. қўйилган. Кўча йўналишида Муқимий номидаги ўзбек мусиқали драма т-ри, Фафур Гулом уй-музейи ва шаҳар юқумли касалликлар шифохонаси мавжуд. Кўча ёнидан Анҳор канали оқиб ўтади. Яқинида «Бешёғоч» бозори, Бешёғоч майдони, автобошбекат, Ўзбекистон миллий боғи, «Наврўз» ресторани, дорихона ва савдо мажмуалари бор.

АРСЛОНҚУЛОВ Тошпўлат (1882–1962.6.9) – ганчкор уста. Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Т.да туғилган. Устачилик ота-боларидан мерос қолган. А.чока пардоз усулида нақшлар ўйишда ва безакларга ҳандасий «занжира» шаклларини беришдаги маҳорати б-н шуҳрат қозонган. Ганч ўймакорлигининг Тошкент услубини шакллантирган. 1952 й.дан П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида дарс берган. Отаси б-н биргаликда Бухородаги Амир Олимхон қурдирган Ситораи Моҳи Хоса саройининг ганчкорлик ишларида қатнашган. Т.да Европа услубида қурилган Половцев уйи (ҳоз. Ўзбекистон



Тошпўлат Арслонқулов.

амалий санъат музейи), Ҳамза т-ри (1929), Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи (1939), Навоий кутубхонаси биноларини (1946) безашда иштирок этган. Акад. А.В.Шчусев лойиҳасида Т.да қурилган санъат дурдонаси – Навоий номидаги опера ва балет театрининг пардозлаш ишларида бошқа машҳур усталар қатори иштирок этиб, театрнинг Тошкент залида ганчўймакорлик санъатининг нозик намуналарини акс эттирди. У, шунингдек, театрнинг томоша зали, бош фойесини пардозлашда, театр биноси ичидаги катта ва кичик қандилларни ишлашда қатнашган. А. яратган гўзал нақшлар, шарафали безаклар, композициялар турли кўргазмаларда намоиш қилинган. Асарлари Москва, Санкт-Петербург ва б. шаҳарлардаги музейларда, Ўзбекистон давлат санъат музейида

Навоий номидаги давлат академик катта опера ва балет театри биносининг Тошкент зали (ганчўймакорлик безакларини Т. Арслонқулов бажарган).



сақланмоқда. Давлат мукофоти лауреати (1948). Камолон қабристонига дафн этилган.

АРХЕОЛОГИК ЁДГОРЛИКЛАР

– манзилгоҳ, шаҳар, қишлоқ харобалари, қадимги қабристон, айрим буюмлар, танга хазиналари кўринишидаги моддий маданият объектлари. Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Тошкент ш.да А.ё. давлат муҳофазасига олинган. Ибтидоий жамоа одамларининг тошдан ясалган меҳнат қуроллари топилган манзилгоҳлар ҳоз. Т. худудида одам истиқомат қилганининг қад. белгиларидир. Бўзсув 1 даги А.ё. Бўзсув ва Қорақамиш каналлари бир-бирига қўшиладиган жойга яқин (Шоимкўприк мавзеида) жойлашган (1942 й. топилган; Н.М.Соколов). Қалин соз тупроқ қатлами остидаги тошшағалдан иборат ётқизиклардан тош асрининг турли даврларига хос ҳар хил кемтик тўғли кескич ва қирғич тош қуроллар, тош паррақчалари, нуклеуслар ва б. б-н биргаликда ҳайвон суяклари ҳам топилган.

Бўзсув 2 даги А.ё. палеолит даврига мансуб тош қуроллар тўпланган жойдан иборат бўлиб, 1954 й. Бўзсув 1 дан жануброқда топилган (А.В.Головченко ва О.И.Исломов).

Бўзсув 3–6 дан ҳам яна палеолит даврига оид қуроллар топилди (Г.В.Парфенов). Қорақамиш макони (Бўзсув 1 ва 2 яқинида) 1959 й. очилган (И.А.Анбоев). Буларнинг барчаси Бўзсув канали соҳилида (қарийб 40 минг йил илгари) ибтидоий одам яшаганлигидан далолат беради.

Мезолит даврига оид *Қўшилиш* манзилгоҳи эса бу ҳудуд 10–12 минг йил аввал яшаган одамларнинг макони бўлганлигини кўрсатади.

Ҳоз. Т. худудида жез даврида ҳам одамлар яшаган. *Чилдухтаронтелпа*дан кўчманчи чорвадорларнинг Андроново маданияти (мил.ав. 2-минг йиллик ўрталари)га хос қабрлар топилган, улардан сопол идишлар ва жездан ясалган тақинчоқлар чиққан. Қорақамиш канали соҳилидан ҳам ўша давр маданиятига хос манзилгоҳ харобалари топилган. Ҳар иккала ёдгорлик 3–3,5 минг йил илгариги даврга тааллуқлидир.

Т. воҳасидаги дастлабки деҳқончилик б-н боғлиқ А.ё. асосан Жўнариқ–Салор–Қорасув ва Бўзсув–Кайковус–Қорақамиш суғориш тизимлари бўйлаб жойлашган. Т.даги энг қад. деҳқончилик воҳаларида қад кўтарган *Шоштепа*, *Кугайттепа*, *Мингўрик*, *Бузгонтепа*, *Товкаттепа*, *Тарнавуштепа* («Роҳат» кўли яқинида), *Қорабоштепа* (Тузел қишлоғи яқинида) каби қадимги шаҳар, қишлоқ, қаср харобалари Жўнариқ–Салор–Қорасув суғориш тизимлари бўйлаб жойлашган. Булардан энг қадимгиси мил.ав. 9-а.га оид *Шоштепа*дир, қолганларига мил. дастлабки асрларида асос солинган бўлиб, уларда, гарчи муттасил бўлмаса-да, 13- ёки 16-а.ларга қадар аҳоли яшаган. Бу обидаларнинг қалин маданий қатламларида қишлоқ ва шаҳар типидидаги аҳоли турар жойлари қолдиқлари сақланиб қолган. Шаҳар типидидаги ёдгорликлар учун атрофи хом ғишт ёки паҳса мудофаа деворлари б-н ўралган арк, унинг атрофида баъзан истеҳкомли бир ёки бир неча қишлоқ харобалари жойлашган. Аксарият бундай А.ё. қазилганда Қовунчи типидидаги (қ. *Қовунчи маданияти*) моддий маданият обидаларининг комплекслари топилган.

Мазкур суғориш тизимида (қисман, Бўзсув–Қорақамиш бўйлаб) кичик воҳани ўзлаштиришнинг иккинчи навбатидан далолат берувчи А.ё. жойлашган. Булар – *Юнусобод Оқтепаси*, *Оқота*, *Қулоқтепа*, *Сағбон Оқтепаси*, *Чигатой Оқтепаси*, *Тешиккўприктепа*, *Чилонзор Оқтепаси*, *Фозилтепа*, *Қорабоштепа*, *Хонободтепа*, *Шоҳнишинтепа*, *Хиёбонттепа* ва б. Булар деҳқон қишлоқлари, илк ўрта аср қасрлари ёки шаҳарларининг харобасидир.

Қасрлар ўзига хос қурилиши б-н ажралиб турган. Улар баланд ва мустаҳкам мудофаа деворлари б-н ўралиб, атрофида хандақ қазилган. Девор бурчакларида айлана шаклидаги миноралар (буржлар) ўрнатилган. Ташқи мудофаа деворидан душманга найза, камондан отиш учун нишон туйнукча – шинаклар ишланган. Табиий манзарада бундай А.ё.лар кўпинча тўғри тўртбурчакли пирамида шаклидаги баланд тепа (қаср харбаси) ҳамда унга туташиб кетган ясси тепаликлар (аҳоли турар жойларининг қолдиқлари) шаклида кўзга ташланади.

Шаҳар харобалари аниқ тарҳи, марза шаклида сақланиб қолган мудофаа деворларининг қолдиғи ҳамда баланд тепа шаклидаги арк харобалари б-н ажралиб туради (Хонободтепа). А.ё.нинг бу гуруҳи 5–6-а.ларга тааллуқлидир, уларда ҳаёт 13-а., баъзиларида эса 16-а.га қадар мавжуд бўлган. Мазкур А.ё.нинг моддий маданият комплексларида Қовунчи маданиятининг аъналаридан давом эттирилган ёки суғд (Зарафшон водийси) ва Фарғона маданиятларининг таъсирини кўриш мумкин. Суғд ва Фарғона маданияти б-н алоқадорлик айниқса Хо-

нободтепа, кейинроқ Мингўрик ва Юнусобод Оқтепасидан топилган моддий маданият қолдиқларида яққол намоён бўлади.

Воҳани ўзлаштиришнинг учинчи навбатига тааллуқли бўлган А.ё. Бўзсув–Кайковус–Қорақамиш суғориш тизими бўйлаб жойлашган. Улардан энг муҳимлари: Норазтепа, Қозоқ-мозорттепа, Учтепа қишлоқ харобалари (иморатлар, мудофаа деворлари бузилиб, кўримсиз дўнгликлар шаклида сақланиб қолган) ва Бинкат шаҳри (арк, атрофи мудофаа деворлар б-н ўралган шахристон ҳамда ички ва ташқи рабодлари бўлган). Бу ёдгорликлар 9-а. бошларида пайдо бўлиб, 13-ёки 16-а.ларга қадар сақланган. Бу давр (9–13-а.лар)да 1- ва 2- навбатига тааллуқли ёдгорликларнинг кўпчилиги қайта обод бўлган. Уларнинг моддий маданият комплекслари ўрта аср Мовароуннаҳр маданиятининг умумий тараққиёти таъсирида шаклланди.

АРХЕОЛОГИК КУЗАТИШЛАР – шаҳарнинг тарихий аҳамиятга эга бўлган ҳудудларида қурилиш ва б. ишлар олиб борилганда маданий қатламнинг очилишини мунтазам назорат қилиб туриш. Ўзбекистон Республикаси ФА Археология интининг *Тошкент археология экспедицияси* томонидан амалга оширилади.

Тошкентни Россия босиб олгандан кейин (1865) ўтказилган А.к., асосан, нодир ҳамда қимматбаҳо буюмлар, тангаларни тўплаш ва уларни империя пойтахтига жўнатиб туришдан иборат бўлган. 1895 й. Т.да *Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги* ташкил этилган, 20-йиллардан каналлар, йўллар қурилиши муносабати б-н режа-

ли А.к. бошланган. 1924 й.дан Ўрта Осиё Бош музейида Т.ни археологик ва топографик жиҳатдан ўрганишга киришилди (М.Е.Массон, кейинчалик М.Э.Воронец, Д.Д.Букин ва б.). Бу ишни 1940 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти тарих ф-ти археология каф. ўқитувчи ва талабалари давом эттиришди, натижада қад. даврдан то ҳозирга қадар бўлган Т. тарихий тараққиётининг умумий қиёфаси белгиланди ва ёзма манбалардаги маълумотлар б-н боғлиқ равишда шаҳарнинг режали схемаси ишлаб чиқилди.

А.к. ишлари 60-йилларда янада амалий тус олди. «Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун (1968) асосида қурилиш жараёнида бузилиши керак бўлган археологик объектларни ўрганиш расм бўла бошлади. Хусусан, 50–60-й.ларда Ўрта Осиё давлат ун-ти археология каф. ва Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти томонидан *Мингўрик* шаҳар харобаси ўрганилди.

70-йилларда А.к. Т. зилзиласи (1966) оқибатларини тугатиш ва шаҳарни қайта тиклаш б-н боғлиқ ер қозиш ишлари олиб борилган даврда жонланди. Қурилиш даврида йўқолиб борётган ёки эндигина очилган археологик ёдгорликлар (*Бинкат, Қугайттепа, Шоштепа, Учтепа, Қозоқмозорттепа* ва б.)ни сақлаб қолиш ёки ўрганиш борасида ташкилий ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида шаҳардаги А.к. олиб бориш ўзига хос шаклларда намоён бўлди. Бугунги кунда Т.нинг барча қурилиш майдонларида, қад. шаҳар ўрнидаги тарихий зоналарда ва тепаликларда қимматли тари-

хий-топографик маълумотлар берувчи ва турли даврлардаги моддий маданият ва санъат буюмларини намоён этувчи А.к. олиб борилмоқда. Булар шаҳар тараққиётининг 2200 йиллик тарихининг барча босқичлари ҳақида тасаввур беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ш.нинг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига (2008 й. 2 апр.) биноан Т.нинг илк ўрта асрлардаги ўрни бўлган Мингўрикда қозишма ишлари ва ёдгорликни таъмирлаш-реставрация қилиш ишлари олиб борилди.

АРХИВ – Т.да биринчи А. Туркистон генерал-губернатори идорасида ташкил этилган (1867). Окт. тўнтаришидан сўнг Туркистон Республикаси МИКнинг 1919 й. 5 ноябрдаги «Архив ишини қайта ташкил этиш ва марказлаштириш ҳақида»ги декретига мувофиқ шу йили 15 ноябрда Т.да Туркистон АССР Архив ишлари марказий бошқармаси тузилган. 1924 й. Ўрта Осиё республикаларида миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши муносабати б-н Туркистон Республикаси архив фондлари муайян республикалар ўртасида тақсимланди. 1924 й. 28 дек. ЎзССР Советлари МИК ҳузурида ЎзССР архив ишлари марказий бошқармаси ташкил этилди. 1930 й. 9 апр.дан у ЎзССР Марказий архив бошқармаси деб атала бошланган. 1931 й. 20 майда ЎзССР МИКнинг ЎзССР Марказий Архив бошқармаси ва унинг маҳаллий идоралари тўғрисидаги низоми асосида ЎзССР Марказий архив бошқармаси ҳузурида ЎзССР Октябрь инқилоби марказий давлат архиви ва Марказий давлат тарих

архиви ташкил қилинди. 1958 й. ҳар иккала архив бирлашиб, ягона ЎзССР Марказий давлат архиви барпо этилган.

Архив ишлари соҳасидаги ислохотлар 1999 й. 15 апр.да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган «Архивлар тўғрисида»ги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 й. 30 окт.даги «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» ва 2004 й. 3 фев.даги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда республикамизда 4 та марказий давлат архиви (Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари марказий давлат архиви, Ўзбекистон Республикаси Кинофотофоноҳужжатлар Марказий давлат архиви, Қорақалпоғистон Республикаси марказий давлат архиви) ва 78 та давлат архиви мавжуд. Давлат архивларида 13–20-

а.ларга оид 6 млн.дан ортиқ қоғоз, кино, сурат ва овозли архив ҳужжатлари, 10 мингга яқин идоравий архивларда 1,6 млн.дан ортиқ ва 112 та шахсий архивларда 5 млн.га яқин архив ҳужжатлари сақланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 3 фев.даги «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган «Ўзархив» агентлиги бошқарув давлат органи ҳисобланади. Унинг тизимида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент ш. ҳудудий бошқармалари, уларнинг қарамоғидаги давлат архивлари (уларнинг филиаллари) ҳамда Марказий давлат архивлари киради. Агентлик архив ишини ривожлантиришни ва ушбу соҳадаги илмий-техника тараққиётининг давлат томонидан бошқарилишини таъминлайди, давлат ва идоравий архивларнинг фаолиятини тармоқлараро мувофиқлаштиради, архив иши бўйича Республика қонун ҳужжатларига риоя қилинишини назорат қилади.



Тошкент архитектура ва қурилиш институти.

АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, Тошкент архитектура ва қурилиш институти (Навоий кўч., 13) – 1991 й. 6 майда Тошкент политехника ин-тининг архитектура, саноат ва фуқаро қурилиши ҳамда муҳандис қурилиш ф-лари негизда ташкил этилган. Ин-тда 14 йўналиш бўйича бакалаврлар, 16 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрланади. Ин-тда 4 ф-т (архитектура; қурилишни бошқариш; муҳандислик сервис; бино ва иншоотлар қурилиши), 20 каф., ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш м-зи бор. Ин-тда, шунингдек, малака ошириш ф-ти, қурилиш соҳасидаги менежерларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш м-зи, акад. лицей, маънавият ва маърифат м-зи, институт ҳаётини акс эттирувчи музей, ахборот ресурс м-зи (238 мингдан ортиқ асар) фаолият кўрсатади. Ин-тда аспирантура, номзодлик ва д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш мавжуд. 2992 талаба таълим олади; 248 проф.-ўқитувчи, жумладан 19 фан д-ри ва проф., 99 фан номзоди ва доцент ишлайди.

АСАДУЛЛА ХЎЖАЕВ КЎЧАСИ – Шайхонтохур туманидаги марказий кўч.дан бири. Бунёдкор шоҳкўчаси б-н Ўзбекистон кўч. кесишмаси ва Маннон Уйғур кўчаси ораллигида жойлашган. Уз. 2,5 км га яқин. Ўз даврида Тошкент ш. хўжалигига катта ҳисса қўшган Асадулла Хўжаев (1920–1983) номи б-н юритилди. 1983 й. 3 ноябрда қўйилган. Кўча йўналишида маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари, шахсий уй-жойлар, «Қоратош» мавзеси, 2 та автоёнилги қуйиш шохобчаси, «Жар» спорт мажмуаси мавжуд.



Асадулла Хўжаев кўчаси.

АСАДУЛЛАХЎЖАЕВ Убайдуллахўжа (айрим манбаларда Хўжаев Убайдулла) (1878 – 1937) – жамоат арбоби, Т.даги жадидчилик ҳаракатининг йирик вакили, ўзбек матбуотининг илк ташкилотчиларидан бири. Т.да туғилган. Т.даги рус-тузем мактабини битиргач, маҳкамалардан бирида тилмоч бўлиб ишлади (1897). Россиянинг Саратов ш.даги ҳуқуқшунослик ин-тида ўқиди (1908–12). Шу даврда рус ёзувчиси Л.Н. Толстой б-н ёзишмалар қилди (1909).

А. ўқишни тугатгач, дастлаб Саратов, 1913 й.да Т. округ суида хусусий адвокат бўлиб ишлади. Чор ҳуқумати маъмурларининг порахўрлиги ва золимлигини фош этиб, айримларини давлат ишидан четлатишга эришди. Жадидчилик ҳаракатига қўшилиб, тез орада унинг йирик вакилларида бирига айланди. «Умид» деб аталувчи илғор мусулмон гуруҳига етакчилик қилди (1913). «Турон» жамиятининг асосчиларидан бири (1913).

А. мустақил фирқа ташкил қилиш ниятида Т.да «Садои Туркистон» газ.ни ташкил этиб (1914.4.4), унга муҳаррирлик

қилди. Газ. ишига ўша давр маърифат даргалари – Абдулла Авлоний, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдурауф Музаффаров сингариларни жалб этди. У газ.да турли мавзуларда долзарб мақолалар б-н чиқиб, чоризмнинг мустамлакачилик сиёсатини фош қилди. Туркистонга тарқалиб, умуммиллий матбуот нашрига айланаётган «Садои Туркистон» 1915 й. апр.да ёпиб қўйилган бўлса-да, у ўлка зиёлиларининг «Тараққийпарварлар» фирқасига замин тайёрлади.

А. Тошкентда тузилиб, мардикорликка олиш иши б-н шуғулланган «Туркистон мардикорликка олиш қўмитаси»нинг раиси (1916) бўлади. Қўмита чор амалдорларининг ўзбошимчалиklarини очиб ташлади. Мардикорликка жўнатиш ҳақидаги оқподшо фармони (1916 й. 25 июнь)ни бекор қилдириш учун А. маҳаллий миллатпарвар бой Миркомил Мирмўминбоев б-н бирга Петербурга борди. Улар давлат думасининг 1916 й. дек.даги мажлиси фармони Россия империясининг қонунчилигида кўрсатилган ҳолларга зид равишда

қабул қилинганини исботлаб беришди.

А. 1917 й. Туркистондаги сиёсий жараёнларда фаол қатнашди. «Шўрои ислом» жамияти раиси. Бутун Туркистон мусулмонлари I-съездидида ташкил қилинган Туркистон ўлка мусулмонлари марказий кенгаши котиби ва аъзоларидан бири (1917 й. апр.). Бутун Россия мусулмонлар кенгаши МК аъзоси (1917). Мухториятчилик ҳаракати ташаббускорларидан. Туркистон мухторияти ҳукуматининг ҳарбий ишлар вазири (1917 й. нояб. – 1918 й. фев.). Истиклолчилик ҳаракатига хайрхоҳлик б-н қараган. «Миллатчилик»да айбланиб, қатағонга учраган. Советлар даврида бир неча марта қамалиб, турмада ҳалок бўлган. «АСАКАБАНК» (Нукус кўчаси, 67) – давлат-акциядорлик тижорат банки. Фаолиятини 1996 й. 20 янв.да бошлаган. Банкнинг асосий таъсисчилари ва акциядорлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (98,33%) ва «Автосаноат» давлат-акциядорлик компанияси (1,67% акцияга эга).

Банк томонидан мижозларга комплекс тарзда кредит, лизинг, факторинг, ҳисоб-китоб, касса ва б. турдаги банк хизматлари кўрсатилади.

Банкнинг Тошкент ш.да Тошкент шаҳар, «Автотранспорт», Шайхонтохур, Юнусобод, Сергели филиаллари фаолият кўрсатади.

Тошкент шаҳар филиалнинг кредит қўйилмалари (млн. сўм): саноатга – 11146,5; қурилишга – 130,0; транспорт ва алоқага – 21,5; савдо ва умумий овқатланишга – 342,0; бошқаларга – 1936,9. Кредит қўйилмаларининг умумий суммасидан 3149,2 млн. сўми



«Асакабанк».

қўйса, ўша тараф енгилган ҳисобланади. Томошабин ўз кулгиси ва эҳтиросли қийқириқлари б-н тарафлар ва уларнинг жавобларига баҳо бериб боради; мазмундор, серқочирим

А.дан завқланади, саёз ва кўполларидан ранжийди.

А. турларини мукамал эгаллаган, катта давраларда тортиша оладиган кишилар а с к и я ч и, а с к и я б о з деб аталади. Аскиячи тилнинг кенг имкониятларини пухта эгаллаган, сўз ўйини, қочирим, ҳазил-мутойиба, киноя, ташбиҳ, кесатиқ, ўхшатиш каби кулги воситаларидан усталик б-н фойдалана оладиган бўлиши лозим. А. тортишувида закийлик, ҳозиржавоблик асосий мезон ҳисобланади.

А.нинг вазифаси кулги орқали кишиларнинг кайфиятини ростлаш, уларга завқ бахш этиш, муайян мавзу доирасида уларнинг билимларини янада кенгайтириш, ақлини, фикрини чарх-

лаш, зийрак, ҳозиржавоб бўлишга даъват этиш, шу б-н бирга турмушдаги ва айрим кишилар хулқидаги камчиликлар устидан енгил кулги уйғотишидир.

Аскиячилар катта сахнада.



А.нинг пайров, қофия, радиф, тутал, «ўхшатдим», «бўласизми», баҳри байт, сафсата, «гулмисиз, жамбилмисиз, райҳонмисиз», ширинкорлик, афсона, раббия, «лақаб» каби турлари бор.

А. ўзбек халқи орасида кўп асрлардан бери мавжуд бўлиб, унинг дастлабки шакли «айтишув» деб аталиб, уруғчилик даврида пайдо бўлган. Урта асрларда А. «зарофат», ижрочилари «зариф» деб юритилган. Айниқса, Навоий даврида зарофат санъат даражасида ривожланган. 18–19-а.ларда А., айниқса, Фарғона водийси ва Тошкентда ривожланган. 30-й.ларда А. айрим концерт дастурларига ҳам киритилган. Кейинчалик тақиқланган. 60-й.лар охирларида А. мавзуида илмий тадқиқотлар ўтказилиб диссертациялар ёқланди (Р. Муҳаммадиев ва б.) ва халқ оғзаки ижодининг ўзига хос жанри сифатида катта оммавий дастурлардан ўрин ола бошлади. А. ривожига Деҳқон юзбоши Шерназаров, Саидахмад аскиячи, Эрка қори Каримов, Мамаюсуф Тиллабоев, Юсуфжон Шакаржонов, Ака Бухор Зокиров, Расулқори Мамадалиев, Турсунбува (Ижроқўмбува) Аминов, Мамарозиқ Исҳоқов, Раҳматқул ва Абдуллажон Яшаровлар, Абдулхай Маҳсум Қозоқов, Мамажон Мадаминов, Жўраҳон Султонов, Фанижон Тошматов, Т.да ака-ука Шожалиловлар, Абулқосим Тўйчиев ва б. катта ҳисса қўшдилар. Улар Т.даги тўйларда, маданият ва истироҳат боғларидаги халқ сайилларида А.лар айтишиб, кенг омманинг олқишига сазовор бўлишган.

«АСКИЯ» ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Усмон Носир кўч., 52^а-уй) – очиқ турдаги акциядорлик жамияти.

1938 й. қурилган, 1999 й.да «Тошшаҳарлойиҳа» ин-ти лойиҳаси асосида реконструкция қилинган. Ум. майд. 18013 м². 279 та савдо ўрнига эга (шоҳобчалари б-н 425 та).

Бозор ҳудуди атрофига 9 қаватли турар жой бинолари, автотурагоҳ, АТС жойлашган. Бозорда савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Бозорнинг «Чинор» (Усмон Носир ва Глинка кўч. чорраҳаси), «Бошлиқ» (Бошлиқ кўч.), «Тоҳир ва Зухра» (Муқимий ва Усмон Носир кўч. чорраҳаси) шоҳобчалари бор. **«АСТРОБОД» МАҲАЛЛАСИ** (Юнусобод, 7-даҳа) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Туркистон», «Исломобод», «Собиробод», «Гулистон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1975 й.дан шу номда. Аҳолиси 5305 кишидан иборат бўлиб, 13 миллат вакиллари истиқомат қилади (2008). Маҳалла ҳудудида кутубхона, Тошкент шарқшунослик ин-ти қошидаги 325-сонли лицей, 2 та болалар боғчаси, 86-сонли ўрта мактаб, 26-сонли мусиқа мактаби, 52-сонли оилавий поликлиника, 2-сонли болалар стоматологияси, сартарошхона, пойабзал тузатиш устахонаси мавжуд. Маҳалланинг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Маҳмуда Абдурахмонова маҳалладаги фаол ишлари учун «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2008).

АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти (Астрономия кўч., 33) – Тошкент астрономия расадхонаси негизида 1966 й. Т.да ташкил этилган. 1994 й. Мирзо Улуғбек номи берилган. А.и. Қуёш физи-

каси, гелиосейсмология, астросейсмология; юлдуз пайдо бўлиш соҳаларида ёш ностационар юлдузлар; Галактикадан ташқи объектлар CCD-фотометрияси (квazarлар, гравитацион линзалар ва фаол ядроли галактикалар); Ойнинг кулранг ёғдусини қайд этиш асосида Ер глобал исшини мониторинг қилиш; релятивистик астрофизика, қора ўра атрофидаги зарралар ва майдонлар, айланувчи ва тебранувчи магнитланган нейтрон юлдузларнинг электромагнит нурланиши; астроиклим тадқиқотлари; космик геодинамика методлари б-н Ер айланиши параметрларини мониторинг қилиш; ночизиқли ва нотургун галактикаларни моделлаш ва б. йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб боради.

Ин-т таркибида юлдузлар астрофизикаси, Қуёш-Ер физикаси, Галактикадан ташқи астрономия, Назарий астрофизика, Майданак Баландтоғ расадхонаси бўлимлари ҳамда Майданак Баландтоғ расадхонаси (Қашқадарё вилояти) фаолиятини таъминловчи Китоб астрономик расадхоналар мажмуи бор. Ин-тининг 20 га яқин телескопи Майданак Баландтоғ расадхонаси, Китоб ш., Тошкент вилоятининг Паркент тумани ва Тошкент ш. ҳудудида ўрнатилган. Булар орасида Ўрта. Осиёда ягона, кўзгусининг диаметри 1,5 м бўлган телескоп ва ўта ноёб CCD-камера б-н жиҳозланган Қуёш телескопи бор. Ин-тда 140 илмий ходим, жумладан 6 фан д-ри, 22 фан номзоди ишлайди.

Ин-тда Ўзбекистон ФА акад. В.П.Шчеглов шарафига мемориал лавҳа ўрнатилган ҳамда унга бағишланган музей мавжуд.

АСҚАД МУХТОР [тахаллуси; фам. Мухторов (1920.23.12–1997.17.4)] – Ўзбекистон халқ

ёзувчиси (1980). 1937 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тининг филология ф-тини тугатган (1942). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви котиби (1957–69; 1985–88), уюшма бошқаруви раисининг ўринбосари (1965), «Шарқ юлдузи» (1960–65), «Гулистон» (1969–80) жур.лари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. бош муҳаррири (1981–82). Шеъриний тўпламлар («99 миниатюра», 1962; «Шеърлар», 1966; «Сирли нидо», 1984), достонлар («Пўлат куювчи», 1947; «Катта йўлда», 1970; «Мангуликка дахлдор», 1970), қиссалар («Дарёлар тутаган жойда», 1950; «Қорақалпоқ қиссаси», 1958; «Бўронларда бордек ҳаловат», 1976; «Бухоронинг жин кўчалари», 1980), пьесалар («Мардлик чўққиси», 1948; «Яхшиликка-яхшилик», 1949, «Тонг билан учрашув», 1987), романлар («Опа-сингиллар», 1955; «Туғилиш», 1961; «Давр менинг тақдиримда», 1964; «Чинор», 1969; «Чорраҳа», 1985; «Амударё», 1986) муаллифи. «Уйқу қочганда» (1997) китоби ҳаёт фалсафаси, маънавият, маданият ва ижод масалаларига бағишланган. Адиб қаҳрамонлари фикрловчи, мушоҳада юритувчи, баҳслашувчи кишилардир. Бу ҳол унинг лирикаси учун ҳам хосдир. Софокл, Шекспир, шунингдек, жаҳон адабиёти йирик намояндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1972). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1995). Чигатой қабристонига дафн этилган.

АСҚАРОВ Акбар Асқарович [1902.25.10 (7.11) – 1978.9.5] – терапевт, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943), тиббиёт фанлари д-ри (1947), проф. (1948),

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1956). Тошкент ш.да туғилган. 1927 й. Ўрта Осиё давлат ун-ти тиббиёт ф-тини тугатган. Тошкент тиббиёт ин-ти факультет терапияси кафедраси мудири (1941 й.дан).

А. кўп йиллар давомида меъда-ичак касалликлари этиологияси, клиникаси ва даволаш (айниқса ўзбек таомларидан тузилган парҳез ёрдамида) усуллари устида и.т. ишлари олиб борган. А.нинг ингичка ичак, йўғон ичак, ўт пуфаги ва жигар касалликлари устида олиб борган илмий ишлари тиббиёт назарияси ва амалиётини бойитган. Минор қабристонига дафн этилган. Тошкентдаги кўчалардан бири унинг номига қўйилган.

АСҚАРОВ Акрам (?–1891.15.10) – қадимги буюмларни тўплаган биринчи ўзбек ҳаваскор археолог. Т.да туғилган ва шаҳарнинг Бешёғоч даҳасидаги Ракат маҳалласида яшаган. Акрамполвон номи б-н ҳам машҳур бўлган. Ўз даврининг кўзга кўринган коллекционер сифатида турли археологик буюмлар ва 15 мингдан ортиқ қад., ўрта асрга оид мис, қумуш ва олтин тангалар тўплаган. Уларнинг бир қисми (504 таси) Эрмитажда сақлан-

моқда. 1890 й. Т.даги қ.х. ва саноат моллари кўргазмасида А. ўзининг археологик ва нумизматик коллекциялари б-н қатнашган. А. рус археолог ва шарқшуноси Н.И.Веселовскийнинг Туркистон ўлкаси бўйлаб қилган сафарида ҳамроҳлик қилган (1884). Археология соҳасидаги хизматлари учун маҳаллий аҳоли ўртасида биринчи бўлиб Россия археология жамиятининг қумуш медали б-н мукофотланган (1887). Т.да дафн қилинган.

«**АТЛАНТА**» (Буюк ипак йўли, 115) – ресторан. «Атланта Файз» МЧЖга қарайди. 2008 й. июль ойида очилган. Бинони қуриш ва безашда француз меъморчилик услубидан фойдаланилган. 120 кишига мўлжалланган зали бор. Европа ва миллий таомлар, турли балиқ таомлари тайёрланади. Ресторан тўйхона сифатида аҳолига хизмат кўрсатади. Турли зиёфатлар, туғилган кунлар, бошқа маросимларни ўтказиши мумкин. Ресторан айтилган жойга бориб, аҳоли ва ташкилотларнинг буюртмаларини ҳам бажаради.

АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – табиий бойликларни сақлаш ва улардан унумли, оқилона фойдаланишга

асосланган, жамият ва табиат ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлигини таъминлашга қаратилган тадбирлар

Матбуотчилар кўчасидаги юз ёшдан ошган чинорлар.

таъминоти. Ижтимоий тавсифга эга бўлиб, кишилиқ жамияти фаолиятининг уч йўналишини: табиатни (жумладан, ўзгарган табиий муҳитни ҳам) муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва бузилган табиат мажмуаларини қайта тиклашни ўз ичига қамраб олади. Яъни атмосфера ҳавоси, сув ҳавзалари ва тупроқни саноат, транспорт ва уй-рўзғор чиқиндилари б-н ифлосланишидан сақлаш, и.ч. ва турар жойлардаги шовқинни камайтириш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига эҳтиёткорона муносабатда бўлишдан иборат. Ушбу тадбирлар тизими экология борасидаги миллий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқади.

Т.да атмосфера ҳавосининг сифати мониторинги Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Гидрометеорология маркази («Ўзгидромет») томонидан амалга оширилади. Марказ 1999 й.дан атмосфера ҳавосида чанг, азот диоксида, озон миқдорини салбий таъсир чегарасига нисбатан ҳолатини аниқлаб боради. Кейинги 7–8 й. давомида олтингургурт диоксида, фенол, аммиак б-н ифлосланиш пасайганлиги қайд этилмоқда. Йирик шаҳарлар ҳавоси сифатини тавсифлашда мутахассислар атмосферанинг ифлосланиш индекси (АИИ) бўйича комплекс ўзгаришлар динамикасида фойдаланиди. Т.да АИИ меъёр чегарасида. Т.да атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манба саноат объектларидир. Тошкент ИЭС ва «Ўзпахтасаноатсавдо» корхоналарининг тозалаш ва чиқиндини тозалаш самараси пастлиги қайд этилган. Бу ерда аммоний ионлари ва органик моддалар бўйича ифлосланиш меъёрдан ортиқлиги аниқланган.



Шаҳарда атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи омиллардан яна бири автомобиль транспортидир. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, транспорт корхоналари ва автотранспорт воситаларининг экологик ҳолати бўйича давлат назорати томонидан автотранспорт воситаларининг ифлослантирувчанлиги бўйича чиқинди миқдори 10% атрофидалиги аниқланган.

Т.да Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳар йили «Ўзнефтгазинспекция»ни жалб этиб, Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги б-н ҳамкорликда икки босқичда «Тоза ҳаво» тадбирини ўтказди. Тадбирда автотранспорт корхоналари (АТК), автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари (АЁҚШ), автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ст-ялари ва автомобиль транспортларининг экологик ҳолати текширилади. Т.да 2000 й.дан махсус ҳарбийлаштирилган «экологик взвод» иш олиб боради. Взвод автомобиллардан чиқадиган газларнинг заҳарлилик

даражасини назорат қилади ва зарарли ташламаларни камайтириш бўйича чоралар кўради.

Т.да автомобиль йўллари қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида автотранспорт ташламаларининг камайтирилиши таъминланмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан т.й.ларнинг аксарият қисмини электрлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси Фуқаролар авиацияси халқаро ташкилоти (ФАХТ)нинг замонавий экологик стандартлар талабларига жавоб берувчи замонавий ҳаво транспортларидан фойдаланади. Шунга қарамай, пойтахт ҳавосининг сифати етарли ҳавфсизлик даражасида деб бўлмади. Бунга кўчма манбалардан атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар сабаб бўлмоқда. Азот оксидлари, озон, учувчан органик бирикмалар (УОБ) б-н атмосфера ҳавосининг ифлосланиш даражаси Т.да санитария-гигиеник меъёр-

лардан ортиб бормоқда. «Ўзгидромет» маълумотларига кўра, углерод оксидининг ўртача йиллик миқдори 2 дан 4 мг/м³ гача тебранмоқда.

Т.да сув ҳавзаларининг экологик ҳолати жуда муҳим аҳамиятга эга. Шаҳарда ер ости сувларини чиқариб олиш 2961,7 минг м³/суткага тенг. Мас., 2002–04 й.ларда Чирчиқ ер ости сувлари манбаининг нефть маҳсулотлари б-н ифлосланиши намоён бўлиб, салбий таъсир чегарасидаги концентрация (СТЧК) 0,4–0,6 гачани ташкил этди. Маҳаллий участкаларда ифлосланиш даражаси 2,0 дан 10,0 СТЧК гача ўзгаради (нефть базалари, т.й. участкалари, айрим ёқилғи сақлаш омборлари, автоювиш жойлари, АЁҚШлар, Салор азрация ст-яси, Т. аҳоли турар жойлари, Чкалов номидаги Т. авиация и.ч. бирлашмаси, «Тошкент трактор заводи» (ТТЗ) акциядорлик жамиятида ва б.да). Т. бўйича, ҳалқа йўли чегараларида ер ости сувлари таркибида нефть маҳсулотлари миқдори СТЧКдан ортиқ.

Салор канали соҳили.



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Т.да атроф-муҳит муҳофаза-заси ҳуқуқий асосини яратиб жадвал суратларда амалга оширилди. 1992 й.нинг 9 дек.да Ўзбекистон Республикаси Конституцияси б-н бир вақтда «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, 1993 й. 6 майда «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун, 1996 й. 27 дек.да «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун, 1997 й. 26 дек.да «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» ва «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Т.да 1993 й. 20 сент.да «Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси ташкил этилди. Бу нодавлат ташкилот Марказий Осиё минтақасида экологик хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг саломатлигини тиклашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширади.

ЮНИДО ҳомийлигида Т.да тоза сув и.ч. маркази ва унинг офиси ташкил этилди. В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик жамияти корхонасида кислород цехи компрессорларини совитиш учун айланма сув таъминоти тизими-ни татиқ этиш бўйича лойиҳа ва «Ўзтемирийўлтаъмирлаш» и.ч. бирлашмаси корхоналарида тозалаш иншоотларига келадиган оқова сувларида нефть маҳсулотлари микдорини камайтириш бўйича лойиҳа, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компаниясида «Қурилишгелиосервис» фирмаси б-н ҳамкорликда иссиқ сув таъминоти учун гелиотерминал қурилмаларини лойиҳалаш, йиғиш, сошлаш ва ишга тушириш ишлари бажарилди.

Т. ва Т. вилояти чегараларида Чирчиқ дарёси оқимидан шағал тошлар ва қум қазиб олишни давом эттириш ўзан экологик ҳолатининг оғирлашишига олиб келганлиги сабабли, бундай ишларни олиб бориш ман этилди.

Шаҳарда барча оқова сувлар механик, кимёвий ва биологик тозалаш циклидан ўтказилади. А.-м.м.қ. тадбирлари комплексида ичимлик сувини тежамкорлик б-н сарфлашга алоҳида

аҳамият берилади. Шу мақсадда айрим корхоналар сувдан қайта фойдаланиш тизимига ўтказилган.

Магистрал каналларнинг санитария ҳолатини яхшилашга доир тадбирлар (бетонлаштириш ва соҳил бўйларини ободонлаштириш) ҳам амалга оширилмоқда.

А.-м.м.қ.га доир тадбирлар мажмуида *қўқаламзорлаштириш* алоҳида ўрин тутди.

АУДИТОРЛИК ХИЗМАТИ – корхона, компания, ташкилот, банк ва б. хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини холис, мустақил, малакали ва махфий текшириш, молия хужжатлари экспертизаси, тафтиш ўтказиш б-н шуғулланадиган фирмалар хизмати; молиявий назоратнинг бир тури. А.х. Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкент ш.да 1990-й.ларнинг бошида пайдо бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва турли тадбиркорлик тизимлари (хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари) пайдо бўлган шароитларда уларнинг молиявий аҳволи ва молиявий ишончлилигига баҳо бериш муҳим масалага айланади ҳамда А.х.ни тақозо этади. Ички ва ташқи А.х.га бўлинади. Ички

А.х. Ўзбекистонда баланс активлари қиймати 1 млрд. сўмдан ортиқ бўлган хўжалик субъектларида ташкил этилади ва шу хўжалик субъектининг ўзи (бошқаруви)га хизмат кўрсатади. Ташқи А.х. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган, Молия вазирлигидан лицензия олган ихтисослашган фирмалар томонидан хўжалик субъектлари б-н тузилган шартномаларга кўра ихтиёрий ёки амалдаги қонунчиликка мос ҳолда тижорат банклари, суғурта ташкилотлари, жамғармалар, устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда қўлланади. А.х. ўз текширувларини ҳисобот ва ҳулоса кўринишларида расмийлаштиради. Т. шаҳридаги аудиторлик фирмалари Ўзбекистон Республикаси Аудиторлар палатаси (Носиров тор кўч., 16) аъзолари таркибига кирган. А.х. Ўзбекистон Республикасининг 1992 й. 9 дек.да қабул қилинган «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонунига мувофиқ олиб борилади. Т.да 80 дан ортиқ йирик аудиторлик фирмалари фаолият олиб боради (2008).

АФРОСИЁБ КЎЧАСИ – Миробод ва Яккасарой туманлари ҳудудида. Шаҳрисабз кўч. ва Анҳор канали оралигида жойлашган. Уз. 3 км. Жойнинг тарихий номи сифатида 1993 й. 30 июнда Космонавтлар кўчасининг Миробод туман қисмига, 2005 й. 10 окт.да Яккасарой туман қисмига қўйилган. Кўча йўналишида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, «Космонавтлар», «Ойбек» ва «Мингўрик» метро бекатлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, «Мовий гумбазлар» хиёбони, Анҳор канали, кўп қаватли турар жой

бинолари, хорижий компаниялар, Республика кўғирчоқ театри мавжуд.

«АФРОСИЁБ» МАҲАЛЛАСИ (Афросиёб кўч., 41) – Миробод туманидаги маҳалла. Шароф Рашидов, Ойбек, «Ўзбекистон», «Мингўрик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1983 й. Ойбек номи б-н ташкил этилган. 1937–38 й.ларда буюк адиб шу мавзеда яшаб ижод қилган. 1990 й. 4 майда маҳалла идорасида Ойбек уй-музеи филиали очилган. 1991 й.да кўшни маҳалла олдинроқ рўйхатдан ўтиб «Ойбек» деб аталгани учун, 1991 й.дан расман «Мусо Тошмуҳаммад» маҳалласи деб аталиб келинган. 2005 й. окт.да «Афросиёб» номи олдиди. Маҳалла ҳудудидан Афросиёб кўч. ўтганлиги сабабли маҳалла шундай аталган. Аҳолиси 2721 киши (2008). Миллий таркиби, асосан ўзбеклар, шунингдек, руслар, татарлар ва б. яшайди. Маҳалла ҳудудида 4 кўча, Миллий хавфсизлик хизматига қарашли ин-т, шоира Зулфия ҳайкали, Туркменистон элчихонаси, «Ўзбегим» супермаркети ва б. мавжуд.

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, Тошкент ахборот технологиялари университети (Амир Темур шоҳкўчаси, 108) – ахборот технологиялари бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти. Тошкент электротехника алоқа ин-ти номи б-н 1955 й. Т.да ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 30 майдаги фармонида асосан Тошкент ахборот технологиялари ун-ти деб номланди. 15 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 18 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди.

Ун-тда 5 ф-т: ахборот технологиялари; телекоммуникация

Тошкент ахборот технологиялари университети.

технологиялари; радиотехника, радиоалоқа ва телерадиоэширтириш;

иктисодиёт ва бошқарув; махсус ф-т; 37 та каф. бор. Ун-тда, шунингдек, 2 академик-лицей, 20 и.т. лаб., Самарқанд, Қарши, Нукус, Фарғона ва Урганч ш.ларида ҳудудий филиаллари фаолият кўрсатади. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш м-зи, музей хоналар, кутубхона (370 мингдан ортиқ асар), маънавият ва маърифат м-зи мавжуд. Ун-тнинг ўзбек-қинд ахборот технологиялари м-зи, Кореянинг КАДО агентлиги м-зи, ўзбек-корейс ахборот технологиялари м-зи ва б. ўқув м-зларида мутахассислар тайёрланади ва қайта тайёрланади. Университет и.т. лаборатория ва каф.ларида давлат грантлари ва хўжалик шартномалари асосида и.т.лар амалга оширилади. Ун-тда номзодлик ва д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. 2007/08 ўқув йили ун-тда 8879 талаба ва 599 магистрант таълим олди. 399 ўқитувчи, жумладан, 6 акад., 24 фан д-ри ва проф., 98 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т ташкил этилгандан бери 30 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди.

АХМАТОВА (тахаллуси; ҳақиқий фам. Горенко Анна Андре-



евна) (1889.11.6–1966.5.3) – рус шоираси. Москва вилояти Домодедово қишлоғида туғилган. 1910 й.дан асосан Петербургда яшаган. Биринчи шеърлар китоби «Оқшом» (1910). «Тасбеҳ» (1914), «Оқ гала» (1917), «Баргизуб» (1921) ва б. китобларидаги шеърларида лирик кечинмалар, танҳолик туйғулари ифодаланган. Инқилобий воқеликдан узоқ бўлса-да, А. бари бир муҳожирларни, яъни ватангадо кишиларни қоралаб шеърлар ёзади («Мен ўз ерини ташлаганлар б-н бирга эмасман!»). Бир неча йиллар мобайнида А. ижодининг янги қирралари шаклланди, асарларида ватан мавзуи устунлик қила бошлади. 30–40-й.лардаги шеърларида ватан, ватанпарварлик мавзулари кенг акс этган («Олтин китобдан», 1940; «Танланган асарлар», 1944). 2-жаҳон уруши йилларида Т.да яшаб, «Тошкент шеърлари» (1944) туркумини яратган. «Қаҳрамонсиз поэма» (1940–62) асари – А. ижодининг чўққиси. «Вақтнинг тез ўтиши» (шеърый тўплам, 1965) китобида А. ижодининг ўзига хос томонлари акс этган. Шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган (1966, 1969). Т.да А. яшаб ижод этган уй ўрнида қурилган бинога (Содиқ

Азимов кўчаси, 54) шоира хотирасини абадийлаштирувчи лавҳа ўрнатилган (1976).

АЧАВОТ, Аччиобод, Ачаобод – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. 19-а. охири – 20-а. бошларида Чимбой, Ёв ва Сағбон маҳаллалари б-н чегарадош бўлган, шаҳар мудофаа деворига туташган. А. номининг этимологияси мунозарали. Баъзи олимлар (А.Муҳаммаджонов) илк ўрта асрларда зодагон аёллар яшаган жой (Ачабат – Катта она кўноғи) деб ҳисоблайдилар. Аммо бошқа бир фикрга кўра, А. номи жойнинг табиий хусусиятидан келиб чиққан, яъни захкаш Аччи суви бўйини ўзлаштирилиши натижасида Аччиобод – Ачавот атамаси пайдо бўлган. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандий (19-а.) «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Жуманбий мадрасасининг Аччи мавзеида 150 таноб ердаги дарахтзордан иборат вақфи бўлганлигини ёзган. Аҳолиси хунармандчилик, савдо-сотик, боғ ҳовлиларида деҳқончилик б-н шуғулланганлар. 3 масжид, 3 тегирмон, мактаб бўлган (20-а. боши).

Шўролар тузуми давридаги Ачавот маҳалласи (Сағбон кўч., 227) – 1935 й. ташкил топган. 1957–92 й.лар «Октябрь 40 йиллиги» номи б-н аталган. 1992 й. 20 апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3030 киши, асосан, ўзбеклардан иборат, қисман лўлилар ва б. миллат вакиллари яшайди (2009).



Маҳалла ҳудудида «Истеъдодли ёш авлод», «Сағбон» спорт мажмуалари, «Исломобод» жоме масжиди, металлни қайта ишлаш з-ди, Ачаобод қабристони, авто-сервис, Тожинисо савдо мажмуаси, кафе, 2 поликлиника ва б. мавжуд.

АШРАФИЙ МАҲАЛЛАСИ (М.Ашрафий 1-берк кўч., 35) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Бешбола», Жўрабек, Фулом Усмонов, Аҳмад Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош, Шўролар даврида «Квартальный комитет №13» деб аталган. 1990 й. 5 апр.да композитор Мухтор Ашрафий (1912–75) номи берилган. Аҳолиси 3500 киши (2009), кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 6 та дўкон, тўйхона, 3 та кафе, 28 та давлат корхонаси, 7 та хусусий корхона мавжуд.

АЪЗАМОВ Йўлдош (1909.10.5–1985.16.6) – кинорежиссёр, актёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). Ўзбекистон халқ артисти (1970). Т.да туғилган. «Совкино», «Востоккино», «Ўзбекфильм»ларда ишлаган. «Ёр чанқоғи» (1930), «Юксалиш» (1931) каби фильмларда суратга тушган. «Тоҳир ва Зухра» (1945) бадийи фильмига иккинчи реж. бўлган, урушдан кейинги йиллар эса ҳужжатли-хроникал фильмлар («Халқ қизлари», «Тошкент МЭС»и ва б.) ишлаган. Биринчи мустақил бадийи фильми «Қилич» (1936). Тошкент Ёш томошабинлар т-рида реж. сифатида бир қанча пьесаларни сахналаштирган. А. кинорежиссёр сифатида «Гулбахор» (1956), «Мафтунингман» (1958), «Фурқат» (1959), «Истикбол йўли» (1961),

«Ачавот» маҳалласидаги «Тожинисо» савдо мажмуаси.

«Ойдин саҳифа» (1965), «Сайёд кўнғироғи» (1966), «Ўтган кунлар» (1969), «Оловли сўқмоқлар» (1971), «Меҳробдан чаён» («Зулматни тарк этиб...», 1973), «Одамлар ташвишида» (1976), «Ота насиҳати» (1979), «Катта ва қисқа ҳаёт» (1981), «Пароль «Регина» меҳмонхонаси» (З.Райзман б-н ҳамкорликда, 1984) ва б. фильмларни яратган. А. ижодида ўзбек халқининг тарихий ва замонавий ҳаёти саҳифаларини миллий руҳда кўрсатишга интилиш кўпроқ сезилади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1972). Чигатоӣ қабристонида дафн этилган.

АЪЗАМОВ Фани (1909.9.5–2001.11.1) – Ўзбекистон халқ артисти (1961). Т.да туғилган. Биринчи роли – «Ҳалима» мусиқали драмасидаги Раҳим ямоқчи. Уйғуннинг «Қалтис ҳазил» комедиясидаги Мамарасул образи сахнадаги илк ютуғидир. Домла имом («Бой ила хизматчи»), Мунажожим («Алишер Навоий»), Арслоншер («Чин муҳаббат»), Соқи сумбат («Тоға-жиянлар»), Қамбар («Қутлуғ қон»), Юсуф («Сўнги нусхалар»), Омонёр («Қонли сароб»), Бобчинский («Ревизор»), Лаунс («Вероналик икки йигит») ва б. юзга яқин мукаммал образлар яратган.

«Ромео ва Жульетта», «Ганг дарёсининг қизи» спектакларидаги Петр ва Набикори ролларида ўз шахсиятидан маҳрум, мудроқ босган, нимжон, ирода-сиз кишилар қиёфасини гавдалантирган. У яратган Мўмин («Олтин девор») образи актёр ижодида алоҳида ўрин тутди. Уста Мўминда актёр кулги талқинини ўрни-ўрнида фожиага яқинлаштирган. С.Аҳмаднинг унга атаб ёзган «Куёв» комеди-

ясида А. гавдалантирган Ғани тимсолида ёлғизлик фожиаси ёритилди. Фильмлардаги асосий роллари: Сартарош («Мафтунингман»), Қамбар чўлоқ («Қутлуғ қон»), Домла имом («Бой ила хизматчи»), Қора шоҳ («Икки дил достони»), Холмат («Суюнчи»), Серхунар чойхоначи («Темир хотин») ва б.

А. Сағбон қабристонига дафн этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2001). Собир Раҳимов туманидаги маҳаллага унинг номи қўйилган.

АЭРАЦИЯ СТАНЦИЯЛАРИ – ифлосланган оқова ва канализация сувларини механик ва биологик жиҳатдан тўлиқ тозалаш, тўпланган оқова сувдан турли заҳарли моддаларни чиқариб ташлаш ва сув сифатини яхшилаш ва б. вазифаларни бажарадиган иншоотлар мажмуи. Т.да «Сувсоз» трести – давлат унитар корхонаси таркибига кирадиган *Бўзсув аэрация станцияси*, *Салор аэрация станцияси* ва *Бектемир оқова сувларни тозалаш иншооти* фаолият кўрсатади. Шаҳар А.с.нинг умумий тозалаш қуввати 1,95 млн.м³/суткани ташкил этади (2008).

АЭРОВOKЗАЛ МАЙДОНИ – Бобур кўч. ва Кичик ҳалқа йўли кесишган жойда. 1924 й. аэровокзал биноси қурилиши муносабати б-н юзага келди, 1956 й.да аэровокзалнинг иккинчи биноси ишга туширилгач, янада ободонлашди. 1968 й. аэровокзални Т. маркази б-н боғлайдиган йўлўтказгич бунёд этилди (меъмори В.Русанов, муҳандиси Л.Драбкин). 1974 й.да 3 қаватли янги аэровокзал биноси қурилди ва майд. реконструкция қилинди (меъморлари: Е.Ермолаев, Л.Иванов, И.Хуснитдинов; ҳайк. Д.Рўзиев; рас.: В.Чуб, Н.Ган). 1976 й.да аэровокзалда иккинчи павильон қуриб, фойдаланишга топширилди (меъморлари: Л.Травченко, В.Русанов). 1992 й.да «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилгач, А.м.ни янада ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. 1995–96 й.ларда А.м.да кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 2001 й.да аэровокзал бинолари реконструкция қилинди ва замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланди. А.м.да кўкаламзор майдон кенгайтирилди, суғориш тизими янгиланди, битта фаввора

қурилди, хиёбон-йўлкаларга асфальт қоплама ётқизилди, 2 қаватли автомобиль йўли таъмирдан чиқарилди. А.м.да 9,6 гектар майсазор (шундан 0,2 гектари гулхона) бор; 2 мингдан зиёд дарахт (шундан 234 таси игнабаргли дарахт) ўсади. А.м.да «Тошкент» аэропорти, «Аэропорт» автобошбекати, хиёбон, меҳмонхона, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари бор.

«АЭРОПОРТ» АВТОБОШБЕККАТИ (Сергели тумани, Аэровокзал майдони) – Тошкент ш. 5-автопаркка бириктирилган. «А.»дан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли автобуслар 9 йўналишда («Хувайдо» маҳалласига 11-, «Янгиобод» массивига 61-, «Юнусобод-19 квартал»га 67-, «Қорақамиш-2/4» массивига 76-, «Чилонзор-25 квартал» массивига 77-, Изза микрорайонига 94-, «Тузель» посёлкасига 106-автобуслар, «Ибн Сино-2 массиви»га 32-, «Ал-Хоразмий массиви»га 63-йўналишли таксилар) 58 та график бўйича қатнайди. Шунингдек, бу бошбекат хизматидан хусусий йўловчи ташувчилар ҳам фойдаланади. Уларга қарашли транспорт воситалари 4 йўналишда

Аэровокзал майдонининг бир қисми.



(«Олой бозори»га 1-йўналишли такси, «Авиасозлар кўч.»га 2-йўналишли такси, «Юнусобод-9 квартал» массивига 62-йўналишли такси, Маданият ин-тига 95-йўналишли такси) 32 та график бўйича қатнайди.

«АҲИЛ» МАҲАЛЛАСИ (И. Раҳимов кўч., 1 пр. 1-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Мойарик», «Гулзор», Комилжон Гофуров маҳаллалари б-н чегарадош. 1990 й.дан ташкил этилган. 1990 й.дан Рўзи Ашуоров маҳалласи 2 га (Рўзи Ашуоров ва «Расулбод» маҳалласи) бўлиниб, 1994 й.дан яна бирлашган ва «Аҳил» маҳалла номини олган. Аҳолиси 6710 киши (2009). Маҳаллада Ўзбекистон халқ ҳофиси Орифхон Ҳотамов яшаган.

«АҲИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИ (ТТЗ мавзеси, 61^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Уйғониш», Мунавварқори маҳаллалари б-н чегарадош. ТТЗ-2 мавзесига Юнусобод, Бодомзор, Бўз даҳаларидан ва Мирзо Улуғбек тумани «Гулдарахт» маҳалласидан фуқаролар кўчиб келиши муносабати б-н 1980 й.да ташкил этилган. Улар аҳил ва иноқликда яшаганлари ино-Аҳмад Дониш кўчаси.



батга олиниб, «А.» маҳалласи номи берилган. Аҳолиси 4900 киши, кўп миллатли (ўзбек, рус, корейс, қozoқ ва б.) (2009). Маҳалла ҳудудида «Ширин» бозори жойлашган.

«АҲИЛОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 13-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Янгиобод», «Тинчлик», «Дўстлик», «Акбаробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 17 апр.да «Янгиобод» маҳалласи иккига бўлиниб, бирига «Аҳил-обод» номи берилган. Аҳолиси сони 5955 киши (2009); рус, ўзбек, татар, қozoқ, корейс, украин ва б. миллат вакиллари истиқомат қилади.

АҲМАД ДОНИШ Маҳдум ибн Носир (1826–1897) – ёзувчи, rassom, хаттот, олим, маърифатпарвар. Бухорода туғилган. 1857, 1869, 1873 й.ларда Бухоро амири элчиларининг мирзаси бўлиб, Россия (Петербург)га борган. Сафар таассуротлари асосида «Наводир ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») ва «Таржимаи аҳволи амирони Бухоро» («Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари») каби асарлар ёзган. А.Д. амир Музаффар таклифи б-н «Манозир ул-кавокиб» («Сайёра-

ларнинг жойлашишлари») номли астрономия (илми нужум)га оид китоб ёзган (1865). 1870–73 й.ларда ислоҳот ҳақида «Рисолаи дар назми тамаддун ва таовун» («Маданият ва жамият тартиби ҳақида рисола») асарини яратган. Бироқ ундаги фикрлар амирга ёқмаган ва уни саройдан узоқлаштирган (1874). А.Д. маълум муддат Бухоро туманларида қози лавозимида ишлаган. Амир Музаффар вафотидан сўнг Бухорога қайтган, мадрасалардан бирида мударрислик қилган.

А.Д. «Нодир воқеалар» асарида фан, техника янгиликлари, табиат ҳодисалари, география, инсоннинг узоқ умр кўриши, коинотнинг келиб чиқиши, Ой ва Қуёш тутилиши, зилзила ҳақида фикр юритган, Европа илм-фанини ўрганишга даъват этган.

А.Д. чизган айрим расмлар сақланган. «Мактаб» номли миниатюрасида хотин-қизларни ўқитиш ғояси илгари сурилган. 15-а. миниатюра санъати услубида чизилган «Шоир ва дарвиш» миниатюраси, «Мажнун саҳрода» номли 2 миниатюраси, бангининг ҳажвий расми, ўзи кўчирган ва беаган Бедил асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №373) ва Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланади. Т.даги кўчалардан бирига ва маҳаллага А.Д. номи берилган.

АҲМАД ДОНИШ КЎЧАСИ – бош қисми Собир Раҳимов туманида, асосий қисми Юнусобод тумани ҳудудида. Катта ҳалқа йўли ва Кичик ҳалқа йўли оралиғида жойлашган. Уз. 8 км атрофида. 1983 й.да *Аҳмад Дониш* номи қўйилган. А.Д.к.-нинг т.й. ўтган қисмида кўприк, Амир Темур шоҳкўчаси ва Уста

Ширин кўч. б-н кесишган қисмларида йўлўтказгич бунёд этилган. Бу йўлўтказгичларнинг қурилиши А.Д.к.нинг янада серқатнов бўлишини таъминлаб, аҳолига қулайлик яратди. Кўча йўналишида 17-сонли клиник шифохона, «Юнусобод», деҳқон бозори ва унинг шохобчалари, кийим-кечак бозори, Юнусобод, 2-, 3-, 4-, 5-, 11-, 12-, 13-, 14-, 15-, 16-турар жой мавзелари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автобус бошбекати жойлашган.

АҲМАД ДОНИШ МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 15-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Ўзбекистон мустақиллиги» ва Ойбек маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й.да «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи иккига бўлиниши натижасида ташкил топган ва унга *Аҳмад Дониш* номи берилган. Аҳолисининг сони 3819 киши бўлиб, миллий таркиби кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 247-сонли ўрта мактаб, 156- ва 97-сонли мактабгача таълим муассасалари мавжуд.

АҲМАД ПОЛВОН (Толиббоев) (1867–1932) – машхур ўзбек полвони. Тошкент ш.нинг Шайхонтохур даҳасида туғилган. Болалигидан бақувват бўлиб вояга етган А.п. халқ сайилларида ўтказиладиган кураш мусобақаларида чиниққан. А.п. 1895 й.да Т.га келган машхур немис полвони Риппель (вазни 133 кг) б-н эски цирк биносида беллашиб, курагини ерга теккизган. Фарғона водийси ва Т. воҳасидаги беллашувларда ғолиб келган Хўжа полвон ҳам унга бас келолмаган (1904). А.п. табиатан камтар бўлган, беллашувларда миллий кураш қоидаларига қатъий риоя қилган. «Захарик» қабристонига дафн этилган.


АҲМАД ЮГНАКИЙ ДАҲАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг шарқий қисмида, Аҳмад Югнакий кўч. ва Қорасув канали оралигида жойлашган. Тошкент шаҳрини реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳаси асосида 1970–80-й.ларда бунёд этилган. А.Ю.д.да, асосан, 5 қаватли турар жой бинолари, 2 мактаб, мусиқа мактаби, 3 мактабгача тарбия муассасаси, оилавий поликлиника, тиббий диспансер, автобуслар бошбекати, савдо ва б. маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

АҲМАД ЮГНАКИЙ МАҲАЛЛАСИ (А.Югнакий мавзеси, 30^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Ал-Форобий, Ҳумоюн, «Бешкапа» маҳаллалари б-н чегарадош. Ўзбек шоири, мутафаккир Аҳмад Югнакий (12-а. охири – 13-а.лар) номига қўйилган. 1993 й. шу номда ташкил топган. Аҳолиси 4320 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, 18 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида болалар ва ўсмирлар спорт мажмуаси бор.

АҲМАД ЯССАВИЙ – қ. *Яссавий*.

АҲМАД ЯССАВИЙ МАҲАЛЛАСИ (3-Тансиқбоев кўч., 36) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. 1994 й. ташкил топган ва Аҳмад *Яссавий* номи берилган. «Бешқўрғон», «Ёшлик» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 5057 киши, асосан ўзбеклар (95%) яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 2 та спорт майдончаси мавжуд.

АҲМАРОВ Чингиз Габдураҳмонович (1912. 18.8–1995.13.5) – монументалист рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1964). 1942 й.дан Т.да. В.Сурков номидаги Москва бадиий ин-тини тугатган (1942). Тошкент театр ва рассомлик ин-тида дарс берган (1962–72). Ижодини 30-й.ларда дастгоҳ рассомлиги ва графика соҳасида асарлар яратиш б-н бошлаган. Ижодиди Шарқ миниатюраси аънаналарини давом эттириб, миллий мусаввирлик мактабини яратган. 1947 й.да Навоий т-ри фойесига Навоий «Хамса»си мавзулари асосида маҳобатли деворий расмларни



Ч.Аҳмаров.
«Устоз ва шогирдлар»
деворий расми.

ишлаган. Шу даврдан Шарқ мавзуи А. ижодидан кенг ўрин олган. Тошкент ш.да Навоий номидаги Адабиёт музейи (1968), Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти (1968–69), Санъатшунослик и.т. институти (1980) ва б. бинолардаги деворий расмларни чизган. Тошкент метрополитенининг «Алишер Навоий» бекати, Амалий санъат музейи биноти деворларига ишланган асарлари (80–90-й.лар) ҳам жозибалидир.

А. ўтган асрнинг 50-й.ларидан кўп қиррали ижодкор сифатида кўзга ташланди: портретлар (М.Турғунбоева, 1952; рассом Р.Темуров, 1961; шоира Зулфия, 1965 ва б.), театр спектакллари ва кинофильмларга чизгилар (М.Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» фожиасига, Ҳамза т-ри, 1964; «Улуғбек юлдузи», «Икки дил достони» фильмларига), китоб безаклари (Ойбекнинг «Навоий» романи ва б.) ва б. яратган. А. ўз асарларида ўзбек тасвирий санъатининг миллий ўзига хослиги борасида халқнинг бой ва гўзал бадиий меросининг илгор аънаналарини ҳоз. замон санъатига ижодий сингдиришда фаол хизмат қилди.

Сўнги йилларда «Амир Темур ва Бибихоним», «Амир Темур ва дарвиш», «Амир Темур ва Боязид» каби асарларни яратди (1992–95). Асарлари Ўзбекистон санъат музейида, Амалий санъат музейида, Навоий номидаги Адабиёт музейида ва б. музейларда сақланади. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

АҲМЕДОВ Бўрибой (1924.12.8 – 2002.15.5) – тарихчи олим, шарқшунос. Ўзбекистон ФА акад. (1995), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби

(1989), тарих фанлари д-ри (1974), проф. (1985). 1948 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тининг шарқ ф-тини битирган (1953). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим, илмий котиб, бўлим бошлиғи (1960–90). 1991 й.дан бош илмий ходим. Халқаро Амир Темур жамғармаси расиси (1995 й.дан). А.нинг илмий фаолияти ўзбек халқининг этник тарихи ва шаклланиши, манба шунослик, Ўрта Осиё халқларининг 10–19-а.лардаги ижтимоий-сиёсий тарихи, Темур ва темуррийлар даври тарихи ҳамда маданияти каби муҳим йўналишларга қаратилган. «Амир Темур» тарихий романи муаллифи. Чигатой қабристонида дафн этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Дўстлик» (1997), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари б-н тақдирланган.

АҲМЕДОВ Ёқуб (1938.3.1) – Ўзбекистон халқ артисти (1974). 1955 й.дан Т.да. Тошкент т-р ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1959). 1958 й.дан ҳоз. Ўзбек миллий академик драма т-рида. Машҳур роллари: театрда – Али Кушчи (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Мурод (Уйғун, «Парвона»), Лейстер (Ф. Шиллер, «Мария Стюарт»), Ҳакимбойвачча (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Саксон Нуртоевич (О. Жаҳонова, «Ҳазрати аёл»), Тўлаган (А. Иброҳимов, «Пуч»), Кайхисрав (С. Сирожиддинов, «Тўмарис»), Алишер Навоий (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий») ва б.; кинода – Фурқат («Фурқат»), Азизбек, Юсуфбек хожи («Ўтган кунлар»), Амир Олимхон («Қора консулнинг ҳалокати»), Султонали («Зулматни тарк этиб»), Шайх Исмоил («Оловли йўллар»); видеофильмларда – Расул Оллоёрович (Ў.

Усмонов, «Гирдоб»), Алишер Навоий (Ойбек, «Алишер Навоий»), Сандро (Н. Думбадзе, «Абадият қонуни») ва б. Ролларида асар қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатларини тўғри гавдалантириш б-н бирга унинг руҳини, кайфиятини, тафаккурини, юксак инсоний фазилятларини очишга интилган. Алишер Навоий образини А. ўзига хос талқин этган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

АҲМЕДОВ Карим Содиқович (1914.19.2 – 2003.30.10) – кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1968), кимё фанлари д-ри (1958), проф. (1960). Т.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1937). ТошДУда кафедра мудири (1953–72). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида лаб. мудири (1958–81), шу ин-т директори (1965–72). Т. политехника ин-ти ректори (1972–88), каф. мудири (1973 й.дан), Т. кимё-технология ин-ти ректорати қошида маслаҳатчи (1991–2003). Илмий ишлари асосан коллоидлар ва полимерлар кимёсига оид бўлиб, сувда эрувчан полиэлектролитлар, қуйи ва юқори молекуляр сирт-фаол моддалар олишнинг янги йўналишларини очиш ҳамда амалга татбиқ этиш масалаларига бағишланган. Чигатой қабристонида дафн этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

АҲМЕДОВ Раҳим (1921.26.7–2008.9.7) – Ўзбекистон халқ рассоми (1961). Ўзбекистон БА фахрий аъзоси (1997). Т.да туғилган. Тошкент бадиий билим юрти (1937–41) ва Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тида ўқиган



Р. Аҳмедов. «Кўшиқ» (1964).

(1947–53). 1953 й.дан Тошкент т-р ва рассомлик санъати интида ўқитувчи, 1976 й.дан проф. Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси бошқаруви раиси (1965–84; 1992–94). А. асосан, портрет жанрида ижод қилган. Картиналари («Чўпон», 1952; «Она ўйлари», 1956; «Ўзбек қизи портрети», 1958; «Қашқадарёлик аёл», 1959; «Сурхондарёлик аёл», 1962; «Муқимий», 1968; «Нигора», 1971), портретлари

(«Ў.Тансиқбоев», 1972; «Лола портрети», 1979; «Шухрат Аббосов», 1987 ва б.), манзаралари («Баҳор», 1964; «Наҳор. Оқтош баҳори», 1971 ва б.), натюрмортлари («Натюрморт», 1954, 1965; «Хризантемалар», 1972)да ички кечинмалар, ҳистуйғулар моҳирона ифодаланган. Турли шароитларда акс этирилган аёллар образи («Кўшиқ», 1964 ва б.) ҳам бор. Асарлари Ўзбекистон санъат музейи, Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Шарқ халқлари санъати музейи ва б.да сақланади. Минор қабристонига дафн этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

АҲМЕДОВА Назира (1913.5.6–1964.25.2) – ўзбек опера хонандаси (лирик-колоратурали сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1951). 30-й.лардан Т.да. Москва ўзбек опера студияси (1927–30)да таълим олган. Ўзбек ишчи-ёшлар театри (1930), Ҳамза театри (1931) артисти. Ўзбекистон радио қўмитаси (1932), Ўзбек мусиқа театри (1935–39), Наво-

ий театри (1939–64) якка хонандаси. Ўзбек, қардош халқлар опералари ва чет эл ҳамда рус классик операларида 20 дан ортиқ роллар ижро этган. Қатор ўзбек халқ кўшиқлари ва композиторларнинг романслари (Д.Зокиров, «Кўрмадим», М.Бурҳонов, «Ишқида», Т.Содиқов, «Сарвиғул»)ни маҳорат б-н ижро этган. Чигатой қабристонига дафн этилган.


АҲОЛИСИ – ҳоз. Тошкент ҳудуди ва Тошкент воҳасида яшаган энг қад. аҳоли ҳақида маълумот жуда кам. Бу ерда яшаган ибтидоий одамларнинг қад. манзилгоҳлари юқори палеолит даври (40–12-минг йиллик)га тўғри келади. Жез даври (мил.ав. 2-минг йиллик)да бу ҳудудда чорвадор қабилалар, мил.ав. 1-минг йиллик ўрталарида қисман деҳқончилик б-н шуғулланган қабилалар яшаган.

Т. аҳолиси ҳақида бирор аниқ маълумот сақланмаган. Шаҳар аҳолисининг сони ҳақидаги бирмунча аниқ маълумотлар 18-а. охирига тааллуқли (Т.да 40 мингдан кўпроқ киши яшаган).

1-жадвал

Аҳоли сонининг ўсиш динамикаси

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Ўртача йиллик ўсиш суръати, % да	Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Ўртача йиллик ўсиш суръати, % да
1902	164,0		1965	1174,3	3,25
1910	191,5	1,95	1970	1384,5	3,35
1920	232,6	1,95	1975	1595,1	2,90
1925	301,0	5,30	1980	1801,5	2,45
1930	375,0	4,50	1985	1926,2	1,35
1935	474,0	4,80	1990	2133,6	2,11
1940	600,0	4,85	1995	2097,4	– 0,33
1945	642,0	1,40	2000	2142,3	0,41
1950	626,1	– 0,50	2005	2135,7	– 0,06
1955	734,2	3,25	2007	2178,9	1,36
1960	1000,2	6,40	2008	2205,3	0,32



Тошкент шаҳри аҳолисининг ёш-жинсий таркиби.

19-а. 50-й.ларида Т.даги 11 минг хонадонда 50 минг киши яшаган. Чор Россияси Т.ни босиб олгандан кейин (1865) шаҳар аҳолиси сонини аниқлашга уриниб кўрилди. Шаҳар Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтохур сингари тўрт даҳа ва Янги шаҳардан иборат бўлиб, 1869 й. бу ерда 73,8 минг киши, 1884 й. 90,1 минг киши истиқомат қилган. Кўкча ва Шайхонтохур даҳалари сераҳоли ҳисобланса-да, аҳоли сони Янги шаҳарда тез суръатлар б-н кўпайган. 1869–1902 й.лар мобайнида Т. аҳоли-

си 2 баравар кўпайгани ҳолда, Янги шаҳар аҳолиси 16 баравар, Себзор аҳолиси 2,2, Бешёғоч аҳолиси 2,1 баравар ўсган. 1868 й. аҳолини рўйхатга олиш бўлими ташкил этилди. Ана шу бўлим маълумотида кўра, 1888 й. охирида шаҳарда 130 минг киши яшаган. Маълумотда аҳолининг таркиби ва шаҳарда қай тарзда жойлашганлиги ҳақида ҳам айрим кўрсаткичлар берилган эди. Аҳолининг ижтимоий структурасини подшо ҳукумати маъмурлари, маҳаллий амалдорлар, ҳарбий хизматчилар, зодагонлар, савдогарлар, руҳонийлар, шаҳарга хизмат кўрсатадиган аҳоли, деҳқонлар, хунармандлар, оз сонли зиёлилар, шунингдек, хунарманд ва косиблар ҳамда қишлоқ аҳолисидан шаклланган ишчилар синфи ташкил этар эди. 1897 й.да ўтказилган аҳоли рўйхати якунига кўра, шаҳар аҳолисининг ижтимоий-сиёсий таркиби қуйидагича бўлган: саноат ходимлари ва хунарманд косиблар – 29,5%, савдогарлар – 17,8%, ҳарбий хизматчилар – 15,8%, транспорт ва алоқа ходимлари – 3,0%, уй-жой хўжа-

Тошкентлик зодагон аёл (тарихий сурат; 1909 йил).



лиги ходимлари – 2,3%, пенсионерлар (чор ҳукумати собиқ маъмурлари) – 2,0%, фан, санъат, соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи ходимлари – 1,2% ва ҳ.к.

1897 й.ги аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, шаҳарда 156,4 минг киши истиқомат қилган, ундан 88,4 минг эркаклар ва 68,0 минг аёллар эди. Бу даврда Т. аҳолисининг ўсиши миграция ҳисобига бўлган. Чунки ўша давр – Ўрта Осиё худуди чор Россияси томонидан фаол ўзлаштирилаётган йилларга тўғри келади. Ўша даврда Т.нинг янги шаҳар қисми қурила бошлаган ва бу ерга русийзабон аҳоли кўчириб келтирилган. Бир вақтнинг ўзида шаҳар атрофида ҳалқа кўринишида 16 та (Черняевка, Троицкое, Кауфманское, Солдатское ва б.) рус қишлоқлари барпо этилган. Эски шаҳар эса Бешёғоч, Кўкча, Себзор ва Шайхонтохур даҳаларидан иборат бўлган. Маълумотларга кўра, 1897 й.да Т.да четдан келганлар сони 26,2 минг кишини ёки шаҳар аҳолисининг 17% ини ташкил этган.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг турли босқичларида муайян даврда рўй берган ҳодисаларга мос ҳолда аҳоли сонининг ўсиш суръатлари ўзгариб турган. Жумладан, 20-а.нинг 20–40-й.лари орасида жадал ўсиш кузатилиб, аҳолининг ўртача йиллик ўсиши 5% га яқин бўлган. Мамлакат пойтахтининг Самарқанддан Т.га кўчирилиши ҳам шу даврга тўғри келади. Айнан шу даврда шаҳар аҳолиси сони 500 минг кишилик чегарадан ўтди.

Т. аҳолисининг 100 йиллик динамикаси таҳлили аҳолининг икки баробар кўпайиши учун биринчи марта 27 й., иккинчи марта ҳам 27 й. керак бўлганини кўрсатади, хусусан, 1960 й.да Т. аҳоли-

си 1 млн.га етди, яна шунча йилдан кейин 2 млн.ни ташкил этди.

1940–50-й.ларда аҳолининг ўсиш суръатлари пасайди. Бундай паст кўрсаткичлар 2-жаҳон уруши б-н боғлиқ. Бу йилларда кўпайиш фронт олди ҳудудларидан эвакуация қилинган аҳоли ҳисобига бўлди. 1944 й.дан ре-эвакуация жараёни бошланди ва бунинг натижасида аҳоли камайди (қ. 1-жадвал). Урушдан сўнг демографик тикланиш даври бошланди, бу 1960 й.да ўз чўққисига етди. 1955–60 й.ларда ўртача йиллик ўсиш суръати 6,4% ни ташкил этди, бу эса шаҳар тарихидаги энг юқори кўрсаткич эди.

1966 й.да Тошкент ш.да рўй берган зилзила шаҳарга янги талафот келтирди. Т.ни қайта тиклаш учун Собиқ Совет Иттифоқи республика ва шаҳарларидан бир неча юз минг курувчи қатнашди. Шаҳар қиёфаси ўзгарди. 1960–70 й.лар давомида пойтахт майд. 2,5 марта кенгайди, аҳолининг мутлақ кўпайиши эса 1384,5 минг кишини

ташкил этди ёки ўртача йиллик ўсиш 3,3%га тенг бўлди.

1970 й.дан бошлаб ўртача йиллик ўсиш суръати пасайди. 1970 й.да 3,25% ни ташкил этган бўлса, 1975 й.да 2,9, 1980 й.да 2,45 ва 1990 й.да 1,35% га тенг бўлди.

20-а.нинг 90-й.лари охиридан Т. аҳолиси секин ўсмоқда, ҳатто айрим йилларда унинг сони қисқарганлиги кузатилади. 1989 й.да шаҳар аҳолисининг сони 2102,1 минг киши бўлса, 1991 й.да аҳолининг мутлақ кўпайиши 55 минг кишини ташкил этди.

Т.нинг демографик ривожланиши аср охирига келиб анча тургунлашди. Ушбу жараёнларда ҳам ўзига хос ўтиш даври кузатилмоқда ва бу ҳолат туғилиши кўрсаткичларининг пасайиши (оилада фарзандлар сонининг камайганлиги) ҳамда манфий миграцион қолдиқ (қўчиб келганларга нисбатан қўчиб кетганлар сонининг юқорилиги) таъсирида юзага келмоқда.

Аҳолининг ёш-жинсий таркиби муҳим демографик кўрсаткичлардан биридир. Ёш-жинсий таркиб шаклланишига туғилиш ва ўлим кўрсаткичларидаги ўзгаришлар, ҳудуд аҳолисининг миграцион алоқалари, аёлларнинг ижтимоий мавқеи, болалар ва оналар ўлими каби омиллар таъсир қилади.

1897 й.ги аҳоли рўйхати натижалари аҳоли таркибида аёллар 45,9%, эркаклар салмоғи эса 54,1% эканини кўрсатди. 1959 й.га келиб аёллар салмоғи 54% гача кўтарилди. Бунга, албатта, 2-жаҳон урушининг таъсири сабаб бўлди. Аҳолининг демографик тикланиши натижасида аёллар б-н эркаклар салмоғи тенглашмоқда.

1940 й. маълумоти бўйича аёллар сони эркаклар сонига нисбатан 68 мингдан ортиқ бўлгани ҳолда, бу рақам 2006 й.га келиб 37 мингни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси ва Т. аҳолиси ёш-жинсий таркиби-

2-жадвал

Аҳолининг миллий таркиби, % да

Энг кўп миллат вакиллари	1920	1959	1970	1979	1989	2005
Жами аҳоли сони, минг киши	232,6	974,9	1384,5	1784,9	2060,2	2135,4
Жумладан:						
ўзбеклар	65,6	34,8	37,1	40,9	44,2	61,1
руслар	23,6	42,5	40,8	38,4	34	21,6
татарлар	1,7	6,0	7,1	7,2	6,3	4,9
яхудийлар	0,6	5,2	4,0	3,2	2,1	0,00
украинлар	-	2,6	2,9	2,5	2,9	1,9
корейслар	-	0,6	1,3	1,7	2,1	2,3
қозоқлар	1,7	1,6	1,1	1,2	1,5	2,2
арманлар	1,1	0,6	1,0	0,9	1,0	0,9
тожиклар	0,4	0,5	0,5	0,5	0,7	1,1
белоруслар	-	0,3	0,4	0,4	0,5	0,4
озарбайжонлар	0,3	0,5	0,5
бошқа миллатлар	5,3	4,5	3,7	2,8	4,1	3,1
жами:	100	100	100	100	100	100

3-жадвал

Тошкент туманлари
аҳолиси сони

	Аҳолиси сони, минг киши (2009 й.)
Бектемир	27,5
Мирзо Улугбек	245,5
Миробод	122,8
Сергели	149,0
Собир Раҳимов	306,1
Учтепа	237,6
Чилонзор	217,3
Шайхонтохур	286,4
Юнусобод	294,7
Яккасарой	115,0
Ҳамза	204,9

нинг қиёсий таҳлили пойтахтда туғилиш кўрсаткичлари мамлакат ўртача кўрсаткичларидан анча паст, аксинча, ўлим юқори эканлигини кўрсатади. Хусусан болалар ва ўсмирлар (0–16 ёшдагилар) жами республика аҳолисининг 37,4% ини ташкил этгани ҳолда, Т. бўйича бу кўрсаткич 27,4% га тенг. Кекса ёшлилар (55 ёшдан юқори аёллар ва 60 ёшдан юқори эркаклар) салмоғи эса республика ва шаҳар бўйича мос равишда 7,0 ва 11,7% ни ташкил этади.

Энг кўп сонли ёш гуруҳлари республика бўйича 10–19 ёшлиларга (жами аҳолининг 24,3%), Т. бўйича эса 15–24 ёшлиларга (34,3%) тўғри келади.

Шаҳар аҳолисининг миллий таркиби жамият тараққиётининг турли босқичларида рўй берган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга мос ҳолда ўзгариб турган. 19-а. охири – 20-а. бошида шаҳар аҳолисининг миллий таркибида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олин-

ши ва империя фуқароларининг Туркистонга кўчириб келтирилиши Т. аҳолиси миллий таркибининг хилма-хил бўлишига таъсир кўрсатган асосий омилдир. 1868–1910 й.ларда шаҳарда умумий аҳоли сони 3,2 марта ошган бўлса, ўзбеклар 2,4 марта, татарлар 3, яҳудийлар 15,3, руслар 22,6 марта кўпайган.

Кейинги йилларда аҳоли таркибида маҳаллий миллат вакиллари, биринчи навбатда, ўзбекларнинг салмоғи қисқариб борган. Агар 1920 й.да бу кўрсаткич 65,6% ни ташкил этган бўлса, 1959 й.га келиб, 34,8% га тушиб қолган. Аксинча, ўша даврда русларнинг улуши 23,6% дан 42,5% гача ўсган. 1920–59 й.ларда ўтказилган аҳоли рўйхатлари натижалари 2-жаҳон уруши туфайли рўй берган демографик жараёнларни ўзида акс эттиради. Бу давр орасида уруш бўлаётган ҳудудлардан кишиларнинг кўплаб эвакуация қилиниши аҳоли таркибида руслар салмоғининг ортишига олиб келди.

20-а.нинг 2-ярмида пойтахт аҳолиси орасида ўзбеклар салмоғи яна ортиб, аксинча, руслар улуши камая бошлади. 1970–79 й.лардаги рўйхат натижалари шундан далолат беради. Ўзбекистонда яшовчи руслар сонининг ўсиш динамикасига назар ташласак, энг юқори ўсиш суръатлари 1959–70 й.ларга тўғри келади. Бу даврда ўртача йиллик ўсиш салкам 3,5% ни ташкил этган. Бунинг сабаби 1966 й.ги Т. зилзиласидан сўнг шаҳарнинг қайта қурилиши, янги саноат марказлари ташкил топиши муносабати б-н кўплаб рус ва б. Европа миллатларига мансуб кишилар кўчиб келганлиги б-н боғлиқ.

20-а.нинг охирига келиб аҳолининг миллий таркиби б-н боғлиқ ўзгаришлар янада кучайди. Хусусан, славян халқларига мансуб аҳоли миграция ҳисоби га ҳар йили 2,5–3% га камайиб бормоқда, шунингдек, мазкур миллатларда ўлим кўрсаткичлари туғилишга нисбатан бир неча марта юқори. Жумладан, 2005 й.да Т.да истиқомат қилувчи руслар орасида туғилиш кўрсаткичи 3256 тани ташкил этган бўлса, ўлим 6372 га тенг, украинларда бу кўрсаткич мос равишда 195 ва 518 тани ташкил этди, яъни ўлим туғилишга нисбатан 2,6 марта юқори (қ. 2-жадвал).

Ўзбекистон Республикасининг бошқа минтақаларига нисбатан Т. аҳолисининг миллий таркиби хилма-хил. Жами аҳоли таркибида ўзбекларнинг улуши Ўзбекистон бўйича 80% бўлгани ҳолда, Т.да бу кўрсаткич 61,1% га тенг, холос.

Т. таркибидаги маъмурий-худудий бирликлар аҳолисининг умумий сони (қ. 3-жадвал), табиий ўсиши, миллий таркиби, миграцияси бўйича ўзаро фарқ қилади. Жумладан, юқори ўсиш суръатлари таркибида маҳаллий миллат вакиллари кўпчиликни ташкил этувчи Собир Раҳимов (1,54%), Шайхонтохур (1,48%) туманларида кузатилади, қуйи кўрсаткичлар эса маҳаллий миллат вакиллари камчиликни ташкил қилувчи Ҳамза (0,6%) ва Яккасарой (0,5%) туманларига тааллуқли.

Т. умумий аҳолиси сонига кўра дунёдаги етакчи шаҳарлар қаторига киради. Шунингдек, Т. аҳолиси келгусида тез суръатлар б-н ўсиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг тахминига кўра, Т. аҳолисининг умумий сони яқин йилларда 2,5 миллион кишига етади.

БАДИЙ КЎРГАЗМАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ (Рашидов кўч., 40) – музей мақомига эга бўлган мустақил ижодий и.ч. муассасаси; *Ўзбекистон Бадий академияси* қарамоғида (1997 й.дан; бунгача Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлган). 1959 й. Тошкент ш.да Бадий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси сифатида ташкил этилган. 2000 й.дан ҳоз. номда. Б.к.д. ўзбек санъатини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, Ўзбекистон ҳудудида ва ундан ташқарида ўзбек ва жаҳон санъати кўргазмаларини ташкил этиш, Республика БА бадий кадриятлар жамғармаси, музейлар хазинаси ва шахсий тўпламларни тўлдириш б-н боғлиқ ишларни амалга оширади, тасвирий санъат асарларига буюртмалар бериш ва сотиб олиш, уларни сақлаш б-н шуғулланади. Музей тузилганидан бери Ўзбекистон туманларида, МДХ ва чет мамлакатлардаги музей ва суратлар галереяларида 4 мингдан зиёд кўргазмалар уюштирди. Музейнинг бадий кадриятларга эга бўлган 13 мингдан зиёд экспонати бор (2009).

БАДИЙ ҲАВАСКОРЛИК – асосий ишдан ажралмаган ҳолда жамоа (тўгарак, студия, халқ театри ва ансамбли) ёки якка ҳолда (хонандалик, созандалик, рақс, акробатика, нотиклик соҳаларида) ижод қилиш; халқ ижодининг

муҳим соҳаларидан бири. Б.х. ўтмишда ҳам бўлган, халқ орасидаги иқтидорли кишилар санъатнинг турли жанрларида ўзларини синаб, истеъдодларини намоён этиб келишган. Аммо 20-а.да бу ҳодиса оммавий тус олди. Т.да, шунингдек, Ўзбекистоннинг бошқа йирик шаҳарларида зиёлилар орасида янги санъат шакллари (театр, саҳнавий рақс, эстрада, цирк) йўналишларида Б.х. жиддий ҳаракатга айланди. Янги мактабларнинг иш бошлаши, олий таълимнинг йўлга қўйилиши, шаҳар ва қишлоқларда клубларнинг ташкил қилиниши туфайли бу соҳада ривожланиш кўзга ташланди. Б.х. иштирокчилари 30-й.ларда профессионал театр, эстрада, халқ ансамбллари, оркестрларнинг таянч кучларига айландилар. 1959 й.дан энг яхши Б.х. гуруҳларига «Халқ театри», «Халқ ашула ва рақс ансамбли» каби унвонлар берилди. 70-й.ларнинг 2-ярми, 80-й.ларда ашула ва рақс, фольклор-этнографик

ансамбллар Б.х. санъатида пешқадамлик қилди. Натижада халқ оғзаки ижодиётининг кўпгина жанрлари, асарлари тикланиб, саҳналар ва майдонларда ижро этилди. Шу даврда «Пахтаой», «Булбулча» каби болалар ансамбллари ҳам шуҳрат қозонган. Бир қатор дорбоз гуруҳлари ташкил топган.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги туфайли Б.х.да ҳам янги давр бошланди. Тарих, маданий мерос, халқ ижодига эътиборнинг кучайиши ўз навбатида Б.х. ривожига туртки берди. Айниқса, Наврўз тикланиб, мамлакат миқёсида ўтказилиши натижасида шу байрам б-н боғлиқ ўйинлар, томошалар, тимсоллар, халқ бадий гуруҳлари дастурлари театрлашган майдон томошалари



Глиер номидаги маданият уйи рақс тўгараги.

ни безай бошлади. Бунда малакали санъаткорлар б-н бир қаторда ҳаваскорларнинг хизматлари катта бўлди. Бу даврда эстрада ҳаваскорлиги тараққий этди. Халқ ўйинларини тиклаш, кураш, кўпқари каби майдон томошаларини ривожлантиришга қаратилган байрам ва сайиллар ўтказиш анъанавий тус олди. Фольклор ва этнография, рақс санъати, дорбозлик, кўғирчоқ театри, аския, муқаллид, қизиқчилик, масхарабозлик йўналишларида ҳам Б.х. жамоаларининг фаолияти изчил ва самарали бўлди. Болаларнинг «Томоша» номли ўзига хос мусиқали театри майдонга келди. 1999 й.дан «Ниҳол» театр санъати ҳаваскорлиги республика кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Наврўз, Мустақиллик байрамлари, қад. шаҳарлар ва буюқ тарихий шахсларнинг юбилейлари, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали муносабати б-н ўтказиб келинаётган театрлашган майдон томошаларида малакали ижрочилар б-н бирга Б.х. вакилларининг ҳам салмоқли ўрни бор. Мусиқа, рақс Б.х.да эришилган ютуқлар турли кўрик-танловлар, фестивалларда намойиш этиб борилди. Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг Б.х. гуруҳлари (мас., корейс, қозоқ, рус, украин, уйгур ва б.) мавжуд. Сўнги йилларда касбий театрлар, ашула ва рақс ансамбллари ўз сафларини маҳаллий ҳаваскорлар ҳисобига тўлдириб келаётгани кўзга ташланмоқда.

Тасвирий ва амалий-безак санъати соҳасида ҳам Б.х. тез суръатлар б-н ривожланмоқда. Бу соҳаларда анъанавий уста-шоғирд мактабининг тикланиши натижасида зардўзлик, кулоллик, наққошлик, каштачилик

сингари ҳунарлар жаҳон миқёсида шухрат топди; монументал рангтасвир, лак миниатюраси ривожланди. Кино ва фото ҳаваскорларининг муваффақиятлари ҳам сезиларли.

Болалар орасида Б.х. тобора равнақ топмоқда. Мусиқа, рақс, амалий санъат соҳаларидаги улкан ютуқлар нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам мутахассисларни лол қолдирмоқда. Бу ишларда сўнги йилларда Ўзбекистон маданият ва санъат форуми жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Бадрий академияси томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта.

«БАДРБОЙ» – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. «Сорчабон», «Мирзағози», «Темирчи», «Чуқуркўприк» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик қилишган, хунармандчилик, савдо-сотик б-н шуғулланган. Масжид, темирчилик устахонаси, баққоллик дўконлари, жувозхона, 3 тегирмон, чойхона бўлган (20-а. боши). Ҳоз. худудида турар жой массиви қурилган.

БАДРИДДИН ЧОЧИЙ (тахаллуслари: Чочий, Бадр, Шоший) (1285–1344) – шоир. Т.да туғилган. Мисрда ва Бағдод ш.да таҳсил олган. Туркий ва форс тилларида ижод этган. 1332 й.дан Деҳлида яшаб, Султон Муҳаммадшоҳ Туғлуқ саройида хизмат қилган. Асосан қасидалар ёзган. Қасидаларида ижтимоий турмушдаги камчиликларни ҳажв остига олган, ушбу жанрни юқори босқичга кўтарган. Қасидачиликда васфни қайта тиклаган. «Қиш қасидаси» («Қасидаи шитоия»), «Ёз қасидаси» («Қаси-

даи сайфия»), «Баҳор қасидаси» («Қасидаи раббия») асарларида табиат гўзалликлари мадҳ этилган. 70 га яқин қасида, рубоий, қитъа ва ғазалларни ўз ичига олган «Шарҳи қасоиди Бадри Чочий» («Бадри Чочий қасидалари шарҳи», 1343) асари сақланиб қолган. Шунингдек, Б.Ч.нинг «Шоҳнома» асарини ёзганлиги ҳам манбаларда келтирилган. Шоир услуби мураккаблиги учун кейинчалик унинг асарларига махсус шарҳлар битилган (Фиёсиддин Мустафо, «Кашф ул-асрор», 1840–41; Муҳаммад Усмон Қайс, «Нусхаи Усманий», 1848 ва б.). «Малик ушшуаро» («Шоирлар шоҳи»), «Фахр уз-замон» («Замон фаҳри») унвонларига мушарраф бўлган. Б.Ч. қасидалари тўпламининг 2 нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №1051, №151).

БАЖАН Микола (тахаллуси; асл исми Николай Платонович) (1903.26.9 – 1983.5.6) – украин шоири ва жамоат арбоби. Украина ФА акад. (1951), Ўзбекистон халқ шоири (1968). Б. 1930, 1941–42 й.лар Т.да яшаган. Украина энциклопедияси бош муҳаррири (1958–83). «Сафланиш» (тўплам, 1929), «Гофман туни» (1929), «Сўқирлар» (1929–32) каби тарихий асарларида яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги зиддият акс этган. 20-й.ларда футуризм ва конструктивизм таъсирида ижод қила бошлаган, лекин тез орада реалистик шеър ва дostonлар ёзишга киришган. Б.нинг «Англия таассуротлари» (1948), «Одамлар, китоблар, саналар» (1968), «Уйлар ва хотиралар» (1983) каби асарлари халқлар дўстлиги, тинчлик учун кураш мавзуида. Б.нинг Ўзбекистонда яшаган таассуротлари «Ўзбекистон шеърлари» (1942)

туркумига кирган шеърларда акс этган. Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини украин тилига таржима қилган (1947). Асарлари ўзбек тилида нашр этилган.

БАЙНАЛМИЛАЛ КЎЧАСИ – Чилонзор туманида, Бобур кўча ва Оқтепа майд. оралиғида, *Оқтепа канали* соҳилида жойлашган. 1945 й.да Еттитерак кўча ўрнига қўйилган. 2-жаҳон урушида фашистлар Грецияни босиб олгандан сўнг уларга интернационал ёрдам кўрсатилиб, муайян грек аҳолиси Т.га кўчирилган ва ҳоз. «Чархкамолон-2» маҳалласида махсус уйлар қуриб жойлаштирилган. Улар яшайдиган жой норасмий «Греklar шаҳарчаси» деб аталган (1970-й.ларда улар ўз ватанларига қайтишган). Ушбу кўча Интернационал (байналмилал) шарафига шундай аталган. Кўчанинг бош қисми илгари кушхона, кўн 3-ди билан ҳоз. Ўзбекистон миллий боғи ўртасидан ўтиб, Олмазор кўчага чиққан. Мустақиллик даврида миллий боғ худуди кенгайтирилиб Бўзсувга туташди. Б.к. бош қисми ҳам ўз йўналишини ўзгартириб, Бўзсувнинг ўнг соҳили бўйлаб кетди. Кўчанинг бу қисми 2005 й.гача реконструкция қилинди. Кўчанинг уз. 3,1 км. Б.к.нинг Оқтепа каналидан ўтган қисмида кўприк, айнан шу жойда Бунёдкор шоҳкўчаси бўйлаб йўлўтказгич қурилган. Б.к. энди кўприқдан бошланиб Оқтепа каналининг чап соҳили бўйлаб боради. Кўчанинг чап тарафида «Чархкамолон-2» ва «Чархкамолон-3» маҳаллалари аҳолисининг шахсий уйлари қурилган. Канал соҳили обод ва салқин бўлганлиги учун ўзига хос сайилгоҳга айланган. Каналнинг ўнг соҳили (Қозиработ 2-

тор кўча.)да Олий ҳарбий божхона ин-ти биноси қурилиши муносабати б-н 2002 й. май ойида Б.к.дан унга ўтадиган кўприк қурилди. Кўча йўналишида Ўзбекистон миллий боғи, «Ўзгазойл» АЁҚШ, 22-меҳрибонлик уйи, мактаб, Тошкент автомобиль ва йўллар коллежи жойлашган. Кўча яқинида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, «Миллий боғ» метро бекати бор.

«БАЙНАЛМИЛАЛ» МАҲАЛЛАСИ (Мичурин кўча, 28) – Миробод туманидаги маҳалла. «Янги Миробод», «Миробод», «Темирийўлчилар» маҳаллалари б-н чегарадош. Шўролар даврида маҳалла худудида 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшаганлиги учун шу ном б-н аталган (1950). Аҳолиси 4000 кишидан ортиқ (2009). Маҳалла худудида 10 та кўча, «Сахий инсон» ва «Астория» ресторанлари, «Феруза» ва «Бухоро» кафелари, сартарошхона, Россия элчихонаси, Ўзбекистон давлат санъат ин-ти ва б. мавжуд.

БАЛАНДМАСЖИД – *Шайхон-тоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Оқмасжид, Девонбеги, Говкуш, Қатортерақ маҳаллалари ва Каттакўча (ҳоз. Навоий кўчаси) б-н чегарадош бўлган. 400 дан ортиқ хонадон бор эди. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, мирлар ва маҳсумлар тоифасига мансуб бўлган; боғдорчилик, хунармандчилик ва савдосотиқ б-н шуғулланган, шаҳар чеккасида деҳ-

қончилик қилинган. Маҳалладаги тепаликда 1738 й. меъмор Мўминжон қурган масжид (номи шундан), шунингдек, баққоллик, гўшт ва атторлик дўконлари, темирчилик устахонаси бўлган (20-а. боши). 30-й.ларда маҳалла ва масжид ўрнида кўп қаватли бинолар қурилганда, Б. биноси архитектурасини сақлаб қолиш мақсадида уни Бешёғоч майдони ёнига олиб бориб, қайта ўрнатишган (шўролар даврида ушбу бинода «атеизм уйи» ишлаган. Кейинчалик бино бузиб ташланган). Б.да шоир Мискин (1880–1937) яшаган. Ҳоз. худудида «Ҳадра» маҳалласи, Марказ-14 турар жой микрорайонининг бир қисми жойлашган.

БАЛЕТ – асар мазмуни мусиқий-хореографик образлар воситаси б-н ифодаланадиган саҳна санъати тури. Т.да балет санъатининг шаклланиши Туркистон халқ консерваторияси заминида Давлат рус опера театри ташкил қилиниши б-н бошланган (1918).

Балет артистлари опера спектаклларида, концертларда қатнашганлар. Театр қошида кичик балет труппаси ҳам бўлган. 1929 й. театр опера ва балет театри номини олди. «Лолақизгалдоқ» (Р.Глиэр), «Раймонда» (А.Глазунов), «Ференжи» (Б.Яновский),



Баландмасжид
(тарихий сурат;
1902).



«Жизель» балетидан кўриниш.

«Боқчасарой фаввораси», «Кавказ асири» (Б.Асафьев) каби Б.лар қўйилган.

1933 й. Т.да 1-Республика балет мактаби (1935 й.дан Тамарахоним номида) очилган. 1933 й. биринчи ўзбек миллий Б. пантомимаси – «Пахта» (балетмейстер Уста Олим Комилов) сахналаштирилган; унда халқ рақсини пантомима б-н уйғунлаштиришга эришилган. Кейинчалик «Шоҳида» (Ф.Таль), «Гуландом» (Е.Брусилловский), «Тоғлар қалби» (А.Баланчивадзе), «Лайлакча» (Д.Клебанов) каби Б.лар ўзбек мумтоз ва халқ рақслари асосида яратилган. 1943 й.дагина «Оқбилак» (С.Василенко) балети қўйилган, унда ўзбек халқ рақсларига катта ўрин берилган (Семурғ мумтоз қисмини Г.Измайлова ижро этган).

1948 й. ўзбек опера ва балет театри Свердлов номидаги рус опера ва балет театри б-н бирлаштирилиб, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрига айлантирилган ва тажрибали кордебалет артистлари б-н кучайтирилган.

1948–51 й.лар Москва хореография билим юрти қошида очилган ўзбек балет студиясида Ҳ.Комилова, Г.Маваева,

К.Юсупова, Ф.Носирова, Ё.Ҳожисаидова, Л.Баширова, А.Назруллаев, Р.Тангуриев ва б. таълим олганлар. 1947 й. Тошкентда хореография билим юрти ташкил қилинган (қ. *Миллий рақс ва хореография олий мактаби*).

«Ёшлик» (М.Чулаки), «Эсмеральда» (Ч.Пуньи), «Уйқудаги гўзал» (П.Чайковский) каби спектакллар 50-й.ларда қўйилган. 50-й.ларнинг ўрталарида балет труппаси Б.Қориева, Л.Комилова, С.Тангуриева, В.Проскурина, Р.Курмаева, В.Васильев, К.Соатов ва б. балет артистлари б-н тўлдирилган. Труппа таркибининг янгиланиши репертуарга ижро услуби мураккаб мумтоз Б.ларини («Жизель», «Шопениана») киритиш имконини берди. 60-й.ларда «Болеро» (М.Равель), «Дон Жуан» (К.Глюк), «Спартак» (А.Хачатурян), «Корсар» (А.Адан), «Кашмир афсонаси» (Г.Мушель), «Лайли ва Мажнун» (Ик.Акбаров), «Севги тумори», «Темур Малик» (М.Ашрафий), «Қирқ қиз» (Л.Фейгин), «Семурғ» (Б.Бровцин), «Суҳайл ва Меҳр» (М.Левиев) ва бошқа Б.лар сахналаштирилди.

70-й.ларга келиб, мумтоз, замонавий ва миллий балетлар б-н ўзбек Б.и бойиди. Ўзбек халқи ҳаётидан эртак, афсона, тарихий ва ҳоз. замон мавзуларида 20 дан ортиқ Б. спектакли яратилди.

80–90-й.лар композитор ва балетмейстрларнинг миллий Б. яратиш борасидаги ҳаракатлари кучайди. «Наврўз» (Ик.Акбаров), «Қуёшга таъзим» (Р.Абдуллаев), «Тўмарис» (У.Мусаев) каби Б.лар миллий балетимиз мавқеини янада кўтарди. Г.Измайлова, Б.Қориева, В.Васильев, Г.Ҳамроева, Н. Ёқубова, Р.Тан-

гуриев, С.Тангуриева, З.Давлетмуродова, Р.Каримова, Ф.Саъдуллаева кабилар ўзбек Б.ининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Балет труппаси Б.Қориева раҳбарлигида Сингапур, Малайзия, Таиландда сафарда бўлиб қайтди. Навоий номидаги давлат академик катта театри Япония, Англия, АҚШ, Франция, Германия, Россия, Италия ва Туркия б-н қатор сахнавий лойиҳаларни амалга оширди. Ўзаро ҳамкорлик доирасида театр солистлари алмашиб, бош ролларда чиқдилар. Киевда «Балет ёшлиги» фестивалида М.Ниёзова ва Н.Қулибоев, Болтиқ 9-халқаро балет фестивалида В.Галлертов ва Н.Ҳамроева қатнашди. Мариинск театри (Санкт-Петербург)дан И.Перси б-н Д.Корсунцев «Қарсилдоқ» балетида; Катта театр (Москва)дан А.Яценко б-н А.Евдокимов «Оққуш кўли» балетида ўйнадилар. Айниқса, 1999 й.дан Япониянинг «Тойото сити балет» компанияси б-н амалга оширилаётган лойиҳалар эътиборли бўлмоқда. Ҳамкорликда П.Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Қарсилдоқ», А.Аданнинг «Жизель», Л.Минкуснинг «Дон Кихот» балетлари сахналаштирилди. Уларда 15 та ёш балет артистлари қатнашди. «Дон Кихот» балети Тошкентдан кейин Самарқандда, сўнг Япония шаҳарларида намоиш этилди.

Ўзбек балети труппаси Хитой томонидан қилинган таклифга биноан Урумчидан Шанхайгача бўлган ҳудудларда «Оққуш кўли» (П.Чайковский), «Золушка» (С.Прокофьев) спектакллари намоиш этди.

Кейинги йилларда ўзбек балет санъати «Қадимий Афросиёб афсонаси» (Г.Мушель), «Ҳумо» (ушбу балет учун А.Эр-



«Севги тумори» балетидан лавҳа.

гашев Ўзбекистон Давлат мукофоти б-н мукофотланган, 2007) миллий балетлари б-н бойиди. Спектакллар балетмейстерлари И.Юсупов ва грузин хореографи Г.Алексадзе бўлиб, бош ролларни В.Галлертов, И.Кистанов, З.Нурибетов, А.Бобожонова, Н.Шилова, Н.Ҳасанова, Д.Сисоев каби солистлар ижро этдилар.

Мустақиллик йилларида балет соҳасида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Миллий рақс ва хореография олий мактабини тугатиб келган бир гуруҳ ёшлар театрға келиб қўшилди. С.Юдаковнинг «Насриддиннинг ёшлиги», Ф.Амировнинг «Минг бир кеча» балетлари саҳналаштирилди. Уларда Г.Ҳамроева, З.Давлетмуратова, Ф.Саъдуллаева, В.Галлертов каби тажрибали санъаткорлар б-н Т.Муҳамедова, З.Нурибетов, Н.Шилова, Л.Татошина, А.Ляпин, А.Тошпўлатов сингари ёшлар ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

2002 й. Навоий номидаги театр қошида «Офарин» рақс театри ташкил топди. Мақсад миллий рақс, балет ва модерн рақс воситаларидан фойдаланган ҳолда замонавий рақслар яратишдир. Унда 24 ёш рақс артистлари уюшган. Бош балетмейстер З.Нурибетов, балет-

мейстерлар К.Узоқова (миллий рақслар бўйича), Т.Тикоев (характерли рақс бўйича). Театр «Курраи замин учун алла» балет-спектакли, халқ рақс услублари бўйича «Мажнунтол», «Тавоис», «Қушлар», «Ўзбек попури», «Танго», шунингдек, грузинча, ҳиндча ва б. рақсларни яратди.

БАНДЛИК ХИЗМАТИ – қ. *Ижтимоий ҳимоя.*

БАНКЛАР – пулга муҳтожларга кредитлар, ссуда бериш, вақтинча бўш маблағларни тўплаш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, пул ва турли қимматли қоғозлар чиқариш, векселларни ҳисобга олиш ва б. вазифалар б-н шуғулланадиган кредит-молия муассасалари. Тарихи ғоят кўҳна бўлишига қарамай, Ўрта Осиёда, шунингдек, Т.да 19-а.нинг 70-й.ларига қадар Б. бўлмаган. Шаҳар бозорларида ва савдо марказларида танга пулларни алмаштириш ва қиймати катта пулларни майдалаб бериш б-н шуғулланадиган саррофлар, йирик маҳалларда юқори фоиз ҳисобига қарзга пул берадиган судхўрлар фаолият кўрсатган. Россия империяси шаҳарни босиб олганидан 10 йил ўтгач, биринчи банк муассасаси – империя Давлат банкнинг Т. бўлими 1875 й. 10 майда очилган (Лагерь просп., ҳоз. Мустақиллик кўчаси) ва у 19-а.нинг охирига қадар бутун Туркистон ўлкасига хизмат кўрсатган. Ўша йили, асосан, европалик аҳолига хизмат кўрсатган биринчи омонат касса ҳам

иш бошлади. 1880 й. окт.да С.К.Глинка-Янчевский ва К^о банклар уйи ишга тушди, 1881 й.дан 1909 й.гача Ўрта Осиё акциядорлик банки ишлади. 1893 й. Волга-Кама банки бўлими (унинг йирик мижозлари ака-ука Вадьяевлар савдо уйи, Юсуф Давидов савдо уйи бўлган), 1903 й. эса Рус-Хитой банки бўлими очилди (1910 й. Сибирь банки б-н бирлашиб, Рус-Осиё банки сифатида қайта ташкил қилинди). Ўша йили Азов-Дон савдо банкнинг Т. бўлими ҳам ишга тушди. Бундан ташқари, Т.да ипотека банклари ҳам иш бошлаган. Нижний Новгород-Самара ипотека банки агентлиги (1899) ва Полтава ер банки (1901)нинг филиал, бўлим ва агентликлари фаолият олиб борди.

Б. векселларни ҳисоб-китоб қилиш, товар етказиб бериш ҳисобига ссуда ва фоизли гувоҳнома бериш б-н шуғулланган. 20-а.нинг бошларида банк операцияларининг асосий қисмини пахта хомашёсини сотиб олиш ташкил қилди, бу олди-сотдида воситачилик фақат Ўрта Осиё шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларнигина эмас, Россия империясидаги иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига ҳам ёрдам берди. Б., шунингдек, пуллар ўтказиш, пул қарз бериш, аккредитив, курс операциялари олиб бориш, қимматли қоғозлар чиқариш, акцияларни сотиш-сотиб олиш, кўчмас мулкларни олиб сотиш, бўнаклар бериш ва ҳ.к. билан ҳам шуғулланган.

Озиқ-овқат, ёғ-мой, пахта тозалаш, совунгарлик ва б. тармоқларга, айниқса қ.х. маҳсулотларига дастлабки ишлов бериш корхоналарига қўйилган оз миқдордаги капиталдан катта фой-

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган банклар рўйхати

Банклар номи	Рўйхатдан ўтган санаси
Давлат банклари	
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	1992.2.07.
Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	1991.25.10.
Давлат-акциядорлик тижорат банклари	
«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки	1996.20.01.
Ўзбекистон Республикаси Халқ банки	1996.19.01.
Акциядорлик тижорат банклари	
«Ўзсаноатқурилишбанк» Ўзбекистон акциядорлик саноат-қурилиш банки	1991.25.06.
«Агробанк» акциядорлик тижорат банки	2009.30.03.
«Алоқабанк» ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат банки	1995.22.03.
«Микрокредитбанк» тижорат банки	2006.13.05.
«Ипак йўли» инновация тижорат банки	1990.31.12.
«Ипотекабанк» ихтисослаштирилган ипотека банки	2005.30.04.
«Капиталбанк» ривожланиш сармоя банки	1992.10.03.
«Кредит-стандарт» очиқ акциядорлик тижорат банки	2003.16.08.
«Турон» очиқ акциядорлик тижорат банки	1990.31.12.
«Трастбанк» акциядорлик биржа банки	1994.21.06.
«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки	2009.30.03.
Хусусий акциядорлик тижорат банклари	
«Алп Жамолбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки	1998.16.03.
«Даврбанк» ёпиқ акциядорлик тижорат банки	2001.29.09.
«Инфинбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки	2007.24.12.
«Равнақбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки	2001.23.06.
«Туркистон» очиқ акциядорлик инвестиция банки	1998.16.03.
Чет эл капитали иштирокидаги қўшма банклар	
АБН «Амробанк-Ўзбекистон МБ» (Голландия-Ўзбекистон) акциядорлик тижорат банки	1996.16.12.
«Савдогарбанк» Ўзбекистон-Германия акциядорлик тижорат банки	1995.12.05.
«ЎзҚДБ банк» (Ўзбекистон-Корея ёпиқ акциядорлик жамияти)	2006.5.05.
«ЎТбанк» («Ўзбекистон-Туркия банки) ёпиқ акциядорлик жамияти	1993.13.05.
Шуъба банклар	
Содерот банки (Эрон Ислом Республикаси)нинг Тошкент шаҳар шуъба банки	1999.21.08.

да олиш Б. фаолиятини фаоллаштириб юборди. Москва ва Петербург банклари ҳам пахта-ни қайта ишлаш саноатига Б. орқали қарзлар беришда иштирок эта бошлади. Чет эл капитали (асосан, немис ширкатлари, француз саноатчилари) ҳам банк омонатлари орқали Туркистон иқтисодиётига суқилиб киришга ҳаракат қилди. Банк капитали саноат капитали б-н қўшилиб кета бошлади.

Октябрь тўнтаришидан сўнг Т.даги барча Б. собиқ совет ҳокимияти томонидан национализация қилинди. Туркистон Республикаси ХКСнинг 1918 й. 8 майдаги декрети билан Т.да Туркистон автоном халқ банки тузилди. 1921 й. бошларида Туркистонда ўтказилган пул ислоҳоти бир қатор иқтисодий масалаларни ҳал этишга ёрдам берди, жумладан Т.да Туркистон банки ўз фаолиятини давом эттирди. РСФСР Давлат банкининг 1923 й. тузилган Тошкент вилояти идораси ўша йили Ўрта Осиё ўлка идорасига (1934 й.дан Ўзбекистон конторасига) айлантирилиб, Т. ва респ. ҳудудида Давлат банки фаолиятини таъминлади.

1923 й. Ўрта Осиё қ.х. банкининг ташкил этилиши катта аҳамият касб этди. Хусусий секторга қарши кураш шароитида саноат ва савдони кредит б-н таъминлашда Давлат банки бўлимлари б-н бир қаторда Т.да 1924 й. таъсис этилган Ўрта Осиё савдо банки ҳам кенг миқёсда фаолият бошлади. Бу банк ички товар обороти ва тайёрлов ишлари б-н биргаликда экспорт-импорт операцияларини кредит б-н таъминлаш ишларини ҳам олиб борди. 1924 й.дан бошлаб Ўзбекистонда банк тизими СССР банк тизи-

мининг таркибий қисми сифатида ташкил қилинди. 1930–32 й.лардаги кредит ислохотлари натижасида савдо кредити бевосита банк кредити б-н алмаштирилди. Хўжаликнинг алоҳида тармоқларидаги асосий фондларга узоқ муддатли маблағ ажратувчи махсус Б. тузилди. Давлат банки ягона кредит ва ҳисоб-китоб м-зи бўлиб қолди. Т.да Саноат банки, Қишлоқ хўжалик банки, Коммунал ва уй-жой хўжалиги марказий банкининг узоқ муддатли кредитлар берадиган бўлимлари ташкил қилинди. 1959 й. узоқ

муддатга маблағлар берадиган Б. тугатилиб, уларнинг вазифалари СССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банкининг Ўзбекистон идоралари зиммасига юкланди.

1966 й. СССР Қурилиш банки (1922–59 й.ларда СССР Савдо банки)нинг Тошкент шаҳар бошқармаси [Пушкин (ҳоз. Мустақиллик) кўч., 5] тузилди. Бошқарма қурилишлар ва қурилиш ташкилотлари молия фаолиятини назорат қилган, капитал маблағлардан муайян мақсадларда фойдаланилишига кўмаклашган.

1987 й.нинг 2-ярмида собиқ Иттифоқда Б. қайта ташкил қилинди. 1988 й. 1 янв.дан СССР Давлат банки ва СССР Қурилиш банки негизида 4 та Б.: СССР Давлат банки, СССР Саноат қурилиши банки, СССР Агросаноат банки ва СССР Турар жой-коммунал хўжалиги ва социал



Банклараро ассоциация биноси.

ривожланиш банки тузилди, омонат кассалар тизими эса СССР Меҳнат жамғармалари ва аҳолига кредит бериш банкига айлантирилди. Т.да уларнинг республика идоралари, шаҳар бошқармалари, туман бўлимлари тузилди.

1991 й. 15 фев.да Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши сессиясида «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» қонун қабул қилинди ва ўша вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳақиқий, мустақил банк тизими шакллана бошлади. Мустақиллик йилларида республиканинг бозор шароитларига босқичма-босқич ўтиши дастурига мос ҳолда банк ислохотлари ўтказилди, миллий банк тизимининг икки босқичли тузилмаси (юқори босқичда *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки*, қуйи босқичда тижорат банклари) шакллантирилди.

Т.да Ўзбекистон Республикаси Марказий банки б-н бир қаторда Марказий банк берадиган лицензиялар асосида фаолият олиб борадиган, пайчилик, акциядорлик асосида ташкил топган ихтисослаштирилган давлат, давлат-акциядорлик, акциядорлик тижорат, чет эл капитали иштирокида қўшма банклар, 1997 й.дан хусусий акциядорлик банклари, уларнинг филиал, бошқарма, ваколатхоналари ишлай бошлади. Т.да фаолият кўрсатаётган банклар рўйхати 102-бетдаги жадвалда берилган.

БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, БМА (Ҳ.Орипов кўч., 16) – банк-молия тизими раҳбар ходимлари ва мутахассислари тайёрлайдиган, малакасини оширадиган етакчи олий ўқув юрти. 1996 й. 2 майда Тошкент ш.да ташкил этилган. БМА банк-молия тизими учун халқаро талаблар даражасида 15 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди. БМАда: банк иши; молия; солиқ иши; лойиҳаларни молиялаштириш; банк ва молия раҳбар ходимлари малакасини ошириш ф-тлари бор (2008). Академияга тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси ва Марказий Осиё мамлакатлари банк-молия тизими ташкилотлари томонидан юборилган номзодларнинг тест синовлари асосида танлови орқали амалга оши-



Банк-молия академияси биноси.

рилади. 1996–2008 й.ларда 1000 дан ортиқ магистрлар тайёрланди, 2500 га яқин банк-молия тизими раҳбар ходимлари қайта тайёрлашдан ўтди. Шу давр мобайнида 720 нафар тингловчи, 90 нафар ўқитувчи ва б. ходимлар хорижий давлатларда тажриба орттириб келди.

2007/08 ўқув йилида 156 тингловчи ўқишга қабул қилинди, ўқув жараёнига 14 фан д-ри, проф., 36 фан номзоди, доц., 32 тажрибали ўқитувчи ва амалиётчилар жалб этилди.

БМАда аспирантура, докторантура, иқтисодиёт соҳасида илмий даражалар берадиган илмий кенгаш, илмий кутубхона (20 мингдан ортиқ асар) бор. БМА қошида «Молия» нашриёти фаолият олиб боради.

БАНОКАТ – қад. шаҳар харобаси (1–13-а. боши). Тошкент вилояти Оққўрғон туманида Сирдарёнинг ўнг соҳилида, Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қўшилиш ерида жойлашган. Б.ни археологлар Д.К.Зацепин (1876), Е.Т.Смирнов (1894, 1896) ўрганган. 1973 й.дан Шош–Илоқ экспедицияси (Ю.Ф.Буряков) текширган.

Мил. 1-а.да Б. ўрнидаги қишлоқнинг мудофаа девори бўлмаб, атрофидаги дарё, жарликлар табиий мудофаа воситаси ролини ўтаган, илк ўрта аср (5–6-а.)да буржли мустаҳкам мудофаа девори б-н ўралган. Майд. 22 га, арк (тахм. 1 га). 12–13-а. бошларида Б.нинг ҳудуди кенгайган (140 га): арк, 3 шаҳристон ва рабоддан ташкил топган. Қазिशмалар натижасида турли сопол буюмлар (нақшинкор кўза, коса, сирланган лаган ва б.), танга пул ва тақинчоқлар топилган. Б.да илм-фан (илми ҳадис), заргарлик, тўқимачилик, кулолчилик, шашасозлик ва б. ривожланган, мис, қумуш тангалар зарб этилган.

Мўғуллар истилоси даврида (1219) Б.нинг Илатғу Малик бошчилигидаги қанғилардан ташкил топган мудофаачилари мўғулларнинг Алақ нўён бошчилигидаги қўшинига қарши 3 кун мардона курашган. Мўғуллар шаҳарни эгаллагач, буткул вайрон қилганлар. Б. ўрнида кейинчалик *Шохрухия* шаҳри бунёд этилган.

БАНОКАТ МУДОФААСИ (1219) – Чингизхон бошчилиги-

даги мўғулларнинг Мовароуннаҳрга қилган истилоси даврида шаҳар аҳолисининг қаҳрамонна мудофааси. Хоразмшоҳ Муҳаммад Б.м.га қайининиси, амир Бужи Паҳлавон Қутлуғхон бошчилигидаги қўшинни ёрдамга жўнатган. Банокат қўшини асосан қанғли қабиласидан жамланган жангчилардан иборат бўлиб, тарихчи Жувайнийнинг ёзишича, уларга Илатғу Малик қўмондонлик қилган. Бироқ амалда бутун шаҳар аҳолиси мудофаада фаол иштирок этган. Чингизхон Утторга келгач, Банокатни эгаллаш учун лашкарбошилар Алақ нўён, Сакту ва Бўка бошчилигида 5 минг кишилик қўшин жўнатган. Улар тева-рак атрофдан келиб қўшилган бошқа амирлар б-н Банокатни қамал қилишган.

Улуғбекнинг ёзишича, «Алақ нўён Фанокат (Банокат)га етганда, Ингу Малик (Илатғу Малик) қалъани қўлга олди. Алақ нўён Маликни ҳар томондан жазога тортиш лозим деб ҳаракат қилди. Қилич тортишди, ўқ отишди, икки ўртада жанг бошланди. Қалъа йўли, буржларида Ингу Малик ўз ишининг ботирлари билан уч кун жанг қилдилар. Тўртинчи кун эса омонлик сўрадилар. Алақ нўённинг муштумзўрлари тазйиқи б-н Фанокат шаҳридан аёлу эр, болалар, катта-кичик ташқари чиқдилар. Барчаси қон мавжигга ғарқ қилинди. Фанокат оҳидан фано чиқарди. Бир неча кишидан бўлак тирик жон қолмади. Мўғуллар шаҳар молини ғорат қилдилар». Рашидиддин Фазлуллоҳнинг маълумотига кўра, мўғуллар асир олинган жангчилар, ҳунармандлар ва оддий фуқарони алоҳида-алоҳида қилиб сафлаганлар. Сўнгра асир жангчиларни қилич, камон ўқи

б-н қатл этишган, қолганларни эса минглик, юзлик ва ўнликка тақсимлашган. Ёшларни ажратиб, улардан Хўжандни олишда ҳашар сифатида фойдаланиш учун ўзлари б-н олиб кетишган. **БАНОКАТИЙ**, тўлиқ исми Абу Сулаймон Фахруддин Али Абулфазл Довуд Муҳаммад Банокатий (?–1330) – тарихчи олим. Шош воҳасидаги Банокат ш.да туғилган. Хулоқийлардан Гозонхон даврида (1301–02) сарой шоирлари орасида «Малик уш-шуаро» унвонига эга бўлган. Банокатий умумий тарихга оид «Равзат ули-л-албоб фи ат-таворих ва ал-ансоб» («Улуғ кишиларнинг тарихи ва насаблари ҳақида оқиллар боғи») асарини ёзган. Уни қисқача «Тарихи Банокатий» деб атаганлар. Бу асар Рашидуддиннинг «Жомиъ ут-таворих» тарихий асарининг қисқартирилган нусхаси бўлиб, 1317 й. ёзиб тугатилган. Асар 9 қисмдан иборат, унда Ҳиндистон, Арманистон, Эрон, Рум, Хитой, шунингдек, яҳудийлар, араб халифалиги, мўғуллар тарихи баён этилган. Асарнинг икки қўлёзма нусхаси (бири 16-а.да, иккинчиси 1829 й. кўчирилган) Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади.

БАНУНКАТ – ўрта асрлардаги Чоч шаҳарларидан бири (1–13-а. боши, 17-а.). Араб географларининг ёзишича (9–10-а.), Самарқанддан Бинкатга келадиган савдо йўлида, шаҳарнинг ғарбида Салор канали бўйида жойлашган. Акад. Ю.Ф.Буряков (1967) Б.ни Т.нинг жан.-ғарбидаги *Кугайттепа* ўрнида бўлган деб ҳисоблайди. Шаҳар харобасининг майд. 30 гектарга яқин бўлиб, маданий қатлами қалинлиги 15 м га етган. Ушбу худуддан т.й. ва автотрасса ўтказили-

ши муносабати б-н шаҳар харобаси қиёфаси ўзгариб кетган. Хусусан икки тепалик кўринишидаги жан.-шарқий қисми сақланган. Тадқиқотларга кўра, Салор канали бурилиш еридаги дастлабки манзилгоҳ милоннинг бошларида вужудга келган. Мил. 1-минг йилликнинг 2-ярмидан равнақ топган. Б. шаҳар сифатида Шутуркатдан 3 фарсах (1 фарсах – 6-7 км.) ва Чоч пойтахтидан 2 фарсах масофада, савдо йўлида шаклланган. 9–12-а.ларда янада юксалган, қ.х. маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор берилган. Хунармандчилик (кулолчилик, темирчилик) ривожланган. Мўғуллар истилоси (13-а.боши) дан сўнг Б.да ҳаёт сўнган ва фақат 17-а.да Нўғойқўрғон қишлоғи вужудга келган.

«БАРАКАТ-АЛФА» (Сергели тумани, Жалойир кўч., 6) – масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона. Ювиш ва косметика воситалари и.ч.га мўлжалланган. 1998 й. давлат рўйхатидан ўтган. «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси таркибида. Асосан, оқартирилган гигроскопик момиқ (буюртма бўйича той ҳолатида ҳам), ностерил-тиббиёт гигроскопик, гигиеник пахта-си, пон-пон (думалоқ-думалоқ), ўрама, 50 г, 100 г, 250 г лик эгрибугри пахталар ишлаб чиқаради. Йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 4 минг тонна. Маҳсулотлари Италия, Голландия, Франция, Греция, Россия ва Украина давлатларига экспорт қилинади.

БАРОТХЎЖА МАҲАЛЛАСИ (Кўйлик кўч., 46^а-уй) – Миробод туманидаги маҳалла. Кўйликота, «Парвона», «Матонат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1936 й. ташкил қилинган, бунда маҳалланинг биринчи оқсоқоли Турсун-

бой Салибоевнинг хизматлари катта бўлган. Маҳалла худудидан анҳор оқиб ўтади. Айтишларича, ушбу анҳорда қадимда Баротхўжа исми шаҳс умрининг охиригача мироб бўлган. Унинг вафотидан сўнг анҳор Баротхўжа деб номланган. Маҳалла ҳам шу шаҳсга нисбат берилиб, Баротхўжа деб аталган. Аҳолиси 3062 киши асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, корейслар ҳам яшайди (2009). Маҳалла худудидан 18 та кўча, ўрта мактаб, «Бухоро» ресторани, 2 та қаҳвахона, 2 та новвойхона, Гафур Фулом номидаги маданият уйи, озиқ-овқат дўкони жойлашган. **БАРОҚХОН** (ҳақиқий исми Наврўз Аҳмадхон) (?–1556) – Шайбонийлар сулоласидан бўлган хон. Абулхайрхоннинг невараси, Т. хони *Сунчхўжа-хон*нинг кичик ўғли. Отасининг вафотидан кейин Т. (1533–51), сўнгра Мовароуннаҳр (1551–56) хони. Б. ёшлигида *Восифий*дан шеърят, мусиқа, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Айни вақтда чавандозлик ва ҳарбий машқлар б-н кўпроқ машғул бўлган. Б. ўз салтанатини кенгайтириш учун кўп ҳарбий юришлар уюштирган. Абдуллатифхон вафотидан сўнг (1551) Самарқанд тахтига ўтирган ва Наврўз Аҳмадхон номи б-н Мовароуннаҳрни бошқарган. Унинг номи б-н танга пуллар зарб этилган. Б. ободончилик ишларига эътибор берган, мадрасалар қурдирган (қ. *Бароқхон мадрасаси*). Ҳасанбек Румлунинг «Аҳсан ут-таворих» («Тарихлар сараси») асари (1572–77)да айтилишича, «Шоҳруҳия дарёси (Сирдарё)дан Самарқанд томонга канал чиқариб, унинг атрофига ўз улусидан йигирма минг кишини жойлаштиришга қарор қилган». Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Аб-

дулланома» асарида қайд этилишича, Б. 1556 й. Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти – Ра-вотхўжа тўғонини тузаттириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. Самарқандда дафн этилган. Б. даврида Мовароуннаҳр б-н Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистон, Хитой, Сибирь ўртасида савдосотиқ, элчилик муносабатлари ривожланган.

БАРОҚХОН МАДРАСАСИ (Зарқайнар кўч., 103) – *Ҳазрати имом мажмуаси*даги меъморий ёдгорлик. Ўтмишда Т.нинг энг гўзал обидаларидан бири бўлган. Бир неча даврда қурилган иморатлардан таркиб топган (15–16-а.лар). Ривоятга кўра, илгари унинг ўрнида христианлар ибодатхонаси бўлган. Бунга далил қилиб, кўп йиллар аввал бу ердан Христос ҳайкалчаси б-н болалар олтин бешиги (Олтин бешик) топилганини Бароқхон мадрасаси.

рўқач қиладилар (Массон М.Е., Прошлое Ташкента). Дастлаб бинонинг шарқий бурчагидаги мўъжаз мақбара (кимга мансуб эканлиги номаълум) қурилган. Сўнг (1531) шайбонийлар сулоласининг Т.даги ҳокими *Суюнч-хўжахон* (1525 й. вафот этган) мақбараси қад кўтарган. Уни *Келди Мухаммад* қурдирган (1531–32). Бу мақбара ҳовли тўридаги пештоқли хонақоҳдан иборат. Қўшқават гумбазли бўлган. Ўтмишда «Гумбази Бароқхон» номи б-н машҳур бўлган. Ташқи – кўк гумбаз (мовий ранг кошин б-н қопланганлиги учун шундай аталган) 1868 й.ги зилзила натижасида бузилиб кетган.

Б.м. мемориал мажмуасининг 3-босқичини 16-а. ўрталарида *Бароқхон* қурдирган. У илгари қурилган 2 мақбарани ҳам ўз ичига олган мадраса солдирган. Мадраса бу типдаги анъанавий бинолардан фарқ

қилса-да, лекин хужралар ва айвонларнинг очиқ ҳовли атрофига жойлаштириш усули сақлаб қолинган. Тўғри тўртбурчак шаклидаги ҳовли шим.-шарқдан жан.-ғарбга қараб чўзилган. Мадрасанинг композицион м-зини Суюнчхўжахон мақбараси ташкил қилади; у асосан дарвоза пештоқи рўпарасида жойлашган. Икки томони айвонлардан иборат ҳовлининг шим. ва жан. томонларига бир қаватли хужралар қурилган. Тўрт бурчагида чўзиқ хона (қорихона)лар бўлган. Деворлари, тоқлари ва пештоқига ранг-баранг кошинкор нақшлар ишланган, хонақоҳ ичкараси кундал усулида безатилган ва устидан зарҳал югуртирилган. Деворнинг тўқ яшил рангли олти ёқли сирти парчин териб ишланган, изорасига зарҳал югуртириб нафис безак берилган; шоир *Восифий*нинг шеъри сержило, нақшинкор усулда жойлаштирилган.




Ҳужралар деразаларига турли гириҳ нақшлар ўйилган ганч панжаралар ўрнатилган.

Шайбонийлар сулоласи барҳам топгач, Б.м. 17-а.да таъмирланган, бироқ кейинчалик ташландиқ ҳолга келиб қолган. 1859 й. Т. ҳокими Қаноатшоҳ ҳовли шим.даги ҳужраларни тиклаб, мадраса таъминоти учун вақф ажратган. Қўқон хонлиги даврида мадраса талабаларига ва ўқитувчиларига шахмат ўйнашга рухсат берилгани, мадрасада бирмунча «хурфикрлик» мавжуд бўлгани боис, Т.нинг мутаассиб руҳонийлари орасида кенг эътибор қозонмаган. Суяк қадамалари бор ўйма нақшинкор эшиклар 18-а.даёқ йўқолган. Б.м. ҳозирги қиёфасини 1904–05 й.ларда тошкентлик уста Хожа Абул Қосим томонидан қилинган таъмирдан сўнг олган.

1935–36 ва 1955–56 й.ларда археологик тадқиқотлар ўтказилган. 1946, 1949, 1951, 1967 й.ларда ва айниқса 2007 й.да улкан таъмир ишлари олиб борилган. Б.м. таркибидаги Суюнчхўжа ва Номсиз мақбаралар устидаги гумбазлар қайта тикланди. Таъмирдан сўнг Б.м. аввалги ҳолатидан безакларининг бойлиги ва меъморий ўлчамларининг уйғунлиги б-н фарқ қилади. Мадраса ёнидаги кам тарихий аҳамиятга эга иншоотлар бузиб ташланиб, мадраса олдида йирик майдон барпо этилди. Ум. ўлчами – 82x44 м, ҳовлиси – 46x27 м. Б.м.да 2007 й.гача Ўзбекистон мусулмонлари идораси жойлашган. **БАРТОЛЬД** Василий Владимирович [1869.3.(15)11–1930.19.8] – шарқшунос, Россия ФА муҳбир аъзоси (1910), акад. (1913), Петербург ун-ти шарқ тиллари ф-тини тамомлаган (1891). Шу ун-тда дарс берган ва илмий иш

б-н шуғулланган. Асосий илмий ишлари Яқин ва Ўрта Шарқ, жумладан Ўрта Осиё тарихи ва маданиятини ўрганишга бағишланган. Б. Ўрта Осиёга биринчи марта 1893 й. илмий иш б-н келган. Шу йилдан Б.нинг тошкентлик олим ва ҳаваскор ўлкашунослар б-н кўп йиллик илмий алоқаси ўрнатилган. У Т.даги *Туркистон археология ҳаваскорлик тўғараги* ташкилотчиларидан бири бўлган. Б. бир неча бор Т.да бўлиб, маърузалар қилган; илмий ишларни ташкил этиш ва амалга оширишда маҳаллий ходимларга катта ёрдам кўрсатган; маданий ёдгорликларни сақлаш, Т.да музей ва кутубхона ишларини янада яхшилашда фаол иштирок этган; Т.газ. ва журналларида илмий мақолалар эълон қилган. Т.даги Туркистон халқ ун-тида тарих-филология ф-тини очишда фаол қатнашиб, маърузалар ўқиган (1920). Т. кутубхоналарида сақланаётган қад. шарқ кўлёмаларини ўрганишда Б.нинг хизмати катта. Унинг нашр этилган бир неча илмий ишларида Т. тарихи ҳақида маълумотлар кўп. «Ислом энциклопедияси»да (4-т.) «Тошкент» мақоласини Б. ёзган. Т.да «Туркистонни суғориш тарихи» ва «Мусулмон маданияти», «Туркистон мўғуллар босқини даврида» ва б. асарлари ўзбек тилида нашр этилган (1926, 1927). Б. Туркистон халқ ун-тининг фахрий аъзоси бўлган (1918).

Б. Ўрта Осиё халқлари тарихи, этнографияси ва психологиясини чуқур ўрганган олим бўлса-да, Туркистон халқи маданиятини объектив ва ҳаққоний баҳолай олмади, маълум даражада уни камситди. Бу унинг «Улуғбек ва унинг даври» аса-рида аниқ сезилади.



Қ. Башаров.
«Нодирабегим боғда». 1995.

БАШАРОВ Қутлуғ (1925.31.12 – 2004.20.01) – Ўзбекистон халқ рассоми (1975). 1950 й.дан Т.да. Ўзбекистон БА фахрий аъзоси (1997). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таълим олган (1952–56), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1982). Асосан линогравюра, литография, акварель усулида ишланган дастгоҳ ва китоб графикаси асарлари б-н танилган. Дастгоҳ графикасига мансуб триптихлари, автолитография туркумлари, фломастер б-н қоғозга ишлаган «Ўзбекистон мусиқаси ва рақслари» туркуми (1973), портретлар («Алишер Навоий», 1968; «Абу Райҳон Беруний», 1972; «Акмал Икромов» ва б.), рангли гравюра туркумлари («Инсонга тинчлик керак», 1983; «Шарқ аёллари», 1984) бор. Рангтаъбирда ҳам самарали ижод қилди: «Навоийнинг ҳаёти ва ижоди» (1995), Амир Темур 660 йиллигига мойбўёқ асарлари туркумлари («Амир Темур лашкарбоши», «Амир Темур портрети» ва б., 1996) ва б. Ҳамза номидаги Ўзбекистон

Давлат мукофоти лауреати (1979). «Эл-юрт хурмати» орденни б-н мукофотланган (1999). Тешикқопқа қабристонига дафн этилган.

БАҲОДУР ТУДУН (Тутун) – Чоч ш. ва вилояти ҳокими (713–740). Хитой йилномаларида Мохэду тутун деб қайд этилган. Б.Т. Чочни турк хоқонлари номидан идора этган бўлса-да амалда мустақил бўлган. У Қутайба ибн Муслим томонидан Чочга юборилган араб кўшинининг дастлабки хужумини қайтаришга муваффақ бўлган (713), бироқ кучлар тенг бўлмаганлиги боис кейинги хужумларга бардош бера олмаган. Арабларнинг 20 минг кишилиқ кўшини Чоч ш. ва вилоятини босиб олган. Бунинг излари ҳоз. вақтда илк ўрта асрларга оид деярли барча археологик ёдгорликларда сақланиб қолган. Муғ тоғидан топилган суғд хужжатларидан бирида Панжикент ҳокими Деваштининг элчиси Фатуфарн 719 й. Чочда тудун ва Чоч ҳокими б-н учрашгани ҳақида гап боради. Бунга кўра, араблар босқинидан сўнг Чочни Б.Т. яна идора эта бошлаган.

«БАҲОР» (Истиқбол кўч., 8) – ресторан, масъулияти чеклан-

ган жамият. 1958 й. очилган. Биноси (меъмор В.Д.Романов) европача меъморий услуб б-н ўзбек миллий меъморлиги анъаналари уйғунлаштирилиб қурилган. Ўтган асрнинг 80-й.лари, 2001 ва 2008 й.ларда реконструкция қилинди. Зал мебеллари қора ёғочдан ишланган. Ресторанда «Баҳор плюс Х.С.» замонавий рақс профессионал театри ижрочилари томоша кўрсатади. Ўзбек миллий, араб, европа, ҳинд, хитой, турк ва б. халқлар таомлари тайёрланади. Тўйлар, юбилейлар, турли зиёфатлар ўтказилади. Ресторан зали 200 кишига мўлжалланган.

«БАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Дарёбўйи кўч., 73) – Сергели туманидаги маҳалла. Эски Сергели даҳасида жойлашган. «Қипчоқ», «Ёшлик», «Йўлдош» маҳаллалари б-н чегарадош. 1968 й. ташкил топган. Аҳолиси 6810 киши, 1807 хонадондан иборат (2008). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, мактаб, «Баҳор» оилавий поликлиникаси, халқ банки, 12-автосарой, 3 спорт майдончаси, 12 озиқ-овқат дўкони, 27 катта-кичик корхоналар,

2 қабристон (рус ва корейс), дорихона, новвойхона мавжуд.

«БАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув 1-даҳа, 120) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Бобур, С.Раҳимов маҳаллалари б-н чегарадош. 1986 й. баҳор фаслида ташкил топганлиги учун «Б.» маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 4515 киши, турли миллат вакилларида иборат (2009). Маҳалла ҳудудида 3 та маданий-маиший, 2 та маърифий объектлар, 4 спорт иншооти мавжуд.

«БАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (8-март кўч., 57) – Миробод туманидаги маҳалла. «Истиқлол», «Шарқ Юлдузи», Фурқат, «Янги замон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1976 й.дан «Баҳор» маҳалласи деб аталган (бунгача бу жойлар Весна кўч. деб номланган). Аҳолиси 4000 кишидан зиёд, асосан, руслар, шунингдек, 12 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 8 та кўча, болалар боғчаси, туман маиший хизмат кўрсатиш касбхона коллежи, АРЗ-1 корхонаси, йўл қурилиш трести, «Бахт» хизмат кўрсатиш базаси, озиқ-овқат дўкони ва б. мавжуд.

«БАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Сўфи-зода кўч., 2) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Олимлар», «Умид», Алпомиш маҳаллалари б-н чегарадош. 1978 й. ташкил топган. Аҳолиси 5500 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 17 миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида академик лицей, ўрта мактаб мавжуд.

«БАҲОРИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Гулистон мавзеси, 54) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Гулистон», «Шараф», Учтепа туманининг А.Соғуний маҳаллалари б-н



«Баҳор» ресторани.

чегарадош. 2005 й. ташкил топган. «Гулистон» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 4310 киши, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 24 та кўп қаватли уйлар, «Бета-чой Алгоритм» Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси, «Гулистон» савдо мажмуаси, болалар боғчаси ва б. мавжуд.

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД МАҲАЛЛАСИ (Шифокорлар шаҳарчаси, 7) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Шифокорлар», Беруний, Хислат, «Олимпия» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. дек.да «Шифокорлар» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 3812 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 7 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 та болалар боғчаси, «Қамарнисо» тўйхонаси жойлашган.

БЕКЛАРБЕГИ – ўрта асрларда юқори маъмурий унвон ва амалдорлик лавозими. 19-а.гача Ўрта Осиё, Кичик Осиё ва Закавказьеда мавжуд бўлган. Асосий вазифаси солиқ ва б. мажбуриятларнинг ўз вақтида тўла-нишини, хон фармонларининг бажаралишини назорат қилиш, тегишли масалаларни оқсоқоллар кенгаши б-н келишиб ҳал этишдан иборат бўлган. Б.лар айни вақтда саркарда ҳисобланиб, уларнинг қўл остида юзбоши ва ўнбошилар бўлган. Т.ни Б. томонидан бошқариш 1810 й. Қўқон хони Олимхон шаҳарни узил-кесил босиб олгандан сўнг бошланган. Бу даврда эски Ўрда (Юнусхўжа саройи) бузилиб, Б. ва Қўқон қўшинлари гарнизони учун Шайхонтоҳур даҳасида Анҳор каналининг чап соҳилида *Ўрда* қурилган.

Бекларбеги
мадрасаси
(тарихий
сурат; 1903).

Т.нинг Эскижўва майдонида Б. мадрасаси (19-а.) бўлган (20-а.нинг 30-й.ларида бузиб ташланган).

БЕКЛАРБЕГИ МАДРАСАСИ – Т. ҳокими Лашкар бекларбеги томонидан қурилган мадраса (1816 ёхуд 1838–40). Регистонда жойлашган. Б.м.нинг шим.да, Катта кўча томонда Фўлодбой Тинчбофий жоме масжиди, шарқ томонда эса Жўбо (Эскижўва) мавзеидаги Ўрозалибой жоме масжиди жойлашган. 2 қаватли, 57 хужра, бир масжид ва дарсхонадан иборат бўлган. Лашкар бекларбеги шаҳар Регистонда қурдирган карвонсаройини ушбу мадрасага вақф қилган. Архив маълумотларига қараганда, 1868 й.да шаҳардаги Закотхона, Маҳрамбоши ва Хиштин (Фиштин) сарой (карвонсарой)лари мазкур мадрасанинг вақф мулки ҳисобланган. Рус шарқшуноси А.П.Хорошиннинг ёзишича, бозордаги 3 карвонсарой, 2 шамдўкони, 4 тегирмон ва Назарбекда кичикроқ ер ҳам Б.м.нинг вақфи бўлган. Мадраса биноси шаҳардаги чиройли иншоотлардан бири бўлиб, 1873 й.да Т.га келган америкалик сайёх Ю.Скайлер уни Т.даги энг кўркем мадраса деб тилга олган эди. Шўролар даврида бузиб ташланган.



БЕКБОД ДАҲАСИ – Учтепа туманида, Шоир, Шамсия, Истироҳат ва уларга ёндош кўчаларда жойлашган ҳудуд шундай номланади. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин бошланиб, яқка тартибдаги уй-жойлар қурилган, асосан Тошкент зилзиласи м-зи бўлган «Қашқар» маҳалласи аҳолиси кўчиб ўтган. Б.д.да яқка тартибдаги уй-жойлар, болалар боғчаси, мактаб, автобуслар бошбекати, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохбчалари жойлашган.

«БЕКБОД» МАҲАЛЛАСИ (Меҳмондўст кўч., 26) – Учтепа туманидаги маҳалла. Истироҳат мавзесида жойлашган. «Истироҳат», «Шафтолизор», «Қорёғди» ва «Боғи Чинор» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи Т. жан.-ғарбидаги қад. мавзе номидан олинган. 1968 й.дан шаҳар таркибига кириб, шу ном б-н атала бошлаган, аҳолиси асосан Шайхонтоҳур даҳасининг шу ҳудудда деҳқончилик б-н машғул бўлган хонадонларидан иборат бўлган. Аҳоли сони ортиши б-н 2005 й. маҳалла 2 қисмга: «Б.» м. ва «Шафтолизор» маҳалласига ажралган. Аҳолиси 2157 киши, асосан ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб,

болалар боғчаси, «Илм-ҳунар чашмаси» м-зи, Ёшлар м-зи, «Маҳалла-мурувват» хотин-қизлар тикув цехи, 2 та хусусий дўконча, сартарошхона, оталар чойхонаси мавжуд. Маҳаллада наққош уста Мақсуд Қосимов (1905–1965) истиқомат қилган.

БЕКТЕМИР ДАҲАСИ – Бектемир туманида, Ҳусайн Бойқаро кўч.дан бошланиб, Бектемир йўли кўч. бўйлаб йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати масканигача бўлган ҳудудда. Бу ҳудуд 1990 й.гача Т. вилоятидаги Наримонов шаҳри тасарруфида бўлган. Б.д.да Бектемир тумани ҳокимияти, маъмурий бинолар, кичик корхоналар, 2 ва 4 қаватли турар жой бинолари, якка тартибдаги уй-жойлар, мактаб, болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, шунингдек, Қўйлиқ деҳқон бозори шохобчаси ва қабристон бор.

БЕКТЕМИР ЙЎЛИ КЎЧАСИ – бошланиш қисми Бектемир туманида, Катта ҳалқа йўли б-н Т. вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Бектемир шаҳарчаси оралиғида. Уз. 2 км дан зиёд. Б.й.к.нинг Бектемир канали ўтадиган қисмида кўприк қурилган. Кўча йўналишида Қўйлиқ деҳқон бозори, меҳмонхона, тўйхона, мактаб, якка тартибдаги уй-жойлар, савдо ва автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Б.й.к.нинг Ҳусайн Бойқаро кўч. билан кесишган жойи яқинида Бектемир тумани ҳокимияти жойлашган.

БЕКТЕМИР МАҲАЛЛАСИ (Олмос кўч., 29^а-уй) – Бектемир туманидаги маҳалла. Қўйлиқ мавзесида жойлашган. Олим Аширов, Абай маҳалласи б-н чегарадош. 1990 й. 27 фев. Наримонов ш.га Бектемир номи берилган. Маҳалла номи шундан.

Аҳолиси 2390 киши, 605 хонадондан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 11 та кўча, ўрта мактаб, 10 та озиқ-овқат дўкони, 2 та дорихона, 10 та кафе, 6 та новвойхона бор.

БЕКТЕМИР МОЛ, ЕМ-ХАШАК ВА ТИРИК ПАРРАНДА БОЗОРИ (Бектемир тумани, Остановка кўч.) – масъулияти чекланган жамиятнинг мол, ем-хашак ва тирик парранда сотишга мўлжалланган ихтисослашган бозори. Умумий майд. 36 минг м². «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти лойиҳаси асосида 2003 й. қурилган. Асосан қорамол, қўй-эчки, йилқи савдоси амалга оширилади. Бозор якшанба кунлари ишлайди.

БЕКТЕМИР ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ ИНШОТИ (Бектемир даҳаси, Ҳусайн Бойқаро кўч.) – оқова канализация сувларини механик ва биологик тўлиқ тозалайдиган иншоотлар мажмуи. 1976 й.да қурилган. Таркибида оқова сувларни механик тозалаш, биологик тозалаш цехлари; кимёвий-биологик лаб.; бош энергетика (электр энергияси таъминоти) ва бош механика (техника хизмати) бўлимлари бор. Бектемир туманида йиғиладиган канализация оқова сувларини тозалайди. Қуввати 10 минг м³/сутка ва 15 минг м³/сутка бўлган икки мажмуадан иборат. Тозаланган сувлар Чирчиқ дарёсига ташланади.

«БЕКТЕМИР СПИРТ» (Ҳусайн Бойқаро кўч., 91) – экспериментал з-д, ОАЖ. «Ўзвинсаноатхолдинг» компанияси ва «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси таркибига киради. 2007 й. қурилган. Асосан истеъмол қилишга мўлжаллаб тозаланган

этил спирт и.ч.га мўлжалланган. 2006 й. «Тошкентвино» комбинатининг кўчирилган спирт цехи негизда жиҳозланиб, 2007 й. сент.дан мустақил спирт з-ди сифатида фаолият юрита бошлади. З-д йилига 540 минг дал озиқ-овқат этил спирти ишлаб чиқаради.

БЕКТЕМИР СПОРТ МАЖМУАСИ (Ҳусайн Бойқаро кўч., 41) – 1991 й.да қурилган. Дастлаб *Красницкий* номидаги стадион деб номланган. 2008 й. сент.дан ҳоз. номда. Умумий майд. 22 минг 339 м². Таркибида трибунаси 804 ўринли футбол майд., бокс зали, спорт зали, югуриш йўлчалари, тиббиёт ва методика кабинетлари, радиоузел ва б. ёрдамчи хоналар мавжуд. 128 киши бокс б-н, 272 киши футбол б-н шуғулланади (2008). Мажмуада Г.Красницкий хотирасига бағишлаб футбол мусобақалари ҳамда Тошкент ш. Бектемир туманининг спорт ва б. тадбирлари ўтказилади. 2008 й.да реконструкция ишлари олиб борилди.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ – Тошкентдаги маъмурий-ҳудудий бирлик (туман ҳокимияти Ҳусайн Бойқаро кўч., 2-уйда жойлашган). Ҳудуднинг номи тумандан оқиб ўтувчи Бектемир канали номидан олинган. 1960–73 й.лар Т. вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманидаги Бектемир шаҳарчаси, 1973–90 й.ларда шаҳар, 1981–90 й.ларда давлат ва жамоат арбоби Наримон Наримонов (1870–1925) номи б-н юритилган. 1990 й. 27 фев.дан Т. шаҳар тумани.

Б.т. Тошкент ш.нинг жан.-шарқ томонида бўлиб, Катта ҳалқа йўлининг ташқарисида, асосан, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Б.т. шим. ва шим.-ғарбда Т. вилоятининг



Бектемир тумани. Чирчиқ дарёси соҳили.

Қибрай тумани, Т. шаҳрининг Ҳамза ва Миробод туманлари, шарқда Т. вилоятининг Юқори Чирчиқ, жан.-шарқда Ўрта Чирчиқ туманлари, жан.-ғарбда Т. вилоятининг Зангиота ва Т. шаҳрининг Сергели туманлари, жан. да Т. вилоятининг Қуйи Чирчиқ тумани б-н чегарадош. Майд. 2050 гектар, шу жумладан кўкаламзорлаштирилган майдони 0,012 минг гектар. Аҳолиси 27,5 минг киши (2009). Кўчалар сони 47 та, асосийлари: Бектемир, Оҳангарон, Ҳусайн Бойқаро, Олтинтопган. 12 маҳалла бор.

Туманда 765 корхона ва ташкилот мавжуд. 628 та кичик корхоналар ва микрофирмалар рўйхатдан ўтказилган. 65 та кўшма корхона фаолият кўрсатади: «Coca-Cola ичимлиги Ўзбекистон ЛТД» (Ўзбекистон–АҚШ), «Мармакс» (Ўзбекистон–Исроил), «Ханнури» (Ўзбекистон–Корея Респ.), «Асклепий свифт» (Ўзбекистон–Ирландия), «Фуллонг индустриал» (Ўзбекистон–Хитой) ва б. Шунингдек, туманда 533 микрофирма, 131 кичик

корхона, 135 дўкон, 243 савдо, 66 умумий овқатланиш, 101 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 4 бозор (Қўйлиқ деҳқон бозори, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори, Бектемир мол, ем-хашак ва тирик парранда бозори, Қўйлиқ буюм бозори) бор.

Б.т.даги 12 мактабгача таълим муассасасида 1598 бола тарбияланади, 5 мактабда 5540 ўқувчи таълим олади, поликлиника, касалхона ва даволаш-профилактика муассасасида

(450 ўринли) 55 врач хизмат қилади. Туманда – «Фарҳод» кинотеатри, «Қуёшча нури» болалар боғи, дам олиш зонаси бор. Жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланувчиларга «Ниҳол» спорт мажмуаси, туман спорт мажмуаси, Гольф клуби, 9 спорт зали хизмат кўрсатади. Улар-



нинг 1 кунлик сизими 6280 киши. Туманда 7,9 минг киши спорт б-н шуғулланади.

Туманда Рус маданият маркази, Корейс маданият маркази фаолият кўрсатади.

Мустақиллик йилларида туманда спорт мажмуаси, маъмурий бинолар, маҳалла гузарлари, Ўрта Осиёдаги ягона Гольф клуби қурилди, кўчалар ободонлаштирилди. Бектемир туман спорт мажмуаси реконструкция қилинди. Аҳолига уй-жой қуришлари учун ер участкалари берилди.

БЕКЎПИ МАҲАЛЛАСИ (Алгоритм даҳаси) – Чилонзор туманидаги маҳалла. Ал-Хоразмий, «Гулистон» маҳаллалари ҳамда Зангиота тумани б-н чегарадош. Илгари маҳалла ҳудудида жамоа хўжалигининг боғ, олмазор, полиз экинлари экиладиган ерлари, меҳнаткашлар дам оладиган дала шийпони, ҳовузлар бўлган. 1985–87 й.ларда бу боғлар бузилиб, ўрнига «Алгоритм» з-ди қурилган. Аҳоли таклифи б-н илгари гуллаб-яшнаган жой «Бўстон» маҳалласи деб номланган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5380 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, «Бисёр» маркет дўкони, ресторани, кафеси, дорихона, 47-оилавий поликлиника, чойхона мавжуд.

БЕЛТЕПА ДАҲАСИ – Шайхонтохур туманида, Форобий кўч., Ибн Сино даҳаси ва Катта ҳалқа йўли оралиғида. Бу ҳудуд Т. вилоятига қарашли бўлиб, деҳқон хўжаликлари истиқомат қилар эди. 1983 й.да Т. вилояти ва Т. шаҳар ижроия қўмиталари қўшма қарори б-н Т. шаҳри тасарруфига ўтган. Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойи-

ҳалари асосида шу ҳудудда Ибн Сино, Жарариқ ва Белтепа даҳаларини қуришга киришилган. 1992–96 й.ларда Б.д.да қурилиш ишлари ниҳоясига етказилган. Б.д.да 17 та 9 қаватли, 10 та 5 қаватли, 37 та 4 қаватли, якка тартибдаги уй-жойлар, 2 та мактаб, спорт мажмуаси, савдо, тамадди қилиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

БЕЛТЕПА КЎЧАСИ – Шайхонтохур туманида, Форобий ва Жарариқ кўчалари оралиғида. Уз. 1 км атрофида. 2005 й. 28 апр.да номсиз янги кўчага қўйилган. Кўчадан трамвай йўли ўтган. Б.к.нинг 8 та тор кўчаси ва 3 та берк кўчаси бор. Кўча йўналишида кўп қаватли бинолар, якка тартибдаги уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Т. тиббиёт академияси, Белтепа, Ибн Сино ва Жарариқ даҳалари жойлашган.

«БЕЛТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 9) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Ўзбекистон», «Янги Белтепа» маҳаллалари ҳамда С.Раҳимов ва Зангиота туманлари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил этилган. Номи Чигатой Оқтепаси номлари б-н боғлиқ. Аҳолиси 4650 киши, асосан, ўзбеклар (2009).

БЕЛЯНСКИЙ Иван Филиппович (1907–1978) – телевидение ихтирочиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи (1965). Ўрта Осиё алоқа округининг Т.даги тажриба-синов ст-ясида ишлаб, Б.П.Грабовский б-н ҳамкорликда электротехникага оид тажрибалар ўтказган. Тажрибалар натижасида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан бошқа жойга узатадиган ва қабул қиладиган «радиотелефот» аппарати

яратишди ва 1928 й. лаб. шароитида синаб кўришди. 1928 й. 4 авг.да Т.да жамоатчиликка содда «телевизор» ишлаб турган ҳолда кўрсатилди. Б. ва Б.П.Грабовскийга шу ихтиролари учун патент берилган.

БЕНУА Алексей Леонтьевич (1838–1903) – меъмор, Петербург БАни тугатган (1865). Петербургда туғилган. 1874 й.дан Т.да – Сирдарё вилояти меъмори лавозимида ишлаган. Т.да европача шаклдаги кўпгина бинолар Б. лойиҳаси асосида қурилган: Ўқитувчилар семинарияси ва унинг черкови (1881, сақланмаган), Лютеранлар черкови – Кирха (1892–1906), шаҳар боғида Хунармандчилик-саноат кўргазмаси (1890) павильонлари ва б. Б.нинг кўп лойиҳалари муҳандис Е.П.Дубровин иштирокида амалга оширилган.

БЕРУНИЙ Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад (973.4.9–1048.11.12) – улуғ ўзбек мутафаккир олими, ўрта асрнинг буюк даҳоларидан. Хоразм (Кот ш.)да туғилиб, Фазна (ҳоз. Афғонистон)да вафот этган. Унинг насл-насабида «берун» сўзи «ташқи шаҳар», «Беруний» эса «ташқи шаҳарда яшовчи киши» маъносини билдиради. Б.нинг илм-фанга қизиқиши ёшлиғиданоқ кучли бўлган. Машҳур олим Абу Наср ибн Ироқ Мансур қўлида таълим олди. Ибн Ироқ фалакиёт ва риёзиётга оид бир қанча асарлар ёзиб, шулардан 12 тасини Б.га бағишлади. Б. фаннинг деярли ҳамма соҳалари б-н шуғулланди. Биринчи навбатда фалакиёт (астрономия), физика, риёзиёт (математика), илоҳиёт, маъданшунослик фанларини пухта эгаллаган. Бу фанлар тараққиётига қўшган ҳиссаси б-н унинг номи дунё фани-

нинг буюк сиймолари қаторидан жой олди. Шарқнинг бой фан ва маданиятини пухта ўрганиб, юнон илми б-н ҳам чуқур танишиб, йирик олим бўлиб етишди.

Б. шоир, адабиётшунос ҳам эди. Она тилидан ташқари араб, сугдий, форс, сурёний, юнон ва қад. яҳудий тилларини эгаллади. Кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилини ўрганди. Ўз илмий асарларидан бирида ёзишича, Б. Хоразмда яшаган даврида 990 й.дан Кот ш.да муҳим астрономик кузатишлар ўтказган. Бу кузатишлар учун ўзи астрономик асбоблар ихтиро этган. Мамлакатда тахт учун бошланган курашлар олимнинг бу илмий ишларини давом эттиришга имкон бермади.

Б. 22 ёшида ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлди. Олим 998 й.дан кейин Журжонга келди ва бу ерда иккинчи устози – табиб, фалакиётшунос, файласуф Али Саҳл Исо ал-Масиҳий б-н танишиб, ундан таълим олди. Б. «Ал-осор ал-боқия ан алқурун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар») асарини Журжонда муҳожирлик даврида ёза бошлаган ва 1000 й.да тамомлаган.

Б. 1005 й.да Хоразмга қайтади. Ўша даврда Урганчда ҳукмдор Али Аббос Маъмун II саройида кўп машҳур олимлар тўпланиб, фаннинг турли соҳаларида илмий ишлар олиб борадилар. «Маъмун академияси» деб номланадиган бу анжуманнинг фаолиятида Б. муҳим роль ўйнайди. Б.нинг Ибн Сино б-н



Беруний (Малик Набиев асари, 1950).

ёзишмалари ҳам унинг Хоразмда турган даврида бўлган. Уларнинг савол-жавобларидан ва Б.нинг Ибн Синога ёзган эътирозларидан бизгача фақат 18 таси етиб келган. Бу ёзишмалар унинг табиат фалсафаси ва физика масалалари б-н ҳам қизиққанлигини кўрсатади. Бу савол-жавобларда икки машҳур олим фазо, иссиқликнинг тарқалиши, жисмларнинг иссиқдан кенгайиши, нурнинг акс этиши ва синиши каби масалаларда илмий мунозара олиб боришган.

Маҳмуд Фазнавий Хоразмни босиб олгач (1017), Хоразмшоҳ саройидаги бошқа бир қанча олимлар б-н биргаликда Б. ҳам Фазна ш.га олиб кетилган. Ҳаётининг охиригача Фазнада яшаган, асарларининг кўп қисмини ўша ерда ёзган. «Хоразмнинг машҳур кишилари» асари ҳам шу

даврда яратилган. Унинг геодезияга оид муҳим асари «Таҳдид ниҳоёт ил-амокин ли тасҳиҳ масофот ил-масокин» («Турар жойлар орасидаги масофаларни аниқлаш учун манзилларнинг чегараларини белгилаш») 1025 й. 18 ноябрда ёзиб тугатилган. Бу асарнинг бирдан-бир қўлёзмаси Истанбулда, биринчи марта рус тилига шу қўлёзмадан «Геодезия» номи б-н таржима қилинди (Тошкент, 1966). «Геодезия» Б.нинг дунёқарашини белгилашда бой манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар» асари ҳам 1029 й. Фазнада ёзилган.

Б.нинг машҳур «Ҳиндистон» асари 1030 й.да ёзилган. Унда ҳинд адабиёти, фалсафаси, аниқ фанлар, география, элшунослик, қонун ва урф-одатлар, дин, тарихий-диний ривоятлар, ҳинд ёзувининг турлари ҳақида маълумотлар бор (бу асарда «Тошкент» номи биринчи бор тилга олинади). Б. астрономияга оид «Ал-Қонун ал-Маъсудий» («Маъсуд қонуни») асарини султон Маъсудга бағишлади. Бу асар Б.нинг фалакиётга доир энг муҳим асаридир. Шундан кейин у яна иккита муҳим китобини ёзган. Булардан бири «Минералогия», яъни «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни билиб олиш бўйича маълумотлар тўплами»)дир. Унинг охириги асари – «Доривор ўсимликлар ҳақида китоб»нинг қўлёзмаси 20-а.нинг 30-й.ларида Туркияда топилди. Асар



Тошкент техника университети биноси олдидаги Беруний ҳайкали.

«Сайдана» номи б-н машхур; унда Шарқда, жумладан Туркистонда ўсадиган доривор ўсимликларнинг тавсифи берилган. 1035–36 й.ларда у ўз асарлари рўйхатини (113 китоб ва рисола) тузган. Кейинги ёзган асарларини ҳам қўшсақ, у қолдирган илмий мерос 152 китоб ва рисоладан иборат. Кўп асарлари ўз замонасида ўзига хос бир энциклопедия ҳисобланган. Асарларининг 70 таси фалакиёт, 20 таси риёзиёт, 12 таси география ва геодезия, 3 таси маъданшунослик, 4 таси харитаграфия, 3 таси иқлимшунослик, бири физика, бири доришунослик, 15 таси тарих ва элшунослик, 4 таси фалсафа, 18 таси адабиёт ва б. фанларга оиддир.

Т.даги кўчалардан бири, майд., бир нечта маҳалла, Ўзбекистонда топилган минерал, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик

«Ёшлик» шаҳарчаси ва Халқ истеъмол молларининг кўرғазмарка республика м-зи иншооти ёнида барпо этилган. 1991 й. 30 апр.да фойдаланишга топширилган. Бу бекат Абу Райҳон *Беруний* номига қўйилган. «Ўзбекистон» йўлининг 4-қисмидаги охириги бекат (меъморлари: Ф.Музаффарова, А.Табибов; муҳандислари О.Зокиров, В.Журавлев ва б.). Йўловчилар залининг меъморий ечимий миллий меъморлик аъналарини асосида гумбазсимон кўринишда ҳал этилиб, вес-

«Беруний» метро бекати.

тибюллар ёрдамида ер ости йўлаклари б-н туташтирилган. Гумбаз шифти безакли мармар б-н қопланган ва платформанинг йўл ёни деворларига келиб таянган. Шифтдаги жимжимадор ишланган биллур қандиллар вестибюль ва зина деворларига ўрнатилган электр ёриткичлар б-н бир услубда ишланиб, ўзаро уйғунлаштирилган (рас. Ш.Жалилова). Бекат ички безагида мармар, гранит, металл, шиша, сопол ва б. материаллардан фойдаланилган. **БЕРУНИЙ КЎЧАСИ** – Шайхонтохур туманида, «Чорсу» майдони б-н Форобий кўч. оралиғида. Уз. 3 км атрофида. Ҳоз. «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси худудида дастлаб (ўтган асрнинг 60-й.лари) Халқ хўжалиги ютуқлари кўрғазмаси (виставкаси) қурилиши бошланган, шу муносабат б-н боғ-роғлар ўрнига ушбу кўча очилган ва Виставка кўч. деб номланган. Кейинчалик виставка қурилиши тўхтатилиб, ўрнига Тошкент ун-ти корпуслари қурилган. Абу Райҳон Беруний туғилган кунига 1000 йил тўлиши муносабати б-н 1973 й.да кўчага Беруний номи қўйилган. Б.к.да 1970–80 й.ларда катта қурилиш ишлари олиб борилиб, Боғкўча даҳаси (27-квартал), Гулобод даҳаси (26-квартал), «Орзу» чарм-галантерея ва



спорт буюмлари и.ч. бирлашмаси ва унинг қаршисида 9 қаватли турар жой бинолари, Беруний майдони бунёд этилди. Мустақиллик йилларида Б.к.да бунёдкорлик ишлари давом эттирилиб, «Жар» спорт мажмуаси, Эскижўва деҳқон бозори, Республика кўргазма савдо маркази қурилди. Кўча йўналишида юқорида саналганлардан ташқари, турар жой бинолари, «Ўзгазлойиха» АЖ, «Фунча» кинотеатри, «Ўзгазойл» автомобилга ёнилғи қуйиш шохобчаси, Шайхонтоҳур тумани халқ суди, «Машҳура» фирмаси, мактаб, китоб дўкони, «Хумо-сарбон», «Версаль», «Регистон», «Тинчлик», «Хувайдо», «Беруний» ва «Алпомиш» ресторан-тўйхоналари, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кўч.да «Тинчлик», «Беруний» метро бекатлари жойлашган.

БЕРУНИЙ МАЙДОНИ – дастлаб (1948–1972 й.ларда) Т.нинг эски шаҳар қисмидаги майд. (ҳоз. *Бешёғоч майдони*) шундай номланган. 1972–73 й.ларда Т.нинг шим.-ғарби реконструкция қилиниши ва Беруний туғилган кунга 1000 йил тўлиши муносабати б-н Беруний кўч. ва Генерал Узоқов кўч. (ҳоз. Кичик ҳалқа йўли) кесишган жойда бунёд этилган. Б.м. атрофида 9 қаватли бинолар, қаршисида «Орзу» чарм-галантерея ва спорт товарлари и.ч. бирлашмаси жойлашган. 1974 й. Б.м.да Берунийга ҳайкал ўрнатилди (ҳайк. М. Мусабоев, меъмори П. Зоҳидов). Тошкент техника университети учун янги бинолар қурилгандан кейин бу ҳайкал ун-тинг асосий биноси олдига кўчирилган. Майд.нинг шим.-ғарбий ҳудудида «*Беруний майдони*» маҳалласи



Беруний кўчаси.

жойлашган. Яқинида «Хувайдо», «Фазо», «Само» ресторан-тўйхоналари, «Беруний» метро бекати бор.

«БЕРУНИЙ МАЙДОНИ» МАҲАЛЛАСИ (Беруний майдони, 2) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Университет», «Аллон», Алишер Навоий, Шайхонтоҳур туманининг «Бўстон» маҳалласи б-н чегарадош. 1994 й. шу номда ташкил этилган. Аҳолиси 4200 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида «Хувайдо» ресторани, болалар боғчаси, Карвонбанк, ўрта мактаб, Ипотека банк, 2 та («Семурғ», «Фазо») тўйхона ва б. мавжуд. **БЕРУНИЙ МАҲАЛЛАСИ** (Беруний кўч. 8) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Гулистон», Ш.Қозоқбоев, «Шарқ ҳақиқати» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил этилган бўлиб буюк мутафаккир *Беруний* номи берилган. Аҳолиси 2211 киши бўлиб, ўзбек, рус, татар, немис миллатига мансуб кишилар яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўкони, фишт з-ди мавжуд.

БЕРУНИЙ МАҲАЛЛАСИ (Қамарнисо 1-тор кўча, 2) – Собир

Раҳимов туманидаги маҳалла. Мирзо Фолиб, «Хислат», «Чигатой Оқтепа», «Олимпия» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й.даги Тошкент зилзиласидан сўнг бунёд этилган. Аҳолиси 2350 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, Мирзо Фолиб жоме масжиди, Марказий архив ва б. мавжуд.

«БЕШ БОШ» – 20-а. бошларида Туркистон пахта тозалаш ва

Беруний маҳалласидаги Мирзо Фолиб масжиди.



пахта мойи и.ч. саноатида ҳукмронлик қилган акциядорлик жамияти. 1914 й. ташкил қилинган. Пахтани сотиб олиш, пахта тозалаш ва пахта мойи з-длари қуриш б-н шуғулланган. «Б. б.»да 5 пахта фирмаси – «Вл. Алексеев», «Бр. Шлоссберг», «Московское торгово-промышленное товарищество», «Форс», «Большая Ярославская мануфактура» бирлашган (номи шундан). Унга 39 пахта тозалаш з-ди, 5 пахта мойи з-ди қараган; булар Туркистоннинг турли жойларида, шунингдек, Бухоро ва Хива хонлигида жойлашган. «Б.б.» Россиядаги «Саломас» синдикатининг аъзоси, Рус-Осиё банки б-н мустаҳкам алоқада бўлган. Окт. тўнтаришидан кейин (1918 й. март ойида) «Б. б.»нинг барча корхона ва мол-мулклари национализация қилинган.

«БЕШБОЛА» МАҲАЛЛАСИ (Маҳзуна кўч., 82^а-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Жарқўргон», Мухтор Ашрафий маҳаллалари б-н чегарадош. Ривоятларга кўра, 19-а. охирларида эскишаҳарлик бир бой бефарзанд бўлиб, 5 болани асраб олган. Бу болалар вояга етгач, ҳоз. маҳалла ҳудудида ўтмишда бўлган қамишзор ва тўқайзорларни ўзлаштириб, экинзорга айлантиришган. Бу ерларда дала ҳовли қилиб шоли экишган, кеч кузда ҳосилни йиғиштириб Эски шаҳарга қайтишган. Маҳалла номи шундан. 1930 й.ларда бу ҳудуд Фрунзе номи к-з, Қорасув тумани деб юритилган. «Бешбола» қишлоқ совети тузилгач, ушбу ерлар ўзлаштирилиб, одамлар кўчиб келган. 1946–92 й.ларда Маҳзуна (ўзбек шоираси), 1992 й.дан яна «Беш бола» маҳалласи деб аталади. Аҳолиси 2500 киши, аксарияти (80%) туб аҳоли (2009).

БЕШЁҒОЧ, Бешоғоч – ўтмишда Тошкентдаги тўрт даҳадан бири. Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида (19-а.) Зангиота даҳаси номи б-н қайд этилган. Баъзи олимлар (Ҳ.Ҳасанов) фикрича, қад. туркий узунлик, масофа ўлчови – оғочдан олинган. (1 оғоч – 7 – 8 км). Шу асарда даҳа номи бешёғоч қавми, тоифаси номидан олингани айtilган.

Б. Тошкентнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. *Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳур* даҳалари б-н туташ бўлган. Б.нинг чегараси шим.-ғарбдан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳоз. Маннон Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўчалари оралиғидан), шарқ тарафдан Бешёғоч – Ҳадра йўналиши бўйлаб (ҳоз. Фурқат кўчасидан) ўтган. Даҳанинг жан. томонида боғ-роғлар жойлашган. Б.ҳудудидан Чуқуркўприк ва Заҳарик жарлик-сойлари ўтган. Б.даги меъморий ёдгорликлардан *Абулқосим мадрасаси* машҳур. Даҳада шаҳарнинг уч дарвозаси (Самарқанд, Камолон, Бешёғоч), 75 масжид, 3 мадраса (Абулқосим, Хожа Аҳрор, Кўкалдош), кўплаб хумдонлар бўлган. Рус шарқшуноси Н.Маевнинг маълумотига кўра, 1876 й. Б.да 1400 хонадон (12450 киши) яшаган.

Б. ўзининг боғлари, мискарлик буюмлари б-н шуҳрат қозонган. Б.нинг Самарқанд дарвозасидан бир фарсах (6–7 км) нарида Зангиота (Чўпонота) жойлашган. 19-а. ўрталарида бу ерда Б.ликлар ҳар йили қовун сайли ўтказишган. Бўзсув даҳани 2 қисмга ажратган, сўл қирғоғининг айрим қисмигина Кўкча даҳасига тегишли бўлиб, унда кўнчилик з-длари ва боғлар жойлашган.

Б. даҳаси Анҳордан сув оладиган бир қанча ариқлардан сув ичган: **Жартегирмон** – даҳа-

нинг Чорсу, Кўйбозор, Мирлар, Сузукота маҳаллаларидан оқиб ўтиб, Сузукотада янги ном – Кичик Бўзсув номи б-н аталиб, шим.га Самарқанд дарвоза томон оқиб, девор тагида чуқур жарлик ҳосил қилган, кейинчалик Тошкентнинг энг хушманзара жойларидан оқиб ўтиб, Бўзсувга қуйилган; **Катта Танишар** – Чуқуркўприк, Дархон ва Чақар маҳаллаларини суғориб, Бўзсувга қуйилган. Бу 2 ариқ орасида Анҳордан чиқади-ган **Кичик Танишар** ариқ **Ўқчи, Эскиўрда, Қоратош, Кўкмасжид, Сарфароз, Жирлик масжид**-дан оқиб ўтиб, Сузукота маҳалласида изи йўқолган; **Арпапоя** – Арпапоя ва Терс маҳаллаларидан ўтиб, Катта Танишарга қуйилган; **Қубура** ариқ шаҳар дарвозасидан ташқарида Анҳордан бошланиб, Камолон дарвозаси ёнидан шаҳар ичига кирган ва Янги, Камолон, Чақар ва Эшонгузар маҳаллаларини суғорган, сўнгра Катта Танишарга қуйилган; **Аламдор** – шу номдаги авлиё қабри ёнидан бошланиб, шаҳарга Камолон ва Самарқанд дарвозалари ўртасидан кирган. Эшонгузар ва Самарқанд маҳаллаларини суғориб, Катта Танишарга қуйилган. Бу ариқлар даҳадаги кўчалардан ўтган кичик ариқчаларнинг асоси ҳисобланган. Б. даҳасининг боғ ва экинзорлари **Бўржар** (Анҳорнинг жан. тармоғи) ва Заҳариклардан сув ичган, улар Бўзсувга қуйилган.

Б. даҳасида 3 та карвонсарой ҳамда Кичик Танишар ариғи бўйида жойлашган 13 та тегирмон бўлган. Даҳа аҳолисининг асосий машғулоти деҳқончилик, боғдорчилик, гишт қуйиш, хунармандчилик (этикдўзлик, бўёқчилик, темирчилик, чилангарлик) ва баққолликдан иборат бўлган. Даҳада 8 та бозор бўлиб, улар **Баландмасжид, Зевак, Терсарик, Сарфароз, Янги, Эшонгузар** маҳаллаларида, шу-

нингдек, 2 таси Чорсуда жойлашган. Чорсуда 2 бозор: қўй бозор ва туя бозор бўлиб, Эшонхон мадрасасининг вақф ерларини ташкил этган. Б.даги мадрасаларнинг ҳар бирида 60 тадан 100 тагача муллавакча ўқиган. Бундан ташқари даҳада 16 та уй мактаби, шунингдек, ҳар бир масжид қошида биттадан мактаб мавжуд бўлган. Ҳар 15 хонадонга 1 та мактаб тўғри келган.

Чор Россияси қўшинлари шаҳар деворини Камолон дарвозаси олдидан ёриб кириб (1865 й.), Камолон тепалиги ва Камолон кўчаси бўйлаб шаҳарга ҳужум қилганлар.

Мустақиллик даврида Б. тубдан реконструкция қилиниб, ободонлаштирилган.

20-а. бошларида Б.да 75 та маҳалла бўлган:

Андижон
Арпаоя 1
Арпаоя 2
Бадрбой
Баландкўприк
Баландмасжид
Бойкўча
Болтабой
Бўйрабозор
Ганчхона
Гулбозор (Чорсу бозори маҳалласи)
Гуручбозор (Чорсу бозори маҳалласи)
Дархон
Ёпуғли (Ёпуғлимосор) (бир қисми Шайхонтоҳур даҳасида)
Зангиота
Зевак
Зироатфуруш (Чорсу бозори маҳалласи)
Жирлимасжид
Жомемасжид (Матжоме, Масжоме) (Чорсу бозори маҳалласи)
Калавабозор (Чорсу бозори маҳалласи)
Камолон - 1 (Катта Камолон)

Камолон - 2 (Кичик Камолон)
Каппон (Каппон бозор) (Чорсу бозори маҳалласи)
Катта маҳалла (Тепа, Янгикалон)
Кўкмасжид
Лайлак (Лайлакхона)
Маҳкама (Чорсу бозори маҳалласи) (бир қисми Кўкча, Себзор даҳаларида)
Маъдалихон
Мирзағози
Мирлар
Мурод
Отабойхожи
Поякилик (Чорсу бозори маҳалласи) (бир қисми Себзор даҳасида)
Самарқанд дарвоза
Сарфароз
Сорчабон
Сирлимасжид
Сузукота
Темирчи (Темирчилик) (Чорсу бозори маҳалласи)
Тешавой
Тиканлимосор
Хонақоҳ (Хонақоҳи бузург) (бир қисми Кўкча даҳасида)
Хўжамаҳалла
Чархкамолон 1
Чархкамолон 2
Чақар (Бешёғоч кўчасида)
Чақар (Самарқанд дарвоза ғарбида)
Чорсу (Чорсу бозори маҳалласи)
Чуқуркўприк
Чуқуркўча
Эскинамозгоҳ
Эски Ўрда (Кўхна Ўрда)
Эшонгузар 1
Эшонгузар 2
Эшонгузар 3
Эшонгузар 4
Яланғор 1
Яланғор 2
Янгимаҳалла
Янгихонақоҳ
Янгиқаландархона
Ўзбекмаҳалла

Ўроқчилик (Чорсу бозори маҳалласи)
Ўқчи
Ўқчидарвоза
Қабсота
Қаландархона
Қозинизомитдин
Қоратош
Қубурарик
Кўргонтаги
Кўшмосор
Кўғирмоч
Ўзабозор (Пахтабозор) (Чорсу бозори маҳалласи)
Фишкўприк
БЕШЁҒОЧ ДАҲАСИ – Шайхонтоҳур туманида, Асадулла Хўжаев кўч. б-н Бунёдкор шоҳкўчаси кесишган жойдан бошланиб, Дархон, Ўзгариш ва Машҳур кўчалари атрофидаги турар жой массивларини қамраб олади. Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳаси асосида 1980–85 й.ларда бунёд этилиб, Т.нинг қадимий Бешёғоч даҳаси номи б-н аталган. Б.д.да 7 та 9 қаватли, 5 та 5 қаватли, 12 та 4 қаватли турар жой бинолари, яқка тартибдаги уй-жойлар, 3 та мактаб, 2 та болалар боғчаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.
БЕШЁҒОЧ ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Туроб Тўла кўч., 71) – 1935 й. ташкил этилган. 1964–65 ва 1996 й. реконструкция қилинган (лойиҳачи – «Ташгипрогор» лойиҳалаш ин-ти). Ўзбекистон миллий боғи, «Бешёғоч савдо» мажмуаси, Муқимий номидаги театр яқинида. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимига киради. 1996 й.дан ОАЖ. 2003 й. 23 нояб.дан МЧЖга айлантирилган. 1631 савдо ўринли, умумий майд. 13052 м². Асосан ҳўл мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, гўшт, сут маҳсулотлари, пиширик ва мил-



Бешёғоч деҳқон бозорининг «Чилонзор» шохобчаси.

лий қандолатлар, оби нон, зирavor ва дориворлар, кўкатлар, гуллар ва б. билан савдо қилинади. Бозорнинг 9 та шохобчаси бор: «Қозиробод» (Чилонзор кўч.) – 256 савдо ўринли; «Ҳамза» (Муқимий кўч. ва Бунёдкор шоҳкўчаси чорраҳаси, метронинг «Ҳамза» бекати) – 48 савдо ўринли; «Ал-Хоразмий» (Гулистон даҳаси, Заргарлик кўч.) – 68 савдо ўринли; «Чилонзор» (Чилонзор даҳаси, Фарҳод кўч.) – 753 савдо ўринли; «Шухрат» (Фарҳод ва Қатортол кўч.лари чорраҳаси) – 15 савдо ўринли; «Қатортол» (Қатортол ва Чўпонота кўч.лари чорраҳаси) – 62 савдо ўринли; «Мевазор» (Чилонзор–19 мавзе, Мевазор кўч.) – 68 савдо ўринли; «Гагарин» (Чилонзор кўч.) – 20 савдо ўринли, «Гул бозори» (Бунёдкор шоҳкўчаси) – 50 савдо ўринли. 2004 й.да «Чилонзор» шохобчаси ҳудудида сут ва сут маҳсулотлари савдо павильони, гўшт ва гўшт маҳсулотлари дўконлари, 2005 й.да 28 та турғун савдо дўконлари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

БЕШЁҒОЧ МАЙДОНИ – Чилонзор туманида. Арпапоя, Бобур, Олмазор, Туроб Тўла ва Фурқат

кўчалари шу майд.да туташади. 1948–72 й.ларда Беруний майд. 1991 й.гача Комсомол майд. деб аталган. 19-а. охирида Т.нинг Эски шаҳар қисмининг Бешёғоч даҳаси чеккасида вужудга келган. Бу жойдан шаҳарнинг мудоффа девори ўтган ва Бешёғоч дарвозаси бўлган. 19-а. 70-й.ларида девор бузиб ташланган ва очилиб қолган жой Б.м. деб атала бошланган. 1920-й.ларгача майд. яқинида гишт хумдонлари бўлган. 1912 й.да Т. кушхонаси биноси қурилган (меъмори В.С.Гейнцельман). 1903 й. майдондан кўнка йўли ўтказилган. 1913 й.дан трамвай йўли шаҳарнинг шу қисмини т.й. вокзали б-н боғлаган.

Б.м.да қурилиш ишлари 20-а.нинг 20-й.ларидан бошланган. Бу даврда Респ. ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти (ҳозирги Респ. таълим м-зи) биноси қурилган. 1938 й.да гишт э-дининг лой тайёрланадиган карьеры ўрнида ҳоз. *Ўзбекистон миллий боғи* ва унинг сунъий кўли барпо қилинган. 1943 й.да Олмазор ва Арпапоя кўчалари кесишган жойда Муқимий номидаги театр биноси қурилган.

1991 й.да «Наврўз» ресторан мажмуаси қурилиши ва 2005 й.да Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи қайта рекон-

струкция қилиниши муносабати билан Б.м. янада ободонлашди. Бешёғоч майдонида автобуслар бошбекати, яқинида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, Абулқосим мадрасаси, «Миллий боғ» метро бекати, академик лицей, Бешёғоч бозори бор.

«БЕШЁҒОЧ» МАҲАЛЛАСИ (Олмазор берк кўч., 1) – Чилонзор туманидаги маҳалла. Фафур Фулом ва «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. 2007 й. 2 авг. гача «Гулобод» номи б-н юритилган. Маҳалла ҳудудида шаҳарнинг Бешёғоч дарвозаси бўлган. Аҳолиси 1450 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009).

Маҳалла ҳудудида 23 та турли ташкилотлар, жумладан «Бешёғоч пиво» очиқ акциядорлик жамияти, Бешёғоч бозори, Республика таълим м-зи, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва б. мавжуд.

«БЕШКАПА» МАҲАЛЛАСИ (Калтатой кўч., 10^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Аҳмад Югнакий, «Уйғониш», «Шалола» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. ташкил топган. Аҳолиси 3025 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Тошкент трактор э-ди, болалар суяк сили санаторийси жойлашган.

БЕШОҒАЙНИ – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. Коҳота, Ҳовузли, Қоратут, Қошиқчилик маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 150 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, чакана савдо ва ҳунармандчилик, шаҳар таш-

қарисидаги ерларида деҳқончилик б-н шуғулланган, 2 масжид, қабристон, чойхона, баққоллик дўконлари, сартарошхона, жувозхона, тегирмон, тўқув устахонаси бўлган (20-а. боши).

Ҳоз. ҳудудида 4–9

қаватли турар жой бинолари қурилган.

БЕШҚАЙРАҒОЧ ДАҲАСИ – Учтепа туманида, Маннон Уйғур кўч. б-н Катта ҳалқа йўли кесишган жойдан бошланиб, Шараф кўч.гача бўлган жойларни қамраб олади. Бу ҳудуд илгари Тошкент вилоятининг «Назарбек» жамоа хўжалигига қарашли экин майдонлари бўлиб, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилган. Т. зилзиласи (1966 й.) дан кейин аҳолига яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун тақсимлаб берилган (қ. «Бешқайрағоч» маҳалласи).

Б.д.да яқка тартибдаги уй-жойлардан ташқари, маҳалла гузарлари, мактаб, болалар боғчаси, оилавий поликлиника, дориҳона, нон з-ди, новвойхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор, шунингдек, трамвай бошбекати ва нон расталари жойлашган.

БЕШҚАЙРАҒОЧ КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудида. Уз. 4 км атрофида. 1966 й. ташкил топган. Кичик ҳалқа йўли ва Тўқимачи кўчаси оралиғида жойлашган. Дастлаб «Қизил тонг» деб номланган. 1972 й. 15 дек.да драматург ва журналист, қата-



Бешёғоч майдони.

гон қурбони Зиё Саид (1901–1938) номи берилган. 2009 й. 21 апр.дан ҳоз. номда. Йўналишидаги ҳудудлар «Боғичинор», «Дегрез», «Ўткир», «Жарбулоқ», «Зулфизар», «Ибрат», «Нишабарик», «Шарқ гули», Хондамир, Хуршид маҳаллаларига қарашли. Кўчада «Она ва бола» м-зи, оилавий поликлиника, мактаблар, боғчалар, шахсий турар жой бинолари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, АТС, алоқа бўлими, савдо мажмуалари, умумий овқатланиш масканлари, автобус ва трамвай бекатлари жойлашган. Яқинида Т. автомобиль ҳалқа йўли, тўқимачилик қўшма корхонаси бор.

«БЕШҚАЙРАҒОЧ» МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур кўч., 555) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Давлатобод», Абдулла Қодирий, «Тақачи», «Шарқ юлдузи», «Ибрат», «Оқмачит», Хайратий маҳаллалари б-н

Бешқайрағоч даҳасидаги савдо шохобчаси.

чегарадош. Тарихий маълумотларга кўра, маҳалла ҳудуди 1910–12-й.ларда «Туятортар карвон йўли» номи б-н аталган. «Темурнома» асари муаллифи Салоҳиддин Тошкандий шу маҳаллада яшаб, ижод қилган. Маҳалла гузарида

бешта қайрағоч дарахти экилган бўлиб, Салоҳиддин Тошкандий таклифи б-н маҳалла «Бешқайрағоч» номи б-н аталган. 1930–66-й.ларда бу ҳудуд «Октябрь» к-зи номи б-н юритилган. 1966 й. к-з тарқатилгач, маҳалла «Бешқайрағоч» номини сақлаб қолган. Аҳолиси 5587 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида 4 та мактаб, болалар боғчаси, 10-туғуруқхона, «Она ва бола» шифохонаси, 6-оилавий поликлиника, «Фармед» дори и.ч. корхонаси, нон з-ди, заргарлик з-дининг филиали жойлашган.

БЕШҚЎРҒОН КЎЧАСИ – Чилонзор туманида, Бунёдкор шоҳкўчаси б-н Чорбоғ (илгариги К. Шарипов) кўч. оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. Кўчанинг тарихий номини тиклаш мақсадида 2008





Бешқайрағоч кўчаси.

й. 6 майда М. Турсунхўжаев номи ўрнига қўйилган. Б.к.нинг 7 та тор кўчаси ва 9 та берк кўчаси бор. Кўча йўналишида якка тартибдаги уй-жойлар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари жойлашган. Кўча яқинидан Катта ҳалқа йўли ўтган. **«БЕШҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ** (Бешқўрғон кўч., 3) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Тирсақобод» маҳалласи б-н чегарадош. Маҳалла номи маҳалла ҳудудида ўтмишда Бешқўрғон мавзеси бўлганлиги сабабли шундай аталган. 1998–2008 й.ларда Усмон Юсупов номи б-н аталган, 2008 й. 28 апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 24 кўча, 75 давлат ташкилоти, ўрта мактаб, 16-оилавий поликлиника, 2 масжид («Бўта бува», «Чоштепа») бор. **«БЕШҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ** (Ю. Тўлаганов кўч., 11^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Ниҳол», «Шухрат», Аҳмад Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош. Айтишларича, 1870-й.ларда бу ерга Т.дан 5 нафар ака-ука чиқиб, доимий яшаш учун 5 қўрғонча қуришган, номи

шундан. 1950-й.ларнинг бошларида бу ҳудудда аҳоли учун ер участкалари ажратила бошланган. Бу ерлар дастлаб Тошкент вилоятининг «Тошқишлоқ» (Ташсельский), кейинчалик Калинин ва Тошкент туманлари таркибига кирган. 1980 й. шаҳар ҳудудида ўтказилган. Шундан бошлаб «Бешқўрғон» номи б-н аталиб келади. Аҳолиси 4200 киши, асосан, ўзбеклар.

«БЕШҚЎРҒОН» («ҚОРАХЎЖА-ОТА») ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани Тансиқбоев даҳаси, Маданият кўч., 4) – майд. 2,5 гектар. 11-а.дан мавжуд деб тахмин қилинади. Қабристонда «Қорахўжаота» мақбараси (11-а.) бор.

БЕҲЗОД Камолиддин (1455–1536) – буюк миниатюрочи мусаввир, Шарқ уйғониш даврининг етук санъаткори. Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси; музаҳҳиб (зарҳалловчи)лар етакчиси, устози. «Иккинчи Моний» деган фахрий унвонга сазовор бўлган. Ҳиротда туғилган. Ёш мусаввир истеъдодининг шаклланишида Алишер Навоийнинг мураббийлик фаолияти ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган. Навоийнинг шахсий кутубхонасида ўша даврнинг етук санъат-

корлари Мирак Наққош, Ҳожи Муҳаммад каби мусаввирлар, Ҳофиз Муҳаммад, Зайниддин Маҳмуд, Султон Муҳаммад Нур каби хаттотлар ижод б-н банд бўлганлар. Б. шу кутубхонада, айниқса, хаттот Султонали Машҳадий ва Ёрий Музаҳҳиб б-н яқин ижодий ҳамкорликда бўлган. Б. ижодининг мавзу доираси, қаҳрамонлари шу ерда – Навоий ва б. санъаткорлар ижоди таъсирида камол топган.

Б. мусаввир сифатида танилгач, 1487 й. Султон Ҳусайн фармони б-н салтанат кутубхонасига раҳбар этиб тайинланган. Кейинчалик бу жой ўз даврининг бадиий академиясига айланади. Уни мутахассислар «Нигорхонайи Беҳзод» ёки «Беҳзод академияси» деб атаганлар. Мусаввир Ҳиротда Навоий ва Султон Ҳусайн ҳаётлик даврида қизгин ижод б-н банд бўлди, кўплаб қўлёмаларни нафис расмлар б-н зийнатлашда шахсан иштирок этди, Навоий, Жомий, Султон Ҳусайн ва б. замондошларининг портретларини яратди, бир гуруҳ ёшларга рассомлик сирларини ўргатди.

1507–10 й.ларда Б. Ҳиротни эгаллаган Муҳаммад Шайбонийхон хизматида бўлди. Бу даврдан бизгача Б. яратган Шайбонийхон портрети етиб келган. 1510 й. Ҳирот ш. сафавийлар қўлига ўтади. 1520 й.да Шоҳ Исмоил ёш шахзода Таҳмосибга расм чизишни ўргатиш учун Б.ни ўз салтанати пойтахти Табриз ш.га таклиф этади, 1522 й. эса махсус фармон б-н рассомни ўз кутубхонасидаги китобат аҳли (котиб, наққош, музаҳҳиб, жадвалкаш, ҳалкор, зуркўб, ложувардшўй ва б.)га мутасадди этиб тайинлайди. 1524 й. Шоҳ Исмоил вафотидан кейин Шоҳ Таҳмосиб дав-

рида ҳам Б. катта обрў ва эътиборга эга бўлган. Табризда Б. Султон Муҳаммад, Ога Мирак ва Мир Мансур каби мусаввирлар б-н ҳамкорликда ижод қилди. Қози Аҳмаднинг маълумотига кўра, Б. ҳаётининг охирида она шаҳри Ҳиротга қайтган ва шу ерда вафот этган.

Ўрта Шарқда 17-а.гача расомчиликда асосий тараққиёт йўналишини белгилаб берган Б. ижоди унинг замондошлари томонидан юқори баҳоланган. Б. ўзидан олдинги расомлар анъаналарини давом эттирди ва бойитди. Асарларининг тарҳи мураккаб, эркин ҳаракатларга бой, ёрқин, жозибадор ранглардан тузилган бўлиб, улар ўзаро уйғун. Табиат жонли, ҳаёт манзаралари аниқ ва ҳаққоний, ишонарли ва таъсирчан тасвирланган. Чизиқлар ниҳоятда нозик, ранглар нафис ишланган. Портретларида инсон маънавий қиёфаси, руҳи, ҳис-туйғулари, хулқ-атворини акс эттиришга аҳамият берган.

Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёмаси (1478, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) расмлари; Аторнинг «Мантиқут-тайр» асари қўлёмасига (1483, Нью-Йоркдаги Метрополитен музейида) 1487 й. чизилган расмлар; Навоийнинг «Хамса» қўлёмасига (1485, Оксфорддаги Бодли кутубхонаси ва Манчестердаги Жон Рейландс кутубхонасида) ишланган 13 расмининг «Пайғамбар ўз саҳобалари билан», «Хожа Абдуллоҳ Ансорий дарвишлар билан суҳбатда», «Моний Баҳромга Дилоромнинг расмини кўрсатмоқда» ва б. миниатюралар Б.га нисбат берилди. Саъдийнинг «Бўстон» асарининг Миср нусхасидаги (1488, Қоҳирадаги Миллий кутубхонада) расмлари (қўлёзмани хаттот

Султон Али Машҳадий кўчирган, нақшларни Ёрий Музаҳҳиб яратган) 12 расмдан 6 тасида Б. имзо си бор. «Султон Ҳусайн саройида зиёфат» (қўш расм), «Доро ва отбоқарлар», «Масжиддаги баҳс», «Олимлар суҳбати», «Зулайхонинг Юсуфга илтижоси» номли расмлар Б. томонидан яратилган; Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асари қўлёзмасининг (1467, АҚШ, Балтимордаги Жон Хопкинс ун-тида) хаттот Шерали кўчирган нусхасидаги 12 миниатюранинг 8 таси (15-а. 90-й.лари) Б. асаридир. Расмларда расмий қабул, жанг лавҳалари, қалъа қамали б-н бир қаторда Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди қурилишини тасвирловчи қўшалок расм ҳам мавжуд; Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг хаттот Султон Муҳаммад Нур кўчирган нусхасига (1528, Ҳирот, Техрондаги Салтана кутубхонасида) Б. расмлар чизган; Низомийнинг «Хамса» асари нусхасига (1442, Лондондаги Британия музейида) 1493–1535 й.лар давомида ишланган 19 ми-



Султон Ҳусайн Мирзо ҳузурда зиёфат (Саъдийнинг «Бўстон» асарида Бехзод ишлаган миниатюра).

ниатюрадани 3 таси Б. ижоди маҳсули: «Лайли ва Мажнун қабилалари жанги», «Суворийлар жанги» ва «Баҳром Гўрнинг аждар билан олишуви». Буларда «Саварраҳу ал-абд Бехзод» деган ёзув бор. Низомийнинг «Хамса» асари нусхасидаги (1494, Лондондаги Британия музейида) 22 расмдан 7 тасида Б. номи қайд этилган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достони қўлёмасига (1495, Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида) Б. «Лайли ва Мажнун мактабда», «Дўстлари ва отаси Мажнунга насиҳат қил-



Камолиддин Беҳзод номидаги мемориал боғ.

моқдалар» номли расмларни чизган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Лайли ва Мажнун» достонининг Султон Муҳаммад Ҳиравий кўчирган қўлёзмаси (Санкт-Петербург)да Б.га нисбат берилган «Мадрасадаги баҳс», «Лайли ва Мажнун мактабда», «Лайли ва Мажнун саҳрода», «Мажнун Лайлининг ити билан» ва «Мажнуннинг элчиси Лайли ҳузурда» номли миниатюралар бор; Саъдийнинг «Гулистон» асари қўлёзмасининг (1486, Гарварддаги Фогг санъат музейида, собиқ Ротшильд мажмуасидан) хаттот Султонали Машҳадий кўчирган нусхасига Б. 2 расм ишлаган; Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Хамса» асари қўлёзмасидаги (1495, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) 13 расмининг 4 тасида Б. асарларига хос хусусиятлар мавжуд. Булардан ташқари, Б. асарлари жаҳон кутубхоналари, қўлёзма фондлари, музейлари ва шахсий мажмуаларда ҳам сақланади: «Султон Ҳусайн боғда» кўшалок расми (1485–90, Техрондаги Гулистон музейи, мураққада); «Чол ва

йигит» расми (Нью-Йоркдаги Кеворкян мажмуасида); «Туялар олишуви» расми (Техрондаги Гулистон музейида); Султон Ҳусайн портрети (Швециядаги Ф. Мартин мажмуасида); Муҳаммад Шайбонийхон портрети (Тимкен Бурнет мажмуасида); Абдурахмон Жомий портрети (Эрондаги Ризо кутубхонасида); «Султон Ҳусайн ва Алишер Навоий» кўшалок расми (Санкт-Петербургда). Устоз санъаткор сифатида Б. Ҳирот ва Табризда бир қанча шогирдларни тарбиялаб етказди. Унинг шогирдлари Б. аънаналарини бутун Ўрта Шарққа ёйдилар. Б. аънаналари кейинги давр рассомлари ижодига ижобий таъсир кўрсатди.

Б. ижоди ва мероси санъатшунослар, рассомлар томонидан кенг ўрганилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори (1997 й. 23 дек.)га биноан, Тошкент, Самарқанд ш.ларида ва хорижий мамлакатларда ЮНЕСКО ҳомийлигида Б. таваллудининг 545 й.лиги кенг нишон-

ланди (2000 й. нояб.). 2000 й. 23 нояб.да Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейида Б.га бағишлаб халқаро илмий конференция ўтказилди. «Камолиддин Беҳзод» ҳужжатли фильми яратилди (2 қисмли, 2000). Тошкент ш.да Беҳзод номидаги мемориал боғ барпо этилди. Тошкентдаги *Миллий рассомлик ва дизайн институтига* Камолиддин Беҳзод номи берилди.

«БЕҲИЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Маърифат кўч., 2) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Янгиқўрғон», Худойбердиев, Миршаропов маҳаллалари б-н чегарадош. 1968 й. ташкил топган. Дастан, давлат арбоби Акмал Икромов (1898–1938) номига қўйилган, 2009 й. апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2160 киши, асосан, ўзбеклардан иборат (2009). Маҳаллада болалар спорт иншооти мавжуд. Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон шу маҳаллада яшайди.

«БИЛИМДОН» МАҲАЛЛАСИ (Билимдон кўч., 40) – Миробод туманидаги маҳалла. Файзиобод, «Мустақиллик», «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1890-й.ларда маҳалла ўрнида қамишзор бўлган. Т.нинг «Гулистон» маҳалласидан чиққан Сатторбойвачча бу ерларни ўзлаштириб, шоли ва полиз экинлари экиб келган. 1900-й.ларда у қариндош-уруғлари б-н уй-жойлар қуриб яшай бошлаган, бу ерлар уларнинг дала ҳовлисига айланган. 1932–36 й.ларда очарчиликдан қийналган Фарғона водийсидан бир неча оила кўчиб келиб, ҳоз. Фарғона йўли бўйлаб оқаётган Толариқ бўйида жойлашган. 1966 й. Тошкент зилзиласидан сўнг бу жойларга кўплаб оилалар кўчиб келган. 1986 й. маҳалла номи «Билимдон» деб аталган. Аҳолиси 3000

га яқин. Асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 3 кўча, «Афсона» кафеси, озик-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

БИНКАТ – Чоч (Шош)нинг ўрта асрлардаги (9–12-а.лар) пойтахти. Т.нинг эски шаҳар қисмидаги бинолар тагида қолиб кетган шаҳар харобаси деб ҳисобланади (В.В.Бартольд, М.Е.Массон). 10-а. араб манбаларига кўра, Б.нинг уз. ва кенглиги бир фарсах (6–7 км.га яқин) бўлган ва кўрғон (кўхандиз ёки арк), ички шаҳар (шаҳристон ёки мадина) ва икки рабод: ички (рабоди дохил) ва ташқи (рабоди хориж)дан ташкил топган.

Арк алоҳида девор б-н ўралиб, 2 дарвозаси бўлган, биридан рабодга, иккинчисидан шаҳристонга чиқилган. Арк ичида ҳоким саройи ва қамоқхона жойлашган. Арк деворига ташқаридан жоме масжиди туташган.


Бинкат дарвозалари

Ҳамдайн работи, Оҳанин (Темир); Амир дарвозаси; Фархон, Суркада, Кармонж (ёхуд Кармабаз); Куйи Саҳл (Дашт кўчаси); Рошдижок; Кўйи Хоқон, Қасри Деҳқон. Ташқи рабодда, араб географларининг маълумотларига кўра, 7 та дарвоза бўлган: Фаргад (Шарқий), Хошқас (Сирдарёдаги Хос кечуви), Сандижак (ёки Сакандижок), Оҳанин, Бокардижок, Сакрак, Сағробод (ёхуд Дарби Фарйад).

Мудофаа девори б-н ўралган шаҳристонга учта – Абул Аббос, Жунайд ёки Гунбаз (ғарбий ва шарқий) ва Кеш ёхуд Касир (жан.) дарвозалари орқали кириш мумкин бўлган. Шаҳристон ичида шаҳар хунармандлари, жумладан, темирчи-

лар (оҳангарлар), мискарлар, чироқ пилиги сотувчилар ва б.нинг устахона-дўконлари жойлашган, яъни бу ер бозор бўлган. Аммо бозорларнинг аксарияти ички рабодда жойлашган. У ҳам алоҳида девор б-н ўралган, унда айрим маълумотларга кўра 8 та, бошқасига кўра 10 та дарвоза бўлган; айрим дарвоза номлари орқали биз рабодлар ва шаҳар атрофидаги ҳудудларнинг топографияси ва топонимикаси хусусиятлари ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Манбаларнинг қайд этишича, шаҳар кўкаламзорлиги, ободлиги ва баҳаволиги б-н Мовароуннаҳрнинг энг соғлом шаҳарларидан ҳисобланган. Унинг паҳсадан қурилган уйлари кенг бўлган, ҳар бир ҳовлидан ариқ оқиб ўтган. Манбаларда Бинкат ва унинг атрофи сув б-н яхши таъминланганлига алоҳида қайд этилади; барча каналлар шаҳристон ва рабод орқали ўтган, рабодда боғлар ва ариқлар кўп бўлган. Қад. шаҳар ҳудудида ўтказилган дастлабки археологик кузатувлар арк, шаҳристон, рабодлар ўрнини белгилаш ва б.нинг 9–12-а.лардаги тарихий топографиясини аниқлаб олиш имконини берди. Шаҳристон ва арк тахм. ҳоз. Зарқайнар кўч., Чорсу майдони ва Эскижўва бозори б-н чегараланган Гулбозор тепалигини эгаллаган (ҳудуди тахм. 15 гектар бўлган) лиги аниқланди. Бу учбурчакнинг шим. томонидаги гишт б-н терилган арк деворлари харобаси (бурчак минораси



Бинкатнинг 9–12-асрлардаги тарҳи: 1. Арк; 2. Шаҳристон; 3. Регистон; 4. Ички рабод; 5. Ташқи рабод.

ва мудофаа девори қолдиқлари) 20-а. бошларида ҳам мавжуд бўлган. Арк Регистон ва Жангоб (Жангоҳ) ариқлари орасида жойлашган.

Б. Тошкент археология экспедицияси томонидан анча батафсил ўрганилган. Тадқиқ этилган маданий қатламлар асосида қад. шаҳар чегараси аниқ белгиланди. Ички шаҳар тарҳи тўла тикланди. Қазииш ишлари айрим қад. ариқ ўзанлари, шунингдек, шаҳристоннинг жан. девори харобаларида олиб борилди. Шаҳристоннинг м-зий қисми ва «Гулбозор» маҳалласида 9–12-а.ларга оид уй-жойлар жуда ҳам зич бўлганлиги аниқланди. Турли-туман рўзгор буюмлари, айниқса сирланган идишлар коллекцияси Б. кулолларининг юксак маҳорат ва бадий дидга эга эканлигидан далолат беради. Араб манбаларида (Мақдисий) Шошдан четга чиқарилган савдо буюмлари ичида чорвачилик маҳсулотлари (тери, чарм ва намат), металл буюмлар, айниқса Шош сирли сопол идишларидан айримларининг «тенги йўқ эканлиги» қайд этилган. Б. хунармандларининг сопол буюмлари

рангининг сержилолиги, ислимиё нақшлари, тирик мавжудотлар тасвири аниқ ифода этилганлиги, шунингдек, хилма-хил услублари б-н ажралиб турган. Шахристондан 9–10-а.ларга оид хунармандчилик излари топилмаган, бироқ шаҳарнинг жан. худудида мудофаа деворига яқин жойда кулолчилик хумдонлари қолдиқлари (11–12-а.) қайд этилган. Кайковус ва Бўзсув каналларидан суғориладиган рабодлар худудида турли хунармандчилик маҳсулотлари: кулолчилик, темирчилик, шишасозлик буюмлари топилган, хумдонлар бўлганлиги аниқланган. Б. атрофидаги рабод аҳолиси савдохунармандчилик б-н шуғулланганлигидан далолат беради. Ички рабодда иморатлар жуда зич қурилган, ташқи рабодда турар жойлар сийрақроқ учрайди, маданий қатламларга қараганда, бу ерда кўпроқ боғ-роғлар, яккам-дуккам маҳаллалар ҳамда қаср ва кўшклар ҳам бўлган. Шаҳар атрофида қишлоқларнинг кўплиги Б.нинг хунармандчилик ва савдо шаҳри эканлигини тасдиқлайди.

Шаҳар дарвозаларидан чиқадиган ҳамма йўллардаги қишлоқ (кент)лар археологлар томонидан қазилиб, тадқиқ этилган.

Бинкат топилмалари. Сопол лаганлар.



Бинкат сирланган сопол буюмлари ўрта асрларда Т. хунарманд усталарининг катта ютуқларидан ҳисобланган. 8-а.да Мовароуннаҳрда пайдо бўлган бадий хунармандчиликнинг ушбу тури 9–10-а.ларда равнақ топган. Б.да тайёрланган сопол идишларнинг олий сифати араб сайёҳи Мақдисий (10-а.) томонидан Мовароуннаҳрнинг энг яхши маҳсулотлари қаторида қайд этилган. Б.да тайёрланган лаган, товоқ, коса, пиёлалар, шунингдек, кўза, ваъз, қувачалар, чироғдонлар сержило нақшлар, жумладан эпиграфик ислимиё, зооморф безаклар б-н безатилган. Шош кулолларининг катта ютуқларидан бири – оқ фондаги идишларга арабий-куфий ёзувида турли битикларни туширишлари бўлган. Битикларда, одатда, қисқа ҳадислар ўз аксини топган. Мас., «Ким кўп гапирса, ўша кўп хато қилади», «Очкўзлик – камбағаллик (белгиси)» ва б. Идишларда, шунингдек, зооморф – турли реал ва фантастик қушлар, балиқлар, кийик, така, қурбақа ва б. тасвири акс этган. Археологик материаллар Шошда ўзига хос бой бадий анъаналарга эга юксак хунармандчилик м-зи мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларда Б. худудида бошқа касб-хунарлар қаторида шишапазлик ҳам ривож топган. Б. рабодларидан турли линзалар ва шиша идишларнинг ажойиб намуналари топилган. Шиша буюмларнинг аксарияти яшил ва кўк, қисман сариқ ва қора шишадан тайёрланган. Улар тиниқлиги ва устки қисми ялтироқлиги б-н ажралиб туради. Барча шиша буюмларни вазифасига кўра қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: ошхона идишлари – косача, товоқ, стакан, қадаҳ, кўзача, вазалар. Улардан хонанинг ички қисмини безашда ҳам фойдаланишган; хўжалик-рўзғор буюмлари – тувак, сумак, дераза ойналари; атир-упа – дорихона идишлари, улар 2 гуруҳга – дорилар ва атирларни сақловчи шиша идишлар ва уларни тайёрлаш учун мўлжалланган идишлар (кичик колбачалар); кимёвий идишлар – колбалар ва алембик (шиша идиш)лар. Шишапазлик Б.да 10-а. охири – 11-а. ўрталарида равнақ топган.

Қишлоқлар шаҳардан жан.роқда ва шим.-шарқ томонда, Б.орқали Сўғддан Еттисувга борадиган асосий савдо йўли ёқасида кўп учрайди. Бу жойларнинг туб аҳолиси хунармандчиликнинг муайян бир соҳасига ихтисослашган. Б.даги шаҳар ҳаёти 10–11-а.ларда гуллаб-яшнаган. Бу даврда шаҳар Тошкент деб юритила бошлаган. Археологик топилмалар шаҳар 12-а. ўрталарида инқирозга учраб, мавқеи пасая бошлаганлигидан далолат беради. 12-а. охири – 13-а.даги инқироздан сўнг шаҳар ҳаёти яна жонланиб, 14–15-а.ларда жануб ва шарққа қараб кенгайган, унинг шарқий девори ташқарисида, Шайх Хованди Тоҳур мазори олдида масжид ва

мадраса қурила бошлаган. 14–16-а.ларда шаҳар арки Б.нинг жануб томонига, Бешёғочнинг Қоратош маҳалласи ўрнашган ҳудудга кўчган. Бу жойдаги Эскиўрда маҳалласи 19-а.гача мавжуд бўлган. Арк комплекси биноларидан бири – 15–16-а.ларга оид ҳаммом харобалари археологлар томонидан текширилган (қ. *Қоратош ҳаммоми*).

БИНОКОР ДАҲАСИ – Бектемир туманининг жан. қисмида, Сергели тумани б-н Тошкент вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманига чегарадош. Б.д. Бектемир тумани таркибига кирган бўлишига қарамай боғдорчилик-узумчилик ширкати, дала ҳовлилар, якка тартибдаги уй-жойлар сақланиб қолган. Б.д.да 2 ва 4 қаватли турар жой бинолари, кичик саноат корхоналари, мактаб, 2 та болалар боғчаси, поликлиника, маданият саройи, дам олиш уйи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

«БИНОКОР» МАҲАЛЛАСИ – Бектемир туманидаги маҳалла. Олим Аширов маҳалласи б-н чегарадош. 1996 й. «Бинокор» даҳаси бунёд этилиши муносабати б-н ташкил топган. Аҳолиси 3275 киши (2009). Миллий таркиби ўзбек, рус, қozoқ, уйғур, татар ва корейслардан иборат. Маҳалла ҳудудида мактаб, 2 болалар боғчаси, 7 савдо дўкони бор. «Қорасоқолота» масжиди мавжуд.

«БИНОКОР» МАҲАЛЛАСИ (Қурувчилар кўч., 39^а-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Муқимий, «Иқбол», Қўйлиқота маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. 12 апр.да ташкил этилган. Маҳалла номи 1965 й. ташкил топган Тошкент 1-уйсозлар ком-тига нисбат берилиб қўйилган. Аҳолиси 5500 киши, асосан,

ўзбеклар, рус ва б. миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада ўрта мактаб, болалар боғчаси, «Шахло» магазини, сартарошхона мавжуд.

БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Биокимё институти (Мирзо Улуғбек кўч., 56) – Ўзбекистон ФА Ўлка тиббиёт ин-ти биокимё лаб. ҳамда Зоология ва паразитология ин-ти биокимё ва биофизика бўлимлари негизида 1967 й. ташкил этилган. Ин-тда ҳужайралар ўсиши, ривожланиши ва ўлимига гормонлар таъсирининг молекуляр механизмлари; эндокрин безларда хавфли ўсmalar пайдо бўлишининг молекуляр генетик асослари; липидлар биокимёси, липосомалар, мембрана липидларининг ҳужайра метаболизмини бошқаришдаги роли; илон заҳарлари ва улардан оқсил, фермент, токсин ва кичик молекуляр қисмларни ажратиш олиш ҳамда уларнинг таъсир механизмларини ўрганиш; табиий манбалардан биологик моддаларни ажратиш олиш ва уларнинг функционал тузилиш хусусиятлари ҳамда таъсир механизмларини ўрганиш; тиббиёт ва қ.х. учун янги, юқори самарали табиий биологик фаол моддаларни ажратиш олиш ва дори воситаларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ин-т таркибида 5 илмий лаб., кутубхона (10 мингга яқин асар), виварий, «Табиат сервис» шуъба корхонаси бор. Аспирантура ҳамда номзодлик ва д-рлик диссертацияларини химоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 83 илмий ходим, жумладан 2 акад., 8 фан д-ри ва 30 фан номзоди ишлайди.

БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА О.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти (Мирзо Улуғбек кўч., 83) – Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё бўлими асосида 1977 й. Т.да ташкил этилган. 1988 й. О.С.Содиқов номи берилган. Ин-тда қуйидаги йўналишлар бўйича и.т.лар олиб борилади: ҳаёт учун муҳим бўлган биологик фаол табиий бирикмалар тузилиши ва функциясини тадқиқ қилиш; физиологик фаол табиий бирикмаларнинг структур-функционал боғлиқлигини ўрганиш, ўсимлик ва ҳайвон хомашёлари асосида ноёб дори воситаларини яратиш; ўсимликларни химоя қилишнинг экологик хавфсиз воситаларини яратиш; ўсимлик ва ҳайвон хомашёларидан ажратилган иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлашнинг илмий сифмга эга юқори самарали технологияларини яратиш. Ин-тда ахборот ва интеллектуал мулк ва б. бўлимлар, 10 лаб. (оқсиллар ва пептидлар кимёси; физиологик фаол бирикмаларнинг нозик органик синтези; полифеноллар; тажриба-технологик; фармакология; тадқиқотларнинг физик-кимёвий услублари; целлюлоза кимёси; ферментлар кимёси; биорегуляторлар; иккиламчи маҳсулотларни қайта ишлаш) бор. Ин-тда 150 илмий ходим, жумладан 3 акад., 23 фан д-ри ва 60 дан зиёд фан номзоди ишлайди.

БИРЖАЛАР – товарлар, хомашё, молия, инновация, меҳнат, интеллектуал мулк, кўчмас мулк, гоёлар ва б. бозорини уюштиришнинг ташкилий шаклларида бири. Унинг товар-хомашё биржаси, фонд (қимматли қоғозлар) биржаси, валюта биржаси, меҳ-

нат биржаси каби асосий турлари бор. Биринчи биржа 15-а.ларда Голландия, Англия, Италияда пайдо бўлган. Тошкентда 19-а. охири – 20-а.нинг 20-й.ларида капиталистик муносабатларнинг шаклланиши б-н пайдо бўлди. 1891 й.да Т.да «Туркистон пахта комитети» тузилди ва бу идора пахта савдоси ишлари учун кичик товар-хомуш биржасини ташкил этди. 1911 йилга келиб «Россия савдо-тўқимачилик фаолияти» акциядорлик жамиятининг вакили Я. Рачинский кимошди савдоларини олиб бориш учун Т.да шу жамиятнинг бўлимини ташкил этди. Октябрь тўнтаришидан кейинги НЭП даврида Т.да бир қанча биржалар ишлади.

Ўзбекистонда мустақилликдан кейин ташкил этилган асосий Б. очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлари кўринишида Тошкент ш.да фаолият бошлади.

Т.да Республика *кўчмас мулк биржаси*, республика кўп тармоқли *агросаноат биржаси*, «Тошкент» республика фонд биржаси, Ўзбекистон Республикаси *Валюта биржаси* ва уларнинг Т. шаҳар бўлими (филиаллари), Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази бор. Республикадаги Б. фаолияти 2006 й. апрелда ташкил этилган ва ҳафтада 3 марта ўзбек ва рус тилларида нашр этиладиган «Биржа» республика иқтисодий газ.да ёритилади.

БИРИНЧИ РЕСПУБЛИКА КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ (Содиқ Азимов кўч., 74) – Респ. энг йирик касалхоналардан бири. 1898 й. скарлатина эпидемияси туфайли Тошкент ш. думасининг қарорига мувофиқ юқумли касалликлар б-н оғриган болалар учун 20 ўринли касалхона сифатида ташкил этилган. Эпидемия

тугатилгач, шаҳар касалхонасига айлантирилган. 1903 й. касалхона Янги шаҳар касалхонаси деб номланди ва ундаги ўринлар сони 95 тага етди. 1912 й. касалхона таркибида 26 ўринли таносил касалликлари бўлими очилди. 1916 й. касалхонада патологоанатомик ва туғуруққа ёрдам бериш хизмати йўлга қўйилди; касалхона «Тез ёрдам касалхонаси» деб атала бошланди. 1934 й. касалхона худуди кенгайтирилиб, янги бинолар қўшилди ва касалхонадаги ўринлар сони 500 тага етди.

1966 й. Тошкент зилзиласи туфайли касалхона биноси жиддий зарарланди ва у Чилонзордаги 2-интернат мактаби биносига кўчирилди. 1967 й. касалхона худудида Тошкент ш. қурилиш Бош бошқармасининг тиббий-санитария қисми фаолият кўрсата бошлади. 1999 й.дан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 252-сонли буйруғига биноан касалхона биринчи республика клиник касалхонасига айлантирилди. Касалхона ихтисослашган малакали тиббий ёрдам кўрсатадиган 376 ўринга эга (2009). Касалхонада беморларга тиббий ёрдам стационар, амбулатор ва консультатив шароитда бюджет, пулли, шунингдек, шошилиш ва режали асосда кўрсатилади. Касалхона таркибида 13 та клиник, 14 та параклиник бўлимлар бор (2009).

Касалхона Т. тиббиёт академиясининг ўқув-амалий базаси ҳисобланади, унда 8 та каф. (неврология, кардиология, урология, гинекология, хирургия, геронтология, травматология, проктология), 5 та йирик марказ (колопроктология, гепатобилиар, нефрология, буйрак трансплантацияси ва реабилитацияси) фаолият кўрсатади. Ка-

салхонада 700 дан зиёд ходим, жумладан 11 проф., 17 фан номзоди, 80 олий тоифали врач ва б. хизмат қилади.

«БИРЛАШГАН» МАҲАЛЛАСИ (Валихонов кўч., 4) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Наврўз», Ҳамза ва «Авиасозлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1962 й. ташкил топган. Аҳолиси, асосан, қозоқлардан иборат бўлиб, 1966 й. бошқа миллат вакиллари ҳам кўчиб келиб, ўзаро иноқ, дўст бўлиб яшаётгани учун «Б.» деб ном берилган. Аҳолиси 4385 киши, миллий таркиби қозоқ, ўзбек ва б. миллат вакиллари-дан иборат. Маҳалла худудида мактаб-боғча, болалар боғчаси, оилавий поликлиника, «ал-Худайбия» масжиди жойлашган.

БИРЛИК ДАҲАСИ – Учтепа туманида, Катта ҳалқа йўли, Шараф, Назарбек ва Саккокий кўчалари ораллигида. Бу худудда аввал ҳам яқка тартибдаги уй-жойлар бўлган. Тошкент зилзиласи (1966 й.)дан кейин ёғоч уйлар қурилиб, қурилиш ҳарбий қисмлари жойлаштирилган ва улар зилзиладан зарар кўрган Тошкентни қайта қуришда иштирок этишган (кейинчалик ёғоч уйлар аҳолига уй-жой шароитини яхшилаш учун тақсим қилинган). Б.д.да, асосан, яқка тартибдаги уй-жойлар, маъмурий бинолар, 4 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, хусусий фирмалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автобуслар бошбекати бор.

«БИРЛИК» МАҲАЛЛАСИ (21-даҳа, 3/50-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Найман», Фарҳод, «Боғобод» ва «Чўпонота» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. 26 дек.да ташкил топган. Даставвал «Шодлик», 2004 й.дан маҳалла кўп миллатли бўлгани учун «Бирлик» деб

номланган. Аҳолиси 5910 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 12 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, 18 та савдо дўкони, 4 та ошхона, қандолатчилик цехи, 3 новвойхона, ёзги сув ҳавзаси, 2 болалар спорт майдончаси, соғломлаштириш тренажёр зали мавжуд. Маҳалла қошида «Турон» миллий яққаураш тўғараги ташкил этилган.

БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР – ўзаро тинчлик ва ҳамкорлик шартномаси тузилиб, маданий-маърифий ҳамда иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган шаҳарлар. Т. чет эллардаги Б.ш. билан дўстона алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Т. дунёдаги Тунис (Тунис, 1961), Патиала (Ҳиндистон, 1961), Карочи (Покистон, 1961), Триполи (Ливия, 1962), Марокаш (Марокаш, 1963), Скопье (Македония, 1967), Сиэтл (АҚШ, 1973), Мапуту (Мозамбик, 1986), Урумчи (ХХР, 1987), Кортрейк (Бельгия, 1989), Берлин (ГФР, 1993), Шанхай (ХХР, 1994) ш.лари б-н биродарлашган. Тошкент – Б.ш. жаҳон федерацияси аъзоси (1961 й.дан). У шу федерация ўтказадиган тадбирлар: маҳаллий ҳокимият вакиллари делегациялари, мутахассислар, бадий ҳаваскорлик ва спорт жамоалари, кўргазмалар, туристлар алмашиш ва б.да фаол иштирок этади. Б.ш. билан алоқаларнинг самарали усуллари билан бири сифатида дўстлик кунлари ва ҳафталиклари ўтказиб турилади. Бу тадбирлар дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун хизмат қилади. 1981 й. майда Марокаш ш.да «Бугунги Тошкент», «Ўзбекистон», «Олимпиада-80» фотоқўргазма-



«Тинчлик боғи» (Сиэтл ва Тошкент шаҳарлари ўртасидаги дўстлик муносабатлари шарафига ўрнатилган рамзий ёдгорлик, 1988).

лари, ўзбек рассомлари гравюралари кўргазмаси ташкил этилди. «Тошкент б-н учрашув» ва «Ўзбекистон» кинофильмлари кўрсатилди. 1981 й. июнда Триполи муниципалитети делегацияси Т.да бўлди. 1981 й. ноябрда Скопьеда «Олтин Булбулча – 81» болалар қўшиқлари халқаро фестивалида Т. делегацияси иштирок этди. 1982, 1985 й.ларда Сиэтлда Тошкент кунлари ўтказилди. Ўзбекистон ҳақида ҳужжатли фильмлар намойиш қилинди, инглиз тилида радиоэшиттиришлар тайёрланди, болалар ишлаган расмлар, ўзбек рассомлари асарлари кўргазмаси, Ўзбекистон ҳақида фотоқўргазма, маҳаллий ва тўқимачилик саноати буюмлари кўргазмаси ташкил қилинди, «Баҳор» ансамбли артистлари концертлар берди. Сиэтлда «Тошкент» боғи барпо этилди (1976). Халқ депутатлари Т. шаҳар кенгаши қарори (1986 й. фев.) б-н Т.нинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Б.ш.нинг «Тинчлик боғи» барпо этилди. 1988 й.

13 сент.да Сиэтл вакиллари ташаббуси б-н бу боғнинг дастлабки объекти очилди. Боғ иншоотларида икки биродарлашган шаҳар, икки халқ ўртасидаги дўстлик муносабатлари рамзий тасвирланган. 1989 й. 29–31 майда Т.да биринчи марта мамлакатимиз ва АҚШ шаҳарлари мэрларининг учрашуви ўтказилди. Учрашувга ҳар икки томондан 43 Б.ш. вакиллари ва мамлакатимиз жамоат ташкилотларидан 130 вакил иштирок этди.

1989 й.да Т. Бельгиянинг Кортрейк ш. б-н биродарлашди. 1990 й.да Т. делегацияси Кортрейк ш.нинг 800 йиллик тантаналарида қатнашди. 2000 й.да Кортрейк ш.нинг марказий хиёбонларидан бирига Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилди.

1993 й.да Т. шаҳар ҳокими ва Берлин ш. бургомистри ҳамкорлик шартномасини имзолашди. 1996 й.да Б.ш. ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари янада кенгайди. 2000 й.да Берлин делегацияси Т.да, 2001 й.да Т. делегацияси Берлинда бўлди. Ташриф даврида маданий-маърифий тадбирлар уюштирилди ва иқтисодиёт соҳасида келишувлар амалга оширилди.

1994 й.да Т. ва Шанхай ш.лари ўзаро биродарлашди. 1997 й.да Шанхай делегацияси Т.га, 2004 й.да Т. делегацияси Шанхайга ташриф буюрди ва ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга келишиб олишди.

Айниқса, Т. ва Сиэтл ш.лари ўртасида ўтган йилларда маданият, иқтисодиёт ва илмий соҳаларда ибратли лойиҳалар амалга оширилди. 2008 й.да ҳар иккала шаҳарда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганлигининг 35 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат б-н Сиэтл делегацияси Т.даги, Т. делегацияси Си-

этлдаги тантаналарда иштирок этишди.

Шунингдек, Т.нинг Кортрейк, Шанхай, Берлин ш.лари билан Б.ш. доирасидаги алоқалари мустаҳкамланиб бораяпти, Сеул, Рига, Боку, Москва ш.лари б-н ҳамкорлик шартномаси асосида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

«БИРОДАРЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Мирзо Жаҳонгир кўч., 6) – Миробод туманидаги маҳалла. «Темир йўлчилар», «Дўстлик», «Навбахор»

маҳаллалари б-н чегарадош. 1975 й. 8-мавзе қошида ташкил этилиб, 17-рақами б-н белгиланган. 1994 й. ушбу маҳаллада 17 миллат вакиллари ҳамжиҳат, аҳил-иноқ, дўстона яшаб келаётганликлари учун «Биродарлик» номи берилган. Аҳолиси 2219 киши, асосан, руслар (2009). Маҳалла ҳудудида 7 кўча, ўрта мактаб, болалар мусиқа мактаби, ўсмирлар ҳарбий мактаби, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бўлими, «Ўзавтойўл» ўқув м-зи, 2 дориҳона, 2 озиқ-овқат дўкони, модалар уйи, гўзаллик салони ва б. мавжуд.

«БИРОДАРЛИК ҚАБРИСТОНИ» ЁДГОРЛИГИ (Усмон Носир кўч. б-н Чўпонота кўч. кесишган жойда) – 2-жаҳон урушида жароҳатланиб вафот этган ва шу ерда дафн этилган жангчилар хотирасига бағишланган ёдгорлик (1978–86; ҳайк.лар В.Лунев, А.Раҳматуллаев, Л.Рябцев; меъморлар: Л.Адамов, Я.Афанасьев). Майд. 12,8 гектар. Композиция асосини икки мавзу: қаҳрамон шаҳарлар ва жангчилар қабристони ташкил этади. Хиёбон охиридаги асосий майд.-да «Шон-шўҳрат гулчамбари»



«Биродарлик қабристони» ёдгорлиги.

ўрнатилган. Шу ердан Т. госпиталларида вафот этган жангчилар қабристони бошланади. Тош плиталарга 1,5 мингдан ортиқ ном ёзилган. «Мангу олов» ёнидан Т.лик Уруш Қаҳрамонлари учун алоҳида жой («Қаҳрамонлар хиёбони») ажратилган. Бу ерга Б.Бобоев, В.Малясов, П.Ржевский, Ш.Умаров, Ж.Усмонов ва б. қаҳрамонлар дафн қилинган ва уларга бюст ўрнатилган. Мемориалнинг энг баланд ерида «Мотамсаро Она» ҳайкали бор.

БОБОДЕҲҚОН – 1) деҳқончилик касбининг устаси, миришкор, тажрибали кекса деҳқон. Деҳқончилик ишларига моҳир, ўз ишининг соҳиби бўлган деҳқонларни Ўрта Осиёда қадимдан Б. деб аташган. Кишилар деҳқончиликда улардан маслаҳатлар олишган, уларнинг изидан боришга одатланишган; 2) Ўрта Осиё халқлари орасидаги ривоятларга кўра, деҳқончилик ҳомийси, пири. Халқ орасида экин экиш, ўриш-йиғиш вақтида «Б. кўлласин», «Б.нинг кўли» деб айтиш шунинг натижасидир. Тошкент аҳолиси ўртасида ҳам Б. образи кенг тарқалган. Ша-

ҳар аҳолисининг боғ ҳовлиларида мавсумий деҳқончилик ишлари ер ҳайдаш, кузги ҳосилни йиғиштириш, шудгорлаш ва б. олдидан дуога кўл очиб «Б. кўлласин» деб, тегишли маросим-удумлар ўтказилган.

«БОБОДЕҲҚОН» МАҲАЛЛАСИ (Мирзаев кўч., 48^а-уй) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Нодирабегим, «Тинчлик», «Ўзбекистон мустақиллиги», «Умид» маҳаллалари б-н чегара-

дош. 2004 й.да шу ном б-н ташкил топган. Аҳолиси 5280 киши, турли миллатлар яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида жоме масжид, «Ёш техниклар» илмий м-зи, озиқ-овқат дўкончаси ва «Файз» тўйхонаси мавжуд.

БОБОЕВ Ботир Давронович (1914.15.5 – 1984.4.11) – 2-жаҳон уруши қатнашчиси; полковник. Т.да туғилган. Харьков артиллериячилар билим юртини битирган (1942). 1942 й. авг.дан 2-жаҳон уруши фронтларида; 118-гвардиячи артиллерия полки батарея командири бўлган. 1945 й. янв.да Оборники қишлоғи (Польша)да душманнинг қарши ҳужумини қайтариб, ўз батареясини душман рўпарасига олиб чиқиб жанг қилган. Кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1945). Урушдан кейин Тошкент ш. Шайхонтохур тумани ҳарбий комиссари (1952–72). Респ. уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши Т. секциясининг раиси (1972 й.дан). «Биродарлик қабристони»даги «Қаҳрамонлар хиёбони»га дафн этилган. Т.даги кўчалардан бирига унинг номи берилган.

БОБОЖОНОВ Ятим (асли исми Фозил) (1904–1959.26.12) – театр арбоби, режиссёр ва актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1943). Ўзбек т-ри асосчиларидан. Т.да туғилган. Саҳна фаолиятини 1920 й. театр труппаси (Тошкент)да кичик ролларни ижро этишдан бошлаган. 1927 й.дан Ҳамза т-рида актёр ва режиссёр. Янгийўл (1943–46), Тошсовет (1946–48) т-рида бадиий раҳбар бўлиб ишлаган. Тошкент т-р ва рассомлик санъати ин-тида дарс берган (1950–56). Ҳажвий ва характерли ролларни маҳорат б-н ижро этган: Тарталье (К. Гоцци, «Маликаи Турандот», 1927), Бригелла (К. Гольдони, «Икки бойга бир малай», 1927) ва б.

1931–32 й.ларда Бухоро т-ри ва унга вақтинча қўшилган Республика ёш томошабинлар т-ри бадиий раҳбари. Режиссёрлик фаолиятини шу т-рда «Ниқоб йиртилди» (З. Фатхулин) пьесасини саҳналаштиришдан бошлаган.

«Бой ила хизматчи» (1939) спектакли Б. режиссёрлик ижодининг чўққиси ҳисобланади. Чигатой қабристонига дафн этилган.

БОБОХОН, Б о б о су л т о н (1582 й. в. э.) – Туркистон ва Тошкент ҳокими (1579 й.дан). Наврўз Аҳмадхон (*Бароқхон*) ўғли, *Абдуллахон II* нинг ашаддий рақиби. Отаси Бароқхон вафотидан сўнг (1556) Гадоё султон б-н Самарқанд ҳокими бўлган. Ўша даврда Т.га *Дарвешхон* ҳоким эди.

Бухоро б-н сулҳ тузган Дарвешхонни зиндонбанд (1574 й.) қилиб, Т.ни идора этган. Б. Самарқандга 30 минг кишилик қўшин жўнатган, бироқ бу қўшин Абулхайр султон томонидан мағлуб этилган. 1578 й. Б. катта қўшин б-н Зоминга келган. Абдуллахон унга тўсатдан ҳужум

қилиб, қочишга мажбур қилган. Абдуллахон Туркистонга мулозимларини юбориб Дарвешхонни зиндондан озод қилган ва унга Т. тахтини қайтариб берган. Т.да Абдуллахон яхши кутиб олинган (1579 й.). Б. манғитлар юртига қочган. Б. элчи юбориб, тавба-тазарру қилгач, Абдуллахон унга Туркистонни берган. Аммо орадан ҳеч вақт ўтмай, Б. яна бош кўтариб, Т.га юриш қилган ва Дарвешхонни қатл эттирган (1579). Абдуллахон зудлик б-н Т.га отланган. Чирчиқ бўйидаги жангда Б. енгилган. Абдуллахон Т.ни қамал қилган, шаҳарликлар 10 минг кишилик кўнгилли лашкар тўплаб, мардонавор қаршилик кўрсатишган. Ниҳоят, Абдуллахон шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлган. Б. чўлга яширинган. 1580 й. Б. қозоқ хонларидан Ҳақназархонни енгган, жангда Ҳақназархон ҳалок бўлган. Унинг вориси Шайхон ва унинг ўғли Таваккалхон Абдуллахон хизматида келишган. Таваккал султон бошчилигидаги қўшин б-н бўлган жангда Б. ўлдирилган. Унинг бошини Абдуллахонга келтиришган.

БОБОХОНОВ Зиёвуддинхон – қ. *Зиёвуддинхон Эшон Бобохон*. **БОБУР** Заҳириддин Муҳаммад (1483.14.2–1530.26.12) – ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили; давлат арбоби, лашкарбоши; буюк шоир. Отаси Умаршайх Мирзо темурийлардан Абусаид Мирзонинг тўртинчи ўғли, онаси Қутлуғ Нигорхоним Т. ҳокими *Юнусхон*нинг қизи бўлган. Шунинг учун ҳам у Т.ни она шаҳрим деб биларди. Б.нинг ёшлиги Андижонда ўтган. Б. барча темурий шаҳзодалар каби махсус тарбиячилар, йирик фозилу уламолар устозлигида ҳарбий таълим, фикҳ илми, араб ва форс тилларини ўрганади,

кўплаб тарихий ва адабий асарлар мутолаа қилади, илм-фанга, шеърятга қизиқа бошлайди. Довюраклиги ва жасурлиги учун у ёшлигидан «Бобур» («Шер») лақабини олади.

Б. отаси йўлидан бориб, машҳур суфий – Хожа Аҳрорга ихлос кўяди, умрининг охирига қадар шу эътиқодга содиқ қолади. Отасининг вафотидан сўнг (1494), 12 ёшида Фарғона вилояти ҳокими тахтига ўтирган. Бироқ отасига тобе бир неча бек ва ҳокимлар ёш ҳукмдор (Б.)га бўйсунушдан бош тортадилар. Улар Б.нинг амаки, тоғаларига қўшилиб, уни жисмонан йўқотиш пайига тушишади. Б. 2–3 й. давомида амакиси, Мовароуннаҳр ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо б-н тоғаси, Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон хуружларини даф қилиш, бек ва амалдорлар б-н ўзаро муносабатни яхшилаш, қўшинни тартибга келтириш, давлат ишларида интизом ўрнатиш каби муҳим чора-тадбирларни амалга оширади. 1495–1512 й.ларда Мовароуннаҳрда Темурийлар салтанатини тиклаш, марказлашган кучли давлат тузиш учун курашган. 1497 й. кузида Самарқандни эгаллаб, 100 кун идора этган, бироқ Андижондаги исёндан хабар топгач, шаҳарни тарк этишга мажбур бўлган. Темурийларнинг ўзаро урушлари кучайган кезларда Шайбонийхон Мовароуннаҳрни истило қилишга киришади, 1500 й. Самарқандни жангсиз эгаллайди. Бироқ шаҳар аҳолиси темурийлар ҳокимиятини тиклаш тарафдори эди. Улар Фарғона ҳокими Б.га мактуб йўллаб, Самарқандни ишғол қилишга даъват этганлар. Б. 1500 й. кеч кузида етиб келиб, шаҳар ҳимояси учун қолдирилган шайбонийлар гарнизо-

нини (600 аскар) тор-мор қилади. Бироқ 1501 й. Сарипул жангида Шайбонийхон қўшинидан енгилгач, Тошкентга, тоғаси Маҳмудхон ҳузурига йўл олади. Уша йили Б. Кобулни эгаллайди. 1512 й.га қадар Бухоро ва Самарқандга қайтишга бир неча бор уриниб кўрди. Бироқ 1512 й.да Фиждудон ва Кўли Малик жангларида Убайдулла Султон бошлиқ шайбонийлар қўшинидан енгилгач, Кобулга қайтишга мажбур бўлади.

1519 й.дан Б. Ҳиндистонни забт этишга киришди. Ниҳоят, 1526 й. апр.да Панипатда асосий рақибни – Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг юз минг кишилиқ қўшинини 12 минг аскарни б-н тор-мор қилади ҳамда Деҳлини эгаллаб, Бобурийлар империясига асос солди (1526). 1526 й. 21 дек.да Б.га қарши суиқасд уюштирилади. Маҳв этилган Иброҳим Лўдийнинг онаси ошпазлар б-н тил бириктириб, унинг овқатига захар қўштиради. Шунинг асоратими ёки кўп йиллик машаққатли ва кўнимсиз ҳаёт таъсирими, ҳар ҳолда кейинги йилларда Б. тез-тез касалга чалиниб туради. Аграда вафот этган. Васиятига кўра, жасади Кобул ш.га кўчирилган.

Шоҳ Б. қаерда бўлмасин, те-мурийларга хос улуғ бунёдкорлик анъаналарини давом эттирди, борган жойида ободончиликка жиддий эътибор берди, мухташам қасрлар қурдирди, ариқ-каналлар қазиди, боғлар барпо қилиш б-н шуғулланди, илм-фан, адабиёт ва санъат ривожланишига ҳомийлик қилди.



Бобур (Малик Набиев асари).

Фарзандларига эл-улус аҳволидан ҳаммаша хабардор бўлиб туришни, мухтожларга мурувват кўрсатишни васият қилди.

Жавоҳарлал Неру
(Ҳиндистон давлат арбоби):

«Бобур – дилкаш шахс. Уйғониш даври ҳукмдорларининг ҳақиқий намунаси. У мард ва тадбиркор одам бўлган».

Б. бизгача етиб келган 119 дан ортиқ газал, 209 рубойи, 10 дан ортиқ туюқ ва қитъалар, 8 маснавий, 50 дан ортиқ муаммо ва 60 дан зиёд фардлар муаллифи. Шеърлари алоҳида девон қилиб тўпланган. Асосий асари – «Бобурнома». Мазкур китоб жаҳон адабиёти ва манбашунослигидаги муҳим ва ноёб ёдгорлик; ўзбек адабиётида дастлаб-

ки насрий мемуар ва тарихий-илмий асардир. «Бобурнома» эски ўзбек (чиғатой) тилида ёзилган (тахм. 1518/19–1530 й.лар). Бу асар таржимаи ҳол тарзида бўлиб, унда 1493 й.дан 1529 й.гача юз берган турли воқеалар баён қилинади. «Бобурнома»да ўша даврнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, мамлакатларнинг географик тузилиши, давлатларнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи ва б. маҳорат б-н тасвирланган. Б. «Бобурнома»да «Т.» номи устида тўхталиб шундай ёзади: «...асарларда Тошкент номини Шош, баъзан Чоч ёзадилар, «Чоч камонлари» ибораси шундан». «Бобурнома»да Б.нинг Т. б-н бўлган ало-

қалари, кўп ўринда Т. ҳокимлари б-н унинг муносабатлари зикр этилган. У шундай ёзади: «Шоҳбегимни ва хон додамни ва уруғ-хешни кўргали мен ҳам Тошканд азимати қилдим. Бориб Шоҳбегим ва хон додамга мулозамат қилиб, бир неча кун анда бўлдум. Менинг онамининг туққон эгачиси Меҳр Нигорхоним ҳам Самарқанддин келдилар». Т.га келиб ёзган шеърини хонга кўрсатганлигини шундай қайд этади: «... хон қошига, Тошкандга бордим. Бу рубойини айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим бор эди, ул маҳалда шеър мусталақотиға мунча татаббуъ қилмайдур эдим, хон хуштабъ киши эди, шеър айтур эди... бу рубойини хонга ўтқариб, тараддудимни арз қилдим».

Б. аруз вазни ва назариясига бағишланган «Муфассал» (1528), ҳуқуқшуносликка оид «Мубаййин» (1521), мусиқага оид

«Асрори мусиқи» асарларини ҳам яратди. Бу асарлар ўз даврида жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган. Туркий халқлар учун янги ёзув «Хатти Бобурий»ни ихтиро этган (1503–04). Хожа Аҳрор Валининг 243 байтли «Волидия» асарини ўзбекчага шеърӣ таржима қилган.

Б. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўз юртида ҳақиқӣ қадр-қиммат топди. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармониға кўра 1993 й.да Б. таваллудининг 510 йиллиги тантанали нишонланди. Ўзбекистон ФА нинг Б. номидаги медали таъсис этилган. Халқаро Бобур жамғармаси (1993.23.12) Б. ижодини ўрганишда катта ишларни амалға оширди.

Т.даги Алишер Навоӣ номидаги Адабиёт музейида Б. ҳаёти ва ижодига бағишланган махсус бўлим бор. Т.даги истироҳат боғи ва кўчаға Б. номи берилган. Шаҳардаги бир неча маҳалла Б. номи б-н аталади. Мирзо Улугбек туманидаги 121-мактабда Б. ҳайкали ва адабий-тарихий музейи мавжуд. Б.нинг «Бобурнома» асари Т.да ўзб. ва рус тилларида бир неча марта нашр қилинган.

БОБУР КЎЧАСИ – Яккасарой туманида, Бешёғоч майд. б-н Аэровокзал майд. оралиғида. Уз. 4,3 км. Буюк шоир, саркарда *Бобур* номиға кўйилган. Б.к. 1954 й.гача Театр кўч., 1991 й.гача Богдан Хмельницкий кўч. деб аталган. Т.даги аэропортға олиб боровчи асосий кўчалардан бири. 20-а.нинг 30-й.ларида Тошкент тўқимачилик машинасозлиғи 3-ди қурилаётганда юзаға келган. Кейинроқ кўча йўналишида маъмурий ва турар жой бинолари қурилган. 1967



Бобур кўчаси.

й. аэропорт яқинида йўлўтказгич-кўприк қурилган. 2008 й. ноябрда ушбу кўприк тубдан қайта реконструкция қилинди. Мустақиллик йилларида кўчанинг Бўрижар каналидан ўтиш қисмидаги кўприк янгиланди, кўча кенгайтирилиб, тротуарлари кўкаламзорлаштирилди. Кўчанинг бошидан охиригача арча экилган. Кўча йўналишида Республика байналмилал маданият маркази, Тошкент бош плани лойиҳалаш ва илмий тадқиқот ин-ти, поликлиника, «Бахт уйи», «Табассум» ресторан-тўйхонаси, Кўзи ожизлар жамияти, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Саудия Арабистонининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Саодат» савдо мажмуаси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Тошкент педагогика ун-ти, Яккасарой тумани ҳокимияти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоӣ муҳофаза қилиш вазирлиғи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти, Бешёғоч ва «Аския» деҳқон бозорлари жойлашган.

БОБУР МАҲАЛЛАСИ (Бобур кўч., 67, 1-корпус, 2-хона) – Яккасарой туманидаги маҳалла. Абдулла Қаҳҳор, «Дамариқ» ва Усмон Носир маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. фев.да Абдулла Қаҳҳор ва «Дамариқ» маҳаллалари негизида ташкил этилган. Маҳалла ҳудуди, асосан, кўп қаватли бинолардан иборат. Бобур кўчасида жойлашгани учун Бобур маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 5200 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида «Ўта қаттиқ материаллар 3-ди», шунингдек, қўшма корхоналар мавжуд. **БОБУР МАҲАЛЛАСИ** (Қорасув 1^а-мавзе) – Ҳамза туманидаги маҳалла. 52 та кўп қаватли уйлاردан ташкил топган. Алишер Навоӣ, Нодира, «Баҳор», «Авиасозлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил этилган. Аҳолиси 7165 киши бўлиб, 30 дан ортиқ миллат яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида тикув цехи, этикдўзлик, телеустахоналар, 2 мактаб, 3 спорт клуби бор. **БОБУР МАҲАЛЛАСИ** (Сергели-7, 73) – Сергели туманидаги маҳалла. Амир Темур, «Гулистон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. ташкил топган. Буюк



Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғининг жанубий дарвозаси.

шоир, саркарда *Бобур* номи б-н аталади. Аҳолиси 2004 хонадондан (9975 киши) иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 га яқин миллат вакиллари (рус, татар, қozoқ ва б.) яшайди. Маҳаллада 3 кўча, болалар боғчаси, мактаб, ресторан, бир қанча озиқ-овқат дўкони, дорихона, сартарошхона, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари дўкони, новвойхона ва б. мавжуд.

БОБУР МАҲАЛЛАСИ (Қорасув 4 даҳаси, 1-уй олдида) – Мирзо

Улуғбек туманидаги маҳалла. «Янги ҳаёт», «Катта Қорасув» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил этилган. Аҳолиси 3740 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида «Атлант» спорт клуби, ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд.

БОБУР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Бобур кўч., 33) – Тошкент марказининг жан.да, Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган. Майд. 17,8 га. 1932 й.да Тўқимачилик

«Орол» сув ҳавзаси.



ком-ти ходимлари ташаббуси б-н қурилган. Дастан «Текстильщик», 1947–92 й.ларда Киров номида бўлган. 1992 й.дан Заҳириддин Муҳаммад *Бобур* номи б-н аталади. Боғ 1997 й.да реконструкция қилиниб, майдони кенгайтирилди. Боғда 2950 та дарахт бўлиб, асосийлари: юз ёшдан ошган чинорлар, эман, заранг, терак, қораарча, акация ва чилонжийдалар. Майсазор ва гулзорлар (7 га) боғнинг кўркига кўрк қўшган. Боғда замон талабларига жавоб берадиган спорт клуби мажмуаси, учта теннис корти, футбол майдони, рақс майдончаси, ёзги саҳна ва сув усти саҳнаси, ўйин аттракционлари (18 та), «Орол» сув ҳавзаси (7900 м³), «Капалак» ва манзарали сув ҳавзалари (9800 м³), кутубхона мавжуд. Қаҳвахоналар, музқаймоқ ва салқин ичимликлар б-н савдо қилувчи мавсумий шохобчалар (10 та) аҳолига хизмат кўрсатади. Боғда дам олувчиларга катамаран ва қайиқлар хизмат қилади. Фавворали йўлақлар боққа салқинлик ва чирой беради.

Халқ депутатлари Т. шаҳар кенгаши қарори (1986 й. фев.) б-н боғда Биродарлашган шаҳарлар «Тинчлик боғи» барпо этилди. Т.га биродарлашган Ситл шаҳри вакиллари ташаббуси б-н 1988 й. 13 сент.да ушбу боғда икки биродарлашган шаҳар ҳамкорлиги тасвирланган рамзий ёдгорлик (ҳайк. Ричард Бастер) очилди. Ушбу «Тинчлик боғи»да АҚШ элчихонаси б-н ҳамкорликда маданий-маърифий тадбирлар ўтказилади.

Боғда турли маданий-оммавий тадбирлар, касб байрамлари, жумладан, «Мустақиллик байрами», «Наврўз» сайли, «Хотира ва қадрлаш куни», «Сўнги кўнғироқ», «Халқаро болаларни

ҳимоя қилиш куни», «Ҳосил байрами» ва ҳ.к. ўтказиб келинади. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан доимий концерт дастурлари, Республика Байналмилал маданият маркази томонидан шаҳримизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий байрамлари, Тошкент педагогика ун-ти ва тўқимачилик ин-ти талабаларининг турли тадбирлари ўтказилади.

БОДАК – Шайхонтохур даҳасидаги қад. маҳалла. Ганчтепа, Орқакўча, Олмазор, Турк-Янгишаҳар маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, қишда қисман хунармандчилик б-н, ёз мавсумида шаҳар ташқарисида – Дўрмон ва Яланғочда деҳқончилик, боғдорчилик б-н шуғулланган.

«**БОДОМЗОР**» – метро бекати (меъмори Я. Мансуров; муҳандислар: О. Зокиров, В. Журавлев ва б.). «Юнусобод» йўлида. 2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган. Манзил ва маҳалла номи б-н аталган. Амир Темур шоҳқўчаси бўйлаб жойлашган. Атрофида Миллий банк, «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, Бизнес м-зи, Аквабоғ ва б. иншоотлар жойлашган.

Бекат гумбазсимон бўлиб, меъморий ечим гоҳи боғ хиёбони б-н узвий боғлиқ. Шифт ва деворларида бадий сопол орқали бодом гуллари ва ҳосили ифодаланган композициялар яратилган (рассомлар Р. Муҳаммаджонов, А. Раҳимов). Ажралиб турадиган жойи – йўловчилар зали деворларининг йўқлиги ва шу туфайли зал гумбаз яхлитлигидир. Ёриткичлар платформада торшер-ўриндикларда жойлашган. Саҳнига миллий гилам шаклида қизил, кулранг ва

«Бодомзор»
метро бекати.

қора гранит
п л и т а л а р
ётқизилган.

Б е к а т
ички беағида
маҳаллий
мармар, гранит,
бадий сопол,
металл, шиша

ва б. пардозлаш материалларидан фойдаланилган.

БОДОМЗОР ЙЎЛИ КЎЧАСИ – Юнусобод туманида, Ниёзбек йўли кўч. б-н Низомий кўчаси оралиғида. Уз. 3 км. Бу кўча 20-а.нинг 40-й.ларида ташкил этилиб, аввал Урицкий тор кўчаси, кейин Обсерватория берк кўчаси, сўнгра Чимкент 1-тор кўчаси деб юритилган. 1977 й.дан кўча рус табиатшунос олими К.А.Тимирязов (1843–1920) номи б-н аталган. 1990 й. кўчанинг Кичик ҳалқа йўлидан Низомий кўч.гача бўлган қисмига сейсмолог олим, академик Фани Мавлонов (1910–1988), 1998 й. Кичик ҳалқа йўлидан Ниёзбек йўли кўч.гача бўлган қисмига дипломат Фафур Абдурашидов (1918–1973) номи берилди. 2008 й. 9 июнда кўчанинг яхлитлигини таъминлаш ва тарихий номини тиклаш мақсадида «Бодомзор йўли» номи қўйилди. Кўча йўналишида турар жой бинолари, яқка тартибдаги уй-жойлар, маъмурий бинолар, Физика-техника ин-ти, Гидрометеорология маркази, Вакцина ва зардоблар ин-ти, Юнусобод тумани халқ суди, Ўзбекистон миллий кутубхонасининг техник адабиётлар бўлими, Мирза Юсуф масжиди, Тошкент ирригация ва мелиорация ин-тига қарашли би-



нолар, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумовқатланиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Олой бозори, Астрономия ин-ти, Польша Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Тошкент ахборот технологиялари ун-ти ва б. муассасалар жойлашган.

БОДОМЗОР МАҲАЛЛАСИ (Бодомзор 8-тор кўч., 47) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Хиёбонттепа», «Мингўрик» маҳаллалари б-н чегарадош. 19-а. ўрталарида асос солинган. Эски шаҳардаги Шайхонтохур, Себзор, Лабзак, Бешоғайни, Раискўча маҳаллалари фуқароларининг шу ҳудудда боғ ҳовлилари бўлган. Боғ ҳовлилар Бўзсув канали бўйида жойлашгани учун кўплаб турли мевалар (ўрик, ёнғоқ, узум, олма, нок, бодом, шафтоли, олча, гилос) етиштирилган. Шунинг учун маҳаллага 1935 й. «Бодомзор» номи берилган. Аҳолиси 2000 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик миллати вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 та озик-овқат дўкони, чойхона ва болалар спорт майдончаси мавжуд.

БОЖХОНА ХИЗМАТИ. Давлат чегараси орқали ўтадиган жамиюклар, жумладан, багаж ва поч-

та жўнатмаларини назорат қилиш, ўтказилаётган юкларни текшириш ва расмийлаштириш, улардан бож ва йигимлар ундириш б-н шуғулланади. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этилишини назорат қилиш, контрабандага қарши кураш ҳам шу хизмат ваколатига киради.

Тарихий ёзма маълумотларга кўра, Тошкент ш.да савдогарларнинг шаҳар чегарасидан олиб ўтиладиган моллари, қимматбаҳо буюмлар ва б. учун бож ундирадиган божхоналар мавжуд бўлган. Дастлабки божхоналар ҳам савдогарларга кўрсатиладиган хизматлар учун бож ундириш мақсадларида ташкил этилган.

7-а.да араб тарихчилари Буюк ипак йўлида олинадиган божлар тўғрисида маълумот берар экан, божхона божи савдогарлар шаҳарларга олиб кираётган товар қийматининг икки фоизини ташкил этишини қайд этадилар. Тошкент ш.нинг Буюк ипак йўлида жойлашгани қадимдан хорижий савдогарлар учун жуда кўп қулайликлар яратган. Шаҳарда савдо-сотиқ ишларининг ривожлангани солиқ ва бож тўловларига катта эътибор беришни талаб этган. Шаҳарнинг 12 дарвозаси ва 2 қопқасида шаҳарга кирувчи ва ундан чиқувчи от-аравалар ва юк ортилган туяларни ҳамда товарларни қайд қилиб турадиган закотчи бўлиб, унинг асосий вазифаси бож (закот) ундириш бўлган. Савдогарлар «закотчи сарой»га кириб, товар қийматининг ўртача 2–2,5 фоизи миқдоридан бож ва ҳар бир туяга ёзиладиган ёрлиқ учун маълум ҳақ тўлаганлар.

20-а.нинг ўрталарига келиб Т.да ижтимоий тараққиёт, фан-



Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси маъмурий биноси.

техника, маданият ва санъат масалаларига бағишланган халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказиладиган бўлди. Шу боис Тошкент аэропорти ва т.й. вокзали кенгайтирилиб, халқаро аҳамиятга молик транспорт узелига айланди. Хорижий меҳмонларнинг юртимизга келиши, фуқароларимизнинг чет давлатларга чиқиши бирмунча кўпайди.

1958 й.да Т. аэропортида Термиз божхонасининг Т. божхона пости очилди. 1959 й. 14 апр.да Т. божхона пости божхона мақомини олди.

1988 й. окт. ойида Тошкент божхонаси негизида собиқ иттифоқ божхонаси таркибига кирадиган Ўзбекистон божхонаси ташкил этилди.

1991 й. 24 окт.да Ўзбекистон Республикаси Божхона кўмитаси тузилди. Кўмита тасарруфида 6 та божхона бўлиб, уларнинг энг йириги Т. божхонасидир. Ўша вақтда пойтахт божхонаси (1992 й. 10 авг.дан Бошқарма) таркибига 11 божхона пости кирган.

Мустақил мамлакатимизнинг иқтисодий равнақи, ташқи савдо фаолияти ўсиб, божхона тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этди. 1997 й. 8 июлда Республика Б.х.га ҳуқуқни ҳимоя қилиш органи мақоми берилди. Т. божхонаси тизимида Т. аэропортида хизмат кўрсатаётган божхона постлари асосида «Тошкент Аэро» ихтисослаштирилган божхона мажмуаси ташкил қилинди.

2008 й.да Тошкент ш. божхона бошқармаси тизимида 12 та бўлим ва мустақил хизматлар ҳамда 10 та божхона пости фаолият кўрсатди. Шаҳар божхона постларининг аксарияти муайян хизмат турлари бўйича ихтисослашган.

«Тошкент-товар» божхона пости – «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК Тошкент юк ортиш-тушириш ст-ясида ташқи иқтисодий фаолият б-н шуғулланадиган 500 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса, тадбиркорларга хизмат кўрсатади, мамлакатимизга т.й. орқали вагон ва контейнерларда олиб келинаётган ёки олиб чиқиб кетилаётган юкларни божхона назоратидан ўтказиш ва уларни расмийлаштиради.

Пост таркибида «Тошкент юк-саройи», «Салор», «Ҳамза» ва «Тўқимачи» т.й. ст-яларида жойлашган пунктлар мавжуд. Постнинг яна бир шохобчаси республикадан четга кўчиб кетаётган ёки мамлакатимизга яшаш учун келаётган фуқароларнинг шахсий юклари ва уй жиҳозларини божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш б-н шуғулланади.

«Аркбулоқ» божхона пости – автотранспорт воситалари орқали Тошкент ш. ҳудудига олиб келинаётган ёки олиб

чиқилаётган юкларнинг экспорт-импорт операцияларини амалга оширади. Халқаро юк ташиш тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ ташиладиган юкларнинг назорати мазкур пост зиммасида. Йилига ўрта ҳисобда 100 минг тоннага яқин автотранспортларда ташиладиган юклар божхона кўригидан ўтказилади ва расмийлаштирилади. Пост бирваракайига 50 та йирик юк автотранспорт воситасини, 400 тонна товарни қабул қила оладиган «Аркбулоқ» терминалига эга.

«Чуқурсой» божхона пости – «Чуқурсой» т.й. ст-яси орқали республикага кириб келаётган ва чиқиб кетаётган юкларни божхона назоратидан ўтказилади. Постда бир йилда ўрта ҳисобда импортга – 200 минг тоннадан ортиқ, экспортга – 25 минг тонна, транзитга – 4 минг тоннага яқин юкларнинг божхона расмийлаштируви амалга оширилади.

«Чет эл ваколатхоналари» божхона пости (4-пост) – хорижий мамлакатларнинг элчихоналари, дипломатик ваколатхоналари, энг йирик халқаро ташкилотлар ва миссиялар, турли хорижий фирмалар ва компанияларнинг юкларини назорат қилиш ва расмийлаштиришга доир божхона тадбирларини амалга оширади.

«Энергия» божхона пости – ўз хусусиятига кўра ягонадир. Товарнинг специфик хусусиятини эътиборга олган ҳолда 2003 й. авг. ойида ташкил этилган. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали ўтаётган энергоресурслар, жумладан, табиий газ ва электр энергияси божхона назоратидан ўтказилади ва расмийлаштирилади. Қувурлар ва электрузатгич

тармоқлари орқали экспортга жўнатилаётган товарлар алоҳида декларацияланган ҳолда чиқарилади.

«Бош почтампт» божхона пости – хорижий давлатлардан келаётган барча турдаги жўнатмалар, бандерол, телеграмма ва хатларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилади.

«Келес» т.й. станцияси божхона пости – дастлаб Тошкентнинг «Шимолий» вокзалида, 2005 й.дан Тошкент вилоятидаги «Келес» т.й. ст-ясида фаолият кўрсатади, МДХ мамлакатларидан келаётган ва уларга чиқиб кетаётган поездлар йўловчиларининг шахсий юкларини божхона ва чегара назоратидан ўтказилади.

«Сергели» божхона пости – т.й. орқали келган юкларнинг божхона назорати ўтказилиб, 200 га яқин ташқи иқтисодий фаолият б-н шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларга хизмат кўрсатади. Постнинг «Сергели», «Собир Раҳимов» т.й. ст-ялари қошида пунктлари мавжуд. Республиканинг асосий миллий бойлиги бўлган пахта толаси экспортини марказлашган ҳолда расмийлаштиришни амалга ошириш мақсадида 2003 й.да постнинг «Тошкенттола» пункти ташкил этилди. Постда ҳар йили ўртача 200 минг тонна юк экспорт-импорт режимида расмийлаштирилади.

«Юнусобод» божхона пости – Тошкент ш.га асосан вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларини, турли товарларни божхона кўриги ва назоратидан ўтказиб, уларнинг белгиланган муддатларда республика миздан чиқиб кетишини таъминлайди. Турли халқаро кўргазмаларга, тадбирларга, чет мамлакатларга ишлатиш учун вақтинча


олиб чиқилган техника ва бошқа товарларнинг тўла божхона назоратини олиб боради ҳамда ушбу режим бўйича расмийлаштирилган товарларнинг мамлакатимизга тўла-тўқислигича қайтиб келишини назорат қилади.

«Файзиобод» божхона пости – шаҳарга хорижий давлатлардан келаётган тамаки ва алкогольли маҳсулотларни божхона назоратидан ўтказилади. Мазкур постда акциз маркаларини олиб чиқиш ва олиб кириш, уларни тамаки ҳамда алкоголь маҳсулотларига тамғалаш, шунингдек, акциз маркалари айланувининг тўлиқ назорати олиб борилади.

Айни пайтда постда тижорат ва ўз эҳтиёжи мақсадида олиб келинаётган автотранспорт воситалари – енгил, юк, микроавтобус ва автобусларнинг импорт-экспорт бўйича божхона расмийлаштируви ўтказилади.

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот институти (Бунёдкор шоҳкўчаси, 28) – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги илмий-и.ч. маркази таркибидаги илмий муассаса. 1957 й.да ташкил этилган. 1963–92 й.ларда Ўрта Осиё қ.х. иқтисодиёти и.т. институти, 1992–94 й.ларда Ўзбекистон қ.х. иқтисодиёти и.т. институти номлари б-н юритилган. 1994 й.дан ҳоз. номда.

Ин-т илмий фаолиятининг асосий йўналишлари: аграр соҳада ислоҳотлар ўтказиш тамойиллари ва илмий асосларини ишлаб чиқиш; республика агро-саноат мажмуида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг илмий-амалий асосларини такомиллаштириш; бозор инфратузилмаси, маркетинги ва менеж-



Тошкент бозорлари харита-схемаси.

ментини шакллантириш; ахборот таъминоти ва б.

Ин-тда (2008) 9 та илмий тадқиқот бўлими ва Қорақалпоғистон ҳамда вилоятларда хўжалик ҳисобидаги «Меъёрий-тадқиқот» бўлимлари бор. Ин-тда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 1 академик, 3 фан д-ри, 9 фан номзоди ва 50 дан ортиқ илмий ходим ва мутахассислар ишлайди.

БОЗОРЛАР – Т.да қадимдан шаҳарнинг таркибий қисми ҳисобланиб, аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Б. савдо-сотик жойигина бўлиб қолмай, балки хунармандчилик ва жамоат м-элари вазифаларини ҳам ўтаган. Б. атрофида устахоналар, хунарманд-қосиблар яшайдиган маҳаллалар жойлашган. Чорсу

(ҳоз. Эскижўва) бозори энг катта бозор ҳисобланган. У Эски шаҳарнинг геометрик м-зида, Т.нинг 4 даҳаси туташган ерда жойлашган.

Илмий манбаларда 19-а. бошларида бу бозорда қарийб 3000 та дўкон, бозор ёнида эса 16 та *қарвонсарой*, омборхоналар бўлганлиги қайд этилган.

Бозор дўконларини энг бой савдогарлар, хунармандлар қурган ва эгалик қилган. Йирик савдогарлар махсус жамоага бириккан. Уни энг обрўли катта савдогарлар орасидан сайланган оқсоқол қарвонбоши бошқарган. Ўз навбатида айрим савдо расталари бирикиб, шу рас-тадаги дўконлардан ўзларининг оқсоқоли (раиси)ни сайлаганлар. Оқсоқол савдо тартиблари ва қоидаларига амал қилиниши-

ни кузатиб, харидорлар ва савдогарлар орасидаги можаронинг ҳал қилинишига, баъзан ташқаридан келган молнинг дўконлар орасида одилона тарқатилишига бош бўлган.

Чорсу бозорида рўзгор учун зарур бўлган барча буюмлар, заргарлик буюмлари ҳамда озиқ-овқат, мевалар ва бошқалар б-н савдо қилинган. Т.да Шарқдаги бошқа шаҳарларда бўлгани каби тунги бозор (қ. *Бозоршаб*) ишлаган.

Турли моллар сотилган Чорсу бозоридан ташқари Т.да 19-а. охири – 20-а. бошида яна 4 махсус бозор бўлган. Иккитаси – от бозор ва қўй бозор (мол бозор деб ҳам аталган) шаҳарнинг шим. қисмида – Ҳастимом мавзесида, Қовун бозор Самарқанд дарвозаси мавзесида жойлашган.

Ўрда (Шайхонтоҳур даҳаси)да ҳам бозор бўлиб, унга қарвонлар Қашқар дарвозасидан келарди. Шаҳарнинг машҳур қаймоқ бозори ҳам шу ерда эди. Ўрда бозори мавқеи жиҳатидан Чорсу бозоридан кейин турган. Бундан ташқари, ҳар маҳалланинг ўз бозорчаси (гузари) ҳам бўларди. Уларда кундалик рўзгор учун керакли нарсалар сотилган, сартарошхона бўлган.

20-а.нинг 30-й.ларида аввалги Б. реконструкция қилиниб, колхоз ва кооперативлар бозорига айлантирилди. 80-й.лар охиридан улар «деҳқон бозори» номини олди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг бозор иқтисодиётининг ҳаётга татбиқ қилиниши анъанавий савдони янги замонавий услуб ва воситалар б-н бойитишни тақозо этди. Б.ни обод қилиш, уларни давр ва аҳолининг ўсиб бораётган талабларига жавоб бера оладиган



Эскижўва деҳқон бозорининг умумий кўриниши.

ҳолатга келтириш чоралари кўрила бошланди. Бозорларни асосий шохкўчалар, йирик савдо иншоотлари мажмуаси ва турар жой массивлари, т.й. вокзали, автобошбекат яқинида ва микрорайонлар марказида жойлаштиришга эътибор қаратилди. Уларнинг меъморий ечимлари ўзига хос миллий анъаналар асосида бунёд этила бошланди.

Б. очик акциядорлик жамияти, МЧЖларга айлантирилди. Т. бозорларининг деярли ҳаммаси реконструкция қилиниб, анъанавий қатор устунли бостирмалар, гумбазли, тоқ ва тим, соя-бонсимон, ойнабанд услубида барпо этилди. Буларда сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида савдо расталарининг атрофида дўконлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мужассамлаштирилмоқда, фавворалар қурилмоқда. Б. ҳудудида деҳқонлар меҳмонхонаси, музлатгичли ом-

борхоналар, юк кўтаргич ва б. иншоотлар мавжуд.

Б. асосий сотиладиган маҳсулотларга кўра деҳқон Б.и (қ.х. маҳсулотлари), буюм Б.и, ихтисослашган Б. каби асосий турларга бўлинади.

Т.да «Тошбозортайёрлов-савдо» уюшмаси тизимига кирувчи 13 та деҳқон бозори ва уларнинг 70 га яқин шохобчаси, 4 та буюм бозори, 3 та ихтисослашган бозор бор (2009). Йирик Б.: *Эскижўва деҳқон бозори, Олой деҳқон бозори, Фарҳод деҳқон бозори, Қўйлик деҳқон бозори, Юнусобод деҳқон бозори, Бешёғоч деҳқон бозори, Авиасозлар деҳқон бозори, Миробод деҳқон бозори, «Наврўз» деҳқон бозори, Сергели деҳқон бозори, Чилонзор ва Қўйлик буюм Б.дир. Жами деҳқон Б. қарийб 22,5 минг савдо ўрнига, буюм Б. 4,5 мингга яқин, ихтисослашган Б. эса 1100 дан ортиқ савдо ўрнига эга (2008).*

БОЗОРШАБ, б о з о р и ш а б (форс. тунги бозор) – ўтмишда Туркистоннинг йирик шаҳарларида, жумладан Т.да, одатда, кўпроқ байрам ва рўза кунлари уюштирилиб, оммавий кўнгил очиш кечалари б-н кўшиб ўтказилган. Б. пайтида Шайхонтоҳур мажмуаси (ҳоз. Навоий кўч. ўрни), Чорсу майдони (Регистон) безатилган, турли хил ширинлик-қандолат, мева-чева, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмлари сотилган. Карнай, сурнай ва ногоралар одамларни Б.га чорлаган. Майдонларга дорлар қурилиб, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар ўйин кўрсатган, ўргатилган ҳайвонлар, айниқса, айиқ ўйини намойиш қилинган, полвонлар курашган. Чойхоналарда созанда, хонанда, аскиячи, қизиқчи, раққослар санъатларини намойиш қилган.

1829 й. Т.га келган рус зобити Н. Потаниннинг ёзишича,

«рўза оии тугаб, ҳайит байрами бошланганда, шаҳар атрофидаги тепаликларга чодирлар ўрнатилган, кўплаб аҳоли бир ҳафта мобайнида мусиқа, рақс, кураш, туяларни чоптириш ва уриштириш, така, кўчқор, бедана, каклик уриштириш б-н машғул бўлишган».

Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати б-н Тошкентдаги айрим бозорларда Б.га ўхшаш тадбирлар ўтказиш расм бўлмоқда.

«БОЙКЎЧА» – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Гулистон, Камолон, Мўркон, Хўжамаҳалла, Чақар маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси ўзбеклар бўлиб, асосан, шаҳардан ташқаридаги ерларида деҳқончилик б-н шуғулланишган. Аҳолисининг кўпчилиги бой-соҳибкорлар бўлган (номи шундан олинган деб тахмин қилинади). Б.да 2 масжид, бир неча баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). Ҳоз. ҳудудида 4–9 қаватли турар жой бинолари қурилган.

Болалар ижодиёти уйи.



БОЙМУҲАМЕДОВ Ҳосил Нурматович (1918.1.12–1990.14.7) – геолог олим, Ўзбекистон ФА акад. (1979), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1976), геология-минералогия фанлари д-ри (1960), проф. (1962). Т.да тутилган. Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1943). Ўзбекистон геология бошқармасида катта геолог ва геолог-консультант (1950–52), Ўрта Осиё политехника ин-тида доцент (1950–61), Геология ва минерал хомашё ин-тида катта илмий ходим (1957–60), Т. политехника ин-тида каф. мудири (1960 й.дан), проректор (1960–72), Ўзбекистон ФА Президиумининг бош илмий котиби (1972–79). Ер ҳақидаги фанлар бўлимининг акад.-котиби (1979 й.дан). Асосий илмий ишлари руда конлари геологияси ва Ўрта Осиёдаги рудали р-нлар ва провинциялар металлогениясига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). Минор қабристонига дафн этилган. Тошкент ш. кўч.ларидан бири Б. номига қўйилган.

«БОЙСУН» МАҲАЛЛАСИ (Бойсун кўч., 9) – Ҳамза туманидаги маҳалла. М.Ашрафий, Жўрабек, А.Яссавий, «Тараққиёт», «Маърифат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1930 й. ташкил топган. 2009 й.гача маҳалла фаоли Фулом ота Усмонов номи б-н аталган, 2009 й. апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2360 киши, 8 миллат вакиллари яшайди.

БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ УЙИ – болаларнинг мактабдан ташқари оммавий таълим-тарбиявий ишларини ташкил қилиш, ёш авлоднинг билим даражаси, қизиқишлари, ижодий қобилиятини ўстириш, касб танлашга ёрдам бериш, улар тайёрлаган маҳсулотни чет элда тарғиб қилишга қаратилган марказий ижодиёт уйи. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимига қарайди. Б.и.у.да радиоэлектроника, ёғоч ўймакорлиги, бичиш ва тикиш, видеостудия, тасвирий санъат, ад., лак миниатюриси тўғарақлари, шахмат клуби, эстрада-вокал студияси, компьютер синфи ва б. бор. Ижодиёт уйи Ўзбекистон БА б-н яқиндан ҳамкорлик қилади.

Б.и.у.нинг биноси Т.нинг Эскижўва майд.да 2005 й.да қурилган (лойиҳа раҳбари – В.А.Акопжаниян, меъмори – М.Ш.Мусаев). Бино 2 қаватли бўлиб, спирал бўйлаб юқорига чиқилдиган зинавор шаклдаги ўзига хос меъморий ечимга эга. Бино бал. 18,0 м, эни 42,9 м. 1-қаватда ижодиёт уйининг тўғарақлари, шунингдек, мажлислар зали, маъмурият, 2-қаватда кўргазма галерея (майд. 480,0 м²), томоша майд.часи (16,8 м²) ўрин олган. Марказий қисмидаги муҳташам кўргазма зали 12 м ли гумбаз б-н ёпилган. Мазкур гумбаз Самарқанддаги Тиллакори мадрасаси гумбазидан андоза олин-

ган безаклар б-н пардозланган. Миллий услубдаги безакларни «Усто» уюшмасининг Т. ва Самарқанд корхоналарининг моҳир ганчкор, наққош усталаридан А. Илҳомов, А. Каримов, Х. Жалиловлар шогирдлари б-н бажарганлар.

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ, 1-шаҳар болалар клиник касалхонаси (Муродов кўч., 9) – 1979 й. кўп тармоқли болалар касалхонаси сифатида ташкил этилган. Дастлаб 835 ўринга эга бўлган. 2008 й.дан 1-шаҳар болалар клиник касалхонасига айлантирилди. Касалхонада 430 ўринга эга бўлган 11 бўлим бор (2008). Унда Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг аллергология, хирургия, офтальмология, педиатрия ҳамда Т. врачлар малакасини ошириш ин-тининг неонатология ва неврология каф.лари фаолият олиб боради. Йилига 15000 дан ортиқ бола ётиб, 35000 га яқин бола қатнаб даволанади (2008).

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ, 2-шаҳар болалар жарроҳлик клиник касалхонаси (Буюк ипак йўли кўч., 155^а-уй) – 1959 й.да 14-шаҳар болалар касалхонаси номи б-н ташкил топган. Дастлаб 380 ўринга эга бўлган 6 та бўлим фаолият кўрсатган. 2008 й. 25 мартдан 2-шаҳар болалар жарроҳлик клиник касалхонасига айлантирилган.

Касалхона 186 ўринга эга. Унда режали, йирингли ва шошилич жарроҳлик, торакал жарроҳлик, травматология ва реанимация бўлимлари, клиник ва биокимё лаб., марказий стерилизация бўлими, физиотерапия, эндоскопия, функционал диагностика, УТД хоналари, ички дорихона бор (2008).

Касалхонада Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг болалар

жарроҳлиги, урологияси, онкологияси ва болалар травматологияси ва ортопедияси каф.лари фаолият кўрсатади.

Касалхонада йилига 6000 та бемор ётиб даволанади, 10000 га яқин беморга амбулатор ёрдам кўрсатилади, шунингдек, турли оғирликдаги операциялар (ўт йўллари нуқсонлари, орқамия чурраси, долихосигма, нефроуретерэктомия, сон суягининг туғма чиқиши, тери пластикаси, туғма маймоқлик, аппендицит, перитонит, ўткир ичак тутилиши, қорин бўшлигининг ёпиқ ва очиқ жароҳатлари) амалга оширилади (2008).

Бундан ташқари касалхона Тошкент ш.даги барча туғуруқхоналар, болалар уйлари, болалар касалхоналари ҳамда респ. барча вилоятлари учун консультатив марказ ҳисобланади.

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ, 3-шаҳар болалар клиник касалхонаси (Бешқайрағоч кўч., 243) – соматик касалликлар б-н хасталанган беморларга хизмат кўрсатадиган тиббий муассаса. 1983 й.да кўп тармоқли касалхона сифатида ташкил топган. Болалар ва катталарга мўлжалланган 300 ўринга эга бўлган. 1988 й.да 7-шаҳар касалхонасига айлантирилган.

1996 й.дан 10-туғуруқ мажмуаси ва 7-шаҳар касалхонаси бирлаштирилиб, «Она ва бола» маркази деб номланди. М-зда Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг педиатрия каф. фаолият кўрсатган.

Касалхона 2008 й. 9 апрелдан 3-шаҳар болалар клиник касалхонасига айлантирилган. Касалхонада 296 ўринга эга бўлган умумий педиатрия, неврология, гўдак болалар патологияси, чала туғилган болалар патологияси ва

уларни парвариш қилиш, соматик касалликлар бўлими, оналарни, шунингдек, фертил ёшдаги камқонли аёлларни соғломлаштириш, болалар гематологияси, болалар аллергологияси, консультатив диагностика бўлимлари фаолият кўрсатади. Бундан ташқари рентген, ЭХО энцефалография, УТД, ЭКГ, физиотерапия хонаси, бактериологик лаб., клиник лаб., кундузги даволаш бўлими ва ички дорихона бор. Касалхонада йилига 10000 га яқин беморга хизмат кўрсатилади.

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ, 4-шаҳар болалар клиник касалхонаси (Марказ-27, Боғқўча кўч., 20) – Тошкент ш.да юрак қон-томир ва бўғим касалликлари б-н хасталанган болаларга хизмат кўрсатадиган даволаш муассасаси. 1950 й.да ташкил топган. Дастлаб 6-болалар бирлашган касалхонаси сифатида умумсоматик беморларга хизмат кўрсатган (2 бўлим ва 50 ўринга эга бўлган).

1964 й.да касалхона негизда болалар кардиоревматология диспансери очилиб, у 1988 й.дан шаҳар болалар кардиоревматология м-зига айлантирилган. 2008 й.дан касалхона 4-шаҳар болалар клиник касалхонаси деб номланади.

Касалхонада 120 ўринга эга бўлган 1- ва 2-кардиоревматология, пульмонология, 6 ўринли реанимация бўлимлари бор; йилига 4000 га яқин беморга хизмат кўрсатилади (2008).

БОЛАЛАР КАСАЛХОНАСИ, 5-шаҳар болалар клиник касалхонаси (Зиёлилар кўч., 38) – 1959 й.да 5-сон болалар касалхонаси номи б-н ташкил топган. Дастлаб 100 ўринли бўлган. 1967 й.да касалхонада гематология бўлими (60 ўринли) очил-

ган бўлиб, у респ.нинг барча вилоятларидан келган бемор болаларга хизмат кўрсата бошлаган. Шунингдек, касалхонада донорлик пункти ва гастроэнтерология, эндокринология бўлимлари ҳам ишга туширилган (1975).

2008 й.дан касалхона ҳоз. ном б-н аталади. Касалхонада 130 ўринга эга бўлган муддатига етмай туғилган чақалоқларни парвариш қилиш (1- ва 2- бўлим) ҳамда эмизикли болалар ва оналарни соғломлаштириш бўлимлари бор. Бундан ташқари реанимация, клиник таҳлил, тезкор, бактериологик лаб.лар, физиотерапия, УТД, ЭКГ, рентген хоналари, ички дорихона бор. Касалхонада Т. врачлар малакасини ошириш ин-тининг педиатрия, Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг неонатология ва педиатрия каф.лари фаолият олиб боради. Йилига 3800 га яқин беморга хизмат кўрсатилади (2008).

БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИ, Республика давлат болалар кутубхонаси (Яҳё Фуломов кўч., 47) – 1965 й. очилган. Бунга қадар Навоий кутубхонасининг болалар бўлими тарзида мавжуд бўлган. Барча Республика давлат болалар кутубхонаси.

турдаги болалар кутубхоналарининг илмий-методик м-зи. Биноси Европа меъморчилиги услубида 1909 й. қурилган (меъмор И.А.Маркевич).

Б.к. информацион-библиографик ва и.т. ишлари олиб боради. Китоб фонди 250 мингдан ортиқ асарни ташкил этади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий ад., луғатлар, болалар ва педагогикага оид даврий матбуот нашрлари, ноталар, грампластинкалар, СД дисклар тўплами – 300 та (электрон энциклопедиялар, маълумотномалар ва б.), фанларга оид дарсликлар, чет тилларни ўрганиш бўйича дастурлар ва 250 илмий-оммавий фильмлардан иборат видеотекага эга. Б.к.нинг электрон кутубхонасида бадиий адабиётлар, лотин ва кирилл алифбосидаги, ўзбек ва рус тилларидаги рефератлар, болалар электрон компьютер журналлари бор (2009).

Кутубхона хизматида ахборот технологияларини изчил жорий этиш ва болалар кутубхоналарининг иш жараёнида универсал ахборот-ресурслардан фойдаланиш (аудиовизуал, электрон ресурслар ва Интернет

ресурслари) Б.к.нинг асосий йўналишларидан бири саналади.

Б.к. ўзининг ахборот-ресурс м-зига эга. Ахборот-ресурс м-зида электрон видеотехника зали, компьютер кутубхонаси мавжуд. Кутубхонада локал тармоққа ва интернетга уланган 12 та компьютер мавжуд. 2007 й. майда япон маданияти соҳасидаги грант бўйича олинган жиҳозлар ўрнатилди.

Япон аппаратураси ёрдамида аудиокассеталар, грампластинкаларни СД дискларга кўчириш амалга оширилмоқда. Кўзи ожиз болалар мактаблари ва кутубхоналар учун аудиокинолар тайёрланмоқда.

Ҳар йили кутубхона «XXI асрда болалар ўқиши» мавзuida илмий-услубий конференциялар ўтказилади. Кутубхонада «Ёшлар ва қонун», «Ёш экскурсоводлар», «Дийдор» театр студияси, «Жон қизлар, жонон қизлар», «Рассомчилик» студияси, «Ёш гитарачилар», «Интелл» клублари фаолият кўрсатиб келмоқда.

БОЛАЛАР РУҲИЙ-АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ МАРКАЗИ (Бехтерев кўч., 2) – 1927 й.да болалар асаб касалликлари санато-

Кутубхонанинг ахборот-ресурс марказида илмий-услубий конференция.



рийси номи б-н ташкил этилган. 1968 й.дан руҳий-асаб касалликлари санаторийси деб юритилган. 2008 й.дан ҳозирги номда.

М-зда 150 ўринга эга бўлган руҳий-асаб касалликлари бўлими, кундузги шифохона, сиҳатгоҳ ва диспансер бор (2008). Унда туман руҳшуноси йўлланмаси б-н келган 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган, тутқаноқ, ақлий заифлик, бош миянинг органик етишмовчилиги, шизофрения, энурез, дудуқланиш каби касалликлар б-н хасталанган болалар даволанади.

М-зда 2003 й.дан Т. тиббиёт академиясининг руҳий касалликлар каф. фаолият кўрсатади. Йилига 1200 га яқин бола ётиб, 6200 дан зиёд бола қатнаб даволанади (2008).

БОЛАЛАР СИЛ КАСАЛЛИГИ САНАТОРИЙСИ, Шаҳар болалар сил касаллиги санаторийси (Жамшид кўч., 1/47) – соғломлаштириш маскани. 1963 й. Шайхонтохур туманида 1-сил касалликлари санаторийси сифатида фаолият бошлаган. 1977 й. 5- болалар юқумли касалликлар касалхонасига айлантирилган. 1997 й.дан ҳозирги номда. 1997 й. санаторийда сил касаллигининг фаол шакллари б-н оғриган болалар учун 150 ўринга эга бўлган бошланғич мактаб очилди.

Санаторийда 150 ўринга мўлжалланган 4 та бўлим (қабул бўлими, физиотерапия бўлими, даволаш бадантарбияси ва б.), клиник лаб., рентген хонаси мавжуд бўлиб, Тошкент ш.нинг барча туманларидаги силга қарши диспансерларнинг йўлланмаси б-н 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар даволанадилар.

Болалар организмни чиқаришда бассейн, фитобар, нуқтали массаж, спорт майдон-

чалари (футбол, баскетбол, теннис)дан фойдаланилади. Йилига 1000 дан ортиқ бола даволанади.

БОЛАЛАР СУЯК СИЛИ САНАТОРИЙСИ (Буюк ипак йўли кўч., 425) – соғломлаштириш-даволаш муассасаси. 1926 й.да Тошкент ш.дан 15 км узоқликда жойлашган Луначарское шаҳарчасида темир йўллар вазирлигига қарашли сил интоксикацияси б-н оғриган болалар учун санаторий сифатида ташкил этилган. У дастлаб 150 ўринга эга бўлиб, шундан 50 таси суюк сили б-н хасталанган болаларга мўлжалланган эди. 1959 й.дан санаторийда жарроҳлик бўлими фаолият кўрсата бошлади, бу умуртқа поғонасининг силида абсцессонекрозектомия, спондилодез, остеотомиялар, артродез ва Илизаров усуллари бўйича суюк сегментларини узайтириш ва б. жарроҳлик амалиётларини ўтказиш имконини берди. 1966 й.дан санаторий тўлиқ болалар суюк сили ва б. суюк касалликлари санаторийсига айлантирилган.

Санаторийда қабул-диагностика (20 ўринли), жарроҳлик (110 ўринли) ва консерватив даволаш (100 ўринли) бўлимлари, шунингдек, рентген, функционал текширув хонаси, клиник, биокимё ва бактериологик лаб.-лар, физиотерапия, даволаш бадантарбияси хоналари бор. Санаторийда респ.нинг барча вилоятларидан келган суюк ва бўғим сили, сурункали остеомиелит ва остеохондропатия б-н

хасталанган болалар консерватив ва жарроҳлик йўли б-н даволанади. Ҳар йили 700 дан ортиқ бемор болалар даволаниш б-н бир вақтда санаторий қошидаги умумтаълим мактабида ўқийдилар (2008).

БОЛАЛАР ТЕМИР ЙЎЛИ – ҳоз. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғида 1940 й. очилган. Тор изли, т.й. умумий уз. 1700 м. «Ёшлик» ва «Навоий» бекатлари бор. Автоматик блокировка қурилмаси, телефон ва диспетчерлик алоқалари б-н жиҳозланган. 2 тепловоз ва 5 пассажир вагонига эга. Б.т.й.да умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари хизмат қилади. Б.т.й.да ўқиш муддати 3 йил; унга 5–9-синф ўқувчилари қабул қилинади. Уни тугатганларга т.й. транспорти ўқув юртларига киришда имтиёзлар берувчи гувоҳнома берилади. Т.й.ни йўриқчилар раҳбарлигидаги ёш темир-йўлчилар ва йўриқчилар кенгаши бошқаради. Қишда ўқувчилар б-н назарий машғулотлар ўтказилади. Ўқувчилар ёзда и.ч. амалиётини ўтайдилар. Б.т.й.да ўқиш даврида болалар т.й.чиларнинг 30 дан ортиқ мутахассисликларини эгаллайдилар. Поездлар ҳар йили май ойдан ноябргача қатнайди. Ана шу даврда 40 мингдан ортиқ бола сайр

Болалар темир йўли.



қилади. 2007 й. гача 5,5 млн.дан ортиқ пассажир ташилди. Б.т.й.да ҳар йили 100 дан ортиқ ўқувчи таълим олади (2009).

БОЛАЛАР УЙЛАРИ – қ. *Меҳрибонлик уйлари.*

БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КАСАЛХОНАСИ, 2-шаҳар болалар юқумли касалликлар клиник касалхонаси (Жарқўрғон кўч., 39) – 1945 й.да ташкил этилган. 1996 й.гача 3-шаҳар болалар касалхонаси, 1996–98 й.ларда тери касалликлари касалхонаси сифатида фаолият кўрсатган. 1998 й.дан 7-болалар юқумли касалликлар касалхонаси деб номланган. 2008 й.дан 2-шаҳар болалар юқумли касалликлар клиник касалхонаси деб юритилади. Касалхонада 100 ўринли 2 та бўлим, шунингдек, клиник, биокимё лаб., марказий стерилизация бўлими ва ички дорихона бор (2008). Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг болалар юқумли касалликлари каф. фаолият кўрсатади. Касалхонада йилига 5500 га яқин 2 ойликдан 14 ёшгача бўлган ўткир диарея, вирусли гепатит, ўткир респиратор касалликлари б-н хасталанган болаларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилади.

БОЛАЛАР ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КАСАЛХОНАСИ, 3-шаҳар болалар юқумли касалликлар клиник касал-

хонаси (Кичик ҳалқа йўли, 26) – 1998 й.да 6-шаҳар болалар юқумли касалликлар касалхонаси номи б-н ташкил этилган. 2008 й.дан ҳоз. номда. Касалхона Тошкент ш. ва вилоятлардан келтирилган бемор болаларга тиббий хизмат кўрсатади. 120 ўринга эга бўлиб, ўткир респиратор вирусли инфекция, грипп, ларингит, бронхит, зотилжам б-н хасталанган болалар даволанади. Бундан ташқари ички дорихона, клиник-биокимё лаб., физиотерапия, рентген хоналари мавжуд.

Касалхона П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи ва Сергели тиббиёт коллежининг клиник базаси ҳисобланади. Йилига 6000 дан зиёд беморга малакали тиббий хизмат кўрсатади (2008).

БОЛАЛАР-ЎСМИРЛАР СПОРТ МАКТАБЛАРИ – мактаб ёшидаги болалар ўртасида спорт машғулоти олиб борадиган муассасалар. Т.да дастлабки спорт мактаблари 1934 й.да ташкил этилган. Асосий вазифаси – мактаб ёшидаги болаларни жисмонан чиниқтириш, улар ўртасида спортни янада оммалаштириш, иқтидорли ёш спортчиларни тарбиялаш. Бундай спорт мактаблари Халқ таълими вазирлиги, спорт жамиятлари ва б. ташкилотлар қошида тузилади. Спорт-

нинг бир неча турига ёки бир турига ихтисослашган бўлиши мумкин.

Учтепа туманидаги «Журжоний» спорт-соғломлаштириш мактабининг каратэ тўғарагида машғулот.



Т. шаҳрида 47 болалар-ўсмирлар спорт мактаби бор. Улардан 32 таси Халқ таълими вазирлигига, 14 таси Касаба уюшмалари федерацияси, 1 таси Тошкент ш. ҳокимиятига қарайди. Ушбу спорт мактабларида спортнинг 37 тури (улардан 26 таси олимпиада дастурига кирган) бўйича 18375 нафар ўқувчи (улардан 4156 таси қизлар) машғулотларда қатнашади (яна қ. *Жисмоний тарбия ва спорт*).

БОТАНИКА БОҒИ (Боғишамол кўч., 232) – ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) қошидаги ботаника боғи асосида ташкил топган, 1950 й.дан расмийлаштирилиб, қурилиши бошланган. 1968 й. 1 янв.дан боғ и.т. институти мақомини олди. 1998 й. Ботаника ин-тига қўшилгач, Ботаника ин-ти ва ботаника боғи деб аталди, 2001 й.дан эса «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази деб номланади. Ҳоз. Б.б. шу марказ тасарруфида. Ботаника боғи респ. миқёсида ўсимликларни интродукция қилиш (илгари ўстирилмаган янги ўсимликларни ўстириш, иқлимлаштириш ва улардан хўжаликда фойдаланиш) масаласини ўрганиш ва ишлаб чиқиш илмий маркази ҳисобланади. Боғнинг 64 гектар майдони бўлиб, унда интродукция қилинган ўсимликларнинг тури ва навлари 2008 й. бошида 6 мингдан ошди. Шундан 2500 тури дарахт ва бута, қолгани бир, икки ва кўп йиллик ўтлардир. Бу ўсимликлар Осиё ва Европа мамлакатлари, Кавказ, Узоқ Шарқ ўлкаларидан, Шим. Америка, Хитой ва Урта денгиз бўйидаги мамлакатлардан олинган 800 дан ортиқ ўсимлик турлари оранжереяларда ўстирилади. Интродукция қилинган ўсимликлар орасида манзарали ва ме-

вали дарахтлар, хилма-хил резавор мевали буталар, шифобахш ўсимликлар бор. Кўкаламзорлаштириш учун экиладиган лола дарахти, ленкоран акацияси, пирамидал эман, пушти гулли акация, йирик баргли жўка, хитой тераги; манзарали кўп йиллик пиёзли ўсимликлардан лола, крокус, гиацинт; илдизпояли ўсимликлардан гулсафсар, саллагуллар, 90 дан ортиқ дурагай гибискус – пахтагул ўсимликлари кўчатлари етиштирилади. Боғ ҳар йили 15 мингга яқин уруғ намуналарини тарқатади ва ўз навбатида бошқа ботаника боғларидан ҳам уруғ олиб туради. У чет мамлакатлардаги 477 боғ ва 200 дан зиёд турли илмий ташкилотлар б-н алоқа қилади. Ботаника боғи мавзули тўплам ва уруғларнинг номи ёзилган индекс рисола (брошюра) чиқаради. Талабалар, мактаб ўқувчилари, табиатшунослар ва б. учун билим лаб. бўлиб хизмат қилади.

Англияда эълон қилинган «Дунёдаги энг йирик ботаника боғлари» номли асарда Ўзбекистон ботаника боғи ҳам тилга олинган. Акад. Ф.Н. Русанов раҳбарлигида боғ ходимлари томонидан 14 жилдли «Ўзбекистон дендрологияси» (русча), «Ўсимликлар интродукцияси»

номли 27 тўплам ва кўплаб монография ҳамда мақолалар нашр этилди.

«БОТАНИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ, Ўзбекистон Республикаси ФА «Ботаника» илмий-и.ч. маркази (Дўрмон йўли кўч., 32) – 1940 й. Ботаника ин-ти номи б-н ташкил этилган. 1941 й.дан Ботаника ва тупроқшунослик ин-ти деб номланган. 1950 й.дан мустақил Ботаника ин-ти. 1998 й. ин-тга Ботаника боғи қўшилгач, Ботаника ин-ти ва ботаника боғи деб аталди. 2001 й.дан ҳоз. номда. Ин-тда табиий шароитда ўсадиган ўсимликлар дунёси ҳар томонлама ўрганилиб, муҳофаза қилиш, қайта тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўсимликлар интродукцияси биотехнологияси, ўсимликлар қоплами, экология, табиатни муҳофаза қилиш, палеоботаника, ўсимликлар хомашёси, анатомияси, цитозембриоло-

гияси, Орол денгизи атрофидаги қуриб қолган ерларни қайта ўзлаштириш, чорва моллари учун ем-хашак базасини ташкил этиш, экологик хариталар тузиш ва б. устида и.т.лар олиб борилди. Ин-тда 6 ж.ли «Ўзбекистон флораси», 10 ж.ли «Ўрта Осиё ўсимликлари аниқлагичи», «Ўзбекистон Қизил китоби» каби 120 дан зиёд монография ва тўпламлар тайёрланган. Таркибида Ботаника ин-ти (12 лаб. б-н), Ф.Н.Русанов номидаги *Ботаника боғи*, М-зий гербарий (1,4 млн.дан зиёд ўсимлик нусхалари сақланади) бор. М-зда аспирантура, д-рантура, ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. М-зда 165 илмий ходим, жумладан 1 акад., 15 фан д-ри ва 26 фан номзоди ишлайди.

«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИ – бальнеологик курорт. Тошкент ш.дан 30 км узоқликда. Чатқол тоғи этакларида, денгиз сатҳи-

Ботаника боғи.
Тиббиёт-ботаника
лабораторияси.

Боғдаги хонгул
ўсимлиги.





«Ботаника» санаторийси.

дан 570 м баландликда жойлашган. Майд. 19,7 гектар. Санаторий ҳудудида дастлаб т.й. ходимлари учун дам олиш уйи (1942 й.гача), ҳарбий госпиталь (1942–46), мавсумий (1947–56) ва йил бўйи ишлайдиган (1956–66) дам олиш уйи бўлган, 1966 й.дан марказий ва периферик нерв системаси ҳамда ҳазм аъзолари касалликлари б-н оғриган кишилар даволанадиган санаторийга айлантирилган. Санаторий яхши кўкаламзорлаштирилган, яқинидан Бўзсув оқиб ўтади. Санаторийдаги термал хлорид-гидрокарбонат-натрийли минерал сувдан ичиш, ванналар учун, ичакларни ча-

йиш, меъдани ювиш мақсадида, Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Балиқликўл»дан олиб келинадиган балчиқдан эса чаплаш (апликация) ва гальваник балчиқ кўринишида фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапия, рефлексотерапия, даво физкультураси, массаж, иссиқ (парафин ва озокерит) ҳамда лазер б-н даволаш усуллари ҳам қўлланади, зарур бўлганда дори-дармонлар, шифобахш дамламалар ва парҳез таомлар берилади.

526 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), ёзги ва қишки клуб, кутубхона, спорт майдончалари

мавжуд, Болалар ва оналар учун йил давомида ишлайдиган 68 ўринли бўлим ҳам бор (1990 й.дан).

БОТИР ЗОКИРОВ – қ. Зокировлар.

БОТИР ЗОКИРОВ КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманлари ҳудудида, Навоий ва Туроб Тўла кўчалари оралиғида. Уз. 1,2 км. 2005 й. 25 апр.да Абай кўч.нинг бир қисмига қўйилган. Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров номи б-н юритилади. Кўча йўналишида Ўзбекистон консерваторияси, автобуслар бошбекати, «Алп Жамол» мебель дўкони, «Эзидиёр» ресторан-тўйхонаси, «Алишер Навоий», «Пахтакор» ва «Ўзбекистон» метро бекатлари жойлашган. Кўча яқинида Адабиёт музейи, Ўзбекистон ёшлар театри, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Пахтакор» стадиони, Ўрмончилик ва манзарали боғдорчилик илмий м-зи, Киночилар уйи, Тошкент иқтисодиёт ун-ти ва б. муассасалар бор.

«БОТИРМА» МАҲАЛЛАСИ (17-мавзе, 51) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Нўғойқўрғон», «2-Қатортол», «Меҳржон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1982 й. «17-мавзе» номи б-н ташкил топган, 1992 й. апр.да маҳалла қўмитасига юридик шахс мақоми берилган. 2006 й.дан «Ботирма» деб номланган. Аҳолиси 5150 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, руслар, татарлар ва б. яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 3 болалар боғчаси, Ю.Ражабий номидаги педагогик коллеж, хусусий клиника, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, «Парламент» кафеси, интернет клуб, компьютер ўқув м-зи, озиқ-овқат дўконлари мавжуд.



БОТКИН КЎЧАСИДАГИ ША-ХАР ҚАБРИСТОНИ (Боткин кўч., 106) – майд. 41 гектар. 1820–30 й.лардан мавжуд. Рус врач-терапевти, Петербург тиббиёт-жарроҳлик академиясининг проф. С.П.Боткин (1832–1889) номи б-н аталган. Қабристонга меъморлардан В.С.Гейнцельман ва И.А.Маркевич, мусиқашунос В.А.Успенский, рассом А.Н.Волков, реж., т-р арбоби А.О.Гинзбург, акад.лар Р.Р.Шредер, С.В.Стародубцев, Ф.Н.Русанов, В.В.Решетов, Халқ артисти Г.Н.Загурская, проф.лар Абдулла Авлоний, Ю.К.Титов, Ф.Ф.Детенгоф, авиация ҳалокатига учраган «Пахтакор» футбол жамоаси аъзолари, шунингдек, жамоанинг машҳур собиқ ҳужумчилари, спорт устаси Станислав Стадник, спорт устаси, Г.Федотов клуби аъзоси Геннадий Красницкий ва б. дафн этилган. Қабристонда машҳур ҳайкалтарошлар ишлаган ёдгорликлар қўйилган. Ёдгорлик тошлари тайёрлайдиган цех бор.

БОТУ (тахаллуси; асл исми Маҳмуд Ҳодиев, 1904.15.5–1938.9.5) – шоир, журналист. Т.да туғилган. Рус-тузем мактаби (1914–17), ўқитувчилар тайёрлаш курси (1918–20), Москва ун-тининг иқтисод ф-тида ўқиган (1921–27). Фарғона газ., «Аланга» журн. ташкилотчиси ва муҳаррири, айни вақтда Ўзбекистон Халқ маорифи комиссари ўринбосари (1928–30). Дастлабки шеърларида *Мунавварқори* сингари миллий истиқлолчилар таъсири сезилади. «Умид учқунлари» (1925), «Тўлқин товушлари» (1929) тўпламлари нашр этилган. У янги тузумга ишонган, халққа ҳақиқий тенглик, озодлик, бахт-саодат беради, деб умид қилган. Шу маънода янгиликни, ёшлиқни, хотин-қизлар

«Пахтакор» футбол жамоаси ўйинчилари қабрига қўйилган ёдгорлик.



озодлигини куйлаган. Б. «Янги қишлоқ» (1928), «Ҳошимжон», «Турсун» (1929), шунингдек, болаларга бағишланган ҳикоялари («Болалар ёлғони» ва б.)да янги ижтимоий муносабатлар ҳамда болалар дунёси руҳиятини тасвирлаган.

Б. ўзбек-араб алифбосини лотин графикаси асосидаги алифбога алмаштириш ташаббускорларидан (1920). Б. 1930 й.да ноҳақ айбланиб, қамоққа олинган ва қатағон қурбони бўлган. Т. кўчаларидан бирига ва мактабга номи қўйилган.

БОТУРБОШИ, б а ҳ о д и р б о ш и – Қўқон хонлигидаги ҳарбий мансаб. Хонлик тасарруфидаги шаҳар ҳокимларига, жумладан, Тошкент ш. ҳокимига тегишли қўшин бошлиғи. Б., шунингдек, кўчманчи қабилалар б-н боғлиқ юмушларни ҳам бажарган. Б. бошчилигидаги қўшин хон лашкари таркибида ҳарбий сафарларда иштирок этган. Б.лар тажрибали лашкарбошилардан сайланган. Мас., 1842 й. Т.да Б. Давронбек додхоҳ бўлган.

БОШ ПЛАН ИНСТИТУТИ, Тошкент Бош планини лойиҳалаш ва илмий тадқиқот институти (Бобур кўч., 14) – 1969 й.да Тошкент Бош планини лойиҳалаш ин-ти сифатида

ташкил этилган, 1976 й.дан ҳоз. номда. 2008 й.дан Давлат унитар корхонаси. Тошкент ш. ҳокимияти меъморлик ва қурилиш бош бошқармаси таркибида. Т. ва Тошкент вилояти ш.ларининг бош планлари, транспорт, ирригация, энергия, газ ва сув таъминотини, канализация тармоқларини ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тармоқ тарҳларини ва фуқаро объектлари лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқади ҳамда и.т. ишлари олиб боради. Бош ҳудудий лойиҳаловчи ташкилот вазифасини бажаради. Б.п.и. 1991 й.дан Тошкент ш. регионида шаҳарсозликнинг ривожланиш стратегияси (1994), Т. марказини батафсил планлаштириш лойиҳаси (2002), Т. шаҳар транспорт инфраструктурасини ҳисоблаш моделини ишлаб чиқиш (2002), и.т. ишлари ва б. лойиҳаларни ишлаб чиққан. Шунингдек, Б.п.и. томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси (1997), «Юнусобод» ёпиқ теннис корти (1998), Чимён-Чорвоқ дам олиш зонасининг ривожланиш схема-

си (2001), Кичик ҳалқа йўли (2002), Тошкент (1998) ва Самарқанд (2004) ш.ларида «Хотира майдони», Самарқанд ш. бош режаси (2005), «Туркистон» ёзги т-ри (1993), Бельгиянинг Кортрейк ш.да Ибн Сино ҳайкали (2000), Тошкент шим. т.й. вокзал майд.даги «Тошкент герби» (1995), Т. шаҳар Бектемир туманидаги бозор (1996), Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи (2001), Ҳ. Умаров, У. Носир ва Фарҳод кўчалари кесишувида транспорт ечими (2001), Фафур Фулом (2003), Низомий (2004), Зулфия (2007) ҳайкаллари, Т. шаҳар универсал спорт саройи (2003), Болалар ижодиёти уйи (2005), Зарқайнар, Сағбон ва Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳасидаги транспорт ечими (2005), Т. шаҳар бош плани схемаси (1997), Т. шаҳар комплекс транспорт схемаси (2005), Т. тарихий қисмини батафсил планлаштириш лойиҳаси (2006) ва б. амалга оширилган.

БОШЛИҚ ДАҲАСИ – Яккасарой туманида, Кичик ҳалқа йўли, Бобур кўч., Салор канали ва Қушбеги даҳаси оралиғида. Майд. 50,4 гектар. Б.д. Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳаси асосида 1982–83 й.ларда қурилган. Асосан, кўп қаватли бинолардан иборат. Б.д.да 21 та 15 қаватли, 1 та 13 қаватли, 1 та 12 қаватли, 12 та 9 қаватли турар жой бинолари, мактаб, 2 та болалар боғчаси, нон з-ди, полимер ва пластмасса з-ди, «Аския» деҳқон бозори, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

«БОШЛИҚ» МАҲАЛЛАСИ («Бошлиқ», 19^а-уй) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Қушбеги» маҳалласи б-н чегарадош. Маҳалла 1981 й.га қадар майда

кўчалардан ташкил топган. 1981 й.дан улар ўрнига кўп қаватли бинолар қурилиб, «Бошлиқ» мавзеси деб ном берилган, маҳалла номи шундан олинган. Аҳолиси 8226 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қозоқ, озарбайжон ва б. ҳам яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 3 кўча, 2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, 13 озик-овқат дўкони, 2 хўжалик моллари дўкони, 5 ошхона, 3 кафе, 4 саноат корхонаси, 2 новвойхона мавжуд.

БОШЧИ ХЎЖА – маъмурий мансаб. Тошкент ш. *Юнусхўжа* томонидан марказий ҳокимиятга бирлаштирилгандан сўнг (1784) жорий этилган. Б.х. шаҳардаги тартиб-интизом, ободчилик устидан назорат қилган; аҳоли илтимосига кўра унчалик муҳим бўлмаган жанжалли масалаларни ҳал этган, зарур бўлса, айбдорларни жазолаган. Юнусхўжа фармонида кўра Б.х. аҳолидан пуллик тўловларни ундирган ва ҳоким сафардалиги чоғида шаҳардаги тўлиқ ҳокимият унинг қўлида бўлган. Б.х. ғаллакорлар ва боғбонлардан ҳосилнинг 1/10 қисмини, Т.дан бошқа шаҳар, давлатларга олиб кетилаётган товарлардан эса уларнинг 1/40 қиймати миқдоридан тўлов пули олган. Б.х., шунингдек, давлатнинг молия, ички ва ташқи савдо ишлари б-н ҳам шуғулланган. 19-а. бошида Т. Қўқон хонлиги томонидан қўшиб олинган, Б.х. лавозими бекор қилинган (қ. *Пауc*).

БОҚИЙ ЖАРРОҲ ТОШКАНДИЙ (16-а.) – олим, табиб, шоир, мусиқашунос ва хаттот. Т.да туғилган. Балх, сўнгра Аҳмадобод (Ҳиндистон)га бориб, ўша ерда вафот этган. Олим табобатдан ташқари Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасини кўчирган (1581), бир қанча асарларга, жум-

ладан, «Юсуф Зулайҳо» достонига шарҳ ёзган, «Одоб ул-мунозара» асари шарҳига араб тилида ҳошия ёзган. Боқий Тошкандий форс тилида лирик шеърлар ҳам ёзган бўлса-да, уни туркигўй шоир дейишган. Ўзбекистон ФА Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик интида сақланаётган (инв. №9601) кўлёмзада Боқийнинг шеърлари ҳам бор. Бу кўлёмза эса 1797–1809 йиллар орасида кўчирилган.

БОҒ САЙЛИ – баҳор, ёз ва куз фаслларида ташкил этиладиган ўзбек меҳмондорчилиги турларидан бири. Мезбон (боғбон)нинг боққа меҳмон чақириши ёки меҳмонларнинг ўзи (қариндош-уруғ, ёру биродар, ҳамкасблар) ташриф буюриши билан Б.с. бошланади. Б.с. меҳмондорчилиги 2 мазмунга эга: бири – табиат гўзалликлари, мева-чева, гулларнинг муаттар ҳиди, тоза ҳаводан баҳраманд бўлиб, мароқли дам олиш; иккинчиси – боғдорчилик ишлари: ток очиш, боғ тозалаш, мева йиғиш, қоқи солиш, шинни қилиш каби юмушларда кўмаклашиш. Бу маросимда турли таомлар тайёрланган. Ёзги ва кузги Б.с. пайтида ҳар бир меҳмон нозу неъматларни «ўз қўли б-н» узиб тановул қилади. Б.с. ўзбек халқининг энг яхши анъаналаридан бири.

Тошкент аҳолиси ўртасида Б.с. жуда кенг тарқалган. Т.ликлар *боғ ҳовли*ларида етиштирган мевалари, полиз экинлари ва б.ни йиғиштиришда Б.с.дан кенг фойдаланишган. Б.с. даврида мезбоннинг жўралари, махсус таклиф этилган меҳмонлари шеърхонлик, илмий-маърифий суҳбатлар қилишган, кўшиқлар тинглаганлар, умуман маданий ҳордиқ чиқаришган.

БОҒ ҲОВЛИ, ч о р б о ғ – сўнги ўрта асрларда Т.даги ҳар бир

даҳа аҳолисининг деҳқончилик қилиш учун шаҳар атрофидаги ерлари. Шаҳар аҳолисининг бир қисми апр. ойига келиб кунлар исиб кетиши б-н бутун кўч-кўронини кўқон араваларга жойлаб, то окт. ойининг охири, нояб. ойининг бошларига қадар Б.ҳ.ларига чиқиб кетган. Б.ҳ.лари жамоа ерлари (чек ерлар) ҳисоби-га вужудга келган. Аҳоли Б.ҳ.ларида нафақат боғдорчилик, балки деҳқончиликнинг бошқа турлари – пахтачилик, шоликорлик, полизчилик ва б. б-н ҳам шуғулланган. Боғлар майдони унча катта бўлмаган. Т.нинг Шайхонтоҳур даҳаси чорбоғлари Оққўрғон, Дархон, Яланғоч ва Қорасув бўйларида; Бешёғоч даҳасининг чорбоғлари эса Чилонзор, Зангиота (Чўпонота), Миробод, Дўмбиробод, Қозирабод-да; Себзор даҳасининг чорбоғлари Ҳасанбой, Кўктерақда; Кўкча даҳасининг чорбоғлари эса Назарбек, Кўксарой ва Келес бўйларидаги жойларда бўлар эди. Умуман, Т. уч томондан кенглиги 2–3 ва ҳатто 5 верстага (1 верста – 1,0668 км) чўзилган боғлар б-н ўралган эди.

Муҳаммад Солиҳхўжа Т. ва унинг чорбоғларида етиштирилаётган айрим мевалар ҳақида шундай ёзади:

«Тошкент узумининг бир тури бор, ширинлигидан бир бошини тўрт киши еса тўяди, аксар узумнинг бир боши 10 шаръий ман оғирлигида бўлади, хусусан чарос тури. Шафтоли – оқ шафтолининг пайванди қилиб ўстирилаётган бир тури борки, бир донадан бир пиёла шарбат олса бўлади. Анор – жуда серсув, ширин бўлади, йириги болаларнинг бошидек келади».

Шаҳар ҳудудининг янада кенгайтирилиши ва, айниқса, совет даврида коллективлаштириш сиёсати натижасида тошкентликларнинг Б.ҳ.лари қисқартирилган, шунингдек, тортиб олиниб, жамоа хўжаликларига айлантириб юборилган.

БОФИСТОН – Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги қад. қишлоқ, туманнинг шарқий қисмида, Писком тоғ тизмасининг шим. этагида, Чорвоқ сув омбори соҳилида жойлашган. Аҳолиси қарийб 3 минг киши; боғдорчилик, сабзавотчилик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Қишлоқ номи 10-а.да номаълум муаллиф томонидан ёзилган «Худуд ул-олам» асарида «Садбағво» шаклида қайд этилган. Б.да Тошкентда яшаган *Шайх Хованди Тоҳур*нинг отаси бўлмиш *Шайх Умар Богистоний*нинг қабри бор. Қабр атрофида боғ барпо қилинган. Б.да *Хожа Аҳро*р туғилган. Т.да (Учтепа, Чилонзор туманларида) Б. кўчаси, маҳаллалар бор.

БОФИСТОН КЎЧАСИ – Чилонзор туманида, Оқтепа майд. б-н Кичик ҳалқа йўли оралиғида. Оқтепа майд.дан Оқтепа каналининг чап соҳили бўйлаб бошланган. Уз. 1,5 км га яқин. 1991 й. 20 фев.да ГЭС кўч. ўрнига қўйилган. Кўча йўналишида кўп қаватли турар жой бинолари, яқка тартибдаги уй-жойлар, шаҳар онкология диспансери, «Сой-бўйи» кафеси, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Республика олимпия захиралари коллежи, Солиқ академияси ва коллежи, Кўз микрохирургия маркази, тез тиббий ёрдам касалхонаси жойлашган.

«БОФИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (14-мавзе гузари, 6^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Боғобод», «Кўҳна Чўпонота» маҳаллалари, Чилонзор туманидаги спорт интернати б-н чегарадош. 1966 й.даги зилзиладан сўнг қурилган. 1992 й.да «Б.» м. ташкил этилган. Аҳолиси 8656 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 44 кўп қаватли уйлар, 2 болалар боғчаси, «Боғистон-нон» қўшма корхонаси, ўрта мактаб, поликлиника, алоқа бўлими ва 25 дан ортиқ дўкон, дорихона, сартарошхона ва турли савдо шохобчалари мавжуд.

«БОФИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (7-мавзе, 45^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Оқтепа», «Қатортол» ва Лутфий маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. «Оқтепа» маҳалласидан ажралиб чиққан. Бу ерлар ўтмишда боғлари б-н машҳур бўлган учун «Боғистон» деб аталган. Аҳолиси 5150 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, тўйхона, масжид, 5 озиқ-овқат дўкони, 3 дорихона, кафе, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устахонаси мавжуд.

«БОГИЧИНОР» МАҲАЛЛАСИ (Ҳамкор кўч., 32) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Қорёғди», «Дегрез» ва «Бекобод» маҳаллалари б-н чегарадош. Тошкент зилзиласи (1966)дан сўнг, 1966 й. сент.да «Штаб» гузарида «Октябрь самараси» маҳалласи ташкил этилган. Маҳалла асосан «Эски шаҳар», «Ўқчи», «Лангар» ва б. маҳаллалардан келган аҳолидан ташкил топган. 1978–

2004 й.ларда маҳалла Ш.П.Рашидов номи б-н аталган. 2005 й.дан ҳоз. номида. Аҳолиси 3050 киши, асосан, ўзбеклар (2008). Маҳалла ҳудудида сартарошхона, маиший хизмат кўрсатиш уйлари, хўжалик моллари дўкони, дорихона, компьютер хонаси, 3 озиқ-овқат дўкони мавжуд. Маҳаллада бир нечта фан арбоблари, санъаткорлар, жумладан ака-ука Шоолим ва Шоакбар Шожалиловлар, Турғун *Алиматов* яшаб ўтган.

БОҒИШАМОЛ КЎЧАСИ – Юнусобод туманида, Амир Темураш хўжқўчаси б-н Катта ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 4 км. 19-а. охирларида Қорамурт қишлоғига борадиган йўл ўрнида вужудга келган, шу сабабли дастлаб Қорамурт кўч. деб аталган. 1966 й. кўча реконструкция қилиниб, бир ва кўп қаватли турар жой бинолари қурилган. Шу вақтдан бошлаб 2005 й.гача Жаҳон Обидова (1900–66) номи б-н юритилган. 2005 й. 10 окт.да «Боғишамол» номи берилган. Б.к.нинг т.й. билан кесишган қисмида кўприк ости йўли, Салор канали б-н кесишган қисмида кўприк бунёд Боғишамол кўчаси.

этилган. Кўча йўналишида Давлат тест маркази, Мирза Юсуф масжиди, Тошкент ҳайвонот боғи, Ботаника боғи, Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти, Юнусобод улгуржи савдо ярмаркаси, коллеж, мактаб, кўп қаватли бино ва яқка тартибдаги уй-жойлар, автомобилларга ёнилғи қуйиш, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва умумовқатланиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Аквабоғ, Тошкент телеминораси, Тошкент кабель заводи, Тошкент аграр ун-ти жойлашган.

«БОҒИШАМОЛ» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Фозилтепа кўч., 20) – Учтепа туманининг марказий қисмида, Бўзсув каналининг чап соҳилида жойлашган. Майд. 5 гектар. 2001 й.да ташкил этилган ва Акмал Икромов номи б-н аталган. Боғнинг шамол эсиб турадиган ҳудудда жойлашгани ҳисобга олиниб, 2007 й.да «Боғишамол» номи берилган. Боғда чинор, терак, акация, мажнунтол, арча каби манзарали ва ёнғоқ, ўрик, гилос, олча, бодом, беҳи сингари мева дарахтлар ўсади. Гулзор ва майсазорлар парваришланади.

Дам оловчиларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун ўриндиқлар қўйилган. Боғда 5 ўйин аттракцион, 2 ёзги саҳна, савдо шохобчалари бор. Боғда Учтепа туманининг маданий-маърифий тадбирлари ўтказиб турилади.

«БОҒИШАМОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Миробод кўч., 27-корпус) – Миробод туманидаги маҳалла. Абдулла Авлоний, «Ўзбекистон», «Миробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Аҳолиси 2000 кишидан ортиқ, миллий таркиби, асосан, руслар, шунингдек, ўндан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 5 кўча, туман жиноий ишлар бўйича суди, Ўзбекистон мудофаа вазирлиги назорат м-зи, «Магистрал транспорт сервис» МЧЖ, Ҳарбийлар ательеси, «HUNDAY» авто м-зи, «Тилло гарант» корхонаси, «Тошшаҳарнур профком», «Йўлқурилиш трести», мебель магазини, сартарошхона, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

«БОҒИШАМОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 11-даҳа) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Кулолқўрғон», «Чинор», «Янгиобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. шу ном б-н ташкил этилган. Тумanning айнан шу жойи илгаридан тоқзор ва мевали боғлар маскани бўлгани ҳамда бошқа жойлардан фарқли равишда «шамол йўлаги» айнан шу ҳудуддан ўтишини ҳисобга олиб, маҳалла аҳолиси шу ном б-н атаган. Аҳолиси 7172 киши, кўп миллатли (2009).

БОҒКЎЧА ДАҲАСИ – Шайхонтоҳур туманида, Беруний кўч., Кўкча ариғи, Шоаҳмад Шоаҳмудов ва Обид Содиков кўчалари оралиғида. Бу ҳудудда аввал яқка тартибдаги уй-жойлар бўлган. «Қутлуғ қон», «Учрашув»



каби фильмларнинг лавҳалари айнан шу жойда тасвирга олинган. 1972–73 й.ларда Тошкент шаҳрини реконструкция ва обод қилиш ин-ти лойиҳаси асосида кўп қаватли уйлардан иборат Б.д. бунёд этилган. Б.д.да 8 та 9 қаватли, 4 та 5 қаватли, 13 та 4 қаватли турар жой бинолари, 14 та 2 қаватли коттеж, 1 мактаб, 4 болалар боғчаси, «Баёт» маданият саройи, «Гунча» кинотеатри, хусусий фирмалар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Даҳа яқинида «Тинчлик» метро бекати жойлашган.

«БОҒКЎЧА» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-27, Боғкўча гузари) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Илғор», «Гулобод», «Обиназир» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил топган. Маҳалла ҳудуди илгари боғ бўлиб, «Қўргонтепа» деб номланган. Аҳолиси 7421 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, татар ва б. ҳам яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 20 кўп қаватли уй, 5 кўч., 4 болалар боғчаси, 5 озиқ-овқат дўкони, модалар ательеси, «Гунча» к-три, 4 новвойхона, 102-ўрта мактаб, 23-музиқа мактаби, «Фирдавс» жоме масжиди, 35-оилавий поликлиника ва б. мавжуд. Маҳаллада Ўзбекистон халқ артистлари Лутфихоним Саримсоқова, Мукаррама Турғунбоева, Уруш Қахрамони Самиф Абдуллаев ва б. яшашган.

БОҒЛАР – қ. *Маданият ва истироҳат боғлари.*

«БОҒОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор, 15-даҳа, 16) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Боғистон», «Кўҳна Чўпонота» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. март ойида ташкил топган. Ўтмишда бу ҳудуд боғлардан иборат бўлгани учун шундай номланган.

Аҳолиси 6200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, 5 савдо дўкони, 2 новвойхона, 2 кафе, шаҳар наркологиya диспансери, «Трамвайчи» болалар оромгоҳи, тикув цехи, чинни цехи мавжуд.

БРАТИСЛАВА КЎЧАСИ – Яккасарой туманида, Низомий майдони б-н Шота Руставели кўч. оралиғида. Уз. 0,5 км атрофида. 20-а.нинг 50-й.ларида кўч. юзидаги боғни сақлаб қолган ҳолда Тошкентни реконструкция қилиш ва ривожлантириш бош плани асосида кўчанинг иккинчи томонига маъмурий ва кўп қаватли бинолар қурилди. 1954 й. кўчага рус композитори М.И.Глинка (1804–1857) номи қўйилди. Словакия Республикаси пойтахти Братиславада Ўзбекистон кўчаси бўлгани учун 2001 й. 19 сент.да Глинка кўчасининг бош қисмига Братислава номи берилди. Кўча йўналишида Низомий номидаги давлат педагогика ун-ти, кўп қаватли турар жой бинолари, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Низомий майдони, дорихона, савдо ва умумовқатланиш шохобчалари бор. Кўча яқинида Яккасарой тумани ҳокимияти, поликлиника, Бахт уйи, «Табассум» ресторани-тўйхонаси, «Ўзбекенгилсаноат» компанияси, «Нодир китоблар» дўкони жойлашган.

БУЛАТОВ Митхат Сагадатдинович (1907.18.4) – меъмор, тадқиқотчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор (1970). 1937 й.дан Т.да. Меъморлик д-ри (1974). Ленинград муҳандислик қурилиш ин-тини тугатган (1934). Т.га келиб, ш.даги кўпгина маъмурий, турар жой биноларини

лойиҳалашда қатнашган. Т. шаҳрининг бош меъмори (1940–64), Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси бошқарувининг раиси (1955–64). Санъатшунослик и.т.ин-тида илмий ходим, замонавий меъморлик бўлими мудири (1967–91). Т.даги асосий ишлари: «Пахтакор» стадиони (1953–57), «Тошкент» меҳмонхонаси (1955–57) ва б.

«БУЛБУЛЧА» – Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошидаги болалар ашула ва рақс ансамбли. Ўзбекистон консерваториясининг биносида жойлашган (Ботир Зокиров кўч., 1). 1970 й. болалар хор жамоаси сифатида ташкил топган, 1982 й.дан «Б.» номида. Бадий раҳбари ва бош хормейстер – Ўзбекистон халқ артисти Ш.Ёрматов. Таркибида тайёрлов, кичкинтойлар (7 ёшгача), ўрта (8–15 ёшдаги), ўсмирлар (15–20 ёшдаги), рақс, доирачилар, фольклор гуруҳлари мавжуд. Репертуаридан мумтоз хор санъати (И.С.Бах, В.Моцарт, Ф.Шуберт ижоди) намуналари, рус (Д.Кабалевский, Г.Струве, А.Соколов ва б.) ва айниқса, ўзбек композиторлари (М.Ашрафий, М.Левиев, Д.Зокиров, С.Юдаков, К.Абдуллаев, А.Мухаммедов, Ф.Қодиров, М.Бурҳонов ва б.) асарлари кенг ўрин олган. «Б.» республика ва халқаро хор фестивалларининг қатнашчиси ва совриндори.

«БУНЁДКОР» – метро бекати. *Истиқлол майдонида* жойлашган. «Чилонзор» йўлидаги бекат сифатида 1977 й. 7 ноябрда «Халқлар дўстлиги» номи б-н очилган. 2008 й. авг.дан ҳоз. номда. Меъморлари: М.Галеев, В.Муратов, У.Раҳимов; муҳандис Г.Оганесов ва б. Бекат устунли қурилган. Саккиз қиррали кўринишдаги оқ мрамр устунларнинг тепасини нилуфар



«Бунёдкор» метро бекати.

ғунчаси шаклидаги мураккаб каллак беаган. Йўловчилар зали деворларига бўртма плиталар қопланган. Осма шифтнинг қабарик сиртига бўртма нақшлар туширилган. Шифтнинг ҳар қайси қаноти ўртасида яширин чироқли овалсимон ўйиқлар бор. Бекат саҳнига анъанавий миллий нақш туширилган силлиқ кулранг ва қора гранит қопланган. Истиқлол майд. остида бекатнинг ер ости вестибюли жойлашган. Думалоқ ер устидаги вестибюл жимжимадор тожни эслатади; унинг ичкараси зал устуни б-н уйғун ҳолда безатилган.

«БУНЁДКОР» – футбол клуби (Чўпонота кўч., 81). 2005 й. Тошкент ш. да «Нефтьгазмонтаж-Курувчи» номи б-н ташкил этилди. 2006 й. «Курувчи» номи б-н Ўзбе-

кистон биринчилигида ғолиб чиқиб, олий лигага йўлланма олди. 2007 й. Ўзбекистон чемпионатида 2-ўринни эгаллаб, Ўзбекистон кубоги мусобақалари финалчиси бўлди. 2008 й. авг.дан «Бунёдкор» деб аталди. 2007–08 й.ларда Миржалол Қосимов, 2008 й. сент.–дек. ойларида бразилиялик футболчи Зико бош мураббийлик қилган. Клубнинг кейинги бош мураббийлари Амет Мемет (2009 й. фев.дан; 10 мартдан техник директор), Ҳикмат Эргашев (2009 й. 10 мартдан). 2009 й. 1 июлдан клуб бош мураббийи бразилиялик мутахассис Луиз Фелипе Сколари. Клуб таркибида Сервер Жепаров, Тимур Копадзе, Азизбек Ҳайдаров, Улуғбек Бақоев каби маҳоратли футболчилар ўйнайди. 2008 й. клубга чилилик Хосе Луис Вильянуэва, бразилиялик Ривалдо Витор Борба Феррейра келиб қўшилди. 2008 й. «Б.» Ўзбекистон кубоги соҳиби ва Ўзбекистон чемпиони



бўлди. Испаниянинг «Барселона» футбол клуби б-н ҳамкорлик шартномасини тузиб, мамлакатимизда фут-

«Бунёдкор» футбол клубининг асосий ўйинчилари.

болни янада оммалаштириш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келяпти. «Б.»нинг болалар-ўсмирлар футбол мактаби бор.

«БУНЁДКОР» МАҲАЛЛАСИ (Висол б-тор кўч., 35) – Ҳамза туманидаги маҳалла. И.Юнусов, «Иқбол», Миршаропов маҳаллалари ва Фарғона йўли кўчаси б-н чегарадош. Тахм. 1960 й. ташкил топган. Аҳолиси 3105 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, корейслар ва б. ҳам яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, спорт майдончаси, 145-автокорхона, «Курортстрой» дирекцияси, Тошагрегат 3-ди филиали, «Имом Аъзам» жоме масжиди жойлашган.

БУНЁДКОР ШОҲКЎЧАСИ – асосан Чилонзор тумани ҳудудида, Ўзбекистон кўч. б-н Катта ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 8 км атрофида. 2008 й. 1 авг.дан «Бунёдкор шохкўчаси» деб юритилади (1966–2008 й.ларда «Халқлар дўстлиги шохкўчаси» деб аталган). Мустақиллик йилларида Б.ш.да улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди: Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қурилди, Ўзбекистон миллий боғи барпо қилинди, Оқтепа канали устидан ўтган кўприк таъмирдан чиқарилди, «Собир Раҳимов» метро бекати яқинида йўлўтказгич-кўприк қисқа фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилди, Чилонзор буюм бозори қурилди, унга ёндош кўча қисми кенгайтирилди ва кўкаламзорлаштирилди.

19-а.да Б.ш. ўрнидаги йўл Бешёғоч даҳаси таркибида бўлган ва ташқаридан Т. марказига кириб келинадиган асосий йўллардан бири ҳисобланган. Кейинчалик Чилонзор тумани ҳудудини шаҳар м-зига боғлайдиган асосий кўча бўлиб

қолди. Кўча икки босқичда қурилган. Муқимий кўч.дан Катта ҳалқа йўлигача бўлган биринчи қисми 1966 й.гача, Муқимий кўч.дан Ўзбекистон кўч.гача бўлган иккинчи қисми 1968 й.дан бошлаб қурилган. 1972–77 й.да кўча яқинидан метро йўли ўтиши муносабати б-н таъмирланди. 1981 й.да ушбу кўчани Фурқат кўч. б-н боғлайдиган ер ости йўли бунёд этилди. 2006 й. 22 авг.да Б.ш. ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида эни 30 м, уз. 374 м, бал. 7,5 м бўлган янги кўприк фойдаланишга топширилди.

Б.ш. йўналишида юқорида санаб ўтилган иншоотлардан ташқари 9 қаватли турар жой бинолари, шифо масканлари, банклар, маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари, «Истиклол» санъат саройи, Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Тошкент ш.даги Сингапур менежментни ривожлантириш ин-ти, «Тошкент» автовокзали, «Отчопар» бор. Кўчада «Миллий боғ», «Ҳамза», «Чилонзор» ва «Собир Раҳимов» метро бекатлари жойлашган.

БУРГАНЛИ МАДАНИЯТИ – сўнги жез ва илк темир даврига мансуб археологик маданият (мил.ав. биринчи минг йиллик боши – 6–4-а.лар). Т. яқинидаги Бурганлисой соҳилида (Чирчиқ водийсида) очилган манзилгоҳ номи б-н аталган. Тошкент вилоятидаги Оҳангарон дарёси, Жўнариқ ва Салор канали тармоқлари ҳавзаларида тарқалган. Б.м.га оид дастлабки ёдгорликлар 1934 й. археолог Г.В.Григорьев томонидан *Қовунчитепанинг* остки қатламларидан топилган. А.И.Тереножкин томонидан (1940) Б.м. мустақил маданият эканлиги аниқланган. Б.м. Тош-



Бунёдкор шохкўчасининг Фурқат кўчаси б-н боғланган қисми.

кент музофотининг деҳқончилик б-н шуғулланган қад. аҳолисига тааллуқлидир. Бу аҳоли сак қабилаларининг кўчманчи чорвачилик хўжалигидан ўтроқ деҳқончиликка ўтган қисмига мансуб бўлган.

Оҳангарон дарёсининг ўрта оқими бўйларида Б.м.га оид ертўла шаклида қурилган турар жойлардан иборат бир неча манзилгоҳлар ковлаб ўрганилган. Ёдгорликлар орасида атрофи хом ғиштдан бино қилинган мудофаа девори ва хандақ б-н ўраб олинган манзилгоҳ айниқса диққатга сазовордир. Овал, тўғри тўртбурчак, доира ва квадрат шаклларидаги ярим ертўла бошпаналарга дарё томондан қирилган. Бошпана ичидаги ўчоқлар ва хўжалик ўралари сопол парчалари ва турли ҳайвон суяклари б-н тўлдирилган. Манзилгоҳдан топилган жез ўроқлар, тош омов, дондан ёрма тайёрлашда ишлатиладиган ёргу-чоқлар ва б. кўпгина меҳнат қуроллари бу ердаги аҳоли деҳқончилик б-н шуғулланганлиги-

дан далолат беради. Хўжаликда чорвачилик б-н бир қаторда деҳқончилик ҳам муҳим ўрин тутган; овчилик ва балиқ овлаш иккинчи даражали роль ўйнаган. Аҳоли кулолчилик, металл эритиш, тўқимачилик ва б. ҳунарлар б-н шуғулланган. Таги думалоқ идишлар матоли қолипларда қўлда ясалган, айрим шакллари сиртига қизил ранг (ангоб) берилган, геометрик нақшлар кам бўлган. Идишларнинг асосий типлари: қозонлар (новсимон тумшукли ва кулоқли), кувачалар, товоқлар. Жездан қуроллар (камон ўқи пайконлари, ханжар), меҳнат қуроллари (ўроқлар, пичоқ, устара, бигиз), тақинчоқ-безак буюмлари ясалган.

Б.м.га оид сопол буюмлар мажмуаси Фарғона водийсининг Чуст маданияти, Туркменистон жан.даги Ёзтепа, Ўзбекистон жан.даги Кучуктепа, Миршоди, Бандихон 1, сўнги Жарқўтонда топилган гулдор сополларга ўхшайди. Археолог олимлар А.А.Асқаров ва М.Филанович

Шош моддий маданият тарихини Шоштепа материаллари асосида 2 босқич – Б.м.нинг тугалланиш босқичи (мил.ав. 6–4-а.лар) ва Б.м.нинг *Қовунчи маданиятига* ўтиш босқичи (мил.ав. 3–2-а.лар)га ажратади.

Ҳоз. вақтда Тошкент воҳасидаги Б.м. археологик материалларга кўра мил.ав. 12-а.га қадар қадимийлаштирилди. Тадқиқотчилар уни деҳқончилик маданияти эканлигини эътироф этган ҳолда унинг келиб чиқиши ҳақида турли фикрларни билдирадilar. Буларнинг ичида Андроново маданиятига мансуб қабилаларнинг жан.дан ва эҳтимол шарқдан, Шарқий Туркистон томондан маданий таъсир кўрсатилиши натижасида ўтроқ ҳаётга ўта бошлаганликлари ҳақидаги фараз тўғри бўлиши мумкин. Б.м.га оид қишлоқлардан бири Т.нинг жан. қисмида Жўн канали бўйида топилган (қ. *Шошмена*). Археологик топилмаларга кўра уни мил.ав. 9–6-а.лар ёки ундан ҳам қадимийроқ даврга оид деб ҳисоблаш мумкин. Хўжалиқда чорвачилик муҳим роль ўйнаганлиги, чорванинг асосини йирик ва майда қорамол, отлар ташкил этганлиги аниқланди. Қишлоқ аҳолиси табиат кучларига ва ҳосилдорлик маъбудларига топинганлар.


БУРЧМУЛЛА – шаҳар харобаси (6–12-а.лар). Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида, Чатқолсойнинг ўнг қирғоғида, сойга Кўксув қуйиладиган ерда жойлашган. Дастлаб археолог И.А.Сухарев томонидан қайд этилган (1925). Кейинчалик (1962) ТошДУ археология кафедраси ходимлари текширув ўтказишган. Археолог Ю.Ф.Буряков қазилари олиб борган (1963–65) ва Б. ўрнида ўрта аср манбаларидаги Чоч шаҳарларидан Ардлонкатни

аниқлаган. Чорвоқ сув омбори қурилиши муносабати б-н Б. шаҳар харобаси сув остида қолган.

Б.да жангчилар учун турар жойлар ва темирчи хунармандлар устахоналари бўлган квадрат тарҳли истеҳком очилган, мудофаа девори тизими ўрганилган. Бурчмулладан чиққан сопол буюмлар, пайконларга қараганда, илк қишлоқ 6–8-а.ларда вужудга келган, у кейинчалик (9–10-а.) шаҳарга айланган. 10–11-а.ларда шаҳар раванқ топган. Б. кечув ерида жойлашган қалъа сифатида машҳур бўлиб, дарё, сойлар қўшилиш еридаги муҳим стратегик мавқени эгаллаган. Аммо Б.нинг темир, полиметалларни эритиш, қуйиш, қайта ишлаш б-н боғлиқ, хунарманд темирчилар қалъаси сифатидаги роли айниқса катта бўлган.

БУРЧМУЛЛА ХАЗИНАСИ – сўнги жез даврига оид моддий маданият ёдгорлиги (мил. ав. 2–1-минг йиллик). Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла қишлоғи яқинидан топилган (1955). Б.х.

Бурчмулла хазинаси топилмалари (металл буюмлар): 1, 2, 3, 4-пайконлар (ўқ учлари); 5, 6-тўға; 7-табарлар.



1 найза учи, 4 пайкон ва 3 от югани тўқасидан иборат. Найза учи (уз. 31 см) икки тўғли, зўғатаси думалоқ, зўғата нови ён томонларида найза дастасига боғлашга мўлжалланган чап тешикчалар бор. Пайконлар 2 парракли, япроксимон. Тўқалар тугмасимон бўлиб, 2 тасининг илгаги кичкина, 1 тасиники каттароқ. Б.х. топилмалари Андроново маданияти ёдгорликларига ўхшайди. Б.х. Ўзбекистон ФАнинг Археология ин-ти фондида сақланади.

БУРЯКОВ Юрий Фёдорович (1934.15.3) – археолог-тарихчи олим. Ўзбекистон Республикаси ФА акад. (1996). 1949 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1956). Ўзбекистон халқлари тарихи музейида кичик (1956–59), катта (1959–64) илмий ходим, директор ўринбосари (1964–66), Ўзбекистон Маданият вазирлигида нозир (1966–67). Ўзбекистон ФА Тарих ва археология интида катта илмий ходим (1967–70), илмий котиб (1970–73), бўлим мудир (1973–79; 1993–2002), шу ин-т директори ўринбосари (1979–93). 2002 й.дан Ўзбекистон ФА Тарих интида бўлим мудир ва Ўзбекистон Миллий ун-ти археология кафедраси проф. 1978 й.дан Шош-Илоқ археология экспедицияси раҳбари. Илмий фаолияти Т. воҳаси хунармандчилиги, шаҳарсозлиги ва маданияти тарихини ҳамда Буюк ипак йўлида Чочнинг мавқеини ўрганишга бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2003).

БУРҲОНОВ Мутал (Мутаваккил) Музайинович (1916.5.5 – 2002.15.6) – композитор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

санъат арбоби (1964), Ўзбекистон халқ артисти (1974). 1949–98 й.ларда Т.да яшаган. Москва консерваториясида (1939–41, 1946–49) ўқиган. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси (1955–60). Ижодада вокал мусиқаси катта ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясини ёзган (А. Орипов б-н, 1992). Ўзбекистонда жўрсиз (акапелла) хор жанрининг асосчиларидан, биринчи ўзбек романслари муаллифи. Кўплаб болалар қўшиқлари, фильмлар («Сурайё», «Абу Али ибн Сино», «Мафтунингман», «Бой ила хизматчи» каби)га мусиқа басталаган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). «Буюк хизматлари учун» (1998) ва «Эл-юрт ҳурмати» (2001) орденлари б-н мукофотланган.

БУРҲОНОВ Шукур (1910. 15.9–1987.14.8) – Ўзбекистон халқ артисти (1940). Т.да туғилган. 1928 й.дан Ҳамза т-рида. Роллари: т-рда – Фофир («Бой ила хизматчи»), Одилбек («Холисон»), Олеко Дундич («Олеко Дундич»), Баттол («Муқанна»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), Ҳамлет, Ромео, Брут («Ҳамлет», «Ромео ва Жульетта», «Юлий Цезарь»), Мирзо Улуғбек («Мирзо Улуғбек»), Шоҳ Эдип («Шоҳ Эдип»), Сулаймон ота («Қиёмат қарз») ва б.; кинода – Қоработир («Тоҳир ва Зухра»), Фофир («Бой ила хизматчи»), Шоҳ Калин («Илья Муромец»), Қаландаров («Синчак»), Мирзо Улуғбек («Улуғбек юлдузи»), Матниёз («Узоқ-яқин йиллар»), Хусан ота («Бардош») ва б. Б. ижоди ижтимоий, фалсафий ва ғоявий мазмунга тўла, уфқи кенг, кўп қиррали. У романтик, фожиавий-драматик, лирик характердаги ва ҳатто са-

тирик ролларнинг моҳир ижрочиси. Айниқса, Шоҳ Эдип роли б-н Б. сахнада катта из қолдирган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1965). Чигатой қабристонига дафн қилинган. Т.даги маҳалла ва кўчалардан бири Б. номига қўйилган.

БУХОРИЙ, Имом ал-Бухорий (асл исми Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий) (810.21.7–870.31.8) – Ислом оламининг йирик мутафаккири, буюк муҳаддис. «Муҳаддислар имоми», «Ҳадис илмининг султони» деб юритилган. У 5–6 ёшидан исломий илмларни, Муҳаммад (с.а.в.)нинг ҳадисларини ўрганишга ва ёдлашга киришди. Таниқли муҳаддислардан сабоқ олган. Азалдан муҳаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олган бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Б. 16 ёшга етгунча ўз юртидаги машойхлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олиб, халифаликнинг турли вилоятлари томон йўл олади. 825 й. Б. онаси ва акаси Аҳмад б-н Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган уламоларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 й. Мадинага боради. Мадинадаги машҳур уламолар б-н мулоқотда бўлиб, улардан ҳадислар бўйича сабоқ олади. Бир неча тарихчиларнинг таъкидлашича, Б.нинг Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган сафари 6 й. давом этган. Сўнг Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх,

Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби вилоят ва шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олади ва ҳадислар тўплайди. Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, ҳадис илмини тарғиб этишга киришади.

Б. умрининг сўнгги йиллари Пойкендга, кейин эса Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшайди ва шу ерда вафот этади.

Б. умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш б-н шуғулланган, уларни саҳиҳ (тўғри, ишончли) ва гайри-саҳиҳ (заиф)-га ажратган. Бу ишни ҳадис ровийларининг маиший ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари б-н қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш б-н боғлиқ ҳолда олиб борган. Б. жами 600 мингга яқин ҳадис тўплаган ва уларнинг аксариятини ёддан билган. Б. ўзининг ноёб қобиляти, иқтидори, қувваи ҳофизасининг ўта кучлилиги б-н илм аҳллари лол қолдирган. Ҳадис илмига ўта фидойилик, ақл-заковатини бахшида этиш Б.га шон-шараф келтирди, уни ислом дунёсининг энг буюк алломаларидан бири сифатида танитди.

Б. 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Б.нинг «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» («Ишончли тўплам») деб номланган 4 жилд (жуз)дан иборат ҳадислар тўплами ислом оламидаги бошқа муҳаддислар тузган ҳадис тўпламлари орасида энг ишонарли ва мукаммалдир. Асар бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган.

Б. яратган «Ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпландир. 1322

ҳадис ва хабар жамланган бу асар Туркия ва Мисрда бир неча марта чоп этилган. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 й. Тошкентда нашр қилинган.

Б.нинг бошқа асарлари орасида «Тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсири») китобини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Б. асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорил-фунунларида пайғамбар (а.с.) суннатлари бўйича асосий дарслик, қўлланма ҳисобланади. Жамоат арбоблари, олиму улаомлар, дин пешволари Б. асарларига таяниб иш тутадилар.

Истиқлол шарофати б-н Б.нинг ўлмас мероси эл-юрти бағрига қайтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Имом ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий-қамарий тақвим бўйича 1225 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори (1997 й. 29 апр.) асосида Б.нинг илмий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш, хотирасини абадийлаштириш борасида катта ишлар қилинди. 1998 й. 23 окт.да Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди. Аллома абадий қўним топган Челақ туманидаги Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. Уни қуриш-Собиқ Жиззах кўчаси (тарихий сурат; 20-аср бошлари).



*«Саҳиҳи Бухорий»
«Ал-Жомъ ас-саҳиҳ» китоби
туркий халқлар орасида «Саҳиҳи
Бухорий» номи б-н машҳур.
Ҳоз. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти 1991–96 й.ларда уни
ўзбек тилига таржима қилиб, 4
жилдда кўп минг нусхада бир
неча бор нашр этди. Мазкур на-
шриёт 2008 йилда ушбу асарни
қайта таҳрир қилиб, «Саҳиҳи
Бухорий» номи б-н 2 китобга
жамланган ҳолда қайта нашр
этди.*

да Т.лик халқ усталари ҳам иштирок этишди.

Б.нинг бой маънавий меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекис-



тон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси б-н Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси тузилди (1998 й. 4 нояб.). 2000 й.дан бошлаб мазкур жамғарма Т.да ўзининг маънавий-маърифий, илмий-адабий «Имом ал-Бухорий сабоқлари» жур.ни нашр эта бошлади. Ўзбекистонда Б.нинг хотираси муносиб тарзда абадийлаштирилган. Жумладан, Тошкент ш.да Тошкент ислом ин-тига Бухорий номи берилган. Б. номида маҳалла, масжидлар ҳам бор. Б.нинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, 2 қисмли фильм (1995), «Ҳадис илмининг султони» номли 4 қисмли киноқисса (1998) яратилган.

БУХОРИЙ МАҲАЛЛАСИ (Фалабанинг 40 йиллиги, 3-мавзе, 596-болалар боғчаси) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Мустақиллик 10 йиллиги» маҳалласи б-н чегарадош. 2001 й.дан «ал-Бухорий» номи б-н аталади. Аҳолиси 4983 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, спорт майдончаси, озик-овқат дўконлари, қабристон мавжуд.

БУХОРО КЎЧАСИ – Миробод туманида Амир Темурашхоқ кўчаси б-н Буюк Турон кўч. оралиғида. Уз. 0,7 км. Кўча 19-а.нинг 70-й.ларида ташкил топган бўлиб, унга Жиззах номи берилган ва бу кўча Т.нинг Янги шаҳар қисмидаги марказий кўчаларидан бири ҳисобланган. Кўчада савдо расталари, яқинида *Воскресение бозори* (Пиён бозор), «Зингер» компанияси филиали ва б. идоралар бўлган. 1903 й. «Колизей» биноси (мустақиллик даврида реконструкция қилингандан кейин Биржа маркази жойлашган), 1912 «Националь» меҳмонхонаси (кейинчалик «Шарқ» деб ном-

ланган, ҳоз. сақла-
ниб қолган қисми
реконструкция
қилингандан ке-
йин Республика
«Нуроний» жам-
ғармаси жойлаш-
ган) ва б. бинолар
қурилган. 1928
й.да «Правда Вос-
тока» газ.нинг
1500-сони чиқиши
муносабати кўчага
«Правда Востока»
номи қўйилган.
1997 й. 10 окт.да
Бухоро ш.нинг
2500 йиллиги му-
носабати б-н кўча-
га Бухоро номи

берилган. Кўча йўналишида
Тошкент шаҳар ҳокимиятининг
эски маъмурий биноси, «Би-
лайн» уяли алоқа компанияси,
«Шарқ» нашриёт-матбаа акция-
дорлик компаниясининг босма-
хонаси, Савдо-саноат палатаси,
Қимматли қоғозлар бозори фа-
олиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази, Респуб-
лика касаба уюшмалари феде-
рацияси, Алишер Навоий номи-
даги Катта опера ва балет теат-
ри, «Демир» фирмаси, гул ва ки-
тоб дўконлари, кимёвий тозалаш
ательеси бор.

**БУХОРО ЯХУДИЙЛАРИ ҚАБ-
РИСТОНИ** (Аллон тор кўч.) –
майд. 2,3 гектар. 1820 й.дан
мавжуд. Ўзбекистон халқ
артистларидан Марям Ёкубова,
Михаил Давидов, Сирож Ами-
нов, Берта Довидова ва б. дафн
қилинган. 1941–45 й.лардаги
урушда ҳалок бўлганлар хоти-
расига уларнинг номи қайд этил-
ган ёдгорлик ўрнатилган, мангу
олов ёниб туради.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ – қитъалар-
аро қад. карвон йўли. «Б.и.й.»
атамаси ушбу йўлдан ташилган



Хитой ипаги б-н боғлиқ бўлиб,
қадимда ишлатилмаган. 1877 й.
немис олими Вильгельм Рихтго-
фен (1833–1905) ўзининг «Хи-
той» асарида Евросиё мате-
рининг турли қисмларини боғ-
ловчи йўллар тизимини «Ипак
йўли» деб атаган, кейинчалик
«Б.и.й.» атамаси қабул қилинган.
Б.и.й. Хитойнинг қад. пойтахти
Чанъань (Сиань)дан бошланиб,
Шарқий Туркистон, Мовароун-
наҳр, Эрон, Месопотамия, Кичик
Осиёдан ўтиб, Ўрта денгизнинг
шарқида жойлашган Гиераполь
ш.гача етиб борган. У ердан
денгиз соҳилидаги Антиохия
ш.га, сўнгра денгиз йўли орқа-
ли Римга қадар борган. Б.и.й.-
нинг шарқий қисмини барпо
этишда суғдийлар ва чочликлар
муҳим роль ўйнаганлар. Улар
Б.и.й.нинг марказий қисмида –
Ўрта Осиёдан Чанъангача бўлган
оралиқ масофада савдо факто-
риялари (манзилгоҳлари) бунёд
этганлар. Хань империяси мил.-
ав. 2-а.да хунларга қарши кураш-
да Ўрта Осиёдаги юечжилар б-н
алоқа боғлаб, улар ёрдамида
хунларга зарба бермоқчи бўлган.

Шу мақсадни амалга ошириш
учун мил.ав. 138 й. Чжан Цяньни
элчи қилиб жўнатган. Чжан Цянь
Хитой учун узоқ даврлардан
бери ёпиқ бўлган Ўрта Осиёга
биринчи марта бориб, ушбу мин-
тақадаги йўллар, мамлакатлар ва
халқлар ҳақида маълумот тўплаб
келган биринчи расмий давлат
элчиси бўлган. Чжан Цянгача
Қад. Хитой б-н Фарбий Осиё ва
Европа ўртасидаги савдо алоқа-
ларига, асосан, Марказий Осиё
халқлари воситачилик қилишган.

Мил. 5–8-а.ларда Б.и.й.нинг
Еттисув орқали Чоч, Суғд, Пой-
кенд, Марв бўйлаб Эроннинг
шим.-шарқи (Хуросон)га элтув-
чи шим. қисми муҳим аҳамиятга
эга бўлган. Эрон сосонийлари
б-н Турк хоқонлиги ўртасидаги
сиёсий зиддиятлар туфайли
ўртаосиёлик савдогарлар Суғд
ва Хоразмдан Каспий денгизи-
ни айланиб ўтиб, Шим. Кавказ-
даги доволардан ошиб, Қора
денгиз ва кейинчалик Констан-
тинополгача олиб борувчи янги
йўл тармоғини очадилар. Визан-
тияда ипак саноатининг барпо
этилиши (мил. 6-а.нинг 2-ярми-

да) б-н Б.и.й.нинг мавқеи пасайди. Кейинги даврларда гарчанд Шарқ б-н Ғарбни боғловчи карвон йўли мавжуд бўлса-да, лекин «ипак йўли» номини унга шартли равишда қўллаш мумкин, чунки бу йўлнинг аҳамиятини эндиликда ипак эмас, бошқа товар ва мақсадлар белгиланган.

1987 й. ЮНЕСКО маданий тараққиёт бўйича БМТнинг умумжаҳон декадаси доирасида «Ипак йўли – мулоқот йўли» халқаро дастурини қабул қилди. Бу дастур Ўрта Осиё халқлари бой маданий тарихларини кенг қамровда тадқиқ этишни назарда тутди. Илмий ва маданий дастурлардан ташқари Б.и.й.ни тиклаш бўйича жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган лойиҳа [Европа–Кавказ–Осиё транспорт йўлаги (TRACECA)] амалга оширилмоқда. Навбатдаги вазифа – Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги т.й. қисмини қуришдир. Мана шу режа амалга ошгудек бўлса, Атлантика океанидан тортиб Тинч океанигача бўлган масофада Б.и.й.нинг «т.й.» варианты тўла тикланган бўлади.

Ўзбекистонда Б.и.й.ни тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. 1995 й. 2 июнда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Буюк ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистоннинг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро сайёҳликни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони эълон қилинди. Шу асосда «Ўзбектуризм» миллий компанияси «Ипак йўли» ўтган тарихий манзиллар бўйлаб 200 дан ортиқ йўналишлар ишлаб чиқди. Улар асосий сайёҳлик зоналарини қамраб олади ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива

ҳамда Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб ўтади.

2008 й. 16 сент.да Тошкент ш.да Осиё б-н Европа ўртасида Марказий Осиё орқали автомобиль алоқасини ривожлантириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилди. Тадбир доирасида Халқаро автомобиль транспорт иттифоқининг «Янги Евроосиё автотранспорт ташаббуси» лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Лойиҳа Б.и.й.нинг минглаб километрга чўзилган 3 асосий –шим., марказий ва жан. йўналишлари бўйича автомобилда мунтазам юк ташишни йўлга қўйишга қаратилган.

1992 й. 7 майдан бошлаб Тошкент ш.нинг Мирзо Улуғбек туманидаги кўчалардан бирига (Луначарский шоссесига) «Буюк ипак йўли» номи берилди. Бу кўч.нинг Мирзо Улуғбек кўчаси б-н кесишган чорраҳасидаги майдон ва метро бекати, шу атрофдаги даҳа ва ресторан-тўйхона ҳам «Б.и.й.» номи б-н аталади.

«БУЮК ИПАК ЙЎЛИ» – метро бекати. «Чилонзор» йўлининг сўнгги бекати. 1980 й. 18 авг.да очилган (меъморлари: С.Одилов, Ф.Музаффарова, Р.Файзуллаев, А.Табибов, муҳандис Г.Оганесов ва б.). Бекат гумбазсимон ш а к л д а бўлиб, йўл ости ўтиш йўллари б-н қўшилиб кетган иккита ер

ости вестибюлидан иборат. Йўловчилар залининг гумбазсимон шифтида 8 кубба жойлашган. Куббалар ичига ёритгич лампалар ўрнатилган. Зални безашда мрамор ва қизил гранитлардан фойдаланилган; саҳнига кулранг ва пушти гранит ётқизилган. Тоқларининг шипи ва бекат ён деворларининг карнизларига ганчдан нақшлар ишланган (наққош М.Усмонов).

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ ДАҲАСИ – Мирзо Улуғбек туманида, Мустақиллик, Абдулла Қодирий ва Тараққиёт кўчалари оралиғида. Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин лойиҳалаштирилган (меъморлари: Л. Адамов, А. Арзуманов, Б. Борисоглебский, Н. Бресусов, А. Ванке, Ю. Мирошниченко ва б.). Қурилиш ишларида, асосан, москвалик қурувчилар иштирок этишган. Дастлаб бу даҳа Марказ-1 деб аталган, 1992 й.дан Буюк ипак йўли даҳаси деб номланган. Даҳада асосан 4 ва 5 қаватли турар жой бинолари, кўча бўйлаб 9 қаватли бинолар қурилган. Шунингдек, Б.и.й.д.да мактаб, болалар боғчаси, маъмурий бинолар, «Ўзбекистон» ва «Ле гранд плаза» меҳмонхоналари, «Ўзбектуризм» компанияси, Театр арбоблари уюшмаси, Бастакорлар уюшмаси, Республика

«Буюк ипак йўли» метро бекати.



болалар кутубхонаси, Меъморлар уюшмаси, «Нур» ресторан-тўйхонаси, банклар, савдо дўконлари, фирмалар бор.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ КЎЧАСИ

– Мирзо Улуғбек туманида, *Мирзо Улуғбек кўчаси* б-н *Тракторсозлар шаҳарчаси* оралиғида. Уз. 8 км дан зиёд. Кўча 19-а.нинг охирларида ташкил топган ва Никольск қишлоғини (ҳоз. Наврўз бозори атрофи) шаҳар б-н боғлаган. Шу боис дастлаб Никольск кўч. деб аталган. 20-а.нинг 40-й.ларидан бошлаб рус ёзувчиси, адабиётшуноси Луначарский (1875–1933) номи б-н юритилган. Дастлаб кўча боши Пушкин майдонидан бошланган ва кўча охири (1967 й.гача) Тошкент вилоятига қарашли бўлган. Тошкент зилзиласи (1966) дан кейин реконструкция қилинган. Кўчанинг Катта ҳалқа йўли б-н кесишган қисмида кўприк ости йўли қурилган. 1992 й. 7 майда кўчага Буюк ипак йўли номи берилди ва кўча кенгайтирилди, ободонлаштирилди. Кўча йўналишида кўп қаватли турар жой бинолари, яқка тартибдаги уй-жойлар, «Буюк ипак йўли» метро бекати, «Саёҳат» меҳмонхонаси, Марказий ҳарбий спорт клубига қарашли спорт мажмуаси, «Гулшан» маданият ва истироҳат боғи, Трактор з-ди ва унинг спорт мажмуаси, 1-марказий шифохона, мактаблар, боғчалар, маъмурий бинолар, фирмалар, дорихоналар, савдо дўконлари, банклар, маиший хизмат кўрсатиш, умумовқатлашиш ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, автобуслар бошбекати бор. Яқинида «Турон» санаторийси ва Аҳмад Юнакий даҳаси жойлашган.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ МАЙДОНИ – Мирзо Улуғбек туманида, Мустақиллик шоҳкўчаси, Мирзо



Буюк ипак йўли кўчасининг бошланиш қисми.

Улуғбек, Муҳаммад Юсуф ва Буюк ипак йўли кўчалари кесишган жойда. Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин юзага келган. 1974 й.да рус ёзувчиси М. Горький (1868–1936) номи б-н аталди. 1992 й. 7 майда майдонга туташган кўчага Буюк ипак йўли номи берилиши муносабати б-н майдон ҳам шундай номланди. 2002 й.да Б.и.й.м.да автотранспорт воситалари ҳаракатланишига қулайлик яратиш мақсадида кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Майдон атрофида кўп қаватли турар жой бинолари, савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, автобуслар бошбекати ва «Буюк ипак йўли» метро бекати бор.

БУЮК ТУРОН КЎЧАСИ – Миробод ва Юнусобод туманлари, Ўзбекистон кўчаси б-н Навоий кўч. оралиғида. Уз. 1,5 км. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил этилган. Т.нинг янги шаҳар қисмидаги гавжум кўча бўлган. Кўча йўналишида шаҳар бошқармаси, маъмурий бинолар, дорихона-

магазин жойлашган. Дастлаб Катта кўча деб аталган. 19-а.нинг 90-й.ларидан Романов деб атала бошланган. 20-а.нинг 30-й.ларидан Ленин кўч. деб ўзгартирилган. Кўчада қурилиш ишлари давом эттирилган. «Искра» к/т, цирк ва б. бинолар бунёд этилган. 1964 й. кўчанинг Ўзбекистон кўчаси б-н кесишган қисмида Т.даги пиёдалар учун дастлабки ер ости йўли қурилган. Тошкент зилзиласи (1966) дан кейин кўча реконструкция қилинган. 1989 й.да кўчага «Правда» газетаси номи қўйилган. 1992 й. 18 ноябрда кўчага Буюк Турон номи берилди. Мустақиллик йилларида кўча ободонлашди. Кўча юзидан Ўзбекистон миллий галереяси, Ёшлар ижод саройи, Молия вазирлигининг Ҳазначилик бошқармаси, «Пойтахт» бизнес марказининг муҳташам бинолари қад ростлади. Шунингдек, кўча йўналишида Алишер Навоий номидаги Катта опера ва балет театри, «Тошкент палас» меҳмонхонаси, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, газ.-жур. тахририятлари,

Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи, «Мустақиллик» метро бекати бор.

БУЮМ БОЗОРИ – кенг халқ истеъмол моллари сотиладиган бозор. Мустақилликдан сўнг хусусий мулкчиликнинг қайта тикланиши ва савдо эркинлигига кенг йўл очилганлиги Б.б.ларини ташкил қилиш имконини берди. Сотувчи ва харидорларга қулайлик яратиш мақсадида усти ёпиқ шинам корпуслар, қўшимча иншоотлари мавжуд бўлган бозорлар бунёд этилди. Уларнинг лойиҳасини «Ташгипрогор» лойиҳа ин-ти лойиҳачилари тайёрлаб берди. Бундай бозорларда буюмлар турига қараб алоҳида расталар, секция ва бўлмаларда сотилади, ҳар бир сотувчи учун алоҳида савдо ўрни ажратилган. Бозорларда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, шунингдек, савдо уюшмалари, фирмалар, хусусий тадбиркорлар томонидан чет эл мамлакатларидан келтирилган эркалар, аёллар ва болалар кийимлари, пойабзаллар, бош кийимлар, уй жиҳозлари, рўзгор буюмлари ва ш.к. б-н савдо қилинади.

Б.б.лари «Тошбозортайёрловсавдо» акциядорлик жамиятлари уюшмаси тизимига киради. Тошкентда 4 Б.б. (жами 4406 савдо ўринлари) бор:

Чилонзор буюм бозори ОАЖ (Чилонзор тумани Бунёдкор шоҳқўчаси, 156-уй) – 2002 й. реконструкция қилинган. Умумий майд. 230323 м², савдо ўрни – 2614 та;

Чорсу буюм бозори ОАЖ (Шайхонтохур тумани Зарқайнар кўч.) – 1998 й. қайта қурилган. Умумий майд. 14649 м², савдо ўрни – 262 та;

Қўйлик буюм бозори МЧЖ (Бектемир тумани Фарғона йўли кўч., «Қўйлик буюм бозори» майд.) – умумий майд. 17312 м², савдо ўрни – 1237 та;

Қорақамиш буюм бозори МЧЖ (Собир Раҳимов тумани Ўрозбоев кўч., 21) – 1996 й. қурилган. Умумий майд. 8699 м², савдо ўрни – 293 та.

БЮДЖЕТ, шаҳар бюджети – Т.да биринчи шаҳар Б. 1878 й. крим-чиқим сметаси шаклида (крим бўйича 155,4 минг рубль, чиқим бўйича 136,2 минг рубль) тузилган эди. Б.нинг мустамлака характери унинг даромадларининг етишмаслигида, маблағларнинг Янги шаҳар б-н Эски шаҳар сметалари ўртасида нотекис тақсимланишида яққол кўринди. Асосий даромад манбалари ўлка Б.ига ўтказиб юборилди, шунинг учун шаҳар Б. иккинчи даражали даромад манбалари (барқарор мулклар ва хунармандлар-

дан йиғиладиган солиқлар, ер солиқлари, шаҳар корхоналари ва иншоотлари, майда йиғимлардан келадиган даромадлар) ҳисоби-га таркиб топди.


Биринчи совет шаҳар Б. 1918 й. 11,2 млн. рублга тузилди (433,7 минг рубль камомад б-н). Бу даврда Б. асосан, и.ч. характериға эға эди. Жами харажатлардан Т. халқ хўжалигига 33,3%, ижтимоий-маданий тадбирларға 9,2% сарф қилинди, қолган маблағ идора аппарати ва ишлаб чиқаришға алоқаси бўлмаган бошқа ишларға сарфланди. Фуқаролар уруши даврида шаҳар Б. харажатлари қоғоз пул б-н тартибға солиб турилди.

1991 й. шаҳар Б.нинг кирими 964 млн. сўмни, чиқими 1041,9 млн. сўмдан иборат бўлди. Халқ хўжалигини маблағ б-н таъминлаш ва ижтимоий-маданий тадбирларға 98%, бошқариш органлари ва б.ға 2% сарфланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин бозор иқтисодиётиға ўтиш шароитларида бутун мамлакатда бўлгани каби Т. шаҳар бюджетининг шаклланишида молия-солиқ тизимининг аҳамияти кескин ўзгарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1997 й. 24 апр.да Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси», 2000 й. 14 дек.да «Давлат бюджети тизими тўғрисида» ва 2004 й. 26 авг.да «Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида» қонунлари қабул қилинди. «Давлат бюджети тизими тўғрисида»ги қонунға кўра, Тошкент ш. маҳаллий бюджети – давлат бюджетининг пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек,

Тошкент шаҳри маҳаллий бюджет харажатлари ижроси (2008).



1-жадвал

**Тошкент шаҳри бюджетининг даромадлар бўйича таркиби
(ҳисобот; 2000, 2005 ва 2008 й.лар)**

млн. сўм

Даромадлар	2000		2005		2008	
	Тушум	Жами тушумдаги салмоғи, %	Тушум	Жами тушумдаги салмоғи, %	Режа	Жами тушумдаги салмоғи, %
Бевосита солиқлар	21514,9	31,3	39958,1	19,56	79362,2	19,75
Билвосита солиқлар	11858,8	17,25	23383,3	11,45	43415,5	10,80
Мол-мулк ва ресурс тўловлари	22141,3	32,21	82187,2	40,24	79889,6	19,88
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи	6199,3	9,02	25526,1	12,50	117197,2	29,16
Жисмоний шахслар томонидан транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган бензин, дизел ёқилғиси ва суюлтирилган газ учун солиқ	–	–	19101,9	9,35	40205,0	10,00
Бошқа ҳар хил тушумлар	7030,7	10,23	14083,0	6,90	41860,0	10,41
Жами	68745,0	100,0	204239,6	100,0	401929,5	100,0

2-жадвал

**Тошкент шаҳри бюджетининг харажатлар бўйича таркиби
(ҳисобот; 2000, 2005 ва 2008 й.лар)**

млн. сўм

Харажатлар	2000		2005		2008	
	Миқдори	Жами харажатлардаги салмоғи, %	Миқдори	Жами харажатлардаги салмоғи, %	Миқдори	Жами харажатлардаги салмоғи, %
Ижтимоий соҳага	28450,4	38,26	113201,0	53,48	262510,7	66,24
Фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга	2236,0	3,01	4148,0	1,96	13858,0	3,50
Халқ хўжалигини молиялаштиришга	16931,5	22,77	30767,0	14,54	36741,0	9,27
Марказлашган инвестициялар	23347,3	31,40	36952,0	17,46	44842,0	11,32
Бошқарув органларини таъминлаш	451,8	0,61	1553,0	0,73	3644,0	0,92
Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идоралари	187,1	0,25	1038,0	0,49	3048,0	0,77
Бошқа турли харажатлар	2754,3	3,70	23999,0	11,34	31643,1	7,98
Жами	74358,4	100,0	211658,0	100,0	396286,8	100,0

молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрларга мувофиқ шаҳар бюджети даромадларини: маҳаллий бюджетга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар; маҳаллий бюджетга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва б. мажбурий тўловлар; давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар; мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари; юқори бюджетлардан бериладиган бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари; юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар тушуми ташкил этади.

Тошкент ш. маҳаллий бюджетининг харажатлари – маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари; жорий бюджет трансфертлари; капитал харажатлар: а) асосий фондлар ва воситаларни (улар б-н боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун сотиб олиш ва такрор ишлаб чиқариш; б) давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва б. номоддий активларни сотиб олиш; қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлардан иборат.

Шаҳар бюджети лойиҳаси Тошкент ш. молия бош бошқармаси ва туман молия бўлимлари томонидан тузилади ва маҳаллий ҳокимият вакиллик орга-

ни белгилаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 25 июнидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Шаҳар бюджети Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида Т. шаҳар халқ депутатлари кенгаши томонидан қабул қилинади ва тасдиқланади. Б.нинг ижроси ва назорати «Давлат бюджетининг газначилик ижроси тўғрисида»ги қонунга асосан Тошкент ш. газначилик бошқармаси томонидан амалга оширилади.

2008 й.да даромадлар манбаларидан солиқлар ва йиғимларнинг жами тушуми 1 триллион 490 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 401,9 млрд. сўми маҳаллий бюджетга, 1 триллион 88 млрд. сўми республика бюджетига жалб этилди.

2008 й.да маҳаллий бюджет харажатлари 396,3 млрд. сўмни ташкил этди ва харажатларда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари етакчи ўринни эгаллади (бюджет харажатларининг 69,7%). Жумладан, маориф соҳаси харажатлари 36,5% ни, соғлиқни сақлаш харажатлари 20,3% ни ташкил этди (158-бетдаги диаграмма ва 159-бетдаги 1- ва 2-жадвалларга қ.).

БЎЗ ДАҲАСИ – Мирзо Улуғбек туманида, шаҳарнинг шим.-шарқий қисмида, Мирзо Улуғбек ва Темур Малик кўч. оралигида жойлашган. Даҳа 1964–66 й.ларда Черданцев номи б-н қурилган бўлиб, меъморлар Г.М.Александрович, Р.М.Валиев, В.Муратов ва б. томонидан лойиҳалаштирилган. Б.д.да, асосан, 4, 5 ва 9 қаватли турар жой бинолари жойлашган. Шунингдек, 2 боғча ва 2 мактаб бор.

«БЎЗ-2» МАҲАЛЛАСИ (Мирзо Улуғбек кўч., 71^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Дўстлик», «Гулистон», Аҳмад Яссавий, «Олимлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1989 й. 24 фев.дан шу номда ташкил топган. Аҳолиси 9200 киши, кўп миллатли (2008). Маҳалла худудида Лафарг қабристонни, спорт иншооти, Урол Тансиқбоев уй-музейи, «Ватан» меҳмонхонаси, 2 болалар боғчаси, 2 ўрта мактаб, 14-болалар касалхонаси, кафе, сув ҳавзаси мавжуд. Маҳаллада кўпроқ зиёлилар, олимлар истиқомат қилишади. Машҳур рассомлар Урол Тансиқбоев, Искандар Икромов шу маҳаллада яшаб ўтишган.

«БЎЗАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Олтинтепа кўч., 318) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Олтинтепа-10», Алпомиш ва Авайхон маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й. ташкил топган. Дастлаб «Олтинтепа-5» деб аталган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3500 киши, кўп миллатли (2008). Маҳалла худудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, касб касалликлари касалхонаси жойлашган. **БЎЗГОНТЕПА** – археологик ёдгорлик. Т.нинг шарқий чеккасида (Чингелди деган жойда), Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган истеҳкомсиз аркли қишлоқ харобаси (1–16-а.ларда мавжуд бўлган). Ўлчами – 100 х 300 м, арки – 30 х 60 м, бал. – 12 м. 1949 й. археологлар И.Баишев ва М.Массон томонидан қайд қилинган. 1978–79-й.ларда Т. археологик экспедицияси (И.А.Аҳроров, Ў.Алимов) Б.нинг 1–3-а.лардан мавжудлигини ва *Қовунчи маданиятига* мансуб деҳқончилик қишлоғининг харобаси эканини аниқлади. 3-а.да хом ғиштлардан бино қилинган муҳофаа девори аркнинг мус-

тахкам фортификация иншооти бўлиб қолган. У 6–8-а.ларда қўшимча ташқи мудофаа деворлари б-н бир неча бор мустаҳкамланиб, Чирчиқ соҳилида Чоч пойтахти ва унинг деҳқончилик воҳасини шим.-шарқ томондан келадиган кўчманчилардан тўсиб турган муҳим истеҳкомга айланган (Чочнинг ҳарбий лагери бўлган). 8-а. биринчи чорагида араб босқинчилари томонидан вайрон қилинган. 10–12-а.ларда қайта тикланиб, Мовароуннаҳрдан ўтган савдо йўлининг шим. қисмидаги муҳим масканларидан бирига айланган. Бу даврда у араб манбаларида Жабғукат деб аталган ва Чоч пойтахти Бинкатдан 2 фарсах (12 км га яқин) узоқликда жойлашган. Жабғукат номи «Худуд ул-олам» (10-а.) асарида қайд қилинган: «Жабғукат гўзал шаҳар, Чочнинг ҳарбий лашкаргоҳи шу ерда бўлган». 13-а. бошида чамаси Чингизхон қўшинлари босқини вақтида Б. бузилган. Ёдгорлик 14-а. охири – 15-а.да қайта тикланиб, Шарқ мамлакатларига борадиган савдо йўлидаги соқчилик қароргоҳларидан бири сифатида водийда муҳим роль ўйнаган. 16-а.дан Б. бўшаб қолиб, вайронага айланган.

БЎЗСУВ – Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилидаги магистрал канал, Т. ва унинг теварак-атрофларини




Бўзсув соҳили.

суғорувчи бош ариқ. Б. икки жойдан: Бўзсув – Зах магистралидан ҳамда Чирчиқ ш. Бўзсувбоши маҳалласи яқинида Чирчиқ дарёсидан сув олиб, Чиноз ш. ёнида Сирдарёга қуйилади. Умумий уз. 158 км. Сув сарфи бош қисмида 310 м³/с, 10-ГЭСдан қуйи қисмида 110 м³/с (шу ердан қуйилиш қисмигача уз. 138 км).

Канал шаҳар доирасида Юнусобод, Шайхонтохур ва Учтепа туманлари ҳудудидан оқади. Т. автомобиль ҳалқа йўлини кесиб, Ботаника боғининг шим.-ғарбий томонидан ўтади, ғарбий йўналишда Тош-

кент – Москва т.й.ни, Амир Темура кўч.ни кесиб, «Ўзэкспомарказ» дам олиш зонасини айланиб, Кичик ҳалқа йўли орқали ўтади (шу ерда Б.дан ўнгга қараб *Кайковус* канали бошланади). Шундан кейин Б. жанубий йўналишда оқиб, Хуршид, Абдулла Қодирий, Навоий ва Ўзбекистон ҳамда Абай кўч.ларини кесиб ўтиб, иккига – ўнгга *Анҳор*, тўғрига – *Бўрижарга* ажралади. Суғориш майд. 100 минг га.

Б. канали мил. бошларида қазилган деб тахмин қилинади. Муҳаммад Солиххўжанинг (1830–1890) «Тарихи жадидаий





Бўзсув аэрация станцияси тиндиргичлар майдони.

Тошканд» асарида Б. канали қазилишига боғлиқ қуйидаги ривоят келтирилади: «...Подшоҳ Кайкобус ва подшоҳ Салор замонида Кайкобус буйруғи билан шаҳардан уч тош бўлган Банди Подшоҳ деган ерда Фарак (Чирчиқ) дарёсидан катта анҳор қазилди ва икки тошга етказилгач, у икки тармоққа бўлинди. Бири шарқдан жанубга йўналтирилдики, у ердан шаҳаргача чорак фарсанг (1,5 км)дир. Вилюятнинг охири бўлган ғарб тарафга оқадиган бу ариқ Салор номига мансубдир. Яна бирини ўша мавзедан шаҳар ташқарисигача етказиб, Кайкобус номини қўйдилар... Ҳозир Кайкобус ариғини одамлар Бўзсув деб атайдилар».

Б. системаси 1971–77 й.ларда реконструкция қилинган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда Б. соҳилларини ободонлаштиришга алоҳида эътибор берилди. Т. ичида каналнинг 2,2 км қисми бетонланган. Б.дан ҳар икки томонга 25 тармоқ чиқарилган. Шундан 10 дан ортиғи туманлараро ариқлардир. Б. ва ундан

чиқарилган Дарбозакент, Салор, Баротхўжа, Чартоқ, Шоҳ, Боғлар, Янги Шоҳ, Тўқабой, Қулбой, Кайковус, Кенгарик, Оққўрғон, Қорасув, Яланғоч, Анҳор, Бўрижар ва Оқтепа ариқлари Т.дан оқиб ўтиб, шаҳарни сув б-н таъминлайди. Бўзсув энергетика трактида умумий қуввати 250 минг кВт дан ортиқ 17 та ГЭС ишлаб турибди. Б. пойтахт вилоятининг 89308 гектар майдонини, жумладан Т.нинг 19323 гектар ҳудудини сув б-н таъминлайди (қ. *Сув хўжалиги*).

БЎЗСУВ АЭРАЦИЯ СТАНЦИЯСИ – оқова ва канализация сувларини аралашмалар ва турли захарли моддалардан механик ва биологик тўлиқ тозалаш, чўкмаларни ажратиб олиш, сув сифатини яхшилаш вазифаларини бажарадиган ст-я. Шаҳарнинг жануби-ғарбида, Қорақамиш ариғи ва Қуйи Бўзсув канали қўшилдиган ерда (Тошкент вилояти Зангиота тумани, шаҳардан 4 км узоқликда) жойлашган. «Сувсоз» трести – давлат унитар корхонаси таркибига киради. 1961 й. ноябрда Қуйи Бўзсув аэрация ст-яси номи б-н ишга туширилган.

1983 й.дан ҳозирги номда. Майд. 127 га. Оқова сувларни биологик тозалаш бўйича қуввати бир кечакундузда 800 минг м³ (2008). Дастлабки қуввати 25 минг м³/сутка бўлган. 1963–71 йилларда қуввати 500 минг м³/сутка бўлган 1-навбати, 1991 й.да қуввати 200 минг м³/сутка бўлган 2-навбати қурилди. Ст-яга оқова сувлар Чилонзор, Қорақамиш, Жануби-Ғарбий коллекторлари ва канализация тармоқларидан ўз оқими б-н тушади. Ст-яда: оқова сувлар ва чўкмаларни механик тозалаш; биологик тозалаш; оқова сувларни тиндириш ва зарарсизлантириш; лойқа чўкмаларни қайта ишлаш ва ташиб чиқариш мажмуалари бор. Мажмуаларда энг замонавий тозалаш ва зарарсизлантириш технологиялари жорий этилган. Тозаланган сув Бўзсув каналига ташланади.

БЎЗСУВ ГЭС (Боғишамол кўч.) – Ўзбекистонда қурилган дастлабки гидроэлектр ст-я. Тошкентнинг *Бўзсув* каналида 1923 й.да қурилиши бошланиб, 1926 й. 1 майда ишга туширилган. Қуввати 4 минг кВт. 30-й.ларда унинг қуввати Ўзбекистонда мавжуд бўлган барча ГЭСлардан юқори бўлган ва Тошкент саноат корхоналари, шаҳар транспорти ва аҳолини электр энергияси б-н таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлган. Б. ГЭС тўла автоматлаштирилган, ягона диспетчерлик пунктдан бошқарилади.

БЎЗСУВ МАКОНЛАРИ – тош даврига оид ибтидоий манзилгоҳлар. Тошкент ш.дан 12–15 км шим.-ғарбда Бўзсув канали бўйида жойлашган. Маконлардан бири – Шоимкўприкни (1901) археолог А.П.Павлов, иккинчиси – Шўралисой ёқасидагини (1955) археолог О.И.Исломов топган. Шоимкўприк маконини археолог Г.В.Парфенов, Шўралисойни ар-



Бўзсув ГЭС.

хеолог А.П.Окладников ўрганган. Маконлардан мустье ва юқори палеолит даврига хос пичоқсимон пластина, қирғич, нуклеус, чақмоқтошдан ясалган қуроллар ва турли ҳайвонлар суяги топилган. Бўзсув канали бўйларидан кейинги текширишлар натижасида палеолит даврига оид Бўзсув III, IV ва V каби янги маконлар очилди. Б.м.даги аҳоли юқори палеолит босқичида уруғ жамоаси бўлиб яшаганлиги аниқланди.

БўКА – археология ёдгорлиги. Қорасув каналининг ўнг соҳилида, ҳоз. Бўка ш.нинг шим. чеккасида жойлашган. Майд. 6 гектар,

бал. 20 м келадиган тепалик кўринишида сақланган (қад. шаҳар 10 гектардан ортиқ ҳудудни эгаллаган). Қад. арк (ҳисор), вайронага айланган шахристоннинг бир қисмидан иборат. Ёдгорликда қазिशмалар ўтказилмаган, лекин дастлабки тўпланган археологик материалга кўра унда ҳаёт милоннинг дастлабки асрларида вужудга келган. Илк ўрта асрларда бу ерда мустаҳкамланган шаҳар шаклланган. 9–12-а.ларда шаҳар равнақ топган, бунга унинг Чочдан Илоқ ва Фарғонага, Фарак (Чирчиқ) водийсидан Илоқ (Оҳангарон) водийсига бо-

радиган йўлда жойлашгани сабаб бўлган. Бу йўлда, шунингдек, Бискет ва Самсарак шаҳарлари ҳам жойлашган. Археолог М.Е.Массон

Бўрижар канали.




Б.ни ўрта асрлардаги Самсарак ўрнида бўлган деб ҳисоблаган. Б.дан кулолчилик устахонаси излари, ажойиб сирланган сопол буюмлар, жез чироқдонлар, қорахонийлар даври тангалари, шиша идишлар топилган. Шаҳар 13-а. бошларида мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлган. Кейинчалик унинг ўрнида ва жан.да вужудга келган манзилгоҳ 16–19-а.ларда йирик қишлоққа айланган.

БўРИЖАР (Бўржар) – канал, *Бўзсув*нинг чап тармоғи. Оқтепа ГЭС юқорисидан бошланади. Уз. 5,4 км, сув сарфи 33 м³/с. Чилонзор ва Яккасарой туманлари ҳудудидан оқади. Бобур, Муқимий, Чўпонота, Фарҳод, Дўмбиробод кўч. ҳамда Катта Ўзбекистон тракти, Т. – Самарқанд т.й.ни кесиб ўтиб, Салор каналига қуйилади. Каналнинг ўзани чуқур бўлиб, қирғоқлари тик. Баъзи жойларида қирғоқ ёнбағирларининг баландлиги 20–25 м га етади, қуйи оқимида борган сари пасайиб, 8–10 м га тушиб қолади. Каналда 5 та кўприк бор.

БўРИЖАР ГЭС (Туроб Тўла кўч.) – Тошкентнинг *Бўзсув* ка-

Бўрижар ГЭС.



налида қурилган 3-гидроэлектр ст-я. 1936 й. майда ишга туширилган. Қуввати 6,4 минг кВт. Унинг ишга туширилиши Тошкент ш. sanoat корхоналари ва аҳолисини электр энергияси б-н таъминлашни яхшилади. Бўзсув каналида ишлаб турган ГЭСлар Ўрта Осиёда биринчи энергия тизимини яратишга имкон берди. Бўрижар ГЭС Чирчиқ-Бўзсув трактида қурилган ГЭСлардан бири саналиб, у тўла автоматлаштирилган, ягона диспетчерлик пунктдан бошқарилади.

«БЎРИЖАР» МАҲАЛЛАСИ (20-мавзе, 9) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Ботирма», «Кичик Хирмонтепа», «Хирмонтепа», «Яккатут», «Хайр-обод», «Мевазор» маҳаллалари ҳамда Илонликота қабристонни б-н чегарадош. Ўтмишда бу ерлар «Бўрижар» деб аталгани учун 1970 й. маҳаллага шу ном берилган. Аҳолиси 3960 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 8 озиқ-овқат дўкони, дорихона, кафе, стоматология поликлиникаси, банк мавжуд.

«БЎСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Ал-Хоразмий, 14) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Хувайдо, «Ўзбекистон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1959 й.дан Т. вилояти Калинин тумани ерларига аҳоли кўчиб келиб, янги бир ҳудуд ташкил бўлган. 1978 й. бу ҳудуд Т. шаҳар ҳоз. Шайхонтоҳур туманига ўтиб, «Бўстон» маҳалла номини олган. 1995 й. маҳалла идораси қайта қурилган. Аҳолиси 5692 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида болалар

боғчаси, кутубхона, гузар, 2 тўйхона, 6 савдо дўкони, 4 дорихона, сартарошхона, маиший рўзғор анжомларини таъмирлаш устахонаси, ошхона, 2 кафе, масжид, туристик фирма, «Октам» хусусий поликлиникаси ва б. мавжуд. Дин ар-боблари Зиёвуддинхон ва Шамсиддинхон Бобохоновлар, акад. Э.Юсупов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, адабиётшунос Ҳ.Ёқубов, шоир Хайриддин Салоҳ шу маҳаллада истиқомат қилган.

«БЎСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/1, 37) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Истиқбол», «Пахта» маҳаллалари б-н чегарадош. 2003 й. 6 декада «Истиқбол» маҳалласидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан ва аҳоли талабига асосан «Бўстон» деб номланган. Аҳолиси 4995 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, татарлар, руслар, корейслар, уйғурлар яшайди (2009).

«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИ – бальнеологик курорт, масъулияти чекланган жамият. Тошкент ш.дан 30 км узоқликда, Қибрай туманида, Зах канали соҳилида, денгиз сатҳидан 550 м баландликда жойлашган. Санаторий дастлаб дам олиш уйи (1928), ҳарбий госпиталь (1942–46) бўлган. 1994 й.дан «Бўстон» номи б-н аталган. 2005 й.да санаторий МЧЖ га айлантирилган. «Б» с.нинг майд. 21 гектар, атрофи мевали ва манзарали дарахтлар б-н кўкаламзорлаштирилган. Иқлими континентал: қиши юмшоқ, ёзи иссиқ, янв.нинг ўртача т-раси – 1,5°, июлники 25°, нисбий намлиги 55%, қуёшли кунлар давомлиги йилига 2700 соат. Даволаш мақсадида кам минераллашган термал (42°), суль-

фат-кальций натрийли кучсиз ишқорли сув ванналар сифатида, азотли сув ичиш учун, Жиззах вилояти Зомин туманидаги «Балиқликўл»дан олиб келинадиган балчиқдан гальваник балчиқ, парафин ва озокерит кўринишида фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапия, рефлексотерапия, даволаш бадантарбияси, массаж, иқлим ҳамда лазер ва ультратовуш б-н даволаш, гирудотерапия, мусиқа ва ароматерапия, шунингдек, махсус мосламада умуртқани тортиш усуллари ҳам қўлланади. Зарур бўлганда дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, кислород кўпиги, парҳез овқатлар ва б. берилади. Санаторийда қон айланиш аъзолари, нерв системаси, гинекологик ва урологик касалликлари бор кишилар даволанади. 204 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), клуб, кутубхона, спорт майдони, ёпиқ сув ҳавзаси, сауна, фитобар мавжуд. Йилига 5700 киши даволанади (2009).

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ – Тошкент вилоятидаги маъмурий-ҳудудий бирлик. Тошкент ш. аҳолисининг асосий дам олиш маскани ҳисобланган туман. 1927 й.да ташкил этилган. 1955 – 1962 й.лар Юқори Чирчиқ, 1964 й. Оржоникидзе туманлари б-н бирлаштирилган, 1968 й. 25 дек.да қайта ташкил қилинган. Туман Т. вилоятининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Шим. ва шим.-ғарбдан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Қирғизистон Республикаси, жан.-шарқдан Наманган вилояти, жан. ва жан.-ғарбдан Паркент, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон ва Қибрай туманлари б-н чегара-



Бўстонлиқ туманидаги «Оқтошсой» дам олиш уйи.

дош. Майд. 4930 км². Аҳолиси 146,5 минг киши (2008), асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, тожик, қирғиз, рус ва б. миллат вакиллари яшайди. Маркази – Фазалкент шаҳри. Б.т.да 2 шаҳарча (Искандар, Чорвоқ), 18 қишлоқ фуқаролари йиғини ва 42 маҳалла фуқаролари йиғини бор.

Б.т. худуди, асосан, Чирчиқ дарёси ҳавзасининг тоғлар орасидаги водийлари ва Тяньшан (Тангритоғ) тизмаларини қамрайди. Асосий тоғ тизмалари:

Бўстонлиқ тумани. Чорвоқ сув омбори.



шим. ва шим.-шарқда – Писком ва Кўксув, шим.-ғарбда – Угом ва Қоржонтов, шарқ ва жан.-шарқда – Чатқол. Энг баланд жойи 4291 м (Бештор тоғи).

Янв.нинг ўртача т-раси –9⁰, июлда 21⁰. Йиллик ўртача ёғин 500–700 мм, айрим жойларда 1000 мм гача ёғин тушади. Асосий дарёлари: Чатқол, Писком, Кўксув, Оқбулоқ, Угом, Майдонтол. Дарё водийлари ўзлаштирилган. Писком ва Чатқол дарёлари қўшилган жойда Чорвоқ сув омбори ва гидроузели (тўғони) барпо этилган. Туман худудида 10 та кўл бор (умумий майд. 102 га). Ёввойи ўт ўсимликларидан тоғрайҳон, ёввойи сули, бўтакўз, қизилпойча (да-

лачой), андиз; ёввойи дарахтлардан тоғолча, олма, дўлана, ёнғоқ, pista, бодом; буталардан қорақант, наъматак, зира; ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, айиқ, сувсар, бўрсиқ, олмахон, тоғ эчки ва б.; қушлардан каклик, қирғовул, дала чумчуғи, қораялоқ, зағизғон, ёввойи каптар, қарға ва б. учрайди.

Б.т. худудида Ўзбекистонда энг йирик рекреация зонаси ташкил этилган. Туман худудида 5 санаторий, 3 пансионат ва 45 дам олиш уйлари (4862 ўринли), 38 болалар оромгоҳ ва санаторийси (7400 ўринли) мавжуд. Туманнинг манзарали жойларида жуда кўп дала ҳовлилари бор.

Туман худудида Чирчиқ каскадининг 3 ст-яси (Чорвоқ ГЭС, Хўжакент ГЭС, Фазалкент ГЭС) ишлаб турибди. Туманда фойдали қазилма конларидан висмут, флюорит, олтин, кумуш ва б. полиметалл руда конлари мрамор, гранит, қурилиш материаллари хомашёлари бор.

Б.т. саноат маҳсулотлари и.ч. ҳажми бўйича Т. вилоятида Қибрай туманидан кейин 2-ўринни эгаллайди. Унинг қулай иқтисодий географик ўрни хўжалигининг ривожланишига имкон беради. Туманда 54 саноат корхонаси, 11 қўшма корхона мавжуд бўлиб, муҳимлари – «Фазалкент-мева», «Бўстонлиқсут», «Фазалкентойна», «Киннерташ», «Голденвинг» қўшма корхоналари, пиллачилик корхонаси, Фазалкент тошга ишлов бериш к-ти, Чорвоқ қурилиш бошқармаси, автотранспорт корхоналари, Товоқсой кимё и.ч. бирлашмалари ва б. корхоналар. Туман худудида 43 қурилиш ташкилоти, 267 савдо ташкилоти ишлаб турибди.

Туман қ.х.нинг етакчи тармоқлари – сут-гўшт чорвачилиги, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик ва б. Туман худудида ўтлоқ-яйловларнинг мавжудлиги чорвачиликни сут-гўшт йўналишида ривожлантиришга имкон беради. Туманда паррандачилик хўжалиги, пиллачилик бирлашмаси, фермер хўжаликлари (1493) мавжуд.

Тошкент–Хўжакент электрлаштирилган т.й. тармоғи ишлаб турибди. Автомобиль транспорти хизмати ривожланган. Автобуслар Фазалкентни Тошкент, Чирчиқ ва б. шаҳарлар б-н боғлайди.

Туманда 4 касб-хунар коллежи, 51 мактаб ва 2 мактаб-интернат, 21 мактабгача тарбия муассасаси, 420 ўринли 7 касалхона, 9 қишлоқ врачлик пун-

кти, 19 фельдшер-акушерлик пункти, 6 поликлиника мавжуд. Б.т.да 20 клуб, маданият саройи, спорт мажмуаси, стадион, 20 спорт майдончаси аҳолига хизмат кўрсатади.

Туманда ўзбек тилида «Бўстонлик овози» (адади 1600) ва қозоқ тилида «Бостанлық даусы» (адади 400) газ.лари нашр этилади.

БЎСТОНЛИҚ ХАЗИНАСИ – моддий-маданият ёдгорлиги (мил. 11-а. биринчи ярми). Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг Сижоқ қишлоғидаги Кўкёнғоқ мавзеида, Писком дарёсининг ўнг соҳилида бўлган. 1965 й.да чўпон Қ. Эрматов топиб, Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топширган. Б.х. ҳар бирининг оғирли-

ги 200 г ли 8 та бурама билангузук, 8 та тумор сақланадиган қутича, 27 та қўнғироқча, 1 та булоқи (бурундук) ва бўйинга тақиладиган бир қанча занжирдан иборат; ҳаммаси кумушдан ясалган. Билангузуқлар ўйма, чизма ва босма усулда ишланган бўлиб, икки учи илонбоши кўринишда, сирти турли геометрик шакл, нақш ва суғдча ёзувлар б-н безатилган. Бу ерда олиб борилган археологик қазишлар жараёнида хумдонлар ва кумуш буюмлар ясаладиган устахоналар қолдиғи, тангалар, сирланган сопол идишлар бўлағи ҳам топилган. Б.х. Тошкент воҳасининг қад. аҳолиси маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

«**ВАБО ИСЁНИ**» – қ. *Тошкент қўзғолони* (1892).

ВАКЦИНА ВА ЗАРДОБЛАР ИНСТИТУТИ (Бодомзор йўли кўч., 37), Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти (ТошВЗИТИ) – «Ўзфарм-саноат» давлат акциядорлик концернига қарашли муассаса. Дастлаб 1918 й.да и.ч. микробиология лаб. сифатида ташкил этилган; 1920 й. Ўлка бактериология ин-тига айлантирилди, унда санитария-гигиена бўлими ташкил этилгач, Санитария-бактериология ин-ти деб номланди. 1950 й.дан ҳоз. номда. 1995 й.дан ин-т иккита мустақил ташкилот – ТошВЗИТИ (илмий бўлим) ва «Ўзбиофарм» ОАЖга бўлинди. Ин-т янги вакциналар топиш ва мавжудларини мукамаллаштириш, даволаш учун ишлатиладиган зардоблар олишнинг янги замонавий усулларини ишлаб чиқиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволаш ва диагностикасига тегишли препаратларни стандартлаш муаммолари бўйича иш олиб боради. Ўзбекистон аҳолисини эмлашнинг миллий дастурини амалга оширади. Республикага ниҳоятда зарур бўлган вакцина ва зардоблар (сил, кўкйўтал, бўғма, қоқшол, ич терлама, гепатит В касалликларига қарши) и.ч. қайтадан тикланмоқда, тиббиёт ва ветеринарияга

оид янги биопрепаратлар устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда ин-т олимлари томонидан «Иммуномодулин», «Стафилококк вакцинаси», «Бифидумбактерин», «Лактобактерин», нормалот қонининг зардоби каби янги препаратлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

ВАЛЮТА БИРЖАСИ, Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси (Рашидов кўч., 4) – ёпиқ акциядорлик жамияти, молия бозорининг таркибий қисми. Валюта бозорида операциялар ўтказиш, хорижий валюталарга нисбатан Ўзбекистон Республикаси пул бирлиги – сўмнинг жорий курсини белгилаш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ташкил этиш, бу бозорда давлат қисқа муддатли облигациялари, давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари ва Марказий банк облигациялари муомаласини таъминлаш ва б. вазифаларни бажаради. 1992 й. 22 июнда ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, «Ипак йўли» банки ва б. унинг муассислари бўлган. Республикада хорижий валюталар б-н савдоларни ташкил этишда (1994 й. 15 апр.дан мунтазам савдолар ўтказилади) мамлакат олтин-валюта захираларини мустаҳкамлашда муҳим ўринни эгаллайди.

«**ВАТАН**» – «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси» тасарруфидаги киностудия. 1990 й.да «Ўзбекфильм»дан мустақил киностудия сифатида ажралиб чиққан. Т. шаҳрида жойлашган. Асосан фильмлар, видеофильмлар ишлаб чиқаради ва ижарага беради; шунингдек, фильмлар рекламаси б-н шуғулланади. Ташкил қилинганидан буён 10 га яқин тўламетражли ва қисқаметражли фильмлар тайёрлади: «Тангалик болалар» (реж. Т.Юнусов), «Абдуллажон» (реж. З.Мусоқов), «Ярим тундаги блюз» (реж. Р.Маликов, М.Раҳматов), «Биринчи бўса» (реж. Б.Одилов), «Олтин девор» (реж. Р.Муҳаммаджонов), «Қариб қуюлмаган чол» (реж. М.Абзалов), «Шўрпешоналар» (реж. Ж.Қосимов), «Қиёмат кун» (реж. Д.Абдуллаев) ва б. Студиянинг бадиий раҳбари – М.Абзалов (1989 й.дан).

«**ВАТАН**» **МАҲАЛЛАСИ** (24-мавзе, 49) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ширин», «Ватанпарвар», «Найман», «Тинчликобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. 11 ноябрда ташкил топган. 1966 й.даги зилзиладан сўнг бошқа республикалардан Т.га турли миллат вакиллари келиб, бошпана топганлар. Уларнинг бир гуруҳи шу ҳудудда яшаб, уни ўз ватанимиз, ватан ичида «ватан» бўлсин, деб шу номни таклиф этишган. Аҳоли-

си 6100 киши, 35 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, 2 мактаб, умумий овқатланиш шохобчаси, 5 савдо дўкони, сартарошхона, дорихона, АЁҚШ мавжуд. Ўзбекистон қаҳрамони Эркин *Алимуҳамедов* шу маҳаллада яшайди.

«ВАТАНПАРВАР», Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти – нодавлат нотижорат ташкилот. 1991 й. 23 ноябрда тузилган. Ўзбекистон фуқароларининг мустақил оммавий-ҳимоя, спорт-техник ва ватанпарварлик жамоат ташкилотидир. Ташкилотнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлигини, унинг қуролли кучлари, мудофаа қудратини мустақамлашга кўмаклашиш, кенг халқ оммасини, хусусан ёшларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашдир. «В.» ташкилоти давлат буюртмаси орқали ҳарбий хизматга чақирилувчиларни ҳарбий-техник тайёрлаш, спорт тадбирлари ўтказиш, ҳарбий-амалий аҳамиятга эга бўлган оммавий техник касб ходимларини тайёрлаш йўли б-н молиялаштирилади. Ташкилотнинг Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси, вилоятлар, шаҳар, туманларда алоҳида бўлимлари – кенгашлари бор.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «В.» ташкилоти Тошкент ш. кенгаши (Хуршид кўч., 86^а-уй) тасарруфида 11 туман кенгаши, 11 ўқув спорт техника клуби, бирлашган-техника мактаби, 28 ватанпарварлик клуби ва 14 хўжалик ҳисобидаги корхона фаолият юритади. Кенгаш ўз олдида турган вазифаларни бошланғич ташкилотлар орқали амалга оширади. Шаҳар кенгаши 781 бошланғич ташкилотни бирлаштирган бўлиб, уларда 107 мингга яқин аъзо бор. Шаҳар кенгашига қарашли автотранспорт воситалари 159 енгил, 44 юк автомашиналари, 3 автобус, 12 тиркамадан иборат (2008).

«В.» ташкилотининг шаҳар кенгаши ҳарбий-ватанпарварлик фаолиятини маънавий-маърифий, оммавий-ташқилий ишлар б-н қўшиб олиб боради. Бу борада «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ҳаракати, шаҳар мудофаа ишлари бўлими б-н шартномалар тузилган. Ҳар йили Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб ўтказиладиган оммавий

ватанпарварлик ойлигида (14 дек.дан 14 янв.га қадар) фаол иштирок этади.

Қуролли кучлар учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш борасида ташкилотнинг шаҳар кенгашига қарашли Тошкент бирлашган техника мактабида ижобий ишлар амалга оширилди: электромоторист ҳайдовчи ва «ВС» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш бўйича ўқув жараёни такомиллаштирилди. Мактабнинг моддий-ўқув базаси яхшиланди: радиоалоқа мутахассисларини тайёрлаш йўлга қўйилиб, компьютер синфлари таъмирланиб, замонавий кўргазмали қуроллар б-н жиҳозланди. Оммавий техник касб эгаларини тайёрлашда туман ўқув спорт-техника клубларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу клубларда 70 ўқитувчи, 113 амалий ўргатувчи уста, 12 муҳандис-техник ходим фаолият юритади (2008). 2001–2007 й.лар мобайнида шаҳар Кенгаши орқали 55 мингга яқин оммавий техник касб ходимлари тайёрланди.

Сўнги йилларда ҳайдовчиликка тайёрловчи ташкилотлар кўпайиши натижасида бу соҳада рақобатчилик кучайди. Шу боис аҳолининг талаб ва ис-

«Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент ш. бўлимида ўқув-машқ машғулотлари.



такларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш турларини, ишчи ўринларини кўпайтириш мақсадида туман кенгашлари ўқув спорт техника клубларида «Д» тоифали ҳайдовчиларни ҳамда трактор ҳайдовчиларини тайёрлаш курслари ташкил қилинди.

Ташкилот ёрдамида спортнинг техника турлари оммалаштирилмоқда. Картинг, ёзги биатлон, милтиқдан ўқ отиш, авиамодель, ракетамодел, триатлон турлари бўйича мунтазам мусобақалар ўтказилиб турибди. Тошкент ш. терма жамоалари 2001–2007 й. мобайнида республика мусобақаларида қатнашиб, 78 олтин, 60 кумуш, 30 бронза медаллари соҳиби бўлди. Аиниқса, триатлончилар, авиамоделчилар, авторалличилар, картингчилар жамоалари юқори кўрсаткичларга эришди.

«ВАТАНПАРВАР» МАҲАЛЛАСИ (24-мавзе, 26) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ватан», «Нуробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. «Ватан» маҳалласидан ажралиб, ташкил топган. Аҳолиси 5000 кишидан ортиқ, асосан ўзбеклар, шунингдек, 40 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони, модалар ательеси, дорихона, оптика, кафе, новвойхона, интернет клуб мавжуд.

«Версаль» ресторани.

ВЕЛОТРЕК (Мухбир кўч., 12) – респ. ўқув-машғулот маркази. С.Раҳимов туманида жойлашган. Майд. 3 гектар. 1978 й.да қуриб фойдаланишга топширилган. 1981–82 й.ларда реконструкция қилинган. Трек мусобақаларининг талабларига мос қурилган доирасимон қия пойга йўлагининг энг қисқа уз. 333,33 м. В.да велоспорт б-н шуғулланувчиларнинг ўқув-машғулот ўтказишлари учун керакли жиҳозлар бор. Ушбу В.да А.Панфилов, А.Колюшев, А.Зайцев, В.Тўйчиев каби таниқли велоспортчилар маҳоратини оширишган. В.да мамлакат мусобақалари мунтазам равишда ўтказилади.

«ВЕРСАЛЬ» (Беруний кўч., Гулбоғ даҳаси) – ресторан. «Зулфинигор Файз» МЧЖга қарашли. «Тинчлик» метро бекати яқинида. Ҳашамдор иншоотнинг номи Версаль (Франция) ш.даги машҳур тарихий саройга қиёсан қўйилган. 2007 й. фойдаланишга топширилган. Меъмори Ф.Турсунов. Бино барокко услубида қурилиб, безатилган. Тантаналар, тўйлар, ташкилот ва алоҳида шахсларнинг катта жамоа б-н ўтказиладиган тадбирларига мўлжалланган. Зиёфатлар, дўстона учрашувлар, битирув кечалари, туғилган кунлар, тақдимотлар, оилавий шодиёна-

ларни нишонлаш учун ҳамма қулайликлар мавжуд. Рестораннинг 5 та зали (1-зал – 650 ўринли, 2-зал – 720 ўринли, 3-зал – 150 ўринли, 4-зал – 80 ўринли, 5-зал – 160 ўринли) бор. Шунингдек, VIP зал, VIP хоналар, ёзлик айвон қурилган. Фавворалар ишлайди. Ҳар қайси залда ўзига хос таомлар тайёрланади. Таомларга залга кирилганда ёки олдиндан телефон орқали буюртма бериш мумкин. Европа таомлари, жумладан, итальян ва хитой, рус ошхонаси, ўзбек миллий таомларини меъёрига етказиб тайёрловчи пазандалар хизмат қилади. Меҳмонлар истагига кўра қақирилган санъаткорлар мусиқа, кўшиқ, рақс ижро этишади.

ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ – ҳайвонлар (чорва моллар, паррандалар, мўйнали ва б. ҳайвонлар, балиқлар, асаларилар, ҳайвонот боғлари, тажрибахоналар ва б. жониворлари)ни касалликлардан ҳимоя қилиш; аҳолини одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан муҳофаза этиш; шаҳар ҳудудини бошқа давлат ҳудудидан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари олиб кирилишидан муҳофаза қилиш; ягона давлат ветеринария назоратини амалга ошириш ва б. вазифаларни бажаради.



Т.да давлат ветеринария хизмати 1924 й.дан бошлаб фаолият кўрсатиб келган, кейинчалик шаҳарда шаҳар ветеринария даволаш поликлиникаси очилган. 1950 й.га келиб, Т. шаҳар ижроия кўмитасининг қ.х. бўлими қошида 8 та туман ветеринария даволаш участкасига эга бўлган шаҳар ветеринария хизмати ташкил топди. 1958 й.да Т. шаҳар ветеринария-санитария ст-яси ташкил этилди. 1986 й.да мазкур ст-я шаҳар ҳайвонлар касалликларига қарши кураш ст-яси, туманлардаги ветеринария-даволаш участкалари ҳайвонларнинг касалликларига қарши кураш участкалари деб номланди. 1996 й.да ст-я Тошкент шаҳар давлат ветеринария бошқармаси, туманлардаги ветеринария участкалари туман давлат ветеринария бўлимларига айлантирилди.

Шаҳар бошқармаси таркибида шаҳар ветеринария лаб., 11 туман давлат ветеринария бўлими, ҳайвонларнинг қутуриш касаллигига қарши курашиш отряди, деҳқон бозорларида 27 ветеринария-санитария экспертиза лаб., 4 ветеринария шохобчаси ва б. бор (2008). Шаҳар давлат ветеринария бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Давлат ветеринария бош бошқармасига бўйсунди.

Т.да В.х. самарадорлигини таъминлаш мақсадларида 11 давлат ва 3 хусусий ветеринария поликлиникалари, 58 хусусий ветеринария аптекалари фаолият кўрсатади (2008).

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» – қ. «Тошкент оқшоми».

ВИДЕОТЕЛЕФОН – телефон хизмати тури. «Ўзбектелеком» компаниясининг Тошкент ш. телефон тармоғи шохобчаси 2007

й.дан бошлаб йўлга қўйди. Хитой тараққиёт банки б-н ҳамкорликда янги авлод мобил телефонлари технологиясини жорий этиш тўғрисида бунга эришилди. Энди абонентлар шаҳарнинг исталган жойидан туриб сўзлашув чоғида мулоқотда бўлаётган одамани кўриб туриши ҳам мумкин. Видеотелефондан фойдаланиш учун 200 хх хх рақамланиш зонаси ажратилган ва қулай тариф режаси белгиланган. Бу хизмат тиббиётда (бемор б-н шифокор мулоқотида), фанмактаб соҳасида (устоз-ўқитувчи ва талаба-шоғирд мулоқотида), бизнес ишларида, айниқса, қўл келмоқда. «В.» хизматидан фойдаланишни хоҳлаганлар 255-73-99 телефон рақамига мурожаат этиб, керакли маълумотларни олишлари мумкин.

«ВИММ-БИЛЛЬ-ДАНН-ТОШКЕНТ» (Заргарлик, 23) – масъулияти чекланган хорижий корхона. 1975 й. сут комбинати сифатида иш бошлаган. Творог, сметана, маҳсулотларни идишларга қуйиш, болалар овқати цехлари бўлган. 20-а.нинг 90-й.ларидан корхона қайта ускуланди, илғор технологиялар, қадоклаш автоматлари б-н жиҳозланди. «Тошкентсут» акциядорлик жамиятига айлантирилгач, чет эл фирмалари б-н ҳамкорликда қаймоқ, казеин, йогурт каби маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 2005 й. Рос-

сиянинг «Вимм-Билль-Данн» компанияси б-н ҳамкорликда ҳоз. номдаги корхона ташкил қилинди. Корхона бир суткада 60–70 т сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Корхонага хорижий сармоялар киритиш давом этди. 2007 й. сут совитгич танкерлар б-н жиҳозланди. Аҳолидан сотиб олинган сут маҳсулотларининг ҳажми 2006 й.га нисбатан 2 баравардан зиёд ошди. Натижада ўз-ўзидан, и.ч. ҳажми ҳам ортди. Маҳсулотларни хорижга сотиш кўпайди.

ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Вирусология илмий тадқиқот институти (Муродов кўч., 7^а-уй) – и.т. муассасаси. СССР Тиббиёт ФА Вирусология интининг Тошкентдаги филиали сифатида 1978 й.да ташкил этилган. 2000 й.дан бошлаб ҳоз. номда. Ин-т вирусология соҳасида илмий-амалий, ташкилий-услубий ва аҳолига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатади ҳамда мазкур соҳада мураккаб ва юқори технологик илғор усулларга асосланган илмий изланишлар олиб боради; илмий йўналиши респ.да вирусли гепатит, табиий ўчоқли ўта хавфли вирусли инфекциялар ва грипп (парранда гриппи) қўзғатувчилари ҳисобланган вирусларни аниқлаш, улар келтириб чиқарилган касалликларнинг эпидеми-

Вирусология институти.



ологик ва клиник кечиш қонуниятлари, ташхиси ва даволаш тамойилларини ўрганишга қаратилган. 1988 й.да В.и. ташаббуси б-н В гепатитга қарши ўтказилган эмлаш туфайли бу касалликнинг камайиши исботланди ва шу асосда дастур ҳамда лойиҳалар ишлаб чиқилди. 2005 й. институт қошида грипп, парранда гриппи ва ўткир респиратор инфекциялар бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илмий-услубий маркази ҳисобланган Грипп миллий маркази ташкил қилинди. М-зда гриппга тезкор ташхис қўйиш, серологик, вирусологик ва молекуляр-генетик асосда текширувлар ўтказилишини таъминлайдиган замонавий юқори технологик лаб. базаси мавжуд бўлиб, у ОИТС бўлган беморларда касалликнинг кечиш хусусиятларини ўрганади ва замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни ташкил қилади.

ВОДОПРОВОД ИНШООТЛАРИ – умумий шаҳар сув таъминоти тизимида ер ости ва ер усти сувларини тўплаш, тозалаш ва зарарсизлантириш, водоводлар ва водопровод шохобчаларига ичимлик сув узатиш учун хизмат қилади. Т.нинг сув манбалари *Бўзсув* канали ва *Чирчиқ* дарёси ер ости сувларидир. Т. 7 та В.и.дан ичимлик сув б-н таъминланади: Бўзсув бош В.и. – 1931 й. ишга туширилган, бир суткада 235,6 минг м³ сув беради; Қорасув В.и. – 1934 й. ишга туширилган, бир суткада 52,2 минг м³ сув беради; Қибрай В.и. – 1955 й. ишга туширилган, бир суткада 455,2 минг м³ сув беради; Жанубий В.и. – 1960 й. ишга туширилган, бир суткада 143 минг м³ сув беради; Сергели В.и. – 1966 й. ишга туширилган, бир суткада 40 минг м³ сув беради; Қодиря бош

В.и. – 1969 й. ишга туширилган, бир суткада 1 млн. 375 минг м³ сув беради, Бектемир В.и. – 90 й.ларда ишга туширилган, бир суткада 25 минг м³ сув беради.

В.и.нинг умумий қуввати суткасига 2 млн. 326 минг м³ ни ташкил этади. Шаҳар водопровод тармоқларининг умумий узунлиги 3565,3 км. Шаҳарнинг марказлаштирилган сув таъминоти 99,7 фоизга тенг.

Т. ичимлик сувининг таъми лаззатли ва ёқимли, муздек ва Давлат стандартлари талабига тўла жавоб беради. Ҳар бир сув иншоотида мавжуд бўлган ихтисослашган кимё-бактериологик лаб.лар сувнинг сифатини ҳар дақиқада назорат қилиб туради (яна қ. «Сувсоз» трести).

ВОКЗАЛ, Темир йўл вокзали – Тошкентда 2 т.й. вокзали бор: «Тошкент – Марказий» (биринчи) ва «Жанубий». Биринчи В. биноси 1901 й. барпо этилган. 1902 й.даги зилзила В. биносига жиддий шикаст етказган. 1905 й. илгаригисига қараганда анча ҳашаматли В. биноси қурилди (меъмор Г.М.Сваричевский). Бинонинг олд томони 3 қисмга бўлинган, баланд марказий қисмининг томи гумбаз шаклида бўлган. Равоқсимон кенг деразалар бинога ўзига хос ҳусн бериб турган. Ўртадаги эшик тепасига катта соат ўрнатилган. Бино 1935–47 й.ларда таъмир қилинган (меъмор Е.Лимарь). 1957 й.да

Қибрай водопровод иншооти 1-кўтарма насос станцияси.

эски В. биноси ўрнида янги иншоот қурилган (меъморлар В.Бирюков, Л.Н.Травянко, В.Е. Русанов). Бино ойна ва темир-бетондан иборат бўлиб, ҳаворанг кошнлар б-н безатилган. Платформалар ер ости тоннеллари б-н туташтирилган. 1966 й.да «Боштранслойиҳа» ин-ти томонидан В.нинг янги лойиҳаси ишлаб чиқилган. Унга кўра, В.га кираверишдаги асосий бинонинг кўшимча тарзда қурилиши режалаштирилиб, бу иш 1969 й. ниҳоясига етказилган. Орадан ўтган қарийб 40 йиллик давр ичида бино таъмири б-н жиддий шуғулланилмаган.

«Тошкент–Марказий» В. биноси неча бор қайта лойиҳаланиб, неча бор янги кўринишда қад ростлаган бўлмасин, у ўзбек миллий менталитетига хос тарзда тугал ечимдаги салобатли мажмуа шаклини топа олмади. Бу камчиликка мустақиллик йилларида барҳам берилди. 2005 й. май ойида В.ни капитал таъмирлашга киришилди. Буюртмачи – «Ўзтемирйўлйўловчи» ОАЖ, бош пудратчи – Тошкент қуюв-механика з-ди шуъба корхонаси бўлди. Мажмуани капитал таъмирлашда «Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш з-ди» ОАЖ, «Тоштемирйўллойиҳа» ин-ти, Фарғона, Тошкент минтақавий т.й. узеллари, 1-энерго-





Эски темир йўл вокзали (тарихий сурат; 1912).

монтаж поезди каби корхона ва ташкилотлар иштирок этди. 6 ойда В.нинг асосий биноси, поездга чиқиш-тушиш йўллари, кутиш заллари, *Вокзалолди майдони* тўла капитал таъмирдан чиқарилди ва ободонлаштирилди. В.да кутиш заллари, оналар ва болалар хонаси, VIP заллари, расмий меҳмонлар хонаси, алоқа бўлими, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканлари, интернет клуб, кафе-бар, юк сақлаш хоналари, маълумотхона ва б. мавжуд. В.да янги транзит кассалар барпо этилган, улар «Экспресс-3» системасининг энг янги терминаллари б-н жиҳозланган. В. ҳар куни 50 минг йўловчига хизмат кўрсата Тошкент марказий вокзали.

олади. Ҳоз. вақтда бу ерда кунлик йўловчи оқими 29 минг кишини ташкил этади. В. бир кечакундузда 6 жуфт йўловчи поездлари ва 20 жуфт шаҳаратрофи поездларини қабул қилади ва жўнатади. Бу ердан халқаро йўналишлар (Москва, Уфа, Харьков, Саратов, Челябинск, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск ва маҳаллий йўналишлардаги (Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Андижон, Қўнғирот йўналишлари бўйича) поездлар қатнови амалга оширилади.

Ж а н у б и й т.й. вокзали 1985 й. 11 сент.да ишга туширилди (бош меъмор К.Жўраев,

бош муҳандис А.Кадатский). В. биносини қуришда енгил конструкциялардан фойдаланилди; зилзилага бардошли бўлишига эътибор берилди. Тошкентдан шаҳар атрофи (Ангрен, Ховос, Гулистон)га борадиган электропоездлар «Жанубий» В.да тўхтаб ўтади. В. соатига 500 йўловчини қабул қила олади.

ВОКЗАЛОЛДИ МАЙДОНИ – Тошкент шим. вокзалининг олд майдони. Туркистон, Тарас Шевченко кўч.лари ва Амир Темуր шоҳқўчаси оралиғида. 1899 й. 1 майда Ўрта Осиё т.й. ишга тушиши муносабати б-н вужудга келган. Бир неча марта реконструкция ишлари олиб борилган. Мустақиллик даврида майдон тубдан таъмирланди. В.м.да қуёш, сув, нон, умуман, тошкентликларнинг меҳмондўстлигини ифода этувчи «Тошкент герби» меъморий композицияси (меъмор Н.Г.Наруцкая, ҳайк. Р.Авакуш) ўрнатилган. Композиция атрофи гулзор, скамейкалар ўрнатилган дам олиш зонасидан иборат. Лойиҳа 1995 й. «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти томонидан ишлаб чиқилган. Майдон остидан Кичик ҳалқа йўли олиб ўтилган. 2005 й. дек. ойда



«Тошкент – Марказий» т.й. вокзали биноси ва унинг атрофида олиб борилган қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари якунланди. В.м.да темир йўл вокзали, автобуслар бошбекати, «Тошкент» метро бекати, «Локомотив» меҳмонхонаси, поликлиника, почта, савдо шохобчалари, китоб дўкони, банк ва б. муассасалар жойлашган. В.м. яқинида Миробод туман ҳокимияти, Темирйўлчилар маданият саройи, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, хиёбон, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари бор, Салор канали оқиб ўтади.

ВОЛКОВ Александр Николаевич (1886.19.8–1957.17.12) – Ўзбекистон халқ рассоми (1946). 1916 й.дан Т.да. Тошкент rassomлик билим юртида ўқитувчи (1919–46). Тошкент ш.да 1919 й. 15 июнда очилган биринчи бадий мактаб (ҳоз. Ж. Неру кўч.да жойлашган) – Туркистон ўлка халқ бадий мактаби (1921 й.гача мавжуд бўлган) ташкилотчиларидан. Асарларида Ўзбекистон манзаралари ва кишиларини гавдалантирган. Манзаралар (Фарғона кўринишлари акс этирилган «Тоғ қишлоғи» туркуми, 1926–27), портретлар (Ҳамза, 1946–56, Қорақалпоғистон санъат музейида; автопортретлар, 1934, 1944, Ўзбекистон санъат музейида), натюрмортлар («Дала гуллари», 1955, Ўзбекистон санъат музейида) ҳам яратган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган.

ВОСИТ ВОҲИДОВ КЎЧАСИ – Яккасарой тумани ҳудудида. Шота Руставели ва Ракатбоши кўчалари оралигида. 1925 й. ташкил топган. Уз. 2 км атрофида. Акад. В.Воҳидов номи б-н аталади. 1995 й. 24 июлда Карл Либкнехт кўч. ўрнига қўйилган. Кўча йўналишида, асосан, шах-



Вокзалолди майдони.

сий турар жой бинолари мавжуд. Кўча яқинида Ўзбекистон Республикаси Амалий санъат музейи, Руминия, Италия ва Болгария давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, «Гранд Мир» (собик «Россия») меҳмонхонаси, яҳудийлар синагогаси, Миллий рақс ва хореография олий мактаби бор.

ВОСИФИЙ (тахаллуси; асл исми Зайниддин Маҳмуд ибн Абдулжамил) (1485–1551 ёки 1566) – Тошкентда узоқ вақт истиқомат қилган машҳур адиб. Ҳиротда мунший оиласида туғилган. Араб тили, адабиёт, фикҳ ва б. билимларни пухта эгаллаган. Ҳиротда Шоҳрух мадрасасида таҳсил кўрган (1511 й.гача). Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Фаридун Ҳусайнга котиблик, бошқа ўғилларига муаллимлик қилган.

В. Ҳиротда шоҳ Исмоил Сафавий таъқибидан қочиб, Мовароуннаҳрга кетган. Самарқанд ва Бухорода бўлган (1512–15). 1515 й.дан Т. вилоятидаги Фаркат (ҳоз. Паркент) ва Номданак қишлоқларида яшаган, сўнг Т.га келган ва Суюнчхўжанинг кичик ўғли *Бароқхон* (Наврўз Аҳмадхон)га тарбиячи қилиб тайинланган. Саройдаги ички низолар туфайли В. уни ташлаб кетишга

мажбур бўлган ва бир неча ой (1516 й. сент.-ноябрь) Т. маҳалларидан биридаги масжидга имомлик қилган. Кейинроқ (1517) Самарқандга кетиб, 1518 й.да Шайбонийлардан Келди Муҳаммадхон (Султон Муҳаммад) томонидан Шоҳрухияга чақиртирилган. 1525 й.дан умрининг сўнгги йилларигача Тошкентда яшаган.

В. Келди Муҳаммадхоннинг юришларида қатнашган (1528–29). 1540 й.дан Бароқхон саройида давлат ҳужжатларини тузган. Бу даврда Т.да ўзбек тилининг нуфузи ортиб, бир қанча расмий ҳужжатлар ўзбек тилида тузилган. В. Тошкентда вафот этган ва Қафқол Шоший мақбараси эшигидан кираверишда ўнг томонга дафн этилган.

В.нинг ижодий фаолияти 12–13 ёшидаёқ бошланган. Насрнинг кўпгина турларида (мақтуб, ариза, ҳикоя каби), бадий, сажъ услубида яхши ижод қилган.

В.нинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Нодир воқеалар») асарида (1-қисм 1517–18; 2-қисм 1539) Хуросон, Мовароуннаҳр, Туркистон ва Эрондаги 1532 й.гача бўлган даврдаги илмий, адабий, тарихий ва маданий ҳаёт акс этирилган.

Т. ва унинг вилоятидаги сиёсий воқеалар, адабий муҳит, хусусан унда шоирлар, адиблар тўпланишиб мушоиралар ўтказган Кайковус чорбоғи ҳақида қизиқарли воқеалар баён қилинган. Чорбоғ шаҳар кўрғонидан ташқарида бўлиб, В. у ерда хон ва султонлар учун шифохона бўлганлигини ҳам ёзган. Т. ва унинг атрофида яшаб ижод этган шоирлар, рассомлар, хаттотлар ва б. машҳур кишилар ҳақида, вилоят ҳудудида фойдаланиб турилган темир ва феруза конлари тўғрисида маълумотлар берган. «Бадоеъ ул-вақоеъ»нинг 83 байтдан иборат маснавийсида Т.нинг гўзаллиги, боғ-роғлари, ҳавоси, зилол сувлари мадҳ этилган.

*Андоқ бир шаҳарки
жаннатмақондир,
Ҳижолатдин жаннат
сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса
асло жилмагай,
Жаннат неъматларин
орзу қилмагай,
Бўлак юртларда гар
бўлгунг бахтиёр,
Бунда гадолик без,
этгил изтиёр...
Насими гўёки Исонафасдир,
Анга етмоқ Масихога
ҳавасдир.*

Воскресение бозори (тарихий сурат; 1930 й.лар).



ВОСКРЕСЕНИЕ БОЗОРИ (1883 гача – П и ё н б о з о р) – 19-а. 70-йилларида Т.нинг янги шаҳар марказида пайдо бўлган. Кириш томони Романов кўч. (ҳоз. Буюк Турон кўч.) ва Маҳрам кўчаси (ҳоз. Ўзбекистон кўчаси)га қараган. Бозор ҳудудида майхоналар кўп бўлган (эски номи шундан). Асосий иншоотлари ярим доира шаклидаги усти ёпиқ икки тимдан иборат эди. В.б. 20-а. 30-й.ларигача мавжуд бўлган. Кейинчалик ҳудудида Навоий номидаги т-р қурилган, т-р олдидаги майдон (1947 й.дан) Театр майдони деб атала бошлаган. 1991 йилдан *Навоий майдони*.

ВОҲИДОВ Восит Воҳидович (1917.13.12–1994.1.6) – хирург, Ўзбекистон ФА акад. (1979), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). Тиббиёт фанлари д-ри (1962), проф. (1964). 1931 й.дан Т.да. ТошТИ ни тугатган (1939). Ҳарбий врач (1939–46), ТошТИда клиник ординатор (1946–48), ассистент (1948–51), доцент (1951–63), умумий хирургия каф. мудири (1963–75), 1975 й.дан Тошкент хирургия илмий м-зи директори ва ТошТИ госпитал хирургия каф. мудири. Асосий илмий ишлари кўкрак ва қорин бўшлиғи аъзолари, юрак-томир касалликлари

диагностикаси ва уларни хирургик йўл б-н даволашни такомиллаштиришга бағишланган. Ўзбекистонда биринчи бўлиб юрак, ўпка, қон томирлар ва қизилўнғачда операциялар ўтказган. Жаҳон хирурглар ассоциацияси ҳақиқий аъзоси (1971 й.дан). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003). Минор қабристонига дафн этилган. Т. хирургия илмий м-зи, Тошкент ш. кўчаларидан бири В. номи б-н аталади.

ВОҲИДОВ Эркин Воҳидович (1936.28.12) – шоир, драматург, жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1987), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). 1945 й.дан Т.да. ТошДУ филол. ф-тини тугатган (1960). «Ёш гвардия» нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир (1960–63; 1975–82), Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бош муҳаррир (1963–70), директор (1985–87), «Ёшлик» жур. бош муҳаррири (1982–85).

«Муҳаббат» (1976), «Келажакка мактуб» (1983), икки жилдли Сайланма («Муҳаббатнома» ва «Садоқатнома», 1986), «Куй авжида узилмасин тор» (1991), «Яхшидир аччиқ ҳақиқат» (1992) асарларига кирган дoston ва шеърларида замондошларимиз ҳаёти, қувонч-изтироблари тўғрисидаги ҳақиқат юксак самимият ва маҳорат б-н тараннум этилган.

Т. зилзиласи воқеалари б-н боғлиқ «Палаткада ёзилган дoston» (1966)да халқнинг саботматонати, руҳий оламининг гўзаллиги, халқлар дўстлиги ифодаланган. «Ёшлик девони» (1969), «Тирик сайёралар» (1978), «Шарқий қирғоқ» (1982), «Бедорлик» (1985) каби тўпламларига кирган шеърларида ўзбек мумтоз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эт-

тирди, кўҳна газал жанрига янги, замонавий руҳ бағишлади.

В.нинг «Орзу чашмаси», «Нидо» (1964), «Қуёш маскани» (1970), «Бахмал» (1974), «Рухлар исёни» (1978–79), «Тошкент сандоси» (1983) каби асарлари ўзбек дostonчилигининг етук намуналаридандир. «Ўзбегим» қасидаси (1968) коммунистик мустабид тузум даврида миллий уйғонишимизга баракали таъсир кўрсатди. «Донишқишлоқ латифалари» туркум шеърий асарлари ижтимоий сатиранинг ёрқин намунаси бўлиб, уларда халқчил Матмуса сиймоси орқали давр ва ҳаётнинг маълум бир ҳодисаларига ўткир кулгили, ҳажвий муносабат билдирилган. В. драматург сифатида ҳам элга танилган («Олтин девор», 1969; «Истанбул фожиаси», 1985 ва б.). Асарлари Ўзбек миллий академик драма театри, вилоят театрларида саҳналаштирилган, «Олтин девор» комедияси Покистоннинг Лахор ш. театрида қўйилган.

В.нинг «Шоиру шеър шуур» (1987), «Изтироб» (1992) китобларига кирган мақолалари, суҳбатлари, мумтоз ва ҳоз. адабиётимиз намояндалари ижодини таҳлил этувчи тадқиқотлари ўзбек публицистикаси ва адабиётшунослиги ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

В.нинг мустақиллик йилларида шеърий туркумлари, маънавий-маърифий руҳдаги бир неча

мақолалари эълон қилинган («Ўзбегим», 2006 ва б.). У И.Гётенинг «Фауст» асарини, С.Есениннинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилиб, алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган. Бундан ташқари Ф.Шиллер, Иқбол, Улфат, Р.Ҳамзатов, Л.Украинка, А.Блок ва б. турли халқлар шоирлари асарларини ҳам ўзбек тилига таржима қилган.

В. Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати (Ошкоралик масалалари кўмитаси раиси; 1990–1995); Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати (Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси раиси; 1995–2005). Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси (2005 й.дан). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (1997).

ВРАЧЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти (Паркент кўч., 51) – врачлар малакасини ошириш, ихтисослаштириш ва илмий кадрлар тайёрлаш муассасаси. 1932 й.да ташкил этилган. Дастлаб Ўрта Осиё врачлар малакасини ошириш ин-ти деб номланган. 1992 й.дан ҳозирги номда. Ин-тда 4 ф-т (терапия, хирургия, педиатрия, тиббиёт

профилактикаси ва умумий амалиёт шифокори), 11 и.т. институти, 51 кафедра ва 2 доцентлик курсини ўз ичига олган клиник базалар, ихтисослаштирилган илмий м-злар, 13 кўп профилли касалхона, марказий илмий тадқиқот лаб., докторантура, аспирантура, клиник ординатура, кутубхона ва б. бор (2008). Ин-тда 354 ходим, жумладан, 88 проф., 154 фан номзоди, 6 Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, 12 Республикада хизмат кўрсатган врач унвонли ходим фаолият кўрсатади (2008). 60 тиббиёт мутахассислиги бўйича малака оширилади. 2006 й.дан бошлаб ин-тда ҳар йили 10–13 минг мутахассис ўқийди. Ин-т бирламчи амбулатория-поликлиника тизимида ишлаётган терапевт ва педиатрларни умумий амалиёт мутахассислиги бўйича қайта тайёрлашнинг узоқ муддатли дастурини амалга оширади. Ин-т проф.-ўқитувчилари йирик халқаро анжуманларда иштирок этиб, хорижий давлатларда ўз малакаларини оширадилар. Ин-т Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг олий тиббий мутахассислар тайёрлайдиган базаси ҳисобланади. Ин-тда халқаро семинар ва симпозиумлар ўтказилади. Ин-т монография, дарслик, услубий қўлланмалар ва илмий ишлар тўпламини нашр этади.

ГАВҲАР КЎЧАСИ – Чилонзор тумани худудида. Усмон Носир кўч. ва Бунёдкор шоҳкўчаси ораллигида. Уз. 3 км. 1960 й. ташкил этилган ва шу ном берилган. Пойтахтнинг асосий магистрал кўчаларидан бири. Ўзбекистон мустақиллиги даврида Г.к. ва *Бунёдкор шоҳкўчаси* туташган чорраҳада замонавий эстакада бунёд этилиб, кенг қамровли реконструкция ишлари олиб борилди. Кўча йўналишида «Собир Раҳимов» метро бекати, Дўмбиробод маҳалласи, стадион, пойабзал ф-каси, троллейбус айланмаси, «Метроқурилиш» ташкилоти, базалар, автомобилларга техника хизмати кўрсатиш, автомобилларга ёнилғи қуйиш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, шахсий турар жой бинолари мавжуд.

ГАГАРИН КЎЧАСИ – Чилонзор тумани худудида. Чилонзор ва Арнасой кўчалари ораллигида. Уз. 0,5 км. Шаҳарнинг жан.-ғарбий худуди кенгайиши муносабати б-н 1959 й. ташкил этилган. 1961 й. 15 апр.да биринчи космонавт-учувчи Ю. А. Гагарин (1934–68) хотирасини абадийлаштириш мақсадида

Бульвар кўч. ўрнига қўйилган. Кўча йўналишида бекат, поликлиника, алоқа бўлими, жамғарма кассаси, гўзаллик саломи, кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Кўча яқинида «Чилонзор» савдо м-зи, Гагарин номидаги кинотеатр мавжуд.

ГАГАРИН НОМИДАГИ КИНОТЕАТР (Чилонзор тумани, 3-мавзе, 53) – 1963 й. ишга туширилган, биноси 1988 й.да қайта таъмирланган. 2004 й. 7 янв.дан МЧЖ. Биринчи космонавт-учувчи Ю.А.Гагарин (1934–68) номига қўйилган. 1995 й.да кинотеатр биноси олд майдонига Юрий Гагарин ҳайкали (меъмори С.Р.Одилов, Р.Г.Юсупов; ҳайк. Г.Н.Постников) ўрнатилган (ушбу ҳайкал 1979 й.да собиқ Гагарин хиёбонига қўйилган эди). Ҳай-

Ю.А.Гагарин номидаги кинотеатр.



калда ярим доира шаклидаги Ер шарига ўнг қўлида Ер йўлдоши лойиҳасини ушлаган ҳолда олдинга интилаётган Гагариннинг бронза тасвири ишланган.

Кинотеатрнинг 444 ўринли 1 та зали бор. Унда асосан, бадиий фильмлар қўйилади.

ГАЗ ТАЪМИНОТИ – Т. ярим аср муқаддам газлаштирила бошланган эди. 1957 й. Мирзо Улуғбек туманидаги 200 хонадон газлаштирилди (суюлтирилган газ б-н таъминланди).

Т.га табиий газ 1960 й.дан берила бошланди. 45,6 км узунликдаги дастлабки газ шохобчалари (ҳоз. Бобур кўч. бўйлаб) ётқизилди; Яккасарой туманидаги 771 хонадон газлаштирилди. 1961 й.гача газ, асосан, турмуш эҳтиёжлари учун ишлатилди, 1962 й.дан коммунал-маиший ва саноат корхоналари газдан кенг фойдалана бошлади.

Т.да табиий газдан фойдалана бошлаган дастлабки корхоналар: Тошкент иссиқлик электр маркази (ТЭЦ), 3-нон э-ди, гўшт комбинати ва б.

Г.т.нинг асосий манбаи бўлган табиий газ Жарқоқ–Бухоро–Самарқанд–

Тошкент магистрал газ қувири орқали, шунингдек, Қарши регионидаги газ конидан Калиф-Муборак газ қувири орқали келтирилади.

Пойтахтни газ б-н таъминлаш ишлари «Узтрансгаз» акциядорлик компаниясининг Тошкент Г.т. унитар корхонасига қарашли «Тошкентшаҳаргаз» шохобчаси зиммасига юклатилган.

Т.даги ер ости ва ер усти газ қувурларининг уз. 5112,1 км. Шундан юқори босимли газ қувурлари 169,7 км ни, ўрта босимли газ қувурлари 751,49 км ни, паст босимли газ қувурлари 4191,56 км ни ташкил этади. Шаҳарда ишлатилган бир йиллик газ миқдори 3 млрд. 44829 минг м³ га тенг бўлди (2007). Шу жумладан, аҳоли 1 млрд. 484 млн. 964 минг м³, улгуржи истеъмолчилар (корхоналар, тадбиркорлар, қозонхоналар ва ш.к.) 1 млрд. 963 млн. 332 минг м³ газ ишлатди. Пойтахт хонадонлари 100 фоиз газ б-н таъминланган.

ГАЗЕТАЛАР – Т.да Марказий Осиёда илк газеталар – «Туркестанские ведомости» («Туркистон ведомостлари») ва «*Туркистон вилоятининг газети*» 1870 й.дан чиқа бошлаган. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ташкил этилган мазкур нашрлардан кўзланган мақсад мустамлакачиларнинг ерли халқларга ўзларининг сиёсатларини тарғиб ва ташвиқ этиш бўлган. Мазкур Г. ҳарбий округ штаби ҳузуридаги босмахонада нашр этилган. Уларнинг ҳар иккиси ҳам 1917 й.гача чоп этирилгани боис Туркистон матбуоти тарихида узоқ муддат давомида узлуксиз фаолият кўрсатган даврий нашрлар саналади.

Мазкур Г. ўлкадаги даврий матбуотнинг шаклланиши ва ри-

вожланиши учун туртки бергани б-н ҳам аҳамиятлидир.

«Туркистон вилоятининг газети» ўзбек публицистикасининг шаклланишига йўл очди. Зокиржон Фурқат, Сатторхон Абдугафоров, Исҳоқхон Ибрат, Маҳмудхўжа Беҳбудий ва б. зиёлиларнинг бу газетадаги чиқишлари натижасида Туркистон ўлкасида жаҳолатга қарши кураш, оммани, айниқса, ёш авлодни ҳар томонлама илм-маърифатли қилиб тарбиялашга интилиш ҳаракатининг кучайишини таъминлади. Бошқача айтганда, мазкур нашр маърифатпарварларнинг фикр ва сўз айтиши учун илк минбар вазифасини ўтади.

19-а.нинг 90-й.лари Туркистонда матбуот соҳасида ўзига хос янгилиниш жараёнлари кузатилди. Ана шу даврдан эътиборан ўлкада рус тилидаги дастлабки хусусий Г. ўз фаолиятини бошлади. Тошкентда нашр қилинган «Окраина» (1890–1907), «Русский Туркестан» (1898–1907) газ.лари дастлабки хусусий нашрлардир. Бу газ.лар либерал-буржуа йўналишига эга бўлиб, ўлкадаги рус тадбиркорларининг манфаатларини ўзида акс эттирган. Бу қаби Г. генерал-губернаторликнинг расмий нашрларидан фарқли равишда, кишиларни сиёсий, иқтисодий ва адабий ҳаётга алоқадор ахборот б-н таъминлаш баробарида жамиятдаги ижтимоий муносабатларни танқид қилиш орқали мавжуд муаммолар ечимини излагани б-н ҳам аҳамиятлидир.

20-а.нинг бошида Т. рус сиёсий матбуоти тармогида ишчилар ҳаракатининг пайдо бўлиши заманида туғилган социал-демократик нашрлар ҳам жой ола бошлайди.

Чоризм маҳаллий халқлар онги ва билим савиясининг юк-

салишидан манфаатдор бўлмаган. Шу боис ҳукмрон сиёсат миллий онгининг юксалишига хизмат қиладиган воситаларнинг, жумладан, миллий тилдаги даврий нашрларнинг юзага келишига иложи борича йўл қўймади. 1906 й.га қадар бутун ўлкада ягона «Туркистон вилоятининг газети»дан бўлак маҳаллий тилда биронта газ. нашр қилинмагани ҳам бунинг далилидир.

Т.да ўзбек тилидаги дастлабки мустақил даврий нашрларнинг пайдо бўлиши 1905–07 й.лардаги 1-рус инқилоби даврига тўғри келади. Бу, шубҳасиз, ўлка ижтимоий ҳаётида тарихий аҳамиятга эга муҳим воқеа эди. Инқилобий ҳаракатлардан саросимага тушган чоризм турли ислохотлар соясида матбуот соҳасида ҳам ён беришга, сўз эркинлигини қисман бўлса-да таъминлашга мажбур бўлди. Ўлканинг зиёлилари бундан фойдаланиб, даврий нашрлар чиқариш тўғрисида чор маъмуриятдан рухсатномалар олишга эришдилар. Т.да дастлабки ижтимоий-сиёсий ва адабий мазмундаги ўзбекча даврий нашрлар ташкил топди. Уларнинг ташкилотчилари, муҳаррирлари ва етакчи муаллифлари, асосан, 20-а. бошида Туркистонда юзага келган жаҳидчилик ҳаракатининг гоявий йўлбошчилари, маҳаллий саноатчи бойлар бўлган. Хусусан тошкентлик Сайидкарим Сайидазимбой 1907 й.да тижоратчиларнинг махсус «Тужор» газ.га асос солди. Бир йилдан сўнг рус тилида шундай газ. («Туркестанская торгово-промышленная газета») чиқарилди. Жаҳидлар истилочилар ва уларнинг маҳаллий малайлари томонидан топталган Туркистон ўлкасини обод ва тараққий этган юртга айлантириш, халқни жа-

ҳолат, илмсизлик ва хурофот ботқоғидан қутқариб, илм-маърифатли этиш орзусида кенг фаолият олиб бордилар. Зеро, улар бундай эзгу ниятларга эришишда матбуот қудратли таъсир воситаларидан бири эканини яхши англаган.

Т.да ташкил этилган даврий нашрлар фаолиятини йўлга қўйишда маҳаллий рус матбуоти ҳамда Россиянинг турли худудларида татар тилида нашр қилинган Г.нинг, хусусан, маърифатчи Исмоилбек Гаспринский муҳаррирлигида чиққан «Таржумон» газ.нинг иш тажрибасига таянилган.

Ўзбекистонда чинакам миллий матбуотнинг юзага келиши 1906 й. 27 июнда Т.да чоп этилган «Тараққий» газетаси б-н боғлиқ. «Садои Туркистон» (1914–15) газ.ни савияси, омма онгига таъсири жиҳатидан ўзбек матбуоти тарихидаги энг ибратли нашрлардан деб ҳисоблаш мумкин.

Бироқ бу Г.нинг фаолияти машаққатли кечди. Чор цензураси уларни қаттиқ исканжага олди. Т.да чиққан «Тараққий», «Хуршид» (1906), «Шуҳрат» (1907), «Осиё» (1908) газ.лари «номатлуб» йўналиши учун Туркистондаги чор маъмурияти томонидан ёпиб қўйилди. Бошқа нашрларнинг тез-тез молиявий тангликка гирифтор бўлиши ҳам улар фаолиятининг тўхташига сабаб бўлди. Т.да маърифатчилар томонидан асос солинган ўзбек матбуоти ўз йўлидаги жиддий тўсиқ ва ғовларга қарамай миллий онг, тил, адабиёт ва журналистикани шакллантиришга муайян таъсир кўрсатди.

1917 й. Февраль инқилоби Туркистондаги ижтимоий муносабатлар, шу жумладан, матбуот ривожига ҳам таъсир кўрсат-

май қолмади. Миллий бирлик ҳаракатини авж олдиришга, ўзбек халқининг истиқлолга эришиш йўлидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга 1917 й.да ташкил этилган «Нажот», «Турк эли», «Турон», «Улуғ Туркистон» Г.и ўзига хос ҳисса қўшди. Янгиланиш ва ислохотлар талаби б-н майдонга келган мазкур нашрлар ўлкада совет ҳокимияти ўрнатилган даврда бир муддат чиқишда давом қилган бўлса ҳам, бироқ кўп ўтмай, янги ҳукмрон мафкура етакчилари томонидан «аксилнқилобчи»ликда айбланиб, фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди.

Т.да партия-совет матбуотининг дастлабки намунаси рус тилидаги «Наша газета» бўлиб, унинг 1-сонини 1917 й. апр.да чиқди. Ушбу газ. 1919 й. 12 апр.да «Известия», 1922 й.дан «Туркестанская правда» номлари б-н чоп этилди. 1924 й. ноябрдан «Правда Востока» газ.си чоп этила бошланди. Бу газ. 1991 й. сент.дан ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий газ. мақомида (1994 й.дан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муассислигида) чиқмоқда.

Т.да 1918 й. 24 янв.да «Продовольственное дело» (Озиқовкат кўмитаси нашри), 1918 й. мартдан «Голос крестьянина» (Ўлка деҳқонлар кенгаши ижрокўмининг нашри), 1918 й. апр.дан «Народный университет» (Туркистон халқ университети ва Туркистон Республикаси халқ комиссарлиги нашри) чоп этилди.

Ўзбек тилидаги биринчи совет газ. 1918 й. 21 июндан дастлаб Туркистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси Миллий ишлар халқ комиссарлигининг нашри ҳисобланган ва кейинчалик партия газ. мақо-

мини олган «Иштирокиюн» («Коммунист») газ.дир. Газ. кейинчалик «Қизил байроқ» (1921–22), «Туркистон» (1922–24), «Қизил Ўзбекистон» (1924–64), «Совет Ўзбекистони» (1964–91) номларида босилди. 1991 й. сент.идан «Ўзбекистон овози» номи б-н Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг расмий нашри сифатида нашр этилаётир.

Ўзбекистон ССР ташкил бўлганидан кейин, 1925 й.дан аҳолининг турли қатламларига мўлжалланган республика миқёсидаги Г.: «Ёш ленинчи», «Комсомолец Востока», «Камбағал деҳқон», «Қизил юлдуз», «Батрак», «Ишчи», «Пионер Востока», «Ленин учқуни», «Ўзбекистанская правда», «Маданий инқилоб» ва б. айнан Т.да чиқа бошлади. 30-й.ларга келиб матбуот буткул сталинизм жарчисига айланди. Барча масалалар бўйича у фақат партия раҳбариятининг расмий йўл-йўриқлари ва нуқтаи назарини ифодалади, шу йилларда бутун мамлакатда амалга оширилган ялпи қатагон учун мафкуравий замин ҳам яратди.

Шу даврда матбуотни ташкил этиш ва тараққий топтиришда хизматлари сингган Усмонхон Эшонхўжаев, Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Абдулла Қодирий, Зиё Саид, Мўмин Усмон, Маннон Ромиз, Аъзам Аюбов, Абулҳай Тожиев, Муҳаммад Ҳасанов, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов, Қосим Сорокин, Қурбон Бергин ва б. истеъдодли журналистлар, муҳаррирлар, публицистлар ўзлари ташкил этган матбуотда «халқ душманлари», «партияга қарши троцкийчи-зиновьевчи-бухаринчи гуруҳларнинг ҳамтовоқлари»,

«ашаддий миллатчилар» деб ноҳақ бадном қилинди ва сталинча қатагон қурбонига айландилар.

1941–45 й.лардаги уруш даврида барча жабҳалар сингари матбуот тармоғи ҳам бирмунча қисқарди, Т.да чоп этилган қатор Г. фаолияти вақтинча тўхтатилди. Чиқиб турган Г.нинг ҳажми ва нусхаси камайди.

Урушдан кейинги даврда Т.да матбуот тараққиёти, асосан, шаҳар ҳамда йирик корхона, з-д, илмий ва таълим муассасалари газ.лари ҳисобига янада кенгайиши, мавжуд Г. нусхасининг кескин кўпайиши, матбуот моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши б-н характерлидир.

20-а.нинг 80-й.лари 2-ярмига келиб «қайта қуриш» деб ном олган давр матбуотида сўз эркинлиги ва ошкоралик экинлари кузатила бошлади. Бошқача айтганда, собиқ советлар ҳокимиятининг заифлашуви, иқтисодиётнинг издан чиқиши, жамиятда юзага келган турфа хил муаммолар кишиларни ҳаётга ҳаққоний кўз б-н қарашга ундамоқда эди. Шу даврда, гарчи коммунистик партия назорати остида иш олиб борса-да, даврий матбуотда миллий ўз-ўзини англаш ғоялари б-н суғорилган долзарб, муаммоли, мушоҳадага бой мақолалар чоп этилди. Тарихнинг ана шу бурилиш палласида кўплаб етук ўзбек зиёлиларининг она тилимиз, миллий қадриятларимиз, ўзликни англаш, истиқлол руҳидаги таъсирчан, баҳс ва мунозараларга чорловчи мақолалари чоп этилди. Бироқ чалажон ҳукмрон партия матбуотидаги муросасиз ва кескин чиқишларга нисбатан ўзининг тазйиқини турли воситаларда намоён этди.



Газета таҳририятлари биноси.

Журналистика устидан партия яккаҳокимлигининг барҳам топиши натижасида матбуот тизимида янги нашрлар пайдо бўлди. Т.да 1991 й. 1 янв.дан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (Олий Мажлиси) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ сўзи», «Народное слово» газ. нашр этила бошлади. Эндиликда ташкилотлар, партиялар, ҳаракатлар, уюшмалар, айрим жамоалар, фуқаролар ҳам оммавий ахборот воситасини таъсис этиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Истиқлол туфайли даврий матбуотнинг аҳамияти ҳар жиҳатдан юксалди. Мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар натижасида янги-янги нашрлар таъсис этилди. Жумладан, Т.да «XXI аср», «Ҳуқуқ», «Хуррият», «Моҳият», «Жамият», «Uzbekiston Today» сингари газ.лар нашр этилмоқда. Аксарият Г. сиёсий партиялар, вазирлик, ташкилот ва йирик компаниялар томонидан таъсис этилган бўлиб, мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маърифий ва б.

манфаатларига хизмат қилмоқда. Булардан ташқари, мустақиллик йилларида кўнгилочар нашрлар сони ҳам кўпайди.

Истиқлол туфайли (1991 й. 31 авг.) матбуот тараққиётида сифат жиҳатидан бутунлай янги ривожланиш босқичи бошланди. Ўзбек журналистлари матбуотда миллат дардини, унинг чинакам орзу-умидларини, ҳур ва мустақил яшаш учун интилишларини ҳаққоний ифодалаш, мавжуд муаммоларни рўй-рост ёзишга, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини излашга – нене машаққатлар б-н эришилган миллий мустақилликни мустаҳкамлашга астойдил бел боғладилар.

Ҳозирги пайтда Т.да 19 нонда республика газ.лари, 2 вилоят газ. («Тошкент ҳақиқати» – «Ташкентская правда»), 2 шаҳар газ. («Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»), 44 кўп тиражли газ. нашр этилади. «ГАЛЕНИКА» («GALENICA») (Янги Олмазор кўч., 1^а-уй) – «Ўзфармсаноат» давлат акция-

дорлик компаниясига қарашли корхона, Ўзбекистонда ўсадиган табиий гиёҳлардан суюқ дорилар тайёрлашга ихтисослашган. Дастлаб Т. кимё-фармацевтика з-ди таркибида бўлган (1941 й.дан). 2002 й. 1 июндан мустақил корхонага айлантирилиб, МЧЖ шаклида фаолият юритади. 20 хилдан ортиқ дори воситалари, шунингдек, дока, боғлов материаллари ишлаб чиқаради. Йиллик маҳсулот ҳажми 2 млрд. 650 млн. сўмлик (2007). Маҳсулотлари Қирғизистон, Қозоғистон, Россияга экспорт қилинади. **ГАРКЕРТ**, **Г у з к е р т** – ўрта асрларда Чоч шаҳри (6–12-а.лар). Араб географларининг маълумотларига кўра (10-а.), Исфижоб йўлида Келес дарёсининг юқори оқимида жойлашган. Қозигурт тоғи ёнбағридаги дарёнинг сўл соҳилидаги Шаробхона шаҳар харобаси ўрнида бўлган, деб ҳисобланади (Г.И.Пацевич).

Ёдгорлик тўғри бурчак шаклида, шарқдан ғарбга чўзилган бўлиб, икки баландликдан: ғарбий – мудофаа девори, минора-буржлар ва хандақ б-н ўралган арк, шунингдек, нисбатан пастроқ бўлган, девор ва хандақ б-н ўралган шарқий ҳудуддан иб-

Гематология ва қон қуйиш институти.



рат. Уларнинг атрофида истеҳкомсиз рабод (майд. 1,2–2 гектар) бор. Қазимша ишлари олиб борилмаган. Г.дан топилган сопол буюмлар 6–12-а.ларга оид. Г. Чоч воҳаси б-н Дашти Қипчоқ оралиғидаги муҳим стратегик маскан ҳисобланган.

ГЕЙНЦЕЛЬМАН Вильгельм Соломонович (?–1922) – меъмор-муҳандис. 1874 й.дан Т.да. Ўлкада Европа услубидаги бинолар қурилишини бошлаб берган. Т.даги кўп йирик бинолар, жумладан Давлат палатаси (1887), Спас-Преображение собори (А.И.Рязанов, И.М. Погосский б-н ҳамкорликда) ва ёнидаги алоҳида қурилган кўнғироқхона (1888, сақланмаган), Князь Н.К.Романов саройи (1889–90, ҳоз. Ташқи ишлар вазирлиги қабул уйи) Г. раҳбарлигида қурилган. Давлат банки (1895), Реал билим юрти (1898, ҳоз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Расадхона (1873–1901) ва б. турар жой бинолари лойиҳалари муаллифи.

Андижон зилзиласи (1901) оқибатларини ўрганиб, сейсмик туманларда бинолар қурилишининг дастлабки қоидалари-

ни ишлаб чиққан (1906). 1908–12-й.ларда Тоштрамнинг биноси ва трамвай йўлларини лойиҳалашда қатнашган. Византия-роман услубидан кенг фойдаланиш Г. ижодига хос. Боткин кўчасидаги қабристонга дафн этилган.

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИНСТИТУТИ (Усмон Носир кўч., 138) – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг и.т. муассасаси. Ўрта Осиё давлат ун-ти тиббиёт ф-ти жаррохлик клиникасидаги Қон қуйиш хонаси (1930) 1934 й.да Марказий қон қуйиш ст-ясига айлантирилди. 1940 й. шу ст-я асосида Қон қуйиш ин-ти ташкил этилди. 1959 й.дан ҳоз. номда. Ин-тда камқонликлар, лейкозлар, гемorraгик диатезлар (гемофилия, тромбоцитопения ва б.)нинг олдини олиш ва даволаш, қон қуйгандан кейинги гепатит ва шок ҳолатларини ўрганиш, аёллар ва болалар камқонлиги эпидемиологияси ва профилактикаси, кўмик, қон ва унинг компонентларини консервалаш ҳамда қон ўрнини босадиган эритмалар олиш бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ин-тда 260 ўринли 5 клиник бўлим (катталар ва болалар гематологияси,

Молекуляр ташхис лабораторияси.



гемофилия ва қон тизими депрессияси маркази, кундузги бўлим ва б.), консултатив поликлиника, 14 даволаш-диагностика лаб. ва бўлимлар, қон қуйиш ст-яси, виварий, кутубхона бор. Ин-т қон қуйиш ст-ясида бир неча турдаги қон компонентлари ва препаратлари тайёрланади. Ин-тда 8 фан д-ри ва 25 дан зиёд фан номзодлари, 50 га яқин малакали гематолог ва трансфузиологлар хизмат қилади (2008).

Институт респ.да гематология ва қон қуйиш муаммолари бўйича илмий ва услубий марказ ҳисобланади. Ин-т вилоят, шаҳар, туман қон қуйиш ст-ялари ва Қизил Ярим ой жамияти ҳамкорлигида донорликни ривожлантириш масалалари б-н шуғулланади. Илмий ишлар нашр этади.

ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОР – 1703–1917 й.ларда Россия маҳаллий маъмуриятидаги олий мансаб. Унинг қўлида фуқаролик ва ҳарбий ҳокимият бўлган. 1775 й. Россияда бир ёки бир неча губерна ёки вилоят (область)лардан ташкил топган маъмурий-худудий бирликлар тузилиб, уларни Г.-г.лар бошқарган. 19-а. 60-й.ларидан Россиянинг чекка ўлкаларида Г.-г.лик тизими жорий этилган. Мас., Россия Туркистонни босиб олгандан сўнг *Туркистон генерал-губернаторлиги* ташкил қилинган (1867). Г.-г. қароргоҳи Т.да жойлашган. Туркистоннинг биринчи Г.-г.и этиб К.П. фон *Кауфман* тайинланган. Окт. тўнтаришидан сўнг бу мансаб бекор қилинган.

ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал био-

логияси институти (Қибрай тумани, Юқори юз маҳалласи) – генетик инженерия, биотехнология, генетика, ўсимликлар физиологияси ва биокимёси, қ.х. экинлари агробиологияси бўйича йирик илмий ва мувофиқлаштирувчи марказ. 1997 й.да Ўзбекистон ФА Генетика ин-ти ва Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти (1965)нинг қўшилишидан ташкил топган. Ин-т таркибида замонавий техникалар б-н жиҳозланган геном тадқиқотлар м-зи, Ўзбекистон миллий ун-ти б-н ҳамкорликдаги илмий ўқув м-зи, 17 лаб., фитотрон, илмий-экспериментал тажриба базаси бор. Ин-т фаолиятининг асосий йўналишлари: ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари генетик ресурсларини бойитиш, сақлаш, ўрганиш, интродукциялаш ва фойдаланиш; ғўза геноми структурасини тадқиқ қилиш, ген, оқсил ва метаболит маркерларини яратиш; традицион селекцияни ДНК, оқсил ва метаболитлар асосидаги маркерларга асосланган селекция билан бойитиш ва б. Ин-тда ғўзанинг 30 дан ортиқ р-нлаштирилган навлари яратилган, шу жумладан ўрта толали Тошкент (1969; С.М.Мираҳмедов), Тошкент 3, Тошкент 6 (1971), АН ғўза навлари (Юлдуз ва б.), 7000 дан ортиқ намунага эга бўлган ғўза генофонди, ғўзанинг изоген, моносомик ва транслокацион линиялари ҳамда синтетик ва амфидиплоид шаклларида иборат генетик коллекцияси, 57 та туркумга мансуб 350 дан ортиқ культураларни ўзида жамлаган фитопатоген микроорганизмлар коллекцияси бор. Ин-тда 104 илмий ходим, шу жумладан 17 проф., 54 фан номзоди ва доцент ишлайди (2008).

ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРИ – қ. *Табиату*.

ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Ҳ.М.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти (Н.Ҳожибоев кўч., 49) – 1937 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Ин-т негизида 1956 й.да Нефть ва газ конлари геологияси ва қидирув, 1960 й.да Гидрогеология ва муҳандислик геологияси, 1966 й.да Сейсмология ин-тлари ташкил топди. 1962 й.да ин-тта Ҳ.М.Абдуллаев номи берилган. Ин-т геология ва геофизиканинг қарийб барча бўлимлари бўйича долзарб фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб боради.

Ин-тда 10 илмий ва 1 аналитик лаб., геология музейи, Ҳ.М.Абдуллаев ва И.Ҳ.Ҳамроев мемориал хона музейлари, кутубхона (65 мингдан ортиқ асар) ва геология фонди, илмий техника ахборот гуруҳи, интернет-зал, 1 экспериментал (Кўктерак қишлоғи) ва 2 илмий дала (М-зий Қизилқум, Чатқол тоғи) базала-

Ўзбекистон Республикаси ФА
Геология ва геофизика институти.



ри бор. Ин-тда 5 мутахассислик бўйича аспирантура, номзодлик ва д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 85 илмий ходим, жумладан 2 акад., 12 фан д-ри ва 38 фан номзоди ишлайди. Ин-т олимларидан 4 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», 8 киши «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог» фахрий унвонларига, 2 киши Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Ҳ.М.Абдуллаев номидаги олтин медалига сазовор бўлган. Ин-т олимлари 5 марта Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти б-н тақдирланганлар. «Геология ва минерал ресурслар» журн.ни нашр этади (1957 й.дан). Ин-тда Ҳ.М.Абдуллаев ва И.Ҳ.Ҳамробоев шарафига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган (2005).



Ўзбекистон Республикаси Геология музейи.

акс эттирувчи суратлар б-н бойитилган. Музей геологик тадқиқот ишлари олиб борадиган илмий ва ўқув м-зига айланди. Г.м. геология соҳасидаги олий ва ўрта таълим тизимида ўқув-маърифий ишларни олиб бориш, турли чет эл компаниялари ва олимларнинг музей экспонатлари б-н танишувини ташкил этиш ва геология фани эришган ютуқларни кенг тарғиб қилиш б-н шуғулланади.

Музей кириш, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг геологик ривожланиши тарихи, регионал монографик палеонтологик коллекциялар ва фойдали қазилмалар, минералогия, геокимё, қад. кончилик касб-корлиги тарихи ҳамда дунё геологик мероси залларидан иборат. Музейда геология фанининг ривожланиши, Ўзбекистоннинг илк геологлари, фойдали қазилма конларини очган дастлабки геологлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Экспозицияларда намоиш этилаётган экспонатларнинг умумий сони 32 мингдан ортиқ. Динозавр скелети, витриналарда киноварь минерали, молибденит, висмут, вольфрамит кристалларини ўзида сақлаб қолган ноёб намуналар намоиш этилган. Махсус петрографик коллекция ўз ичига 300 намунани (вулканик тоғ жинслар – 228, метаморфик тоғ жинслари – 46, чўкинди тоғ жинслари – 26)

қамраб олади; минералогик коллекция эса, 858 ноёб намунадан, моногра-

фик палеонтологик коллекция 2631 намунадан иборат, улардан 783 таси Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудининг ривожланиш тарихи залида ва 1848 таси монографик палеонтологик коллекциялар залида жойлашган.

Г.м. қошида Ўзбекистоннинг минерал хомашё потенциалини акс эттирувчи турли хил кўرғазмалар, тақдимотлар, чет эллик ҳамкорлар б-н биргаликда геологик тадқиқотларни ўтказиш ва излаб топилган фойдали қазилмаларни ўзлаштириш масаласига оид учрашувлар ўтказилади. Музейда ноёб объектлар, янги конлар бўйича текшириш, қимматбаҳо металллар ва ярқирама тошлар хомашёси, жумладан, заргарлик буюмларига эксперт хулосаларининг берилиши ва б. тадқиқотлар амалга оширилади.

ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ (Н.Ҳожибоев кўч., 64) – 1960 й. Ўзбекистон ФА тизимида ташкил этилган. 1963 й. Иттифоқ геология вазирлиги, 1969 й.дан Ўзбекистон Геология вазирлиги, 1971 й.дан Ўзбекистон гидрогеология и.ч. бирлашмаси – «Ўзбекгидрогеология» ихтиёрига ўтказилган. 2007 й.дан Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси тасарруфида. Ин-т қуруқ иқлимли минтақаларнинг гидрогеология ва муҳандислик геологияси масалалари бўйича и.т.лар олиб боради, Ўзбекистон вилоятларидаги гидрогеология ст-яларида сув режимини ўрганишда мониторинг ишларини амалга оширади. Ин-тда 7 лаб., Ўзбекистон вилоятлари бўйича 14 гидрогеология ст-яси, малака ошириш курслари, аспирантура, кутубхона (20 мингдан ортиқ асар) ва б. бор. Ин-тда 88 илмий ходим, жумладан 2 фан

д-ри ва 24 фан номзоди ишлайди (2008).

ГИДРОМЕТЕОРОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

(Қодир Махсумов кўч., 72) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати марказининг и.т. институти. 1921 й.да Туркистон гидрометрик қисм метеорология бўлими ва Т. астрономия ва физика обсерваторияси (метеорология ва магнитли бўлим) физикавий қисм базасида Туркистон метеорология ин-ти номи б-н ташкил қилинган. 1925 й.дан Ўрта Осиё метеорология ин-ти, 1957 й.дан Ўрта Осиё гидрометеорология и.т. ин-ти, 1971 й.дан В.А.Бугаев номидаги Ўрта Осиё регионал гидрометеорология и.т. ин-ти. 2004 й.дан ҳоз. номда. Таркибида об-ҳаво прогнозлари; иқлим мониторинги ва иқлим кадастри; гидрометеорологик жараёнларни математик моделлаш; гляциология; табиий муҳит ифлосланишини тадқиқ этиш ва прогнозлаш; фаол таъсир этиш; қ.х. метеорологияси; агроиклимий ресурслар ва агроэкология; халқаро илмий-техник ҳамкорлик бўлимлари, лаб. ва нашриёт бўлими, илмий-техник кутубхона фаолият кўрсатади.

Ин-тда гидрометеорология ва экология йўналишларидаги кенг кўламли муаммолар бўйича тадқиқотлар олиб борилади. Ин-т Ўрта Осиё бўйича об-ҳаво соний прогнозлари, дарё оқимлари прогнози ва ҳисоблаш усуллари қайта ишлаш ва такомиллаштириш борасида Ўзбекистонда етакчи илмий муассаса ҳисобланади.

ГИМНАЗИЯЛАР – ўрта таълим ўқув юртлари. Т.да дастлаб (1876 й.) рус ўғил болалар (8-синф) ва қизлар (прогимназия)

Г.и очилган. Ўғил болалар гимназияси учун 1878 й. бош фасадди Константин хиёбони (ҳоз. Амир Темур хиёбони)га қараган икки қаватли учта корпус қурилган (меъмори Янчевский). 1920 й.дан бу ерда Ўрта Осиё давлат ун-ти, 1972 й.дан эса Т. автомобиль-йўллар ин-ти ва ТошДУнинг юридик ф-ти (1991 й.дан Юридик ин-ти) жойлашган. 1912 й. Кўйлиқ просп. (ҳоз. Тараққиёт кўч.)да иккинчи қизлар гимназияси учун икки қаватли бино қурилган (меъмори Г.М.Сваричевский), кейинчалик бино устига учинчи қават қурилган (ҳоз. Тошкент Халқаро Вестминстер ун-ти). Г.да илоҳиёт, рус тили, лексика, пед., арифметика, алгебра, геометрия, география (умумий география ва Россия географияси), космография, тарих (умумий тарих ва Россия тарихи), физика, зоология, ботаника, минералогия, француз ва немис тиллари, ҳуснихат, расм чизиш каби фанлар ўқитилган. Қизлар гимназиясида бичиш-тикиш, мусиқа, ашула, гимнастика, рақс ҳам ўргатилган. 1896 й. ўғил болалар гимназиясида 327 киши, жумладан 10 нафар маҳаллий миллат вакиллари, қиз-

лар гимназиясида 377 киши, жумладан 8 нафар маҳаллий миллат вакиллари ўқиган. Окт. инқилоби арафасида Т.да 4 та гимназия бўлган. Инқилобдан сўнг Г. умумий ўрта таълим меҳнат мактабларига айлантирилган. 1989 й.дан Т.даги мактабларда яна гимназия синфлари ташкил этилди. Дастлаб 50- ва 42-мактабда, 1990 й. 60-, 199-, 1991 й. 18-, 64-, 263-, 234-, 48-, 145-, 103-мактабларда очилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Г. қайта ташкил этилди. Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. авг.да қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ акад. лицей ҳамда касб-хунар коллежлари тармоғи кенгайиб бориши муносабати б-н Г. сони камайиб бормоқда ва ихтисослаштирилган мактабларга айлантирилмоқда.

ГЛИНКА КЎЧАСИ – Яккасарой тумани худудида. Шота Руставели ва Нукус кўч.лари ораллигида. Уз. 1,2 км. Шаҳар кенгайиши муносабати б-н 1950-й.ларда ташкил топган. 1954 й. 17 мартда рус композитори М.И. Глинка (1804–57) номи берилган.

Гидрометеорология илмий тадқиқот институти.





Гольф клуби майдони.

Кўча йўналишида Тошкент ш. давлат автомобиль назорати бошқармаси, шахсий турар жой бинолари, турли корхона ва ташкилотларнинг офислари, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари жойлашган. Кўча яқинида Грузия, Исроил ва Тожикистон давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, «Карвон» ресторани, нотариал идоралар бор.

ГОВКУШ – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Хўжа Рўшноий, Баландмасжид, Дегрез маҳаллалари б-н чегарадош бўлган ва Шайхонтохур кўчаси (Тошкўча; ҳоз. Навоий кўч.)га туташган. Аҳолиси 600 га яқин киши; асосан, ўзбеклар. Шайхонтохур ариғидан сув ичган. Аксарият аҳолиси тўқимачилик, «Гранд Мир» меҳмонхонаси.

косибчилик ва б. хунарлар б-н шуғулланган. Дўкон, масжид бўлган (20-а. бошлари). Маҳалла аҳолисининг деҳқончилик ерлари ва боғлари Отчопарда ва Товкаттепада бўлган. Г.нинг ҳоз. ҳудудида *Ўзбек миллий академик драма театри* ва Лабзак турар жой микрорайонининг бир қисми жойлашган.

ГОЛЬФ КЛУБИ (Оҳангарон кўч., 1) – Бектемир туманида, Катта ҳалқа йўли б-н Оҳангарон кўч. кесишган жойда. Умумий майд. 108 гектар. 1996–1998 й.ларда Роҳат кўли дам олиш зонасида барпо қилинган. Г.к.да гольф ўйнаш учун пастбанд тепаликлардан иборат майсазор майдонлар, йўлак-трассалар ва б. керакли жиҳозлар бор. Шунингдек, Г.к.да шу-

ғулланувчиларнинг мароқли дам олишлари учун корт, стол тенниси павильони, сауна ва кафе-бар хизмат кўрсатади. Ҳар йили Г.к.да 1000 дан зиёд шуғулланувчи гольф ўйнаб дам олади ва Г.к. очиқ биринчиликларида иштирок этади.

ГРАБОВСКИЙ Борис Павлович (1901–1966) – телевидение ихтирочиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи (1965). И.Ф.Белянский б-н ҳамкорликда электротехникага оид тажрибалар ўтказган. Тажрибалар натижасида ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан бошқа жойга узатадиган ва қабул қиладиган «радиотелефот» аппарати яратишди ва 1928 й. лаб. шароитида синаб кўришди. Г. ва И.Ф.Белянскийга шу ихтиролари учун патент берилган.

«ГРАНД МИР» (ингл. «Grand Mir» – «Катта Мир») (Миробод кўч., 2) – 4 юлдузли меҳмонхона. Дастлаб «Россия» меҳмонхонаси деб аталган. У энгил темир-бетон конструкцияли қилиб типовой лойиҳа бўйича қурилган (1966 й., меъмори В.В.Муратов). «Гранд Мир» МЧЖ Ўзбекистон – Туркия (Демир ширкатлар гуруҳи) қўшма корхонасига қарайди. «Ташгипрогор» ОАЖда ишлаб чиқилган таъмирлаш лойиҳаси асосида реконструкция қилинган. 2003 й.дан ҳоз. ном



б-н аталади. Бинони безашда табиий тош, мрамар, сопол плиткалар, ёғоч ишлатилган. Ич томони ганч витраж, керамика, металл ва нақшинли ёғоч б-н безатилган. Меҳмонхона 8 қаватли, 126 номерга эга (булардан 6 таси люкс, 11 таси ярим люкс, 18 таси 1 ўринли, 85 таси 2 ўринли). Ресторан (216 м²), тунги ресторан (480 м²), конференц-зал (160 м²), интернет тармоғи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси (240 м²), бизнес маркази, сувенирлар дўкони, гўзаллик салони, автомобиллар тўхташ жойи (450 м²), валюта алмаштириш шохобчаси меҳмонларга хизмат кўрсатади. Авиабилетлар бронь қилинади. Меҳмонхона яқинида Марказий авиакассадлар биноси, бир қанча савдо шохобчалари жойлашган. Автобус, троллейбус, трамвай, метронинг «Ойбек» бекати яқинида.

ГРИГОРЯН Артур Размикович (1967.20.10) – боксчи, Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони. Халқаро спорт устаси (1987), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи (1991). Т.да туғилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1993). 1978 й.дан бокс б-н шуғулланади. Ҳаваскорлик боксида 387 та жанг ўтказиб, 372 тасида ғолиб чиққан. Яхши ният ўйинлари чемпиони (1990, Лос-Анжелес), жаҳон чемпионати кумуш медали совриндори (1991, Сидней). 1994 й.дан профессионал бокс-да (германиялик Фриц Сдунек раҳбарлигида мусобақаларга тайёрланган). Қитъаларо чемпион (1995). Г. Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) таснифи бўйича 61,2 кг вазн тоифасида 18 марта жаҳон чемпиони (1996–2006; Берлин, Гамбург, Котбус ва ҳ.к.). Профессинал боксда 37 марта жанг

қилиб, 36 тасини енгган, «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони (1998) ва «Меҳнат шуҳрати» ордени (1996) б-н тақдирланган.

«ГУЗАР» МАҲАЛЛАСИ (Г-9^а мавзеси, 17-уй, 34-хонадон) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Чўпонота», «Кўҳна Чўпонота» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил этилган. Аҳолиси 7500, кўп (32) миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 2 олий ўқув юрти, болалар боғчаси, савдо шохобчалари мавжуд.

«ГУЗАРБОШИ» МАҲАЛЛАСИ (Сағбон кўч., 166) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Чигатой дарвоза», «Чимбой», «Ачаобод», «Кўштут», «Ҳастимом», «Шоший» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 20-а. бошларида ташкил топган, илгари «Қилбелбоғ», «Иттифоқ» номлари б-н аталган. 1999 й.да Академик Обид Содиқов ва «Иттифоқ» маҳаллалари тўлалигича, «Ачаобод», «Тева», «Чимбой», «Кўштут», Шоший, «Ҳастимом» маҳаллаларининг бир қисми қўшилишидан «Гузарбоши» маҳалласи вужудга келган. Гузарбоши – йўл боши деган маънони англатади. Шу ердан Сағбон дарвозаси орқали Қозоғистоннинг жан. вилоятларига йўл кетган. Аҳолиси 6140 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, уйғур, лўли,

«Гузарбоши»
маҳалласидаги
«Янги авлод»
боғи.

даргин, қозоқ, дўнгонлар яшайди (2009).

Маҳалла ҳудудида 2 ўрта мактаб, «Дармон нури» МЧЖ, 3 озиқ-овқат дўкони, супермаркет, модалар ательеси, масжид, дорихона, маросимлар зали, «Кайковус» кафеси мавжуд. Болалар учун «Янги авлод» боғи яратилган. Акад. Обид Содиқов шу маҳаллада яшаган.

ГУЛБОЗОР – Шайхонтохур даҳасидаги қад. маҳалла. Ҳадра ва Себзор даҳасининг Қошиқчилик маҳаллалари б-н, Шайхонтохур кўчаси ва Чорсу бозори б-н чегарадош бўлган. Г.да 200 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик (тунукасозлик, бўз тўқиш ва ҳ.к.), деҳқончилик (маҳалла аҳолисининг деҳқончилик ерлари ва боғлари Назарбек, Қорасув, Чўпонота мавзеларида бўлган), савдо б-н шуғулланган. Учта масжид, бир неча раста, 2 қаватли меҳмонхона, дўконлар бўлган. Германия «Зингер» фирмасининг тикув машиналари шу ерда сотилган (20-а. бошлари). Археологик маълумотларга кўра, бу маҳалла ўрнида 9–12-а.ларда *Бинкат*нинг арки ва шаҳристонни жойлашиб, аҳоли зич яшаган. Г.нинг ҳоз. ҳудудида автотранспортлар бошбекати жойлашган.



«ГУЛЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Норазтепа кўч., 12) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Аҳил», Иброҳимота, «Дўстлик», «Чуқурсой», Комилжон Ғофуров ва «Пахта» маҳаллалари б-н чегарадош. 1955 й. ташкил топган. 1979–96 й.лар Ҳамза номи б-н аталган, 1996 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3680 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, хусусий дўконлар, корхоналар, новвойхона, сартарошхона ва б. мавжуд.

«ГУЛЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув I мавзеси, Мингбулоқ кўч.) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Янги ҳаёт» ва «Шўртепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1979 й. шу номда ташкил этилган. Аҳолиси 4570 киши, асосан (70%) ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 3 (308-, 209-, 105-сонли) ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, педагогика коллежи мавжуд.

«ГУЛИСТОН» (Буюк Турон кўч., 41) – ижтимоий-сиёсий ва бадий-безакли журнал. Муассис: Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги. Тошкент ш.да нашр қилинади. Дастлаб «Ер юзи» (1925–31), «Ўзбекистон қурилишда» (1932), «Машъала» (1934) номлари б-н жами 202 сони чиққан. 1935 й. фев.дан ҳоз. номда (1941–67 й.ларда журн. чиқмаган). Кейинчалик унга Иброҳим Раҳим (1967–69), Асқад Мухтор (1969–80), Мирмуҳсин (1980–93), Тилаб Маҳмудов (1994–2002) муҳаррирлик қилган.

Журн.да Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Алавий ва б. ижодкорларнинг бадий асарлари, илмий-публицистик мақолалари чиқиб турган. Хорижий

мамлакатлар ҳаёти ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳам бериб борилган. Айниқса, 70-й.ларда «Г.» республиканинг энг нуфузли ва оммавий журн.ларидан бирига айланган.

Журн. саҳифаларида «Фарзандлар оталар ҳақида» рукни остида 30–50-й.ларда қатагон қилинган давлат арбоблари, адабиёт ва санъат намояндалари ҳақида туркум мақолалар, «Темур тузуклари» (тўла бўлмаган шаклда), Расул Ҳамзатовнинг «Менинг Доғистоним» асари чоп этилган.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 25 майдаги қарорига мувофиқ, республикада нашр этилаётган «Нафосат» ва «Гулистон» журн. қайта ташкил этилди. 1994 й. янв.дан 2 ойда бир марта чиқади.

Журн. саҳифаларида маданият ва спорт соҳасига оид материаллар асосий ўрин эгаллайди. Унда маданий мерос ва миллий қадриятлар, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва халқ ижодиёти ва б. мавзуларда мақолалар бериб борилади.

Адади 6000 (2009). Ҳоз. муҳаррири Азим Суюн (2002 й.дан).

«ГУЛИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Ал-Хоразмий даҳаси, Гулистон мавзеси, 51) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Баҳористон», «Бўстон», Ал-Хоразмий маҳаллалари б-н чегарадош. Бунга қадар ҳудуди «Москва» к-зига қараган. Аҳолиси 5400 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, 17 миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида академик лицей, ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, озик-овқат дўкони, дорихона, кафе мавжуд.

«ГУЛИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Орол кўч., 8) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Алпомиш,

«Бўзариқ», «Олмачи» маҳаллалари б-н чегарадош. 1960 й. «Бўзбозор» маҳалласи номи б-н ташкил топган. 1991 й.дан «Гулистон» маҳалласи деб аталади. Аҳолиси 8200 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 2-стационар, христиан-евангелия черкови, корейслар ибодатхонаси, Лафарг қабристон, ўрта мактаб, 4 новвойхона, 4 озик-овқат дўкони, ошхона, 2 маиший хизмат кўрсатиш корхонаси бор. **«ГУЛИСТОН» МАҲАЛЛАСИ** (Сергели-7 мавзеси, 31^а-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. Бобур, «Тинчлик», Ҳабибий, «Ўзгариш» маҳаллалари б-н чегарадош. 1989 й. ташкил топган. Аҳолиси 7225 киши, 1980 оиладан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (рус, татар, қozoқ, туркман, турк, уйғур, озарбайжон ва б.) яшайди. Маҳалла ҳудудида 4 кўча, болалар боғчаси, мактаб, ошхона, 2 кафе, 2 дорихона, 3 новвойхона, бозорча ва озик-овқат дўконлари мавжуд.

«ГУЛИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Ҳасанбой даҳасида жойлашган) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Беруний, «Исломобод», «Туркистон», «Астробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1985 й. Тошкент тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги 10-бригадаси номи б-н ташкил қилинган. 1994 й. Тошкент ш. Юнусобод тумани тасарруфига ўтган, лекин номланиши ўзгартирилмаган. Аҳолиси 3150 киши, асосан (98%) ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, фишт заводи, «Камаз» маркази, пиво и.ч. заводи, «Элсун шароб» кўшма корхонаси, «Хумо» АЁҚШ шохобчаси жойлашган.

«ГУЛИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Хуснобод кўч., 90) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Нодира,

Навоий маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. ташкил топган. 1966 й.даги Тошкент зилзиласидан сўнг фуқароларга уй-жой қуриш учун шу ҳудуддан ер ажратиб берилган. Маҳалла аҳли бу ерларни гулистонга айлантириш орзусида «Гулистон» номини беришган. Аҳолиси 1680 киши, турли миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд.

ГУЛОБОД ДАҲАСИ – Шайхонтохур туманининг Беруний, Маннон Уйғур, Асадулла Хўжаев кўчалари оралигида жойлашган. Г.д. «Сархумдон», «Обиназир», «Катта ҳовуз» маҳаллалари ўрнида ташкил этилган. Қурилиш ишлари «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти ишлаб чиққан лойиҳа бўйича 1975–76 й.ларда бошланган. Г.д.да 70 га яқин 4, 5 ва 9 қаватли турар жойлар, коттежлар, 2 мактаб, 3 болалар боғчаси, ҳарбий мактаб, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихоналар, туман ҳарбий комиссариати биноси жойлашган. Шунингдек, шифохона, болалар шифохонаси, АТС биноси бор. Даҳада яқка тартибдаги эски уй-жойлар ҳам сақланган.

«ГУЛОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур кўч., 101) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Обиназир», «Боғ кўча», «Сархумдон», «Чорсу» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Маҳалла ҳудудида қадимдан Кайковус аригидан 3 тегирмонга яқин сув оққан, сув бўйидаги аҳоли боғлари, ҳовлиларига турли атиргул навлари экиб, гулчиликдан рўзғор тебратган. Кўпчилик хонадонларнинг 20–30 сотихли гулзорлари бўлган. Мавзе, маҳалла ва кўча шу боис «Гулобод» деб аталиб келинган. Аҳолиси 5577 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек,

бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009).

Маҳалла ҳудудида 2 мактаб (1 таси спорт мактаби), «Версаль» ресторани, озиқ-овқат дўкони ва б. мавжуд. Маҳаллада *Зокировлар сулоласи* яшайди.

ГУЛСАНАМ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани, Тракторсозлар шаҳарчаси ҳудудида. Буюк ипак йўли ва Қадрдон кўчалари оралигида жойлашган. Уз. 2 км атрофида. 1968 й. ташкил этилган ва шу йили 21 майда рамзий маънода юқоридаги ном берилган. Ўртада Юзработ кўч.ни кесиб ўтади. Кўча йўналишида ТТЗ-1, ТТЗ-2, ТТЗ-3, ТТЗ-4 мавзелари, чакана моллар бозори, автобуслар бекати, Тошкент–Чорвоқ т.й., кўп қаватли турар жой бинолари, супермаркет, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, мактаб, ёнилғи қуйиш, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари жойлашган. Яқинида Тошкент трактор з-ди, трамвайларнинг сўнгги бекати, «Ширин» бозори, поликлиника, боғча ва б. муассасалар мавжуд.

«ГУЛХАН» (Навоий кўч., 30) – адабий-бадий, безакли болалар журнали. Муассислари: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ойда 1 марта чиқади. Дастлаб «Ёш куч» (1929–41) номи б-н чиққан, 1941–45 й.лардаги уруш сабабли журн.ни чоп этиш вақтинча тўхтатилган. Сўнгра «Пионер» (1952–57) номи б-н нашр қилинган. 1957 й.дан ҳоз. номда. «Г.» саҳифаларида Ўзбекистон болалари ҳаёти, уларнинг орзу-интилишлари, шунингдек, бадий адабиёт, санъат, халқ оғзаки ижоди, турли спорт ўйинлари мунтазам ёритилиб борилади.

«Гулхан» кутубхонаси туркумида болалар ижодидан китобчалар ҳам чиқарилади. Журн.га турли й.ларда Фани Жаҳонгиров, Жуманиёз Жабборов, Тўлқин Қозоқбоев, Худойберди Тўхтабоев, Абдулла Орипов, Сафар Барноев, Омон Матжон ва б. муҳаррирлик қилишган. Адади 80000 (2008). Ҳоз. муҳаррири Ашурали Жўраев (2007 й.дан).

«ГУЛШАН» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Буюк ипак йўли кўч., 250) – Мирзо Улуғбек туманида жойлашган. Майд. 3 гектар. 1960 й.да Тельман (ҳоз. Мирзо Улуғбек) номидаги боғнинг шохобчаси сифатида ташкил этилган. 1980 й.дан ҳоз. ном б-н аталади. Боғ ҳудудидаги кўп йиллик дарахтлар 1937 й.да экилган. Боғда чинор, қарағай, тол, арча каби 1120 та дарахт ўсади, ҳар йили белгиланган жойларга манзарали гуллар экилади. Дам олувчилар учун боғнинг салқин жойларига ўриндиқлар қўйилган. Боғда 5 та ўйин аттракциони, чойхона ва савдо шохобчалари бор. Боғ маъмурияти шу ҳудуддаги «Гулшан» маданият уйи ва Шукур Бурҳонов маҳалласи жамоалари б-н ҳамкорликда дам олиш ва байрам кунлари маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб туради.

«ГУРУЧАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасарой кўч., 219^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Қорасарой», «Истиқлол», «Ачаобод» маҳаллалари б-н чегарадош. Т.нинг қад. маҳаллаларидан. Маҳалла аҳолисининг кўпчилиги Қичқириқ анҳори атрофида истиқомат қилади. Аҳолиси 5265 киши, асосан ўзбеклар, рус, қозок, татарлар ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, *Муин халфа бобо мақбараси* мавжуд.

Д

«ДАВЛАТ БЕЛГИСИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси (Боғишамол кўч., 160^а-уй) – 1992 й.да ташкил этилган. Таркибида қоғоз ф-каси (Германиянинг «Луизенталь» қоғоз фабрикаси б-н ҳамкорликда қурилган), босма фабрикаси (Англиянинг «Харрисон ва ўғиллари» фирмаси б-н ҳамкорликда қурилган) ва зарбхонаси бор.

Қоғоз фабрикаси 1995 й. апр. ойида фойдаланишга топширилган. Ф-када Германиядан келтирилган тўлқинсимон ҳимоя ипли кўп тусли сув белгили қоғоз тайёрлайдиган машиналар ўрнатилган. Пул босиладиган қоғозлар, қалбакилаштиришдан ҳимояланган қимматли қоғозлар, паспорт қоғозлари, акциз маркалари учун қоғозлар ва б. ишлаб чиқаради. Мазкур корхона Марказий Осиё-

да ҳимояланган қоғоз и.ч.га ихтисослашган ягона корхона. Ф-када 1998 й.да сув белгилари ательеси ташкил этилган.

Ф-ка чет давлатлар (Россия, Франция, Қозоғистон, Озарбайжон, Бангладеш ва б.)га банкнот қоғозлари ҳамда бошқа турдаги ҳимояланган қоғозларни экспорт қилади. Ф-канинг банкнот қоғозлари маҳсулотлари халқаро сифат сертификатларига эга.

Тошкент босма фабрикаси ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 2 апр.даги қарори асосида қурилди. Ф-када 1994 й. 1 июлдан муомалага киритилган Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – сўм босмадан чиқарилган.

1996 й.дан бошлаб ф-када республика фуқаролик паспортлари, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари акциз маркаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан топширилган давлат буюртмасига

мувофиқ юқори даражали ҳимояланган банкнотлар – миллий валюта –

сўмни, республиканинг турли вазирлик, идоралар, хўжалик субъектлари буюртмаларига мувофиқ қатъий ҳисобот ҳужжатларини, республика фуқаролик паспортлари, виза стикерлари, туғилганлик ҳақида гувоҳнома, никоҳни қайд этиш гувоҳномалари ва б.; ҳарбий хизматчиларнинг гувоҳномалари, диплом, аттестат, шаҳодатномалар ва уларнинг ички иловалари, меҳнат дафтарчалари, ҳимояланган қимматли қоғозлар – ёрлиқлар, вексель, акция, облигация ва сертификатлар; акциз маркалари, чек ва омонат дафтарлари; турли босма-матбаа маҳсулотлари, жумладан, мураккаб дизайндаги почта маркалари ҳамда конвертларни ишлаб чиқаради.

2006 й.да фабрикани кенгайтириш, қайта қуриш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ишлари тугалланиб, и. ч. ускуналари модернизация қилинди (замонавий босма-матбаа супер линиялари ўрнатилди). Шу муносабат б-н корхонада юқори ҳимояланган босма маҳсулотлари, жумладан, банкнот-пул белгиси, фуқаролик паспортлари, почта ва бошқа турдаги маркалар, лотерея билетлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар и. ч. ҳажмини давлат буюртмалари бўйича ошириш имкониятлари яратилди.

Босма фабрикаси томонидан ишлаб чиқарилаётган бар-



Тошкент зарбхонаси.

ча турдаги маҳсулотлар халқаро стандарт сифат кўрсаткичлари талабларига жавоб беради.

Тошкент зарбхонаси ўз фаолиятини 1997 й. 20 мартда бошлаган. Зарбхонада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан бирлашмага топширилган давлат ҳамда республиканинг турли вазирлик, идоралар, хўжалик субъектлари буюртмаларига мувофиқ мис-рух, металл қотишмалари асосида пул вазифасини бажарувчи тангалар, юбилей тангалари, қимматбаҳо металлдан тайёрланадиган юбилей тангалари; орден, медаллар, жетонлар, кўкрак нишонлари, турли совға тўпلامларини и.ч. йўлга қўйилган.

Корхонада Германия, Швейцария, Австрия, Буюк Британия давлатлари фирмаларининг замонавий зарблаш ускуналари – тангаларни зарб этувчи «биоколор» прессли зарблаш автоматлари, кўкрак нишонларини тайёрлайдиган асбоб-ускуналар, мастер-пуансон тайёрлаш автоматлари ва б. турдаги зарбловчи асбоб-ускуналар ўрнатилган.

2002 й.да корхонада кўкрак нишонлари ва медалларни совуқ эмаллаш технологияси ўзлаштирилди. 2008 йилнинг июль ойи охирида эса корхонада иккинчи мастер-пуансон тайёрлайдиган автомат ўрнатилди.

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (Ўзбекистон кўч., 45) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 й. 19 апр.даги фармонида мувофиқ ташкил қилинган. Асосий вазифаси – давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантили, интеллектуал иқтидор-



Давлат ва жамият қурилиши академияси.

ли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш. Академияда давлат ва жамият қурилиши, бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари, халқаро муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрланади.

Академия таркибида 4 ф-т (давлат ва жамият қурилиши; бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари; жаҳон иқтисодиёти ва замонавий халқаро иқтисодий муносабатлар; кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш), 16 каф., ўқув-амалий, ахборот ресурс (40 мингдан ортиқ асар), янги тарих м-залари, 15 бўлим, жумладан, аспирантура ва докторантура бўлими бор;

«Жамият ва бошқарув» журн. чоп этилади. 2007/08 ўқув йили академияда 125 тингловчи ўқиди ва уни битирди; 52 проф.-ўқитувчи, жумладан 20 фан д-ри ва 19 фан номзоди ишлади. Академия ташкил этилгандан бери уни 1658 киши битирди.

ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ НАЗОРАТИ МАРКАЗИ (Қорасарой кўч., 341) – давлат санитария-эпидемиология назоратини амалга оширадиган тиббий-профилактик муассаса. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 21-бандига мувофиқ ташкил этиладиган Давлат назорати ташкилотлари туркумига киради. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиология назорати департаментига бўйсунди.

Д.с.-э.н.м.нинг иш фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонунига (1992 й. 3 июль) асосан санитария қонунлари, қоида ва меъёрлари бузилишининг олдини олиш, аниқлаш ва уларга чек қўйишга қаратилган. Республика, вилоят, туман ва шаҳар Д.с.-э.н.м. фаолият кўрсатади. Республика Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси тизи мида ҳам Д.с.-э.н.м. мавжуд.

Д.с.-э.н.м. маъмурий ҳудудларда санитарияга оид ва эпидемияга қарши кураш тадбирларининг ўтказилишини таъминлайди, мулкчиликнинг шакллари-дан қатъи назар, давлат, қўшма, жамоа ва хусусий корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, бирлашмалар ҳамда яқка тартибда фаолият кўрса-

таётган тадбиркорлар томонидан санитария-гигиена меъёрларига риоя қилиниши устидан назоратни амалга оширади, шаҳар ҳудудини четдан карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишидан муҳофаза қилади, шаҳар аҳолисининг турмуш тарзини ва санитария маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар олиб боради, хорижий мамлакатлардан кириб келаётган ва олиб кетилаётган маҳсулотларни токсико-гигиеник экспертизадан ўтказиши ва тегишли сертификат ёки хулосаларни тақдим этади.

ДАВЛАТОБОД КЎЧАСИ – Сергели тумани ҳудудида. Қипчоқ ва Мағриб кўчалари оралиғида жойлашган. Уз. 1,5 км атрофида. Т.зилзиласидан сўнг туманда олиб борилган кенг қамровли қурилишлар туфайли 1974 й. ташкил топган. 1997 й. 18 дек.дан Давлатобод (унгача Днепр) номи б-н юритилади. Кўча йўналишида кўп қаватли ва бир қаватли уйлардан иборат Йўлдош даҳасининг 2-, 3-, 6-, 7-, 9-, 10-, 11-, 14-мавзелари, туман халқ суди, поликлиника, нотариал идора, мактаб, боғча ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Яқинида хиёбон, спорт мажмуаси, бозор, савдо мажмуалари, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳамда Чирчиқ дарёси бор.

«ДАВЛАТОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Маҳорат кўч., 4) – Учтепа туманидаги маҳалла. Журжоний, «Чаманзор», Ҳайратий маҳаллалари б-н чегарадош. 1965 й. ташкил топган. Журжоний маҳалласидан ажралиб чиққан. 1965–2000 й.ларда Ҳабиб Абдуллаев номи б-н аталган. 2005 й. 14 июндан ҳоз. номда. Аҳолиси 2400 киши, асосан,

ўзбеклардан иборат (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, «Ҳазрати Али» жоме масжиди, «Ватанпарвар» ташкилотига тегишли муассаса жойлашган.

«ДАВР БАНК» (Зарқайнар кўч.) – хусусий ёпиқ акциядорлик тижорат банки. 2001 й. 29 сент.да ташкил топган. Банкнинг асосий таъсисчилари жисмоний шахслар. Банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилган хизматлар: миллий валютада ҳисобварақлар очиш ва хизмат кўрсатиш; аҳоли бўш пул маблағларини омонатга жалб қилиш; мижозларга қулай шартларда кредитлар ажратиш; касса хизматларини кўрсатиш; халқаро пул ўтказмалари бўйича операцияларни амалга ошириш ва б.

Мижозларга Тошкент ш.да жойлашган амалиёт бўлими, 8 та минибанк ва 2 та махсус касса хизмат кўрсатади. Банк мижозларининг асосий қисмини кичик бизнес субъектлари, хусусий фирмалар ва корхоналар, қўшма корхоналар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ташкил этади ва уларнинг сони 3000 га яқин (2008).

ДАДАЕВ Қаҳрамон (1936.15.12) – созанда (доира), Ўзбекистон халқ артисти (1977). Т.да туғилган. Глиэр номидаги Республика мусиқа мактаби, Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртида таълим олган. Доира ижрочилиги аъналарини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Т.Иноғомов ва Ф.Иноғомовлардан ўрганган. Тошкент хореография билим юрти (1953–54), Ўзбек давлат эстрадаси (1954–57), «Баҳор» рақс ансамбли (1957–97)да созанда, мазкур ансамбль ташкилотчиларидан. М.Турғунбоева, И.Оқилов, Е.Ба-

рановский ва Қ.Миркаримовалар б-н ўнлаб рақсларни сахнага қўйиш ва яратишга катта ҳисса қўшган. Айниқса, ўзига хос тарзда, бир йўла 2–3 доирада яқка ижро этган «Ўзбек доира усуллари» туркуми, катта артистик маҳорат б-н ижро этган доира ўйинлари машҳур. Ўзбекистон халқ артисти Т.Сайфиддинов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар ака-ука Исломовлар, Ҳ.Расулов, Ҳ.Азимов ва бошқалар Д. шогирдларидир. 80 дан ортиқ мамлакатда гастролда бўлган. Д. ҳақида «Ўзбектеелефильм» студиясида «Қаҳрамон Дадаев чалади» номи фильми суратга олинган (1983, реж. Ш.Бизоатов).

ДАДАХОНОВ Тоир (1954.6.11) – илғор қурувчи. Ўзбекистон Қаҳрамони (2006). Т.да туғилган. Т. қурилиш техникумини тугатган (1979). Меҳнат фаолиятини Тошкент ш.даги 159-трестда ишчиликдан бошлаган (1973). 159-трестнинг 13-қурилиш бошқармасида ишчи-бетончи, монтажчи (1979), 12-трест 50-қурилиш бошқармасида монтажчи, монтажчилар комплекс бригадаси бошлиғи (1979 й.дан ҳоз.гача). Д. меҳнат фаолияти давомида Т.даги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Тошкент ш. ҳокимияти, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи, Олий Мажлис Сенати биноси каби кўплаб қурилишларда ва маъмурий биноларни таъмирлашда жонбозлик кўрсатди. 100 дан ортиқ шогирдлар етиштирди. 10 дан зиёд ихтиро ва таклифлар муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қурувчи (1995). «Меҳнат шухрати» ордени б-н мукофотланган (2003).

ДАЙРИЙ ТОШКАНДИЙ (16-а. 2-ярми – 17-а. бошлари) – шоир. Т.да туғилган. Ҳаёти ва ижоди ҳақида Мутрибийнинг «Тазкират

уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарида маълумот берилган, шеърларидан намуналар келтирилган. Шайбонийлардан Абдол султон (16-а.нинг 2-ярми) саройида хизмат қилган, унга атаб шеър ва қасидалар ёзган. Шеърлари турли баёзларда сақланган.

ДАЛА ҲОВЛИ – шаҳардаги корхона, ташкилотлар жамоалари аъзоларига дам олиш ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштириш мақсадларида ажратилган ер участкалари. Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари кенгаши томонидан тасдиқланган низомга кўра, ер майдонлари ваколатли давлат органлари томонидан корхоналар, ташкилотлар қошида ихтиёрий асосларда ташкил этиладиган боғдорчилик-узумчилик уюшмалари ихтиёрига ажратилади. Белгиланган тартиб бўйича шу жамоа вакили бўлган уюшма аъзосига 6 сотихгача ер майдони – «дала ҳовли» тақсимлаб берилади. Бу майдонда 35 м² гача ҳажмда иморатлар қуриш мумкин, қолган ер боғдорчилик, полиз маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланади.

Ўзбекистонда, шу жумладан Тошкент ш.да Д.х. ташкил қилиш учун қ.х. ишлаб чиқаришига яроқсиз, яйлов, канал, дарё бўйларидаги ер майдонлари 1960-й.лар бошидан берилла бошлаган. Боғдорчилик-узумчилик уюшмаларини ривожлантириш ва ер майдонлари ажратиш тўғрисида Республика ҳукуматининг 1985 й. 29 янв.да, 1985 й. 12 сент.да, 1986 й. 23 июнда, 1988 й. 10 мартда, 1991 й. 16 фев.да махсус қарорлари қабул қилинган. Республика бўйича 7750 гектар ер 95885 оилага Д.х. учун ажратилган (2008). Унинг ярмидан кўпроғи Тошкент ш. ҳиссасига тўғри ке-

лади. 1970–2008 й.ларда Тошкент ш.даги корхоналар ва ташкилотларнинг боғдорчилик-узумчилик уюшмалари учун ажратилган ер майдонлари 3732 гектар, жумладан, Тошкент ш.да 60, Бекобод туманида 25, Бўстонлик туманида 264, Оққўрғон туманида 18, Оҳангарон туманида 293, Зангиота туманида 349, Паркент туманида 355, Пискент туманида 896, Тошкент туманида 107, Чиноз туманида 29, Янгийўл туманида 212, Юқори Чирчиқ туманида 485, Ўрта Чирчиқ туманида 97, Қибрай туманида 501, Қуйи Чирчиқ туманида 77 гектарни ташкил этди. Ажратилган ер майдонларида 69388 аъзо (Д.х. эгалари)ни бирлаштирган 579 боғдорчилик-узумчилик уюшмалари фаолият кўрсатади (2008). Уларнинг орасида «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси», «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятларининг боғдорчилик-узумчилик уюшмалари энг йириклари ҳисобланади.

Д.х. учун ажратилган ер майдони давлат мулки, қурилган иморат-иншоотлар, ўстирилган дарахтзорлар Д.х. эгалари мулки ҳисобланади. 2003 й.дан бошлаб Д.х.ларни уй-жой сифатида мулк қилиб расмийлаштириш амалиёти қўлланмоқда. Жумладан, Тошкент ш. ҳоқимининг 2003 й. 23 ноябрда қабул қилинган қарорига кўра, Тошкент ш. ҳудудида жойлашган Д.х.ларни уй-жой сифатида расмийлаштириш мумкин.

ДАЛВАРЗИНТЕПА – археологик ёдгорлик (мил. бошлари – 15-а.). Бекобод туманидаги Жумабозор қишлоғида жойлашган. Араб географлари (10-а.), Бобур (15-а.) томонидан қайд қилинган Илоқдаги шаҳар – Хос ўрнида

бўлган (Э.Ю.Бурякова, 1966). Д. – бешбурчак шаклидаги улкан қалъа (майд. 1 гектар) бал. 10 м дан ортиқ. Қалъа мустаҳкам мудофаа девори, буржлар б-н ўралиб, шим. қисмида махсус истехком ва жан. томондан кириладиган дарвозаси бўлган. Қисман сақланган шаҳристон майд. 11–12 гектар. Қазिशма ишлари олиб борилмаган бўлса-да, милоннинг бошларидан 14–15-а.ларгача бўлган даврга оид сопол идишлар, милоннинг дастлабки асрларига мансуб кичик танга хазинаси тўпланган.

«ДАМАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Абдулла Қаҳҳор б-тор кўч., 71) – Яккасарой туманидаги маҳалла; собиқ Тезиков бозорчаси мавзесида жойлашган. Миробод тумани «Дўстлик» маҳалласи, Абдулла Қаҳҳор, Бобур маҳаллалари б-н чегарадош. 2-жаҳон урушидан сўнг, 1953 й. Россиядан кўчиб келган рус аҳолиси кўпчиликни ташкил этган. 1958 й.дан «Андижон» маҳалласи деб аталган, чунки шу даврда Андижон вилоятидан ишчи бўлиб келиб, шу маҳаллада яшаб қолган аҳоли анчагина бўлган, 1984–1993 й.ларда «Ўзбекистон ССР 60 йиллиги» деб аталган. 1994 й.дан ҳоз. номда. Маҳалла ҳудудидан Дамариқ, Салор, Полвон ариқлар оқиб ўтади. Аҳолиси 6 минг кишига яқин, кўп миллатли (2008). Маҳалла ҳудудида 19 та кўча, республика хомашё биржаси, Миллий банк Яккасарой бўлими, вилоят давлат солиқ бошқармаси, 3 саноат корхонаси, 8-акушерлик мажмуаси, 362-махсус болалар боғчаси, 2 озик-овқат дўкони, 2 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

ДАНФИФОНКЕТ – ўрта асрларда Чочдаги шаҳар (4–12-а.лар). Араб географлари асарларида (10-а.) *Шутуркетдан*

икки фарсах шарқда, Буюк ипак йўлининг Чинончекет (Чиноз)дан Чоч пойтахти Бинкатга борадиган савдо йўлида жойлашгани қайд этилган. Унинг харобалари ҳоз.да Югантепа номи б-н машҳур бўлиб, Янгийўл ш.нинг жан. чеккасида, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғида, Ниёзбоши қишлоғи яқинида жойлашган. Ёдгорликни дастлаб археолог Г.В.Григорьев (1934) ўрганиб қайд қилган. Ушбу ҳудудда кенг кўламдаги турар жой уйлари қурилиши муносабати б-н археолог М.С.Мершчиев қазилма ишлари ва археологик кузатиш ишлари олиб борган (1953–54). Д. харобаси алоҳида, айлана шаклдаги қалъа ёки қаср жойлашган тепалик (диаметри 150 м дан ортиқ) ва унга жан.-ғарб томондан ёндашган, чор атрофи маҳсус мудофаа девори, айлана шаклдаги бурж-мўлалар б-н ўралган (узунчоқ томонида 7 бурж, қисқасида – 6 бурж), квадрат шаклидаги қишлоқдан иборат. Жан. томондан дарвоза ўрни аниқланган. Қалъада қазилган стратиграфик шурф (материкка қадар бормаган) ва шаҳристондаги қазилмалар натижасида 4–7-а.ларга оид сопол идишлар чиққан. Улар *Қовунчи маданияти* ва Турк хоқонлиги даврига мансуб бўлган. Тепа қисмида турар жойлар, кулоллар устахоналари, хумдонлар (9–12-а.) аниқланган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида темирчилик устахоналарининг темир қуйиш асбоблари, шлаклар ва б. топилган. Шаҳар чеккаларидан зардуштийларнинг дафн қутилари – оссуарийлар чиққан. Бу ердаги дастлабки истеҳком мил. 1-минг йиллик ўрталарида вужудга келган. 6–8-а.да шаҳарга айланиб, Динбагнат – «дин

ибодатхонаси шаҳри» деб аталган. Ислондан аввал бу ерда катта ибодатхона жойлашганлиги тахмин қилинади.

ДАРВЕШХОН, Д а р в е ш с у л т о н (?–1578) – Тошкент ва Туркистон ҳокими (1556–78). Шайбонийлар сулоласидан. *Бароқхон*нинг тўнғич ўғли. *Суюнчхўжахон*нинг набираси. Укаси Бобо султон б-н биргаликда Мовароуннаҳрда ҳукмрон бўлиш учун Бухоро хони Искандархон ва Абдуллахон II га қарши урушлар олиб борган. Хусусан, 1557 й. Илонўтти мавзеида Абдуллахон б-н жанг қилган, жангда енгилгач, бирмунча вақт Абдуллахон б-н иттифоқда бўлган. Бироқ укаси Бобо султон Абдуллахонга бўйин эгмай, курашни давом эттирган. Бобо султон 1578 й. Т.да исён кўтариб, Д.ни қатл этган. Бундан хабар топган Абдуллахон Д.нинг ўчини олиш баҳонасида Т.га юриш қилиб, Чирчиқ жангида (1579 й. 18 апр.) Бобо султон қўшинини тор-мор келтирган. Бобо султон Туркистонга қочиб кетган.

Т.даги дарвозалардан бири (Дарвишак қоғқа ёки Тешикқопқа), қабристон Д. номи б-н боғлиқ. Т.даги *Кўкалдош мадрасаси* Д. даврида қуриб битказилган.

ДАРХОН – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Пуштибоғ, Орқакўча, Оқмасжид маҳаллалари б-н чегарадош ва жан.дан Тошкўча ёки Шайхонтохур кўчаси (ҳоз. Навоий кўч.)га туташган. Д.да 120 хонадон бўлган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, деҳқончилик (шаҳар ташқарисидаги далаларида), савдо-сотик б-н шуғулланган. Масжид, чойхона, бир неча дўкон, устахоналар бўлган (20-а. бошлари). Почча

аригидан сув ичган. Ҳоз. худудида маъмурий ва турар жой бинолари жойлашган.

«**ДАРХОН**», «Ал-Дархон» (Мустақиллик кўч., 88) – парҳез таомлар ошхонаси. Ошхона биноси 1974 й. қурилган ва дастлаб кафе, сўнгра тўйхона вази-фасини бажарган, 2008 й.да қайта таъмирланиб, ихтисослаштирилган ошхонага айлантирилди. 2007 й.дан МЧЖ шаклида фаолият юритади. 200 ўринли. Енгил парҳез таомлар: сутли овқатлар, ҳар хил газаклар, сабзавотлар, шарбатлар, шифобахш чойлар тайёрланади. Фитобар ишлайди. Хўрандалар ўзига-ўзи хизмат қилади.

ДАРХОН, Т а р х о н (мўғулча – темирчи, косиб, озод киши) – Чингизхон ва унинг ворислари томонидан ҳукмрон синф вакилларига, оддий халқ орасидан чиқиб, ҳокимларга алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга берилган унвон. Д.лик имтиёзига эга бўлган киши ҳар қандай солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган, улуг хон ҳузурида бўлиш ҳуқуқидан ҳам фойдаланган. Ундан ташқари, Д.лар жиноят қилиб қўйганда ҳам, бундай жиноят 9 марта содир бўлгунча жавобгарликка тортилмаган. Д.лик мўғуллар, темирайлар ва шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр ва Яқин Шарқда кенг тарқалганди. Т.даги ариқлардан бири (Дархонариқ ёки Тархон сайёд ариғи), мавзе, маҳалла (Мирзо Улуғбек туманида) Д. номи б-н аталади.

ДАРХОН ЖАНГИ (1865 й. 8 май) – чор Россияси қўшинлари б-н Тошкент мудофаачилари ўртасида содир бўлган жанг. Генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинининг Т.ни эгаллаш учун йўлга чиққанидан хабар топган тошкентликлар зуд-

лик б-н мудофаага ҳозирланадилар. *Султон Саидхон* ва *Алимқул 7* майда эрталаб Т.га етиб келиб, мудофаага бошчилик қиладилар. Тошкентликлар қароргоҳи *Мингўрик*даги Афросиёб тепалигида жойлашган бўлиб, у ерда шаҳар ҳимоячилари иштирокида ўтказилган машваратда Алимқул нутқ сўзлайди. Тошкентнинг обрўли зодагонлари курашни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдириб, шаҳардаги барча от-уловларини Тўйтепада қолдирилган Қўқон қўшинининг юк-аслаҳаларини ташишга сафарбар қилади.

Мингўрик лашкаргоҳида сарбозлардан илғор (авангард) қўшин тузилади, унга Дашти Қипчоқдаги султон Кенесари Қосимовнинг ўғли Сиддиқ тўра қўмондон (муқаддам ул-жайш) этиб тайинланади ва айни вақтда у Қўқон қўшини сипоҳсолори этиб ҳам тасдиқланади. Сиддиқ тўранинг укаси Арслон тўра эса сардор (дуғлат, арғин ва б. кўчманчи қабилаларнинг йигитларидан ташкил топган барча отлиқ қўшинлар қўмондони) этиб белгиланади. Сўнг, Фарғонадан келган ғозийлар жанговар машқ қилишга киришади. 8 май, эрта тонгда Тошкент дарвозалари очилиб, Эшонқул додҳо мадрасаси муллаваччалари, уламолари Мингўриikka йўл олишади. Улар ўзларини ғозий деб эълон қилиб, қароргоҳда – Султон Саидхон хузурида қолади. Шу пайт русларнинг пиёда ва отлиқ отряди Шўртепадан йўлга чиқиб, Салор бўйига етиб келгани ҳақида хабар келади. Шунда Алимқул зудлик б-н қўшинни сафлайди-да, улар б-н Қўқон дарвозаси ёнидан ўтиб, Тархон сайёд (ҳоз. Дархон) ариғи томон йўл олади.

Алимқул қўшинида 36 тўп бўлиб, уларга тўпчибоши Ҳиндис-тоний ва ҳинди Бажи юзбоши раҳбар эди. Бундан ташқари, қўшин таркибида ҳабаш ғуломлардан иборат энгил куролланган жангчилар, эгнига оҳанпўш (темир совут), зирхпўш (пўлат совут), ойнапўш (кўзни қамаштирадиган ялтироқ металл парчалар б-н қопланган совут), бошига дубулға ёки кулохпўш (учли мўйна қалпоқ) кийиб олган аскарлар ҳамда узоққа отар милтиқлар б-н куролланган ўқчи-отлиқлар отрядлари бўлиб, бу отрядларнинг ҳар бири эгарларга ортилган, юриб кетатуриб отишга мўлжалланган икки замбаракка ҳам эга эди. Алимқул қўшини тезда Тархон сайёдга етиб келиб, Дархон ариқнинг ўнг соҳили (ҳоз. Ниёзбек кўч. ва Мустақиллик кўчаси яқини)га жойлашади. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, руслар уларни кўргач, тўплардан ўққа тугтиб, ҳужумга ташланади. Алимқул ҳам ўт очиб, қарши ҳужумга ўтишга буйруқ беради. Руслар бардош бера олмай, Салорга, сўнг унинг ортига чекинади. Алимқул қўшини эса уч тарафдан ҳужум қилиб, русларни аввал Назарбек кўрбоши кўрғончасига, сўнг Аличак ва Олтинтепа йўлига ва у ердан Шўртепага сиқиб чиқаради. Руслар ўзининг Шўрте-

падаги қароргоҳига етгачгина Алимқул қўшини таъқибидан қутулади. Кейин Алимқул зафар ноғоралари садоси остида қўшин б-н Дархон бўйига қайтади. Тошкент аҳли голибларни катта шодиёна ва тухфалар б-н кутиб олади. Яна қ. *Тошкентнинг босиб олиниши* (1865).

ДАРХОН МАЙДОНИ – Мирзо Улуғбек туманида. 1957 й. Пушкин кўч. (ҳоз. Мустақиллик кўч.) йўналишининг чап томонида янги турар жой бинолари қурилиши ва Новомосковский (ҳоз. Оққўрғон) кўч. бунёд этилиши муносабати б-н уларнинг кесишган ерида юзага келган. Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга келтирувчи муҳим тугун ҳисобланади. Жой яқинидан оқиб ўтувчи қад. Дархон ариғи номи б-н аталган. Атрофида «Дархон» парҳез таомлар ошхонаси, Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти, «Динамо» стадиони, кўп қаватли турар жой бинолари ва маъмурий бинолар, тиббиёт муассасаси ва б. жойлашган. Яқинида Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти биноси, чет давлатлар элчихоналари, Пушкин майдони ва метро бекати, Салор канали, фирма офислари, савдо мажмуалари бор.

«ДАРХОН» МАҲАЛЛАСИ (Геология кўч., 6^а-уй) – Мирзо Улуғ-

Дархон майдони.



бек туманидаги маҳалла. «Оққўрғон», Ҳамид Олимжон, «Салор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1956 й. ташкил этилиб, маҳалла худудидан оқиб ўтувчи Дархонариқ номи б-н аталган. Аҳолиси 3365 киши, асосан (62%) ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла худудида «Динамо», «Ёшлик» спорт мажмуалари, христиан черкови, 3 болалар боғчаси, дорихона, озиқ-овқат дўконлари, алоқа бўлими, 27-поликлиника, ўрта мактаб жойлашган. Акад. Ҳосил Боймухамедов, ёзувчи Валентин Овечкин шу маҳаллада яшаб ўтган.

ДАРХОНАРИҚ – Салор каналининг ҳоз. темир йўл кўпригидан юқорида ўнг қирғоғидан бошланувчи канал. Мирзо Улуғбек тумани худуди орқали ўтади. Қад. номи – Тархон Сайёд ариғи. 1950-й.лар охирида юқори ўзани текисланиб юборилгач, қолган қисми Оққўрғон каналининг чап шохобчасига айлантирилди. Бош қисми Оққўрғон кўчаси бўйлаб ўтган. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга оқади. Уз. 3,1 км. Сув сарфи 0,155 м³/сек. Канал 1972 й. таъмирланган. Д.да 3 қайнама (дюкер), 7 қувур-кўприк, 9 тармоқ бор.

ДАҲА – 18-а. охири – 20-а. бошларида шаҳарнинг маъмурий худудий бирлиги. Т. 4 даҳага бўлинган. Улар халқ орасида *Бешёғоч*, *Кўкча*, *Себзор*, *Шайхонтохур* деб аталган. Тарихий асарларда, жумладан *Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд»* асарида Д.лар номи қуйидагича: Зангиота (Бешёғоч), Шайх Зайниддин (Кўкча), Ҳазрат Имом Қаффо Шоший (Себзор), Шайх Хованди Тохур. Д.лар сиёсий жиҳатдан бирлаштирилгунга қадар ҳар бир Д.ни мустақил ҳоким

бошқарган (қ. *Чорҳокимлик*). Ҳар бир Д. чегараси катта бозор – Чорсудан бошланган, Д.лардаги гузар ва маҳаллалардан ташқари шу маъмурий бирликлар доирасига киритилган чекка ерларда мавзелар ҳам бўлган. 1784 й. Шайхонтохур Д.сининг ҳокими *Юнусхўжа* қолган уч Д. ҳокимлигини ҳам ўз тасарруфига олиб, Т.ни ўз қўл остига бирлаштирган. Д.лар ва атроф вилоятлар бирлаштирилиб, ягона Тошкент давлати тuzилгандан кейин ҳам тўрт маъмурий бирлик номлари истеъмолда сақланиб келган. Т. Россия томонидан босиб олингандан сўнг (1865) ундаги Д.ларда 13260 хонадон, 8 мадраса, 8 ҳаммом, 255 масжид, 116 тегирмон ва обжувоз бўлиб, 76 минг аҳоли яшаган.

ДАҲҚЕТ – илк ўрта асрларда *Илоқ* шаҳарларидан бири (7–16-а.). Д. харобалари Ангрен ш. шим.да, Оҳангарон дарёси irmoғи Дукентсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. Қўрғон-қалъа (бал. 6–18 м, диаметри 60 м дан ортиқ) ва шахристон (майд. 10 гектардан ортиқ)дан иборат. Д.даги энг қад. ҳаёт излари 7–8-а.ларга оид, шаҳар 10–12-а.ларда раvнақ топган. Маҳобатли иншоотлар харобалари сақланган. Топилмалар орасида – кумуш тангалар хазиналари, кумуш билагузуклар ва ажойиб сирланган сопол идишлар ажралиб туради. Д.нинг шаклланишига унинг қулай географик ўрни: уч томондан тоғлар ва сойнинг қия, тик қирғоқлари б-н ўралганлиги имкон берган. Д. Жан. Чатқолдаги йирик олтин конларига борадиган йўлни қўриқлаб турувчи кучли қалъа бўлган. Шарқ муаррихлари уни Чоч мулки чегарасига яқин жойлашган шаҳар сифатида таърифлайди-

лар. «Худуд ул-олам» (10-а.) муаллифининг сўзларига кўра, «Даҳқет тоғларидан дору-и муш» – «хафақон дориси» келтирилган. Мўғуллар истилоси (13-а. боши)дан сўнг Д. тоғдаги карвон йўлидаги шаҳарча-қалъа сифатида сақланган. Ундан 13–14, 15–16-а.ларга оид кумуш ва мис тангаларнинг йирик хазиналари топилган. Ҳозирда унинг ўрнида Дукент қишлоғи жойлашган (яна қ. *Дукенттепа*).

ДЕВОНАИ БУРХ МОЗОРИ, Бўрқи Саримаст валий (Шайхонтохур даҳаси, Фиштмасжид маҳалла гузари) – Т.даги зиёратгоҳ қадамжолардан бири (19-а.). Сулаймон пайгамбар замондоши бўлган Осаф Бурхиё номи б-н боғлиқ. Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг ёзишича, қадамжо биносидаги баланд гумбаз ўратепалик юз жамоасидан бўлган Қурбонбой томонидан бино қилинган. Д.Б.м. Кўҳна Урганч ва Бухорода ҳам учрайди. Шайхонтохур даҳасида Девонабурх (Девонайи бурх) маҳалласи бўлган. Мозор дарвиш ва девоналарнинг гавжум манзилларидан ҳисобланган.

ДЕГРЕЗ, Д е р о з – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Фиштмасжид, Сўгалмасжид, Шўртепа, Ҳовузбоғ ва Хўжа Рўшнойи маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қуйи ва Юқори Д.га бўлинган. Д.да қарийб 220 хонадон яшаган. Аҳолиси асосан ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, деҳқончилик (шаҳар ташқарисидаги далаларида) б-н шуғулланган. Д.да 20 га яқин чўян қозон қуйиш (дегрезлик) устахоналари (уларда омоч тишлари, қумғонлар, ховонча ҳам қуйилган), 2 масжид, мадраса бўлган (20-а. бошлари). Ёзувчилардан *Ойбек*, *Ойдин* шу маҳаллада яшаган. Ҳоз. худудида Ўзбек

миллий академик драма театри, цирк ва б. жойлашган.

«ДЕГРЕЗ» МАҲАЛЛАСИ (Обид Жалилов 3-тор кўч., 9) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Нишаб-ариқ», «Боғичинор», «Шофайзи-боғ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й.даги Тошкент зилзиласидан сўнг «Қурвақаобод» мавзесида ташкил топган. Аҳолиси қад. Дегрез маҳалласидан чиққанлар бўлган. Дастлаб «Киров», кейинчалик «Аброр Хидоят» деб номланган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4162 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғ-часи, ўрта мактаб, оталар оромгоҳи (чайхонаси), 2 озиқ-овқат дўкони ва хитой миллий ошхонаси («Зоти шер») бор. Ўзбекистон халқ ёзувчи Худойберди Тўхтабоев, Ўзбекистон халқ артисти Тўйчи Орипов шу маҳаллада яшайди.

«ДЕДЕМАН СИЛК РОУД ТАШКЕНТ» (ингл. «Dedeman silk road Tashkent» – «Дедеман Ипак йўли Тошкент») – 4 юлдузли меҳмонхона. Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси – «Ипак йўли – туризм инвест» МЧЖга қарашли. Дастлаб «Дўстлик» меҳмонхонаси деб аталган. Уни зилзиладан зарарланган Т.ни тиклашда иштирок этган воронежлик (Россия)

қурувчилар типовой лойиҳа бўйича қуришган (1970). Таъмирлаш лойиҳасини «ТАМАХ» фирмаси, қурилишини эса «Апеас» фирмаси бажарган (2003). 2004 й.дан ҳоз. ном б-н аталади. Таъмир вақтида меҳмонхонанинг ички қиёфаси ўзгартирилди, хоналар кенгайтирилди, замонавий ускуналар б-н жиҳозланди. Бинони безашда табиий тош, мрамор, сопол плиталар, ёғоч ишлатилди. Ич томони ганч витраж, керамика, металл ва нақшинкор ёғоч б-н безатилган.

Меҳмонхона 8 қаватли, жами 206 та номер бор (36 та 1 ўринли, 48 та 2 ўринли, 63 та 2 ўринли люкс, 45 та 2 ўринли суперлюкс, 14 та 2 ўринли апартаментли). 2 ресторан (580 ва 435 м²), ёзлик ресторан (330 м²), 2 бар (50 ва 59 м²), кафе (330 м²), 4 конференц-зал (200, 25, 15 ва 10 ўринли), банкет зали (126 м²), интернет тармоғи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, бизнес маркази, очик ва ёпиқ бассейн, сувенирлар магазини, гўзаллик салони, автомобиллар тўхташ жойи, валюта алмаштириш шохобчаси меҳмонларга хизмат кўрсатади. Авиабилетлар бронь қилинади. Меҳмонхона яқинида «Марказий» меҳмонхонаси, АРДУС супермаркети ва бир қанча савдо шохобчалари жойлашган. Автобус ва трамвайларнинг «Олой бозори», метронинг «Амир

Темур хиёбони» ва «Мустақиллик майдони» бекатлари яқинида.

ДЕЗИНФЕКЦИЯ СТАНЦИЯСИ (Қорасарой кўч., 341^а-уй) – Тошкент ш. ҳокимияти Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг санитария-профилактика муассасаси. 1936 й. ташкил қилинган ва 1 та «ўчоқли» дезинфекция бўлимидан иборат бўлган (Хуршид кўч., Арчазор тор кўч., 1). 1984 й.дан ҳоз. биносида. 1957 й. унга юқумли касаллик б-н оғриган беморларни касалхонага жойлаштириш бўлими, шунингдек, 1982 й. профилактик дезинфекция бўлими ҳам қўшилган.

1958 й. бактериология лаб., 1979 й. кимё ва хўрак тайёрлаш-марказий лаб. очилган.

Ҳоз. Д.с. таркибида бюджет (юқумли касаллик б-н оғриган беморларни касалхоналарга жойлаштириш, «ўчоқли» дезинфекция, буглаб зарарсизлантириш бўлимлари, бактериологик ва кимё лаб.) ва хўжалик ҳисобидаги (профилактик дезинфекция бўлими ва хўрак тайёрлаш марказий лаб.) бўлимлар бор.

Бюджет ҳисобидаги бўлимлари методик жиҳатдан Тошкент ш. Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази (ДСЭНМ)га, хўжалик ҳисобидаги бўлимлар эса Республика дезинфекция ст-ясига бўйсунди.

Д.с. тиббиёт ин-лари ва колледжлари учун дезинфекция ва стерилизация масалалари бўйича амалий ўқув маркази бўлиб ҳисобланади.

Юқумли касаллик б-н оғриган беморларни касалхоналарга жойлаштириш бўлими даволаш муассасаларидан тушган чақирик асосида махсус транспорт ёрдамида беморларни касалхонага жойлаштиради; бўлимда узлуксиз чақирик қабул қиладиган диспетчерлар ва буюртмани



«Дедеман силк роуд Ташкент» меҳмонхонаси.

бажариш учун тиббий эвакуатор бригадалар ташкил қилинган; транспорт б-н шаҳар ДСЭНМ-нинг автобазаси таъминлайди (бўлимда 1 врач, 3 диспетчер, 5 тиббий эвакуатор ва 2 санитар хизмат қилади).

«Ўчоқли» дезинфекция бўлими даволаш муассасаларидан тушган чақириқ асосида касаллик ўчоқларида яқунловчи дезинфекция ишларини ўтказиши, шунингдек, бўлим мутахассислари даволаш ва болалар муассасаларида дезинфекция ва стерилизация режимларини назорат қилади (бўлимда 3 врач-дезинфекционист, 4 эпидемиолог ёрдамчиси, 6 тиббий диспетчер, 7 дезинфекция инструктори ва 10 дезинфекторлар хизмат қилади).

Буғлаб зарарсизлантириш бўлими, асосан, буюртма тушган жойларда дезинфекция камераси орқали беморнинг ўрин-кўрпалари ва б. шахсий буюмларини буғлаб зарарсизлантиради (бўлимда 1 врач, 1 эпидемиолог ёрдамчиси, 2 дезинфекция инструктори, 2 дезинфектор ва 1 санитар ишлайди).

Бактериологик лаб.да барча турдаги дезинфекция ишларининг сифати биотест ва суртмаларни таҳлил қилиш орқали аниқланади (бўлимда врач-бактериолог, 1 врач-лаборант, 3 лаборант, 3 санитар фаолият кўрсатади).

Кимё лаб., таркибида хлор сақловчи куруқ дезинфекция моддаларида хлор фаоллигини, ишчи эритмалар тўғри ёки нотўғри тайёрланганлигини таҳлил қилади (2 врач, 2 лаборант ишлайди).

Профилактик дезинфекция бўлими 11 тумандаги хўжалик ҳисобидаги дезинфекция ст-ялари учун методик марказ бўлиб ҳисобланади; кадрлар тайёр-

лаш, шартномалар тузиш ва керакли хўжатлар б-н таъминлашда ёрдам кўрсатади (бўлимда врач-дезинфекционист, 1 биолог ва 2 эпидемиолог ёрдамчиси бор).

Хўрак тайёрлаш марказий лаб., туман дезинфекция ст-яларининг талабномалари асосида рецепт бўйича кемирувчиларга қарши хилма-хил хўрақлар тайёрлаб беради (1 биолог, 2 лаборант, 1 санитар ҳамда 1 ишчи ишлайди).

Хўжалик ҳисобидаги дезинфекция ст-ялари ҳар бир туманда бор. Улар эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган объектлар б-н шартнома тузиб, йил давомида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш мақсадида профилактик дезинфекция, дезинсекция (ҳашаротларга, жумладан пашша, суварак, чивин, бурга, ўрин-кўрпа қандаласига қарши) ва дератизация (сичқон, каламушларга қарши) тадбирларини олиб боради. Бундан ташқари аҳолидан, шунингдек, турли ташкилотлардан буюртмалар қабул қилиб, белгиланган нархда хизмат кўрсатади.

ДЕМОДАМ ЮРИШИ – салавкийлардан Салавк I ва Антиох саркардаси (стратег) Демодамнинг Сирдарё ортидаги ерларга (тахм. ҳозирги Тошкент воҳаси) юриши (мил.ав. тахм. 293–280 й.лар). Қадимда Сирдарёни (уни юнонлар Яксарт, Танаис деб аташган) Европани Осиёдан ажратиш турувчи чегара деб ҳисоблашган.

Салавк I ўзининг Осиёдаги мулкларини кенгайтириш ниятида разведка мақсадида Демодамни Сирдарё ортига ҳарбий сафарга жўнатган. Тарихчи Плинийнинг ёзишича, Д.ю. натижасида Сирдарё ортида кўплаб йирик қабилалар: саклар, мас-

сагетлар, дайлар, исседонлар, ариаклар, римниклар, пезиклар, амардлар, истлар, едонлар, қанлар, каниаклар, евхарлар, каттарлар, антуисианлар, псаклар, аримасплар, антакатлар, хрозарлар, ойклар, напейлар, палейлар кабилар яшаши маълум бўлган. Дарёни маҳаллий аҳоли Силис деб атаган, аҳолининг турмуш тарзи парфияликларникига ўхшаш бўлган.

Баъзи олимлар (Ю.Ф.Буряков) фикрича, *Қанқа* шаҳри харобаси Д.ю.дан сўнг бунёд этилган «Яксарторти Антиохияси» шаҳри ўрнида жойлашган.

ДЕРМАТОЛОГИЯ ВА ВЕНЕРОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЙ МАРКАЗИ (Форобий кўч., 3), Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббий маркази – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1932 й. Дерматология ва венерология и.т. институти номи б-н Тошкент ш.да ташкил этилган. 2007 й.дан ҳоз. номда.

М-зда кенг тарқалган дерматозлар, дерматомикозлар, косметологик ўзгаришлар, жинсий йўл б-н юқувчи инфекциялар ва репродуктив саломатлик бўйича и. т. олиб борилади ва янги самарадор даволаш усуллари ишлаб чиқилади.

М-зда жинсий йўл б-н юқувчи инфекциялар, урогенитал инфекциялар ва репродуктив саломатлик, микология, дерматология, дерматокосметология, дерматоонкология бўлимлари, илмий маслаҳат поликлиникаси, микробиология, лепра, серодиагностика, иммунология, патоморфология, ОИТСни диагностика қилиш, косметик-парфю-

мер лаб.лари, 160 ўринли касалхона, кутубхона, виварий ва ҳ.к. бор (2008). М-зда 8 фан д-ри, 29 фан номзодлари ва б. ходимлар хизмат қилади. М-з дерматовенеролог олим ва шифокорларни клиник ординатура, аспирантура ва докторантура йўли б-н тайёрлаб келади. М-з ходимлари республикамиз вилоятларига бориб тери ва таносил касалликлари бўйича илмий-амалий маслаҳатлар беради.

«ДЕСК ИНВЕСТ» (Уйсозлар кўч., 45) – Ўзбекистон–Австрия қўшма корхонаси. 2003 й. ташкил топган. Полимер қопламали металл черепицалар, қалинлиги 0,5–0,8 мм ли рухланган буклама кесимлар ва уларга керакли деталлар ишлаб чиқаради. Черепицалар Финляндияда ишлаб чиқарилган юқори технологияли ускуналарда тайёрланади, сифати жиҳатдан жаҳон андозаларига жавоб беради. Черепицалар осон монтаж қилинади, камида 50 йил хизмат қилиши кафолатланган. Корхона мутахассислари маҳсулотни миждоз учун қулай бўлган ҳажмда қирқиб, ясаб беради. Корхонанинг йиллик и.ч. ҳажми 5 млрд сўм (2007).

ДЕҲҚОН БОЗОРЛАРИ – Т.даги сон жиҳатдан энг кўп бозорлар. Д.б. орқали шаҳар аҳолиси ва пойтахт меҳмонларини қ.х. маҳсулотлари б-н узлуксиз таъминлаб туришга эришилади. Асосан фермер хўжаликлари, шаҳар атрофидаги мевазор боғ, экинзор ва полизларда етиштирилган ҳамда фирма ва хусусий тадбиркорлар томонидан хориждан келтирилган нознеъматлар б-н савдо қилинади.

Т.да 13 та йирик Д.б. ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори (Бектемир тумани, Катта ҳалқа йўли) бор. Улар

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида бўлиб, 1996 й.дан МЧЖ ва ОАЖларга айлантирилган. Д.б. лойиҳаси «Тошгипрогор» ва «Тошбошлойиҳа» ин-ти лойиҳачилари томонидан тайёрланган. Ёзнинг иссиқ кунларида ва қишда маҳсулотларни айнамаган ҳолда сақлаш учун зарур иншоот ва мосламалар мавжуд. Д.б. дам олиш кунларисиз эрта тонгдан кечгача ишлайди. Тошкент қ.х. маҳсулотлари улгуржи бозори эса кеча-кундуз очиқ. Энг йирик Д.б.: *Эскижўва деҳқон бозори, Юнусобод деҳқон бозори, Қўйлик деҳқон бозори, Наврўз деҳқон бозори, Олой деҳқон бозори, Автисозлар деҳқон бозори.*

ДИВАЕВ Абубакр Аҳмаджонович (1855.7.12–1933.5.2) – туркийшунос, этнограф, фольклоршунос. Оренбургда туғилган. 1876 й.да Туркистон ўлкасига таржимон сифатида юборилган. Д. Туркистонни кезиб, ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қирғиз халқларининг этн., фольклорига оид материаллар тўплаган, уларнинг кўпини таржима қилиб, шарҳлар б-н нашр эттирган. Т.да Шарқ ин-ти, Ўрта Осиё давлат ун-тини ташкил этишда қатнашган, уларда ўқитувчилик қилган. Туркистон ўлкаси музейида этн. ва археология бўлимини бошқарган, кўплаб давлат ва жамоатчилик илмий ташкилотларнинг фаол аъзоси. «Сирдарё облас-ти статистикаси учун материаллар тўплами» (1–13 жилдлар, 1891–1907)га Д.нинг муҳим этн. тадқиқотлари киритилган. Хусусан, «Т.нинг эски шаҳар қисми аҳолисининг касб-кори ва машғулотлари» («Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента», Т., 1901) рисо-ласини ёзган. Унда Т.нинг Эски шаҳар қисмидаги 100 дан

ортиқ турли касб-ҳунарлар номи келтирилиб, уларга таърифлар берилган. Т.да дафн этилган.

«ДИНАМО» (Мустақиллик кўч.) – жисмоний тарбия ва спорт жамияти. 1925 й. 18 апр.да ташкил топган. 2008 й. 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликда рўйхатдан ўтган. Жамият республика жамоат бирлашмаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Божхона қўмитаси идораларининг ҳамда бу тизимга кирувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар, таълим муассасалари ишчи ва ҳарбий хизматчиларини, уларнинг оила аъзоларини ва б. жисмоний тарбия ва спорт ишқибозларини бирлаштиради.

Жамият таъсисчилари – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати. Бош мақсади – Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Божхона қўмитаси идоралари ходимларининг жисмоний ва ўқотиш тайёргарлигини такомиллаштириш бўйича жамият аъзоларининг уринишларини бирлаштириш ва фаолиятини мувофиқлаштириш, «Д.»чиларнинг кундалик турмушига жисмоний тарбия ва спортни, уларнинг соғлом ҳордиқ чиқаришни татбиқ қилиш, юқори тоифали спортчиларни тайёрлаш, жисмоний тарбия ва спорт воситалари б-н болалар ва ўсмирлар орасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликни олдини олиш, хайрия фаолиятини ташкил қилиш. Ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади. Тошкент ш.да «Динамо» стадиони каби 3 та замонавий

спорт иншоотларига эга. Уларда спортнинг дзюдо, самбо, бокс, кўл жанги, юнон-рум кураши, эркин кураш, кикбоксинг, ўқ отиш, футбол, мини-футбол, волейбол, баскетбол, теннис турлари кенг оммалашган, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган. «Д.»чилардан Руфат Рисқиев, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Дилшод Ёрбеков, Сергей Михайлов, Тўлқин Турғунов, Ўткир Ҳайдаров, Баҳодир Султонов (бокс), Эльвира Саади (спорт гимнастикаси), Комил Фатхуллин, Александр Доктуришвили (юнон-рум кураши), Армен Багдасаров, Абдулла Тангриев (дзюдо), Артур Таймазов, Сослан Тигиев, Магомед Ибрагимов (эркин кураш), Бобомурод Файзиев, Шухрат Хўжаев (самбо ва ўзбекча кураш) Олимпиада, Осиё ўйинлари, жаҳон кубоги ғолиблари, жаҳон ва Осиё чемпионлари ҳамда совриндорлари бўлган.

«ДИНАМО» (Мустақиллик кўч.) – спорт мажмуаси. 1939 й.да қурилган. 2007 й.да қайта таъмирланган ва реконструкция ишлари олиб борилган. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ишлари «Меъмор Воҳидов» ижодий уюшмаси лойиҳалари асосида янги замонавий ва шарқ услубида амалга оширилган. Умумий майд. 4 минг 465 м². Таркибида 726 кишига мўлжалланган томошабинлар ўрни, футбол майд. (110x70 м), мини-футбол, волейбол, баскетбол, теннис майдонлари, дзюдо, самбо, эркин кураш, юнон-рум кураши, бокс, кўл жанги, кикбоксинг, тренажёр заллари бор. Шунингдек, сауналар, меҳмонхона, тиббиёт м-зи, автомобиль тўхташ жойи мавжуд. Спортнинг футбол, мини-футбол, волейбол, баскетбол, теннис, дзюдо, самбо, эркин кураш, юнон-рум кураши, бокс, кўл жанги, киксбок-

синг турлари бўйича гуруҳларда 950 киши шуғулланади. Стадионда юқоридаги спорт турлари бўйича турли мусобақалар мунтазам ўтказиб турилади. Жумладан, 2008 й. март-апр. ойларида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида 17-спартакиада дастурига киритилган спорт турлари (волейбол, енгил атлетика, хизмат кўпкураши, ўқ отиш, футбол) бўйича спорт мусобақалари ўтказилди. 2008 й. 4–5 окт.да ёшлар ўртасида юнон-рум ва эркин кураш бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббийлар – ака-ука Аблаевлар хотирасига бағишланган мусобақа бўлиб ўтди. Стадион яқинида «Пушкин» метро бекати бор.

«ДИНАМО» (Шайхонтоҳур кўч., 2) – спорт моллари савдосига ихтисослаштирилган магазин. 2005 й. дек.дан хусусий корхона. Бино 1967 й. қурилиб, ишга туширилган. Савдо майдони – 300 м². Магазиннинг спорт кийимлари, спорт анжомлари, фото-товарлар, тренажер, балиқ ови ва овчилик товарлари бўлимлари бор.

ДИСПАНСЕРЛАР – беморларнинг айрим гуруҳларига мунтазам даволаш-профилактика ёрдами кўрсатадиган махсус тиббий муассаса. Ўз соҳасига оид беморлар сонини аниқлаш, уларни ҳисобга олиш, даволаш, аҳволларини кузатиб бориш, иш ва яшаш жойларининг шароитини ўрганиш, бундан ташқари, касалликларга қарши курашиш, олдини олиш чоралари б-н боғлиқ санитария-маориф масалаларини ишлаб чиқиш, тарғиб қилиш Д.нинг муҳим вазифасидир. Т.да биринчи диспансер (силга қарши) 1920 й.да ташкил этилган. Сил, тери-таносил, онкологик, психоневрологик, наркологик, кардиоревматологик, шунингдек,

буқоққа қарши, врачлик-физкультура (спорт б-н шуғулланувчиларни кузатиб турадиган) Д.и бўлади. Ҳар қайси соҳа Д.и фаолияти ўзига хос, мас., силга қарши Д. аҳолини ялпи флюорографик текширувдан ўтказиб, беморлар б-н бирга бўлган кишиларни ҳисобга олади; психоневрологик экспертиза ўтказди; врачлик-физкультура Д.и врач назоратини амалга оширади. Д. таркибида поликлиника, касалхона, клиник-диагностика лаб.-лар, ихтисослашган даволаш-профилактика хоналари, айрим ҳолларда кундузги ва тунги санаторийлар, меҳнат б-н даволаш устaxonалари, парҳез ошхона ва ҳ.к. бўлади. Туман Д.и ўз ҳудудидаги аҳолига хизмат кўрсатади. Бундан ташқари, шаҳар ва респ. Д.и ҳам бўлади. Т.да 23 та Д. бор, шундан 4 тасида даволаниш учун ўринлар мавжуд (2008). **ДОВИДОВА** Берта (1922.20.12–2007.11.8) – хонанда, мақом йўллари моҳир ижрокиси. Ўзбекистон халқ артисти (1964). 1935 й.дан Т.да. Т. тиббиёт билим юртини тугатгач (1938), ҳамшира бўлиб ишлаган (1938–43). Аввал ҳаваскор хонанда сифатида танилган. Ўзбекистон радиоси қошидаги хор жамоасида (1943), ўзбек ва тожик ансамблларида (1944–60), «Мақом ансамбли»да (1960–87) етакчи хонанда. Маф-тункор, майин ва ширадор овоз соҳибаси. Д. репертуаридан ўрин олган «Муножот» (И.Икромов), «Баёт I, II, V», «Наво» мақомидаги «Талқини Баёт», «Насри Баёт», «Рост» мақомидаги «Насри Ушшоқ», «Уфари Ушшоқ», «Дугоҳ» мақомидаги «Сарахбори Оромижон», «Уфари Оромижон», шунингдек, «Самарқанд Ушшоғи», «Фигон», «Дугоҳ» ва б. мумтоз ашулалар унинг ижросида нозик, ички ҳиссиётларга бой,

юксак бадий ифодасини топган. Хонанда ҳақида телефильм («Муножот», 1975) яратилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999). Бухоро яҳудийлари қабристонига дафн этилган. **«ДОЙЧЕ КАБЕЛЬ АГ ТАШКЕНТ»** (Боғишамол кўч., 276) – махсус мақсадларда ишлатиладиган кабель ва ўтказгич симлар тайёрловчи Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси. 1949 й. Бутуниттифоқ кабель саноати и.т. институтининг Т. бўлими сифатида ташкил бўлган. 1952 й.дан геофизик тадқиқотлар ва нефть саноати учун кабеллар и.ч. йўлга қўйилган. 1956 й.да океанлардаги тадқиқотлар учун махсус юк тортувчи кабелларни и.ч. ўзлаштирилган. 1964 й. Тошкент кабель саноати и.т., лойиҳалаш–конструкторлик ва технология ин-ти номи б-н аталувчи мустақил корхонага айлантирилган. 1971–74 й.ларда сув ости алоқаси юқори частотали симметрик кабелларини тайёрлашга киришилди. 1975–96 й.ларда ҳарбий–денгиз флотининг энг замонавий сув усти ва сув ости ҳамда кемасозлик саноати кемаларини бутлаш учун кабеллар, симлар ва кабель системаларини ишлаб чиқиш, ўзлаштиришга муваффақ бўлинди. 1995 й. «Электросигнал» илмий и.ч. бирлашмаси ОАЖга айлантирилди. 1998 й. окт.да акциядорлик жамияти акцияларининг бир қисмини хорижий компания сотиб олди. 1999 й. май ойида ана шу жамият «Дойче кабель АГ Ташкент» қўшма корхона – ОАЖга айлантирилди. Кейинги йилларда саноатда, телекоммуникация ва маиший техникада ишлатиладиган хилма-хил кабель ва ўтказгичларни тайёрлаш ўзлаштирилди. 2005 й.да корхонада пўлат симлар ва улардан тайёр-

ланадиган ҳар хил буюмлар ишлаб чиқарила бошланди.

«ДОНИШМАНД» МАҲАЛЛАСИ (Янгиобод 3-мавзе, Муруват кўч., 49) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Янгиобод», «Гулистон», С.Раҳимов, Нодира маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. ташкил топган. Маҳалла ҳашар йўли б-н бунёд этилган. Аҳолиси 3508 киши, турли миллат вакиллари (ўзбек, қозоқ, татар, рус, арман ва б.) яшайди (2009). Маҳалла худудидаги мактаб қошида спорт иншооти бор.

ДОРИХОНА, а п т е к а – дори воситаларини тайёрлаш, қадоқлаш, уларнинг сифатини назорат қилиш ҳамда тайёр дори воситалари, тиббий буюмлар, санитария ва гигиена ашёлари, маъданли сувлар, даволаш–косметика маҳсулотларини сақладиган ва сотадиган тиббиёт муассасаси.

Д.да тўсатдан касал бўлиб қолган ёки бахтсиз ҳодисага учраган кишиларга тез тиббий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Т.да биринчи Д. 1874 й. Воскресение кўч. (ҳоз. Буюк Турон кўч.)да маҳаллий аҳоли маблағи ҳисобига очилган. 1880 й. провизор Крауз ҳарбий Д. очган. 1906 й.да Пушкин (ҳоз. Мустақиллик) ва Куропаткин (ҳоз. Лохутий) кўч.лари кесишган жойда модерн усулида бино (меъмори Г.М.Сваричевский) қурилиб, «Ф. Каплан ва

«Ф.Каплан ва унинг ўғиллари» дорихонаси жойлашган бино (тарихий сурат; 1910).

унинг ўғиллари» Д.си ишга тушди. Шўролар тузуми даврида бу бинодан турли мақсадларда фойдаланилди. Мустақиллик йиллари ушбу бино бутунлай қайта таъмирланиб, «Ипотека» банки жойлашди. 1920 й. Т.да фармацевтлар тайёрлайдиган тиббиёт билим юрти очилди. 1923 й. Тошкентда 8 та, 1940 й. – 22 та Д. ишлаган. 2-жаҳон уруши йиллари Т.да 26 Д. бўлиб, улар асосан эвакуация қилинган госпиталларда, мудофаа саноатининг тиббиёт–санитария қисмларида хизмат кўрсатган. 1964 й.дан шаҳар Д.лар бошқармаси тузилиб, мустақил тизимга айлантирилди. 1981 й.дан Д.лар бошқармаси Т. шаҳар ижроия к-ти ихтиёрига берилди. 1989 й.дан шаҳардаги барча Д.лар «Фармация» и.ч. бирлашмаси таркибига кирди. Унинг ихтиёрида Т. аҳолисини доридармонлар б-н таъминлайдиган хўжалик ҳисобидаги 168 Д., 5 Д. магазини, 78 Д. филиали, 25 Д. киоскаси, Д. омборхонаси ва 1 та назорат–таҳлил лаб. фаолият кўрсатган бўлса (1991 й.гача), 2008 й. Т.да 2000 дан ортиқ дорихона, «Ўзстандарт» агентлигидан аккредитациядан ўтган 3 та дори воситаларини сертификатловчи лаб., шунингдек, Республика «Дори–дармон» АК



ва назорат-таҳлил лаб.лари мавжуд бўлиб, улар аҳолини сифатли дори воситалари б-н таъминлайди.

Д. муассасалари мулкчиликнинг шаклига кўра, акциядорлик, масъулияти чекланган ва хусусий Д.ларга; и.ч. хусусиятига кўра, тайёр дори воситаларини сотадиган ҳамда рецептга мувофиқ дори тайёрлаб берадиган, шунингдек, улгуржи савдо қиладиган ва касалхона ҳамда поликлиникалар қошидаги Д.ларга бўлинади.

Д.лар фаолияти Ўзбекистон Республикаси «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун (1997 й. апр.) ва унга тегишли бошқарув ҳужжатлар талабларига асосан меъёрлаштирилади. Бугунги кунда Д. фаолиятини халқаро талаблар даражасига кўтариш борасида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия қилинган «Яхши Д. амалиёти (GPP)» стандартларига босқичма-босқич ўтиш борасида алоҳида тадбирлар амалга оширилмоқда.

Д.ларда фаолият юритувчи мутахассислар фармацевтлардир. Олий маълумотли фармацевтлар Тошкент фармацевтика ин-тида, ўрта маълумотлилари эса коллежларда тайёрланади. Марказий дорихона.

Тошкент ш.да мавжуд тиббиёт коллежларидан 4 тасида фармацевтика бўлимлари бор.

ДУКЕНТТЕПА – шаҳар харобаси (6–16-а.лар). Ангрен ш.дан 8 км шимолда жойлашган. 1958 й.да бу ердан кумуш тангалар хазинаси (13-а. охири – 14-а.) топилган. Археолог Ю.Ф.Буряков (1959, 1962 ва 1966) археологик кузатув, тангалар тўплаш ишлари олиб борган. Жамланган материалга кўра, Д.да ҳаёт 3 босқичда кечганлиги аниқланган. Биринчи босқич арқда Мингүрик типидagi сопол идишлар б-н боғлиқ. Иккинчи босқич нафақат арқ, балки бутун шаҳар бўйлаб учрайдиган сопол, шиша буюмлар (10–12-а.лар), тош ўғирлар, пишиқ ғиштлар (29–30x14–15x4 см), бурама кумуш билагузуклар ва 5 дирҳам (11-а. охири – 12-а.)дан иборат кичик хазинани ўз ичига олади. Учинчи босқич 15–17-а.га оид айрим сопол буюмлар ва 13–16-а.ларга оид учта танга хазинаси б-н белгиланган.

ДУРБЕК КЎЧАСИ – Учтепа туманидаги Хондамир ва «Шарқ юлдузи» маҳаллаларида жойлашган. Уз. 1,2 км атрофида. Маннон Уйғур ва Зиё Саид кўчалари оралиғида. Т. зилзиласи (1966)дан кейин аҳоли учун аж-

ратилган ер участкалари муносабати б-н пайдо бўлган. 1966 й. 27 дек.да ўзбек шоири Дурбек (14-а. охири – 15-а. боши) номи берилган. Таркибида 5 та тор кўча бор. Лочин, Байроқ ва Қурувчи кўчаларини кесиб ўтади. Кўча йўналишида мактаб, боғча, озик-овқат дўкони, сервис хизматлари ва шахсий турар жой бинолари мавжуд. Яқинида «Она ва бола» м-зи, оилавий поликлиника, Т. автомобиль ҳалқа йўли, ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган.

ДУТОРЧИ ҚИЗЛАР АНСАМБЛИ, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Халқ бадий жамоалар дирекциясининг Фанижон Тошматов номидаги дуторчи қизлар ансамбли – хотин-қизлардан ташкил топган миллий мусиқа ансамбли. Дастлаб Ўзбек давлат филармонияси қошида «Дуторчи қиз-жувонлар» ансамбли (1939) ташкил этилган. Бадий раҳбари – Л.Саримсоқова, мусиқа раҳбари – Ю.Ражабий, балетмейстер – Г.Раҳимова. Репертуаридан ўзбек халқ ва бастакорларининг куй ва кўшиқлари ўрин олган. 2-жаҳон уруши йилларида ансамбль аъзолари фронт концерт бригадалари таркибида концертлар берган. Кейинчалик у «Ашула ва рақс ансамбли» деб номланган. Ансамблда Р.Бағланова, К.Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Абдуллаева ва б. фаолият кўрсатган. 1958 й. янгидан «Дуторчи хотин-қизлар ансамбли» ташкил этилган (бадий раҳбари – М.Абдуллаева). 1964 й.да фаолиятини тўхтатган.

1977 й.да Тошкент ш. маданият уйида А.Илёсов бошчилигида «Дуторчи қизлар ансамбли» тузилди. Мазкур ансамбль ишти-



рокчилари 1979 й. Ўзбекистон радиоси ва телевидениеси қошида ташкил этилган Д.қ.а. таркибига кирган. Бадий раҳбари ва ташкилотчиси Фанижон Тошматов; 1994 й.дан бадий раҳбари – Замира Суюнова. 1996 й.дан Фанижон Тошматов номида.

Етақчи хонанда ва созанда-лар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар З.Раҳматуллаева, С.Каримова ва Қ.Эсонова; артистлар О.Мадраҳимова, Р.Ҳожиева, Д.Муҳамедова, М.Қурбонова, Х.Шораҳмедова ва б. Ансамбль Фарғона–Тошкент миллий кўшиқчилик анъаналарини давом эттирмақда.

Репертуаридан юзлаб ўзбек халқ кўшиқлари («Чаманнор», «Ёр-ёраҳон-Гулёраҳон», «Симсим оралаб», «Йўл бўлсин», «Ёр-ёр»лар, лапарлар, ўланлар), бастакор ва композитор: Ф.Тошматов, К.Жабборов, С.Калонов, Ф.Содиқов, М.Муртазоев, Қ.Искандаров, А.Исмоилов, Р.Турсунов, Т.Отабоев, Қ.Комилов, Сайфи Жалил ва б. асарлари («Қошинг қароси бало», «Бахтимдан», «Диёримсан», «Уёламан», «Келасан», «Таман-Дуторчи қизлар ансамбли. 2002 й.

но», «Хумо», «Аввал Ватан, кейин жон», «Севги»), шунингдек, ансамбль иштирокчилари (З.Суюнова, З.Раҳматуллаева, Қ.Эсонова) басталаган кўшиқлар («Бой қайнона», «Аёл», «Гул очилса», «Узоқ кутдим» ва б.) ва турли халқлар (афғон, ҳинд, уйғур, қорақалпоқ, испан) кўшиқлари ўрин олган. Ансамбль Россия, Франция, Германия, Туркия мамлакатларида гастролда бўлган.

ДУЮНОВА Вера Илларионовна (1945.11.4) – волейболчи, икки марта олимпиада чемпиони (1968, Мехико; 1972, Мюнхен). 1965 й.дан Т.да. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси (1995), хизмат кўрсатган спорт устаси (1968). ТошДУ журналистика ф-тини тугатган (1975). 1965–78 й.ларда «Автомобилист» (Тошкент) волейбол жамоаси ҳамда Ўзбекистон волейбол терма жамоаси ўйинчиси. Жаҳон чемпиони (1970, Болгария), жаҳон кубоги (1973, Уругвай) ва Бутунжаҳон универсиадаси (1973, Москва) голиби. Жаҳон биринчилиги кумуш медали со-

вриндори (1974, Мексика). 1982 й.дан Т.даги 6-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби директори. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1997).

ДЎМБИРОБОД ДАҲАСИ – Чилонзор туманида, Кичик халқа йўли, Наққошлик ва Гавҳар кўчалари ҳамда Бўрижар канали оралиғида. Даҳада, асосан, якка тартибдаги уй-жойлар ва 4 қаватли турар жой бинолари жойлашган. Даҳани лойиҳалаш ва қуриш ишлари 1950-й.ларда бошланган. Д.д. 2 қисмга бўлинган бўлиб, «Катта Дўмбиробод» ва «Дўмбиробод» маҳаллаларидан иборат. Д.д.да 21250 якка тартибдаги, 21 та 4 қаватли турар жойлар, 4 боғча, 3 мактаб, интернат, коллеж ва 20 дан зиёд савдо шохобчалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари мавжуд.

ДЎМБИРОБОД КЎЧАСИ – Чилонзор тумани худудида. Кичик халқа йўли ва Гавҳар кўчалари оралиғида жойлашган. Уз. 3 км. 1960 й. 22 янв.да мазкур худудда ташкил этилган янги кўчага шу номдаги жойнинг тарихий эми берилган. Ушбу тарихий номи келиб чиқиши чуқур ўрганилмаган. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу ном қадимда жойни обод қилган шахснинг исми (лақаби)дан ёки чорлов мақсадида чалинган дўмбирадан келиб чиққан. Жой қадимда шаҳар аҳолисининг боғдорчилик мавзеларидан бири бўлган. 20-а.нинг 2-ярмидан ушбу худудда шаҳар аҳолиси учун ер участкалари ажратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги даврда мазкур кўча тубдан таъмирланди. Кўча йўналишида шахсий турар жой бинолари, тўйхона, супермаркет, озиқ-овқат дўкони,



маҳалла гузари, шоҳбекат, аҳолига хизмат кўрсатиш шохобчалари ва б. муассасалар бор. Яқинида Хирургия м-зи, 1-пед., Дўмбиробод касб-хунар коллежлари, 131-, 188-, 232-умумий ўрта таълим мактаблари, 1-махсус болалар интернати жойлашган.

«ДЎМБИРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (232-мактаб) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Катта Дўмбиробод», «Катта Қозиробод», «Тирсақобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2003 й. «Кичик Дўмбиробод» номи б-н ташкил этилган, 2007 й.дан ҳоз. номда. Маҳалла номи ўз тарихига эга. 19-а. охири 20-а. бошларида бу ҳудуддан Қонқус, Ширин, Дархон ариқлари оқиб ўтган бўлиб, шаҳардаги «Бешёғоч», «Гулистон», «Чақар» маҳаллаларининг аҳолиси бу ерларни обод этиб, боғ-ҳовлилар барпо этишган. Ривоят қилинишича, Мирсалим (Мирсоат) исмли қассоб бу ерларга биринчилардан бўлиб келиб, дарахтлар эккан, чойхона ташкил қилган. У киши қувноқ ва қорни дўмбирадек катталиги учун лақаби «дўмбира» бўлган. Бу ерда барпо этилган қишлоқни халқ Дўмбиробод деб атаётган. Аҳолиси 7920 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 2 ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, дорихоналар, савдо дўконлари, ошхоналар бор, болалар спорт мажмуаси, милиция таянч пункти қурилган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси Усмонҳожид Абдуллаев маҳаллага 43 йил раислик қилган.

ДЎМБИРОБОД ҚАБРИСТОНИ (Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 172) – майд. 150 гектар. 1964 й.дан мавжуд. Қабристонга акад. М.Е.Массон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Б.В.Бровцин, Р.Ж. Вильданов, би-

нокор А.С.Любомирский, педагог А.С.Алиев ва б. дафн этилган. Афғонистонда ҳалок бўлган жангчилар алоҳида хилхонага дафн этилиб, улар қабрига ёдгорлик тоши ўрнатилган.

ДЎРМОН – ўзбек халқи таркибига кирган қабилалардан бири. Д. мўғулча «тўрт» демакдир. Тўртта уруғдан ташкил топгани учун шундай аталган бўлиши мумкин. Д. қабиласи 15-а.да Ўзбек улусида катта нуфузга эга бўлган. Д.лар 16-а. бошларидан эътиборан Ўрта Осиё ҳудудига келиб ўрнашиб, Бухоро хонлигининг сиёсий ҳаётида фаол қатнашган. Д.нинг бир қисми Т. воҳасига келиб жойлашган ва жой номи атамаси сифатида сақланиб қолган (Тошкент ш. яқинидаги Дўрмон қишлоғи).

ДЎРМОН ЙЎЛИ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида. «Ўзкабель» давлат АЖ ва Темур Малик кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 3 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Кўча бошида кабель з-ди бўлганлиги туфайли дастлаб «Электрокабель» номи б-н юритилган. 1967 й. 29 мартда кўчага давлат арбоби Файзулла Хўжаев (1896–1938) номи берилган. Жойнинг тарихий номини тиклаш ва йўлнинг Дўрмон қишлоғига олиб чиқишини назарда тутган ҳолда 2008 й. 6 майда кўчага ҳоз. номи берилди. Кўчанинг давоми бўлган Зулайҳо кўча ҳам 2008 й. 2 сент.да шу ном б-н қайта номланди. Мирзо Улуғбек, Зиёлилар, Буюк ипак йўли ва б. кўчалар б-н кесишади. Йўналишида «Ўзкабель» давлат АЖ, Академиклар шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг маъмурий бинолари, Мирзо Улуғбек хиёбони, Т.–Чорвоқ т.й., Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўми-

тасининг спорт мажмуаси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ва б. муассасалар жойлашган. Қорасув канали, Тўртариқ ва Яланғоч ариғи оқиб ўтади.

ДЎСТЛИК ДАҲАСИ – Сергели туманида, туманнинг жан.-ғарбий қисмида, Янги Сергели, Кўргонтёпа ва Қорайўл кўч. оралиғида жойлашган. Даҳа Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалашин-ти лойиҳалари асосида 1972–80 й.ларда қурилган. Д.д. икки: Дўстлик-1 ва Дўстлик-2 мавзелиридан иборат. Дўстлик кўч. икки мавзени ажратиб турувчи асосий кўча ҳисобланади. Даҳада 15 та 9 қаватли, 27 та 4 қаватли турар жойлар, мактаб, боғча, музей, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари бор.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Дўстлик-2 мавзеси, 2^а-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. «Мустақиллик» маҳалласи б-н чегарадош. Аҳолиси 1984 хонадон, 7086 кишидан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (рус, татар, турк, грек, немис ва б.) яшайди. Маҳаллада 2 кўча, болалар боғчаси, 2 кафе, 7 озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Марғилон кўч., 22) – Миробод туманидаги маҳалла. «Биродарлик», «Темирийўлчилар», «Байналмилал» маҳаллалари б-н чегарадош. 1958 й. ташкил этилган. Маҳаллада турли миллат вакиллари тотувликда яшаб келаётгани боис шу ном б-н аталган. Аҳолиси 2354 киши, 12 миллат вакиллари (ўзбек, озарбайжон, турк, рус, татар ва б.) яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 7 кўча, ўрта мактаб, Озарбайжон

маданият маркази, «Темирйўлчилар» профилактик санаторийси, «Локомотив» спорт мажмуаси, туман давлат санитария-эпидемиология назорат м-зи, 4 та озик-овқат дўкони, новвойхона, «Диля» кафеси ва б. мавжуд.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 1/4 даҳаси) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Чукурсой», «Гулзор», Исломота, Иброҳимота маҳаллалари б-н чегарадош. 1974 й. 20 окт.да ташкил топган. Аҳолиси 4500 киши (2009). Маҳалла ҳудудида кар-соқовлар маданият саройи ва спорт мажмуаси, Иброҳимота қабристон ва б. мавжуд.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (17-даҳа, 12, 1-хона) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Оқтепа», «Отчопар-2», «Янги ҳаёт», «Янгиобод», «Тинчлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1983 й. ташкил этилган ва «Дўстлик» номи берилган. Аҳолиси 5447 киши, турли миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида Юнусобод Оқтепаси археологик ёдгорлиги жойлашган.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (6-мавзе, 21) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Халқлар дўстлиги», Ҳамза, «Навбаҳор» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. «Халқлар дўстлиги» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 6100 киши, ўзбеклар (50%), шунингдек, 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, 19 маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, дорихона, озик-овқат дўкони, кафе, модалар ательеси мавжуд.

«ДЎСТЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Паркент 7-тор кўч., 2) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Наврўз», «Умид», Ш.Рашидов, «Истиклол» ҳамда Мирзо Улугбек туманидаги «Олтинтепа» маҳаллалари б-н



Қизлархон Дўстмуҳамедова
«Муножот» рақсида.

чегарадош. 1947 й. ташкил топган. Маҳаллада асосан Россиядан кўчиб келган руслар яшаган, кейинчалик ўзбеклар аҳолининг асосий қисмини ташкил этди. 1992 й. «Д.» номи берилган. Маҳалла ҳудудида «Агроташ» з-ди, «Технолог» ИИЧБ, 2521-автожамланма, «Райҳон» кафеси мавжуд.

ДЎСТМУҲАМЕДОВА Қизлархон Камоловна (1946.25.11) – раққоса. Ўзбекистон халқ артисти (1984). Т.да туғилган. Тошкент давлат санъат ин-тини тугатган (1977). 1965–72 ва 1982–88 й.лар «Шодлик» ашула ва рақс ансамблида раққоса бўлиб ишлаган. «Гўзал» ансамбли ташкилотчиларидан ва етакчи раққосаларидан (1972–81). 1988 й.дан Тошкент давлат маданият ин-тида педагог. Д. лирик раққоса, рақслари нафис ва жозибали ҳаракатларга бойлиги б-н ажралиб туради. «Гўзал», «Тонг маликаси», «Гўзал тонг», «Интизор», «Бухоро юлдузи», «Севги таронаси», «Нозли» каби замонавий, шунингдек, «Муножот», «Танавор», «Мўғулчаи сеғоҳ», «Қора-

кўзим», «Гулузорим», «Савти мискин» ва б. мумтоз рақслари машҳур. «Шашмақом» телефильмида қатнашган (1972), «Танавор» рақс ансамбли (Сизтл, АҚШ)да ўзбек рақсларини саҳналаштирган. АҚШ, Ливия, Франция, Германия, Тунис ва б. мамлакатларда гастролда бўлган. Д. ижодига бағишлаб «Нафосат гулдастаси» номли фильм ишланган (1985). «Эл-юрт хурмати» ордени б-н мукофотланган (2000).

ДЎСТОБОД – Тошкент вилоятидаги шаҳар (1983 й.дан), Қуйи Чирчиқ тумани маркази. *Тошкент агломерацияси* таркибида. Д. 1996 й.гача Солдатский деб номланган. Шаҳар Ангрен дарёсининг Сирдарёга қуйилиш жойига яқин ерда жойлашган. Яқин т.й. ст-яси – Кучлуккача 38 км, Д.дан Тошкентгача 66 км. Аҳолиси 14,24 минг киши (2009), асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, корейс, рус, тожик ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Д.да 3 умумий таълим мактаби, коллеж, 20 дан зиёд маъмурий, давлат ташкилотлари, 40 дан ортиқ хусусий ва қўшма корхоналар, 300 ўринли касалхона, оилавий поликлиника, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуи бор. Мунтазам автобус, такси қатновлари йўлга қўйилган.

ДЎСТУМ СУЛТОН, Абдулқуддус султон (?–1598) – Тошкент ҳокими (1580 й.дан). Шайбонийлардан. Искандарх ибн Жонибекхон (Бухоро хонинг ўғли. Абдуллахон II нинг акаси. Дастлаб (1560 й.дан) Кармана ҳокими бўлган. Д.с. шеърятга ҳавасманд бўлиб, ўзи ҳам шеърлар ёзган. 1598 й. жияни, Бухоро хони Абдулмўминхон томонидан фарзандлари б-н биргаликда Т.да қатл этилган.

Е, Ё

ЕНГИЛ МЕТАЛЛ ҚУРИЛМАЛАРИ ЗАВОДИ (Жарқўрғон кўч., 22^а-уй) – «Ўзмонтажмахсусқурилиш» ассоциацияси таркибидаги ОАЖ. 1974 й. ташкил топган. Дастлаб Т. енгил металл қурилмалари экспериментал з-ди сифатида иш бошлаган. 1999 й. дек.дан ОАЖ га айлантирилган. Корхона, асосан, металл қурилмалари, рухланган рулон пўлатдан тайёрланган 0,5–08 мм қалинликдаги профилланган тўшама (настил), пенополиуретандан ишланган, совуқ ўтказмайдиган «Сендвич» типдаги 3 қатламли девор панели ишлаб чиқаради.

Корхонанинг йиллик қуввати металл қурилмалари бўйича 3 минг т, профилланган тўшамалар бўйича 20000 т, девор панели бўйича 200000 м² га тенг. 2007 й. з-дда 1800 т металл қурилмалари, 1200 т профилланган тўшама, 13000 м² девор панели тайёрланди. Маҳсулотлари Қозоғистон, Тожикистон, Вьетнам, Шри-Ланка, Франция мамлакатларига экспорт қилинади.

ЕСЕНИН Сергей Александрович [1895.21.9(3.10)–1925.28.12] – рус шоири. Е.нинг шахсий ҳаёти фожиалар ичида кечган.

Е. 1921 й. Тошкент ва Самарқанд ш.ларида бўлган. «Форс тароналари» шеърлар туркуми (1924–25) Ҳофиз, Саъдий, Хайём каби Шарқ ижодкорларига

чексиз ҳурмат-эҳтиром маҳсули сифатида дунёга келган. «Танланган шеърлар», «Замин дарғаси», «Лирика: шеърлар, достонлар» шеърый тўпламлари Э.Воҳидов томонидан ўзбек тилига таржима қилинган (1965, 1970, 1981). Т.да шоирнинг уй-музейи очилган (қ. *Есенин музейи*). Шайхонтоҳур туманидаги кўчалардан бирига Е. номи берилган.

ЕСЕНИН КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур туманида, Оқтепа майд. (Гулханий кўч.) ва Мужрим-Обид кўчаси ораллигида жойлашган. Уз. 0,8 км. Шаҳар қурилиши жараёнида ўтган асрнинг 60-й.ларида очилган. Рус шоири С. *Есенин* (1895–1925) номига қўйилган. Кўч.нинг Самад Вурғун кўч. б-н кесишган жойигача эни 30 м, ундан кейинги қисми эни 60 м – ўртадан яшил зона – хиёбон ўтади; хиёбонда баланд арчалар, чинор ва б. манзарали дарахтлар бор. Хиёбон бошида 1997 й.да «Санъаткор» кафетўйхонаси қурилди. Унинг ёнида

Есенин кўчасидаги «Санъаткор» кафеси.



кўча бошига пишиқ ғиштдан рамзий арк-дарвоза бунёд этилган. Хиёбонда «Чўпонота» маҳалласи «Оқтепа» футбол клубининг спорт майдончаси бор. Есенин кўч. этагида қад. Чилонзор Оқтепаси ўрин олган. Есенин кўч. йўналишида 2 ва 4 қаватли турар жой бинолари, яқка тартибдаги уйлар, мусиқа мактаби, гўзаллик салони (кўча бошида), Шайхонтоҳур ички ишлар бошқармасининг «Чўпонота» маҳалласи таянч пункти, чойхона, дўкон ва б. бор. Кўча яқинида Оқтепа канали ва Зах ариғи, Шайхонтоҳур электр тармоқлари шохобчаси, Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат корпорациясининг «Оқтепа» саноат-савдо жамоа корхонаси, «Чўпонота» маҳалласи гузари, «Форвард» ресторани, «Фотима ва Захро» жоме масжиди мавжуд. **ЕСЕНИН МУЗЕЙИ** (Л.Толстой тор кўч., 20) – адабий музей. 1981 й. ташкил этилган. Музейда рус шоири Сергей Есенин (1895–1925)нинг Т.да бўлганлигига доир материаллар йиғилган. С.И.Зининнинг «Есенин образи китоб белгиларида» экслибрислари (400 та), рассом В.В.Николукнинг Есенин мавзусига бағишланган картиналари, С.Есениннинг асл дастхатлари, унинг ҳаётлигидаги нашрлари, қўшиқлар тўпламлари, фотосуратлар, китоб, журнал, Т.да ёзиб тугатган «Пугачёв» достони автогра-

фининг фотонусхаси, ўзбек шоирларининг С.Есенин ижоди б-н алоқалари тўғрисидаги фотосуратлар, шеърлар тўпламлари ва б. намойиш этилади. Музей фондида 3000 га яқин экспонат бор (2009).

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ («А» ҳудуд

– Рашидов кўч., 23, «Б» ҳудуд – Сергели тумани Дўстлик 5-мавзеси) – ёнгин хавфсизлиги бўйича мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 11 авг. 404-сонли қарорига асосан, Ёнгиндан сақлаш олий техник муҳандислиги мактаби Тошкент ф-ти ва Тошкент ёнгин-техника билим юртлари негизида ташкил этилган. 1993 й.дан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгиндан сақлаш олий техник мактаби, 2001 й.дан ҳоз. номда. Ёнгин хавфсизлиги ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлайди. 1 ф-т, 12 каф., 11 лаб., 8 бўлим, 2 бўлинмадан иборат. Мактабда Ёнгин хавфсизлиги бўйича и.т. маркази, адъюнтура, навбатчилик қисми, ўқув курслари, автомобиль хизмати, тиббий қисм, арттехника ва қурол-аслаҳа гуруҳи бор. Умумий ва махфий ад.лар кутубхоналари бор. Уларнинг фондида 100 мингдан ортиқ ўқув, ёнгин-техник, ижтимоий-сиёсий, бадиий китоб ва ахборот нашрлари мавжуд. Мактаб тарихи музейи фаолият кўрсатади. Мактабнинг Сергели туманида жойлашган «Б» ҳудудида Амир Темура таваллудининг 670 й.лигига бағишлаб ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.

Мактабда 100 га яқин ўқитувчи, шу жумладан, 4 фан доктори, 22 фан номзоди дарс беради. 500 га яқин курсант таълим олади. Мактаб ўз фаолияти да-

вомида 4500 га яқин мутахассис тайёрлаб берди.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ХИЗМАТИ

– Т.да иморатлар ва молмулклар, кишилар ҳаётини «ўт балоси»дан муҳофаза қилиш ишларини ташкилий тартибда йўлга қўйиш 19-а.нинг охирига тўғри келади. 1897 й.да Т.да ёнгиндан сақлаш хаваскорларининг ўт ўчирувчилар «Эркин жамияти» ташкил этилди. Жамият ўз аъзолари маблағи ҳисобига иш юритган. 1908 й.дан хаваскорлар жамияти тугатилиб, Туркистоннинг йирик шаҳарларида, шу жумладан Т.да ҳам полиция бошқармаларида ўт ўчириш командалари тузила бошлаган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Т.да ўт ўчириш-суғурта бўлими ва унинг коллегияси ташкил этилди. 1921 й. Туркистон Республикаси Ички ишлар халқ комиссарлигида Ё.х.х.га оид бўлим коммунал бўлимга айлантирилди. 1932 й.дан Т. шаҳри ва Т. округи ёнгиндан сақлаш бўлими ташкил этилди, шу йили учинчи ўт ўчириш қисми тузилди. 1933 й.дан ўт ўчириш қисмларида туну кун навбатчилик ва ҳарбийча интизом жорий қилинди. Шаҳарда ёнгиндан сақлаш командаларига махсус ўт ўчириш машиналари келтирила бошлади. 1934 й. ўт ўчириш-техника мактаби ташкил этилди.

1944 й. Т.да Ички ишлар халқ комиссарлиги

Ё.х.х. бошқармаси, 1947 й. Ички ишлар бошқармаси Ё.х.х. бўлими, 1958 й. ҳарбийлаштирилган Ё.х.х. отряди, 1968 й. Тошкент ш. ижроия к-ти жамоат тартибини сақлаш бошқармасининг ҳарбийлаштирилган Ё.х.х. бўлими, 1969 й. Тошкент ш. ижроия к-ти ички ишлар бошқармаси Ё.х.х. бўлими тузилди (1973 й.дан бошқарма). 1986 й. окт.дан ёнгиннинг олдини олиш б-н ҳарбийлаштирилган Ё.х.х. отрядлари ва шаҳар р-нларидаги мустақил ҳарбийлаштирилган Ё.х.х. қисмларидан иборат ёнгинга қарши давлат назорати шуғуллана бошлади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин ёнгин хавфсизлиги хизматида алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент ш. ҳокимлиги ички ишлар бош бошқармаси таркибида Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 й. 25 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига кўра, Т. шаҳрида ёнгин хавфсизлиги хизматининг моддий-техника базасини яхшилаш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилди, ёнгин хавфсизлиги хизмати учун



Ёнгин хавфсизлиги машқлари.

энг янги ўт ўчириш автомашиналари сотиб олинди, шахсий таркиб мутахассис кадрлар б-н тўлдирилди.

2008 й.да Тошкент ш. худудида 34 та ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги қисмлари, 14 ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отрядлари ва 1 касбий ёнғин хавфсизлиги қисми фаолият кўрсатди. Шаҳар Ё.х.х. бошқармаси гарнизони энг замонавий талаблар даражасида чет элларда ишлаб чиқарилган 73 ўт ўчириш автомобиллари, 72 махсус ва тезкор автомобиллар, жами 200 га яқин автомобиллар ва б. техника воситаларига эга. Т.да ўт ўчириш қисмлари тармоғи шаҳар худуди бўйлаб бир текис жойлашган. Кўп қаватли биноларда, кимё корхоналарида, нефть маҳсулотлари сақланадиган жойларда ўт ўчириш учун махсус машина ва қурилмалар мавжуд. Кўп қаватли биноларда, шунингдек, барча музей, меҳмонхона, театр, ёнғин-портлаш хавфи бор корхоналарда автоматик ўт ўчириш системалари ва ёнғин сигнализацияси мавжуд. Аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича мунтазам тарғибот ишлари (сухбатлар, маърузалар), мактабларда ўқув дарслари, ёнғин ҳолатларига яқинлаштирилган ўқув машқлари олиб борилади.

ЁПУҒЛИКОТА ҚАБРИСТОНИ (Миробод тумани, Фидойилар кўч.) – майд. 0,68 гектар. 1945 й.дан мавжуд. Маҳаллий авлиёпирлардан Ёпуғликота номига қўйилган.

ЁРМАТОВ Комил (1904.2.5–1978.17.11) – ўзбек кинореж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). 1941 й.дан Т.да. «Ўзбекфильм»нинг бадий раҳбари. Уруш йиллари «Ватан совғаси», «Фронт учун концерт»

сингари концерт-фильмлар, «Уйқусиз йиллар» бадий фильми яратди. «Алишер Навоий» фильми (1947) реж.га катта шуҳрат келтирди.

60-й.ларда Ё. кинотрилогия яратиб, ўзбек кино санъатини янги босқичга кўтарди. Афсона характеридаги «Икки дил достони» (1966; халқаро кинофестивалнинг «Олтин Абсора» мукофоти, 1969), ўзбек шоираси ҳаётига бағишланган «Нодирабегим», «Узоқ-яқин йиллар» (кинофестивалнинг махсус соврини, Рига, 1978) каби фильмлари ҳам шуҳрат қозонди. Давлат мукофоти (1948), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). Чигатой қабристонига дафн этилган. «Ўзбекфильм» киностудияси, Т.даги к/т ва кўча Ё. номи б-н аталган.

ЁРМУҲАММАД ТОШКАНДИЙ, Мавлоно Соний Ёрмуҳаммад ибн Пирмуҳаммад (16-а.) – шоир. Муаммо жанрида катта шуҳрат қозонган. Форс тилида муаммо ёзиш маҳорати бўйича Абдурахмон Жомийдан кейинги даражада турган. Шу боис Ёрмуҳаммад Соний, яъни «Иккинчи» деган тахаллусга эга бўлган.

Ё.Т. Мирҳусайн ибн Муҳаммад Шерозийнинг (1499 й.да вафот этган) муаммоларига шарҳ ёзган. Асарнинг бир нусхаси Т.да (1577) кўчирилган бўлиб, 188 варақдан иборат. Бу асарнинг дастлабки варағида машхур олим Ҳофиз Кўҳакий ўз кўли б-н: «Таажжуб, бу қандай гавҳарки, мавлоно Ёрмуҳаммад Соний махфий сирларини балогат ва латофат тариқи билан маоний хазинасини фош қилибдурлар. Ушбуни ёзувчи ҳожи алҳарамайн Ҳофиз Кўҳакий», деб ёзиб қўйган. Иккинчи асари Жо-

мийнинг «Муаммо»ларига шарҳдир (кўлёзма 1775 йил кўчирилган). Учинчи кўлёзма эса «Мавлоно Шаҳоб муаммосининг шарҳи» (41 варақдан иборат, 1581) деб аталиб, ушбу асар ҳам Ё.Т.га нисбат берилади (Мавлоно Шаҳобиддин 1536 й. Ҳиндистонда вафот этган шоир). Асар форс тилида ёзилган.

«Қирқ ҳадис шарҳи» (17 варақ) асари ҳам бор. Бунда муаллиф қирқта ўзига хос иборатли ҳикоя ёзган. Ушбу асарлар кўлёмаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти кўлёмалар фондида сақланади (инв. №1863; инв. №10248/4; инв. №10805/1).

«ЁРҚИН ҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИ (Йўлдош-1 мавзеси, 69) – Сергели туманидаги маҳалла. «Мустақиллик» ва Ал-Фарғоний маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Ёрқин ҳаётга интилиб яшаш лозим деган маънода «Ё.ҳ.» деб номланган. Аҳолиси 8000 киши, оилалар сони 2581 та. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари (рус, татар, тожик, корейслар) яшайди (2008). Маҳаллада 4 кўча, болалар боғчаси, мактаб, газ.-журнал киоскаси, озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар ва б. мавжуд.

ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ, Республика ёш томошабинлар театри (Абай кўч., 13) – Т.да рус ёш томошабинлар театри (ҳоз. Ўзбекистон ёшлар театри) таркибидаги ўзбек кўғирчоқ труппаси замирида 1929 й.да миллий студия сифатида ташкил этилган. 1968 й. театр рус ёш томошабинлар театридан ажралиб чиқди. Театр асосини А.Исмоилов (бош реж.), Н.Эшмуҳамедов, С.Қобулова, Ҳ.Абдуллаев, М.Усмонова, М.Солиев, И.Одилов, З.Соқиев, А.Мавлонов, Қ.Мавло-

нова, О.Иброҳимов, Ж.Тожиев, Қ.Сиддиқов, Р.Сирожибдинов, У.Раҳмон, Ш.Шораҳимов ва б. ташкил этган. Дастлабки йиллар театр репертуари ёш томошабинлар қизиқишидан йироқ, асосан ташвиқот ва тарғибот асарларидан иборат бўлган. 1931 й. труппа Бухоро театрига бирлаштирилиб, Ф.Хўжаев номидаги Бухоро ўзбек давлат драма ва Биринчи ўзбек ёш томошабинлар театри деб аталган. Я.Бобожонов бадий раҳбар ва бош реж. қилиб тайинланган. 1933 й. театр вақтинча ўз фаолиятини тўхтатди. 1934 й. Тошкентда Ё.т.т.нинг фаолияти қайта тикланди ва театр жамоаси янги актёрлар ҳисобига кенгайди. Театр репертуари «Зўраки табиб», «Вероналик икки йигит», «Рашкчи чол», «Икки сергак», «Мен кураш боласи», «Ёрилтош», «Ревизор» сингари спектакллар б-н бойиди. Урушдан кейинги йилларда театр эътиборни асосан эртак жанрига ва мумтоз асарларга қаратди («Семурғ», «Тўғри ва Эгри», «Скапеннинг найранглари» ва б.). 50–80-й.лар театр сахнасида болаларга бағишланган «Чиранма ғоз...», «Али-Вали», «Қовоқвой ва Чаноқвой», «Доктор Ҳакимнинг ғаройиб ихтироси», ёшлар ҳаётига бағишланган «Дил тортса», «Ўн саккиз ёшлигим», қаҳрамонлик, тарихий-биографик мавзуда «Аму қаҳрамонлари» «Тошкент – нон шаҳри», «Донишманднинг ёшлиги», мумтоз асарлардан «Уч мушкетёр», «Эскижўва гаврошлари», «Ревизор», «Норасо», «Олтин тулпор», шунингдек, «Шум бола» каби спектакллар сахналаштирилди. Ё.т.т.нинг фаолияти республикада болалар театрига асос солиб, бу соҳанинг тараққиёт йўлини белгилаб берди. Театрда турли йилларда Р.Пирмухамедов, А.Исмамов, М.Кузнецова, Я.Бобожо-

Ёш томоша-
бинлар
театри
биноси.

нов, И.Лади-
гин, А.Гинз-
бург, Н.Ива-
нов, Қ.Хўжа-
ев, Х.Саъдиев
ва б. ижод
қилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг унинг ижодий йўналиши қайта кўриб чиқилди. Театр ижодий жамоасининг эътибори миллий драматургияни ривожлантиришга қаратилди («Кеча ва кундуз», Чўлпон; «Меҳр кўп кўргаздим», М.Ҳазратқулов; «Минг бир кеча», М.Турсунов; «Ҳасан кайфий», Ф.Фулум; «Осмондан танга ёққан кун», Ж.Маҳмуд; «Эскижўва гаврошлари», Ш.Бошбеков). Кейинги йиллар ижтимоий, ахлоқий масалаларни ёритувчи спектакллар театр репертуаридан ўрин олди: «Оқ кема» (Ч.Айтматов), «Ўз уйингдасан» (М.Бобоев), «Қоринботир», «От йиғлаган томонда» (Тоғай Мурод, Республика фестивалида Гран-при мукофоти, 1995), «Алпомиш» (Н.Тўлахўжаев), «Адвокатлик осонми» (А.Авлоний) ва б.

ЁШЛАР ИЖОД САРОЙИ (Истиклол кўч., 2) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси б-н Тошкент ш. марказида қад кўтарган ёшлар санъати кошонаси. «Ёшлар йили»да – 2008 й.нинг авг. ойида ишга тушди. Сарой биноси ва ундаги кўргазма жиҳозлари дунёдаги замонавий ушбу турдаги биноларнинг техник ва эстетик талабларига жавоб беради.



Ё.и.с. санъат соҳасининг барча турларида – тасвирий ва амалий санъат, кино, театр, мусиқа санъати, меъморчилик, дизайн, адабиёт ва б.да ижод қилаётган ёшлар ижодини ривожлантириш ва рағбатлантириш мақсадида қурилган. Сарой Марказий Осиёда ўзига хос ягона, беқиёс маданий марказ бўлиб, ёш авлоднинг ижодий изланишларини фаоллаштирувчи ва йўналтирувчи кошонадир.

Сарой биноси 2 қаватли. 1-ва 2-қаватларда кўргазма заллари бор. 714 ўринли томоша зали 1-қаватда жойлашган. Ертўласида кичик хоналар – актёрларнинг пардозхонаси, рассом устахонаси, фотолаборатория, режиссёр, овоз ёзиш студияси ўрин олган. Бундан ташқари саройда ҳайкалтарошлар, кулоллар, бадий ижоднинг бошқа соҳаларида ижод қилувчи ёшлар ҳам фаолият кўрсатади. Бу ерда ёзувчи ва шоирлар ҳам ўз асарларини мухлислар эътиборига ҳавола этишлари мумкин. Бастакорлар, чолғучилар, дирижёрлар, хормейстерлар учун ҳам махсус хоналар бор.

Саройда бўлиб ўтаётган маданий тадбирлар, биринчи навбатда, ёшлар ва ўсиб келаётган

кичик авлодни миллий санъатимизнинг ноёб анъаналари, шунингдек, замонавий жаҳон санъатининг турли йўналишлари б-н таништиришга қаратилган. Жумладан 2008 й. 12–15 окт.да Ё.и.с.да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси

ва Тошкент либослар уйи бирга-ликда «Стайл. Уз–2008» («Style. Uz–2008») деб номланган Ўзбекистон ва хорижлик дизайнерларнинг ижодий кўргазмасини ва фотосуратлар танловини ташкил этди.

«ЁШЛИК» ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ЖАМИЯТИ – Ўзбекистон Республикасидаги умумий таълим мактаблари ва б. ўқув муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида тузилган (2000 й. 7 апр.). Мактаб ўқувчилари ўртасида спорт ишларини кенг йўлга қўйиш ва спортни оммалаштиришга хизмат қилади. «Ё.» ж.т. ва с.ж. ҳар ўқув йилида «Умид ниҳоллари» ўйинларини ўтказилади. Бу ўйинлар кузги таътилда мактаб ва туман, қишки таътилда вилоят, баҳорги таътилда мамлакат миқёсида бўлиб ўтади. Ўйинлар ёшларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтириш, курашда чиниқтириш, жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш фазилатларини тарбиялаш ва спортни ёшларнинг ҳаётий эҳтиёжига айлантиришга хизмат қилади. Жамият сафида 5359695 аъзо бўлиб, улар ичи-



Ёшлар ижод саройи.

да 126026 та II, III разрядли, 5036 та I разрядли спортчи, 1956 та спорт усталигига номзод, 244 спорт устаси ва 40 та халқаро тоифадаги спорт устаси бор (2007). 6026 та спорт зали, 6745 та баскетбол, 9372 та волейбол майдончаси, 81 та сузиш ҳавзаси, 30845 спорт майдончаси, 163 та стадион, 4999 та қўл тўпи майд., 5990 та футбол майд., 3118 та мини-футбол майд. ва 243 теннис корти жамият ихтиёридадир.

«ЁШЛИК» МАДАНИЙ-СПОРТ МАЖМУАСИ (Ўзбекистон кўч., 38^а-уй) – «Пахтакор» спорт машғулотлари ўқув м-зи ОАЖ таркибида. 1966 й. қурилган (лойиҳа бош муҳандиси М.А.Шенкер). Бино фасади 1977 й. реконструкция қилинган (меъморлар Г.С.Григорянц, А.А.Анисимов, Ю.Б.Мергольд, муҳандис Л.П.Бойко). 2008 й.да капитал таъмирланган. Аренанинг умумий майд. – 3900 м² (500 ўринли). Таркибида гимнастика супаси (36x18 м), баскетбол, мини-футбол, волейбол, акробатика майд.лари бор (2008). Концерт, дискотека, кўргазма ва ярмаркалар ҳам ўтказилади.

«ЁШЛИК» МАҲАЛЛАСИ (3-Тансиқбоев кўч., 21-уй, 83-хона) –

Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Мустақиллик», «Олимпия», Аҳмад Ясавий, «Бешқўрғон», «Шухрат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1981 й.дан рассом Ў.Тансиқбоев номи б-н аталган. 1997 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3700 киши, кўп миллатли (2008). Ма-

ҳалла худудида Қорахожаота ва Бешқўрғон қабристонлари бор. **«ЁШЛИК» СПОРТ МАЖМУАСИ** (Оққўрғон кўч., 16) – 1964 й. бунёд этилган. Дастлаб В.П.Чкалов номидаги авиация и.ч. бирлашмаси, сўнг кўнгилли спорт жамиятига қараган. 1999 й.дан Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Ўзбекистон банклараро ассоциацияси тасарруфида. Мажмуада кенг қамровли қайта қуриш ишлари олиб борилди. «Осиё» спорт мажмуаси номи б-н ишга туширилди. 2007 й. 28 майдан спорт мажмуасига «Ёшлик» номи берилди. Таркибида футбол, қўл тўпи, баскетбол, мини-футбол майдончалари, теннис кортлари, бассейнлар ва б. спорт турларига мослашган очиқ майдончалари ва ёпиқ заллари мавжуд. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига мажмуадан кенг фойдаланиш имкони яратилган. Ўтган давр мобайнида мактаб, коллеж ва лицей битирувчиларининг «Истиқлол умидлари» тадбирлари, 2007 й. ёз ойида Т.да бўлиб ўтган олий ўқув юрти талабаларининг «Универсиада» спорт мусобақаларининг очилиш ва ёпилиш маросимлари ва ёшларга мўлжалланган бошқа спорт ва байрам тадбирлари ўтказилди.

«ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАХАРЧАСИ (Талабалар кўч., 54) – Собир Раҳимов тумани таркибидаги мустақил маъмурий ҳудуд. Ҳукумат қарори б-н 1992 й. 11 фев. да ташкил этилган. Шаҳарчада 9 маҳалла (Беруний, «Беруний майдони», Зиё, Мирзо Фолиб, Нақшбанд, Чимбой, Чигатой Оқтепа, «Шифокор», Ҳислат) бор. 13 катта кўча бўлиб, асосийлари: Қамарнисо, Чимбой, Талабалар кўч. ва б. Маҳаллаларда 87 та кўп қаватли ва 1700 та якка тартибдаги турар жойлар, 38 та талабалар турар жойи бор. Шаҳарчада 24 таълим муассасаси жойлашган. Улардан 5 таси олий (Ўзбекистон миллий ун-ти, Техника ун-ти, Тиббиёт академияси ҳамда Тошкент юридик ва молия ин-тлари ўқув биноларининг бир қисми), 9 малака ошириш ва и.т. ин-тлари ҳамда марказлари (жумладан, Авлоний номидаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказий ин-ти, ЎзМУ қошидаги Олий педагогика ин-ти, Дерматология ва венерология и.т. институти, Тупроқшунослик ин-ти ва ҳ.к.), 5 касбхунар коллежи (маданият, хизмат кўрсатиш ва сервис, тиббиёт, банк, политехника коллежлари), 5 лицей (Глизер номидаги Республика мусиқа академик лицейи ва юқорида санаб ўтилган олий ўқув юртлари қошидаги академик лицейлар), 5 мактаб, 8 мактабгача таълим муассасаси. Шаҳарча ҳудудида Тиббиёт академияси қошидаги 1- ва 2-сонли Республика шифохоналари, Республика урология маркази, Республика кўз касалликлари шифохонаси, 2 дам олиш ва даволаш профилактика маркази, поликлиникалар ва б. тиббиёт муассасалари мавжуд. 4 йирик спорт комплекси, 2 ёпиқ сузиш ҳавзаси, 2

гимнастика зали, стадионлар, 2 бозор, дўконлар аҳолига хизмат кўрсатади.

ЁҚУБОВ Муҳаммаджон (1865–1938) – бинокор уста. Т.да, Ўқчи маҳалласида туғилган. Т.даги Муслмон бинокор ишчилар касба союзининг аъзоси (1917). Ё. 50 й. давомида Т.нинг, айниқса янги шаҳарнинг қурилишларида тажрибали бинокор уста сифатида иштирок этган. Жумладан Туркистон Давлат палатаси (1887), Реал билим юрти (1898), ҳоз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), кадетлар корпуси (1901, ҳоз. Тошкент тиббиёт академияси биноси), Тошкент темир йўл вокзали дастлабки биноси (1899–1905), 2-хотин-қизлар гимназияси (1912, ҳоз. Тошкент халқаро Вестминстер ун-ти), Тошкент электролампа з-ди маъмурий биноси ва б.ни қуришда қатнашган. Эски Бўрижар қабристонида дафн этилган.

ЁҚУБОВ Одил (1926.20.10) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1985). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1951 й.дан Т.да. ТошДУ филология ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1955–59), «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги махсус мухбири (1959–63;

1967–70), «Ўзбекфильм» киностудияси ва Ўзбекистон давлат кинематография кўмитасида бош муҳаррир (1963–67), Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари (1970–82), «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. бош муҳаррири (1982–87), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби (1987–91), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамашунослик кўмитаси раиси (1991–2004).

«Дастлабки қадам» (1953), «Икки муҳаббат» (1955) ҳикоялар тўплами, «Тилла узук» (1961) қисса ва ҳикоялар тўплами, «Муқаддас» қиссаси (1960) нашр этилган. «Эр бошига иш тушса...» романи (1966) 2-жаҳон уруши даврида фронт орқасидаги ҳаёт, меҳнат қаҳрамонликлари, халқимизнинг ватанпарварлиги ва мардлиги ҳақида. «Улуғбек хазинаси» романи (1973) олим ва ҳукмдор Улуғбек давридаги ижтимоий муносабатлар, олис ўтмишимиздаги кураш ҳақидаги асардир. «Кўҳна дунё» (1982) романида жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган олимлар – Ибн Сино ва Берунийнинг фожияли тақдир қаламга олинган. «Диёнат» (1977), «Оқ қушлар, оппоқ қуш-

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси. Маънавият ва маърифат маркази.



лар» (1988), «Адолат манзили» (1998) романларида ўзбек халқининг 20-а.нинг 60–70 й.ларидаги ҳаёти ва кураши манзарали, ҳаққоний тасвирланган. Бу асарларнинг асосий қаҳрамонлари нобоп тузумда яшаб, кўп ноҳақликларни бошдан кечирган, мустаҳкам иродали, мард ва олийжаноб инсонлардир. Ё. мазкур романлари б-н ўзбек насридаги ижтимоий рух, кескин конфликт, характерлар, психологизмни сезиларли даражада кучайтирди, уни янги характерлар, янги бадиий хулосалар б-н бойитди.

Ё. «Чин муҳаббат» (1955), «Айтсам тилим куяди, айтмасам – дилим», «Юрак ёнмоғи керак» (1958), «Олма гуллаганда» (1961), «Музаффар Темур» (1996), «Бир кошоно сирлари» (2000) каби пьесалар, «Дилбарим», «Баҳор ёмғирлари» киносценарийлари (1971) муаллифи. Ё. моҳир таржимон, мунаққид, публицист. Унинг Абдулла Қодирӣ, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Абдулла Орипов ва б. ижодига бағишланган адабий портрет ва мақолалари бор. Асарлари чет тилларга, шунингдек, қардош туркий тилларга таржима қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977), «Дўстлик» (1994), «Эл-юрт хурмати» (1998) орденлари б-н мукофотланган. **ЁҚУБОВ** Фуломиддин (Фуломжон) (1950.1.3) – хонанда, Ўзбекистон (1987) ва Қорақалпоғистон (1991) халқ артисти. Т.да туғилган. Тошкент театр ва расомлик санъати ин-тини тугатган (1973). Жиззах мусиқали драма театрида (1973–74), Ўзбек давлат филармонияси (1967–68 ва 1974–2004), Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекциясида яккахон хонанда. Ижрочилик услуги эмоционал кўтаринки

руҳи б-н ажралиб туради. Созанда ва бастакор А.Исмоилов б-н ҳамкорликда яратган кўшиқлари оммавийлашган («Зилола», «Сен ўзинг», «Қарайсан», «Ошиқнома» ва б.). Репертуаридан турли халқлар (озарбайжон, эрон, турк, ҳинд, уйғур ва б.) кўшиқлари, шунингдек, «Сегоҳ», «Дугоҳ», «Гулузорим», «Феруз I-II» каби ўзбек мумтоз ашулалари ўрин олган. 1990-й.лардан композитор А.Расулов б-н ҳамкорликда замонавий эстрада кўшиқчилиги услубида ижод этмоқда («Дилором», «Бегойим», «Қомат», «Кетолмайсан», «Элим деб», «Хуш келдинг, муборак сарварим Наврўз» ва б.). Баъзи кўшиқлар куйларини Ё. ўзи яратган: «Муҳаббат», «Унутилмасин», «Мажнунтол», «Ўйласам», «Сенинг кулишларинг», «Парвардигор асрасин», «Бир қарасам» ва б. «Дўстлик» (1996), «Эл-юрт хурмати» (1999), «Фидокорона хизматлари учун» (2008) орденлари б-н мукофотланган.

ЁҚУБОВА Марям (1909.19.10–1987.2.2) – Ўзбекистон халқ артисти (1955). 1929 й.дан Т.да. Москва кино мактабини тугатган (1928). 1929–32 й.ларда Ҳамза театри қошидаги ишчи-сайёр театрида, 1935–38 й.ларда Ўзбек давлат мусиқали драма театрида, 1939–41 й.ларда Муқимий театрида, 1941–66 й.ларда Ҳамза театрида актриса. Ё. драматик ролларнинг моҳир ижрочиси, ҳажвий ва салбий роллар устаси сифатида танилган. Энг яхши роллари: Рузвон («Гулсара»), Жаҳон хола, Зебо («Аршин мол олон»), Султонбегим («Жалолиддин»), Хонзода («Бой ила хизматчи»), Гертруда («Ҳамлет»), Матура сатанг («Холисхон»), Войницкая («Ваня тоға») ва б. Ё. кинода ҳам сермахсул ижод қилиб, ўзбек миллий киноси равнақига

ўз хиссасини қўшди. Хонзода («Бой ила хизматчи»), судья («Опа-сингил Раҳмоновалар»), Ойпошша («Маҳаллада дув-дув гап»), Ўзбекойим («Ўтган кунлар») кабилар шулар жумласидан. Бухоро яҳудийлари қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири унинг номи б-н юритилади.

ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ, Тошкент ёғ-мой комбинати (Жарқўрғон кўч., 47) – ўсимлик ёғлари, маргарин, майонез ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ОАЖ қўшма корхонаси. 1966 й. ишга туширилган (гидромаргарин ишлаб чиқарадиган 1-навбати 1966 й., пахта ёғи ишлаб чиқарадиган 2-навбати 1971 й. фойдаланишга топширилган). 1993 й. корхона хусусийлаштирилиб, «Тошмаргёғ» ОАЖ га айлантирилган, ком-т бозор иқтисодиётига дадил кира бошлади. 2003 й. окт.дан «Тошкент ёғ-мой комбинати» ОАЖ қўшма корхонаси ташкил қилинди. Уни модернизациялаш йўлида акцияларининг 62,45 % Лихтенштейн инвестиция компаниясига сотилди. Техникавий негизнинг ривожлантирилиши, технологик жараёнларнинг мунтазам такомиллаштирилиши ва истеъмол талаблари ўрганилишига катта эътибор қаратилди. 2005–06 й.ларда ана шу мақсадлар учун 1 млн. АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланди. Ком-т ҳар куни «Менинг орзум» («Моя мечта») савдо белгиси б-н 50 минг т га яқин маҳсулот тайёрлайди (2008). Бу маҳсулотларга Ўзбекистонда ҳам, хорижда ҳам талаб катта. Корхона, шунингдек, саноат-техника аҳамиятига эга озиқ-овқат саломаси ишлаб чиқаради (йилига камида 25 млрд. сўмлик ҳажмда). Ком-тда мингга яқин мутахассис меҳнат қилади.

ЖАББОРОВ Илҳом (1945.30.6) – ҳайкалтарош, Ўзбекистон БАНинг акад. (1997), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Т. вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Республика рассомлик билим юрти (1965) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини (1971) тугатган. 1995 й.дан Республика рассомлик коллежида ўқитувчи. 1997 й.дан Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида ҳайкалтарошлик устахонаси раҳбари, проф. Ж. асарларида анъанавий реалистик ҳайкалтарошлик услубига хос хусусиятлар миллий мавзу ва таъсирчан образларни ифодалашда ўз аксини топган. Дастгоҳли ва маҳобатли асарлари (портрет, тарихий шахслар қиёфаси акс эттирилган) умумлашма ва рамзийлик йўлида яратилган: «Хаёл» (ёғоч, 1974), «Машраб» (ёғоч, 1974), «Оқшом» (ёғоч, шамот, 1980), «Дам олиш» (шамот, 1982), «Фалакнинг гардиши» (шамот, 1983), «1941–45 йиллар» триптихи (шамот, 1985) ва б. Ўзбекистоннинг вилоятларида ва хорижий мамлакатларда ўрнатилган буюк мутафакирлар ҳайкалларининг аксарияти Ж. асарларидир. Хусусан, Т.да Амир Темури хибонидаги Амир Темури (1993; К.Жабборов б-н бирга), Шевченко кўчадаги Тарас Шевченко (1999), Низомий майдонидаги Низомий (2004), Мустақиллик ва эзгулик

монументи олдидаги «Бахтиёр она» (2005), Абдулла Қаҳҳор (2007) ҳайкаллари Ж.нинг маҳобатли асарларидан. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).

ЖАБҒУКАТ – *Бинкатдан* тахм. 12–14 км шим.-шарқдаги қад. шаҳар. Ж. номи муаллифи номаълум «Худуд ул-олам» (10-а.) асарида қайд этилган: «Жабғукат гўзал шаҳар. Чочнинг ҳарбий лашкароғи шу ерда бўлган». Ж.нинг турк хоқони Тунябғунинг қишки қароргоҳи бўлганлиги тахмин этилади. Бошқа бир гуруҳ олимлар фикрича, Ж. бирмунча вақт Фарбий Турк хоқонларининг доимий қароргоҳи бўлган, бунга Чоч воҳасининг ушбу худудидан уларнинг кўплаб тангалари топиллиши гувоҳлик беради.

ЖАДИДЧИЛИК – қ. *Тошкентдаги жадидчилик*.

ЖАЛИЛОВ Обид (1896.10.11–1963.27.9) – Ўзбекистон халқ артисти (1939). Т.да туғилган. 1919 й.дан Ўзбек драма труппаси (1929 й.дан Ҳамза т-ри)да етакчи актёр. Ж. қаҳрамонлари кучли, ўз ҳиссиётларини бошқара оладиган кишилар образи бўлиб, актёр уларнинг ички оламини аниқ ва ифодалади талқин этган. Айниқса, у салбий образлар устаси сифатида шуҳрат қозонган. Роллари: т-рда – Бемор («Туркистон табиби»), Подколёсин («Уйланиш»), Толипов

(«Ниқоб йиртилди»), Арслон, Пўлатов («Тор-мор», «Номус ва муҳаббат»), Комилов («Навбахор»), Мавлон («Шоҳи сўзана»), Солиҳбой («Бой ила хизматчи»), Мажидиддин («Алишер Навоий»), Клавдий («Ҳамлет»), Дикой («Момақалдироқ») ва б.; кинода – Вазир («Тоҳир ва Зухра»), Мажидиддин («Алишер Навоий»), Солиҳбой («Бой ила хизматчи»), Қодир («Гуллар очилганда»), Маҳкам ота («Сен етим эмассан») ва б. Ж. яратган образлар ўзбек театри ва киноси зарварақларидан ўрин олган. Давлат мукофоти лауреати (1949). Чигатой қабристонига дафн қилинган. Т. кўчаларидан бири Ж. номи б-н аталган.

ЖАЛИЛОВ Тўхтасин (1895–1966.10.5) – бастакор, атоқли созанда (ғижокакчи), ўзбек мусиқали драма жанри асосчиларидан. Ўзбекистон халқ артисти (1937). 1932 й.дан Т.да. Т.даги Ўзбек давлат мусиқали т-ри (1934–36), Ўзбек давлат филармониясининг ашула ва рақс ансамбли (1937–40) бадий раҳбари, Муқимий т-рида бадий (1940–52), мусиқа раҳбари (1952–66). Жами 40 дан ортиқ сахна асарига мусиқа мослаштирган. «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулла либреттоси, 1940), «Нурхон», К.Яшин, 1942) каби асарлари мусиқали драма жанрининг юксак намуналарига айланган. А.С.Пушкиннинг «Руслан ва

Людмила» достонидаги «Бағишлов» матнига Ж. яратган романс бастакорлик ижодиётидаги камёб асардир. «Алпомиш» (С.Абдулла; Б.Надеждин б-н, 1949), «Муқимий», «Равшан ва Зулхумор» (С.Абдулла; Г.Мушель б-н, 1949, 1957), «Фарғона ҳикояси» (Ҳ.Фулом, 1962) каби мусиқали драмалар, «Тоҳир ва Зухра» операси (1949, 1955, Б.Бровцин б-н ҳамкорликда) мусиқалари, кўплаб кўшиқлар муаллифи. Халқ рақслари жаҳон фестивали қатнашчиси (1935, Лондон). Т.даги Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек халқ чолғулари асбоблари оркестрига ва Юнусобод туманидаги кўчалардан бирига Тўхтасин Жалилов номи берилган (1967). Чигатой қабристонига дафн этилган.

ЖАЛОЛОВ Баҳодир Фазлиддинович (1948.27.5) – рангасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (1992), Ўзбекистон (1997) ва Қирғизистон (1998) БА акад. Т.да туғилган. И.Репин номидаги рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тини тугатган (1974). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи (1974–80); 1997 й.дан Миллий рассомлик ва дизайн ин-тида маҳобатли рангасвир устахонаси раҳбари, проф. (2000). Ўзбекистон рассомлари уюшмаси бошқаруви раиси (1987–92). Ижодини портретлар яратиш б-н бошлаган («Меъмор», 1972; «Масхарабоз Ақром Юсупов», «Соня ва мангулик. Ўрол Тансиқбоев хотирасига», 1977; «Порлоқ эрта. Рассом Ш.Абдурашидов хотираси», 1980; «Тиклаш. Халқ устаси Муҳиддин Раҳимов», 1980). 70-й.ларнинг охири – 80-й.ларнинг бошларидан маҳобатли рассомлик соҳасида самарали ижод қилган. Т.даги Киночилар уйига (1982),



Баҳодир Жалолов. «Олтин аср» (1999).

«Туркистон» саройига («Умар Хайём тушлари», 1993) ва б.га ишланган деворий расмлар, манзаралар («Исфарада баҳор», «Тоғ қишлоғи. Сўқмоқ», «Эски Гурзуф кўчаси» ва б.), китобларга яратилган иллюстрациялар (Алишер Навоий ва б. асарлари), дастгоҳ картиналари («Афғонистон – 83» ва б.) Ж.ни ўзига хос услуб яратган рассом сифатида танитди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1991). **ЖАМИЛОВА** Гулчеҳра (1946.2.7) – Ўзбекистон халқ артисти (1992). Т.да туғилган. Ўзбекистон хореография билим юрти-

ни (1964), Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини (1968) тугатган. Ижодий фаолиятини «Баҳор» давлат халқ рақс ансамблида раққосликдан бошлаган. Ўзбек миллий академик драма театрининг актрисаси (1966–2004; 1987–91 й.лар Ўзбек драма театрида ишлаган). Театрдаги энг яхши роллари: Феруза («Мирзо Улуғбек»), Гулсанам («Абу Райҳон Беруний»), Озода («Имон»), Шакунтала («Йўқолган узук»), Гулчеҳра («Кўрмайн босдим тиконни»), Камола («Ганг дарёсининг қизи»), Жамила («Бой ила хизматчи»), Зебуннисо («Зебуннисо»), Дездемона («Отелло»), Ойсара («Алла»), Нодирабегим («Фигон»), Бибихоним («Соҳибқирон») ва б. Актриса кинода ҳам бир қанча роллар ижро этган: Гулчеҳра («Қалбингда кўёш»), Гири («Нур ва соялар»), Манзура («Шиддат»), Гулнора («Эҳтирос қурбонлари»), Малькане («Севги афсонаси»), Офтобойим («Ўтган кунлар») қабилар шулар жумласидан. Шунингдек, видеофильмлар (Азиза, «Имон»; Хадича, «Сўнги ўқ»; Манзура, «Шайтанат»; Хадича бегим, «Алишер Навоий»; Бону, «Улуғбек хазинаси»), телефильмлар (Зулайхо, «Тўлқинлар»; Фариди, «Кунда изғирин» ва б.)да ҳам ўзига ҳам образлар яратган.

ЖАМШИД ШОШИЙ, тўлиқ исми Аҳмад ибн Маҳмуд ибн Аҳмад (14-а.) – олим ва хаттот. Шошда туғилган. Машхур олим Муҳаммад Тафтазонийдан таҳсил олган. Унинг «Талмиҳ фи кашф ал-асрор ат-тавзиҳ» китобига хошия ёзган. Шунингдек, Замахшарийнинг «Кашшоф ан ҳақойиқ ат-танзил» асарини насх хати б-н кўчирган (1358). Бу асарлар Ўзбекистон ФА Шарқ-

шунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

ЖАМШИД ШОШИЙ КЎЧАСИ

– Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний маҳалласида жойлашган. Уз. 1 км. Шоҳжаҳон ва Ботир Бобоев кўчалари ораллигида. 1940 й.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1990 й. 28 июнда Хлопковая кўчаси ўрнига тошкентлик олим ва хаттот *Жамшид Шоший* номи берилган.

Абдулла Авлоний, Ракат ва Белариқ кўчаларини кесиб ўтади. Таркибида 2 тор кўча бор. Кўча йўналишида, асосан, шахсий турар жой бинолари жойлашган.

ЖАНГГОҲ, **Ж а н г о б** – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Эскижўва, Фишмасжид, Хадра, Чуқурқишлоқ маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Ж.да 60 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси 400 га яқин киши; асосан ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, баққолчилик б-н шуғулланган. Масжид, чойхона, дўкон бўлган (20-а. бошлари).

«Жанггоҳ» маҳалласи (Абдулла Қодирий кўч., 10^а-уй) – Шайхонтоҳур туманида қад. Жанггоҳ худудининг бир қисмида жойлашган. «Шайхонтоҳур», «Хадра», Коҳота маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й.

янгидан ташкил этилган. Аҳолиси 8400 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2008). Маҳалла худудида болалар боғчаси, дўкон, тўйхона мавжуд. Ёзувчи Асқад Мухтор, шоир Зоҳиджон Обидов, адабиётшунос олим Лазиз Қажумов шу маҳаллада яшашган.

ЖАНГГОҲ ДАҲАСИ – Шайхонтоҳур туманининг марказий қисмида, Абдулла Қодирий, Фафур Гулом, Зулфияхоним ва Абай кўч. ораллигида жойлашган.

Даҳа 1966 йилги Т. зилзilasидан сўнг бузилган эски уйлар ва тор кўчалар ўрнида Тошкент шаҳрини реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳалари асосида қурилган. Даҳа худудида 11 та 9 қаватли, 15 та 5 қаватли, 13 та 4 қаватли, 1 та 3 қаватли, 3 та 2 қаватли, 1 та 12 қаватли турар жой бинолари, болалар боғчаси, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари бор.

«ЖАР» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУИ (Беруний кўч., 3) – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфида. 1997 й.да қурилган (меъморлар С.Ф.Хўжаев, Л.А. Мухамедшин; муҳандислар Т.К.Матёқубова, С.Е.Цой, А.И.Надиршин). 1998 й.дан ишга тушган. Тошкент ш. Шайхонтоҳур тумани «Чорсу»

майд. яқинидаги жарликда бунёд этилган. Халқаро стандартларга тўғри келадиган замонавий меъморлик иншооти. Умумий майд. 152 минг 51 м². Боғ зонаси 4 гектарни ташкил қиладди. Таркибида 9700 ўринли футбол стадиони, 2556 ўринли енгил атлетика стадиони, 1050 ўринли ёзги теннис корти, 984 ўринли сув ҳавзаси, 1 та 972 ўринли, 1 та 356 ўринли теннис заллари, 778 ўринли бокс томоша қилиш зали, мини-футбол майд. бор.

Мажмуанинг асосий биносида уз. 50 м ли очиқ сув ҳавзаси, 2 та ёпиқ сув ҳавзаси, 2 та теннис зали, бокс томоша қилиш зали, бокс, каратэ, кураш, рақс, шейпинг, тренажёр заллари мавжуд. Спорт мажмуасида спортнинг 15 тури (теннис, бадий гимнастика, бокс, кикбоксинг, умумий жисмоний тарбия тайёргарлиги, шейпинг, таэквандонинг ИТФ ва Жун Ри турлари, дзюдо, самбо, жанговар самбо, миллий кураш, сузиш, каратэ, миллий ва араб рақслари) бўйича машғулотлар олиб борилади. Шунингдек, мажмуада каратэ, самбо, миллий кураш, таэквандо, у-шу, айкидо, футбол, бокс, кикбоксинг, қўл жанги, эркин кураш бўйича шахар, респ. ва халқаро даражадаги турли спорт мусобақалари ўтказилади. Мажмуанинг спорт секцияларида ҳар ойда 5 минга яқин киши шуғулланади. Мажмуа худудида тиббиёт-диагностика м-зи, поликлиника, ресторан, автомобиллар тўхташ жойи бор.

Мажмуада миллий кураш (1999), аёллар самбоси юлдузлари ўртасида (2001), самбо (2004), ногирон ампутантлар ўртасида футбол (2003), самбо кураши юлдузлари ўртасида (2005), жанговар самбо (2006) бўйича жаҳон чемпионатлари,



«Жанггоҳ» маҳалласига Абай кўчаси томондан кириш йўли.

шарқ якка кураши халқаро фестивали (2000), мини-футбол бўйича Ўзбекистон Республикасидаги дипломатик корпус вакиллари ўртасида халқаро турнир (2000–2004, 2007, 2008), бокс бўйича хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат Рискиев соврини

учун халқаро турнир (2000–2004), эркаклар ўртасида самбо (2001, 2006–2008), кикбоксинг (2003) бўйича очиқ Осиё чемпионатлари, «Евросиё» супер кубок мусобақаси (2001), футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги олий лига командалари ўртасидаги ўйинлар (2001), Осиё кубоги учун футбол бўйича ёшлар ва ўсмирлар ўртасида саралаш ўйинлари (2002, 2003), аёллар самбоси фестивали (2001, 2003), каратэ бўйича Марказий Осиё биринчилиги (2004–2007), профессионал боксчилар ўртасидаги жанглар (2007), спорт рақслари бўйича халқаро турнир (2008), ёшлар ва ўсмирлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионати (2008) ва б. мусобақалар ўтказилган. Мажмуа яқинида «Чорсу» метро бекати бор.

ЖАРАРИҚ ДАҲАСИ – Шайхонтохур туманида, шаҳарнинг шим.-ғарбий қисмида, Кўксарой, Алп Жамол, Жарариқ, Белтепа кўчалари оралиғида жойлашган. Даҳа 1939–42 й.ларда Т. вилояти «Ўзбекистон» жамоа хўжали-



«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи.

ги ҳудудида ташкил этилган. 1988–93 й.ларда жамоа хўжалиги ерлари шаҳар тасарруфига ўтказилди ва эски якка тартибдаги уй-жойлар ўрнига Т. шаҳрини реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳалари асосида замонавий кўп қаватли турар жойлар қурила бошлади. Даҳада 30 та 9 қаватли, 27 та 4 қаватли турар жойлар, якка тартибдаги уй-жойлар, 2 та мактаб, боғча, савдо, маданият ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари мавжуд. **«ЖАРАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ** (Тинчлик кўч., 91) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Илғор», «Тинчлик», «Обиназир», «Кўкча» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла қад. бўлиб, қарийб 200 й. аввал ташкил топган. Маҳалла номи унинг ҳудудидан оқиб ўтадиган Жарариқ анҳори номидан олинган. Аҳолиси 6150 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек 50 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўкони, 2 новвойхона, 5 хусусий кичик корхона мавжуд.

«ЖАРБУЛОҚ» МАҲАЛЛАСИ (Оқшом кўч., 29^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Истироҳат», «Шарқ гули», «Ўткир» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 22 июндан ҳоз. номида. Аҳолиси 1100 киши, асосан, ўзбеклар, озмиқдорда татар, тожик, руслар яшайди

(2009). Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, хўжалик моллари дўкони мавжуд.

ЖАРҚЎРҒОН КЎЧАСИ – Ҳамза тумани ҳудудидаги «Жарқўрғон», «Янги давр» маҳалласида жойлашган. Фарғона йўли ва Иззат кўчалари оралиғида. Уз. 3 км. 1930-й.ларнинг 2-ярмидан бошлаб жой ўзлаштирила бошланган. Ўтроқ аҳоли кўчиб келиши муносабати б-н 1940-й.лар атрофида ташкил топган. Сурхондарё вилоятидаги жой номидан олинган. Таркибида 1 та берк кўч. бор. Кўча йўналишида Тошкент ёғ-мой ком-ти, оилавий поликлиника, «Янги давр» маҳалла гузари, нуронийлар профилакторийси, шахсий турар жой ва маъмурий бинолар, кинотеатр, мактаб, боғча, савдо мажмуалари, саноат корхоналари ва уларнинг базалари, автобус бекатлари, умумий овқатланиш масканлари ва турли сервис хизматлари жойлашган. Яқинида стадион, касб-хунар коллежи, акад. лицей, бозор ва алоқа бўлими бор.

«ЖАРҚҶРҒОН» МАХАЛЛАСИ (Жарқўрғон кўч., 25) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Янги давр», «Бешбола» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ҳудудидан ўтган кўча номи берилган (1994). Аҳолиси 2020 киши, миллий таркиби турли-туман (2008). Маҳалла ҳудудида ёғ-мой к-ти, «Темирчи» акциядорлик бирлашмаси, «Лола» парфюмерия (атир-упа) ва «Шафақ текстиль» тикувчилик корхоналари мавжуд.

ЖАЪФАР ШОШИЙ, тўлиқ исми Абу Муҳаммад Жаъфар ибн Шуайб Шоший (?–907) – муҳаддис. Шошда туғилган. 900 й.да Нишопурда бир қанча таниқли муҳаддислардан илм ўрганган. Бағдодга ҳожи сифатида бориб, ҳадислар ривоят қилган, кўп уламолар ундан ҳадис эшитишган ҳамда ривоят қилишган.

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» – адабий-бадий, ижтимоий-публицистик журнал. Муассислари: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши. Тошкент ш.да ойда бир марта нашр этилади. «Ж.а.» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 27 фев.даги қарорига асосан ташкил этилган. Унда жаҳон адабиётидаги истиқлол мафкура-сига мос ватанпарварлик, инсонпарварлик каби юксак гояларни улуғловчи, турли миллатларнинг серқирра ҳаётини теран образларда акс эттирувчи бадий баркамол асарлар ўзбек тилида чоп қилинади. Журн.нинг бош муҳаррирлари: Озод Шарафиддинов (1997–2005), Мирпўлат Мирзо (2006 й.дан). Адади 2000 нусха (2009).

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ (Мустақиллик кўч., 54) – хал-

қаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ва йирик илмий м-з. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қарайди. 1992 й. 23 сент. ташкил этилган. Таркибида халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ, халқаро муносабатлар ф-тлари, 18 кафедра, Тил маркази (жаҳон тиллари, француз тили, немис тили, ўзбек тили кафедралари б-н), компьютер; тестлар; Бошқарув ин-ти; Ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш маркази; дипломатик курслар; академик лицей фаолият кўрсатади. Халқаро муносабатлар, халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ соҳалари бўйича бакалаврлар ва халқаро муносабатлар, халқаро савдо, халқаро иқтисодий муносабатлар, жаҳон иқтисодиёти ва геосиёсат, ташқи иқтисодий ва инвестицион фаолият, халқаро ҳуқуқ ва б. йўналишлар бўйича магистрлар ҳамда халқаро сиёсат, иқтисод ва халқаро ҳуқуқ соҳаларида мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда 2006/2007 ўқув йилида 1300 талаба ўқиди, 200 дан ортиқ проф.-ўқитувчилар, шу жумладан, 1 акад., 20 дан ортиқ фандри, 80 дан ортиқ фан номзоди ишлади. Ташкил этилгандан бери 3000 дан ортиқ бакалавр ва 400 га яқин магистр тайёрлади (2008). Ун-тнинг кўпгина талабалари АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония ун-тларида бакалавриатура, магистратура босқичларида таълим олмоқда. Ун-тда ўқув ишларига хорижий мамлакатлардан проф.лар, Ўзбекистонда фаолият юритаётган дипломатик корпус мутахассислари, элчилар таклиф қилинади, замонавий

компьютер технологиясидан кенг фойдаланилади. Ун-тда БМТ, ЮНЕСКО, ТАСИСнинг Тошкентдаги ваколатхоналари ходимлари, хорижий давлат арбоблари, дипломатлари, Ўзбекистондаги чет мамлакатлар элчихоналари вакиллари б-н учрашувлар ўтказилади.

Д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ишлайди. Аспирантура, докторантура, икки бўлимли (анъанавий ва электрон) илмий кутубхона (300 минг асар), 2 музей, сув спорти ва соғломлаштириш мажмуи, нашриёт бўлими бор. Ўқув қўлланмалари, дастурлар, илмий ва услубий қўлланмалар чоп этади. Ун-тда «Халқаро муносабатлар» журн. чиқади.

ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Кичик ҳалқа йўли кўч., Г-9^а мавзеси, 21^а-уй) – филолог-ўқитувчилар, лингвист, таржимон ва журналист кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1992 й. 15 июнда Т. чет тиллар пед. ин-ти (1948) ва Республика рус тили ва ад. пед. ин-ти (1963) негизида Т.да ташкил этилган. Ун-тда 8 ф-т (1-инглиз филологияси, 2-инглиз филологияси, немис филологияси, француз филологияси, испан филологияси, рус филологияси, таржимонлик, халқаро журналистика), 46 каф., Респ. тил ўқитиш м-зи, 3 акад. лицей, тайёрлов курслари, малака ошириш м-зи, аспирантура, докторантура бор. Тили ўрганилаётган давлатлар б-н ҳамкорликда 20 тил м-зи ташкил этилган. Ун-тда 720 ўринли 3 талабалар турар жойи, 3 замонавий спорт зали, 2 стадион, 7 ахборот-ресурс м-зи (1 млн. 300 минг асар) ва ўқув зал-

лари бор. Ун-тда инглиз тили, немис тили, француз тили, испан тили, рус тили, халқаро журналистика, таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналишлари ва ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрланади. 2007/08 ўқув йили ун-тда 8627 талаба таҳсил олди; 732 ўқитувчи, жумладан 21 фан д-ри ва проф., 124 фан номзоди ва доцент ишлади. «Филология масалалари» илмий журн.ни нашр этади. Ун-т ташкил этилгандан буён 25 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ (Навобий кўч., 23) – Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига 2000 й. 14 декабрда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши (2000 й. 14 авг.)га асосан ташкил қилинган (2001 й. 1 янв.). Бунгача умумий юрисдикция судлари кўринишида иш юритилган. Фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди назорат олиб боради. Ж.и.б.Т.ш.с. раис, раис ўринбосари, судьялар (Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинландиган 27 судья), халқ маслаҳатчиларидан иборат бўлиб, суд раёсати ҳамда судлов ҳайъатлари таркибида иш юритади. Ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи инстанция суди сифатида, апелляция, кассация тартибида ва назорат тартибида кўради, туман судларининг суд фаолияти устидан назорат олиб боради, суд амалиётини умумлаштиради, судлар кадрларининг малакаси оширилишини ташкил қилади, қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ж.и.б.Т.ш.с. раёсати шу суднинг судьяларидан иборат тар-

кибда иш олиб боради. Раёсат мажлислари ҳар ойда камида 2 марта ўтказилади. Раёсат ўз ваколатлари доирасида ишларни назорат тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштириш натижаларини кўриб чиқади, ҳайъатлар тўғрисидаги маърузаларни, туман судлари раисларининг маърузаларини тинглайди.

Ж.и.б.Т.ш.с.нинг судлов ҳайъатлари ўз ваколатлари доирасида ишларни 1-инстанцияда кўради, апелляция ёки кассация тартибида шикоят бериш (протест билдириш) ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг хоҳишига кўра, ишларни апелляция ёки кассация тартибида кўради, суд амалиётини умумлаштиради.

Ж.и.б.Т.ш.с. раиси суд фаолиятига ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилади, суд ишлари бўйича чиқарилган ҳукмлар, ажримлар ва қарорлар устидан протест киритади, суд ишларини назорат тартибида текшириш учун талаб қилиб олади. Суд раёсатини чақиради ва унинг мажлисларида раислик қилади. Раис фуқароларни шахсан қабул қилади, уларни қабул қилиш, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ишини ташкил этади, суд идораси ишларига раҳбарлик қилади.

Ж.и.б.Т.ш.с. раисининг ўринбосари судлов ҳайъатларининг ишини ташкил этади, судлов ҳайъати мажлисларида раислик қилиши мумкин, суд раёсатига судлов ҳайъатларининг фаолияти тўғрисида маърузалар тақдим этади, фуқароларни шахсан қабул қилади, суд раиси йўқлигида унинг ваколатларини амалга оширади. Раис ўринбосари йўқлигида эса унинг ваколатлари умумий юрисдикция судлари судьяларининг Олий малака ҳайъати қарори б-н судьялардан

бирининг зиммасига юклатилиши мумкин.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ – қадим замонлардаёқ миллий жисмоний машқлар, ўйинлар ва мусобақалар: камондан отиш, найза иргитиш, от пойгаси, от спорти ўйинлари, кураш, қиличбозлик, шатранж (шахмат) ва б. ўйинлар Т. худудида яшаган халқ турмушининг анъанавий таркибий қисми бўлган. Т.да дорбозлар ўйини ҳам омма ўртасида шуҳрат қозонган (дорбозлар сулоласи ҳали ҳам давом этиб келмоқда). Миллий спорт ўйинлари, жисмоний машқ ва мусобақалар Т.да жисмоний тарбия тизимининг асоси сифатида сақланиб қолган. Спортнинг анъанавий миллий турлари (оломон пойга, кураш, дорбозлик ва от спорти ўйинлари – улоқ, ағдариш) кенг оммалашган эди.

20-а. бошларида Т.даги мактаб, гимназия ва билим юртралида ўйин ва машқлар тарзидаги жисмоний тарбия элементлари жорий этилди. 1908 й. машҳур рус полвони И.Лебедев французча кураш (ҳоз. юнон-рум кураши) бўйича мусобақалар ташкил этди. Унда И.Поддубний, И.Заикин, Шевалье каби полвонлар қаторида ўзбек полвонлари ҳам қатнашди. 1910 й. Т.да Ҳарбийлар йиғини биносида гимнастика-қиличбозлик мактаби очилиб, унда (асосан, рус зобитлари ўртасида) рапира, эспадрон, қиличбозлик бўйича машқлар ва мусобақалар ўтказиб турилди. 1913 й. Туркистонда энг йирик ҳисобланган спорт ҳаваскорлари жамияти ташкил этилди, унинг энгил атлетика, футбол ва лаун-теннис бўлимлари бор эди. Т.даги ҳарбий ўқув юртрали (кадетлар корпуси, юнкерлар ўқув юрти)да энгил ат-

летика, гимнастика, қиличбозлик, ўқ отиш ва футбол бўйича машқ ва мусобақалар ўтказиб турилди. 1915 й. Т.да гимнастика ўқитувчилари курси очилди. Дастлабки сув спорти турлари пайдо бўлди ва сунъий сув ҳавзалари барпо қилинди. 1916 й. Т.да мактаблар, гимназиялар, билим юртлари ва б. ўқув юртлари ўқувчиларининг ҳарбий ва жисмоний тайёргарлиги кўриги бўлди. Бироқ пойга, мусобақа ва кўриклар оммавий тус олмас, томошабин кам йиғиларди. Кенг халқ оммаси учун мўлжалланган спорт иншоотлари амалда умуман йўқ эди. Спорт жамиятлари ва тўғарақлари Туркистонга кўчиб келган рус ва европалик фуқароларга хизмат қилган. Ж.т. ва с. машқлари ҳамда мусобақалари ҳарбий ўқув юртлари, гимназия, спорт клублари базасидаги спорт заллари ва майдончаларда ўтказилар эди.

Октябрь тўнтаришидан кейин Т.да «Сокол» («Лочин») жамияти гимнастика тўғараги (1917), Болалар меҳнат клуби (1918) тузилди. 1920 й. Т.да 15 дан зиёд спорт ташкилотлари, шу жумладан, оғир атлетика жамияти, «Олимпия», «Спарта» футбол командалари бўлган. 1926 й. 15 июлда Т.нинг Эски шаҳар қисмида «Спартак» стадиони очилди. Физкультура тўғарақлари парадди, баскетбол, гандбол, арқон тортиш бўйича мусобақалар ўтказилди. 1927 й. Т.да Ўзбекистон 1-спартакиадаси бўлиб ўтди (иккинчиси 1928 й. бўлди). 1929 й. Т.да ҳоз. «Динамо» стадиони ишга туширилди. «Динамо» (1924), «Спартак» (1935), «Локомотив» (1936) каби спорт жамиятлари тузилди. Жаҳон, Европа ва Олимпиада ўйинлари чемпионлари ва совриндорлари бўлган юқори малакали спортчиларни

Кураш
бўйича
жаҳон
чемпиони
Абдулла
Тангриев.

тайёрлашда А.Аблаев (классик кураш), В.Бондаренко (сузиш), Л.Величко (баскетбол), Б.Гранаткин (бокс), Г.Збиковская (камондан отиш), А.Израилов (волейбол), Г.Кондратьев (велосипед), В.Манин (сузиш), И.Миркин (қиличбозлик), В.Харитонов, С.Ширягин (сув полоси), М.Шмуклер (стол теннис) ва б. тренерлар катта ҳисса қўшди. Т. спортчилари кўпгина жаҳон ва Европа чемпионатлари ва б. мусобақаларнинг (1960-й.лардан) муттасил қатнашчиси бўлган. 1960–80-й.лардаги Европа, жаҳон, Олимпиада ўйинлари совриндорлари ва чемпионлари орасида С.Бабанина, Л.Белоконь, С.Заболотнов, Н.Устинова (сузиш), Ф.Булатова (стол

теннис), Ю.Ковшов (от спорти), В.Дуюнова, В.Петрунина, Л.Павлова (волейбол), Ш.Захритдинов, М.Колюшев (велоспорт), Р.Салимова (баскетбол), Р.Рисқиев (бокс), С.Рўзиев (қиличбозлик), Н.Бутузова, О.Рогова-Руленко (камондан отиш), К.Фатхуллин (классик кураш), Р.Ямбулатов (стендли отиш), В.Фёдоров (футбол), С.Ҳодиев, Б.Файзиев (самбо), Э.Шагаев (сув полоси), А.Харлов (енгил атлетика), Н.Мишчанский (халқаро шашка), А.Фадзаев, М. ва А.Хадарцевлар (эркин кураш), Р.Гатаулин (лан-

«Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида каратэ машғулот.



гар чўп б-н сакраш), Д.Поляруш (батутда сакраш), С.Лазарева (стендли отиш) ва б. спортчилар бор. Шу йилларда Т.нинг «Автомобилчи» аёллар волейбол, «Меҳнат» эркаклар сув полоси ва «Пахтакор» футбол жамоалари доврүқ қозонди. 1989 й. Т.да ногиронларнинг «Матонат» футбол клуби ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, тошкентлик спортчилар халқаро мусобақаларда мунтазам иштирок этиб келишмоқда. 1992 й. Барселонада ўтган 24-ёзги олимпиада ўйинларида О.Чусовитина, Р.Галиева (спорт гимнастикаси), М.Шмонина (енгил атлетика) олтин, Владимир Захаревич (қиличбозлик) бронза медаллари б-н тақдирланди. 1994 й. фев.да эса Лиллехаммер (Норвегия)даги қишқи олимпиада ўйинларида фристайлчи Лина Черязова олимпиада олтин медалини қўлга киритди. Тошкентлик спортчилар 1994-2006 й.ларда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида қатнашиб, Ўзбекистон терма жамоасининг муваффақиятларига муносиб улушларини қўшдилар.

Халқаро Олимпиада қўмитаси уюштира бошлаган Марказий Осиё ўйинларининг биринчиси 1995 й. Тошкентда ўтказилди. 1996 й. 6 фев.да соғлом авлодни тарбиялаш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, олимпия гоёларини ривожлантиришдаги беқийс хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга Халқаро Олимпиада қўмитаси томонидан Лозанна (Швейцария)да топширилган олтин орден намунаси 1996 й. Т.да очилган Олимпия шон-шуҳрати музейидан жой олган. 1996 й.дан Ўзбекистонда профессионал спорт ҳам

расм бўла бошлади. Ҳаваскор боксчилар ўртасида юқори натижаларга эришган Артур Григорян профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони бўлди. 1996-2002 й.лар давомида у юксак унвонни 18 марта муносиб ҳимоя қилди. 1996 й. Атланта (АҚШ)да бўлиб ўтган 26-ёзги олимпиада ўйинларида дзюдочи Армен Багдасаров кумуш, боксчи Карим Тўлаганов бронза медални б-н, 2000 й. Сидней (Австралия)даги 27-ёзги олимпиадада эркин курашчи Артур Таймазов кумуш медалга сазовор бўлди. 2004 й. Афина (Греция)даги 28-ёзги олимпиадада юнон-рум курашчиси Александр Доктуришвили ва эркин курашчи Артур Таймазов олтин медал б-н тақдирланди. 2008 й. Пекин (Хитой)даги 29-ёзги олимпиадада эркин курашчи Артур Таймазов олтин медални қўлга киритди ва 2 карра олимпиада чемпиони бўлди. Дзюдода Абдулла Тангриев кумуш, батутда сакраш бўйича Екатерина Хилько, гимнастикачи Антон Фокин бронза медалга сазовор бўлди. Жаҳон чемпионатларида ҳам тошкентлик

спортчилар юксак галабаларга эришиб келмоқда. Эркин курашда Дилшод Мансуров, курашда Абдулла Тангриев, кикбоксингда Олмос Юсупов бир неча марта жаҳон чемпиони бўлди. 2004 й. 13 июль куни Рустам Қосимжонов Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) таснифи бўйича 17-жаҳон чемпиони бўлди. Т.нинг «Пахтакор» ва «Бунёдкор» футбол жамоалари жаҳон ва Осиёнинг нуфузли жамоалари б-н учрашувлар ўтказиб келмоқда.

Мустақиллик йиллари Т.да замонавий спорт иншоотлари («Ўзбекистон», «Жар» ва б.) барпо этилди. 2008 й. Т.да 2148 спорт иншооти, жумладан 608 та спорт зали, 43 та сузиш бассейни, 1468 спорт майд. ва майдончаси (309 та баскетбол, 355 та волейбол, 112 та гандбол, 177 та футбол, 284 та мини-футбол, 28 та енгил атлетика ядроси майд.лари), 99 та теннис корти, 3 та манеж, отчопар, 15 та стадион, 47 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (спортнинг 37 тури бўйича 18375 ўқувчи) ишлади. 2008 й. Т.да 675 жисмоний тарбия жамоаси, 48 жисмо-

Республика олимпия захиралари теннис мактаби. Теннис майдони.



ний тарбия ва спорт клуби фаолият кўрсатди. 637 мингдан ортиқ киши жисмоний тарбия ва спорт б-н мунтазам шуғулланди. Улардан 131922 киши спорт секцияси ва бўлимларида, 123080 киши соғломлаштириш йўналишидаги гуруҳларда, 3365 киши махсус тиббий гуруҳларда шуғулланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 й. 13 июндаги қарорига асосан Тошкент теннис маркази негизда Республика олимпия захиралари теннис мактаби ташкил этилди.

Т.да жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати учун кадрларни, асосан, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ин-ти ва Тошкент пед. ун-тидаги жисмоний тарбия ф-ти тайёрлайди. Ҳар йили Т.да шахар, вилоят, респ. ва халқаро мусобақалар, шу жумладан, А.Хўжаев хотирасига бағишланган халқаро анъанавий шахмат турнири, ўсмирлар ўртасида футбол бўйича баҳорги халқаро турнир, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун теннис бўйича халқаро мусобақа, «Сув париси» синхрон сузиш бўйича халқаро турнир, «Tashkent open» хотин-қизлар турнири, ўзбек кураши, эркин кураш, юнон-рум кураши бўйича халқаро мусобақалар, теннис бўйича Т. очик биринчилиги, бадий гимнастика бўйича «Шарқ гўзали» жаҳон кубоги ва б. мусобақалар ўтказилади.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти (Оққўрғон кўч., 2) – жисмоний тарбия ва спорт бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлар вазирлиги

Ўзбекистон
жисмоний
тарбия
институти.

тасарруфида. Ин-т спорт фаолияти ва касбий таълим (жисмоний тарбия ва жисмоний маданият) йўналишлари бўйича бакалаврлар, ногиронларга мослаштирилган жисмоний тарбия ва жисмоний тарбия менежменти бўйича магистрлар тайёрлайди. 1955 й. ташкил этилган. Ин-т таркибида 3 ф-т (якка кураш спорт турлари, спорт ўйинлари, малака ошириш), 17 каф., аспирантура, докторантура, 6 спорт зали, 12 спорт майд., 480 ўринли талабалар турар жойи, нашриёт, ахборот-ресурс м-зи (1955 й.дан; 176 мингдан ортиқ асар) мавжуд. Шунингдек, ин-т қошида Ўзбекистон олимпия академияси, ихтисослашган илмий кенгаш, ин-т спорт клуби фаолият кўрсатади. 2007/08 ўқув йили ин-тда 2500 талаба таълим олди, 181 проф.-ўқитувчи, жумладан, 13 фан д-ри ва проф., 37 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-тда таҳсил олган Собир Рўзиев, Руфат Рисқиев, Лина Черязова, Артур Григорян, Оксана Чусовитина, Миржало Қосимов, Рустам Саидов, Эркин Шагаев каби спортчилар жаҳон чемпионатлари, олимпиада ва Осиё ўйинларида чемпион бўлган. Ўзбек футбол юлдузлари Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Б.Гранаткин ва б. ҳам шу ин-тда таҳсил олган. Ин-т таш-



кил бўлгандан бери 20 мингга яқин мутахассис тайёрланди. Ин-тда «Фан-спортга» илмий журн. чоп этилади (2004 й.дан).

ЖОМИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад, 1414.7.11–1492.8.11) – форс-тожик шоири, нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили. Хуросоннинг Жом ш.да туғилган. Самарқандга келиб, Улуғбек мадрасасида ўқиган. Риёзиёт, фалакиёт, ҳуқуқшунослик фанлари, дин асослари, ҳадис ва тафсир илмлари б-н ҳам шуғулланган. Ж. ўзининг мутасаввифлик фаолиятида Баҳоуддин Нақшбанд ғояларини Хожа Аҳрор б-н яқин муносабатда бўлган ҳолда янада ривожлантирди. У Хожа Аҳрор таклифи б-н Тошкент ш.да ҳам бўлган. Ж. Алишер Навоий б-н чин дўст ва ҳамкор эди.

Ж. Шарқ халқлари маданияти тарихида кўпроқ шоир ва мутафаккир олим сифатида танилган. Ундан бой адабий-илмий мерос қолган. Баъзи олимлар Ж. асарларининг умумий сони 100 га яқин деб тахмин қилади. Навоий «Хамсат ул-мутаҳаййирин»да унинг 38 асарини номма-ном санаб кўрсатади.

Ж. Алишер Навоийнинг маслаҳати б-н лирик шеърларидан

3 девон тузган («Фотиҳат ушшабоб» – «Ёшликнинг бошланиши», 1479; «Воситат ул-иқд» – «Ўртадаги дур», 1489; «Хотимат ул-ҳаёт» – «Ҳаёт хотимаси», 1491). Достонларида халқ оммасининг энг яхши орзу-умидларини куйлаган. 7 достондан иборат «Ҳафт авранг» («Етти тахт» ёки «Катта айиқ», 1480–87)даги «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир, 1472), «Тухфат ул-аҳрор» («Нуронийлар тухфаси», 1481–82), «Сибҳат ул-аброр» («Тақводорлар тасбеҳи», 1482–83) достонларида юксак хулқатвор мезонларини тарғиб қилган, кишиларни маърифатга, юртпарварликка, тўғрилиқ, инсоф ва иймонга чақирган. «Юсуф ва Зулайҳо» (1483), «Лайли ва Мажнун» (1484), «Саломон ва Абсол» (1479–80) достонлари ишқий мавзуда. «Хирадномаи Искандарий» достони (1485) Низомийнинг «Искандарнома»сига тақлидан ёзилган.

Адабиётшунос ва тилшунос олим сифатида ҳам Ж.нинг хизмати улқандир. У ўзининг «Баҳористон» тазкирасида форстожик адабиётининг бир қанча намояндалари ва Навоий ҳақида қимматли маълумотлар берган. Унинг «Рисолаи аруз» асари аруз ҳақидаги энг мукамал қўлланмалардан биридир. Ж. «Нафаҳот ул-унс» асарини ёзиш б-н тасаввуф тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Унда 616 мутасаввиф ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берилган бўлиб, улардан 34 нафари аёллардир. Ушбу асарини Навоий маълум бир тўлдирешлар б-н ўзбек тилига таржима қилган.

Т. шаҳридаги майд., кўча ва маҳаллага Ж. номи берилган. **ЖОМИЙ МАЙДОНИ** – Собир Раҳимов туманида. 1957 й. Ши-

молий Олмазор (собик О.Бобожонов), Уста Ширин (собик Молотов) ва Жомий кўч.лари чорраҳасида юзага келган. Майдон кўкаламзорлаштирилиб, хиёбонга айлантирилган. Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга келтирувчи муҳим тугун ҳисобланади. Атрофида «Агрегат», «Компрессор», «Тошкент-мебель» акциядорлик жамиятлари, «Шарқ» мебель дўкони, банк ва савдо мажмуалари жойлашган. Яқинида «Оникс» (собик «Миконд» з-ди) акциядорлик жамияти, туман мудофаа бўлими, лицей, автокорхона ва б. саноат корхоналари бор.

ЖОМИЙ МАҲАЛЛАСИ (З. Нуриддинов кўчаси, 14) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Оқибат», «Янгиариқ», «Туркқўрғон», Файратий ва С.Раҳимов тумани Мискин маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 1930–31-й.ларда шаклланган бўлиб, 1955–56-й.ларда шаҳар гулзорининг худуди фуқароларга ер участкаси қилиб бўлиб берилганидан сўнг, маҳалла аввал «Айрилиш», кейинчалик «Кўмирхона» номлари б-н аталган.

1966 й. ўзбек халқининг мутафаккир шоири Алишер Навоий таваллуд топгани 525 йиллиги арафасида унинг яқин дўсти бўлган Абдурахмон Жомийни улуғлаб, унинг номи қўйилган. Аҳолисининг сони 3750 киши бўлиб, ўзбек, рус, қозоқ, татар, тожик, озарбайжон, украин, корейс, арман, яхудий, белорус миллати вакиллари яшайди (2009). Маҳалла худудида 150-сонли ўрта мактаб, дизайн касбхунаро коллежи, 3 мактабгача тарбия муассасаси ва масжид бор. Маҳаллада ёзувчи ва шоирлар Қуддус Муҳаммадий, Иброҳим Раҳим, халқ рассоми Абдулҳақ Абдуллаев яшаган.

ЖОНИБЕКОВ Владимир Александрович (1942.13.5) – учувчи космонавт, авиация генерал-майори (1985). Т. вилоятининг Искандар қишлоғида туғилган. Т. Суворов билим юртини (1960), Ейск (РФ) учувчилар тайёрлаш олий авиация билим юртини (1965) тугатган. Ж. ўзининг космосга қилган беш парвози мобайнида космосда 145 кун 15 соат 58 мин. 29 сек. бўлган.

Ж. тасвирий санъат б-н ҳам шуғулланган. Унинг асарлари бадиий кўргазмаларда намойиш қилинган. Помир-Олой тоғларидаги мутлақ бал. 4912 м бўлган чўққи «Владимир Жонибеков чўққиси» деб аталган (1985). Т.даги «Космонавтлар майдони»да Ж.га бюст ўрнатилган (1984).

ЖУМАНБИЙ МАДРАСАСИ (рус манбаларида Чамсанбий) – Тахтапул маҳалласидаги мадраса (19-а. 2-ярми); шу номдаги масжид б-н ёнма-ён жойлашган. Мадрасанинг Полякиликда бир карвонсарой, бир неча дўкон, Ўрта тарнов мавзеида кичикроқ ер, Туябўғиз мавзеида б ботмон ер, Аччи мавзеида тахм. 150 таноб ердаги дарахтзордан иборат вақфлари бўлган. Жуманбий Тахтапулий Себзор даҳасига қарашли Тахтапул маҳалласидаги, бадавлат кишилардан ҳисобланган. У 1863 й. бошида Қўқон хони Шохмурод даврида Т. қамал қилинганда, шаҳар ҳоқими Қаноат оталиқ томонидан Эшон Шарифхўжа Эшон Подшоҳўжа Зибачи ўғли б-н бирга Бухоро амири ҳузурига мадад сўраб элчи қилиб юборилган. Тарихчи Муҳаммад Солиххўжа Бухорода улар б-н учрашиб, суҳбатлашганини ёзади.

ЖУРЖОНИЙ КЎЧАСИ – Учтепа тумани худудида. Шу номи

маҳаллада жойлашган. Уз. 2 км атрофида. Фарҳод ва Назарбек кўчалари ораллигида. 1965 й. 29 июлда янги ташкил этилган кўчага Амир Темур даврида яшаб ижод этган йирик мутакаллим, шоир, файласуф ва мунажжим Журжоний (1339–1413) номи қўйилган. Юсуф Саккокий ва Замахшарий тор кўчалари б-н кесишган. Кўча йўналишида савдо мажмуалари, аҳолига хизмат кўрсатиш сервис хизматлари, умумий овқатланиш масканлари, оилавий поликлиника, маҳалла гузари, тўйхона, автобус бекатлари, мактаб ва боғчалар жойлашган. Яқинида Бўзсув канали, Учтепа туман ҳокимлиги, «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғи бор.

ЖУРЖОНИЙ МАҲАЛЛАСИ (Замахшарий кўч., 2) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Давлатобод», Абдулла Қодирий, «Кўкча Оқтепа» маҳаллалари б-н чегардош. 1963 й. ташкил топган. Маҳалла номи Амир Темур даврида яшаб ўтган йирик мутакаллим, файласуф, шоир ва мунажжим Абулҳасан Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Журжоний (1339–1413) шарафига қўйилган. Аҳолиси 2883 киши, асосан ўзбеклар (2008). Маҳаллада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги арафа-

сида оилавий поликлиника, спорт мажмуалари ва янги гузар биноси қуриб битказилди. Уларни ишга тушириш арафасида (2006 й. 22 авг.) Президент Ислам Каримов маҳаллага келган. Маҳалла худудида бир неча озиқ-овқат дўкони, кафе, дорихона, прокат пункти, эшик ва ром и.ч. цехи, тикувчилик ф-каси, қандолат цехлари мавжуд.

ЖУРНАЛЛАР – Тошкентда даврий матбуотга 19-а.нинг сўнгги ўн йиллигида асос солинган: 1896 й. Т.да «Среднеазиатский вестник» («Ўрта Осиё даракчиси»; муҳаррири ва ношири Е.Т. Смирнов) журн.нинг 1-сони босмадан чиқади. Кейинчалик «Туркестанский скорпион» («Туркистон чаёни», 1907), «Средняя Азия» («Ўрта Осиё», 1912), «Степные миражи» («Саҳродаги сароб», 1914) журн.лари нашр қилинади. Бу Ж. да асосан адабий жанрларда ёзилган асарлар чоп этилган. «Средняя Азия» журн.да Туркистондаги маҳаллий аҳолининг маданий ҳаётига оид материаллар ҳам ўрин олган.

1918–24 й.лар Туркистонда жами 129 номда журн. ва бюллетенлар нашр қилинган. Уларнинг асосий қисми рус тилидаги тармоқ нашрларидан иборат бўлиб, айрим журн.ларнинг бор-йўғи 1–2 сони чиққан, холос. Шу даврда ўзбек тилида нашр қилинган «Ўзгаришчи ёшлар» (1922–24), «Инқилоб»

(1922–24) ва «Муштум» (1923) журн.лари нисбатан кенг тарқалган. Бу нашрларда Назир Тўрақулов, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмонхон Эшонхўжаев, Ғози Юнус сингари истеъдодли ўзбек адiblари ва публицистлари фаол ҳамкорлик қилган.

20-й.ларнинг 2-ярмида Т.да ўзбек тилида «Ер юзи» (ҳоз. «Гулистон»), «Янги йўл» (ҳоз. «Саодат»), «Маориф ва ўқитувчи», «Янги қишлоқ», «Аланга» каби ижтимоий-сиёсий ва адабий йўналишдаги Ж. ташкил топди.

2-жаҳон уруши йилларида Ж. тармоғи кескин қисқарди. Уруш тугагач, кўпчилик Ж. қайтадан чиқа бошлади, янги Ж. пайдо бўлди. 1975 й.да Тошкентда жами 134 номда журн. чоп қилинган. Ж. фаолияти ҳам газлар каби ўша давр тузуми кўзлаган сиёсий ва мафкуравий мақсадларга бўйсундирилган.

Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган, кенг оммага мўлжалланган мавжуд Ж. фаолияти қайта ташкил қилинди. Республикада жами 167 журн. бўлиб, шундан 162 таси Т.да нашр этилади. Янги ижтимоий муносабатларни шакллантиришда, миллий онгни ўстиришда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва адабий-бадий Ж. етакчилик қилмоқда. Бу туркумга мансуб «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Саодат», «Фан ва турмуш», «Ёшлик», «Муштум», «Гулхан», «Гунча» журн.лари қаторига истиқлол даври журн.лари – «Мулоқот», «Тафаккур», «Жаҳон адабиёти», «Соғлом авлод учун», «Жаннатмакон», «Ҳидоят», «Таълим тараққиёти», «Санам», «Лаззат» ва б. қўшилди.

Булардан ташқари, янги ижтимоий, иқтисодий, молиявий



Журжоний маҳалласига кириш йўли.

муносабатларни акс эттирувчи махсус Ж. – «Бозор, пул, кредит», «Менежер», «Оптовик», «Жамият ва бошқарув», «Бухгалтер кутубхонаси», «Тижорат», «Экономическое обозрение» (рус ва инг. тилларида) ҳам ташкил топди. Автомобилчилар учун мўлжалланган «Автоолам», «АвтоПрессТИЖ» сингари янги нашрлар пайдо бўлди, «Наш футбол» (ойлик нашр) ва «Приложение к журналу Наш футбол», «Пресс-ТИЖ» ва «Бизнес Осие» ҳафталик журн.лари чиқмоқда. Булардан реклама материаллари кенг ўрин олган.

1998 й.дан Тошкент ш.да «Саида» номли расми-безакли аёллар журн. ўзбек ва рус тилларида нашр қилинади.

Ўзбекистонда илмий Ж.нинг кенг тармоғи мавжуд. Ўзбекистон ФА илмий тадқиқот ин-тлари томонидан 12 та илмий академик журн. нашр қилинади. Уларда мамлакат олимларининг назарий ва амалий тадқиқотлари, тажрибалари якунлари ёригилади. «ЎзР Фанлар академияси маърузалари» журн.и илмий академик нашрларнинг етакчиси ҳисобланади. Журн. саҳифаларида фаннинг барча соҳаларига оид тадқиқотлар натижасининг қисқа мазмуни эълон қилинади. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбек тили ва адабиёти» журн.лари ижтимоий фан соҳа-

лари, «Информатика ва энергетика муаммолари», «Механика муаммолари», «Узбекский химический журнал», «Узбекский биологический журнал» нашрлари аниқ ва табиий фанлар тармоғидаги илмий ютуқларни акс эттиради. «Табиий бирикмалар кимёси» ва «Гелиотехника» журн.лари 1965 й.дан нашр этилмоқда. Ушбу журн. АҚШда инглиз тилига таржима қилиб чиқарилади.

Ўзбекистон илмий Ж.ининг кўпчилиги АҚШ, Англия, Франция, Германия ва б. мамлакатларнинг илмий марказларида ҳам тарқалади.

Жўн маданияти – *Қовунчи маданияти* турларидан бири. Тошкент воҳасидаги Жўн канали бўйидан топилган ёдгорликлар (3–4-а.лар).

Ж.м. асосан, Сирдарёнинг ўрта оқими бўйлаб кенг тарқалган. Г.В.Григорьев, М.Э.Воронец, Т.Г.Оболдуева ва б. қазиишлари олиб борган (1937–39).

Ж.м.га оид мазорқўрғонлар, шаҳар харобаси текширилган. Турар жойлар хом ва пишиқ гиштдан қурилган. Аҳоли деҳқончилик (буғдой, тарик, арпа ва б.) ва чорвачилик б-н шуғулланган. Текшириш натижасида турли ранг ангоб б-н бўялган сопол идиш (кўза, хум, хумча, хўқача, товоқ ва б.)лар, темир қилич, ханжар, ўқ ёй учи, камон, ойна, турли мунчоқ тақинчоқлар, ўғир даста, қўл тегирмон топил-

ган. Қуроллар – ҳатто аёллар қабрларида ҳам учрайди.

ЖўРАБЕК, Жўрабек додхоқ Қаландар ўғли (тахм. 1840–1906.25.1) – ҳарбий арбоб, маърифатпарвар, генерал (1901). 1852–53 й.лардан амир Насрулло хизматида. 1856 й. Ж. Китоб беги Оллоёрбек хизматида юборилган. 1870–1906 й.ларда Ж. Тошкентда яшаб, ўлка ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этган.

Ж. илм-маърифатга катта аҳамият берган. Шарқ қўлёзмаларининг, хусусан нодир асарларнинг бой кутубхонасига эга бўлган. Тошкент ш. Думасининг аъзоси (1895). Ж. яшаган ҳудудда унинг номи б-н маҳалла, масжид, қабристон мавжуд.

ЖўРАБЕК МАҲАЛЛАСИ (Олот кўч., 1) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Мухтор Ашрафий ва «Маърифат» маҳаллари б-н чегарадош. 1945 й. ташкил топган. *Жўрабек* номи берилган. Аҳолиси 6850 киши, турли миллат вакиллари (ўзбек, рус, озарбайжон, татар ва б.) яшайди (2009). Маҳаллада Жўрабек жоме масжиди ва қабристони мавжуд. Шунингдек, Республика ИИВнинг жазо муддатини ўташ бошқармаси, ҳарбий қисм, бир нечта дўконлар жойлашган. Жўрабекнинг дала ҳовлиси шу ерда бўлган, у ҳозирда маҳалла идорасига айлантирилган.

ЗАЛТИКАТ – Тошкент вилоятининг Зангиота қишлоғи ўрнида бўлган қад. шаҳар харобаси (6–15-а.лар). З. Бинкатдан Самарқандга борадиган савдо йўлидаги дастлабки йирик марказ бўлган (Истахрий). З. катта тепа (220 x 400 м²) ва унинг жан.-шарқида жойлашган икки кичик тепадан ташкил топган. Катта тепанинг шим.-шарқий бурчагида арк (200 м²) жойлашган. Унинг қалин девори (1,5 м) хом ғишдан (40 x 40 x 10 x 14 см³) ишланган бўлиб, 5 м гача баландликда сақланган. Турар жой қолдиқлари, сопол идишлар, тақинчоқлар топилган.

ЗАНГИОТА (асл исми Ойхўжа ибн Тошхўжа) (?–1258) – авлиё, ҳаким. Тошкентда туғилиб, яшагани ҳақида маълумотлар бор. Аҳмад Яссавийнинг устози Арслонбоб эшоннинг авлоди (авараси). Қора танли бўлгани учун занги (занжи) дейишган. Тасаввуфни тарғиб қилган. Эл-юрт молини боқиб, подачилик б-н шуғулланган. Ривоят қилишларича, унинг қарамоғидаги моллар яйловда ўглаб, кечкурун уйга қайтишда кишиларнинг экинзорларига кирмас, ўт-ўландан бир чимдим ҳам емас экан (шу сабабли чорвадорлар З.ни ўз пирлари деб ҳисоблайдилар). Тарихий маълумот-

ларга қараганда, Зангиота пири (Ҳакимота)дан диний билимларни олиб, шу б-н бирга мустақил ақл ва илм ҳосил қилган. Ҳакимотанинг асл номи Сулаймон Боқирғоний бўлиб, у зот сўфий шоир Аҳмад Яссавийнинг халифаси бўлган. Ҳакимота вафот этганидан кейин, орадан маълум вақт ўтгач З. унинг беваси биби Анбарни ўз никоҳига олган, Анбар бибидан бир неча фарзанд кўрган (яна қ. *Зангиота мажмуаси*).

ЗАНГИОТА – Бешёғоч даҳасидаги қад. маҳалла. «Сузукота»,

Зангиота мақбараси.



«Чақар», «Ўқчи», «Чуқуркўприк», «Заҳариқ», «Самарқанд дарвоза», «Эшонгузар» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, касибчилик, савдо-сотик, шаҳар ташқарисидаги ерлари (Зангиота, Қатортол, Нўғойкўрғон мавзелари)да деҳқончилик ҳамда боғдорчилик б-н шуғулланган. Мактаб, масжид, чойхона, сартарошхона, баққоллик ва касибчилик дўконлари бўлган (20-а. боши). Меъморий ёдгорликлардан Хўжа Нуриддин мақбараси (16-а.) сақланган. Ҳоз. ҳудудида турар жой бинолари қурилган.

«Зангиота» маҳалласи (Самарқанд дарвоза кўч., Жиззах тор кўч., 130) – Шайхонтоҳур туманида жойлашган ҳоз. маҳалла. Қисман қад. Зангиота маҳалласи ўрнида. «Самарқанд дарвоза», «Каттабоғ», «Эшонгузар» ва «Сузукота» маҳаллалари б-н чегарадош. Ривоятларга кўра, Зангибува (Зангиота) шу маҳаллада таваллуд топиб, шу ерда яшаган, сўнгра Зангиота қишлоғига кўчиб кетган. 1992 й. фев.дан ҳоз. номда аталган.

Аҳолиси 5405 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, Навоий номидаги маданият уйи жойлашган.



Зангиота мажмуасидаги минора.

ЗАНГИОТА МАЖМУАСИ (Тошкент вилояти Зангиота тумани Зангиота қишлоғи, Т.дан 16 км жанубда) – меъморий ёдгорлик (14-а. охири – 20-а. бошлари); Ўрта Осиёдаги ноёб обидалардан бири. *Зангиота* шарафига шундай аталган. *Амир Темур* қурдирган, кейинчалик қўшимча қурилишлар қилинган. 3.м мадраса (18–19-а.лар), масжид (1870) ва минора (1914–15) ҳамда *Анбар биби мақбараси*дан иборат. Мадраса (48х62 м) ҳовлиси дарсхона, ҳужралар б-н қуршалган. Ҳовли (36,5х38,5 м) га гумбазли дарвозахонадан кирилади. Пештоқи Улуғбек даврида (15-а. 1-ярми) қурилган. Пештоқ, дарвозахона, зиёратхона ва гўрхона сақланган. Зиёратхона б-н гўрхона мурабба тарҳли, ёнма-ён, ҳар иккиси гумбаз б-н ёпилган. Гумбазлар қўш қаватли. Зиёратхонанинг меҳро-

би кошин б-н безатилган. Гўрхонадаги сағана ўйма нақш ва ёзув безакли оқ мрамор б-н қопланган. Масжид ғишт устунли, деворлари гириҳ нақш ва ёзувлар б-н безатилган. Сағананинг ўйма нақши, гўрхона изораси, зиёратхона меҳробининг безаги ва пештоқдаги кошинли намоён (панно) қисман сақланган. Мақбара 25–26 х 5,5–6 см ли пишиқ ғиштдан қурилган. Ўлчами – 18,6х13 м, баландлиги – 19 м; зиёратхона – 6,15х6,15 м, гўрхона – 3,75х3,75 м. Масжид ҳовлисидаги минора таг қисми саккиз бурчак, ўрта қисми доира тарҳли.

Мажмуа атрофи мустақиллик йилларида янада ободонлаштирилган. Ёдгорлик давлат муҳофазасига олинган.

ЗАНГИОТА ТУМАНИ – Тошкент вилоятидаги туман. 1933 й. 1 дек.да ташкил этилган (1992 й. майгача Калинин тумани деб аталган). Худуди Тошкент ш.нинг ғарби ва жан.га туташ. Шим.да Тошкент тумани, ғарбда Қозоғистоннинг Жан. Қозоғистон вилояти, шарқда Қибрай, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ туманлари, жан.да Янгийўл тумани б-н чегарадош.

Майд. 0,22 минг км². Аҳолиси 166186 киши (2008). Туманда 2 шаҳарча (Эшонгузар, Ўртаовул), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бўзсув, Зангиота, Иттифок, Назарбек, Хонобод, Чигатой-Оқтепа, Эркин, Ўзгариш, Қатор-

тол) бор. Маркази – Эшонгузар. Туман номи шу ҳудуддаги Зангиота қишлоғи номи б-н боғлиқ. Бу қишлоқда 13-а.нинг 1-ярмида *Зангиота* яшаб ўтган. *Зангиота мажмуаси* мусулмонларнинг катта зиёратгоҳига айланган.

Т а б и а т и. Зангиота худуди Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, шим.-ғарбда қисман Келес дарёсининг чап соҳилига туташ. Рельефи, асосан, текис, шим.-шарқдан жан.-ғарбга пасайиб боради. Туман ерларида қадимдан деҳқончилик қилиб келинади. Тупроқлари типик бўз тупроқ, дарё соҳилларида унумдор ўтлоқ тупроқ. Туман худудидан Бўзсув, Зах, Юқори Жўн, Юқори Тошкент, Анҳор, Толариқ, Баротхўжа, Найман каналлари ва б. ариқлар ўтади.

И қ л и м и мўтадил иссиқ. Июлнинг ўртача т-раси 26,9°, янв. 0,9°. Ўртача йиллик ёғин 350 мм, асосан, қишнинг 2-ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 263 кун. Туман худуди бутунлай ўзлаштирилганлиги боис ёввойи ўсимлик ва ҳайвонлар жуда кам. Фойдали қазилмалар-





Иттифоқ қишлоғидаги санаторий.

дан гипс, гил ва б. қурилиш материаллари, шунингдек, иссиқ минерал булоқлар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, татар, тожик, корейс ва б. 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 732,1 киши тўғри келади.

Х ў ж а л и г и. Туман худудидаги саноат корхоналари, асосан, қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. 30 дан ортиқ қўшма корхона, 1800 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, 185 саноат корхонаси, 32 автокорхона, кўплаб маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. «Гидравлика» акциядорлик жамиятида қ.х. техникаси ва асбоб-ускуналари, «Мони-Мебель ЛТД» қўшма корхонаси пластмассадан ром ва эшиклар, «Фар-Ваб» корхонаси спиртли ва яхна ичимликлар, «Виртех-Агро» қўшма корхонаси парранда гўшти ва тухум, «Самарқанд-Сингапур» корхонаси музқаймоқ, «Нилтекс» қўшма корхонаси енгил саноат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган. Туман қ.х.да сабзавотчилик, чорвачилик, боғдорчилик ва узумчилик асосий ўрин эгаллайди. Туман хўжаликлари пойтахт аҳолисини ҳўл мева, сабзавот ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлайди. Шундай хўжаликлардан «Қўйлик» агрофирмаси етакчилик қилади. Ту-

маннинг жами қ.х. ерлари майд. 10225 гектар. Шундан 9527 гектари суғориладиган ерлар. Чорвачиликда, асосан сут, гўшт етиштирилади. Қарийб 27 минг бош қорамол (шу жумладан, 12 мингдан ортиқ сигир), 11989 бош қўй ва эчки, 799093 парранда (2008), «Ўзбекистон» ва «Нур» паррандачилик фабрикалари, «Дамачи» балиқчилик корхонаси мавжуд.

Транспорт йўллари анча зич. Туман худудидан уч йўналишда т.й. (Тошкент–Янгийўл, Келес–Ўртаовул ва Тошкент–Ангрен) ва умумдавлат аҳамиятига эга бўлган Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Туман маркази Т. билан йўловчилар ташиш ва автомобиль транспорти орқали боғланган. Тумандан Т.нинг «Жанубий» т.й. вокзалигача 3 км.

2007/08 ўқув йилида 46 та умумий таълим мактабида 28878

«Занжирлик» маҳалласидаги Саидазимбой масжиди (тарихий сурат; 1909).



ўқувчи таълим олди. Қишлоқ хўжалик, тиббиёт, озиқ-овқат коллежлари бор. Ўзбекистон ФА нинг Сув муаммолари интининг тажриба-экспериментал хўжалиги, Генетика ва ўсимликлар биологияси интининг тажриба участкасида и.т. ишлари олиб борилади. 3 касалхона, 2 диспансер, 2 болалар ва катталар поликлинакларлари, 16 қишлоқ врачлик пунктларида 200 дан зиёд олий маълумотли шифокор, 1000 нафар ўрта махсус маълумотли тиббий ходим ишлайди. 14 филиалга эга бўлган 4 ахборот ресурс-маркази, марказий ва 10 қишлоқ маданият уйи, 4 стадион, спорт сув ҳавзаси бор (2008). «Назарбек», «Зангиота Зам-зам», «Семурғ» санаторийлари фаолият юритади. 1934 й.дан «Истиқбол» туман газ. нашр этилади (адади 2400).

ЗАНЖИРЛИК – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Қудуқбоши, Мерганча, Падаркуш маҳаллалари б-н чегарадош. Қуйи ва Юқори З.ка бўлинган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, савдотчилик, шаҳар ташқарисидидаги ерларида (Авайхон, Товкаттепа, Аския, Лабзак) деҳқончилик б-н шуғулланган. Шайхонтоҳур ари-

ғидан сув ичилган. З.да 5 масжид (энг каттаси Саидазимбой масжиди), Эшонкулидодхо мадрасаси (унда 1884 й. 19 дек.да биринчи рус-тузем мактаби очилган), баққоллик дўконлари, дурадгорлик устахонаси, жувозхона, чойхона бўлган (20-а. боши). Ҳоз. худудида Т. телестудияси, Ўзбекистон ФА Адабиёт музейи жойлашган.

«ЗАРАФШОН» (Матбуотчилар, 17) – ресторан, масъулияти чекланган жамият. Унинг биноси 1974 й. ишга туширилган бўлиб (меъморлари В.Л.Спивак, А.П. Синий, Р.Я.Меметов), ресторан сифатида фойдаланилган. «З.» акциядорлик жамияти 2005 й.дан «З.» МЧЖ га айлантирилди. «З.»нинг асосий биноси 1995–97 й.ларда тўлиқ реконструкция қилинди ва капитал таъмирдан чиқарилди. Реконструкция қилиш чоғида замонавий қурилиш-безаш материаллари (алюминий профиллар, шиша пакетлар ва б.)дан фойдаланилди. «З.» МЧЖ уч қаватли бинога жойлашган, бинонинг ертўласи ҳам бор. Умумий майд. 8587 м². Корхона аҳолига ҳар турли хизматлар кўрсатишга мўлжалланган. Жумладан, умумий овқатланиш вази-фасини бажаради, зиёфатлар, тўйлар, семинар-кенгашлар; маданий-оммавий тадбирлар ва театр-концерт томошалари ўтказилади; халқ истеъмоли моллари и.ч. ва уларнинг чакана савдоси ташкил қилинади. «З.» таркибида 10 та йирик зиёфат-театр зали, алоҳида киноконцерт зали мавжуд. Бу заллар 60 кишидан 500 кишигача сиғдира олади. Ҳар бир зал фойдаланиш вазифасига қараб ўзига хос тарзда жиҳозланган, турли халқ (миллий, арман, итальян, славян, грузин, уйғур) таомлари тайёрлаш имконияти бор. Заллар тоифаси олий

разряд қилиб белгиланган. Буюртмалар бўйича залларнинг ўзида хизмат кўрсатилишидан ташқари, буюртмалар корхона-ташкilotлар ёки уйга бориб ҳам бажарилади.

ЗАРАФШОН КЎЧАСИ – Учтепа туманининг «Ўрикзор» маҳалласи худудидаги марказий кўчалардан бири. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Уз. 2 км атрофида. Самарбону ва Наво кўчалари оралиғида жойлашган. Таркибида 7 та тор кўча бор. Боситхон, Фарнух, Саховат ва Дилафкор кўчаларини кесиб ўтади. Дастлаб Тошкент вилояти Зангиота тумани худудига қараган. 1992 й. пойтахт худудига ўтказилган. Йўналишида шахсий турар жой бинолари, «Гулбахор» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳи, автобус бекатлари, савдо шохобчалари, мактаб, боғча ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари мавжуд. Кўча охирида автобус ва маршрутли таксилар «Ўрикзор» бошбекати жойлашган. Яқинида «Карвон бозори» ёпиқ ҳиссадорлик жамияти, Қорақамиш ва Қуйи Бўзсув канали ҳамда Т. автомобиль халқа йўли бор.

ЗАРГАРЛИК КЎЧАСИ – Чилонзор тумани худудида. Уз. 3,3 км атрофида. Кичик халқа йўли ва Катта Қабъни кўчалари оралиғида жойлашган. 1972 й. ташкил топган. Дастлаб белорус ёзувчиси Янка Купала номи берилган. 1997 й. 18 дек.дан Заргарлик номи б-н юритилади. Катта Хирмонтепа, 2-Қатортол, Ширин кўчалари чорраҳасини кесиб ўтади. Йўналишида Чилонзор 11-, 16–20-, 26-турар жой мавзелари, «Заргарлик буюмлари» корхонаси, сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «Вимм-Билл-Данн Тошкент» хорижий компанияси, Хайробод эшон

мақбараси, оилавий поликлиника, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, савдо мажмуалари, тўйхона ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Яқинида «Чилонзор» метро бекати, Бешёғоч деҳқон бозори шохобчаси, касб-ҳунар коллежи, акад. лицей ва мактаблар бор.

ЗАРИФОВ Ҳоди Тиллаевич (Ҳоди Зариф) (1905.20.3–1972.13.1) – ўзбек фольклоршунослиги асосчиси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1967). Тошкентда туғилган. Боку ўқитувчилар семинариясида ўқиган (1923–26). Ўзбекистондаги маориф ва маданият муассасаларида ишлаган (1926–34). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида фольклор бўлими мудири (1934–39; 1956–65; 1968–72), директор (1944–48), директор ўринбосари (1955–62), энциклопедия бўлими бошлиғи (1965–68), Навоий кўргазмаси (Навоий номидаги адабиёт музейи)нинг биринчи директори (1939–56), Шарқ кўлёмалари (Шарқшунослик) ин-тининг директори ўринбосари (1943–44), Навоий ижодини ўрганиш қўмитасининг илмий котиби (1957–72). З. ўзбек халқ бахшиларидан «Юсуф б-н Аҳмад», «Ёдгор», «Равшан», «Рустамхон», «Очилдов» каби машҳур дostonларни ёзиб олган, шунингдек, эртак, қўшиқ ва мақоллар, диалектология ва этн.га оид материаллар, тарихга оид хужжат ва ёдномалар тўплаган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). Т.даги Адабиёт музейи ўзбек фольклори бўлимига З.нинг ёдгорлик бюсти (муаллиф А.Шоймуродов, 1984) қўйилган. Чигатой қабростонига дафн этилган. Т. кўчаларидан бирига унинг номи берилган.

ЗАРИФОВЛАР СУЛОЛАСИ –

Тошкент ш.да туғилиб фаолият кўрсатган ўзбек цирк санъати усталари авлоди. Янги ўзбек цирк санъатининг вужудга келишида етакчи ўрин тутган. Сулола бошлиғи Ўзбекистон халқ артисти Карим Зарифов (1890–1960.20.12) – қизиқчи, муаллақчи, от ўргатиш ва чавандозликнинг асосчиси. Фаолиятини 8 ёшидан бошлаган. 1902 й. Тошкентда ташкил этилган биринчи Ўзбек ярим профессионал циркининг ёш аъзоси. Шунингдек, давлат цирк санъати ва хўжалиги ташкилотчиси. Ўзбек миллий циркини яратиш ташаббускори, мураббийси. У ўз фаолияти давомида анъанавий халқ циркининг бесуюяк, муаллақчилик, ҳуққабозлик, қизиқчилик, чавандозлик жанрларини ривожлантирди, циркни замонавий – гумбаз ости майдонига мослади ва янги цирк санъатига асос солди. 20-й.ларда цирк қизиқчилиги ва клоунада, 30-й.ларда «от ўйин» ва «чавандозлик» санъатини бирлаштириб, янги томоша турини яратди. «Карим қизиқ нима дейди?» номли репертуар дастури асосида рафиқаси Муборак Зарифова б-н янги цирк талабларига мос грим ва уст-бошларда ҳажв ва ҳазил мавзуларида қизиқчилик қилган, от ўйини ва эпчил чавандозликни томоша санъати даражасига кўтарган. Бу ишга ўз ўғил-қизлари ва б. ёшларни жалб этган. Минор қабристонига дафн этилган.

Муборак Зарифова (1906.6.5–1992.1.3) – Карим Зарифовнинг рафиқаси. Ўзбек циркининг қизиқчилик – клоунада жанридаги биринчи актриса. Цирк сахнасига илк бор 1925 й. (эркакча кийимда) чиққан. Эри б-н биргаликда цирк қизиқчили-

ги жанрида ишлаб, цирк репертуарига янгилик олиб кирган. «Ким қандай?», «Эшон ойим ёки тиш доктори», «Ашула ва шарпа» сингари қизиқчилик антрелари б-н шухрат қозонган. 1929 й.дан эри ва фарзандлари (Ҳакимжон, Холида) б-н чавандозлик қилиб, от устида турли мураккаб машқлар бажарган. Минор қабристонига дафн этилган.

Ҳаким Зарифов (1924.17.9) – ўғли. Ўзбекистон халқ артисти (1964). Тошкент давлат консерваториясини тугатган (1946). Циркда ишлаб туриб, 1946–47 й.лар Тошсовет мусиқали драма театрида дирижёрлик қилган. Отаси яратган цирк чавандозлиги мактабининг давомчиси ва раҳбари. Ўғил-қизлари ва набираларини ҳам шу йўлда тарбиялади. Ўз фаолияти давомида ўзбек цирк чавандозлигини ўта қалтис ва мураккаб хатти-ҳаракатлар, гўзал тус ва мусиқий жилолар б-н бойитди.

Холида Зарифова (1927.27.2–2006,11,12) – қизи. Ўзбек цирки аёл санъаткорларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1953). Ўз ижодини 1937 й.дан бошлаган. 1938 й.дан от устида мураккаб машқлар ижро этган. 40-й.лардан эса «Чавандозлар» дастурининг кўрки сифатида танилган; ўргатилган от устида мураккаб машқларга ўзбек миллий рақсини уйғунлаштириб, махсус томоша ижод этган, йиллар давомида рақс мураккаблиги, гўзаллигини такомиллаштира бор-

ган. «Дўстлик» ордени (1998) б-н тақдирланган.

Гавҳар Ҳаким қизи Зарифова (1949.12.1) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1980). Тошкент давлат санъат интини тугатган (1982). З.лар чавандозлик мактабининг мураккаб анъаналарини ўзлаштирган. Унинг отда чопиши, хатти-ҳаракатлари эпкинни ниҳоятда баланд бўлиб, югураётган отнинг қорнидан ўтиб, яна эгар устига чиқади, сўнг от бўйнига осилиб айланади ва яна эгар устида тик туриб мураккаб машқлар бажаради. Ҳаракатларидаги майин эгилувчанлик ва тезкорлик фақат унинг ижодига хос.

Анвар Ҳаким ўғли Зарифов (1956.9.6) – цирк чавандози. Елдек учиб бораётган от эгаридан бош б-н сирғалиб, отнинг қорнидан ўтиб, эгарга ўтиради, сўнгра чап оёғи узангида бўлиб, ўзини даст пастга ташлаб, боши, кифти ва икки қўли б-н ерда судралиб бориб, яна эгарга ўтиради. Кифти ва қўлларига тиралиб, оёқларини осмонга тик кўтаради. З.лар анъаналарини келажак авлодга етказишда сулоланинг ишончли вакили. Гавҳар ва Анвар Зарифовларнинг онаси

Ҳаким Зарифов ва унинг гуруҳи (1995).



Нина Зарифова (1924.29.11, Иваново вилояти) – цирк артисти, чавандоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969).

Холида Зарифованинг фарзандлари Регина Зарифова (1949.10.11), Ойдин Тошканбоева (1953.30.10), Карима Фахриддинова (1960.12.1), Улуғбек Зарифов (1968.12.1)лар ҳам чавандозлик, дорбозлик, ҳайвон ва паррандалар ўргатиш ва ўйнатиш, қизиқчилик жанрларида ижод қиладилар. Бу фарзандларнинг отаси Фахриддин Шарифбеков (1928.11.5–1997.4.3) ҳам циркда чавандоз бўлган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1969). «**ЗАРҚАЙНАР**» (Зарқайнар кўч., 1) – супермаркет. Эскижўва майдонида 2005 й. қурилиб, ишга туширилган. *Ўзбек либослари галереяси* биносида жойлашган. Мулкчилик шакли – МЧЖ. Таъсисчиси «Мурувват – текс» чет эл шўъба корхонаси. Умумий майд. 3172 м² бўлиб, «Модерн» услубида қурилган. Ўзбекистоннинг йирик корхоналарида ишлаб чиқарилган кенг турдаги халқ истеъмол моллари, чет эл компаниялари маҳсулотлари б-н чакана ва улгуржи савдо қилади.

ЗАРҚАЙНАР КЎЧАСИ – Собир Раҳимов ва Шайхонтохур туманлари ҳудудида. Уз. 2 км атрофида. Ҳадра майд. ва Ҳазрати Имом мажмуаси оралигида жойлашган. 18-а.да пайдо бўлган. Маҳаллий аҳоли Ҳазрати Имом Қафқол Шоший мақбарасини зиёрат қилиш учун шу йўлдан фойдаланган. 19-а.нинг 2-ярмида шаҳар кўчаларига расмий ном берилиши муносабати б-н у Ҳастимом кўчаси деб юритилган. 1929 й. шоир ва драматург *Ҳамза* номи берилган. 1990 й. 14 майдан Зарқайнар номи б-н юритилади. Тар-

кибида 20 та берк кўча бор. Сағбон ва Абдулла Қодирий кўчаларини кесиб ўтади. Йўналишида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Болалар ижодиёти уйи, «Чорсу» бошбекати, цирк, планетарий, Ўзбек давлат драма т-ри, «Чорсу» буюм бозори, теннис корти, «Зарқайнар» супермаркети, Ўзбек либослари галереяси, «Намозгоҳ» масжиди, мактаб, шахсий турар жой бинолари, дўконлар ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. 2004–05 й.ларда кенг қамровли қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кўча сатҳи кенгайтирилиб, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғидан «Чорсу» бошбекатига ўтиш ер ости йўли бунёд этилди. Яқинида «Ҳадра» меҳмонхонаси, Ўзбек миллий академик драма т-ри, Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти, Эскижўва деҳқон бозори, Хожа Аҳром а с ж и д и , банк, ярмарка ва китоб дўкони жойлашган.

Зарқайнар кўчаси.



«Зарқайнар» супермаркетининг савдо зали.

ЗАФАР ДИЁР НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Темур Малик кўч., 66^а-уй)

– Мирзо Улуғбек туманининг шим.-шарқий қисмида жойлашган. Майд. 14 гектар. Боғ 1968 й.да ташкил этилган. 1994 й. 1 ноябрда болалар шоири Зафар Диёр номи берилган. Боғда дуб (эман), чинор, каштан, акация, терак, қарагай, шумтол, қораарча, заранг каби манзарали ва ёнғоқ, тут, ўрик сингари мевали дарахтлар ўсади. Дам олувчиларнинг хордиқ чиқаришлари учун ўриндиқлар қўйилган. Боғда 4 та аттракцион, марказий майдон, ёзги кинотеатр, болалар майдончаси, спорт йўлакчалари бор. Умумий овқатланиш, савдо шо-



хобчалари аҳолига хизмат кўрса-тади. Боғда Яланғоч даҳаси аҳолиси турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб туради. **«ЗАХАРИҚ» ҚАБРИСТОНИ** (Шайхонтоҳур тумани Самарқанд дарвоза кўчаси, 177) – майд. 3,1 гектар. Қад. қабристонлардан бири. Қайси даврдан мавжудлиги аниқ эмас.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ (1643–1721) – шоира, маърифатпарвар. Деҳлида туғилган. Бобурийлар сулоласидан Аврангзебининг қизи.

Дастлабки шеърларидаёқ табиат тасвири орқали инсоннинг орзу-умидларини, адолат ва ҳақиқатни куйлаган. Ростликни, ҳаққонийликни тарғиб қилган, алдамчи, фирибгарлардан нафратланган («Агар жаннатни ваъда қилса-да, у одам сўзига алданма...»). З.б. ижодининг баъзи томонлари Бедил фалсафасига ҳамоҳанг.

З.б.нинг асосий машғулоти шеърият, мусиқа, илм бўлган. Лирик шеърлар б-н бирга одоб ва ахлоққа оид «Зеб ут-тафосир» («Гўзал тафсирлар»), «Зеб ун-нашот» («Нашъалар зийнати») ва тасаввуф фалсафасига доир «Мунис ул-арвоҳ» («Рухларнинг содиқ дўсти») каби рисоалар ҳам ёзган. Шеърлари аждодларининг юрти Марказий Осиёда, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Покистон ва б. Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Ҳазаллари ўзбек халқининг сеvimли қўшиқларига айланган. Ҳозик, Хиромий, Нодир, Собир Абдулла ва бошқалар З.б. Ҳазалларига мухаммаслар боғлаганлар.

Шоиранинг шеърий мероси бизгача тўлиқ етиб келмаган. 8000 мисрали бир девони (Ҳазаллари), 7 қасидаси, 5 таржеъбанд ва бир мухаммасиги-

на сақланиб қолган. Баъзи манбаларда шоиранинг «Махфий» тахаллуси б-н ижод қилгани айтилади. 19-а. 2-ярми – 20-а. бошларида кўчирилган «Девони Махфий» З.б.га нисбат берилади. З.б. асарлари кўлёмаси дунёдаги кўпгина кутубхоналарда, шу жумладан, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 2590, 1269, 1936). Деҳлидаги «Зарзари» қабристонига – Низомиддин Авлиё, Амир Хусрав Деҳлавий ёнига дафн этилган.

1920–34-й.ларда Т.даги етим ва боқувчисиз қолган қизлар интернат мактабига З.б. номи берилган. Чилонзор туманидаги кўчалардан бири Зебуннисо номи б-н юритилади.

ЗЕБУННИСО БЕГИМ НОМИДАГИ МАКТАБ – 1920 й. Т.да етим ва боқувчисиз қолган қизлар учун очилган интернат мактаб. Шайхонтоҳур даҳасидаги тараққийпарвар бой Валихўжа ҳожининг ташқи ҳовлисида жойлашган. Деҳлида яшаб ижод қилган ўзбек шоираси Зебуннисо бегим (1643–1721) номи берилган (1926). Дастлаб тайёрлов синфидан иборат бўлган. Кейинчалик 2 босқичли мактабга, 1927 й.дан 7 йиллик тўлиқсиз ўрта мактабга айлантирилган. Мактабда ўз даврининг етук зиёлилари – Тўхтаназар Шермухамедов, Хусанбой Ибодов, Зарифа Саидносирова, Ойдин Собирова, Аъзамхон Рустамов ва б. дарс берган. Ҳоз. Тешиққоққа маҳалласи яқинида яшаган Низомиддин бойнинг боғи қизларнинг ёзги таътилда мактабга қарашли дам олиш маскани бўлган. Мактабда меҳнат тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Каштачилик, тикиш-бичиш, мусиқа, жўр бўлиб ашула айтиш ва б. тўгараклари бўлган. Айниқ-

са, бастакор Ризқи Ражабий раҳбарлигидаги «Кўк кўйлак» бадий ҳаваскорлар гуруҳи шуҳрат қозониб, респ. ёш санъаткорлар кўриги (1928)да 1-мукофотга сазовор бўлган. Мактабни битирганлар саводсизликни тугатиш курсларига ва ўқиш учун техникумларга юборилган. 1934 й. ушбу мактаб асосида дастлабки мактабгача тарбия билим юрти ташкил этилган.

ЗЕВАК – Бешёғоч даҳасидаги қад. маҳалла. Яланғар, Қоратош, Қози Низомиддин, Бешёғоч маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўнчилик, чакана савдо-сотик, деҳқончилик б-н шуғулланган (шаҳар ташқарисидagi ерлари – Новза, Чилонзор, Аския мавзеларида). Масжид, мактаб (маҳаллада маърифатчи Б.Жалилова 1917 й. дек.да дастлабки хотин-қизлар мактабларидан бирини ташкил этган), баққоллик дўконлари, тегирмон, жувозхона бўлган (20-а. бошлари). Ҳоз. худудида кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари қурилган.

«ЗЕНИТ ЭЛЕКТРОНИКС» (Қорақамиш кўч., 2) – радиотехника корхонаси. 1986 й. ишга туширилган ва ЭҲМ учун микроэлектроника элементлари, микросхемалар, масофадан туриб бошқариш системалари ишлаб чиқара бошлаган. Шунингдек, корхонада болалар каравотчалари, радиофонар, автоқоровул, «Зафар-1», «Зафар-11» деб номланган компьютерлар, мусиқали электр кўнғироқ каби рўзгор буюмлари ҳам тайёрланган. 1991 й.дан Жан. Корейанинг «Goldstar» фирмаси б-н ҳамкорликда видеоплейер и.ч. йўлга қўйилди. ХХРнинг Синьцзян 1-радио 3-ди б-н ҳамкорликда рангли телеви-



«Зенит
Электроникс»
корхонаси.

зор ишлаб чиқарадиган кичик қўшма корхона, пойабзал тикиш ва таъмирлаш цехи ташкил этилди. 1992 й. 10 окт.дан мураккаб маиший техника ишлаб чиқарувчи «ЎзДЭУ Электроникс» қўшма корхонасига айлантирилди. 1993–98 й.ларда 450 млн АҚШ долларига тенг электрон-рўзгор маҳсулотлари тайёрланди. Корхона инвесторлари ўзгарганлиги муносабати б-н 2004 й. 12 майдан ҳоз. ном б-н атала бошланди. Ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги қўшма корхона сифатида фаолият юритади. 15 дан ортиқ моделдаги телевизорлар, DVD-проигривателлари, шунингдек, пластмасса буюмларини и.ч. ўзлаштирилди. Телевизорларни йиғиш ва созлаш линиялари, чангютгич, СВЧ-печлари, холодильник, кир ювиш машиналари кабиларни йиғиш, созлаш, ўраш ишлари тўлиқ автоматлаштирилган.

«ЗИЁ» МАҲАЛЛАСИ (Талабалар кўч., 54) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Мирзо Ғолиб, «Чимбой», «Университет» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. дек.да «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида ташкил қилинган. Дастлаб «Муҳандис» маҳалласи деб, кейинчалик

(2008). Маҳалла ҳудудида «Ёшлик» маънавият м-зи, «Нукус» кинотеатри мавжуд.

ЗИЁ САИД (тахаллуси; асл исм-шарифи Қосим Солиҳов) (1902–1938) – журналист, драматург ва танқидчи. Т.да туғилган. Эски усул мактабида савод чиқарган. Дастлаб «Иштирокиюн» (1918–20), «Ёш Шарқ» (1920–22) газ.ларида, «Ўзгаришчи ёшлар» (1922–24) журн.да ишлаган. «Қизил Ўзбекистон» газ.да саркотиб (1926–27), «Муштум» журн. муҳаррири (1927–31), Ўзбекистон радиоэшиттириш қўмитаси раиси (1937–38). Ижоди 1922 й.дан бошланган. «Қонли кун» (1926, Мўминжон Муҳаммаджонов б-н ҳамкорликда) драмаси 1916 й.даги Т. кўзғолони ҳақида. З.С. ижодининг асосий қисмини ҳажвиялар ташкил этади.

З.С. ижодий меросида 1927 й.да нашр этилган «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» (1870–1927) рисоласи алоҳида аҳамиятга молик. Рисола ўзбек матбуотининг шаклланиш тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Қатагон қурбони бўлган.

ЗИЁВУДДИН ЭШОН БОБОХОН (1908.10.1–1982.22.12) – муфтий, дин ва жамоат арбоби.

Отаси Эшон Бобоҳон Абду-мажидхон ўғли (1860–1957) ақоид, фикҳ, тафсири ва ҳадис билимларини чуқур эгаллаган ва нақшбандия тариқатининг намоёндаси сифатида танилган, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкилотчиларидан бири ва унинг муфтийси эди (1943–57). З.Э.Б. Бароқхон, Кўкалдош мадрасаларида таҳсил кўрган (1923–31). Қоҳирадаги ал-Азҳар дорилфунунини тугатган. Макка, Мадина ш.лари-га илмий сафарлар қилган (1947). Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси ташкилий қўмитасида бош котиб (1942), бошқарма раисининг ўринбосари (1943–57), раиси (1957–82). Т.да Имом Бухорий номидаги Исломи интини ташкил этиш ташаббускори (1969) ва унинг бевосита раҳбари. Унинг саъй-ҳаракати б-н Бухорода Мир Араб мадрасаси фаолияти қайта тикланди (1945). Бир қанча мусулмон мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро диний анжуманларнинг ташкилотчиси ёки фаол иштирокчиси сифатида турли халқлар ва динлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига катта ҳисса қўшди. Масжидлар бўйича Бутунжаҳон олий кенгаши аъзоси этиб сайланди (Макка, 1976).

З.Э.Б. диний меросни кенг тарғиб ва ташвиқ қилишдан ташқари илмий, адабий фаолият б-н ҳам шуғулланган. Ибн Синонинг гигиенага оид китобини арабчадан ўзбек ва рус тилларига ўгирган (Т., 1982). Зиёвуддинхоннинг «Диёримизда ислом ва мусулмонлар» асари (1979, рус тили)да ислом динининг моҳияти очиб берилган, ислом барча замон ва халқлар учун салоҳият-

ли дин эканлиги, унинг тамо-йиллари ҳамма яхши ниятли ки-шиларнинг орзу-умидлари б-н ҳамоҳанг эканлиги кўрсатилган. Футухий тахаллуси б-н шеърлар ҳам битган. Зиёвуддинхон халқлар ўртасида тинчликни сақлаш, ер юзида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшганлиги учун Иордания, Сурия, Марокаш ва Миср Араб Республикасининг олий орденлари б-н тақдирланган. Тошкентдаги Қафқол Шоший мақбараси ичига оталари Эшон Бобохон ёнига дафн этилган.

Унинг ўгли Шамсуддинхон Бобохонов (1937–2003) – арабшунос, Ўрта Осиё ва Қозоғистон муслмонлари идораси раиси, муфтий (1982–89), дипломат, 1994–2001 й.ларда Ўзбекистоннинг Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони ҳамда ўриндошлик асосида Жазоир, Иордания, Қувайт ва Баҳрайн давлатларидаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси. Бир қанча илмий ва оммабоп китоблар муаллифи. Халқаро Ибн Сино мукофоти лауреати. Гойибота қабристонига дафн этилган.

ЗИЁД ИБН СОЛИХ ал-Хузаъий (?– тахм. 754) – Араб халифалигининг Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги ноиби Абу Муслимининг яқин сафдош (нақиб)-ларидан бири ва саркардаси. Арабларнинг хузаъа қабиласидан. Бухородаги Шарик ибн ал-Маҳрий ҳаракатини ва Самарқанддаги ғалаённи бос-тирган (751). Фарғона б-н Чоч ўртасида ҳам рақобат мавжуд бўлиб, Фарғона ҳокими бу курашда Хитойнинг Тан сулоласидан ёрдам сўраган. Мовароуннаҳрдаги ички курашлардан фойдаланиб, уни ўз таъсир доирасига киритишга ҳаракат


қилган Тан сулоласи шу баҳонада катта қўшин жўнатган. Фарғоналиклар б-н иттифоқликда бу қўшин Чочни эгаллаб, вайрон қилган, ҳокимини қатл этган. Чоч ҳокимининг ўғли ёрдам сўраб, арабларга мурожаат қилган. Абу Муслим З. ибн С.ни катта қўшин б-н Чочга юборган, бу қўшин *Талас жангида* хитой қўшинини буткул тор-мор келтирган. Бу жанг Марказий Осиё халқлари тарихида ўта муҳим роль ўйнайди. У Тан империясининг Мовароуннаҳр ҳудудини эгаллаш йўлидаги босқинчилик сиёсатига чек қўйган. З. ибн С. 754 й. халифа Мансур буйруғи б-н Абу Муслимга қарши чиққан ва бу кураш жараёнида Самарқанд яқинидаги Баркас қишлоғида ҳалок бўлган.

ЗИЁЛИЛАР КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги марказий кўчалардан бири. Дўрмон йўли ва Кичик ҳалқа йўли кўчалари ораллиғида жойлашган. 1955 й. ташкил топган. Уз. 2,2 км атрофида. 2007 й. 2 авг.дан ҳоз. номда. Йўналишида Марказий ҳарбий госпиталь, Харитаграфия ф-каси, 5-болалар поликлиникаси, шаҳар суди, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Тарих, Тил ва адабиёт, Фалсафа ва ҳуқуқ, Шарқшунослик ин-тлари, Мирзо Улуғбек номидаги хиёбон, Фуқаролик иши бўйича Т. шаҳар суди, тўйхона, саноат корхоналари, ташкилотлар, кўп қаватли ва бир қаватли турар жой бинолари ҳамда савдо шохобчалари жойлашган. Яқинида Академиклар шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг и.т. институтлари бор. 2007 й. авг.да кўча йўналиши бўйлаб кенг қамровли реконструкция ишлари олиб

борилди. Кўчанинг эни 12,5 м га кенгайтирилди, пиёдалар учун алоҳида 3,5 метрли йўлка барпо этилди. Кўчанинг Кичик ҳалқа йўли б-н туташ жойида 16,5 м узунликда т.й. ўтказгич (кўприк) бунёд этилди. Атрофида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди.

ЗИЛЗИЛА, Тошкент зилзилалари – Т. сейсмик жиҳатдан хавфли Тошкент–Писком сейсмоген зонасида жойлашган. Т.да сўнгги 150 й. давомида 10 га яқин кучли З. (1866 й. апр., 1868 й. 4 фев. ва 4 апр., 1886 й. 29 ноябрь, 1924 й. 7 июнь, 1959 й. 24 окт., 1966 й. 26 апр., 1980 й. 11 дек., 2008 й. 22 авг.даги З.лар) бўлиб ўтган. Шунингдек, Ўратепа (1897), Наманган (1942), Чатқол (1946), Қўштепа (1965) зилзилалари ҳам Т.га талафот етказган. 19-а.да яшаган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиххўжа 1866 й. апр.да Т.да содир бўлган кучли З. шоҳиди бўлган ва бу ҳақда машҳур «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асарига (687-бет) ёзиб қолдирган. Унинг гувоҳлик беришича, 1866 й. 26 апр.дан 27 апр.га ўтар кечаси (1282 ҳижрий йилнинг 10–11 зулҳижжаси)да Т.да кучли З. содир бўлган. Хожа Аҳроп жоме масжиди гумбази, аҳоли истиқомат қилаётган иморатлар қулаши натижасида аксарият қурбонлар бўлган. 1868 й. 4 апр.даги З. натижасида шаҳардаги кўплаб иморатлар бузилган, 50 дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Тебраниш 15 сек.га яқин давом этган.

1966 й. 26 апр. соат 5 дан 22 мин. 52 сек. ўтганда Т.да қаттиқ ер қимирлаш рўй берди. З.дан аввал кучли портлашдаги каби товуш эшитилиб, шаҳар



Тошкент ва унга туташ туманларнинг сейсмотектоник харитаси.

чеккасида шафақ кўринди. И.т.-ларнинг натижаларига кўра, шафақнинг келиб чиқишига сабаб, ер остида йиғилган тектоник кучланишнинг ер юзасига чиқиши вақтида электр энергиясига айланишидир. З. ўчоғи 5–10 км чуқурликда жойлашган. З. энергияси 10^{14} жоулга яқин, эпицентрда унинг кучи 8 баллга етган. З. маркази (Қашқар маҳалласи ва Лабзак ўрнида) вертикал зарблар кучининг магнитудаси (М) 5,3 га, силкиниш 8 баллдан зиёд, максимал вайроналик зонаси 10–12 км² га тенг бўлган. З. ўчоғи чўзиқроқ шаклда бўлиб, шим.-ғарбдан жан.-шарққа йўналган. З. натижасида атрофга сейсмик тўлқинларнинг сўниб бориши натижасида 8, 7, 6 балли майдонлар ажратилган. 9 майдан 10

майга ўтар кечаси, 24 май ва 5 июнда кучли (6–7 балл) силкинишлар такрорланган. З. натижасида 2 млн. м² дан зиёд турар жой, 236 маъмурий бино, 700 га яқин савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 26 коммунал хўжалик корхонаси, 180 га яқин ўқув юрти, 8 минг ўринли мактаблар, 36 маданий-маиший муассаса, 185 тиббиёт ва 245 саноат корхонаси бинолари зарар кўрди, 78 минг оила ёки 300 минг киши бошпанасиз қолди, қурбонлар бўлди. Асосий тебраниш 1966–68 й.лар мобайнида бир қанча афтершоклар б-н давом этди. Марказий сейсмик ст-я биринчи кучли зарбадан сўнг силкинишларнинг 2500 дан ортиқ такрорлангани қайд қилди. З.дан зарар

кўрган Т.га собиқ иттифоқдаги респ.лар халқи катта ёрдам кўрсатди. Қисқа муддат ичида (3,5 йилда) З. оқибатлари бартараф этилди. Янги даҳалар, йўлдош шаҳар – Сергели бунёд этилди. 300 минг тошкентлик уй-жой б-н таъминланди, 3200 минг м² турар жой қурилди.

1966 й.даги З. сейсмик хавфи бўлган р-нларнинг ер қаъри тузилишини ўрганиш ва З.нинг геологик сабабларини аниқлаш мақсадида махсус комплекс тадқиқотларни ташкил қилиш учун туртки бўлди. Т. ва унга туташ ҳудудларнинг ер қимирлаш хавфини аниқлашга доир кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилди. Йирик шаҳарлар ва қурилишларга хавф тўғдираётган сейсмик ўчоқ зонаси ер пўстини геологик-геофизик тадқиқ қилишни кучайтириш зарурлиги тан олинди. Умумий сейсмик районлаштириш харитаси кучли ер қимирлаганда ер пўсти ёрилиши хавфи бўлган трассалар схемаси б-н тўлдирилиб ва сейсмотектоник тадқиқотлар асосида унга аниқлик киритиб борилади (харитага қ.). Бу ишларни олиб бориш учун «Тошкент» сейсмик ст-яси базасида Ўзбекистон ФА *Сейсмология институти* ташкил этилди (1966).

Ўтган йилларда Тошкент сейсмик ст-яси сейсмографлари бу ерда 2, 3, 4 балли кучсиз силкинишлар бўлади, деб бир неча марта қайд қилганлар. Лекин манбаи бевосита шаҳар остида бўлган кучли З. бу ерда юз йилдан бери бўлмаган эди. 1868 й.нинг 4 фев.ида рўй берган силкинишнинг кучи 7 баллга етган, холос. Шундан кейин Т.да содир бўлган З.ларнинг кучи паст бўлган.

Олинган сейсмик материалларни синчиклаб ўрганиш ва

уларни Тошкентолди ҳудудининг тектоник тузилиши б-н боғлаш натижасида шу нарса аниқландики, Т. ва унинг атрофида рўй берган З.ларнинг кучи 8 баллдан ошмайди. Шунга кўра зилзила эҳтимоли бўладиган сейсмоген зоналар асосида тузилган мукамал сейсмик районлаштириш харитасида Т. 8 балли зонага киритилган.

Сейсмомикрорайонлаштириш натижасида шаҳар рельефи, муҳандислик-геологик шароитини назарга олган ҳолда, 7, 8, 9 балли майдонларга бўлинди.

Кейинги йилларда олиб борилган геологик, геофизик тадқиқотлар Т.да ҳеч қандай вулқон отилиб чиқмаслиги, шаҳар остида бўшлиқ йўқлиги, аксинча, қатламлар жуда ҳам зич жойлашганлигини ва сейсмофаол синиқлар борлигини кўрсатди.

Т. тектоник жиҳатдан Тяньшань тизма тоғларининг ғарбидаги Тошкент–Мирзачўл тоғолди чўкмасида жойлашган. Бу чўкма, асосан, мезозой ва кайнозой чўкинди тоғ жинслари б-н тўлган бўлиб, пастдан юқорига қараб палеозой, юра, бўр, палеоген, неоген ва тўртламчи давр қатламларидан иборат. Чўкинди тоғ жинсларининг Тошкент–Мирзачўл чўкмасидаги максимал қалинлиги тахм. 3000 м. Бу тоғ жинслари остида палеозой даври ётқизиқлари бўлиб, улар фақат Чатқол ва Қурама тоғларида ер юзасига чиқиб, жуда ҳам қаттиқ, зич жинсларни ташкил этади. Чўкинди жинслар тоғ тизмаларига яқинлашган сари юқаллашиб, қияланиб боради. Шунингдек, Т. атрофида, айниқса, шим.-шарқ томонда қатламлар қалинлиги 3000 м дан 1200–1500 м га тушади. Бу камайиш, асосан, ёш қатламлар,



Тошкент зилзиласи (1966 й. 26 апрель).

яъни неоген ва тўртламчи давр чўкиндилари ҳисобига бўлади. Бундай ҳолат Т.нинг шим.-шарқ томонида ёш антиклинал бурмаларнинг ўсиб бораётганлиги натижасида содир бўлмоқда. Ёш антиклинал бурмалар шим.-шарқдан жан.-ғарбга қараб Майский, Полтарацкий, Эшонқўрғон, Тентаксой, Янгийўл, Чиноз ва Сирдарё адирларини ўз ичига олади. Улар Коржонтовнинг давоми бўлиб, Сирдарё, Полтарацкий антиклинал зонасини ҳосил қилади. Бу антиклинал зонанинг кўтарилиши ҳисобига Тошкент–Мирзачўл тоғолди чўкмаси неоген даврининг бошидан секин-Тошкент зилзиласидан сўнг (1966).

аста чўкишни давом эттирмоқда. Тектоник нуқтаи назардан, бу жойлардаги ер ости синиқлари доим фаол; уларнинг фаоллашишида ҳоз. замон тектоник ҳаракатларнинг ҳам вертикал, ҳам горизонтал кучларининг таъсири катта. Бу жараённинг бўлиб туриши Ер сатҳининг ўзгаришига ва ёш кўтарилма адирларнинг ўсишига олиб келади.

Геологик, геофизик материалларни таҳлил қилиш ва Т. ҳамда унинг атрофидаги тектоник ҳаракатларни синчиклаб ўрганиш натижасида, 1961 й.да О.А.Рижков, А.А.Юрьев, Р.Н.Ибрагимовлар томонидан бу р-ннинг геологик ривожланиш тарихи ёритилиб, унинг сейсмик жиҳатдан фаоллиги ҳамда Т. ва унинг атрофида 7 ва ундан ортиқ балли З.лар бўлиши мумкин эканлиги биринчи марта илмий асосда кўрсатиб берилди. 1966 й. 26 апр.да бўлиб ўтган 8 балли Т. зилзиласи олимларнинг фикрини тасдиқлади.

1980 й. 11 дек.да маҳаллий вақт б-н соат 20 дан 35 дақиқа ўтганда Т.нинг ғарб томонида Назарбек зилзиласи содир бўлди. Бу ерда ҳам шафақ кўринди. Аввалига момақалди-



роқ каби гумбурлаган кучли товуш бир зумда кўпчилик диққатини ўзига тортди, тўсатдан ер гўё «тут қоққандек» силкинди. Ўзбекистон ФА қошидаги Сейсмология ин-тининг Тошкент сейсмик обсерваторияси марказий пулт таблосида «кучли зилзила» деган сигнал – ёзувлар пайдо бўлди ва Самарқанд, Фарғона, Наманган ва б. сейсмик ст-ялардан олинган маълумотларни чуқур ўрганиш натижасида зилзила ўчоғининг параметрлари белгиланди. З. эпицентрининг Т. марказидан 15 км ғарбда жойлашганлиги аниқланди. Эпицентрда тебраниш кучи 8 балл, магнитудаси 5,5 бўлиб, энергияси 10^{14} жоулга яқинлашди. Рўй берган З. ўчоғи Т. вилоятининг Назарбек қишлоғи остида, 10–15 км чуқурликда жойлашган. Кучли силкинишлар бир неча км² майдондаги иморатларга шикаст етказди. Ўша йилнинг 30 дек.да кучли З.нинг қайтала ниши зарар кўрган биноларнинг бутунлай бузилишига сабаб бўлди. Бу тебранишнинг кучи 7 баллдан ошиқроқ бўлиб, эпицентри биринчи З. марказидан 1–2 км нарида жойлашганлиги зарар кўрган майдонни анча кенгайтирди.

Назарбек З.сининг кучи Т. зилзиласидан бир оз кўпроқ бўлгани учун Фарғона водийсида, Самарқанд, Чимкент ш.ларида 2–3 балл б-н сезилди. И.т. ишлари Назарбек З.си баъзи бир хусусиятлари жиҳатидан 1966 й.нинг 26 апр.даги Т. зилзиласига ўхшашлигини кўрсатди. Бу эса З. ўчоқларини олдиндан айтиб бериш имкониятини яратади. Шуни қайд этиш жоизки, 1966 й. 26 апр.даги ер қимирлашдан кейин қурилган бино ва иншоотлар, Т. метрополитени бу синовдан ўтди.

2008 й. 22 авг. соат 13 дан 29 мин. ўтганда содир бўлган Т.даги сезиларли З. айтилган башоратларни яна бир бор исботлади. Ер остидан тик йўналишда З. ўчоғидан келган зарба нисбатан кучли бўлди. Унинг магнитудаси (М) 4,7 бўлиб, интенсивлиги шаҳарни 6–7; 5–6 балли зоналарга ажратди. Бу З.дан кейинги йилларда 6–7 балли зоналарда сейсмобардош қурилиш учун кўрсатилган сейсмик хавф борлигини ва тупроқ шароитини инобатга олмай қурилган иморатлар жиддий талафот кўрди.

Т. ва унга туташ зоналарга хос «хусусий» З.дан ташқари «транзит» З.лар ҳам кузатилади. Баъзи ҳолларда уларнинг тезлиги ортиб, шаҳар анча кучли силкинишлар майдонига айланади. Шуларни эътиборга олиб, Т. худудининг сейсмик микрорайонлаштириш харитаси тузилди. 1970 ва 1984 й.лар бу харита Ўзбекистон Давлат қурилиш комитети томонидан меъёрий ҳужжат сифатида тасдиқланди. Қурилиш объектларини жойлаштиришда шу харитага амал қилинади. Муҳандислик-геологик шароитлар хусусиятига қараб, шаҳар худуди 8 ва 9 балли қисмларга бўлинган. 1980 й. рўй берган Назарбек З.си силкинишлардаги бу фарқлилиқни амалда исботлади.

«ЗИЛОЛА» МАҲАЛЛАСИ – Бектемир туманидаги маҳалла. «Роҳат», «Миришкор», «Чашма», «Истикбол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Маҳалла худуди Сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Сувмаш» а-дининг ишчи ва хизматчилари илтимосига биноан «Зилола» деб аталган. Аҳолиси 3175 киши; миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, ко-

рейс, татарлар ҳам яшайди (2009). Маҳалла худудида 2 кўча, 2 спорт майдончаси, новвойхона, болалар боғчаси, бозорча жойлашган.

ЗОКИРОВЛАР – Т.даги машҳур ўзбек санъаткорлари оиласи. Сулола бошлиғи опера хонандаси (лирик-драматик баритон), Ўзбекистон халқ артисти (1939) Карим Зокиров (1912.12.3–1977.19.2). Москвадаги Ўзбек опера студиясида таълим олган (1934–36). Ижодий фаолиятини 1928 й. драматик актёр сифатида бошлаб, дастлабки ролларини Ўзбек давлат драма театри (1928–29), Ишчи-ёшлар театри (1930–31)да ўйнаган. 1931–34 ва 1936–39 й.ларда Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939–77 й.лар Навоий номидаги опера ва балет театрининг етакчи яккахон хонандаси. Мусиқали драмаларда Фарҳод (Хуршид, В.Успенский, «Фарҳод ва Ширин»), Неъмат (Ф.Зафарий, Т.Жалилов, «Ҳалима»), Мажнун (Хуршид, Т.Содиқов, «Лайли ва Мажнун») каби; операларда Улуғбек (А.Козловский, «Улуғбек»), Торобий (О.Чишко, «Маҳмуд Торобий»), Тоҳир (Т.Жалилов, Б.Бровцин, «Тоҳир ва Зухра»), Иброҳим (Р.Глиэр, Т.Содиқов, «Гулсара»), Шоҳ Баҳром (М.Ашрафий, «Дилором») сингари образлар яратган. «Майсаранинг иши» (С.Юдаков) операсидаги Мулладўст образи Карим Зокиров талқинида ўзига хос бадий ифодасини топган.

Карим Зокиров чет эл мумтоз асарлари асосидаги (Эскамильо, Ж.Бизе, «Кармен»; Елецкий, П.Чайковский, «Қарға моткаси» ва б.) ва Қozoғистон, Озарбайжон композиторлари (Эр Таргин, Е.Брусилловский, «Эр Таргин» – Ҳасанхон – У.Ҳожибеков, «Кўр ўғли»; Кажар –

А.Спендиаров, «Алмаст» каби) операларидаги ролларни ҳам маҳорат б-н ижро этган. Унинг куйлаш услуби, очиқ товуши ўзбек миллий, шунингдек, замонавий ижрочилик анъаналари б-н узвий боғлиқ. Халқ ашуллари, ўзбек бастакорлари асарлари ва айрим мақом парчалари – «Истарман», «Эй нигорим», «Чоргоҳ I, II, III», «Навбахор», «Кўчабоғи I-II», «Гиря», «Каримкулбеги I-II», «Дугоҳ» ва б. Карим Зокиров ижросида юксак бадиий ифодасини топган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

Карим Зокировнинг рафиқаси Шоҳиста Саидова (1917–2000.7.2) – актриса, хонанда. Муқимий номидаги театрда ишлаган (1952–62). Асосий роллари: Моҳимбону («Тоҳир ва Зухра»), Гулруҳ («Равшан ва Зулхумор»), Бекачи («Алпомиш»), Амма («Холисон», «Нурхон»), Роҳатой («Офтобхон») ва б. У, шунингдек, моҳир лапар ижрочиси ҳам бўлган.

Ўғли Ботир Зокиров (1936.26.4–1985.23.1) – хонанда (лирик-драматик тенор), актёр, рассом. Ўзбекистон халқ артисти (1965). Ўзбек замонавий профессионал эстрада кўшиқчи (ижрочи)лигининг асосчиси. Т. давлат консерваториясининг вокал ф-ти (1952–57), Т. давлат театр ва рассомлик санъати ин-тининг режиссёрлик ф-ти (1958–62)да таълим олган. «Ёшлик» ансамбли (1957), Ўзбек давлат эстрада оркестри (1958–70) яккахон хонандаси. Т. мюзикхоллининг ташкилотчиси, яккахони ва бадиий раҳбари (1972–78). 1978 й.дан «Ўзбекконцерт»нинг яккахон хонандаси. Ботир Зокиров ўта таъсирчан тембри, ширадор овозга эга бўлган. Ижро этган кўшиқларининг аксариятини ту-



Зокировлар оиласи (1980-й.лар).

гал ва теран лирик-драматик асар даражасига кўтара олган. Ижодида ўзбек композиторларининг романс ва кўшиқлари алоҳида ўрин тутди: М. Бурҳонов – «Мафтун бўлдим», «Намедонам, чи ном дорад»; Ик. Акбаров – «Ёр кел», «Раъно», «Газли», «Сени эслайман»; Сайфи Жалил – «Мажнун монологи», «Кечалар юлдуз санаб» ва б. Шунингдек, эстрада услубида қайта ишланган ҳинд («Нечун хаёлга чўмдинг?», «Дил орзуси», «Мейчале»), форс («Маро бевус», «Айрилиқ кўшиғи»), араб («Арабча танго», «Уйқум ўғриси», «Гўзал қиз»), мексика («Алвидо, муҳаббат»), итальян («Яшасин муҳаббат») кўшиқларини, чет эл муаллифларидан Э.Масиас, Ж.Брель (Франция), Чоудхури, Р.Шанкар (Ҳиндистон), Фатхулла Сулаймон (Сурия), Фарид ал-Атраш (Миср), ака-ука Раҳбонийлар (Ливан), Д.Ристич (Югославия) асарларини оригинал (ҳар бирини ўз тилида) ижро этган.

Ботир Зокировнинг рассом сифатида яратган «Автопортрет», «Саратон», «Гумбазлар», «Болалик кўчаси», «Чор минор» каби асарлари маълум. Бир қанча ҳикоя, очерк ва шеърлар,

шунингдек, «Сўғд элининг қолони» операси (Ик.Акбаров)нинг либреттосини ёзган. «Кичик шаҳзода» (А. де Сент-Экзюпери), «Соя» (Е.Шварц) асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Киноактёр сифатида Ёш муҳандис («Гуллар очилганда»), Рабиндранат Тагор («Оловли ўйлар») каби образлар яратган. «Ўзбектелефильм» студияси Ботир Зокировга бағишланган «Менга кўшиқ чизиб бер» ва «Айтилмай қолган кўшиқ» ҳужжатли фильмларни, ўғли Баҳодир Зокиров «Ўша, ўтган кунлар» фильмини суратга олган. 1994 й. Ботир Зокиров номида эстрада оркестри ташкил этилди (ҳоз. «Ўзбекнаво» қошида), Франция, Австрия, Германия, Куба, шунингдек, Африка мамлакатларида гастролда бўлган. 1995 й. «Ботир Зокиров жамғармаси» ташкил этилди. 1989 й.дан унинг номида замонавий эстрада кўшиқчилари танлови ўтказилади. Т. кўчаларидан бирига Ботир Зокиров номи берилган (қ. *Ботир Зокиров кўчаси*). Чигатой қабристонига дафн этилган, ҳайкали ўрнатилган.

Қизи Луиза Зокирова (1938.7.1) – эстрада хонандаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1965). Энг яхши кўшиқлари: «Наманганнинг олмаси», «Қоралар-қопқоралар», «Эй, меҳрибоним», «Ёввойи танавор». Шунингдек, ҳинд, араб, индонезча кўшиқлари б-н танилган.

Ўғли Навфал Зокиров (1941.19.3–1976.9.11) – эстрада хонандаси. Тошкент давлат консерваториясининг опера синфини тугатган (1968). Энг машҳур кўшиқлари: «Айт», «Кўрмадим», «Майсаранинг иши»дан Ҳожи Дарға арияси. Шунингдек, Америка ва Европа мамлакатлари

қўшиқларини ижро этган. Айниқса, гастрол-концерт фаолияти унинг ижодида алоҳида ўрин тутади. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

Ўғли Фаррух Зокиров (1946.16.4) – эстрада хонандаси, бастакор. Ўзбекистон (1987), Қорақалпоғистон (1993), Қозоғистон (1995), Қирғизистон (1996), Тожикистон (2000) халқ артисти. Т. давлат консерваториясида таълим олган (1966–69), Тошкент давлат маданият ин-тини тугатган (1999). Ўзбек давлат эстрадасининг яккахон хонандаси (1969–71), 1971 й.дан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат «Ялла» ансамбли хонандаси, бадиий раҳбари (1976 й.дан), Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири ўринбосари (2002–04). Фаррух Зокиров майин ва ширали овоз соҳиби, ўзбек миллий ва замонавий эстрада аънаналарига таянади. «Ялла» ансамбли репертуарини қайта ишланган ўзбек халқ лапар, ялла ва б. қўшиқлари («Йўл бўлсин», «Яллама ёрим», «Ғайра-ғайра», «Ҳандалак», «Қилпиллама», «Ганжа Қорабоғ» ва б.) б-н бойитган, шунингдек, замонавий ўзбек эстрадасида миллий аънаналарга асосланган оммабоп мусиқа («фолькпоп») услубининг юзага келишига муҳим ҳисса қўшган. «Майсаранинг иши» (С.Юдаков) операсидан Мулладўст, Ҳидоятхон, Ҳожи Дарға арияларини эстрада услубида айтган, шунингдек, кўпгина фильмлар («Темир хотин», «Водиллик келин», «Орзулар оғушида», «Майсаранинг иши» ва б.)даги қўшиқларнинг муаллифи ва ижрочиси. «Масхарабоз», «Тунги юлдуз», «Сен бўлмасанг ёнимда», «Бойчечак», «Ғазал», «Рубойи», «Мусиқий

чайхона», «Лайли», «Мажнунтол», «Лола», «Хаёлимда бўлдинг уззу кун», «Учқудуқ», «Шаҳрисабз», «Ўзбекистон ватаним» каби қўшиқларнинг муаллифи. Жаҳоннинг деярли барча минтақаларида ўзбек эстрада санъатини («Ялла» ансамбли б-н) тарғиб этган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Шухрат» медали б-н тақдирланган (1996).

Ўғли Жамшид Зокиров (1948.11.7) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1995). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1971). 1971 й.дан Ҳамза театрининг (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма т-ри) актёри. Асосий роллари: Альберт («Оқшомдан тушгача»), Фарҳод («Кузнинг биринчи кунин»), Холмат («Бой ила хизматчи»), Эркак («Тақдир эшиги»), Степан («Мардикор»), Эркак («Алдагани хотин яхши») ва б. Кинода Ота («Орзулар оғушида»), Ҳаким («Келинлар кўзғолони»), Олимтой («Темир хотин») каби ролларни ўйнаган ва видеофильмларда суратга тушган: Декан («Домла»), милиционер («Тартиб»), Шариф Номозов («Шайтанат») ва б.

Ўғли Равшан Зокиров (1951.19.3) – хонанда, рассом. Т. давлат маданият ин-тини тугатган (1990). Унинг репертуарида «Лайли» [шу қўшиғи б-н «Асия даусы» (Қозоғистон) фестивалида биринчи ўринни олган], «Барно», «Рубобим тори» каби қўшиқлар бор. Лирик мавзуда расм ва портретлар чизган. 1995 й.дан «Ботир Зокиров жамғармаси»нинг директори.

Келини Гавҳар Зокирова (1949.10.9) – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1988). Тошкент давлат театр ва рассом-

лик санъати ин-тини тугатган (1971). 1971 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма т-ри) актрисаси. Асосий роллари: Амалия («Қароқчилар»), Агафья («Уйланиш»), Жамила, Гулбахор («Бой ила хизматчи»), Дездемона («Отелло»), Аёл («Тақдир эшиги»), Гулнор («Қутлуғ қон»), Бибиҳоним («Соҳибқирон Темур»), Фаришта («Шайтон ва фаришта») ва б. Кинода Нигора («Тўйлар муборак»), Гули («Юлдузингни бер осмон!»); видеофильмларда Вазира («Олмос камар»), Ҳамшира («Абадият қонуни»), Гулираъно («Домла»), Насиба («Шайтанат») каби образлар яратган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ботир Зокировнинг ўғли Бахтиёр Зокиров (1962.9.8–2005.6.11) – киноактёр. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1997). Асосий роллари: Ибн Сино («Даҳонинг ёшлиги»), Ҳидоятхон («Майсаранинг иши»), Ҳусайн («Амир Темур»), Хирург («Касалхона»), Бўрибой («Армон») ва б. «Илҳом» театр-студиясида ҳам роллар ижро этган: Иоканан («Саломея»), Демон («Тойбеле ва унинг Демони»), Охун («Оппоқ, оппоқ қора лайлак»).

ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Зоология институти (Қорақамиш кўч., 1) – 1950 й. Ўзбекистон ФА Ботаника ва зоология ин-тидан мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Ўзбекистон ҳайвонот оламининг биологик хилма-хиллигини ўрганиш ва муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш асосларини, ўсимликлар зараркунандалари ва биозарарлантрукчиларга қарши кураш чора-

ларининг экологик асосларини, қ.х. ҳайвонлари паразитларини ўрганиш ва уларга қарши кураш усулларини ишлаб чиқиш, ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи туғилган ҳайвон турлари мониторинги, ҳайвонот олами кадастрининг илмий асосларини яратиш, экологик хавфсизликни таъминлаш муаммоларини ечиш бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ин-тда 9 лаб., инсектарий, термитхона, захарли илонлар питомниги (серпентарий), кутубхона (32400 асар), ўта ноёб умуртқасиз ҳайвонлар, сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонларнинг зоологик коллекциялари мавжуд. Ин-тда 56 илмий ходим, жумладан 1 акад., 6 фан д-ри ва 25 фан номзоди ишлайди (2008).

ЗОҲИДОВ Воҳид Йўлдошевич (1914.14.12–1983.19.7) – адабиётшунос олим, файласуф, публицист. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Фалсафа фанлари д-ри (1946), проф.(1949). Т.да туғилган. Озарбайжон пед. ин-тини тугатган (1933). 1933–35, 1938–66-й.ларда Ўзбекистондаги турли олий ўқув юртларида ўқитувчи, Ўзбекистон ФАда илмий ходим, акад.-котиб (1943–48), Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида бўлим мудир ва директор (1949–53), Тошкент пед. ин-тида проф. (1953–57), «Шарқ юлдузи» журн. (1949), «Ўзбекистон маданияти» газ. (1959–62) бош муҳаррири, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида сектор мудир (1957–64). Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-ти директори (1964–67; 1970–83), Ўзбекистон Маданият вазири (1967–70). Илмий ишлари ўртаосиёлик мутафаккирларнинг адабий ва фалсафий мероси масалалари-

га бағишланган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). Чигатой қабристонига дафн қилинган. Т. кўчаларидан бири З. номи б-н аталади.

ЗОҲИДОВ Теша Зоҳидович (1906.10.5–1981.22.8) – зоолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1952), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1947). Биология фанлари д-ри (1948), проф. (1949). 1925 й.дан Т.да. Ўрта Осиё давлат ун-тини тугатган (1931). 1931 й.дан шу ун-тда ассистент, доцент, биология ф-ти декани (1937), ректор (1950–51). Зоология ва паразитология ин-ти директори (1946–50), Ўзбекистон ФА президенти (1952–56). ТошДУ умуртқали ҳайвонлар каф. мудир (1956 й.дан). Асосий илмий ишлари Ўзбекистоннинг умуртқали ҳайвонлари ҳамда Қизилқум чўли биоценозини ўрганиш масалалари ва б.га бағишланган. «Зоология энциклопедияси» (1–4-жилдлари, 1957–79) муаллифи. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Чигатой қабристонига дафн этилган. Т. кўчаларидан бири З. номи б-н аталади.

ЗУЛФИЗАР МАҲАЛЛАСИ (Н.Хўжаев кўч., 114) – Учтепа туманидаги маҳалла. Катта ҳалқа йўли, Зиё Саид кўчалари, Хуршид, «Ўткир» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. маҳаллага «Зулфизар» номи берилган (Зулфизар ўзбек халқ эпоси қаҳрамонларидан бири ҳисобланади). Аҳолиси 1867 киши, миллий таркиби, асосан, ўзбеклардан иборат (2009).

ЗУЛФИЯ (фам. Исроилова) (1915.1.3–1996.1.8) – Ўзбекистон халқ шоираси (1965), жамоат арбоби, Меҳнат Қаҳрамони (1984). Шоир *Ҳамид Олимжон*нинг ра-

фиқаси. Т.да туғилган. Т. педагогика ин-тида ўқиган (1933–35). 1938–52 й.ларда респ. нашриётларида ишлаган. «Саодат» журнали бош муҳаррири (1953–85).


З.нинг дастлаб 1932 й. «Ҳаёт варақалари» шеърлар тўплами нашр этилган. Шундан кейин унинг «Темирой» (1934), «Шеърлар», «Қизлар кўшиғи» (1939) шеърый китоблари эълон қилинган. З. шеърый ижодининг нурланиши «Уни Фарҳод дер эдилар» (1943), «Ҳижрон кунларида» (1944) ва «Хулкар» (1947) тўпламлари б-н боғлиқ. Айниқса, Ҳ.Олимжоннинг бевақт вафотидан кейин (1944) ёзилган қалб изтироблари б-н тўла шеърлар З. ижодида жиддий ўзгаришлар содир бўлганидан дарак беради. З. шахсий фожиаси тасвири орқали 2-жаҳон урушидан катта талафот ва йўқотишлар б-н чиққан халқнинг дард ва аламларини ифодалади.

50-й.ларнинг 2-ярмида З. Осиё ва Африка ёзувчиларининг тинчлик ва халқаро бирдамлик шиори остида ўтган ҳаракатида фаол қатнашиб, жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлди. Ҳиндистон, Миср, Япония ва кўшни республикаларга қилган сафари шоира ижодида чуқур из қолдирди. «Мушоира», «Ўғлим, сира бўлмайд уруш», «Қозоғистон ўланлари», «Мен чизолмаган сурат» сингари шеърлари З.га шуҳрат келтирди. З. шеърларида тасвир этилаётган ҳаёт кўлами кенгайиб, унинг ижодига хорижий халқлар ҳаёти манзаралари ҳам кириб келди. 70-й.лардан бошлаб З. ижодидаги миллий ҳаёт тасвирида янги ранглар камалаги пайдо бўлди, ҳаққонийлик ва ҳис-ҳаяжон кучайди. «Ўйлар» (1965) шеърый

гулдастаси б-н бошланган воқеликни фалсафий идрок этиш тамойили «Висол» (1972), «Йиллар, йиллар...» (1975) шеърый китобларида давом этиб, З. ижодида чинакам бадий юксалиш даври бошланганини намойиш этди. У яна дoston жанрига қайтиб, устоз Ойбекнинг сўнгги сафарига бағишланган «Кўёшли қалам» (1970) достонини яратди. Айни пайтда шоира болаларга бағишланган туркум шеърлар ҳам ёзди («Лолақизгалдоқ», 1975).

З. ҳаётининг муҳим бир қисмини Ҳамид Олимжоннинг адабий меросини ўрганиш ва нашр этиш ишига бағишлади. Ана шу жараённинг узвий қисми сифатида у шоирнинг «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» достони асосида кўғирчоқ т-ри учун «Семурғ» пьесаси (С.Сомова б-н ҳамкорликда) ҳамда «Зайнаб ва Омон» операси либреттосини ёзди. А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, Н.А.Некрасов, М.Воқиф, Л.Украинка, М.Дилбозий, Мустай Карим, Амрита Притам ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Зулфия Давлат мукофоти (1976), Неру (1968), «Нилуфар» (1970) халқаро адабий мукофотлари, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1969) лауреати. Шунингдек, у Болгариянинг «Кирилл ва Мефодий» (1972) орденига сазовор бўлган. Чигатой қабристонида дафн этилган. Т.даги кўч.лардан бирига, маданият уйига Зулфия номи берилган. 2008 й. Фидойилар хиёбонида шоирага ҳайкал (ҳайк. Р.Миртожиев) ўрнатилган. **ЗУЛФИЯХОНИМ КЎЧАСИ** – Шайхонтоҳур тумани ҳудудида.



Зулфия ҳайкали.

Ўзбекистонда 1999 й. Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилган. Мазкур мукофот мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида аъло хулки, зукколиги, ўқшдаги муваффақиятлари б-н алоҳида истеъдоддини намоён қилиб таълим олаётган 25 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга адабиёт, маданият, санъат, фан, таълим соҳаларидаги ютуқлари учун бериллади. Т. шаҳридан 9 нафар шоира ушбу мукофотга сазовор бўлган (2008).



Зулфия номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти фахрий нишони.

Хуршид ва Фафур Фулом кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 2,3 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Аввал Лабзак кўчаси номи б-н юри-

тилган. 1964 й. 10 ноябрда Хуршид номи берилган. 2000 й. 24 фев.да Хуршид кўчасининг Шайхонтоҳур тумани қисмига Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияxonим номи берилган. Шайхонтоҳур ва Абай кўчалари б-н кесишади. 1999 й. ушбу кўчада замон талаблари асосида кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб бо-

рилди. Кўча кенгайтирилиб, Фафур Фулом кўчасига олиб чиқилди. Йўналишида Лабзак ва Жангоҳ мавзелари, Анҳор канали, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-тининг акад. лицейи, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари, банк, уй-жой мулкдорлари ширкати, сервис хизмати кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, фирма ва ташкилот офислари мавжуд.

ЗУННУНОВА Саида (1926.15.2–1977.20.3) – шоира. Ёзувчи Саид Аҳмаднинг рафиқаси. 1947 й.дан Т.да. Андижон ўқитувчилар ин-тини (1943) ва Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини (1952) тугатган. «Гулхан» журн. (1953–56), «Ўзбекистон маданияти» газ.да адабий ходим (1956–57), Бадий адабиёт нашриётида муҳаррир (1957–58), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1962–67) бўлиб ишлаган.

З.нинг «Янги шеърлар» (1950), «Гуллар водийси» (1954), «Қизларжон» (1962), «Шеърлар» (1964), «Бир йил ўйлари» (1967), «Нилуфар» (1972) шеърый тўпламлари нашр этилган. Шоира гўзал лирик шеърлар б-н бир вақтда «Содиқ ва Анор»

(1947), «Хайрихон» (1949), «Сурат б-н суҳбат» (1966), «Қўшнилари» (1968) сингари дostonлар ҳам яратган.

Унинг «Гулбаҳор» (1956), «Повесть ва ҳикоялар» (1957), «Гулхан» (1959), «Дўстлик» (1960), «Қанот» (1961), «Олов» (1962), «Кўчалар чароғон» (1965), «Бўйларингдан ўргилай» (1972) сингари насрий китобларида хотин-қизлар ҳаёти ҳаққоний бадиий тажассумини топган. «Янги директор», «Олов», «Одамлар орасида» қиссалари, «Она» (1966) ва «Кўзлар» (1968) пьесалари ҳам бор. Чигатоё қабристониға дафн этилган. Т.даги кўчалардан бириға З. номи берилган.

ЗУФАРОВ Усмон, Уста Усмон (1892–1981.7.8) – шарқ мусиқа асбоблари устаси, ўймакор-наққош. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Т.да туғилган. 1927 й.дан Ўзбекистон радио кўмитасида, 1929 й.дан Тошкент ҳунармандлар уюшмаси қошидаги артелда, Санъатшунослик ин-ти миллий мусиқа асбобларини мукаммаллаштириш тажриба лаб.да (1934–36 ва 1943–46), Ўзбек давлат филармониясида (1936–43) ишлаган. З. ўзбек чолғу асбобларини яшаш, такомиллаштириш ва безашда ўзига хос услуб яратган. У ясаган ва безаган миллий

чолғу асбоблари (танбур, дутор, сато ва б.) махсус кўрғазмаларда намойиш этилган (1937, 1959).

60-й.лардан 3 бўлакли (йигма) танбур, дутор ва сатолари кенг тарқалган, шунингдек, уд, скрипка, қозоқ ва қирғиз кўбизи (қил кўбиз), қозоқ дўмбираси, афғон рубоби, испан банжоси ва б.ни ҳам ясаган ҳамда қадама нақшлар б-н безаган.

Ижодидан намуналар респ. музейларида сақланади. З. ижоди ҳақида «Куйловчи ёғоч» телефильми яратилган (1978). Шайх Зайниддинбобо қабристониға дафн этилган. Т. даги З. яшаган кўчаға унинг номи берилган.

И, Й

ИБН СИНО, Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980.8–1037.18.6) – жаҳон фани тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўртаосиёлик буюк қомусий олим. Фарбда Авиценна номи б-н машҳур. Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. И.С. 17 ёшдаёқ Бухоро халқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. Ўша кезларда ҳукмдор Нух ибн Мансур бетоб бўлиб, сарой табиблари уни даволашдан ожиз эдилар. Амирни даволаш учун доврўғи бутун шаҳарга ёйилган ёш табибни саройга таклиф қиладилар. Унинг муолажасидан бемор тезда соғайиб, оёққа туради. Эвазига И.С. сарой кутубхонасидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади. И.С. зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олди. Олимнинг илмий ижоди 18 ёшдан бошланди. У Нух ибн Мансурга атаб нафсоний кувватлар ҳақида рисола, «Уржуза» тиббий шеърӣ асари, ўз қўшниси ва дўсти Абу-л-Хусайн ал-Арузийнинг илтимосига биноан, кўп фанларни ўз ичига олган «Ал-Ҳикмат ал-Арузий» («Арузий ҳикмати») асарини таълиф этди. Ундан ташқари, бошқа бир дўсти фақих Абу Бакр ал-Барқӣ (ёки Барақӣ)-нинг илтимосига кўра, 20 ж.ли «Ал-Ҳосил ва-л-маҳсул» («Якун ва натижа») қомусий асари

ҳамда 2 ж.ли «Китоб ал-бирр ва-л-исм» («Саховат ва жиноят китоби»)ни ёзди.

Қорахонийлар 999 й. Бухорони забт этиб, сомонийлар сулоласини тахтдан ағдарганидан кейин И.С. ҳаётида ташвишли, нотинч ва оғир дамлар бошланди. 1002 й. унинг отаси вафот этди. Икки сулола вакиллари-нинг тахт учун кураши 1005 й.гача давом этиб, охири қорахонийларнинг буткул ғалабаси б-н тугади. Бундай вазиятда Бухорода ортиқ қолиб бўлмас эди. Шу боис И.С. Хоразмга бош олиб кетди. Бу даврда Хоразмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да замонасининг қўпгина таниқли олимлари тўпланган эди. Йирик математик ва астроном Абу Наср ибн Ироқ (1034 й.в.э.), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Саҳл Масиҳӣ (1010 й.в.э.), Абу-л-Хайр Хаммор (942–1030) ва буюк олим Абу Райҳон *Беруний* шулар жумласидан. Ана шу илмий даврага 1005 й. И.С. ҳам келиб қўшилди. Хоразмда И.С., асосан, математика ва астрономия б-н шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларнинг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Беруний б-н бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди. И.С.нинг Аристотель таълимоти хусусида Беруний б-н ва ўзининг шоғирди Бахманёр б-н ёзишмалари тарихда машҳур-

дир. И.С. Абу Саҳл Масиҳӣнинг тиббий тажрибаси ва билимларидан ҳам катта сабоқ олди. Хоразмшоҳ вазири Абу-л-Хусайн ас-Саҳлий илмларни севувчи киши бўлганидан И.С. у б-н дўстлашади ва унга атаб алкимёга оид «Рисола ал-иксир» («Иксир ҳақида рисола») номли асар ёзди. 1010–1011 й.ларда Хоразмни тарк этади ва Каспий денгизининг жан.-шарқида жойлашган Журжон амирлигига етиб келади. 1012–1014 й.ларда И.С. Журжонда яшайди. Журжондалик вақтида И.С. ҳам илмий ижод б-н шуғулланди, ҳам табиб сифатида фаолият кўрсатди. Бу ерда у мантиқ, фалсафа ва б. фанларга оид бир неча рисола ёзди ва энг муҳими «Тиб қонунлари»нинг дастлабки қисмларини яратди. 1014 й. олим Журжонни тарк этиб, Райга, сўнгра Ҳамадонга кетади. Ҳукмдорни санчиқ касалидан даволаганидан кейин олимни саройга таклиф қиладилар. Ҳамадонда аввал сарой табиби бўлиб ишлайди, сўнг вазирлик мансабига кўтарилади. Давлат ишлари б-н банд бўлишига қарамай, илмий ишларини ҳам давом эттиради ва бир неча асарлар яратади. «Тиб қонунлари»нинг 1-китобини тугатиб, ўзининг машҳур фалсафӣ қомуси – «Китоб уш-шифо»ни ҳам шу ерда ёзишга киришади. «Тиб қонунлари»нинг қолган қисмини ҳам Ҳамадонда ёзиб битиради.

И.С. Ҳамадонда 1023 й.гача истиқомат қилади ва айрим сиёсий сабабларга кўра, шу йили Исфаҳонга жўнаб кетади. Умрининг қолган 14 йилини шу ерда ўтказади. Бу ерда ҳам у тинимсиз илмий иш б-н машғул бўлиб, бир қанча асарлар яратди. Улар орасида тиб, фалсафа, аниқ фанлар, тилшунослик каби фанларга оид китоблар бор. «Китоб уш-шифо»нинг қисмлари, форс тилидаги «Донишнома» ва 20 жилдли «Инсоф-адолат китоби» шулар жумласидан. Олим қуланж (колит) касаллигидан 57 ёшида вафот этади ва Ҳамадонда дафн этилади.

Замондошлари И.С.-ни «Шайх ур-раис» («Донишмандлар сардори, алломалар бошлиги»), «Шараф ул-мулк» («Ўлка, мамлакатнинг обрўси, шарафи»), «Хужжат ул-ҳаққ» («Ростликка далил»), «Ҳаким ул-вазир» («Донишманд, тадбиркор вазир») деб атаганлар. Жаҳон фани тарихида И.С. қомусий олим сифатида тан олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси б-н шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450 дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача буларнинг 242 (160) таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, табиёт, астрономия, математика, мусиқа, кимё, ахлоқ, ад. ва тилшуносликка бағишланган.



Ибн Сино (С. Марфин асари, 1968).

И.С.нинг илмий меросини шартли равишда 4 қисмга, яъни фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга бўлиш мумкин. Олимнинг фалсафага оид энг йирик ва муҳим асари «Китоб уш-шифо»дир. И.С.нинг яна бир фалсафий асари «Китоб ун-нажот» «Китоб уш-шифо»нинг қисқартирилган шаклидир. Олимнинг фалсафий қарашлари яна «Ал-ишорат ва-т-танбиҳот» («Ишоралар ва танбиҳлар»), «Ҳикмат ул-машриқийн» («Шарқчилар фалсафаси»), «Китоб ул-ишорат фи-л-мантиқ ва л-ҳикмат» («Мантиқ ва фалсафанинг ишоралари»), форс тилида ёзилган «Донишнома» («Билим китоби») ва б. турли ҳажмдаги фалсафий рисоаларда ҳамда «Тайр қиссаси», «Саломон ва

Ибсол», «Ҳайй ибн Яқзон», «Юсуф ҳақида қисса» каби фалсафий мазмунли бадий қиссаларда ўз аксини топган.

Унинг табиий-илмий қарашлари «Китоб уш-шифо»нинг табиий фанларга оид қисмида баён қилинган. Геология ва минералогияга оид фикрлари «Ал-Афъол ва-л-инфиолот» («Таъсир ва таъсирланиш») асарида ҳам учрайди.

И.С. бошқа табиий фанлар қатори кимё б-н ҳам шуғулланган ва унга оид асарлар ёзган. И.С. «Китоб уш-шифо»нинг ботаника масалаларига оид «Ан-Набот» («Ўсимликлар») қисмида ўсимликларнинг турлари, пайдо бўлиши, озикланиши, ўсимлик аъзолари ва уларнинг вазифалари, кўпайиши ҳамда ўсиш шароитлари ҳақида ёзди.

И.С. ёшлигидан астрономияга қизиққан ва 8 та мустақил рисола ҳамда «Китоб уш-шифо» ва «Донишнома»нинг риёзиёт қисмларида астрономияга алоҳида бобларни бағишлаган.

Шеърят соҳасида ҳам И.С. сезиларли из қолдирди. У ўзининг айрим тиббий асарлари («Уржуза»)ни ражаз вазнли шеърда ёзган. Олимнинг форс тилида ёзган бир неча ғазал ва қитъалари, 40 дан ортиқ рубоийлари мавжуд. И.С. мусиқа бобида Форобий илмий йўналишини давом эттирган йирик назариётчидир. Мусиқа ҳақидаги «Жавомеъ илм ул-мусиқий» («Мусиқа илмига оид тўплам») асари «Китоб уш-шифо»нинг бир қисми бўлиб, ҳар бири бир

неча бобли 6 бўлимдан иборат; «Ан-Нажот», «Донишнома»ларда мусиқа ҳақида кичик бўлимлар мавжуд. «Тиб қонунлари», «Рисолаи ишқ» ва б.да мусиқанинг айрим масалалари ҳақида фикр юритган.

И.С.нинг табобатда қилган ишлари унинг номини бир неча асрларга шу фан соҳаси б-н чамбарчас боғлади. Бунга унинг «Тиб қонунлари» («Китоб ул-Қонун фи-т-тиб») ва бу асарнинг жаҳон тиб илми тарихида тутган мавқеи ва қозонган шуҳрати ёрқин далилдир. «Тиб қонунлари» ўз давридаги табобатнинг муфассал энциклопедияси бўлиб, унда инсон соғлиғи ва касалликларига оид бўлган барча масалалар мантикий тартибда тўла баён этилган. Бу асари б-н Ибн Сино ўзигача бўлган табобатни илм даражасига кўтариб, унинг ҳам назарий, ҳам амалий масалаларини чуқур ишлаб чиқди.

И.С.нинг тибга оид ёзган асарларининг 30 дан ортиғи бизгача етиб келган, уларнинг орасида «Қонун» каби тиббий энциклопедия б-н бир қаторда тибнинг айрим назарий ва амалий масалаларига бағишланган турли ҳажмдаги «Уржуза фи-т-тибб» («Тиббий уржуза»), «Ал-Адвият ал-қалбия» («Юрак дорилари»), «Дафъ ал-мадорр ал-куллия ан-ал-абдон ал-инсония» («Инсон баданига етишган барча зарарларни йўқотиш») каби рисоалар бор.

И.С. ўз давридаги илмлар таснифи масаласига ҳам жиддий эътибор б-н қаради ва бу соҳада «Ақсом ул-улум ал-ақлия» («Ақлий илмлар таснифи») номи асар ёзди.

И.С. ўзининг бой ва серқирра илмий мероси б-н кейинги давр Шарқ ва Ғарб ма-



Ибн Сино ҳайкали.

даниятининг ривожига катта таъсир кўрсатди. Ўзбекистон ерида топилган (1956) янги минерал И.С. номи б-н «авиценнит» деб аталади. Т.даги кўча ва маҳаллалардан бирига, даҳа, 1-шаҳар клиник касалхонасига И.С. номи берилган. Хирургия илмий м-зи ҳудудида И.С.га ҳайкал қўйилган (ҳайк. В.А.Аксёнов, меъмор Ю.Г.Чистяков ва б.).

ИБН СИНО ДАҲАСИ – Шайхонтоҳур туманидаги даҳа. 1990 й.дан Ибн Сино номи б-н юритилади.

Т. автомобиль ҳалқа йўли, Жарариқ ва Белтепа мавзелари оралиғида жойлашган. Машҳур энциклопедист олим *Ибн Сино* шарафига қўйилган.

Даҳада Ибн Сино бозори, бошбекат, поликлиника, савдо ва умумовқатланиш мажмуалари, супермаркет, 4 ва 9 қаватли турар жой бинолари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, боғча, милиция таянч пункти, АТС жойлашган. Таркибида «Шод-

лик», «Ибн Сино» маҳаллалари мавжуд. Даҳа Ибн Сино-1 ва Ибн Сино-2 мавзеларидан иборат.

ИБН СИНО МАҲАЛЛАСИ (Ибн Сино-1 мавзеси) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Эски Жарариқ маҳалласи, Ибн Сино деҳқон бозори, Т. автомобиль ҳалқа йўли б-н чега-радош. 1985-й.ларгача маҳалла ҳудуди жамоа хўжалигига қарашли узумзор бўлган. 1985–87 й.ларда жамоа хўжалиги тарқатилиб, 1989 й. Ибн Сино-1 мавзеси барпо этилган. 1993 й. мавзе негизида Ибн Сино маҳалласи ташкил топган. Аҳолиси 6500 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, 40-оилавий поликлиника, «Бозиргон» озиқ-овқат дўкони, 4 ширкат ва б. мавжуд.

ИБН ҲАВҚАЛ, Абулқосим ибн Ҳавқал ан-Нисибий (?–976) – араб сайёҳи ва географ. 931–943 й.ларда Мағриб ва Машриқ мамлакатлари, Сицилия о., Италия, Испания, Месопотамия, Эрон бўйлаб саёҳат қилган. 952 й.да Истаҳрийнинг «Китоб масолик ал-мамолик» («Мамлакатлар йўллари ҳақида китоб») асаридаги ва хариталаридаги чалкашликларни унинг розилиғи б-н тузатиб, кейинчалик шу асосда «Китоб ул-масолик ва-л-мамолик» («Йўллар ва мамлакатлар ҳақида китоб») деб аталган мукамал асар яратган. Унда бошқа мамлакатлар қатори, Мовароуннаҳр, жумладан Шош ва Илоқ вилоятлари табиий географик ҳолати, шаҳарлари, аҳолиси батафсил баён қилинган. И.Ҳ.нинг 10-а.даги *Бинкат*нинг тузилиши, арк, шаҳристон, рабодлари, айниқса дарвозалари ҳақида келтирган маълумотлари ўта муҳим манба ҳисобланади.

«ИБРАТ» МАҲАЛЛАСИ (Байроқ кўч., 35) – Учтепа туманидаги маҳалла. Хондамир, «Шарқ юлдузи», «Бешқайрағоч» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. авг.да ташкил топган. Аҳолиси, асосан, Шайхонтохур туманидаги «Занжирлик» маҳалласи фуқароларидан иборат бўлган. Дастлаб «Ширинқудук», Файзулла Хўжаев номлари б-н аталган. 2004 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 1800 киши, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожиклар яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, алоқа бўлими, «Фармед» дорихонаси, поликлиника, Бурҳониддин Марғиноний жоме масжиди мавжуд.

ИБРОҲИМ ШОШИЙ, тўлиқ исми Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хузайл ибн Қумайр ибн Хоқон Шоший (?–952) – муҳаддис. Шошнинг Харашкат (қ. *Қанқа*) ш.да туғилган. Абд ибн Муҳаммад Ҳамиднинг тафсири ва муснадини ўрганиб, ундан ҳадис илмидан таълим олган. И.Ш.дан 930 й.да Шошда Абу Ҳотам ибн Хиббон, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳамавайҳи ас-Сарахсий ва б. муҳаддислар ҳадисдан таълим олишган. Сарахс ш. хатиби Ибн Ҳамавайҳи И.Ш.нинг «Муснади кабир» ва тафсирини ўрганган.

ИБРОҲИМОВ Абдуқаҳҳор Абдусаматович (1939.16.8) – ёзувчи, драматург. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1990). Т.да туғилган. Тошкент ун-ти филология ф-тини тугатган (1962). «Қоя остида» (1972), «Сўнги нур» (1977), «Биринчи бўса» (1978), «Тусмол» (1985), «Пьесалар» (1986) насрий ва драматик асарлар тўпламлари ва «Уйқу келмас кечалар» (1998) романи муаллифи. Бадий, илмий-маърифий, публицистик асарлар ёзган («Миллат овози»,

2001; «Мангулик йўлида», 2004; «Маъмун академияси», 2005; «Ёруғлик», 2006 ва б.). Т. ва тошкентликлар мавзудида бир қанча китоблари нашр этилган: «Ўзбек маҳалласи» (2007), «Ҳастимом хотиралари» (2008), «Эътиқодга бахшида умр» (2008) ва б. «Меҳнат шўхрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

ИБРОҲИМОВ Неъмат (1925) – ёғоч ўймаkori, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1969). Т.да туғилган. Отаси уста Иброҳимжон Зокировдан ҳунар ўрганган. И. ижодида анъанавий нақш санъати (ислимий нақшлар)ни кенг қўллаб, уни бойитган, маҳобатли ўймакорлик санъатини ривожлантирган. Жуфтлама эшиклар, деворий намоёнлар ва б. яратган. Уларда 2–3 қаватли табақа пардоз усулидан кенг фойдаланган. 1966 й. Тошкент зилзиласидан кейин шаҳарни қайта қуриш ишларида фаол иштирок этди. Вазирлар Маҳкамаси биноти кинолекция залига 10 та намоён (1967), Навоий номидаги адабиёт музейи учун икки эшик (1968; Ҳамза Уста Неъмат Иброҳимов ишлаган эшик.



мукофоти, 1968) ҳамда намоёнлар (1974, 1978), ҳоз. Ўзбекистон халқлари тарихи музейи биносининг ички безаклари (1970), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси учун эшиклар (1980), Ўқувчилар ва болалар саройи учун эшик ва панжара (1982), «Ширин» қаҳвахонаси учун эшик (1984) ва б. яратди. Ишларидан намуналар респ. музейларида сақланади.

И.нинг қизи Мухаррам Иброҳимова (1949) – Ўзбекистон халқ устаси (2007), «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1999). Ёғоч ўймакорлиги бўйича Т. мактабининг етакчи усталаридан. У оила аъзолари б-н бирга ёғоч ўймакорлиги буюмлари ишлаб чиқарувчи корхона очган. Бу ерда нақшинкор эшик ва ром, иморатлар учун ганч устун, бино шифтига мўлжалланган тоқилар, бундан ташқари, гулдор панжара, лавҳ, зеб-зийнат қутиси, турли-туман уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқарилади.

ИБРОҲИМОВ Тўлқин Йўлчибоевич (1952.4.6) – илғор транспорт ходими, Ўзбекистон Қаҳрамони (2005). Чирчиқ ш.да туғилган. Тошкент тепловоз депоси тепловоз машинисти ёрдамчиси (1973–75), машинисти (1977–88), 1988 й.дан «Ўзбекистон темир йўллари» компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депосида 1-тоифали тепловоз машинисти. Меҳнат фаолияти давомида тепловозларнинг жорий таъмир даврини узайтириш, ёнилгини тежаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, юк ташиш топшириқларини бенуқсон ошириб бажаришда муҳим ютуқларга эришди.

ИБРОҲИМОВА Рихсихон Исмоиловна (1937.29.12) – Ўзбекистон халқ артисти (1979). Т.да туғил-

ган. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1959). 1956 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбекистон миллий академия драма театри)да. И. лирик-драматик актриса бўлиб, яратган образлари кучли драматизми, ҳиссиётларнинг чуқурлиги, мукамал нутқ ва пластик ифодавийлиги б-н ажралиб туради. Асосий роллари: Феруза, Гавҳаршодбегим («Мирзо Улуғбек»), Гули («Алишер Навоий»), Офелия, Карделия, Эмилия («Ҳамлет», «Қирол Лир», «Отелло»), Озода, Гулюз («Имон», «Қотил»), Ҳэмнолини («Ганг дарёсининг қизи»), Назми («Күёв»), Ёрқиной («Момо хотин»), Биби-салима («Машраб»), Ҳури ая («Боши қотган ошиқлар») ва б. Шунингдек, бир қатор видеофильмларда – Фазилат («Диёнат»), она («Дунёнинг ишлари», «Алишер Навоий»); кинода – Ойхона («Интеграл»), Тошбону («Шум бола»), Рихси ая («Сени излаб»), Хосият («Фаришталар олов ичида»), Бўстон («Келинлар қўзғолони»), кампир («Юзсиз»), Қурбонбиби («Кеча ва кундуз») каби образларни яратган. «Меҳнат шўхрати» ордени б-н мукофотланган (1997).

ИБРОҲИМОТА МАҚБАРАСИ (Иброҳимота кўч., 20^б-уй) – мейморий ёдгорлик (15–17-а.лар). Ривоятга кўра, Аҳмад *Яссавий*-нинг отаси Иброҳимота қабри устига қурилган (Сайрамда ҳам шу номдаги мақбара бор). Мақбара эски қабристоннинг ўртасида жойлашган. Пештоқ ва гумбазли биргина хонадан иборат мақбара тўғри тўртбурчак тарҳли (6,7х9,34 м). Хона деворлари ганч сувоқли, токчалар ишланган, ўртада катта сағана бор. Хонага ёруғлик ғарб томонидаги дарча ва гумбаз гардишидаги тўрт табадондан тушади. Саҳ-

нига гишт қопланган. Пештоқ девордан баланд (деворнинг бал. – 4,5 м, пештоқники – 5,65 м). Девори қад. пишиқ гиштдан кўтарилган, чоки ганч б-н сувалган. Гумбаз ва унинг гардишига оқ тунука қопланган. Ёдгорлик тўлиқ ўрганилмаган.

ИБРОҲИМОТА МАҲАЛЛАСИ (Чукурсой кўч., 4) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Гулзор», «Дўстлик», «Чукурсой», «Тараққиёт» ва Мискин маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й. ташкил топган. Маҳалла худудида *Иброҳимота мақбараси* бўлганлиги сабабли шу ном б-н аталган. Аҳолиси 3408 киши, кўп (20) миллатли (2009). Маҳалла худудида 2 та чинни и.ч. кичик корхонаси, Ўзбекистон т.й.лари худудий «Шоштранс» бошқармаси, болалар боғчаси, «Давр» мебель корхонаси ва Иброҳимота қабристони, масжид жойлашган.

ИБРОҲИМОТА ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани, Иброҳимота кўч.) – 1875 й.дан мавжуд. Майд. 2,35 гектар. Қабристонда *Иброҳимота мақбараси* бор. Таниқли ношир, журналист Мели Жўра, Ўзбекистон халқ ҳофиси Орифхон Ҳотамов шу қабристонга дафн этилган.

ИВЛИЕВ Юрий Дмитриевич (1923.17.4–1945.11.2) – 2-жаҳон уруши қатнашчиси, капитан. Уруш Қаҳрамони (1943). Т.да туғилган. Чкалов ш.даги учувчилар мактабини битириб (1942), фронтга жўнаган. 2-жаҳон урушида эскадрилья командири. 120 марта жанговар парвоз қилиб, душманнинг муҳим ҳарбий нуқталарини яқсон этган. Жангда ҳалок бўлган. Гродно ш.да дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири (1966 й.гача Кичик Миробод кўч.) И. номи б-н аталган. Қаҳрамон яшаган шу кўча-

даги 8-уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ – давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари б-н етарли таъминланмагани тўғрисидаги муҳтож фуқаролар тўғрисидаги гамхўрлиги. Унинг асосий мақсади аҳоли фаровонлиги узлуксиз яхшилашиб боришини таъминлаш, аҳоли қатламларининг таълим, маданият, касб малакаси, даромадлари жиҳатидан кескин тафовутларига барҳам бериш, жамият томонидан инсонга муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга ёрдам беришдан иборат. Тошкент ш.да И.ҳ. тизими бутун мамлакатда бўлгани каби пенсия таъминоти, ижтимоий нафақалар бериш, ёлғиз кексалар ва ногиронларга хизмат кўрсатиш, аҳоли бандлиги ўсишини таъминлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, ногиронларни ортопедия-протез буюмлари, ҳаракатланиш воситалари б-н таъминлаш ва б. ҳимоя тадбирларини ўз ичига олади.

Тошкент ш.да И.ҳ. тизими 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб шакллана бошлади.

Мустақилликдан кейин мамлакатнинг бозор иқтисодиётига ўтиши шароитларида бутун И.ҳ. тизимида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Айниқса миллийлик, этиқод ва анъаналарнинг тикланиши И.ҳ. тизимида муҳим янгилик бўлиб кўшилди. Бозор муносабатларига ўтиш ва ижтимоий-иқтисодий тизимни ислох қилиш даврида аҳолининг ночор гуруҳларини аниқ мўлжалли ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими барпо этилди. Бу тизимда маҳаллалар марказий ўринни эгаллади.

Т. шаҳрида норасмий ижтимоий ёрдам турлари ҳам мавжуд

(қариндошларнинг ўзаро ёрдами, миллий ва диний урф-одатлар асосида қилинадиган ёрдам, корхона ва ташкилотлар, ҳомийларнинг пенсионерларга, кам таъминланган оилаларга пул ёрдами ва б.).

Т. шаҳрида И.х. доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 1997 й. Инсон манфаатлари йили, 1998 й. Оила йили, 1999 й. Аёллар йили, 2000 й. Соғлом авлод йили, 2001 й. Оналар ва болалар йили, 2002 й. Қарияларни қадрлаш йили, 2003 й. Обод маҳалла йили, 2004 й. Меҳр ва мурувват йили, 2005 й. Сиҳат-саломатлик йили, 2006 й. Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 й. Ижтимоий ҳимоя йили, 2008 й. Ёшлар йили деб эълон қилингани ва уларга тааллуқли махсус дастурларни амалга ошириш натижасида И.х.нинг жуда кўп муаммоларини ҳал қилиш йўсини яратилди ва амалга оширилди. Мас., 2007 й.да шаҳар бўйича 30 ёшгача бўлган ва оила қурган ёшлардан 79 янги оилга уй-жой сотиб олиш учун 15 й. муддатга 5% ли имтиёзли банк кредитлари ажратилди. 2008 й.да шаҳарнинг ҳар бир туманида шундай ёш оилаларга мўлжалланган 32 квартиралар уйлар қуриш режаси рўёбга чиқарилди (жами 704 квартира).

И.х. тизимида ижтимоий таъминот – кексайган, меҳнатга лаёқатсиз бўлган ва боқувчисини йўқотган фуқароларга моддий, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича давлат томонидан белгиланган ижтимоий-иқтисодий тадбирлар тизими муҳим ўринда туради.

1994 й. 1 июлдан Республикада «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» қонун кучга кириши муносабати

б-н пенсия таъминотида ислохотлар ва янги тартиблар амалга оширилди. 2001 й. фев.дан аҳоли ижтимоий ҳимояси бўйича давлат бошқарувини мукамаллаштириш мақсадларида Тошкент ш. Ижтимоий таъминот бошқармаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига айлантирилди. Бош бошқарма меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, ишсизларни касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш, камхарж оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатиш, пенсия ва ижтимоий нафақалар ҳамда компенсация тўловларини ўз вақтида тайинлаш ҳамда тўлаш ва б.ни амалга оширади.

2008 й.да бош бошқарма таркибида 11 туман бандликка кўмаклашувчи марказлари, 11 туман ижтимоий таъминот бўлимлари, 1 та эркаклар, 2 та болалар «Мурувват уйи», «Нуроний» санаторийси, Уруш ва меҳнат фахрийлари респ. пансионати, ишсизларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув маркази фаолият кўрсатди.

Шаҳар И.х. тизимида республикада белгиланган энг кам иш ҳақининг босқичма-босқич оширилишига мувофиқ пенсиялар ва «Нуроний» санаторийси.



ижтимоий нафақалар миқдорлари кўпайиб бормоқда. 2007 й.да Тошкент ш. бюджетидан И.х. мақсадларида 6731,3 млн. сўм маблағ ажратилди. 2008 й.нинг 1-ярмида туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари орқали Республика бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан пенсиялар ва ижтимоий нафақалар тўлаш учун қилинган харажатлар 140291,4 млн. сўмни ташкил этди.

Шаҳар бўйича рўйхатга олинган 1389 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ўрнатилган тартиб бўйича ижтимоий ёрдам кўрсатилади. Туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари орқали ҳар йили 6,5–7 минг нафар пенсионерлар ва ногиронлар санаторийларга бепул йўлланмалар, 180–200 нафар ногиронлар ногиронлик аравачалари, 2 минг нафарга яқин ногиронлар протез-ортопедия жиҳозлари, эшитиш мосламалари б-н таъминланади.

«ИЗЗА» ДАҲАСИ – Учтепа туманида, Фозилтепа, Катта Қаъни, Гулистон кўчалари ҳамда Катта ҳалқа йўли оралиғида жойлашган. 1966–67 й.ларда Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳудудида ташкил этилган. 2 катта мавзедан иборат. Даҳада кўп қаватли турар жой бинолари б-н яқка тартибдаги уй-жойлар қурилган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Лобар Бакир» МЧЖнинг қурилиш моллари савдо мажмуаси мавжуд.

ИЗМАЙЛОВА Галия Баязитовна (1923.12.2) – балет артисти, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1951). 1932 й.дан Т.да. Тошкент балет мактабини (1941), Т. театр ва рассомлик санъати ин-ти (1961)ни тугатган.



Галия Измайлова
Чундари («Севги
тумори») ролида.

1941 й. дан Навоий театрининг етакчи балет солисти. 1977–85 й.лар бош балетмейстер. 1985 й.дан балетмейстер. Дастлабки роллари – Семурғ («Оқ билак»), Мария, Зарема («Боқчасарой фаввораси»). Асосий роллари: Гулнора («Раққоса»), Кармен («Карменсюита»), Лайли («Лайли ва Мажнун»), Чундари («Севги тумори»), Эгина («Спартак») ва б. «Оққуш кўли», «Наврўз», «Шаҳризода», «Севги тумори», «Кашмир афсонаси», «Севги афсонаси», «Боқчасарой фаввораси», «Эсмеральда», «Орзу», «Князь Игорь», «Бўрон», «Фауст», «Зебуннисо», «Умар Хайём», «Ал Фарғоний» каби операларнинг рақсларини сахналаштирган.

И. янги турдаги ўзбек мумтоз рақс мактаби асосчиларидан. У Фарғона, Бухоро, Хоразм халқ рақслари ва Европа рақсининг ижобий таъсирида замон мумтоз рақс миниатюраларининг яратувчиси ва моҳир ижрочиси сифатида танилган. М.Равелнинг «Болеро» балети, шунингдек, М.Ашрафийнинг «Дилором» операси учун «Сўғдиёна», «Ҳинди», «Араб» ва «Фарғона» каби мустақил хореографик миниатюралар яратган.

мукофоти (1949), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). «Шўхрат» медали (1997), «Дўстлик» ордени (1998) б-н мукофотланган.

«ИККИЛАМЧИ ҚОРА МЕТАЛЛ», «Тошкент иккиламчи қора металл» (Жан. саноат зонаси) – темир-терсак ва қора металл чиқиндиларини эритиш, қайта ишлаш ва юклар жўнатиш б-н шуғулланувчи шуъба корхона. «Ўзметкомбинат» акциядорлик и.ч. бирлашмасига қарашли. 1993 й. 1 июлда Ўзбекистон металлургия 3-ди цехлари негизда «Тошкентвторчермет» ижара корхонаси иш бошлаган. 1994 й. 12 дек.да Ўзбекистон металлургия 3-ди «Ўзметкомбинат» акциядорлик и.ч. бирлашмасига айлантирилди. Бирлашманинг 2000 й. 12 апр.даги ва «Тошкентвторчермет» ижара корхонасининг 2000 й. 1 июндаги буйруқлари асосида ҳоз. ном б-н юритилди. Корхонанинг бир йиллик маҳсулот ҳажми 18 млрд. сўмга тенг (2008).

ИКРОМЖОНОВ Акмалжон Тўраевич (1952.20.4) – рангасвир устаси. Ўзбекистон БА акад. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (1998). Т.да туғилган. Республика рассомлик билим юртини

тугатган (1971), И.Репин номидаги Рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тида таълим олган (1971–77). Асосий асарлари: «Рассом Баҳодир Жалолов» (1976), «Чингиз Аҳмаров портрети» (1980), «Сурхондарё замини» (1985), «Раҳимбобо», «Бодомхон ая портрети» (1986), «Алишер Навоий», «Камолиддин Беҳзод» (1988), «Бобурга бағишлов» (1990), «Мирзо Улуғбек портрети» (1994), «Мевали натюрморт», «Қумғонли натюрморт» (1996) ва б. «Мовий кўшиқ», «Баҳор», «Тонгдаги сой», «Наъматак гули» (1998–2002) манзаралари Т.даги Оқсаройни безаб турибди. «Замин наволари» триптихи (1988), «Чақмоқ» (1989), «Орол – менинг дардим» (1989–90) асарлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотига сазовор бўлган (1990).

ИКРОМОВ Акмал (1898–1938.13.3) – давлат ва сиёсат арбоби. Т.даги «Ўқчи» маҳалласида мактабдор Икром домла оиласида туғилган. Т.да ўқитувчи (1918–19), «Изчилар тўдаси» ва «Чигатой гурунги» аъзоси. Наманган, Фарғона, Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган (1919–21). Туркистон КП МК котиби ва ташкилий инструкторлик бўлими мудири (1921–22). Туркистон Республикасида янги иқтисодий сиёсат (НЭП) амалга оширилишида ташаббускорлик қилган. 1925 й. янв.да Тошкент вилояти, айти пайтда 1925 й. фев.дан ЎзКП (б) МК котиби, биринчи котиби (1929 й. дек. – 1937 й. сент.), айти пайтда ВКП (б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби (1931–34). Бутун Россия МИК аъзоси, СССР МИК Президиуми аъзолигига номзод (1925–37).

ЎзССР МИК Президиуми аъзоси (1925–37). 1937 й. сент.да Т.да қамоққа олинган. Советларга қарши «ўнг троцкийчи блок» деб аталган иш бўйича Москвада суд қилиниб, отиб ташланган. 1957 й. 3 июнда оқланган.

ИКРОМОВ Имомжон (1891.29.4 – 1980.29.8) – созанда (ғижоак), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1953). Т.да туғилган. Туркистон халқ консерваториясида (1918–22), Москва опера студиясида (1939) таълим олган. Ўзбекистон радиоси миллий чолғу ансамбли концертмейстери, мусиқа раҳбари (1927–41; 1947–53), бадий раҳбари (1941–47). Турли жанрларда 200 га яқин куй ва кўшиқ яратган. И.нинг кўпгина кўшиқлари (мас., «Индамади», «Дарёси кўп, дардга даво ялияли») халқ яллаларига айланиб кетган. У «Муножот», «Чўли Ироқ», «Ажам» каби чолғу куйларининг ашула йўлларини яратган. И.га бағишланган телефильм («Имомжон Икромов») ишланган (1991). Камолон қабристонига дафн этилган.

ИКРОМОВ Искандар (1904.15.4 – 1972.6.11) – график рассом, Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Т.да туғилган. Туркистон рассомлик мактаби (1922–24), Ленинград Бадий саноат техникуми (1925–29)да ўқиган. Ўзбекистон давлат нашриётида безак бўлимининг мудирини (1929–59), Ўзбекистон рассомлар уюшмаси бошқаруви раиси (1959–65). Рассомлик ва безак санъати ҳақида бир неча кўлланма яратган. И. ижодида ўзбек халқ амалий безак санъати (нақш) анъаналарини ривожлантириб, китоб графикасида моҳирона кўллаган: В.Успенскийнинг «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасы партитуралари (1937); Муқимий «Шеърлари» (1938), «Ўзбек халқ



Искандар Икромов. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» асарига ишланган муқова (1958).

кўшиқлари» (1939) ва б. Алишер Навоийнинг 500 ва 525 йиллиги муносабати б-н шоирнинг «Хамса», 4 ж.ли «Хазойин ул-маоний» девони (1959–60), «Лирика» тўплами (1964), Ибн Сино, Берунийнинг ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган асарлари, кўп ж.ли «Ўзбек халқ мусиқаси», Ойбекнинг «Навоий» романи ва б. китобларга ишлаган безакларида рассом нақш деталларини китоб ғоясини очиб беришга хизмат қилдириб, китобат санъатида ўзига хос бадий услуб яратган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири И. номи б-н аталган.

ИЛОНЛИКОТА ҚАБРИСТОНИ (Чилонзор тумани, Қатортол кўчаси, 4) – «Бўрижар» маҳалласи ҳудудида, Қатортол ва Катта Хирмонтепа кўчалари кесишувиде жойлашган. Умумий майд. – 2,5 гектар. Қачондан фаолият кўрсатаётгани маълум эмас. Ўзбеклар орасида илонли, жилонли, жилонтамғали каби уруғлар мавжуд. Бу этнонимларнинг вужудга келиши илон тотеми б-н боғлиқ, қадимда Марказий Осиё халқлари илонни ер ва сув тим-

соли сифатида муқаддаслаштирилган. Қабристон номи ҳам (Ўрта Осиё ҳудудида бу номдаги қабристон, қадамжолар кўплаб учрайди) шундан олинган.

ИЛОҚ – Т. воҳасининг жан. қисмидаги ўрта асрларда мавжуд бўлган тарихий вилоят. Оҳангарон дарёси (13-а.гача Илоқ дарёси) ҳавзасида жойлашган. Қўрама тоғларининг ғарбий тармоғи, Жан. Чатқол тоғлари, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари оралиғидаги ҳудудни қамраган. Пойтахти – *Тункат*.

Илк ўрта аср (5–7-а.лар)да мустақил давлатга айланган, ҳукмдорлари – деҳқонлар катта иқтисодий ва сиёсий кучга эга бўлган. 8-а.да И. Чочга кўшилган ва кейинчалик тарихий манбаларда унинг таркибий қисми сифатида тилга олинади. И. аҳолиси деҳқончилик (буғдой, арпа, шоли), тоғли жойларда чорвачилик, маъдан қазиб олиш, хунармандчилик б-н шуғулланган. Ўрта асрларда И. Шарқда фойдали қазилма конлари (олтин, кумуш, рангли металллар, темир ва феруза) б-н машҳур бўлган. Конларда қазилма ишлари мил.ав. 2-а.дан бошланган, мил. 6–10-а.ларда жуда ривожланган. 6–8-а.ларга оид манбаларда мовий тош қазиб олинганлиги тилга олинади. Беруний 11-а.да И.даги феруза конини эслатиб ўтган. И.даги энг йирик ва машҳур кумуш конлари – Кўҳисим, Лашкарак, Кони Мансур, Конджол; олтин конлари – Қизиллма, Кўчбулоқ, Олтинтопан; феруза конлари – Унгурликон, Оқтурпоқ. И. конларидан кумуш ва олтиннинг кўплаб қазиб чиқарилиши танга зарб қилинадиган махсус корхоналар ташкил қилинишига имкон яратган (яна қ. *Илоқ зарбхонаси*).

Хунармандчиликнинг ривожланиши шаҳар маданиятининг ўсишига олиб келган. 9–10-а.ларда И.да 17 шаҳар – Тункат, Нукат, Обрлиғ (Ўрбалиқ), Намудлиғ, Даҳкат, Кўҳисим, Туккат, Хас (Хаш), Бискат, Сомсарак, Хумрак, Гаржанд, Сакокат (Шавкат), Панжхаш, Болоён, Харжанкат, Сикат бўлган. Савдо карвон йўллари И.ни Чоч ва Фарғона б-н боғлаган. 10-а. охирида И. Қорахонийлар давлати таркибига кирган. 13-а. бошида И. Муҳаммад Хоразмшоҳ давлати таркибига қўшиб олинган. Чингизхон истилоси (1219–20)дан сўнг И. жалойирлар қабиласи тасарруфига ўтган ва шу даврдан бошлаб И. номи тарихий манбаларда учрамайди.

ИЛОҚ ЗАРБХОНАСИ – Илоқда танга пул зарб қилиш учун *Тункат* ш.да қурилган корхона (8-а.). Илоқ конларидан олтин ва кумушнинг кўп қазиб чиқарилиши танга зарб қилинадиган махсус корхона ташкил қилиш заруратини туғдирган. Илоқда 8–9-а.ларда «Маъдан уш-Шош» зарбхонасида кўплаб кумуш дирҳамлар зарб этилган. Тангаларда соф кумушнинг кўплиги сабабли И. тангалари 9-а.да бошқа мамлакатларга ҳам тарқалган. Археологик қазишларда шим.да Швеция ва Норвегиядан тортиб жан.да Арманистонгача бўлган ҳудудда Илоқ тангалари хазиналари топилган. Тарихий манбаларга кўра, 10-а.да Мовароуннаҳрда давлат зарбхоналари фақат Самарқандда ва Илоқнинг пойтахти Тункатдагина бўлган. И.з.да пуллар маҳаллий муомалалар учун мисдан, умумдавлат хазинаси учун қимматбаҳо металлдан зарб қилинган. И.з.да чиқарилган охириги тангалар 11-а.нинг 2-ярмига оид.

ИЛФАТУ МАЛИК, Илатғу Малик (13-а.) – Хоразмшоҳлар давлатининг ҳарбий арбобларидан бири. Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Банокатдаги ноиби. Мўғуллар истилоси арафасида Муҳаммад Хоразмшоҳ Жанд ноиби Амир Бужи Паҳлавон Қутлуғхонни 10 минг отлиқ аскар билан И.м.ка ёрдамга жўнатган. Банокат гарнизони, асосан, қанғлилардан ташкил топган бўлиб, уларга И.м. қўмондонлик қилган. Чингизхон Ўтторга келиб, Банокатни эгаллаш учун Алақ нўён, Сақту ва Буқа бошчилигида 5000 кишилик қўшин жўнатган. Булар теварак-атрофдан уларга қўшилган қўшинлар б-н Банокатни қамал қилганлар (1220). И.м. раҳбарлик қилган шаҳар мудофаачилари 3 кун мобайнида мўғуллар б-н қаҳрамонона жанг қилади. Бироқ кучлар тенг бўлмагани боисидан қамалнинг тўртинчи куни Банокат таслим бўлган. Мўғуллар шаҳар аҳолисини шаҳардан ташқарига олиб чиқиб, уларни жангчилар, хунармандлар ва оддий фуқароларга ажратган. Сўнгра жангчиларни қилич б-н чопиб, камон б-н отиб ўлдирганлар, қолган халқни минглик, юзлик, ўнликларга ажратган. Ёшларни ҳашарчи сифатида олиб, Хўжанд томон юриш қилишган (яна қ. *Банокат мудофааси*).

«Илғор» маҳалласи гузари.

«ИЛҒОР» МАҲАЛЛАСИ (Маориф кўч., 20) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Жарариқ» ва «Тинчлик» маҳаллалари, шунингдек, Беруний ва акад. Обид Содиқов кўчалари б-н чегарадош. Маҳаллага 1955 й.да «Илғор» номи берилди. Маҳалла ҳудудидан Беруний кўчаси ўтиши муносабати б-н маҳалла яна ҳам ободонлашди. 1970 й.дан ундан *Алишер Навоий маҳалласи* ажралиб чиқди. Маҳалладаги 1236 хонадонда 7437 киши яшайди, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида 132-ўрта мактаб, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, «Собитота» хусусий корхонаси, Шайхонтохур туман прокуратураси, суди, газ таъминоти идораси, «Ватанпарвар»нинг туман бўлими, АЁҚШ, 49-алоқа бўлими бор. Маънавият ва маърифат м-зи фаолият кўрсатади. Маҳалла ҳақида «Менинг маҳаллам» хужжатли фильми яратилган, бир неча китоблар ёзилган.

«ИЛҲОМ» – театр-студия. 1976 й.да М. Вайль томонидан «Театр ёшлари тажриба студияси» номи б-н ташкил бўлган. 1989 й.дан ҳоз. номда. Спектакллари ўзбек ва рус тилларида. «И.» қошида драматик санъат мактаби ва труппаси фаолият кўрсатади (1995 й.дан). Студиянинг асосий мақсади – театр санъа-



тида янги ифода воситаларини излаш ва тажриба қилиш, ёш драматург, актёр ва режиссарнинг илк чиқиши (дебют)ларини уюштиришдан иборат. Энг яхши спектакллари: «Ўрдак ови» (А.Вампилов), «Қўшиқ учун ўлим йўқ» (Г.Лорка), «Жамоат фикри» (А. Баранга), «Муҳаммад, Мамед, Мамеш» (Ч.Хусайнов), «Тикансиз типратиканлар», «Оқ отлар учун вальс», «Темир хотин» (Ш.Бошбеков), «Масхарабозлар учун регтайм», «Оппок, оппок қора лайлак» (А.Қодирий асарлари асосида), «Бахтли гадолар» (К.Гоцци) ва б. Ж.Обидов, К.Арутюнян, А.Завьялова, Б.Матжонов, М.Каминский, М.Турпишчева, Б.Зокиров кабилар театрнинг етакчи актёрларидир. Театрнинг бадиий раҳбари – Борис Фафуров.


ИЛҲОМОВ Анвар (1946.20.8) – наққош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Т.да туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таълим олган (1963–68), ТошПИНинг меъморлик ф-тини тугатган (1973). Т.даги кулоллик тажриба з-ди (1967–77), «Усто» бирлашмаси (1977–80)да наққош, ижодий гуруҳ раҳбари (1980 й.дан). И. замонавий биноларни анъанавий

нақшлар б-н безашда кулоллик буюмлари, наққошлик, ёғоч ўймакорлиги санъатининг уйғунлигига эришди. Наққошликда унутилган кундал усулини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Нақшлар мужассамотида эса рангларнинг бир-бирига майин боғланишини таъминлади. Т.даги «Истиқлол» санъат саройининг банкет зали (1980), «Туркистон» саройи (1995), Темурийлар тарихи давлат музейи (1997) ва б. биноларни безади. Камолiddин Беҳзод номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1997).

ИМЛОҚ – қад. шаҳар харобалари. Олмалик ш.дан (Тошкент вилояти) 12 км шарқда. Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Шаҳар маркази 5 гектар, ундан шарқда жойлашган шаҳристон майд. 12,5 гектар бўлган. Шаҳристоннинг дарёга қараган шим. томони мудофаа иншоотлари б-н мустақамланган, қолган томонлари рабод б-н ўралган. Археологик қазилар натижасида 6–7-а.ларга оид мудофаа иншоотларининг харобалари, 4–11-а.ларга оид турар жойлар ва жамоат бинолари, хунармандчилик корхоналарининг қолдиқлари топилган. Шаҳристон ва рабодда топилган ме-

каналлар, ҳовузларнинг излари И.да маданият ва суғориш ишлари тараққий этганлигидан далолат беради. Археологик ва ёзма манбаларга асосланиб И.Илоқнинг маркази – *Тункат* ш. б-н бир деб ҳисобланади.

ИММУНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Иммунология институти (Я. Фуломов кўч., 74) – 1991 й.дан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 1994 й.дан Ўзбекистон ФА га қарашли мустақил ин-т. Ин-тда молекуляр генетика, иммуногенетика, иммунопатология, иммуно- ва аллергодиагностика лаб-си ва клиника бор. Ин-тда, асосан, иммун танқислиги ва иммунологик ҳолатнинг Ўзбекистон аҳолиси ўртасида тарқалиши ўрганилади, иммуногенетик тадқиқотлар олиб борилади, иммунитетни ростлаб, аслига келтирувчи янги дори-дармонлар ўрганилади, шунингдек, аллергик касалликлар, болалар ҳамда катталарда вирусли ва бактерияли инфекцияларда иммунотанқислик ҳолати механизмининг шаклланишини ўрганиш ва даволаш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистонда соғлом аҳолида ва касалликларда кўп учрайдиган иммуногенетик маркерлар таҳлилини, А, В, С, Д гепатитлар, ОИВ, TORCH-инфекциялар ва юқумли касалликларни молекуляр генетика жиҳатидан ўрганиш борасида АҚШ, Буюк Британия ва Япония олимлари б-н ҳамкорликда халқаро изланишлар олиб борилади. Ин-тда 37 илмий ходим, шу жумладан 5 фан д-ри ва 17 фан номзоди бор (2008). 1999 й.дан бошлаб «Назарий ва амалий тиббиёт журнали» нашр этилмоқда. И.и. «Иммунология ва одамнинг ёши» (1987), «HLA ва ОИТС» (1989), «Иммунология ва аллер-



таллургия, кулолчилик, шишасозлик корхоналарининг қолдиқлари, йирик ва кичик

Анвар Илҳомов. Темурийлар тарихи давлат музейи биносининг гумбаз ости шифтига ишланган нақш (1997).

гологиянинг долзарб муаммолари» (1984 й.дан ҳар йили), «Ўзбекистон халқ хўжалигида иммуногенетика ва биотехнология ютуқлари» (1995) мавзuidaги конференция ва симпозиумлар, шунингдек, иммунолог-аллергологларнинг I съездини (1991) ўтказишда фаол қатнашган. Ҳоз. Франция Пастер институтининг и.т. маркази олимлари б-н биргаликда «Тил ва генетика» дастури асосида антропо-лингво-этногенетик тадқиқотлар ўтказилмоқда. Россия Иммунология ин-ти ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий маркази б-н ҳамкорликда инсулинга боғлиқ бўлган қандли диабетнинг генетик омиллари ўрганилмоқда. Ин-тда ҳар йили ёш олимлар ва соҳа мутахассисларининг илмий анжумани ўтказиб турилади.

«ИММУНОМЕД» (Мирзо Улуғбек тумани Ҳумоюн даҳаси, 3^а-уй) – хусусий корхона. «Ўзфарм-саноат» давлат акциядорлик компанияси тизимида. 1997 й. ташкил этилган. Дори воситалари, биологик актив қўшимчалар ишлаб чиқаради. Бир йилда 0,01% ли иммуномодулин эритмасидан 150 минг ўрам тайёрланади. Корхона «Фармэкспо» ва «Ўзбекистонда ишланган» кўргазмаларининг доимий иштирокчиси.

ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ ЖОМЕ МАСЖИДИ (Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси) – 1876 й.да маҳалла масжиди сифатида ҳашар йўли б-н қурилган ва «Мўғул кўча» масжиди деб аталган. Икки кичик тоқили хонақоҳдан иборат бўлган. Окт. тўнтаришидан кейинги даврда масжид беркитилган. 1946 й.дан қайтадан очилиб, гоҳ ошкора, гоҳ яширин фаолиятини давом эттирган. 1990 й. Имом ат-Тер-

мизий таваллудининг 1200 йиллиги нишонланиши муносабати б-н «Мўғул кўча» масжиди «Имом ат-Термизий жоме масжиди» деб атала бошлаган. Масжид «Себзор», «Тахтапул», «Намуна» маҳаллалари аҳолисига хизмат қилади. Масжид 1000–1500 кишига мўлжалланган. 1998 й. 6 окт.да рўйхатдан ўтган. **ИМОМ АТ-ТЕРМИЗИЙ КўЧА-СИ** – Яккасарой туманида. «Ракат» ва Абдулла Авлоний маҳаллалари ҳудудида жойлашган. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Ботир Бобоев ва Обид Акрамхўжаев кўчалари оралигида. Уз. 1 км атрофида. Дастлаб Черешневая (Гилосли) номи б-н юритилган. 1991 й. 20 фев.да буюк муҳаддис Имом Абу Исо Термизий (824–892) номи берилган. Йўналишида Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти, Фаластин давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, шахсий турар жой бинолари, дўконлар ҳамда турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари бор.

ИМОМҚУЛИХОН ибн Динмуҳаммадхон (1589–1650) – Бухоро хонлиги ҳукмдори (1611–42). 1612 й. Т.ни эгаллаб, ўғли Искандар султонни ҳоким этиб тайинлаган. Аммо Т. аҳолисининг ўзбошимча ножўя хатти-ҳаракатларидан, зулмидан бе-зиб, кўзғолон кўтарган. Искандар султон оталиғи б-н Т.дан қочган, лекин йўлда ўлдирилган. Бундан хабар топган И. Бухоро, Балх ва Бадахшон вилоятларидан қўшин йиғиб келиб, сангандозлар, таранлар ёрдамида шаҳарни 1 ой давомида қамал қилган. Фақат ёғочдан ясалган шаҳар дарвозаларига ўт қўйиб юбориш йўли билангина шаҳарга киришга муваффақ бўлган ва Т. аҳолисини қир-

гин қилган. Т. ва унга тобе мулклар *Турсун Муҳаммад* ихтиёрига топширилган. И. 1642 й. кўр бўлиб қолгач, тахтни укаси Надр (Нодир) Муҳаммадга топшириб, ўзи ҳажга кетган ва ўша ерда вафот этган.

ИНОЯТОВ Ҳидоят (1913–1938.5.10) – Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт ташкилотчиларидан. Т.да туғилган. Ёшлар ҳамда мудофаага кўмаклашувчи ташкилотларда ишлаган. Парашют ва планёр спорти тўғарақлари, спорт шаҳарчалари ташкил этган. Ўзбек футболчиларини илк бор халқаро миқёсга олиб чиққан. 1935 й. Туркияга ўртоқлик учрашувлари ўтказиш учун борган футбол жамоасига раҳбарлик қилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси муовини (1938). И. ташаббуси б-н армияга чақирилувчи ёшлар ўртасида велосипедда юриш (веломарафон) уюштирилган. 1935 й. 12 май – 14 июлда бўлиб ўтган бу юришда 5 киши (жумладан, И.) Тошкент–Жиззах–Самарқанд–Бухоро–Чоржўй–Термиз–Душанба–Ўш–Андижон–Хўжанд–Тошкент йўналишини, 30 июль – 13 сент.даги юришда Тошкент–Оренбург–Куйбишев–Пенза–Рязань–Москва йўналишини босиб ўтдилар. И. Москва ш.да ўтказилган физкультурачилар куниде суиқасдда айбланган ва отиб ташланган. 1958 й. оқланган. Т.даги 18-болалар ва ўсмирлар спорт мактабига И. номи берилган.

ИНОҒОМОВ Зокир (1919.1.1–1996.4.11) – Ўзбекистон халқ рассоми (1991). Т.да туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таълим олган (1936–40). И. асарлари миллий руҳи, қаҳрамонлари-



Зокир Иноғомов. «Куз» (1957).

нинг қиёфалари жонли, ҳаётин ифодаланганлиги б-н диққатга сазовор. Машҳур асарлари: «Оналик», «Чўпоннинг кўшиғи», «Чойга», «Куз» (1957), «Чойхоначи» (1958), «Далада нонушта», «Чирчиқ водийсида» (1960), «Индонезиялик меҳмон» (1961), «Хирмонда» (1966), «Мош ҳосили» (1980), «Бешик тўй» (1983), «Туғилган кун» (1984). Орол мавзuida «Балиқ дудлаш», «Келинчак», «Орол» ва б. туркум асарлар, натюрмортлар, автопортрет ва б. ҳам яратган. Авайхон қабристонига дафн этилган.

ИНОҒОМОВ Раҳим Охунжонович (1902 – 1938.5.10) – Ўзбекистонда мустабид совет режими га қарши курашган миллий раҳбар ходимлардан бири, қатағон қурбони. Тошкент ш.да туғилган. Ўзбекистон маориф халқ комиссари (1925–26), Ўзбекистон Компартияси МК матбуот бўлими мудир (1926). Мунавварқори ташаббуси б-н Т.да тузилган «Миллий истиқлол» яширин ташкилоти (1926–29) аъзоси. Бу таш-

килот Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишни бош мақсад қилиб қўйиб, ўз курашида совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган. И. мақола ва нутқларида Ўзбекистон Компартиясини Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши курашмаётганликда, ВКП(б)МК Урта Осиё бюроси ва Урта Осиё Иқтисодий кенгаши каби марказнинг назоратчи органларини зўравонликда айблаган. Компартия томонидан партиёга қарши «иноғомовчилик гуруҳи» тузишда қораланган (1926 й. 12 дек.) И. вазифасидан олиб ташланган. 1930 й. 30 майда «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» газеталарида И.нинг очиқ хати уюштирилиб, у тавба-тазарру қилдирилган. И. 30-й.ларнинг ўрталарида Москвада яшаган. Москва электр з-дида, шунингдек, Бутуниттифоқ МИКда таржимон бўлиб ишлаган. Қримнинг Алушта ш.да даволанаётган пайт – 1937 й. 25 авг.да қамоққа олинган. Т.да отиб ташланган. 1958 й. оқланган.

«**ИНСОН**» – хусусий киностудия. 1990 й. Тошкентда ташкил топган. «Кулол ва кўзача», «Сукутлик кодекси» (1990–91, 1993, реж. З.Ройзман), «Даллол» (1992, реж. Б.Одилов), «Бомба» (1994, реж. З.Мусоқов), «Имом ал-Бухорий» (2 қисми, 1996, реж. Б.Содиқов) «Алпомиш» (2000, реж. Ҳ.Файзиев), «Фидойилар» (2003, реж. Б.Содиқов), «Ҳақиқий эркаклар ови» (2006, реж. Ж.Исҳоқов), «Жаннат қайдадир» (2008, реж. Р.Ботиров) каби бадий, «Синдбод, қароқчи ва тўтиқуш», «Муҳаббат қанотлари» сингари мультипликацион ҳамда «Қора балиқ изи» (5 қисми), «Имом ал-Бухорий» (5 қисми) телевизион бадий

фильмлар ишлаб чиқарган. Бадий раҳбари – Равиль Ботиров. «**ИНТЕРКОНТИНЕНТАЛ ТОШКЕНТ**» (ингл. «Inter Continental Tashkent») – «Қитъалараро Тошкент») (Амир Темур шоҳқўч., 107^а-уй) – Тошкентдаги биринчи 5 юлдузли меҳмонхона. «Ўзэкспомарказ» худудига туташган. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги тасарруфида. 1996 й. қурилган (бош меъмори А.Тўхтаев). Бош пудратчи Туркиянинг «Юксал Инмат» фирмаси, қурилишини «Айсел» корхонаси амалга оширган, Бунёдкорлик ишларига 27 хорижий фирма жалб қилинган. Ички безак ва жиҳозлари АҚШнинг «Греханд» компанияси томонидан бажарилган. Фойеси шарқона уйлардаги каби кичик ҳовли, кўркам фавворага раққоса ҳайкалчаси ўрнатилган. Амир Темур номидаги конференц-залидаги жиҳозлар классик жиҳатдан оддий, Б.Жалоловнинг «Тун маъбудаси» ва «Афросиёб» номи композициялари нақшлар б-н уйғунлаштирилган. Люкс хоналари ва ресторан деворлари ўзига хос шарқона пардозланган. Бинони ташқи томондан безашда Италия гранитларидан фойдаланилган. Устунлардаги шер акси туширилган мармарлар Африкадан келтирилган. Меҳмонхонани қуришда ёғоч, металл, тош ва ойнадан фойдаланилган. Меҳмонхона 16 қаватли, 233 номерга эга. Ҳар бир номер кичик бар, телевизор, кондиционер, халқаро телефон ва ш.к. билан жиҳозланган. Бизнес марказ, 7 та конференц-зал, сауна, фитнес клуб, бассейн, 3 та ресторан, бир неча қаҳвахона меҳмонларга хизмат килади. Меҳмонхона яқинида «Тошкентленд» боғи, «Аквабоғ», Молия ин-ти, Миллий

банк биноси, бизнес ва савдо марказлари жойлашган. Метронинг «Бодомзор» бекати яқинида.

ИНТЕРНАТ МАКТАБ

– оила, мактаб ва мактабдан ташқари таълим-тарбия ва эфир асинхрон ўқувнинг ўрта таълим мактаби.

Унда болалар яшаб, тарбияланади ва ўқийди. Таълим-тарбия ишлари меҳнат б-н узвий боғланган ҳолда олиб борилади. И.м.га, биринчи навбатда, етим болалар, уруш ва меҳнат ногиронларининг, ёлғиз ёхуд кўп болали оналарнинг болалари, шунингдек, тарбияланиш учун оиласида зарур шароити бўлмаган болалар қабул қилинади. Т.да биринчи И.м. (293 ўқувчи) 1958/59 ўқув йили ташкил этилди. 2007/2008 ўқув йили Т.да 9 И.м. (4-санаторий, 98-кам таъминланган, 100-мия фалажи, 101-кар болалар, 102-заиф эшитувчи, 103-ақли заиф, 105-ақли заиф, 106-заиф эшитувчи, кўзи ожизлар) ишлади; уларда 2717 ўқувчи таълим олди. 294 ўқитувчи ва 445 тарбиячи фаолият кўрсатди. Шунингдек, Т.да 10 та ёрдамчи мактабда 2409 ўқувчи тахсил олди; 402 тарбиячи ишлади.

ИНТЕРНЕТ ХИЗМАТИ – ахборот тарқатишнинг янги воситаси. Т.да 1994 й. 4 февр.да компьютер алоқаси тармоғи (1996 й.дан UzPAK) ташкил этилиб, интернетдан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. 1999 й. февр.да



«Интерконтинентал Тошкент» меҳмонхонаси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори б-н тармоққа маълумотлар узатиш бўйича миллий тармоқ мақоми берилди ва республика ягона ахборот макони коммуникация асосларини такомиллаштириш ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига қўшилиш имконларини кенгайтириш ишларига киришилди. 2003 й. Ўзбекистон «.UZ» миллий доменини бошқариш ҳуқуқини қўлга киритди. Ўзбекистондаги давлат ва ҳукумат ташкилотлари, жамоат муассасалари, фуқаролар ўзларининг интернет саҳифалари – веб-сайтларини ушбу доманда рўйхатдан ўтказадилар. Бундай сайтлар сони 7200 дан зиёд (окт., 2008). Интернетдан фойдаланувчилар 1994 й.да 200 тани ташкил этган бўлса, 2008 й. окт.да 2,4 млн. га етди, шундан 1,2 млн. фойдаланувчи Т. шаҳрига тўғри келади. Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш марказлари – интернет-кафелар ташкил этилгач, бу рақам янада ошди. 1998 й. фақат 4 компания провайдерлик хизмати кўрсатган бўлса, 2008 й.га келиб, Т.да 500 дан зиёд интернет-кафе фаолият юритмоқда.

Т.да фаолият юритаётган йирик провайдерлар қаторида UzNet, TShTT, Sarkor Telekom, Sharq Telekom, Dost Link, Buzton, East Telekom, UZINFOCOM, Unitech, BCC компанияларини алоҳида таъкидлаш мумкин. 2000

га яқин хўжалик субъекти интернетга уланган. Пойтахтда ҳар 1000 кишидан 445 таси интернетдан фойдаланади (2008).

Интернетдан фойдаланиш турлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Интернетга коммутация орқали боғланиш (Dial-UP тизими) ва ажратилган линия орқали уланиш (xDSL), шунингдек, IP-телефония ва интернет карточкалари орқали халқаро ҳамда шаҳарлараро алоқа ва И.х. кўрсатилмоқда.

Т. ва вилоятларда «Radio Ethernet», WiFi ва WiMAX технологиялари асосида юқори сифатли хизмат кўрсатиш жорий этилган. Интернетга симсиз уланиш имкониятларини берувчи мазкур технологиялар аҳолига қулайликлар яратади. И.х.дан, асосан, ахборот олиш мақсадида бошқарув органлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари энг кўп фойдаланадилар. Ҳоз. кунда Т.да солиқ тўловчилар интернет орқали тўловларни амалга оширишлари, шунингдек, статистика ҳисоботларини топширишлари мумкин. Т.да электрон тижорат, электрон тўлов тизимларини жорий этиш борасида кенг ишлар олиб бо-



Навоий кўчасидаги интернет маркази.

рилмоқда, электрон карточкалар амалга киритилиб, интернет дўконлар орқали савдо қилиш йўлга кўйилмоқда.

«ИНТЕРСОК» (Жан. sanoat zonasida, Darabuyi kuchi) – Россия–Ўзбекистон қўшма корхонаси. 2005 й. ташкил этилган. Асосан Ўзбекистонда етиштирилган мева ва сабзавотлардан табиий шарбатлар, ширали ичимликлар ишлаб чиқаради. Шафтоли, ўрик, олча, олма, шунингдек, цитрус ва тропик меваларидан 9 хил «Сочная долина» ва 6 хил «Вико» белгиси б-н маҳсулотлар тайёрлайди. Уларга республикадан ташқари қўшни мамлакатлар – Афғонистон, Тожикистон, Қозоғистонда ҳам талаб катта. 2008 й. корхонада «Тетра Пак» компанияси (Швеция)нинг ускунаси б-н ишлайдиган янги линия ўрнатилди. Иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилди. Натижада бир кунда 100 минг литр маҳсулот и.ч. имконияти туғилди. Мутахассислар Швеция ва Россияда иш ўрганиб келдилар. Корхонада йилига 25 млн. картон идишча ичимлик тайёрланади (2008).

ИНЪОМХЎЖА ОҚСОҚОЛ (1833–1896) – 1892 й. кўзғолони раҳбари, Тошкент ш. бош оқсоқоли (1881–1892). Асли Қўқон ш.дан, савдо ишлари б-н Тошкентга келиб, Шайхонтоҳур да-

хасидаги Занжирлик маҳалласида яшаган. Ўзининг маърифатпарварлиги б-н эл эътиборига тушган, даҳа оқсоқоли лавозимига сайланган.

Унинг адолат

б-н иш юритиши, рус амалдорлари б-н муносабатда ўзини дадил тутиши ва халққа хайрихоҳ бўлиши туфайли мустамлакачи маъмурлар томонидан 1880 й. лавозимидан четлатилган. Аммо кўп ўтмай Т. шаҳар бош оқсоқоли этиб сайланган. Вабо касаллиги тарқалиши муносабати б-н чор маъмурлари чиқарган фармон ва тадбирларга қарши халқ орасида ташвиқот юритиб, кўзғолонга бош бўлган. 1892 й.ги кўзғолоннинг асосий ташкилотчилари қаторида 12 йил муддатга каторгага ҳукм қилинган. Бироқ унинг халқ ўртасидаги эътиборидан чўчиган Туркистон генерал-губернатори бу жазони 4 йил қамоқ б-н алмаштирган. Қўқон турмасида вафот этган. Шоир Муқимийнинг «Тарихи фавти ноиби Тошкандий» марсиyasi унинг хотирасига бағишланган (яна қ. *Тошкент кўзғолони, 1892*).

«ИПАК ЙЎЛИ» БАНКИ (Фарҳод кўч., 12^а-уй) – очиқ акциядорлик инновация тижорат банки. 1990 й. 23 апр.да ташкил топган. Фаолиятини 1990 й. 31 дек.да бошлаган. Банкнинг йирик акциядорлари: «Ўзбекинвест» экспорт-импорт сугурта миллий компанияси, «Zamon Plus Sargmoya» инвестиция компанияси, «Озиқ-овқат моллари», «Барака» универсал лизинг компа-

ниялари, «Кафолат» сугурта компанияси.

Банк жисмоний шахс бўлган мижозлари учун ҳисобварақлар очиш ва уларни юритиш, касса хизмати кўрсатиш, коммунал ва б. тўловларни қабул қилиш, банк ўтказмаларини амалга ошириш, хорижий валютани олиб чиқиб кетишга рухсатномалар бериш, пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар б-н ҳисобкитобларни амалга ошириш, миллий ва чет эл валютасидаги маблағларни омонатларга жалб қилиш, истеъмол кредитлари ажратиш, ипотекали кредитлаш, пластик карточкалар орқали кредитлаш каби хизмат турларини бажаради. Банкнинг республика бўйича филиаллари сони 7 та, шундан 5 таси Тошкент ш.да (Бош офис, Мирзо Улуғбек филиали, Ўрикзор филиали, Яккасарой филиали, Сағбон филиали).

Банкнинг Тошкент ш.даги филиаллари томонидан 2007 й. мобайнида 106,4 млрд. сўмлик лойиҳалар молиялаштирилди. Шундан и.ч.ни ривожлантириш учун 51,2 млрд. сўм, қурилиш корхоналарига 1,7 млрд. сўмлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун 36,1 млрд. сўмлик кредитлар берилди. Умуман 80200 та мижозга хизмат кўрсатилди, уларнинг 69600 таси жисмоний шахслар (2008).

ИПАКЧИ КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур туманидаги шу номли маҳалла ҳудудида жойлашган. Кичик ҳалқа йўли ва Алп Жамол-2 кўч. оралиғида. Уз. 1 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Йўналишида Ипакчилик и.т. институти ва атрофида тажриба учун экилган тутзор бўлгани учун шу ном б-н аталган. Кўча йўналишида шахсий турар жой би-

нолари, маҳалла гузари, тўйхона, оилавий поликлиника, тез ёрдам хизмати, савдо шохобчалари, боғча ва бекатлар жойлашган. Шаҳар м-зини Жарариқ ва Ибн Сино мавзелари б-н боғлайди. Кўчада таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

«ИПАКЧИ» МАҲАЛЛАСИ (Ипакчи кўч., 1^б-уй) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Эски Жарариқ ва Учтепа туманидаги «Дегрез» маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. ташкил топган. 1956 й. шу ҳудудга Ўрта Осиё ипакчилик и.т. институти кўчиб келган, шу ҳудуддаги аксари фуқаролар ин-тга ишга кирган, маҳалла номи шундан. Аҳолиси 5378 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида 2 спорт иншооти, 1 саноат корхонаси, болалар боғчаси, 6 озиқовқат дўкони, 2 дорихона, кафе, новвойхона, масжид, 5 маданий-маиший муассаса мавжуд.

ИПАКЧИЛИК ИНСТИТУТИ – қ. Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти.

«ИПОТЕКАБАНК» (Мустақиллик кўч., 17) – акциядорлик тижорат ипотека банки. «Уйжой-жамғармабанк» ва «Заминбанк»ларни қўшиш йўли б-н ташкил этилган ва ўз фаолиятини 2005

«Ипотекабанк».



й. 30 апр.да бошлаган. Банкнинг йирик акциядорлари: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «UzGazOil» хорижий шуба корхонаси, «Zamon Savdo Plus» ва «Inter Invest Trust» масъулияти чекланган жамиятлари.

Банк яқка тартибдаги уй-жой қурилиши, реконструкция қилиш ва сотиб олиш учун аҳолига узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш; аҳоли учун турар жойлар барпо этадиган хўжалик юритувчи субъектларга кредитлар бериш; уй-жой қурилиши учун ипотека беришни ривожлантиришга хорижий инвестициялар, жумладан кредитларни, шунингдек, халқаро ва маҳаллий молия ин-тлари инвестиция ҳамда грантларини жалб этиш; замонавий, тежамли қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредит б-н таъминлаш; аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш, кредитлар бериш, лизинг ва факторинг хизматлари кўрсатиш, нақд валюта айирбошлаш ва конвертация операцияларини амалга ошириш; халқаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва б. хизматлар кўрсатади. Республика ҳудудида банкнинг 39 филиали ишлайди, 11 филиали Тошкент ш.да фаолият

кўрсатади. 2007 й.да Тошкент ш.да жойлашган банк филиаллари 20,5 минг мижоз (юридик шахслар)га хизмат кўрсатди. Банкнинг кредит маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг турли тармоқларга ажратилган кредит қўйилмалари 125,8 млрд. сўмни ташкил этди. Шундан Тошкент ш. ҳокимлиги ташкилотларига – 27,6 млрд. сўм, коммунал хўжалиги ташкилотларига – 49,9 млрд. сўм кредитлар ажратилди. Банкнинг устав капитали (млрд. сўм) – 41,0; умумий капитали – 74,7; жами активлари – 518,0; кредит қўйилмалари қолдиғи – 262,6 ни ташкил этди (2008, 1 янв.).

ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ, Тошкент ирригация ва мелиорация институти (Қори Ниёзий кўч., 39) – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфида. 1934 й.да ташкил этилган. 2004 й.нинг март ойигача Т. ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-ти номи б-н фаолият кўрсатди. 2004 й. 30 мартдан ҳоз. номда.

Ин-тда гидромелиорация; ирригация гидротехника иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш; сув хўжалигини автоматлаштириш ва механизациялаш; сув хўжалигини бошқариш ва унинг иқтисодиёти; ердан фойдаланиш ва ер кадастри ф-тлари бор, уларда сув хўжалиги ва мелиорация; қишлоқ ва яйловлар таъминоти; экология ва атроф-муҳит муҳофазаси; сув ресурслари ва улардан фойдаланиш; сув хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш; ер тузиш ва ер кадастри каби йўналишлар бўйича бакалаврлар ҳамда магистрлар тайёрланади. Т. вилояти Ўрта Чирчиқ туманида майд. 350 гектар

бўлган ўқув-тажриба хўжалиги-га эга. 2007/08 ўқув йилида ин-тда 4 мингдан ортиқ талаба ўқиди, 350 дан ортиқ проф.-ўқитувчи, жумладан 31 фан д-ри, проф., 130 га яқин фан номзоди ва доцент ишлади. Шунингдек, ин-т таркибида Ахборот технологиялари м-зи, ўқув-услубий, халқаро алоқалар, нашриёт, аспирантура ва докторантура бўлимлари, тадқиқотлар м-зи, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш м-зи, сув ресурслари ахборот-таҳлил хизмати, кутубхона (618 минг асар), 2 академик лицей, фермерларни ўқитиш бизнес мактаби фаолият кўрсатади.

Ин-т ташкил этилгандан буён халқ хўжалиги тармоқлари учун 55 мингдан зиёд мутахассис тайёрланди. Ин-т ҳузурида номзодлик ва д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш ишлайди. Ин-т бир неча нуфузли олий ўқув юртлари, и.т. ин-тлари, АҚШнинг Вашингтон, Айова, Голландиянинг Вагенинген, Буюк Британиянинг Лисфаси, Германиянинг Гамбург ун-тлари б-н илмий алоқа ўрнатган ва талабалар, профессор-ўқитувчилар алмашилиш, и.т. грантлари олиш йўлга қўйилган.

ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (Қорасув-4 мавзеси, 11) – ирригация соҳасидаги йирик илмий муассаса. 1925 й.да Тошкент гидротехника тажриба-тадқиқот ин-ти номи б-н ташкил этилган. 1926 й.да Сув хўжалиги тажриба-тадқиқот ин-ти, 1932 й.дан Ўрта Осиё ирригация и.т. институти деб аталади. 1960 й.дан ин-т Ўзбекистон ФА Сув муаммолари ва гидротехника ин-ти билан бирлаштирилган. 1965 й.дан собиқ иттифоқ

Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг В.Д.Журин номидаги Ўрта Осиё ирригация и.т. институти. 1992 й. 11 апр.дан Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги таркибига кирган. 1996 й.дан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарайди.

Ин-тда 18 та илмий бўлим ва лаб.лар, айрим вилоятларда бўлим, илмий-техник марказлари мавжуд. Ин-т илмий тадқиқот йўналишлари сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш; суғориладиган ерлар мелиорацияси; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик; қишлоқ ва сув хўжалиги учун илмий салоҳиятли юқори унумли технологиялар, машина, ускуналар яратиш; сувдан фойдаланишда бозор муносабатларини жорий қилиш ва б.га йўналтирилган. Ин-тда жами 67 илмий ходим, жумладан 5 фан д-ри, 20 фан номзоди ишлайди (2008). Ин-тда илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

ИРРИГАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ – қ. *Сув хўжалиги.*

ИСЛОМ ИНСТИТУТИ, Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти (Зарқайнар 18-берк кўч., 47^а-уй) – олий диний ўқув юрти. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси, раиси, муфтий

Тошкент
ислом
институти.

Зиёвуддинхон Эшон Бобохон ўғли ташаббуси б-н масжид имом-хатибларининг малакасини ошириш курслари (1970) негизида 1971 й. Т.да ташкил этилган. Дастлаб Ислом олий маъҳади деб номланган. 1991 й.дан ҳоз. номда. Ташкил этилганда буюк муҳаддис Имом Бухорий номи берилган. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида. Динлар тарихи ва назариясини чуқур эгаллаган, ислом дини асосларини ўзлаштирган диний ходимлар тайёрлайди. Ин-т битирувчиларига исломшунос, имом-хатиб ва араб тили ўқитувчиси ихтисослиги берилади.

Ин-тда 4 та каф. мавжуд: диний фанлар (фиқҳ, усул ул-фиқҳ, ақоид, ҳадис, мусталаҳ-ул-ҳадис, тафсир, фароиз, хатоба каби диний фанлар ўқитилади), ижтимоий фанлар (фалсафа, маънавият асослари, социология, Ўзбекистон тарихи, ислом тарихи, мазҳаблар ва фирқалар тарихи, динлар тарихи, сиёсатшунослик, иқтисодиёт назарияси, экология асослари ва б. фанлар ўқитилади), тафизул-Қуръон (Қуръони карим қироати, тажвид, улумул-Қуръон каби фанлар ўқитилади), тиллар (она тили, араб тили, инглиз тили, форс тили, рус тили, балоғат ва



хаттотлик каби фанлар ўқитилади). Кутубхонасида 20 мингдан ортиқ асар сақланади.

Ин-тда илмий кенгаш, ўқув-услубий кенгаш, мураббийлар кенгаши, талабалар кенгаши фаолият олиб боради. Ин-тда 130 дан ортиқ талаба ўқийди, 42 ўқитувчи ишлайди (2008). Ин-т ташкил этилгандан бери уни 1700 дан ортиқ киши битириб чиқди. Ин-т ҳудудида тарихий ва меъморий ёдгорлик – *Намозгоҳ* масжиди мавжуд.

ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ, Тошкент ислом ун-ти (Абдулла Қодирий кўч., 11) – дунёвий ва диний билимлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ва йирик илмий м-з. 1999 й. 7 апр.да Т.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган. Диншунослик, исломшунослик, ислом ҳуқуқи, халқаро иқтисодий муносабатлар, информатика ва ахборот технологияси бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда 2 ф-т [ислом тарихи ва фалсафаси;

шариат (фиқҳ), иқтисод ва табиий фанлар], 12 каф., ихтисослашган акад. лицей ва мактаб, ахборот ресурс м-зи (32 мингга яқин асар), манбалар хазинаси, исломшунослик и.т. маркази, «Шарқшунослик фанлари» соҳаси бўйича бирлашган ихтисослашган кенгаш, лингафон кабинети, араб тили м-зи, И. у.ни ривожлантириш жамғармаси (1999) мавжуд. Шунингдек, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари малакасини ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш ф-ти, иқтисодиёт ва ижтимоий-гуманитар йўналишлардаги ўқув предметлари асосида тайёрлов курслари фаолият кўрсатади. И.у.ни ривожлантириш жамғармаси қошида «Зиё» студияси, «Зиё интернет» провайдери, нашриёт-матбаа бирлашмаси бор.

Ун-тда маънавият-маърифат, иқтидорли талабалар б-н ишлаш, халқаро алоқалар, мониторинг ва ички назорат, маркетинг бўлимлари, ахборот-техник таъминот м-зи, талабалар турар жойи бор. 2007/08 ўқув йили ун-

тда 516 талаба, 34 магистрант, 17 аспирант, 35 тадқиқотчи, 2 докторант-тадқиқотчи таҳсил олди; 156 проф.-ўқитувчи, жумладан 18 фан д-ри ва проф., 45 фан номзоди ва доцент ишлади. «Тошкент ислом университети» илмий-таҳлилий ахбороти (бюллетень) чоп этилади (2002 й.дан). Ун-т ташкил этилгандан бери 675 мутахассис тайёрланди.

«ИСЛОМОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Қулоқтепа кўч., 16) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Гулистон», «Уч қаҳрамон», «Астробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. ташкил топган. Аҳолиси 1800 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди (2009).

«ИСЛОМОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур кўч., 345) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Шофайзи», «Кўкча», «Оқилон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1932 й. 2-Оқлон номи б-н ташкил топган. 1950 й. «Авангард» маҳалласи деб аталган. 1993 й. «Наврўз», 1998 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4850 киши, асосан,

Тошкент ислом университетининг бош биноси.



ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, озиқ-овқат дўкони, дорихона, кафе, новвойхона ва «Исломобод» тўйхона гузари бор.

ИСЛОМОВ Ўткир (1932.22.11) археолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), тарих фанлари д-ри (1978). Т.да туғилган. Тошкент пед. институтини тугатган (1956). Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида кичик илмий ходим (1962–64), катта илмий ходим (1964–70), бўлим мудири (1970–92). 1992 й.дан Ўзбекистон Республикаси ФА Археология ин-тининг Т. бўлими мудири. Т. археология музейи раҳбари. Илмий асарлари, асосан, Ўзбекистон ҳудудида палеолит ва мезолит даврини ўрганишга бағишланган. Хусусан, Бўзсув каналининг чап соҳилидаги *Қўшилиш* манзилгоҳини текширган. 1992 й.дан Т. вилояти тош даври ёдгорликларини (Обираҳмат, Палтов ғорлари, *Кўлбулок*, Қизилолма, Тошсой) тадқиқ этади. 1998 й.дан Ўзбекистон–Россия, 2007 й.дан Ўзбекистон–Россия–Бельгия қўшма комплекс археология экспедициялари б-н Обираҳмат ғорини текширмоқда. Т.нинг қад. маданияти тарихига оид бир қанча асарлар му-

аллифи. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2003). **«ИСЛОМОТА» МАҲАЛЛАСИ** (Қорақамиш 1/2 даҳаси, 1) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Навбахор» ва «Тараққиёт» маҳаллалари б-н чегарадош. 1985 й. ташкил топгандан бери шу номда. Аҳолиси 4500 киши, кўп миллатли (2008). Маҳалла ҳудудида «Завқий» маданият уйи жойлашган. Маҳалла фаолларидан бири Исломота номи б-н аталган.

ИСМАТОВА Мавлуда (1943.7.05) – Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995), Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Т.да туғилган. Тошкент пед. институтини тугатган (1968). 1961 й.дан Т. вилоятидаги 26-мактаб (1987 й.дан Юнусобод туманидаги 273-мактаб)да бошланғич синф ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1983 й.дан директор. И. раҳбарлик қилган мактаб 1995 й. респ.да «Йилнинг энг яхши мактаби» деб эълон қилинган. Мактабнинг янгилик сари ташаббускорлик фаолияти, илғор тажрибалари бевосита И. раҳбарлигида амалга оширилади ва у респ. миқёсида кенг оммалаштирилади.

ИСМОИЛ ШОШИЙ МАҲАЛЛАСИ (Сағбон кўч., 140) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла.

«Исломобод» маҳалласи гузари.

«Кўштут», Ҳофиз Кўҳакий, «Гузарбоши», «Истиқлол», «Ҳастимом» маҳаллалари б-н чегарадош. 1990 й. ташкил топган. Исмоил Шоший маҳалласига «Суръат» маҳалласи бирлашган. Аҳолиси 3700 киши, ўзбек, рус, татарлар яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, «Шодлик» маданият ва спорт уйи жойлашган.

ИСМОИЛОВ Абдулҳошим (1952.9.6) – созанда (ғижоак), бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1990). 1984 й.дан Т.да. Тошкент консерваториясининг шарқ мусиқаси кафедрасини тугатган (1989). Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг мақом ансамблида созанда (1974–85), мусиқа раҳбари (1985–87), бадиий раҳбар (1987–96 ва 1999 й.дан), «Ўзбекнаво» концерт-гастроль бирлашмасида созанда (1997–99). Ижро услубига нозиклик ва майинлик, қочирим-нолаларни, ранг-баранг усулларни усталик ва моҳирона ишлатиш хос. И. раҳбарлигидаги чолғу ансамбли (А.Абдурашидов, А.Холтожиев ва б.) ижроси орқали ўзбек мусиқасига янги – гуруҳли бадиҳа услуби кириб келди. Репертуаридан йирик халқ чолғу куйлари («Чўли Ироқ», «Насруллоий», «Наврўзи Ажам» ва б.), мақом йўллари («Чоргоҳ», «Сегоҳ», «Дугоҳ») ва б. кенг ўрин олган. Бастакор сифатида ўзининг ашула, қўшиқ ва яллалари («Бўлмас», «Ноз», «Эрка булбул», «Сен ўзинг», «Ўзбекистон», «Тошкентим», «Тоғ қизи» ва б.), чолғу ва рақс куйлари («Ҳолим сўрма», «Гуллола», «Тўёна», «Дил байрами» ва б.) б-н шуҳрат қозонган. Мақом ижрочиларининг 1-республика танлови лауреати (1983). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2008).



ИСОХЎЖА ҚОЗИ МАДРАСА-СИ (1830) – Себзор даҳасидаги мадраса. Асли себзорлик Исохўжа қозикалон томонидан пишиқ ғиштдан қурдирилган. Таркибида дастлаб бир неча хужра, 2 дарсхона, хонақоҳ ва ҳовуз бўлган. 1868 й.да мадраса 14 хужра, бир масжид, 1 дарсхона, таҳоратхонадан иборат бўлиб, кунчиқар томонида катта мазор жойлашган. Мадрасада Т.нинг нуфузли шахслари Ҳакимхўжа қози мударрис ва имом, унинг акаси шайхулислом Ойхўжа эса мутавалли бўлган. Мадрасанинг ҳар бир хужрасида 4 талаба, яъни жами 56 талаба истиқомат қилган. Вақф қилинган 15 дўкандан олинган маблағ мадраса харажатларига сарфланган. Шунингдек, мадраса яқинида бир ҳовли ва майдон, Чангалзор мавзеида тахм. 3 ботмон боғ, бедазор ва очик ер, Оққўрғон ва Қорамурт мавзеларида кичик ер вақфи бўлган. 1884 й. мадраса вақфлари янада ортган ва Ҳакимхўжа қози вафотидан сўнг (1875) мадрасага унинг ўғли Муҳиддинхўжа ва Аҳмадхўжа эшон мударрислик қилган. Исохўжа қозикалон қабри Себзор даҳаси Қозикўча маҳалласидаги Исохўжа мазорида бўлган.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ – Т.да марказлашган И.т.нинг дастлабки иссиқлик тармоқлари 1939 й. Тўқимачилик ком-тининг технологик эҳтиёжини қондириш ва биноларини иситиш учун барпо этилган; ўша йили *Тошкент иссиқлик электр маркази* (ТЭЦ) ва дастлабки иссиқлик трассалари ишга туширилди. 1954 й. Тошкент ТЭЦни янги қурилаётган Чилонзор турар жой массиви б-н боғлайдиган биринчи магистрал иссиқлик трассаси (5 км) ётқизилди. 1959

й. Тошкент иссиқлик электр м-зида иссиқлик тармоқлари цехи барпо этилиб, у шаҳарнинг жан. қисмида янги монтаж қилинган иссиқлик тармоқларини ишла-тиш б-н шуғулланди. 1960 й. шу цех асосида иссиқлик тармоқлари корхонаси ташкил топди. Тошкент зилзиласидан (1966) сўнг шаҳарнинг янги туман ва турар жой массивларида қозонхоналар қурила бошланди. 1990 й. 10 туман қозонхоналарининг иссиқлик қуввати қарийб 4630 Гкал/соатни (Тошкент иссиқлик электр м-зидан ташқари) ташкил этди. Шаҳар хўжалиги ривожланиб, аҳоли сонининг кўпайиб бориши И.т.га бўлган эҳтиёжни ҳам кескин орттирди.

Мустақиллик йиллари давомида марказлашган И.т. тизими яратилди. Бу тизим «*Тошиссиққуввати*» ишлаб чиқариш бирлашмаси унитар корхонаси, «*Тошкент иссиқлик маркази*», «*Тошкент иссиқлик электр маркази*» очик акциядорлик жамиятлари ва турли идораларга қарашли 5 та саноат қозонхонасини ўз ичига олади. Уларга истеъмолчиларни узлуксиз ва ишончли тарзда иссиқлик б-н таъминлаш вазифаси юклатилган. Ҳозирги пайтда пойтахтнинг қарийб барча аҳолиси марказлашган И.т.дан фойдаланади. Иссиқлик тармоқларига 13550 бино, шу жумладан, 9218 уй-жой, 642 даволаш муассасаси, 505 мактаб, 625 болалар боғчаси, 421 олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, 2143 ижтимоий таъминот объектлари уланган. «*Тошиссиққуввати*» бирлашмаси баландидаги иссиқлик тармоқлари уз. 1348,5 км ни, шу жумладан магистрал иссиқлик тармоқлари 257,6 км ни, тақсимлаб берувчи иссиқлик тармоқлари 1090,9 км ни ташкил этади.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЖАМИЯТИ, Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти – бозор иқтисодиёти шароитларида истеъмолчиларнинг товарлар, ишлар, хизматлар истеъмоли б-н боғлиқ ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ихтиёрий бирлашмаси, нодавлат ташкилот. Ўз сафларида фойда чиқариб олиш б-н боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий истеъмоли ёки хусусий хўжаликда фойдаланиш мақсадларида товар сотиб олувчи, иш, хизматларга буюртма берувчи ёхуд шу ниятда бўлган истеъмолчилар – фуқаро (жисмоний шахс)ларни бирлаштиради. И.ж. истеъмолчиларнинг харид этиладиган товарлар ҳақида тўлиқ маълумот олиши, товар ва хизматларни эркин танлаши, ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсонли бўлган товар, ишлаб чиқарувчи (сотувчи)нинг ғайриқонуний ҳаракати туфайли етказилган моддий зиён ва маънавий зарарнинг тўлиқ ҳажмда қопланиши ва б. ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорида сифати паст, кишилар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи товарларнинг сотилишига йўл қўймаслик устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш ва б. вазифаларни бажаради.

И.ж. биринчи марта 20-а.нинг 30-й.ларида АҚШда пайдо бўлди ва кейинги даврларда ғоят ривожланди. Ҳоз. даврда жаҳондаги кўпгина ривожланган мамлакатларда истеъмолчиларнинг ўз босма нашрларига эга бўлган турли жамиятлари фаолият олиб боради. БМТ қарорига кўра ҳар йили 15 март Жаҳон истеъмолчилар куни тарзида нишонланади.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари 1996 й. 26 апр.да қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилди.

1996 й. сент.да Нодавлат ташкилотларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш халқаро жамғармаси кўмагида республикада биринчи И.ж. – Тошкент ш. Шайхонтохур туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ташкил этилди. 1996–2002 й.ларда Тошкент ш.нинг бошқа туманларида ҳам шундай жамиятлар ташкил топди. Фаол истеъмолчиларнинг ташаббуси ва бу жамоат ташкилотининг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида 2002 й. 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори қабул қилинди. 2003 й. республиканинг 7 вилояти ва Тошкент ш.да фаолият кўрсатаётган И.ж. ҳудудий бирлашмалар шаклида Ўзбекистон истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига уюшди. Федерация, ҳудудий бирлашмалар, туман жамиятлари ягона устав асосида иш юритади. Федерациянинг Тошкент ш. ҳудудий бирлашмаси (Бунёдкор шоҳкўчаси, 23^а-уй) 2003 й. 30 апр.дан ўз фаолиятини бошлаган.

Бирлашма ваколатли давлат органлари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат

ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Тошкент ш. бошқармаси б-н фаол ҳамкорлик қилади.

Бирлашма таркибига шаҳардаги 11 туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари киради, жами 8554 аъзога эга (2008).

ИСТИРОХАТ КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудида. Катта ҳалқа йўли ва Кичик ҳалқа йўли оралиғида жойлашган. Уз. 4 км атрофида. Т. зилзиласидан зарар кўрган аҳолини уй-жой б-н таъминлаш мақсадида 1966 й. шахсий уй-жойлар қурилиши муносабати б-н пайдо бўлган. 1966 й. 27 дек.да кўчанинг биринчи ярмига Холиқ Гофуров, иккинчи ярмига Истироҳат номи берилган. 2005 й. 10 окт.дан кўчанинг яхлитлигини таъминлаш мақсадида, Холиқ Гофуров кўчаси ҳам Истироҳат номи б-н қайта номланди.

И.к. Учтепа ва Шайхонтохур ҳудудларининг рамзий чегараси ҳисобланади. Кўчада икки томонлама автотранспорт ҳаракати ташкил этилиб, ўртаси яшил зонага айлантирилган.

Йўналишида шахсий турар жой бинолари, мактаблар, боғчалар, савдо шохобчалари ҳамда турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

«ИСТИРОХАТ» МАҲАЛЛАСИ (Шамсия кўч., 30) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Шафтолизор», «Бекобод», «Қорёғди», «Жарбулоқ», «Ўткир» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й.гача Фурқат маҳалласи деб аталган.

Бу маҳалла дастлаб Шайхонтохур туманидаги телемарказ биноси ҳудудида жойлашган. Зилзила туфайли маҳалла аҳолиси собиқ «Октябрь», ҳоз. «Бекобод» даҳасига кўчиб келган. 1966 й. авг.дан ташкил топган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2680 киши, асосан ўзбеклар (2008). Маҳалла ҳудудида жоме масжиди, ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд. **ИСТИҚБОЛ КЎЧАСИ** – Ҳамза ва Миробод туманларида. Т.нинг марказий кўчаларидан. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Уз. 2 км. Амир Темур хиёбони ва Нукус, Абдулла Қодирий, Фарғона йўли кўчалари туташ чорраҳа оралиғида. 1865 й. майда Т.ни мудофаа қилиш учун Қўқон хонлигининг лашкарбеги Алимқул ўз сарбозлари б-н шу йўл орқали Т.га кириб келган. 2008 й. 9 июнда «Истиқбол» номи берилган. Шаҳрисабз, Яҳё Фуломов, Содиқ Азимов кўчаларини кесиб ўтади. Кўча бошида 2009 й.да мухташам «Ўзбекистон» анжуманлар са-

Истиқбол кўчаси.



ройи бунёд этилди. Йўналишида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси (биноси 1887 й. қурилган ва Туркистон давлат палатаси, кейинчалик Ўзбекистон тарихи давлат музейи жойлашган), Халқаро Вестминстер ун-ти, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси биноси (1912 й. да қурилган ва Мария хотин-қизлар билим юрти, кейинчалик касб танлаш м-зи жойлашган), поликлиника, «Баҳор» ресторани, фото уйи, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи, савдо мажмуалари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари мавжуд. Яқинида «Амир Темури хиёбони» метро бекати жойлашган.

«ИСТИҚБОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Роҳат кўч., 12) – Бектемир туманидаги маҳалла. «Сувсоз» даҳасида жойлашган. «Чашма», «Мажнунтол», Абай маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил топган. Маҳалла ҳудудида асосан ёш оилалар яшаганлиги, уларнинг ҳаёти истиқболли бўлиши шарафига «И.» деб аталган. Аҳолиси 986 хонадон (3120 киши)дан иборат (2009): асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 дан «Истиқлол» ресторани.

ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 2 кўча, 3 болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона бор. **«ИСТИҚБОЛ» МАҲАЛЛАСИ** (Қорақамиш 2/1 даҳаси, Ўрозбоев кўч.) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Бўстон», «Шодлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил топган. Шаҳар кенгайиши муносабати б-н қамишзор бўлиб ётган даҳага уйлар қурилиб, 1972 й.дан аҳоли кўчиб келиб яшай бошлаган. 1994 й.дан шу номда. Аҳолиси 5157 киши, асосан ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида 2 та ширкат, 2 та ўрта мактаб, 24-меҳрибонлик уйи, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, хусусий фирмалар мавжуд.

«ИСТИҚЛОЛ» (Кичик ҳалқа йўли, 1) – ресторан. «Фазо-Нур» МЧЖга қарашли. Анҳор соҳили бўйида. 1999 й. 5 майда ишга тушган. Ресторан ҳудудида ёзлик ошхона ва ёзлик майдонча, анҳор ёқасида жами 500 ўринлик шийпончалар мавжуд. Ресторан биноси 3 қават қилиб қурилган (меъмор С.Азизов). 1-қаватда 300 ўринлик зиёфат зали ва 30 кишига мўлжалланган VIP зал (бу залдан балконга

чиқилади) бор. Ресторан ҳудудида болалар ўйнайдиган майдонча, автомобиллар турадиган жой ажратилган. Зиёфатлар, тўйлар, юбилейлар, тақдирот маросимлари, миллий анъанавий тадбирлар (ош) ўтказиб турилади. Меҳмонларга шоу дастур намоиш этилади. Европача, ўзбек миллий, шунингдек, турк, уйғур таомлари тайёрланади. Республика танловларининг лауреатлари бўлган ошпазлар, қандолатчилар ва официантлар хизмат қилади. Буюртма бўйича тадбирлар ўтказиш учун жойларга ҳам борилади.

«ИСТИҚЛОЛ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИ (Кичик ҳалқа йўли) – биринчи навбати 1985 й., иккинчи навбати 1988 й. қурилган. 2004 й.да қайта реконструкция қилиниб, қўшимча ёпиқ спорт зали барпо этилган. Тошкент ш. Собир Раҳимов туман халқ таълими бўлими тасарруфида. Таркибида югуриш йўлкалари, 2 волейбол, 2 баскетбол майд., 1136 томошабинга мўлжалланган трибунали футбол майд., спорт зали (саунаси б-н), машқ учун қипиқли футбол майд. бор. Футбол, волейбол, оғир атлетика, бокс, стол тенниси, енгил атлетика, шахматшашка секциялари ишлайди (2008). Спорт секцияларида кунига 200 га яқин ўқувчи болалар шуғулланади. Мажмуада тумандаги мактаб ўқувчиларининг барча спорт тадбирлари, жумладан, «Умид ниҳоллари», «Барчиной», «Алпомиш», «Соғлом оила» каби шаҳар ва туман миқёсидаги мусобақалар мунтазам равишда ўтказиб турилади.

ИСТИҚЛОЛ КЎЧАСИ – Юнусобод тумани ҳудудида. Пойтахтнинг марказий кўчаларидан бири. Амир Темури шохкўчаси ва Рашидов кўчаси оралиғида жой-



лашган. Уз. 1 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг Янги шаҳар қисмида ташкил топган. 2008 й. 7 апр.да Истиқлол кўчаси номи берилган. Ўтмишда кўча йўналишида Туркистон генерал-губернаторлиги маҳкамаси, шаҳар думаси ва шаҳар кенгаши жойлашган. Йўналишида БМТ-нинг ЮНИСЕФ болалар ташкилоти, Марказий офицерлар саройи, «Марказий» (собиқ «Шератон») меҳмонхонаси, бог, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Фазначилиги бор. 2008 й.нинг 1-ярмида кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Йўналишида Мустафо Камол Отатурк ва Буюк Турон кўчаларини кесиб ўтади. Яқинида Мустақиллик майд., «Мустақиллик» ва «Юнус Ражабий» метро бекатлари жойлашган.

ИСТИҚЛОЛ МАЙДОНИ – Чилонзор туманида, Бунёдкор шоҳ-кўчаси ва Фурқат кўч. оралигида жойлашган. 1982 й. собиқ «Халқлар дўстлиги» саройи қурилиши б-н юзага келган. Мустақиллик даврида майдон собиқ иттифоқ рамзларидан тозаланиб, кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 2008 й. 8 апр.да саройга «Истиқлол» санъат саройи номи берилиб, майдон ҳам шу ном б-н аталди. Майдон атрофида «Истиқлол» санъат саройи, Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси, Банклараро молия ассоциацияси, Ёзувчилар уюшмаси, Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси, Ер муносабатлари ва кўчмас мулк кадастрини тартибга солиш бош бошқармаси, ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси, Тошкент метрополитени идораси, «Бунёдкор» мет-

ро бекати, савдо ва умумий оқ-қатланиш мажмуалари, кўп қаватли турар жой бинолари, турли ташкилот ва корхоналар жойлашган.

«ИСТИҚЛОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Зарқайнар 18-берк кўча, 6) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Ҳастимом», «Қорасарой», «Гуручариқ», «Шоший», «Гузарбоши» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. 1998 й. «Файрат», «Работ» маҳаллалари ҳам қўшилган. Аҳолиси 5136 киши, асосан, (98%) ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида Имом Бухорий номидаги ислом ин-ти, Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига қарашли нашриёт жойлашган. Мустақиллик йилларида Ҳастимом мажмуасини тубдан қайта қуриш жараёнида «И.» маҳалласининг янги, замонавий гузари ҳам барпо этилди.

«ИСТИҚЛОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Мавлоно Риёзий даҳаси, 1) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Мустақиллик» ва «Дўстлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. М.Риёзий даҳа аҳолиси сони ошганлиги сабабли «Мустақиллик» маҳалласи икки қисмга ажралган. Аҳолиси 6440 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд.

«ИСТИҚЛОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Сарикўл кўч., 5) – Миробод туманидаги маҳалла. «Баҳор», «Шарқ юлдузи», «Навбаҳор», «Янгизамон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Маҳалла Бехтерев ва Сарикўл кўчалари оралигида янги қурилган кўп қаватли 8 уйни ўз ичига олган. Бу мавзе республикамининг истиқлолга эришган йили қурилганлиги сабабли маҳаллага шу ном берилган. Аҳолиси 2 мингдан зиёд, асо-

сан, ўзбеклар, шунингдек, 18 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 57-маҳсус ихтисослаштирилган мактаб, 3 болалар боғчаси, 4-сонли туғуруқхона мажмуаси, шаҳар руҳий касалликлар касалхонаси, Корея стоматология ва кўз касалликлари м-зи, темирийўлчилар оилавий поликлиникаси, «Тинчлик савдо» МЧЖ, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

«ИСТИҚЛОЛ» САНЪАТ САРОЙИ (Фурқат кўч., 3) – Тошкент ш.даги маданият марказларидан бири; турли тадбирлар (форум, қурултой, фестивал ва б.) ўтказиш, концертлар беришга мўлжалланган. 1981 й.да очилган (меъмори Е.Букина, С.Одилов, Е.Розанов, Е.Суханова, Ф.Турсунов, В.Шестопалов, Е.Шумов ва б.). 2008 й.гача «Халқлар дўстлиги саройи» деб аталган. 2008 й. 8 апр.дан ҳоз. номда. Майдони – 12000 кв. м.

Бино қиёфаси ва безакларида миллий меъморликка хос бўлган муқарнасга ўхшаш шакллардан фойдаланилган; бинони безашда маҳаллий хомашёлар, Нурота ва Фозгон мармарлари ишлатилган. Бино тарҳи тўртбурчак шаклда, тарзларига ишланган қуёш нуруни тўсадиган жим-жимадор шакллар бинога салобат, кираверишдаги баланд пештоқлар кўрк бахш этган. Бино тепасига сирти мармар б-н қопланган муқарнасни эслатувчи йирик йиғма темир-бетон қурилмалар ўрнатилган.

Бино мужассамоти марказида балконли, амфитеатр шаклидаги 4 минг ўринли томоша зал туради (бир оз қияроқ ён деворлари томошаларни яхши кўриш ҳамда эшитиш имконини беради). Саҳна маҳсус қурилмалар (кўтарилиб-



«Истиқлол» санъат саройи.

тушириладиган супалар, президиум, саҳна ва хор супаларини саҳнада силжитишга имкон берадиган транспортёр, декорацияларни кўтариб-туширадиган штанкетлар, кенг форматли экран) б-н жиҳозланган. Залда кино-товуш техникаси ҳамда матнни бир йўла 8 тилга таржима қилиш аппаратлари, махсус технологик алоқа тизими бор. Вестибюль табиий тошлардан ишланган «Байрам», «Гуллаган ўлка» мозаикалари (рассом А.Бухорбоев) б-н безатилган. Президиум зали gobелен (рассом Б.Жалолов), томоша зали «Санъат» мозаикаси (рассом В.Бурмакин, Р.Немировский), ёғоч ўймакорлиги (уста Қ.Ҳайдаров, О.Файзуллаев), банкет зали безаклари (рассом Ж.Ҳақимов, А.Илҳомов), ён деворлари сополлаганлар (рассом А.Кедрин) б-н зийнатланган. Феруза рангли улкан кошинкори девор сарой интерьерига алоҳида жозиба бахш этган.

«ИТТИФОҚ» МАҲАЛЛАСИ (Сергели-2 мавзеси, 58) – Сергели туманидаги маҳалла. «Ни-

луфар», «Темирийўлчи» маҳаллалари б-н чегарадош. 1978 й. ташкил этилган, шу йили янги уйлارга аҳоли кўчиб келиб, маҳалла аҳлининг иттифоқ бўлиб яшайдан келиб чиқиб «И.» деб номланган. Аҳолиси 7400 киши. Миллий таркиби ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари (рус, татар, тожик ва б.)дан иборат (2009). Маҳалла асосан кўп қаватли уйлardan иборат. 22 уй, болалар боғчаси, поликлиника, 8 озик-овқат дўкони ва б. мавжуд.

«ИТТИФОҚ» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 18-даҳа) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Оқтепа», «Дўстлик», «Чоштепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган, бу ерга кўчиб келган аҳолининг кўп миллатли эканлигини эътиборга олиб, уларнинг ўзаро иттифоқликда яшашларини ният қилиб, маҳаллага ушбу ном берилган. Аҳолиси 8776 киши, 60% ўзбеклар, қолгани бошқа миллат вакиллари. Маҳалла худудида ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, оилавий поликлиника, маданият уйи ва б. мавжуд.

ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси (Интизор кўч., 68) – 1994 й. 2 сент. да Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги олий ва ўрта махсус мактаблари негизида тузилган. Академиянинг асосий вазифаси ички ишлар органларининг олий бошлиқлар ва бошлиқлар таркибини тайёрлаш, ҳуқуқ-тартиботни муҳофиза қилиш муаммоларини тадқиқ этиш, илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлашдан иборат.

И.и.в.а.да ички ишлар органлари офицерлари малакасини ошириш ф-ти, олий акад. курс ҳамда сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари, 21 каф., 14 бўлим ва б. ёрдамчи хизматлар фаолият юритади. И.и.в.а. жиноятларнинг олдини олиш фаолияти, тезкор қидирув фаолияти, тергов фаолияти, эксперт-криминалистика фаолияти йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлайди.

«Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш» мутахассислиги бўйича 12 ойлик таъ-

лим, сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда «Патруль-пост хизмати», «Хуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати», «Жазони ижро этиш хизмати», «Қўриқлаш хизмати», «Йўл-патруль хизмати», «Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати» ҳамда Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган бошқа мутахассисликлар бўйича 6 ойлик таълим амалга оширилади.

И.и.в.а. АҚШ Адлия вазирлиги, Халқаро Қизил Хоч, БМТ Қочоқлар ишлари бўйича олий комиссари бошқармаси, Германия, Украина каби мамлакатларнинг турдош ўқув юртлари б-н ҳамкорлик қилади.

Тингловчиларга 262 проф.-ўқитувчи, жумладан, 3 акад., 19 фан д-ри ва 13 проф., 87 фан номзоди ва 39 доцент таълим беради. Академияда 14 та маъруза зали, 120 та ўқув аудиторияси ва ўқув-методик кабинет, шунингдек, 3 та зал ва сув ҳавзасига эга бўлган спорт мажмуаси, теннис ва атлетик тайёргарлик б-н шуғулланиш майдончалари, икки галереяли ўқ отиш тири, криминалистик полигон, ёпиқ телевидение тизимига эга бўлган телемарказ, замонавий компьютерлар б-н жиҳозланган 16 та компьютер синфи ва б. мавжуд. Академияда тарихий-ҳуқуқий музей ташкил қилинган. 4 кутубхона (500 мингдан ортиқ асар) бор. Академиядан спортнинг самбо, дзюдо, каратэ, таэквондо, бокс, оғир атлетика, эркин ва юнон-рум кураши бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатларининг 320 дан ортиқ совриндори (шулардан 50 дан ортиғи олтин медаль соҳиби) етишиб чиққан.

ИЧКИ ИШЛАР ХИЗМАТИ – Тошкент ш.да И.и.х. жамоат тар-

тиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқаролар ҳамда давлат мулкни, қонунчиликни, аҳоли, корхона-ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва б. вазифаларни бажаради. И.и.х. жиноятларни ва уларни содир этган кишиларни аниқлаш юзасидан оператив қидирув тадбирларини амалга оширади, жинойи ишлар кўзғайди ва шошилинч тергов ишлари олиб боради, ўз ваколатига тааллуқли ишлар бўйича эса суриштирув ўткази, жамоат жойларида тартиб сақланишини назорат қилиб боради; тергов ва суддан қочиб юрган жиноятчиларни қидиради. И.и.х.га, шунингдек, ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва бахтсиз ҳодисалардан зарар кўрган кишиларга кўмак кўрсатиш; карантин чораларини кўришга ёрдамлашиш; табиий бойликларни муҳофаза қилиш, балиқ овлаш ва ов қондаларини бузувчиларга қарши курашиш ва б. вазифалар ҳам юкланган.

Т. шаҳрида И.и.х.нинг пайдо бўлишини шаҳар хонликлар таркибида бўлган даврларда миршабхоналар ва маъмурий лавозим ҳисобланган *миршаб*лар фаолияти б-н боғлаш мумкин. Шаҳар чор Россияси томонидан истило этилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига кирганидан кейин полиция хизмати йўлга қўйилди.

1917 й. Октябрь тўнтаришидан кейин шўролар ҳукуматининг ваколатига кўра И.и.х. алоҳида маъмурий орган – шаҳар милицияси шаклида ташкил этилди.

2-жаҳон урушидан кейинги даврда милиция мураккаб шароитда иш олиб борди. Чунки

демократизация қилинган жангчилар Т.га келмоқда ва уруш вақтида Т.га эвакуация қилинганлар ўзларининг доимий яшаш жойларига кетмоқда эдилар. Бу шароитда давлат мулкни талон-торож қилиш, чайқовчилик ва порахўрликка, балоғатга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлувчи болалар қаровсизлигига қарши кураш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, паспорт ва руҳсат этиш системаси талабларига риоя этиш муҳим аҳамиятга эга эди. 1947 й. Тошкент милицияси қайта тузилди: у қўшин принципи, яъни милицияга совет армияси уставини татбиқ этиш бўйича ташкил этилди. 1949 й. милиция собиқ иттифоқ Давлат хавфсизлиги вазирлиги қарамоғига ўтди.

1956 й. р-н советлари ижроия к-тларида ички ишлар бўлимлари ташкил этилди. Бу тадбир натижасида И.и.х. маҳаллий советларга ва Ички ишлар вазирлигининг шаҳар бошқармасига бўйсунадиган бўлди.

Мамлакат мустақилликка эришгач, барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари каби, Тошкент ш. ҳокимлиги Ички ишлар бош бошқармаси (ИИББ) фаолиятида ҳам кенг ислохотлар амалга оширилди, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини, жамият ва давлат манфаатларини жинойи тажовузлардан ҳимоя қилиш, аҳоли хавфсизлигини ишончли қўриқлаш ички ишлар идоралари хизматининг асосий вазифаларига айланди.

Республика ҳукуматининг 1991 й. 25 окт.да қабул қилган қарорига мувофиқ, собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлиги таркибига кирган республика Ички ишлар вазирлиги мустақил Ўзбекистон Республикаси Ички иш-

лар вазирлигига айлантирилди (бу кун 2007 й.дан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар хизмати ходимларининг касб байрами куни сифатида нишонланади). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган «Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби тўғрисида низом» (1993 й. 8 янв.), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар идоралари фаолиятини таъминлаш тўғрисида» фармони (2001 й. 27 март) б-н И.и.х.ни ислоҳ қилишнинг асосий мақсад ва йўналишлари белгилаб берилди. Кейинчалик шу фармон талабларини бажариш бўйича ҳукуматнинг Республика ички ишлар вазирлигининг тезкор, тергов, йўл ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги, профилактика, патруль-пост каби хизматларни ислоҳ қилиш бўйича қатор қарорлари қабул қилинди. Ислоҳотлар натижасида И.и.х.нинг кенг жамоатчилик, аҳоли, айниқса маҳаллалар б-н ҳамкорлиги кучайди, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг самарали тизими яратилди. Тезкор хизматлар уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланишига, диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишларига қарши курашда фаол иштирок этмоқда.

1999 й. апр.да қабул қилинган Тошкент ш.да ҳуқуқий тартиб ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш концепциясига кўра, Тошкент ш. ИИББ таркиби такомиллаштирилди. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун профилактика ин-ти таъсис этилди, шаҳарнинг барча маҳалласида милиция таянч пунктлари, «маҳалла посбони» жамоат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилди. Шаҳарнинг 10 та туманида

ички ишлар бошқармалари, Бектемир туманида туман ички ишлар бўлими ишлайди.

Тошкент ш. ИИББ таркибида: пост-патруль хизмати ва жамоат тартибини сақлаш; тергов; жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш (профилактика); эксперт-криминалистика; хорижга чиқиш-кириш ва фуқароликни рўйхатга олиш; туманлараро қўриқлаш; йўл ҳаракати хавфсизлиги; ёнғин хавфсизлиги ва б. бошқармалари ва уларнинг туманлардаги бўлинмалари; метрополитенни қўриқлаш ички ишлар бошқармаси; йўл-патруль хизмати бригадаси; пост-патруль хизмати батальони, вақтинча ушлаб туриш хонаси, туманларда навбатчилик қисмлари, экология ва тозаликни назорат қилиш бўйича алоҳида батальон («санитария милицияси»), кинология маркази; ахборот маркази, маънавият ва маърифат маркази ва б. фаолият олиб боради. Тошкент ш.даги т.й. вокзаллари ҳамда Т. халқаро аэропортида жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Транспортдаги ички ишлар бошқармаси бўлинмаларига юкланган (яна қ. *Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати, Йўл ҳаракати, «Экотоз»*).

«ИҚБОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Уй-созлар кўч., 62) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Бинокор», «Ўрта масжид», Муқимий маҳаллалари б-н чегарадош. Ўтмишда «Қорасув» қишлоқ совети, сўнг «Билимдон» маҳалласи, 1970 й.дан Зебо Шамсутдинова, 2008 й.дан «Иқбол» деб номланди. Аҳолиси 2510 киши (2009). Маҳаллада 2 автокорхо-

на, 2 хусусий фирма, «Махсустранс» корхонаси жойлашган.

ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти (Боровский кўч., 5) – Ўзбекистонда иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган йирик илмий марказ. 1943 й. 3 ноябрда ташкил этилган. Ин-тда 5 бўлим, мониторинг гуруҳи ва ёрдамчи бўлинмалар фаолият кўрсатади (2008). Ин-т Ўзбекистонда ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиёти моделини шакллантиришнинг методологик асосларини, бозор иқтисодиёти муаммоларини ўрганиш бўйича етакчи илмий муассаса ҳисобланади. Тадқиқотларнинг асосий йўналишлари: бозор иқтисодиёти ривожланишининг долзарб муаммолари бўйича и.т. ишларини амалга ошириш; жаҳон иқтисодиёт фанининг энг муҳим ютуқларини ўрганиш, умумлаштириш ва фойдаланиш; республикада иқтисодиёт фанининг муҳим муаммолари бўйича фундаментал и.т.ларни мувофиқлаштириш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим вазифалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва б. Ин-тда 51 илмий ходим, шу жумладан, 3 акад., 9 фан д-ри, 22 фан номзоди ишлайди (2008).

Ин-тда аспирантура, ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ, Тошкент иқтисодиёт университети (Ўзбекистон кўч., 49) – иқтисодиёт йўналишидаги йирик олий ўқув юрти. 1931 й.да Ўрта Осиё молия-иқтисод ин-ти ташкил этилган, кейинчалик Тошкент молия-иқтисодиёт ин-тига айлантирилди. Бу ин-т 1962–91 й.ларда Тошкент халқ хўжалиги ин-ти

номи б-н фаолият кўрсатди. 1991 й. 19 июндан иқтисодиёт ун-ти. Ун-тда иқтисодиёт; бухгалтерия ҳисоби ва аудит; ахборот технологиялари ва менежмент; халқаро иқтисодий муносабатлар; халқаро бизнес; халқаро туризм ф-талари, 26 та кафедра бор. Ун-т қошида иқтисодиёт, бизнес, мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-ти; илмий лойиҳалар ва инновациялар м-зи; Республика иқтисодиёт академик лицейи; иқтисодиёт гимназияси; қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш маркази, техномаркет бизнес инкубатори, кутубхона (857 минг асар), «Иқтисодиёт» нашриёти, ун-т тарихи музейи фаолият олиб боради. Ун-тда иқтисодиёт, иқтисодий статистика, саноат, менежмент, маркетинг, касбий таълим, информатика ва ахборотлар технологияси, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, молия, солиқлар ва солиққа тортиш, бизнесни бошқариш, божхона иши, туризм, сервис йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда 25 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. 2007/08 ўқув йилида ун-тда 10000 дан ортиқ талаба ўқиди, 556 проф.-ўқитувчилар, шу жумладан 1 акад., 57 фан д-ри ва 199 фан номзоди ва доц.лар ишлади. Ун-т фаолияти давомида 125000 дан ортиқ иқтисодчи мутахассислар тайёрланди (2008).

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ – йиллар давомида шаклланган ва тез ривожланаётган йўл тармоқлари асосида ташкил қилинади.



Тошкент иқтисодиёт университетининг маъмурий биноси.

Тошкент ш.да 4,5 минг км автомобиль йўллари, 229 та кўприк ва кўприк-йўл, 68 та т.й. кесиммаси, 34 та ер ости ўтиш йўли бўлиб, 27 мингдан ортиқ йўл белгилари ўрнатилган (2008). Қурилиш-таъмирлаш ишлари б-н бир қаторда Й.ҳ.ни тартибга солиш ва назорат қилишга оид тадбирлар транспорт воситаларида йўловчи ва юкларни хавфсиз ташишни таъминлайди. Бу тадбирларни Тошкент ш. Ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорат бошқармаси (қ. *Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати*) давлат томонидан тасдиқланган халқаро «Йўл ҳаракати қоидалари» асосида светофор сигналлари, йўл белгилари, йўлнинг қатнов қисмидаги белгилар, шунингдек, регулировкани ердамида амалга оширади. Ҳаракатланаётган транспорт воситалари ва оқимлари вақт жиҳатидан ҳам, кўчаларга бир меъёрда бўли-

ниш жиҳатидан ҳам тартибга солинган. Транспорт воситалари сони кўпайган сари Й.ҳ. интенсивлиги ҳам ошиб бормоқда. Т.нинг марказий кўчаларидаги қатновни камайтириш мақсадида Тошкент автомобиль ҳалқа йўллари қурилган (қ. *Кичик ҳалқа йўли, Катта ҳалқа йўли*).

Кўчаларнинг транспорт воситаларини ўтказиш имкониятини ошириш, транспортнинг тўхтаб қолишини камайтириш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш учун шаҳардаги чорраҳаларга светофор мосламалари ўрнатилган. 2003 й.дан мазкур светофорлар кучли ёруғлик қайтарувчи диод-

лари бўлган мосламалар б-н алмаштирила бошланди. Улар оддий лампочкали светофорларга қараганда бир қанча афзалликларга эга.

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ НАЗОРАТИ – бу вазифани Тошкент ш. Ички ишлар бош бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорат бошқармаси ва йўл-патруль хизмати бригадаси (Глинка кўч., 44) бажаради. Мазкур бошқарма ва бригада 1999 й. майда 1936 й.дан фаолият юритиб келган шаҳар давлат автомобиль назорати (ДАН) бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ўрнида тузилди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси Тошкент ш. кўчаларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт воситаларидан тўғри фойдаланиш, автохўжаликларни комплекс текшириш каби вазифалардан ташқари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича иш олиб боради, олиб қочилган ва ўғирлан-



«Уч қахрамон»
назорат пости.

ган транспорт воситаларини қидириб топишда, бошқа жиноятларни очишда қатнашади. Ўз зиммасидаги вазифаларни ички ишлар органларининг бошқа хизматлари, давлат идоралари, корхона, ташкилот, муассаса, ўқув юртлари маъмурияти, автомо­тоҳаваскорлар жамияти, кўнгилли халқ посбонлари ва фаолияти йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш б-н боғлиқ бўлган барча жамоат ташкилотлари б-н ҳамкорликда бажаради. Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бир неча бўлим ва бўлинмалардан ташкил топган.

Техника назорати бўлими. Автомототранспорт воситалари ҳолати устидан техник назорат қилиш, улардан фойдаланишда хавфсизликни таъминлаш, ҳайдовчилар интизомини мустаҳкамлаш б-н шуғулланади.

Йўл назорати бўлими. Автомобиль йўллари, кўчалар, улардаги сунъий иншоотлар, т.й. кесишмаларининг ҳолати, уларнинг ҳаракатини бошқариш воситалари б-н жиҳозланишини назорат қилади. Йўлларни қуриш, таъмирлаш, шаҳар кўчаларини бунёд этиш бўйича лойиҳаларни кўриб чиқиб, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан хулоса чиқаради.

Имтиҳон олиш ва қайд қилиш бўлими, бўлинмалари. Автотранспорт воситалари

рўйхатдан чиқаради, транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси ва давлат рақам белгиларини беради. Рўйхатга олинган автотранспорт воситалари ҳисобини юритади. Рақамли агрегатлари, ранги ва конструкциясига ўзгартиришлар киритилган, қайта жиҳозланган транспорт воситалари ҳамда уларнинг эгалари ўзгарганда, техник ҳужжатларга тегишли қайдлар қилади.

Йўл-патруль хизмати бригадаси. Йўл-патруль хизмати ходимлари томонидан ҳаркат қатнашчиларининг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофаза этиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари, жамият ва давлат манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлайди, йўл ҳаракати қоидаларининг бузилиши олдини олади ва уларни аниқлайди, йўл-транспорт ҳодисаси оқибатида жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этади. Йўл-патруль хизмати бригадасининг 7-отряди вертолётда патруллик қилади.

«Йўлдош» МАҲАЛЛАСИ – Сергели туманидаги маҳалла. «Спутник» мавзесида жойлашган. Ал-Фарғоний, «Дўстлик», «Ёрқин ҳаёт» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи мавзе номидан олинган. 1966 й.даги зилзиладан сўнг ташкил этилган. Аҳолиси 7500 киши (1898

оила)дан иборат (2009). Маҳаллада 8 та кўча, 2 та болалар боғчаси, 2 та кафе, 3 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, босмаҳона ва почта мавжуд.

ЙЎЛДОШЕВ Баҳодир Турсунович (1945.7.9) – реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1979), Ўзбекистон халқ артисти (1995). 1965 й.дан Т.да. Тошкент т-р ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). Ҳамза т-рида реж. ассистенти (1968–70), реж. (1970–74), бош реж. (1974–84). 1984 й.дан Ўзбек давлат драма т-рининг бош реж. Асосий спектакллари: «Рўйхатларда йўқ» (Б.Васильев), «Келинлар кўзғолони», «Фармонбиби аразлади» (Саид Аҳмад), «Нодирабегим» (Туроб Тўла), «Юлдузли тунлар» (Пиримқул Қодиров), «Зебуннисо» (Уйғун), «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Қора камар» (Ш.Холмирзаев), «Искандар» (Навоий) ва б. Кинода актёр сифатида Мухторов («Тоғдаги учрашув»), Шерзод («Олмос камар»), Собиров («Ошпаз») каби образлар яратган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йилларда мамлакатнинг турли саналарига бағишланган байрам томошаларини сахналаштирган. Янги сахна шакллари топиш, бугунги кун учун долзарб бўлган мавзунини ҳозиржавоблик б-н сахнага олиб чиқиш Й. ижодига хос. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1998).

ЙЎЛДОШЕВ Садриддин Хўжаевич (1917.22.2 – 1993.24.4) – биолог олим, ВАСХНИЛ акад. (1978), Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1968). Т.да туғилган. Ўрта Осиё давлат ун-тини тугатган (1939). Тошкент пед. ин-тида ўқитувчи (1939–41), ўрта мактабда директор (1942–47), Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспери-

ментал биологияси ин-тида катта илмий ходим (1951–54), Марказий илмий база директори (1954–58), шу ин-т директори ўринбосари (1958–65), директори (1966–70). Ўзбекистон ФА Биология фанлари бўлими акад. котиби (1971–72), Бутуниттифоқ пахтачилик ин-ти (СоюзНИХИ) директори (1972–76), ВАСХНИЛ вице-президенти ва унинг Ўрта Осиё бўлими раиси (1976–84). 1984–93 й.ларда Ўзбекистон Пахтачилик и.т. ин-тида илмий маслаҳатчи. Илмий ишлари ғўза биологияси, айниқса, унинг ётиб қолиш сабаблари, вилт касаллигига қарши кураш масалаларига бағишланган. Тошкент-2, Тошкент-3 ғўза навлари муаллифларидан бири. Тешикқопқа қабристонига дафн этилган. Т.даги кўч.лардан бири Й. номи б-н аталган.

ЙЎЛОВЧИ ВАГОНЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ ЗАВОДИ (Яккасарой тумани Ҳ.Умаров кўч., 8) – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхона, ОАЖ. 1996 й. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати б-н Япония

ташқи иқтисодий ҳамкорлик жамгармаси (ОЕСФ) ўртасида имзоланган кредит битими асосида бунёд этилди. 2001 й. июлида ишга туширилди. 2002 й. сент.дан ОАЖга айлантирилди. 3-д йўловчи вагонларни таъмирлаш, қайта жиҳозлаш ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, ЭР-9Е, ЭР-2 электропоездлар вагонларини тубдан таъмир қилиш, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар и.ч. билан шуғулланади. Корхона халқаро кўргазма қатнашчиси (2008 й. фев., Туркменистон). Корхонада шифохона, тренажёрлар хонаси, ошхона, чойхона мавжуд. **ЙЎЛЧИЕВА** Муножотхон Абдувалиевна (1960.26.11) – хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1994). 1980 й.дан Т.да. Тошкент консерваториясини тугатган (1985). Анъанавий хонандалик ва мақом санъати сирларини М.Мирзаев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Мирзаевдан ўрганган. Репертуаридан мақом йўллари («Сарахбори Наво», «Сарахбори Дугоҳ», «Мўғулчаи Наво», «Талқини Ушшоқ» ва б.), ўзбек мумтоз ва

халқ ашулалари («Ушшоқ», «Муножот», «Чоргоҳ», «Танавор», «Ўзганча», «Гиря» ва б.), катта ашулалар («Эй дилбари жононим», «Ишқинг ўтиға» ва б.), ўзбек бастакорлари асарлари – «Ниҳон этди», «Меҳнат аҳли» (М.Мирзаев), «Бул ажаб», «Қаёнди», «Раъно киби» (Ш.Мирзаев) ва б. ўрин олган. Хонанда ўзининг ноёб овози, чуқур ҳиссиёт ва дардли нолаларга бой ижроси, ўзига хос, юракдан куйлаш услуби б-н ажралиб туради. Осиё, Европа, Америка ва Африка мамлакатларида бир неча марта гастролда бўлган. Унинг ижодига бағишланган 2 фильм («Ўзбеккинохроника» студияси, 1982; «Ўзбектеелефильм» студияси, 1983) ва 3 видеофильм («Ўзбектелерадиокомпаниясининг «Видеофильм» студияси, 1987, 1993, 2000) суратга олинган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998). «Шарқ тароналари» 1-халқаро мусиқа фестивалида 1-мукофот совриндори (1997).

ЙЎНАЛИШЛИ ТАКСИЛАР – қ. *Такси.*

КАВАРДОН, Кабарна, Кабарнакет – археологик ёдгорлик (мил. ав. 4-а. – мил. 5-а. бошлари). Чочдаги қад. шаҳар харобалари. Араб географлари асарларида Кабарна номи б-н қайд этилган (10-а.). Т.дан 25 км шарқда. Янгибозор ш.дан 6 км жан.да, Кавардон қишлоғининг шим. чеккасида жойлашган. 1972 й. Ю.Ф.Буряков тадқиқ қилиб, уни Кабарна ш. ўрнида жойлашганлигини қайд этган. 1973–82 й.ларда Ю.Ф.Буряков ва Қ.Алимов қазишма ишлари олиб борган.

Шаҳар Чирчиқ дарёсининг қад. сўл ўзани (ҳоз. Қорасув дарёси) бўйидаги дўнгликда бунёд этилган. К.нинг шарқига Чатқол тоғ ёнбағирлари туташган. К.нинг тарҳи географик шароитлардан келиб чиққан. Шаҳар жан.дан шим.га 1150 м га, ғарб-



Кавардон топилмаси: товуқлар тасвири туширилган қопқоқлар; дастасига аждарҳо тасвири ишланган кўза.

дан шарққа 600–700 м га чўзилган. Умумий майд. 70 гектардан ортиқ. Уч томондан (ғарбдан ташқари) буржли мудофаа деворларининг дўнгликлари сақланган. Ғарб томон Ҳамдам канали ва йўл б-н туташган. Шу жойда айлана шаклдаги улкан қалъақўрғон (диаметри 100 м, бал. 15 м) сақланган. Ундан жан.-ғарбда алоҳида, айлана шаклдаги истехком (бал. 15–18 м) қад кўтарган бўлиб, унинг майдони аввалгисидан икки баробар катта. Маҳаллий халқ уларни Хонтепа ва Хонумтепа деб аташди. Шим.дан қўрғон-қалъага икки томонида миноралари бўлган қия йўл (пандус) орқали чиқилган. Шарқ томонидан қалъага мустаҳкам мудофаа девори б-н ўралган шаҳристон (700х800 м) ёндашган, унда темирчилик ва кулолчилик устахоналари зич жойлашган. Қалъага жан.дан шаҳристоннинг иккинчи майдони (810х350 м) туташган. Шаҳарнинг уч томони мазорқўрғонлар б-н қуршалган. Қабрлар очиқ ва шаҳар иншоотлари қатламлари тагида бўлган.

Қазишмалар натижасида шаҳристоннинг қуйи қатламларидан *бурганли маданиятига* оид ертўла қолдиқлари, таги думалоқ, қўлда ишланган сопол буюмлар (мил.ав. 4–3-а.лар) топилган. Уларнинг тепасида турар жой ва хўжалик хоналари жой-

лашган, уларнинг девори йирик хом гиштдан терилган. Хона саҳнида қизил рангдаги дастаси ҳайвон шаклида ишланган қадаҳ ва кўзалар топилган. Шундай сопол буюмлар шаҳарни қуршаб турган қўрғонлардан ҳам чиққан (мил. ав. 2–1-а.лар). Мил. 1–2-а.да шаҳар мудофаа девори қурилган. Маданий қатламлардан ҳунармандчилик (кулолчилик, тўқимачилик) излари топилган. Шаҳарда ҳаёт кейинги асрларда ҳам давом этган. Турк хоқонлиги даврида (6–8-а.) шаҳар фаол ривожланган. Айниқса 9–12-а.ларда равнақ топган, темирчилик устахоналари, кулолларнинг хумдонлари очилган. Кулоллар ўйма нақшинкор ёзувлар битилган сирланган сопол идишлар яшашган, бу идишлар ўтроқ ҳаёт тарзига ўтган кўчманчи аҳоли орасида шуҳрат қозонган. Ўрта асрларда К. нафақат ҳунармандчилик маскани, балки пойтахтдан Чочнинг шарқидаги шаҳарларга, Илоқ ва Фарғонага борадиган савдо йўлидаги марказ бўлган.

Мўғуллар истилосидан сўнг (13-а.) савдо-сотик ишлари қисқаргани боис шаҳар таназзулга юз тутган. Ҳаёт ҳоз. Кавардон номидаги кичик қишлоқда давом этган. *Абдуллаҳон II* Т. хонлари б-н курашиб, Т.га қўшин тортганида К.да қароргоҳ қургани, Кабарна кечувидан ўтгани «Абдуллонома»да қайд этилган (16-а.).

КАДЕТЛАР КОРПУСИ – чор Россияси даврида имтиёзли шахслар учун мўлжалланган ёпиқ ўрта махсус ҳарбий ўқув юрти. 2-Оренбург К.к.нинг Т. тайёрлов мактаби асосида 1901 й. ташкил этилган. Ўша даврда шаҳардаги Салор кўч. (ҳоз. Тараққиёт кўч., Тошкент Тиббиёт академияси ҳудуди)да жойлашган. 1906 й. биринчи битирувчилар чиқарилган. Умумий таълим предметлари курси *Реал билим юрти* ўқув режаси асосида олиб борилган. Факультатив равишда ўзбек тили ҳам ўқитилган.

КАДУВОД, К а д и о б о д – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. «Қумлоқ», «Фишткўприк», «Охунгузар», «Чувалачи», «Чигитбоши» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қуйи ва Юқори К.га бўлинган. 300 дан ортиқ хонадон бўлган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, баққолчилик, косибчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида (Ҳасанбой, Чуқурсой) деҳқончилик б-н шуғулланган. К.да мадраса, тегирмон, масжид ва бир неча баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). **КАЙКОВУС** – қад. канал, *Бўзсув*нинг ўнг тармоғи. Собир Раҳимов ва Шайхонтохур туманлари ҳудудидан оқади. 6–7-а.ларда Бўзсув канали катталаштирилиб, ундан К. чиқарилган ва Қорақамиш жарлигига етказилган. Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида Бўзсув ҳам К. дейилган. 16-а.да К. бўйида (шаҳар кўргони ташқарисида) Кайковус чорбоғи бўлган.

Ҳозирги К. Шайхонтохур ГЭС-нинг юқори бьефидан бошланади, уз. 28 км, сув ўтказиш имконияти 20 м³/сек. К.дан Жангоб ва Янгиариқ бошланади. Форобий кўчасидан бошлаб канал Чигатой ариғига (ўнгга) ва Кўкча ариғига

(чапга) бўлинади. К.нинг катта қисми реконструкция қилинган, автомобиль ва пиёдалар ўтадиган кўприклар қурилган.

КАЙКОВУС ЧОРБОҒИ – шайбонийлардан *Суюнчхўжа*хон томонидан Т.да бунёд этилган чорбоғ (1525). Т. ҳокимларининг қароргоҳи ҳамда жангларида ярадор бўлган ўзбек султонлари даволанадиган шифохона бўлган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг «Абдуллонома» асарида ёзилишича, К.ч. шаҳар кўргони ташқарисида, Кайковус ариғи бўйида жойлашган (номи шундан) ва унда Т. султонлари яшаган. *Абдуллохон II* Т.ни қамал қилганда (1579), К.ч.да бир неча кун қароргоҳ қуриб, дам олган. *Восифий*нинг «Бадое ул-вақое» («Нодир воқеалар») асарига кўра, К.ч.да шоирлар мушоираси ўтказилган, Навоий ва Жомий шеърлари ўқилган, мусиқачилар, хонандалар ва б. ўз санъатларини намойиш этишган, базм-зиёфатлар уюштирилган. Бу боғдаги ҳовуз ва фаввора атрофига дарахт ва гулларнинг турлитуман навлари, манзарали дарахтлар кўплаб экилган. Айниқса, Самарқанддан келтирилган терак, қайрағоч ва б. дарахтлар машҳур бўлган. Бизнинг кунларгача К.ч.дан хотира бўлиб шаҳарнинг Себзор даҳасидаги айрим маҳаллалар номи (мас., *Хончорбоғ маҳалласи*) сақланиб қолган.

КАМИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Каримбек Шарифбек ўғли) (1864–1923) – ўзбек шоири, маърифатпарвар. Т.да туғилган. «Бекларбеги» мадрасасида ўқиган (1880 й.дан). 1916 й.гача шу мадрасада мударрис. 1890 й.лардан шоир сифатида танилган, баёзлар тузган. Сидқий Хондайлиқий, Хислат, Мискин, Тавалло каби кўпгина шоирлар

К.нинг шогирдларидан бўлган. Октябрь тўнтаришидан кейин «Турон» кутубхонасида, саводсизликни тугатиш курсларида ишлаган. К. мумтоз шеърининг кўпгина жанр ва мавзуларида ижод қилган. Муқимий, Фурқат б-н яқин алоқада бўлган, мушоиралар қилган. К. ижоди мураккаб, дунёқараши зиддиятли. Кўпчилик шеърларида халқни маърифатли бўлишга даъват этган («Темир йўл хусусида», «Дилки миллат ғамида қон ўлди...», «Солди беилмлик хатоларга» ва б.). 19-а. охири, 20-а. бошларида Т.да нашр этилган баёзларнинг деярли ҳаммасида К. шеърлари учрайди. Ижодидан намуналар «Туркистон вилоятининг газети» ва б. вақтли матбуотда эълон қилинган. «Танланган асарлари» 1966 й.да нашр этилган.

КАМОЛОН – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. «Дархон», «Эшонгузар», «Янгимаҳалла», «Самарқанд дарвоза», «Гулистон» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Хўжакўча ва Фуқаро кўчаларига бўлинган. *Хўжа Аламбардор мақбараси* ва қабристон бор. Қарийб 200 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, савдо-сотик, шаҳар ташқарисидаги ерлари (Новза, Қозиробод, Дўмбиробод, Қонқус мавзелари)да деҳқончилик б-н шуғулланган. Шаҳар дарвозаларидан бири – Камолон дарвоза шу маҳаллада жойлашган. Ҳозирги К. ҳудудининг бир қисмига кўп қаватли турар жой бинолари қурилган.

«Камолон» атамаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. «Камолон» сўзининг айнан луғавий маъноси – комил инсонлар яшайдиган ер. Муҳаммад Солиххўжа «Тарихи жадидаи Тош-

канд»да маҳалладаги дарвозани Камондарон деб атайди (14-а. охири) ва Камондаронлар (туркман ўғуз-учуқ қабилалар уюшмаси) қабиласининг бир тоифасига мансуб дейди.

«Камолон» атамаси ҳақида 3-фикрга кўра, бу сўз «Камондарон», яъни камончилар маҳалласи маъносини беради. Маълумки, қадимда Чоч ўзининг камони, камончи усталари б-н дунёга машҳур бўлган. «Худуд ул-олам»да (10-а.) «Чоч – бу катта вилоят, халқи жанговар ва сахийдир. У ерда камон ва ўқ-ёй ясаллади», деб қайд этилган. Шошда ясалган камон ўша вақтларда бутун Шарқда «Камони Шоший» номи б-н машҳур бўлиб, унинг узоққа отилиши ва нишонга аниқ тегиши Шарқ муаллифларининг асарларида таърифланган. Мана шу усталар яшайдиган маҳалла Камондарон деб аталган. Чоч камонлари хорижий давлатларга ҳам сотилган. Тарихий маълумотларга кўра, буюк соҳибқирон Амир Темур Т.да бўлганида «Камолон» маҳалласида ясалган камонларнинг пухталигига тан бериб, ўз қўшинларини у б-н таъминлашга буйруқ берган.

Чор Россияси кўшинлари Т.ни Камолон тепалиги ва Камолон кўчаси бўйлаб ҳужум қилган. Камолон кўчасининг ҳар икки томони 19-а. 60-й.лари охирида ҳам вайрона ҳолда сақланган. Бу камолонликлар босқинчиларга қанчалик қаттиқ қаршилиқ кўрсатганидан далолат беради.

«Камолон» маҳалласи (Дархон кўч., 80) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Янгиобод», «Каттабоғ» ва «Янги Камолон» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 3920 киши, асосан, ўзбеклар (2008). Маҳалла

худудида 2 ўрта мактаб, болалар боғчаси, «Жаҳонгирота» спорт майдончаси, 2 сартарошхона, кимёвий тозалаш корхонаси, 8 савдо шохобчаси, оталар чойхонаси бор. Маҳаллада Уста Ширин Муродов, уста Тошпўлат Арслонқулов, шоир Ҳабибий, Аҳмад полвон, Ўзбекистон халқ артистлари

Саттор Ярашев, Комилжон Жабборов, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ортиқхўжа Имомхўжаев ва б. яшаб ўтишган. Маҳалланинг турли даврлардаги оқсоқоллари: А.Сайфуллаев (2000, 2003), Б.Султонов (2003 й.дан).

КАМОЛОН КЎЧАСИ – Шайхонтохур туманидаги «Янгиобод» ва «Камолон» маҳаллалари худудида. Бунёдкор шоҳкўчаси ва Янгиобод кўчаси ораллигида жойлашган. Уз. 1 км атрофида. Тошкент ш.нинг энг қад. кўчаларидан бири. Дастлаб номсиз бўлган. 1893 й.да *Камолон* номи берилган. 1992 й.дан Тожи Расулов номи б-н юритилган. 2008 й. 6 майда жойнинг тарихий номи қайта тикланиб, кўчага «Камолон» номи берилган. Кўча йўналишида *Хўжа Аламбардор мақбараси* ва қабристон, маҳалла идораси, гузар, савдо шохобчалари жойлашган. Яқинида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биноси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи, «Миллий боғ» метро бекати, Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси, «Зах» қабристон, Зах ариғи мавжуд.

«**КАМОЛОТ**», Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати (Навоий кўч., 11-уй) – Ўзбекистон ёшларининг их-



«Камолот» республика Марказий Кенгаши биноси.

тиёрийлик асосида вужудга келган ҳаракати. 2001 й. 25 апр.да бўлиб ўтган таъсис қурултойи қарори б-н ташкил топган. «К.» ўзини ўзи бошқарадиган нодавлат нотижорат ташкилот. Ҳаракатга унинг дастурий мақсад ва вазифаларини ҳамда низом талабларини тан оладиган, уларни амалга ошириш йўлида фаол ҳаракат қиладиган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб билладиган, ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг негизи бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар мамлакатдаги барча ўқув муассасалари, меҳнат жамоалари, шунингдек, қурулти кучлар, ҳуқуқтартибот органлари тизимларида ёшларнинг хоҳиш-иродасига асосан тузилади. Ҳар бир бошланғич ташкилотда унинг 1 йилда 1 марта ўтказиладиган умумий ҳисобот йиғилишида кўпчилик овоз б-н сайланадиган Етакчи бўлади.

Ҳаракатнинг юридик шахс мақомига эга бўлган Қорақалпо-

ғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шунингдек, туман, шаҳар бўлимлари бор.

Харакатнинг Тошкент ш. бўлими Кенгаши (Амир Темур шоҳқўчаси, 14) 2001 й. 7 майда ташкил топган. Шунингдек, «Етакчи» ёшлар марказининг шуъбаси ҳам иш олиб боради. Кенгашнинг юридик шахс мақомига эга бўлган 11 та туман бўлими ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида Етакчилар кенгаши бўлиб, уларнинг юқори органи 2,5 йилда бир марта чақириладиган конференциядир. «К.»нинг Т. шаҳар бўлими ҳамкор ташкилотлар б-н «Бунёдкор» ёшлар телеклубини таъсис этган. Тошкент ш.да «К.»нинг жами 672 та бошланғич ташкилоти бўлиб, улардаги аъзолар сони 338805 нафарни ташкил этди (2008).

КАНАЛИЗАЦИЯ, Оқинди сув тармоғи – турар жойлар, саноат корхоналаридан ажраладиган ифлос оқинди сувларни, ёгин сувларини қабул қилиш, тозалаш иншоотларига юбориш, тозалаш ва зарарсизлантириш, уларнинг таркибидаги фойдали моддаларни ажратиб олиш ва тиндириш, тозаланган сувни сув ҳавзаларига оқизиб юбориш б-н боғлиқ бўлган муҳандислик-санитария иншоотларини ўз ичига олади. Тошкент ш.да дастлаб К. (уз. 7,2 км) Тўқимачилик комбинати ҳудудида 1937 й. ишга туширилган. Тозалаш канализация-санитария иншоотлари қурилиши 1939 й. бошланган. 1940 й. турар жой фондининг К. билан таъминланганлиги 9% эди. 1949 й. «Сувсоз» трести ҳузурида шаҳар канализация бошқармаси ташкил этилди. Унга ўша пайтда уз. 29,8 км бўлган К. тармоғининг нормал ишлашини таъминлаш вазифаси юклатилган эди.

Янги турар жой мавзеларининг вужудга келиши, саноат корхоналарининг қурилиши, умуман, шаҳар хўжалигининг тез суръатларда ўсиши тармоқнинг кенгайишига олиб келди. Айни пайтда шаҳар К. бошқармаси таркибига 8 туман ва туманлараро К. бошқармалари, и.ч.-техник бўлими, бош механика хизмати, бош механика бўлими, бош энергетика бўлими, марказий диспетчерлик хизмати, кимёвий-технологик назорат лаб. киради.

Оқинди сув тармоқлари ва коллекторларнинг уз. 1950 й. 40 км дан зиёд эди; 1960 й. 90 км, 1970 й. қарийб 550 км га етди. 2000 й.га келиб эса бу рақам 2420 км 217 м ни ташкил этди. 2008 й.да К. тармоқларининг умумий уз. 2546,1 км, шундан коллекторлар (диаметри 600 мм ва ундан катта) – 195,5 км, К. тармоқлари (диаметри 600 мм дан кичик) – 2350,5 км га тенг.

Шаҳар оқинди сувлари 3 йўналиш бўйича юборилиб, 3 тозалаш иншооти (*Бўзсув аэрация станцияси*, *Салор аэрация станцияси* ва *Бектемир тозалаш иншоотлари*)га келиб тушади. Бу иншоотлар бир суткада 1945 минг м³ оқиндини биологик жиҳатдан тўла тозалаб бера олади. Шаҳар ҳудудида паст-баландликлардан оқинди сувларни ҳайдаб берадиган 18 та К.

«Капиталбанк»нинг Тошкент ш. филиали биноси.

насос ст-ялари ишлайди. Шаҳарнинг К. тармоғидан фойдаланиш даражаси 87,1% га тенг.

КАНГЮЙ – қ. *Қанг давлати*.

КАНПИРДЕВОР, Кандипирак, Девори кан(м)пирак – Ўрта Осиёда деҳқончилик воҳаларини кўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида барпо қилинган мудофаа иншоотлари тизимининг харобалари. Маъноси «қазилган» (чоҳ) демакдир. Талаффузда «н» б-н «м» алмашуви кузатилади. «Пир» сўзи эса қад. пайрйа – айлана, ўров маъносида. Демак «кан(м)пир» сўзининг ўзи «хандакли девор» дегани. «Девор» сўзи «канпир» сўзининг туб маъноси унутилганда қўшилган. Ўрта Осиёнинг турли вилоятларида (Бухоро, Суғд, Усрушона, Фарбий Фарғона), жумладан Т. воҳасида К.лар бўлган. Хусусан, қад. Тошкент воҳасини шим. тарафдан ўраган К. (8-а.нинг 70-й.лари) Хўжакент (Сойлик)дан Сирдарёгача чўзилган бўлиб, харобаларининг кенглиги 10–15 м, бал. 1–2 м. 8–9-а.ларда Ўрта Осиёда араблар ҳукмронлиги даврида Бухоро, Суғд, Усрушона воҳалари атрофидаги К.лар бир-бири б-н туташтирилиб, ягона мудофаа тизими вужудга кел-



тирилган. 10-а.да (сомонийлар даврида) К.лар ўз аҳамиятини йўқотиб, харобага айлана бошлаган. Унинг айрим қисмлари излари археологлар томонидан Чиноздан Қовунчигача бўлган оралиқда кузатилган.

«КАПИТАЛБАНК» (Матбуотчилар кўч., 32) – акциядорлик тижорат банки. Фаолиятини 2001 й. 17 апр.да бошлаган. Асосий таъсисчилари ва акциядорлари: «Express-Leasing», «INTAKOM», «BAURAM GROUP» масъулияти чекланган жамиятлар, «Капитал суғурта», «Markaz yug'», «Қўқон ёғ-мой» АЖ. Банкнинг Тошкент ш.да 4 филиали: Тошкент ш. филиали (Нукус кўч., 86^а); Мирзо Улугбек филиали (Мирзо Улугбек кўч., 52^б); «Чорсу» филиали (Самарқанд дарвоза кўч., 13); Сергели филиали (Сергели тумани 8-мавзе) ва 17 минибанки (чакана хизматлар марказлари) фаолият кўрсатади. Банк ўз фаолиятида кичик бизнесни молиялаш, шунингдек, и.ч. ва хизмат кўрсатиш соҳалари компанияларини узоқ муддатли молиялаш, истеъмол, таълим, ипотека кредитлари бериш ва б. билан шуғулланади.

«КАРВОНБОЗОР» (Ўрикзор мавзеси) – ёпиқ акциядорлик жамияти шаклидаги улгуржи савдо мажмуаси. 1997 й. 11 сент. да Ўзбекистон Республикаси «Карвонбозор» тимлари.



Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. Маъмуа 9,5 гектар майдонни эгаллаган, савдо шохобчаларининг умумий сони 2228 та. Бозорда озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш моллари, сантехника буюмлари, аҳоли кундалик эҳтиёжи учун зарур моллар б-н савдо қилувчи секциялар мавжуд. Тадбиркорлар учун ихчам, кўримли, қулайликларга эга бўлган доимий савдо дўконлари қуриб берилган. Умумий овқатланиш шохобчалари бор. Маҳсулотлар МДХ давлатлари, Хитой Халқ Республикаси, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Туркия, Жанубий Кореядан олиб келинади. Ер ости йўллари қурилган бўлиб, Тошкент ш. ва вилоятнинг турли ҳудудларидан келувчи аҳоли учун автомобиль қатнови ташкил этилган. Маъмуада транспорт воситаларини қўйиш жойлари ажратилган.

КАРВОНСАРОЙ – савдогар, сайёҳ ва б. учун мўлжалланган қўналға, работ, сарой. Яқин Шарқ, Ўрта Осиё, Закавказье ҳудудлари савдо йўлидаги шаҳарларда барпо этилган. К.лар, одатда, ўртада катта ҳовли, атрофи бир-икки қаватли хужралар б-н ўралган, минорали қалъабанд истехком шаклида бўлиб, савдо манзилларида ва шаҳар-

даги бозор (тим, тоқ)лар қаторига қурилган. 9–18-а.ларда шаҳарларнинг ўсиши ва карвон савдосининг кучайиши натижасида К.лар кўплаб бунёд этилган. Араб географлари Истаҳрий ва Ибн Ҳавқалнинг маълумотида кўра, 10-а.да Мовароуннаҳрда 10 мингдан ортиқ К.лар бўлган.

Т. ҳам ўтмишда ўзининг К.лари б-н Яқин ва Ўрта Шарқ, Шарқий Европа, Шарқий Туркистон мамлакатлари орасида шуҳрат қозонган. 1829–30 й.ларда Т.да бўлган рус зобити Н.Потаниннинг ёзишича, «Тошкентда 5 та К.и бўлган 5 та бозор бор эди. Улардан (К.лардан) 3 таси тошдан, иккитаси пахсадан қурилган. К.ларда хорижий савдогарлар, бозорларда маҳаллий савдогарлар савдо-сотик қилишди». Рус шарқшуноси А.П.Хорошхиннинг ёзишича (19-а. 60–70-й.лари), Тошкент К.ларида пахта тойлари тўлиб-тошиб кетган, зеро у Тошкент улгуржи савдосининг асосий хом-ашё маҳсулоти ҳисобланади. Гиламлар, палослар ва Ўрта Осиё мауфактураларининг бошқа маҳсулотларини шу ердан, биринчи қўлдан олиш мумкин. 19-а.да шаҳарда 45 та К. бўлиб, шундан 17 таси Т.нинг энг катта – Эскижўва бозори атрофида жойлашган.

Шаҳар ҳудудидаги дўконлар ва К.ларнинг деярли барчаси маълум бир мадраса, масжид, хонақоҳ, мактаб, қорихона ва зиёратгоҳ мазорларга вақф қилиб берилган бўлиб, даромади ва ижара ҳақи белгиланган тартибда бериб борилган.

К.да ортиқча молларни сақлаш учун махсус омборхоналар мавжуд бўлган. Ҳоз. «Чорсу» бошбекати (илгариги «Спартак» стадиони) ўрнидаги К. энг йирикларидан ҳисобланиб, унга ҳинд

савдогарлари келиб тушар эди. Сағбон кўч.нинг бозорга туташ жойида Абдумутал К.и бўлган. Рус савдогарларининг ҳам бир неча К.лари бор эди. Улардан бири Салор канали бўйида (ҳоз. Тараққиёт кўч. ва Фарғона йўли чорраҳасида) жойлашган. К.лар кўп ҳолларда шаҳар дарвозалари ёнида жойлашган ва жуда гавжум бўлган. Мас., Қашқар (Оққўрғон) дарвозаси олдида 4 та К. бор эди. Қашқардан келган карвонларнинг бир қисми Ўрда бозори ёнидаги К.ларда кўнар эди. Т.даги К. бинолари 20-а. 40-й.ларигача мавжуд бўлган. Т.й. ва автомобиль алоқасининг кенгайиши, янги намунавийдаги меҳмонхоналар қурилиши натижасида К.га эҳтиёж қолмади.

КАРВОНСАРОЙ КЎЧАСИ – Чилонзор тумани ҳудудида «Бешқўрғон» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Бешқўрғон ва Эркин кўчалари ораллигида. Уз. 1 км атрофида. 2000 й. 23 июнда янги ҳовли-жой қурилиши муносабати б-н ташкил топган кўчага Карвонсарой номи берилган. Таркибида 7 та тор кўча ва 3 та берк кўча бор. Асосан, шахсий турар жой биноларидан иборат. 2006 й. авг.да ушбу кўча б-н кесишган ҳолда Т. автомобиль ҳалқа йўлининг якуний босқичи бунёд этилди. Яқинида «Эркин» қўрғони, «Эркин» йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати маскани, Катта Ўзбекистон тракти, Т. автомобиль ҳалқа йўли ва Бунёдкор шоҳкўчаси кесишмаси, Чилонзор буюм бозори мавжуд.

КАРДИОЛОГИЯ МАРКАЗИ (Осиё кўч., 4), Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1976 й. ТошТИ таркиби-

да и.т. институти сифатида ташкил этилиб, 1978 й.да мустақил ин-т бўлиб ажралиб чиқди. 2003 й.дан 15-сонли шаҳар клиник касалхонаси негизида Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази (РИКМ) сифатида фаолият кўрсата бошлади. М-з илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишлари – гипертония, юракнинг ишемик касаллиги, миокард инфаркти, қон айланиши етишмовчилиги каби касалликларнинг келиб чиқиши ва ўзига хос кечиш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг диагностикаси, олдини олиш ва даволаш усулларини ишлаб чиқиш; Ўзбекистонда кардиология муаммоси б-н боғлиқ масалаларга раҳбарлик қилиш ва бошқариш, республикада кардиология хизматини ташкил этиш; юқори малага илмий-амалий кардиолог мутахассислар тайёрлаш ва б.дан иборат. М-зда 8 та ихтисослашган кардиология бўлими, 175 ўринли клиник касалхона, шунингдек, 250 қатновга мўлжалланган маслаҳат поликлиникаси ва беморлар кундузи қатнаб даволанишлари мумкин

бўлган амбулатория (СКАЛ) ишлаб турибди. М-зда 70 га яқин илмий ходим, жумладан 10 фанд-ри ва 35 фан номзоди хизмат қилади (2008), докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимояси бўйича махсус илмий кенгаш фаолият кўрсатади.

М-зда кимёгарлар б-н ҳамкорликда маҳаллий хомашёдан юрак-томир касалликларига самарали таъсир кўрсатадиган янги дорилар яратиш ва амалиётга татбиқ этишга ҳам эътибор берилган. 2007 й. артериал гипертониянинг генетик асосларини ўрганиш лаб. ташкил этилди, юрак аритмияларининг баъзи турларини кўкрак қафасини очмай, яъни қонсиз электрофизиология усули б-н операция қилиш йўлга қўйилди. Марказий Осиё ҳудудида илк маротаба юрак ритми бузилишини даволашнинг юқори технологияли (катетерли) амалиёти жорий этилди. 2008 й.да 36 та ана шундай амалиёт бажарилди. М-зга йилига 30000 дан зиёд бемор муружоат этади, 6000 дан ортиқ бемор ётиб даволанади.

Кардиология маркази.



КАРИМОВ Ислом Абдуғаниевич (1938.30.1, Самарқанд ш.) – йирик давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти. Ўзбекистон Қаҳрамони (1994). Ўрта Осие политехника ин-ти (1960), Тошкент халқ хўжалиги ин-тини (1967) тугатган. Меҳнат фаолиятини 1960 й.да Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги («Ташсельмаш») з-дида мастер ёрдамчиси сифатида бошлаб, мазкур корхонада мастер, технолог бўлиб ишлаган. 1961 й.дан 1966 й.гача В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация и.ч. бирлашмасида муҳандис, етакчи муҳандис-конструктор вазифасида хизмат қилган. 1966 й.да Ўзбекистон Давлат план комитетида ишга келиб, бош мутахассисликдан республика Давлат план комитети раисининг биринчи ўринбосаригача бўлган йўлни босиб ўтди. 1983 й.дан Ўзбекистон Молия вазирини, 1986 й.дан Ўзбекистон Министрлар Совети раисининг ўринбосари – республика Давлат план комитетининг раиси. 1986–89 й.ларда Ўзбекистон КП Қашқадарё вилоят комитетининг биринчи котиби, 1989 й. июндан Ўзбекистон КП МК биринчи котиби. 1990 й. 24 мартда Ўзбекистон Олий Кенгаши сессиясида Ўзбекистон Президенти этиб сайланди.

К. 1991 й. 31 авг.да Тошкент ш.да – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилди. 1991 й. 29 дек.да муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайланди. К. раҳбарлигида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ишлаб чиқилиб, 1992 й. 8 декабрда қабул қилинди. К. Ўзбекистонда сиёсий-иқтисодий ислохотларни

амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш дастурини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқда. К. томонидан ишлаб чиқилган миллий тараққиёт йўли «тараққиётнинг ўзбек модели» деган ном б-н дунёда тан олинган. К. Ўзбекистон мустақиллигини, давлат тузумини мустаҳкамлаш, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамият ҳаётида тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, миллий тафаккур ва дунёқарашни юксалтиришда жонбозлик кўрсатмоқда.

1995 й. 26 мартда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунларига кўра, К.нинг Президентлик ваколати 2000 й.га қадар узайтирилди. 2000 й. 9 янв. ва 2007 й. 23 дек.да у муқобиллик асосида Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб қайта сайланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, К. айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Олий Бош Қўмондонидир.

К. Ўзбекистон ФА акад. (1994), шунингдек, иқтисод, фан, таълимни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун ўндан ортиқ хорижий мамлакат ун-т ва академияларининг фахрий фан доктори, проф. ҳамда акад.лигига сайланган. Унинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992), «Биздан озод ва обод Ватан қолсин» (1994), «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир» (1995), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997), «Баркамол авлод орзу-

си» (1998), «Кучли давлатдан кучли жамият сари» (1998), «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» (1998), «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» (1999), «Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» (2000), «Тинчлик учун курашмоқ керак» (2001), «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» (2002), «Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий қатлами – Ўзбекистон сиёсий ҳаёти майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим» (2003), «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» (2005), «Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий демократияни барқарор ривожлантириш йўлида», «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бар-тараф этишнинг йўллари ва чоралари» (2009) ва б. асарларида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг, маънавият ва маданиятнинг долзарб масалалари атрофлича таҳлил қилинган, Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати илмий асослаб берилган, ҳоз. ва истиқболдаги вазифалар кўрсатиб ўтилган. Унинг асарлари инглиз, рус, француз, испан, немис, ҳинд, хитой, араб, корейс, турк ва б. хорижий тилларга таржима қилинган.

К. юртимизда кенг қўламли бунёдкорлик ишларини олиб бориш, миллий кадрларимизни тиклаш ва ривожлантириш, улуғ аждодларимизнинг қадамжоларини обод қилиш, юртимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда катта ўрин тутадиган йирик корхоналарни бунёд этиш, шаҳар-қишлоқларни обод этиш ишларига бевосита раҳбарлик

қилмоқда. Айниқса Т. шаҳрининг замонавий қиёфасини шакллантириш, шаҳарни ҳар жиҳатдан юксалтириш масаласига доимий эътибор бериб келмоқда.

Президент томонидан белгилаб берилган мамлакат пойтахтини ривожлантириш концепцияси асосида Т. тарихида биринчи марта шаҳарни ривожлантиришнинг 2015 й.гача мўлжалланган бош плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Бунда шаҳарнинг экологиясини, Тошкент аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун барча шароитлар яратилиши ҳисобга олинган. К. раҳнамолигида, аввало, пойтахтнинг бош майдони бўлмиш Мустақиллик майдони бутунлай янгича қиёфа касб

этди (қ. *Мустақиллик майдони*). Алишер Навоий номидаги *Ўзбекистон миллий боғи* ташкил қилиниб, бу ерда буюк шоир ҳайкали қад ростлади. Шаҳар кўринишига шарқона тус берилишига алоҳида эътибор қилинди. Шаҳар марказидаги энг катта хиёбон Амир Темури номи б-н аталиб, Соҳибқиронга ҳайкал ўрнатилди ва *Темурийлар тарихи давлат музейи* қурилди.

Мустақиллик йилларида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Халқаро бизнес маркази, Ўзбекистон



Ислом Каримов Тошкент шаҳар фаоллари йиғилишида.

«Барчамизга қадрдон бўлган бу азим, гўзал ва бетакрор шаҳар нафақат мустақил давлатимиз пойтахти, балки юртимизнинг қиёфасини белгилайдиган, серқуёш диёримизнинг бутун кўрқу тароватини ўзида намоеён этадиган Ватанимиз остонасидир».

«Қадрдон Тошкентимиз жаҳонда бетакрор ва энг гўзал пойтахтлардан бўлиши керак. Ҳамма ундан ҳайратлансин... Биз пойтахт қурилишида 50 йиллик келажакка қараб иш кўришимиз керак бўлади».

Ислом Каримов.

давлат консерваторияси, Ўзбекистон миллий театри, Ўзбекистон давлат санъат ин-ти, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи, «Интерконтинентал Тошкент» меҳмонхонаси, «Ўзбекистон» анжуманлар саройи ва б. иншоотлар бевосита К. ташаббуси ва раҳбарлигида бунёд этилди.

К. ташаббуси б-н Тошкентда муқаддас зиёратгоҳлар вужудга келди, меъморий мажмуалар (Мустақиллик ва эзгулик монументи, Хотира майдони, «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, Ҳазрати Имом мажмуаси) бунёд этилди. Шаҳарда янги турдаги ўқув юртлари – академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, улкан спорт

иншоотлари («Ўзбекистон» спорт мажмуаси, «Жар» спортсоғломлаштириш мажмуаси, «Гольф клуби» ва б.) қад кўтарди. Метрополитеннинг Юнусобод йўли ишга туширилиши, шаҳарнинг бир қанча жойларида қурилган кўприклар ва кичик ҳалқа йўли транспорт хизмати кўрсатилишини тубдан яхшилади. Тошкент бозорлари замонавий, шинам қиёфага эга бўлди.

Пойтахтнинг эски шаҳар қисмини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш бўйича ҳам давлат дастури яратилди. Ана шу дастур асосида бу ернинг ижтимо-

ий инфратузилмаси яхшиланди, жумладан, шифохоналар, маҳалла гузарлари, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш марказлари қурилди, кичик корхоналар ташкил этилиши ҳисобига янги иш ўринлари очилди, тор, пастқам кўчалар кенгайтирилиб, ободонлаштирилди.

Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаш юзасидан Президент қабул қилган қарор (2008 й. 2 апр.) ва уни амалга ошириш юзасидан олиб борилган ишлар Ўзбекистон пойтахти тарихидаги янги ёрқин саҳифаларни ташкил этади.

К. «Мустақиллик» (1996), «Амир Темур» (1998) орденлари б-н тақдирланган. Шунингдек, у бир қанча хорижий давлатларнинг ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг орден ва медаллари б-н мукофотланган.

КАРИМОВ Муҳаммаджон (1919.20.6–1998.26.7) – хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофиси (1992). Т.да туғилган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942–44). Ўзбекистон радиоқўмитасининг миллий мусиқа ансамбли (1944–45), «Мақом» ансамблида хонанда (1960-й.лари), Тошкент ш.даги турли мусиқа мактаблари ва санъат муассасаларида ёшларга анъанавий ашулчилик сирларини ўргатган. Репертуаридан мақом йўллари («Дугоҳ», «Сегоҳ», «Баёт I–V», «Чоргоҳ» ва б.), ўзбек ашула ва катта ашулалар («Тошкент Ироғи», «Гиря», «Найларман», «Қаландар I, II», «Лайли ва Мажнун», «Улким жонон», «Айрилмасун» ва б.), ўзбек бастакорлари асарлари («Сайёра», Ҳамза; «Раъноланмасун», Ю.Ражабий; «Муножот», И.Икромов; «Фигонким», А.Убайдуллаев ва б.), шунингдек, ўзи мусиқа басталаган

кўшиқлар: «Кел, эй дилбар» (Машраб), «Каъбам онам» (Иброҳим Адҳам), «Дерлар» (Хувайдо) ва б. ўрин олган. К. тиник, кучли ва ниҳоятда жозибали овоз соҳиби. Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан унинг ижодига бағишланган 2 видеофильм суратга олинган («Муҳаммаджон Каримов куйлайди», 1991; «Муножот», 1997). **КАРИМОВ** Наим Фотиҳович (1932.12.12) – адабиётшунос олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1996). Филол. фанлари д-ри (1993), проф. (1994). Т.да туғилган. Тошкент ун-тининг филология ф-тини тугатган (1955). К. 20-а. ўзбек адабиёти ва унинг йирик вакиллари (Чўлпон, Усмон Носир ва б.) ижодини миллий ғоя мезонлари асосида ўрганиш ишини биринчилардан бўлиб бошлаб берган. Ойбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Ҳамзанинг кўп жилдли академик нашрларини тайёрлаш ва нашр этишда иштирок этган. Ўрта мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юрти талабалари учун ўзбек адабиётидан дарсликлар ёзган. К. Ўзбекистон маърифатпарварлар жамияти раиси (1999 й.дан). Мустамакчилилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси ва «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси кенгаши раиси (1999–2008), «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи директори (2002–2008). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Эл-юрт хурмати» ордени б-н тақдирланган (1999). **«КАРТОГРАФИЯ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДАВЛАТ КОРХОНАСИ** (Зиёлилар кўч., 6) – география харитаси ва атласлар тайёрловчи давлат унитар корхонаси. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасига қарашли. 1934 й. 3 янв.да ташкил бўлган. Дастлаб собиқ иттифоқ геодезия, картография бош бошқармасининг 7-сонли фабрикаси сифатида фаолият юритган. Сўнгра собиқ иттифоқ ҳукуматида қарашли Тошкент картография ф-касига айлантирилган. Мустақилликдан кейин Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент картография ф-каси, сўнгра илмий и.ч. бирлашмаси (2003). 2005 й. 8 фев.дан ҳоз. номда. Давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари учун мавзули, сиёсий-маъмурий, маълумотнома ва ўқув хариталари ҳамда атласлари тайёрлайди. Ҳозирда корхона томонидан Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари учун топографик, обзор-топографик ва обзор хариталар нашр этилган. Корхонада хўжалик, таълим ва мамлакат муҳофаазининг хариталарга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида турли соҳа мутахассислари ҳамкорлигида илмий-услубий аҳамиятга эга тадқиқотлар олиб борилади. **КАСАБА УЮШМАЛАРИ** – ўзини ўзи бошқарадиган кўнгилли нодавлат нотижорат жамоат ташкилоти. Мамлакатимизда и.ч. ва ноишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият тури бўйича умумий манфаатлар б-н бирлашган ходимлар, қисман иш б-н банд бўлганлар ёки вақтинча ишсизлар, талабалар ва ўқувчи ёшлар, пенсионерлар, аҳолининг бошқа қатламлари ўз К.у.ни ташкил этган.

Т.да илк К.у. 1905 й. апр.да темир йўл ишчилари томонидан тузилган.

Шўролар ҳукмронлигининг дастлабки даврларида К.у. ўз

ишини «и.ч.га эътибор» шиори остида қайта курди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида К.у. фронтни техника ва қурол-яроғлар б-н таъминлаш бўйича ўтказилган тадбирларга бошчилик қилди. Урушдан кейинги даврларда уларнинг фаолияти меҳнат мусобақасини ташкил этишда кўпроқ намоён бўлди.

Собиқ иттифоқ даврида К.у.нинг тармоқ республика кўмиталари тузилган бўлса ҳам, уларнинг биронтаси ўз уставига эга эмасди, фақат собиқ иттифоқ К.у. уставига биноан фаолият юритарди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг республикада тармоқ касаба уюшмалари қайта тузилиб, ўз уставларини қабул қилди ва Адлия вазирлиги рўйхатдан ўтказди. К.у.нинг бош вазифаси ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборат қилиб белгиланди. Ўзбекистон К.у. федерациясига 14 та тармоқ К.у. бирлашган.

Ўзбекистон К.у. тизимини бошланғич касаба уюшма ташкилотлари, К.у.нинг туман, шаҳар, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ш. кенгашлари ва б. ташкил этади. Федерация кенгаши Ўзбекистон К.у. федерациясининг қурултойлар оралигидаги раҳбар органидир. У 5 й. муддатга сайланади ва ҳар бир аъзо ташкилотдан тўғридан-тўғри тенг миқдорда (2 тадан) вакил юбориш йўли б-н шакллантирилади. Федерация кенгашининг мажлиси ҳар йили камида 1 марта чақирилади.

Ўзбекистон К.у. тизимида 28 мингга яқин бошланғич ташкилот бўлиб, улар 6,5 млн.га яқин

касаба уюшма аъзосини бирлаштиради (2008).

Ҳоз. вақтда республика К.у. федерациясининг курортлар кенгашига қарашли 15 санаторий ишлаб турибди. Ўзбекистон К.у. федерацияси «Ишонч» ва «Доверие» газ.ларининг муассисидир.

Тошкент касаба уюшмалари 1991 й. 1 апр.да Тошкент вилоят ва Тошкент ш. касаба уюшмалари бирлашмалари кенгаши йиғилиши қўшма қарори б-н тузилиб, Тошкент шаҳар К.у. кенгаши номи олдди. 2005 й. 24 фев.да Тошкент ш. касаба уюшмалари 4-уюшмалараро Конференциясида Тошкент ш. касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига (Бухоро кўч., 24-уй) айлантирилди.

Тошкент ш. касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши пойтахт ҳудудида жойлашган барча поғонадаги тармоқ касаба уюшма ташкилотларини кўнгилли равишда уюштиради. Бирлашма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон К.у. федерациясига бирлашган К.у.нинг Устави ҳамда ўз Низоми доирасида амалга оширади, ўзининг аъзо ташкилотларида меҳнат қонунчилиги ва меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари б-н ўзаро ҳамкорликда ишлайди. 2009 й. 1 янв. ҳолатига кўра, Тошкент ш. касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши қошида тармоқ ва вакилликлардан иборат 13 та аъзо ташкилот бор. Шаҳарда жами 5535 бошланғич касаба уюшма ташкилоти бўлиб, уларда 2172 та цех, 4023 та касаба уюшма гуруҳи фаолият

кўрсатади. Пойтахтдаги жами касаба уюшма аъзоларининг сони 603 минг кишидан ортиқ.

Бирлашма Кенгаши тасарруфидаги (корхона ва ташкилотлар қарамоғидаги) стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари 22 та бўлиб, уларнинг 9 таси санаторий йўналишида, 13 таси соғломлаштириш йўналишида ишлайди. Улардаги болалар ўрни сони 8235 та. Мазкур оромгоҳларда ҳар йили 40 мингдан зиёд бола ҳордиқ чиқаради.

Ўзбекистон К.у. Тошкент ш. жисмоний тарбия-спорт жамияти қошида 8 та спорт мактаби фаолият кўрсатади. Улардаги 23 бўлимда 1664 бола спортнинг 17 тури бўйича шуғулланади.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ

– ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танланган касб-хунари бўйича бир ёки бир неча касбни эгаллашларини таъминлайдиган ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаси. К.-ҳ.к.да таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларига эга бўлишини таъминлайди. Т.да К.-ҳ.к. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 24 фев. даги «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги қарорига биноан ташкил этила бошлади. К.-ҳ.к.га умумий ўрта таълим мактабини тугатган ўқувчилар қабул қилинади. Таълим муддати 3 й. 2007/2008 ўқув йили Т.да 79 К.-ҳ.к. фаолият кўрсатди, уларда 103374 ўқувчи таълим олди. Т.даги К.-ҳ.к.да 8 тайёрлов йўналиши (таълим; гуманитар фанлар ва санъат; ижтимоий фанлар, бизнес ва ҳуқуқ; фан; қишлоқ ва сув хўжа-



Республика
1-тиббиёт
коллежи.

лиги; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот; хизматлар; муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари) бўлиб, 126 ихтисосликни ўз ичига олади. 2007 й. Т.даги К.-ҳ.к.га 42280 ўқувчи қабул қилинди. Т.даги К.-ҳ.к.да 10052 ўқитувчи ва муҳандис-педагог, жумладан 53 фан д-ри ва проф., 393 фан номзоди ва доцент ишлади.

«КАТТА ДЎМБИРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Ўсмир 1-тор кўч., 2) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Дўмбиробод», «Наққошлик», «Тирсақобод» маҳал-

«Катта Дўмбиробод» маҳалласи гузарида ўрнатилган 2-жаҳон уруши ёдгорлиги.



лалари б-н чегарадош. 1957 й.да ташкил этилган. 2003 й. бу маҳалладан «Кичик Дўмбиробод» маҳалласи аж-

раб чиққан (2007 й.дан мазкур маҳалла «Дўмбиробод» маҳалласи дейилади).

«К.Д.» м. аҳолиси 5126 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 20 кўч., 2 болалар боғчаси, 2 ўрта мактаб, 1 коллеж, озиқ-овқат дўкони, новвойхона, бозорча, Собир Раҳимов автобекати мавжуд.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шу маҳаллада яшайди.

КАТТА ХИРМОНТЕПА КЎЧАСИ – Учтепа ва Чилонзор тумани ҳудудида. Уз. 5 км атрофида. Ал-Хоразмий ва Фарҳод кўчалари оралиғида жойлашган. 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг қурилган кўп қаватли турар жой бинолари бунёд этилиши муносабати б-н ташкил топган. 2005 й. 22 июнда жойнинг тарихий номи сифатида «Катта Хирмонтепа» номи берилди. Йўналишида Чилонзор 19–26-турар жой мавзелари, Чилонзор туманига қарашли «Катта Хирмонтепа», «Кичик Хирмонтепа», «Хирмонтепа», «Наврўз»; Учтепа туманига қарашли «Найман», «Тинчликобод», «Бирлик», «Ватан», «Нуробод», «Ватанпарвар», «Фарҳод» ва «Ширин» маҳал-

лалари, оилавий поликлиникалар, «Ватан» кинотеатри, кичик ва қўшма корхоналар, фирмалар, нотариал идоралар, дорихоналар, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти ҳаракати йўлга қўйилган. Яқинида «Заргарлик буюмлари» корхонаси ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган «*Вимм-Билл-Данн Тошкент*» хорижий корхонаси ва шу номдаги МЧЖ, бошбекат, «Шоҳамид» тўйхонаси ва таксопарк бор.

«КАТТА ХИРМОНТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (20-мавзе, 7^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Яккатут», «Тинчлик», «Хирмонтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил этилган. Маҳалла ҳудудида мевали дарахтлар, экинзорлар кўп бўлган. Номи булардан олиндиган мўл ҳосилга нисбатан қўлланган. Аҳолиси 4832 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 28-оилавий поликлиника, 3 болалар боғчаси, 3 дорихона, 3 кафе, 2 пойабзал таъмирлаш устахонаси, 8 хусусий озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«КАТТА ЧИЛОНЗОР-1» МАҲАЛЛАСИ (1-мавзе, 5^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Катта Чилонзор-2», «Катта Чилонзор-3» ва «Чилонзор» маҳаллалари ва жан.дан Бўрижар ариғи б-н чегарадош. 20-а.нинг 50-й.ларигача бу ҳудуд боғлардан иборат бўлган. 50-й.ларнинг охири – 60-й.ларда кўп қаватли уйлар қурила бошлаган. 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг турли миллат вакиллари кўчиб келган. Аҳолиси 6800 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 4 болалар боғчаси, 2 ўрта

мактаб, 3-троллейбус депоси жойлашган.

«КАТТА ЧИЛОНЗОР-2» МА-ХАЛЛАСИ (2-мавзе, маҳалла гузари) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Катта Чилонзор-1», «Катта Чилонзор-3», «Чилонзор» ва «Катта Қозиработ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. 28 мартда ташкил топган. Маҳалла 2-мавзеда жойлашгани сабабли «Катта Чилонзор-2» деб аталган. Аҳолиси 5200 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 80 та кўп қаватли уй, 16 та турли корхоналар, ўрта мактаб, 6-сонли мусиқа мактаби, 4 та болалар боғчаси, 24-оилавий поликлиника, 7-сонли туғуруқхона ва б. мавжуд. Маҳаллада Ўзбекистон Қаҳрамонлари – ёзувчи Саид Аҳмад, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов бирмунча вақт истиқомат қилган.

«КАТТА ЧИЛОНЗОР-3» МА-ХАЛЛАСИ (Чилонзор кўч., 18) – Чилонзор туманидаги маҳалла. Бўзсув канали бўйида жойлашган. «Катта Чилонзор-1», «Катта Чилонзор-2», «Новза» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил этилган. 1966 й.даги Тошкент зилзиласидан сўнг кўп қаватли уйлар қурила бошланган. 1992 й. «Чилонзор» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 8600 киши, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 56 та кўп қаватли уй, 2 болалар боғчаси, 2 мактаб, мусиқа мактаби, спорт иншооти, «Чилонзор» савдо м-зи, Чилонзор туман электр шохобчаси, Чилонзор автомат телефон ст-яси, Гагарин кинотеатри, савдо шохобчалари, ресторанлар ва кафелар мавжуд.

«КАТТА ЯЛАНҒОЧОТА» МА-ХАЛЛАСИ (Феруза кўч., 9) – Мирзо Улуғбек туманидаги ма-

ҳалла. «Шалола», «Яланғоч» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил топган. Дастлаб «Туркистон» маҳалласи деб аталган, 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4500 киши, 25 миллат вакили яшайди (2009).

КАТТА ЎЗБЕКИСТОН ТРАКТИ – Тошкент ш.ни Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Қарши ва Термиз ш.лари б-н боғловчи халқаро стратегик аҳамиятга молик йўл. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тасарруфида. Уз. 724 км. Тошкент ш.нинг вилоятлар б-н иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маърифий алоқаларида устувор аҳамият касб этади. Шу йўналишда ўтган карвон йўллари мил.ав. 5-а.дан маълум бўлган. 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан ушбу йўл «Уезд – почта йўли» номи б-н аталган. 1930-й.ларда автомобилларнинг кўпайиши муносабати б-н йўналишда йўлдан фойдаланиш хизмати ташкил этилди ва йўлни реконструкция қилиш ишлари олиб борилди. 1940–41 й.ларда тракт хашар йўли б-н қайта қурилди. 20-а.нинг 2-ярмида реконструкция ишлари олиб борилиб, бетон-плита қопламлари ётқизилган. Ўтган асрнинг 90-й.ларидан бошлаб трактнинг айрим қисмлари халқаро аҳамиятли магистрал автомобиль йўлларига бўлиниб кетди. Трактнинг Т.га кириб келиш йўлида «Эркин» йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати маскани, Чилонзор буюм бозори, «Тошкент» автовокзали, «Собир Раҳимов» метро бекати, транзит юк машиналари, шахсий автотранспорт воситалари тўхташ жойи, ёнилғи қуйиш шохобчалари, саноат ва транспорт корхоналари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари бор. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати



қарори б-н тракт йўналишида кенг қамровли ободонлаштириш ва қайта қуриш ишлари олиб борилди. Йўл бўйларида кемпинг-мотеллар, йўл-индустрия корхоналари, чет эллар б-н ҳамкорликда қўшма корхоналар барпо этилди. Замонавий технологиялар ёрдамида янги асфальт қопламалари ётқизилди. Тракт чет мамлакатлар туристик транзит алоқаларида ҳам муҳим ўрин тутди. Йўлдаги кунлик қатнов жадаллиги 15000 дан зиёд автомобилга тенг.

К.Ў.т. пойтахтда Катта ҳалқа йўли орқали Бунёдкор шоҳкўчаси б-н тутшиб кетган. К.Ў.т. орқали Т.га кираверишдаги чорраҳада 2-жаҳон уруши йиллари 14 етим ва қаровсиз болани фарзандликка олган Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи шарафига монумент ўрнатилган (2008).

КАТТА ҚАЪНИ КЎЧАСИ – Чилонзор ва Учтепа туманлари худудини бирлаштирувчи асосий кўчалардан бири. Фозилтепа ва Ал-Хоразмий кўчалари оралигида жойлашган. Уз. 4 км атрофида. Т. зилзиласидан сўнг аҳолини уй-жой б-н таъминлаш мақсадида пойтахтнинг жан.-гарбида 1968 й. ташкил топган. 1990 й. 14 майда Катта Қаъни номи берилган. Кўча номи жойда мавжуд бўлган аввалги Катта Қаъни қишлоғи ва ҳозирда шу номдаги маҳалла номи б-н уйғунлаштирилган (қ. «*Катта Қаъни*» маҳалласи). Кўча йўналишида Чилонзор 20-, 26-мавзелари, 2-трамвай депоси, Чилонзор туманига қарашли «Тинчлик», «Шарқ тонги», «Хайробод», Учтепа туманига қарашли «Катта Қаъни», «Нуробод» ва «Қозигузар» маҳаллалари, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, мактаб ва боғчалар, савдо мажмуалари, аҳолига сервис хизмат кўрсатиш шохобчалари, трамвай ва маршрут таксиларнинг бошбекатлари жойлашган. Лутфий кўчаси б-н кесишган. Заргарлик ва Изза кўчалари б-н туташган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти ҳаракати йўлга қўйилган.

«КАТТА ҚАЪНИ» МАҲАЛЛАСИ (Лочин кўч., 14) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Қозигузар», «Ўрикзор», «Нуробод» маҳаллалари ва Алгоритм мавзеси б-н чегарадош. 1987–91 й.лардан «Катта Қаъни» маҳалласи деб юритилган. Маҳалла худуди Тошкент ш.га қўшилгунча Зангиота тумани Катта Қаъни қишлоғи деб юритилган. «Қаъни» атамаси, аслида қад. туркий қабилалардан «қангли»нинг бузилган шакли ҳисобланади (қ. *Қанг давлати*).

Маҳалла худудидаги *Фозилтепа* археологик ёдгорлиги (4–

8-а.лар) тарихий манбаларда Қанглиқўрғон номи б-н қайд этилган. Қишлоқ, кейинчалик маҳалла номи шундан олинган. Янги қурилаётган Изза даҳасидаги уй-жойларга аҳоли кўчиб келиши натижасида хонадонлар сони 1150 дан ошиб кетди (2008). Маҳалла худудида ўрта мактаб, озиқ-овқат дўконлари, новвойхоналар мавжуд. Маҳалладан 30 дан зиёд кўча ўтган.

«КАТТА ҚОЗИРАБОТ» МАҲАЛЛАСИ (Катта Қозиработ кўч., 10^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Дўмбиробод», «Катта Чилонзор-2» маҳаллалари б-н чегарадош. 1989 й. ташкил топган (яна қ. *Қозиработ маҳалласи*). Аҳолиси 6466 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла худудида Республика шошилинич тиббий ёрдам м-зи, Хирургия илмий м-зи, поликлиника, болалар боғчаси, ўрта мактаб, 2 коллеж, жоме масжиди, чойхона, бир неча озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар ва б. мавжуд.

КАТТА ҚОЗИРАБОТ ҚАБРИСТОНИ (Чилонзор туманининг Чилонзор кўч.) – «*Катта Қозиработ*» маҳалласи худудида жойлашган. Умумий майд. 7,2 гектардан ортиқ. 1900 й.дан мавжуд. Манбаларга кўра, 1892 й.да шаҳарда вабо тарқалиши муносабати б-н шаҳар қабристонлари ёпилиб, шаҳар ташқарисида янги қабристонлар очилган. Бешёғоч даҳаси қозиси Саид Боқижон (Бақо) янги қабристонга ер сотиб олиш учун маҳаллий бойлардан пул тўплаган ва катта ҳашар уюштириб, бу ерларни обод қилган, хусусан шийпон, чойхона, савдо ва хунармандчилик дўконлари қурилган. Қабристон ва маҳалла номи шу шахс номидан олинган.

«КАТТА ҚОРАСУВ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув мавзеси, 17^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Бобур, «Янги ҳаёт», «Гулзор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1979 й. ташкил топган. Дастлаб «Дўстлик», 1991 й.дан Ойбек номи б-н аталган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Маҳалла худудидан Катта Қорасув сойи оқиб ўтгани учун шундай аталган. Аҳолиси 4680 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла худудида 2 болалар боғчаси, 3 шифохона, кутубхона, кимёвий тозалаш корхонаси, 5 дўкон, 2 компьютер м-зи, 3 дорихона, 2 кафе, 265-АТС, автосервис, модалар ательеси мавжуд.

«КАТТА ҚЎЙЛИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Фарғона йўли кўч., 10^б-уй) – Қўйлиқота, «Ўрта Масжид» ва «Бинокор» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ўрнида дастлаб Тошлоқ кўч. бўлиб, ундаги уйларда Корейдан депортация қилинган корейс миллатига мансуб фуқаролар яшаган. 1993 й. ташкил топган. 1993–2009 й.ларда Мирзо Иброҳим маҳалласи деб аталган, 2009 й. 22 апр.дан ҳоз. номда. Маҳалла худуди 20 га яқин кўп қаватли бинолар, 87 хусусий уйлардан таркиб топган.

КАТТА ҲАЛҚА ЙЎЛИ, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли – транзит юкларнинг Тошкент ш.ни четлаб ўтишини таъминлаш, шаҳар ичидаги транспорт қатнови хавфсизлиги ва экологияни яхшилаш мақсадида ташкил этилган. Лойиҳалаштириш ва қурилиш ишлари 1959–68 й.ларда бир неча босқичларга бўлиниб амалга оширилган. «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тасарруфида. Уз. 76,7 км. 1-тоифали йўл. Ушбу йўл орқали Самарқанд, Келес, Чимкент, Бишкек, Қўқон



Катта ҳалқа йўлининг чорраҳаларидан бири

йўналишига чиқиш мумкин. Бундан ташқари у пойтахтнинг кўпгина туманларини ўзаро боғлаб турувчи муҳим иқтисодий аҳамиятга эга йўл ҳисобланади. Йўл йўналишида пойтахтнинг бир қанча мавзе ва даҳалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Тиббиёт академияси, Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғи, Чилонзор, «Карвон» ҳамда Қўйлиқ буюм бозорлари, Бектемир деҳқон бозори ва б. бозорлар, Бўзсув, Қуйи Бўзсув, Анҳор, Қорақамиш, Дамариқ, Салор, Қорасув каналлари, Ҳасанбой, Баротхўжа ва Жўнариқлари, «Уч қаҳрамон» йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати маскани, т.й., ресторанлар, тўйхоналар, бошбекатлар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, саноат корхоналари, шифохоналар, давлат ва жамоат бирлашмалари, хусусий корхоналар, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Йўлда автотранспорт воситаларининг ҳаракати икки ёқлама 3 қатор бўлиб ҳаракат қилиши йўлга қўйилган. Йўналишида 15 та кўприк ва йўлўтказгичларга эга. Пойтахтнинг Бунёдкор ва Амир Темур шоҳкўчалари, Буюк ипак йўли, Келес йўли, Дўрмон йўли, Фаргона йўли, Янги Сергели, Ман-

нон Уйғур, Форобий, Паркент каби асосий кўчалар б-н туташган. Таркибида Темир Малик ва Оҳангарон кўчалари бор. Йўлсозлар ва кўприксозлар томонидан сўнгги йилларда К.х.й.нинг Фарғона йўли, Янги Сергели кўчаси ва Катта Ўзбекистон тракти кесишмасида ҳамда Эркин кўрғони ҳудудида янги кўприк ва йўлўтказгичлар бунёд этилди. 2006 й.нинг авг.да К.х.й.нинг Янги Сергели кўч. чорраҳасидан Эркин кўрғони ҳудуди орқали олиб ўтилган ва йўлнинг шим. қисми б-н боғланган якуний босқичи фойдаланишга топширилди.

КАТТАБОҒ КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур туманидаги «Эшонгузар» ва «Каттабоғ» маҳаллалари ҳудудида. Самарқанд дарвоза ва Гулираъно кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 1 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Кўча йўналишида 45-ўрта мактаб, маҳалла идораси, шахсий турар жой уйлари жойлашган. Таркибида 7 та тор кўча бор. Яқинида Хўжа Аҳмадбой масжиди, ёнилғи қуйиш шохобчаси, Чақар ариғи ва кўприғи, «Истиқлол» санъат саройи, Банклараро молия ассоциацияси ва Қоратош мавзеси жойлашган.

«КАТТАБОҒ» МАҲАЛЛАСИ (Каттабоғ кўч., 64-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Камолон», «Самарқанд дарвоза»,

«Янги обод», «Эшонгузар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1936 й.дан расман шу номда. Маҳалла аҳолиси қадимдан боғдорчилик б-н машғул бўлиб, маҳалла боғларида миришкор боғбонлар томонидан етиштирилган олма, ўрик, шафтоли, узум каби мевалар Чорсу бозорида сотилган. 19-а. охири – 20-а. бошларидаги катта-катта боғ-роғлар ҳисобига маҳалла шу ном б-н аталган. Аҳолиси 4 мингга яқин киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 га яқин миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида «Салимахон» тикувчилик цехи, «Ёшлар» спорт майдончаси, «Кўзи ожизлар жамияти» корхонаси, «Эшонгузар» жоме масжиди, «Камолон» дўкони филиали ва б. мавжуд. Маҳаллада ёзувчи Абдулла Қодирий, драматург Фулом Зафарий, навоийшунос олим Холид Расулов истиқомат қилган.

КАТТАҲОВУЗ – Кўкча даҳасидаги қад. маҳалла. «Обиназир», «Дарвоза», «Айрилиш», «Сархумдон» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Маҳаллада катта ҳовуз бўлган (номи шундан). Қарийб 350 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўнчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида (Кўриқрабод, Чўпонота, Оқтепа, Дамачи мавзеларида) деҳқончилик б-н шуғулланган. Масжид, чойхона, сартарошхона, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). К.нинг ҳоз. ҳудудида Гулобод даҳаси қурилган.

«Каттаҳовуз» маҳалласи (Асадулла Хўжаев кўч., 2) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. 1-шаҳар клиник касалхонаси ёнида жойлашган. Ҳоз. «Обиназир», «Гулобод», «Сархумдон», «Янги шаҳар», «Оқилон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1961 й.да таш-

кил этилган. 1995 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. Аҳолиси 3802 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўкони, модалар ательеси, бир қанча дорихона, новвойхона мавжуд. Маҳалла 1998 й. тубдан ўзгартирилган. Маҳаллада шоир Тавалло ва бир қанча таниқли санъаткорлар: Лутфихоним Саримсоқова, Карим Зокиров истиқомат қилган.

КАУФМАН Константин Петрович (1818.19.2 (2.3) – 1882.4.5) – Туркистонни босиб олиш мақсадида чор Россияси уюштирган ҳарбий юришларнинг раҳбари, Туркистон генерал-губернатори (1867–82). Халқ ўртасида истеҳзо б-н «ярим подшо» деб аталган. К.га Россия императори Александр II жуда катта ваколатлар берган. К. 1868 й. 1 янв.да Тошкентга келди. Бухоро амирлиги (1868) ва Хива хонлиги (1873) ҳудудининг катта қисмини босиб олди. Қўқон хонлигини тугатди (1876). Туркистон ўлкасини бошқариш тартибларини жорий қилиб, ўзи ҳарбий губернаторлар, уезд бошлиқлари ва полиция фаолиятига раҳбарлик қилган. К. Туркистонни мустамлака асоратида сақлашга, уни Россиянинг хомашё базасига айлантиришга хизмат қилган. Т.да дафн этилган.

КЕЛДИ МУҲАММАД, Султон Муҳаммад (?–1533) – шайбонийлар сулоласидан бўлган. Т. шаҳри ва вилояти ҳокими (1525–33). Шохрухия ҳокими (1517 й.дан). *Суюнчхўжахон* ўғли. *Шайбонийхон* даврида тархонликка кўтарилган. Шайбонийларнинг Дашти Қипчоққа, Сирдарё бўйларига қилган ҳарбий юришлари иштирокчиси. Бунинг натижасида К.М. Сирдарё ўрта қисмидаги бир қанча шаҳарқишлоқларни Т. мулкига айлантирган. Шайбоний султонлар-

нинг Хуросонга юриши пайтида (1528–29) Марвни эгаллаган.

К.М. шеърят, илм-фанга қизиққан. Саройида адабий баҳслар уюштирган. Замонасининг етук адиблари б-н суҳбат қуришни ёқтирган, хусусан, 1518 й. у машҳур адиб Зайниддин *Восифий*ни Самарқанддан ўз ҳузурига (Шохрухияга) чақиртириб олган. К.М.нинг топшириғи б-н сарой тарихчиси Абдуллоҳ Насруллоҳий «Зубдат ул-осор» асарини ёзган. К.М. Тошкентдаги Ҳазрати Имом мажмуасига кирувчи Суюнчхўжахон мақбарасини қурдирган (1532).

КЕЛЕС – шаҳар, *Тошкент тумани* маркази (1975 й.дан). Келес дарёсининг чап соҳилида, Т. чеккасидан 2 км шим.-ғарбда, Т. – Саригоч т.й. ёқасида. Т.й. станцияси. Майд. 1010 гектар. Адабиётларда К.нинг Қалос, Калас вариантлари учрайди.

Аҳолиси 27,8 минг киши (2008), асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди.

Шаҳарда «Савдогарбанк», «Микрокредитбанк», «Алоқабанк», «Халқ банки» бўлимлари, «Тумангаз», «Тўхтанёзота» фермер хўжалиги, «Ҳаёт-файз» ғишт з-ди, «Келес-жун» ф-каси, «Келес-шароб», «Астрофармко» корхоналари, 3 бозор, 2 касбхунар коллежи, 6 мактаб, мусиқа мактаби, болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 4 боғча, 2 поликлиника, марказий стадион бор. Кўплаб савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, тез тиббий ёрдам кўрсатиш шохобчаси, акушерлик ва гинекология бўлими, санитария-эпидемиология ст-яси фаолият кўрсатмоқда.

КЕЛЕС ЙЎЛИ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудидаги асосий кўчалардан бири. Т.нинг шим.-ғарбида. Сағбон кўчаси б-н

Тошкент автомобиль халқа йўли (Катта халқа йўли) оралигида жойлашган. Уз. 4 км атрофида. Қадимда Т.ни Келес ва Саригоч ҳудудлари б-н боғловчи муҳим кўчалардан бири ҳисобланган. 20-а.нинг 1-ярмида Т. вилоятининг Т. тумани таркибида бўлган. 1970 й. Собир Раҳимов тумани ташкил этилиши муносабати б-н шаҳар тасарруфига ўтган. 2008 й. 9 июндан ҳоз. номи б-н юритилади. Таркибида 5 та тор кўча ва 1 та берк кўча бор. Йўналишида К.Фофуров, «Аҳил», «Мойариқ» маҳаллалари, Қорақамиш канали, Мойқўрғон ариғи, очиқ коллектор, шахсий турар жой бинолари, маҳалла гузари, савдо шохобчалари, сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти ҳаракати йўлга қўйилган.

КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Тошкент кимё-технология институти (Навоий кўч., 32) – кимё, озиқ-овқат саноати, менежмент ва касб-хунар коллежлари учун мутахассислар тайёрлайдиган таянч олий ўқув юрти. Т. политехника ин-тининг кимё-технология ф-ти негизида 1991 й. ташкил этилган. Ин-тда 4 ф-т (ноорганик моддалар и.ч. технологияси; органик моддалар ва ёнилғи и.ч. технологияси; озиқ-овқат маҳсулотлари и.ч. технологияси; менежмент ва касб таълими), 24 каф., маънавият-маърифат, менежмент ва маркетинг бўлимлари, и.ч. корпуси, марказлашган таҳлил лаб., акад.-лицей, ахборот ресурслари м-зи (167 минг асар), аспирантура, спорт мажмуалари, компьютер хоналари, интернет хизмати, музей, Қўнғирот сода з-ди қошида махсус сиртқи бўлими ва б. мавжуд. 2008/09 ўқув йили ин-тда кимёвий технология, асосий



Кимё-технология институти.

органик синтез, нефть-газни қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш технологиялари, ускуна ва жараёнлар, биотехнология, озиқ-овқат технологияси, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, касб-хунари таълими, саноат иқтисодиёти менежменти, информатика ва ахборот технологиялари йўналишлари бўйича 3000 га яқин талаба таълим олди; 253 ўқитувчи, жумладан 5 Ўзбекистон ФА акад., 39 фан д-ри ва проф., 91 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т ташкил этилгандан бери (1991 й.дан) 9 минг 435 мутахассис тайёрланди (2008). Ин-тда «Кимё ва кимёвий технология» журн. чоп этилади (2003 й.дан). **КИНДАКТЕПА** – 2–13-а.ларга мансуб шаҳар харобаси. Тошкент денгизи зонасида. Дастлаб 1959 й. В.И.Нильсен ва Т. Аъзамхўжаев томонидан ўрганилиб, унинг фақат арк ва 1 шахристонни аниқланган. 1971 й. уни Ю.Ф.Буряков ва В.И.Спришевский атрофлича текширган. 1972–75 й.ларда эса Ю.Ф.Буряков у ерда қазилар ишлари олиб борган. Тадқиқотлар натижасида шаҳар стратиграфиясига тегишли муҳим маълумотлар ҳамда Бурганли маданияти ва Қовунчи маданиятига доир бир қанча ашёвий далилларга эга

аббосий халифалар ҳамда туркашлар даврида зарб қилинган тангалар топилди.

КИНО – Т.да биринчи овозсиз фильм намойиши 1897 й.да Эскижўва майд.да кўрсатилган. Миллий кино санъати 20-й.лар ўртасида юзага келди.

Тошкентда 1924 й. «Ўзбек давлат кино» бирлашмаси, 1925 й. «Шарқ юлдузи» кино фабрикаси (1958 й.дан «Ўзбекфильм») ташкил қилинди.

20-й.ларнинг 2-ярми – 30-й.лар бошларида Т.да яратилган дастлабки ўзбек фильмларида тошкентлик Сулаймон Хўжаев (1893–1932) артист («Работ қашқирлари», 1926; «Чачвон», 1927; «Сўнги бек», «Авлиё қизи», 1930; «Тонг олдидан», 1933), сценарий муаллифлари, режиссёр ассистенти ва режиссёр сифатида иштирок этган.

30-й.ларнинг боши бадий кинонинг вужудга келишида янги босқич бошланди.

1932 й.да Тошкент киностудияси қошида кинохроника бўлими (1962 й.дан Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси) тузилди. 1937 й.да дастлабки овозли «Қасам» фильми (реж. А.Усольцев-Гарф) яратилди.

бўлинди; ичида сопол идишлар мавжуд цилиндрсимон хумдонлар, Уструшоно ҳукмдори Раханч II, Самарқанд ҳукмдорлари Фурак ва Тургар (738–750),

2-жаҳон уруши йилларида энг йирик киностудиялар Т.га эвакуация қилинган, ўзбек кино арбоблари Москва, Ленинград, Киев, Одесса киностудияларининг атоқли кино усталари б-н ҳамкорликда ишладилар.

2-жаҳон урушидан кейинги йиллар ўзбек кино санъатининг юксалиш даври бўлди. Бу даврда яратилган фильмларда жаҳон кинематографчиларининг тажрибаси, миллий маданиятнинг ўзига хос анъаналари, ўзбек актёрларининг истеъдоди тўлароқ очилди. «Тоҳир ва Зухра» (реж. Н. Фаниев, 1945), «Насриддиннинг саргузаштлари» (реж. Н. Фаниев, 1946), «Алишер Навоий» (реж. К. Ёрматов, 1947; Давлат мукофоти, 1948) ва б. шундай фильмлардандир.

50-й.ларда «Пахтаой», «Опасингил Раҳмоновалар», «Гуллар очилганда», «Абу Али ибн Сино» (реж. К. Ёрматов); «Бой ила хизматчи» (Ҳамза асари асосида, реж. Л. Файзиев); «Стадионда учрашамиз», «Чўлдаги ҳодиса» (реж. З. Собитов); «Гулбахор», «Мафтунингман» (реж. Й. Аъзамов) ва б. фильмлар яратилди.

50-й.лар охири – 60-й.лар бошида студияга Бутуниттифоқ давлат кинематография ин-ти ва олий режиссёрлик курслари битирувчилари (реж.лар Ш. Аббосов, Ҳ. Аҳмар, Р. Ботиров, Д. Салимов, Ҳ. Файзиев, А. Ҳамроев, А. Хачатуров; рассомлар Э.Калонтаров, Е. Пушчин, Н. Раҳимбоев) қўшилдилар.

60–70-й.ларда тарих ва давр муаммоларига бағишланган, яъни замондошларимизнинг кўп қиррали образларини очиб берадиган, кино тилининг ифодали воситаларини бойитадиган фильмлар марказий ўринни эгаллади: «Ҳамза» (реж. З. Собитов, 1960), «Самолётлар

қўнолмади» (1962) фильмлари, «Сен етим эмассан» (реж. Ш. Аббосов, 1962), «Фарғоналик бешовлон» (реж. Й. Аъзамов, 1963), «Улуғбек юлдузи» (реж. Л. Файзиев, 1965), «Дорбозлар» (реж. Р. Ботиров, 1965), «Тошкент – нон шаҳри» (реж. Ш. Аббосов, 1967), «Ўтган кунлар» (реж. Й. Аъзамов, 1969), «Севишганлар» (реж. Э. Эшмухамедов, 1969), «Сени кутамиз, Темур» (реж. Р. Ботиров, 1970), «Абу Райҳон Беруний» (реж. Ш. Аббосов, 1974), «Инсон қушлар ортидан боради» (реж. А. Ҳамроев, 1976), «Ўзганинг бахти» (реж. Қ. Камолова, 1978), «Рингга чақирилади» (реж. Э. Хачатуров, 1979), «Али бобо ва қирқ қароқчи» (реж. Л. Файзиев, У. Мехра, 1980, ҳинд кинематографчилари б-н ҳамкорликда) ва б.

70-й.лар охири ва 80-й.ларда ўзбек актёрларининг бутун бир авлоди шаклланди. Ўзбек киносининг қалдирғоч актёрлари С. Хўжаев, Н.Ғаниев, Ш. Қаюмов, К. Ёрматов, Р. Пирмухамедов, Р. Аҳмедов, Р. Тўхтаўжаев, З.Шокирова, Э. Ҳамроев, Н. Алиева, О. Жалилов ва б. санъаткорларнинг ижодий фаолияти бугунги ўзбек актёрлари учун катта мактаб вазифасини ўтади. Р. Ҳамроев, О. Хўжаев, Ш. Бурҳонов, Н.Раҳимов, А.Бакиров, А.Турдиев, Л. Саримсоқова каби машҳур санъаткорлар «Насриддиннинг саргузаштлари» ва «Ўтган кунлар» фильмларидан кадрлар.



ўзбек киноси тараққиётига катта ҳисса қўшдилар. Ў. Алихўжаев, Ш. Эргашев, Р. Саъдуллаев, Т. Шокирова, Д. Қамбарова, Т.Режаметов, Н.Тўлахўжаев, А.Юнусова, О.Ғаниев, Т.Нигматуллин, О. Бакирова, Д. Эгамбердиева каби истеъдодли ўзбек актёрлари етишиб чиқди. Шунингдек, 70-й.ларда болалар киноси ҳам муваффақият б-н ривожланди ва хорижликлар б-н ҳамкорликда бир қанча фильмлар яратилди.

80-й.ларда ўзбек киноси сон ва сифат жиҳатдан яна бир поғона юқори кўтарилди. «Даҳонинг ёшлиги» (реж. Э. Эшмухамедов) тарихий-биографик фильми 1984 й. Давлат мукофоти, «Бўйсунмас» (реж. А. Қобулов) фильми 1983 й.да Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти б-н тақдирланди. «Ўша йигит қайтди» (реж. Р. Ботиров), «107-инструкция бўйича тўнтариш» (реж.лар: З. Собитов, Г.Бзаров), «Пароль – «Регина меҳмонхонаси» (реж. Й. Аъзамов, З. Ройзман) бадий фильмлари, шунингдек, «Майин ёмғир бўлади» (реж. Н. Тўлахўжаев; 1984 й.да Лейпцигда «Олтин кабутар» мукофотини олди) мультфильми Бутунитифоқ кинофестиваллари совриндори бўлди.

1980-й.ларда ижтимоий мавзуга кенг эътибор қаратилди. «Уйғониш» (реж. Л. Файзиев),



«Алвидо, гўр ёшлигим» (реж. Э. Эшмухамедов, Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти, 1986), «Водиллик келин» (реж. ва сценарий муаллифи А. Ҳамроев), «Келинлар кўзғолони» (реж. М. Абзалов), «Муҳаббат ва қайғу юлдузи» (реж. З. Ройзман), «Орзулар оғушида» (реж. Ф.Зайнутдинов, 1986), «Армон» (реж. М. Абзалов, 1987), «Ҳаёт мазмуни» (реж. Д. Салимов, 1988), «Клиника» (реж. Р. Маликов, 1988), «Вельд» (реж. Н. Тўлахўжаев, 1988) ва б. кинофильмлар яратилди.

1986 й.да «Дебют» ижодий уюшмаси ташкил этилди ва у 1987 й.да ёш кинематографчиларга уларнинг кино оламидаги илк мустақил қадамларида ёрдам берувчи «5-студия» Ёшлар тажриба ижодий уюшмасига айлантирилди.

«Ўзбекфильм»да 30 дан ортиқ телевизион бадий фильм яратилди. «Ганг дарёсининг қизи» (реж. Ҳ. Аҳмар, 1961) биринчи ўзбек телевизион бадий фильмидир.

Анимацион кино. 1965 й. Дамир Салимовнинг «6х6 тўртбурчак ичида» кўғирчоқ фильми намойиш этилиши б-н Тошкентда анимацион фильмлар пайдо бўла бошлади. 70-й.ларда суратли чизма анимацион фильмлар яратилди. Кинонинг бу йўналишини ривожлантиришда реж.лар Д.Салимов, Қ.Камолова, А.Акбархўжаев, З.Ройзман; расомлар Ю.Петров, С.Алибеков; операторлар И.Гавриленко, Н.Герасимовлар катта ҳисса қўшди. Бугунги кунда уларнинг анъаналарини Н.Тўлахўжаев, М.Маҳмудов, Д.Власов, С.Муродхўжаев давом эттириб келмоқда.

Ҳужжатли фильм. Ўзбекистон ҳудудида хроникал тасвирга олиш 1897 й.да бошла-

ниб, илк операторлар Франция ва Россиядан таклиф этилган. 20-й.ларнинг 2-ярмидан хроника Т.даги «Шарқ юлдузи» биринчи ўзбек киностудиясида суратга олинди. 1928 й.да студиянинг махсус хроника бўлими, 1934 й.да эса мустақил хроникал-ҳужжатли фильмлар студияси юзага келди. 60-й.ларга келиб, бадий фильмлар студияси – «Ўзбекфильм» ёнида «Ўзкинохроника» студияси ташкил этилди (ҳоз. илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар киностудияси). М. Қаюмов, Т.Нодиров, А.Раҳмонов, П. Пак, Ш. Зоҳидов, А. Саидов, В. Шевченко, О. Турсунов, Д. Салимов, Н. Атауллаева, Қ. Ҳасанов, Б. Музаффаров, Ш. Маҳмудов, С. Эгай ўзбек ҳужжатли киноси тарихидан жой олган. Реж.-оператор М. Қаюмов ишлаган ҳужжатли фильмлар: «13 қалдирғоч», «Баҳордан баҳоргача», «Тошкент, зилзила», «Тошкент – тинчлик шаҳри», «Афғонистон: инқилоб давом этади» ва б. ўз даврининг яхши фильмлари қаторидан ўрин олди. Д. Салимовнинг «Бобо», «Саратон», «Хор», Ш. Маҳмудовнинг «Аланга», Б. Музаффаровнинг «Оролқуш» ва ўзбек халқининг буюк аждодлари Беҳбудий, Чўлпон, Фитрат ҳамда замондошлар кинопортретлари акс эттирилган ҳужжатли фильмлар ўзбек кино санъатининг бебаҳо мулкига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 й. 16 мартдаги «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонида биноан Тошкент ш.да «Ўзбеккино» миллий агентлиги ташкил этилди.

«Ўзбеккино» миллий агентлиги қошида бевосита Т. шах-

«Буюк Амир
Темур»
фильмидан
кадр.

рида тўртта студия фаолият олиб боради: «Ўзбекфильм», «Ўзкинохроника» (йилига элликка яққин турли мавзудаги фильмлар яратади), Ёшлар ижодий тажриба 5-студияси ва «ESI-ЭКО фильм» (2003 й.да «Экология – Инсон – Ёввойи табиат» дастурига кўра тузилган; ҳозиргача 32 та илмий-оммабоп фильм суратга олинган).

Мустақиллик йилларида К. ижодкорларининг янги авлоди шаклланди. Улар орасида Т.да яшаб ижод қилиб келаётган режиссёрлар Ж.Қосимов («Дев ва пакана», «Сени кутаман», «Сув ёқалаб», «18-квадрат»), А. Шаҳобиддинов («Қор қўйнида лола», «Кўргилик», «Ўтов»), Ё. Тўйчиев («Чашма», «Фериде», «Орзу ортида»), З.Мусоқов («Яратганга шукур», «Кичкина табиб», «Осмондаги болалар»); операторлар А. Фаниев («Орзу ортида», «Севгинатор», «Ойи-жон»), А. Арзиқулов («Ўтов», «Иблис девори», «Телба»); актёрлар У. Қодиров («Бахт учун миллион», «Ўйин», «Телба»), Ф.Соипов («Келгинди куёв», «Фериде», «Паноҳ»), А. Расулов («Разведкачилар», «Тўй», «Йўқолган одам»); актрисалар К. Умархўжаева («Севги», «Ёдгор», «Полвон»), З. Бешимова («Ўтов», «Қор қўйнида лола», «Ҳаёт ҳали олдинда»), Р. Шодиева («Чимилдиқ», «Сукунат», «Ватан») ва б.нинг яратган асарлари томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.



ЮНЕСКО фондига кирган фильмлар. Ўзбек К. санъати йўлга қўйилганидан бери ишлаб чиқарилган бир қанча фильмлар халқаро ЮНЕСКО фондига киритилган. Булар қуйидагилардир: «Тонг олдидан» (1934, реж. С. Хўжаев), «Қасам» (1937, реж. А. Усольцев-Граф), «Насриддин Бухорода» (1943, реж. Я. Протазанов), «Тоҳир ва Зуҳра» (1945, реж. Н. Фаниев), «Алишер Навоий» (1947, реж. К. Ёрматов), «Сен етим эмасан» (1962, реж. Ш. Аббосов), «Нафосат» (1966, реж. Э. Эшмуҳамедов), «Тошкент – нон шаҳри» (1967, реж. Ш. Аббосов), «Ўтган кунлар» (1969, реж. Й. Аъзамов), «Шиддат» (1971, реж. А. Ҳамроев), «Абу Райҳон Беруний» (1974, реж. Ш. Аббосов), «Чучук олхўри» (1975, реж. Қ. Камолова), «Инсонлар қушлар ортидан боради» (1975, реж. А. Ҳамроев), «Шум бола» (1977, реж. Д. Салимов), «Даҳонинг ёшлиги» (1983, реж. Э. Эшмуҳамедов), «Абдуллажон» (1991, реж. З. Мусоқов), «Сиз кимсиз?» (1989, реж. Ж. Файзиев).

КИНОТЕАТРЛАР – Т.да биринчи кинофильм шаҳар истироҳат боғида намойиш қилинган. Шу ерда «Турон» к/т ҳам қурилган. 1910 й. Кауфман (ҳоз. Сайилгоҳ) ва Романов (ҳоз. Буюк Турон) кўчалари муюлишида «Хива»

к/т (меъмор Г.М. Сваричевский) ишга туширилган. Кўп ўтмай, бу к/т биноси ёниб кетган. 1916 й. худди шу жойга янги к/т биноси қурилган ва эски номи сақлаб қолинган, кейинчалик «Ёш гвардия» деб аталган. Ленин (собиқ Романов, ҳоз. Буюк Турон) кўч.да «Искра» к/т биноси қурилган. Ҳар иккала к/т биноси Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин яроқсиз ҳолга келган ва бузиб ташланган. 1926 й. Т.нинг эски шаҳар қисмида «Қизил Ўзбекистон» к/т очилди. 1937 й. Ҳадра майд. яқинида кенг экранли «Ватан» к/т биноси қурилган (1966 й. зилзиласидан сўнг к/т биноси ўрнига Ҳамза т-ри – ҳоз. Ўзбек миллий академик драма т-ри қурилган). 1963 й. Навоий кўч.да кенг форматли кинофильмлар

намоиш қилиш, ижтимоий-сиёсий йиғинлар ўтказиш, концертлар бериш учун *Санъат саройи* барпо этилди. Бироқ шўро тузумидаги атеизм талабларидан келиб чиқиб, аксарият қабристонлар ёки бошқа «муқаддас жойлар»да К. қуриш одатга айланди (Кўкчада Мақсуд Шайхзода к/т, Ҳастимомда Фафур Гулом к/т; кейинчалик булар бузиб ташланди).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби К. соҳасида ҳам кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. К. давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилди. Тошкент ш.да 11 та к/т фаолият кўрсатади (жадвалга қ.). *Киночилар уйи*да мунтазам равишда мамлакат ва хориж кинематог-

рафлари суратга олган фильмлар намоиши, тақдирот маросимлари, турли давлатлар кино кунлари ва фестиваллар ўтказилади.

КИНОФОТОФОН ҲУЖЖАТЛАР АРХИВИ – Ўзбекистон давлат кинофотофон ҳужжатлар Марказий архиви (Чилонзор кўч., 2) – 1943 й. Т.да ташкил этилган. 1959 й.дан Ўзбекистон Республикаси Давлат архиви таркибида, 1973 й.дан мустақил архив. 1866 й.дан кейинги ҳужжатлар сақланади. Окт. тўнтаришигача бўлган даврга оид Туркистон ўлкасининг турмуши, шаҳар ҳаёти, меъморий ёдгорликлари фото ҳужжатлари акс эттирилган. Совет даври ҳужжатлари фото суратлар (1917 й.дан), кино журнал-

Тошкент шаҳридаги кинотеатрлар

Кинотеатрлар номи	Манзили	Ишга туширилган йили	Зали ва ундаги ўринлар сони	Мулк эгаси
Алишер Навоий номидаги санъат саройи	Навоий кўч., 15.	1963	10 зал; 2940	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
Киночилар уйи	Ўзбекистон кўч., 98.	1982 (янги биноси)	3 зал; 1150	«Ўзбеккино» миллий агентлиги
«Гунча»	Беруний кўч., Марказ-27.	1977	200	«Гунча кинотеатри» МЧЖ
«Нукус»	Собир Раҳимов кўч., 8.	1974	800	«Синема Боливуд» МЧЖ
Ю.Гагарин номидаги	Чилонзор, 3-мавзе, 53.	1963/1988	800	«Ю.Гагарин кинотеатри» МЧЖ
«Қозоғистон»	Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳкўч., 4.	1959/1965	2 зал; 250+250	«Қозоғистон кинотеатри» МЧЖ
Лисунов номидаги	Ҳамза тумани, Қорасув кўч., 35	1976	500	«Лисунов» МЧЖ
«Мовий тасвир» («Муқимий»)	Яккасарой тумани, Қушбеги, 1	1949	180	«Мовий тасвир» МЧЖ
«Зарафшон»	Юнусобод тумани, Матбуотчилар кўч., 17.	1999	476	«Зарафшон» ОАЖ
«Ватан»	Чилонзор, 24-мавзе	1984	800	«Ватан-Бобуршоҳ» МЧЖ
«Реал-синема»	Хоразм, 47	1984	500	«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» фонди

лар ва ҳужжатли фильмларни (1936 й.дан), шунингдек, давлат ва жамоат арбоблари нутқлари ёзувини ўз ичига олади. **КИНОЧИЛАР УЙИ** (Ўзбекистон кўч., 98) – кино санъати арбобларининг ижодий уйи. Театр ва кино ходимлари уйи базасида 1966 й. очилган. Янги биноси (меъморлари: Р.А.Хайрутдинов, В.Н.Бреусенко; бинони безашда рассом В.Ган, ҳайкалтарош Р.Авакян қатнашган) 1982 й. Тошкентда очилган кинофестиваль арафасида ишга туширилган. Бош томоша зали (900 ўринли), 230 ва 50 ўринли яна 2 кичик томоша зали бор. Бино меъморлигида қуёш нуридан асрайдиган конструкциялар ва миллий меъморий элементлардан фойдаланилган; булар бино лойиҳаси ва шаклида ўз аксини топган. Бош зал эллипс шаклда, 4 устунга таянган, чапдан маъмурий бино, ўнгдан клуб б-н туташ. Лойиҳалашда ташқи кўриниши б-н ички кўриниши ўзаро боғланган. Умумий ечими бинога мутаносиб бўлган ресторан (зали – 100 ўринли) ҳовли орқали бош томоша залига туташган. Бино миллий меъморий қисмлар, кичик меъморий шакллар ва фавворалар б-н уйғун-

лаштирилган. Безагида Фозгон мрамари, гранит, ганч ўймакорлигидан фойдаланилган. Интеръеригадаги Б.Жалолов ишлаган деворий расмларда ўзбек кино санъати ривожига акс эттирилган. К.у.да янги фильмлар кўриги, юбилейлар, томошабинлар б-н ижодий учрашувлар ва б. ўтказиб турилади. К.у. «Ўзбеккино» миллий агентлигига қарайди.

КИРХА, Инжилчи-лютеранлар черкови (Содиқ Азимов кўч.) – меъморий ёдгорлик. Лютеранлар диний маросимлар ўтказган. Готика услубида қурилган (1892, меъмор А.Л.Бенуа). 1937 й.да шўролар томонидан ёпилган черков биносидан Тошкент консерваториясининг Опера студияси ва Муסיқа салони жойлашган (1981–1990).

1992 й. 8 сент.да немис инжилчи-лютеранлар черкови расмий рўйхатдан ўтган. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 3 майдаги қарори б-н черков (Кирха) лютеранларга қайтариб берилган. **КИТОБ ПАЛАТАСИ**, Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси (Навой кўч., 30) – библиографик марказ, Ўзбекистонда чоп этилган босма материаллар статистикасини

юритиш ва уларни асраш бўйича етакчи муассаса.

1926 й. 3 янв.да Ўзбекистон давлат китоб палатаси номи б-н Самарқандда таш-

Киночилар уйи.



Кирха.

кил этилган. 1934 й.дан Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 7 янв.даги 3-сонли қарорига кўра, унга Миллий К.п. мақоми берилди.

К.п. Ўзбекистондаги барча нашриёт ва нашр этиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналардан чоп этилган босма материалларнинг мажбурий нусхасини қабул қилиб олади (2008 й.да 2000 номдан ортиқ китоб, 689 газ., 228 журн. ва 18 ахборотнома-бюллетен олинди), улар юзасидан илмий библиография, матбаа статистикасини тайёрлайди. Китоблар, асосий газ. ҳамда журн. материаллари юзасидан жорий ва ретроспектив библиографик материаллар тузади, улар бўйича картотека-библиографик ҳужжатлар ҳозирлайди. Келиб тушган босма ахборот манбаларини ўз архивига абадий сақлаш учун ўтказилади. Палата фондида умумий сони 3,5 млн.дан ортиқ ахборот манбалари сақланади (2008).



1928 й.дан бошлаб К.п. «Китоб солномаси» ретроспектив библиографик тўпламларини чоп этиб келади. Ҳозирга қадар босилиб чиққан 30 дан ортиқ шундай тўпламда 20-а.нинг бошидан то охирига қадар Ўзбекистон ҳудудида нашр этилган жами китоблар ҳақида библиографик маълумотлар систематик тарзда тавсифланган. Бундан ташқари, 1938 й.дан бошлаб тайёрланадиган «Матбаа солномаси»да бир ой давомида К.п.га келиб тушган китоблар, журн. ва газ. материаллари библиографияси дарж этилади.

К.п. 2006 й. халқаро ISBN агентлигига аъзо бўлди ва мамлакатимизда босилиб чиқаётган барча китоб маҳсулотларига Ўзбекистоннинг мустақил ISBN рақамларини беришни бошлади. К.п. Халқаро ISSN агентлигига ҳам аъзо (2008). Эндиликда барча газ., журн., бюллетень ва электрон туркум нашрлар ISSN белгиси б-н чоп этилмоқда. Бу икки халқаро стандарт рақамга эга бўлиш орқали мамлакатимиз матбаа маҳсулотларини эндиликда чет давлатлардаги кўргазмаларда намойиш этиш, сотиш ва халқаро библиографияларга киритиш имконига эга бўлди.

КИЧИК БЕШЁҒОЧ КЎЧАСИ – Яккасарой тумани ҳудудида. 20-

а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Кичик ҳалқа йўли ва Кичик Бешёғоч 1-тор кўчаси ораллиғида. Уз. 2 км атрофида. Ўтмишда ушбу йўл Бешёғоч даҳасига борадиган асосий йўллардан бири бўлгани учун шу ном б-н аталган. Кўча йўналишида, асосан, шахсий турар жой бинолари, фирма офислари, нотариал идоралар, поликлиника, савдо шохбчалари мавжуд.

КИЧИК БИЗНЕС – мустақил микрофирмалар, кичик корхоналар, хусусий якка тадбиркорлик субъектларининг даромад топишга қаратилган иқтисодий фаолияти. К.б. йирик корхоналар, монополиялар учун қулай бўлмаган, катта капитал талаб этилмайдиган, фойда кўлами камроқ бўлган соҳаларда фаолият кўрсатади ва бозор талабларига тез мослаша олади. К.б. ривожланган ва ривожланаётган ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга. К.б. кичик бозорларда фаолият олиб бориш, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш, ишсизлик муаммосини ҳал қилиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш ва ички бозорни истеъмол товарлари б-н тўлдиришда алоҳида ўрин тутади.

Турли мамлакатларда К.б. субъектлари мақомини белги-

лашда турли мезонлар, мас., корхонада ишловчилар сони, товар айланмаси, капитал ва фойда миқдорлари ва б.

Кичик бизнес. Лутфий маҳалласидаги мебель цехи.

кўрсаткичлар қўлланади. Ўзбекистонда К.б.га корхонада ишловчилар сони мезон қилиб олинган. Бу мезонга кўра саноат тармоқларида йилига ўрта ҳисобда 10, савдо, хизмат кўрсатиш ва б. ишлаб чиқариш соҳаларида 5 нафаргача иш б-н банд ходимлари бўлган микрофирмалар, курилиш, қ.х. ва б. ишлаб чиқариш соҳаларида 20, фан, илмий хизмат кўрсатиш, чакана савдо ва б. ишлаб чиқаришдан ташқари соҳаларда 10 нафаргача иш б-н банд ходимлари бўлган корхоналар киради.

Тошкент ш.да, бутун Ўзбекистонда бўлгани каби К.б. кўҳна ва бой тарихий илдизларга эга. Маҳалла ва бозорларда тўқимачилик, косибчилик, кўнчилик, кулолчилик, ганчкорлик, чеварлик, темирчилик, баққоллик устахона ва дўконлари кўп бўлган. Кундалик ҳаётда, айниқса, новвойлар, баққоллар, қассоблар, қандолатчилар хизматига талаб катта эди. Лекин шўролар даврида хусусий мулкчиликнинг ҳар қандай шакли қатъий чеклаб қўйилди, аммо шунга қарамай халқ хунармандчилиги маҳсулотлари бозори тамоман йўқолиб кетгани йўқ. Ўтган асрнинг 90-й.ларидан мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида ҳамда хусусий якка тадбиркорликка йўл очилиши б-н Тошкентда савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш корхоналари хусусийлаштирила бошланди, К.б. соҳасидаги фаолиятга кенг имкониятлар яратилди.

Шаҳар бўйича давлат рўйхатидан ўтган К.б. корхоналари сони 30,95 минг ёки жами корхоналар сонининг 80,5 % ни ташкил этди. Уларнинг 11,6 %



– 4370 таси кичик корхоналар, 68,9 % – 26 мингга яқини микрофирмалардир (2008, 1 июль).

К.б.нинг иқтисодийдаги улуши тез ўсди ва ҳозир шаҳар бўйича хўжалик юритувчи К.б. субъектлари ялпи регионал маҳсулотнинг 48% ни ишлаб чиқармоқда, шу жумладан, бу кўрсаткич кичик корхоналар бўйича 37% га, яқка тартибдаги тадбиркорлик бўйича 11,2 % га тенг.

К.б. корхоналари, айниқса, Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Яккасарой туманларида кўп ташкил этилди. Бундай корхоналарнинг асосий қисми чакана савдо ва умумий овқатланиш (26%), саноат (20,7%), улгуржи савдода (7,9%) жамланган. Шунингдек, К.б. субъектлари қурилишда (3394 та бирлик), транспорт ва алоқада (1040 та), уй-жой-кооператив хўжалигида (315 та), аҳолига маиший хизмат кўрсатишнинг ноишлаб чиқариш турларида (958 та), соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбияда (1155 та), таълимда (613 та), маданият ва санъатда (405 та), фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасида (242 та) ҳам фаолият кўрсатмоқда (2008 й. 1 июль ҳолати бўйича).

К.б. субъектлари ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам салмоқли ўринга эга. Шаҳарда К.б. корхоналарининг ташқи савдо айланмаси 2009 й. янв.да шаҳар бўйича умумий ташқи савдо айланмасининг 32,2% га тенг бўлди. К.б. корхоналари экспорти 2249,6 млн. АҚШ доллари (шаҳар умумий экспорт ҳажмининг 16,8 %)га етди. 2008 й.нинг янв.–дек.да 2249,6 млн. АҚШ доллари ёки экспорт умумий ҳажмидан 16,8% миқдорида маҳсулот экспорти ва 534,6 млн. АҚШ доллари ёки умумий им-



Кичик ҳалқа йўлининг бир қисми.

портнинг 45% миқдорида маҳсулот импорти К.б. субъектлари томонидан амалга оширилди.

К.б. сектори аҳолининг иш б-н таъминланишига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги б-н аҳамиятлидир. Шаҳар иқтисодийда банд бўлганларнинг 55,8% ёки 636,7 минг киши К.б. соҳасида яратилган иш ўринларини эгаллади. Меҳнат б-н банд бўлган аҳолининг катта қисми (473,3 минг киши) хусусий секторда, қарийб 15,5% (176,8 мингдан ортиқ киши) кичик корхоналар ва микрофирмаларда фаолият юритмоқда. К.б. соҳасидаги иқтисодий ва ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» (1999 й. 14 апр.) ва «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» (2000 й. 25 май) қонунлари б-н тартибга солинади.

«КИЧИК ХИРМОНТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (19-мавзе, 22) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Меҳржон», «Мевазор» ва «Хирмонтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 2004 й. дек.да «Хирмонтепа» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 7337 киши

бўлиб, 50 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 26 кўп қаватли уйлар, 2 болалар боғчаси, ўқув техник м-зий мактаби, озиқ-овқат дўконлари, ошхоналар, «Ширин-Дунё» корхонаси, «Асила-Шахина» тикувчилик цехи ва «Шоҳамид» тўйхона-ресторани мавжуд.

КИЧИК ҲАЛҚА ЙЎЛИ – Тошкент ш.нинг бир қанча туманлари ҳудудларидан ўтган, муҳим иқтисодий аҳамиятга эга ички айланма йўл. Тошкент ш.нинг ҳудудий кенгайиши, транспорт воситалари сонининг кўпайиб бориши муносабати б-н шаҳар кўчаларидаги транспорт ҳаракатини оқилона ташкил этиш ва мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ташаббуси б-н қурила бошланган. Уз. 32,2 км. 2004 й. 22 июлда бир нечта кўча ўрнида бунёд этилган ҳалқасимон янги йўлга шу ном берилган.

К.ҳ.й.ни бунёд этиш ишлари 2000–2004 й.лар давомида босқичма-босқич олиб борилди. Кўчанинг Амир Темур шоҳкўчасидан Шим. вокзалгача бўлган 1-навбати 2000 й.да, Шим. вокзалдан Жан. вокзалгача бўлган

2-навбати 2002 й.да, Усмон Носир кўчасидан Маннон Уйғур кўчасигача бўлган 3-навбати 2003 й.да фойдаланишга топширилди. Мирзо Улугбек ва Ҳамза тумани қисмлари янгидан бунёд этилган. Йўлнинг Амир Темур ва Бунёдкор шоҳқўчалари, Фарғона йўли, Паркент, Усмон Носир, Маннон Уйғур, Уста Олим кўчалари кесишмасида бунёд этилган кўприклар транспорт воситалари ҳаракатига катта қулайликлар яратди. Бундан ташқари, Бўзсув ва Оқтепа канали устидан ўтадиган кўприклар тубдан реконструкция қилинди. Йўналишида Чилонзор, Бошлиқ, Қушбеги мавзелари, кўп қаватли ва якка тартибдаги турар жой бинолари, Шим. ва Жан. вокзал, аэропорт, Кайковус, Қичқирик, Бўзсув, Салор, Оқтепа, Анҳор каналлари, тиббиёт муассасалари, сиҳатгоҳлар, туғуруқхоналар, супермаркетлар, ресторанлар, тўйхоналар, бир қанча савдо ва ёнилғи қуйиш шохобчалари, саноат корхоналари, қўшма корхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, бошбекатлар, метро бекатлари, бозорлар, банклар, олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежи, акад. лицей, мактаб ва боғчалар, спорт мажмуалари, хорижий давлатлар ваколатхоналари, компаниялар, ёдгорликлар, нотариал идоралар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, салон ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

КЛИНИКАЛАР – даволаш-профилактика муассасаси, стационар; тиббиёт олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот ин-тлари ҳузурида ташкил этилади. К.да беморларни стационар даволаш б-н бирга ўқув ва илмий тадқиқот ишлари олиб борилади, тиббиёт ин-тларининг талабалари ва

малакасини оширувчи врачлар б-н назарий ва илмий машғулотлар ўтказилади. К. шаҳар касалхонаси ва б. даволаш-профилактика муассасалари базасида ҳам фаолият кўрсатади, улар клиник касалхоналар деб аталади. К. базаларида клиник аспирантура ва ординатура мавжуд бўлиб, асосан, врачлар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланади. Кўп К.да айрим соҳага ихтисослаштирилган илмий марказлар ташкил этилган, у ерда шу соҳа мутахассислари ўз малакасини оширади ёки врачлар шу соҳага ихтисослаштирилади.

Т.да ҳарбий госпиталнинг 415 ўринли стационар бўлими биринчи клиник база бўлган (1919). 1923 й. Полторацкий номидаги касалхона (350 ўринли) Ўрта Осиё давлат ун-ти тиббиёт ф-тининг клиникаси ҳисобланган. 1931 й. тиббиёт ф-ти тиббиёт интига айлантирилиб, унинг 1000 ўринли клиникаси бўлган.

Тиббиёт олий ўқув юртлари (Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент тиббиёт педиатрия инти), ихтисослашган илмий амалий марказлар (Эндокринология, Терапия ва тиббий реабилитация, Педиатрия, Акушерлик ва гинекология, Онкология), шунингдек, Гематология ва қон қуйиш, Вирусология, Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар и.т. институтларида К. мавжуд. 1-, 5-, 7-шаҳар касалхоналари, шаҳар психиатрия касалхонаси, 1-сил касалхонаси, 1-юқумли касалликлар касалхонаси ва Тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси тиббиёт ин-тларининг клиник базасидир. Т.да 10618 ўринли 46 К. ишлади (2008).

«КОИНОТ» (Содиқ Азимов кўч., 72^а-уй) – коинот сирларини ўрганиш, унинг имкониятларидан

фойдаланиш йўл-йўриқларини аниқлаш учун зарур асбоб-ускуналар яратиш, айрим телекоммуникация масалаларини ҳал қилиш б-н шуғулланадиган муассаса. Т. умумий машинасозлик бюроси негизда 1969 й. ташкил этилган. 1994 й.дан «Коинот» илмий-и.ч. бирлашмасига айлантирилган. 2002 й.дан Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасарруфидаги ОАЖ. Таркибида и.ч. цехи мавжуд. Қуёш системасидаги жисмлар (сайёралар, уларнинг йўлдошлари, комета ва астероидлар)ни ўрганиш, вазнсизлик ҳолатида моддаларни турли фазаларда яратиш ва улардан кристалл, қотишма ва аморф ҳолатдаги моддалар олиш, коинотда ишлатиладиган ускуналар яратиш бўйича ишларни бажаради.

«КОИНОТ» (Амир Темур шоҳкўч., 109) – ресторан. Тошкент Радиотелевизион узатиш марказига қарашли. 1978–84 й.ларда қурилиб, 1985 й. янв.да ишга туширилган. *Телеминоранинг* 105 м ли баландлигида «Мовий зал», 110 м баландликда эса 60 ўринли «Алвон зал» жойлашган. Мижозларга ресторан хизматидан ташқари экскурсия хизмати ҳам кўрсатилади. Бунинг учун 100 м баландликда томоша майдончаси бор. Рестораннинг ишчилар ошхонаси, ёдгорлик совгалар сотиш бўлими, интернет тармоғи бор. Ресторан ўз ўқи атрофида айланади, бу эса мижозларга ўтирган ҳолда шаҳарни томоша қилиш имконини беради. «К.»да тўй, туғилган кунлар ва зиёфатлар ўтказиш мумкин.

«КОКА-КОЛА ИЧИМЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ЛТД» (Coca Cola Bottlers Uzbekistan Ltd) (Олтинтопган кўч., 40) – масъулияти чекланган жамият. Алкоголсиз,

яхна ичимликлар ишлаб чиқаради ва сотади. 1993 й. 8 окт.да Ўзбекистон–Америка чет эл сармояси асосидаги и.ч. корхонаси сифатида ташкил топган. Кокакола, фанта, спрайт ва бонаква шу ерда тайёрланади. Йиллик и.ч. ҳажми 187 млн. л. Маҳсулотлари фақат Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади ва сотилади. «КОЛИЗЕЙ» (Жиззах кўч.; ҳоз. Бухоро кўч., 10) – т-р томошалари учун саноатчи Г.М.Цинцадзе қурдирган бино, 1903 й. қурила бошлаган (меъмор Э.Ф.Гофман). «Колизей» лотинча – маҳобатли демак. Қадимда Рим ш.да флавийлар амфитеатри шундай аталган. «К.» аввал цирк томошалари учун мўлжалланган, зал саҳнасининг шифти темирдан, гумбаз шаклида ишланган. Дастлаб бу ерда сайёр цирк труппалари томоша кўрсатган, кейинчалик залдан турли т-р томошалари учун фойдаланилган. 1913 й. бино таъмирланди, «К.» архитектурасида «немис ренессанси» услуби кўзга ташланган. Кираверишдаги устунлар ва балкон бино фасадини безаб турган (байрам ва тантаналарда балкондан минбар ўрнида фойдаланилган). Бинонинг ҳар иккала томонига унча катта бўлмаган балконлар қурилган. Окт. тўнтаришигача «К.»да турли т-р ва мусиқа жамоалари (З.А.Малиновскаянинг драма труппаси Сидқи Рухуллонинг озарбайжон труппаси ва 1914 й. Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги ўзбек ҳаваскор труппасининг дастлабки спектакли – Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси асосида тайёрланган спектакль қўйилган) томоша кўрсатган. 1918 й. «К.» национализация қилинган. 1930–39 й.ларда бу ерда Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигининг давлат мусиқали драма т-ри ва

«Колизей»
(тарихий сурат).

Я.М. Свердлов номидаги рус опера ва балет т-ри ишлаган. 1948–91

й.ларда концерт зали сифатида фойдаланилган.

«К.» 1996 й.дан «Тошкент» республика фонд биржасига мослаб бутунлай қайта қурилган.

КОМИЛЖОН ГОФУРОВ МАҲАЛЛАСИ (Келес йўли, 3^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Пахта», «Гулзор», «Мойарик», «Умид», «Аҳил» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й.даги Тошкент зилзиласидан сўнг ҳашар йўли б-н «Янги Тошкент» маҳалласи ташкил топган. Маҳаллада туғилиб ўсган, милиция генерал-майори Комилжон Гофуров хотирасини абадийлаштириш мақсадида 2003 й. шу ном б-н аталган. Аҳолиси 3460 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, уйғур, рус, татарлар яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, спорт майдончаси, Саидота қабристонни мавжуд.

КОМИЛОВ Эркин (1946.20.7) – Ўзбекистон халқ артисти (1998). 1963 й.дан Т.да. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1968). 1966 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбекистон миллий академик т-ри)да актёр. Асосий роллари: Қиличбек («Олтин девор»), Қобилжон («Самандар»), Ибн Сино («Беруний»), Карл Моор («Қароқчилар»), Жевакин («Уйланиш»), Мясников («Қатагон»), Боязид («Соҳибқирон Темурали»), Икром («Уфқ»), Альбени



(«Қирол Лир»), Абулфайзхон («Абулфайзхон»), Ортиқ («Ноёб нусха»), Маннон Уйғур («Томоша давом этади») ва б.

К. кинода ҳам бир қанча образлар яратган: Бегимкул («Юзсиз»), Йўлдош («Севги»), Мусулмонкул («Ўтган кунлар»), Валихўжа эшон («Амирнинг хуфиёна юриши»), Хуррам («Тилла бола»), Боязид Жалойир («Амир Темурали»), Қурбон («Учишга рухсат этинг»), «Юлдуз шуъласи» фильмида Эргаш Собиров ва б. Видео ва телефильмларда Азиз Қосимов («Гирдоб»), Султонмурод («Алишер Навоий»), Жаббор («Қора кўзлар»), Майор Солиҳов («Сўнги ўқ»), Ҳайдар (Кесак полвон) («Шайтанат»), Шокирота («Еттинчи фалакдан келган овоз») каби роллар ижро этган. **«КОНСТИТУЦИЯ» МАҲАЛЛАСИ** (Миршоҳид Мироқилов кўч., 43) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Туркистон», Бобур, «Тева», Юнус Ражабий маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 19–20-а.ларда «Губербоғ», «Ракат», «Туркистон» каби номлар б-н аталган, кейинчалик «Конституция» номи берилган (1991). Аҳолиси 3100 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида Тошкент педагогика ун-ти, «Ўзқурилиш материаллари», «Ўзенгилса-

ноат» акциядорлик компаниялари, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, академик лицей, 2 ресторан, 2 озиқ-овқат дўкони, 10 дан ортиқ ошхона бор. Маҳалла гузариди Раамз Бобожон номи б-н аталувчи кутубхона очилган (2003).

КОСКОМ (COSCOM) (Воҳидов кўч., 118) – мобил (уяли) алоқа хизматини амалга оширувчи алоқа оператори, чет эл корхонаси, МЧЖ. Ўз хизматлари б-н Ўзбекистоннинг барча вилоятларини қамраб олган. Фаолиятини 1996 й. 26 апр.да бошлаган. 1997 й. GSM стандартидаги уяли алоқа операторларининг Халқаро ассоциацияси аъзоси бўлди. 1998 й. компания Россия GSM ассоциацияси аъзосига айланди. 2004 й. 12 майда Ўзбекистон телекоммуникация соҳасида халқаро ISO 9001–2000 сертификатига сазовор бўлди. 2007 й. июлда К. акцияларининг назорат пакети Европадаги етакчи телекоммуникация компанияси – Telia Sonera томонидан сотиб олинди. 2008 й. 16 июндан бошлаб компания Ucell савдо белгиси остида фаолият юритмоқда. Унинг Тошкент ш. ва Тошкент вилоятида 82 шо-
Космонавтлар майдони.



хобчаси, шунингдек, дилер шартномаси асосида ишлайдиган 500 дан ортиқ шохобчаси бор. Мижозлари 1,5 млн.га етди (2008 й. июль). Компания 100 га яқин давлатлар ичида автоматик роуминг хизматларини таклиф қилмоқда. Инновацион ва замонавий технологияларни жорий этиб, қамров ҳудудлари ва техника салоҳиятини ошириб бормоқда.

«**КОСМОНАВТЛАР**» – метро бекати. Ўзбекистон йўлидаги бу бекат Афросиёб ва Рашидов кўчалари кесишган жойда. 1984 й. 7 дек.да очилган. Меъморлари: С.Сутягин, С.Соколов, муҳандислар: О.Зокиров, А.Брасловский. Устункор бекат икки вестибюл ва ер ости йўлакларидан иборат. Бинонинг меъморий-безак ечими қосмос мавзуга бағишланган. Йўловчилар залининг интерьери кўк бадий сопол ва Улуғбек, Икар, Ю.Гагарин ва б. қиёфаси акс эттирилган медальонлар (расом В.Ган) б-н безатилган. Сомон йўлини эслатадиган шифтга нафис, қуйиб тайёрланган шиша юлдузчалар қадалган. Йўловчилар залининг думалоқ устунлари шиша б-н қопланган, вестибюллари ойна, металл, гранит, мар-

мар б-н уйғунлаштириб жимжимадорлаштирилган. Бу ҳам мавзу ечимини очиб беришга хизмат қилган. Бекатни безатишда маҳаллий қурилиш материаллари – мрамор, гранит, шунингдек, металл, шишадан фойдаланилган.

КОСМОНАВТЛАР МАЙДОНИ

– Яккасарой туманида, Афросиёб ва Рашидов кўч. чорраҳасида жойлашган. 1984 й. Ўзбекистон йўналишидаги «Космонавтлар» метро бекати ишга туширилиши муносабати б-н вужудга келган. Аввал Космонавтлар проспекти (ҳоз. Афросиёб) номи б-н аталган. Майдонда Тошкент вилояти Искандар шаҳарчасида туғилган В.А.Жонибековнинг бронза бюсти ва 2 стеладан иборат ёдгорлик (ҳайк. Я.Шапиро) ўрнатилган. Унда Ернинг рамзий ифодаси, буюк сиймолар Улуғбек, Циолковский, Королёв ҳамда Гагариннинг горельефлари ва парвоздаги Икар тасвири акс эттирилган. Атрофида Ички ишлар вазирлиги, Республика қўғирчоқ театри, ателье жойлашган.

КОТТЕЖЛАР – бир оилага мўлжалланган, асосан, 2 қаватли қилиб қурилган ҳовлили уй-жойлар. Т.да К. қурилиши 1966 й. бошланган. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг Т.ни тиклаш жараёнида микрорайонлар қурилишида 4 ва 9 қаватли турар жой бинолари б-н бирга 2 қаватли блоклаштирилган турар жойлар қуришга ҳам киришилди (меъморлар: М.Владимирова, Б.Зингер, В.Коробов ва б). Т.даги К. 4 ва 5 хонали алоҳида блоклардан иборат бўлиб, катта оилаларга мўлжалланган, ҳар бир хонадон учун алоҳида ҳовли ажратилган (майд. 50–70 м² га яқин). 1991 й.да Т.да 722 дан ортиқ котеж (турар жой майд. – 72106 м², ум. фойдали майд. – 104311 м²) бор эди. 2001–2008 й.лар ичида

Собир Раҳимов, Юнусобод ва Миробод туманларида ҳам К. қурилиши учун ер майдонлари ажратиб берилган.

КОҲОТА БУЗРУК ЖОМЕ МАСЖИДИ – собиқ Себзор даҳасининг Тахтапул дарвозаси яқинида, ҳоз. Шайхонтоҳур тумани Коҳота маҳалласида жойлашган (тахм. 18-а.). Масжид ичида Коҳота Бузрук мақбараси жойлашган. Коҳота Бузрук (Бузург) шахси тўғрисида турли қарашлар мавжуд. Шарқшунос А.Носировнинг «Тошкент машойихлари» мавзусида тўплаган материалларидаги маълумотларга қараганда, Коҳотанинг асл исми Саид Камолиддин Шомий бўлган. Мухаммад Солиххўжа Тошкандийнинг (19-а.) ёзишича, Коҳота Хожа Аҳмад Яссавий сулукига мансуб шайхлардан бўлган.

Масжид биниси 250–300 намозхонга мўлжалланган. 1998 й. 15 окт.да рўйхатдан ўтган. Бир неча марта таъмирланган.

КОҲОТА КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур туманида. *Коҳота маҳалласи* худудидан ўтган. Шаҳардаги қад. кўчалардан бири. 19-а.да ташкил топган. Шайхонтоҳур ва Фафур Фулом кўчалари оралиғида. 1992 й. жойнинг тарихий номи сифатида Коҳота номи берилган. Йўналишида, асосан, якка тартибдаги турар жой бинolari жойлашган. Ёнидан Кайковус канали ўтган. Яқинида Ишчилар шаҳарчаси, Себзор ва Лабзак даҳалари, ёнилғи қуйиш шохобчаси жойлашган.

КОҲОТА МАҲАЛЛАСИ (Алихонтўра Соғуний кўч., 61) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Тахтапул», «Лабзак», «Жангоҳ», «Шайхонтоҳур» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. «Фаол», «Саноат», Коҳота, «Қаҳрамон» маҳаллаларининг бирлашувидан ташкил топган.



Коҳота Бузрук жоме масжиди.

Аҳолиси 6705 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла худудида озиқ-овқат магазини, автомобилларга техник ёрдам кўрсатиш шохобчаси, новвойхона, болалар боғчаси, ўрта мактаб, авиация лицейи, хотин-қизлар коллежи, дипломатия лицейи мавжуд. Маҳалла худудида Алихонтўра Соғуний яшаган.

КРАСНИЦКИЙ Геннадий Александрович (1940.27.8–1988.12.6) – футболчи, спорт устаси (1962). Т.да туғилган. Т.нинг «Пахтакор» футбол жамоаси сафида (1959–68) мамлакат биринчилиги олий табақаси учрашувларида 102 марта тўп киритган. Жан. Америкада ўтказилган халқаро учрашувлар ҳақида «Рио-де-Жанейродан Монтевидеога» деган китоб ёзган (1964). 1971–77 й.ларда «Трактор» (Тошкент), «Янгиер» (Янгиер), «Пахтакор» (Тошкент) жамоаларида, 1983–85 й.ларда «Звезда» («Олдуз») (Жиззах) жамоасида мураббий. Ўзбекистоннинг 20-а.даги энг яхши футболчиси деб тан олинган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган.

КРЕДИТ УЮШМАСИ – юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида пай бадаллари киритиб тузиладиган кредит ташкилоти. Кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадларида ташкил этилади. Юридик шахслардан депозитларга омонатларни жалб этиш, ўз аъзоларига, тадбиркорларга шартнома асосида муддатли, қайтариладиган ва ҳақ эвазига кредитлар ва микроқарзлар бериш, маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш, ўз аъзолари б-н лизинг операцияларини амалга ошириш, тижорат, истеъмол кредитлари ва б. билан шуғулланади. К.у. Ўзбекистонда, шу жумладан Т. шаҳрида биринчи марта бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида 2002 й.да пайдо бўлди. К.у. ишлаб чиқариш, суғурта, савдо-воситачилик ва б. фаолият б-н бевосита шуғулланишга ҳақли эмас. Ўзбекистонда белгиланган тартибга кўра К.у. аъзолари сони 50 тадан кам бўлмаслиги керак. К.у. Марказий банк томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади ва фаолият кўрсатиши учун лицензия берилади. К.у.га уюшма кенгаши раҳбарлик қилади. Барча харажатлар қопланиб, мажбурий тўловлар бажарилганидан кейин фойдadan уюшма аъзоларига уларнинг пай бадаллари миқдорига мутаносиб ҳолда дивидендлар тўланади.

Республикада 67 К.у. ташкил этилган бўлиб, улардан 27 таси – «Имкон» (Чинобод кўч., 63); «Лидер» (Бунёдкор шоҳкўчаси, 52^а-уй); «Медикал инвест» (Хоразм кўч., 47); «Оптимал кредит» (Ўзбекистон кўч., 98); «Прогресс» (Муқимий кўч.); «Тезкор кредит» (Мирзо Улуғбек кўч.,

54/3) ва б. Тошкент ш.да жойлашган (2008). К.у. кредит бозорида тижорат банкларга муқобил кредит ташкилоти сифатида муҳим ўрин тутди. Бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда, шу жумладан Т. шаҳри иқтисодийетини ривожлантиришда унинг аҳамияти ортиб бормоқда. К.у.нинг тузилиши, фаолияти, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши соҳасидаги муносабатлар «Кредит уюшмалари тўғрисида» қонун (2002 й., 4 апр.) б-н тартибга солинади.

КУЗНЕЦОВА Мария Александровна (1899–1956.20.1) – Ўзбекистон халқ артисти (1939). Ўзбек профессионал театрининг биринчи актрисаларидан. 1929 й.дан Т.да. 1918–21 й.лар Ҳамза раҳбарлигидаги «Ўлка сайёр сиёсий труппаси»да, 1921–25 й.лар Қўқон т-рида, 1925 й.дан Ўлка давлат намуна драма труппаси (кейинчалик Ҳамза т-ри)да актриса. К. Ҳамза пьесаларидаги Нафиса («Фаргона фожиаси»), Жамила («Ифрат қурбонлари»; «Бой ила хизматчи»), Марьям («Заҳарли ҳаёт») ва б. аёллар образининг биринчи ижрочиларидан. Актриса ўз ижодий йўлига эга бўлишида М.Уйғур ва Я.Бобожоновларнинг хизмати катта бўлган. Асосий роллари: Ҳожiona («Бой ила хизматчи»), Миллер хоним («Макр ва муҳаббат»), Кабаниха («Момақалди-роқ»), Холнисо («Шоҳи сўзана»), Зухра («Оғриқ тишлар»), Майсара («Майсаранинг иши», Муқимий т-рида) ва б. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Чиғатой қабристонига дафн этилган.

«КУЛОЛҚҮРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Фазо берккўчаси) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Боғишамол», «Янги ҳаёт», «Шодлик» маҳаллалари б-н чегара-

дош. Илгари бу ҳудуд «Кулолқўрғон» ва «Аҳил» маҳаллаларига тегишли бўлган. 1995 й. икки маҳалла қўшилиб, «Кулолқўрғон» номини олган. Аҳолиси 3350 киши (2009). Маҳалла ҳудудида «Кулолқўрғон» жоме масжиди, 15 та корхона, ташкилотлар мавжуд.

КЎЗ КАСАЛЛИКЛАРИ КАСАЛХОНАСИ (Зиё кўч., 12) – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика клиник офтальмология касалхонаси. 1965 й. Бирлашган ихтисослаштирилган офтальмология касалхонаси (100 ўринли) сифатида ташкил топган. 1975 й.дан ҳозирги номда.

Кўз касалликлари бўйича респ.да йирик даволаш, илмий, ташкилий-методик ва консултатив м-з. Касалхона 112 ўринга эга. Унда 5 бўлим (лазер жарроҳлиги; болалар микрохирургияси; травматология ва умумий соматика; глаукома ва катаракта; офтальмопластика жарроҳлиги), болалар ва катталар учун маслаҳат поликлиникаси, кундузги стационар, кўриш қобилиятини сақлаш хонаси, контактли линзалар лаб. бор; хўжалик ҳисобидаги пулли хизмат ҳам йўлга қўйилган. Касалхона респ. аҳолисига шошилиш тиббий офтальмология хизмати кўрсатади. Касалхонада йилига 5000 га яқин бемор ётиб, 45 мингдан ортиги қатнаб (амбулатор) даволанади ва турли оғирликдаги кўз операциялари ўтказилади (2008).

Касалхонада Т. врачлар ма-лакасини ошириш ин-тининг офтальмология каф. фаолият кўрсатади.

КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯСИ МАРКАЗИ – қ. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия маркази.



Кўк масжид.

КҮЙКИЙ Ҳофиз Тошкандий – қ. Ҳофиз Кўҳакий.

КҮК МАСЖИД (Шайхонтоҳур тумани, Кўкмаҳит кўч., 60) – меъморий ёдгорлик (1830–35). Тошкентлик ака-ука Нодирмат ва Ҳожиматбойлар (аввал улар номи б-н юритилган) маблағига қурилган. Пештоқли дарвозахона, баланд минорали кенг ҳовли, бир қаватли мадраса ва ҳовли тўридаги масжиддан иборат бўлган. Ҳозир дарвозахона, кенг ҳовлининг ярмиси ҳамда масжид (хонақоҳ ва айвон) сақланган. Хонақоҳ (9,0x9,0 м) мурабба тарҳли, гумбазли. Жан. девори ичига чуқур равоқли меҳроб ва тоқчалар ишланган. Хонақоҳ жан.даги нақшинкор айвон (7,26x12,20 м) шифтига тўсин ташланиб, устидан тоқилар терилган. Устунлар кўпқиррали, пойустуни кўк рангли тошлардан (масжид номи ҳам шундан) турли шаклларда йўниб ўрнатилган (ҳозир пойустунлар ранги кулранг тусда).

К.м. 1995–99 й.ларда таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилди.

КҮКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ – шаҳарда яшил зоналар яратиш юзасидан олиб бориладиган ишлар мажмуи. Яшил зоналар, асосан, боғ ва хиёбонлардан ташкил топади, микроиқлимни соғломлаштиради, шамол тезлигини пасайтиради, чанг ва тўзонларни тутиб қолади, ҳаводаги

тутун ва зарарли газларни ютади, шаҳар шовқинини камайтиради ва ҳ.к. К.нинг эстетик аҳамияти ҳам катта.

Пойтахтда 2,3 млн. аҳоли истиқомат қилаётгани, ҳудудида 3500 йирик саноат корхонаси фаолият кўрсатаётгани, кўчаларида 300 мингдан зиёд автомобиль ҳаракатланаётгани (истиқлол йилларида шаҳарда автомобильлар сони 1,8 бараварга кўпайган) ҳисобга олинса, бу ердаги экологик ҳолат алоҳида эътибор ва масъулият талаб этади. Шаҳар экологияси, аҳоли саломатлиги бевосита К. билан ҳам боғлиқ. Чунки атроф-муҳит мусавволигини таъминлашда яшил оламнинг аҳамияти беқиёс. Сўнгги йилларда шаҳарни қайта қуриш, К. ва ободонлаштириш ишлари жадал амалга оширилиши туфайли Т.нинг умумий 34965 гектар ер майдонидан кўкаламзорлаштирилган майд. 15,5 минг гектарни ташкил этди, яъни шаҳарнинг 40% яшил майдонларга айлантирилди. Туманлар чегараси доирасидаги умумий яшил майд. 7,2 минг гектар, шу жумладан умумий фойдаланиладиган яшил майд. 5,5 минг гектарни ташкил этади. Булар махсус яшил майдонлар бўлиб, ботаника ва зоология боғлари, кўчатзорлар, гулчилик хўжаликлари, боғ ва хиёбонлар, соҳил бўйларида иборат.

Кўкаламзорлаштирилган ҳудудда ҳаво ҳарорати очиқ жойларга нисбатан 16° салқин бўлиши, 1 гектар ўрмон йилига 54 т чанг ушлаб қолиши маълум. Шунингдек, шаҳарда турли-туман гуллар, тўшама ўсимликлар кўпайиб экилган. Яшил майсазорлар (газонлар) майд. 1432,5 гектар, гулзорлар эса 327,3 гектардан иборат. Мирзо Улуғбек, Юнусобод, Собир Раҳимов, Як-

Хотира
майдонидаги
хиёбон.



касарой, Бектемир, Учтепа, Чилонзор туманлари, айниқса, яхши кўкаламзорлаштирилган. Бу туманларда аҳоли жон бошига 72,5 дан 108,6 м² гача яшил майдон тўғри келади. Мустақиллик йилларида Эски шаҳар ҳудудидаги экологик муаммоларни бартараф этиш тадбирлари натижасида Шайхонтохур туманида янғидан-янги сўлим гўшалар, кўкаламзор ҳудудлар бунёд этилди. Т.даги энг йирик яшил ҳудудлар – *Ўзбекистон миллий боғи, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Ботаника боғи, «Ўзэкспо-марказ»* миллий кўرғазма компанияси таркибидаги дам олиш зонасидир.

Ўзбекистон миллий боғи шаҳардаги энг йирик яшил ҳудудлардан биридир.

Кейинги йилларда шаҳарни К. учун экиладиган ўсимлик ва дарахтлар тури кўпайди. Шаҳарда 28 турдаги қимматли ва ноёб ўсимликлар давлат томонидан муҳофаза қилинади. Уларнинг аксарияти қулай шароитда яхши





Кўкалдош мадрасаси.

ривожланиб, кўпайиб бормоқда. Шаҳарнинг марказий қисмидаги 100 ёшдан ошган 30 туп эман дарахти ҳақиқий табиат обидасига айланган. Тошкент ш. кўча ва майдонларида 447855 дона манзарали дарахт ўсади. Булар – дуб, чинор, қарағай, қораарча, сафора, қайин, каштан, жўка, лола дарахтлари ва б. шаҳарни безаб турибди. Мевали дарахтлардан ўрик, олма, гилос, ёнғок, олча ва б.ни экишга ҳам алоҳида аҳамият берилади. Шаҳарда, шунингдек, 20 турда гуллайдиган буталар, 25 турдан зиёд кўп йиллик гуллар ўсади. Ҳар йили 50–60 турдаги гуллар, 20 дан зиёд турдаги атиргуллар экилади. Сўнгги 10 йилда Т.да 3027 гектар майдонда янги боғлар яратилди. Йўл бўйларидаги умумий майд. 1223 гектар ҳудуд гулзорга айлантирилди.

КЎКАЛДОШ МАДРАСАСИ (Чорсу майд., Навоий кўч., 46) – 16-а. 60-й.лар меъморий ёдгорлиги. *Дарвешхон* даврида Бухоро хонлигининг нуфузли амирларидан Қулбобо Кўкалдош то-

монидан курдирилган. Мадраса ўрта аср шаҳристонининг жан. чеккасида қурилган, ҳоз. кўча ўрни эса хандақ бўлган. Бинони қуришда анъанавий композицияга риоя қилинган: чорси ҳовлиси кенг, хужралар ва очиқ айвонлар б-н ўралган. Ҳовлининг П-симон йўллари хужра (дарсхона)ларни масжид б-н улайди. Хужралар сони 38 та бўлган.

Мадраса дастлаб уч қаватли бўлган. Бош фасади жанубга қараган. Дарвозадан кираверишда чапда масжид, ўнгда дарсхоналар жойлашган. Масжид ва дарсхоналарнинг усти ўзаро кесишган равоқларга ўрнатилган гумбазлардан иборат бўлган. Миёнасарой (вестибюль) етти гумбазли. Меъморлар мадрасани безашда, асосан, бинонинг олд томонига эътибор беришган. Сиркор парчин ва гириҳ нақшлар б-н безатилган ҳашаматли пештоқнинг икки ёнига икки қаватли равоқ ишланган. Иккинчи қаватдаги хужралар фақат пештоқнинг икки ёнидагина сақланган. Олд томоннинг чекка

бурчаклари баланд гулдасталар б-н тугалланган. Гулдасталар устида минорачалар бўлган.

18-а. 1-чорагида мадраса қаровсиз ҳолга келиб қолган ва карвонсарой сифатида фойдаланилган (1735). К.м.нинг 1866 ва 1886 й.лар зилзилаларидан зарарланган пештоқи қайта тикланган. 1946 й.ги зилзиладан ҳам қаттиқ шикастланган. Мадраса 1930–60 й.ларда бутунлай қайта таъмирланган. Минораларнинг бал. 2-қават б-н деярли бараварлаштирилган. Замонлар ўтиб бир неча бор таъмирланиши натижасида мадрасанинг ташқи кўриниши ўзгарган. Мадрасанинг олд томонига анъанавий усулда зинапоя ишланган.

К.м.нинг умумий ўлчами – 62,7х44,9 м, ҳовлиси – 38х26,9 м, пештоқи б-н бирга бал. – 19,73 м. Фурқат 1889–91-й.ларда Т.да бўлган вақтда бир муддат шу мадрасада яшаган. Ҳамза ҳам 1910–11 й.ларда мадраса хужраларидан бирида истиқомат қилган. Мадрасада шоир Хислат ва б. таҳсил олган.

Тошкент ш.нинг 2200 й.лиги муносабати б-н 2008 й.да К.м.нинг кириш пештоқи ва олд қисми сатҳи таъмирланди. К.м. Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси тасарруфида (1991 й.дан). Бинода шу идорага қарашли руҳонийлар тайёрландиган ўрта таълим ўқув юрти жойлашган.

«КЎКСАРОЙ» МАҲАЛЛАСИ (Тонг 2-тор кўч., 2^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. Ўрикзор мавзесида жойлашган. «Ўрикзор» маҳалласи б-н чегарадош. 1993 й. ташкил этилган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3300 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар оромгоҳи

(«Шодлик» ва «Гулбаҳор»), ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони, 2 сартарошхона, сув ҳавзаси, оталар оромгоҳи мавжуд.

КҮКТҮНЛИКОТА – қабри Шайх Хованди Тохур қабри орқасидаги чинор остида, ариқ бўйида жойлашган. Ривоятларга қараганда, К. Шайх Хованди Тохурнинг жорубкаши бўлган. Кўкйўтал касалига учраган беморлар К.ни зиёрат қилиб, касалликдан фориғ бўлган. Архив ҳужжатларига кўра, Т.да К. қадамжо мазори бундан ташқари бир неча жойда (Себзордаги Хўжакўча, Тахтапул ва Чувалачи, Кўкча даҳасининг Каллахона маҳалласида) учрайди. **КҮКЧА** – ўтмишда Т.даги 4 даҳадан бири ва дарвоза номи. Манбаларда Шайх Зайниддин даҳаси деб ҳам аталган. Шаҳарнинг ғарбий қисмида, асосан, ҳоз. Шайхонтоҳур тумани худудида жойлашган. Даҳа худудини чуқур жарликлар кесиб ўтган. Чегараси шарқдан Сағбон кўчасининг шарқидан, жан.-шарқ тарафидан Қуйи Бўзсув бўйлаб (ҳоз. Маннон Уйғур ва Самарқанд дарвоза кўч. оралигидан) ўтган. Бу ерларнинг ғарбида К.ликларнинг боғлари ва полизлари (мавзелари) бўлган. Асосан *Кайковус* ва унинг шохобчаларидан суғорилган. К. даҳасининг чорбоғлари Назарбек, Кўксарой ҳамда Келес дарёси бўйларидаги жойларда бўлган. 19-а. ўрталарида К.да 3 дарвоза (Сағбон, Чигатой ва Кўкча) бор эди. Аҳолиси, асосан, кўнчилик б-н шугулланган. Мас., 1871 й.да даҳадаги 695 устахонадан 341 таси кўн-тери, 218 таси қосибчилик устахонаси бўлган. К.да 7 хумдон, 22 тегирмон, 22 обжувоз, 34 мактаб, 4 мадраса (Эшон Бўрихўжа Сақичмоний,

Шукурхон, Ҳофиз Кўҳакӣй, Шарифбой), 60 масжид, 14 та қадамжой-мозорлар (Лангарота, Яланғочота, Ваққосота, Қўйчӣ-мозор ва б.) бўлиб, шундан энг машхури *Шайх Зайниддинбобо қабристон*и ҳисобланган.

«Кўкча» атамаси дастлаб 14-а. охиридаги Т. дарвозалари рўйхатида келтирилганлиги тарихчи Муҳаммад Солиххўжа Тошкандийнинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида қайд этилган. «К.» номи баъзи тадқиқотчилар фикрича, «коҳча» – қальъача номидан, бошқа бир тадқиқотчилар фикрича эса «кўҳча» – тоғча, тепалик, баландлик номидан олинган. Бинкат худуди 11–12-а.ларда ғарб томонга кенгайиши натижасида ҳоз. Чорсудаги, Кўкалдош мадрасаси, Хожа Аҳрор жоме масжиди ўрнашган ер ва улар ортидаги тепалик («Кўҳча») ғарби ва шим.даги худудлар ўзлаштирилиб янги турар жой мавзелари, бўлғуси К. даҳаси вужудга келган. Буни 18–19-а.ларда бу ерга келган рус сайёҳлари ҳам қайд этишган. Мас., Хорунжий Потанин 1829–30 й.ларда Т.да бўлганида, «Шаҳар марказида хийла баланд дўнглик (кўҳча) жойлашган бўлиб, шаҳар аҳолиси у ерда тез-тез сайиллар, байрамлар ўтказиш учун тўпланадилар. Бу ердан шаҳар худуди худди кафтдек кўзга ташланиб туради», деб ёзган. «Кўкча» атамаси Ўрта Осиёнинг бир қанча жойларида учрайди. Мас., *Я.Фулломов* «Хоразм тарихи» асарида Кўкча-3 қабристонини К. тепалиги яқинида жойлашганини ёзади. Т. қалмоқларга тобе бўлган даврда (18-а. нинг 20–40-й.лари) шаҳар ўрдаси К.да бўлганлиги ҳақида манбаларда узук-юлуқ маълумотлар учрайди. Мас., савдогар Нурмуҳаммад

Алимовнинг (1735) ёзишича, «Шаҳарни идора этган ўн киши (олийнасаб хўжалар) К. дарвозаси олдидаги ўрдада яшайдилар». Одатда, қалмоқ хонлари ноиблари шу ерда қароргоҳ қуришган, уларни шаҳар м-зига қўйишмаган. К. дарвозаси шаҳарнинг шим.даги кўчманчи халқлар, элатлар б-н иқтисодий, савдо алоқаларини ривожлантиришда, уларнинг ҳужумидан мудофаа этишда катта роль ўйнаган. Мас., Бухоро хони *Абдуллахон II* кўшини 1579 й. Т.ни қамал қилганида, асосий кучларни айнан К. дарвозасига қараган. К.ликлар 42 кун мобайнида ғанимнинг шаҳарга киришига йўл қўймаган. Абдуллахон Шохрухиядан махсус қозонлар келтириб, уларни порох б-н тўлдириб, К. дарвозаси тагига қўйиб портлатгандан сўнггина шаҳарга киришга муваффақ бўлган.

1865 й.да Т.ни босиб олишда рус отлик қўшинлари К. дарвозаси орқали кирганлиги «Тарихи жадидаи Тошканд»да қайд этилган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, К. дарвозаси Шайх Зайниддинбобо қабристонидан 1800 қадам масофада жойлашган. Бу ҳоз. *Янгишаҳар маҳалласи* бошидаги гузарга тўғри келади. К.нинг ҳоз. худудида кўп қаватли турар жой, маъмурий ва жамоат бинолари, касалхоналар, энгил саноат корхоналари қурилган.

КҮКЧА АРИҒИ – Кайковус каналдан сув оладиган 13 та ариқнинг бири, каналнинг чап ирмоғи. Шайхонтоҳур ва Собир Раҳимов туманлари худудидан оқиб ўтади. Қорақамиш ариғига бориб қуйилади; уз. – 5,5 км. 20-а. бошларида Кўкча даҳасининг Жарариқ, Оқтепа, Хиёбон, Шолиқулоқ мавзе-маҳаллалари

Кўкча даҳасидаги маҳаллалар:

Айрилиш	Оқтепа (Нишабарик, Нишаб- қулоқ)	Чақар
Аллон (Оллон)		Чақар (Чигатой Чақар)
Баландкўприк	Пичоқчилик (Пичоқбозор) (Чор- су бозори маҳалласи)	Чигатой
Гузарбоши		Чуқурқишлоқ
Дамак	Подохона	Шайх Зайниддинбобо
Жарарик	Сархумдон	Янгишаҳар (Чигатой
Ишқобод	Сақичмон	Янгишаҳар)
Каллахона 1	Сағбон	Ўзгант
Каллахона 2	Тева	Ўрикзор
Каттаҳовуз	Торкўча (Толкўча)	Қатортерак
Кесакқўргон	Тўқлижаллоб	Қилбелбоғ
Кунжак	Хиёбон	Қозикўча
Кўкча	Ходабозор (Ёғочбозор) (Чорсу бозори маҳалласи)	Қозоқбозор (Чорсу бозори ма- ҳалласи) (бир қисми Себзор
Лангар		даҳасида)
Маҳкама (Чорсу бозори маҳал- ласи; бир қисми Бешёғоч, Себ- зор даҳаларида)	Хонақоҳ (Хонақоҳи бузург; бир қисми Бешёғоч даҳасида)	Қорақийиқ
Молҳарам	Хотинмасжид (бир қисми Себзор даҳасида)	Қўрғонтаги
Обиназир	Хўжакўча	Ҳожималик (Чорсу бозори ма- ҳалласи)
Оқилон (Оқлон)	Хўжапарихон	Ҳофиз Кўйкий (Ҳофиз Кўҳакий)

ҳамда «Шаҳидонтепа», «Баланд-
кўприк», «Чақар», «Обиназир»,
«Шоҳнишин» маҳаллаларидан
оққан ва шу ерларни сув б-н таъ-
минловчи асосий ариқ бўлган.

КЎКЧА ДАҲАСИ – ҳоз. Тошкент
ш. Шайхонтохур туманининг
шим.-ғарбий қисмида жойлаш-
ган даҳа. Т.нинг қад. *Кўкча* да-
ҳасининг муайян бир қисмини
ташkil этади. Асосий кўчалари:
Маннон Уйғур, Бешқайрағоч,
Кичик ҳалқа йўли, Қўрғонча,
Оқлон ва б. Даҳада машҳур меъ-
морий мажмуа – *Шайх Зайнид-
динбобо мақбараси* ва қабри-
стони жойлашган. К.д.да тўқима-
чилик, терини қайта ишлаш ва
тикувчилик ф-калари, автомо-
билларга техник хизмат кўрса-
тиш ст-яси, керамика з-ди, ша-
ҳар клиник касалхонаси, тибби-
ёт коллежи, мактаблар ва бола-
лар боғчалари, мактаб-интернат
мавжуд. Кўплаб савдо ва маи-
ший хизмат кўрсатиш шохобча-
лари, бозор аҳолига хизмат
кўрсатади. Даҳада кўп қаватли
ва якка тартибдаги турар жой-
лар қурилган.

«КЎКЧА» МАҲАЛЛАСИ (Оқсой
кўч., 13) – Шайхонтохур туман-
нидаги маҳалла. «Янгишаҳар»,
«Жарарик», «Исломобод», «Шо-
файзи» маҳаллалари б-н чегара-
дош. Т.нинг қад. маҳаллалари-
дан (тарихи ва номи ҳақида қ.
*Кўкча, Шайх Зайниддинбобо
мақбараси*). Янги маҳалла 1950-
й.ларда ташkil топган. Аҳоли-
си 8 минг киши, асосан, ўзбек-
лар, шунингдек, бошқа миллат
вакиллари ҳам яшайди (2009).
Маҳалла ҳудудида 2 ўрта мак-
таб, 2 болалар боғчаси, 2 чой-
хона, «Кўкча кошонаси» тўй ва
маросимлар уйи, Шайх Зайнид-
динбобо қабристони ва жоме
масжиди, бир қанча озиқ-овқат
дўконлари, новвойхоналар, ти-
кувчилик ф-каси ва б. мавжуд.
Маҳаллада элга таниқли шахс-
лар яшаб ўтган. Шоир *Хислат*
шулар жумласидандир.

**«КЎКЧА ОҚТЕПА» МАҲАЛЛА-
СИ** (Наби Фаниев кўч., 12) – Уч-
тепа туманидаги маҳалла. Жур-
жоний, Абдулла Қодирий, «Пах-
такор» маҳаллалари б-н чегара-
дош. 1937 й. ташkil топган,


дастлаб «Якка хўжалик», 2-жа-
ҳон урушидан сўнг «Оқтепа ма-
ҳалла» номи берилган. 2005
й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 11
минг киши (2009). Миллий тар-
киби, асосан, ўзбеклар, шунинг-
дек, 10 га яқин турли миллат
вакиллари яшайди. Маҳалла
ҳудудида боғча, 2 мини-маркет,
2 озиқ-овқат дўкони, 2 дорихо-
на, новвойхона, чинни буюмлар
бозори, пойабзал устахонаси,
стоматология, алоқа бўлими, ку-
тубхона, «Кўкча Оқтепа» жоме
масжиди, Жаҳон тиллари ун-ти-
нинг касб-ҳунар коллежи,
АЁҚШ, ўрта мактаб, милиция
таянч пункти, 2512-автоколонна
ва б. мавжуд.

КЎКЧА ОҚТЕПАСИ – археоло-
гик ёдгорлик (6–11-а.лар). Т.нинг
жан.-ғарбий қисмида, Кўкча
ариғи бўйида жойлашган. 1927
й. Н.Г. *Маллицкий* томонидан
қайд этилган. 1968 й. *Тошкент
археология экспедицияси* тек-
ширган. Қўрғоннинг бал. 5 м га
яқин бўлган. Тепаликнинг дўнг
қисми остидан хом ғишт ва пах-
садан барпо қилинган иморат

қолдиқлари (6–8-а.), манзилгоҳдан шу даврга оид турли сопол идишлар, сопол остодон топилган. К.О.да ҳаёт 10–11-а.ларгача давом этган.

КЎЛБУЛОҚ МАКОНИ – илк палеолит даврига оид ёдгорлик. Тошкент вилояти ҳудудида Чатқол тоғ тизмаси ёнбағрида, Оҳангарон дарёсининг ўнг қирғоғида, «Геолог» шаҳарчасидан 2 км шим.-ғарбда жойлашган. К.м. Қизилолмасойнинг Жарсой ўзани соҳилидаги Кўлбулоқ яқинида (1962) топилган. М.Р.Қосимов (1963–83) кенг тадқиқот ишлари олиб борган. 600 кв. метрдан зиёд майдон очиб ўрганилди ва 49 та маданий қатлам аниқланди. Бу қатламлардан 3 таси сўнгги палеолит, 21 таси ўрта ва 23 таси илк палеолит даврига хос деб топилди. Илк палеолит қатламларидан 3000 дан зиёд тош қуроллар, ҳайвон суяк қолдиқлари топилди. Ёдгорликнинг ўрта палеолит даврига оид қатламларидан қирғичлар, пайконлар, ретушли пластиналар, тош бигизлар, шунингдек қуён ва суғур суяклари топилган. К.м. одамлари бу даврда архар,

Кўлбулоқ макони. Тош қуроллар.



Кўнка
(тарихий
сурат).



ит, жайрон, суғур, қуён, чўчқа, от, тур, тоғ эчкини ов қилган. Шунингдек, бўри, сиртлон, тулки, шоқол, кўршапалак, каклик суяклари аниқланди. К.м. одамлари овчилик б-н бир қаторда ёввойи ўсимликлар, бошоқлар, мевалар, ёнғоқлар, илдизларни ҳам териб ейишган. Буни К.м.дан топилган тош ёрғучоқлар исботлайди. К.м. одамлари таом тайёрлашда оловдан кенг фойдаланишган. Мустъе давридаги неандерталлар теридан кийимлар тайёрлаб кийган. Тош қуролларга берилган ишлов техникасига кўра, Кўлбулоқ тош «индустрияси» ўзига хос сифатларга эга бўлиб, олимлар томонидан Кўлбулоқ макон-устахонаси мақомини олган.

КЎНКА, конка – отлар б-н ҳаракатлантирилган бир вагонли, тор изли шаҳар транспорти. Т.да 20-а. бошларида пайдо бўлган. Тошкент К.сининг дастлабки лойиҳасини 1882 й. муҳандис Эдуард Дени таклиф этган. К. қурилиши 1896 й. Бельгия жамияти «Тошкент трамвайи» томонидан бошланган. К.нинг т.й. вокзалидан Эски шаҳар бозоригача бўлган биринчи йўли 1901 й., Романов кўчаси (ҳоз. Буюк Турон кўч.)дан Лагерь просп.даги Сергиев черкови (ҳоз. Ҳамид Олимжон майд.) гача бўлган иккинчи йўли 1903 й. қурилган. К. линияларининг ум. узунлиги 9,5 км, вагонлари сони 30 та, отлари 230 та бўлган. 1913 й.дан Т.да К. ўрнига *трамвай* қатнай бошлаган.

КЎПРИКЛАР – Тошкентда К. қуриш қадимдан бошланган. Соилар, ариқлар, жарликлар соҳилларини туташтирган К. шаҳар ҳаётига жон бағишлаган. Шаҳардан ўтадиган Жанггоҳ, Шибли, Салор, Анҳор сувларидаги К. аҳолига қулайлик туғдирган. Асосий қурилиш материаллари ёғоч ва тош бўлган, шунинг учун К. узоқ вақтга чидамаган. 20-а. аввалларигача қурилган К.нинг кўпчилиги сақланмаган. К.ни пишиқ-пухта қуриш 1865 й.дан бошланган. Биринчи кўприк Шайхонтоҳур кўч. (ҳоз. Навоий кўч.)да Анҳор устига ёғочдан ишланган Ўрда кўприги (1865) бўлиб, Т.нинг эски шаҳар қисмини янги шаҳар қисми б-н боғлаган. Кўприк бир неча марта таъмирланган. 1913 й. гишдан қайта ишланган ва у ҳозиргача хизмат қилмоқда. 1866 й. Мария кўч. (ҳоз. Туркистон кўч.) б-н Қўйлиқ проспекти (ҳоз. Фарғона йўли) кесишган жойда Салор канали устига Первушин кўприги қурилган. Ўтган асрнинг 50-й.лари охирида бузиб ташланган (кўприк ўрнига темир-бетон қувурлар ётқизилган, Салор суви шу қувурлардан оқади). Чирчиқ дарёсига қурилган кўприк 7 й. давомида бунёд этилган ва 1872 й. битказилган. Қўйлиқдан то Тўйтепа йўли бошигача давом этган бу кўприк



Аҳмад Дониш кўчаси бўйлаб ўтган кўприк йўл.

уз. 1800 қадам, кенглиги 2 арава ўтадиган даражада бўлган.

Автомобиль ва пиёдалар учун мўлжалланган К. ҳам қурилган. 1935 й. ҳар хил баландликда кесишган кўприк-йўллар фойдаланишга топшири-

ла бошлади. Биринчи автомобиль кўприк-йўли Фарғона йўли кўч.да (1935), кейин Паркент кўч.да (1940) т.й. б-н кесишган жойда қурилган.

Автомобиль транспортининг тез ривожланиши муносабати

«Шаҳидлар хотираси» мажмуасида Бўзсув канали устига қурилган кўприк.



б-н ўтган асрнинг 40-й.ларидан бошлаб К. қурилиши жадаллашди. 50-й.лардан кўприксозликда тайёр йиғма темир-бетон қурилмаларидан фойдаланила бошланди. Ана шу усул б-н Абдулла Қодирий кўч.да Анҳор канали устида уз. 217 м, кенглиги 30 м бўлган кўприк (1974), Фарҳод кўч.да Қуйи Бўзсув канали устида уз. 141,5 м, кенглиги 33 м бўлган кўприк (1974), Бобур кўч.да уз. 900 м, кенглиги 17 м бўлган кўприк-йўл (1967), Фарғона йўлидаги Ҳамза т.й. станциясида уз. 586 м, кенглиги 33 м бўлган кўприк-йўл (1979), Аҳмад Дониш кўч.да т.й. устида уз. 80 м, кенглиги 30 м бўлган кўприк-йўл (1980) бунёд этилди. 1982–98 й.ларда Ҳадра майдони, Фурқат ва Зарқайнар кўч. бўйлаб ер ости йўллари қурилиб, ишга туширилди (туннеллар уз. 390 ва 130 м, кенглиги 15 ва 13 м). Кейинги пайтларда К. қурилишида мустақамлиги юқори бўлган пўлат, енгил қотишмалар ва бетонлар, парчин михли бирикмалар ўрнида пайванд бирикмалар, туташ темир-бетон кўприк қуришда қисмларга ажратиладиган опалубкалар ва монтаж агрегатлар ишлатила бошланди. Т.да метрополитен қурилиши муносабати б-н кўприк-эстакадалар ҳам пайдо бўлди, улардан биринчиси Бунёдкор шоҳкўч.даги Оқтепа канали устидан ўтказилди (1979; уз. 348 м, кенглиги 38).

Мустақиллик йилларида Тошкентни ободонлаштириш бош режаси асосида йўл-кўприк хўжалигидаги иш суръати ва ҳажми беқиёс даражада ўсди. Ҳар бир кўприкнинг ўзига хос белгиларга, муҳандислик ва меъморий ечимга эга бўлишига эътибор қаратилди. Натижада К. шаҳарнинг бадиий қиёфаси

2000–2008 й.ларда Тошкентда фойдаланишга топширилган йирик йўл иншоотлари

Қурилган жойи	Қурилган йили	Узунлиги (м)	Кенглиги (м)	Қурилиш ташкилоти
Транспорт туннели				
Маннон Уйғур кўч. ва Кичик ҳалқа йўли кесишмаси	2003	75	29	Метро қурилиши трести
Кўприк-йўллар				
Кичик ҳалқа йўли, Мискин, Уста Ширин кўчалари ва Аҳмад Дониш кўчаси кесишмаси	2000	660	28	Метро қурилиши трести
Гавҳар кўчаси ва Бунёдкор шоҳкўчаси кесишмаси	2000	247	19	«Кўприкқурилиш» трести, «Ўзавтойўл»
«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида	2000	36,6	3	«Кўприкқурилиш» трести
Буюк ипак йўли ва Кичик ҳалқа йўли кесишмаси	2001	77	35	«Кўприкқурилиш» трести
Кичик ҳалқа йўли ва Паркент кўчаси кесишмаси	2001	45	34	«Кўприкқурилиш» трести
Кичик ҳалқа йўли ва Тараққиёт кўчаси кесишмаси	2001	56	30	«Кўприкқурилиш» трести
Кичик ҳалқа йўли ва Усмон Носир кўчаси кесишмаси (Жан. вокзалда)	2002	90	30,4	«Кўприкқурилиш» трести
Кичик ҳалқа йўл ва Амир Темур шоҳкўчаси кесишмаси	2004	505	26,2	«Кўприкқурилиш» трести
Зарқайнар кўчасида («Чорсу» бозори олдида)	2005	36,2	25,25	Метро қурилиши трести
Янги Сергели кўчаси устида (Катта ҳалқа йўлида)	2005	«Ўзавтойўл»
Чоштепада (Катта ҳалқа йўлида) т.й. устидан	2006	«Ўзавтойўл»
Бунёдкор шоҳкўчаси ва Фарҳод кўчаси, Кичик ҳалқа йўли кесишмаси	2006	214,5	26,5	«Ўзавтойўл»
Кичик ҳалқа йўли ва Зиёлилар кўчаси кесишмаси	2007	45	22	«Кўприкқурилиш» трести
Ер ости йўловчилар йўли				
Кичик ҳалқа йўлида	2002	40	4	Шаҳар йўл қурилиши трести
Кичик ҳалқа йўлида	2002	37	4	Шаҳар йўл қурилиши трести
Абдулла Қодирий кўчасида (Олой бозори яқинида)	2008	48	2x4,40	159-қурилиш трести
Автомобиль йўли кўприклари				
Ҳамза тумани Ички ишлар бўлими яқинида (Қорасув устидан)	2001	12	6	«Кўприкқурилиш» трести
Кичик ҳалқа йўлида (Бўзсув устидан)	2006	67	41	«Кўприкқурилиш» трести
Бобур кўчасида т.й. устидан аэропортга (реконструкция қилинди)	2008	900	25,3	«Кўприкқурилиш» трести
Йўловчилар учун кўприк				
«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида (Бўзсув устида)	2000	99,5	5,5	«Кўприкқурилиш» трести

шаклланишида муҳим аҳамият касб этди. «Кўприкқурилиш» трестининг ўзи 1991–2008 й.лар орасида 7 автойўл кўприги, транспорт остин-устун ўтадиган 14 йўл, 14 йўл ўтказгич, 6 т.й. ўтказгичи ва кўприги ҳамда б. мураккаб иншоотлар қурди. Айни вақтда шаҳар Марказий йўллар ва сунъий иншоотларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси балансида 7 транспорт туннели, 95 автомобиль йўли кўприги, 29 кўприк-йўл, 48 пиёдалар юрадиган кўприк, 35 ерости пиёдалар ўтиш йўли мавжуд (2008).

Шаҳарнинг асосий транспорт магистралларидаги К.дан ташқари бир қанча кичик К. ҳам бор. Улар йўловчилар ёки ҳар хил қувурлар ўтказишга мўлжаллаб бунёд этилган.

«Кўтарма» МАҲАЛЛАСИ (10-мавзе, 17^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Навбахор» ва «Қатортол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1964 й. ташкил топган. Бу ҳудуддаги жамоа хўжалиги баландликда жойлашгани учун «Кўтарма» деб аталган, кейинчалик жамоа хўжалиги тарқатилиб, ўрнига кўп қаватли уйлар қурилган. Маҳалла номи «Кўтарма» жамоа хўжалиги номига нисбатан олинган. Аҳолиси 4729 киши (2008). Маҳалла ҳудудида

2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, бокс мактаби, шунингдек, бир неча корхона, ташкилотлар, савдо шохобчалари, ошхона, ресторан, маиший хизмат кўрсатиш, хусусий даволаниш масканлари мавжуд.

КўЧМАС МУЛК БИРЖАСИ, Республика кўчмас мулк биржаси (Ўрозбоев кўч., 1^а-уй) – кўчмас мулк савдоси б-н шуғулланадиган ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 29 апр.даги қарори б-н ташкил этилган. Асосий вазифаси – ҳукумат қарорларига асосан хусусийлаштириш дастурига киритилган давлат мулкларини ҳамда хусусий секторга қарашли мулкларнинг марказлашган электрон биржа, аукцион (киммошди) ва танлов савдоларини ташкил этиш, замонавий кўчмас мулк бозорини яратиш орқали мулкдорлар сифини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларига кўмаклашиш. Қорақалпоғистон Республикаси ва 12 вилоятда, Тошкент ш.да (Бухоро кўч., 10) филиаллари бор. Тошкент ш. филиали 1994 й. апр. ойида ташкил этилган, шаҳар ҳудудида биржанинг барча вазифаларини амалга оширади, аҳоли турар жой бинолари, ер майдонлари, меҳмонхона, рес-

торан, и.ч. корхоналари, тугалланмаган қурилишлар, банкротликка учраган корхоналар ва б.ни киммошди, танлов савдолари орқали сотади. Шаҳар иқтисодий-тени янада ривожлантириш мақсадларида хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишда фаол иштирок этади. 2007 й.да Тошкент ш. филиалида 495 та кўчмас ва б. мулклар бўйича 25,9 млрд. сўмлик битимлар қайд этилди, натижада 400 дан ортиқ тадбиркорлик субъекти мулк эгаларига айланди. Тошкент филиалида чет эл фирмалари ва компаниялари ҳамда уларнинг ваколатхоналари, хорижлик сармоядорлар б-н алоқалар йўлга қўйилган.

КўҲАКИЙ (КўЙКИЙ) – қ. *Ҳофиз КўҲакий.*

«КўҲНА ЧўПОНОТА» МАҲАЛЛАСИ (В-13 мавзе, 24) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Боғистон» ва «Боғобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1988 й. ташкил топган. Дастлаб «Дўстлик» маҳалласи деб аталган, 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 11500 киши, кўп миллатли, 30 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 20 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, болалар боғчаси, мактаб, спорт мажмуаси, «Чўпонота» масжиди ва қабристони жойлашган.

ЛАБЗАК АРИФИ, Жангоб – Бўзсув каналининг ўнг тармоқларидан бири, шаҳар ҳудудида шарқдан ғарб йўналишида оқади, суви Қуйи Бўзсув ариғига қўшилади. Уз. тахминан 4 км.

«Лабзак» номи «лаби зах» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «захкаш ер» маъносини англатади. Манбаларда шу номли ариқ 19-а.дан бошлаб учрайди. Халқ орасида «Жангоб» деган номи ҳам машҳур, бу ном қадимийроқдир. Бу ариқ 18-а.да шаҳар марказидан оқиб ўтган (яна қ. *Жанггоҳ*).

20-а. бошларида Л.а. Шайхонтохур даҳасининг Турк, Лабзак мавзе-маҳаллалари, Мараим халфа, «Раискўча», «Орқакўча» маҳаллалари, марказий бозордаги «Қошиқчилик» маҳалласи, Себзор даҳасининг «Дарвозакент» мавзе-маҳалласи, «Занжирлик», «Ғиштмасжид», «Қозикўча», «Тинчоб», «Кичик Жанггоҳ», марказий бозорда жойлашган «Поякилик», «Ҳожикўча-2», «Ҳожикўча-3» маҳаллалари, Кўкча даҳасининг «Ишқобод», «Маҳкама», «Ҳодабозор», Бешёғоч даҳасининг «Сарчопон», «Эски Намозгоҳ», марказий бозордаги «Ҳовузбоғ-1», «Гулбозор», «Чорсу» маҳаллаларидан оқиб ўтган. Шаҳарнинг кўп аҳолили жойларини сув б-н таъминлаган бу ариқ Себзор ва Шайхонтохур, Кўкча ва Бешёғоч даҳалари ўртасида чегара ҳам саналган.

ЛАБЗАК ДАҲАСИ – Шайхонтохур туманининг м-зий қисмида, Абдулла Қодирий, Абай, Зулфияхоним ва Шайхонтохур кўч. оралиғида жойлашган. Даҳа 1966 й. Тошкент зилзilasидан сўнг Тошкент ш.ни реконструкция ва обод қилиш давлат лойиҳалаш ин-ти лойиҳалари асосида якка тартибдаги эски, бузилган уй-жойлар, кичик тор кўчалар ўрнига қурилган. Даҳада 6 та 9 қаватли, 1 та 5 қаватли, 12 та 4 қаватли турар жойлар, 2 та мактаб, 4 та боғча, меҳмонхона, коллеж, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуалари, ресторан ва кафелар бор.

«ЛАБЗАК» МАҲАЛЛАСИ (Баҳор кўч., 4) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Коҳота» ва «Тахтапул» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ўтмишда «Сирли масжид», шўролар даврида «Баҳор» номи б-н аталган,

кейинчалик «Известия» маҳалласи б-н «Баҳор» бирлашиб, ҳоз. «Лабзак» маҳалласи ташкил қилинди. Маҳалла ҳудуди *Лабзак ариғи* бўйида жойлашганлиги сабабли «Лабзак» – «захкаш сув бўйи» деб номланган. Маҳалла ҳудудида шаҳарнинг Лабзак дарвозаси бўлган. Аҳолиси 6,5 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ турли миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 21 та кўп қаватли уй, 2 касб-хунар коллежи, ўрта мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар, кафелар, новвойхоналар мавжуд. Маҳаллада акад. Комилжон Зуфаров, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳамид Олимжон, Зулфия, Мирмуҳсин ва б. яшаган.

ЛАЙЛАКҚҮНДИ МАСЖИДИ, Охунгузар-1 масжиди (Зарқайнар кўч. боши) – Тошкент-

Лайлакқўнди масжиди.



нинг Эски шаҳар мавзеидаги меъморий ёдгорлик (1775). Бозорга яқин бўлганлиги учун нафақат масжид, балки карвонсарой вазифасини ҳам ўтаган. Масжид пойдевори пишиқ гиштдан 1,5–1,75 м қалинликда тикланган. Деворларининг қалинлиги 1 м ни, ташқи деворлар бал. 5,8 м ни ташкил қилади. Таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида ўтказилган археологик қазишмалар натижасида 17–19-а.ларга оид сопол буюмлар – нақшинкор коса, лаган парчалари, уз. 36,5 см, ички диаметри ўлчамлари 12,5 ва 15 см бўлган сув ўтказиш қувири топилди. Шўролар даврида Л.м.дан жамғарма касса ва омборхона сифатида фойдаланилган. Олд томонини тўсиб туриш мақсадида хўжалик моллари дўкони қурилган. 2005 й. июнь–сент. ойларида масжид биноси қайта тикланган. Унинг ёнига 8 устунли ўймакор ёғоч айвон қурилди, атрофи ободонлаштирилди.

ЛАЙЛИТЎГОН КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур тумани ҳудудида. Беруний ва Асадулла Хўжаев кўчалари оралигида. Уз. 1 км атрофида. Маннон Уйғур кўчаси б-н туташган. 1990 й.нинг 2-ярмида ташкил топган. 2005 й. 28 апр.да Лайлитўгон номи

берилган. Қадимда шу жойдан ўтадиган Жангоҳ ариғига қурилган тўгон номидан олинган. Йўналишида «Гулбод» мавзесига қарашли кўп қаватли турар жой бинолари, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, бекат ва тунукасозлар устахоналари бор. Жамоат транспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилган.

«ЛАТИФГУЗАР» МАҲАЛЛАСИ (Шараф кўч., 87) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Давлатобод», «Бешқайрағоч», «Тақачи» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан зарар кўрган аҳолини уй-жой б-н таъминлаш мақсадида ташкил этилган. 2002 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3013 киши, асосан, ўзбеклар (2008).

ЛАШКАР ҚУШБЕГИ, Фуломшоҳ (?–1842) – Тошкент ҳокими (1810–40); Читрол вилоятдан чиққан эроний қуллардан. Қўқон хонлиги даврида юқори лавозимларни эгаллаган. 1809 й.да Олимхон Т.ни босиб олгач, Л.қ.ни девонбеги лавозимида шаҳар ҳокими этиб тайинлаган. 1810 й. Олимхон ўлдирилгач, тахтга ўтирган Умархонни Т. зодагонлари совғалар б-н дабдабали кутиб олишган. Лашкар девонбеги ва унинг ўғиллари хон томонидан алоҳида тақдирланган. Хон унга қушбеги (ҳарбий қўшин бошлиғи) мансабини берган. 1816

й. Туркистон ш.нинг Умархон томонидан эгалланишида Л.қ. роль ўйнаган. Л.қ. ўз қўшини б-н 1818 й.да Умархоннинг Ўратепа ва Жиззахга (1819) қилган юришида қатнашган. 1830 й. сент.да Л.қ. 15 минг қўшини б-н Муҳаммад Алихоннинг Қашқарга қилган юришида иштирок этган. Қўқон қўшини Шарқий Туркистондаги Янги Ҳисор, Ёркенд, Хўтан ш.ларини эгаллаб, Оқсув ва Учтурфонга қадар етганлар, кўп қийинчиликлардан сўнг Қашқар вилоятидаги Гулбоғни қамал қилишган. 3 ой давом этган қамалдан сўнг, кўп сонли Хитой қўшини яқинлашаётганидан хабар топган қўқонликлар 70 минг қашқарликни ўзлари б-н олиб қайтганлар. Л.қ. уларнинг бир қисмини Т.га келтириб жойлаштирган (шаҳарнинг Қашқар маҳалласи номи шундан). 1835 й. Л.қ.га бекларбеги унвони берилган.

Л.қ. даврида Т.да кенг кўламда ободончилик, қурилиш ишлари амалга оширилган (Бекларбеги мадрасаси, Қўқон ўрдаси, Л.қ. саройи ва б. қурилган). Янги маҳаллалар (Қашқар маҳалласи, Қушбеги, Девонбеги ва б.) вужудга келган. Т.нинг шарқий қисми (Қўйлиқ дарвозасидан Тахтапул дарвозасигача бўлган ерлар) шаҳарга қўшиб олинган ва бу жой Янги шаҳар номини олган (Муҳаммад Солиҳхўжа). Шаҳар мудофаа деворлари таъмирланиб, янги дарвозалар (Қашқар, Қўқон, Қўймас) ўрнатилган, шаҳар ҳудуди кенгайтирилган. Л.қ. Анҳор каналининг чап соҳили (тахм. ҳоз. «Анҳор» кафеси ўрни ва унинг ён атрофи)да янги ўрда қурдирган.

«ЛАШКАРБЕГИ» МАҲАЛЛАСИ (Ҳамид Олимжон майд., 12^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Хоразм», Ҳамид



Лайлитўгон кўчасидаги тунукасозлар устахонаси.

Олимжон, «Салор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1983 й. ташкил топган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Бу ном аслида Қўқон хонлиги даврида Т. ноиб (ҳокими) бўлган *Лашкар қушбеги* исмининг бузилган шакли ҳисобланади. Аҳолиси 4200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 5 та ресторан, 4 та кафе, 10 дан ортиқ фирма ва қўшма корхоналар, хорижий тилларни ўрганиш м-зи, Есенин уй-музейи, болалар боғчаси мавжуд. Маҳалла ҳудудида катта турар жой м-зи барпо этилмоқда.

ЛИКОШИН Нил Сергеевич (1860–1922) – шарқшунос; асли ҳарбий, Туркистон ўлкаси мустамлака маъмурияти тизимида бир қанча масъул лавозимларда ишлаган. 1917 й. янв.да истеъфога чиққан. 1918–20-й.ларда Т.даги Туркистон халқ ун-тида туркий тиллар ва этнографиядан дарс берган, Т.даги меҳнат мактабларида ўзбек тилидан машғулотлар олиб борган, мактаблар учун рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган ўқув дарсликларини таҳрир қилган. Илмий ўлкашуносликка оид 800 га яқин мақола ва рисоалар, шунингдек, Т. ҳақида муҳим этнографик маълумотларга эга бўлган «Ярим умр Туркистонда» («Пол жизни в Туркестане») китоби, Т. ҳақидаги бир неча мақолалар муаллифи. Шарқ олимларининг кўпгина асарларини русчага таржима қилган. Т. ва унинг атрофларида археол. кузатишлар олиб борган.

ЛОК-БЎЁҚ ЗАВОДИ, «Тошкент лок-бўёқ заводи» ОАЖ (Содиқов кўч., 9) – қўшма корхона. Лок, алиф мойи, эмаль бўёқлар ишлаб чиқаради. 1946 й. Урта Осиё ер ости бойликла-

ри артелининг и.ч. негизида барпо этилган. 1947 й. биринчи маҳсулот – 318 т қуюқ қорилган бўёқ ишлаб чиқарилди. 1950–70 й.ларда янги цехлар ташкил қилиниб, кенгая борди. 1984 й. реконструкция қилинди. Олов б-н иситиладиган реакторли локлар цехи ўрнига индукцион иситишга эга импорт асбоб-ускуналарда локлар и.ч. бўйича мажмуа ишга туширилди. Индукцион иситишга эга реакторнинг биринчи тажриба-саноат намунаси шу корхонада ўрнатилган ва синовдан ўтказилган. Реакторлар ишини бошқариш ва технологик параметрларни назорат қилиш м-зий пультдан энг замонавий асбоб-ускуналардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Реконструкциялаш давомида 3 литрли «Блема» банкаларини и.ч. бўйича автоматик линия ишга тушди.

2002 й.дан ОАЖ шаклидаги қўшма корхонага айлантирилди. Ҳоз. вақтда Л.-б.з. 20 турдан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Улар орасида ПФ-115, ПФ-117, ПФ-191 эмаллари айниса харидоргир. 3-дда ISO халқаро стандартлар тизими жорий этилган. 2005 й. сув-дисперсион бўёқларни и.ч. бўйича янги линия ишга туширилди. Тез ҳаракатланувчи аралаштиргич – диспергаторларда эмаллар и.ч. учун замонавий асбоб-ускуна харид қилинди. Янги омборхоналар қурилиши, фаолият юритаётган цехларни реконструкциялаш ишлари амалга оширилмоқда.

«ЛОКОМОТИВ» (Қизиларвот кўч., 28^а-уй) – «Локомотив» марказий жисмоний тарбия ва спорт клубининг спорт мажмуаси. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тасарруфида. 1980 й.да

қурилган. Умумий майд. 16 минг 500 м². Таркибида 200 ўринли трибуна, футбол майд., 5 та теннис корти, 2 та спорт машқлари зали, бокс, кураш, шейпинг заллари, шахмат-шашка синфи, югуриш йўлкаси, спорт ўйинлари зали бор. Мажмуада футбол, мини-футбол, бокс, теннис, стол тенниси, юнон-рум кураши, баскетбол, волейбол, кикбоксинг, спорт гимнастикаси, шейпинг, спорт машқлари гуруҳлари мавжуд. Футбол, мини-футбол, бокс, теннис, стол тенниси, юнон-рум кураши ва кўпкураш бўйича темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари, уларнинг оила аъзолари ўртасида ҳамда «Отам, онам ва мен – спортчи оила» спорт мусобақалари ўтказилади. Мажмуада «Локомотив» марказий жисмоний тарбия ва спорт клубига қарашли Респ. олимпия захиралари ўсмирлар бокс мактаби фаолият кўрсатади (600 дан ортиқ ўсмир). Мажмуада юнон-рум кураши б-н 160, кикбоксинг б-н 100 га яқин, теннис б-н 40 киши шуғулланади. Шунингдек, 14 соғломлаштириш ва спорт машқлари гуруҳларида кунига 100 га яқин темирйўлчи спорт машқларини бажаради. Мажмуада соғлиқни тиклаш м-зи (сауна) ва автомобиль тўхташ жойлари мавжуд.

ЛОМБАРД, гаровхона – фуқароларга шахсий истеъмол учун мўлжалланган кўчар мол-мулкни гарови ҳисобига қисқа (уч ойдан кам бўлмаган) муддатли кредитлар беришга ихтисослашган муассаса. Л. кредитлар бериш, фуқаролардан қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун қабул қилиш ва б. билан шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган лицензия асосида фаолият юритади. «Л.» атамаси судхўрлари

шундай фаолият б-н шуғулланадиган Италиянинг Ломбардия вилояти номидан келиб чиққан. Биринчи марта Францияда пайдо бўлган (15-а.). Тошкент ш.да 1966–90-й.ларда Л.лар бирлашмаси таркибида 3 та Л. ишлади. Ҳоз. бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда ҳам кўпгина Л.лар очилди (31), шундан 28 таси Тошкент ш.да жойлашган.

ЛОЧИН КЎЧАСИ – Учтепа туманининг «Нишабарик» ва «Шофайзибоғ» маҳаллалари худудида. Кичик ҳалқа йўли ва Ибрат кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 2,2 км. Т. зилзиласидан сўнг ташкил топган. Янги ташкил этилган кўчага 1966 й. 27 дек.да Лочин, 1980 й. 10 янв.да А.Тожиев номи берилган. 2007 й. 2 авг.дан кўчанинг дастлабки номи тикланган. Йўналишида Хондамир, Дурбек, Дилкаш, Дадил, О.Жалилов ва Асқад Мухтор кўчалари б-н кесишган. Таркибида 6 та тор кўча бор. Йўналишида, асосан, шахсий турар жой бинолари, боғча, савдо шохобчалари, маҳалла гузари жойлашган.

«ЛУКОЙЛ–ЎЗБЕКИСТАН ОПЕРАЙТИНГ КОМПАНИ» (Ботир Зокиров кўч.) – Россиядаги «Лукойл» нефть компаниясининг Ўзбекистонда газ конларини қидириш, газ қазиб олиш, уни қайта ишлаш ва нефть қазиб олиш б-н шуғулланадиган ОАЖ. 2004 й. июнь ойида ташкил этилган. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни тақсимлаш шартномаси (МТШ)га мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш бўйича фаолият кўрсатади. 2004 й. 16 июнда Ўзбекистон б-н имзоланган МТШга кўра Бухоро-Хива районида табиий газ қазиб олиш ва Устюрт (Қорақалпоғистон)да кон-қидирув ишларини олиб бориш назарда тутилган. Шунинг-

дек, компания республиканинг бошқа худудларида ҳам газ ва нефть конларини очиш ва ишга тушириш лойиҳаларини амалга оширади.

2007 й. 30 сент.да Орол денгизининг Ўзбекистон қисмида углеводород конларини қидириш ва ишга тушириш мақсадларида «Орол» лойиҳаси бўйича МТШ имзоланди. Шартнома қатнашчилари – Ўзбекистон Республикаси ҳамда «Лукойл Оверсиз Узбекистан Лтд», «Ўзнефтгаз», Petronas Carigali (Малайзия), KNOС (Корея Республикаси), CWP (Хитой) компаниялари.

2007 й. 8 ноябрда Қандим конлари гуруҳи (Хаузак – Шоди – Қандим – Қўнғирот)да олиб борилган ишлар натижасида Хаузак газ конидан биринчи саноатгази олинди ва 29 ноябрда кон ишга туширилди.

Амалдаги лойиҳалар доирасида «Лукойл» компанияси Ўзбекистон иқтисодиётига 500 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритди (2008). Шартнома шартларига кўра лойиҳаларни амалга ошириш даврида «Лукойл»нинг 5,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритиши мўлжалланган. Табиий газ қазиб олишнинг максимал йиллик миқдори 11 млрд. м³ га етказилади (олинган газ Россиянинг «Газпром» магистрalli тармоқлари орқали четга сотилади), 160 дан ортиқ газ қудуқлари қурилади, 2011 й.да йиллик қуввати 8 млрд. м³ бўлган Қандим газни қайта ишлаш корхонаси ишга туширилади, 40 км дан узунроқ бўлган алоҳида темир йўл шохобчаси, автомобиль йўллари ва б. қурилади.

Компания тиббий, болалар ва ўқув муассасаларига, спорт клублари, минтақавий жамғармалар, музейлар, ижодий жамоаларга

мунтазам моддий ёрдам кўрсатиб келади. Компания, шунингдек, Россия–Ўзбекистон маданий ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

ЛУТФИЙ (1366–1465), Мавлоно Лутфий – ўзбек шоири, ориф ва мутафаккир. Ўз замонининг «малик ул-каломи». Яқин вақтларгача Л.нинг таваллуд топган ва вафот этган жойи Ҳиротнинг Деҳқанор мавзеи деб кўрсатиб келинган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг Мирзо Улуғбекка бағишлаб ёзилган «Фунун ул-балоға» асари топилгач, ундаги «маъдан ул-латойиф Лутфийи Шоший» жумлаларига асосланиб, Л.нинг она ватани Тошкент бўлган, деган фикр ҳам илгари сурилди.

Л.нинг ҳаёт йўли сингари, ижодий тақдири ҳам жуда ибратли: у 99 йил яшаган. Умрининг асосий қисми ўқиш, ўрганиш ва бадий ижод меҳнати б-н ўтган. Навоийнинг «Мажолис ун-нафос» тазкирасида маълумот берилишича, Л. умрининг охирларида «офтоб» радифли шеър ёзган, ўша замоннинг кўп шоирлари унга татаббуъ қилганлар.

Л. зоҳирий-дунёвий, диний-тасаввуфий илмларни чуқур эгаллаган. Навоий сўзи б-н айтганда, у «форсий ва туркийда назари йўқ» шоир бўлган. Л. гарчи ўз она тили – туркий тилда яратилган шеърлари б-н машҳурликка етишган бўлса-да, форсийда ҳам ўзининг шоирлик иқтидори ва маҳоратига кўпчилликни иқрор эта олган. Л. шеърят б-н тариқатни, мажоз б-н ҳақиқатни уйғунлаштирган. Аммо у сўнгги нафасигача шоирлик бурчи ва илҳомига содиқ қолиб, ўзбек шеърятини хазинасини бир-биридан қимматли назм дурдоналари б-н бойитди. Шу б-н бир қаторда, шоирлик

нечоғлик «маъруф ва машхур» бўлмасин, «дарвешлик тариқини дағи илиқдан» (Навоий) чиқармаган эди. Худди шу нарса унинг нафақат ўз замондошлари ва ижод аҳли орасида, балки давр ҳукмдорлари олдида ҳам юқори мавқега кўтарилишига асос бўлган.

Л.нинг шеърляти – хилма-хил шакллардан таркиб топган мазмундор, рангин шеърлят. Бизгача шоирнинг 16–20-а.лар мобайнида кўчирилган туркий девонининг 33 қўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, улар Тошкент, Душанбе, Истанбул, Техрон, Лондон, Париж, Санкт-Петербург кутубхоналари ва қўлёзма фондларида сақланади.

ЛУТФИЙ КЎЧАСИ – Чилонзор ва Учтепа туманларини туташтириб турувчи марказий кўчалардан бири. Оқтепа майд. ва Катта Қаъни кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 5 км. Т. зилзиласидан сўнг ташкил топган. 1990 й.

28 июндан *Лутфий* номи б-н юритилади. Таркибида 5 та тор кўча мавжуд. Йўналишида Чилонзор 7–9, 9^а, 12, 13, 23–26 турар жой мавзелари, «Микрокредитбанк», «Рассом» ком-ти, 2-Тошкент юридик касб-хунар коллежи, Кимё-технология ин-ти акад. лицейи, «Фарход» деҳқон бозори, «Ватан» кинотеатри, шаҳар ва туман миқёсидаги корхона ва ташкилотлар, фирмалар, қўшма корхона офислари, умумий овқатланиш, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Барча турдаги жамоат транспорт воситалари, шу жумладан трамвай ҳаракати йўлга қўйилган. Йўналишида Кичик ҳалқа йўли, Фарход, Катта Хирмонтёпа ва Ширин кўчалари б-н кесишади. Муқимий ва Чўпонота кўчалари б-н туташган.

ЛУТФИЙ МАҲАЛЛАСИ (Лутфий 1-тор кўч., 1^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Оқтепа», «1-Қатортол» ва «Боғистон»

маҳаллалари б-н чегарадош. 1958 й. ташкил этилган. Дастлаб «Қурилиш», 1992 й.дан *Лутфий* номини олган. Аҳолиси 2960 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 7 та кўча, болалар боғчаси, «Сой бўйида», «Кеча ва кундуз» кафелари, 3 озик-овқат дўкони, 2 модалар ательеси, 5 дорихона, шаҳар онкология диспансери, чойхона мавжуд.

ЛУТФКОР КЎЧАСИ – Сергели туманининг «Наврўз», «Нилуфар» ва «Иттифоқ» маҳаллалари ҳудудида. Янги Сергели кўч. ва Лутфкор 2-тор кўча оралиғида жойлашган. Уз. 1,5 км атрофида. Т. зилзиласидан сўнг пайдо бўлган. 2008 й. 2 авг.дан ҳоз. номи б-н юритилади. Йўналишида Сергели туман ички ишлар бошқармаси, турар жой бинолари, савдо шохобчалари, сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

Т.нинг даҳаларга бўлиниши шаҳар деворининг ичкарасидаги жойларгагина эмас, ташқарисидаги жойларга, яъни М.га ҳам тегишлидир.

Окт. тўнтаришидан аввал ва шўро даврининг дастлабки йилларида М.лар сони 160 дан ортиқ бўлган. Қуйида шаҳарга яқин ҳамда муҳим бўлган М. ва қиш-

лоқлар рўйхати берилган (М. қайси даҳага тегишлилиги шу даҳа номининг бош ҳарфи орқали кўрсатилган: Кўкча – К., Бешёғоч – Б., Шайхонтоҳур – Ш., Себзор – С.):

Авайхон (Аблайхон). Ш.
 Айрилиш. С.
 Алвастикўприк. С.
 Аллон (Оллон) (маҳалла ҳисобланган). К.
 Асилбобо. Б.
 Ачавот (қишлоқ). К.
 Аскиягузар. Б.
 Бекларбеги кўриги. К.
 Бекобод. К.
 Белтепа (Чигатой Белтепа). К.
 Бешўчоқ. С.
 Бешқайрағоч. К.
 Бешкўрган.
 Бойкўрган. С.
 Болтамозор. С.
 Боғкўча. С.
 Боготтепа. С.
 Бўзариқ. Ш.
 Бўрижар. Б.
 Гурунчариқ. С.
 Дамариқ. Ш.
 Дарвозакент (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.
 Дархон. С.
 Дархон (Дархонариқ). Ш.
 Дегрез (Дироз). Ш.
 Довултепа. С.
 Дўмбиробод. Б.
 Ертешган (маҳалла ҳам ҳисобланган). Ш.
 Ёв (Ёвариқ) (маҳалла ҳам ҳисобланган). Ш.
 Ёпуғли (Ёпуғлиmozор) (маҳалла ҳам ҳисобланган). Б., Ш.
 Жарариқ (маҳалла ҳам ҳисобланган). К.
 Жаркечик. К.
 Жарқулоқ. К.
 Жумамасжид. С.
 Закотхона (Закотсарой). С.
 Зангиота (қишлоқ) Б.
 Зах. Б.
 Иброҳимота. С.
 Ивиш (Туябўғиз). С.
 Ингичкақўриқ. К.
 Инжавот. Ш.
 Йўлариқ (Айриқ). С.
 Кайковус (Қалковуз). С.

Канпирдевор (Кампирдевор). К.
 Кичиккўприк. С.
 Кориз. С.
 Корхона. Б.
 Кохота (Кохотабузург) (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.
 Кулолтепа
 Кулолтупроқ. С.
 Кўктерак. Б.
 Кўктўнликота. К.
 Кўмирхона. С.
 Кўрхўжаота (Қорахўжаота). С.
 Кўтарма. С.
 Лабзак (Лабзакариқ) (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.
 Мағозинобод (Мағозин). С.
 Меҳтармалик (Митармалик). К.
 Мингўрик (Тали Афросиёб). Б.
 Мирзаюсуф. Ш.
 Миробод. Ш.
 Мозорариқ. С.
 Мойкўрган. С.
 Моховгузар. Б.
 Мўғал. С.
 Новза (қишлоқ). Б.
 Нодиржонқулоғи (Чигатой Нодиржонқулоғи). К.
 Олтинтепа (Қалмоқ қамаган). Ш.
 Омонбаққол. С.
 Отчопар. С.
 Оқилон (Оқлон) (маҳалла ҳам ҳисобланган). К.
 Оқота (Оқилота). С.
 Оқтепа (Нишабарик, Нишабқулоқ) (маҳалла ҳам ҳисобланган). К.
 Оқтепа (Миссандиқли кўрган). С.
 Оқтепа. С.
 Оқтепа. К.
 Оқкўрган (маҳалла ҳам ҳисобланган). Ш.
 Пихна (Пахина). Ш.
 Полвонариқ. Ш.
 Посира (Фосира). Ш.
 Ракат (Ўрикзор). Б.
 Саврариқ. Ш.
 Савсарариқ. С.
 Самарқанд Дарвоза (маҳалла ҳам ҳисобланган). Б.

Садалимасжид (даҳаси номаълум).
 Сарикўл. Ш.
 Саркичор (Чигатой Саркичор). К.
 Сорчабон. Б.
 Тахтакўпир (қишлоқ). Б.
 Тахтакўприк. К.
 Тахтакўприк. С.
 Тахтапул. С.
 Терсариқ. С.
 Тешиклитепа. Б.
 Тешиққопқа (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.
 Тиканлимозор. Б.
 Тошариқ. Ш.
 Турк (Турқариқ, Янгишаҳартурк) (маҳалла ҳам ҳисобланган). Ш.
 Туятортар. К.
 Тўйчибод (Тўйчиобод). С.
 Тўқай (Тўқайтепа). Б.
 Узунтепа (Канпирдевор). К.
 Учтепа. К.
 Хиёбон (маҳалла ҳам ҳисобланган). К.
 Холматқушчи (Олмотқушчи). С.
 Хончорбоғ. С.
 Хотинкўприк. К.
 Чала (қишлоқ). Б.
 Чалақозоқ (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.
 Чангал (Чангалзор, Чангалмозор). С.
 Чангалариқ. Б.
 Чангалтепа. Ш.
 Чарх (Чархиновза). Б.
 Чархчи. С.
 Чилдухтарон (қишлоқ). Ш.
 Чиллаmozор (Чилmozор). К.
 Чилонзор. Б.
 Чилтўгон. С.
 Чимзор (Чимдор). К.
 Чимирота. К.
 Чимчоқ (қишлоқ). Б.
 Чопонтиқди. Б.
 Чордара. С.
 Чочтепа (Шоштепа, Тошлитепа, Нўғайтоштепа) (қишлоқ). К., Б.
 Чувалачи (Чубаланчи). С.

Чўпонота (қишлоқ). Б.
Шибли (Шивли). Ш.
Шоимкўприк. Б.
Шолиқулоқ (Шолиариқ). К.
Шофайзи (Шофайзиқулоқ). К.
Шоюнусхалфа. Ш.
Шўртепа (Саритепа, Қоровултепа,
Ўрисмозор). Ш.
Шўрхона. Б.
Эрон. К.
Эшонкўприк. К.
Юмалоқ (Юмалоқтепа). К.
Юнусобод. С.
Яккатут. С.
Яланғоч (Яланғочота) (Қуйи ва
Юқори Яланғоч қисмларига
бўлинган). Ш.

Янгиариқ. С.
Янгикўнчилик. К.
Янгитарнов. Ш.
Ўртаўқай. Ш.
Ўнқўрғон. С.
Қатортол (қишлоқ). Б.
Қаъни (қишлоқ). Б.
Қизилкўприк. С.
Қизилкўрғон. С.
Қинғироқ. С.
Қирғизкўприк. К.
Қозитарнов. Ш.
Қозиработ (қишлоқ). Б.
Қонқус (қишлоқ). Б.
Қорамурт (Қорамуртқопқа). Ш.
Қорасарой (маҳалла ҳам ҳисобланган). С.

Қорасув (Сағбон Қорасув). К.
Қорақамиш (Чигатой Қорақамиши). К.
Кулкўча. К.
Қулоқтепа. С.
Қурвақаобод (Қўриқрабод). К.
Қутургансой. Б.
Қушбеги. Б.
Қушчи (маҳалла ҳам ҳисобланган). Ш.
Қуюқхўжа. С.
Қўшқўрғон. Б.
Қўғайтепа (Қувайдтепа). Б.
Ғадрантарнов. Ш.
Ғишткўприк. С.
Ҳасанбой (маҳалла ҳам ҳисобланган).

МАВЛОНО ОБИД ХАТТОТ (16-а.) – хаттот. Тошкентда шайбонийлардан *Суюнчхўжахон* ва *Келди Муҳаммад* замонида яшаган. *Восифий*нинг ёзишича, Мавлоно Обид настаълик хатини ёзишда машҳур бўлган. Райхоний, сулс хатларини яхши билган. 1522 й. у ўзи ёзган қитъаларни саройга олиб келганда, султон ва сарой аҳли унинг хат санъатидаги маҳоратига таҳсинлар ўқиган.

МАВЛОНОВ Фани Орифхонович (1910.15.1–1988.12.3) – геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1960), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Геология-минералогия фанлари д-ри (1955), проф. (1957). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Т.да туғилган. Ўрта Осий Индуриал ин-тини тугатган (1935), шу ин-тда декан (1940–41). Ўзбекистон ФА Геология ин-тида катта илмий ходим (1946–49), лаб. мудири (1949–56), ин-т директори (1956–60). Ўзбекистон ФА Гидрогеология ва муҳандислик геологияси ин-ти директори (1960–62), директор ўринбосари (1962–66). Ўзбекистон ФА Геология фанлари бўлими раиси (1962–63), Ўзбекистон ФА Сейсмология

ин-ти директори (1966–85), лаб. мудири (1985 й.дан). Асосий илмий ишлари лёсс ва лёссимон жинсларнинг генетик типлари ва муҳандислик геологиясига бағишланган. Т. зилзиласидан кейин сейсмологияга оид тадқиқотлар б-н шуғулланган, жумладан, Т. шаҳри ва шаҳар атрофини сейсмик микрорайонлаштириш харитасини тузиш ишларига раҳбарлик қилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981). Минор қабристонига дафн этилган. Сейсмология институтига М. номи берилган. Ин-тда М.га бағишланган музей (1990) мавжуд. **МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒЛАРИ** – маданий-маърифий муассасалар, аҳоли маданий ҳордиқ чиқарадиган, турли манзарали дарахт ва гулзорлар б-н жиҳозланган, кўкаламзорлаштирилган маскан. Шаҳар боғи ёки Т.да жамоа фойдаланадиган дастлабки боғ Маҳрам ва Қўқон кўчалари (ҳоз. С.Азимов ва Фарғона йўли кўч.) оралиғида жойлашган Мингўрик боғи бўлиб, 19-а.нинг 20-й.ларида вужудга келган. Боғ Салор бўйидаги Мингўрик тепалигида бунёд этилиб, дарахтлари, айниқса, ўрик

кўплиги туфайли Мингўрик деб номланган. Боғ чор Россияси босқинига қадар мавжуд бўлгани сабабли, рус аҳоли уни «Сартлар боғи» деб атаган, 19-а.нинг 2-ярмидан «Шаҳар боғи» дейилган. 1889 й. боғга кўплаб ноёб турдаги дарахтлар экилган.

Ҳоз. *Амир Темур хиёбони* ўрнида тарихда Константин боғи (1870–83 й.ларда барпо этилган) бўлган. Боғ номи Туркистон генерал-губернатори К.П. *Кауфманга* атаб қўйилган.

Ҳоз. Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи ўрнида 20-а. бошларида генерал Шороховнинг шахсий маблағига А.С. Пушкин номидаги боғ бунёд этилган. Боғда дарахтлар кўп бўлиб, аҳолининг сайр қиладиган, дам оладиган жойи бўлган. 1932–34 й.ларда мазкур боғ қайта ташкил этилиб, маданият ва истироҳат боғига айлантирилган.

Ўрда боғи 1890 й. ҳоз. Ўрдада Кичик ўрда бозори ўрнида шаҳар маъмурияти кўрсатмасига биноан барпо этилган. Боғнинг номи мазкур ҳудуд б-н боғлиқ. Бу ерни маҳаллий аҳоли «Ўрда» деб атаган, сабаби шу жойларда 19-а.-

нинг 30-й.ларида Қўқон хони қароргоҳ қурдирган. Бу иншоот 1865 й. бузиб ташланган, бироқ «Ўрда» ҳудуд номи сифатида сақланиб қолган.

2008 й.да Т.да 12 та маданият ва истироҳат боғи фаолият кўрсатди. Буларнинг энг йириклари: *Ўзбекистон миллий боғи, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи; Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Мирзо Улугбек номидаги маданият ва истироҳат боғи* ва б. Боғларни яратишда жой рельефи, табиий ва сунъий сув омборлари, кўп йиллик манзарали дарахт турлари: дуб, чинор, каштан, қарағай, қора қарағай, қора арчалардан ижодий фойдаланилган. Кўп боғларда кўл бор. Боғларда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш катта ўрин тутди. Очиқ эстрада саҳналарида профессионал театр ва энг яхши ҳаваскорлик жамоаларининг спектакль ва концертлари, дорбоз, полвон ва масхарабозларнинг томошалари, аския кечалари уюштирилади, кинофильмлар намойиш қилинади. Оммавий сайил, карнавал, турли спорт мусобақалари ва б. ташкил этилади. Болалар учун махсус жой ажратилиб, қизиқарли аттракционлар б-н жиҳозланади. Сув ҳавзаларида қайиқ стъялари мавжуд.

Т. боғлари тармоқлари борган сари кенгаймоқда. Мустақиллик йилларида бир нечта боғлар (*Ўзбекистон миллий боғи, Тошкент ҳайвонот боғи* ва б.) қайта реконструкция қилинди, янгилари ташкил этилди («Оймомо», «Янги Сергели» номидаги боғлар ва б.). «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси аввалги дам олиш зонаси таркибида дарахтларни сақлаб қол-

Маданият
карвонсаройи.

ган ҳолда ҳовуз (бассейн)лардан иборат – *Ак-вабоғ*, замонавий аттракционларга бой – *Тошкентленд* ҳамда *Япон боғи* бунёд қилинди.

МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти (Яланғоч мавзеи, 127^а-уй) – Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг олий ўқув юрти. Халқ бадиий ижодиёти, кутубхона ва ахборот тизимлари, ижтимоий-маданий фаолият, касбий-педагогик таълим бўйича бакалаврлар, маданиятшунослик, маданият социологияси, ижтимоий-маданий фаолият рекламаси, оммавий байрамлар ташкилотчиси, фольклор-этнографик, халқ чолғу асбоблари ансамбли, ашула ва рақс жамоаларига раҳбарлик қилиш, кутубхонашунослик ва библиография, ҳужжат юритиш, ҳужжатшунослик, архившунослик ва б. соҳалар бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-т 1974 й. ташкил қилинган. 1989 й. машҳур ёзувчи *Абдулла Қодирий* номи берилган. Таркибида 5 ф-т (халқ бадиий ижодиёти, кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув, ижтимоий-маданий фаолият, касбий-педагогик таълим, ижтимоий иш), маданият ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш м-зи, 14 каф., аспирантура, Абдулла Қодирий музейи, ин-т тарихи музейи, кутуб-



хона (70 мингдан ортиқ асар), анжуманлар саройи, спорт зали, ошхона ва 2 талабалар турар жойи бор.

2007/08 ўқув йили ин-тда 1585 талаба таълим олди, 115 проф.-ўқитувчи, жумладан 9 фан д-ри ва проф., 40 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т ташкил қилингандан буён 25 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланган (2008). Таниқли санъаткорлари Ортиқ Отажонов, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева ва б. мазкур ин-тда таҳсил олган.

МАДАНИЯТ КАРВОНСАРОЙИ, Халқаро маданият карвонсаройи (Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 37^а-уй) – Ўзбекистон Бадиий академиясининг илмий-маърифий м-зи. Тошкент педагогика университети б-н Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби ораллигида. Таниқли япон рассоми, Токио нафис санъат ва мусиқа ун-ти президенти, проф. Икуо Хираяманинг шахсий жамғармаси ҳисобидан бунёд этилган. Япон ва ўзбек халқининг дўстлигини акс эттирувчи ушбу масканнинг очилиш маросими 2002 й. 11 дек-да бўлиб ўтган. Шу куни Икуо Хираямага Т. фахрий фуқароси унвони берилган. Кўргазма зали

ва ўқув маркази бор. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 13 майдаги қарорига асосан, Икуо Хираяманинг Т.даги Халқаро маданият карвонсаройига давлат мақоми берилган. 2005 й. 9 мартда япониялик меҳмонлар иштирокида сарой ҳовлисига «Хиросима тинчлик тоши» ёдгорлиги ўрнатилди. М.к.с. ўзбек ва япон маданияти ва санъатини кенг тарғиб қилишда муҳим ўрин тутди.

«МАДАНИЯТ» МАҲАЛЛАСИ (Қўйлиқ 5-даҳа, Тиббиёт коллежи ёнида) – Сергели туманидаги маҳалла. «Халқобод», «Қўшқўрғон» ва Жомий маҳаллалари б-н чегарадош. 1999 й. ташкил топган. Аҳолиси 5194 киши (2008). Маҳалла худудидида тиббиёт коллежи, 50-оилавий поликлиника жойлашган.

МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ВА УЙЛАРИ – аҳолининг дунёқарашини шакллантиришга, билимларини оширишга, касбий савиясини кўтаришга, истеъдодини ривожлантиришга хизмат қилади. М.с. ва у.да, одатда, кўп ўринли томоша ва маъруза заллари, доимий кино қурилмалар, кутубхоналар, тўгарак машғулотлари, тасвирий санъат ва б. учун алоҳида хоналар бўлади. Уларда кўргазмалар ташкил қилинади, маъруза, мавзули кечалар, и.ч. илғорлари, атоқли ки-

Шайхонтохур туманидаги «Ибн Сино» маданият маркази. Ҳаваскорлик рақс тўғараги.

шилар б-н учрашувлар, байрам кечалари ва б. маросимлар ўтказилади. Турли тўгараклар ишлайди. М.с. ва у. фаолияти халқ

ижоди ва бадий ҳаваскорликнинг барча турларини ривожлантиришга ёрдам беради. Уларда халқ театрлари, оркестр, ашула ва рақс ансамбллари бўлади.

Т.да М.с. ва у. дастлаб клуб шаклида ташкил этилган. Октябр тўнтаришидан сўнг Т.да йирик корхоналарда касабаяушмалари раҳбарлигида махсус клублар ташкил этилди. Шундай клублардан биринчиси 1924 й.да Эскижўвада қурилди. Ўтган асрнинг 30-й.ларидан бошлаб маданият саройлари алоҳида тартибда қурила бошлади (Тўқимачилар маданият саройи ва б.). 1980 й.да Ҳамза туманида қурилган *Авиасозлар маданият ва техника саройи* шаҳардаги энг йирик сарой хисобланади. Кейинги йилларда



ҳар бир туманда, йирик маҳаллаларда М.с. ва у. т а ш к и л қ и л и ш г а эътибор бе-

Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулшан» маданият уйи.

рилди. 2008 й. Тошкентда 26 та маданият саройи ва уйи ишланди. Шулардан йириклари: «Гулшан» маданият уйи (Буюк ипак йўли кўч., 248; 28 та тўғараги бор), Глиэр номидаги маданият уйи (Лутфий 1-тор кўч., 4; 18 тўғараги бор), Фафур Фулом номидаги маданият уйи (Фарғона йўли кўч., 786; 13 тўғараги бор), Толибжон Содиков номидаги маданият уйи (Юнусобод тумани, 14-мавзе, 56; 42 тўғараги бор), «Машраб» маданият уйи (Тўпқайрағоч кўчаси, 64; 13 тўғараги бор), Аброр Ҳидоят номидаги маданият уйи (Спутник массиви, 9 даҳа, 67-уй; 21 та тўғараги бор), «Нодирабегим» маданият уйи (Қатортол кўч., 14; 20 тўғараги бор), Ҳамид Олимжон номидаги маданият уйи (Осиё кўчаси, 40-уй; 21 тўғараги бор), «Феруза» маданият уйи (Феруза кўч., 24; 23 тўғараги бор), Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи (Фарҳод кўч., 21; 25 тўғараги бор), «Тенгдош» маданият уйи (Ҳамза тумани «Ташсельмаш» мавзеси; 15 тўғараги бор), «Ибн Сино» маданият маркази («Ибн Сино» 1-мавзе; 12 тўғараги бор), Бектемир туман 1-сон маданият уйи (Ҳусайн Бойқаро кўч., 106; 11 тўғараги бор).



Булардан ташқари, Учтепа туманида Зулфия номидаги; Мирзо Улугбек туманидаги «Юлдуз»; Собир Рахимов туманида Завқий, Ойбек, «Шодлик» номидаги; Сергели туманида «Чоштепа», «Ёшлик» номидаги; Яккасарой туманида Хуршид, Абдулла Авлоний номидаги; Юнусобод туманида Фурқат номидаги маданият уйлари фаолият кўрсатади.

МАДРАСА – мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти. Уламолар ва мактабдорлар, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида давлат органлари хизматчиларини ҳам тайёрлайди. 7–8-а.ларда Араб халифалигида пайдо бўлган. 9–13-а.ларда ислом динига эътиқод қилинадиган мамлакатларда, жумладан, Марказий Осиёда тарқалган. М.га мактабхонани тугатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 дан 40 ёшгача бўлган. Йирик М.лардаги талабалар сони 10–120 кишидан иборат бўлган. М. бинолари хон ва вазирлар, йирик ер эгалари томонидан ҳамда вақф даромадлари ва бойларнинг хайр-эхсонлари ҳисобига қурилган.

М.да ўқув дастурлари, асосан, 10–12-а.ларда ишлаб чиқилган. Машғулотлар, одатда, сент.да бошланиб апр.да тугаган. Машғулотлар муддатини мударрис белгиллаган. М.да ўқиш талабалар иқтидорига қараб, 7–12 й. давом этган. Таълим 3 босқичда: бошланғич (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) гуруҳларда олиб борилган.

М. дарсликлари, асосан, араб ва форс тилида бўлган. М.ларда дастлаб форс тилида ёзилган «Аввали илм» китоби, кейин араб тили сарфи (грамматикаси) («Бидон», «Қофия» китоблари асосида), шариат ақидалари («Ҳидоя», «Фикҳ

Кайдоний», «Мухтасар виқоя», «Шарҳи виқоя» китоблари асосида), мантиқ илми («Шамсия» асосида) ўргатилган. М.ларда талабаларнинг қизиқишлари ва мударрисларнинг мавжудлигига қараб, фалакиёт, ҳандаса, кимё, жуғрофия, тарих, ад., меъморлик асослари, хаттотлик, мусиқа, ахлоқ, нотиқлик, тиббиёт, аруз илми ва б. фанлар ҳам ўқитилган.

1890–93 й.ларда Т.да 21 М. жойлашган. Чор Россияси истилосининг дастлабки йилларида М.лардаги таълим ва ўқитиш ишлари анъанавий тартибда белгиланган қоидалар асосида олиб борилган бўлса, кейинчалик уларнинг фаолиятини назорат қилиш ва ўқув ишларини тартибга солишни Туркистон генерал-губернаторлиги ўлка маориф бошқармаси ўз кўлига олган. Бу пайтда Т.даги Абулқосим М.сида 120, Хожа Аҳрор М.сида 80, Бекларбеги М.сида 150, Кўкалдош М.сида 80, Шарафибой М.сида 20, Шукурхон М.сида 20 талаба ўқиган.

19-а. муаррихи Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ўша даврдаги Т. мадрасаларида дарс берган мударрисларнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида баъзи маълумотлар келтирилган. Тилга олинган шахслар бир пайтнинг ўзида ҳам мударрис, ҳам диний мансаб эгалари ёки шаҳардаги тақводор мутасаввифлардир. Таниқли шахслар орасида муаллифга замондош бўлган Т.лик диний илмлардаги йирик уламолар, жумладан қози Маҳдум Баландмасжидий, қози Шодмонхўжа эшон Орқакўчагий, Эшонхонхўжа қози Мерганчагий, домолло Мир Иноятуллоҳ Қатортеракий (1859 й. вафот этган) каби фикҳий

илмлар билимдонлари, муфассир ва муҳаддисларни ҳам учратиш мумкин.

Муҳаммад Солиххўжа таниқли шахслар ҳақида сўз юритганда, асосан, ўзига яқин муҳит – М. мударрислари таржимаи ҳолига кўпроқ ўрин берган. Жумладан, улар орасида Эшонқули додхоҳ М.си мударрислари – қози ал-қуззот Бузрукхўжа Занжирликий (1838 й. вафот этган), Музроб Хоразмий, Эшон Абдурасулхўжа, Эшон Сулаймонхўжа, Домулло Эсонбек охунд, Мулла Азаматхўжа аълам; Маҳмуд дастурхончи М.си мударрислари – Эшон Шоҳ Мансурхўжа, Домулло Мир Муҳаммад Раҳим охунд; Бекларбеги М.си мударрислари – муаллифнинг устозлари Мир Шарофиддин маҳдум, Домулло Мир Иноятуллоҳ; Мўйи Муборак М.си мударриси – халифа Абдумажидхон эшон; Юнусхон М.си мударрислари – Абдулазизхўжа эшон Қиётӣй, Эшонхўжа қози, Эшон Абдусаъмихўжа хатиб; Хожа Аҳрор М.си мударриси – Домулло Умарбек охунд Чигатой ва б. мударрислар ҳақида маълумотлар учрайди.

Келтирилган маълумотлардан кўринадик, шаҳарда таниқли мударрислар оилалари шаклланган. Хусусан, Мир Иноятуллоҳ Қатортеракийнинг укаси Мир Исо охунд ва ўғли Мир Шарофиддин ҳам кейинчалик Бекларбеги М.сида мударрислик қилган. Қози ал-қуззот Бузрукхўжа Занжирликийнинг укаси «Эшони мударрис» лақаби б-н танилган Сулаймонхўжа ва ўғли Сайид Аҳмадхўжалар Т.даги кўзга кўринган мударрислар ҳисобланган.

1917 й. Т.да 26 М. бўлган. Булардан энг йириклари: Кўкалдош, Бароқхон, Хожа Аҳрор,

Абулқосим, Бекларбеги, Шайхонтоҳур ва б.

Меъморий ёдгорликлар ўтмиш аждодлардан қолган маданий мерос сифатида давлат муҳофазасига олинган.

20-а.нинг 2-чораги бошларида Т.даги барча М.лар, бошқа жойларда бўлгани каби, шўро ҳукумати томонидан диний муассасалар қаторида давлатдан ажратилган ва «хурофот ўчоқлари» тамғаси б-н тугатиб юборилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ихтиёрида қолган М.лар фақат руҳонийлар тайёрлайдиган ўрта ва олий диний ўқув юртларига айлантирилган.

МАЕВ Николай Александрович (1835.21.2–1896.2.1) – этнограф, географ. Петербургда туғилган. Ўзбекистонда илмий ўлкашунослик ишларининг ташкилотчиси. «Туркестанские ведомости» газ. муҳаррири (1870–92), Туркистон статистика комитети котиби (1870 й.дан). Ўрта Осиё илмий жамиятининг фаол иштирокчиси, «Туркистон ўлкасининг статистикаси учун материаллар»

Шайхонтоҳур туманидаги 461-мактабгача таълим муассасасида ўрта гуруҳ болалари билан машғулот.

тўплами (1–5-жилдлар) муҳаррири. Турли кўргазмалар ташкилотчиси. Ўлкашунослик музейи (1876) ташкилотчиларидан. М. тарих, археология, этнография, нумизматика соҳасида кўп тадқиқотлар олиб борган, экспедициялар (Шаҳрисабз 1874; Ҳисор 1875, 1878)га бошчилик қилган. Т.нинг янги ва эски шаҳар қисмига оид тарихий-этнографик асарлари машҳур (мас., «Азиатский Ташкент», 1876).

«МАЖНУНТОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Мажнунтол кўч., 2) – Бектемир туманидаги маҳалла. Сувсоз даҳасида жойлашган. «Роҳат», «Истиқбол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й.да ташкил топган. Аҳолиси 2024 киши, асосан, ўзбеклардан иборат (2008). Маҳалла худудида 7 та кўча, 2 та дўкон, новвойхона, 2 та тикув цехи, шифохона, ҳашар йўли б-н ташкил этилган футбол майдончаси бор.

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ – Тошкент ш.да дастлабки М.т.м. 1918 й. очилган. 1924–25 й.ларда 681 болага мўлжалланган 14 болалар боғчаси, 1936 й. 17 минг болага

мўлжалланган 183 болалар боғчаси бўлган. 1959 й.дан бошлаб Т.да дастлабки ясли-боғчалар пайдо бўлди.

2008 й. Т.да Тошкент ш. халқ таълими бош бошқармаси тасаруфидаги 480 мактабгача таълим муассасаси бўлиб, уларда 87397 бола тарбияланган. Т.да шунингдек, турли ташкилот ва муассасаларга қарашли 21 мактабгача таълим муассасаси бор (уларда 3095 бола тарбияланади). Бундан ташқари Т.даги 16 хусусий мактабгача таълим муассасасида 712 бола тарбияланади. Т.даги М.т.м.да 8468 педагог, жумладан 480 мудира, 349 услубчи, 5762 тарбиячи, 319 психолог, 62 дефектолог, 681 мусиқа раҳбари, 332 жисмоний тарбия йўриқчиси, 434 логопед, 49 бошқа соҳа мутахассислари фаолият кўрсатади. Ҳар бир М.т.м.нинг иш тартиби меҳнаткашлар эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда белгиланган.

Т.даги М.т.м.нинг оммавий туридан ташқари, гепатит касали б-н касалланган болалар учун мўлжалланган, нутқида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган, тез-тез касал бўладиган болалар учун мўлжалланган, таянч ҳаракат аппаратида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган, сил касаллигига мойил бўлган болалар учун мўлжалланган, психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун мўлжалланган, кар-соқов болалар учун мўлжалланган махсус турлари бор. Уларда касалманд болалар, жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болалар тарбияланади.

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ – болалар ва ўсмирлар б-н мактабдан ташқари иш олиб борувчи ижтимоий-ташкилий ва инструк-



тив методик муассасалар. М.т.т.м.да умумий ўрта таълим мактабларининг барча синф ўқувчилари ўз ихтиёри б-н мактаб ўқув дастуридан ташқари қўшимча фанлар, санъат турлари, бадий хунармандчилик ва б. касб-хунар, спорт турларини ўрганади. М.т.т.м.да ўқувчилар учун турли йўналишлар бўйича тўгарак, клуб, студия, ансамбль, гуруҳ ва ш.к. ташкил қилинади. Тошкент ш. халқ таълими бош бошқармаси тасарруфида 21 М.т.т.м., жумладан 13 ўқувчилар ижодиёт м-зи, 7 ёш техниклар м-зи, 1 ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар м-зи мавжуд. Т.даги М.т.т.м.да 39170, маҳаллалар қошидаги тўгаракларда 9599 бола шуғулланади. 2007/08 ўқув йили Т.да 565 тўгарак ва 2415 гуруҳ, жумладан ўқувчилар ижодиёт м-зларида 283 тўгарак ва 1205 гуруҳ, маҳаллаларда 22 тўгарак ва 101 гуруҳ, мактабларда 230 тўгарак ва 995 гуруҳ, мактабгача таълим муассасаларида 13 тўгарак ва 40 гуруҳ, меҳрибонлик уйларида 10 тўгарак ва 57 гуруҳ, оилаларда 7 тўгарак ва 20 гуруҳ ишлади. Т.даги ўқувчилар ижодиёт м-зларида 634, жумладан 262 олий маълумотли педагог ходим фаолият кўрсатди. Т.даги ўқувчилар ижодиёт м-зининг «Севинч», «Зарб», Чилонзор ва Шайхонтохур туман ижодиёт м-зларининг «Рақс», «Тантана» гуруҳлари, шаҳардаги 171-мактабнинг «Табассум», 222-мактабнинг «Булбулча», 225-мактабнинг «Нилуфар» бадий жамоаларига «Халқ ҳаваскорлик студияси» номи берилган.

МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТЛАРИ – Т.да дастлабки М.о.и. (ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти, врачлар малакасини ошириш ин-ти ва б.) 1930–

40 й.ларда ташкил қилинган. М.о.и.да кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини чуқурлаштириш, кенгайтириш, янгилаш амалга оширилади. Ҳар бир малака ошириш ин-ти айрим соҳалар бўйича кадрлар малакасини оширишга ихтисослашган.

М.о.и.да соҳалар, мутахассисликлар бўйича таълим дастурлари асосида ўқитиш орқали кадрлар малакаси оширилади. М.о.и.да кадрларни уларнинг ихтисосликлари, лавозим тоифалари, иш стажы, касбий тайёргарлиги даражаси бўйича алоҳида малака ошириш курсларида ўқитилади. Ўқув дастурлари малака ошириш буюртмачилари бўлган идора, ташкилот, муассаса, корхоналарнинг ўз кадрлари касбий тайёргарлигини замонавий даражада ошириш, рақобатбардошлигини таъминлаш орқали фаолият соҳаларини ривожлантириш бўйича эҳтиёжлари асосида шакллантирилади. Шунга мувофиқ равишда малака ошириш йўналиши, мазмуни, ҳажми, давомийлиги, даврийлиги, шакл, усуллари белгиланади. Машғулотлар маъруза, лаб. ва амалий машғулотлар, семинар, тренинг ва б. шаклларда, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда олиб борилади. М.о.и.да масофадан малака ошириш шакли ҳам қўлланади. Бу шаклда ўқув ахборотлари, тингловчилар учун вазифалар замонавий ахборот коммуникация технологиялари, компьютер техникаси, виртуал ўқув курслардан фойдаланиб, бир м-здан бир нечта худудлардаги тингловчиларга узатилади. Икки томонлама алоқа воситасида уларнинг бажарган ишлари баҳоланади, синовлар ўтказилади.

Тошкент ш.да қуйидаги М.о.и. муайян соҳалар бўйича фаолият олиб боради: ЎзМУ қошидаги Олий пед. ин-ти; Техника ун-ти хузуридаги Олий инженерлик пед. ин-ти; Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти хузуридаги Бошқарув ин-ти; Иқтисодиёт ун-ти хузуридаги Иқтисодиёт малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-ти; Врачлар малакасини ошириш ин-ти; Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий ин-ти; Тошкент ш. педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти; Т. вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти; Ўрта махсус, касб-хунар таълими ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-ти.

МАЛЛИЦКИЙ Николай Гурьевич (1873–1947) – табиий географ, тарихчи, этнограф ва лингвист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1945), проф., география фанлари д-ри (1945). 1895 й.дан Т.да. Петербург ун-тини тугатган (1892). Туркистон ўқитувчилар семинарияси ва Т. эрлар гимназияси ўқитувчиси (1895–1907). Россия География жамияти Туркистон бўлимининг раиси (1901–17), «Туркестанские ведомости» газ. муҳаррири (1901–06), шаҳар бошлиги (1907–17). Окт. тўнтаришидан сўнг Туркистон шарқ ин-ти (1920–24), Ўрта Осиё ун-ти Шарқ факультетининг проф. (1924–30). 30-й.лардан умрининг охиригача Ўрта Осиё ун-ти геог. факультетининг проф. М. Туркистон бўйлаб қилган саёҳати давомида шу ерда яшовчи халқлар тарихи ва этнографиясига доир материаллар тўплаган, Т. тарихи бўйича изланишлар олиб

борган. М.нинг 10 дан ортиқ илмий иши, шу жумладан «19-асрдаги Тошкент тарихидан саҳифалар» (1898), «17-асрдаги Тошкент тарихидан саҳифалар» (1899), «Тошкентнинг Қўқон хонлиги ҳукмронлиги давридаги тарихига оид» (1900), «Тошкент шаҳри. Бир неча рақамлар» (1912), «Тошкент. Тарихий очерк» (1915), «Тошкентнинг маҳалла ва мавзелари» (1927) ва б. асарлари (рус тилида) Т. тарихига бағишланган. Т. шаҳар ва уезди этнографик харитасини тузган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган.

МАЛЯСОВ Виктор Александрович (1917–1944) – Уруш қаҳрамони (1944), гвардия майори. Т.да туғилган. Т. Ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-тида ўқиган (1937–41). Т. умумқўшин командирлари олий билим юртини тугатган (1942). 2-жаҳон уруши йилларида М. батальони биринчилардан бўлиб Днепрни кесиб ўтган. Варшава яқинидаги жангда ҳалок бўлган. Брест ш.да дафн этилган. Ҳарбийлар қабристони мемориалида қаҳрамоннинг бюсти ўрнатилган.

МАМАДАЛИЕВ Фаттоҳхон (1923.25.8–1999.3.4) – хонанда, созанда (ғижокак, танбур, дутор) ва бастакор. Ўзбекистон халқ ҳофиси (1990). 1983 й.дан Т.да. Ўзбек давлат филармонияси хонандаси (1983 й.дан), Тошкент консерваторияси ўқитувчиси (1984 й.дан), проф. (1992 й.дан). Овози тиниқ, ширали ва дардли, овоз кўлами ва нафаси кенг; ижросига куй б-н шеър узвийлиги, овоз ва чолғу имкониятларини моҳирлик б-н намоён этилиши хосдир. Репертуаридан Фарғона – Тошкент мақом йўллари, Шашмақом шуъбалари, ашула, катта ашула, ялла, ўзбек мумтоз ашу-

ла ва чолғу туркумлари, бастакорлар асарлари («Ол хабар», «Эй дилбари жонон», «Бузрук I–III», «Сарахбори Наво», «Эй, сабо» ва б.) ўрин олган. 5 қисмли «Савти Фаттоҳхон» ашула туркумини басталаган, «Қадимги Ушшоқ», «Умрзоқ Полвон Ушшоқи», «Зикри Ушшоғи» мақом йўлларини тиклаган. «Меҳнат шуҳрати» (1992), «Эл-юрт ҳурмати» (1998) орденлари б-н тақдирланган.

МАНЗАРАЛИ БОҒДОРЧИЛИК ВА ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ (Тошкент вилояти Тошкент тумани, Дархон кўрғони) – манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги соҳасидаги йирик илмий марказ. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси таркибида. 1927 й.да тажриба ст-яси сифатида ташкил қилинган. 1940 й.дан Ўзбекистон агроўрмон мелиорацияси ва ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот ин-ти, 1948–92 й.ларда Ўрта Осиё ўрмон хўжалиги и.т. институти, 1992 й.дан Ўзбекистон ўрмон хўжалиги и.т. ин-ти, 2005 й.дан ҳоз. номда. Таркибида 3 та илмий бўлим, 7 ўрмон тажриба ст-яси, таянч пунктлари, илмий стационарлар, «Ўрмонмаш» кичик корхонаси, тажриба-и.ч. ва ўрмончилик тажриба хўжалиги, 12 и.ч. участкаси ва 2 ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатади (2008). Марказда ўрмонлар, ихота ўрмонзорлари барпо этиш; хандон писта, иморатбоп тераклар плантацияларини яратиш технологиясини ишлаб чиқиш; ёнғоқзорлар барпо этиш; манзарали боғдорчиликнинг илмий-амалий масалалари ва б. йўналишларда и.т. ишлари олиб борилади. Марказда 34

илмий-техник ходим, шу жумладан 3 проф., 12 фан номзоди ва доцент ишлади (2008). Марказ хўжаликларида манзарали боғдорчилик ва ўрмон ўсимликлари кўчатлари кўплаб етиштирилади ва республика ҳудудларида экиш учун сотилади. Марказ Тошкент ш.ни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этади. **МАННОН УЙҒУР КЎЧАСИ** – Шайхонтоҳур ва Учтепа туманларини бирлаштириб турувчи пойтахтнинг марказий кўчаларидан бири. Т. автомобиль ҳалқа йўли ва Лайлитўғон кўчаси оралиғида. Уз. 7 км атрофида. 1955 й. Ўзбекистон халқ артисти Маннон Уйғур номи берилган. Таркибида тор кўча ва 4 та берк кўча бор. Йўналишида шахсий турар жой бинолари, бошбекат, 1-шаҳар касалхонаси, шаҳар перинатал м-зи, оилавий поликлиника, Шайх Зайниддинбобо мақбараси, масжиди ва қабристони, Абдулла Қаҳҳор номидаги маданият уйи, Қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи, «Кўкча Оқтепа» бозори, савдо мажмуалари, «Исломобод» ва «Шофайзибоғ» маҳалла гузари, ёнилги қуйиш шохобчалари, дорихоналар, умумий овқатланиш, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Кўча бўйлаб барча турдаги жамоат транспорти воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. Мустақиллик даврида кўча тубдан таъмирланиб, энига кенгайтирилди, асфальт қопланиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 2003 й. 27 авг.да М.У.к. ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасида эни 30 метр, уз. 75 метр бўлган янги кўприк фойдаланишга топширилди. А.Хўжаев, Оқсой, Кўкча Дарво-

за, Назарбек каби кўчалар ва Кичик ҳалқа йўли б-н туташган. Яқинида Эскижўва бозори, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуи, Сузукота мақбараси жойлашган.

МАННОН УЙҒУР МАҲАЛЛА-СИ (Қизил ғунча кўч., 57) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Шофайзи, «Исломобод», Чўпота маҳаллалари ва Учтепа тумани б-н чегарадош. 1956 й. ташкил топган. Аҳолиси 4700 кишига яқин, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, 2 ўрта мактаб, туман «Махсустранс» корхонаси ва унга тегишли техник таъмирлаш устахонаси жойлашган.

МАННОП ТАБИБ (Абдуманноп Абдунабиев) (1867–1950) – табиб. Тошкент ш.нинг Себзор даҳасидаги Хўжатарашкан маҳалласида табиб оиласида туғилган. Отаси – Абдунаби, боболари Абдуллажон ва Маҳамадражаб ҳам табиб бўлган. М.т. 1930–40-й.ларда Т. аҳолиси ўртасида машҳур бўлган ва кўплаб беморларни даволаган. У хафақон, безгак ҳамда қорин, бош, қулоқ, кўз оғриқлари, оёққўл чиқиши, синиши, яра-чақа касалликлари ва б. хасталиклар б-н мурожаат этган беморларга шифо бахш этган. Кўп дардга даво топа олгани учун эл ўртасида машҳур бўлган. Беморларни даволашда ўз усули б-н тайёрланган дори-дармонлардан фойдаланган. М.т. беморларни халқ табobati усулида даволаётганлигидан хабар топган машҳур терапевт, ТошТИ проф. М.И.Слоним (1875–1945) М.т. б-н учрашган ва ундан куйдирги касаллигини даволаш бўйича маслаҳатлари олган. М.т. врачлар б-н бўлган муно-



Маннон Уйғур кўчаси. Кичик ҳалқа йўли кўприги остидан ўтган қисми.

зара ва тортишувларда экзема-мараз, қичима-қўтир, сариқ касал, бод, рак-қилтомоқ ва б. касалликларни халқ табobati усулларида фойдаланиб даволаш ҳақида сўзлаб берган. Ёзувчи Мавлон Икром эсдаликларига кўра, М.т. остеопороз (суяк бўшашиши) ва б. хасталикларни даволаганлиги учун унга давлат томонидан патент берилган ва беморларни эркин даволашга рухсат этилган. Ҳабибулла Қодирийнинг «Отамдан хотира» китобида баён қилинишича, М.т. ўша даврдаги кўп ёзувчи ва шоирлар, зиёлилар, жумладан Абдулла Қодирий б-н яқин муносабатда бўлган. М.т. ҳақида халқ ўртасида турли ривоятлар мавжуд. Табибнинг невараси, тери-таносил касалликлари бўйича тиббиёт фанлари д-ри Абдушукур Маннонов бобоси касбини эгаллаб, беморларга шифо бахш этиб келмоқда. М.т. Заҳарик қабристонига дафн этилган.

МАНСУРОВ Дилшод Исматович (1983.12.12) – эркин курашчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси (2003). «Ўзбекистон иф-

тихори» (2001). Т. иқтисодиёт ун-тида ўқийди. Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари ғолиби (1998, Москва), ёшлар ўртасида Осиё (2001, Деҳли) ва икки марта жаҳон чемпиони (2000, Нанси; 2001, Тошкент). 55 кг вазн тоифасида Осиё чемпиони (2002, Пусан). Катталар ўртасида 2 марта жаҳон чемпиони (2003, Нью-Йорк; 2005, Будапешт), Осиё ўйинлари чемпиони (2006, Дўха). 2007 й. жаҳон чемпионати (Боку) ва 2008 й. 29-Олимпиада ўйинларида (Пекин) 5-ўринни эгаллаган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (2008). **МАОРИФ ИНСТИТУТЛАРИ**, инпрослар – махсус пед. ўқув юртлари. Маориф билим юрти вазифасини ўтаган. Т.да 1920 й.дан очилган. 1922 й. Т.да ўлка ўзбек эрлар (ўқувчилар сони – 200), ўзбек аёллар (ўқувчилар – 150), қозоқ (қирғиз, ўқувчилар – 231), татар (ўқувчилар – 239), маҳаллий яҳудийлар (ўқувчилар – 75) М.и. бўлган. Буларда 100 дан ортиқ ўқитувчи ишлаган. 1924 й. тожик маориф ин-ти иш бошлаган.

М.и. маориф органлари учун раҳбар кадрлар, ўқитувчи ва

тарбиячилар етиштирган ҳамда миллий маданиятни ўрганувчи ходимлар тайёрлаган. Ўқиш муддати 4 й. (тайёрлов гуруҳларида 2 й.) эди. Навбатдан ташқари биринчи битирув 1922 й. бўлган. Ўлка ўзбек эрлар маориф ин-тида 1929 й.гача 8 марта битирув бўлиб, халқ маорифи учун 197 кадр етиштирилган. Она тили, рус тили, математика, табиатшунослик, физика, кимё, тарих, география, сиёсий таълим ўқитилган, расм чизиш, гимнастика, факультатив машғулотларда эса муסיқа ва меҳнат таълими ўргатилган. М.и.га ўша даврнинг машҳур педагоглари жалб қилинган, чунончи ўзбек эрлар ва аёллар М.и.да А. Авлоний, Н.П.Архангельский, Ш.Раҳимий, У.Эшонхўжаев, М.Юнусов (Элбек), А.Саъдий, Қ.Рамазонов, Е.А.Горайнов, Х.Йўлдошев, Олим Шарафиддинов, Н.А.Меркулович ва б. ишлаган. М.и. 1929 й.дан пед. техникумларига айлантирилган.

«МАРКАЗ» – турар жой массиви. Лойиҳалаштирилган марказий ҳудуд таркибига киради. Шаҳар маркази бўйлаб жойлашган, «М» (марказ) индексли микрорайонлардан ташкил топган. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1966 й. бошланган. Лойиҳа муаллифлари: Л.Адамов, С.Р.Одилов, А.Ванке, Р.Зубова ва б. Меъморлик-планлаштириш ечимининг асоси: шаҳарни планлаштириш б-н боғлиқ ҳолда лойиҳалаштирилган марказий районнинг замонавий тузилмасини ташкил этиш; эски ва янги шаҳар марказларини бирлаштириш; аҳолига ҳар томонлама

хизмат кўрсатишнинг яхлит системасига асосланган жамоат бинолари комплексини яратиш; транспорт ва турар жой ҳудудларини бўлиб чиқишдан иборат. «М.»да 4, 5, 9, 12, 16, 20 қаватли турар жой бинолари қурилган. «М.» доирасида «Алишер Навоий», «Ғафур Гулом», «Тинчлик», «Пахтакор», «Минор», «Амир Темура», «Ҳамид



«Марказий меҳмонхона».

Олимжон», «Абдулла Қодирий» метро бекатлари жойлашган.

Асрлар давомида шаклланган маҳаллалар ўрнига кўп қаватли уйлар қуриш жараёнида лойиҳадаги бўлақларга шартли равишда тартиб рақами берилди ва улар кейинчалик жой номи бўлиб қолди. Шаҳарликларнинг талаб-истакларини инобатга олиб шаҳар жой номлари бўйича Атамалар комиссияси «Марказ»га тегишли қуйидаги тарихий номларни тиклашга қарор қилди: Марказ-4 «Қашқар», Марказ-15 «Жангоҳ», Марказ-16 «Лабзак», Марказ-18 «Себзор», Марказ-19 «Кайко-

вус», Марказ-26 «Гуллобод», Марказ-27 «Боғқўча», Марказ-28 «Кўкча Дарвоза» даҳалари деб аталди.

«МАРКАЗИЙ МЕҲМОНХОНА» (Амир Темура шохқўчаси, 15) – 4 юлдузли меҳмонхона. 1999 й. «Тошкент–Шератон» номи б-н очилган. 2004 й.дан ҳоз. номда. Тошкент ш. ҳокимлигига қарайди. Бинони бунёд этишда

замонавий ва миллий меъморий услуб уйғунлаштирилган. Безаш ишларида мармар, гранит, шиша, чиганоқ, алюминий, қимматбаҳо ёғочлардан фойдаланилган. Ич томонида ганч витраж, керамика, металл ишлатилган. Меҳмонхона вестибюли ойна б-н қопланган, қия металл фермалари б-н ёпилган. Йўлак ва зал шойи матога ишланган миниатюралар б-н безалган. Шинам вестибюлдан тепага кўтарилган лифт шаҳар манзарасини очиб беради. Меҳмонхона биносининг 16 қаватли корпусида

251 номер (булардан 172 таси 1 ўринли, 50 таси 2 ўринли, 18 таси ярим люкс, 2 таси люкс, 1 таси президент апартаментли, 3 таси ногиронлар учун) бор. Ресторан (300 ўринли), ёзлик ресторан (70 ўринли), бар, банкет ва конференц заллар, интернет тармоғи, спортсоғломлаштириш мажмуаси (330 м²), бизнес маркази, очиқ бассейн (334 м²), ёпиқ бассейн (186 м²), теннис корти (667 м²), совға буюмлари дўкони, гўзаллик салони, автомобиллар тўхташ жойи, валюта алмаштириш шохобчаси (2 та), банкомат меҳмонларга хизмат қила-

ди. Олой бозори, «АРДУС» супермаркети меҳмонхона атрофида жойлашган. Автобус ва трамвайларнинг бекати, метронинг «Амир Темура хийбони» бекати яқинида.

МАРКАЗИЙ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ («Тошкент») – қ. *Вокзал*. **МАРКАЗИЙ ҲАРБИЙ СПОРТ КЛУБИ (МҲСК)** (Чўпонота кўч., 81) – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг спорт муассасаси. 1993 й.да ташкил этилган. Марказий ҳарбий спорт клуби Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари ўртасида спортни оммавийлаштириш, юқори маҳоратли ҳарбий спортчилар тайёрлаш вазифасини бажаради. Шу мақсадда ҳарбий хизматчилар, ҳарбий хизматга чақириқ ёшидагилар ва ўсмирлар ўртасида турли тоифадаги мусобақалар, Қуролли кучлар биринчиликларини ўтказилади.

МҲСКда 17 та спорт тури (баскетбол, бокс, велоспорт, дзюдо, енгил атлетика, мерганлик, оғир атлетика ва пауэрлифтинг, сув полоси, таэквондо, қўл жанги, теннис, байдарка ва каноэда сузиш, трамполин, эркин кураш, юнон-рум кураши, кураш, ҳарбий-амалий турлар) бўйича машғулотлар олиб борилади. Шуғулланувчиларга 44 мураббий бошчилик қилади. Улардан 10 нафарига «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони берилган. МҲСК вакилларининг 51 нафари халқаро тоифадаги спорт устаси, 186 нафари спорт устасидир (2008). Ҳарбий спортчилардан 7 таси «Ўзбекистон ифтихори», 11 таси «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»


фахрий унвонлари б-н мукофотланган.

Марказий ҳарбий спорт клуби спортчилари: боксчилардан Рустам Саидов (2000, Сидней), Карим Тўлаганов (1996, Атланта), Баҳодир Султонов (2004, Афина), дзюдочи Ришот Собиров (2008, Пекин), трамполинчи Екатерина Хилько (2008, Пекин) олимпиада бронза медалини қўлга киритган. Юрий Витт (юнон-рум кураши), Сергей Войнов (енгил атлетика), Фатма Галиуллина (велоспорт), Дилшод Мансуров (эркин кураш), Камол Муродов (кураш), Дилшод Орипов (юнон-рум кураши), Аббос Отаев (бокс), Равшан Маҳмудов (кураш) жаҳон чемпиони, Наримон Отаев (бокс) эса жаҳон кубоги соҳибидир. 16 нафар МҲСК вакили Осиё ўйинларида голиб чиққан. МҲСК баскетбол, сув полоси ва футбол жамоалари мамлакат чемпиони бўлган.

МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН ШАҲАР ФҲДЁ АРХИВИ (Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўч., 26) – архив муассасаси. Тошкент ш. адлия бошқармаси тизимида киради. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш китоблари ва б. ҳужжатларни сақлаш ва улардан фойдаланиш учун зарур шартшароитларни таъминлаш вазифасини бажаради. ФҲДЁ архивининг фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, уларда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарларини сақлаш тартиби қонун ҳужжатлари б-н белгиланади. М.ш. ФҲДЁ а. фондида туғилиш, никоҳ, ўлим ҳақидаги черков ва собор китоблари (1888–1920 й.ларгача) сақланади. 1918 й. черковлар давлатдан ажратилгач, фуқаролар-

нинг туғилиш, никоҳ, никоҳдан ажратиш ва ўлим ҳолатлари давлат идоралари, яъни «ЗАГС» (ФҲДЁ) бўлимлари томонидан расмийлаштириб келинган. Шаҳарда дастлабки ташкил қилинган туманлар бўйича 1918 й.дан 1943 й.гача бўлган 1-нусха далолатнома ёзувлари китоблари Марказлаштирилган архив фондида сақланади. Улар асосида фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келинмоқда. М.ш. ФҲДЁ а.да ҳоз. кунда барча ҳаракатлар бўйича 1918 й.дан 2006 й.гача бўлган 18785 та далолатнома китоби сақланмоқда. **МАСЖИД**, **Маҷит** (араб. «сажда қилинадиган жой») – шаҳарда дастлабки *М. Бинкатда* бунёд этилган. Лекин бу ҳақда батафсил маълумотлар етиб келмаган. 9–10-а. араб тарихчилари Истахрий, Мақдисий ва Ибн Ҳавқал шаҳар арки ёнидаги жоме масжидини тилга олиб ўтган. 13-а. муаллифи Жамол Қарший ўзининг «Мулҳақат би-с-сурах» асарида Шошда кўплаб М.лар бўлганлигини ифодалаш учун «маҳаллаларида минглаб масжидлар бор» дея таъриф берган эди. 13–18-а.лар давомида Т. муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий шаҳарлардан бири бўлиб, шаҳарда олдингига қараганда кўпроқ М. фаолият юритган.

19-а.га келиб шаҳарда М.лар сони янада ортган. Бунинг сабаби, бир томондан, шаҳарнинг кенгайиб бориши ва ундаги маҳаллалар сонининг ортиши б-н боғлиқ. Шунинг учун ҳам 19-а.да Тошкент ш.даги М.лар сони тўғрисида манбаларда турлича маълумотлар берилган. Хусусан, 1866–1868 й.ларда Т.да бўлган рус сайёҳлари П.И.Пашино ва А.П.Хорошхин ёки уларнинг маълумотларига таяниб изланиш



Шайх Зайниддинбобо жоме масжиди.

ларда ҳам жамоат бўлиб намоз ўқиган. Айрим йирик М.лар қошида мадрасалар фаолият кўрсатган. Шайхонтохур даҳасида «Ўқчи» маҳалла масжиди, Себзор даҳасида «Тахтапул» маҳалласидаги Жуманбий масжиди, «Қанғироққўча» маҳалласидаги масжид, Кўкча даҳасининг Турсунота маҳалласидаги Олимбек, Бешёғоч даҳасидаги Мулла Отабой-хожи маҳалла М.и шулар сирасига кирган.

олиб борган немис тадқиқотчиси Ф. Хеллвалд 19-а.нинг 60-й.лари 2-ярмида Т.да 280–310 атрофида М. бўлганлигини қайд этган. Тошкент ш. тадқиқотчиларидан Н. Маев 1876 й.да эълон қилган «Осиё Тошкенти» номли мақоласида Бешёғоч даҳасида 68 та, Шайхонтохур даҳасида 60 та, Кўкча даҳасида 51 та, Себзор даҳасида 10 та М. борлигини қайд қилган. Т. тадқиқотчиларидан А.И.Добросмислов эса 20-а. бошида Т.даги М.лар сони 400 га яқинлигини таъкидлаган.

Бу даврда шаҳардаги М.лар сони аввалгига қараганда тез ўзгариб турган. Буни архив ҳужжатларида қайд қилинган 1868 й.да 297 та, 1873 й.да 248 та, 1889 й.да 180 та (фақат вақфли М.лар), 1911 й.да 345 та, 1912 й.да 333 та М. бўлганлигидан билиш мумкин. 19-а.нинг бошларидан шаҳарнинг европаликлар яшайдиган қисмида ҳам М.лар кўпайиб бориб, 1911 й.да уларнинг сони 12 тага етган.

М.нинг асосий қисми анъанавий тарзда тўғри тўртбурчак ёки тўртбурчак тарҳда, усти ёпиқ иншоот – хонақоҳ, минора, мезана, айвон ва дарвозахонадан иборат бўлган. Т.да Қаноат оталиқ қурдирган *Баландмасжид*, Гулбозор, Ўразалибой, Фўлодбой Тинчбофий, Шарафибой, Қафқол Шоший мазоридоги жоме М., *Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди* ва б. аксарият жоме М.лар катта гумбазлар б-н ёпилган. Жумладан, Баландмасжиднинг гумбази 8 буржли ҳашаматли қилиб ишланган. Рус сайёҳи П.И.Пашинонинг ёзишича, шаҳардаги М.ларининг аксарияти минорали бўлган.

19–20-а. бошларидаги Тошкент М.ларини бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: жоме М.лар, маҳалла М.лари, гузар М.лари, мадрасалар таркибидаги М., мазор-зиёратгоҳлар қошидаги М., бозор ва расталардаги М.

Бундан ташқари, шаҳарда аҳоли намозгоҳлар ва ийдгоҳ-

Т.даги М.лар бошқа жойлардаги каби, нафақат ҳокимлар ва амалдорлар томонидан, балки тасаввуф вакиллари, шаҳарлик бойлар ҳамда маҳалла аҳолиси вакиллари томонидан ҳам қурилган. Жумладан, имом Зайниддинхўжа Азаматхўжа ўғли, Подшоҳхўжа Ўзбекхўжа ўғли, Юсуфхон эшон Мансурхон эшон ўғли, Фўлодбой Тинчбофий, Шарафибой Зайнобидин ўғли, Зоҳиджонбой Муллажонбой ўғли, Қосимбой Қоратутий каби шахслар шаҳарда бир неча М. қуриб, уларга вақф мулклари ажратган. Шунингдек, М. қуришда аҳолининг куйи қатлами ва б. шаҳарлик кишилар қатнашган. Айрим М. эса ўзига тўқ аёллар маблағи эвазига бунёд этилган. Эскижўвада жойлашган қад. М.лардан *Хотин масжиди*, Кўкча даҳасининг «Чуқурқишлоқ» маҳалласида Тугма хотин, Бешёғоч даҳасининг «Кўғурмоч» маҳалласидаги Очилдибой аёли бино қилган М.лар шулар жум-

ласидандир. Бундан ташқари, айрим маҳаллалар ва бозорлар яқинидаги М.ларни маҳалла одамлари ва бозор аҳли йигилиб бунёд этган.

М.ларда имом, муаззин, мутавалли; йирик М.ларда эса фаррош, сартарош ва қоровул хизмат қилган. Улар М.нинг вақф мулкидан белгиланган тартибда маблағ б-н таъминланган. М.нинг вақфлари аввало М. қурувчиси, қолаверса, ҳокимлар ва ўзига тўқ кишилар томонидан ажратилган. М. вақфларини, асосан, шаҳардаги дўконлар ва ерлар ташкил қилган. Бозорлардан ташқари, М.га туташ ерда ва М. ҳовлиларида ҳам вақф сифатида дўконлар ишга туширилган ва уларда М. сўфиси ёки мутаваллиси савдо қилган. Бундан ташқари, карвонсаройлар, тегирмонлар, обжувозлар, экинзорлар, боғлар, дарахтзорлар, ҳовлилар ва пул маблағлари ҳам эгалари томонидан белгиланган шартлар асосида вақф қилинган. Вақф мулкларини назорат қилиш М.нинг хўжалик ишлари юритувчиси – мутавалли томонидан олиб борилган. Бу иш кўп ҳолларда М. қурувчи ҳамда вақф қилувчининг ўзи ёки унинг авлодлари кўлида бўлган.

Тошкент М.лари ҳам, минтақанинг бошқа шаҳарларида бўлганидек, ўтмишда жамият ҳаётида муҳим ижтимоий-сиёсий вазифаларни бажариш б-н бирга маданий-маънавий м-з вазифасини ҳам ўтаган. Хусусан, шаҳардаги жоме М.ларда ҳукмдорлар ва ҳокимлар фармон ва буйруқларини халққа эълон қилиш, айбдорларни жазолаш ишлари ўтказилган. Шу б-н бирга М.ларда мадраса ва мактаблар мавжуд бўлиб, таълим-тарбия масканлари сифатида ҳам фаолият юритган.



Мирза Юсуф жоме масжиди.

1918 й. 13 май Туркистон ХКС буйруғи б-н диний муассасалар фаолиятини марказлаштиришда катта роль ўйнаган «Уламо» мусулмонлар ташкилотининг тугатилиши натижасида, бутун ўлкада бўлганидек, 1918–20-й.лар Т. шаҳридаги М.лар фаолиятида ҳам беқарор давр бўлди. Айни пайтда Т.да ташкил этилган «Диния бошқармаси» («Маҳкамаи шаърия») расман 1921 й. бошида иш бошлаган бўлса-да, Ўлка вақф бошқармаси сифатида кенг кўламда фаолият олиб борди. Бу пайтга келиб Т.да фаолият юритаётган М. сони 1917 й.дагига нисбатан анча кам бўлса-да, 1925 й.да Ўзбекистон собиқ иттифоқ таркибига киритилгач, динларга хусусан, ислом динига бўлган муносабат кескин ўзгарди. 1927 й. Ўзбекистон компартиясининг 3-съездида «Дин ва динга муносабат» масаласида резолюция қабул қилиниб, динга қарши ташвиқотлар бошланди. Ўзбекистондаги, жумладан Т. шаҳридаги деярли барча М. ёпилиб, бинолари бошқа мақсадлар-

да фойдаланишга топшириб юборилди.

1943 й. Тошкентда Эшон Бобоҳон ташаббуси б-н расман Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлар идораси ташкил этилгач, Т. масжидлар фаолияти яна жонланди. Диний идора томонидан шаҳардаги айрим М.лар таъмирланди. 1951 й.ги расмий қайдномага кўра, Т.да 1944–46 й.ларда қайтадан очилиб ишга туширилган Тиллашайх, Мўғулкўча, Аллон, Чигатой-Чақар, Маҳкама, Шайх Зайниддин, Қизил Товуш, Саричопон, Хожа Аламбардор, Новза, Яккасарой, Ракат, Қиёт, Мирза Юсуф, Отчопар, Олмазор, Орқакўча М.лари фаолият юритган.

Бироқ орадан кўп вақт ўтмай яна бутун республика бўйлаб М.ларни ёпиш бошланди. Биргина Т. шаҳрининг ўзида 1951 й.да жоме М.га кўшиб юбориш йўли б-н 8 та М. ёпилди. Жумладан, Мўғулкўча, Чигатой, Оқилон, Чақар М.лари Тиллашайх масжидига, Олмазор ва Маҳкама М.и Саричопон масжи-

дига қўшиб юборилди. Уларнинг бинолари эса фойдаланиш учун туман ижроия комитетларига берилди. Натижада Т. шаҳридаги кўплаб М. биноларидан кўрлар жамиятлари, турли артелларнинг цехлари, омборхоналари, чойхоналар, ётоқхоналар, клублар сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотчи И.Ф.Бородиннинг қайд қилишича, 1954 й.да Т. шаҳридаги 60 га яқин М. бинолари турли муассасалар ихтиёрида бўлган ва уларнинг кўпчилиги ўзининг асл ҳолатини йўқотган эди. Айрим М.лар эса 30–40-й.лардаёқ бузиб ташланган.

20-а.нинг 60–70-й.ларида Т. шаҳридаги М.ларнинг кўпчилик қисми харобага айланган ёки уларнинг биносидан бошқа мақсадларда фойдаланиш давом этган (айримларигина тарихий ёдгорлик сифатида сақлаб қолинган). 1966 й.ги Т. зилзиласи ва шаҳарда олиб борилган қурилиш ишлари жараёнида ҳам кўплаб эски М.лар бузиб ташланди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг динга ва диндорларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ҳукумат томонидан тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва асл ҳолида таъмирлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида, бошқа шаҳарларда бўлганидек, Т. шаҳридаги сақланиб қолган М.лар таъмирланиб шаҳарликлар ихтиёрига берилди. Хусусан, Шайх Зайниддин ва Хожа Аҳрор жоме М.лари айна шу йилларда ўз фаолиятини қайтадан бошлади.

Шу б-н бирга шаҳарнинг турли туманларида янги М.лар қурилиб, ишга туширилди. Айнқса, 2007 й.да Т.нинг ислом маданияти пойтахти деб эълон

қилиниши б-н *Ҳазрати имом мажмуаси*да таъмирлаш ишлари олиб борилиб, Ҳастимом жоме масжиди шарқона услубда қайтадан бунёд қилиниб, маҳалла аҳлига фойдаланишга топширилди.

Т.да тарихий аҳамиятга эга М.лардан *Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди*, *Мўйи муборак («Уккоша») жоме масжиди*, *Кохота Бузрук жоме масжиди*, *Хўжа Аламбардор жоме масжиди*, *Сузукота жоме масжиди*, *Қўйлиқота жоме масжиди*, *Тўхтабой жоме масжиди*, *Эшонгузар жоме масжиди*, *Имом ат-Термизий жоме масжиди*, *Ҳазрати имом жоме масжиди* ва б.ни кўрсатиш мумкин.

Т. шаҳрида Ўзбекистон муслмонлар диний идораси тизимида расмий равишда рўйхатдан ўтган жами 114 масжид фаолият юритади (2008).

МАССОН Михаил Евгеньевич (1897.21.11–1986.2.11) – археолог, тарихчи-шарқшунос, Ўзбекистонда (1944) ва Туркменистонда (1950) хизмат кўрсатган фан арбоби. Археология д-ри (1936), проф. (1945). Петербургда туғилган. 1923 й.дан Т.да.

М. Тошкент ва унинг атрофида археологик тадқиқотлар ўтказиш, Т.ни археология ва топографик нуқтаи назардан ўрганиш ташкилотчиларидан. М.нинг «Тошкентнинг ўтмиши» («Прошлое Ташкента») асари (1954) Т.ни тарихий даврлаштиришда, эски шаҳардаги меъморий мажмуалар шаклланиши тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» (Амир Темур 1-тор кўч., 2) – Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимидаги акциядорлик компанияси. Аҳолининг вақтли матбуотга

бўлган эҳтиёжини қондириш б-н шуғулланади. Т.да матбуот тарқатиш иши дастлаб 1930 й. ташкил этилган «Союзпечать»нинг Тошкент ш. агентлиги зиммасига юклатилган эди. 1992 й. у «Матбуот тарқатиш» корхонаси номини олди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вақтли матбуотни тарқатиш корхоналарини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисидаги» 418-сонли қарори (1999 й. 13 сент.)га асосан «Матбуот тарқатувчи» ва «Матбуот тарқатиш маркази» ёпиқ акциядорлик жамиятлари негизда «М.т.» акциядорлик компанияси тузилди. У ўз фаолиятини 2000 й. апр. ойдан ОАЖ шаклида бошлади. «М.т.»нинг асосий вазифаси вақтли матбуотни чакана савдо дўконлари тармоғи орқали тарқатишни таъминлаш, «Ўзбекистон почтаси» компанияси корхоналари б-н биргаликда газ. ва журн.ларнинг ўқувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, вақтли матбуотга обуна бўлишни ташкил қилишдан иборат. «М.т.» компанияси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси б-н газ., журн.ларни экспедиция қилиш, «Халқаро почтамт» шохобчаси б-н республика вилоятларига самолёт, т.й. ва автомобиллар орқали етказиб бериш бўйича шартномалар тузган. Компания ҳар йили Тошкент ш.да тарқатиладиган газ., журн. ва китоблар каталогини чоп этади. Обуна тегишлича нархларда расмийлаштирилиб, абонент қутисига ёки манзилга етказиб берилади. Шаҳарда компанияга қарашли 270 та «Матбуот» дўкончалари бор. Мижозлар бу дўконларда обунани расмийлаштириш ва матбуотни ўзлари олиш имкониятига эга.

МАТЕМАТИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Математика ва ахборот технологиялари институти (Дўрмон йўли кўч., 29) – 2007 й. Математика ин-ти (Математика ва механика ин-ти номида 1943 й. асос солинган) ва Информатика ин-ти (2004 й. ташкил этилган) негизда Тошкент ш.да ташкил этилган. Ин-т функционал таҳлил, дифференциал тенгламалар, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, алгебра, ҳисоблаш математикаси, мураккаб тизимларда моделлаштириш, бошқариш ва қарор қилиш, сунъий тафаккур муаммолари, сигнал ва тасвирларни қайта ишлаш илмий йўналишлари бўйича тадқиқотлар олиб боради. Ин-тда 16 лаб., аспирантура ва д-рантура бор. Ин-т кутубхонасида математика ва информатиканинг турли йўналишлари бўйича 110 минг асар сақланади. Ин-тда 116 илмий ходим, жумладан 10 Ўзбекистон ФА акад., 39 фан д-ри, 51 фан номзоди ишлайди (2008). 1991 й.дан «Ўзбекистон математика журнали» чоп этилади.

«МАТОНАТ» (Абдулла Қодирий ва Рашидов кўчалари чорраҳасида) – Т. зилзиласи (1966) оқибатларини тугатишга бағишланган яхлит бадиий ёдгорлик мажмуа (ҳайк. Д.Б.Рябичев, мейморлар: С.Р.Одилов, Ф.Ю.Турсунов). 1970 й. 20 майда очилган. Бронза ҳайкалда бағрига бола сини босиб турган аёл ва табиий офатга қарши кўксини қалқон қилаётган эркак тасвирланган. Ҳайкал ёнидаги қора лабрадоркубнинг бир томонига зилзила юз берган вақт-соат 5 дан 23 минут ўтганини кўрсатиб турган соат мили, бошқа томонига «1966 й. 26 апрель» сўзлари ўйилган.



«Матонат» ёдгорлик мажмуаси.

«МАТОНАТ» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-5 даҳаси) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Минор», «Қашқар», «Турон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. Тошкент зилзиласи пайтида халқимиз намойиш этган буюк матонат рамзи сифатида шу худудга «*Матонат*» ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган. 1988 й.дан маҳалла «Матонат» деб номланди. Аҳолиси 6032 киши, асосан, ўзбеклар (50%). Маҳалла худудида Меҳрибонлик уйи, «Буревестник» спорт мажмуаси, «Ширин», «Персия» ресторани, мактаб, ҳуқуқшунослик академик лицейи, учта болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«МАТОНАТ» МАҲАЛЛАСИ (Кўйлик кўч., 1) – Миробод туманидаги маҳалла. Баратхўжа, «Парвона», Кўйликота маҳаллалари б-н чегарадош. 1982 й. ташкил этилган. Маҳаллада ногиронларга тегишли корхоналар жойлашганлигини эътиборга олиб шу ном берилган. Аҳолиси 997 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек рус, татар, қozoқ ва блар яшайди (2009). Маҳалла

худудида 2 кўча, болалар боғчаси, 2-сонли оилавий шифохона, «Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти», «Картон ва чўтка (шчётка) ишлаб чиқариш» корхонаси ва б. мавжуд.

МАХМУР МАҲАЛЛАСИ (1-Махмур кўч., 22) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Умид», Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий, «Авиасозлар», «Беш-бола» маҳаллалари б-н чегарадош. 1973 й. ташкил этилган ва ўзбек мумтоз адабиёти намояндаси Махмур (?–1844) номи берилган. Аҳолиси 2890 киши, турли миллат вакиллари (ўзбек, рус, қozoқ ва б.) яшайди (2009). Маҳалла худудида Пулемасота қабристонни, жоме масжиди, «Надежда» христиан черкови бор.

«МАХСУСТРАНС» (Учтепа тумани, «Бекобод» саноат зонаси) – Тошкент ш. ҳокимлиги худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасига қарашли и.ч. бошқармасининг давлат унитар корхонаси. 1988 й. ташкил этилган. Бошқарма шаҳарни ободонлаштириш Бош бошқармаси таркибидан чиқарилиб, 2001 й. 26 декабрда Тошкент худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси тасарруфига ўтказилди. Бошқарма маиший чиқиндиларни йиғиш, йўқотиш, саноат йўли б-н қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш б-н шуғулланади; экология ва атрофмуҳитни муҳофаза қилиш режими сақлайди. «М.» таркибига «Миробод-Махсустранс» 1-автотранспорт корхонаси, «Мирзо Улуғбек – Махсустранс» 2-автотранспорт корхонаси, «Ҳамза-Махсустранс» 3-автотранспорт корхонаси, «Шайхонтохур-Махсустранс» 5-автотранспорт корхонаси, «Яккасарой-Махсустранс» 6-автотранспорт корхонаси, «Чилонзор-Махсустранс» 7-автотранспорт корхонаси,

«Бектемир-Махсустрас» 8-автотранспорт корхонаси, «Собир Раҳимов-Махсустрас» 10-автотранспорт корхонаси, «Учтепа-Махсустрас» 11-автотранспорт корхонаси киради. Бошқарма, шунингдек, «Чиқиндиларни қайта ишлаш корхонаси» («Оҳангарон» шаҳар ахлатхонаси), Ахлат ташиш станцияларини ишлатиш давлат унитар корхонаси, «Махсустрас-таъмиризмат» (Марказий ремонт устaxonаси) давлат унитар корхонаси фаолиятини мувофиқлаштиради.

«М.» ахлат ташийдиган махсус машиналар (348 та), шу жумладан, Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган «Хундай», «ДЭУ» русумли (334 та) машиналарга эга. 2007 й. бошқарма 1333,3 минг м³ ҳажмдаги чиқинди ташиди. Корхона олган фойда 6720279,2 минг сўмни ташкил этди. Корхонада 1,5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади (2009 й. 1 июль).

«МАШИНАСОЗЛАР» – метро бекати. «Ўзбекистон» йўлидаги бу бекат Элбек ва Тараққиёт кўч.лари б-н кесишган ерда жойлашган. Меъмори А.Одилова, муҳандис О.Зокиров. 1987 й. 6 нояб.да «Ташсельмаш» номи б-н очилган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Ёнида завод, ун комбинати, темир йўл касалхонаси ва б. мавжуд. Бекатнинг меъморий-бадий ечими темир-бетон йиғма конструкция ва устунлардан ташкил топган. Вестибюллар, ер ости ўтиш йўли деворлари шаффоф рангли мрамор б-н, зал устун ва тўсинлари қизғишяшил мрамор б-н ҳашамланган. Залнинг марказий қисмидаги тўсинларга ўрнатилган қуйма услубда тайёрланган шиша ёритгичлар йўловчилар зали ва зинаёни деворларида ҳам давом

этиб, вестибюлда барпо этилган бадий мужассамот (композиция) кўринишида яқунланади (рас. В.Ган). Вестибюль шифтидаги электр ёритгичлар ўрнатилган қабирғалар алюминий панжаралар б-н тўсилганлиги туфайли ёруғлик бир маромда тарқалади. Йўловчилар зали, вестибюллар ва ер ости ўтиш йўли саҳнлари гранит б-н қопланган. **«МАШИНАСОЗЛАР» МАҲАЛЛАСИ** (Боткин кўч., 6) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Чўлпон, Шароф Рашидов маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил этилган. Аҳолиси 4950 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида озик-овқат дўконлари, сартарошхона, «Муסיқа» саройи ва б. жойлашган.

МАШРАБ (тахаллуси; асл исм-шарифи Бобораҳим Мулла Вали ўғли) (1640–1711) – шоир ва мутафаккир. Наманганда туғилган. М. номи 18–19-а.ларда тузилган тазкира ва тасаввуфий йўналишдаги асарларда (мас., Баде Самарқандийнинг «Музокир ул-асҳоб» ва б.) зикр этилган. У отадан ёш етим қолган. Онаси ип йигириб тирикчилик ўтказган. М. дин асослари ва фалсафадан яхши хабардор бўлган Сўфи Эшон Мулла Бозор Охунд (Хўжа Убайдулло) кўлида диний таълим олган, суфий тариқатлар бўйича билимини оширган, форсий тилни ўрганган.

Тахм. 1665 й.ларда йирик дин арбоби қашқарлик Ҳидоятулло Офоқ Хожа эшон ҳузурига борган. Шоир адабий меросидаги диний мазмун ва тасаввуфий йўналиш руҳидаги шеърларнинг кўпчилиги қисми Офоқ Хожа даргоҳида ва унинг тарғибот-сабоқлари таъсирида яратилган. Офоқ Хожа шахсий хислат-фазилатларини мадҳ этувчи, уни «пиру раҳбар» деб тан олув-

чи байт-мисралар мужассам бўлган ғазал ва мухаммаслар ҳам («Кошки», «Ўзум» радифли ғазаллар, «Қолмади» радифли мухаммас) шу муридлик йиллари маҳсулидир. М. тахм. 1672–73 й.ларда Офоқ Хожа даргоҳини тарк этган.

М. пири даргоҳидан кетгач, деярли 40 йиллик умрини доимий сафарда, турли ўлкаларда дарбадарликда ўтказган. Шоир кўнимсиз ҳаётининг сўнгги манзили Балхда тескаричи гуруҳларнинг расмий фатвоси ва Маҳмудбий Қатагоннинг ҳукми б-н дорга осилган.

М. моҳир ғазалнавис ҳамда шўх ва жарангдор мустазодлар, ўйноқи ва жозибатор мурабба ҳамда халқ ғаму ҳасратига ҳамдардлик ҳисси б-н йўғрилган мухаммаслар ижодкори сифатида кенг довруғ чиқарган. М. ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мустазод ёзган ижодкорлардан бири.

М.нинг ғазал, мустазод ва мураббаларида ишқ-муҳаббат, вафо-садоқат мавзуи етакчи ўринда турса, мухаммас ва мусаддасларида чуқур ижтимоийлик устунлик қилади, тақдирнинг кемтиклиги ва ҳаётнинг носозликларидан, давр (чарх, фалак) ва адолатсиз муҳитнинг шахс бошига тинимсиз келтираётган жабру жафосидан шикоят, таъқиб-таъйиқидан норозилик дардли мисраларда, аммо қатъий ва кескин ифодаланади. М. қолдирган ижодий меросда диний ва тасаввуфий ғоялар ҳам, ўша замонда кенг тарқалган қаландарлик тариқатининг айрим оҳанг-таъкидлари ҳам сезиларли ўрин эгаллайди.

М. форс тилида ҳам бир неча шеърий турларда етук намуналарни яратган. Ижоди кейинги асрлар адабиётига сезиларли таъсир кўрсатган. Нодири,

Хувайдо, Қорий, Фурқат, Ҳамза каби шоирлар унинг ғазаллари-га таҳмис ва назиралар боғлашган. Т.да М.нинг «Девон» (1984), «Меҳрибоним, қайдасан» тўп-ламлари нашр этилган.

М. ҳаёти ва ижоди ҳақида бир неча бадиий асарлар (роман, қисса, дostonлар ва сахна асарлари) яратилган, шоирнинг асарларидан намуналар қатор хорижий тилларга таржима қилинган. Т.нинг Чилонзор туманида («Мевазор» маҳалласи)да М. номида кўча, маданият уйи бор.

МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, Р е с п у б л и к а М а ъ н а в и я т т а р ғ и б о т м а р к а з и – маънавий-маърифат ишларини олиб борувчи ташкилот. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 й. 23 апр. фармонида биноан Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ташкил этилган. Бу марказ 2006 й. 25 авг.дан ҳоз. ном б-н қайта тuzилди. Унинг ишига Республика Маънавият ва маърифат кенгаши раҳбарлик қилади. М.т.м.-нинг асосий вазифаси миллий маънавиятимизнинг маъно-моҳияти, илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган изчил тарғибот ишлари олиб боришдан иборат. Марказ жамиятимизда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

М.т.м.нинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, барча шаҳар ва туманларда бўлимлари бор. М.т.м.нинг Тошкент шаҳар бўлими (Амир Темур шоҳкўч., 6) ўз фаолиятини Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши, Республика М.т.м. дас-

турлари асосида олиб боради. Бўлим асосий эътиборини Тошкент ш. аҳолисининг кенг қатламлари, аввало, ёшлар ўртасида Ватанга муҳаббат ва садоқат, инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларнинг ҳаёти-миздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга йўналтирилган маърифий тадбирларга қаратади. Тарғибот ишлари жамоатчилик б-н самимий мулоқот, савол-жавоб, баҳс-мунозара, эркин фикр алмашиш тарзида олиб борилади. М.т.м. шаҳар бўлимига қарашли 11 та туман бўлими мавжуд. Бўлим қошида «Маънавият хазинаси» малака ошириш ўқув курси фаолият олиб боради.

МАЪМУРИЙ-ҲУДУДИЙ БЎЛИНИШ – Тошкент ш. 2200 йиллик тарихи давомида ўрни алмашиб, ҳудуди ҳам кенгайиб борган. Ундаги аҳоли жойлашуви кичик маъмурий қисмлар – маҳаллалар шаклини олди. 18-а.га келиб Т. 4 қисм – *даҳота* бўлинди. Тарихий манбаларда шаҳарнинг шим. қисмидаги даҳа Қаффоли Шоший, жан. қисмидагиси – Зангиота, шарқий қисмидагиси – Шайхонтохур, ғарбий қисмидагиси Шайх Зайнид-

дин номлари б-н аталган бўлса-да, аҳоли орасида улар Себзор, Бешёғоч, Шайхонтохур ва Кўкча номлари б-н юритилар эди. Ҳар бир даҳанинг ўз ҳоқими, қозиси ва раиси бўлган. Шунга кўра шаҳар тарихида бу давр «Чор-ҳоқимлик» номи б-н юритилган.

Т.ни чор Россияси босиб олгандан сўнг (1865), Анҳорнинг чап соҳилида рус аҳолиси учун европача шаҳар қурилиши жараёнида Т. 2 қисмга – *Эски шаҳар* ва *Янги шаҳарга* бўлиниб, улар 1917 й.дан расмий маъмурий бирлик деб ҳисобланди. 1929 й. ноябрда Т. 4 туманга бўлиниб, улардан 2 таси шўро давлати доҳийлари Ленин ва Сталин номлари б-н аталди, 2 таси эса Октябрь, Пролетар (1935 й.дан Куйбишев) туманлари деб номланди.

Т. Ўзбекистон пойтахти мақомини олгач (1930), шаҳарда турар жой ва турли хил қурилишларнинг авж олиши туфайли туманларни бошқариш анча қийинлашди. Шу сабабдан 1936 й. сент.да Т.да яна 2 туман ташкил этилди. Булардан биринчиси Т.да умуман бўлмаган, Россияда инқилобий ҳаракат намояндаларидан Киров номига қўйилган бўлса, иккинчиси 1919–

Тошкент шаҳри туманлари

Туманлар	Ташкил топган йили	Аҳолиси, минг киши (2009)
Бектемир	1990	27,5
Мирзо Улуғбек	1929	245,5
Миробод	1929	122,8
Сергели	1967	149,0
Собир Раҳимов	1970	306,1
Учтепа (2005 й.гача)		
Акмал Икромов	1977	237,6
Чилонзор	1963	217,3
Шайхонтохур	1929	286,4
Юнусобод	1936	294,7
Яккасарой	1936	115,0
Ҳамза	1968	204,9

20-й.ларда ўз «штаби» б-н Тошкент марказида жойлашган, Ўзбекистонда миллий-озодлик ҳаракати («босмачилик»)ни бос-тириш ва Бухоро хонлигини ағдаришда қирғин ва вайрона-гарчиликка раҳбарлик қилган шўро партия ва ҳарбий арбоби Фрунзе номи б-н аталди.

2-жаҳон уруши даврида Т.га кўплаб саноат корхоналари, ўкув юртлари, маданий ва ижтимоий муассасаларнинг кўчириб келтирилиши муносабати б-н Марказий ва Москва туманлари тузилди (1943). 1943 й. окт.да Т. республика миқёсидаги шаҳар тоифасига киритилди. 1956 й. май ойидан Москва ва Сталин туманлари, 1959 й. мартда Марказий туман тугатилди. Уларнинг ҳудудлари бошқа туманларга қўшилди. Т. вилоятининг Калинин, Қорасув ва Тошкент туманлари шаҳарга ўтказилди. 1961 й. фев.да улар яна Т. вилояти таркибига киритилди. Турар жой бинолари қурилиши кўламининг кенгайиши, шаҳар аҳолиси сонининг ортиб бориши (1 млн. кишига етиши) туфайли 1963 й. дек.да *Чилонзор тумани* ташкил этилди. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг йирик турар жой массивлари қурилиши, саноат зоналарининг кенгайиши натижасида Т. вилояти Қибрай ва Калинин туманлари ҳудудининг бир қисми шаҳарга қўшилди. 1967 й. янв.да *Сергели тумани*, 1968 й. янв.да *Ҳамза тумани*, 1970 й. дек.да *Собир Раҳимов тумани* тузилди. Корхоналар ва иж-

тимоий маданий ҳамда маиший хизмат кўрсатиш объектларини бир меъёрда тақсимлаш мақсадида шаҳар туманлари чегараси қайта кўриб чиқилди ва ўзгартиришлар киритилди. 1977 й. сент.да Акмал Икромов тумани (ҳоз. *Учтепа тумани*), 1990 й. апр.да *Бектемир тумани* ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бутун мамлакатда бўлгани каби, Тошкент ш. маъмурий-худудий бўлинишида ҳам тарихий шаклларни замонга мослаб тиклашга аҳамият берилди. Биринчи навбатда шаҳардаги туманлар номи ўзгартирилди. 1992 й. май ойидан Киров тумани – Юнусобод, Куйбишев тумани – Мирзо Улуғбек, Ленин тумани – Миробод, Октябрь тумани – Шайхонтохур, Фрунзе тумани – Яккасарой номини олди. 2005 й. 6 майда Акмал Икромов тумани номини Учтепа деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилинди (8-бетдаги хари-тага қ.).

«МАЪРИФАТ» МАҲАЛЛАСИ (Фарғона йўли, 23/35) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Жўрабек, «Тараққиёт», Аҳмад Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош. 1950 й. ташкил топган. 2005 й. маҳалла ҳудудидан «Тараққиёт» маҳалласи ажраб чиқди. «М.» м.

«Мақом» ансамбли (тарихий сурат; 1976 йил).



аҳолиси 6337 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, 6-муסיқа мактаби, 17 та катта-кичик корхона ва ташкилотлар, 2 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

МАЪРУФОТА ҚАБРИСТОНИ (Сергели тумани, Чоштепа кўч., 93) – майд. 1,24 гектар. 1123 й.дан мавжуд. Ривоят қилинишича, қадимда Яссавия сулукига мансуб Маъруфота исмли шайх қабристон жойлашган ҳудуд атрофида ўтов тикиб бир неча кун яшагани сабабли шу ном б-н аталган. Қабристон ёнида Маъруфота жоме масжиди бор.

«МАҚОМ» АНСАМБЛИ, Бадий жамоалар ижодий бирлашмаси қошидаги Юнус Ражабий номидаги «Мақом» ансамбли – мақомларни ижро этишга ихтисослашган хонанда ва созандалар гуруҳи. 1959 й.да Ўзбекистон давлат радиокomiteти ҳузурида академик Юнус Ражабий ташаббуси б-н тузилган (1989 й.да ансамблга унинг номи берилган).

«М.» а. республика радиоси ҳузурида 1927 й.да ташкил топган ўзбек халқ чолғулари ансамбли (раҳбари Юнус Ражабий), шунингдек, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Домла Ҳалим, Тўйчи ҳофиз каби атоқли ҳофизларнинг бой ижодий-ижрочилик аънаналарига таяниб иш тутди. Ансамблга тажрибали хонанда ва созандалар жалб этилиб, миллий чолғулардан танбур, дутор, чанг, рубоб, гижжак, сато, най, қўшна,

доира ва б. киритилган. Ансамбль томонидан, асосан, Бухоро ва Фарғона–Тошкент мақом йўллари мукамал ўрганилиши ҳамда ноёб ижро услублари ўзлаштирилишида Ф.Содиқов (1961–76 й.ларда чангчи ва мусиқа раҳбари), Ж.Султонов, О.Имомхўжаев, А.Хайдаров, К.Исмоилова, Б.Довидова, О.Алимаҳсумов, О.Қосимов, Т.Алиматов ва б.нинг улуши катта бўлди. Ансамблнинг бадиий раҳбарлари: Ю.Ражабий (1956–76), О.Алимаҳсумов (1976–79; 1984–86), Ш.Мирзаев (1979–82), Ф.Тошматов (1982–83), Исроил Ваҳобов (1996–99), А.Исмоилов (1989–96 ва 1999 й.дан). Ансамбль созанда ва хонандалари нуфузли мусикий анжуманлар, шу жумладан, ЮНЕСКО қошидаги халқаро мусиқа кенгашининг VII конгресси (Москва, 1971), Халқаро мусиқашунослик симпозиумлари (Самарқанд, 1978, 1983, 1987), «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестиваллари (Самарқанд, 1997, 1999, 2001)да муваффақиятли иштирок этган.

МАҚСУД ШАЙХЗОДА – қ. *Шайхзода*.

МАҚСУДИЙ Тангрикул (1881–1931.23.4) – педагог, драматург ва шоир. Т.да туғилган. Т.даги Бекларбеги ва Эшонқули додхон мадрасаларида таҳсил олган. Туркиядаги билим юртида ўқиган. *Мунавварқори* Абдурашидхон таъсири остида ижтимоий-сиёсий қарашлари шаклланган. 1914–15 й.лардан муваққат нашрлар, хусусан, «Ал-Изоҳ», «Ал-Ислоҳ» журн.ларида шеър ва мақолалари чоп этилган. Асарларида одамларни маърифатга, Европа фан-техника ютуқларини ўрганишга чақирган. Ўқитувчилик фаолиятини олиб бориш б-н бирга «Турон кучи»

театр гуруҳини ташкил қилган (1919) ва ўзи драматург, реж., актёр сифатида иштирок этган. «Эски мактаб, янги мактаб» (1 пардали кулги), «Ватан ёхуд Ватан қурбонлари» асарлари муаллифи. 1919–21 й.ларда «Миллий иттиҳод» ташкилотида фаолият олиб борган. Кейин педагогик б-н шуғулланган. Шўро ҳукуматининг қатағонига учраган (1931). Москвадаги Ваганьково қабрситонига дафн этилган.

МАҲАЛЛА – ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари, урф-одатлари ва қадриятларига хос бўлган усули. Тошкент М.лари асрлар давомида аҳолининг касб-ҳунар ёки миллий белгилари асосида таркиб топган, мас., Дегрезлик (қозон қуювчи), Заргарлик, Мисгарлик, Пичоқчилик, Тақачи, Тожиккўча (тожиклар яшайдиган) ва б. Кўп М.лар шу ҳудуддаги ариқ, ҳовуз, кўприк, масжид, жой рельефи ва б. номлар б-н аталган. Ҳар бир М.нинг кўкаламзорлаштирилган жамоат маркази, масжиди, чойхонаси, аҳолисининг тўй-ҳашамга, аза-маъракага зарур умумий мулки бўлган. Баъзан, бир неча М. учун бир умумий марказ – гузар бўлиб, унда масжиддан ташқари хунармандчилик устахоналари, чойхона, новвойхона, баққоллик дўконлари ва бозорча ҳам бўлган. Гузарлар катта кўчалар ёки чорраҳаларда жойлашган. Айни вақтда «гузар» атамаси маҳаллалар номига ҳам ўтган (мас., Эшонгузар, Шохингузар, Гузарбоши М.лари ва б.).

М.лар аҳолининг умумий йиғинида сайланадиган *юзбоши* (чор Россияси даврида элликбоши) томонидан бошқарилган. Юзбоши (элликбоши) ва унинг ёрдамчилари М.даги барча жамоа ишлари ва маросимларни

бошқарган. М. худуди катта кўчанинг бир қисми, нисбатан кичикроқ кўчалар ёки тармоқланган кичик кўчалардан иборат бўлган. М. маъмурий жиҳатдан *дахо* таркибига кирган. М. худудида сув ҳавзалари ҳамда ариқларни тоза сақлашга қаттиқ риоя қилинган. Умумий ишлар *ҳашар* йўли б-н бажарилган.

Т.да М. аҳолисининг кўпчилиги мавзеларда деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Шаҳар марказидаги М.лар жуда қад. бўлиб, чеккаларида эса янгилари кўшилиб бораверган. Чорсу бозори (Эскижўва бозори) атрофидаги М. аҳолисининг аксарияти савдо-сотик, хунармандчилик б-н шуғулланган, дўкон ва устахона кабилар кўп бўлганидан хонадонларнинг ҳовлилари шаҳар чеккаларидаги хонадонларникига нисбатан кичик бўлган.

Тошкент М.лари ҳақида аниқроқ маълумотлар Н.А.Маевнинг таҳрири остида чиққан «Туркистон ўлкаси статистикаси учун тўпланган материаллар йилномаси» (1876 й.)да келтирилган. Унда кўрсатилишича, Т.да ўша вақтда 149 М. бўлиб, шундан 48 таси Шайхонтохур даҳасида, 38 таси Себзор даҳасида, 31 таси Кўкча даҳасида, 32 таси Бешёғоч даҳасида жойлашган. Н.Г.Маллицкийнинг «Тошкент маҳалла ва мавзелари» асарига кўра, 20-а.нинг 20-й.ларида Т.да жами 280 га яқин М., 170 га яқин мавзе бўлган.

М. жамоат тузилмаси сифатида тарихан бир қанча ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Совет ҳукумати М.лар вазифасини чеклашга, ўзига бўйсундиришга интилди, бу ҳол М. фаолиятига ўз таъсирини ўтказди. Бироқ М. ўзининг яшовчанлигини намоён этиб, анъанавий ҳаёт ва алоқа тарзига қарши ҳар қандай ҳужумларга ва улар-

ни йўқотиш йўлидаги уринишларга дош берди. У илгариги ҳаёт тарзи, урф-одат ва расм-русумларни сақлаб қолди.


1932 й. 17 апр.да М. кўмиталари тўғрисида Низом чиқди. 1935–36 й.ларда М.ларда оқсоқол бошчилигида М. кўмиталари ташкил этилиб, аҳоли ўртасида олиб бориладиган барча ишларни раис бошқарган. Бироқ М.га юридик шахс мақоми берилмаган эди. М. кўмиталари бирон-бир молиявий хўжалик фаолияти б-н шуғулланиши,

олди-сотди, ижарага бериш ишларини бажариши мумкин эмас эди. М.нинг ҳуқуқ ва ваколатлари чекланган эди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, М.ларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Ўзбекистон Конституциясининг 105-моддасига ва 1993 й. сент.да қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунга биноан, М.лар ўз ҳуқуқий мақомига эга. М.лар юридик шахс сифатида ўз мол-мулкига, молиявий бюджетига,

банкдаги ҳисоб-китоб рақамига – жамғармасига эгадир. Бу қонунга асосан ҳар бир М. ўз ҳудудида и.ч.ни ташкил этиши, кичик корхоналар очиши, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиши, унинг бир қисмини М.даги эҳтиёжмандларга бепул тарқатиши, ўз ҳудудидаги аҳолини иш б-н таъминлаши, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиши мумкин.

М.лар ўз фаолиятини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ташкил этишлари учун барча им-



кониятлар яратилди. Улар тўймаърака маросимларини ўтказиш, ҳашарлар уюштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, беморлар ҳолидан хабар олиш ишлари б-н шуғулланади. Кўпчилик М.ларнинг ўз гузари, масжиди бор, турли маъракалар учун керакли ашёлар (дошқозон, идиш-товоқ, чойнак-пиёла ва б.) мавжуд. Истиклол йилларида М. вазифалари анча кенгайди, у демократик давлатнинг энг муҳим бўғинларидан бири бўлиб қолди.

М. ва унинг аҳолисининг ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маданий юксалишига ҳар томонлама ёрдам бериш, миллий анъана ва урф-одатларни бойитиш, М. фуқаролар йиғинлари ишларини мувофиқлаштириш, М.лардаги кам таъминланган оилалар, кексалар, фахрийлар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етим-есирлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш мақсадида 1993 й. 17 авг.да Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил этилди. Вилоятларда ҳамда Тошкент ш.да унинг бўлимлари бор. 1996 й.дан «Маҳалла» газ. чиқа бошлади.

Ҳар бир М. аниқ ташкилий тузилмага эга. Унга М.нинг умумий йиғилишида сайланадиган М. кенгаши раҳбарлик қилади. Кенгаш ўз таркибидан расман М. йиғини раиси (оқсоқол)ни, ўринбосари ва котибини сайлайди.

Бундан ташқари, М. кенгашига кекса, тажрибали кишилардан М. оқсоқоли маслаҳатчилари ҳам сайланади. Кенгаш ҳузурида тўй маросимларини ўтказиш, хотин-қизлар, ёшлар, уруш ва меҳнат фахрийлари б-н иш олиб борувчи, жамоат тартибини сақлаш, ободонлаштириш, турар жой фондларини сақлаш ва ҳ.к. бўйича комиссиялар тузилади.

М. раҳбарияти 2,5 й.га сайланади ва ҳар йили аҳоли олдида ҳисобот беради. Жорий масалаларни ҳал этиш учун М. кенгаши ойда бир марта йиғилади.

1999 й. 14 апр.да «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳақида»ги (янги таҳрирда) қонун қабул қилинди. Мазкур қонун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида туб бурилиш ясади. Янги таҳрирдаги қонуннинг 7-моддасига асосан, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари таркибига кирмайди деб тўғридан-тўғри белгилаб қўйилди. Бу қонунда М. бажариши зарур бўлган вазифалар белгилаб берилган. М.га юқорида санаб ўтилган вазифалардан ташқари, янги вазифалар юклатилган. У ўз ҳудудида савдо ва маиший хизматни, санитария ва экологик ҳолатни назорат қилишга кўмаклашади, ёнгин хавфсизлиги, турар жой фондиди сақлаш, аҳоли-

ёрдам беради. Ана шу пул маблағлари тушумининг муайян миқдори ўз-ўзини бошқариш органлари жамғармасига ўтказилади. Бу маблағ кам таъминланган оилаларнинг уй-жой, коммунал хизматлари тўловларига, шунингдек, М.ни ободонлаштиришга сарфланади. Эндиликда, ҳар бир М. ўз маданий марказини, гузарини қуриб, шу ерда чойхона, новвойхона, дўкон, маиший хизмат шохобчалари, турли спорт ўйинлари масканини барпо этмоқда.

Т.да 474 та маҳалла мавжуд (2009) (алоҳида мақолаларга қ.). Маҳаллаларда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда шаҳарнинг муайян боғида «Маҳалла куни» тадбири ўтказиб келинади.

МАҲМУД ДАСТУРХОНЧИ МАДРАСАСИ (1833) – Т.даги Дегрез маҳалласида жойлашган мадраса. Маҳмуд дастурхончи (тўлиқ исми Маҳмуд Бобо дастурхончи Ҳасанжон ўғли) Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг вазири ва Лашкар бекларбегининг яқин дўсти бўлган. Унинг номида 2 та мадраса бўлган, бири – Т.да – Себзор даҳасининг Юқори Дегрез маҳалласида, иккинчиси – Қўқонда. Т.даги М.д.м., вақфнома шартига кўра, Қўқондаги мадраса б-н бирга Маҳмуд дастурхончи авлодлари томонидан бошқарилган. Мадрасада 25 хужра, масжид ва ҳовлисида ҳовузи бўлган. Мадрасанинг шифти ва девори ёғочдан ишланган.

«МЕБЕЛЬ» ЎЗБЕКИСТОН–АНГЛИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ (Сергели тумани, Саъдий кўч., 6) – махсус мебель ишлаб чиқарувчи корхона сифатида 1977 й. ташкил бўлган. 1991–93 й.ларда ижара корхона, 1993–94



дан солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тушишини таъминлашга

Мирзо Голиб маҳалласи кенгашининг йиғилиши. 2008 й.

й.ларда «Мебель» илмий и.ч. бирлашмаси деб аталди. 1994 й.дан ОАЖ бўлди, 2007 й. 4 июндан эса қўшма корхонага айлантирилди ва «Биллур», «Наврўз» корпусли мебель термалари, ётоқхона учун мебеллар термаси, ташкилотлар буюртмаси бўйича столлар ҳамда буюмлар тайёрлашга ихтисослашди. Маҳсулот ҳажми 2008 й.нинг 6 ойи мобайнида 484152 минг сўмни ташкил этди. Корхонада спорт-соғломлаштириш маскани мавжуд.

«МЕВАЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Машраб кўч., 65) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «2-Қатортол», «Наққошлик», Шотурсун Фуломов, «Бўрижар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1961 й. ташкил топган. Маҳалла фуқаролари, асосан, ҳоз. «Новза» маҳалласи Қатортол қишлоғи ёхуд «Бўрижар» маҳалласидан келган аҳолидан таркиб топган. 19-а. охири – 20-а. бошларида маҳалла худудида Эски шаҳардаги «Заҳариқ» маҳалла аҳолисининг дала ҳовлилари бўлган ва *Бўрижар* деб аталган. Дастлабки қурилиш ишлари 1959 й.да бошланган. Маҳалланинг асосий

худуди мевазор боғлар бўлгани учун «Мевазор» номини олган. Аҳолиси 2838 киши, асосан ўзбеклар (2009). Маҳалла худудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, «Левининвест» қўшма корхонаси, Олтинхонтўра жоме масжиди, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, тикув цехи, чойхона мавжуд.

«МЕВАШАРБАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРПОРАЦИЯСИ (Тошкент тумани, Гулистон қишлоғи) – мевачилик, узумчилик ва виночилик соҳасидаги энг йирик илмий муассаса. *Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказига* қарайди. 1995 й.да ташкил этилган. Таркибида: акад. Р.Р.*Шредер* номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институти (бош корхонаси; 1898 й.да Туркистон қ.х. тажриба даласи сифатида Р.Р.*Шредер* томонидан асос солинган, 1947 й.дан и.т. ин-ти), шу ин-тнинг Самарқанд, Жиззах, Тоғли боғдорчилик ва узумчилик (Бўстонлиқ туманида), Фарғона (Қува туманида), Виночилик (Қибрай туманида, виночилик з-ди билан бирга) филиаллари, Жану-

бий Ўзбекистон тажриба ст-яси (Денов ш.), Туюқжар (Бахмал туманида) мевачилик тажриба бўлими, Қарши мева кўчатчилик бўлими, 12 боғдорчилик-узумчилик тажриба хўжаликлари [Андижон, Бандихон (Сурхондарё вилояти Қизириқ туманида), Бухоро, Избоскан, Фарғона, Наманган, Тошкент (Янгийўл туманида), Самарқанд (Оқдарё туманида), Чархин (Пастдарғом туманида), Қарши, Хоразм (Урганч)], виночилик тажриба-синов з-ди (Тошкент тумани Гулистон қишлоғи) бор.

Корпорацияда юқори сифатли, серҳосил, қурғоқчиликка чидамли мева, ток, резавор меваларнинг янги навларини чиқариш ва уларнинг агротехникасини ишлаб чиқиш, янги ўзлаштирилган ерларда, тоғ этаклари ва тоғли худудларда боғдорчилик ва токчиликни ривожлантириш, қоқи ва майиз қуритиш ҳамда сақлаш технологияларини такомиллаштириш, мева дарахатлари ва ток, резавор меваларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя усулларини яратиш, винобоп узум навларининг зонал хусусиятларини ўрганиш асосида жаҳон андозаларига мос юқори сифатли янги вино намуналарини яратиш бўйича илмий ва амалий ишлар олиб борилади.

Корпорациянинг и.ч. бўлинмаларида 2 мингдан ортиқ киши, илмий бўлинмаларида 64 илмий ходим, шу жумладан 2 фан д-ри ва 24 фан номзоди ишлайди (2008). Корпорациянинг илмий фаолияти Р.Р.*Шредер*, М.М.*Мирзаев* ва б. олимларнинг номлари б-н боғлиқ.

Корпорациянинг бош корхонаси – Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институтида мева ва тоkning 200 дан ортиқ



янги нави чиқарилган, 50 жилд-дан иборат илмий асарлари тўплами нашр этилган.

Корпорация 7054 гектар экин ерларига эга (2008). Унинг хўжаликларида ҳар йили ўртача 2 млн. туп уруғли, данакли, субтропик мевалар кўчатлари, 1 млн. тупга яқин ток кўчатлари, 600 минг тупдан ортиқ атиргул ва б. манзарали ўсимликлар кўчатлари етиштирилади ва аҳолига ҳамда фермер хўжаликларига сотилади. Виночилик корхоналарининг умумий йиллик қуввати 803 минг дал (2008). «**МЕД-ГЛАСС**» («Med Glass») (Толариқ кўч., 1/2) – МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон–Буюк Британия қўшма корхонаси. «Ўзфарманоат» давлат акциядорлик компаниясига қарайди. 2003 й. ташкил қилинган. 2008 й. 15 апр.гача «Фарм-Гласс» қўшма корхонаси қошидаги шуъба корхона деб аталган. Сармоячи таклифига биноан «Med Glass» МЧЖ – қўшма корхона номини олди. Фармацевтика саноати учун зарур бўлган тиббиёт ампулалари ишлаб чиқаради. Ампулалар Полтава тиббиёт шиша з-дида ишлаб чиқарилган УСП-1 нейтрал шишадан тайёрланади. Корхонага «Манна Экспортс» (Ҳиндистон) фирмасининг юксак унум б-н ишлайдиган ускунаси ўрнатилган. Корхона маҳсулотлари халқаро стандарт талабларига жавоб беради. Йиллик и.ч. ҳажми 190 млн. ампула. Маҳсулотлари Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Грузия, Туркменистонга экспорт қилинади. Халқаро кўргазмалар қатнашчиси.

«**МЕРАМ**» (Муқимий кўч., 1^а-уй) – супермаркет. «Qoхиz» МЧЖ Ўзбекистон–Америка–Туркия қўшма корхонасига қарашли. 2000 й. очилди. Чакана савдо

(97%) ва умумий овқатланиш (3%) б-н боғлиқ фаолият юрилади. 14 бўлими (гўшт, сут, қандолат маҳсулотлари ва б.) бор. 2008 й.нинг 8 ойлик соф фойдаси қарийб 180 млн. сўм бўлди. «**МЕТРОЛОЙИҲА**» (Бунёдкор шоҳкўчаси, 41) – лойиҳалаш корхонаси, МЧЖ. 1972 й. Тошкент метрополитенини лойиҳаловчи тадқиқот ин-ти сифатида ташкил қилинган. 1990 й.дан ижарадаги корхонага, 1991 й. охиридан «Ташметропроект» жамоа корхонасига, 1997 й.дан эса «Метролойиҳа» жамоа корхонасига айлантирилди. Миробод тумани ҳокимлигининг 2001 й. 22 фев.даги қарори б-н МЧЖ тарзида қайта ташкил қилинди. Метрополитен, кўприклар ва айланма йўллар, ер ости ўтиш йўллари, транспорт-гидротехника иншоотлари туннеллари, коллекторлар, ер ости автотранспорт тўхташ жойлари, шунингдек, уй-жой, хўжалик ва и.ч. мақсадидаги бинолар, бошқа объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш б-н шуғулланади. Айни вақтда ёнғинни автоматик тарзда ўчириш, сигнализация ва қўриқлаш қурилмалари учун ҳам лойиҳа-сметалар тайёрлаб беради.

«М.» МЧЖ таркибида қуйидаги бўлимлар бор: геология-лойиҳалаш; трасса ва йўлларни лойиҳалаш; архитектура; конструкция; электротехника, автоматлаштириш ва алоқа; сантехника, иссиқлик б-н таъминлаш ва вентиляция; қурилиш ишларини механизациялаш ва бошқариш; сметалар тузиш ва тайёрлаш.

Метро лойиҳачилари ўз фаолияти давомида Тошкент метрополитени (қ. *Метрополитен*)дан ташқари Олмаота, Москва ш. метроси ва ер ости ўтиш йўллари лойиҳаларини ҳам тайёрлаб берди.

МЕТРОПОЛИТЕН, Тошкент метрополитени – кўп сонли йўловчиларни ташишга мўлжалланган электр транспорти тури. «*Тошшаҳартрансхизмат*» уюшмасига қарашли «*Тошэлектротранс*» давлат компанияси таркибида.

Т.да метро қурилиши 1973 й. бошланди, бу ишни «Тошметроқурилиши» трести, метро қурилиш дирекцияси (буюртмачи) олиб борди. Лойиҳаларини дастлаб «Мосметрогипротранс», 1973 й.дан «Тошметролойиҳа» ин-ти мутахассислари тайёрлади. Собиқ иттифоқда еттинчи, дунёда 37-бўлиб 1977 й. 6 ноябрда ишга туширилди. М. биринчи линиясининг биринчи навбати 12,2 км узунликда бўлиб, 9 бекатдан иборат эди [«*Собир Раҳимов*», «*Чилонзор*», «*Мирзо Улугбек*», «*Ҳамза*», «*Ёшлик*», «*Халқлар дўстлиги*» (ҳоз. «*Бунёдкор*»), «*Пахтакор*», «*Мустақиллик майдони*», «*Марказий хиёбон*» (ҳоз. «*Амир Темур хиёбони*»)]. Биринчи линиянинг уз. 4,6 км бўлган иккинчи навбати 1980 й. 18 авг.да фойдаланишга топширилди. У «Амир Темур хиёбони» бекатидан бошланади ва 3 та бекат («*Ҳамид Олимжон*», «*Пушкин*», «*Буюк ипак йўли*»)ни ўз ичига олади.

М. иккинчи линиясининг уз. 5,6 км бўлган биринчи навбати 1984 й. 7 дек.да ишга туширилди. Бунда 5 та бекат: «*Алишер Навоий*», «*Ўзбекистон*», «*Космонавтлар*», «*Ойбек*», «*Тошкент*» бўлиб, Тошкент т.й. вокзалини Навоий кўч. б-н боғлаш имконини берди. Иккинчи линиянинг иккинчи навбати (уз. 2,4 км) 1987 й. 6 нояб.да ишга туширилди. У 2 та бекат – «*Машинасозлар*» ва «*Чкалов*»ни ўз ичига олади. 1989 й. 6 нояб.да шу линиянинг учинчи навбати – «*Фафур Фулом*» ва

«Чорсу» бекатлари (уз. 2,2 км), 1991 й. 30 апр.да эса тўртинчи навбати – «Тинчлик» ва «Беруний» бекатлари (уз. 3,2 км) ишга туширилди. Бу линиянинг уз. қарийб 15 км.

М.нинг учинчи линияси шаҳар марказини Юнусобод турар жой массиви б-н боғлайди. Уз. 14 км. Унда 6 та бекат («Мингўрик», «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор», «Ҳабиб Абдуллаев») бор.

Тошкент М.и 29 та бекат, 39,5 км уз.даги фойдаланиш йўли ва 3 та электродеподан иборат (2009). Умуман М. қурилишининг бош лойиҳаси бўйича уз. 70 км метро йўллари, 60 га яқин бекат ва 4 та электродепо

бўлиши белгиланган. Ҳоз. вақтда Юнусобод йўлининг «Ҳабиб Абдуллаев» – «Туркистон» ва «Мингўрик» – «Жан. вокзал» навбати лойиҳалари тайёрланган. Сергели – Ипподром (Отчопар) йўли (13 км)нинг эса техник лойиҳаси ва техник-иқтисодий асослари тайёр. Бу йўл «Бошлиқ» бекатида йўлдан-йўлга ўтиш қурилиши б-н «Собир Раҳимов» бекатига боғланиб, Чилонзор йўли ва бутун М.га уланади.

Тошкент М.ида қатнайдиган поездларнинг ўртача тезлиги 39 км/соат, максимал тезлиги 65 км/соат. М.да поездлар ҳаракат жадвалининг иш куни, шанба, якшанба ва байрам кунлари сингари бир неча тури мавжуд. Ёзги


жадвалда поездлар Чилонзор йўналишида 3 мин. оралаб, Ўзбекистон йўналишида 5 мин. оралаб, Юнусобод йўналишида 8 мин. оралаб қатнайди. Уччала йўналишда бир кунда 950 га яқин метро поезди ўтади. М.нинг бир суткали йўловчи ташиш қуввати 1 млн. 300 минг йўловчини ташкил қилади. Тошкент М.и хизматидан 30 йил ичида (2007 й.гача) 3,5 млрд. йўловчи фойдаланди.

Йўловчиларга қулайлик яратиш учун бекатларда эскалаторлар ўрнатилган. Ҳар бир бекатнинг бадиий меъморлик ҳамда ҳайкалтарошлик нуқтаи назаридан безатилиши рамзий равишда шу бекат номини акс эттиради. Уларда маданий, монументал, декоратив ва амалий санъатнинг миллий анъаналари ўз аксини топган. Бекатларга безак беришда, асосан, мамлакатимизда чиқадиған қора, қизил, кулранг гранитлар, мраммар, керамика-сопол, ёғоч, ойна, турли хил металл ва б. фойдаланилган. М. иши учун зарур 800 хилдан ортиқ эҳтиёт қисмлар республикамиз саноат корхоналари ва М.нинг ўзида ишлаб чиқарилади.

М. 9 балли зилзилага бардош беради. Сигнализация, марказлаштириш ва блокировка системалари ҳаракат хавфсизлигини таъминлайди, светофорнинг тақикловчи сигнали ёнганда электр поездлар автоматик тарзда дарҳол тўхтайтиди.

Тошкент М.ининг бир неча қурилмалари дунё метросозлигида ягона ҳисобланади. Жумладан, ҳавони чанг-ғуборлардан тозалаб, совутиб ва намликни яратиб берадиган адиобатик ускуна, М. қурилмаларининг ер силкиниши натижасидаги аҳволдан хабар берувчи сейсмометр асбоблар ўрнатилган.


Тошкент метрополитени схемаси.



МЕХАНИКА ВА ИНШОТЛАР-НИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси

ФА М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги институти (Дўрмон йўли кўч., 31) – 1959 й. Ўзбекистон ФАнинг Математика ва механика (1943) ва Иншоотлар (1947) ин-тлари негизда Механика ин-ти номи б-н Т.да ташкил этилган. 1966 й.дан ҳоз. номда. 1971 й. ин-т асосчиси М.Т.Ўрозбоев номи берилган. Ин-тда механиканинг 3 илмий йўналиши (бино ва иншоотлар мустаҳкамлиги ва сейсמודинамикаси; пахтачилик мажмуи механизм ва машиналари назарияси; суюқлик, газ ва кўп фазали муҳитлар механикаси) бўйича и.т.лар амалга оширилади. Шунингдек, тадқиқотлар асосида механика соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг илмий-амалий усуллари, меъёрий ҳужжатлари, патентлар, тавсиянома ва қўлланмалар яратилади. Ин-тда 9 лаб., илмий ахборот ва интеллектуал мулк бўлими, аспирантура ва докторантура, кутубхона (50 мингдан ортиқ асар), тажрибалар ўтказиш заллари, механик устахона бор (2008). Ин-тда д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 72 илмий ходим, жумладан 3 Ўзбекистон ФА акад., 12 фан д-ри, 25 фан номзоди ишлайди. Ин-тда 1992 й.дан «Механика муаммолари» журн. нашр этилади.

МЕЪМОРЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК – қадимги Т. тараққиётининг дастлабки босқичларидаги тузилиши ва планлаштирилиши кўп жиҳатдан бизга ноаниқ. Эҳтимол, шаҳар аҳолиси



Мингўрик реконструкцияси.

ўтроқ ерларда, шарқдан ғарб ва жанубга қараб кетган катта қарвон йўли бўйида жойлашганлиги учун ҳам сиёсий вазият ва ҳарбий тўқнашувлар туфайли ўз ўрнини ўзгартириб тургандир. У даврларда бир жойда гуркираб турган шаҳар харобага айланиши ва бироз нарида қайта бунёд бўлиши табиий эди. Бунга маълум даражада шаҳарнинг кучли сейсмик зонада жойлашганлиги ҳам сабаб бўлган. Археологик қазишлар натижасида турли тепалар (бағрида аҳоли яшаганлигидан дарак берадиган харобалар) очилди. Булардан энг муҳимлари – Жўн ариғи бўйидаги *Шоштепа* ва Салор ариғи бўйидаги *Мингўрик* харобаларидир. Улардаги иншоотлар, асосан, хом ғишт ва пахсадан қурилган. 5–7-а.лар археологик ёдгорликлари орасида *Юнусобод Оқтепаси* алоҳида эътиборга лойиқ. Икки қаватли қўрғоннинг атрофи қалин пахса девор б-н ўралган, равоқли. Қўрғоннинг доира ва тўғри тўрбурчак тарҳли хоналари

бўлган. Қўрғон таркибида Ўрта Осиё меъморлигидаги дастлабки намуналардан ҳисобланган гумбазли хона – оташпарастларнинг ибодатхонаси бор. Шаҳар меъморлиги аҳоли табақаланишини яққол акс эттирган. Қўрғонда шаҳар ҳукмдорлари яшаган бўлса, унинг чеккаларидан бошланиб, истеҳком деворигача туташган, ташқи кўриниши оддий, паст-баланд уйларда хунармандлар, деҳқонлар яшаган. Ривожланган заминдорлик даврига келиб, шаҳар шимоли ғарбга қараб, Жангоб ариғи бўйларига кўчган (қ. *Бинкат*). 10–12-а.да бу шаҳар қурилишида қисмларга ажралиш яққол сезилган. У, асосан, 4 қисмдан – арк (Ўрда), шаҳристон (ички шаҳар) ва кўш (ички ҳамда ташқи) рабоддан иборат бўлган. Арқдан ҳоким саройи ва б. маъмурий бинолар ўрин олган. Шаҳристонда бинолар анча зич жойлашган. Марказий Чорсу бозори ва Регистон майдони шаҳристонга туташ бўлган. Савдо-сотик дўконлари, хунар-

мандчилик устахоналари, асо-сан, ички рабоддан ўрин олган. Ташқи рабодда турар жой, имо-ратлар оз, боғ-роғлар кўп бўлиб, шаҳарни мева-чева, саб-забот б-н таъминлаган. Шаҳар-нинг қисмлари мустаҳкам пах-са девор б-н ўралган (умумий деворга эга бўлган ва ёнма-ён жойлашган арк б-н шаҳристон бундан мустасно), деворларга дарвозалар қурилган. Дарвоза-лардан шаҳристон марказига томон кетган йўл шаҳарнинг келгусидаги тарҳига аниқлик киритган.

Т. Чирчиқ дарёси бўйидаги бошқа шаҳарлар ва қишлоқлар б-н яхлит шаҳарсозлик тизими-ни ташкил қилган. Воҳа мудро-фаа девори (*Канпирдевор*) б-н муҳофаза қилинган. Мўғуллар истилоси (1220 й.) шаҳарга кат-та талафот келтирди. 13-а.да Т.да йирик қурилишлар деярли олиб борилмаган. Шу давр ин-шоотларидан Кўкчадаги *Шайх Зайниддинбобо мақбараси* биз-гача етиб келган.

14-а. охири – 15-а.га келиб Т.нинг қўрғон девори тикланган.

Юнусобод Оқтепаси қалъасининг реконструкцияси.

Шаҳар ичида ва атрофида меъ-морлик ҳазиралари пайдо бўлган, маҳобатли иншоотлар қурилган. Зангиота қишлоғида-ги Зангиота ва Анбарбиби мақ-баралари (қ. *Зангиота мажму-аси*), Эски шаҳардаги Жоме мас-жиди, Пушти ҳаммом, Шайх Хо-ванди Тоҳур мақбараси (қ. *Шай-хонтоҳур мақбараси*), Юнус-хон хонақоҳи (қ. *Юнусхон мақ-бараси*) шулар жумласидандир. Шаҳристондаги кўп қурилишлар Хожа Аҳрор Валий номи б-н боғлиқ. Хусусан, унинг ҳомийли-гида қурилган (1451) Хожа Аҳрор масжиди ва мадрасаси шаҳарда жуда машҳур бўлган.


16-а. Мовароуннаҳрда Т. мав-қеи ўсиб, кошинкор биналар қурила бошлаган: Чорсудаги *Кўкалдош мадрасаси*, Ҳасти Имомдаги *Қафқол Шоший мақ-бараси* ва *Бароқхон мадраса-си*, Қоратошдаги ҳаммом ва б. 17-а. ва ундан кейинги асрлар-да қурилган ёдгорликлар қато-рига Қорасаройдаги Иброҳим-ота мақбараси, Чилонзордаги Хайробод мақбараси ва масжи-ди (қ. *Хайробод эшон мажмуа-*

си), Бешёғоч кўчасидаги Баланд масжиди ва мадрасаси, «Истиқ-лол» санъат саройи олдидаги *Абулқосим мадрасаси*, Ҳазрати Имомдаги Мўйи муборак мадра-саси (қ. *Муин Халфа бобо мақ-бараси*), Тилла шайх масжиди, шунингдек, «Ялангқар», «Охун-гузар», «Каллаҳона» маҳаллала-рининг йирик масжидлари кира-ди.

18-а. 1-ярмида Т.нинг икки қўрғон девори ички ҳамда ташқи қисмларини ўраб турган; 40 га яқин жоме ва жуда кўп маҳалла масжидлари бўлган. Регистон майдонида харсанг тош б-н қоп-ланган, томонлари 20 м ли ҳовуз қурилган, унинг четларида да-рахтлар ўсган. Юнусхўжа Т.да чорҳокимликка барҳам бериб, шаҳар даҳаларини бирлаштир-гач (80-й. ўрталари) нураб қол-ган қўрғон деворлари қайта тик-ланди. Ҳоким Юнусхўжанинг қароргоҳи Қоратошда бўлган (Эски Ўрда).

19-а.нинг 1-ярмида Т. ҳар тарафга, айниқса шарққа қараб кенгайган. Анҳорнинг аҳоли ке-либ ўрнашган чап соҳили Янги маҳалла ёки Янги шаҳар деб аталган. Ўша аср бошида Ан-ҳорнинг чап соҳилида (ҳоз. «Ан-ҳор» кафесининг шарқий томо-нида) Янги Ўрда қурилди. Ўрда-нинг жануби-ғарбий бурчаги тур-тиб чиққан тўғри тўртбурчак шаклида (шарқий девори – 540 м, жанубийси – 490 м) бўлган. Ичида бекларбеги саройи, сар-бозлар майдони, бошқа бина-лар жойлашган. Ўрда аҳолиси Фадир аригидан сув ичган, талай-гина ҳовузлири бўлган.

19-а. ўртасида Т. қўрғон де-ворининг бал. 8 метрга етган; те-пасида икки отлиқ бемалол ёнма-ён юра олган; бору ва бурж каби муҳофаза иншоотла-ри бўлган. Девор шимолда



Кайковус ариғига яқин жойдан, шарқда Шибли ариғининг ўнг соҳили, жануби-шарқда Бўри-жар ариғининг юқори қисми бўйлаб, жанубда Зах ариғининг шимолидан ўтган. Шаҳар атрофидаги мавзелар б-н боғланиш учун кўрғон деворида катта (дарвоза) ва кичикроқ (қопқа) эшиклар бўлган. Дарвозалар 12 та, қопқалар сони эса аниқ эмас (қ. *Тошкент дарвозалари*). Дарвозалардан бошланадиган кўчалар нисбатан тўғри ва катта бўлиб, шаҳар ичкарасида асосий маркази (Чорсу) б-н боғланса, ташқарисида бошқа шаҳар ва қишлоқларга олиб борувчи йўл сифатида давом этган. Чорсу ва Ўрдани (нарида Қашғар дарвозаси б-н ҳам) бирлаштирувчи кўча алоҳида аҳамиятли бўлиб, Катта кўча (кейинчалик Тошкўча) деб аталган. Асосий кўчаларга туташган бошқа кўчалар тор ва эгри-бугри бўлган. 1909 й. маълумотига кўра, кўчаларнинг умумий уз. 1343 км га етган.


«Чорсу» бозори нафақат савдо, балки ҳунармандчилик маркази ҳам бўлган. Томошалар ва байрам кунлари тунги бозор (*бозоршаб*) ўтказилган. Бир хил моллар б-н савдо қилувчи бозорча майдони алоҳида жой олган. Ҳунармандлар растаси ҳам махсус жойларни эгаллаган. 20-а. бошларида аллофлик, ғаллабозор, арпабозор, бедабозор, сомонбозор, бордонбозор, гиламбозор, кигизбозор, наматбозор, кўрпабозор, каттабозор, кўмирсарой, кулолбозор, товоқбозор, кўчатбозор, мевабозор, нонгузар, сабзавот каби бозорча-майдонлар ҳамда базозлик, читфурушлик, бешикчилик, вассабозор, дукчилик, заргарлик, кўнчилик, ромсозлик, совунгарлик, саррожлик, саҳҳофлик, ту-

нукачилик, этикдўзлик, мисгарлик, чархчилик каби жами 40 га яқин ҳунармандчилик расталари бўлган. Расталарнинг баъзилари усти берк (томи аввал тупроқ, кейин тунука) тимда жойлашган. Тим ёзда соя-салқин бўлган. Қор-ёмғирда лойгарчиликдан асраган. Дўконлар, одатда, олди кўтариб қўйиладиган равонли синчкор каталак хонада бўлиб, уларнинг умумий сони 4,5 мингга етган. Бозорда Чорсу ариғининг яқинида усти томли Дуккоша (Уккоша) булоғи, унинг олдида Бадалмат ҳаммоми (ҳоз. «Чорсу» меҳмонхонаси ўрнида) бўлган. Бозордаги бошқа ҳаммомлар [Пушти ҳаммом – эрлар учун, Маҳсиддўзлик кўчасида; хотин-қизлар учун алоҳида бўлган, сақланмаган (ҳоз. Болалар ижодиёти маркази орқа қисмида)] ҳам ўзига хос услубда қурилган. Бозор ичида ва атрофида бир қанча *карвонсарой*лар мавжуд эди. Шаҳар қадимдан *Кўкча*, *Себзор*, *Шайхонтоҳур* ва *Бешёғоч* даҳаларига бўлинган. 20-а.

бошларида Т. таркибига 280 га яқин маҳалла, 170 га яқин мавзе кирган (яна қ. *Маҳалла*, *Мавзе*).

Халқ меъморлигида пахса, гувала,

Шайх Зайниддинбобо мақбараси (тарихий сурат; 20-а. бошлари).



Тошкент ва унинг атрофидаги кўчалар Чорсу бозорига туташган.

хом ғишт ва япалоқ пишиқ ғишт қўлланган. 19-а.нинг сўнги чорагидан тўғри тўртбурчак юзли (саллоти) ғишт, фанера, тунука, ойна каби қурилиш материалларидан фойдаланилган. Синчкор конструкциялар кенг тарқалган. Равоқ, тоқи, гумбазлар кўпроқ мадраса, масжид, мақбара, ҳаммом каби биноларда қўлланган. Безак сифатида рангдор нақш, ганч ва ёғоч ўймакорлигидан фойдаланилган. Т. амалий санъатининг ўзига хос хусусиятлари



Т. Арслонқулов, А. Болтаев, С. Хўжаев каби халқ усталари ижодида акс этган. Аҳоли яшайдиган уйлар бир-биридан фарқ қилган. Камбағалларники содда ва кичик, бойларники кўп хонали, нақшинкор бўлган. Уйлар, асосан, 2 хона, даҳлиз ва айвондан ташкил топган. Аксари ташқари ва ичкари ҳовлилардан иборат бўлган. Ҳовли саҳнида супа бўлиб, ток, тут, ўрик, олма каби мевали дарахтлар экилган. Деярли ҳар бир ҳовлидан ариқ ўтказилиб, ундан сув ичилган, экинлар суғорилган. Т.да усти ёпиқ ҳовлилар ҳам кенг тарқалган. Бадавлат кишиларнинг уйлари икки қаватли бўлган. Шаҳар деворидан ташқаридаги дала ҳовли (қўрғон)ларнинг муҳофазасига алоҳида эътибор берилган. Деворлари пахсадан урилиб, баъзан гулдаста (деворга туташ минорасимон элемент)лар б-н безалган. Қўрғон уйларда айвонлар кўпроқ ўрин олган.

Т. чор Россияси томонидан босиб олинган (1865), шаҳарнинг янги даври бошланди. Бу босқич Т.нинг янги қисмида, асосан, ҳарбийлар ва бошқарув идоралари учун бинолар қурилиши б-н бошланди. Қўймас дарвозасидан шарқда янги қалъа – *Тошкент тупроққўргони* бунёд

этилди. Қўрғон рус ҳарбий-муҳандислик илми асосида қурилган бўлиб, 6 томонли тарҳга эга эди. Унинг ичида казармалар, офицерлар уйлари, 150 ўринли лазарет (ҳарбий касалхона), ўқдори омбори ва ш.к. бўлган. Кейинроқ қўрғон деворидан ташқарида ҳам ҳарбий иншоотлар қурилган. Шулар яқинида қўрғоннинг шим.-шарқ томонида генерал М.Г.Черняев уйи қурилди (1865). Европача услубдаги бу уй (сақланмаган) Т.нинг янги қисми дастлабки қурилишига хос бўлиб, маҳаллий қурилиш материаллари – хом ғишт, пахса ва синч деворли қилиб ишланган, томи сомон сувоқ қилинган, хоналар сатҳи тупроқли, ғиштли бўлган.

Т. Туркистон ўлкасининг маъмурий марказига айлана бориши б-н Янги шаҳардаги қурилиш ишлари тезлашиб кетди. Т. Янги шаҳар қисмининг биринчи қатъий тартибдаги лойиҳаси 1866–67 й.ларда ҳарбий топограф М.Н.Колесников томонидан тузилди. Бир-бири б-н кесишган 5 катта кўча ва 7 асосий кўча ҳамда уларни боғлайдиган бир қанча кўчалар шаҳар худудини тўғри тўртбурчакли қисмларга бўлди. Москва кўчаси (кейинроқ Собор, Кауфман, ҳоз.

Сайилгоҳ ва Тараққиёт кўчалари) шаҳарнинг шарққа томон ривожланиб бориши да композицион ўқ бўлиб қолди. У Кат-

Спасо-Преображенский ҳарбий собори (тарихий сурат).

та кўча (ҳоз. Рашидов кўч.) б-н кесишган чорраҳада Собор майдони (ҳоз. *Мустақиллик майдони*) ташкил қилиниб, у ерда Туркистон генерал-губернатор саройи (Оқ уй) ҳамда Византия услубида қўнғироқхонали Спасо-Преображенский ҳарбий собори (1888) қурилган. Маъмурий бинолар Туркистон генерал-губернатори маҳкамаси, Сирдарё вилояти бошқармаси, Шаҳар думаси Катта кўчанинг шимолий чеккасида жойлашган. Жанубдан унга Воскресение савдо майдони (Пиёнбозор) туташиб кетган. Унча катта бўлмаган учинчи майдон б-н Иосиф-Георгий черкови князь Н.К.Романов саройи (1889–90 й., меъморлари: А.А.Бенуа, В.С.Гейнцельман; ҳоз. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи биноси) қаршисида жойлашган. Шаҳарнинг янги қисмини тартибга солиш ва ободонлаштириш мақсадида Йўл қурилиши кўмитаси тузилди. Гарчи дастлабки пайтлардаги қурилишлар тузилиши жиҳатдан унчалик диққатга сазовор бўлмаса-да, эски шаҳардаги уй-жойлардан ҳар жиҳатдан ажралиб турарди. Янги шаҳардаги қурилиш ишлари тез суръатлар б-н олиб борилди, шаҳарни кенгайтириш учун Шибли ариғи (ҳозир шу ариқ коллектори Амир Темур хиёбони ёнида ер остидан ўтади) ортидаги бўш ер танлаб олинди. Шаҳар янги қисмининг иккинчи лойиҳасини 1870 й. ҳарбий муҳандис – А.В. Макаров тузди. Лойиҳага кўчаларнинг радиус бўйлаб кетиши асос қилиб олинди. Унга кўра, қурилиш янги, жанубдан шимолга томон йўналган магистрал (Москва, ҳоз. Амир Темур шоҳкўчаси)дан шарққа – Шибли ариғининг нариги томонига кенгайиб бориши, Константин майдо-



ни (ҳоз. Амир Темура хибони) унинг маркази бўлиб қолиши керак эди. Майдонни шарққа қараб кесиб ўтган Собор (ҳоз. Сайилгоҳ) кўч. янги лойиҳанинг марказий радиуси ҳисобланарди. Яна 2 радиуссимон кўча – Лагерь (ҳоз. Мустақиллик) ва Қўйлиқ (ҳоз. Истикбол) кўчалари марказий радиус бўйлаб ёнма-ён йўналади, боғ, кўча ва иморат б-н банд жойларни янада тор секторларга бўлиб юборади. Уларни кўндалангига 3 кўча: Хива (ҳоз. Хоразм), Қўқон (кейинчалик Куропаткин, ҳоз. Шаҳрисабз) ва Андижон (ҳоз. Яҳё Фуломов) кўчалари кесиб ўтиб, шаҳарни трапеция тарҳли қисмларга ажратади, улар шаҳарнинг дастлабки қисмларига нисбатан анча кенг эди. Кўчалар кенгайди (28 дан 53 м гача), лойиҳада асосий радиус ва ҳалқасимон кўчаларни кўкаламзорлаштирилган хибонга айлантириш кўзда тутилган; шаҳар планида Мингўрик боғи ва Шибли ариғи ёқасидаги кенг кўкаламзор сақлаб қолиниши назарга олинган.

19-а. 70-й.лари ўрталаридан А.В.Макаров лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Константин майдонига дарахтлар ўтказилиб, атрофига 80-й. бошида эрлар ва аёллар гимназиялари қурилган. Шаҳар боғи (1882) барпо этилди, офицерлар йиғин ўтказадиган бино (1882)га ва боғга асос солинди. Ўша йиллардан шаҳар жануби шарққа – Салор ариғи ва ҳарбий госпиталга томон кенгайиб борди. Бу ердаги доимий ярмаркаларга ажратилган ерларга (ҳоз. Амир Темура шоҳкўчаси) ҳам секин-аста муҳташам бинолар қурила бошлади. Айниқса, Закаспий (1899) ва Оренбург (1906) темир йўллари қурилганидан кейин

шаҳар жадал ривожланиб, монополистик капитал, саноат ва савдо-сотик ривож топди. Асосан, темир йўл ёқаларида, Салор ариғи бўйларида, шаҳарнинг жанубий ва шарқий чегараларида саноат корхоналари – пахта тозалаш, вино, ёғ э-длари, темир йўл устахоналари, омборлар қурилди. Бу ерларда палапартиш қурилган, яшаш учун оддий шароитлардан ҳам маҳрум бўлган ишчи уйлари вужудга кела бошлади. Шу тарзда янги Т.да капиталистик шаҳарга хос – марказида бадавлат кишилар, чеккаларида қашшоқ ишчилар яшайдиган турмуш тарзи юзага келди.

Т. бинолари, асосан, бир қаватли, водопровод ва канализация ўтказилмаган шаҳар эди. Лекин м-зи бирмунча кўкаламзорлаштирилиб, кўчаларига тош ётқизилган, ариқлар ўтказилган, йўлакларига гишт терилган. Романов (ҳоз. Буюк Турон кўч.), Эржар (ҳоз. Мустафо Камол Отатурк), Собор (ҳоз. Сайилгоҳ) кўчаларида ва Воскресение бозори (ҳоз. Театр майдони) атрофида дўкон, банк, меҳмонхона, ресторанлар қад кўтарди. Ҳашаматли турар жой биноларидан князь Н.К.Романов саройи, Андижон (ҳоз. Яҳё Фуломов) кўчасидаги уй (меъмор

Князь Романов саройи.

Г.М.Сваричевский) шулар қаторидандир. Шаҳар м-зида меъморчилиги жиҳатидан диққатга сазовор бинолар қурилди: давлат банки (1895; В.С.Гейнцельман), Рус-Осиё банки (1910; меъмор И.А.Маркевич), «Регина» (сақланмаган, 1916; меъмор Г.М.Сваричевский) ва «Националь» (1917; меъмор И.А.Маркевич) меҳмонхоналари, Пушкин (ҳоз. Мустақиллик) кўчасида Ф.Каплан дорихона-магазини (1907; меъмор Г.М.Сваричевский), Подшолик палатаси (1887; меъмор В.С.Гейнцельман, ҳоз. «Соғлом авлод» халқаро жамғармаси), Реал билим юрти (1898; меъмор Максимов ва В.С.Гейнцельман), Кадетлар корпуси (ҳоз. 1-Тошкент тиббиёт академияси), темир йўл вокзали (1899–1901; меъмор Г.М.Сваричевский), 2-аёллар гимназияси (ҳоз. Вестминстер ун-ти) ва Мария билим юрти (ҳоз. Франция Республикаси элчихонаси; 1912–1916 й., меъмор Г.М.Сваричевский) ва б. европача иморатлар Т.нинг эски шаҳар қисмида ҳам



қисман қурила бошлади. Сағбондан «Чорсу» бозорга кираверишдаги Савдо биноси (1911; ҳоз. 4-оилавий поликлиника ёнида), Махсидўзлик кўчасидаги (ҳоз. сақланмаган) бинолар шулар жумласидандир.

Т.да дастлабки планли шаҳарсозлик ишларининг олиб борилиши, анъанавий қурилишда замонавий материаллардан, европача қурилишда эса маҳаллий услублардан – жумладан, наққошлик ва ганчкорликдан фойдаланиш 20-й.ларга қадар Янги шаҳардаги қурилиш б-н боғлиқ ҳодиса бўлиб, бу рус муҳандислари б-н маҳаллий усталарнинг фаол ҳамкорлиги натижаси эди. Эски шаҳарда масжид ва мадрасалар қурилишида гумбаз ва томларга тунока, европача ғишт ишлатила бошланди. Хусусан, Шайхонтохур ҳазирасининг дарвозаси (1892, уста Абдурахим), шу даҳадаги Баландмасжид (1895, Уста Мўминжон), Тўхтабойвачча масжиди (1906) каби биноларда қўлланди. Янги материал ва конструкциялардан кенг фойдаланилди. Аини вақтда Янги шаҳарнинг айрим биноларида, масалан «Хива» кинотеатрида (1910–16, меъмор Г.М. Сваричевский, бино сақланмаган) маҳаллий шакллардан фойдаланилди. 1917 й.га келиб Т. йирик (қарийб 300 минг аҳоли) маъмурий, савдо ва саноат марказига айланди. У узил-кесил 2 қисмга: *Эски шаҳар* ва *Янги шаҳарга* бўлинди.

20-й.лардан кейин иншоотлар қурилишида аҳоли жойлашувининг ижтимоий масалаларига эътибор бериш кучайди. Т. меъморлигининг ривожланиши умуман бутун мамлакат миқёсидаги йўналишда борди, бироқ иқлим, табиий шароит ва этник хусусиятлар унга маълум

даражада таъсир кўрсатди. Фуқаролар уруши давридаги иқтисодий қийинчиликлар сабабли қурилиш тор кўламда бўлди. Уша йиллари революцион байрамлар ўтказиш марказига айланган Инқилоб хиёбонидаги генерал К.П. фон Кауфманга ўрнатилган ҳайкал олиб ташланди. Бу ҳайкал чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати рамзи эди (яна қ. *Амир Темур хиёбони*).

20-й.лардан Т. учун намунавий биноларнинг янги лойиҳалари тузила бошлади. Бу иш учун атоқли меъморлар таклиф қилинди. Хусусан 1921 й. меъмор Янчевский ун-т учун комплекс бино лойиҳасини, ака-ука А.А. ва Л.А.Веснинлар физика ин-ти биноси лойиҳасини яратди. Миллий анъаналарга таянган ҳолда маҳаллий материаллардан фойдаланишни кўзлаб, иқтисодий жиҳатдан тежамли бинолар лойиҳалари ишланди.

Янги шаҳарни тартибга солиш лойиҳаси (1924, меъморлар: Г.М.Сваричевский, Г.П.Бауэр) Т.нинг собиқ совет даврида тузилган биринчи лойиҳаси эди. Унда илк бор Т.да кўча ва майдонларни қурилажак бинолар б-н боғлаш сари қадам қўйилган. Лойиҳа амалга ошмади, бироқ у ишчилар турадиган жойларни реконструкция қилишнинг бошланишида ва аҳолини жойлаштиришнинг янги йўллари излашда намуна бўлиб хизмат қилди. Ишчилар турадиган жойларни реконструкция қилиш ва янги турар жой массивларини яратиш Т. бош режасининг асосий вазифаси эди. Бу план 1925 й. Г.М.Сваричевский ва Л.Н.Воронин раҳбарлигида тузилди. Панда шаҳар марказини ўзгартирмаган ҳолда вокзал орти қисмини янги кварталларга ажра-

тиш кўзда тутилган. Темир йўл ишчилари учун Тезиковнинг собиқ дала ҳовлиси ҳудуди кооператив қурилиш участкасига ва кварталларга бўлиб берилди, шаҳар марказини лойиҳалашдаги радиал-айлана системасидан бу ерда ҳам фойдаланилди. Икки-уч хонали, айвонли хонадонлари бўлган бир қаватли тутах уйлар қурилди. 1928–32 й.ларда ўша вақтга хос, ҳар бир қаватда икки хонадондан иборат кўп қаватли қурилишлар пайдо бўлди. Уларга зина б-н чиқиладиган бўлиб, хоналардан елвизак шамол ўтиб турган, ёзга мўлжалланган айвон, уй деворидан чиқиб турувчи балкон ишланди. Шаҳар меъморлигига хос услубий йўналишни назарда тутган конструктивизм тенденцияси Т.га ҳам тааллуқли эди. Пушкин (ҳоз. *Мустақиллик*) ва Гоголь (ҳоз. Яҳё Фуломов) кўчалари муқолишидаги 3 қаватли уй (меъмор К.В.Бабиевский, А.И.Петелин) тежамкорлик б-н ишланган уй-жойларнинг янги типи бўлди. Мазкур уйлар девори пишиқ ғиштдан ҳашамсиз ишланган, балконлари чўзиқ ва айлана тарҳли бўлиб, конструктив жиҳатдан содда эди. Аҳолини жойлаштиришнинг янги усуллари устида изланиш Энгельс (1992 й.дан Амир Темур) кўчасидаги Коммуна уйи комплексида (1931; меъмор С.Н.Полупанов) яққол сезилди. Бу ерда кичик оилалар учун меҳмонхона типига яхлит уй қурилди, у ички йўлак (далон) орқали цилиндрсимон клуб б-н туташган эди (ҳоз. реконструкция қилинган). Худди шу услубда илгариги Товуқ бозори ўрнига (Пролетар, ҳоз. Амир Темур шоҳкўч.) ошхона-фабрика қурилди (1934). Айлана тарҳли бино (балконлари

ташқарига чиққан) магистрал кўчалар кесишган бу жойга жуда мос тушган (ҳоз. электрон-техника 3-ди биноларидан бири, реконструкция қилинган). Шу кўчада 1929 й. ишчи ун-ти (меъмор Г.М.Сваричевский) биноси қурилди. Бу бинонинг тарҳи жуда оддий, ўқув хоналари ўртадаги мажлислар залининг икки ёнида мутаносиб жойлашган. Карл Маркс (ҳоз. Сайилгоҳ) кўч.даги Коммунистик ун-т биноси (1927; меъмор Г.М.Бауэр, ҳоз. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги) конструктивизм шаклида қурилган. У анча мураккаб композицияга эга. 20-й.лар охири ва 30-й.лар бошларидаги жамоат ва маъмурий бинолар ичида аввалги Киров (ҳоз. Мустафо Камол Отатурк) кўч.даги Халқ хўжалиги олий кенгаши уйи (1928; меъмор А.И.Петелин; ҳоз. босмахона) ажралиб туради. У қарийб бир квартал жойни эгаллаган, турли шаклдаги ва кўринишдаги хоналар моҳирлик б-н планлаштирилган. Ҳукумат уйи (ҳоз. Сенат) биноси (1931; меъмор С.Н.Полупанов) 1930 й.дан, Тошкент ш. пойтахт бўлгандан кейин қурила бошлаган. Лойиҳада генерал-губернаторнинг собиқ қароргоҳи (Оқ уй) ўрнида янги бино қуриш, шу ердаги соборни бузиб, майдонни реконструкция қилиш ва Ленин ҳайкалини ўрнатиш кўзда тутилган. Ҳукумат уйи Оқ уйнинг асосий жойларини ўз ичига олди ва Собор майдони (кейинчалик Қизил майдон, ҳоз. Мустақиллик майдони)нинг ғарбий қисмини бутунлай эгаллади.

Бу даврда йирик sanoat турар жой комплексларини қуриш соҳасида ҳам муайян ишлар олиб борилди. Хусусан, шаҳарнинг жануби-ғарб томонида

тўқимачилик ком-тининг sanoat корпуслари ва унга туташ 3-длари б-н бир қаторда истиқомат қулайликларига эга бўлган 2, 3 ва 4 қаватли турар жой бинолари қурилиб, уни Социалистик шаҳарча (Соцгородок) деб аташ бошладилар. Аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш учун Тўқимачилар маданият саройи, универмаг, мактаб, болалар муассасалари, касалхона, поликлиника, к/т қурилди. Бу ердаги қурилишлар Шота Руставели ва ҳоз. Усмон Носир кўч.нинг шаклланишига сабаб бўлди.

20-й.ларнинг охирида Эски шаҳарни тиклаш ишлари бошланди. Унинг марказида стадион («Спартак», 1934) ва жанггоҳ ўрнида Пушкин (ҳоз. Абдулла Қодирий) номидаги маданият ва истироҳат боғи (1932–34) юзага келди. Шайхонтоҳур кўч. (ҳоз. Навоий кўч.) ҳам анча яхшиланди. Ўрда яқинида мутахассислар ва милиция ходимлари учун уйлар (меъмор А.И.Павлов, 1934) қурилди. Шайхонтоҳур кўч.да «Ватан» к/т (сақланмаган) ва Ўрта Осиё кўмир конлари бошқармаси биноси комплекси (1937, меъмор А.А.Сидоров), Коммунал хўжалик вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бинолари, Марказий телеграф биноси қад кўтарди.

1940 й. қурилган Маданият ва меҳнат саройи (меъморлари: С.Н.Полупанов, А.А. Сидоров, В.Е.Архангельский; ҳоз. Навоий номидаги адабиёт музейи) меъморлиги ҳам диққатга сазовор. Унда халқ меъморлигига хос ёғоч устун шакли ва деталлардан фойдаланилган.

1939 й. Москва области лойиҳа трести (меъмор А.И.Кузнецов, М.М.Клейменов) ишлаб чиққан Т.ни реконструкция қилиш плани тасдиқланди. Бу

план 20–25 йиллик даврга мўлжалланиб, унда шаҳар 900 минг аҳолига бўлиб, 13,8 минг гектар майдонда жойланиши назарда тутилган эди. Шаҳар шимоли-шарқ ва жануби-ғарб йўналишда ривожланиб, жануби-ғарбдан Чўпонота ариғи, ғарбдан Кўкча мавзеси, шимоли-шарқдан Т. темир йўли, шарқдан – Қорасув ариғи б-н чегараланиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳанинг асосий ғояси – Т.нинг шу вақтгача айрим ҳолда бўлган эски ва янги қисмларини қўшиб, бир бутун шаҳарга айлантириш эди. Кўчалар шохобчаларини планлаштиришда шаҳарнинг эски планида мавжуд бўлган кўчаларнинг радиал-айлана схемасини ривожлантириш назарда тутилган. Магистрал кўча тармоқлари 12 радиусдан, 3 транспорт айлана йўл ва бир неча кесишувчи магистраллардан иборат бўлган. Лойиҳада шаҳар атрофида кенглиги 7–12 км ли ўрмон-парк яратиш мўлжалланган эди. Кейинчалик, хусусан 40-й. бошларида лойиҳага айрим тузатишлар киритилди.

2-жаҳон уруши йилларида Т.га кўплаб 3-д ва ф-калар эвакуация қилинди. Шаҳар аҳолиси қарийб 2 баробар кўпайди ва 1 млн.дан ошиб кетди. Эвакуация қилинган корхоналар жойлаштирила борилиб, sanoat корхоналари ва турар жойлар қурилиши учун янги ерлар ажратилди. Қурилиш материаллари етишмаслиги маҳаллий қурилиш материаллари асосида янги конструкциялар яратишга ундади. Албатта, бу турар жой бинолари қаватини камайтиришга, қулайлик даражасининг пасайишига олиб келди. Sanoat бинолари ва маданият қошоналарини қуришда юпқа, икки томон-

лама эгик гиштин тоқи бўлмиш «Ўзбекистон» системасидан фойдаланилди. Бу жиҳатдан Бешёғочда қурилган Муқимий номидаги театр биноси (1943; меъмор Д.Хазанов ва А.Тихонов) диққатга сазовор. Т-р биносини қуриш ва безашда расомлар, халқ усталари ва меъморларнинг катта жамоаси иштирок этди.

1946 й. Т. ҳудуди 13 минг гектарга етди, яъни 1939 й. бош планида кўзда тутилган ҳудудга деярли тенглашди. Бу даврга келиб индустриал усулда тайёрлашнинг ягона конструктив элементи асосланган типовой қурилишнинг афзаллиги яққол намоён бўлди. Аста-секин чеккадаги кўчалар қурилишида ҳам 2–3 қаватли уйлар туркуми (меъмор И.А.Рачинская, муҳандис В.Озеров) лойиҳаларидан фойдаланилди. Кўп қаватли иморатлар, асосан, Навоий кўчасида қурилди (меъмор В.Е.Архангельский, М.С.Булатов, Л.Г.Караш, И.А.Рачинская, В.Ф.Смирнов, А.В.Якушев). Бу кўчадаги турар жойлар, асосан, якка ҳолда лойиҳаланди. Халқ меъморий анъаналаридан фойдаланиш етакчи негиз бўлиб қолди. Навоий кўчасидаги иншоотлар меъморий жиҳатдан такрорланмас бўлса-да, лекин қурилиш услубида яхлитлик сақланган эди.

1947 й. қурилган Навоий номидаги театр биноси (меъмор А.В.Шчусев, С.Н.Полупанов ва Б.Н.Засипкин ҳам иштирок этган) урушдан кейинги давр меъморлигида муҳим воқеа бўлди. Бино тузилишида классик схема асос қилиб олинган бўлса-да, унинг талқини миллий меъморлик анъаналари руҳида бажарилган. Бино атрофи очиқ, баҳаво бўлиб, асосий кираверишдаги уч равоқ-

ли ҳамда ёнларидаги кичикроқ айвонлар орқали уйғунлашиб кетган. Бино ташқи томондан маҳсул пардозли гиштлар б-н қопланган, безакда ганч, мрамор, ёғочдан кенг фойдаланилган. Бино қурилишига, унинг ички ва ташқи томонларини безаш ишларига моҳир халқ усталари (Уста Ширин Муродов, А.Болтаев, Т.Арслонқулов, У.Жалилов, Ж.Норқўзиев, Т.Неъматов ва б.) жалб қилинган. Улар асрлар давомида сайқал топган қад. санъатнинг етук намуналарини яратдилар. Халқ усталари т-рининг 6 зали безагида қад. ўзбек меъморлик м-зларининг ўзига хос услублари ва анъаналарини, нақш услубларининг хусусиятларини намоёйиш қилдилар. Т-р биноси олдидаги эски бозор ўрнида катта ва кўркам майдон барпо этилди.

1958 й. Навоий номидаги т-р рўпарасида «Тошкент» меҳмонхонаси (меъмор М.Булатов, Л.Караш, В.Левченко) қурилди. Бу бино ҳам ўзбек халқ меъморчилиги услубида ишланди. Олд томонидаги тўғри бурчакли равоқ кошин б-н безатилди. Ён қанотлари 4 қаватли, ўрта қисми (тепасидаги айвони б-н) 5 қаватли, бино майдоннинг композицияси б-н уйғунлашди. Бино 2003 й.да капитал реконструкция қилинди (қ. «*Тошкент палас хоутел*» меҳмонхонаси).

Тузилиши жиҳатдан ўзига хос, маҳаллий монументал меъморлик шаклининг қайта ишланишига асосланган иншоотлардан бири *Тошкент курантлари*-дир (1947; меъмор А.А.Муҳамедшин, безашда Уста Ширин Муродов иштирок этган).

Оммавий уй-жойлар қурилиши ва бу қурилишлар индустриал асосида олиб борилиши Т. Бош планига тузатиш киритишни тақозо этди. 1959 й. шаҳар

Бош плани қайта кўриб чиқилди. Шаҳар 20 минг гектар майдон ва 1,2 млн. аҳолига мўлжаллаб лойиҳалаштирилди. Шаҳар ҳудуди планлаштириш р-нлари, турар жой р-нлари ва микрорайонлардан иборат замонавий тузилишга эга бўлди. Якка тартибда уйлар қурилишини тақиқлаш кўзда тутилди. Асосан, 4–5 қаватли, қисман 9 қаватли уйлар қуриш мўлжалланди. Шаҳар планида радиал-айлана тузилишдаги қатъийликни бартараф этиш ва автомобиль қатновини яхшилаш мўлжалланди. Метрополитен қуриш кўзда тутилди. Эски тўғри тўртбурчак кварталлар ўрнига аҳолиси зарур хизмат турлари б-н таъминланган, мактабгача тарбия корхоналари ва ш.к. бўлган микрорайонлар қурилди. Бундай тартибда дастлаб *Чилонзор тумани* қурила бошлади. Биринчи бор 1–421 сериядаги бир андазали уйлар (1955; меъмор И.А.Мерпорт, А.М.Ковалев) қурилди. Бу уйлар девори гишадан, йиғма темирбетон плита томли бўлиб, ёнига мўъжаз айвонча ҳам қурилган. Кейинроқ анча тежамли 1–310 сериядаги уйлар лойиҳасидан (меъмор И.А.Мерпорт, В.Н.Коломенский) фойдаланилди. 60-й.лардан 4–5 қаватли йирик панелли уйлар қурилди. 1959 й. 16 ноябрда ишга туширилган йирик панелли уйсозлик ком-ти андазали уйлар йиғма элементларини 3-дда тайёрлаш имкониятини берди. Усмон Носир ва Муқимий кўчалари кесишган жойдаги дастлабки уйлар шу 3-д маҳсулот б-н қурилди. 1965 й.да бу ком-т реконструкция қилинди; 2-уйсозлик ком-ти маҳсулот чиқара бошлади. Биноларнинг вазифасига мос қулайлиги ва чиройи кўзда тутилган жамоат бинолари лойиҳалашга аҳамият берилди. Марказий уни-

версал магазин (1964; меъмор Л.Блат, Л.Комиссар, А.Фрейтаг), Санъат саройи (1964; меъмор В.Березин, С.Сутягин, Д.Шуваев, Ю.Халдаев), Ёшлар уйи (1974; меъмор Р.В.Блезе, Н.А.Горбенко ва б.) бинолари шулар жумласидан.

Т. зилзиласи (1966) шаҳарга катта вайронагарчилик етказди. Айниқса, шаҳар маркази қаттиқ шикастланди. Зилзиладан кейин қурилишнинг кучайиши Бош планга янги тузатиш киритишни талаб қилди. Бу тузатиш 1970 й. тугалланиб Бош план қайтадан тасдиқланди (А.И.Ванке, В.П.Вараксин, М.Г.Лифановская, В.М.Михаэлян ва б.; Ташгипрогор). Панда шаҳар ҳудудини 25 минг гектаргача кенгайтиши, аҳолисини 1,5 млн. кишигача кўпайиши кўзда тутилган эди. Яланғоч, Шоли оқлаш 3-ди ёни, Шимоли-шарқ, Юнусобод, Қорақамиш янги турар жой р-нлари қурилиши б-н бир қаторда шаҳар м-зини реконструкция қилиш ишлари ҳам бошлаб юборилди.

Т.ни тиклаш жараёнида микрорайонлар қурилишида 4 ва 9 қаватли турар жой бинолари б-н бирга 2 қаватли блоклаштирилган турар жойлар қуришга ҳам киришилди (қ. *Коттежлар*).

Ҳадра майдонида Фурқат кўч. манзарасининг якуни сифатида қад кўтарган цирк биноси шаҳар қурилишида катта аҳамиятга эга (1975; меъмор Г.Александрович, Г.Мосягин). Бу бино темир-бетондан айлана тарҳли қилиб ишланган. Фурқат кўч.нинг жануб томонида – Халқлар дўстлиги саройи (ҳоз. *Истиқлол саройи*) қад кўтарди (1981; Е.Розанов ва б. раҳбарлигида, меъмор Е.Бунина, Е.Суханова, Ф.Турсунов, В.Шестопапов, Е.Шумов). Тўғри тўртбурчак тарҳли бу саройнинг катта магистрал кўчалар кесишган майдондан ўрин олиши транспортлар қатновини янги ҳал қилиш, майдонни ободонлаштиришни тақозо этди. Шаҳарнинг шарқий қисмидаги янги турар жой р-нининг ижтимоий-маданий м-зида Қорасув ва Кадишев кўчалари кесишган жойдаги кенг кўкаламзорлаштирилган майдонда Авиасозлар маданият ва техника саройи қад кўтарди.

1973 й. Т.да метрополитен қурилиши бошланди. Ҳамма ст-ялар очиқ усулда ишланган. Уларни безаш ишларида металл (кандакорлик), шиша, ёғоч, пластика, гранит, мрамор, бадий керамика, смальта (ранг-баранг

сунъий тош, шиша сополақлар), ганч каби материаллардан фойдаланилган. Ҳар бир ст-я безаги маълум бир мавзуга бағишланган. Уларда меъморий безак ва амалий санъатнинг миллий анъаналари ўз аксини топган (қ. *Метрополитен*).

80-й.ларда меъморлик жиҳатдан диққатга сазовор муҳташам иншоотлар – «Чорсу» меҳмонхонаси (1982), Телевизион минора (1984), «Марказ-17», «Марказ-18» кварталлари, Чорсу, Оқтепа, Олмазор, 2-ТошМИ, ТошПИ турар жой массивлари битказилди.

Лекин турғунлик даврида Т. шаҳарсозлигида бирмунча камчиликларга йўл қўйилди. Меъморлик ижодкорлари маъмурият талаби остида ишлашга мажбур бўлди. Бош планда кўрсатилмаган саноат корхоналари ва уларнинг хўжалик комплекслари шаҳар ҳудудида қурилди. Шаҳар аҳолиси пландагига нисбатан анча ошиб кетди. Албатта, булар шаҳарда экологик ва санитария аҳволи ёмонлашувига олиб келди. Бинолар ва йўллар жойлашувида номуносиблик мавжуд эди. 1978–83 й.ларда 2010 й.га мўлжалланган шаҳар Бош плани ишлаб чиқиши ке-

Себзор даҳаси.



рак эди. Лекин 1985 й.дан 1990 й.гача бўлган Бош план тасдиқланди. Т.нинг 2010 га мўлжалланган Бош плани 1987–90 й.ларда ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Т. меъморлиги ва шаҳарсозлигида янги давр бошланди. Шаҳарнинг қиёфасини таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборган асрларга тенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Т.ни тубдан реконструкция қилишга раҳбарликни ўз зиммасига олди. Шаҳар марказида соҳибқирон Амир Темури хайкали ўрнатилди, миллий услуб ҳамда замонавий меъморлик қиёфасини ўзида уйғунлаштирган *Темурийлар тарихи давлат музейи* барпо этилди. *Мустақиллик майдони* пойтахт меъморлик мажмуининг маҳобатли қисми бўлиб қолди. Мустақил-

лик монументи тимсоли – Ер шарида Ўзбекистон Республикаси харитасининг бўртма тасвири кўрсатилган. Бу янги давлат пайдо бўлганидан далолатдир. 2005 й.да мамлакатимиз раҳбари ташаббуси б-н Мустақиллик монументи олдида «Бахтиёр она» хайкали ўрнатилди. *Мустақиллик ва эзгулик монументи* номини олган бу икки композиция халқимизнинг самимийлиги ва тинчликпарварлигининг, навқиронлиги ва инсоний бахтсаодатга тўлиқлигининг тимсолини англатадиган меъморий-бадий мажмуадир. Бош майдон қуйи қисмидаги *Эзгулик арки* Мустақиллик ва эзгулик монументи б-н оқ мармар йўлка орқали боғланган бўлиб ягона мажмуани ташкил қилади. Хотира майдонидан жой олган «Мотамсаро она» ёдгорлик мажмуаси ва монументи ўтмишга эҳтиром, жанг майдонида ҳалок бўлган ҳар бир киши тўғрисида хотира рамзидир.

Мустақиллик майдонидаги қайта реконструкция қилинган Вазирлар Маҳкамаси биноси ва Олий Мажлис Сенатининг нурафшон биноси ва гўзал фавворалар шаҳар марказига улғуворлик бахш этади.

Мустақиллик майдони яқинида сўнгги йилларда бунёд этилган *Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси*, *Ёшлар ижод саройи*, «*Пойтахт*» бизнес марказини меъморий жиҳатдан шаҳардаги энг кўркам бинолардан дейиш мумкин. Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биноси, Бизнес марказининг осмонўпар улғувор бинолари, *Ўзбекистон давлат консерваторияси*, *Ўзбек миллий академик драма театри*, *Болалар ижодиёти уйи*, *Ўзбек либослари галереяси*, «*Шаҳидлар хотираси*» ёдгорлик мажмуаси ҳам шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Булардан ташқари шаҳарда яна қанчадан-қанча маданий-маърифий муассасалар, олий

Юнусобод туманидаги янги турар жой бинолари.



ўқув юртлари (жумладан *Ислом университети*), касб-хунар коллежлари, мактаблар бинолари бунёд этилди. Тошкент шаҳар-созлигида пойтахтда боғ-хлебонлар яратишга, умуман шаҳарда яшил зоналар барпо этишга (қ. *Кўкаламзорлаштириш*), спорт, соғломлаштириш, болалар учун дам олиш зоналари қуришга алоҳида аҳамият берилляпти. Алишер Навоий номидаги *Ўзбекистон миллий боғи* пойтахтнинг чинакам маънавий марказига айланди. Бу ерда мамлакатнинг бош байрамлари нишонланади. Шаҳарда *Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи*, *Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи*, *Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи*, *Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи* ва б. боғлар қайта жиҳозланиб, ободонлаштирилиб, аҳолининг чинакам ҳордиқ чиқарадиган масканига айланди. Шаҳарнинг жой тарихи, рельефига монанд жойларга *Амир Темур*, *Алишер Навоий*, *Улуғбек*, *Низомий*, *Абдулла Қодирий*, *Ғафур Ғулом*, *Зулфия*, *Абдулла Қаҳҳор*га ҳайкаллар ўрнатилди.

Т. эски шаҳар қисмининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда 1995 й.дан унинг инфратузилмасини комплекс ривожлантириш ишлари бошлаб юборилди.

2006 й.да Тошкент ш.нинг тарихий қисмини деталли планлаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилди (В.А.Акопжян, Ф.С.Абдурахманов). Лойиҳада кўрсатиб ўтилганидек, Тошкент ш.нинг тарихий зонаси ўз таркибига 2 қисми: биринчиси – келиб чиқиши 10-а.гача бўлган эски шаҳар ва иккинчиси – 19-а.нинг 2-ярмида вужудга келган янги шаҳарни ўз ичига олади.

Лойиҳа бўйича амалга оширилган ишлар нафақат алоҳида қимматга эга бўлган кам сонли тарихий биноларни, балки яхлит шаҳарсозлик мажмуалари, оддий турар жойлар ҳамда кўчалар тармоғи ва ирригацион тизим каби планлаштириш структураларнинг принципал элементларини сақлашга қаратилган. Лойиҳада Т.нинг аҳоли сони ва худудий ривожланиш миқёси, унинг пойтахт шаҳар талабларига мувофиқ бўлган иқтисодий негизи ва инфратузилмасининг 2015 й.гача мўлжалланган йўналишлари белгиланган.

Эски шаҳарни қайта қуриш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг 1- ва 2-босқичлари амалга оширилди. Дастур доирасида Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари қайта қурилди. «Қоратош», «Кўмирчи», «Чақар» маҳаллаларида барча қулайликларга эга бўлган замонавий турар жой бинолари қад ростлади. Оилавий поликлиникалар, мактаб ва бошқа ижтимоий аҳамиятга эга бўлган объектлар фойдаланишга топширилди.

Тошкентда *Кичик ҳалқа йўли*нинг бунёд этилиши шаҳар бўйлаб узлуксиз ҳаракатланиш имкониятини яратибгина қолмай, бошқа катта йўлларга тўшаётган оғирликни камайтириш ва экологик муаммолар олдини олишга ҳам ёрдам беради (яна қ. *Кўприклар*).

Ҳоз. замон геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий шароитда мустақил давлат пойтахти бўлган Т. шаҳри халқаро алоқаларнинг янги м-зи, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи шаҳри бўлиб қолди.

Т.нинг шаҳарсозлик жиҳатдан ривожланиши унинг фаол иқтисодий, ижтимоий-маиший ва хўжалик алоқаларидан келиб

чиққан ҳолда шаҳар олди зонаси б-н ўзаро ҳамкорлик ҳаракатини ҳисобга олиб планлаштирилмоқда.

Тошкент ш.нинг 2200 йиллиги муносабати б-н мамлакат пойтахтида бир-бирдан фусункор ва маҳобатли иншоотлар бунёд этилиб, шаҳар қиёфаси яна ҳам гўзаллашиб бормоқда. Ана шулардан бири – Амир Темур хиёбони яқинида қад ростлаган «*Ўзбекистон*» *анжуманлар саройидир*.

МЕЪМОРЛИК ВА ҚУРИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ, Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (Навоий кўч., 2^а-уй) – ҳоз. ном б-н Тошкент ш. ҳокимлиги қошида 2000 й.да ташкил этилган. Унга Архитектура-планлаштириш бошқармаси – АПБ (1933–66); Архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси – Глав АПБ (1967–88); Тошкент шаҳар Архитектура ва шаҳарсозлик Бош бошқармаси (1988–2000) деб юритилган. Бошқарма таркибига шаҳарсозлик кенгаши, шаҳар ва унинг атроф зонаси қурилишини тартибга солиш, бош план, муҳандислик таъминоти, меъморий планлаштириш топшириқлари бўлимлари киради. Мазкур бошқарма Т. ва унинг атроф зонасини планлаштириш, реконструкция қилиш, қуриш ва ободонлаштириш ишларига раҳбарлик қилади. Шаҳарнинг айрим туманлари ва микрошаҳарчалари, асосий шаҳарсозлик ва транспорт тугунлари, шаҳар магистраллари, турар жой ва ижтимоий-маиший объектлар, маданият ва монументал тарғибот объектлари ҳамда шаҳар муҳандислик таъминотининг мукамал режалари лойиҳалари ишлаб чиқилади. Қурилишларнинг тўғри олиб борилаётганлигини, қури-



Д.Н.Захо («Регина») меҳмонхонаси (тарихий сурат).

лиш ва бинокорлик материаллари сифатини, Т. ва унинг атроф зонасидаги барча қурилиш объектларининг тўғри жойлаштирилишини назорат қилади.

МЕҲМОНХОНАЛАР – Т.да илгари *карвонсарой* М. хизматини ўтаган. 19-а. охирида шаҳарда 45 дан ортиқ карвонсарой бўлган. Т.да дастлабки меҳмонхона ўратепа кўч.да «Россия» номи б-н 1905 й. ишга тушган (ҳоз. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси худудлари). 1912 й.да «Националь» (кейинчалик «Шарқ» деб номланган), Д.Н.Захо М.и қурилди. Захо меҳмонхонаси кейинчалик «Регина» номи б-н машҳур бўлган (унинг ўрнида 1974 й.да

кин (Мустақиллик) кўч.да, шунингдек, шаҳардаги чойхоналар ва бозорлар ёнида М. қурилди. Ўтган асрнинг 50–60-й.ларидан Т.да йирик М. қурилиши расм бўлди: «Тошкент» (1959), «Россия» (1974), «Зарафшон» (1967), «Дўстлик» (1970), «Ўзбекистон» (1974), «Ленинград» (1977), «Чорсу» (1982), «Ҳадра» (1989) ва б. қурилди.

Мустақиллик йилларида шаҳар хўжалигининг ривожланиши, савдо-сотиқнинг кенг йўлга қўйилиши, сайёҳ ва ишбилармонларнинг ўзаро учрашувлари марказлашган тарзда ҳамда турли ташкилот, муассасалар, хусусий корхоналар томонидан ҳар хил турдаги М. қурилишини тезлаштирди. Мавжуд М.нинг аксарияти замонавий миллий меъморчилик анъаналари, маҳаллий иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда қайта қурилди, таъмирланди, «5», «4» юлдуз тоифалиларга айлантирилиб, жаҳон талабларига жавоб бера оладиган даражага келтирилди. «Интерконтинентал Тошкент», «Марказий

«Чорсу» меҳмонхонаси.

меҳмонхона», «Ле Гранд Плаза», «Дедеман силк роад Ташкент», «Гранд мир», «Рэдисон САС хоутел Ташкент», «Пойтахт» М.и шулар жумласидандир. Айни вақтда Тошкентда вазирлик ва идораларга қарашли М. («Амбасадор» – Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги; «Ўзбекистон» – «Ўзбектуризм» миллий компанияси; Мудофаа вазирлиги меҳмонхона мажмуи, «Ипак йўли» – «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси; «Лабзак» – Ўзбекистон Фанлар академияси ва б.), йўловчилар М.и (аэропорт, т.й. вокзали ва б.), спортчилар М., автосайёҳлар М.и (мотель, кемпинг ва б.) ҳам мавжуд.

Кейинги йилларда ҳар хил МЧЖлар қурган («Ал-Ҳосилот», «Азиз меҳмон», «Турк туризм», «Верона арт», «Осиё дисковер» ва б.), қўшма корхоналарга қарашли («Экспо», «Ўзолмонхотелз» – Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси, «Лорика Ltd» – Ўзбекистон–Покистон қўшма корхонаси ва б.), хусусий («Диёр-бек», «Гулнора ББ» ва б.), туристик фирмаларга тегишли («Азия-Ташкент» – «Марко Поло» фирмаси ва б.) М. ишга туширилди.

Т.да 60 дан ортиқ меҳмонхона бор. Улар бир йўла 10 мингдан ортиқ кишини қабул қилиши мумкин (2009).

МЕҲНАТ БИРЖАСИ – қ. *Ижтимоий ҳимоя*.

«**МЕҲНАТ ҲАЛОЛ**» (Уйсозлар кўч., 2-тор кўча, 15^а-уй) – электрпайванд пўлат қувурлар ишлаб чиқарадиган корхона. Ногиронларнинг «Нажот йўли» жамоат бирлашмаси 2000 й. хусусий корхона сифатида таъсис этган. 2004 й. 9 сент.дан шуъба корхонага айлантирилган. Тайёрлайдиган асосий маҳсулотлари:



Тошкент шаҳрида жойлашган йирик меҳмонхоналар (2009)

Меҳмонхоналар номи	Манзили	Хоналар сони	Тоифаси
«Интерконтинентал Тошкент»	Юнусобод тумани, Амир Темура шохкўч., 5-уй	232	5*
«Марказий меҳмонхона»	Юнусобод тумани, Амир Темура шохкўч., 15-уй	251	5*
«Le Grande Plase»,	Мирзо Улуғбек тумани, «Ўзбекистон овози» кўч., 20-уй	163	4*
«Шодлик палас»	Шайхонтохур тумани, Пахтакор кўч., 5-уй	107	4*
«Ўзбекистон»	Мирзо Улуғбек тумани, Тараққиёт кўч., 45-уй	166	4*
«Ташкент палас»	Юнусобод тумани, Буюк Турон кўч., 56-уй	232	4*
«Redisson sas Tashkent»	Юнусобод тумани, Амир Темура шохкўч., 88-уй	111	4*
«Dedeman silk road Tashkent»	Юнусобод тумани, Амир Темура шохкўч., Марказ-4, 7/8-уй	206	4*
«Гранд мир»	Яккасарой тумани, Миробод кўч., 2-уй	126	4*
«Пойтахт»	Миробод тумани, Амир Темура шохкўч., 4-уй	112	3*
«Гранд орзу»	Яккасарой тумани, Маҳмуд Торобий кўч., 27-уй	50	3*
«Элит»	Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 75/10	22	3*
«Сам бух элит»	Яккасарой тумани, Катта Миробод 1-тор кўч., 10-уй	36	3*
«Амбасадор»	Юнусобод тумани, Осиё кўч., 6-уй	33	3*
«Равшан ОТЕЛЬ» хусусий корхонаси	Яккасарой тумани, Миробод кўч., 118-уй	47	3*
«Кооператор»	Юнусобод тумани, Амир Темура шохкўч., 60 ^а -уй	52	3*
«TLGC VILLA» (Гольф клуби)	Бектемир тумани, Роҳат кўли, 1-уй	51	3*
«Сон Шене Турон Интернетшнл LTD»	Қайта таъмирланмоқда		
«Чорсу»	Қайта таъмирланмоқда		
«Малика Тошкент»	Чилонзор тумани, Чўпонота кўч., 53 ^а -уй	27	3*

қалинлиги 2 мм гача, диаметри 21,6 мм дан 89 мм гача бўлган қувурлар, рухланган пўлатдан тарам-тарам қилиб ишланган тунукалар; Э-46 маркали пайвандлаш электродлари, пайвандлаш симлари. Бир йилда 2286,247 т қувур, 6069,277 т тунука ишлаб чиқаради (2007).

«**МЕҲРЖОН**» **МАҲАЛЛАСИ** (18-мавзе, 1-уй, 1-хона) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Ботирма», «Кичик Хирмонтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Аҳолиси 4200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳаллада болалар боғчаси, 3 ресторан, озиқ-овқат дўкони, модалар ательеси, дорихона, прокат, жарроҳлик клиникаси, кафе мавжуд.

МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ – етим ва ота-оналарининг ёки бошқа қонуний вакилларининг васийлигисиз қолган болалар учун давлат томонидан очилган таълим-тарбия муассасаси. М.у. да 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаши ва тарбияланиши учун зарур шароитлар яратилади. М.у.да тарбияланувчиларни ўқитиш ва боқиш тўла давлат таъминоти асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. М.у. дастлаб 1918 й. етимхоналар асосида болалар уйи номи б-н ташкил этилган. 1995 й. дан М.у. деб номланган. Т.даги 5 М.у. (24-, 31-, 21-, 30-, 23-сонли)да 582 бола тарбияланади (2008). Уларда 3–7 ёшли 73 бола болалар боғчаси тартибда, 7–16 ёшли 404 бола умумий

ўрта таълим мактаби тартибда тарбияланади. Т.даги 5 М.у.дан 3 таси (31-, 30-, 23-сонли) жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар М.у. бўлиб, уларда 354 бола тарбияланади. Т.даги М.у.да 94 тарбиячи-мураббий ишлайди.

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Микробиология институти (Абдулла Қодирий кўч., 7^б-уй) – 1977 й. Ўзбекистон ФАнинг Микробиология бўлими (1965) негизда Т.да ташкил этилган. Ин-тининг асосий илмий йўналиши микроорганизмлар биологияси ва биотехнологияси, улардан халқ хўжалигида фойдаланиш, бактерия, замбуруғларнинг биоэкологияси, систематикаси, физиологияси, цито-

логияси, биокимёси, генетикаси ва ген муҳандислигини ўрганиш, микроорганизмлар хужайрасида содир бўладиган модда алмашинувини бошқариш, халқ хўжалиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш учун муҳим бўлган микроорганизмлар биотехнологияларини ишлаб чиқишдан иборат. Ин-тда 9 лаб., илмий таҳлил ва маънавият бўлими, тажрибалар ўтказиш жойи (биост-я) бор (2008). Технология бўйича патент-қидирув ишлари амалга оширилади. Ин-тда 80 илмий ходим, жумладан 1 акад., 7 фанд-ри ва проф., 39 фан номзоди ишлайди.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» (Лутфий кўч., 14) – акциядорлик тижорат банки. 2006 й. 13 майда «Тадбиркорбанк» (1993) негизда ташкил топган. Банк акциядорлари сони – 33067 та бўлиб, уларнинг 26984 таси юридик шахслар, 6083 таси жисмоний шахслар (2008, 1 янв.). Банкнинг асосий вазифаси – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, фермер ва деҳқон хўжалиқларига микрокредитлар бериш, микролизинг хизматлари ҳамда кенг қўламдаги банк ва консалтинг хизматлари кўрсатиш ва б. Республиканинг турли ҳудудларида банкнинг 77 филиали, 273 мини банки, 38 махсус кассалари ва 7 агентликлари ишлаб турибди (2008). Тошкент ш.да 40 мингдан ортиқ мижозга эга. Шаҳар бўйича иқтисодийнинг турли тармоқларига 2,0 млрд. сўмдан ортиқроқ миқдорда микрокредитлар ажратилди ва микролизинг хизматлари кўрсатилди (2007). Банкнинг устав капитали (млрд. сўм) – 75,4; умумий капитали – 78,8; жами активлари – 180,9; кредит портфели – 96,5 (2008, 1 янв.).

МИЛИЦИЯ – қ. *Ички ишлар хизмати.*

МИЛЛИЙ БОФ – қ. *Ўзбекистон миллий боғи.*

«МИЛЛИЙ БОФ» – метро бека-ти. Чилонзор йўлидаги бу бекат Бунёдкор шоҳкўч.да Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон миллий боғи яқинида жойлашган. 1977 й. 7 нояб.да «Комсомол» номи б-н очилган. 1992 й. майдан «Ёшлик» деб атала бошлаган. 2008 й.дан ҳоз. номда. Меъморлари В.Агафонова, А.Аблаева, Р.Зарипов; муҳандиси Г.Оганесов. Устункор йўловчилар зали ва икки ер ости йўлаги қобирғали плиталар б-н ёпилган. Йўловчилар залини пештоқ кўринишидаги кенгайтирилган чармакли икки қатор устунлар кўтариб туради. Чармакпештоқлар яширин чироқлар учун карниз вазифасини ҳам бажаради. Улар ўйма ганч нақшлар б-н безатилган (ганчкор А.Султонов). Қизил мрамор б-н қопланган деворларга геральдик мис қадамалар ва бадиий паннолар ўрнатилган (рас.лар: Б.Жалолов, Р.Немировский). Ўтиш жойлари, йўлак деворлари ва устунлар ғозғон пушти мрамори б-н қопланган. Саҳнига кулранг ва қора гранит плиталар ётқизилган.

«МИЛЛИЙ ИТТИҲОД», «Иттиҳоди тараққий» – Туркистон жадидлари ташкилоти (1920–25). *Мунавварқори* ва Садриддинхон Шарифхўжаев ташаббуси б-н Т.да тузилган. «М.и.» большевиклар режимига қарши курашда совет муассасаларида хизмат қилаётган миллий раҳбар ходимларга таянган ва ўз олди-га Туркистонда миллий мустақил давлат барпо этишни бош мақсад қилиб қўйган. Ташкилот фаолиятида Мунавварқоридан ташқари Т.Жонузоқов, Ашура-

ли Зоҳидий, У.Асадуллахўжаев, Саид Ахрорий, С.Тиллахонов ва б. муҳим роль ўйнаган. Вилоятларда шўбалари бўлган. 1920 й.дан Мунавварқори Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукуматида ишлаши муносабати б-н ташкилот м-зи Бухорога кўчган. Бу даврда ташкилотнинг асосий мақсади Бухоро республикаси, умуман, Туркистон минтақасини советлаштириш ва руслаштириш таъсиридан сақлаб қолиш, юрт мустақиллигига эришиш эди. «М.и.» аъзолари советларга қарши қуролли ҳаракат раҳбарлари б-н алоқа ўрнатган. Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилиши арафасида – 1924 й. охирларида ташкилот м-зи қайта Т.га кўчади. Ўзбекистон ССР ташкил топгач, ГПУ томонидан ҳар томонлама сиқувга олинган «М.и.» 1925 й. бошларида ўзини тарқатилган, деб эълон қилган. Кейинчалик унинг асосида «Миллий истиқлол» яширин ташкилоти тузилган (1929 й. фаолиятини тугатган). **МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ (МОҚ)**, Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси (Олмазор кўч., 15/1) – мамлакат номидан олимпия ҳаракатида вакил бўлиб қатнашувчи ташкилот. Ўзбекистон Республикаси МОҚ 1992 й. 21 янв.да ташкил топган. 1993 й. сент.дан Халқаро олимпия қўмитаси (ХОҚ) аъзоси. Олимпия ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатда спортни омалаштириш ва ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон ва дунё спортчилари ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, спортчиларнинг ХОҚ раҳбарлигида ўтадиган мусобақаларига ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўриши ва қатнашишини таъминлаш каби Олимпия Хартиясидан

белгиланган вазифаларни бажа ради. Олий органи Бош ассамблея, у одатда, 1 йилда камида 1 марта чақирилади. Унда Президиум аъзолари сайланади. Ассамблеялар орасидаги давр ичида Ижроия кўмита (президент, 3 вице-президент, 9 аъзо) олимпия ҳаракатига раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси МОҚ қароргоҳи Тошкент ш.да жойлашган. МОҚ ҳузурида Ўзбекистон Республикаси Олимпия академияси фаолият кўрсатади (1993 й.дан). У кўнгилли жамоат ташкилоти ҳисобланиб, олимпия ҳаракати ва ўйинларининг қадрият ҳамда тамойилларини ўрганати ва оммалаштиради. Олимпия ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Т.да *Олимпия шон-шухрати музейи* ташкил этилган (1996).

МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти (Содиқ Азимов кўч., 35) – 1997 й. Тошкент давлат санъат ин-тининг тасвирий санъат ф-ти негизида Тошкент ш.да ташкил этилган ва Камолитдин *Бехзод* номи берилган. Ўзбекистон БА таркибида. Касб таълими (санъат ва маданият), компьютер графикаси ва бадий фото, бадий кулолчилик, меъморий ёдгорликлар беагини таъмирлаш ихтисосликлари бўйича бакалаврлар, тасвирий санъат тарихи ва назарияси, музейшунослик, дастгоҳли рангтасвир, маҳобатли рангтасвир, театр беаги рангтасвири, фильмнинг тасвирий ечими, реклама, интерьерни лойиҳалаш, саноат дизайни, либослар дизайни, дастгоҳли графика ва китоб графикаси, хаттотлик ва миниатюра, бадий кулолчилик, амалий санъат

асарларини таъмирлаш, ҳайкалтарошлик ихтисосликлари бўйича бакалавр ва магистрлар, санъатшунослик журналистикаси, телекўрсатувлар тасвирий ечими ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-тда 4 ф-т (тасвирий санъат; амалий санъат; санъатшунослик; дизайн), 12 бўлим, 6 м-з, аспирантура, 17 каф., кутубхона (40 минг асар) бор (2008). Ин-тда 217 проф.-ўқитувчи, жумладан 18 Ўзбекистон БА акад., 1 Ўзбекистон Республикаси ФА акад., 31 фан д-ри ва проф., 63 фан номзоди ва доцент, 13 Ўзбекистон халқ рассоми, 5 Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби, 3 Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, 2 Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби ишлайди; 1199 талаба таълим олади (2008). Ташкил этилгандан бери 1133 мутахассис тайёрланди. 2002 й.дан «Мусаввир» ва «Нихол» газ.лари нашр этилади.

МИЛЛИЙ РАҚС ВА ХОРЕОГРАФИЯ ОЛИЙ МАКТАБИ, Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби (Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 31) – миллий рақс ва хореография бўйича кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1997 й. Хореография билим юрти (ҳозир касб-хунар коллежи; 1947 й. асос солинган) негизида Т.да ташкил этилган. Олий мактабда хореография касб-хунар коллежи сақлаб қолинган. Хореография санъати ва санъатшунослик таълим йўналишларида «балетмейстер-реж.», «хореография жамоалари раҳбарлари», «хореография педагогикаси», «санъатшунослик» ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёр-

лайди. Олий мактабда хореография санъати ф-ти, 3 та каф. (хореография, санъат тарихи ва назарияси, ижтимоий-гуманитар фанлар), кутубхона (40 минг асар) бор. 2007/2008 ўқув йили 600 талаба ва ўқувчи, жумладан олий бўғинда 150 талаба, бошланғич ва ўрта махсус бўғинда 450 ўқувчи ўқиди; олий мактабда 24 (жумладан, 8 фан номзоди ва доцент), хореография касб-хунар коллежида 62 ўқитувчи ишлади. 1947 й.дан буён касб-хунар коллежини 36 минг, олий мактабни 300 дан ортиқ киши битирди. Ўтган давр мобайнида мактабда Г.Ҳамроева, Б.Қориева, Р.Каримова, Г.Измайлова, Г.Жалилова, Қ.Миркаримова, Қ.Дўстмухамедова, М.Эргашева каби санъат усталари етишиб чиққан.

МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ МАРКАЗЛАР – Ўзбекистонда 150 дан ортиқ миллий маданий марказ фаолият юритади. Улар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (1992 й. 13 янв.даги) қарори б-н Тошкент ш.да Республика байналмилал маданият маркази (Бобур кўч., 4) ташкил этилган. Мазкур марказнинг асосий вазифаси миллатлараро муносабатларни янада такомиллаштириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллат ва элат вакилларининг миллий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, ҳар бир миллатга хос урф-одат ва анъаналарни сақлаб қолишда миллий-маданий марказларга кўмаклашиш, бағрикенглик тамойилларини қарор топтиришга қаратилган жамоатчилик ташаббусларини қўллаб-қувватлашдан иборат. Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фар-



Республика байналмилал маданият маркази.

зандларининг учрашув жойи, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар, конференциялар ўтказиб турилади.

Республика байналмилал маданият маркази томонидан миллий-маданий марказлар учун йўриқномалар, 10 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни акс эттирувчи «Ўзбекистон – умумий уйимиз» номли китоб-альбом (2004) ва «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» тўплами чоп этилди (2008).

Тошкент шаҳар миллий маданий марказлари


Номи	Ташкил топган санаси	Манзили
«Гардашлик» озарбайжон маданият маркази	2000	Г.Алиев кўч., Озор Эви
Арман маданият маркази	1994	Ҳамид Олимжон майд., 5
Закий Валидий номидаги бошқирд ижтимоий-маданий маркази	2000	Юнусобод 14-мавзе, Т.Содиқов маданият уйи
«Свитанак» («Тонг») белорус маданий маркази	1993	Бобур кўч., 4
Болгар маданий маркази	1999	Бобур кўч., 4
«Симхо» бухоро-яхудий миллий маданий маркази	1993	Исоҳор Оқилов кўч., 31
Грек маданият жамияти	1997	Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 30
«Мегаброба» («Дўстлик») грузин маданий маркази	1994	Сағбон, Кичик ҳалқа йўли кўч.лари чорраҳаси
Дунган маданий маркази	1999	Бобур кўч., 4
Яхудий жамоа маданий бирлашмаси	1994	Бобур кўч., 20
Қозоқ маданий маркази	1997	Ниёзбек йўли, 6-тор кўча, 20
Корейс маданий маркази	1993	Гричушкин кўч., 61
«Тикланиш» корейс жамияти	1991	Хусайн Байқаро кўч., 51
Хитой маданий маркази	2001	Бобур кўч., 4
«Авдет» («Қайтиш») қрим-татар маданий маркази	1997	Бобур кўч., 4
Литва маданияти жамияти	1992	Бобур кўч., 4
Рус маданияти маркази	1996	Авиашаҳарча, 76 ^а
«Ориёна» тожик маданият маркази	1990	Бобур кўч., 4
Татар ижтимоий маданий-маърифий маркази	1993	Бобур кўч., 4
Туркман маданий маркази	2000	Бобур кўч., 4
Уйғур маданий маркази	1997	Юнусобод 14-мавзе, Т.Содиқов маданият уйи
«Батькившина» маданий маркази (украин)	1994	Мавлоно Риёзий кўч., 42/1
«Польский класс» поляк маданияти жамияти	2002	Миробод кўч., 14

Тошкент ш.да 14 та республика ва 23 та шаҳар миллий маданий марказлари фаолият олиб боради (2008).

«МИНГ ХИЛ МАЙДА МОЛЛАР» (Муқимий кўч., 2) – фирма. Тошкент ш. хўжалик ва маданий моллар савдоси идорасига қарашли 22-магазин («Минг хил майда-чуйда») сифатида савдо қилган. Савдо зали 498 м². 1994 й.дан хусусий фирма. Магазиннинг ўқув куроллари, атир-упалар, мебель, уй-рўзгор буюмлари, электр товарлар, заргарлик, қурилиш моллари ва фото хизмати бўлимлари бор. Йиллик савдо ҳажми 2007 й.да 79 млн. 510 минг сўмни ташкил этди. 2008 й.нинг 8 ойида 63 млн. 538 минг сўмлик савдо қилиниб, 1 млн. 854,5 минг сўм соф фойда олинди.

МИНГБОШИ – Қўқон хонлиги даврида Т.да ҳарбий ва маъмурий лавозим. М. аҳоли томонидан сайланиб, бекларбеги тарафидан тасдиқланган, *даҳота* бош бўлган; асосан, аҳолидан солиқ ундирилишини назорат қилиб турган. Т.ни чор Россияси босиб олгандан кейин М. ўрнига *оқсоқол* лавозими жорий қилинган.

МИНГЎРИК – археологик ёдгорлик, қад. шаҳар харобаси қолдиғи (1–13-а.лар). Маҳаллий аҳоли ўртасида у Афросиёб тепаси номи б-н ҳам машҳур бўлган. Тўртбурчак аркка ёндошган минора-қаср ва шаҳристоннинг тепаликка айланган ҳудудидан иборат. 19-а.га оид шаҳар харитасида майд. 30–35 га эканлиги кўрсатилган. Тошкент т.й. вокзали яқинида, Салор канали соҳилида жойлашган; шаҳар харобаси ўрнида 19-а.да катта ўрикзор бўлганлиги учун шундай аталган. Ҳоз. шаҳар қурилиши муносабати б-н М.



ҳудудининг олдинги рельефи ва ёдгорликнинг маданий қатлами бузилиб кетиши натижасида М.нинг бир қисмигина сақланган. Биринчи марта 1896 й. (Е.Т. Смирнов, Н.С.Ликошин томонидан), кейин 1912 й. (А.И.Добросмыслов, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари томонидан) қайд қилинган. 20-й.ларда М.Е.Массон, 40–50-й.ларда Т.Мирғиёсов, В.И.Спришевский, Ю.Ф.Буряков археология кузатиш ишлари олиб борган. Биринчи қазилма ишлари Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти (Ю.Ф. Буряков, Д.Г.Зильпер, О.В. Обельченко) томонидан ўтказилган, 1968 й.дан *Тошкент археология экспедицияси* мазкур археологик ёдгорликни ўрганишни бошлаган.

Мингўрик шаҳристони. Шаҳар девори қолдиқлари.



Унинг ишлари 2008 й.дан давом эттирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига (2008 й. 2 апр.) мувофиқ, Мингўрик шаҳар харобаси қолдиқлари консервация қилинди (2008).

М.да олиб борилган и.т.лар натижасида шаҳристон (15 гектар) ва арк (0,5 гектар) майдонлари, шаҳар ҳаётининг 3 асосий босқичи аниқланган.

1-босқичда ўзига хос хочсимон тарҳли, учта ички гумбазли хоналари бўлган маҳобатли мейморий-қурилиш мажмуи бунёд

этилган. Бино девор б-н ўралган. Ўз даврида бино бир неча маротаба таъмирланган, ярим айлана бурж ва мўлалари ўсиб борган, шу б-н бирга асрлар мобайнида бинонинг асосий ва-зифаси сақланиб қолган. Бу мажмуа тепасидаги оташгоҳда ўт ёқиш ва ундан ҳосил бўлган муқаддас кулларни мунтазам равишда тўплаб, йиғиб бориш б-н боғлиқ бўлган. Қурилиш қолдиқлари ва функционал белгилар таҳлилига кўра, бино милонинг дастлабки асрларида ўт ва қуёшга топинган маҳаллий аҳоли томонидан қурилган. Тадқиқот натижалари Тошкент воҳаси қадимда Қанғ давлатининг милонинг бошларидаги диний м-зларидан бири бўлган, деб ҳисоблаш имконини берди. Унинг атрофида, келажакдаги илк шаҳар м-зи шаклланган. 2-босқичда (5–6-а.лар) шаҳар тез суръатда ривожланиб, аҳоли сони ошиб бориши натижасида мустаҳкам арк ва шаҳристонга эга йирик шаҳар м-зига айланган. 7-а. бошида шаҳар Чочнинг пойтахти бўлган. Араб манбаларида тилга олинган «Мадинат аш-Шош» шу ёдгорликнинг айнан ўзи деб ҳисобланади. 3-босқич (7–8-а.лар) араб халифалигининг Чочга юриши арафасида шаҳар энг юксалган даврда

бўлган. Барча меъморий қурилиш услублари мажмуаси, ички безакларда ҳашаматли деворий тасвир ва нақшлардан фойдаланиш, уй-рўзгор асбоб-ускуналари, идишлар М.нинг умумсўғд маданияти асосида Сўғд, Фарғона ва Ўрта Осиёнинг бошқа жойлари б-н мустаҳкам алоқада ривожланганлигидан далолат беради. Шу б-н бирга шаҳар турмуш тарзида кўчманчи қабилаларнинг таъсири катта бўлган. Шаҳар қурилиши кенгайиб борган сари эски қалъа деворлари торлик қилиб, унинг харобалари устига шаҳристон уйларига нисбатан салобатли қаср мажмуаси – Чоч ҳукмдорларининг саройи қурилган. Саройда супа ва нақшинкор устунли ҳашаматли хоналар ва ибодатхоналардан ташқари кўшимча хоналар (хўжалик эҳтиёжлари учун) ҳам бўлган. Бу даврда Чоч ўлкаси Турк хоқонлигига тобе бўлган. Санъат ва маданият ривожланган. Манбаларда қайд этилишича, мусиқа ва рақс санъати, айниқса, юксак поғонага чиққан. 8-а. бошларида Чоч пойтахти араб халифалиги истилочилари томонидан харобага айлантирилган. 10-а.да М.нинг бир қисмидагина ҳаёт тикланган ва 13-а.гача давом этган. Марказ янги шаҳар – *Бинкатта* кўчирилган.

«МИНГЎРИК» – метро бекати. Ю н у с о б о д йўлидаги бу бекат Усмон Носир кўч. бўйлаб жойлашган.



«Мингўрик» метро бекати.

2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган. Меъмори А.Табитов; муҳандислар В.Журавлев, О.Зокиров. Бекатнинг ер ости вестибюли ва йўловчилар зали орқали Юнусобод йўлидан Ўзбекистон йўлининг «Ойбек» метро бекатига ўтиш мумкин. Бекатнинг йўловчилар зали устунли. Залдаги устунлар, мармар вестибюлдаги устунлар бадий шиша ва хромланган трубалар б-н ишланган. Шифтга устунлар орасига йўловчилар залини безаб турувчи қандиллар осилган. Бекат мавзуи вестибюлнинг кириш қисмидаги керамик бадий намоёнда акс эттирилган. Саҳнига кулранг ва қора гранитлар ётқизилган. Бекатни безатишда маҳаллий қурилиш материаллари – мармар, гранит, шунингдек, бадий сопол, металл, шишадан фойдаланилган.

«МИНГЎРИК» МАҲАЛЛАСИ (Шаҳрисабз кўч., 38) – Миробод туманидаги маҳалла. 1992 й. ташкил қилинган. Номи *Мингўрик* археологик ёдгорлигидан олинган. Аҳолиси 1258 киши (2008). Рашидов, Ойбек, «Мовароуннаҳр» маҳаллалари б-н чегарадош. Худудида жуда кўп жамоат ташкилотлари, корхоналар, ин-тлар, жумладан Тошкент вилояти ва Тошкент ш. ҳокимлиги, «Фотон» АЖ, В.С.Митрофанов номидаги сув спорти саройи, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг, «Ўзбекистон темир йўллари» компаниялари, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Халқаро Вестминстер ун-ти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат ун-тининг Тошкент филиали, Юридик ин-ти, Боровский номидаги тиббиёт касб-

хунар коллежи, М.Федорович номидаги клиник санаторийси, Республика клиник шифохонаси ва б. жойлашган.

«МИНГУРИК» МАҲАЛЛАСИ (Фирдавсий кўч., 104) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Бодомзор», «Обод», «Дархон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1924 й. ташкил этилган. Бўзсув бўйида шаҳар аҳолисининг боғ ҳовлилари бўлган. 1926 й. Бўзсув ГЭС қурилгач, унинг атрофи обод бўлиб, шаҳарликлар учун сайилгоҳга айланган, чойхоналар, дам олиш маскани барпо бўлган. Шундан сўнг маҳалла ташкил этилиб, унинг номи «Гидростанция» деб аталган. Аста-секин аҳоли сони ортиб, боғлар барпо бўлган, кўпчилик ҳовлиларда ўрик кўчатлари экилган. Шундан бошлаб бир неча кўча номлари «Мингўрик» деб аталган. 2-жаҳон уруши йиллари «Ўзбексельмаш» з-дининг бир гуруҳ ишчилари кўчиб келган, натижада 1-, 2-, 3-берк «Мингўрик» кўчалари пайдо бўлган. 1991 й. маҳаллага «Мингўрик» номи берилган. Аҳолиси 5350 киши, кўп миллатли (2008).

МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси таркибидаги и.т. институти (Тарас Шевченко кўч., 11^а-уй) – респ.да маъдан ва номаъдан фойдали қазилмаларни ўрганишнинг илмий методик ва амалий масалаларини ҳал қилувчи м-з. 1994 й. марказий и.т. институти филиали негизда Т.да ташкил этилган. Ин-т таркибида маълумотларни автоматик равишда қайта ишлаш м-зи, 6 бўлим, 18 сектор ва лаб., аспирантура, ихтисослашган илмий кенгаш, кутубхона (22 мингдан

ортиқ асар) мавжуд (2008). Ин-тда 240 илмий ходим, жумладан 1 акад., 9 фан д-ри, 36 фан номзоди, 3 фахрий кон қидирувчи, 1 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими, 1 Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати ишлайди. Ин-тда «Геология ва минерал ресурслар» журн. чоп этилади (1999 й.дан).

МИНОР – Шайхонтохур даҳасидаги қад. маҳалла. Қашқар, Қиёт маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Маҳалла худудидан Анҳор канали оқиб ўтган. 200 дан ортиқ хонадон яшаган (аҳолиси қарийб 1400 киши). Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги далаларида (Оққўрғон, Яланғоч мавзелари) деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган.

«Минор» маҳалласи (Юнусобод, Марказ-6, Носиров берк кўч., 59) – Юнусобод туманидаги ҳоз. маҳалла. «Матонат», Уста Ширин, Улуғбек, «Шивли» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. Тошкент зилзиласи оқибатида маҳалладаги барча иморатлар яроқсиз ҳолга келган. Шундан сўнг бир қаватли уйлар ўрнига кўп қаватли уйлар қурилган. Аҳолиси 3386 киши, кўп миллатли. Маҳалла худудида Тошкент молия ин-ти, Калонов

номидаги касб-хунар коллежи ва ўрта мактаб, «Қозоғистон» к/т, 3 болалар боғчаси, Республика «Ва-

танпарвар» ташкилоти, 12-оилавий шифохона, Республика тиббий тикланиш ва физиотерапия и.т. институти, Тошкент ш. ўсмирлар соғлиғини тиклаш м-зи, «Шифобахш» булоқ суви з-ди, ёнилғи қуйиш шохобчаси ва б. бор. «Минор» қабристон

шу маҳалла худудида жойлашган. «МИНОР» – метро бекати. Юнусобод йўлидаги бу бекат Амир Темур шоҳкўч. бўйлаб, Қ.Муртазоев кўч. кесишган жойда. 2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган. Меъмори Ф.Музаффарова; муҳандислар В.Журавлев, О.Зокиров. Устунли шаклда қурилган бекатнинг йўловчилар зали қисми янги конструктив ечимга ва шунга мувофиқ равишда янги меъморий услубга эга. Устунларда, декоратив карнизларнинг шифтга қўшилган қисмларида бадиийлатун элементлардан ташкил топган қандил-бралар осилган. Устунлар ғозғон мармари ва металл ҳошия б-н қопланган. Бекатда йўловчилар оқимини тақсимлаш мақсадида устунлар зал ўртасида бир қатор қилиб жойлаштирилган ва зинапояларга таштирилган.

«МИНОР» ҚАБРИСТОНИ (Хуршид кўч., 47) – Т. маркази шим.-шарқида, Анҳор каналининг чап соҳилида. Шайхонтохур қабрис-



«Минор» метро бекати.

тони ёпилгандан сўнг 1870-й.ларда ташкил топган. Ум. майдони – 12,5 гектардан ортиқ. Қабристон яқинида («Минор» маҳалласи ҳудудида 1994 й.да қурилган 90-уй ўрнида) якка минора бўлганлиги сабабли шундай аталган. Илгари қабристон ғарб томондан Анҳор каналига туташ бўлган. 1950-й.лар бошида канал бўйини кўкаламзорлаштириш мақсадида қабристон чегараси каналдан бирмунча шарққа сурилди. Шим.-ғарб ва жан. томонларига дарвозалар қурилди. Жан. дарвозаси рўпарасида, ҳоз. йўл ўрнида 1950 й.ларгача «М.» қ.нинг эски қисми мавжуд бўлган. Қабристонга таниқли олимлар (акад.лар Обид Акрамхўжаев, Ҳосил Боймуҳамедов, Восит Воҳидов, Маҳмуд Мирзаев, Фани Мавлонов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Иброҳим Ҳамробоев, Яҳё Фуломов, Комилжон Зуфаров, Мурод Шарифхўжаев ва б.), ёзувчилар (Шухрат, Амин Умарий, Мирзакалон Исмоилий, Ўлмас Умарбеков ва б.), санъаткорлар Ақром Юсупов, Қодир Махсумов, Насим Ҳошимов, Юлдуз Исмадова ва б.) дафн этилган. Қабристон яқинида ёдгорлик тошлари тайёрланадиган устахона, дафн маросимини уюштирувчи «Қора лола» хизмат бошқармаси жойлашган.

МИРАҲМЕДОВ Содик Мираҳмедович (1926.21.8–1988.18.6) – генетик-селекционер олим., ВАСХНИЛ акад. (1978). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1976). Т.да туғилган. Тошкент қ.х. институтини тугатган (1950). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида илмий ходим, лаб. мудири (1954–76), Ёза селекцияси ва уруғчилиги и.т. институти директори (1976–

86), илмий маслаҳатчиси (1986–88). Илмий ишлари пахта генетикаси ва селекциясига бағишланган. М. вилтга чидамли ёза навларини яратган. Давлат мукофоти лауреати (1973). Т.даги кўчалардан бирига унинг номи берилган. Яланғоч қабристонига дафн этилган.

МИРЖАЛИЛОВ Саидносир (1884, Туркистон – 1937.9.10, Тошкент) – маърифатпарвар ва жамоат арбоби. *Ойбекнинг* қайнотаси. Туркистоннинг йирик сармоядорларидан. 1917 й. Т.га кўчиб келган ва шаҳар думасига аъзо бўлган. Туркистон мухторияти ҳукуматида хазиначи. 1921 й.да «Туркистон» савдосаноат ширкатини тузиб, ундан тушган даромад ҳисобига «*Миллий иттиҳод*» ташкилотини қўллаб-қувватлаган ҳамда Германияга ўқишга юборилган талабаларга моддий ёрдам кўрсатган. М. «Нашри маориф» маърифат ташкилоти ва «Кўмак» жамияти асосчиларидан (1923–25). 1925 й.дан бошлаб бир неча марта қамалган. 1937 й. отиб ташланган. Кейинчалик оқланган.

МИРЗАЕВ Алишер Тўлаганович (1948.21.3) – рангасвир ва графика устаси. Ўзбекистон БА акад. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (1992). Т.да туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1964–68) ва В.Суриков номидаги Москва рассомлик санъати ин-тида (1968–74) таълим олган. Тошкент политехника ин-ти (1974–78) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида (1978–1997) педагог. 1997 й.дан Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн ин-тида педагог, проф. (2000). М. асарлари ўзининг миллийлиги, ранглар уйғунлиги б-н аж-

ралиб туради. «Сўқоқ мозаикаси», «Рассом ва табиат», «Паркент аёллари» (1980) каби маназаралар, «Автопортретли натюрморт» (1982), «Сурхондарё натюрморти» (1982) ва б. натюрмортлар туркум асарларида табиат ва инсон бирлиги тарафдан таърифланган. 1990-й.ларда Абдулла Қодирий асарларига, жумладан, «Ўткан кунлар» асарига қаламтасвирда «Кумуш ва Зайнаб», «Хаёл», «Ҳайдалиш куйи», «Фузулийни ўқиб» ва б. асарлар яратиб миллий графика ривожига катта ҳисса қўшди. 1972 й.дан республика ва хорижий кўرғазмаларда асарлари б-н қатнашади. М. ҳақида «Палитра» (1983) ва «Алишер Мирзо» (2000) номли фильмлар ишланган. Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1994). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

МИРЗАЕВ Маҳмуд Мирзаевич (1921.15.7–2000.2.8) – узумчилик ва боғдорчилик соҳасидаги олим. ВАСХНИЛ (1983), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА (1991) акад. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном (1964), қ.х. фанлари д-ри (1975). Т.да туғилган. Тошкент қ.х. ин-тинини тугатган (1943). 1943–45 й.ларда Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлигида катта агроном. 1945–49 й.ларда Т. вилояти «Қибрай» боғдорчилик ва узумчилик хўжалигида бош агроном, директор. 1949 й.дан акад. Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-ти директори. Айни вақтда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари (1951–52), вазири (1962–64). Асосий илмий ишлари мева дарахтлари ва тоқлар биологияси



М.Мирзаевага Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институтининг марказий хиёбонида ўрнатилган ёдгорлик.

ва агротехникаси, тоғ ва тоғ олди зоналарида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш, ихтисослашган махсус узумчилик хўжаликлари ташкил этиш, мевали дарахтлар, тоқларни шўрхок, шағалли ва қумлоқ ерларда етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва б.га бағишланган. «Дўстлик» (1994), «Эл-юрт ҳурмати» (1998) орденлари б-н мукофотланган. Минор қабристонига дафн этилган. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институти м-зий хиёбонида бюсти ўрнатилган (2001). Т.даги кўч.дан бири М. номи б-н аталган.

МИРЗАКАЛОН ИСМОИЛИЙ МАҲАЛЛАСИ (Мирзакалон Исмоилий кўч., 3^б-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Салор» маҳалласи б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Аҳолиси 3762 киши (2008). 30 дан зиёд миллат вакиллари яшайди.

МИРЗО УЛУҒБЕК – қ. *Улуғбек*. «**МИРЗО УЛУҒБЕК**» – метро бекати. Чилонзор йўлидаги бу бекат буюк ўзбек астроном олими ва давлат арбоби Мирзо

Улуғбек номига қўйилган. Меъморлар Я.Мансуров, В.Маҳмудов, А.Табибов; муҳандис Г.Оганесов. Бунёдкор шоҳкўч. ва Чўпонота кўч. кесишган ерда, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, спорт мажмуаси ёнида жойлашган.

Станция устунли, ер ости йўловчилар зали ва икки вестибюлли қилиб қурилган. Шипининг ёнбош қисмига шаклдор алюминий қопланган, унинг ичига ёриткичлар ўрнатилган. Йўловчилар зали ва вестибюллар деворлари Ҳозғон оқиш мрамари б-н қопланган. Ўтиш йўллари, вестибюллар, йўловчилар залининг саҳнига кулранг ва қора гранит ётқизилган.

МИРЗО УЛУҒБЕК КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек ва Ҳамза туманларини боғлаб турувчи марказий кўчалардан бири. 1966 й.ги Т. зилзиласидан сўнг ташкил топган. Дастлаб Яланғоч, Шастри ва Черданцев номлари б-н юритилган. 1972 й. 29 майда Максим Горький, 1992 й. 7 авг.да акад. Ҳабиб *Абдуллаев* номи берилган. 2007 й. 21 сент.да кўча но-

мини туман номи б-н уйғунлаштириш мақсадида улуғ аллома Мирзо *Улуғбек* номи берилган. Тараққиёт ва Феруза кўчалари оралиғида. Уз. 8 км атрофида. Йўналишида «Буюк ипак йўли» метро бекати, Академиклар шаҳарчаси, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Умумий ва ноорганик кимё, Ўсимлик моддалари кимёси, Биокимё, Шарқшунослик ин-тлари, Яланғоч мавзеси, Эндокринология и.т. институти, Акушерлик ва гинекология м-зи, Мусавирлар уйи, Врачлар малакасини ошириш ин-ти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий музейи, Респ. олимпия захиралари теннис мактаби, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Барча турдаги транспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. Мустақиллик йиллари кўча тубдан қайта таъмирланиб, кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўналишида Паркент, Дўрмон йўли, Темур Малик кўчалари б-н кесишган. Буюк ипак

Мирзо Улуғбек кўчаси.



йўли кўчаси, Мустақиллик кўчаси б-н туташган. Яқинида «Паркент» бозори, «Саёҳат» меҳмонхонаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти, шаҳар суди ва б. муассасалар мавжуд.

МИРЗО УЛУҒБЕК МАҲАЛЛАСИ (Убай Орифов кўч.) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Турон», «Минор», Шайх Шиблий, Фирдавсий маҳаллалари б-н чегарадош. 1924–25 й.ларда ташкил топган бўлиб, «Оққўргон», «1-квартком» номлари б-н юритилган. 1984 й.да маҳалла ҳудудида Ўзбекистонда ягона Астрономия и.т. институти жойлашганлиги туфайли маҳаллага Мирзо Улуғбек номи берилган. Аҳолиси 4500 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида «Ўзфармсаноеат» давлат акционерлик концерни, «Ўзгеонефтваз қазиб чиқариш» компанияси, Ўзбекистон–Дания қўшма корхонаси, Ўзгидромет м-зи, Бухгалтер ва аудиторлар миллий ассоциацияси, Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти, Астрономия ин-ти, француз тилига ихтисослашган

ўрта мактаб, Юнусобод академик лицейи мавжуд. Маҳаллада академик Собир Юнусов, Малик Набиев, Фани Мавлонов, Музаффархон Хомидхонов, халқ артисти Шукур Бурхонов, ёзувчи Гайратий яшаганлар.

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТРОҲАТ БОҒИ (Х.Орипов кўч., 21) – Мирзо Улуғбек туманида жойлашган. Умумий майд. 12,91 гектар. 1934 й.да Тельман номи б-н бунёд этилган. 1993 й.дан «Боғи эрам» деб юритилган. 2003 й.дан ҳоз. номда. Боғ 1998–99 й.ларда қайта таъмирланган. Боғда 11600 дан зиёд чинор, қарағай, арча, каштан, аргувон, арча, тол, терак, акация, дуб каби манзарали ва турли мевали дарахтлар ўсади, шунингдек, 4000 га яқин бута бор. Гулзорларга ҳар йили 10000 туп гул кўчати экилади. Майсазорлар парваришланади. Боғда чўмилиш ва манзарали сув ҳавзалари, 3 фаввора ва сунъий шаршара бор. Болалар майдончаси, ёзги саҳна, спорт мажмуаси

(футбол, волейбол, баскетбол майдонлари, катта теннис корти, югуриш йўлаклари), шахматшашка, стол тенниси павильонлари, 35 аттракцион, умумий овқатланиш (кафе-ресторанлар), савдо шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатади. Турли маданий-маърифий тадбирлар, анъанавий байрам ва сайиллар ўтказиб турилади. Шахматшашка клуби ташкил этилган.

МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ (Мустақиллик кўч., 122) – Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик (1935 й.гача – Пролетар тумани, 1992 й. майгача Куйбишев тумани, 1992 й. 8 майдан Мирзо Улуғбек тумани). 1929 й. 29 ноябрда ташкил қилинган.

Тошкентнинг шим.-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, Ҳамза, Юнусобод туманлари ҳамда Тошкент вилоятининг Қибрай тумани б-н чегарадош. Тошкент маркази (Амир Темур хиёбони)дан бошланиб, шим.-шарқий томонга, Катта ҳалқа йўлигача боради. Феруза мавзеси, Тошкент трактор з-ди,

Мирзо Улуғбек туманидаги маданий мерос объектлари

Ёдгорликнинг номи	Қурилган вақти	Жойлашган манзили
Меъморий объектлар:		
Капланнинг 3 қаватли уй-аптека дўкони (Ипотека банк)	1906–1912 й.лар	Мустақиллик кўч., 17
Инжилчи-лютеранлар черкови биноси (Кирха)	1896 й.	Содиқ Азимов кўч., 37
Республика болалар кутубхонаси биноси	20-а. боши	Яҳё Фуломов кўч., 47
Театр арбоблари жамияти биноси	20-а.	Тараққиёт кўч., 49, 51
ЎзР Фанлар Академияси Президиуми биноси	1928 й.	Яҳё Фуломов кўч., 70
Илгариги Давлат банки биноси («Муборак» МЧЖ)	1875 й.	Амир Темур хиёбони
Монументал санъат объектлари:		
Мирзо Улуғбек ҳайкали	1993 й.	Академиклар шаҳарчаси
А.С.Пушкин ҳайкали	1974 й.	Пушкин майдони
Ҳамид Олимжон ҳайкали	1999 й.	Ҳамид Олимжон майдони
Л.Б.Шастри бюсти	1979 й.	Содиқ Азимов кўчаси

Улуғбек шаҳарчаси ҳам туман ҳудудига қиради. Туман ҳудудидан 2 канал (Салор ва Қорасув) ва 5 ариқ оқиб ўтади. Майд. 3515 гектар, шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган ҳудуд – 757,4 гектар. Аҳолиси 245,5 минг киши (2009). Кўчалар сони 314 та. Асосийлари: Амир Темур шоҳкўчаси, Мустақиллик, Дўрмон йўли, Паркент, Темур Малик, Оққўрғон, Буюк ипак йўли, Мирзо Улуғбек кўчалари, Кичик ҳалқа йўли. 52 та маҳалла мавжуд.


Туманда 5095 корхона ва ташкилот бўлиб, шундан 26 таси йирик саноат корхонаси (жумладан, «Тошкенткабель», трактор з-длари, «Ўзбекистон пахтачилик машинасозлиги» ОАЖ), 399 қўшма корхона, 4116 кичик корхона ва микрофирма бор. Муҳимлари «Ўзкабель», «Тошкент лок-бўёқ з-ди», «Универсал фарм», «Дойче Кабель», «БФ Текстиль». Туманда 2 автобаза («Махсустрас», «Авек-Моторс») ва 3 автопарк ишлаб турибди. 27 и.т. институти, 10 лойиҳа ин-ти, 6 олий ўқув юрти

(Маданият ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти ва б.) ҳамда Олий ҳарбий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Ҳарбий академия, Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти, композиторлар, меъморлар ижодий уюшмалари ва театр жамияти, 36 умумий таълим мактаби, 11 касб-хунар коллежи, 4 болалар мусиқа мактаби ва санъат мактаби, 3 болалар спорт мактаби, 15 даволаш профилактика муассасаси, 4 шифохона, «Она ва бола» м-зи, 7 оилавий поликлиника ишлаб турибди.

Аҳолига 200 га яқин озиқовқат дўкони, 50 дан зиёд саноат моллари дўкони, 135 умумий овқатланиш корхоналари, 500 дан ортиқ маиший хизмат

кўрсатиш шохобчаси хизмат қилмоқда. Мухтор Ашрафий, С.Бородин, Тамарахоним, Сергей Есенин, Ў.Тансиқбоев, М.Турғунбоева уй-музейлари, 9 янги турдаги кутубхона, маданият уйи ва саройлари, 4 маданият ва истироҳат боғи, ҳайвонот боғи, Мирзо Улуғбек хиёбони, «Жасорат» боғи, Пушкин майдони ва б. мавжуд. Туманда «Буюк ипак йўли», «Пушкин», «Ҳамид Олимжон», «Юнус Ражабий», «Амир Темур» метро бекатлари жойлашган.

М.У.т.да 10 та республика аҳамиятидаги (жадвалга қ.), шунингдек, маҳаллий аҳамиятдаги маданий мерос объектлари мавжуд. Жумладан, Консерваториянинг эски биноси (1934), Олий ҳарбий ўқув юрти (20-а. боши), Ёзувчилар уюшмасининг аввал-



ги биноси (1938), «Гулшан» маданият саройи (20-а.), Авлиё Гермоген черкови (20-а.) ва б.

Туманда 15 спорт мажмуаси («Динамо», «Умид», «Камолот-Ёшлик», «Ёшлар» спорт маркази, «Турон» спорт мажмуалари ва ҳ.к.) мавжуд. «Трактор», «НБУ», «Солиқчи» стадионлари, 10 сузиш ҳавзаси, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти, Республика от спорти олий маҳорат мактаби, Республика альпинистлар спорт клуби, 3 футбол клуби бор. Тумандаги спорт мажмуаларида теннис бўйича Осиё чемпионатлари, Тошкент Опен турнири, Универсиада тадбирлари, енгил атлетика мусобақалари мунтазам равишда ўтказилади.

Туманда 7 хорижий давлат элчихонаси, 9 маданий ва миллий марказ жойлашган.

МИРЗО ҒОЛИБ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг Мирзо Ғолиб ва «Университет» маҳаллалари худудида. Форобий ва Қамарнисо кўчалари оралиғида. Уз. 1 км. 1969 й. 30 июнда янги ташкил топган кўчага шоир, файласуф, тарихчи ва луғатшунос олим Мирзо Ғолиб (1797–1869) номи берилган. Йўналишида кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари, 82-боғча, Политехника касб-ҳунар коллежи, Мирзо Ғолиб маҳалла идораси ва гузари, ЎзМУ тарих ф-ти ва ҳарбий каф., турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари бор. Кўча бўйлаб жамоат транспорти воситалари, шу жумладан трамвай ҳаракати йўлга қўйилган. Яқинида ЎзМУнинг асосий биноси, «Беруний» метро бекати, Халқ истеъмол молларининг кўргазма-ярмарка респ. м-зи, Онкология м-зи, Тупроқшунослик ва агрохимё и.т. институти жойлашган.

МИРИЙ, Ш о и қ (тахаллуси; асл исм-шарифи Мираҳмадхон Ми-

рабдурахмон ўғли) (1833–1916) – шоир, хаттот, таржимон. Т.да туғилган. Марғилон ва Бухорода ўқиган. Т. мадрасаларида мудarrisлик қилиб араб ва форс тилларидан дарс берган, шогирдларига настаълиқ ва насх хатларини ўргатган. Ўзбек, араб ва форс тилларида ижод қилган. Бедил газалларига мухаммаслар боғлаган. Шеърларининг кўпчилиги анъанавий ишқий мавзуда («Эй жамолинг шавқидин...», «Ётдим адам саҳросида...»). Айниқса, 20-а. бошларида кам ёзилган таърих устаси бўлган. «Фикҳи Акбар» номли арабча асарни «Иқди дурар шарҳи фикҳ ал-Акбар» номи б-н шеърини таржима қилиб (1898), Т.да 1908 й.да чоп эттирган. Шеърлари турли баёзларда учрайди.

«МИРИШКОР» МАҲАЛЛАСИ («Сувсоз» даҳаси, Хусайн Бойқаро кўч., 29^а-уй) – Бектемир туманидаги маҳалла. «Зилола» ва «Роҳат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Аҳолиси 3650 кишидан иборат, 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди (2008). Маҳаллада 4 та кўча, озиқ-овқат дўкони, модалар ательеси, дорихона, кафе, новвойхона, деҳқон бозори мавжуд.

МИРКАРИМ ОСИМ (1907–1984) – ёзувчи ва таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977). Т.да туғилган. Самарқандда ўқитувчилар тайёрлаш курсида дарс берган (1930). Давлат нашриётида муҳаррир (1931), Пед. фанлари и.т. институтида илмий ходим (1932–49), Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1959–72). Навоий ҳақида туркум қисса ва ҳикоялар ёзган (1937–40). Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг қад. давридан

1917 й.га қадар кечган вақт ичида ўтган муҳим тарихий воқеаларни ва шу даврда яшаган ўзбек халқи улуғ сиймолари ҳаётини акс эттирувчи қисса («Тумарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» ва б.) ва ҳикоялар муаллифи. М.О. ўз асарларида Амир Темур, Улуғбек, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Машраб сингари ўзбек халқининг улуғ фарзандларининг ёрқин образларини яратган. Унинг «Зулмат ичра нур», «Аждодлар қиссаси», «Жайхун устида булутлар», «Алжабрнинг туғилиши», «Ибн Сино қиссаси», «Синган сетор» сингари асарлари ўзбек тарихий қиссачилигининг юксак намуналаридандир.

М.Шолохов, Л.Г.Бать ва б. асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

МИРКАРИМОВА Қундуз (1928.8.3) – раққоса, балетмейстер ва педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1966). Т.да туғилган. Тамарахоним балет мактабида таълим олган (1937–41), Катта театр (Москва) қошидаги хореография билим юртини тугатган (1951). Янгийул мусиқали драма ва комедия т-рида (1943–46), Муқимий (1946–49), Навоий т-рида (1951–53), Ўзбекистон давлат филармониясида (1953–56) якка раққоса. «Баҳор» ансамблида якка раққоса ва педагог-репетитор (1957–67), бадиий раҳбар (1979–88), Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида педагог (1964–79 ва 1988 й.дан; 1996 й.дан проф.). М. «Ғайратли қиз», «Катта ўйин», «Танавор», «Занг ўйин» каби халқ рақсларини маҳорат б-н ижро этган. Шунингдек, у

мақом куйларига тушган рақслари б-н машхур. Балетмейстер сифатида ўзбек рақс санъатининг энг яхши анъаналарини ривожлантирган. У мумтоз, халқ ва замонавий рақсларни саҳналаштирган.

МИРМУҲСИН (тахаллуси; асл исм-шарифи Шермухамедов Мирмуҳсин) (1895–1929.4.8) – журналист, ёзувчи. Ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири. Т.да туғилган. Бекларбеги мадрасасида таҳсил олган. 1913 й.дан матбуотда қатнашган. 1916–17 й.ларда Уфадаги «Олия» мадрасасида ўқиган. 1917 й. Тошкентга қайтган. 1917 й. Фев. инқилоби муносабати б-н «Турон» газ.га ёзган «Тарихий икки воқеа» мақоласи катта жанжалга сабаб бўлган. Себзор қозикалони ҳукми б-н М.га ўлим жазоси берилган. Лекин бу ҳукм қамоқ жазоси б-н алмаштирилган. М. қамоқдан қочиб, Уфага кетган. Фуқаролар урушида жангчи-журналист сифатида иштирок этган. 1920 й.нинг бошларида Т.га қайтиб, дастлаб «Иштирокиюн», сўнг «Қизил байроқ», «Туркистон» ва б. газ.ларда муҳаррирлик қилган. М.нинг ҳозирча маълум шеърлари 700 мисра атрофида. Бундан ташқари, у ҳикоялар, мақолалар ёзган. «Бефарзанд Очилдибой» (1914) романи муаллифи. Адиб илм-маърифат орқали ҳамма одамлар бахтли, ҳаёт эса фаровон бўлишига астойдил ишонади («Миллий адабиёт», «Аҳволи одамдан бир намуна», «Адабиёт» ва б.). Халқнинг оғир ва машаққатли, фожиага тўла турмушини тасвирлайди («Ашъор», «Бизни»). М.нинг «Йигирманчи асрда Туркистон бобой», «Зиндон» (1914) каби ҳикояларида тараққиётдан орқада қолган Туркистон қиёфаси, идора усу-

лига оид қарашлари баён этилган. У Октябрь тўнтаришининг дастлабки йилларида шўроларга ишонган, улар тарафида туриб курашган. Бироқ шовинизмининг «йўқсуллик» рангига бўялиб, янада кескинроқ тус олгани, миллий-диний қадриятларнинг оёқости қилингани М. умидларини пучга чиқарди. Мақолаларидаги қувонч ва кўтаринки рух йўқолиб, умидсизлик кучайиб борди, алданганини чуқур ҳис этди ва булар охир-оқибатда ҳаётининг бевақт, фожиали яқунланишига олиб келди. Т.даги кўчалардан бирига М. номи берилган.

МИРМУҲСИН Мирсаидов (1921.3.5–2005.2.2) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Т.да туғилган. Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1942). Республика радиоқўмитасида муҳаррир (1944–46), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби (1947–61), «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири (1961–63), «Шарқ юлдузи» (1950–60, 1972–81), «Муштум» (1963–71), «Гулистон» (1982–94) журн.ларининг бош муҳаррири. «Уста Фиёс» (1946), «Дўнан», «Яшил қишлоқ» (1948), «Широқ» (1969), «Невара», «Авесто» (1970) каби достонларида замондошларимиз ва тарихий қаҳрамонлар сиймоси чизилган. Биринчи ўзбек шеърий романи «Зиёд ва Адиба» (1954) М. қаламига мансуб. Илк насрий қиссаси – «Жамила» (1956). «Оқ мармар» (1957), «Чўри» (1962), «Тунги чақмоқлар» (1964) қиссалари тарихий мавзуда, «Араб ҳикоялари» (1960), «Чодрали аёл» (1979) қиссалари хорижий мамлакатларга сафар таассуротлари асосида яратилган. «Чиниқиш»

(1969), «Дегрез ўғли» (1972), «Чотқол йўлбарси» (1977), «Умид» (1969), «Меъмор» (1974) романлари муаллифи. «Темур Малик» (1986) романида мўғул босқинчиларига қарши мардона курашган буюк қаҳрамонлар – саркарда Темур Малик ва султон Жалолоддин Мангубердиннинг жанговар образлари ёрқин акс эттирилган. М.нинг «Илдизлар ва япроқлар» (1982), «Илон ўчи» (1995), «Турон маликаси» (1997) романлари ҳам бор. М. болалар учун кўплаб шеър ва достонлар, ҳикоялар яратган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974), «Эл-юрт хурмати» ордени б-н мукофотланган (1998). Чигатой қабристонига дафн қилинган. **МИРОБ** – Октябрь тўнтаришидан илгариги Ўрта Осиё, жумладан Т.да маъмурий лавозим. Сув тақсимоти ва ариқлар устидан назорат қилган. *Оқсоқол* томонидан тайинланган. Ариқ оқсоқоли ва тўғончига бўйсунган. Шўролар даврида М. сўзи колхоз ва совхозларда катта ариқдан сув тақсимлаш вазифасини бажарувчи шахсга нисбатан қўлланган.

МИРОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Нукус кўч.) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилади. 1945 й. вужудга келган. 1991 й.га қадар Госпиталь бозори деб юритилган. 1996 й. 13 мартдан ОАЖга айлантирилган. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида. «Тошкентбошплан» лойиҳа инти томонидан 1990 й. реконструкция қилинган. 2005 й.да 3х3 м ли 100 та турғун савдо дўконлари фойдаланишга топширилди. Умумий майд. 34745 м², савдо ўринлари сони 1375 та. Ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, нон, гуруч,



Миробод деҳқон бозори.

тузламалар, гуллар, кўкатлар ва ш.к. билан савдо қилинади. Бозорнинг 3 та шохобчаси бор: «Фарғона» шохобчаси (Фарғона-1 ва Фитрат кўч. чорраҳасида) – 338 савдо ўринли, «Космос» шохобчаси (Червяков ва Сарикўл кўч. чорраҳаси) – 46 савдо ўринли, «Мунис» шохобчаси (Мунис кўч.) – 30 савдо ўринли.

МИРОБОД КЎЧАСИ – Миробод ва Яккасарой туманларини боғлаб турувчи асосий кўчалардан бири. Нукус ва Юсуф Хос Ҳожиб кўчалари оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 1868 й. ташкил топган. Кўчада чор Россиясининг сапёрлар батальони жойлашгани сабабли, дастлаб Сапёрлар кўчаси дейилган. 1994 й. 22 авг. да кўчага Д.Қунаев номи берилган. 2005 й. 5 майда жойнинг тарихий номи сифатида Миробод номи б-н аталган. Йўналишида *Миробод деҳқон бозори*, «Авиабанк», «Кредит Стандарт» банки, Ўзбекистон ҳаво йўллари марказий кассаси, нотариал идора, «Гранд Мир» меҳмонхонаси, Абдулла Авлоний уй-музейи, Жаҳон тиллари ун-тининг немис тили ф-ти, шаҳар мудофаа бошқармаси, трамвай бошбекати, «Ватанпарвар» газ. таҳририяти, кўп қаватли турар жой ва маъмурий бинолар, «Гранд

раддус», «Харем», «Перфетто», «Ла шакар», «Дугона», «Оазис» ресторанлари, фирма ва компания офислари, савдо мажмуалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Яқинида Бангладешнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, туман халқ суди, «Ойбек» ва «Мингўрик» метро бекатлари, Миллий рақс ва хореография олий мактаби бор.

«МИРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Нукус кўч., 84) – Миробод туманидаги маҳалла. «Янги Миробод», «Байналмилал», Абдулла Авлоний маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 4 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 6 та кўча, болалар боғчаси, туман мудофаа бўлими, «Капитал банк», «MAKSIMA» мебель магазини, «Радус» меҳмонхонаси, «Ласточка» кафеси, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

Миробод туманидаги янги турар жой бинолари.

МИРОБОД ТУМАНИ (Нукус кўч., 18) – Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик (1992 й. 8 майгача Ленин тумани). 1929 й.да ташкил этилган. Туман Т.нинг жанубий қисмида жойлашган. Шим.да *Амир Темури хийона*дан *Катта халқа йўли*гача чўзилган. М.т. жанубдан Бектемир, шарқдан Ҳамза, шим.дан Юнусобод, шим.-ғарбдан Яккасарой, жан.-ғарбдан Сергели туманлари б-н чегарадош. Майд. 2858 гектар, шу жумладан кўкаламзорлаштирилган ҳудуди – 0,356 минг гектар. Туман ҳудудидан 3 та канал (Баротхўжа, Салор, Толарик) оқиб ўтади. Аҳолиси 122,8 минг киши (2009). Кўчалар сони 246 та, шундан 14 таси марказий кўча ҳисобланади: Амир Темури шохкўчаси, Афросиёб, Нукус, Ойбек, Шаҳрисабз, Истиқбол, Тарас Шевченко, Фарғона йўли ва б. 39 та маҳалла бор.

М.т.да 4123 корхона ва ташкилот, 3029 та кичик корхона ва микрофирма, 487 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Тошкент ш. бўйича саноат и.ч. умумий ҳажмидаги туманнинг улуши 10,5% ни ташкил этади. «Ўз-электроаппарат», «Ўзкимёфарм», «Фотон», «Тонг» акциядорлик жамиятлари, «Ўзтемирйўлмаштаъмир», «Учқун» каби



«Баҳор» ресторани, Тиббиёт инти кутубхонаси архиви биноси (ҳоз. «Автогаз» АК), Темир йўллар бошқармаси биноси, Авлиё Успенский кафедрал бутхонаси, «Пахта» фаввораси ва б. муҳим аҳамият касб этади. Туманда 3 клиник касалхона, болалар касалхонаси, шаҳар клиник руҳий касалликлар касалхонаси, 2 туғруқ мажмуаси (4- ва 5-сонли), 40-оилавий поликлиника, Темир йўл, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий консултатив ташхис поликлиникалари, 7-стоматология поликлиникаси, шаҳар жисмоний тарбия диспансери, 1-тери-таносил касалликлари диспансери, Тошкент шаҳар йўловчи-транспорт тиббиёт санитария қисми, шаҳар болалар руҳий-асаб касалликлари шифохонаси ва санаторий ишлаб турибди.

Туман ҳудудида 69 спорт иншооти бўлиб, 3 та стадион, 58 спорт зали, 2 очиқ майдон, 3 сузиш ҳавзаси, 4 спорт базаси мавжуд. «Локомотив» спорт жамияти, 2 спорт клуби фаолият кўрсатмоқда. Нуфузли спорт мусобақалари ўтказилади.

М.т.да 4 давлат элчихонаси, 2 миллий марказ жойлашган. **МИРТЕМИР** (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Миртемир) (1910.30.5–1978.25.1) – Ўзбекистон халқ шоири (1971). Туркистонда туғилган. Эски мактабда таълим олгач (1919–20), Т.га келиб, Алмайи номидаги намуна иш мактаби (1920–23) ва Ўзбек эрлар билим юртида (1925–29) таҳсил кўрган. Самарқанддаги Педакадемияни тугатган (1929). У шу йилларда «Қизил қалам» адабий ташкилотининг аъзоси сифатида Боту, Олтой сингари «миллатчи»лар б-н алоқада бўлганлиги учун ҳибсга

олинган (1932.8.8). Қамоқдан озод бўлгач, «Янги ҳаёт» газ.да адабий ходим (1936), республика радиокўмитасида бош муҳаррир (1941). Ўздавнашрда муҳаррир (1942), Опера ва балет театрида адабий эмакдош (1943–44), Ёзувчилар уюшмасида бўлим мудир ва маслаҳатчи (1957–64), бадий адабиёт нашриётида муҳаррир (1965–66) лавозимларида хизмат қилган.

Шоирнинг «Барот» (1930), «Хидир» (1932), «Дилкушо», «Сув қизи» (1937), «Ойсанамнинг тўйида» (1938), «Кўзи» (1939) каби дostonлари ўзбек шеъриятидан муносиб ўрин олган.

2-жаҳон урушидан кейинги йиллардаги адабий сиёсат натижасида М.га ижод этиш ва ёзган асарларини эълон қилиш имкони берилмаган. Натижада у таржима ва таҳрир ишлари б-н шуғулланишга мажбур бўлган. Қорақалпоқ шеъриятдан қилган таржималари ва «Қорақалпоқ дафтари» (1959) шеърий туркуми катта муваффақият қозонган. «Қорақалпоқ дафтари»да намоён бўлган халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик гоёлари шоирнинг қозоқ, қирғиз ва туркман диёрларига қилган сафарлари таъсирида ёзилган шеърларида катта маҳорат б-н давом эттирилди.

М.нинг 60–70-й.ларда яратган аксар шеърлари («Онагинам», «Тошбу», «Норбуви» ва б.) 20-а. ўзбек шеъриятининг том маънодаги дурдоналаридир. М. ижодининг муҳим қисмини кўшиқлар («Яли-яли», «Боғ кўча», «Бир гўзал», «Қаро кўзли» ва б.) ташкил этади.

М.нинг ижодий фаолиятида бадий таржима катта ўрин эгаллайди. У Абай, Махтумқули, Бердақ шеърларидан ташқари, қирғиз халқининг «Манас» эпо-

сини (ҳамкорликда), Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» (ҳамкорликда), А.С.Пушкиннинг «Руслан ва Людмила», «Ойимиз-қишлоқи қиз», М.Ю.Лермонтовнинг «Исмоилбек», «Савдогар Калашников ҳақида қисса», Н.А.Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» каби дoston, қисса ва эртақларини, Г.Гейне, А.М.Горький, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Самад Вурғун ва б.нинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. «Кармен» ва «Улугбек» опералари, «Наталка-полтавка», «Баядера», «Кето ва Котэ» сингари мусиқали драмалар М. таржимасида ўзбек тилида саҳналаштирилган.

М. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1979), Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти (1977) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Чигатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири М. номи б-н аталади.

МИРТОЖИЕВ Жалолиддин Турсунович (1954.15.2) – ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми (2003). Т.да туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1977). М.нинг гипс, бронзада яратган асарлари профессионал маҳорати б-н диққатга сазовор, асарларидаги образлар етук, пухталиги б-н ажралиб туради. Илк асарлари «Лола», «Нигора», «Профессор Расулов», «Шум бола» ва б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида М. ижоди юксак поғонага кўтарилди: «Бобур» (1993 й., Андижонда), «Абдулла Қодирий» (1994, Тошкентда), «Абдурауф Фитрат» (1996–97, Бухорода), «Абдулҳамид Чўлпон» (1997, Андижонда), «Алишер Навоий» (2001, Моск-

вада), «Камолиддин Беҳзод» (2003, Чанчунь ш., Хитойда), Амир Темура таваллудининг 660 й.лигига бағишлаб, «Амир Темура», «Темура Малик», «Мирзо Улуғбек», «Бобур – Човгон ўйинида» ва б. асарларини яратди. **МИРШАБ** (араб.-форсча тун бошлиғи) – Т.да Октябрь тўнтаринишигача маъмурий лавозим; тунги шаҳар соқчиси. Миршабхона бошлиғи қўрбоши дейилган. М.лар тун бўйи шақилдоқ б-н кўча ва маҳаллаларни айланиб, шаҳар осойишталигини таъминлаган. Қўқон хонлиги ҳукмронлиги даврида (1810–65) полиция функциясини бажарган. Т.нинг ҳар даҳасида 10 тадан М., бир миршаббоши бўлган. 1892 й.гача М. катта оқсоқолга, кейинчалик Эски шаҳар полицмейстерига бўйсунган. **МИРФИЁСОВ Турди** (1896–1951) – ўзбек ҳаваскор археолог ва этнографларидан. Т.да туғилган. Тўқмоқ ш. (Қирғизистон)да янги усулдаги мактабни (1908), диний мактабни (1913) тамомлаб, ўқитувчилик қилган. 1926 й.дан умрининг охиригача Ўрта Осиё тарихи музейи (ҳоз. Ўзбекистон тарихи давлат музейи)да катта илмий ходим бўлиб ишлаган. 1927–29 й.ларда дунганлар ҳақида этнографик маълумот тўплаган. Тўйтепадаги *Нукат* шаҳар харобасини акад. Я.Филомов б-н тадқиқ этиб, у ердан қад. зардуштийларнинг некрополи (қабристон), остодонларни топган (1937). 1930 й.да Лейпциг халқаро кўргазмасига этнографик материал тўплаган. 1942 й.да Ўрта Осиё халқларининг турмуши ва маданиятига бағишланган кўргазма ташкил этган. М. тўплаган қимматли материаллар Ўзбекистон тарихи давлат музейида сақланмоқда.

МИСКИН (тахаллуси; асл исми шарифи Фуломхалил Тошмуҳаммад ўғли), (1880–1937) – шоир. Т.да туғилган. Баландмачитдаги мактабда, сўнг Кўкалдош мадрасасида ўқиган. Дастлабки шеърлари муҳаббат мавзуида. Кўп ўтмай, шеъриятига замон садолари кириб келган. Халқимизнинг миллий-ижтимоий уйғонишида катта хизмат қилган «Шухрат» газ.ни шеър б-н қувватлаб чиққан.

М. шеърларида халқ оmmasини асрий жаҳолатдан уйғонишга чақирган. Халққа эрк ва озодлик руҳини сингдириш, уларни ҳақ-ҳуқуқ учун курашга уйғотишда ўз ҳиссасини кўшган. М.нинг автобиографик шеърлари шоир ҳаётининг оғир ва мураккаб кечганини кўрсатади.

М. шеърларидан 2 девон тузган. 200 саҳифадан кўпроқ 1-девондан 1925 й.гача ёзилган ва чоп этилган шеърлари жой олган. Сўнгги шеърлари 2-девонда жамланган бўлиб, 160–170 саҳифани ташкил қилган. Бироқ уларнинг тақдири номаълум. 70 га яқин шеърларигина сақланган. Ушбу шеърлар шоирнинг ўз қаламига, ўз овозига эга бўлган, ўзбек адабиёти тарихида сезиларли из қолдирган истеъдод соҳиби эканини кўрсатади. Тошкентда М. номида кўча ва маҳалла бор.

МИСКИН МАҲАЛЛАСИ (Мискин кўч., 34-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Чилтўғон», «Хончорбоғ», «Қорасарой», «Тараққиёт», Иброҳимота ва Жомий маҳаллалари б-н чегарадош. 1930 й. ташкил топган. 1978 й.дан шоир *Мискин* номи б-н атала бошлаган. Аҳолиси 3760 киши, асосан, ўзбеклар (76%), шунингдек, рус, татар, украин, арман, яҳудийлар яшайди. Маҳалла

ҳудудида турли и.ч. корхоналари, 3-автобус саройи, туман халқ банки, туман ҳарбий комиссариати, шунингдек, 3 болалар боғчаси, шарқ тиллари академик лицейи жойлашган.

МИТОНОТА ҚАБРИСТОНИ (Сергели тумани, Қумариқ даҳаси, Ҳамза кўч.) – майд. 1,93 гектар. 1909 й. дан мавжуд. Ривоят қилинишича, қадимда ушбу қабристон ҳудуди атрофида жуссаси кичик, митти инсон яшаб ўтган, уни Миттивой деб аташган, шу ном асосида «Митонота» атамаси пайдо бўлган. Бироқ митон, муйтон қабиласи ҳам манбаларда учрайди. Қабристонга «Нурул ислом» жоме масжиди ёндошган.

МОБИЛ АЛОҚА, уяли алоқа – Т.да 1991 й. авг.да ташкил этилган. «Ўздунробита» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда илк М.а. корхонаси бўлган. 1992 й. авг.да «Ўздунробита»нинг М.а. тармоғи ишга туширилиб, дастлабки қўнғироқ қилинди. Ўшанда Ўзбекистоннинг ягона М.а. оператори NMT-450 алоқа стандартидан фойдаланган. 1994 й. 1 янв.да М.а. абонентлари сони республика бўйича 224 тани ташкил этди, 1995 й. бу кўрсаткич 823 тага ошди. 1995 й. ноябрда рақамли AMPS/DAMPS тизимга ўтилди. Бу тизимнинг ишга туширилиши алоқа сифатининг яхшиланишига олиб келди, абонентлар сони 3804 тага етди.

М.а. бозорига инвесторлар кириб келиши операторлар сонини ҳам оширди. 1996 й. Ўзбекистонда бир вақтнинг ўзида 5 та янги М.а. оператори – GSM стандартида фаолият кўрсатувчи «Деу Юнител», «Қоском», «Бузел», «Ўзмаком» қўшма кор-

хоналари ва AMPS/DAMPS стандартида (бугунги кунда CDMA стандартида) фаолият кўрсатувчи «Рубикон Юирелес Коммуникационс» қўшма корхонаси пайдо бўлди. Эндиликда GSM стандарти бўйича ишловчи тармоқлар Ўзбекистоннинг барча вилоятларини қамраб олган. CDMA стандарти асосида ишловчи тармоқлар ҳам тез ривожланмоқда. М.а. операторлари абонентларга конференц-алоқа, бошқа манзилга йўналтириш, маълумотларни узатиш, SMS, VMS, MMS, WAP, GPRS, халқаро роуминг, халқаро GPRS роуминг ва б. хизматлар кўрсатмоқда. Айни вақтда абонентлар сонини ошириш учун янги бозорларни ахтариш, янги хизмат турларини жорий этишга эътибор қаратилмоқда. М.а. тармоқлари тез суръатда ривожланиши б-н М.а.дан фойдаланувчилар сони ҳам жадал ортиб бормоқда. Агар 2005 й. ноябрда республикада М.а. абонентларининг 1-миллиони қайд этилган бўлса, 2008 й. бошида улар 6 млн. кишига етди. Тошкент ш.да М.а. хизматидан фойдаланувчилар сони 3428759 тадир (2008 й. июль). Ҳоз. вақтда шаҳарда 5 та М.а. оператори фаолият юритади: МТС-Ўзбекистон («Ўздунробита»), Юнител («Билайн» савдо белгиси остида), Коском (U-cell), Перфектум мобайл ва «Ўзбектелеком мобайл» акциядорлик компаниясининг «Ўзбектелеком» шохобчаси.

«МОВАРОУННАҲР» МАҲАЛЛАСИ (Саид Барака кўч., 3) – Миробод туманидаги маҳалла. «Мингўрик», Ойбек, «Салор» маҳаллалари б-н чегарадош. 2008 й. янв.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2 мингдан ортиқ, 10 га

яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 4 кўча, болалар боғчаси, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», Ўзбекистон транспорт қурилиш бошқармаси, «Габус» инвестиция қурилиш трести, «Эфенди» ресторани, 1-сон болалар стоматологияси, 1-сонли оилавий поликлиника, Мирзо Улугбек номидаги маданият уйи, «Гламур» савдо м-зи, 2 дорихона, «Фрея» гўзаллик салони, «Ҳамкор Банк», ҳуқуқшунослар маслаҳатхонаси, «Тарона рекордс» филиали, озиқ-овқат дўкони ва б. мавжуд.

«МОВИЙ ГУМБАЗЛАР» ХИЁБОНИ – шаҳар марказидаги хиёбонлардан бири. Ўзбекистон, Афросиёб ва Рашидов кўчалари оралигида жойлашган. 1971 й. бунёд этилган (меъмор В.Муратов). Ҳудудида шу номдаги ресторан мавжуд. Ресторан биниси безагида халқ меъморчилигининг анъанавий услубларидан фойдаланилган. Рестораннинг ясси томи устидаги мовий гумбазлар (номи шундан) бинонинг ўзига хос фазовий хусусиятини ҳосил қилган. Тоғ тошларидан сунъий горлар ясалган.

2005 й. март ойида жойда кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, хиёбонга туташ бўлган Буюк Турон кўчасининг қисми хиёбон ҳудудида кўшиб ободонлаштирилди. Атрофида Марказий универсал савдо мажмуаси, «Ле Меридиан Тошкент» меҳмонхонаси, «Космонавтлар» метро бекати, Ўзбекистон Бадиий академияси, Марказий кўрғазмалар зали, 1-сонли дорихона, кўп қаватли турар жой бинолари, «Барокат» компанияси, китоб расталари, поликлиника, турли сервис хизматлари жойлашган.

МОЗОРТЕПА ҚАБРИСТОНИ («Дўмбробод» мавзеси, Наққошлик кўч.) – майд. 1,46 гектар. 1870 й.дан мавжуд. Қабристон нисбатан тепаликда жойлашган. Қабристон ёнида Носирхон жоме масжиди бор.

«МОЙАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Келес йўли кўч., 51) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Ахил», «Ниҳол», «Умид» маҳаллалари б-н чегарадош. 2006 й. 9 фев.да ташкил этилган. Маҳаллага унинг тарихий номи берилган. Аҳолиси 3600 киши, асосан, ўзбеклар (2008). Маҳалла ҳуду-

«Мовий гумбазлар» ресторани.



дида Абу Бакр Қаффо Шойий масжиди жойлашган.

МОЙТЕПА – шаҳар харобаси (7–13-а. боши). Т.нинг жан.-ғарбий чеккасида, *Зангиотада* жойлашган. Дастлаб (1934) археолог Г.В.Григорьев томонидан ўрганилган. 1948 й. М.дан тангалар топилган, улардан 2 таси Банокатнинг қорахонийлар сулоласига мансуб маҳаллий ҳокими томонидан 12-а. охири – 13-а. бошида зарб этилган, учинчи танга олтиндан ясаиб, 13-а. охири – 14-а. бошига оид. М.ни 1953 ва 1954 й.ларда археологлар С.Б.Лунина ва З.И.Усмонова тадқиқ этишган. Турар жой қолдиқлари, яшил ранг б-н сирланган сопол идишлар, мунчоқлар (9–12-а.лар) топилган. М.даги ҳаёт кейинги асрларда ҳам давом этиб келган.

МОЙҚҮРҒОН КҮЧАСИ – Юнусобод туманининг «Адолат» ва «Қўшчинор» маҳаллалари ҳудудида. Уз. 2 км атрофида. Янги ташкил топган кўчага 1974 й. 18 фев.да П.В.Каймаков номи берилган. 1997 й. 18 фев.да жойнинг тарихий номи сифатида Мойқўрғон номи қўйилди. Йўналишида Юнусобод 1-, 5–7-мавзелари, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, АТС биноси, 86- ва 220-мактаб, автомобиль тўхташ жойлари, стоматология поликлиникаси, дорихона, ошхона, пиво з-ди, савдо шохобчалари ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. Яқинида 17-шаҳар касалхонаси, Қорақамиш канали, «Зенит электроникс» қўшма корхонаси ва Қулоқтепа харобаси мавжуд.

МОЛИЯ ИНСТИТУТИ, Тошкент молия институти (Қичик ҳалқа йўли, 7) – 1931 й. Ўрта

Осиё молия-иқтисод ин-ти номи б-н Т.да ташкил этилган. Кейинроқ Т. молия-иқтисод ин-ти, 1962 й.да Т. халқ хўжалиги ин-ти номи берилган. 1991 й. майда Т. халқ хўжалиги ин-ти (ҳоз. *Иқтисодиёт университети*)-нинг молия-кредит ва ҳисоб-иқтисод ф-тлари негизда қайта ташкил этилган. Ин-т Марказий Осиёда бизнес ва бошқарув таълими соҳасида мутахассислар тайёрлайдиган йирик таянч таълим муассасаси ҳисобланади. Ин-т молия, банк иши, солиқлар ва солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, менежмент (соҳалар бўйича), бизнес бошқарув, инвестицияларни молиялаштириш, суғурта иши, молия инжиниринги, бозорларда фаолият ва операциялар, статистика, газначилик иши, инқирозга қарши бошқарув, касб таълими йўналишлари бўйича бакалаврлар ва 30 га яқин мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди.

Ин-тда 7 та ф-т (молия-иқтисод; кредит-иқтисод; ҳисоб-иқтисод; умумий иқтисод; солиқ ва суғурта иши; бошқарув; молия инжиниринги) бор. Магистратура бўлими, 26 каф., Респ. молия акад. лицейи, 2-солиқ акад. лицейи, банк касб-хунар

коллежи, «Молиячи» бизнес мактаби, Молия-банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тармоқлараро ин-ти ҳамда ахборот-ресурс м-зи (500 мингдан ортиқ асар) фаолият кўрсатади. Ин-т АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Жанубий Корея, Япония каби давлатларнинг турдош ун-тлари б-н ҳамкорлик қилади. 2007/08 ўқув йили ин-тда 9500 дан ортиқ талаба таълим олди; 430 проф.-ўқитувчи, жумладан, 1 Ўзбекистон Республикаси ФА акад., 49 фан д-ри ва проф., 189 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т 1991 й.дан бери 20 мингдан зиёд мутахассис тайёрлади. Ин-тда «Молиячи» газ. (1996 й.дан) ва «Молия» илмий журн. (2008 й.дан) нашр этилади.

МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг Тошкент шаҳридаги филиали (Амир Темур шоҳкўчаси, 22) – олий таълим муассасаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 24 фев.даги қарорига мувофиқ Тошкент ш.да ташкил этилган. Амалий математика ва информатика ҳамда психология

Москва университетининг Тошкент шаҳридаги филиали.



ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Таркибида 2 ф-т (амалий математика; психология) бор; 10 лаб., ахборот-ресурс м-зи (7579 асар), матбаа м-зи фаолият кўрсатади. Шунингдек, филиалда 220 кишига мўлжалланган мажлислар зали, қишки спорт зали, 3 та теннис корти, 2 та волейбол майдончаси, баскетбол майдонидан иборат ёзги спорт мажмуаси, меҳмонхона бор. Филиалда 50 проф.-ўқитувчи, жумладан 3 Ўзбекистон Республикаси ФА акад., 12 фан д-ри ва проф., 29 фан номзоди ва доцент ишлайди. 230 талаба таҳсил олади.

МОТУРИДИЙ КЎЧАСИ – Бектемир туманининг «Мажнунтол» маҳалласи ҳудудида. 2000 й. 23 июнда янги участкалар қурилиши муносабати б-н пайдо бўлган янги кўчага имом, фикҳ олими Мотуридий (870–944) номи берилган. Уз. 1 км атрофида. Йўналишида, асосан, шахсий турар жой бинолари жойлашган. Яқинида «Сувсоз» даҳаси, йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати маскани, ёнилғи қуйиш шохобчаси, Гольф клуби автосарой жойлашган.

МОШТАБИЛАР – Шарқ табобатига ўз хиссасини қўшган Т.лик табиблар сулоласи. Сулола тарихи узоқ ўтмишга эга. Ривоятларга кўра, Амир Темурнинг дардига ҳам шу сулоланинг бобокалони Моштабид малҳам бўлган экан. Ҳатто М. аждоди Амир Темурдан аввал Чигатой улуси даврида ҳам «Хўжа хон табиб» номи б-н машҳур бўлганлиги ҳикоя қилинади. М. сулоласининг улуғи синган қўл ёки оёқни тахтакачлаб гилмоя суриб қўйиш усулидан моҳирона фойдаланган. Бу усул неча юз йиллардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келади.

«Моштабид» атамаси ҳақида халқ ўртасида бир неча тахминлар бор. Унга кўра, Ҳаж ибодати ниятида йўлга чиққан табиб боболаримиз йўлда учраган беморларни даволаганлар. «Шошлик табиб – Шош табиб» атамаси балки ўша асрларда расм бўлгандир. Бошқа бир тахминга кўра, «Моштабид» «Мостабиб», яъни синган ёки чиққан жойни мослаб ва жипслаб қўювчи деган маънода ва ҳ.к.

Тарихда номи қолган М.нинг улуғлари Азимхожи, Арбоббой, Муталбой, Муҳаммад Шукур ўз даврининг олиму уламолари бўлиш б-н бир қаторда табибчиликда ҳам шуҳрат қозонганлар.

Сулоланинг кейинги авлоди Муҳаммад Иброҳим (1871–1952), Муҳаммад Собир (1900–1966), Абдужаббор Муҳаммад Собир ўғли (1934–2006) узоқ йиллар давомида Шайхонтохур туманининг Гулбозор маҳалласида яшаб, табибчилик соҳасида фаолият юритган. Муҳаммад Собир ўғли беморларни даволашда ўз усули б-н тайёрлаган дори-дармонлар, шунингдек, синган жойни қимирлатмаслик учун тол новдасидан тахтакач ясаб «тахтакачлаш» усулидан фойдаланган. Машҳур проф. травматолог Одил Шокиров б-н яқин ҳамкорлик қилган, врачларга беморларни халқ табобати усуллари-дан фойдаланиб даволаш бўйича зарур маслаҳатлар берган. Синган суяклар патологияси, чиққан суяклар ҳамда тушган жағни солиш, болалар дисплазияси, умуртқа чуррасини даволаш, яра-чақаларга малҳам қўйиш, самбит барги ила «назла» ташлатиш табибнинг ўзига хос даволаш усуллари ҳисобланади. У табибчиликдан ташқари жамоат ишларида ҳам фаол қатнаш-

ган. Унинг ташаббуси б-н Зангиота тумани «Туркистон» агрофирмаси ҳудудида «Анас ибн Молик» масжидига асос солинди. «Асрлар ошган табобат» бадиҳаси муаллифи (тўлдирилган 2-нашри, Т., 2007).

М. сулоласи фаолияти илмий ва мукамал тажрибага асосланган. Ҳоз. Абдулаҳат Абдужаббор ўғли (генетика соҳасида олим) ва набираси Абдулворис (Тошкент тиббиёт академиясининг битирувчиси) М. сулоласининг давомчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. М. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилганлар. Т.нинг Миробод тумани (Мингўрик шаҳристонидан олди)даги кўчаларидан бири «Моштабид» номи б-н аталади.

МУДОФААЧИЛАР КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг «Оққўрғон» маҳалласи ҳудудида. Кичик ҳалқа йўли ва Оққўрғон кўчаси оралигида. Уз. 1 км атрофида. 1955 й. ташкил топган. Дастлаб рус композитори М.П.Мусоргский (1839–81) номи б-н юритилган. Тарихий маълумотларга кўра, 1865 й. ёзида чор Россиясининг истилосига қарши айнан шу жойда шаҳар мудофаси ташкил этилган. Шу боис 1994 й. 22 авг.да кўчага «Мудофаачилар» номи берилган. Йўналишида «Саламандра» супермаркети, савдо шохобчалари, дорихона, алоқа бўлими, бозорча, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Мустақиллик даврида кўчада реконструкция ва ободончилик ишлари олиб борилди. Яқинида лок-бўёқ корхонаси ва «Ёшлик» спорт мажмуаси жойлашган.

МУЗАФФАРОВ Аҳрор Музаффарович (1909.1.9–1987.22.5) –

биолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1960), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), биология фанлари д-ри (1952), проф. (1955). Фаргона пед. ин-тини тугатган (1934). 1946 й.дан Т.да. Ўзбекистон ФА Ботаника ва зоология ин-тида катта илмий ходим, бўлим мудири (1946–50), Ўзбекистон ФА Ботаника ин-ти лаб. мудири (1950–56), директори (1956–60), ТошДУ каф. мудири (1955–62), Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ва биология фанлари бўлими акад. котиби (1960–70), Ўзбекистон ФА Микробиология бўлими бошлиғи (1970–77), Ўзбекистон ФА Микробиология ин-ти директори (1977–85). 1985 й.дан Ўзбекистон ФА Президиуми биология фанлари бўлими акад. котиби. Асосий илмий ишлари Марказий Осиё тоғлари сув ҳавзаларида, шунингдек, дунё континентал флорасида сувўтларнинг ривожланиш ва тарқалиш қонуниятларини, фойдали ва зарарли сувўтлар экологиясини ўрганишга бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). Яланғоч қабристонига дафн қилинган. Т.даги кўчалардан бири М. номига қўйилган.

МУЗЕЙЛАР – 1917 й.гача Т.даги биринчи ва ягона музей *Тошкент музейи* бўлган. 1917 й.дан кейин турли ихтисосдаги кенг экспозицияларга эга бўлган М. ташкил этила бошлаган. 1918 й. князь Н.Романов саройида унинг мусодара қилинган коллекцияси асосида Бадний музей (ҳоз. *Ўзбекистон давлат санъат музейи*), 1921 й. Эски шаҳар музейи, 1926 й. Ўзбек Эски шаҳар музейи ташкил қилинган. Маданий тараққиёт янги М. ташкил қилиш ва мавжуд М.ни қайта жиҳозлаш зарурлигини тақозо

этанг. Ўрта Осиё музейининг геология, зоология, ботаника ва антропология бўлимлари, қ.х. музейи ва ҳайвонот боғи *Табиат музейи*га айлантирилди. Республика кўргазмалари негизида Политехника музейи (1933), Амалий санъат музейи (1937; 1937–91 й.ларда Амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси) ташкил қилинди; *Адабиёт музейи* ва Динга қарши кураш музейи (1940) тузилди.


1940 й.да Тошкент М.да 500 мингга яқин экспонат бўлган, музейларга кирувчилар сони 300 мингга яқин кишини ташкил этган. 2-жаҳон уруши йилларида Марказий тарих музейи, Ўзбекистон санъат музейи ва Адабиёт музейи – Тарих, маданият ва санъат музейи, Политехника музейи Табиат музейига бирлаштирилди. 40-й.лар ўрталаридан М. қурилишида янги босқич бошланди. 1945 й. рус ёш томошабинлар т-ри эски биносида жойлашган Давлат санъат музейи мустақил музейга айланди. 1972 й. Ўзбекистон кино санъати музейи, 1973 й. Ўзбекистон Соғлиқни Сақлаш музейи, 1975 й. Туркистон ҳарбий округи қўшинлари тарихи музейи ташкил этилди. 1988 й. Антика ва заргарлик буюмлари музейи очилди. 60–80-й.ларда Ҳ.Абдуллаев, М.Ашрафий, С.Бородин, Ойбек, Фафур Фулом, Ў.Тансиқбоев, Абдулла Қаҳҳор уй-музейлари ва Ю.Фучик, С.Есенин музейлари, Тамарахоним либослари доимий кўргазмаси ва б.га асос солинди.

Т.да 29 та музей бўлиб, уларда 113127 экспонат сақланади; ҳар йили М.га ўртача 1,5 млн. га яқин киши киради (2008). Т.даги йирик давлат музейлари: *Ўзбекистон давлат санъат музейи*, *Ўзбекистон тарихи*

давлат музейи, *Темурийлар тарихи давлат музейи*, *Ўзбекистон амалий санъат музейи*, *Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучлари марказий музейи*, *Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси*, *Ўзбек либослари галереяси* ва б. М. илмий асарлар, қўлланмалар ва каталоглар нашр этади. Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, планетарий музей типидagi муассасалар типига киради. Т. корхоналари, муассасалари ва ўқув юртларида ташкил қилинган М. давлат музей тармоқларини тўлдирди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2008 й. 12 сент.да «Музейлар тўғрисида»ги қонунни қабул қилди. Қонунда «Миллий музей фонди», «Миллий музей фондининг давлат каталоги», «Музей», «Музей ашёси», «Музей коллекцияси», «Сақлаш», «Эълон қилиш» каби тушунчаларга батафсил изоҳ берилган. Ушбу ҳужжат М. фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларни музей ашёлари б-н бойитишга замин яратди.

МУИН ХАЛФА БОБО МАҚБАРАСИ (Қорасарой кўч., 89) – меъморий ёдгорлик (19-а.). Т.лик эшон Муин халфа бобо (1883 й.в.э.)га атаб қурилган. Тўғри тўртбурчак тарҳли (5,48х6,16 м) бино, ёлғиз квадрат хона (3,05х3,05 м) ва унга туташ айвондан иборат. Хона ичида икки сағана бор (халфанинг ўзи ва ўғли дафн этилган). Хонанинг тўрт тор равоғи бўлиб, эшик, пештоқдан иборат, хонани ғарбий девордаги тўртбурчак туйнук ёритади. Гумбазнинг цилиндрсимон гардиши бинони маҳобатли қилган. Мақбара силлиқланган пишиқ гишт (24 х 25 х 3,5 см)дан қурилган,



Муин халфа бобо мақбараси.

сувалмаган, деярли безаксиз (ғишт б-н шарафа ишланган, холос). 2007 й.да мақбара қайта таъмирланди. Таъмирлаш жараёнида ёдгорлик-зиёратгоҳнинг айвонидаги деворга ганчкор уста А. *Мухторов* ўз шогирдлари б-н «Ҳастимом» деб номланган ганч палагини ишлади.

МУКАРРАМ ТУРГУНБОЕВА – қ. *Турғунбоева Мукаррам*.
МУКАРРАМ ТУРГУНБОЕВА КЎЧАСИ – Юнусобод туманининг «Янгиариқ», «Оқибат» ва «Жомий» маҳаллалари ҳудудида. Аҳмад Дониш ва Ифтихор кўчалари оралиғида. Уз. 1,3 км атрофида. 1951 й. ташкил топган. Дастлаб Железноводск номи б-н юритилган. 1979 й. 24 апр.да Ўзбекистон халқ артисти Мукаррам *Турғунбоева* номи берилган. Йўналишида шахсий турар жой бинолари, маданият уйи, дорихона, бекат ва дўконлар жойлашган. Кўча ёнидан т.й. ўтган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти воситалари ҳаракат қилади. Яқинида «Юнусобод-теннис» давлат теннис клуби, «Ўзбекистон» давлат теннис клуби, «Универсал» спорт саройи ҳамда саноат корхоналари мавжуд.

МУЛЛАТЎЙЧИ ТОШМУҲАМЕДОВ – қ. *Тўйчи Ҳофиз*.

МУНАВВАРҚОРИ, Абдурашидхонов Мунавварқори (1878–1931.23.4) – сиёсат ва маърифат арбоби, Т.да жадидчилик ҳаракатининг йирик раҳбари. 20-а. ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир. Т.нинг Шайхонтохур даҳасидаги «Дархон» маҳалласида зиёли оиласида туғилган. Дастлабки таълим-тарбияни онасидан олган. Сўнг ўз даврининг машҳур ўқитувчиси Усмон домладан илми қироат ва тажвидни ўрганиб, ҳофиз Қуръон бўлган. 1885–90 й.ларда Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил олган, аммо таҳсилни охирига етказмай, Т.га қайтиб, имомлик ва муаллимлик б-н шуғулланган. Эшонқули додхоҳ мадрасасида таҳсилни давом эттирган. 1901 й.да усули жадид мактабини очган ва шу мактаблар учун махсус ўқув дастурини тузган, дарсликлар ёзган.

М. 1904 й.дан ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётга аралаша бошлаган. 1906 й.дан «Ўрта Осиёнинг умргузорлиги, тараққий», «Тараққий» газ.ларида адабий ходим. Шу йили ношир ва муҳаррир сифатида «Хуршид» газ.ни ташкил этган. «Шухрат» (1907), «Тужожор» (1907), «Осиё» (1908) газ.ларини гоёвий бошқарган ва адабий ходим вазифасини бажарган. Сўнг «Садойи Туркистон» (1914–15) газ.да масъул муҳаррир муовини, «Ал-ислоҳ» журн.да (1915–17) махфий муҳаррир, «Нажот» ва «Кенгаш» (1917) газ.ларида масъул муҳаррир. Т.даги турли жамият ва уюшмалар ташкилотчиси. У «Жамияти Имдодия» (1909), «Турон» (1913), «Туркистон кутуб-



Мунавварқори.

М. бир қанча дарслик муаллифидир. Унинг «Адиби аввал» (1907), «Адиб ус-соний» (1907), «Усули ҳисоб», «Тарихи қавм турк», «Тажвид» (1911), «Ҳавойи-жи диния», «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи» (1916–17), 4 қисмдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Шорасул Зуннун ва Қайюм Рамазон б-н бирга, 1925–26, 4-қисми мусодара қилинган) дарсликлари бир неча марта нашр этилган.

хонаси» (1914), «Умид» (1914), «Мактаб» (1914), «Кўмак» (1921) жамият, ташкилот, ширкат ва уюшмаларида муассис, муовин, раис, аъзо. Шўролар ҳукумати даврида Халқ дорилфунуни шўросининг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шуъбасининг иш юритувчиси (1918), Тошкент ш. маориф нозири. Шарқ халқлари съезди (1920, Боку) делегати ва ҳайъати аъзоси. Бухоро Халқ Совет Республикаси Маориф нозирлиги вақф бўлими бошлиғи (1920–

21), Тошкент ш. ижтимоий тарбия бўлими мудирлари (1921), Академмарказ раиси (1922), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед. техникуми, аёллар пед. ин-тида муаллим (1923–25), Самарқанд ш. музейида илмий ходим, Ўзбекистон осорياتикаларни сақлаш қўмитасининг Тошкент–Фарғона бўлимида масъул котиб (1927–28). М. ижтимоий-педагогик фаолият б-н бирга бадиий ижод б-н ҳам шуғулланган. Унинг ихчам ҳикоялари, талайгина шеърлари ўша даврдаги матбуотда эълон қилинган ва ўзи тузган ҳамда ёзган дарсликларга киритилган. Шунингдек, у ўткир публицист адиб сифатида танилган. М. ўз фаолияти давомида педагогик, матбуотчилик, муҳаррирлик, адиблик б-н чекланмай, жиддий сиёсий фаолият ҳам олиб борган, шу сабабли мустамлака ҳукумати томонидан бир неча бор ҳибс қилинган.

Чор ва шўро ҳукуматлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб бориб, 1917–1924 й.ларда «Шўройи ислом», «Турк адам марказият», «Иттиҳод ва тараққиёт», «Миллий иттиҳод», «Нашри маориф» каби жамият, фирма ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилган. У виждон эркинлигини инкор этмаган дунёвий демократик давлат тарафдори бўлган. Шу сабабли Қўқон ш.да ташкил топган Туркистон мухториятини (1917) қўллаб-қувватлаган. Умр бўйи ўз ватанини мустақил кўришни истаган. М. 1929 й. 6 ноябрда қамоққа олиниб, Москва ш.даги Бутирка қамоқхонасида қатл қилинган ва Ваганькова қабристонига дафн этилган. 1991 й.да расман оқланган. Т.даги кўч.дан бири, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла,

Шайхонтоҳур тумани «Илғор» маҳалласидаги жоме масжиди М. номи б-н аталган.


МУНАВВАРҚОРИ МАҲАЛЛАСИ (Гулсанам кўч., 82) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Феруза, «Азамат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1957 й. ташкил топган. Илгари «Файзиобод» маҳалласи деб аталган, 2005 й.дан ҳоз. номда. Ўзбек маърифатпарвари *Мунавварқори* Абдурашидхонов номига қўйилган. Аҳолиси 3980 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 15 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, коллеж, полиэтилен труба цехи жойлашган.

МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ, Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази (Амир Темурашхоҳи, 16^а-уй) – масъулияти чекланган жамият, асосан кўчмас мулк объектлари – давлат мулки бўлган объектлар, Тошкент ш. ҳокимлиги муниципал мулк объектлари, бошқа юридик ва жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларнинг электрон биржа савдоларини ташкил этади. 1999 й. 11 мартда ташкил этилган. Биржа Тошкент ш. иқтисодиётини ривожлантириш, шаҳарни ижтимоий ривожлантириш дастури ва муҳандислик инфратузилмасини маблағ б-н таъминлашга қўшимча маблағларни жалб этиш, шаҳар бозорларида юридик ва жисмоний шахслар учун тенг шароитлар яратиш, буюмлар ва халқ истеъмоли моллари савдо-сида замонавий ташкилий услублар жорий этиш ва б. соҳаларда фаолият олиб боради. 1999–2007 й.ларда марказда Чилонзор буюм бозори, Паркент иқтисослашган бозори, Юнусобод универсал бозори, Авиасозлар деҳқон бозори ва б. бозорлар

ҳудудларида турғун савдо дўконлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қуриш учун ер участкаларига узоқ муддатли ижара ҳуқуқларини, Тошкент ш. ҳокимлигининг бир қанча муниципал мулк объектларини сотди.

2007 й.да биржа марказида 122 та электрон биржа савдолари ўтказилди, жами 248 объект сотилди, савдо ҳажми 20695, 8 млн. сўмни ташкил этди (2006 й.га нисбатан 28% кўп). «**МУРОД**» – Бешёғоч даҳасидаги қад. маҳалла, «Кўкмасжид», «Яланғар», «Бешёғоч», «Кўшмозор» ва «Тиканлимозор» маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, савдосотиқ ва деҳқончилик ҳамда боғдорчилик (шаҳар ташқарисидаги далаларида) б-н шуғулланган. М.да масжид, бир неча баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). Ҳозирда ҳудудида турар жой бинолари қурилган.

МУРОДОВ Мансуржон Носирович (1955.28.10) – ганчкор, Ўзбекистон халқ устаси (2001). Т.да туғилган. Тошкент шаҳар 63-касб-хунар техника билим юртининг ганчкорлик бўлимини тугатган (1974). 1974 й.дан «Усто» бирлашмаси (уста Маҳмуд *Усмонов* гуруҳи)да ганчкор уста; 1985 й.дан ўзи тузган ганчкорлик гуруҳига раҳбар; 1997 й.дан «Устазода» бирлашмасида ганчкорлар ижодий гуруҳига раҳбарлик қилади. 1985 й.дан Ўзбекистонда, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи (1995), Юнусобод теннис корти (1997), Оқсарой (1999), Шаҳидлар хотираси музейи (2002), Ўзбек миллий академик драма театри (2002) ва б.; шунингдек, Малайзия, Германия, Қозоғистон каби мамлакатлар-



М.Муродов. Ўзбек миллий академик драма театри биноси гумбаз ости беагидан лавҳа (2002).

да жамоат ва давлат биолари интерьерларини ганчкорлик безаклари б-н зийнатлаган.

МУСАЕВ Жўра Азимбоевич (1928.5.12) – генетик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), биология фанлари д-ри (1973), проф. (1975). Янгийўл ш.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1948). ТошДУ дарвинизм ва генетика каф. ассистенти (1952–56), доценти (1956–74), тайёрлов ф-ти умумий назарий фанлар каф. мудири (1961–66), ғўза хусусий генетика – муаммоли лаб. мудири (1974 й.дан), дарвинизм ва генетика каф. мудири (1981–84), Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти директори (1982–84), Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1984–88), Президиумнинг бош илмий котиби (1985–88), Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти ғўза хусусий генетикаси лаб. мудири (1989–92), Ўзбекистон ФА Гене-

тика ин-ти ташкилотчиларидан. Шу ин-т ўсимликлар генетикаси бўлими бошлиғи (1992–2000), илмий маслаҳатчиси (2000 й.дан). ЎзМУ биология-тупроқшунослик ф-ти генетика ва цитозембриология каф. мудири (2000 й.дан). М. ғўзанинг ирсий тоза генетик коллекциясини яратган. Биринчи бўлиб аллотетраплоид ғўзалар белги ва хусусиятларини, генларнинг комбинатив таъсирида ирсийланиши тўғрисидаги генетик назарияга асос солган. М. ғўзанинг «Гулбахор», «Навбахор», «Армуғон» навлари муаллифларидан бири. «Буюк хизматлари учун» (2003), «Эл-юрт ҳурмати» (1998) орденлари б-н мукофотланган.

МУСАМУҲАМЕДОВ Ризамат (1881.24.2–1979.13.3) – соҳибкор боғбон, узумчилик амалиёти новатори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном (1971), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соҳибкор (1935), Меҳнат Қаҳрамони (1962). Т.да туғилган. 1893–47 й.ларда Тошкент ш. ва Тошкент вилоятида узумчилик хўжаликларида соҳибкор бўлиб ишлаган. Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигида боғдорчилик ва тоқчилик бўйича бош агроном (1950). Боғ ва тоқзорлар барпо этиш, тоқка шакл бериш, тоқ кесиш, тоқзорларни қайта тиклаш ва тоқ ўстириш, ҳосилдорликни оширишнинг янги ва илғор усулларини ишлаб чиққан. М. раҳбарлигида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 3250 гектар намунали боғ ва тоқзорлар барпо этилган. «Тоқчилик бўйича қўлланма» (1939), «Мўл узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим» (1959) каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон ўсимликшунослик ин-тида чиқарилган ва Ўзбекистон, Тожикистонда рнлаштирилган серҳосил тоқ нави

М. шарафига «Ризамат» деб аталган. Тошкент ш.даги кўчалардан бирига М. номи берилган.

МУСАМУҲАМЕДОВ Юсуф (1888–1968) – Ўзбекистон матбаасининг асосчиларидан. Т.да туғилган. Меҳнат фаолиятини 20-а. бошида В.М.Илинга қарашли хусусий босмаҳонада бошлаган. 1920–22 й.ларда Т.даги 1-босмаҳонани ташкил этишда қатнашган ва шу босмаҳонада 1932 й.гача ишлаган. Ўзбекистон матбуот бошқармаси бошлиғи ўринбосари (1931–34). 50-й.ларда республикада матбаа кадрларини тайёрлаш, босмаҳоналар ташкил этишда катта ташкилотчилик ишлари олиб борган. Матбаачилар учун мўлжалланган «Босма ишлари» (1939, 1950) китоби нашр этилган. Ўғли Юсупов Юнус (1907–1995) – ўзбек матбааси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). 1924–35 й.ларда Т.нинг Эски шаҳар намунали босмаҳонасида ҳарф терувчига шогирд, ҳарф терувчи ва босмаҳона директори. 1944–45 й.ларда Т.даги 1-босмаҳона директори. 1946 й.дан Ўзбекистон Матбуот бошқармаси, кейинчалик Ўзполиграфнашр бошлиғи. 1964–78 й.ларда «Фан» нашриёти директори.

МУСИҚАСИ (Тошкент мусиқа ҳаёти) – Т. мусиқа ҳаётидаги баъзи маълумотларни ўрта асрларга оид қад. археологик топилмалар ва ёзув манбаларида учратиш мумкин. Ёзма манбаларнинг гувоҳлик беришича, 5–6-а.ларда Чочда мусиқа ва рақс санъати юксак поғонага кўтарилган. Чоч рақслари ўзига хос услуб ва ритмга эга бўлган. Бу ерлик хонанда, созанда ва раққосаларнинг довуғи Чочдан ташқари юртларга тарқалган.

Ўша вақтларда Хитойнинг Тан империяси саройида томоша кўрсатган Чоч рақс ансамбли қатнашчиларининг ўйноқи рақслари ва ажойиб М.ни Хитой шоирлари завқ ва шавқ б-н мадҳ қилганлар. Т. ва унинг айрим (Паркент, Номданак каби) атроф худудлари маданий, жумладан мусиқий ҳаётига оид маълумотлар Зайниддин *Восифий* (1485–1551/66)нинг машхур «Бадое ул-вақое» («Нодир воқеалар») асаридан ўрин олиб, унда Чақар, Чангий, Устод Ҳасан Удий, Қосим Али Қонуний сингари созанда, хонанда ва бастакорлар таърифланган. Ўрта аср М. тадқиқотчиларидан Дарвишали Чангий (16-а. охири – 17-а.) ўзининг мусиқага оид рисоласи – «Тухфат ус-сурур» («Ёшлик тухфалари»)да Т.да яшаб ижод этган ашулачи ва созандалардан Хўжа Бобои Иноқ ва унинг шогирди Хўжа Ҳамзаи Тошкандий, Устод Жаҳондарвиш, Мирзо Араб Қўбузий ҳақида маълумотлар келтирган. Хусусан, буларнинг сўнггиси ҳақида қуйидагилар таъкидланади: «Ёшлигида навкарлик хизматини ташлаб, риёзий фанларни ўзлаштиришга киришди ва... ўздан аввалгилардан ўзиб кетди. Айни вақтда, у қўбузда чолиш ва риёзийнинг таркибий қисми бўлмиш – мусиқа назариясини ўргандики, бу соҳадаги маҳоратига тенг келувчилар топилмас эди. Мирзо Араб Тошкентда шахзода Абдулқуддус хизматида бўлди. У бирор нақш ёки ўзга мусиқий асарлар қолдирмаган бўлса-да, буюк билимлар соҳиби эди...».

Ўзбек халқи мусиқий меросидаги маҳаллий хусусиятларга кўра, шаҳар мусиқа аъналарари Фарғона–Тошкент услублари таркибига кириди. Сермазмун

маросим ва меҳнат фольклори, ижтимоий норозилик кўшиқлари Т. мусиқа амалиётидаги жанрлар ранг-баранглиги, мавзуи ва мазмуни бойлигидан далолат беради. Аниқ, ўзигагина хос маҳаллийлик (мусиқий шева) хусусиятларига эга бўлган ўзбек мумтоз-профессионал ижодиётининг етуқ намуналари Баёт I–V (яъни Баёт-I, Баёт-II, Баёт-III, Баёт-IV ва Баёт-V), Дугоҳ Ҳусайний I–VII, Чоргоҳ I–VI, Шаҳнози Гулёр (Гулёр, Шаҳноз, Чапандози Гулёр, Ушшоқ ва Уфари Гулёр) Фарғона–Тошкент мақом йўллари ҳисобланади. Халқ ижрочилигида аънавий жанрлар қатори, Фарғона водийсига хос катта ашула, Бухоро Шашмақоми, шунингдек, дostonчилик намуналари ҳам расм бўлган. Шу б-н бирга, воҳада «Насруллоий» (5 қисм), «Мискин» ва «Муножот» (5 қисм), «Сегоҳ» (3 қисм), «Сайқал» ва «Мирзо Давлат» (2 қисм) сингари мукамал соф чолғу туркумлар одат тусини олганки, булар маҳаллий созандалар маҳоратидан яққол далолат беради. Баъзи истеъдодли ижрочибастакор (мас., *Тўйчи ҳофиз* ва б.)лар «Тошкент Ироғи», «Тошкент Ушшоғи» каби ноёб асарларни ижод этганлар.

Т.ни чор Россияси босиб олганидан кейин (1865) маҳаллий халқ мусиқаси б-н қизиқувчи капельмейстерлар ва ижрочилар бу ерга келди. Мас., Марказий Европа (Австрия)лик созанда-этнограф Август Эйхгорн (1870 й.дан) бевосита Туркистон (Ўзбекистон)да яшаб, хусусан Т., Зангиота ва б. жойларда ўзбек мусиқа фольклори намуналарини нотага олди, ўзбек халқ чолғу асбоблари коллекцияларини тўплади ва биринчи марта уларни тавсиф этди. Унинг нотага туширган ва бирламчи тарзда таҳлил этган

оммабop фольклор намуналари орасида Т. номи кўшиб айтилганлари бир нечтадир. Хулосавий кузатувларида Эйхгорн: «Очиғини тан олишим лозимки, ўзбекларнинг ансамбль мусиқаси – талқинининг аниқлиги, услуби б-н менинг оркестрим (Вена опера театри оркестри)дан ниҳоятда юқори эди», дея эътироф этади ва миллий, хусусан Т. кўшиқчилигига хос кўпвариантлик таъмоилини алоҳида таъкидлаб ўтади. Этнограф С.Рибакoв 1899 й. миллий маиший кўшиқлар, мақомлардан парчалар ва чолғу куйларни фонографга ёзиб олди.

19-а. охири 20-а. бошларида Т.нинг мусиқа ҳаёти шартли равишда икки соҳага: маҳаллий (ўзбек) ва рус-европа М.га бўлинади. Бошқа жанрлар қатори ижтимоий норозилик кўшиқлари («Оқ подшо – золим подшо», «Мардикорлар воқеаси» ва б.) кенг тарқалди. Қизиқчи, масҳабоз ва кўғирчоқбозлар санъати жадал ривож топиб, уларда чолғу мусиқа, лапар, ялла ва б. оммабop кўшиқ жанрларидан кенг фойдаланилади. Ўзбек профессионал ашулачи ва созандалари маҳорати ошиб, уларнинг номи Ўрта Осиёдан ташқарида, хусусан хорижий Шарқ мамлакатларида танилади. 1905 й. Рига «Грамафон» фирмаси айни тошкентлик санъаткор сифатида хорижий Шарқ (Эрон, Миср, Туркия, Шарқий Туркистон) ва Фарб (Италия)да танилган ва тан олинган Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов ижросида 20 дан зиёд ўзбек халқ кўшиқлари ва оғзаки аънадаги профессионал мусиқа меросимиз намуналарини ёзиб олди.

19-а.нинг 80-й.ларидан Т. Ўрта Осиё минтақаси мусиқа маданияти м-зига айланди. Рус му-

сиқа жамияти бўлими (1882), «Лира» хор жамияти (1896), кейинчалик мусиқа ва драма (1907), Симфоник ва камер М. (1908), Филармония (1913), Вокал санъати (1916) жамиятлари очилди. Пуфлама мусиқа асбоблари оркестри учун ёзилган оммабоп марш, вальс каби жанрлардаги асарлар кенг тарқала бошлади. Лассалнинг француз оперетта труппаси (1891), Тифлис операси (1894, 1897), украин мусиқали драма труппаси (1895–99), итальян операси (1907, 1910), рус антрепренёрлари труппаси (1909, 1912, 1913), дунё таниган созандалар-скрипкачилар К.М.Думчев (Болгария), К.Корен (Бельгия), пианиночилар Р.Пфенинг, В.Буюкли, Я.Залесская (Польша), М.Карцева, К.М.Селихович (Успенская), виолончелчи Р.Буковец, флейтачи А.Тершак ва б. бевосита ўзбек театри, хусусан маҳаллий мусиқий театр шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган «Нур» ва «Сайёр» татар мусиқали драма труппалари (1911), У.Ҳожибеков раҳбарлигидаги озарбайжон мусиқали т-р труппаси (1911, 1916) ва бошқалар Т.га гастролга келди. Булардан, У.Ҳожибеков труппаси репертуаридан ўрин олиб, Т. ва унинг яқин худудларида катта муваффақият қозонган «Лайли ва Мажнун», «Униси бўлмаса, буниси бўлсин», айниқса, «Аршин мол олон» спектакллари шаҳар тингловчилари томонидан қизгин кутиб олинган. 1920-й.лардан озарбайжон классик композиторининг сўнги асари Т.даги «Турон», «Колизей» ва «Шарқ саҳнаси» номли театрларда озар, кейинроқ ўзбек тилларида (асл мусиқаси б-н) саҳналаштирилади.

1918 й. Туркистон халқ консерваторияси очилди (қ. *Ўзбекистон давлат консерватори-*

яси). 1922 й. очилган Мусиқа техникуми ва Бадий этнографик комиссия (1919–23) ҳузурида ўзбек М. меросини тўплаш бўйича фольклорчилар группаси тузилди (Ф.Зафарий, Э.Мелнгайлис, И.А.Акбаров, Ҳ.Муҳаммедова, Н.Н.Миронов, В.А.Успенский). Анъанавий ўзбек М. мероси асарлари б-н бир қаторда, янги замон фольклори намуналари («Фабрика», «Сельмаш» ва б.) ёзиб олинди. 20-й.ларда ўзбек мусиқали театрига асос солина бошланди. 1922–23 й.ларда драматург ва шоир Шамсутдин *Хуришд* томонидан тошкентлик атоқли ҳофизлар Мулла Тўйчи Тошмухамедов, Шораҳим Шоумаровлар ҳамкорлигида – ўзбек мусиқа фольклори ва Фарғона–Тошкент мақом йўлларида иқтибосларга таяниб, Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» дostonлари асосида мусиқали спектакллар қўйилди, М.Қориёқубов томонидан Ўзбек давлат концерт этнографик ансамбли (1926) ва унинг замирида Ўзбек давлат мусиқали т-ри (1929) ташкил этилди. Бадий ҳаваскорлик кенг ривожланди. «Кўк қўйлак», «Санъатчи қизлар» каби ўнлаб тўғарақлар фаоллик кўрсатди. Ўзбек радио қўмитаси 1927 й. Т.да ташкил этилиб, унинг ҳузурида ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли ва симфоник оркестр жорий этилиши б-н миллий мусиқа мероси ва жаҳон классик намуналарини кенг тарғиб қилиш бошланди. 30-й.ларда Т.да Олий мусиқа мактаби (1934; 1936 й.дан Тошкент давлат консерваторияси), Ўзбек давлат филармонияси (1936) ва унинг таркибида симфоник оркестр (1938), ўзбек халқ чолғулари оркестри (1938, 1967 й.дан Т.Жалилов номида-

ги ўзбек давлат халқ чолғулари оркестри), «Шодлик» ашула ва рақс ансамбли (1936), Ўзбек халқ ижоди уйи (1937), Ўзбекистон композиторлар уюшмаси (1938), Мусиқа фондининг Ўзбекистон бўлими, 10 йиллик биринчи ўрта махсус Республика мусиқа интернат-мактаби (1939, 1949 й.дан В.А. Успенский номида) очилди. Ўзбек мусиқали т-ри саҳнасида дастлабки балетлар: «Пахта» (1932, Н.Рославец), «Шоҳида» (1939, Ф.Таль), ўзбек мусиқали драмалари: «Лайли ва Мажнун» (1933, Т.Содиқов ва Н.Миронов), «Фарҳод ва Ширин» (1936, В.Успенский), «Гулсара» (1936 Р.Глиэр) саҳнага қўйилди. Т-р труппаси Ўзбекистонда илк бор яратилган энг мураккаб мусиқа жанри намуналари – С.Василенко ва М.Ашрафийнинг «Бўрон» (1939), Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» (1940) операларини саҳналаштиришга муваффақ бўлди.

2-жаҳон уруши йиллари Н.Римский-Корсаков номидаги Ленинград давлат консерваторияси Т.га эвакуация қилинди (1941–43). Т.да биринчи марта умумжаҳон премьераси тарзида муваффақиятли ижро этилган Д.Шостаковичнинг «Ленинграднома» (№7) симфонияси (1942 й. 22 июнь) Ўзбекистон М. ҳаётида катта воқеа бўлди. Ленинград ва Т. консерваториялари ҳамкорлигида ўзбек М. тарихи, назарий, ижодий ва ижрочилик муаммоларига доир илк тадқиқот – «Ўзбек мусиқасининг ривожланиш йўллари» китоби нашр этилди (1946). Уруш даври қийинчиликларига қарамай, Т.да театр санъати ин-ти (1944), ўзбек хореография билим юрти (1941) очилди, ўзбек радио қўмитаси қошида торли квартет

(1944) ташкил этилди. Т.даги Ўзбек давлат муסיқали театри б-н бир қаторда, шаҳар атрофидаги ҳудудлар, мас., Янгийўлда ҳам муסיқали драма театрлари очилиб, буларга бутун Ўзбекистондан атоқли хонанда, созандалар жалб этилади.

Урушдан кейинги йилларда, айниқса, 50–60-й.лардан маҳаллий муаллифлар томонидан бадиий етук опералар (С.Юдаков, «Майсаранинг иши»), балетлар (М.Левиев, «Суҳайл ва Меҳри», Ик.Акбаров, «Орзу»), муסיқали драмалар (С.Бобоев, «Ватан ишқи») ва комедиялар (М.Левиев, «Олтин кўл») яратилди. Ўзбек давлат филармонияси симфоник оркестри, хор капелласи, торли квартети, халқ чолғу асбоблари оркестри ўз дастурларини жаҳон классиклари асарлари ва ўзбек композиторларининг партитуралари б-н бойита бошлади. Бу жараён ўзбек ижрочилари (хонанда, созанда, дирижёр ва б.)нинг узоқ ва яқин хориж мамлакатларида ҳамда Ўзбекистон, хусусан Т.да атоқли ажнабий санъаткорлар гастролларини уюштириш имконини юзага келтирди. Пойтахтда И.Стерн, Б.Гудмен ва Ф.Бенкришутто (АҚШ), Г.Черни-Стефаньска (Польша), К.Анчерл (Чехословакия), Джон Лил (Буюк Британия), Осие-Има Сумак ҳамда Россия – М.Ростропович, Д.Шафрандек дунё тан олган созанда, дирижёр ва хонандаларнинг концертлари ўтказилди. Т.да турли йилларда композиторлар – Ик.Акбаров, М.Ашрафий, С.Бобоев, М.Бурҳонов, Р.Вильданов, Р.Глиэр, С.Жалил, Б.Зейдман, Д.Зокиров, Ҳ.Изомов, А.Козловский, М.Левиев, Н.Миронов, Г.Мушель, А.Муҳамедов, У.Мусаев, Б.Надеждин, Х.Раҳимов, Т.Содиқов, Э.Солиҳов, М.То-

Ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли (тарихий сурат; 1930-й.лар).

жиев, В.Успенский, С.Юдаков, Ф. Янов-Яновский, Т.Қурбонов, Р.Ҳамроев, М.Маҳмудов, М.Бафоев, А.Мансуров, Н.Фиёсов ва б., бастакорлар – К.Жабборов, Т.Жалилов, И.Икромов, С.Калнов, М.Мирзаев, Ю.Ражабий, Ф.Содиқов, Ф.Тошматов, Н.Ҳасанов, О.Ҳотамов, Ф.Мамадалиев, А.Исмоилов ва б., муסיқашунослар – Ил.Акбаров, Ю.Кон, Т.Визго, А.Жаббаров, Т.Жумаев, Ф.Кароматов, О.Матёкубов, Я.Пеккер, И.Ражабов, Т.Соломонова, Н.Янов-Яновская, Т.Ғофурбеков, К.Олимбоева, О.Азимова, А.Назаров, А.Ҳошимов, Р.Юнусов, О.Иброҳимов, Ж.Расултоев ва б., ижрочилар, хонанда ва рақосалар Ф.А.Абдурахмонов, С.Беняминов, Б.Зокиров, К.Зокиров, Ф.Зокиров, Г.Измайлова, Э.Йўлдошев, Қ.Миркаримова, Ҳ.Носирова, Л.Саримсоқова, Тамарахоним, М.Тошматов, М.Турғунбоева, М.Шамаева, С.Ярашев, С.Қобулова, Б.Қориева, М.Қориеқубов, Н.Ҳошимов, Г.Маваева, Р.Каримова, Қ.Дўстмуҳамедова, А.Азимов, Д.Муллоқандов, И.Жалилов, М.Раззоқова; дирижёрлар – Д.Абдурахмонова, А.Петросянц, Ф.Тўлаганов, З.Ҳақназаров, Ф.Шамсутдинов, Н.Олимов, Б.Иноят, Б.Умиджонов, А.Ҳамидов, А.Эргашев, С.Шодмонов; созандалар – Т.Алиматов, А.Одилов, Р.Керер, О.Юсупова, Н.Яблоновский ишлади.



Т.да Ўзбекистон композиторлари (1938, 2005 й.дан бастакорлар) уюшмаси, Навоий номидаги Опера ва балет, Муқимий номидаги Ўзбек муסיқали ва оперетта театрлари, Опера студияси (1964), Т. давлат консерваторияси (1936), Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси (1936), Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш Давлат компаниясига қарашли қатор ижрочилик жамоалари фаоллик кўрсатган. 1966 й. «Ўзбекконцерт», 1996 й. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмалари ташкил этилди. Ўзбек М. меросини тўплаш, тизимлаштириш ва нашр этиш ишларини Санъатшунослик и.т. институтининг муסיқа бўлими олиб боради.

Мустиқиллик йилларида эстрада муסיқасига катта эътибор берилиб, Т.да махсус коллеж, консерваторияда алоҳида ф-т очилди. Ҳар йили Истиқлол ва Наврўз тантаналари ўтказилмоқда.

1997 й.дан «Илҳом-XX», 1998 й.дан симфоник муסיқа, 2007 й.дан опера ва балет халқаро фестиваллари, 2002 й.дан Н.Аҳмедова номидаги Республика хонандалар танлови ўтказилмоқда. Навоий номидаги театр саҳнасида қатор янги опера («Маликаи

айёр», «Умар Ҳайём», «Амир Те-мур», «Аҳмад Фарғоний» ва б.) ҳамда балетлар («Шоирона лав-ҳалар», «Насриддин саргузашт-лари», «Хумо» ва б.) саҳналаш-тирилди, театр жамоаси АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатлари-да гастроллар уюштирган, унинг саҳнасида Марказий Осиё, Рос-сия, Япония, Испания, Италия санъаткорлари спектаклларда қатнашган. Муқимий номидаги театр саҳнасида ҳам бир қанча муסיқали драмалар («Нодирабе-гим», «Фотима ва Зухра», «Тақ-дир», «Осмоннинг бағри кенг» ва б.) ва муסיқали комедиялар («Тўйлар муборак», «Тошболта ошиқ-тадбиркор», «Тошкентга саёҳат», «Сойибхўжа операция-си», «Суперқайнона 1–2» ва б.) намойиш этилди.

Ҳоз. кунда Т. муסיқа мада-нияти жадал суръатда ривожла-ниб, 7 йиллик (30) ва 10–11 йил-лик (4) болалар муסיқа мактаб-лари, интернатлар (қ. *Муסיқа мактаблари*) ва Юнус Ражабий номидаги махсус коллеж, Мил-лий рақс ва хореография олий мактаби (1997), Ўзбекистон дав-лат консерваторияси (2002), Маданият ин-ти ва б. фаолият кўрсатмоқда. Низомий номида-ги Т. педагогика ун-ти ва Ўзбе-кистон давлат санъат ин-ти му-сиқа ф-тлари ҳам олий муסיқа таълими беради. М. масалалари «Театр», «Гулистон» ва б. журн., «Ўзбекистон адабиёти ва санъ-ати» газ.да мунтазам ёритиб бо-рилади.

Т.нинг кўп асрлик тарихи қатор муайян муסיқа жанрлари-да ўз аксини топди. Бу борада кўплаб кўшиқлар ёзилган: А. Двоскин – «Тошкент ҳақида кўшиқ», Ҳ.Изомов – «Тошкент осмони» ва «Тошкент дўстлик шаҳри», Ш.Рамазонов – «Кўёш-ли Тошкент», А.Муҳамедов –

«Тошкент овози», С.Жалил – «Тошкент гўзали», Қ.Жабборов – «Тошкент пиёласи», Д.Тухма-нов – «Тошкент Шарқ юлдузи», А.Мансуров – «Мустақилликка бағишлов», Р.Абдуллаев – «Тош-кент мадҳияси», «Тошкент оқшо-ми», «Тошкент фавворалари» ва б. Баъзи композиторлар Т. ҳақида кўшиқларини йирик асарлар таркибига киритган: С.Юдаков – «Менинг Ватаним» кантатаси (3-қисм), М.Бурҳонов – «Мафтунингман» кинофильми-га ёзилган муסיқа (Юлдузнинг Т. ҳақидаги кўшиғи). Т. ҳақидаги йирик асарлар: С.Жалилнинг «Тошкент манзаралари» симфон-ик сюитаси (1966), А.Малахов-нинг «Тошкент – нон шаҳри» фильмига ёзган муסיқаси (1967), Ик.Акбаровнинг «Тошкентнома» ораторияси (1967), «Менинг шаҳ-рим» кантатаси (1991) ва «Тош-кент бўйлаб саёҳат» (2006) ман-заралари, М.Левиевнинг «Тош-кентликлар» муסיқали драмаси (1983), М.Бафоевнинг «Тошкент ҳақида» (1983), М.Маҳмудовнинг «Тошкент садоси» (1983) ва «Кўҳна Шош» (1985) оратория-лари, Р.Ҳамроевнинг «Гулгун пойтахтим» (1983) ва Ф.Олимов-нинг «Мафтунингман Тошкент» (2000) вокал-симфоник, Ҳ.Раҳи-мовнинг «Тошкент фасллари» (2008) симфоник партитуралари диққатга сазовордир.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИ, бо-лалар муסיқа мактаблари – ўқувчиларга бошланғич муסיқа таълими беради; муסיқа таъли-мининг илк босқичи; истеъдод-ли ўқувчиларни махсус ўқув юрт-ларига кириш учун тайёрлайди. Т.да дастлабки муסיқа мактаби 1927 й.да ташкил этилган.

Т.да 3 ўрта махсус М.м., 3 мактаб-интернат, пуфлама соз-ларда ижро этувчилар санъат мактаби ва муסיқа интернати



Устоз ва шогирд. М.Ашрафий номидаги 7-болалар санъат мактаби.

(муסיқа таълими б-н бирга ўрта мактаб ҳажмида умумий таълим ҳам беради), муסיқа-хор, муסיқа бўлимлари бор санъат мактаб-лари (болалар муסיқа мактаб-лари вазифасини бажаради) фаолият кўрсатади. М.м. тарки-бида, одатда, фортепьяно, кам-мон б-н чалинадиган, пуфлама созлар, халқ чолғу асбоблари ва хор бўлимлари бўлади. Чолғу асбобларини чалиш, сольфед-жио, муסיқа адабиёти, муסיқа-ли даста, аккомпанемент (жўр бўлиш), хор оркестр ва б. фан-лар ўқитилади. Санъат мактаб-ларида муסיқага доир фанлар б-н бирга тасвирий санъат ҳам ўқитилади.

М.м.да ўқиш муддати 5–7 йил, ўрта махсус мактабларида 11 йил. М.м.га 7–11 ёшдаги бо-лалар қабул қилинади (умумий муסיқа таълими берадиган кеч-ки мактаблардан ташқари; умумий муסיқа таълими берадиган кечки мактабларга кирувчилар ёши чекланмаган).

2008–09 ўқув йили Т.да тур-ли типдаги 30 муסיқа мактаби бўлиб, уларда 14 мингга яқин ўқувчи таълим олди.

Шаҳардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ичида турли даражадаги кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этиб биринчи ва совринли ўринларни олиб келаётган мусиқа мактабларини айтиб ўтиш жоиздир. Булардан: Толибжон Содиқов номидаги 1-мусиқа мактаби шаҳардаги энг дастлабки мусиқа билим юртларидан ҳисобланади. Унинг ўқувчилари ёш ижрочиларнинг «Санъат байрами», «Санъат ғунчалари», Мухтор Ашрафий, Қори Ёқубов номларидаги барча республика танловларининг, қатор фестивалларнинг доимий иштирокчиси, голиби ва совриндорлари бўлиб келмоқда. Мазкур мактаб Тошкент ш. ва Республиканинг энг яхши М.м.дан биридир. Шунингдек, 2-мусиқа мактаби республика «Санъат ғунчалари» кўрик-танлови, «Янги авлод» республика фестивали, Мухтор Ашрафий ва Қори Ёқубов номидаги ва б. кўрик-танловлар ғолибидир.

Ф.Назаров номидаги 23-мусиқа мактаби битирувчилари Дилноза Мирзахўжаева, Диёрбек Маҳқамов (2006) ва вокал ўқитувчиси Маҳфуза Исломова (2006) «Ниҳол» мукофотига сазовор бўлиган.

2007 й. декабрда Тошкент ш.да ўтказилган халқаро ва республика танловлари ғолиби сифатида мактаб битирувчилари Нодира Мухамедова, Нилуфар Мухиддинова, ўқитувчи Н.В. Котлярова ва журналист Н.А.Ҳожимуратова «Тасанно» мукофотига сазовор бўлди. Мактабнинг «Настарин» болалар эстрада гуруҳи 2004 й.да Анқара ш.да ўтказилган жаҳон фестивалининг лауреати бўлди. 2005 й. 24 май – 4 июнда Истанбул ш.да ўтказилган 11-Турк дунёси бо-

лалар байрамида «Настарин» гуруҳи яна бир марта фестиваль лауреати бўлиб қатнашди. Шу фестиваль доирасида ўтказилган яккахонлар танловида гуруҳ яккахони Шаҳзода Содиқова ғолиб бўлиб олтин медаль билан тақдирланди.

Мактаб битирувчиси Нилуфар Мухиддинова 2007 йил Францияда ўтказилган Халқаро скрипкачилар кўрик-танловидан Гран-При соҳиби ва Исроилдаги Халқаро мусиқа фестивалида ёш дирижёрлар б-н лауреат бўлиб қайтди.

МУСТАФО КАМОЛ ОТАТУРК КЎЧАСИ – пойтахт марказидаги кўчалардан бири. Ўзбекистон ва Навоий кўчалари оралиғида. Уз. 1 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1934 й.гача Эржар номи б-н юритилган. 1934 й. 21 дек.да шўролар сиёсат арбоби С.М.Киров (1886–1934), 1992 й. 27 апр.да Туркия Республикасининг биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк (1881–1938) номи берилган. Йўналишида Алишер Навоий номидаги давлат акад. катта театри, Ўзбекистон акад. рус драма т-ри, шаҳар касаба уюшмалари кенгаши, «Зарафшон» ресторани, «Алп Жамол» банки, Қимматбаҳо металллар агентлиги ва супермаркетлар жойлашган. Бухоро, Матбуотчилар ва Истиклол кўчалари б-н кесишади. Яқинида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий банк, Т. универсал савдо м-зи, Ёшлар ижод саройи, «Нуроний» жамғармаси, «Мустақиллик» метро бекати, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газ. корпуси ва босмахонаси бор.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЭЗГУЛИК МОНУМЕНТИ – Тошкент ш.даги *Мустақиллик майдони*да

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислам Каримов гоёси б-н бунёд этилган меъморий-бадиий мажмуа.

Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки йилларида (1992) майдонда шўролар дохийиси Лениннинг улкан ҳайкали ўрнида ўрнатилган обида Мустақиллик монументи деб аталган. Рамзий равишдаги ер шарида Ўзбекистон Республикаси харитаси акс этган ушбу обида жаҳон харитасида мустақил Ўзбекистон мустақкам ўрин олганини ифодалайди. Мустақиллик монументи б-н уйғунлашган ҳолда унинг олдида «Бахтиёр она» ҳайкали (ҳайкл. И.Жабборов) ва майдоннинг қуйи қисмида Эзгулик аркаси ўрнатилди. «Бахтиёр она» мустақиллик туфайли юзида шукроналик балқиб турган мунис ўзбек аёли – бахтли оила тимсолидир. Ҳайкал қуйида оқ поёндозли йўл б-н Эзгулик аркасига туташади. Эзгулик аркасини майдоннинг рамзий дарвозаси дейиш мумкин. Оппоқ мрамрдан қад ростлаган бу меъморий қурилма тепасидаги парвозга шайланган бахт ва тинчлик, фаровонлик элчиси ҳисобланган турна, лайлақлар қуёшнинг заррин нурларида кумушдек товланиб, дилларда эзгу туйғулар уйғотади. Арканинг баланд ва мустақкам устунлари – мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари ифодасидир.

Мустақиллик монументи ва «Бахтиёр она» ҳайкали, Эзгулик аркаси оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак б-н бирга яхлит ансамблни ташкил этади. Булар мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини рамзий тарзда ўзида уйғун ифодалайди.

Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамияти-

ни инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқуროқ сингдириш мақсадида, 2006



й.нинг 3 янв.да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақиллик ва эзгулик монументи тўғрисида» қарори қабул қилинди. Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси умумхалқ байрамлари ҳамда давлат миқёсидаги бошқа тантанали маросимларда, шунингдек, мустақил тараққиётимиз, миллий қадриятларимиз б-н боғлиқ муҳим саналар, касб байрамларини нишонлаш, тантана ва анжуманлар ўтказиш муносабати билан М. ва э.м. пойига гулчамбар қўйиш расмий маросимини белгиланган тартибда амалга ошириш жорий этилди ва б. тадбирлар белгиланди.

М. ва э.м. инсониятни яхшиликка, она заминни янада чуқуროқ ардоқлашга, буюк Муста-

Мустақиллик ва эзгулик монументи.

қиллик неъматини теран англашга, элим деб, юртим деб ёниб яшашга даъват этади.

МУСТАҚИЛЛИК КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманидаги марказий кўчалардан бири. *Амир Темури хиёбони* ва *Буюк ипақ йўли майдони* оралиғида. Уз. 3,5 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг *Янги шаҳар* қисмида ташкил топган. Т. Янги шаҳар қисмининг энг биринчи европача кўчаларидан бири. Ҳоз. М.к.нинг Дархон ариғи ва Салор канални кесиб ўтган жойларида 1865 й. 8 май куни тошкентликлар ҳамда Қўқон хонлигининг Т.даги қўшинлари б-н чор Россияси аскарларининг М.Г.Черняев бошлиқ разведка отряди ўртасида дастлабки жанг бўлган. Кўча 19-а. охирларида



русларнинг шаҳар ташқарисидаги ёзги ҳарбий лагерларга олиб борадиган йўл ўрнида вужудга келгани учун Лагеръ проспекти деб номланган. 1899 й. рус шоири А.С.Пушкин (1799–1837) таваллудининг 100 й.лиги муносабати б-н шоир номи берилган. 2008 й. 6 майдан Мустақиллик кўчаси деб юритилади.

Кўча бўйлаб 1903 й. биринчи кўнка, 1913 й.дан трамвай ҳаракати йўлга қўйилган. Окт. тўнтаришига қадар Янги шаҳарнинг обод кўчаларидан бири ҳисобланиб, унда асосан, рус амалдорлари, зобитлари, савдогарларининг уйлари жойлашган. Капланнинг дорихона магазини (1907 й. қурилган; меъмор Г.М.Сваричевский; кейинчалик Ипотека банк жойлашган) ва б. қурилган. 1920-й.ларда кўча реконструкция қилиниб, икки ва бир қаватли алоҳида турар жой бинолари пайдо бўлган. 1938 й. собиқ шаҳар партия к-ти биноси (меъморлар В.Вольчек, С.Ларионов), 1939 й. Консерватория биноси (меъморлар В.Брилевич, Н.Голошчанов, А.Сидоров; кейинчалик мусиқа касб-ҳунар коллежи жойлашган) қурилган. Кўча Т. зилзиласи (1966)дан кейин қайта реконструкция қилинди. Йўналишида «Амир Темур», «Юнус Ражабий», «Ҳамид Олимжон» ва «Пушкин» метро бекатлари, Пушкин хиёбони, Мирзо



Мустақиллик кўчаси.

Улуғбек туман ҳокимлиги, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, «Динамо» спорт мажмуаси, шаҳар поликлиникаси, банклар, дорихона, поликлиника, гўзаллик салонлари, савдо мажмуалари, «Да Винчи», «Стамбул», «Грузия», «Дархон» ресторанлари, «Нур» тўйхонаси, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, фирма ва компания офислари, кўп қаватли турар жой ва маъмурий бинолар, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Мустақиллик йиллари кўча йўналишида кенг камровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Йўналишида Шаҳрисабз, Абдулла Қодирий ва Яҳё Фуломов кўчаларини ҳамда Салор каналини кесиб ўтади. Паркент, Оққўрғон, Асака, Тамарахоним кўчалари б-н

т у т а ш г а н .
Яқинида Олой бозори, Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат

Пушкин кўчаси
(тарихий сурат).



боғи, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, Жисмоний тарбия институти, «Ле Гранд плаза» меҳмонхонаси, Япония, Буюк Британия, Жазоир, Латвия ва Афғонистон давлатларининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари жойлашган.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ – Т.нинг марказий майдони. Пойтахт аҳолисининг оммавий тантаналари ва б. тадбирлар ўтказиладиган жой. Ўзбекистон, Навоий, Рашидов кўчалари оралиғида, *Анҳор* канали соҳилида жойлашган. М.м. ҳажмий тузилиши жан.дан шим.га чўзилган кўпёқли ҳудудий мужассамотни ташкил қилади. Ансамбль меъморий услуб ва кўлами жиҳатдан турли маъмурий бинолар, Сенат биноси, *Мустақиллик Ва эзгулик монументи*дан иборат.

Майдон ҳудуди ўрнида дастлаб Туркистон генерал-губернатори қароргоҳи, офицерлар ва амалдорларнинг шахсий уйлари бўлган, М.Г. *Черняев* номига қўйилган кўча ўтган. 1888 й. 11 июлда Туркистон генерал-губернатори уйи (халқ уни «Оқ уй» деб атаган) рўпарасида Спасо-Преображенский собори қурилган (1929 й. бузиб ташланган). «Оқ уй» ва собор орасида пайдо бўлган бўшлиқ Собор майдони деб юритилган ва мунтазам ҳар-

бий парадлар ўтказиб турилган. 1917 й. майдондан ўтувчи кўчага Абдулла Тўқаев ва ҳарбий майдонга «Қизил майдон» номи берилиб, у ерда митинглар, парадлар ва халқ сайиллари ўтказиб турилган. «Оқ уй» эса Ўрта Осиё музейига айлантирилган. 1931 й. «Оқ уй» ўрнида қуриладиган Ҳукумат уйининг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилган (меъморлар: В.Архангельский, А.Петлина ва А.Сидоров). Мазкур лойиҳага кўра бино ўрта аср маҳобатли меъморий шакл йўналишида (серустунли, равоқли, майда гумбазли) бўлган. Кейинчалик мумтоз ва миллий меъморий анъаналар ўзлаштирилган ҳолда ордер тизими йўналиши амалга оширилган (меъморлар: А.Бобохонов, В.Вольгак, С.Полупанов) ва замонавийлик руҳи берилиб қайта ишланган (1946; 1954-65). 1936 й.да Ҳукумат уйи олдида шўролар доҳийси Ленинга ҳайкал ўрнатилган (кейинчалик олиб ташланган). 1956

й.дан майдон «Ленин номидаги Қизил майдон» деб юритилган.

Т. зилзиласи (1966)дан кейин майдон тубдан қайта реконструкция қилинган (меъморлар: С.Одилов, Л.Адамов ва б.), чўзиқ сув ҳавзасига эга бўлган терраса ва унинг пастидаги шаршара майдонни баланд ва паст сатҳларга ажратган. Майдонда Парадлар хиёбони ташкил этилган. 1975 й. 20 окт.да майдон ўртасига Лениннинг маҳобатли янги ҳайкали ўрнатилган. 1975 й. 7 майда 2-жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 30 йиллиги муносабати б-н «Номаълум солдат қабри» ёдгорлик мажмуаси очилган.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ҳукумат томонидан пойтахтимизнинг ушбу бош майдонига катта эътибор қаратилди. 1991 й. 5 сент.да Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан Ленин номидаги майдонга «Мустақиллик майдони» номи

берилди. 1992 й. авг. ойда Мустақиллик майдонидаги Ленин ҳайкали олиб ташланди, ўрнига Мустақиллик монументи ўрнатилди. 1999 й. 9 май куни ҳудуддаги «Номаълум солдат қабри» ёдгорлиги ўрнида қайта бунёд этилган 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотираси абадийлаштирилган *Хотира майдони* очилди. Вазирлар Маҳкамаси биноти тубдан қайта таъмирланди. Майдонда жойлашган маъмурий бино реконструкция қилиниб, унга вазирлик ва идоралар жойлаштирилди. Президент Ислам Каримов ташаббуси б-н 2004 й. майдонда кенг қамровли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди, майдон тубдан қайта бунёд этилиб, «яшил майдон» яратилди, янги фавворалар ишга туширилди. 2004 й. охирида қайта қурилган Сенат биноти фойдаланишга топширилди. 2005 й. 28 дек.да Мустақиллик монументи б-н уйғунлашган «Бахтиёр Она»

Мустақиллик майдони.



ҳайкали, Эзгулик аркаси очилди (қ. *Мустақиллик ва эзгулик монументи*). Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомилга кирди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ва б. монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам анъана тусини олди. М.м.да пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун Мустақиллик дарсини ўтказиш ҳам одатга айланди. М.м.да мунтазам ободонлаштириш ишларини олиб бориш ва уни талаб даражасида тутиб туриш учун Мустақиллик майдонини кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш ва уни сақлаш департаменти тузилиб, зарур техника ва жиҳозлар б-н таъминланган.

«МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ» – метро бекати. Т. марказида. 1977 й. 7 ноябрда «Ленин номидаги майдон» номи б-н очилган. 1991 й. окт.дан ҳоз. номда. Чилонзор йўлидаги бу бекат Тошкент марказида *Мустақиллик майдони, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи* ва б. давлат аҳамиятига эга бўлган идоралар яқинида жойлашган. Меъморлари: Л.Адамов, А.Одилова, С.Одилов, Л.Попов, муҳандис Г.Оганесов.

Ер ости вестибюллари Мустақиллик майдони хиёбонига олиб чиқади. Вестибюллардаги тўғри тўртбурчак устун ва деворлар Ҳозгон мармари б-н қопланган. Вестибюлларни бино шифтининг қовурғасимон плиталари тубига жойлаштирилган чироқлар ёритиб туради. Йўловчилар залининг Нурота мармари қопланган саккиз қирралик оқ устунлари Ҳозгон мармари қоплан-

ган оч пушти деворлар б-н уйғунлашиб кетган. Пойдеворига қизил гранит қопланган; зал саҳнига миллий безакли қизил ва кулранг сайқалланган гранит плиталар ётқизилган. Платформа залидаги 8 қиррали устунлар тепасидаги нафис устун қошлар (капителлар) шифт бадий безаги б-н уйғунлашиб кетган. Шифт периметри бўйлаб гумбазларга биллур қандиллар ўрнатилган; зал ўртасидаги гумбазларга катта муқарнасли биллур қандиллар қўйилган (рас. И.Липене). Декоратив пластик гумбазли шифт монолит темир-бетондан ишланган (муҳандис Н.Дубровский).

«МУСТАҚИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Д-2-24^а мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Дўстлик», «Ёрқин ҳаёт» маҳаллалари б-н чегарадош. Республика мустақиллигининг бир йиллиги муносабати б-н 1992 й. «М.» номи берилган. Аҳолиси 3300 кишидан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада мактаб, новвойхона, дорихона, 2 сартарошхона, 4 озиқ-овқат дўкони, «Ром сервис» корхонаси мавжуд.

«МУСТАҚИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Мавлоно Риёзий даҳаси, 30^б-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Истиқлол», Ш.Рашидов маҳаллалари б-н чегарадош.

1994 й. ташкил топган. Аҳолиси 4980 киши, кўп миллатли, 60% ини ўзбеклар ташкил қилади (2009).

«МУСТАҚИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Тансиқбоев-4 даҳаси, 2) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Шухрат», «Обод», «Ёшлик», «Олимпия» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. «Ёшлик» маҳалласи иккига бўлиниши натижасида ташкил топган. Маҳалла ҳудудининг тарихий номи «Кулобод» бўлган. Мустақилликнинг 5 йиллиги арафасида «Мустақиллик» номи берилган. Аҳолиси 3992 киши, асосан ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 4-маданият уйи, «Бошқўргон» қабристонини жойлашган.

«МУСТАҚИЛЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Қўйлик 3-даҳа, 29^а-уй) – Миробод туманидаги маҳалла. «Билимдон», «Олмазор», «Парвона», «Файзиобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Аҳолиси 2000 дан ортиқ. 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2-оилавий поликлиника, ўрта мактаб, болалар боғчаси, «Чебурашка» сув ҳавзаси, «Капитал контакт» кафеси ва б. мавжуд.



«МУСТАҚИЛЛИК 10 ЙИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАСИ («Ғалабанинг 40 йиллиги кўч., 2-даҳа, 225-мактаб биносидан) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Усмон Носир, Ал-Бухорий, «Гўзал» маҳаллалари, Оҳангарон шоҳкўчаси б-н чегарадош. 2001 й. Усмон Носир маҳалласидан ажралиб чиққан. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлганига 10 й. тўлиши муносабати б-н шундай аталган. Аҳолиси 4125 киши, турли миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, Ҳамза номидаги маданият уйи, «Жасмин» ва «Раиса» гўзаллик салонлари, «Бриллиант» келин либоси салони, қўшма корхона, 3 озиқ-овқат дўкони, «Айну» кафеси бор. Маҳаллада 18 та кўп қаватли уй мавжуд.

МУХТОР АШРАФИЙ КЎЧАСИ – Ҳамза туманининг Аҳмад Яссавий, «Бойсун», Мухтор Ашрафий ва Жўрабек маҳаллалари ҳудудида. Фарғона йўли ва Лисунов кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Дастлаб 1969 й. 14 фев.да Рисовая номи берилган. 1978 й. 15 сент.дан композитор Мухтор Ашрафий номи б-н юритилади. Йўналишида мактаб, боғчалар, хусусий корхоналар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, туман электр тармоқлари корхонаси, «Зиёну» ресторани, «Севнора» кафеси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг таъмирлаш-қурилиш бошқармаси, оморхона, шахсий турар жой бинолари жойлашган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти воситалари ҳаракат қилади. Яқинида бозор шохобчаси бор.

МУХТОР АШРАФИЙ МАҲАЛЛАСИ (1-берк Мухтор Ашрафий, 35) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Бешбола»,

Жўрабек, «Бойсун», А.Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош. Мухтор *Ашрафий* номи берилган; композитор яшаган уй музейга айлантирилган. Аҳолиси 3500 киши, кўп миллатли (2008). Маҳалла ҳудудида тўйхона, 3 кафе, 28 та давлат корхонаси, 7 та хусусий корхона мавжуд.

МУХТОРОВ Асрол (1948.21.11) – ганчкор уста, наққош; Ўзбекистон халқ устаси (1999). Уста Маҳмуд *Усмонов*дан ҳунар ўрганган; устози б-н бирга ишлаб (1966–79), Ўзбекистондаги жамоат бинолари ва хусусий турар жойларни безашда қатнашган. Республика ўқувчилар ва ёшлар саройидаги ганчкорлик тўғарагига раҳбарлик қилган (1975–78). Фаолиятида ганчкорлик, кулоллик ва наққошликни уйғун ҳолда олиб бориб, бу борада ўзига хос «Тошкент мактаби» услубини яратди. М. ўз шоғирдлари б-н Тошкентда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Тошкент ш. ҳокимлиги, Республика Марказий банки, «Туркистон» саройини, шунингдек, хорижий давлатларда кўплаб иншоотларни ганч ўймакорлиги б-н безади. У Т.да ноёб тарихий обидаларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларида ҳам иштирок этиб келяпти. Хусусан 2007 й.да Собир Раҳимов туманидаги Қорасарой кўч.да жойлашган *Муин халфа бобо мақбараси*ни таъмирлашда ижодий ёндашиб, ўз маҳоратини намойиш этди. Ёдгорлик-зиёратгоҳнинг айвонидаги деворга янги «Ҳастимом» деб номланган ганч палаги – намоён ишлади. М. гуруҳининг ганчдан тайёрланган қандиллари ҳам машҳур.

МУХТОРОВ Дилшод Тоҳирович (1975.4.1) – мерган, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1997). «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Т.да туғилган. ТошДУнинг амалий математика ва механика ф.т.ини тугатган (1997). 2001 й. жаҳон кубоги мусобақасида (Атланта) кичик калибрли тўппончадан 50 м масофада ўқ узишда олтин медални қўлга киритган. Ўзбекистоннинг кўп қарра чемпиони (1990–92, 1994, 1997, 1999–2002). Марказий Осиё ўйинлари ғолиби (1995, 1999). Осиё ўйинлари (1998, Бангкок), биринчи Осиё чемпионати (2005, Бангкок) кумуш медали совриндори. Бир қанча халқаро турнирларда (1991, Львов, 1-ўрин; 1991, Минск, 2-ўрин; 1999, Атланта, 2-ўрин; 2005, Чимкент, 1-ўрин; 2005, Олмаота, 1-ўрин), 27-Олимпиада ўйинларида (2000, Сидней, 5-ўрин), Осиё ўйинларида (2006, Дўҳа, 5-ўрин) муваффақият қозонган. Жаҳон кубоги босқичида (2008, Милан) 2-ўринни эгаллаган.

«МУШТУМ» (Буюк Турон кўч., 41) – ҳажвий журнал. Т.да ойда 1 марта чиқади. «М.»нинг 1-сонидан 1923 й. 18 фев.да «Туркистон» газ.га илова (3 минг нусхада), 1924 й.дан «Қизил Ўзбекистон» нашри сифатида чоп этилган. Журн.нинг 1-сонидан унинг ташкилотчиларидан Абдулла Қодирийнинг «Муштум таърифида» деган бош мақоласи берилган.

«М.»га турли даврларда ижод қилган Ғози Юнус, Чўлпон, Ҳожи Муин, Рафиқ Мўмин, Фафур Гулом, Комил Алиев, Абдулла Қаҳҳор, Носир Саид, Файратий, Собир Абдулла, Саид Аҳмад, Анвар Муқимов, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва б. ўз асарлари б-н иштирок этган. «М.»да босилган кўпгина ҳажвий асарлар (Фафур

Фуломнинг «Шум бола»си, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмаднинг энг сара ҳажвиялари, Эркин Воҳидовнинг «Донишқишлоқ ҳангомалари», Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драмаси ва б.) адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Журн. ўз фаолиятида турли ижодий шакллардан, жумладан Насриддин Афанди, Алдар Қўса каби халқ оғзаки ижодидаги образлардан кенг фойдаланади. Унинг саҳифаларида муҳим воқеаларга бағишланган фелетон, памфлет, ҳажвия, ўртоқлик ҳазиллари ва б. қизиқарли танқидий материаллар ёритилади. 1998 й. 28 авг.да журн.нинг ҳафталик иловаси – «Афанди» газ. ташкил этилган.

«М.» ўз карикатуралари б-н ҳам машҳур. Унинг биринчи рассоми Иштван Тулля бўлган, кейинчалик журн.да турли йилларда Т.Муҳамедов, Д.Синицкий, М.Воробейчиков, Н.Иброҳимов, А.Холиқов, С.Субҳонов, А.Қамбаров, С.Салоҳиддинов, Ҳ.Содиқов ва б. ишлади. «М.»га Ғози Юнус, Зиё Саид, Фуломназир Ғофуров, Ҳусайн Шамс, Жуманиёз Маҳмудов, Мумтоз Муҳамедов, Акмал Пўлат, Зокир Йўлдошев, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Неъмат Аминов, Мақсуд Қориев, Ашурали Жўраев ва б. муҳаррирлик қилган. Ҳоз. «М.»нинг бош муҳаррири Носиржон Тошматов (2007 й.дан). Адади 20000 (2009).

МУЪМИЛ ШОШИЙ, тўлиқ исми Абу Раҷоъ Муъмил ибн Масрур ибн Абу Саҳл ибн Маъмун Шоший Хумракий (1049–1123) – фақих, муҳаддис. Шош воҳасидаги Хумрак шаҳарчасида туғилган. Илм-маърифат талабида юрт кезган. Бухорода Абу Хаттоб Табарий ҳамда Ғазнада шошлик машҳур фақих Абу

Бакр Ҳомид Шошийдан фикҳ илмини ўрганган. У имом, тақводор суфийлардан бўлиб, обид ва мужтаҳидларнинг етакчиси эди. Умрининг охириги йиллари Марвда ўтказган ва ўша ерда вафот этган. Розик дарёси бўйидаги ўз хонақосининг дарвозаси ёнига дафн қилинган.

МУҚИМИЙ (тахаллуси; асл исми-шарифи Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли) (1850–1903. 25.5) – шоир ва мутафаккир. Ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан. Қўқонда туғилган. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хўжандлик бўлиб, Қўқонда яшаганлар. М. Қўқон ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Т.да бир неча марта (1887–88, 1892, 1899) бўлган. Кўкалдош мадрасасида яшаган. Т. маданият ва адабий ҳаётини чуқур ўрганган. Алмаий, Нодим каби илғор руҳдаги ижодкорлар б-н алоқа боғлаб, ижодий ҳамкорлик қилган. 1892 й. Тошкент кўзғолони ташкилотчиларидан Иномхўжа б-н алоқада бўлган ва унинг ўлимига бағишлаб шеър ёзган (1897).

Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулий газалларига муҳаммаслар боғлаган. Жомийни ўзига устоз билган. Ўзбек, форс мумтоз шоирлари анъаналарини давом эттирган. Ўзбек адабиётида демократик йўналишнинг вужудга келиши ва шаклланиши М. номи б-н боғлиқ. У бошлиқ Фурқат, Завқий, Аваз, Комил каби илғор фикрли шоирлар ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

М. дунёқараши ва интилишлари б-н муҳит ўртасидаги зиддият унинг ижодида танқидий йўналишни майдонга келтирган. Бу унинг ҳажвиётида кўпроқ акс этган. От, арава, лой, пашша, безгак каби мавзуларда 30 га



Муқимий.

яқин ҳажвий асар яратган. Уларда шоир турмушнинг қолоқ ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликни захархандалик б-н тасвирлаган («Девонамен», «Кўсамен», «Ҳайрон қилди лой», «Пашшалар», «Шикоят безгак» ва б.). Бошқа бир қатор ҳажвияларида жамият ҳаётидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган («Таърифи печ», «Ароба курсин», «Лой» ва б.).

М. лирикаси чуқур оптимизм б-н сугорилган, ҳаётийлик ушбу лириканинг асосий ва етакчи хусусиятларидан. Шеърларининг туб моҳиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, курашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улугланган ва булар орқали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган. Адолатли ва бахтли замонни орзу қилган, шундай кунлар келишига ишонган («Келур охир сени ҳам йўқолгудек бир замон яхши» ва б.).

М. турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосида 4 қисмли «Саёҳатнома» асарини ёзди. Асар енгил, ўйноқи вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халқ турмушининг оғирлиги, қишлоқларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган. М.нинг 10 шеърӣ, 20 га яқин насрий мактублари сақланган. Шеърлари қўлёзмалар, баёзлар, 20-а. бошларида литографияда нашр қилинган китоблар, Тошкент ва Петербургда босилган вақтли матбуот саҳифаларида бизгача етиб келган.

Т. кўчаларидан бири, Ўзбек давлат мусиқали драма театри, Яккасарой, Ҳамза туманларидаги маҳаллалар М. номи б-н аталади. Шоир ҳақида Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» романи ва «Муқимий» драмасини яратган. М.нинг аксарият ғазаллари ашулага айланган.

МУҚИМИЙ КЎЧАСИ – Чилонзор ва Яккасарой туманларидаги марказий кўчалардан бири. *Оқтепа майдони* ва *Усмон Носир кўчаси* оралиғида. Уз.4 км атрофида. 1950-й.ларда ташкил топган. Дастлаб «Новза» номи б-н юритилган. 1964 й. 1 янв.да шоир ва мутафаккир *Муқимий* номи берилган. Йўналишда Чилонзор 1-, 3-, 5-, 7- ва Е мавзелари, шахсий турар жой бинолари, «Аския» бозори шохобчаси, Цирк касб-ҳунар коллежи, «Фламинго», «Сим-Сим» ва «Пивоварник Дудек» ресторанлари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, «Ҳамза» метро бекати, «Пахтабанк», оилавий поликлиника, «Ўзнефтгазвестхолдинг» компанияси, Жаҳон тиллари ун-тининг халқаро журналистика ф-ти, «Миран» супермаркети, «1000 хил майда моллар» ҳамда «Олтин маркази» савдо мажму-



Муқимий кўчаси.

алари, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари, фирма ва компаниялар офислари, «Наврўз» FM радиостанцияси, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Чилонзор кўчаси, Бунёдкор шохкўчаси б-н кесишади. Қатортол ва Лutfий кўчалари б-н туташган. Бўрижар ва Анҳор каналлари устидан ўтади. Яқинида «Чилонзор савдо маркази», шаҳар прокуратураси, «Новза» масжиди, «ЎТбанк», Тўқимачилик ва енгил саноат инти, «Гранд синема» кинотеатри бор.

МУҚИМИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ж.Усмонов кўч., 3) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Қўйлиқота, «Иқбол», «Бинокор» маҳаллалари б-н чегарадош. Ўзбек мумтоз адабиёти вакили, шоир *Муқимий* номи б-н аталади. Аҳолиси 4250 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 1 та маданият-маиший объект, 1 та спорт иншооти, 3 та саноат корхонаси, қабристон мавжуд.

МУҚИМИЙ МАҲАЛЛАСИ (Комил Яшин 1-тор кўч., 1) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Тўқимачи», «Яккасарой-2», «Ракат» маҳаллалари ва Чилонзор

тумани б-н чегарадош. 1950-й.ларда ташкил топган. Аҳолиси 3220 киши, асосан, ўзбеклар ва 20 дан зиёд миллатлар вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, Раҳимжонхожиота масжиди, 2 савдо ташкилоти, 4 кафе, 3 новвойхона, Ветеринария шифохонаси мавжуд.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИ, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри (Маҳмуджон Фафуров кўч., 187) – 1939 й. 30 ноябрда комик актёр М.Мироқилов ташаббуси б-н Республика комедия ва сатира театри сифатида ташкил этилиб, фаолиятини «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» (Ҳамза) спектакли (реж. М.Мироқилов) б-н бошлаган. Ижодий гуруҳ 45 кишидан иборат бўлган: Миршоҳид Мироқилов (бадий раҳбар), Ф.Умаров, Б.Хўжаев (реж.лар), М.Кузнецова, С.Хўжаев, А.Бакиров, М.Ёқубова, М.Холмухамедов, А.Болтаев, М.Фафуров, М.Миртолипов, З.Шерматова ва б.

1940 й. т-р мусиқали драма ва комедия т-ри номи б-н қайта ташкил этилди. Т.Жалилов –

бадий раҳбар, А.Азимов – бош реж. этиб тайинланди. Т-рнинг биринчи катта иши «Тоҳир ва Зухра» (С.Абдулла; Т.Жалилов, 1941) мусиқали драмаси бўлди. 2-жаҳон уруши даврида т-р ўзбек халқининг фронт ортидаги мардонавор меҳнати ва жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи «Қурбон Умаров» (С.Абдулла, Чустий; Т.Жалилов), «Қасос» (Ш.Туйғун, А.Умарий; Ю.Ражабий, Б.Надеждин), «Офтобхон» (К.Яшин; Х.Тўхтасинов) каби спектакллар б-н ўз репертуарини бойитди. Ўша йиллар саҳналаштирилган «Нурхон» (К.Яшин; Т.Жалилов) спектакли ўзбек мусиқали драма жанрининг юксак намунасига айланди.

Урушдан кейинги йиллар спектакллар саҳналаштириш ва ижро маҳорати жиҳатидан анча саёзлиги натижасида т-р мавқеи тушиб кетди ва кўпгина ижодкорлар т-рни ташлаб кетди. 40-й.ларнинг охири – 50-й.ларнинг бошларида т-р Янгийўл мусиқали драма т-ри б-н бирлаштирилди ва т-р жамоаси янги бинога кўчиб ўтди (1948).

Т-рнинг ижодий таркиби Р.Ҳамроев (1959 й.лар бош. реж.), Ҳ.Умаров, М.Исроилов, Ў.Қорабоев, М.Орифбоев, кейинчалик С.Пўлатов, Б.Ихтиёров, Ҳ.Шарипов, М.Ихтиёрова, Н.Пўлатова, Ф.Аҳмедов, Т.Назарова, М.Миртолипов, В.Райкова каби актёр ва реж.лар б-н мустаҳкамланди. Натижада «Алпомиш» (С.Абдулла; Т.Жалилов), «Фарҳод ва Ширин» (К.Яшин; Ю.Ражабий, Г.Мушель), «Муқимий» (С.Абдулла; Т.Жалилов, Г.Мушель), «Сурмахон» (Б.Раҳмонов; Т.Жалилов, Л.Степанов), «Равшан ва Зулхумор» (К.Яшин; Т.Жалилов, Г.Мушель) сингари спектакллар б-н театр ўз мавқеини кўтариб олди.



Муқимий театри биноси.

50–60-й.ларда мусиқали драмалар яратишда композиторлар ҳам фаол қатнаша бошладилар («Олтин кўл», «Ватан ишқи», «Тошболта ошиқ», «Момо ер», «Нодира» ва б.). Бу спектакллардан кейин турли мавзудаги асарларни мусиқий ва саҳна талқинини ҳал этишда т-рнинг ижодий имкониятлари кенглиги намён бўлди. Шу даврда яратилган энг яхши спектаклларнинг саҳна юзини кўришида Маннон Уйғур, Я.Бобожонов, М.Муҳамедов, З.Қобулов, Э.Юнгвальд-Хилькевич, Р.Ҳамроев, М.Миртолипов каби реж.лар, Ф.Шамсутдинов, Н.Гинзбург, Ф.Назаров, Г.Дониях сингари дирижёрлар, Г.Визель, Ш.Шораҳимов, З.Фойибов, П.Коваль ва б. рассомлар, В.Губская, Е.Барановский, Н.Гордон, Р.Ваҳобов, Р.Каримова каби балетмейстерларнинг хизматлари катта бўлди. Ички кечинмаларни етказиш б-н бирга хонандалик ва драматик маҳорат уйғунлиги Х.Аҳмедов, М.Фафуров, Ф.Раҳматова, Э.Жалилова ижросида, ифода воситаларининг ҳис-туйғуга тўлаллиги, бир образдан иккинчи образга тез ўта билиш санъати Л.Саримсоқовада, бетакрор коло-

рит, ўзига хос халқ юмори б-н йўғрилган ижро С.Хўжаевда, киноя, яхлитлик, ижро маданияти Ҳ.Умаровда алоҳида ажралиб турди.

70–80-й.ларда т-рнинг муваффақиятли спектакллари асосан таржима асарлардан иборат бўлди («Қонли тўй», «Режа», «Прометей», «Жон қизлар», «Малиновкада тўй», «Момо ер», «Ўн иккинчи кеча», «Хонума хоним» ва б.).

1972 й.да т-р Ўзбек давлат мусиқий т-рига айлантирилди. «Зўлдир» (А.Иброҳимов; М.Бафоев), «Ҳийлаи шаръий» (Р.Гунтекин; М.Маҳмудов) каби сатирик комедияларда мусиқада ҳам, актёрлар ижросида ҳам ҳазил-мутойиба, ўзига хос ўткир киноя, истеҳзо устунлик қилди.

80-й.лар охири – 90-й.ларнинг бошларида т-р репертуарини кўпроқ эртақ ва афсоналар эгаллади («Гул ва Наврўз», «Юсуф ва Зулайҳо», «Туяқуш бояқиш», «Шайтон ва муридлар» ва б.). Шунингдек, долзарб мавзулар, қайта қуриш ва қайта қуришдан кейинги давр ёритилган спектакллар ҳам саҳналаштирилди. Лекин спектаклларда ижтимоий ҳодисалар чуқур таҳ-

лил қилинмаган ҳолда, юзаки ҳал этилди. Замоनावий маиший мавзу мусиқали комедиялар («Қуёвлар конкурси», «Дилафрузга 4 ошиқ» ва б.) б-нгина чегараланиб қолди.

1993–94 й.лар т-р репертуари «Бир кам дунё» (Т.Юнус, А.Юнус), «Тўйлар муборак» (Ў.Ҳошимов, О.Мухтор; М.Маҳмудов), «Тошкентга саёҳат» (Б.Дарвеш; Н.Халилов) ва б. мусиқали комедиялар б-н бойиди. Бу спектаклларда халқ лирик куйлари, ҳазил, ўйинбоп кўшиқлар асосий ўрин тутди. Ўша йилларда саҳналаштирилган «Нодирабегим» (Т.Тўла; Ф.Олимов), «Ҳар кимки вафо қилса» (Ҳ.Муҳаммад; А.Исмоилов, С.Ҳайитбоев, М.Отажонов) каби спектаклларда тарихий мавзуга қайтиш, миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган йирик тарихий шахсларни гавдалантиришда т-р сифат жиҳатига алоҳида эътибор берди.

1995–97 й.лар «Фотима ва Зуҳра» (Ў.Умарбеков; Ф.Олимов), «Оқибат» (Р.Маъдиев; Б.Умиджонов), «Девона» (Р.Маъдиев, Ф.Олимов) ва б. спектаклларда реалистик анъаналар таъсирчан мелодрамалар б-н уйғунлашиб кетди.

Кейинги йилларда сюжет чизиги ҳазил-мутойиба, қизиқчилик, актёрнинг янги топилмалари б-н қоришиб кетган «Бу қандай бало» (Э.Юсуфалиев; Н.Халилов), «Суперқайнона» (С.Исмоилов; Ф.Олимов), шунингдек, «Тўйдан кейин томоша» (Шукрулло; Н.Норхўжаев), «Тақдир» (Р.Маъдиев; Б.Лутфуллаев), «Ўлдинг, азиз бўлдинг» (Х.Хурсанов; Ф.Олимов) каби бир қанча муваффақиятли спектакллар саҳналаштирилди.

Театрнинг етакчи актёрлари: Т.Бекназаров, М.Салимов,

Т.Пиржонов, Х.Тўхтаев, З.Бойхонова, Б.Холмирзаев, М.Бекжонов, А.Бекжонов, Н.Рустамов, Г.Рустамова, Д.Узоқов ва б. Театрнинг бош реж. – Баҳодир Назаров, бош дирижёр – Жўра Ортиқов, бош балетмейстер – Шокир Аҳмедов.

М.т. биноси қад. ва замонавий меъморлик услубларини ўзаро уйғунлаштириш асосида барпо этилган (1943; безаклари – 1951; меъморлар Д.Ҳазанов, В.Тихонов; муҳандис А.Рабинович; халқ усталари Ю.Мусаев, М.Қосимов, Уста Ширин, Ш.Фофуров, Уста Мўмин ва б. қатнашган). Бош тарзи 3 равоқли, пештоқли, тепаси шарафали. Пештоқининг 2 ёнига ганчқори панжарали намоён ишланган. Уста Юсуфали даҳлиз залларини қобирғали гумбазлар б-н кўтарган, устунлар орасига устма-уст равоқлар ўрнатиб, интерьерни ганч ўймакорлигида безатилган. Уста Мўмин томоша зали деворига узум ва унинг барглари тасвирини ганчга ўйиб ишлаган, фойесида эса гуллаётган ўрик дарахти тасвирланган. Томоша зали 800 томошабинга мўлжалланган.

МУҲАММАД КАРИМХЎЖА ХАЛИФА МАДРАСАСИ (1884) – Себзор даҳасининг Қадувод маҳалласи ҳудудида қурилган. Мадраса қурувчисининг тўлиқ исми Мулла Муҳаммад Карим халифа хожи Муҳаммад Раҳимбой ўғли бўлган. Мадраса пишиқ гишдан қурилган бўлиб, хонақоҳ, айвон, дарвозахона, дабирхона, дарсхона ва қатор хужралардан иборат. Шарқ тарафида Муҳаммад Каримхўжа халифа томонидан қурилган ҳаммом, дарсхона ва пишиқ гиштли хужралар жойлашган. Мадраса вақф мулклари ҳисобига фаолият юритган.

МУҲАММАД СОЛИҲХЎЖА домла Раҳматхўжа ўғли (тахм. 1830–1889) – тошкентлик тарихчи ва географ олим. Т.нинг Шайхонтоҳур даҳасидаги «Қорёғди» маҳалласида туғилган ва шу ерда яшаб ижод қилган. М.С. бобоси мулла Раҳимхўжа ўз насабномаси б-н Шайх Хованди Тохурга (14-а.) бориб уланишини ва у Т.нинг «Қиёт» маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида имомлик қилганлигини ва дарс ҳам берганлигини таъкидлайди. Отаси домла Раҳматхўжа (лақаби Қорахўжа эшон) ўз даврининг билимдон зиёлиларидан бўлган. М.С. дастлаб бобоси қўлида ўқиган. Сўнгра Т.даги Эшонқули додхоҳ, Бекларбеги, Хожа Аҳрор, 1850 й.да (6 ой) Қўқондаги Азимбой ва 1856–62-й.ларда Бухородаги Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олган. 1862 й.да Т.га қайтган ва бобоси имомлик қилган ўша Қиёт маҳалласидаги масжидда имом бўлган ва дарс ҳам берган. М.С. Туркистоннинг турли жойларига (Тошкент вилояти, Қўқон, Наманган, Ўш, Марғилон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Шаҳрисабз) сафар қилган. У ўз саёҳатларида олимлар б-н ҳамсуҳбат бўлган, турли диққатга сазовор жойларни бориб кўрган, тоғ-тошлар (хусусан Тошкент вилояти) табиатини ўрганган. Тошкент мудофаасида (1865) фаол иштирок этган.

М.С. 1863–88-й.ларда ёзган «Тарихи жадидаи Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи», унинг яна бир номи «Тарихи вилояти Тошканд» – «Тошкент вилоятининг тарихи») асари бевожита Т. тарихига бағишланган бирдан-бир китобдир (қ. «*Тарихи жадидаи Тошканд*»).

МУҲАММАД ЮНУС КОТИБ (19-а.) – хаттот. Унинг отаси Му-

ҳаммад Бобожон ва ўғли Муҳаммад Яҳё ҳам хаттот бўлган. Асли Шаҳрисабздан. Т.да Қашқар маҳалласида бир неча йиллар яшаган. Насх, настаълиқ ва шикаста хатларини ёзишда моҳир бўлган, араб ва форс тилларини яхши билган. Т.да яшаган вақтида Алишер Навоийнинг «Хамса», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр», «Мажолис ун-нафоис», «Ғаройиб ус-сиғар» ва б. асарларидан бир нечалаб нусхалар кўчирган (1863–1873).

МУҲАММАД ЮСУФ (1954.26.4–2001.31.7) – Ўзбекистон халқ шоири (1998). Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. 1973 й.дан Т.да Рус тили ва адабиёти ин-тининг рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1978). Республика китобсе-варлар жамияти (1978–80), «Тошкент оқшоми» газ. (1980–86), Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (1986–95) турли лавозимларда ишлаган. 1995–97 й.лар «Тафаккур» журн.да бўлим мудир, 1997–2001 й.ларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари. 2-қақриқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Шоирнинг «Булбулга бир гапим бор» (1987), «Илтижо» (1988), «Уйқудаги қиз», Ҳалима энам аллалари» (1989), «Ишқ кemasи» (1990), «Кўнглимда бир ёр» (1991), «Бевафо кўп экан», «Ёлғончи ёр» (1993), «Эрка кийик» (1995), «Осмонимга олиб кетаман» (1998), «Сайланма» (2001), «Биз бахтли бўламиз» (2008) шеърий китоблари нашр этилган. Шеърларида М.Ю. ёшлик сурури, ишқ ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона, айни пайтда эзгу, бокира ва бетакрор туйғу ҳамда кечинмалари ўзининг ёрқин ифодасини

топган. Унинг қаламига мансуб аксарият шеърлар таниқли хонандалар томонидан ижро этилмоқда. Андижонда дафн этилган. Т. шаҳридаги кўчалардан бири М.Ю. номи б-н аталади.

МУҲАММАД ЮСУФ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманида. Мирзо Улуғбек ва Паркент кўчалари оралиғида. Дастлаб Доғистон номи берилган. 2002 й. 29 июндан Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф (1954–2001) номи б-н юритилади. Уз. 1,1 км атрофида. Йўналишида супермаркет, маршрутли таксилар бошбекати, икки қаватли ва шахсий турар жой бинолари, савдо шохобчалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Яқинида «Буюк ипак йўли» метро бекати, «Бўз» ва «Паркент» бозорлари, ёнилғи қуйиш шохобчаси мавжуд.

МУҲАММАД ҲАЙДАР, Дуғлот, Мирзо Ҳайдар (1499–1551) – тарихчи, давлат арбоби. Т.да туғилган. 1509–12-й.ларда Бобур, сўнгра Султон Саъидхон (Қашқар ҳукмдори) хизматида бўлган, унинг ўғли валиаҳд Абдурашиднинг тарбиячиси. Кўпгина ҳарбий юришларга бошчилик қилган. 1533 й. тахтга Абдурашидхон ўтиргач, ички зиддиятлар туфайли мамлакатни тарк этган. Ҳиндистонга – бобурийлар саройига борган. 1539–40 й.дан Ҳумоюн хизматида. 1541 й. бобурийлар номидан Кашмирни идора этган. Тоғлиқ қабилалар б-н бўлган жангда ҳалок бўлган. М.Х. машҳур «Тарихи Рашидий» тарихий асарининг ва «Жаҳоннома» номли географияга оид туркий шеърий рисола муаллифи. «Тарихи Рашидий»да шайбонийлар б-н Шарқий Туркистон ҳукмдорлари ўртасидаги курашлар, Т. тарихига оид муҳим маълумотлар бор.

МУҲАММАДЖОНОВ Зиқир (1921.1.1) – Ўзбекистон халқ артисти (1962). Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Т.да туғилган. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1949). 1938 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да актёр, 1977–82 й.лар Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси. Фердинанд («Мақр ва муҳаббат»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), Абдуллатиф («Мирзо Улуғбек»), Навоий («Алишер Навоий»), Горацио («Ҳамлет»), Кассио («Отелло»), Фурқат («Фурқат»), Едигей («Асрга татиғулик кун»), Самандар («Самандар»), Синтаро («Ўғирланган умр»), Октавия Цезарь («Юлий Цезарь»), Деҳқонбой («Шоҳи сўзана»), Жабборов («Парвоз»), Юсуфбек ҳожи («Ўтган кунлар»), Беруний («Абу Райҳон Беруний») каби ролларида М.нинг ўзига хос ижод нафаси овоздаги жўшқин эҳтирос, фикран теранлик ва вазминлик б-н тўлдирилиб, имконият кучи намоён бўлган. М. бир қанча фильмларда (Мақсуд, «Фидойи»; проф. Каримов, «Кониот ғорининг сири»; Шоҳ Баҳром, «Дилором»; Жунаидхон, «Узоқ-яқин йиллар»; Юсуф, «Алибобо ва қирқ қароқчи», Собир Раҳимов, «Генерал Раҳимов» ва б.) ҳам суратга тушган. Актёр видеофильм ва телеспектаклларда ҳам бир қанча образлар яратган: Улуғбек («Улуғбек хазиnasi»), Хусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), Исомиддин ака («Ер фарзанди»), проф. Комилов («Имон») ва б. Бир қанча чет эл фильмларида суратга тушган. М. яратган образлар кучли психологик драматизми, романтик кўтаринкилиги б-н ажралиб туради. «Шуҳрат» медали (1994), «Дўстлик» (1996), «Буюк хизмат-

лари учун» (1998) орденлари б-н мукофотланган.

МУҲАММАДЖОНОВ Шомаҳмуд Шоходиевич (1954.27.4) – миниатюрочи рассом, китобат санъати устаси. Ўзбекистон БА академ. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (2001). Т.да туғилган. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1974). 1970-й.ларда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида рассом. Шарқ миниатюраси ва китобат санъати соҳасида чуқур изланишлари натижасида қад. қоғоз тайёрлаш усули ва саҳифа безагининг абри баҳор турини қайта тиклади. Ўрта аср Шарқ миниатюрасига оид чуқур билим ва академик дастгоҳли рангтавир малакалари М.нинг ўзига хос бадий услубининг шаклланишини таъминлади: қиёфа, вазият, имо-ишоралар, рангларнинг рамзий маънолари орқали қахрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиради, миниатюра

Ш.Муҳаммаджонов, «Ипак йўли ҳикоялари» (1999) асарлар туркумидан.



санъатининг анъанавий тизими-га замонавий муаллифнинг ўзига хос бадий тафаккурини ҳам сингдиради. Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарига расмлар (1974, Т.даги Адабиёт музейида), Шарқ адабиёти (Фирдавсий, Низомий ва б. асарлари) мавзуида локли миниатюра намуналарини яратди (1983–84, Амалий санъат музейида). «Ипак йўли ҳикоялари» асарлар туркуми (1999) ва б. асарлари машҳур.

М. асарлари республика ва чет мамлакатлардаги (жумладан, Эрон, 1998, 2000; Туркия, 1999) кўргазмаларда намоиш этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1996).

МУҲАММАДРАСУЛ РАСУЛИЙ (1884–1935) – маърифатпарвар, педагог. Т.да туғилган. Т.даги Бекларбеги мадрасасида ўқиган. 1907 й.дан рус-тузем мактабларида дарс берган. 1917 й.дан кейин мактабларда ўқитувчилик қилган, саводсизликни тугатишда фаол иштирок этган. Рус-тузем ва янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар («Раҳбари форсий», «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон», «Болалар боғчаси») ёзган. «Раҳбари форсий» китоби (1911, 1914, 1917 й.ларда нашр этилган)да форс тили қоидалари ўзбек тилида баён қилинган. «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон» (1916) хрестоматия китобида қисқа-қисқа форсча матнлар 56 дарсга бўлиб берилган, баъзи форсча сўзларга ўзбекча изоҳ ёзилган. «Болалар боғчаси» алифбе китоби бўлиб, товуш усулида тузилган. Унинг 2-нашри 1917 й. Т.да чиққан. Бу дарсликда К.Д.Ушинский, Л.Н.Толстой, С.М.Граменицкийнинг ўқув

китобларидан таржималар берилган.

МУҲИДДИНХҲҲА ҚОЗИ (1841–1902) – ўзбек маърифатпарвари. Сўнгги Тошкент қозикалони – Ҳакимхўжа ўғли. Т.да туғилган. Тошкент, Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Т.нинг Себзор даҳасидаги Исахонхўжа мадрасасида мударрислик қилган. Т. чор Россияси аскарлари томонидан қамал қилиниб, аҳоли қирилиб кетиш арафасида турган пайтда (1865 й. июнида) М.қ. Абулқосим эшон, Солиҳбек охунд ва ўз отасининг топшириғига кўра, ғоят хавфли вазиятда М.Г.Черняев қароргоҳига борган, унга махсус мактуб топшириб, шаҳарни нисбатан енгил шартлар б-н таслим бўлиши тадбирларини кўрган. Отаси вафотидан сўнг, 60-й.лар охиридан – Себзор даҳаси қозиси.

М.қ. 1884 й.дан «Туркистон вилоятининг газети» б-н ҳамкорлик қилиб, илк ўзбек публицистларидан бири сифатида танилган. М.қ. ўтмиш маданий обидаларини авайлаб сақлашга жиддий эътибор қаратган. Шарифдин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарининг жаҳонда ягона мукамал нусхаси М.қ. ва авлодлари саъй-ҳаракати б-н бизгача етиб келган.

М.қ. 1886 й. Себзор даҳасидаги 3-сон рус-тузем мактабини қурдирган ва умрининг охиригача унга фахрий нозир бўлган. **МУҲИДИНОВ** Нуриддин Акрамович (1917.19.11 – 2008.27.8) – давлат ва сиёсат арбоби, дипломат. Т.да туғилган. Москва савдо-кооператив ин-тини тугатган (1938). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби (1950–51), Министрлар Советининг раиси (1951–55), Ташқи ишлар вазири (1953–54), Ўзбекис-

тон Компартияси Марказий Комитетининг 1-котиби (1955–57).

М. 1957–61 й.ларда КПСС Марказий Комитетининг котиби, кейин «Центросоюз» бошқаруви раиси ўринбосари (1962–66), Чет мамлакатлар б-н маданий алоқалар комитети раисининг 1-ўринбосари (1966–68), СССР-нинг Суриядаги элчиси (1968–77), Иттифоқ савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари (1977–85). 1987–96 й.ларда «Ёдгорлик» тарихий-маданий мерос жамияти раиси, «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси маслаҳатчиси (1996 й.дан). Чигатоё қабристонига дафн этилган.

«МЎЙИ МУБОРАК» МАДРАСАСИ – меъморий ёдгорлик (1857). Т.нинг Ҳастимом мавзесида, *Қафқол Шоший мақбараси* жан.да жойлашган. Т. ҳокими Мирзо Аҳмад қушбеги томонидан пишиқ ғиштдан бунёд этилган. Мадраса битгач, Мирзо Аҳмад унга Абдулмажидхон эшонни (собиқ муфтий Зиёвуддин Эшон Бобохоннинг бобоси) мударрис этиб тайинлаган. Тарихчи Муҳаммад Солиҳхўжа ўша даврда мадраса ўрни аҳоли томонидан Хожа Аҳрор туғилган жой деб тушунилиб, Хожа Аҳрор майдони деб аталганини таъкидлайди. Мадрасанинг алоҳида бир гумбази бўлиб, унда Муҳаммад (сав) мўйи (соч толаси) – «Мўйи муборак» қўйилган. «М.м.» м.нинг айрим қисмлари ҳоз. *Тиллашайх масжиди* ҳовлисида жойлашган. Мадраса 13 хужра ва бир масжиддан иборат бўлиб, икки мударрис – Имомхон маҳдум ва Абдулмажидхон эшон талабаларга сабоқ



Мўйи Муборак хонақоси.

берган. Мирза Аҳмад қушбеги мадрасага Эски Тошкент, Саригоч ва Хонқўрғонда ўзлаштирилган ерларни ҳамда бошқа турдаги мулкларни вақф қилган. **«МЎЙИ МУБОРАК» («УККОША») ЖОМЕ МАСЖИДИ** (тахм. 15-а.) – Шайхонтохур туманининг «Чорсу» маҳалласида жойлашган. Уккоша булоғи яқинида («Чорсу» меҳмонхонаси ўрнида) жойлашган. Қарияларнинг сўзларига кўра, 2-жаҳон урушидан аввал масжид хонақосида Муҳаммад (сав)нинг муборак мўйлари шиша идишда сақланган. Кейинчалик уруш даврида у йўқ бўлиб кетган. 1985 й.га қадар масжид биноси турли и.ч. цехлари, қариялар уйи, 1985–86 й.лардан аста-секин масжид сифатида фаолият юритган. Мустақиллик йилларида масжид аҳоли томонидан қайта таъмирланган. 2002 й. рўйхатдан ўтиб, мусулмонларга хизмат қилиб келмоқда.

МЎМИНОВ Иброҳим Мўминович (1908.7.9–1974.22.7) – файласуф олим, жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

фан арбоби (1959). Фалсафа фанлари д-ри (1950), проф. (1950). Самарқанддаги Ўзбекистон пед. академиясини тугатган (1931). 1955 й.дан Т.да. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1955–56). Ўзбекистон ФА вице-президенти (1956–74). Айни вақтда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти директори (1958–59), Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти директори (1958–74), Ўзбек Совет Энциклопедиясининг биринчи Бош муҳаррири (1968–74). Асосий илмий тадқиқотлари Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табиий фикрлари муаммоларига бағишланган. М. Навоидан тортиб, Аҳмад Доғнишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини таҳлил қилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003). Чигатоё қабристонига дафн этилган. Мирзо Улуғбек туманидаги кўчалардан бири, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти М. номи б-н аталади.

НАБИЕВ Малик (1916.5.1–2008.30.4) – рассом, педагог, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Т.да туғилган. Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган (1933–37), Тошкент пед. институтини тугатган (1962), Тошкент рассомлик билим юртида (1938–58), 1958 й.дан Тошкент педагогика ин-тининг бадийий графика ф-тида ўқитувчи, рангасвир кафедраси мудири (1963–88), 1973 й.дан Тошкент педагогика ин-ти проф. Н., асосан, портрет ва тарихий жанрларда ижод қилган. Тарихий мавзудаги асарларига ғоя ва мавзунинг равшанлиги, кураш, қарама-қаршиликларда тўқнашган томонлар ҳолатининг аниқ белгиланиши, давр руҳини аниқ тасвирлаш каби хусусиятлар хос бўлса, портретларида замондош шахслар табиий ҳолатда, самимий тасвирланади: «Дўстим портрети» (1933), «Кўзғолон бостирилди» (1940), «Македонияликларга қарши Спитамен кўзғолони» (1960), «Абу Райҳон Беруний» (1950, 1972), «Бобур» (1962), «Амир Темури» (1994) портретлари ва б. Рисолалар ва услубий қўлланмалар муаллифи. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

«НАВБАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Меҳр кўч., 16^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Кўтарма», «1-Қатортол», «Нўғойкўрғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Шўролар даврида маҳалла ҳудуди «Қорасув» жамоа хўжалиги ерларидан иборат бўлган. 1966 й.даги Т. зилзиласидан сўнг маҳалла ҳудудида 8 та кўп қаватли бинолар қурилган. Мустақиллик даврида аҳолига қулайликлар яратиш учун дорихоналар, озиқ-овқатлар, боғча, мактаблар ва янги гузар қурилди. Жамоа хўжалигига қарашли «Навбаҳор» чойхонаси қайта қурилиб, маҳаллага «Навбаҳор» номи берилди. Аҳолиси 8456 киши, асо-

сан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, Нафис санъат лицейи, банк, озиқ-овқат дўконлари, дорихоналар мавжуд.

«НАВБАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Сариқўл кўч., 36) – Миробод туманидаги маҳалла. 1975 й. «Сариқўл» маҳалласидан ажралиб чиққан. 1984 й. маҳаллага «Навбаҳор» номи берилган. Аҳолиси 2000 киши, асосан, ўзбек (55%) ва руслар (40%)дан иборат (2009). Маҳалла ҳудудида 13 та кўча ва 12 та кўп қаватли уйлар, ўрта мактаб, болалар боғчаси, Тошкент т.й. муҳандислари ин-ти, академик лицей мав-

Малик Набиев. «Амир Темурининг Тўхтамиш устидан ғалабаси» асари (1994).



жуд. Акад. Т.Р.Рашидов шу маҳаллада яшайди.

«НАВБАҲОР» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 1/2 даҳаси) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Исломота, «Қичқирқ», «Тараққиёт», Фани Аъзамов маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил этилган ва шу ном б-н аталган. Аҳолиси 4210 киши, кўп миллатли (2009).

«НАВБАҲОР» САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЙСИ (Қибрай тумани, Байтқўргон қишлоғи, Дархон кўч) – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясига қарашли тиббий соғломлаштириш маскани. 1976 й. ноябрь ойида биринчи дам олувчиларни қабул қилган. Профилакторий 100 ўринли бўлиб, унда даволаш ва диагностика, сув, балчик, озокерит (парафин) ва электр б-н даволаш бўлимлари, бадантарбия зали, гидроаэроионизация, нина б-н даволаш, мануал ҳамда лазер терапияси, массаж хоналари, шунингдек, сауна, бассейн, фитобар ва б. бор. Нафас олиш аъзолари (бронхит, зотилжам асорати), юрак-қон томир тизими (1- ва 2-даражали гипертония касаллиги, атеросклероз ва ҳ.к.), асаб тизими ва бўғим касалликлари, бод, неврит, невралгия, спондилёзлар, неврозлар, томир дистонияси, сурункали жигар ва ўт йўллари касалликлари, енгил даражадаги қанд касаллиги, веналарнинг варикоз кенгайиши ва б. даволанади. Йилига 1500 дан зиёд киши даволанади.

НАВОИЙ – қ. *Алишер Навоий*.
НАВОИЙ КУТУБХОНАСИ – қ. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси*.

НАВОИЙ КЎЧАСИ – пойтахтнинг энг қад. ва марказий кўчаларидан бири. *Амир Тему*

кўчаси ва *Беруний кўчаси* оралигида. Уз. 4 км атрофида. Дастлаб *Ҳадра майдонидан Анҳор* канали оралигида бўлган. 1966 й.ги Т. зилзиласидан сўнг Ўрда кўпригидан ҳоз. Амир Тему

шоҳкўчасигача узайтирилган. 1893 й.гача Тошкўча, Каттакўча номлари б-н юритилган. Сўнг Шайхонтохур кўчаси номи берилган. 1938 й. улуғ шоир ва мутафаккир *Алишер Навоий* таваллудининг 500 йиллигига тайёргарлик кўриш доирасида Навоий номи берилган.

19-а.нинг 2-ярми ва 20-а.нинг бошида *Эски шаҳарни Янги шаҳар* б-н боғлашда муҳим аҳамият касб этган. Шайхонтохур даҳасини кесиб ўтган (эски номи шундан). Кўчада асосан хунармандлар яшаган. Унда Шайх Хованди Тоҳур мақбараси (15-а.), Юнусхон мақбараси (19-а.), Эшонқули додхоҳ мадрасаси (19-а., сақланмаган; бу ерда 1884 й. биринчи рус-тузем мактаби очилган)дан бошқа йирик бинолар бўлмаган.

20-а. бошларида Эски шаҳарнинг энг гавжум кўчаси ҳисобланган. 20-а. бошида биринчи кўн-ка ва трамвай ҳаракати айнан шу кўча орқали йўлга қўйилган. 1908 й. илк керосинкалил фонарлари ўрнатилган.

Кўчадаги янги қурилишлар ва унинг реконструкцияси 1930–70 й. л а р д а амалга оши-

Шайхонтохур кўчаси (тарихий сурат).



рилган, кенгайтирилган транспорт магистралли ўтказилган, кўп қаватли бинолар қурилган. 1930-й.ларда Ўзбекистон қ.х. вазирлиги (ҳоз. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги), «Ўздавлатлойиҳа» (кейинчалик Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси жойлашган), Марказий телеграф бинолари ва б. барпо қилинган. 1940 й. Маданият ва меҳнат саройи (меъмор С.Н.Полупанов; кейинчалик бу бинода Адабиёт музейи, Ёш томошабинлар т-ри жойлашган) қурилган. 1949 й. бино олдидаги майд.да Навоий ҳайкали ўрнатилган (меъмор В.Волчек, ҳайкалтарош Н.Дитрих). 1968 й. майд. реконструкция қилинган ва шу йили Алишер Навоий таваллудининг 525 й.лик юбилейи муносабати б-н ҳайкал ўрнатилган жойда «Шоирлар хиёбони» ташкил этилган. 1991 й. 9 фев.да шоирнинг 550 й.лик юбилейи муносабати б-н «Шоирлар хиёбони»да шоирнинг янги тагсупага ўрнатилган ҳайкали қайта очилган. 1937–40 й.ларда «Ватан» кинотеатри (меъморлар А.Сидоров, Н.Тимофеев) қурилган. Т. зилзиласи (1966)дан кейин бу бино ўрнида Ҳамза номидаги т-р (ҳоз. Ўзбек миллий акад. драма т-ри)нинг янги би-

носи қурилди; бино 2001 й.да замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта таъмирланди ва бутунлай янги қиёфага эга бўлди. 2000 й. кўчада кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кўча энига кенгайтирилиб, трамвай йўли, жамоат транспорти бекатлари тубдан янгиланди. Абай кўчаси ва Ҳадра майд. оралигидаги савдо ярмаркаси тартибга келтирилди. Икки ёқлама 3 қатор транспорт воситалари ҳаракати учун имкон яратилди.

Н.к.да Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш, Матбуот ва ахборот агентликлари, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Хотин-қизлар кўмитаси,

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби, компания ва уюшмалар, давлат инспекциялари ва банклар, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, «Дедеман», «Марказий» ва «Чорсу» меҳмонхоналари, «Пойтахт» бизнес м-зи, Мустақиллик майд. ва Хотира майд., «Туркистон» саройи, Санъат саройи, Миллий матбуот м-зи, Архитектура ва қурилиш, Кимё-технология ин-тлари, Марказий телеграф, Шайхонтохур ёдгорлик мажмуаси, Кўкалдош мадрасаси, «Туркуаз» гипермаркети, Шайхонтохур туман ҳокимлиги, хорижий ваколатхоналар, кўп қаватли турар жой ва маъмурий бинолар, бекатлар, китоб расталаси, савдо мажмуалари ва сер-

транспорти воситалари ҳаракати йўлга қўйилган.

НАВОИЙ МАЙДОНИ (ўтган асрнинг 30-й.ларигача *Воскресение бозори*, 1991 й.гача Театр майдони) – шаҳар марказидаги майдонлардан бири. Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик катта опера ва балет театри қурилиши (меъмор А.В. Шчусев) муносабати б-н 1947 й. ташкил топган. Буюк Турон, Мустафо Камол Отатурк, Матбуотчилар, Ўзбекистон кўчалари б-н чегараланган. *Алишер Навоий* тавуллудининг 550 йиллиги муносабати б-н майдонга Навоий номи қўйилган. Н.м. марказига шарқ услубида фаввора (1947; меъмор А.В.Шчусев, В.Е. Архангельский, Л.Г.Караш) қурилган. Атрофига манзарли дарахтлар ўтказилиб, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. Майдон яқинида «Тошкент универмаги» супермаркети, Ташқи ишлар вазирлиги, Марказий банк, «Ташкент Палас» меҳмонхонаси, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА), «Шарқ зиёкори» китоб дўкони, «Тошкент гуллари» дўкони, Бадиий Академиянинг Марказий кўргазмалар зали, «Мовий гумбазлар» хиёбони, «Мустақиллик» метро бекати, керамика боғи, савдо мажмуалари, фирма ва компания офислари жойлашган.

НАВОИЙ МАҲАЛЛАСИ (Чоштепа кўч., 140) – Сергели туманидаги маҳалла. 1967 й. ташкил топган. «Чоштепа», «Нўғойкўрғон» ва Зангиота туманидаги «Наврўз» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи буюк мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий номига қўйилган. Аҳолиси 2079 ки-



Навоий кўчаси.

шидан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 12 та кўча бор; 4 автосарой, Вестон чой корхонаси, 2 тўйхона, маданият уйи, Маъруфота масжид-қабристон, 6 та дўкон, кинология, 2 та мебель цехи, 2 та компьютерхонаси, фотостудия, болалар боғчаси, новвойхона ва б. мавжуд.

НАВОИЙ ТЕАТРИ, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри (Навоий майд.) – опера ва балет санъати соҳасидаги Ўзбекистоннинг асосий театри. Унинг ташкил топиши Муҳиддин Қориёқубовнинг Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли б-н боғлиқ. Мазкур ансамбль 1929 й. Қориёқубов ва *Тамарахоним* савий-ҳаракати б-н Ўзбек давлат мусиқали театрига айлантирилган. «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин» спектакллари халқ чолғулари жўрлигида ижро этилган. 30-й.ларда «Ичкарида», «Лайли ва Мажнун», «Пўртана» спектаклларида халқ чолғу асбобларига симфоник оркестр созлари қўшилиб, ўзбек операсининг яратилишига замин тайёрланган. 1939 й. 11 июнда биринчи ўзбек операси «Бўрон» (С.Василенко ва М.Ашрафий мусиқаси, К. Яшин либреттоси) намоиш қилинди. 1939 й. 20 июнда театр Ўзбек давлат опера ва балет театрига айлантирилди. Театр жамоаси «Бўрон»да эришган ютуғини Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операси б-н мустаҳкамлади. 1941 й. «Улуғ канал» (С.Василенко ва М.Ашрафий) операси саҳналаштирилди. «Улуғбек» (А.Козловский), «Маҳмуд Торобий» (О.Чишко) опералари уруш йиллари яратилди. Опера б-н

бир қаторда ўзбек балети ҳам этилиб борди. 1933 й.да «Пахта» (Н.Рославец) балети саҳналаштирилди, бироқ муваффақиятсиз чиқди. Дастлабки муваффақият Ф.Талнинг «Шоҳида» (1939) балетидан бошланди. Уни А.Томский, М.Турғунбоева ва Уста Олим Комиловлар саҳналаштирдилар. Кейинчалик «Гуландом» (Е.Брусиловский), «Оқ билак» (С.Василенко) балетлари қўйилди. Жаҳон мумтоз репертуаридан «Кармен» (Ж.Бизе), «Қарға моткаси» (П.Чайковский) каби опералар б-н бирга «Боқчасарой фаввораси» (Б.Асафьев), «Коппелия» (Л.Делиб) балетлари саҳналаштирилди.

Театр жамоаси 1947 й. янги бинога кўчиб ўтди ва 1948 й. Тошкент рус опера театри б-н бирлашиб, Алишер Навоий номи олд. Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг «Гулсара», Т.Жалилов ва Б.Бровциннинг «Тоҳир ва Зухра» опералари, М. Левиевнинг «Сухайл ва Меҳри», Г.Мушелнинг «Раққоса» балетлари янги бино саҳнасида намоиш этилди. Илк бор ўзбек тилида П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси, Л.Минкуснинг «Дон Кихот», Р.Глиэрнинг «Қизил гул» балетлари 40-й.ларнинг охирида саҳна юзини кўрди. 50–60-й.лар театр фаолиятида кескин бурилиш ясалди, театр янги опера хонандалари ва балет артислари б-н тўлдирилди. Унга 1959 й.да «Академик», 1966 й.да «Катта театр» унвонлари берилди. 1950–60 ва кейинги йилларда саҳналаштирилган асарларнинг аксарияти томошабинларга эстетик завқ бағишлай оладиган миллий услуб ва ифодавий воситалар, оҳанг ва шакллар б-н бойитилди, халқ мусиқаси интонацияларидан ижодий фойдаланилди. «Дилором»,

«Шоир қалби» (М.Ашрафий), «Зайнаб ва Омон» (Т.Содиқов, Б.Зейдман, Ю.Ражабий, Д.Зокиров), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков), «Ҳамза» (С.Бобоев), «Сўғд элининг қоплони» (Икр. Акбаров), «Оловли фаришта» (С.Прокофьев), «Порги ва Бесс» (Ж.Гершвин) каби опералар, «Орзу» (Икр. Акбаров), «Олтин калитча» (Б.Зейдман), «Севги тумори» (М.Ашрафий), «Қирқ қиз» (А.Фейгин), «Спартак» (А.Хачатурян), «Кармен-сюита» (Ж.Бизе – Р.Шчедрин), «Икки дил достони» (О.Меликов), «Маскарад» (В.Лапутин), «Етти гўзал» (Қ.Қориев) сингари балетлар, шунингдек, мумтоз композиторлардан Л.Делиб, М.Мусоргский, А.Бородин, Н.Римский-Корсаков, П.Чайковский, Ж.Верди, А.Адан, Ш.Гуно, В.Моцарт, Ж.Пуччини ва б.нинг асарлари б-н театр мавқеи кўтарилди. Ижрочилик санъати ҳам шу йиллар юксалди, оркестр маҳорати, хор, кордебалет маданияти ўсди, опера режиссёрлари, балетмейстер, хормейстер ва дирижёрлар санъатида катта ютуқларга эришилди.

Мустақиллик йилларида театр ривожини юксак даражага кўтариш, миллий опера ва балет спектакллари яратишга жиддий эътибор берилди. «Маликаи айёр» (С.Жалил), «Умар Хайём», «Аҳмад ал-Фарғоний» (М.Бафоев), «Тахтга йўл» (Н.Зокиров), «Амир Темур» (Г.Гендель), «Буюк Темур» (А.Икромов) опералари, «Шоирона миниатюралар» (У.Мусаев), «Насриддиннинг қилмишлари» (С.Юдаков), «Минг бир кеча» (Ф.Амиров) каби балетлар саҳналаштирилди. Театр репертуаридан ўнлаб мумтоз опера ва балет асарлари ҳам ўрин олд. Театрда турли йилларда М.Ашрафий, Б. Иноятов, Ф.Шамсиддинов,

Н.Гольдман,
Х.Шамсидинов,
Ф.Тўлаганов,
А.Абдуқаюмов,
Д.Абдурахмонова
сингари дирижёрлар,
З.Қобулов,
М.Тожиода,
М.Муҳамедов,
Э.Юнгвальд – Хилькевич,
А.Миролибоева,
Ф.Сафаров каби реж.лар,
Тамарахоним,
М.Турғунбоева,
В.Губская,
Г.Измаилова,
Е.Барановский,

П.Йоркин, М.Макаръянц,
И.Юсупов ва б. балетмейстерлар,
М.Мусаев, Р.Брим, М.Гвоздиқов
ва б. рассомлар, М.Қориёқубов,
Ҳ.Носирова, Б.Мирзаев, К.Зокиров,
Ф.Абдурахмонов, А.Азимов,
Н.Аҳмедова, С.Қобулова,
С.Ярашев, В.Гринченко, Р.Лаут,
С.Бенъяминов, М.Довидов,
Ж.Низомхўжаев, Э.Йўлдошев,
И.Жалилов, Б.Қориева, З.Давлетмуродова,
В.Васильев, И.Кистанов,
Қ.Муҳиддинов каби санъ-



Навоий театри.

аткорлар ижод қилишган. М.Раззоқова, Р.Латиқов, Г.Ҳамроева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артислар О.Александрова, Г.Азизова, Д.Ёқубова, В.Геллертов, А.Шалберкин, Н.Шилова, Т.Муҳамедова, Н.Ҳасанова ва б. театрнинг ҳоз. кундаги етакчи опера ва балет ижрочиларидир. Т-рнинг бош дирижёри – Ф.Ёқубжонов, бош балетмейстери – И.Юсупов, бош хормейстери – С.Шодмонов,

бош рассом – З.Ботиров, бадий раҳбар – А.Эргашев. Ҳоз. репертуарида



Навоий театри асосий залининг умумий кўриниши.

50 га яқин спектакль мавжуд.

Т-р биноси 1947 й.да қуриб битказилган (меъмор А.Шчусев лойиҳаси асосида). Бино беағида Т.Арслонқулов, А.Болтаев, Қ.Жалилов, С.Норқўзиев, Уста Ширин Муродов, Жалил ва Болта Жўраевлар (Давлат мукофоти, 1948) ва б. қатнашган. Бино тарзи ва интерьерини беағида мил-

лий меъморлик ағналаридан фойдаланилган. Деворларида Ч.Аҳмаров (Давлат мукофоти, 1948)нинг Навоий асарларига ишланган миниатюралари акс этган. Бино тарзлари пешайвон шаклида равоқлар (3 олд, 2 ён томонларидаги равоқлар 9 та) қаторидан иборат. Фойе, томоша зали, сахна ва б. 3 қаватга жойлашган. Беағларида Бухоро меъморлик мактабининг ганчкори беағлари; тошкентлик усталарнинг намоён ва равоқлари, гулдаста беағлари; хивалик усталарнинг ганчкори, мармар, нақш, ёғоч ўймакорлигидаги ўзига хос услублари; самарқандлик усталарнинг бўртма, муқарнасли жозибадор лавҳалари, фарғоналик усталарнинг ўсимликсимон беағлари; термизлик усталарнинг унутилиб кетган майда давра ва жингалак тасвирли ўймаси янғидан жонлантирилган. Бинонинг пастки залидаги деворий расмларда мусиқа,

рақс, шеърят ва рассомликни ифодаловчи мажозий образлар (гўзал аёллар) тасвирланган. У.Тансиқбоев, М.Аринин, К.Чепраков ва б. бино фойеларида қўшимча деворий расмлар ишлаганлар. Томоша зали 760 ўринли.

НАВРЎЗ (форсча – янги кун) – Туркистон ва Яқин Шарқда яшовчи халқларнинг қад. анъанавий янги йил байрами. Шамсия ҳисобида йилнинг 1-куни бўлиб, баҳорги тун ва куннинг тенглигига (21–22 мартга) тўғри келади. Н.да Қуёш ҳамал буржига кириб, кундузи узая бошланади. Бу кун табиатнинг уйғониши, баҳорнинг бошланиши ҳисобланган ва халқ байрами сифатида нишонланган.

Тарихий манбаларга қараганда, Н.ни байрам қилиб ўтказиш ахоманийлар даври (мил.ав. 6–5-а.)дан бошланган. Кейинчалик Н.да ислом динининг айрим маросимларини ҳам ўтказиш одат тусига киритилган. Н.нинг дастлабки кунлари кичик Н. деб аталиб, олти кундан кейин катта Н. байрами ҳам бўлган. Абу Райҳон Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида хабар берилишича, халқ байрами кичик Н.дан катта Н.гача 6 кун давом этган. Катта Н.дан бошлаб деҳқонлар дала ишлари, боғбонлар эса ўз юмушлари б-н машғул бўлган. Уй бекалари байрам олдидан ҳовли, уйларни саришта қилиб, Н.га ҳозирлик кўрган. Ёш-яланглар янги кийимлар, пойабзаллар тайёрлаб, байрам кунлари кечаси б-н ухламасдан эртақ, хикоя, дostonлар айтишиб, шеърхонлик қилган. Байрамни ашулалар айтиб, турли ўйинлар ўйнаб, хурсандчилик б-н кутиб олишган. Байрамнинг биринчи куни улоқ, отда пойга

Наврўзда
маҳаллада
сумалак
пишириш.

мусобақалари, кураш, қўчқор уриштириш, х ў р о з уриштириш каби ўйинлар уюштирилган. Лола сайли, боғ сайли каби оила

б-н табиат кучоғига чиқишлар бўлган. Н. кунлари урушлар тўхтатилган, гина-кудуратлар унутилган, одамлар тинч ва яхши қўшничилик алоқаларига интилган, ота-оналар, қариндошлар, ёр-биродарлар б-н дийдор кўришган, марҳумлар қабри зиёрат қилиниб, тартибга келтирилган. Агар байрам кунлари бирор киши вафот этса, дафн этиш кечиктирилган, мотам маросимлари ҳам ўтказилмаган. Н. байрами кунлари маҳбусларни озод қилиб, гуноҳкорларнинг гуноҳидан кечиш одати ҳам бўлган. Н. кунлари номи «син» ҳарфидан бошланувчи етти хил таом («Ҳафтисин») тайёрланган. Сумалак ҳам ана шу ҳафтисиннинг бири бўлган. Турли ўтлардан сомса, чучвара каби мазали таомлар пиширилган.

Октябр тўнтаришидан сўнг Ўрта Осиё ва Озарбайжонда Н. халқларнинг тарихий қадриятлари сифатида давлат томонидан эътиборга олинмади, баъзи йиллар ҳатто таъқиб қилинди. Ўзбекистонда 1990 й.дан бошлаб Ўзбекистон ҳукуматининг фармонида биноан 21 март Н. халқ байрами сифатида нишонландиган бўлди ва дам олиш куни деб белгиланди.



Н. байрами фақат дам олиш, кўнгили очиш ва кўнгили олиш кунларигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам саналган. Деҳқончилик, боғдорчилик, гуллар экиш ишлари бошлаб юборилган. Катта Н. куни далага дастлабки қўш тушиб, ер ҳайдашга киришилган.

Т.да Н. ҳар йили тантанали равишда нишонланади. Шаҳар хиёбонлари ва майдонларда байрам сайиллари, концертлар ташкил этилади. Шаҳар маҳаллаларида Н.га бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва б. тансиқ таомлар пиширилади. Н. кунлари туман ҳокимликлари, маҳалла фаоллари, хайр-эҳсон ташкилотлари – меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совғасаломлар улашади.

«**НАВРЎЗ**» (Фурқат кўч., 5, Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида) – ресторан мажмуаси. «Пойтахт Наврўз таом савдо» Давлат унитар корхонаси таркибида. 1991 й. ишга тушган. 2 қаватли муҳташам бино лойиҳасини Ўзбекистон савдо биноларини лойиҳалаш ин-ти («Ўзгип-



«Наврўз» ресторани.

роторг») тайёрлаган (меъморлари: В.С.Афанасьева, Н.Н.Батарин, Р.А.Ёқубов, В.Е.Островерхов). Бино атрофи кўкаламзорлаштирилган. Бинонинг 1-қаватида «Наврўз» никоҳ уйи, «Қишки боғ» маданий хордиқ чиқариш маскани, 40 ўринли қаҳвахона, 100 ўринли бар, турли хизмат хоналари жойлашган. 2-қаватида жами 1000 ўринли ёнма-ён жойлашган 3 зали бор. Улардан 500 ўринли катта зали кичик-кичик (10 кишилик) гуруҳларга мўлжалланган 16 бўлмага ажратилган. Шунингдек, миллий услубда безатилган махсус «Зиёфатхона» мавжуд (ганчкор усталар: М.Қосимов, М.Абдурахмонов, Р.Ниёзов). Ресторанда анъанавий ва европача таомлардан ташқари, «Наврўз» номи б-н ноёб миллий таомлар ҳам тайёрланади.

НАВРЎЗ АҲМАДХОН – қ. *Бароқхон*.

«НАВРЎЗ» ДЕҲҚОН БОЗОРИ (2-тракторсозлар даҳаси) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилади. 1961 й. вужудга келган. «Ташгипрогор» лойиҳа ин-ти томонидан лойиҳаланган. 1991 й.гача Луначарский бозори деб юритилган. 1996 й. 13 мартдан ОАЖга айлантирилган. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида. Умумий майд. 7460 м²,

савдо ўринлари сони 1751 та. Асосан, ҳўл мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, дон, нон, зираворлар, кўкатлар ва кўчатлар савдоси йўлга қўйилган. Бозорнинг 5 та шохобчаси бор: «Бўз» шохобчаси (Сайрам кўч.) – 411 савдо ўринли, «Қорасув» шохобчаси (Қорасув-2 мавзе) – 140 савдо ўринли, «Яланғоч» шохобчаси (Ялонғоч мавзеси) – 240 савдо ўринли, «Наврўз» шохобчаси (Ш.Бурҳонов кўч., 24) – 350 савдо ўринли, «Авайхон» шохобчаси (Қорасув-6 мавзе) – 34 савдо ўринли.

«НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув, 4-даҳа, 17^б-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Ҳамза, «Бирлашган» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Аҳолиси 7100 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида спорт мажмуаси, болалар шифохонаси, «Тошкент авиация и.ч. бирлашмаси» давлат-акциядорлик жамияти бор.

«НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ (Сарикўл 3-берк кўча, 1) – Миробод туманидаги маҳалла. «Темирийўлчилар», «Истиклол», «Биродарлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Аҳолиси 3 мингдан зиёд, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 22 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида касб-

хунар коллежи, 4 та кафе, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд. **«НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ** (Сергели-1 мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Темирийўлчи», «Нилуфар», «Ёрқин ҳаёт» маҳаллалари б-н чегарадош. 1982 й. ташкил топган. Дастлаб Сергели-1 номи б-н юритилган, 1987 й. умумхалқ Наврўз байрами муносабати б-н «Н.» номи берилган. Аҳолиси 5300 киши (2100 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркибини асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари ташкил қилади. Маҳалла ҳудудида 37 та кўп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси, коллеж, 3 та умумий овқатланиш шохобчаси, 8 та савдо дўкони, 3 новвойхона, 2 та дорихона, деҳқон бозорчаси мавжуд.

«НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод-4 даҳа, 1) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Адолат», «Ҳуснобод», «Боғишамол», «Чинор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1972 й. ташкил топган. Аҳолиси 7800 киши, 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида «Биллур» ресторани, «Тулпор» кафе-си мавжуд.

«НАВРЎЗ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув-6 мавзеси, 11) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Авайхон, «Янги Авайхон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1984 й. 21 мартда кўп қаватли уйлардан ташкил топган. Аҳолиси 3600 киши, асосан, ўзбеклар, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 ўрта мактаб, болалар боғчаси, бозор жойлашган.

НАЗАРБЕК ЗИЛЗИЛАСИ – қ. *Зилзила*.

НАЗАРБЕК КЎЧАСИ – Учтепа туманининг «Бешқайрағоч», «Ла-

тифгузар» ва «Ҳайратий» маҳаллалари ҳудудда. Маннон Уйгур ва Журжоний кўчалари оралигида жойлашган. 1966 й. Тошкент zilзиласидан сўнг янги уй-жойлар қурилиши муносабати б-н пайдо бўлган. Уз. 1,2 км атрофида. 1966 й. 27 дек.да шу номдаги жойга олиб борадиган кўча сифатида Назарбек номи берилган. Таркибида 3 та тор кўча бор. Йўналишида шахсий турар жой бинолари, масжид, чойхона, савдо шохобчалари, 129-мактаб, стадион, сервис хизмат кўрсатиш масканлари, автобус бекатлари бор. Ҳайратий, Тавалло, Фақирий, Файрат ва Шараф кўчалари б-н кесишган. Кўча бўйлаб жамоат транспорти воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. Мустақиллик йилларида кўчада қайта таъмирлаш ишлари олиб борилган. Яқинида Бешқайрағоч ва Бирлик даҳаси, Т. автомобиль ҳалқа йўли, Қуйи Бўзсув канали, спорт мажмуаси, оилавий поликлиника, «Хасково» савдо мажмуаси ва маҳалла гузари жойлашган.

НАЗАРОВ МАҲАЛЛАСИ (Нигора 2-тор кўч., 67) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Тарновбоши», «Ўрта масжид» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. *Тошкент zilзиласидан* сўнг шаҳар м-зидаги «Қашқар», «Қиёт», «Туркқўргон» ва б. маҳаллалардан кўчиб келган аҳолидан таркиб топган. 1992 й.дан маҳалла фахрийси, уруш қатнашчиси, маҳалланинг биринчи оқсоқоли Аҳмаджон Назаров номи б-н аталади. Аҳолиси 2375 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида спорт майдони, «ФАРМ ГЛАСС», «МЭД ГЛАСС» каби саноат корхоналари жойлашган. Маҳалланинг ҳоз. оқсоқоли (1998 й.дан) С.Комилов «Эл-норт ҳурмати» ордени б-н

мукофотланган. Н.м. шаҳар, республика доирасида ўтказилаётган кўпгина кўрик танлов, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2008 й. «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати б-н маҳаллада «Ёшлар ўқув маркази» ташкил қилинган.

«НАЙМАН» МАҲАЛЛАСИ (22-мавзе, 10^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Бирлик», «Чўпонота», «Тинчликобод», Фарҳод, «Нуробод», «Ватан» маҳаллалари б-н чегарадош. 1972 й. ташкил топган. 1992 й.дан «Истиқлол», 2005 й.дан ҳоз. номда. «Найман» атамаси қабила номидан олинган. Аҳолиси 1693 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 25 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 32 та кўп қаватли уйлар, болалар боғчаси, лицей, 3 та озиқ-овқат дўкони, 2 та босмахона, мебель цехи, ҳуқуқий маслаҳатхона, дорихона, кўрлар жамияти кутубхонаси, туман мудофаа ишлари бўлими, 2 печенье цехи, «Дока-хлеб», «Ўзбекгрек» қўшма корхонаси, 2 та болалар компьютерхонаси мавжуд.

НАЛИВКИН Владимир Петрович (1852.15.7–1918.20.1) – тарихчи, шарқшунос, лингвист ва педагог. Ўзбек, тожик, араб тилларини пухта ўрганган. Н. Туркистон ўлкасида очилган 1-рус-тузем мактаби-

нинг дастлабки ўқитувчиларидан бўлган. Т. ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллардан дарс берган (1890 й.гача). 1890–95 й.ларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари губернаторларининг ёрдамчиси бўлган. 1917 й. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасига раислик қилган, меньшевикларни ёқлаган. Туркистон ўлкасининг тарихи, этнографияси, ислом маданиятига доир кўплаб асарлар ёзган, ўзбек («сарт»), форс тиллари бўйича қўлланмалар яратган, «сартча» (ўзб.)-русча, русча-«сартча» (ўзб.), русча-форсча луғатлар тузган. Хотини М.В.Наливкина б-н бирга ёзган «Фарғонадаги ўтроқ аҳоли аёлларининг турмушига доир очерклар» ҳамда «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» асарлари шарқшунос олимлар томонидан юқори баҳоланган. Н. 1918 й. 20 янв.да Т.да большевиклар тузмига норозилик сифатида ўзини отиб ўлдирган.

НАМОЗГОҲ, Тошкент намозгоҳи (Зарқайнар кўч., 45^б-уй) – *Ҳазрати Имом мажмуаси* таркибидаги меъморий ёдгорлик (жоме масжиди) (1845–67-й.лар). Ҳайит, жума намозлари ўқишга мўлжалланган. Чўзинчоқ, тўғри тўртбурчак тарҳли. Асосий (ўртадаги) хона – масжид, икки қаноти гумбазли хоналардан



Намозгоҳ
(тарихий сурат;
20-а. боши).

иборат. Хоналар олд томони масжид б-н бир текис устунли пешайвон. Масжид чортоқ тарҳли; бир қават гумбаз б-н ёпилган. Гумбаз ва гардиш ораси данданали. Н. ўлчами 26 х 26 х 3,5 – 4 см ли пишиқ ғиштдан ишланган. Сирти сувалмаган, кўча томони таъмирланган. Пешайвон шифти нақшли бўлган (сақланмаган). Масжид ичи ҳам деярли безатилмаган, меҳроби бор. Тоқилари муқарнасли, юқори қисми занжира безакли. Девори суваб оқланган. Умумий ўлчами – 56 х 14,5 м. Масжид тархи мурабба (квадрат) – 6 х 6 м, гумбаз бал. 14,2 м. Бошқа хоналар гумбазининг диаметри – 4 м.

Н.да Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти жойлашган (қ. *Ислом институти*). **НАМУДЛИФ** – Илоқдаги шаҳар харобаси (3–11-а.лар). Ангрен ш. яқинида, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. 1966–67 й.ларда ўрганилган (Ю.Ф.Буряков). Майд. – 70 гектар, бешбурчакли қалъа ва кенг шаҳристондан иборат бўлиб, дарё ва унинг ирмоқлари б-н мудофааланган. Н. ўрнида 3–4-а.ларда истеҳкомсиз турар жойлар пайдо бўлган, 5–6-а.ларда шаҳарга айланган. 9–10-а.ларда кумуш ва б. рангли металларни қайта ишловчи ҳунармандлик корхоналари ривожланиши б-н шаҳар гуллаб яшнаган. Н.да металл эритиш ва кулолчилик цехи, каолин ва бўёқ модда сақландиган жойлар, шиша, сопол идишлар, турли тангалар топилган. Шаҳар 11-а.да инқирозга учраган.

«НАМУНА» МАҲАЛЛАСИ (Чувалачи кўч., 64) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Хончорбоғ», «Қорасарой», «Тахтапул», «Ҳастимом», «Себзор», «Янги Себзор» маҳаллалари б-н



«Нафис» корхонасида.

чегарадош. Маҳалла 1998 й. қад. маҳаллалар: Ҳасанбой, «Бирлик», «Кадувод», Нодира, Қаҳрамон, «Намуна» ва «Ҳовузбўйи» маҳаллаларининг бирлашувидан ташкил топган. Аҳолиси 6590 киши, асосан (95%) ўзбеклар (2008). Маҳалла ҳудудида қад. обидалардан Кўктўнлиота мақбараси жойлашган.

«НАФИС» (Қатортол кўч., 25/1-уй) – МЧЖ шаклида фаолият юритувчи пойабзал корхонаси. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси тизимида. 1976 й. республика пойабзал моделлаштириш уйи сифатида иш бошлаган. 1991 й. ОАЖга айлантирилган. 2001 й.дан ҳоз. номда. Корхона маҳаллий хомашёдан янги моделлардаги эркаклар, болалар, аёллар оёқ кийимларини тайёрлайди. Италия, Германия, Россия технологияларининг ўзлаштирилганлиги маҳсулотларнинг сифатли ва бежирим бўлишини таъминлади. Бу ерда ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслардан буюртмалар қабул қилиб, керакли моделдаги пойабзал тайёрлаб берилади. Корхонанинг йиллик товар айланмаси 350–360 млн. сўмни ташкил этади (2008). «Пойабзаллар уйи» ихтисослашган магазини бор.

«НАЦИОНАЛЬ» – меҳмонхона. Ўрта Осиёда дастлабки меҳмонхона бўлиб, 1912 й.да Жиззах кўч. (ҳоз. Бухоро кўч.) ва Зирабулоқ кўч. муолишида немис уйғолишида даври услубида (меъмор И.А.Макевич), ўша пайтдаги йирик бойлардан Тўхтабой маблағига қурилган. Кейинчалик «Шарқ» деб аталган. 1919–20

й.ларда бинода Туркистон fronti штаби жойлашган. Шаҳарни реконструкция қилиш муносабати б-н бинонинг бир қисми 1970-й.лар охирида бузиб ташланган. Сақланиб қолган қисми таъмирланган. Унда (Бухоро кўч., 16) Ўзбекистон Республикаси «Нуроний» жамғармаси жойлашган.

«НАҚҚОШЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Наққошлик кўч., 2) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «*Катта Дўмбиробод*» маҳалласи б-н чегарадош. 1992 й. ташкил этилган. Маҳалла ҳудудида илгари моҳир ўймакор, наққош, чилангар усталар яшаган, номи шундан. Аҳолиси 5337 киши, асосан, ўзбеклар ва руслар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида дорихона, оилавий поликлиника, 1-шаҳар педагогика коллежи, шаҳар божхонаси, кафе ва ошхоналар, озиқ-овқат дўконлари, «Иффатли келин» ўқув м-зи бор. Таниқли кинореж. Шухрат Аббосов шу маҳаллада яшайди.

НЕЙРОХИРУРГИЯ МАРКАЗИ – қ. *Республика нейрохирургия маркази*.

НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ ИНСТИТУТИ (Усмон Но-

сир кўч., 114) – Т.даги йирик и.т. маркази, ОАЖ. 1959 й. Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-тининг нефть геологияси ва геохимёси бўлими ҳамда собиқ иттифоқ нефть геологияси ва қидируви и.т. ин-тининг филиали асосида ташкил этилган. 1969 й.дан Ўзбекистон Геология вазирлиги (1991 й.дан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси), 1995 й.дан «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси таркибида. Ин-т нефть ва газ конларининг ҳосил бўлиш ва жойлашиш қонуниятларини ўрганади, углеводородларнинг потенциал ресурсларини аниқлайди, республикада нефть ва газ қидирув ишлари йўналишини белгилайди ҳамда режаларини тузади. Ўзбекистон Республикасининг нефть-газли ҳавзаларининг геологик тузилишини ўрганиш ва аниқлаш мақсадида регионал геологик-геофизик, тектоник, палеонтологик-стратиграфик, палеотектоник, литологик-петрофизик, геохимёвий ва гидрогеологик тадқиқотлар ўтказиши ва ҳ.к. Ин-тда 21 лаб. ва 2 сектор мавжуд. 151 илмий ходим ва муҳандис, жумладан 1 акад., 7 фан д-ри, 30 фан номзоди ишлайди (2008).



«Наққошлик» маҳалласидаги «Ифбатли келин» ўқув марказида уй ҳамширасини тайёрлов курсида машғулот.

НИЁЗБЕК ЙЎЛИ КЎЧАСИ – Юнусобод туманининг «Турон» маҳалласи, Мирзо Улуғбек туманининг «Амир Темур» маҳалласи ҳудудида жойлашган. Т.нинг қад. кўчаларидан бири. Амир Темур шоҳкўчаси ва Қори-Ниёзий кўчаси оралигида. Уз. 1,5 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Шаҳарнинг Қашқар (Оққўрғон) дарвозасидан бошланувчи қад. карвон йўли ўрнида вужудга келган. Урта асрларда Хожа Аҳрорнинг вақф ерларига қарашли бўлган Оққўрғон қишлоғининг жан. чеккасидан ўтган. Дастлаб шаҳар ташқарисидаги Ниёзбек қалъасига олиб бориладиган асосий йўл бўлгани учун Ниёзбек кўчаси номи б-н юритилган. 1864 й. 15 окт.да генерал М.Г.Черняев бошлиқ чор Россияси қўшинлари Т.га биринчи марта Ниёзбек йўли орқали яқинлашиб, шаҳарнинг Қашқар дарвозасига ҳужум қилган ва мағлубиятга учраб, Чимкентга чекинган. 1865 й. 29 апр.да Черняев қўшинлари Т.ни забт этиш учун асосий истеҳком ҳисобланган ва Т.дан 27 км узоқликда жойлашган Ниёзбек қалъасини қўлга киритган. 9 май куни Ниёзбек йўлининг Дархонотасой ва Салор ариғи б-н кешишган жойда Черняев қўшинлари б-н Қўқон хонлиги лашкарбеги Алимкул қўмондонлигидаги 7000 нафар Т. мудо-

фаачилари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтган. Алимкул оғир яраланиб ҳалок бўлган. 1993 й. 30 июнда жойнинг тарихий номи сифатида Ниёзбек йўли номи берилган. Йўналишида шахсий турар жой бинолари, «Ўзкоммунизмат» ва «Мадад» агентликлари, «Ўзкоммунолийҳа» инти, Т. молия ин-ти факультети, Т. ирригация ва мелиорация инти, савдо мажмуалари, «Алп Жамол» банки, хорижий компаниялар, «Минор» метро бекати, 43-мактаб, Юнусобод туман прокуратураси бор. Кўчадан Оққўрғон ариғи ўтган. Яқинида Қирғизистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Кардиология маркази, Олой бозори, Ҳамид Олимжон майд., Сергей Есенин музейи, «Турон» ресторани, Юнусобод туман ижтимоий таъминот бўлими, фирма ва компания офислари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

НИЁЗБЕК ҚАЛЪАСИ – Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги қалъа харобаси (ҳоз. Чирчиқ ш. ҳудудида бўлган). Т. ва унинг атрофини сув б-н таъминловчи қад. ирригация иншооти – Бўзсувни душмандан ҳимоя қилиш мақсадида қурилган. Қалъа номи *Муҳаммад Солиҳ-хўжанин*г ёзишича, Тўлабийнинг ўғли Ниёзбек номи б-н боғлиқ бўлган. Н.қ.ни 1935 й.да археолог В.Д.Жуков тадқиқ қилган. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи тупроқ кўтарма б-н ўралган. Қалъанинг устки қисмидан Қўқон хонлиги (19-а.) даврига оид материаллар топилган. Генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги чоризм қўшинлари Т.ни қамал қилган пайтда (1865) харобага айлантирилган. Н.қ. эгалланиши б-н Тошкент аҳолиси сувсиз қолган.

НИЁЗБОШИТЕПА – шаҳар харобаси (4–8-а.лар). Янгийўл ш.дан жанубда, Чирчиқ дарёси ўнг соҳилида, Қорасув канали ҳавзасида. Дастваб (1937) археолог Г.В.Григорьев қайд этган. 1968 й. Бўзсув археологик отряди стратиграфик текшириш ўтказган. Майд. – 5,5 гектар бўлиб, шим.дан жан.га чўзилган; шарқий томонида думалоқ шаклдаги арк (бал. 16 м) жойлашган. Аркни уч томондан қишлоқ ўраб олган. Н.нинг маданий қатлами 8 м дан зиёд.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ (1141–1209.12.3) – озарбайжон шоири ва маърифатпарвари. Фикҳ, тарих, геогр., фалсафа, мантиқ ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар бирида устод даражасига етишган. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илми нуҷум (астрономия)ни ҳам яхши билган. У етуқ математик сифатида ҳам эътироф этилган.

Н.Г.нинг 20 минг байтдан иборат шеърий девони бўлган. Шоирнинг лирик шеърлари баёз ва тўпламларда жамланган. Асосий асари «Хамса»: 1. «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси», 1173 ёки 1180)да муқаддима ва хотимадан ташқари 20 мақола бўлиб, ҳар мақолага оид 20 ҳикоя мавжуд; 2. «Хусрав ва Ширин» (1181) севги ва садоқат мавзуда; 3. «Лайли ва Мажнун» достони (1188) араб ривоятлари асосида яратилган; 4. «Ҳафт пайкар» достони (1196) Баҳром Гўр ва унинг номи б-н боғлиқ воқеаларга асосланган; 5. «Искандарнома» достони (1190–1200)да Н.Г. ўзининг одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон, идеал жамият ҳақидаги орзуларини Искандар образи ва хаёлий тасвирлар орқали ифодалаган. «Хамса» Шарқ халқлари адабиётлари ривожига катта



Низомий Ганжавий ҳайкали.

таъсир этган. 13-а.дан бошлаб бир қанча шоирлар (Амир Хусрав Дехлавий, Навоий, Жомий ва б.) «Хамса» ёзганлар.

Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Н.Г.ни шайхлар қаторида зикр этган. 14-а. ўрталарида Қутб Хоразмий «Хусрав ва Ширин» достонини туркий тилга таржима қилган. Ҳайдар Хоразмий шоирнинг «Маҳзан ул-асрор» асарига жавобан «Гулшан ул-асрор» достонини битган. Огаҳий «Ҳафт пайкар»ни насрий таржима қилган. «Низомий шеърятидан» тўплами Шоислом Шомухамедов таржимасида нашр этилган (1983). Тошкент пед. ин-тига (1947) ва олдидаги майдонга Низомий номи (1992) берилган ва унга ҳайкал ўрнатилган (қ. *Низомий майдони*).

НИЗОМИЙ МАЙДОНИ – Яккасарой туманида, Тошкент педагогика ун-ти асосий биноси қаршида. Юсуф Хос Хожиб, Братислава ҳамда Бобур кўч. ўзаро туташган ерда. 1953 й. ташкил этилиб, М.В.Фрунзе (1895–1925; Туркистонда совет режимини қурол кучи б-н ўрнатган шўро ҳарбий арбоби) номи б-н аталган. 1958 й. майдонга унинг ҳайкали ўрнатилган. 1992 й. май-

донга озарбайжон шоири *Низомий Ганжавий* (1141–1209) номи берилди. Мустақиллик йиллари майдонда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. 2004 й. 23 март куни ушбу майдонда Низомий ҳайкали (меъморлар: В.Акопжаниян, М.Ш.Мусаев ва ҳайкалтарош И.Жабборов) ўрнатилди. Ўзбек ва озарбайжон халқларининг асрий дўстлигини ифодаловчи ушбу ҳайкал очилиши маросимида Ўзбекистон ва Озарбайжон Республикаси Президентлари иштирок этди ва нутқ сўзлади. Майдон атрофида Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, Яккасарой туман ҳокимияти, Педагогика ун-тининг асосий биноси, бошбекат, савдо ва умумий овқатланиш масканлари ҳамда бошқа муассасалар бор. Яқинида Меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги, поликлиника, «Тошкентбошрежа» ин-ти, «Табассум» кафеси, савдо мажмуалари жойлашган.

НИКОҲ УЙЛАРИ, Бахт уйлари – келин-куёвлар никоҳини қайд этувчи маскан. Т.да 4 та Н.у. бор. Шаҳар адлия бошқармаси тасарруфида. Т.да биринчи никоҳ уйи 1964 й. ҳоз. Яккасарой тумани (Бобур кўч., 21)да ишга туширилган (мазкур никоҳ уйида 158 минг 209 та никоҳ тузилгани ҳақида далолатнома ёзувлари қайд этилган; 2008 й. 1-ярми). 1975 й. Шайхонтоҳур туманида «Шодлик» никоҳ уйи очилган («Пахтакор» стадиони ёнидаги Ёшлар уйида жойлашган). 1997 й. ушбу никоҳ уйи Юнусобод туманидаги Теннис корти спорт иншооти биноси (Ифтихор кўч., 1-уй)га кўчиб ўтган («Шодлик»да 129 минг 794 та никоҳ тузилгани ҳақида далолатнома ёзуви қайд этилган; 2008 й. 1-ярми).



Юнусобод туманидаги «Шодлик» никоҳ уйи.

1981 й. «Бахт уйи» номи б-н никоҳ уйи иш бошлаган. 1993 й. 1 окт.дан Чилонзор туманида ушбу никоҳ уйи «Наврўз» савдо саноат и.ч. мажмуаси (ҳоз. «Пойтахт Наврўз таом савдо») биноси (Фурқат кўч., 1)га кўчиб, «Наврўз» номи б-н фаолият юритиб келади. Бу никоҳ уйида Тошкент ш. ёшларигина эмас, шу б-н бирга республиканинг турли вилоятларидан, МДХ давлатларидан, бошқа хорижий мамлакатлардан келган фуқароларнинг никоҳлари ҳам қайд этилади. Кўкча даҳасидаги «Исломобод» маҳалла гузари биносида «Никоҳ ва оилавий маросимлар маркази» ишга тушди. 1998 й.дан мазкур марказ «ЖАР» спорт-соғломлаштириш мажмуаси (Беруний кўч., 3)га кўчиб, «Оила маросимлари маркази» номи б-н фаолият кўрсата бошлади. Марказда 25 мингдан ортиқ жуфтликка никоҳ тузилганлиги ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилган (2008 й. 1-ярми).

Юқоридаги махсус Н.у.дан ташқари шаҳарнинг барча *Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари*да ҳам никоҳ қайд этилади.

«НИЛУФАР» МАҲАЛЛАСИ (Сергели-2, 44-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. «Иттифоқ», «Темирийўлчи» ва «Наврўз» маҳаллалари б-н чегарадош. «Ит-

тифоқ» маҳалласининг иккига бўлиниши муносабати б-н 1999 й.да ташкил этилган. Аҳолиси 6800 киши (1527 оила)дан иборат. Миллий таркиби асосан, ўзбеклар, шунингдек 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада 2 та кўча, болалар боғчаси, коллеж, 3 та мактаб, дорихона, озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«НИШАБАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Ҳамкор кўч., 8) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Боғичинор», «Қорёғди», «Хондамир», «Шарқ юлдузи», «Кўкча Оқтепа», «Дегрез», «Шофайзибоғ» маҳаллалари б-н чегарадош. Ўтмишда Кайковус каналидан чиқарилган «Нишаб қулоқ» тармоғи орқали адирликлардан иборат бўлган ушбу ҳудуд обод қилиниб, боғ ва экинзорлар, яқка хўжалик қўрғонлари бунёд этилган. 19-а. охири – 20-а. бошларида мавзе, сўнгра шўролар даврида маҳалла «Нишаб қулоқ» деб аталган. 1966–93 й.ларда «Иқтисод», 1993–2005 й.ларда Абдулхай Тожиев, 2005 й.дан «Нишабарик» номи б-н аталади. Аҳолиси 4620 киши, асосан ўзбеклар, қисман бошқа миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, озиқ-овқат дўкони, новвойхона, 2 кафе, маиший хизмат кўрсатиш растаси, ошхона, 2 чойхона, жоме масжиди, деҳқон бозори, 3 масъулияти чекланган ташкилот жойлашган.

«НИҲОЛ» (Форобий кўч., 383) – республика Онкология илмий маркази қошидаги тажриба з-ди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарамоғида. 1987 й. 19 окт.да ташкил топган. 100 дан ортиқ номдаги дори-дармонлар ва диагностика воситалари ишлаб чиқаради. Булар: инфузион суюқликлар (гемодез, глюкоза, тузли эритмалар ва б.), қон препаратлари, озуқавий қўшимчалар, диагностикаумлар, клиника-биокимёвий тўпламлар, лаб.лар учун синтетик бўёқлардир.

«Н.» тажриба з-ди ОИТС профилактикаси ва унга қарши кураш бўйича Давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этади. 1991 й. корхонада Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган ОИТСга қарши ишлатиладиган диагностика системалар тайёрловчи и.ч. бўлими ташкил этилди. Натижада жаҳон андозаларига мувофиқ келувчи «Пептоскрин-2» тест-системаси ишлаб чиқарила бошлади. Шунингдек, корхона жигар раки, ёмон шишлар диагностикаси ҳамда ҳомиладор аёллар скринингида қўлланадиган даволаш воситаларини ҳам тайёрлайди. «Н.»да юқори малакали мутахассислар, жумладан, 3 фан д-ри, 10 фан номзоди фаолият юритади.

«НИҲОЛ» МАҲАЛЛАСИ (Пўлат Ҳофиз кўч.) – С.Раҳимов туманидаги маҳалла. «Бешқўрғон», «Ғалаба», «Мойарик» маҳаллалари б-н чегарадош. 2004 й. Мойқўрғон маҳалласи «Ғалаба» маҳалласидан ажралиб чиққанлиги, ёш маҳалла бўлгани сабабли «Ниҳол» деб ном олган. Аҳолиси 2855 киши, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида Банк коллежи, АЁҚШ бор. **«НОБЕЛ ФАРМСАНОАТ»** (Тарас Шевченко кўч., 23) – «Ўз-

фармсаноат» давлат акциядорлик компаниясига қарашли дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи корхона. 2001 й. ташкил этилди ва «Нобел дори-дармон» чет эл корхонаси сифатида иш бошлади. Шу йил 21 авг.дан «Нобел Фармсаноат» қўшма корхонасига айлантирилди. 2004 й. 17 майдан чет эл корхонаси сифатида фаолият юритади. Йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми – 7400 млн. сўм. Дори-дармонлари хорижга ҳам чиқарилади.

«НОВАТОР», NOVATOR саноат корхоналари гуруҳи (Жан. саноат зонаси) – автомобиль ва трактор двигателлари учун гильза-поршен-ҳалқа деталлари гуруҳини ишлаб чиқарадиган корхона. 1988 й. ташкил этилган. МЧЖ шаклида фаолият юритади: «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясига қарайди. Ўзбекистон қ.х. трактор двигателларини деталлар б-н таъминлашдан ташқари эмаль симлар ҳам тайёрланади. Корхонанинг йиллик и.ч. ҳажми 400 минг комплект автотрактор техникаси деталлари ва 200 т ПЭТВ маркали турли кесимдаги симларга тенг (2007). Маҳсулотлари Россия, Украина, Белоруссия, Литва, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Молдова, Тожикистонга экспорт қилинади. Москва, Каунас, Олмаота, Минск ш.ларида савдо уйлари бор. ISO:9001 халқаро стандарти бўйича сифат менежменти тизими жорий этилган. Корхонага халқаро TUV сертификати берилган.

«НОВЗА» МАҲАЛЛАСИ (Заҳарик кўч., 5) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Олим Хўжаев, «Самарқанд Дарвоза», «Чўпонота» ҳамда Чилонзор туманидаги «Чарх Камолон» маҳаллалари б-н чегарадош. Ма-

ҳалла ҳудудида 1936 й. Чўпонота маҳалласи ташкил топган. Кейинчалик у 3 қисмга (Чўпонота, О.Хўжаев, «Новза») бўлинган. Маҳалла ҳудудидан катта нов ариғи ўтгани боис шундай аталган, «Оқтепа Новза» маҳалласи деб ҳам аталади. Аҳолиси 7526 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, 3 кичик хусусий корхона мавжуд.

«НОВЗА» МАҲАЛЛАСИ (Муқимий кўч., 2) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Чилонзор», «3-Катта Чилонзор», «1-Чарх Камолон», «2-Чарх Камолон», «Ҳамза» маҳаллалари б-н чегарадош. 19-а. охирида Бўзсув канали ирмоғига тўғон қурилиб, баландликдаги бўш ётган ерларда боғроғлар яратилиб, экинзор дала-ларга нов орқали сув чиқарилган. Шу муносабат б-н ушбу новза яқин-атрофдаги ерлар ва маҳалла «Новза» деб аталган. Аҳолиси 6312 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 3 болалар боғчаси, касб-ҳунар коллежи, чойхона, 5 озиқ-овқат дўкони, 3 дорихона, 6 кафе, истироҳат боғи, 3 хусусий даволаниш м-зи, банк, 3 та нотариус, сартарошхоналар, кутубхона мавжуд.

«НОВОФАРМ ПЛЮС» (Бодомзор йўли кўч., 37) – Ўзбекистон-Буюк Британия қўшма корхонаси. «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимида. 2002 й. июлда ташкил этилди. 2004 й. дек.дан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхонада ампулалари энг зарур укол дори воситалари ва тиббиётда кенг қўлланидиган шишачалардаги кукунсимон антибиотиклар (жами 16 хил) тайёрланади. Йиллик и.ч. ҳажми 46 млн. ампула

ва 23 млн. шишача антибиотик (2008). Маҳсулотлари МДХ мамлакатларига экспорт қилинади.

НОДИРА (тахаллуси; исми Моҳларойим) (1792–1842) – шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. Н.нинг турмуш йўлдоши Марғилон ҳокими Амир Умархон ҳам Амирий тахаллусида ижод қилган. 1822 й.да Умархон вафот этиб, унинг ўғли, 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилган. Лекин давлатни, асосан, Н.нинг ўзи идора қилган. Н. бир неча китобларни кўчиртирган ва шоирларни янги-янги асарлар ёзишга ташвиқ қилган.

Н. бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Бухоро амири Насрулло 1842 й.да Қўқонга бостириб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Н.ни қатл эттирган.

Н.нинг адабий мероси ўз гоёвий-бадий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеърятнинг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган ўзбекча девони Т.даги Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв. №4132). Девонга Н.нинг 109 (ёки 1704 мисра) ғазали киритилган. Мазкур фондда, шунингдек, Н.нинг «Макнуна» тахаллуси б-н ёзилган, 333 ғазалдан иборат бир девони мавжуд (инв. №7766).

Н. мумтоз адабиёт анъаналарини давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Ғазалларида кўпроқ «мукаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «қўш мукаррар» усулларидан фойдаланган. Асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ

каби бадиий воситалар маҳорат б-н қўлланган.

Н. ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик давридаёқ бошланган. Машхур шоира Дилшод (1800–1905) Н.га махсус ғазаллар бағишлаган. Ҳ.Раззоқовнинг «Нодира», Туроб Тўланинг «Нодирабегим» мусиқали драмалари саҳналаштирилган. Комил Ёрматов ва М.Мелькумов сценарийси асосида «Нодирабегим» фильми яратилган. Ғазаллари ўзбек мақомлари ва халқ куйларига солинган. Т. кўчаларидан бири Н. номи б-н юритилади. Ҳамза туманида Нодира маҳалласи, Мирзо Улуғбек, Юнусобод туманларида Нодирабегим маҳаллалари бор.

НОДИРА МАҲАЛЛАСИ (Илтифот кўч., 73) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Гулистон», «Донишманд», Собир Раҳимов, Алишер Навоий маҳаллалари б-н чегарадош. 1968 й.да ташкил топган. Ўзбек мумтоз шоираси *Нодира* номи б-н аталган. Аҳолиси 2500 киши, асосан, ўзбеклар (80%), қолгани бошқа миллат вакиллари. Маҳалла ҳудудида 3 спорт майдончаси, кутубхона, саргарошхона, нон з-ди, «Ал-Авлод» мажмуаси, мебель и.ч. цехи мавжуд.

НОДИРАБЕГИМ МАҲАЛЛАСИ (Шўртепа кўч., 159) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Яланғоч», «Баҳор», Ш.Бурҳонов, «Шўртепа» маҳаллалари б-н чегарадош. Ҳозирги Нодирабегим маҳалласи ҳудуди 1987 й.гача иккита маҳалла (Нодирабегим ва «Иттифоқ»)дан иборат бўлган. 1987 й.дан улар бирлашиб, Нодирабегим маҳалласи бўлиб ташкил топган. Аҳолиси – 2060 киши (2009). Маҳалла ҳудудида ўзбек, рус, қозоқ, арман, корейс, осетин каби миллат вакиллари яшайди.

НОДИРАБЕГИМ МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 19-даҳа) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Увайсий, «Чоштепа», Бободехқон маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. «Чоштепа» маҳалласи 3 қисмга (Увайсий, Нодирабегим ва Чоштепа) бўлиниши натижасида ташкил топган. Аҳолиси 5757 киши, кўп миллатли (2009). **НОЗИМАХОНИМ** Мулла Саид Аҳмад қизи (1870–1924) – шоира. Ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи журналист-публицист. Т.да туғилган. Дастлаб эски мактабда, сўнг маҳаллий хотинқизлар учун очилган русча мактабда ўқиган. Араб, форс, татар, рус тилларини ўрганган. Оренбург ва Қозонда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган. Европа адабиёти ва маданияти б-н таниш, эрқпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек мумтоз адабиёти, айниқса, Саъдий, Ҳофиз асарларини ўқиган.

Шеър ва мақолалари 1900 й.дан матбуотда босилган. 20 ёшларида шоира «бешёғочлик Нозимахоним» номи б-н машхур бўлган. Тараққиёт, маърифат ва маданиятни ташвиқ этувчи шеър ва манзумалари, жаҳолат, бидъат-хурофотни фош этувчи асарлари, замонасидаги ижтимоий тенгсизлик ва авж олган миллий истибоддан кескин норозилик баён қилган ўткир ҳажвий шеърлари «Шухрат», «Садойи Туркистон», «Тараққий» каби газларда мунтазам чиқиб турган. Шоира меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан («Инсонга қанча эрк даркор?», «Илм ва

маориф борасида бир-икки сўз», «Хотинлар ҳуқуқига оид» ва б.). Т.даги кўчалардан бирига Н. номи берилган.

НОЗИМАХОНИМ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг Беруний маҳалласи ҳудудида. Уз. 1 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1960 й. 24 фев.дан шоира *Нозимахоним* номи б-н юритилади. Йўналишида Марказий тиббиёт давлат архиви, маҳалла гузари, 249-мактаб, 277-боғча, шахсий уй-жойлар ва савдо шохобчалари жойлашган. Таркибида 7 та тор кўча бор. Қамарнисо ва Вали Жумаев тор кўчалари б-н туташган. Яқинида Шифокорлар шахарчаси, Политехника, Тиббиёт касб-хунар коллежлари, Тупроқшунослик ва агрокимё ин-ти, талабалар турар жойи, «Қамарнисо» тўйхонаси жойлашган.

НОРАЗТЕПА КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг «Гулзор» ва «Пахта» маҳаллалари ҳудудида. Қорасарой ва Келес йўли кўчалари оралиғида. 2008 й. 6 майда жойнинг тарихий номи сифатида Норазтепа номи берилган. Йўналишида, асосан, шахсий турар жой бинолари, Республика дори-дармон захираларини сақлаш омбори, 9-шина ремонт з-ди, 10-автомобилларни таъмирлаш з-ди, дорихона, бозорча, кичик корхоналар, савдо шохобчалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари бор. Таркибида 2 та тор ва 3 та берк кўча бор.

НОРБЕКОВ Комилбек (1880–1943) – ўзбек маърифатпарвари. Т.нинг маърифатли бойларидан Муҳаммадаминбекнинг ўғли. Укаси Каримбек (1882–1970) б-н бирга чарм и.ч.ни йўлга қўйган. Австрия ва Германия фирмалари б-н тери-чарм савдо алоқасини ўрнатган. *Мунавварқори*,

А.Авлоний, У.Хўжаев (*Асадулла-хўжев*), Н.Хўжаев, Орифхўжабойлар б-н бирга «Имдодия» («Хайрия») жамияти (1909), «Турон» жамияти ва шу номли труппани ташкил этган (1914). 1909–11 й.ларда 35 ўқувчига мўлжалланган усули жаҳид мактабини қуриб берган ва ўқувчиларни иқтисодий таъминлаган. 1919–24 й.ларда «Миллий иттиҳод» ташкилоти аъзоси. 1930 ва 1935 й.ларда қатагон қилинган. 1989 й.да оқланган.

НОРИН – Т.да кенг тарқалган миллий таом. Тайёрлаш усули: от ёки мол гўшти (баъзан, қази) қозондаги совуқ сувга солиб, кейин милтиратиб (янги мол ёки от гўшти 1–1,5 соат, сур от гўшти 2 соат) қайнатилади. Сўнгра совитилиб сомонча шаклида майда тўғралади. Ошхамир юпқа 0,8–1 мм қилиб ёйилиб 10х10 см, 10х5 см ли шапалоқлар кесилади. Хамир гўшт шўрвасида пишириб олинад ва бир оз совитилгач, ҳар бир шапалоқ бетига доғланган пахта ёғи (ёки қази ёғи) суртилиб, лаганларга устмауст тахланади. Сўнг шапалоқ хамир пилта қилиб (3,5–4 см) кесилиб, майда қилиб тўғралади. Тўғралган гўшт хамир б-н аралаштирилади. Бундай Н. қуруқ Н. деб аталиб, тақсимчаларга солиб, юзига зирапиёз ва 1–2 паррак қази қўйиб, яхна таом сифатида дастурхонга тортилади. Н. хамир пиширишдан аввал олиб қўйилган гўшт шўрваси ҳамда пиёз қўшиб ҳам истеъмол қилинади (хўл Н.). бундай Н. косаларда дастурхонга тортилади. Н. энг қадимий таомлардан ҳисобланади. Бугунги кунда Н. Тошкентда кўпинча меҳмонлар учун байрам ва тўй дастурхонига биринчи (хўл Н.) ва иккинчи (қуруқ Н.) таом сифатида тортилади.

НОРМУҲАММАД ҚУШБЕГИ – Қўқон хонлигининг Т.даги ноиб (1847–1852, 1863–64), қипчоқлардан. Қурама ҳокими (1846–47). Хонликдаги юқори мансабларни олган: додхоҳ (1844), кушбеги (1850). Т. зодагонлари ва понсодлари кўмагида хон ноиб Азиз парвоначини Т.дан қувиб юборган, кўзғолонни бостирган. Қўқон хонлиги мингбошиси Мусулмонқул Т.ни қамал қилган. Н.қ. қўшини шаҳар ташқарисига чиқиб жанг қилиб зафар қучган. Мусулмонқул Кетмонтепага қочган. Т. қўшини Қўқонга юриш қилиб, қипчоқлар қирғинини уюштирган (1852). Қирғин пайтида Н.қ. ва унинг 500 кишилиқ яқин кишиларини хавфсиз жойда сақлашган.

Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида 1852 йилги Тошкент кўзғолони, Н.қ. ҳақида қизиқарли тарихий маълумотлар бор.

НОРХЎЖАЕВ Файзулла Хўжаевич (1911.25.11–1983.25.5) – генерал-лейтенант (1972). 1927 й.дан армия сафида. 1930 й.дан Т.да. Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий билим юртини (1931), Бош штаб ҳарбий академиясини (1959) тамомлаган. Хасан кўли ва Халхин-Гол дарёси бўйидаги жангларда иштирок этган (1938–39). 2-жаҳон уруши йиллари Жануби-Ғарбий, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Урушдан кейин қуролли кучларда турли лавозимларда ишлаган. 1973 й.дан истеъфода.

Н. 1974–82-й.ларда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти респ. бошқаруви Президиуми раисининг биринчи ўринбосари, уруш ветеранлари к-ти Т. секцияси раиси (1982 й.дан). «50 йил жанговар сафда» асари (1982) му-

аллифи. Чигатоӣ қабристонига дафн этилган.

НОСИРОВ Абдулла (1899.6.12–1987) – библиограф, хаттот, манбашунос олим. Т.да туғилган. Дастлаб Кўкалдош мадрасасида мударрис, кейинчалик хаттот ва шоир бўлган бобоси Сирожиддин Маҳдум *Сидқий Хондайлиқий* қўлида таҳсил кўрган. 1922–40-й.ларда Т. шаҳар ва р-н кутубхоналарида, 1940 й.дан ҳоз. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг шарқ қўлғезмалари бўлимида ишлаган. 1943 й.дан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти илмий ходими.

Н. Шарқшунослик ин-тидаги қўлғезма ва босма китоблар бўйича Ўрта Осиё олимлари, шоирлари ҳамда ўлка ва шаҳарлар ҳақида библиографик маълумотлар тўплаган, уларга кўрсаткичлар тузиб, мавзуга кўра, соҳаларга тақсимлаб чиққан. Ўрта Осиё халқлари маданияти, тарихи ва б.га оид бир қанча илмий рисоалар муаллифи. Хусусан А.Ирисов ва Қ.Муниров б-н ҳамкорликда «Тошкент тарихида баъзи сиймолар» рисоласини ёзган. Т.лик машҳур олимлар, шоирлар, адиблар дин арбоблари бўйича материаллар тўплаган.

НОСИРОВА Ҳалима (1913.7.12–2003.3.1) – опера хонандаси, ўзбек хонандалик санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистон халқ артисти (1937). 1923 й.дан Т.да. Боку театр-техникуми (1924–27), Москва ўзбек опера студияси (1934–37)да таълим олган. Тошкент консерваториясини тугатган (1977; 1977–82 й.ларда Шарқ мусиқаси кафедрасида педагог).

Фаолиятини актриса сифатида 1927 й.дан Ўзбек давлат намуна сайёр труппасида бошлаган.

1929–39 й.ларда Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939–86 й.ларда Навоий театри етакчи яккахон хонандаси. Ноёб, ўзига хос ширали ва кенг диапазонли овоз, сахнавий истеъдодга эга бўлган Н. «Ҳалима» (Ф.Зафарий), «Аршин мол олон» (У.Ҳожибеков), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Т.Содиқов мусиқаси), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; В.Успенский), «Гулсара» (К.Яшин ва М.Муҳамедов; Р.Глиэр) каби мусиқали спектаклларда бош ролларни ижро этиб шуҳрат қозонган.

Н.нинг мусиқали драма театри сахнасида эришган муваффақиятлари ўзбек опера ижрочилигининг юзага келишига туртки бўлди. 1938 й. Ўзбек давлат мусиқали театрида сахналаштирилган Е.Брусилковскийнинг «Эр Таргин» операсидаги Оқжунус образи Н.нинг биринчи опера партияси эди. Н. илк ўзбек опералари – «Бўрон» (Г.Василенко ва М.Ашрафий, 1939)да Норгул, «Лайли ва Мажнун» (Т.Содиқов ва Р.Глиэр, 1940)да Лайли каби бош ролларни ижро этган. Кейинчалик у «Улугбек» (А.Козловский, 1942) операсида Син Дун Фан, «Кармен» (Ж.Бизе, 1944, ўзбек тилида)да Кармен, «Тоҳир ва Зухра» (Т.Жалилов ва В.Бровцин, 1949)да Зухра, «Гулсара» (Р.Глиэр ва Т.Содиқов, 1949)да Гулсара, «Майсаранингиши» (С.Юдаков)да Майсара каби образлар яратди.

Н.нинг Зайнаб (Т.Содиқов, Ю.Ражабий, Д.Зокиров ва Б.Зейдман, «Зайнаб ва Омон»), Саодат (С.Бобоев, «Ҳамза»), Баҳор (М.Юсупов, «Хоразм қўшиғи»), Хадича хола (Я.Сабзанов, «Қайтиш») образлари фаолиятининг сўнгги йиллари маҳсулидир.

Н.нинг концерт репертуаридан ўзбек мумтоз мусиқа меро-

си намуналари катта ўрин олган: «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Самарқанд ушшоғи», «Чапандози Наво» каби мақом йўллари, «Чаман ичра» ва б. «Мен ўзбек қизиман», «Меҳнат аҳли» (Ф.Борухова б-н биргалликда катта ашула йўлида) ва б. замонавий ашулаларни, «Ўзбек қизи овози» (М.Левиев), «Хуш келибсиз» (Сайфи Жалил) сингари композиторларнинг қўшиқларини кўтаринки руҳда тараннум этган. Давлат мукофоти (1940, 1951), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971), «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н мукофотланган. Чигатоё қабристонидида дафн этилган. Т.даги кўч.лардан бири унинг номи б-н аталади.

НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР – юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш вазифаси топширилган ва қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажарувчи ташкилотлар. Н.и. юридик фактларни белгилайдиган ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи суд муассасаларидан фарқли ўлароқ, фуқаролар б-н бевосита учрашиш йўли б-н ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳужжатларга асосан низосиз ҳуқуқларни ва юридик фактларни тасдиқлайди. Фаолият соҳалари ва берилган ваколатларига кўра, Н.и. давлат ва хусусий турларга бўлинади. Давлат Н.и. битимларни ва васиятномаларни тасдиқлайди, эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради, мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради, мерос, мол-мулкнинг қўриқланишига доир

чора-тадбирлар кўради, ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини, ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди, кўчмас мулк очиқ савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради, фуқаронинг тирик эканлиги, муайян жойда эканлиги фактларини, фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди, пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга ва ҳужжатларни сақлашга қабул қилиб олади ва б. нотариал ҳаракатларни амалга оширади. Хусусий Н.и. мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни қўриқлаш чора-тадбирларини кўриш б-н боғлиқ нотариал ҳаракатлардан ташқари бошқа барча нотариал ҳаракатларни амалга оширади.

Т.да биринчи нотариал идора 1925 й. янв.да ташкил этилган (1921–24 й.ларда губерния ва уезд адлия бўлимлари ҳузурда нотариал столлар бўлган). Н.и.нинг ташкил этилиш принциплари ва фаолияти Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни (1996 й. 26 дек.)да белгилаб берилган. Давлат Н.и.ини очиш ва тугатиш, хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар лавозимини таъсис этиш Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Тошкентда 45 та давлат, 42 та хусусий Н.и. бор (2008).

НОШИРЛИК – Т. худудида босмаҳона пайдо бўлгунга қадар китоб тайёрлашда котиб, хаттотлар меҳнати муҳим ўрин тутган. Бу борада Т.да *Абдулвадуд* ко-



Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» ва «Маҳбуб ул-қулуб» асарларига битилган қўлёзма китоб. 18-асрда кўчирилган. Ўзбекистон миллий кутубхонасида сақланади.

тиб (15–16-а.), *Абдулҳақ котиб* (1808–1886), *Муҳаммад Юнус котиб* (19-а.), *Абдулманноп котиб* (1880–1945), *Муҳаммад Шоҳмурод котиб* (1850–1922), *Сидқий Хондайлиқий* (1884–1934) ва б.нинг фаолиятлари диққатга сазовор. Улар Т.да китобат санъатини – қўлёзма китобларни яратиш, кўчириш ва зийнатлаш ишларини ривожлантирдилар. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар хазинасида, шунингдек, Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси кутубхонасида бошқа ноёб қўлёзма китоблар қатори тошкентлик котиблар тайёрлаган китоблар ҳам сақланади. Бутун Туркистонда бўлгани каби Т.да ҳам хаттотлик йўли б-н китоб тайёрлаш узоқ вақт давом этди, ҳатто китоб босиш кашф қилингандан кейин ҳам, дастлабки вақтларда Т.да китоблар қўлёзма йўли б-н кўпайтирилди эди. Ҳоз. Ўзбекис-

тон миллий кутубхонасида бир гуруҳ хаттотлар 2-жаҳон урушига қадар қўлёзма китоблар нусхасини кўпайтириш б-н шуғулланганлар. 1943 й.да Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти ташкил топгач, кутубхонадаги малакали хаттотлар (Ибодулло Одилов, Абдуқодир Муродов, Абдулла Носиров, Усмон Каримов ва б.) ин-тга ўтишди, улар ноёб қўлёзмаларни тиклаш, кўчириш, тавсиф варақаларни тузиш ишларини олиб бордилар. 20-а.нинг 80-й.ларига келиб, айниқса, Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг санъат намунаси сифатида китобат санъати қайта тиклана бошлади. Бунда Ҳабибулла Солих, Абдулла Мирсоатов, Салимжон Бадалбоев, Тўхтамурод Зуфаров, Алишер Шомухаммедов ва б.нинг хизмати катта.

Т.да китоб босишнинг юзага келиши. Т.да босма усул б-н китоб чиқариш 19-а.нинг 2-ярмидан, Туркистон ўлкасини чор Россияси истило этганидан кейин тарқалди. Т.да дастлабки босмахона 1868 й. Туркистон ҳарбий округ штаби ҳузурида ташкил этилган, унда рус тилида биринчи босма китоб – Ўрта Осиё фаунаси, географияси ва геологиясини тадқиқ қилган рус олими Н.А.Северцовнинг асари нашр этилган. Шундан кейин Т. Ўрта Осиёда китоб босишнинг м-зига айланди. 1871 й. ўзбек тилидаги биринчи босма китоб (асосан, савдо-сотик б-н шуғулланувчиларга мўлжалланган) – Ш. Иброҳимовнинг «Календарь» китоби араб алифбосида нашр этилди. Шу даврларда хусусий босмахоналар ҳам пайдо бўла бошлади: В.Ф.Пастухов босмахонаси (1876, 1878 й.дан «Лахтин ва Пастухов» фирмаси, 1880 й.дан С.И.Лахтин типолитографияси),

И.Хусанбоев (1883), О.А.Порцев (1888), Ф.Ҳ.Орифжонов (1889), М.Бекмухамедов (1908), И.Иноғомжонов (1914) типолитографиялари ва б. Уларда ўзбек ва рус тилларида бадий ва ўқув ад.лари босилган. 1882 й. Т.да Сўфи Оллоёвнинг «Сабот ул-ожизин» асари, 1883 й. Навоийнинг «Девон»и ва Машрабнинг шеърлари, 1892 й. Бедилнинг «Танланган асарлар»и, Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си, кейинчалик Гулҳаний, Муқимий, Фурқат асарлари, Абдулла Авлоний, С.Саидазизов дарсликлари ва б. нашр этилди. 20-й.нинг 10-й.ларида Т.да китоб нашр эттириш ва омма ўртасида тарқатиш ишлари б-н шуғулланувчи ширкатлар ва ш.к. пайдо бўлди. «Маданият», «Мактаб», «Туркистон кутубхонаси» ширкатлари шулар жумласидандир. Бу ширкатларга Т.нинг бадавлат ва маърифатпарвар кишилари, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндалари, шунингдек, илғор кайфиятдаги рус ва татар зиёлилари уюшган эди. Октябрь тўнтаришидан олдинги йилларда Т.да бир йилда ўртача тиражи 10 минг нусхадан иборат 10 номда китоблар нашр этилди; 13 босмахона ва литография ишлади.

Нашриётлар. Октябрь тўнтаришидан сўнг барча босмахоналар мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди.

1920 й. мартда Тошкент ш.да Туркистон давлат нашриёти (Туркдавнашр) таъсис этилди. Бу Ўрта Осиёда илк китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди.

Фуқаролар уруши тамом бўлиб, ҳарбий интервенция ту-



Календарь. Ўзбек тилида босилган биринчи китоб.

гатилгандан кейин барча нашр ишлари янги иқтисодий сиёсатга мувофиқ қайта қурилди.

1923 й.дан Туркдавнашр Ўрта Осиё давлат нашриёти деб атала бошланди. Т.да нашриёт ишини йўлга қўйиш ва таржимачликка Абдулла Авлоний, Абдурахмон Сайёх Содиков, Мунавварқори Абдурашидхонов, Қосим Сорокин ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишидан сўнг (1925) Ўрта Осиё давлат нашриёти негизда Ўзбекистон давлат нашриёти – Ўздавнашр ташкил топди.

30-й.лар нашриётлар маҳсулотининг ғоявий-сиёсий йўналишида партиявий ҳукмронлик мустаҳкамланди. 30-й.ларнинг 2-ярмида тегишли халқ комиссарлари ва ташкилотларининг ихтисослашган тармоқ нашриётлари барпо этилди.

2-жаҳон уруши йилларида нашриётлар фронт ва мамлакат ичкарасидаги эҳтиёжга мувофиқ қайта қурилди. Т.даги 8 мустақил нашриёт Ўздавнашрга бирлаштирилиб, матбаа корхоналари ҳам унинг ихтиёрига берилди. Айрим муассасаларга қарашли нашриётлар ёпилди. Китоб нашри кескин қисқарди.

Урушдан кейинги йиллар ихтисослашган нашриётларни тиклашга ҳаракат қилинди. 1950 й. «Ўзўқувпеддавнашр» (кейинчалик «Ўқитувчи» нашриёти) тикланди; 1957 й. Адабиёт ва санъат нашриёти (кейинчалик Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти), 1959 й. «Медицина» нашриёти (кейинчалик Ибн Сино номидаги нашриёт) ва



Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги биноси.

б. нашриётлар очилди. Нашриётлар маҳсулотлари коммунистик мафкурага хизмат қилишга қаратилди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нусхада марксизм-ленинизм асарлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар нашр этилди. Айни вақтда Алишер Навоийнинг 15 жилдли асарлари, Ҳамза, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Комил Яшин, Миртемир ва б. ёзувчиларнинг сайланма асарлари, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари чиқарилди. 1968 й. Ўзбек Совет Энциклопедиясини нашр этиш мақсадида Ўзбек Совет Энциклопедияси (ЎзСЭ) Бош редакцияси ташкил этилди. Ушбу Бош редакция томонидан 1971–80 й.ларда 14 жилдли Ўзбек Совет Энциклопедияси нашр этилди. 1991 й.дан ЎзСЭ Бош редакцияси Қомуслар бош таҳририяти деб аталиб, қомусий ва маълумотнома адабиётлар, луғатлар

нашр этадиган марказга айланиб қолди.

Лекин советлар тузуми даврида Ўзбекистондаги нашриётларнинг моддий-техника базаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада эди. Шу сабабли босилган китобларнинг матбаа ижроси сифатсиз эди. Нашр этиладиган китобларнинг нафақат ижтимоий-ғоявий йўналиши, балки умуман нашриётларнинг йиллик режалари собиқ Марказдан қатъий назорат қилинарди. Ижтимоий фанлар бўйича маҳаллий муаллифлар дарсликлар ёзишларига имкон қадар йўл берилмасди (Марказда нашр этилган дарсликлар, асосан, таржима қилинарди).

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг ноширликда кескин ўзгариш бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Ноширлик фаолияти тўғрисида» қонуни (1996 й. 30 авг.) ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қонун асосида ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан ноширлик йўналишини, мавзуларни, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллиф танлашда мустақил фаолият юритадиган бўлди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтганидан ва лицензия олганидан кейин ноширлик фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлди. Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказиш бекор қилинди. Нашриётлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидоргир китоблар нашр этишга ҳаракат

қила бошладилар. Китоб маҳсулотлари мазмун-мундарижасини белгилашда уларга тўла эркинлик берилди. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати б-н ўзбек тилидаги китоблар салмоғи ошди. Амир Темур мавзуи, буюк мутафаккирлар, диний, миллий қадриятлар б-н боғлиқ кўплаб китоблар чиқарилди. Жумладан Т.даги нашриётларда 33 жилдди «Хотира» китоби чоп этилди. «Ўзбекистон» нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг кўп жилдди асарлари нашр қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 й. 20 мартдаги «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти тузилиб, унинг зиммасига 12 жилдди универсал «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»ни нашр этиш топширилди ва бунинг учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Нашриёт 2000–2006 й.лар мобайнида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг умумалифбо тартибидаги 1–11-жилдларини, Ўзбекистон Республикасига бағишланган 12-жилдини нашр этди. 2006–08 й.ларда 5 жилдди «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 й. 3 июлдаги «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони баиноан Ўзбекистондаги ноширлик ишига раҳбарлик қилиб келган Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Агентлик зиммасига, бошқа вазифалар қатори, ноширлик ишла-

ри ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш, амалдаги қонунчиликка риоя этиш устидан мониторингни амалга ошириш, ноширлик-матбаачилик фаолиятининг и.ч. техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификатлаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

2002 й. 10 апр.да Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат, «Ёзувчи» нашриётлари ва Рангли босма ф-ка бирлаштирилиб, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи (НМИУ) ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 11 июндаги «Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 274-қарори асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги «Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбланкнашр» нашриётлари, Тошкент матбаа к-ти бирлаштирилиб, «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи («Ўзбекистон» НМИУ)га айлантирилди; «Ўқитувчи» нашриёти ва Тошкент китоб-журнал ф-каси негизда «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа-ижодий уйи («Ўқитувчи» НМИУ); «Чўлпон» нашриёти (1986 й.дан фаолият кўрсатган), «Ижод дунёси» нашриёт уйи (2000 й.дан фаолият кўрсатган) ҳамда босмахона бирлаштирилиб, «Чўлпон» нашриёт-матбаа ижодий уйи («Чўлпон» НМИУ) ташкил этилди; «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётига Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти ва Абу Али ибн Сино

номидаги Тиббиёт нашриёти қўшилиши муносабати б-н қайта ташкил этилиб, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти деб атала бошланди.

2009 й. бошида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан рўйхатдан ўтган 89 нашриётдан 72 таси Тошкент ш.да жойлашган. Булардан 43 таси давлат, 6 таси жамоат, 33 таси хусусий, 7 таси ҳиссадорлик нашриётидир.

Нашриётчилар ва матбаачилар ўз соҳаларига замонавий ноширчилик, босма усуллар, янги техника жорий қилиб бормоқдалар. Т.да 1290 дан ортиқ матбаа корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон» НМИУ, «Ўқитувчи» НМИУ, Фафур Фулом номидаги НМИУ, «Янгийўл матбаа сервис» очиқ акциядорлик жамияти ва б. йирик корхоналар ишлаб турибди.

НУЖАКАТ, Нужкат, Унжакат – ўрта асрларга оид Чоқшаҳри (9–17-а.лар). Араб географлари (10-а.) асарларида Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари кечувида, шунингдек, Сўғддан ва Банокатдан келувчи савдо йўлида жойлашган шаҳарлар рўйхатида қайд этилган. Унинг харобалари ҳозирда Чирчиқ дарёсининг қуйилиш ерида, дарёнинг чап соҳилида, Гулқишлоғида жойлашган Ўжакент шаҳар харобаси номи б-н машхур. 1971–72 й.ларда Ю.Ф.Буряков тадқиқ этиб, уни Н. ўрнида бўлганини қайд этган. Квадрат шаклдаги шаҳар харобаси (майд. 24 гектар), тўғри тўртбурчак (55x55 м) арк, шаҳристон (230x270 м) ва жан. ҳамда ғарбдан ёндошган рабоддан иборат. Арк ички йўлаккли қўш қават

мудофаа девори б-н ўралган. Шахристон ва рабод пахса девор б-н муҳофазаланган. Топилмаларга кўра, шаҳар 9-а.да Сирдарё ва Чирчиқ дарёлари кечувида муҳим савдо маскани сифатида вужудга келган.

Шарқ манбалари Н.ни Хашарт (Сирдарё) ва Фарак (Чирчиқ)да ишловчи қайиқчилар шаҳри сифатида қайд этган. Кечув ва шаҳар 13-а. бошида мўғуллар томонидан вайрон қилинган. Аммо шаҳар атрофидаги ҳаёт 14-а.дан қайта жонланган.

15-а.да Ужакат номли қишлоқ Хожа Аҳрор мулклари таркибига кирган, сўнгра 17-а.гача Ўлжакат номи б-н, кейин Гул қишлоғи деб атаб келинмоқда.

НУКАТ – ўрта асрларда Илоқ шаҳарларидан бири (3–12-а.лар). Чоч марказидан Илоқ пойтахти Тункатга борадиган савдо йўлида жойлашган. Араб географлари асарларида Илоқнинг энг йирик шаҳарларидан бири, 12-а. географларида эса Илоқ пойтахти сифатида қайд этилган. Унинг харобалари Тўйтепа ш.нинг ғарбий чеккасида, Т.дан 25 км жан.да Улкан Тўйтепа номи б-н сақланган.

Ёдгорликни дастлаб Н.И. Веселовский (1884), сўнг М.Е. Массон (1928) текшириб, уни Н. ўрнида жойлашганини қайд этган. 1937 й. Я.Фулумов ва Т.Мирғиёсов Н. атрофида зардуштийларнинг остодонларда дафн қилинган некрополи (қабристон)да қазималар ўтказишган. 2001 й. А.Асқаров шундай ишларни амалга оширган. 2006–07 й.ларда Ю.Ф.Буряков ва Г.И.Богомолов ёдгорликни тадқиқ этишган. Шаҳар тўғри бурчак шаклда, шарқдан ғарбга чўзилган, буржли мудофаа девори б-н ўралган

шахристон майд. – 24 гектар. Шим. қисми ўртасида тарҳи тўртбурчак арк (майд. 1 га) қад кўтарган. Н.нинг умумий майд. – 200 гектар.

Шаҳарнинг шарқий чеккасида оссуарийлар чиққан некрополь қолдиқлари сақланган; жан. ва ғарб томонда мозоркўрғонлар белгилари учрайди. Ёдгорлик замонавий турар жойлар қуриш, экинзор ва қабристон туфайли қисман вайрон бўлган. Қазималар олиб борилмаган бўлсада, турли даврларга оид сопол идишларнинг бой мажмуи, қуйма муҳрлар, тангалар хазинаси, остодонлар топилган. Булар шаҳарда ҳаёт 3 босқичда ривожланганлигини кўрсатади: 1) мил. 3–4-а.ларда Н. ўрнида шаҳар типидеги қишлоқ бўлиб, атрофи воҳада ўтроқ ҳаётга ўтаётган кўчманчиларнинг мозор кўрғонлари б-н қуршалган; 2) 6–8-а.ларда майд. 24 гектар, шим. қисмида арки бўлган қудратли қалъа бунёд этилган. У Чочнинг қад. пойтахтидан Илоқ конларига борадиган савдо йўлида жойлашган; 3) шаҳар 9–10-а.ларда

равнақ топган, бунга унинг Бинкатдан Фарғонага, Сугддан Илоқ конларига борадиган савдо йўллари кесишган ерда жойлашгани сабаб бўлган. 11–12-а.ларда Н. Илоқ пойтахтига айланган. Мўғуллар истилоси (13-а. боши) туфайли хунармандчилик ва савдо таназулга юз тутган бу ҳудуд мўғулларнинг яйловига айланиши б-н Н.да ҳаёт барҳам топган. **НУКУС КЎЧАСИ** – Миробод ва Яккасарой туманларини боғлаб турувчи Т.нинг марказий кўчаларидан бири. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг Янги шаҳар қисми ўзлаштирилиши муносабати б-н ташкил топган. Истикбол, Фарғона йўли ва Абдулла Қодирий кўчалари чорраҳаси ҳамда Бобур кўчаси оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 1970 й.нинг 1-ярмида кўчанинг Яккасарой туман қисми қурилган. Маълум муддат Ново-Полторацкий номи б-н юритилган. Нукус ш.нинг 60 й.лиги муносабати б-н 1992 й. 25 дек.да кўчага Нукус номи берилган. Йўналишида Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий Кенгаши, «Асакабанк»,

Нукус кўчаси.



«Авиабанк», «Заминбанк», Россия Федерациясининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Миробод туман ҳоқимлиги, Миробод деҳқон бозори, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, 254- ва 255- АТСлар, «Бизнес технолог» фирмаси, Словения Республикасининг Т.даги консулхонаси, Рус Епархиал-православ черкови, хусусий фирмалар, сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган.

Мустақиллик йиллари Н.к.да кенг қамровли реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Кўча энига кенгайтирилиб, икки томонлама 3 қатордан автотранспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилди. Амир Темур шоҳқўчаси, Ойбек, Тарас Шевченко, Авлиёота ва Кичик Бешёғоч кўчалари б-н кесишади. Миробод ва Глинка кўчалари б-н туташган. Яқинида «Тошкент» вокзали, Тожикистон ва Исроилнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, хорижий фирма ва компания ваколатхоналари, шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси, «Тошкент» метро бекати жойлашган.

«НУР» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-1, 31^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Оқибат», «Хоразм», «Лашкарбеги», Мирзакалон Исмоилий маҳаллалари б-н чегарадош. 1983 й. ташкил қилиниб, 1993 й.гача

«Наврўз» деб аталган. 1993 й. у «Нур» маҳалласи б-н бирлашган ва Абулқосим Фирдавсий деб аталган. 2006 й. сент.дан ҳозирги номда. Аҳолиси 2191 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, миллий рассомчилик ин-ти, Успенский номидаги мусиқа коллежи, 2-оилавий поликлиника, маиший-хизмат корхоналари ва б. мавжуд.

«НУРАФШОН» МАҲАЛЛАСИ (Порлоқ кўч., 53) – Бектемир туманидаги маҳалла. Маҳалла ҳудудида «Кўйлиқота» мақбара-си жойлашган. Шу сабабли Кўйлиқота маҳалласи ҳам дейилади. Мақбара ёнида 3 та бозор (Кўйлиқ кийим-кечак, деҳқон, улгуржи) мавжуд. Маҳалла ҳудудида, шунингдек, 2 озиқ-овқат дўкони, 26-почта, халқ банки филиали, АРЗ-2 з-ди, «Дўстлик» сервис, «Арктика» турли ичимлик и.ч. корхонаси, йўл ва кўприк қуриш корхонаси, «Тюльпан», Қўйлиқ «НОН» хусусий корхоналари бор. Аҳолиси 3017 киши (537 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, қирғиз, тожик, татар, корейс, дунганлар ҳам яшайди.

«НУРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (25-мавзе, 1^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Найман»,

«Катта Қаъни», «Ватанпарвар» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ҳудуди аввал Катта Қаъни қишлоғининг бир қисми бўлган. Маҳалла яқинида жойлашган *Фозилтепа* археологик ёдгорлиги илк ўрта асрларда бу ерларда қишлоқ бўлганидан далолат беради. 2005 й.гача «Янги ҳаёт» маҳалласи дейилган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 7490 киши, асосан, ўзбеклар ва 20 дан ортиқ бошқа миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, 6 озиқ-овқат дўкони, 2 дорихона, кафе, новвойхона мавжуд.

«НУРОНИЙ» ЖАМҒАРМАСИ – нодавлат нотижорат ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 й. 4 дек.даги фармонида биноан Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Н.»ж. ташкил этилган. Жамғарма илгари фаолият кўрсатган уруш ва меҳнат фахрийлари қўмитаси негизида вужудга келган. Жамғарманинг асосий вазифаси фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамоат ташкилотлари фаолиятида, тарғибот-ташвиқот, хайрия ишларида фаол иштирок этишларига кўмаклашиш, имкониятлари доирасида ишга жалб қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва ман-

Республика «Нуроний» жамғармаси (илгариги «Националь» мехмонхонаси) биноси.



фаатларини ҳимоя қилишдан иборат қилиб белгиланган. Жамғарманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманларда бўлимлари тузилган. Жамғарма «Нуроний» газ., «Саҳоват» жур. муассисидир.

«Н.» ж.нинг Тошкент ш. бўлими (Навоий кўч., 14) 1996 й. 15 дек.дан фаолият олиб боради. Пойтахтнинг барча туманида ҳам жамғарма бўлими таъсис этилган. Тошкентда истиқомат қилаётган уруш фахрийлари 2600, меҳнат фронти фахрийлари 15000 кишини ташкил қилади (2008). Уларни ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилаш, саломатликларини тиклаш ҳақида қайғуриш «Н.» ж. Тошкент ш. бўлимининг доимий диққат марказида. Шаҳарда «Нуронийлар оромгоҳи» санаторийси фаолият кўрсатади.

«НУРОНИЙЛАР ОРОМГОҲИ» САНАТОРИЙСИ (Деҳқонобод кўч., 34) – тиббий-ижтимоий муассаса; уруш ва меҳнат фахрийлари, нафақахўрлар ва ногиронларни соғломлаштириш ва дам олиш маскани. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзгалар ёрдамига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи, нафақа олувчиларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги қарори асосида 1992 й. ташкил топган. Юрак қон-томир, асаб касалликлари б-н оғриган ёши улуғ беморларни табиий ва физиотерапевтик усуллар б-н даволашга мўлжалланган. 212 ўринли. Майд. 2,600 кв.м.

2005 й.да санаторий мақоми берилган. «Н.о.»с.да функционал диагностика (ЭКГ), стоматология, биокимё ва клиник лаб., озокерит, шифобахш ванна, циркуляр душ, ингаляторий, бадантарбия зали ва электр б-н даволаш бўлими бор. Бундан ташқари дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар ва парҳез таомлар берилади.

НЎҒОЙҚЎРҒОН МАҚБАРАСИ – қ. *Хайробод эшон мажмуаси*.

«НЎҒОЙҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Моҳидил кўч., 14) – Сергели туманидаги маҳалла. Зангиота туманининг «Бобур» маҳалласи ва Сергели туманининг «Навоий» маҳалласи б-н чегарадош. 1800 й.да ташкил топган. Тарихчи Х.Бўриеванинг ёзишича, «Нўғойқўрғон» этнопоними 19-а.да бу ерга нўғойларнинг келиб жойлашиши б-н боғлиқ. Аҳолиси 600 кишидан ортик; 16 миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада мактаб, дорихона, кафе, новвойхона, касалхона, саноат корхоналари, масжид ва қабристон бор.

«НЎҒОЙҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор, 16-мавзе, 28) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Ботирма», «Наққошлик» ва «Навбаҳор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Кексаларнинг сўзига кўра, ўтмишда кимсасиз, яланг ер бўлган ушбу ҳудудга нўғой савдогари келиб кўним топган, кейинчалик қариндош-уруғларини тўплаб шу ерларни обод қилган,

шаҳар атрофидаги зовурлардан ариқ тортириб, сув чиқарган, кўрғон қурган. А.Муҳаммадкаримовнинг ёзишича («Тошкентнома», Т., 2004, 34-б.), вақф ҳужжатларида 1636 й. (ҳижрий 1045) бу ердан фойдаланиш учун марҳум Абдулқаюм Хайр-обод эшон ўз ўғлига васият қилганлиги ҳақида қисқача маълумот бор. Ривоятларга кўра, татар миллатига мансуб Хайр-обод эшон шу ердан кўним топиб, бу ерларни обод қилиб, кўрғон қурдирган. Бу жойнинг «Нўғойқўрғон» деб аталиши шундан (яна қ. *Хайр-обод эшон мажмуаси*). Шўролар даврида жамоа хўжалиги ташкил қилинган. 1993 й. шу ҳудудда ташкил топган маҳаллага жойининг тарихий номини сақлаб қолиш мақсадида «Нўғойқўрғон» номи берилди. Аҳолиси 9500 киши, кўп миллатли (2009). Маҳаллада 2 болалар боғчаси, 2 мактаб, «Ипак йўли» банки, ошхоналар, супермаркет дўкони, кўплаб магазинлар, «Азия-кредит», 3 кафе, 5 дорихона, 2 спорт майдончаси, «Пахтабанк» филиали, 135-почта жойлашган. «Ёшлар йили» муносабати б-н «Бунёдкор ёшлар боғи» барпо этилди.


НЎҒОЙҚЎРҒОН ҚАБРИСТОНИ (Сергели тумани, Нўғайқўрғон кўч., «Ўзгариш» маҳалласи ҳудудида) – майд. 2,74 гектар. 1830 й.дан фаолият кўрсатади. Қабристонда 1941–1945 й.лардаги урушда халок бўлганлар хотирасига атаб ёдгорлик ўрнатилган.

«ОБИНАЗИР» МАҲАЛЛАСИ (Шомаҳмудов 4-берк кўч., 4) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Янги шаҳар», «Боғ кўча», «Гулобод», «Жарариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. Т.нинг қад. маҳаллаларидан. Айрим тадқиқотчилар (С.Қораев ва б.) маҳалла номи «Ёбу» – туркий қабила, уруғ номидан олинган деб ҳисоблайдилар. Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» асарида қайд этилишича, Амир Темур 1390–91 й.ларда Т.да бўлиб, Шайх Зайниддинбобо мақбарасини бунёд эттираётган чоғда, Кайковус каналидан қабристон томонга ариқ қаздирган ва уни Шайх Зайниддинбобога назир қилган. Оби назир – назир қилинган сув демақдир. Хожа Аҳрор Валий маноқибларида («Рашаҳот» ва б.) битилишича, Зайниддинбобо зиёратига келиб астойдил Аллоҳдан фарзанд тилаган бефарзанд оилалар муродларига етишган. Обиназир ариғи муқаддас саналган, унинг суви кўпгина дардларга даво бўлган. Маҳалла 14-а. охири – 15-а. бошларида мана шу ариқ бўйида вужудга келган. Аҳолиси 7611 киши, асосан, ўзбеклардан иборат (2009). Маҳалла ҳудудида туман ҳарбий хизмат комиссариати, болалар боғчаси, «Шофайз» хусусий дўкони, чойхона, ошхона, новвойхона мавжуд. Маҳаллада 2-жаҳон уруши йилларида ўзбек

халқи совға-саломини Фарбий фронтга олиб борган делегация раҳбарларидан бири, халқ оқсоқоли Ҳасан ота Исломов яшаган.

ОБИРАҲМАТ ГОРИ – Тошкент вилоятидаги тош даври ёдгорликларидан бири. Бўстонлиқ туманидаги Бурчмулла қишлоғида жойлашган. О.ғ. 1962 й. А.Муҳаммаджонов ва С.К.Насриддинов томонидан топилган. 1962–64 й.ларда А.П.Окладников, 1964–70-й.ларда М.М.Герасимов раҳбарлигида Р.Ҳ.Сулаймонов тадқиқот ишлари олиб борган. 1976–86 й.ларда Ў.И.Исломов раҳбарлигида Т.Омонжўлов ва К.А.Крахмаль қазишмалар ўтказишган. 1998 й. Россия ФАнинг Сибирь бўлими Археология ва этнография ин-ти б-н ўзбекистонлик археологлар ўртасида О.ғ.да биргаликда тадқиқот ишлари олиб бориш учун шартно-

Обираҳмат гори. Тош қуроллар.



ма тузилиб, экспедицияга Ўзбекистон томонидан Ў.И.Исломов раҳбар этиб тайинланган.

О.ғ.да 1998 й.дан Россия–Ўзбекистон, 2007 й.дан Ўзбекистон–Россия–Бельгия қўшма комплекс экспедицияси иш олиб бормоқда. 2003 й.даги ишлар натижасида 16-маданий қатламдан археологик материаллар б-н бирга одам суяклари топилди. Таҳлил натижалари ушбу суяклар 70 минг йиллик даврга эгаллигини кўрсатди. Бундай илк юқори палеолит даври ёдгорлиги ҳозирча дунёда ягона ҳисобланади. Булар 6 та тиш суяги, 1 та қулоқ суяги ва майдаланиб кетган бош суяк қолдиқларидир. Суяклар 8–9 ёшли болага тегишли бўлиб, тишлар ва бош суяк қолдиқлари *homo supins sapins* ва қулоқ суяги неандерталь одамники бўлиб чиқди. Суяк қолдиқлари устида асосан Австриянинг Инсбрук тиббиёт м-зида, Новосибирскдаги ядро физикаси, Германиянинг Макс Планк номли ин-тида тадқиқот ишлари ўтказилди. Натижада, *homo supins* одами, яъни ҳоз. замон одамига ўхшаган одам инқилобий йўл б-н пайдо бўлмай, балки эволюцион (тадрижий) йўл б-н неандерталь одамидан *homo supins* одамига аста-секин айланган деган илмий хулосага келинди. Демак, Ўзбекистон ҳоз. одам пайдо бўлган ҳудудга кириши исботланди. Зеро, шу

вақтгача фанда *homa supins* *saripns* бирдан пайдо бўлган ва мил.ав. 20-минг йилликка келиб неандерталь одамлари барҳам топиб, *homa supins* одами ривожланиб кетган, деган фикр мавжуд эди. О.ғ.даги кашфиётлар халқаро экспедициянинг илмий натижасидир.

Ҳоз. кўшма экспедиция *Кўлбулоқ манзилгоҳи*да тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

ОБКАНД – 1) Қадимда ва ўрта асрларда шаҳарни сув б-н таъминлаш мақсадида қазилган суғориш тармоғи. У шаҳар суви, шаҳар ариғи маъноларини англатади. Мас., Тошкентнинг Анҳор канали шу мақсадда қазилган қад. шаҳар суғориш тармоғидир. Шунингдек, О. «Ўпқон» сўзининг синоними бўлиб, сизот сувлар оқимидан ер остида пайдо бўлган табиий чуқурлик, ўра ёки камарни англатган. Булардан ташқари, дарё ёки унинг тармоқлари оқими ҳосил этган ўзан ҳам «обканда», яъни «сув қазилган», «оқим ўйган», сув йўли, яъни ўзан маъносини ҳам англатган.

2) Ўрта асрларда қалъа атрофига чуқур ва кенг қилиб ўйилган ва душман аскарларининг ўтишини қийинлаштириш мақсадида сув тўлдириб қўйилган чуқурлик (хандақнинг бир тури) – махсус мудофаа иншооти. Мас., Абдуллахон II 1579 й. Т.ни қамал қилганда қалъа девори ташқарисидаги О.лар сувга тўлдириб қўйилган.

«ОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Зарбулоқ кўч., 4) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Оққўрғон», «Посира» маҳаллалари б-н чегарадош. 1941 й.гача Оққўрғон ариғи оқиб ўтиши муносабати б-н «Оққўрғон» маҳалласи деб юритилган. 1941 й.дан «Обод» маҳалласи деб номланган. Аҳоли-

си 5754 киши, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида молия академик лицейи, «Омина» жоме масжиди, шунингдек, 4 озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, 3 новвойхона мавжуд.

«ОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Нозанин кўч., 9^а-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. «Кўшқўрғон», «Қумариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Аҳолиси 1780 киши (329 хонадон)дан иборат (2009). Миллий таркибини, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қозоқ, тожик ва б. ташкил қилади. Маҳаллада 16 та кўча, 2 та озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«ОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/4 мавзеси, 14^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Табассум», «Ғалаба» маҳаллалари б-н чегарадош. 1968 й.дан Аҳмадҷон Назаров номи б-н аталган. 1975 й. икки маҳалла қўшилиб, «Обод» номи берилган. Аҳолиси 5409 киши, асосан, ўзбеклар (2009).

ОБОДОНЛАШТИРИШ – уй-жой атрофи ва шаҳар объектларини обод қилиш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш ва меҳнат фаолиятини амалга оширишда қулайликлар яратиш юзасидан олиб бориладиган ишлар мажмуи. Тошкентда О. ишлари Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармаси (Амир Темур кўч., 11) томонидан амалга оширилади. Бошқарма тасарруфида 12 тизимдаги ташкилотлар ва 11 та туман ободонлаштириш бошқармаси мавжуд.

Ободонлаштириш бош бошқармаси ва тизимидаги ташкилотларнинг асосий вазифалари – шаҳар марказий кўчаларини таъмирлаш ва уларни сақлаш, иншоотларни сақлаш ва таъмир-

лаш (кўприк, йўлўтказгич, автомобиль туннеллари, ер ости ўтиш йўллари); шаҳардаги махсус майдонлар, марказий хиёбонларни сақлаб туриш, уларда санитария ва тозалаш ишлари; шаҳар ҳудудида экиш (кўкаламзорлаштириш) учун дарахт ва гул кўчатлари етиштириш, дарахт ва гуллар экиш, уларни парвариш қилиш; ирригация тармоқлари, сунъий суғориш тизимидан фойдаланиш ва таъмирлаб туриш; шаҳарда ўтказиладиган байрам ва б. тадбирлар мақсадида шаҳарни безаш ва безак мосламаларини тайёрлаш; ташқи ёритиш; шаҳардаги қабристонларни сақлаш; марказий кўчалардаги авария ҳодисаларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш (фавқулодда ва табиий офатлар натижасида дарахтлар синиши, симлар узилиши, сув тошқинлари, дайди ҳайвонларни тутиш ва ҳ.к.), ҳудуднинг санитария-тозалигини таъминлаш; ер ости сувлари сатҳини пасайтириш; ободонлаштириш тизимидаги корхоналар эҳтиёжлари учун ихтисослашган транспорт воситалари б-н таъминлашдан иборат.

Мустақиллик йиллари инсон ва унинг манфаатларига қаратилган ислохотлар изчил олиб борилаётгани туфайли О. соҳасида катта ютуқларга эришилди. Пойтахтда транспорт-коммуникация тизими такомиллашиб бормоқда, дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган магистрал йўллар, йирик кўприк ва йўлўтказгичлар қурилди (қ. *Кўприклар*). Кўчалар бўйига манзарали дарахт ниҳоллари, гуллар ўтқазилди.

Шаҳар экологияси, аҳоли саломатлиги ичимлик суви сифатига боғлиқлиги маълум. Бугунги кунда пойтахтнинг 99% мар-

казлаштирилган ичимлик суви тизими, 95% канализация тармоғи б-н таъминланган.

1990 й.гача шаҳар сув ҳавзаларига 70 га яқин корхонадан оқова сув чиқарилар, уларнинг 50 дан зиёдиға деярлик тозаланмаган саноат оқоваси ташланарди. Кейинги йилларда саноат оқоваси бир неча карра камайтирилди ва умумий сув ҳажмининг 6,4% ни ташкил этмоқда. Коллекторлар суви сифат кўрсаткичлари 1990 й.лар б-н таққосланганда 2–2,5 бараварга яхшиланди. Шаҳарни қайта қуриш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари туфайли 15,2 минг гектар ёки шаҳарнинг 40% яшил майдонларга айланди (қ. *Кўкаламзорлаштириш*).

Т.да кейинги 10 йил ичида 3027 гектар майдонда янги боғроғлар яратилди, шунингдек, 1223 гектар ҳудуд гулзорга айлантирилди. Ландшафт архитектурасидан оқилона фойдаланиш, яшил майдон ва *фаввораларни* кўпайтириш орқали шаҳарда салқин микроиқлимни таъминлашга имкон яратилди. Т.да фавворалардан ташқари умумий майд. 91 гектар ва сув сифими 1,4 млн.м³ бўлган бир нечта сув ҳавзалари, хусусан, сунъий кўллар мавжуд.

Шаҳар худуди, асосан, саноат ва маиший чиқиндилар ҳисобига ифлосланади. Т.да ҳозирда саноат ва маиший чиқиндиларни қайта ишлайдиган бир нечта корхона фаолият юритмоқда. 2008 й. атроф-муҳитда тўпланган 25,8 минг т чиқиндининг 22 минг т дан ортиғи, яъни 85% ана шу корхоналарда қайта ишланди. 1990-й.ларда эса 20% чиқинди қайта ишланган эди. «Селта» ва «Махсуснур» корхоналарида экологияга жиддий

хавф туғдирувчи, яъни таркибида симоб моддаси бўлган чиқиндилар зарарсизлантирилмоқда (яна қ. *Шаҳар чиқиндиҳоналари*).

ОБРЛИҒ, Арбилах – ўрта асрларда *Илоқ* шаҳарларидан бири (5–15-а.лар). Ангрен ш.дан жан.-ғарбда, Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғида, Облиқ қишлоғининг шарқий қисмида жойлашган. 1962–63 й.ларда Ю.Ф.-Буряков тадқиқ қилган. Энг қад. топилмалар мил. 5–6-а.ларга оид бўлсада, О. шаҳар сифатида (майд. 80 гектар дан зиёд) 8–9-а.ларда барпо этилган. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар натижасида кўчманчи туркий қабилалар орасида табақаланиш жараёни содир бўлган.

О.нинг тузилиши Илоқдаги бошқа ўрта аср шаҳарларидан фарқланади. Арк ва шаҳристон ўртасида аниқ бўлиниш йўқ, хунармандлар яшайдиган рабод эса русток б-н қўшилиб кетган, ингичка деворлар мудофаа вазифасини эмас, балки ички, кўриқчилик вазифасини бажарган. Шаҳар иқтисодиётининг равнақи Илоқнинг олтин ва кумуш конлари – Кўҳисим, Қизил-олманинг О.га яқинлиги ва конларда маъдан қазиб олиш 10–11-а.ларда фаоллашуви б-н боғлиқ.

О.да нодир металлар қуйиш устахоналари, темирчилик, кулчилик, шиапазлик маҳсулотлари топилган. Ҳатто бадавлат шаҳарликлар уйларида ҳам кўчманчилар маданияти аъналарига хос бўлган, сиртига қизил ранг берилган, бўртма нақшинкор сопол буюмлар учрайди. Араб манбалари шаҳарни туркийча ном б-н аташлари бежиз бўлмаса керак. О. Кўҳисимдан Фарғонага, Кенколнинг кўчманчи туманларига, шунингдек, Илоқ

пойтахти – *Тункатта* борувчи тоғ савдо йўлида жойлашган. 12-а.да О. иқтисоди кончилик ишлари қисқариши туфайли таназзулга юз тутган. 13-а. бошида шаҳар мўғуллар истилоси натижасида ташланди ҳолатга келган. 14–15-а.ларда ҳаёт О.нинг ғарбий қисмидагина жонланган. Сўнгра қишлоқ ғарбга кўчган, бу ерда 17–19-а.ларга оид қалъа харобалари ва ҳоз. Облиқ қишлоғи иншоотлари сақланган.

«ОГНЕУПОР» («Оловбардош») (Жарқўрғон кўч., 43 – юридик манзили; Чинобод кўч., 8 – амалдаги манзили) – МЧЖ шаклидаги савдо-саноат корхонаси. Тошкент ш. ҳокимлиги тасарруфида. Корхона 2-жаҳон уруши даврида вужудга келган. Ўша вақтда Москва ва Запорожьедан абразив з-длари Тошкентга эвакуация қилиниб, пойтахтимизда абразив ком-ти ташкил бўлган. Корхона Ангрен конлари ўтга чидамли лой қатламларини ўзлаштириш ҳисобига оловбардош, сўнгра эса кислотага чидамли буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. 1998 й. Ҳамза тумани ҳокимлиги қарори б-н ҳозирги номда рўйхатдан ўтган. З-дда тайёрланадиган юқори даражадаги ўтга чидамли хромитопериклаз, периклазохромит, аллюмосиликат материаллар қора ва рангли металлургия, машинасозлик, кимё ва электротехника саноати, қурилишда, республика ҳамда МДХ давлатлари халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида кенг қўлланади. Йилига 10000 т маҳсулот ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 1000 т си экспорт қилинади (2008).

ОДИЛОВ Собир Раҳимович (1932.1.3–2002.18.7) – меъмор. Ўзбек меъморлиги ва монументал санъатини ривожлантиришга муайян ҳисса қўшган. Ўзбе-

кистонда хизмат кўрсатган бинокор (1967). Т.да туғилган. Ўрта Осиеё политехника ин-тини тугатган (1955). Олмалик ш. (1955–61) ва Тошкент вилояти (1962–66) бош меъмори, Тошкент ш. бош меъмори (1970–84, 1990–91), «Ўзбекдавлатқурилиш» қўмитаси раиси ўринбосари (1975–85; 1990–91). Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш и.т. ва лойиҳалаш ин-тида бўлим мудири (1986), директори (1989). Тошкент ш. бош плани ва Андижон, Жиззах марказ лойиҳалари (1970, 1980) муаллифи. О. раҳбарлигида 80 дан ортиқ лойиҳа (майдон, турар жой, ҳайкал ва б.) яратилган.

ОДИЛОВ Ҳасан Пирматович (1960.24.7) – ёғоч ўймакори. Ўзбекистон халқ устаси (2002). Т.да туғилган. 1982 й.дан «Усто» бирлашмасида ишлаб О.Файзуллаевдан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганган. 1991 й.дан мустақил уста. Республика ва хорижий кўрғазмаларда ўзининг «ислимий» ва «гириҳ» нақшли ёғоч ўймакорлиги асарлари б-н қатнашиб келмоқда. Т.даги Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси зали ва б. маъмурий биноларнинг ёғоч ўймакорлиги безакларини бажарган. Устанинг Самарқаддаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуидаги, Т.да Хотира майдонидаги айвоннинг устун безаклари диққатга сазовор. О.нинг курси ва хонтахталари кўп киррали, ўзига хос ишлов берилганлиги б-н ажралиб туради.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» – ижтимоий газ. 1991 й. 1 сент.дан Т. шаҳрида ҳафтада 1 марта чиқади. Муассислари: Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Болалар жамғармаси.

Жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ота-она-фарзанд ўртасидаги муносабатлар, шунингдек, баркамол авлодни вояга етказишда энг муҳим ўрин тутувчи қатлам – хотин-қизлар фаолиятига оид мавзулар ушбу газ.нинг долзарб йўналишлари ҳисобланади. 2008 й.дан муҳаррири Норқобил Жалилов. Адади 12500 (2009).

«ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ – қ. Республика «Оила» илмий-амалий маркази. **«ОИЛА» МАРКАЗИ**, «Гулнора она» МЧЖ (Мирзо Улуғбек тумани Дониёр-2 берк кўч., 2) – 1998 й. 30 ноябрда «Оила» кодексини ҳамда «Оила» дастури ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган. Тошкент ш. ҳокимлиги Хотин-қизлар қўмитаси тасарруфида. Берилган ваколатларига кўра «О.» м. ёшларда ватанга муҳаббат, истиқлолга, оилага садоқат ғояларини такомиллаштириш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий камол топтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар онгига оиладаги миллий анъаналарни, қадриятларни сингдириш, янгича ҳаёт тарзини тарғиб этиш, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларни тадбиркорлик, тежамкорлик, рўзгор тебратиш, фарзанд тарбиялаш, касб-ҳунарга ўргатиш, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, хайрия тадбирларини ўтказиш каби вазифаларни бажаради.

«О.» м. қошида ёш оила бекасини тайёрлаш; оила ҳамширасини тайёрлаш; бичиш-тикиш, модельерлик; зардўзлик, миллий ҳунармандчилик; ошпазлик, қандолатчилик, меҳмон кутиш

сирлари; сартарошлик; чет тилларни ўргатиш; автомобиль ҳайдашни ўргатиш; бухгалтерия ва менежмент, компьютер саводхонлиги ва б. кўплаб ўқув курслари фаолият кўрсатади. Ўқув юртларида, жамоат жойларида, ташкилотларда турли мавзуларда хайрия тадбирлари, ўқув семинарлари, турли соҳа мутахассислари б-н учрашувлар, мулоқотлар ташкил этади. Шаҳарнинг 11 туманида марказнинг бўлимлари ташкил этилган. Марказ бошчилигида туманларда ҳам ўқув курслари очилиб, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини бепул касб-ҳунарга йўналтириш ва уларни иш ўринлари б-н таъминлаш ишлари амалга оширилади. Марказда 5 минг нафардан ортиқ ёшлар 7 йўналиш бўйича касб-ҳунарга ўргатилиб, иш ўринлари б-н таъминланди.

ОИЛАВИЙ МАРОСИМЛАР – Т. аҳолисининг оилавий маросимлари узоқ даврлар мобайнида тараққий этган қад. маданияти негизда халқ донишмандлиги ва анъаналаридан бири сифатида шаклланган.

Никоҳ б-н боғлиқ тўй маросимлари. Никоҳ тўйи келинни танлаш ва унинг уйига совчиликка боришдан бошланади. Т.да қариндошлари ва қўшнилари б-н этник ва табақавий эндогам никоҳ иттифоқини ҳам қўллаб-қувватлайдилар. Келинни танлашда унинг хулқи, ёши, ташқи кўриниши, яқин қариндош-уруғлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу жараёнлар «қиз кўриш», «уй кўриш» маросимлари орқали амалга оширилади. Келин танланганидан кейин «нон синдириш», «нон ушатиш» маросими ўтказилиб, унда келиннинг уйига кекса, хурматли аёллардан бири икки оила

бирлиги ва келишуви белгиси сифатида нон синдирган. Т.да бу маросим аста-секин фотиҳа тўй б-н бирга ўтказиладиган бўлиб, унга яқин қариндошлар, қўшнилар таклиф қилинган. Шу куни куёв томон келинга қалин, унинг ота-онасига эса сарпо юборган.

Қалин, шунингдек, куёв томондан келинга маҳр бериш одади миллий анъана сифатида янги кўринишлар касб этган ҳолда сақланиб қолди. Қалин пули келини сотиб олиш учун эмас, балки келин томоннинг тўй харажатлари учун ёрдам сифатида берилиб, миқдори илгаригисидан анча кам миқдорга келди. Маҳр – куёвнинг келинга ажратган мулки (одатда, унинг яшаши учун умрбод шахсий мулк тарзида берилган уй). Никоҳ тўйининг ўзи ҳам бир қанча ўзгаришларга учради.

Барча тарихий босқичларда тўйнинг асосий негизи диний никоҳ ўқитиш ҳисобланган. Шўро ҳукуматининг тақиқларига қарамасдан, бу маросим доим ими-жимидида ўтказиб келинган. 20-й.ларда мажбурий никоҳ унсури сифатида ЗАГС дан қайд эттириш, кейинчалик никоҳ уйларида ЗАГСдан ўтиш жорий қилинган. 80-й.ларда эса Т.да ЗАГСдан ўтиш никоҳ тўйининг ўзида ҳам ўтказила бошланди, айна вақтда диний никоҳ ҳам ўқитилмоқда.

Қадимдан мерос бўлиб келатган тўй маросимлари исломгача ва исломдан кейинги удум, маросимлар б-н қоришиб кетган. Исломиятдан аввал улар магик характерга эга бўлган. Жумладан, ёшларни ёмон кўздан ва бало-қазолардан асраш учун гулхан атрофида айлантиришган, бошлари узра катта ёпинғич тутишган. Махсус удумлар икки ёшнинг фаровон турмуш кечирिशларини (ёшларга ширинлик

ва тангалар сочилган), серфарзанд, ували-жували бўлишларини (болаларни тиззага ўтказишган, пишган тухум б-н меҳмон қилишган) таъминлаши лозим бўлган. «Кўрпа қавиш», «маслаҳат оши», «сабзи тўғрар», «мол ёяр» ва б. удумларни худди илгаригидек қариндошлар, қўшнilar даврасида ўтказиш анъанаси сақланиб қолган. Шу б-н бирга бу удумларга бир қанча янгиликлар кириб келган, хусусан тўй танталарида аёллар ва эркаклар бирга қатнашадиган, тўйга профессионал артистлар таклиф этиладиган бўлди.

Т.да 20-а.нинг 70-й.лардан бошлаб тўйлар илк маротаба ресторан ва кафеларда ўтказила бошланди. Келин-куёв либослари ҳам ўзгариб, келинларнинг қалин рўмоли ўрнини замонавий мода асосида фата эгаллади, бироқ куёв кийимида миллий чопон ва салла сақланиб қолди. Тўйга таклиф қилинадиганлар таркиби ҳам ўзгариб, унда қариндошлар, маҳалла, қўни-қўшни қаторида, ҳамкасб ва бирга ўқийдиганлар иштирок этадиган бўлди. Урушдан кейинги йилларда кўпгина архаик характердаги одат ва удумлар, маросим иштирокчилари ташаббуси б-н янгиларига ўзгартирилди. 70–80-й.ларда шаҳарнинг ёдгорлик ўрнатилган жойларига гул қўйиш, суратга тушиш, видео тасмага олиш, келин-куёвнинг бир-бирига узук тақиш анъаналари кириб келди. Шунингдек, шу йилларда Т.да келинга қилинадиган сеп таркиби ҳам анъанавий буюмлар қаторида, сервизлар, мебел гарнитурлари ва музлаткичлар ва б. б-н бойитилди. Никоҳ тўйининг сўнгги босқичи келиннинг янги оилага кириб келиши, қариндошлар б-н танишиши, «келин салом», «бет очар», «чаллар», «қуда



Никоҳ тўйи. Келин-куёв.

чақириқ» б-н яқунланади. 20-а.нинг охирида тўй маросимларининг кўп чиқимлилиги сабаб Т.да чаллар ва қуда чақириқ қўшиб ўтказиладиган бўлди.

Бола туғилиши б-н боғлиқ маросимлар. Бунга азон, ақиқа тўйи, соч (кокил) тўйи, бешик тўйи, ўғил тўйи, мучал тўйи каби расм-русумлар киряди. Бу маросимларда кўплаб анъаналар сақланиб қолган.

Аллоҳга шукроналик белгиси сифатида фарзанд туғилгандан кейин 20 кун ичида қилинадиган ақиқа тўйи, чақалоққа азон айтиш, чилла сақланган. Бешик тўйи аёлларнинг ўзига хос байрами ҳисобланиб, чақалоқнинг бувиси (она томонидан) шу куни уни бешикка беллаган. Бу тадбир, одатда, турли магик маросимларни бажариш йўли б-н ўтказилган. Гўёки, бу маросим ёрдамида чақалоқнинг ота-онаси ёвуз руҳларни ҳайдаган. Боланинг ёвуз руҳлардан ва кўз тегишидан сақлайдиган бирламчи туморлар, пичоқ, қалампир, исиріқ ва б. бўлган. Гўдакнинг бувиси

неварасига аталган барча нарса (кийим-кечак, ўйинчоқ ва б.)ларни тайёрлаган ва қариндош-уруғлари ҳамда кўни-кўшнилари б-н биргаликда шодиёна бўлаётган уйга йўл олган. У ўзи б-н байрамона безатилган бешик ва чақалоқнинг ота-онаси, бобоси ва бувисига атаб бош-оёқ сарпо олиб борган. Анъанавий удумга кўра чақалоқни бешикка ётқизиш, эмишиш ва исириқ тутатишга риоя қилинган. Чақалоқ туғилганидан то бир ёшга тўлгунига қадар ҳам унинг соғ-саломатлигини сақлаш мақсадида турли урф-одат ва маросимлар ўтказилган. Гўдакнинг биринчи қадамини қўйиши, биринчи тишининг чиқиши ва сочини биринчи марта олиниши (соч тўйи) муносабати б-н муайян маросимлар бажарилган. Бола 12 ёшга тўлиши муносабати б-н эса оила даврасида Шарқ календарига кўра боланинг биринчи мучал тўйи ўтказилган.

Тўй оши.



20-а.нинг 2-ярмидан эътиборан боланинг туғилган кунини нишонлаш маросими кенг тарқалди. Инсоннинг 50, 60, 70, 80 ёшлик юбилейини ўтказиш оммавийлашди.

Т.лик ўзбекларнинг О.м.и ичида аввалгидай энг катта тўй маросими ўғил тўйи ҳисобланади. Совет тузумида ушбу маросимни қанчалик йўқотишга ҳаракат қилинганига қарамай у барча оилаларда яширин равишда ёхуд қандайдир маросимларга (бобосининг юбилейи, туғилган кун ва б.) қўшилган ҳолда ўтказилиб келинган. Ўғил тўйида кўплаб урф-одат ва маросимлар бажарилган. Айрим жойларда ўғил тўйи 4-5 кун давом этган. 70-80-й.ларда барча турдаги тўй маросимларини ўтказиш Т. аҳолисининг маълум қатлами томонидан ортиқча дабдаба ва исрофгарчиликка йўл қўйилиши б-н ажралиб турган. Бадавлат оилалар тўй маросимларини ўтказишда ўзларининг моддий

имкониятларини бошқаларга кўз-кўз қилиш, жамиятдаги обрў-эътиборларини мустаҳкамлаш йўлида фойдаланганлар. Буларнинг барчаси аҳолининг қолган қатламида норозиликни келтириб чиқарган. Давлат ва жамоатчилик, маҳалла аҳли томонидан ушбу тенденция қора-

ланиб, анъанавий маросим мазмун-моҳиятига кўпинча зид ҳисобланган исрофгарчилик ва дабдабазликка чек қўйиш тўғрисида чора-тадбирлар кўрилган. 20-а. охиридан бошлаб Т.да ақиқа, бешик тўйи ва ўғил тўйи ягона тадбирга бирлаштирилиб, иқтисод қилинган пулларга оналар рўзгор буюмлари олишган.

Дафн ва таъзия маросимлари. Бу маросимлардаги диний анъаналар (жаноза ва б.) совет ҳукуматининг тақиқлашига қарамай аҳоли томонидан ўтказилган, чунки одамларнинг бу анъаналарга нисбатан эътиқоди кучли бўлган. Динга қарши кураш одамларнинг эътиқодини сўндира олмади. Уларнинг яширин тарзда ўтказилиши дафн маросимларидаги айрим урф-одатларнинг шаклан ўзгаришига олиб келди, холос. 80-90-й.лар бошларида Т. аҳолиси томонидан дафн-хотирлаш маросимларида учи, еттиси, йигирмаси, қирқи, йили, ҳайитларини ўтказиш кенг тарқалган. Улар баъзан ҳатто меъеридан ортиқча даражада ҳам ўтказилган. 90-й.ларнинг 2-ярмида аҳолининг ўз хоҳиш-иродаларига кўра айрим урф-одатлар қисқарди ва айримлари бирлаштилди. Т.да дафн маросимининг биринчи ойидаги ва йил маросими ўрнига эҳсон сифатида маросим ўтказиладиган бўлди. Т.ликлар илгаригидек ўтганларни рамазон ва қурбон ҳайити кунлари ҳамда биринчи қор (қор ёғди) ва биринчи гул очилган вақтда (гул) оилалари даврасида хотирлашади ва рамазон ойида ифторлик қилишади.

Т.да никоҳ тўйи ва хатна тўйи (ўғил тўйи) муносабати б-н наҳорда ош бериш узоқ даврдан бери одатга айланган. Бу одатга ҳоз.

ҳам муайян ўзгаришлар б-н амал қилиб келинади.

Жамоавий байрамларда ҳар бир оила фаол иштирок этган. Байрамлар ичида энг оммавийлашгани *наврӯз* ҳисобланиб, бу куни сумалак, ҳалим ва чалпак каби маросимий таомлар пиширилган, базм уюштирилиб, беморлар ва қариялар ҳолидан хабар олинган.

Т.да 8 март, Янги йил, Хотира ва қадрлаш куни, Конституция куни каби янги байрамлар ҳам кенг нишонланади. 1991 й.да Т. аҳолиси ҳаётига шаҳар майдонларида ўтказиладиган Мустақиллик куни байрами кириб келди. Бугунги кунда бу байрам маҳаллаларда, ишлаб чиқариш жамоаларида ва оилалар даврасида ўтказилади. У ўзбекларнинг қадимий миллий анъаналари ва урф-одатларини ўзида сингдирган ва ўзбек халқи миллий ўзлигининг шаклланиши, этник қадриятлари, тарихи ва маданиятига хурмат туйғусини уйғотишга хизмат қилади.

ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР – даволаш-профилактика муассасаси; қатнаб даволанадиган ва уйда ётган беморларга уларнинг турар жойи бўйича, шунингдек, болаларга ҳам турли тиббий ёрдам кўрсатади. Дастлаб Т. шаҳрида 49 та катталар, 23 та болалар поликлиникаси ва туғуруқхоналар қошида 11 та аёллар маслаҳатхоналари фаолият кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги фармони га мувофиқ (1998 й. 11 ноябрь) катталар ва болалар поликлиникалари ҳамда аёллар маслаҳатхоналари бирлаштирилиб, О.п. ташкил этилди. Бу эса бирлам-

чи амбулатория-поликлиника хизматини ривожлантиришга катта ёрдам берди. Худуд терапевти, педиатр ва акушер-гинекологлар вазифаларини оила шифокори, яъни умумамалиёт шифокори бажариши белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (2005 й. 28 сент.) мувофиқ Тошкент ш.даги 11 та поликлиника «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида О.п.га ўта бошлади. Унда умумамалиёт шифокори ишига ўтиш ва аҳолини жон бошига қараб молиялаштириш кўзда тутилган. 2011 й.дан шаҳардаги ҳамма О.п. шу тизимга ўтиши мўлжалланган. Бунинг учун тиббиёт ин-тлари ва врачлар малакасини ошириш ин-тида умумамалиёт шифокори ўқув дастури ишлаб чиқилди. О.п.да фаолият кўрсатаётган терапевт ва педиатрлар 10 ойлик махсус дастур асосида умумамалиёт шифокори курси (шаҳарда 378 та)да ўқитилиб, иш фаолиятларини давом эттиришлари режалаштирилди.

Т. шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасида ташкил этилган умумамалиёт шифокорларини тайёрлаш м-зи томонидан оилавий шифокорларни ўз

ишларидан ажралмаган ҳолда шаҳар касалхоналари, туғуруқ мажмуалари ва диспансерларда малакасини ошириш ташкил этилган. О.п. ўзига бириктирилган аҳоли сонига қараб 4 тоифага бўлинади:

1-тоифа – 40 минг аҳолига;
2-тоифа – 30–40 минг аҳолига;
3-тоифа – 20–30 минг аҳолига;
4-тоифа – 20 минг аҳолига хизмат кўрсатади.

1-тоифага кирувчи катта поликлиникаларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни қулайлаштириш учун 1–3 бўлим (филиал) бўлиши мўлжалланган. Поликлиникалар қабул қилиш қуввати 1 сменада қатнов сонига қараб (80 кишидан 700 кишигача) белгиланади. Сўнгги йилларда Шайхонтохур туманида 45-, 46- ва 47-, Собир Раҳимов туманида 14- ва 17-сонли замонавий О.п. куриб, ишга туширилди.

О.п. умумамалиёт врачлари фаолият кўрсатиши учун мослаштирилган янги тиббий техника, асбоб-анжомлар б-н жиҳозланган. О.п.да кўрсатиладиган тиббий хизматлар аҳолини ҳамма қатлами учун қулай ва давлат томонидан кафолатланган.

О.п.да касалликларни эрта аниқлаш, даволаш, реабилитация, назорат ишлари, меҳнатга лаёқатсизлик экспертизаси, ногиронлик реабилитацияси, поли-

Самарқанд дарвоза кўчасидаги 46-оилавий поликлиника.



клиникада ва уй шароитида шошилиш ёрдам кўрсатиш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзи асосларини (тўғри овқатланиш, жисмоний фаоллик, зарарли одатлардан воз кечиш) амалга ошириш кўзда тутилган. О.п.да умумамалиёт шифокорлари ва тор ихтисосликлар бўйича мутахассислар ишлайди. О.п. да клиник ва биокимё таҳлилхоналари, рентген, УЗИ, электрокардиограмма, физиотерапия, даволаш физкультураси, муолажа ва эмлаш хоналари мавжуд. Катта О.п.да кундузги шифохоналар ташкил этилган бўлиб, бу ҳам аҳолига даволаниши учун қулайлик яратади. Т.да 60 дан зиёд О.п. мавжуд (2009).

ОЙБЕК (тахаллуси; асл исм-шарифи Муса Тошмуҳаммад ўғли; 1905.10.1–1968.1.7) – шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1965), Ўзбекистон ФА акад. (1943). Т.да туғилган. Дастлаб Оқмасжид маҳалласидаги эски мактабда (1911–17), сўнг *Мунавварқори* ташкил этган «Намуна» мактабида (1918–21) бошланғич маълумот олди. Ўрта Осиё давлат ун-тининг иқтисод ф-тини тугатган (1930). Ўзбекистон Фан к-ти хузуридаги Тил ва адабиёт интида илмий ходим, сектор мудири (1934–37). Ўзбекистон ўқув-педагогика нашриёти муҳаррири (1938–41), Ўзбекистон ФА Ижтимоий фанлар бўлими мудири (1943–53), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатига раис, айни вақтда «Шарқ юлдузи» журн. бош муҳаррири (1945–59), Тил ва адабиёт ин-тининг директори (1950–52) ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журн.нинг бош муҳаррири (1958–68).

О. адабий фаолиятини шоир сифатида бошлаган. «Чолғу то-

вуши» деган биринчи шеъри 1922 й. «Армуғон» журн.да босилган. Бу вақтда у Чўлпон, шунингдек, «Ёш усмонлилар» шеърияти таъсирида бўлиб, улар руҳидаги шеърларидан иборат «Туйғулар» (1926) ва «Кўнгил найлари» (1929) тўпламларини эълон қилган. О. дастлабки ижодида даврининг ўткинч мавзуларига бағишланган сарбаст шеърлар яратган, уларнинг аксарияти «Машъала» (1932) тўпламидан ўрин олган. Кейинчалик шоир лирик туйғу ва кечинмалар тасвирига катта эътибор бериб, «кўнгил лирикаси» намуналарини яратишга интилди. О.нинг «Чимён дафтари» туркумига кирган, Ўзбекистон табиатининг фусункор таровати ва бетакрор рангларини ўзига симирган шеърлари нафақат шоир шеърий ижодининг, балки умуман ўзбек лирикасининг шоҳ намуналаридан бири бўлди.

У лирик шеърият б-н бир қаторда дostonнавислик соҳасида ҳам изланишлар олиб бориб, «Дилбар – давр қизи» (1932), «Ўч» (1933), «Бахтигул ва Соғин-

диқ» (1934), «Қаҳрамон қиз» (1936), «Гулноз», «Камончи», «Навоий» (1937), «Зафар ва Заҳро» (1950), «Ҳақгўйлар» (1952), «Даврим жароҳати» (1952), «Гули ва Навоий» (1968) сингари дostonларни ёзди.

О.нинг насрий мероси 5 роман («Қутлуғ қон», 1940; «Навоий», 1942; «Олтин водийдан шабадалар», 1949; «Қуёш қораймас», 1943–59 ва «Улуғ йўл», 1967), 4 қисса («Шонли йўл», «Нур қидириб», 1956; «Болалик хотираларим», 1962 ва «Бола Алишер») ҳамда бир қанча ҳикоя ва очерклардан иборат.

У драматургия соҳасида ҳам ўзини синаб кўриб, «Маҳмуд Торобий» либреттосини ёзди (1944) ва шу мавзу бўйича драма театрлари учун «Ғалвирчи», рус адаби ва адабиётшуноси А.Дейч б-н ҳамкорликда эса рус тилида «Халқ қалқони» пьесалари устида ишлади.

О. адабий фаолиятининг муҳим қисмини адабиётшуносликка оид тадқиқот ва мақолалар ташкил этади («Навоий гулшани»). «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» (1935) монографияси ва б. мақолаларида 20-а. ўзбек адабиётининг тараққиёти муаммоларини, А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой ва А.М.Горький сингари рус адабиёти намояндаларининг ўзбек ёзувчиларига таъсири масалаларини юқори илмий-назарий савияда ўрганган.

О. Рим адабиёти намуналари, Ж.Б.Мольернинг «Тартюф», А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин», М.Ю.Лермонтовнинг «Маскарад», «Довуд Сосунли» арман эпоси, Г.Гейне, И.А.Крилов, В.Г.Белинский, Э.Верхарн ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. О. ўзининг ранг-баранг ижоди ва жамоат арбоби сифатидаги фаолияти

Ойбек қабри устига қўйилган ёдгорлик.



б-н ўзбек халқининг маданий юксалишига катта ҳисса қўшди. Чигатоё қабристонига дафн этилган.

Адиб яшаган уйда 1980 й.да *Ойбек уй-музеи* ташкил этилган ва унга ҳайкал ўрнатилган. Т.даги кўчалардан бири, метро бекати О. номи б-н аталган. Миробод ва Юнусобод туманларида Ойбек номидаги маҳаллалар бор. Давлат мукофоти (1946), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1964) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

«ОЙБЕК» – «Ўзбекистон» йўлидаги метро бекати. Ойбек ва Афросиёб кўч.лари б-н Шаҳрисабз кўч. кесишган жойда. Меъмори Ф.Музаффарова; муҳандиси А.Зокиров ва б. 1984 й. 7 дек.да фойдаланишга топширилган. Устунли платформа Т. метрополитени линияларида биринчи марта қўлланган зилзилабардош яхлит конструкциялардан фойдаланиб қурилган, ер ости йўлаклари бўлган икки вестибюли бор. Платформа залининг ясси тоқсимон шифти устунлар ва деворларга таянган. Устунлар қизғиш мармар б-н қопланган, бўртма нақшли сополаклар б-н безатилган (рас. М.Мамажанов). Плат-

формага тушиладиган зинапоялар ён деворларига Ойбек асарлари мавзуларидаги (китоб саҳифалари тарзидаги) намоён (панно)лар ишланган. Намоёнлар-

дан бирида адибнинг бўртма тасвири ишланган (рас. О.Ҳабибулин). Бекатни безашда мармар, гранит, сопол ва б. материаллардан кенг фойдаланилган. Бекатнинг ер ости вестибюли ва йўловчилар зали орқали «Ўзбекистон» йўлидан «Юнусобод» йўлининг «*Мингўрик*» метро бекатига ўтиш мумкин.

ОЙБЕК КЎЧАСИ – Миробод туманининг «Ойбек» ва «Салор» маҳаллалари ҳудудидаги Кичик ҳалқа йўли ва Афросиёб, Шаҳрисабз кўчалари кесишмаси оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Йўналишида чор Россиясининг ўқчи батальони жойлашгани боис, дастлаб Ўқчи (Стрелковий) кўчаси деб юритилган. 1961 й. 4 авг.да космо-

навт-учувчи Г.Титов, 1977 й. 6 сент.да Космонавтлар кўчаси номи берилган. 1990 й. 28 июндан таниқли ўзбек ёзувчиси *Ой-*



Ойбек кўчаси.

бек номи б-н юритилади. 1966 й.ги Тошкент зилзilasидан сўнг кўча йўналишида кўп қаватли турар жой ва маъмурий бинолар қурилган. Мустақиллик йиллари кўчада тубдан қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. Кўча энга кенгайтирилиб, янги технологиялар ёрдамида қайта таъмирланди. Замонавий бино ва иншоотлар барпо этилди. Йўналишида Фармацевтика ин-ти, Шарқшунослик ин-тининг ф-ти, «Савдогарбанк», «Алоқабанк», «Ўзбегим» супермаркети, «Дружба», «Шоҳ» ресторанлари, «Мингўрик», «Ойбек» метро бекталари, кўп қаватли турар жой бинолари, фирма ва компания офислари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Салор канали оқиб ўтади. Нукус ва Чехов кўч.лари б-н кесишади. Саййид Барака кўчаси б-н туташ. Яқинида Қозоғистон, Туркменистон ҳамда Корея Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, Бельгия Қироллигининг Т.даги консулхонаси, Авлиё Успенский кафедрал черкови, Миробод деҳқон бозори, «Гранд Мир» меҳмонхонаси, хусусий шифохона, мактаб ва боғчалар жойлашган.



«Ойбек» метро бекати.

ОЙБЕК МАҲАЛЛАСИ (Чехов кўч., 10) – Миробод туманидаги маҳалла. Афросиёб, «Мовароуннаҳр», «Салор», Абдулла Авлоний маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил этилган. Маҳалла ҳудудидаги Фармацевтика инти рўпарасида ёзувчи Ойбек оиласи б-н истиқомат қилган. Шу муносабат б-н маҳаллага Ойбек номи берилган. Аҳолиси 3355 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудидан 8 та кўча ўтган. 2 болалар боғчаси, 2 мактаб, лицей, Тошкент давлат фармацевтика инти, М.В.Ломоносов номидаги Москва ун-тининг Тошкент ш.даги филиали, «Азия» керамика фирмаси, «Матбуот савдо», шаҳар «Сувсоз» трести, «Ўзкимёфарм», «Савдогар банк», Ички ишлар вазирлигининг маданият уйи, «Зенит» савдо м-зи, «Ариран» ресторани, «Perfektum mobile» алоқа компанияси, Тошкент шаҳар телефон тармоқлари идораси, туман халқ таълими бўлими ва б. мавжуд.

ОЙБЕК МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 15-даҳа) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Аҳмад Дониш, «Умид», «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 26 апр.да «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласининг 3 қисмга бўлиниши натижасида ташкил этилган бўлиб, шу йили май ойида ёзувчи *Ойбек* номи берилган. Аҳолиси 5450 киши, турли миллат вакиллари истиқомат қилади (2009).

ОЙБЕК УЙ-МУЗЕЙИ (Тазетдинов кўч., 26) – адабий мемориал музей. *Ойбек* яшаган ва ишлаган (1940–68) уйда 1980 й. очилган ва музей ҳовлисида ёзувчига ҳайкал (меъмори Т.Жалолова, ҳайк. И.Клиницкий) ўрнатилган. 2005 й.да Ойбек та-



Ойбек ҳайкали (уй-музейида).

валлудининг 100 йиллиги муносабати б-н музей экспозицияси янгиланган. Экспозиция адабий ва мемориал қисмдан иборат. Адабий қисмда «Кириш», «Болалик», «Қутлуғ қон», «Навоий», «Абадият ва умр» деб номланган 5 та асосий зал, иш кабинети ва Саидносир отага бағишланган бўлим бор. Мемориал қисм эса меҳмонхона, иш кабинети, кутубхона, ётоқхона ва музей фонди сақланадиган хоналарни ташкил этади. Музейда 10 мингдан ортиқ экспонат сақланади. Улар, асосан, қўлёзмалар, фотосуратлар, уй жиҳозлари, турли санъат асарлари ва буюмлардан иборат. 2008 й. музейни 5000 га яқин киши кириб кўрди. **ОЙДИН** (тахаллуси; асл исм-шарифи Собирова Манзура) (1906.20.11–1953.30.5) – ёзувчи, драматург. Т.да туғилган. Хотинқизлар билим юрти (Инпрос)да (1919–23) ва Самарқанд педагогикасида (1927–31) ўқиган. Ўздавнашрда бўлим бошлиғи (1931), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1932–37). «Ёрқин ҳаёт» журн. муҳаррири ўринбосари (1938–41), Ўзбекистон радиоқўмитасида адабий эшиттиришлар бўлими масъул муҳаррири (1941–45),

«Ўзбекистон хотин-қизлари» журн. бош муҳаррири (1946–53). «Чақалоққа чакмонча» (1939), «Қизларжон» (1943), «Ширин келди» (1944), «Мардлик – мангулик» (1947), «Ҳикоя ва очерклар» (1952), «Ҳикоялар» (1954) каби китоблари ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридир. Драма («Янгиликка қадам», 1925), айрим санъат арбоблари: М.Турғунбоева, Ҳ.Носирова ва б. ҳақида очерклар, адабий-публицистик мақолалар муаллифи. Т. кўчаларидан бирига О. номи берилган.

«ОЙДИНКЎЛ» МАҲАЛЛАСИ (Янгилик 2-тор кўча, 23) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Худойбердиев, «Янгиобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966–67 й.да Худойбердиев маҳалласи таркибиде бўлган. 1968–2008 й.лар Ёқуб Алиев маҳалласи деб аталган. 2008 й. 2 сент.дан «Ойдинкўл» маҳалласи дейилади. Аҳолиси 1501 киши, асосан, ўзбеклар (98%), руслар ва татарлар ҳам яшайди (2009).

«ОЙМОМА» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Қорақамиш кўч.) – Собир Раҳимов тумани Қорақамиш даҳасида жойлашган. Майд. 1,2 гектар. Боғда чинор, қайин, арча, каштан, қарағай каби манзарали дарахтлар, турли хил буталар ўсади. Ҳар йили гул кўчатлари экилади. Дам олувчилар ҳордиқ чиқаришлари учун йўлқалар четига ўриндиқлар ўрнатилган. Боғда махсус жиҳозланган болалар спорт майдончаси, турли хил аттракционлар мавжуд. Салқин ичимликлар б-н савдо қилувчи шохобчалар аҳолига хизмат кўрсатади. Маърифий тадбирлар, халқ сайиллари ўтказилади.

ОКТАБРЬ ТЎНТАРИШИ – Россияда Муваққат ҳукуматнинг қурол кучи б-н ағдарилиши ва

ҳокимият тепасига большевиклар партиясининг келиши [1917 й. 24–26 окт. (6–8 нояб.)]. О.т. ҳақидаги хабар 27 окт.да Т.га етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йўли б-н эгаллаш учун кураш бошладилар. Тўрт кунлик жанглардан сўнг 1 (14) ноябрда Т.нинг Янги шаҳар қисмида совет ҳокимияти ўрнатилди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети ағдариб ташланди. Бироқ қуролли тўқнашувда маҳаллий аҳоли деярли иштирок этмади. 1917 й. 15–22 ноябрда бўлган Туркистон Советларининг 3-Ўлка съездида сўл эсерлар, большевиклар ва максималистлардан иборат Туркистон ўлкаси ХКС (раиси Ф.И.Колесов) тузилди. Ҳукумат таркибига туб миллат вакилларида бирон киши ҳам киритилмаган эди. Ҳокимиятнинг Советлар томонидан босиб олинишини тараққийпарвар кучлар (Фитрат, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Мунавварқори, Мустафо Чўқай, Шерали Лапин ва б.) кескин қоралашган. О.т. 20-а.да Россия ва бутун жаҳон тарихи учун кучли таъсир қилди. О.т. 20-а.дан давлат терроризмини бошлаб берган сиёсий воқеа эди.

ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ (ОАК), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси (Яҳё Фуломов кўч., 70) – 1992 й. Т.да ташкил этилган. Асосий вазифаси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга раҳбарлик қилиш ҳамда илмий даража ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг

ягоналиги ва бажарилишини таъминлаш, ихтисослашган кенгашлар иши ва диссертация ишлари сифатини, уларнинг илмий ҳамда амалий қийматини назорат қилиб боришдан иборат. ОАК етакчи олий ўқув юртлари ва и.ч. муассасаларида фан д-ри ва фан номзоди илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгашлар тузади, режалаштири-лаётган д-рлик ва номзодлик диссертацияларининг мавзуларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради ҳамда мониторингини олиб боради, тегишли ихтисослашган кенгашнинг тақдимномаси асосида фан д-ри, фан номзоди илмий даражаларини, проф., доцент илмий унвонларини беради, бошқа давлатларнинг илмий даражалари ҳақидаги дипломларни ўрнатилган тартибда республика дипломларига тенглаштириш (нострификациялаш)ни амалга оширади, ёқланган диссертация ишларини таҳлил қилади.

ОАК раиси, бош илмий котиб, аъзолардан иборат Раёсат ОАКнинг раҳбар органи ҳисобланади.

ОАК таркибида физика-математика, техника фанлари ва Ер ҳақидаги фанлар, биология, қ.х., кимё ва тиббиёт фанлари, гуманитар ва ижтимоий фанлар бўлинмалари, меъёрий-ахборот бўлими бор. ОАК ҳузурида фан тармоқлари бўйича халқ хўжалиги ва маданиятнинг етакчи мутахассис олимларидан иборат 6 эксперт кенгаш мавжуд.

ОАКга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н тайинланадиган раис бошчилик қилади. У ОАК Раёсати ишига раҳбарлик қилади ҳамда ОАКга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун

шахсан жавоб беради. ОАК «Олий Аттестация Комиссияси бюллетени» журн.ни нашр этади (1993 й.дан).

ОЛИЙ УМУМҚЎШИН ҚЎМОНДОНЛИК БИЛИМ ЮРТИ, Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти (Паркент кўч., 2) – 1918 й. 12 июлда юнкерлар мактаби негизда Туркистон совет командирлари курси сифатида ташкил этилган. 1919 й.дан Туркистон ҳарбий инструкторлар мактаби, 1922 й.дан Туркистон командирлар тайёрлайдиган бирлашган мактаб, 1943 й.дан Т. пиёда аскарлар билим юрти номи б-н юритилган. 1958 й. олий билим юртига айлантирилган ва Умумқўшин командирлари олий билим юрти деб номланган. 1991 й.дан ҳоз. номда.

Билим юрти Ўзбекистон Республикасида мотоўқчи, қўшин разведкаси, чегара бўлинмалари учун юқори малакали зобит мутахассислар, командирларнинг тарбиявий ишлари бўйича ўринбосарларини тайёрловчи етакчи олий ҳарбий ўқув юрти ҳисобланади. Билим юртида таълим муддати 4 йил. Лекция машғулотлари электрон ва мультимедиа системалари ёрдамида ўтказилади. Гуруҳ машғулотлари каф. ўқитувчилари томонидан тайёрланган слайд ва ўқув фильмларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Амалий машғулотларда техника, ўйин усуллари, тестлаштиришдан фойдаланилади. Кейинги 7 йил ичида билим юртида ахборот технологиялари, қўшин разведкаси, бўлинмаларнинг кундалик фаолиятини бошқариш, чегара қўшинлари хизмати ва тактикаси, тоғ тайёргарлиги каби янги каф.лар очилди. Ижтимоий фанлар каф. ўрнига гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар

ҳамда тарбиявий ишларни ташкил этиш каф.лари, математика ва физика ҳамда умумий техника фанлари каф. ўрнига табиий-илмий фанлар каф. ташкил этилди. Шунингдек, тактик звено ва ҳарбий бошқарувнинг маҳаллий органлари зобитларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ф-ти тузилди. Айни вақтда 2007 й.дан билим юрти ўқитувчилари педагогик даражасини ошириш бўйича методик м-з фаолият кўрсатади.

Билим юртида электрон кутубхона, видеотека, ҳарбий-десант мажмуаси, «Аист» («Лайлак») чегара қўриқчи катери учун причал, тоғ шаҳарчаси, Давлат чегарасини ҳимоя қилиш участкасининг катта ва кичик макетлари бор. Халқ театри тўғараги, айкидо, отиш спорти, спорт ориентирлаш, автомобилчи, радиоҳаваскор, геодезия ва харитаграфия секциялари мавжуд. 1992–2008 й.лар билим юртида 4 мингга яқин зобит тайёрланди.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ – Т.да Европа типдаги дастлабки олий ўқув юрти 1918 й.да очилди. Шу йили 21 апр.да Туркистон халқ ун-ти, 1918 й. 12 майда унинг таркибида *Мунавварқори* Абдурашидхонов ташаббуси б-н Мукулмон халқ дорилфунуни ташкил этилди. Ҳозир Т.да 29 олий ўқув юрти бор (2009). Улар тегишли вазирликлар, агентлик, компания, концерн, қўмита ва б. давлат муассаса ҳамда ташкилотлари тасарруфида.

О.ў.ю.нинг кўпи етакчи ўқув муассасалари ҳисобланади; уларда 119407 талаба таълим олади. 10310 проф.-ўқитувчи, жумладан 1011 фан д-ри ва проф., 3346 фан номзоди ва доцент ишлайди (2008). 16 О.ў.ю.да 21 давлатдан келган хорижий талабалар ўқийди. Уларда бака-

Тошкент ш.даги давлат олий ўқув юртлари (2009)

Олий ўқув юрти	Ташкил этилган ёки қайта ташкил этилган йили
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	
Ўзбекистон Миллий ун-ти	2000
Тошкент техника ун-ти	1991
Тошкент иқтисодиёт ун-ти	1991
Ўзбекистон жаҳон тиллари ун-ти	1992
Тошкент шарқшунослик ин-ти	1991
Тошкент архитектура ва қурилиш ин-ти	1991
Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти	1932
Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти	1972
Тошкент молия ин-ти	1991
Тошкент кимё-технология ин-ти	1991
Тошкент педагогика ун-ти	1998
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси	
Тошкент ислом ун-ти	1999
Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги	
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти	1992
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги	
Тошкент тиббиёт академияси	2005
Тошкент тиббиёт педиатрия ин-ти	1972
Тошкент фармацевтика ин-ти	1937
Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги	
Тошкент маданият ин-ти	1974
Ўзбекистон консерваторияси	2002
Ўзбекистон санъат ин-ти	2007
Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби	1997
Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти	1955
Ўзбекистон Бадий академияси	
Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти	1997
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги	
Тошкент аграр ун-ти	1992
Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти	2004
Ўзбекистон Республикаси Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги	
Тошкент ахборот технологиялари ун-ти	2003
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	
Тошкент юридик ин-ти	1991
«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси	
Тошкент темир йўл муҳандислари ин-ти	1931
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси	
Солиқ академияси	2003
Ўзбекистон банклари ассоциацияси	
Банк-молия академияси	1996

лавриат йўналиши бўйича 97, магистратура йўналиши бўйича 200 ихтисосликлар мавжуд. О.ў.ю.да таълим 2 босқичли бўлиб, камида 4 йиллик бакалавриат ва 2 йиллик магистратурадан иборат. Т.да, шунингдек, Олий ҳарбий божхона ин-ти, Ички ишлар вазирлиги академияси, Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти ҳамда М.В.Ломоносов номидаги Москва ун-ти, Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ ун-тининг филиаллари, Тошкент Халқаро Вестминстер ун-ти, Тошкент ш.даги Сингапур менежментни ривожлантириш ин-ти, Тошкент ш.даги Турин политехника ун-ти бор. Жисмоний тарбия, тўқимачилик ва энгил саноат, автомобиль-йўллар, кимё-технология, фармацевтика, юридик ин-тлари, пед. ун-ти, консерватория ва солиқ академиясида малака ошириш ф-тлари бор. Т.даги барча О.ў.ю.да аспирантура мавжуд. Уларда 2008 й. 1157 аспирант таълим олди. Т.даги О.ў.ю.да 16 ихтисослик бўйича номзодлик, 17 ихтисослик бўйича д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича 31 ихтисослаштирилган кенгаш бор. Т.даги йирик илмий муассасалар О.ў.ю.да олий таълим тизимини такомиллаштириш ва илмий кадрлар тайёрлашга ёрдам беради. Бир неча О.ў.ю.нинг каф.лари, и.т. бўлими ва секторлари, муаммоли ва тармоқ лаб.лари корхоналар, и.ч. ташкилотлари, и.т. институтлари б-н ижодий ҳамкорликда фан ва техниканинг муҳим масалаларини ҳал қилмоқда. Т.даги олий таълим тарихи тўғрисида *Халқ таълими*, шунингдек, О.ў.ю. тўғрисидаги тегишли мақолаларга қ. (мас., *Педагогика университети* ва б.).

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти (Қозирабод 2-тор кўч., 118) – божхона тизимига юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 2003 й. 22 майда божхона коллежи, Солиқ ва божхона академиясининг божхона иши ф-ти негизда ташкил этилган. Таркибида божхона иши, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ф-тлари ҳамда 11 кафедра, бўлим ва бўлинмалар, махсус синфлар ва криминалистик лабораториялар, кутубхона, спорт мажмуаси ва б. фаолият кўрсатади.

Ин-тда божхона тизимидаги кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги оширилади, тизим ходимлари қайта тайёрланади ва малакаси оширилади; божхона иши соҳасида и.т. ишларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларнинг шу каби ўқув бўлинмалари б-н амалий, услубий алоқалар ўрнатиш (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ривожланиш дастури асосида семинарлар ўтказиш), илмий адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари бажарилади. Шу б-н бирга ин-т Олий ҳарбий божхона институти.

проф.-ўқитувчилари хорижий мамлакатларнинг божхона соҳасида ташкил қилинадиган дастурларида иштирок этадилар. Ин-тга ҳар йили 100 дан ортиқ талаба қабул қилинади. Д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш мавжуд. **ОЛИЙ ҲАРБИЙ-ТЕХНИК БИЛИМ ЮРТИ**, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти (Тошкент ш., 100211) – олий ҳарбий таълим муассасаси. 1990 й. 15 окт.да ташкил топган. 1992 й. 10 янв.дан ҳоз. номда.

Билим юрти Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қўшинлари ва идоралари, Қуроли Кучлари учун юқори касб маҳоратига эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш б-н шуғулланадиган, мамлакат хавфсизлиги вазифаларини самарали бажаришга даъват этилган олий ҳарбий таълим даргоҳи ҳисобланади. Билим юрти ўз жанговар байроғига эга.

Билим юртида 5 мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланади: Ички ишлар вазирлиги



қўшинлари тактик қўмондонлиги (ўқиш муддати – 4 йил); Ички ишлар вазирлиги қўшинларининг тактик-тарбиявий қўмондонлиги (ўқиш муддати – 4 йил); жазони ўташ режимини ташкил этиш (юриспруденция) (ўқиш муддати – 4 йил); Ички ишлар вазирлиги корхоналарида техник назорат ва и.ч.ни ташкил этиш муҳандислиги (ўқиш муддати – 5 йил); аниқловчи ва қўриқловчи электрон тизимларидан фойдаланиш техник-муҳандислиги (ўқиш муддати – 5 йил). Билим юртида 16 каф., малака ошириш ф-ти мавжуд. Ўқув, бадий ва махсус адабиётлар кутубхоналари бор, уларда 60 минг нусхага яқин адабиётлар жамланган.

Билим юрти 3 та замонавий ўқув биноси, 60 дан ортиқ махсус синфлар, 4 маърузахона, 5 компьютер синфи, 3 лаб., спорт мажмуаси, 8 спорт шаҳарчаси, 600 кишига мўлжалланган клуб, музей, 3 ўқ отиш тири, тактикала машғулотлари ўтказишга мўлжалланган полигонга эга. Бундан ташқари билим юртида курсант ва тингловчилар учун ётоқхоналар, тиббий марказ, ошхоналар, меҳмонхона ва б. мавжуд. 2007/08 ўқув йилида ишга туширилган моделлаштирилган ва симуляция маркази, панорамали компьютерлаштирилган ўқ отиш тренажери ўқув жараёни самарадорлигини оширишга ва юксак малакали зобитлар тайёрлашга имкон беради. Ўқитувчиларнинг 12 нафари фан номзоди илмий даражасига, 3 нафари доцент илмий унвонига эга. Билим юрти ҳудудида Амир Темур ҳайкали ўрнатилган (1996 й. 17 нояб.). Билим юрти 1995 й. дастлабки битирувчиларни тайёрлаб чиқарди. Шу кунга қадар 4 минг-

дан ортиқ зобитлар тайёрланди.

ОЛИМ АШИРОВ МАҲАЛЛАСИ (Олтинтопган кўч., 63) – Бектемир туманидаги маҳалла. Ўрмон хўжалиги мавзесида жойлашган. 1996 й. ташкил топган. Авиаҳалокатга учраган «Пахтакор» футбол жамоаси аъзоси Олим Аширов номи б-н аталган. Маҳалла ҳудуди асосан кўп қаватли уйлар ва дала ҳовлилардан иборат. «Бектемир», «Нурафшон» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 4700 кишидан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада 6 та кўча, 2 та болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони бор.

ОЛИМ ХЎЖАЕВ МАҲАЛЛАСИ (Самад Вурғун кўч., 10^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Чўпонота», «Новза», «Самарқанд Дарвоза» маҳаллалари б-н чегарадош. 1936 й. Оқтепа ҳудудидаги «Чўпонота» маҳалласи таркибига кирган. Халқ артисти Олим Хўжаев шу маҳалладан Олий Кенгаш депутатлигига сайланган ва унинг ташаббуси б-н маҳалла ҳудудида 157-ўрта мактаб, 241-болалар ясли-боғчаси қурилган, шунингдек, кўча ва уй-жойлар қурилишига ёрдам кўрсатгани боис «Чўпонота» маҳалласининг бир қисми ажратилиб, янги маҳаллага Олим Хўжаев номи берилган. Аҳолиси 4595 киши, асосан, ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 3 болалар боғчаси, менежер-технология коллежи, озиқ-овқат дўкони, дорихона, қурилиш моллари дўкони, кафе, сартарошхона, стоматология бўлими ва б. мавжуд.

Маҳаллада Ўзбекистон халқ артисти Хусан Шарипов, машҳур футболчи – Ўзбекистон терма жамоасининг бош тренери Миржалол Қосимов истиқомат қиладилар.

«ОЛИМЛАР» МАҲАЛЛАСИ (Мирзо Улуғбек кўч., 71) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Файзулла Хўжаев маҳалласи б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Дастлаб Иброҳим Мўминов номидаги «Олимлар» маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 3150 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида болалар спорт майдончаси, кутубхона, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, Яланғоч қабристон мавжуд. Маҳаллада кўплаб давлат ва фан арбоблари, жумладан И.Мўминов, М.М.Хайруллаев, К.А.Зуфаров, А.Қ.Валиев, К.Аҳмедов ва б. яшаб ўтган.

ОЛИМПИА ДАҲАСИ – Собир Раҳимов туманида, Дамариқ ва Қорақамиш каналлари ҳамда Мухбир ва Қамарнисо кўчалари оралиғида жойлашган. Даҳа «Ташгипрогор» ин-ти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилган. Даҳанинг марказий қисмида спорт-соғломлаштириш мажмуаси, «Олимпия» меҳмонхонаси ва гузари, «Велотрек» жойлашган. Даҳада 4 ва 5 қаватли ҳамда якка таркибдаги уй-жойлар бор.

«ОЛИМПИА» МАҲАЛЛАСИ (Мухбир кўч., 1^а-уй) – Собир Раҳимов тумани Олимпия даҳасидаги маҳалла. «Шодлик», «Ёшлик», Аҳмад Яссавий, Мирзо Фолиб, Беруний маҳаллалари б-н чегарадош. Асқар Убайдуллаев ва Туроб Расулов маҳаллаларининг бирлашиши натижасида 2006 й. ташкил топган. Аҳолиси 7 мингга яқин, асосан, ўзбеклар (2009). Маҳалла ҳудудида Педиатрия и.т. инсти-

тути, 2 та интернат мактаби, 2 та заиф эшитувчилар махсус интернати, «Аҳмадқори» жоме масжида, «Хадичаи Кубро» аёллар мадрасаси, 2 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, чинни буюмлар и.ч. ва қандолатчилик цехлари, ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, 2 та тўйхона, 4 та новвойхона, велотрек, 2 та болалар спорт майдончаси, 2 та мебель цехи ва б. мавжуд. Акад. Матёқуб Қўшчонов, болалар шоири Қудрат Ҳикмат шу маҳалла ҳудудида яшаб ўтган.

ОЛИМПИА ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИ (Рашидов кўчаси, 4^а-уй) – Ўзбекистонда олимпиада ҳаракати ва спорт ютуқларини тарғиб қилувчи марказ. 1996 й. 1 сент.да Тошкентда очилган. Осиё қитъасида биринчи ташкил қилинган олимпия музейи. Очилишида Халқаро Олимпиада қўмитаси (ХОҚ)нинг ўша даврдаги Президенти Х.А.Самаранч иштирок этган. Музейнинг вази-фаси: олимпия ғояларини тарғиб қилиш б-н бирга республикада жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинларини юксалтириш, шунингдек, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлаш ишига кўмаклашиш. Музейда 11 мингдан зиёд экспонатлар: турли буюмлар,

ашёлар, расмлар, ёрлиқлар ва мусобақаларнинг голибларига берилган кубоклар, медаллар, нишонлар мавжуд. Улар АҚШ, Испания, Швейцария ва б. хорижий давлатлардан олиб келинган. Музейнинг 1-қаватида ноёб экспонатлар жойлаштирилган. Президент Ислон Каримовнинг музейга совғалари ҳам бор. Булар олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Президентига ХОҚ Президенти топширган Олимпиада олтин ордени, Миллий Олимпия Қўмиталари Ассоциациясининг олтин ордени, Осиё Олимпия Кенгашининг олтин ордени, Халқаро ҳаваскорлар кураш федерациясининг «Олтин маржони»дир. Шунингдек, олимпиада ўйинлари вақтида тайёрланган турли медаллар ва нишонлар бор. Музейнинг 2-қаватида Олимпиада ўйинлари ўтказилган йиллар хронологик тарзда берилган бўлиб, уларда иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларнинг кийимлари, асбоб-анжомлари, суратлари, мукофотлари б-н танишиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида спортчиларимизнинг жаҳон биринчиликлари, Осиё, Марказий Осиё ўйинлари, Тошкент ва хорижий мамлакатларда ўтказилган турли халқаро

этади. Амалдаги экспозициялар мунтазам янги экспонатлар б-н тўлдириб турилади. Музей видеокассетаси тасмаларига энг қизиқарли мусобақалар тасвири ёзилган. Музейда Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид ҳужжатлар фонди яратилган. Муҳим спорт тадбирлари ҳам ўтказиб турилади.

ОЛМАЗОР – турар жой массиви, Олмазор, Ўзбекистон, Фурқат кўчалари ва Муқимий майдони оралиғида. Мавзе 1970–72 й.ларда «Халқлар дўстлиги» (ҳоз. «Истиқлол») санъат саройи қурилиши б-н Олмазор ва Фурқат кўч. оралиғида жойлашган эски, талаб даражасига жавоб бермайдиган уй-жойларни бузиб, ўрнига «ТошбошпланЛИТИ» ин-ти лойиҳаси асосида қурилган. Мавзеда 11 та 9 қаватли турар жой биноси, мактаб, боғча, академик лицей, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари бор.

«**ОЛМАЗОР**» – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. «Эгарчи», «Девонбеги», «Қоратош», «Мерганча» маҳаллалари б-н чегарадош. 70 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, қисман дунгонлар бўлиб, ҳунармандчилик, шаҳар четидagi ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шугулланган. 3 масжид, 3 карвонсарой, баққоллик ва гўшт дўконлари бўлган (20-а. бошлари). Ҳоз. маҳалла ҳудудида кўп қаватли турар жой ва жамоат бинолари қурилган.

«Олмазор» маҳалласи (Қоратош кўч., 150) – Т.нинг қад. маҳалласи ҳудудида. 1991 й. янгидан ташкил қилинган. «Ўқчи», «Қоратош», «Хизматчи» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 5000 кишига яқин, асосан, ўзбеклар яшайди (2009). Маҳалла худу-



турнирларда эришган ютуқлари, қўлга киритган совринлари музей экспонатларининг асосини ташкил

Олимпия шон-шуҳрати музейи.

дида 76-мактаб, Геология музейи, Ҷуқувчилар саройи, Фонд-Форум, «Фаёз» кафеси жойлашган. Шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов шу маҳаллада туғилиб вояга етган.

«ОЛМАЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Олмазор кўч., 14^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. Фафур Фулом, «Гулобод» ва Шайхонтоҳур туманидаги «Қоратош» маҳаллалари б-н чегарадош. 1986 й. ташкил топган. Утмишда бу ҳудудда катта мевали боғлар, олмазорлар бўлиб, улар шаҳар бўйлаб донг таратган. Шу сабабли бу ҳудуд ҳоз.гача «Олмазор» деб аталади. Аҳолиси 3675 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан зиёд турли миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, 2 та клиника, 2 та ресторан, бир неча кафе, 3 та озик-овқат дўкони, модалар ательеси, дарсхона мавжуд.

«ОЛМАЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Қўйлиқ-2 мавзеси, 3) – Миробод туманидаги маҳалла. «Мустақиллик», «Чинор», «Толариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил этилган. Аҳолиси 2869 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 2 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, 4 та савдо дўкони, 2 та гўзаллик салони, модалар ательеси, дорихона, стоматология бўлими, новвойхона мавжуд.

ОЛМАЧИ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг «Олмачи» маҳалласи ҳудудида. Мустақиллик ва Бўзбозор кўчалари оралигида. Уз. 2 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. 1997 й. 18 дек. да жойнинг тарихий номи сифатида Олмачи номи берилган. Таркибида 6 та тор ва 5 та берк кўча бор. Йўна-

лишида туман прокуратураси, туман фуқаролар суди, туман ички ишлар бошқармаси, «Тумангаз», Кимё-технология интенинг ноорганик моддалар технологияси ф-ти, Архитектура ва қурилиш ин-тенинг архитектура ва қурилиш ф-ти, «Капитал-банк» филиали, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, дорихоналар, 128-боғча, 71-мактаб, савдо шохобчалари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Яқинида Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти, «Буюк ипак йўли» ва «Пушкин» метро бекатлари бор.

«ОЛМАЧИ» МАҲАЛЛАСИ (Муҳаммад Юсуф кўч., 42) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Гулистон», «Олтинтепа-10», «Турон» ва Аҳмад Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош. 2-жаҳон уруши йилларида Т.га Россиядаги йирик саноат корхоналари кўчирилган. 1942 й. Тошкент трактор 3-ди ишга тушган, унинг ишчи-ходимлари учун ҳоз. маҳалла ҳудудидан ер ажратилган.

Қисқа вақт ичида уй-жойлар қурилиб, маъмурий орган – кварталлар ташкил топган. Мустақиллик йилларида маҳаллага «Бўз-8» номи берилган, 2007 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 8500 киши, кўп миллатли (2009). Маҳалла ҳудудида 2 та ўрта мактаб, спорт мажмуалари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 14 та новвойхона, 3 та ошхона, масжид мавжуд. Маҳаллада Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф яшаган.

ОЛОЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Амир Темур шоҳқўчаси, 40) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилувчи шаҳардаги йирик бозорлардан бири. 1996 й. 13 мартдан ОАЖга айлантирилган. «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмаси тизмига киради. Бозорга 1928 й. асос солинган. Бир неча марта таъмирланган, охириги марта «Ташгипрогор» ин-ти лойиҳачилари тайёрлаган лойиҳа асосида 1993 й.да тўла таъмирдан чиққан. 2006 й.да эса 250 савдо ўринли ҳўл мевалар сотиш рас-таси реконструкция қилинди, 72 та гул савдо дўконлари, 2007 й. иссиқ нон ёпиб берувчи новвойхона қурилди. Бозорда аҳолига

Олой деҳқон бозорининг асосий дарвозаси.



олди-сотдини қулайлаштириш мақсадида ҳар бир маҳсулот турлари учун алоҳида жой ажратилган расталар ташкил этилган. Умумий майдони 79238 м², савдо ўринлари сони 1453 та. Ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, тропик мевалар, иссиқхонада етиштирилган помидор, бодринг, дон маҳсулотлари, зиравор ва доривор, асал, тухум, кўкатлар ва б. б-н садво қилинади. Бозор яқинида «Абдулла Қодирий», «Юнус Ражабий» метро бекатлари, бош почтампт, «Дедеман силк Роад Ташкент» меҳмонхонаси, «Турон» тўйхонаси, «Тошшаҳар-трансхизмат» уюшмаси бор.

«ОЛПЛАСТ» (Навоий кўч., 18^б-уй) – МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон–Британия қўшма корхонаси. 1998 й. ташкил бўлган. 2003 й. июлда қўшма корхонага айлантирилган. Бир йилда 20 млн.дан зиёд қоп ишлаб чиқаради. Маҳсулотлари экспорт қилинади.

ОЛТИН ВОДИЙ КЎЧАСИ – Сергели туманининг «*Олтин Водий*» маҳалласи ҳудудида. Безакчилик кўчаси б-н Олтин водий 3-берк кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 1 км атрофида. 20-а.нинг 50-й.ларида ташкил топган. Дастлаб Венгрия кўчаси деб юритилган. 1997 й. 18 дек.да «Олтин водий» номи берилган. Таркибида 2 та тор ва 2 та берк кўча мавжуд. Йўналишида «Файз Хундейшн» Ўзбекистон–Буюк Британия қўшма корхонаси, Механика-таъмирлаш з-ди, «Қурилиш лизинг» корхонаси, 359-боғча, милиция таянч пункти, савдо шохобчаси, дорихона, почта, фирма офислари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Яқинида «Тошшаҳарнур», «Шамол», «Вагон ресторани» ва «Гёттегруп» корхоналари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари бор.

«ОЛТИН ВОДИЙ» МАҲАЛЛАСИ (Аэропорт ҳудуди, 8^а-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. «Учувчилар», «Қумариқ», «Нўғайқўрғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1930 й. ташкил топган. 2007 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 957 хонадон (3292 киши)дан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар ва руслар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди (2009). Маҳаллада 4 та кўча, болалар боғчаси, мактаб, 6 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, сартарошхона ва б. бор.

«ОЛТИН ВОДИЙ» МАҲАЛЛАСИ (Содиқ Азимов кўч., 49) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Чўлпон маҳалласи б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. 2008 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3500 киши. Маҳалла ҳудудида Ўзбекистон ФА Президиуми, Олий аттестация комиссияси, Ўзнефтогаз холдинг компанияси, Республика патент идораси, Республика радио уйи, Франция, Туркия, Хитой, Украина, Белоруссия, Индонезия, Япония каби давлатларнинг элчихоналари, илмий ва таълим муассасалари, ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, спорт иншооти, католик черкови жойлашган.

«ОЛТИНКЎЛ» МАҲАЛЛАСИ (Фарғона йўли кўч.) – Миробод туманидаги маҳалла. «Қорасув», Фурқат, Фитрат, «Сарикўл» маҳаллалари б-н чегарадош. 1959 й. ташкил топган. Аҳолиси 4050 киши, асосан, руслар, шунингдек, ўзбек, татар ва б. яшайди (2009). Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, «Фарғона» деҳқон бозори, 4 та дорихона, 6 та озиқ-овқат дўкони, 3 та хусусий ошхона, оталар чойхонаси, Тошкент трамвай-троллейбус депосига қарашли касалхона, қаҳвахона мавжуд.

Маҳаллада навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметов, Ўзбекистон халқ артисти Дадаали Соатқулов яшаб ўтган.

ОЛТИНТЕПА КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг «Олтинтепа», «Бўзариқ», «Алпомиш» маҳаллалари, Ҳамза туманининг «Дўстлик» маҳалласи ҳудудида. Султонли Машҳадий ва Дўрмон йўли кўчалари оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Ворошилов, 1962 й. 12 июлда Циолковский номи берилган. 2008 й. 6 майдан Олтинтепа кўчаси номи б-н юритилади. Таркибида 5 та тор кўча бор. Йўналишида Санитария, гигиена ва касб касалликлари и.т. институти, 196-боғча, 130-мактаб, автомобиль таъмирлаш устахонаси, ғишт з-ди, аккумулятор цехи, «Голден Хилл» ресторани, «Евразия» кафеси, савдо шохобчалари, автобаза, гўзаллик саломи жойлашган. Яқинида Қорасув б-мавзеси, Паркент бозори бор. Қорасув канали оқиб ўтади.

«ОЛТИНТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Чилдухтарон кўч., 11) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Авайхон», «Олмачи», «Бўзариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й. ташкил этилган. Илгари космонавт В.Жонибеков номи б-н аталган. Аҳолиси 4580 киши, 25 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд.

ОЛТИНТОПГАН КЎЧАСИ – Бектемир туманининг Олим Аширов маҳалласи ҳудудида. Бектемир кўчаси б-н кўча этагидаги дала ҳовлилари оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 1990 й. Т. вилояти Ўрта Чирчиқ туманидан Тошкент ш. тасарруфига ўтган. 2008 й. 6 майдан Олтинтопган номи б-н юритилади. Таркибида 1 та берк кўча бор. Йўна-



«Оникс»
ОАЖ.

қандиллари, бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. Йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 2008 й.да 7,2 млрд. сўмни ташкил

лишида «Кока-Кола» ЛТД қўшма корхонаси, темир-бетон з-ди, «Истал» илмий-и.ч., «Ўзбекиолтин», мебеллар и.ч. корхоналари, «БК Интранс» халқаро автокорхонаси, 56-автобаза, савдо шохобчалари, «Империа» ресторани, 570-мактаб, боғча, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Яқинида Чирчиқ дарёси оқиб ўтади.

ОМОНАТ КАССАЛАР – Жамфармалар банки, қ. *Халқ банки*. «ОНИКС» (Янги Олмозор кўч., 51) – биллур маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ОАЖ. 1948 й. ташкил қилинган, маҳсулотлари электротехника жиҳозларидан иборат бўлиб, аксарияти муҳофаа саноати учун мўлжалланган. 1966 й. радио компонентлари ишлаб чиқарадиган з-дга айлантирилган. 1969 й.дан «Миконд» з-ди номи б-н атала бошлади. 1971 й. Марказий Осиёда биринчи бўлиб биллурдан тайёрланган маҳсулотларни, 1990 й.дан эса турли модификациядаги биллур қандилларни ишлаб чиқара бошлади. 1975 й. «Миконд» з-ди базисда «ОНИКС» и.ч. бирлашмаси ташкил этилди. 1995 й. «ОНИКС» ОАЖга айлантирилди. Айни вақтда биллур маҳсулотларни и.ч. ва қайта ишлаш, шунингдек, уй-рўзғор ҳамда офис

этади. Маҳсулотлари Қозоғистон, Тожикистон, Россия давлатларига экспорт қилинади.

Корхонанинг тоғли ҳудудда жойлашган «Баланд қирғоқ» дам олиш зонаси, «Нурафшон» болалар соғломлаштириш маскани ҳамда профилакторийси бор. **ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ**, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика онкология маркази (Форобий кўч., 383) – илмий амалий муассаса. 1958 й. Тошкент ш.да Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти номи б-н ташкил этилган. 1966 й.дан Онкология и.т. институти деб аталган. 2001 й.дан ҳоз. номда. Марказда онкология соҳасида кенг қамровли фундаментал ва илмий амалий изланишлар олиб борилади. О.м.нинг вазифаси Ўзбекистонда онкология муаммоси б-н боғлиқ масалаларга раҳбарлик қилиш ва бошқариш, республикада онкология хизматини ташкил этиш, юқори малакали ихтисослашган илмий ва амалий онколог мутахассислар тайёрлаш ва б.дан иборат. О.м.-да хавфли ўсмалар пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишида генлар ролини ўрганиш, ўсмаларни аниқлашда ультратовуш, доплерография, компьютер то-

мограммани қўллаш, сканер усули б-н текшириш; ҳайвонларда (қуён, оқ сичқон) сунъий ўсмалар ҳосил қилиш, онкологик беморларни кимёвий ва физик омиллар б-н даволашнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш, аъзоларни сақловчи юқори технологияли амалиётлар бажариш ва реабилитация усулларини жорий қилиш; шунингдек, ўлкага хос хавфли ўсмалар, уларнинг дастлабки диагностикаси, олдини олиш, комплекс даволаш ва б. масалалар юзасидан и.т.лар ўтказилади. Диспансер ишларини яхшилаш, фан ютуқларини тиббиёт амалиётига жорий этиш б-н шуғулланилади. Жойларда соғлиқни сақлаш органларига онкология бўйича илмий-амалий, ташкилий, консультатив ёрдам кўрсатилади. Марказда 14 лаб. (иммунология, клиник-диагностика, СПИД ва б.), 13 илмий бўлим (колопроктология, маммология, гинекология, умумий онкология, урология ва б.), илмий тиббиёт ахбороти, патент гуруҳлари, 315 ўринли клиник касалхона, аспирантура, клиник ординатура, консультатив поликлиника, дорихона, вивария, кутубхона, шунингдек, махсус препаратлар ишлаб чиқарадиган «Нуҳом» з-ди ва б. бор (2009). 1972 й. О.м.-нинг Қорақалпоғистон филиали (Нукус ш.да) очилган.

Марказда 180 га яқин илмий ходим, жумладан 5 та проф., 13 та фан д-ри, 98 дан зиёд фан номзоди ва кўпгина малакали онколог шифокорлар хизмат қилади. Марказ республикада онкология муаммолари бўйича илмий ва методик муассаса ҳисобланади.

ОПЕРЕТТА ТЕАТРИ, Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри (Чўпонота кўч., 1) – Ўзбекистонда ягона

оперетта театри. Дастлаб Самарқандда очилган (1938); 1940 й. Т.га кўчиб, 1948 й.гача фаолият кўрсатган. 1973 й. қайта ташкил этилиб, А.Гинзбург саҳналаштирган «Қувноқ уруш» (И.Штраус) спектакли б-н очилган. Репертуаридан дастлаб «Чанита бўсаси», «Тбилиси осмони остида», «Монмартр бинафшаси», «Сильва», «Цирк маликаси», «Гўзаллик танлови», «Донна Люция» каби замонавий ва мумтоз оперетталар, кейинроқ «Марица», «Мистер Икс», «Лўли премьер», «Баядера», «Кўршапалак», «Лўли барон», «Вальс қироли», «Аёллар исёни», «Ширин мева», «Севастополь вальси» ўрин олган. 1981 й.да т-рда биринчи ўзбек опереттаси («Қувноқ гуноҳкор», К.Васильев, Э.Солиҳов) саҳналаштирилди. Ўзбек композиторларининг театр б-н ижодий ҳамкорлиги кучайди (А.Эргашевнинг «Чақалоқ», Э.Солиҳовнинг «Тентак қиз» мюзикли, Э.Қаландаровнинг «Темир хотин», А.Икромовнинг «Бевалар овунчоғи» ва б.). «Гўзал Елена», Б.Зокиров хотирасига бағишланган «Арабча танго» (реж. М.Хачатуров), «Хонума», «Кунлардан бир кун Нью-Йоркда» (И.Берлин) сингари спектакллар театрнинг сўнги йиллар маҳсулидир. Ҳозирда театрнинг бош дирижёри – Б.Расулов, Бош балетмейстер – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф.Исаева, бош рассом – А.Батиков. Ўзбекистон халқ артисти З.Соловей, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Д.Миняева, Ф.Мақсудов, С.Ортиқов ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Т-р жамоаси Россия, Украина, Болтиқбўйи, Ўрта Осиё мамлакатларида гастролда бўлган.

ОРИПОВ Абдулла (1941.21.3) – шоир ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1990). Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). 1958 й.дан Т.да. ТошДУнинг журналистика ф-тини тугатган (1963). «Ёш гвардия» (1963–69), Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида муҳаррир (1969–74), «Шарқ юлдузи» журн.да адабий ходим, бўлим мудири (1974–76), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1976–82), масъул котиб (1985–88), Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб (1982–83), «Гулхан» журн.да муҳаррир (1983–85), Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси (1989–2007), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1996–2009).

«Митти юлдуз» (1965), «Кўзларим йўлингда» (1966), «Онажон» (1969), «Рухим», «Ўзбекистон» (1971), «Хотирот», «Юртим шамоли» (1974), «Ўзмаюз», «Ҳайрат» (1979), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983), «Ҳаж дафтари», «Муножот» (1992), «Сайланма» (1996), «Дунё» (1999), «Шоир юраги» (2003), «Танланган асарлар» (4 жилдли, 2001), «Адолат кўзгуси» (2005) сингари шеърий китоблари нашр этилган.

Турмушда пайдо бўла бошлаган янги қарашлар, кишиларнинг руҳий оламидаги эврилишлар, фикр ва хатти-ҳаракат эркинлигига бўлган эҳтиёж О. шеърларининг гоёвий мундарижасини ташкил этади. «Жаннатга йўл» (1978), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Ранжком» (1988) каби дostonларида кишиларнинг руҳий оламидаги айрим қусурлар б-н илмий-техник тараққиёт ва тафаккурнинг парвози ўртасидаги зиддият очиб ташланган.

О. мустақиллик йилларида адабиётнинг ранг-баранг тур ва жанрларида ижод этди. Шу даврда тарихий адолатнинг тикланиши, ўтмишда яшаган саркардалар ва алломалар хотирасининг эъзозланиши О.нинг Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихий тақдирида ўйнаган буюк ролини кўрсатувчи «Соҳибқирон» шеърий драмасини (1998) ёзишга илҳомлантирди. О. бу асарида қарийб уч аср давомида ҳукм сурган кудратли Темурийлар салтанатининг асосчиси ва 15-а.да Шарқда Уйғониш даврининг бошланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит яратган Амир Темур образини ёрқин гавдалантириб берди. Мазкур асар республиканинг барча йирик театрлари ва қардош мамлакатлар саҳналарида катта муваффақият б-н ўйналди.

О. – Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясининг матнини ёзган (1992). Данте «Илоҳий комедия»сининг «Дўзах» қисмини, А.С.Пушкин, Н.А.Некрасов, Т.Г.Шевченко, Л.Украинка, Р.Ҳамзатов, Қ.Қулиев ва М.Байжиев асарларини ўзбек тилига таржима қилган. 1990 й.дан Ўзбекистон Олий Кенгаши, 1995 й.дан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутаты, 2004 й.дан Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси. Ҳамза номидаги (1983) ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари лауреати (1992).

ОРИПОВ Дилшод Ҳакимжонович (1977.20.5) – юнон-рум кураши бўйича халқаро миқёсдаги спорт устаси (1997). «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Т.да туғилган. Т.даги Республика олимпия ўринбосарлари билим юртини тугатган (1994). Ўзбекистон

(1995–2002), Осиё (1997, Техрон) ва жаҳон (2001, Патри) чемпиони. Осиё ўйинлари кумуш медали (2002, Пусан) ва бронза медали (2006, Дўҳа) совриндори. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясини тугатган (2004). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2007).

ОРИФОВ Убай Орифович (1909.15.6–1976.24.12) – физик олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959). Физика-математика фанлари д-ри (1954), проф. (1956). Ўзбекистон Пед. академиясини тугатган (1931). 1934 й.дан Т.да. Ўрта Осиё давлат ун-тида ишлаган (1935–41). Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти (1945–56, 1965–66), Ядро физикаси ин-ти (1956–62, 1967–69) директори. Ўзбекистон ФА президенти (1962–66), Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти директори (1967–76). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ва физика-математика фанлари бўлими раиси (1971–74), Т. политехника ин-тида каф. мудир (1963–76). Асосий илмий ишлари физик электроника, ядровий ва радиацион физика, гелиоэнергетика, пахта хомашёсига дастлабки ишлов бериш масалаларига бағишланган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган (1984). Электроника ин-ти, Юнусобод туманидаги кўчалардан бири О. номи б-н аталади.

«ОРТОПЕДИЯ РЕАБИЛИТАЦИЯСИ» (Содиқ Азимов 3-берк кўч., 20) – илмий-и.ч. корхона-

си. 1925 й.да ташкил этилган. 1930–75 й.ларда протез-ортопедия з-ди, 1975 й.дан республика «Протезист» саноат бирлашмаси, 1988 й.дан «Протезист» и.ч. бирлашмаси деб номланган. 1998 й. «О.р.» номида қайта ташкил этилди. 1999 й.дан МЧЖ. Вилоят м-зларида индивидуал протез-ортопедия мосламалари қисмларидан бошлаб тайёр буюмгача и.ч.га ихтисослашган, барча замонавий жиҳоз ҳамда асбоб-ускуналар б-н таъминланган 12 филиали бор. Корхона ногиронларни жаҳон стандартларига жавоб берадиган юқори сифатли протез-ортопедия мосламалари б-н таъминлайди. «О.р.»да протез-ортопедия мосламаларини тайёрлаб бериш б-н бирга, беморларга реабилитация даволаш хизматлари ҳам кўрсатилади. Ногиронларнинг протез техникаларига ўрганиш жараёнлари махсус электрон аппаратлар ёрдамида амалга оширилади. Корхона протез-ортопедия мосламаларини ишлаб чиқарувчи мутахассислар тайёрлайди.

И. ч. корхонаси томонидан 4,4 минг дона ортопедия пойабзали ҳамда 3 минг кўл ва оёқ протезлари, ортопедик аппаратлар, корсетлар ва б. тайёрланди (2008). Корхонада 50 ходим ишлайди. «О.р.» ишлаб чиқариш корхонаси *Травматология ва ортопедия институти* б-н ҳамкорликда фаолият юритади.

«ОСИЁ» (Шайхонтоҳур кўч., 5) – ресторан, 2006 й.дан МЧЖ. Меъмори М.Т.Мирқосимов. 1993 й.да қайта таъмирланган. Ташкилотлар ва алоҳида шахсларнинг катта жамоа б-н ўтказадиган тадбирларига мўлжалланган. Шунингдек, зиёфатлар, дўстона учрашувлар, битирув кечалари ва б. тадбирлар ўтказилади. Рес-

торан зали 600 кишига мўлжалланган. Ресторанда ўзига хос фирма таомлари («Осиё» салати, «Осиё» котлети ва б.) б-н рус ва европа ошхонаси ҳамда ўзбек миллий таомлари тайёрланади. Буюртма асосида таомларни буюртмачига етказиб бериш хизмати йўлга қўйилган.

ОСИЁ КЎЧАСИ – Юнусобод туманининг «Турон», Мирзо Улуғбек туманининг «Оққўрғон» маҳаллалари худудида. Амир Темур шоҳқўчаси б-н Оққўрғон кўчаси оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 20-а. бошларида ташкил топган. Дастлаб Лабзак номи б-н юритилган. 1964 й. 10 нояб.да Хуршид, 1982 й. 12 ноябрда Қ.Муртазоев номи берилган. 2005 й. 10 окт.дан Осиё номи б-н юритилади. Йўналишида Кардиология м-зи, Латвия, Жазоир ва Афғонистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, Т. обсерваторияси, туман ижтимоий-таъминот бўлими, туман маданият уйи, туман статистика бошқармаси, «Азиза» ва «Ёғду» кафелари, савдо шохобчалари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари ҳамда турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Бодомзор йўли кўчаси б-н кесишган. Яқинида Юнусобод туман ҳокимлиги, «Қозоғистон» кинотеатри, Ирригация ва мелиорация ин-ти, Жисмоний тарбия ин-ти, «Ўзнефтваз» корхонаси, «Минор» метро бекати бор.

ОСТАДОНЛАР – қ. *Қадимги қабристонлар*.

ОСТРОУМОВ Николай Петрович (1846.15.12–1930.17.2) – шарқшунос олим. 1877 й.дан Т.да. Қозон диний академиясида ўқиган (1866–70). Т.да халқ маорифи идорасида ишлаган. 1879 й.дан халқ билим юрти инспек-

тори, ўқитувчилар семинарияси директори. 1889 й.дан эрлар классик гимназияси директори. Кейинчалик яна ўқитувчилар семинариясида ишлаган. Шунингдек, 1883–1917 й. «Туркестанская туземная газета» («*Туркистон вилоятининг газети*»)нинг муҳаррири бўлган. Ўлкашуносликка оид кўпгина илмий асарлар муаллифи, ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш шароитини яхши билган. Айрим асарлари Т.га бағишланган: «Тошкентдан Самарқандгача», 1901; «Тошкент шаҳрининг сўнги Шайхулислом ва қози калони ака-ука Ойхўжа ва Ҳакимхўжалар», 1915 ва б. Ҳозирги Т. ҳудудида археологик кузатишлар олиб борган (собик Никифоров ерларида, Шоҳнишинтепа ва б.). *Туркистон археология ҳаваскорлари тўғарагининг* ташкилотчиларидан ва фаол аъзоларидан. Ўзбек фольклори намуналари (эртак, мақол ва маталлар)ни тўплаган ва нашр эттирган. Шу б-н бирга О. монархизм ва православ миссионерлиги руҳида тарбияланган бўлиб, маҳаллий халқларни руслаштириш сиёсати тарафдори бўлган. Октябрь тўнтаришидан сўнг совет муассасаларида ишлаган.

ОТЧОПАР, «Тошкент отчопари» ОАЖ (Бунёдкор шоҳкўчаси, 156) – от спорти бўйича мусобақалар ўтказиладиган спорт мажмуаси. 1976 й.гача О. Қўйлик

яқинида бўлган. 1974–75 й.ларда респ.да энг йирик О. қурилди (меъморлар Р.У.Асанов, Э.И.Гусарова) ва 1976 й. ишга туширилди. 2001 й. сент.дан Республика от спорти мажмуаси тасарруфидаги «Тошкент отчопари» ОАЖ. Умумий майд. 66,5 гектар. Асосий фаолияти – Ўзбекистонда от спортини ривожлантириш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спортнинг мавқеини ошириш, соғлом авлодни тарбиялашдан иборат. О. таркибида 9 отхона (200 отга мўлжалланган), отларни тўсиқлардан оша сакрашга йўналтирилган «конкур» майд. (1 гектар; 340 томошабинга мўлжалланган), асосий бинода 7 минг томошабинга мўлжалланган усти ёпиқ трибуна, ҳакамлар хонаси, 1600 ва 2000 м ли масофага отларни юритиш йўлкачалари бор. Спорт мажмуаси ҳудудида, шунингдек, Респ. от спорти олий маҳорат мактаби ва Тошкент вилоят ҳокимияти тасарруфидаги От спортига ихтисослаштирилган олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият олиб боради. Спорт мажмуасида от спортининг турли йўналишлари бўйича Респ. ва Тошкент ш. биринчиликлари, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида мусобақалар ва б. тадбирлар ўтказилади. О.даги от спорти бўйича ўтказиладиган мусобақаларга Ўзбекистон Республикаси от спорти федерацияси раҳбарлик қилади.

Отчопарда мусобақа.



«ОТЧОПАР-1» МАҲАЛЛАСИ (Чинобод кўч., 16) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Отчопар-2», «Бодомзор», «Мингўрик» ва «Юнусобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1934 й.дан «Отчопар» маҳалласи деб аталган, 1970 й.дан икки қисмга бўлинган. Маҳалла ташкил топмасдан илгари бу ерда йилқи боқадиган яйлов бўлиб, тўй-байрамлар, сайилларда пойга, кўпқари, улоқ ва б. мусобақалар уюштирилган бўлиши мумкин. Аҳолиси 5409 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 4 та маданий-маиший, 2 та маърифий объектлар, 1 спорт иншооти, 1 саноат корхонаси, 1 масжид фаолият юритиб келмоқда.

«ОТЧОПАР-2» МАҲАЛЛАСИ (Отчопар кўч., 62) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Мингўрик», «Отчопар-1», «Оқтепа», «Дўстлик», «Юнусобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1965 й. ташкил топган. 1970 й.дан икки қисмга (О.-1 ва О.-2) бўлинган. Аҳолиси 2852 киши, турли миллат вакиллари яшайди.

ОХУНГУЗАР (асли Охундгузар) – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. Қадувод, Хўжакўча, Эскижўва, Тинчоб маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Биринчи ва Иккинчи О.га бўлинган. 18-а.нинг 1-ярмида Т.да хўжалар, охундларнинг мавқеи баланд бўлган. Маҳалла номи унинг ҳудудида яшаган охундлар номидан олинган. Маҳаллада қарийб 150 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, ҳунармандчилик ва шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. 2 масжид, темирчилик устахоналари, мактаб, бир неча гўшт дўкони ва б. бўлган (20-а. бошлари). Ҳоз. О. ҳудудида кўп қаватли турар жой бинолари қурилган.

ОХУНЖОНОВ Собир Собинович (1919.10.10) – генерал-лейтенант (1973). Ўзбекистон ёшлар мураббийси (1989). Т.да туғилган. 1938 й.дан армия сафида. Ҳарбий пиёдалар билим юртини (1940), ҳарбий академияни (1955), Фарғона пед. ин-тини (1966) тугатган. 2-жаҳон урушида Сталинград, Жануби-Фарбий, 1-, 3-, 4-Украина фронтларида хизмат қилган. 1946–64-й.ларда Туркистон ҳарбий округида турли лавозимларда ишлаган. Фарғона вилояти ҳарбий комиссари (1964–67), Ўзбекистон ҳарбий комиссарининг ўринбосари (1967–71), Ўзбекистон Фуқаро мудофааси бошлиғи ўринбосари, штаб бошлиғи (1971–86), Т. шаҳар уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси (1986–91). Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси ўринбосари (1991–97).

«ОҚИБАТ» МАҲАЛЛАСИ (М.Турғунбоева кўч., 40) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Жомий, Уста Ширин, «Янги ариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1953 й. ташкил этилган бўлиб, илгари «2-Кисловодский» номи б-н аталган. 1975 й. «Оқибат» номи берилган. Аҳолиси 2350 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 2- «Шодлик» никоҳ уйи, сув спорт саройи, Юнусобод туман теннис корти, Универсал спорт саройи, «Шифофарм» МЧЖ дорихонаси ҳамда озик-овқат дўконлари мавжуд.

«ОҚИБАТ» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-1 мавзеси, 14) – Мирзо Улугбек туманидаги маҳалла. «Ёшлик», «Нур» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й.да ташкил топган. Аҳолиси 2583 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 25 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Бастакор» ва «Архитектор» уюшмалари, «Дий-

дор» болалар т-ри, Республика болалар кутубхонаси, спорт майдончаси мавжуд. Ўзбекистон халқ ёзувчи ва шоирлари Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Нормурод Нарзуллаев, акад. Содик Азимов, Ўзбекистон халқ артисти Саодат Қобулова ва б. шу маҳаллада яшаган.

«ОҚИБАТ» МАҲАЛЛАСИ (Сергели-4 мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Янги ҳаёт», «Қипчоқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1984 й. ташкил топган. Аҳолиси 8750 киши (2846 хонадон)дан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакилларида иборат. Маҳаллада 34 та 5 қаватли ва 3 та 9 қаватли уй, шунингдек, мактаб, 2 та болалар боғчаси, 10 та савдо дўкони, 3 та интернет клуб, 7 та корхона, шифохона мавжуд. Маҳалла гузари 2004 й. қайта қурилган.

ОҚИЛОН (Оқлон) – Кўкча даҳасидаги қад. маҳалла. Бўзсув канали ҳамда Кўкча, Жарариқ ва Дарвоза маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Ривоятларга кўра, маҳалла номи Шайх Зайниддинбобо номи б-н боғлиқ. Шайхнинг завжалари шу маҳаллалик Дарё Дилбекач бўлиб, оқила аёл сифатида танилган. Маҳалла шу боис «Оқилон», яъни оқиллар макони номини олган. Маҳалланинг бир чеккасида шаҳарнинг Кўкча дарвозаси жойлашган. Маҳалла 2 қисмга – Биринчи ва Иккинчи О.га бўлинган. Маҳаллада қарийб 500 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўнчилик, хунармандчилик, баққоллик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Чойхона, турли дўконлари бўлган (20-а. бошлари).

Оқлон маҳалласи (Одил Мухторов кўч., 2^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги ҳоз. маҳалла. «Исломобод», «Каттаҳовуз», «Янгишаҳар» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 3810 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида интернат мактаби, ўрта мактаб, 3-шаҳар қозонхонаси, Республика миллий кулчилик мактаби, «Оқлон» жоме масжиди, новвойхона, 3 та озик-овқат дўкони, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Маҳаллада бир қанча машҳур кишилар, жумладан Т.лик машҳур кўнчи Сулаймонбой, акад. Ҳамдам Усмонов, Долимовлар сулоласи, Ўзбекистон халқ рассомлари Ҳамидулла Икромов, Муҳитдин Раҳимов, ёзувчи Раҳмат Файзий ва б. яшаб ўтган.

ОҚИЛОН ДАҲАСИ – Шайхонтоҳур туманида, Маннон Уйғур кўч. ва Бўзсув канали оралиғида жойлашган. «Каттаҳовуз», «Исломобод», «Шофайз», Маннон Уйғур номидаги маҳаллалар б-н чегарадош. Даҳа 1945–50 й.ларда ташкил этилган. Даҳада интернат мактаби, ўқув-даволаш коллежи, якка тартибдаги уй-жойлар мавжуд.

ОҚИЛОТА ҚАБРИСТОНИ (Юнусобод тумани Абдулла Мирзахожиев кўч., 42^а-уй) – майд. 2,5 гектар. 17-а.нинг 2-ярмида вужудга келган деб тахмин қилинади.

ОҚМАСЖИД – Шайхонтоҳур даҳасидаги қад. маҳалла. Жаркўча, Хўжарўшнои, Дархон, Баландмасжид маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Маҳаллада 400 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, савдо-сотик, майда хунармандчилик, шунингдек шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчи-



Оқсарой.

лик б-н шуғулланган. 4 масжид, 2 чойхона, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. бошлари). Ҳоз. О. ҳудудида Лабзак мавзеи қурилган.

«ОҚМАСЖИД» МАҲАЛЛАСИ (Чевар кўч., 20) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Қуйи Дархон», Хуршид маҳаллалари б-н чегарадош. Қад. маҳаллалардан бўлиб, 19-а. охири – 20-а. бошларида Шайхонтохур даҳасида жойлашган. 1955 й. Максим Горький номи б-н аталган. 1966 й. Тошкент зилзиласидан сўнг маҳалла аҳолисига Тошкент туманидаги (Назарбек) Куйбишев к-зи еридан жой берилган ва «Оқмасжид» деб номланган (1991). Аҳолиси 2020 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, болалар спорт майдончаси, озиқ-овқат дўкони, чойхона, масжид, 2-жаҳон уруши қатнашчилари хотирасига ёдгорлик ўрнатилган майдонча мавжуд.

ОҚОВА СУВЛАРНИ ТОЗАЛАШ – қ. *Аэрация станциялари.*

ОҚОТА – шаҳар харобаси (мил. 5–6 – 11-а.лар; қисман 15-а.). Т.нинг шим.-шарқий чеккасида жойлашган. 20-а.нинг 20-й.ларида қайд этилган бўлса-да, биринчи археологик тадқиқот ишлари 1940 й. ўтказилган (М.Э.Воронец). О.нинг умумий майд. 600х300 м, аркининг бал. 5–6 м. 1960 й. О.дан теурийлар даврига оид хазина топилиб, 1040 та мис танга Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топширилган. О.нинг негизини илк ўрта асрларда қурилган арк ташкил қилади. У 10–11-а.ларга келиб қабристонга айланган. О.даги ҳаёт 15-а.да бир оз жонланган.

ОҚСАРОЙ – Т.даги замонавий меъморий иншоот; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи. Бинонинг меъмори А.Тохтаев. О.Югославия (ҳоз. Сербия ва Черногория)нинг

«Энергопроект високоградня Холдинг» компанияси б-н ҳамкорликда 6 ойда бунёд этилган (1999). Майд. 5460 кв.м. Қабулхона (тантанали кириш қисми)да меҳмонлар қабул қилиниб, ўзаро музокаралар олиб борилади. Мажлислар зали, дам олиш ва хизматчилар хоналари ҳамда қўшимча хоналар мавжуд. Хоналар турлича лойиҳалаштирилганига қарамай, ихчам ва бир-бири б-н ҳамоҳангдир. Оддий геометрик шакллардан ташкил топган бино тарзи жуда ҳашаматли кўринади. Пештоқи майда равоқчали, устунли, 2 қанотли галереяли, ўртаси ротонда шаклида. Оппоқ кўркам ва маҳобатли кўринишга эга. Сатҳи катта ўлчамдаги тош бўлақлари б-н қопланган. Интерьери юқори сифатли материаллар б-н жиҳозланган. Қабулхонанинг оқ ва зангори мраммарли пол сатҳи ярқираган баланд шипи б-н уйғунлашган. Табиий қурилиш ма-

териалларидан маҳорат б-н сайқалланган. Атрофи манзарали дарахт, гулзор ва фавворалар б-н безатилиб, кўкат чимлар ётқизилган, шамчиروқлар ўрнатилган.

ОҚСОЙ КЎЧАСИ – Шайхонтохур туманининг «Кўкча» маҳалласи ҳудудида. Маннон Уйғур кўчаси б-н Оқсой 4-тор кўчаси оралиғида жойлашган. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 50-й.ларида ташкил топган. 1958 й. 23 июнда Оқсой, 1974 й. 28 июнда Рихси Сахибобоев номи берилган. 2006 й. 16 янв.дан жойнинг тарихий номи сифатида Оқсой номи қайта қўйилган. Йўналишида Шайх Зайниддинбобо жоме масжиди, Кўкча ариғи, савдо шохобчалари, дориҳона, 40-мактаб, маҳалла идораси, чойхона ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Таркибида 5 та тор кўча мавжуд. Қўрғонча кўчаси б-н кесишган. Яқинида «Исломобод» гузари ва б. бор.

ОҚСОҚОЛ – Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ўртасида обрў-эътиборли, ували-жували ва тадбиркор кишиларга нисбатан ҳурмат юзасидан ишлатиладиган атама. Олар қадимда уруғ-жамоа бошлиғи ва кейинги даврларда нуфузли аъёнлар тоифасига киритилган. Йирик шаҳарлар, даҳалар ва маҳалла (гузарлар) бошлиқлари ҳам О.лар ҳисобланган. 1867 й.ги Низомга кўра, Т.нинг тўрт даҳасини мингбоши ўрнига О.лар бошқарадиган бўлган. Улар 3 йилга сайланган. 1886 й.ги Низомга мувофиқ, «О.» атамаси б-н бир қаторда русча «староста» атамаси жорий қилинган. Йирик сув тармоқларида суғориш-тақсимланишини ариқ-оқсоқол назорат қилган. Олар турли солиқлар тўплашга, қ.х.

Оқтепа ГЭС.

юмушларини бажаришга, ҳашарларни уюштиришга ва тўй-маракаларни ташкил этишга раҳбарлик қилган. Баъзан зарурат туғилганда О.лардан оилавий-маиший масалаларни ҳал этишда ҳам маслаҳатлар сўралган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, тарихий атама мазмуни тикланиб, маҳалла раислари О. деб атала бошланди.

ОҚТЕПА – Ўрта Осиёда қад. бинолар қолдиқлари ва археологик маданий қатламлар сақланган тепаликлар номи. Мас., Тошкент ш.нинг ўзида бир қанча О.лар мавжуд (қ. *Кўкча Оқтепаси*, *Чилонзор Оқтепаси*, *Сағбон Оқтепаси*, *Чигатой Оқтепаси*, *Юнусобод Оқтепаси*).

ОҚТЕПА ГЭС – Ўзбекистонда дастлабки қурилган гидроэлектр станция. «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компаниясининг «Тошкент ГЭСлари каскади» шўба корхонаси таркибида. Тошкент ш.да, Чирчиқ – Бўзсув сув трактининг ўрта қисмида жойлашган.

1935 й. 2 майдан қурила бошлаган. 2-жаҳон уруши бошланиши б-н қурилиш вақтинча тўхтатиб қўйилган. ГЭС қурилишида Тошкент ш.нинг аҳолиси ҳашар йўли б-н фаол қатнашди. Станцияда битта 15 минг кВт ли



агрегат ўрнатилган. Тошкент ш. ва Тошкент вилояти истеъмолчиларига электр энергияси етказиб беради.

ОҚТЕПА ДАҲАСИ – Шайхонтохур туманида, Қуйи Бўзсув канали ирмоғи, Камолон, Бешёғоч даҳалари ва Улуғбек кўч. оралиғида. Оқтепа канали даҳани Чилонзор туманидан ажратиб туради. Тарихий *Чилонзор Оқтепаси* атамасидан келиб чиқиб мазкур ном б-н юритилади. О.д. ҳудудининг катта қисмини, асосан, 2 қаватли ҳамда яқка тартибдаги уйлар эгаллайди. 1982–83 й.ларда Тошкент шаҳрини реконструкция қилиш ва обод қилиш давлат лойиҳалашин-ти лойиҳаси асосида даҳада 2 та 9 қаватли, 29 та 4 қаватли уй-жойлар қурилган. Даҳада тарихий аҳамиятдаги тепалик, 3 мактаб, 4 болалар боғчаси, «Оқтепа» саноат-савдо жамоа корхонаси, «Санъаткор» кафетўйхонаси, Тошкент ш. Ички ишлар бошқармасининг Шайхонтохур бўлими, коллеж, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва б. бор.



Оқтепа
каналы.

ОҚТЕПА КАНАЛИ – деривацион канал. Оқтепа ГЭСга сув етказиб бериш учун хизмат қилади. 1937–39 й.ларда Оқтепа ГЭС б-н бир вақтда қурилган. *Бўрижар* (Бешёғоч ёни)дан бошланади. Уз. 4 км. Сув сарфи 52 м²/сек. Канал қирғоқларини мустаҳкамлаш учун тераклар экилган. Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари ўртасидаги чегара. Оқтепа майдонини кесиб ўтади. Канал суви Оқтепа ГЭСдан чиққандан сўнг Қуйи Бўзсув каналига қуйилади. Каналга кўприклар қурилган, соҳиллари ободонлаштирилган.

ОҚТЕПА МАЙДОНИ – Чилонзор ва Шайхонтоҳур туманлари худудидаги Лutfий, Муқимий, Байналмилал, Гулханий, Есенин, Боғистон ва Самарқанд Дарвозаси кўчалари туташган чорраҳада жойлашган. Майдон ўртасидан *Оқтепа канали* ўтган. *Чилонзор Оқтепаси* номидан келиб чиққан ҳолда шу ном б-н юритилади. Худуддаги транспорт тугунини ечиш ва йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида 1954–55 й.ларда Оқтепа канали устига кўприк қурилган. Жой атрофида олиб борилган кенг қамровли қурилишлар туфайли О.м. 1963 й.да ташкил

ган. Майдон атрофида Чилонзор туманига қарашли «Оқтепа», Лutfий, «3-Чарх Камолон», Шайхонтоҳур туманига қарашли «Чўпонота» ва Олим Хўжаев маҳаллалари, савдо мажмуалари ва шохобчалари, автобус, трамвай ва маршрутли такси бекатлари, дорихона, ташқи реклама воситалари, кўп қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар, гўзаллик салонлари, озиқ-овқат дўконлари ҳамда турли сервис хизматлари жойлашган. Яқинида Чилонзор 7-мавзеси, «Микрокредитбанк», «Наврўз» FM радиостанцияси, Педагогика касб-хунар коллежи, Автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи, Кимё-технология ин-ти лицейи, маданият уйи, мактаб ва боғчалар жойлашган.

«ОҚТЕПА МАЙДОНИ» АВТОБОШБЕКАТИ (Шайхонтоҳур тумани, Гулханий кўч.) – Тошкент ш. 3-автопаркка бириктирилган. «О.м.»адан 4 йўналишда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли автобуслар («Пахтакор» метро бекатига 36-, Юнусобод 6-мавзега 43-, «Сергели» sanoat зонасига 75-, «Юнусобод 9-мавзега» 111-автобуслар) 32 та график бўйича қатнайди. Шунингдек, бошбекат хизматидан хусу-

сий йўловчи ташувчилар ҳам фойдаланади, жумладан 93-йўналишли такси «Чорсу» савдо марказига 6 та график бўйича қатнайди.

«ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Жарриқ кўч., 3) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Ёқуб Зияев, «Белтепа», «Шодлик», Ибн Сино, «Ўзбекистон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Аҳолиси 10500 киши, асосан, ўзбеклар, қисман бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Маҳалла худудида 2 та ўрта мактаб, болалар боғчаси, ўқув м-зи, бир қанча озиқ-овқат дўконлари, дорихона, кафе, новвойхоналар мавжуд.

«ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор 7-мавзе, 18) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Боғистон», Лutfий, Ҳамза, «3-Чарх Камолон» маҳаллалари б-н чегарадош. 19-а. бошларида ташкил топган. Бўзсув канали бўйида жойлашган *Чилонзор Оқтепаси* археологик ёдгорлик номи б-н аталади. Аҳолиси 5100 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида ўрта мактаб, болалар боғчаси бор.

«ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор кўч., 181) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Иттифоқ», «Дўстлик», «Обод», «Отчопар-2», «Наврўз» маҳаллалари б-н чегарадош. *Юнусобод Оқтепаси* археологик ёдгорлик номи б-н аталади. Аҳолиси 5038 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла худудида ўрта мактаб бор.

«ОҚТЕПА» ҚАБРИСТОНИ (Юнусобод тумани, Чилонзор кўч., 31). Майд. 10 гектар. 1944 й.дан мавжуд. Қабристон номи *Юнусобод Оқтепаси* археологик ёдгорлигидан олинган.

ОҚТЕПА-2 – археологик ёдгорлик; қад. Чочнинг шим.-ғарбий

туманига мансуб қалъа хароба-си (мил.ав. 1-а. – мил. 4-а. охири). Ҳоз. Қозоғистон Республикасидаги Чордара ш.дан 15 км жан.да, Сирдарёнинг ўнг қирғоғидаги тепалиқда жойлашган. О.-2 антик давр қалъаси бўлиб, майд. 325x115 м, уч қисмдан: арк (75x90 м), аркнинг жан.-шарқидаги баландликда (бал. 20 м) бунёд этилган сарой, уч томони тупроқ кўтарма, тўртинчи томони Сирдарёнинг қия қирғоғи б-н ўралган шаҳристондан иборат. Қалъа кўчманчилар б-н чегара худудида Сирдарё кечувини муҳофаза этиш мақсадида бунёд этилганлиги тахмин этилади. Хоразм археология экспедицияси (Б.И.Вайнберг, Л.М.Левина, 1961–62 йй.) тадқиқ қилган. Мудофаа иншоотлари айна пайтда ҳам арк, ҳам шаҳарнинг ўзи учун қурилган. Шу б-н бирга аркни пахса тақурида бунёд этилган қўшимча қалъа миноралари муҳофаза қилган. Тўғри бурчакли, чекка буржлари бўлиб, хочсимон хоналари тор туйнуқлар б-н ўзига хос ёритилган. Топилган сопол буюмлар *Қовунчи маданиятига* мансуб, баъзиларида эгасининг тамга белгилари бор, шунингдек, терракота ҳайкалчалар, жез ва темир қурол-яроғлар (пайконлар, камон, пичоқ ва ханжарлар), олтин, шиша ва сопол безаклар (зирақ, мунчоқ, бўйинтумор ва б.) чиққан.

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИ – Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Оқтош қишлоғидаги тоғ иқлимий курорт. Тошкент ш.дан 65 км, Ғазалкент ш.дан 10 км масофада, денгиз сатҳидан 1140 м баландликда жойлашган (Ғарбий Тяньшан – Қоржонтовнинг пастки қисми). Майд. 8,5 гектар. Тарихий манбаларга кўра, санаторий худудида даст-

лаб геологлар яшаб тоғ қидирув ишларини олиб боришган. 1936 й. силга алоқаси бўлмаган нафас аъзолари ҳамда нерв системаси касалликлари б-н оғриган кишилар даволанадиган санаторий ташкил этилган. 1942–45 й.лар санаторий кўкрак қафаси жароҳатланганлар учун ҳарбий госпиталь бўлган. Ҳоз. нафас аъзолари касалликлари, асосан, бронхиал астма б-н оғриган беморлар даволанади. Санаторий яхши кўкаламзорлаштирилган, атрофи кенг баргли ўрмонлар б-н ўралган (ёнғоқ, писта, бодом ва б. ўсади). Иқлими мўътадил континентал: қиши юмшоқ, ёзи иссиқ, янв.нинг ўртача т-раси –2°, июлниги 35°, нисбий намлик 55%, қуёшли кунлар давомийлиги йилига 2550 соат. Даволаш омили – кислородга ва шифобахш эфир мойларига бой мусоффо тоғ ҳавоси. Тоғ дарёларидан келадиган табиий гидро ионланиш келиб чиқиши жиҳатидан носпецифик нафас аъзолари хасталикларига шифобахш таъсир этади. Даволаш комплекси физиотерапия, сунъий ванналар (игнабаргли, тузли), сауна, парафин ва озокерит б-н даволаш, массаж, даво физкультураси, терренкур, мақсадга мувофиқ овқатланишдан иборат. Санаторийда шарқ табobati – гиёҳлар б-н даволашдан кенг фойдаланилади. 100 (ёзда 126) ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), 4 та оилавий коттеж, клуб, кутубхона, спорт майдончалари мавжуд (2009). Болалар ва ота-оналари учун йил бўйи ишлайдиган бўлим ҳам бор (1999 й.дан). Санаторийнинг кириш дарвозаси арк услубида қурилган.

«ОҚУЙ» МАҲАЛЛАСИ (Оқбиллол кўч., 81) – Миробод тума-

нидаги маҳалла. «Файзиобод», «Қорасув» ва Ҳамза туманининг «Янги давр» маҳаллалари б-н чегарадош. 1956 й. ташкил этилган. Кексаларнинг сўзига кўра, Россиядан кўчиб келган Чёткин фамилияли рус кишиси ҳоз. Толариқ канали бўйида уй, тегирмон ва карвонсарой қурган; сўнгра Чирчиқ бўйида кичик оҳак и.ч. цехи очиб, Ўзбекистонда биринчи бўлиб ўзининг уйи, тегирмони ва карвонсаройини оҳак б-н суваган. Шундан сўнг ўша атрофдаги хонадонлар унинг оҳагидан фойдаланган. Шу сабаб бўлиб савдогарлар ва сайёҳлар белги сифатида Т.даги Оқуй карвонсаройида, тегирмонида учрашишни белгилашган. Жойнинг номи шундан келиб чиққан. Ўша вақтда Толариқдан т.й.гача бўлган кўча номи ҳам Оқуй деб аталган.

Бу худудда 1955 й.гача аҳоли сийрак бўлиб, к-з ерлари бўлган. 1956 й.дан маҳалла мақоми берилган. Аҳолиси 3226 киши, асосан (50%), ўзбеклар, шунингдек 21 миллат вакиллари яшайди.

ОҚҚОВОҚ ГЭСЛАРИ – Ўзбекистонда қурилган дастлабки гидроэлектр станциялари. Бўзсув каналида қурилган. 1-ГЭС 1941 й. ноябрда қурила бошлаб, 10,7 минг кВт қувватга эга бўлган 1-навбати 1943 й. 7 мартда ишга туширилган. 2,61 минг кВт қувватли 2-навбати 1946 й. июлда қурила бошланиб, 1951 й. июлда тугалланган. ГЭСда йилига ўрта ҳисобда 170 млн. кВт-с электр энергияси ҳосил қилинади. «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компаниясининг «Чирчиқ ГЭСлар каскади» шўба корхонаси таркибида. 2-ГЭС 4

км қуйироқда, 1943–46 й.ларда қурилган. ГЭС тупроқ-тўғон, уз. 2833 м бўлган очиқ деривация канали, босим ҳавзаси, станция биноси ва очиқ электр тақсимлаш қурилмасидан иборат. Станция биносида умумий қуввати 9 минг кВтга 2 та агрегат ўрнатилган. ГЭСда йилига ўртача 65 млн. кВт-с электр энергияси ҳосил қилинади, «Қодирия ГЭСлар каскади» шуъба корхонаси таркибига киради.

Электр станциялар Тошкент вилоятининг йирик саноат корхоналарини ва аҳолини электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

ОҚҚЎРҒОН – Бўзсув каналининг чап ирмоғи. Ўрта асрларда қазилган канал. О. сувидан Хожа Аҳрорнинг *Оққўрғон* мавзесидаги вақф ерлари сугорилган. 19-а.нинг 2-ярмида О. суви тақсимотига оққўрғонлик Нурмуҳаммад ариқоқсоқол бошчилик қилган. 19-а. охири – 20-а. бошларида О. Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида шимолдан жан.га оққан ва Салор каналига қуйилган. Уз. 8,2 км. Ҳоз. Юнусобод ва Мирзо Улуғбек туманлари ҳудудидан оқиб ўтади ва бир неча тармоқларга бўлинади. Канал тўла реконструкция қилинган. Сув сарфи 0,965 м³/сек. О.да 8 дюкер, насос ст-яси қурилган. Канал Ботаника боғи, обсерватория ва б. корхоналар ҳудудидан оқади. Энг катта шохобчаси – *Дархон ариғи*.

ОҚҚЎРҒОН – Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги шаҳар (1980 й.дан), Тошкент агломерацияси таркибида. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси – Кучлик (16 км). О.дан Тошкентгача 59 км. Аҳолиси 19,5 минг киши (2008), асосан, ўзбеклар, шу-

нингдек, рус, қozoқ, тожик, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

О.да туман ҳокимияти биноси, пахта тозалаш з-ди, МТП, нон к-ти, автокорхона, қурилиш ташкилотлари бор. Умумий таълим мактаблари, касбхунар коллежи, махсус интернат мактаби, марказий кутубхона, клублар, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Сузиш ҳавзаси, стадион, теннис корти, касалхона, дорихоналар мавжуд.

ОҚҚЎРҒОН – қадимги Т.нинг атрофидаги мавзелардан бири, шаҳарнинг шарқий чеккасида, Шибли ариғидан шарқда жойлашган. Шарқий чегараси *Салор каналига* қадар бўлган. Мавзенинг жан. қисми тарихий манбаларда «Чимработ» деб аталган. У шаҳардан Паркентга борадиган карвон йўлида жойлашган. О. ҳудуди Оққўрғон ва Дархон (Дархонотасой) ариқларидан сугорилган. Маҳаллий аҳоли қудуқ сувларидан ҳам фойдаланган. Мавзенинг ер юзаси шарққа томон зинапоясимон пасайиб борган. Айрим тепаликлар ҳам бўлган.

Ўрта аср вақф ҳужжатларида О. ерлари Хожа Аҳрорга қарашли бўлган. Ҳужжатда Салор номи Рудак (дарёча) деб битилган. Кейинчалик 19-а. 2-ярмига қадар Хожа Аҳрор мадрасасининг вақф ерлари ҳисобланган. 19-а. 1-чорагида шаҳарнинг шу мавзегга қараган дарвозаси ҳам Оққўрғон дарвозаси (1830 й.лардан эса Қашқар дарвозаси) деб аталган. О.да Шайхонтоҳур даҳаси маҳаллалари аҳолисининг дала ҳовлилари бўлиб, аҳоли ёзги мавсумда дехқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. 1865 й. 9 май куни Черняев аскарларининг бир дас-

таси Оққўрғон тепалигига келиб ўрнашган, ўша куни *Алимқул* амирлашкар қўмондонлигидаги Т. мудофаачилари б-н Черняев отряди ўртасида О.да (ҳоз. Мустақиллик кўч. б-н Ниёзбек йўли кўч. кесишган жой) қаттиқ жанг бўлиб, руслар чекинишга мажбур бўлган (қ. *Дархон жанги*), тошкентликлар уларни Шўртепага қадар таъқиб қилиб борган. Бу жанг тафсилоти унда шахсан қатнашган тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиххўжанинг «*Тарихи жадидаи Тошканд*» асарида баён этилган. Т.ни рус қўшинлари олгач, 20-а. бошларига келиб О. Янги шаҳар б-н туташган. 1867 й. Оққўрғон тепалигида қурилган обсерватория ҳозиргача фаолият кўрсатмоқда. 1906 йилда О.нинг шим. чеккасида Т. – Оренбург т.й. ўтказилди. Кейинги йилларда Экскаватор з-ди (1932), Ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари инти (1934), дастлабки ўрта мактаб (1940), «Старт» стадиони (1958) қурилди. 40–50-й.ларда аҳоли кўпайиб хонадонлар сони 100 дан ортди, Юқори О. ва Қуйи О. маҳаллаларига бўлинди. Маҳаллада бир неча масжид ҳам бўлган. 50-й.ларда қўрғон-хонадонлар, боғ ва экинзорлар ўрнида бир ва кўп қаватли турар жой бинолари қурилиб янги кўчалар очилди. Мустақиллик даврида О. ҳудудидан Кичик ҳалқа йўли ўтиб, яна ҳам ободонлашди. Ҳоз. О. ўрнида «Оққўрғон», «Улуғбек», «Дархон» ва б. маҳаллалар мавжуд.

ОҚҚЎРҒОН КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг «Дархон», «Ҳамид Олимжон» ва «Оққўрғон» маҳаллалари ҳудудида. *Мустақиллик кўчаси* б-н *Мудофаачилар кўчаси* оралигида жойлашган. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил



Оққўрғон кўчаси.

топган. Дастлаб 1959 й. Новомосковский номи берилган. 1994 й. 22 авг.дан Оққўрғон номи б-н юритилади. Таркибида 6 та тор кўча бор. Йўналишида «Ёшлик» спорт мажмуаси, Жисмоний тарбия ин-ти, Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, оилавий поликлиника, нотариал идоралар, савдо шохобчалари, дорихона, фирмалар, авиакасса ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Осиё ва Бешоғайнилар кўчалари б-н туташган. Яқинида Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти, Латвия, Жазoir ва Афғонистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихоналари, Т. обсерваторияси, «Ўз-машсервис», Кардиология м-зи, Пушкин майд. ва «Пушкин» метро бекати, 99-, 142-мактаблар, 153-, 447-боғчалар, маҳалла идораси жойлашган.

«ОҚҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Оққўрғон 1-тор кўча, 6^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Дархон», Ҳамид Олимжон маҳаллалари б-н чегарадош. Тарихи Т.нинг *Оққўрғон* мавзеси тарихи б-н боғлиқ. Аҳолиси 5168 киши, асосан, ўзбеклар ва руслар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам

яшайди. Маҳалла ҳудудида масжид, 3 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб, лак-бўёқ з-ди, экскаватор з-ди, Республика соғлиқни тиклаш м-зи, 12 та кичик корхона мавжуд.

«ОҚҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Қизилқўрғон кўч., 3) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Мингўрик», «Обод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 23 апр.да «Обод» маҳалласи иккига бўлиниб, «Оққўрғон» маҳалласи ташкил этилган. Оққўрғон ариғи шу маҳалла ҳудудида Бўзсувдан ажралиб чиққанлиги сабабли шундай ном берилган. Аҳолиси 1100 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида Ботаника ва ҳайвонот боғлари мавжуд.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ – Тошкент вилоятидаги туман. 1935 й. 28 июлда ташкил қилинган. Шимол ва шим.-ғарбда Қуйи Чирчиқ тумани, ғарб ва жан.-ғарбда Сирдарё вилояти, шим.-шарқда Ўрта Чирчиқ тумани, жануб ва жан.-шарқда Бўка тумани, шарқда Пискент тумани б-н чегарадош. Майд. 0,40 минг км². Аҳолиси 92,2 минг киши (2008). Туманда 1 шаҳар (Оққўрғон), 1 шаҳарча (Алимкент), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Аччи, Дўстлик, Зарбдор, Зафар, Ойтамғали, Оққўр-

ғон, Тоштўғон, Шоҳрухия, Элтамғали, Эркинлик) бор. Туман маркази – *Оққўрғон* шаҳри.

Туман ҳудуди Сирдарё ва унинг ирмоғи Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Жан.-ғарбидан Сирдарё, шим.-ғарбидан Оҳангарон ва унинг ирмоқлари (Қорасув ва б.) оқиб ўтади. Сирдарё бўйларидаги ботқоқлашган ерлар қуритилиб, экинзорга айлантирилган. Сирдарёдан шарққа томон ер юзаси баландлаша боради. Дарёлар кўҳна қайир (терраса)лар ва жарликлар ҳосил қилган. Ўртача бал. 320 м. Шим.-ғарбий томони очиқ бўлганидан Арктика ҳаво массаси бемалол кириб келади ва қишда т-ра пазайиб кетади. Январнинг ўртача т-раси $-3,7^{\circ}$, энг паст температура -33° , июлники $26,5^{\circ}$, энг юқори температура 42° . Йиллик ёғин 256 мм. Вегетация даври 200–212 кун.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (76,9%), шунингдек, қозоқ (8,1%), рус (3,2%), татар (2,2%), тожик (2,4%), корейс (2,0%), украин, немис, қирғиз, уйғур, озарбайжон, белорус, туркман, яҳудий ва б. миллат вакиллари (5,2%) ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 230,5 киши.

Туманда ўндан ортиқ корхона мавжуд. Йирик корхоналари: Алимкент пахта тозалаш з-ди, «Оққўрғон МТП» акциядорлик жамияти. Хусусий фирмалар, автокорхона ишлаб турибди. Пахта ёғи, трикотаж ва тикувчилик буюмлари, озик-овқат, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 6 та қурилиш ташкилоти бор. Туман комплекс ривожланган қишлоқ хўжалигига эга. 1100 фермер хўжалиги ва 5 хусусийлаштирилган чорвачилик фермаси мавжуд. Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи – пахтачилик; ғалла, сабзавот ва полиз,

беда, озуқа экинлари ҳам экилади. Узум ва мева етиштирилади. Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, парранда, ипак қурти боқилади.

Оққўрғон туманида 49 умумий таълим мактаби, 3 касб-хунар коллежи, махсус интернат мактаби, марказий кутубхона ва унинг 38 тармоғи (287 мингдан зиёд китоб), 10 клуб, музей, Мангулик кўрғони бор. 2 стадион, теннис корти, 2 сузиш ҳавзаси, 184 спорт майдончаси фаолият кўрсатади. 78 жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида 20 мингдан зиёд киши спорт ва жисмоний тарбия б-н шуғулланади. 2 касалхона, 25 фельдшер-акушерлик пункти, 2 қишлоқ даволаш амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, 15 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади. Оққўрғон туманида автомобиль йўлларининг умумий уз. 620 км га тенг бўлиб, улардан мамлакат аҳамиятидагилари 62 км ни ташкил этади. 1935 й. 1

сент.дан «Оққўрғон овози» туман газ. чиқарилади.

ОҲАНГАРОН КЎЧАСИ – Ҳамза ва Бектемир тумани ҳудудини бирлаштириб турувчи асосий кўчалардан бири. Паркент кўчаси ва «Шарқ» ҳаракат хавфсизлиги назорат маскани оралиғида жойлашган. Уз. 7 км атрофида. Катта ҳалқа йўлнинг мантиқий давоми сифатида 1961 й. ташкил топган. Т. вилоятининг Оҳангарон туманига олиб борадиган асосий йўл бўлгани учун шундай номланган. Йўналишида «Ғалабанинг 40 йиллиги», «Янгиобод» ва «Сувсоз» даҳаси, Авиасозлар шаҳарчаси, «Мерседес-Бенц» концернининг ваколатхонасига қарашли «Sikroad star» шуъба корхонаси, «Деҳқонобод» бозори, «Мотор заводи» ОАЖ, «Қишлоқмотортаъминот» МЧЖ, «Ўзкейсагролизинг ЛТД» қўшма корхонаси, Гольф клуби, «Роҳат» кўли, 5-автосарой, савдо шохобчалари, умумий овқатланиш масканлари,

дорихоналар, супермаркет ва минимаркетлар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, бекатлар, ташқи реклама воситалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Чирчиқ дарёси, Толариқ ариғи оқиб ўтади. Кўчанинг «Гўзал» бекатидан Катта ҳалқа йўлгача бўлган қисмининг чап томони Т. вилояти Зангиота туманига, Гольф - клубидан ҳаракат хавфсизлиги назорат масканигача бўлган масофанинг чап томони Юқори Чирчиқ туманига қарайди. Йўл орқали Т. вилояти туман ва шаҳарлари ва б. маъмурий-ҳудудий бирликлар йўналиши бўйича жамоат транспорт воситалари ҳаракатланади. Бундан ташқари, Бўстонлиқ туманидаги дам олиш зоналарига олиб чиқадиган муҳим йўл ҳисобланади. Катта ҳалқа йўли, Чўлпон, Бирлашган, Шоҳимардон, Шоҳсанам, Ҳусайн Бойқаро кўчалари б-н туташган.

«ПАРВОНА» МАҲАЛЛАСИ (Парвона кўч., 46) – Миробод туманидаги маҳалла. Баратхўжа, «Матонат», «Билимдон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й.гача «Кўйлик» деб аталган. 1987 й.да маҳалла номи «Парвона» деб ўзгартирилган. Аҳолиси 2 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ ва б. яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, қандолат цехи, «Моҳизархон» магазини, чойхона ва б. мавжуд.

ПАРГУШ, Баркуш – ўрта асрларда Чоч шаҳарларидан бири (1–12-а.лар). Араб географлари асарларида пойтахтдан шарқда, тоғли туманларга борувчи йўлда жойлашган шаҳарлар рўйхатида қайд этилган. Харобалари (Паргостепа) Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Паргос қишлоғи чеккасида жойлашган. Дастан (1935) В.Д.Жуков тадқиқ этган, сўнгра Д.Д.Букин (1937), М.Е.Массон (1961), Ю.Ф.Буряков ва Ф.Дадабоев (1964–66) ўрганишган. Майд. 15 гектар, айлана шаклдаги арк (майд. 1 гектар, бал. 7 м) атрофи хандақ б-н ўралган; шим. тарафдан тўғри бурчак тарҳли шаҳристон (14 гектар) туташган, унинг кўп қисми экинзорлар туфайли вайрон бўлган. Аркдаги маданий қатлам қалинлиги 7 м, шаҳристондагиси 1–1,5 м ни ташкил этиб, пахса ва хом гиштдан ишланган мудофаа девори,

турар жой, хўжалик иншоотлари қолдиқлари моддий маданият ашёларини ўз ичига олади. Маданий қатламларда – сирланган сопол идишлар, ранг-баранг, нақшинкор сопол буюмлар учрайди. О. ҳудуди 15 гектарга етган ва у кичик шаҳарчага айланган. Мўғуллар истилосидан (13-а. боши) сўнг, 14–17-а.ларда ҳаёт жонланган ва 18-а.да Паргос қишлоғи вужудга келган.

ПАРКЕНТ – Тошкент вилояти Паркент туманидаги шаҳар (1984 й.дан), туман маркази. Яқин т.й. станцияси ва вилоят маркази (Тошкент ш.)дан 47 км. Аҳолиси 49,1 минг кишидан зиёд (2009). Шаҳар аҳолиси ва хўжаликлари Паркентсой ва Паркент каналидан сув олади. П.да 38 и.ч. корхонаси, хусусан, Паркент гишт з-ди, Паркент шароби ОАЖ, қўшма корхона, 22 кичик корхона, фирмалар, нон з-ди, деҳқон ва буюм бозорлари бор. 17 умумий таълим мактаби, муסיқа ва спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб, касб-хунар коллежи, марказий ва болалар кутубхоналари, маданият уйи, «Кичкинтой» болалар хиёбони, «Оналар ва болалар боғи», маданият ва истироҳат боғи, стадион (10 минг ўрин), марказий касалхона, поликлиника, 10 дан зиёд дорихона, 75 савдо, 145 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. П. – Тошкент йўналишида автобус қатнайди.

«Паркент тонги» газ. нашр этилади (3335 нусхада).

П. ўрнида дастлаб муқим турар жойлар мил.ав. 2–1-а.лар чегарасида пайдо бўлган. Шаҳар тўғрисида «Бобурнома»да ҳам маълумотлар берилган.

ПАРКЕНТ ИХТИСОСЛАШГАН БОЗОРИ (Ҳамза тумани Паркент кўч., 74) – очиқ турдаги акциядорлик жамияти. 1996 й. ташкил этилган. 2001 ва 2004 й.ларда замонавий услубда «Ташгипрогор» ин-ти лойиҳаси асосида тўла таъмирланди. Умумий майд. 65464 м². Савдо ўринлари сони 672 та, жумладан 216 та қурилиш моллари, 256 та саноат моллари ва 100 та лок-бўёқ моллари павильонидан иборат. Бозор ҳудуди атрофида автотураргоҳ ва 9 қаватли турар жой бинолари жойлашган. Бозорда савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ПАРКЕНТ КЎЧАСИ – Ҳамза ва Мирзо Улуғбек туманлари оралиғида. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири. Уз. 4 км атрофида. *Пушкин майдони* ва *Оҳангарон кўчаси* оралиғида. Т. вилоятининг Паркент туманига олиб борадиган асосий йўл бўлгани ва халқ тилида шу ном б-н юритилгани боис 1925 й. Паркент номи берилган. 1960 й. 13 авг.дан генерал Петров номи б-н юритилган. 1993 й. 31 мартда кўчанинг тарихий номи қайта



Паркент кўчасининг бир қисми.

тикланиб, Паркент номи берилган. Йўналишида Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти, Паркент бозори, Врачлар малакасини ошириш ин-ти, Ибн Сино халқаро жамғармаси. Авиасозлар шаҳарчаси, Авиация касбхунар коллежи, 2-автосарой корхонаси, ёнилғи қуйиш шохобчаси, «Марказий Осие агроэкспорт», «Виникс» корхоналари, «Алибобо» ва «Шош» ресторани, «Саҳоват-нон» корхонаси, «Алдоно» кафеси, савдо мажмуалари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, ташқи реклама воситалари жойлашган. Қорасув канали оқиб ўтади. Йўналиши бўйлаб транспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. 2008 й. авг.да кенг қамровли реконструкция ишлари олиб борилди. Мирзо Улуғбек ва Олтинтепа кўчалари б-н кесишган. Яқинида Мирзо Улуғбек туман ҳокимияти, Пушкин майд., «Динамо» спорт мажмуаси, таълим муассасалари, Лисунов номидаги кинотеатр жойлашган. **ПАРПИОТА** – Тункатдан 4 км ғарбда (Имлоқ тарафда) жой-

лашган тепалик ва қабристон (б-а.). Шим.дан жанубга 2 км чамаси чўзилган баланд гранит тош девор бағрида жойлашган. Мозор атрофида чилонжийда, аччиқ бодом ва б. дарахтлар ўсади. Кичик булоқ ҳамда силлиқ, одам сиғадиган тешик бор. Маҳаллий аҳоли П.га сиғиниб келган.

«ПАХТА» МАҲАЛЛАСИ (Сағбон кўч., 5) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. К.Ғофуров, «Дўстлик», «Қичқириқ», «Табасум» маҳаллалари б-н чегарадош. 1925 й. ташкил топган ва шу ном б-н аталган. Аҳолиси 4233 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, уйғур, рус, қozoқ, татарлар яшайди. Маҳалла ҳудудида «Эътиқод» фирмаси жойлашган.

«Пахтакор» метро бекати.



«ПАХТАКОР» – Чилонзор йўлидаги метро бекати. «Пахтакор» стадиони ва «Ёшлик» спорт аренаси яқинида. 1977 й. 7 ноябрда очилган. Эскалаторли ер ости йўлаги орқали «Алишер Навоий» метро ст-яси б-н туташган. Меъморлари: Ф.Турсунов, А.Содиқов, Т.Содиқов. Бекатда ер ости ва айлана ер усти вестибюллари бор. Ер усти вестибюлини безашда маҳаллий табиий тошлардан кенг фойдаланилган. Залнинг Ғозгон мрамари қопланган думалоқ устунлари миллий нақшли қўйма алюминий панжарали каллақлар б-н безатилган; ёриткичлар ана шу каллақлар ичига ўрнатилган. Бекат деворларига нақшинкор расмлар (рас. И.Жарский) б-н уйғунлашиб кетган кошинлар, саҳнига кулранг ва қора гранит тахталар қопланган. Деворлар ва платформага тушиш жойининг меъморий кўлами рангли чинни паннолар (рас. В.Бурмакин) б-н янада ҳашамдор қилинган. **«ПАХТАКОР»**, Спорт машғулотлари ўқув маркази ОАЖ, «Пахтакор» марказий стадиони (Ўзбекистон кўч., 98^а-уй) – 1953–56 й. қурилган (меъморлар: М.Булатов, М.Караш). Умумий майд. 18,4 гектар. Таркибига асосий ва кичик майд., «Ёшлик» маданий спорт мажмуаси, енгил атлети-

ка стадиони, теннис корти, қиличбозлик зали, шахмат-шашка зали ва б. киради. Стадионга шим. (Навоий кўч.), шарқ (Анҳор соҳили), жан. (Ўзбекистон кўч.), ғарб («Пахтакор» метро бекати) томонларидан кирилади. Асосий майд. эллипс шаклида. Майд. тупроғи ёмғирни тез шимиб кетадиган дренажли. «П.» стадиони 2008 й. капитал таъмирлашдан чиқарилди. Электрон табло, электрон реклама таблоси ўрнатилган. «П.» стадионининг катта спорт аренаси уз. 110 м, эни 72 м. Футбол майд. бор. Унинг трибуналарига 35 минг томошабин сиғади. Стадион табиий рельефдан фойдаланиб қурилган. Трибуналарнинг юқори қисми майдон сатҳидан 11,6 м баландда. 44 сектордан иборат; ҳар бир сектор 35 қаторли ярусни ташкил қилади; 4 минорасимон қурилма устидаги 2000 кучли ёриткич 55 м баландликда бўлиб асосий майдонни ёритиб туради. Жан. то-

мондан кираверишда спорт павильони жойлашган, унда гимнастика заллари, бокс, оғир атлетика заллари бор. Яқинида «Алишер Навоий», «Пахтакор», «Ўзбекистон» метро бекатлари жойлашган.

«ПАХТАКОР» (Ўзбекистон кўч., 98^а-уй) – футбол клуби. 1956 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Собиқ иттифоқ чемпионатининг олий лигасида (1964, 1972, 1976–77, 1988–90 й.ларда 1-лигада) қатнашган ва 1962, 1982 й.ларда 6-ўринни эгаллаган. Собиқ иттифоқ кубоги мусобақаларининг финалчиси (1968). «П.» жамоаси 1979 й. 11 авг.да авиаҳалокатга учраган (жамоанинг 17 аъзоси фожиаи ҳалок бўлган). Улар хотирасига бағишлаб анъанавий «Пахтакор-79» турнири ўтказилади.

«П.» 1992 й.дан Ўзбекистон биринчилигида қатнашади. 8 марта мамлакат чемпиони (1992, 1998, 2002–2007), 3 марта мамлакат вице-чемпиони

(1993, 2001, 2008), 9 марта Ўзбекистон кубоги соҳиби (1993, 1997, 2001–2007), МДХ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақаси ғолиби (2007), ушбу турнир финалчиси (2008). Осиёнинг энг яхши клуби (2002). Осиё чемпионлар лигаси ярим финалчиси (2003, 2004). Жамоанинг турли йиллардаги муваффақиятлари А.Азизхўжаев, Б.Абдураимов, Г.Красницкий, Ҳ.Раҳматуллаев, А.Якубик, Ю. Пшеничников, И.Тазетдинов, Т.Исоқов, С.Доценко, А.Иноят, О.Аширов, Г.Денисов, И.Шквин, В.Фёдоров, М.Ан, М.Қосимов ва б. футболчилар номи б-н боғлиқ. Бош мураббийи Виктор Жалилов (2008 й.дан). Клуб таркибидан Зайниддин Тожиев, Одил Аҳмедов, Асрор Алиқулов, Ислом Иномов, Александр Гейрих каби маҳоратли футболчилар ўйнайди. «П.» футбол клуби қошида «Пахтакор» футбол академияси фаолият кўрсатади «Пахтакор» марказий стадиони.





«Пахтакор» футбол клуби (2009).

(2002 й.дан). Жамоа Т.даги ўйинларини, асосан, «Пахтакор» стадионида, ўқув машғулотларини Қибрай базаси (катта ва кичик стадион, қишки ёпиқ манеж)да ўтказлади.

«ПАХТАКОР» МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур тор кўч., 55^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Кўкча Оқтепа» ва «Шофайзибоғ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1957 й. ташкил топган. 1956 й. «Пахтакор» стадиони қурилиши муносабати б-н собиқ Сталин к-зи еридан уларга ер ажратилиб, ўша ердан кўчиб келган аҳоли истаги б-н шу номда аталган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, 56-оилавий поликлиника, озик-овқат дўкони, дорихона, новвойхона, ошхоналар, автомобиль таъмирлаш ва АЁҚШ мавжуд. Маҳалла гузари 2004 й. тубдан қайта қурилган. Таниқли боксчи, жаҳон чемпиони Руфат Рисқиев шу маҳаллада яшаган.

«ПАХТАКОР МЕТРО БЕКАТИ АВТОБОШБЕКАТИ (Шайхонтоҳур тумани, Б.Зокиров кўч.) – Тошкент ш.даги 3-автопаркка бириктирилган. «Пахтакор» метро бекати ишга туширилгандан сўнг ташкил этилган (1977). Бу ердан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасига қарашли автобуслар 7 та йўналиш бўйича ва йўналишли такси 3 та йўналиш бўйича қатнайди (5-болалар касалхонасига 35-, «Оқтепа» майдонига 36-, «Кенсой» маҳалласига 42-, Ўрикзор мавзесига 53-, «Бирлик» мавзесига 64-, «Шифокор» шаҳарчасига 65-, «Мажнунтол» маҳалласига 120-автобуслар ва «Чилонзор-25 квартал» мавзесига 22-, «Шамсиобод» маҳалласига 60-, «Янгиобод» бозорига 64-йўналишли таксилар ҳар куни жами 68 та графикни амалга оширади. Автобошбекат, шунингдек, хусусий йўловчи ташувчи транспортга ҳам хизмат қилади. Бу хилдаги транспорт воситалари – йўналишли таксилар автобошбекатдан «Юнусобод-9 квартал», «Юнусобод-12 квартал», «Юнус-

обод-19 квартал», «Бирлик», «Ўрикзор», «Дўстлик-2», «Ал-Хоразмий», «Чилонзор-31 квартал» мавзеларига, 5-болалар шифохонаси, Учтепа ҳокимияти, «Ўнқўрғон» шаҳарчасига қатнайди (кунига 13 та йўналиш бўйича 123 та график амалга оширилади). Автобошбекатда нозимхона, маиший хизмат, савдо дўконлари, тамаддихоналар бор.

ПАШИНО Петр Иванович (1838–1891) – рус сайёҳи. 1866 й. Санкт-Петербургда Т.га сафар қилиб, таассуротлари тўғрисида асар («Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки») ёзган. Граф И.И.Воронцов-Дашковга бағишланган ушбу асар 1868 й. Санкт-Петербургда чоп этилган. Китоб чор Россияси матбуотида Туркистон ўлкаси шаҳарлари, шу жумладан Т. тўғрисида эълон қилинган кенг қамровли энг биринчи асар эканлиги б-н қимматлидир. Муаллиф китобнинг икки бобини бевосита Т. шаҳрига бағишлаган. Унда «Тошкент», «Тошкентга кириш», «Тошкент кўринишлари», «Тошкент масжидлари», «Тошкент қалъаси», «Тошкент боғлари» сарлавҳаси остида мақолалар, шаҳар қиёфаси, кўчалари, бозорлари ва аҳолининг турмуш тарзи ҳамда М.Г.Черняев кўшинлари томонидан Т.нинг истило қилиниши тўғрисида бой материал берилган. Китоб расом А.Гиненинг 20 та расми, А.Даугель томонидан ёғочга ўйилган ва расом В.Крюков томонидан чизилган 35 та венеткали расмлар б-н безатилган. Шунингдек, ўша даврдаги Туркистон ўлкасининг харитаси берилган.

ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

университети (Юсуф Хос Ҳожиб кўч., 103) – малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлайди. 1935 й. 14 сент. – да Ўрта Осиё давлат ун-тининг педагогика ф-ти негизда ташкил этилган. 1953–98 й.ларда Т. педагогика ин-ти деб номланган. 1998 й. ун-т мақоми берилган. 1947 й.дан озарбайжон шоири ва маърифатпарвари *Низомий* номи б-н аталади. Ун-т математика ва информатика, физика ва астрономия, кимё ва экология, биология ва инсон ҳаёт-фаолияти муҳофазаси, география ва иқтисодий билим асослари, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, пед. ва психология, касб таълими, мусиқий таълим, ўзбек тили ва ад., она тили ва ад. (рус, қозоқ, корейс), чақирқача ҳарбий таълим, хорижий тиллар ва ад., миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими, бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш, мактабгача таълим ва болалар спорти, дефектология, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, меҳнат таълими йўналишлари бўйича бакалаврлар ҳамда шу йўналишларга кирган 37 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди. Таркибида 11 ф-т (математика-физика, табиий фанлар, санъат, пед. ва психология, бошланғич таълим, дефектология, ўзбек тили ва ад., тарих, чет тиллар, чақирқача ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, касб таълими), 58 каф., магистратура бўлими, малака ошириш ва қайта тайёрлаш м-зи, ахборот технологиялари ва масофавий ўқитиш м-зи, инновацион технологиялар м-зи, акад. лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари б-н алоқа м-зи, таълим жараёнини ташкил этиш ва олий таълим муассасаларига илмий-методик ёрдам



Тошкент педагогика университети.

кўрсатувчи ўқув методик бошқарма, олий ўқув юртлариаро ўқув-методик м-з, мониторинг ва ички назорат каби 18 м-з ва бўлим, аспирантура, д-рантура, ихтисослашган илмий кенгаш, кутубхона (1 млн.га яқин асар), ун-т тарихи музейи бор (2008).

2007/08 ўқув йили ун-тда 15174 талаба таҳсил олди, 1200 проф.-ўқитувчи, жумладан 1 акад., 84 фан д-ри ва проф., 277 фан номзоди ва доцент, 4 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, 8 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими ишлади. Ун-тда «Педагогик таълим» (1999 й.дан), «Ахборот технологиялари» (2002 й.дан) журн.лари, «Маърифат йўлида» (1956 й.дан), «Педагог» (1956 й.дан) кўп тиражли газ.лар нашр қилинади. 2008 й.гача ун-т 424 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлаган.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари и.т. институти (Ўзбекистон кўч., 98) – 1929 й. 17 янв.да Самарқандда Ўзбекистон давлат и.т. институти сифатида ташкил этилган. 1931 й.дан Тошкент ш.да. 1939 й. ин-т Ўзбекистон Мактаблар и.т. институти деб номланди. 1941 й. Респ.

Маориф халқ комиссарлигининг методика бошқармаси б-н бирлаштирилди. 1946 й.дан ҳоз. номда. 1970 й. ин-тга Т.Н.Қори-Ниёзий номи берилган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қарамоғида. Ин-тда умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, янги авлод дарсликларининг моделлари, янги педагогик ва ахборот технологиялари асосида фанларни ўқитиш ва такомиллаштиришга қаратилган и.т. ишлари олиб борилади. Ин-т таркибида 3 бўлим, 6 лаб., аспирантура (1960 й.дан) ва докторантура (1994 й.дан) бор (2008). 1967 й. Қорақалпоғистон филиали ташкил этилган. Ин-тда 83 илмий ходим, жумладан, 3 Россия Таълим академияси акад., 12 фан д-ри, 9 проф. ва 12 фан номзоди ишлайди. Ин-тда «Халқ таълими» (1918 й.дан), «Узлуксиз таълим» (2001 й.дан), «Физика, математика ва информатика» (2001 й.дан) журн.лари нашр этилади.

ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ – қ. *Тиббиёт педиатрия институти*.

ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ (Талант 2-тор кўча, 3) – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1927 й.да Тошкент

ш.да ташкил этилган. Дастлаб Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш и.т. институти деб номланган. ТошТИда педиатрия ф-ти ташкил қилиниши туфайли 1940 й.да ёпилиб, 1966 й.да қайта ташкил этилган. 1969 й.дан шу номда.

Ин-тда 275 ўринли клиника (болалар ҳамда акушерлик ва гинекологик беморлар учун), 7 клиник бўлим (аллергология, гастро-энтерология, пульмонология, чала туғилган болалар, 1 ёшгача бўлган гўдаклар касалликлари, акушерлик-гинекология, терапия, туғуруқхона мажмуаси), лаб.лар, дорихона, кутубхона бор (2008). 1972–80 й.ларда ин-т ва клиникаси таркибда Ўзбекистонда болалар аллергияси маркази, 1980–89 й.ларда болалар пульмонология маркази, 1990–96 й.ларда болалар гепатология маркази ишлаб турди. 1974 й.да акушерлик ва гинекология бўлими негизда Ўзбекистон акушерлик ва гинекология и.т. институти ташкил топди. 1976 й.да боласи б-н ётган оналарни соғломлаштириш учун махсус терапия бўлими очилди. 1983 й.да 2 сув ҳавзаси бўлган 30 ўринли шифобахш физкультура ва врач назорати бўлими, 30 ўринли ташхис қўйиш бўлими ҳамда 200 қатновга мўлжалланган маслаҳат-диагностика поликлиникаси ишга тушди. 1995 й.дан она сути б-н овқатлантиришни рағбатлантириш м-зи ишлаб турибди. Ин-тда 1997 й.да диарея ва ўткир респиратор касалликлар инфекциясига қарши кураш маркази, 1999 й.да репродуктив ёшдаги аёлларни соғломлаштириш маркази очилди.

Ин-тда 13 нафар фан д-ри, 34 фан номзодлари фаолият

кўрсатмоқда. Ин-т илмий ишлар тўплами, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИ – қ. *Тиббиёт педиатрия институти клиникаси.*

ПЕНСОН Макс Захарович (1883–1959) – фотограф, Ўзбекистонда фото санъати асосчиларидан. 1915 й. Туркистонга келган. Қўқондаги хунар мактабларида рассомлик санъати ва чизмачиликдан дарс берган, кейинчалик фотография б-н шуғулланган. 1921 й.дан «Правда Востока» газ.да фотомухбир. П. Ўзбекистоннинг фотойилномасини яратишга ҳисса қўшган. «Ўзбек мадоннаси», «Ўғил саводчиқарди» ва б. фотосуратлари ҳақиқий фото санъати асаридир. П. республика ва хорижий фото кўргазмалари иштирокчиси. Унинг фотосуратлари республика ва хорижий нашрларда чоп этилган. П.нинг ўғиллари Мирон Максимович (1928.15.3) ва Захар Максимович (1930.6.12), қизи Дина Максимовна (1932.23.5) ҳам моҳир фотографлардир.

«ПЕРВУШИН И.А. ВА БОЛАЛАРИ» – савдо-саноат фирмаси, 19-а.нинг 90-й.ларида б вино з-ди ва кичик пиллакашлик ф-каси эгаси саноатчи И.А.Первущин асос солган. Фирмада тамаки ва папирос ф-каси, сунъий минерал сувлар тайёрлайдиган корхоналар, спирт тозалайдиган з-длар ҳам бўлган. Хомашё таъминоти мақсадида фирманинг шаҳар атрофида хусусий тоқзор, тамаки ва пахта

1-перинитал марказ. Янги туғилган чақалоққа ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатиш.

плантациялари бор эди. Фирма ўз фаолиятини кенгайтириб, Қашқар, Бухоро ва Қўқон хонликлари б-н савдо алоқалари олиб борган.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ, Шаҳар 1-перинатал маркази (А.Хўжаев кўч., 1^а-уй) – она қорнида ривожланаётган ҳомила ва янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш муассасаси. 1936 й.да Қоратош кўчасида 1-туғуруқхона номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 80 ўринли 3 бўлимдан иборат бўлган. 1996 й.дан ҳоз. ном б-н юритилади. Унда 245 ўринли 7 та даволаш бўлимлари бор. М-з перинатал хасталикларни камайтириш, туғиш ёшидаги аёлларга, она ва болага малакали акушер-гинекологик ва перинатал ёрдам кўрсатишга мўлжалланган. Унинг таркибидаги маслаҳат-ташхис поликлиникаси бириктирилган туман аёллари орасида акушерлик, перинатал асоратларни олдини олиш ва даволаш ишларини олиб боради ҳамда лаборатор-ташхис, биокимёвий, функционал, гормонал, генетик, бактериологик текширувлар ўтказилади.

М-зда Ўзбекистон Акушерлик ва гинекология и. т. институтининг акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади.



Йилига 13000 дан зиёд аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 5000 дан ортиқ чақалоқ дунёга келади.

ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗ, Шаҳар 2-перинатал маркази (Фозилтепа кўч., 3) – туғиш ёшидаги аёлларга ва чала туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатадиган даволаш муассасаси. 1968 й.да 9-туғуруқхона номи б-н ташкил этилган. 2001 й.дан Шаҳар 2-перинатал маркази деб юритилади. М-з Тошкент ш.даги аёлларга ҳомиладорлик, туғуруқ ва туғуруқдан кейинги даврда амбулатория-маслаҳат ва стационар ёрдам кўрсатади. Унинг асосий вазифаси аёллардаги TORCH инфекциясини, шунингдек, ҳомиланинг эрта тушиши ва ривожланмаслик сабабларини аниқлаш ва даволаш ишларини олиб боришдан иборат.

Ҳозирги кунда м-зда 130 ўринга эга бўлган туғуруқ бўлими, ҳомиладорлар хасталиги бўлими, гинекология, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини сақлаш ўқув-услубий бўлимлари ишлаб турибди. М-зда Тошкент тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади. Бундан ташқари м-з 1-Республика тиббиёт коллежининг клиник базаси ҳисобланади. Ҳар йили 6000 дан зиёд аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 3000 га яқин чақалоқ дунёга келади.

ПЕРФЕКТУМ МОБИЛ (Perfectum Mobile) (Гагарин кўч., 40) – уяли радиолоқа хизмати кўрсатувчи Ўзбекистон–Америка–Британия қўшма корхонаси. 1995 й. 25 ноябрда «Rubicon Wireless Communication» қўшма корхонаси сифатида ташкил этилди. Ўзбекистонда илк маротаба «U-tel» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи D-

AMPS рақамли стандартидаги уяли алоқа тармоғи фойдаланишга топширилиб, корхона Ўзбекистонга илғор технологияларни олиб кириш ва ривожлантириш б-н бирга уяли алоқа рақобат бозорини тараққий эттиришга ҳисса қўшди. Янги технологиянинг жорий этилиши б-н барча вилоятлар аҳолисининг мазкур уяли хизматдан фойдаланиш имкони яратилди. 2001 й. эса Ўзбекистон бозорида «Perfectum Mobile» савдо белгиси остида хизмат кўрсатувчи янги CDMA стандарти ишга туширилди. 2001 й. дек.дан Ўзбекистонда илк маротаба барча маҳаллий қўнғироқлар учун сўзлашувнинг иккинчи дақиқасидан бошлаб сонияли тарифлаш амалга жорий этилди. 2003 й.да эса «Мобил интернет» ҳамда бошқа маълумот узатиш хизматлари киритилди, шу б-н бирга алоқа хизматлари учун тўлов усулини экспресс тўлов карточкалари ёрдамида амалга ошириш имкони яратилди. 2004 й. тармоқ модернизация қилинган тармоқнинг хизмат кўрсатиш доираси кенгайтирилди. П.м. 230000 дан ортиқ миқозга хизмат кўрсатади, уларнинг тахминан ярми Тошкент ш. ва Тошкент вилоятидадир. П.м.нинг республикада 300 дан ортиқ агентлик пункти мавжуд, уларнинг 60 дан ортиғи Тошкент ш.да фаолият кўрсатади (2008). Компания регионал офислари сонининг ўсиб бориши б-н тарифлар рақобатбардошлиги, эфир вақти баҳосининг пасайиб бориши, янги хизмат ва универсал тарифлар жорий этиш бўйича маркетинг ва реклама акциялари ҳам ортди.

2007 й.дан қўшимча хизмат турлари, жумладан, халқаро

СМС алмашинуви ва халқаро роуминг хизматлари кўрсатила бошланди. Тармоқда «Мобил интернет» хизматига уланаётганлар учун арзонлаштирилган тариф ва шароитлар мавжуд. Ҳоз.да компания абонентлари Интернет тармоғининг ахборот ва кўнгилочар хизматлари, яъни Web-саҳифа, WAP-сайт, тезкор маълумот узатиш, видеотасвир, musiқа файллари ва б. имкониётлардан тўлиқ фойдаланишлари мумкин.

ПИРМУҲАМЕДОВ Раҳим [1896.20.12(1897.1.1)–1972.16.2] – биринчи ўзбек киноактёрларидан. Ўзбекистон халқ артисти (1948). Т.да туғилган. Москва драма студиясини тугатган (1930). 1918 й.дан ўзбек т-рларида ишлаган. 1927 й.дан киноактёр. П. эпизодик роллар устаси сифатида танилган. У овозсиз кино («Масжид гумбазлари остида»да Умарнинг дўсти; «Со-ябон арава»да Жўрабой; «Ра-вот қашқирлари»да Акромхон; «Махов қиз»да Саидмурод ва б.) давриданоқ етакчи киноактёрлардан бўлган. П. ижодида халқ театри анъаналари, замонавий саҳна санъати ютуқлари ва кино эстетикаси маданиятига хос хусусиятлар уйғунлаша борган: амир айғоқчиси («Насриддин Бухорода»), Абулмалик («Алишер Навоий»), Абулхайр («Абу Али ибн Сино»), карвонсарой соқчиси, кўса («Тоҳир ва Зухра»; «Насриддиннинг саргузаштлари»), Иброҳим ошпаз («Гуллар очилганда»), Акмал қизикчи («Наташахоним»), Вазир («Икки дил достони»), Муллабой («Шиддат») ва б. Чигатой қабристонига дафн қилинган. Т.даги кўчалардан бири П. номи б-н аталади. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

ПИСКЕНТ – Тошкент вилояти Пискент туманидаги шаҳар (1966 й.дан). Туман маркази. 1952 й.гача қишлоқ. Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида. Яқин т.й. станцияси – Тўйтепа (14 км). Виллоят маркази (Тошкент ш.)дан 41 км. Аҳолиси 41,2 минг киши (2008).

П. (Бискат) қад. шаҳар. 10-а. араб географлари асарларида Чоч ва Илоқдаги шаҳар пунктлари рўйхатида қайд этилган. П. харобалари ҳоз. Пискент ш.нинг шим.-шарқий чеккасида жойлашган Пушти Маҳмуд шаҳар харобаси ўрнида бўлган. П. негизини майд. 3 гектарлик Боло Пушти тепалиги ташкил қилади. Унинг шарқида – арк (0,5 га), атрофида эса ўнқирчўнқир тепаликлардан иборат шаҳристон (10 га) жойлашган. Археологик қазишма ишлари олиб борилмаган. Хароба юзасидан топилган ашъвий далилларга кўра П. шаҳар сифатида илк ўрта асрларда (6–7-а.лар) шаклланган; 9–13-а.ларда раванқ топган. Шаҳар Чоч маркази Бинкатдан Илоқ ва Фарғонага боровчи қарвон йўлидаги муҳим пункт бўлган. Мўғуллар истилосидан (13-а. боши) сўнг шаҳар таназзулга учраган, лекин унинг ғарбида 14-а.да шу номда қишлоқ вужудга келиб, 16–17-а.ларда Эски ўрда, Саққо маҳалла, Бозорбоши, Бордонқўрғон маҳаллалари шаклланган ва ҳоз. Пискентнинг қад. ядросини ташкил қилган.

П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий идоралар, пахта тозалаш з-ди, ғишт и.ч. цехлари, брезент тикиш корхонаси, яхна ичимликлар цехи, нон и.ч. корхонаси, мебель и.ч. кичик корхонаси фаолият кўрсатади. Шаҳарда деҳқон бозори, танталар уйи, туғуруқхона, юзлаб

Планетарий.

савдо дўконлари ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилди. 9 мактаб, Пискент агросаноат коллежи бор.

Марказий йўллар П.ни Тошкент, Олмалик, Оҳангарон ва б. шаҳар ва туманлар б-н боғлайди. Шаҳар яқинида *Туябўғиз сув омбори* жойлашган.

ПЛАНЕТАРИЙ (Зарқайнар кўч., б) – астрономия, космонавтика ва Ер ҳақидаги фанларга оид тадбирлар ўтказиладиган маданий-маърифий муассаса. Т.даги биринчи П. 1963 й.да ҳоз. *Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи*да очилган. Ҳоз. П. 2003 й. дек.да Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан ташкил этилди. Бинонинг умумий майд. 853,1 м². Бино композицияси асосини 44 ўринли доиравий томоша зали ташкил этади. Гумбазга 150 м² ли ярим шарсимон намоиш экрани жойлаштирилган. П. жиҳозлари Япониянинг «Миолта» фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган. «Планетарий MS-б» жиҳози ёрдамида слайдлар орқали Қуёш, юлдузлар, сайёралар, йўлдошлар ва б. акс этган осмон намоиш этилади. Ҳар йили П.ни 7 мингга яқин киши кириб кўради, йилига 100 дан зиёд мавзудаги тадбирлар ўтказилади. Мавзулар ташриф буюрувчиларнинг билим доирасига боғлиқ ҳолда танланади, мас., мактаб ўқувчилари учун «Юлдузли осмонга саёҳат»,



«Юлдуз туркумлари тўғрисидаги афсоналар», талабалар учун комета, метеор, астероид, қутб ёғдуси ва планеталар тўғрисида мукамалроқ маълумотлар берилади.

«**ПОЙТАХТ**» (Амир Темур шоҳ кўчаси, 4) – 3 юлдузли меҳмонхона. «Мовароуннаҳр» Ўзбекистон–Нидерландия қўшма корхонасига қарашли. Маъмурий бино реконструкция қилиниб, меҳмонхонага айлантирилган (2002). Бинони безашда ўзбек халқ меъморчилигининг ва замонавий меъморий услублардан фойдаланилган. Ич томони ганч, керамика, мрамор б-н безатилган. Меҳмонхонанинг 4 қаватли корпусида 112 номер бор. 2 ресторан, 2 бар, конференц зал (30, 60, 120 ўринли), бизнес маркази, интернет тармоғи, очиқ бассейн (220 м²), савдо буюмлари дўкони, гўзаллик салони, автомобиллар тўхташ жойи, валюта алмаштириш шохобчаси меҳмонларга хизмат қилади. Авиабилетлар бронь қилинади. Меҳмонхона яқинида Тошкент ш. ҳокимлиги, Юридик ин-т ва бизнес маркази бинолари, савдо шохобчалари жойлашган. Автобусларнинг «Шаҳар ҳокимияти», метронинг «Амир Темур» *хиёбони* бекати яқинида.

«ПОЙТАХТ-БИЗНЕС» МАРКАЗИ (Рашидов кўч., 16) – 2007 й. 1 сент.да ишга тушган. Дастлаб Навоий кон-металлургия комбинатига қараган. 2008 й. 6 майдан Шаҳар ҳокимлиги Бинолардан Фойдаланиш департаменти тасарруфида. «П.-б.»м. республикада иш юритаётган компаниялар, фирмалар, банклар ва б. ташкилотларни бинода офис хоналари б-н таъминлайди, Ўзбекистон ва Тошкент ш. меҳмонларини ўз меҳмонхонасига жойлаштиради, турли анжуман, кўргазмалар ўтказувчи ташкилотчиларга тегишли конференц-зал ва холлар ажратади. «П.-б.»м. металл конструкциядан қурилган 14 қаватли ноёб иншоот (Бош пудратчи – Зарафшон қурилиш бошқармаси; лойиҳа бош муҳандиси А.Мамедов, бош меъмори Г.Магомедова).

Бизнес маркази ташкилий тузилмасига бухгалтерия, маркетинг; техник хизмати бўлимлари, меҳмонхона маъмурлари, тозалик ва санитария; хўжалик, қўриқлаш ва хавфсизликни таъминлаш хизматлари киради. Бинонинг умумий майд. 30 минг м² бўлиб, унда 70 дан зиёд офис хоналари мавжуд. 20 дан ортиқ ижарачи корхона ва ташкилотлар жойлашган (2008 й., окт.). Хоналар саҳни 15 м² дан 135 м² гача. Бинонинг 2 қавати «Мустақиллик» меҳмонхонасига ажратилган бўлиб, унда 35 ўринга мўлжалланган хоналар мавжуд. Хоналар президент, люкс, яримлюкс, стандарт номерлардан иборат бўлиб, меҳмонларга юқори даражада сервис хизматлари кўрсатилади. Бинода 5 та конференц-зал бор, ҳар бир зал 15 дан 250 тагача иштирокчини, бир вақтнинг ўзида жами 600 одамни қабул қила олади.



«Пойтахт» меҳмонхонаси.

Шунингдек, анжуман иштирокчиларига кўркам ва қулай кофе-брейк заллари берилди. Бизнес-марказида 2 та кўргазма зали (ҳар бири 700 м² дан), фитнес зали (майdonи 200 м²), «Қизилқум» ресторани (ҳар бири 100 меҳмонга мўлжаллан-

ган 2 та банкет зали бор) ишлайди. Бизнес маркази замонавий телекоммуникация асбоб-ускуналари, энг янги алоқа воситалари б-н таъминланган. Бино ҳудудида 220 та автомашина туришига мўлжалланган жой ажратилган.

«Пойтахт-бизнес» маркази.



«ПОКСОН-ТОШКЕНТ» (Жарқўрган кўч., 47^а-уй) – ёпиқ АЖ шаклидаги қўшма корхона. Синтетик ювиш воситаларини ишлаб чиқарувчи йирик з-д. 1967 й. дек.да ишга туширилган. 1987 й. «Ўзбитхим» и.ч. бирлашмаси таркибига киритилган. 1998 й. 27 нояб.да «Маишийкимё» ОАЖ сифатида қайта ташкил этилди. 1999 й. 31 авг.да Ўзбекистон–Кипр қўшма корхонасига айлантирилди. 2003 й. 27 мартда ОАЖ «Маишийкимё» Ўзбекистон–Америка қўшма корхонаси номи б-н иш юрита бошлади. 2006 й. 19 июлдан хоз. номда.

Ўзбекистон, Эрон, Германия, Украина, Буюк Британия мамлакатларининг юридик ва жисмоний шахслари унинг таъсисчиларидир. З-д йилига 30 минг т синтетик ювиш воситаси и.ч. қувватига эга. 2008 й.да қўшма корхонада 4000 т атрофида «Барф», «Приде», «Пуш», «Астра», «Марс» каби кир ювиш воситалари ҳамда 1000 т атрофида «Барф», «Ракша» идиш-товоқ ювиш воситалари ишлаб чиқарилди.

ПОЛИКЛИНИКА – қ. *Оилавий поликлиникалар.*

ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Полимерлар кимёси ва

физикаси институти (Абдулла Қодирий кўч., 7^б-уй) – Ўзбекистон ФА Полимерлар кимёси бўлими негизда 1981 й. ташкил этилган. Асосий тадқиқот йўналишлари: юқори молекуляр бирикмалар нанокимё, нанофизика ва нанотехнологиялари; янги авлод полимерлари ва маълум хоссали композицион полимер материаллар синтезининг назарий асосларини, уларни қайта ишлаш ва и.ч. технологияларини яратиш; табиий ва синтетик полимерлар синтези ва кимёвий модификацияси; полимерлаш жараёнлари, полимерлар деструкцияси ва барқарорлаштириш муаммолари; полисахаридлар (пахта целлюлозаси, хитин, пектин ва уларнинг ҳосилалари)нинг ноанъанавий усулларда олиниши; композицион полимер материаллар. Ин-т таркибида 7 лаб., 12 илмий гуруҳ, кутубхона, технологик лаб. мавжуд (2008). Ин-тда 120 дан ортиқ илмий ходим, жумладан 1 акад., 9 фан д-ри ва 22 фан номзоди ишлайди.

«ПОЛИФЛЕКС», «POLIFLEKS» (Нуронийлар кўч., 1) – полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи шуъба корхона. 2002 й. ташкил этилган. Корхонада картондан, этикеткали, твистингли, ўзи елимланадиган ва металлаш-

тирилган қоғоздан этикетка ва ўраш маҳсулотлари, винилхлорид полимер плёнкалар, реклама маҳсулоти ва б. босма маҳсулотлар тайёр-

ланади. 2000 й. июлда монтаж қилинган Rapida 105-5+L босма машинаси ва 2004 й. апр.да ишга туширилган 105-6+L иккинчи машинаси ҳар ойда 500 т гача этикетка маҳсулотларини ёки 2000 т гача картонни қайта ишлаш имконини беради. Bobst-102E ускунаси асосидаги ноёб жиҳоз босма маҳсулотни тезда ўраш материалга айлантира олади. 7 рангли машина юқори сифатли рулон этикетка тайёрлайди. Машинанинг босиш тезлиги минутига 120 м га тенг. Корхонанинг йиллик маҳсулот ҳажми 4545 т.

ПОЛИЦИЯ – шаҳар ва қишлоқ жойларда тартибни назорат қилиб туриш учун 18-а.да чор Россиясида тузилган ички қўшин тури. Т.да 1887 й.гача П.чи вазифасини гарнизон солдатлари бажарган. 1887 й.дан шаҳар П.си шаҳар бошлиғига бўйсунган. П.ни *полицмейстер* бошқарган; унга миршаблар, адрес столи, П. архиви, врачлик-полиция к-ти ҳам бўйсунган. Т. 2 та П. бошқармасига бўлинган: бири Т.нинг *Янги шаҳар* қисмида, иккинчиси *Эски шаҳар* қисмида жойлашган. 1907 й. П. штати 307 кишидан иборат бўлган. 1911 й. охирида жиноий ишларга қарши курашиш учун қидирув бўлими («Охранка») очилган. 1917 й. Фев. инқилобидан шаҳар милицияси ташкил этилган, Октябрь тўнтаришидан сўнг (1917) П. апарати бутунлай тугатилган.

ПОЛИЦМЕЙСТЕР, полицеймейстер – 1917 й. Фев. инқилобига қадар Т. шаҳар полицияси бошлиғи. П. мансаби 1718 й. Петербургда юзага келган. 1782 й.дан барча губерния ва шаҳарларда жорий қилинган. Т.да 1887 й. Янги ва Эски шаҳарда полиция приставлари бошчилигида икки полиция бошқармаси тузилган. П. шаҳар бошлиғига



Полимерлар кимёси ва физикаси институти.

буйсунган, участка приставлари ишини, қамалганларни назорат қилиб турган, йиғинлар ва жамоат жойларида тартиб сақла-нишини назорат этишга раҳбар-лик қилган. Фев. инқилобидан сўнг (1917) П. мансаби бекор этилган.

«ПОСИРА» МАҲАЛЛАСИ (Бо-гишамол кўч., 4^а-уй) – Юнус-обод туманидаги маҳалла. «Обод» маҳалласи ва Мирзо Улуғбек тумани б-н чегарадош. Аҳолиси 5964 киши, асосан (96%) ўзбеклар. Маҳалла худ-дида Тошкент Педиатрия ин-ти ва лицейи, ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, «Энергетик» стадиони, Юнусобод савдо мажмуаси мавжуд.

ПОЧТА АЛОҚАСИ – транспорт воситалари ёрдамида хат, даврий нашрлар, жўнатма, пул ва ҳ.к.ни қабул қилиб жўнатадиган муассасалар тизими. 1865 й. Т. яқинидаги Ниёзбек кўчаси б-н Чимкент ш. ўртасида дастлабки П.а. йўлга қўйилган. Ўша йили Т.да 1-почта ст-яси очилди ва почта йўли Ниёзбекдан Т.гача ет-казилди. 1868 й. Тошкент б-н Самарқанд ўртасида П.а. йўлга қўйилди. 1868 й. фев.да Т.да Россия Почта ва телеграф ва-зирлигига буйсунган Сирдарё ва Самарқанд вилоятлари почта идоралари бошқармаси ташкил этилди. 1885 й. 1 янв.дан Т. поч-та идораси мижозлардан теле-граммалар қабул қилишни бош-лади. 1974 й. Т.да темир йўл қошида почтамтнинг очилиши, 1983 й. Тошкент почтамтининг янги биноси қурилиб фойдала-нишга топширилиши б-н хат, жўнатма, пул ўтказмалари, мат-буот нашрларини жўнатиш ва ет-казиб бериш иши янада яхши-ланди.

Мустақиллик йилларида П.а.-да туб ислохотлар амалга оши-

рилди, тармоқ корхоналари фа-олияти қайта кўриб чиқилди, кўрсатиладиган хизмат турлари кенгайди, халқаро алоқалар туб-дан қайта ташкил этилди. Т. поч-та корхоналари «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ (2004 й.дан)га ки-ради. 2003 й.дан жамиятни жой-лардаги филиаллар б-н боғлов-чи корпоратив компьютер тар-моғи ишга туширилди, шу кунда электрон почта хизматини амал-га оширадиган 161 та электрон почта манзили рўйхатга олинган. 2005 й. дек.дан Т. ва худудий филиалларнинг автоматлашти-рилган иш жойларини боғловчи электрон пул жўнатмалари тизи-ми ишга туширилди. Алоқа бўлимларида пластик карточка-лар орқали тўловлар қабул қилинади. «Тошкент почтамти» филиалининг 113 алоқа бўлими «Тошкент шаҳар телефон тар-моғи» филиалининг билинг ти-зимига уланган. Яна қ. «Тош-кент почтамти».

ПОЧТА МАРКАЛАРИ – илк бор 1992 й. май ойида «Ўзбекистон маркаси» томонидан Нодирабе-гим сиймоси туширилган П.м. чоп этилди. Бу марка дунё ха-ритасида мустақил Ўзбекистон давлати юзага келганидан дало-лат эди. 1993 й. Ўзбекистон гер-би ва бай-роғи акс эт-ган маркалар нашр этилди. 1994 й. тасав-вуф илми асосчиси Ба-ҳоуддин На-қшбанд та-валлудининг 675 йиллиғи-га, теннис

бўйича Халқаро Президент ку-боги мусобақаларига бағишлаб П.м. чиқарилди. Ҳоз.да респуб-лика меъморий ёдгорликлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси-ни акс эттирувчи П.м. ҳамда «Буюк ипак йўли» туркумидаги тўпламлар нашр этилиб, почта корхоналарига етказиб берила-ди. 1995 й.дан хорижий давлат-лар б-н республика П.м. айир-бошлаш йўлга қўйилди. Турли сана ва юбилейлар муносабати б-н ҳар йили янги П.м. чиқари-лади. «Ўзбекистон маркаси» фи-лиали томонидан шу кунгача 760 дан зиёд П.м. ишлаб чиқарил-ди.

«ПРАВДА ВОСТОКА» («Шарқ ҳақиқати») (Матбуотчилар кўч., 32) – Тошкент ш.да рус тилида чиқадиган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий кундалик газета. Му-ассиси: Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамаси. Даст-лаб «Наша газета» («Бизнинг га-зетамиз», 1917 й. 15 апр.дан 1919 й. 12 апр.гача), «Известия ЦИК Туркестанской республики и крайкома КПТ, ЦК Компартии Туркестанской АССР» («Турки-стон Республикаси МИК ва Тур-кистон Компартияси ўлка коми-тети, Туркистон АССР Компар-тияси МК ахбороти», 1919 й. 12



Почта маркаларидан намуналар.

апр.дан 1922 й. 20 июлгача), «Туркестанская правда» («Туркистон ҳақиқати», 1922 й. 20 июлдан 1924 й. 25 ноябргача) номларида чиққан. 1924 й. 25 ноябрдан ҳоз. номда. Саҳифаларида қ.х., саноат, фан ва маданият тараққиёти, адабиёт ва санъат, ўзбек халқи тарихига оид илмий, муаммоли, таҳлилий мақолалар кенг ёритилади. Шунингдек, мустақиллик йилларида тарихнинг ўқилмаган саҳифаларига, Ўзбекистоннинг янги тарихига кўпроқ эътибор қаратилади. Республикадаги барча вилоятларда махсус муҳбирлари бор. Бош муҳбирири – А.С.Усмонов. Адади 6000 (2009).

ПРОГНОЗЛАШ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (Абдулла Қодирий кўч., 2) – республикада иқтисодий тадқиқотлар олиб борадиган етакчи илмий марказ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар м-зи (2005) негизда ташкил топган. Ин-т республика иқтисодиёти учун муҳим бўлган аниқ лойиҳалар бўйича тадқиқот ва тавсия ишларини олиб боради. Унинг илмий ва амалий фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги зиммасига юклатилган.

Ин-тнинг асосий фаолият йўналишлари: солиқ-бюджет, пул-кредит, ташқи иқтисодий ва валюта сиёсати б-н узвий боғлиқ ҳолда макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил қилиш, унинг асосида мамлакатни мутаносиб ҳамда барқарор макро-

иқтисодий ривожлантиришнинг мосланувчан модели, механизмлари ва прогнозларини ишлаб чиқиш; молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштириш, солиқ, бюджет ҳамда кредит сиёсатини такомиллаштириш, пул муомаласини мустаҳкамлаш ва б. Ин-тда жами 114 ходим, шу жумладан 7 фан д-ри, 15 фан номзоди ишлайди (2008). Ин-т фаолияти давомида и.т.-ларга миллий экспертлар сифатида давлат бошқарув органлари, идоралар, банклар, тадқиқот марказлари ходимларини, олимлар ва олий ўқув юртлари проф.-ўқитувчиларини, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилади. Мамлакатимиз илмий ташкилотлар, ун-тлар, фондлар б-н шартномалар асосида и.т.лар олиб боради. Шунингдек, халқаро иқтисодий ва молия ташкилотлари, хорижий тадқиқот ин-тлари ва м-злари б-н ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни амалга оширади.

Ин-тда илмий кенгаш, аспирантура, тадқиқот лойиҳалари, халқаро алоқалар, нашриёт бўлими, кутубхона (5 мингдан ортиқ асар) бор.

ПРОКУРАТУРА, Тошкент шаҳар прокуратураси (Чилонзор кўч., 6) – 1943 й. окт.да ташкил этилган. Асосий вазифаси шаҳарда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун б-н қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига ва Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура

тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига асосан шаҳар прокуратураси ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширади. Шу қонуннинг 5-моддасига асосан Тошкент ш. прокуратураси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимнинг тармоғи ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига бўйсунуши ва ҳисобдорлиги асосида фаолият кўрсатади.

Шаҳар прокуратурасига Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 119-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 й. муддатга тайинланадиган шаҳар прокурори раҳбарлик қилади. Шаҳар прокуратураси тизими – шаҳар прокурори, унинг 1-ўринбосари, соҳалар бўйича 2 нафар ўринбосарлари, прокурор назорати йўналишлари бўйича, жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат, судларда жиноят, фуқаролик ва жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш, Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат, ҳуқуқий тарғибот, фуқароларнинг мурожаатлари ва хатлари б-н ишлаш каби 18 та таркибий тармоқ ва бўлимлар, девонхона, молия-хўжалик бўлими ҳамда 11 туман прокуратура органларидан иборат. Туман прокуратураларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан 5 й. муддатга тайинланадиган туман

прокурорлари раҳбарлик қилдилар.

Тошкент ш. прокуратурасида 237 нафар прокурор-тергов ходимлари фаолият кўрсатади. Тизимда ишлаб нафақага чиққан фахрийлар б-н алоқани мустаҳкамлаш мақсадида «Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази» ташкил қилинган.

ПРОФЕССОРЛАР ШАҲАРЧАСИ – Собир Раҳимов туманидаги турар жой массиви. Қамарнисо, Мирзо Ғолиб, Форобий ва Тошхўжаев кўч. оралигида жойлашган. Лойиҳаси ва қурилиш ишлари Тошкент вилояти Зангиота тумани тасарруфидаги ерларда 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг бошланган. П.ш., асосан, Ўзбекистон миллий ун-ти, Тошкент техника ун-ти ўқитувчи ва проф.лари учун хусусий уй-жойлар қурилиши мақсадида ажратиб берилган. Шаҳарчада турар жойлар, мактаб, болалар боғчаси, касб-хунар коллежи, *Беруний маҳалласи* гузари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари, шунингдек, геологлар учун 44 коттеж мавжуд. Шаҳарчада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган.

ПУГАЧЕНКОВА Галина Анатольевна (1915.7.2–2007.16.2) – санъатшунос, археолог олим, Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Санъатшунослик д-ри (1959).

1930 й.дан Т.да. Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1937). Ўрта Осиё университетида доцент (1942–60), проф. (1962). Санъатшунослик и.т. институтида катта илмий ходим (1958–60), санъат ва меъморлик тарихи бўлими мудири (1960–84), айна вақтда, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси

бошлиғи ва илмий раҳбари (1959–84). Ўзбекистон ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик фанлари бўлими акад.-котиби (1984–87). 1987 й.дан Ўзбекистон ФА Тарих ин-тида акад.-маслаҳатчи. Асосий илмий ишлари Ўрта Осиё ва унга ёндош Ўрта Шарқ мамлакатларининг қад. ва ўрта асрлар бадиий ҳамда моддий ёдгорликларини, Т.нинг тарихий-меъморий ёдгорликлари, 15–17-а.лар Ўрта Осиё, шунингдек Т. миниатюра мактаби асарларини ўрганишга бағишланган. Ҳамза (1966), Беруний (1992) номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати. «Дўстлик» (1995) ва «Буюк хизматлари учун» (2002) орденлари б-н мукофотланган. Дўмбиробод қабристонида дафн этилган.

ПУШКИН Александр Сергеевич [1799.26.5(6.6) – 1837.29.1(10.2)] – рус ёзувчиси, янги рус адабиётининг асосчиси. Москвада туғилган. Петербург яқинидаги Царское село (ҳоз. Пушкин ш.) лицейида таҳсил олган (1911–17). Лицейни тугатгач, Петербургда кўчиб борган ва ташқи ишлар коллегиясида котиб лавозида ишлаган (1817–20). Бошқа вазифага ўтказиш баҳонаси б-н жануб (Екатеринослав, Кавказ, Қрим, Кишинев, Одесса)га бадарға қилинган (1820). Дуэлда олган оғир жароҳати туфайли вафот этган. П. ижоди лирикадаги илк машқларига ва жануб дostonларига («Кавказ асири», 1820–21; «Боқчасарой фонтани», 1823; «Лўлилар», 1823–24 ва б.) хос романтизмдан реализмгача кўтарилди. П. 19-а. рус адабиётининг кўпгина муҳим масалаларини биринчи бўлиб илгари сурди; булар – халқ тарихий куч ва маънавий мезон экан-

лиги («Борис Годунов», 1825), шахс б-н муҳит ва шароит ўрта-сидаги муносабатлар («Евгений Онегин», 1823–31; «Мис чавандоз», 1833), «кичкина одам» тақдири («Белкин қиссалари», 1830), пулнинг инсон устидан ҳукмронлиги («Пиковая дама», 1833) ва б. Кичик трагедиялари («Моцарт ва Сальери», «Тош меҳмон» ва б.)да, 30-й.лардаги фалсафий лирикасида инсон ҳаётидаги муҳаббат, ижод, ўлим каби туб масалаларга мурожаат этди. П. шеърляти инсонийликни миллий ғоя сифатида ўзида мужассамлаб, гуманизм, ҳақиқат пафоси, фуқаролик, халқчиллик ва тарихийликни бирлаштирди.

Тошкентда П. номида майдон, метро бекати бор. П.нинг туғилган кунига 170 й. тўлиши муносабати б-н 1969 й. Тошкент ш.да шоирга ҳайкал ўрнатилган. «**ПУШКИН**» – Чилонзор йўлидаги метро бекати. *Пушкин майдони* яқинида жойлашган. 1980 й. 18 авг.да очилган (меъморлари: Л.Адамов, Р.Файзуллаев, А.Табибов, А.Одилова). Бекат устунвор қурилган бўлиб, 2 ер ости вестибюли бор. Мармар қопланган устунларнинг тепаларига шам маржонларига ўхшатиб ишланган ёнлама қандиллар ўрнатилган (рас. И.Липене). Платформага тушаверишдаги зинапоя деворлари қуйма чўян фигурали кронштейнларга ўрнатилган шам шаклидаги қандиллар б-н безатилган; платформа кираверишда бронзадан бўрттириб ишланган геральдика намоён ўрнатилган; улардан бирида А.С.Пушкиннинг қиёфаси тасвирланган (ҳайк. И.Липас). Деворлар, вестибюль ва платформа устунлари оқ ва ним пушти мармар б-н қопланган; сахни-

га силлиқланган кулранг гранит ётқизилган.

ПУШКИН МАЙДОНИ – *Мустақиллик кўчаси* йўналишида жойлашган. Дастлаб, 1941 й. аввалги Пушкин кўчаси шим.-шарқ томонга узайтирилиши муносабати б-н унинг охирида хиёбон шаклида ташкил топган. 1946 й. хиёбон майдонга айлантирилиб, илк бор улуг рус шоири А.С. Пушкин шарафига ҳайкал ўрнатилган. Шоир таваллуд топган кунга 170 тўлиши муносабати б-н 1969 й. майдонга янги меъморий ечимга эга бўлган шоир ҳайкали қайта ўрнатилган (меъмор С.Р.Одилов, ҳайк. М.К.Аникушин). Майдон атрофида Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги, Тошкент умумқўшин қўмондонлиги олий билим юрти, «Динамо» спорт мажмуаси, Салор канали, Кичик ҳалқа йўли, «Пушкин» метро бекати, Тошкент–Хўжакент йўловчи электр поездининг «Салор» бекати жойлашган. Ҳар йили шоир таваллуд топган куни майдонда маданият ва санъат арбоблари иштирокида пушкинхонлик тадбири ўтказилади. Мустақиллик йиллари майдон-



Пушкин майдонидаги шоир ҳайкали.

да тубдан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган.

ПЎЛАТ МЎМИН (1922.24.12–2004.2.3) – болалар шоири. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1983). Т.да туғилган. Дастлаб педагогика билим юртини (1939), сўнг Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика

ин-тини тугатиб (1944), ўқитувчилик б-н шуғулланган (1944–47). Газ.лар тахририятлари, Ўздавнашрда бўлим мудирини, Ёзувчилар уюшмасида ва Маданият вазирлигида ишлаган. «Сайранг, қушлар» (1949), «Хунардан унар» (1958), «Тўғри ўсган гул бўлур» (1960), «Раҳматга раҳмат!» (1969), «Эртақлар яхшиликка етаклар» (1984), «Бугдой бобо» (1995), «Болажон, болажоним» (2003) сингари болаларга бағишланган шеър ва эртақлардан иборат тўпламлари, «Кулди хиёл» (1964), «Гул ва пиёз» (1971), «Кўшиқ айтиб» (1985) сингари кўшиқлардан ташкил топган китоблари нашр этилган. Унинг 500 дан зиёд кўшиқлари газал жанрида ёзилган. П.М.нинг болалар ҳаётидан олинган пьесалари республика театрларида саҳналаштирилган. А.С.Пушкин, В.В.Маяковский, С.Маршак, С.Михалков, А.Барто ва б. рус ёзувчиларининг болаларга бағишланган асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

РАБОТ, Равот – *Себзор* даҳасидаги қад. маҳалла. Қумлоқ, Мозорхон, Чувалачи, Гурунчарик маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Уч қисмга бўлинган, 300 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, аксарияти турли касбухоналар, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик б-н шуғулланган. Мактаб, 3 масжид, чойхона, устахоналар, дўкон, 2 тегирмон, обжувоз бўлган (20-а. боши). Ҳоз. худудида замонавий бинолар қурилган.

«РАВНАҚБАНК» (Фурқат кўч., 2) – хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки. Фаолиятини 2001 й. 23 июнда бошлаган. Асосий таъсисчилари: «International Trading and Production» қўшма корхонаси, «AQUILA» Shipping and Shipmanagement, GmbH. Акциядорларининг умумий сони 85 та (9 юридик шахс ва 76 jisмоний шахслар). Банк томонидан кўрсатиладиган асосий хизмат турлари jisмоний ва юридик шахсларнинг ҳисобварақлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш; омонатларни жалб этиш; кредитлар бериш, лизинг ва факторинг хизматлари кўрсатиш; қимматли қоғозлар чиқариш, харид қилиш, сотиш ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш ва б. Банк томонидан иқтисодиётга қўйилган инвестицияларнинг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва

коммуникация, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш ва ҳ.к. соҳаларга йўналтирилган.

«РАВШАН» (Миробод кўч., 118) – меҳмонхона. Тошкент халқаро аэропорти, Марказий т.й. вокзали яқинида. 1998 й.дан хусусий корхона сифатида фаолият юритади. 2 қаватли бинога жойлашган. 37 оддий ва 9 люкс номерга эга. Ресторан, 2 та конференц-зал, саёҳат бўлими мавжуд. Меҳмонларга интернет тармоғи, пул айирбошлаш, кийим тозалаш шохобчалари хизмат кўрсатади.

«РАДИОПРЕПАРАТ» (Улғбек шаҳарчаси, Улғ Фуломов кўч.) – 1976 й. Ўзбекистон ФАнинг Ядро физикаси ин-ти қошида хўжалик ҳисобидаги тажриба-и.ч. корхонаси сифатида ташкил топган. 1992 й. ин-тининг ижара корхонасига айлантирилган; 1994 й.дан давлат корхонаси. Сунъий радиоактив изотоплар, технеция генератори ва унга керакли нарсаларни ишлаб чиқаради. Йиллик маҳсулот ҳажми 877,038 млн. сўм. Маҳсулотлари МДХ мамлакатлари, шунингдек, Германия, АҚШга экспорт қилинади. «Р.» давлат корхонаси Халқаро сифат юлдузи б-н тақдирланган (1999, Женева).

РАДИОТЕЛЕВИДЕНИЕ УЗАТИШ МАРКАЗИ (Амир Темур шоҳкўчаси, 109) – Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳузуридаги радио-

алоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази давлат унитар корхонаси филиали. Т. шаҳри ва Т. вилояти аҳолисини Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг радио ва телевидение дастурлари б-н сифатли ва мунтазам таъминлаш, *Тошкент телеминораси*да аҳолига экскурсия хизматлари ташкил этиш б-н шуғулланади. Ўзбекистонда 1-телемарказ – Тошкент телемаркази 1957 й.да ишга туширилган. Кейинчалик телекўрсатувлар кўламининг кенгайиши б-н 180 м ли телеминора ва кам қувватли телеузаткичлар талабга тўлиқ жавоб беролмай қолди ва янги кучли радиотелевизион узатиш ст-яси – 375 м ли телеминора қурилиши бошланди. 1984 й. телеминорадан фойдаланадиган ташкилот – Тошкент радиотелевидение узатиш маркази тузилди. 1985 й. телеминора расмий ишга туширилгач, эски телемарказ тугатилиб, янги телемарказ ўз фаолиятини бошлади.

РАДИОЭШИТТИРИШ, радиоэшиттирув – Т.да тажрибавий радиоэшиттиришлар 1926 й. Т.да ўтказилган. 1927 й. 11 фев.да қуввати 2 кВт бўлган оммавий радиостанция ишга туширилиб, мунтазам Р.лар бошланган. 1929 й.дан доимий радиогазета эшиттиришлари берилган. 1930 й. қуввати 20 кВт бўлган РВ-II

радиостанцияси ишга туширилди. 1927 й. мусиқали радиодастурларни мунтазам олиб бориш учун ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри тузилди (кейинчалик унинг негизида мақом ансамбли ташкил этилди). 1931 й. Ўрта Осиё радиоэшиттириш кўмитаси тузилди; 1934 й.да Ўзбекистон радиолоштириш ва радиоэшиттириш давлат кўмитаси ташкил этилди. 1996 й. 7 майдан эса бу кўмита Ўзбекистон телевидение ва радиоэшиттириш давлат компанияси (телерадиокомпанияси)га айлантирилди.

Республика радиосининг эшиттиришлари 4 дастур бўйича олиб борилади. 1-дастурда асосан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маънавий мавзулардаги эшиттиришлар («Ўзбекистон»), 2-дастурда ёшлар учун эшиттиришлар («Ёшлар»), 3-дастурда ахборот ва мусиқий эшиттиришлар («Машъал»), 4-дастурда эса рус, қозок, уйғур, татар ва қримтатар тилларида эшиттиришлар олиб борилади («Дўстлик»). Юқоридагилар б-н бир қаторда республикамызда бир қанча хусусий, нодавлат ра-

диостанциялар ҳам фаолият кўрсатмоқда («Водий садоси», «Орият-Доно» ва б.).

Ўзбекистон радиоси чет эллар учун ҳам мунтазам эшиттиришлар (инглиз, араб, форс, уйғур, ҳинди ва урду тилларида ҳамда чет эллардаги ватандошлар учун ўзбек тилида) бериб боради. Республика миқёсидаги эшиттиришлардан ташқари, 1971 й.дан Т. шаҳар ва вилоят тингловчилари учун ҳар куни Т. шаҳар ва Т. вилоят Радиоэшиттириш бош таҳририяти (ҳоз. Тошкент телерадио канали) тайёрлаган эшиттиришлар бериляпти.

РАЖАБИЙ УЙ-МУЗЕЙИ (Юнус Ражабий кўч., 20) – 1989 й. 13 сент.да Юнус Ражабий яшаб ижод этган уйда очилган. Музейнинг (умумий майд. 484 кв.м, кўрғазма майд. эса 181 кв.м) 6 та кўрғазма хонаси бўлиб, унинг ҳар бири маълум воқеликни ёритишга бағишланган: «Ёшлик ва ўсмирлик даври», «Меъмориал хона», «Ўзбек халқ мусиқаси», «Шашмақом», «Абадият», «Мусиқа тинглаш ва фильмлар кўриш» хоналари ва ҳ.к. Музейда 6000 мингга яқин экспонат сақланади, шулардан 847 таси музей экспозицияларида кўрсатилган.

Экспозицияда Юнус Ражабий ёзган 12 жилдли китоб кўлөзмалари, унга тегишли чолғу созлари (датор, най, танбур), кийим-бошлари, концерт кийимлари, ўзбек халқ чолғу созлари коллекцияси, ўз оиласи, устозлари, шоғирдлари ва сафдошларининг мойбўёқда ишланган портретлари, фотосуратлар ва б. бор. 2008 й. музейни 5000 га яқин киши кириб кўрди.

РАЖАБИЙЛАР – Т.да фаолият кўрсатиб, ўзбек санъатига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар сулоласи. Сулола бошлиғи Юнус Ражабий [1897.5(17).1–1976.23.4] – бастакор, хонанда ва созанда (най, датор), ўзбек мусиқа меросини тўпловчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1953), Ўзбекистон ФА акад. (1966). Туркистон халқ консерваториясида (1919–23), Тошкент Олий мусиқа мактабининг тайёрлов курси (1934) ҳамда Москвада ташкил этилган бастакорлар курси (1940–41)да таълим олган. Самарқанд пед. билим юртида мусиқа ўқитувчиси (1923–25). Самарқанд театрининг мусиқа раҳбари (1925–27), Ўзбекистон радиокомитети қошидаги халқ чолғу асбоблари ансамбли (кейинчалик халқ чолғулари оркестри) ташкилотчиси ва бадий раҳбари (1927–42, 1945–59), Янгийўл театри мусиқа раҳбари (1942–45), Ўзбекистон телерадиосининг «Мақом» ансамбли ташкилотчиси ва бадий раҳбари (1959–76). Унинг репертуаридан мақом парчалари, «Гиря», «Ушшоқ», «Кўча боғи», «Эшвой», «Курд», «Қаландарий», «Гулёр-Шаҳноз», «Баёт», «Дугоҳи Хусайний», «Чоргоҳ», «Мискин», «Насруллоий» каби ашула ва куй туркумлари ўрин олган.

1935 й.дан халқ куй ва ашулаларини нотага ёза бошлаган. Натижада Е. Романовская ва Ил. Акбаров тузган «Ўзбек халқ кўшиқлари» (1939) тўпламидан Ю. Р. нотага олган 29 та халқ



Юнус Ражабий уй-музейи.

муסיқа намунаси ўрин олган. 1955–59 й.ларда 5 жилдли «Ўзбек халқ муסיқаси» (И. А. Акбаров таҳририда) тўпламини нашр эттирди. Шашмақомнинг 6 жилдли янги нашрини (1966–74, Ф. Кароматов таҳририда) ҳамда граммпластинка ёзувлар мукамал тўпламини (Тошкент граммёзувлар студиясида, 1970-й.лар) тайёрлади.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971), «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н мукофотланган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

Т.даги кўч.лардан бири, метро бекати, «Мақом» ансамбли, Т. муסיқа пед. касб-хунар коллежи Ю.Р. номи б-н юритилди. Ю.Р. 1957–76 й.лар яшаб ижод этган уйда *Ражабий уй-музейи* очилган (1997). 2001 й. Юнус Ражабий маданият м-зи ташкил этилган.

Ризқи Ражабий (1887–1977.20.7) – созанда (танбур), ўзбек муסיқа ижрочилиқ санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1940). Юнус Ражабийнинг акаси. Т. муסיқа техникумини тугатган (1923). Ўзбекистон радиоқўмитаси хузуридаги Халқ муסיқа чолғулари ансамблида созанда, концертмейстер (1927–42). Тошкент муסיқа техникумида (1930–39), Тошкент консерваториясида (1972–77) ўқитувчи.

Ризқи Ражабий репертуаридан мақом йўллари (Таснифи ва Самои Дугоҳ, Гулёр-Шаҳноз, Гардуни ва Уфари Сегоҳ ва б.) ҳамда мумтоз чолғу куйлари (Мискин, Насруллои, Танавор, Муножот, Абдурахмонбеги,



Ризқи, Юнус Ражабийлар ва Исҳоқ Ражабов.

Гиря, Сувора каби) ўрин олган. У бир неча ашула («Соралар», «Яшнасин», «Ёруғлик», «Овораман», «Тантана», «Офтобим») ва куй («Чақир», «Олға», «Ухласин»)лар муаллифи. Камолон қабристонига дафн этилган.

Аҳмад Юнусов (1923.10.5) – муסיқа муҳаррири, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Юнус Ражабийнинг ўғли. Ўрта Осиё ун-ти (1952), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тининг 1 йиллик реж.лик курсини (1953) тугатган. Янгийўл театрида актёр (1941–45). Тошкент тўқимачилар к-ти клуби (1947–94), ТошМИ қошида (1948–94), Мирзачўл (ҳоз. Гулистон) шаҳар маданият уида (1964–69) «Халқ театри» унвонига сазовор бўлган ҳаваскор театр жамоаларининг ташкилотчиси ва раҳбари. Реж. сифатида саҳналаштирган спектакллари: «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Имон» (И. Султон), «Шарқ тонги» (Н. Сафаров), «Меҳрибонлар», «Тошкесар» (Алп Жамол) ва б.

Ражабов Исҳоқ Ризқиевич (1927.2.1–1982.1.12) – муסיқашунос, созанда (дотор, танбур). Санъатшунослик фанлари д-ри (1971). Замонавий ўзбек

мақомшунослиги асосчиларидан. Ризқи Ражабийнинг ўғли. Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ф-тини тугатган (1950). Навоий номидаги Адабиёт музейида илмий ходим (1955–61), Ҳамза номидаги Санъатшунослик и.т. институтида шуъба мудир (1961–82), айна пайтда Тошкент консерваторияси ўқитувчиси (1972–79). Илмий асар-

лари Ўрта аср Шарқ муסיқаси рисолалари, мақом санъати тарихи ва назарияси (Ўн икки мақом тизими, намудлар, Шашмақом ва б.) масалаларига бағишланган («Мақомлар масаласига доир», 1963 ва б.). «Шашмақом»нинг 6 жилдли нашри (1966–74)га муҳаррирлик қилган. Камолон қабристонига дафн этилган.

Обид Юнусов (1934.20.11) – актёр, Ўзбекистон халқ артисти (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1956). 1956–98 й.лар Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да ишлади. Эркин («Айтсам тилим, айтмасам дилим»), Қаюм («Юрак ёнмоғи керак»), Холмат («Бой ила хизматчи»), Аббос («Мирзо Улуғбек»), Маъмур («Келинлар кўзголони»), Кирилл («Оқшомдан тушгача»), Ёрмат («Қутлуғ қон»), Сино («Абу Али ибн Сино»), Ўткурий («Парвона») каби образлари б-н театр саҳнасида мустаҳкам ўрин олди. У бир қанча фильмлар («Армон», «Тўйлар муборак», «Чинор остидаги дуэль», «Чаён гул», «Шайтанат», «Шарпа» ва б.)да ҳам суратга тушган. Дубляж санъатининг моҳир устаси сифатида танилган.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989), «Меҳнат шухрати» ордени б-н тақдирланган (2003).

Ҳасан Ражабий (1942.22.7) – хонанда ва созанда (танбур). Ўзбекистон халқ ҳофизи (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини танбур ижрочилиги бўйича ҳамда ТошДунинг филлол. ф-тини тугатган (1967). Ҳамза номидаги Санъатшунослик и.т. институтида илмий ходим (1967–75). «Мақом» ансамблида созанда ва хонанда (1976–96), Юнус Ражабий уй-музейининг директори (1996 й.дан).

Ҳасан Ражабий репертуаридан мақом йўллари («Сарахбори Дугоҳ» тароналари б-н, «Баёти Шерозий Талқинчаси ва Соқийномаси», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Мўғулчаи Дугоҳ Талқинчаси», «Сарахбори Оромижон», «Дугоҳ Ҳусайн» IV–V, «Ораз» ва б.), мумтоз ашулалар («Муножот», «Фигон», «Адойи» ва «Асирий», «Сайёра», «Гиря» I–II, «Эркин Танавор» каби), бастакорлар асарлари («Кошки», «Не наво», «Куйгай», «Гул сочар», Ю. Ражабий; «Куйла, дилкаш дуторим», «Топмадим», С. Калонов; «Бўл менга маҳбуб», Ф. Содиқов; «Мен кетар бўлдим», Т. Жалилов ва б.) ўрин олган. Ўзбек мумтоз мусиқасига бағишланган рисола ва мақолалар муаллифи. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Тоҳир Ражабий (1946.9.5) – созанда (қашқар рубоби). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1990). Юнус Ражабийнинг ўғли. Тошкент консерваториясини тугатган (1969). Навоий т-рида (1969–73), Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг Дони Зокиров номидаги Ўзбек халқ

чолғулари оркестри (1973–91 ва 2002 й.дан), Эстрада-симфоник оркестри (1991–2001)да якка созанда.

Тоҳир Ражабий репертуаридан ўзбек мумтоз куйлари («Насри Сегоҳ», «Галдир», «Оромижон», «Ҳожиниёз», «Гиря», «Баёт II», «Ушшоқ» ва б.), бастакорлар асарлари (И. Икромовнинг «Муножот» I–II, «Гулузорим», Т. Жалиловнинг «Отмагай тонг», Д. Зокировнинг «Эй сабо», «Кўрмадим», Ю. Ражабийнинг «Кошки», «Раъноланмасун» ва б.) ўрин олган. Шунингдек, ўзбек халқ чолғулари, камер ва эстрада-симфоник оркестрлари жўрлигида Ўзбекистон ва чет эл композиторлари асарларини ижро этган.

РАЖАБОВ Сиддиқ Ражабович (1910.19.3–1993.28.2) – педагог олим, Педагогика ФА акад. (1968), пед. фанлари д-ри (1958), проф. (1959). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1933). 1935 й.дан Тошкент пед. ин-ти ўқитувчиси, каф. мудири (1947–61, 1966 й.дан), Ўзбекистон Пед. фанлари и.т. институти директори (1962–66). Асосий илмий ишлари дидактика, пед. назарияси, Ўзбекистонда пед. тарихи масалаларига оид. Чилонзор (Жилонота) қабристонига дафн этилган. Т.даги кўч.лардан бири Р. номи б-н аталган.

РАИС (араб. – раҳбар, сардор) – Т. Қўқон хонлиги таркибида бўлган даври (1810–65)да шаҳарда Р. мансаби жорий қилинган. Р. шариаъ қонун-қоидалари, диний маросимлар, урф-одатлар, рўза тутиш, намоз ўқиш, хайру эҳсон ишларининг ўз вақтида аниқ бажарилишини назорат қилади, ота-оналарнинг болаларини мактабга юбориш-

ларини, савдо аҳлининг харидорлар ҳақида хиёнат қилмаслиги учун тарози ва тошларнинг тўғри бўлишини текшириб туради. Р., шунингдек, шаҳар орас-талиги ва хавфсизлиги учун ҳам масъул ҳисобланган. Ҳар бир йирик қишлоқ ва шаҳарнинг ўз Р.и бўлиб, қозикалон тавсиясига биноан ҳукмдор томонидан тайинланган.

РАКАТ КЎЧАСИ – Яккасарой туманининг «Ракат» ва Абдулла Авлоний маҳаллалари ҳудудида. Бобур ва М.Ҳожинава кўчалари оралигида. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. 1971 й. 22 окт.дан Шопўлат Абдуллаев номи б-н аталган. 2008 й. 2 сент.да жойнинг тарихий номи сифатида ҳамда жойдаги асосий кўча номини маҳалла номи б-н уйғунлаштириш мақсадида «Ракат» номи берилган. Йўналишида 135-мактаб, 6-боғча, Мирзо Улуғбек номидаги халқаро мактаб, енгил санонат касб-хунар коллежи, туман халқ банки филиали, савдо шохобчалари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Аския, Жамшид Шоший, Имом ат-Термизий, Ботир Бобоев кўчалари б-н кесишган. Яқинида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Тошкент педагогика ун-ти, «Аския» бозори, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Табассум» кафеси жойлашган. **«РАКАТ» МАҲАЛЛАСИ** (Содиқ Мираҳмедов кўч., 35^а-уй) – Яккасарой туманидаги маҳалла. Муқимий, «Тўқимачи», Усмон Носир, «Конституция», Абдулла Авлоний маҳаллалари б-н чега-радош. Маҳалла тарихи 1880–90-й.ларда «Губернатор» (кейинчалик Киров, ҳоз. Бобур) боғи бунёд этилиши б-н боғлиқ. Баъ-

зи олимлар (А.Муҳаммаджонов) «Р.» атамаси Роҳикат («шаҳарга элтувчи йўл» маъносида)дан олинган деб ҳисоблашади. 1955 й.дан «Ракат-1» маҳалласи «Ракат» деб номланган. Аҳолиси 7850 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 29 та кўча, 43 та кўп қаватли уй, 4 болалар боғчаси, ресторан, 2 озиқ-овқат дўкони, 8 модалар ательеси, 15 кафе, 5 новвойхона, «Аския» бозори, олий ўқув юрти, ўрта мактаб, 2 коллеж, 2 лицей мавжуд. Механика соҳасидаги олима, акад. Мақсуда Ҳожинова шу маҳаллада яшаб ўтган.

РАКАТБОШИ КЎЧАСИ – Яккасарой туманининг Юнус Ражабий ва «Тева» маҳаллалари ҳудудида. Юсуф Хос Ҳожиб ва Юнус Ражабий кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 1996 й. 5 сент.дан жойнинг тарихий номи сифатида «Ракатбоши» номи б-н юритилади. Йўналишида Амалий санъат музейи, Болгария Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Кипр Республикасининг фахрий бош ваколатхонаси, мактаб, боғча, маҳалла гузари, савдо шохобчалари, шахсий турар жой бинолари жойлашган. Таркибида 7 та тор кўча бор. Акад. Восит Воҳидов кўчаси б-н кесишган. Яқинида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Италия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Туркистон» меҳмонхонаси, «Космонавтлар» метро бекати, Маданият қарвон саройи, Юнус Ражабий ва Абдулла Қаҳҳор уй-музейлари жойлашган.

РАМЗ БОБОЖОН (1921.2.12–2008.29.12) – шоир ва драматург. Ўзбекистон халқ шоири (1981). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

санъат арбоби (1971). Т.да тугилган. Т. педагогика ин-тини тугатган (1944). Ёзувчилар уюшмасида, Бадиий адабиёт нашриётида масъул лавозимларда ишлаган. Бир қанча шеъринг китоблар («Танланган асарлар», «Шеърлар», «Муҳаббатга таъзим», «Сенинг меҳринг», «Сурайё юлдузидан шуълалар» ва б.) муаллифи. «Қадрдон дўстлар» (1948), «Биринчи парвоз» (1955), «Бобом б-н суҳбат» (1967), «Оби ҳаёт» (1969), «Ҳиндистон онаси» (1972), «Баҳс» (1973) сингари лиро-эпик асарлар яратган.

«Тоға-жиянлар» (1961), «Инсу жинс ёки Тирик мурдалар» (1972), «Зухранинг мактублари» (1975) комедиялари, шунингдек, «Юсуф ва Зулайҳо» мусиқали драмаси (1981) республика театрлари саҳналарида қўйилган. «Зухранинг мактублари» комедияси «Лўлини алдаб бўлмайдиган» номи б-н Москвадаги «Ромэн» театрида саҳналантирилган. Давлат мукофоти лауреати (1972). «Эл-юрт ҳурмати» (2003) ордени б-н мукофотланган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

РАНГЛИ МЕТАЛЛ ПАРЧАЛАРИ ВА РЕЗГИ-ЧИҚИТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ (Жанубий санат зонаси) – 1966 й. Т.да «Иккиламчиранглиметалл» и.ч. бошқармаси тузилди. Ана шу бошқарма негизида 1973 й. Тошкент алюмин қотишмалари з-ди қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2007 й.дан ҳоз. номдаги ОАЖга айлантирилди. Корхонада, асосан, алюмин қотишмалар, мис асосидаги рангли металл қотишмалари, рангли металл қотишмаларидан идиш-товоқ ва буюмлар, эмал сим, аккумулятор батареялари, мис катодлар тайёрланади. Шунингдек, «Нек-

сия» автомашиналари учун генератор кронштейни, ойна тозалогич шпинделлар ишлаб чиқарилади. Корхонанинг экспорт имкониятлари кенгаймоқда. 3-д маҳсулот етказиб бериш бўйича хорижий мамлакатларнинг фирма ҳамда компаниялари б-н шериклик муносабатларини ўрнатган. Йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 14,562 млн. сўм (2008).

РАШИДОВ Шароф Рашидович (1917.6.11–1983.31.10) – давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи. Жиззах пед. техникумини (1935), СамДУнинг филология ф-тини тугатган (1941). Самарқанд вилояти газ.да масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир (1937–41, 1943). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941 й. нояб. – 1942). Ўзбекистон КП Самарқанд вилояти к-ти котиби (1944–47). 1947 й.дан Т.да. «Қизил Ўзбекистон» газ. муҳаррири (1947–49), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1949–50). Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1950–59), Ўзбекистон КП МК 1-котиби (1959–83).

Р. «Ғолиблар» (1951), «Кашмир қўшиғи» (1956), «Қалб амри билан» (1982) қиссалари, «Бўрондан кучли» (1958), «Қудратли тўлқин» (1964) романлари, бир қанча публицистик китоблар ва б. асарлар муаллифи. Р. 1966 й.ги Т. зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича катта амалий ишларни бажарди. Р. вафотидан сўнг 80-йиллар қатағонида ноҳақ қораланди. 1991 й. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Р. номини қайта тиклади.

Т.даги кўчалардан бири Р. номига қўйилган. Чигатой қабристонига қайта дафн этилган. Дастлабки дафн этилган жой (Рашидов хиёбони)да ҳайкал (ҳайкл. Я.Шапиро) ўрнатилган.

РАШИДОВ КЎЧАСИ – пойтахтнинг марказий кўчаларидан бири. Юнусобод ва Яккасарой тумани ҳудудида. Дастлаб Самарқанд номи берилган. 1973 й. 21 майдан «Ленин проспекти» деб аталган. 1992 й. 7 майдан Ш.Рашидов номи б-н юритилади. Мазкур кўч. 1870 й. Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида ташкил топган. Илгари кўчада бир қаватли турар жой бинолари бўлган. 20-а. бошида илк трамвай йўли ётқизилган. Мустақиллик йиллари кўчада кенг қамровли реконструкция ишлари олиб борилди. Трамвай излари олиниб, йўл кенгайтирилди. Айти пайтда икки томонлама 3 қатордан автотранспорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилди. 2005 й. мартда кўчанинг «Туркистон» саройи ёнидан ўтадиган қисми хиёбонга айлантилди. Кўча 2 қисмдан иборат. Кўчанинг Юсуф Хос Ҳожиб кўчасидан Навоий кўчасигача бўлган қисми уз. 2 км атрофида. Йўналишида *Мустақиллик майдони*, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилиги, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Қабуллар уйи, Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси, *Ўзбекистон Бадиий академияси*, *«Ташкент Палас» меҳмонхонаси*, *«Мустақиллик» метро бекати*, маъмурий бино, *«Пойтахт» бизнес маркази*, *«Мовий гумбазлар» хиёбони*, кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. *Ўзбекистон кўчаси* б-н кесишган ва Матбуотчилар ҳамда Истиклол кўчалари б-н туташган.

Кўчанинг иккинчи қисми *Абдулла Қодирий кўчаси* ва *Кичик ҳалқа йўли* оралиғида жойлашган. Уз. 1,2 км атрофида. *Хуршид кўчаси* б-н кесишган. Йўна-



Шароф Рашидов ҳайкали.

лишида Германия ва Вьетнам давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари, Ёнғиндан сақлаш бош бошқармаси, Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактаби, Молия ин-ти, *Олимпия шон-шўхрати музейи*, *«Матонат» ёдгорлик мажмуаси*, Минор қабристонини, «Соғлом авлод» жамғармаси бўлими, дорихона, савдо шохобчалари, «Саксония» ва «Ширин» ресторанлари, кафелар, кўп қаватли турар жой бинолари ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

РАҲИМИЙ Шокиржон (1898–1938.4.10) – маърифатпарвар, тараққийпарвар педагог. Т.да туғилган. Отаси қўлида хат-саводини чиқаргач, мадрасада, усули жаҳид мактаби ва кечки рус-тузем мактабида ўқиган (1903–09). «Раҳимия» мактабида ўқитувчилик қилган (1909–19). Р. «Турон» т-р тўдаси фаолиятида қатнашиш б-н бирга Халқ ун-ти (1918), «Иштирокиюн» газ. (1919) ва «Нашри маориф» жамятининг ташкил этилиши (1923)да

ташаббускор бўлган. 1912 й.дан бошлаб усули жаҳид мактаблари ва турли ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаларини нашр этган. Ўзбек тилидаги биринчи алифбе дарслиги – «Совға» (1919), шунингдек, «Она тили» (1918, Фитрат ва Қ.Рамазон б-н ҳамкорликда), «Катталарга ўқиш» (1920), «Алифбе дарслиги» (1922), «Катталар йўлдоши» (1924), «Катталар алифбеси» (1927), «Савод» (1930), «Ўзбек тили. Иш китоби» (1932) сингари дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи. «Садои Туркистон» газ.да адабий ходим (1914–15), Эски шаҳар (1918–23) ва Т. вилоят халқ маориф бўлимларида мудир (1924), айти пайтда 1-босқич мактаблари, таълим ва тарбия билим юртларида ўқитувчи ва мудир (1918–22). Р. 1924 й.да Москвада ўзбек ёшлари учун ташкил этилган Бухоро маориф уйи ва ишчилар ф-ти мудирини. 1930–31 й.ларда «миллий иттиҳодчилар» устидан бўлиб ўтган суддан кейин Т.га қайтиб, маориф тизимидаги муассасаларда ишлаган. 1937 й. 5 авг.да «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, кўп ўтмай, отиб ташланган. Кейинчалик оқланган. Т.даги кўч.лардан бири Р. номи б-н аталган.

РАҲИМОВ Наби (1911.7.11–1994.23.11) – Ўзбекистон халқ артисти (1950). 1930 й.дан Т.да. Ўзбек давлат драма театри қошидаги драма студиясида ўқиган (1929). 1929–94 й.лар Ҳамза театрида ишлаган. Норбойвачча («Холисхон»), Хлестаков («Ревизор»), Бўрибой («Тоға ва жиянлар»), Бобо Кайфий («Мирзо Улуғбек»), Шокир ота («Қутлуғ қон»), Ольбени («Қирол Лир») каби образлари энг яхши психологик кучли роллардир. Айтиқса, «Отелло»даги Яго об-

рази актёр яратган энг сара об-разлар сирасига киради.

Р. ўзбек кинеси ривожига салмоқли хисса қўшганлардан: Алиев («Стадионда учрашамиз»), Турдиев («Мафтунингман»), Бобо Кайфий («Улугбек юлдузи»), Шоқосим («Қутлуғ қон»), Уста Олим («Ўтган кунлар»), Шоҳ («Семурғ»), Сафар бўзчи («Меҳробдан чаён»), Уста Боқи («Келинлар қўзғолони») ва б. образлари б-н кино олтин фондидан ўрин олди. Шунингдек, видеофильм ва телеспектаклларда ҳам суратга тушган: «Қутлуғ қон» (Ёрмат ота), «Диёнат» (проф. Шобаратов), «Хамма нарса одамларга қолади» (акад. Дроздов), «Бобур» (Муҳаммаджон) ва б. шулар жумласидан. Р. ҳақида «Наби Раҳимов ҳаётида икки кун», «Учрашув» видеоочерклари ишланган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). Чиғатой қабристонига дафн этилган.

РАҲИМОВ Собир Умар ўғли (1902.25.1–1945.26.3) – ҳарбий арбоб, гвардиячи генерал-майор (1943). Уруш Қаҳрамони (1965 й. 6 март, вафотидан сўнг). Т.да туғилган. 1922 й.дан армия сафида. Бокуда Бирлашган ҳарбий мактабни (1925) ва командирлар таркиби малакасини ошириш курсини (1930), СССР Қуролли кучлари Бош штаби Ҳарбий академиясини (1943) битирган. 1925 й.дан Самарқанд ўзбек отлиқ аскарлар дивизияси командири. 1933 й.дан полк мактаби бошлиғи, отлиқ аскарлар полки командири, 1939–41 й.ларда Ўзбекистон «Осоавиахим» Совети жанговар тайёргарлик бўлими бошлиғи. 2-жаҳон уруши даврида Жанубий фронтда моторлаштирилган полк командири, Закавказье фронтида ўқчи ди-

визия командири; Шимолий Кавказ, Белоруссия ва Польшани озод қилишда қатнашган. Данциг (Гданьск)ни штурм қилиш вақтида ҳалок бўлган. Ҳоки Тошкентга келтирилиб, Биродарлик қабристонига қайта дафн этилган. Т.даги туман, метро ст-яси, т.й. станцияси, кўча, майд. Р. номи б-н аталган. С.Раҳимов туманида ҳайкал (ҳайкл. С.Бабаян, А.Раҳматуллаев, меъмор Л.Адамов) ўрнатилган (1981).

РАҲМАТ ФАЙЗИЙ (1918.10.9–1988.18.11) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1978), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Т.да туғилган. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1939–41), «Турон» газ. ва журн. таҳририятларида (1937–38; 1943–61), «Ўзбекфильм» киностудияси (1962–65)да, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси (1965–74)да масъул лавозимларда ишлаган. Унинг «Тўёна», «Улғайиш» (1950), «Биринчи баҳор» (1951) ҳикоя ва очерклар тўпламлари нашр этилган. «Чўлга баҳор келди» (1951) дастлабки қиссаси эълон қилинган. Кейинчалик

Собир Раҳимов ҳайкали.



ёзувчи ушбу асарни қайта ишлаб, 1972 й.да роман тарзида нашр этган. «Повесть ва ҳикоялар» (1954), «Шоҳи дарпарда» (1958), «Кишиларимиз қиссаси» (1962) сингари очерк, ҳикоя ва қиссалардан иборат тўпламлари ҳам бор. Унинг «Сен етим эмасан» киноқиссаси (1960) асосида кинорежиссёр Ш.Аббосов томонидан суратга олинган шу номдаги фильми катта шухрат қозонган. Ёзувчи бу киноқисса устидаги ижодий ишини давом эттириб, «Ҳазрати инсон» романи (1970)ни яратди. Р.Ф., шунингдек, «Ёр-ёр» фильми сценарийси ва болаларга бағишланган «Биринчи хат» (1954), «Ҳаётнинг туғилган куни» (1953) ва б. ҳикоялар муаллифи. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири Р.Ф. номи б-н аталади.

РАҲМОНОВ Мамажон (1914.21.12) – театршунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975). Санъатшунослик д-ри (1968), проф. (1969). 1937 й.дан Т.да. Москва молия интени (1936), Т. театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Ўзбекистон санъат ишлари бошқармасида бўлим бошлиғи (1938–42), Ўзбекистон давлат филармонияси (1942), Муқимий т-ри (1943–49), Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студияси (1949–51), Навоий т-ри (1959–60 ва 1970–76) директори. Т. консерваторияси (1976–79), Т. театр ва рассомлик санъати ин-ти (1979–85) ректори. Санъатшунослик и.т. ин-тининг театр ва хореография бўлими мудири (1960–76; 1985 й.дан етакчи илмий ходим). Илмий асарларида ўзбек т-ри тарихи, Ҳамзанинг драматургия ва

т-р санъати соҳасидаги фаолияти, Ўзбек миллий акад. драма театрининг босиб ўтган йўли тадқиқ қилинган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Эл-юрт хурмати» (2000), «Буюк хизматлари учун» (2005) орденлари ва «Шухрат» медали (1994) б-н мукофотланган.

РЕАЛ БИЛИМ ЮРТИ – зиёлилар ва ўрта табақа буржуа болалари учун очилган ўрта ўқув юрти. Ўқув курси тор амалий йўналишда олиб борилган. 1894 й. очилган. 1896 й. Константин кўч. (ҳоз. Тарас Шевченко кўч.)да алоҳида бино (меъмор В.С.Гейнцельман) қурилган (ҳозир бу бинода Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги жойлашган). Ўқиш муддати 6–7 йил бўлган. Ўқув режаларида асосий ўрин табиий-математика фанларига ажратилган; лотин, инглиз ва ўзбек тиллари ўқитилган. 1896 й. 102 ўқувчи (шундан 5 киши маҳаллий аҳолидан), 1905 й. эса 367 ўқувчи ўқиган. Р.б.ю. турли асбоб-ускуналар, тарихий ва географик хариталар б-н жиҳозланган; асосий кутубхонаси (тахм. 11 минг асар) бўлган. Октябрь тўнтаришидан кейин ёпилган.

РЕГИСТОН – Ўрта Шарқ мамлакатлари шаҳарларидаги марказий майдон. Кўпинча арк ёки ҳоким саройи ёнида барпо этилган. Турли йиғинлар ўтказилгани учун маъмурий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган. Дастлаб, меъморий ечими содда бўлган; кўпчилик томонидан топталадиган бу жойга ёзда тупроғи ўйнаб кетиши, ёгин-сочин вақтида ботқоққа айланишидан сақлаш мақсадида қум-тошлар ётқизилган. Шу хусусияти б-н бошқа очиқ жойлардан фарқланган. Кейинчалик Р.

атрофига маҳобатли жамоат бинолари (жоме масжиди, мадраса, девон ва б.) қурилган, ҳовуз, дарахтлар б-н ободонлаштирилган. Тошкент Р.и Чорсу майдонида шаклланган (15–17-а.лар), Хожа Аҳрор жоме масжиди ва мадрасаси (1451) ансамбль асосини ташкил этган. Кейинчалик *Кўкалдош мадрасаси* ва унинг яқинида *Бекларбеги мадрасаси* (1835 й.) қурилган (совет даврида бузиб ташланган).

РЕГИСТОН АРИФИ – Кайковус каналининг чап ирмоғидан (Зарқайнар кўч.га яқин жойдан) бошланган; уз. 2,5 км. Зарқайнар кўч. бўйлаб Имомсоиб масжиди, аҳоли зич яшайдиган маҳаллалар орқали ўтиб, Жангоб ариғига қуйилган. Тошкентнинг Регистон бозори (ҳоз. Чорсу)дан оқиб ўтганлиги учун шу номни олган. 19-а. охири – 20-а. бошларида Р.а. Себзор даҳасининг Учкўча, Асувот, Чувалачи, Ҳасанбой, Себзор, Чигитбоши, Охунгузар-1, Охунгузар-2, Охунгузар-3, Фишткўприк, Эскижўва, Ҳожикўча маҳаллаларидан оққан. Р.а.нинг шаҳарнинг марказий бозоридан ўтган қисмида ариқ бўйлаб ҳордиқ чиқариш жойлари, ошхона ва чойхоналар барпо этилган.

РЕКЛАМА ХИЗМАТИ – товарларнинг сифати, уларни сотиб олишдан кўриладиган наф ҳақидаги ахборот; бевосита ёки билвосита фойда (даромад) олиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар ёки маҳсулот тўғрисида махсус ахборот тарқатиш. Р.х.нинг асосий вазифаси – махсус ахборотлардан фойдаланиб маҳсулот, хизмат турлари ва уларни харид қилиш жойи ҳақида ахборот бериш, харидорни жалб этиш, мижоз харидорларни йўқотмаслик ва уларни кенгайтиришга қаратилади.

Р.х.нинг пайдо бўлиш тарихи жуда қадимий, Юнонистон ва Қад. Римда оғзаки ва ёзма реклама, ҳатто товар белгиси қўйиб тамғалаш йўли б-н товарлар реклама қилинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳоз. шаклдаги реклама илк марта АҚШда пайдо бўлган.

Ҳоз. даврда Р.х. алоқа муассасалари (почта, телеграф, телефон); оммавий ахборот воситалари (газета, журнал, маълумотномалар); проспектлар, каталоглар, буклетлар, плакатлар, откритка, календарь флаерлар; телевидение ва радио; транспорт воситаларидаги реклама (эълонлар ёпиштириш, уларнинг деворларини бўяш, чизиш ва б.); маҳсулотларни сотиш жойида реклама қилиш (товарларни магазин витриналарига қўйиш, савдо залларига кўргазмалар, товар белгилари, планшетлар осиш); ташқи реклама (махсус йирик ва кичик ҳажмли қурилмалар, электрлаштирилган паннолар, ҳаракатланувчи ёзувлар) орқали олиб борилади.

Т.да Р.х. ташқи реклама йўналишида пойтахт кўча ва майдонларида реклама ва ахборот воситаларининг жойлаштирилишини тартибга солиш ва шаҳар бюджетига қўшимча маблағлар жалб этиш мақсадида (1993 й.) иш бошлаган. Ўзбекистон Республикасининг «Реклама тўғрисида»ги (1998 й.) қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 243-сонли қарори (2000 й. 26 июнь)нинг қабул қилиниши реклама соҳасида, шу жумладан ташқи рекламани қонун доирасида нормативлаштириш, уни халқаро талабларга мослаштириш ва ривожлантиришга кенг имкон берди. Шу йилларда ташқи реклама фаолияти тури б-н шуғулла-

нувчи кўпгина реклама агентликлари иш бошлади (Color Desing МЧЖ, J Decaux ҚК, SK Media МЧЖ, IDS Marketing Tashkent МЧЖ, Gunn Media МЧЖ ва б.). 2000/08 й.ларда Т.да реклама фаолияти б-н шуғулланувчи реклама агентликлари сони (2000 й.да 21 тадан 2008 й.да 2045 тага) ўсди, ташқи реклама воситалари сони 2000 й.да 243 тадан 2008 й.да 3529 тага етди. Янги замонавий призматрон, лайт бокс, светодиодли мониторлар ўрнатилди. 2006 й.да ташкил этилган Тошкент ш. ҳокимлиги тасарруфидаги «Тошкент реклама-сервис» Давлат унитар корхонаси шаҳарда реклама воситаларини ҳисобга олиш, паспортлаштириш, рекламани жойлаштириш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ташкил этиш ва б. билан шуғулланади. Тошкент ш.да жойлаштирилган ташқи рекламада ижтимоий реклама ҳиссаси ўртача 30–39% ни ташкил этади (биринчи ижтимоий реклама жойлаштирилган 1997 й.га нисбатан 34 марта ортган). «РЕЛЕ ВА АВТОМАТИКА» (Чилонзор кўч., 2) – Ўзбекистон Радиоэлектроника, электротехника ва асбобсозлик корхоналари уюшмаси – «Ўзэлтехсаноат» таркибидаги корхона, ОАЖ. 1963 й. ишга туширилган. Т. электроизоляция 3-ди сифатида иш бошланган корхона пластмасса буюмлари 3-дига айлантирилди (1963). 1979 й.дан Средаэлектроаппарат и.ч. бирлашмасининг Т. «Реле ва автоматика» 3-ди номини олди. 1995 й. 28 сент.дан ОАЖга айлантирилди. 2001 й. 15 мартдан ҳоз. номда. Асосий и.ч. маҳсулотлари: кичик вольтли комплект ускуналар (танлаб бошқариш қурилмаси, ТСС-66 – сигнал таблоси ва б.), металл отводлар,

электротехникага мўлжалланган металл маҳсулотлар (кабель стойкалар, лотоклар, полкалар ва б.), трубопроводлар учун металл таянчлар, металл резервуарлар, металл шкафлар, сейфлар, тиббиёт мебелли ва жиҳозлари, фонарлар, тракторлар учун электр жгутлар, т.й. рельслари учун изоляция, ҳар хил конфигурацияли пластмасса маҳсулотлари, алюмин ромлар, эшиклар, витражлар.

Йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 2,770 млрд. сўм. Чиноз туманида дам олиш зонаси бор.

РЕЛЬЕФИ – қ. *Табиаати*.

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КЎЗ МИКРОХИРУРГИЯ МАРКАЗИ (Кичик ҳалқа йўли, 14) – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. ва даволаш муассасаси. 2003 й. Тошкент вилояти кўз микрохирургия м-зи (2000 й.гача Тошкент вилояти кўз касалликлари касалхонаси) негизда ташкил этилган. 2007 й.дан тўлиқ қайта таъмирланган замонавий янги бинода фаолият кўрсатмоқда. М-зининг вазифаси: респ. аҳолисига жаҳон сифат стандартларига мос келадиган юқори технологияли офтальмологик ёрдам кўрсатиш, юқори малакали ихтисослашган илмий ва амалий офтальмолог мутахассислар тайёрлаш ва б.дан иборат. Илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишлари: фактоэммулсификация усулида кўзнинг катарактасини олиб, турли сунъий гавҳарлар қўйиш, кератопластиканинг турли усулларини қўллаб хиралашган шох пардани донор шох пардага алмаштириш, витреоретинал жарроҳлиги ёрдамида тўр парда кўчиши ва қон қуйилишларни даволаш, лазер нурлари ёрдамида кўзнинг олд ва орқа

қисмлари касалликларини жарроҳлик йўли б-н даволаш, глаукомани эрта аниқлаш ва жарроҳлик амалиётини ўтказиш, замонавий пластик жарроҳликларни бажариш ва б.

М-зда йилига 30 мингга яқин беморга малакали тиббий хизмат кўрсатадиган, конвейер-диагностика тизимида ишлайдиган, замонавий диагностика ускуналари б-н жиҳозланган поликлиника, йилига 6000 жарроҳлик амалиёти бажарадиган жарроҳлик бўлимлари, 50 ўринли стационар бор. Иш фаолиятида сифат стандартларига қатъий амал қилинади, ҳар бир даволаниб чиқаётган бемор респ.да ягона даволаш назорат гуруҳи кўригидан ўтади ва баҳоланади.

М-зда 30 дан ортиқ малакали мутахассислар, жумладан, 1 фан д-ри ва 4 фан номзоди хизмат қилади (2009).

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УРОЛОГИЯ МАРКАЗИ – урология масалалари бўйича респ.да ягона, энг замонавий диагностика ва даволаш ёрдами кўрсатадиган тиббий муассаса.

Т. тиббиёт ин-ти урология клиникаси асосида 1996 й.да Республика урология илмий м-зи ташкил этилган. 2002 й.да Р.и. у.м.га айлантирилган.

Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари сийдик-тош касаллиги, сийдик йўллари инфекциялари, простата безининг хавфсиз гиперплазияси, эркаклар жинсий фаолиятининг бузилишлари, уроонкологик касалликлар, урологик аъзолар туғма нуқсонларининг замонавий диагностикаси, даволаш ва олдини олишга қаратилган.

М-зининг энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган даволаш-диагностика

бўлими ҳар куни 200 дан зиёд беморга амбулатор шароитида диагностика ва даволаш хизматини кўрсатишга мўлжалланган. Ҳар йили м-зда 15000 дан зиёд беморга амбулатор ва стационар шароитида тиббий ёрдам кўрсатилади. Стационар шароитида даволаш учун 3 бўлим бўлиб, уларда беморлар учун барча қулай шароитлар яратилган 92 ўрин мавжуд.

Операция бўлимида беморларга асосан кам жароҳат етказувчи эндоурологик ва анъанавий операция амалиётларининг барча турлари бажарилади. Энг янги замонавий эндоскопик тиббий жиҳозларнинг қўлланилиши операция вақтини кескин қисқаришига, операция б-н боғлиқ барча асоратларнинг камайишига имкон беради.

Ҳар йили Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан ва хориждан келган 3000 дан ортиқ беморга юқори малакали урологик хизмат кўрсатилади, 4000 дан ортиқ операция амалиётлари бажарилади.

М-зда даволаш ва профилактика ишларидан ташқари ўқув методик ишлар ҳам олиб борилади. Т. тиббиёт академияси ва Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти урология кафедраси респ.нинг барча вилоятларидан келган врачлар уролог мутахассислигига тайёрланади ва малакасини оширади.

М-зда 100 дан ортиқ илмий ходим, жумладан 3 фан д-ри, 22 фан номзоди ва кўпгина малакали шифокорлар хизмат қиладди (2009).

РЕСПУБЛИКА КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ – қ. *Биринчи республика касалхонаси.*

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ – қ. *Кўчмас мулк биржаси.*

РЕСПУБЛИКА НЕЙРОХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИ (Аҳмад Югнакий мавзеси, Хумоюн кўч., 40) – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. ва даволаш муассасаси. 1968 й. Тошкент ш.да дастлаб Онкология ва радиология и.т. институти қошида, кейин Тошкент ш. Қурилиш бош бошқармасининг Тиббий-санитария қисми клиникасида нейрохирургия бўлими сифатида фаолият кўрсатган. Кейинчалик бу бўлимлар тиббиёт ин-тларида ташкил қилинган нейрохирургия каф.лари ва курсларининг ўқув базаси бўлиб қолди (1979). 1983 й. кафедра базасида ихтисослаштирилган нейрохирургия касалхонаси, 1993 й. клиника базасида Республика нейрохирургия м-зи ташкил қилинди, кейинчалик у илмий м-зга айлантирилди (1997). Р.н.и.м.нинг асосий вазифаси: Ўзбекистонда нейрохирургия муаммоси б-н боғлиқ масалаларга раҳбарлик қилиш ва бошқариш, юқори малакали ихтисослашган илмий ва амалий нейрохирург мутахассислар тайёрлаш, республика нейрохирургия хизматини ташкил этиш, ташхис ва даволашнинг янги самарали усулларини и.ч. ва уларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш ва б.дан иборат. Илмий ва амалий фаолиятининг асосий йўналишлари: бош мия ўсмалари, марка-

зий ҳамда периферик асаб тизими шикастлари ва уларнинг асоратлари, бош мия қон томирлари патологияси, гидроцефалия, умуртқа поғонаси ва орқа мия касалликлари ва зарарланишлари, бош ва орқа мия туғма нуқсонлари ва б. касалликларнинг кечиш қонуниятлари, диагностика ва даволаш тамойилларини ўрганишга қаратилган.

Илмий м-зда 5 ихтисослашган бўлим, 130 ўринли касалхона, консультатив-ташхис поликлиникаси, дорихона, лаб., физиотерапия бўлимлари, шунингдек, илмий-тиббиёт ахбороти, патент гуруҳи, кутубхона фаолият юритади. М-з энг замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари – компьютер томограф, ангиограф, эндоскопик ҳамда микроскопик мослама ва б. билан жиҳозланган.

Йилига марказда 4000 га яқин бемор даволанади, 2000 дан зиёд жарроҳлик муолажалари ўтказилади, консультатив-ташхис поликлиикаси ва қабул бўлимида 20000 дан ортиқ беморга амбулатор хизмат кўрсатилади.

М-зда 40 дан ортиқ илмий ходим, жумладан 6 фан д-ри, 16 фан номзоди ва кўпгина малакали нейрохирург шифокорлар хизмат қиладди (2009).

Республика
нейрохирургия
илмий маркази.
Компьютер
томография
хонаси.



РЕСПУБЛИКА «ОИЛА» ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ (Ўзбекистон кўч., 55) – Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси қошида ташкил этилган и.-т. муассасаси. 1998 й.нинг «Оила йили» деб эълон қилиниши муносабати б-н қабул қилинган Давлат дастурининг махсус бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 й. 2 фев.даги 54-сонли қарори асосида ташкил этилган. Илмий-амалий м-зга Ўзбекистондаги оилаларга тааллуқли миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар б-н уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли б-н оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг маънавий, тиббий, ҳуқуқий саводхонликлари ҳамда репродуктив маданиятларини ошириш масалаларини илмий жиҳатдан ўрганиш, оила, оналик ва болалар ижтимоий муҳофазасига мутасадди бўлган давлат, нодавлат ҳамда жамоат ташкилотларига, аҳолига бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштириш вазифалари юклатилган.

М-зга бошқа илмий муассасалар каби юқори малакали кадрлар тайёрлаш ваколати берилган. Унинг таркибида кундузги аспирантура бўлиб, пед. назарияси ва тарихи ҳамда ижтимоий психология, этнопсихология ихтисосликлари бўйича кадрлар тайёрланади.

М-з олимлари томонидан оиланинг турли муаммоларини ўрганишга бағишланган 2 фундаментал, 16 татбиқий ва иккита инновацион, 8 халқаро лойиҳалар бажарилди. Уларнинг якуни сифатида, амалий ишлардан ташқари, жами 240 дан зиёд мо-

нография, дарслик, ўқув қўлланмалари, ота-оналар, маҳаллаларда фаолият юритаётган диний-маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, ёш келин-куёвлар учун қўлланма сифатида «Оила кутубхонаси» рукнида кичик ҳажмли рисоалар, илмий ҳамда илмий-оммабоп мақола-лар, буклетлар чоп этилди.

РЕСПУБЛИКА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ, В.С. Митрофанов номидаги Республика спорт-соғломлаштириш мажмуаси (Мовароуннаҳр тор кўч., 1) – 1963 й. қурилган ва 1964 й. ишга туширилган (меъморлар Л.В.Лезовская, Л.Чуксеева); 1997 й. қайта таъмирланган. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси жисмоний тарбия-спорт жамияти тасарруфида. Дастлаб Сув спорт саройи, 1965 й.дан Сув спорти ком-ти деб аталган. 1997 й.дан ҳоз. номда. 1967 й.да Ўзбекистонда спорт ташкилотчиларидан бири В.С.Митрофанов (1918–67) номи берилган. Умумий майд. 1 гектар. Таркибида қишки ёпиқ ва ёзги очиқ сув ҳавзаси, 500 томошабинга мўлжалланган трибуна, душ, ечиниш хонаси, уқалаш ва ҳамшира хонаси, сауна, буфет бор. Сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш бўйича халқаро, респ. ва шаҳар мусобақалари ўтказилади. Спортнинг юқоридаги

В.С.Митрофанов номидаги Республика спорт-соғломлаштириш мажмуаси.

турлари б-н 300 дан ортиқ спортчи шуғулланади. Шунингдек, соғломлаштириш гуруҳларида ҳар йили 50 мингдан ортиқ киши сузиш б-н шуғулланади. Мажмуада синхрон сузиш бўйича ёшлар ўртасида Осиё чемпионати (1999), сузиш бўйича Ўзбекистон чемпионати (2001) ўтказилган. Яқинида «Амир Темур» ва «Ойбек» метро бекатлари жойлашган.

РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ – қ. *Шошилинч тиббий ёрдам маркази.*

РЕШЕТОВ Виктор Васильевич (1910.10.3–1979.3.3) – туркийшунос олим, Пед. ФА акад. (1959). Филология фанлари д-ри (1952), проф. (1953). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), Т.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тини битирган (1931). Шу ун-тининг ишчилар ф-тида ўқитувчи (1929–33), Фан к-тининг Тил ва ад. ин-тида кичик илмий ходим, сўнгра Ўзбекистон ФА Тил ва ад. ин-тида катта илмий ходим, илмий котиб, директор ўринбосари, директор (1934–55). Россия Пед. ФА миллий мактаблар ин-тида директор (1960–63), Респ. рус тили ва адабиёти пед. ин-ти ректори (1963–79). Илмий ишлари туркий тиллар, асосан, ўзбек тили ва унинг фонетикаси, грамматикаси, диалектологич-



яси, ўзбек ва рус тилини ўқитиш методикаси ва б. масалаларга бағишланган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири Р. номи б-н аталган.

РИМ-КАТОЛИК КОСТЁЛИ – меъморий ёдгорлик. Тараққиёт кўч.да жойлашган. 19-а. охирларида Т.да 2300 га яқин католик бўлган. Рим-католиклари жамоалари раҳбарияти томонидан ибодатхона қурилиши бошланган бўлса-да (1914), лекин у тугалланмай, тўхтаб қолган. 1950 й.гача бу ерда тиббиёт билим юрти жойлашган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг Т.даги Р.-к.к. қайта тикланди ва у 2000 й.нинг 22 окт.да расман иш бошлади. Рим-католиклари мамлакатда 3 та ибодатхона ва марказий бошқарув органига эга.

РИСҚИЕВ Руфат Асадович (1949.2.10) – боксчи, хизмат кўрсатган спорт устаси (1974). Т.да туғилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1977). 74 кг вазн тоифасида жаҳон чемпиони (1974, Гавана), Рим-католик костёли.



Олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори (1976, Монреаль). Австрия, Болгария, Венгрия, Польша, Чехословакия, Югославияда ўтказилган халқаро турнирлар ғолиби (1969–76), Куба очик чемпионатининг 2 карра чемпиони (1973, 1974). «Динамо» спорт жамиятида йўриқчи (1967–77), Т. политехника ин-тида каф. мудир (1977–79). Респ. Олимпия ўринбосарлари билим юртида мураббий (1979–84). Боксчи ҳаёти ва фаолиятига бағишланган «Рингга чақирилади» бадиий фильми (1979)да бош ролни ижро этган. 1999 й.дан Т.да Р. соврини учун ўспиринлар ўртасида бокс мусобақалари ўтказилади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

РОЗИҚБОЙ – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Тешабой, Бадалбой, Арпапоя маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Тахм. 80 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, қўйчилик, ҳунармандчилик, баққоллик б-н шуғулланган. Мактаб, масжид, баққоллик дўконлари

бўлган (20-а. бошлари). Ҳоз. худудида Олмазор даҳасининг турар жой бинолари қурилган. «**РОЙСОН–КЭНДИ**» (Ислом Усмонов кўч., 71^а-уй) – Ўзбекистон–Италия қўшма корхонаси. 2008 й. 17 ноябрда Ўзбекистоннинг «Ройсон–Электроникс» МЧЖ ҳамда Италиянинг «Кэнди Групп» трансмиллий компанияси б-н ҳамкорликда ташкил этилди. Турли хил ва ҳажмдаги маиший техника, хусусан, музлаткичлар ва кир ювиш машиналари и.ч.га ихтисослашган. Қўшма корхона ички бозорни маиший техника воситалари б-н тўлдириш ва уларни экспорт қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

РОМАНОВСКИЙ Всеволод Иванович (1879.4.12–1954.6.10) – математик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1943), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1936). Олмаота ш.да туғилган. 1918 й.дан Т.да. Петербург ун-тини тугатган (1906). Туркистон халқ ун-тида проф. (1918), Ўрта Осиё давлат ун-тида декан (1920, 1936–39), шу ун-т қошидаги физика-математика тадқиқотлари ин-ти директори (1933–36). Ўзбекистон ФА Математика ва механика ин-ти директори (1950–52). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ва физика-математика фанлари бўлими раиси (1943 й.дан). Т. математика жамияти ташкилотчиси ва раиси (1918), Т. математика мактаби асосчиси. Асосий илмий ишлари эҳтимоллар назарияси ва математик статистикага оид. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2004). Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган.

РОМИЗ, Маннон Ромиз, Рамзий (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдуллаев Маннон, 1895–1938) – журналист, ёзувчи, жа-

моат арбоби. Т.да туғилган. Матбуот, нашриёт ва маориф соҳаларида масъул лавозимларда ишлаган. Адабий-журналистик фаолияти 1920 й.дан бошланган. Адабий-танқидий ва публицистик мақолалар ёзган. Публицист сифатида ўз даврининг муҳим сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий-маърифий масалалари, муаммолари юзасидан фикрлар билдирган, уларнинг ҳал этилишига муайян ҳисса қўшган. Р. 1924–25 й.ларда Помирда ишлаган. Ўша ердаги фаолияти асосида «Помир-Бадахшонга саёҳат» туркум саёҳатномасини яратган (1925). 1930 й. 5 сент.да «Наркомпрос иши» бўйича қамоққа олинган ва «халқ душмани» сифатида отиб ташланган. Шахсга сиғиниш оқибатлари фош этилгандан сўнг оқланган. **РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ** (Ўзбекистон кўч., 49) – 1995 й. Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академиясининг ўқув-илмий м-зи сифатида ташкил этилган. 2002 й. 5 сент.дан шу академиянинг Тошкент ш.даги филиалига айлантирилган. Филиал меҳнат иқтисодиёти ва персонални бошқариш, молия ва кредит, иқтисодиёт ва ҳуқуқ ихтисосликлари бўйича бакалаврлар, фирма ва тармоқлар бозори иқтисодиёти, молиявий иқтисодиёт (инвестициялар) ихтисосликлари бўйича магистрлар тайёрлайди. Филиал таркибида 1 ф-т (бизнес ва маъмурий бошқарув), 6 каф. (меҳнат иқтисодиёти ва бошқарув; молия ва кредит; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар; математик иқтисодиёт ва информатика; иқтисодиёт назарияси; хорижий тиллар), магистрлар тайёрлаш м-зи, ахборот-ресурс м-зи (25 мингдан

зиёд асар), компьютер синфлари бор (2008). Филиалда 30 проф.-ўқитувчи, жумладан 10 фан д-ри ва проф., 11 фан номзоди ва доцент ишлайди. Шунингдек, Тошкент ш. ва Россия Федерациясидаги турли олий таълим муассасаларининг 70 дан зиёд проф.-ўқитувчиси ҳам жалб этилган. Филиалда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг таниқли олимлари, иқтисодиёт ва бошқарувнинг турли соҳаларидан амалиётчи мутахассислар маъруза ўқийдилар. 2008/09 ўқув йили филиалда 561 талаба таълим олди. Филиал ташкил этилгандан бери 1606 малакали мутахассис тайёрланди (2008). Филиал Т. ва хориждаги бир қанча олий таълим муассасалари, и.т. институт ҳамда ташкилотлари б-н ҳамкорлик қилади. Филиалда 6 каф. негизда талабаларнинг «менеджер», «молиячи», «иқтисодчи», «гуманитарий», «математик-ахборотчи», «тилчи» илмий тўғараклари фаолият кўрсатади. **РОССИЯ НЕФТЬ ВА ГАЗ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ФИЛИАЛИ** (Дўрмон йўли кўч., 34) – 2007 й. И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ ун-тининг ўқув м-зи сифатида ташкил этилган. Филиалда кадрлар тайёрлаш ва таълим бўйича асосий йўналишлар: нефть ва газ қудуқларини бурғилаш; фойдали қазилмалар конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари; нефть-газни қайта ишлаш жиҳозлари; технологик жараёнлар ва и.ч.ни автоматлаштириш; нефть-газ қувурлари ва нефть-газларни сақлаш омборларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш; табиий энергия узатувчилар ва углевод материалларининг кимё технологиялари;

нефть ва газ иши машиналари ҳамда жиҳозлари. Филиалга 2007 й. фойдали қазилмалар конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари, нефть ва газ қудуқларини бурғилаш мутахассисликлари бўйича 105 талаба, 2008 й. фойдали қазилмалар конларини излаш ва қидиришнинг геофизик усуллари, нефть ва газ қудуқларини бурғилаш, нефть ва газ конларини ишлатиш, нефть ва газ конларида иқтисодиёт ва бошқарув мутахассисликлари бўйича 125 талаба қабул қилинди. Филиалда 6 каф. ва 4 лаб. мавжуд. 22 ўқитувчи, жумладан 4 фан д-ри ва 12 фан номзоди ишлайди. Бир қатор дарслар И.М.Губкин номидаги Россия нефть ва газ ун-тининг етакчи проф.лари томонидан масофадан ўқитиш тарзида олиб борилади.

«РОҲАТ» МАҲАЛЛАСИ – Бектемир туманидаги «Сувсоз» даҳасида жойлашган. «Миришкор», «Зилола», «Мажнунтол» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи «Роҳат» кўли номидан олинган. Маҳалла 1991 й.да ташкил топган. Аҳолиси 2232 киши (954 хонадон)дан иборат. Аҳолисининг миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек 14 миллат вакиллари (руслар, татарлар, тожиклар, корейслар ва б.) яшайди. Маҳаллада ошхона, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, новвойхона, мактаб, боғча, мусиқа мактаби мавжуд.

РТВЕЛАДЗЕ Эдвард Васильевич (1942.14.5) – археолог-тарихчи олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), тарих фанлари д-ри (1989), проф. (1992). Грузиянинг Боржоми ш.да туғилган. 1962 й.дан Т.да. ТошДУни тугатган (1967). Ўзбекистон Санъатшунослик и.т. ин-тида илмий ходим

(1969–76), катта илмий ходим (1976–85), санъат тарихи бўлими мудир (1985 й.дан). Илмий ишлари Ўрта Осиёнинг қад. ва ўрта асрлар тарихи, археологияси, нумизматикаси, эпиграфикаси, санъати, маданияти тарихини ўрганишга бағишланган. Тошкент ш.даги археологик ёдгорликларни тадқиқ этган. Чоч тарихи ва нумизматикасига оид асарлар муаллифи. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1985), Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти (2007) лауреати. «Буюк хизматлари учун» (2001), «Меҳнат шуҳрати» (2003) орденлари ва Грузиянинг «Гирсебис» («Рицарлик шарафи») (2001), Грециянинг «Буюк Константин» (2006) орденлари б-н мукофотланган.

РУСАНОВ Фёдор Николаевич (1895.25.5–1979.2.2) – ботаник олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), биология фанлари д-ри (1944), проф. (1955). Омск қ.х. институтини тугатган (1927). 1934 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-ти ботаника боғи директори (1934–43), Ўзбекистон ФА ботаника боғи асосчиси ва директори (1943–76), 1976 й.дан илмий маслаҳатчи. Илмий ишлари Устюрт, Манғишлоқ, Муюнқум, Қизилқум, ЧуИли водийларининг флораси, ўсимликлар қоплами ва хом ашёсини ўрганишга бағишланган. Р. раҳбарлигида 14-жилдли «Ўзбекистон дендрологияси», «Ўзбекистон интродукцияси» номли 27 тўплам чоп этилган. Боткин кўч.даги қабристонга дафн этилган. Т.даги Ботаника боғи Р. номи б-н аталади.

РУСТАВЕЛИ Шота (12-а.) – грузин шоири. Янги грузин тили асосчиси. Биографиясига оид маълумотлар «Йўлбарс териси-



Шота Руставели ҳайкали.

ни ёпинган паҳлавон» достони (1712) муқаддимасида учрайди. Шоир Грузияда Тамара (1184–1213) ва унинг эри Давид Сослани хукмронлиги даврида давлат хазиначиси бўлган. «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» достони жаҳон адабиёти дурдоналаридан бири. Унда ижтимоий, ахлоқий масалалар адибнинг юксак идеаллари б-н кўшиб талқин қилинган. Асарда қаҳрамонлик, чин инсоний муҳаббат, олийҳимматлик, поклик улуғланган, зулмкорлик қораланган. Р. қад. миллий маданиятни, фольклорнинг энг яхши аънаналарини ўзлаштириб, грузин шеърятини юқори поғонага кўтарган. Асари жаҳон халқлари тилларига, жумладан, ўзбек тилига таржима қилинган (Миртемир, Шайхзода ҳамкорликда, 1959). Т.нинг марказий кўчаларидан бирига Р. номи берилган ва шу кўчага унга ҳайкал (ҳайк. Я.Шапиро) ўрнатилган (1983) (қ. *Шота Руставели кўчаси*).

РУС-ТУЗЕМ МАКТАБЛАРИ – маҳаллий аҳоли болалари учун очилган бошланғич рус мактаблари. Асосан, таржимонлар, иш

юритувчилар, савдо-сотик ишлари учун ҳисобчилар тайёрлаган. Т.да дастлабки Р.-т.м. Шайхонтоҳур даҳасининг Занжирлик маҳалласидаги Эшонқулидодхо мадрасасида 1884 й. 19 дек.да очилган. Унда 41 бола ўқиган. Ўқиш муддати 4 йил (1–4 синфлар) бўлган. 1905 й.да Т.да ўқиш муддати 6 йиллик Р.-т.м. очилган. 1913 й. 8 Р.-т.м.да 25 ўқитувчи ишлаган. Р.-т.м.ларида рус тили, ўқиш, ёзиш, ҳисоб, геометрия, тарих, бошланғич ўзбек тили, араб тили ва ислом дини асослари ўқитилган. Рус тили, ҳисоб, ёзув, геометрия, тарих дарсларини рус ўқитувчиси, ўзбек тили, араб тили, ислом дини асосларини ўзбек муаллими ўқитган. Т.даги Р.-т.м.да В.П.Наливкин, С.М.Сичёв, С.Саидазизов, М.Расулов, М.Муҳаммадкаримов ва б. ишлаган. С.Саидазизовнинг «Устои аввал» (1902), Алиасқар Калининнинг «Муаллими соний» (1903), С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат ўқиш китоблари Р.-т.м. ўқувчиларининг асосий дарсликлари бўлган. 1918/19 ўқув йили бошланишида Р.-т.м. миллий мактабларга айлантирилган.

«РЭДИСОН САС ХОУТЕЛ ТАШКЕНТ» (ингл. «Radisson SAS hotel Tashkent» – «Рэдисон САС Тошкент меҳмонхонаси») (Амир Темур шоҳқўчаси, 88) – 4 юлдузли меҳмонхона. 2003 й. бунёд этилган (бош меъмори А.Тўхтаев; «Айсель» фирмаси). Бинони қуришда замонавий ва миллий меъморий элементлар уйғунлаштирилган. Безаш ишларида мармар, гранит, шиша, чиганоқ, алюминий, қимматбаҳо ёғочдан фойдаланилган. Ич томонида ганч витраж, керамика, металл ишлатилган. Меҳмонхона 6 қаватли, 111 номерга эга (булардан 85 таси «бизнес-

класс», 18 та си 2 ўринли ярим люкс, 7 та си люкс). Ресторан (202 м²), бар (129 м²), 3 та конференц зал (200–250; 70–80; 30–40 ўринли), интернет, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, фитнес маркази (84 м²), бизнес маркази, очиқ бассейн, эсдалик буюмлари дўкони, гўзаллик саломи, автомобиллар тўхташ жойи, валюта алмаштириш шохобчаси меҳмонларга хизмат кўрсатади. Меҳмонхона яқинида «Интерконтинентал» меҳмонхонаси, бир қатор савдо шохобчалари, «Ўзэкспомарказ» кўрғазма бинони жойлашган. Автобус ва трамвайларнинг «Гидрогеология», метронинг «Бодомзор» бекати яқинида.

РЎЗИЕВ Собиржон Собитович (1953.15.6) – қиличбоз, хизмат кўрсатган спортчи (1978). 1970 й.дан Т.да. Ўзбекистон жисмо-

«Рэдисон САС
хоутел Ташкент»
меҳмонхонси.

ний тарбия интими (1975), ТошДУнинг юридик ф-тини (1986) тугатган. Қиличбозликнинг рапира тури бўйича 3 карра жаҳон чемпиони (1974, Гренобль; 1979, Мельбурн; 1981, Клермон-Ферран), 2 марта Жованини кубогида голиб чиққан (1974, Болонья; 1979, Венеция), олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори (1980, Москва). Қуролли кучлар ҳарбий хизматчиси (1974–92), Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси



(1992–95), Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия қўмитаси президенти (1995–2003). 2003 й.дан Ўзбекистон қиличбозлик федерацияси президенти. Халқаро олимпия қўмитасининг кумуш ордени (1998), Миллий олимпия қўмиталари ассоциациясининг олтин ордени (2002) б-н мукофотланган.

САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти (Тошкент вилояти Тошкент тумани Кўксарой қишлоғи) – Ўрта Осиёда сабзавотчилик соҳасидаги энг йирик илмий ва методик марказ. Ўзбекистон Қ.х. илмий-и.ч. маркази таркибида. 1960 й. Ўзбекистон сабзавот ва картошка экинлари тажриба ст-яси (1933) негизида мустақил и.т. ин-ти сифатида ташкил этилган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Ин-т фаолиятининг асосий йўналишлари: сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликда янги нав ва дургайларни яратиш, уларнинг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш ва б.

Ин-тда 8 лаб., шунингдек, марказий тажриба ҳўжалиги ва республиканинг турли тупроқ-иқлим минтақаларида жойлашган Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм тажриба бўлимлари бор. Ин-тда республиканинг турли тупроқ-иқлим шароитига мос сабзавот-полиз ўсимликларининг 25 га яқин тури бўйича селекция, уруғчилик, картошка уруғчилигини етиштириш

ишлари олиб борилади. Ўтган давр мобайнида ин-т олимлари томонидан 150 дан ортиқ сабзавот-полиз экинлари навлари яратилиб, улардан 96 нав Давлат реестрига киритилди.

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси (Амир Темур шоҳқўчаси, 14) – тадбиркорликни ривожлантириш учун шароитлар яратиш, хорижий шериклар б-н тадбиркорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, маҳаллий товарлар ва хизматларни ташқи бозорга олиб чиқиш, рақобатбардош маҳсулотлар и.ч. мақсадида янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд и.ч.ни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, хорижий сармояларни жалб этиш, палата аъзолари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 й. 7 июлдаги «Ўзбекистон Савдо-саноат палатасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони асосан ташкил этилган.

Палатанинг асосий вазифалари: тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилаётган текширишларда иштирок этиш; тадбиркорлик фаолияти субъектларига ҳуқуқий ва б. ёрдамлар кўрсатиш; тадбиркорлик субъектларига ихтиролар, фойдали моделлар

ва саноат намуналарини патентлашда, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номларини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашиш; тадбиркорлик масалаларига тааллуқли норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш; Ўзбекистон ва чет давлатларда ўз ваколатхоналарини очиш ва ташкилотлар тузиш, кўргазма ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва ўтказиш; газ., журн. ва б. босма материаллар нашр этиш; тадбиркорлик фаолияти субъектларига хорижий ва халқаро ташкилотларнинг молиявий ҳамда техник ёрдамини жалб этишда кўмаклашиш; бошқа давлатлар савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлари б-н ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантириш; тадбиркорларга кенг турдаги хизматлар кўрсатиш; тадбиркорлик фаолияти учун кадрлар таълими ва уларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, тадбиркорларни ўқитиш ва малакасини ошириш тадбирларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ва б.дан иборат. Палата Ўзбекистон Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш республика агентлиги, Стандартлаштириш, Метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Патент давлат идораси, Ташқи иқтисодий алоқалар, Инвестиция ва савдо вазирлиги, Давлат мулкни бошқариш ва

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ҳамкорлик алоқалари м-зи, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий сугурта компанияси б-н ҳамкорликда фаолият олиб боради.

С.-с.п.га 1300 кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари аъзо.

«**САВДОГАРБАНК**» (Саййид Барака кўч., 78) – Ўзбекистон-Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки сифатида 2006 й. июнь ойида қайта ташкил этилган ва шу йили 16 августдан фаолиятини бошлаган. Асосий акциядорлари «R&D Express-Aussenhandels GmbH» (Германия), «Хоразм шакар» қўшма корхонаси, «Шакар инвестмент» қўшма корхонаси ва б. юридик ҳамда жисмоний шахслар. «С.» 50 дан ортиқ банк хизматларини кўрсатади.

«**САДОИ ТУРКИСТОН**» («Туркистон овози») – жадиждларнинг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий газетаси. 1914 й. 4 апр.дан 1915 й. 10 апр.га қадар Т.да ўзбек тилида нашр қилинган. Газ. Убайдуллахўжа *Асадуллахўжаев* (Хўжаев) томонидан ташкил этилган ва унинг муҳаррирлигида фаолият кўрсатган. Газ. ҳафтада 1 марта 4 саҳифада босилган.

Газ. таҳририятининг ўзагини 20-а. бошидаги ўзбек маърифатпарвар адабиёти ва публицистикасининг етакчи намояндалари *Мунавварқори* Абдурашидхонов, *Абдулла Авлоний*, *Абдурауф Музаффаров*лар ташкил этган. Газ. қиёфасини белгилайдиган асосий мақолаларни ҳам шулар ёзишган.

«С.Т.» юртпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби олижаноб ғояларни изчил тарғиб қилган, Туркистон истиқлоли ва истиқболининг маънавий-ахлоқий негизларига

дахлдор муаммоларни дадил кўтариб чиққан. «С.Т.» ўша даврдаги миллий матбуот нашрлари сафида олдинги ўринда туради. Газ. фаолияти моддий қийинчиликлар туфайли тўхтаган (жами 66 сони чиққан).

САДРИДДИНХОН МУФТИЙ, Садриддинхон Шарифхўжаев (1878–1946, Қандаҳор) – маърифатпарвар, йирик уламо. Т.да туғилган. Шарифхўжа қозининг ўғли. Дастлаб Т.даги рус-тузем мактабида ўқиган. Ёшлигида мукамал диний тарбия олган. Бухорода Мир Араб мадрасасини тугатган. Муфтий унвони б-н қозихонада ишлаган ва мударрислик қилган.

С.м. 1917 й. Туркистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда, жумладан, «Шўрои Исломия» жамияти ишида фаол қатнашган. Т.да «Турк Адами Марказият (Федералистлар) фирқаси» (1917 й. июль)нинг ташкил топишида, ушбу фирқа дастури ва низомини тайёрлашда иштирок этган. Туркистон миллат мажлиси раиси (1917 й. ноябр). 1917 й. 10 авг.да Т.да «Фуқаҳо» жамиятини тузиб, унга раислик қилган. Минтақада совет тузumi ўрнатилгач, у яширин иш-лашга ўтган. *Мунавварқори* б-н биргаликда «Иттиҳод ва тараққий» (1917–19) ва «Миллий иттиҳод» (1919–25) ташкилотларига асос солган. «Туркистон миллий бирлиги» ташкилотининг Тошкент қўмитаси раиси (1921 й.дан). Айни пайтда 1921 й. март ойигача Туркистон АССР совет суд идораларида ҳам ишлаган. Чекистлар таъқибидан қочиб хориж (Афғонистон)га кетган.

САИД АҲМАД (тахаллуси; асл исм-шарифи Хусанхўжаев Саид-аҳмад) (1920.10.6–2007.5.12) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси

(1980). Ўзбекистон Қаҳрамони (1999). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Т.да туғилган. Тасвирий санъат билим юртида, Тошкент педагогика ин-тида ўқиган (1940–43). «Муштум» журн. (1938–38; 1955–57), Ўзбекистон радиоқўмитаси (1941–43)да, «Қизил Ўзбекистон» газ. (1943–47) ва «Шарқ юлдузи» (1948–50; 1957–59) журн.да адабий ходим.

«Эр юрак» (1942), «Фарғона ҳикоялари» (1948), «Чўл бургути» (1960), «Чўл оқшомлари», «Одам ва бўрон» тўпламларига кирган ҳикояларида замондошларининг мураккаб тақдири, руҳий кечинмалари эҳтирос б-н акс эттирилган. С.А. ижодининг каттагина қисмини ҳажвий-юмористик ҳикоялар, қиссалар, комедиялар ташкил этади. Романларида ҳам юмористик йўналиш муҳим ўрин тутди.

«Уфқ» (1967–74) романи 20-а. миллат ҳаётининг ўн йиллик даври – 2-жаҳон уруши, уруш ва урушдан кейинги йиллар воқеаларини ўз ичига олади. Трилогия ўша йиллари халқ бошига тушган мусибатлар, одамлар кўксидаги армонлар, шу мусибатларни енгишга қодир мислсиз матонат ва шижоатлар ёзувчи истеъдодига хос ёрқин эҳтирос б-н акс эттирилган. «Жимжитлик» (1988) романида эса сиртдан тинч, сокин кўринган шўро даврининг ички драмалари, тузум инқироzi бутун кескинлиги, шиддати б-н кўрсатилган.

С.А. истиқлол йилларида ҳам ҳаётдаги ўзгаришлар ҳақида кўплаб мақола, бадиалар ёзди, қувноқ юмористик, жўшқин лирик ҳикоялар яратди. «Хандон писта» (1994), «Бир ўпичнинг баҳоси» (1995) ҳажвий тўпламлари, «Йўқотганларим ва топганларим» (1998), «Қорақўз маж-

нун» (2001), «Киприкда қолган тонг» (2003) китоблари, 3 жилдли «Танланган асарлар»и (2000) чоп этилди. Истиқлол туфайли одамлар қисмати ва руҳиятидаги эврилишлар ҳақида баҳс этувчи «Қоракўз мажнун», «От билан суҳбат», «Азроил ўтган йўлларда» ҳикоялари қатағон даври хотиралари б-н боғлиқ. «Борса келмас дарвозаси», «Тақдир, тақдир...», «Офтоб ойим» ҳикоялари, адабнинг ўзи яқиндан мулоқотда бўлган устоз адаблар, тенгдошлари, шогирдлари ва, ниҳоят, ўз ҳаёт ва ижод йўли ҳақидаги хотира-эсселаридан иборат. Фельетон жанрида ҳам самарали ижод қилган. 1947 й. «халқ душмани» сифатида ҳибсга олинган, Сталин вафотидан сўнг оқланган. «Келинлар кўзғолони», «Кўёв» комедиялари ҳоз. Ўзбек миллий академик театрида, «Келинлар кўзғолони» дунёнинг кўплаб мамлакатларида саҳналаштирилган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1978). «Дўстлик» (1996), «Буюк хизматлари учун» (1997) орденлари б-н мукофотланган.

САИД ВАҚҚОСОТА ҚАБРИСТОНИ (Маннон Уйғур кўч., 597; Катта ҳалқа йўли кесишмаси яқинида, йўл ёқасида жойлашган) – 1800–20 й.лардан мавжуд. Умумий майд. 17 гектардан ортиқ. Муҳаммад (сав) саҳобаларидан Саъд ибн Абу Ваққос (590–674) номи б-н аталган. Ёдгорлик тошлари тайёрлайдиган цех ва масжид бор.

САИДАЗИЗОВ Саидрасул (1866–1933.3.2) – маърифатпарвар, шоир, таржимон. Т.да туғилган. Мадраса ва рус-тузем мактабини тугатган (1900). Мадрасада мударрислик қилган, рус-тузем мактаби, ўқитувчилар

семинариясида «шарқия муаллими» бўлиб ишлаган (1900 й.дан). Ўзбек, тожик ва араб тилларида ижод қилган. Ҳазал, фард, рубоий, таърих ва б. жанрлардаги шеърлар, публицистик мақолалар, «Устоди аввал» дарслиги (1902) муаллифи. Ҳазаллари ишқий мавзуда, бошқа шеърларида илм-маърифатли бўлиш, одоб, ахлоқлилик улуғланган. Т.да янги усулдаги маҳаллий мактаблар очган, уларни рус-тузем мактабларидаги таълим-тарбия методикаси асосида ишланган дастур ва дарсликлар б-н таъминлаган, ўқитувчилик ҳам қилган. Товуш усули (Усули савтия)даги «Устоди аввал» дарслиги 17 марта нашр этилган. И.А.Крилов («Тулки билан узум», «Зулук билан илон» ва б.), Л.Н.Толстой («Қишлоқи бирла боласи», «Фатонат» ва б.) асарларини ўзбек тилига илк бор шеърӣ таржима қилган.

САИДОТА ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 2/3 мавзеси, Ўрозбоев кўч.) – 1780 й.дан мавжуд. Майд. – 4,1 гектар. Саидота мақбараси (18-а.) ва қабристон ёнида Саидота масжиди бор.

Саидота (тўлиқ исми Саййид Аҳмад ибн Саййид Абу Бакр; 1291 ёки 1310/11 й.в.э.) – яссавийлик тариқати тарғиботчиларидан, Зангиотанинг 2-халифаси бўлиб, унинг номи б-н аталадиган жой номлари, қадамжолар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Хоразмда вафот этган. Қабристондаги мақбара рамзий бунёд этилган.

САЙДАЗИМОВ Зархўжа Муратович (1956.24.04) – муҳандис-механик, учувчи. Ўзбекистон Қаҳрамони (2007). Тошкент вилояти Тўйтепа қишлоғида туғилган. Бугуруслан фуқаро авиацияси учувчилар би-

лим юртини тугатган. Меҳнат фаолиятини 1976 й.дан АН-2 ҳаво кемасида 2-учувчиликдан бошлаган. Сергели бирлашган авиаотрядининг 161-учиш отрядида АН-2 ҳаво кемаси командири, ТУ-134 ҳаво кемасида 2-учувчи, Т. бирлашган авиаотрядининг 2-учиш отряди ТУ-154 ҳаво кемаси командири (1976–91), А-310 ҳаво кемаси, «Боинг» ҳаво кемаси командири, «Боинг» учиш отряди командири, ўта муҳим учишлар бўйича гуруҳ раҳбари (1991–2004). 2004 й.дан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Боинг» учувчилар комплекси учиш отряди йўриқчи-учувчиси. Экипаж таркибида Европа, Осиё ва Америка мамлакатларига халқаро учишларни амалга оширди, 50 дан ортиқ учувчилар ва командирлар етиштирди. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1999).

САЙИЛГОҲ КЎЧАСИ – шаҳар м-зида, *Амир Темур хиёбони* ва *Буюк Турон кўчаси* оралиғида. Уз. 1 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг *Янги шаҳар* қисми қурилиши жараёнида ташкил топган. Ўтмишда энг гавжум кўчалардан ҳисобланган. Собор майд. (ҳоз. *Мустақиллик майдони*)ни шаҳар боғи (ҳоз. шаҳар ҳокимияти ҳудуди) б-н боғлаган. 1889 й. Иосиф Георгий ибодатхонаси қаршисига князь Н.К.Романовга атаб сарой қурилган. 1918 й.дан бу бинода Ўзбекистон Давлат санъат музейи, 1935 й.дан Респ. пионер ва ўқувчилар саройи (ҳоз. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйи) бўлган. Кўчанинг икки томонига илк бор пишган ғиштдан замонавий бинолар қурилган. 19-а.нинг охири ва 20-а. бошида кўча

йўналишида «Филипп Каплан ва ўғиллари» савдо уйи, Орифхўжа Азизхўжаев савдо уйи, И.И.Краузе, Робинвич-Рудник, А.Бекназаров дорихоналари, Рус-Осиё банки бўлими, В.М. Ильин босмахонаси, Дорожновнинг газлама дўкони, қизлар ва ўғил болалар гимназияси (ҳоз. Юридик ин-ти биноси) ва Орифхўжа, И.М.Мельников дўконлари, тикувчи Цвейгман устахонаси, фотосалон, атторлик моллари дўкони, гастроном, пойабзал, атир-упа, соатлар, гул, заргарлик ва китоб дўконлари, буфет, ошхоналар бўлган. Дастлаб Салор, Собор, Кауфман номлари б-н юритилган. 1918 й. Карл Маркс номи берилган. 1990 й.гача кўча Сельмаш кўчасигача давом этган. Ўша йили кўчанинг Амир Темури хибонидан Сельмаш кўчасигача бўлган қисми, 1991 й.дан Сельмаш кўча ҳам Ҳамза кўчаси деб номланди. 1999 й. 21 янв.дан Мусахонов, 2005 й. окт.дан Паҳлавон Маҳмуд, 2008 й. 9 июндан *Тараққиёт кўчаси* деб аталади. Амир Темури хибонигача бўлган қисми 1993 й. 30 июндан Сайилгоҳ номи б-н юритилади. Йўналишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, оммавий тадбир саҳнаси, чойхона, «Зарафшон» ресторани, савдо мажмуаси, «Мустақиллик майдони» метро бекати, юридик китоб дўкони ва б. жойлашган. Мустафо Камол Отатурк кўчаси б-н кесишган. Мустақиллик йиллари кўчада кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, кўча йўналишидаги Рус академик драма т-ри бошқа жойга кўчирилди. Йўл асоси, тунги ёритиш ва ирригация тизими замонавий талаблар асосида янгиланди. Кўча пиёда



Сайилгоҳ кўчасида.

сайр қилувчилар учун мослаштирилди ва маданий ҳордиқ чиқариш учун тегишли шарт-шароитлар яратилди. Истиқлол кўчаси оралиғи яшил зонали хибонга айлантилди. Яқинида Мустақиллик майд., Ёшлар ижод саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи, «Пойтахт» меҳмонхонаси, «Алп Жамол» банки, «Шарқ-мир» ва «Ардус» супермаркетлари бор. **САЙИД БАРАКА КЎЧАСИ** – «Мовароуннаҳр» ва «Ойбек» маҳаллалари ҳудудида. Ойбек ва Истиқбол кўчалари оралиғида. 1996 й. 5 сент.дан соҳибқирон Амир Темурининг пири Сайид Барака номи б-н юритилди. Йўналишида «Савдогарбанк»нинг амалиёт бошқармаси, «Перфектум» уяли алоқа компанияси, «Сувсоз» трестининг туман бўлими, поликлиника, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, кўп қаватли турар жой бинолари, мактаб, боғчалар ва б. жойлашган. Амир Темури шохкўчаси ва Тарас Шевченко кўчаси б-н кесишган. Яқинида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Мингўрик ёдгорлик обидаси, Ички ишлар бош бош-

қармаси, «Ўзкимёфарм» ОАЖ, Шарқшунослик ин-тининг магистратура бўлими, маданият саройи ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи бор.

САЙРАМ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг Аҳмад Ясавий ва «Сайрам» маҳаллалари ҳудудида. Буюк ипак йўли майд. ва Зиёлилар кўчаси оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Бульвар (Бульварний) номи б-н юритилган. 1958 й. 25 фев.да Комсомол 40 йиллиги номи берилган. 1996 й. 5 сент.дан Сайрам номи б-н юритилади. Йўналишида «Бўз» деҳқон бозори, Хитой элчихонасининг савдо ва иқтисодиёт масалалари бўйича ваколатхонаси, халқ банки шохобчаси, «Капитал-банк» филиали, «Нова» реклама гуруҳи, «Универсал принт» хусусий корхонаси, «Светлана» сумермаркети, дорихона, савдо шохобчалари, «Безак» фирмаси, 20-оилавий поликлиника, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси шифохонаси, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Қаландар ва Ясси кўчалари б-н туташган. Таркибида 6 та тор кўча ва 3 та берк кўча бор.

Яқинида «Ўзпахтамаш» корхонаси, ҳарбий госпиталь, рассомлар уйи, боғча, умумий таълим ва musiқа мактаби бор.

«САЙРАМ» МАҲАЛЛАСИ (Сайрам тор кўч., 1^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Бўз-2», Файзулла Хўжаев, Аҳмад Яссавий маҳаллалари б-н чегарадош. 1948 й. «Квартальный комитет №27» номи б-н ташкил топган. 1993 й. «Дўстлик» номи б-н қайта ташкил этилган. 2005 й. окт.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3502 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 12 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Йўл бутлаш», «Ўзмонтаж», «Эталон» корхоналари, турли савдо базалари мавжуд.

«САККИЗИНЧИ МАВЗЕ» МАҲАЛЛАСИ (Маҳалла гузари, 59) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Боғистон», «1-Қатортол» ва «Қатортол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1964 й.дан қурила бошланган. 1994 й.дан 8-мавзеда жойлашганлиги сабабли шундай ном б-н аталади. Аҳолиси 8100 киши, асосан, руслар, шунингдек 20 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, ўрта мактаб мавжуд.

САЛИМОВА Равиля Нажиповна (1941.8.9) – баскетболчи, 3 карра жаҳон чемпиони (1959, Москва; 1964, Лима; 1967, Прага), Хизмат кўрсатган спорт устаси (1964), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи (1996). Шўрчи туманида туғилган. 1957 й.дан Т.да. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1965). 1958–72 й.ларда СССР терма жамоаси ва Ўзбекистон мастерлар жамоаси ўйинчиси. Т.нинг «Таштекстильмаш», сўнг «Меҳнат» жамоаси сардори. 5 марта Европа чемпиони (1960,

София; 1962, Мюлуз; 1964, Будапешт; 1966, Клуж Сибиу; 1968, Мессина), 4 марта жаҳон универсиадаси ғолиби (1960, София; 1964, Будапешт; 1966, Клуж Сибиу; 1970, Турин). 1972–87 й.ларда баскетбол бўйича спорт устози. 1988 й.дан Тошкент ш. кассаба уюшмалари қарамоғидаги Равиля Салимова номидаги баскетбол бўйича махсус болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори. I даражали «Соғлом авлод учун» ордени б-н мукофотланган (1996).

САЛОМАТЛИК ВА ТИББИЙ СТАТИСТИКА ИНСТИТУТИ (Мирзо Улуғбек кўч., 38) – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли муассаса. 2001 й. ташкил этилган. Ин-т фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида унинг таркибига респ. ахбороттаҳлил м-зи киритилди (2005). 2007 й.дан ҳозирги номда. Ин-тининг асосий мақсади аҳоли ўртасида гигиеник тарбия ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда илмий асосланган профилактик дастурлар асосида ҳаётга татбиқ этиш; тиббий маданиятни ошириш ва шу асосда улар саломатлигини сақлаш, тиббий статистика хизмати тизимини бошқариш ва мувофиқлаштириш, шунингдек, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва тиббий статистика йўлида халқаро, респ. ҳудудий конференция, семинар ва кўргазмаларни уюштириш ва

лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш; тизимдаги врач ва ўрта тиббиёт ходимлари малакасини узлуксиз ошириб борилишини назорат қилиш ва б.дан иборат.

Ин-т тизимида 1 ин-т, 14 филиал (жумладан Тошкент ш. филиали), туман ва шаҳар Саломатлик м-элари мавжуд. Унда 470 малакали врач ва 634 ўрта тиббиёт ходимлари хизмат қилади (2009).

САЛОР – Т.нинг шарқий ва жан-шарқий қисмидан ўтган канал. Ҳоз. С. Бўзсув каналидаги Салор ГЭСнинг қуйи бьефидан бошланади. Уз. 60 км, кенглиги 10–15 м, чуқурлиги 1–2 м. Бош сув олиш иншооти 20 м³/сек. сув ўтказишга мўлжалланган. Каналдан Дам ва Полвон каналлари сув олади, Т.нинг бир нечта саноат корхоналари, жумладан, Тошкент иссиқлик электр маркази сув таъминоти учун фойдаланилади. Канал Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Миробод, Яккасарой ва Сергели туманлари ҳудудидан оқади.

С. қадимда Бўзсувнинг чап соҳилидан, ҳоз. Салор ГЭСнинг қуйироғидан қазилган. С.га Бўрижар, Қорасув оқовалари ҳам келиб қўшилган. Натижада С.нинг суви бирмунча кўпайиб, ундан Куркулдак ва Ниёзбоши ариқлари чиқарилган. С., Куркулдак ва Ниёзбоши бўйларидан

Салор канали.



мил.ав. 1-минг йиллик ўрталари ва мил. ав. 1-а.ларда вужудга келган қад. деҳқончилик маданияти ёдгорликлари кўп учрайди. Бу даврда С. ва унинг шохобчалари бўйларида турли истеҳкомлар (Қовунчитепа, Куйгантепа, Ниёзбоштепа ва б.) пайдо бўлган. 4–11-а.ларда С. бўйида *Мингўрик*, *Бинкат*, шунингдек, *Данфиганкет*, *Шутуркет* ва б. шаҳарлар вужудга келган. 11–12-а.ларда С. бирмунча кенгайтирилган, суви кўпайган; лекин 13-а.да мўғуллар ҳужумидан кейин қаровсиз қолган. Кейинчалик (19-а.) канал ўзани янгидан қазилган.

Сўнги йилларда канал ўзининг аксарияти таъмирланиб, айрим қисмлари қайта қурилди. Каналнинг Тошкент ш.да Мустақиллик кўчаси б-н т.й. бекати кўпригигача бўлган қисми тўлиқ қайта таъмирланди, ободонлаштирилди ва истироҳат боғлари ташкил этилди. Каналнинг сув ўтказиш қобилиятини ошириш (50 м³/сек.гача етказиш), ўзанини бетонлаш ишлари олиб борилмоқда.

САЛОР АЭРАЦИЯ СТАНЦИЯСИ – канализация оқова сувларини тозалаш иншооти. Шаҳарнинг жан.да, *Салор* каналининг чап соҳилида, Қорасув Салорга қўйиладиган ҳудудда жойлашган. «Сувсоз» трести давлат унитар корхонаси таркибига кирди. Ст-я қурилиши 1937 й.да бошланган, 2-жаҳон уруши йилларида ишлар тўхтатилган. 1957–61 й.ларда қуввати 25 минг м³/сутка бўлган 1-навбати Салор оқова сувлари тозалаш иншоотлари номи б-н қурилиб, 1961 й. апр.да ишга туширилган. 1974 й.дан ҳоз. номда. Майд. 112 гектар. Ст-янинг биологик тозалаш бўйича лойиҳа қуввати 1120 минг м³/сутка (2008). 1968–86 й.лар-

Салор аэрация станцияси. Биологик тозалаш аэротенклари.

да кейинги навбатлари қурилди. 2002 й.да 1000 минг м³/суткага етказилди. Ст-яда: чўкмаларни механик тозалаш ва қайта ишлаш; сувни биологик тозалаш ва зарарсизлантириш; чўкмага ишлов бериш цехлари; кимё-биология лаб., бош механика бўлими (техника хизмати), бош энергетика бўлими (электр энергияси таъминоти) фаолият кўрсатади. Ст-яда диаметри 20 м ли 8 та ва 40 м ли 8 та – 16 та тиндиргич, суткалик ўтказиш қуввати 1 млн. м³ бўлган аэротенклар қурилган. Тозаланган сув Салор каналига ташланади.

САЛОР ГЭС – Ўзбекистонда дастлабки қурилган гидро-электр ст-яларидан бири. Чирчиқ-Бўзсув сув-энергетика трактида, Тошкент вилояти Қибрай туманида қурилган, 1944 й.нинг март ойида қурилиши тугалланган. Асосан, ҳашар йўли б-н барпо этилган. «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компаниясининг «Қодирия ГЭСлар каскади» шуба корхонаси таркибида. 11,2 МВт қувватли бир агрегат ўрнатилган. Электр энергияси 35 кВт кучланишда узатилади. Бир йилда ўртача 73 млн. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради. ГЭС Тошкент саноат корхоналари, шаҳар транспорти ва аҳолини электр энергияси б-н таъминлашда аҳамиятга эга. Ҳозир ГЭС тўла автоматлаштирилган, ягона диспетчерлик пунктидан бошқарилади.



«САЛОР» МАҲАЛЛАСИ (Махатма Ганди 1-тор кўча, 9) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Мирзакалон Исмоилий ва «Нур» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Аҳолиси 2870 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида Архитектура ва қурилиш интининг ф-ти, ўрта мактаб, «Ўзавтойўл» идораси жойлашган. Ўзбекистон халқ артистлари Насиба Абдуллаева, Фаррух Зокиров шу маҳаллада яшайди.

«САЛОР» МАҲАЛЛАСИ (Нукус кўч., 4) – Миробод туманидаги маҳалла. Ойбек, «Мовароуннаҳр», «Янги Миробод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил этилган. Туман ҳудудидан оқиб ўтувчи *Салор* каналининг туманга кириш йўли ушбу маҳалладан бошланиши сабабли шундай аталган. Аҳолиси 4,5 мингдан ортиқ, асосан, руслар, шунингдек, 16 миллат вакиллари (ўзбек, туркман, арман ва б.) яшайди.

Маҳаллада 7 кўча, темир-йўлчилар маданият саройи, Т.й. лойиҳалаш ин-ти, Т.й. музейи, Транспорт прокуратураси, Республика тери-таносил касалликлари касалхонаси бор. «Тошкент – Марказий» вокзали, Учқун тикувчилик цехи, рус христиан собори, ту-

ман солиқ инспекцияси, туман бандликка кўмаклашувчи м-з, Миллий банк Тошкент вилояти бўлими, Саноат қурилиш банки туман бўлими, Авиакасса, «Истиқлол» супермаркети, 2 та гўзаллик саломи, 1-стоматология поликлиникаси, ҳарбий дўкон, озиқ-овқат дўконлари ва б. жойлашган.

САЛОҲИДДИН ТОШКАНДИЙ, Мулло Салоҳиддин ибн Мулло Алоуддин хожа (19-а.нинг 2-ярми – 20-а. бошлари) – адиб. Т.да туғилган. Ҳаётига оид маълумотлар деярли сақланмаган. «Темурнома» (1908) бадий асаригина етиб келган (1990 й. Т.да нашр этилган). Бу асарни яратишда кўпгина тарихий, бадий ва диний китобдан фойдаланган. Асарнинг асосий қисм 47 достондан иборат.

Амир Темурнинг болалигидан тортиб бутун ҳаёти, Марказий Осиёни мўғуллар зулмидан озод қилиши, Дашти Қипчоқ, рус ерлари, Урал сари қилинган юришлар, Эрон, Туркия, Шом ва Ироқ, Ҳиндистонга қўшин тортишлар, Боязид Елдирим б-н бўлган жанглар, улар б-н боғлиқ саргузаштлар қизиқарли ҳикоя қилинган.

Муаллиф Амир Темурга бемисл ҳурмат б-н ёндашиб, бадий жонлантирган.

Китобда ислом ва унинг вакиллари ҳам кенг ўрин берган. Мовароуннаҳрда мўғуллар истибдоди йилларида ҳам ислом сиёсатга, босқинчилар феъл-атвориға таъсир ўтказиб турганини таъкидлаган. Унда 500 дан ортиқ тарихий шахслар номи тилга олинган.

Асар жаҳонгир шоҳ ҳаёти мисолида кишиларни меҳроқибатли бўлишга, ўтмишда юз берган қирғинлардан сақла-

нишга, тинчликнинг қадриға етишга даъват этади.

САЛОҲИДДИНОВ Маҳмуд Салоҳиддинович (1933.23.11) – математик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1984), физика-математика фанлари д-ри (1967), проф. (1969). Наманган ш.да туғилган. 1950 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1955), шу ун-тда ўқитувчи (1958–59), каф. мудир (1980–86, 1993–96). Ўзбекистон ФА Математика ин-тида илмий ходим, бўлим мудир, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1959–67), директор (1967–85), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1984–85), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1985–88), Ўзбекистон ФА президенти (1988–94). Ўзбекистон ФА физика-математика фанлари бўлими раиси (1994–97). Ўзбекистон ФА Математика ин-тида бўлим мудир (1974 й.дан), ЎзМУ проф. (2000 й.дан).

Илмий ишлари назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган аралаш ҳамда аралаш-қўшма типли тенгламалар назариясига оид. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

«Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2007).

«САМАРҚАНД» (Самарқанд дарвоза кўч., 165) – ресто-

ран, «Самарқанд» МЧЖга қарашли хусусий корхона. 1976 й. очилган (меъмори С.М.Сутягин, муҳандислари А.С.Браславский, В.И.Тен). 2008 й. қайта таъмирланган. 3 қаватли бино интерьерлари ҳашаматли мозаика, бетон рельеф (рассомлар А. ва В. Ган) б-н безатилган. Ички устунлари ўймакор нақшли, деворига кошкор нақшлар ишланган. 5 та зали: 500 ўринли катта зали, шунингдек, кичик заллар, зиёфатлар ҳамда ёзлик зали бор. Ўзбек миллий маросимлари, тўй, туғилган кунлар ва б. жамоавий тадбирлар ўтказиш учун қулайликлар яратилган. Ҳар хил миллий ва европа таомлари тайёрланади.

САМАРҚАНД ДАРВОЗА – Бешёғоч даҳасидаги қад. маҳалла. Зангиота, Чақар, Заҳарик, Камолон маҳаллалари б-н чегарадош бўлган, бир чеккаси Чақарариққа ёндошган. Худудида шаҳар дарвозаларидан бири – Самарқанд дарвозаси жойлашган (номи шундан). Самарқандга бориладиган қарвон йўли шу ердан бошланган. Маҳаллада 50 дан ортиқ хонадон яшаган. Кексаларнинг маълум қилишича, 1895 й.гача Самарқанд дарвозада Т.га кирув-



«Самарқанд» ресторани.

чиларни назорат қилувчи ва ўлпон (бож) йиғувчилар яшашган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик (кўпчилик, дурадгорлик, аравасозлик ва б.), деҳқончилик (Новза, Чўпонота, Қозиравот мавзеларида) б-н шуғулланган. Маҳаллада мактаб, масжид, бозорча, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). Ёзувчи *Абдулла Қодирий* шу маҳаллада яшаб ижод қилган.

«Самарқанд дарвоза» маҳалласи (Самарқанд дарвоза кўч., 202) – Шайхонтоҳур туманидаги ҳоз. маҳалла. Зангиота, «Каттабоғ», «Новза», Олим Хўжаев маҳаллалари б-н чегарадош. 1917 й. Окт. тўнтаришидан сўнг 1962 й.гача Кубурариқ (Қувурариқ) номи б-н аталган. 1962 й.да қад. номи яна қайта тикланган. Маҳалла ҳудуди 1941 й.гача шаҳарнинг асосий қовун сайли ўтказиладиган жой ҳисобланган. Маҳалла гузари (ҳоз. 13-ўрта мактаб) ўрнида карвонсарой бўлган. Гузарнинг 3 томонида чойхоналар бўлиб, уларда санъаткорлар иштирокида йиғинлар ўтказилган. Чойхоналар ёнидаги баланд устунларга керосинли осма чироқлар ўрнатилган. Гузарда дорбозлар,

қизиқчилар томоша қўйишган. 1936–37 ўқув йилида маҳаллада 2 қаватли мактаб биноси қурилган. Аҳолиси 6 минг киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, дорихона, стоматология бўлими, болалар боғчаси, 14-оилавий поликлиника, «Мурувваттекст» кўшма тикувчилик корхонаси, янги маҳалла идораси, автоспортда қатнашувчи машиналар гаражи мавжуд. 1994 й. маҳалланинг ҳомий фуқаролари томонидан Т.нинг 12 дарвозасидан бири – Самарқанд дарвоза рамзий маънода арка кўринишида қайта барпо қилинди. Маҳаллада бир қанча машҳур шахслар, жумладан Саид Аҳмад, Музаёна Алавия ва б. яшаб ўтган.

САМАРҚАНД ДАРВОЗА КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур тумани ҳудудида. Пойтахтнинг қад. кўчаларидан бири. Чорсу ва Оқтепа майд.лари оралиғида. Уз. 4 км атрофида. Қадимда савдогарларнинг Чорсу бозорига кириб келадиган асосий карвон йўллардан бири бўлгани ва кўча йўналишида Самарқанд дарвозаси бўлгани учун халқ тилида шу ном б-н юритилган. 1893 й. кўчага расман

Самарқанд дарвозаси кўчаси номи берилган. Йўналишида «Самарқанд дарвоза», «Зангиота», «Сузукота», «Чақар» ва «Қоратош»

Рамзий Самарқанд дарвозаси.



маҳаллалари, «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, туман ички ишлар бошқармаси, ёнида қуйиш шохобчаси, «Заҳариқ» қабристон, «Мурувваттекст» кўшма тикувчилик корхонаси, «Зангиота» жоме масжиди, «Парвинабанк», «Оқтепа» бозори шохобчаси, 14-, 46-, 47-оилавий поликлиника, «Самарқанд» ва «777» ресторани, стоматология поликлиникаси, дорихона, маҳалла гузари, савдо шохобчалари, гўзаллик салони, устахоналар, мактаб, боғча ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ҳамда кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Асадулла Хўжаев кўчаси б-н кесишган, Каттабоғ, Янгиобод, Камолон кўчалари б-н туташган. Яқинида «Қоратош» мавзеси, «Чорсу» меҳмонхонаси, «Кўкалдош» мадрасаси, «Сузукота» мақбараси, «Туркуаз» гипермаркети, «Хуромад» савдо мажмуаси, автосалон бор.

САНИТАРИЯ, ГИГИЕНА ВА КАСБ КАСАЛЛИКЛАРИ ИНСТИТУТИ (Олтинтепа кўч., 325) – Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1934 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. 1956 й.дан ҳозирги номда. Гигиена ва касб касалликлари илмий асослари масалалари бўйича Ўзбекистонда бош муассаса. Ин-тда 4 илмий бўлим (коммунал гигиена, меҳнат гигиенаси ва касб касалликлари, пестицидлар гигиенаси ва токсикологияси, болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси), 16 лаб., аспирантура, виварий, кутубхона (қарийб 25000 асар) бор (2009). Ин-тда 161 ходим, жумладан, 1 та Ўзбекистон ФА акад., 1 та Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, 8

фан д-ри, проф., 24 фан номзоди, 2 та Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач фаолият кўрсади.

Ин-тда иссиқ иқлим шароитида ташқи муҳитни зарарли омиллардан муҳофаза қилиш, ташқи муҳитнинг ифлосланиш даражасини олдиндан аниқлаш, қ.х. ва саноат корхоналарида меҳнат шароити ҳамда режими-ни яхшилаш, касалликларни камайтириш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини сақлаш ва мустаҳкамлаш, овқатланишнинг гигиеник асосларини ишлаб чиқиш, касб касалликлари, аҳолининг меҳнат қилиш, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш каби долзарб масалалар устида тадқиқотлар олиб борилади.

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ МАРКАЗИ – қ. *Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази.*

САНОАТИ (Шаҳар саноати) – китобнинг бош қисмидаги *Тошкент* тарихий очеркига қ.

САНОАТЧИ САРМОЯДОРЛАР

– Туркистон ўлкасида қ.х., хусусан пахтачиликнинг ривожланиши, ўлканинг умум Россия ички бозорига тортилиши натижасида йирик сармоядорлар, савдогар, саноатчи бойлар етишиб чиққан. Бутун Туркистондаги каби Т.даги С.с.лар ҳам 3 гуруҳдан: чет эллик, рус ва маҳаллий С.с.дан иборат эди. Чет эл ва рус С.с. фаолияти 19-а.нинг 90-й.ларида Туркистон иқтисодиётига капитал кириб келиши ва унинг кучайиши, хусусан Т.ни Россиянинг саноат м-злари б-н боғлаган Оренбург т.й. қурилиши (1905) натижасида фаоллашган эди. Хориждан келган капитал кредит-банк тизимида, шунингдек, саноат ва савдо-сотикқа

қўйилган (қ. *Банклар*). 1891 й.да Т.да «Туркистон пахта комитети» тузилди. Бу идора пахта савдоси ишлари учун кичик товархонашэ биржасини ташкил этди (қ. *Биржалар*). Т.нинг *Янги шаҳар* қисмида банклар, савдо ва саноат фирмаларининг идоралари, саноат корхоналари ва хилма-хил томоша муассасалари бунёд этилган. Т.даги «Отто Вогау» ва «Ака-ука Ивановлар» (пиво пишириш корхоналари), «*Первушин ва болалари*» (виночилик корхонаси), «ТошСам» (кўн-тери корхонаси) корхоналари, Сойфернинг механика з-ди (металлсозлик), 1-Туркистон ун тортиш ширкати энг йирик фирмалар эди. Ўлкада пахтачиликнинг ривожланиши билан С.с. янада фаоллашган. Хусусан Т. ва Тошкент уездининг пахтакор районларидаги «Ака-ука Шлоссберглар», «А.Симхоев», «Форс», «Ака-ука Яушевлар», «Пугасовлар савдо уйи» каби пахта саноатининг йирик фирмалари корхоналари С.с.лар ихтиёрида бўлган. Бундан ташқари, Т.да «Ака-ука Нобеллар» фирмасининг нефть омборлари, Россия тўқимачилик фирмаларининг идоралари жойлашган.

Т.нинг *Эски шаҳар* қисмидаги С.с. иқтисодий жиҳатдан анча заиф бўлиб, бутун Туркистон ўлкасидаги каби эндигина вужудга кела бошлаган эди. Улар, асосан, савдо б-н шуғулланган. Маҳаллий бойлар қад. савдогарлар, бадавлат хунармандлар ҳамда рус саноати б-н маҳаллий истеъмолчилар ўртасида воситачилик қилаётган савдогарлар орасидан етишиб чиққан майда саноатчилардан иборат бўлган. Мас., Саидқаримбой, Орифхўжабой, Валихोजибой, Тўхтабойвачча, Ёвшуббой (Яушев), Қур-

бонбой каби бойлар пахта, ип газлама, жун газлама, кўн-тери моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, оёқ кийим б-н савдо қилардилар. Уларнинг кўпчилиги Москва, Петербург ва Россиянинг бошқа шаҳарларидан чўян идишлар, чинни, металл буюмлар, бугдой, ун келтириб сотишарди. Россия б-н алоқа қилувчи бойлар халқ орасида «москоччи бойлар» деб аталарди. Булардан ташқари, шаҳарда қўй савдоси б-н ном чиқарган Норматбойвачча, Раҳимжонбойвачча ва Бурҳонбува каби бойлар ҳам оз эмас эди. Шунингдек, бойларнинг қўлида *карвонсаройлар*, катта тегирмонлар бўлган. Катта бойларнинг кўпайиши ва савдонинг ривожланиши Эски шаҳарда, айниқса Янги шаҳарда катта магазинлар ва улгуржи савдо б-н шуғулланувчи фирмалар, банклар ва транспорт идораларини кўпайтирди. Савдогарлар савдо-сотикдан ташқари судхўрлик (қарзга пул бериб ундан маълум фоиз олиш) ва пудратчилик ишлари (Янги шаҳарда бир неча уйлар, қўралар бино қилиб, уларни ижарага қўйиш) б-н шуғулланганлар. Эски шаҳар бойлари хунармандлар орасида буюртмалар тарқатиш ва уларга хонашэ ва хилма-хил материаллар етказиб бериш йўли б-н хунармандларни ўзларига қарам қилиб олган. Бойлар ўз капиталларини, асосан, савдо ва судхўрликка қўйганлиги сабабли саноат тараққиётига тўсқинлик қилган. Уларнинг капиталлари фишт з-дларига ва кичик пахта з-дларига қўйилган. Фишт ишлаб чиқаришда Т.Юсупов, ёғ саноатида М.Мирбадалов, пахта тозалаш саноатида И.Ҳакимбеков, Б.Дадажонов ва б. бойлар иш олиб борган.

С.с. жадидлар б-н ҳам яқиндан алоқада бўлишган, илм-маърифатга эътибор беришган (қ. *Тошкент жадидлари*). Мас., ўлкадаги биринчи рус-тузем мактаби Саид Азимбой ташаббуси б-н 1884 й. 19 дек.да Т.даги Эшонкулидодхо мадрасасида очилган. 1909 й. шаҳарнинг Орифхўжабой, Саидкаримбой, Комил-

жонбой чойфуруш, Асил оқсоқол, Боқижонбой ва б. йирик бойлари жадидлар раҳбарларидан *Мунавварқори* б-н ҳамкорликда маҳаллий ўзбек зиёли болаларини Германияга юбориб, ўқитишга мутасадди бўлганлар.

Аҳолининг камбағал қатламининг моддий аҳволини яхшилаш мақсадида Т. бойлари турли хил хайрия жамиятлари очилишида ташаббускор бўлишган. Мас., Қўқон хонлиги даврида Т.да яшаган Назарбий деган бадавлат киши ўз мулкани камбағаллар фойдасига вақф қилиб қолдирган. Шу ердан келадиган даромад ҳисобига 1873 й. Туркистон хайрия жамияти очилган. 1896 й. 15 ноябрда Н.И.Иванов, Орифхўжабой ва б.нинг ташаббуси б-н Т.да «Меҳнатсеварлар уйи» («Дом трудолюбия») очилган. Шу мақсадда тилхат йўли б-н 7000 сўм тўпланган, Орифхўжабойнинг ўзи эса қиймати беш минг сўмлик уйни хайр-садақа қилган. Низомга кўра «Меҳнатсеварлар уйи»га фақат меҳнатга лаёқатли бўлса ҳам, турмушда қийналиб, иложсиз қолган кишилар қабул қилинган. 1909 й. 10 авг.да Т.да «Ёрдам» мусулмон жамияти очилган. Жамият раиси Саидкарим Саид Азимбоев бўлган. Жамиятнинг асосий вазифаси Сирдарё вило-



Санъат саройининг катта кино зали.

яти (м-зи Тошкент ш.)да яшовчи камбағал, ночор мусулмон биродарларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилашга қаратилган. Бу мақсадга эришиш учун жамият етимхоналар, қариялар уйи, касалхоналар, амбулаториялар, ошхона ва чойхоналар, ётоқхоналар очишни, талабаларга, хайрия ва маърифат муассасаларига моддий ёрдам беришни мўлжаллаган.

Т.да шўролар тузуми ўрнатилгандан кейин саноат, йирик савдо ва банкларнинг национализация қилиниши (1918–19) б-н С.б.нинг иқтисодий ҳукмронлиги барҳам топган. Янги иқтисодий сиёсат жорий қилиниши (1921) б-н Т. бойларининг фаолияти, хусусан савдо соҳасида яна жонланган. Бироқ, уларнинг фаолияти солиқ солиш, давлат улгуржи савдо ташкилотлари томонидан молларни қатъий шартлар б-н бериш, баҳолар устидан назоратни кучайтириш йўли б-н чеклаб қўйилган. Савдогар бойлар ўз оборотларини аста-секин йиғиштиришга мажбур бўлдилар. Улар 1929 й.га келиб, совет ҳукумати томонидан ижтимоий табақа сифатида бутунлай тугатилган.

САНЪАТ ИНСТИТУТИ – қ. *Ўзбекистон давлат санъат институти*.

САНЪАТ МУЗЕЙИ – қ. *Ўзбекистон давлат санъат музейи*.

САНЪАТ САРОЙИ, Алишер Навоий номидаги кино-концерт зали (Навоий кўч., 15) – 1964 й. қурилган (меъморлари: В. Березин, С. Сутягин, Ю. Халдеев, Д. Шуваев; Ҳамза номидаги *Ўзбекистон Давлат мукофоти*, 1964).

Кенг ҳажмли кинофильмлар намойиш қилиш, ижтимоий-сиёсий йиғинлар ўтказиш, концертлар бериш учун мўлжалланган. Катта зали (2300 ўринли), бир нечта кичик заллари бор. С.с. конструктивизм ва функционализм услубида қурилган. Нур ва соядан самарали фойдаланилган. Катта зал акустик асбоблар б-н жиҳозланган. Интеръери «Насриддин афанди саргузаштлари» мавзуида кошинли намоён, сопол лаган (рассом А. Ган ва А. Кедрин), «Мелодия» ҳайкалли мужассамот (ҳайкалтарош Ю. Киселев) б-н безатилган. Шифтидаги безакли металл қандиллар, девордаги қандиллар (меъмор С. Сутягин) ёғоч ва ғишт безаклар б-н ўзаро уйғунлашган. 1978 й.да интеръери тўла реконструкция қилинган.

САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Банинг Санъатшунослик и.т. институти (Мустақиллик майд., 2) – 1928 й. Ўзбекистон мусиқа ва хореография ин-ти номи б-н Самарқанд ш.да ташкил этилган. 1932 й. Тошкент ш.га кўчирилган. 1943 й.дан Ўзбекистон санъатшунослик и.т. институти деб номланган. 1943–57 ва 1963–97 й.ларда Ўзбекистон маданият вазир-

лиги, 1957–63 й.ларда Ўзбекистон ФА тизимида бўлган. 1997 й.дан Ўзбекистон Республикаси БА таркибиде. И.т.ларининг асосий йўналишлари: Шарқ ва Ғарб ўрта аср цивилизацияси тарихий шаклланиш жараёнида Амир Темур ва темурийлар даври бадиий маданиятининг ўрни ва аҳамияти; қад. Ўзбекистон бадиий маданиятининг Евросиё



Санъатшунослик институти.

мамлакатлари б-н ўзаро алоқа-дорлиги (мил.ав. 6-а. – мил. 5–6-а.лар); 15–17-а.лар Ўзбекистон санъатида тасаввуф анъаналари (меъморлик, мусиқа, миниатюра); Ўзбекистон мустақиллик даври тасвирий санъатида анъанавий мерос ва маънавиятнинг ўрни; ўзбек драматургиясининг саҳнавий талқинлари (1914–2004); хонандалик санъати тарихи; Ўзбекистон мустақиллик даври бадиий маданиятининг ривожланиш динамикаси ва ижтимоий самараси ва б. Ин-т таркибиде 10 бўлим, осори атиқалар сақланадиган музей, кутубхона (50 мингдан ортиқ асар), катта ва кичик зал бор. Ин-тда аспирантура, докторантура, 1981 й.дан номзодлик ва 1992 й.дан д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 63 илмий ходим, жумладан 2 Ўзбекистон ФА акад., 1 Ўзбекистон БА акад., 17 фан д-ри, 22 фан номзоди ишлайди (2008).

«**САОДАТ**» – Ўзбекистон хотин-қизларининг оммабоп, ижтимоий-сиёсий, бадиий-безакли журнали. Тошкент ш.да 1 й.да 8 марта нашр қилинади. Дастлаб «Янги йўл» (1925–34), «Ёрқин

турмуш» (1936–50), «Ўзбекистон хотин-қизлари» (1950–65) номлари б-н чоп этилган. Муайян сабаблар ва уруш туфайли журн. 1934 й. апр.дан 1936 й. июлгача, 1941 й. июлдан 1950 й. окт. гача нашр этилмаган. 1966 й.дан ҳоз. номда. Журн.га турли йилларда Ўзбекистоннинг таниқли адибалари, жамоат арбоблари муҳаррирлик қилган: Тожихон Шодиева (1927–29), Собира Холдорова (1930–31), Хосият Тиллахонова (1931–34), Саодат Шамсиева (1936–37), Фотима Ниёзова (1937–38), Иқбол Акбархўжаева (1939–41), Ойдин (М.Собирова, 1951–53), Зулфия (1953–85) ва Ҳ.Худойбердиева (1985–94).

Ўтган барча даврларда журн. ўзбек аёлининг оилада назокатли, севимли, фарзандларига меҳрибон бўлиши, турмуш машаққатларини енгиб ўтиб, жамиятда ҳам ўз ўрнини топишига кўмакдош бўлиб келган; жуда кўп ёш шоира, адибаларнинг ижодкор сифатида шаклланиши учун мактаб вази-фасини ўтаган. Х.Ахророва, С.Махмудова, Р.Шомансурова, Ҳ.Худойбердиева, О.Ҳожиева, Ш.Салимова, М.Улугова, Қ.Раҳимбоева, Д.Саидова, Х.Бобо-

муродова ва б. шу мактабни ўтаган ижодкорлардир.

Республика мустақиллиги йилларида «С.» аёл қалбининг минбари, миллий қадриятларнинг тарғиботчиси, хотин-қизларни кенг ижтимоий фаолиятга чорловчи оммабоп журн. сифатида танилди. Унда ўзбек аёлларининг турмуш тарзи, уй тутиши, саломатлиги, бола тарбия-

си, маданий-маиший эҳтиёжлари ва б. масалалар ёритилиши б-н бирга ўзбек маданий мероси ва миллий қадриятларидан, жаҳон адабиётидан, ёш ижодкор қизларнинг асарларидан намуналар, дунёнинг машҳур хотин-қизлари ҳаётидан қизиқарли лавҳалар бериб борилади. 1999 й.дан «С.» журн.га илова сифатида «Гулчеҳралар» газ. нашр этилмоқда. Ойига 1 марта чоп қилинадиган бу газ. кўпроқ ёшлар мавзуини ёритади. Адади 8000 (2009). Муҳаррири Ойдин Ҳожиева (1994 й.дан).

«**САРИКЎЛ**» **МАҲАЛЛАСИ** (Фидойилар кўч., 26) – Миробод туманидаги маҳалла. Фитрат, «Қорасув», «Олтинкўл» маҳаллалари б-н чегарадош. 1930-й.ларда маҳалла ўрнида Чирчиқ дарёси оқиб ўтган, кейинчалик дарё ўрнида кўл пайдо бўлган, унинг суви лойқа сариқ рангда бўлганлиги учун «Сариккўл» деб аташган. Вақт ўтиши б-н кўл қуриб, ўрнига дарахтлар экилган, атрофида маҳалла вужудга келган, унга ҳоз. номи берилган. Аҳолиси 5 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

Маҳалла ҳудудида 5 та кўча, «Ал-Бадр» жоме масжиди, «Ёпиқота» (Ёпуғлиқота) қабристонни, т.й.га қарашли 2-болалар шифохонаси ва поликлиникаси, «Зарп» ресторани ва б. мавжуд. **САРИМСОҚОВ** Тошмуҳаммад Алиевич (1915.10.9–1995.17.12) – математик олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1943). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960). Физика-математика фанлари д-ри (1942), проф. (1942).

1931 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тининг физика-математика ф-тини битирган (1936), шу ун-да ассистент, доцент, каф. мудири (1936–42), ректор (1943–45; 1952–58), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1943–47), президенти (1947–52), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири (1959–71), ТошДУ ректори (1971–83), каф. мудири (1983–88). 1988 й.дан Ўзбекистон ФА Президиумида маслаҳатчи. Асосий илмий ишлари эҳтимоллар назарияси, геофизика метеорологиясига бағишланган. Топология ва функционал анализ бўйича Т. илмий мактаби асосчиси. Ярим майдонлар назарияси ва унинг эҳтимоллар назариясига татбиқини ишлаб чиққан. Минор қабристонига дафн этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967; 1992). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

САРИМСОҚОВА Лутфихоним (1896.8.5–1991.14.1) – Ўзбекистон халқ артисти (1937). 1934 й.дан Т.да. Ижодий фаолиятини 1924 й. Кўкон хотин-қизлар ҳаваскорлик тўғарагида бошлаган. Кўкон (1926–28), Андижон (1928–31), Марғилон (1931–34) т-рларида, Ўзбекистон давлат

муסיқа т-рида (1934–39), Муқимий т-рида (1940–73) ишлаган. Халқ санъатига хос бўлган соддалик ва мукамаллик, ўткир ҳажв ва заковат, самимият ва қудрат, мазмундорлик ва таъсирчанлик каби ҳислатлар С. ижодий услубининг асосини ташкил қилади.

Роллари: т-рда Майсара («Майсаранинг иши»), Мастура сатанг («Хомихон»), Ойсара («Гулсара»), Она («Ҳалима»), Ёсуман («Фарҳод ва Ширин»), Хайри хола («Офтобхон»), Рисолат чевар («Муқимий»), Хадича хола («Фаргона тонг отгунча»), Кимё («Нурхон») ва б. Кинода – Она («Қасам»), Шарофат («Опа-сингил Раҳмоновалар»), Телба аёл («Фарзандлар»), Меҳринисо («Маҳаллада дув-дув гап»), Фотима опа («Сен етим эмассан») ва б.

С. хонанда сифатида ўзбек хотин-қизларининг халқ ашула, кўшиқ ва лапарларини маҳорат б-н ижро этган («Кулинг», «Ўзганча», «Ёр-ёр», «Қилпиллама», «Ҳаккалакам ўйнасам ман» ва б.). Чигатой қабристонига дафн этилган.

С. ҳаёти ва ижодига бағишланган «Ая» (1976), «Лутфихон ая» ҳужжатли фильмлари ишланган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

САРХУМДОН – *Кўкча* даҳасидаги қад. маҳалла. Айрилиш, Каттаҳовуз, Лангар, Подахона маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 300 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўнчилик, косибчилик, совунгарлик, деҳқончилик ва боғдорчилик (Нишабқулоқ, Бешқайрағоч, Хотинкўприк мавзеларида) б-н шуғулланган. Маҳаллада ғишт хумдони (номи шундан), мактаб, 3 масжид, чой-

хона, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши).

«Сархумдон» маҳалласи (Гулобод даҳаси, 86/1) – Шайхонтоҳур туманидаги ҳоз. маҳалла. «Гулобод», «Каттаҳовуз» маҳаллалари б-н чегарадош. Шўролар даврида 1975 й.гача маҳалладаги «Қизил товуш» кўч. номи б-н аталган. 1975 й. якка тартибдаги эски уйлар бузилиб, янги кўп қаватли бинолар қурилгач, *Гулобод даҳаси* юзага келган. 1991 й. 28 апр.да маҳалла «Сархумдон» тарихий номи б-н қайта ташкил қилинган. Аҳолиси 7100 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Маҳалла ҳудудида 36 та кўп қаватли уйлар, болалар боғчаси, «Текстиль Импекс» қўшма корхонаси, махсус интернат-мактаб жойлашган.

САТИРА ТЕАТРИ, Абдулла Қаҳҳор номидаги Республика сатира театри (Маннон Уйғур кўч., 2) – 1986 й. ташкил қилинган. «Гап эгасини топади» дастури б-н очилган. «Тобутдан товуш» (Абдулла Қаҳҳор) т-рининг биринчи спектакли. М.Хўжаев, Х.Саъдиев, Н. Отабоевлар т-р ташкилотчиларидир. Ҳаётдаги салбий иллатларни, шахс фаолиятидаги камчиликларни фош қилиш ва масхаралаш, янгилик ва яхшилиқка ундаш т-р ижодининг асосий хусусиятидир. «Сабил қолди» (Ф.Мусаёнов), «Жанжал» (Шукрулло), «Майиз емаган хотин» (А.Қаҳҳор асари асосида М. Бобоев асари), «Кулол ва қароқчи» (Меҳмон Бахти), «Афанди ва азроил» (Ю.Алиев), «Темир хотин» (Ш.Бошбеков), «Давлат болалари» (Р.Муҳаммаджонов), «Олтин жўжа саргузаштлари» (В.Орлов), «Қовурилган ўрдак парвози» (Тафук аль Ҳаким, Тўра Мирзо), «Ойболта ва Тошпўлат» (Р.Қоди-

ров, А.Қаюмов), «Ёлгончи даркор» (Д.Псафос), «Адашганлар» (Т. Муҳиддин), «Беш кунлик куёв» (Шухрат), «Ё шоҳ, ё Афанди, ё ...» (Ш.Азимзода) ва б. театрда сахналаштирилган энг яхши спектакллардир. Театр жамоаси тез-тез вилоятларга чиқади ва спектакллардан ташқари театрлаштирилган сатирик томошалар уюштириб туради. Х.Саъдиев, Э.Каримов, Р.Каримова, Б.Ихтиёров, Т.Содиқов, З.Исмоилова, Л.Саъдуллаев, Г.Саъдуллаева, С.Сатторов, Ҳ.Собиров, А.Шарипов, С.Юнусов, А.Тошкентбоев кабилар т-ринг етакчи актёрларидир. Бадиий раҳбари ва директори – Мавлон Хўжаев.

САТТОРХОН Абдуғаффоров (1843–1901) – маърифатпарвар, тарихчи. Йирик уламо (мударрис) оиласида туғилган. Т.даги Шукурхон мадрасасини тугатган (1862). Араб, форс тилларини яхши билган, рус тилини ўрганган. 1864 й.гача Чимкент ш. муфтийси, 1873–76 й.ларда Чимкентдаги биринчи рус-тузем мактаби ўқитувчиси. 1876–81 й.лар Кўқон ш. қозиси. С. қозилик лавозимидан тарғиб этиш йўлида фойдаланган, натижада руҳонийлар томонидан қаттиқ тазйиққа дуч келган. 1883 й. «Туркистон вилояти газети»га ишга кирган, 1884–89 й.ларда Т. ўқитувчилар семинариясида ўзбек ва форс тилларидан дарс берган. С. маърифатпарварлик ғояларини дунёвий билимларни тарғиб этган, чоризмнинг маориф соҳасидаги айрим тадбирларини танқид қилган. Фурқат, Муқимий, Завқий б-н ҳамкор бўлган. С.нинг ижтимоий қарашлари унинг Т.лик «Мусулмон эшонлари», «Россия истилосига қадар Кўқон хонлигининг ички аҳволи ҳақида қисқача очерк»

номли рисолаларида, кўпгина мақола ва нутқларида ўз ифодасини топган.

САҚИЧМОН, Санчиқмон – Кўкча даҳасидаги қад. маҳаллардан бири. Пичоқчилик, Каллахона, Пуштихаммом маҳаллари, Эски жўва бозори б-н чегарадош бўлган. «С.» атамаси тарихи 18-а. охири чорагида *Юнусхўжага* иттифоқдош бўлган санчиқли қабиласидан бўлган қавмларни шаҳар ҳудудига келиб жойлашиши б-н боғлиқ. Санчқлиён – санчқлилар кейинчалик санчқлимон – Санчиқмонга (халқ тилида Сақичмон, Чақичмон) айланган. Тахм. 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, шаҳар бозорига яқин бўлгани учун ҳунармандчилик ва деҳқончилик (шаҳар атрофидаги мавзеларда) б-н шуғулланган. Маҳалла ҳудудида чойхона, баққоллик дўконлари, шунингдек, Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, *Эшон Бўрихўжа Санчиқмоний мадрасаси ва масжиди* (1820) жойлашган. Ушбу маҳаллада шаҳарнинг кўзга кўринган тасаввуф намоёндаларидан Эшон Вали Санчиқмоний, пайгамбар (ас) авлодларидан Миён Фазл Қадр ҳазрат (1856–1928) ва б. яшаганлар. Маҳалла ҳудудида 20-а. бошида қурилган *Тўхтабой жоме масжиди* Миён Фазл Қадр кўрсатмасига кўра, шу маҳаллалик машҳур бойлардан Тўхтабой томонидан бунёд этилган. Ҳозирда С. маҳалласи ҳудудида 14-оилавий поликлиника, «Шарқ» маросимлар кошонаси (тўйхонаси) ва б. объектлар мавжуд.

САҒБОН – *Кўкча* даҳасидаги қад. маҳалла. Қўшчимозор, Ёв, Ачавот маҳаллари б-н чегарадош бўлган; шим.да шаҳар

деворига, жан.да Эски шаҳар бозорига ёндошган. *Сағбон Оқтепаси* археологик ёдгорлиги жойлашган. Маҳаллада 400 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, ҳунармандчилик (косибчилик, совунгарлик, тўқувчилик ва б.), деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар ташқарисидаги ерларида) б-н шуғулланган. Мактаб, масжид, чойхона, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). «С.» атамаси этимологияси мунозарали. Айрим олимлар (А.Муҳаммаджонов) фикрича; «С.» атамаси «Суқбон» – «бозор қоровули», «бозорчилар» маъносини англатган. Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида «Суъбониён» шаклида берилган. Ўтган асрларда даштдан Эски шаҳар бозорига ҳайдаб келинган қўй, қорамол ва йилқиларни қўриқловчи кишилар шу маҳаллада яшаган. Ҳоз. ҳудуди ободонлаштирилмоқда (қ. *Сағбон кўчаси*).

САҒБОН КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудида. Тошкент ш.нинг энг қад. кўчаларидан бири. Зарқайнар ва Келес йўли кўчалари оралигида. Уз. 4 км атрофида. Эски шаҳарни Т.нинг шим.-ғарбий қисми б-н боғлайди. Ўрта асрларда пайдо бўлган. Шаҳарнинг қад. 12 дарвозаларидан бири – Сағбон дарвозаси шу кўча йўналишида бўлган. 1893 й. кўчага Сағбон номи берилган. Пастқам ва тор кўчанинг 19-а. ҳолати совет даврида ҳам ўзгаришсиз қолган. 1994 й.дан кенг қамровли қайта қуриш, ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан кўча энига икки баравар кенгайтирилиб, автотранспорт воситалари ҳаракати учун катта қулайликлар яра-

тилди. Йўналишида Эскижўва бозори, «Гузарбоши» ва Ғани Аъзамов маҳаллалари, туман ички ишлар бошқармаси, «Ҳофиз Кўҳакий» ва «Исломобод» жоме масжидлари, «Сағбон» гузари, «Шарқ», «Техрон» ва «Сулола» ресторанлари, «Кўштут» ва «Гузарбоши» тўйхонаси, «Тўйчиота» кафеси, «Алиакбар» меҳмонхонаси, 42-ва 4-оилавий поликлиника, «Сағбон» қабристонини, «Ёш авлод» боғи, «Ҳамидуллаота» супермаркети, 24-, 11-умумий таълим мактаблари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари, дорихоналар, савдо шохобчалари ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. *Кичик ҳалқа йўли* б-н кесишган. Форобий, Қорақамиш, Олча, Ҳуррият, Сақичмон, Абубакр Шоший, Сариксув, Ғалаба ва Омонат кўчалари б-н туташган. Таркибида 13 та тор ва 30 та берк кўча бор. Яқинида Абдулла Қодирий номидagi маданият ва истироҳат боғи, Чорсу бозори, Миллий либослар галереяси, Болалар ижодиёти уйи, туман ҳокимияти, «Сағбон текстиль» қўшма корхонаси ва б. бор.

САҒБОН ОҚТЕПАСИ – археологик ёдгорлик, қалъали қишлоқ харобаси (мил. 5–8, 10–12-а.лар). Т.нинг шим.-ғарбий қисмида, Қорақамиш-2 массивида жойлашган. С.О.нинг катта қисми турар жой бинолари қурилиши ва қабристон ҳудудининг кенгайиши туфайли йўқ бўлиб кетган. Маданий қатлам қолдиқлари қалъадан 500 м гача масофада кузатилади. Қалъа кесик пирамида шаклида бўлиб, бал. 11 м бўлган. Уйирик тўғрибурчакли ғиштлардан бино қилиниб, маданий қатламдан *Қовунчи маданиятига*



Сағбон кўчаси.

оид материаллар топилган. С.О.да ҳаёт 7–8-а.ларда равнақ топган, сўнгра араб истилоси натижасида таназзулга юз тутган. 10–12-а.ларда кўҳна қалъадан нарида атрофи девор б-н ўралмаган кенг қишлоқ вужудга келган. Унинг иншоотлари, бинолари Келес йўли бўйлаб чўзилиб кетган.

САҒБОН ҚАБРИСТОНИ (Сағбон кўч., 238) – 1880 й.дан мавжуд, майд. 3,5 гектар. Номи *Сағбон* маҳалласи номидан. Қабристонга Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов, жамоат арбоби Абдуҳамид Қаюмов ва б. дафн этилган.

«САҒБОН-НОН» (Сағбон кўч., 291) – нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаради. 1996 й. кичик давлат корхонаси сифатида фаолиятини бошлаган. 1998 й. 29 янв.да ОАЖга айлантирилган.

М а ш х у р
«Винклер»
ф и р м а с и
(Германия)-
нинг замонавий технология линияси б-н жиҳозланган бу новвойхона

«Сағбон-нон»
биноси.



юқори сифатли, ҳар хил шаклдаги кўримли маҳсулотлар тайёрлай олади. Технология жараёни тўлиқ автоматлашган. Маҳсулот етказиб берувчилар б-н тузилган шартномалар хомашё ва материалларни узлуксиз олиб туриш ҳамда тайёр маҳсулотни реализация қилиш имконини яратади. Корхона бир кунда 25 т га яқин нон ва нон маҳсулотлари (жами 16 хил) тайёрлайди. Бу ерда, шунингдек, сифатли кондитер маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Корхонанинг жавдари ундан тайёрланадиган «Шифобахш» нони, «Ўзбекистон» пряниги айниқса харидоргир.

СВАРИЧЕВСКИЙ Георгий Михайлович (1871–1936) – меъмор. 1895 й.дан Т.да. 1899–1905 й.ларда шаҳар меъмори, 1906–1917 й.ларда генерал-губерна-

торлик маҳкамасининг қурилиш бўйича махсус топшириқларини бажарувчи маъмур. Унинг лойиҳалари асосида Т.да т.й. вокзал (1905; сақланмаган), Бош т.й. устахоналари, ҳоз. Истиқлол кўч.да иккинчи хотин-қизлар гимназияси (1912; ҳоз. Халқаро Вестминстер ун-ти биноси), Туркистон суд палатаси ва Округ суди биноси (1912; К.М.Тильнин б-н бирга; ҳоз. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси) ва Мария хотин-қизлар билим юрти (1912; ҳоз. Франциянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси), «Хива» к/т (1910; сақланмаган), ҳоз. Мустақиллик кўч.даги Каплан дорихона магазини (1907; ҳоз. Ипотека банк жойлашган), «Регина» меҳмонхонаси (1916; бино сақланмаган), Ирригация қидирув-ўрганиш бошқармаси (1928; ҳоз. Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми жойлашган) бинолари, шунингдек, Мустақиллик кўчасидаги баъзи турар жой бинолари (1920–30-й.лар) қурилган. Ўрта Осиё индустриал ин-тида саноат ва фуқаро қурилиши меъморлиги кафе.ни ташкил этиш ташаббускори. Ўзбекистон Архитекторлар уюшмаси ташкилотчиси ва правлениеси раиси бўлган. Ўзбекистонда Европага хос меъморлик тараққиётига салмоқли ҳисса кўшган.

СЕБЗОР – ўтмишда Тошкентнинг 4 даҳасидан бири. Шаҳарнинг шим.-ғарбий қисмида жойлашган («Себзор» сўзи форсча – олмазор маъносини билдиради). Худудий жиҳатидан энг кичиги бўлса ҳам, тарихан энг қад. қисми ҳисобланади. Чегараси ғарбдан Сағбон ва Қорасарой кўч.нинг оралиғидан (ҳоз. Зарқайнар кўч.нинг ғарбидан), жандан Жангоб ариғидан ўтган.

Т.нинг қад. ариқларидан бири – *Кайковус* Себзор худудидан ўтган. *Эскижўва* бозорининг катта қисми, асосан, Себзор худудида жойлашган. Тарихчи Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида (19-а.), Себзор Ҳазрат Имом Қафқол Шоший даҳаси номи б-н қайд этилган. Бу бежиз эмас. Чунки бу ерда *Қафқол Шоший* (Ҳастимом) мақбараси жойлашган. У пайтда бу худуд *Бинкат* (ҳоз. Тошкент)га қарар эди.

С. даҳаси аҳолиси (1870 й.ларда 18650 киши), айниқса, косиблари б-н шуҳрат қозонган, уларнинг маҳсулотлари Туркистон ўлкасининг бошқа шаҳарларига ҳам тарқалган. Аҳоли, шунингдек, ип газлама тўқиш ва читга гул босиш б-н машғул бўлган. Тахтапул, Чувалачи, Қорасарой, Ёв, Себзор ва Қозикўча маҳалла ва мавзелари аҳолиси ғалла экинлари ҳам экишган; мол жаллоблари даҳа аҳолисининг ўзига тўқ табақасини ташкил этган.

19-а. ўрталарида Себзорда 65 та (кейинчалик уларнинг сони ўзгариб турган) маҳалла, 3 йирик мадраса (Бароқхон, Мўйи Муборак, Бекларбеги), 78 масжид бўлган, шаҳарнинг 3 дарвозаси (Лабзак, Тахтапул, Қорасарой) жойлашган. Даҳада, шунингдек, кичикроқ бир қанча мадрасалар (Тинчбоф гузариди Шукурхон, Тахтапул гузариди Юнусхўжа халфа, Юқори Дегрезда Маҳмуд дастурхончи, Мўғулкўчада Қосимбой Қоратутий ва б.) фаолият юритган. Бу мадрасалар 1920-й.лар ўрталари – 30-й.лар бошларида, шўролар даврида тугатилган.

Шаҳарнинг шим. ва шарқ томондаги мавзелари (Алвастикўприк, Ҳасанбой, Кўктерак, Бойқўрғон, Болтамозор, Гурунчарик

ва б.)да себзорликларнинг дала ҳовлилари, боғлари бор эди.

С. даҳасида 20 га яқин қадамжо, мазорлар бўлган. Жумладан, Хўжакўча, Чувалачи, Тахтапул маҳалласида Кўктўнликота, Қорасарой маҳалласида Гойибота, Гишткўприкда Хожа Муродбахш мазори, Чигатой дарвозаси яқинида Туркчиота мазори, Қорасарой дарвозаси ташқарисиди Иброҳимота мазори, Тахтапул дарвозасидан 2000 қадам нарида Кўҳакота мазори бўлган ва б.

Муҳаммад Солиххўжа, шунингдек, С. даҳасида 19-а.да яшаган машҳур шахслар ҳақида ҳам маълумот берган. Жумладан, Домулла Султонбой аълам Себзорий, Эшон Исохўжа қозикалон (мадраса ва масжид қурдирган), Эшон Маҳмудхўжа қози Себзорий, Эшон Юсуфалихўжа қози Хўжакўчагий (1847 й. Тошкент кўзғолонида халқ тарафини олгани учун қатл этилган), Эшон Ҳакимхўжа қозикалон Норхўжа эшон ўғли (1815–1875), Эшон Абдуҷабборхўжа Ҳазрат Имом Қафқолий, Эшонхон Эшон Имом Қафқол Шоший («Зоҳак маҳдум» лақаби б-н машҳур бўлиб, 1888 й.в.э.), Халифа Абдулмажидхон Ҳазрати Имомий Юнусхон эшон ўғли (собиқ муфтий Зиёвуддин Эшон Бобоҳоннинг бобоси), Домулла Сайид Аҳмад охунд Парчабофий, Домулла Абдушукур аълам кабиларни қайд этиб ўтган.

20-а. бошларида Лабзак кўчасидаги Бешоғайни маҳалласида Ёқубжонхожи исмли шаҳарнинг энг йирик бойларидан бири яшаган. Ушбу бой камбағалпарвар ва тараққийпарвар инсон бўлиб, ўз ҳисобидан 10 та масжид, 4 та кўприк ва қарвонсаройлар қурганлиги тарих-

чи олим Ҳамид Зиёевнинг хотираларида қайд этилган.

С. даҳасидаги маҳаллалар (турли даврга оид манбаларга кўра):

Аъламшаҳид

Ачавот

Бандакбозор (Чорсу бозори маҳалласи)

Бешоғайни

Ботир

Булғорибозор (Чорсу бозори маҳалласи)

Гурунчариқ

Дарвозакент

Ёв (Ёвариқ)

Жинкўча

Заргарлик

Иброҳимота

Кадувод (Кадувот)

Кичик Жангоҳ

Ковушфурушлик (Чорсу бозори маҳалласи) (бир қисми Кўкча даҳасида)

Коҳота

Кунжак

Лабзак (Лабзакариқ)

Лайлакуя

Маҳкама (Чорсу бозори маҳалласи) (бир қисми Бешёғоч, Кўкча даҳаларида)

Маҳсидўз (Маҳсидўзлик) (Чорсу бозори маҳалласи)

Мозорхон

Охунгузар 1

Охунгузар 2

Охунгузар 3

Парчабоф

Поякилик (Чорсу бозори маҳалласи) (бир қисми Бешёғоч даҳасида)

Пуштиҳаммом

Равот (Равотак)

Сандиқчилик (Сандиқбозор) (Чорсу бозори маҳалласи)

Сархумдон

Себзор

Суръат

Табиқкўча

Тарновбоши

Тахтапултета

Тақачи (Тақачилик) (Чорсу бозори маҳалласи)

Тешикқопқа

Тиканлимовзор

Тиккўча

Тинчоб (Тинчбоф)

Тўпқайрағоч 1

Тўпқайрағоч 2

Хотинмасжид (бир қисми Кўкча даҳасида)

Хўжакўча

Хўжатарашкан (Хожа тарозу шикан)

Чалақозоқ

Чархчикўча

Чақар

Чигитбоши

Чилтўғон

Чимбой

Чувалачи

Чувулдоқ

Шариф девонбеги

Шохингузар

Эскижўва

Эшон аълам

Юқори Кадувот

Юқори Тахтапул

Яккачўб

Янги шаҳар

Ўрта Тахтапул

Қангликўча

Қозикўча

Қозоқбозор

Қорасарой

Қоратут

Қошиқчилик (Чорсу бозори маҳалласи)

Қумлоқ

Кўргонтепа

Кўштут

Фишткўприк (Қизилкўргон)

Ҳалимкўп

Ҳасанбой

Ҳовузбўйи (Ҳовузли)

СЕБЗОР ДАҲАСИ – Собир Раҳимов туманидаги турар жой массиви. Фафур Фулом, Чувалачи, Абдулла Қодирий ва Шимолий Олмазор кўч. билан чегарадош. Майд. 57,5 гектар. Лойиҳалаштириш ва қурилиш

ишлари 1966 й.ги Т. зилзиласидан кейин, 1970 й.дан бошланган. Даҳа Марказ-17, Марказ-18 мавзеларидан иборат. Даҳанинг композицион гоёси транспорт магистраллари б-н бўлинмаган яхлит худудни ҳосил қилиш, меъморий ёдгорликларни имкони борича ўзидай сақлаб қолиш кўзда тутилган. Даҳа кўкаламзорлаштирилган. Даҳада 47 та 9 ва 4 қаватли турар жойлар, мактаб, 3 боғча, 9-оилавий шифохона, бозор, маҳалла гузари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд.

«СЕБЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Себзор даҳаси, 21^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Тахтапул», «Намуна», «Янги Себзор» маҳаллалари б-н чегарадош. Қад. Себзор даҳасида жойлашгани туфайли 1994 й. шу ном б-н аталган; эски маҳаллалар ўрнида қурилган янги кўп қаватли бинолардан ташкил топган. Аҳолиси 4500 киши, 9 миллат вакиллари (ўзбек, рус, татар ва б.) яшайди. Маҳалла худудида «Булоқ» сув ҳавзаси, ўрта мактаб, лицей, 3 та болалар боғчаси мавжуд.

СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Ф.Мавлонов номидаги Сейсмология институти (Зулфияхоним кўч., 3) – 1966 й. Т.да ташкил этилган. 1990 й. Ф.О.Мавлонов номи берилган. Сейсмик районлаштириш ва зилзилаларни прогнозлашнинг илмий асослари ва услубларини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон худуди сейсмиклиги мониторингини олиб бориш, сейсмик хавф-хатарни баҳолаш, сейсмик мустаҳкам қурилиш учун норматив хариталарни ишлаб чиқиш, йирик нефть-газ конлари ва сув омборларидан фойдаланиш

тартиблари бўйича таклифларни бериш, зилзилаларни қисқа ва тезкор прогнозлаш ҳамда аҳолини талафотли зилзилалардан огоҳлантириш ва ҳимоялашнинг янги технологияларини ўзлаштириш, геологик жисмининг геоэкологик ҳолати ва унда бўладиган жараёнларни тадқиқ этиш, унинг сейсмик ва техноген омиллар таъсирида ўзгаришини баҳолаш, хавфли сейсмогеологик жараёнларнинг олдини олиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда тарихий обидалар жойлашган ҳудудлардаги муҳандислик-геологик жараёнларни аниқлаш, хусусан меъморий ёдгорликлар заминидаги тупроқнинг мустаҳкамлик даражалари пасайишининг олдини олиш ва б. йўналишлар бўйича илмий ва амалий ишлар олиб боради. Ин-т таркибида 2 бўлим (география, илмий техник маълумотлар), 9 лаб., комплекс экспедиция, таҳлилий м-з, кутубхона (50 минга яқин асар), вилоятлардаги стационар сейсмик ва кўп қамровли комплекс кузатув ст-ялари, Ф.О.Мавлонов музейи (1990), «Тошкент» м-зий сейсмик ст-яси (1901), Янгибозор магнитноносфера расадхонаси (1925) бор. Ин-тда 90 илмий ходим, жумладан 2 акад., 14 фан д-ри ва проф., 17 фан номзоди ва доцент ишлайди. Ин-т фаолияти давомида 70 дан ортиқ ихтиро амалга оширилди, 120 дан зиёд монография, 2000 га яқин илмий мақола, 30 дан ортиқ ўқув қўлланма нашр этилган. 2004 й.дан «Ўзбекистонда сейсмология муаммолари» журн. нашр этилади.

«СЕМУРҒ» САНАТОРИЙ-ПРОФИЛАКТОРИЙСИ (Зангиота тумани) – тиббий соғломлаштириш маскани. 1990 й.

«Алгоритм» ОАЖ негизда ташкил этилган. «С.» с.-п.нинг умумий майдони 2 гектар, 5 қаватли дам олиш ва даволаниш биносига эга, атрофи мевали ва манзарали дарахтлар б-н кўкламзорлаштирилган.

1993 й. санаторий-профилакторий ҳудудида чуқурлиги 1900 м бўлган табиий булоқ ишга туширилди. Маъданли сув таркиби Трускавецнинг «Нафтуся» сувига ўхшаш.

«С.»с.-п. 100 ўринли (катталар ва болалар учун), унда даволаш бўлимлари, жумладан шифобахш минерал сув, балчиқ, озокерит ва электр б-н даволаш бўлимлари, бадантарбия зали, клиник лаб. бор. Ушбу масканда подагра, қандли диабет, меъда-ичак, жиғар ва ўт йўллари, моддалар алмашинувининг бузилиши б-н боғлиқ касалликлар; юрак-қон томир, ўпка-бронх, тери таносил касалликлари б-н оғриган беморлар даволанади ва соғломлаштирилади. Минерал сувдан асосан ванналар учун, ичиш, ичакларни чайиш, тубаж, душ, сув ости массажи қилишда фойдаланилади. Беморларга табиий минерал сувдан ташқари, заруриятга қараб дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, парҳез овқатлар ва б. берилади.

СЕРГЕЛИ, сергили – ўзбек ва қозоқ халқи (Катта жуз) таркибига кирган қabila. С.ларнинг бир қисми Зарафшон воҳаси қипчоқлари ва Жиззах вилоятлари юзларининг таркибига майда уруғ сифатида қўшилган. Тошкент уездининг Еттикент, Оқжар, Зангиота, Қўшқўрғон, Ниёзбек волостлари ва Т. воҳасида С.лар 1074 хонадон (8125 киши)ни ташкил этган (1920 й.ги аҳоли рўйхати).

19–20-а. бошларида Қозилқурт, Каржон, Чимён тоғлари этакларида, Бодом, Келес, Чирчиқ, Оқсоқота дарёлари воҳаларида яшаган. С.лар таркибига 12 уруғ (бойжигит, шалдар, ботир, жайдак, қайчили, қоракунтирдак, оқкунтирдак, қоработир, тутамғали, элибой, жанабой, айтбузим) мавжуд бўлган. Бу уруғлар, ўз навбатида, бир қанча майда қавмларга бўлинган. С.ларнинг ўз тамғаси ва ўрони (сурони) мавжуд бўлган. С.лар этногенезига кўра дуғлот, уйшун қабилалари б-н қардош. С.лар, асосан, ярим кўчманчи чорвачилик, қисман деҳқончилик, ҳунармандчилик (олача, шол тўқиш, кигиз босиш) б-н шуғулланган. С.лар авлодлари Т. вилоятининг Янгийўл, Юқори Чирчиқ туманларида ва Чимкент вилоятида яшаб келмоқда.

СЕРГЕЛИ ДАҲАСИ – Сергели туманида жойлашган. Янги Сергели, Қорайўл, Файзли ва Массон кўч. билан чегараланган. Даҳа Сергели-1, Сергели-2, Сергели-3, Сергели-4 мавзеларидан иборат. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1970 й.дан бошланган. 4–9 қаватли турар жой бинолари туркумлари орасида жамоат м-эли яшил зоналар жойлаштирилган. Даҳанинг асосий кўч. – Янги Сергели кўч. Сергели туманини умумшаҳар м-зи б-н боғлайди. С.д.да 4 мактаб, 5 болалар боғчаси, «Файз» холдинг компанияси, савдо ярмаркаси, мусиқа мактаби, 3 коллеж, бозор, саноат корхоналари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, спорт мажмуаси мавжуд.

СЕРГЕЛИ ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Янги Сергели кўч.) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилувчи йирик бозорлардан. 1996 й.дан ОАЖ. «Тошбозортайёрловсав-

до» уюшмаси тизимига киради. Бозор бир неча марта таъмирланган, охирги марта 2004 й.да «Ташгипрогор» ин-ти томонидан тайёрланган лойиҳа асосида тўла таъмирдан чиққан. Умумий майд. 27086 м². Савдо ўринлари сони 338 та. Бозорда ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, зираворлар, нон маҳсулотлари, турли озиқ-овқат моллари, гуллар б-н савдо қилинади. Бозор худудида саноат моллари, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва б. бор. Бозорда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида маҳсулотлар турлари учун алоҳида ажратилган расталар ташкил этилган. С.д.б.нинг мингдан зиёд савдо ўринига эга 10 та шохбаси: «Сергели-3» (Сергели-3 мавзеси), «Янги Қўйлиқ» (Қўйлиқ-5 мавзеси), «Қўйлиқ-6» (Қўйлиқ-6 мавзеси), «Сергели-1» (Сергели-1 мавзеси), «Сергели-7» (Сергели-7 мавзеси), «Сергели-8» (Сергели-8 мавзеси), «Спутник» (Спутник-16 мавзеси), «Авиашаҳарча» (Авиасозлар мавзеси), «Эркин» (Эркин бош бекати), «Мирза Ҳайдар» (Мирза Ҳайдар кўч.) бор. Бозор яқинида автомобиль бозори, банк, автотураргоҳ, 9 қаватли турар жой бинолари жойлашган. **«СЕРГЕЛИ-7 МАВЗЕСИ» АВТОБОШБЕКАТИ** (Мирзо Турсунзода кўч.) – Тошкент ш.даги 12-автопаркка бириктирилган. Бу ердан «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси тасарруфидаги автобуслар 7 та йўналишда («Тошкент» вокзалига 3-, «Чилонзор-25 квартал» массивига 8-, «Олай бозори»га 38-, Авиасозлар шаҳарчасига 39-, «Далагузар» майдонида 74-, «Қўйлиқ Марказ-2»га 130-, «Уйғур кўчаси»га 132-автобуслар) ҳар куни 64 та график

Сергели деҳқон бозорининг асосий дарвозаси.

бўйича қатнайти. Автобошбекат, шунингдек, х у с у с и й йўловчи ташувчи транспортга ҳам хизмат қилади. Бу хилдаги транспорт

воситалари – йўналишли таксилар автобошбекат б-н «Қўйлиқ Марказ-2», «Адабиёт ин-ти», «Чорсу савдо маркази», «Чилонзор буюм бозори» оралиғида қатнайти. Автобошбекатда нозимхона, маиший хизмат кўрсатиш, савдо дўкончалари, тамадихона бор.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИ (Анна Ахматова кўч., 1) – Т.даги маъмурий-худудий бирлик. 1967 й. 20 янв.да ташкил этилган. Т.нинг жан.-ғарбий қисмида. С.т. худуди марказий т.й. трассасидан Чирчиқ дарёси қайирларигача бўлган ерларни, жан.-ғарбда Чоштепа, Нўғайкўрғон, Тошкент аэропорти атрофи, Қўйлиқ 5–7, Сергели 1–8, Спутник (Йўлдош), Дўстлик, Қурувчилар мавзелари, Эски Сергели, Саноат зонасини қамраб олади. Шим.-ғарбдан Тошкент вилоятининг Зангиота, жан.-шарқдан Янгийўл туманлари б-н чегарадош. Майд. 5,6 минг гектар, шу жумладан, кўкаламзор ерлар 2,8 минг гектар. Аҳолиси 149 минг киши (2009), асосан, ўзбеклар (46%) ва руслар (42%), шунингдек, корейс, татар ва б. миллат вакиллари яшайди. Маҳаллалар ва уй-жой ширкатлари сони 33 та бўлиб, 25 мавзе ва Йўлдош (Спутник)



шаҳарчасидаги (1966 й.да ташкил этилган) 13 гузардан иборат. Кўчалар сони 174 та. Асосийлари: Тошкент автомобиль ҳалқа йўлининг жан. қисми, Янги Сергели, Чоштепа, Анна Ахматова, Қипчоқ кўч. Тошкент–Ангрен т.й. ҳам туман худудидан ўтади.

С.т.да 2097 та корхона ва ташкилот бўлиб, 12 таси йирик корхона, жумладан «Файз» холдинг компанияси, «Ўзиккиламчиранглиметалл» ОАЖ, «Мебель» ОАЖ, авиация таъмирлаш з-ди, «Новатор» (трактор поршенлари) МЧЖ ва б. 300 дан зиёд саноат корхонасида: мебель, иккиламчи қора ва рангли металл, поршень, гигроскопик пахта, асфальт, резина ва пластмасса буюмлари, ёғочни қайта ишлаш, чарм ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. «Баракат-Альфа» (гигроскопик пахта), «Гринворд» (болалар озиқ-овқати, мева шарбатлари), Тошкент т.й. масофаси (контейнерлар жўнатида) корхоналари, Қуёшдан ҳимоялаш буюмлари з-ди (пластмасса ромлар ва б.), «Тошкент» халқаро аэропорти, Сергели авиаотрядлари, 3 автокомбинат, «РАФ» автокорхонаси (йўловчиларга кичик автобусда хизмат кўрсатилади), 4-, 12-автобус саройла-

(1915), «Зарбулмасали Сидқий», «Ҳолоти Сидқий» каби насрий асарлар муаллифи. Уларнинг кўпчилиги диний-ахлоқий мавзуда. 1924 й.да ўз ғазалларига тартиб бериб «Девон» тузди. «Ҳикояи латифа», «Баҳром ва маликаи Гуландом», «Ажойиб ул-махлуқот», «Ўғри ва қози», «Бўстон» (Саъдий) каби асарларни таржи-

ма қилган. С.Х. ҳаттот сифатидаги маҳорати Хислатнинг «Армуғони Хислат» баёзида ўз муҳассамини топган. 1912 й.да чоп қилинган бу баёзи С.Х. ўзининг шикаста унсурлари аралашган настаълиқ хатида безаб, машҳур Тўйчи Ҳофиз суратини чизди. С.Х. кўчирган девон, баёз ва рисолалар, ясаган муҳрлари нусхалари, тошлавҳалар ҳамда чизган суратлари хусусий ва давлат кутубхоналарида, шунингдек, 20 дан ортиқ босма ва қўлёзма асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади. 1998 й. Тошкентда С.Х.нинг «Танланган асарлар»и нашр этилди.

СИЛ КАСАЛХОНАСИ, 1-шаҳар клиник сил касалхонаси (Кичик ҳалқа йўли кўч., 19) – 1964 й. ташкил этилган. 370 ўринли. Кенг ихтисосли бўлимлари (ўпка хирургияси, фтизиогинекология, сил менингити, ўпка терапияси ва б.), бронхологик диагностика, рентген хоналари, клиник ва биокимё, микробиология, патологик анатомия лаб., ташкилий-методик бўлими, марказлашган стерилизация бўлими, дорихона ва б. бор (2009). Тошкент тиббиёт академиясининг сил касалликлари каф. фаолият кўрсатади. Йили-



Сингапур менежментни ривожлантириш институти.

га 1700 дан ортиқ беморга хизмат кўрсатилади.

СИНГАПУР МЕНЕЖМЕНТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИНСТИТУТИ, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти (Бунёдкор шоҳқўчаси, 28) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (2007 й. 5 сент.)га асосан Тошкент ш.да ташкил этилган. Тадбиркорлик ва менежмент, бизнес ва маркетинг, банк иши ва молия, бизнес соҳасида замонавий ахборот технологиялари, туризм ва меҳмондорчиликни бошқариш йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлайди. Дарслар инглиз тилида олиб борилади. Ўқиш муддати 4 йил. Таълим жараёни Сингапур менежментни ривожлантириш ин-ти (Сингапур Республикаси) томонидан ишлаб чиқилган таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари асосида ташкил этилган. Ин-тда машғулот ва компьютар хоналари, маъруза заллари, меҳмондорчилик малакаларини ривожлантириш учун махсус машғулот хоналари, теннис корти, сузиш ҳавзаси, ёпиқ баскетбол ва волейбол майдонлари, мини футбол ва қўл тўпи майдонлари, югуриш йўлкалари, талабалар

турар жойи, онлайн электрон ҳолидаги маълумотларга эга кутубхона (150 мингдан ортиқ асар) бор. Ин-тда 24 проф.-ўқитувчи, жумладан 1 фан д-ри ва проф., 4 фан номзоди ва доцент, маҳаллий ва халқаро ун-тлар илмий даражасига эга бўлган малакали мутахассислар ишлайди. Ин-тга етакчи халқаро молия ин-тлари, таъ-

лим муассасалари ва илмий м-зларининг юқори малакали маслаҳатчилари, экспертлари ва мутахассислари жалб этилади; 274 талаба таълим олади (2009). Ин-т ҳудудида Wi-Fi тизими мавжуд бўлиб, бу талабаларга интернет тизимига ин-тнинг истаган жойларидан улана олиш имконини беради. Ин-тда, шунингдек, Blackboard Learning System ўрнатилган бўлиб, у онлайн тарзда маъруза матнларига, таълим ресурслари ва интернет тармоғидаги маълумотлар базасига исталган вақтда ва исталган ердан уланиш имконини беради. Ин-т Франция, Буюк Британия, АҚШ ва Австралиянинг нуфузли ун-тлари б-н ҳамкорлик қиладди. Ин-т томонидан бериладиган диплом Ўзбекистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги хужжат сифатида этироф этилади ва андозалари бўйича Сингапур менежментни ривожлантириш ин-ти (Сингапур Республикаси) томонидан бериладиган илмий даражага тенг бўлади.

СИРОЖИДДИНОВ Бурҳон Ҳасанович (1917.24.12–1994.9.4) – генерал-лейтенант (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси (1990). 1939 й.дан армия сафида. Москвада-

ги ҳарбий ин-ти тугатган (1953). 2-жаҳон урушида Марказий, Ғарбий, Белоруссия, 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Т.да жойлашган артиллерия бил-им юртида ўқитувчи (1946–49). Ўзбекистон маҳаллий ҳаво ҳужу-мидан ҳимоя қилиш хизмати штаби бошлиғи (1953–60). Ички ишлар вазирлиги ички кўшинла-рида дивизия командири (1960–79), Ички ишлар вазирлиги олий ҳарбий курси бошлиғи (1985–89). Уруш фахрийлари Тошкент шуъбаси раиси (1989 й.дан).

СИРОЖИДДИНОВ Саъди Ҳасанович (1920.10.5–1988.29.4) – математик олим, жамоат арбо-би. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Физика-ма-тематика фанлари д-ри (1953), проф. (1956). Кўқонда туғилган. 1937 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-ти физика-математика ф-тини тугатган (1942). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Ўзбекистон ФА Ма-тематика ин-тида катта илмий ходим (1948–49, 1952–54), Мос-ква ун-тида катта илмий ходим (1954–56), ТошДУ эҳтимоллар назарияси ва математик статисти-ка каф. мудири (1958 й.дан), Ўзбекистон ФА Математика ин-ти директори (1957–60; 1962–67), ТошДУ ректори (1966–70, 1983–87), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1970–83). Асосий илмий ишлари эҳтимоллар на-зариясига, математик статисти-ка ва унинг татбиқларига бағиш-ланган. С.нинг Марков занжир-лари учун лимит теоремаларни умумлаштириш ва асимптотик ёйилмалар соҳасидаги тадқиқот-лари 1950-й.ларда Т. математи-ка мактабининг янада юксали-шига олиб келди. Беруний но-мидаги Ўзбекистон Давлат му-кофоти лауреати (1973). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н му-

кофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн этилган. Ўзбекистон миллий ун-ти қоши-даги акад.-лицей, Т.даги кўча-лардан бири С. номига қўйил-ган.

СКРИНИНГ МАРКАЗИ (Боғи-шамол 3-тор кўч., 5) – ирсий ка-салликлар натижасида юзага келадиган ақлий заифлик ҳамда ҳомилани ривожланиш нуқсони б-н туғилишининг олдини олиш-га ихтисослашган диагностика ва даволаш муассасаси. «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, «Она ва бола скрининги» Давлат дасту-ри лойиҳаси асосида 1999 й. Тошкент ш.да ташкил этилган.

М-знинг асосий мақсади ир-сий касаллик б-н туғилган бола-ларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш ва ҳомилани ривожланиш нуқсони б-н туғи-лишининг олдини олиш мақса-дида ҳомиладор аёлларни тек-ширувдан ўтказишдан иборат.

М-з энг замонавий тиббий ас-боб-ускуналар б-н жиҳозланган, бу она вужудига пайвандланган мурғакда илк дақиқаларданоқ би-рор-бир иллат пайдо бўлишини аниқлаш имконини беради. Йили-га 20000 дан ортиқ беморга тиб-бий ёрдам кўрсатилади.

СОБИР АБДУЛЛА (1905.5.9–1972.24.10) – Ўзбекистон халқ шоири (1965). Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган санъат арбоби (1944). Кўқонда туғилган. 1924 й.дан Т.да. 1926–48 й.ларда «Янги Фарғона», «Ёш ленинчи» газ.ларида адабий ходим, «Муш-тум»да бўлим мудири, Андижон вилоят театри, Ўзбек давлат фи-лармонияси ва Муқимий номи-даги театрда адабий эмакдош (1937–71).

«Эрк илҳомлари» (1931), «Навбахор» (1931), «Кўклам наъраси», «Завқ» (1932), «Гул-

шан» (1939), «Сўз ва соз» (1943), «Давр кўшиқлари» (1949), «Хаёт гулшани» (1959), «Хаёт кўшиқ-лари» (1962), «Девон» (1965) каби шеърӣ тўпламлари, «Гул ва санам» (1957), «Қуралай кўз бир келинчак» (1958), «Тун ва тонг» (1971) каби дostonлари нашр этилган. «Боғбон қиз» (1926, дoston асосида), «Бўстон» (1937), «Тоҳир ва Зух-ра», ҳамкорликда – «Кўчқор Турдиев» (1941), «Даврон ота» (1942), «Ўзбекистон қиличи» (1943), шунингдек, «Алпомиш», «Гул ва Наврўз», «Истеъдод», «Менинг жаннатим», «Ҳижрон ва виждон» сингари пьесалар ҳам ёзган. Бу асарларнинг ак-сари пойтахт ва вилоят театр-ларида саханалаштирилган. С.А.нинг адабий меросида на-срий асарлар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди («Навбахор», 1931; «Улфат», 1939; «Соялар», 1963). «Мавлоно Муқимий» ном-ли тарихий романи ҳам бор. Кейинчалик С.А. тарихий ўтмиш мавзуида ёзилган «Беш саргу-зашт» қиссасини (1971), Ҳамза, Ғ.Ғулом, А.Умарий, М.Узоқов каби адабиёт ва санъат намо-яндаларига бағишланган хоти-раларини ёзди. С.А. «Тоҳир ва Зухра», «Майсаранинг иши» опералари либреттосининг ҳам муаллифларидан бири. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971). Чи-гатой қабристонига дафн этил-ган. Юнусобод туманидаги кўча-лардан бири унинг номи б-н ата-лади. Т.даги шоир яшаб ижод этган уйга ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган.

СОБИР РАҲИМОВ – қ. *Раҳи-мов Собир*.

«**СОБИР РАҲИМОВ**» – Чилон-зор йўлидаги метро бекати. Бун-ёдкор шохкўчаси ва Гавҳар кўч. кесишган жойда. 1977 й. 7 но-



«Собир Раҳимов» метро бекати.

кўкаламзор ерлари 1,8 минг гектар. А ҳ о л и с и 306,1 минг киши (2009), а с о с а н , ўзбеклар, шунингдек,


ябрда очилган (меъморлари: А. Табибов, В. Маҳмудов, Я. Мансуров). Бекат устунли, ер ости йўлак қилиб қурилган. Йўлаклар девори, вестибюллардаги устунлар ва платформа деворлари Ҳозгон мрамори б-н қопланган. Йўловчилар залининг квадрат устунлари Нурота оқ мрамори б-н безатилган. Зал шифти ҳам оппоқ тусда. Карниз, шифт плиталари қирралари орасига яширинган чироқлар миллий безакли; улар платформа ўртасида қизил гранит қопланган 6 пилон (кенг устун)га ишланган қабариқ тасвирлар мазмуни б-н уйғунлашган. 2-жаҳон урушида қозонилган ғалаба ва халқ қаҳрамонлиги мавзулари, генерал *С. Раҳимов* сиймоси (рас. В. Жмакин, О. Ҳабибуллаев, В. Логинов) бўртма нақшларда акс этган.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ (Қорақамиш кўч., 1) – Т. даги маъмурий-худудий бирлик. 1970 й. 7 дек. да ташкил этилган. Собир *Раҳимов* номи б-н аталган. Т.нинг шим.-ғарбида жойлашган. Шим.-ғарбда Тошкент вилояти *Зангиота тумани*, шим. ва шим.-шарқда *Тошкент тумани*, шарқда *Юнусобод тумани*, жан. ва жан.-ғарбда *Шайхонтоҳур тумани* б-н чегарадош. Майд. 3,45 минг гектар, шу жумладан

рус, татар, қozoқ ва б. миллат вакиллари яшайди. Кўчалар сони 330 та. Асосийлари: Беруний, Университет, Кичик халқа йўли, Форобий, Қорақамиш, Чимбой, Уста Ширин, Келес йўли, Тансиқбоев, Сағбон ва Қорасарой кўч. Туман «*Ёшлик шахарчаси*, Қорақамиш, Тансиқбоев, Себзор даҳалари, Беруний массивини қамраб олади. 58 та маҳалла мавжуд. Туман худуди-

дан *Қичқирик, Дамарик, Қорақамиш, Кайковус* ва б. каналлар оқиб ўтади.

Туманда 3459 та корхона ва ташкилот бўлиб, 12 та йирик саноат корхонаси бор. 8 та йирик корхона халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаради. 2929 та кичик корхона ва микрофирма, 207 та чет эл инвесторлари иштирокидаги корхона рўйхатга олинган, жумладан, «Байтекс Тигарет», «Колорфлекс», «Лукас текстиль» қўшма корхоналари, «*Оникс*» з-ди, тажриба-механика, «*Тошкентмебель*» и.ч. бирлашмаси, «Тола» пиллачилик корхонаси, автотранспорт («3-Автобус саройи», «Чуқурсой», «127-автотранспорт корхонаси» ОАЖлари ва б.), қурилиш ташкилотлари ишлаб турибди. Туманда 11 илмий тадқиқот ин-ти (жумладан, Тупроқшунослик ва агрохимё, Педиатрия, Дерматология ва венерология ва б.), лой-



Масштаб 1 : 65 000

Собир Раҳимов туманидаги маданий мерос объектлари

Ёдгорлик номи	Қурилган вақти	Жойлашган манзили
Муин Халфабобо мақбараси Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуаси: Абу Бакр Муҳаммад Қаффо Шоший мақбараси	1845 й. 16-а.	Қорасарой, 85 Зарқайнар, 123
Мўйи Муборак мадрасаси	1871 й.	Зарқайнар, 105
Тилла Шайх масжиди	1890 й.	Зарқайнар, 112
Бароқхон мадрасаси	16-а.	Зарқайнар, 103
Намозгоҳ масжиди	19-а.	Зарқайнар, 18-берк кўча, 47
Норазтепа	10–15-а.лар	Қорасарой кўч.

иҳалаш ташкилотлари («Ўзгазлойиҳа», «Ўзқишлоқхўжалик лойиҳа», Халқ таълими вазирлигининг лойиҳа-конструкторлик бюроси, «ТашЗНИИЭП»), ЎЗМУ, ТошТУ, Тиббиёт академияси каби олий ўқув юртлари, 7 академия ва 8 та касб-хунар коллежи, 40 умумий ўрта таълим мактаби, санъат, мусиқа мактаблари, 60 та мактабгача тарбия муассасаси бор. Туман аҳолисига 73 та оилавий поликлиника, 19 та касалхона, маданият уйи ва саройлари (Ойбек, Завкий номидаги ва б.), 10 та кутубхона, 3 та бозор, 200 дан зиёд спорт майдончаси, 5 та стадион, 7 та сузиш ҳавзаси, 68 спорт зали, 10 та теннис мажмуаси хизмат кўрсатади. Туман ҳудудида Абдулла Қодирий номидаги ва «Оймомо» маданият ва истироҳат боғлари, бир неча кичик дам олиш масканлари, «Ўзқўргазмасавдо» халқаро кўргазмалар мажмуи, «Олимпия» меҳмонхонаси фаолият кўрсатади. 173 озиқ-овқат ва 94 саноат моллари, 235 та улгуржи савдо дўкони, 1178 та умумий овқатланиш корхонаси ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд.

Мустақиллик йилларида Сағбон, Қорасарой, Форобий

кўч.лари кенгайиб, Мойқўргон, Бешқўргон мавзелари ташкил қилинди, уз. 1 км дан зиёд кўприк бунёд этилди. Туманда Покистон давлати ва Миср Араб Республикаси элчихоналари жойлашган.

С.Р.т.да республика аҳамиятидаги кўплаб меъморий обидалар сақланган (жадвалга қ.). Маҳаллий меъморий объектлардан Шарофбой масжиди, Ўзбек драма театри биноси (20-а.), Қорахожиота мақбараси (19-а.), Лангарота мақбараси ва масжиди (19-а.), Охунгузар (дарвозахона), Охунгузар I ва II масжидлари (18–19-а.лар), Маткаримбой мажмуаси (19-а.), шунингдек, Оқтепа (5–12-а.лар), Кўшилиш (мезолит), Хиёбонттепа (7–13-а.лар) археология ёдгорликлари бор. Беруний, Собир Раҳимов ва Л.Б.Шастри, Бердақ, Абдулла Қодирийга ҳайкал ўрнатилган. Шаҳар метрополитенининг «Беруний» метро бекати туман ҳудудида жойлашган. **СОБИРОБОД МАҲАЛЛАСИ** (Юнусобод тумани, 9-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Уч қаҳрамон», «Астробод», «Чинор», Шариф Қозоқбоев маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Маҳалла фу-

қароси Собирота илгари ташландиқ тўқайзор бўлган майдонни обод қилиб, дарахтлар ўтказган, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатгани учун шу ном б-н аталган. Аҳолиси 7220 киши, 15 миллат вакилларидан иборат. Маҳаллада Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин Ҳайдаров яшаб ўтган.

«**СОВПЛАСТИТАЛ**» (Бунёдкор шоҳкўчаси, 29^а-уй) – пластмасадан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи корхона. 1969 й. ташкил топган. 1974 й. «Ўзбитхимпласт» саноат бирлашмаси тузилгач, бу бирлашманинг и.т. олиб борадиган қисми бўлиб қолди. 1982 й. бирлашма негизда «Ўзбитпластик и.т. бирлашмаси» ташкил этилди, и.т. қисми эса унинг етакчи тузилмаси сифатида фаолият юритди. Бирлашма тасарруфида тажриба з-ди ва Жиззах пластмасса з-ди бор эди. 1987 й. бирлашманинг и.т. қисми ва тажриба з-ди негизда мамлакат кимё ва нефт-кимё тизимида биринчи қўшма корхона – «Совпластитал» ташкил қилинди. 1996 й. бу қўшма корхона «Совпластитал» ёпиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1998 й. у «Совпластитал» МЧЖ номини олди. 2007 й.дан эса ОАЖ. «С.»да пластмасадан ишланган боғ мебели, ошхона буюмлари (салат идишлари, челак, тоғоралар, зираворлар солиб қўядиган буюмлар), ваннахоналарнинг интерьерлари, полимер гуллар, сунъий дарахт ва ўсимликлар, боғ-томорқа жиҳозлари, манзарали ромлар, полиуретандан ишланган халқ истеъмоли моллари ва б. буюмлар ишлаб чиқарилади. «С.» ОАЖ таркибида «Совпластитал ва Табор», «Совпластитал ва Сония», «МВМ» қўшма корхоналари, «Ташинвестпласт»

МЧЖ, «Италфуд» қўшма корхонаси, Москва ш.да «Совпласт-тал-М» ва «Цветпластик» савдо уйлари, шунингдек, Тошкент, Самарқанд, Урганч, Фарғонада фирма магазинлари бор. Корхонанинг йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 9876,7 млн. сўм атрофида (2008). Маҳсулотлари Россия Федерацияси, Қозоғистон, Тожикистон ва б. мамлакатларга экспорт қилинади. Бу ерда тайёрланаётган буюмлар халқаро кўргазмаларда дипломлар б-н тақдирланган. Корхонанинг ўз спорт зали, ошхона, кутубхона, 160 ўринли болалар боғчаси бор.

СОДИҚ АЗИМОВ КЎЧАСИ – Миробод, Ҳамза ва Мирзо Улугбек туманларини бирлаштириб турувчи марказий кўчалардан бири. Амир Темур шоҳкўчаси ва Шастри кўчаси оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Дастлаб Наманган проспекти номи б-н юритилган. 1890 й. кўчага таниқли рус шоири В.А.Жуковский (1793–1852) номи берилган. 1993 й. 13 сент.дан акад. С.Азимов номи б-н юритилади. Кўчанинг бош қисмида 19-а. охириларида биринчи касалхона очилган. Йўналишида «Мовароуннаҳр», «Мингўрик», «Тўйтепа», «Оқибат» маҳаллалари, шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, Венгрия Республикасининг Т.даги савдо ваколатхонаси, М.М.Федорович клиник санаторийси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» бошқармаси, Ҳиндистоннинг «Евзман Л.А.» корхонаси, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компаниясига қарашли «Ипак йўли» мехмонхонаси, 1-Респ. клиник шифохонаси, 1-марказий поликлиника, кафелар, мактаб, боғча, кўп

қаватли турар жой бинолари, дорихоналар, савдо мажмуалари, банклар, фирма офислари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Истиқбол, Тараққиёт кўчалари б-н кесишган.

Таркибида 5 та тор кўча бор. Яқинида Москва давлат ун-тининг Т.даги филиали, Т. автомобиль-йўллар ин-ти, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 4-бошқармаси, Ортопедия ва травматология м-зи, хорижий давлатлар элчихоналари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи ва б. муассасалар бор.

СОДИҚОВ Обид Содиқович (1913.15.11–1987.22.7) – кимёгар олим, жамоат арбоби. Собиқ иттифоқ ФА акад. (1972), Ўзбекистон ФА акад. (1947). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960). Кимё фанлари д-ри (1946), проф. (1947). Меҳнат Қаҳрамони (1973). Т.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тининг кимё ф-тини тугатган (1937). Т. тўқимачилик ин-тида ассистент (1937–39), Ўзбекистон давлат ун-ти (ҳоз. Самарқанд ун-ти)да доцент, каф. мудири (1939–41), Ўрта Осиё ун-тида доцент (1942–46), ўсимлик моддалари (кейинчалик табиий бирикмалар) кимёси каф. мудири (1946–74), Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти директори (1946–50), Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1947–57), ТошДУ ректори (1958–66), Ўзбекистон ФА президенти (1966–84). Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё бўлими раҳбари (1973–77), Биоорганик кимё ин-ти директори (1977–87). Асосий илмий ишлари биологик актив моддаларнинг тузилиши ва реакциялари механизмларини, табиий бирикмалар (асосан ғўза)дан ажратиб олин-

ган моддалар кимёсини ўрганишга бағишланган. С. раҳбарлигида шакар и.ч. чиқиндиси (патика)дан микробиология усули б-н итакон кислота олинди.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979), «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн этилган. Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё ин-тига С. номи берилган. Т.даги кўчалардан бири С. номи б-н аталади. **СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ академияси (Кичик ҳалқа йўли, 3) – солиқ тизимида юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 2001 й. 10 янв.да Солиқ ва божхона органлари академияси сифатида ташкил этилган. 2003 й. 23 майда *Олий ҳарбий божхона институти* ташкил этилиши муносабати б-н қайта номланиб, Ўзбекистон давлат солиқ қўмитаси тасарруфига киритилган.

С.а.да солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши бўйича бакалаврлар, солиқлар ва солиққа тортиш, давлат солиқлари ва йиғимлари ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланади, солиқ тизими ходимларининг малакаси оширилади.

С.а.да солиқлар ва солиққа тортиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ф-тлари, 10 кафедраси, 9 та бўлим, Ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатмоқда. 2006/07 ўқув йилида 58 та проф.-ўқитувчи, шу жумладан, 6 фан д-ри, 24 фан номзоди ва доцентлар ишлади.

Академия фаолияти давомида 254 бакалавр ва 48 магистр тайёрлади. Ҳар ой 250 нафар солиқ тизими ходими малакаси

оширилади. Ўқув қўлланмалари, дастурлар, илмий ва методик қўлланмалар нашр этади.

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ – Ўзбекистон Республикасининг 1997 й. 29 авг.да қабул қилинган «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра солиқлар, йиғимлар ва б. тўловларини тўлиқ ва ўз вақтида бюджетга тушишини таъминлаш мақсадида тузилган. Шаҳар С.и. «Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси Низоми»га асосан фаолият кўрсатади.

Т. шаҳрининг барча туманларида туман солиқ инспекциялари иш олиб боради ва улар шаҳар солиқ бошқармасига (Абай кўч., 4) бўйсунди. С.и. кадрлари Тошкент ш. солиқ коллежи ва Солиқ академиясида тайёрланади.

СОЛИХБЕК ОХУНД (тўлиқ исми Мулла Солиҳ охунд) (1813–1868) – давлат арбоби, уламо, мударрис, чор Россияси қўшинларига қарши Т. мудофаасининг раҳбари. Отаси – Қўқон хонлигининг энг нуфузли кишиларидан бири бўлган, унга додхоҳ унвони берилган; Тошкент ш.да амалга ошириладиган ишларда унинг маслаҳати муҳим аҳамият касб этган.

С.о. дастлаб Т. мактаб-мадрасаларида, сўнг Бухорода (1832–42) таҳсил олиб, охунд илмий унвонига сазовор бўлган. Шералихон (1832–44) томонидан юборилган «Муборакнома»га мувофиқ хон саройида маслаҳатчи вазифасини бажаради, кўп ўтмай Т.га қози ва раис ҳамда Хожа Аҳрор Валий, Кўкалдош мадрасаларига бош мударрис лавозимига тайинланади.

Худоёрхон (1845–58) даврида ҳам унинг мавқеи кўтарилди.

Маллахон тахтга келгач (1858–62), С.о.ни Қўқонга чақиртириб «Қозилик ва бошқа амалларга» ёрлик беради. Султон Сайидхон (1863–65) даврида ҳам хоннинг яқин маслаҳатчиларидан бири бўлган. *Алимқул* шаҳид бўлгач, яқка ўзи Тошкент мудофаасини бошқаради. Барча маблағини шаҳар муҳофазаси учун сарфлайди. Генерал М.Черняев б-н ўртада тузилган шартнома аҳдларини тузишда фаоллик кўрсатган. Бу шартнома қабул қилиниб, ўртада «Аҳднома» битилгач, қутилмаганда Черняев шартномани бузиб, ўз хоҳишига мос келадиган 2-шартномани тузади. С.о. унга имзо чекишдан бош тортади. Шу сабабли 9 нафар шериги б-н судсиз Томск ш.га сургун қилинади.

Тошкент ш.нинг 37 нафар нуфузли кишилари С.о.ни сургундан қайтариш учун императорга «Илтимоснома» (1867) юборадилар. Унга қайтиш учун рухсат берилганлигини эшитган рақиблари одам ёллаб С.о.ни заҳарлаб ўлдирганлар.

Манбаларда С.о. Хожа Аҳрор Валий мадрасасини ўз маблағи ҳисобидан тузаттиргани, Кўкалдош мадрасасини ҳам таъмирлаб, 3 ошиёнлик хужраларини ганч сувоқ қилдиргани маълум. С.о. уламо бўлиш б-н бирга кучли тиб олими ва қасиданавис шоир ҳам бўлган.

СОЛОМАТИН Александр Иванович (1922–1945) – гвардия катта лейтенанти. Уруш Қаҳрамони (1945). 1929 й.дан Т.да. 1941 й.дан армияда. Т. ҳарбий пиёдалар ўқув юртини тугатган (1942). 2-жаҳон уруши йилларида мотоўқчи рота командири. Штефенсдорф ш.ни (Германия) озод қилишда ҳалок бўлган.

«СОС (SOS) – БОЛАЛАР МАХАЛЛАСИ» (Темур Малик кўч.)

– ота-онасиз болалар тарбияланадиган Т.даги ягона рамзий маҳалла. 2001 й. июнь ойидан ишлайди. «SOS – Киндердорф интернационал» халқаро хайрия ташкилоти (Австрия), «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси б-н ҳамкорликда ташкил этган. Маҳалла барпо бўлиши учун 3 млн. АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланган. Маҳалла 14 оилавий коттеждан иборат. Болаларнинг соғлом униб ўсиши учун барча шароит мавжуд: болалар боғчаси, меҳмонхона, устахона, спорт майдончалари, энг замонавий алоқа тизими ишлайди. Махсус танлов асосида саралаб олинган 14 тарбиячи 60 боланинг тарбияси б-н шуғулланади. Меҳрибонлик уйларида олинган 7 ёшга тўлмаган ўғил-қизлар янги шароитга кўникиши, ўзини ота-она бағридагидек ҳис этиши учун ҳар бир «оила»га 2–3 нафар ва ундан кўп бола жойлаштирилган. Бу ерда яйраб яшаётган кичкинтойларга дастлабки таълим берилади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ – Т.да дастлабки даволаш муассасалари 19-а.нинг 2-ярмида пайдо бўла бошлаган. Бунга қадар беморларни асосан табиблар даволаган. Т.да *Моштабиб*, *Маннон табиб* каби машҳур табиблар ўтган, уларнинг ишларини ҳоз. зурриёдлари давом эттирмоқда. 1868 й. янги шаҳарда ҳарбий лазарет очилиб, у 1869 й. ҳарбий госпиталга айлантирилди. Ҳарбий қисмлар қошида очиладиган лазарет ва қабулхоналар асосан амалдорларнинг оилаларига хизмат қиларди. Маҳаллий аҳоли тиббиёт муассасалари хизматидан маҳрум эди. Т.даги хайрия жамияти ёрдами б-н 1880 й. ати-

ги 12 ўринли туғуруқхона очилди. 1883 й. эса аёллар ва болалар учун бир неча амбулатория ташкил этилди. Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг йўқлиги эпидемик ва б. касалликларнинг кўпайиб кетишига олиб келарди.

Октябрь тўнтаришидан кейин соғлиқни сақлаш комиссари тайинланди (1917 й. 22 нояб.) ва тиббиёт-санитария, фармацевтика ва ветеринария муассасалари ушбу комиссарлик ихтиёрига ўтказилди. Эпидемия ва очликка қарши курашиш учун 1918 й. сайёр даволаш-эпидемиология гуруҳлари, бактериология лаб. ташкил этилди. Терламага қарши кураш юзасидан санитария маорифи ишлари олиб борилди. Айни вақтда безгак, ришта, ёмон жароҳат, лейшманиоз, чечак, бруцеллез, эндемик буқоқ, трахома, сил, гижожа касалликлари ва б.га қарши кураш бошланди. С.с. тизимининг моддий базаси яратилди ва мустақамлаб борилди. Полторацкий номидаги касалхона (кейинчалик Биринчи Т. давлат тиббиёт ин-ти клиникаси) да ўринлар сони 100 тагача кўпайтирилди, кўз, қулоқ касалликлари, болалар касалликлари, асаб касалликлари бўлимлари ва шифобахш минерал сув б-н даволаш бўлими очилди. Хусусий физиотерапевтик касалхона негизда 1919 й. 150 ўринга мўлжалланган физиотерапевтик усуллар б-н даволаш Давлат ин-ти (ҳоз. Терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази) барпо этилди. 1920 й. бактериология ин-ти ва силга қарши биринчи диспансер, 1922 й. врачлик-санитария инспекцияси, 1924 й. тери-таносил касалликлари диспансери очилди. 1918 й.да Тошкентда дастлабки тиб-

биёт ўқув юрти – Республика тиббиёт билим юрти, орадан бир йил ўтиб олий тиббиёт мактаби очилди, фельдшерлик курслари, қисқа муддат ўқитиладиган жароҳлик курслари, мурувват ҳамширалари курслари ташкил этилди. Олий тиббиёт мактаби 1920 й.да Ўрта Осиё давлат ун-ти таркибидаги тиббиёт ф-тига айлантирилди. Бу ф-тда ўқишга ёшларни тайёрлаш учун респ.нинг кўпгина шаҳарларида ишчи ф-тлари очилиб, уларга йигитқизлар жалб этилди. Ўрта Осиё ун-ти олий маълумотли тиббий ходимлар тайёрлашдагина эмас, балки жойларда янги тиббиёт ўқув юртлари очишда ҳам муҳим ўрин тутди. Ун-тининг тиббиёт ф-ти 1931 й. мустақил тиббиёт ин-ти (Тошкент тиббиёт институти)га айлантирилди. Халқ соғлиғини сақлаш тизими тубдан қайта тузилиб, саноат корхоналари ва қишлоқларда янги даволаш-профилактика муассасалари очилди. Тошкент тўқимачилик ком-ти (1932), Тошкент қ.х. машинасозлиги з-ди ва б. корхоналарда дастлабки тиббий-санитария қисмлари барпо этилди. 1932 й. *Врачлар малакасини ошириш институти* ташкил этилди. 1937 й. *Фармацевтика институти* иш бошлади. Айни вақтда илмий тадқиқот ин-тлари ҳам барпо этилди. Тошкентда Сил касаллиги (1932), Гематология ва қон қуйиш (1940 й), Дерматология ва венерология (1932), *Санитария, гигиена ва касб касалликлари* (1934), Травматология ва ортопедия (1946), Ўлка тиббиёт (1957) ин-тлари ва б. ишга туширилди. 1937 й. болаларни дифтерияга қарши мажбурий эҳтиётдан эмлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинди. 1940 й.га келиб касалланиш ҳоллари Т.да

1932 й.дагига қараганда 5 баравар камайди. Касалхоналар сони 33 тага етди, улардаги ўринлар сони 4746 тани ташкил этди, ҳар 10000 аҳолига қарийб 4 врач тўғри келадиган бўлди.

2-жаҳон уруши йиллари Т.да госпиталлар тармоғи кенгайтирилди. 1945 й.га келиб касалхоналар сони 37 тага етди, улардаги ўринлар сони 6272 тани ташкил этди. Саноат корхоналарида 9 та тиббий-санитария қисмлари ташкил этилди.

Урушдан кейинги йилларда бир қанча тиббий илмий тадқиқот ин-тлари қайтадан иш бошлади ва янгилари пайдо бўлди (онкология ва радиология, 1957; педиатрия илмий тадқиқот ин-ти, 1966; ва б.). 1972 й. Ўрта Осиё (ҳоз. Тошкент) тиббиёт педиатрия ин-ти очилди. Шу б-н бирга ихтисослаштирилган тиббий ёрдамнинг ҳамма турлари бўйича хизмат кўрсатадиган м-з ва клиникалар ташкил этилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасини қайтадан ислоҳ қилиш бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 10 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури ҳақида»ги ПФ-2107-сонли Қарори ва 2007 й. 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сонли фармонида мамлакат аҳолисига тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш тадбирлари кўрсатиб берилди. Бу дастур асосида С. с.нинг бирламчи бўғинини мустақамлаш ва умумий врачлик амалиётини ривож-



Беморга
шошилич
ёрдам
кўрсатиш
жараёни.

лантириш тадбирлари амалга оширилди.

Шунингдек, тизимда мавжуд бўлган болалар, катталар поликлиникалари ва аёллар маслаҳатхоналари ўрнига ягона, аҳолига қулай бўлган *оилавий поликлиникалар* ташкил этилди. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н таъминланди. Бу ислохот ўз навбатида, давлат бюджетининг жуда катта миқдордаги маблағларининг тежалишига замин яратди ва бу оилавий поликлиникаларда қўшимча имтиёзли тиббий хизмат турларини ташкил этиш имконини берди. Шаҳарда 15 та даволаш-профилактика муассасаси босқичма-босқич ўз-ўзини молиялаштиришга ўтказилди.

Умумий амалиёт шифокори тизимини Тошкент ш.да босқичма-босқич тадбиқ этиш мақсадида «Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» халқаро лойиҳаларининг шаҳар моделлари ишлаб чиқилди. Оилавий поликлиникаларнинг моддий-техника базасини яхшилаш, иш услубини халқаро андозаларга мос равишда ташкил этиш мақсадида Учтепа туманидаги 6-, 8-, 10-марказий поликлиника, 56-поликлиника, Яккасарой

туманидаги 46-, Собир Раҳимов туманидаги 34-, Мирзо Улуғбек туманидаги 9-, 20-оилавий поликлиникалар, Ҳамза туманидаги «Тошқишлоқмаш» тиббий-санитария қисми поликлиникалари «Саломатлик-2» халқаро лойиҳасига киритилди. Имтиёзли тоифаларга ва қарияларга тиббий хизмат сифатини ошириш ва ҳар бир оилага кириб бориш, соғлом авлодни тарбиялаш имкониятлари яратилди. Умумий амалиёт врачлари томонидан нафақат уюшган (мактабгача муассасалар, мактаб, ўрта-махсус таълим ўқув юртлари, меҳрибонлик уйлари ва ҳ.к.), балки уюлмаган қатламлари ҳам тўлиқ қамраб олинди ва уларга ташхис-даво-профилактика, иммунология, санитария-эпидемиология, реабилитация йўналишида тиббий ёрдам кўрсатилиши йўлга қўйилди.

Вазирлар маҳкамасининг 2005 й. 27 январдаги 34-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қошида «Саломатлик-2» лойиҳасини тадбиқ этиш бўйича бюро ва умумий амалиёт шифокори (УАШ)ларини дипломдан кейинги ўқитиш ишларини мувофиқлаштириш м-зи таш-

кил этилди. Умумий амалиёт шифокори тизимини тадбиқ этиш ва молиялаштиришни аҳоли жон бошига нисбатан амалга ошириш механизмининг амалга ошириш учун жами 13 та оилавий поликлиника танлаб олинди. Ушбу поликлиникаларнинг 5 таси негизда умумий амалиёт шифокорларини ўқитиш м-злари ташкил этилди. УАШлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар ҳажми ва турлари белгиланди.

Тошкент ш. аҳолиси ўртасида ижтимоий хавфли касалликларни эрта аниқлаш ва олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тошкент ш.да 11 та марказий лаб., 52 та оилавий поликлиникаларда ДОТС хоналари ташкил этилди.

Шаҳарда шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг янги шакли жорий этилди. Шу мақсадда Респ. *Шошилич тиббий ёрдам илмий маркази* ишга туширилди. Аёллар ва жарроҳлик касалликлари оқибатида қон кетишини олдини олишга ихтисослаштирилган Гемостазиология м-зи ташкил этилиб, ноёб лаб. жиҳозлари ва махсус анализаторлар б-н таъминланди.

Ўрта Осиёда ягона бўлган Cellscan қўшма корхонаси лаб. очилди. Мазкур лаб. кўкрак бези раки (саратони) касаллигини 5 йил олдиндан аниқлаш имкониятига эга бўлиб, ҳозир ушбу соҳада кенг кўламли илмий ишлар олиб борилмоқда.

Шаҳар репродуктив саломатлик м-зи, шаҳар патолого-анатомик м-зи, 2-перинатал м-зи ташкил этилиб, зарур тиббий асбоб-ускуналар б-н таъминланди.

Туғуруқ мажмуаларида, соматик касалхоналар қошида «Контрацепция» хоналари таш-



14-оилавий
поликлиника.

кил этилди ва ушбу хоналарда аёллар ва ёш оилаларга бепул равишда контрацепция, туғилиш масалалари бўйича тиббий маслаҳатлар, турли хилдаги контрацепция воситалари берилади.

Т. шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармасига қарашли «Нуроний» санаторийси негизда 150 ўринли Республика геронтология м-зи ташкил қилинди.

Меҳрибонлик уйлари, махсус интернат-мактаблари тарбияланувчиларига тиббий хизмат кўрсатишнинг такомиллаштирилган махсус тизими ишлаб чиқилди ва амалиётга тадбиқ этилди.

Т. шаҳри аҳолисига 44 касалхона, 124 диспансер ва амбулатор-поликлиника, 4 маҳалла-врачлик пунктлари хизмат кўрсатади.

Ирсий касалликлар ва туғма нуқсонли болалар туғилишининг олдини олиш ҳамда болалиқдан ногиронликни камайтириш мақсадида Т.да Республика скрининг м-зи, Шаҳар репродуктив саломатлик м-зи, Шаҳар 1- ва 2-перинатал м-злари ташкил этилди. Респ.нинг қайси вилоятида яшашидан қатъи назар ушбу касалхоналарда даволанаётган барча фертил ёшдаги аёлларга хизмат кўрсатилади.

Мустақиллик йилларида дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш

бошқармаси, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Доривор ўсимликлар» МЧЖ ва б. ташкил этилди. Давлат дорихоналари қатори хусусий дорихоналар ҳам фаолият кўрсата бошлади (қ. *Дорихоналар*).

СТЕМПКОВСКАЯ Елена Константиновна (1921–1942) – кичик сержант, Уруш Қаҳрамони (1946, вафотидан сўнг). 1940 й.дан Т.да. 1941 й.дан фронтда. Низомий номидаги Тошкент пед. институтида ўқиган. Радиотелеграф курсларини тугатган (1940). 2-жаҳон урушида Жан.-Фарбий фронтда хизмат қилган. Белгород область Зимовенька қишлоғи ёнидаги жангда ҳалок бўлган.

СТОМАТОЛОГИК ПОЛИКЛИНИКАЛАР – соғлом тишлар профилактикаси, касалланган тишларни даволаш ишларини амалга оширадиган тиббий муассаса. Т. шаҳрида 12 та давлат тасарруфидаги С. п. мавжуд, уларда катталар ва болаларга сифатли, юқори малакали стоматологик ёрдам кўрсатилади. Шаҳар туманларида 7 болаларга ва 5 катталарга мўлжалланган С.п., асосан, амбулатор тартибда хизмат кўрсатади.

Т. да 700 дан ортиқ стоматолог-врачлар фаолият кўрсатади. Шулардан 250 таси олий, 100 таси биринчи, 80 таси иккинчи

тоифали врачлардир. Ҳар бир стоматологик поликлиника бир йилда ўртача 150000 беморга хизмат кўрсатади.

Шаҳарда давлат тасарруфидаги С.п. билан бир қаторда хусусий стоматологик м-злар, «Стомасервис», «Дентасервис», «Биостом», «Дентаплюс», «Чилдент» ва б. клиникалар, 500 дан ортиқ стоматологик хоналар аҳолига стоматологик ёрдам кўрсатиб келмоқда (2009).

СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Сув муаммолари илмий тадқиқот институти (Н.Ҳожибоев кўч., 49) – 1991 й. 20 июлда ташкил этилган. Ин-т таркибида 6 илмий лаб., 2 тажриба-экспериментал база (Зангиота тажриба экспериментал базаси, Сирдарё суғориш ва сув хўжалиги кўргазма полигони) бор (2008).

Ин-т илмий тадқиқотларининг асосий йўналишлари: қурғоқчилик муҳитларида гидрология ва гидрогеология; хўжалик фаолияти таъсирида сув ресурслари миқдорининг шаклланиши муаммолари, режими, сифати, хусусиятлари ва қонуниятларини комплекс ўрганиш ҳамда ноанъанавий сув манбаларини излаш; сувдан оқилона фойдаланиш, сув ва сув объектларини муҳофаза қилишни бошқаришда гидроэнергетика ва ирригация муаммоларини комплекс ўрганишни ишлаб чиқиш; экологик ва миллий хавфсизлик нуқтаи назаридан сув хўжалигини стратегик режалаштириш учун республика ва унинг минтақалари сув таъминотини башорат қилишнинг илмий-методологик асосларини ишлаб чиқиш ва б.

Ин-тда Орол ҳавзасидаги экологик вазиятнинг кескинлашуви шароитида сув ресурсларини ҳимоя қилиш ва ундан фойдала-

нишининг илмий асослари, Сирдарё ва Амударёдаги сув ресурсларидан ўзаро манфаатдорлик асосида фойдаланиш бўйича МДХ давлатлари ўртасида белгиланган лимитларнинг бажарилиши, дарё б-н суғориладиган майдонлар, гидроэнергетика б-н ирригация ўртасидаги зиддиятлар, экинларни суғоришнинг тежамкор технологиялари, жумладан, экинларни томчилатиб суғориш, эгатда поғоналаб суғориш усуллари, дарё ўзанларида рўй берадиган деформацион жараёнларни космосдан олинган фотосуратларга қараб аниқлаш усули ва б. яратилди. Ин-тда 2008 й.да 89 илмий ходим, шу жумладан 9 фан д-ри, 19 фан номзоди ишлади. Ин-тда ихтисослашган илмий кенгаш, аспирантура ва докторантура бор.

СУВ ХЎЖАЛИГИ – Тошкент ш.да С.х.нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жуда қад. даврларга бориб тақалади. Шаҳарнинг пайдо бўлиши ва кенгайиб боришида канал, тўғон, ариқларнинг барпо этилиши, янги ерларни суғорма деҳқончилик мақсадларида ўзлаштириш ҳал қилувчи ўринда турган. Шаҳарнинг ҳоз. ҳудуди доирасида топилган энг қад. археологик ёдгорликларнинг кўпи *Чирчиқ* дарёси ҳавзаси ва *Бўзсув* канали атрофларида ўтроқ деҳқончилик б-н шуғулланган аҳолига тегишли. Мил.ав. 5–1-а.ларда ҳозирги Бўзсув, *Салор*, *Анҳор*, *Кайковус*, *Қорасув* каналлари бўйларида деҳқончилик қилинган. 6-а. охирида қадимий Чоч ўлкаси пойтахти – Мадинат аш Шош Салор канали бўйида (қ. *Минаўриқ*), 9–12-а.ларда *Бинкат*

Бўзсув каналидан чиқарилган Кайковус ариғи соҳилида барпо этилгани ҳам шаҳарнинг ривожланиши С.х. тараққиётига бевосита боғлиқлигини кўрсатади. 19-а.нинг охирига келиб шаҳарда кенг тармоқли С.х. вужудга келган, 30 дан ортиқ янги каналлар ва уларнинг тармоқлари, маҳаллаларда сув сақланадиган ҳовузлар қурилган. Шаҳарда сув тақсимотини *ариқ оқсоқоли* бошқарган.

Шаҳар аҳолисининг асосий қисми 20-а.нинг 30-й.ларига қадар экинзор ерларни суғоришдан ташқари ичиш ва овқат тайёрлаш учун ҳам сувни ариқлар ва ҳовузлардан олган. Шаҳарда водопровод тармоғининг барпо этилиши б-н С.х. тизимида суғориш мақсадларидаги вазифалар асосий ўринга чиқди (қ. *Водопровод иншоотлари*).

Тошкент шаҳридаги ариқ ва каналлар

Канал номи	Реконструкция қилинган (ишга туширилган) йили	Узунлиги, м	Максимал сув ўтказиш имкониятлари, л/с	Суғориладиган ер майдони, гектар	Манбаи
Бирлик	1955	3885	90	130	Кўкча
Ботирма	1936	1945	200	70	Анҳор
Ғадраган эски	1931	2200	120	155	Бўзсув
Ғадраган янги	1978	1500	130	100	Бўзсув
Гурунчариқ	1937	2280	150	270	Кайковус
Дарвозакент	1937	2220	600	245	Бўзсув
Дархон	1967	3070	60	60	Оққўрғон
Жарариқ	1928	1800	200	230	Чигатой
Кайковус	1927	3740	2800	1530	Бўзсув
Катта Ширин	1933	2611	200	60	Анҳор
Коҳота	1925	850	100	70	Кайковус
Кўкча	1930	5500	650	320	Кайковус
Мойкўрғон	1930	1720	400	105	Қорақамиш
Новза	1934	4500	450	239	Анҳор
Оққўрғон	1967	6190	750	510	Бўзсув
Полвон	1927	3248	160	150	Салор
Пулэмас эски	1934	6000	500	400	Қорасув
Пулэмас янги	1979	6100	500	290	Қорасув
Ракат	1940	8000	380	300	Анҳор
Сарикўл	1925	4900	200	150	Қорасув

Толариқ	1937	1600	80	60	Чирчиқ-Парноват
Тўртариқ	1927	5393	400	340	Қорасув
Чиғатой	1928	3030	900	520	Кайковус
Чимбой 1	1927	3340	280	85	Кайковус
Чимбой 2	1927	2340	200	50	Чиғатой
Чортоқ	1930	1800	800	436	Чирчиқ-Парноват
Чўпонота	1936	5218	400	300	Анҳор
Эски Дархон	1931	2400	100	55	Анҳор
Эски Полвон	1930	1960	200	110	Қорасув
Юзариқ	1960	1800	300	135	Ают
Яланғоч	1928	7450	650	505	Ают
Янги канал	1961	1800	45	35	Кайковус
Қаъни	1936	3873	400	300	Анҳор
Қиёт	1924	1765	80	55	Чирчиқ-Парноват
Қорайўл	1953	3066	600	370	Найман
Қубурариқ	1927	3179	80	50	Анҳор
Қўйлиқ	1927	4000	80	90	Чирчиқ-Парноват

20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб Тошкент ш.да С.х. тизимини қайта ташкил этиш ишлари бошланди. Шаҳардаги ва шаҳардан ўтган жами каналлар ва ариқлар давлат ирригация тармоқларига киритилди. Ариқ-каналларни узайтириш, гидротехника қурилмалари б-н жиҳозлаш, ўзанларни тўғрилаш, тозалаш ишлари мунтазам амалга оширилди.

1974 й.да шаҳардаги истироҳат боғлари, кўллар, хиёбонлар, гулзорлар, йўл ва кўчалар бўйларига экилган дарахтлар, маҳаллалар, экинзорлар ва б.ни сув б-н таъминлаш ва б. мақсадларда Ўзбекистон Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги таркибида Тошкент ш. сув хўжалиги бошқармаси ташкил этилди. Мазкур бошқарма 1996 й. 4 дек.дан Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Чирчиқ-Оҳангарон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси таркибида фаолият кўрсатади.

2003 й. 1 ноябрда шу ҳавза бошқармаси таркибида Тошкент ш.даги каналлардан суғориш ва энергетика мақсадларида фойдаланишни амалга оши-

радиган алоҳида идора – Бўзсув ирригация бошқармаси ташкил этилди.

Шаҳар С.х. таъсирлигидаги 37 биринчи тартибли ариқ-каналнинг умумий уз. 126,3 км ни (унинг 31,9 км ер ўзан, 80,8 км темир-бетон плиталар б-н қопланган) ташкил этади. Ҳар йили вегетация даврида шаҳардаги 8880 гектар экин ерларини суғориш ҳамда Ҳайвонот ва Ботаника боғлари, айрим корхоналар, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларига Бўзсув ирригация бошқармаси ва Тошкент вилоятидаги каналлардан ўрта ҳисобда 120,1 млн. м³ дан ортиқ сув етказиб берилади.

2000–2008 й.ларда шаҳарни ободонлаштириш ишлари мажмуида канал-ариқларнинг техник ҳолатини яхшилаш, ўзанлари ва қирғоқларини бетон қопламалар б-н мустаҳкамлаш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Кайковус, Қубурариқ, Дархон, Чиғатой, Юзариқ, Сарикўл, Оққўрғон ва б. каналларда 20 дан ортиқ иншоотлар қайта қурилди, 16 иншоот капитал таъмирланди, 60 км га яқин канал ўзанлари ва

қирғоқларига бетон қопламалар ётқизилди.

«СУВМАШ» (Хусайн Бойқаро кўч., 13) – насос ва электромашиналар ишлаб чиқарадиган корхона. 1971 й. 1 фев.да ташкил бўлган. 1997 й.гача Тажриба-ихтисослаштирилган ремонт и.ч. корхонасининг марказий базаси, 1997–2001 й.лар и.ч. ва таъмирлаш з-ди сифатида фаолият юритган. 2001 й. 18 окт.дан ОАЖ. Йиллик и.ч. ҳажми солиштирма нархда 8,100 млн. сўм. Маҳсулотлари Россия, Туркманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Сурияга экспорт қилинади. «СУВСОЗ» ТРЕСТИ (Чехов кўч., 2) – давлат унитар корхонаси. Ўрта Осиёда биринчи марказлашган сув таъминоти тизими – Т. водопроводи ишга туширилиши б-н ташкил этилган (1931). Илгари «Водоканал» дейилган. Тошкент ш. аҳолисига водопровод суви етказиб беради (қ. *Водопровод иншоотлари*), шаҳардаги барча тоифа истеъмолчиларга канализация хизмати кўрсатади, оқинди сувларни тўплаб, четга чиқариб тозалайди. Трест тузилмасида қуйидаги

бўлинмалар бор: Водопровод тармоқлари бошқармаси; Қодирия водопровод бош иншоотлари; Бўзсув бош водопровод иншоотлари; Қибрай водопровод иншоотлари; Жанубий водопровод станцияси; Шаҳар канализация бошқармаси (қ. *Канализация*); *Салор азрация станцияси*; *Бўзсув азрация станцияси*; таъмирлаш-қурилиш ишлари бошқармаси; Сув ўтказиш ва сув ўлчагич хўжалигидан фойдаланиш бошқармаси.

«С.» т.га қарашли шаҳар сув тармоқлари бошқармаси пойтахт аҳолисини, шунингдек, Тошкент вилоятининг шаҳарга чегарадош Қибрай, Тошкент ва Зангиота туманлари истеъмолчиларини тоза ичимлик суви б-н таъминлайди. Бошқарма таркибига шаҳардаги 11 туман сув тармоқлари бошқармалари, Механизация ва автотранспорт хизмати, Механизация ва таъмирлаш устахонаси, Кимё-бактериологик назорат лаб., Ишлаб чиқариш-техника, Марказий диспетчерлик ва Гидродинамика хизматлари киради. «С.» т. хўжалигида 70 ихтисослик бўйича 3,5 мингдан ортиқ мутахассис меҳнат қилади. Трест корхоналари йилига умумий 330 млн. квт соатдан ортиқ электр энергия сарфлайди (14,2 млрд. сўмлик). Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 27 фев.даги 93-сонли «Тошкент шаҳри сув таъминоти системасини такомиллаштириш лойиҳасини бажариш чоралари тўғрисида»ги қарори асосида Европа тикланиш ва тараққиёт банкнинг 14,67 млн. АҚШ долларлик инвестициясига трестнинг Қибрай, Бўзсув, Қодирия бош сув иншоотларида автоматлаштирилган насослар қуриш режа-

лаштирилди. Янги технология татбиқ этилиши натижасида Қибрай сув иншоотидан чиқадиган сув ҳажми 20% га ошди, электр энергия сарфи тежалиши натижасида 2008 й.нинг 1-ярмида 128 млн. сўм фойда олинди. Бўзсув бош сув иншоотида контракт режасига асосан насос қурилмалари ўрнатилди. Бу эса йилига 150 млн. сўм фойда олинишини таъминлайди. Япониянинг «Жайка» фирмаси б-н ҳамкорликда Тошкент ш. сув таъминотини ривожлантиришнинг узоқ муддатли режаси ишлаб чиқилди. **СУД ЭКСПЕРТИЗА МАРКАЗИ**, Ҳадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази (Чилонзор кўч., 29) – Адлия вазирлиги қошидаги Ўзбекистонда суд экспертизаси масалалари бўйича илмий-услубий ва мувофиқлаштирувчи орган. 1958 й. Тошкент и.т. криминалистика лаб. (1951) негизда Т. суд экспертизаси и.т. институти сифатида Т.да ташкил қилинган. 1995 й.дан Республика и.т. криминалистика м-зи деб номланган. 2003 й.дан ҳоз. номда. 1965 й. Ҳ. *Сулаймонова* номи берилган. Унинг фаолияти суриштирув, дастлабки тергов ва судлар топшириқларига асосан суд экспертизаларини ўтказиш, криминалистика ва суд экспертизаси соҳасида и.т.ларни амалга ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига методик ёрдам кўрсатиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган йўналишлар бўйича олиб борилади. Бу ерда 54 экспертлик мутахассислиги бўйича 39 турдаги суд экспертизалар бажарилади. М-зининг Т. шаҳрида хужжатларнинг криминалистика экспертизаси, суд баллистика ва изшунослик, суд-ав-

тотехника, материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистика экспертизаси, одам ДНКсининг суд биологик экспертизаси, суд-иқтисодий экспертизаси, суд қурилиш-техникавий ва суд фонография экспертизаси лаб.лари ва бўлимлари бор. М-з ходимларининг суд экспертизаси назарияси, ўзбек тилидаги дастхатларни, ўқотар қуроллар б-н етказилган жароҳатларни, наркотик моддалар ва дори-дармонларни, нефть маҳсулотларини, одам ДНКсини, хужжатларни экспертиза қилиш бўйича и.т.лари экспертиза амалиётида кенг қўлланади. М-з олий юридик ўқув юртлари талабаларини ўқитиш ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассисларнинг малакасини оширишда фаол иштирок этади. М-з илмий кутубхонасида суд экспертизасининг барча йўналишлари бўйича 17 мингдан ортиқ махсус адабиётлар бор. Илмий ишлар, қўлланмалар, экспорт тадқиқоти услуларига оид китоблар нашр этади. М-зда юқори малакали турли соҳа мутахассислари, жумладан 7 фан номзоди ишлайди. **СУЗУКОТА** (Мустафоқул) – Бешёғоч даҳасидаги қадамжолардан бири. Тарихчи Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишига қараганда, бу даҳада С. мақбараси жойлашган. С.нинг насаби Ҳакимотага тақалган. «Хужжат ул зокирин» асарида бу шахс «Суксуқота» номи б-н ҳам тилга олинган. Унинг асл исми шайх Мустафоқули бўлиб, Сайрамда туғилганлиги таъкидланган. Шарқшунос А.Носиров маълумотиغا кўра, С. Исмоилотанинг кенжа ўғли бўлган. Бошқа бир маълумотга кўра, Мустафоқул 1140–1217 й.ларда яшаган; Аҳмад Яссавийнинг Гавҳари Хуштож исмли қизининг кенжа фарзанди бўлган. Бало-



Сузукота мақбараси.

гатга етгач, Т.нинг Бешёғоч даҳасидаги Чуқуркўприк, Мирлар ва Чақар маҳаллари оралиғидаги жойларга келиб ўрнашган. С. уста хунармандларнинг пири бўлиб, кейинчалик у яшаган усталар маҳалласи Сузукота номини олган.

СУЗУКОТА ЖОМЕ МАСЖИДИ (Сузукота кўч., 50) – қад. масжидлардан бири (1392). Амир Темур томонидан масжид, мадраса ва мақбара қурдирилган деб ҳисобланади. 1998 й. 18 сент.да Адлия бошқармаси рўйхатидан ўтган. Масжиднинг хонақоҳ ва айвонида 650–700 намозхон намоз ўқиши мумкин. 1985–90 й.ларгача шаҳардаги энг катта гумбазли (диаметри 10 м) масжид деб аталган.

1930 й. ҳайит намозидан кейин масжид-мадраса ёпилган ва металл буюмлар корхонасига айлантирилган. Мадраса хужралари буздирилиб, ўрнига икки қаватли корхона идораси ва омборхонаси қурилган. Мустақиллик арафасида корхона бошқа ерга кўчирилиб, вайрона ҳолатдаги бино маҳалла ихтиёрига берилган. Маҳалла усталари очган «Шош» кичик корхонаси хунармандлари ва маҳалла аҳли ёрдамида таъмирланиб, 1996 й. рамазон ойидан масжид ўз фаолиятини бошлаган. Мас-

жидда қадимда «Сузукота маҳалласи»дан ташқари қўшни «Самарқанд дарвоза» маҳалласининг бир қисми, Чорсу даҳасидаги уйлар, «Ўқчи», «Каттабоғ», «Гулбод» маҳалла аҳолиси ва «Жар» спорт мажмуаси атрофидаги хунармандлар намоз ўқийдилар.

Тошкент ш.нинг 2200 йиллиги муносабати б-н Сузукота мақбарасида кенг қамровли таъмирлаш ишлари олиб борилди (бу ишлар 2009 й. май ойига қадар якунланди).

СУЗУКОТА МАҲАЛЛАСИ (Сузукота кўч., 50) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Каттаҳовуз», «Эшонгузар», Зангиота маҳаллалари б-н чегарадош. *Сузукота* номига қўйилган. Маҳалла 1940 й.гача ушбу ном б-н аталиб келинган. Сўнгра «Коминтерн», «Бауман», «Қаҳрамон», «Обод» деган номлар б-н юритилган. 1991 й. охиридан яна ҳоз. номда аталади. 2004 й. маҳалланинг янги гузари бунёд этилди. Аҳолиси 3698 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қozoқ, уйғурлар ҳам яшайди. Маҳалла худудида *Сузукота жоме масжиди* бор.

СУЛАЙМОНОВ Ҳамид Сулаймонович (1910.5.5–1979.8.6) – адабиётшунос, матншунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Филология фанлари д-ри (1961), проф. (1971). Т. да туғилган. Москва кинематография ин-тини тугатган (1932). Тошкент пед. ин-ти ўқитувчиси, каф. мудири ва ТошДУ доценти (1935–50). 1950-й.ларда қатағонга учраган. 1960-й.ларда оқланган, Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти сектори мудири (1962–67), Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи (1967–69) ва Қўлёмалар ин-ти (1978–79) директори. Асо-

сий илмий фаолияти Алишер Навоий лирикасининг текстологик тадқиқотларига бағишланган. Навоий қўлёмалари библиографиясини тузган (1946–47) ва шоирнинг «Бадое ул-бидоя», «Наводир ун-нихоя» девонлари қўлёмаларини топиб (1959), улар шоир томонидан тузилганлигини исботлаган. «Ҳазойин ул-маоний» танқидий матнини тузган ва нашр эттирган (1958–60), «Девони Фоний» қўлёмаларини (Франциядан) топиб, фотонусха асосида нашр эттирган (1965). Ҳофиз Хоразмийнинг 2 ж.ли «Девон»и фотонусхасини Ҳайдаробод (1975, Ҳиндистон)дан Т.га олиб келиб (1977), сўз боши ёзиб чоп эттирган (1980). Хаттотлик ва китобат санъатига оид илмий асарлар ёзган. Бириний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979). Чигатой қабристонига дафн этилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Тошкент ш.даги кўчалардан бирига, Яккасарой туманидаги маҳаллага С. номи берилган.

СУЛАЙМОНОВА Ҳадича Сулаймоновна (1913.3.6–1965.26.11) – ҳуқуқшунос олима, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1954). Юридик фанлари д-ри (1951), проф. (1952). 1931 й.дан Т.да. УзССР МИК қошидаги Совет қурилиши ва ҳуқуқи ин-тини тугатган (1935). Ўзбекистон Олий суди аъзоси (1935–39), Т. юридик ин-тининг жиноят ҳуқуқи каф. ассистенти, доценти, мудири (1941–54), ректори (1954–55), Ўрта Осиё ун-ти юридик ф-ти декани (1955–56), Ўзбекистон Адлия вазири (1956–59), Ўзбекистон Министрлар Совети қошидаги Адлия комиссияси раиси (1959–64), Ўзбекистон

Олий суди раиси (1964 й.дан). Асосий илмий ишлари жиноят ҳуқуқи, хусусан, Ўзбекистонда ҳуқуқшунослик фанининг вужудга келиши ва ривожланиши, хотин-қизлар ҳуқуқи масалаларига бағишланган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Суд экспертизаси и.т. институти (ҳоз. Республика суд экспертиза м-зи) С. номи б-н аталган. Т. юридик интида С. музейи бор.

СУЛТОН АКБАРИЙ (1923.3.12–1997.3.6.) – шоир, журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. Т.да туғилган. Тошкент пед. ин-тини тугатган (1942). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942–45). Респ. газета ва журн.ларида, Бадиий адабиёт нашриётида масъул лавозимларда ишлаган. Ўз даврида долзарб бўлган мавзуларда мақолалар ёзган. Ижоди 1940 й.дан бошланган. Бахшиёна услубда ижод қилган. «Имоним, эътиқодим», «Яраланган кўшиқлар», «Сулув сулув эмас, суйган сулув», «Шукрона», «Меҳригиё» (1956), «Довон ва девон» «Кўнгил оҳанглари» (1968) ва б. шеърӣ тўпламлар муаллифи. С. А. дostonнавис сифатида ҳам кўплаб асарлар ёзган («Гирдоб», 1964; «Устод», 1970; «Қатагон», 1992). Қирғиз эпоси «Манас»нинг 3-китобини ўзбек тилига таржима қилган. Т.даги кўчалардан бири С.А. номи б-н аталади.

СУЛТОН МАҲМУДХОН (ХОНИКАХОН) (? –1504) – Мўғулистон хони. Юнусхоннинг ўғли. Бобурнинг тоғаси. 1487 й. отаси вафот этгач, тахтга ўтқазилган. С.М.га қарши чиққан Умаршайх Мирзо ва Султон Аҳмад Мирзо кўшини Т. яқинидаги мустаҳкам Аштар қалъаси ёнидаги жангда мағлуб бўлган. 1488 й. Султон Аҳмад Мирзо кўшини устидан Чир (Чирчиқ) дарёси бўйида галаба қозонган. Натижада

С.М.нинг обрўси, куч-қудрати ошган. Мўғулистоннинг шарқий қисмига укаси Султон Аҳмадхон (Олачахон), Фарбий қисмига ўзи бош бўлиб, қароргоҳи – Тошкент ш.да жойлашган. 1493 й. Султон Аҳмад Мирзонинг катта қизи Робия Султон бегим (Қоракўз бегим)га уйланган. Самарқанд ва унинг атрофида С.М.ни Хоникахон деб аташган. Бобурга Самарқандни эгаллашида ҳарбий ёрдам берган. Бобур унинг саройида, Т.да маълум муддат яшаган (1501–02). 1503 й. С.М. ва укаси Султон Аҳмадхонларнинг бирлашган кўшини Архиён қалъаси (Фарғона) яқинида Шайбонийхон кўшини томонидан тор-мор келтирилган, ака-укалар асир олинган. С.М.нинг Тошкентга вақтинчалик ҳоким қилиб қолдирилган ўғли Султон Муҳаммад шаҳарни ташлаб қочган. Шайбонийхон Т.ни эгаллаб, уни амакиси Суюнчхўжахонга берган. С.М. ва укаси шафқат қилиб кўйиб юборган. Улар Мўғулистонга кетишган, бир оздан сўнг Султон Аҳмадхон вафот этган. Тахт учун курашда С.М. ёлғизланиб, кўмак истаб Шайбонийхон ҳузурига келган. Бироқ фарзандлари б-н бирга Хўжанд дарёси бўйида қатл этилган.

СУЛТОНИЯ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Буюк ипак йўли ва Темур Малик кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. Йўналишида уй-жойлар бўлмагани учун дастлаб номсиз бўлган. 1925 й. 19 янв.да туркистонлик 14 комиссардан бири М.Н.Троицкий номи берилган. Дастлаб ҳоз. Қибрай туманига қарашли бўлган. 1969 й. шаҳар тасарруфига ўтқазилган. 1997 й. 16 дек.да Султония (Султонлар қалъаси ёки Султонлар шаҳри

маъносини англатади) номи берилган. Йўналишида «Яланғоч» ва «Бешкапа» маҳаллалари, Уй-жой коммунал ва меҳмонхона хўжалиги бошқармаси, Тошкент ш. ҳокимлиги меҳмонхонаси, «Тўрабува» жоме масжиди, турар жой бинолари, «Турон» банкининг «Дўрмон» минибанки, савдо шохобчалари ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган.

СУЛТОНҚУЛ ҚАБРИСТОНИ (Юнусобод тумани, 13-мавзе, Аҳмад Дониш кўч.) – майд. 1,66 гектар. 20-а.нинг 20-й.лари охиридан мавжуд.

СУЮНЧХЎЖАХОН, Суюнчакхон, Суюнчик султон (тахм. 1452–1525.23.06) – шайбонийлардан бўлган Т. хони (1503–25). Абулхайрхон ва Улуғбекнинг қизи Робия Султон бегимнинг фарзанди. Шайбонийхон Мовароуннаҳрни эгаллагач, Самарқандни пойтахт қилиб, Туркистонни Кўчкунчихонга, Т.ни С.га берган. Хожа Абулбақо ибн Баҳоддиннинг «Жоме ал-мақомот» асари (17-а.)да ёзилишича, С. бошлиқ шайбонийлар кўшини Т.ни қамал қилганда Шайх Хованди Тоҳурнинг авлоди – Хожа Тоҳир шаҳар мудофаасига раҳбарлик қилган, бироқ шаҳар С. кўлига ўтган. С.нинг чигатойлардан Султон Сайидхон б-н Тошкент учун кураши халқ бошига кўп кулфатлар келтирган.

1510 й. Шайбонийхон ўлимидан сўнг Самарқанддаги Биби-хоним масжидида шайбоний султонлар Т. ҳокими С.га қасам ёд қилганлар. С. сулола бошлиғи деб эълон қилинган. С. қариндош-уруғларига Шайбонийхон тартиб олган мулкларини қайтариб берган. Лекин шунга қарамай шайбоний султонлар оиласидаги иттифоқ ўз ўрнига тушмаган. 1510 й. шайбонийларнинг

ёши улуғи Кўчкунчихон янги хон этиб сайланган. 1511–12 й.ларда С. шайбонийларнинг Бобурга ва Султон Саидхонга (1512–14), сафавийларга (1523–24) қарши курашларида қатнашган. С. эсдаликлари Маҳмуд ибн Усмон Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхоний» асарига асос қилиб олинган. С. Т.даги *Бароқхон мадрасаси*да дафн этилган.

СУГУРТА ХИЗМАТИ – суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириш б-н боғлиқ фаолияти. Суғурта – табиий офатлар (зилзила, сув тошқини, ёнғин ва б.), турли бахтсиз ҳодисалар рўй бериши натижасида кўрилган зарарни қоплаш ва б. пул қопламалари тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими. С.х. аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишда муҳим ўрин тутлади. Т.да дастлабки С.х. 1918 й.дан амалга оширила бошланган. 1924 й.да Ўзбекистон Молия халқ комиссарлари таркибида Суғурта бошқармаси тузилган. Бошқарма хўжаликлари, иморатларни ёнғиндан суғурталаш, мол-мулк суғуртаси, шунингдек, шахсий суғурталаш ишларини амалга оширган. 1997 й. Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислохотлар жараёнида бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичларида суғурта органлари қайта ташкил этилди. Рақобатбардош, турли мулкчилик шаклидаги Суғурта компаниялари ва агентликлари («Умид», «Инобат», «Ишонч», «Темир йўлчи», «АРК суғурта гуруҳи» ва б. нодавлат компаниялари) вужудга келди. Суғурта хизмати бозори суғурта фаолияти асосий йўналишлари,

ҳуқуқий-қонунчилик асослари яратилди. 1993 й. 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. 1994 й. охирига келиб нодавлат суғурта ташкилотлари сони 60 дан ошди. 1994 й. апр.да «Ўзбекивест» миллий суғурта компанияси ташкил этилди. 1997 й. экспорт ўсишини янада рағбатлантириш, ўзбекистонлик экспортёрларни суғуртавий ҳимоя қилиш ва б. мақсадларда «Ўзбекивест» суғурта компаниясини «Ўзбекивест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясига айланттириш тўғрисида қарор қабул қилинди. 1995 й. хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик ҳаракатининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда кредиторларга қарз капитали эвазига кафолатлар берилиши тўғрисидаги дастурларни амалга ошириш учун шароитлар яратиш мақсадида «Мадад» суғурта агентлиги ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 й. 25 фев.даги фармонида кўра Молия вазирлиги ҳузурида фаолият кўрсатиб келаётган Давлат суғурта бошқармаси «Ўзагросуғурта» суғурта компанияси шаклида қайта ташкил этилди. 1997 й. ҳукумат қарори б-н ташкил этилган «Кафолат» Давлат акциядорлик суғурта компанияси аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжини қондирувчи етакчи компания ҳисобланади.

2002 й. Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши б-н С.х. бозори ривожланишининг янги босқичи бошланди. Суғуртага оид ҳуқуқий муносабатлар мазкур қонун б-н тартибга солинади. Ўзбекистон

суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги 29 та компания фаолият юритмоқда (2008). Компанияларнинг аксарияти Т.да ташкил этилган бўлиб, филиал ва бўлинмаларига эга. 2008 й.да Т. шаҳри бўйича жами 49325,5 млн. сўмлик суғурта маблағи тўпланди, суғурта жавобгарлиги 29093,2 млрд. сўмга етди, аҳолига 568 та С.х. кўрсатилди.

СЎГАЛЛИОТА КЎЧАСИ – Чилонзор тумани ҳудудида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Бунёдкор шоҳкўчаси ва Гулистон кўчаси оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 1985 й. 18 июнда ёзувчи М.Шевурдин (1899–1984) номи берилган. 1996 й. 5 сент. дан Сўгаллиота номи б-н юритилади. Йўналишида *Сўгаллиота қабристон*и ва масжиди, «Алгоритм» ҳиссадорлик жамияти, «Тошкуч» спорт мажмуаси, ёнилғи қуйиш шохобчаси, новвойхона, «Баҳор» ва «Дилбар» ресторанлари, «Гулистон» кафеси, маиший хизмат уйи, нотариал идора, дорихона, стоматология поликлиникаси, уй-жой мулкдорлари ширкатлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари, савдо шохобчалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Заргарлик ва И.Усмонов кўчалари б-н кесишган. Яқинида «Тошкент» автостанцияси, «Чилонзор» метро бекати, Т.даги Сингапур менежментни ривожлантириш инти, «Зарҳал» ресторани бор.

СЎГАЛЛИОТА ҚАБРИСТОНИ – (Чилонзор тумани, Сўгаллиота ва Қатортол кўч.лари кесишувида жойлашган). Майд. – 5 гектар. 18-а.дан мавжуд. Асли исми Гойибота бўлиб, 18-а.да яшаб ўтган маҳаллий авлиё-пир номидан олинган. Сўгаллиота тана-сида сўгал бўлган инсонларни даволаган. Қабристонда Сўгаллиота қабри бор.

«ТАБАССУМ» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/4, 7^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Обод», «Ғалаба» маҳаллалари б-н чегарадош. 1974–75 й.ларда ташкил топган. 1993 й. қайта ташкил этилган. Аҳолиси 6000 кишига яқин, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 2 новвойхона, бир неча савдо шохобчалари, «Ал-Аҳрор шифо» хусусий тиббий бўлими жойлашган. Ҳашар йўли б-н 1970-й.ларнинг 2-ярмида «Оталар чойхонаси» қурилди.

ТАБИАТ МУЗЕЙИ, Ўзбекистон давлат табиат музейи (Кичик ҳалқа йўли, 1) – 1944 й. *Тошкент музейи* асосида Ўзбекистон ФА тизимида ташкил этилган. Музей биноси дастлаб Сағбон кўч. 16-уйда жойлашган. 2005–06 й.ларда шаҳарнинг Эски шаҳар қисмида реконструкция ишлари олиб борилиши муносабати б-н ҳозирги биносига кўчирилган. Т.м.нинг кўргазма залларида Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, органик дунё эволюцияси, одамнинг пайдо бўлиши, Ўзбекистон табиати, унинг бойликлари ҳамда улардан фойдаланиш, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси ва б. ҳақида экспонатлар, коллекциялар ва кўргазмали материаллар қўйилган. Музей илмий ходимлари томонидан илмий экспедициялар уюштирилиб,

флора ва фауна дунёсига оид экспонатлар йиғилган. 380 мингдан зиёд ботаника, зоология, геологияга оид намуна, 300 мингдан ортиқ ҳашаротлар коллекциясидан иборат энтомология фонди бор (2009).

ТАБИАТИ – Тошкент ш.нинг табиати кўп жиҳатдан унинг географик ўрни, ён-атрофи ер юзасининг тузилиши б-н боғлиқ. Шаҳар Ғарбий Тяньшаннинг Қоржонтов, Угом, Писком, Кўксув ва Чатқол тизмалари орасидан оқиб чиқадиغان *Чирчиқ* дарёси водийсининг ўрта қисмида, дарёнинг ўнг томонидаги паст-баланд тоғ олди текислигида жойлашган. Бу ҳудуд ўзининг табиий географик шароитига кўра шим. яримшардаги субтропик чўллар зонасининг Турон табиий географик провинцияси таркибига киради.

Рельефи. Т. рельефи, асосан, ўрта плейстоцен (Тошкент цикли)да шаклланган паст-баланд тўлқинсимон аллювиал-пролювиал лёссли текисликдан иборат бўлган дастлабки юзада ҳосил бўлган. Бу юза шим.-шарқдан жан.-ғарб томонга нишаб. Шаҳар рельефи ана шу дастлабки юзанинг Чирчиқ дарёси ўйиб ҳосил қилган водий ва ундан юқори плейстоцен (Мирзачўл цикли)да ҳамда голоцен (Сирдарё цикли)да ҳосил бўлган террасалар б-н тавсифланади.

Шаҳарнинг шим.-ғарбий каттароқ қисмида дастлабки юза, яъни Чирчиқ дарёсининг Т. циклида шаклланган юзаси яхши сақланган. Унинг рельефида *Қорақамиш*, *Бўзсув*, *Салор* каби қад. каналлар ҳосил қилган водийлар ва уларнинг тик жарликлардан иборат ёнбағирлари ажралиб туради.

Шаҳарнинг жан.-шарқий, яъни Шота Руставели кўчасидан жан.-шарққа томон, то Чирчиқ дарёсигача бўлган қисми эса, асосан, дарёнинг иккинчи қайир усти ва қисман учинчи қайир усти террасаларида жойлашган. Ушбу террасаларнинг юзаси нисбатан текис бўлиб, лёсс ва лёссимон ётқизиклардан тузилган. Учинчи қайир усти терраса ҳам Чирчиқ ўзанига яқинлашган жойларда 15–20 м тик жарлик ҳосил қилиб тушган. Чирчиқнинг иккинчи қайир усти террасаси юзаси текис, майдони кенг бўлиб, Салор каналидан Чирчиқ дарёси бўйларигача чўзилган. Сергели туманининг жан. қисми ҳам шу террасада жойлашган. Шаҳарнинг энг баланд жойи (515 м) унинг шим.-шарқий чеккасида, Мирзо Улуғбек туманидаги «ТТЗ» автобус бекати яқинида, энг паст жойи эса (380 м) Сергели туманида, Чирчиқ дарёси соҳилидадир. Шаҳар ҳудудининг ўртача мутлақ бал. 447,5 м га тенг.

Геологик тузилиши. Т. Ўрта Тяньшаннинг, асосан, герцин магматизми б-н тавсифланган Чатқол-Қурама геологик зонасида жойлашган.

Шаҳарнинг геологик кесмасида иккита катта қаватни яққол ажратиш мумкин. Остки қават ёки фундамент юқори палеозойга оид эффузив жинслардан тузилган бўлиб, унинг юзаси 1,5–2,5 км чуқурликда ётади.

Шаҳарнинг шим. ва жан. қисмларида олиб борилган махсус бурғилаш натижасида фундамент юзаси 2300 м (Бошлиқ даҳаси яқинида) ва 1390 м (Шредер номидаги боғдорчилик и.т. институти яқинида) чуқурликда учраганлиги маълум. Бурмаланган фундамент шим.-шарқий йўналишдаги геологик ёриқлар ва Қурама тизмалари ёнбағирларида ер юзасига чиқиб ётади. Палеозой фундаментининг устки қатламлари кучли бурмаланган метаморфик оҳақтошлар, туфлар, туфо-брекчиялар ва турли порфиритлардан иборат.

Устки қават, асосан, мезозой ва кайнозой эраларига оид ғовак жинслардан тузилгандир. Палеозой фундаментининг қисман нураган юзасида номувофиқ ҳолда мезозой ётқизиқлари, асосан, бўр даврининг денгиз ётқизиқлари гил, қум, қумтош ва конгломератлари жойлашган. Уларнинг умумий қалинлиги 600–800 м атрофида. Ушбу ётқизиқлар орасида кучли босимли термал сувлар учрайди. Шу жумладан *Тошкент минерал суви* хавзаси ҳам бўр даврининг гил ва алевролит аралашган қум-шағалли сеноман қатламларида, ер юзасидан 800–2100 м чуқурликда жойлашган.

Кайнозой эрасининг палеоген даври денгиз ётқизиқлари қумтош, оҳақтош, гил ва конг-

ломератлардан иборат бўлиб, уларнинг умумий қалинлиги 120–130 м атрофида. Уларнинг устида неоген даврига мансуб бўлган қизғиш континентал ётқизиқлар, яъни мергел, алевролит, қумтош ва конгломератлар ётади.

Шаҳар худудидаги энг ёш геологик ётқизиқлар тўртламчи даврга оид бўлиб, улар тўртта эрозия-аккумуляция цикллари давомида шаклланган. Уларнинг умумий қалинлиги 300 м дан ортиқ бўлган энг остки қатламлари алеврит, гравелит, конгломерат, қаттиқ тошсимон лёсс («шоҳ») ва лёсслардан тузилган бўлиб, нанай эрозия-аккумуляция циклида (Q_1) ётқизилган. Уларнинг устида умумий қалинлиги 100 м дан ортиқ бўлган, тошкент эрозия-аккумуляция цикли (Q_2)да ётқизилган шағал, конгломерат ва лёсс жинслари учрайди. Лёсс ётқизиқларининг қалинлиги 60–70 м, Янгийўл ш. яқинида эса 90 м дан ошади. Мирзачўл эрозия-аккумуляция цикли (Q_3)да ҳосил бўлган қатламлар ҳам ости шағал, усти лёссимон жинслар б-н тавсифланади. Уларнинг умумий қалинлиги 45–50 м атрофида. Сирдарё эрозия-аккумуляция цикли (Q_4)да шаклланган ётқизиқлар эса, асосан, Чирчиқ дарёсининг қайир қисми ва биринчи, иккинчи қайир усти террасаларини ҳосил қилган. Улар табиий қум, шағаллардан иборат бўлиб, қурилиш хом ашёси сифатида фойдаланилади. Тошкент циклига оид лёсс ва лёссимон ётқизиқлар эса гишт и.ч.да яхши хом ашёдир.

Иқлими. Шаҳар иқлими континенталдир, қиши совуқ, ёзи эса иссиқ ва қуруқ бўлади. Иқлим элементларининг тавсифини метеорология ст-яси маъ-


лумотларининг таҳлилидан олиш мумкин.

Т. серқуёш шаҳарлардан. Қуёш нур сочиб турадиган вақт йилига ўртача 2870 соатни ташкил қилади. Йил давомида эса 110 соатдан (дек.да) 390 соатгача (июлда) ўзгаради. Қуёшсиз кунлар бир йилда ўртача 36 кун. Ўртача йиллик ҳаво ҳарорати эса $13,8^\circ$ га тенг. Т. об-ҳавоси ёзда иссиқ ва барқарордир. Йилнинг энг иссиқ оyi – июль, ўртача ҳаво ҳарорати 27° . Ёзги ҳаво ҳароратининг энг юқори кўрсаткичи $44,6^\circ$ га тенг бўлиб, 1997 й. кузатилган. Қиш об-ҳавоси нисбатан беқарор ва ўзгарувчан. Энг совуқ ой – янв.даги ўртача ҳаво ҳарорати $-0,6^\circ$ га тенг, энг паст ҳаво ҳарорати эса $-29,5^\circ$ (1930–1931)га тенг.

Т. ҳавосининг ўртача йиллик нисбий намлиги 58% бўлиб, қиш ойларида $73\text{--}74\%$ дан ёзда $40\text{--}44\%$ гача ўзгаради. Энг паст нисбий намлик 5% га тенг бўлиб, 1938 й. ноябрда ва 1961 й. фев.да кузатилган. Ёз ойларида ҳаводаги нисбий намлик миқдори кундузлари кам ҳолларда 80% дан ортади ва ҳаво дим бўлади. Масалан, 1970 й.нинг 21 июлида ҳаво ҳарорати $19,6^\circ$ бўлганда нисбий нам-

Тошкентда қиш.





ликнинг 90% га етгани аниқланган.

Т. атмосфера ёгинларининг ўртача йиллик миқдори 423,4 мм га тенг. Аммо бундан кўп ҳам, оз ҳам бўлиши мумкин. Мас., 1969 й.да 802,5 мм ва 1916 й.да 206,2 мм ёгин ёққани кузатилган. Атмосфера ёгинлари миқдори йил давомида ҳам нотекис тақсимланган. Йиллик ёгиннинг каттароқ қисми (305 мм) йилнинг совуқ қисмига (окт.–март), кичик қисми (119,4 мм) эса йилнинг илиқ қисмига (апр.–сент.) тўғри келади. Йиллик ёгиннинг 41% дан ортиқроғи баҳорда, қолган қисми эса қишда (36%), кузда (18%) ва ёзда (5%) ёғади. Т.да атмосфера ёгинларининг катта қисми (66%) ёмғир тарзида,

11% қисми қор тарзида ва 23% қисми қор-ёмғир аралаш ҳолда тушади. Қишда қор қопламнинг ўртача баландлиги 14 см бўлсада, айрим вақтларда 20–50 см га ҳам етиши мумкин. Қор қопламнинг максимал бал. (54 см) 1969 й. 31 янв.да кузатилган. Т. бўйича 1900–2006 й.лардаги ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 0,018° га, қиш фаслидаги ўртача ҳаво ҳарорати эса 0,024° га ортанлиги, шунингдек, йиллик ёгин миқдори ҳам 60 мм га ортанлиги маълум бўлди.

Шаҳарнинг географик ўрни ва ер юзасининг тузилишига боғлиқ ҳолда ёзги (июль) шамолларнинг асосий қисми шим.-дан (20%), шим.-ғарбдан (19%) ва шим.-шарқдан эсади. Қишда

(январь) эса, асосан, шим.-шарқий (30%) ҳамда шарқий (20%) шамоллар эсади.

Гидрографияси. Т. шаҳрининг гидрографияси бир қатор сунъий каналлар ва ариқлардан шаклланган. Улар шаҳарнинг суғориш тизимини ташкил қиладди. Бўзсув, Қуйи Бўзсув, Кайковус, Қорақамиш, Салор, Бўрижар, Анҳор, Қорасув каби йирик каналлар анча қад. ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги лёсс қатламларини ўйиб, чуқур каньонсимон водийлар ва уларда 2 тагача кичик террасалар ҳосил қилган. Каналларнинг умумий йўналиши шим.-шарқдан жан.-ғарб томон бўлиб, ҳудуднинг умумий нишаби йўналишига мос келади ва сувнинг табиий оқимидан фойдаланилади. Шаҳар ҳудудини кесиб ўтган канал ва йирик ариқларнинг аксарияти ҳам суғориш учун, ҳам қайтган сувларни, жала тарзида ёққан ёмғир ёки эриган қор сувларини чиқиб кетишига хизмат қиладди. Улардан энг каттаси – Бўзсув канали. Қолган каналларнинг аксарияти Бўзсув каналидан сув олади. Ҳаммаси бўлиб 23 минг гектар ерни суғоришда фойдаланиладиган каналларнинг 37 таси биринчи тартибдир. Уларнинг умумий уз. 126,3 км. Қолган 56 таси эса иккинчи тартибли каналлар (қ. *Сув хўжалиги*). Шаҳар ҳудудида сунъий кўллар ҳам барпо қилинган. Ўзбекистон миллий боғидаги (9 гектар), Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғидаги (4 гектар), «Ўзэкспо-марказ» дам олиш зонасидаги кўллар шулар жумласидан. Канал ва кўллар атрофи ёзнинг жазирама иссиқ кунларида ўзига хос микроиклимга эга бўлиб, аҳоли дам олишига қулай масканлардир.

Тупроқлари. Т. ўзининг географик ўрнига кўра, бўз тупроқлар зонасида жойлашган. Шаҳарнинг катта қисми – Чирчиқ дарёсининг тўртинчи ва учинчи қайир усти террасаларида жойлашган қисми типик бўз тупроқлар б-н тавсифланади. Бу тупроқ инсоннинг хўжалик фаолияти таъсирида кучли ўзгарган. Антропоген ётқизиқларнинг қалинлиги ҳар ерда ҳар хил. Рельефга боғлиқ ҳолда 4–6 м дан 10–12 м гача, айрим жойларда 20 м гача етади. Чирчиқ дарёсининг биринчи ва иккинчи қайир усти террасаларида эса ўтлоқ ва суғориладиган ўтлоқ тупроқлар тарқалган.

Ўсимликлари. Т. геоботаник жиҳатдан эфемер ва эфемероид ўсимликлар б-н тавсифландиган адир минтақасида жойлашган. Бу минтақага хос бўлган табиий ўсимликлар – ранг, кўнғирбош, қоқиўт, майиншувоқ, қўйпечак, мингбош, қаррак, кўзиқулоқ, лолақизғалдоқ, читир, келинсулпури, оқшувоқ, арпагон, ажриқ, ёввойи беда кабилар канал ва ариқ бўйларида, йўлларнинг чеккаларида, тепалик ва жарликларнинг ёнбағирларида учраб туради. Шаҳарнинг ўсимлик қоплами асосини маданий ва манзарали ўсимликлар ташкил этади. Мевали дарахтлардан олма, нок, гилос, олча, ўрик, балх тути, шотут, шафтоли, хурмо, олхўри, узум, анжир, ёнғоқ, анор ва б. тарқалган. Манзарали дарахт ва бута ўсимликларидан 200 хилга яқини маълум. Кўп учрайдиганлари арча, акация, заранг, қайрағоч, эман, чинор, жасмин, савр, тобулғи, мажнунтол кабилардир. Турли ўлка ва мамлакатлардан келтириб экилган ноёб ўсимликлардан кўнғир эман, лола дарахти, магнолия,



америка шумтоли, гингго билоба, шамшод, туя, сохта каштан ва б.ни санаб ўтиш мумкин. Атиргул, райхон, гултожихўроз, қизил ҳамда тарғил лолалар, арғивонгул, кўзагул кабилар ҳам манзарали ўсимликлардан (яна қ. *Кўкаламзорлаштириш*).

Ҳайвонот дунёси. Шаҳар ҳудудида 200 хилга яқин умуртқали ҳайвонлар, шу жумладан 20 тур сутэмизувчи (уй сичқони, каламуш, шаҳар чеккаларида эса сариқ юмронқозик, кўрсичқон, дала сичқони, тулки, бўрсиқ ва б.), қушларнинг 170 хили (мусича, чумчуқ, жиблажибон, майна, зағизғон, қорашақшақ, қора узунқанот ва ҳ.к.), судралиб юривчиларнинг 12 хили (туркистон геккони, чўл илонқуйруқ,

илдам калтакесакча, сувилон, чипорилон, сариқилон ва б.), амфибияларнинг 2 хили (кўк қурбақа ва кўл бақаси) учрайд.

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ – қ. *Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш*.

ТАВАЛЛО (тахаллуси; асл исми-шарифи Тўлаган Хўжамёров) (1883–1937.10.11) – шоир. Т.да туғилган. Т.даги Бекларбеги мадрасасида, рус-тузем мактабида ўқиган. Араб, форс, турк, озарбайжон ва рус тилларини яхши билган. 1905 й.дан «Туркистон вилоятининг газети», «Садои Фарғона», «Тараққий» каби газ. ва журн.ларда шеър ва мақолалари б-н мунтазам қатнашган. 1914 й. 30 авг.да Мунаввар

қори, Авлоний ва б. билан биргаликда Т.да «Нашриёт» ширкатини тузиб, китоб чиқаришни йўлга қўйган. «Равнақ ул-ислом» (1916) шеърый тўплами унинг ҳаётлик даврида чоп этилган.

Т. шеърларида миллат ва Ватан тушунчалари кенг ўрин эгаллаган («Ёрдам этмак куни етди сиза Турон аҳли...»). Т. 1937 й. 14 авг.да «Турон», «Миллий иттиҳод» ва б. ташкилотларнинг аъзоси бўлганликда, «шеърларида миллатчилик ғояларини илгари сурган»ликда айбланиб, қамоққа олинган. 1937 й. 10 ноябрда НКВД қошидаги учлик ҳукми б-н отиб ташланган. 1968 й. 18 окт.да оқланган. Т. кўчаларидан бири шоир номига қўйилган.

ТАЙМАЗОВ Артур Борисович (1979.20.7) – спортчи, эркин кураш бўйича 2 карра олимпиада ўйинлари чемпиони (2004, Афина; 2008, Пекин). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2004), «Ўзбекистон ифтихори» (2004). Россиянинг Владикавказ ш.да туғилган. Владикавказ ун-тини тугатган (2004). Эркин курашнинг 120 кг вазн тоифасида олимпиада ўйинлари (2000, Сидней) ва жаҳон чемпионати (2001, Варна) кумуш медали совриндори, жаҳон чемпиони (2003, Нью-Йорк; 2006, Гуанчжоу), «Мустақиллик кубоги» халқаро мусобақаси ғолиби (2003, Тошкент), 2 марта Осиё ўйинлари (2002, Пусан; 2006, Дўҳа) чемпиони, халқаро турнирлар (2006, Киев; 2006, Тошкент) ғолиби, олимпия ўйинларига йўлланма берувчи жаҳон чемпионати (2007, Боку) ва жаҳон кубоги (2008, Владикавказ) совриндори (3-ўрин). Ўзбекистон Республикаси «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятида эркин кураш бўйича

спорт йўриқчиси (2004 й.дан). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2008).

ТАКСИ – Тошкентда дастлаб таксилар 1934 й. пайдо бўлди. Шаҳардаги такси паркларидан ГАЗ 28-А енгил машиналаридан фойдаланилган. 1949 й.дан, асосан, «Победа» (ГАЗ-20), 1958 й.дан «Волга» (ГАЗ-21) машиналаридан фойдаланиладиган бўлди. 1970 й.дан улар ГАЗ-21-01 ва ГАЗ-24-04 машиналари б-н алмаштирилди. Таксилар сони мунтазам ортиб борди: 1940 й. 40 такси машинаси бўлган бўлса, 1991 й. улар 3636 тага етди. 1988 й.дан Т. хизматининг бир қисми ижара пудратига ўтди.

Ҳоз. пайтда хизматнинг бу тури МЧЖлар ва ОАЖлар томонидан амалга оширилади. Бу ташкилотлар фаолиятини Тошкент ш. ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти ва «Тошавтобустрас» акциядорлик компанияси ташкил этади ва тартибга солади.

«Тошавтобустрас» таркибида енгил ва йўналишли Т.ларда йўловчи ташиш хизматини амалга оширувчи 6 та корхона бор: «Чуқурсой автокорхонаси» ОАЖ, «Интер-Транс-Сервис» ОАЖ қўшма корхонаси, «Махсус тажриба автокорхонаси», «4-автохизмат» ОАЖ, «5-Таксопарк» ОАЖ ва «РАФ» ОАЖ. Уларда жами 171 автомобиль бор. Бундан ташқари ижарага олиниб Т. хизмати кўрсатиш б-н банд бўлган енгил автомобиллар сони 111 та. Бу машиналар б-н 2007 й. 13 млн. 106 минг йўловчи ташилди, 2008 й.нинг 6 ойи давомида эса қарийб 5 млн. 300 минг йўловчига хизмат кўрсатилди.

Тошкент ш. ҳокимлиги йўловчи транспортининг барча турла-

ри ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти назоратидаги Т. хизмати кўрсатувчи МЧЖлар сони 57 та бўлиб, улар таркибида «Нексия», «Матиз» ва ВАЗ русумли 647 енгил автомобиль мавжуд. Т. хизматини амалга оширувчи йирик МЧЖлар: «Тошкент таксиси», «Таксисарой сервис» (Чилонзор тумани), «Тезкор ватан» (Юнусобод тумани), «Бахт хизмат» (Миробод тумани), «Евроэлит» (Ҳамза тумани). Бу МЧЖлар томонидан 2007 й. қарийб 2 млн. йўловчи ташилди.

Кейинги йилларда шаҳарда йўналишли таксилар хизмати кенг йўлга қўйилди. Бундай таксилар шаҳарнинг автобус ва трамвай-троллейбус транспорти б-н яхши таъминланмаган жойларда яшовчи аҳолига қулайлик туғдиради.

Йўналишли таксилар учун, асосан, «РАФ», «Отайўл», «Дамас», «Исузу» русумли машиналар бириктирилган. Бу турдаги таксиларда умумий уз. 540 км бўлган жами 34 та йўналишда йўловчи ташилади. Йўналишли таксиларда ҳаракатланаётган транспорт воситаларининг умумий сони 236 та (2008).

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмасининг Транспорт хизматлари сифатини назорат этиш бошқармаси «062» хизматини йўлга қўйган. У радиоалоқа орқали аҳолига буюртма бўйича Т. хизматидан фойдаланиш имкониятини беради. Ушбу хизмат орқали кунига 40–50 буюртма қабул қилинади. Буюртмаларни Т. ҳайдовчиларига етказиш мақсадида «Матиз», «ГАЗ-31105» автомобилларида «Маяк» минирадиостанциялари ўрнатилган.

Булардан ташқари телефон орқали буюртмалар қабул

қилиш йўли б-н хизмат кўрсатувчи «Фортуна Транс – Универсал», «Дилижанс мегатранс», «РОФ экселент НЕТ», «РОФ экселент плюс», «НСТ вояж», «ЛУАЛ», «ВИП такси», «Триал экспресс сервис», «Буржуй респект» каби МЧЖлар бор. Тўй маросимлари ва турли тадбирларга ҳам хизмат кўрсатиш уюштирилган. Бу хилдаги маросимлар учун турли МЧЖларнинг «Мерседес Бенц», «Линкольн», «Крайслер», «Форд» каби юқори класс автомобиллари мавжуд.

ТАЛАБАЛАР КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг «Зиё» ва «Университет» маҳаллалари ҳудудида. Кичик ҳалқа йўли ва Мухбир кўчаси оралиғида. Уз. 1 км атрофида. Йўналишида «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ва ҳокимияти, Ўзбекистон миллий ун-ти, Т. техника ун-ти ва Т. юридик ин-тининг талабалар турар жойлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Акмал Зиё» ўқув м-зи, «Фудзияма» кафеси, Маданият касб-хунар коллежи, автомактаб, бошбекат, «дока-нон», маиший хизмат уйи, кийимларни кимёвий тозалаш корхонаси, ателье, бозорча, мебель дўкони, Сиҳат-саломатлик ин-тининг Т. вилояти бўлими, «Спорт-мото» корхонаси, савдо, умумий овқатланиш, ёнилғи қуйиш шохобчалари, шахсий турар жой бинолари, ташқи реклама воситалари ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Университет, Қамарнисо, Қорақамиш ва Зиё кўчалари б-н туташган. 2007 й. Тошкент ш.да Ўзбекистон талаба ёшларининг «Универсиада» спорт мусобақалари ўтказилиши муносабати б-н кўчада кенг қамровли таъмирлаш, ободонлаш-

тириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Жамоат транспорти воситалари ҳаракати кенг йўлга қўйилган.

ТАЛАС ЖАНГИ – Талас (Тароз) дарёси бўйида араб ва хитой қўшинлари ўртасида юз берган ҳал қилувчи жанг (751). 8-а.нинг 1-ярмида Тан империяси *Буюк ипак йўли*ни эгаллаш ва бу йўлдаги давлатларни ўзига бўйсундириш учун бир неча бор урушлар қилган. Мовароуннаҳрдаги мураккаб ички аҳвол (арабларга қарши халқ қўзғолонлари), Фарғона ҳокимининг Хитойдан ёрдам сўрагани бу юришларга баҳона бўлган. Тан давлати 750 й. миллати корейс бўлган Гао Сяньчжи (Гав Шанчжи) қўмондонлигида катта қўшин жўнатган. Бу қўшин фарғоналиклар б-н иттифоқликда Чочни вайрон қилган, катта ўлжа (туялар, отлар, олтин, кумуш)ни қўлга киритган. Чоч ҳокими қатл қилинган, унинг ўғли араблардан ёрдам сўраган. 751 й. июль ойида арабларнинг *Зиёд ибн Солих* қўмондонлиги остидаги қўшини Гао Сяньчжининг хитойлар, фарғоналиклар, қашқарликлар, кучарликлар ҳамда қарлуқлардан иборат йирик қўшини (араб манбаларига кўра 70 минг киши) б-н Талас дарёси бўйида тўқнашган. Т.ж. 5 кун давом этган. Тўқнашув жараёнида Тан армияси таркибидаги қарлуқлар арабларга қарши курашдан бош тортган ва хитойликларнинг арьергардига зарба берганлар. Хитой қўшини бутунлай яқсон қилинган. Гао Сяньчжи ёрдамчилари Ли Сийе ва Дуан Шоушилар б-н бирга зўрға қочиб қутилган. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, хитойликлардан 50 минг киши ўлдирилиб, тахм. 20 минг киши асир олинган. Асирга тушган Хитой жангчилари орасидан

танлаб олинган хунармандлар Самарқандга келтирилган. Улар Самарқандда қоғоз и.ч. саноатининг янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшган. Хитойлик хунармандлар ҳатто Месопотамия шаҳарларига ҳам келтирилган. Т.ж. Марказий Осиё халқлари тарихида ўта муҳим роль ўйнайди. У Тан империясининг Ўрта Осиё ҳудудини эгаллаш йўлидаги тажовузкорона сиёсатига узил-кесил чек қўйган. Аммо бу Фарб б-н Шарқ ўртасидаги савдо алоқаларини бутунлай узилишига олиб келмаган.

ТАМАРАХОНИМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Тамара Артёмовна Петросян) [1906.16(29).3–1991.30.6] – раққоса, хонанда, балетмейстер, ўзбек профессионал рақси асосчиларидан. Ўзбекистон халқ артисти (1932), Халқ артисти (1956). 1921 й.дан Т.да. Саҳнадаги фаолияти 1919 й.дан бошланган. 1921–22 й.ларда Т. опера т-рида ишлаган. Москва т-р техникумида ўқиган (1923–24). М. Қориеқубов раҳбарлигидаги концерт труппаси (1926 й.дан Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли, 1929 й.дан Ўзбек давлат мусиқали т-ри, 1939 й.дан опера ва балет т-ри)да ишлаган (1924–41). Бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари б-н

Тамарахоним. «Бухороча рақс».



биринчи халқаро халқ рақс ва мусиқаси санъати фестивалида (Лондон, 1935) қатнашган ва олтин медаль б-н тақдирланган. Респ. балет мактабини ташкил этишда иштирок этган. Ўзбек давлат филармонияси, айни вақтда, Ўзбек давлат мусиқали т-ри (1939 й.дан Ўзбек давлат опера ва балет т-ри)да раққоса ва балетмейстер, ўз ташаббуси б-н ташкил этган ашула ва рақс ансамблида якка хонанда ва раққоса, бадиий раҳбар (1936–69). Ўзбек халқ рақси усталари Юсуфжон қизиқ Шакаржонов ва Уста Олим Комиловлар б-н ҳамкорликда халқ рақсларини саҳналаштирган. Ижро этган роллари: Ҳалима (Ф.Зафарий, «Ҳалима»), Ширин, Лайли (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун») ва б. Ўзбек халқ ялла ва лапарлари асосида ашула-рақс жанрида концертлар берган (1936 й.дан). Репертуарида жаҳондаги 86 халқнинг 500 дан ортиқ ашула ва рақслари бўлган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Давлат мукофоти лауреати (1941). Тошкент ш. кўчаларидан бири (ўзи яшаган кўча)га Т. номи берилган. Т.да Тамарахоним уй-музеи фаолият кўрсатмоқда. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

ТАНГРИЕВ Абдулла Товашевич (1981.28.3) – спортчи, дзюдо бўйича олимпиада ўйинлари кумуш медали совриндори (2008, Пекин), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2007), «Ўзбекистон ифтихори» (2008). 1990 й.дан Т.да. Респ. олимпия захиралари касб-хунар коллежи (1998) ва Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби (2003)ни тамомлаган. Дзюдо бўйича жаҳон чемпионати бронза медали совриндори (2007,

Рио-де-Жанейро), Осиё чемпиони (2005, Тошкент; 2007, Кувайт; 2008, Чежу), халқаро турнирлар голиби (2005, Нью-Йорк; 2006, Красноярск; 2009, Гамбург) ва совриндори (2006, Москва, 3-ўрин; 2008, Гамбург, 2-ўрин; 2009, Париж, 3-ўрин), Ўзбекистон чемпиони (2008, Чирчиқ), Осиё ўйинлари бронза медали (2006, Дўха), жаҳон кубоги кумуш медали (2008, Токио) совриндори. Ўзбекистон Республикаси «Динамо» кўнгили спорт жамиятида дзюдо бўйича спорт йўриқчиси (1999–2003), Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактаби ўқитувчиси (2003 й.дан). «Шухрат» медали б-н мукофотланган (2003).

ТАНСИҚБОЕВ Ўрол (1904.14.1 –1974.18.4) – манзарачи рассом. Ўзбекистон халқ рассоми (1944). Халқ рассоми (1963), собиқ Иттифоқ БАНинг акад. (1958). Т.да туғилган. Пенза рассомлик билим юртини тугатган (1924), Ўзбекистон давлат санъат музейи қошидаги тасвирий санъат студиясида таълим олган (1924–28). Фарбий Европа янги санъати, Ўрта Осиё деворий рассомлиги ва миниатюра санъати услубларини ўрганган ва шулар таъсирида ижод қилган («Ўзбек портрети», 1927; «Кураш», «Карвон», 1929; «Ўтовда», 1931 ва б.). Манзаралар тасвирига ҳаётин лавҳа, инсон фаолиятини ифодаловчи унсурлар киритишга интиланган («Мовий манзара», 1935; «Тунги суғориш», 1942). Урушдан кейин қишлоқ ҳаётига бағишланган асарлар яратган: «Тоғдаги колхоз» (1949), «Шоликор колхозда», «Ғўза суғориш» (1949), «Ўзбекистонда баҳор» (1950). Она юртнинг умумлашма бадиий образини яратиш йўлидаги изланишлари самара-



Ўрол Тансиқбоев. «Тоғдаги чироқлар» (1970).

си сифатида бир қанча асарлари юзага келди («Жонажон ўлка», 1951; «Иссиққўлда оқшом», 1951; «Тоғдаги яйлов», 1953; «Тоғда куз», 1954; «Тоғдаги чироқлар», 1970 ва б.), улар орасида индустриал манзаралар ҳам учрайди («Қайроққум ГЭСи тонги», 1957 ва б.). «Тоғдаги қишлоқ», «Оқшом» (1962), «Ангрен – Кўқон йўли» (1962), «Чорвоқ қурилишида» (1970), «Мирзачўл канали» (1971) каби лиро-эпик асарларида Ўзбекистоннинг табиати ҳамда инсон меҳнати туфайли ўзгариб бораётган қиёфаси ўз аксини топган: «Жонажон Ўзбекистон» манзаралари туркуми («Куз тонги», 1972; «Оқшом», 1972; «Менинг кўшигим», 1972 ва б.) ва б.

Т. асарлари республика ва хорижий мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади. Чигатой қабристонига дафн этилган. Рассом 1967–74-й.лар яшаган уйи *Тансиқбоев уй-*

музейга айлантирилган (1981). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Т.даги турар жой даҳаси, кўч.лардан бири Тансиқбоев номи б-н аталган.

ТАНСИҚБОЕВ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг «Шуҳрат» маҳалласи ҳудудида. Мухбир ва Адҳам Юнусов кўчалари оралиғида. Уз. 1,2 км атрофида. 1974 й. 16 сент.дан Ўзбекистон халқ рассоми Урол *Тансиқбоев* номи б-н юритилади. Йўналишида Қорақамиш 2/4 ва Тансиқбоев 1-, 2-мавзелари, касалхона, мактаб, боғча, «Фарғона» оталар чойхонаси, «Туркистон» тўйхонаси, «Қорақамиш» деҳқон бозори шохобчаси, бошбекат, дорихона, савдо шохобчалари ва кўп қаватли турар жой бинолари, ташқи реклама воситалари ҳамда турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Дамариқ канали устидан ўтган. Калонов кўчаси б-н туташ. Яқинида «Олимпия» меҳмонхонаси, велотрек ва б. бор.

ТАНСИҚБОЕВ УЙ-МУЗЕЙИ (Шукур Бурҳонов кўч., 1) – адабий мемориал музей. Урол *Тансиқбоев* яшаган ва ишлаган (1967–74) уйда 1981 й. очилган. Музейга кираверишда рассомнинг бюсти ўрнатилган (ҳайк. Р.Амбарцумян). Экспозицияда рассомнинг ижодий устхонаси, меҳмонхона ва б. хоналар бўлиб, кўплаб ҳужжатли архив материаллари, рассомнинг кўргазмаларда намоиш этилган машҳур асарлари; рассом ижодининг асосий босқичлари бўлган 300 дан ортиқ экспонат бор.

ТАРАС ШЕВЧЕНКО КЎЧАСИ – Миробод тумани ҳудудида. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири. Ўзбекистон ва Туркистон

кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. Украин халқ шоири Тарас Шевченко (1814–1861) номи б-н аталган. 19-а. охирида пайдо бўлган. 1898 й. Реал билим юрти биноти (кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги жойлашган) қурилган. Йўналишида «Тошкент» т.й. вокзали, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Тоштемирйўллойиҳа» ОАЖ, «Ўзбектемирйўлэкспедиция» корхонаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Бельгиянинг Т.даги консулхонаси, хорижий ташкилотлар ваколатхоналари, «Нефтьгаз саноат лойиҳа» қўшма корхонаси, «Ўзлитиннефтьгаз», «Тонг», «Ўзкимёфарм» ОАЖлари, «Шоштранс» АЖ, «Мояз голден травел», «Илстаб», «Техностил» корхоналари, туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими, «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи, 94-мактаб, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. Шаҳрисабз ва Нукус кўчалари б-н кесишган.

ТАРАҚҚИЁТ КЎЧАСИ – шаҳарнинг Ҳамза ва Мирзо Улуғбек туманларини бирлаштириб турувчи марказий кўчалардан бири. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. *Амир Темур хиёбони* ва *Мирзо Улуғбек кўчаси* оралиғида. Уз. 2 км атрофида. Чор Россияси даврида Салор, Кауфман ва Собор, шўро тузуми даврида Карл Маркс номлари б-н юритилган. Кўча 1990 й.гача Сельмаш кўчасига давом этган. Ўша йили кўчанинг Амир Темур хиёбонидан Сельмаш кўчасига ча бўлган қисми, 1991 й.дан

Сельмаш кўчаси ҳам Ҳамза кўчаси деб номланди. 1999 й. 21 янв.дан М.Мусахонов, 2005 й. 10 окт.дан Паҳлавон Маҳмуд номида бўлган. 2008 й. 9 июндан «Тараққиёт» номи б-н юритилади.

Кўчада 20-а. бошида қурилган бинолардан *Кадетлар корпуси*, *Рим-католик костели* сақланган. Йўналишида «Чўлпон», «Тўйтепа», «Оқибат» маҳаллалари, Тиббиёт академияси ва унинг клиникалари, «Ўзбекистон» анжуманлар саройи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон радиоси ва радио уйи, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, Ватиканнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонаси, туман халқ таълими бўлими, Травматология ва ортопедия и.т. институти, Патологик анатомия м-зи, «Андромед-Хорев» тиббиёт м-зи, болалар диагностика м-зи, «Сиҳат-Фароғат» хусусий поликлиникаси, б-туғуруқхона, «Шошкент», «Шаҳризода» ва «Мару» ресторанлари, Успенский номидаги мусиқа мактаби, 186-мактаб, 7-болалар мусиқа мактаби, 2-дон маҳсулотлари корхонаси, қўшма корхоналар, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, хорижий компания ва уларнинг ваколатхоналари, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Йўналишида Шаҳрисабз, Абдулла Қодирий кўчалари б-н кесишган.

«ТАРАҚҚИЁТ» МАҲАЛЛАСИ (Ўш 2-тор кўч., 10) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Аҳмад Яссавий, «Маърифат» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 1988–2000 й.ларда «Пулемас», 2000–05 й.ларда «Маърифат» номлари б-н аталган. Аҳолиси 5420

киши, асосан, руслар (80%), қолгани маҳаллий миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида ўрта мактаб, 2 саргарошхона, ўзбек қоғози ОАЖ, агротаминот корхонаси, Раҳим Пирмухамедов номидаги истироҳат боғи, марказий шифохона, диспансер жойлашган.

«ТАРАҚҚИЁТ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасарой, 333) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Фани Аъзамов, «Навбахор», Исломота, «Дўстлик», Иброҳимота, Мискин ҳамда «Қорасарой» маҳаллалари б-н чегарадош. 1960 й.гача бу худуд Тошкент туманига қарашли бўлган. 1960 й. Тошкент ш. Октябрь р-ни (ҳоз. Шайхонтохур) ихтиёрига ўтган ва янги ташкил этилган маҳаллага Охунбобоев номи берилган. 2005 й. окт.да «Тараққиёт» номига ўзгартирилган. Аҳолиси 3120 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қozoқ, рус, татар ва б. ҳам яшайди. Маҳалла худудида туман прокуратураси, солиқ инспекцияси, туман ижроия кўмитаси, Чуқурсой автокорхонаси, Фойибота қабристонни жойлашган.

«ТАРАҚҚИЙ» – жадидлар газетаси. 1906 й. 14(27) июндан Т.да чоп этилган. Ношири ва муҳаррири – Исмоил Обидий. «Т.» том маънодаги илк миллий нашр ҳисобланади. Унинг саҳифаларида чор Россиясининг Туркистонда олиб бораётган мустамлакачилик сиёсатини дадиллик б-н фoш қилишга бағишланган мақолалар, хабарлар ва маълумотлар босилган.

«Т.» да босилган фелъетон ва б. материалларда танқидий йўналиш, фoш қилиш руҳи кучли бўлганлиги учун у ўша даврнинг энг оммавий нашрига айланган ва жамоатчилик фикрига катта таъсир кўрсатган. Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа

Бехбудий, Сўфизода, Нозимахоним, Баҳромбек Давлатбеков, Шокир Мухторий, Зариф Холиқий ва б.нинг оммага миллий озодлик, тараққиёт гоёларини тарғиб ва ташвиқ қилувчи асарлари «Т.» саҳифаларида босилиб туриган.

«Т.» тутган йўл, газ. нинг маслаги ва мақсади, унда чоп этилган асарлардаги ўткир танқидий руҳ мустамлакачи маъмурларга маъқул келмаган. 19 сони чиққанидан сўнг «Т.» ёпиб қўйилган. Муҳаррири қамоққа олиниб, газ.нинг мол-мулки мусодара қилинган. «Т.»нинг илк сони чиққан 27 июнь 1993 й.дан буён мамлакатимизда «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни» сифатида нишонланади.

ТАРИХ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институти (Иброҳим Мўминов кўч., 9) – 1943 й. Ўзбекистон ФАнинг Тил, адабиёт ва тарих ин-ти негизида Тошкент ш.да ташкил этилган (1970 й.гача Тарих ва археология ин-ти). Ин-т илмий тадқиқотларининг асосий йўналишлари: ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи; ўзбеклар этногенези, этник тарихи ва этн.си ҳамда Ўзбекистон худудида яшовчи бошқа халқлар тарихи; ўзбек халқининг бир неча минг йиллик бой моддий маданияти ва маънавий мероси тарихи; ўзбек халқи тарихининг турли даврларидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаёт тарзи, тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари; мамлакатимизнинг бой моддий маданияти ва шаҳарлари тарихи; манбашунослик ва тарихшунослик. Ин-т таркибида б бўлим бор. Шунингдек, ин-тда аспирантура, докторантура, д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирил-

ган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 80 илмий ходим, жумладан 3 акад., 23 фанд-ри ва 35 фан номзоди ишлайди. Ин-тда Я.Фуломов, К.Шониезов, Р.Г.Муқминова, Ҳ.З.Зиёев, М.О.Охунова, Р.Ҳ.Аминова, Б.И.Лунин каби йирик олимлар ишлаган. Ин-тда 1998 й.дан «Ўзбекистон тарихи» журн. нашр этилади.

ТАРИХИ – Китобнинг бош қисмидаги *Тошкент* тарихий очеркига қ.

«ТАРИХИ ЖАДИДАЙИ ТОШКАНД» – *Муҳаммад Солиххўжа* ёзган йирик тарихий асар (2040 саҳифа, 1863–90). Мазкур асар ҳозирга қадар маълум бўлган махсус Т. тарихига бағишланган ягона тарихий ёзма манбадир.

«Т.ж.Т.» асарининг учта нусхаси маълум бўлиб, учала нусха ҳам Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади. Улардан биринчиси муаллиф қўли б-н кўчирилган 7791-рақамли нусхадир. Асарнинг номи «Т.ж.Т.» деб аталиши мазкур нусханинг бир неча жойида таъкидланади. Яна бир жойда эса «Таворихи мунтахаб» деб номлангани айтилган. Бошқа бир жойда эса «Тарихи вилояти Тошканд» деб тилга олинади. Гарчи мазмунан учинчи ном асарга тўғрироқ келса-да, «Тарихи жадидайи Тошканд» номини муаллиф кўп тилга олади. Кейинчалик бу илмий адабиётларда асарнинг шу ном б-н машҳур бўлишига олиб келди.

«Т.ж.Т.» асарида қадимдан бошлаб умумий тарихга оид жуда катта давр қамраб олинган ва шундан келиб чиқиб, муаллиф барча тарихчилар сингари ўзигача бўлган Ўрта Осиё ва Шарқнинг мусулмон мамлакатлари ижтимоий-сиёсий ва маънавий тарихига доир асарлардан

кенг фойдаланган. Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи ҳам Қўқон хонлиги ва Бухоро амирилиги бўйлаб қилган саёхатлари мобайнида асар учун керакли маълумотларни тўплаб юрган. Бу ҳақида муаллифнинг ўзи Муҳаммад Алихондан Султон Сайидхонгача бўлган воқеаларни кўрган ишончли кишилардан эшитганлари асосида, кейинги давр воқеаларини ўз кўзи б-н кўриб ҳамда бевосита воқеа иштирокчилари бўлган суҳбатдошлари ҳикоялари асосида ёзганлигини таъкидлайди.

«Т.ж.Т.» асари умумий тарих услубида ёзилган бўлиб, Муҳаммад Солиххўжанинг ўзи бир неча жойда асар муқаддима, 4 рукн ва хотимадан иборатлигини ва муқаддиманинг шартли равишда 2 жилдга бўлинганлигини таъкидлайди. Лекин аслида асарнинг тузилиши муаллиф айтганидан анча мураккаброқ, муқаддиманинг ўзи яна бир қанча тарихий даврларга ва қисмларга бўлинган. Асар форстожик тилида ёзилган.

Муҳаммад Солиххўжанинг таъкидлашича, у ўз асарини «Равзат ус-сафо» муаллифи Мирхонд сингари қад. шоҳлар ва сулолалар тарихидан бошлайди. Шу сабабли Муқаддиманинг 1-жилди Одам ато давридан бошлаб то 18-а.гача (Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатлар тарихи) баён қилинган. Асарнинг умумий тарих услубида ёзилиши ҳажмининг ортиб кетишига сабаб бўлган.

Асарнинг 2-жилдида Қўқон хонлиги ва унга қўшни ҳудудлар тарихи, Ўрта Осиё хонликларининг Россия империяси томонидан босиб олиниши, Қўқон хонлигининг тугатилиши ёритилган бўлиб, 1282/1865–1866–1307/1889–1890 й.ларда Т. шаҳри ва

Туркистон ўлкасида юз берган воқеа-ҳодисалар йилма-йил баён қилинган.

Асарда Марказий Осиё тарихининг бошқа соҳаларига оид маълумотлар, жумладан, Ўрта Осий тарихига доир топонимлар – тоғлар, даралар, довонлар, дарё ва кўл, суғориш тармоқлари номлари минтақа топонимияси ҳамда тарихий географиясини ўрганишга доир муҳим маълумотлар келтирилган. Шунингдек, тарихий воқеалар баёнида тилга олинган Ўрта Осиёнинг табиий ландшафтининг ўша даврдаги ҳолатини кўрсатувчи маълумотлар учрайди. Хусусан Т. топонимиясини ўрганишга оид кўплаб жой номлари тилга олинади.

Бундан ташқари, асарда Қўқон хонлигидаги ҳарбий мансаб ва унвонлар ҳамда улар эгаларининг имтиёзлари ҳамда вазифаларига оид маълумотлар мавжуд.

«Т.ж.Т.»нинг муҳим қисми асардаги Т. шаҳри таркибига кирувчи 4 даҳа – Шайхонтохур, Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳалари тавсифидир. Унда Т. шаҳрининг тарихий топографияси (шаҳар девори ва дарвозалари, маҳаллалар, мавзелар ва улар бўйлаб кетган кўчалар, суғориш тизимига доир маълумотлар) ва Т. вилояти тарихий-географиясига оид маълумотлар анча кенг ёритилган. Улар муаллифнинг Т.да яшаганлиги, шаҳар тарихини билганлиги сабабли аниқлиги б-н ажралиб туради ва тарихий ўлкашунослик нуқтаи назаридан маълум илмий аҳамиятга эга.

Асарда шаҳар тарихида муҳим ўрин тутган асосий иншоотлардан 20 та мадраса ва кўплаб масжидлар, 30 га яқин зиёратгоҳ мазорлар, шаҳарнинг *Юнус*

хўжа ва Қўқон ноиблари давридаги ўрдалари, катта-кичик ҳаммомлар, карвонсарой, бозорлар ҳамда шаҳарда жойлашган турли иншоотларнинг қурилиши, жойлашган ўрни, меъморий тузилиши батафсил ёзилган.

Бундан ташқари, Муҳаммад Солиххўжа асарнинг турли жойларида ўз даврида Т.да яшаган 80 га яқин таниқли кишилар – давлат амалдорлари (шаҳар ҳокимлари ва унинг ёрдамчилари, қозилар, аълам, муфтий ва б.), тасаввуф аҳли, мударрислар ва қисман қўшиқчи ва созандалар ҳамда моҳир хунармандларнинг қисқача таржимаи ҳолини беради.

Асарда келтирилган Т. атрофи ва вилоятининг тарихий географияси, қазилма бойликлар ва доривор гиёҳлар тўғрисида ёзганлари тарихчилар б-н бирга географлар, ўсимликшунос ва маъданшунослар учун маълум амалий аҳамиятга эга.

«Т.ж.Т.» бўйича А.Ўринбоев, О.Бўриевларнинг «Тошкент Муҳаммад Солих тавсифида» (Т., Фан, 1983), Ў.А.Султоновнинг «Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари» (Т., Ўзбекистон, 2007) каби рисола ва китоблар чоп этилган.

ТАРНАУШТЕПА – археологик ёдгорлик, арки ва унга ёндош қишлоғи бўлган шаҳар харобаси (7–8-а.лар ва 10–15-а.лар). Т.нинг шарқий чеккасида. Бахт кўли қирғоғида жойлашган. Арк ўрнида хом ғишт ва паҳсадан илк ўрта асрларда бунёд этилган маҳобатли иншоот бўлган. Қишлоқ ҳудуди ўрнида ҳоз.да турар жой бинолари қад кўтарган.

ТАРНОВБОШИ – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. Тахтапұл, Дарвозакент, Себзор, Коҳота

маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Архив материалларига кўра, 19-а. охирларида Т.да 24 хонадон, 1 масжид бўлиб, эликбошининг исми Тош оқсоқол деб аталган. Аҳолиси (асосан, ўзбеклар) хунармандчилик, савдо-сотик, деҳқончилик ва богдорчилик (Юнусобод, Оқтепа, Болтамозор мавзеларида) б-н шуғулланган. Т.да, шунингдек, мактаб, тегирмон, темирчилик устахонаси, баққоллик дўконлари ва б. бўлган (20-а. боши). Ҳоз. худудида замонавий турар жой бинолари қурилган.

«ТАРНОВБОШИ» МАҲАЛЛАСИ (Шоҳсанам кўч., 58) – Ҳамза туманидаги маҳалла. А.Назаров, Акмал Икромов, К.Худойбердиев, «Янгиобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1958 й. 1-уй қуриш ком-ти қурилиши муносабати б-н ерлик аҳолига Тарнауштепаннинг жан.-шарқ томонидан ер ажратиб берилган. 1966 й.даги Тошкент зилзиласи натижасида 2- уй қуриш ком-ти қурилиши муносабати б-н шу ҳудуддаги собиқ «Победа» к-зи ўрнида ташкил этилган «XXI партсъезд» с-зи ишчилари учун ер участкалари ажратилиши сабабли «Қозоқ маҳалла» вужудга келган. 1968 й. Ҳамза тумани ташкил этилганда маҳалла номи «Тарновбоши» деб ўзгартирилган. Аҳолиси 2012 киши. Маҳалла худудида ўрта мактаб, сув спорт саройи мавжуд. Маҳаллада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Сайфиддин Жалилов яшаган.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ – Т. худудида Т.с.нинг ўзига хос маҳаллий анъаналари қадимдан мавжуд. Тарихий манбалар ўрта асрлардаги қаср ва саройларда маҳобатли безак ҳайкалтарошлик (худодларнинг қиёфалари, эпос, афсона, эртақларнинг мавзула-

ридаги асарлар) ҳамда наққошлик (мас., *Мингўрик* қалъасидаги наққошлик намуналари) анча тараққий этганлигидан далолат беради. Сопол идиш ва буюмларни безаш авж олди. Ислом динининг тарқалиши муносабати б-н *амалий безак санъати* ва нақш санъати ривож топди, тош, ганч ва ёғоч ўймакорлиги (ясси ўйма нақшлар) меъморлик б-н уйғунлаштирилиб ривожлантирилди. 14–15-а.ларга оид шаҳар меъморчилигида Зангиота ва Анбар биби мақбараларидаги кошинли нақшлар, китобалар диққатга сазовордир (қ. *Зангиота мажмуаси*). Булар Темурийлар давлатида Т.даги Т.с. юксак даражада тараққий этганини кўрсатади. Зангиота қабри устига ўрнатилган мармар тошга ўз замонасининг моҳир сангтароши ва хаттоти Олтун сулс хатидаги китобаларни катта маҳорат б-н битган.

Маҳобатли наққошлик анъаналари газламаларнинг безагида, китоб миниатюраларида ҳам қўлланди. Миниатюрочи рассомларнинг асарлари (мас., Шодийнинг «Фатҳнома», Хусайн ибн Али ал-Воизнинг «Анвар ва Суҳайл», Алишер Навоий дostonлари ноёб қўлёзмаларига чизилган миниатюралар сақланган) туфайли бу ҳақда маълум даражада тасаввур ҳосил қилиш мумкин, чунки миниатюра расмлари ва қўлёзмаларга ишланган нақшларнинг бадий ижодий тамойиллари бир-бирига яқин. Миниатюра ишлаш, қўлёзма китобларни безаш санъати Т.да кейинги асрларда тошбосма китобда ҳам давом эттирилди (қ. *Ноширлик*). Бу борада *Сидқий Хондайлиқий* ижодини ажойиб намуна сифатида кўрсатиш мумкин. У ишлаган тошбосма китоблардаги безак ва расмларда

мумтоз миниатюра анъаналари ҳамда Кашмир китоб безаклари маҳаллий шароитга мослаб ривожлантирилган.

19-а. охири – 20-а. бошларида рус рассомлари ижоди таъсирида маҳаллий Т.с. усталари ижодида ҳаётий образ ва мотивлар устунлик қила бошлади (Т.Хўжаевнинг гипс ҳайкалчалари, Т.*Арслонқулов*нинг Ҳарбий йиғинлар биносидagi барельеф портретлари, К.Олимжоновнинг бўёқ б-н ишланган манзаралари ва б.). 1919 й. Туркистон халқ бадий мактаби очилди. 20-й.ларда И.Казаков, А.Волков, Н.Розановлар раҳбарлигида рассомлик студиялари, 1923–25 й.ларда А.Гринцевич студияси ишлаб турди. Республика бадий билим юрти ташкил қилинди.

1917–40 й.лар мобайнида рассом ва ҳайкалтарошлар ижодида маҳобатли ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъати ҳам тараққий этди. 1930-й.ларда шаҳардаги Пойабзалчилар маданият саройи, Тошкент педагогика институти (ҳоз. университети) (ҳайк. О.Коржинская) бинолари ва яна бошқа жамоат бинолари, маъмурий бинолар бунга мисол бўла олади.

50–80-й.ларда лойиҳалаш ва шаҳарсозлик соҳаларида юз берган туб ўзгаришлар, қурилиш ва реконструкция суръатининг жадаллашиши, кўлами тобора кенгайиши маҳобатли санъатнинг тез юксалишига олиб келди (қ. *Меъморлик ва шаҳарсозлик*).

Т.с.нинг энг оммавий тури – графика ташвиқотчи, сафарбар этувчи санъат сифатида муҳим роль ўйнади. 30-й.ларда ва уруш йилларида газ. ва журн. графикаси ва плакат санъати бирмунча ривожланди. Янги газ. ва журн. лар нашр қилиниши, янги нашриётлар ташкил этилиши

газ.-журн. графикаси, китоб бе-заги санъатининг тараққий эти-шига, китобларни безашнинг ғоявий-бадий ва матбаа ижро даражасининг такомиллашиб боришига олиб келди. 70-й.лар-да дастгоҳ графикаси соҳасида туркумли ва цикли асарлар кўп яратилди, рассомлар ижодида графиканинг барча жанр ва тех-никалари такомиллашди (Ф.Бой-матов туркумлари), акварель рассомлиги кенг тараққий этди (Ф.Кагаров, Г.Ткачев, А.Умаров плакатлари). Китоб безаш соҳа-сида Искандар *Икромов*, Тель-ман Муҳаммедов каби ўзбек рассомлари ижодида миллий анъаналар давом эттирилгани алоҳида кўзга ташланади.

2-жаҳон уруши йилларида Т. рассомлари ижодида халқ жа-соратини улуғлаш ғоялари устун-лик қилди. Рассомлар ижодида ҳарбий мавзу урушдан кейинги йилларда ҳам давом этди (Л.Аб-дуллаев, «Урушдан қайтаётган-ларни кутиб олиш»). 40-й.лар-нинг 2-ярми – 50-й.ларда ранг-тасвир асарларида асосий мав-зу меҳнаткаш халқ тимсолини яратишдан иборат бўлди (А.Аб-дуллаевнинг «Аброр Ҳидоятлов Отелло ролида» портрети, «Ман-нон Уйғур портрети», «Ойбек портрети», Л.Абдуллаевнинг «Чўлни ўзлаштирувчилар», Ю.Елизаровнинг «Ўзбекистон адабиёт ва санъат арбоблари-нинг гуруҳ портрети», Ў.Тансиқ-боевнинг «Иссиқкўл», «Жона-жон ўлка», «Сирдарё картина-лари»).

60–70 й.ларда рангтасвир санъати юқори профессионал-ликка, ғоявий-бадий камолот-га эришди. Шу даврга мансуб асарлар орасида Р.Аҳмедов асарлари («Онанинг ўйлари», «Сурхондарёлик аёл», «Кўшиқ», «Тонг. Оналик», «1924 йил. Ян-



«Тинчлик оғушида» (Ф.Кагаров чизган плакат).

варь» ва ҳ.к.), Т. Оганесовнинг ишчилар, маданият ходимлари портретлари, М.Саидовнинг «Ду-гоналар», «Оила», «Ҳамза», Н.Қўзибоевнинг «Юнус Ражабий портрети» асарлари алоҳида ўрин тутди. Кейинги йиллар ўзбек рангтасвирчилигининг ри-вожида Б.Жалолов, Р.Чориев, Ж.Умарбеков, Ш.Абдурашидов, А.Мирзаев, Й.Турсунназаров ва б. рассомлар ижоди алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

30-й.ларнинг 2-ярмида даст-гоҳ ҳайкалтарошлиги соҳасида ҳам яхши асарлар яратилди. Бироқ дастгоҳ ҳайкалтарошли-гида диққатга сазовор асарлар 50–60 й.ларга келиб яратилди. 70-й.лар ва 80-й.лар бошида А.Бойматов («Чўпон Мурод ака», «Сувчи Узоқов»), В.Клеванцов («Шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли»), Д.Рўзиев («Буви ва невар», «Муסיқачилар» ва б.), А.Аҳмедов («Дўстлар», «Сокин-лик»), Ҳ.Хусниддинхўжаев («Уста Ширин Муродов портрети»), И.Жабборов («Ўғли билан бир-галикдаги портрет»), Т.Қосимов («Мангу олов олдида», «Танаф-фус») каби ҳайкалтарошлар дастгоҳ ҳайкалтарошлиги санъ-ати ривожига ҳисса қўшдилар.

Т.да дастлабки профессио-нал т-рлар пайдо бўлиши муно-сабати б-н саҳна безатиш (т-р декорацияси) санъати ривожла-на бошлади. Шаҳар т-рларида биринчи маҳаллий профессио-нал декорация санъати устала-ри етишди (Ш.Шораҳимов, М.Мусаев, Ҳ.Икромов ва б.). Кино декорация санъати соҳа-сида В.Еремян, В.Синиченко, Э.Калонтаров ва б. самарали ишладилар.

Рангтасвирчи рассом ва гра-фикачилар, ҳайкалтарош ва халқ усталари ўз ижодларида Т. мавзуига қайта-қайта мурожаат қилиб, унинг қиёфасини, тари-хи, этнографияси, меҳнаткаш-ларнинг меҳнат жасоратларини акс эттиришга муяссар бўлди-лар.

30-й.лардан бошлаб 70-й.лар ўрталарига қадар рассом В.Н.Кедрин ижодида Т. мавзуи етакчи ўринлардан бирини эгал-лади. Дастлаб, рассом услуби-да чизган асарларида Эски ша-ҳар маҳаллаларининг ўзига хос томонларини, тор кўча ва жин кўчаларини, пахса деворлари, болохоналарини моҳирлик б-н акс эттирди.

Т.нинг янги меъморий қиёфасини яратишда ёдгорлик-лар, маҳобатли санъат асарла-ри ғоят катта роль ўйнади. Жа-моат бинолари ва маъмурий биноларнинг маҳобатли безак-лари, метрополитен бекатлари-нинг мозаика, витраж ва релье-фли (бўртма) тасвирлар б-н безатилиши шаҳар ҳашамига қўшилган катта ҳисса бўлди. Бу соҳада Т.да мустақиллик йилла-ри мисли кўрилмаган бунёдкор-лик ишлари амалга оширилди. *Мустақиллик майдони* бутунлай янги кўриниш олди. *Мустақил-лик ва эзгулик монументи* май-донга файз, кўрк бағишлаб ту-

рибди. Мустақиллик йилларида Амир Темур ҳайкали, портрети (Малик Набиев), унинг фаолиятига оид туркум расмлар, Мирзо Улуғбек ҳайкали ва портрети (А.Икромжонов), Алпомиш портрети (Собир Раҳматов), Бобур ҳайкали (Р.Миртожиев) ва б. яратилди.

Сўнги йиллардаги санъат асарлари ичида С.Абдуллаевнинг Алишер Навоий ҳаётига бағишланган туркум ишлари, М.Йўлдошевнинг халқ дostonларига ишлаган расмлари алоҳида ўзига хослиги б-н ажралиб туради. Иқтидорли рассом Р.Ризамуҳаммедовнинг «Абдулҳақ Абдуллаев портрети» (1993) инсон руҳий, маънавий олами ифода этиши б-н диққатга сазовор асарлардан дейиш мумкин. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида Темур Садуллаев ишлаган «Хамса» дostonлари мавзудидаги ҳамда Темурийлар тарихи давлат музейига Содиқ Қорабоев, Тоир Болтуркистон саройидаги витраж (1998). Б.Жалолов асари.



Темурийлар тарихи давлат музейидаги маҳобатли деворий расм («Буюк бунёдкор»).

табоев, Файрат Камолов, Хуршид Назаров ишлаган маҳобатли деворий расм – «Буюк бунёдкор» асарлари миллий руҳда яратилган.

1997 й. Тошкентда *Ўзбекистон Бадий академияси* ташкил этилиши муносабати б-н Ўзбекистон пойтахти халқаро микёсдаги Т.с. кўргазмалари ўтказиладиган м-зга айланди. Т.даги *Миллий рассомлик ва дизайн институти* олий маълумотли кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси б-н Т. шаҳрида *Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси*, *Ёшлар ижод саройи* барпо этилиши Т.с.нинг барча турлари юксалиб боришига замин яратди.

«ТАФАККУР» (Амир Темур шоҳкўчаси, 6) – ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий, рангли-безакли журнал. 1994 й.дан Т.да нашр этилади. Муассиси – республика Маънавият ва маърифат кенгаши. Журн.нинг асосий вазифаси халқимизнинг

бой маънавий-маданий мероси, шарқона ва умуминсоний қадриятлар асосида мамлакат, миллат келажагини белгилайдиган илғор гояларни юзага чиқариш, шунингдек, миллий қадриятларимиз ва улуғ мутафаккирларимиз меросидан халқимизни баҳраманд қилиш, ислом динидаги инсонпарварлик гояларининг ёш авлод қалбидан жой олишига кўмаклашишдан иборат. «Олий мезонлар», «Миллат ва маънавият», «Тарих ва тараққиёт», «Хазина», «Шарқу Фарб фалсафаси», «Тақдирдаги тадбирлар», «Янги аср муаммолари», «Наср жавоҳирлари» каби рунлар остида кўплаб қизиқарли мақолалар, ҳикоя ҳамда новеллалар эълон қилинади. «Т.» ўзига хос маҳорат мактаби ҳамдир. Таҳририятда Озод Шарафиддинов, Абдулла Аъзам, Муҳаммад Юсуф, Муртазо Қаршибоев каби таниқли ижодкорлар ишлашган. Адади 3000 минг нусха (2009). Бош муҳаррири – Эркин Аъзам. **ТАХТАПУЛ** – *Сабзор* даҳасидаги қад. маҳалла. Тешикқопқа (Дарвишакқопқа), Тарновбоши,

Коҳота, Чилтўғон маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Бир чеккаси шаҳар мудофаа деворига туташган; шаҳар дарвозаларидан бири – Тахтапул дарвоза шу ерда бўлган. Архив материалларига кўра, 4 қисмга (1-Тахтапул, 2-Тахтапул-мўғол, 3-Тахтапул, Юқори Тахтапул) бўлинган. Уларда жами 446 киши яшаган. 3 та мазор (Тахтапул, Кўктўнлиота, Азизлархўжа) бўлган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, савдо-сотик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Т.да баққоллик дўконлари, чойхоналар, 2 тегирмон, жувозхона ва б. бўлган (20-а. боши).

ТАХТАПУЛ КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур туманининг «Тахтапул» маҳалласи ҳудудида. Шайхонтоҳур ва Фафур Фулом кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. Кўча жойлашган ҳудуд қадимда Тахтапул деб аталган ва шаҳарнинг шу номдаги қад. дарвозаси ушбу кўча жойлашган ҳудудда бўлган. 19-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Туркқўрғон номи б-н аталган. 1972 й. 25 апр.да театр реж. Зухур Қобулов номи берилган. 2008 й. 9 июндан Тахтапул номи б-н юритилади. Йўналишида Гидрометеорология касб-хунар коллежи, 20-мактаб, 21-оилавий поликлиника, «Покиза» кафеси, дорихона, савдо шохобчалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Таркибида 4 тор кўча бор. Яқинида Себзор даҳаси, тиббиёт касб-хунар коллежи, «Шаршара» кафеси, «Оталар чойхонаси» бор. **«ТАХТАПУЛ» МАҲАЛЛАСИ** (Себзор даҳаси, Марказ-17/18, 35) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Намуна», Чилтўғон

маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил этилган ва «Қаҳрамон» номи берилган, 1997 й.дан «Тахтапул» номида. Аҳолиси 6830 киши, кўп миллатли.

Маҳалла ҳудудида «Ат-Термизий» масжиди, ўрта мактаб, болалар боғчаси, енгил саноат коллежи, тўйхона мавжуд.

«ТАХТАПУЛ» МАҲАЛЛАСИ (Шайхонтоҳур кўч., 117^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Лабзак, Коҳота, Туркқўрғон маҳаллалари б-н чегарадош. Номи Қайковус каналига қурилган ёғоч кўприк б-н боғлиқ бўлиши мумкин. Аҳолиси 3550 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 22 та кўча, болалар боғчаси, ўрта мактаб, 2 та коллеж, болалар юқумли касалхонаси, «Истиклол» ресторани ва кафелар, озиқ-овқат дўконлари жойлашган. Давлат арбоби Ҳуснитдин Асомов, дорбозчи Эркин Тошканбоев, Зариповлар сулоласи, ёзувчи Адҳам Раҳмат шу маҳаллада яшаб ўтган. **«ТАШКЕНТ ПАЛАС»** (ингл. «Tashkent palase» – «Тошкент саройи») (Буюк Турон кўч., 56) – 4 юлдузли меҳмонхона, МЧЖ. Ўзбекистон–Туркия («Юксель» компанияси) қўшма корхонаси мулки. 1958 й.да «Тошкент» меҳмонхонаси (меъморлари: М.Булатов, Л.Караш) номи б-н қурилган. Бино тарҳи П шаклида, марказий корпуси 5 қаватли, ён қанотлари 4 қаватли эди. 2003 й. реконструкция қилинган (лойиҳа муаллифи А.З.Тўхтаев).



«Ташкент палас» меҳмонхонаси.

Қурилишни «Айсель» фирмаси олиб борган. Бинонинг меъморий ечими аввалги кўринишда сақланган, фақат унинг гранитдан қилинган қисми қайта тикланган. 2003–04 й.ларда «Le Meridien Tashkent palace hotel», 2005 й.дан ҳоз. номда. Бинони безашда ўзбек халқ меъморчилиги ва замонавий меъморий услублардан фойдаланилган. Ич томони ганч витраж, керамика, нақшинкор ёғоч б-н безатилган. Меҳмонхонанинг 6 қаватли корпусида 232 номер бор (булардан 149 таси 1 ўринли люкс, 39 таси 2 ўринли люкс, 29 таси суперлюкс, 13 таси 2 хонали, 1 таси 3 хонали апартаментли ва 1 таси президент апартаментли номерлар). Ресторан (438 м²), банкет зали (52 м²), 2 та ёзлик ресторан (147 ва 663 м²), 2 та бар (110 ва 120 м²), интернет тармоғи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси (420 м²), бассейн (182 м²), сувенир магазини, гўзаллик салони, ёпиқ гараж, автомобиллар тўхташ жойи, валюта алмаштириш шохобчаси меҳмонларга хизмат кўрсатади. Авиабилетлар бронь қилинади. Меҳмонхона яқинида Навоий номидаги майдон ва театр, «Тошкент» универмаги, савдо шохобчалари, автобусларнинг «Тошкент универмаги» бекати, метронинг «Мустақиллик» бекати бор.

«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» – қ.
«Тошкент ҳақиқати».

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки (Амир Темурашшоҳқўчаси, 101) – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 й. 10 сент.даги фармони б-н ташкил этилган. Банк таъсисчиси ва устав капиталининг ягона акциядори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидир. Банк замонавий банк тизимини шакллантириш ва республиканинг халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги сиёсатини амалга ошира бошланиши жараёнида қатнашиб, ташқи иқтисодий алоқаларнинг самарали қўллаб-қувватланишини таъминлайди. Банк экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босувчи и.ч.лар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда юқори сифатли замонавий банк хизматларининг кенг доирасини тақдим этишда фаол иштирок этади.

Банк томонидан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланган инвестиция лойиҳалари энергетика ресурслари ва металларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш, қ.х., тўқимачилик ва кимё саноати, транспорт, алоқа ва сайёҳлик инфратузилмаси, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳаларини жадал ривожлантиришни таъминламоқда.

Кенг вакиллик тармоғи Миллий банкка операциялар географиясини кенгайтириш ҳамда респ.даги корхона ва ташкилотларнинг бошқа мамлакатлардаги шериклар б-н ҳисоб-китобларини узлуксиз амалга ошириш имконини беради. Миллий банк 640 дан зиёд етакчи халқаро банклар б-н вакиллик муносабатларини ўрнатган. Банкнинг 93



Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг бош офиси.

та филиали мамлакатнинг барча иқтисодий муҳим минтақаларида жойлашган, улар қарийб 1390,2 минг корпоратив ва хусусий мижозлар учун кенг доирадаги хизматлар кўрсатади. Республика ҳудудида 72 минибанки ва 104 та ихтисослаштирилган махсус кассалари фаолият юритмоқда. Бу махсус кассаларнинг 34 таси Тошкент ш.да жойлашган.

Банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси 2001 й. 2 июлда ташкил этилган. Таркибида 15 та бўлим ва филиали бор. Қабул қилинган менежмент механизмларининг юксак самарадорлиги Т. шаҳар бошқармасига ўз мижозлари базасини анча кенгайтириш имконини берди. 2007 йилда 7688 хусусий тадбиркор, 11202 юридик шахс ва 131166 жисмоний шахс банкнинг пойтахтда жойлашган филиаллари хизматларидан фойдаланди. Фақат пойтахтнинг ўзида 2008 й.нинг 1 июль ҳолатига кўра банк пластик карточкаларининг эгалари 421 минг кишидан ошди.

Банкнинг устав капитали (млрд. сўм) – 22,4; умумий капитали – 652,4; жами активлари – 3166,7; кредит портфели – 2036,8 ни ташкил этди (2008, 1 янв.).

Банк бир қанча ижтимоий жамғармаларга доимий асосда ёрдам кўрсатади, ижтимоий, маданий, спорт тадбирларига ҳомийлик қилади. Тошкент ш.даги *Ўзбекистон Тасвирий санъат галереяси*ни молиялайдиган асосий муассаса.

ТАҚАЧИ КЎЧАСИ – Учтепа туманининг «Ўтқир», «Зулфизар», «Кўркамобод», «Хуршид», «Қуйи Дархон» маҳаллалари ҳудудида. Зиё Саид ва Чевар кўчалари оралиғида. Уз. 3,5 км атрофида. Т. зилзиласи (1966)дан зарар кўрган оилаларни уй-жой б-н таъминлаш мақсадида ажратилган ер участкалари қурилиши муносабати б-н ташкил топган янги кўчага 1966 й. 27 дек. да Раҳимбобоев номи берилган. 2005 й. 22 июндан жойнинг тарихий Тақачи номи б-н юритилади. Тарихий маълумотларга кўра, қадимда Т.нинг шим.-ғарбий йўналиши бўйлаб шаҳарга кириб келаётган отли карвонлар шу жойда тўхтаб, отларига тақа қоқтириб олганлар. Тақачи номининг келиб чиқиши шундан. Йўналишида «Лабзак» супермаркети, «Исроилхोजи ота» тўйхонаси, ёнилғи қуйиш шохобчаси, интернет кафе, «дока-нон», савдо шохобчалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. **«ТАҚАЧИ» МАҲАЛЛАСИ** (Маннон Уйғур кўч., 570) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Кўркамобод», «Оқмачит», «Латифгузар», «Ҳожибобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 50-й.ларда бу ҳудудда «Октябрь» к-зи бўлиб, шоли, бугдой экилган, узумзор бўлган.

1966 й.даги зилзиладан сўнг Т.нинг Олой бозори, Шивли мавзеидаги аҳолига шу ҳудуддаги ер ажратиб берилган. «Тақачи» маҳалласи ҳоз. «Кўркамобод» маҳалласи б-н қўшилиб Ойбек маҳалласи деб юритилган. Кейинчалик маҳалла 5 га бўлиниб, 2005 й.да «Т.» номи б-н атала бошлаган. Аҳолиси 4678 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, макарон цехи, «Махсус иш кийим» корхонаси, «Меҳрли савдо» фирмиси, АЁҚШ ва б. мавжуд.

ТЕАТР – Т.да драма т-ри сарчашмалари жуда қадимдан бошланган. У халқ ўйинлари, турли маросим кўшиқ ва рақсларидаги драматик унсурлар (диалог, дуэт ва б.)нинг ривожига б-н боғлиқ тарзда аста-секин такомиллаша борган. Масхарабозлик, қизиқчилик, аскиябозлик, кўғирчоқ т-ри тарзида асрлар мобайнида ривож топиб келган. Ҳаваскор ижрочилар ўрта асрларда тўда (труппа)ларга уюшганлар. Бу тўдалар ўз етакчилари раҳбарлигида халқ сайиллари, тўй, бозор кунлари майдон, маҳалла гузарлари ва кўчаларда томошалар кўрсатиб, ёмонлик, иллатларни фош этишган, шунингдек, кишилар сийратидagi салбий кўринишларни енгил, айни вақтда аччиқ кулги остига олишган.

Чор Россияси Туркистонни босиб олгандан сўнг Европа т-ри шакллари ҳам бу ерга кириб кела бошлади. Тошкентда т-р учун биринчи саҳна 1867 й.да генерал-майор фон Монтейфиль уйи (собиқ Соборда, ҳоз. Сайилгоҳ кўч.)да қурилди. 1868 й. «Рус Тошкент йиғини» (1893 й.дан «Жамоат мажлиси») клуби пайдо бўлди; клубда спек-

такль ва концертлар учун заллар ҳам бўлган. 1871 й. Т.да дастлабки клуб биноси қурилди, унинг саҳнасида рус ҳаваскорларининг спектакллари кўрсатилди. 1882 й. илк махсус т-р биноси, 1893 й. шаҳар т-ри қурилди ва 1894 й. расмий равишда очилди.

Антрепренёр Н.Д.Кручинина 1894 й. шаҳар боғи (ҳоз. шаҳар ҳокимлиги ҳудуди)да ўз маблағига ёзги т-р биносини, т-р ишқибози Г.М.Цинцадзе «*Колизей*» т-рини қурдирди. 1908 й. 1000 томошабинга мўлжалланган «Хива» т-ри биноси, 1909 й. «Ҳарбий йиғин» («Военное собрание») т-р биноси (ҳоз. Марказий зобитлар саройи) қайта қурилди. Меҳнат биржаси биноси 1910 й. «Халқ уйи» («Народный дом»)га, 1917 й. муҳандис И.Маркевич лойиҳаси асосида шаҳар қишки т-рига айлантирилди.

20-а. бошларида Т.да татар, озарбайжон т-р жамоалари ҳам гастролда бўлдилар. Рус, татар, озарбайжон т-р томошалари таъсирида ўзбек зиёлиларининг илк ҳаваскорлик жамоалари ташкил топди (қ. «*Турон*»). Шуларнинг бири – Абдулла Авлоний труппаси бўлиб, у 1914 й. 27 фев.да ташкил қилинган. Бу труппа «*Колизей*» т-ри саҳнасида М.Бехбудийнинг «Падаркуш» пьесасини саҳнага қўйди. Труппа 1917 й.гача ўз фаолиятини давом эттирди.

Октябрь тўнтаришидан кейин клублар, ўқув юртларида т-р ҳаваскорлик жамоалари юзага кела бошлади, уларнинг орасидан ўзбек профессионал т-р санъатининг йирик арбоблари етишиб чикди. Ҳамзанинг Фарғонада 1918 й. ташкил қилган Улка сайёр мусулмон сиёсий труппаси тошкентликларга бир неча марта маданий хизмат кўрсатди.

1919 й. бошида Т.да Маннон Уйғур бошчилигида драма труппаси ташкил этилди. Кейинчалик бу труппа турли номлар б-н ўзгариб, ҳоз. *Ўзбек миллий академик драма театри* ташкил топди.

20-й.лардан Т. истеъдодли ёшлардан бир гуруҳи Москвадаги Ўзбек маориф уйи қошидаги т-р студиясига (1924), бошқа бир гуруҳи М.Ф.Охундов номидаги Боку т-р техникумига (1925) ўқишга юборилди, улар профессионал т-р санъатининг йирик арбобларидан таълим олдилар ва ўз малакаларини ошириб қайтдилар, 30-й.лардан ўзбек т-рининг асосий кадрлари бўлиб қолдилар. 20-й.ларнинг охири ва 30-й.ларда миллий драматургиянинг равнақи ҳам миллий т-р санъати ривожига самарали таъсир кўрсатди. Шу йилларда бир нечта янги т-рлар ўз фаолиятини бошлади: Рус ёш томошабинлар театри (1928), Ўзбек ёш томошабинлар театри (1929), Туркистон ҳарбий округи рус драматик театри (1931), Давлат рус драма театри (1934), Республика кўғирчоқ театри (1939), Муқимий номидаги театр (1939).

2-жаҳон уруши йилларида Москва, Ленинград, Киев, Харьков ш.ларидан кўчиб келган т-рлар мамлакатимиз шаҳарларида ўз фаолиятини олиб борди. 50–60-й.ларда Ҳамза номидаги академик драма театри ва б. т-рларда турли мавзуда, сермазмун, ижтимоий-психологик, маиший ва фалсафий, ранг-баранг услубда спектакллар саҳналаштирилди. 1968 й. «Ёш гвардия» т-ри (ҳоз. Ўзбек давлат драма театри) ташкил қилинди.

70–80-й.лар Т.да зиддиятли давр бўлди; бир томондан, миллий анъаналарга эътибор кучайган бўлса, иккинчидан, дабдаба-

бозлик, ҳаётни хаспўшлаб кўрса-тиш авж олди. 1976 й. «Илҳом» театр-студияси иш бошлади. 1986 й. Республика *Сатира театри* ташкил топди. 80-й.ларнинг 2-ярмида ҳаётни ҳаққоний акс эттириш, жанрлар ранг-баранглиги, томошавийликка интилиш майллари юзага келиб, аста-секин кучайиб борди. Бу даврда Аброр Ҳидоятлов номидаги театр етакчи ўринга чиқиб олди.

Ўзбекистон мустақил давлат деб эълон қилинган, Т. театр ҳаётида ҳам янги давр бошланди. Истиқлол туфайли миллий меросга таяниб ижод қилиш, миллий қадриятлар, анъаналарни тиклашга интилиш жиддий тус олди. Т-рлар репертуарида тарихий мавзунинг салмоғи ошди. Буюк аждодларимиз – алломалар, шоирлар, давлат арбоблари, лашкарбошиларнинг ҳаёти ва тараққиёт учун курашини ёритувчи ўнлаб саҳна асарлари яратилди. Саҳналарда шўролар даврида ҳатто тилга олиш ман этилган Баҳоддин Нақшбанд, Ҳаким ат-Термизий, Имом ал-Бухорий каби алломалар, «Авесто» китоби асосида Зардушт ҳаётини ёритувчи саҳна асарлари вужудга келиб, давримиз томошабинлари маънавиятини бойитди, тарихий, диний эътиқодга нисбатан қарашларни ўзгартирди.

Айниқса, Амир Темур ва те-мурийлар ҳақида яратилган саҳна асарлари маънавий ва маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Тасаввуф б-н боғлиқ «Муҳаббат султони», «Машраб» (Миллий театр), «Хитой маликасининг сири» (рус театри), «Умар Хайём», «Ато этилган муҳаббат тариқати» (Ўзбекистон ёшлар театри), «На фалакман, на фаришта» (Муқимий театри), «Шайх

санъон», «Рақсу самоъ» («Эски масжид» театр-студияси) каби спектакллар т-рларимизнинг энг мураккаб мавзуларга дадил қўл ураётганлари, янги манбаларни очаётганларидан далолатдир. Шу йўналишда Алишер Навоий асарларини т-р саҳнасида янги-ча талқин этиш бошланди. Жаҳон ва миллий мумтоз драматургия намуналарини замонавий талқин ва воситаларда саҳналаштириш бошланди (Навоий, Шекспир, Мольер, Айний, Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Ғафур Ғулом). Т-рларда илғари қолақлик белгиси сифатида қараб келинган этнография ва фольклор манбалари воситаларидан фойдаланиш бутун бир услубий йўналиш сифатида кўзга яққол ташланиб, саҳна санъатининг миллий ўзига хослигини кучайтиришга хизмат қилмоқда («Алпомиш» қаҳрамонлик достони асосида Тошкент т-рлари саҳналарида яратилган спектакллар). Драматургия ва т-рда замонавий мавзуларда асарлар яратилиб, саҳналаштириш йилдан йилга сезиларли тус олиб бормоқда. Замонавий мавзулар кўпроқ мелодрама, комедия, трагикомедия жанрлари доирасида ишланмоқда. Айниқса, маиший-ахлоқий комедиялар т-рлар репертуаридан кенг ўрин эгаллади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 й. 26 мартда эълон қилинган «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги фармони ва Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилган «Ўзбектеатр» ижодий-и.ч. бирлашмаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори т-р санъати стратегиясини белгилаб берди. Шу асосда «Ўзбектеатр» ижодий-и.ч. бирлашмаси, унинг қошида

«Атрмадад» жамғармаси, Театр ижодкорлари уюшмаси тузилди. «Театр» журн. нашр этилди. Мунтазам равишда турли семинар ва фестиваллар ўтказилмоқда. Давлатлараро шартномаларга мувофиқ хорижий мамлакатлардаги ижодий ташкилотлар, халқаро бирлашмалар б-н алоқалар ўрнатилмоқда. Ҳамза театрига эски бино ўрнига замонавий муҳташам бино қуриб берилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 21 сент.да эълон қилинган махсус фармони б-н ушбу театрга «Миллий театр» мақоми берилди.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ – илк бор 1918 й. Т.т.ё пункти сифатида ташкил этилган, 1926 й.да мустақил Т.т.ё. станциясига, 1974 й. *Тез тиббий ёрдам клиник касалхонаси* б-н бирлаштирилиб, бўлимга айлантирилган. 1983 й. касалхонадан ажратилиб, мустақил шаҳар тез ва шошилич тиббий ёрдам ст-яси деб аталди. Т.т.ё.нинг вазифаси ҳодиса юз берган жойда, уйда, беморни касалхонага олиб кета туриб шошилич, шу жумладан мутахассис врач томонидан ёрдам кўрсатиш, лозим бўлса, беморларни касалхонага етказишни таъминлашдан иборат. Бундан ташқари Т.т.ё. хизмати кўзи ёрийдиган аёлларни ёки уйда кўзи ёриганларни врач талабига кўра даволаш муассасаларига олиб боради. Т.т.ё. ходимларини чақириш учун ягона телефон индекси (03) жорий этилган. Т.т.ё. машиналари радиоланштирилган бўлиб, икки томонлама телефон алоқаси б-н таъминланган, нафас ва наркоз бериш аппаратлари, кислород ингаляторлар, электрокардиограф ва б. зарурий асбоблар б-н жиҳозланган. Йирик шаҳарлар, жумладан Т.да ҳам ихтисослаш-

тирилган махсус реанимацион, кардиологик, неврологик, токсикологик, педиатрия, интенсив терапия бригадалари ва б. ташкил этилган. Бу уйда ва йўлда кета туриб ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга имкон беради.

ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ (Фозилтепа кўч., 40) – 1898 й. эпидемияга қарши муассаса сифатида ташкил этилган. 1900 й. шаҳар касалхонасига (20 ўринли) айлан-тирилган. 1903 й. 95 ўринли бўлган. 1934 й. касалхона кенгайтирилиб (500 ўринли), Шошилинич тиббий ёрдам клиник касалхонаси номи б-н аталган (1966 й.гача Жуковский (ҳоз. Содиқ Азимов) кўч.да бўлган). 1974 й.дан 1983 й.гача тез тиббий ёрдам ст-яси билан бирлаштирилиб (700 ўринли), ҳоз. номи б-н атала бошлаган. 1983 й. касалхона таркибидан «03» хизмати ажралиб чиққанлиги боис ўринлар сони 350 тага қисқарган.

Касалхона 340 ўринли турли ихтисосликдаги даволаш ва диагностика бўлимларига эга. Унда Т. тиббиёт академиясининг стоматология, хирургия, терапия, травматология каф. фаолият кўрсатади. Ҳар йили 45000 дан зиёд беморга амбулатория ёрдами кўрсатилади, 20000 дан ортиқ бемор ётиб даволанади (2009).

«ТЕЗИНТОМ» (Зиёлилар кўч., ТОЭМЗ-1) – Ўзбекистон–Германия қўшма корхонаси, МЧЖ. 1997 й.да ташкил топган. Чет эл технологиялари асосида замонавий қурилиш материаллари – икки томонлама саккиз ҳимоя қавати б-н қопланган махсус пўлат қотишмадан тайёрланган металл черепицалар (қалинлиги 0,50 мм, кенлиги 1065 мм)

ва уларга керакли аксессуарлар, пўлат профилдан тайёрланган (қалинлиги 0,5 мм) енгил ва мустаҳкам шифт тайёкчалари ва девор панеллари, лак-бўёқ материаллари, турли хилдаги кир ювиш, идиш ювиш ва ойна ювиш воситалари, шампунлар ишлаб чиқаради. Германиянинг таниқли «НЕВО» фирмаси технология ва ускуналари-дан фойдаланиб буюртмачалар учун турли рангдаги металл бадий темирчилик буюмлари, эшиклар, дарвозалар, панжаралар, тутқичлар, люстралар, торшерлар, кафе ва ресторанлар учун енгил ва мустаҳкам мебеллар тайёрлаб беради. Шунингдек, «МЕЕН» фирмаси технологияси асосида турли рангдаги кукунсимон қуруқ полимерларни металллар юзасига сепиш бўйича хизматлар кўрсатади. Корхона маҳсулотлари Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон Республикаларига экспорт қилинади. Корхонанинг йиллик и.ч. ҳажми 1350 т.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ – Т.да 1928 й. тошкентлик ихтирочи – В.П.Гротовский ва И.Ф.Белянскийлар ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратдилар (умуман, ҳаракатланувчи тасвирларнинг биринчи кўрсатувлари собиқ иттифоқда 1932 й. амалга оширилди, 1934 й. овозли телевидение пайдо бўлди; тажриба-синов телекўрсатувлари 1938 й. Москва ва Ленинградда намойиш қилинди).

Тошкент телевидениесининг тажриба-синов кўрсатувлари расмий равишда 1956 й. 5 ноябрдан бошланган. Т. телевидение студияси ташкил этилди. Бу студия ўз кўрсатувларини Т. телевизион минораси (1956 й.

қурилган, бал. 180 м) орқали тарқатди. Телемарказ 1958 й. кўчма телестанция (КТС)га эга бўлиб, ўз ишини Алишер Навоий номидаги Катта академик театрдан 8 мартга бағишланган тантанали йиғилишни олиб кўрсатишдан бошлаган.

Ўтган асрнинг 60-й.ларида Т. телемарказининг кўрсатувлар тарқатиш доираси кенгайди. 1962 й.дан Ўзбекистон телевидениеси кўп дастурли асосда иш бошлади, яъни иккинчи республика дастури ишга туширилди, 1965 й.дан эса Ўзбекистонда Москвадан Марказий телевидение кўрсатувларини қабул қилиш имконияти пайдо бўлди.

1962 й.да Т. телемаркази Республика Алоқа вазирлиги ихтиёридан Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси тасарруфига ўтказилди. 1965 й.нинг охирида Т. телемарказига КМЗИ-6 тасвир ёзувчи аппарат олинди.

1966 й. Тошкентда Ҳиндистон Бош вазири ва Покистон Президентининг учрашуви, Ҳиндистон ярим оролига тинчлик келтирган тарихий «Тошкент декларациясининг имзоланиши халқаро телевизион тармоқлар орқали бутун жаҳонга кўрсатилди. Ўзбекистон телевидениесининг бир нечта махсус дастурлари чет давлатлар телевидениеси орқали илк бора муваффақиятли намойиш этилди. Ўз навбатида, Ўзбекистон телевидениеси орқали бир қатор чет давлатлар телевидениеларининг махсус дастурлари ҳам намойиш этилди.

Т. телемарказининг техникавий ва ижодий имкониятлари 1971 й. янада кенгайиб, шу йили телемарказ рангли тасвирда телекўрсатувлар тайёрлашга ўтди. Рангли телевидение пайдо

бўлгач, Телемарказ биносини реконструкция қилиш ишлари бошланиб кетди. 1978 й. янги бинодаги Телемарказ аппаратхоналаридан бири битказилиб, унга рангли телевизион аппаратлар ўрнатилди. 1980 й.дан Республика телевизион маркази мураккаб рангли телевизион аппаратларга эга бўлди.

1980 й. ишга тушган янги телемарказ ҳамда 1985 й. ўрнатилган кўп дастурли радиотелевизион узатувчи станция туфайли Ўзбекистон телевидениесининг имкониятлари янада ошди. Янги телеминоранинг баландлиги 375 метр бўлиб, у Т. телемарказининг кўрсатувлар тарқатиш имкониятини 2 баробарга оширди (қ. *Тошкент телевизион миносони*). Натижада видеосигналларнинг сифати яхшиланиб, телекўрсатувлар сони, ҳажми кўпайди.

Амалда ишлатилиб келган телеускуналар 1990 й.ларга келиб ҳоз. замон ижодий ва техникавий талабларига жавоб бермай қолди. Янги аппаратларни ўрнатиш мақсадида телемарказ аппаратхоналарини қайта таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Техник базани ривожлантириш учун «Сони» фирмасидан телевизион техник воситалар харид қилинди.

Собиқ иттифоқ даврида кўрсатувларнинг асосий қисми Марказ теледастурларидан иборат бўлиб, тўғридан-тўғри эфирга узатиларди. Мустақилликдан кейин Тошкент Т.си кўрсатувлари асосан ўзбек тилидаги маҳаллий кўрсатувлардан иборат бўлди.

Теледастурларнинг ранг-баранглиги Ўзбекистон ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олиш ва қизиқар-

ли акс эттириш имкониятини берди.

1992 й. 11 мартда Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси Ўзбекистон Давлат телерадиоэшиттириш компаниясига, Ўзбекистон Президентининг 1996 й. 7 майдаги фармони б-н эса Ўзбекистон Телерадиокомпанияси («Ўзтелерадио»)га айлантирилди. «Ўзтелерадио» жаҳондаги етакчи телекомпаниялар б-н кенг тармоқли алоқаларга эга. 1998 й. июлдан «Ёшлар» телеканали ташкил этилди ва унинг эфир ҳажми кунига 16,0 соатга етказилди. Тизимда мустақил телерадиоканаллар ташкил қилинди, яъни, 4 та радиоканал ва 4 та телеканал бирлаштирилиб, 3 та давлат корхонаси ва 1 та ЁАЖ («Yoshlar» телерадиоканали)га айлантирилди (2005 й. 8 ноябрда).

Телевидение ижодий жамоаси томонидан таниқли ўзбек адибларининг энг сара асарлари асосида, жумладан, Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён», Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», Беҳбудийнинг «Падаркуш», Ойбекнинг «Қутлуг қон», «Навоий», Одил Ёқубовнинг «Диёнат», «Улуғбек хазинаси», Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар», Турғун Пўлатнинг «Ичкуёв», Уктам Усмоновнинг «Гирдоб», Хайридин Султоновнинг «Мозийдан бир саҳифа», Машраб Бобоевнинг «Кўнгил кўчалари» асарлари асосида кўп қисмли видеофильмлар яратилиб, халқимизга ҳавола этилди.

Ҳоз. кунда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси теледастурларининг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича қамрови куйидагича:

1. «O'zbekiston» телерадиоканали» давлат унитар корхона-

сининг «O'zbekiston» телеканали – 99,1%.

2. «Sport» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Sport» телеканали – 86,5%.

3. «Toshkent» телерадиоканали» давлат унитар корхонасининг «Toshkent» телеканали – 19,8%.

4. «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамиятининг «Yoshlar» телеканали – 98,8%.

Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2003 й. 4 ноябрдаги «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Спорт» телеканали ташкил этилди. Телеканал кўрсатувлари 2004 й. 1 янв.дан кунига 6 соат, 2004 й. апр.дан эса кунига 8 соат ҳажмида эфирга узатилмоқда. Россиянинг 1 канали кўрсатувлари (5 соат ҳажмида) б-н биргаликда «Спорт» телеканалининг бир кунлик жами эфир ҳажми 13 соатни ташкил этмоқда.

2006 й. 21 мартдан «Ўзбекистон» телеканали, 1 апр.дан эса «Ёшлар» телеканали интернет тармоғи орқали ер юзидаги барча мамлакатларга тарқатилмоқда.

ТЕЛЕГРАФ-ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ, «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «Тошкент телеграф-телефон станцияси» (Навоий кўч., 28) – айни вақтда Халқаро коммутация маркази (ХКМ) ҳисобланади. 1932 й. ташкил қилинган. Т.-т. с. тезкор замонавий аппаратлар б-н жиҳозланган. Қуйидаги хизмат турларини кўрсатади: телеграф алоқаси хизматлари – умумий фойдаланиш телеграф тармоғи. Хабарларни жисмоний ва юридик шахсларнинг исталган почта манзилига



Телеграф-
телефон
станцияси.

алоқадан фойдаланувчилар ўртасида жонли тасвир ва овозни қабул қилиш имконини беради. Т.-т.с.да 400 дан ортиқ ходим ишлайди.

кафолатланган ва қисқа муддатларда етказиб берилишини таъминлайди; «UzMAIL» хабарларини кўпфункционал ишлаб бериш тизими телеграф алоқаси хизматлари (Х.400 электрон почтаси ва интернет хизматлари, факсимил хизматлар, телекс хизматлари, телекс-телеграф хизматлари); халқаро, шаҳарлараро алоқа қилиш хизматлари. Бу хизматлар «Марказий телеграф» ва «Элит» сервис телефон карталари ёрдамида кўрсатилади. Сервис телефон карталари ҳақи тўлаб қўйилган шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизматидир; аудиооконференц-алоқа ва видеооконференц-алоқа (ВКА) хизматлари. Аудиоконференц-алоқа ёрдамида вазирликлар, идоралар ва корхоналарнинг раҳбарлари оператив мажлислар ўтказиши мумкин, бунда бутун Ўзбекистон Республикаси жойлашган бўлинмалар (36 тагача) бир конференц-гурӯҳи асносида боғлана олади. Мажлислар бир вақтнинг ўзида иккита режимда: сўзлаш ва эшитиб бориш режимида ўтказилади. Мажлис боришини магнит лентасига ёзиб олиш иложи ҳам бўлади. Видеооконференц-алоқа системаси бир вақтда узоқдаги 16 та

ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ – Т.да телефон алоқалари 1887 й.дан ишлай бошлаган. Умумий фойдаланиш учун 300 рақамли дастлабки коммутаторли ст-я 1904 й. 15 сент.да ишга туширилган. 1914 й.да Тошкент Т.т. 942 (5 телефон автомат) абонентга хизмат кўрсатган. 1915 й. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида сифими 60 абонентга мўлжалланган ёрдамчи ст-я қурилди. Шаҳарлараро дастлабки Т.т.: Т. – Самарқанд–Кўқон, Т.–Пискент, Т.–Тўйтепа тармоқлари 1924 й.да ишга туширилди. 30-й.лардан Тошкент ш. Т.т.ни автоматлаштириш бошланган, аста-секин ҳаво (симли) алоқа линияларидан ер ости кабелларига ўтилган.

1932 й.да Т.да 5500 рақамли биринчи машинали автомат телефон ст-яси (АТС) ишга туширилди. Шу даврдан Т.т.ни ривожлантириш АТСни жорий этиш йўналишида тараққий этди, 60-й.дан шаҳарлараро телефон алоқасининг радиореле ва кабель линиялари қурилиши муносабати б-н Тошкент–Москва коксиал кабелли алоқа линияси қурилди (1965). 1968 й.да Тошкент ш. Т.т. таркибида 40 дан ортиқ АТСлари ишлади ва улар

Т. шаҳри ва шаҳар атрофларига хизмат кўрсатди. 80-й.ларда телефон алоқаларида алоқа йўлдошларидан кенг фойдаланила бошланди. 1990-й.ларда Тошкент ш. Т.т. абонентлари умумий сони 365,4 мингтани ташкил этди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, шаҳарда телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришда туб ислохотлар бошланди. Эскирган ускуналарни янги типдаги техника ва илғор технологиялар б-н алмаштириш, йирик лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. 1991 й.да шаҳарда умумий сифими 382,6 минг номер бўлган (унинг 75% координатли, 25% декадақадамли) ст-ялар ишлади.

1992 й.да шаҳарда биринчи 10000 рақамли электрон 16-АТС қурилди ва фойдаланишга топширилди. Бу даврда чет эллик шериклар б-н ҳамкорлик қилиш учун янги имкониятлар очилди. 1995 й.да Германиянинг «Siemens», «Alcatel», «HUAWEI» ва б. фирмалари иштирокида шаҳар Т.т.да барча эскирган декада-қадамли ва координатли АТСлар электрон АТСлар б-н алмаштирила бошлади. Сўнгра оптик-толали уз. 105 км юқори тезликдаги катта «транспорт ҳалқа» ва уз. 100 км га яқин SDH синхрон рақамли тизим б-н жиҳозланган 4 та кичик ҳалқа ишга туширилди. «Ҳалқа»ларга халқаро алоқа тармоқларига чиқадиган барча рақамли ва узелли ст-яларни боғловчи 60000 янги бириктирувчи линиялар уланди. Биринчи марта 20 йўналишдаги рақамли радиореле алоқа ст-яси қурилди. Кейинги йилларда 29 та электрон АТСлар ишга туширилди, шунингдек, 140 минг абонент линияларига мўлжалланган кабель линияли иншоотлар

қурилиб, фойдаланишга топширилди.

1997 й.да республикада ва шаҳарда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги хузурида Т.т.дан фойдаланишни ривожлантириш ва модернизациялаш б-н шуғулланадиган «Ўзбектелеком» компанияси ташкил этилди.

2000 й.дан Тошкент ш. Т.т. маълумотлар узатиш ва «Интернет» каби янги хизмат турларини кўрсата бошлади. Маълумотлар узатиш тармоғи жаҳон телекоммуникация бозорининг етакчи компаниялари тармоқ қурилмалари ҳамда замонавий технологияларни қўллаган ҳолда ҳар қандай турдаги трафиклар узатилишини таъминлайди.

Тошкент ш. Т.т.да мобиль алоқа (1992 й.дан) хизматидан ҳам кенг фойдаланилади. Т. шаҳрида «МТС», «Билайн», «Ucell», «Uzmobile» ва б. кўплаб дунёнинг етакчи алоқа компаниялари б-н ҳамкорликда тузилган трансмиллий корхоналар фаолият юритади.

Т. шаҳар Т.т. ривожлантиришнинг асосий истиқбол йўналишлари 1995 й.да қабул қилинган ва 1995–2010 й.ларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизациялаш миллий дастури асосида амалга ошири-

Тошкент темир йўл муҳандислари институти.



лади. Бу дастурга кўра 2010 й.да шаҳар Т.т. тўлиқ рақамли тизимга ўтади.


Т. шаҳрида Т.т. фаолиятини «Ўзбектелеком» АК бошқаради. **ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**, Тошкент темир йўл муҳандислари институти (Эшон Одилхўжаев кўч., 1) – 1931 й. Ўрта Осиё т.й. муҳандислари ин-ти номи б-н Т.да ташкил этилган. 1937 й.дан ҳоз. номда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси қарамоғида. Т.й. транспорти ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. 20 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 22 ихтисослик бўйича магистрлар тайёрлайди. Таркибида 4 ф-т (қурилиш; электромеханика; ташишни ташкил этиш ва бошқарув; иқтисодиёт), 27 каф., ўқув-услугий бўлим, ахборот технологиялари м-зи, и.т.лар ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими, маънавият ва маърифат м-зи, спорт мажмуаси, илмий-лойиҳалар ва инновациялар м-зи ва б. бор. Ин-тда аспирантура, докторантура ва номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда, шунингдек, 42 компьютер синфи, интернет м-зи, компьютер технологиялар

ва тест м-зи, 6 мультимедиа аудиторияси, мажлислар зали мавжуд. Ин-тда 296 проф.-ўқитувчи, жумладан, 2 акад., 28 фан д-ри ва проф., 128 фан номзоди ва доцент ишлади; 3139 талаба таҳсил олди (2008). Ин-т ташкил этилгандан бери 50 мингдан ортиқ малакали мутахассис тайёрланди. Ин-тда «Тошкент темир йўл муҳандислари институти ахбороти» журн. (2005 й.дан) ва «Ёш темир йўлчилар» газ. (2006 й.дан) нашр этилади.

«ТЕМИРЙЎЛЧИ» МАҲАЛЛАСИ (Бирлик кўч., 1) – Сергели туманидаги маҳалла. Тошкент вилояти Зангиота туманида 1996 й. ташкил топган. «Наврўз», «Нилуфар», «Иттифоқ», Бобур, Амир Темур маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалладаги «Ўзгариш» даҳасида жойлашган 3 та кўп қаватли уйларни Ўзбекистон темир йўллари компанияси ўз ишчи-хизматчиларига қуриб топширгани ва уларда асосан т.й. ишчилари яшаётганлиги учун «Темирйўлчи» деб номланган. Аҳолиси 6750 киши. 10 та кўп қаватли уйда – 963 та оила, яқка тартибдаги уйларда 504 оила истиқомат қилади (2008). Маҳалла аҳолисининг асосий қисмини ўзбеклар, руслар, қозоқлар ва татарлар ташкил қилади. Маҳалла ҳудудида, озик-овқат дўкони, қ.х. маҳсулотлари дўкони, 2 та кафе, 3 новвойхона мавжуд. Маҳаллада 2 та корейс ибодатхонаси фаолият юритиб келмоқда.

«ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР» МАҲАЛЛАСИ (Темирйўлчилар кўч., 27) – Миробод туманидаги маҳалла. Шим. вокзал ва Аэропорт оралиғида жойлашган. «Биродарлик», «Навбахор», «Байналминал», «Наврўз», «Дўстлик» ма-

ҳаллалари б-н чегарадош. Ўтмишда маҳалла худудида т.й. устахоналари жойлашган, улар кейинчалик «Октябрь инқилоби» номи з-дга айланган. Маҳалла худудидан Тошкент-Туркманбoш т.й.нинг асосий тармоғи ўтган бўлиб, у



Темурийлар тарихи давлат музейи.

респ.нинг барча вилоятларини бирлаштиради. Маҳалла м-зидан Темирийўлчилар кўч. ўтган, маҳалла номи шундан олинган. Маҳалланинг дастлабки аҳолиси, асосан, Ўрта Осиё т.й. бошқармаси тизими ишчи-хизматчилари бўлган. Аҳолиси 2400 киши, 26 миллат вакиллари яшайди.

ТЕМУР МАЛИК КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани худудида. Катта ҳалқа йўлининг таркибий қисми. Паркент кўчаси ва Катта ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1969 й. 14 фев.да Қизил Шарқ (Красновосточный) номи берилган. 1990 й. 14 майдан Хоразмшоҳлар даврида Хўжанд вилояти ҳокими бўлган, Жалолиддин Мангуберди б-н биргаликда халқ оммасини мўғуллар истилосига қарши курашга отланган саркарда, халқ қаҳрамони Темур Малик (12-а. охири – 13-а.нинг 1-ярми) номи б-н юритилади. Йўналишида «Шўртепа», «Яланғоч», «Баҳор», «Нодирабегим», «Катта Яланғочота» маҳаллалари, «Яланғоч» даҳаси, Қорасув 1-, 3-4-, 6-мавзелари, Ўзбекистон

Ички ишлар вазирлиги академияси, Тошкент ш. ҳокимлиги меҳмонхонаси, Трамвай-троллейбус депоси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси боғи, Яланғочота қабристони, Яланғоч ва Тўртариқ ариғи, 105-интернат-мактаби, «SOS-Болалар маҳалласи» шаҳарчаси, Зафар Диёр номидаги маданият ва истироҳат боғи, лимонарий, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, бозорча, ёнлиғи қуйиш шохобчалари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари ҳамда турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Икки жойда Қорасув канали устидан ўтган. Буюк ипак йўли, Мирзо Улуғбек ва Шўртепа кўчалари б-н кесишган. Дўрмон йўли, Боғишамол, Ғазалкент ва Султония кўчалари б-н туташ.

ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ (Амир Темур кўч., 1) – Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан, маориф ва маданиятнинг юксак даражадаги тараққиётини ҳаққоний акс эттириш ва кенг тарғиб қилиш, чуқур инсонпарварлик руҳи б-н суғорилган тарихий ютуқлари-

миз ва анъаналаримиз асосида ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини тантанали нишонлаш мақсадида Т.даги *Амир Темур хиёбони*да Президент Ислам Каримовнинг ташаббу-

си ва раҳнамолигида барпо этилган. 1996 й. 18 окт.да очилган.

Музей биноси тарҳи айлана шаклида бўлиб, махсус темир-бетондан яхлит қилиб ишланган супа устига жойлаштирилган. Бино уч қаватли, бал. 31 м, ташқи диаметри 70 м, ички 50 м. Бинони қуришда темир устун, ғишт, турли бетон блок ва енгил тайёрланган сунъий қурилиш ускуналари қўлланган. Девор юзасини пардозлашда ганч, мрамар ва сопол кошнлар ишлатилган. Қурилишда Т. шаҳар ҳокимлиги, «Турон» фирмаси, Т. авиация и.ч. бирлашмаси, «Оникс» корхонаси (30 дан ортиқ турли ҳажмдаги биллур қандилларни ва ёритгичларни ишлаб берган. Улардан энг улкани 500 та ёритгичли «Зумрад» қандили бўлиб, оғирлиги 2 тонна, бал. 8 м, диаметри 6 м), «Усто» бирлашмаси, кулолчилик з-ди, ҳайкалтарошлик к-ти қатнашган. Музей атрофи пешайвонли, қатор устунли (20 та, бал. 10 м, муқарнас бошали, пой-устуни кулранг мрамардан ишланган), турунжлари сиркори сопол б-н безатилган, бинонинг ташқи девори юзаси айлана бўйлаб сир

кор сопол медальонлар (14 та) б-н безатилган бўлиб, уларда алоҳида-алоҳида қилиб араб ёзувидаги сулс услубида инсонни яхшиликка ундовчи (адолат, маърифат, оқибат, садоқат каби) сўзлар битилган.

Бинонинг биринчи қаватида фойе, магазинлар, маъмурият, вестибюль, касса, ахборот маъруза зали ва б. техник хоналари жойлашган. Музейнинг экспозиция залига (2–3 қават) жимжимадор латофатли фавворалар бўйлаб мрамор зиналар орқали учта (ҳар бири қўш қаватли ва 2 табақадан) салобатли, нақшинкор эшиклар орқали кирилади. Бинонинг 2-қаватида 200 ўринли кинолекция зали жойлашган. Кўргазмалар зали 1996 й.да Парижда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмадаги ҳамда Ўзбекистон вилоятларидаги йирик музейлардан олинган экспонатлар б-н тўлдирилди. Экспозициядан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олган. Ислом Каримовнинг Амир Темурга бўлган ҳурмати ни ифодаловчи дил сўзлари, «Темур тузуклари»дан келтирилган иборалар экспонатларни мазмунан бойитган. Кўргазма залининг марказидаги деворда «Санои нафис» гуруҳи рассомлари томонидан «Буюк Соҳибқирон – буюк бунёдкор» деб номланган 3 қисмдан иборат катта ҳажмли асар тасвирланган.

1. «Туғилиш» қисмида Соҳибқироннинг туғилиши б-н боғлиқ урф-одатлар (бешикка солиш, кўчат ўтказиш каби) рамзий тасвирларда ифодаланган.

2. «Юксалиш» қисмида олтин ҳарфлар б-н битилган «Рости –

расти» («Тўғрилиқ нажотдир») шиори остида тахтда ўтирган Амир Темур, ўнг тарафида – вазирлар ва уламолар, мунажжим ва муаррихлар, чап тарафида эса ҳарбий аъёнлар – амир, уламолар ва баҳодирлар, тахт ортидаги фонда эса бобомиз бунёд эттирган буюк меъморий обидалар тасвирланган. Пастроқда эса Амир Темурнинг набира ва абиралари (Муҳаммад Султон, Улугбек, Ҳусайн Бойқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур) боболаридан мерос қолган тузукларни мутолаа қилаётганлари тасвирланган.

3. «Фахрланиш» қисмида бобомиздан қолган мероснинг чексиз фахру ифтихор туйғулари б-н аждодлардан авлодларга ўтиб келаётгани ўз аксини топган.

Музей экспозициялари доимо янги-янги экспонатлар б-н бойитилиб, янги-янги кўргазмалар ташкил этилмоқда. Заллари доимо хорижий ва Республикамиздан келаётган меҳмонлар б-н гавжум. Музей 2001 й. 23 авг.да ўзининг миллионинчи томошабинини кутиб олди.

«ТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Ракатбоши кўч., 77) – Яккасарой туманидаги маҳалла. Юнус Ражабий, «Конституция», «Ўрикзор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1930-й.ларда ташкил топган. Ўша даврда маҳаллада бир неча Олий Кенгаш депутатлари яшган ва шу муносабат б-н «Депутат» маҳалласи деб номланган. Маҳалла худудида ўтмишда Тепакўрғон қалъаси бўлганлиги сабабли 1992 й.дан «Тепа» деб аталган. Аҳолиси 2 мингдан ортиқ, кўп миллатли. Маҳалла худудида болалар боғчаси, «Жуманжи» ресторани, 2 та кафе, 2 та озиқ-овқат дўкони, Педагогика ун-тининг чет тиллар ф-ти,

ўрта мактаб жойлашган. Таниқли санъаткорлар Раззоқ Ҳамроев, Ботир Зокиров, Саодат Қобулова, акад. Шокир Алимов, Восит Воҳидов, Аҳмад Иброҳимов шу маҳаллада яшаган.

ТЕРАПИЯ ВА ТИББИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ, Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази (Хуршид кўч., 4) – илмий ташкилий методик ва консультатив м-з.

1919 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Дастлаб курортология ва физиотерапия ин-ти деб номланган. 2006 й.дан ҳоз. номда. М-з курорт манбалари ва янги физик омиллардан даво ва профилактика мақсадида фойдаланиш, уларни ўрганиш ҳамда шу соҳада илмий, амалий мутахассислар тайёрлашда етакчи илмий муассаса ҳисобланади. 1925 й.дан ўлкага хос касалликларни физик усуллар б-н даволаш устида иш олиб бориб, Ўрта Осиё худудида курорт иқлими жойлар, минерал сувлар, шифобахш балчиқ ва б. ни ўргана бошлади. 1932 й. курортология бўлими очилди, шундан буён 600 дан ортиқ минерал сув ва шифобахш балчиқ манбаи ҳамда иқлими курортбоп жойлар ўрганилди ва курорт-санаторий (Чортоқ, Тошкент минерал суви, Чимён, Полвонтош ва ҳ.к.) ҳамда дам олиш уйлари (Шоҳимардон, Оқтош, Чимён, Ситораи Моҳи Хоса, Шаханд, Мироқи, Вандоб) ташкил этилди. М-зда 4 илмий бўлим (юрак қон-томир, нафас аъзолари, таянч-ҳаракат ва овқат ҳазм қилиш тизими), энг замонавий тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган диагностика бирлашмаси (клиник, биокимё, бактериологик лаб., функционал диагностика ва нур б-н

ташхислаш бўлимлари, эндоскопик кабинетлар), ташкилий-услубий бўлим, виварий, кутубхона ва музей мавжуд. М-з клиникасида 240 ўринли катталарга (кардиология, пульмонология ва клиник аллергология, кардиореабилитация, гастроэнтерология, ревматология, кардиocereбрал хасталиклар) ҳамда 160 ўринли болаларга мўлжалланган (пульмонология, гастроэнтерология, ревматология ва неврология) бўлимлар мавжуд. Илмий ходимлар орасида 7 фан д-ри, 20 фан номзоди ва б. тиббиёт ходимлари бор (2009). Бир йилда 12000 дан ортиқ беморга хизмат кўрсатилади. М-з илмий тўплам ва оммабоп рисоалар нашр этади.

ТЕРМИЗИЙ МАҲАЛЛАСИ (Афросиёб кўч., 6) – Миробод туманидаги маҳалла. Афросиёб, «Ўзбекистон», Ш.Рашидов маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Шу йили маҳалла худудида имом Ат-Термизийнинг таваллуди нишонланган ва маҳаллага унинг номи берилган. Аҳолиси 1 мингдан ошиқ, асосан руслар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида 3 та кўча, вилоят савдо бирлашмаси, туман ижтимоий таъминот бўлими, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими, «Баракат» фирмаси, Заргарлар уюшмаси, «Жемчуг» магазини, ресторан, озиқ-овқат дўконлари

ва б. мавжуд. Ўзбекистон халқ рассомлари Жавлон Умарбеков, Йигитали Турсунназаров, ҳайкалтарош Илҳом Жабборов шу маҳаллада истиқомат қилади.

ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети (ТошТУ) (Университет кўч., 2) – халқ хўжалиги, и.т., лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари учун техник ва технологик йўналишларда юқори малакали мутахассислар тайёрлайди. 1918 й.да очилган Туркистон халқ ун-ти техника ф-ти заминида Ўрта Осиё пахтачилик ирригацияси политехника ин-тига 1919 й. асос солинган. 1933 й. унинг негизида Ўрта Осиё индустриал ин-ти ташкил қилинган. 1949 й. Ўрта Осиё политехника ин-тига айлантирилган. 1961 й.дан Т. политехника ин-ти деб номланди. Ин-т негизида 1989 й. Машинасозлик ин-ти ташкил топган эди. 1991 й. Политехника ин-ти ва Машинасозлик ин-ти негизида Т.у. ташкил қилинди. 1973 й. Абу Райҳон *Беруний* номи берилган. Таркибида механика-машинасозлик, иқтисодиёт менежменти,

кон-геология иши, нефть ва газ, энергетика, электроника ва автоматика, самолётсозлик ф-тлари, 58 каф., 100 дан ортиқ лаб., муҳандислик олий пед. ин-ти, акад. лицей, гимназия ва касбунарс коллежи, ун-т тарихи музейи, асосий ва ф-т ахборот ресурс м-злари (1 млн. 100 минг асар), аспирантура, д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш учун 5 ихтисослаштирилган илмий кенгаш бор. Ун-тда 37 йўналиш бўйича бакалаврлар, 58 йўналиш бўйича магистрлар тайёрланади. 2007/08 ўқув йили ун-тда 11,5 мингга яқин талаба, 128 аспирант таълим олди. 882 ўқитувчи, жумладан 3 акад., 83 фан д-ри ва проф., 287 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т қошида талабалар турар жойи, қишки ва ёзги спорт заллари, тиббиёт шохобчалари, дам олиш масканлари бор. Ўқув масканида турли йилларда Ҳ.М.Абдуллаев, М.Т.Ўрозбоев, М.З.Ҳомидхонов, У.О.Орифов, Ҳ.Ф.Фозилов, В.Қ.Қобулов, О.М.Акрамхўжаев, Ҳ.Н.Боймуҳамедов, К.С.Аҳмедов каби йирик олим ва мутахассислар фаолият кўрсатган.

Тошкент техника университети.



Ун-тда илмий асарлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари нашр этилади. Ун-т фаолияти давомида ундан 15 олий ўқув юрти ажралиб чиққан. Ун-т ташкил этилгандан бери 170 мингдан ортиқ малакали мутахассис тайёрланган. Кон-геология иши

ф-тида акад. Ҳ.М.Абдуллаев хотирасига, автоматика-телемеханика каф.да акад. М.З.Ҳомидхонов хотирасига ёдгорлик лавҳалари ўрнатилган.

«**ТЕХНОФАРМ**» (Бодомзор йўли кўч., 37) – дори-дармон ишлаб чиқарувчи МЧЖ. Ўзбекистон фармацевтика саноати давлат акциядорлик жамиятига қарашли. 1995 й. ташкил топган. Реополиглукин, глюкоза, натрий хлорид каби дорилар тайёрлайди. Корхона ана шу маҳсулотлардан йилига 520000 дона ишлаб чиқаради (2008).

ТЕШИККЎПРИКТЕПА – 5–13-а. бошига оид археологик ёдгорлик; аркли, истехкомсиз манзилгоҳ. «Ҳамза» метро бекати яқинида (Бунёдкор шоҳкўчаси) жойлашган. Унда 30-й.ларда ўлкашунос Д.Д.Букинич бир неча марта материаллар йиққан; 50-й.ларда ТошДУ археология каф. кузатишлар олиб борган. 1962 й. археологлар К.А.Шахурин ва Ю.Ф.Буряков, 1968 й. *Тошкент археология экспедицияси* (М.И.Филанович ва б.) томонидан текширилган. Бал. 6 м га етадиган арк харобалари қисман сақланган. Дастлаб манзилгоҳ харобасининг майд. 500 х 600 м бўлган. Т.нинг арки алоҳида хоналарга бўлинган ва қалин ташқи девор б-н ўралган, хом гишт ва пахсадан қурилган яхлит иншоотдан иборат бўлган. Қалъа марказий қисмидаги бинолар 5–8-а.ларга мансуб. Араблар истилоси даврида (8-а.) бинолар бузилган ва ёниб, вайронага айланган. 9–12-асрларда тепа худуди ва аркида ҳаёт тикланган, бу ерда аҳоли темирчилик, металл буюмлар тайёрлаш б-н шуғулланган. Бу манзилгоҳ Чоч пойтахти *Бинкат*нинг атрофида жойлашган савдо-ҳунармандчилик қишлоқларидан бири

бўлган. 13-а. бошида бутунлай харобага айланган.

ТЕШИКҚОПҚА ҚАБРИСТОНИ (Тешикқопқа кўч., 173) – майд. – 8,15 гектардан зиёд. 1870 й.дан мавжуд. Қабристон номи шаҳар мудофаа деворида *Дарвешхон* томонидан 16-а.да ўрнатилган қопқа (1 отлиқ ўтиши мумкин бўлган дарвоза) б-н боғлиқ. Шунинг учун уни Дарвишаққопқа деб ҳам аташган. Бундай қопқадан асосан хон чопарлари, махсус топшириқ б-н юборилаётган шахслар ўтказилган. **ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**, Тошкент тиббиёт академияси – Т.да дастлаб 1920 й. Туркистон (Ўрта Осиё) ун-тида тиббиёт ф-ти ташкил этилган. 1931 й. Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-ти Ўрта Осиё тиббиёт ин-тига айлантирилган. 1935 й.дан Т. давлат тиббиёт ин-ти (ТошМИ) деб аталган. 1990 й.да Т. тиббиёт ин-ти 1- ва 2-тиббиёт ин-тларига бўлинди. 2005 й. 1- ва 2-Тошкент давлат тиббиёт ин-тлари негизда Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди. Академия юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш ва сифатини ошириш, ўқиш жараёнини ташкил қилишнинг замонавий талабларига мос келадиган зарур ўқув ва моддий техника базасини яратиш, илғор таълим технологияларини кенг жорий этиш асосида янги мазмун б-н бойитиш, бўлғуси мутахассисларнинг таълими улар томонидан аниқ даволаш амалиёти малакаларини эгаллаш б-н чамбарчас боғлаб олиб борилишини таъминлаш мақсадида тузилган. Академияда 5 ўқув ф-ти (даволаш, тиббий-педагогика, стоматология, тиббий профилактика ҳамда олий ҳамширалик иши), 58 кафедра, аспирантура, марказий

и.т. ва марказий клиник лаб. ва клиника (қ. *Тиббиёт академияси клиникалари*), илмий тиббий ахборот бўлими, музей, акад. лицей, кутубхона (1 млн.дан зиёд асар), нашриёт ва босмахона бор. 5500 га яқин талаба, шунингдек, магистратура йўналишида 40 мутахассислик бўйича 720 дан зиёд резидент таълим олади (2008). Академия Тошкент ш.даги йирик касалхоналарда кўшимча клиник базаларга эга. Академияда 1100 ўқитувчи, жумладан, 10 га яқини Ўзбекистон ФА ва халқаро академиялар акад., 200 дан зиёд фан д-ри, проф., 600 дан зиёд фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади.

Т.а. ҳузурида номзодлик ва д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича 7 та ихтисослашган кенгаш ишлайди. Академия илмий тўплам, монография ва методик қўлланмалар нашр этади.

ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ КЛИНИКАЛАРИ – даволаш муассалари. Беморларни стационар тартибда даволаш б-н бирга амалий ўқув-илмий базаси ҳам ҳисобланади.

Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси (Асадулла Хўжаев кўч., 2) – 1976 й.да Т. тиббиёт ин-ти клиник касалхонаси номи б-н ташкил этилган. 1995 й.да бу ин-т клиникаси мустақил мақомга эга бўлган иккита: 1- ва 2-клиникаларга ажратилган. 2005 й.дан ҳоз. номда.

Клиника 490 ўринли. Кўп ихтисосли: режали ва шошилинич тиббий ёрдам беришга мослашган кардиология, гастроэнтерология, пульмонология (катталар ва болалар), гематология, неврология, кардиоревматология, ревматология, нефрология, умумий терапия, болалар алерго-неврологияси, болалар кардио-

нефрологияси, чақалоқлар патологияси, оналарни даволаш, кардиореанимация, болалар реанимацияси бўлимлари, мас-лаҳат поликлиникаси, шунингдек, республика ревматология маркази бор. Клиникада академиянинг 8 та каф. фаолият кўрсатади. 130 дан ортиқ малакали шифокорлар хизмат қилади.

Клиникада йилига 66000 га яқин беморга амбулатор, 21000 дан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатилади.

Тошкент тиббиёт академиясининг 2-клиникаси (Форобий кўч., 2) – 1976 й.да ташкил этилган. 1995 й.да Тошкент 1- ва 2-тиббиёт ин-ти клиникаларига бўлинган. 2005 й.дан ҳоз. номда.

Клиника 415 ўринли. Таркибида шошилиш травматология, хирургия, нейрохирургия, кўз касалликлари хирургияси, абдоминал хирургия, қон-томир хирургияси, ангионеврологик хирургия, кўкрак қафаси хирургияси, гинекология, ҳомиладорлик патологияси, туғуруқхона, ЛОР касалликлари (катталар ва болалар), реанимация бўлимлари бор. Шунингдек, 2008 й.дан хўжалик ҳисобидаги реабилитация ва пластик жарроҳлик бўлими ҳам фаолият кўрсата бошлади. Бу бўлимда юз соҳасидаги туғма ва ортирилган нуқсонлар бартараф этилади. Клиникада 186 та малакали шифокорлар фаолият кўрсатади.

Клиника худудида Ихтисослашган респ. аллергология маркази, Респ. суяк-йирингли хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий м-зи, Респ. болалар каминвазив ва эндоскопик жарроҳлик илмий-амалий м-зи, Респ. йирингли жарроҳлик ва қандли диабет

асоратларини даволаш м-зи, Респ. йирик бўғимлар ва қўл бармоқлари жарроҳлиги м-злари ҳам бор. Клиникада академиянинг 10 та каф. иш олиб боради. Йилига 50000 га яқин беморга амбулатор, 18000 дан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатилади.

Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси (Тараққиёт кўч., 103) – Тошкент Давлат тиббиёт ин-ти негизида 1964 й. ташкил этилган.

Клиника 370 та бюджет ва 36 та хўжалик ҳисобидаги ўринга эга, 160 га яқин малакали шифокорлар фаолият олиб борадилар. Кўп ихтисосли: ревматология, гастроэнтерология, кардиология, умумий терапия, хирургия, оториноларингология (катталар ва болалар), кўз касалликлари, болалар стоматологияси, илмий амалий ва репродуктив м-з, 6 та хўжалик ҳисобидаги диагностика поликлиникалари бор. Диагностика хизмати, асосан, марказий клиник-диагностика лаб.да олиб борилади. Шунингдек, клиник, иммунология, биокимё, функционал диагностика, эндоскопия ва рентген радиология бўлими ҳамда бактериологик лаб. бор.

Клиникада Т. тиббиёт академиясининг 10 та кафедраси иш олиб боради. Ҳар йили 126000 га яқин беморга амбулатор, 15000 дан зиёд беморга стационар ёрдам кўрсатилади.

ТИББИЁТ ИЛМИЙ КУТУБХОНАСИ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт илмий кутубхонаси (Истиқбол кўч., 30) – Тошкент ш.да 1935 й. ташкил этилган. Фондида қарийб 1 млн. га яқин асар бор, булар китоблар, тиббиётга оид

вақтли нашрлар, авторефератлар, шунингдек, 160 минг нусхадаги чет эл адабиётларидир. Бундан ташқари, Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Гиппократ асарлари, 17–19-а.ларда чоп этилган ноёб китоблар ва тиббиёт фани ҳамда соғлиқни сақлаш асосчилари, шу б-н бирга Ўзбекистон тиббиёт олимларининг асарлари мавжуд. 25 мингга яқин китобхонга хизмат қилади, 900 мингдан зиёд китоб тарқатади. Кутубхона соғлиқни сақлаш, тиббиёт ва унинг соҳаларига оид биографик кўрсаткичлар нашр этади. Ўзбекистондаги барча тиббиёт кутубхоналарига амалий ва услубий ёрдам беради. Китобхонларга хизмат уй абонементи, ўқув зали, ностационар шакллар ва б. усулларда амалга оширилади. Кутубхона сўров-қидирув аппарати алифболи, систематик ва фанлар каталоглари, умумий ҳажми 7 млн. дан ортиқ рўйхатга олиш ва мавзули картотекаларга эга. 1996 й.дан Т.и.к. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Ўзбекистондаги хужжатлар м-зи вазифасини бажармоқда, шунингдек, материалларни кенг тарғиб қилишни амалга оширмоқда. 2000 й.дан Т.и.к.да Ўзбекистондаги китобхонларни ўз соҳасига кўра интернет орқали ахборотлар б-н таъминлай оладиган катта йиғма электрон каталоглар бор. Т.и.к. тиббий кутубхоналар Европа ассоциацияси б-н ҳамкорликда фаолият олиб боради.

ТИББИЁТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ (Боғишамол кўч., 223) – педиатр врачлар ва болалар хирурглари тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1972 й.да Тошкент тиббиёт ин-ти ҳамда Андижон

тиббиёт ин-ти педиатрия ф-тлари негизда ташкил топган. 1988 й.гача Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия ин-ти деб аталган. 1989 й.дан ҳозирги номда. Т.п.и. таркибига Нукус ш.даги филиал ҳам киради (1990 й.дан).

Т.п.и. республикада «Педиатрия иши» йўналиши бўйича таянч олий таълим муассасаси мақомига эга. Ин-тда 3 ф-т (педиатрия, тиббий пед., олий маълумотли ҳамшира), клиника, аспирантура, магистратура, клиник ординатура, марказий и.т. лаб., кутубхона (360 минг асар), 5 ўқув зали, акад. лицей бор. 3260 талаба, магистратура босқичида 412 резидент таҳсил олмоқда. Бундан ташқари клиник ординатура орқали тор ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрланади. 514 ўқитувчи, жумладан 58 фан д-ри ва проф., 174 фан номзоди ва доцентлар фаолият кўрсатади (2009).

Ин-тда д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгаш ташкил этилган. Ин-т билан Сеул ш.даги Енсе ун-ти ўртасида узоқ муддатли ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, мунтазам равишда ўқитувчилар ва талабалар тажриба алмашиниб туради. Ин-тда илмий тўплам, услубий қўлланмалар ва «Педиатрия» илмий-амалий журнали нашр этилади.

ТИББИЁТ ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ КЛИНИКАСИ (Боғишамол кўч., 223) – респ.нинг барча вилоятларидан келган беморларга стационар ёрдам кўрсатадиган тиббиёт муассасаси. 1985 й. да ташкил этилган. Т. *Тиббиёт педиатрия институтининг асосий ўқув-илмий доволаш базаси.*

Клиника 295 ўринли. Кўп ихтисосли бўлимлари бор. 130

дан ортиқ малакали шифокор, жумладан, 20 га яқин тиббиёт фанлари д-рлари ва 50 дан ортиқ фан номзодлари фаолият олиб боради. Хирургия бўйича колоэзофагопластика, бронхларни пломбалаш, жигар циррози ва портал гипертензияда шунтлаш, сийдик йўлларининг туғма нуқсонларида реконструктив пластик операциялар ўтказилади; пластик хирургия бўлимида юз соҳасидаги, шунингдек, умуртқа поғонасидаги (сколиоз ва кифосколиоз) нуқсонлар бартараф этилади.

Офтальмология бўлимида катаракта, глаукома, миопия, капсулотомия операциялари ҳамда интраокуляр линзалар имплантацияси ўтказилади.

Травматология, ортопедия ва нейрохирургия бўлимида кўкрак қафаси, оёқ ва қўл бўғимларидаги иллатлар операция йўли б-н даволанади.

Клиникада ин-тнинг 12 каф. иш олиб боради. Йилига 60000 га яқин беморга амбулатор, 12000 га яқин беморга стационар ёрдам кўрсатилади.

ТИКАНЛИМОЗОР – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Қовурмоч, Хонақоҳ, Чорсу, Қўрғонтаги маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. 300 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар ташқарисидаги ерларида), баққоллик б-н шуғулланган. Чойхона, баққоллик дўконлари, масжид ва б. бўлган (20-а. боши). Ҳоз. ҳудудида турар жой ва маъмурий бинолар қурилган.

ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти (Иброҳим Мўминов



Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти.

кўч., 9) – 1934 й. янв.да Маданий қурилиш и.т. институти (1931–33)нинг филология бўлимлари асосида Тошкент ш.да ташкил этилган. 1939 й. Тил, адабиёт ва тарих ин-ти тарзида қайта тузилган. Ин-т негизда 1943 й. Тарих ин-ти, 1967 й. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи, 1968 й. Ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳририяти ташкил топди. 1991–98 й.ларда Адабиёт ва Тилшунослик ин-тларига ажратилган. 1991 й. Адабиёт ин-тига Алишер Навоий номи берилган. 1998 й.дан ҳоз. номда.

Ин-тда янги адабиётшунослик, фольклоршунослик, тилшунослик, ўзбек тили тарихи, фонетикаси, лексикаси, грамматикаси, стилистикаси ва терминологияси масалалари, ҳоз. адабий жараён, ад. назарияси ва адабий алоқалар тадқиқ этилади. Ад. ва фольклор меросини тўплаш, нашр этиш, ўрганиш ҳам ин-т фаолиятида ўрин эгаллайди. Ин-т таркибида 9 бўлим, фольклор архиви (халқ оғзаки ижоди намуналарининг қўлёзма ва фоноёзув нусхалари сақла-

нади) бор. Ин-тда 62 илмий ходим, жумладан 2 акад., 4 фан арбоби, 17 фан д-ри ва 28 фан номзоди ишлайди. Ин-т 1998–2000 й.ларда Алишер Навоийнинг 20 жилдли «Мукамал асарлар тўплами»ни, 2006–08 й.ларда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти б-н ҳамкорликда 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»ни тайёрлади ва нашр этди. Ин-тда аспирантура ва докторантура, д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича 2 ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда турли йилларда Фитрат, Элбек, Фафур Фулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ғози Олим, Қаюм Рамазон, Олим Шарафиддинов, Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, Иззат Султон, Ҳ.Ёқубов, М.Алавия, З.Хусаинова, В.М.Жирмунский, Е.Э.Бертельс, А.Н.Кононов, К.К.Юдахин, А.К.Боровков, В.В.Решетов, П.Шамсиев, Ҳ.Сулаймонов, М.Қўшжонов каби йирик олим ва мутахассислар меҳнат қилган. Ин-т Германия, Туркия, Хитой, Россия, АҚШ, Япония, Корея Республикаси ва б. мамлакатлар б-н илмий ҳамкорлик қилади. Ин-тда «Ўзбек тили ва адабиёти» журн. нашр этилади (1958 й.дан).

«ТИНЧЛИК» – Ўзбекистон йўналишидаги метро бекати. Беруний кўч.нинг Матлубот кўч. б-н кесишган жойда. Меъморлари: Я.Мансуров, С.Козимов; муҳандиси А.Зокиров. 1991 й. 30 апр.да ишга туширилган. Бекатнинг меъморий ва ҳақиқий ечимида темир-бетон йиғма конструкциялар ва устунлардан фойдаланилган. Вестибюллардан бири биринчи бор ўзига хос конструктив ва ҳажмий ечим орқали (ер ости ўтиш йўлаги ва вестибюль яхлит ҳажмда олинди, бир-би-

«Тинчлик»
метро бекати.

ридан витраж – ёруғликни ўтказувчи намоён тарзидаги тўсиқ б-н ажратилган) бажарилган.

Меъморий-бадий ғояларнинг ечими бекат номи («Тинчлик»)да ўз аксини топган, платформанинг йўл ёни деворларидаги ранглар уйғунлаштирилган оромбахш ҳаёт мавзусига бағишланган. Бадий комплексларнинг уйғунлашуви платформага ўзига хос қиёфа ва кенг ҳажмли кўриниш бахш этган (рас. Р.Муҳаммаджонов, А.Қаюмов). Устунлар юқорига кенгая боради. Улар Нурота мрамори б-н безатилиб, юқорисига майин ёруғлик таратувчи электр ёритқич (бра)лар ўрнатилган. Платформа зали шифтининг марказий қисмига шиша ва латундан ишланган қандиллар осилган (рас. А.Флит). Умуман, бекатнинг ички қисми (ер ости йўлаги, вестибюль, зина ва платформа)да витраж, гирихсимон безаклар, бадий сополдан ишланган бўртма тасвирлар ҳамда Ғозгон, Нурота мраморлари б-н ўзига хос меъморий-бадий кўриниш барпо этилган. **«ТИНЧЛИК» МАҲАЛЛАСИ** (Кичик ҳалқа йўли, 69) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Илғор», «Жарариқ», «Кўкча» маҳаллалари б-н чегарадош. 1935 й.да «12-домком» номи б-н ташкил топган. 1945 й.да уруш туғанлиги ва унда ғалаба қозонганимиз шарафига маҳалла «Тинчлик» деб аталган. Аҳоли-



си 3100 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, 3 озиқ-овқат дўкони, «Тинчлик» ошхонаси, 3 гўзаллик салони жойлашган. **«ТИНЧЛИК» МАҲАЛЛАСИ** (И. Усмонов кўч., 32) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Алгоритм» з-ди ёнида жойлашган. «Хайробод», «Шарқ тонги» маҳаллалари б-н чегарадош. Собик «Москва» жамоа хўжалиги «Хирмонтепа» маҳалласида яшовчи аҳолига янги уй-жой қуриш учун ер участкалари ажратиб бериши натижасида 1969 й. ташкил топган. Аҳолиси 2683 киши, асосан, ўзбеклар яшайди. Маҳалла ҳудудида 13 та кўча, озиқ-овқат дўкони, сартарошхона, 2 новвойхона, 2 оталар чойхонаси, тўйхона, кафе, жоме масжиди, 2 қабристон (Мусабойота ва Сўгаллиота) мавжуд. Маҳаллада уруш қаҳрамони Ислом Усмонов яшаган. Маҳалла м-зий кўчаси унинг номи б-н аталади. Маҳалла м-зида унга ҳайкал ўрнатилган. **«ТИНЧЛИК» МАҲАЛЛАСИ** (Сергели-8^а мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. Собир Раҳимов, «Гулистон», Шукур Бурҳонов маҳаллалари б-н чегарадош. 1990 й. ташкил топган. Аҳолиси 6500 кишидан иборат.

Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллатлар (рус, тожик, татар, корейс, қozoқ ва б.)дан ташкил топган. Маҳаллада 3 та катта кўча, 2 болалар боғчаси, мактаб, дорихона, сартарошхона, магазинлар, 3 кафе, 3 новвойхона бор. **«ТИНЧЛИК» МАҲАЛЛАСИ** (14-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Юнусота маҳалласи б-н чегарадош. 2005 й. 29 апр.да Юнусота маҳалласидан ажралиб чиққан маҳаллага «Тинчлик» номи берилган. Аҳолиси 6250 киши, турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, боғча-мактаб, болалар боғчаси бор.

«ТИНЧЛИКОБОД» МАҲАЛЛАСИ (23-мавзе, 8) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ватан», «Хурсон», «Кўҳна Чўпонота», Фарҳод маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й. ташкил топган ва «Тинчлик» номи б-н аталган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5800 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, руслар, корейслар, татарлар яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, 2 мактаб, 5 кафе, супермаркет, маиший хизмат кўрсатиш объектлари жойлашган.

«ТИРСАКОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Тирсақобод кўч., 1) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Катта Дўмбиробод», «Дўмбиробод», «Наққошлик» маҳаллалари, шунингдек, Зангиота ва Сергели туманлари б-н чегарадош. 19-охирида ташкил топган. 1991 й. «Маданият» номи берилган. 2005 й.дан «Тирсақобод» номи тикланган. Аҳолиси 3824 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, корейс, қрим татар, рус, тожик ва б. миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Маданият» спорт мажмуаси, ўрта мактаб, «Азимхонтўра» жоме масжиди,

қурилиш монтаж корхоналари жойлашган.

ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ – қ. *Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси.*

ТОВКАТТЕПА – археологик ёдгорлик (1–8 ва 11–15-а.лар); м-зида кўрғон бўлган, лекин атрофи мудофаа девори б-н ўралмаган манзилгоҳ. Қалъа ва шаҳристондан иборат. Майд. 6,5 гектар. Т.нинг шарқий чеккаси – Тузел қишлоғи ҳудудида. Ёдгорлик *Қовунчи маданиятига* мансуб. *Мингўрик* яқинидаги обод жойлардан бўлган. 1949 й. А.А.Потапов томонидан қайд этилган ва ўша йили И.Баишев, В.Массон, 1957 й. В.Белоусов, Ю.Буряков текширган. 1970 й.да Д.Г.Зильпер ва 1978–79 йилларда Т. археологик экспедицияси (Ш.Пидиев, О.Папахристу) стратиграфик қазиш ишларини олиб борган. Дастлаб м-зидаги қалъа вужудга келган, унинг бал. тахм. 9 м., майд. 60х30 м бўлган. Кейинчалик кичик тепалик устида хом ғишт ва пахсадан қурилган мураккаб комплекс кўринишидаги кўрғон шаклланган. 8-а. 1-чорагида араблар истилоси вақтида бузилган ва ёндириб юборилган. 11-а.да унинг харобалари устида янги қишлоқ вужудга келган ва 15-асргача мавжуд бўлган. Қазиш вақтида турли ашёлар – хум, кўза, коса, товоқ, юпка тилла тугма ва б. топилган.

ТОЖИК МАҲАЛЛА – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Туркянгишаҳар ва Қашқар маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Ўрда атрофида кўқонлик аскарлар қароргоҳи жойлашган. Аскарлар асосан, тоғлик, Қоратегин, Дарвоздан олинган тожиклар бўлган. Маҳалла шарқдан Т.нинг Янги шаҳар қисмига туташ бўлган. 3 қисмга бўлинган. Аҳолиси (қарийб 500 хона-

дон) асосан, тожиклар бўлиб (номи шундан), аксари бинокорлик б-н шуғулланган, деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар чеккасидаги ерлари – Ғишткўприк ва б.да) б-н ҳам машғул бўлган. Фадир (Фадранг) ариғидан сув ичган. Новвойхона, ямоқчилик дўкони, баққоллик дўконлари, 3 масжид бўлган (20-а. боши). Ҳоз. ҳудудига кўп қаватли турар жой бинолари қурилган.

«ТОЛАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Кўйлик 4-даҳаси) – Миробод туманидаги маҳалла. «Янги Кўйлик», «Чинор», «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1976 й. ташкил топган. Маҳалла ҳудудидан Толариқ канали оқиб ўтганлиги боис шундай аталган. Аҳолиси 4 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 та кўча, болалар боғчаси, озиқ-овқат дўконлари, дорихона, ошхона ва б. мавжуд.

«ТОНГ ЮЛДУЗИ» (Навоий кўч., 30) – Республика болалар ва ўсмирлари газетаси. Муассис – Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати. Ҳафтада 1 марта чиқади. Биринчи сони 1929 й. 1 авг.да Самарқандда «Ленин учқуни» номи б-н чиққан (3000 нусхада), 1931 й.дан Тошкент ш.да чоп этилади. 2-жаҳон уруши йиллари газ.ни нашр этиш вақтинча тўхтатилган. 1946 й. 1 июлдан яна нашр қилина бошлаган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Саҳифаларида Ўзбекистондаги мактаб ўқувчилари ҳаётига оид мақола ва хабарлар, улар ижодидан намуналар, болалар учун бадиий асарлар ва б. босилади. Адади 60000

(2009). Бош муҳаррир – Тўлқин Ҳайит (2007 й.дан).

ТОРКЎЧА, Т о л к ў ч а – *Кўкча* даҳасидаги қад. маҳалла. Каттаҳовуз, Дарбоза маҳаллалари ва Бўзсув канали б-н чегарадош бўлган. Қарийб 300 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, савдо-сотик, боғдорчилик, деҳқончилик, (Ингичкакўприк, Шофайзикулоқ, Кўкча Оқтепаси мавзеларида) б-н шуғулланган. Маҳаллада катта ҳовуз, масжид, дўконлар бўлган (20-а. боши). Ҳоз. ҳудудининг бир қисмига Гулобод даҳаси, Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси қурилган.

«ТОШАВТОБУСТРАНС» – акциядорлик компанияси. Т. шаҳрида автобус, йўналишли такси ва енгил таксиларда йўловчи ташиш б-н шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент ш.да йўловчи ташиш транспорти тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2006 й. 11 янв.) ҳамда «Ташшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент ш. ҳокимлиги йўловчи ташиш транспорти барча турларини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори (2006 й. 18 янв.)га мувофиқ тузилган. Компания таркибида 1-, 5-, 7-автокорхоналар, 2-, 3-, 4-, 8-, 12-автобус парклари (ОАЖлари), 2519-автоколонна, «Мерседес-Бенц» сервис хизмати кўрсатиш м-зи бор. Шунингдек, «РАФ», «Ипак йўли автотранс», «Чуқурсой автокорхонаси», 2-автокомбинат, махсус тажриба автокорхонаси, 5-такси парки, «Тўртинчи автохизмат» ОАЖлари компания б-н шартнома асосида ишлайди. Компания таркибида-

ги корхоналар тасарруфида 1324 та автобус бўлиб, шундан 579 таси «Мерседес-Бенц», 317 таси «Исузу», 163 таси «Отойол», 215 таси «ЛАЗ» ва б. русумли машиналардир (2008). Компания корхоналари томонидан 120 та автобус ва 34 та йўналишли такси йўналишларида хизмат кўрсатилмоқда. Иш кунларининг тиғиз соатларида жами 1160 та автобус белгиланган йўналишларга чиқарилади. Автобус йўналишларининг уз. 2118 км ни, йўналишли таксиларники эса 533,12 км ни ташкил этади. Компания корхоналари бир кунда ўртача 1 млн. 100 минг йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга.

«ТОШИССИҚҚУВВАТИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (Фурқат кўч., 1) – иссиқлик тармоқларидан фойдаланиш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш б-н шуғулланувчи унитар корхона. Тошкент ш. ҳокимлиги тасарруфида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Энергетика вазирлигининг Тошкент ш.да жойлашган магистрал иссиқлик тармоқларини шаҳар ҳокимияти тасарруфига бериш тўғрисида»ги қарори (1996 й. 16 авг.) ва шаҳар ҳокимиятининг 1996 й. 3 сент. даги 256-сонли қарори б-н «Таштеглокоммуналэнерго» и.ч. бирлашмаси ва «Таштеглосеть» корхонаси негизида ташкил топган. Бирлашмага бошқарув девони (14 та бўлим ва хизматлар)дан ташқари туман бошқармалари, диспетчерлик таъминоти бошқармаси, ремонт-механика цехи, иссиқлик манбалари бошқармаси, 11 қозонхона участкалари, насос ст-яларидан фойдаланиш ва электр хўжалиги бошқармаси, «Иссиқлик сотиш» бошқармаси, юридик,

транспорт ва механизмлар бошқармалари, метрология ва стандартлаш бўлими, иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларини таъмирловчи сервис м-зи қарайди.

Бирлашма фаолияти иссиқлик энергиясини и.ч. ва шаҳар иссиқлик тармоқларига юбориш, истеъмолчиларни иссиқлик б-н узлуксиз ва ишончли тарзда таъминлашга қаратилган. Бирлашма марказлашган *иссиқлик таъминоти* системасидаги асосий бўғиндир. Бирлашма тизимининг иссиқлик ишлаб чиқарувчи қисмини «Қорасув» иссиқлик м-зи (қуввати 300 Гкал/соат), «Водник» қозонхонаси (қуввати 60 Гкал/соат), «ТТЗ» қозонхонаси (қуввати 220 Гкал/соат), «Сааноатэнерго» қозонхонаси (қуввати 60 Гкал/соат) ва 140 та алоҳида қозонхоналар (умумий қуввати 291,774 Гкал/соат) ташкил этади. Бирлашма 1348,5 км иссиқлик тармоғини ўз балансига олган.

«ТОШКАЯТЕКСТИЛЬ» (Кушбеги кўч., 6) – Ўзбекистон–Туркия қўшма корхонаси. «Ўзбекенгилсаноат» уюшмасига қарашли. Корхона биноси 1932 й.да қурила бошлаган. 1934 й.да Т. тўқимачилик к-ти сифатида ишга туширилган. 1940 й. йигирув-тўқув ф-касининг 2-навбати, 1952 й. 3-йигирув ф-каси қурилган. 1977 й. реконструкция қилиниб замонавий машина ва дастгоҳлар ўрнатилган. 1981 й. автоматлаштирилган йигирув-тўқув ф-каси қурилиши бошланган. 1988–94 й.ларда тўқимачилик саноатининг ип газлама бирлашмасига айлантилган. 1994–98 й.лар Тошкент тўқимачилик комбинати АЖ, 1998–2004 й.ларда «Тоштўқимачи» очиқ турдаги АЖ. 2004 й. март ойдан МЧЖ шаклидаги қўшма корхона. Таркибида йигирув, тўқув, трикотаж, тикув ва

бўяш цехлари бор. Йигирилган калава ип и.ч.га ихтисослашган. Бир йилда 462000 т калава ип йигирилади. Корхонада тайёрланадиган хом сурп ва трикотаж матолар, ип калава, тайёр кийим-кечаклар (ички кийимлар, спорт кийимлари ва б.) Польша, Россия, Украина, Эрон каби мамлакатларга экспорт қилинади. Корхонада 572 ходим ишлайди. Корхона 2007 й. халқаро «Олтин глобус» совринини қўлга киритди. Калаваловчи Д.Қулматов ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган энгил саноат ходими» фахрий унвони, «Эл-юрт хурмати» ордени, йигирувчи Д.Қосимова «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган.

ТОШКЕНТ – Китобнинг бош қисмидаги *Тошкент* тарихий очеркига қ.

«ТОШКЕНТ» – Ўзбекистон йўлидаги метро бекати; Вокзал олди майд.да. 1984 й. 7 дек.да фойдаланишга топширилган (меъмори А.Табитов, муҳандиси А.Зокиров ва б.). Устунли платформа икки ер ости вестибюлига, ер ости йўлакларига эга. Деворлари ва шифт устунлар каллаги безагига монанд, миллий руҳда безатилган (рас. С.Султонмуродов), платформанинг зинапояли йўлакларига «Тошкент – тинчлик ва дўстлик

шаҳри» мавзуида шаҳар герби, турли тасвирлар ишланган (рас. О.Ҳабибуллин). Безакларда мрамор, гранит, керамика, металл, шиша ва б. материаллардан кенг фойдаланилган. Яқинида «Тошкент – Марказий» т.й. вокзали, меҳмонхона, темир йўл техникаси музейи жойлашган.

ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ, В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (Элбек кўч., 61) – авиация саноатининг самолётсозлик соҳасидаги йирик корхонаси. Турли модификациядаги самолётлар йиғилади, уларнинг деталь ва узеллари тайёрланади, шунингдек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилади. 1941 й. Химки ш. (Москва вилояти)дан кўчириб келтирилган В.П.Чкалов номидаги авиация з-ди асосида барпо этилган. 1966 й.дан В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация з-ди деб аталган, 1972 й.да В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси сифатида қайта ташкил этилди. 1996 й.дан очиқ турдаги давлат акциядорлик жамияти. Таркибида Т.даги бош корхона, Андижон механика з-ди, Фарғона механика з-ди ва «Евразия-ТАПО-Диск» ҚК бор.

Дастлаб (2-жаҳон уруши йилларида) жанговор самолётлар ишлаб чиқарилган. 1953

й.дан ИЛ-14, 1958 й.дан турли типдаги транспорт самолётлари, 1966 й.дан АН-22, 1970 й.лардан ИЛ-76 самолётлари ишлаб чиқарила бошланди. Ҳозирда, асосан, ИЛ-76, ИЛ-114 самолётлари ва уларнинг модификациялари ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади ва экспорт қилинади. Корхонанинг «Кристалл», «Сокол», «Золотые пески» дам олиш уйлари ва болалар оромгоҳи бор.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ҲАЛҚА ЙЎЛИ – қ. Катта халқа йўли.

ТОШКЕНТ АГЛОМЕРАЦИЯСИ – аҳоли, сони, худудининг катталиги ва хўжаликдаги аҳамиятига кўра Ўрта Осиёда шаклланган шаҳар ва қишлоқларнинг энг йирик, мураккаб худудий тизими. 6,4 минг км² майдонни эгаллайди. Унинг таркибига 10 та шаҳар (Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Фазалкент, Келес, Паркент, Оққўрғон, Дўстобод, Чиноз, Тўйтепа) ва 17 та шаҳарча (Алимкент, Бўзсув, Гулбаҳор, Искандар, Олмазор, Салор, Туябўғиз, Улуғбек, Чорбоғ, Чигирик, Эшонгузар, Янгибозор, Янгиҳаёт, Янги Чиноз, Ўртаовул, Қибрай, Қизилтоғ) ҳамда 600 дан ортиқ қишлоқ киради. Агломерация доирасида 4 млн. га яқин аҳоли яшайди, шундан 2,6 миллиони шаҳар аҳолиси, урбанизация даражаси 72% ни ташкил этади. Мазкур худуд респ.да юқори даражада урбанизациялашган бўлиб, шаҳарлар зичлиги ҳар минг кв.км га респ.да 0,5 тани ташкил этгани ҳолда, бу ерда 4,2 тадан тўғри келади.

Агломерация Чирчиқ дарёси водийси бўйлаб полосасимон кўринишда жан.-ғарбдан шим.-шарққа 130 км дан ортиқ масофага чўзилган, кўндаланг диаметри 40 км га етади. Жан.-ғарбда Сирдарё, шим.-шарқда Чорвоқ




«Тошкент» метро бекати.

сув омборига бориб туташади. Шим. чегараси Қозоғистон б-н бўлган давлат чегараларига, жан. эса кенг қишлоқ хўжалик ерларига тўғри келади.

Агломерация моноцентрик типда бўлиб, пойтахт шаҳар негизиде, суғорма деҳқончилик худудида вужудга келган. Қулай иқтисодий географик ўрнидан келиб чиққан ҳолда функционал ва худудий жиҳатдан атрофга қараб кенгайиб борди. Ҳоз. кунда шаҳар майд. 330 км² бўлиб, 1922 й.га нисбатан 3,3 марта кенгайган. Агломерациялашув жараёнининг дастлабки даврларида (1960-й.ларда) тизим таркибида 11 та йўлдош шаҳар бўлган. 1970 й.да уларнинг сони 17 та, 1989 й.да 27 тага етди. Агломерация аҳолисининг деярли ярми унинг м-зида тўпланган. Шаҳар аҳолисининг нисбати унинг м-зи фойдасига 4:1 ни ташкил этади.

Агломерация «ядро»си – Тошкент ш.; аҳоли зичлиги 1 км² га 300–350 киши, ўқиш, меҳнат бўйича алоқалар устун турувчи, м-зга жамоат транспортда қатнаш вақти 1 соат, радиуси 35–40 км гача бўлган 1-зона. Бу зонада Т.нинг ўнг қанотида 1-тоифали йўлдош шаҳри – Чирчиқ жойлашган бўлиб, у ҳам ўз навбатида атрофидаги Ғазалкент, Искандар, Оркутсой, Чорвоқ, Қибрай каби аҳоли манзилгоҳларини ўз таъсир доирасига тортиб туради. Чап томонида 2-йирик йўлдош шаҳри Янгийўл ҳам ана шундай локал худудий тизимни шакллантириш арафасида. Ушбу зонанинг бевосита Т.га туташ қисмида аҳоли ниҳоятда зич (1 км² га 600–700 киши) жойлашган (587 минг киши). Бу ердаги Келес, Эшонгузар, Назарбек, Кўксарой, Янгибозор, Салор каби аҳоли манзилгоҳлари сув, энергия, ка-



Тошкент агломерацияси.

нализация, телефон тармоқлари, қ.х. маҳсулотларини етказиб бериш ҳамда аҳоли алоқалари орқали Т. билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Улар биргаликда Тошкент мегаполиси ёки «Катта Тошкентни» ташкил этади.

2-зона меҳнат ва ўқиш алоқалари сусайиб, маданий-маиший, рекреация алоқалари устунлик қилувчи, аҳоли зичлиги 1 км² га 150–200 кишини ташкил этувчи, м-здан 60–70 км радиусга эга худудларни ўз ичига олади. Бу ерда Т.нинг «узокдаги» йўлдош шаҳарлар ва қишлоқлари жойлашган бўлиб, унинг чегаралари м-зга қатнаш вақти 2 соатгача бўлган изохроналардан ўтади. Бу ерда алоқалар сусайиб бориб, шаҳар атрофи ташқи зонаси б-н боғланиб кетади.

Агломерациянинг худудий таркибида Т.ни атрофи б-н боғ-

ловчи транспорт йўллари «ўқ»ларга ўхшаб атрофга кириб боради ва йўлдош шаҳар ҳамда қишлоқларни агломерация «ядро»сига тортилиб туришини таъминлайди. Улар м-здан атрофга радиал йўналишда кетувчи т.й., йирик автомагистраллар ва улардан ёнга тармоқланиб кетувчи 2-даражали йўллардир. Аҳоли манзилгоҳларининг асосий қисми Чирчиқ ва Чиноз йўналиши бўйлаб жойлашган. Бу йўллар агломерациянинг нафақат ички қисмини, балки уни қўшни худудлар билан ҳам боғлаб туради.

Агломерацияда Т. бош шаҳар бўлиб, йўлдош шаҳарлар уни тўлдирувчи ва унга хизмат қилувчи функцияларни бажаради.

ТОШКЕНТ АРХЕОЛОГИЯ ЭКСПЕДИЦИЯСИ, Ўзбекистон ФА Археология институтининг Тошкент археология экспедицияси – Т. худудида

археологик қазилмалар ва кузатувлар олиб боровчи илмий ходимлар жамоаси. Акад. Я.Ф.Фулломов ташаббуси б-н «Тошкент отряди» номида 1967 й. тузилган. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг шаҳарда қурилиш ишлари авж олгач, бу отряд (раҳбарлари – тарих фанлари номзодлари В.А.Булатова, 1967–68, 1971–74; М.Т.Аминжоннова, 1969–70; М.И.Филанович, 1974 й.дан) кенг кўламда тадқиқот ишларини бошлаб юборди. Отряд таркибига турли йилларда Э.В.Ртвеладзе, У.И.Исломов, М.Р.Қосимов, И.Аҳроров, Ш.Р.Пидаяев, О.А.Папахристу, Ж.Илёсов, Л.С.Баратова, Ж.Мирзааҳмедов, Г.И.Богомоллов, Қ.Алимов, Ў.Алимов, М.Р.Тихонин, С.Савчук-Қурбоннов, Ш.Т.Одилов, Т.Беляева, Н.П.Столярова, Е.Усова, Т.Гречкина, Эм.Вульфферт, Г.И.Потапова кирган. Отряд, асосан, шаҳардаги барча қурилиш майдонларида археологик кузатиш ва тадқиқот ишлари олиб боришни бошлаган. 1978 й. отряд доимий фаолият юритувчи экспедицияга айлантирилиб, унинг таркибига археологлардан ташқари, Т.даги илмий ташкилотларнинг археологияга яқин соҳалар мутахассислари ҳам жалб қилинди. Археологик изланишлар б-н бир қаторда нумизматика (Э.В.Ртвеладзе, Т.Ерназарова), палеоантропология ва Чочдаги этно-генетик жараёнлар (Т.Қ.Хўжаев), геоморфология (Г.Ф.Тетюхин, У.Абдуназаров), палеозоология (Т.Н.Худойбердиев), палеотупроқ ва палеоиклим (Т.Казакова) соҳасидаги тадқиқотлар Т. атрофида кишилик жамияти ривожининг дастлабки босқичини ўрганиш б-н бирга қўшиб олиб борилди. Т.а.э.нинг қазилма ва археоло-

гик кузатишлари натижасида Т. шаҳар маданияти ёшлари аниқлаш ва шаҳар ривожининг қад. босқичларини тиклаш имконини берувчи материаллар мажмуи жамланди. Шунингдек, қадимда ва ўрта асрларда экологик ўзгаришлар б-н боғлиқ бўлган Чоч аҳолиси хўжалигини акс эттирувчи материаллар тўпланди. Т.даги ёдгорликларнинг археологик стратиграфиясини ўрганиш фаннинг айрим мунозарали масалаларига аниқлик киритди, яъни Бурганли ва Қовунчи маданиятларининг аниқ даврлари белгиланди; Чочнинг қад. ва ўрта асрлардаги пойтахтлари, бу минтақанинг тарихий топографияси, иқтисодиёти ва аҳолисининг ғоявий дунёқарашларини ўрганишга оид фактик материаллар тўпланди.

ТОШКЕНТ АСТРОНОМИЯ РАСАДХОНАСИ – Туркистон ҳарбий округи Ҳарбий топография бўлими тизимида 1873 й. астрономия ва физика расадхонаси сифатида ташкил қилинган. Расадхона Ўрта Осиёда астрономик пунктларни аниқлаш учун экспедициялар уюштирди. Айни вақтда расадхонанинг ўзида и.т. ишлари (вақтни ўлчаш, Қуёш фаоллиги, Қуёш ва Ой тутилиши, метеорологик ҳамда сеймик кузатишлар ва ҳ.к.) олиб борилди. 1922 й.дан Туркистон халқ маорифи, 1925 й.дан Ўзбекистон халқ маорифи комиссарлиги, 1943 й.дан Ўзбекистон ФА таркибида. 1966 й.дан Ўзбекистон ФА *Астрономия институти*.

«ТОШКЕНТ» АЭРОПОРТИ (С.Толипов кўч., 13) – Ўзбекистон Республикасининг асосий халқаро аэропорти. «Т.» а. қўшни мамлакатларнинг аэропортларига нисбатан бирмунча қулай географик ерда жойлаш-

ган. Бу ерда яқин хориж мамлакатларидан Жан.-Шарқий Осиё, Европа ва Америкага борадиган ҳаво йўллари кесишди. Аэропортнинг бевосита таркиби ҳисобланадиган аэровокзал биноси 1924 й. қурилган. Шу йили «Т.» а.дан биринчи парвоз амалга оширилган: Тошкент–Авлиёта (Тароз) – Пишпек (Бишкек)–Олмаота маршрути (800 км) бўйича дастлабки йўловчилар ташилган. 1956 й. аэровокзалнинг маҳаллий авиайўлларга хизмат қилувчи 2-биноси қурилиб ишга туширилган. 1974 й. эса 3 қаватли янги аэровокзал биноси бунёд этилиб, *аэровокзал майдони* реконструкция қилинган.

Мустақиллик йиллари «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси тузилиб (1992), «Т.» а. бу тузилмага киритилгач, аэропорт ва унинг яқинидаги инфратузилмаларни модернизациялаш бўйича бир қанча лойиҳалар амалга оширилди.

«Т.» а. иккита – «жанубий» ва «шимолий» учиш-қўниш поласасига эга. 1995–96 й.ларда «Штрабаг», «Фокс» фирмалари ва Франкфурт-Майн аэропортининг мутахассислари иштирокида бу полосалар тўла реконструкция қилинди, бунда «Сименс» фирмасининг қўниш ёруғлик сигналининг энг янги системаси ўрнатилди. Бу полосалар эндиликда халқаро талабларга жавоб бериб, барча типдаги ҳаво кемаларини қабул қила олади. Аэропортда учиш-қўниш полосаларидан ташқари магистрал ва кичик йўлаклар, умумий майд. 58 гектар бўлган перрон бор. Мазкур перрон узоқ ва ўрта магистралларга парвоз қилувчи 110 та самолёт тўхташ жойига эга, шу жумладан бевосита аэровокзал олдида 4 та тўхташ жойи бор.



«Тошкент»
аэропорти.

Бундай яқинлик телескопик траплардан фойдаланиш имконини беради.

2001 й. асосий йўловчилар терминали тўлиқ реконструкция қилиб бўлинди, бунда марказий ҳаво йўллари аэровокзали замонавий ускуналар б-н жиҳозланди ва бирмунча қулай ҳолатга келтирилди. Аэровокзалдан ҳар соатда 1000 дан ортиқ йўловчи ўтиши мумкин. Йилига 2 млн.дан ортиқ йўловчи унинг хизматидан фойдаланади.

Аэровокзал мажмуаси транзит йўловчилар учун алоҳида терминални ва зарурий сервис хизматларини ўз ичига олади. Вокзал биносида кутиш заллари, чипта кассалари, маълумотномалар бюроси, кафе, дўконтча ва б. бор.

«Т.» а. катта ҳажмдаги юкларга мўлжалланган мажмуа умумий майд. 4500 минг м² бўлган омбор биноларига эга. Бу бинолар юкларни тегишли назоратдан ўтказадиган механизация воситалари б-н жиҳозланган. Омборхона ва унинг атрофидаги ҳудуд замонавий видеокузатиш системаси б-н жиҳозланган.

ва аксинча йўналишда етказиб берилади. Юклар самолётлар келгандан сўнг 48 соат мобайнида бепул сақланади, тез айнидиган юклар учун совутиш камералари ишлайди, юкларни божхона омборида ҳам сақлаб туриш мумкин.

«Т.» адан мунтазам равишда ички йўналишлар бўйича Ўзбекистон вилоятлари м-зларига, шунингдек, халқаро йўналишлар бўйича МДХ мамлакатлари, Европа, Осиё, Шимолий Америка мамлакатларининг 50 га яқин шаҳрига самолётлар парвоз қилади. 2007 й.да «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси амалга оширган 55 йўналиш бўйича 23 мингга яқин рейсинг асосий қисми «Т.» а. ҳиссасига тўғри келди. Бу ердан замонавий Боинг-767-300 ER, Боинг-757-200, А-310, RJ-85, Ил-114-100, Ту-154, Ан-24, Як-40 русумли йўловчилар ташийдиган, шунингдек, Ил-76 ва б. хил юк самолётлари парвоз қилади.

ТОШКЕНТ БОШ ПЛАНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (Тошкент-бошплан ЛИТИ) (Бобур кўч., 14)

– 1969 й.да Тошкент Бош планини лойиҳалаш ин-ти сифатида ташкил этилган. 1976 й.дан ҳоз. номда. 2008 й.дан Давлат унитар корхонаси. Тошкент ш. ҳокимлиги архитектура ва қурилиш бош бошқармаси таркибиди. Т. ва Тошкент вилояти шаҳарларининг Бош режалари, транспорт, энергия, газ таъминоти, ирригация, сув таъминоти ва канализация тармоқларини ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича тармоқ тарҳларини ва фуқаро объектлари лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқади ҳамда и.т. ишларини олиб боради. Бош ҳудудий лойиҳаловчи ташкилот вазифасини бажаради. Ин-т 1991 й.дан йирик лойиҳаларни ишлаб чиққан: Т. пойтахт минтақасининг шаҳарсозлик ривожланиш стратегияси (1994), Т. марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси (2002), Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси (1997), «Юнусобод» ёпиқ теннис корти (1998), Кичик ҳалқа йўли (2002), «Туркистон» ёзги театри (1993), Зарқайнар, Сағбон ва Қодирий кўч. кесишувида транспорт ечими (2005), Миробод туманида шоира Зулфияxonим ҳайкалининг ўрнатилиши (2007), Сергели-6 мавзеси қурилиши (2008), Тошкент ш. бош режа схемаси (1997), Тошкент ш. комплекс транспорт схемаси (2005), Т.нинг тарихий қисмини батафсил режалаштириш лойиҳаси (2006) ва б.

Ин-т 13 бўлимдан ташкил топган. 154 муҳандис-техник ходим фаолият кўрсатади.

ТОШКЕНТ ВАҚТИ – Т.ни ўз ичига олган 5-соат минтақаси вақти. Халқаро келишувга кўра, Ер юзаси шартли равишда 24

соат минтақасига бўлинган (360°:24=15°). Нолинчи минтақа, яъни Гринвич меридианидан шарқда 7°30' шқ.уз. б-н 22°30' шқ.уз.даги меридианлар ораси 1-минтақа бўлса, 22°30' ва 37°30' уз.даги меридианлар ораси 2-минтақа ва ҳ.к. Ҳар бир минтақа вақти кўшни минтақа вақтидан 1 соатга фарқ қилади. Т. 68° ва 69° шқ.уз. ораллигида жойлашганлиги сабабли, 5-соат минтақасига тўғри келса, Москва 3-соат минтақасида жойлашган. Т.в. Москва ёзги вақтга ўтганда 1 соатга, қишки вақтга ўтганда эса 2 соатга фарқ қилади.

Шим. кутбдан жан. кутбгача битта меридианда жойлашган нуқталарда, яъни битта меридианнинг ҳамма жойида вақт бир хилдир. Бу вақт маҳаллий вақт деб аталади. Аммо турли географик уз.ларда жойлашган географик объектларнинг вақти бир-биридан фарқ қилади.

1930 й. 16 июнда қабул қилинган қарорга кўра декрет вақти жорий этилиб, соат миллари 1 соат олдинга суриб қўйилган эди. Ўша вақтдан бошлаб Ўзбекистонда вақт ўлчови 2 минтақа, яъни Тошкент ва Самарқанд вақти доирасида олиб борилган, 1991 й. апр.дан Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарори асосида декрет вақти бекор қилиниб, бир хил минтақа вақти қабул қилинди, яъни соат миллари 1 соат орқага сурилди.

Т.в. шаҳарнинг маҳаллий вақти ҳам дейилади. Ўзбекистон Республикаси Алоқа тўғрисидаги қонунида «Маълумотларни узатишнинг технологик жараёнларида Ўзбекистон Республикаси майдонида ҳисобга олиш ва ҳисобга оид ягона вақт – маҳаллий вақт белгиланади», дейилган. Ўзбекистон Республикаси

вилоятларида вақт Т.в. билан бир хил бўлганлиги хўжалик ишларини юритишда анча қулайлик туғдиради. Т.да ҳаво йўллари, т.й. ва б. транспорт турларининг ҳаракат жадвали маҳаллий вақт б-н тузилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ – республиканинг шим.-шарқда жойлашган. 1938 й. 15 янв.да ташкил қилинган. Майд. 15,26 минг км². Аҳолиси 2537,5 минг киши (2008 й., Тошкент ш. киритилмаган), асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, татар, тожик, корейс ва б. миллат вакиллари яшайди. Таркибида 17 шаҳар (Тошкент, Олмалик, Ангрен, Оҳангарон, Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Оққўрғон, Оҳангарон, Ғазалкент, Бўка, Дўстобод, Паркент, Пискент, Келес, Тўйтепа, Чиноз), 15 туман, 18 шаҳарча ва 146 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази – Тошкент ш.

Вилоятнинг шим. ва шим.-шарқий қисмлари Ғарбий Тяньшан тоғлари ва унинг тармоқлари (Қурама, Писком ва Угом тоғлари) б-н банд. Чатқол ва Қурама тоғлари орасида Оҳангарон платоси жойлашган. Вилоят худудининг катта қисми Сирдарё томон қияланиб борадиган тоғолди текислиги (Чирчиқ-Оҳангарон водийси)дан иборат. Фойдали қазилмалардан мис, полиметалл рудалар, олтин, кумуш, қўрғошин, алюминий хом ашёси, қўнғир кўмир, молибден конлари, плавикли шпат ва дала шпати, турли хил қурилиш материаллари бор. Термал ва минерал сув захиралари кўп. Вилоят кучли сейсмик зонада жойлашган. Иқлими кескин континентал. Қиши нам, нисбатан илиқ, ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси -1,3° -1,8°, энг паст т-ра -34° (текисликда), -38° (тоғ этакларида), июлнинг ўртача т-

раси 26,8°, энг юқори т-ра 43-47°. Текислик қисмида йилга 250 мм, тоғолдиларида 350-400 мм, тоғларда 500 мм ёғин ёғади. Ёғиннинг кўп қисми баҳор ва қишда ёғади. Вегетация даври текислик қисмида 210 кун. Дарёлари Сирдарё ҳавзасига мансуб (Сирдарё ўрта оқими ва унинг ирмоқлари – Чирчиқ, Писком ва Оҳангарон). Бўзсув, Қорасув, Далварзин, Тошкент ва б. суғориш каналлари, Туябўғиз («Тошкент денгизи»), Чорвоқ, Оҳангарон сув омборлари бор. Дарё водийларида терак, тол; тоғ этаклари ва тоғларнинг ўртача баландликларида олмазор ва ёнғоқзорлар учрайди, тоғолча ўсади.


Т.в. мамлакатнинг саноати юқори даражада ривожланган вилоятларидан. Вилоятда 92 та йирик саноат, 318 қўшма, 26 мингга яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатади. Энг муҳимлари: «Ғиштчи» (Ангрен), «Агат ва Фарҳод» (Бўстонлиқ тумани), «Металлургремонт» (Бекобод), «Орион» (Қибрай тумани).

Саноатининг етакчи тармоқлари – энергетика, машинасозлик, металлургия, кўмир, кон металлургияси, кимё саноати, пойабзал, пахта тозалаш, озик-овқат саноати, тўқимачилик ҳамда қ.х. маҳсулотларини қайта ишлаш. Вилоятда саноат корхоналаридан Бекободдаги Ўзбекистон металлургия, Олмалиқдаги кон-металлургия, Янги Ангрен, Тошкент иссиқлик электр ст-ялари ҳамда Чирчиқдаги ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металллар к-ти ишлаб турибди. Чирчиқдаги «Электркимёсаноат», Олмалиқдаги «Аммофос» кимё саноатидаги йирик корхоналардан. «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқ-қишлоқмаш», «Трансформатор», «Аккумулятор-сервис» корхонала-

рида қ.х. учун зарур бўлган пахта сеялкалари, культиваторлар, подборщиклар ва б. эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилади. Вилоятдаги «Тошкенттибтехника» (Қибрай тумани), «ЎЗБМЗ» (Тошкент тумани), «Гидравлика», «Ус-

куна қурувчи» (Зангиота тумани), Далварзин таъмирлаш з-ди (Бек-обод тумани), тоғ транспорти ускуналарини таъмирлаш з-ди, «Ангренгазмаш» (Ангрен ш.) корхоналари йирик корхоналардан. «Оҳангаронцемент», «Сан-

техқуйма», «Оҳангароншифер», «Оҳангарон-линпласт», «Бек-ободцементтаъмир», «Ғазалкент-ойна» каби қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган корхоналар ҳам мавжуд бўлиб, уларда це-



мент, шифер, керамика, ойна, гишт, линолеум, темир-бетон конструкциялари каби маҳсулотлар тайёрланади. Чирчиқда «Бурсел Тошкент текстиль», Ангренда «Саноат қалинқоғозсавдо» корхоналари ишлаб турибди. Вилоятда озиқ-овқат саноати ривожланган бўлиб, пахтачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва б.га асосланади. Ун э-длари, консерва, пиво, арақ, вино ва спирт, нон ва нон маҳсулотлари, қандолат э-длари, шоли тозалаш корхоналари, паррандачилик ф-калари бор. Вилоятда халқ хунармандчилиги ривожланган.

Қ.х.нинг асосий тармоқлари: пахтачилик, ғаллачилик, боғдорчилик, токчилик, пиллачилик; тоғ этакларида лалмикор деҳқончилик (асосан, буғдой ва арпа етиштирилади). Вилоятда 19935 фермер хўжалиги фаолият кўрсатади. Пиллачилик б-н шуғулланилади. Чорвачилик гўшт-сутга ихтисослашган. Барча жамоа ва хусусий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Вилоят хўжаликлари респ. пойтахти аҳолисига сут, гўшт, тухум, мева-сабзавот етказиб беради. Экин майдонларида пахта, дон, техника экинлари, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Боғ, токзор, ўрмонзор, пичанзор ва яйловлар бор. Вилоятда Қуйи Чирчиқ «Балиқчи» тажриба намунавий балиқчилик бирлашмаси, Зангиотада Дамачи балиқчилик к-ти, Янгийўл балиқ чавоқлари етиштириш давлат хўжалиги, Ихтиопатология маркази (Тошкент) ва б. фаолият кўрсатади.

Т.й. узунлиги 354,2 км. Вилоят ҳудудидан Марказий Осиё давлатларини Шарқий Европа

шаҳарлари б-н боғлайдиган т.й. линияси ўтади. Тошкент атрофидаги т.й.лар электрлаштирилган. Вилоят аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг умумий уз. 3833 км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси 3813 км). Мухим автомобиль йўллари: Катта Ўзбекистон тракти, Тошкент-Андижон-Ўш-Қашқар автомобиль йўли.

893 умумий таълим мактаби, 4 академик лицей ва 99 касбхунар коллежи, 2 олий ўқув юрти (Тошкент аграр ун-ти, Тошкент вилоят педагогика ин-ти) бор. 2 меҳрибонлик уйи фаолият кўрсатади. Энг йирик и.т. институтларидан боғдорчилик, токчилик ва виночилик, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, пахтачилик, чорвачилик, ипакчилик ва ўрмон хўжалиги, суғориш техникаси и.т. институтлари, қ.х.ни механизациялаш ва электрлаштириш Ўрта Осиё ин-ти, Ўрта Осиё рангли металлургия лойиҳалаш, Шоликорлик и.т. институти ва б. жойлашган.

4 ўлкашунослик музейи, 35 болалар мусиқа ва санъат мактаби, маданият уйлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, маданият ва истироҳат боғлари бор.

93 касалхона, 456 дорихона, вилоят шошилинич тиббий ёрдам маркази бўлимлари, 444 амбулатория-поликлиника, 254 қишлоқ врачлик пункти, 11 стоматология поликлиникаси ишлаб турибди. 38 болалар оромгоҳи, 5 дам олиш зонаси, 12 санаторий, 9 санаторий-профилаторий, 3 дам олиш уйлари, 4 та пансионат, 2 болалар санаторийси, Тошкент ш.дан 90 км шим.шарқда Чатқол тоғ ёнбағирларида «Чимён» дам олиш зонаси бор.

Вилоятда 56 стадион, спорт мажмуалари, 19 сузиш ҳавзаси,

69 теннис корти, отчопар, велотрек, спортзаллар, отиш тирлари, қўл тўпи, футбол майдонлари бор.

Вилоятда 2 вилоят («Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда»), туман, шаҳар газлари чиқади. Шунингдек, тармоқ, жамоат газ. ва журн.лари нашр этилади. Тошкент ш. ва вилоят радио тингловчилари учун ҳар куни «Тошкент» телерадиоканали давлат унитар корхонасининг «Дўстлик» радиоканали орқали махсус эшиттиришлар берилади. «Ориат-Дона», «Ориат-FM» радиостанциялари фаолият кўрсатади. Тошкент ш. ва Т.в. учун мўлжалланган кўрсатувлар берилади, шунингдек, «Олмалик-ТВ», «Пўлат», «Чирчиқ-ТВ», «Бекобод ойнаи жаҳон», «Орбита ТРК» телестудиялари ишлаб турибди.

Меъморий ёдгорликлардан Зангиота мажмуаси Т.в.даги энг машҳур, Марказий Осиёдаги ноёб меъморий ёдгорликдир. Бекобод туманида Қизилмозор обидаси жойлашган. Тошкент вилоятидаги туман марказларида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига, жумладан, Чирчиқ ш.га кираверишда, Бўзсув канали соҳилида, Янгийўл, Паркент ш.ларида ёдгорликлар ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура қурилиш қўмитаси буюртмасига мувофиқ «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти томонидан 2002 й.да Т.в.ни ҳудудий планлаштириш схемаси ишлаб чиқилди. Унда Тошкент ш. ва Т.в. яхлит бир тизим сифатида қаралиб, энг муҳим шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумий муаммолари ижобий тарзда, комплекс ҳал этиш назарда тутилади. Муаммолар ва уларни

бартараф этиш 3 асосий йўналиш – халқ хўжалиги комплексини ривожлантириш; минтақани функционал-режалаштиришни мукамаллаштириш; атрофмуҳит муҳофазаси ва уни яхшилаш бўйича олиб борилади.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АРХИВИ (Чилонзор кўч., 2) – Ўзбекистон Давлат архиви негизидан 1940 й. ташкил этилган. Вилоят, округ, уезд ижроия к-тлари, уларнинг бўлимлари, бошқармалари, касаба уюшмалари ва б. жамоат ташкилотларининг, шунингдек, Тошкент вилояти ва Т. ҳудудида жойлашган корхоналар ва ўқув юртларининг 1917 й.дан шу кунгача бўлган ҳужжатлари сақланади. Унда фан, ад. ва санъатнинг машҳур намояндалари тўғрисидаги ҳужжатлар ҳам бор. Ангрен, Олмалик, Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл ш.ларида, Т. вилояти Қибрай туманида филиаллари мавжуд.

ТОШКЕНТ ВИНО КОМБИНАТИ (Истикбол кўч., 45) – очиқ турдаги АЖ (1994 й.дан). «Ўзмева-сабзавотузумсаноат» холдинг компанияси таркибида. Узум виноси, арақ маҳсулотлари, хом ва тозаланган спирт, узум ва олма шарбати ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Узум виноси ва спирт тайёрлайдиган и.ч. корхонаси сифатида 1867 й. 2 дек.да рус саноатчи ва савдогари И.А.Первушин томонидан асос солинган. 1918 й.да национализация қилиниб, «Турквино» трести, 1927 й.дан «Ўзбеквино» таркибидаги з-д. 1930 й.да з-д кўп тармоқли хўжаликка айлантирилган. 1962–94 й.ларда «Тошкентвино» комбинати. Таркибида шарбат, арақ, спирт, вино хомашёси тайёрлайдиган ва қуйиш бўлимлари ҳамда вилоятларда узум етказиб берадиган ва қайта ишлайдиган пункт-

лари бор. Ялпи маҳсулот ҳажми 28,8 млн. сўм. 2008 й. корхона томонидан (минг дал) вино ва б. спиртли ичимликлар – 850, арақ ва ликёр маҳсулотлар – 1370, коньяк – 9,0 ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади, халқаро кўргазмаларда иштирок этиб, олтин, кумуш ва бронза медаллари б-н тақдирланган.

ТОШКЕНТ ГЕРБИ – илк ўрта асрлардаёқ Т.нинг ўзига хос рамзи юзага келган. 8-а.да Чоч (Шош) ш.нинг нишони қоплон (тоғ барси) бўлган. Буни 8-а.нинг 1-ярмида ҳукмдорлик қилган ябғу Тарнавч номи б-н зарб қилинган тангаларнинг олд томонида қоплон, орқасида эса қанғарларнинг айри тамғали ва сугд ёзувида «Тарнавч» деб битилган муҳри тасвирида кўриш мумкин (1-расм).



1-расм.

Чор Россияси даврида ҳам Т.нинг герби – шаҳар эмблема-си бўлган. Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан 1909 й. 21 апр.да қабул қилинган шаҳар герби олтин қалқон шаклида ишланган. Қалқон ўртасидан тўлқинсимон мовий белбоғ б-н ўралган, белбоғнинг юқори ва пастида ток барглари тасвирланган. Гербнинг юқори қисмига 3 тишли тож минора ўрнатилган. Атрофи Александр тасмаси б-н бириктирилган 2 та зарҳал ток новдаси б-н ўралган. Гербдаги белбоғ ўлка ҳаёт манбаи – Сирдарё дарёси тимсоли, ток барг-

лари ва новдалари эса ўлкада узумчилик ривожланганини ифодалайди (2-расм).



2-расм.

Шаҳарнинг шўролар тузumi даврида – 1981 й. 20 мартда тасдиқланган герби очиқ китоб шаклида, ярмида респ.нинг ўша даврдаги давлат байроғи тасвирланган, ўртада куёш гардиши ичида Т.нинг асосий музейи биноси, Т. йирик пахтакор респ. м-зи, дўстлик ва тинчлик шаҳри рамзи сифатида бир чаноқ пахта ва кабутар тасвирланган. Композиция марказидаги шестерня Т.нинг йирик индустриал шаҳар эканлиги рамзидир. Гербнинг юқори қисмида «Тошкент» сўзи ёзилган (3-расм).



3-расм.

Т. шаҳрининг ҳоз. герби шаҳар ҳокимлигининг 1997 й. 23 янв. қарори асосида қабул қилинган. Ҳокимликнинг 2003 й. 4 фев. қарори б-н унинг тасвирига ўзгартиришлар киритилган. Т.г. доира шаклида ифодаланган. Доиранинг юқори қисми гардишида чизиқлар орасида

Амир Темурнинг «Куч – адолат-дадир» деган сўзлари лотин алифбосида битилган. Доиранинг марказий қисмида икки табақали очиқ дарвоза тасвири солинган. Дарвозанинг юқорисида шарқона гумбаз ифодаланган. Гумбаз остида, қуёш шаклидаги нон расми бор. Нон тасвиридан пастроқда тоғлар, ундан қуйроқда оқиб келаётган дарёлар тасвири туширилган. Шаклнинг қуйи қисми сўл томонида ўрик гуллари ва барглари, ўнг томонида узум ва ток япроқлари тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида «Toshkent» деб ёзиб қўйилган. Доира – Ер курраси маъносини ифодалайди. Доиранинг гардишида жойлашган жимжимадор ҳалқасимон шакл – ер, сув, ариқ ва фавворалар жилоси. Очиқ дарвоза Т.нинг қадимдан Шарқ дарвозаси эканлиги рамзидир. Нон шаклидаги қуёш – Т.нинг ризқ-рўз, тўкин-сочинлик манбаи, фаровон, серқуёш шаҳар эканлиги белгиси. Баланд тоғлар ва икки дарё республикамиз табиатининг тимсоли. Герб тасвирида Т. – саноат, илм-фан, маданият, маънавият маркази, дўстлик тимсоли, мустақил республика пойтахти, Ватан юраги, юрт кўрки сифатида ифодаланган (4-расм).



4-расм.

Тошкент ш.нинг темир йўл вокзали майдонида «Т.г.» ёдгор-

лик композицияси яратилган. Меъморий композиция йирик гранит блоклардан ясалган постамент ва жажжи шаршарали чиройли сув ҳавзасини бирлаштиради. Композиция атрофидаги майдон дам олиш зонасига айлантирилган. Ёдгорлик лойиҳаси 1995 й. «Тошкентбошплан ЛИТИ» ин-ти томонидан ишлаб чиқилган (меъмор Н.Г.Наруцкая, ҳайк. Р.Авакян).

«ТОШКЕНТ ГУЛЛАРИ» (Бухоро кўч., 26) – флористик хизматлар кўрсатувчи салон. Т.даги 1970-й.ларда ташкил этилган дастлабки гул дўконларидан, ҳозирда «Флора-дизайн» хусусий корхонаси тасарруфида. Турли гулдасталар, гул композициялари, экибаналар тайёрлаш, тўй ва б. тантаналар, тақдимотларни гуллар б-н безаш бўйича хизмат кўрсатади. Ҳар турдаги гуллар, эсдалик совғалар, турли ҳажмдаги ва русумдаги гултуваклар б-н савдо қилинади. Салон Т. ва республикада ўтказиладиган тадбирларда гул б-н безаш ишларида иштирок этади. Салонда гул ўстириш ва уни парвариш қилиш бўйича мутахассислар маслаҳатхонаси мавжуд.

ТОШКЕНТ ГЭСЛАР КАСКАДИ – «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компаниясининг шуъба корхонаси. 1944 й. ташкил қилинган. Каскад таркибида *Бўзсув ГЭС* (1926), *Бўрижар ГЭС* (1936), *Оқтепа ГЭС* (1943) ва *Шайхонтоҳур ГЭС* (1953) бор. Буларнинг ҳаммаси Чирчиқ-Бўзсув сув-энергетика трактида жойлашган. ГЭСларнинг ум. қуввати 30 МВт га яқин (2008).

ТОШКЕНТ ДАРВОЗАЛАРИ – қ. *Шаҳар дарвозалари*.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ (1966) – 4-10 янв. кунлари Т.да Покистон президенти М.Айюбхон б-н Ҳиндистон бош вазири

Л.Б.Шастри ўртасида собиқ иттифоқ Министрлар Советининг раиси А.Н.Косигин иштирокида имзоланган. Учрашув Кашмир ҳудудида Ҳиндистон ва Покистон ўртасида рўй берган қуролли тўқнашув (1965 й. авг.–сент.) туфайли юзага келган кескинликни тинч йўл б-н ҳал қилиш мақсадида уюштирилган. Т.д. бу хусусда бир қанча амалий тадбирларни кўзда тутган; ҳар иккала мамлакат қуролли кучларини қуролли тўқнашувдан олдин эгаллаб турган жойларига қайтариш, дипломатик ваколатхоналар фаолиятини тиклаш, ҳар икки давлат ўртасидаги иқтисодий ва савдо муносабатлари ва б. Т.д. Ҳиндистон б-н Покистон муносабатларидаги жанжалли масалаларни тинч йўл б-н ҳал этишга асос бўлган.

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ (1999) – Афғонистондаги зиддиятни тинч йўл б-н ҳал этишнинг асосий тамойиллари ҳақидаги декларация. 1999 й. 19 июлда Т.да бўлиб ўтган Афғонистон муаммосини ҳал қилиш бўйича «6+2» гуруҳининг навбатдаги анжумани чоғида имзоланган. Президент Ислом Каримов ташаббуси б-н тузилган «6+2» гуруҳига Афғонистон б-н чегардош 6 давлат – Эрон, Хитой, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Ўзбекистон, шунингдек, АҚШ ва Россия кирази. «6+2» гуруҳи анжуманларига БМТ шафеълик қилиб келмоқда. Т.д. муқаддима ва 13 банддан иборат, 1–3-бандларида Афғонистондаги можарони ҳарбий йўл б-н ҳал қилиш мумкин эмаслиги, мамлакат барқарорлиги учун сиёсий музокаралар бошланишига даъват этилиб, афғон диёрига қурол етказиб беришнинг олдини олиш зарурлиги таъкидланган. Т.д.нинг 7–

8-бандларида мамлакатдаги қалтис вазиятнинг сабаблари, халқаро терроризм ва уларнинг ташкилотчиларига Афғонистонда бошпана беришни ва террорчиларни ўқитишни тўхтатишга қаратилган саъй-ҳаракатлар белгиланган. Т.д. Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлида залворли қадам бўлди.

2008 й. 3 апр.да Бухарестда бўлиб ўтган НАТО (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) саммитида Ислом Каримов бугунги реал воқеликни инobatга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш мақсадга мувофиқ эканини алоҳида таъкидлади. Бу таклиф жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

ТОШКЕНТ ДЕНГИЗИ – қ. *Туябўғиз сув омбори.*

ТОШКЕНТ ЗИЛЗИЛАСИ – қ. *Зилзила.*

«ТОШКЕНТ – ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ» – мамлакатимизда ислом маданияти ҳамда маънавий қадриятларни тиклаш ва сақлаб қолиш бўйича амалга оширилаётган эзгу ишларнинг халқаро кўламдаги эътирофларидан бири. 2007 й. янв.да Ислом конференцияси ташкилоти таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) Т.ни ислом маданиятининг пойтахти, деб эълон қилди. Т. билан бир қаторда Фес (Марокаш), Триполи (Ливия), Дакар (Сенегал) шаҳарлари ҳам «Ислом маданиятининг пойтахти», деб эълон қилинди. Президент Ислом Каримов бу эътирофни «ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига

қўшган беқиёс ҳиссасига берилган муносиб баҳо», деб таърифлади.

Шу муносабат б-н шаҳарда бунёдкорлик ишлари янада авж олдирилди. Жумладан, қисқа муддатларда *Ҳазрати Имом мажмуаси* тубдан қайта таъмирланди, янги минора, масжид, хиёбонлар бунёд этилиб, унда кўплаб шаҳарликлар ўз беминнат меҳнатлари б-н ҳисса қўшдилар. Кўқалдош мадрасаси (16-а.), Шайх Зайниддинбо (13–19-а.), Зангиота (14–20-а.), Хўжа Аламбардор (19-а.), Шайх Хованди Тоҳур (15-а.), Юнусхон (15-а.) мақбаралари, Абулқосим мадрасаси (19-а.) ва б. таъмирланди. 2007 й. 14–15 авг.да Т., Самарқанд шаҳарларида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси» мавзуида халқаро илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК МАРКАЗИ (Яланғоч даҳаси) – шаҳарни иссиқлик энергияси б-н таъминловчи корхона. Тошкент ш. ҳокимлиги тасарруфида. ОАЖ шаклида фаолият юритади. Таркибига 9 та иссиқлик манбаи киради: «Шимоли-шарқий» ИМ-1, «Фарбий» ИМ-3, «Шимолий» ИМ-4, «Чилонзор» ИМ-5, «Жануби-шарқий» ИМ-6, «Авиасозлар» ИМ-7, «Сергели» ИМ-8, «Янги Чилонзор» ИМ-9, «Шимоли-фарбий» ИМ-10. 1969 й. Бирлашган қозонхоналар корхонаси сифатида ташкил этилган. Дастлабки иккита ПТВМ-50 қозон агрегати 1968 й. охирида «Шимоли-шарқий» ИМ-1 қозонхонасида ишга туширилган эди. Бирлашган қозонхоналар корхонаси 1970 й. туман қозонхоналар корхонаси номи б-н атала бошлади. И.ч. қувватларининг ўсиши б-н

улар «Тошкент иссиқлик маркази» («Таштеплоцентральный») и.ч. бирлашмасига айлантирилди. 1988 й. Ўзбекистон Энергетика вазирлиги «Ўзбекэнерго» и.ч. бирлашмаси қилиб ўзгартирилгач, «Тошкент иссиқлик маркази» и.ч. бирлашмаси «Тошиссиқликмарказ» корхонаси номи олдиди. Бирлашган қозонхоналар корхонаси ташкил этилган пайтда унинг умумий қуввати 182 Гкал/соат бўлган бўлса, «Т.и.м.»нинг и.ч. қуввати иссиқлик манбаларини кенгайтириш ва янгиларини қуриш ҳисобига 2002 й. 4480 Гкал/соат га етди. 2002 й. дек.да «Чилонзор» ИМ-5 да ПТВМ-100 №8 қозон агрегати фойдаланишга топширилгандан сўнг эса ОАЖнинг и.ч. қуввати 4580 Гкал/соат ни ташкил этди. 2007 й. марказ 9017,8654 минг Гкал иссиқлик энергияси берди. Бу бутун шаҳар иссиқлик таъминотининг 75 фоизига тенг бўлди (яна қ. *Иссиқлик таъминоти*).

ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗИ (ИЭМ), «Toshkent IEM» (Бобур кўч., 58) – иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқарувчи корхона. ОАЖ шаклида фаолият юритади. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси таркибида. 1939 й. Тўқимачилик комитини электр энергияси ва буг б-н таъминлаш мақсадида ишга туширилган. Айни вақтда Тошкент ш. фарбий қисмида жойлашган уй-жой-коммунал сектори ва саноат корхоналари электр ва иссиқлик энергиясини ундан оладилар. ИЭМда 12 та қозон, турбоагрегат, атмосфера деаэраторлари, иссиқлик ускуналари бор. Тошкент ИЭМнинг мавжуд қуввати: 22 МВт электр, 828 Гкал/соат иссиқлик энергиясига тенг. Қозонларининг ялли и.ч.

куватни 415 т жуфт/соатни ташкил этади. Ёқилғиси асосан табиий газ, резервда – мазут. Иссиқ сув шаклида иссиқлик энергиясини етказиб бериш борасида «Тошиссиқкуватни» ишлаб чиқариш бирлашмаси б-н (бутун иссиқлик энергиясининг 90% га), шунингдек, технологик буғ етказиб бериш борасида «Тошкаятекстиль», «Агротимпласт», «Энерготекс» кўшма корхоналари, «Ўзжёлдорпасс» давлат корхонаси, 1-темир бетон буюмлари 3-ди акциядорлик жамияти ва б. билан шартномалар тузган. ИЭМ системага берадиган электр энергиясини сотиш учун «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компаниясининг шохобчаси – «Энергосотиш» б-н шартнома имзолаган. 2006 й. авг.да «Иссиқликэлектр-лойиҳа» ин-ти Тошкент ИЭМини модернизациялаш лойиҳасини ишлаб чиқди. Унга кўра, кучли газ турбина ускунаси қурилиши режалаштирилди. Бунинг учун 135,7 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция талаб қилинади.

Тошкент курантлари.



ТОШКЕНТ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ (Қибрай тумани) – Ўзбекистондаги йирик иссиқлик электр ст-ялардан бири. «Ўзбекэнергия» давлат акциядорлик компанияси таркибидagi шуъба корхона. Ст-я қурилиши 1961 й. январда ускуналарни очиқ ҳолда жойлаштириш б-н бошланган. 1-энергоблоки 1963 й.да, охириги – 12-блоки 1971 й.да ишга туширилган. Унга босими 140 атм, ҳарорати 545° бўлган 500 т/соат буғ и.ч. қувватига эга агрегатлар ўрнатилган. Ҳар бир агрегатнинг қуввати 160 МВт, ст-янинг умумий қуввати эса 1860 МВт. 1975 й.да ст-я саноат эксплуатациясига қабул қилинди. Асосий ёқилғи – Бухоро газ, резерв ёқилғи – мазут. Сув б-н таъминлаш системаси – канал, соҳил насос ст-ялари, босимли қувурлар ва ишлатилган сув чиқариб юбориладиган ёпиқ каналлардан иборат. Сув *Бўзсув* каналидан олинади. Ст-я Тошкент ш. ва унинг атроф ҳудудлари истеъмолчиларини электр энергияси б-н таъминлайди; Ўрта Осиё «Энергия» бир-

лашган энергетика тизимига уланган, электр тизимга 110, 200, 500 кВ кучланишда узатилади. 2008 й.да 9345 млн. кВт-соат электр энергия ва 273 Гкал иссиқлик энергияси ишлаб чиқарди.

ТОШКЕНТ КУРАНТЛАРИ – Т.нинг биринчи куранти 2-жаҳон урушида қозонилган ғалаба шарафига шаҳар м-зида қурилган (1947, меъмори А.Муҳамедшин; безагида *Уста Ширин* қатнашган). Минора тепасидаги занг урадиган соат механизмини Белоруссия фронтда жанг қилган тошкентлик соатсоз уста А.А.Айзенштейн Шарқий Пруссиянинг Алленштейн (ҳоз. Польшанинг Ольштино) ш.дан эсдалик сифатида келтирган. Халқ депутатлари Тошкент ш. кенгаши ижроия к-тининг қарорига мувофиқ, А.Айзенштейн, В.Солиҳов, Л.Маликов, А.Хицан, Г.Стрельцовдан иборат соатсозлар бригадаси ана шу механизмни 4 циферблатли қилиб Т. куранти минорасига ўрнатган. Миноранинг бал. 28,7 м, ўлчови 4,1х4,1 м. Зилзила (1966) натижасида соат бузилган, зудлик б-н таъмирланиб, ишга туширилган. Курант 1991, 1992 ва 2009 й.ларда қайта таъмирланган.

2009 й. майда «Ўзбекистон» анжуманлар саройи ва Т. куранти оралиғида янги курант қурилди. Ушбу курант соати Швейцариядан олиб келинган.

Т.к. шаҳар меъморий ансамблининг Амир Темур хиёбонидаги таркибий қисмидир. Т.к. қурилишида миллий меъморлик ва амалий безак санъати анъаналари қўлланган. Ҳозгон мрамори б-н қопланган ва бронзадан ишланган металл қисмлари ўзаро уйғунлашган. 2009 й.да ҳар иккала курантнинг олд қисмида Т. герби тасвири ўрнатил-

ган. Т.к. ҳар чорак, ярим ва бир соатда занг уриб туради. «Тошшаҳарнур» ДУК тасарруфида. **«ТОШКЕНТ – МАРКАЗИЙ» ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ** – қ. *Вокзал*.

ТОШКЕНТ МИНЕРАЛ СУВИ – Т. атрофи артезиан ҳавзасига мансуб, махсус хосса ва компонентларга эга бўлган минерал суви. Юқори бўр – сеноман ярусигадаги гравелит ва қумтош қатламларида жойлашган. Дастлаб 1948 й. Эшонқўрғон структураси (Қозоғистоннинг Жан. Қозоғистон вилояти, Сариеғоч ш.)да топилган. Т. атрофидаги сеноман ярусигада ўнлаб бурғи қудуғи қовланган. Бу қудуқлардан сув босим остида чиқиб, улар фаввора режимида 1,35 л/сек.дан 10,6 л/сек. дебит б-н ишлаган. Т.м.с. 1100 м дан 2345 м гача бўлган горизонтда топилган. Бу азот-ишқорли иссиқ сув бўлиб, 0,6–1,14 г/л минераллашишга эга. Сувнинг жойлашиш чуқурлигига қараб т-раси 36⁰ дан 71⁰ гача. Таркиби гидрокарбонат-натрийли, сульфат-гидрокарбонат-натрийли, баъзан хлорид-сульфат-гидрокарбонат-натрийли бўлиб, унда радон концентрацияси 4–9, баъзи микроэлементлар (Si, Al, Fe, Ti, Mo, V) ҳам мавжуд. Т.м.с.да гелий 0,2–1,6, аргон 0,5–1,7, CO² 1,2–1,3 ҳажмли фоизларда эриган. Сув таркибида (4,8–8,12) 10⁻⁶ г/л уран, (1,4–9,9) 10⁻¹² г/л радий; газлардан 89,6% эриган азот, 12–18,6% кислород, 0,5–8,9 карбонат ангидрид бор. Сувнинг умумий қаттиқлиги 7,2–8,2. Шифобахш омиллари – юқори т-раси, кремний кислотага (30–40 мг/л) бойлигидир.

Т.м.с.дан ҳоз. вақтда Респ. ихтисослаштирилган терапия ва

тиббий реабилитация илмий-амалий м-зи ва «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Чатқол» ва б. физиотерапевтик шифохоналарда фойдаланилади. Минерал сув таянч-ҳаракат органлари, асаб системаси, гинекологик, экзема, нейродермит, ошқозон-ичак касалликларини даволашда қўлланади. Шунингдек, 1952 й.дан шифобахш ичимлик суви сифатида истеъмол қилинади. Т.м.с.дан кўплаб фойдаланиш оқибатида бурғи қудуқларидан сувнинг табиий босим остида чиқиши (1л/сек. ёки ундан кам) кескин камайиб, пьезометрик сатҳнинг мунтазам равишда пасайиши кузатилмоқда. Шунинг учун, Т.м.с.дан фойдаланишни қатъий назорат остига олиш зарур. **ТОШКЕНТ НОН САНОАТИ** – нон ўзбек халқининг энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида новвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида Т.да ноннинг ўнлаб хиллари яратилган. Жумладан Т.да ва унинг атрофида ўзига хос обидон, жайдари нон, седанали нон, Т. патири, гўшти нон, ёғли патир, жиззали ёки пиёзли патири каби нонлар ёпилган. Нон деярли ҳар бир оилада тайёрланишига қарамай, шаҳарда йирик новвойхоналар аҳолининг ёпилган нонга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда муҳим мавқеда турган.

1929 й.да Т.да дастлабки нон пиширадиган саноат корхоналари қурилгач, новвойчилик саноат тармоғига айланди. Ноннинг турли навларини – буханка, булка ва тешиккулча, парҳез, диабетик ва шифобахш нон турларини и.ч.га ихтисослашди. 1960–85 й.ларда катта (100 т/

сутка) ва ўрта (30 т/сутка) қувватга эга нон з-длари қурилиб ишга туширилди. 1988 й.да мамлакатда 29 та йирик нон з-ди ишлади.

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳолисини нон б-н барқарор таъминлаш мақсадида корхоналарни замонавий ускуналар б-н қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар қилинди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари (МЧЖ, ҚК, АЖ, ХФ ва б.) ишга туширилди (542-бетдаги жадвалга қаранг). Т.н.с. корхоналарида 300 хилдан зиёд нон ишлаб чиқарилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» – «Вечерний Ташкент» (Матбуотчилар кўч., 32) – Тошкент ш.да кечқурун чиқадиган шаҳар ижтимоий-сиёсий кундалик газетаси. Муассиси – Тошкент шаҳар ҳокимлиги. Биринчи сони 1966 й. 1 июлда чиққан. Ўзбек («Т.о.») ва рус («Вечерний Ташкент») тилларида нашр этилади. Шаҳар ҳаётини ёритади. Газ. саҳифаларида ижтимоий-сиёсий янгиликлар, корхона, қурилишларнинг илгор тажрибалари, тадбиркорлик, республика пойтахтининг маданий ҳаёти ва спорт кундалиги ҳақида мақолалар бериб борилади. Адабий-бадий материаллар, ҳикоялар, очерклар, суҳбатлар босилади. Бош муҳаррири А.Аакрамов (2003 й.дан). Адади 4554 нусха (2009). **«ТОШКЕНТ ПОЧТАМТИ»** (Шаҳрисабз кўч., 7) – аҳоли, ташкилотлар ва давлат эҳтиёжларини сифатли ва ишончли почта алоқаси б-н таъминлаш, почта алоқаси хизматлари бозоридаги талаб, матбуот тарқатиш, бириктирилган ҳудуддаги барча фойдаланувчиларга ягона қоида ва талаблар асосида мажбурий

**Тошкент шаҳридаги қолипли нон ишлаб
чиқарувчи корхоналар рўйхати**

Номи	Манзили
«Маҳмудбек нон» МЧЖ	Чилонзор, 26-мавзе.
«Боғистон» МЧЖ	Фозилтепа кўч., 14-мавзе.
«Бепоён» МЧЖ	Чилонзор, 22-мавзе, 22.
«Садоқат савдо» МЧЖ	Чилонзор, 23-мавзе.
«Кўйлиқота нон» МЧЖ	Кўйлиқ бозори.
«Динус нон» ҚК МЧЖ	Бектемир кўч.
«Марҳабо нон» МЧЖ	ТТЗ-4, 27.
«Арк Файз Барака» ҚК, МЧЖ	Султония кўч., 24.
«Асил нон» МЧЖ	Феруза даҳаси, Феруза кўч.
«Ширмой пазандаси» МЧЖ	«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси.
«Бекас фуд» МЧЖ	Беруний кўч., 88.
«Шифокор нон» МЧЖ	Шифокорлар шаҳарчаси.
«Нурулла ХАН» МЧЖ	Ғ.Каримов кўч., 1.
«Сағбоннон» АЖ	Қорақамиш, 2/1.
«Ҳасанбойота нон» МЧЖ	Сағбон кўч.
«Сара нон»	Келес йўли кўч., 69.
«Бекзод нон» ХК	Қорақамиш, 2/3.
«Хуршида бону» ХФ	Тансиқбоев, 2/1.
«Вибли Унипрод» МЧЖ	Спутник С-3, эски бозор.
«Шердор нон файз» МЧЖ	Спутник.
«Ҳикматли нон» МЧЖ	Сергели-7, Г-64.
«Хумо Сардор» МЧЖ	Чилонзор, 16-мавзе, Фарҳод кўч.
«Лочира нон» ҚК	Чилонзор, 20-мавзе.
«Динус нон» ҚК, МЧЖ	Фарғона йўли, 33.
«Сафо бахт» ЁТАЖ	Дўмбиробод.
«Тараххум нон» МЧЖ	Қурувчилар кўч.
«Улуғ неъмат» ЁТАЖ	Мурувват кўч., 69.
«Деметра плюс» ЁТАЖ	Паҳлавон Маҳмуд тор кўч.
«Янги Бойсун» ХФ	Кўйлиқ даҳаси.
«Саховат нон» АЖ	Мухтор Ашрафий кўч., 106.
«Баҳодир бахт» МЧЖ	«Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзеси,
«Тутзор» МЧЖ	Темирчилар кўч., 35.
«Ўрама кулча» МЧЖ	Эскижўва бозори.
«Раҳматилла нон» МЧЖ	Кичик ҳалқа йўли.
«Санобар» МЧЖ	Кичик ҳалқа йўли кўч., 63.
«Динус нон» ҚК, МЧЖ	Ибн Сино мавзеси, 2.
«Лат. Бекераж» ҚК, МЧЖ	Навоий кўч., 2.
«Қадр нон савдо» ЁТАЖ	Самарқанд дарвоза.
«Сумбула нон» МЧЖ	Бешёғоч.
«Ширин кулча» МЧЖ	Юнусобод, 10-мавзе.
«Олой нон» МЧЖ	Юнусобод, 14-мавзе.
«Зиёда нон» МЧЖ	Юнусобод, 4-мавзе.
«Олтиннон» ҚК	Олой бозори.
	Фарҳод кўч., 5.
	Бошлиқ даҳаси, Қушбеги, 1.

тартибда почта алоқаси универсал хизматлари кўрсатади. 1900 й.да Тошкент почта-телеграф идораси негизда ташкил этилган марказий почта корхонаси бўлиб, почта, телеграф ва телефон алоқа хизматларини амалга оширган. «Т.п.» 1976 й.дан Т. шаҳар почта алоқаси и.ч. техник бошқармаси деб аталган. Таркибида 5 саралаш участкаси ва бир нечта и.ч. участкалари, 9 туман алоқа тармоғи ҳамда 200 дан зиёд шаҳар алоқа бўлими, т.й. почтамти, аэропорт почта ташиш бўлими бўлган. 1986 й.да алоқа тармоқлари бирлаштирилиб, 9 тадан 4 тага қисқартирилди, т.й. қошидаги ҳамда аэропорт почта ташиш бўлимлари алоҳида ажралиб чиқди. 1997 й.дан ОТАЖ, 2004 й.дан «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг «Тошкент почтамти» филиали. Ҳоз.да филиалнинг 161 почта алоқа бўлими Т. аҳолиси, ташкилот ва муассасаларига хат, бандерол, жўнатмалар, пул маблағлари почта ўтказмалари, экспресс-почта, электрон почта жўнатмаларини қабул қилиш ва элтиб бериш, даврий нашрларга обуна ташкил этиш, қабул қилиш ҳамда уни элтиб бериш, пенсия ва нафақалар етказиш, телеграф ва шаҳарлараро телефонда сўзлашув, курьерлик хизмати, интернет ва ноанъанавий хизматлар кўрсатади. Почтамт амалиёт залида ва 185 алоқа

Тошкент почтамти.





«Тошкент» республика фонд биржаси.

бўлимида *интернет хизмати* йўлга қўйилган.

«ТОШКЕНТ» РЕСПУБЛИКА ФОНД БИРЖАСИ (Бухоро кўч., 10) – қимматли қоғозлар савдосини амалга оширадиган биржа. 1994 й. 8 апр.да ташкил этилган. Мустақиллик йилларида бутунлай қайта реконструкция қилинган *Коллизей* (кейинчалик концерт зали) биносида жойлашган. Унинг фаолияти респ.да амалга оширилаётган ислохотлар ва хусусийлаштирилган давлат корхоналари негизида ОАЖларини ташкил қилиш сиёсати б-н узвий боғлиқ. Ўзбекистон иқтисодиётида пул тушумлари қайта тақсимланишининг янги тизими ҳисобланади. Биржанинг барча вилоятларда филиаллари ва 74 та брокерлик идораси бор (2008). Биржа қимматли қоғозларнинг мўътадил муомаласи учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, қимматли қоғозлар котировкасини белгилаш; қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасини ривожлантиришга кўмаклашиш ва б. вазифаларни бажаради. Биржада қимматли қоғозлар савдоси миллий валюта савдоси майдончасида ва 1999 й.дан эркин муомаладаги валюта савдо майдончасида олиб борилади. Биржада қимматли қоғозлар савдоси ҳажми 115,2 млрд. сўмни ташкил қилди (2008).

Биржа 1995 й.да «Евросиё» фонд биржалари федерацияси

2001 й.дан МДХ биржалари ассоциациясига аъзо, Франкфурт фонд биржаси б-н ҳамкорлик ва ахборот алмашиш ҳақида битимлар имзоланган.

«ТОШКЕНТ РУҲИ» – Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг 1958 й. окт.да бўлиб ўтган Т. конференциясида юзага келган сиёсий атама. Ушанда конференцияда қатнашган ёзувчиларнинг нутқ ва маърузалари

Тошкент телевизион минораси.



тинчлик, ижтимоий тараққиёт, дўстлик ва ҳамкорлик, байналмилалчилик, демократия руҳи б-н суғорилган эди. Ана шуларнинг ҳаммаси «Тошкент руҳи» иборасида яққол акс этган. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг «Т.р.» деган атаманинг маъно ва моҳияти яна ҳам чуқурлашди. Бу руҳ узоқ йиллар давомида муросасиз жанг олиб борган давлатлар (Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Тожикистон) раҳбарларининг бевосита Тошкент ш.да ярашиб, сулҳга имзо чекишларида, турли қитъалар ва мамлакатлар вакиллари иштирокида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган нуфузли учрашувлар, халқаро анжуманлар, санъат, ад., кино фестиваллари, «Тошкент–пахта ярмаркаси» каби йирик жаҳон анжуманида ўз ифодасини топган.

ТОШКЕНТ ТЕЛЕВИЗИОН МИНОРАСИ (Амир Темури шоҳкўчаси, 109) – радиотелевизион узатиш ст-яси, меъморий иншоот. Т.даги 1-телеминора металл фермалардан (бал. 180 м) қурилган (1956 й., Навоий кўч., 69). Телекўрсатувлар кўламининг кенгайиши муносабати б-н кучли радио-телевизион узатиш ст-яси қурилишига эҳтиёж туғилгач, Бўзсув каналининг ўнг соҳилида 1978–85 й.ларда бал. 375 м ли 2-Т.т.м. қурилди (меъморлари: Ю.Семашко, Н.Терзиев-Царуков; муҳандислар: Е.Морозов, М.Мушеев). Ўзаги 3 конуссимон қурилма тиргакка ўрнатилган. Т.т.м.да «Коинот» ресторанининг «алвон» ва «мовий» заллари (180 ўринли) (кузатув) майдончалари, телеминора фойесиди Бутунжаҳон буюк миноралар федерациясига бағишланган музей бор (бал. 100 м). 220 м баландликда радио-теле-

визион ст-яси қурилган. Минора ўртасида лифт, зина, ёрдамчи хоналар, метеорологик ст-я ва муҳандислик жиҳозлари жойлашган. Энг юқори қисмида 5 дастурли кўрсатувларга мўлжалланган антенна ўрнатилган. Минора ички беагаги ечимида миллий услублардан фойдаланилган.

«ТОШКЕНТ ТОЛА ИПАГИ» (Қорасарой кўч., 314) – енгил саноат корхонаси. «Ўзбекенгилсаноат» таркибида. Қурилган пиллани чувиш ва қайта ишлаш ҳамда улардан шойи тўқиш учун тайёр ипак (ипак тола) олиш бўйича фаолият юритади. Корхона 1959 й.да пиллакашлик ф-каси сифатида ташкил этилган. 1970 й.дан пиллакашлиқ тажриба ф-каси деб аталган. Ф-када хом ипак и.ч., пилла нави, намлиги ва б. сифат кўрсаткичлари бўйича технологик тажриба ишлари ўтказилган. 1995 й.дан «Тола» очиқ турдаги АЖ. 2007 й.дан МЧЖ «Тошкент тола ипаги» Ўзбекистон–Буюк Британия ҚҚ сифатида қайта ташкил этилди. Корхонада йилига 23–25 т хом ипак ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.

ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ (Навий кўч., 24) – Ўзбекистон–Россия қўшма корхонаси. «Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси таркибида. 1997 й.да ташкил этилган. Турли диаметрдаги пўлат трубалар и.ч.га ихтисослашган. Йиллик и.ч. ҳажми 40 минг т атрофида. Корхонада композит, полимер-алюминий трубалар, ип-газлама қўлқоплар, профилланган пўлат кесимлар, рухланган пўлат кесимлардан тўлқинсимон шиферлар, металл черепицалар ишлаб чиқарилади. Корхонада тайёрланган труба-

лардан сув, магистрал газ-нефть маҳсулотларини узатишда, қурилишда, иситиш қурилмаларида фойдаланилади.

ТОШКЕНТ ТУМАНИ – Тошкент вилоятидаги туман. 1975 й. 25 ноябрда ташкил этилган. Шим.-дан Қозоғистон Республикаси, шарқдан Қибрай тумани, жан.-дан Тошкент ш., ғарбдан Зангиота тумани б-н чегарадош. Майд. 0,16 км². Аҳолиси 143 минг киши (2009). Туманда 1 шаҳар (Келес), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Кўктерак, Кўксарой, Юнусобод, Масалбой, Чоштепа, Чувалачи, Ҳасанбой, Қизғалдоқ) ва 60 маҳалла бор. Маркази – Келес ш.

Туман ҳудуди Чирчиқ ва Келес дарёлари водийсида жойлашган. Рельефи, асосан, пастбаланд текисликдан иборат. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,3⁰. Январнинг ўртача т-раси –0⁰, –1,1⁰. Энг паст т-ра –29⁰, юқори т-ра 42⁰. Йиллик ёғин 370–390 мм, асосан, қишнинг 2- ярми ва баҳорда ёғади. Вегетация даври 235 кун. Фойдали қазилмалардан ўтга чидамли гил, шағал, қум ва иссиқ минерал сувли булоқлар бор. Экинларни сугоришда Келес да-

рёси, Захариқ ва Бўзсув каналларидан фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар. Шунингдек, қozoқ, тожик, татар, рус, уйғур, қирғиз, корейс ва б. миллат вакиллари яшайди.

Туман қ.х.да сабзавот, картошка, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Қ. х. маҳсулотларини қайта ишлаш саноати яхши ривожланган. Узумни қайта ишлаш корхоналари, гишт з-ди, сабзавотни қайта ишлаш цехлари, озиқ-овқат, қурилиш материаллари и.ч. корхоналари бор.

Корхоналарнинг асосий қисмини хусусий корхона ва фирмалар, масъулияти чекланган жамият, қўшма корхоналар ташкил этади. Меҳнат агрофирмаси, «Матонат», «Болгар шароб», «Келес шароб» сингари узумни қайта ишлаш корхоналари, «Астраформ», «Дониёр мебель», «Хайтек кабел», «Московские деликатеси», «Тўхтаниёзота» каби и.ч. корхоналари фаолият юритади. 4 та ихтисослашган бозор бор.

Қ.х. ерларининг умумий экин майд. 5764 гектар, шундан 1623 гектар ерга ғалла, 2940 гектар ерга картошка, сабзавот, 1201



гектар ерга озуқа экинлари экилади. 914 гектар тоқзор, 388 гектар ер боғ б-н банд.

Туман фермер хўжаликлари ва шахсий хонадонларда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Ўзбекистон картошка, сабзавот ва полиз экинлари и.т. ин-ти, Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-ти, Манзарали боғдорчилик ва ўрмон хўжалиги и.ч. маркази фаолият кўрсатади. Туманда 25 дан ортиқ йўналишларда автобус ва микроавтобуслар қатнайди. Автомобиль йўллари уз. 146 км, ички йўллар уз. 417 км ва т. й. 12 км ни (Келес т.й. ст-яси бор) ташкил этади.

32 та умумтаълим мактаби, 4 та касб-хунар коллежи, 6 стадион, теннис корти, 36 та спортзал, 35 та спорт майдончаси мавжуд. Маданият саройи, 8 та клуб, ёшлар ижтимоий маркази, 20 та кутубхона, музей бор.

Туманда 5 та шифохона, 13 та қишлоқ врачлик пункти, 3 та поликлиника ва тез тиббий ёрдам бўлими, стоматология поликлиникаси аҳолига хизмат кўрсатади. Республика миқёсидаги «Матлуботчи» ва «2-Семашко» санаторийлари бор. Туманда «Истиклол нури» газ. 1977 й.дан чоп этилади (адади 5000).

ТОШКЕНТ ТУПРОҚҚҮРҒОНИ – Анҳор каналининг чап соҳилида, шаҳар қалъа деворининг Қўймас (Қатагон) дарвозаси ташқариси (ҳоз. Ўзбекистон кўч. ёни)даги тепаликда 1865 й. барпо қилинган. Бу тепаликда илк ўрта асрларда қурилган Қўймас истеҳкоми бўлган, унинг қолдиқлари кейинчалик Тали Қўймас, яъни Қўймастепа деб аталган. 1865 й. июнда Т. чор Россиясининг генерал Черняев бошчилигидаги қўшинлари томонидан босиб олинган, бу тепаликда

ҳарбий қалъа қуришга киришилган. Қалъанинг тарҳи олти бурчакли бўлиб, баланд тупроқ кўтармалари б-н ўралган, бурчакларида мустаҳкам бастион (бурж)лари бўлган. Кўтармаларнинг айрим жойларига гиштдан деворлар ишланиб ўт очиш учун шинаклар қилинган. Ички қисмида 6 пиёдалар ротаси учун казармалар, офицерлар учун бино, лазарет (150 ўринли), ўқдори, кийим-бош ва озиқ-овқат омборхонаси ва порох учун ертўла қурилган. Асосий кириш йўли (шарқий дарвоза) гиштдан ҳашамдор ишланган. Кейинчалик тупроққўрғон ташқарисида ремонтхона, аслаҳахона ва пиёда аскарлар батальони учун 2 казарма қурилган. Т.да европалик аҳоли учун *Янги шаҳар*нинг қурилиши шу тупроққўрғонни бунёд этишдан бошланди. Т.лик тарихчи Муҳаммад Солиххўжа Т.т. қурилишининг бевосита гувоҳи бўлган ва ўзининг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида ёзиб қолдирган. Қалъани Бекларбеги ўрдаси б-н (Ўрдага ўша йили август ойида Черняев ўз отряди б-н жойлашиб олган) боғловчи дастлабки кўча (кейинчалик Абдулла Тўқай кўч.) барпо этилди. Қалъа яқинида егулик нарсалар сотиладиган бозорча ҳам очилди. Қалъани Россия б-н боғловчи йўл асосан Қорасарой дарвозаси орқали ўтарди. Тупроққўрғон яқинида, ҳоз. Мустақиллик майдонида губернатор саройи – «Оқ уй» қурилди. Т.т. олдин самодержавиенинг, ундан кейин большевизмнинг таянч тимсоли бўлган. Тепаликда жойлашган қалъа *Эски шаҳар* устидан назорат қилиб туриш ва айнаи вақтда мустамлакачилар яшайдиган Янги шаҳарни қўриқлаб туриш имконини берган. 1867–83

й.ларда Т.т.дан ҳар куни соат 12 да тўп отилган. 1917 й. 1 ноябрда Т.т.да шўро ҳокимиятининг байроғи ўрнатилди. Ҳозир Т.т. ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти қароргоҳи бинолар мажмуаси жойлашган.

ТОШКЕНТ УЕЗДИ – маркази Т. ҳисобланган маъмурий-худудий бирлик (1887–1924; 1867–86 й.ларда Қурама уезди). 1918 гача Туркистон генерал-губернаторлиги, 1918–24 й.ларда Туркистон АССР, 1926–30 й.ларда Тошкент округи таркибида. Майд. 25610 кв. верста, аҳолиси тахм. 310 минг киши бўлган (1909). Т.у.да аксарият ўзбеклар, шунингдек, татарлар, қozoқлар ва б. яшаган. Ерлари Чирчиқ, Келес, Оҳангарон ва б. дарёлардан суғорилган. Аҳолиси, асосан, деҳқончилик (асосий экинлари: буғдой, шоли, пахта ва б.), боғдорчилик ва чорвачилик б-н шуғулланган. Т.у.да пахта тозалаш, пиво ва кўн з-длари бўлган, майда хунармандчилик ривожланган. Т.у.ни уезд бошлиғи бошқарган. Уезд 4 бўлимга: Пискент, Шаҳар атрофи, Троицк, Хонободга бўлинган (1909). Шаҳар атрофи қуйидаги мавзеларни ўз ичига олган: Зангиота, Миробод, Оққўрғон, Чилонзор, Қатортол, Чўпонота, Оқтепа, Қорасарой, Юнусобод, Отчопар, Посира, Шўртепа, Яланғоч, Ўнқўрғон, Шибли ва б. (мавзелар секин-аста Т. худудига қўшилиб кетди). Ўзбекистондаги янги маъмурий-худудий бўлиниш тўғрисида Т.у. тугатилган.

«ТОШКЕНТ УНИВЕРМАГИ» (Ўзбекистон кўч., 17) – супермаркет, Т.даги энг йирик савдо марказларидан бири, савдо-ишлаб чиқариш ОАЖ. 1964 й.да ишга туширилган бўлиб, Тошкент марказий универмаги деб номланган. Бино металл про-

Тошкент
универмаги.

филлар ва ойна ҳамда йигма темир-бетондан замонавий услубда қурилган. 1993 й.дан АЖ. «Т.у.» 1998–2001 й.ларда замонавий дизайн талаблари даражасида таъмирланган. «Т.у.»да 20 мингдан зиёд турдаги товарлар – аёллар, эркаклар ва болаларнинг тайёр кийимлари, оёқ кийимлар, трикотаж маҳсулотлари, ички кийимлар, атторлик моллари, атир-упалар, пардалар, эсдалик товарлари, сотатлар, девонхона товарлари, қоғоз маҳсулотлари, спорт товарлари, уй-рўзғор ва хўжалик моллари, гилам ва мебеллар, маиший техника, телерадио товарлар ва б. билан савдо қилинади. Савдо майд. 11 минг м², ертўласидаги икки қаватли омборлари майд. 7 минг м² ни ташкил этади. Супермаркетда харидорлар учун барча қулайликлар яратилган. Умумий овқатланиш корхоналари, гўзаллик салони, сауна, тиббиёт хонаси ва б. турли хизмат кўрсатиш муассасалари ишлаб турибди.

«Т.у.» хорижий фирмалар б-н мунтазам савдо алоқалари ўрнатган. Бўстонлик туманида супермаркетнинг «Наврўз» дам олиш зонаси мавжуд.

ТОШКЕНТ УНИВЕРСИТЕТИ – қ. *Ўзбекистон миллий университети.*

ТОШКЕНТ ЦИРКИ – қ. *Цирк.*
ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ, Халқ депутатлари Тошкент

мартда Ишчи деп.лари совети, ўша йил 5 мартда Солдат деп.лари совети тузилган. 1917 й. 28 мартда ҳар иккиси бирлашиб, Т. ишчи ва солдат деп.лари совети деб аталган ва советда президиум ҳамда ижроия к-ти сайланган. 1917 й. 15 июлда ўзбек ишчилари томонидан Т. мусулмон ишчи деп.лари советига сайловлар ўтказилди. 8 аъзодан иборат мусулмон ишчи деп.лари совети ижроия к-т, унинг раиси ва котибини сайлади. Мусулмон деп.лари совети Т. ишчи ва солдат деп.лари томонидан тасдиқланган Низом асосида иш олиб борди ва у б-н узвий алоқада бўлди. 1920 й. июлда тасдиқланган Советларни қайта ташкил этиш ҳақидаги низомга мувофиқ, *Эски шаҳар* ва *Янги шаҳар* советларига сайловлар бир вақтда ўтадиган бўлди. Эски шаҳардан сайланган деп.лар Эски шаҳар туман советига, Янги шаҳардан сайланган деп.лар эса Янги шаҳар туман советига киритилди. Туман советлари ва уларнинг ижроия к-тларидан Т. умумшаҳар совети ва унинг Президиуми сайланди. 1920 й. сент.да Тошкент совети (Тошсовет)га сайловлар ўтказилди. 1920 й. окт.да деп.лар фаолияти ва оммани, аввало маҳаллий аҳолини давлат бошқариш ишларига жалб этишнинг асосий шаклларида бири сифатида секциялар тузилди. 1929

шаҳар Кенгаши – ҳукумат вакиллик органи. Дастлаб 1917 й. 3

й.да Эски шаҳар ва Янги шаҳар туман советлари ягона ишчи, деҳқон ва Қизил армия деп.лари Тошкент ш. совети (Тошсовет)га бирлашди.

1939 й. ЎзССР Конституцияси (1937) асосида Тошсоветга сайловлар ўтказилди. Энди у Меҳнаткашлар деп. Тошкент шаҳар совети деб номланди.

2-жаҳон уруши йиллари Шаҳар совети ўз ишларини ҳарбий давр вазифаларига мувофиқ қайта ташкил этди. У ҳарбий сафарбарлик ўтказиш, Т.га кўчириб келтирилган саноат корхоналари, муассасалар ва фуқароларни жойлаштириш каби вазифаларни амалга оширди.

Т. зилзиласи (1966) муносабати б-н Тошсовет ва унинг ижроия к-ти бўлимлари ва бошқармалари ўз ишларини қайта қурдилар.

Т.нинг кўп тармоқли хўжалиги ва маданий ҳаётини, шунингдек, шаҳар муаммолари ва ечимларини тўлароқ ёритиб бориш мақсадида «*Тошкент оқшом*» – «Вечерний Ташкент» матбуот органлари ташкил этилди.

КПСС, жумладан Тошкент ш. партия ташкилоти тугатилиши муносабати б-н Т.ш.к. раҳбарлигидаги мустақиллик таъминланди. 1990 й. вакиллик ва ижроия қўмиталари органларига ажралди. Т.ш.к.нинг ижроия органи 1992 й.га қадар Тошкент ш. ижроия к-ти (қўмитаси) эди. 1992 й. 4 янв.даги «Ўзбекистон Республикаси маҳаллий бошқарув органларини қайта ташкил этиш тўғрисидаги» қонунга мувофиқ Т.ш.к. ижроия к-ти (қўмитаси) тугатилиб, *Тошкент шаҳар ҳокимлиги* тузилди.

Кенгашни *шаҳар ҳокими* бошқаради. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Конституцияси,

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар тўғрисида»ги қонунлар, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, Кенгаш сессиясида тасдиқланган ўз Низоми асосида фаолият юритади.

Маҳаллий бошқарув органи сифатида Т.ш.к. қонунийликни, ҳуқуқий-тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлайди; ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш; маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш; маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; фуқаролик ҳолати актларини қайд этишни таъминлаш; Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига зид келмайдиган норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва б. ваколатларни амалга оширади.

Кенгашнинг ваколат муддати – 5 йил. Кенгаш таркиби бевосита фуқароларнинг ва ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар томонидан номзод қилиб кўрсатилганлар орасидан 5 йилга сайланган 60 депутатдан ташкил топади. Т.ш.к.нинг 2-сессиясида (2005 й. 19 янв.) Кенгашнинг олти депутати Олий Мажлис Сенатига сайланган.

Шаҳар Кенгашнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли сессия ҳисобланади. «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига кўра Кенгаш сессияси Тошкент ш. ҳокими томонидан заруратга қараб, бироқ йилига камида 2 марта

чақирилади. 2004 й. 26 дек.да 3-чақириқ Т.ш.к.га сайловлар ўтказилди. Кенгаш 1-сессиясида (2005 й. 12 янв.) Т.ш.к.га сайлов натижалари, сайланган халқ депутатлари ваколатлари, Тошкент ш. ҳокимини лавозимга тасдиқлаш каби масалалар кўрилди. Шунингдек, Кенгаш қошида фаолият юритувчи 6 доимий комиссия (маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича; қонунийлик, ҳуқуқий тартибот ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича; ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича; коммунал хўжалик ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари бўйича; ёшлар ва соғлом авлод сиёсати масалалари бўйича; саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича) тузилди. Комиссия ўз фаолиятини Кенгаш раиси томонидан тасдиқланадиган йиллик иш режасига мувофиқ амалга оширади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ (Миробод кўч., 14) – 1957 й. Тошкент ш.да Тошкент ш. ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти номи б-н ташкил этилган. 2001 й.дан ҳоз. номда. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфида. Ин-т олий ўқув юрти мақомига эга бўлган давлат таълим муассасаси ҳисобланиб, шу йўналишда ўқув, илмий ҳамда ташкилий-методик ишларни амалга оширади. Ин-тда мактаб директорлари, унинг ўринбосарлари, 22 фан ўқитувчилари, мактабгача таълим муассасаларининг тарбиячилари, мусиқа раҳ-

барлари ва жисмоний тарбия йўриқчилари, махсус таълим муассаса тарбиячилари, логопедлари ҳамда мактабдан ташқари таълим муассасаси тўғрақ раҳбарлари ва бўлим мудирлари малакасини оширади. Ин-т таркибида 6 каф., масофадан ўқитиш ишларини мувофиқлаштириш, ўқув, янги ахборот технологиялари ва нашриёт, маркетинг ва мониторинг ва б. бўлимлар, кутубхона (18 мингга яқин асар), 4 компьютер синфи мавжуд. Ин-тнинг физика, кимё, биология, меҳнат (ўғил болалар) ва жисмоний тарбия ўқув хоналари давлат таълим стандартларида белгиланган барча лаб. ва амалий машғулотларни ўтказиш имкониятига эга. Ин-тда 57 проф.-ўқитувчи ва 16 ходим, жумладан 3 проф. ва 13 доцент ишлайди. Ин-тда «Замонавий таълим» ахборотномаси чоп этилади (2002 й.дан).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТИББИЙ МАСЛАҲАТ-ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ (Мирзо Улуғбек кўч., 15) – юқори технологик диагностик ускуналар б-н жиҳозланган тиббий марказ. Асосий йўналиши кенг доирада текширувлар ўтказиб, шаҳар даволаш-профилактика муассасаларига ва бевосита аҳолига тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

М-з Тошкент ш. аҳолисига ордерлар асосида бепул кафолатланган ва респ. вилоятларидан келган беморларга қўшимча пуллик тиббий хизмат кўрсатади.

М-з бир сменада 250 қатновга мўлжалланган. Таркибида: ультратовуш текшируви (қалқонсимон без, кўкрак безлари, лимфа тугунлари, қорин бўшлиғи, жинсий аъзолар, сийдик-таносил аъзолари текширилади), рентгенология (рентгеноскопия, рент-

генография, маммография, ирригография ва компьютерли томография текширувлари ўтказди), функционал текшируви (электрокардиография, эхокардиография, фонокардиография, велоэргометрия, электроэнцефалография, эхоэнцефалография, ультратовушли доплерография, реоэнцефалография), эндоскопия, (фиброгастроскопия, колонофиброскопия, бронхофиброскопия), физиотерапия (электр, ультратовуш, магнит билан даволаш, мануал терапия, массаж, даволаш гимнастикаси, иглорефлексотерапия муолажалари) бўлимлари бор.

Замонавий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган клиник-диагностик лаб. давр талабига жавоб бераоладиган 90 дан ортиқ клиник лаборатор таҳлиллар ўтказди ҳамда В, С гепатит маркерлари ва барча турдаги «TORCH» инфекциялар аниқланади.

Клиник-консультатив бўлимида олий тоифали невропатолог, терапевт, кардиолог, гинеколог, уролог, офтальмолог, эндокринолог (профессор), оториноларинголог ва б. тор соҳа мутахассислари фаолият кўрсатади.

2008 й. Учтепа туманида диагностика м-зининг филиали фаолият кўрсата бошлади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ (Амир Темур шоҳқўчаси, 3) – маҳаллий давлат бошқарув органи. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 й. 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва тузилмаси тўғрисида»ги қарорида *Тошкент шаҳар Кенгашининг* Тошкент ш. ҳокимлигини ташкил этиш ва Тошкент ш. ҳокими лавозимини жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқулланди.



Тошкент шаҳар ҳокимлиги биноси.

Тошкент ш. кенгашининг навбатдан ташқари 8-чақириқ сессиясида (1992 й. 11 янв.) Т.ш.ҳ. (Тошкент ш. ижроия қўмитаси негизда) тузилди. Т.ш.ҳ. Ўзбекистон Конституцияси ва «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ фаолият юритади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларга биноан шаҳар ҳокимлиги давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга раҳбарлик қилади, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш режаларини ва маҳаллий бюджетни тасдиқлайди, ўзига бўйсунган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади, қонунларга риоя этилишини, давлат ва жамоат тартибини, фуқароларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайди. Ҳокимлик бошқарма, бўлим ва турли бўлинмалардан иборат бўлиб, уларнинг таркиби, ташкилий тузилмаси ва фаолияти Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Низом б-н белгиланади. Тошкент ш. ижроия ҳокимияти тузилмаси ва ходимлари сони Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланган бюджет чегарасида Ҳоким томонидан ўрнатилди ва ўзгартирилади.

Тошкент ш. ҳокими шаҳарнинг олий мансабдор шахси ҳисобланади ва бир вақтда шаҳар ҳудудида вакиллик ва ижроия ҳокимиятни бошқаради. Ҳоким Ўзбекистон Президенти ва Халқ депутатлари шаҳар Кенгашига бўйсунди. Ҳоким Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади, лавозимидан озод этилади ва Халқ деп.лари Т. шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади. Ҳокимнинг ваколат муддати – 5 йил (яна қ. *Шаҳар ҳокими*).

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИ ҚУРИБ ҚАЙТА ТИКЛАШ ВА ОБОД ҚИЛИШ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ («Ташгипрогор») (Навоий кўч., 40) – уй-жой, хўжалик ва и.ч. мақсадидаги бинолар, иншоотлар ва б. объектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ва бинолар, иншоотларнинг техник ҳолатини текшириб чиқиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланади. Ин-т 1937 й.да шаҳар архитектура-режалаштириш бошқармаси тизимида «Тошшаҳарлойиҳа» идораси сифатида ташкил этилган. 1969 й.да унинг негизда 2 мустақил лойиҳалаш ин-ти – «Тошбошрежа» ва «Тошлойиҳа» ин-лари ташкил этилди. «Тошлойиҳа»

1970 й.дан ҳоз. номи б-н атала бошлади. 2003 й.дан ОАЖ.

Шаҳардаги қурилиш кўлами кенгая бориши б-н лойиҳа-смета ҳужжатларига эҳтиёж ҳам ортиб борди. Ин-т 10 дан зиёд бўлим ва 4 меъморий-қурилиш устахонасига эга бўлиб, уларда 300 ходим ишлайди (2009). Ин-т лойиҳаси асосида Юнусобод, ТТЗ, Қўйлиқ, Марказ-17–18 турар жой мавзелари қурилган. Ин-т томонидан «Тошкент почта-мти» биноси, Автомобиль йўллари ин-ти, Киночилар уйи, Пойафзалчилар уйи, «Чорсу» меҳмонхонаси, В.П.Чкалов номидаги Авиация и.ч. бирлашмаси профилакторийси, «Ўзэкспо-марказ» кўргазма мажмуаси, Ёпиқ теннис кортлари, В.Воҳидов номидаги ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази (ҳоз.) биноси, ҳисоблаш марказлари, мактаблар, коллеж ва лицейлар бинолари, спорт мажмуалари ва б. бино ҳамда иншоотлар лойиҳалаштирилган. Ин-т ходимлари, шунингдек, Сенат биноси, маъмурий бинони қайта қуриш, Мустақиллик майдонидаги янги қурилишлар, Миллий театр, Рус академик драма театри, Темурийлар тарихи давлат музейи, консерватория, бозорлар, Ёшлар ижод саройи ва б. лойиҳасини тайёрлаган.

ТОШКЕНТ ШЕВАСИ – ўзбек адабий тилига асос бўлган етакчи шевалардан бири, ўзбек тилининг қарлуқ-чигил лаҳжасига киради. Унда қипчоқ лаҳжаси элементлари ҳам учрайди: йуржур, айрим-ажрим (семантик дифференциация мавжуд), йўналиш-жўналиш, айрилмоқ-ажралмоқ. Т.ш. сингармоник эмас, мас., тегиз ва тақиз, ўтқаз, киргиз ва ҳ.к.; Т.ш.да адабий тилдаги каби б унли, сингармоник-қишлоқ шеваларида – 9 унли.

Сингармоник бўлмаган шевалар ва адабий тилда индифферент шакллар, лексик омонимия мавжуд (бўл, ўз ва шу кабилар).

Т.ш.нинг айрим фонетик хусусиятлари:

Унлилар: 1. Барча унлилар, баъзи фонетик фарқлари бўлсада (қиёсланг: кириш, билиш, қилиш) фонологик жиҳатдан индифферентдир. Т.ш.да лексик омонимия («бўл» каби) йўқ. 2. Чўзиқ унли *о* (бош) кучсиз лабланган (қиёсланг: Наманган шевасида лабланган). Бу ҳолат тажрибада тасдиқланган. Ушбу сўзлардаги лабланган унлининг талаффуз этилишини қиёсланг: тўм – том (китоб томи) – том (уй томи); тўк (нарсани тўкмоқ) – ток (электр токи) – ток (ўсимлик). 3. *И* унлиси «қитиқ» каби сўзларда фонетик жиҳатдан рус тилидаги *ы* унлисига жуда яқин. 4. Икки тилда сўзлашиш шароитида *е(э)* унлисини рус тилидан кирган сўз бўғинларида ҳам қўллаш ўзлаштирилган: телефон («тилифон-тифон» эмас), студент ва ҳ.к. 5. Чўзиқ *о* унлисининг, айниқса сўз охирида ишлатилиши характерли эмас: амалдор, Абдулла (қиёсланг: Абдулло). Тожикча сўзларни қиёсланг: бало, жазо, даво. 6. *У* унлиси кейинги бўғинларда ишлатилганда (уру:ғ) охириги ундош жуда кучсиз талаффуз этилади, бунинг ҳисобига ундан олдинги унли чўзиб талаффуз қилинади, ҳар доим лабланган гармония б-н бошланавермайди (қиёсланг: этув-этик, чочу:ғ). 7. Муайян фонетик ҳолатда тор унли (*и, у*)нинг тушиб қолиши (одатда иккинчи урғусиз очиқ бўғинда: ўрин+им → ўрним, бағир+и → бағри, кўнгил+и → кўнгли, буйур+ –уқ → буйуруқ) рус тилидан кирган сўзларда кузатилмайди (сатин+им → сатиним). Кенг *а*

унлисининг «шаҳар» сўзидан тушиб қолиши адабий тилнинг ёзма шаклида учрайди (шаҳар+и → шаҳри), шевада кузатилмайди (шаҳари). 8. *О* товуши ўзлашиб кетган [зонтик, том (жилд), номер. Илгари эса: зўнтий – зўнтув, тўм, нумър шаклида ишлатилган].

Ундошлар: 1. Рус тилидан ўтган сўзлар таркибидаги *ц* ундоши ўзлаштирилган (товуш ва аффикслар одатда сўзлар таркибида ўтади): процент, концерт, цифра (улар аввал пьрасэн, кэнсерт, сьпър шаклида ишлатилган). 2. *В* лаб-тиш ундоши ўзлаштирилган (вагон, самовар; аввал эса: вогон самавор; в-лаб-лаб). Автомобиль, состав сўзларида фонетик жиҳатдан *ф* рус тилидагидек талаффуз этилади; аввал эса: эптэмэбил, сэстэп. Қиёсланг: форма-пўрма. Т.ш.да *в* ундоши *а* унли товуши б-н ҳатто ёнма-ён келганда ҳам лаб-лаб шаклида талаффуз этилади (савзи, лаванг. Қиёсланг: ковла, оввол). 3. *Х* ундоши кўпинча *х* деб талаффуз этилади (хамма, ихтимол, шаҳар), лекин ҳар доим эмас (ҳид, ҳиммат, биҳи, хўл, Ҳидой – исм). Омонимия ҳодисалари: хол (ҳол, хол). 4. Сўзнинг бошланғич бўғинида ундошлар тўпланган бўғинларнинг янги типлари ўзлаштирилган ва бу ҳодиса нормал ҳол бўлиб қолган (фронт), муайян типлари охириги бўғинда (пункт); сўзга унли қўшиш ҳодисалари энди учрамайди: истанса (станция), туруба (труба), испарапка (*и, а*, справка), иштрап (штраф) ва б. 5. Бир бўғинли бўлмаган ўртоқ типдаги сўзларда шевада охириги товуш кучсиз *Ғ* (*к → й, в*) сифатида талаффуз қилинади: ўрто:ғ, этай (этак), этув, этий (этик), бўлдув (билдик). Қиёсланг: бўлсовуз; билсамиз (бу шакл қадимги ёзма ёдгорликлар-

даги элементлар шаклига яқин). Эслатилган фонетик ҳодиса феъл ва тақлидий сўзларда кузатилмайди. Қиёсланг: очу:ғ (очиқ) – очъқ (очиқ – очикмоқ), чънъқ (чиник), шэрэқ – шуруқ.

Т.ш.нинг ривожланиши лексика соҳасида кўзга ташланади. Т.ш. интернационал сўзлар ҳисобига бойиб бормоқда, адабий тил ва б. шеваларга кўпроқ яқинлашмоқда; барча ўзгаришларни, ижтимоий ҳаёт, маданият тараққиётини изчил акс эттириб бормоқда. Т.ш. ўзбек-русча зуллисонайн (билингвизм)нинг ривожланган шаклидир.

ТОШКЕНТ ҚАМАЛИ (1852) – Т. ҳокими Нормуҳаммад қушбегининг Мусулмонқул мингбоши сиёсатиға қарши бош кўтариб, Т.ни Қўқондан мустақил деб эълон қилиши сабаб бўлган. Мусулмонқул 1852 й. баҳорда ёш Худоёрхон ҳамроҳлигида Т.га юриш бошлаган, 7 мартда 40 минг кишилиқ қўшин б-н Т.га етиб келган. Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Чирчиқдан ўтган қўшин Ниёзбек қалъасига ҳужум бошлаган, лекин қалъани эгаллай олмаган Мусулмонқул унинг рўпарасида Танасўйди мавзеида янги қалъа қурдириб, у ерга қурол-яроғ, озик-овқат захирасини бир қисм навкарлари б-н қолдириб, ўзи Т. кўргонига етиб келган. Жанг вақтида қўқонликлар сафидан Ўтаббой қушбеги ўғиллари ва яқинлари б-н Нормуҳаммад қушбеги томонга ўтиб шаҳар ичига кириб кетган. Натижада Қўқон қўшинида тартибсизлик юз бериб, Мусулмонқул Ниёзбекка чекиниб, Парвизшоҳи мавзеига келиб тўхтаган. Эртаси куни Қўқонга қайтишда Чирчиқдан ўтаётган Мусулмонқул қўшини-

га шаҳардан чиқиб келган Ўтаббой қушбеги бошлиқ Т. қўшини ҳужум қилиб, катта талафот етказган. Бироқ, Мусулмонқул 1–2 ойдан сўнг Т.га қайта қўшин тортиб, уни қамал қилган. Нормуҳаммад қушбеги шаҳар мудофаасини кучайтириш мақсадида шаҳардаги барча савдогарлардан бир неча бор пул йиққан, аҳолидан эса «таноб пули» солигини олган. Бундан ташқари, Бухоро амирига ўз вакилини, кейинроқ тортиқ сифатида 6000 қўй юбориб, Мусулмонқулга қарши курашда ёрдам сўраган. Шаҳарга кириш-чиқиш қаттиқ назорат остига олинган, тошкентликларга ҳатто Чирчиқдан ўтиш ҳам тақиқланган. Шаҳар қозикалонини эса Мусулмонқул б-н хуфия алоқаси борлиги учун ҳибсга олган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига кўра шу пайтда (1852 й. май) Худоёрхон Т.да оқ кигизга чиқарилиб, қайтадан хонликка кўтарилган. Ўтаббой қушбеги амирлашкар этиб тайинланиб, Қўқонга Мусулмонқул тарафдорларига қарши юришга жўнатилган. Бу юриш, кўп ўтмай, хонликда қипчоқлар қирғинига олиб келган.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛНИ (1847) – Т. аҳолисининг Қўқон хонлиги мингбошиси (амалда давлатни идора этган) Мусулмонқулнинг ноибни Азиз парвоначи зулмига қарши кўтарган қўзғолони. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига кўра, Азиз парвоначи ҳокимлиги даври (1846 й. дек. – 1847) тошкентликлар учун энг оғир давр бўлган. Азиз парвоначининг рамазон ойи муносабати б-н лашкар сарфи учун 4 минг тилло миқдорида «ифтор пули» солигини солиши Т.қ. бошланишига сабаб бўлган.

Т.нинг Мулло Холбек мингбоши (собиқ ҳоким) ва Худоёрхон томонидан 3 ой мобайнида қамал қилиб турилиши, шаҳар мудофаасини кучайтиришни талаб қилган. Қўзғолон 12-рамазон чоршанба куни ва пайшанба куни кечаси бошланган. Азиз парвоначи навкарлари б-н Жангоҳ ариғи кўприғи ёнига келиб, халққа қарши жанг қилган, тонг отгач, икки томон сулҳ тузган. Бироқ юқори табақа вакиллари сулҳ тузганидан норози бўлган аҳолининг қуйи қатлами жума куни кечаси Жангоҳда қайта бош кўтарган. Унга Парчабоф маҳаллалик Муҳаммад Юсуфхўжи (шойи тўқиш устахонаси эгаси) бошчилик қилган. Қўзғолончилар Азиз парвоначи навкарларига ҳужум қилган. Ҳоким Бешёғоч кўч. орқали катта қийинчилик б-н Арпапоя йўлига ўтиб, ўз қароргоҳига етиб олган. Сўнгра бир неча минг навкар б-н чиқиб келиб, бозорнинг мисгарлар растасига етган ва бир қисм навкарларини Сағбон маҳалласидаги қўзғолончилар устига юборган. Ўзи Жангоб ва Парчабоф маҳаллаларидаги қўзғолончилар б-н жанг олиб бориб, кўчалардаги тўсиқ-ғовларни олиб ташлаб, Хотинмасжидгача етиб келган. Лекин бу ерда қўзғолончиларнинг қаттиқ қаршилиғига учраган. Охир-оқибат ҳоким қўшинининг мерганлари бинолар томига чиқиб, оломонни ўққа тутган ва иложсиз қолган қўзғолончилар чекинганлар. Қўзғолончилар ифтордан сўнг ҳужумни давом эттириб, тўп ва милтиқлардан ўқ отиб, арқ қалъасини тўрт томондан ўраб олган. Бундан ташвишга тушган шаҳар аёнлари Қурама ҳокими Нормуҳаммад қушбегиға одам юбориб ёрдам сўрашган.

Нормухаммад қушбеги шаҳарга келгач, 12 кунлик жангдан сўнг қўзғолон бостирилган. Қўзғолончилар Азиз парвонани ҳокимиятдан четлатиш, ортиқча солиқларни бекор қилишга эришган.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛONI, Вабо исёни (1892.24.6) – чор Россияси мустамлакачилик сиёсати ва миллий зулмига қарши кўтарилган қўзғолон. Шаҳарда вабо касаллиги тарқалиши муносабати б-н мустамлака маъмурияти томонидан кўрилган ўзбошимча тадбирлар туртки бўлган. Хусусан, шаҳар маъмурияти 7 июнда 12 та эски қабристонни ёпиб, янги 4 қабристон очилишини, шаҳардан чиқиш чекланганлигини эълон қилган. Бироқ ваъда қилинган янги қабристонлардан фақат 1 таси очилган, аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилмаган, миллий урф-одатлар эътиборга олинмаган. Марҳумларни урф-одатга кўра кўмиш ғоят мушкул юмушга айланган. Ниҳоят сабр-косаси тўлган халқ қўзғолон кўтарган. Минга яқин аҳоли эшонлардан Азизлар, Абулқосим, бозор оқсоқоли Зиёмухаммад ва б. таниқли кишилар бошчилигида 24 июнда таёк, кетмон, тош ва ҳ.к. б-н қуролланиб шаҳар бошлиғи маҳкамасига бостириб борган. Бу ерда Т. ҳокими Путинцев ва Эски шаҳар оқсоқоли Муҳаммад Ёқубга қарши ҳужум қилишган. Оқсоқол халққа дағдаға қила бошлагач, унинг бошига тошлар ёғилган. Машҳур «Тошотар воқеаси» бошланган, Путинцев ва унинг миршаблари дўппосланган, маҳкама остин-устун қилинган. Бироқ Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков бошчилигидаги ас-

карлар келиб, қўзғолончилардан шафқатсиз ўч ола бошлаган. Қўзғолончиларнинг бир қисми рус аскарлари таъқибидан қочиб ўзини Анҳорга ташлаган. Эртасига сувдан 80 кишининг ўлиги топилган. Қўзғолончиларнинг қолган қисми Эски шаҳарга қочиб бориб, жоме масжиди олдида бу ерга етиб келган аскарларни тошбўрон қилган. Бунга жавобан ўқ узилиб, 10 киши ҳалок бўлган, кўпчилик яраланган. Қўзғолон бостирилган. Қўзғолончилардан 60 киши суд қилинган, 3 киши ўлимга ва 20 киши турли муддатлар б-н қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

ТОШКЕНТ ҚЎЗҒОЛONI (1916) – Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг чор Россияси мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарган Ўрта Осиё қўзғолонининг таркибий қисми; чор ҳукуматининг 1916 й. 25 июнда фронтга яқин р-нларда рус миллатига мансуб бўлмаган эркакларни мажбурий равишда фронт орти ишларига (мардикорликка) сафарбар қилиш тўғрисидаги фармони қўзғолонга баҳона бўлган. Қўзғолон 4 июлда Хўжандда бошланган ва кўшни вилоятларга тарқалган, 17 июлда Туркистон ҳарбий округида ҳарбий ҳолат эълон қилинган. Т.даги қўзғолон 11 июлда авжига чиққан. Унга Й. Иброҳимов, М.Қўрчибоев ва б. раҳбарлик қилган. Қўзғолончиларнинг аксарияти аёллардан иборат бўлган. 2000–3000 кишилик қўзғолончилар Олмазордаги полиция идорасига тўпланган. Қўзғолончилар мардикорликка олинадиганлар рўйхатини йиртиб ташлаш учун полиция биносига бостириб киришган ва

деразаларни тошбўрон қилишган. Шунда пристав Мочалов халққа қарата ўт очишга буйруқ берган ва қўзғолон фаолларидан бўлган Рузвонбиби Аҳмадҷоновани ўз қўли б-н отиб ташлаган. Городовойлар отряди (26 киши), прапоршчилар мактаби ротаси, ҳарбий дружина ҳамда генерал-губернаторнинг казаклар конвойи ёрдамга келгач, қўзғолончилардан қаттиқ ўч олинган, 5 киши ўлдирилган, 21 киши оғир жароҳатланган, кўпчилик қўзғолончилар қамалиб, Сибирга сургун қилинган. Қўзғолон ўзбек халқининг мустақиллик, озодлик учун курашида ўчмас из қолдирган.

ТОШКЕНТ ҲАЙВОНОТ БОҒИ – қ. *Ҳайвонот боғи*.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – «Ташкентская правда» – Тошкент вилояти ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Муассиси: Тошкент вилояти ҳокимлиги. Т. шаҳрида ҳафтада 2 марта чиқади. «Т.ҳ.» дастлаб 1928 й. 11 дек.да «Шарқ ҳақиқати» номи б-н чоп этилган (жами 519 сони чиққан). 1930 й. 23 сент.дан «Қизил Ўзбекистон» газ.га қўшилган. 1954 й. 9 фев.дан ҳоз. номда («Ташкентская правда» газ. шу санадан бошлаб чиқа бошлаган). Газ.нинг ташкил этилишида ва дастлабки сонларидан бошлаб сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт ҳодисаларига ҳозиржавоб газ. сифатида намоён бўлишида ўша даврнинг таниқли ёзувчи ва журналистлари – Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Сотти Хусайн, Комил Алиев, Аъзам Аюпов катта ижодий ҳисса қўшган. 2001 й. 7 июлдан «Т.ҳ.» ва «Ташкентская правда» газ.ларининг бирлашган таҳририяти ташкил этилди. Газ. саҳифала-

рида бозор иқтисодиётини ривожлантириш, кенг кўламли ислохотларни амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, тадбиркорлик ҳаракати миқёсларини кенгайтириш муаммоларига доир мавзулар ёритиб борилади. Баркамол инсон тарбияси, ватанпарварлик ва юксак ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантириш, ҳуқуқ-тарғибот масалалари газ.да етакчи мавзуларга айланган. Адади 12000 нусха (2009).

ТОШКЕНТДАГИ ЖАДИДЧИЛИК – 19-а. охири ва 20-а. бошларида Туркистон минтақаси ва унга туташ ҳудудлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этган ижтимоий-сиёсий маърифий ҳаракатнинг таркибий қисми. Бу ҳаракат дастлаб 19-а.нинг 80-й.ларида Қримда Исмоилбек Гаспринский раҳбарлигида вужудга келган. Туркистонда жадидчилик ҳаракати вужудга келишида самарқандлик Маҳмудхўжа Беҳбудий муҳим роль ўйнаган. Т.да *Мунавварқори* Абдурашидхонов, Абдулла *Авлоний*, Убайдулла *Асадуллахўжаев* (Убайдулла Хўжаев), Тошпўлатбек Норбўтабеков бу ҳаракат тепасида турган. Мунавварқори Т. жадидларининг отаси деб эътироф этилган.

Жадидлар мусулмон мактабларининг таълим усули ва дастурларини ислоҳ қилиб, янги усул (жадид) мактаблари очишган. 1900 й. Т.да Мунавварқори ташкил қилган янги усул мактаби иш бошлаган. Кейинчалик у намуна мактабига айлантирилиб, унда 5–6 синф каби юқори синфлар бўлган. Т.лик маърифатпарвар Саидрасул *Саидазизов* шаҳарда янги усулдаги маҳаллий мактаблар очган, уларни рус-тузем мактабларидаги таълим-тарбия методикаси асо-

сида ишланган дастур ва дарсликлар б-н таъминлаган, ўзи ҳам ўқитувчилик қилган. Унинг «усули савтия» («товуш усули») методикаси «Устози аввал» (1902) дарслиги 17 марта нашр этилган. Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний» (1907), Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» (1910), «Иккинчи муаллим» (1912) каби дарсликлари чоп қилинган.

Жадидчилик ҳаракати давомида уларнинг ўз матбуоти шаклланди. Жадидлар Т.да 1905–06 й.ларда «Тараққий» (муҳаррири – Исмоил Обидий), «Хуршид» (муҳаррири – Мунавварқори), 1907–08 й.ларда «Шўхрат» (муҳаррири – Абдулла Авлоний), «Осиё» (муҳаррири – Аҳмаджон Бектемиров), «Тужоқор» (муҳаррири – Саидкаримбой Саидазимбой ўғли), 1913 й.да «Садойи Туркистон» (муҳаррири – Убайдулла Хўжаев), 1917–18 й.ларда «Нажот» (муҳаррири – Мунавварқори), «Кенгаш» (муҳаррирлари – Аҳмад Закий Валидий ва Мунавварқори), «Турон» (муҳаррири – Муҳаммад Амин Афандизода, Абдулла Авлоний), «Улуғ Туркистон» (муҳаррири – Кабир Бакиров), «Шўрои Ислоҳ» (муҳаррири – Абдулла Баттол), «Турк сўзи» (муҳаррири – Темурбек Худоёрхонов), «Турк эли» (таҳрир ҳайъати) каби газ.лар ва 1915 й. «Ал-ислоҳ» (муҳаррири – Абдурахмон Содик ўғли) журн.ни нашр қилган.

Бу даврда жадидлар ижтимоий-сиёсий куч сифатида ҳам кўринди. Сирдарё вилоятидан Россия давлат думаси аъзолигига сайланган Т.лик Абдувоҳидқори Абдурауфқориевга Т., Чимкент ва б. жойларнинг аҳолисидан 12 моддадан иборат талабномани давлат ду-

масига топшириш юкланди. 1907 й. февраль–июнь ойларида бўлган биринчи давлат думаси мажлисида бу ҳужжатни мусулмон фракциясининг раиси Бигловга топширган Абдувоҳидқори орадан кўп ўтмай қамоққа олинди ва Тулага сургун қилинди. Абдувоҳидқори ва Убайдулла Хўжаев машҳур рус ёзувчиси Л.Н.Толстой б-н учрашиб, у б-н даврнинг ўткир мавзулари бўйича мунозара қилган.

Мардикорликка олиш (1916) даврида ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев раислигида «Туркистон мардикорликка олиш кўмитаси» тузилиб, у миллатпарвар бой Миркомилбой Мирмўминбоев б-н биргаликда Россия жамоатчилигининг эътиборини бу масалага жалб этиш, фармонни бекор қилдириш учун Петроградга йўл олди. Давлат думасининг 1916 й. 13 ва 15 дек.да ўтган мажлисларида подшо Николай II нинг 1916 й. 25 июндаги фармони Россия империясининг қонунчилигида кўрсатилган ҳолларга зид экани тан олинди. Жадидларнинг мардикорларни юртига қайтаришга уринишлари 1917 й. фев. инқилоби бошланиши б-н тўла амалга ошди.

1917 й.да бошланган жадидчилик ҳаракатининг янги босқичида Т.лик тараққийпарварлар ҳам муҳим роль ўйнади. «Турон» уюшмаси заминидан 1917 й. 14 мартда «Шўрои Исломия» жамияти (ташкilotи) тузилди (асосчилари Мунавварқори, Абдувоҳидқори, Убайдулла Хўжаев). Жамият дастурини Мунавварқори ёзган. Т.да «Шўрои Исломия», «Турон», «Шўрои Уламо», «Иттифоқи муслимин» каби ташкilotлар фаолият кўрсата бошлади.

1917 й. 17–20 сент.да Т.да бўлиб ўтган Туркистон ва Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида «Шўрои Исломия» ва «Шўрои Уламо», «Турон» ва б. сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли б-н «Иттифоқи мусулмин» сиёсий партиясини тузишга келишилди.

Туркистондаги дастлабки олий ўқув юрти – Туркистон халқ университети (ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-ти)нинг 1918 й.да Т.да очилиши ҳам жадидлар фаолияти б-н боғлиқ. Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда Туркистон халқ университети таркибида Мусулмон халқ дорилфунуни ташкил қилинди. 1919 й. Т.нинг Эски шаҳар қисмида жадидлар ташаббуси б-н Туркистон халқ консерваториясининг миллий (Эски шаҳар) бўлими ташкил этилди.

«**ТОШКЕНТЛЕНД**» (Амир Темур шоҳқўчаси, 107) – болалар боғи. «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазма компанияси ОАЖ дам олиш зонасида жойлашган. Умумий майд. 3 гектар. 1960–80 й.ларда «Ғалаба» маданият ва истироҳат боғи номи б-н машҳур бўлган. «Т.» 1995 й. «Соғлом авлод учун» давлат дастури доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан қайта ташкил этилган. Боғда сўлим маскан, ман-

зарани сақлаб қолган ҳолда, Германия, Нидерландия, Италия, Австрия давлатларидан келтирилган 10 аттракцион ўрнатилган. Ташриф буюрганлар боғдаги кўлда катамаранларда сайр қилишлари, дор йўли (1050 м) орқали боғ манзарасини томоша қилишлари мумкин. «Т.»да махсус жиҳозланган болалар майдончаси мавжуд. Савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатади. Боғда маданий-маърифий тадбирлар, халқ сайиллари ўтказилади.

«**ТОШКЕНТЛИК ШОИРЛАР**» – тазкира. Муаллифи – Мўминжон Муҳаммаджон ўғли *Тошқин*. У Ойбекнинг тавсияси б-н Т.да яшаб, ижод қилган шоирларнинг таржимаи ҳоллари, асарлари ҳақидаги маълумотларни жамлаган. Тазкира 5 дафтардан иборат бўлиб, унда 19-а. охири – 20-а. ўрталарида яшаб ижод қилган 20 дан ортиқ тошкентлик шоирлар ҳақида маълумот берилган. Тазкира 1948 й. ёзиб тугатилган. «Т.ш.»га Қори Фазлуллоҳ Алмаъий, Мавлоно Камий, Чокар, Мирий, Гулшан, Котиб, Музтариб, Насирий, Рамзий, Мужалло, Сайфий, Ҳабибий, Завқий, Камолий, Соқий, Ахтарий, Омилий, Мутиъий, Ҳақирий, Хаёлий, Содиқийлар ҳақидаги маълумотлар ва шеърларидан намуналар киритилган.

Тазкиранинг қўлёзмаси Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидagi

«Тошкентленд»даги Африка тури аттракциони.



адабиёт музейининг ёзувчи, шоирлар архивида сақланади.

ТОШКЕНТНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ (1865) – 19-а. ўрталарида Россия чор ҳукумати ўзбек хонликларини босиб олиш мақсадида Туркистон ўлкаси томон ҳарбий юриш бошлади. Бу вақтда Тошкент ҳокимлиги Қўқон хонлиги таркибида эди. Рус қўшинлари Тошкент ҳокимлигига қарашли Оқмасжид (1853), Пишпак, Тўқмоқ, Янгиқўрғон (1860–61), Авлиёота, Туркистон ва Чимкент (1864) шаҳарларини қаттиқ жанглардан кейин босиб олди. Шундан кейин душман қўшинлари учун Т. томон юришга йўл очилди. Бу даврда Т. йирик иқтисодий, сиёсий ва стратегик шаҳар бўлиб, Қўқон–Россия савдо қарвонлари Т. орқали ўтарди.

1864 й. 27 сентябрда генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги рус қўшинлари Т.ни эгаллаш учун Чимкентдан йўлга чиқадилар. Т. аҳолиси ҳам шаҳар мудофаасига тайёргарлик кўра бошлайди. Шаҳар қалин ва баланд девор б-н ўралган бўлиб, 12 дарвозаси бор эди (қ. *Шаҳар дарвозалари*). Девор ташқарисидаги чуқур хандақлар бу гал ҳам душман ҳужумини қийинлаштириш учун сувга тўлдирилади. 1864 й. 1 окт. куни 8,5 ротадан иборат рус аскарлари Юнусобод томондан шаҳарга яқинлашиб *Оққўрғон* тепалиги (ҳоз. Тошкент обсерваторияси жойлашган тепалик)да ўрнашадилар, сўнгра шаҳарни қамал қиладилар ва тўплардан ўққа тутадилар. Тошкентликлар шаҳарни қаттиқ туриб ҳимоя қиладилар. Т. қамали ҳақида Қўқонга хабар берилгач, Қўқон хонлигининг лашкарбошиси Мулло Алимқул тезда кўп минг кишилик қўшин тўплаб Т.га келади.

Черняев қўшинлари б-н Чимкентга чекинишга мажбур бўлади. Алимқул қўшини тошкентликлар б-н биргаликда Туркистон ш., бошқа шаҳар, кент ва қалъаларни душмандан озод қилиш учун 1864 й. ноябрда йўлга чиқади-лар. Улар Туркистон ш. яқинидаги Иқон қишлоғида Т.ни разведка қилиш учун жўнатилаётган рус қўшинларининг 100 кишидан иборат казак отрядини тор-мор қилдилар. Бироқ Алимқул ҳарбий юришни давом эттирмай Т.га қайтади. Бунга Қўқон хонлигидаги ички вазиятнинг кескинлашуви сабаб бўлган эди. Мулло Алимқул қўшинлари б-н Қўқонга қайтиб кетади.

1865 й. 27 апрелда генерал Черняев қарийб 2000 кишилик қўшин ва 12 тўп б-н яна Т. томон йўлга чиқиб Чирчиқ дарёси ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг б-н эгаллади. Черняев айрим маҳаллий хоинларнинг, хусусан Абдурахмонбек деган кимсанинг маслаҳати б-н шаҳарни сувсиз қолдириш мақсадида Ниёзбек қалъаси ёнидаги Кайковус ариғи (Бўзсув канали) сув оладиган тўғонни буздириб ташлайди. Лашкарбоши Алимқул ўз қўшини б-н Т.га етиб келади ва Ўрда саройида катта йиғин ўтказиб шаҳарни ҳимоя қилишга чақиради. Алимқул Бухоро амири Музаффархонни рус босқинчи қўшинларига қарши кураш ишига путур етказётганликда айблайди.

Генерал Черняев 1865 й. 7 майда Ниёзбекда бир гарнизон қолдириб, қолган қўшинлари б-н Т.га яқинлашиб келади. Қўқон қўшинининг Сиддиқ Тўра бошлиқ илғор (разведка) бўлими душманнинг бир отлиқ ва бир пиёда отряди бир тўп б-н Қорасув бўйидаги Шўртепадан чиқиб Олтинтепа (ҳоз. «Буюк Ипак йўли» метро ст-яси яқинида

бўлган) орқали Салор ариғига томон келаётганлигини хабар қилади. Алимқул ҳам кўрсатилган йўналиш бўйича ўз қўшинларининг маълум қисми б-н Дархонсойота ариғининг ўнг соҳили (ҳоз. тахм. Мустақиллик шоҳқўчаси б-н Оққўрғон кўч. таштан жой)да душманга муқобил туради. Бош қўмондон ҳарбий қароргоҳи ҳам Дархон соҳилига жойлаштирилади. Душман қўшинлари Салор сувидан ўтиб Т. ҳимоячиларига қарата тўпдан ўқ уздилар. Икки томон ўртасида қаттиқ жанг бошланиб кўп қурбонлар бўлди. Жангда Алимқул катта мардлик кўрсатди. Рус отряди Т. ҳимоячилари ҳужумига бардош бера олмай яна Тошкентнинг шим.-шарқидаги Шўртепа манзилига чекинишга мажбур бўлади (қ. *Дархон жанги*). Бу ғалаба шаҳарда катта шоду хуррамлик б-н қарши олинса-да, ҳали ҳал қилувчи жанглар олдинда эди.

9 май куни эрталаб Шўртепада Т. ҳимоячилари душманга қарши ҳужумни бошлаб юбордилар. Жанг даҳшатли тус олиб, ҳар икки тарафдан кўп қурбонлар ва ярадорлар бўлди. Жангда Мулло Алимқул милтиқ ўқидан оғир ярадор бўлиб Т.да вафот этди ва 1865 й. 10 майда Шайхонтоҳур қабристонига дафн этилди. Сардорсиз қолган ҳимоячилар ўртасида парокандалик ва ваҳима бошланади ва улар Салор бўйига чекинадилар. Қўқон хонлиги аскарлари шаҳардан чиқиб ўз юртларига кетдилар. Т.да Қўқон хонлигининг қарийб 60 йиллик ҳукмронлиги тугади.

Т.да умумий тартибсизлик бошланиб, шаҳарда амалда ҳокимият барҳам топди. Лекин Черняев қўшинлари б-н шаҳар ичига дарҳол бостириб киришга журъат этмади, қолган аскарла-

ри тор-мор этилишидан қўрқди, чунки шаҳардаги ички аҳвол ҳали унга номаълум эди. Шу сабабли рус қўшинлари яна Шўртепага қайтиб, 17 майгача ўша ерда турди. Шу аснода Т. аъёнлари Қўқонга, Бухоро амири Музаффархонга ва Хива хонига ёрдам сўраб мурожаат қилади. Қўқонликлар ёрдам беришдан воз кечи рад жавобини берди. Бухоро амири агар Т. ҳокимияти Бухоро ҳукмронлигини тан олса ва яқинда Т. хони этиб сайланган Султон Саидхонни амир қароргоҳига юборсагина Т.ни ўз ҳимоясига олишни айтиб мактуб йўллади. Т. аъёнларида бирлик йўқ эди. Бир гуруҳи ҳамон Қўқонга, иккинчиси Бухорога умид боғлар эди. Учинчи гуруҳ асосан нуфузли савдо аҳли бўлиб, уларда савдо манфаатлари устун эди. Ниҳоят Бухоро тарафдорлари гуруҳи устун чиқиб, Т. хони Султон Саидхонни Бухорога жўнатдилар ва Бухоро амирлиги паноҳига ўтганликларини изҳор этдилар. Бу Т. ҳимоячиларининг руҳини тушириб юборди. Шаҳар ўз қисмати-га ташлаб қўйилди. Генерал Черняев фурсатни бой бермаслик учун Т.ни қамал қилиб, Бухоро амирининг бетараф бўлишини истаб, унга хат йўллади. Бу хатда у Қўқон хонлигига қарашли ерларнинг деярли ярмини босиб олганини таъкидлаб, қўқонликлар тинчимасдан Иқонга ҳужум қилганини ёзади, уларни жазолаш мақсадида Т. остонасига рус қўшинини олиб келганини айтади. Айни вақтда Черняев ўзини амирга хайрихоҳ қилиб кўрсатади, агар зарур бўлса унга ёрдам беришга тайёр эканини айтиб, Қўқон тахтига Худоёрхонни ўтказишни таклиф қилади. Генерал босиб олинган ерлардан махсус Туркистон области тузилганини,

ўзи областга ҳарбий губернатор қилиб тайинланганини ҳам ёзади. У Бухоро амирининг жавобини Т. остоналарида кутишини билдиради. Бу хатни олган Бухоро амири Т.ни босқинчилардан ҳимоя қилиш учун тошкентликларга ёрдам беришга журъат этмайди ва Худоёрхонни Қўқон тахтига ўтказишга кўмаклашишга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, генерал Черняев Т.ни яккалаб қўйишга эришади.

Тошкентликларнинг барча ҳимоя кучларини шаҳар девори бўйлаб тарқатиш ва марказда ҳимоя кучларини қолдирмаслик мақсадида Черняев ўз кўшинлари б-н шаҳар атрофида айланиб ҳужум қилиш учун қулай жой қидираётгандек бўлади. Мудофаачилар шаҳардан ташқарига чиқиб рус кўшинларига ҳужум қилмадилар. Черняев Т.ни очарчилик ва сувсизлик воситаси б-н олмоқчи бўлди. Шаҳарда фақат қудуқлар сувидан фойдаланиб турилди, озиқ-овқат захираси тугади.

1865 й. 6 июндан 7 июнга ўтар кечаси Черняев шаҳарга ҳужум қилишга уриниб кўрди. Шаҳарда умумий тартибсизлик кучайиб борди. Бундан фойдаланган генерал Черняев аскарлари 1865 й. 14 июнда шаҳарга бостириб киришга муваффақ бўлди. Ҳужум тонг саҳарда Қўқон дарвозаси ёнида тўплардан ўт очиш б-н бошланди. Айни вақтда душманнинг асосий кучлари Камолон дарвозасидан кириб келди. Бир ярим соат давом этган оғир жангдан сўнг рус аскарлари дўкон ва уйларга ўт қўйиб, Шайх Шибли ариғи орқали қалъа деворининг шимол томонига ўтиб ўрнашди. 15 июнда душман яна ҳужумга ўтди. Тошкентликлар қаттиқ қаршилик кўрсатди. Хусусан, Абдурахим

ясовул бошчилигида «Қиёт» маҳалласи аҳолиси душманга қарши шиддат б-н жанг қилди. Мардлик кўрсатган мудофаачилар орасида Мирюсуф Мирсултон боғбон ўғли, Умархон Тўраҳон ўғли, Мирсодиқ Миршоди ўғли, Нормухаммад ва Муллашер Мерган каби оддий халқ вакиллари бор эди. Улар душман ҳужумини бир неча бор қайтариб, охири шаҳар четига чиқиб кетишга мажбур этдилар. Лекин нисбатан яхши қуролланган ва қаттиқ ҳарбий интизомга бўйсунган рус кўшинлари устунликни қўлга киритди. Шаҳарга бостириб кирган отряд дарҳол Ўрда томонга ҳаракат қилди ва соат 7 яримда Ўрда саройини эгалладилар. Хон саройи ўт ичида қолди. Рус аскарлари айрим хоин кишилар орқали шаҳардаги ўқ-дори омборини топиб, уни портлатишга муваффақ бўлди. Бу шаҳар мудофаа тақдирини ҳал қилган омиллардан бири бўлди. 16 июнда Краевский бошлиқ босқинчилар гуруҳи Ўрда саройи деворлари ва истеҳкомларни портлатди. Уч кун давом этган мислсиз жанг, 42 кун сувсизлик, очлик ва ўқ-дори етишмаслиги, қурбон ва ярадор бўлганларнинг сони ортиб бориши натижасида мудофаачиларнинг тинкаси қуриди. Жуда кўп одам қурбон бўлди. Черняевнинг буйруғи б-н уйлар ёндирилди, эгалари отиб ташланди, милтиқ найзаси б-н санчиб ўлдирилди, бирорта ҳам ёшу қарига шафқат қилилмади. Шайхонтоҳур, Бешёғоч ва б. жойларда тўпларини ўрнатган генерал Черняев, агар Т. мудофаачилари таслим бўлмаса шаҳарни тўпга тутиб вайрон қилишини айтди.

1865 й. 17 июнда эрталаб тошкентликлар душман ҳужумларига бардош бера олмай таслим

бўлдилар. Шундан сўнг шаҳар аъёнлари Т.нинг 12 дарвозаси расмий олтин калитларини Черняевга топширдилар (қ. *Шаҳар дарвозалари калитлари*). Шундай қилиб, шаҳарда ва унга қарашли атроф ерларда чор Россиясининг ҳукмронлиги ўрнатилди. Черняевнинг мақсади Т.ни босиб олгач, навбатдаги босиб олишлар учун уни Россия империясининг жанубидаги ҳарбий таянч пунктига айлантириш эди. Лекин генерал Черняев чор ҳукуматининг рухсатисиз ўзбошимчилик б-н Т.га юриш бошлаган эди. Унинг галабаси Санкт-Петербургда зўр мамнуният б-н қабул қилинган бўлса ҳам, таваккалга иш юритиши оқибатида катта зиён келтириши мумкин эди. Унинг ўзбошимчилиги оқ подшо аъёнларининг нафсониятига тегиб норозилик туғдирди.

Дарҳақиқат Т.нинг қўққисдан босиб олиниши халқаро матбуотда шовқин-сурон кўтарилшига ва рус ҳукуматига нисбатан Европада норозилик кучайишига олиб келди. Ҳукумат доиралари ва матбуотда чор Россияси Туркистондан кейин Ҳиндистонни босиб олмоқчи, деган хабар тарқалди. Бу айниқса, Англиянинг норозилигини уйғотиб, унинг Россия б-н муносабатини жиддий тус олдирди. Шу сабабдан генерал Черняев ўз босқинчилигини оқлаш мақсадида гўё Т. ихтиёрий равишда рус кўшинларига бўйсунганлиги ҳақида шаҳар аъёнлари номидан қалбаки ҳужжат уюштиришга киришди. Бу «Ҳужжат» охирида шундай жумла бор эди: «... фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамоми ихтиёримиз ва рағбатимиз б-н рус сардорлари ва аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик». Бундан кўриниб турибдики, тошкентлик-

лар шаҳар мудофааси учун бўлган қаттиқ жанглар ва берилган қурбонларни тамоман инкор этиб, «ихтиёрий» равишда рус аскарларига бўйсунганликларини тан олишлари лозим эди. Қалбаки ҳужжатнинг мазмуни баён этилгандан кейин, ўша давр тарихчиси *Муҳаммад Солиҳхўжанинг* ёзишича, илғор фикрли шаҳар аъёнларидан Домла Муҳаммад *Солиҳбек Охунд* шундай жавоб қилган:

Солиҳбек Охунд жавоби:
«Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Т.дан Оқмасжидгача ва бу ердан Ғулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлларига киргиздилар. Уруш тўсатдан, муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шахри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг 12-кунигача, яъни 42 кун давомида сувсиз, озиқ-овқатсиз қолдирилди. Мулло Алимқул лашкарбоши шахид бўлгандан кейин (ҳимоячилар) сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкентликлар ватани ва дини учун қаттиқ туриб урушни давом эттирди. Сешанба кун ярим кеча ўтгандан кейин, саҳарга яқин рус аскарлари Хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан фуқаро уйқудалиги вақтида бостириб кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб, пайшанба кунгача икки кеча-кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб оч, ташна, сувсиз яккама-якка уруш бўлиб охирида ярашиш сулҳи тузилди.

Бу ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи жавоб генерал Черняевни газабга келтирди. У Домла Муҳаммад Солиҳбек Охунд

сўзига қўшилувчи кишиларнинг бир тарафга ўтишларини буюрди. Шундан кейин шаҳар катталаридан 6 киши (Ҳакимбой, Бердибой, Азимбой, Мулла Мирзаълам Охунд, Мулла Музаффархўжа ва Мулла Файзинор Домла) Домла Муҳаммад Солиҳбек Охунд сўзини қувватлаб кўрсатилган тарафга ўтди. Улар ва Домла Муҳаммад Солиҳбек Охунд дарҳол рус аскарлари томонидан ўраб олиниб қамоққа жўнатилди. Бу ҳолат тўпланган шаҳар аъёнларига таъсир кўрсатган бўлса керак, улар генерал Черняев айтган аҳдномани у талаб қилган мазмунда тайёрлаб беришни зиммаларига олдилар. Ҳакимхўжа қози калон аҳдномани безаш ва тузишни Абдусаттор Қорабош ўғлига топширди. Аҳднома тайёрлангандан сўнг унга шаҳар катталари ва савдогарлари қўл қўйиб ва муҳр босиб генерал Черняевга топширилди. Генерал Черняев Домла Муҳаммад Солиҳбек Охунд ва унинг тарафдорларини Сибирнинг Томск ш.га сургун қилди.

Генерал Черняев аҳдномани Абусаид ва Ходихўжа исмли савдогарлар қўлига бериб, Санкт-Петербургга подшога олиб боришни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдномани босқинчиликни яшириш ва жаҳон матбуотида Туркистон, жумладан Т.нинг Россия империяси томонидан босиб олинганлиги ҳақидаги хабарларини бартараф қилиш мақсадида чет эл мамлакатларига тарқатди. Жумладан Туркиядаги рус элчихонаси аҳднома нусхаларини кўпайтириб Истанбул кўчалари, бозорлари ва дўконларига ёпиштириб қўйган.

Шундай қилиб, генерал Черняев Т.ни босиб олгандан сўнг аҳдномани, яъни сулҳ шартла-

ри ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи қалбаки ҳужжатни тузишга эришди. 1865 й. сентябрь ойида Оренбург генерал-губернатори Крижановский Т.га келиб шаҳар Россия империяси тасарруфига ўтганлигини эълон қилди. Буни у Т.ни Бухоро ва Қўқон хонликлари таъсирига берилиб кетмаслигининг олдини олиш мақсадида қилган эди. Чунки шаҳарда айрим гуруҳларнинг ўша хонликлар ёрдамида урушни давом эттириш ҳаракати сезилмоқда эди. Бухоро хони Музаффар Т.га элчи юбориб шаҳардан рус қўшинларини олиб чиқиб кетишни Черняевдан талаб қилган эди.

Ғалабалардан димоғи кўтарилган Черняев ўз бошлиғи Крижановский б-н муносабатларини кескинлаштириб, ўзбошимча хатти-ҳаракатларни авжига чиқариб юборди. Бундай ҳаракатлар Санкт-Петербург ҳукумати юқори раҳбарларига ҳам ёқмади. Бунинг устига Черняев 1866 й. фев. ойида Жиззахда Бухоро қўшинларидан енгилиб қайтди. Натижада Крижановскийнинг таклифи б-н подшо маъмурияти 1866 й. март ойида генерал Черняевни чақириб олди ва ўрнига Д.И.Романовскийни тайинлади. Т.ни босиб олгани учун чор Россияси ҳукумати М.Г.Черняевга олтин қилич ва кейинчалик 10 минг сўм мукофот ва ҳар йилига 3 минг сўмдан бир умрлик нафақа тайинлади.

1866 й. авг. ойида Россия императорининг Т. Россия тобелигига олинганлиги ҳақида расмий фармони эълон қилинди. 1867 й. эса Сирдарё ва Еттисув обл.ларини ўз ичига олган Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, генерал Кауфман губернатор этиб тайинланди. Тошкент ш. Туркистон гене-

рал-губернаторлигининг сиёсий, иқтисодий ва маданий м-зи бўлди. Анҳорнинг чап соҳилида мустамлакачи тўралар ва ҳарбийлар учун *Янги шаҳар* қурила бошлади. 1865 й. авг. – окт. ойларида Анҳор бўйида, Т.нинг Кўймас дарвозаси яқинида ҳарбий қалъа – Тошкент Тупроққўргони барпо этилди. Янги шаҳарда подшо ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсатини шафқатсизларча амалга оширувчи ҳарбий ва граждандар маъмурий идора ва маҳкамалари ўрнашди. Шу вақтдан тарихий Т. *Эски шаҳар* деб атала бошлади. Янги шаҳар аҳолиси асосан руслар ва б. европаликлардан иборат эди. Т.нинг Россия империяси қўшинлари томонидан босиб олиниши бутун Туркистон (Ўрта Осиё) тақдирини узил-кесил ҳал қилди. Чор ҳукумати бу шаҳарда куч тўплаб бирин-кетин Кўқон, Бухоро ва Хива хонликларини босиб олди.

ТОШКЕНТНИНГ ҚЎҚОН ХОНЛИГИГА ҚЎШИБ ОЛИНИШИ – Тошкент вилояти *Чорҳокимлик* давридан сўнг мустақил давлат бўлиб, *Юнусхўжа* бошчилигида марказлашган давлат идораси барпо этилди (1784–1809). Юнусхўжанинг фаол сиёсат олиб бориши натижасида Т. шим.даги даштликда жойлашган қалъа, қишлоқ ҳамда карвон йўллари, шунингдек, Қурама ва б. жойлар яна Т. тасарруфига ўтди. Т. чор Россияси б-н элчилар алмашиб, савдо муносабатлари ўрнатган эди, чунки Т. муҳим савдо маскани сифатида қадимдан қулай географик ўринда бўлган. Т.нинг Бухоро амирлиги б-н муносабатлари яхши эди, шунинг учун 1803 й.да Кўқон хонлиги б-н Бухоро амирлиги ўртасида Ўратепа учун бўлган жангда Т. Бухоро томо-

нида туриб қатнашган. Кўқон хони *Олимхон*нинг 1799 йилда Т.га қилган ҳарбий юриши муваффақиятсиз чиққач, Олимхон ҳарбий ислоҳот ўтказган. У 10 минг кишилик махсус отлик аскарлар қўшинини тузган. 1803 й. Юнусхўжа Кўқон хонлигига юриш қилиб *Фурумсарой жанги*да Олимхондан мағлубиятга учраган. «Тарихи Шоҳрухий» асарида келтирилишича, Олимхон Т.ни тасарруфига олишга тайёргарлик кўрган. Аввал у Қурама ҳудудини эгаллаган ва у ердан туриб 12 минг кишилик қўшинни Т. атрофидаги қалъаларни ишғол қилишга юборган, натижада Тўйтепа ва Ниёзбек қалъалари эгалланиб, у ерларга Кўқон гарнизони жойлаштирилган. Олимхон Т.га 1809 й. Қурама орқали ҳарбий юриш қилиб Керовчига келганда унга Қурама қўшини ва қилқуйруқлар (босиб олинган ерларлардаги кўчманчи ва ўтроқ аҳолидан зўрлаб ҳарбий мажбуриятга тортилган кишилар) қўшилган. Сўнгра Тўйтепа орқали Қўйлиққа ва ниҳоят Салор ариғи соҳилига етиб келган Кўқон аскарлари шаҳар атрофидаги муҳим қалъаларни эгаллади. Т. яқинидаги Ниёзбек қалъасини эгаллаган Кўқон гарнизони аскарларининг тез-тез босқини туфайли тошкентликларнинг иқтисодий аҳволи оғирлашган. «Тарихи Шоҳрухий» асарида ёзилишича, Т.да очарчилик бошланган. Ўн бир кунлик қамалдан сўнг, шаҳар мудофаа деворининг остидан лаҳм кавлаб деворнинг бир қисми қулатилгач, кўқонликлар шаҳарнинг жан. томонидан бостириб кирган, шаҳар аҳолиси таслим бўлган. Сўнгра шаҳарда талон-торож бошланган. Эртаси кун Олимхон шаҳарга кириб келиб уни талон-торож қилиш-

ни тўхтатишга фармон берган. Кўқон хонлиги учун хавфли бўлган 300 нафар шаҳар аёни гаров сифатида Кўқонга жўнатирилган. Шаҳар мудофаасида иштирок этган баъзи даштликларни хон қатл эттириб, ўз тарафдорларини оқсоқол ва бий лавозимларига тайин этган. Т. Кўқон хонлиги томонидан узил-кесил бўйсундирилгандан кейин шаҳарни 1810 йилдан хон ноиб бошқара бошлади.

Т. қиёфаси Кўқон хонлигига қарамлик даврида анча ўзгаришларга учраган. Шаҳар ҳудуди кенгайган, Юнусхўжа ўрдаси бузиб ташланиб, Анҳорнинг сўл соҳилида Янги Ўрда қурилган (қ. *Ўрда*).

1830-й.ларда Муҳаммад Алихон даврида янги Ўрда ёнига Шарқий Туркистонда ўз ватанидан қувилиб Кўқон хонлигидан паноҳ топган мусулмонлар келиб жойлашган, натижада қашқарликлар маҳалласи вужудга келган. Ўрданинг шарқ томонида янги маҳаллалар, мавзелар пайдо бўлган. Шаҳар аҳолиси сони ортган, 1860-й.ларга келиб Т.да 60 мингдан ортиқ киши истиқомат қилган. Шаҳарнинг меъморий қиёфаси ҳам ўзгарган. Кўплаб мадраса, масжид, хонақоҳлар қурилган: *Бекларбеги мадрасаси* (1835), *Эшонқулидодхоҳ мадрасаси* (1840), *Мўйи Муборак мадрасаси*, *Баландмасжид* (1875) ва б.

Бироқ шу б-н бир қаторда аҳоли қаттиқ зулм остида қолган. Солиқларнинг оғирлиги, амалдорларнинг ўзбошимчилиги шаҳар аҳолисининг бир неча бор кўзғолон кўтаришига сабабчи бўлган. 1865 й. Т. Россия империяси томонидан босиб олинган.

«ТОШЛОЙИХА» (Навоий кўч., 16^а-уй) – «Оргтехстрой» трести

негизда МЧЖ сифатида 1996 й. ташкил этилган. Саноат иншоотлари ва аҳолига тегишли объекларни лойиҳалаш, мавжуд бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш б-н шуғулланади. Таркибида қурилиш лаб., атрофмуҳитни муҳофаза қилиш лаб., мукамал лойиҳалаштириш бўлими, лойиҳа-смета ҳужжатларини расмийлаштириш ва тайёрлаб бериш бўлими бор. Ин-т лойиҳалари асосида 2003/08 й.ларда Сағбон кўчасидаги 3 қаватли турар жой бинолари, «Қурувчи» даҳасидаги мавзени, Мирзо Улугбек туманидаги 5 қаватли турар жой (Қори Ниёзий кўч.), Шифокорлар шаҳарчасидаги уй-жойлар, шунингдек, бир неча академик лицей ва коллежлар, «Ёш оилаларга уй-жойлар» дастури бўйича «Феруза» даҳасидаги турар жойлар қурилган.

«ТОШПАСРЕМСЕРВИС» – акциядорлик компанияси. 2006 й. тузилган. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси таркибида. «Т.» автобус, трамвай, троллейбус ва б. ҳар хил русумли транспорт воситаларини жорий ва капитал таъмирлаш; юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини капитал таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш; «Тошавтобустранс» ва «Тошэлектротранс» компанияларининг сўровномасига биноан, шунингдек, шартнома асосида юридик ва жисмоний шахсларга ҳаракат воситаси учун эҳтиёт қисмлар, қўшимча ускуналар ва ҳар хил турдаги бутловчи қисмлар етказиб бериш вазифаларини бажаради. Компания таркибига «2-автосозлаш э-ди» МЧЖ ҳамда шартнома асосида «Фаворит-Автохизмат» МЧЖ ва «Траст-таъминот» АЖ киради.

«ТОШУЙЖОЙЛОЙИҲА» (М.Ёқубова кўч., 43) – очик турдаги


АЖ. 1956 й. конструкторлик бюроси сифатида ташкил этилган. 1975 й.дан лойиҳа ин-ти. «Т.» ўлчов-текширув ишлари (лаб. жиҳозлари ёрдамида биноларнинг эскирганлик даражасини аниқлаш), қурилиш, таъмирлаш, техник жиҳозлаш, уй-жой ва саноат корхоналарини қайта таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларини и.ч., текширув ва техник хулосалар бериш каби фаолиятларни амалга оширади. 9 та бўлимдан иборат. Ин-т лойиҳалари бўйича Т.да кўплаб қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ин-тда 120 ходим ишлайди.

«ТОШШАҲАРНУР» (С.Толипов кўч., 3) – давлат унитар корхонаси (2004 й.дан). Тошкент давлат ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси таркибида. Шаҳарни ёритиш давлат идораси сифатида 1949 й. ташкил этилган. Шаҳарни махсус ёритиш ишлари б-н шуғулланади. 1952 й.да шаҳарнинг 25,6%, яъни 3037 кўчадан 387 таси, яъни 930 км дан 238 км қисми ёритилган. Т. зилзиласидан кейин (1966) янги кўчалар, майд.лар, хиёбонлар барпо этилди, янги турар жой даҳалари қурилди. Кўчаларни ёритиш янада ривожланди. 1991 й.дан шаҳарда янги ёруғлик техникаси жиҳозларини, шаҳар кўчаларини ёритишни масофадан бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини қўллаш натижасида шаҳарни ёритиш сифати янада яхшиланди.

Тошкент чироқлари.

2008 й. 1 янв. ҳолатига кўра Т.да 122308 дона ёритиш қурилмаси, 79546 дона иллюминация, 14747 дона газчироқли иллюминация, 22226 дона газчироқли қурилмалар ва б. мавжуд бўлиб, электр тармоқларнинг умумий уз. 3482,64 км, ёритиш фоизи 90,7 га тенг. «Т.» корхонаси таркибида 11 туман электр тармоғи ва 1 махсус трассага хизмат кўрсатувчи тармоқ мавжуд. Корхонада 622 ходим ишлайди.

«ТОШШАҲАРИОКТРАНС» УЮШМАСИ (Амир Темур шоҳкўчаси, 6) – Тошкент ш.даги юридик ва жисмоний шахсларга автотранспортда юк ташиш хизматларини бажариш б-н шуғулланади. Тошкент ш. ҳокимлигига қарайди. Дастлаб марказлаштирилган усулда юк ташиш шаҳар и.ч. автомобиль трести фаолият юритган. 1960 й. у «Тошгоргрузтранс» и.ч. бирлашмасига айлантирилган. Унинг таркибида хўжалик ҳисобидаги 10 автомобиль корхонаси бўлган, ҳаракатдаги автомобиллар сони 5400, автотиркамалар 800 тани ташкил этган. 1993–2001 й.ларда «Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорацияси қарамоғидаги «Тошавтотранс» ташкилоти фаолият олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Автомобиль транспорти соҳасини монополия-



дан чиқариш ва бошқарувни такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2001 й. 4 июнь) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Тошкент ш. ҳокимининг «Автомобиль транспорти соҳасида бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари (2001 й. 5 июнь, 2001 й. 22 июнь) асосида давлат акциядорлик корпорацияси тугатилиб, «Тошшаҳарюктранс» уюшмаси тузилди. Уюшма таркибига «3-Автокомбинат», «127-Автокорхона», «143-Автокорхона», «145-Автокорхона» ОАЖлари, «2505-Автожамланма», «2512-Автожамланма», «2515-Автожамланма», «2521-Автожамланма» ҳамда «Тошшаҳартрансэкспедиция», «Тошкент автомобиль ўқув», «Автоқурилиш» МЧЖлар ва «Автокадр Тошкент» АЖ киради.

Уюшма корхоналарида жами 1054 автомобиль ва 83 та тиркама мавжуд бўлиб, улардан 1023 таси тижоратга мўлжалланган. Уюшманинг умумий даромади 2008 й.нинг 1-ярмида 1 млрд. 850 млн. сўмдан ортиқроқни ташкил этди.

«ТОШЭЛЕКТРОТРАНС» – давлат компанияси. Тошкент ш. электр транспорти – трамвай, троллейбус ва метрополитенда йўловчи ташиш б-н шуғулланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида йўловчи ташиш транспорти тизimini такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (2006 й. 11 янв.), «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси ва Тошкент шаҳар ҳокимияти йўловчи ташиш транспорти барча турларини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини (2006 й. 18

янв.) бажариш юзасидан тузилган. Компания таркибига *Т. метрополитени*, 2-трамвай депоси, 2-троллейбус депоси ва 3-трамвай-троллейбус депоси, «Йўл хизмати», шаҳар электр транспортига хизмат кўрсатиш, «Тош-татрасервис» техник м-зи унитар корхоналари ва шартнома асосида ишловчи «Элтранстаъминот», «Рем-элтранс» МЧЖлар киради. Компания корхоналари тасарруфида 118 та трамвай вагони, 82 та троллейбус бор (2008). Компания корхоналари 7 трамвай, 5 троллейбус йўналишларига хизмат кўрсатади. Иш кунларининг тигиз соатларида 104 та трамвай ва 77 та троллейбус белгиланган йўналишларга чиқарилади. Йўналишлар узунлиги – трамвайлар бўйича 103,35 км, троллейбуслар йўли 125,6 км. Трамвайлар бир кунда ўртача 139,1 минг, троллейбуслар 35,3 минг йўловчи ташийдди. Метрополитеннинг 29 та бекати бўлиб, 3 та йўналиш («Чилонзор», «Ўзбекистон» ва «Юнусобод»)нинг умумий уз. 39 км. Бу йўлда ҳар бири 4 вагондан иборат 39 та поезд қатнаб, бир кунда 300 мингга яқин йўловчи ташийдди. Компания тизимида 5 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади.

ТОШҚИН, Мўминжон Муҳаммадjon ўғли Тошқин (1883–1964) – ёзувчи, маърифатпарвар, педагог, Т.да жадидчилик ҳаракати намояндаси. Т. шаҳрининг Кўкча даҳасида туғилган. Шарофбой, Беклар беги (Тошкент), Олия (Уфа) каби мадрасаларда таҳсил олган. Айни пайтда эски мактабда дарс берган. Т., Наманган, Кўқон, Андижон, Ўш, Жалолобод, Хўжанд, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларда янги усулдаги мактаблар очган. «Садойи Туркистон», кейинчалик «Иштирокион» газ.лари ва «Муштум»

журн.ида ишлаган. Андижонда Чўлпон ва Т.да Ҳамза б-н ҳамкорлик қилган. Хоразмда маориф нозирлигида хизмат қилган (1920–21). Кейинчалик Ўзбекистон ФАнинг Шарқшунослик интида ишлаган (1944–50). 1905 й.дан Тошқин тахаллуси б-н шеърлар ёза бошлаган. Унинг шеърлари ўз даврининг долзарб муаммолари, илму маърифатга тарғиб қилишга бағишланган. Асарлари ўша даврдаги газ., журн.лар, жумладан, «Шўро» журн.да босилган. Унинг «Қонли тун» (1926; Зиё Саид б-н ҳамкорликда), «Турмуш уринишлари» (1926), «Эски мактаб турмуши ёҳуд толиб», «Насоих ул-атфол», «Эрк ашулалари», «Қизил наштар», «Ҳамроҳ биби» каби асарлари ҳам бор. Таржима б-н ҳам шуғулланган. Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса»сидаги «Лайли ва Мажнун» достонини Охундий б-н ўзбек тилига ўгирган. Т.нинг шеърий мероси 200 дан ортиқ шеърлардан иборат. *«Тошкентлик шоирлар»* тазкираси муаллифи.

ТОҲИР МАЛИК (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) (1946.27.12) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (2000). Т.да туғилган. Тошкент ун-тининг журналистика ф-тини тугатган (1969). Болалар газ.да, «Гулистон» (1975–78) журн.ида ишлаган. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1981–82), «Чўлпон» нашриётида бош муҳаррир (1985–87), «Шарқ юлдузи» (1982–85), «Ёшлик» (1989–91) журн.ларида адабий ходим, масъул котиб, бош муҳаррир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида котиб (1988–90). «Ҳикмат афандининг ўлими» (1972), «Заҳарли ғубор» (1974), «Фалак» (1975), «Сомон йўли элчилари»

(1978), «Чорраҳада қолган одамлар» (1982), «Бир кўча, бир кеча» (1983), «Алвидо, болалик» (1989), «Сўнги ўқ» (1990), «Ов» (1995) каби илмий-фантастик, саргузашт қиссалари машҳур. «Сўнги ўқ» қиссаси асосида 7 қисмли телефильм (1994) яратилган. «Қалдирғоч» (1987) эпик асари Абдулла Авлоний тақдир мисолида 20-й.лар ўзбек зиёлиларининг шаклланиши ҳақида баҳс юритади.

«Шайтанат» романи (1-китоб, 1992; 2-китоб, 1995; 3-китоб, 1997; 4-китоб, 2000) Т. М.нинг йирик асарларидан. Асар асосида кўп серияли телефильм яратилди. Романда жиноят оламидаги воқеалар тимсолида асосий эътибор асар қаҳрамонларининг руҳий дунёсини таҳлил этишга қаратилган. Кишиларни жиноятнинг разил оламидан эҳтиёт бўлишга чақирувчи ушбу огоҳлантирувчи асар мазмуни Т. М.нинг «Жиноятнинг узун йўли» (2004) илмий-таҳлилий рисоласида давом эттирилган. «Меҳмон туйғулар» (2003) адабий мақолалар тўпламида адабий жараёндаги муаммолар акс этган. Т. М.нинг «Ёзувчининг бахти ва бахтсизлиги» (1988), «Собир» (2003), «Қиёмат қарз» (2002) ҳамда «Ибрат мактаби» (1993) бадиалари ҳам бор. «Унвони инсон» (1999), «Соҳилсиз денгиз» (2000), «Зулмат салтанати» (2001), «Моштабиб» (2002) каби сценарийлари асосида хужжатли фильмлар ишланган. Рус ёзувчиси Ф. М. Достоевскийнинг «Маъсума» қиссасини, шунингдек, жаҳон адабиёти намоёндаларининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий тадқиқот ин-

ститути (Тараққиёт кўч., 78) – Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. муассасаси. 1932 й. Тошкент ш.да Ортопедия, травматология ва суяк сили и.т. институти номи б-н ташкил этилган. 1946 й.дан ҳоз. номда.

Ин-тнинг 200 ўринли касалхонасида 8 клиник ва 3 илмий бўлим, 9 лаб., клиник ординатура, илмий кутубхона, травматологик тез ёрдам пункти ва б. бор (2009). Ин-т ходимлари катталар ва болаларда суяк чиқишларини жойига солиш, синган суяк бўлақларини улаш (остеосинтез қилиш), жароҳатланган пайлар ва мускулларни тиклаш, шунингдек, йирик бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликлари, суяк калталиги ва қийшиқлиги, умуртқа жароҳатлари ва касалликлари, болаларда учрайдиган туғма касалликларни даволаш устида иш олиб боради.

Мустақиллик йилларида ин-тда йирик бўғимларни эндопротезлаш, тизза бўғими артроскопияси, умуртқанинг реконструкцияси ва транспедикуляр фиксацияси, стерженли остеосинтез каби энг замонавий даволаш усуллари, компьютерли ва магнит-резонансли томография, ультратовуш текшируви сингари ноёб диагностика усуллари кенг татбиқ қилинди. Шунингдек, оғир жароҳатларда бемор гомеостазидаги ўзгаришлар, қарияларда суяк мўртлиги (остеопороз) муаммоси бўйича фундаментал тадқиқотлар ўтказилади.

Ин-тнинг консультатив поликлиникасида суяк-бўғимлар жароҳатлари ва касалликлари бўйича тиббий маслаҳат ёрдами кўрсатилади. Ин-тнинг методик-ташкилий бўлими Ўзбекистонда травматология ва ортопедия хизматининг ҳолатини доимий мо-

ниторинг қилади ва такомиллаштириш йўлларини ишлаб чиқади.

Ин-тда 70 дан ортиқ ходимлар, шу жумладан, 10 фан д-ри ва проф., 30 фан номзоди хизмат қилади (2009).

ТРАКТОР ЗАВОДИ, Тошкент трактор заводи (ТТЗ) (Буюк ипак йўли, 434) – трактор ва уларга тиркамалар ишлаб чиқарувчи корхона, ОАЖ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг машинасозлик, металлургия, геология, минерал хомашё олиш ва қайта ишлаш масалалари ахборот-таҳлил департаментига қарайди. 1942 й. ташкил топган. Асосан пахтачиликда ишлатиладиган, универсал-ҳайдов тракторлари, трактор тиркамалари, эҳтиёт қисмлари, халқ истеъмол моллари тайёрланади. «ТТЗ-Асбоб», «ТТЗ-Аланга», «ТТЗ-Даст Таъмир» шуъба корхоналари бор. Т.з. хузурида «ТТЗ-Металл», «ТТЗ-Технопластик» қўшма корхоналари ҳам ташкил этилган.

3-д 2-жаҳон уруши даврида фронт учун махсус маҳсулотлар етказиб берган. 1945–50 й.ларда «Ташпродмаш» з-ди номини олган, озиқ-овқат саноати учун ускуналар ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарган. 1950–57 й.ларда «Ташхлопкомаш» номи б-н аталиб, пахтани қайта ишлаш саноати учун машина ва механизмлар тайёрлаб берган. 1957–69 й.ларда «Ташавтомаш» з-ди деб аталган. Унинг жамоаси ГАЗ-51 автомашиналарига эҳтиёт қисмлар, пахта ташийдиган 2ПТС-4-793А тиркамалари и.ч.ни ўзлаштирган. Пахтачиликда ишлатиладиган тракторлар чиқариш учун и.ч. базаси ҳозирланган. 1969–82 й.ларда «Тошкент трактор з-ди» номини олган ва тиркамалар и.ч.ни сусайтирмаган ҳолда Т28ХЧМ трак-



Тошкент трактор заводи. Тайёр маҳсулотлар майдони.

торлари, уларга эҳтиёт қисмлар и.ч.ни ўзлаштирди. 1970 й. биринчи трактор чиқарилди.

1982–96 й.ларда и.ч. бирлашмаси сифатида фаолият кўрсатди. 1996 й.дан «Тошкент трактор з-ди» давлат акциядорлик жамияти, 2004 й.дан ОАЖ. З-д юқори сифатли ускуналар б-н жиҳозланиб, техника даражаси юқори бўлган, дизайни яхшиланган ТТЗ-100К.10, ТТЗ3100К.11, ТТЗ-60, ТТЗ-80 русумли тракторлар ишлаб чиқаради.

Йиллик и.ч. ҳажми 3155 трактор ва 2155 тиркамани ташкил этади. Маҳсулотлари Қозғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Россия, Миср Араб Республикасига экспорт қилинади.

Т.з.нинг «Белдерсой» болалар оромгоҳи, «Чатқол» дам олиш зонаси, Маданият саройи, тиббиёт-санитария қисми ишлайди.

«ТРАКТОРСОЗЛАР» МАҲАЛЛАСИ (ТТЗ-1 мавзеси, 46^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Ўзробод», Мунавварқори, «Азамат» ва «Ахиллик» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. июнда шу номда ташкил этилган. Аҳолиси 6010 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, 64-АТС жойлашган.

ТРАМВАЙ – Тошкентда Т.нинг ўтмишдоши *кўнка* эди. Вагонни тор излар бўйлаб отлар тортарди. Кўнка 1901 й. қатнай бошлаган. 1913 й.дан кўнка вагонлари

ўрнига электр токи б-н юрадиган тор изли вагонлар – Т.лар қатнови йўлга қўйилди. 1917 й. Т.

йўллари уз. 23 км дан ортиқроқ бўлган. 1936 й. биринчи кенг изли Т. йўли фойдаланишга топширилди ва Тўқимачилик ком-ти – Ҳадра майд. оралигида Т.лар қатнай бошлади. 1967 й. тор изли Т. йўллари кенг излилари б-н тўлиқ алмаштирилди. Янги турар жой даҳалари пайдо бўлиши муносабати б-н уларни шахар маркази б-н боғлайдиган янги Т. йўллари қурилди. 1995 й. Т. йўлларининг умумий уз. 293,1 км га (Т. парки йўллари б-н бирга) етди. Тошкентда *метрополитен* ишга туширилгач ва шахарда мулкчиликнинг турли шаклидаги транспорт корхоналари пайдо бўлгач, Т. ва троллейбусларнинг йўналишлари камайди. Электр транспортида (метрополитендан ташқари) йўловчи ташиш ҳажми қисқарди.

Кейинги йилларда Т. парки замонавий вагонлар б-н бойитилди. Булар «Татра Т-3М» (87 та вагон), «Спектр» (2 та), КТМ-5 (8 та), «РВЗ» (1 та) ва янги келтирилган «71-619-КТ» (20 та) русумли Т.лардир.

Трамвайда йўловчилар ташиниш вазифаси «Тошшаҳартранс-

хизмат» уюшмаси таркибидаги «Тошэлектротранс» давлат компанияси зиммасига юклатилган. Т.да ҳар куни 100 дан ортиқ трамвай 7 та йўналиш бўйича қатнайди ва ўртача 139,1 минг йўловчини ташийди (2008).

«ТРАСТБАНК» (Навоий кўч., 7) – хусусий очик акциядорлик биржа банки. Фаолиятини 1994 й. 21 июнда бошлаган. Асосий акциядорлари: жисмоний (устав капиталининг 55,4%) ва юридик (устав капиталининг – 44,6%) шахслар (2008 й. 1 янв.). Банк кредитлар, депозитлар, омонатлар ва б. шакллардаги миллий ва хорижий валютадаги маблағларни жалб қилиш ва жойлаштириш; кафолат, кафиллик ва учинчи шахсларнинг бошқа мажбуриятларини миллий ва чет эл валютасида бериш; банк ўтказмалари ва экспорт-импорт операциялари бўйича ҳисоб-китобларни ўтказиш; чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш бўйича операциялар ва б. хизматларни бажаради.

Тошкент ш.да «Тошкент» (Бунёдкор шоҳқўчаси, «Е» квартал, 11^а-уй) ва «Пойтахт» (Буюк ипак йўли кўч., 63) филиаллари, 12 минибанк, 18 махсус кассалар фаолият кўрсатади.

ТРОЛЛЕЙБУС – Тошкентда Т. қатнови Темир йўл вокзали – Эски жўва маршрути бўйича 1947 й. 7 ноябрдан бошланган. 1960 й. Т. линиялари тармоғи 89,4 км га, 1970 й. 135,7 км га,



1995 й. 296,5 км га етган. *Т. метрополитени* ишга туширилиши, шаҳар марказининг қайта қурилиши туфайли *трамвай* каби троллейбусларнинг йўналишлари ҳам қисқарди. Шаҳарда 1 троллейбус ва 1 трамвай-троллейбус депоси бор.

Кейинги йилларда Т. парки «ЗИУ», «Шкода 14 ТР» русумли Т.лар б-н бойитилди. Т.да йўловчилар ташиш вазифаси б-н «*Тошшаҳартрансхизмат*» уюшмаси таркибидаги «*Тошэлектротранс*» давлат компанияси шуғулланади.

Тошкентда 5 та троллейбус йўналиши бор (умумий уз. 125,6 км). Иш кунларининг тигиз соатларида шу йўналишларда 77 та троллейбус чиқарилади, бир кунда троллейбуслар б-н ўртача 35,3 минг йўловчи ташилади (2008).

ТУДУН (хитой манбаларида – Тутунь) – Чочни идора этган туркий ҳокимлар унвони (7–8-а.лар). 7-а. бошида Турк хоқонлиги ўз тасарруфидаги шаҳарларга хоқон номидан ноиблар тайинлашга киришган. Чунончи, хитой манбаларига кўра, 605 й. турк хоқони Шегуйхон Чоч тахтига Тянь-чжи (Фу-чжи)ни те-ле (Тегин) унвони б-н ўтказган, у Чочни 620 й.гача идора этган. Манбаларда 641 й. турк хоқони Чоч тудунини қўшин б-н ўз душманларига қарши жўнатганлиги қайд этилган. 658 й. Чочда Кань-тутунь (Тон-тудун), 713–741 й.ларда – *Баҳодур тудун* [Мо-хэду-тутунь, Бадур (Баҳодур) Тархон], 746 й. – Инай-тутунь Цюйле, яъни Инай-тудун Кёль (вице кирол), 742–750 й.ларда – Те-ле (-тегин) идора этганлиги маълум. Чоч Т.лари, шунингдек, суғд ҳужжатлари ва араб манбаларида ҳамда исломиятдан аввалги *Чоч тангаларида ё`супк*

tdwn шаклида учрайди. Тудун Сатачар (Stcr tdwn) ёки жаноб Сатачар (Stcr uwbw) исми Чоч ҳокими зарб этган тангалар машхур. Чоч тангаларида, шунингдек, Тарнавч ва Сочак исмлари ҳам учрайди.

«ТУЗЕЛЬ» МАҲАЛЛАСИ (Ғалабанинг 40 йиллиги даҳаси, 1-мавзе, 54) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Амир Темур, Бобоохун Салимов, Ал-Бухорий ва Усмон Носир маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган. Дастлаб Меҳнат Қаҳрамони Икром Акмалов номи б-н аталган, 2009 й. 22 апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 7208 киши, кўп миллатли. Маҳаллада кутубхона, мактаб, мактаб-боғча, мусиқа мактаби, «Али ибн Абу Толиб» масжиди ва «Ота мазор» қабристони жойлашган.

ТУНҚАТОРОТА МАҚБАРАСИ – Шайхонтоҳур даҳасининг Турк маҳалласида, Шайхонтоҳур аригининг юқорисида жойлашган. Тунқаторота Хожа Аҳмад Ясавийнинг муридларидан бўлиб, шу ном б-н танилган ва кароматга эга бўлган. Маълумотларга қараганда, ҳаётининг охирида шу ариқ бўйида яшаган.

ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ДАВЛАТ ИНСТИТУТИ (Қамарнисо кўч., 3) – дастлаб 1920 й.да Туркистон ун-ти қошида Тупроқшунослик ва геоботаника ин-ти номи б-н ташкил этилган. Кейинчалик турли номлар б-н аталган. 1973–98 й.ларда Ўзбекистон ФА Тупроқшунослик ва агрокимё институти. 1998 й. 24 июлдан ҳоз. номи б-н аталади. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси таркибида. Ин-тда 9 та бўлим, аналитик м-з, тажриба майдончаси бор (2009).

Ин-т фаолиятининг асосий йўналишлари: тупроқ эволюциясининг генетик-географик хусусиятлари; тупроқ қопламанинг трансформациясини тадқиқ этиш; тупроқлар классификацияси, систематикаси ва номенклатурасини ишлаб чиқиш ва б. Ин-тда тупроқ музейи, илмий кутубхона, ихтисослашган илмий кенгаш, аспирантура, докторантура бор.

ТУПРОҚҚЎРҒОН, – қ. *Тошкент тупроққўрғони*.

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИ – қадимдан Т. сайёҳларни ўзига чорлаб келган. Шаҳар *Буюк улук йўли* м-зида жойлашгани учун савдогар ва сайёҳларга қулайлик яратиш мақсадида *карвонсарой*лар, рабоблар қурилган. Ҳоз. тушунчадаги расмий туристик экскурсия бюrolари 20-а.нинг 60-й.ларидан иш бошлади. 1969 й.да Т.да «Саёҳат» туристлар меҳмонхонаси ишга туширилди. 1972 й.да Туризм ва экскурсия кенгаши ташкил этилди, 1974 й.да мазкур ташкилот Экскурсия ва туризм бюросига айлантирилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 й. 27 июль фармони б-н туризм соҳасида республика ягона сиёсатини амалга оширувчи давлат органи – «Ўзбектуризм» миллий компанияси тузилди. Компания 1993 й.дан Жаҳон туристик ташкилоти (WTO) аъзоси. Компания 1995 й.дан Тошкент халқаро туристик ярмаркасини ўтказиб келади, ҳар йили меҳрибонлик уйлари ва кам таъминланган оилаларнинг болалари Тошкент, Самарқанд ва Бухорога туристик саёҳатга боришларига ҳомийлик ёрдами кўрсатади. Туризмда экспорт хизмати ҳажми 1992 й.дан бошлаб 10

маротаба, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий туристлар сони 3,7 маротабага ўсди. Туристлик мақсадларда хорижга кетадиган ўзбекистонлик фуқаролар сони ҳам йил сайин ортиб бормоқда. Т.да ҳаво ва ер транспорти инфратузилмаси, аэропортлар, йўллар ва йўл атрофи инфратузилмаси яхшиланди, янги меҳмонхона мажмуалари қурилди, эскилари реконструкция қилинди. Ўзбекистонда туристик фаолият б-н шуғулланувчи 583 туристик корхонанинг деярли ярми Тошкентда жойлашган, шу жумладан, 400 туристик фирма фаолият кўрсатмоқда (2009).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1998 й. 8 авг.) ва «Туризм тўғрисида»ги қонун (1999 й. 20 авг.) туризм соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, туристик хизматлар бозорини ривожлантириш, кичик ва ўрта туристик ташкилотлар хизмат кўрсатиш бозорини фаоллаштириш ҳамда хорижий сармояни туризм соҳасига жалб қилишни жадаллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Т.да мазкур қарор асосида «Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси» тузилди (1998).

Т.да *Ҳазрати Имом мажмуасининг* барпо этилиши, унинг таркибидаги *Қафқол Шоший мақбараси*, *Бароқхон*, «Мўйи Муборак» мадрасалари, *Тилла Шайх*, «Намозгоҳ» масжидларининг қайта тикланиши, Тошкент бош майдони – *Мустақиллик майдони*, *Ўзбекистон миллий боғи*, «*Шаҳидлар хотираси*» мажмуаси ва б. шаҳар туристик имкониятини янада оширди.



Туристлар Ўзбекистон амалий санъат музейида.

Тошкентда энг қад. ёдгорликлар ва б. тарихий-маданий обидаларга ташриф б-н боғлиқ классик; алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ва инсон саломатлиги учун фойдали жойларга саёҳат б-н боғлиқ – экология; энг қад. археологик ашёлар топилган жойлар б-н танишиш мақсадида – археология; табиий қийинчиликларни енгиб ўтишни назарда тутувчи – экстремал; тарихий-диний обидаларни зиёрат қилиш б-н боғлиқ – маънавий туристик йўналишлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, маданий сайр-танишув, спорт-сайёҳлик, даволаниш мақсадли, дам олиш ва б. йўналишлар бўйича ҳам хизмат кўрсатилади.

«ТУРКЕСТАНСКАЯ ТУЗЕМНАЯ ГАЗЕТА» – қ. «*Туркистон виллоятининг газети*».

«ТУРКЕСТАНСКИЕ ВЕДОМОСТИ» («Туркистон ведомостлари») – Туркистондаги илк даврий матбуот, чор ҳукмдорлари томонидан ташкил этилган дастлабки газ. Туркистон генерал-губерна-

торлигининг нашри. 1870 й.дан Т.да (1872 й. июль – 1873 й. фев.-да Петербургда) рус тилида нашр қилинган. Дастлаб газ. бир фаромда чиқмаган. 1870 й.да фақат 17 та сони босилган. Кейинги йилдан бошлаб ҳафтасига 1 марта, 1903 й.дан ойига 3–4 марта, 1907 й.дан кундалик газ. сифатида чиқа бошлаган. Газ.нинг 6406 сони босилган. «Т. в.» фаолиятига бевосита генерал-губернатор хизматидаги ҳарбийлар раҳбарлик қилишган. Пиёда кўшинлар офицери Н.А.Маев 1892 й.га қадар муҳаррир бўлган. Кейинчалик газ.га Н.Г. *Маллицкий* муҳаррирлик қилган. «Т. в.» чор Россияси ҳукуматининг Туркистондаги мавқеини мустаҳкамлашга, ўлкада чоризм сиёсатини ўтказишга, маҳаллий аҳолини чор ҳукмдорлари ва амалдорларига итоатгўйлик руҳида тарбиялашга хизмат қилган. Газ.да, асосан, Туркистон генерал-губернаторлигининг буйруқ ва фармонлари, турли хил расмий маълумотлар босилган. Шунингдек, ўлка тарихи, хўжалиги, табиати ва бу ерда яшовчи халқларнинг этнографияси, фольклори, адабиёти, урф-одатларига доир қизиқарли материаллар ҳам бериб борилган.

«Т.в.» газ. билан В.В.Бартольд, Л.С.Берг (1876–1950), Н.А.Северцев (1827–85), А.Н.Федченко (1844–73), И.В.Мушкетов (1850–1902), В.Ф.Ошанин (1844–1917) каби машҳур олимлар, шарқшунослар ҳамкорлик қилган. Газ.да маҳаллий халқ вакиллари ҳам иштирок этган. Жумладан, Сатторхон Абдуғафоровнинг Қўқон хонлигидаги аҳвол хусусидаги очерки газ. мухлисларини жалб этган. Газ. ўлка ҳаётидаги кўплаб салбий ҳолатларни кўрсатмасликка ҳаракат қилган.

Газ.нинг Москва, Петербург, Владивосток ва б. шаҳарларда доимий мухбирлари бўлган. Дастлаб «Туркистон вилоятининг газети» ушбу газ.га илова тарзида чиқарилган. Газ. фаолияти Туркистон ХКСнинг 1917 й. 15 дек.даги қарорига мувофиқ тўхтатилган (сўнгги сони 1917 й. 15 дек.да босилган). Дастлабки даврда газ. 100 нусха, 1909 й.дан эса 853 нусхадан иборат бўлган.

«**ТУРКИСТОН**» (Матбуотчилар кўч., 32) – ижтимоий-сиёсий газета. Муассиси: Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати. 1-сони 1925 й. 8 фев.да «Қизил Ўзбекистон» газ.нинг 51-сонига илова тарзида чоп этилган. 1925 й. 18 апр.дан «Ёш ленинчи» номи б-н Ўзбекистон ЛКСМ ташкилот бюросининг органи сифатида ҳафтада 1 марта (8000 нусхада) мустақил чиқа бошлаган. 1992 й. 1 янв.дан ҳоз. номда. 1929–35 й.лар номунтазам, 1936–66 й.ларда ҳафтасига 3 мартадан чиққан. Газ. 1929–30 й.ларда Самарқандда нашр этилган. 2-жаҳон уруши йилларида газ.нинг чиқиши вақтинча тўхтатилган. 1946 й.дан яна нашр этила бошлаган. Газ.да Ўзбекистон ёшлари б-н боғлиқ муаммолар ва улар эришган ютуқлар ҳақида мақолалар бериб борилади. 2003 й. июнда «Т.» ва «Молодёжь Узбекистана» газ.ларининг бирлашган таҳририяти юзага келган. Адади 15000 (2009).

«**ТУРКИСТОН АЛЬБОМИ**» – Туркистон ўлкаси, унинг ижтимоий ҳаёти, аҳолининг турмуш тарзи, маданияти ва тарихи акс эттирилган биринчи ноёб фотоальбом. Туркистон генерал-губернатори *Кауфман* топшириги б-н шарқшунос А.Л.Кун



«Туркистон албоми»нинг этнографияга оид қисми.

раҳбарлигида тайёрланган (1871–72). Альбом 447 картонли варақдан иборат бўлиб, унда 1262 та фотосурат жамланган. Фотоальбом 4 қисм: ўлка этнографияси, археологияси, тарихи ва хунармандчилигидан иборат. «Т.а.»нинг археология қисми (154 варақ, 363 расм) А.Л. Кун ва Н.В.Богачевский томонидан, этнография қисми (163 варақ, 496 расм) А.Л.Кун, хунармандчилик қисми (45 варақ, 213 расм) А.Л.Кун ва М.И.Бродовский, тарих қисми (79 варақ, 211 расм) М.А.Терентьев томонидан тайёрланган. Альбомдаги аксарият фотосуратлар Т.даги биринчи фотоателье эгаси Н.Н.Нехорошев ва ҳарбий фотограф подпоручик Г.Кривцов томонидан олинган. «Т.а.» қад. Т.нинг маданий-тарихий ёдгорликлари, бозорлари, карвонсаройлари, чойхоналари, серқирра миллий хунармандчилиги, дарвозалари, шахсий турар жой бинолари, мудрофаа деворлари, ариқ ва каналлари ҳамда аҳолининг турмуш тарзи кенг акс эттирилгани б-н қимматлидир. Фотоальбом 10 жилддан иборат бўлиб 7 нусха тайёрланган. Унинг бир нусхаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг ноёб адабиётлар бўлимида сақланади.

ТУРКИСТОН АРХЕОЛОГИЯ ҲАВАСКОРЛАРИ ТЎГАРАГИ – илмий-жамоат ташкилоти. Т.да Туркистон ўлкашунослари ташаббуси б-н 1895 й. ташкил этилган. Туркистон ўлкасидаги қадимги ёдгорликлар, шарқ кўлёмалари, нумизматика ва этнографияга оид материалларни қайд қилиш, дастлабки ўрганиш ва ҳисобга олиш ишларини амалга оширган. Т. музейини ташкил этишда кўмаклашган. Шунингдек, тўгарак аъзолари Т. ва унинг атрофидаги қадимий қишлоқлар харобаларини текширган. Т. тарихи ва маъмурий тузуми бўйича ўрта асрлар ва янги даврга оид ёзма манбалар, шаҳар пайдо бўлиши тўғрисидаги халқ афсоналари ва б.ни тўплаган ҳамда ўрганган. Илмий изланишлар тўгарак «Протокол»ларида нашр этилган. Тўгарак аъзолари айни вақтда нодир кўлёмза ва маданият бойликларини Россияга жўнатишга кўмаклашди. В.В.Бартольд тўгарак асосчиларидан ҳисобланиб, унинг ишида фаол қатнашган. Тўгарак 1917 й. тарқалиб кетган.

ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИ – Т. шаҳри чор Россияси қўшинлари томонидан босиб олинган (1865), мустамлака шароитидан келиб чиққан ҳолда, Сирдарё худуди ҳамда 1864 ва 1865 й.ларда босиб олинган ерлар ҳисобига, Оренбург генерал-губернаторига бўйсундирилган маъмурий-худудий бирлик. М-зи – Тошкент шаҳри. Т.в.ни бошқариш учун 1865 й. 6 авг.да «Муваққат низом» эълон қилинган. Унинг асосий мақсади русларнинг янги босиб олинган ерларда, бошқарувнинг умумий асосларини белгилаш орқали тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш бўлган. Жойларда бутун ҳокимият ҳарбий бошлиқлар

қўлида бўлган, маъмурий органларга эса маҳаллий халқ устидан назоратни ўрнатиш вазифаси юклатилган. 1867 й. *Туркистон генерал-губернаторлиги* ташкил топиши б-н Т.в. тугатилган.

«ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ГАЗЕТИ» – Туркистонда 1870 й.да рус истилочилари томонидан нашр этилган маҳаллий тилдаги илк босма газета. Туркистон генерал-губернаторлигининг нашри. «*Туркестанские ведомости*» газ.нинг ўзбекча варианты. Дастлаб шу газ.га илова тариқасида чиқарилган. 1883 й.дан мустақил газ. «Т.в.г.» бирмунча вақт (1872 й. июлидан 1873 й.нинг фев.ига қадар) Петербургда нашр этилган. 1885 й.дан газ.нинг бир томони «Туркестанская туземная газета» номида рус тилида чиққан. Фаолияти 1917 й.да тўхта-тилган. «Т. в. г.»га 1871–1883 й.ларда генерал-губернатор таржимони Шоҳимардон Иброҳимов, 1883 й. бошларида Муҳаммадҳасан Чанишев, 1883 й. ўрталаридан 1917 й.га қадар Н.П.Остроумов муҳаррирлик қилган. Саҳифаларида чор Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарғиб қилинган, маҳаллий аҳолини «оқ подшо» ва унинг Туркистондаги амалдорлари амр-фармонларини сўзсиз бажаришга ундалган. Газ.да расмий материаллардан ташқари, пахтачилик, ипакчилик ҳақида, фан, техника, адабиёт ва санъатга доир материаллар ҳам эълон қилинган. Газ.да *Сатторхон Абдугаффаровининг* сиёсий публицистик мақолалари, *Фурқат* ва *Муқимий*нинг маърифатга ундовчи шеърлари ва ҳажвий асарлари босилган. Шунингдек, рус ёзувчилари И.А.Крилов, А.С. Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.

Тургенев, Л. Н.Толстой асарларидан илк таржималар босилган.

«Т.в.г.» 500–700 нусхада нашр этилган. «Т.в.г.» нусхалари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасида ва Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланади. Газ.даги материаллар 19-а. охири ва 20-а. бошларида Туркистон халқлари ҳаёти, маданиятини ўрганишда муҳим манба саналади.

ТУРКИСТОН ГЕНЕРАЛ-ГУБЕРНАТОРЛИГИ – маъмурий-худудий бирлик. Туркистон чор Россияси томонидан босиб олиниши жараёнида, 1867 й. 11 июлда ташкил қилинган. Генерал-губернаторликни асосан ҳарбийлар бошқарган. Босиб олинган Туркистон ўлкасининг биринчи генерал-губернатори лавозимига генерал *Кауфман* тайинланган. Унга Туркистонни «Россия қўлида маҳкам сақлаш, давлат харажатларини камайтириш ва даромадларни кўпайтириш» вазифаси юклатилган. Т. г.-г. Россиянинг бошқа генерал-губернаторликларидан фарқли, ҳарбий вазирликка бўйсундирилди. Генерал Кауфманга шу даражада катта ҳуқуқлар берилган эдики, туб аҳоли уни «ярим подшо» деб таърифларди. Т.г.-г. таркибида ҳоз. Қорақалпоғистонни ўз ичига олган Амударё бўлими бор эди. Шунингдек, Т.г.-г. Бухоро ва Хива хонликлари устидан назорат ўрнатган. Генерал-губернаторлик чор ҳукуматининг мустамлакачилик ва миллий зулмини изчиллик билан амалга ошириб борди.

19-а. 90-йилларида Т.г.-г. худуди, 1,66 млн. км² бўлиб, 5 обл (вилоят) (Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Закаспий)га бўлинган, 1897 йилги аҳоли

рўйхатига кўра, 5,3 млн.га яқин киши яшаган. Миллий таркиби: ўзбеклар (35,77%), қозоқ ва қирғизлар (44,36%), туркманлар (4,98%), тожиклар (6,73%), қорақалпоқлар (2,26%), руслар (3,75%) ва б. халқлар (2,15%). Т.г.-г. маъмурий жиҳатдан обл. (вилоят)лардан ташқари уездлар, участкалар, волостларга, волостлар эса қишлоқ жамоаси – оқсоқолликларга бўлинган. Уездлардаги кўчманчи аҳолиси бўлган волостлар овул жамоасига бўлинган. Генерал-губернатор ўлканинг бош идора этувчиси, Туркистон ҳарбий округи кўмондони ҳисобланган.

Т.г.-г. тузилган вақтидан бошлаб унинг сиёсий-маъмурий м-зи Т. бўлган, шаҳарда Т.г.-г. ва Сирдарё обл. ҳарбий губернаторларининг қароргоҳлари жойлашган. Шаҳарни штаб офицерларидан бўлган шаҳар бошлиғи бошқарган. 1870 й. Россия империясида таъсис қилинган «Шаҳар низоми» Т. учун ҳам 1877 дан жорий қилинган. Унга кўра Т.да *шаҳар думаси* ва *шаҳар ҳокими* сайланган. Шаҳар сайлов йиғинлари дума аъзоларини, улар эса шаҳар бошқармаси аъзоларини сайлаган. Октябрь тўнтаришидан сўнг Т. г.-г. тугатилиб, унинг худудида Турк-АССР ташкил қилинган.

«ТУРКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Бешчинор кўч., 43) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Конституция», «Тева», Юнус Ражабий маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й.гача «Педагоглар» маҳалласи деб номланган. 1993 й.дан «Т.» деб аталади. Аҳолиси 4270 киши, кўп миллатли. Маҳалла худудида «Ўзпахтасаноат» акциядорлик уюшмасининг пахтани бирламчи ишловчи и.т. институти, «Гранд Мир» меҳмонхонаси, шаҳар, вилоят ҳарбий комисса-



«Туркистон» саройи.

риати, миллий рақс ва хореография олий мактаби мавжуд. **«ТУРКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ** (Жума масжид кўч., 12) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Астробод», «Кўшчиноҳ» маҳаллалари б-н чегарадош. маҳалла 1989 й. ҳашар йўли б-н бунёд этилган. Аҳолиси 5115 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, корейс, қozoқ миллати вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 сартарошхона, 2 кафе, новвойхона, 18 озиқ-овқат дўкони мавжуд.

«ТУРКИСТОН» САРОЙИ (Навий кўч., 2) – *Мустақиллик майдони* шим.да Анҳор бўйидаги концерт зали биноси. Дастлаб «Туркистон» киноконцерт зали деб номланган (1992, меъморлари Ю.Халдеев ва Ф. Турсунов), кейинчалик ёзги т-р саҳнаси (1993, меъмори В.Акопжаниян)да халқ анъанавий байрамлари, театрлаштирилган томошалар ўтказилиши муносабати б-н ҳоз. номи б-н юритила бошлаган.

Бино олдидаги кенг саҳнли майдонча кўкаламзорлаштирил-

ган. 3 поғонали, мрамор б-н қопланган фавворалар ишланган ҳамда ҳумо қуши тасвири туширилган (рассом Б.Жалолов эскизи) ёдгорлик ўрнатилган. «Т.» с.га зинапоялар орқали кўтарилади. Бош тарзи муқарнас безакли. Бинонинг пастки қаватида касса, техник хизмат хоналари жойлашган. Вестибюлга кираверишда Туркистоннинг тарихий шаҳарлари панорамаси ҳаво рангда, баъзи қисмлари сариқ рангда акс эттирилган. Йирик-йирик қилиб тахланган қизил мрамор тош сирли сопол идишлар, ўсимликлар б-н уйғунлаштирилган ҳолда фойенинг чап қанотида дам олиш бурчаги ташкил қилинган. 2-қават вестибюль ён ойнасидан Б.Жалоловнинг «Умар Хайём тушлари» асари ўрин олган. Томоша зали муқарнаслар, ганчкори безаклар, гумбаз ва кундал нақшлар б-н пардозланган.

Ёзги театр (3200 ўринли) қад. театр майдонига хос услубда қурилган. Марказий арена қурилмаси қия тиргак ва чамбарак тож

шаклида бўлиб, дорбоз ва курашчиларнинг чиқишлари учун, замонавий томоша ва концертлар учун мослаштирилган. Йирик ўлчамли ёруғлик техникаси ва акустик жиҳозлар, махсус меъморий қурилмалар б-н жиҳозланган. 200 ўринли қаҳвахонаси бор.

«ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ», «Ўрта Осиё ва хусусан Туркистон ўлкасига оид асар ва мақолаларнинг Туркистон тўплами» – Марказий Осиё тарихи, этн., иқтисодиёти, ботаникаси, археологияси, геологияси, халқнинг турмуш ва маданиятига оид ноёб библиографик асар. Марказий Осиё ҳақидаги алоҳида китоблар, газ. ва журн. қирқимларидан тузилган бўлиб, жами 594 жилддан иборат. Унинг 1867–87 й.ларга оид материалларни ўз ичига олган 416 жилди библиограф В.И.Межов томонидан тайёрланган. Тўпламни нашр этиш ишлари 1888 й.да Туркистон маъмурияти кўрсатмаси б-н тўхтатилган, фақат 1907 й.га келиб давом эттирилган. Унга турли мутахассислар (Н.В.Дмитровский,

А.А.Диваев, И.П.Зиков, Ю.Ф.-Бонч-Осмоловский) жалб қилинган. Натижада тўпламинг яна 127 жилди тузилган. А.А.Семёнов 1911–16 й.ларда «Т.т.»нинг 48 та жилдини тузган. 1939 й. библиограф Е.К.Бетгер тахрири остида «Т.т.»нинг сўнгги 3 жилди тузилган. Бу жилдлар М.А.-Терентьевнинг 1917 й.гача тайёрланган «Марказий Осиёнинг босиб олиниши тарихи» асари, унинг харита ва планларидан ташкил топган. «Т.т.»нинг ҳамма жилдларида муаллифлар томонидан алифболи кўрсаткич тузилган. «Т.т.» Ўрта Осиё, жумладан Т.га доир кўп тадқиқотлар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади. «Т.т.» жилдлари Ўзбекистон миллий кутубхонаси фондида сақланади.

ТУРКИСТОН ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ – Марказий Осиёда рус олий таълимига асос бўлган илк ўқув маскани. Туркистон ХКСнинг 1918 й. 16 мартдаги қарори б-н шу йил 21 апр.да Т.нинг Янги шаҳар қисмидаги Озодлик уйи (ҳоз. Ўзбекистон Республикаси болалар кутубхонаси)да очилган. Ун-тнинг ташкил топишида «Олий таълим тарафдорлари жамияти» (1918 й. фев.)га уюшган А.В.Попов (1918 й. апр. – дек.да ун-т ректори), Г.Н.Черданцев (1918 й. дек. – 1920 й. дек.да ун-т ректори), проф.лар В.И.Романовский, А.А.Семёнов, Р.Р.Шредер ва б.нинг хизмати катта бўлди. Т.х.у. қуйидаги ташкилий тузилишга эга бўлган: 1-юқори босқич – олий курс [ижтимоий-иқтисод, физика-математика, ад.-фалсафа (кейинроқ тарих-филология), техника ф-тлари]; 2-ўрта босқич – амалий курслар (электромонтёрлар, автомобиль иши, темир йўлчилар, чизмачилик, ўрмон техниклари, ер-сув қўми-

таси, болалар боғчаси йўриқчилари, чет тиллари, бичиш-тикиш, пойабзал иши, сузишни ўрганиш); 3-қуйи босқич – таълим-тарбия бериш курслари (11 бошланғич мактаб, 8 болалар боғчаси). Шунингдек, таркибида *Мунавварқори* Абдурашидхон ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда ташкил этилган Мусулмон халқ дорилфунуни (қ. *Ўзбекистон миллий университети*) ҳамда Туркистон халқ кутубхонаси (ҳоз. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси*), Туркистон халқ музейи (ҳоз. *Ўзбекистон санъат музейи*), Туркистон халқ консерваторияси, Шарқ ин-ти каби мустақил ташкилотлар бўлган. Самарқанд, Фарғона, Андижон, Ашхобод ва б. шаҳарларда ун-т шўба (филиал)лари очилган. 1918 й. кузда Мусулмон халқ дорулфунуни 2-даражали ташкилот сифатида тугатилган. 1918/19 ўқув йили ун-тнинг 5 ф-тида 60 проф.-ўқитувчи ишлаган, 500 га яқин талаба таълим олган. Буларнинг ҳаммаси руслар ёки рус тилида сўзлашувчи бошқа миллат вакиллари эди. Маҳаллий мусулмон миллат вакиллари рус тилини билмаганлиги сабабли бу ун-тдан баҳраманд бўла олмадилар. Совет ҳукумати уларнинг манфаати ва хоҳиш-истагини эътиборга олмади.

Т.х.у.ни тўла маънодаги олий ўқув юрти деб бўлмасди. 1919 й. дек.да у ҳақиқий давлат ун-ти мақомини олди ва Туркистон давлат ун-ти деб номланди. Т.х.у.да 1918 й. 20 апр.дан рус тилида «Халқ университети» («Народный университет») газ. ва махсус илмий оммавий тўплам нашр этилди (яна қ. *Ўзбекистон миллий университети*).

ТУРКИСТОН ШАРҚ ИНСТИТУТИ – Т.даги илк олий ўқув

юртларидан бири. Ин-тда шарқшунослар тайёрланган. 1918 й. ташкил қилинган. Ўқиш муддати талаба ва эркин тингловчилар учун 4 йил бўлган. Ин-тда 3 бўлим (илмий-назарий, амалий, 1922 й.дан маҳаллий миллат вакиллари учун тайёрлов), 12 каф. (эроншунослик, туркшунослик, арабшунослик, тилшунослик, фалсафа, сиёсий иқтисод, исломшунослик, давлат ҳуқуқи, мусулмон Шарқи тарихи, эти., мусулмон санъати, халқаро ҳуқуқ) бўлган. 1922/23 ўқув йили ин-тда 210 талаба ўқиган. 1924 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти (ҳоз. *Ўзбекистон миллий университети*)нинг ф-тига айланган.

ТУРКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАР СЕМИНАРИЯСИ – 1879 й. Т.да очилган. Асосан, рус-тузем мактаблари учун ўқитувчилар тайёрланган. Маҳаллий аҳоли орасидан чиққан ўқувчилар сони жуда кам бўлган (1886 й. 61 ўқувчидан 9 нафари; 1883–1904 й.ларда 254 битирувчидан 39 нафари). Илоҳиёт қонуни, пед., рус тили, форс ва қозоқ тили (1884 й.дан қозоқ тили ўрнига ўзбек тили), арифметика, алгебра, геометрия, физика, табиатшунослик, умумий тарих, география, расм, хуснихат, ашула, мусиқа, бичиш-тикиш, гимнастика ўқитилган. Тарихчи, шарқшунос В.П.*Наливкин* ўзбек ва форс тили систематик курсининг биринчи ўқитувчиси сифатида семинарияда курсга асос солди, хрестоматия, луғатлар, грамматика ва дарслик тузди. 1918 й.дан ўзбек совет мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлана бошлаган. 1920 й. Ўлка ўзбек эрлар маориф ин-ти (билим юрти)га айлантирилган. Семинария директори Н.П.*Остроумов* бўлган. Семинария биноси

ҳозир сақланмаган (Амир Темур хиёбонида жойлашган Тошкент куранти рўпарасидаги бинонинг биринчи қавати).

ТУРКЧИОТА – Себзор даҳаси худудида, Чигатой дарвозаси яқинида жойлашган мазор. Туркистонлик Аҳмад *Яссавий* сулуки солиқларидан бўлган. У араб тили ва б. илмлардан дарс бериб, талабалар б-н туркий тилда суҳбат ва баҳс олиб боргани жиҳатидан шу номни олган.

«ТУРКҚҮРҒОН» МАҲАЛЛАСИ (Акмал Пўлат кўч., 31) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Уста Ширин, «Янгиариқ», Жомий маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи ўзбеклар таркибидаги этн. гуруҳ – турклар номидан олинган бўлиб «турклар қўрғони» деган маънони англатади. Ўтмишда (14-а. охири) Тахтапул дарвозаси Турк дарвоза деб юритилган, уни қўриқлаш турк уруғига мансуб соқчиларга топширилган. Маҳалла 19-а. охири – 20-а. бошларида «Турк – янги шаҳар» деб аталган. «Т.» м. Юнусобод тумани чегараси ўзгариши муносабати б-н 1980 й. янгидан ташкил этилган. Аҳолиси 2165 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, туркман, татар, арман, озарбайжон ва б. яшайди. Маҳалла худудида 10 дан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш масканлари мавжуд.

ТУРОБ ТҮЛА (тахаллуси; фамилияси Тўлахўжаев, 1918.24.12–1990.20.4) – Ўзбекистон халқ шоири (1988). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). 1930 й.дан Т.да. Тошкент театр билим юртида (1934–38), Тошкент пед. ин-тининг тил ва адабиёт ф-тида (1938–41) ўқиган. Меҳнат фаолиятини ёшлар газ.да адабий ходимликдан бошлаган (1935–41). Кейинчалик радиокомитет, Респ. газе-

тасида, партия идораларида, нашриётда, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва б. ижодий ташкилотларда маъсул лавозимларда ишлаган, Ҳамза т-рида директор (1977–79), Ёзувчилар уюшмаси Т. вилоят бўлими ва Адабиётни тарғиб этиш м-зида раҳбар (1980–90). «Шеърлар» (1939), «Табассум» (1944), «Бахт тонготари» (1948), «Муборакбод» (1949), «Болалар достони» (1950), «Қанотлан, кўшиқларим» (1955), «Танланган асарлар» (1958), «Оромижон» (1961), «Гулёр» (1968), «Офтоб найзада» (1974), «Суюк момо» (1978), «Халёлим сенда» (1979), «Етти зоғора» (1981), «Нодирабегим» (1987) ва б. шеър, кўшиқ ва достонлардан иборат тўпламлари нашр этилган. «Қизбулоқ» (1968), «Қувваи қаҳқаҳа» (1969) ва б. пьесалар ёзган. «Мафтунингман» (1958), «Фурқат» (М. Мелкумов б-н ҳамкорликда, 1960), «Шашмақом» каби киносценарийлар; бир қанча кўшиқ ва кантаталар матни муаллифи. Т.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

ТУРОБ ТҮЛА КҮЧАСИ – Чилонзор тумани худудида. *Бешёғоч майдони* б-н *Ўзбекистон кўчаси* оралигида. *Янги шаҳар*нинг дастлабки кўчаларидан бири. Уз. 1,2 км атрофида. 20-а.нинг бошида кўнка ва трамвай йўли қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Бу ердан ўтган трамвай *Эски шаҳар*ни т.й. вокзали б-н боғлаб турган. Йўналишида Январь шаҳарчаси қурилган. Бу ерда, асосан, Россиядан келган хунарманд, хизматчи ва савдогарлар яшаган. Кўча дастлаб «Татарский» номи б-н юритилган. 1935 й. 4 дек.да «Тўққизинчи январь» номи берилган. 1990 й. 14 майдан Ўзбекистон халқ шоири *Туроб Тўла* номи б-н

юритилади. 1936 й. кўча йўналишида фан, техника, маданият ва санъат арбоблари учун Мутахассислар уйи (меъмор А.Павлов) қурилган. 1970 й.ларнинг охирида кўча реконструкция қилиниб, трамвай йўли олиб ташланган. Йўналишида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, «Бешёғоч» бозори, М.Б.Франко номидаги Респ. врачлик ва жисмоний тарбия диспансери, хорижий ваколатхона ва компаниялар, босмахона, «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Тошкент ш. худудий бошқармаси, кўп қаватли турар жой бинолари, савдо шохобчалари ва б. жойлашган. Ёнидан *Анҳор* канали ўтган. *Ботир Зокиров* кўчаси б-н туташган. Мустақиллик даврида кўчада реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

«ТУРОН» – театр труппаси. Жадидларнинг 1913 й. Тошкент ш.да очилган биринчи театр труппаси. Труппанинг бадий раҳбари – Абдулла *Авлоний*, маънавий ва моддий ҳомийси *Мунавварқори* Абдурашидхонов ва б. Низомиддин Хўжаев, Бадриддин Аъламов, Шокиржон Раҳимий, Муҳаммаджонқори Пошшахўжаев, Фузаил Жонбоев, Ҳасанқори, Самеъқори Зиёбоев, Қудратилла Юнусий ва б., 1916 й.дан Маннон Уйғур, Фулом Зафарий, Сулаймон Хўжаев кабилар труппанинг асосий кучлари ҳисобланган. Труппа ўз фаолиятини 1914 й. 27 фев.да Т.даги «*Коллизей*» т-ри биносида «Падаркуш» (М. Бехбудий) спектакли б-н бошлаган. Бош ролларни А.Авлоний, С.Зиёбоев, М.Пошшахўжаев, Б.Аъламов ижро этган. Спектаклни озарбайжонлик актёр ва реж. Алиасқар Асқаров қўйган. 1915 й. шу спектакль Н.Хўжаев томо-

нидан қайта сахналаштирилган. Кетма-кет Н.Қудратилланинг «Тўй», А.Қодирийнинг «Бахтсиз куёв», А.Авлонийнинг «Адвокатлик осонми?» каби асарлари сахналаштирилган. Озарбайжон актёри ва реж.и Рухилло Сидқи 1914–16 й.лар Т.га ижодий сафари давомида «Т.» театри аъзолари ўртасида мусиқали драма жанрига қизиқиш уйғотган. Озарбайжонларнинг «Лайли ва Мажнун» спектаклида «Т.» труппаси аъзолари ҳам бирга роль ўйнаганлар. Т-р муҳим мавзу ва жанр доираси асосида кенг репертуар яратиш имкониятига, Т.нинг эски ва янги шаҳар қисмида ўзининг қишлоқ ва ёзлик биносига эга т-р жамоаси даражасига кўтарилган. «Пинак» (А.Авлоний), «Мазлума хотин» (Х.Муин), «Ўликлар» (М.Қулизода) каби спектакллар б-н ўз репертуарини бойитган. 1917 й. Октябрь тўнтаришидан сўнг «Т.» театри ҳукумат ихтиёрига олиниб, унга давлат т-ри мақоми берилган. Турли даврда турли номлар б-н юритилган. Маннон Уйғур театрнинг етакчиси, бадиий раҳбари бўлган (қ. *Ўзбек миллий академик драма театри*).

«ТУРОН» КУТУБХОНАСИ, Тошкент вилояти «Турон» илмий универсал кутубхонаси – республикадаги энг йирик кутубхоналардан бири, илмий-маърифий муассаса. 1918 й. Тошкент ш.да мустақил оммавий кутубхона сифатида очилган. 1919 й.да «Турон» номи берилган (1928–93 й.ларда «Октябрь» номи б-н аталган). Кутубхона жойлашган бино (Махсидўзлик кўч., 25)да дастлаб 1913 й. да маърифатпарвар Абдулла Авлоний бошчилигида «Турон» т-р труппаси тузилган. Тошкент ш. маърифатпарварларининг «Ту-

рон» жамияти ташаббуси б-н ва уларнинг шахсий китоблари ва совға қилган жамғармалари заминида шу бинода кутубхонага ҳам асос солинган (1913). «Т.»к. *Мунавварқори* Абдурашидхон, Абдулла Авлоний, *Абдулла Қодирий*, *Чўлпон*, Фулом Зафарий, Шокиржон Раҳимий, Маннон *Уйғур* каби тараққийпарвар зиёлиларни бирлаштирган ҳамда Ватан, миллат озодлиги учун курашда юксак ўрин тутган маънавий муҳит шу ерда шаклланган.

Т.нинг эски шаҳар қисмини қайта қуриш муносабати б-н «Т.» к. биноти бузилиб, кутубхона 2008 й. янги бинога кўчган (Матбуотчилар кўч., 32). Дастлаб 4 минг китоб бўлган кутубхона фондида 400 мингдан зиёд асар мавжуд (2009). Ноёб нашрлар орасида Октябрь тўнтаришига қадар нашр этилган асарлар, 1918 й.дан нашр қилинган газетлар жамғармаси бор; ҳоз. кунда чоп этилаётган 100 га яқин даврий нашрлар ва б. асарлар б-н кутубхона фонди тўлдириб борилади. «Т.»к.да 8 бўлим – илмий методик, китоб фондини бутлаш, адабиётларга кутубхона усули б-н ишлов бериш, китоб сақлаш, маълумот-библиография, китобхоналарга хизмат кўрсатиш (ўқув заллари б-н), алмашув фонди, ахборот ва замонавий технология бўлимлари бор. Кутубхона китоб кўргазмаларини, маданият меросига бағишлаб турли тадбирлар, таниқли олимлар, адиблар б-н ижодий учрашувларни мунтазам ташкил қилади, библиография методикаси бўйича қўлланмалар нашр этади. 1938 й.дан вилоятдаги 500 дан ортиқ кутубхоналар учун методик марказ ҳисобланади, вилоят кутубхоналари ходимларининг малакасини

ошириш курслари ташкил этади, семинар-тренинглар ўтказилади.

«Т.»к.да автоматлаштириш кенг йўлга қўйилган: Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб кутубхона жамғармасидаги 75 минг нусха ўзбек тилидаги адабиётларнинг электрон каталогини тузиш якунланди. Ҳуқуқий ахборотлар б-н таъминловчи марказ, интернетга уланган компьютер хонаси ва б. техник воситаларга эга.

«ТУРОН» МАҲАЛЛАСИ (Паркент кўч., 10) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Олмачи» ва Алпомиш маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Аҳолиси 3800 киши, кўп миллатли, 20 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб ва 2 болалар боғчаси мавжуд.

«ТУРОН» МАҲАЛЛАСИ (Убай Орифов кўч., 6) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Мирзо Улуғбек, «Минор», «Матонат» маҳаллалари ва Мирзо Улуғбек тумани б-н чегарадош. 1993 й. 27 ноябрда ушбу ҳудудда «Ц-2» номи б-н маҳалла ташкил этилган. 1994 й. «Турон» номи берилган. Аҳолиси 3950 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида кўплаб корхоналар жойлашган. **«ТУРОН» САНАТОРИЙСИ** (Шўртепа кўч., 159) – соғломлаштириш маскани. Тошкент ш.да жойлашган, юрак-қон томир аъзолари, асаб тизими, андрологик ва гинекологик касалликлари бўлган беморлар саломатлигини тиклаш ҳамда қон айланиш аъзолари тизими касалликларини даволашга ихтисослашган. Миокард инфаркти бўлиб ўтган беморлар учун саломатликни тиклаш бўлими бор. Даволаш омилларига иқлим б-н даволаш, физиотерапия, даволаш бадан тарбияси, кам минерал-



«Турон» санаторийси.

лашган хлорид–гидрокарбонат–сульфат–натрийли ва радонли маъданли ванналар, бассейн ва душлар кўринишидаги турли сув б-н даволаш усуллари, балчиқ б-н даволаш киради. Ташхис қўйишда ва даволашда компьютерли ЭКГ ва УЗД аппаратлари, клиник ва биокимёвий лаб., тор соҳа мутахассислари: кардиолог, невропатолог, уролог-андролог, гинеколог, дерматолог, окулист, психотерапевт ва стоматологлар фаолият кўрсатади.

Ётоқ бинолари барча қулайликларга эга, бир ва икки ўринли шинам хоналардан иборат.

Санаторийда заруриятга қараб дори-дармонлар, шифобахш дамламалар, парҳез таомлар берилади, «витаминли стол» ташкил этилган. Санаторий 253 ўринга эга, бир йилда 7500 дам олувчига хизмат кўрсатади.

«ТУРОНБАНК» (Абай кўч., 4^а-уй) – очик акциядорлик тижорат банки. Фаолиятини 1990 й. 31 дек.-дан бошлаган. Банкнинг йирик акциядорлари: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзсувэнерго» давлат бирлашмаси. Банк томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматлар: ҳисоб-касса хизматлари, маблағларни омонатларга жойлаштириш, кредитлар бериш, лизинг ва факторинг хизматлари,

ва бошқа хизматлар учун тўловларни қабул қилиш ва б. Банкнинг Тошкент ш.да фаолият кўрсатаётган Марказий амалиёт бошқармаси 1990 й. дек.да, Миробод филиали 2006 й. дек.да ташкил этилган. Ушбу филиаллар иқтисодийнинг турли тармоқлари: бюджет ташкилотлари, хусусий тадбиркорлик субъектлари, и.ч., хизмат кўрсатиш тармоқларида фаолият кўрсатаётган 1800 дан ортиқ хўжалик субъектларига замонавий банк хизматлари кўрсатади (2008).

ТУРСУНОВ Фарҳод Юсупович (1931.30.10) – меъмор, проф. (1985). 1940 й.дан Т.да. Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1937). Ўзбекистон Меъморлар уюшмаси раиси (1968–80), Бош план ин-ти директори (1969–85), 1988–91 й.лар Т. политехника ин-ти архитектура ф-тида, 1991 й.дан Архитектура ва қурилиш ин-тида дарс беради. Т. шаҳар қурилиши мажмуасидаги Тошкент ш. маркази лойиҳаси ва қурилиши (1969–74, Давлат мукофоти, 1975), «Пахтакор» метро бекати (1977), «Халқлар дўстлиги» (ҳоз. «Истиклол») мажмуаси (1982), «Туркистон» саройи (1992), Республика биржа маркази (1996), Тошкент ш. ҳокимлиги биноси (1998) ва б. қурилишларда меъмор сифатида иштирок этган. Ҳайкалтарош-

лик ва меъморликка оид илмий рисоалар муаллифи. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1991).

ТУРГУНБОЕВА Мукаррам (1913.31.5–1978.26.11) – раққоса, балетмейстер, ўзбек оммавий сахна рақсининг асосчиси. Ўзбекистон халқ артисти (1937), Халқ артисти (1959). Фарғонада туғилган. 1931 й.дан Т.да. 1929–33 й.лар ўзбек давлат мусиқали т-ри қошидаги рақс студиясида ўқиган. 1929 й.дан Самарқанд давлат мусиқали т-рининг ёрдамчи труппасига келган. 1931 й.дан Ўзбек давлат мусиқали т-ри (ҳоз. Навоий номидаги опера ва балет т-р)да солист, балетмайстер. Биринчи ўзбек балетларини яратишда қатнашган (Н.Рославецнинг «Пахта», 1936; Ф.Талнинг «Шоҳида», 1939; С.Василенконинг «Оқбилак», 1946 ва б.) ва уларда етакчи ролларни ижро этган. Ўзбек рақс фольклори тўпловчиларидан. Рақсларни саҳ-

Мукаррам Турғунбоеванинг қabri устига қўйилган ёдгорлик.



налаштиришда халқ анъанавий рақсларини замонга мослаган. «Баҳор» рақс ансамбли ташкилотчиси ва бадий раҳбари (1957 й.дан). 1947 й.дан Т. миллий рақс ва хореография билим юртида педагогик қилган. Турғунбоева «Танавор», «Занг», «Катта ўйин», «Баёт», «Файратли қиз» ва б. умумий рақсларни, «Дилхирож» якка рақсини ижро этган; «Пахта», «Наманганнинг олмаси», «Учрашув», «Дилбар», «Андижон полкаси», «Баҳор вальси», «Етти гўзал», «Бешқарсақ», «Тошкент пиёласи», «Шабадалар», «Алёр», «Қари наво» каби рақсларни сахналаштирган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Турғунбоеванинг ҳаёти ва ижодига бағишланган «Салом, Баҳор» (1962), «Санъатга бағишланган умр» (1971), «Муқаррама опа ва қирқ гўзал» (1977) фильмлари ишланган. «Баҳор» ансамблига, «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмасига, Т. кўчаларидан бирига Турғунбоева номи берилган. 1993 й. 10 сент.да Турғунбоева музейи очилди. Музей Турғунбоеванинг ижодий мероси ва фаолиятини сақлаш ҳамда тарғиб қилиш б-н шуғулланади. 1993 й.дан Турғунбоева номидаги ёш ижрочи-раққосалар танлови ўтказилмоқда. Давлат мукофоти (1946, 1951, 1973), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1967) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001).

ТУЯБЎҒИЗ СУВ ОМБОРИ, Тошкент денгизи – Оҳангарон дарёсининг ўрта оқимида барпо этилган гидротехника иншооти. 1962 й.да қурилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солиди. Умумий ҳажми 250 млн. м³, фойдали ҳажми 224 млн. м³. Сув юзаси майд. 20 км². Ўртача чуқ. 12,5 м. Кўтарма тупроқ тўғон,



Туябўғиз сув омбори.

чап ва ўнг қирғоқ сув чиқаргичлар ва сув ташлагичдан иборат. Тўғон уз. 2,4 км, икки чеккаси қумоқ тупроқдан қурилган. Омбор гидроузели 1,9 км узунликдаги дамбага туташган. Тўғон устидан Т.–Бекобод автомобиль йўли ўтади. Сув омборидан Қорасув дарёсига ва Туябўғиз чап қирғоқ каналига сув берилади. Сув омбори атрофида дам олиш зоналари, болалар оромгоҳлари, пляжлар ташкил этилган. Ижара пунктлари ишлайди. Сув спорти бўйича мусобақалар ўтказилади. Т.с.о. Тошкент вилоятининг Бўка, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Қуйи Чирчиқ туманларида суғориладиган ерлар сув таъминотини яхшилашга имкон беради. Т.с.о.да турли балиқлар урчитилади.

ТУЯБЎҒИЗТЕПА – илк ўрта асрларга мансуб дахмали тепаликлар (мил. 5–8-а.лар). Туябўғиз сув омбори (Тошкент денгизи)нинг шим.-ғарбий соҳили яқинида, Ўртабоз мавзеида жойлашган. 1959–60-й.ларда (Т.Аъзамхўжаев) ўрганилган. Дахмалар тепалик кўринишида, бўйи 2 м, диаметри 15–20 м бўлган. Баъзи дахмалар катакомбали иншоотлар бўлиб, 2,6х2 м ли хоналарга ажратилган. Меҳнат қуроллари, сопол идишлар, темир пичоқ, танга, маржон, чиғаноқлар чиққан. Баъзи дахмалардан науслар очилган. Улардан тартибсиз суратда кўйилган, ци-

линдр шаклидаги оссуарий ва скелетлар топилган.

ТУҒУРУҚ МАЖМУАЛАРИ – аёлларга ҳомиладорлик, туғуруқ ва чилла даврларида малакали тиббий ёрдам (қатнаб ёки стационар шароитда) кўрсатади ҳамда уларга хос гинекологик касалликларни даволайди, шунингдек, чақалоқларни парвариш қилиш ва тегишли тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини олиб боради. Дастлаб Т.да ҳар бир маҳаллада ҳомиладор аёлларни туғдирадиган доя аёллар бўлган. Кейинчалик хайрия жамиятининг биринчи туғуруқхонаси (12 ўринли) 1880 й. очилган. 1905 й. туғуруққа ёрдам бериш стационари (4 ўринли) ташкил этилган. 1923 й. Т.нинг Янги шаҳар қисмида 30 ўринли туғуруқхона очилган. 1990 й.ларда Тошкентда 11 туғуруқхона (2080 ўринли) бор эди.

1997 й.дан Т.даги мавжуд туғуруқхоналар акушерлик мажмуаси, 2008 й.дан эса туғуруқ мажмуаси деб юритилади, улар бошқа даволаш-профилактика муассасалари, хусусан, *оилавий поликлиникалар* б-н узвий боғлиқ ҳолда фаолият юритади, бу эса оналар ва чақалоқлар саломатлигини мунтазам назорат қилиш имконини беради. Кўзи ёрийдиган аёлларнинг турар жойларидан қатъи назар зарур ҳолларда туғуруқ мажмуасида зудлик б-н акушер-гинекологик

ёрдам кўрсатилади. Тошкентда 9 та йирик туғуруқ мажмуаси ва 2 та перинатал марказ ишлаб турибди (2009).

Шаҳар 1-сонли туғуруқ мажмуаси (Йўлдош даҳаси, 17-мавзе, 10) – 1968 й. Сергели туманида 10-туғуруқхона номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 60 ўринга эга бўлган. 2008 й. дан ҳоз. номи б-н юритилади. Мажмуада 185 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, 1- ва 2-ҳомиладорлик асоратлари бўлимлари, жонлантириш ва анестезиология, аёллар касалликлари, таҳлиллар, чақалоқларга неонатал хизмат, кундузги даволаш бўлимлари ва маслаҳат-ташхис поликлиникаси бор. Мажмуада Сергели тумани туғуруқ ёшидаги аёлларга ҳамда кўшни ҳудудлардаги тезкор акушер-гинекологик ёрдамга муҳтож бўлган бемор ва кўзи ёрийдиган аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади, маслаҳат-ташхис поликлиникасида эса аёллардаги бепуштлиқ сабаблари аниқланади, яллиғланиш жараёнлари ва бачадон ичи инфекциялари даволанади. Мажмуада йилига 6000 га яқин аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади, 2500 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 2-сонли туғуруқ мажмуаси (Қорасарой кўч., 272) – 1966 й. 2-туғуруқхона номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 350 ўринли 6 та бўлимга эга бўлган.

1974 й.дан 1982 й.гача туғуруқхона Ўзбекистон Акушерлик ва гинекология и. т. институти номи б-н фаолият кўрсатган. 1982 й.дан яна 2-туғуруқхона деб номланган. 2008 й. дан ҳоз. номи б-н аталади.

Мажмуада 190 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, 1- ва 2-ҳомиладор-

лар хасталиги бўлимлари, гинекология, реанимация, қон қуйиш бўлимлари ишлаб турибди. Бундан ташқари клиник ва биокимёвий лаб., диагностик поликлиника, ички дорихона мавжуд.

Туғуруқ мажмуаси қошида Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг 2-акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади. Мажмуа йилига 10000 га яқин аёлларга тиббий хизмат кўрсатади, 3000 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 3-сонли туғуруқ мажмуаси (С.Раҳимов кўч., 351) – 1931 й. 3-Тахтапул касалхонаси номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 3 та бўлим, 750 ўринга эга бўлган. 1937 й.дан 3-туғуруқхонага айлантирилган. 2008 й. ҳоз. номи б-н аталади.

Мажмуада 131 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, ҳомиладорлар хасталиги, реанимация, ўзини-ўзи молиялаштириш бўлимлари ишлаб турибди. Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг 2-акушерлик ва гинекология каф. фаолият олиб боради. Йилига 5000 дан зиёд аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 3000 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 4-сонли туғуруқ мажмуаси (Азиз Қодиров кўч., 33) – 1954 й. 4-туғуруқхона номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 40 ўринли 3 та бўлимга эга бўлган.

Шаҳар 6-сонли туғуруқ мажмуаси.



2008 й.дан ҳоз. номи б-н юритилади.

Мажмуада 77 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, ҳомиладорлик асоратлари, янги туғилган чақалоқлар ва гинекология бўлимлари, шунингдек, реанимация, клиник-ташхис лаб. ва ички дорихона бор. Т. тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади. Йилига 3000 дан ортиқ аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 1500 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 6-сонли туғуруқ мажмуаси (Шаҳрисабз кўч., 83) – 1959 й. Тошкент ш.нинг 1-Май кўчасида 6-туғуруқ уйи номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 150 ўринга эга бўлган. 2008 й.дан ҳоз. номи б-н юритилади. Мажмуада 225 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, чақалоқлар бўлими, туғуруққа тайёрлаш, жарроҳлик, консерватив гинекология бўлимлари, анестезиология, жонлантириш ва интенсив терапия, қон қуйиш бўлими, ички дорихона, клиник-ташхис лаб. ва маслаҳат-ташхис поликлиникаси бор. Т. тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади, мазкур кафедра та-

лабалар ва магистрлар учун ўқув базаси ҳисобланади.

Йилига 6000 га яқин аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 3500 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 7-сонли туғуруқ мажмуаси (Арнасой кўч., 32) – 1960 й. 7-туғуруқ уйи номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 150 ўринли 3 та бўлимга эга бўлган. 2008 й.дан ҳоз. номи б-н юритилади. Мажмуада 75 ўринли гинекология ва ҳомиладорлик асоратлари, лапароскопик жарроҳлик, маммалогия, терапия, косметология бўлимлари бор, шунингдек, клиник бактериологик лаб., ультратовуш текшируви, физиотерапия хизмати йўлга қўйилган. Мажмуа йилига 2500 га яқин аёлларга тиббий хизмат кўрсатади (2008).

Шаҳар 8-сонли туғуруқ мажмуаси (Кичик Бешёғоч кўч., 124) – 1970 й. 12-туғуруқ уйи номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 120 ўринли акушерлик, гинекология, неонатал бўлимлари ҳамда аёллар маслаҳатхонаси бўлган. 2008 й.дан ҳоз. номи б-н юритилади. Мажмуада 80 ўринга мўлжалланган туғуруққа тайёрлаш, 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, чақалоқлар, гинекология, жонлантириш бўлимлари, шунингдек, аёллар маслаҳатхонаси, маслаҳат-ташхис поликлиникаси, марказий зарарсизлантириш бўлими, клиник-ташхис лаб., ички дорихона бор.

Мажмуа Т. тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология каф. талабалари, клиник ординаторлари, Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг неонатология каф. талабалари учун ўқув ҳамда Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари учун амалиёт базаси ҳисобланади. Йили-

га 4000 дан зиёд аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 1800 га яқин чақалоқ дунёга келади (2008).

Шаҳар 9-сонли туғуруқ мажмуаси (Бешқайрағоч кўч., 243) – 1983 й. кўп тармоқли шифохона номи б-н ташкил этилган. 1993 й.да 13-туғуруқхонага айлантирилган. 1996 й.да 13-туғуруқхона ва 7-шаҳар касалхонаси бирлаштирилиб, «Она ва бола» м-зи деб номланган. 1998 й.да «Она ва бола» м-зидан 10-акушерлик мажмуаси номи б-н ажралиб чиққан. 2008 й.дан ҳоз. номи б-н юритилади. Мажмуада 160 ўринга мўлжалланган 1- ва 2-туғуруқ бўлимлари, ҳомиладорлик асоратлари, чақалоқлар, акушерлик ва гинекология, жарроҳлик, реанимация бўлимлари, шунингдек, маслаҳат-ташхис поликлиникаси, марказий зарарсизлантириш бўлими, клиник-ташхис лаб., ички дорихона бор. Т. тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология каф. фаолият кўрсатади. Йилига 8000 дан зиёд аёлларга тиббий хизмат кўрсатилади. 3500 дан ортиқ чақалоқ дунёга келади (2008).

ТҲҲТЕПА – шаҳар (1973 й.дан), Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани маркази. Тошкент агломерациясида, ундан 37 км. Яқин т.й. ст-яси – Чиғириқ (5 км). Аҳолиси 36,7 минг киши (2008). Қадимда Мингтепа, Нуқат номлари б-н маълум бўлган. Шаҳар тўғрисидаги илк маълумотлар унинг ривожланган даври (10–12-а.лар)га тўғри келади.

Шаҳарда «Спінтекс–Тошкент–Тўйтепа» ип йигирув-тўкув, Ўзбекистон–Ҳиндистон ҚК бор. И.ч. бирлашмалари, металл конструкциялари, пахта тозалаш з-длари ишлаб ту-

рибди. Т.да 1620 дан зиёд кичик, ўрта ва хусусий корхоналар фаолият кўрсатади. 4 та умумий таълим мактаби, 7 та оилавий поликлиника бор. Т. автомобиль йўллари орқали Тошкент ш. ва б. шаҳарлар б-н боғланган. Т. яқинидан Тошкент–Ангрен т.й. ўтади. Шаҳарнинг жан.-ғарбида *Тўйбўғиз сув омбори* жойлашган.

ТҲҲЧИ ҲОФИЗ, Тошмуҳамедов Мулла Тўйчи (1868–1943.1.6) – хонанда, ўзбек ашулчилик санъатининг йирик намояндаси, Ўзбекистон халқ ҳофизини (1927). Т.да туғилган. Ҳофиз, Навоий, Машраб, Бедил, Фузулий каби мумтоз шоирларнинг ижоди б-н яқиндан танишиб, уларнинг ғазаллари б-н ашулалар ижро этган. Дастлабки репертуаридан «Эй дастаи гул, марҳабо», «Фигон», «Шитоб айлаб» каби ашулалар ўрин олган. Шожалил ҳофиз, Шобарот танбурчи жўрлигида «Шаҳноз-Гулёр» ашулалар туркуми Т.х.га шуҳрат келтирган (1890).

Т.х. ўзи ижро этган ашулаларни биринчилар қатори грампластинкага ёздирган, «Граммфон» жамиятининг «Пишущий Амур» фирмаси (Рига, 1905; Скобелев, 1911) ундан 25 та ашула, жумладан, «Илгор», «Хисрав», «Сувора» (учаласи ҳам 2 қисмли), «Бобо Равшан», «Янги курд», «Авжи курд» ва б.ни ёзиб олган. Унинг ташаббуси б-н Андиджон, Фарғона, Хўжанд ва б. шаҳарларда граммафон ва пластинка дўконлари ташкил этилиб (1906–12), уларда ўзбек, рус ва б. тилларда куй, кўшиқ ва ашулалари ёзилган пластинкалар сотилган.

Т.х. Эрон, Туркия, Италия, Миср, Ҳиндистонда (1900) ва Шарқий Туркистон (1913–14)

ш.ларида бўлиб, ўз ижрочилик маҳоратини намойиш қилган. Ўзбекистонда маҳаллий халқ муסיқа ансамбллари ташкил этишда, 1920 й.ларда сахна-лаштирилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» спектаклларида муסיқа танлашда фаол иштирок этган. 1927 й.дан умрининг охиригача Ўзбекистон Радиоқўмитаси ўзбек халқ чолғу ансамблида устоз хонанда, шунингдек, Ўзбек давлат филармониясининг етакчи хонандаси бўлган. Т.х. айтган ўзбек мумтоз ашулалари – «Баёт», «Фигон», «Ушшоқ», «Сегоҳ», «Гиря», «Илғор», «Сувора», «Чоргоҳ», «Кўча боғи», «Таронаи Дугоҳ» («Дугоҳи Хусайний» туркумининг таронаси) ва б. ўзбек муסיқа маданиятида муҳим ўрин тутди. Навоий ғазали («Қаро кўзум»)га ижро этган «Ушшоқ» ҳофизлик санъати юксак намунасига айланган. Т.х. Москвада ўтказилган қ.х. кўргазмаси (1923) ва Ўзбек санъати декадаси қатнашчиси (1937).

Т.х. репертуаридаги ашула матнларининг кўпи шоир Хислатнинг «Армуғони Хислат» (Т., 1912) баёзига киритилган ва буларнинг қайси кўйда ижро этилиши ҳам кўрсатилган. Собиқ иттифоқ радиоқўмитаси Т.х.дан «Баёт» ва «Ушшоқ»ни (1937), Санъатшунослик ин-ти (В.А.Успенский) «Чоргоҳ», «Баёт», «Кўча боғи», «Сувора» ва б.ни ёзиб олган. Ш.Шоумаров, Юнус ва Рихси Ражабийлар, К.Зокиров, Б.Мирзаев ва бошқалар Т.х. ижрочилик анъаналарининг давомчиларидир. Чилонзор (Жилонота) қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бирига Т.х. номи берилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).



Туйчи Ҳофиз. Сидқий Хондайлиқий чизган сурат.

ТўЛАГАНОВА Ирода Ботировна (1982.7.1) – теннисчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2000), «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Т.да туғилган. Теннис бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси. Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинлари бронза медали совриндори (1998, Москва), қизлар ўртасида Осиё (1999, Фукуока), «Уимблдон» (1999, Лондон) чемпионатлари ва АҚШ очиқ чемпионати (1999, Нью-Йорк) ғолиби. 1998 й.дан профессионал теннисчи. WТА таснифига кирувчи 3 та мусобақада ғолиб бўлган (2000, Тошкент; 2001, Вена; 2001, Нокке-Хейт). Осиё ўйинлари ғолиби (2002, Пусан), бронза медали совриндори (2006, Дўҳа). Осиё чемпиони (2006, 2007, Тошкент), Ўзбекистон терма командаси таркибида аёллар ўртасидаги федерация кубоги

Осиё ва Океания минтақаси мусобақаси ғолиби (2008, Бангкок). «Шухрат» медали б-н мукофотланган (1998).

ТўРАҚУЛОВ Ёлқин Холматович (1916.10.11–2005.1.3) – биокимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), биология фанлари д-ри (1959), проф. (1962). 1926 й.дан Т.да. ТошТИни тугатган (1936). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941–44). ТошТИ ректори (1947–50). Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ўлка тиббиёт (ҳоз. Эндокринология) и.-т. ин-ти директори (1957–60, 1962–63, 1976–96), айна вақтда лаб. мудири (1957–97; 1998 й.дан илмий маслаҳатчи), Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1970–72), вице-президенти (1963–66), биология фанлари бўлими раиси (1966–79), Ўзбекистон ФА Биокимё ин-ти директори (1967–69), СамДУ ректори (1970–72), Ўзбекистон ФА Тиббиёт фанлари бўлими раиси (1994–97). «Фан ва турмуш» журн.нинг бош муҳаррири (1974–88). Илмий ишлари қалқонсимон без патологиясининг баъзи турларида тиреоид гормонлар биокимёсига оид. Қалқонсимон без касалликларида радиоактив йод ёрдамида ўтказилган клиник-биокимёвий ишлари учун нуфузли Давлат мукофотида сазовор бўлган (1964, Р.Қ.Исломбеков б-н ҳамкорликда). Биокимё бўйича Т. мактаби асосчиси. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1985). «Эл-юрт хурмати» (1998) ва «Буюк хизматлари учун» (2003) ордени б-н мукофотланган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

ТўРТКЎЛТЕПА-1 – шаҳар харобаси (3–6-а.лар). Янгийўл ш.дан ғарбда жойлашган. Дастлаб

(1934) Г.В.Григорьев, кейинчалик (1977) Ю.Ф.Буряков текширган. Т.-1 майд. тўғри тўртбурчак (400 x 400 м) бўлиб, Қурқулдак сойининг сўл қирғоғида ўрнашган. Атрофи мудофаа девори б-н ўралган (46–52 x 25–26 x 10–12 см лик йирик хом гишлар ишлатилган). Девор пойининг қалинлиги 8 м, сақланиб қолган бал. ҳам 8 м ни ташкил қилади. Деворнинг ички қисмида ёнғиндан жабр кўрган супалари бўлган хоналар очилган, улар жангчилар учун мўлжалланган. Сопол буюмлар Қовунчи II типига хос.

ТЎХТАБОЙ ЖОМЕ МАСЖИДИ, Тўхтабойвачча масжиди (Форобий кўч., 13) – 20-а. бошига оид меъморий ёдгорлик (1908). Шу маҳаллалик тижоратчи бойлардан Тўхтабойота томонидан қурилган. Масжид 1500–2000 намозхонга мўлжалланган. 1998 й. авг.да рўйхатдан ўтган. Масжид шўролар даврида, хусусан 2-жаҳон уруши йилларида ҳарбий комиссариат, кейинчалик мактаб, сўнгра шиша идишлар сақланадиган омборхона ҳам бўлган. 1989 й. мусулмонлар ихтиёрига қайта топширилган. Мустақиллик йилларида таъмирланиб, муҳташам бинога айлантирилган. Масжиднинг олд қисми 30x4,5 м лик айвон, 15x5 м лик пешайвон, 4 намозхона, 3 та кичик хоналар: имом-хатиб хонаси, қоровулхона, ноиб имомлар хонаси; мутаваллиёт ва ошхонадан иборат. Ҳовли сатҳи 25x16 м ни ташкил қилади. масжид, асосан, Ҳофиз Кўҳакий, «Эски шаҳар» ва «Кўштут» маҳаллаларига хизмат қилади.

ТЎХТАЕВ Азамат Рамзиддинович (1946.25.4) – меъмор. Ўзбекистон БА акад. (1997). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган меъмор

(1991). Т.да туғилган. Тошкент политехника ин-тини тугатган (1970). Тошкентдаги лойиҳалаш и.т. институтида лойиҳаловчи, катта меъмор, лойиҳа бош меъмори, гуруҳ раҳбари, директор (1963–93). Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги «Ўзинтерқурилиш» фирмасида бош директор (1993–95), Ўзбекистон меъморлар уюшмаси бошқаруви раиси (1998–2000), Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси (2000–2008), ўринбосари (2008 й.дан). Т. Тошкентдаги бир қанча бино (Ўзбекистон Республикаси банклар ассоциацияси биноси ва б.) лойиҳалари муаллифи. «Меҳнат шўхрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

«ТЎҚИМАЧИ» МАҲАЛЛАСИ (Жамбул кўч., 13) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Ракат», Муқимий, «Яккасарой», «Яккасарой-2» маҳаллалари б-н чегарадош. 1960-й.лар охирида ташкил топган. Аҳолиси 3750 кишидан иборат, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида 2 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, лицей, нефть ва газ конларининг қидирув-и.т. корхонаси, 53-АТС, туман ободонлаштириш бошқармаси, Биродарлик қабристони, Яҳудийлар қабристони, туман ҳудудий тиббиёт м-зи, 8 та хусусий фирма, 14 та савдо дўкони, 5 та кафе, 4 та новвойхона мавжуд. **ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти (Шоҳжаҳон кўч., 5) – пахта саноати, тўқимачилик, енгил саноат, матбаа ва қоғоз и.ч. соҳалари учун 12 таълим йўналиши бўйича бакалавр

ва 21 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди. 1932 й. Т. тўқимачилик ин-ти сифатида ташкил этилган. 1968 й.дан ҳоз. номда. Ин-т таркибида 5 ф-т (пахта саноати технологияси ва механика; тўқимачилик саноати технологияси; енгил саноат технологияси; соҳалар менежменти; тўқимачилик кимёси, ахборот ва матбаа технологияси), малака ошириш ф-ти, 28 каф., и.т., ички назорат ва мониторинг, маркетинг ва шартномалар, ўқув-услубий, маънавият ва маърифат, таҳририят-нашриёт, иқтидорли ёшлар б-н ишлаш, режалаштириш ва б. бўлимлар, ахборот технологиялари м-зи, қўшимча таълим хизмат м-зи, ўқув илмий-и.ч. м-зи, архив, кутубхона (900 минг асар), ин-т тарихи музейи, талабалар турар жойлари, «Роҳат» спорт-соғломлаштириш оромгоҳи, санаторий-профилакторий, аспирантура ва б. мавжуд. Ин-тда д-рлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш ташкил этилган (1942 й.дан). 2007/08 ўқув йили ин-тда 4020 талаба ўқиди, 347 ўқитувчи, жумладан, 2 акад., 30 фан д-ри ва проф., 148 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т ташкил қилингандан бери 45 мингдан ортиқ малакали мутахассис тайёрланди. Ин-тда «Тўқимачи» газ. (1957 й.дан) ва «Тўқимачилик муаммолари» илмий журн. (2001 й.дан) нашр этилади. Ин-т худудида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган проф.-ўқитувчилар ва талабалар шарафига ёдгорлик лавҳаси (1965), акад. М.А.Ҳожинава хотираси учун бюст лавҳа ўрнатилган.

У

УБАЙДУЛЛА ИБН МУҲАММАД ЮСУФ АЛ-КАҲҲОЛ (16-а.) – Тошкент ҳоқими Дарвиш-хоннинг шахсий кўз табиби. У Ҳофиз Кўҳакийни ҳам даволаган. Ал-Каҳҳол тиббиётга оид «Шифо ал-илал» («Беморнинг тузалиши») номли махсус асар ёзган. Бу асардан табибларнинг кейинги авлоди, ҳатто Бухоро хони Субҳонқулихон ҳам унумли фойдаланган.

УБАЙДУЛЛАЕВ Абдулла Муҳаррамович (1934.20.3) – пульмонолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тиббиёт ходими (1998), тиббиёт фанлари д-ри (1974), проф. (1979). Т.да туғилган. ТошТини тугатгач (1958), Т. врачлар малакасини ошириш ин-тида клиник ординатор (1958–60), ассистент (1964–65), доцент (1966–70), терапия ф-ти декани (1974–86), пульмонология ва клиник аллергология каф. мудири (1978 й.дан), 1986 й.дан Фтизиатрия ва пульмонология и.т. институти директори. Илмий фаолияти нафас аъзолари касалликларининг эпидемиологияси, бронхиал астма ва ўпка сурункали обструктив касалликларининг генетик омилларини ўрганиш, сил касаллигини эрта аниқлаш, ёндош касалликлар б-н кечувчи силнинг патогенези, силга қарши безарар усуллардан фойдаланган ҳолда комплекс даволашнинг

янги технологиясини ишлаб чиқишга оид.

Ўзбекистон фтизиатрлар ва пульмонологлар илмий жамияти раиси (1986 й.дан). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2007).

УВАЙСИЙ МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 19-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Чоштепа», Нодирабегим, «Бободехқон», «Иттифоқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. 28 апр.да шоира Увайсий (1779–1845) номи берилган. Аҳолиси 5070 киши бўлиб, ўзбек, рус ва б. миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида ўрта мактаб, «Юнусобод» спорт мажмуаси мавжуд.

«**УЗДУНРОБИТА**», МТС – Ўзбекистон (1-офиси: Амир Темур шоҳқўчаси, 24; 2-офиси: Шайхонтохур кўч., 16) – йирик мобил алоқа оператори, МЧЖ шаклида фаолият юритувчи компания. 1991 й.да ташкил топган, 1992 й.дан Марказий Осиёда биринчи бўлиб мобил алоқа хизматини йўлга қўйди. У пайтда компания NMT-450 стандарти асосида ишларди. Компаниянинг хизматларига талаб ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда 1994 й. AMPS/DAMPS стандартидаги тизим ишга туширилди.

2004 й. «У.» МТС компаниялар гуруҳи таркибига кирди, 2006 й.дан эса ўз хизматларини

МТС белгиси остида тақдим этиб келмоқда. «У.» компанияси 2007 й.да 3G ва WiMAX тармоқларини қуриш учун лицензиялар олди.

Тошкент ш.да компаниянинг 2 офиси фаолият олиб боради. Абонентлар бутун шаҳар бўйича ёйилган дилерлик офисларида компаниянинг мобил алоқа хизматлари учун ҳақ тўлаш ва тизимга уланиш имкониятига эга.

МТС компаниясининг хизмат доираси респ. аҳоли турар жойларининг 90% ни қамраб олган. Ўзбекистонда 2008 й. 1 янв.да ундан фойдаланувчилар 4,5 млн кишини ташкил этди. Уларнинг 1 млн дан ортиғи Тошкент ш. ва Т. вилоятида истиқомат қилади.

Компания ўз абонентларига овоз алоқа хизматларидан ташқари WAP, MMS, GPRS «USSD-портал», «Мобил E-mail», «SMS-Aгент@mail.ru» каби юқори технологик хизмат турларини тақдим этади. Бундан ташқари Тошкент ш.нинг ярмига яқин қисмида маълумотларни юқори тезлик б-н узатиб берадиган EDGE тармоғи ишлайди.

«**УЙФОНИШ**» МАҲАЛЛАСИ (ТТЗ-2 мавзеси, 25) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Аҳиллик» маҳалласи б-н чегарадош. 1990 й. ташкил топган. Аҳолиси 6300 киши, асосан, ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Маҳаллада спорт мажмуаси бор.

УЙҒУР, Маннон Уйғур (тахаллуси; исми ва фамилияси Абду-маннон Мажидов) (1897. 11.10–1955.15.10) – т-р арбоби, режиссёр, актёр, драматург. Ўзбекистон халқ артисти (1932). Т.да туғилган. Москвадаги Ўзбек драма студиясида ўқиган (1924–27). Ўзбек т-ри асосчиларидан. Ҳамза номидаги т-р ташкилотчиси. Саҳна фаолиятини 1916 й. «Туркистон» (кейинчалик «Туррон») труппасида бошлаган, 1919 й. Ўзбек драма труппасини тузган. У. «Туркистон табиби» (1918), «Фанний уй» (1920), «Ўн икки соатлик ҳокимият» (1921) пьесалари муаллифи; Эшимкул, ўғри, Жўра каби комик роллар ижроқилди. Маҳмудхон (Ҳамза, «Заҳарли ҳаёт», 1918), Гофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», 1919), Гарпагон (Ж.Мольер, «Хасис», 1925), Карл Моор, Миллер (Ф.Шиллер, «Қароқчилар», «Макр ва муҳаббат»), Альтоум (К.Гоцци, «Маликаи Турандот», 1927) каби драматик ва трагедик роллар яратган. У. саҳналаштирувчи-реж. сифатида ўзбек т-ри тараққиётига катта ҳисса қўшди, юздан ортиқ пьесани саҳналаштирди. Улар орасида Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» (1919, 1920), «Заҳарли ҳаёт» (1922), «Туҳматчилар жазоси» (1922) ва б. спектакллар бор. Унинг «Ҳалима» (Ф.Зафарий, 1920), «Аршин мол олон» (У.Ҳожибеков, 1921), «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид, 1923; 1926) спектакллари ўзбек мусиқали драма жанрининг ривожини учун замин бўлди. «Ҳамлет», «Отелло» (У.Шекспир, 1935; 1941) спектакллари У. реж.лик маҳоратининг чўққиси бўлди. 2-жаҳон уруши йиллари «Жалолдин» (М.Шайхзода, 1944), «Муқанна» (Ҳ.Олимжон, 1943) асар-

ларини, урушдан кейинги йилларда эса Уйғун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий» асарини саҳналаштирди (1945, 1948), рус озарбайжон, татар драматургларининг 20 дан ортиқ пьесасини ўзбек тилига таржима қилди. У. Бухоро, Чоржўй, Карки ш. драма труппаларига, Ишчи ёшлар т-ри (ТРАМ)га раҳбарлик қилган (1932–34). О.Жалилов, Я.Бобоҷонов, С.Эшонтўраева, Ш.Бурҳонов ва б. кўпгина санъаткорлар У.нинг шоғирдлари ҳисобланади. Давлат мукофоти лауреати (1949). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Чигатой қабристонига дафн қилинган. Т.даги кўча, маҳалла унинг номи б-н аталади.

УККОША БУЛОҒИ – Т. булоқларидан энг машҳури. Бадалмат ҳаммомининг ўрнига қурилган «Чорсу» меҳмонхонаси ёнидаги Чорсу жари ёнбағрида жойлашган эди. Суви шифобахш ҳисобланган. Тепасида шийпон бўлган. Мешкобчилар У.б.дан сув олиб бозорда сотишган. Меҳмонхона қурилиши муносабати б-н булоқ беркитиб ташланган.

УЛУҒБЕК (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Тарағай), Мирзо Улуғбек (1394.22.3–1449.27.10) – буюк ўзбек астрономи ва математиги, давлат арбоби. Шоҳрухнинг ўғли, Амир Темурнинг набираси.

Амир Темур У. тарбиясига алоҳида эътибор берган ва уни давлат аҳамиятига молик тадбирларда қатнаштирган. Кастилия қироли элчиси Клавихонинг қайд этишича, У. бобосининг хорижий элчиларни қабул қилиш маросимларида иштирок этган. 1404 й. Кониғилда ўтказилган тантаналарда Амир Темур олтига набирасининг (жумладан, У.нинг) никоҳ тўйларини

ўтказган. Тўйда Соҳибқирон У.ка Тошкент, Сайрам, Янги (ҳоз. Тароз), Ашпара ва Мўғулистонни то Хитой ҳудудигача суюрғол қилиб берган. Амир Темур Ўтрорда вафот этган чоғда У. ҳам ўша ерда бўлган. Темурийлар ўртасида тожу тахт учун кураш бошланган. Ўтрордан қайтган Шоҳрух фарзандлари – У. ва Иброҳим Султонни амирлар пойтахт Самарқандга киритмайдилар, улар Бухородан паноҳ топишган. 1410 й. Шоҳрух Мовароуннаҳрни ўз тасаруфига киритгач, уни идора этишни Туркистон вилояти б-н бирга У.ка топшириб, Соҳибқирон васиятини қайта тиклаган.

У. ўз ҳукмронлиги давомида 2 марта йирик ҳарбий юриш қилган. Биринчисида 1425 й. Мўғулистон хони Шермуҳаммад ўғлон (1421–25) ўзини мустақил хон деб эълон қилганда, У. унга қарши юриш қилиб зафар қозонган. У.нинг 2-юриши Сигноқ ш. томон бўлган. У. 1427 й. Сигноқ яқинида унинг мулкига таҳдид қилган Бароқ ўғлон б-н тўқнашган ва мағлубиятга учраган. Душман У.ни таъқиб қилиб, Самарқанд остоналаригача келган. Мовароуннаҳр хавф остида қолганлиги туфайли Шоҳрух Хуросонга катта лашкар тортиб келиб хавфни бартараф этади.

Отаси Шоҳрух вафотидан сўнг (1447), У. Хуросонни Мовароуннаҳр б-н бирлаштириб, кучли давлат тузишга ҳаракат қилган. У. 1425 й. ўз қўл остидаги Т.да бўлган. У. ҳокимлиги даврида (1410–1449) Самарқанд ва Т.да ҳунармандчилик, меъморлик ва ад. равнақ топган; илмфан юксалган, савдо ривожланган, кўплаб жамоат иншоотлари (карвонсарой), тим, чорсу, ҳаммомлар ва б. ҳам бунёд этилган. У. ёшлиғиданоқ илмга

қизиққан; отаси Шоҳрух тўплаган бой кутубхона У. дунёқарашининг кенгайишига ёрдам берган, у кўп вақтини шу кутубхонада ўтказган, шеърятни севган, тиббиёт, тарих, математика, фалсафа, мусиқа ва б. фанлар б-н шуғулланган, лекин унинг асосий эътибори астрономия машғулотларига қаратилган. Унинг энг буюк иши Самарқанд илмий мактабини – ўша давр академиясини барпо этгани бўлди. У. Самарқандга замона-



Мирзо Улуғбек ҳайкали.

сининг етакчи олимларини тўплаган ва улар ёрдамида расадхона қурдирган, расадхона жиҳози ва амалга оширилган ишлар натижаси жиҳатидан У. замонида ҳам, ундан кейинроқ ҳам тенги йўқ бўлган. У. юлдузлар жадвалини («Зижи Кўрагоний») тузган. Қуёш ва Ой ҳаракатини тўғри ҳисоблаган (унинг ҳисоблари ҳоз. ҳисоблардан жуда оз фарқ қилади). У. даврида тригонометрик ва геометрик жадваллар тузилди, бир градусли ёй синусини аниқлашнинг оригинал усули яратилди, ўнли касрлар кашф этилди.

Яқин йилларгача У. фақат астроном ва математик деб ҳисобланарди. Лекин 20-а. охирида унинг ижоди серқирра эканки, у тарих, шеърят ва мусиқа бобида ҳам қалам тебратгани аниқланди.

Тарихчи Мирзо Муҳаммад Ҳайдар «Тарихи Рашидий» асарида «Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд (ва) «Тўрт улус» (тарихи)ни (ҳам) ёзиб қолдирган эди», деб ёзган. У.нинг туркийда ёзган «Тарихи арбаъ улус»

*Темурхон наслидан Мирзо Улуғбек,
Ки олам кўрмади султон анингдек,
Ки давр аҳли биридин айламас ёд,
Анинг обнойи жинси бўлди барбод.
Валек ул илми сари топди чун даст,
Кўзи олдинда бўлди осмон паст.
Расадким боғламиш – зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур,
Билиб бу нав илми осмоний,
Ки ондин ёзди «Зижи Кўрагоний».*

Алишер Навоий («Ҳамса»).

(«Тўрт улус тарихи») асари Чингизхон босиб олган мамлакатларнинг 13–14-а.лар 1-ярмидаги сиёсий ҳаётини ўрганишда муҳим манбадир.

Навоийнинг «Мажолис унафоис» ва Абу Тохирхожанин «Самария» асарларида У. шеърларидан намуналар келтирилган. Унинг даврида кўпгина асарлар араб ва форс тилидан эски ўзбек тилига таржима қилинган. У. ташкил этган бой кутубхона-

да турли фанларга оид 15 минг жилддан ортиқ китоб бўлган.

Узоқ ва яқин ўтмиш муаллифлари (Дарвиш-али Чангий, Фитрат ва б.) таъкидлашича, У. ёшлигидан ўзга фанлар қатори мусиқа илмидан сабоқ олиб, бир қатор куй ва усуллар яратган, бу соҳага оид рисола ҳам ёзган.

У. Самарқанддаги Амир Темур мақбарасига дафн этилган.

У. таваллудининг 600 йиллиги 1994 й. апр.да Парижда, окт.-да Т. ва Самарқандда

тантанали равишда нишонланди ва халқаро конференциялар ўтказилди. Шу йили Т.даги Академиклар шаҳарчасида У.ка ҳайкал ўрнатилди (ҳайк. Я.Шапино) ва ҳайкал атрофида Мирзо Улуғбек хиёбони барпо этилди.

У. сиймоси Пулково расадхонаси, Москва ун-ти конференц-залларида дунёдаги машҳур олимларнинг портретлари қаторидан жой олган. Самарқандда У.нинг мемориал музейи ташкил этилган. Т.да Ўзбекистон миллий ун-ти, туман, кўча, маҳалла, метро бекати, истироҳат боғи, шаҳарча, планетарий У. номи б-н аталади.

У.нинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида пьеса (М.Шайхзода, «Мирзо Улуғбек» трагедияси), роман (О.Ёқубов, «Улуғбек хазинаси»), опера (А.Козловский, «Улуғбек»), достон (М.Бобоев, «Улуғбек»), балет (М.Бафоев, «Улуғбек буржи»), фильм (реж. Латиф Файзиев, «Улуғбек юлдузи», 1965) ва б. яратилган.

УЛУҒБЕК – Тошкент ш. Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла (1957 й.дан; Улуғ Фуломов кўч.,

10^а-уй), шаҳарча (1961 й.дан). Яқин т.й. ст-яси – Қодирия (6 км). Аҳолиси 7460 киши (2009). Шаҳарчада Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-ти ва унга қарашли корхоналар мавжуд. У.да 2 та умумий таълим мактаби, 3 та болалар боғчаси, 15 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, касалхона, спорт муассасалари бор. Т.дан У.га автобуслар қатнайди.

УЛУҒБЕК МАҲАЛЛАСИ (Авиасозлар 1-тор кўч., 22^а-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Махмур, «Умид», Ҳамза маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил топган ва *Улуғбек* номи берилган. Аҳолиси 4880 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудуди 37 та кўп қаватли уйлардан ташкил топган. Маҳаллада 2 та болалар боғчаси, бозорча мавжуд.

УМАРБЕКОВ Жавлон Юсупович (1946.17.6) – рангтасвир устаси, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1989), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1982). Т.да туғилган. П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1966) ва Бутуниттифоқ давлат кинематография инти (1972) ни тугатган. Жаҳон тасвирий санъатидаги услуб ва изланишлар ҳамда ўзбек тасвирий санъатида содир бўлган пластик изланишлар У.нинг асарларида ўзига хос ечимни белгилашда сезиларли ўрин эгаллайди: «Болалик» (1968), «Кўшиқ» (1969), «Менинг дўстим» (1971), «Тафаккурли инсон» диптихи (1979–80), «Мен инсонман» (1981–83), «Ҳовуз бўйида» (1988), «Келинчак» (1995), «Соҳибқирон Амир Темур» (1995), «Етти иқлим султони» (1995), «Учрашув» (1996), «Заҳириддин Муҳаммад Бобур» (1996). У., шу-

Ж.Умарбеков.
«Етти иқлим
султони» (1995).



нингдек, натюрмортлар («Ой натюрморти», «Қушон натюрморти» ва б.), манзаралар («Бўзсув», «Карвон», «Ипак йўли харобалари» ва б.) ҳамда туркумли асарлар («Жазоир бўйлаб», 1978; «Сурхондарё», «Тошкентнинг 30 кўриниши», 1983 ва б.) муаллифи.

Асарларидан намуналар республика ва хориждаги музей ва тўпламларда сақланади.

УМАРБЕКОВ Ўлмас (1934.25.1–1994.10.11) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1984). Т.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тининг филол. ф-тини тугатган (1956). Республика телевидение ва радиоэшиттириш давлат кўмитасида муҳаррир, бош муҳаррир (1956–71), Ўзбекистон КП МКда сектор мудир (1971–74), «Ўзбекфильм» киностудияси директори (1971–81), Ўзбекистон Маданият ишлари вазирининг биринчи ўринбосари (1982–86), вазири (1987–89), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1985–89), Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари (1989–91).

У. «Бобоёнғоқ» (1961), «Юлдузлар», «Менга ишонмайсанми?» (1962), «Ҳаёт абадий» (1964), «Чарос» (1966), «Кўприк» (1968), «Болгар кўшиқлари», «Олтин япроқлар» (1972), «Қиёмат қарз» (1976), «Ер ёнганда» (1993) каби ҳикоялар

тўпламлари муаллифи. У.нинг «Севгилим – севгилим» (1963), «Кимнинг ташвиши йўқ» (1965), «Уруш фарзанди» (1972), «Ёз ёмғири» (1973), «Оқ қалдирғоч» (1974) ва б. қиссалари жанрий ранг-баранглиги, қаҳрамонлар руҳий оламининг теранлиги, бадиий тасвир усулларининг такрорланмаслиги б-н диққатга сазовор. «Одам бўлиш қийин» (1970) ва «Фотима ва Зуҳра» (1994) романлари нашр этилган. У. 80-й.ларда «Ўз аризасига кўра», «Кузнинг биринчи кунин», «Қиёмат қарз», «Ассалом, қуёш» сингари етук сахна асарларини яратган. Айниқса, Ш.Бурҳонов ижросидаги Сулаймон ота образини туйфайли У. пьесаси асосида сахналаштирилган «Қиёмат қарз» спектакли томошабинлар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Умрининг сўнгги йилларида «Қизимга мактублар» («Мангу ҳаёт бўсағасида») публицистик асари ҳамда «Тухмат» (1987), «Оқсоқол» (1991), «Ўзинг учун ўл етим» (1992, тугалланмаган) драмала-

рини ёзган. «Йигит ва қиз» (1967), «Асосий кун» (1971), «Икки солдат қиссаси» (1973), «Чангалзордаги ов», «Севги афсонаси» (1985) ва б. киносценарийларнинг муаллифларидан бири. Минор қабристонига дафн этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1980).

УМАРОВ Абдурахим (1947.24.8) – ганчкор уста, меъмор. Ўзбекистон БА академик (1999), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1992). Т.да туғилган. Т. политехника ин-тини тугатган (1971); шу ин-тда педагог (1971–76). 1976 й.дан Т. тажриба керамика к-тида ганчкор уста, 1985 й.дан Республика «Усто» халқ санъати усталари бирлашмаси бош директори, 1997 й.дан «Усто» Респ. махсус ижодий-и.ч. уюшмасига раислик қилган (1997–2007). Унинг ижодий фаолияти ўзбек халқининг бой маданий меросини асраш, халқ амалий безак санъатини замонавий меъморликда қўллаб, унга миллий руҳ беришга бағишланган. Унинг ижодий раҳбарлигида респ. ва хорижий мамлакатларда кўплаб меъморий иншоотлар (Темурийлар тарихи давлат музейи, Хотира майдони, «Қатагон қурбонлари» музейи, Ўзбекистон консерваторияси, Ўзбек миллий академик драма т-ри бинолари ва б.) миллий меъморлик ва амалий санъат намуналари б-н безатилган.

УМАРОВ Холхўжа Мукаррамович (1955.2.2) – қурувчи-уста, и.ч. новатори, Ўзбекистон Қаҳрамони (1997). Т.да туғилган. 1975 й.дан «Тошкент уй-жойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли «Тошкентмахсуспардозқурилиш» акциядорлик жамиятининг 42-қурилиш бошқармасида уста (1975–80), сувоқчилар бригада-

си бошлиғи (1980–2000), 2001–05 й.лар қурилиш ташкилотида уста (мастер) бўлиб ишлаган. 2005 й.дан Сергели туман «Маҳалла» жамғармасининг раиси.

У. Тошкент ш.да айниқса, 90-й.лардан кейин барпо этилган уй-жой, маданий-маиший, спорт мажмуалари бинолари, саройларни пардозлаш ишларида маҳорат кўрсатган, юқори меҳнат унвондорлигига эришган, кўплаб қурувчи-пардозловчи шогирдлар етиштирган.

УМАРОВ Шодмон Умарович (1918.27.11–1984.2.1) – 2-жаҳон уруши қатнашчиси, полковник. 1938 й.дан армия сафида. Тбилиси пиёда аскарлар билим юрти (1942) ва ҳарбий академияни тугатган. 1-Белоруссия (Брянск) фронтида батальон командири. Польшадаги Варта дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтишдаги (1945 й. 25.1) жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1945.23.3). Урушдан сўнг Туркистон ҳарбий округида масъул лавозимларда ишлаган. Т.да ҳарбийлар қабристонига Қаҳрамонлар хиёбонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири У. номи б-н аталган.

УМАРОВ Ҳамза (1925.17.12–1987.26.11) – актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1967). 1948 й.дан Т.да. 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкент театр ва расомлик санъати ин-тида (1948–51) ўқиган. Муқимий (1950–86), Ҳамза (1987 й. янв.–авг.да) т-рларида, сўнгра «Ўзбекфильм» киностудиясида ишлаган. У. ижодида ўтган асрнинг 50-й.ларида шаклланган лирик ва кулгили-ҳажвий йўналишлар кейинги йиллар ҳам давом этди. Қаҳрамонларининг феъл-атвори ва хусусиятларини бир оз бўрттириб ифодалаши, сўзларини дона-дона ва жарангдор талаф-

фуз қилиши қарама-қарши ҳис-туйғуларни кучли психологик драматизмда етказиши б-н У. санъати алоҳида ажралиб туради (Исфандиёрхон, «Ғазал фожиаси»; Маъдалихон, «Нодира»; Асқарали, «Мавлоно Муқимий» ва б.). Реж. сифатида «Бағри тош», «Қайнона», «Ишқинг билан» каби асарларни сахналаштирган. Кинода Салимбойвачча («Қутлуғ қон»), Умар («Маҳаллада дув-дув гап»), Ҳомид («Ўтган кунлар»), Матназар («Оловли соҳил») каби 60 дан ортиқ образ яратган. У бир қанча телевизион спектаклларда ҳам ўйнаган. Дубляж санъатининг моҳир устаси сифатида танилган. «Ёр юрган кўчалар», «Тонг фарзандлари» каби пьесалар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Чигатой қабристонига дафн этилган. Яққасарой туманидаги кўчалардан бири унинг номи б-н юритилади.

«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИ (Қибрай тумани, Навоий кўч., 1) – Ўзбекистон касаба уюшмалари Курортлар бошқармасига қарашли, аёллар ва эркаклар жинсий аъзолари касалликлари (гинекология, андрология) ва бепуштлиқ, асаб ва таъянч-ҳаракат аъзолари ҳамда эндокрин касалликларни даволашга ихтисослаштирилган тиббий соғломлаштириш маскани. 1945 й. ҳарбий госпиталь (Самарқанд дарвоза кўч., Уч лола туп., 14) негизида ҳомиладор аёллар санаторийси сифатида (100 ўринли) ташкил этилган. 1955 й.дан 1999 й.гача «8 Март» санаторийси деб юритилган. 2000 й.дан ҳоз. номда. 1984 й.дан ҳоз. биносида. 120 ўринли (қишки мавсумда 60 ўринли). Санаторийда диагностика ва даволаш хоналари ҳамда маданий ҳордиқ чи-

қариш бўлимлари бор, беморларни даволашда сув ва балчик, мануал терапия, гинекологик массаж, шифобахш бадантарбия, иқлим б-н даволаш, доривор гиёҳли дамламалар, нина б-н даволаш усуллари қўлланади. Беморлар замонавий тренажёр, сауна, сув ҳавзалари, оғриқсиз стоматология, шунингдек, диагностика-даволаш бўлимида УТТ, ЭКГ, ИФА (иммуно-ферментли анализатор), клиник лаб. хизматларидан ҳам фойдаланадилар. 2005 й.дан санаторий МЧЖга айлантирилган. Санаторийда қатнаб даволанувчи беморларга пулли хизмат ҳам йўлга қўйилган. Ҳар йили 3000 дан зиёд бемор даволанади (2009).

УМИД ДАҲАСИ – Чилонзор туманида; Бунёдкор шоҳқўчаси, Чилонзор, Чўпонота кўч.лари ва Кичик ҳалқа йўли оралиғида жойлашган. 2008 й. 1 авг.да даҳага шу ном берилган. 20-а.нинг 2-ярмида вужудга келган. Даҳа ҳудуди 100 гектардан ортиқ. Даҳа ҳудудида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг спорт мажмуаси, В.Воҳидов номидаги хирургия маркази, «Катта Қозиробод» жоме масжиди ва шу номдаги қабристон, «Фаввора» кафеси, «Анварбек» ресторани мавжуд. Ҳудуд ўртасидан Анҳор канали оқиб ўтади. Яқинида «Чилонзор» ва «Мирзо Улуғбек» метро бекатлари, Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, Чилонзор туман ҳокимлиги, корхона ва ташкилотлар, кўп қаватли турар жой бинолари, сервис хизматлари бор.

«УМИД» МАҲАЛЛАСИ (Тўрткўл кўч., 81) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Улуғбек, Махмур маҳаллалари б-н чегарадош. 1953 й. ташкил топган, эзгу орзу-умидларга етишиш мақсадида «Умид» номи берилган (1973). Аҳолиси

4247 киши, 21 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 4 магазин, болалар боғчаси, ўрта мактаб, 3 кафе, 4 хусусий фирма, 4 кичик корхона мавжуд.

«УМИД» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 16-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Ойбек, «Ўзбекистон мустақиллиги», «Бободехқон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й.дан шу номда. Аҳолиси 3597 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, 6 дўкон, 3 новвойхона, чойхона, 3 ошхона, 3 озиқ-овқат, хўжалик дўконлари мавжуд.

«УМИД» МАҲАЛЛАСИ (Яланғоч даҳаси) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Ҳабиб Абдуллаев маҳалласи б-н чегарадош. 1993 й. сент.да ташкил этилиб, шу номда аталган. Аҳолиси 3285 киши, 15 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Умид» болалар спорт мажмуаси жойлашган. Маҳаллада акад. Ҳамдам Усмонов яшаб ўтган.

«УМИД» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/3 мавзеси, 2–9) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Пахта», К. Ғофуров, «Мойарик», «Ғалаба», «Табассум» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. ташкил топган. Аҳолиси 3606 киши, асосан (78%) ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Республика кўчмас мулк биржаси, «Хувайдо-мебель» корхонаси, турли муассасалар, болалар боғчаси, ўрта мактаб, жоме масжиди жойлашган.

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Умумий ва ноорганик кимё институти (Мирзо Улуғбек кўч.,

77^а-уй) – 1933 й. Кимё ин-ти номи б-н Тошкент ш.да ташкил этилган. 1998 й.дан ҳоз. номда. Ин-тининг асосий йўналиши Ўзбекистоннинг ёқилғи ва минерал хом ашёларини кимёвий йўл б-н комплекс қайта ишлашнинг илмий-амалий асосларини ишлаб чиқишдан иборат. Ин-т таркибида 16 илмий лаб., «Стром» и.т. ва синов м-зи, қурилиш материалларини стандартлаштириш ва сертификациялаш идораси бор. Аспирантура ва д-рантура фаолият кўрсатади. Ин-тда 78 илмий ходим, жумладан, 3 акад., 12 фан д-ри ва 27 фан номзоди ишлайди. 1957 й.дан «Ўзбекистон кимё журнали» нашр этилади.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ – умумий мажбурий ўрта таълим берадиган ўқув-тарбия муассасалари, халқ таълими тизимининг муҳим тармоғи. 2008/09 ўқув йили Т.да 289 У.ў.т.м. (жумладан 2 бошланғич У.ў.т.м.) бўлиб, уларда 307860 ўқувчи ўқиди. 2007 й. Тошкентдаги У.ў.т.м.ни 33146 ўқувчи тугатди. Улардан 7366 ўқувчи акад. лицейларда, 25780 ўқувчи касб-ҳунар коллежларида ўқишни давом эттирди. Шаҳар мактабларида ўқитишнинг кабинети тизими кенг жорий қилинган (2007/08 ўқув йили 2543 ўқув кабинети). У.ў.т.м.да айрим ўқув предметлари чуқур ўрганилади; 19 мактабда она тили бўйича, 36 мактабда математика бўйича таълим берилди.

Т.да жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун 18 та махсус мактаб мавжуд. Уларда 4311 ўқувчи таълим олади. 219 та куни узайтирилган гуруҳли мактабларда 25096 ўқувчи ўқийди. 2008 й. Тошкентдаги У.ў.т.м.да 16442 ўқитувчи ишлади. Улардан кўплари Ўзбекистон Республи-

касининг орден ва медалларига ҳамда фахрий унвонларига сазовор бўлишган. Хусусан, 2004–2008 й.ларда Т.даги ўқитувчилардан 2 киши «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси», 3 киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 1 киши «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвонларига сазовор бўлишган, 1 киши «Эл-юрт хурмати» ордени, 4 киши «Меҳнат шуҳрати» ордени, 2 киши «Фидокорона хизматлари учун» ордени, 1 киши I даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 3 киши II даражали «Соғлом авлод учун» ордени, 6 киши «Дўстлик» ордени, 23 киши «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган.

УНГУРЛИКОН – Чоч давлатининг энг йирик феруза кони. Қурама тоғлари шим. ёнбағрида, Абжоз қишлоғидан 3 км гарбда, Унгуриликон ва Писталисой сувайирғичи ва Оҳангарон дарёсининг сўл ирмоғи бўйида, денгиз сатҳидан 1000 м баландликда жойлашган. Қад. кон таркибида феруза бўлган кварц порфиритлардан ташкил топган. Икки йирик зонадан (шарқий ва гарбий) иборат бўлиб, улар бир неча йирик ва майда конларни ўз ичига олган.

Археологик тадқиқотлар феруза қазиб олиш милоннинг дастлабки асрларидан ўрта асрларгача давом этганлигини кўрсатди. Қад.да кондаги қазилар ишлари 300 минг м³ дан ортиқ ҳажмда олиб борилган, бу эса У.ни Илоқдаги энг йирик конлар қаторига киритиш имконини беради. Хитой манбаларида Чоч пойтахтининг шарқий тарафидаги баланд тоғда машхур мовий тош-сэ-сэ қазиб олиш иши ҳақидаги маълумот У. б-н боғ-

лиқ. Феруза – «зафар тоши» қадимда энг ноёб товарлардан бўлган. Чоч эса Буюк ипак йўлида ушбу маҳсулотни етказиб берувчи энг йирик вилоят саналган. Ферузанинг қад. туркийча аталиши – чач (сеё) мил. 1-минг йилликнинг биринчи ярмидан аввал мулкка, сўнгра унинг пойтахтига ўз номини берганлиги тахмин қилинади (Ю.Ф.Буряков). Беруний уни Илоқ ферузаси деб атаб, унинг юқори сифатга эгаллиги ва баланд нархдалигини қайд этган. Бу даврга келиб кон ўз фаолиятини тугатган.

«УНИВЕРСАЛ» СПОРТ САРОЙИ (Корҳожията кўч., 2^а-уй) – 2006 й. қурилган (меъмори М.Ш.Мусаев, муҳандиси В.С.Рижов). Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфида. Майд. 2,65 гектар. Таркибида асосий майд., 3750 томошабинга мўлжалланган трибуна, хореография зали, спорт зали, машқ зали, шифо маскани, ошхона, автомобиль тўхташ жойи, 24 ўринли меҳмонхона бор. Спортнинг бадминтон, стол тенниси, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, мини футбол, волейбол, гандбол, баскетбол, тазквандо, универсал жанг, дзюдо, бокс, каратэ, трамполин, акробатика, эркин ва юнон-рум кураши, энгил атлетика турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. 235 киши спорт турлари б-н шуғул-

«Универсал» спорт саройи.

ланади. Мажмуада бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон кубоги (2007, май), Ўзбекистон биринчилиги (2008, янв.; 2008, окт.), «Олимпия умидлари» (2007, май) мусобақалари, универсал жанг бўйича Осиё чемпионати (2007, дек.; 2008, апр.), кикбоксинг бўйича Ўзбекистон очик чемпионати (2007, дек.), тазквандо бўйича Осиё чемпионати (2008, июнь), юнон-рум ва эркин кураш бўйича Осиё очик чемпионати (2008, июнь) ўтказилди. Шунингдек, 29-олимпиада ўйинлари (2008, Пекин)да совринли ўринларни эгаллаган Ўзбекистон спортчиларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«УНИВЕРСИТЕТ» МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 400) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Аллон», «Беруний майдони», «Зиё», Мирзо Ғолиб маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла аҳолисининг ярмини ЎЗМУ талабалари ташкил этгани учун, 1999 й. 4 фев.дан рамзий маънода шу ном б-н аталган. Аҳолиси 5530 киши, асосан (95%), ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ЎЗМУ, туман ҳокимлиги бўлимлари, 32-поликлиника, ЎЗМУ акад. лицейи жойлашган.

УРОЛОГИЯ МАРКАЗИ – қ. Республика иштисослаштирилган урология маркази.



УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ РЕСПУБЛИКА ПАНСИОНАТИ (Қорақамиш кўч., 5) – 1968 й.да ташкил этилган. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфида. Пансионатда уруш ва меҳнат фахрийлари, байналмилал жангчилар, Чернобиль АЭС ҳалокатларини бартараф этиш қатнашчилари, 1- ва 2-гурӯҳ ногиронлари давлат таъминотида яшайдилар. 220 ўринга эга; 4 корпус (40 ўринли стационар, 2 қаватли ва 4 қаватли турар жой, ошхона)дан иборат. Майд. 3,2 гектар. 80 дан зиёд ходим 145 фахрий ва ногиронларга хизмат кўрсатади (2009).

УСМОН НОСИР (1912.13.11–1944.9.3) – шоир. Москвада Кинематография ин-тининг сценарий ф-тида (1930), Самарқанддаги Пед. академияда ўқиган (1932). 1935 й.дан Т.да.

У.Н. 30-й.ларнинг бошларида ўзбек шеърятига чақмоқ ўлароқ кириб келди. У ижодининг дастлабки кезлариданоқ ҳаётда рўй бераётган муҳим воқеа ва ҳодисаларни лирик қаҳрамоннинг ҳиссиёт ва кечинмалари орқали ифодалашга интилди. «Ҳақиқат қалами» илк шеъри 1927 й. «Янги йўл» газ.да, фуқаролар уруши мавзуга бағишланган «Норбўта» номли биринчи достони 1931 й. «Янги Фарғона» газ.да, «Қуёш билан суҳбат» ва «Сафарбар сатрлар» дастлабки шеърӣ тўпламлари эса 1932 й.да эълон қилинган. Шундан кейин У.Н.нинг «Нахшон» (1934) достони, «Тракторобод» (1934), «Юрак» (1935) ва «Меҳрим» (1936) шеърӣ китоблари нашр этилган.

«Монолог», «Юрак», «Яна шеъримга», «Нил ва Рим» сингари шеърлари ўзбек шеърятининг энг юксак намуналаридан

ҳисобланади. «Зафар» (1929), «Назиржон Халилов» (1930), «Душман» (1931), «Сўнгги кун» (1932) сингари саҳна асарларини ёзган ва бу асарлар Кўқон шаҳар т-рида саҳналлаштирилган. Шоирнинг «Атлас» (1935) пьесаси ўз вақтида ҳаваскорлар т-ри саҳнасида қўйилган.

А.С.Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» ва М.Ю.Лермонтовнинг «Демон» достонларини ўзбек тилига таржима қилди. 1937 й. бошларида В.Киршоннинг «Улуғ йўл» драмаси У.Н. таржимасида Ҳамза театрида саҳнага қўйилган. У.Н. 1937 й. 13 июлда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, дастлаб Магадан, сўнгра Кемерово вилоятларидаги қамоқхоналарга юборилган ва ўша ерда вафот этган. Чигатоӣ қабристонидан ва Кемерово вилояти Сулово қишлоғидаги маҳбуслар қабристонидан унинг хотирасига рамзий сағана барпо этилган. Т.даги кўч.ларидан бири, Ҳамза ва Яккасарой туманларидаги маҳалла, техникум У.Н. номи б-н аталади.

УСМОН НОСИР КЎЧАСИ – Яккасарой туманининг Ҳамид Сулаймонов, «Тўқимачи», Усмон Носир, «Ракат», «Қушбеги» маҳаллалари ҳудудида. Шота Руставели ва Гавҳар кўчалари оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Дастлаб Дала ҳовли (Дачний), сўнг Зангиота кўчаси номи б-н юритилган. 1938 й.да Шота Руставели номи берилган. 1991 й. 20 фев.дан кўчанинг Бобур кўчасидан Гавҳар кўчасигача бўлган қисми ўзбек шоири Усмон Носир (1912–44) номи б-н юритилади. Т.даги магистрал кўчалардан бири. Зангиота томонга борувчи қад. карвон йўли ўрнида вужудга

келган. 19-а. 2-ярмида бу йўлдан Туркистон генерал-губернаторининг дала ҳовлисига борилган (аввалги номи шундан). Дастлаб бир қаватли хом гишт-пахсали уйлар қурилган. 1930-й.ларда тўқимачилик комити, 1941 й. тўқимачилик машинасозлиги з-ди қурилган. Йўналишида Канаданинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Ҳамкорбанк», «Буюк ипак йўли», «Ипотека» банклари, «Ҳосилот» меҳмонхонаси, эстрада-цирк ва тижорат касб-ҳунар коллежлари, Жан. вокзал, туман прокуратураси, солиқ инспекцияси, ижтимоий-таъминот бўлими, Т. вилоятининг жиноий ишлар бўйича суди, «Иккиламчиранглиметалл», шаҳар «Нефтгаз», «Энерготармоқлоийҳа» корхоналари, «Гидролойиҳа» и.т. институти, «Аския» ва «Тоҳир ва Зухра» бозорлари, «Грант синема» кинотеатри, касалхона, 3-болалар ва 23-оилавий поликлиника, «Биродарлик қабристонидан» ёдгорлиги, савдо мажмуалари, гул дўкони, мини маркетлар, кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Кичик ҳалқа йўли, Муқимий, Чўпонота ва Яккасарой кўчалари б-н туташган.

УСМОН НОСИР МАҲАЛЛАСИ (Усмон Носир кўч., 61) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Бошлиқ», «Қушбеги» маҳаллалари б-н чегарадош. 2003 й. ташкил топган. «Бошлиқ» маҳалласидан ажралиб чиққан ва Усмон Носир катта кўчаси юзида жойлашгани учун шундай аталган. Аҳолиси 2812 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида «Тошкяятекстиль», Асака халк банки филиаллари, «Ипотека банк», «Ҳамкорбанк», «Буюк ипак йўли» банки, кафе, 30 дан ортиқ хусусий фирмалар мав-

жуд. Маҳаллада машҳур санъаткорлар – халқ артистларидан Замира Ҳидоятова, Марям Ёқубова, Тошхон Султонова яшаб ўтган.

УСМОН НОСИР МАҲАЛЛАСИ (Ғалабининг 40 йиллиги, 2-даҳа, 8^а-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Мустақилликнинг 10 йиллиги», Ал-Бухорий, Амир Темури маҳаллалари билан чегарадош. 1991 й. ташкил топган, шоир Усмон Носир номи берилган. Аҳолиси 4600 киши, кўп миллатли.

УСМОҶОВ Жўрахон (1923–1945.14.2) – гвардиячи лейтенант. 1942 й.дан армия сафида. 2-жаҳон уруши даврида У. бошчилигидаги взвод биринчи бўлиб Сож дарёсини (Гомель обл.да) кечиб ўтишдаги жасорати учун Қаҳрамон бўлган (1944.15.1). Т.даги кўчалардан бири У. номи б-н аталган. «Биродарлик қабристонига»да бюсти ўрнатилган.

УСМОҶОВ Ислом (1922–1944.13.1, Запорожье) – кичик сержант. Т.да туғилган. 2-жаҳон уруши даврида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати учун Қаҳрамон унвони (1944, вафотидан сўнг) берилган. Т.даги кўчалардан бири, у яшаган маҳалла У. номи б-н аталади.

УСМОҶОВ Маҳмуд (1910–1997.1.7) – ганчкор уста, Ўзбекистон БА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1977). Т.да туғилган. Ҳунарни отаси уста Усмон Икромовдан, кейинчалик Уста Ширин Муродовдан ўрганган. У. Тошкент ганчкорлиги санъати анъанъаларини ривожлантирди, уни янги мазмун б-н бойитди; ислимий ва гириҳ нақшларни маҳорат б-н қўллаб жозибадор нақш мужассамотларини яратди; у ишлаган нақшлар нафис, аниқ ва лўнда,

ўймалари мукамаллиги б-н диққатга сазовор. У. Ўзбекистон амалий санъат музейи (собиқ Половцев уйи)ни таъмирлашда, Навоий ва Муқимий театрларини безашда фаол қатнашган; ҳоз. Ўзбек миллий академик театри (1967–68), Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи (1968), Ўзбекистон халқлари тарихи музейи (1969–70), Ўзбекистон санъат музейи (1973), «Буюк ипак йўли» метро бекати (1980) ва б., шунингдек, хорижда ҳам (Донецк, Киев, Тошҳовуз, Чимкент ва б.) жамоат биноларини ганчкорлик б-н безашда усталарга раҳбарлик қилган. У. педагог сифатида фаолиятини болалар уйида бошлаган (1935–48), Т.даги болалар ва ўқувчилар саройида ганч ўймакорлиги тўғарага раҳбарлик қилган (1948–68); Беньков номидаги республика рассомлик билим юртида дарс берган (1952–60). У. кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган. Давлат мукофоти (1975), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970).

Усмонов Мирвоҳид (1946.9.5.)– Ўзбекистон халқ устаси (2001). Уста Маҳмуднинг ўғли, сулола давомчиси. Т.да туғилган. Т. политехника интининг меъморлик ф-тини тугатган. Отаси б-н Т.даги жамоат ва маъмурий бинолар (Т. метрополитенининг «Амир Темури», «Буюк ипак йўли» бекатлари ва б.)ни безашда иштирок этган.

Маҳмуд
Усмоновнинг
сўнгги иши.



УСМОНХЎЖАЕВ Ҳалим Ҳайдарович (1919.20.11–1993.9.4) – механика соҳасидаги олим. Ўзбекистон ФА акад. (1984). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Техника фанлари д-ри (1967), проф. (1967). Т.да туғилган. Т. тўқимачилик интинини тугатган (1950). Шу ин-тда и.т. сектори бошлиғи (1950–52), ассистент (1951–52), ўқитувчи (1954–57), декан (1958–61), Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида ўзи ташкил қилган механизм ва машиналар назарияси лаб. мудирини (1961 й.дан). Илмий ишлари асосан, машина агрегатининг динамикаси, пахта териш ва тозалаш машиналари, тўқимачилик машиналари назариясига доир. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). Чифатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири У. номига қўйилган.

УСПЕНСКИЙ Виктор Александрович [1879.19(31).8–1949.9.10] – композитор, муסיқашунос-этнограф, педагог, санъатшунослик д-ри (1943). Туркменистон (1929) ва Ўзбекистон (1937) халқ артисти. 1917 й.дан Т.да. Петербург консерваториясини тугатган (1913). Туркистон халқ консерваториясининг асосчиларидан бири; шу ерда педагог (1918–19), консерваториянинг

Эски шаҳар бўлими раҳбари (1919–22), Т. мусиқа коллежининг миллий мусиқа бўлими (1928–34), Санъатшунослик интида мусиқа кабинети (бўлими) мудири (1932–49), Тошкент консерваториясида педагог (1936 й.дан). Шашмақомнинг тўла туркумини (1924), «Чоргоҳ», «Баёт», «Таронаи Дугоҳ», «Шаҳнози-Гулёр» ва б. Фарғона – Тошкент мақом йўлларини ёзиб олган. У. «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси (1936, 1941 й. Г.Мушель б-н ҳамкорликда операга қайта ишлаган), симфоник, камер-вокаль ва камер-чолғу асарлари муаллифи, ўзбек халқ кўшиқларини қайта ишлаган. Т.даги махсус мусиқа интернат мактаби, мусиқа лицейи У. номи б-н аталади. Боткин кўч.даги қабристонга дафн қилинган.

УСТА ОЛИМ Комилов (1875–1953.3.4) – созанда (доира, нора, чанг). Ўзбекистон халқ артисти (1937). 1930 й.дан Т.да. Ўзбек давлат концерт-этнографик труппаси (1929 й.дан Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939 й.дан Ўзбек давлат опера ва балет театри)да доирачи; рақс студиясида дарс берган (1926–43). У.О. ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган. *Тамарахоним*, *М. Турғунбоева* б-н ижодий ҳамкорликда қад. ўзбек рақсларини саҳналаштирган ва янгиларини яратган («Занг», «Гул ўйин», «Садр», «Даромади гул ўйин», «Пилла», «Пахта», «Тантана» ва ҳ. к.). «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» спектаклларига рақслар саҳналаштирган. У.О. ижросидаги халқ доира усулларининг кўпи Ил.Ақбаров («Доира усуллари», Т., 1952), В.Успенский, Е.Романовскаялар томонидан ёзиб олинган. У.О.нинг ижро услуби зарблар жилвадорлиги ҳамда тембр воситаларининг

хилма-хиллиги б-н ажралиб туради. Чигатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталади.

УСТА ОЛИМ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов туманининг «Чилтўғон» ва «Мискин» маҳаллалари худудида. Уз. 3 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. 1958 й. 8 авг.да Ўзбекистон халқ артисти *Уста Олим* Комилов (1875–1953) номи берилган. Йўналишида «Искандархўжа» жоме масжиди, маҳалла идораси, автомактаб, «Эъзоза» кафеси, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Кичик ҳалқа йўли б-н кесишган. Яқинида 1-юкумли касалликлар касалхонаси, «Шош» ресторани, «Дружба» («Дўстлик») кафеси ва саноат корхоналари бор.

УСТА ШИРИН Муродов (1879–1957.12.2) – меъмор, ганч ўймаkori; Ўзбекистон ФАнинг фажрий аъзоси (1943), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1943). Ўз ижодида ганч ўймакорлиги анъаналарини маҳорат б-н қўллаган, уларни янги мазмун ва шакллар б-н бойитган, илк бор иш фаолияти (ганч ўймакорлиги)да нақш замирида кўзгудан фойдаланди, яъни кўзгу устига ганчкори нақшлар ишлаб, жозибадорликка, ажойиб нақш жилвасига эришди.

У.Ш. 1943 й.дан Т.да. У шаҳардаги кўплаб жамоат ва маъмурий биноларни нафис ганчкорлик нақшлари б-н беади: Тошкент куранти, Навоий театри (Бухоро зали), Муқимий театри, ҳоз. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ва б.; меъмурий обидаларни таъмирлашда қатнашди. У.Ш. кўплаб шогирдлар етиштирган: Самарқанд таъмирчилар мактаби, Т. қурилиш санъ-



Уста Ширин Муродов иш устида.

ати мактаби (1940–42), Москва бадиий санъат билим юрти (1942–43), П. Беньков номидаги республика рассомлик билим юрти (1952–57)да дарс берган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Давлат мукофоти лауреати (1948). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Т. кўчаларидан бири унинг номи б-н аталади.

УСТА ШИРИН КЎЧАСИ – Собир Раҳимов ва Юнусобод туманларига қарашли Мискин, Жомий, Уста Ширин ва «Янгиариқ» маҳаллалари худудида. Уз. 3 км атрофида. Қорасарой ва Сандиққўрғон кўчалари оралиғида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. 1957 й. 20 сент.да машҳур халқ устаси *Уста Ширин* номи берилган. Йўналишида и.ч. корхоналари, дизайн, машина-созлик касб-ҳунар коллежлари, металлбаза, бозор шохобчаси, қурилиш моллари ва электр ускуналари савдо мажмуаси, «Янгиариқ» супермаркети, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Аҳмад Дониш, Шим. Олмазор, Жомий ва Широқ кўчалари б-н туташган.

УСТА ШИРИН МАҲАЛЛАСИ (Корҳожжота-1 кўч., 29) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Туркқўрғон», «Янгиариқ», «Оқибат» маҳаллалари б-н чега-

радош. 1930–46 й.ларда маҳалла худуди 20 гектардан ортиқ майдонга эга бўлган боғлардан ташкил топган. Бу боғлар асосан шайхонтохурликлар, себзорлик ва оқтепаликларнинг боғ уйлари (қ. *Боғ ҳовли*) бўлган. Ҳақиқатда маҳалла номи Корхожаота (асли Қорахўжаота) эди. 2-жаҳон уруши тугаши б-н бу боғлар хусусий уй-жой қуриш учун аҳолига бўлиб берилган. 60-й.лар охири – 70-й.лар бошида маҳалла номи ўзгартирилиб, «1-Кисловодский» деб номланган. 1992 й. машхур халқ устаси *Уста Ширин* номи берилган. Аҳолиси 3180 киши, кўп миллатли. Маҳалла худудида «Ўзэкспо-марказ», «Тошкент телерадио узатиш маркази», «Камалак-ТВ» қўшма корхоналари, 2 озиқ-овқат дўкони, ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд. Маҳаллада акад. Мурод Шарифхўжаев, педагогика фанлари д-ри Асқар Зуннунов, бастакорлар Дони Зокиров, Набижон Ҳасанов истиқомат қилган.

«УСТО» Республика махсус ижодий и.ч. уюшмаси – республика халқ амалий санъати усталарининг бирлашмаси. 1978 й.да Ўзбекистон Бадий фонди қошида амалий безак санъатини қайтадан тиклаш ва ривожлантириш, халқ усталари б-н ишлаш, уларга ижодий ишларида ҳар тарафлама ёрдам бериш мақсадида ташкил қилинган. Ўзбекистонда тасвирий ва амалий санъатни янада ривожлантиришга оид 1997 й. 23 янв. қарорига биноан ҳоз. номида қайтадан тузилди. «У.» таркибига респ. худудидаги 16 корхона бирлашган бўлиб, уларда 50 га яқин амалий санъат тури бўйича усталар ижодий меҳнат қилади. Бирлашманинг малакали усталари республикада (Олий

Мажлис Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон консерваторияси, Ўзбек миллий академик драма театри, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи ва б.), чет мамлакатларда йирик меъморий иншоотларни беазаган.

«УЧ ҚАҲРАМОН» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 10-мавзе, 212-сонли почта биноси) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Шодлик», Собиробод маҳаллалари б-н чегарадош. 1988 й. ташкил этилган бўлиб, Давлат автомобиль назорати ходимлари М.Ғашимов, М.Матчонов ва О.С. Асқаров ўз хизмат вазифаларини бажариш пайтда фожиали ҳалок бўлгани муносабати б-н уларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида «Уч қаҳрамон» деб ном берилган. Аҳолиси 5019 киши. Маҳалла худудида 2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, «Қадрдон» – нон и.ч. корхонаси, 41-оилавий поликлиника, «Меди-афарм» корхонаси мавжуд.

УЧТЕПА – илк ўрта аср қишлоқ харобаси (6–8; 10–15-а. боши) – Оқтепа майдонидаги «Мебель» дўкони ўрнида жойлашган учта тепаликдан иборат. *Бинкат* атрофидаги хунармандлар яшайдиган қишлоқ бўлиб, асосан сопол ва шиша буюмлари б-н шуҳрат қозонган. Мўғуллар истилоси (13-а.

боши)дан сўнг, 14–15-а.ларда ҳаёт қисман тикланган. 1966 й.ги Тошкент zilзиласидан сўнг шаҳар ва унинг атрофида кенг қурилиш ишлари олиб борилиши жараёнида текисланиб ташланган. Т.даги туманлардан бири У. номи б-н аталган.

«УЧТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Мағзуна кўч., 16^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ҳожиобод», «Чаманзор», «Кўркамобод», Саккокий ҳамда «Урикзор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. ташкил топган. Аҳолиси 2925 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада «Мирбобоота» жоме масжиди жойлашган. Маҳалла аҳолиси қад.дан деҳқончилик ва боғдорчилик б-н машғул бўлган.

УЧТЕПА ТУМАНИ (Фарҳод кўч., 21) – Т.даги маъмурий-худудий бирлик (6.05.2005 й. 6 майгача Акмал Икромов). 1977 й. 15



сент.да Чилонзор ва Октябрь (хоз. Шайхонтоҳур) туманларини ихчамлаштириш мақсадида, улар ҳудудида ташкил этилган. Жан. ва жан.-шарқдан Заргарлик ва Гулистон кўч. б-н бошланиб, ғарб ва шим.-ғарбда Т. автомобиль ҳалқа йўли орқали Қорақамиш каналига туташади. Майд. 2400 гектар, жумладан, кўкаламзор ерлари – 486 гектар. Аҳолиси 237,6 минг киши (2009). Кўчалар сони 481 та. Асосий кўчалари: Лутфий, Маннон Уйғур, Фарҳод, Истироҳат, Фозилтепа, Назарбек, Бешқайрағоч ва Кичик ҳалқа йўли. Туманда 53 та маҳалла ва Чилонзор 9^а, 11–15, 21–26 мавзелари мавжуд. Туман ҳудудидан *Бўзсув* ва *Қорақамиш* каналлари оқиб ўтади.

Туманда 2650 та корхона ва ташкилот, 2208 та кичик корхона ва микрофирма, 97 та қўшма корхона рўйхатга олинган. Заргарлик з-ди, нон-қандолатчилик, сут к-тлари, «Момиқ текстиль»,

«ВБД–Тошкент» хорижий корхоналари, «Фонон», «Тоштатра-сервис», «Осиё-Фуд» корхоналари, тикувчилик бирлашмаси, «Электрошчит», «Шайхонтоҳур-текстиль» қўшма корхоналари, «Ҳисоблаш техникасини таъмирлаш» корхонаси, 14 транспорт корхонаси ва қурилиш ташкилотлари мавжуд. Туманда Жаҳон тиллари ун-ти, Давлат солиқ академияси, санъат интернат мактаби, 3 та академик лицей, 6 касб-ҳунар коллежи, 32 умумий таълим мактаби, 2 спорт мактаби, 2 ўқувчилар ижодиёт маркази, 50 болалар боғчаси ва яслиси, 3 спорт мажмуаси («Кўрғонтепа», «Журжоний», «Учтепа»), 5 оилавий ва стоматология поликлиникаси, кўп тармоқли поликлиника, 4 касалхона ва диспансер бор. Туман аҳолисига 2570 дан зиёд савдо, 113 умумий овқатланиш, 431 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 98 дорихона хизмат

кўрсатади. 2 маданият уйи, 2 теннис корти, 10 сузиш ҳавзаси, 58 спорт зали, 183 спорт майдончаси, «Ватан» кинотеатри, «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғи, *Фарҳод дедҳон бозори* бор. Туманда қурилиш ишлари 1966 й.дан бошланган. Т.ни реконструкция қилиш ва ривожлантириш Бош планига мувофиқ туманда катта қурилиш ишлари олиб борилмоқда; 270-, 272-АТС, стоматология поликлиникаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, «Карвон бозори», «Ўрикзор», «Гулистон» турар жой мавзелари, болалар боғчалари, мактаблар қурилиб фойдаланишга топширилди. Фарҳод ва Маннон Уйғур кўч. кенгайтирилди. У.т.да республика аҳамиятидаги меъморий ёдгорликлардан *Чўпонота мажмуаси* (17-а.), Фозилтепа (5–10-а.лар) археология ёдгорлиги, маҳаллий маданий мерос объектдан Саидваққос масжиди ва б. сақланган.

ФАВВОРА, фонтан – Ўрта Осиё халқларининг боғ тузиш санъатига биноан азалдан чорбоғларнинг ажралмас қисми саналиб келган. Хусусан, Т.да *Кайковус чорбоғи*да ҳам Ф. бўлган (1525). Кейинги асрларда шаҳар атрофидаги айрим боғ ҳовлиларда ҳовузлар ва унинг ўртасида Ф. бўлганлиги маълум. Ҳоз. кўринишидаги Ф. шаҳарда дастлаб князь Романов саройида (1890), сўнгра А.А.Половцевга қарашли уй (ҳоз. Ўзбекистон амалий санъат музейи) ҳовлисида қурилган. 1939 й. Бешёғочдаги марказий маданият ва истироҳат боғида Ф. (меъморлар М.С.Булатов, Л.Г.Караш) барпо этилди. 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ф.лар шаҳар меъморий ансамблларида муҳим қисм бўлган. 1947 й. остки ёритиш тизими б-н жиҳозланган Ф. *Навоий майдони*да (меъморлар А.В.Шчусев, В.Е.Архангельский, Л.Г.Караш), 1952–53 й.да

*Ҳадра майдони*да (меъморлар М.С.Булатов, Л.Г.Караш) қурилди. 1972 й. ҳоз. «*Мустақиллик майдони*» метро бекати яқинида (меъморлар Н.А.Зоидов, Е.Ф.Курников), 1970–74 й.ларда ҳоз. Мустақиллик майд.да бунёд этилган Ф. мажмуаси (меъморлар: Л.Т.Адамов, Б.Зарицкий, Б.С.Мезенцев, С.Р.Одилов, Е.Г.Розанов, Ф.Ю. Турсунов) катта техник имкониятларга эга бўлиб, қатор жўмракли, ажойиб манзарали мураккаб муҳандислик иншооти ҳисобланади.

Истиқлол йилларида Мустақиллик майд.даги Ф. мажмуи қайта таъмирланди ва яна ҳам кенгайтирилди, «Юнусобод» спорт-соғломлаштириш мажмуаси (1993), «Туркистон» саройи (1993), Темурийлар тарихи давлат музейи (1996), «Жар» спорт мажмуаси (1997), Олий Мажлис биноси (1998), Банк-молия академияси (2004), Ёшлар ижодиёти саройи (2008), Эскижўва дех-

қон бозори ва б. бинолар яқинида замонавий Ф. иншоотлари қурилди.

Ҳозирда шаҳарнинг истироҳат боғлари, хиёбонлар, жамоат бинолари комплекси, саноат корхоналари, мактаб, болалар боғчалари ҳудудларида замонавий фан-техника ютуқлари асосида бунёд этилаётган турли технологик ва манзарали Ф.ни ишга тушириш, техник таъмирлаш ва б. ишлар «Шарқ шабада» ЁАЖ томонидан амалга оширилади. Бугунги кунда корхона томонидан шаҳарнинг турли туманларидаги 34 Ф.га техник хизмат кўрсатилмоқда.

ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ХИЗМАТИ – шаҳарда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Тошкент ш. бошқармаси (Т.Содиқов кўч., 20) томонидан кўрсатилади. Бошқарма 1996 й. майда ташкил этилган. Унинг томонидан кўрсатиладиган хизматлар кўлами жуда кенг бўлиб, Т.даги табиий

Эскижўва дехқон бозоридаги фаввора.

Мустақиллик майдонидаги янги фавворалар.



ва техноген фавкулодда вазиятлар, кўпоровчи-террористик ҳаракатлар оқибатида юзага келган вазиятларнинг олдини олиш, профилактика, огоҳлантириш, оқибатларни бартараф этиш тадбирларини режалаштириш ва бажарилишини назорат қилиш, аҳоли ҳаёти, саломатлиги, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофазалаш, муассаса ва корхоналар фаолияти барқарорлигини таъминлаш тадбирларини ҳам ишлаб чиқади. Бошқарма 20 дан зиёд бўлим ва бўлинмалардан иборат. Т.да 1999 й.да тезкор ёрдам 911 «Қутқарув хизмати» (ҳоз. 050 «Қутқарув хизмати») ташкил этилган.

«ФАЙЗ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ (Массон кўч., 1) – мебель ишлаб чиқарувчи етакчи компания. «Маҳаллий саноат» компаниясининг бир неча корхоналари негизда ташкил этилган. Бош корхонаси ошхона жиҳозлари ва б. мебеллар ишлаб чиқарадиган мебель з-ди негизда вужудга келган ва 1979 й. июль ойида дастлабки маҳсулотини ишлаб чиқарган. 1987 й.дан Т. мебель ва ёғочни қайта ишлаш «Комфорт» и.ч. бирлашмаси таркибида. 1991 й. 1 янв.дан «Файз» мебель ва ёғочни қайта ишлаш и.ч. бирлашмаси. Бирлашма 1994 й. 1 дек.дан «Файз» очиқ турдаги акциядорлик жамиятига, 1998 й. 1 янв.дан «Файз» холдинг компанияси ОАЖга айлантирилди. 1999 й. апр.да хорижий инвестицияли корхона сифатида Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтди.

Таркибида 22 та корхона бор. Уларнинг 15 таси мебель ва ёғочни қайта ишловчи саноат корхоналари бўлиб, шулардан 8 таси Жаҳон банки, Венгрия, Малайзия, Германия, БАА, Словения, Италия ва Жанубий Ко-

рея давлатлари ишбилармонлари иштирокида тузилган махсус мебель жиҳозлари ва ёғочга қайта ишлов берувчи кўшма корхоналардир. Қолган 7 таси савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳисобланади. Компанияда, асосан, уй, ишхона жиҳозлари, мактаб, офис мебеллари, болалар спорти, меҳмонхоналар учун турли мебеллар, мебель учун газмоллар, уй пардалари, ҳар хил истеъмол моллари и.ч. йўлга қўйилган. Компания корхоналари илғор хорижий технологиялар б-н жиҳозланган. Ўрта Осиёда ягона бўлган ламинацияланган ДСП тахталари ишлаб чиқарадиган корхона фаолият кўрсатади. Маҳсулотлари чет элларга экспорт қилинади. Йиллик и.ч. ҳажми 9807495 минг сўм, экспорт ҳажми 328000 АҚШ долларга тенг (2007). Халқаро кўрғазмалар иштирокчиси. Туркманистонда ваколатхонаси, Қозоғистоннинг Тароз ш.да савдо уйи бор. Компанияда 1 мингдан ортиқ киши меҳнат қилади. Компания таркибида «Файзли оила» МЧЖ фаолият юритади. У ишчи-хизматчиларнинг соғлигини тиклашга имконият бериши б-н бирга, ўқув м-злари, тикувчилик, кулинария бўйича курслар ҳам ташкил этган. Компаниянинг Т. денғизи бўйида «Ором» дам олиш маскани бор. **ФАЙЗИБОД КЎЧАСИ** – Миробод туманининг «Файзиобод» маҳалласи ҳудудида. Фарғона йўли кўчаси ва Файзиобод 1-тор кўчаси оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Гулистон кўч. деб юритилган. 1968 й. 21 майда Файзиобод номи берилган. Йўналишида Т. шаҳар йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармасининг Имтиҳон олиш ва қайд этиш бўлими, ту-

ман ёнғинга қарши кураш бошқармаси, Геодезия ва харитаграфия корхонаси, нотариус, маҳалла идораси, кичик корхоналар, савдо шохобчалари, милиция таянч пункти, шахсий турар жой бинолари ва б. жойлашган. Таркибида 12 тор кўч. бор. Йўналишида Бешкент кўчаси б-н туташган.

«ФАЙЗИБОД» МАҲАЛЛАСИ (Файзиобод кўч., 43^а-уй) – Миробод туманидаги маҳалла. «Оқуй», «Мустақиллик», «Билимдон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил тоган. 1955 й. Т. аэропортининг кенгайтирилиши муносабати б-н, унинг атрофидаги қишлоқлар кўчирила бошланган. Жумладан, «Қизил Қўйлиқ» қишлоғи аҳолиси ҳоз. маҳалла ҳудудига кўчирилиб, «Гулистон» маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 4000 га яқин киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида ҳашар йўли б-н ўрта мактаб, 2 та чойхона, маҳалла гузари қурилган.

ФАЙЗУЛЛАЕВ Ортиқ (1933.1.5) – ёғоч ва суяк ўймаkori, Ўзбекистон БА акад. (1999). Ўзбекистон халқ рассоми (1997). Т.да туғилган. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини (1957) ва Тошкент пед. интени (1969) тугатган. 1962 й.дан

О.Файзуллаев. «Кунгабоқар» ва «Лазги ўйини» қаламдонлари (суяк ўймакорлиги).



П.Беньков номидаги рассомлик билим юртида ўқитувчи. Ф. ёғоч ўймакорлиги аънаналаридан кенг фойдаланиб, замон руҳига монанд ўзига хос янги жило ва безаклар яратди. Курси, хонтахта, столларни ўйма нақшлар б-н жозибадор беаган, намоён панжаралари бежирим, нафислиги б-н ажралиб туради. Ф. – ўзбек усталари орасида суяк ўймакорлиги б-н шуғулланган ягона уста. «Чўпон», «Лазги ўйини», «Курант», «Навоий ҳайкали», «Пахта ўйини» ва б. асарлари кўргазмаларда совринлар б-н тақдирланган. Ф. Тошкент ш.даги Навоий номидаги Адабиёт музейи (1968), «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970), Навоий номидаги Санъат саройи (1981), «Ўзбекистон» меҳмонхонаси (1983) ва б. биноларни аънавий безашда фаол қатнашган.

ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА И.М. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти (Иброҳим Мўминов кўч., 9) – 1958 й. Ўзбекистон ФА Президиуми ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ бўлими асосида Т.да ташкил этилган. 1975 й. ин-тга И.М.Мўминов номи берилган. Фалсафа ва ҳуқуқ фанлари соҳасида и.т.лар олиб боради. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатчилик ва фу-

қаролик жамияти асосларини шакллантириш, миллий истиқлол гоёси ва уни сингдириш муаммоларини тадқиқ этиш, шу соҳаларда юқори малакали ходимлар тайёрлаш ин-тнинг асосий вазифасидир. Ин-т таркибида 8 та бўлим ва лаб., д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш, аспирантура, докторантура бор. Ин-тда 74 илмий ходим, жумладан, 27 фан д-ри, 14 фан номзоди ишлайди (2009). Ин-т Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти б-н ҳаммуассисликда «Фалсафа ва ҳуқуқ» журн.ни нашр этади.

ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ (Ойбек кўч., 45) – олий маълумотли фармацевтлар, биотехнологлар, фармацевт-педагоглар, фармацевт-муҳандислар ва космецевт-технологлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1937 й.да ташкил этилган. 3 ф-ти (фармация, саноат фармацияси, провизорлар малакасини ошириш), 22 каф., марказий и.т. лабораторияси, кутубхона (450 минг асар), шунингдек, Ахборот технологиялари ва масофадан ўқитиш маркази ва ҳ.к. бор (2008). 2006/07 ўқув йилида клиник фармация йўналиши ҳамда космецевт-технолог кадрлар тайёрлаш ташкил қилинди.

2007/08 ўқув йилида ин-тда 1530 талаба ўқиди, 1000 дан зиёд мутахассислар

малакасини оширди. Ин-тда 200 дан ортиқ проф. ўқитувчилар ва илмий ходимлар, жумладан, 24 фан д-ри ва проф., 86 фан номзоди ва доцент фаолият кўрсатади. Ин-тдаги илмий тадқиқотлар, асосан, маҳаллий табиий ўсимлик ва минерал хомашёлардан дори олиш, самарали технологиялар яратиш, замонавий стандартлаш усулларини ишлаб чиқиш, шунингдек, фармация ишини ташкил этиш, дори-дармонлар маркетингини ўрганиш муаммосини аниқлашга қаратилган. Ин-т таркибидаги дори воситаларини стандартлаш илмий м-зида дори воситаларининг сифатини назорат қилиш ва стандартлаш, фармако-токсикологик изланиш лаб., шунингдек, тиббий маҳсулотларни сертификациялаш бўлими, замонавий таҳлил усуллари бўйича ўқув тренинг м-зи, Ахборот-патент ва илмий услубий бўлим мавжуд. Ин-тда «Коамид», «Ферамид», «Кобальт-30», «Купир», «Навбахтит», «Тозаланган мумиё» ва б. дорилар ихтиро қилиниб, амалиётга татбиқ этилган. Ин-тда илмий тўпламлар, услубий қўлланмалар ва «Фармацевтика» журн. нашр этилади.

ФАРФОНА ЙЎЛИ КЎЧАСИ – Миробод ва Ҳамза туманлари ҳудудий чегарасида жойлашган қад. ва марказий кўчалардан бири. *Кичик ҳалқа йўли* ва *Катта ҳалқа йўли* оралиғида. 18-а. – 19-а.нинг 1-ярмида Кўқон йўли карвони йўналишида жойлашгани учун халқ тилида Кўқон йўли деб аталган. 1865 й. чор Россияси истилосидан сўнг Қўйлик проспекти, 1936 й. Қўйлик шоссесининг биринчи ярмига Куйбишев шоссеси, 1968 й 29 мартдан Қўйлик шоссеси ва Куйбишев шоссеси бирлаш-



Тошкент фармацевтика институти.

тирилиб, унга В.В.Куйбишев (шўро тузумининг давлат арбобларидан бири) шоссеси номи берилган. 1992 й. 7 майдан Фарғона йўли деб юритилади. Уз. 7 км атрофида. Йўналишида «Шарқ Юлдузи», «Олтинкўл», «Оқ уй», «Парвона», «Баротхўжа», «Билимдон», «Катта Қўйлиқ», «Муқимий», «Қўйлиқота», «Бунёдкор», «Иқбол», «Жарқўрғон», Мухтор Ашрафий, Жўрабек ва «Янги давр» маҳаллалари, Ҳамза туман ҳокимлиги ва унинг айрим бўлимлари, «Электроаппарат», «Лакбўёқ колорсинтхс» корхоналари, Миробод деҳқон бозорининг «Фарғона» шохобчаси ва Қўйлиқ буюм бозори, тепловоз депоси, контейнер юклари ни ташиш корхонаси, Хитой савдо м-зи, қурилиш материаллари савдо м-зи, хусусий корхоналар, кафе-ресторанлар, «Жўрабек» жоме масжиди, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари, сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Мустақиллик йиллари кўчада кенг реконструкция ишлари олиб борилди. Кўча энига кенгайтирилиб, барча турдаги автотранспорт воситалари ҳаракати учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Йўналишдаги эски кўприклар ўрнига замонавий янги кўприклар қурилди. 1996 й. Қўйлиқ бозори атрофидаги Катта ҳалқа йўли б-н туташ жойда янги кўприк бунёд этилди. Кичик ҳалқа йўли, Фитрат, Мухтор Ашрафий, Жарқўрғон, Файзиобод, Билимдон, Янги Қўйлиқ, Толариқ кўчалари б-н туташган.

«ФАРҒОНИЙ» МАҲАЛЛАСИ (Йўлдош-б мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Йўлдош», «Ёрқин ҳаёт» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. ташкил топ-

ган. Шу йилдан «Йўлдош» номи б-н аталган. 1998 й. маҳалла ҳудуди иккига бўлиниб, «Ал-Фарғоний» маҳалласи ташкил этилган. Аҳолиси 8150 кишидан иборат бўлиб, руслар кўпчиликини ташкил этади. Маҳалла 1966 й.даги зилзиладан сўнг қурилганлиги сабабли унинг ҳудудидаги уйлар россиялик қурувчилар учун берилган. Маҳалла ҳудудида туман бўлимлари, касалхона, 2 та мактаб, касбунаар коллежи мавжуд.

ФАРҲОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Чилонзор-9-Г мавзеси) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилувчи йирик бозор. 1971 й.да ташкил этилган, 1996 й.дан ОАЖ. Бир неча марта таъмирланган, 2003 й. бозорнинг 2-навбати қурилиши тугалланиб, фойдаланишга топширилган. 2008 й. «Тошгипрогор» ин-ти лойиҳаси асосида сўнги бор реконструкция қилинди. Бозорнинг умумий майд. 42587 м². 2654 савдо жойи бўлиб, шундан 2488 таси қ.х. маҳсулотлари савдоси учун ажратилган. Бозорда хўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, пишириқлар ва миллий қандолатчилик, нон маҳсулотлари, зиравор ва дориворлар, кўкатлар, гуллар ва б. б-н савдо қилинади. Бозор ҳудудида сааноат моллари, озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Бозорда аҳолига қулайлик яратиш

мақсадида маҳсулотлар турлари учун алоҳида ажратилган расталар ташкил этилган, бир неча тими бор. Бозорнинг Маннон Уйғур кўчасида 230 ўринли «Кўкча Оқтепаси» шохобчаси жойлашган.

ФАРҲОД КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудида. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири. *Кичик ҳалқа йўли* ва *Журжоний кўчаси* оралиғида. Уз. 3 км атрофида. Кўчанинг 1-навбати 1959 й., 2-навбати 1970-й.ларнинг бошларида ташкил топган. Йўналишида Учтепа туман ҳокимияти, Чилонзор 9^а, 12^а, 13-, 15-, 21-мавзелари, «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғи, Фарҳод деҳқон бозори, тўйхона ва ресторанлар, ярмарка, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, «Бойтекс» қўшма корхонаси, наркология диспансери, маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ташқи реклама воситалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Йўналишида Мақсуд Шайхзода, Лутфий, Фозилтепа кўчалари б-н туташган. Мустақиллик йиллари кўча йўналишида кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Кўча бўйлаб икки ёқлама барча турдаги автотран-

Фарҳод деҳқон бозори.
Асосий дарвозаси.



спорт воситалари ҳаракати йўлга қўйилган. Кўчанинг Журжоний кўчаси б-н туташ жойидан Қуйи Бўзсув канали ўтган.

ФАРҲОД МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор, 23-мавзе, 46) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Тинчлик-обод», «Ватанпарвар» ва «Найман» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й.дан «Тинчлик» номи б-н аталган, 2005 й. маҳалла 2 қисмга («Фарҳод» ва «Тинчлик-обод») бўлинган. Аҳолиси 5871 киши. Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, ресторан, 2 та кафе, 5 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, интернет клублар, тиббий клиника мавжуд.

ФАХРИДДИНОВ Муҳаммадамин (1894–1941) – ўзбек маърифатпарвари, педагог. Т.да туғилган. Мадраса ва 2 босқичли рус-тузем мактабини тугатган. 1913–17 й.ларда Т.даги рус-тузем мактабларидан бирида ўқитувчи. Окт. тўнтариши (1917) дан сўнг ўзбек мактабларида ўқитувчилик қилган. Янги усул мактаблари учун ўзбек тили дарслиги («Туркча қоида»), алифбе китоби («Раҳбари аввал»), географиядан қўлланма («Жуғрофия риёзий») ёзган. «Туркча қоида» (1913, Тошкент) мактаб дарслиги бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган. «Раҳбари аввал» (1917, Тошкент) усули маддия (ҳарфларнинг номига унли товушлар қўшиб, чўзиб бўғин ҳосил қилиш)даги биринчи расми ўзбек алифбесидир.

ФЕДОРОВИЧ КЛИНИК САНАТОРИЙСИ (Амир Темурашшоҳқўчаси, 39) –1926 й. мустақил физиотерапия амбулаторияси сифатида ташкил этилган. 1936 й. шу амбулаторияда 50 ўринли шаҳар физиотерапия клиник касалхонаси ҳам очилган. Унга

Ф.Хўжаев номи (1937 й.гача) берилган. 1966–92 й.ларда «Тошсовет» номи б-н аталган. 1992 й.дан проф. Э.И.Отахонов номи берилган. 1973 й. касалхона таркибидаги амбулатория мустақил шаҳар физиотерапия поликлиникасига айлантирилган ва ундан ажралиб чиққан. Амбулатория ва касалхонага Тошкентда физиотерапия хизматининг ташкилотчиларидан бири М.М.Федорович асос солган. 1996 й. санаторий ташкил топганлигининг 70 й.лиги муносабати б-н унга «М.М.Федорович номли шаҳар тиббий тикланиш ва физиотерапия маркази» номи берилган. 1999 й. дан «М.М.Федорович клиник санаторийси» МЧЖга айлантирилган.

Санаторийда терапия-пульмонология ва гастроэнтерология, неврология (болалар ва катталар неврологияси), бальнеофизиотерапия каби даволаш бўлимлари; гинекология, стоматология хоналари ва б. мавжуд. Санаторийда йилига 6000 га яқин бемор даволанади. 100 турдан ортиқ физиотерапия муолажалари ўтказилади. Санаторий шаҳар физиотерапия хизматининг ўқув м-зидир. Унда шаҳардаги ўрта тиббиёт ходимлари ҳамда Боровский номидаги тиббиёт коллежи ўқувчилари малякасини оширадилар.

ФЕНОЛОГИК КАЛЕНДАРЬ – табиатдаги турли ҳодисаларнинг муайян мавсумдаги ойлар ичида бошланиш ва тугаш вақтини кўрсатадиган календарь.

Т.да ҳам Ўрта Осиёнинг аксари қисмидаги каби иқлим мавсумлари яққол намоён бўлмайди. Икки давр: иссиқ ва совуқ даврлар яхши фарқланади. Ҳар бир ой ҳар йили такрорланадиган маълум об-ҳаво шароитлари б-н тавсифланади. Ўртача

суткалик ҳаво т-расининг 5°C дан юқорига кўтарилиши барқарор бўлгач (бу муддат ўртача олганда март ойининг бошланишига тўғри келади), аксари ўсимликлар ўз вегетация (ўсиш) даврини бошлайди, шунинг учун Ф.к.нинг бошланиши Т.да март ойига тўғри келади.

Ўзбекистонда баҳорда совуқ ҳаво мавжларининг (тўлқинлари) тамом бўлиш саналари куйидагича: а) 18–24 мартга, энг кечкиси эса 4–8 апр.га тўғри келади; б) 26–31 март, кечкиси 12–16 апр.да бўлади; в) 9–15 апр., кечкиси 26–30 апр.; г) 24–30 апр., кечкиси 11–15 майда кузатилади. Бу даврларда шаҳримиздаги ўсимликларнинг аксари қисми қорасовуқдан зарар кўради.

Шаҳарда қорасовуқсиз давр давомийлиги ҳавода 235 кунни, тупроқда эса 184 кунни ташкил этади. Куз фаслида ҳавода 1-қорасовуқнинг энг эртангиси 10 окт.га тўғри келади ва энг юқори қорасовуқ эса 1971 й.да 22 дек.да кузатилган.

Қорасовуқдан зарар кўрадиган ўсимликларнинг манфий ҳароратдан зарар кўрадиганлари: бошоқли дон экинлари ва нўхатнинг униб чиққан навлари –8°, –10°; кунгабоқар, лавлаги ва сабзи эса –5°, –7°; соя, редиска –3°, –5°; маккажўхори, картошка –2°, –4°; бодринг, помидор, ловия 0,5–2°. Токнинг баҳорда куртак ёзишидан олдин –1°, –1,5°, гул куртак учун –1° бўлса ҳалокатли ҳисобланади, гули ва ғунчаси эса –0,5° дан зарар кўради.

Т. боғлари учун хавфли метеорологик ҳодисаларнинг асосийлари илиқ даврда – қорасовуқлар, қурғоқчилик, қуруқ иссиқ шамол – гармсел, чангли бўронлар, дўл, кучли жала-лар, қишда эса, қаттиқ совуқлар, яхмалак, муз қатқалоқла-

ри, қорсизлик ёки қалин қор қоплами ва б.дан иборат. Булар, ўз навбатида, шаҳарнинг фенологик календарини меъёр муддатларидан четлашишига, яъни эрта ёки кеч келишига олиб келади.

Март. Ўртача ойлик т-ра 8,5°, мутлақ минимум т-ра – 19,6° (1898), мутлақ максимум т-ра 32,5° (1971). Ўртача ойлик ёғин миқдори 72 мм. Пиёзбошли ўсимликларда барг ва гунчалар пайдо бўлади. Боғ ва хиёбонларда капалакгул, пушти ва оқ дастаргул, оқтерак, кейинроқ қайрағоч, олча, ўрик, шафтоли, олхўри гуллайди; қўзиқоринлар пайдо бўла бошлайди. Қушлардан жиблажибон, қалдирғоч, қораузонқанот, сассиқпопишак, чуғурчуқлар учиб келади. Қишки мавсум қушлари (гўнқарға, олақарға) учиб кетади. Сувда ва қуруқда яшовчилар (кўл бақаси, яшил қурбақа) ва судралиб юривчилар (билакузуклар, сариқилон, сувилон), сутэмизувчилардан кўршапалак уйқудан уйғонади. Балиқлар увилдирик (икра) ташлайди. Ҳашаротлар кўрина бошлайди. Асаларилар инларидан чиқади, зағизгонлар уя қуришга киришади.

Апрель. Ўртача ойлик т-ра 15,4°, мутлақ минимум т-ра – 6,3° (1913), мутлақ максимум т-ра 35,4° (1912). Ўртача ойлик ёғин миқдори – 64 мм. Аксари ёмғир (жала), кўпинча, момақалдиروқ бўлиб, ёмғир дўл аралаш ёғади, кучли шамол эсади, баъзан, қор ёғиши мумкин. Қорнинг энг сўнгги эриш вақти 1920 й. 27 апр.да қайд этилган. Дарахтлар, ток барг ёзади. Гилос, олча, нок, беҳи, сирень, атиргул, лола гуллайди. Уя солувчи қушлар (заргалдоқ, қарқуноқ, булбул, мойқутнинг гала бўлиб учиб кели-

ши, олақарға, гўнқарға, саваларнинг учиб кетиши тугалланади. Шалпангқулоқ типратикан қишки уйқудан уйғонади. Қораюлоқлар уя ясай бошлайди. Сув ҳавзаларида ниначи личинкалари пайдо бўлади.

Май. Ўртача ойлик т-ра 20,3°, мутлақ минимум т-ра – 1,7° (1989), мутлақ максимум т-ра 39,5° (1961), бироқ об-ҳаво турғун бўлмайди. Кўпинча, момақалдироқ бўлиб, дўл, кучли жала ёғади, тез-тез кучли шамол эсади. Ўртача ойлик ёғин миқдори – 32 мм. Бульденеж, қирқоғайни, ясмин, атиргул, пион, гулсапсар, цикорий, ток, жийда гуллайди. Қулупнай, гилос пишади. Пушти чуғурчуқлар учиб келади. Қизиштиштон, сассиқпопишак, кўкқарға, чивин-толқунец, зараркунанда ҳашаротлар пайдо бўлади.

Июнь. Ўртача ойлик т-ра 25,6°, мутлақ минимум т-ра 3,8° (1924), мутлақ максимум т-ра 42,5° (1900). Ойлик ўртача ёғин миқдори – 7 мм. Ой бошларида жалали ёмғирлар, момақалдироқ, дўл бўлиб туради. Ўрик, олча, гилоснинг кечки навлари, олма, шафтоли, нок, узум, полиз экинларининг эртанги навлари пишади. Илонгул (гладиолус), итоғиз, чиннигул, картошкагул (георгина) ва б. гуллайди. Ҳашаротхўр қушлар (қалдирғоч, жарқалдирғоч, чуғурчуқ, майна, заргалдоқ, кўкқарға, булбул) тухумидан жишбола очиб чиқади. Кечқурунлари булбул ва б. сайроқи қушларнинг овози тинмайди.

Июль. Ўртача ойлик т-ра 27,6°, мутлақ минимум т-ра 8,2° (1946), мутлақ максимум т-ра 44,6° (1997). Тупроқ қатламининг юзаси очик ерларда 70° гача қизийди. Осмон булутсиз, ҳаво намлиги кам. Ўртача ойлик ёғин миқдори – 4 мм. Шафтоли, то-

голча, нок ва узум пиша бошлайди. Айлант (сассиқ дарахт), ленкоран акацияси гуллайди, қашқаргул (астра), тизимгул, настурция (лотин чечаги), зафаргул ва б. очилади. Қушлар туллайди. Қуш болалари уяларини тарк эта бошлайди. Жарқалдирғочлар учиб кетади.

Август. Ўртача ойлик т-ра 25,5°, мутлақ минимум т-ра 5,6° (1968), мутлақ максимум т-ра 43,1° (1944). Ўртача ойлик ёғин миқдори – 2 мм. Узум, шафтоли, олхўри, олма ва б. фарқ пишади. Заргалдоқ, бўздоқ каби қушлар учиб кета бошлайди. Капалаклар, қора чигиртка, қўнғизлар ҳамон кўп учрайди.

Сентябрь. Ўртача ойлик т-ра 20°, мутлақ минимум т-ра 0,1° (1973), мутлақ максимум т-ра 39,8° (1975). Ўртача ойлик ёғин миқдори – 4 мм. Олма, узумнинг кечки навлари, ёнғоқ, беҳи, анор, дўлана мевалари, анжир, наъматак ва б. пишиб етилади. Хризантеманинг эртаки навлари, гултожихўроз гуллайди. Гўнқарға, олақарға учиб келади, қизилтуш, сайроқи қушлар кўрина бошлайди. Шаҳар атрофи худудларида беданалар кўп учрайди. Қарқуноқ, қалдирғоч, булбул, ҳашаротхўр қушлар, мойқут, жиблажибон, кўкқарға жан.га кета бошлайди. Бақаларнинг қуриллаши камаяди.

Октябрь. Ўртача ойлик т-ра 13,3°, мутлақ минимум т-ра – 11,4° (1909), мутлақ максимум т-ра 39,8° (1973). Ўртача ойлик ёғин миқдори – 34 мм. Заранг, акация, қайрағоч, гледичия, дуб, оқтерак, чинор ва б. барглари тўкила бошлайди. Қушларнинг кўплаб учиб кетиши бошланади. Савалар пайдо бўлади, далалардаги гўнқарға, зоғча, олақарғалар шаҳарда тунай бошлайди.

Ноябрь. Ўртача ойлик т-ра 7,8°, мутлақ минимум т-ра -22,1° (1954), мутлақ максимум т-ра 30° (1979). Ўртача ойлик ёгин миқдори – 45 мм. Дарахтларнинг барглари сарғаяди ва кўнғир рангга киради, баргларнинг тўкилиши тугалланади. Об-ҳаво қулай келган вақтларда вегетация даври давом этади. Дуб, чинор барглари яшил-лиги совуқ тушгунга қадар сақланади. Шаҳарда гўнғарга, олақарга, зоғча, дала чумчуқлари, сава, сўфитўрғай, майна, читтаклар тез-тез кўриниб туради. Кўршапалаклар қишки уй-куга кетади.

Декабрь. Ўртача ойлик т-ра 3,4°, мутлақ минимум т-ра -29,5° (1930), мутлақ максимум т-ра 25,9° (1989). Ўртача ойлик ёгин миқдори – 53 мм. Қарга, зоғча, қизилтўш ва б. шу каби қушлар шаҳарда тунайди. Шаҳар атрофида сўфитўрғай, зағизғон, майна ва читтак, қизилқум чумчуғи кўплаб учрайди.

Январь. Ўртача ойлик т-ра 0,6°, мутлақ минимум т-ра -29,5° (1930), мутлақ максимум т-ра 22° (1966). Ўртача ойлик ёгин миқдори – 54 мм. Қор қопламанинг максимал қалинлиги – 54 см (1969). Қушлардан, асосан, қизилиштон, читтак, зоғча, олақарга, гўнғарга, чуғурчуқ, сўфитўрғай, қорашақшақ ва б. учрайди.

Февраль. Ўртача ойлик т-ра 2,5°, мутлақ минимум т-ра -25,7° (1900), мутлақ максимум т-ра 25,6° (1963). Ёмғир ва қор ёғади. Ўртача ойлик ёгин миқдори – 47 мм. Баъзи мевали дарахтлар танасида сув юра бошлайди. Майсалар пайдо бўлиб, бинафша, қоқиўт, бойчечак, туятовон (кўка), бодом ва б. гуллайди. Сўфитўрғай шаҳардан учиб кетади, зоғча, олақарга ва б. сони кун сайин камайиб боради. Бу

қушлар аста-секин шим.га учиб кета бошлайди. Дастлаб учиб келган жиблажибонлар кўрина бошлайди. Илиқ кунлар очик ерларда калтакесаклар офтобда исинади.

«ФЕРУЗА» – Мирзо Улуғбек туманининг шим.-шарқдаги даҳа, шим.-шарқий лойиҳалаштирилган район таркибида. 1991 й.гача Шимоли-шарқ турар жой массиви деб аталган. Темур Малик ва Феруза кўч. оралиғида жойлашган. Т. – Хўжакент т. й. тармоғи б-н чегараланади. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1966 й. бошланган. Лойиҳа муаллифлари – А.С.Апарин, М.Я. Аксенова ва б. Даҳада, асосан, 4–5 қаватли турар жойлар қурилган. Мактаб, болалар боғчалари, маиший хизмат муассасалари, савдо дўконлари, истироҳат боғи, «Феруза» кинотеатри, спорт иншоотлари бор. Даҳада *Акушерлик ва гинекология илмий маркази* ва 4-таксопарк жойлашган.

ФЕРУЗА КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек туманининг «Феруза» даҳасида. Мирзо Улуғбек ва Юзработ кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 1966 й. Тошкент зилзиласидан сўнг, аҳоли учун турар жой мавзеси қурилиши муносабати б-н ташкил топган. 1972 й. Владимир Қодиров номи берилган. 2005 й. 10 окт.дан Феруза (қимматбаҳо минерал номи) кўчаси деб юритилади. Йўналишида Феруза 1–3-мавзелари, «Феруза» к/т, 205-мактаб, «Катта Яланғочота» маҳалла гузари, идораси, ёнилги қуйиш шохобчаси, «Суғдиёна» кафеси, гўзаллик салони, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари ва шохобчалари, ташқи реклама воситалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, кўп қаватли турар

жой бинолари ва б. жойлашган.

«ФЕРУЗА» **МАҲАЛЛАСИ** (Феруза мавзеси, 52–56-уйлар оралиғида) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Яланғочота, «Шалола», Мунавварқори маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Илгари «Северо-Восток» (Шим.-Шарқ) мавзеси деб номланган. Аҳолиси 4680 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 8 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида ўрта мактаб, болалар боғчаси бор.

ФЁДОРОВ Владимир Иванович (1955.5.1 – 1979.11.8) – футболчи, халқаро тоифадаги спорт устаси (1976). Т. вилоятида туғилган. Т.даги олимпия захиралари билим юртини тугатган (1972). «Пахтакор» жамоасида ҳужумчи (1972–79). Олий ва биринчи лига ўйинларида 187 (108+79) марта майдонга тушиб, 58 (26+32) тўп киритган. 1974 ва 1976 й.да мамлакатнинг энг кучли 33 футболчиси рўйхатидан жой олган. Ёшлар терма жамоаси таркибида Европа чемпиони (1976), олимпия терма жамоаси сафида олимпиада бронза медали совриндори (1976, Монреаль). Авиация ҳалокати туфайли вафот этган. Днепродзержинск ш. яқинидаги Куриловка қишлоғидан келтирилган рамзий ҳоки Т.даги Боткин кўчасидаги қабристонга дафн этилган. Т.даги кўчалардан бирига унинг номи қўйилган.

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА «Физика-Қуёш» илмий и.ч. бирлашмаси Физика-техника институти (Бодомзор йўли кўч., 2^б-уй) – 1943 й. ташкил этилган. Ўзбекистон ФА «Физика-Қуёш» илмий и.ч. бирлашмасининг (1987 й. ташкил қилинган) бош ташкилоти. Ин-т

4 йўналиш: юқори энергиялар ва космик нурлар физикаси, ярим ўтказгичлар физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, қуёш энергиясини ўзгартириш бўйича и.т. ва илмий-техника ишлари олиб боради. Ин-т таркибида 10 илмий лаб., кутубхона (100 мингдан ортиқ асар), патентлаш ва ахборот бўлими, фотобатарейлар цехи, тажрибавий-и.ч. бўлими, аспирантура ва докторантура, д-рлик илмий даражасини бериш ҳуқуқига эга бўлган 2 ихтисослаштирилган илмий кенгаш бор. Ин-тда пилот қурилмаларнинг намуналари бўлган ноёб объект – гелиополигон мавжуд. Ин-тда 1965 й.дан бери «Гелиотехника» журн. нашр этилади. Ин-тда 76 илмий ходим, жумладан, 5 акад., 17 фан д-ри, 35 фан номзоди ишлайди.

ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Физиология ва биофизика институти (Қорақамиш кўч., 1) – 1975 й. Зоология ва паразитология ин-тининг физиология бўлими негизда Тошкент ш.да ташкил этилган. Дастлаб Физиология ин-ти деб номланган. 1985 й.дан хоз. номда. Ин-тдаги и.т.ларнинг асосий йўналишлари: организмнинг тирлик тизимлари тузилиши ва фаолиятининг физик-кимёвий асосларини ўрганиш; ионлар ва метаболитлар транспортининг молекуляр механизмларини, ион каналлари ва рецепторларнинг тузилиши ва функциясини тадқиқ қилиш ва б. Ин-т таркибида 7 лаб., кутубхона (4 мингдан зиёд асар) бор. Шунингдек, ин-тда аспирантура, Ўзбекистон физиологлари жамияти фаолият кўрсатади. Ин-т қошида ЎЗМУнинг одам ва ҳайвонлар физиологияси ва биофизика каф.лари, Тошкент пед. ун-тининг ботаника ва

ҳужайра биологияси каф.нинг филиаллари очилган. Ин-тда одам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларидан д-рлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 32 илмий ходим, жумладан, 1 акад., 10 фан д-ри ва 12 фан номзоди ишлайди.

ФИРДАВСИЙ МАҲАЛЛАСИ (Фирдавсий-3 кўч., 27) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Шайх Шиблий, Мирзо Улуғбек, «Мингўрик», «Бодомзор», «Оққўрғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1924 й. ташкил топган. 1978 й. шоир, мутафаккир Абулқосим Фирдавсий (934–1030) номи берилган. Аҳолиси 6996 киши, турли миллат вакилларидан иборат. Маҳаллада касб-хунар коллежи, ахборот-ресурс м-зи, Тошкент ахборот технологиялари ун-тининг 2-сонли лицейи жойлашган. Маҳаллада акад. Иброҳим Ҳамробоев яшаган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов шу маҳаллада истиқомат қилади.

ФИТРАТ (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдурауф Абдурахим ўғли) (1886–1937.4.10) – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, давлат ва жамоат арбоби. Проф. (1924). Бухородаги Мир Араб мадрасасида ва Истанбул ун-тида ўқиган. «Ёш бухороликлар» ҳаракатининг сўл қанотига бошчилик қилган (1914). Москвадаги Шарқшунослик и.т. ин-тида, Самарқанддаги Олий педагогика ин-тида, Т.даги Тил ва адабиёт ин-тида ишлаган. «Қиёмат» қиссаси (1923), «Бедил» фалсафий очерки (1927), «Заҳронинг имони» (1928) ҳикояси, «Чин севиш» (1920), «Ҳинд ихтилочилари» (1923), «Абулфайзхон» (1924), «Арслон» (1926) ва б. драмалар муаллифи. Ф. ўзбек тили ва адабиётининг назарий методологик

масалалари бўйича тадқиқотлар олиб борган. 1917–23 й.ларда «Бегижон», «Қон», «Темур сағанаси», «Або Муслим», «Ўғизхон» каби тарихий мавзуда пьесалар ёзган. «Тўлқин» опера либреттоси (1934) бизгача етиб келмаган. Ижтимоий-ҳуқуқий, диний ва маърифий мавзуларда ҳам асарлар ёзган («Раҳбаринажот», «Оила» ва «Мавлуди шариф ёки Миръоти хайр улбашар», 1914–16; «Ўқу», «Шарқ сиёсати» ва «Йиғла, Ислом», 1917–20; «Мухтасар ислом тарихи», 1925). Миллий тил ва маданият ривожини учун курашган. Сталин истибдодининг беғуноҳ қурбони бўлган. Оқлангандан сўнг «Абулфайзхон» драмаси «Шарқ юлдузи» журн.да босилди (1989). Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1991). Т.даги кўчалардан бири, маҳалла Ф. номига қўйилган.

ФИТРАТ КЎЧАСИ – Миробод туманининг «Навбахор», «Фитрат», «Сарикўл», «Олтинкўл» ва «Қорасув» маҳаллалари ҳудудида. Фарғона йўли ва Абу Сулаймон Банокатий кўчалари оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб «Янги йўл» («Новый путь») номи б-н юритилган. 1990 й. 28 июнда ўзбек ёзувчиси, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф *Фитрат* номи берилган. Йўналишида Миробод туманички ишлар бошқармаси, Т. гўшт-сут ком-ти, 5-туғуруқхона, 72-алоқа бўлими, 154- ва 158-мактаб, 294-боғча, фирма ва компания офислари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ФИТРАТ МАҲАЛЛАСИ (Сарикўл кўч., 34) – Миробод туманидаги маҳалла. «Сарикўл», «Навбахор», «Қорасув» маҳалла-

лари б-н чегарадош. 1961 й. ташкил топган. 1992 й. ёзувчи, давлат ва жамоат арбоби *Фитрат* номига қўйилган. Аҳолиси 3149 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, Фурқат номидаги маданият ва истироҳат боғи, 3 та кафе, оталар чойхонаси мавжуд.

ФОЗИЛОТА ҚАБРИСТОНИ (Яккасарой кўч.да жойлашган) – ум. майд. 8,2 гектардан ортиқ. 1910 й.дан мавжуд. Яккасарой жоме масжиди фаолият кўрсатади. Аввалги номи қабристон жойлашган даҳа номи б-н Яккасарой деб аталган. 1993 й.дан Фозилота номига қўйилган. Қабристонга 2-жаҳон уруши даврида асир тушган япон (80 нафар) ва немис (19) солдатлари дафн этилган (1946–49). Хилхона 1991 й. қайта таъмирланиб, ёдгорлик ўрнатилган. Қабристонга Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова, халқ ҳофиси Ориф Алимахсумов, акад. Собир Юнусов ва б. дафн этилган.

ФОЗИЛТЕПА, Қанғли қўрғон – археологик ёдгорлик; қўрғонли қишлоқ харобаси (мил. 4–8, қисман 10–12-а.лар). Т.нинг жан.-ғарбида, Иззасой водийсида жойлашган. Ф. сўнги *Қовунчи маданияти* ёдгорликлари сирасига киради. Қўрғонли қишлоқ Мингўриқдаги Чоч шаҳри таркибида бўлган. *Я.Фуломов* раҳбарлигидаги Т. археология отряди томонидан текширилган (1967–68). Ф.нинг сақланиб қолган бал. 20 м га яқин, унинг шим.-шарқида қишлоқ бўлиб, унинг излари 250 м гача масофада қайд этилган. Тепалик майд. 41х35 м.

Ф. илк ўрта асрларда бадавлат деҳқон қаср-кўшкни бўлган. Ф.да ўтказилган стратиграфик тадқиқотлар илк ўрта асрларда ҳаёт 2 босқичда давом этганини кўрсатди: 1) хўжалик чиқин-

дилари тўпланган қатлам ва пахса девор қурилган даври (4–7-а. боши); 2) пахса супа устига қурилган маҳобатли бино (қаср-кўшк) мавжуд бўлган давр (7-а.нинг 2-ярми – 8-а.). Тадқиқотларга кўра, қишлоқ нисбатан текис ерда (ҳар 2 ердаги материк қатлам орасидаги фарқ 0,3 м дан ошмайди) вужудга келган. Қишлоқ анча катта ҳудудни қамраб олган. Араблар юриши даврида (8-а.) вайрон бўлган, кейинчалик (10–12-а.) ҳаёт бироз жонланган. Ф. ўрнида сўнги ўрта асрларда қозоқ-қанғиларнинг кузатув жойи бўлган деган тахминлар бор. Ф.дан сирланган сопол идишлар: хумлар, хумчалар, дастали кўзалар, кўзачалар (6–7-а.) топилган.

ФОЗИЛТЕПА КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудидаги марказий кўчалардан бири. Кичик ҳалқа йўли ва Катта Қабни кўчаси оралиғида. Уз. 3 км атрофида. Дастлаб «Лойиҳа» («Проектний») номи б-н юритилган. 1965 й. 25 авг.да Х.Турсункулов номи берилган. 2006 й. 16 янв.дан Фозилтепа номида. Кўча охирида шу номдаги тарихий ёдгорлик обидаси жойлашган (қ. *Фозилтепа*). Йўналишида Чилонзор 14-, 15-, 21-, 22-, 25-турар

жой мавзелари, Тез тиббий ёрдам клиникаси, Учтепа туман ҳокимлиги, «Боғишамол» маданият ва истироҳат боғи, туман ички ишлар бошқармаси, туман халқ суди, туман «Сувсоз» трести, электр тармоғи, поликлиника, 287-мактаб, сервис хизмат кўрсатиш масканлари, маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Фарҳод ва Ширин кўчалари б-н туташган.

ФОРОБИЙ (тахаллуси; тўлиқ номи Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон Форобий) (873–950) – Ўрта Осиёнинг улуғ мутафаккири ва қомусий олими. Юнон фалсафасини чуқур билгани, унга шарҳлар битган ва жаҳонга тарғиб қилгани ҳамда замонасининг илмларини пухта ўзлаштириб, фанлар ривожига улкан ҳисса қўшгани учун «ал-Муаллим ас-соний» («Иккинчи муаллим», Аристотелдан кейин), «Шарқ Арастуси» номларига сазовор бўлган. Фалсафа, математика, физика, кимё, тиббиёт, астрономия ва б. фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган.

Ф. Сирдарё соҳилидаги Фороб (Ўтрор) деган жойда туркий қабилага мансуб ҳарбий хизмат-

Фозилтепа қишлоқ харобаси (реконструкция):
 а – маҳалла масжиди;
 б – маҳалла;
 в – йирик зодагон қароргоҳи;
 г – мудофаа деворлари;
 д – қишлоқ дарвозаси; е – боғ ва полизлар;
 ж – қишлоқ атрофидаги далалар;
 з – карвонсарой; и – бозор.



чи оиласида таваллуд топди. Бўлажак файласуф бошланғич билимини Ўтрорда олгандан сўнг, ўқишини Тошкент, Самарқанд ва Бухорода давом эттирди. Ф. илмини янада чуқурлаштириш мақсадида Бағдодга йўл олди. Олим йўл-йўлакай Эроннинг йирик шаҳарлари Рай, Ҳамадон, Исфаҳон ва б. жойларда бўлди. Бағдодда кўзга кўринган олиму фузалолар б-н танишди, юнон фалсафий мактаби, турли фан соҳалари намояндалари б-н учрашиб, улардан илм сирларини ўрганди. Олим 941 й.дан Дамашқда муҳтожликда кун кечира бошлади. Шунга қарамай илм б-н шуғулланди, фалсафа ва б. фанлар соҳасида тадқиқот ишлари олиб борди. Ф. 949–950 йилларда Мисрда, сўнгра Дамашқда яшади ва шу ерда умрининг охириги кунларини ўтказди. У Дамашқдаги «Боб ас-сағир» қабристонига дафн этилган.

Мавжуд маълумотларга қараганда, Ф. 160 дан ортиқ асар ёзган. Ф.нинг асосий асарлари: «Ақл тўғрисида», «Фозил одамлар шаҳри», «Муסיқа ҳақида сўз», «Фалсафанинг маъноси ва келиб чиқиши», «Илмларнинг келиб чиқиши ҳақида», «Бахтсаодатга эришув ҳақида», «Муסיқа ҳақида катта китоб», «Риторика ҳақида китоб», «Илмларнинг таснифи ҳақида» ва б. Ф.нинг фалсафий қарашларида ўша даврнинг ютуқ ва камчиликлари, мураккаб ва зиддиятли жиҳатлари ўз ифодасини топди. Олимнинг илм-фан олдидаги хизматларидан бири унинг юнон мутафаккирлари асарларини шарҳлагани ва уларни янги ғоялар б-н бойитганидир. Аллома, энг аввало, Арасту асарларига шарҳлар битган, унинг натурфалсафий ғояларининг тар-



Фаробий (Ч. Ахмаров асари).

ғиботчиси ва давомчиси сифатида танилган. Ф.нинг, шунингдек, Афлотун, Александр Афродизийский, Евклид, Птолемей, Порфирий асарларига ҳам шарҳлар ёзганлиги маълум. Ф. ўрта асрда мукамал ҳисобланган илмлар таснифини яратди. Ўша даврда маълум бўлган 30 га яқин илм-фан соҳасининг тавсифи ва тафсилотини баён қилиб берди. Мутафаккир табиат ва инсон организмга хос бўлган табиий жараёнларни ўрганувчи илм соҳаларини биринчи ўринга қўйди.

Ф. дунёқарашида ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий фикрлар муҳим ўрин эгаллайди. Ф. улуғ гуманист, инсонпарвар файласуф сифатида инсон кадр-қимматини камситувчи ва ўзга мамлакатларни босиб олишга асосланган жамиятга қарши чиқади. У одамларни тинч-тотув ва ўзаро ҳамкорликда яшашга, инсонпарвар бўлишга даъват этади. Ф.нинг дунёқараши, унинг жамият ва ахлоқ тўғрисида яратган яхлит таълимоти илк ўрта асрлар ва кейинги даврларда ижтимоий-фалсафий,

сиёсий ва ахлоқий фикр ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарашлари Шарқ мамлакатларига кенг ёйилди. Ўрта аср мутафаккирлари Байҳақий, Ибн Сино, Ибн Божа, Умар Хайём, Беруний, Ибн Рушд, Ибн Халдун ва б. Ф. таълимотини чуқур ўрганиб, уни янги ғоялар б-н бойитганлар. Ф. илгари сурган фикрлар 16–20-а.ларда ҳам мусулмон мамлакатлари олимлари томонидан катта қизиқиш б-н ўрганилди. Мутафаккир қолдирган мерос фақат Шарқ мамлакатларида эмас, балки Европада ҳам тарқалди ва ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатди. Ф. асарлари 12–13-а.лардаёқ латин, қад. яҳудий, форс ва б. тилларга таржима қилинган. Ф.нинг баъзи асарлари рус ва ўзб. тилларида нашр қилинган. Т.даги кўчалардан бири Ф. номи б-н аталган.

ФАРОБИЙ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларини боғловчи қад. кўчалардан бири. Сағбон ва Катта ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 8 км атрофида. Дастлаб Чигатой кўч. деб номланган (Чигатой дарвозаси номидан олинган). 1970 й.дан қомусчи олим *Фаробий* номи б-н аталган. Т.ни шаҳар ташқарисидаги мавзелар б-н боғловчи асосий йўллардан бири сифатида вужудга келган. Йўналишида «Аллон», «Мирзо Ғолиб», «Университет», «Чигатой дарвоза», «Чигатой Оқтепа», «Эски шаҳар», «Бўстон», «Ўзбекистон», «Белтепа» маҳаллалари жойлашган. Йўналишида «Ўзстандарт» агентлиги, Респ. онкология м-зи, Т. тиббиёт академияси, Дерматология ва венерология и.т. институти, «Хувайдо» мебеллар уйи, «Чигатой дарвоза» бозори, Со-



Форобий ва Беруний кўчалари кесишган жой.

бир Раҳимов туман «Сувсоз» трести, «Беруний» метро бека-ти, «Карима» ва «Валиев» шахсий шифохоналари, *Чигатой Оқтепаси* археологик ёдгорлиги, «Тўлқин Акром ўғли» ва «Тўхтаўжа» жоме масжидлари, Чигатой қабристонини, Авиация и.ч. бирлашмаси пансионати, Халқ истеъмол товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси респ. м-зи, «Форобий», «Фаровон» тўйхоналари, маҳалла гузарлари ва идоралари, дорихоналар, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, маъмурий, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари, сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Мустақиллик йиллари кўча йўналишида реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Эни 2 баравар кенгайтирилган. Йўналишида Кичик ҳалқа йўли б-н кесишади. Беруний, Мирзо Ғолиб, Белтепа ва б. кўчалар б-н туташган. «**ФОТОН**» (Амир Темур шохкў-часи, 13) – «Ўзэлтехсаноат» уюш-маси таркибидаги корхона, ОАЖ. Радиоэлектроника асбоб-ускуналари ва турли радиоэлек-троника маҳсулотлари и.ч.да қўлланадиган электрон техника ярим ўтказгичли асбоблар, теле-визорлар, хотирали касса ап-паратлари ва б. халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаради. Корхона 1942 й.да ташкил этил-

ган. Уруш йилларида 3-д мудро-фаа маҳсулотлари ишлаб чиқар-ган. 1966 й.дан Тошкент элект-рон техника 3-ди деб номлан-ган. 1976 й.да корхона ва унинг филиаллари негизда «Фотон» и.ч. бирлашмаси ташкил этилди. Корхона ОАЖ га айлантирилгач (1995), и.ч. йўналишлари қайта ташкил қилинди. 1994 й.дан Ук-раина («Весна») ва 1999 й.дан Япония (Sony) фирмалари б-н ҳамкорликда оқ-қора ва рангли телевизорлар ишлаб чиқаради. 2007 й.да корхонада йиллик маҳсулот и.ч. ҳажми 3,9 млрд. сўмни ташкил этди. 1,9 млн. дол-лар миқдорига тенг маҳсулотлар экспорт қилинди. Корхона ўз маҳсулотлари б-н мунтазам ра-вишда халқаро кўргазмаларда иштирок этиб келади.

Корхонанинг Туябўғиз сув омбори ҳудуди яқинида дам олиш маскани ва Т. вилоятининг Паркент туманида «Машъал» болалар соғломлаштириш ором-гоҳи бор.

ФУРҚАТ (тахаллуси; асл исм-шарифи Зокиржон Холмуҳам-мад ўғли) (1859–1909) – маъри-фатпарвар шоир, мутафаккир, публицист. Қўқондаги мадраса-да таҳсил кўрган (1873–76), 1889 й. июнда Т.га келган ва 1891 й.гача шу ерда яшаган. Шоир Т.да дастлаб «Кўкалдош» мадрасасида истиқомат қилган. Замонасининг тараққийпарвар

кишиларидан Сатторхон Абду-ғаффоров, Жўрабек Қаландар ўғли, Муҳиддин Ҳакимўжа ўғли, *Саидрасул Саидазиз ўғли* б-н танишган. 1892 й.ги Т. қўзғо-лони ташкилотчилари Аҳмад-хўжа Абдурашидхўжа ўғли, Ша-рифхўжа Пошшахўжа ўғли, Инъомхўжа Умархўжа ўғли б-н яхши муносабатда бўлган. Шоир *Камий* б-н ҳамкорлик қилган. «*Туркистон вилояти-нинг газети*» ҳайъатига ишга кирган (1890) ва газ.ни тайёр-лаш ва нашр этишда бевосита қатнашган. 1891 й.дан Ҳиндис-тон, Араб мамлакатлари, Тур-кия, Греция, Болгария бўйлаб саёҳат қилган. У Т.даги дўстла-рига ватанни кўмсаш туйғулари б-н суғорилган шеърини мактуб-ларини юбориб турган. У мум-тоз шеърят анъаналари руҳи-да кўплаб ишқий ғазаллар, му-хаммаслар яратган. Ф. шеърла-рида она-юрт табиати ва баҳор гўзаллиги, жўшқин севги-муҳаб-бат ва чин инсоний фазилатлар, ҳаёт шодликларидан қувониш ва турмуш ташвишларидан ши-коят қилиш, умуман, одам ва олам, кишиларнинг маънавий дунёси, меҳри ва қаҳри яққол тасвирланган («Баҳор айёмида гулгашт этарга бир чаман бўлса», «Фасли навбаҳор ўлди кечибон зимистонлар» ва б.). «Этти фалак», «Истар кўнгил», «Дўст», «Кокулунг» радиопли мухаммаслари, Навоий ғазалла-рига тахмислари давр шеърля-рининг ҳам ғоявий, ҳам бадий жиҳатдан етук намуналари ҳисобланади. Ўзбек адабиёти-да замонавий маънодаги публицистикага, памфлет ва фельетон жанрларига асос сол-ган. Ҳажвий шеърларида (мас., «Хотун) оғир моддий-маънавий ҳаётни тасвирлашда Муқимий ва Завқий б-н ҳамоҳанг бўлди.

Ф.нинг маърифатпарварлик гоёлари ўзбек адабиёти ривожига салмоқли роль ўйнади. У 90-й.лардаги ижоди ва фаолияти б-н 19-а.даги янги ўзбек маърифатчилик адабиётига асос солди. Т.даги марказий кўчалардан бирига, Миробод туманидаги маданият ва истироҳат боғига, маҳаллага Ф. номи берилган.

ФУРҚАТ КЎЧАСИ – Шайхонтохур туманини Чилонзор ва Яккасарой туманлари б-н боғлаб турувчи асосий кўчалардан бири. Пойтахтнинг қад. кўчаларидан. *Ҳадра майдони* ва *Бешёғоч майдони* ҳудудидаги Бўрижар канали кўприги оралиғида. Уз. 2 км атрофида. Урта асрларда Ҳадрадан «Қоратош» маҳалласига бориладиган асосий кўча бўлган. 20-а.нинг 1-ярмида кўчанинг бир қисмида реконструкция ишлари олиб борилган. Янгитдан ташкил топган кўчага 1955 й. 30 дек.да маърифатпарвар ўзбек шоири *Фурқат* номи берилган. Йўналишидаги бинолар 1966 й. Тошкент зилзиласидан жиддий зарар кўрган. Ўзбекистон мустақиллиги даврида кўчада кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, кўчанинг эни кенгайтирилиб, Ҳадра майд.дан Ўзбекистон кўчасигача бўлган қисмида иккита йўл қурилиб фойдаланишга топширилди. Ҳадра майд. ва Ўзбекистон кўчасидан ўтиш учун замонавий технологиялар асосида ер ости йўллари бунёд этилди. Кўчанинг Чилонзор тумани қисми, яъни Ўзбекистон ва Бобур кўчалари оралиғида ҳам кенг қамровли қайта қуриш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Йўналишида Ўзбекистон Миллий олимпия



Фурқат.

кўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси, «Наврўз» мажмуаси, Ўзбекистон миллий боғи, «Истиқлол» санъат саройи, «Ягона буюртмачи инжиниринг» компанияси, «Ипотекабанк» ва «Равнақбанк», Ўқувчилар саройи, Геология музейи, П.Беньков номидаги рассомлик ва дизайн касб-хунар коллежи, «Олмазор», «Чақар», «Ўқчи» ва «Бешёғоч» маҳаллалари, мебель савдо мажмуалари, автосалон, «Бунёдкор» метро бекасти, «Наврўз» ресторани, «Фаёз» кафеси, қурилиш ташкилотлари, хорижий корхоналар, «Давлатҳожиота» чойхонаси, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари ва шохобчалари, шахсий ҳамда кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган. Йўналишида Ўзбекистон, Бобур, Навоий, Зарқайнар ва Туроб Тўла кўчалари б-н туташган.

ФУРҚАТ МАҲАЛЛАСИ (Сайхун кўч., 166) – Миробод туманидаги маҳалла. Фитрат, «Олтинкўл», «Шарқ Юлдузи» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Аҳолиси 5230 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, 1-нотариал

идораси филиали, «Тошкент электроаппарат» э-ди жойлашган.

ФУРҚАТ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Толлимаржон кўч., 135) – Миробод туманининг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Майд. 9,9 гектар. Боғга 1967 й.да асос солинган. 1968 й.дан *Фурқат* номи б-н аталади. Боғда 4 мингдан зиёд манзарали дарахт ва буталар: чинор, эман, акас, шумтол, настарин, япон беҳиси ва б. бор. Ҳар йили 600 туп дарахт экилади. Боғ ҳудудида спорт майдончаси, боғ саҳнаси, шахмат-шашка павильонлари, 4 аттракцион, бадминтон майдони, стол теннис бор. 2006 й.дан спорт секцияси ишлайди. Боғда анъанавий байрамлар, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб турилади.

ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ (Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўч., 26) – Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги қонунига 2000 й. 14 дек.да киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 й. 1 янв. фармонининг 2-бандига асосан ташкил этилган (2001 й. 1 янв.). Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида. Суд биринчи инстанция, апелляция, кассация, фуқаролар қабули ва назорат, суд амалиёти ва статистикаси тизимли таҳлил қилиш бўлимлари, суд девонхонаси ва экспедиция бўлимларидан иборат бўлиб, ўз ваколатлари доирасида инстанция судьяси ва апелляция тартибида ишларни кўради, суд амалиётини умумлаштиради, қонун ҳужжатлари б-н ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади. Ф.и.б.Т.ш.с. суд раи-

си, раис ўринбосари, 13 нафар судья, бош мутахассис, 4 катта мутахассис, малака ҳайъати котиби, 15 суд мажлисидан иборат таркибда фаолият юритади.

Фуқаролик ишлари бўйича 5 туман: Учтепа, Мирзо Улугбек, Миробод, Шайхонтохур ва Яккасарой туманлараро судлари (таркибида 34 нафар судья) ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ф.и.б.Т.ш.с. томонидан ҳар йили 150000 га яқин уй-жой, меҳнат, мулк ва оила муносабатларига оид низолар қонуний тарзда ҳал этилади.

ФУҚАРОЛИК ҲОЛАТИ ДАЛОЛАТНОМАЛАРИНИ ЁЗИШ (ФХДЁ) ОРГАНЛАРИ – маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақил бўлган, Тошкент ш. адлия бошқармаси тасарруфидаги муассасалар. ФХДЁ

органи фуқаролик ҳолати далолатномаларини ўз вақтида ва тўғри қайд этади; фуқароларга далолатнома ёзувлари қайд этилганлиги ҳақида гувоҳномалар, зарур ҳолларда такрорий гувоҳномалар, маълумотномалар ва далолатнома ёзувларидан нусхалар беради; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига ўзгаришлар, тузатишлар ва қўшимчалар киритади, йўқолган далолатнома ёзувларини тиклайди, тикланган фуқаролик далолатномалари ёзувларини бекор қилади; архив фонддини юритади ва сақлайди. ФХДЁ органлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексига, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд

этиш қоидаларига, Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «ФХДЁ органлари ҳақидаги Низом»га асосланади. Фуқаролик ҳолати далолатномалари – фуқаролар ҳаётидаги туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ва никоҳдан ажралиш каби воқеа ҳамда фактларнинг ваколатли органлар томонидан тасдиқланишидир. Фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, фамилия, исм ва ота исмини, жинсини ўзгартириш каби фактлар фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларига тегишли ўзгартиришлар киритишда ифодаланади.

Тошкент ш.да 11 та туман ФХДЁ бўлимлари, 4 та *Никоҳ уйлари* ҳамда Марказлаштирилган шаҳар ФХДЁ органлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Х

ХАЙРОБОД КЎЧАСИ – Чилонзор тумани ҳудудида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Гулистон ва Ҳақимхон кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 1967 й. 17 окт.да журналист Шотурсун Фуломов номи берилган. 2008 й. 6 майдан Х.к. номи б-н юритилади. Йўналишида савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, кўп қаватли ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Таркибида 5 та тор кўча бор. Йўналишида Абдулла Тўқай, И.Усмонов кўчалари б-н туташган.

«ХАЙРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Хайробод 3-тор кўч., 18) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Тинчлик», «Яккатут», «Шарқтонги» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. ташкил топган. Йиллар давомида турли номлар б-н аталиб келинган. Маҳалланинг ҳоз. ҳудуди Хирмонтепа даҳасининг «Замбилчи кўча» қўрғони ўрнида жойлашган бўлиб, бу ерлар Шайхонтоҳур даҳаси аҳолисининг дала ҳовлилари сифатида шаклланган Сўгаллиота ва Бўрижар қўрғонлари б-н ёнма-ён бўлган. Окт. тўнтаришидан кейинги йилларда деҳқончилик ва боғдорчиликни ривожлантириш мақсадида туб аҳоли маскани пайдо бўлиб, Замбилчи кўча номини олган. 20-а.нинг 60-й. бошларида шаҳарни реконструкция қилиш на-

тижасида 1964 й.да «Москва» маҳалласи ташкил этилди. Унга «Кўтарма» ва «Нўғайқўрғон» маҳаллалари аҳолиси келиб қўшилиб, маҳалланинг ҳоз. ҳудуди шаклланди. Кўчиб келганларнинг кўпчилиги Нўғайқўрғондаги Хайробод эшон мақбараси атрофидан бўлгани боис 1995 й. маҳаллага «Хайробод» номи берилган.

ХАЙРОБОД ЭШОН МАЖМУАСИ (Қатортол кўч.) – меъморий ёдгорлик (18–19-а.лар). Хайробод эшон маблагига уста Қорахўжа раҳбарлигида бунёд этилган. Мажмуа масжид, мақбара, ҳовузли ҳовлидан иборат. Мақбара трапеция тарҳли (7,5x7,7 м), безаксиз, пишиқ ғиштдан ганч қоришмасида барпо этилган. Масжид гўртбурчак хонали (12,5x16,5 м), олди ва шим. томондан устунли айвонлар б-н туташган. Масжиднинг ички деворларига тахмонлар ва наволи тоқчалар ишланган. Айвонлар ислимий нақшлар б-н безатилган.

Хайробод эшон
мажмуаси
таркибидаги
масжид.



20-а.да таъмирланган. Ҳовуз сақланмаган.

ХАЛҚ БАДИИЙ ЖАМОАЛАР ДИРЕКЦИЯСИ, Муҳиддин Қориёкубов номидаги академик ва халқ бадийий жамоалар дирекцияси – Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги таркибидаги концерт ташкилоти. 2000 й.да Ўзбек давлат филармонияси негизида ташкил топган. Ҳозирда (2009) «Ўзбекистон» ашула ва рақс ансамбли (бадийий раҳбари Қ.Мўминов), мумтоз ашула ансамбли (Ў.Саиджонов), М.Йўлчиева гуруҳи, «Туркистон» камер оркестри (Э.Азимов), «Ўзбекистон солистлари» камер ансамбли (А.Раимжонов), Тўхтасин Жалилов номидаги давлат академик халқ чолғулари оркестри (Ф.Содиқов), Ботир Зокиров номидаги эстрада симфоник оркестри (М.Тошматов), Давлат хор

капелласи (Д.Жданов) фаолият кўрсатмоқда.

ХАЛҚ БАНКИ, Ўзбекистон Республикаси давлат-тижорат халқ банки (Қатортол кўч., 46) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 й. 4 окт.даги қарорига асосан Ўзбекистон жамғарма банки (1992) Халқ банкига айлантирилди. Устав капитали Молия вазирлиги (51%) ва Марказий банк (49%) маблағлари ҳисобига шакллантирилган.

Банк амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, вакил банкларнинг ҳисобварақларини очиш ва юритиш, ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш, омонатларни жалб қилиш, халқаро банк амалиётига мувофиқ лицензияда махсус кўрсатилган операциялар ва б.ни амалга оширади.

Банкнинг республикада 14 та ҳудудий ва 185 та туман ва шаҳар филиаллари мавжуд. Т. шаҳарида 12 филиали – Тошкент шаҳар филиали (Бунёдкор шоҳкўчаси, 19) ва 11 туман филиаллари фаолият кўрсатади. Тошкент ш. филиалининг кредит портфели 2008 й. 1 янв. ҳолатига 20,0 млрд. сўмни ташкил этди (2008).

ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ (Беруний кўч., 41) – ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзкўргазмасавдо» ЁАЖни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарорига биноан (2006.29.12.) ташкил этилган. «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмаси таркибида. Умумий майд. 6 гектар. Кўргазма павильони майд. 3200 м². Таркибида озиқ-овқат товарлари майда улгуржи савдо бозори, миллий таомлар кафеси ва б. объектлар бор. Жамиятнинг бош вазифаси истеъмол бозорини юқори сифатли товарлар б-н тўлдириш, халқ истеъмол товарлари халқаро ва респ. кўргазмаларини ўтказишдан иборат. Фаолияти, биринчи навбатда, кичик ва ўрта бизнеснинг маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш тадбирларига йўналтирилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» – «Народное слово» (Матбуотчилар кўч., 32) – оммавий ижтимоий-сиёсий газета. Муассислари – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. 1991 й. 1 янв.дан чиқа бошла-

ган. Ҳафтада 5 марта, ўзбек ва рус тилларида чиқади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда маҳаллий вакиллик ва ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини, мамлакатимизда ва хорижда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жараёнларни ҳолис ва беғараз ёритиш таҳририятнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Газ. вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, қўшма корхоналар, чет эл ваколатхоналари ва б. муассасалар б-н келишув ва шартномаларга мувофиқ фаолиятнинг турли соҳаларига оид ахборотларни, давлат, тижорат тизимлари ва хусусий шахсларнинг реклама ҳамда эълонларини босиб чиқаради. Асосий рукнлари: «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари», «Мамлакат бўйлаб», «Сенатда маъқулланган», «Қонун кучга кирди», «Сенатор минбари», «Депутат сўзи», «Таҳлил», «Парламент назорати», «Фармон ва ижро», «Таққос», «Ислоҳот одимлари», «Мушоҳада», «Таълим ва ислоҳот», «Дунё нигоҳи», «Жаҳон 24 соат ичида» ва б. Шунингдек, «Кўнгил хиёбони», «Энг гулланган ёшлик чоғимда», «Онажоним – табиат», «Спортнинг сирли олами», «Юзма-юз», «Водийларни яёв кезганда...» каби маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий ва бадий-публицистик саҳифалар бор. Адади 53000 нусха (2009). Бош муҳаррири Ўткир Раҳматов (2007 й.дан).

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ – Ўрта Осиёнинг араб халифалиги томонидан истило қилиниши жараёнида (8–9-а.лар) босиб олинган ҳудудларда, жумладан, Т.да ислом асослари ўқитиладиган мак-



Халқ банки.

таблар пайдо бўлди, кейинчалик мадраса, қорихоналар очилди. Деярли ҳар бир маҳалладаги масжидда бошланғич диний маълумот берадиган мактаблар мавжуд эди. 1888 й. Т.да 167 хусусий мактаб бўлиб, уларда 5298 ўғил ва 1744 қиз бола таълим олган. 19-а. охири – 20-а. бошларида Т.да А.Бобожонов, К.Абдуқодиров, Рафиқ домла Исломов, Шукурқори Рафиқов, Исмаилов, Саидахмадқори, Ҳасанхон домла, Башоратхон Жалилова, Мастура отин Холиқова, Муборакхон Обидова, Саломат Раҳимова ва б. домла ҳамда отиноийларнинг мактаблари анча машҳур эди, уларнинг ўзлари ҳам мактабдор, ҳам ўқитувчи ҳисобланарди. Мактабхонани тахм. 13–14 ёшда тамомлаган ўспиринлар ўқишни *мадраса*да давом эттириши мумкин эди. Мадрасаларда талабаларга илмий ва диний маълумот берилган.

Туркистон чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ҳам мусулмон мактаблари маҳаллий халқ учун асосий таълим ўчоқлари бўлиб қолди. Шу б-н бирга, Туркистонда, жумладан, Т.да 1866 й.дан бошлаб Европа типдаги янги ўқув юртлари очила бошлади. 1876 й. янги очилган мактаблар ишига раҳбарлик қилиш учун Т.да Туркистон ўлкаси Ўқув юртлари бош бошқармаси ташкил этилди. Мактаб, мадрасалар б-н бир қаторда янги типдаги мактаблар: умумий таълим мактаблари, ҳунар билим юртлари, маҳаллий аҳоли болалари учун рус-тузем мактаблари, рус тили курслари, европаликлар учун маҳаллий тиллар ўргатиладиган курслар ишлаб бошлади. Бу ўқув юртлари учун дастлабки ўқув китоблари нашр қилинди,

чунончи: рус-тузем мактаблари учун С.М.Граменицкийнинг 3 қисмдан иборат русча ўқиш китоблари, Саидрасул Саидазизовнинг «Устои аввал» (1902), Али Асқар Калининнинг «Муаллими соний» (1903) хрестоматияси ва б. Шу б-н бирга, Т.да бошланғич маълумот берадиган турли типдаги бошланғич билим юртлари очила бошлади; имтиёзли табақалар учун ўғил ва қиз болалар гимназиялари, реал, савдо, ҳарбий билим юрти ва б. ўрта ўқув юртлари пайдо бўлди.

Т.да дастлабки бошланғич рус мактаби 1866 й., дастлабки гимназия эса 1876 й. очилди. 1879 й. Туркистон ўлкасидаги бошланғич рус ва рус-тузем мактаблари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган *Туркистон ўқитувчилар семинарияси* иш бошлади. 1883 й.дан 1917 й.га қадар бу ўқув юртини 450 га яқин киши битириб чиқди. 1915 й. Т.да Ўқитувчилар ин-ти очилди ва уни фақат икки марта: 1917 ва 1918 й. ўқувчилар битириб чиқишди.

Маҳаллий аҳолининг илғор қатламлари, хусусан, жадидлар эски усул мактабларининг таълим-тарбия ишлари ва ўқитиш усулларида ислохотлар ўтказишни ёқлаб чиқишди. Бу ҳаракатлар оқибатида Т.да 1890-й.лар охирида болаларни ўз она ти-

лида ўқитадиган янги усул (жадид) мактаблари пайдо бўла бошлади. 1911 й. Т.нинг Эски шаҳар қисмида 16 янги усул мактаби ишлади. Бу мактаблар тажрибаси асосида товуш ёки бўғин талаффузи усулларида тузилган биринчи алифбе китоблари: Мунавварқори Абдурашидхоновнинг «Адиби аввал», Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим», Рустамбек Юсуфбековнинг «Таълими аввал» алифбе китоблари, Муҳаммадамин Муҳаммадқаримовнинг «Туркча қоида» номли ўзбек тилидан тузган дастлабки дарслиги ҳамда турли номлардаги ўқиш китоблари, география ва б. ўқув предметлари бўйича дарслик ва қўлланмалар яратилди.

Туркистон ўлкаси Ўқув юртлари бош бошқармаси 1917 й. Фев. инқилобидан кейин ҳам чор ҳукумати юритган сиёсатни давом эттирди, давлат маблағлари рус ўқув юртлари тармоқларини кенгайтиришга сарф этилаверди. 1917 й. 1 дек.да шаҳардаги барча рус бошланғич мактаблари (7 ўғил болалар, 7 қиз болалар ва 9 аралаш мактаб)да 5101 ўқувчи (2331 ўғил бола ва 2770 қиз бола) ўқиди. Ўша йили ўсмирлар мактаби ҳам очилди. Айни пайтда қизлар гим-

Саводсизликни тугатиш курсларида (тарихий сурат; 1924).



назиясида бошланғич мактабни битирганлар қабул қилинадиган 3- ва 4-синфлар очилди, бу синфларга 78 киз қабул қилинди. 1917 й. Фев. инқилобидан кейин халқ таълими масалалари б-н Ишчи ва солдат деп.лари Т. шаҳар кенгаши ижроия к-ти шуғулланди. 1917 й. Ўқитувчилар иттифоқи ташкил этилди. Бу даврда «Мусулмон» ўқитувчилар Т. иттифоқида 100 га яқин аъзо бор эди.

Окт. тўнтаришидан сўнг ислом динига қарши шафқатсиз кураш олиб борилиб, кўплаб масжидлар қатори мадраса ва мактаблар ҳам ёпиб қўйилди, янги шўро халқ таълими тизими барпо этилди. 1917 й. 23 ноябрда Т.да Туркистон маориф халқ комиссарлиги ва унинг ҳузурида Маориф кенгаши, 1918 й. 12 майда Т. шаҳар халқ таълими к-ти ташкил қилинди. Т. шаҳар халқ таълими к-ти совет мактаблари тармоғини кенгайтириш, саводсизликни тугатиш, шунингдек, болалар қаровсизлиги б-н курашиш сингари муҳим ва долзарб масалаларни ҳал қилиши лозим эди.

Саводсизликни тугатиш. 1919 й. 26 дек.да «Саводсизликни тугатиш ҳақида» декрет эълон қилиниб, мамлакатда саводсизликка қарши кураш бошланди. 1925 й. охирига келиб, Т.да 177 саводсизликни тугатиш мактаби ишлади, уларда 5500 га яқин киши ўқиди. Айни вақтда саводсизликни тугатиш кампаниясида дин арбоблари, уламолар, мактабдорлар таъқиб остига олинди.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбияси. Окт. тўнтаришига қадар Т.да болалар боғчасига зарурият бўлмаган. Туркистон Маориф халқ комиссарлиги ташкил этилганидан кейин

унинг таркибида мактабгача ёшдаги болалар бўлими очилди. Бу бўлим ташаббуси б-н 1918 й. 9 болалар боғчаси, 12 болалар майдончаси, жумладан, Эски шаҳарда 4 «мусулмон» болалар боғчаси очилди.

Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида тарбия ишларини яхшилаш мақсадида 1918 й. дек.да Маориф халқ комиссарлиги «Болалар боғчалари ва майдончалари раҳбарлари тайёрлаш курслари тўғрисида» Низом эълон қилди. Шу йилларда қисқа муддатли мактабгача тарбия пед. курслари очилди. 1929 й. Т.да В.Г.Белинский номидаги Кечки пед. ин-ти таркибида мактабгача тарбия бўлими, 1930 й. мактабгача тарбия пед. билим юрти очилди. 1920-й.лар бошида 29 болалар боғчаси бўлиб, уларнинг 8 таси Эски шаҳарда эди. 1959 й.дан яслибоғчалар очилди. Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг ҳоз. аҳволи ҳақида *Мактабгача таълим муассасалари* мақоласига қ.

Умумий ўрта таълим. 1918/19 ўқув йили Т.да 75 янги мактаб очилди. 1920 й. охирига келиб 111 бошланғич мактаб ишлади, улардан 10 тасида юқори синфлар мавжуд эди. Т.да яна шундай мактаблардан бири 1918 й. икки босқичли рус-тузем мактаби базасида ташкил топган Навоий номидаги ўзбек мактаби эди. 1921 й. 1 фев.да шу мактабнинг юқори синфлари шу бинода янги ташкил қилинган Навоий номидаги шаҳар ўғил болалар пед. техникумига ўтказилди. Т.даги дастлабки ўзбек шўро мактаблари ҳоз. 1-, 22-, 24-, 115-, 119- ва б. мактаблар эди. Окт. тўнтаришидан кейин ташкил қилинган дастлабки қизлар мактабларидан бири

– Бешёғочдаги Зевак маҳалласида 1917 й. дек.да Б.Жалилова очган мактаб эди. 1920 й. шаҳарда ана шундай мактаблардан 12 таси ишлади. Жойларда ишчи ва деҳқонлардан ўқитувчилар тайёрлайдиган курслар ҳам очила бошлади. Миллий мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. 1918 й. сент.дан 1919 й. июлгача Т.да 3 пед. курси, ўлка ўзбек ўқитувчилари курси очилди. Шўро умумий таълим меҳнат политехника мактабини мустаҳкамлашда инқилобдан кейин барпо этилган К.Либкнехт, Н.Чернишевский, Алмай номидаги намуна меҳнат мактаблари муҳим роль ўйнади. Бу мактабларда ўқитувчилар учун методик семинарлар ўтказилди, бошланғич мактаб ўқитувчилари малакасини ошириш курслари ташкил қилинди. 1924/25 ўқув йили Т.да 105 мактаб бўлиб, уларда 20 мингдан кўпроқ ўқувчи ўқиди.

Ўқитувчи кадрлар тайёрлашни кенгайтириш мақсадида 1929 й. Т.да В.Г.Белинский номидаги Кечки пед. ин-ти ташкил этилди. 1929 й. пед. фанлари и.т. ин-ти очилди. 1930/31 ўқув йилидан 8–10 ёшли болалар учун умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди. 1934/35 ўқув йили мажбурий етти йиллик таълим амалга оширилди. Бу иш Т.да 1935 й.га келиб асосан муваффақиятли ҳал этилди. 1936 й. сент.да шаҳар мактабларида 75145 ўқувчи бор эди. Т.да 10 йиллик умумий ўрта таълим мактаблари 1932/33 ўқув йилидан очилган.

2-жаҳон уруши йилларида Т.да мактабларнинг умумий тармоғи қисқарди. 1940/41 ўқув йили бошида Т.даги 184 умумий таълим мактабида 106,4 минг бола ўқиган. 1946/47 ўқув йили

эса 113 мактабда 87 минг бола ўқиди. 1950 й. 10-синфни 1556 ўқувчи тамомлаган бўлса, 1957 й. 8581 ўқувчи тамомлади. Умумий ўрта таълимга ўтишни амалга ошириш мақсадида бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаблар сони кескин камайтирилиб, ўрта мактаблар сони кўпайтирилди. 1959 й.дан 8 йиллик мажбурий таълим жорий қилинди. 1956/57 ўқув йили арафасида интернат мактаблар ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. 1958/59 ўқув йили Т.да 1 интернат мактаб (293 ўқувчи), 1965/66 ўқув йили 10 интернат-мактаб (5710 ўқувчи) ишлади. 1961/62 ўқув йили Глиэр номидаги респ. махсус мусиқа интернат-мактаби, бадий мусиқа интернат мактаби, шунингдек ихтисослашган спорт интернат-мактаблари ташкил этилди.

1959 й.дан бошлаб узайтирилган кунли мактаблар ва гуруҳлар ташкил этиш ишлари бошланди. 1959/60 ўқув йили Т. мактабларидаги узайтирилган кунли гуруҳларда 3100 ўқувчи машғул бўлди. Т.да умумий ўрта таълим амалга оширилди. Умумий таълим мактабларида ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. 1986/87 ўқув йилидан 1-синфга болалар 6 ёшдан қабул қилина бошлади. Бошланғич маълумот I–IV синфларда, тўлиқсиз ўрта маълумот I–IX синфларда бериладиган бўлди. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқиш муддати 11 йил қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997 й. 29 авг.) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ умумий ўрта таълим бошланғич таълим (1–4 синфлар) ва умумий ўрта таълим (5–9 синф) босқичлари-



Собир Раҳимов туманидаги 28-мактабнинг 2006 й.да қурилган биноси.

дан иборат. Умумий ўрта таълим мактабларининг ҳоз. аҳволи ҳақида *Умумий ўрта таълим мактаблари* мақоласига қ.

Хунар-техника таълими. Т.да дастлабки хунар билим юртлари 19-а. 70-й.ларида очилган. 1921 й. 1 фев.да Т.да 3 техника, 1 қ.х., 3 хунар мактаблари бўлган. 1920–40 й.ларда шаҳарда хунар-техника таълимнинг асосий типи – 2–4 йиллик ф-каз-д шогирдлиги (ФЗУ) мактаблари эди. ФЗУ мактаблари 14–18 ёшли йигит-қизлар учун йирик корхоналар ҳузурида очилган. 1940 й. Давлат меҳнат резервлари тизимининг тузилиши муносабати б-н ФЗУ мактаблари 14–17 ёшли йигит-қизлар учун 2–3 йиллик хунар ҳамда т.й. билим юртлари сифатида қайта ташкил этилди. Айти пайтда ўқиш муддати 6 ой бўлган ф-каз-д таълими мактаблари (ФЗО) очилди. Бундай мактабларга 16–18 ёшли йигит ва қизлар қабул қилинар, ўқувчилар тўлиқ давлат таъминотида бўлар эди.

1959 й.дан меҳнат резервлари тизимидаги мактаб ва билим юртлари 8–10-синфни тамомлаган ёшларга мўлжалланган хунар-техника билим юртлари (ПТУ)га айлантилди. Умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаган ўқувчилар учун шаҳар-

да 1950–60 й.лардан бошлаб техника билим юртлари ташкил этилди. Ўқиш муддати 1–1,5 й. бўлган бундай билим юртлари тўлиқ ўрта маълумот талаб қиладиган касблар бўйича малакали ишчилар етказиб берди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, респ.да хунар-техника таълимини қайта ташкил этишга киришилди ва хунар-техника билим юртлари касб-хунар коллежларига айлантилди.

Ўрта махсус таълим. Т.да дастлабки ўрта махсус ўқув юрти (Пахта мойи саноати техникуми) 1893 й. ташкил этилган. Окт. тўнтаришидан кейин янги типдаги ўрта хунар мактаблари барпо этилиб, уларда халқ хўжалигининг барча тармоқлари учун малакали мутахассислар тайёрланди. 1918 й. Туркистон халқ ун-ти ҳузурида политехникум очилди. 1918 й. ёзида политехникум ва турли курсларда ўқиганлар сони 1200 кишига етди. 1921 й. 1 фев.да Т.да ўзбек қурилиш техникуми, Навоий номидаги шаҳар ўғил болалар пед. техникуми, Сирдарё вилоят ўзбек ўғил болалар пед. билим юрти, 3 маориф ин-ти – инпрос мавжуд эди, 1925 й. 5 инпрос, 2 тиббиёт техникуми, 2 қ.х. техникуми, 2 мусиқа билим юрти бор эди.

Т.да 1930 й. Ўрта Осиё алоқа техникуми (ҳоз. Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежи) ташкил қилинди. 1930 й. 1 фев.да Т.да тожик инпроси, хотин-қизлар ўзбек педтехникуми, вилоят педтехникуми, маҳаллий яҳудийлар педтехникуми ва б. бўлган. 1933–37 й.ларда Т.да 19 техникум бўлиб, уларда 5336 киши ўқиди. 1959 й. ўрта махсус ўқув юртлари 8 йиллик мактаб базасида ишлашга ўтди. 10- (кечки сменали мактабнинг 11-) синфни тугатганлар қисқартирилган – 2–3 йиллик муддатли ўқишга қабул қилинди. 3–4 йиллик таълим курси давомида техникум ва билим юрти ўқувчилари ихтисос б-н бирга умумий ўрта маълумот ҳам олдилар. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, респ.да ўрта махсус маълумотли мутахассисларни тайёрлашнинг янада самарали ва сифатли усули бўлган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари тизимини ташкил этишга киришилди. Ўрта махсус таълим муассасаларининг ҳоз. аҳволи ҳақида *Академик лицейлар ва Касб-ҳунар коллежлари* мақолаларига қ.

Олий таълим. Окт. тўнтаришига қадар Т.да Европа типига олий ўқув юртлари йўқ эди. *Мунавварқори* Абдурашидхонов ташаббуси б-н 1918 й. 12 майда Мусулмон халқ дорилфунуни ташкил этилди (бу сана ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-тининг ташкил этилган санаси ҳисобланади). 1918–19 й. Туркистон Халқ ун-тида 1500 га яқин талаба ўқиди. 1918 й. ўқиш муддати 4 йил ҳамда 2 бўлимдан иборат Туркистон Шарқ ин-ти очилди. Туркистон халқ ун-ти 1920 й.дан Туркистон давлат ун-ти, 1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти (САГУ), 1960 й.дан Тошкент давлат ун-

ти, 2000 й.дан Ўзбекистон миллий ун-ти (ЎзМУ) деб номланган. 1938 й.га қадар ун-т ҳузурда ишчилар ф-ти (рабфак) ишлади. 1924 й. Туркистон Шарқ ин-ти ун-т таркибига алоҳида ф-т бўлиб кирди. 1929–35 й. Ўрта Осиё давлат ун-тидан бир неча мустақил олий ўқув юрти: Қишлоқ хўжалиги, Тиббиёт, Молия-иқтисод, Педагогика ин-тлари (Т.да жойлашган) ажралиб чиқди. Урушгача бўлган йилларда Т.да Политехника ин-ти (ТошПИ), Тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти, Т.й. муҳандислари ин-ти, Ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-ти каби техника олий ўқув юртлари ташкил этилди.

Урушдан кейинги йилларда олий ўқув юртлари тармоғи кенгайди. Маҳаллий миллат ёшларидан ўқишга кирувчилар сони кўпайди. 1940–50 й.ларда Театр ва рассомлик санъати, Чет тиллар, Жисмоний тарбия, Электротехника алоқа ин-тлари очилди. 1960–70 й.ларда эса Автомобиль транспорти ва йўллар ин-ти, Рус тили ва ад. пед. ин-ти, Ўрта Осиё Тиббиёт педиатрия ин-ти, Маданият ин-ти ташкил этилди. 1990-й.ларда Шарқшунослик, Кимё-технология, Юридик, Молия, Архитектура-қурилиш ин-тлари ташкил этилди. Қ.х. ва Халқ хўжалиги ин-тлари ун-тга айлантирилди. 1969 й.дан кўпгина олий ўқув юртларида тайёрлов бўлимлари очилди. Т. олий ўқув юртлари чет эл фуқароларидан хорижий мамлакатлар учун ҳам мутахассислар тайёрлайди. Олий таълимнинг ҳоз. аҳволи ҳақида *Олий ўқув юртлари* мақоласига, шунингдек, алоҳида олий ўқув юрти ҳақидаги мақолалар (мас.,

Ўзбекистон миллий университети)га қ.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИЙ ИНСТИТУТИ, Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш м-зий ин-ти (Зиё кўч., 6) – 1934 й. 4 майда Халқ таълими кадрлари малакасини ошириш ин-ти номи б-н ташкил этилган. Кейинчалик турли номлар б-н аталган. 2005 й.дан ҳоз. номда. 1992 й.да Абдулла *Авлоний* номи берилган. Ин-т халқ таълими тизими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш, ўқитувчилар ва респ.нинг бошқа халқ таълими ходимлари илғор тажрибасини умумлаштириш ва оммалаштириш бўйича бош ўқув методик м-з ҳисобланади. Ин-тда тингловчилар ишдан ажралган ёки ажралмаган ҳолда кундузги малака ошириш курслари, масофадан ўқитиш ҳамда қайта тайёрлаш курслари шаклида амалга оширилади. Ин-тда 7 каф., ўқув, маркетинг, инновацион педагогик технологиялар ва нашр бўлимлари ва б. бўлимлар, кутубхона (39 минг асар), масофадан ўқитишни ривожлантириш м-зи, А.Авлоний ёдгорлик музейи, малака ошириш тараққиёти кўргазмаси, педагогик технологиялар хонаси, психотренинг хонаси, ўқув-компьютер синфлари, физика, кимё, биология, экобиология лаб.лари, тингловчилар учун турар жой, соғломлаштириш м-зи, спорт зали ва шаҳарчаси мавжуд. Ин-тда 1992 й.дан илмий кенгаш, 1998 й.дан аспирантура фаолият кўрсатади. Ин-тда 47 проф.-ўқитувчи, жумладан, 6 фан д-ри ва проф., 19 фан номзоди ва



Тошкент Халқаро Вестминстер университети.

доцент ишлайди. Ин-тда ҳар йили ўртача 4500 га яқин тингловчи малака оширади. Ин-тда «Малака ошириш: муаммолар, изланишлар, ечимлар» номли илмий методик ахборотнома нашр этилади (2000 й.дан).

ХАЛҚАРО ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИ, Тошкент Халқаро Вестминстер университети (Истикбол кўч., 12) – 2002 й.да ташкил этилган. Бизнесни бошқариш, иқтисодиёт, бизнесда ахборот технологиялари, ҳуқуқ йўналишлари бўйича бакалаврлар, халқаро бизнес ва менежмент йўналиши бўйича магистрлар тайёрлайди. Ўқув жараёни инглиз тилида бўлиб, унга маҳаллий ва чет эллик ўқитувчилар жалб қилинган. Талабалар билими ўқиш жараёнидаги босқичма-босқич имтиҳон, тест, ёзма ишлар ва семинар машғулотларидаги тақдимотлар орқали баҳоланади. Машғулотлар интерфаол шаклда ўтказилади. Ўқув материали суҳбат ва муҳокама, гуруҳ ва индивидуал тақдим қилиш орқали ўзлаштирилади. Ун-тда 5 компьютер синфи, кутубхона (15 минг асар) бор. Ун-тга кирган талабалар айна вақтда Лондондаги Вестминстер ун-тининг талабалари сифатида тан олинади ва унинг тасдиқланган дастурлари асосида таълим олади. Ўқишни му-

ваффақиятли тамомлаган талабалар мазкур Британия олий ўқув юртининг бакалавр ва магистр даражасидаги дипломини қўлга киритади. 2008/09 ўқув йили ун-тда 730 талаба таҳсил олди. 48 ўқитувчи, жумладан, 1 фан д-ри ва 6 фан номзоди ишлади. Ун-т ташкил этилгандан бери 406 малакали мутахассис тайёрланди. Ун-тда Ўзбекистон фуқаролари б-н бирга хорижий давлат фуқаролари ҳам таҳсил олади. Ун-т биноси Европа меъморчилиги услубида классик анъаналарига риоя қилиб қурилган (1912–16; меъмор Г.А.Сваричевский). Бу бинода дастлаб, 2-аёллар гимназияси, кейинчалик Ўрта Осие ун-ти (ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-ти) кутубхонаси, авиация техникуми жойлашган.

«**ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ**» (6-мавзе) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Дўстлик» маҳалласи б-н чегарадош. 1995 й. ташкил этилган. Аҳолиси 4234 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, озик-овқат дўкони, дорихона, поликлиника, кафе, чойхона мавжуд.

«**ХАЛҚОБОД**» **МАҲАЛЛАСИ** (Қўйлик-5, 51^б-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. «Маданият» ва «Қўшқўрғон» маҳаллалари б-н

чегарадош. 1993–2007 й.ларда 2-жаҳон уруши қатнашчиси Абдураҳим Шерматов номи б-н аталган. 2007 й. 2 авг.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4552 киши (1640 хонадон)дан иборат. Миллий таркиби асосан ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 2 та кўча, 2 болалар боғчаси, 2 мактаб, касб-ҳунар коллежи, ресторан, 2 кафе, озик-овқат дўконлари, новвойхона бор.

ХАРАШКЕТ – Т. воҳасидаги қад. шаҳар. Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани, «Қанқа» қ.х. бирлашмаси худудида жойлашган. 10-а. араб географлари (Истаҳрий, Ибн Ҳавқал, Мақдисий) томонидан Чоч шаҳарлари қаторида тавсифланган. Масалан, Ибн Ҳавқалнинг маълумотига кўра Х. – катталиги жиҳатидан Чочда унинг пойтахтидан кейин иккинчи шаҳар бўлган Х. Сўғддан Чочга борадиган Буюк ипак йўлида, *Банокат*дан бир фарсах шим.-шарқда жойлашган. 1934 й. М.Е.Массон Х.ни *Қанқа* шаҳар харобаси ўрнида жойлашганлигини аниқлаган. Қадимда у Чоч пойтахти бўлган, ўрта асрларда пойтахт *Бинкат*га кўчгач (9-а.), сомонийлар, сўнгра (11–12-а.лар) қорахонийлар давлати таркибида. Х. Чочнинг йирик савдо-ҳунармандчилик м-зи бўлган. Маданият вазирлиги 1969 й.дан (Қ.Абдуллаев, Ф.Ҳасанов, Д.Алимова), 1974 й.дан Ўзбекистон ФА Археология ин-ти (Ю.Ф.Буряков) томонидан олиб борилган археологик тадқиқотларга кўра Х. арки (майд. 6,5 гектар)да мудофаа девори, буржлар ва хандақ б-н муҳофазаланган қаср (майд. 100х100 м) – ҳоким қароргоҳи бўлган. Шахристон (160 гектар) ҳам буржли мудофаа девори б-н ўралган. Рабод (60 гектар) қис-

ман сақланган. Х.да шаҳар дарвозаларидан бозор майдони ва аркка элтувчи кўчалар изи сақланган. Шаҳристон ва рабоддан кулолчилик, темирчилик, заргарлик устахоналари, карвонсарой типидаги бино, турар жой маҳаллалари ва мудофаа деворлари қолдиқлари чиққан. 12-а.дан шаҳар таназзулга юз тутган, бунга Оҳангарон дарёси ўз ўзанини ўзгартириб шим.га, Чирчиқнинг қад. ўзани томон оққанлиги сабаб бўлган.

Х.дан милоннинг дастлабки асрларида Чочда зарб қилинган тангалар, мусиқа асбоби чалаётган аёл тасвири туширилган пирамон (фриз; мил. 1-минг йиллик ўрталари), қизил бўёқли (7–8-а.лар), ранг-баранг сирли (10–12-а.лар) сопол идишлар кўплаб топилган.

ХИДИРОВ Бекзод Султонмуродович (1981.18.12) – боксчи, халқаро тоифадаги спорт устаси (2002). «Ўзбекистон ифтихори» (2002). Т.да туғилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (2003). 57 кг вазн тоифасида Ўзбекистон (1999–2001), Марказий Осиё ўйинлари (2003, Душанба), Осиё (2002, Серембан) чемпиони, Осиё ўйинлари кумуш медали совриндори (2002, Пусан), олимпиада ўйинлари қатнашчиси (2004, Афина). Ўзбекистон касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спорт йўриқчиси (2004 й.дан).

ХИЁБОНТЕПА – археологик ёдгорлик, қишлоққа туташган қаср-кўшк (7–10-асрлар, 9–13-а. боши). Т. Эски шаҳар қисми мзида, Кайковус канали бўйида жойлашган. 1924 й. М.Е.Массон томонидан қайд этилган. 1968–69 йилларда Т. археология экспедицияси текширган. Хом гишдан қурилган кўшкнинг энг ба-

ланд тагкурси қисми харобалари сақланган; унинг атрофига ҳозир турар жой бинолари қурилган. Қаср биносининг харобалари сақланмаган. Юқори маданий қатлами 9–12-асрларга мансуб бўлиб, ўша даврда қаср *Бинкат*нинг ички рабоди таркибига кирган ва унинг харобалари рабод бинолари остида қолиб кетган. Шаҳар ҳудуди сифатида Х. мўғуллар истилосига қадар (13-а.боши) мавжуд бўлган.

«ХИЁБОНТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Эзгулик 1-берк кўч., 18) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Бодомзор», Шайх Шиблий, «Отчопар-1» маҳаллалари б-н чегарадош. Олдинги номлари «Боксёр», Гиёс Умаров бўлган. 2006 й. 18 дек.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2942 киши, турли миллат вакиллари яшайди. Ушбу маҳалла ҳудудида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасининг чап соҳил қисми жойлашган.

ХИЛЬКО Екатерина Викторовна (1982.25.3) – спортчи, трамполин (батутда сакраш) бўйича олимпиада ўйинлари бронза медали совриндори (2008, Пекин). Ўзбекистон Республикаси спорт устаси (1995), халқаро тоифадаги спорт устаси (1995), Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (2001), «Ўзбекистон ифтихори» (2008). Т.да туғилган. Респ. олимпия захиралари касб-ҳунар коллежи (2001) ва Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти (2005)ни тугатган. Ўзбекистон чемпиони (1998–2007), Осиё ўйинлари бронза медали совриндори (2006, Дўҳа), жаҳон кубоги (1995, Франция, 3-ўрин; Россия, 2-ўрин; 1997, Янги Зеландия, 2-ўрин; Португалия, 3-ўрин), жаҳон кубоги босқичи мусобақалари (2007, Болгария, 3-ўрин;

Бельгия, 3-ўрин; Россия, 3-ўрин; 2008, Франция, 3-ўрин, Швейцария, 3-ўрин; Испания, 3-ўрин) қатнашчиси, Австралия чемпионати совриндори (1999, 2-ўрин), бир қанча халқаро мусобақалар ғолиби.

«ХИРМОНТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (19-мавзе, 33/1) – Чилонзор туманидаги маҳалла. 19-мавзеда жойлашган. «Катта Хирмонтепа», «Кичик Хирмонтепа» ва «Бўрижар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й.да шу ном б-н ташкил топган. Аҳолиси 11350 киши, асосан, ўзбеклар ва руслар. Маҳалла ҳудудида ёшлар маркази, кафе, озиқ-овқат дўконлари, босмахона, кутубхона мавжуд.

ХИРУРГИЯ МАРКАЗИ, В.В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий маркази (Фарҳод кўч., 10) – Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли и.т. ва даволаш муассасаси. 1975 й. ташкил этилган. 2003 й.дан ҳоз. номда. Х.м.нинг вазифаси респ. да хирургия хизматини ташкил этиш; юқори малакали ихтисослашган илмий ва амалий хирург мутахассислар тайёрлаш ва б.дан иборат. Мзда 12 клиник бўлим, 370 ўринли клиник касалхона ва поликлиника ишлаб турибди. Йилига 6000 га яқин турли мураккабликдаги операциялар ўтказилади. 60000 дан зиёд беморга консультатив ёрдам кўрсатилади. Ин-т малака ошириш ҳамда клиник ординатура йўли б-н кўпгина даволаш муассасаларига мутахассис кадрлар тайёрлаб беради. Х.м.да 220 дан зиёд илмий ходим, жумладан, 27 фанд-ри ва проф., 68 фан номзоди хизмат қилади (2008). Марказда д-рлик ва номзодлик диссертациялари химояси бўйича



Хирургия
маркази.

махсус илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Марказда Т. тиббиёт академиясининг госпиталь хирургия, Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти 1-хирургия каф. ҳамда магистратура бор.

М-з ҳудудида *Ибн Синога* ҳайкал ўрнатилган.

ХИСЛАТ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳайбатуллаҳўжа Ориф-хўжа ўғли) (1880.10.5–1945.8.6) – шоир ва таржимон. Ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгги намояндаларидан бири. Т.да туғилган. 16–17 ёшларида Тошкент ш. Кесакқўрғон маҳалласидаги мадрасага ўқишга кириб, араб ва форс тилларини мукаммал ўзлаштирган; ўзбек, озарбайжон, турк, форс ва араб адабиётларини пухта ўрганган. 1908–09 й.ларда Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Лайли ва Мажнун» дostonларининг соддалаштирилган насрий нусхаларини тайёрлаган ва ўз ҳисобидан нашр этган. 1910–14 й.ларда мадрасадоши *Сидқий Хондайлиқий* б-н ҳамкорликда «Армуғони Хислат», «Ҳидояи Хислат», «Савғоти Хислат», «Тухфаи Хислат» каби баёзларини нашр эттирган. Бу баёзларда шоирнинг 100 дан зиёд лирик шеърлари эълон қилинган. Х.нинг дунёвий ғоялар б-н

ҳофизлар томонидан ижро этиб келинган.

Х. 1917 й.дан кейин ҳам бадий ижод б-н шуғулланиб, замонавий мавзуларда газал ва мухаммаслар яратган. Аммо мавжуд тузумнинг жадид шоирларга нисбатан совуқ муносабати туфайли у ёшликда эгаллаган хунари – дурадгорликни давом эттириб, 1940 й.га қадар иморатсозлик ишлари б-н кўпроқ машғул бўлган.

Х.нинг адабий меросида таржима асарлар катта ўрин эгаллайди. У Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достони, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достони асосида насрлаштирилган «Барзуйи шер», «Паҳлавони Аҳмад», Убайд Зоконийнинг «Мушук ва сичқон» асарларини форс тилидан таржима қилган, араб ва форс мумтоз адабиётларидаги болаларбоп ривоятлар ва масалларни шеърӣ таржима қилиб, «Нон ва ҳалво» деган мажмуа тузган. Тошкент ш.даги кўчалардан бири Х. номи б-н аталади.

ХИСЛАТ МАҲАЛЛАСИ (Шифокорлар шаҳарчаси, 42^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Нақшбанд», Беруний, «Чигатой дарвоза», «Шифокор» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ҳудуди 1976–92 й.лар-

да «ТошПИ – ТошДУ» мавзеси деб аталган, 1992 й.да шоир *Хислат* номи берилди. Аҳолиси 6250 киши, асосан, ўзбеклар (73,8%). Маҳалла ҳудудида «Самсун–Тошкент ЛТД Фарм» қўшма корхонаси жойлашган.

ХОЖА АҲРОР (тахаллуси; асл исми Хожа Убайдуллоҳ ибн Хожа Маҳмуд ибн Хожа Шаҳобиддин Шоший) (1404–1490) – мутафаккир, нақшбандия тариқати раҳнамоларидан. Тошкент вилоятининг Боғистон қишлоғида туғилган. Отаси Шайх Хожа Маҳмуд нақшбандиянинг хожагон сулукида бўлган, тижорат ва зироат ишлари б-н шуғулланган. *Шайх Хованди Тоҳур* она томондан Х.А.нинг бобосидир. Х.А.нинг болалик ва ёшлик даври Т.да ўтган. Самарқанд мадрасасида таҳсил олган. 24 ёшида ўзига пир ахтариб Ҳиротга борган. Бироқ муршидлик фатвосини у ердан эмас, балки Чағониён вилоятидан, Баҳоуддин Нақшбандий издоши бўлган Ёқуб Чархийдан олган. Х.А. Мовароуннаҳрда катта нуфузга эга бўлиб, халқ орасида валий (авлиё) деб танилган. 1431–32 й.ларда Т.га қайтган ва деҳқончилик б-н машғул бўлган, шунинг учун уни «қишлоқи шайх» деб ҳам аташган.

Тарихий манбаларда Х.А. 1454 й.дан тилга олинади. Мирзо Улуғбекка замондош бўлган. Унинг Самарқандда яшаган даври теурий шаҳзодаларининг тож-тахт талашган даврига тўғри келган. Улар орасидаги низоларни тинч йўл б-н ҳал этишда муҳим роль ўйнаган. Мовароуннаҳрда Х.А.га тегишли жуда кўп мулклар бўлган. Хусусан, Т. вилоятидаги 42 та ер мулки (жумладан шаҳарнинг шим.-шарқидаги Оққўрғон мавзеси, шим.да Келес мавзеси ва б.), чорбоғлар (Унжи-

кат, Курама, Дижандиза, Сачак, Кумаш, Жалбош, Хитой, Қорахитой ва б.) унга катта даромад келтирган. Бундан ташқари, Х.А.га кўплаб тегирмон, дўкон, савдо расталари, тимлар, шаҳар ҳаммомлари, подалар қарашли бўлиб, кўпгина хорижий давлатлар б-н ҳам савдо-сотик олиб борган. Х.А. умуман мамлакатнинг бутун ички ва ташқи сиёсий ҳаётида етакчи ўрин тутган. 15-а.нинг 2-ярмида Т.да қурилган кўплаб меъморий ёдгорликлар Х.А. номи б-н бевосита боғлиқ. У шаҳарда кўплаб мадраса, хонақоҳ, масжид, ҳаммом ва б. қурдирган.

Жомий, Навоий, Бобурлар Х.А.ни ўзларига маънавий пирустоз деб билганлар. Х.А.нинг 3 рисоласи: «Фақарот ул-Орифин» («Орифлар сўзларидан парчалар»), «Волидия» («Отага бағишлов»), «Ҳавроийя» («Хурларга бағишлов») бизгача етиб келган.

Х.А. тасаввуф назарияси ва амалиётига катта ҳисса қўшган. Унинг маданий меросида Қуръон оятларининг тафсири, ҳадис шарҳлари алоҳида ўрин эгаллайди. Фахруддин Али Сафийнинг «Рашаҳот» асарида Х.А.-нинг 120 га яқин тафсиру шарҳ Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди.

лари рашҳа (томчилар) тарзида берилган. Мусулмон дунёсида 356 та авлиё ўтган бўлиб, улардан 3 таси Қутб ул-Ақтоб (улуғ даражага етган авлиё) сифатида эътироф этилган. Шулардан бири Х.А. бўлган.

Мустақиллик йилларида Х.А. таваллудининг 600 й.лиги кенг нишонланди (2004), хусусан, Т.даги *Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди* тубдан қайта таъмирланди [Хожа Аҳрор мадрасаси (1451) 1954 й. бузиб ташланган]. **ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ ЖОМЕ МАСЖИДИ** (15-а.) (Шайхонтоҳур тумани, «Гулзор» маҳалласи, Ҳақиқат кўч., 22) – меъморий ёдгорлик. *Хожа Аҳрор* қурдирган, шаҳарнинг бош жоме масжиди бўлган, Усмон Қуръони шу ерга келтирилган эди. 1875 й. чор маъмурлари томонидан бузиб ташланган. Усмон Қуръони Самарқандга олиб кетилган. 1886 й. маҳаллий аҳоли норозилигидан хавфсираган чор маъмурияти масжид биносини қайта қуриб берган. 1999 й. масжид пойдеворини бузиш пайтида уни шу йили қурилгани ҳақидаги ёзув топилган. Аммо руслар томонидан бунёд этилган бу иншоот масжид бўлмай, келгусида черковга мўлжаллан-

ган бўлган. Масжид биноси ичида меҳроб ўрнига икона ўрнатадиган хоччалар қилинган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 26 янв. фармойишига асосан масжид қайта тикланган ва 1998 й. 16 июлда рўйхатга олиниб ишга туширилган. Масжид биноси 3000 намозхонга мўлжалланган. Асосан «Гулзор» маҳалласи, Чорсу бозоридаги сотувчиларга хизмат кўрсатади.

ХОЖА БАҲРИДДИН ДОНО МАҚБАРАСИ (Хўжалик тор кўч., 1) – меъморий ёдгорлик (19-а. ўрталари); *Қўшчимозор қабристон*и ҳудудида жойлашган. Суфийлик тариқати вакили, кўчманчи аҳоли орасида ихлосмандлари кўп бўлган Хожа Баҳриддин доно қабри устига қурилган. Мақбара пештоқ-гумбазли қилиб пишиқ ғишт (24,5x25x4,5 см)дан қурилган хона ва унинг ғарбидаги синч деворли олди айвонли зиёратхонадан иборат. Мақбара тарҳи тўртбурчак (4,6x5,4 м) деворнинг ташқи сиртидаги ғишт чоклари ганч қоришмаси б-н тўлдириб, текисланган. Пештоқининг ғарбий томонидаги деразадан хонага ёруғлик тушади. Мақбара ички деворларига равоқлар ишланган. Гумбаз (диаметри 2,5 м) ва хонанинг томонлари тенг, гумбаз остидаги давра девор Т. меъморчилигига хос, яъни тепага томон кичрайиб боради; гумбаз пойгумбаздан ғиштин шарафа б-н ажратилган. Х.Б.д.м. Тошкент меъморлиги аънаналарида қурилган мақбара намуна-сидир.

ХОЖА ДОВУД (14-а.) – *Шайх Хованди Тоҳур*нинг ўғли. Қабри Шайхонтоҳур даҳасининг Оқмасжид маҳалласи ғарбида, маҳалла масжидининг орқасида жойлашган. «Тарихи жадидаи





Хожа Баҳриддин доно мақбараси.

Тошканд» асарида келтирилишича, ўша масжид ҳам Хожа Довуднинг масжиди ҳисобланган. Ўтмишда шаҳарликлар Х.Д. қабри масжидида уч кун шаръий шартлар б-н эътикофда бўлиб, нафл рўзасини тутишган. Х.Д.нинг қизидан нақшбандия тариқати пешвоси *Хожа Аҳрор* дунёга келган.

ХОЖА РЎШНОЙИ (лақаби Хожа Чироғбардор) – тасаввуф вакилларидадан (11-а.). Х.Р. номи б-н боғлиқ қадамжолар Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Масалан, Термиздаги 11-а. меъморий ёдгорлиги Х.Р. мақбараси номи б-н юритилади. Т.да Х.Р. маҳалласида Хожа Рўшноийота мазора бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд»га кўра, Х.Р. қабри Хожа Довуд мақбарасидан 150 қадам ғарбда, қабристон ўртасида, Катта кўча (ҳоз. Навоий кўч.)га туташ бўлган. Шаҳар аҳолисининг бирор бир муродмақсади бўлса, жума куни кечаси унинг мақбараси бошида бир шам ёқиб, тиловат қилиб, унинг савобини ул зотнинг руҳ покларига бағишлаганлар.

ХОНАҚОҲ – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Тиканлик

мазор, Мурод, Кўкмасжид маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. 300 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик, баққоллик ва деҳқончилик (шаҳар ташқарисидаги далаларида) б-н шуғулланган. Чойхона, темирчилик устахоналари, мисгарлик устахонаси, баққоллик дўконлари, масжид бўлган (20-а. боши).

ХОНДАМИР МАҲАЛЛАСИ (Дурбек 1-тор кўч.) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ибрат», «Шарқ Юлдузи», «Нишабариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. ташкил топган. 2003 й.гача Ҳамза, 2003 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. Аҳолиси 2016 киши, асосан ўзбек, рус, татарлар яшайди. Маҳалла ҳудудида «Маҳкамота» масжиди жойлашган.

«ХОНОБОД» МАҲАЛЛАСИ – Сергели туманидаги маҳалла. 1991 й. ташкил топган. 2009 й. фев.гача «Ёшлик» маҳалласи дейилган. «Баҳор», «Қипчоқ» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла номи *Хонободтепа* шаҳар харобаси номидан олинган. Аҳолиси 8535 киши (2018 хонадон)дан иборат. Миллий таркиби асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада болалар боғчаси, мактаб, оилавий шифохона, дорихона, озик-овқат дўкони, кафе, новвойхона ва б. мавжуд.

ХОНОБОДТЕПА – қад. шаҳар харобаси (6–13-а.ларнинг боши, 16–17-а.лар). Т. жан.да, Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, дарёдан 0,5 км нарида. Шаҳар харобасига оид дастлабки маълумотлар (тафсилоти, топилмалар, ривоятлар) 19-а. охири – 20-а. бошида Д.М.Граменицкий, И.Т. Пославский асарларида келти-

рилган. Ўтган асрнинг 30–60-й.ларида М.Е.Массон, В.М.Массон, Ю.Ф.Буряковлар томонидан шаҳар харобаси ўрганилган. 1971–75-йилларда Х.да Тошкент археология экспедицияси (В.А. Булатова, Л.Г.Брусенко, Л.Л. Ртвеладзе, Э.В.Ртвеладзе, М.И. Филанович) археологик қазималар ўтказган. Шаҳар харобасининг тарҳи квадрат (530x500 м) кўринишда, майд. тахм. 30 гектар. Шарқий бурчагида арк жойлашган, у шаҳристондан кенг хандақ б-н ажратилган. Шаҳристон ва арк ҳудудининг бир қисми ўрнида ҳоз. *Хонободтепа қабриstonи* жойлашган. 6-асрда бу ерда кичикроқ истеҳкомсиз қишлоқ бўлган. 7-а. 1-ярмида Чирчиқ дарёси тошиши натижасида аҳоли уни ташлаб кетган. 7-а. ўрталарида бу жойда яна одамлар яшай бошлаган, шаҳар пахса ва хом ғиштдан ишланган, ички йўлак ва минорали тўртбурчак мустаҳкам девор б-н ўраб олинган, девор ичкарасига муҳташам бинолар, уй-жойлар қурилган, уларнинг орасида ҳовузлар, жамоат майд.лари, бозорлар жойлашган. 8-а. 1-ярмида арк ва шаҳристоннинг бир қисми бузилиб кетган, деворларининг айрим жойларида ёнғин излари қолган (буларни араб халифалигининг Чочдаги истилолари б-н боғлиқ, дейиш мумкин). 9–12-а.ларда Х. ҳудудида ҳаёт қайта тикланиб, аста-секин обод бўла бошлаган, лекин бу аввалгисидан сустроқ юз берган. 13-а. бошида мўғуллар томонидан вайрон қилинган.

15–16-асрларда узоқ вақт вайроналикдан кейин шаҳристоннинг бир қисми ва аркда яна аҳоли яшай бошлаган. Арк тарҳи тўртбурак (104x80 м) шаклдаги бино бўлиб, атрофи мустаҳкам девор б-н ўралган. Де-



Хонободтепа. Қалъа деворининг бир қисми.

вор ичкараси бўйлаб энсиз тўртбурчак уйлар қурилиб, уларнинг бир томони арк деворига тақалган, қарама-қарши томони эса катта тўртбурчак ҳовлига қараган. Шаҳристонда қалъа жан.-шарқий деворининг бир қисми ва бир неча хоналар қолдиғи топилди. Деворларнинг икки даврда қурилганлиги маълум бўлди. Дастлабки пахса девор 7-а. 2-ярмига мансуб бўлиб, эни таг қисмида 7 м гача, тепасида 3 м дан зиёд бўлган. Кейинчалик пахса устига хом ғишдан девор кўтарилиб, ички томонига пештоқли йўлақлар, ўқ отиш учун нишон туйнуқлар ишланган. 8-а. 2-ярмида девор ёнида остонлар некрополи пайдо бўлган. Шаҳар харобасидан 8-а. 1-ярмига мансуб тангалар, улар орасида Чоч ҳокими Тарнавчанинг йиртқич ҳайвон тасвири туширилган тангаси, Усрушона ҳокими Сатачарий II, Сўғдиёна ихшиди Тургар (738–750), турк ҳокими Элтегин тангалари, Аббосийларнинг Балхда ясалган фельси, Дайфурту давлати ва Кабарна ҳокими Кавираднанинг тангалари, шунингдек, қопқоғида қуш боши ва соқолли одам юзи тас-

вирланган ўймакор нақшли остонлар, буқа бошли сирланган қадах, одам тасвири туширилган сопол ёрлиқ (булла), 6–12-асрларга оид сирланган ва сирсиз сопол идишлар ҳам топилган.

ХОНОБОДТЕПА ҚАБРИСТОНИ (Сергели тумани, Хонобод қишлоғи) – майд. 8,29 гектар. 17-а.дан мавжуд. Қишлоқ харобаси (қ. *Хонободтепа*) номи б-н аталади. Қабристон ёнида «Хонобод» жоме масжиди бор.

«ХОНЧОРБОҒ» МАҲАЛЛАСИ (Мевазор кўч., 19) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Намуна», «Қорасарой», «Қичқириқ» ва «Чилтўғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 20-а. бошигача Себзор даҳаси мавзеларидан бўлган. Маҳалла 1920-й.ларда ташкил топган. Шу давр орасида у «Тешиққопқа», «Мустаҳкам», «Мевазор», Зухриддин Фуломов, яна «Тешиққопқа» номлари б-н аталган; 2007 й. нояб. ойидан ҳоз. номда. Маҳалла номи *Кайковус чорбоғи* номи б-н боғлиқ. 18–19-а.ларда бу ном «Хончорбоғ»га айланиб кетган. Аҳолиси 4212 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек татар, рус, қозоқлар яшайди. Маҳалла ҳудудида маданий-маърифий м-з, футбол майдони, 4 кафе, Тешиққопқа қабристони мавжуд. Зухриддин Фуломов маҳаллага 40 йилдан ортиқ раислик қилган.

ХОРАЗМ КЎЧАСИ – Тошкентнинг м-зида жойлашган кўчалардан бири. Кўча 2 қисмдан иборат. 1-қисми Истикбол ва Тараққиёт кўчалари, 2-қисми Мустақиллик кўч. ва Амир Темур шоҳ кўчаси оралиғида. Умумий уз. 1 км атрофида.

Х.к. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг *Янги шаҳар* қисмида ташкил топган. Чор Россияси дав-

рида Хива кўч. деб юритилган. 1925 й. 19 янв.дан Х.к. деб юритилади. Йўналишида «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ўзбекистон радиоси, «Юнус Ражабий» метро бекати, «Гранд Плаза» меҳмонхонаси, «Ўзэнергоназорат» бирлашмаси ва б. жойлашган.

«ХОРАЗМ» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-2, 5) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Ёшлик», «Оқибат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. 2005 й.гача «Мустақиллик» маҳалласи деб аталган. 2005 й.дан «Хоразм» номида. Аҳолиси 2223 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, ахборот коллежи, мусиқа коллежи, 2 та болалар боғчаси бор.

ХОРАЗМИЙ, Абу Жаъфар (Абу Абдуллоҳ) Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783 – 850) – ўртаоғиёлик буюк математик, астроном, географ, фан тарихидаги илк қомусий олимлардан. Хива ш.да туғилган. Дастлабки маълумотни Хива ш.да олган ва етук олим бўлиб шаклланган. Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ўғли ва унинг Хуросондаги волийси ал-Маъмун ҳузурига – Марвга таклиф этилган. 819 й.да Бағдодни эгаллаган ал-Маъмун туркистонлик машҳур олимларни ўзи б-н олиб кетиб, ўзига хос илмий жамоа ташкил этган. Бу жамоа фан тарихидаги дастлабки росмана академия деб қараладиган илмий муассаса – «Байт ул-ҳикма» («Донишмандлик уйи»)нинг ўзгичи ташкил этган. Бу академияда Х. етакчи олим ва илмий раҳбар бўлган. У шу даврдан бошлаб Бағдодда ал-Маъмун

(813–833), сўнг ал-Мўътасим (833–842), ал-Восиқ (842–847) халифалиги даврларида яшаган. Х. Бағдодда юнон фанининг ютуқларини ўрганди, ҳинд ва эрон манбалари, ҳатто бевосита Бобилдан қолган айрим маълумотлар ҳамда хитой манбалари б-н ҳам танишди, уларни ўзининг муҳим кашфиётлари б-н бойитди ва фан тарихида абдий из қолдирган фундаментал асарлар яратди. Х.нинг бизгача ўнтача асари тўлиқ, қисман ёки айрим парчалар тарзида етиб келган.

Х. алгебра фанига асос солган. Бу фан атамаси унинг «Китоб мухтасар мин ҳисоб ал-жабр вал-муқобала» («Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») асари номидан келиб чиққан. Х.нинг китоби, биринчи навбатда, алгебраик ҳисобга бағишланган. Х. асари 12-а.нинг бошларида лотинчага таржима қилинган, номи қисқариб «ал-жебра» (француз, инглиз тилларида), «алгебра» (немис, рус тилларида) деб атала бошлаган ва фан номига айланиб кетган.

Бугун умумбашарий маданиятнинг энг оддий унсурига айланиб кетган сонларни ўнли санок системасида ёзиш ва улар устида арифметик амалларни бажариш қоидалари Х.нинг «Арифметика» асари туфайли жорий бўлган.

Х.нинг буюк хизмати шундаки, у ўнли санок системасининг аҳамиятини биринчи бўлиб пайқаб, содда ва лўнда услубда баён қилиб берган. Шу туфайли Х.нинг китоби ҳам, ўнли санок системаси ҳам тез орада Шарқий Туркистондан Испаниягача бўлган ҳудуддаги мусулмон дунёсига, 12-а.дан бошлаб Европага тарқалди. Шунинг учун Х.ни бутун инсониятни арифме-

тикага ўргатган устоз ҳисоблаш мумкин.

Х.нинг фан тараққиётида чуқур из қолдирган яна бир асари «Зиж»дир. У назарий астрономия ва астрономик жадваллардан иборат бўлиб, арабча кўлёмалари сақланмаган, Маслама ал-Мажритий (10-а.) томонидан қайта ишланган вариантнинг лотинчага ва яхудийчага таржималари етиб келган.

Х.нинг «Китоб амал бил-астурлобот» («Астролябиялар б-н амаллар ҳақида китоб») асарида қад. ва ўрта аср астрономиясининг асосий кузатув асоби бўлган астролябия (арабча устурлоб) яшаш ва ундан фойдаланиш, осмон ёритқичларининг баландлиги, буржларга кириш вақти, бир кунлик ҳаракати ва эклиптик координаталари, географик объектларнинг координаталари, янги Ой чиқиш муддатларини аниқлаш ва б. аниқ ва лўнда қоидалар тарзида (алгоритмик услубда) баён қилинган.

Х.нинг «Яхудийлар тақвими ва байрамларини аниқлаш ҳақида рисола» асари (Ҳиндистоннинг Патна ш.да сақланади) олимнинг этн. б-н шуғулланганидан далолат беради.

Унинг «Сурат ал-Арз» асари (бошқа номи «Ал-Хоразм географияси») фан тарихидаги муҳим манбалардан биридир. Унда биринчи марта Ер сиртини 7 иқлимга бўлиш илмий ёндашув б-н, иқлимларнинг географик катталиклари асосида берилган. Хусусан, Х. география тарихида биринчи марта Тинч океанни тилга олади. У ўзи яшаган жойлардан жуда узоқдаги бошқа объектлар: Атлантика ва Ҳинд океанларидаги ороллар, жумладан, Буюк Британия, Ирландия, Сарандиб (Шри Ланка)

жойлашувини тўғри тасвирлайди. Китобда тасвирланган хариталар харитаграфия тарихида муҳим ўрин тутди. Бу китоб 12-а.даёқ лотин тилига таржима қилинган ва география фани ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Х.нинг «Китоб ат-тарих» асарида Муҳаммад (ас) ҳаёти б-н боғлиқ саналар, ислом тарихидаги муҳорабалар, Қуёш тутилишлари, 713 й. 10 мартда Антиохия ш.да юз берган даҳшатли зилзила, халифаликдаги сиёсий ҳодисалар қайд этилган.

1983 й.да Х. таваллудининг 1200 йиллиги муносабати б-н унинг барча асарлари рус тилида (А. Аҳмедов, А.П.Юшкевич, Б.А.Розенфельд ва б. таржималарида) ҳамда «Танланган асарлар»и ўзбек тилида (А. Аҳмедов таржимасида) нашр этилди.

Буюк олим таваллудининг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган Халқаро илмий анжуман (Москва, Тошкент ва Урганч ш.да) Х.нинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрнини белгилашда муҳим тадбир бўлди. Т.даги даҳа, мавзе, маҳалла ва кўчалардан бири Х. номи б-н аталган.

ХОРАЗМИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ал-Хоразмий мавзеси, 10^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Бўстон» маҳалласи, Пойгоҳ, Қовунчи кўчалари б-н чегарадош. 1992 й. шу номда ташкил қилинган. Аҳолиси 2556 киши, асосан (83,6%) ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида «Алгоритм» sanoat корхонаси, ўрта мактаб, 3 маиший хизмат кўрсатиш дўконлари ва б. жойлашган.

ХОРАЗМИЙ МАҲАЛЛАСИ (31-мавзе, 252) – Учтепа туманидаги маҳалла. Соғуний, «Катта Қабни» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. сент.да ташкил топган. Аҳолиси 8030 киши, асосан,

ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 болалар боғчаси, 2 ўрта мактаб, лицей, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

ХОТИНМАСЖИД, Ўрозалибой жоме масжиди – ўтмишда Себзор даҳасининг Хотинмасжид маҳалласидаги масжид (1754). Т.нинг йирик ва қад. масжидларидан, ноёб меъморий ёдгорлик бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига кўра, ўтмишда бир аёл томонидан қурилгани учун шундай аталган. 1858–59 й.ларда Т.лик Ўрозалибой томонидан таъмирлангач, унинг номи б-н ҳам атала бошланган. Х. Бекларбеги мадрасасининг шарқида, Эскижўва мавзеида жойлашган бўлиб, унинг қошида бир хужра, мактаб ва қорихонаси бўлган. Масжиднинг ғарб томонида номаълум қабр – шаҳарда дафн қилинган ҳафттанлардан (етти биродар) бирининг қабри бўлган. Х. 1907 й. Ўрозалибойнинг ўғли, масжид мутаваллиси Мулла Нормухаммаднинг шахсий маблағи ҳисобига қайта таъмирланган. Вақфнома ҳужжатларига кўра, шаҳарлик Султонбой Абдусами ўғли томонидан масжидга Камолон дарвозаси ташқарисида Новза ариғида бедазор ва экин-

зор ер, Қорасарой дарвозаси ташқарисидаги Янгиариқ мавзеидаги ер, Қўйчимозори мавзеидаги Надржон қулоғи ариғидаги ер, Х. маҳалласида ерлар вақф қилинган.

1932 й.да Эскижўвадаги кўчани кенгайтириш муносабати б-н ўймакорлик нақшлари б-н нодир меъморий ёдгорлик бўлган Х. Шайх Хованди Тохур мозори ёнига кўчириб келтирилган. 1953 й.да ушбу масжид биноси 20х12=240,0 кв.м майдонни эгаллаб турган. Х.дан бир қанча вақт кутубхона сифатида фойдаланиб келинган. 1967 й.да бузиб ташланган.

ХОТИНКЎПРИК – Т.нинг шим.ғарбида, Собир Раҳимов тумани, Олимпия мавзесига яқин ердаги жарлик устига қурилган қад. ёғоч кўприк. 1490 й.га оид Хожа Аҳрор вақфномасида айтилишига кўра, Қурама мулкининг ғарбий чегараси «Хотун Кўфруги», шим. чегараси «Кўриқ-и Қорақамиш» б-н чегараланган. Х. шим. туманларда яшовчи кўчманчи аҳоли б-н Т.ни боғловчи муҳим стратегик кўприклардан саналган. Ўтмишда, 20-а.нинг 1-ярмига қадар бу ҳудудда Т.ликларнинг кўргонлари, боғ ҳовлилари жойлашган. Коллективлаштириш (жамоолаштириш) жараёнида бу ерлар

собик «Коммунизм» к-зи таркибида бўлиб, колхоз боғлари, чойхонаси жойлашган.

Эскижўва майдонидаги Хотинмасжид (тарихий сурат; 20-а. боши).



1966 й.ги зилзиладан сўнг Қорақамиш турар жой массиви қурилиши муносабати б-н Х. ўрнига катта бетон қувурлар ётқизиilib, усти асфальтлаб ташланган, бироқ Х. топоними ҳануз сақланиб келмоқда.

ХОТИРА МАЙДОНИ – пойтахт марказида жойлашган меъморий мажмуа. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси ва раҳбарлиги ҳамда Президентнинг 1999 й. 2 мартдаги «9 Майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони асосида *Мустақиллик майдони* ҳудудида ташкил этилган. Очилиш маросими 1999 й. 9 май куни бўлиб ўтган. Х.м. ўрни 19-а.нинг 2-ярмигача шаҳар аҳолиси томонидан экинзор сифатида фойдаланилган. 1865 й. Тошкент чор Россияси томонидан истило қилинган, бу ерда ҳарбий зобитлар ва Туркистон ҳарбий губернаторлиги ходимлари учун шахсий турар жой бинолари қурилган. 1975 й. 7 майда майдон ҳудудида 2-жаҳон урушида бедарак йўқолганлар хотирасига бағишланган рамзий «Номаълум солдат» ёдгорлиги ўрнатилган. Х.м.ни яратиш ишлари 1998 й. дек. ойида бошланган. Майдон лойиҳаси муаллифлари: В.А.Акопжаниян ва М.Ш.Мусаев. Майдоннинг шим. ва жан. томонида миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, вассажуфтли қилиб қурилган айвонлар қад кўтарган. Мажмуани бунёд этиш ва безашда таниқли ёғоч ўймакорлари Х. Одилов, С.Раҳматуллаев, А.Азларов (Тошкент), А.Абдуллаев (Қўқон), М.Асадов (Самарқанд), Х.Боғибеков (Андижон) ва б. иштирок этган. Усталар



Хотира майдонидаги «Мотамсаро она» ҳайкали.

томонидан 42 та устун безатилган. 28 та токча – хотира китобида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган ёки бедарак кетган 450 мингга яқин юртдошимиз номлари зарҳал ҳарфлар б-н битилган. Хотира майдони марказида «Мотамсаро она» ҳайкали (ҳайкалтарош И.Жабборов) ўрнатилган. Ҳайкал атрофида манзарали дарахтлар экилган хиёбон бор (уз. 60 м). «Мотамсаро она» ҳайкали пойига «Сен доимо қалбимдасан, жигарим», мангу олов теграсига «Эл-юртимизнинг эрки ва озодлиги, бахту саодати учун ҳаётини қурбон қилган ватандошларимиз хотираси ҳамиша барҳаётдир» деган ёзувлар битилган. Ҳар йили 9 май Хотира ва Қадрлаш кунини ушбу майдонда кенг жамоатчилик томонидан 2-жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини эъзозлаш маросими бўлиб ўтади.

ХУДОЙНҚЕТ – Чочнинг қад. шаҳарларидан бири (1–12-а.лар). Араб географлари (10-

а.) Х.ни *Харашкетдан Бинкат*-га борадиган Буюк ипак йўлида (1 фарсаҳ масофада) жойлашганини қайд этишган. Х. харобалари Оққўргон ш.нинг шим. чеккасида Оққўргон ш. харобаси номи б-н машҳур. 1957 ва 1971 й.ларда Ю.Буряков тадқиқ этиб, Х. айнан шу ерда бўлганлигини аниқлаган. Ёдгорлик тўғри тўртбурчак тарҳли ғарбдан шим.га чўзилган (30 гектар), арк, шаҳристон ва рабоддан иборат. Арк айлана шаклида (майд. 1 гектардан зиёд, бал. 20 м) бўлиб, шаҳристондан чуқур хандақ б-н ажратилган. Шаҳристон 2 қисмдан (ўзаро хандақ ва девор б-н бўлинган) ташкил топган. Жан. ва жан.-шарқдан рабод (20 гектар) ёндошган. Х.да қазишмалар ўтказилмаган, лекин аркдаги қурилиш давомида археологик кузатув ишлари олиб борилган. Аркдаги маданий қатламнинг қалинлиги 1,5 м. Шаҳардаги ҳаётнинг 3 йирик босқичи кўзга ташланади: мил. 1–5-а.ларда қалъа (майд. 1 гектардан зиёд) бунёд этилиб, ат-

рофи мудофаа девори б-н ўраб олинган. Қовунчи I–II га оид сопол буюмлар чиққан; 6–8-а.ларда арк деворлари қўшимча истеҳкомлар б-н жиҳозланган. Девор атрофида турар жойлар қурилиб, шаҳар тусини олган, Турк хоқонлиги даврига оид қалин маданий қатламдан сопол буюмлар мажмуи чиққан; 9–12-а.ларда шаҳар кенгайиб тева-рак-атрофи б-н 30 гектарни эгаллаган. Аркда пишиқ гиштдан маҳобатли бинолар, шаҳристон ва рабодда турар жойлар, шарқий рабодда кулолчилар устахонаси вужудга келган. Сирланган сопол идишлар, шиша буюмлар, меҳнат қуроллари, тақинчоқлар топилган. Х.даги ҳаёт 13-а. бошида барҳам топган, кейинги даврларда у хароба ҳолда бўлган. Ҳозирда ёдгорлик замонавий қабристон томонидан анча ўзлаштирилган. Аркда 2-жаҳон уруши йилларида ҳалок бўлган жангчилар шарафига ёдгорлик монументи ўрнатилган. **«ХУРОСОН» МАҲАЛЛАСИ** (12-мавзе, 9–26-уй) – Учтепа тума-

нидаги маҳалла. «Кўрғонтепа», «Тинчликобод», «Гузар», «Ватанпарвар», «Ширин» маҳаллалари б-н чегарадош. 1963 й. ташкил топган. Аҳолиси 8050 киши, кўп миллатли (19 миллат). Маҳалла худудида 2 ўрта мактаб, 3 болалар боғчаси, юридик коллеж, 3 та гараж, 4 та дорихона, 3 тикув цехи, 5 кафе, 12 дўкон, 11 маиший хизмат кўрсатиш шохбачаси ва б. бор.

ХУРШИД (тахаллуси; асл номи Шамсиддин Шарафиддинов) (1892. 20.6–1960.13.9) – шоир ва драматург. Ўзбекистон миллий мусиқали драма театри асосчиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1941). Т.да туғилган. Т.даги мадрасаларнинг бирида, сўнг рус-тузем мактабида (1908–10) ўқиган. Т.да «Беҳбудий» ва «Намуна» мактабларида ўқитувчилик қилган (1918–20). 1920 й.дан Эски шаҳар халқ маориф бўлимида ва Маннон Уйғур раҳбарлигидаги театр труппасида ишлаган. Навоий номидаги опера ва балет т-рида адабий эмалдош (1933–48), Тил ва адабиёт ин-ти қошидаги Адабиёт музейида илмий ходим (1949–60).

Х. ўз шеърларини жамлаб, «Девони Шоҳидий» номи б-н девон ҳам тузган (1912). Х. драматург сифатида 20 га яқин катта ва кичик ҳажмли пьесалар яратган. У ўзбек драматургиясида биринчи марта Навоий «Хамса»сига кирган дostonлар асосида мусиқали драмалар ёзган. Х.нинг «Лайли ва Мажнун» мусиқали драмаси 1923 й.да, «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмаси эса 1926 й.да давлат намуна труппаси томонидан саҳналаштирилган. «Қалин» (1930), «Сиёвуш» (Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари асосида, 1945), «Ойбону» (1955) мусиқа-

ли драмалари муаллифи. Х.нинг мусиқий драмалар ва опера либреттолари учун «Дугоҳ», «Сегоҳ», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Баёт» сингари халқ куйларига мослаб ёзган аксар кўшиқлари ўзбек кўшиқчилиқ санъатининг мумтоз намуналарига айланган ва етакчи ҳофизлар репертуаридан ўрин олган. 50-й.ларда эса Ҳофиз Шерозийнинг бир қанча асарларини ўзбек тилига ўгирган. Т.даги маҳалла ва кўчалардан бирига Х. номи берилган.

ХУРШИД КЎЧАСИ – Юнусобод тумани худудидаги м-зий кўчалардан бири. *Амир Темуր шоҳ кўчаси* ва *Зулфияxonим кўчаси* оралиғида. Уз. 1,2 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб кўча бир қаватли уйлардан иборат бўлиб, туркистонлик 14 комиссардан бири – В.Д.Вотинцев номи б-н аталган. Сўнг Лабзак номи б-н юритилган. 1964 й. шоир ва драматург *Хуршид* номи берилган. Т.зилзиласи (1966)дан кейин реконструкция қилинган ва кенгайтирилган. 2000 й. 24 фев.да Х.к.нинг Шайхонтохур туманидаги қисмига Зулфияxonим номи берилган. Йўналишида Малайзиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ёнғиндан сақлаш бош бошқармаси, «Диёр» ва «Персия» ресторани, Минор қабристонни, савдо мажмуа ва шохобчалари, кўп қаватли турар жой бинолари ва сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Этагидан Анҳор канали оқиб ўтади. **ХУРШИД МАҲАЛЛАСИ** (Атой кўч., 1) – Учтепа туманидаги маҳалла. Бешқайрағоч даҳасида жойлашган. «Куйи Дархон», «Оқмачит», Зулфизар маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла *Хуршид* номи б-н юритилди (1965). Унгача «Шўро» маҳалласи деб аталган. Маҳалла аҳоли-

си 1966 й.ги зилзиладан сўнг кўчиб келган оилалардан ташкил топган. Аҳолиси 2200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди.

ХУСУСИЙ УЙ-ЖОЙ МУЛҚДОРЛАРИ ШИРКАТИ – кўп хонадонли битта ёки яқин, зич жойлашган, умумий ер участкаси б-н қамраб олинган бир нечта уйдан иборат ширкат [1964–98 й.да турар жойдан фойдаланиш идораси (ЖЭК)]. Нотижорат ташкилот. Биринчи Х.у.-ж.м.ш. 1999 й.да ташкил этилган. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси таркибида. Ширкат уй-жой фондини биргаликда бошқариш ва уни сақлаш, асраш, капитал ва жорий таъмирлаш, кўп хонадонли уйдаги турар жойлар мулкдорларининг умумий мол-мулкидан фойдаланишни таъминлаш, уй-жойлар ҳамда улар яқинидаги атроф-худудларни техника ва санитария жиҳатидан яхши ҳолатда сақлаш ишларини олиб боради. Шунингдек, ширкат маҳаллий давлат ҳокимияти органлари б-н ўзаро ҳамкорликда уй-жой фондини куз-қиш мавсумига тайёрлайди. 2009 й.да шаҳарда 2274 Х.у.-ж.м.ш. фаолият кўрсатди.

ХЎЖА АЛАМБАРДОР МАҚБАРАСИ (Камолон кўч., 109^а-уй) – меъморий ёдгорлик (19-а.). Маҳаллий ривоятга кўра, мақбара *Қафқол Шоший*нинг сафдоши, аламбардор (байроқдор) номи б-н машҳур бўлган Хўжа Аламбардор шарафига қурилган. Унинг тахмин қилинган қабри (10-а.) Камолон дарвозаси ортида бўлиб, зиёратгоҳ мемориал мажмуага асос бўлган; унинг ер ости чиллахонаси ҳозиргача сақланган. Мақбара қабристоннинг м-зида жойлашган, пештоқ

гумбазли бир хонали иншоотдан иборат. Бино ўлчами – 8,87x8,0 м, хона ўлчами – 6,8x6,8 м, бал. (гумбази б-н) – 10,3 м.

Хўжа Аламбардор аслида Сайрамда дафн этилган (Х.А.м.даги қабр рамзи).

Хўжа Аламбардор жоме масжиди – эски биноси 19-а.да Орифхўжабой томонидан қурилган. 1993 й. янги бино қуришга рухсат олиниб, 2005 й. қуриб битказилган. Масжид Янгиобод, Камолон, Каттабоғ, Чарх Камолон, Самарқанд дарвоза ва Бешёғоч маҳаллаларига хизмат кўрсатади (5000 кишига мўлжалланган).

ХЎЖА АЛАМБАРДОР ҚАБРИСТОНИ, Камолон қабристонини («Янгиобод» маҳалласи ҳудудида жойлашган) – ум. майд. – 6 гектардан ортиқ. 16-а.дан мавжуд. Қабристонга шарқшунос олим Абдуқодир Муродов, шоирлар Ҳабибий, Мискин, Ёнгин Мирзо, Музайяна Алавия, Хуршид, акад. Мақсуда Хожинова, проф.лар Ҳамидулла Ҳасанов, Исоқ Комилов, актёрлар Тўғон Режаматов, Неъмат Қосимов ва б. дафн этилган. Ёзувчи Абдулла Қодирий хотирасига қабртоши қўйилган (унинг ўғли Ҳабибулла Қодирий ҳам қабристонга дафн этилган). Қабристон ҳудудида *Хўжа Аламбардор мақбараси* ва шу номда масжид бор.

ХЎЖА ПАРИХОНТЕПА, Хўжа фархон – илк ўрта асрларга оид археологик ёдгорлик,



Хўжа Аламбардор мақбараси.

оташпарастрлар қабристонини (мил. 6–7-а.лар). Беруний ва Кичик ҳалқа йўли кўчалари кесишган ерда жойлашган. 1988 й. *Тошкент археология экспедицияси* (М.И.Филанович) томонидан ўрганилган. Х.П. марҳумлар оссурийларда дафн этилган некрополь (ўтмишда бал. 5 м бўлган) эканлиги аниқланган. Х.П.нинг устки қатлами 20-а. бошида қабристон бўлган («Тожиқмозор» деб ҳам аталган). Х.П.да қорахонийлар даврида (11–12-а.) хумдон бўлганлиги аниқланган. Ёдгорликдан топилган нақшлар б-н безатилган оссурий (остадон)лар Чоч ва Илоқ аҳолиси ўртасида зардуштийлик кенг тарқалгани, Суғд ва Хоразм б-н яқиндан алоқалар мавжуд бўлганидан далолат беради. Х.П. ўрнида ҳозир замонавий бинолар қад кўтарган.

ХЎЖАЕВ Олим (1910.24.9–1977.14.2) – актёр, реж., жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ ар-

тисти (1948). 1929 й.дан Т.да. Бухоро маориф билим юртини тугатган (1929). 1929–77 й.лар Ҳамза театрида актёр (1975–77 й.лар директор). Ҳамлет (У.Шекспир, «Ҳамлет»), Ҳамза (К. Яшин, А.Умарий, «Ҳамза») образлари машҳур. «Алишер Навоий» (Уйғун, И.Султон) драмасидаги Навоий образини нафақат т-р тарихида, балки актёр ижодида ҳам алоҳида ўринга эга. Х. бу ролни сахнада 25 й. давомида ижро этган ва Давлат мукофотига сазовор бўлган (1949). Асосий роллари – Карл Моор

(Ф.Шиллер, «Қароқчилар»), Сатор (Б.Раҳмонов, «Юрак сирлари»), Чжин Гун (Ван Ши Фу, «Май тўкилди»), Астров (А.Чехов, «Ваня тоға»), Нолинакха (Р.Тагор, «Ганг дарёсининг қизи») ва б.

Х. режиссёр сифатида «Май тўкилди» (Ван Ши Фу), «Абу Райҳон Беруний» (Уйғун), «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза, Болгариянинг Хасково т-рида) сингари спектакллари сахналаштирган. Кинода Ҳакимбойвачча («Қутлуғ қон»), Давронбек («Фарзандлар»), Обидий («Умид») каби роллари б-н танилди. Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг раиси (1955–77). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўч.лардан бирига Х. номи берилган.

Ц

ЦИРК – археологик материаллар, ўрта аср қўлёзмалари, олим ва сайёҳларнинг эсдаликлари Т. ҳудудида Ц. санъати унсурлари қадимдан ривож топганини кўрсатади. Муаллақчи, найрангбоз, ёввойи ва уй ҳайвонларини ўргатувчи кишиларнинг маҳорати ҳақида тафсилотлар, ривоятлар сақланган. Халқ сайлларида, бозор ва гузарларда дорбоз ва симбозлар, жонглёрлар, полвонлар, бесуяклар ўз санъатларини намоиш этганлар. Айниқса, дорбозлик кенг ривож топган.

Т. томошабинлари Европа Ц. санъати б-н 20-а. бошларида та-

Тошкент цирки.

нишдилар. Т.да гастролда бўлган Ф.Юпатов, В.Соболевский, А.Фаррух ва б.нинг антрепренёр труппалари муваққат биноларда томошалар кўрсатган. Т. ярмаркаларида бир вақтда 3–4 Ц., жумладан, ўргатилган ҳайвонлар б-н ҳам томоша кўрсатган. *Эски шаҳар*да 10 минг томошабинга мўлжалланган очиқ Ц. ишлаб турган. 1910 й.дан Ц. труппаларининг томошалари «*Колизей*» биносида кўрсатила бошлади. 1914 й. охирида *Воскресение бозори* (ҳоз. Навоий майд.) ҳудуди яқинида Ф.Юпатовнинг ёғочдан ишланган стационар Ц. биноси қурилди. Бу

ерда европалик ва рус артистлари б-н бирга ўзбек артистлари, жумладан, Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, акробатчи, раққоса, чавандоз Е.Юпатова (Гўзал Елена) ва б. ҳам томоша кўрсатдилар, бу рус-ўзбек труппасини мустаҳкамлашга хизмат қилди. 1918 й. Ц. биноси Шаҳар совети ихтиёрига ўтди ва уни турли жамоалар ҳамда ширкатлар ижарага олиб фойдаландилар. Т. циркининг биринчи бадий раҳбари ва директори – А.В.Лапиадо (ҳақиқий фамилияси Королев). 1928 й. Карим Зарифов «Қизил Шарқ» (кейинроқ «Кооператив») Ц. труппасини



ташқил этди. 1930 й. Ўрта Осиё респ.лари ва Қозоғистон Ц.ларини бирлаштирган Давлат цирклари марказий бошқармаси тузилди. 1941–44 й.ларда Т. цирки қошида Абдулла Гисматулин раҳбарлигидаги акробатика студияси ишлади. 1942 й.да Т.да биринчи миллий жамоа (Ўзбек



Ҳайвон ўргатувчи Рустам Матчонов.

цирки) ташқил этилди. Бадий раҳбари Тошканбой Эгамбердиев, саҳналаштирувчи реж.лар Хўжаев ва Н.Байкалов, балет-мейстер Али Ардобус, рассом Ш.Шораҳмедов, композитор М.Ниёзов бўлган. Уч қисмдан иборат театрлаштирилган Ц. томошасида етакчи артистлар б-н бир қаторда, анъанавий Ц. ўйинлари ҳам қатнашган. 1950–80 й.лар ўзбек цирки жамоаси миллий руҳда ишланган дастури б-н кўпгина мамлакатларда гастролда бўлди. 1950 й.дан Т.да «Саҳнадаги цирк» кўчма корхоналар дирекцияси иш бошлади. 20-а.да ўзбек Ц.нинг ривожланишига Тошканбоевлар, Зарифовлар, Хўжаевлар, Мадалиевлар сулоласи, Ақром Юсупов, Г.И.Заставников, П.А.Боровиков, Х.Мусин, Қодир-Фулом (В.К.Янушевский), Раҳмоновлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Т. зилзиласи (1966)дан кейин эски Ц. биноси бузиб ташланди, шундан сўнг вақтинчалик шапито цирки ишлаб турди. 1975 й. Ҳадра майд.да 2597 ўринли янги Ц. биноси қуриб битказилди (меъмор Г.Александрович, Г.Масягин; муҳандислар С.Беркович, Р.Муфтахов).

Ц. биноси 2 қисмдан иборат: томоша зали, унинг атрофидаги вестибюль, фойе, гардероб, буфетлар ва хизмат хоналари жойлашган. Бино ечимида анъанавий устун-тўсинли услуб ўрнига хошия-ҳалқали конструкция услубининг қўлланиши фойени устунлардан холи қилишга ва томошабинлар учун қулай шароит яратилишига имкон берди. Шу б-н бирга, фойе икки хил баландликда қурилган; юқоридагиси 7 метрли ҳалқа консоль ёрдамида тўла айлана ҳосил қилиб, катта буфет б-н бирлаштирилган. У серҳашам зинапоялар орқали пастки сатҳи б-н туташтирилган. Залга пастки сатҳдан ҳам, шунингдек, ўзига хос кўприкчалар орқали юқorigи сатҳдан ҳам кириш мумкин. 1–2 қаватли ёрдамчи хоналар хўжалик ҳовли атрофида жойлашган бўлиб, улар ўзаро ва машқ манежининг томошахонаси б-н туташган. Фойе интерьерлари Ц. санъати мавзуга оид ёрқин нур таратувчи рангли витраж безаклар ёрдамида вазмин оқиш тус кўринишига эга. Фойе, залга кириладиган йўлакчалар анъанавий миллий



Тошканбоевлар цирк аренасида.

ганч ўймакорлиги, эшиклар ёғоч ўймакорлиги услубида ишланган.

Мустақиллик даврида ўзбек цирки халқаро цирк майдониغا чиқиб, муносиб ўрин эгаллади. Унинг репертуари янада кенгайиб, замонавий томошабинлар талабига мос янги Ц. томошалар б-н бойиди. Миллий руҳда саҳналаштирилган, анъанавий ва замонавий томошалар 20 га яқин мамлакатларда намойиш этилди. Нуфузли халқаро фестивал ва кўрик-танловларда муваффақиятли қатнашди. 1991 й.дан «Ўзбекдавлатцирк» Респ. бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда.

«ЧАМАНЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Учтепа кўч., 90) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Бирлик» даҳасида жойлашган. «Давлатобод», «Ҳожиобод», «Учтепа» ва Юсуф Саккокий маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. «Янгиобод» номи б-н ташкил этилган. 2004 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4200 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 7 озиқ-овқат дўкони, дорихона, жоме масжиди мавжуд.

ЧАНГТЕПА – шаҳар харобаси (2–13-а боши). Т.нинг шарқида жойлашган. Дастлаб, Г.В.Григорьев (1934), кейинчалик Ф.Дадабоев (1968–69), Ю.Ф. Буряков (1974) текширув-қазииш ишлари олиб боришган. Умум. майд. – 12 гектар, арки – 1 гектар. Ч.нинг қуйи қатламлари мил. 2–3-а.ларга оид. Ч.даги ҳаёт б-а.га келиб барҳам топган, фақат 11-а.га келиб унинг харобалари устида кичик чорбоғ қад кўтарган, у 13-а. бошида вайрон бўлган.

«ЧАРХ КАМОЛОН-1» МАҲАЛЛАСИ (Зухурполвон кўч., 19^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Чилонзор», Фафур Фулом, «Бешёғоч», «Чарх Камолон-2» маҳаллалари б-н чегарадош. Т.нинг қад. маҳаллаларидан бири бўлиб, 1953 й.гача «Новза», «Қозиработ» деб номланган. 1954 й.дан ҳоз. номида. «Чарх Камолон» – «Камолон-

нинг атрофи» мазмунини билдиради. Аҳолиси 1818 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 2 та озиқ-овқат дўкони, «Гулистон» ресторани, турли корхоналар мавжуд. **«ЧАРХ КАМОЛОН-2» МАҲАЛЛАСИ** (Шарқ тонги кўч., 5) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Чарх Камолон-1», «Новза», «Чарх Камолон-3» ва Ҳамза маҳаллалари б-н чегарадош. Ўтмишда маҳалла ўрнида жуда катта боғ бўлган. 1961 й. Муқимий кўч. тушган, сўнг «Новза» маҳалла деб аталган. 1954 й.дан «Чарх Камолон», кейинчалик бу маҳалла катталашиб, аҳоли сони ошиб кетгач, 3 қисмга (1-, 2-, 3-Чарх Камолон) бўлинган. Аҳолиси 4460 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада 12 кўча, туман халқ суди, ҳарбий комиссариати, Озарбайжон элчихонаси, меҳрибонлик уйи, ўрта мактаб, болалар боғчаси ва б. мавжуд.

«ЧАРХ КАМОЛОН-3» МАҲАЛЛАСИ (Тоҳир кўч., 75) – Чилонзор туманидаги маҳалла. *Оқтепа даҳасига* яқин жойлашган. «Чарх Камолон-2», «Чарх Камолон-1» маҳаллалари б-н чегарадош. 1950-й.ларда шаҳар аҳолиси боғ ҳовлилари фуқароларга бўлиб берилиши натижасида мавзе аҳолиси кўпайиб борган. 1963 й. Чилонзор тумани ташкил этилиши туфайли, унинг че-

гараси қайта қурилиб Шайхонтохур туманида «Камолон» маҳалласи, Чилонзор туманида эса «Чарх Камолон» маҳалласи ташкил топган. Аҳолиси кўпайиб боргач, учга бўлинган. 1964 й.дан маҳалла «Чарх Камолон-3» деб атала бошланган. Аҳолиси 4340 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 21 та кўча, 2 та касбхунар коллежи, 5-маданият уйи, «Дентал сервис» поликлиникаси, оталар чойхонаси ва б. мавжуд. **«ЧАТҚОЛ» САНАТОРИЙСИ** (Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Ибн Сино кўч.) – тоғ иқлимий курорт. Тошкент ш.дан 55 км узоқликда, Чирчиқ дарёсининг чап соҳилида, денгиз сатҳидан 610 м баландликда жойлашган. Майд. 12 гектар. 1975 й.да ташкил этилган. Ўзбекистон Респ. Геология ва минерал ресурслар Давлат қўмитасига қарашли тиббий соғломлаштириш маскани. Йиллик ўртача т-ра 11,5°C, ҳавонинг нисбий намлиги 50–60%. Чирчиқ дарёси яқинлиги туфайли вужудга келадиган гидроаэроионизация ва қуёшнинг тўлиқ нури дам олувчилар учун қулай шароит туғдиради.

Даволаш омили кислородга бой мусаффо тоғ ҳавоси. Санаторийда геология соҳасида кўпроқ кузатиладиган кардионеврологик, юрак-томир, меъда-



«Чатқол» санаторийси.

ичак ва таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари б-н оғриганлар даволанади. Худудидан минерал сув чиққан. Таркибида калий, натрий, магний, кальций, хлор каби кимёвий элементлар, шунингдек, гидрокарбонат, кремний кислотаси ва б. бор. Минерал сувдан, асосан, ванналар учун, меъдани ювиш, ичакларни чайиш, ичиш, тубаж, душ, сув ости массажи, шунингдек, умуртқа поғона чуррасида сув остида умуртқаларни дозали чўзишда фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапевтик (даволаш бадантарбияси, массаж) ва бальнеотерапевтик (циркуляр душ, Шарко душ) муолажалар б-н даволаш усуллари ҳам қўлланилади. Санаторийда Шарқ табобати – гиёҳлар б-н даволаш ҳамда парҳез б-н овқатланишга қатъий риоя этилади.

319 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуси, коттежлар, клуб, кутубхона, спорт майдончалари, биллиард, теннис корти, фитобар, тренажёр зали, ёзги ва қишки бассейнлар, сауна, чойхоналар, мўъжаз ҳайвонот боғи (туяқуш, товуслари б-н), манзарали ҳовуз (рангли балиқлари б-н) мавжуд. Санаторийда йилига 8000 га яқин киши дам олади (2009).

«ЧАШМА» МАҲАЛЛАСИ – Бектемир туманидаги маҳалла. «Сувсоз» даҳасида жойлашган.

лўли миллатига мансуб аҳоли кўпайгач, «Абай» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 1050 киши, 530 хонадондан иборат (2008 й. июнь). Маҳаллада турли миллат вакиллари (тожик, ўзбек, татар ва б.) истиқомат қилади. Маҳалла худудидан Роҳат кўч. ўтган.

«ЧАҚАР» МАҲАЛЛАСИ (Самарқанд дарвоза кўч., 4^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Чорсу даҳасида. Навоий, Бешёғоч, Асадулла Хўжаев ва Фурқат кўч. оралиғида жойлашган. 2003 й.дан ҳоз. номида. Аҳолиси 7100 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худуди эски ва янги (35 та кўп қаватли уйлар) қисмлардан иборат. Маҳалла худудида Кўкмасжид меъморий ёдгорлиги, «Чорсу» савдо маркази, коллеж, 2 та болалар боғчаси, 2 та ресторан, марказий дорихона, мебель-уй жиҳозлари дўконлари мавжуд. 2005 й. Президент Ислон Каримов ташаббуси б-н янги маҳалла идораси, 55-оилавий поликлиника, «Мурувват-текс» и.ч. корхонаси қуриб битказилди.

ЧЕРНИКОВ Сергей Фёдорович (1914–44) – майор, Уруш Қаҳрамони (1945, ўлимидан сўнг). Т.да туғилган. 1934 й.дан армия сафида. 2-жаҳон уруши даврида дивизия командири. Латвиянинг

«Истиқбол», «Абай» маҳаллари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил топган. 1996 й.гача қўшни Абай маҳалласи б-н бирга бўлган, кейинчалик, аста-секин

Резекнс ш. учун бўлган жангларида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган.

ЧЕРНЯЕВ Михаил Григорьевич (1828.21.10–1898.4.8) – чор Россиясининг мустамлакачи ҳарбий арбоби, генерал (1882). 1864–65 й.ларда махсус Фарбий Сибирь отрядига қўмондонлик қилиб, Қўқон хонлигига тобе бўлган Т. бекларбеклиги тасарруфидаги шаҳар ва қалъалар (Авлиёта, Чимкент ва б.)ни босиб олган ва чор Россиясининг мулки деб эълон қилган. Ч. кўшинлари Т.га дастлаб 1864 й. 1 окт.да яқинлашиб, Оққўрғон тепалигига келиб ўрнашди ва 4 окт.да шаҳарни ҳоз. Ниёзбек кўчаси томонидан тўплардан ўққа тутди, лекин кўп талафот бериб, аввал Мингўриққа, кейин яна Чимкентга чекинишга мажбур бўлди. Ч. 1865 й. 9 май ва 14 июнда Т.га яна ҳужум қилиб 17 июнда шаҳарни олишга муваффақ бўлди (қ. *Тошкентнинг босиб олиниши, 1865*). Ч.нинг босқинчилик ҳаракатлари тасодифлар натижасида муваффақиятли якунланганлиги Петербургда мамнуният б-н маъқулланди ва Ч. чор ҳукумати томонидан саҳийлик б-н мукофотланди. Ч. аввалига ўз штаби б-н хон Ўрдасида, аскарлари эса Қашқар маҳалладаги эгалари шаҳид бўлган хонадонларда жойлашди. Кейинроқ (сент.–окт.да) босқинчилар *Тошкент тупроққўргонига* кўчиб ўтдилар. Ч. 1865–66 й.ларда Туркистон обл. ҳарбий губернатори, 1882–84 й.ларда Туркистон ўлкасининг генерал-губернатори бўлган, 1884 й.да ҳарбий кенгаш аъзоси. 1886 й.да истеъфoga чиққан. Ч. Тошкентни босиб олишда ҳам, губернаторлик лавозимларида ҳам чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатини изчил амалга оширди.

ЧЕХОВ КЎЧАСИ – Миробод тумани худудида. *Амир Тему*р шоҳкўчаси ва *Миробод кўчаси* оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. Дастлаб чор Россияси маъмурияти томонидан Владимир кўчаси деб номланган. 1924 й. 19 янв.да рус ёзувчиси А.П.Чехов (1860–1904) номи берилган. Йўналишида Қозоғистон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ички ишлар вазиригининг маданият уйи, Эроннинг «Садоратбанк»и, «Перфектум» компанияси, туман халқ суди, 1-оилавий поликлиника, «Тонг» корхонаси, «Тож» ресторани, немис тилига ихтисослашган 60-мактаб, ҳарбий ателье, энгилсаноат касб-ҳунар коллежи, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, дорихона, боғча, ташқи реклама воситалари, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Тарас Шевченко кўчаси б-н кесишган. **ЧИЛДУХТАРОНТЕПА** – археологик ёдгорлик (ҳоз. «Ўзбекистон шампани» АЖ яқинида жойлашган). Сўнги жез даври (мил. ав. 2-минг йиллик охири – 1-минг йиллик бошлари) чорвадор қабилалари томонидан қолдирилган қабристон. Урта қабр очилган, уларда майитлар тупроқ ўраларга дафн этилган. Жасадлар удумга кўра нақшсиз, ясситаглик сопол идишлар, мунчоқлар, жездан ясалган зеб-зийнатлар – икки учи бурама нақшли билакузуклар б-н қўшилиб кўмилган. **ЧИЛОНЗОР** – Т.нинг жан.-ғарбий қисмидаги даҳа, дастлабки турар жой мавзеларидан бири. Топонимистларнинг фикрича, «Ч.» номи чилон (жийда) ўсимлигидан олинган. Ч.да қурилиш

ишлари 1956 й.да бошланган. Даҳа қишлоқ ерлари ва хусусий хонадонларнинг экинзор ва боғлари ўрнида вужудга келган. Асосан, 4 ва 9 қаватли турар жой бинолари қурилган. Т. зилзиласи (1966)дан кейин даҳага кўплаб йирик панелли уйлар қурилди. Ч.да транспорт қатнови ва маиший хизмат кўрсатиш тизими пухта йўлга қўйилган. **«ЧИЛОНЗОР»** – Чилонзор йўлидаги метро бекати. Бунёдкор шоҳкўчаси б-н Фарҳод кўч. чорраҳасида. 1977 й. 7 ноябрда очилган. Меъморлари: В.Қачуринец, И.Петухова, А.Стрелков. Икки ер ости вестибюлли тоқсимон шифтли зали б-н кўча остидан ўтиш жойлари комплекс ҳал этилган. Бекат ён деворлари ва устунларига Нурота оқ мрамари қопланган. Рангли керамика намоёнларида (рас. ҳайк. Г.Кроллис, И.Кролле, Н.Ментеле, М.Озолиньш, К.Озолиня) ўзбек халқининг ижодий ҳаёти, маданияти ва меҳнати акс этган. Нафис тўгарак (диаметри 5 м) қандиллар миллий нақшлар б-н безатилган (рас. Х.Рисин). **ЧИЛОНЗОР БУЮМ БОЗОРИ** (Бунёдкор шоҳкўчаси, 156^а-уй) – очик акциядорлик жамияти шаклидаги чакана ва улгуржи савдо мажмуаси, кенг халқ истеъмоли товарлари б-н савдо қиладди. 1994 й. авг.да ташкил этилган. «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмаси

«Чилонзор» метро бекати.

тизимиди. Мажмуа майд. 192657 м², савдо ўринлари жойи 2614 та. Бозор «Ташгипрогор» лойиҳа ин-ти томонидан тайёрланган лойиҳалар асосида бир неча марта реконструкция қилинган. 2003 й.да 8 та павильон таъмирланди, 2500 ўринли савдо расаталари замонавий усулда қайта жиҳозланди, 213 турғун савдо дўкони, 18 юк сақлаш хоналари қуриб, фойдаланишга топширилди. Бозорда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, шунингдек, савдо фирмалари, хусусий тадбиркорлар томонидан хорижий мамлакатлардан келтирилган эркак, аёл ва болалар кийимлари, пойабзаллар, бош кийимлар, уй жиҳозлари, газламалар, рўзгор ва девонхона буюмлари, хўжалик моллари ва б. б-н савдо қилинади. Бозорда умумий овқатланиш шохобчалари, энгил ва юк автомобиллари учун махсус тўхташ жойлари мавжуд. Бозордан Тошкент ш. ва турли вилоятлар м-зларига транспорт қатнови йўлга қўйилган. Бозор яқинида «Абу Сахий» савдо мажмуаси, Отчопар жойлашган. **ЧИЛОНЗОР КЎЧАСИ** – Чилонзор тумани худудидаги м-зий кўчалардан бири. Комил Ёрматов ва Кичик ҳалқа йўли кўч.ла-



ри оралигида. Уз. 3 км атрофида. 1952 й. ташкил топган. Йўналишида Чилонзор 1–3 мавзелари, «Ўздавархив» агентлиги, Марказий давлат архиви, Мисринг Ўзбекистондаги элчихонаси, шаҳар ва туман прокуратураси, Ҳ.Сулаймонова номидаги Суд экспертиза м-зи, «Катта Қозирабод» жоме масжиди ва қабристон, «Ўзбекфильм» ҳамда Хужоқатли ва илмий-оммабоп фильмлар студиялари, Гагарин номидаги к/т, «Чилонзор» савдо м-зи, Сутни қайта ишлаш, Кислород и.ч. корхоналари, «Чилонзор» ресторани, «Мезон» ва «Замин» тўйхоналари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Муқимий, Чўпонота кўч.лари б-н кесишган.

«ЧИЛОНЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Чилонзор 4-берк кўч., 3) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «1-Чарх Камолон», «1-Катта Чилонзор» ва «Новза» маҳаллалари б-н чегарадош. Тахм. 1934 й. ташкил топган. Аввал бу ерлар шу ерлик аҳолининг дала ҳовлиси бўлган, айрим хонадон эгалари аста-секин ўз дала ҳовлиларида қишлаб қолишлари натижасида 1934 й. маҳалла ташкил бўлган. Маҳалла асосий аҳолисининг олдинги уй-жойлари Эски Бешёғоч даҳасида бўлган. Маҳалла ҳудудидаги қабристонда Чилонзорота (Жилонота) қабри устига қабртош ўрнатилган. Бошқа маълумотларга кўра, бу ҳудудда чилонжийда кўп ўстирилгани боис шу номни олган. Аҳолиси 4211 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек 15 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Реле ва автоматика» АЖ, «Ўзбекфильм» ДУК, «Ўзкинохроника» ДУК, Давлат архиви, «Ўзбекнефтвериши» АЖ, «Судмед-

экспертиза» м-зи, Жаҳон тиллари ун-ти журналистика ф-ти, «Собитхонхожи» жоме масжиди, «Замин» тўйхонаси, 2 та чойхона, кафе, тикучилик ательеси ва б. бор. Маҳалла гузари 1970 й.ларда ҳашар йўли б-н қайта қурилган. Маҳаллада, Ўзбекистон халқ артистлари композитор Фазлиддин Шамсутдинов, кинореж. Латиф Файзиев ва б. яшаб ўтиган.

ЧИЛОНЗОР ОҚТЕПАСИ – археол. ёдгорлик (4–8-а.лар, 10–11-а.лар). Т.нинг жан.-ғарбий қисмида, Бўзсув анҳори бўйида жойлашган. 1940 й. А.И.Тереножкин қайд этган; 1960 й. А.С. Шиллер ва Ю.Ф.Буряков, 1969–71 йилларда *Тошкент археология экспедицияси* текширган. Ч.О. бал. 15 м ли тепалик бўлиб, атрофида умумий майд. 60х75 м² келадиган қад. қишлоқ харобаси қолдиқлари жойлашган. Тепаликда олиб борилган қазилмалар натижасида ундаги иморатлар устма-уст хом ғишт ва пахсадан солингани (4–8-а.лар мобайнида навбатланиб турганлиги) маълум бўлди. Вазифасига кўра, мажусийлик б-н боғлиқ бўлган, композицияси жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган бинолар 3 даврга мансублиги аниқ-

Чилонзор
Оқтепасининг
сақланган
қисми.



Чилонзор маҳалласининг бошланиш қисми.

ланган. 1-даврд (4-а.) бино пахса пойдевор устига қурилган 4 минорали қасрдан иборат бўлган. Бино квадрати (13,5х13 м²) ички томондан гумбазли узунчоқ 3 хонага ажратилган, бурчаклардаги овалсимон минораларнинг ички хоналари мазкур хоналар б-н тор йўлак орқали боғланган. Қалин деворлар (жан. деворининг қалинлиги 4 м гача) ва пиллапоя қолдиқлари 2-қават ҳам бўлганлигини кўрсатади. Истеҳком қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда мудофаа воситалари (қалин деворлар, миноралар, шинаклар) б-н таъминланган қаср фақат оддийгина қаср бўлиб қолмай, балки оташпарастларнинг истеҳкомли



ибодатхонаси вазифасини ҳам бажарган.

2-даврда (5–6-асрлар) дастлабки иморат атрофига янги хоналар ва ёрдамчи хўжалик хоналари қурилган, шинакли кўшимча қалъа девори б-н мустаҳкамланган.

3-давр (7–8-а.лар)да дастлабки иморат қолдиқлари тупроқ б-н тўлғизиб шиббаланиши натижасида вужудга келган 9 метрли тагкурси устига солинган тепаси очиқ тўртбурчак (38x27 м²) ҳовли кўринишидаги ноёб бино бўлиб, атрофи тоқчали девор б-н ўраб олинган, ичкараси ҳовли саҳни бўлиб, унинг тўрида тўртбурчак супа курси жойлашган. Қазималар натижасида ҳовли саҳнининг қалин қатламларидан органик қолдиқлар, Қовунчи – II маданиятига (қ. *Қовунчи маданияти*) хос белгиларга эга кўплаб сопол буюмлар, ёргучоқлар ва б. материаллар, шунингдек, туркашларнинг 8-а.га оид тангаси ҳам топилган. Бино тарҳининг ўзига хос хусусиятлари ва топилмалар мажмуи 3-даврдаги иншоот ибодатхона бўлганлиги ва у Қовунчи маданияти давридаги маҳаллий аҳолига тааллуқли эканлигидан далолат беради.

Бино ва қолдиқлар асосида тикланган диний маросим белгиларига асосланиб Чоч аҳолисининг араблар истилосигача бўлган диний эътиқодларини тахмин қилиш мумкин.

Ч.О.даги баланд ибодатхона биносининг қурилиши ва белгиларини қиёслаш (тагкурси, ҳовли саҳнидаги органик қолдиқлар қатламлари) Чочда аجدодлар руҳига сиғиниш айниқса кенг тарқалганидан ва ибодатхона айнан шу мақсад учун мўлжалланганидан далолат беради. 7–8-асрлар ўрталарига оид Ч.О.-

даги ибодатхона мажмуи Чоч вилояти м-зи (қ. *Мингўрик*)нинг гавжум бўлган теварак-атрофида жойлашган бўлиб, йирик зиёратгоҳлардан бири ҳисобланган. Араб халифалиги истилосидан сўнг бино бир қанча вақт зардуштийлик удумлари бўйича дафн этиш жойи бўлиб хизмат қилган, сўнгра харобага айланган. Бу ерда кичик қишлоқ шакланган даврда (10–11-а.лар) харобалар атрофидаги ҳаёт тикланган.

ЧИЛОНЗОР САВДО МАРКАЗИ (Чилонзор кўч., 55) – Чилонзор тумани ҳудудида жойлашган хусусий савдо маркази. Халқ истеъмоли моллари б-н чакана савдо қилади. 1964 й.да очилган (меъмор В.Л.Спивак). 2001 й.дан МЧЖ. Ойнаванд фасадли, йиғма темир-бетондан қурилган. Таркибида 6 бўлим бор. Савдо майд. 3 минг м², товар айланмаси – 348645,0 минг сўм. 103 киши ишлайди.

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ (Бунёдор шоҳкўчаси, 50) – Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1963 й. 4 янв.да ташкил қилинган. Т. зилзиласи (1966)дан кейин туманда қурилиш ишлари авж олди. Туман шаҳарнинг жан.-ғарбий қисмида жойлашган, Учтепа, Шайхонтохур, Яккасарой ва Т. вилоятининг Зангиота туманлари б-н чегарадош. Шим.да Оқтепа канали, шарқда Бўрижар канали, жан.-ғарбда Ўрта Осиё т.й. бўйлаб Тошкент автомобиль ҳалқа йўли ва Бўрижар каналигача давом этган. Майд. 2994 гектар, шу жумладан, кўкаламзорлаштирилган майд. 1,334 минг гектар. Аҳолиси 217,3 минг киши, асосан, ўзбеклар, рус-



лар, шунингдек, татар, корейс, қозоқ ва б. миллат вакиллари яшайди (2009). Кўчалари 258 та, асосийлари – Бунёдкор шоҳқўчаси, Муқимий, Чўпонота, Гавҳар, Чилонзор, Кичик ҳалқа йўли, Лутфий, Қатортол. Худудда Чилонзор Е, М, 1–10, 16–20, 20^а мавзелари ва 49 та маҳалла мавжуд. Худудидан Новза, Чўпонота, Ботирма, Катта Қаъни, Бўрижар, Оқтепа, Анҳор ва б. каналлар оқиб ўтади. Худудидида 4172 қўшма, кичик ва хусусий корхоналар, 42 санонат корхонаси, кўрлар жамиятининг и.ч. комбинати, «Реле ва автоматика», «Алгоритм» корхоналари, электр рўзгор буюмлари 3-длари, чой ф-каси, тўқимачилик корхоналари, «Ўзбекқоғозтаъминот» ва б. ишлаб турибди; лойиҳалаш ин-тлари, конструкторлик бюроси, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти, Г.В.Плеханов номидаги Россия академиясининг Т.даги филиали, 36 умумий таълим мактаби, 4 академик лицей, 15 касбхунар коллежи, 62 мактабгача ёшдаги болалар муассасаси, 6 касалхона, 3 диспансер ва 8 та поликлиника бор. Аҳолига 2500 дан зиёд савдо шохобчаси, 120 дан зиёд умумий овқатланиш корхонаси, 338 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, Чилонзор буюм бозори, 3 ихтисослашган ва 1 деҳқон бозори хизмат қилади. Муқимий номидаги мусиқа ва драма театри, Давлат мусиқали комедия (оперетта) театри, Гагарин номидаги кинотеатр, Ўзбекистон миллий боғи, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Истиклол» саройи, 2 музей, 2 маданият уйи фаолият кўрсатади. 3 спорт мажмуаси, Чилонзор стадиони, 35 спорт зали, 200 га яқин

спорт майдончаси, 6 сув ҳавзаси, отчопар мажмуаси бор. Ч.т.да Миср ва Озарбайжон давлатлари элчихоналари, 4 миллий м-з жойлашган.

Тумандаги баъзи жойлар Т. тарихи б-н боғлиқ. *Чилонзор Оқтепаси, Хирмонтена, Мозортена* археологик ёдгорликлари (5–8-а.лар, 10–11-а.лар), *Абулқосим мадрасаси, Хайробод Эшон мажмуаси* каби респ. аҳамиятидаги меъморий ёдгорликлар туман худудидида жойлашган.

ЧИЛОНЗОР ҚАБРИСТОНИ (Ҳабибулло Қодирий кўч., 3-тор кўч., 19) – майд. 6 гектар. 13-а.дан мавжуд. Тарихий номи Жилонота қабристониди. Қабристонга халқ ҳофизиди Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов, Ўзбекистон халқ артисти Ҳамидулла Наримонов ва б. дафн қилинган, «Жилонота» мақбараси (13-а.) бор.

ЧИЛТЎҒОН (асли номи Чилчўптўғон бўлиб, «қирқта ёғочдан ясалган тўғон» маъносиди) – Себзор даҳасидидаги қад. маҳалла. Учкўча, Тахтапул, Тарновбоши маҳаллалари б-н чегарадош бўлган, бир қисми шаҳар чеккасига бориб тақалган. Ўрта асрларда шу ерда Кайковус канали устига қурилган. Себзор даҳаси ва унинг атрофини сув б-н таъминловчи сувайирғич – бош тўғон бўлган. Ҳоз. вақтда бу ерда муҳандислик типидидаги Тахтапул сув тақсимловчи иншоот барпо этилган. Унда 100 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, майда хунарамдчилик ҳамда деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар чеккасидаги далаларда) б-н шуғулланган. Сартарошхона, баққоллик дўконлари, масжид бўлган (20-а. боши). Ҳоз. худудидида 1-юкум-

ли касалликлар касалхонаси, онкология касалхонаси, туғруқхона ва б. бор.

«Чилтўғон» маҳалласи (Шарафиддин Илоқий кўч., 1) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Шайхонтоҳур ва Юнусобод туманлари ҳамда Мискин, «Тахтапул», «Хончорбоғ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. маҳалла фаоли Абдували Абдуқаюмов номига қўйилган. 2008 й. 17 июлдан ҳоз. номда. Аҳолиси 4803 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудидида Искандархўжа жоме масжиди, 3-туғруқхона мажмуаси, 1-юкумли касалликлар касалхонаси жойлашган. Маҳаллада 2-жаҳон уруши Қаҳрамонлари генерал Собир Раҳимов, Ўзбекистон халқ рассоми Самиг Абдуллаев, ҳуқуқшунос олим Отабой Эшонев яшаб ўтган.

«ЧИМБОЙ» МАҲАЛЛАСИ (Каттатут кўч., 2^а-уй) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Ачаобод», Фани Аъзамов, «Аллон», «Зиё», «Бўстон» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла 1931–40 й.ларда ташкил топган. Маҳалла қарияларининг фикрига кўра, ўтмишда Сағбон мозорининг рўпарасидан бошлаб Сағбон кўч.нинг ғарб томони катта жарлик бўлиб, бу ерлар чимга бой бўлган. Шаҳарни ободонлаштириш учун чимни шу ердан олиб кетилган, маҳалла номи шундан олинган. Аҳолиси 7480 киши, асосан (90%) ўзбеклар. Маҳалла худудидида Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-ти, туман ҳокимияти, туман ички ишлар бўлими, Чигатой қабристониди, Ал-Бухорий жоме масжиди, «Сағбоннон» АЖ, «Сағбонгузари», «Антарес» кафелари мавжуд.

ЧИМБОЙЛИҚ ХАЗИНАСИ – жез даври буюмлари хазинаси (мил.ав. 2-минг йилликнинг 2-чораги). 1898 й. тадбиркор ва фотограф Н.С.Николаи томонидан Т.дан 50 км шарқда, Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғида, Чимбойлик қишлоғи яқинидаги Авлиё Оқтош мавзеида топилган. Жез болта, бигиз, пичоқ (сақланган уз. 12 см) ва оғирлиги 580 г келадиган жез ёмбидан иборат. Чирчиққа қуйиладиган сой ювиб кетган қабрдаги дафн ашёлари бўлганлиги тахмин қилинади. Топилма катакомба ёхуд андронново маданиятлари б-н боғлиқ бўлиши мумкин.

«ЧИМЁН ОРОМГОҲИ» – дам олиш маркази. Т.дан шим.-шарқда, 80 км узоқликда, денгиз сатҳидан 1300–1500 м баландликда жойлашган. «Ч.о.» 1950-й.ларда барпо қилинган, дастлаб, кичик коттежлар ва чодирпалаткалардан иборат бўлган. 1979 й.дан ҳашаматли иншоотлар қурила бошланди. 1982 й. туристик мажмуа – «Чимён оромгоҳи» ишга туширилди. Таркибида меҳмонхона, коттежлар, ресторан, сауна, бассейн, спорт зали, чанғи-ижара пункти ва б. бор. Уз. 700 ва 2500 м бўлган 2 осма (канат) йўли мав-

жуд. Тоғ-чанғи спорти бўйича мусобақалар ўтказилади. Оммавий дам олиш зонасида савдо мажмуаси, умумий овқатланиш шохобчалари, ижара пункти ва б. қулайликлар яратилган. «Ч.о.» да чанғи ва чанада учиш учун 300, 500, 800 ва 1500 м, қиялиги 25°–40° бўлган трассалар бор. Оромгоҳ яқинида «Белдорсой» тоғ чанғи спорти маркази қурилган.

ЧИМИРОТА ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани, Форобий кўч.) – майд. 4 гектар. «Чимирота мақбараси» (12-а.) ва масжид бор.

ЧИНОБОД КЎЧАСИ – Юнусобод тумани ҳудудида. *Амир Темур шоҳқўчаси* б-н *Катта ҳалқа йўли* оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Отчопар кўчаси деб юритилган. 1960 й. 16 дек.да Гвардейский, 1996 й. 5 сент.да Обид Зокиров номи берилган. 2008 й. 6 майдан Ч.к. деб юритилади. Йўналишида «Чинобод» санаторийси, «Камолитдин Ориф Ал-Бухорий» ва «Юнусобод Оқтепа» жоме масжидлари, «Ўзсаноатқурилишбанк» бўлими, «Абразив», «Асбобсозлик», «Шаробсавдо» корхоналари, 271-мактаб, «Шахристон» ва «Шамсиддин» рес-

торанлари, «Оқтепа» маҳалла гузари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

«Чимён оромгоҳи».

«ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИ (Чинобод кўч., 88) – овқат ҳазм қилиш аъзолари (меъда, ичак, жигар ва ўт пуфағи) касалликларини даволашга ихтисослашган тиббий соғломлаштириш маскани, ОАЖ (2001 й.дан). Юнусобод туманида жойлашган. Санаторий ҳудуди 1938 й.да пахта тозалаш з-длари ишчиларининг дам олиш зонаси, 1941 й. эвакуация қилинганлар учун госпитал бўлган. 1946 й.дан (75 ўринли) санаторийга айлантирилган.

«Ч.»с.нинг ҳоз. майдони 18 гектар, 1963 й. санаторий ҳудудида 1554 м чуқурликдан бурғи қудуғи орқали кам минераллашган, кимёвий таркиби бўйича хлорид сульфатли, натрий гидрокарбонатли, 48–50°С ҳароратдаги маъданли сув чиқарилган.

Санаторий 320 ўринли, унда даволаш ва диагностика бўлимлари, бадантарбия зали, аэро-солярий, ингаляторий, рентген, ректоромоноскопия, стоматология хоналари, биокимё, бактериология ва клиник лаб.лари бор. Минерал сувдан асосан ванналар учун, ичиш, ичакларни чайиш, тубаж, душ, сув ости массажи қилишда фойдаланилади, беморларга табиий минерал сувдан ташқари дори-дармонлар, шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дамламалар, парҳез овқатлар ва б. берилади.

1997–98 й.дан санаторийнинг даволаш ихтисослиги кенгайтирилди. Қандли диабет, гинекология, андрология бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. 2006 й. давомида гирудотерапия, остеохондроз ва умуртқа поғонаси чурраси касалликларида умуртқа поғонасини дозали тортиш каби янги даволаш усуллари қўллаш йўлга қўйилди. Йилига 6000 киши даволанади.



ЧИНОЗ – Тошкент вилояти Чиноз туманидаги шаҳар, туман маркази. 1958 й. 8 майда асос солинган. Т.й. станцияси, автомобиль йўллари чорраҳаси. *Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида*, Тошкент ш.дан 50 км жан.да. Аҳолиси 39 минг киши (2008). Шаҳарнинг шим.-шарқий қисмида қад. Чиноз (Чинончекет) харобалари сақланиб қолган. Бу ерда дастлабки манзилгоҳ мил. бошларида вужудга келган. 1-минг йиллик ўрталарига келиб манзилгоҳ мудофаа деворлари б-н ўралган ва марказий қисмида арки (бал. 8 м) бўлган шаҳарга айланган. Кўчманчи чорвадор халқлар б-н алоқалари ва Шарқ мамлакатларига бориладиган машҳур савдо йўлида жойлашганлиги Ч.нинг тез суръатлар б-н ўсишига сабаб бўлган. Шаҳар 13-а. бошларида мўғуллар истилосидан кейин харобага айланган. Бу ерда ўтказилган археологик қазилар пайтида кўплаб хўжалик буюмлари, безаклар ва тангалар топилган.

Ч. ёнида шағал-кум карьери мавжуд. Шаҳарда 2 йирик саноат корхонаси (Чинозйўлиндурия ва пахта тозалаш), қўшма корхона, кичик корхоналар, пахта тозалаш, нон э-длари, қурилиш конструкциялари к-ти, норууда материаллар и.ч., уруғлик тайёрлаш корхоналари фаолият кўрсатади. Шунингдек, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 2 деҳқон бозори мавжуд. 4 умумий таълим, мусиқа мактаблари, 2 касб-хунар коллежи, маданият уйи, марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият ва истироҳат боғи, марказий касалхона, 2 поликлиника, дорихона ва б. тиббий муассасалар бор.

Ч.дан Т.–Нукус, Т.–Термиз автомобиль трассаси ва т.й. ўтган. Шаҳардан Т.га автобуслар қатнайди.

«ЧИНОР» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 8-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Шодлик», «Собиробод», «Уч қахрамон» ва «Боғишамол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. ташкил этилган. Аҳолиси 6161 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 2 та ўрта мактаб, болалар боғчаси мавжуд.

«ЧИНОР» МАҲАЛЛАСИ (Қўйлик 1-дахаси) – Миробод туманидаги маҳалла. «Янги Қўйлик», «Толариқ», «Мустақиллик», «Парвона», Баротхўжа маҳаллалари б-н чегарадош. 1976 й. ташкил топган. 70-й.ларда маҳалла ҳудуди ободонлаштирилиб, чинор дарахтлари экилиб кўкаламзорлаштирилган (номи шундан). Аҳолиси 5 минг кишидан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек 20 дан ортиқ турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, поликлиника, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

ЧИРЧИҚ (қад. номи Парак, Турк, «Бобурнома»да Чир, кейинги кичрайтирилган номи Ч.) – Тошкент вилоятидаги дарё, Т.нинг Сергели ва Бектемир туманлари ҳудудидан ҳам оқади. Сирдарёнинг йирик ўнг ирмоғи. Дарё ҳавзаси жан. ва шарқда Курама тизмаси ва Чатқол тоғ тизмалари, шим.да Талас Олатови ва унинг ғарбий тармоқлари б-н чегараланган. 1971 й. гача Ч. Чорвоқ сойлигида Чатқол ва Писком дарёлари қўшилишидан ҳосил бўлган. Эндиликда дарё Чорвоқ сув омборидан бошланади ва Чиноз ёнида Сирдарёга қуйилади. Уз. 161 км, ҳавзасининг майд. 14240 км². Ч. тез оқадиган типик тоғ дарёси, тоғли қисмида чуқур, тор ва нишаб ўзанда тез оқади. Угом дарёси қўшилгандан сўнг Ч. водийси кенгаяди. Ч.га бир неча ирмоқ-



лар келиб қуйилади. Энг йирик-лари: Угом дарёси ва Оқсоқ-отасой. Водийнинг текислик қисмида дарёга бирорта ҳам ирмоқ қўшилмайди. Ч. қор ва музлик сувларидан тўйинади. Сув сарфи Хўжакент қишлоғи яқинида 221 м³/сек. Ч. Сирдарёга йилига 164 м³/сек. сув қуяди. Март-июнда суви кўпайиб, окт.–фев.–да камаяди. Ч.да лойқа оқизиклар кам. Суви кўплаб ирригацион тармоқлар орқали суғоришга олинади. Захарик, Бўзсув, Қорасув, Шим. Тошкент каби каналлар Ч. дарёсидан сув олади. Дарёдан гидроэнергетикада ҳам кенг фойдаланилади. Қодирья, Товоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Салор ва учта Қуйи Бўзсув, Чорвоқ (қуввати 600 минг кВт-соат, Фазалкент) ГЭСлар каскади шулар жумласидандир. Ч. суви, асосан, Тошкент вилояти ҳудудидаги экин майдонларини суғоришга сарфланади (Ч. – Бўзсув системаси Ўзбекистон ҳудудида 100 минг гектардан зиёд ерни суғоради), шунингдек, Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл, Фазалкент ш.ларини ва кўп қишлоқларни сув б-н таъминлайди. Ч. ўрта оқими соҳилидаги террасаларда Тошкент ш. жойлашган.

ЧИРЧИҚ – Тошкент вилоятидаги шаҳар. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Қоржонтовнинг ёнбағрида, 730 м баландликда, Т.дан 32 км шим.-шарқда жойлашган. Тошкент–Чорвоқ т.й.даги бекат ва автомобиль йўллари чорраҳаси. Аҳолиси 142,2 минг киши (2008).

Ч. 1932 й.да дарё бўйидаги Қирғизқулоқ, Қипчоқ, Ниёзбек қишлоқлари ўрнида йирик электримё к-ти қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Янги sanoat корхоналари қурилиши б-н аҳоли сони ҳам тез ўсди

(1939 й. – 15 минг киши, 1959 й. – 65 минг киши, 1970 й. – 107,4 минг киши). 1930 – 40-й.ларда Индустириал техникуми биноси, 1950-й.ларда электр-кимё корхонасининг Маданият саройи ва б. жамоат бинолари қурилди. 1966–67 й.лардан кўп қаватли йирик панелли бинолар қад кўтарди. 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган чирчиқликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик, маданият ва истироҳат боғлари, хиёбонлар, мактаблар, поликлиника, касалхона ва б. бунёд этилди. Шаҳар ёнида аҳолининг дам олиш жойлари мавжуд. Шаҳарда «Чирчиққишлоқмаш», «Трансформатор», «Ўзбеккимёмаш», «Максам–Чирчиқ» каби йирик sanoat корхоналари, қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металл к-ти каби корхоналар ишлаб турибди. 34 та қўшма корхона (жумладан, «Чирком», «Дайшен Мегатекс», «Беса–Текстиль») фаолият кўрсатади. Қурилиш материаллари, темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарилади. Фишт, асфальт-бетон з-длари, гўшт, нон к-тлари, пойабзал ва тикувчилик ф-калари мавжуд.

Чирчиқ олий танк қўмондонлари ва муҳандислари билим юрти, 25 умумий таълим мактаби, академик лицей ва 7 касб-хунар коллежи, 38 мактабгача таълим муассасаси, 12 кутубхона, 3 маданият муассасаси, музей, маданият ва истироҳат боғи бор. Касалхона (500 ўрин), поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди. Ч.дан Тошкент ш.га автобуслар қатнайди. «Чирчиқ тонги» (1932 й.дан нашр этилади, адади 2183), «Чирчиқ» (1932 й.дан нашр этилади, адади 2175) газ.лари чиқарилади.

ЧИҚИНДИЛАРНИ ТЎПЛАШ ВА САНИТАРИЯ-ТОЗАЛАШ АВТОКОРХОНАЛАРИ – қ. «*Махсустранс*».

«ЧИҒАТОЙ ДАРВОЗА» МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 230) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Чустий, Беруний, «Гузарбоши», Хислат маҳаллалари б-н чегарадош. Аввалги номи – «Янги турмуш». 1991 й. «Чигатой дарвоза» номи б-н аталди. Аҳолиси 4973 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида «Сафобойота» масжиди, Чигатой қабристонини жойлашган.

«ЧИҒАТОЙ ОҚТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 416) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Мирзо Голиб, Хислат, Беруний, «Шифокорлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. А.Ибрагимов маҳалласи ва Х.Тошмухамедов маҳалласининг қўшилиши натижасида «Чигатой Оқтепа» маҳалласи ташкил топган. номи *Чигатой Оқтепаси* археологик ёдгорлигидан олинган. Аҳолиси 7 минг кишидан ортиқ, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида «Карима» хусусий фирмаси, «Тўлқин» жоме масжиди, 2 новвойхона, болалар спорт майдончаси, ўрта мактаб жойлашган.

ЧИҒАТОЙ ОҚТЕПАСИ – археологик ёдгорлик, истехкомли қишлоқ харобаси (5–8-а.лар, 10–12-а.лар). Т.нинг шим.-ғарбида, *Кайковус* канали бўйида жойлашган. 1927 й. Н.Г.*Маллицкий* ва 1940 й. М.Э.Воронец қайд этган, 1968 й. *Тошкент археология экспедицияси* текширган. Тик ён бағирли тепалик шаклида сақланган арки харобасининг диаметри 30 м, бал. 6–8 м бўлиб, атрофида мустаҳкам мудофаа девори б-н ўралмаган қишлоқ жойлашган. Ҳоз. Ч.О. атрофи текислаб ташланган ва замонавий иморатлар



Чигатой
Оқтепасининг
сақланган
қисми.


қурилган. «Чигатой Оқтепа» маҳалласи бор.

ЧИГАТОЙ ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани Форобий кўч., Хўжалик тор кўч., 1) – Т.нинг шим.-ғарбида. Т.даги йирик қабристонлардан бири. Майд. 9,65 гектар. 1927 й.дан мавжуд. Дастлабки майд. 2 гектар бўлган. 1978 йилда кенгайтирилди. Қабристонга давлат арбоблари (Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбоев, Шароф Рашидов, Амин Ниёзов, Асадулла Хўжаев, Йўлдош Қурбонов ва б.), халқ шоири ва ёзувчилари (Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфия, Саид Аҳмад, Озод Шарафутдинов ва б.), олимлар (Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Иброҳим Мўминов, Ҳамид Сулаймон, Саъди Сирожиддинов, Убай Орипов, Муҳаммад Ўрозбоев, Содиқ Азимов, Хадича Сулаймонова, Музаффар Ҳомидхонов, Теша Зоҳидов ва б.), санъат арбоблари (Комил Ёрматов, Наби Фаниев, Мухтор Ашрафий, Маннон Уйғур, Муҳиддин Қориёқубов, Обид Жалилов, Уста Олим Комилов, Қудрат Хўжаев, Ҳамза Умаров, Раҳим Пирмуҳамедов, Аброр Ҳидоят, Шукур Бурҳонов, Раззоқ Ҳамроев, Олим Хўжаев, Мукаррам Турғунбоева, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахоним, Ботир Зокиров,

қабристонда ҳайкалтарошлар А. Жабборов, А.Раҳматуллаев, Д.Рябичев, Я.Шапиrow ва б. ишлаган қабртошлар ўрнатилган.

«ЧКАЛОВ» – Ўзбекистон йўлидаги метро бекати. Т. авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнида. Меъморлари: О.Ойдинова, А.Дашкеевич, Б.Қурбонхўжаев, муҳандис А.Зокиров. 1987 йил 6 ноябрда фойдаланишга топширилган. Бекатнинг меъморий-бадиий ечимида гумбазсимон темир-бетон конструкциялардан фойдаланилган. Платформа шифти феруза ранг б-н бўялиб, алюминийдан ишланган электр ёриткичлар камалаксимон кўринишда. Уларнинг ўрта қисми ёруғроқ ёниб, чекка томонга хиралашиб бориши залга ўзига хос ва фазовий кўриниш бахш этган. Бекатнинг безак ишларида кўпроқ алюминийдан фойдаланилган, ҳар хил маълумот кўрсаткичлар алюминийдан радарсимон шаклда ишланиб, алюминий устун-

«Чкалов»
метро
бекати.



ларга маҳкамланган. Вестибюллар ён деворининг бирида самолётда қўнмасдан Москвадан Шимолий қутб орқали АҚШга учиб ўтишнинг 50 йиллигига бағишланган чизма тасвир ва Чкаловнинг горельефи бор. Вестибюль ва зина деворлари оқ ранг Фозгон мармари б-н, саҳни кулранг ва қора гранитлар б-н қопланган.

«ЧОРСУ» – Ўзбекистон йўлидаги метро бекати. *Бинкат* шаҳристонини ўрнида қурилган, ҳоз. йирик умумий савдо мажмуаси яқинида жойлашган. Меъморлари: А.Лошкарёв, А.Хуршудов, С.Козимов, муҳандислари: А.Зокиров, В.Журавлев. 1989 й. 6 ноябрда ишга туширилган. Бекат равоқсимон платформа тарзидаги икки вестибюлли. Вестибюлларнинг бири ер остида, иккинчиси ер устида. Улардан бири платформали зал б-н эскалатор ёрдамида бирлаштирилган. Платформа ва вестибюль деворлари оқ рангли Фозгон мармари б-н, саҳни кулранг гранит тошлар б-н қопланган. Шифтдаги 2 осма шарафа (карниз)ларни ҳал юритилган алюминий тиргак (консоль)лар ушлаб туради. Платформанинг деворлари ва вестибюллар устунларига оқ, яшил, бинафша рангли сополлардан ишланган



«Чорсу»
метро
бекати.

вужудга келган. Урта асрларда Тошкент ш. кўч. л а р и н и н г икки томони бозор-расталардан иборат бўлиб, кўчалар ғарбдан шарққа ва жан.дан шим.га чўзилган. Кўчалар кесишган жойдаги гумбазли бозор «чорсу» (форсча «чор» – тўрт, «суқ» – бозор) деб аталган. Ч.м.да шаҳарнинг ҳамма дарвозаларидан йўллар келиб туташган. Кейинчалик (16-а.да) *Кўкалдош мадрасаси* қурилган. Ч.м. атрофида Чорсу, Тиканлимосор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари, *Уккоша булоғи* бўлган. 1959 й.дан Ч.м. Охунбоев (1885–1943) номи б-н юритилган. 2008 й. 6 майдан майд. ўзининг тарихий номи («Ч.м.») б-н юритилади. Атрофида «Чорсу» меҳмонхонаси, «Туркуаз» гипермаркети, Кўкалдош мадрасаси, «ЖАР» спорт мажмуаси, маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. бор. Яқинида «Чорсу» бош бекати, «Эскижўва бозори», «Чорсу» метро бекати жойлашган.

белбоғлар платформанинг ён деворидаги барельефларга келиб тақалган. Барельеф («Экология» ва «Вақтлар алоқаси») феруза-яшил ва оқ рангда ба-жарилган (рас. Ю.Ким).

ЧОРСУ БУЮМ БОЗОРИ (Зарқайнар кўч.) – очиқ акциядорлик жамияти (1998 й.дан), кенг халқ истеъмоли товарлари б-н савдо қилади. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида. Майд. 14649 м², савдо ўринлари 262 та. Бозор «Ташгипрогор» лойиҳа ин-ти томонидан тайёрланган лойиҳа асосида 2004 й.да реконструкция қилиниб, 560 турғун савдо дўкони, «миллий кийимлар» савдо павильони қурилган. Бозорда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, шунингдек, савдо фирмалари, хусусий тадбиркорлар томонидан хорижий мамлакатлардан келтирилган эркак, аёл ва болалар кийимлари, пойабзаллар, газламалар, уй жиҳозлари, хўжалик буюмлари ва б. билан савдо қилинади. Бозорда умумий овқатланиш шохобчалари бор. Бозор яқинида «Чорсу» метро бекати, «Зарқайнар», «Гулистон» савдо мажмуалари, Ўзбек миллий либослари галереяси, Болалар ижодиёти уйи жойлашган.

ЧОРСУ МАЙДОНИ – Навоий, Беруний ва Самарқанд дарвоза кўч. кесишган чорраҳада. 11-а.да

рат бўлиб, кўчалар ғарбдан шарққа ва жан.дан шим.га чўзилган. Кўчалар кесишган жойдаги гумбазли бозор «чорсу» (форсча «чор» – тўрт, «суқ» – бозор) деб аталган. Ч.м.да шаҳарнинг ҳамма дарвозаларидан йўллар келиб туташган. Кейинчалик (16-а.да) *Кўкалдош мадрасаси* қурилган. Ч.м. атрофида Чорсу, Тиканлимосор, Чуқурқишлоқ маҳаллалари, *Уккоша булоғи* бўлган. 1959 й.дан Ч.м. Охунбоев (1885–1943) номи б-н юритилган. 2008 й. 6 майдан майд. ўзининг тарихий номи («Ч.м.») б-н юритилади. Атрофида «Чорсу» меҳмонхонаси, «Туркуаз» гипермаркети, Кўкалдош мадрасаси, «ЖАР» спорт мажмуаси, маъмурий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. бор. Яқинида «Чорсу» бош бекати, «Эскижўва бозори», «Чорсу» метро бекати жойлашган.

«ЧОРСУ» МАҲАЛЛАСИ (Самарқанд дарвоза кўч., 11) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Самарқанд дарвоза, Асадулла Хўжаев, Ботир Зокиров, Беруний кўч.лари ва Чорсу майдони оралигидаги кўп қаватли уйлардан иборат. 1994 й. сент.да қайта ташкил этилган (маҳалла сифатида 11-а.да вужудга келган). Аҳолиси 5 мингдан зиёд, асосан, ўзбеклар яшайди. Маҳалла худудида *Уккоша булоғи*, Бадалмат ҳаммо-

ми бўлган (ҳозирда «Чорсу» меҳмонхонаси жойлашган).

«ЧОРСУ» САВДО МАРКАЗИ (Чорсу майд.) – йирик фирма. М-з биноси (собиқ Бош универсал магазини) 1972 й. қурилиб фойдаланишга топширилган (меъморлари А.И.Фрейтаг, А.С.Комиссар). Бино йиғма-монолит темир-бетон конструкциялардан қурилган. Умумий савдо майд. 18375 м². 2001 й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н «Ч.» с.м. ОАЖга айлантирилди. 2005 й. фев.дан «Туркуаз» («TURKUAZ») савдо белгилли «Чорсу савдо маркази» МЧЖ хорижий корхона номи б-н юритилади. «Туркуаз» гипермаркет (жуда йирик магазин) бўлиб, 40 минг хилдан ортиқ товарлар б-н савдо қилади. Булар озиқ-овқат маҳсулотлари, маиший техника, хўжалик буюмлари, идишлар, сувенирлар, тўқимачилик буюмлари, хонаки тўқимачилик маҳсулотлари, аёллар, эркаклар, болалар кийимлари ва пойабзаллар, тақинчоқлар ва зеби-зийнатлардир. «Туркуаз» гипермаркети худудидаги биноларни жаҳонга таниқли Bosch, Тефал, У.С.Поло, Пиче Гардин, Мави, Александр Гарди, Филипс, Аристон каби фирмалар ижарага олган.

ЧОРҲОКИМЛИК – Т. 4 мустақил қисм (*дахда*)га ажралган давр (18-а. 2-ярми). Муҳаммад Солиххўжанинг ёзишича, Т.да тўрт эътиборли хонадон вакиллари: *Шайхонтоҳур* даҳасида Авлайкулихон авлодидан Бобохонтўра, *Бешёғоч*да аштархонийлардан Ражаббек, *Кўкчада* Чигатойхон авлодидан Муҳаммад Иброҳимбек, *Себзорда* Жўчихон наслига мансуб бир киши ҳоким бўлиб, улар ўртасида олий ҳокимият учун тинимсиз уруш-талашлар бўлиб ўтган. Уруш пайтида бутун шаҳар жанг майдонига айланган, лекин



«Чорсу» савдо маркази.

уруш асосан ҳоз. *Абдулла Қодирӣ номидаги маданият ва истироҳат боғи* ўрнида, Лабзак ариғи бўйида бўлган. Бу жой ўша вақтлардан Жангоҳ, ариқ бўйи Жангоб аталиб келинган. Эскижўва бозори бетараф жой ҳисобланиб, жанглр вақтида ҳам савдо-сотик давом этган.

Ҳокимлар ташқи душманга қарши кураш пайтида навбатма-навбат қўшин ажратганлар, муҳим масалалар биргалиқда ҳал қилинган. Ч. даврида чор Россияси б-н савдони ривожлантириш мақсадида Т.дан 1779 й. Тобольск ш.га элчилар юборилган. Т.даги нотинчликлардан фойдаланган кўчманчилар шаҳарга бир неча марта ҳужум қилганлар. Натижада шаҳар атрофидаги боғлар, деҳқончилик ерлари ҳам ташландиқ ҳолга келган. «Анжум ат-таворих» асарига кўра, Т.ликлар шаҳарнинг нуфузли кишиларидан *Юнусхўжа*, Бадалхўжа ва Мулла Шамсиддинлар бошчилигида уларга қарши кураш бошлаган. Унга раҳбарлик қилган Юнусхўжа қангли, санчиқли, қиёт, турк уруғлари б-н иттифоқ тузиб, галабани таъминлаган. Натижада Юнусхўжа, Бадалхўжа, Мулла Шамсиддин ва Солиҳ оқсоқол шаҳар даҳаларига ҳоким бўлиб оладилар. Шундан

сўнг Юнусхўжа ўз иттифоқчилари ва муридларига Т. теварағидан ерлар берган. Лекин уч йиллик аҳилликдан сўнг Юнусхўжа Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларини ҳам эгаллаб олган (1784). Шу тариқа Ч. барҳам топган.

ЧОЧ, Ш о ш – асосан ҳоз. Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган тарихий-маданий вилоят ва қад. давлат. Кейинги тадқиқотларга кўра «Чоч» атамаси қад. туркийча «тош» (қимматбаҳо тош, феруза тош) маъносини англатган. Мил.ав. 2-а.дан Ч. Қанғ (Кангюй) давлати, 5-6-асрлар ўртала-рида эфталлийлар давлати таркибида бўлган. «Ч.» номи дастлаб Култена (Чимкент вилояти)дан топилган пишиқ ғиштларда (мил. 2-а.) қайд этилган. Унда сўғдча с'с'пп'рс – «Чоч жамоаси (халқи) мамлакати» деб ёзилган (Н.Симс-Вильямс ва Ф.Грене). Сосонийларнинг «Зардўшт Каъбаси» ёзувида (262 й.) «Чоч тоғи» («Кўҳи Чоч») номи учрайди. Ч. Сўғд ёзувларида 4-а.да, 7-а.га оид Афросиёб деворий ёзувида Сўғдга келган Ч. элчилари қаторида, 8-а. бошида арабларга қарши иттифоқ иштирокчиси сифатида тилга олинган. 10-а. географларининг маълумотларига кўра, Ч. ҳудуди шим.дан Келес дашти ва Сойлик қишлоғи ёнидаги тоғлардан бош-

ланган мудофаа девори б-н гарбдан Сирдарё, шарқдан Тангритоғ (Тяньшань) тоғлари б-н чегараланган, жан.дан эса *Илоқ* б-н туташ бўлган.

Сўнгги антик ва илк ўрта аср даврида Ч.да деҳқончилик ривожланган ирригация тармоқлари асосида олиб борилган. Деҳқончилик ерлари Чирчиқ дарёсидан бошланган 50 га яқин каналлардан суғорилган. Асосий экинлар буғдой, арпа, тарик бўлиб, тоғ ва даштда чорвачилик, жумладан, йилқичилиқ ривожланган. Йирик шаҳарлар шакллана бошлаган, улардан энг йириги ва Ч.нинг пойтахти Сирдарё ҳавзасида жойлашган бўлиб, унинг вайроналари *Қанқа* ш. харобаси ўрнида бўлган. 1-минг йилликнинг 1-чорағидан Ч. ҳудудида олтин, кумуш, рангли металл рудалари, ялтироқ тошлар қазиб олинганлиги маълум. 3-а. охиридан бошлаб Ч.да ҳукмдорнинг сурати, тамғаси ва ёзуви туширилган тангалар муомалада бўлган (қ. *Чоч тангалари*). Ч.нинг мусиқа маданияти анча ривожланган бўлиб, бир қанча Шарқ мамлакатлари маданиятига таъсир кўрсатган. 6-а. 2-ярмидан Ч. Фарбий Турк хоқонлиги таркибига кирган. 641 й. эса Шарқий Турк хоқонлигига қарши курашда қатнашган. Шарқий Турк хоқонлиги тор-мор этилгач, Ч. ярим мустақил ўлкага айланган, ўлкани ҳоким бошқарган. Ч.да илк ўрта аср даврига мансуб 30 дан зиёд шаҳарлар бўлганлиги аниқланган. Кўчманчи халқлар б-н алоқанинг кучайиши Ч.нинг шим. ҳудудлари хўжалиги ривожланишига олиб келган. Бунда Чирчиқ водийси бўйлаб ўтган шим. карвон йўли катта роль ўйнаган; Салор бўйида ўлканинг янги м-зи Мадинат-уш-Шош шакллана бошлаган. Ч.да яна бир қанча шаҳарлар юксалган, ҳоким-

нинг қароргоҳ қалъаси ролини ўйнаган Жабғукат (Ябғу шахри), Худойкат (хонимлар шахри), Данфиғонкат (ибодатхона шахри), металл эритиш м-злари, карвон йўлидаги савдо манзиллари шулар жумласидан. 7-а.да Ч. сўғд ва туркий халқлар маданияти туташган м-зга айланган. Диний эътиқодлар турлича бўлган. Зардуштийлик муқаддас ҳисобланган ҳайвонларга сиғиниш б-н чатишиб кетган, буддизм тарқала бошлаган. Туркий халқлар табиат кучларига, аждодлар руҳига сиғинишган, ҳайвонларни қурбонлик қилишган.

713 й. Араб халифалиги Ч.ни эгаллаб ўз ноибларини тайинлаган. Ч. ва Илоқ аҳолиси дастлаб исломнинг шофиъия мазҳабига эътиқод қилганлар (кейинчалик эса Абу Ҳанифа мазҳабига ўтилган). Шофиъия мазҳабининг тарқатувчиси Абу Бакр Муҳаммад *Қафқол Шоший* бўлган. У кейинчалик халқ орасида Ҳазрати Имом (Хастимом) номи б-н машҳур бўлган. 8-а.да Ч.нинг шим. худудлари Хўжакентдан Сирдарёгача девор б-н ўралган. Унинг харобалари ҳозир ҳам узун марза тарзида сақланиб қолган бўлиб, Кампирдевор номи б-н машҳур (тўғриси Кандипарак, форсча канд, кент – вилоят, қўрғон; парак – тўсиқ девор).

9-а. бошида Сомонийлар сулоласи Мовароуннаҳр (жумладан Ч.ни) идора эта бошлаган. Ч.нинг янги пойтахти – *Бинкат* бунёд этилган. Вилоят чегараларида ғозийлар учун работлар қурилган. Ч.да (819 .дан) сомонийлардан Яхъё, Аҳмад ва унинг ўғли Ёқуб ҳукмронлик қилган. Географ Истаҳрийнинг маълумотига кўра, 9–10-а.ларда Ч. Мовароуннаҳрнинг йирик иқтисодий ва маданий вилоятига айланган. Ч. шаҳарлари дашт ва тоғ-

лик худудларга бориладиган транзит йўллари ёқасида жойлашган. Бу карвон йўллари Бухоро ва Самарқандни, Ч. ва Илоқ м-зларини Фарғона б-н бирлаштирган. Ч.да турли хунармандчилик маҳсулотлари и.ч. ривожланган. 10-а. географи Мақдисийнинг қайд қилишича, Ч.дан бошқа ўлкаларга кўплаб эгар, садоқ, чодир, пичоқ, жойнамоз, қайчи, ажойиб камон, газламалар, игна чиқарилган. Айниқса, сирли сопол идишлар шуҳрат қозонган. 10-а. охирида Ч. Қорахонийлар, 13-а. бошида Хоразмшоҳлар давлатига тобе бўлган. 13-а. бошида найман хони Кучлук б-н бўлган урушда Муҳаммад Хоразмшоҳ Ч. пойтахти аҳолисини кўчиртирган. Чингизхон ҳужумидан сўнг (1220), Ч. мўғуллар қўлига ўтган. Кейинчалик 16–17-а.гача Шош номи б-н машҳур бўлган.

ЧОЧ РАҚСИ – мил. 1-минг йиллик ўрталарида Хитойда шуҳрат қозонган рақс тури. Чжечжи (Чоч – Тошкент) номи б-н аталган. Ч.р.ни, асосан, қиз-жувонлар ижро этган. Рақсга аввал бир киши тушган, яъни якка ўйин ҳисобланган. Мил. 5–6-а.ларда эса 5 киши, кейинги асрларда эса 24 киши ўйнаган. Ч.р. давра қилиб, айланиб ўйналган, у миллий мусиқа, мақом ва хонанда ашуласи б-н ҳам қўшиб юборилган. Раққосалардан бири давранинг м-зида ўйнаб, ўйинни бошқариб борган. У хуасин («гулнинг маркази») деб аталган. Раққосалар қимматбаҳо матолардан тикилган, дур ва жавоҳирлар, чиройли кашта нусхалар б-н безалган либосларда чиқишган. Ч.р. хитойликларни ўзига мафтун этган. Уша даврларда ёзилган мусиқа рисолаларида бу ўйинга жуда юқори баҳо берилган. Мас., Чянь Янь ўзининг «Мусиқа кито-

би» асарида «Хитойликлар чжечжи рақсини ижро этишда хуслар (хорижийлар) б-н тенглаша олмайдилар», деб ёзган. Хитой шоирлари Ч.р.нинг мафтунлиги бўлиб, унга бағишлаб 29 та шеър ва қасида ёзганлар.

ЧОЧ ТАНГАЛАРИ – Чоч Ўрта Осиёнинг ўз тангасини зарб этадиган қад. минтақаларидан бири бўлган. Бу минтақа Чирчиқ ва Оҳангарон дарёси ҳавзасида (*Илоқ*)да жойлашган. Ч.т. дастлаб мил. 3-а.дан зарб қилина бошлаган (М.Е.Массон). Чоч тамғаси б-н илк тангалар олимлар назарига 19-а. охириларида тушган. Ч.т. ҳақидаги батафсил маълумотлар Қанқа шаҳар харобаси, Панжикент (Тожикистон)дан археологик қазималар натижасида олинган ва топилган тангалар ҳақида ахборот берилган (О.И.Смирнова, М.Е.Массон, Э.В.Ртвеладзе).

Ҳоз. вақтда Ч.т.га оид кўплаб китоблар чоп этилган (О.Смирнова, Е.Зеймаль, Ю.Буряков, Б.Вайнберг, Д.Илёсов, В.Лившиц, Э.Ртвеладзе, Л.Баратова, А.Мусакаева, Ф.Бобоёров, А.Кузнецов, В.Шагалов).

Ч.т. Тошкент вилоятининг турли археологик ёдгорликлари – Қанқа, Шоҳрухия, Хонобод, Кувайдтепа, Далварзинтепа, Тункат, Култтепа, Жанжалбазаттепа, Суюртепа, Юнусобод Оқтепа, Кавардон, Янгийўл, Ниёзбоши, шунингдек, бошқа вилоятларда – Қашқадарё, Фарғона, Панжикент, Эски Термиз ва ҳатто Хитойдан топилган. Ч.т. *Буюк упак йўли* бўлиб кенг тарқалган.

Тангалар кўп топилгани учун тадқиқотчилар Қанқада зарбхона жойлашган, деб ҳисоблашмоқда. Қанқа ва Шоҳрухиядан кесилмаган танга куймалари (диаметри 9–10 мм) чиққанлиги танга тайёрлаш м-злари бир нечта бўлга-



Чоч
ҳукмдорлари
тангаларидан
намуналар.

лар портрети
ва тамға гар-
дишига ёзув
битилган, ўнг
тарафга ҳай-
вон тасвири,

нидан далолат беради. Ч.т. мил-
лодий 3–7-а.лар б-н даврланади.

Ч.т.нинг ўзига хос хусусияти –
атрофига суғдча ёзув битилган
уруғ (сулолавий) тамғаси бўлиб,
бу тамғанинг 7 таси аниқланган.
Бу ҳолат турли ҳокимлар томо-
нидан тангаларни узоқ муддат
мобайнида зарб қилинганидан
дарак беради. Тангаларнинг бир
томонида ҳоким, ҳоким ва мали-
ка, ҳокимнинг ўтирган ҳолати, ўнг
томонда барс, чавандоз, от, туя-
лар акс этган. Кўп йиллик тадқи-
қотлар натижасида кўплаб Чоч
ҳокимларининг исмлари қайд
этилди, жумладан, Тарду хоқон,
Тун ябғу хоқон, Ишбара Баҳодур
ийлиғ (ёхуд Коничур Билга), Тон
хоқон, Ишбар, Умай, Тегин Рит-
тпир (Элтабар), Йенчу Элтегин,
Сатачари тудун, Тун тудун, Сочак
(Стачак), Хунирак Сатачар, Аста-
нак, Ширдак (?), Пирак (Прик ?),
Тарнавч, Шчаниабаг (Арчания),
Биаруирак (Каничур), Йазатпир,
Нанчу ва б. (Ч.т.даги ҳокимлар-
нинг исmlарини ўқишда суғдшу-
нослар орасида яқдиллик йўқ).

Мил. 6–8-а.ларда Ўтрор, Чоч,
Фарғона Фарбий Турк хоқонлиги
таркибида бўлиб, олий ҳокимият
тепасида хоқон (қоғон) турган. 7-
а.да хитойлик сайёҳ Сюань Цзянь
Чочда «ўнлаб шаҳарларни муста-
қил ҳокимлар идора этади» деб
қайд этган. Ю.Ф. Буряковнинг
фикрича, қўшалок портретли Ч.т.
Византия таъсирида зарб этилган,
Византия тангаларида ҳам ҳоким-

орқа томонига уч тишли шоха тур-
ли кўринишларда акс эттирилган.

Айрим олимлар (О.И.Смирно-
ва) фикрича, ҳайвон тасвирли тан-
галар Кичик Осиёдан топилган
юнон тангаларидан олинган.
Йиртқич – арслон қабила-уруғ
ҳомийси бўлган, турли тамгалар
ҳар хил уруғларни англатган.

Турли таркибдаги бронза тан-
галарни қуйма усулда тайёрлаш
суғдийлар технологиясига хос
бўлган, улар буни ўз навбатида
шарқий қўшниларидан, жумла-
дан, Хитойдан ўзлаштирганлар.

ЧОЧ ТИЛИ – қадимги тиллардан
бири. Чоч аҳолисининг турмуши,
маданияти ҳақида 10–12-а.лар
манбалари илгариги асрларга
қараганда кўпроқ маълумотлар-
ни ўзида мужассамлаштирган.
Мас., 10-а. араб географи ва
сайёҳи Мақдисий ўзининг 989 й.
ёзган «Аҳсан ут-тақосим фи маъ-
рифат ил-ақолим» («Мамлакат-
ларни ўрганиш учун энг яхши
қўлланма») асарида ўзи билган
юртлар аҳолисининг урф-одатла-
ри, дини ва б. ҳақида маълумот-
лар беради. Бу манбага қараган-
да, Ч.т. «Хайтал (эфталит) тилла-
ридан энг яхшиси» ҳисобланган.
Мақдисий Ч.т.ни мустақил тил деб
таърифлаган.

ЧОШТЕПА – археологик ёдгор-
лик, қишлоққа туташган қаср-
қўшқ (7–8-а.лар). Т.нинг шим.-ғар-
бий қисмида, Юнусобод 17-мав-
зесида жойлашган. Тепалик қиш-
лоқдан хандақ б-н ажратилган.

Ҳоз.да тепанинг бир қисми (25x15
м) сақланиб, атрофи замонавий
турар жой бинолари б-н ўралган.
Тепалик ўрнида пахса ва хом
ғиштдан қурилган, атрофи йўлак
б-н ўралган маҳобатли иншоот
бўлган. Ички қисмида ўзаро ўтиш
йўлаклари б-н бирлаштирилган
учта тор хона сақланган. Бино
фаолияти даврида уч марта таъ-
мирланган, қайта қурилган ва
ёнғин натижасида вайрон бўлган;
ёнғин излари қизариб, куйиб кет-
ган девор ва тўсинларда аниқ
кўриниб туради. Ёнғин араблар-
нинг 8-а.нинг 1-чорагида Чочга
қилган истилolari натижасида
вужудга келган.

ЧОШТЕПА КЎЧАСИ – Сергели
тумани ҳудудида. Янги Сергели
кўчаси б-н Т. вилоятининг Эркин
кўрғони оралиғида. Уз. 6 км ат-
рофида. Қад. карвон йўлларида
бири. Чор Россияси даврида поч-
та йўли сифатида фойдаланил-
ган. Кейинчалик *Камта Ўзбекис-
тон трактининг* бир қисми
бўлган. 1967 й. 17 окт.да йўна-
лишидаги тарихий обида – *Чош-
тепа* номи берилган. Йўналиши-
да 11-поликлиника, йўл-қурилиш
бошқармаси, савдо ва умумий
овқатланиш масканлари, автоба-
залар, 2-жаҳон урушида ҳалок
бўлганлар хотирасига бағишлаб
ўрнатилган ёдгорлик, «Шин-Дон»
Ўзбекистон-Корея қўшма корхо-
наси, бир нечта кичик ва ўрта
бизнес субъектлари, маъмурий ва
шахсий турар жой бинолари ва
б. жойлашган. Мустақиллик дав-
рида кўчада реконструкция иш-
лари олиб борилган. Таркибида
11 та тор кўча ва 3 та берк кўча
бор.

«ЧОШТЕПА» МАҲАЛЛАСИ
(Чоштепа кўч., 318) – Сергели ту-
манидаги маҳалла. Навоий маҳал-
ласи, Зангиота туманининг
Ф.Пўлатов кўчаси б-н чегарадош.
Маҳалла номи *Шоштепа* шаҳар

харобаси номидан олинган. 1966 й. ташкил этилган, эски номи «Гишт кўприк» бўлган. Аҳолиси 5200 киши (729 хонадон)дан иборат. Маҳаллада 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 3 та катта кўча, 2 та мактаб, 10 та озиқ-овқат дўкони ва б. мавжуд.

«ЧОШТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 19-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Иттифоқ», Нодирабегим, Увайсий маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ҳудудида 4-а.га мансуб тепалик бор. Аҳолиси 5387 киши, асосан, ўзбеклар (70%).

ЧОШТЕПА ҚАБРИСТОНИ (Сергели тумани; «Маданият» маҳалласи ҳудудида) – майд. 2,57 гектар. 1941 й.дан мавжуд. Қабристонга яқин ҳудудда Шоштепа археологик ёдгорлиги (Чоштепа) жойлашганлиги туфайли шундай аталган. Қабристонга «Чоштепа» жоме масжиди ёндошган.

ЧУВАЛАЧИ – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. Тешиққопқа, Чигитбоши, Кадувот, Ҳасанбой маҳаллалари б-н чегарадош. 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўпчилиги ҳунармандчилик, деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар ташқарисидаги ерларида), савдосотиқ б-н шуғулланган. Ч.да тегиримон, бир неча баққоллик дўконлари, чойхона, масжид бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Ч. ҳудудида бир қаватли турар жой бинолари сақланган. Ч. кўчаси мавжуд.

ЧУСТИЙ МАҲАЛЛАСИ (Беруний Б-1 мавзеси, 9) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Чигатой Дарвоза», «Эски шаҳар», Навоий маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. шу номда ташкил топган. Шоир Чустий шу ҳудудда яшаб, южод қилган. Аҳолиси 4125 киши, кўп миллатли.

ЧУҚУРКЎПРИК – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Мирлар, Зангиота, Бадрбой, Эшонгузар маҳаллалари б-н чегарадош. 300 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси ўзбеклар бўлиб, кўпчилиги деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар ташқарисидаги ерларида), ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Ч.да мактаб, бир қанча тикувчилик устахонаси, чойхоналар, 2 масжид, савдо дўконлари растаси бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Ч. ҳудуди реконструкция қилинмоқда.

ЧУҚУРСОЙ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудида. Қорасарой ва Шифокор кўчалари оралигида. Уз. 2 км атрофида. Кўча қад. Қорасарой дарвозасига кириб келадиган асосий йўллардан бири бўлган. Зиёратчилар ушбу кўча орқали шаҳар ташқарисидаги Хожа Аҳмад Яссавийнинг отаси Иброҳимота мақбараси (15–17-а.лар)ни зиёрат қилишга борганлар. Йўналишида «Гулзор» ва «Иброҳимота» маҳаллалари, Чуқурсой темир йўл ст-яси, «Шоштранс» ва «Махсустрянс» корхонаси, 2-руҳий касалликлар шифохонаси, «Меҳрли савдо» базаси, «Семурғ» ф-каси, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, фирма ва компаниялар, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, маъмурий ва шахсий турар жой бинолари жойлашган. Норазтепа ва Иброҳимота кўчалари б-н туташган.

«ЧУҚУРСОЙ» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 1/4 мавзеси) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Дўстлик», «Пахта», Иброҳимота, «Қичқирик» маҳаллалари б-н чегарадош. Бу ҳудуднинг рельефи тузилишидан келиб чиқиб 1985 й.ларда «Чуқурсой» маҳалласи деб номланган. Аҳолиси 4050 киши, 25 дан зиёд миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида

болалар спорт мажмуаси, ўрта мактаб, болалар боғчаси ва б. бор.

ЧЎЛПОН (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов) (1897–1938.4.10) – шоир, таржимон, жамоат арбоби. Дастлаб Андижон ва Т. мадрасаларида (1908–12), сўнгра рус-тузем мактабида (1912–14) ўқиган. Унинг дунёқараши шаклланишида 1905 й.дан сўнг Туркистонда кенг ёйилган жадидчилик ҳаракати, Беҳбудий, Абдулла Авлоний каби маърифатпарвар сиймоларнинг асарлари муҳим роль ўйнаган. Илк мақола («Адабиёт надир» ва б.) ва ҳикоялари («Доктор Муҳаммаддиёр» ва б.)да ўз халқини жаҳолат ботқоғидан, нодонлик исқанджасидан қутқарувчи самарали омилни излашга ҳаракат қилган. Окт. тўнтаришидан сўнг Ч. «Турк РОСТА» газ.да маъсул муҳаррир (1919–20), «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон», «Бухоро ахбори» газ.ларида адабий ходим. Ўзбек давлат т-ри ва труппаси директори. Москвада ўзбек драма студиясида, сўнгра Ўзбекистонда маориф ва т-р соҳасида ишлаган (1924 й.дан).

Ч.нинг шеърий асарлари «Ўзбек ёш шоирлари», «Уйғониш» (1922), «Булоқлар» (1923), «Тонг сирлари» (1926), «Соз» (1935) тўпламларида, шунингдек, турли газ. ва журн.ларда эълон қилинган. Ишқий кечинма ва табиат манзаралари тасвирланган шеърларида Ч. жаҳон лирик шеърятининг мумтоз вакиллари даражасига кўтарилган («Гўзал», «Сезги», «Сирлардан» ва б.). Ч. ватан ва миллат манфаати б-н яшаган. Большевиклар олиб борган сиёсатнинг мустамлакачилик моҳиятини фош этишга, халқни зулм ва зўравонликка қарши хуррият учун курашга даъват этишга қаратилган шеърлар ҳам ёзган («Бузил-

ган ўлкага», «Халқ», «Виждон эрки», «Кишан» ва б.).

Ч. 20-й.ларда ёзган «Ойдин кечаларда», «Қор кўйнида лола», «Новвой қиз» сингари ҳикоялари ўзбек адабиётидаги лирик жанрнинг дастлабки мумтоз намуналаридир. «Кеча ва кундуз» романи (1936), «Ёрқиной» (1926), «Узунқулоқ бобо», «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» (1928) пьесалари муаллифи. Ўзбек адабиёти ва т-р санъатига бағишланган қатор илмий мақолалари б-н ўзбек миллий адабиёт ва т-р санъати ривожига ҳисса қўшган. Пушкиннинг «Дубровский», «Борис Годунов», Горькийнинг «Она», «Егор Буличев», Лохутийнинг «Оврупо сафари» асарларини, Тагор, Шекспир, К.Гоццининг айрим асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Ч. 1937 й. 14 июлда ҳибсга олиниб, кўп ўтмай отиб ташланган. Оқланганидан сўнг Ч.нинг «Баҳорни соғиндим» шеърлар тўплами (1988), «Кеча ва кундуз» романи (1990) ва б. асарлари нашр қилинди. Ч. ҳақида Озод Шарафиддиновнинг «Чўлпонни англаш» (1994), Наим Каримовнинг «Чўлпон» (маърифий роман) китоблари ёзилган. «Кундузсиз кечалар» (Усмон Азим асари) спектакли саҳналаштирилган. Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1991). «Мустақиллик» ордени б-н тақдирланган (1999). Т.даги кўчалардан бири, Ҳамза туманидаги маҳалла Ч. номи б-н аталади.

ЧЎЛПОН КЎЧАСИ – Ҳамза тумани худудидаги «Ғалабанинг 40 йиллиги» мавзесига жойлашган. Оҳангарон кўчаси б-н «Тузел» маъмурий-худудий бирлиги оралигида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Уз. 1,5 км атрофида. Дастлаб Ўқитувчи номи б-н юритилган. 1989 й. 8 сент.да таниқли ўзбек шоири *Чўлпон* номи берил-

ган. Йўналишида «Ғалабанинг 40 йиллиги» 1–4 турар жой мавзелари, «Бехзод», «Ирондел», «Твен», «Элен» ва «Тош» кафелари, «Али ибн Абу Толиб» жоме масжиди, савдо шохобчалари, дорихона, бозорча, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ЧЎЛПОН МАҲАЛЛАСИ (Кичик халқа йўли кўч., 3) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Машинасозлар», «Ҳарбийлар», «Олтин водий» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Маҳалла номи шоир *Чўлпон* шарафига қўйилган. Аҳолиси 3620 киши, асосан, руслар (60%), шунигдек, ўзбек ва б. миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида «Тош-Дон маҳсулот» ва «Ғалла-Алтег» акциядорлик бирлашмалари мавжуд.


ЧЎПОНОТА КЎЧАСИ – Чилонзор ва Яккасарой туманларини боғлаб турувчи кўча. Усмон Носир ва Лутфий кўч.лари оралигида. Уз. 4 км атрофида. 20-а.нинг 50-й.ларида ташкил топган. Дастлаб Сталинград номи б-н юритилган. 1962 й. 12 июлда Волгоград номи берилган. 1997 й. 18 дек.дан Чўпонота номи б-н юритилди. Йўналишида «Биродарлик» ёдгорлик мажмуаси, Чилонзор 2-, 6-, 8-, 9-турар жой мавзелари, «Умид» даҳаси, Республика хўжалик суди, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитаси, Т. вилоят прокуратураси, туман ички ишлар бошқармаси, Кўзи ожизлар жамияти, Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Фаввора» ресторани, Оперетта т-ри, «Кутбинисо» супермаркети, «Малика» меҳмонхонаси, ҳуқуқшунослик касб-хунар коллежи, «Ўзгипроўрмонлойиха» ин-ти, «Мирзо Улуғбек» метро бекати,

Стандартлаштириш м-зи, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ЧЎПОНОТА МАЖМУАСИ (Чилонзор даҳаси, 13-мавзе) – гумбазли дарвозахона ва мақбара (айрим маълумотларга кўра 15-а.), масжид (асоси 19-а. охири – 20-а. боши) дан иборат. Чўпонлар ҳомийси Чўпонота шахсига атаб *Улуғбек* томонидан қурилган деб тахмин қилинади. Дарвозахона ҳовлининг жан. томонида, ғарбида масжид, шим. тарафда мақбара жойлашган, унинг атрофи қабристон. Мақбарага боравериш хиёбон тарзида ташкил этилган. Дарвозахона ва мақбаранинг (тархлари мос равишда 3,5x4,9 м ва 4,6x5,6 м) ҳажмий тузилишларида умумийлик кўп: иккаласи ҳам майда (24x24x4 см) гиштдан ишланган; олд тарзларининг томонларидаги гулдасталар юқорига қараб ингичкалашиб кетган; гулдасталарнинг тепаларига ўймакорлик воситасида қафаса шакллари берилган; эшикларининг тепасида китобаларнинг ўрни бор. Бино интерьерлари ва деворларига тўрттадан саёзроқ тахмонлар ишланган; бағаллари «каптар думи» (қалқонсимон) шаклида чиқарилган. Биноларнинг фарқли жиҳатлари ҳам бор. Дарвозахонанинг ҳовли томонида ҳам пештоқ бўлиб, у кўча тарафидагига қараганда пастроқ; гумбазининг устига мезана қурилган. Мақбара эшигининг тепасидаги ёзув (китоба) қириб олинган, ўрнига ганчдан нақш ишланган. Сағана мақбара ичининг анча қисмини эгаллаган. Ғарбий тахмон деворида туйнук бор. Мақбаранинг ичи сувоқсиз бўлиб, гиштардан нақшсимон шакллар ҳосил этилган. Шифтли масжид 20-а.нинг 50-й.ларидаги кенгайтириш натижасида ўзининг дастлабки ҳолатини йўқотган. Хонақоҳ 3 қисмга

бўлинган. Унга шарқдан ўртасида 5 таянчи бўлган ромли айвон таштирилган. Масжид тарҳининг таҳлили унинг энг аввалги қисми иморатнинг жан. ғарбида жойлашганлигини кўрсатади: хонақоҳнинг жан. қисми дастлабки хонақоҳ, ўрта қисми эса дастлабки очиқ айвон бўлган, деб тахмин қилиш мумкин; хонақоҳнинг шим. қисми ва ромли айвон кейин қурилган. Масжиднинг қаршисида, ҳовлининг шарқий томонида ёрдамчи қурилмалар, ҳовуз бор. Ч.м.да халқ меъморлигининг, айниқса, фишкор усталарнинг маҳорати мужассам бўлган.

«ЧўПОНОТА» МАҲАЛЛАСИ (Увайсий кўч., 37) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Олим Хўжаев ва Маннон Уйғур маҳаллалари б-н чегарадош. 1950 й.гача «Титов», 1950–59 й.ларда «Чарх-Новза», 1959 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5800 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек 8 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида *Чилонзор Оқтепаси* археологик ёдгорлиги, Фтизиатрия ва пульмонология и.т. институти ва унинг клиникаси, Ўзбекистон маҳаллий санонат корпорациясининг «Оқтепа» санонат-савдо жамоа корхонаси, «Форвард» ресторани, спорт мажмуаси, жумладан, маҳалланинг «Оқтепа» футбол клуби спорт майдончаси, 22-оилавий поликлиника, «Фотима ва Заҳро» жоме масжиди ва б. мавжуд. Акад. Иброҳим Искандаров, топонимист олим Суюн Қораев, ношир Ислон Шоғуломов, ёзувчи Шукрулло ва б. шу маҳаллада яшайди. Маҳаллада болалар спортига, маданий-маърифий маросимлар ўтказишга алоҳида аҳамият берилади.



Чўпонота мақбараси.

«ЧўПОНОТА» МАҲАЛЛАСИ (Чўпонота кўч., 28^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Қатортол», «8-мавзе», Лutfий маҳаллалари ва Учтепа туманининг «Гузар» маҳалласи б-н чегарадош. 1962 й. ҳоз. маҳалла ҳудудида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти қошида корхона қурилган. Сўнгра 1964 й. жамият томонидан кўзи ожиз ногиронлар яшайдиган 4 қаватли турар жой биноси ва корхона ётоқхонаси қурилган. Ана шу уйлар ва жамият асосида 1965 й. «Ч.» м. ташкил топган (маҳалла номи чўпонлар ҳомийси Чўпонота номидан олинган). Кейинчалик кўп қаватли уйлар қурилиб маҳалла кенгайган. Аҳолиси 1530 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 14 миллат вакиллари яшайди. Аҳолисининг асосий қисмини кўзи ожиз ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари ташкил қилади. Маҳалла ҳудудида Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти қошидаги 4 та корхона ва маданият саройи, маҳал-

ланинг кўзи ожизлар жоме масжиди, «RADIKS» дори-дармон и.ч. корхонаси, «Хасково» колбаса маҳсулотлари и.ч. корхонаси ва б. турдаги 8 та хусусий корхона, автомобиль таъмирлаш устaxonаси, автосалон, «ФОНОН» и.ч. корхонаси, ЎЗМУ қошидаги С.Ҳ.Сирожиiddинов номли академик лицей, «AFRUZ» ва «Хосиятлик» ресторанлари, 3 та кафе, «Истиклол» болалар боғчаси, мебель жиҳозлари, қурилиш материаллари дўконлари жойлашган.


«ЧўПОНОТА» МАҲАЛЛАСИ (Кўшилиш кўч., 25) – Учтепа туманидаги маҳалла. *Бўзсув* канали бўйида жойлашган. «Катта Қаъни», Чилонзор туманининг 14–15, 21–25 мавзелари б-н чегарадош. 1924 й. шу номда ташкил этилган. Ўрта асрларда маҳалла ҳудудидаги қабристон атрофида карвонсарой, чойхона, баққоллик дўконлари бўлган. Кейинчалик шўролар давридаги колхозлаштириш жараёнида ерлар бирлаштирилиб, сув бўйидан кўчирилган. 1966 й. Тошкент зилзиласидан сўнг аҳоли кўчирилиб, ўрнига 13-, 14-, 15-, 21-, 22-кварталлар ташкил этилган. Аҳолиси 2264 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида туман маданият ва истироҳат боғи, туман ҳокимлиги биноси, Чўпонота қабристони, Шаҳар тез тиббий ёрдам касалхонаси, электр ва иссиқлик қуввати корхоналари ва б. мавжуд. **ЧўПОНОТА ҚАБРИСТОНИ** (Учтепа тумани, Чилонзор даҳаси, 13-мавзе) – майд. 2,2 гектар. Тахм. 14-адан мавжуд. Ч.қ. ҳудудида Чўпонота мақбараси ва масжид бор.

ШАЙХ ЗАЙНИДДИНБОБО, Шайх Абу Бакр Зайниддин-бобо Кўйи Орифон Тошкандий (1164–1259) – шайх. Отаси шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий Бағдоднинг катта мутасаввифларидан бўлган, суҳравардия тариқатига асос солган. Шайх Шаҳобиддин Суҳравардий 1215 й. Бағдод халифасининг элчиси сифатида хоразмшоҳ Муҳаммад ҳузурига келган. Шунда Ш.З. ҳам отаси б-н Мовароуннаҳрга келган ва кейинчалик Шош (Тошкент)да, шаҳарнинг ҳоз. Кўкча даҳасида ҳаёт кечирган ва тасаввуф б-н шуғулланган. Тарихий манбаларда Ш.З. «сайидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғи», «орифларнинг қутби ва ишончли раҳнамоси» деб таърифланган. Ш.З. Тошкентда вафот этган (қ. *Шайх Зайниддинбобо мақбараси*). Ш.З. яшаган чиллахона атрофида кейинчалик қабристон ва Кўйи Орифон маҳалласи вужудга келган.

Ш.З. авлодлари қабристон атрофидаги Кўкча маҳалласида яшаб келмоқда. Шоир Хислат, олимлар Жорулла ва Омонулла Файзуллаевлар, ношир Нажибулло Ҳабибуллаев, навойишунос олим Ҳамид Сулаймон ва б. ушбу шажара вакиллари дидир (улар шу ердаги қабристонга дафн этилган).

ШАЙХ ЗАЙНИДДИНБОБО ЖОМЕ МАСЖИДИ (Маннон Уйғур кўч., 378) – Кўкча даҳасидаги масжид. Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфида. Номи *Шайх Зайниддинбобо*дан олинган. 1943 й. очилган. Лекин қадимда бу ерда масжид ва қабристон бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган. Чунончи Фаҳруддин Али Сафийнинг «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») асарида Хожа Аҳрор ёшлигида (15-а. боши) Шайх Зайниддин Куйи Орифоннинг мазорини тез-тез зиёрат қилиб тургани, бу ерда масжид ҳам бўлгани ёзилган. Масжид 1996–99 й.ларда қайта қурилган, унинг икки ёнида икки қаватли хонақоҳ, ертўла, таҳоратхона, талабалар учун ётоқхона, ошхона, мутавалли ва имомлар хонаси, минораси (тахм. 50 м) бор. Бино янги лойиҳа бўйича қурилиб, миллий нақшинкор безаклар б-н безатилган. Масжидда ибодат қилувчилар сони кунда-

Шайх Зайниддинбобо мақбараси.



лик намозда 300–500, жумада 8–10 минг, байрамда 50 минг кишини ташкил қилади.

ШАЙХ ЗАЙНИДДИНБОБО МАҚБАРАСИ – меъморий ёдгорлик (13–14-а.лар). *Амир Темур* Кўкча дарвозаси ташқарисидаги Орифон қишлоғига дафн этилган *Шайх Зайниддин-бобога* атаб қурдирган. Мақбарага кираверишда ўнг томондаги гўрда Шайх Зайниддинбобо завжалари Дарё Дилбекач дафн этилган. Археологик текширишларга кўра, ёдгорлик ёнида жойлашган чиллахона 12–13-а.ларга, мақбара ўрнида бўлган хонақоҳ 14-а.га оид. Мақбара девори асоси 16-а.да қурилган, тепаси ва пештоқи 19-а. охири – 20-а. бошларида таъмирланган. Ташқи гумбаз баланд асосга ўрнатилган. Ёғоч дарвозасига устанинг номи – «Миршароб Абдимўмин ўғли» ўйиб ёзилган. Дарвоза тепасидаги дераза ўрнида ёғоч панжара сақланиб қолган. 13–14-а.ларда мақбара атрофида қабристон вужудга келган. Мақбара зиёратгоҳ-қадамжолардан ҳисобланган. Бефарзанд оилалар бу ерга келиб Аллоҳдан фарзанд тилаганлар. Мас., Шайх Умар Боғистоний умр йўлдоши б-н Шайх Зайниддин мазорига зиёратга келиб, шайх қабри олдида Аллоҳ таолодан фарзанд сўраганлар. Вақти-соати келиб улар фарзандлик бўлишган (қ. *Шайх Хованди Тоҳур*).

ШАЙХ ЗАЙНИДДИНБОБО ҚАБРИСТОНИ (Маннон Уйғур кўч., 374) – Т.нинг ғарбий қисмида. *Маннон Уйғур кўчасининг* илгариги (1955 й. гача) номидан келиб чиқиб «Вилоят» қабристонини ҳам дейилган. Майд. 7,7 гектар. Қабристон Шайх Зайниддинбобо қабри атрофида 13–14-а.ларда вужудга келган. Қабристонга жамоат арбоби ва тарихчи Алихонтўра Соғуний, ёзувчи Раҳмат Файзий, ҳофизлар Бобохон Сўфиhoнов, Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, Асқар Убайдуллаев, халқ рассоми Малик Набиев, халқ маорифи ташкилотчиларидан Оқилхон Шарафиддинов ва б. дафн этилган. *Шайх Зайниддинбобо мақбараси* ва жоме масжиди бор.

ШАЙХ УМАР БОҒИСТОНИЙ (?–1291) – мутасаввиф, шайх. Т. вилоятининг Боғистон қишлоғида таваллуд топган. Ёшлигида илм ўрганиш ниятида Бухорога келиб, Шайх Ҳасан Булғорийга мурид бўлган. Уч йиллик хизмати ичида у шайхдан таълим олиб, валоят даражасини топгани учун ўз пири каби Шайх номига мушарраф бўлган. Ш.У.Б. диний ва дунёвий илмларни эгаллаб, тасаввуфда камолга етгач, Боғистонга қайтиб, халқни роҳи-роси (тўғри йўл)га ва илму ирфонга тарғиб қилган. Камтарона ҳаёт кечириши б-н одамларга ибрат бўлган. У деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган ва ўз касби-коридан ҳалол тирикчилик қилган. Ўғли Хованд Тохурга: «Тохур, мулла бўлма, сўфи бўлма... мусулмон бўл», деган сўзи халқ орасида машҳур (яна қ. *Шайх Хованди Тохур*).

ШАЙХ ХОВАНДИ ТОХУР (Тохур), Шайхонтохур (13-а. охири – 1359) – *Шайх Умар Боғистоний*нинг ўғли. Ҳоз. Бўстонлик

тумани Боғистон қишлоғида тутилган. 17-а.да яшаган олим Шайх ас-Сиддиқий (1087/1676 й. в.э.)нинг «Ламоҳат мин нафахот-л-кудс» китобида келтирилишича: «Шайх Зайниддин Кўйи Орифон Тошкандий айтганларки, фарзанд талаб бўлганлар бизнинг олдимизга келиб фарзанд тиласа, албатта, ниятига етгусидир». Шунга биноан Шайх Умар Боғистоний умр йўлдошлари б-н Шайх Зайниддин мақбарасига келиб фарзанд ато этишни илтижо қилишади. Кўп ўтмай фарзанд кўришиб, унга Хованди Тохур (пок шайх) деб ном қўйишди. Ш.Х.Т. илоҳиётга ва тариқатга доир илк сабоқни отасидан олган. «Рашаҳоту айнил-ҳаёт» («Обиҳаёт томчилари») асариде ёзилишича, Ш.Х.Т. илоҳиёт ва тасаввуф илмининг йирик намояндларидан бири, етук мутасаввифлардан бўлган. У яссавийлик тариқати намояндларидан тариқат йўлини ўрганади ҳамда илми зоҳирий ва илми ботиний сир-асрорларидан вақф бўлади. Кароматли шайхлар орасида юксак мақомга эришади. Якка худолик ҳақидаги таълимотни, тасаввуфга оид

Шайх Хованди Тохур мақбараси.



ибораларни шарҳлаб берган, шунингдек, шеърят б-н шуғулланган. Ш.Х.Т. илм излаб Туркистонга, Аҳмад Яссавий авлодларидан Тенгиз Шайх хузурига борган. Сўнгра Бухорода машҳур олимлар б-н мулоқотда бўлиб хожагон тариқатини чуқур ўрганган. Унинг «Рисола дар масойили шарият ва тариқат» («Шарият ва тариқат масалалари ҳақида рисола»), «Рисола даҳ шарт» («Унта шарт ҳақида рисола»), «Рисола дар аркони ислом» («Ислом арконлари ҳақида рисола»), «Рисола дар одоби тариқат» («Тариқат одоби ҳақида рисола») каби асарлари маълум. Уларда ислом дини арконлари, шарият ва тариқатнинг ўзаро муносабатлари, инсон камолоти, тариқат одоб-ахлоқлари каби масалалар баён этилган.

Ш.Х.Т.нинг Довуд исмли ўғли бўлиб, у ҳам шайх сифатида машҳур эди. Ш.Х.Т. дафн этилган жой зиёратгоҳ ҳисобланади. Унинг мозори атрофида бошқа сағана ва қабрлар пайдо бўлиб, Т.нинг катта ва муқаддас қабристонига айланган. *Хожа Аҳрор* (унинг волидаи муҳтарамаси шайх Довуднинг қизи бўлган) қабр устига мақбара қурдиради. Хожа Аҳрор қурдирган иншоот замонлар ўтиши б-н нураб, бизгача етиб келмаган. Ҳоз. мақбара эса аввалгисининг лойиҳаси ва кўринишини сақлаган ҳолда қайта тикланган (яна қ. *Шайх Хованди Тохур мажмуаси*). Тошкент ш.даги туманлардан бири, кўча, маҳалла Ш.Х.Т. номи б-н аталади.

ШАЙХ ХОВАНДИ ТОХУР МАЖМУАСИ (Навоий кўч., Шайхонтохур тор кўч.) – мейморий ёдгорлик (15–19-а.лар). Шайх Хованди Тохур мақбараси, зиёратхона ва гўрхонадан

иборат. Мавжуд ёдгорлик 15-а.га оид кўхна мақбара пойдевори устига 18–19-а.ларда қурилган; бунда Мовароуннаҳрда 14-а. охиридан ривожланган икки хонали буйлама мақбарамажмуа тархлари сақлаб қолинган. Мақбаранинг бино юзасидан сал чиқиб турувчи кичик пештоғи бор, ички деворлари чуқур равоқли. Хоналар гумбазлар б-н ёпилган; гўрхона гумбази кўшқават бўлиб, 12 қиррали асосга ўрнатилган. Зиёратхона меъморлиги ўзига хос хонақоҳ бўлиб, саккиз равоқдан иборат. Дарчалардаги кошинкори панжаралар сақланиб қолган. Мақбара юпқа чорси (25x26x5–6 см) пишиқ гишдан терилган. Мақбаранинг ўлчамлари 16,2x8 м, хоналари 6x6 ва 4,2x4,1 м, зиёратхона гумбазининг баландлиги 12,8 м. Кейинроқ атрофига чиллахона, Юнусхон мақбараси (15-а.) қурилган. Уч масжид биноси, минора, Эшонқулидодхоҳ мадрасаси сақланмаган. Ўтмишда мажмуа Т. аҳолисининг зиёратгоҳ қадамжоларидан бири бўлган. Турли байрамларда бу ер сайилгоҳга айланган.

ШАЙХ ШИБЛИЙ МАҲАЛЛАСИ (Шухрат кўч., 9) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Фирдавсий, Мирзо Улуғбек, «Хиёбонтепа», «Бодомзор» маҳаллалари б-н чегарадош. Машхур мутасаввиф Шайх *Шиблий* номи б-н аталган. Аҳолиси 3763 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида Давлат тест маркази, «Технофарм» ва «Новофарм» қўшма корхоналари, «Радиссон САС» меҳмонхонаси, Мирза Юсуф жоме масжиди, ўрта мактаб мавжуд. Маҳаллада шоир Шухрат, акад. Абдуманнон Раҳимжонов, проф.лар Шомурод Шомансуров, Фани Нажимов яшаб ўтган.

ШАЙХЗОДА, Мақсуд Шайхзода [1908.25.10 (7.11) – 1967.19.2] – шоир, драматург, адабиётшунос, таржимон, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Бокудаги дорилмуаллимини тугатган (1925). 1927 й.да аксил-инқилобий ташкилот аъзоси сифатида ҳибсга олинди, 1928 й. фев.да Т.га сургун қилинган. Ўрта Осиё ун-тининг Шарқ ф-тида қисқа муддат ўқигани (1928)дан кейин «Шарқ ҳақиқати» (1929–32), «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газ.лари (1932), «Гулистон» журн. (1933–34) таҳририятларида хизмат қилган. Боку пед. ин-тини тугатган (1934). Т.да Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган (1935–38). 1938 й.дан Низомий номидаги Т. педагогика ин-тида ўқитувчи.

«Ўн шеър» (1932), «Ундошларим» (1933), «Учинчи китоб» (1934), «Янги девон» (1937), «Жанг ва кўшиқ», «Кўнгил дейдики...» (1943), «Ўн беш йилнинг дафтари» (1947), «Юрт шеърлари» (1948), «Йиллар ва йўллар» (1961), «Шеърлар» (1964) ва б.

«Тошкентнома»дан

*Дейдилар: Тошкентда сув
ичган чумчуқ*

*Қайтиб келар экан
Маккатиллодан,*

*Юзи ҳам, сўзи ҳам, кўзи
ҳам очик,*

*Табаррук тупроғи зару
тиллодан...*

*Ҳа, «Тошкент» дейилса қуёш
эсда шай,*

*Бу ерда ҳамма дер: – Қуёшча
яшай!!!*

*Тошкент ўлкага гоятда керак,
Ўзбекистон – тан,*

Тошкент-чи – юрак.

*Шарқнинг улугвор ишхонаси у,
Нур деразали кошонаси у.*

шеърый тўпламлари нашр этилган. У дoston жанрида «Мерос», «Тупроқ ва ҳақ» (1936), «Овчи қиссаси», «Искандар Зулқарнайн» (1940), «Ўн бирлар» (1943), «Аҳмаджоннинг ҳикматлари», «Учинчи ўғил» (1944), «Нурмат отанинг туши» (1947) сингари лиро-эпик асарлар ёзди. Ш. қофиянинг янги бадиий имкониятларини кашф этиб, ўзбек шеърлятига янги вазн ва шакл кўринишларини олиб кирган. Шоир ижодига хос бу тамойил унинг, айниқса, «Тошкентнома» (1958) лирик достонида ёрқин ифодасини топган.

«Жалолиддин Мангуберди» (1944), «Мирзо Улуғбек» (1961) трагедиялари, бир қанча илмий мақолалар, монографиялар («Гениал шоир», 1941) муаллифи. У Ш. Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» (ҳамкорликда) эпоси, У. Шекспирнинг сонетлари, А.С. Пушкиннинг шеърлари, «Мис чавандоз» достони, «Моцарт ва Сальери» трагедияси, М.Ю. Лермонтовнинг шеърлари ва «Кавказ асири» достонини ўзбек тилига таржима қилган.

Ш. 1952 й.да ҳибсга олинди, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва 1954 й.да озод этилган. Чигатой қабристонига дафн этилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н тақдирланган (2001). Т.даги кўчалардан бири Ш. номи б-н аталган.

ШАЙХОНТОХУР – ўтмишда Т.даги даҳа номи. Шаҳарнинг шарқий қисмида (ҳоз. Шайхонтохур тумани ҳудудининг бир қисми) жойлашган. Т.нинг 4 даҳасидан бири. Ш. ҳудуд жиҳатдан энг катта, шу б-н бирга энг ёш даҳа ҳисобланган. Шим.дан Себзор (Жангоб ариғидан), жан.-ғарбдан Бешёғоч, ғарб ва шим.-ғарбдан Кўкча даҳалари б-н

чегараланган. Яссавия тариқати шайхларидан *Шайх Хованди Тоҳур* номидан олинган. Ш. даҳаси дастлаб *Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси* атрофида шакллана бошлаган. 18-а.нинг 80-й.ларида *Юнусхўжа* ҳокимлиги даврида Ш. даҳасида янги мудофаа деворлари б-н ўралган кичик ўрда қурилган. 19-а. бошида Қўқон хони *Олимхон* Т.ни эгаллаган пайтда бу ўрда бузилиб, даҳа худудидан ўтган *Анҳор* канали чап соҳилида янги ўрда бунёд этилган (19-а.нинг 30-й.ларида). Даҳа ерлари Анҳордан бош олган ариқлардан суғорилган. Т.нинг 19-а. ўрталаридаги 12 дарвозасидан 3 таси (Қўймас, Қўқон ва Қашқар) Ш.да жойлашган; 70 масжид, 3 мадраса, кўплаб карвонсаройлар, тегирмонлар бўлган. Эскижўва (Чорсу) бозорининг бир қисми ҳам Ш.га қараган. Даҳа аҳолиси, асосан, дегрезлик, эгарчилик, газмол тўқиш ва б.; шаҳар атрофидаги Яланғоч, Қорасув, Оққўрғон, Дархон, Бўз, Шўртепа, Посира ва б. мавзеларда жойлашган дала ҳовлиларида эса деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланганлар.

Ш. даҳасидаги маҳаллалар (уларнинг сони турли йилларда ўзгариб турган):
 Баландмасжид
 Бекобод
 Бодак
 Ганчтепа
 Говкуш
 Гулбозор
 Дархон (Турсун Султон)
 Девонаи Бурх
 Девонбеги
 Дегрез (Дероз)
 Дукчи
 Ертешган
 Ёпуғли (Ёпуғлимозор) (бир қисми Бешёғоч даҳасида)
 Занжирлик

Жангоҳ (Жангоб)
 Жаркўча
 Жартегирмон
 Илла
 Калтатой
 Катта Жангоҳ
 Мараимхалфа
 Мерганча
 Минор
 Мўғулкўча
 Олмазор (Баландмасжид маҳалласининг жанубида)
 Олмазор (шаҳарнинг «янги қисми»да)
 Олтинмасжид
 Орқакўча
 Оқмасжид
 Падаркуш
 Пастак
 Пуштибоғ
 Раискўча
 Сўгалмасжид
 Тарлак (Тарлоқ)
 Тарновбоши
 Тепақишлоқ
 Тиканлимозор
 Тожикмаҳалла
 Турк (Туркарик, Янгишаҳар-турк)
 Турк-Олмазор
 Турктепа (Янгишаҳар-турк)
 Хўжа Рўшноий
 Чалмак (Чармак)
 Чуқурқишлоқ
 Шайхонтоҳур (Шайх Хованд Тоҳур)
 Шатак
 Ширинкудук
 Шўртепа
 Эгарчи
 Эски Яккабозор (Чорсу бозори маҳалласи)
 Эски жўва
 Юқори Мерганча
 Юқори Оқмасжид
 Янгишаҳар Ганчтепа
 Янгишаҳар Дарвоза
 Янги шаҳар Лабзак (Янги шаҳар-Сирлимасжид)
 Янгишаҳар Минор
 Янгишаҳар Шоҳидонттепа

Янгишаҳар Қиёт
 Ўрда
 Ўркўча
 Ўрта Оқмасжид
 Ўқчи
 Қаймоқбозор
 Қатортерак
 Қашқар (Қашқармаҳалла)
 Қиёт
 Қиёткаттакўча
 Қиёттепа
 Қиётторкўча
 Қишлоқтепа
 Қорёғди
 Қўйи Мерганча
 Қўйи Оқмасжид
 Қудуқбоши
 Фиштмасжид
 Ҳадра
 Ҳовузбоғ

ШАЙХОНТОҲУР ГЭС (Шоир кўч., 78) – Чирчиқ – Бўзсув сув-энергетика трактидаги 19 гидро-электр ст-ялардан бири. Тошкент ш. Шайхонтоҳур туманида жойлашган. *Тошкент ГЭСлар каскади* таркибига киради. Ст-яда умумий қуввати 3,6 МВт бўлган 3 гидроагрегат ўрнатилган. ГЭС қурилиши 1951 й.да бошланган. 1953 й.да қуввати 1 МВт бўлган 2-агрегати, қуввати 1,6 МВт бўлган 3-агрегати 1954 й.да ишга туширилган ва 1955 й. янв.да саноат фойдаланишга қабул қилинган. Агрегатлар турбиналари тик радикал ўқли.

ГЭС Тошкент ш. саноат корхоналарини электр қуввати б-н таъминлайди. Қувватлар 35 кВли кучланишда электр узатиш линиялари орқали етказиб берилади. Йилига ўртача 22 млн. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади.

ШАЙХОНТОҲУР КЎЧАСИ – Шайхонтоҳур тумани худудидagi м-зий кўчалардан бири. Навоий кўч. ва Кичик ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 3 км атрофида. Тошкент ш.нинг қад. кўчалари-



Шайхонтоҳур ГЭС.

дан бири. Йўналишида шаҳарнинг 12 дарвозасидан бири – Лабзак дарвозаси бўлган. Яқинидаги Қўқон дарвозаси орқали шаҳардан ташқарига чиқиш ва шаҳарга кириш имкони бўлган. Халқ тилида дастлаб Лабзак кўч. деб юритилган. Чор Россияси маъмурияти томонидан 1893 й. Тахтапул номи берилган. Совет даврида кўча йўналишида нашриёт ва босма-хоналар пайдо бўлгани муносабати б-н Полиграфия номи берилган. 1966 й. 31 майдан давлат арбоби Усмон Юсупов (1900–66) номи б-н аталган. 2007 й. 21 сент.дан Шайхонтоҳур номи б-н юритилади. Йўналишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Т.даги доимий ваколатхонаси, Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, Ташқи ишлар вазирлигининг дипломатик сервис хизмати, алоқа ҳамда банк ва ҳисоб-китоб касб-ҳунар коллежлари, «Самарқанд» банки, «Осиё» ресторани, «Полёт», «Аист» ва «Умидхон» кафелари, «Элза» гўзаллик салони, «Динамо» спорт, «Комила» оптика, «Кооператор» магазинлари, хорижий компания офислари, «МТС» уяли алоқа компаниясининг м-зий офиси, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари ва б. жойлашган. Йўналишида Абдулла Қодирий кўч. б-н кесиш-

ган. Коҳота ва Тахтапул кўчалари б-н туташган.

«ШАЙХОНТОҲУР» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-13 мавзеси, 30) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла.

«Жангоҳ» «Коҳота», «Ўрда» маҳаллалари б-н чегарадош. Дастлаб «Кенжа» маҳалласи деб юритилган. 1994 й.дан ҳоз. номда. *Шайх Хованди Тоҳур* мақбараси яқинида жойлашгани туфайли шундай аталган. Аҳолиси 7831 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, 2 та ўрта мактаб, коллеж, бир қанча корхона, фирма, хусусий даволаш муассасалари, гўзаллик салонлари, новвойхоналар бор. Маҳаллада бир қанча машҳур санъаткорлар (Маҳмуджон Фафуров, Эътибор Жалилова, Рауф Болтаев, Икром Болтаева ва б.) яшаган.

ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ (Абдулла Қодирий кўч., 7^а-уй) – Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1929 й. 29 ноябрда Октябрь тумани номи б-н тузилган. 1992 й. 8 майда Шайхонтоҳур (Шайх Хованди Тоҳур) тумани деб ўзгартирилган. 1978 й.дан ҳоз. чегарада. Шим.-ғарбда Зангиота тумани, шим.да Собир Раҳимов, шим.-шарқда ва шарқда Юнусобод, жан.да Чилонзор ва Яккасарой, ғарбда Учтепа туманлари б-н чегарадош. Майд. 2970 гектар, жумладан, кўкаламзорлаштирилган майд. 0,832 минг гектар. Аҳолиси 286,4 минг киши (2009), асосан, ўзбеклар (71,7%), шунингдек, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Кўчалар сони 548 та, асосийлари – Абдулла Қодирий, Навоий, Ўзбекистон, Беруний, Фурқат, Уйғур, Самарқанд дарвоза. Истиқлол, Ҳадра, Чорсу, Оқтепа майдонлари, 49 та маҳалла бор. Туман ҳудудидан Абай, Кўкча, Бўзсув, Кайковус каналлари оқиб ўтади. Туманда 4110 дан зиёд корхона ва ташкилот мавжуд (2009). Шундан 13 таси йирик саноат корхонаси, жумладан «Шарқ гули» бадиий, Т. тикувчилик, «Орзу» и.ч. бирлашмалари, кўн-мўйна з-ди ва б. ишлаб турибди. 3204 кичик ва ўрта бизнес субъектлари, 289 кўшма корхона («ЎзТексако», «Тошкент труба з-ди» ва б.) фаолият кўрсатади (2009). Ш.т.да 18 вазирлик, давлат қўмиталари ва йирик идоралар, меъморлик ва шаҳарсозлик бош бошқармаси, 11 лойиҳалаш ин-ти, Ўзбекистон Республикаси ФАнинг Навоий номидаги адабиёт музейи, Сейсмология, полимерлар кимёси ва физикаси, микробиология ин-тлари, 5 та олий ўқув юрти, 11 касб-ҳунар коллежи ва 5 академик лицей, 37 умумий таълим мактаби ва б. муассаса, ташкилотлар бор. 10 оилавий поликлиника, 8 касалхона хизмат кўрсатади. Мустақиллик йилларида туман ҳудудида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ислон ун-ти, Божхона ин-ти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти қошидаги академик лицей қурилди. Ўзбек миллий академик драма театри, «Чорсу» савдо маркази бинолари ҳамда Эскижўва деҳқон бозори қайта таъмирланди.

Энг йирик гузарлари: «Гулзор», «Ипакчи», «Кўкча», «Ислонобод». Туманнинг «Янги Камолон», «Хувайдо», «Боғкўча», «Чўпонота», «Ипакчи» маҳаллаларида катта спорт майдонлари мав-

жуд. 3800 дан зиёд хизмат кўрсатиш муассасаси, 2 бозор («Чорсу» буюм бозори, Эски жўва деҳқон бозори), «Чорсу» савдо маркази туман аҳолисига хизмат кўрсатади.

Ўзбек миллий академик драма театри, Ўзбек давлат драма театри, Сатира театри, Рус ёш томошабинлар театри, цирк, Санъат саройи, «Ўзкўргазмасавдо» саройи, 7 маданият уйи ва саройи, 3 киноте-



Шайхонтохур туманидаги маданий мерос объеклари

Номи	Қурилган вақти	Манзили
Кўкалдош мадрасаси	16-а.	Навоий, 46.
Шайх Зайниддинбобо мақбараси	13–14-а.лар	Маннон Уйғур кўч., Шайх Зайниддинбобо қабристонида.
Нуриддинбобо мақбараси	16-а.	Самарқанд дарвоза, 105.
Хўжа Аламбардор мажмуаси	19-а.	Қозиработ кўч.
Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси	15–20-а.лар	Навоий ва Абдулла Қодирий кўч.
Сузукота мажмуаси	16-а.	Сузукота кўч., 48.
Қоҳота мажмуаси	19-а.	Қоҳота кўч., 17.

атр, 3 музей, 22 жамоат кутубхонаси, истироҳат боғи ва б., «Пахтакор» стадиони, «ЖАР» спорт мажмуи, «Шарқ», «Ҳадра», «Ёшлар уйи» меҳмонхоналари ишлаб турибди. Туман ҳудудида республика ва маҳаллий аҳамиятдаги меъморий ёдгорликлар сақланган (жадвалга қ.).

«ШАЛОЛА» МАҲАЛЛАСИ (Шалолола кўч., 19) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Яланғоч», «Катта Яланғочота», «Феруза» маҳаллалари б-н чегарадош. 1957 й. ташкил топган. 2005 й.гача «Ўзбекистон» маҳалласи деб аталган. 2005 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 4371 киши, асосан,

ўзбеклар, шунингдек, 18 миллат вакиллари яшайди.

ШАМАТЕПА – шаҳар харобаси (3–6-а.лар). Янгийўл ш.дан жан.да жойлашган. Дастлаб Г.В.Григорьев (1934) қайд этиб, уни бозор қошида ўрта асрларда мавжуд бўлган қўриқчи-истеҳком бўлган деб ҳисоблаган. 1974 й. Ю.Ф.Буряков Ш.ни атрофлича ўрганган. Умумий майд. 11–12 гектар. Шаҳристонни қазиш вақтида 3,5 м қалинликдаги маданий қатлам очилган. Турар жой бинолари деворлари паҳса ва йирик хом ғиштлардан қурилган. Пастки қатламдан қабр чиқиб, ундан сопол

идишлар, темир пичоқлар, шиша мунчоқлар топилган.

«ШАРАФ» МАҲАЛЛАСИ («Шарқ» мавзеси, 26^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Шарқ», «Гулистон», «Баҳористон» маҳаллалари б-н чегарадош. 2008 й. ташкил топган. Аҳолиси 4977 киши, кўп миллатли (30 дан ортиқ). Маҳалла ҳудудида 2 та тўйхона, болалар боғчаси, ҳарбий қисм, 6 та озик-овқат дўкони, «Ниҳол» овқатланиш шохобчаси бор.

ШАРАФИДДИНОВ Озод Обидович (1929.1.3–2005.4.10) – адабиётшунос олим, танқидчи. Ўзбекистон Қаҳрамони (2002). 1940 й.дан Т.да. Филол. фанла-

ри номзоди (1954), проф. (1979). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1951). Шу ун-тининг ўзбек филологияси ф-тида доцент, проф. (1955–95), «Тафаккур» журн.да бош муҳаррир ўринбосари (1996–97), «Жаҳон адабиёти» журн. бош муҳаррири (1997–2005). «Замон. Қалб. Поэзия» (1962), «Адабий этюдлар» (1968), «Яловбардорлар» (1974), «Истеъдод жилолари» (1976), «Биринчи мўъжиза» (1979), «Талант – халқ мулки» (1979), «Адабиёт – ҳаёт дарслиги» (1980), «Ҳаёт б-н ҳамнафас» (1983), «Ўзаллик излаб» (1985), «Довондаги ўйлар» (2004) ва б. китоблари нашр этилган. «Истиқлол фидойилари» (1993), «Сардафтар сарлавҳалари» (1999), «Маънавий камолот йўлларида» (2001) китобларида Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Фафур Фулом, Мақсуд Шайхзода, Отажон Ҳошимов ижоди янги нақша назардан таҳлил этилган. «Чўлпонни англаш» (1993) асарида эса янги ўзбек танқидчилиги 20-а.да босиб ўтган мураккаб йўлни талқин, таҳлил қилган, кўплаб мунаққидлар ижоди, эстетик принциплари Чўлпон ижодига муносабат нуқтаи назаридан ёритган. Ш. «20-аср ўзбек адабиёти тарихи» ўқув дастури (1997), «20-аср ўзбек адабиёти» (1999) дарслиги муаллифларидан.

Ш. фаолиятида «Ижодни англаш бахти» (2004) китоби алоҳида ўрин тутди. Л. Толстойнинг «Иқрорнома», П.Козловнинг «Кимёгар», А.Севеланинг «Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан», Я.Парандовскийнинг «Сўз кимёси» ва б. асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970), Ўзбе-



Озод Шарафиддинов қабри устига қўйилган ёдгорлик.

кистон Республикаси Давлат мукофоти (2007) лауреати. «Меҳнат шухрати» (1997), «Буюк хизматлари учун» (1999) орденлари б-н мукофотланган. Чигатоё қабристонига дафн этилган.

ШАРАФИДДИНОВ Оқилхон (1898.7.3–1981.31.3) – педагог, Меҳнат Қаҳрамони (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1936). Т.да туғилган. Эски мактабда ва Хожа Аҳроф мадрасасида таҳсил кўрган. 1917 й.га қадар янги усулдаги мактабларда, 1918 й.дан Т. уезд маориф бўлими йўлланмаси б-н Тўйтепа қишлоғидаги мактабда ўқитувчи. 1921 й.дан Т.даги 19-мактабда, 1924 й.дан 1970 й.гача 14-мактабда бошланғич синфларга дарс берган. Ш. яратган «Алифбе» китоби (1938) ўзбек мактабларининг 1-синфи учун узоқ вақт асосий дарслик бўлиб келди. 1968 й. Қ.Абдуллаева б-н ҳамкорликда янги «Алифбе» дарслигини тузди. «Билим ва мактаб», «Меҳнат болалари», «Катталар алифбеси», «Чиройли ёзув», «Ўқиш китоби» каби дарслик, ўқув қўлланмалари муаллифи. Шайх Зайниддинбобо қабристонига

дафн қилинган. Т.даги кўчалардан бири Ш. номи б-н аталган. **ШАРИФХЎЖАЕВ** Мурод (1932.20.8–2008.12.12) – иқтисодчи олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), иқтисод фанлари д-ри (1976), проф. (1978), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи (1992). Т.да туғилган. Т. молия-иқтисод ин-тини тугатган (1953). Шу ин-тда аспирант, ассистент, катта ўқитувчи (1953–63), доцент (1963–67), каф. мудири (1967–79). Ўзбекистон Давлат режа кўмитаси қошидаги Иқтисод и.т. институти директори (1975–76), Т. халқ хўжалиги ин-ти ректори (1976–86), Қурилиш комплекслари раҳбарлари ва мутахассислари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ин-ти проректори (1986–90), Ўзбекистон ФА бош илмий котиби (1990–91). Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари ва Истиқболни белгилаш ва статистика давлат кўмитаси раиси (1994–95), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори (1995 й. апр. – июль), Т. молия ин-ти ректори (1991–2005), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси (2005–06), 2006 й.дан Сенат аъзоси.

Илмий ишлари Ўзбекистонда капитал қурилиши, иқтисодий назария, республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва б. масалаларга бағишланган. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты. Минор қабристонига дафн этилган.

«ШАРҚ ГУЛИ» МАҲАЛЛАСИ (Янги Лабзак кўч., 4) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Жарбулоқ», «Қорёғди» маҳаллалари б-

н чегарадош. 1966 й.даги зилзиладан сўнг қурилган. 1968 й. Усмон Юсупов маҳалласидан ажралиб чиқиб, «Шарқ гули» номи берилган (маҳалла номи «Шарқ гули» бадий буюмлар и.ч. бирлашмаси номидан олинган). Маҳалла аёлларининг кўпчилиги касаначилик б-н машғул. Аҳолиси 1017 киши, асосан, ўзбеклар (99%).

«ШАРҚ ЗИЁКОРИ» (Бухоро кўч., 26) – китоб савдоси б-н шуғулланувчи йирик марказ. 1997 й.да ташкил этилган. «Шарқ» нашриёт-матбаа АК таркибида. 2001 й.дан ОАЖ. «Ш.з.» улгуржи ва чакана савдо орқали, асосан, бадий, ўқув адабиётлари, қоғоз ва девонхона товарлари б-н савдо қилади. «Ш.з.»да республикада чоп этилаётган китоблар б-н бир қаторда Россиянинг «Феникс», «АСТ», «Азбука», «Росмэн», «Эксмо» каби нашриётлари маҳсулотлари ҳам ўрин олган. Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистонда 16 та филиали ишлаб турибди. «Ш.з.»да шоир ва ёзувчилар б-н учрашувлар ҳам уюштирилади.

«ШАРҚ» МАҲАЛЛАСИ («Шарқ» мавзеси, 26) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Шарқ тонги», «Шараф», «Тинчлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1988 й. ташкил топган. Дастлаб «Қизил Шарқ» деб аталган. 2000 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3752 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 15 дан ортиқ бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, оталар чойхонаси, 2 та озик-овқат дўкони, хусусий спорт майдони, болалар сув ҳавзаси мавжуд.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ – газ.-журн.лар, босма нашр-

лар чоп этиш комплекси. Тошкент ш.да жойлашган. Респ.нинг марказий газ. ва журн.ларини, қаттиқ ва юмшоқ муқовадаги китоблар, брошюралар, ёрликлар, фотоальбомлар, тасвирий санъат маҳсулотлари ва б. босма маҳсулотлар чиқаради. Унинг тарихи 1921 й.да ташкил топган босмаҳона ва 1924 й.да ташкил этилган «Средазкнига» нашриётидан бошланади. 1924 й.дан «Қизил Ўзбекистон» газ.нинг бош идораси. 1947 й.да босмаҳона б-н бирлаштирилиб «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» газ.лари бирлашган нашриёти. 1991 й.дан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига айлантирилди. 2002 й. окт.дан ҳозирги номда. Компанияда босмаҳона, Бош таҳририят (1991) фаолият юритади. Компания томонидан «Амир Темур жаҳон тарихида», «Бобурнома», «Зафарнома», «Абдулланомма» каби нодир китоблар, «XXI аср ўзбек романи» рукнида ўзбек адибларининг романлари, сайланмалари, танланган асарлари нашрдан чиқарилди.

«Ш.» н.-м.а.к. таркибида китоб савдоси б-н шуғулланувчи «Шарқ зиёкори» ОАЖ бор. Компаниянинг и.ч. қуввати ҳар ойда умумий адади 60 млн. нусхада 80 номдан ортиқ газ., 30 номдаги журн., шунингдек, 70,0 минг нусхагача қаттиқ муқовали, 230 минг нусхадан ортиқ юмшоқ муқовали китоблар ва рисола-ларни чоп этиш имкониятини беради. Замонавий полиграфия машиналари ва ускуналари б-н жиҳозланган. Компания ўзининг «Навбахор» санаторий-сиҳатгоҳи (Т. вилояти Қибрай тумани) ва «Янгиқўрғон» истироҳат

маскани, болалар соғломлаштириш лагери (Т. вилояти Бўстонлик тумани)га эга.

«ШАРҚ ТОНГИ» МАҲАЛЛАСИ (1-Гулистон кўч., 1) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Тинчлик», «Хайробод» маҳаллалари б-н чегарадош. Шўролар даврида жамоа хўжалигининг дала-шийпони бўлган. 2003 й.гача «2-Қизил Шарқ» маҳалласи деб аталган. Ушбу маҳалла ҳудудида асосан колхозчиларнинг дала ҳовлилари бўлиб, 1966 й.даги зилзиладан сўнг яқка тартибда иморат қуриш учун аҳолига ер ажратиб берилган. Аҳолиси 1700 киши, асосан, ўзбеклар.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МАҲАЛЛАСИ (5-тор Дурбек, 5) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Бешқайрағоч», «Ибрат» ва Хондамир маҳаллалари б-н чегарадош. 1967 й. «Ибрат» маҳалласидан ажралиб, шу номда ташкил этилган. Аҳолиси 1840 киши, асосан ўзбеклар (99%) яшайди. Маҳалла ҳудудида «Ҳазрати Умар» масжиди жойлашган.

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МАҲАЛЛАСИ (Норхўжаев кўч., 17) – Миробод туманидаги маҳалла. Фурқат, «Баҳор», «Истиқлол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1962 й. ташкил этилиб, «12-квартал» деб юритилган. 1980-й.лардан ҳоз. номда. Аҳолиси 2 минг кишидан ортиқ, асосан руслар, шунингдек 20 га яқин турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 8 та кўча, черков жойлашган.

«ШАРҚ ҲАҚИҚАТИ» МАҲАЛЛАСИ (Ҳасанбой кўч., 57) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Беруний маҳалласи б-н чегарадош. 1964 й.дан жамоа хўжалиги номи бўлган ва шу номда қолдирилган. Аҳолиси 4200 киши. Маҳалла ҳудудида Ҳасанбой жоме масжиди, ўрта мактаб бор.

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, Тошкент давлат шарқшунослик институти (Шаҳрисабз кўч., 25) – 1991 й. 15 июлда Тошкент ун-ти (ҳоз. *Ўзбекистон миллий университети*)нинг шарқ ф-ти асосида ташкил этилган. Ин-т 11 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 16 таълим йўналиши бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-т таркибида 3 ф-т (Шарқ филологияси ва хорижий мамлакатлар тарихи; Узоқ Шарқ ва Жан. Осиё тиллари; халқаро алоқалар ва иқтисод), 28 каф., 7 и.т. гуруҳи, аспирантура ва магистратура бўлимлари, ахборот ресурслари м-зи (179406 асар) мавжуд. Аспирантура ва докторантура, докторлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 473 проф.-ўқитувчи, жумладан 3 акад., 52 фан д-ри ва проф., 143 фан номзоди ва доцент ишлайди; 3886 талаба таҳсил олади (2008). Ин-т ташкил этилгандан бери 9 мингга яқин мутахассис тайёрланди (2008). Ин-тда 1992 й.дан «Шарқшунослик» («Востоковедение») ва «Шарқ машъали» («Маяк Востока») журн. нашр этилади.

ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (Мирзо Улуғбек кўч., 81) – 1943 й. Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонаси (ҳоз. Алишер Навоий номидаги *Ўзбекистон миллий кутубхонаси*)нинг Шарқ бўлими асосида ташкил этилган ва Шарқ қўлёзмаларини ўрганиш ин-ти деб аталган. 1950 й.дан ҳоз. номда. 1957 й. Абу Райҳон *Беруний* номи берилган. Ин-т фаолияти, асосан, қўлёзмалар хазинасида



Тошкент шарқшунослик институти.

сақланаётган бирламчи манбаларни ўрганишдан иборат. Ин-тда, шунингдек, хорижий Шарқ мамлакатларининг Туркистон худудидаги қад. давлатлар б-н тарихий алоқалари ҳамда бугунги кундаги сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатлари масаласи илмий асосда ўрганилади. Ушбу тадқиқотлар натижаси Ўзбекистон Республикасининг хорижий Шарқ мамлакатлари б-н муносабатларини тўғри ва муносиб белгилашга хизмат қилади. Қўлёзмалар хазинасида 25621 жилд қўлёзма китоб ва асосий қисми Туркистон хонликлари даврига тегишли бўлган 5 мингдан ортиқ ҳужжат мавжуд. Тошбосма ва араб ёзувида нашр этилган китобларнинг умумий сони 29300 жилд.

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида.

Энг қад. қўлёзма 8-а.га тегишли. Давр жиҳатдан энг сўнғилари 20-а. ўрталарига тўғри келади. Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган асарлар турк, араб, форс, ҳинд, урду тилларида ёзилган. Мазкур асарлар ўрта асрлар илм-фани ва ад.нинг барча соҳаларини қамраб олади. Улар орасида Имом Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Наср Форобий, Абу Ҳафс Кабир Бухорий, Абу Абдуллоҳ Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Нажмиддин Умар ан-Насафий, Маҳмуд Замахшарий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Заҳририддин Муҳаммад Бобур каби ватандошларимиз асарлари мавжуд. Ин-тда йиғилган ва сақланаётган қўлёзмалар тўплами дунёдаги энг бой қўлёзмалар хазинаси сифатида тан олинди, 2000 й.да дунё халқлари маданий меросини муҳофаза қилиш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал этишга хизмат қилувчи ЮНЕСКО маданий мероси рўйхатига киритилди. Бундан ташқари, ин-т 19–21-а.лар бошларида нашр этилган китоб ва илмий ад.ларни ўзида жамлаган бой кутубхона (50 минг асар)га эга. Ин-тда аспирантура, докторантура ҳамда номзодлик ва д-рлик дис-



сертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 64 илмий ходим, жумладан, 7 фан д-ри ва 19 фан номзоди ишлайди.

Ин-т фаолияти С.А.Азимжонова, П.Г.Булгаков, М.М.Хайруллаев, У.И.Каримов, Б.Аҳмедов ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. Ин-тда 1991 й.дан «Шарқшунослик» илмий мақолалар тўплами нашр этилади. Ин-т АҚШ, Бирлашган Араб Амирликлари, Буюк Британия, Германия, Италия, Кувайт, Миср, Россия, Туркия, Франция, Хитой, Эрон, Япония, Қозоғистон, Ҳиндистон сингари давлатларнинг илмий, маданий ва ўқув м-злари б-н ҳамкорлик қилади. Ин-т 1981 й. халқаро Ибн Сино мукофоти б-н тақдирланган.

ШАТАК – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Ганчтепа, Турк-Олмазор, Турк-Янги шаҳар маҳаллалари б-н чегарадош бўлиб, ёнидан Қайнама ариғи оқиб ўтган. Юқори ва Қуйи Ш.га бўлинган. 200 дан ортиқ хонадон яшаган (аҳолиси тахм. 1300 киши). Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, савдо-сотиқ, деҳқончилик ва боғдорчилик (шаҳар ташқарисидagi ерларида), қисман ҳунармандчилик б-н шуғулланган. Ш.да эски мактаб, 2 масжид, баққоллик, газмол, кулолчилик ва атторлик дўконлари, бир неча тегирмон, новвойхоналар, қабристон бўлган (20-а. боши).

«ШАФТОЛИЗОР» МАҲАЛЛАСИ (1-Шоир кўч., 86) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Истироҳат», «Беқобод» маҳаллалари б-н чегарадош. 2006 й. ташкил этилган. Аҳолиси 2459 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла худуди 2 та озик-овқат дўкони, сартарошхона бор.

ШАҲАР АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИ – қ. *Автобус қатнови*.

ШАҲАР АТРОФИ ЗОНАСИ – Тошкент вилоятининг Т. агломерацияси доирасидаги қисми. Таркибида 10 шаҳар, 17 шаҳарча, 600 дан зиёд қишлоқ мавжуд. Тошкент ш. билан и.ч., маданий-маиший ва рекреация муносабатлари юзасидан ўзаро боғланган. Ш.а.з. шаҳар аҳолисига қ.х. маҳсулотлари етказиб беришда асосий таъминотчи ҳисобланади. Т. аҳолисининг асосий дам олиш ҳудудлари ҳам шу зонада жойлашган. Иқтисодий, шаҳар қурилиши ва табиатни муҳофаза қилиш нуқтаи назаридан Т. б-н ягона тизим сифатида қаралади (яна қ. *Тошкент агломерацияси*). «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти томонидан 2002 й. ишлаб чиқилган Тошкент вилоятини ҳудудий планлаштириш схемасида Тошкент ш. ва Тошкент вилоятини яхлит бир тизим сифатида қаралиб, энг муҳим шаҳарсозлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг умумий муаммоларини комплекс ҳал этиш назарда тутилади.

ШАҲАР БОЛАЛАР ТИББИЙ МАСЛАҲАТ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ (Тараққиёт кўч., 80) – болаларга бепул маслаҳат-диагностика ва даволаш бўйича ёрдам кўрсатадиган тиббий муассаса. 1983 й. ташкил этилган. М-з туман поликлиникаси йўлланмасига кўра ўта мураккаб касалликлар, узоқ муддат давом этувчи, аниқланмаган, тасдиқлаш талаб қиладиган ташхислар, мукамал диагностик ва лаборатор текширувлар талаб этадиган касалликлар б-н келган беморларга хизмат кўрсатади.

М-з бир йўла 850 қатновга мўлжалланган. 12 та маслаҳат-диагностика ва даволаш бўлим-

лари, клиник-диагностик, биокимё, иммунологик, гормонал, цитологик, бактериал, ирсий-тиббийет лаб.лари бор. М-з кучли функционал-ташхис ва лаборатор текширувлар базасига эга. Бундан ташқари м-зда шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида ягона тиббий генетика хизмати фаолият олиб боради. Йилига 280 мингдан зиёд беморга хизмат кўрсатилади.

ШАҲАР БОШҚАРМАСИ (1867–1917) – Т.даги хўжалик ва жамоат бошқармаси, Еттисув ва Сирдарё обл.ларини бошқариш тўғрисидаги Низом асосида тузилган (1867). Ш.б. Т.нинг Эски шаҳар қисмида «шаҳар жамоатчилиги» томонидан сайланган 12 аъзо, Янги шаҳар қисмида шаҳар бошлиғи раислигида 5 нуфузли амалдор ва 4 рус аҳолиси вакилларидан иборат бўлган. Шаҳар бошлиғи расмий равишда Ш.б. раиси ҳисобланган, айна вақтда Эски шаҳар хўжалиғи фаолиятига ҳам норасмий раҳбарлик қилган. 1877 й. 4 сент.да Россия империяси томонидан 1870 . 16 июнда таъсис этилган «Шаҳар низоми» Тошкент ш. учун ҳам жорий этилди. Тошкент ш.да Эски шаҳар ва Янги шаҳар идора қисмлари тузилди. 1877 й. 5 сент.да Тошкент ш. думаси орқали шаҳар ҳокимини сайлаш жараёни йўлга қўйилди. Т.да 1877 й. жамоат бошқармаси тузилиши муносабати б-н *Шаҳар думаси*, *Шаҳар маҳкамаси* ташкил этилган, шаҳар ҳокими сайланган. Инқилобий ҳаракатга қарши курашиш учун «охранка» тузилган (1907). 1917 й. Фев. инқилобидан сўнг чор ҳукуматининг маъмурий полиция аппарати тугатилди. 1917 й. 7 апр.да Муваққат ҳукумат Туркистон комитети, полиция ўрнига шаҳар милици-

яси тузилди. Окт. тўнтаришидан сўнг, шаҳарни бошқариш Тошсоветга топширилган.

ШАҲАР БЮДЖЕТИ – қ. *Бюджет*.

ШАҲАР ДАРВОЗАЛАРИ – ўрта асрларда шаҳар мудофаа деворига ўрнатилган дарвозалар. Ш.д. тарихий манбаларда *Бинкат* дарвозаларидан маълум. *Ибн Ҳавқал*нинг ёзишича, Бинкат арк, шаҳристон, ички ва ташқи рабоддан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири мудофаа девори б-н ўраб олинган. Аркнинг 2 дарвозаси, шаҳристоннинг Аббос (Абул Аббос), Кеш (Қаср) ва Жунайд (Гунбаз) деб аталган 3 та дарвозаси бўлган. Ички рабоднинг Работи Ҳамдейн (Хумдон), Оҳанин (темир қопланган), Мир (амир), Фаркон (Анҳор бўйи), Суркада, Карманж, Кўйи Сахл, Рошидизак, Кўйи Хоқон, Кўшки Деҳқон деб аталган 10 та дарвозаси, ташқи рабоднинг эса Фағкат (Паркат), Хаскат (Хушкат), Сандижак (Сангдизак), Оҳанин, Бакрдизак, Сакрак, Сағрбод (Бофаряд) деб аталган 7 дарвозаси бор эди.

Шаҳар худудининг кенгайиши б-н шаҳар девори ҳам, у бўйлаб ўрнатилган дарвозаларнинг ўрни ва номлари ҳам ўзгариб турган. Шаҳар ягона мудофаа девори б-н ўраб олиниб, мустақкам истехкомга айланган. Тарихчи *Муҳаммад Солиххўжанин*г ёзишича, 14-а. охирида шаҳарнинг 12 дарвозаси [Қиёт, Турк, Ўзбек, Тахтапул, Қорасарой, Чигатой, Суьбониён (Сағбон), Кўкча, Камондарон, Қангли, Бешоғоч, Қатагон] бўлиб, уларни кўриқлаш ривоятларга кўра маълум бир улус, қабила ва уруғга мансуб жанговор қисм (отряд)га топширилган, шу тўфайли дарвозалар уларнинг

Кўқон дарвозаси
(тарихий сурат).



номлари б-н аталган. Муаллиф бу дарвозаларнинг айримлари бошқа номда ҳам аталишини қайд этган.

Мас., Ўзбек дарвозаси Найман, Камондарон – Камолон, Қангли – Дуғлот, Қатагон – Арғин деб ҳам аталган.

Абдуллахон II 1580 й. Тошкентни қамал қилганда шаҳарга б тарафдан хужум қилишга фармон берган. «Абдулланом»да шаҳарнинг Фаркат, Шибли, Кўкча, Туркистон (янги қурилган), Самарқанд, Регистон каби дарвозалари бўлганлиги қайд этилган. 1735 й.да Уфага борган тошкентлик савдогар Нурмуҳаммад Мулла Алимов маълумотида Т.да 32 та, рус дипломат, сайёҳи К.Миллерда (1740) 8 та, Шубай Арслоновда (1741) 12 та дарвоза борлиги қайд этилган. К.Миллерда Т. дарвозалари қуйидагича номланган: Бешёғоч, Терсарик, Самарқанд, Кўкча, Тарсохон, Қопқа, Тахтакус, Шайхонтохур. Рўйхатдаги Терсарик кейинчалик Камолонга, Тарсохон – Чигатойга, Қопқа – Қорасаройга, Тахтакус – Тахтапулга тўғри келади. Шаҳар кенгайиб бориши б-н 19-а. бошида Шайхонтохур дарвозаси бузиб ташланган. Кейинги асрларда шаҳар мудофаа девори ташқи душманлар хужумлари таъсирида вайрона ҳолига келган. *Юнусхўжа* даврида қайта тикланган. Кўқон хонлиги Т.ни хонликка қўшиб олгач (1810), *Лашкар қушбеги* томонидан шаҳар девори қайта таъмирланиб, ҳар ер, ҳар ерда миноралар қурилган, янги дарвозалар ўрнатилган.

Т. чор Россияси томонидан босиб олинган вақтда (1865), унинг қуйидаги 12 дарвозаси бўлган: Лабзак, Тахтапул, Қорасарой, Сағбон, Чигатой, Кўкча, Самарқанд, Камолон, Бешоғоч, Кўймас, Кўқон, Қашқар. Бундан ташқари, Қорасарой дарвозасидан шарқроқда бир отлик ўтишига мўлжалланган Тешикқопқа (Дарвишакқопқа) жойлашган бўлиб, у Дарвишхон (16-а.) замонида очилиб, дарвоза ўрнатилган; яна бир қопқа Бешоғоч ва Камолон оралиғига жойлашган. Кўймас (Қирилмас) дарвозаси яқинида Эски Шердор ёхуд Масдуд қопқаси бўлган.

Дарвозаларни кўриқлаш дарвозабонларга топширилган, улар тонгда дарвозаларни очиб, қоронғи тушиши б-н ёпиб қўйганлар. Ш.д.нинг ҳар бирининг алоҳида рамзий калити бўлган (қ. *Шаҳар дарвозалари калитлари*).

19-а.нинг 70–90-й.ларида шаҳар худудининг кенгайиши ва Ш.д.га эҳтиёж бўлмагани сабабли улар бузиб ташланган. Т. меъморчилиги тарихи бўйича мутахассис олим Ҳ.Пўлатов фикрича, 14–18-а. ўрталарида Ш.д. қуйидаги кўринишда бўлган:

1. Кўкча дарвозаси (ҳоз. Маннон Уйғур ва Кўкча дарвоза кўчалари кесишган жойда); 2. Самарқанд дарвозаси (ҳоз. Термиз ва Камолон кўчаларининг Самарқанд дарвоза кўчаси б-н кесишган чорраҳада); 3. Қангли

(кейинги номи – Камолон) дарвозаси (ҳоз. Янгиобод кўч.да, Хўжа Аламбардор қабристонидида эди); 4. Бешёғоч дарвозаси (Бобур ва Туроб Тўла кўчаларининг туташган жойида); 5. Қатағон (кейинги номлари – Кенагас, Қўймас) дарвозаси (ҳоз. Афросиёб ва Туроб Тўла кўчалари ҳосил этган чорраҳада); 6. Қиёт (кейинги номи – Паркент) дарвозаси (ҳоз. Навоий кўчасида, Алишер Навоий ҳайкалининг олдидаги жойга тўғри келади); Қиёт – Паркент дарвозаларидан ўтган кўча давомида кейинроқ – 19-а. 30-й.ларида Қашғар дарвозаси бунёд этилган; 7. Турк (кейинги номи – Шивли) дарвозаси (ҳоз. Зулфияхоним кўч.да; кейинроқ – 19-а. бошида Лабзак дарвозаси қурилган); 8. Тахтапул дарвозаси (ҳоз. Фафур Фулом, Собир Раҳимов, Тахтапул, Коҳота кўчаларининг чорраҳасига тўғри келади); 9. Ўзбек дарвозаси (ҳоз. Тешикқопқа кўч.да, қабристон яқинида; кейинчалик қопқа (кичик дарвоза) тариқасида мавжуд бўлган); 10. Қорасарой дарвозаси (ўрни ҳоз. Қорасарой ва Сариксув кўч.лари чорраҳаси б-н белгиланган); 11. Сувбониён (кейинги номи – Сағбон) дарвозаси (ҳоз. Сағбон, Сариксув ва Омонат кўчалари туташган жойга тўғри келади); 12. Чигатой дарвозаси (ҳоз. Форобий, Обид Содиқов, Оҳакчи ва Хуррият кўч.лари кесишган жойда).

ШАҲАР ДАРВОЗАЛАРИ КАЛИТЛАРИ – Т. дарвозалари (19-а. ўрталарида 12 та дарвоза)нинг алоҳида калитлари бўлган. Ҳар бир калитда тегишли дарвоза номи ва калит ясалган йил ёзилган. Т. 1865 й. июнь ойида Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин, чор ҳукумати тобелик рамзи сифатида 12 та дарвозанинг рамзий олтин ка-

Шаҳар дарвозаларининг рамзий калитлари.



литу шошилиничи равишда ясалиб, чор маъмурларига топширилган ва у калитлар Петербургда олиб кетилиб, ҳарбий музейда сақланган. Олтин калитлар дарвозаларни очувчи ҳақиқий темир калитлардан анча кичик бўлган (ҳар бирининг уз. 16 см, вазни 165–167 грамм). Калитлар Т.нинг Пичоқчилик маҳалласидаги Абдурахмон исмли заргар томонидан ясалган деган фикр мавжуд (акад. Я.Ф. Фуломов). Калитлар Петербургда 1917 й.гача Россия империясига, ундан кейин шўролар ҳукумати тобелик сифатида сақланиб келинди. 1933 й. 14 июнда калитлар Ўзбекистонга қайтариб берилган (улардан бири Ўзбекистон тарихи музейида кўргазмага қўйилган, қолган 11 таси Ўзбекистон Давлат банкида сақланмоқда).

ШАҲАР ДУМАСИ – шаҳар жамоат бошқармасининг фармойиш берадиган органи. Россия империясида 1870 й. тасдиқланган Шаҳар низомига кўра, Т.да 1877 й. жорий қилинган. Россияда дума жорий қилинган шаҳарлар унчалик кўп бўлмаган. Ш.д.нинг бошлиғи ва аъзолари сайлов йўли б-н тайинланган. Низомга кўра, дума аъзоларининг 2/3 қисми *Янги шаҳар*, 1/3 қисми *Эски шаҳар* юқори табақаларидан сайланган. Ш.д., асосан, Янги шаҳар аҳолиси манфаатлари учун иш юритиб, мустамлакачилик бошқарувини акс эттирган. Воронцов проспекти (ҳоз. Истиклол кўч.)да жойлашган. Ш.д.га 72 депутат сайланган. Сайловларда асосан уй эга-

лари, савдогарлар, саноат корхоналари эгалари ва б. иштирок этган. Депутатлар 4 й.га сайланган. Биринчи сайловлар 1877 й. бўлган. Ш.д. шаҳар хўжалиги, ободончилик, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, шаҳар савдоси ва солиқлар устидан назорат қилиб турган. Ш.д. шаҳар ҳокими ва унинг муовинларини, шаҳар маҳкамаси аъзоларини, доимий ва муваққат комиссиялар (молия, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва б. комиссиялар) раислари ва аъзоларини сайлаган. Ш.д. маблағлари кўчмас мулклар (ер-сув ва иморатлар)дан келган тушумлар, савдосотиқ ва ҳунармандчилик б-н шуғулланиш ҳуқуқини олиш солиқлари, қаҳвахона, карвонсарой ва савдо дўконлари, от ва фойтун эгаларидан тушган солиқлар ҳисобига тўпланган. Ҳукумат маъмурияти Ш.д. фаолиятини назорат қилиб турган. Ш.д. қарорлари генерал-губернаторнинг ижозатидан сўнг кучга кирган. Ш.д.нинг 72 депутатидан 30 таси ф-ка ва з-д эгалари, 12 таси савдогар, 8 таси уй эгаси, 22 таси эркин касбли шахслар бўлган (1913). 1917 й. Ш.д. аксилинқилоб ўчоқларидан бирига айланган, аъзоларининг бир қисми Муваққат ҳукуматнинг Туркистон к-ти таркибига кирган. 1917 й. Октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистон ХКСнинг 1917 й. 4 дек.даги қарорига мувофиқ Ш.д. тарқатиб юборилган, шаҳар хўжалигини бошқариш Тошсоветга топширилган.

ШАҲАР КЕНГАШИ – қ. Тошкент шаҳар кенгаши.

ШАҲАР КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ, Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси (Маннон Уйғур кўч., 40) – 1913 й. Эски шаҳар касалхонаси номи б-н ташкил этилган. Дастлаб 50 ўринли 3 бўлими бўлган. 1923–32 й.ларда ўринлар сони 2 баравар кўпайиб, қулоқ касалликлари, болалар ва гинекология бўлимлари, 1945 й. умумий хирургия бўлими очилган. 1960 й. касалхонада ўринлар сони 400 га етказилиб, 2 терапия, 2 хирургия, неврология, оториноларингология ва травматология бўлимлари ишлаган. 1979 й.да 250 ўринли туғуруқхона (80 ўринли гинекология бўлими б-н) очилган. 1975 й.да касалхона қошида шаҳарда биринчи барокамера ташкил этилиб, 1989 й.да у баробўлимга айлантирилган.

Касалхонада 513 беморга мўлжалланган ўрин, 12 реанимация бўлими ўринлари, 13 соҳа йўналиши бўйича 19 та даволаш бўлимлари, 10 дан зиёд даволаш-диагностика бўлимлари фаолият кўрсатади (2009). Касалхонада ревматология, пульмонология, аллергология, урология, йирингли хирургия йўналишлари бўйича 5 та «Шаҳар марказлари» ташкил этилган бўлиб, улар ўз соҳалари бўйича шаҳардаги энг оғир ва «муаммоли» беморларга ихтисослашган стационар ёрдам ҳамда жами шаҳар поликлиникалари учун амалий-назарий ёрдам кўрсатади. Касалхонада амалиёт врачлари учун Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти ва Т. тиббиёт академиясининг каф.лари фаолият олиб боради.

Охирги йиллар мобайнида касалхонада замон талабига жа-

воб берувчи янги бинолар қурилиб, кардиомонитор, сунъий нафас ва наркоз аппарати, дуоденогастрофиброскоп, биокимёвий анализатор, портатив УТТ, 3 каналли «Шиллер» ЭКГ ва б. замонавий тиббий аппаратлар б-н жиҳозланди.

Касалхонада йилига 45 мингдан зиёд беморга амбулатор, 25 мингдан ортиқ беморга ихтисослашган стационар ёрдам кўрсатилади.

Касалхонага 1981 й.да *Ибн Сино* номи берилиб, клиника ҳудудида унга ҳайкал ўрнатилган (ҳайк. И.И.Кленицкий, арх. А.В.Макаренко).

ШАҲАР КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ, 7-шаҳар клиник касалхонаси (Файратий кўч., 24) – 17-сонли шаҳар клиник касалхонаси сифатида 1963 й. ташкил этилган.

2008 й. Шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 39-сонли буйруғига асосан шаҳар 17-сон клиник касалхонаси шаҳар 7-клиник касалхонасига айлантирилди. Касалхонада терапия, кардиология, неврология, лор, стоматология, жарроҳлик ва кундузги стационар бўлимлари мавжуд бўлиб, 161 та шошилич ёрдам, 16 та реанимация, 90 та ўзини-ўзи молиялаш ва 30 та кундузги стационар ўринлари бор.

Касалхона Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг клиник базасига айлантирилган. Унда терапия, хирургия, асаб касалликлари, Т. врачлар малакасини ошириш ин-тининг стоматология каф.лари фаолият олиб боради. Йилига 20000 га яқин беморга тиббий хизмат кўрсатилади.

ШАҲАР МАҲКАМАСИ – шаҳар ўзини-ўзи идора қилиш ижроия органи. 1870 й. Россия империясида тасдиқланган Шаҳар ни-

зомига кўра Т.да 1877 й. тузилган. *Шаҳар думаси* биносида жойлашган. Аъзоларининг 2/3 қисми қисми Янги шаҳар аҳолисидан, 1/3 қисми эса Эски шаҳар аҳолисидан 4 йил муддатга сайланган. Таркибига шаҳар ҳоқими, унинг муовинлари ва аъзолари кирган. Ш.м.да шаҳар хўжалигининг барча масалалари б-н шуғулланган 4 бўлинма; бухгалтерия; ҳуқуқ ва статистика бўлимлари ва б. бўлган. 1918 й. тугатилган.

ШАҲАР НЕФРОЛОГИЯ МАРКАЗИ (Муродов кўч., 9) – Тошкент ш. Соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг 1995 й. 13 апрелдаги 118-буйруғига биноан ташкил этилган. Асосан илгариги 8-туғуруқхона биносида ташкил этилган бўлиб, 90 ўринга мўлжалланган. Эски шаҳар ҳудудининг қайта реконструкция қилиниши муносабати б-н марказ ўз фаолиятини янги бинода юрита бошлади (2008).

М-з фаолиятининг асосий йўналиши сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичдаги беморларга гемодиализ (сунъий буйрак) сеанслари ҳисобланади. Унда қабулхона, нефрология (30 ўрин), ҳомиладорлик муддати 28 ҳафтагача бўлган буйрак хасталиги б-н оғриганлар (30 ўрин), экстракорпорал детоксикация (20 ўрин), амбулатор гемодиализ учун кундузги стационар (30 ўрин), реанимация ва интенсив даволаш (5 ўрин) бўлимлари, гемодиализ лаб. (12 ўрин), функционал диагностика бўлими, дорихона, клиник ҳамда биокимё лаб., статистика хонаси ва б. бор.

М-з буйрак ва сийдик чиқариш йўллари хасталиклари бўлган беморларга ҳамда Т.даги барча даволаш-профилактика муассасаларидаги нефроло-

гик беморларга ихтисослашган консултив ёрдам кўрсатади; сурункали буйрак етишмовчилиги бор ёки буйрак етишмовчилиги ривожланиши хавфи бўлган беморларни кузатиш, консерватив, шунингдек, экстракорпорал детоксикация усуллари б-н даволаш; бўлғуси гемодиализга муҳтож беморларни танлаш ва тайёрлаш ишларини олиб боради.

М-зда даволаш ва профилактика ишларидан ташқари ўқув-методик ишлар ҳам олиб борилади. Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти қошида Урология ва нефрология каф.нинг нефрология курсида респ.нинг барча вилоятларидан келган врачлар нефролог мутахассислигига тайёрланади ва малакасини оширади.

ШАҲАР ОИТСГА ҚАРШИ КУРАШ МАРКАЗИ (Янгибозор кўч., 2) – 1989 й.да Тошкент ш. ОИТС ни олдини олиш ва унга қарши курашиш м-зи номи б-н ташкил этилган. 1990 й.дан м-з шаҳар қон қуйиш ст-ясида фаолият кўрсата бошлаган. Унинг вазифаси аҳолини ИФА (иммунофермент анализ) усулида скрининг қилиш, касалликни ўз вақтида аниқлаш ва тарқалишининг олдини олишдан иборат эди. М-з таркибида шаҳар кўп тармоқли болалар касалхонаси, 1-сонли қон қуйиш ст-яси, Т. авиация и. ч. бирлашмасининг тиббий санитария қисмида ОИВ инфекциясига ташхис қўйиш лаб. бўлган. Ҳоз. фақат Шаҳар ОИТС га қарши кураш м-зи ва Қон препаратлари илмий и. ч. корхоналари лаб.лари сақланиб қолган.

М-здаги 3 та бўлим (аҳолини эпидемиологик назорат қилиш, эпидемияга қарши тadbирлар ҳамда беморларни диспансеризациядан ўтказиш) ва

лаб.да юздан ортиқ тиббиёт ходими фаолият кўрсатади. Бундан ташқари «Ишонч хонаси», «Дўстона муносабат хонаси» ва «Психология хонаси» каби ноанъанавий хизматлар йўлга қўйилган.

М-з шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги барча даволаш-профилактика муассасаларига ташкилий-услубий хизмат кўрсатиш б-н бирга, таҳлил учун юборилган қон ва унинг зардобини ИФА усулида текшириб, ташхис қўяди, беморларни ҳисобга олади ва касаллик аниқланган ўчоқларда тегишли даво ва б. тadbирлар олиб боради. APB (антиретровирус) терапия, хусусан, ОИВли ҳомиладор аёллардан туғилган чақалоқларда APB профилактика ўтказиш, касалликнинг касб орқали ва б. йўллар б-н юқишининг олдини олиш чораларини кўради. Энг замонавий усулда ташхис қўйиш ҳамда ОИВ тарқалиш даражасини камайтириш ишлари б-н шуғулланади. Бу ерда йилига 80000 га яқин аҳоли кўрикдан ўтказилади, касаллик қайд қилинган ҳолларда уларга тиббий ёрдам кўрсатилади.

ШАҲАР ОНКОЛОГИЯ ДИСПАНСЕРИ (Боғистон кўч., 1) – 1947 й.да ташкил этилган. Диспансерда бир кунда 150 қатновга эга бўлган поликлиника, 255 ўринли, кўп ихтисосли: нур б-н даволаш, кимётерапия, торакал ва абдоминал хирургия, онкогинекология, радиология, рентген ва б. бўлимлари бор. Диспансерда бир йил давомида 3600 дан зиёд операциялар ўтказилади. Шу б-н бирга хавфли ўсма касалликларининг олдини олиш, уларнинг диагностикаси, комплекс даволаш ишларини янада такомиллаштириш борасида илмий изланишлар олиб борила-

ди. Диспансерда 75 нафар врач, жумладан 3 фан д-ри, 4 фан номзоди фаолият кўрсатади. Йилига 7000 га яқин беморга хизмат кўрсатилади.

ШАҲАР ПАССАЖИР ТРАНСПОРТИ – қ. «Тошшаҳартранспорт» уюшмаси.

ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ – қ. Прокуратура.

ШАҲАР РУҲИЙ КАСАЛЛИКЛАР КЛИНИК КАСАЛХОНАСИ (Азиз Қодиров кўч., 35) – 1896 й.да Тошкент ҳарбий госпитали таркибида руҳий касалликлар бўлими сифатида фаолият бошлаган. Кейинчалик ҳарбий госпиталдан Республика 1-руҳий касалликлар клиник касалхонаси номи б-н ажралиб чиққан. 1983 й.дан ҳоз номда.

Касалхона тез руҳий ёрдам ҳамда руҳий-асаб касалликлари диспансерлари йўлланмаси б-н келган беморларни куну тун тартибида қабул қилади. Унда 970 ўринли 18 бўлим мавжуд бўлиб, беморлар ёши, жинси, касалликнинг оғир-енгиллиги, махсус эксперт ва даволаш масалаларига кўра бўлимларга жойлаштирилади.

Касалхона Т. тиббиёт академияси, Т. тиббиёт педиатрия ин-ти ва Т. врачлар малакасини ошириш ин-ти психиатрия каф. ларининг ўқув базаси ҳисобланади.

ШАҲАР 1-РУҲИЙ-АСАБ КАСАЛЛИКЛАРИ ДИСПАНСЕРИ (Муқимий кўч., 94) – 1974 й.да ташкил этилган. Диспансер Чилонзор, Собир Раҳимов, Учтепа, Яккасарой, Бектемир ва Шайхонтоҳур туманлари аҳолисига ихтисослашган хизмат кўрсатади.

Диспансер таркибида амбулатория (бир йўла 150 нафар беморга хизмат кўрсатилади), 90 ўринли касалхона (60 ўринли геронтология ва 30 ўринли ру-

хий-асаб касалликлари бўлими), 75 ўринли кундузги касалхона бор. Бу бўлимларда асосан невроз ва шунга ўхшаш касалликлар б-н оғриган беморлар даволанади. Касалхонага беморлар текширув комиссиясининг ҳамда диспансер раҳбариятининг қарорига биноан қабул қилинади. Йилига 90 мингга яқин бемор амбулатор, 2500 дан ортиқ бемор ётиб даволанади. **ШАҲАР СИЛГА ҚАРШИ ДИСПАНСЕРИ** (Лутфий кўч., 37) – 1928 й.да ташкил этилган. 1993 й.гача 2-сонли сил касалликлари диспансери деб аталган. 1994 й.дан ҳоз. номда.

Диспансер Чилонзор ва Учтепа туманлари аҳолисига ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатади. Асосий вазифаси хизмат кўрсатиладиган ҳудудларда силни олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида сил касаллиги профилактикаси йўл-йўриқларини тарғиб қилиш ва б.дан иборат. Диспансер бир йилда 200 та беморга хизмат кўрсатади ва 203 мингга яқин бемор амбулатор кўриқдан ўтади.

Т. шаҳрида силга қарши олиб борилаётган ташкилий ишларни Ш.с.қ.д. қошидаги ташкилий услубий бўлим назорат қилади.

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ – қ. *Телефон тармоқлари.*

ШАҲАР ТЕРИ-ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ДИСПАНСЕРИ (Йўлдош-7 даҳаси, 27) – шаҳар аҳолисига тери ҳамда таносил касалликлари бўйича ихтисослашган тиббий хизмат кўрсатадиган даволаш муассасаси. 1970 й.да ташкил топган.

Диспансер таркибида амбулатор шароитида бир йўла 50 беморга хизмат кўрсатадиган диспансер бўлими, 200 ўринли касалхона, марказлаштирилган

серологик лаб. (бир й.да 500000 тахлил ўтказишга мослаштирилган), амалий услубий бўлимлар бор. Йилига 21 мингдан ортиқ беморга амбулатор ёрдам кўрсатилади, 4500 дан зиёд бемор ётиб даволанади.

ШАҲАР ХЎЖАЛИК СУДИ (Чўпонота кўч., 6) – хўжалик соҳасидаги низоларни кўради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони (1996) асосида ташкил топган. Ш.х.с.нинг фаолияти устидан Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди назорат олиб боради. Ш.х.с. ўз ваколатлари доирасида 1-судлов босқичи (инстанция) судьяси сифатида ва апелляция тартибида ишларни кўради, суд амалиётини умумлаштиради, қонун ҳужжатлари б-н ўзига берилган бошқа ваколатларни амалга оширади. Тошкент Ш.х.с. раис, раис ўринбосарлари, судьялар, маслаҳатчилар, суд мажлиси котиблари, девонхонадан ташкил топган. Судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 5 йил муддатга тайинланади. Тошкент Ш.х.с.да 16 судья фаолият юритади (2008).

ШАҲАР ҲОҚИМИ – маъмурий лавозим; шаҳар ўзини-ўзи идора қилиш бошлиғи, Туркистонда ўрта асрларда, хусусан хонликлар даврида муайян шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқларни хон номидан бошқариш учун тайинладиган (айрим ҳолларда сайладиган) амалдор.

Т. 18-а.нинг 2-ярмида 4 даҳадан иборат бўлиб, ҳар бир даҳанинг ўз ҳоқими бўлган. Бу даврда ҳар бир даҳа ва унинг ҳоқими мустақил эди (қ. *Чорҳоқимлик*). 1784 й.да Шайхонтохур

даҳасининг ҳоқими *Юнусхўжа* шаҳарнинг бошқа даҳалари б-н бўлган низоларда ғалаба қозониб, бутун шаҳар ва вилоятга ҳоқим бўлди. Шундан сўнг чорҳоқимликка чек қўйилиб, Т.да Юнусхўжа бошчилигида марказлашган давлат идораси барпо этилди. Юнусхўжа ҳукмронлигининг сўнги даврида у «хон» деб ҳам аталди. Т. давлати Қўқон хонлиги тасарруфига ўтгач, шаҳар ва вилоятни *бекларбеги* бошқарган.

Т. Россия империяси томонидан босиб олингандан (1865 й.дан) 1917 й.гача Т.да Ш.х. маъмурий лавозими жорий бўлди. Бу даврда Ш.х. *Шаҳар думаси* томонидан 4 йил муддатга сайланган, Туркистон генерал-губернаторининг тавсияси б-н ҳарбий министр томонидан тасдиқланган. Дума мажлисларини бошқариб, унинг қарорлари бажарилишини назорат қилиб турган. Икки муовини бўлган. Ш.х. лавозими Шаҳар думаси б-н бир вақтда (1917) бекор қилинган.

Шўролар тузуми даврида Ш.х. вазифасини, асосан, Тошкент ш. ижроия к-ти раиси бажариши керак бўлса-да, амалда шаҳарга раҳбарликни Тошкент ш. партия к-ти олиб борган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг шаҳар бошқарувининг тарихий ва миллий шакли – ҳоқимлик янги мазмун б-н бойитилиб тикланди: 1991 й. 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти – Тошкент шаҳри мақоми ва тузилмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Т.да ҳоқимлик лавозими жорий этилди.

Ш.х. вакиллик (халқ депутатлари *Тошкент шаҳар кенгаши*) ва ижроия ҳоқимият (*Тошкент*

шаҳар ҳокимлиги)ни бошқаради. Т. шаҳар кенгашига ҳисобот беради. Ҳоким Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда халқ депутатлари Т. шаҳар кенгаши томонидан тасдиқланади. Тошкент Ш.х. Ўзбекистон Президентининг шаҳардаги расмий вакили ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзига бериб қўйилган ваколатлар доирасида қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Ҳокимнинг ўз ваколатлари доирасида чиқарган қарорлари ва фармойишлари шаҳар ҳудудидаги барча корхона, муассаса, ташкилот, жамият ва бирлашмалар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир. Шаҳар туманлари ҳокимлари Ш.х. томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Ш.х. Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари кенгаши қарор ва ҳужжатларининг ижросини таъминлайди, жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш б-н боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва б. фавқулодда ҳолатларда тегишли ишларни ташкил этади. Шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни халқ депутатлари шаҳар кенгашининг тасдиғига тақдим этади, қўйи турувчи ҳокимлар қарор-

ларини, агар улар Ўзбекистон Конституциясига, қонунларига ва б.га зид бўлса, бекор қилади, халқ депутатлари шаҳар кенгаши томонидан лавозимга тайинланадиган ва озод этиладиган бўлинмалар раҳбарлари ишини назорат қилади, давлат мукофотлари б-н тақдирлашга доир илтимосномаларни кўриб чиқари ва таклифлар киритади, республика ва хорижда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради, аҳолини қабул қилади, фуқаролар шикоят, ариза ва таклифларини кўриб чиқари.

Ҳоким режалаштириш, бюджет, молия, ҳисоб-китоб, шаҳар мулкни бошқариш, мулкчиликнинг турли шаклига мансуб корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар б-н ҳамжиҳатлик қилиш, қ.х., ер ва б. табиий ресурслардан фойдаланиш, табиатни муҳофаза қилиш, қурилиш, транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа, аҳолига коммунал, савдо ва ижтимоий-маданий хизмат кўрсатиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот, хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ва ш.к.ни ўз ваколати доирасида ҳал этади.

ШАҲАРНИ ЁРИТИШ – қ. «Тошшаҳарнур».

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИ (Юнусобод тумани, *Бўзсув* канали соҳилида Амир Темур шоҳқўчаси бўйлаб жойлашган) – Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойиларнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги 1999 й. 22 июль қарори асосида 2000 й.да бунёд этилган (12 майда очилган). Тарихда бу жой Алвастиқўприк деб аталган, 1930-й.лар-

да бу ерда 3 қатлгоҳ бўлган. 1937–53 й.ларда қатагонга учраган ватандошларимизнинг 13 минг нафари отиб ташланган. Мажмуа лойиҳаси «Ташгипрогор» ин-ти мутахассислари томонидан бажарилган. Майд. 16,5 гектар. Ям-яшил паст-баланд ҳудудни Бўзсув канали иккига ажратган, икки соҳилни канал устига қурилган кўприк (уз. 100 м) бирлаштиради. Мажмуа м-зида тик устунларга ўрнатилган феруза ранг қовурғали гумбазли айвон (бал. 27 м) металл қурилмалардан ишланиб, Фозгон мрамари б-н қопланган, пойгумбази ганчкори муқарнаслар б-н зийнатланган; гумбаз ичи ганч ўймакорлигида ишланган. Гумбаз остидаги нақшлар б-н безатилган мрамар полда нефритдан ишланган рамзий сағана шаҳид кетган ватандошларнинг рамзий қабридир. 2002 й. 31 авг.да мажмуа ҳудудида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи очилди.

«ШАҲРИОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Яланғоч даҳаси, 122) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Ҳабиб Абдуллаев», «Умид» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Аҳолиси 5284 киши. Маҳалла ҳудудида 1-иссиқлик м-зи, Маданият ин-ти, ўрта мактаб, 11-касбхунара коллежи, ногиронлар коллежи бор.

ШАҲРИСАБЗ КЎЧАСИ – пойтахтнинг Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза ва Миробод туманларини бирлаштириб турувчи м-зий кўчаларидан бири. Амир Темур шоҳқўчаси ва Шота Руставели кўч. оралиғида. Уз. 3,5 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида шаҳарнинг *Янги шаҳар* қисмида ташкил топган. Дастлаб чор Россияси маъмурияти томонидан Кўқон проспекти деб юритилган. 1901 й. рус генерали



«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси.

А.Н.Куропаткиннинг (кейинчалик Туркистон генерал-губернатори бўлган) Т.га ташрифи муносабати б-н унинг номи берилган. 1918 й. Биринчи май кўчаси деб номланган. 1993 й. 30 июнда татар шоири Абдулла Тўқай номи берилган. 1997 й. 18 дек. дан Ш.к. деб юритилади. 1998 й. 3 сент.да йўналишидаги Лоҳутий кўч. ҳам Шаҳрисабз номи б-н аталди. Йўналишида «Ўздон-махсулот» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Ўзбекистон филателистлар жамияти, «Бошпочтамт», «Кредитбанк», «Фаллабанк», «Халқ банки», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипотекабанк», «Ландбанк», Автомобиль-йўллар ин-ти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси, Шарқшунослик ин-ти, «Иссиқлик-қувватлойдиха» ин-ти, меҳмонхоналар, «Ойбек» ва «Мингўрик» метро бекатлари, турли савдо мажмуалари, хорижий компания ва фирма офислари, б-туғуруқ-

хона, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Мустақиллик, Истиқбол кўчалари, Амир Темуր шоҳқўчаси б-н кешишган. Ойбек ва Афросиёб кўчаларини иккига ажратиб туради. Мустақиллик даврида кўчада кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

«ШАҲРИСАБЗ» МАҲАЛЛАСИ (Марказ-1 мавзеси, 1) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Оқибат» маҳалласи б-н чегарадош. Олдин «Ёшлик» маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 1207 киши, 20 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Болалар дунёси», «Берёза» ресторани, «Тата» меҳмонхонаси бор. **ШАҲРИСТОН КЎЧАСИ** – Юнусобод тумани ҳудудида. *Амир Темуր шоҳқўчаси* б-н *Аҳмад Дониш кўчаси* оралиғида. Уз. 2 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1960 й. 15 дек.да Шаҳристон номи берилган. Йўналишида «Файратий» ва «Шаҳристон» маҳаллалари, 17-

клиник касалхонаси, ёнилғи қуйиш шохобчаси, маҳалла гузари, боғча, чойхона, савдо шохобчалари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган.

«ШАҲРИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Шаҳристон кўч., 63) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Ф.Абдуллаев, Файратий, «Оқибат», «Отчопар-1» маҳаллалари б-н чегарадош. маҳалла аввал Карл Маркс, сўнг Шарифхўжа Мансурхўжаев, 2006 й.дан «Шаҳристон» номи б-н аталган. Аҳолиси 3731 киши, асосан, ўзбеклар яшайди. Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўконлари, «Шаҳристон» АЁҚШ, алоқа бўлими, ўрта мактаб мавжуд. **ШИБЛИЙ**, Шайх Шиблий, Шивлиота (тўлиқ исми Абу Бакр Дулаф ибн Жаҳдар (ибн Жаъфар) (861–946) – бағдодлик суфий. Сурёнийча «Шибли» – «арслон боласи» демакдир. Жунайд Бағдодий ва Мансур ал-Халложнинг энг яқин шогирди ва сафдоши. Ш.нинг отаси халифанинг бош ҳожиби, амакиси Искандарияда амир ул-ума-

ро бўлган. Ш.нинг ўзи халифа ал-Муваффақнинг ҳожиб вази-фасида ишлаган. 40 ёшида Шим. Эрондаги Дамованд вилояти волийси этиб тайинланган, бироқ тўсатдан воз кечиб суфийликни ихтиёр этган. Олимларнинг фикрича, ҳуқуқий (фикхий) ва Қуръон илмларида Ш. бу соҳадаги энг кучли алломалардан қолишмаган ва ҳатто улардан устун турган. Ш.га нисбат бериладиган суфиёна шеърлар бадиий қимматга эга. Унинг таржимаи ҳолига оид парчалар, айтган сўзлари ва шеърларини барча мўътабар суфийлик рисо-лаларидан топиш мумкин. Унинг Бағдоддаги қабри сақланган ва бугунги кунда ҳам зиёратгоҳ саналади.

Т.да Шиблий (Шивли) номи б-н мавзе, ариқ бўлган, рус манбаларида Шибли ариғи Човли (Чаули) деб қайд этилган. «Тарихи жадидаи Тошканд» асарига кўра бу ариқ Ўзбек дарвозаси яқинида, шаҳар девори ташқарисидаги Мирзо Юсуф еридаги булоқдан сув олган ва шаҳар ичига кириб Қиёт дарвозаси ёнидан кўрган ташқарисига чиқиб кетган ва Салор ариғига қуйилган.

ШИМОЛИЙ ОЛМАЗОР КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудида. Уста Ширин ва Мевазор кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Проектний, Штапельний номлари б-н юритилган. 1983 й. 27 янв.да О.Бобожонов номи берилган. 2005 й. 28 апр.дан ҳоз. номда. Кўча жойлашган ҳудуд қадимда Т. мудофаа деворининг ташқарисида бўлган. Халқ тилида ушбу жойлар Хончорбоғ, сўнг Шим. Олмазор номлари б-н юритилган. Кўча номининг келиб чиқиши шундан. Йўналишида

«Хончорбоғ» ва «Мискин» маҳаллалари, «Агрегат» АЖ, туман мудофаа бошқармаси, Халқ банки бўлими, 119-мактаб, 36-махсус мактаб, боғча, «Мевазор» жоме масжиди, «Мевазор» кафеси, Шарқшунослик ин-ти акад. лицейи, маданият саройи, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Кичик ҳалқа йўли б-н кесишган.

ШИРИН КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудидаги асосий кўчалардан бири. Фозилтепа ва Заргарлик кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. Т. зилзиласи (1966)дан зарар кўрган аҳолини уй-жой б-н таъминлаш мақсадида қурилган Чилонзор мавзесида ташкил топган. Дастлаб Г-24 кўчаси номи б-н юритилган. 1968 й. 9 сент.да Подмосковний (Москва остонаси) кўч. деб номланган. 1997 й. 18 дек.да Фарҳод кўчасига уйғунлаштириш мақсадида Ширин номи берилган. Йўналишида Чилонзор, 11–12, 22–26 турар жой мавзелари, туман фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими, ижтимоий-таъминот бўлими, солиқ инспекцияси, «Ипотека-банк» бўлими, «Гўзала» тўйхонаси, ҳунармандчилик, юридик коллежлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари ва б. жойлашган. Катта Хирмонтёпа, Лутфий ва Мақсуд Шайхзода кўчалари б-н кесишган.

ШИРИН МАҲАЛЛАСИ (26-мавзе, 4-уй, 51-хонадон) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Ватан», «Ватанпарвар», «Кўргонтёпа», «Хуросон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й.даги зилзиладан сўнг вужудга келган. Навоийнинг «Хамса»сидаги «Фарҳод ва Ширин» достони қаҳрамони номидан олинган. Аҳолиси 7547 киши, кўп миллатли (30 дан ошиқ

миллат вакиллари яшайди). Маҳалла ҳудудида 3 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, «Дизайн» коллежи, «Шайхонтоҳур» тўқувчилик ф-каси, макарон маҳсулотлари и.ч., сут з-длари, «Аква» компанияси, «Ширин» ресторани, сартарошхона, кафе, новвойхоналар, туман ижтимоий ҳимоя бўлими мавжуд.

«ШИФОКОРЛАР» МАҲАЛЛАСИ (Шифокорлар шаҳарчаси) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Б.Нақшбанд, Хислат, «Чигатой Оқтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. 10 апр.да Амир Темур номи б-н ташкил топган. 2006 й. фев.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5750 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида «Чимирота» қабристонини, спорт мажмуаси мавжуд.

ШИФОКОРЛАР ШАҲАРЧАСИ – шаҳарнинг шим.-ғарбида, Собир Раҳимов тумани ҳудудида жойлашган. Катта ҳалқа йўли, Қорақамиш канали, О.Хўжаев, Шифокорлар ва Форобий кўч. оралиғида. Белтепа, Олимпия мавзелари, Беруний ва «Чигатой Оқтепа» маҳаллалари ҳамда Зангиота тумани б-н чегарадош. Илгари Т. вилояти Зангиота туманига қарашли жамоа хўжалиги ери бўлган. Ш.ш.ни лойиҳалаш ишлари 1969 й.дан, қурилиш ишлари 1970 й.дан бошланган. 1976 й. шаҳарчанинг асосини ташкил этадиган Т. тиббиёт институтининг янги ўқув корпуси очилган. Шаҳарчада Тиббиёт академиясининг клиникалари, турли илмий м-злар, туғуруқхона, тиббиёт коллежи ва лицейи, талабалар ётоқхонаси, кўп қаватли турар жой бинолари, савдо ва умумовқатланиш масканлари, «Қорақамиш» деҳқон бозорининг «Шифокорлар» шохобчаси, аҳолига маданий хизмат кўрсатиш масканлари,

турли сервис хизматлари, поликлиника, дорихона, мактаб ва боғчалар жойлашган. Шаҳарнинг бошқа хуудлари б-н боғловчи кенг жамоат транспорт воситалари ҳаракати қўйилган. **«ШОДЛИК» МАҲАЛЛАСИ** (Амир Темур шоҳқўчаси, 45) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Боғишамол», «Кулолқўргон», «Уч қаҳрамон», Собиробод, «Чинор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й. ташкил этилган ва шу ном б-н аталган. Аҳолиси 2820 киши, асосан, ўзбеклардан иборат. Маҳалла хуудидида ўрта мактаб ва «Болта» қабристониди мавжуд.

«ШОДЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Ибн Сино-2 мавзе) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. Ибн Сино, «Янги Белтепа» ва «Оқтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган. Аҳолиси 5638 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла хуудидида Ибн Сино гузари, супермаркет, «Имоми Ҳасан» жоме масжиди мавжуд.

«ШОДЛИК» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/5, 17) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Истиқбол», «Обод», «Табассум», «Олимпия» маҳаллалари б-н чегарадош. 1970 й. «Қорақамиш 2/5 маҳалласи» номи б-н ташкил этилган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5468 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 8 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла хуудидида 33 та кўп қаватли уйлар, «Фарғона», «Чархпалак» кафелари, мебеллар уйи, тиббиёт коллежи, 33-оилавий поликлиника ва озиқ-овқат дўконлари жойлашган.

ШОЖАЛИЛОВЛАР – Т.да туғилиб ўсган ака-ука хонанда ва созандалар, ўзбек анъанавий ижрочилигига катта ҳисса қўшган ҳофизлар. Шожалилов Шоқосим (1909.9.9 – 1984.9.7)

– хонанда ва созанда (танбур), Ўзбекистон халқ ҳофизиди (1950). Тошкент мусиқа техникумини тугатган (1927), Ўзбекистон радиосининг халқ чолғулари ансамблида созанда ва хонанда (1930–73). Шожалилов Шоолим (1921.21.5–1989.29.9) – ҳофиз ва созанда (танбур, дутор). Ўзбекистон радиосининг халқ чолғулари ансамблида хонанда (1942–53). Шожалилов Шоакбар (1926.3.2–1987.3.9) – ҳофиз ва созанда (танбур, тор). Ш. санъаткорлар оиласидан бўлиб, отаси Шожалил ҳофиз, амакиси Ш.Шоумаров, тоғаси Тўйчи ҳофиз, шунингдек, Ю.Ражабий, А.Ваҳобов, А.Ҳайдаров, Ж.Султонов, Домла Ҳалим ва б.дан мақом, ашула ва чолғу йўлларини ўзлаштирган.

Ш. лирик, диапазони кенг овоз соҳиблари бўлиб, ҳамнафаслик ижро услубида ўзига хос самимийлик ва ширадорликка эришган. Ш.нинг ашула ва мақом йўлларини талқин этилиши овозлар ва жўрнавоз созлар ҳамоҳанглиги, жумлаларнинг маромига етказиб айтилиши, миллий хонандалик анъаналарига хос бўлган сайқал ва қочиримлардан моҳирона фойдаланиш, жозоба ва жўшқинлик, мумтоз ижро услуби б-н ажралиб туради. Репертуаридан Фарғона–Тошкент мақом йўллари («Баёт», «Чоргоҳ», «Ушшоқ», «Гулёр-Шаҳноз», «Тошкент Ироғи»), ашула («Кўча боғи – 1–2», «Илғор», «Гиря», «Суво-

ра», «Муножот», «Эшвой», «Найларама») ва ялла («Фигондур», «Ҳажрингда», «Жонон жамолинг») ўрин олган. Ш. ижро этган мақом ва ашула йўллари Ўзбекистон телерадиокомпанияси фонотекасига, бир неча грампластинкага ёзилган. Ш. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

ШОМАҲМУДОВЛАР – 2-жаҳон уруши йилларида етим ва қаровсиз болаларни фарзандликка олган оила. Т.лик темирчи Шоаҳмад Шомахмудов (1890–1970) ва унинг рафиқаси Баҳри Акрамова (Шомахмудова) (1903–1987) уруш йиллари етим ва қаровсиз 13 болани ва урушдан сўнг яна 3 болани ўз тарбияларига олганлар. Улар орасида рус, белорус, молдаван, украин, латиш, қозоқ, татар, чуваш, яхудий, ўзбек болалари бор эди. Ш. болаларга меҳр-муҳаббат кўрсатиб, уларни ўқитиб, тарбиялаганлар. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг Ш. бошпанасиз қолган оилани ўз бағриларига олдилар. Улар барчани ҳашарга – янги Т.ни қуришга даъват қилдилар. Б.Акрамова «Қаҳрамон она» унвонига сазовор бўлган. Ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романи, «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Сен етим эмассан» бадийий фильми яратилишига Ш. ҳаёти асос бўлган. Ш. яшаган уй жойлашган кўчага «Шомахмудов»

Шожалиловлар:
(чапдан) Шоолим,
Шоқосим,
Шоакбар.





Шомаҳмудовлар оиласи шарафига ўрнатилган ёдгорлик мажмуаси.

номи берилган. Бунёдкор шоҳкўчасидан шаҳарга кираверишда Ш. оиласи шарафига ёдгорлик мажмуаси ўрнатилган (2008).

ШОТА РУСТАВЕЛИ КЎЧАСИ – Яққасарой тумани ҳудудида. Шаҳрисабз ва Бобур кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. Тошкентнинг қад. кўчаларидан. Қад.да Самарқанд ва Жиззахга бориладиган йўллардан бири бўлган. 19-а.нинг 2-ярмида чор Россияси маъмурияти томонидан Дачний (Дала ҳовли), сўнг Зангиота номи берилган. 1938 й.дан грузин шоири Шота Руставели номи б-н юритилди. Йўналишида «Гранд Мир» меҳмонхонаси, «Сарбаст» савдо мажмуаси, «Тошуйжойлойиҳа» ин-ти, «Паризод» корхонаси, Пахта тозалаш бирлашмаси, «Цирк» меҳмонхонаси, кўчма цирк корхонаси, 1-болалар стоматология поликлиникаси, «Академикитоб», нодир китоблар магазинлари, хорижий компания офислари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ШОФАЙЗИ МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур кўч., 379) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Маннон Уйғур, «Кўкча», «Исло-мобод», Учтепа туманидаги «Пахтакор», «Шофайзибоғ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1999 й. Камолиддин Беҳзод ва

Аҳолиси 7300 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ҳаммом, озиқ-овқат дўконлари, болалар боғчаси, «Мохларойим» ўқув амалиёт м-зи, «Султонхожи» жоме масжиди мавжуд.

«ШОФАЙЗИБОҒ» МАҲАЛЛАСИ (Маннон Уйғур кўч., 492) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Дегрез», «Нишабарик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1963 й. ташкил топган. 1966 й.ги зилзиладан сўнг шаҳарнинг «Дегрез», «Гулбозор», «Қашқар» маҳаллаларидан аҳоли кўчиб келган. Дастлаб дегрезлик шоира Ойдин Собирова шарафига «Ойдин Собирова» маҳалласи дейилган. Маҳалла аҳолиси кўпайгач, 3 қисм («Шофайзибоғ», «Дегрез», «Нишабарик»)га бўлинган (2005). Аҳолиси 2609 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида маърифат-маънавият м-зи, милиция таянч пункти, оталар чойхонаси ва б. бор.

ШОШ – Чоч тарихий вилоятининг арабча аталиши (яна қ. *Тошкент* [тарихий очерк]).

ШОШИЛНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ МАРКАЗИ, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (Кичик ҳалқа йўли, 2) – юқори малакали ихтисослашган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатадиган илмий муассаса. 2001 й.дан фаолият

кўрсата бошлаган. 760 ўринга мўлжалланган ҳамда жаҳон андозалари даражасидаги тегишли тиббий асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган ушбу м-з республика аҳолисига туну кун юқори малакали махсус шошилинч тиббий ёрдам кўрсатади. Таркибига респ. санавиацияси ва Тошкент ш. «03» хизмати ҳам киряди. Унинг вилоятларда 12 та филиали ва 173 та субфилиаллари, шунингдек, туман ва шаҳар миқёсида фавқулодда вазиятларда фаолият кўрсатувчи 182 та шошилинч тиббий ёрдам бригадалари мавжуд.

М-зда 10 та илмий бўлим, улар таркибида 27 та клиник бўлинма бўлиб, турли хил шошилинч жарроҳлик, нейрожарроҳлик, акушер-гинекологик, урологик, терапевтик, кардиологик ва б. беморларни қабул қилади. 2005 й. 225 ўринли педиатрия мажмуи ишга туширилди. М-з замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларига оид и.т.лар олиб боради. Булар даволаш самарадорлигини ошириш б-н бирга, ётиб даволаниш муддатини, шунингдек, даволаниш учун кетадиган харажатларни жиддий камайтиришга имкон беради. М-з, унинг филиаллари, бўлим ва бўлинмаларида алоқа ва телекоммуникация воситаларидан кенг фойдаланилади. Улар замонавий телефон ва мобил алоқа (транкинг радиотелефон ва уяли алоқа) воситалари ҳамда компьютер техникаси, Internet-Intranet кўринишидаги телекоммуникация тизими б-н таъминланган, бу шошилинч тиббий ёрдам тизими технологияси, шунингдек, телетиббиёт тизимини, яъни узлуксиз фаолият кўрсатувчи тиббиёт ходимларини масофадан туриб ўқитиш ва тегишли маслаҳатлар бериш



Республика
шошилич
тиббий ёрдам
маркази.

(консультация) тизимини ҳам ўз ичига олади. М-зда Т. тиббиёт академияси ҳамда Т. врачлар малакасини ошириш ин-тининг каф.лари бор. Марказ респ.да шошилич тиббий хизмат тизимини, бу соҳада мавжуд моддий-техник, илмий ва кадрлар салоҳиятини ягона тизимга бирлаштиради. Давлат томонидан таъминланадиган ушбу м-з аҳолига шошилич ҳолатларда юқори малакали бепул тиббий ёрдам кўрсатиш давлат кафолатини амалга оширади. Йилига 55 мингга яқин бемор ётиб даволанади, 82 мингга яқин беморга амбулатор ёрдам кўрсатилади (2009).

ШОШТЕПА – археологик ёдгорлик, ташқи ва ички қишлоқ ҳамда баланд арк – қалъадан иборат шаҳар харобаси (мил.ав. 9-а. – мил. 16-а.). Жўн канали бўйида (Чоштепа кўч.да) жойлашган. Дастлаб *Туркистон археология ҳаваскорлари тўғраги* аъзолари томонидан қайд этилган, Н.П.Остроумов археологик қазималар ўтказган (1896), Г.В.Григорьев текширган (1934), Н.И.Крашенинникова (1956), Ф.Дадабоев (1970) археологик кузатишлар олиб борган, 1978 й.дан *Тошкент археология экспедицияси* томонидан ўрганилмоқда.

Ш. майдони 25 гектарга яқин. Ён бағирларитик бўлган

бўлиб, аркни ҳам ўз ичига олган, арк б-н қишлоқни Жўн канали ажратиб турган. Қуйи маданий қатламдан *Бурганли маданияти* (мил.ав. 9–6-а.лар)га оид ўтроқ деҳқонлар қишлоғининг қолдиқлари топилган. Ш.даги илк деҳқонлар қишлоғи мил.ав. 6-а.да барҳам топган. Унинг аҳолиси хўжалиқнинг чорвачилик турига ўтиб, Евросиё даштларидан келган кўчманчи қабилалар оқимида сингиб кетган.

Ш.нинг кейинги давр қатламини кўчманчилар некрополи эгаллайди, унда қабрга анъанавий буюмлар қўшиб кўмилган. Бу мил.ав. 3-а.дан Евросиёда бошланган йирик этник кўчишлар даврида қабилаларни Орол бўйидан Амударёнинг ўрта оқими томон миграциялари йўналиши ҳақида гувоҳлик беради.

Бурганли қишлоғи ва кўчманчилар некрополи харобалари ўрнида мил.ав. 2-а.да (яъни, 2200 йил аввал) атрофи ҳалқа девор б-н ўралган, ўзига хос хочсимон тарҳли бино қурилган. У хоч ва

Шоштепанинг
сақланган
қисми.



ҳалқа уйғунлиги – қуёшнинг энг қад. рамзи тамойилида бунёд этилган. Археологик маълумотларга кўра у Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган воҳалардан келган кишилар томонидан қурилган. Улар ўзлари б-н хом гишт ва пахсадан меъморий иншоотлар қуриш кўникмаларини олиб келганлар. Т. экспедицияси археологлари томонидан хом гиштдан териб ишланган деворлар, йўлак аркалари, гумбазли хоналар ўрганилди, айрим хоналар қизил рангга бўялган. Бинонинг ўзига хос тарҳи, хоналардан биридаги кичик оташгоҳ, шунингдек, хоналардан бирига бош чаноғининг кўмилганлиги бинодан махсус мақсадларда фойдаланганликларини кўрсатади. У аввал қуёшга топинувчилар ибодатхонаси бўлиб, сўнгра диний маросимлар м-зига айлантирилган. Ш.даги хочсимон бинони тадқиқ этиш жараёнида унинг меъморий-қурилиш тамойили Сирдарёнинг жан. ўзанида тарқалган деҳқонлар ва чорвадорлар маданияти доирасида шакланган деган хулосага келинди. Иқлим ўзгариши ва дарё ирмоқларини қуриб қолиши натижасида улар яшаш учун қулай ерлар ахтариб Сирдарёнинг юқори оқими бўйлаб ҳаракат қилишган. Уларнинг бир қисми Т. воҳасида қўним топган, бу ерда улар ўзларининг моддий ва маънавий ма-

даниятлари ва шаҳарсозлик соҳасидаги билимларини янада ошириш учун кулай заминга эга бўлишган. Ибодатхонаси бўлган тепалик тахм. 25 гектар келадиган қишлоқ таркибига кирган.

Шундай қилиб, камида 2200 йил аввал Т. худудида шаҳарсозлик соҳасида биринчи тажриба амалга оширилган. 3–6-а.ларда Ш.даги ҳаётнинг иккинчи йирик жонланиш даври бўлиб, 7–8-а. бошларида араблар истилоси арафасида анча юксалган; араблар истилоси натижасида Ш. вайрон бўлган. 11–12-а.ларда ундаги ҳаёт бироз тикланган, 16-а.да Ш. ташландиқ ҳолига келган.

ШОҲЖУВОРТЕПА – ўрта аср шаҳри харобаси (4–12-а.). Т. вилоятидаги Писком дарёси сўл қирғоғида, Писком қишлоғи қаршисида жойлашган. Дастлаб (1906) И.В.Мушкетов қайд қилган. Ю.Ф.Буряков (1964, 1974–1981), М.Р.Тихонин (1982–83) қазиш ишлари олиб борган. Майд. – 10 гектар. Йирик ҳисор (майд. 2,25 га), қўш мудофаа девори б-н ўралган шаҳристондан иборат. Ҳисор шаҳристондан чуқ. 11,5 м келадиган хандақ б-н ажратилган. Ҳисор марказида маҳобатли иншоотлар қад кўтарган, уларни саккиз бурчакли, атрофи хандақ б-н ўралган 2-мудофаа девори ўраб олган. Ш.дан кенглиги 3,5 м лик канал, турар жойлар, кўчаларнинг излари, металл конларининг шлаклари топилган. Ш. дарвозаси ёки минорасининг бир қисми очилган, бу ердан 6–8-а.ларга оид сопол буюмлар чиққан. 10–12-а.ларда Ш. атрофида хунармандлар маҳалласи (8 гектар) ривожланган. Бунга Пискомсой бўйларидан мис, полиметалл рудалари чиққанлиги муҳим омил бўлган. Ш. рабодидан кончилар фаолияти излари

(шлаклар), кумуш, мис ва темир рудасини қайта ишловчи металл эритиш устахоналари, гишт ва сопол ҳайкалчалар тайёрловчи хумдонлар аниқланган. Шаҳристондан кўплаб турар жойлар, жумладан бадавлат шаҳарликнинг уйи очилган. Ундан терракота ҳайкалчалар, ажойиб сирланган ошхона идишлари ва хориждан келтирилган ялтироқ сопол буюмлар, таом ейиш учун фил суюғидан ясалган чўплар, шатранж доналари топилган. Шунингдек шарқ меъморлиги услубида ишланган, пишиқ гишдан қурилган учта ҳаммом, шаҳар марказида нақшинкор зали бўлган йирик карвонсарой очилган.

ШОҲИЙ (тахаллуси; тўлиқ исми Шохўжа Ҳаким ибн Шофайзхўжа Шайх Хованди Тохурий) (19-а.) – маърифатпарвар шоир, табиб. Т.нинг Оқмасжид маҳалласида туғилган. Дастлаб Юнусхон мадрасасида мударрислик қилган. Ўрта Осиё, Кавказ, Туркия, Сурия, Миср, Ироқ, Саудия Арабистони каби мамлакатларда бўлиб, у ердаги таълим-тарбия ишлари б-н қизиққан. Ш. табобатдан дарс берган. Чағминий (14-а.)нинг «Қонунча» асарини ўзбек тилига ўчирган; ундан ташқари ҳиротлик Юсуф табибнинг (1544 й.в.э.) «Жомеъ ал-Фавоид» («Фойдали мажмуа») асарини ўзбек тилига таржима қилиб (1898), уни «Таржимаи Шоҳий» деб атаган ва нашр эттирган. Бу таржиманинг бир нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади. Ш. араб грамматикасига оид қўлланмалар, ўқиш китоблари ҳам ёзган.

ШОҲМУРОД КОТИБ, Муҳаммад Шох Мурод Котиб Шох Неъмат ўғли (1850–1922.14.03) – хаттот. Шайхонтоҳур даҳаси-

даги Занжирлик маҳалласида туғилган. Довудхўжа котибнинг шогирди. Маълум муддат Кўкалдош мадрасасида таҳсил олган. Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Ҳиравийларнинг настаълик, Юнусхўжа Шаҳрисабзийнинг шикаста хатларидан илҳомланиб ғазалларни китобат қилган. Тўқувчиларга ёғочдан «тиғ», «тарак» (тўқувчилик асбоблари) ясаган. Кўчирган китоблари охирига «Тиғбанд» ёки «Шоҳимурод Тиғбандий» деб имзо қўйган. Шу таҳаллус б-н шеърлар ҳам ёзган. Т.даги тошбосма (литографик) матбаа корхоналарида ўзбек ва форс тилида чоп этилган Шарқ адибларининг асарларни ўз хатида кўчирган. Улар орасида Навоий, Жомий асарлари, шунингдек, «Девони Бедил», «Ҳофиз Шерозий», «Девони Амирий», «Девони Фуззулий» ва б. бор. Унинг шогирдлари орасида Мулла Ўтаб Расулмуҳаммад ўғли, *Хислат*, *Сидқий Хондайлиқий*, Роқим ва Абдулқодир Муродий каби етук хаттотлар бўлган.

Ш.к.нинг 1893 й.да Т.да Мирали Табризийнинг хуснихат ҳақидаги рисоласи б-н биргалликда нашр қилинган «Муфрэдот ва мураккабод ва рисолаи хат» асари хаттотлик хунари ва хуснихат санъатини ўрганишда муҳим қўлланмадир.

ШОҲНИШИНТЕПА – *Кўкча* даҳасидаги қад. маҳалла. Чақар, Тўқлижаллоб, Чигатой маҳаллалари б-н чегарадош. Чигатой дарвозаси ёнида жойлашган. 300 га яқин хонадон бўлган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, майда хунармандчилик, савдо-сотик, боғдорчилик ва деҳқончилик (Захариқ, Оқтепа, Белтепа, Дамариқ мавзеларида) б-н шуғулланган. Ш.да чойхона, баққоллик дўконлари, масжид

бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Ш. ҳудуди реконструкция қилинмоқда.

ШОҲРУХИЯ, Шарқия – ўрта аср шаҳар харобаси (14–19-а.лар). Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудида, Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган. Ш.ни ҳаваскор археолог Д.К.Зацепин (1876), Е.Т.Смирнов (1894, 1896) ўрганган. 1973 й.дан Шош–Илоқ экспедицияси (Ю.Ф.Буряков) текширади. Ш. қад. *Банокат* ўрнида вужудга келган. Банокат мўғуллар истилоси даврида вайрон бўлган (1220). 1392 й.да Амир Темур уни ҳарбий қалъа сифатида қайта тиклаб, ўғли Шоҳрух шарафига «Шоҳрухия» деб атаган. Ш.нинг ҳудуди 140 гектардан зиёд бўлиб, арк, 3 шаҳристон ва рабоддан иборат бўлган. Шаҳристон ва рабоднинг бир қисми қалин мудофаа девори б-н ўралган, унда 30 дан ортиқ бурж бўлган. Ш. теурийлар салтанати сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнаган. Чунончи Амир Темур Хитойга юришга отланганда қўшиннинг асосий қисми Ш.да тўпланган. Соҳибқирон вафотидан кейин ҳам теурийларнинг Олтин Ўрда б-н курашида муҳим стратегик маскан вазифасини ўтаган. 15-а. охири – 16-а. бошларида Ш. Шарқий Мовароуннаҳрнинг йирик ҳарбий м-зларидан ҳисобланган. 1502 й. Шайбонийлар томонидан эгалланган ва уларнинг Т. мулки таркибига киритилган. Ш.да, одатда, валиаҳд шахзода ноиб бўлган, чунончи Суюнчхўжахон вафотидан сўнг тахтга ўғли, Ш. ҳокими Келди Муҳаммад ўтирган.

Ш.нинг иқтисодий, ҳарбий-маъмурий мавқеи 17-а. охиригача баланд бўлган, сўнг 18-а.даги ўзаро ички урушлар натижасида таназулга учраган. Лекин



Шоҳрухия топилмалари: 1. Шахмат доналари (14-а.); 2. Сирланган сопол буюмлари (14–15-а.лар).

1812–13 й.ларда ҳинд сайёҳи Мир Иззатуллоҳ Сирдарё бўйидаги шаҳарлар қаторида Ш.ни тилга олиб ўтган. *Муҳаммад Солиххўжа*нинг ёзишича, 1863–64 й.да Сирдарёнинг тошиши натижасида «сўв мозий подшоларнинг саройи ва ўтмиш хоқоний кутубхонага етиб, ўридан кўтариб кетган; Сир дарёсига қулаб тушиб, тахминан минг жилд китоб сувга чўкиб кетган».

Ш.даги кулолчилик хумдонлари, турар жой қолдиқлари, 2 қаватли буржлар очиб ўрганилган. Топилмалар орасида пўлат совут, дубулға, шахмат доналари, сирланган турли сопол идишлар теурийлар маданияти, санъатини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

ШРЕДЕР Рихард Рихардович (1867.15.10–1944.27.4) – қ.х. соҳасидаги олим. ВАСХНИЛ акад. (1935), Ўзбекистон ФА акад. (1943). Москва ун-тининг физика-математика ф-тини (1891) ва Петровск қ.х. академиясини (1894) тугатган. 1902 й.дан Т.да. 1902 й.дан умрининг охиригача Туркистон қ.х. тажриба ст-яси (ҳоз.

Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ин-ти) раҳбари. Туркистон қ.х. жамияти президенти (1904–18). Туркистон халқ ун-тини ташкил этишда фаол қатнашган (1918). Ўрта Осиё давлат ун-ти қ.х. факультети декани, проф. (1920-й.ларда). Ш. раҳбарлигида гўза, дон, мева, резавор-мева, сабзавот экинлари, пиллачилик ва б. соҳаларда кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилди. Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг 100 й.лиги муносабати б-н институт м-зий биноси олдида бронза бюсти ўрнатилган (2001). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

ШУКРУЛЛО (исми ва тахаллуси; фамилияси Юсупов) (1921.2.9) – Ўзбекистон халқ шоири (1981). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977). Т.да туғилган. Педагогика билим юрти (1935–38) ва Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1944). Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир (1945–51; 1955–65). 1951 й.да миллатчилик ва советларга қарши тарғиботда

Р.Р.Шредерга Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институтининг марказий хиёбонида ўрнатилган ёдгорлик.



айбланиб, 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган. 1955 й.да озод этилган.

«Биринчи дафтар» (1949), «Қалб кўшиқлари» (1949), «Ҳаёт илҳомлари» (1959), «Умрим борича» (1960), «Инсон ва яхшилик» (1961), «Инсон – инсон учун» (1964), «Зарралар» (1973), «Сунчиқ» (1977), «Яшагим келади» (1978), «Сенинг бахтинг» (1988), «Тўкилган дардларим» (2001) сингари шеърий тўпламлари эълон қилинган. Болаларга бағишланган шеър ва эртаклари «Баҳор совғаси» (1962), «Олдузлар» (1964) шеърий тўпламларидан ўрин олган. «Хатарли йўл» (1962), «Табассум ўғрилари» (1964), «Тўйдан кейин томоша» (1980), «Ўғрини қароқчи урди» (1982), «Жанжал» (1983), «Унсиз фарёд» (1988), «Ҳасрат боғи» (2004) каби шеърий драмалари саҳналаштирилган. «Жавоҳирлар сандиғи» (1983) эссеси, «Кафансиз кўмилганлар» (1989) автобиографик қиссаси, «Қасосли дунё» (1994) публицистик мақолалар тўплами, «Тирик руҳлар» (1999) роман-хроникаси муаллифи.

Ш. Карло Гоццининг «Бахтиёр гадолар» пьесаси, Ш.Петёфи, Т.Шевченко, Қ.Қулиев ва б. шoirларнинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1994). «Дўстлик» (1994) ва «Эл-юрт ҳурмати» (1999) орденлари б-н мукофотланган.

ШУКУР БУРҲОНОВ МАҲАЛЛАСИ (Садаф кўч., 1) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Алпомиш, Нодирабегим, Алишер Навоий маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. ташкил топган. Илгари «Маданият» маҳалласи деб номланган. 1993 й.дан шу номда. Шукур Бурҳонов номи б-н аталади. Аҳолиси 3253

киши, 20 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 208-, 53-ўрта мактаб, 1-Марказий клиник шифохонаси, «Наврўз» ва «Қорасув» бозорлари жойлашган.

ШУКУР БУРҲОНОВ МАҲАЛЛАСИ (Сергели, 673) – Сергели туманидаги маҳалла. Сергели автомобиль эҳтиёт қисмлар бозори ҳамда Сергели-5 мавзеси оралиғида жойлашган. Ҳабибий, «Ўзгариш» ва «Тинчлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил этилган. Шукур Бурҳонов номи б-н аталади. Аҳолиси 5640 киши (1554 хонадондан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада 3 кўча, новвойхона, озиқ-овқат ва сабзавот дўконлари бор.

ШУТУРКЕТ, Уштуркат – Чочдаги қад. шаҳарлардан бири. Парак (Чирчиқ) дарёси кечувида, Буюк ипак йўлида бунёд этилган. Араб географлари асарларида (10-а.) Ш. йирик, яхши мустақамланган «чиройли тимлари – ёпиқ бозорлари бўлган» шаҳар сифатида қайд этилган. Чоч давлатида у катталиги жиҳатидан Бинкат ва Харашкат (Қанқа)дан сўнг учинчи мавқени эгаллаган. Ш. харобалари Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Т.дан 50 км ғарбда *Эски Тошкент* номи б-н сақланган. 1900 й. В.В.Бартольд уни Ш. харобаси эканлигини аниқлаган. Г.В.Григорьев (1934) тадқиқ этган. Ривоятларга кўра бу жой Чоч пойтахти ва қад. баҳодир Тош қароргоҳи бўлган. Шаҳарнинг бунёд этилган аниқ вақти номаълум. Ҳоз. Ш. харобалари Чирчиқ суви ювиб кетиши оқибатида анча вайрон бўлган. Фақат 10–13-а. бошларига оид ўрта аср кварталлари сақланиб қолган. Ш.дан сирланган сопол идишлар, кўплаб шиша буюмлар то-

пилган. Шаҳарда ҳаёт 13-а. бошида мўғуллар истилоси натижасида барҳам топган.

ШУҲРАТ (тахаллуси; асл номи Алимов Фулом Аминжонович) (1918.19.4–1993.20.6) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1986). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978). Т.да туғилган. Низомий номидаги Т. педагогика ин-тида ўқиган (1936–40). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941–43). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг маслаҳат бюросида котиб (1934–36), адабий маслаҳатчи (1955–58; 1960–70), Адабиёт жамғармасида директор (1958), ёшлар газ.да (1945–48), «Шарқ юлдузи» журн.да бўлим мудири (1948–50), масъул котиб (1960–70). Ш. 1951 й.да қатағон қилиниб, қамоқ лагерларида бўлган. 1955 й.да оқланган.

Дастлабки асари – «Меҳрол» (эртак-достон, 1940). Ш. урушдан қайтгач, бадий ижод б-н самарали шуғулланган ва кўплаб шеърий («Бизнинг кўча», 1947; «Ҳаёт нафаси», 1948; «Қардошлар», 1950; «Балладалар», 1958; «Сенинг севинг», 1961; «Ишқингда ёниб», 1964; «Буюк муҳаббат», 1966; «Лирика», 1973; «Шайдо кўнгил», 1976; «Ҳали тун узоқ», 1984; «Танланган асарлар», 3 ж.ли, 1969–73 ва б.) ва насрий («Оила», 1946; «Рустам», 1947; «Балоғат», 1958; «Бир кеча фожиаси», 1976 ва б.) тўпламларини эълон қилган. 60–70-й.ларда яна достон жанрига қайтиб, «Мардлик афсонаси» (1959), «Гулдурсин» (1960), «Сўлмас чечаклар», «Жамила» (1962), «Кувгинди» (1963) сингари достонлар ёзган. Асарлари нафис лиризм, ҳис-туйғуларнинг самимийлиги, фалсафий ўйларининг ёрқинлиги б-н ажралиб туради. Ш. «Шинелли йиллар» (1958),

«Олтин зангламас» (1965), «Жаннат қидирганлар» (1968) романлари муаллифи. Ёзувчи умрининг сўнгги кунларида «исёнкор» шоир Машраб ҳақидаги тарихий роман устида ишлаган, бироқ асар тугалланмай қолган. «Беш кунлик куёв» (1970), «Қўша қаринглар» (1971), «Она қизим» (1973) ва б. драмалар ҳам ёзган.

Г.Гейне, А.С.Пушкин, М.Ю.Лермонтов, А.Мицкевич, Т.Шевченко, М.Воқиф асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Минор қабристонига дафн этилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003). Т.даги кўч.дан бири Ш. номи б-н аталади.

ШЎРТЕПА – археологик ёдгорлик (7–8-а.лар, қисман 10–12-а.лар, 15-а.), аркли қишлоқ харобаси. Т.нинг шим.-шарқий қисмида, *Қорасувдан* Товкат ариғи ажралиб чиққан ерда жойлашган. Бал. 7 м ли арк ва унга туташ қишлоқ харобасининг бир қисми сақланган. 1887 й. Н.П.Остроумов қазилма ишлари

олиб борган. 1949 й. И.Баишев ва В.М.Массон қайд қилган. 1968 й. Тошкент археология экспедицияси Ш.да текшириш ишлари ўтказиб, Ш. аркининг қурилиш-меъморий тузилиши ва 7–8-а.ларга мансуб моддий маданият ашёларини аниқлаган. Ш. ўзига ўхшаш кўп қишлоқлар қаторида Чочнинг илк ўрта асрлардаги пойтахтига (қ. *Мингўрик*) қарашли кенг ва гавжум вилоятга кирган. Араб халифалиги истилоси (8-а. 1-ярми) натижасида вайрон бўлиб, анча вақт хароба ҳолида ётган. 10–12-а.лар ва 15-а.да Ш.да ҳаёт қисқа муддат тикланган. Генерал *Черняев* бошлиқ рус қўшинлари Т.нинг босиб олиниши (1865)да аввал Ш.га келиб ўрнашган. Ш. ёнида Т. мудрофаачилари б-н босқинчилар ўртасида 1865 й. 9 май куни қаттиқ жанг бўлган.

ШЎРТЕПА – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Дегрез, Тиканлимозор, Ҳадра, Баландмасжид маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. 200 дан ошиқ хона-

дон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, пилла чувиш, боғдорчилик, савдо-сотик б-н шуғулланган. Ш.да 2 масжид, ҳовуз, 2 тегирмон, 2 обжувоз, 10 савдо дўкони, 2 қабристон бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Ш. худудида савдо шохобчалари жойлашган.

ШЎРТЕПА КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани худудида. Миришкор ва Шалола кўчалари оралиғида. Уз. 4 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида Т. вилояти худудида ташкил топган. Дастлаб Ю.А.Гагарин номи б-н юритилган. 1968 й. 26 янв.да Дўст Устабоев номи берилган. 2008 й. 9 июлдан Шўртепа номида. Йўналишида Т. вилояти ички ишлар бош бошқармаси, 101-махсус интернат мактаб, диагностика м-зи, «Турон» санаторийси, шахсий турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Алпомиш, Темур Малик, Моҳларойим, Ш.Бурҳонов кўчалари б-н туташган. Таркибида 3 та тор кўча, 4 та берк кўча бор.

ЭГАРЧИ – *Шайхонтохур* даҳа-сидаги қад. маҳалла. Қатортерак, Олмазор, Девонбеги, Таллак ва Мерганча маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. 200 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, кўпчилиги эгарчилик (номи шундан) ва савдо-сотиқ б-н шуғулланган. Э.да 2 масжид, 2 мактаб, дўкон бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Э. худуди реконструкция қилинмоқда.

ЭЗГУЛИК АРКАСИ – қ. *Мустақиллик ва эзгулик аркаси*.

«**ЭЗИДЁР**» (Ботир Зокиров кўч., 19) – «Гранд Дуэт» Ўзбекистон-Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонасига қарашли ресторан. Номи ўзбек исмларидан келиб чиқиб қўйилган (қ. Э.А.Бегматов, Ўзбек исмлари, Т., 2007, 501-б.; форсча – Аллоҳ ёр бўлсин, ўз паноҳида асрасин).



«Эзидёр» ресторани.

«Пахтакор», «Ўзбекистон» метро бекатлари олдида. 2005 й. 15 авг.да ишга туширилган «Ташгипрогор» ин-ти лойиҳачилари томонидан лойиҳаланган (бош лойиҳачи С.К.Денисов, бош муҳандис Н.А.Коваль). 2 та зали (500 ва 100 ўринли) бор. Тўйлар, аънавий ош маросимлари, зиёфат ва ш.к. катта тадбирлар ўтказишга мўлжалланган. Юқори малакали ошпазлар ва официантлар хизмат қилади. Ўзбек миллий ва европа таомларидан ташқари «Э.» котлети, салати ва сомсалари тайёрланади.

«**ЭКОТОЗ**» («Экологик тозалаш») (Муқимий кўч., 7^а-уй) – Тошкент ш. *ички ишлар хизмати*нинг алоҳида батальони, экологик ва тозаликни назорат қилади. 2000 й. фев.да Тошкент ш. ҳокимининг қарори б-н шаҳар худудини санитар тозалаш бошқармаси ва 11 туман худудларининг санитар тозалиги учун жавоб берувчи хизматлари ўрнида тузилди. «Э.»нинг

туман бўлинмалари ҳам бор. «Э.» аҳоли, корхона ва ташкилотларнинг ободонлаштириш ва санитария қоидаларига риоя этишини доимий назорат қилиш, санитария қоидаларини бузувчиларни аниқлаш ва уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш, қаттиқ ҳолдаги чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун аҳоли, корхона ва ташкилотлардан тўловлар ундирилишини таъминлаш, тартибузарликларга йўл қўймаслик ишларини олиб боради.

ЭЛБЕК (тахаллуси; асл номи Юнусов Машрик) (1898–1939.11.2) – шоир, тилшунос ва фольклоршунос. Бўстонлиқ туманидаги Хумсон қишлоғида туғилган. 1911 й.дан Т.да. Авлонийнинг «усули савтия» мактабида (1914) ўқиган. Айна пайтда босмахонада ишлаган. Наримонов номидаги таълим-тарбия техникумида ўқитувчилик қилган (1920 й.дан). Маданий қурилиш и.т. ин-тида илмий ходим (1931–34). Э. «Ёлқинлар» (1925), «Кўзгу» (1926), «Сезгилар» (1927), «Баҳор» (1929), «Меҳнат куйлари», «Гунчалар», «Чирчиқ бўйларида» (1935), «Болалар қўшиғи» (1936) сингари шеърини тўпламлар, «Аноргул» (1926), «Гўзал қиз» (1927), «Туркистон» (1928), «Бизники», «Пахта», «Ўтмишим», «Чирчиқ» (1929), «Ўзбекистон» (1934), «Боғбон»,

«Этик», «Мерган» (1935) сингари дostonлар, «Тозагул» (1934) шеърый романи, «Кўшчи Турғун» (1925), «Дадамат» (1936) ҳикоялар китоби муаллифи. Гулханийнинг масалнавислик аъналарини давом эттирган, болаларга бағишланган асарлари б-н ўзбек болалар адабиётининг ривожланишига сезиларли ҳисса қўшган, 20-а. ўзбек адабиётида биринчи бўлиб шеърый роман жанрини бошлаб берган.

Э. 2-, 4-синф ўқувчилари учун «Ёзув йўллари» (1-бўлак, 1921), «Ўрнак», «Бошланғич мактабда она тили» (1923), «Гўзал ёзғичлар» (1925) каби ўқув қўлланмалари ва мажмуаларни, 1-, 3-синфлар учун «Билим» тўпламини яратган. «Ашулалар тўплами» (1934–35 й.ларда 2 марта қайта нашр этилган), «Лапарлар» ва «Эртақлар» (1935) тўпламларини эълон қилган.

Э. 1937 й.да қатағон этилиб, 10 йиллик жазо муддатини ўташ учун Магаданга жўнатилган ва ўша ерда вафот этган. 1957 й. оқланган. Ҳамза туманидаги кўч.дан бирига унинг номи қўйилган.

ЭЛБЕК КЎЧАСИ – Ҳамза тумани худудида. 2 қисмдан иборат. 1-қисми Абдулла Қодирий ва Кичик ҳалқа йўли кўчалари, 2-қисми Машинасозлар бошбекати ва Авиасозлар ҳамда Қорасув 2-кўчалари оралиғида жойлашган. Уз. 2,5 км атрофида. 20-а.нинг бошларида ташкил топган. 1993 й. 23 дек.дан таниқли ўзбек адиби *Элбек* номи б-н юритилади. Йўналишида В.П. Чкалов номидаги Т. авиация и.ч. бирлашмаси, «Чкалов» ва «Машинасозлар» метро бекатлари, шу номдаги бошбекат, «Тошкент дон маҳсулотлари» АЖ, «Ғаллаалтег» ОАЖ, савдо, умумий овқатланиш ва ёнилғи қуйиш шо-

хобчалари, турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Алимкент, Паҳлавон Маҳмуд 2-тор кўчаси б-н туташган.

ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ (Амир Темура шохкўчаси, 6) – ОАЖ. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси таркибида. 1914 й.да ташкил қилинган ва Ташгострам деб аталган. 1917 й.дан ТашГЭС-трам, 1930 й.дан ТашГЭСнинг таркибий бўлинмаси, 1967 й.дан Тошшаҳар электр тармоқлари корхонаси (Тошшаҳар ЭТК), 1988 й.дан Т. кабель электр тармоғи (ТашКЭТ), 1991 й.дан яна Тошшаҳар ЭТК. Саноат корхоналари ва коммунал-маиший корхоналарини электр б-н таъминлайди, электр тармоқларига таъмирлаш-эксплуатация ва шошилинч хизмат кўрсатади. Таъмирлаш-эксплуатация ва б. турдаги хизматларни ташкил этишда Э.т.к. 11 туман электр тармоқлар (ТЭТ)га бўлинган. Электр энергиясининг сарфланишини назорат қилиш ва истеъмолчилар б-н ҳисоб-китоб ишларини Э.т.к.нинг энергиясотиш бўлими амалга оширади.

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ – Т.да дастлабки электр ст-ялари 20-а. бошларида вужудга келган. 1909 й. 5 дизели (қуввати 1459 квт) электр ст-я (дастлабки электр трамвайни ишга тушириш учун) қурилган. Шаҳарни электр б-н ёритиш 1912 й.дан бошланган. Электр манбаи – Павлов электр ст-яси (қуввати 140 квт ли битта ўзгармас ток дизелидан иборат ст-я) эди, 1917 й. охирига бориб электр ст-я қуввати 300 квт га етказилган. 1918 й. ёнилғи б-н ишлайдиган шаҳар электр ст-ялари ва бирлашмалари национализация қилинди. М-злашган шаҳар Э.т.нинг бошланиши *Бўзсув ГЭС* 1-навбати

(1926) ва 30 та трансформатор пунктига эга бўлган 6 кВ кучланишли ўзгарувчи ток кабель тармоғининг ишга туширилиши б-н боғлиқ. Т.ни реконструкция қилиш бош планини амалга ошириш б-н боғлиқ бўлган саноат корхоналари, маиший-коммунал ва маданий-маърифат муассасалари ва б. қурилишларнинг ўсиши электр энергиясини шаҳар истеъмолчиларига 10 кВ кучланишли икки тармоқли схемада узатишни тақозо этарди. Шу боисдан Т.да электр узатиш тармоқлари қуриш ишлари амалга оширилди. Қуввати 35 кВ ли биринчи – Қодирия-Шарқий Тошкент кичик ст-яси 1933 й. қурилган, 220 кВли Қайроққум ГЭС (Тожикистон) – Қўйлиқ (Тошкент) линияси 1958 й. ўтказилган. 110 кВ ли биринчи кабель линияси – «Жануб-Кафанов» 1984 й. қурилган.

Ҳоз. даврда шаҳарнинг асосий Э.т. манбалари: Тошкент ГРЭС, *Тошкент иссиқлик электр маркази* (22,5 МВт электр, 828 Гкал иссиқлик энергияси), *Тошкент ГЭСлар каскади* (30 минг квт га яқин). Т.нинг Э.т. тизими 70 кичик ст-я, умумий қуввати 3022 минг кВА бўлган трансформаторлар, 4675 тақсимлаш ва трансформатор пунктлари, 6998 км кабель ва 2507 км электр ҳаво йўллари (кучланиши 0,4–110 кВ)ни ўз ичига олади. Т. саноати ва маиший-коммунал хўжаликларининг ўртача суткалик электр энергияси истеъмоли – 13,6 млн. квт-с га яқин. 2008 й. жами 44 млрд. квт-с электр энергияси сарф қилинди.

ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси ФА У.Орифов номидаги Электроника институти (Дўрмон йўли кўч., 33) – 1967 й.

Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-тининг электроника бўлими асосида Тошкент ш.да ташкил этилган. 1977 й. ин-тга унинг асосчиси У.Орифов номи берилган. Ин-тининг асосий илмий йўналишлари физика фанининг эмиссион электроника ва сирт физикаси бўлиб, улар электрон техника, материалшунослик (жумладан, термоядро ва космик материалшунослик), илмий асбобсозлик, микро- ва наноэлектроникани янада ривожланишида муҳим роль ўйнавчи и.т.ларни ўз ичига олади. Ин-тда 8 лаб., физика ва физика-техника соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлашга мўлжалланган «Электроника» илмий-ўқув м-зи (1988 й.дан), кутубхона (42 мингдан ортиқ асар) мавжуд. Ин-тда аспирантура, докторантура, д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 150 илмий ва муҳандис техник ходим, жумладан 2 акад., 6 фан д-ри, 29 фан номзоди ишлайди. Ин-т Германия, Франция, Австрия, Италия, Буюк Британия, АҚШ, Япония, Россия, Украина ва б. мамлакатлар и.т. марказлари б-н илмий ҳамкорлик қилади. Ин-тда У.О.Орифов хотирасига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган (1984).

ЭЛИКБОШИ – ҳарбий-маъмурий унвон. Туркистон хонликларида, хусусан, Т.да қуйи маъмурий лавозим; 50 аскарга бошчилик қилувчи мансабдор шахс. *Мингбоши* томонидан тайинланган. Т. чор Россияси томонидан босиб олинган, шаҳарлик уй эгалари томонидан, генерал-губернаторнинг кўрсатмаси бўйича маълум миқдордаги уйлар сонидан (10–50 уйдан) биттадан Э. сайланган. Э. қозиларни сайла-

ган ва аҳолидан солиқлар ундирган. Э. лавозими шўролар даврининг дастлабки йилларида маҳалла к-тининг раиси сифатида сақланиб келди, сўнгра барҳам топди.

ЭНДОКРИНОЛОГИЯ МАРКАЗИ, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббий маркази (Мирзо Улуғбек кўч., 56) – 1957 й. Тошкентда Ўлка тиббиёти и.т. институти номи б-н ташкил топган. Дастлаб ин-т таркибида 100 ўринли стационар ташкил қилиниб, унда умумий эндокринология, гастроэнтерология, радиология, касб касалликлари ва реанимация бўлимлари фаолият кўрсатган. 1989 й.дан Эндокринология и. т. институти деб аталган. 2007 й.дан ҳоз. номда. М-з эндокрин без касалликларини экспериментал ва клиник усуллар ёрдамида ўрганади ва даволайди.

М-зда 6 илмий лаб., ташкилий-услубий бўлим, кутубхона, виварий ва 246 ўринга мўлжалланган клиника бор. Клиникада 12 бўлим радиоиммун ва марказий клиник-ташхис лаб.лари, маслаҳат-ташхис поликлиникаси, биокимёвий лаб., функционал диагностика, ядро тиббиёт бўлими, дорихона, рентген, ультратовуш ташхиси, гастродуоденоскопия ва стоматология хоналари бор.

М - з д а
543 ходим,
жумладан, 3
проф., 7 фан
д-ри, 15 тиб-
биёт фанла-
ри номзоди
ф а о л и я т

Ўзбекистон ФА
Энергетика ва
автоматика
институти.

кўрсатади. Йилига 6 мингга яқин беморларга стационар, 60 мингдан ортиқ беморларга амбулатор хизмат кўрсатилади.

М-з Тошкент тиббиёт педиатрия ин-тининг болалар эндокринологияси ва Т. врачлар ма-лакасини ошириш ин-тининг эндокринология каф.лари учун клиник база ҳисобланади.

Марказда д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш бор. Россия, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Япония ва б. давлатларнинг таниқли олимлари б-н яқин илмий алоқалар ўрнатилган.

ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика институти (Дўрмон йўли кўч., 29) – 1941 й. Энергетика ин-ти номи б-н Т.да ташкил этилган. 1956 й.дан Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-ти, 1963 й.дан Ўзбекистон Энергетика ва автоматика и.т. ин-ти деб аталган. 1981 й.дан ҳоз. номда. Ин-тда респ. ёнилғи-энергетик мажмуасининг долзарб муаммоларини ечиш, замонавий энергия ва ресурс тежамкор технологиялар ишланмаларини яратиш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш, энергия тежамкорлиги муаммосининг илмий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш ва б.



йўналишлар бўйича и.т.лар олиб борилади. Ин-тда 11 лаб., кутубхона (31 минг асар), респ.да ягона нодир объект «Юқори кучланишлар ва катта тоқлар м-зи», замонавий компьютерлар ва дастурий воситалар жиҳозланган ва интернетга тез уланидиган «Энергетикада ахборот технологиялари м-зи» бор. Ин-тда аспирантура ва ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 32 илмий ходим, жумладан 1 акад., 4 фан д-ри, 11 фан номзоди ишлайди.

ЭПИДЕМИОЛОГИЯ, МИКРОБИОЛОГИЯ ВА ЮКУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва юкумли касалликлар илмий тадқиқот институти (Решетов кўч., 2) – 1961 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. Ин-т республикада юкумли касалликларга қарши курашиш ишларини мувофиқлаштириш м-зи ҳисобланади. Ин-т таркибида эпидемиология, микробиология, клиник, ўта хавфли юкумли касалликлар ва б. бўлимлари, сурункали юкумли касалликлар жараёнини ўрганиш ва протозой касалликлари лаб.лари, илмий кутубхона, марказий стерилизация бўлими, дорихона, виварий ва б. бор. Ин-тда юкумли ва паразитар касалликларнинг эпидемиологияси, микробиологияси ва клиникаси, олдини олишга оид илмий изланишлар олиб борилади. Ин-тнинг 206 ўринли клиникасида реанимация, қабулхона ва 7 клиник бўлим, TORCH, бактериологик, биокимёвий, клиник диагностика ва экспресс диагностика лаб., шунингдек, физиотерапия, стоматология, эндоскопия ва рентген хоналари ҳамда консультатив диспансер

бўлимлари мавжуд. Клиникада вирусли гепатитлар, ичак инфекциялари, бруцеллёз, гижжа ва паразитар касалликлари, безгак, тиф-паратифлар б-н оғриган беморлар (катталар ва болалар) даволанади.

Ин-т ҳузурида д-рлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш фаолият олиб боради.

Ин-тда Тошкент тиббиёт академиясининг юкумли ва тропик касалликлар, Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг эпидемиология ва юкумли касалликлар ҳамда Врачлар малакасини ошириш ин-тининг болалар юкумли касалликлари каф.лари фаолият кўрсатади.

«ЭСКИ ЖАРАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Жарариқ, 1^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Ипакчи», «Ўзбекистон», Ибн Сино, «Шодлик», «Оқтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1932–38 й.ларда ташкил топган бўлиб, «Жорий» номи берилган. 1939–54 й.ларда Калинин тумани Калинин жамоа хўжалиги ва «Жарариқ» маҳалласи деб аталган. 1994 й. шаҳар ҳокимлигининг қарорига кўра маҳалла Зангиота туманидан Шайхонтоҳур туманига ўтказилган. 1974–2009 й.ларда маҳалла жамоа хўжалиги раиси Ёқуб Зияев номи б-н аталган, 2009 й. 22 апр.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3189 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида болалар боғчиси, озик-овқат дўкони, новвойхона, устахона мавжуд.

ЭСКИ ТОШКЕНТ (Юқори Тошкент) – қад. Шош вилоятига қарашли шаҳар номи. Т. вилоятининг ғарбида, Сирдарёнинг ўнг қирғоғида, ҳоз. Чиноз ва Нўғайқўрғон оралиғида, «Пахта» т.й. бекатида, Чирчиқ бўйидаги баланд текисликда жойлашган.

Қадимда «Иско Тошканд» деб аталган («Иско» суғдча – «юқори»), рус муаррихи П.И.Пашиннинг ёзишича, қад. шаҳар ўрнида битта кўча бўлиб, у Қуюмарс деб аталган. Чоризм истилосидан кейин Э.Т. ҳудуди Чиноз тумани таркибига киритилган (яна қ. *Шутуркет*).

ЭСКИ ШАҲАР – Т.нинг шим.ғарбидаги тарихий қисми; шаҳар чор Россияси томонидан босиб олинганга қадар (1865 гача) унинг ҳудудини ташкил қилган. Э.ш. номи Т.да *Янги шаҳар* вужудга кела бошлагандан сўнг ишлатиладиган бўлди. Э.ш. ҳудуди катта майдонни ишғол қилиб, шим.дан Кайковус канали, шарқдан *Анҳор* канали, ғарбдан Кўкча канали, жан.дан Зах канали б-н чегараланган. Шакллана бошлаши 9-а.га оид (қ. *Бинкат*). 10-а. шаҳарсозлигида арк, шаҳристон (ички шаҳар), ички ва ташқи рабод ажралиб турган. Шаҳар бир неча дарвозали баланд девор б-н ўралган. Дарвозалар сони ва уларнинг номи вақт ўтиши б-н ўзгариб турган. Ҳар бир дарвозанинг бир жуфтдан темир ҳалқаси ва калити бўлган (қ. *Шаҳар дарвозалари*, *Шаҳар дарвозалари калитлари*). Ҳар бир дарвозадан шаҳар м-зи, яъни Эскижўва бозори томонга йўллар кетган. Йирик бинолар 15-а. 2-ярми – 16-а. 1-ярмида бунёд этилган (қ. *Меъморлик ва шаҳарсозлик*).

19-а. охирларидан Т. Туркистонда энг йирик шаҳарга айланганида Э.ш. ҳудуди 1,5 минг гектарни ташкил қилган.

Маъмурий жиҳатдан Э.ш. 4 даҳага – Бешёғоч, Кўкча, Себзор, Шайхонтоҳурга бўлинган. Ҳар бир даҳанинг ўз ҳокими бўлган. Т. Кўқон хонлигига қарашли бўлган даврда шаҳарни бекларбеги бошқарган. *Тур-*



кистон генерал-губернаторлиги ташкил этилгач (1867), Э.ш.ни шаҳарнинг нуфузли кишилари ёрдамида рус маъмурияти бошқара бошлади (қ. *Шаҳар думаси*). 19-а. охиридан бошлаб Э.ш. худуди аста-секин кенгайиб борди. Шаҳар деворлари шаҳар худуди ичида қола бошланди ва вақт ўтиши б-н бузиб ташланди. Турар жой биноларини қуришда пишиқ гишт ҳам ишлатилганди бўлди. Европа меъморлиги услубидаги савдо бинолари қад кўтарди. Э.ш. бозори атрофида маҳаллий бойлар ва саноатчиларнинг савдо корхоналари ташкил топди (қ. *Саноатчи сармоядорлар*). Бешёғочда кушхона қурилди. Мада-

маси Э.ш.нинг 17 кўчасига ном берди: кўчалар Шайхонтохур, Тахтапул, Чигатой ва б. номлар б-н аталди. Кўчаларга 100 га яқин ис чироқ ва керосинли фонуслар ўрнатилди. 1884 й. Шайхонтохурда рус-тузем мактаби очилди. Бу мактаб фақат Т.да эмас, балки бутун ўлкада биринчи шундай мактаб бўлди. 1910 й.га келиб, Э.ш.да 146 минг аҳоли яшайдиган 21 минг турар жой мавжуд эди.

1917 й.дан бошлаб Э.ш. б-н Янги шаҳар расмий равишда маъмурий бирлик деб ҳисобланди. 1929 й. Янги шаҳар ва Эски шаҳар бирлаштирилди. Т. Ўзбекистон пойтахти бўлгач (1930), бутун шаҳар миқёсида янги маъ-

Эски шаҳар (19-а.нинг 2-ярми).

муассасалари ҳам ташкил этилди. 1883 й. Ҳадра маҳалласида Т.да биринчи аёллар ва болалар амбулаторияси очилди (қ. *Соғлиқни сақлаш*). Ўша йили Шаҳар ду-

«ЭСКИ ШАҲАР» МАҲАЛЛАСИ

(Сақичмон кўч., 1) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Чустий ва «Чигатой дарвоза» маҳаллалари б-н чегарадош. Ушбу ном б-н 1998 й. рўйхатдан ўтган. 19-а.нинг охири – 20-а. бошларида 4 та: «Ўзганд», «Каллахо-на» (Калонхона), Муқимий ва «Пичоқчилик» маҳаллаларидан иборат бўлиб, 1998 й.да уларнинг бирлашишидан ҳоз. маҳалла вужудга келган. Маҳалла худудида Шоҳ Азиз Авлиё, Тўхтабой масжидлари жойлашган. Аҳолиси 5583 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, уйғур ва б. миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида 2 болалар боғчаси, мактаб, «Дори-дармон назорати» идораси, 2 озик-овқат дўкони, «Хумо» ва «Лангар» тўйхоналари ва б. бор. Маҳаллада акад. Халим Усмонхўжаев, ёзувчи Мирмуҳсин яшаган.

ЭСКИЖЎВА – Себзор даҳасидаги қад. маҳалла. Охунгузар, Жангоҳ, Пуштихаммом, Тинчоб маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Қарийб 100 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, савдо-сотик б-н шуғулланган. Карвонсарой, чойхона, мадраса, масжид, баққоллик дўконлари ва б. бўлган (20-а. боши).

ЭСКИЖЎВА ДЕҲҚОН БОЗОРИ, Эски шаҳар бозори, Чорсу бозори (Бозор майдони, 28) (Ўртаосиёлик тарихчи Наршахий асарида «жуба» – бозор майд. маъносида) – бозор қадимги Т. шаҳристонида туташ бўлган (кейинчалик Қўшбозор номини олган, бу ер Регистон деб ҳам аталган). Ўтган асрларда бозор чет мамлакатлардан карвонлар келиб-кетадиган йирик савдо манзили бўлган. Шаҳарнинг барча дарвозаларидан йўллар бозорга келиб ту-



Эски шаҳар бозори (тим).



Эскижўва деҳқон бозори.

ташган. Атрофи *карвонсарой*, омборхона, устахоналар: чилангар, кулол, заргар, тўқувчи, дўппидўз ва б. ҳунармандларнинг дўконлари, уй-жойлари б-н ўралган. Бозор атрофидаги кўчалар ва жойларнинг сақланиб қолган номлари шаҳарда қандай ҳунармандлар яшаганлигидан далолат беради. *Эски шаҳар* бозори савдо-сотик ва ҳунармандчилик м-зи бўлибгина қолмай, айти пайтда барча хабарлар тарқатиладиган м-з ҳам эди. Бу ерда жарчилар фармонлар, муҳим хабарларни эълон қилган (қ. *Бозорлар*).

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиххўжанинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асарида (19-а. ўрталари) ёзишича, Жуба бозорининг дўкон-расталари Чорсудаги қандолатпазлик дўконигача давом этган. Рамазон ойида бу ерда тунги бозор ишлаб, унда



Бозордаги мева растаси.

дор ўйинлари, чойхоналарда кулги-ҳазил саҳналари уюштирилган (қ. *Бозоршаб*). Бозорнинг гавжумлигини назарда тутиб, фабрикачи ва саноатчи бойлар 19-а. 2-ярмидан бошлаб бу ерда ўз дўконлари, омборлари ва идораларини қурдилар. Шарқ бозорининг ўзига хос қиёфаси Кўкалдош мадрасаси, Жоме масжид, Хўжа Аҳрор мадрасаси б-н уйғунлашиб кетган эди. 20-а. бошида бозорнинг уз. шим.дан жан.га 800 м бўлиб, эни 500 м чамасида эди. Бозор тим ва расталар (4500 дўкон)дан иборат бўлган. Ҳар бир растага мол сифатини ва нархини назорат қилиб турадиган раста оқсоқоли сайланган.

1950-й.лардан бозорда реконструкция ишлари амалга оширилди. Қ.х. маҳсулотлари дўконлари, миллий ҳунармандчилик буюмлари тайёрланадиган ва сотиладиган дўконлар ишлади. 1990-й.ларда Э.д.б. ҳудудида гумбазсимон ёпиқ бозор биноси қурилди (1990). Унда сабзавот-

мева маҳсулотларини мўътадил ҳароратда сақловчи омонатхоналар мавжуд. Гумбаз ости ҳавоси кондиционерлар ёрдамида мўътадиллаштирилган.

Э.д.б. – 1996 й.дан ОАЖ. Бозорда 2004 й.да қўшимча павильонлар қурилди, 2005, 2007 й.ларда қайта реконструкция қилинди. Ум. майд. 148195 м², савдо ўринлари сони 3200 та, шундан қ.х. маҳсулотлари учун ажратилган ўринлар 2223 та. Европа ва Шарқ меъморий услубларида қурилган бу ёпиқ бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулайликлар яратилган. Бозорнинг Оқтепа даҳасида «Оқтепа», Ибн Сино даҳасида «Ибн Сино», Кичик ҳалқа йўли ва Келес йўли кўчалари чорраҳасида «Чинор» шохобчаси фаолият кўрсатади. Э.д.б. яқинида «Чорсу» метро бекати, *Чорсу майдони*, *Чорсу буюм бозори* ва б. бор.

«ЭШОНГУЗАР» ЖОМЕ МАСЖИДИ (Каттабоғ кўч., 58) – *Беш-ёғоч* даҳаси ҳудудида жойлашган меъморий ёдгорлик (1870). Кексаларнинг хотирлашича, масжид ҳашар йўли б-н қурилиб, нафақат ибодат м-зи, балки илм-маърифат ўчоғи ҳам бўлган. Бу ерда уламолар, эшонлар илмий давра қуриб, шариат масалаларини ечганлар. Шунга биноан, бу ер Эшонгузар номини олган, деб тахмин қилинади. Масжидда 1919–20 й.ларда фикҳ олими Мулла Ражабота ва унинг ўғиллари Алижон домла имомлик қилган. Машҳур табиб Боситхон ибн Зоҳидхон ибн Муҳаммад Содикхон Шоший, Абдулла Қодирий ва Фулом Зафарийлар шу ерда таҳсил олишган. Шўролар даврида, 1936 й. ёпилиб, турли идоралар (клуб, тамаки ф-каси ва монтаж-таъмирлаш корхонаси) ихтиёрига бе-

рилган. Мустақилликдан сўнг, харобага айланган бино ҳашар йўли б-н таъмирланган. 90-й.ларда фаолиятини бошлаб, 1998 й. 30 сент.да рўйхатдан ўтган.

«ЭШОНГУЗАР» МАҲАЛЛАСИ (Каттабоғ кўч., 33^а-уй) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Сузукота», «Зангиота», «Каттабоғ», «Камолон», «Янги Камолон» маҳаллалари б-н чегарадош. Т.нинг қад. маҳаллаларидан. Маҳалла ҳудудида, илми, маърифатпарвар уламолар етишиб чиққанлиги учун «Эшонгузар» деб атала бошлаган. 1996 й. «Юнус Ражабий» ва «1-Май» маҳаллалари негизида «Эшонгузар» маҳалла фуқаролар йиғини ташкил топган. Аҳолиси 5774 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Эшонгузар» ошхонаси, озик-овқат дўконлари, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-и.ч. бош бошқармаси ва б. мавжуд.

ЭШОНОТА ҚАБРИСТОНИ (Ҳамза тумани, Чўлпон кўч.) – майд. 3,51 гектар. 1950 й.дан мавжуд. Қабристонга дастлаб бир неча эшонлар дафн этилганлиги сабабли «Эшонота» номи берилган. Қабристон ёнида «Эшонота» жоме масжиди жойлашган.

ЭШОНҚУЛИДОДХОҲ МАДРАСАСИ (рус манабаларида Шайхонтохур мадрасаси) – *Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси* таркибидаги йирик мадраса (1840). Т. ҳокими *Лашкар қушбегининг* ўғли, Туркистон ҳокими Эшонқулидодхоҳ томонидан *Юнусхон мадрасасининг* жан.-шарқида, Катта кўча (ҳоз. Навоий кўч.)га туташ ерда қурдирилган. Мадраса Шайх Хованди Тоҳурнинг Олтунлик масжиди ёнида, қад. Лангар ҳовузи атрофида тўрт тарафдан бир-бирига қаратиб солинган бинолардан таркиб топган. Ўртада қолган Лангар ҳовузи эса Эшонқулидодхоҳ буйруғи б-н тўлдирилиб, мадраса саҳнига айлантирилган ва эва-

зига Юнусхон мақбараси ғарбида бир таноблик янги ҳовуз барпо қилинган. Мадраса шаҳардаги иқтисодий жиҳатдан энг яхши таъминланган мадрасалардан бири бўлиб, унга кўплаб дўконлар, тегирмонлар, ерлар ва б. кўчмас мулклар вақф қилинган.

20-а.нинг 60-й.ларигача турли муассасалар ихтиёрида бўлиб келган Э.м. кейинчалик қаровсиз қолиб харобага айланган, унинг охириги қолдиқлари 1964 й.га келиб йўқ бўлиб кетган.

ЭШОНҚУЛОВ Абдусаттор (1916.10.2–1997.9.12) – 2-жаҳон уруши қатнашчиси, майор. Т. тўқимачилик ком-тида уста ёрдамчиси бўлиб ишлаган. 1937 й.дан армияда. 1944 й.дан 62-штурмчи авиация полки (2-Белоруссия fronti) звено командири. Э. 1945 й. апр.гача 100 марта жанговор парвоз қилиб кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган (1945.18.8). Урушдан кейин ҳарбий ҳаво кучлари авиация қисмида хизмат қилган.

ЮГАНТЕПА – шаҳар харобаси (4–13-а. боши). Янгийул ш. жанубида, Ниёзбоши қ. шим.-шарқида жойлашган. Дастан (1934) Г.В.Григорьев қайд этган. Сўнгра Тошкент вилояти ўлкашунослик музейи (1953–54), Ю.Ф.Буряков (1967–70) текширган. Ю. ҳудудида дастан (Қовунчи II даврида) юмалоқ шаклдаги истехком қад кўтарган, унинг атрофида 6–7-а.ларда атрофи девор б-н ўралмаган йирик қишлоқ вужудга келган. Араблар истилоси даврида вайрон бўлган, кейинчалик, 9–10-а.лардан қайта тикланган, атрофи мустаҳкам девор б-н ўралган; марказий кўчалар бўйлаб турар жой, хунармандчилик (куллочилик, хумдонлар, темирчилик) устахоналари жойлашган. Умумий майд. 20 гектар. 12–13-а. бошида Ю.да ҳаёт равнақ топган, лекин мўғуллар босқини туфайли вайрон бўлган. Ўрта асрларда Ю. ўрнида *Данфигонкат ш.* бўлган.

ЮГНАКИЙ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида. «Аҳмад Югнакий» даҳасига олиб борадиган асосий кўча. Буюк ипак йўли кўч. б-н Аҳмад Югнакий даҳаси ораллигида. Уз. 2 км атрофида. 20-а.нинг 80-й.ларида ташкил топган. 2008 й. 2 сент.дан шоир, мутафаккир Аҳмад Югнакий (12-а. охири – 13-а. 1-ярми) номи б-н юритилди. Йўналишида Тошкент трактор з-ди, Нейрохирургия м-

зи, ширкат хўжалиги, спорт мажмуаси, кийим бозори, дорихона, мебель магазини, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, кўп қаватли турар жой бинолари, уй жой мулкдорлари ширкати ва б. жойлашган. Қорасув канали б-н кесишган.

ЮЗБОШИ – Туркистон ўлкасидаги хонликларда, хусусан Т.да ҳарбий-маъмурий лавозим; 1) юз нафар отлик аскар бошлиғи; 2) маҳалла оқсоқоли. Т. чор Россияси томонидан босиб олингандан кейин эса маҳаллага *элликбоши* бошчилик қилган. Маҳалла аҳолисининг умумий йиғинларида сайланган.

ЮЗРАБОТ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида. Феруза кўчаси б-н «Тракторсозлар» бошбекати ораллигида. Уз. 2,5 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 2005 й. 28 апр.дан Ю.к. деб юритилди. Жойнинг юқори қисмида Қибрай туманига қарашли Юқориюз қишлоғи бўлгани учун, унга уйғунлаштирилиб шу ном қўйилган. Йўналишида Тракторсозлар шаҳарчаси, ТТЗ-1-, 2-, 4-турар жой мавзелари, «Капиталбанк» ва «Ипотекабанк» амалиёт бошқармалари, шаҳар касбхунар таълими м-зи, истироҳат боғи, ресторан, ёнилғи қуйиш шохобчаси, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Мустақил-

лик йиллари кўчада кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

«ЮЗРАБОТ» МАҲАЛЛАСИ (ТТЗ-1 мавзеси, 7^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Тракторсозлар», «Азамат», Мунавварқори маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й. ташкил топган. 1988 й. «Навбахор» деб аталган. 2006 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 5150 киши, кўп миллатли, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида «Юзработ» спорт мажмуаси, ўрта мактаб, болалар боғчаси, тикув цехи, дорихоналар ва б. мавжуд.

ЮНУС РАЖАБИЙ – қ. *Ражабийлар.*

«ЮНУС РАЖАБИЙ» – Юнусобод йўлидаги метро бекати. Мустақиллик ва Хоразм кўч. кесишган ерда жойлашган. 2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган (меъмори А.Адилова, муҳандислари В.Журавлев, О.Зокиров). Акад. Юнус Ражабий номига қўйилган. Метро бекатининг ер ости вестибюли ва йўловчилар зали орқали Юнусобод йўлидан Чилонзор йўлининг «Амир Темур хиёбони» метро бекатига ўтиш мумкин. Бекат устунли қилиб қурилган. Йўловчилар зали янги конструктив ечимга эга бўлиб, йиғма-монолит элементлардан миллий услубда ишланган. Деворлари,



«Юнус Ражабий» метро бекати.

устунлар оқ мармар б-н қопланган, юқори қисми декоратив шишадан ишланган. Бекатни безатишда мармар, гранит ва шишадан фойдаланилган.

ЮНУС РАЖАБИЙ КЎЧАСИ – шаҳар м-зида жойлашган кўчалардан бири. Афросиёб ва Восит Воҳидов кўчалари оралиғида. Уз. 1 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида бу ерда чор Россиясининг ҳарбий батальонлари жойлашган. Совет даврида кўча ташкил этилиб, унга дастлаб Шелковичний, 1964 й. 24 ноябрда Герман Лопатин номи берилган. 1993 й. 13 сент.дан Ўзбекистон халқ артисти, акад. Юнус Ражабий (қ. *Ражабийлар*) номи б-н юритилади. Йўналишида Юнус Ражабий, Абдулла Қаҳҳор уй музейлари, «Туркистон» меҳмонхонаси, савдо шохобчалари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган.

ЮНУС РАЖАБИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ракатбоши кўч., 36) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Тепа», «Туркистон» маҳаллалари ва Юнусобод, Чилонзор туманлари б-н чегарадош. 1980-й.лардан шу маҳаллада яшаган акад. Юнус Ражабий номи б-н аталган. Аҳолиси 4734 киши, 24 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Президент девонхонаси, Оқсарой, Респ. ички ишлар вазирлиги, Интерпол,

ваколатхоналари, Республика кўғирчоқ т-ри, болалар мусиқа мактаби ва б. мавжуд. Маҳаллада халқ артисти Ҳалима Носирова, ёзувчи Абдулла Қаҳҳор, Иброҳим Раҳим, акад.лар Юнус Ражабий, Обид Содиқов, Саъди Сирождидинов ва б. яшаб ўтган.

«ЮНУСОБОД» (Амир Темур шоҳкўчаси, 8-мавзе) – «Гулираъно» хусусий фирмасига қарашли ресторан. «Тошгипрогор» инти лойиҳачилари томонидан тайёрланган лойиҳа асосида 2006 й. Европа ва ўзбек миллий меъморчилиги анъаналарини уйғунлаштириб қурилган. Бино қурилишида мармар, гранит, шиша, алюминий, ёғочдан фойдаланилган. Ич томони витраж, керамика, металл, ёғоч б-н безатилган. Рестораннинг 2 та зали (450 ва 200 ўринли) бор. Тўйлар, анъанавий ош маросимлари, зиёфат ва ш.к. катта тадбирлар ўтказишга мўлжалланган. Юқори малакали ошпазлар ва официантлар хизмат қилади. Миллий таомлар б-н бирга уйғур, корейс, кавказ ва европа таомлари ҳам тайёрланади.

ЮНУСОБОД ДАҲАСИ – шаҳарнинг шим.да – Юнусобод туманида жойлашган. Бўзсув ва Қорақамиш канали, Катта ҳалқа йўли ва т.й. йўналиши оралиғида. Қад. да Хитой, Россия ва Дашти Қип-

чоқдан Т.га келадиган карвон йўли айнан шу даҳадан ўтган. 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг ҳудуд шаҳар тасарруфига олиниб, 1967 й. лойиҳалаш ва қурилиш ишлари бошланган (лойиҳа муаллифлари В.А.Азимов, С.Р.Беркович ва б.). Дастлаб «Север» массиви деб номланган. 1972 й.нинг 25 апр.дан бошлаб Ю.д. деб юритилади. Даҳада, асосан, 4 ва 9 қаватли турар жой бинолари қурилган, шунингдек, айрим мавзеларида якка тартибдаги уйлар ҳам бор. Хиёбонлар, яшил майдонлар, боғлар радиал-ҳалқали «яшил структура»си барпо этилган. Даҳада маиший хизмат кўрсатиш объектлари, спорт муассасалари мажмуалари, маданий-маърифий бинолар ва ҳ.к. мавжуд. *Юнусобод Оқтепаси* археологик ёдгорлиги сақланган.

ЮНУСОБОД ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Юнусобод тумани, 3-мавзе) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилувчи йирик бозорлардан бири. 1974 й. ташкил қилинган. 1996 й.дан ОАЖ. «Тошбозор-тайёрловсавдо» уюшмаси тизимида. 1998 й. бозор «Тошгипрогор» ин-ти лойиҳаси асосида қайта қурилди. Бозорнинг умумий майд. 38011 м². 1894 савдо жойи бўлиб, шундан 1626 таси қ.х. маҳсулотлари савдоси учун ажратилган.

Бозорда, асосан, сабзавот, полиз маҳсулотлари, қуруқ ва ҳўл мевалар, гўшт, сут маҳсулотлари, нон ва нон маҳсулотлари, қандолатлар, зираворлар, кўкатлар, гуллар б-н савдо қилинади. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида маҳсулотлар турлари учун алоҳида расталар ажратилган.


Бозорнинг Юнусобод тумани мавзеларида 16 та шохобчаси бор. Бозор ҳудудида 2 та

новвойхона, 20 дан ортиқ савдо дўкони, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.

«ЮНУСОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Дўстмухамедов 5-тор кўча, 4) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Акбаробод, «Отчопар-1», «Отчопар-2» маҳаллалари б-н чегарадош. 1970–80 й.лардан бошлаб «Ю.» м.га асос солинган. Номи *Юнусобод даҳасига* нисбатан олинган. Аҳолиси 3280 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2-юқумли касалликлар касалхонаси, 5-теританосил диспансери, 41-оилавий поликлиника мавжуд.

ЮНУСОБОД ОҚТЕПАСИ – археологик ёдгорлик, шаҳар харобаси (5–13-а. боши). Т.нинг шим.шарқий қисмида, Оқтепа канали бўйида жойлашган. Даствлаб, 1886 й. В.П.Наливкин қайд қилган. 1940–41 й.ларда А.И.Тереножкин қисман қазишмалар олиб борган. 1975 ва 1977–83 й.ларда *Тошкент археология экспедицияси* ўрганган. Жан.томони баландроқ тепалик кўринишидаги арк ва қишлоқ (100 га)дан иборат. Арк харобалари (86x180 м) шим.дан жан. томонга чўзилган ва қишлоқдан чуқур жарлик (арк атрофидаги хандақ ўрни) б-н ажратилган. Аркка ёндошган кенг ҳовли ва унинг жан. қисмида арк харобалари жойлашган бўлиб, қазиш вақти-

Юнусобод Оқтепаси (қаср лойиҳаси).



да хом гишт ва пахсадан қурилган, меъморий жиҳатдан яхши сақланган бинолар қолдиқлари очилди. Мажмуада қурилиш 3 босқичда амалга оширилганлиги аниқланди. Биринчи босқичдан (5–6-а.лар) қальанинг ички қисмидаги бир неча хона ва йўлаклар сақланиб қолган. Қишлоқдаги ҳаётнинг сўнгги даври (7–8-а. боши)га оид ансамбль баланд қаср (майд. 80x80 м), ҳовли ва қаср этагида жойлашган сарой типидagi иншоотдан иборат. Ансамбль мудрофаа девори ва хандақ б-н ўралган. Қасрга ғарб томондаги хандақ устига қурилган осма кўприкдан кирилган. Кўприкдан ўтилгач, лабиринт кўринишидаги дарвозага, сўнгра ҳовлига кирилган. Дарвозалар олдида кўриқчилар хонаси, шим.да саройсимон иншоот, қаср жойлашган. Қасрга квадрат минора орқали пандус б-н кўтарилган. Қаср икки қатор йўлаклар б-н ўралган. Устки қатор йўлаклар бурчакларида думалоқ гумбазли хоналар бўлиб, улар ташқаридан айлана минорага ўхшаб кўринган. Қасрнинг ичи икки қисмга бўлинган. Ғарбий қисм бурчагида икки қаватли баланд минора – мўла қад кўтарган. Пастки қаватда гумбазли учта йўлак, юқорида – деворий расмлар б-н безатилган зал жойлашган. Шу ерда оташпарастларнинг икки хонали саждагоҳи,

қўшимча ёндош хоналар жойлашган.

Асосий хонанинг деворлари тагида супалар, м-зда оташгоҳ бўлиб, унинг усти ёғоч б-н рамзий ёпилган. Қуёш нурларидан муҳофаза қилинган яланг деворли хона зардуштийлар оташгоҳи талабларига мос равишда бунёд этилган. Бу қисм м-зида куб кўринишидаги маҳобатли бино қад кўтарган, унинг усти гумбаз б-н ёпилган, деворлари қалин бўлган, ичида супалари – новуслар жойлашиб, уларга зардуштийлар удумига кўра остадонлар кўйилган. Қасрнинг шарқий қисмида хўжалик (ошхона, узум эзадиган қурилма, тандирлар) ва омборхоналар жойлашиб, улар узун, икки қаватли йўлак кўринишида бўлган, у ердаги супаларга хумлар кўйилган. Қасрдаги йўлакларда шу давр учун хос бўлган шинактуйнуклар бўлмаган, уни мудрофааси йўлакларга ўрнатилган усти том кунгуралари ортидан амалга оширилган. Омборхоналар ва минора тепасига зинапоя б-н чиқилган, у ерда майдонча бўлган, натижада қаср зинапоясимон ташқи қиёфа кўринишини олган. Ҳовлидаги сарой мажмуаси учта йирик зал, кенг ҳовли ва ички хоналардан ташкил топган. Заллар усти ёғоч тўсинлар б-н ёпилган,

Юнусобод Оқтепасининг сақланган қисми.



уларнинг бир қисми қулаб тушган ҳолатда сақланган. Деворлар рангли, нақшинкор сюжетли расмлар б-н безатилган. Марказий

зал – маросимлар ўтказилади-
ган зал атрофи зинали супалар
б-н ўралган, м-зида тахт ўрна-
тилган. Қалъа тузилиши,
шунингдек ундаги археологик
топилмалар (тош, суяк ва ме-
таллдан ясалган қурол-яроғ,
зеби-зийнат, темир пичоқ, хан-
жар, болта, ўроқ, уч парракли
ўқ пайконлари, тош ёрғучоқ-
лар, тоғ хрустали, кўзли кумуш
узук ва айниқса нуроний мўйса-
фид тасвирли терракота) диқ-
қатга сазовор. Ю.О. 7–8-а. бо-
шида яшаган чочлик йирик зо-
дагоннинг қасрли чорбоғи, са-
ройи бўлганидан далолат бе-
ради. У ҳокимнинг ёзги қарор-
гоҳи бўлгани ҳам эҳтимолдан
холи эмас. Топилмалар, жум-
ладан умавийлар халифалиги
(8-а. 1-ярми)га оид кумуш тан-
галарнинг кичик хазинасига
кўра, мажмуа арабларнинг
Чочга истилоси даврида вайрон
бўлган. Ёдгорликдаги ҳаёт 8-а.
2-ярмида қайта жонланган, 9–
12-а.ларда эса у Бинкат вило-
ятининг мустақкамланмаган
қишлоқларидан бўлиб, 13-а.
бошида мўғуллар истилоси
даврида инкирозга учраган.

ЮНУСОБОД ТУМАНИ (Амир
Темур шоҳкўчаси, 72^а-уй) – Т.да-
ги маъмурий-ҳудудий бирлик.

1936 й. 26 авг.да Киров тумани номи б-н таш-
кил қилинган. 1992 й. 8 майдан бошлаб Ю.т.
деб аталади.


Юнусобод номининг келиб чиқиши
ҳақида турлича фикрлар бор. Айрим тадқи-
қотчилар (акад. А.Муҳаммаджонов) фикри-
ча, жойнинг номи жуда қад. бўлиб, асли
«Юнусработ» деб аталган. Бу ўринда «работ»
карвонсарой маъносига қўлланган. Шим. то-
мондан шаҳарга кирувчилар шу жойда қўниб
ўтишган. Маҳаллий зиёлиларнинг фикрича,
жойнинг номи себзорлик тadbиркор Юнус-
ожи Нодирхожи ўғли (19-а., Юнусобод Оқте-
пасида боғ-роғлари бўлган) ҳақидаги риво-
ятлар б-н боғлиқ. Туман шаҳарнинг шим.
қисмида жойлашган. *Амир Темур хиёбони-*

дан бошланиб шим. томонга, Т.
автомобиль ҳалқа йўлигача да-
вом этади.

Майд. 4,06 минг гектар, шу
жумладан, кўкаламзорлашти-
рилган майд. 1,4 минг гектар.
Аҳолиси 294,7 минг киши
(2009). Кўчалар сони 441 та.
Асосий йўллари: Амир Темур
шоҳкўчаси, Кичик ҳалқа йўли,
Бодомзор йўли, Осиё, Аҳмад
Дониш, Хуршид, Боғишамол,
Рашидов кўчалари. 58 та маҳал-
ла ва 19 мавзе мавжуд. Туман
ҳудудида 5302 корхона ва таш-
килот, 4310 кичик корхона ва
микрофирма фаолият кўрсат-
моқда. 390 та қўшма корхона
фаолияти и.ч. ва аҳолига хиз-
мат кўрсатишга йўналтирилган.
Саноат корхоналаридан «Ўзбек-
қишлоқмаш», «Венус Фуд»
МЧЖ, вагон таъмирлаш з-ди,

китоб-журнал ф-каси, «Ўзбек-
энерготаймир» и.ч. бирлашма-
лари ва б. ишлаб турибди. Чет
эл инвестициялари иштирокида
фаолият кўрсатаётган «Зенит
электроникс», «Новофарма
плюс», «Азия Силк» шуъба кор-
хоналари, «Растр», «Супертекст-
иль» корхоналари, шунингдек,
мебель ишлаб чиқарувчи қўшма
корхоналар бор.

40 та и.т. муассасаси ва
лойиҳалаш ин-тлари, 7 лицей,
5 касб-хунар коллежи, 4 олий
ўқув юрти, 41 умумий таълим
мактаби, 3 мусиқа мактаби, 70
мактабгача тарбия муассасаси,
8 касалхона, 57 поликлиника ва
амбулатория муассасалари, 1
санаторий бор. 2 кинотеатр,
«Туркистон» киноконцерт зали,
5 музей, жумладан, Темурийлар
тарихи давлат музейи, Ўзбекис-



тон халқлари тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, ҳайвонот боғи, 7 та меҳмонхона, «*Шаҳидлар хотираси*» ёдгорлик мажмуаси, 5 маданият уйи, 188 спорт иншооти, жумладан, «*Ўзбекистон*» давлат теннис клуби, «*Юнусобод-теннис*» клуби фаолият кўрсатмоқда. *Олой бозори*, *Юнусобод деҳқон бозори*, 1625 савдо, 80 маиший овқатланиш ва 416 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Т.нинг асосий телевизион минораси туман худудида жойлашган. Ю.т. худудида Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг «Юнус Ражабий», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатларидан электр поездлар қатнайди.

Ю.т.даги князь Романов саройи (1898), Юридик ин-ти биноси (1878–83 й.лар), *Юнусобод Оқтепаси* (5–12-а.лар) республика аҳамиятидаги меъморий ёдгорлик ҳисобланади. Мустақиллик йилларида барпо этилган Мустақиллик ва эзгулик мажмуаси (2005), Амир Темур ҳайкали (1993), «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси (2002), Хотира майдони (1999) шаҳардаги муҳим меъморий ёдгорлик мажмуаларидир.

«ЮНУСОБОД-ТЕННИС» КЛУБИ, «Юнусобод-теннис» давлат теннис клуби (Ифтихор кўч., 1) – 1994 й. қурилган. Майд. 5,22 гектар. Таркибида 2 катта зал, 8 майд., фитнес клуб, сауна, шифо маскани, ошхона, стоматология поликлиникаси бор. Теннис, енгил атлетика, шарқ яккакураши бўйича халқаро, респ. ва шаҳар миқёсидаги мусобақалар ўтказилади. Спортнинг юқоридаги турлари б-н 100 дан ортиқ киши шуғулланади.

1995–2001 й.ларда Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун халқаро теннис турнири ўтказилган. Яқинида «Ҳабиб Абдуллаев» ва «Бодомзор» метро бекатлари жойлашган.

ЮНУСОВ Собир Юнусович (1907.18.3–1995.29.11) – кимёгар олим, Ўзбекистон ФА акад. (1952). Собиқ иттифоқ ФА муҳбир аъзоси (1958), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959), Меҳнат Қаҳрамони (1969). Т.да туғилган. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1935). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941–43). Бутуниттифоқ кимё-фармацевтика и.т. ин-ти алкалоидлар бўлимида катта илмий ходим (1939–43), Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти алкалоидлар кимёси лаб. мудир (1943–87), айна вақтда ин-т директори (1949–52), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1952–62), Ўсимлик моддалари кимёси ин-ти директори (1958–83), шу ин-тда илмий консультант (1983–86), фахрий директор (1987–95), Ўзбекистон ФА Кимё-технология бўлими раиси (1986–87). Асосий илмий ишлари тетрагидроизохинолин ва фенантридин алкалоидларини тадқиқ қилиш, янги алкалоидлар тузилишини аниқлаш ва улардан амалиётда фойдаланишга оид. Ўзбекистонда алкалоидлар кимёси мактабининг асосчиси.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1967), Ўзбекистон Республикаси

Давлат мукофоти (2007) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Ўзбекистон Республикаси ФА Ўсимлик моддалари кимёси ин-тига Ю. номи берилган. Фозилота қабристонига дафн этилган.

ЮНУСОВ Фози Олим (1893–1938.4.10) – тилшунос, фольклоршунос олим. Т.да туғилган. 1918 й. июлда Туркистон ёшларини миллий ва илмий руҳда тарбиялаш мақсадида «Турк ўчоғи» ташкилотини тузган. 1920–22 й.ларда Маориф комиссарлиги қошидаги илмий кенгаш тил ва терминология шўбасида ишлаган. Шу комиссарлик қошидаги Тил ва терминология кўмитасида илмий котиб, Самарқанд педагогикасида ўзбек тили кафедраси проф. (1925–30), Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1934–37). Самарқанд, Тошкент, Сирдарё (Мирзачўл) вилоятларида бўлиб, халқ кўшиқлари, жумбоқлари, мақолларини тўплаган.

Ўзбек халқ эпоси – «Алпомиш» достонининг илк тадқиқотчиларидан бири. 20–30-й.лар матбуотда Фози Юнус тахаллуси б-н матбуот, тилшунослик, адабиёт, фольклоршуносликка оид долзарб мақолалар ёзган. 1937 й. 3 июлда ҳибсга олинди, 1938 й. 4 окт.да отилган. 1989 й.да оқланган.

«Юнусобод-теннис» клубининг теннис корти.



ЮНУСОТА МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 14-мавзе, Т.Зоҳидов кўч., 1) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Тинчлик», «Кулолқўргон», Аҳмад Дониш ва «Янгиобод» маҳаллалари б-н чегарадош. Айрим маълумотларга қараганда, маҳалла фуқароси Нодирхожи ўғли Юнус ўз отасининг ишларини давом эттириш мақсадида Чинобод, Чоштепа, Оқтепа даҳаларида катта боғлар яратган. У асосан узум етиштириш ва янги навлар яратиш б-н шуғулланган. Бўш ётган ерларни ободонлаштириб, катта-катта токзор ва мевали боғлар барпо қилган. Унинг номини абадийлаштириш мақсадида 1995 й.да Юнусота маҳалласи ташкил қилинган. Аҳолиси 5447 киши, кўп миллатли.

Маҳалла ҳудудида «Машина-созлик» коллежи, 2 болалар боғчаси, озиқ-овқат дўкони мавжуд.

ЮНУСХОН (1415/17 – 1487) – Т. ҳокими (1485–87). Бобурнинг онаси Қутлуғ Нигорхонимнинг отаси.

Чигатоё улусининг парчаланиши натижасида (унга Қашқар, Еттисув ўлкаси ва Или воҳаси кирган) то 1434 й.гача улусда нотинчлик ҳукм сурган. Ўзаро тахт талашилардан сўнг 1434 й. тахтга Вайсхоннинг кичик ўғли Эсон Буғахон ўтиради. Катта ўғли Ю.ни эса тарафдорлари Мовароуннаҳрга, Улуғбек ҳузурига олиб боришади. Улуғбек Ю.ни 1434 й. Хуросонга Шохрух ҳузурига жўнатган. Ю.Хуросонда машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздийдан таълим олди, кўп илмларни эгаллади. Хуросондан қайтгач (1456), Абу Саид томонидан унга берилган Жеткент шаҳрини бошқарган. Эсон Буғахон ўлгач (1462), Абу



Юнусхон мақбараси.

Саид ёрдамида Мўғулистон тахтига ўтирган.

Ўзаро ички низолар гирдобига тушиб қолган Ю. гоҳ Темурийлар тарафида туриб, гоҳ уларга қарши урушди. 15-а. 2-ярмида Темурийлар салтанатидаги ўзаро ички низолардан фойдаланиб Сайрамни (1482) босиб олган.

Т.ни ўз тасарруфига киритиш учун Абу Саиднинг ўғиллари – Умаршайх (Бобурнинг отаси) б-н Султон Аҳмад ўртасида жангга тайёргарлик кўрила бошлади. Лекин рақибларни *Хожя Аҳрор* яраштириб, музокара натижасида Тошкент ш. ва вилояти Ю.га берилди (1485).

Ю. 1487 й. вафот этган ва Т.даги Шайх Хованди Тоҳур қабристонига дафн этилган (қ. *Юнусхон мақбараси*), Ю.дан кейин хонлик тахтига унинг ўғли *Султон Маҳмудхон* ўтирган.

ЮНУСХОН МАДРАСАСИ – меъморий ёдгорлик (15-а. охири). Шайхонтоҳурдаги *Юнусхон мақбараси* ғарбида пишиқ ғишдан, 12 хужрали қилиб қурилган. *Муҳаммад Солиххўжанин*г ёзишича, Олачахон (Султон Аҳмадхон, 1485–1502 й.ларда Шарқий Мўғулистон хони) муҳ-

ри босилган вақфномасида Пулемас деган жойда мадрасанинг вақф ери бўлганлиги қайд этилган.

ЮНУСХОН МАҚБАРАСИ (Шайхонтоҳур тор кўчаси) – меъморий ёдгорлик (15-а.); *Ислон университети* ҳудудида жойлашган. Мақбара Т. хони *Юнусхон* вафоти (1487)дан сўнг Шайхонтоҳур қабристонидан Юнусхоннинг ўғли Аҳмадхон (Олачахон) томонидан қурдирилган. Мақбара тўртбурчак тарҳли (21,2х22 м), пештоқ гумбазли, катта хона (7х7 м), икки ёнида кўш қаватли хужралардан иборат. Бинонинг ташқи гумбази, пештоқ равоғи 1866 й. зилзиласида бузилиб кетган (1571 й., 1584 й. тикланган), безаклари сақланмаган, бино бир неча марта таъмирланган. 1970 й.лар охирида Ю.м. тикланган. Ёғоч ва ганч панжаралар, равоқлардаги ганч гирих нақшлари намуналари ва хонақоҳда муқарнаслар ишланган. 1999–2005 й.ларда мақбара тубдан таъмирланган.

ЮНУСХЎЖА (Ҳазрат Эшон Муҳаммад Юнусхўжа ибн Ҳидоятхўжа) (?– тахм. 1803) – мустақил Тошкент давлати ҳокими (1784–1803). Отаси Ҳидоятхўжа (Улуғхўжа) Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими бўлган. «Тарихи жадидаи Тошканд»га кўра *Чорҳокимлик* йилларида 3 даҳа (Кўкча, Бешёғоч, Себзор) ҳокимлари бирлашиб, Шайхонтоҳур даҳасини бошқарган Авлайқулихон (Аблай султон) авлодларига қарши урушгани айтилади. Лекин қаттиқ жанглардан сўнг Саримсоқтўра ва Бобохонтўра бошчилигидаги Авлайқулихон авлодлари бирин-кетин 3 даҳани ҳам эгаллаб, *Шайх Хованди Тоҳур* авлодларидан Юнусхў-

жани вилоят волийси этиб сайлаганлар.

Муаллифи номаълум «Анжум ат-таворих» асарига кўра эса, Т. атрофига Авлайкулихон даврида (1771–81) ўрнашган чорвадор уруғ-қабилалар ва тошкентликлар ўртасида зиддиятлар келиб чиқиб, тошкентликлар шаҳарнинг нуфузли кишиларидан Юнусхўжа, Бадалхўжа ва Мулла Шамсиддинлар бошчилигида уларга қарши кураш бошлаган. Унга раҳбарлик қилган Ю. қангли, санчиқли, қиёт, турк уруғлари б-н иттифоқ тузиб, ғалабани таъминлаган. Ю. ўз иттифоқчиларига Т. теваригдан ерлар берган. Лекин уч йиллик аҳилликдан сўнг Ю. Себзор, Кўкча ва Бешёғоч даҳаларини ҳам эгаллаб олган. Бу йиллар мобайнида санчиқли, қангли ва шаҳарликлардан ташкил топган 20000 га етадиган қўшин тўплаган.

Ю. шаҳар мудофаасини мустаҳкамлаш ва қўшин жанговарлигини оширишга қаратилган чораларни амалга оширган. У шаҳар деворларини ҳашар йўли б-н тузаттирган, мустаҳкамлаган. 1800 й.ги маълумотларга кўра, девор қуйи қисмининг қалинлиги 1,8 м, устки қисми 0,9 м атрофида бўлиб, айланма уз. 18 чақиримдан ортиқ, девор бал. 7,9 м бўлган.

Ю. 6 минг кишидан иборат қўшин тузиб, аскарларни пилта милтиқ, қилич, найза, қалқон б-н қуроллантирган. Т. тарихида биринчи бўлиб тўпдан фойдаланишни жорий этган.

Ю. даврида белгиланган тартибга кўра, ҳар бир жондан бир ойда даромадига қараб 5 тангадан 10 тангагача, ердан олинган ҳосилнинг қирқдан бир қисми олинган. Қорақозонлар (мунтазам қўшин) солиқлардан

озод қилинган. Шаҳарда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ изга тушган. Ю. ички ва ташқи савдонинг ўсишига эътибор берган.

1799 й. Қорасув жангида Хонхўжа бошчилигидаги Қўқон қўшинини енгган. 1803 й. Ю. Қўқонга юриш қилган. Лекин *Фурумсарой жангида* енгилгач, Ю. касалликка чалиниб вафот этган. Ҳокимиятни ўғиллари – Муҳаммадхўжа, сўнг Султонхўжа эгаллайди. Султонхўжанинг Қўқонга қарши ҳаракатлари туфайли Қўқон хони Олимхон Т.га Умархон бошчилигида қўшин юборган. Умархон Т.га келиб Ю.нинг бошқа ўғли Ҳомидхўжани ҳоким этиб тайинлаган. Т. 1810 й. баҳорида Олимхон томонидан узил-кесил эгалланган. **ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**, Тошкент давлат юридик институти (Сайилгоҳ кўч., 35) – халқ хўжалигининг барча соҳалари учун юрист-ҳуқуқшунослар тайёрловчи олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тасарруфида. Дастлаб 1932 й. ташкил этилган. 1937 й.дан Тошкент юридик ин-ти деб аталган. 1955 й. Ўрта Осиё унтининг юридик ф-тига айлантирилган. 1991 й.да ана шу ф-т негизида ҳоз. ном б-н қайта ташкил қилинган.

Ин-т юриспруденция йўналиши бўйича бакалавр ҳамда 10 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-тда 5 ф-т, 20 та каф. бор. 3205 та-

лаба таҳсил олади. 286 проф.-ўқитувчи, шу жумладан, 1 акад., 31 фан д-ри, проф. ва 111 фан номзоди фаолият кўрсатади (2008). Ин-т ташкил этилгандан буён уни 10 мингдан ортиқ бакалавр ва магистр битириб чиқди. Ин-тда демократик, ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожлантириш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни кучайтиришни кўзда тутган муаммоларга оид и.т. олиб борилади. Юридик фанлари д-ри ва номзоди илмий даражаларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган кенгаш бор. 300 минг асарга эга бўлган асосий кутубхона, 2 мингдан ортиқ китоб жамланган ҳуқуқий ахборот хонаси, 2 та электрон кутубхона мавжуд. Инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш клиникалари ташкил этилган, уларда 60 дан ортиқ талаба, ўқитувчи, амалиётчи аҳолига бепул хизмат қилади. «Ахборотнома» (1999 й.дан), «Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили» (2004 й.дан) илмий нашрларига эга. Ин-т қошида акад. лицей ташкил қилинган.

ЮСУПОВ Усмон (1900.1.3–1966.7.5) – давлат ва сиёсат арбоби. Меҳнат фаолиятини 1916 й. Қовунчи (ҳоз. Янгийўл ш.)даги пахта тозалаш з-дида ишчиликдан бошлаган. Тошкент бинкорлар уюшмаси раиси, каса-

Тошкент
юридик
институти.



ба уюшмалари Тошкент округи кенгаши раиси (1926–28). Ўзбекистон Компартияси МК котиби (1928–31), 1-котиби (1937–50), Ўзбекистон Озиқ-овқат саноат халқ комиссари (1936–37), Собиқ иттифоқ пахтачилик министри (1950–53), Ўзбекистон Министрлар Совети раиси (1953–54), Мирзачўлдаги 4-«Боёвут» ва 2-«Боёвут» с-злари ва Янгийўл туманидаги «Халқобод» аграр-саноат бирлашмаси директори (1955–66).

2-жаҳон уруши даврида мамлакат ғарбидан кўчириб келтирилган корхоналарни Т. шаҳрида жойлаштириш ва ишга тушириш, янгиларини куриш, фронтни озиқ-овқат, кийим-кечак б-н мунтазам таъминлаш, ўзбекистонликларни фашизмга қарши курашга сафарбар қилишда Ю. бош-қош бўлган. У ўз сиёсий фаолияти даврида имконият доирасида Ўзбекистон халқи манфаатларини ҳимоя қилишга интилган бўлишига қарамай оммавий қатағон сиёсатида (1937–39) марказ фармойишларини бажаришга мажбур бўлган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

ЮСУФ САККОКИЙ КЎЧАСИ – Учтепа тумани ҳудудида. Али Қушчи кўч. билан Катта ҳалқа йўли оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган. 1965 й. 29 июлдан тилшунос ва адабиётшунос Юсуф Саккокий (1160–1228) номи б-н юритилади. Йўналишида 14-мактаб, Туркия–Ўзбекистон тўқимачилик қўшма корхонаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси автокорхонаси, «Учтепа», Юсуф Саккокий, Журжоний ва «Чаманзор» маҳаллалари, «Карвон» бозори офиси, 8-оилавий поликлиника, спорт мажмуаси, Журжоний

маҳалла гузари, савдо масканлари, шахсий турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ЮСУФ САККОКИЙ МАҲАЛЛАСИ (Юсуф Саккокий кўч., 94) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Бирлик» даҳасида жойлашган. «Чилонзор», «Учтепа» маҳаллалари ҳамда Катта ҳалқа йўли, Бўзсув канали б-н чегарадош. 1991 й. ташкил этилган. Тилшунос ва адабиётшунос Юсуф Саккокий (1160–1228) номи б-н аталган. Аҳолиси 3022 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, 4 та озиқ-овқат дўкони, «Карвон» бозори, иссиқхона мавжуд.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ КЎЧАСИ – Яккасарой тумани ҳудудида. Бобур ва Афросиёб кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг Янги шаҳар қисмида ташкил топган. Чор Россияси маъмурияти томонидан дастлаб Унглит, сўнг Касьяновский кўч. деб юритилган. Ўз даврида Туркистон генерал-губернаторлигининг боғига олиб борувчи асосий кўчалардан бири бўлган. 1937 й. 13 авг. да Педагогический (Педагогика) номи берилган. 1993 й. 13 сент. дан туркигўй шоир, мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб (1019/21–?) номи б-н юритилади. Йўналишида Яккасарой туман ҳокимлиги, «Ўзтрансгаз» компанияси, Т. вилоят дорихоналар бошқармаси, Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Қизил хоч» халқаро ташкилоти, «Қизил ярим ой» жамияти, Т. шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ин-ти, Т. педагогика ун-ти, Низомий майд. ва ҳайкали, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Халқаро маданият карвон са-

ройи, «Корзинка» супермаркети, «Элит», «Вива» ва «Азия Дискавери» хусусий меҳмонхоналари, «Конституция», Юнус Ражабий, «Тева» ва «Туркистон» маҳаллалари, савдо мажмуалари, шахсий турар жой бинолари, кўп қаватли маъмурий бинолар ва б. жойлашган. Йўналишида Ракатбоши, Бешчинор, Марям Ёқубова, Восит Воҳидов, Зарбоғ, Конституция кўчалари б-н туташган.

ЮСУФБЕКОВ Рустамбек, Рустамбек домла (1880–1950.17.5) – педагог, ўзбек маърифатпарвари. Т.да туғилган. Кўкалдош мадрасасида ўқиган. 1910-й.ларда янги усул мактаби очиб, унда ўқитувчилик қилган. «Таълими аввал» («Дастлабки таълим») алифбе китобини (1913), «Таълими соний» («Иккинчи таълим») ўқиш китобини (1915) ёзган. Жадидчилик ҳаракатида қатнашганлиги учун қамалган. Шайх Зайниддинбобо қабристонига дафн этилган.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ – Тошкент вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Туман шим.-шарқдан Бўстонлик ва Паркент, жан. ва жан.-шарқдан Оҳангарон, жан.-ғарбдан Ўрта Чирчиқ, ғарбдан Қибрай туманлари ва Тошкент ш. билан чегарадош. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 115,2 минг киши, асосан, ўзбеклар ва қozoқлар, шунингдек, рус, корейс, татар, қирғиз ва б. миллат вакиллари яшайди (2008). Туманда 1 шаҳарча (Янгибозор) ва 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Саксонота, Истиклол, Бордонкўл, Тинчлик, Суранкент, Жумабозор, Наврўз, Жамбул, Оқовул) бор. Туман маркази – Янгибозор шаҳарчаси.

Туман Чирчиқ ва Қорасув дарёлари ўртасидаги текислик-

да, ўртача бал. 550 м. Иқлими континентал. Туман шарқ ва шим. дан Чатқол тоғ тизмаси б-н ўралган. Қиши бирмунча совуқ, ёзи эса иссиқ. Январ ойидаги ўртача т-ра 1,5⁰-2⁰. Энг паст т-ра -0⁰. Июль ойидаги ўртача т-ра 25-28⁰, энг юқори т-ра 40-42⁰. Йиллик ўртача ёғин миқдори 350-400 мм. Вегетация даври 200 кун. Туман ҳудудидан ўтган Чирчиқ, Қорасув дарёлари, Хандам, Паркент каналлари, Оққулик, Ёйилма, Қизилсойдан қ.х. экинларини суғоришда фойдаланилади. Тупроғи бўз тупроқ. Ўсимликлардан шўра, қамиш, юлғун, кийикўт, исирик, қора андиз, қизилмия, эрмон, сачиратқи сингари доривор гиёҳлар ўсади. Туманда ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, тулки, ондатра, юмронқозиқ, сувилонлар, ёввойи қушлардан эса ўрдақ, тустовуқ, қирғовул, чил ва б.ни учратиш мумкин.

Туман хўжалиги асосан қ.х. ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Пахта тозалаш, асфальт з-длари, МТП, автокорхона, қурилиш ташкилотлари, 409 кичик корхона, 19 қўшма корхона

(шундан 2 таси йирик хорижий корхона) ишлаб турибди. Туманда 890 фермер хўжалиги мавжуд. Суғориладиган ерларда пахта, галла етиштирилади. Шунингдек, пилла ва чорвачилик, боғдорчилик ривожланган. Тутзор, пичанзор ва яйловлар бор.

Туманда 40 умумий таълим мактаби, 2 болалар мусиқа мактаби, 3 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатади. 22 кутубхона, 6 маданият уйи, 4 клуб, 3 стадион, 35 спорт зали, 40 баскетбол, 14 қўл тўпи майдонлари бор. М-зий касалхона ва унинг бўлимлари, туғуруқхона мажмуаси, «Нуронийлар» санаторийси, поликлиника, 20 қишлоқ врачлик пункти, 2 диспансер ва б. тиббий муассаса ишлаб турибди. Туманда «Суръат-Қарқин» ижтимоий-сиёсий газ. (ўзбек ва қозоқ тилларида) нашр этилади (адади 3000).

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР КАСАЛХОНАСИ, 5-шаҳар юқумли касалликлар клиник касалхонаси (Арпапоя кўч., 12) – 1952 й. Бешёғочдаги 5-поликлиника негизда 6-шаҳар бирлашган клиник касалхонаси номи б-н касб касалликлари

диспансери биносида ташкил этилган. Дастлаб 75 ўринли терапия ва жарроҳлик бўлимлари ишлаган. Кейинчалик неврология, урология ва б. бўлимлар очилиб, ўринлар сони 300 тага кенгайтирилган. 1957-59 й.ларда юрак-томир хирургияси бўлими ташкил этилиб, унда биринчи марта юрак пороги операцияси ўтказилган. 1983 й.дан касалхона поликлиникадан ажратилиб, 500 ўринли кўп ихтисосли касалхона сифатида фаолият юритган. 1998 й.да 5-шаҳар юқумли касалликлар касалхонасига айлантирилган. Касалхонада 200 ўринли 5 бўлим мавжуд бўлиб, унда асосан ўткир юқумли ичак касалликлари ва вирусли гепатитнинг А, В, С шакллари б-н оғриган беморлар даволанади. Шунингдек, клиник-биокимё, серологик, бактериологик лаб., ички дорихона, марказий стерилизация бўлимлари бор.

Касалхонада Т. тиббиёт педиатрия ин-тининг болалар юқумли касалликлари каф. фаолият кўрсатади. Йилига 6200 га яқин беморга тиббий ёрдам кўрсатилади (2008).

«ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ (Ўзбекистон кўч., 16^а-уй) – Тошкент ш.да барпо этиладиган муҳим объектлар буюртмачиси. Тошкент ш. ҳокимлиги тасарруфида. Компания фаолияти давомида шаҳарда Тошкент ш. ҳокимлиги биноси, «ЖАР» спорт мажмуаси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Давлат солиқ қўмитаси бинолари ва соғломлаштириш мажмуаси, Ўзбекистон консерваторияси, Сенат, Ислом ун-ти бинолари ва б. фойдаланишга топширилди. «Ўзбекистон» анжуманлар саройи ва «Лукойл» маъмурий биноси қурилишида буюртмачи вазифасини бажармоқда. Компания шаҳарда ободонлаштириш, кўчаларни кенгайтириш, кўприклар қурилишида ҳам фаол иштирок этади.

ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти (Улугбек шаҳарчаси) – 1956 й. ташкил этилган. Ядро физикаси, радиациявий қаттиқ жисм физикаси ва материалшунослик, активациявий таҳлил ва радиокимё, илмий асбобсозлик, ахборот технологиялари йўналишлари бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб боради. Ин-т таркибида 5 илмий бўлиб, 17 илмий лаб., радиоактив изотоплар и.ч.га ихтисослашган «Радиопре-

парат» ҳамда «Тезлаткич» илмий-и.ч. шуъба корхоналари, конструкторлик бюросига эга бўлган тажриба з-ди, ВВР-СМ типдаги тадқиқот ядро реактори, махсус кимёвий сув тозалаш хизмати, гамма-қурилма, респ. марказий изотоп лаб., НГ-150 нейтрон генератори, У-150-II циклотрон, кутубхона (221 минга яқин асар) бор. Аспирантура, д-рантура, диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган 2 илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 135 илмий ходим, жумладан 3 акад., 23 фан д-ри ва 68 фан номзоди ишлайди.

«ЯККАСАРОЙ-2» МАҲАЛЛАСИ (Заки Валидий кўч., 83) – Яккасарой туманидаги маҳалла. Муқимий, «Яккасарой», «Тўқимачи» маҳаллалари б-н Ядро физикаси институти. Атом реактори.



чегарадош. 1980 й. ташкил топган. Аҳолиси 4012 киши, асосан ўзбеклар, шунингдек руслар ва б. яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, 3 миллий таомлар кафеси, 4 озиқ-овқат магазини, новвойхона, шунингдек, Стандартлаштириш ва лойиҳалаштириш и.т. ин-ти жойлашган. Маҳаллада акад. С.Сирожидинов, бошқирд ёзувчиси Заки Валидийлар яшаган.

«ЯККАСАРОЙ» МАҲАЛЛАСИ (С.Мираҳмедов кўч., 141) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Қушбеги», «Яккасарой-2», «Тўқимачи» маҳаллалари б-н чегарадош. ўтмишда (18–19-а.) Карвонсарой деб аталган. Бошқа шаҳар, юртлардан келган савдо карвонлари шу ҳудудда тўхтаб ўтган ва Бешёғоч дарвозасидан кириб шаҳарда савдосотиқ қилган. 1991–92 й.ларда Яккасарой номи берилган. Аҳолиси 4350 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 40 та кўп қаватли уй, 2 болалар боғчаси, ўрта мактаб, туман солиқ инспекцияси, прокуратураси, 2 шифохона, 4 кафе, 2 алоқа бўлими, новвойхона, ошхона, озиқ-овқат дўкони, дорихоналар, Фозилота қабристони мавжуд. Маҳаллада Ўзбекистон халқ ҳофизии Ориф Алимахсумов яшаб ўтган.

«ЯККАТУТ» МАҲАЛЛАСИ (20-мавзе, 23) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Катта Хирмонтепа», «Хайробод», «Бўрижар» ҳамда «Кичик Хирмонтепа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. Наврўз байрами арафасида «Наврўз» маҳалласи номи б-н ташкил қилинган. 2005 й.дан «Яккатут» деб номланади. Аҳолиси 5000 кишидан зиёд, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 3 та мактаб, болалар боғчаси, 2 та касб-ҳунар коллежи, 2 та кўшма корхона, 2 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона, ошхона, «Илонликота» жоме масжиди бор.

ЯЛАНҒҚАР – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Мурод, Зевак, Қоратош маҳаллалари б-н чегарадош бўлган, 300 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси ўзбеклар бўлиб, кўпчилиги ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Я.да 2 масжид, 2 чойхона, қабристон, рус-тузем мактаби (1895 й. ташкил этилган), баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Я. ҳудудига турар жой ва маъмурий бинолар қурилган.

«ЯЛАНҒОЧ» МАҲАЛЛАСИ (Арслонбий кўч., 374) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Шўртепа», Нодирабегим, «Баҳор», «Катта Яланғочота», «Шалола», «Бешкапа» маҳаллалари б-н чегарадош. 1970 й. ташкил топган. Аҳолиси 2745 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 7 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, Тошкент шаҳар мзий шифохонаси жойлашган.

ЯЛАНҒОЧ-2 ҚАБРИСТОНИ (Мирзо Улуғбек тумани, Темур Малик кўч., 15) – умумий майд. – 9,2 гектардан ортиқ. 1900 й.дан мавжуд. Қабристон *Ялан-*

ғоч даҳаси номи б-н аталган. Қабристонга акад.лар Ж.Саидов, А.Имомалиев, А.Музаффаров, С.Мираҳмедов, Р.Бекжонов, Ё.Муборақов, Қ.Зокиров, селекционерлар Ризамат ота Мусамухамедов, Зайниддин Фахриддинов, Уруш Қахрамони Боис Эргашев ва б. дафн этилган. Қабристон ёнида масжид бор.

ЯЛАНҒОЧОТА – ўтмишда туркий халқларда шамол ҳомийси. Этнограф А.Диваев (1855–1933) келтирган маълумотга кўра шамол чақириш маросимида ижро этиладиган кўшиқда шамол ҳомийси сифатида Я.га мурожат этилган. Я.га эътиқод қилиш Т. атрофлари ва Жан. Қозогистонда яшовчи ўзбеклар орасида кенг тарқалган. Унинг шахсияти б-н боғлиқ микротопонимлар ҳам мавжуд. Мас., ҳоз. Тошкент ш. шим.-шарқидаги мавзу Яланғоч деб аталади.

Я. исломиятдан аввалги маҳаллий маъбудлардан саналган. Хусусан, Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи» асарида Чингизхоннинг тахтга ўтириш маросими (1206) шундай баён этилган: «Уша кезларда ул ноҳияларда бир киши бўлган, уни мўғуллар Тибб тангри деб атаганлар. Ўзбек улуси Яланғочота дейишарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шу ондаёқ воқеъ бўларди. Унинг ҳақида айтишадикки, тоғу тош, дараларда яланғоч кезаркан ва совуқ шиддатидан ва иссиқ ҳароратидан асло ва қатъан ибo қилмаскан. Ҳеч ким б-н алоқа қилмасди. Турли лаҳжаларда сўзларди. Халққа тушунарли бўлган ҳар бир сўзи, албатта, шу заҳотиёқ амалга ошарди. Шу бир лаҳзанинг ўзида ҳам йиғларди, ҳам куларди. ...Тибб тангри боргоҳдан чиқиб, шоҳ ҳузурига кирди. Деди:

«Кеча Тангри менга хабар бердики, жаҳонга янги насоқ қилурман, жаҳон мулкини Темучинга бергум. Унга Чингизхон номини берамиз. Олам подшоҳларини унга тобе қилурмиз... Ҳақ амридан чиқмагин, сени Чингизхон деб атайман, энди Темучин эмасан». Худди шу маросимни Абулғози Баҳодирхон (17-а.) «Шажараи турк» асарида баён қилади. Лекин у Тибб тангри ўрнида Кўкча (мўғулча Коғичэ) номини тилга олади. «Кўкча Мўғулистоннинг андаг қаттиқ совуқларинда қиш кунлари яланғоч ва яланғоеқ юрур эрди» (53–54-бетлар). Абулғозида келтирилган Кўкча б-н Мирзо Улуғбекдаги Яланғочота бир шахс эканлиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бундан ҳоз. Тошкентдаги Кўкча ва Яланғоч топонимлари негизи бир бўлса керак, деган хулосага келиш мумкин.

Я. ҳақида кейинги асрларда ҳам маълумотлар учрайди. Халқ орасида Я. издошлари, каромат соҳиблари ҳам бўлган.

Т. ва унинг атрофида Я. номи б-н аталувчи қабристон, маҳалла ва кўча мавжуд.

«ЯЛАНҒОЧОТА» МАҲАЛЛАСИ (Феруза мавзеси, 33^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Шалола», «Феруза», «Катта Яланғочота» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил топган. Маҳалла кексаларининг фикрича, 1908 й.гача маҳалла ҳудудида чайлада Яланғоч номи б-н машҳур бўлган авлиё ўтган. У қиш мавсумида ҳам оёқ яланг, бир яктақда юрган ва ўзига хос кароматлар кўрсатган. Жой номи шу шахсга нисбат берилиб «Яланғочота» дейилади. Аслида бу унчалик тўғри эмас, чунки бу атама 19-а.да ҳам мавжуд бўлган. Яланғочота – ўтмишда ўзбек ва қозоқ халқларида ша-

мол ҳомийси ҳисобланган (қ. *Ялангочота*). Аҳолиси 8952 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 19 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 4-авторхона, фармацевтика корхонаси, 2 та ўрта мактаб, 4 та болалар боғчаси, Акушерлик ва гинекология илмий м-зи жойлашган.

«ЯЛЛА», Ўзбекистонда хизмат кўрсатган давлат вокал-чолғу «Ялла» ансамбли – ўзбек мусиқий эстрада санъати ривожига катта ҳисса қўшган, республикада етакчи вокал-чолғу ансамбли. 1970 й. Т. театр ва рассомлик санъати ин-ти қошида ин-т Ўқув театри директори, шоир Г.Рожков ва дастлабки мусиқа раҳбари – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, композитор Е.Ширяев ташаббуси б-н ВИА шаклида ташкил топган. Иштирокчилари – Ф.Зокиров (1976 й.дан бадий раҳбар; қ. *Зокировлар*), Ш.Низомитдинов, Л.Кандалова, Б.Жўраев, С.Аванесов, А.Фатхуллин, Н.Бойхонова ва б. 1971 й. Ўзбек концерт таркибига кириб, 1975 й. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ансамбль» унвонига сазовор бўлган. 1970 й.лар охирида ансамблга Ўзбекистонда хизмат

кўрсатган артистлар Р.Илёсов (мусиқа раҳбари ва аранжировкачи, 1994 й.гача), Ж.Тўхтаев, А.Алиев, А.Тўлаганов келиб қўшилган.

«Я.» ижодида миллий оҳанг ва усуллари рок мусиқа («блюз-рок», «софт рок», «рок-н-ролл» ва б.), Европа ва Шарқ мусиқий эстрада шакллари ҳамда оммавий мусиқанинг бошқа воситалари б-н уйғунлашиб, ўзига хос, жўшқин ва жозибали услуб шаклланишига асос бўлди. Репертуаридан фольк-рок услубида қайта ишланган ўзбек халқ кўшиқ, ялла ва ашулалари («Бойчечак», «Юмалаб-юмалаб», «Қилпиллама», «Ғайра-ғайра», «Ҳандалак» ва б.), ўзбек композиторлари («Ўзбекистон», С.Юдаков; «Қиз бола», Э.Солиҳов; «Баҳор қасидаси», Ф.Янов-Яновский ва б.)нинг аранжировка қилинган асарлари ва Ф.Зокиров басталаган кўшиқлар («Мажнунтол», «Сумалак», «Масхарабозлар», «Сен бўлмасанг ёнимда», «Мусиқали чойхона», «Лейли», «Учқудуқ», «Шаҳрисабз», «Тошкентим – онам», «Орт ишқиди ёнаман», «Бугун байрам» ва б.) ўрин олган. Айниқса, «Яллама-ёрим (1984) ва «Мусиқали чойхона» (1987) театрлаштирилган дастурлари маш-

хур бўлиб, Ўзбекистон ва кўпгина чет мамлакатларда намоиш этилган. Ижролари 10 дан ортиқ грампластинкага ёзилган. Европа, Осиё, Африка ва Аме-

рика мамлакатларида бир неча марта гастролда бўлган.

«ЯНГИ АВАЙХОН» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув-6 мавзеси, Авайхон кўч., 5) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Авайхон, «Наврўз» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. ташкил топган. Аҳолиси 3088 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси бор.

«ЯНГИ БЕЛТЕПА» МАҲАЛЛАСИ (Белтепа мавзеси, 19) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Белтепа», «Шодлик» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. май ойида «Белтепа» маҳалласидан ажралиб чиққан. Аҳолиси 7069 киши, асосан (48%), ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида «Белтепа» спорт мажмуаси, 40-оилавий поликлиника филиали, озиқ-овқат дўконлари, новвойхона мавжуд. **«ЯНГИ ДАВР» МАҲАЛЛАСИ** (Жарқўрғон 1-берк кўч., 20^а-уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Жарқўрғон» ва Алишер Навоий маҳаллалари б-н чегарадош. 1930 й.ларда «Оқуй» маҳалласи, 1940 й.ларда «24-сонли квартком» номи б-н юритилган. 2008 й. 2 окт.да «Янги давр» номи берилди. Аҳолиси 4332 киши, асосан, ўзбеклардан иборат (2009). Маҳалла ҳудудида Тошкент компьютер технологиялари коллежи, ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, ўт ўчириш ст-яси, сантехника жиҳозлари з-ди, «Эликом» фирмаси жойлашган.

«ЯНГИ ЗАМОН» МАҲАЛЛАСИ (Сарикўл 1-тор кўч., 8) – Миробод туманидаги маҳалла. «Навбаҳор», Фитрат, Фурқат, «Баҳор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1956 й. Тошкент аэропорти кенгайтирилиши муносабати б-н у ерда яшовчи аҳолига шу ҳудуддан ер майдони ажратиб берилган. 1958 й.га келиб маҳалла шакллана бошлаган. 1962



«Ялла» ансамбли (1987).

й. маҳалла номи «12-квартал» деб аталган, 1994 й. Маҳкам Мерганов номи берилган. 2008 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2000 дан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 24 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 4 та кўча, туман 1-сонли қурилиш касб-ҳунар коллежи, болалар боғчаси, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

«ЯНГИ КАМОЛОН» МАҲАЛЛАСИ (Бешёғоч мавзеси, 2^а-уй) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Камолон» ва «Эшонгузар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1995 й. ташкил топган. Маҳалла гузари янги бино бўлганлиги сабабли, меҳнат ва уруш фахрийлари маслаҳати б-н «Янги Камолон» номи берилган. Аҳолиси 3715 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, 2 та озиқ-овқат дўкони, дорихона, новвойхона, 22-оилавий поликлиника, 245-сонли АТС ҳамда 15 та турли корхона ва ташкилотлар жойлашган.

«ЯНГИ МИРОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Мироншоҳ б-тор кўч., 18) – Миробод туманидаги маҳалла. «Миробод», «Байналмилал», «Салор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. ташкил топган. Аввал «Миробод» маҳалласи таркибида бўлган, эски хонадонлар бузилиб янги кўп қаватли уйлар қурилган. Шу жойларда «Янги Миробод» номи б-н маҳалла ташкил этилган. Аҳолиси 1528 киши, асосан, ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Маҳалла ҳудудида 7 та кўча, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, респ., шаҳар, вилоят, туман бўлимлари, туман газ таъминоти, прокуратураси, Т. шаҳар Ички ишлар

бошқармасининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги назорат бошқармаси ва йўл-патруль хизмати бригадаси, Асака банк, «Болалар дунёси» магазини, Тошкент вилояти сув ҳўжалиги бошқармаси, Ҳарбий госпиталь ва б. мавжуд.

«ЯНГИ СЕБЗОР» МАҲАЛЛАСИ («Себзор» даҳаси, 1) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Себзор», «Тахтапул», «Намуна», «Чилтўғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991 й. «Себзор» маҳалласи 2 га бўлиниши натижасида шу номда ташкил этилган. Аҳолиси 4552 киши. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, «Шаҳноза» ўқув м-зи, «Моҳир кўллар», «Қайс – гилам тўқиш» хусусий цехи мавжуд.

ЯНГИ СЕРГЕЛИ КўЧАСИ – пойтахт м-зини Сергели тумани б-н боғловчи кўча. Усмон Носир ва Қипчоқ кўчалари оралигида. Уз. 4 км атрофида. 1987 й. «Ўзгариш» саноат ҳудудида Сергели 1–2, 4–6 турар жой мавзелари қурилиши якунланиши муносабати б-н ташкил топган. Йўналишида Сергели туман ҳокимияти, туман маданият ва истироҳат боғи, Сергели машина бозори, Сергели деҳқон бозори, «Бахт уйи», «Бахтдиёр» ресторани, «Сергели» тўйхонаси, 10 дан зиёд кафе, «Дунёсавдо» супермаркети, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, автомобиль эҳтиёт қисмлари магазини, «Файз текстиль» хусусий корхонаси, мусиқа мактаби, молия ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи, маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. 2006 й. 4 апр.да кўчанинг Катта ҳалқа йўли б-н кесишган чорраҳасида автотранспорт воситаларининг Эркин кўрғонига тўсиқсиз ўтишини

таъминловчи янги кўприк фойдаланишга топширилди.

ЯНГИ СЕРГЕЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (А.Ахматова кўч.) – Сергели туманида жойлашган маданият ва истироҳат боғи. Майд. 7,4 гектар. 1997 й.да ташкил этилган. Боғда дуб, чинор, қарағай, арча, каштан, мажнунтол, қора арча каби манзарали дарахтлар бор. Мевали дарахтлардан ўрик, анор, нок, олма, олча ўсади. Гулзор ва майсазорлар парвариш қилинади. Боғда 0,65 гектар майдонга эга сунъий кўл мавжуд. 7 аттракцион, амфитеатр, савдо шохобчалари аҳолига хизмат кўрсатади. Дам олувчилар хордиқ чиқаришлари учун йўлкалар четига ўриндиқлар ўрнатилган. Боғда Сергели аҳолиси турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказди, ёзги мавсумда санъаткорлар иштирокида концертлар уюштирилади.

ЯНГИ ШАҲАР – Т.нинг чор Россияси томонидан босиб олинган (1865)дан кейин вужудга келган, европача услубда қурилган жан-шарқий қисми, *Эски шаҳардан* Анҳор канали б-н чегараланган мустақил аҳоли манзили сифатида барпо этилган. Я.ш. қурилиши тарихан шаклланган *Эски шаҳарни* ҳисобга олмай, ҳарбий истеҳком типидagi иншоотлар қуришдан бошланган (қ. *Мёморлик ва шаҳарсозлик*). 1865 й. шаҳарнинг Қўймас дарвозаси рўпарасидаги тепаликда рус аскарлари учун ҳарбий истеҳком – *Тошкент тупроққўргони* қурилди. Тупроққўргон орқасида гарнизон казармалари солинди. Кейинчалик Анҳор канали чап соҳили бўйлаб Ўрда б-н Тупроққўргонни боғлайдиган йўл қурилган; бу йўл Я.ш.нинг биринчи кўчаси бўлиб, Черняев кўч. деб аталган (ҳоз. Мустақиллик

майдонидан ўтган). 1866–67 й.ларда Я.ш.нинг биринчи қатъий лойиҳаси (муҳандис М.Н.Колесников) тузилди. Я.ш. қурилиши даставвал Обухов кўч. (ҳоз. Навоий кўч.нинг бир қисми) б-н Сапёрлар кўч. оралиғида олиб борилган. Эски шаҳардан бошланган Шайхонтоҳур кўч. (ҳоз. Навоий кўч.) ўрдагача узайтирилди. Анҳор каналига Я.ш.ни Эски шаҳар б-н боғлайдиган ёғоч кўприк қурилган. Я.ш. қурилиши Т. Туркистон генерал-губернаторлигининг маъмурий м-зига айланган (1867)дан кейин аниқса авж олди. Я.ш.да маъмурий, ҳарбий, молия, тиббий, қ.х. ва б. бошқармалар жойлашган. Туркистон генерал-губернаторлиги тузилгандан кейин (1867) Я.ш.да Туркистон генерал-губернатори ва Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторининг қароргоҳлари ва маҳкамалари (ҳоз. Мустақиллик майд. худудида) жойлашди. «Шаҳар низоми» (1877) жорий қилинган, Я.ш.ни бошқариш *Шаҳар думаси* кўлига ўтди. *Шаҳар маҳкамаси* аъзолари Дума депутатларидан сайланган. Я.ш. чор ҳукуматининг Бухоро, Хива ва Қўқон хонликларини босиб олишда ҳамда Ўрта Осиё ва Қозоғистонда мустамлакачилик ва миллий зулмни тобора кучайтириб боришда муҳим таянч жойи бўлди. Чор маъмурлари бу ердан туриб бутун Туркистон ўлкасини бошқарди ва бойликларини ўзлаштирди. Бу ҳол 1917 й.дан кейин ҳам давом этди.

Я.ш.да ҳарбий идоралар учун бир қаватли мустаҳкам уйлар, ҳарбийлар ва хусусий кишилар учун пахса ёки хом ғиштли уйлар кўплаб қурилган. Я.ш. худудининг жадал суръатда кенгайиб бориши шаҳар планининг янги лойиҳасини тузишни тақозо қилди. 1870 й. меъмор А.В.

Янги шаҳарнинг энг йирик савдо растаси – Орифхўжабой растаси (19-а. охири; ҳоз. Сайилгоҳ кўчаси).

Макаров Я.ш.нинг Шибли аригининг чап соҳилига мўлжалланган (ҳоз. Шаҳрисабз ва Амир Темури шохкўчаси оралиғи) қурилишлари лойиҳасини радиал-ҳалқа схемасида тузган. Константин сквери (ҳоз. Амир Темури хиёбони) унинг м-зи бўлиб, ундан Москва (ҳоз. Амир Темури шохкўчаси), Лагерь (ҳоз. Мустақиллик кўч.), Кауфман (ҳоз. Сайилгоҳ ва Тараққиёт кўчалари), Қўйлиқ (ҳоз. Истиқлол кўч.), Духовский просп. (ҳоз. Амир Темури шохкўчаси) атрофга тарқалар эди. Я.ш.да турар жой ва маъмурий бинолардан ташқари корхоналар ҳам қурила бошлади. Закаспий – Тошкент (1899) ва Оренбург – Тошкент (1906) т.й. қурилиши ўлгага монополистик капиталнинг кириб келиши, саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланишига, айти вақтда кўплаб хомашё (пахта, ипак, олтин, қоракўл тери ва ҳ.к.)ни ташиб кетишига имкон

Янги шаҳарни Эски шаҳар б-н боғловчи Анҳор устига қурилган кўприк (тарихий сурат).



яратди. Я.ш.да саноат корхоналари, вино, ёғ-мой з-длари, т.й. устахоналари очилди; унинг м-зий қисмида банклар, савдо уйлари, меҳмонхоналар, рестороанлар қурилди. Я.ш.нинг савдохўжалик ҳаёти м-зи *Воскресение бозори* бўлган. Айрим ободончилик ишлари ҳам амалга оширилган. 1882 й. шаҳар боғи барпо этилди. Йўлкалар ва кўприклар қурилди, кўч.нинг четларига дарахтлар ўтказилди. 1893 й. Александр парки (ҳоз. Фидойилар хиёбони) барпо этилди. Катта кўчалар тунда керосин чироқлар б-н ёритилар эди. Окт. тўнтаришига қадар бажарилган шаҳар ободончилигига доир ишлардан энг йириги *кўнка* ва *трамвай* қурилиши бўлди.



1910 й. Я.ш.да 4702 уй (аксарияти бир қаватли) бўлиб, уларда 54,5 минг киши, аксарияти рус ва б. миллат вакиллари яшаган. Бинолар ичида князь Романов саройи (1889–90; меъморлар: А.Л.Бенуа, В.С.Гейнцельман), давлат банки (1895, меъмор В.С.Гейнцельман), Рус-Осиё банки (1910; меъмор И.А.Маркевич), «Регина» (1916, меъмор, Г.М.Сваричевский), «Националь» меҳмонхоналари ажралиб турар эди. Я.ш.да ўрта ўқув юртларидан гимназия, реал билим юрти, кадетлар корпуси, коммерция билим юрти, шунингдек, 30 қуйи ўқув юртлари бўлган. 1870 й. Туркистон оммавий кутубхонаси (ҳоз. Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси) очилди. Маданий муассасалардан 2 т-р (қишки ва ёзги), ҳарбий ва жамоат мажлислари бинолари қурилди. Октябрь тўнтариши вақтида Я.ш. большевиклар уюштирган ғалаёнлар м-зига айланди. 1917 й.дан Я.ш. билан Эски шаҳар расмий маъмурий бирликлар ҳисобланган. 1917 й. 28 мартда Я.ш. Ишчи ва солдат депутатлари Тошкент Кенгаши тузилди. 1929 й. Я.ш. ва Эски шаҳар кенгашлари Тошкент ишчи, деҳқон, қизил аскарлар деб аталмиш депутатлари шаҳар Кенгашига бирлашди, ягона шаҳар доирасида янги маъмурий бўлиниш (қ. *Маъмурий-худудий бўлиниш*) жорий қилинди. 1939 й. биринчи марта Я.ш. ва Эски шаҳарнинг барча қисмларини ягона шаҳарга бирлаштириш кўзда тутилган Т.ни реконструкция қилиш Бош плани лойиҳаси тасдиқланди.

ЯНГИ ҚЎЙЛИҚ КЎЧАСИ – Ҳамза ва Сергели туманлари худудида. *Фаргона йўли* ва *Катта ҳалқа йўли* кўчалари орали-

ғида. Миробод ва Сергели туманларини боғловчи асосий кўчалардан бири. Уз. 3 км атрофида. Кўчанинг Сергели тумани қисми Т. зилзиласи (1966)дан сўнг Қўйлиқ турар жой мавзелари қурилиши муносабати б-н ташкил этилиб, 1974 й. 26 сент. дан Ким Пен Хва, 2005 й. 28 апр.дан Янги Қўйлиқ, Миробод тумани қисми дастлаб Проектний (Лойиҳа), 1980 й. 13 нояб. дан Чиковани, 1994 й. 16 дек. дан У.Олимбеков, 2008 й. 6 майдан ҳоз. номи б-н юритилади. Йўналишида Файзиобод, Қўйлиқ 2–5 турар жой мавзелари, Миробод туман спорт мажмуаси, «Баҳор» тўйхонаси, «Наврўз» ва «Россия» супермаркетлари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, поликлиника, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Мустақиллик даврида кўчада реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

«ЯНГИ ҚЎЙЛИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Қўйлиқ-4 даҳаси, 4) – Миробод туманидаги маҳалла. «Толариқ», Баротхўжа, «Чинор», «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1930-й.ларгача ҳоз. Қўйлиқ-4 даҳаси ўрни тўқайзордан иборат бўлган. 1932 й. баҳорида У.Юсунов раҳбарлигида Фаргона вилоятдан 57 хўжалик кўчириб келтирилган ва бу ерлар обод бўлган. 1970-й.лардан сўнг Т. атрофига катта бетон йўли қурилиши муносабати б-н 57 хўжалик қишлоғи бузилиб, аҳолиси кўчирилди. Ўрнига Қўйлиқ-4 даҳаси қурилди. 1998 й.гача маҳалла «Толариқ», 1998 й.дан «Қатортол», 2005 й.дан «Янги Қўйлиқ» деб атала бошланди. Аҳолиси 4478 киши, асосан, ўзбеклар, рус, татар, қозоқ

ва б. ҳам яшайди. Маҳалла худудида 3 та кўча, 2 та болалар боғчаси, ўрта мактаб, болалар спорт мажмуаси ва б. мавжуд. **«ЯНГИ ҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИ** (Сергели-3 мавзеси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Оқибат», «Қипчоқ», «Иттифоқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й.да ташкил топган. Аҳолиси 8900 кишидан иборат. Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар, шунингдек 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 3 та кўча, болалар боғчаси, мактаб, 1-муסיқа мактаби, «Оила» м-зи, озик-овқат дўконлари ва б. мавжуд. Маҳалла 2004 й. тубдан қайта қурилган.

«ЯНГИ ҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод, 12-мавзе, 17) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Кулолқўрғон», «Умид», «Уч қаҳрамон» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 3942 киши, турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида болалар боғчаси бор.

«ЯНГИ ҲАЁТ» МАҲАЛЛАСИ (Қорасув-1 даҳаси, 36^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Гулзор», Бобур, «Катта Қорасув» маҳаллалари б-н чегарадош. 1986 й. ташкил топган, ижтимоий ҳаётда тарихий ўзгаришлар (қайта қуриш, ошкоралик, янгича фикрлаш ва б.) рўй бераётгани сабабли шу ном б-н аталган. Аҳолиси 8400 киши, асосан (70%) ўзбеклар. Маҳалла худудида болалар спорт майдончалари бор.

«ЯНГИ АРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Тўхтасин Жалилов кўч., 33) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Уста Ширин, «Оқибат», Абдураҳмон Жомий, «Туркқўрғон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1937 й. ташкил топган. Аҳолиси 3150 киши. Маҳалла худудида новвойхона, 3 та боғча, ўрта

мактаб мавжуд. Маҳаллада Собир Абдулла, Ойбек, Миртемир, Адхам Раҳмат, Акмал Пўлат, Саид Аҳмад каби ёзувчилар, санъаткор Тўхтасин Жалилов, халқ устаси Уста Ширин Муродов, академик Садриддин Йўлдошев яшаб ўтган.

ЯНГИЙЎЛ – Тошкент вилоятидаги шаҳар, Чирчиқ дарёси соҳилида Т.дан 28 км. Майд. 808 гектар. Аҳолиси 62,9 минг киши (2008), асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қozoқ, тожик ва б. яшайди. 1937 й.гача Қовунчи қишлоғи. Я. – вилоятнинг муҳим саноат м-зларидан, айниқса енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Шаҳарда йирик, кичик ва хусусий 640 дан зиёд корхона, МЧЖлар мавжуд. Уларда қандолат, нон, макарон, гўшт ва сут маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, мебель, пойабзал, металл-пластмасса буюмлари ва б. ишлаб чиқарилади. Я.да ғишт, темир-бетон з-длари, «Полиграфсервис», «Биокимё», «Янгийўл ёғ-мой», шунингдек, тикувчилик ва тўқимачилик корхоналари ишлаб турибди. Шаҳарда 3 коллеж, 12 умумтаълим мактаби, 12 кутубхона, 3 маданият уйи, музей, м-зий касалхона, поликлиникалар, шаҳар саломатлик м-зи фаолият кўрсатади.

«ЯНГИОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Замондош кўч., 13) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Тарновбоши», «Донишманд», «Ойдинкўл» маҳаллалари б-н чегарадош. Тошкент зилзиласидан сўнг ташкил этилган. Маҳалла аҳолиси асосан зилзила м-зи Қашқар маҳалласидан кўчиб келган аҳолидан иборат. Аҳолиси 2500 киши, кўп миллатли.

«ЯНГИОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 13-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла.

«Аҳилбод», Юнусота, Акбаробод, «Боғишамол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. 5 дек.-дан ҳоз. номда. Аҳолиси 6259 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида 2 та болалар боғчаси, Аҳмад Дониш савдо бозори, 3 та спорт иншооти, Султонота қабристони мавжуд.

«ЯНГИОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Янгиобод кўч., 102) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Каттабоғ», «Камолон», «Самарқанд дарвоза» маҳаллалари б-н чегарадош. Илгари «Эркин», «Чақар» маҳалласи деб ҳам юритилган. 1936 й.га келиб «Янгиобод» маҳалласи ташкил топган. Аҳолиси 8036 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Хўжа Аламбардор жоме масжиди ва қабристони, озиқ-овқат дўконлари, модалар ательеси, гўзаллик салони, стоматология кабинети, кафе бор.

«ЯНГИШАҲАР» МАҲАЛЛАСИ (Оқилхон Шарафиддинов кўч., 7^а-уй) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Обиназир», «Кўкча», «Жарариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла тарихи қўшни «Обиназир» маҳалласи тарихи б-н узвий боғлиқ бўлиб, тахм. 14-а. охири – 15-а. бошларига бориб тақалади. 19-а. охири – 20-а. бошларида шаҳар ҳудудининг кенгайиши натижасида, шаҳар девори ташқарисида янги маҳаллалар вужудга келган, шулардан бири «Янгишаҳар» маҳалласи бўлган. Аҳолиси 3800 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, руслар, татарлар, тожиклар яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, «Кўкча», «Уч қудуқ», «Шоҳ» кафелари, озиқ-овқат, кийим-кечак, мебель дўконлари, новвойхоналар мавжуд.

Маҳаллада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Оқилхон Шарафиддинов ва б. яшаб ўтган. Х.Меликуловнинг (маҳаллага 42 й. оқсоқоллик қилган) маҳалла тарихи ҳақидаги «Маҳалла – Ватан ичидаги ватан» китоби (Т., 2006 й.) нашр этилган. **«ЯНГИКЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ** (Нигора 2-тор кўч., 67) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Тарновбоши», «Беҳизор» ва «Ўрта масжид» маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. Тошкент зилзиласидан сўнг шаҳар м-зидаги «Қашқар», «Қиёт», «Турккўрғон» ва б. маҳаллалардан кўчиб келган аҳолидан таркиб топган. 1992–2009 й.лар маҳалла фахрийси, уруш қатнашчиси, маҳалланинг биринчи оқсоқоли Аҳмаджон Назаров номи б-н аталган, 2009 й. апр.-дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2375 киши, кўп миллатли (2008). Маҳалла ҳудудида спорт майдони, «ФАРМ ГЛАСС», «МЭД ГЛАСС» каби саноат корхоналари жойлашган. «Я.» м. шаҳар, республика доирасида ўтказилаётган кўпгина кўрик-танлов, спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. 2008 й. «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши муносабати б-н маҳаллада «Ёшлар ўқув маркази» ташкил қилинган.

ЯПОН БОҒИ (Амир Темур шоҳкўчаси, 107) – «Ўзэкспомарказ» таркибида. 2001 й. 25 авг.да очилган. Майд. 4 гектар. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги ва Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси б-н ташкил этилган. Боғ қурилиши 1997 й. сент.да, Т. марказидаги қад. кўл соҳилида бошланган. Я.б. 2 қисм: «Каресансуи» – дзен-буддизм фалсафаси асосида махсус ўрнатилган тошлар ва дарахтлардан ҳамда «Чесен-



Япон боғи
манзараси.

каию» – қад. япон синтоизми қувноқлик дунёсини акс эттирувчи ҳовуз, жилга ва гуллардан ташкил топган. Боғ м-зида чой павильони жойлашган. Боғда турли маданий-маърифий тадбирлар, япониялик санъаткорлар иштирокида концертлар ўтказилади.

ЯССАВИЙ, Хожа Аҳмад Яссавий (тахм. 11-а.нинг 2-ярми – 1166) – тасаввуфнинг машҳур намояндаларидан бири, шоир. Туркистон яқинидаги Сайрам ш.да туғилган. Отаси Шайх Иброҳим жувонмардлик тариқати-га мансуб нуфузли зотлардан бўлган. Я. туғилгач, кўп ўтмай онаси – Мусо Шайхнинг қизи Ойша хотун вафот этган. 7 ёшида отасидан ҳам ажралган. Я. тарбияси б-н опаси Гавҳар Шахноз машғул бўлган. Я. опаси б-н Яссига кўчиб боргач, 1-устози Арслонбоб б-н учрашган ва ундан таҳсил олган («Етти ёшда Арслонбобом излаб топдим...»). Я. Яссига ботин илми сирларини мукаммал ўзлаштирган. Арслонбоб кўрсатмаси б-н Я. ҳам Бухорога борган. Даврнинг энг пешқадам олими ва суфийси Шайх Юсуф Ҳамадоний б-н учрашиб, унга мурид тушган. Я. Бухорода араб тили б-н бир қаторда форс тилини ҳам чуқур ўрган-

ган. Форсий-да яратилган тасаввуфий адабиёт б-н танишган. Хўжа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Ҳасан Андоқийлар б-н ҳамсухбат ва ҳаммаслак бўлиб, Юсуф Ҳамадоний муридлари қаторидан ўрин олган.

Я. Яссига қайтиб келиб, янги бир тариқатга – Яссавийликка асос солган. Яссавийлик тариқатига кўра, комил муршид (шайх)нинг зиммасига биринчи вазифа олий инсоний сифатларни ўзида мужассам этиш, шариат илмини мукаммал эгаллаб, сўнг муридларни ортидан эргаштиришга эришишдир. Яссавийлик фақат Мовароуннаҳрда эмас, балки Хуросон, Озарбайжон, Туркияда ҳам кенг ёйилган. Я. туркий халқларни исломга янада кенгроқ жалб қилиш ва тасаввуф ғояларини омма кўнглига чуқур сингдириш мақсадида шеъриятдан – ҳикматдан фойдаланган. Я.нинг айтган ҳикматлари унинг мурид ва издошлари томонидан тартиб берилиб, «Девони ҳикмат» китоби яратилган. Унда илоҳий ишқ ва ошиқлик, маърифат ва орифлик саодати, фанодан бақога етишиш тушунчалари ниҳоятда самимий ва таъсирли оҳангларда ёритиб берилган. Туркистон (қад. Ясси) ш.даги унинг қабри устига Амир Темур томонидан маҳобатли мақбара мажмуи бунёд этилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Я.ни

ўрганишга кенг имконият яратилди. «Девони ҳикмат» бир неча бор нашр этилди. Т. кўчаларидан бири, маҳалла Я. номи б-н аталади.

ЯССАВИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ғиждувон 2-тор кўч., 26) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Бойсун», «Маърифат», Махмур, М.Ашрафий маҳаллалари б-н чегарадош. 1929 й. ташкил топган. 1988 й.дан ҳоз. номида. Аҳолиси 4400 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси, «Аҳмад Яссавий» жоме масжиди бор. Маҳаллада Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов яшаб ўтган.

ЯШИН, Комил Яшин (тахаллуси; асл исм-шарифи Комил Нўъмонов) (1909.25.12–1997.25.9) – ёзувчи, жамоат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1968), Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1969), Меҳнат Қаҳрамони (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1939). 1929 й.дан Т.да. Ленинград ўрмон хўжалиги ин-тида ўқиган (1925–28). Андижон мактабларида ўқитувчилик қилган (1928–30). Андижон вилоят ва Ўзбек муסיқали драма т-рларида адабий эмакдош (1930–36), Санъат ишлари бош бошқармасида бошлиқ (1946–49), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис (1958–80). «Ўзбек тили ва адабиёти» журн.да бош муҳаррир (1969–80).

Я. бир қанча шеърий тўпламлар, «Нурхон» (1940), «Ҳамза» (1940, ҳамкорликда), «Генерал Раҳимов» (1949) ва б. пьесалар, «Ҳамза» (1982) романи, «Асал», «Салом, баҳор», «Оловли йўллар» (ҳамкорликда) киносценарийлари, «Бўрон» (1928), «Буюк канал» (1940, ҳамкорликда), «Гулсара» (1950), «Дилором» (1958, ҳамкорликда) опе-

ралари либреттоси муаллифи. Бундан ташқари Я. мусиқали драма т-ри учун Навоий достони асосида «Фарҳод ва Ширин» (1944), Эргаш Жуманбулбул достони асосида эса «Равшан ва Зулхумор» (1956) драмаларини яратган. У.Шекспирнинг «Антоний ва Клеопатра», У.Гажибековнинг «Аршин мол олон», И.Брусиловскийнинг «Эр Торфин», Б.Кербобоевнинг «Махтумкули», М.Хусайннинг «Олов», И.Қосимовнинг «Инсон меҳри», Л.Соболевнинг «Хўжайин» пьесаларини таржима қилган. Давлат мукофоти (1951, 1978), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1967), Халқаро «Нилуфар» мукофоти

(1978) лауреати. Чигатой қабристонига дафн этилган. Т. кўчаларидан бири Я. номи б-н аталади.

ЯҲЁ ФУЛОМОВ КЎЧАСИ – Мирзо Улугбек, Ҳамза ва қисман Миробод тумани ҳудудида. Алексей Толстой ва Шаҳрисабз тор кўчалари оралиғида. Уз. 2,5 км атрофида. Чор Россияси маъмурияти томонидан 19-а.нинг 2-ярмида ташкил этилган ва рус ёзувчиси Н.В.Гоголь (1809–52) номи берилган. 1998 й. 19 окт. дан акад. Яҳё Фуломов номи б-н юритилади. Йўналишида Буюк ипак йўли, Олой мавзелари, Буюк Британия, Франция, Индонезия, Хитой, Туркия, Украина ва Белоруссиянинг

Ўзбекистондаги элчихоналари, Ўзбекистон ФА Президиуми, Республика бош прокуратураси, Ўзбекистон меъморлар, бастакорлар уюшмалари, Ўзбекистон ФА Иммунология ин-ти, Миллий банкнинг бош амалиёт бошқармаси, болалар кутубхонаси, «Филипс» ва «Электроника» магазинлари, «Ал-Марат» хусусий корхонаси, дорихона, савдо шохобчалари, хорижий фирма ва компания офислари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Мустақиллик, Истиқбол, Тараққиёт ва «Ўзбекистон овози» кўчалари б-н туташган.

ЎЗА – қ. *Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.*

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ (Маннон Уйгур кўч., 2) – 1968 й. 28 окт.да «Ёш гвардия» театри номи б-н ташкил бўлган ва «Дийдор» (М.Каримов) спектакли б-н очилган. Ташкилотчиси ва биринчи бош реж. – Эргаш Масофоев. Ширин Азизова, Тўғон Режаматов, Фарҳод Аминов, Мурод Ражабов, Мадина Тўхтаева, Исамат Эргашев, Муҳаббат Абдуллаева, Малика Иброҳимова, Ноила Тошканбоева, Ҳошим Арслонов т-рининг дастлабки актёрларидир. Т-р фаолиятининг дастлабки йилларида ўз йўналишини асосан замонавий мавзу ва ёш драматурглар асарларига қаратди: «Ўн саккиз ёшлигим» (М.Каримов), «Биринчи бўса» (А.Иброҳимов), «Оқар сувлар» (Ў.Умарбеков), «Беш кунлик куёв» (Шуҳрат), «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (Ҳамза) ва б.

Т-р репертуарининг бойишида, актёрлик маҳоратининг ўсишида таржима асарлар ҳам муҳим роль ўйнади («Баҳс», М.Байжиев; «Ўлимларни қолдириб доғда», В.Титов, К.Меленко; «Освенцим жаллодлари», П.Вайс ва б.). 80-й.ларнинг ўрталаридан т-рда новаторлик санъати ўсди, ғоявий-эстетик йўналиши, образлар талқини такомиллашди, янги типдаги актёр, режиссура шаклланди. Ўзбек т-ри мероси ва жаҳон т-ри ижодидан таъсирланган ҳолда энг долзарб, саҳна воситаларига бой, янги саҳна шакллари ила йўғрилган спектакллар б-н республикадаги етакчи т-рлардан бирига айланди. «Отасининг қизи», «Майсаранинг иши», «Фармонбиби аразлади», «Учинчи орзу», «Қора камар», «Аршин мол олон», «Искандар», «Малика», «Паранжи сирлари», «Зиёфат», «Тоға-жиянлар», «Чеча» каби спектакллар т-рга шуҳрат келтирди.

1996 й. Баҳодир Ўйлдошев томонидан саҳналаштирилган «Буюк ипак йўли» спектаклида мусиқа, хореография, пластик ҳаракатлардан кенг фойдаланилган. Т-р саҳнасида илк бор саҳналаштирилган «Бухорои шариф» спектакли (реж. Б.Ўйлдошев)да реж. ғояси ўзига хос ва ўзгача ечимга эга. Т-р 90-й.ларнинг бошларида Англия, Шотландия, Шим. Ирландия, Германия каби мамлакатларда гастролда бўлиб, ўз спектакларини намойиш этган. Элёр Носиров, Неъмат Алимов, Афзал Рафиқов, Азиза Бегматова, Доно Бобохонова, Мадина Тўхтаева, Гулбахор Раҳимова, Ноила Тошканбоева, Ҳошим Арслонов кабилар т-рининг етакчи актёрларидир. Бадиий раҳбари Мунаввара Абдуллаева.

ЎЗБЕК ЛИБОСЛАРИ ГАЛЕРЕЯСИ (Зарқайнар кўч., 1) – кийимлар намойиш этиладиган мажмуа. Либосларни моделлаш ва лойиҳалаш, уларни миллий мато колоритида намойиш қилиш, ўзбек дизайнерларининг миллий кийимларини тарғиб қилиш, янгиларини ўйлаб топиш, халқаро ва минтақавий модалар кўрсатувлари, танловларини ташкил этиш, халқаро алоқаларни, миллий либос санъатини ривожлантириш, контрактлар тузиш б-н шуғулланади. Биноси 2005 й. қурилган (меъмори Ю.Мирошниченко). «Модерн» услубида бунёд этилган бино (86,0х36,0, ён томонлари 24,0х30,0, м-зий қисми 36,0х36,0) баланд мовий гумбаз б-н ёпилиб, ички ва таш-



қи томонлари меъморий-бадий жиҳатдан қад. ва замонавий меъморчилик анъаналари асосида безатилган. Бино бал. 25,90 м, 4 қаватли. 1-қаватида «Зарқайнар» супермаркети жойлашган, 2-қаватида савдо майдонлари ва «Наврўз» кафе-бар



Ўзбек либослари галереяси.

бор. 3-қаватда Миллий санъат м-зи жойлашган бўлиб, бу ерда мамлакатимизнинг мохир усталари томонидан яратилган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари намойиш этилади. Шу қаватда кийимлар намойиш зали, коллекциялар жойи, «Анор» ресторани ва япон «СНОУА» ресторани бор. 4-қаватда рассомлар кўргазма зали жойлашган.

Ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва наққошлик намуналари б-н безатилган бино лойиҳаси Тошкент бош режа лойиҳалаш интида ишлаб чиқилган. Бинони безатишда халқ усталаридан М.Султонов, Ҳ.Одилов, А.Каримов, А.Абдуллаев ва уларнинг шогирдлари қатнашди.

ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИ (Навоий кўч., 34) – 1913 й. Тошкентда биринчи театр – жадидларнинг «Турон» т-р труппаси ташкил этилди (қ. «Турон»). 1918 й. «Турон» т-р труппаси ҳукумат ихтиёрига олиниб, унга «давлат театри» мақоми берилди. Бадий раҳбари ва реж. Маннон Уйғур. 1925 й. Қўқон т-ри билан бирлашти-

рилиб, Ўзбек давлат намуна сайёр драма труппаси деб номланган. 1927 й. Ўзбек давлат драма труппасига айлантирилган. Т-р саҳнасида драма, мусиқали драма, болалар т-ри йўналишлари вужудга келади. Бу жараён 1929 й. театрдан мусиқали драма, ёш томошабинлар давлат т-рлари ажралиб чиқиши б-н якунланади. 1929 й.дан Ўзбекистон давлат драма т-ри, шу йилдан Ҳамза номида, ўша йилдан Т.да. 1933 й.дан акад. театр.

Т-рда турли йилларда актёрлардан – Ш.Бурҳонов, М.Ёқубова, О.Жалилов, М.Кузнецова, Ҳ.Латипов, Ш.Маъзумова, М.Мироқилов, М.Муҳамедов, Ш.Нажмиддинов, Л.Назруллаев, О.Норбоева, С.Олимов, Н.Раҳимов, З.Садриева, Т.Саидазимова, П.Саидқосимов, Т.Султонова, Ж.Тожиев, А.Турдиев, Ҳ.Умаров, О.Хўжаев, Қ.Хўжаев, Ҳ.Хўжаева, А.Ҳидоятлов, З.Ҳидоятлова ва б.; реж.лардан – Я.Божонов, А.Гинзбург, Б.Йўлдошев, Г.Камол, Н.Ладигин, Т.Хўжаев; рассомлардан – Г.Брим, И.Вальденберг, Г.Визель, Ҳ.Икромов, С.Миленин,

Д.Ушаков ва б. ишлаган. Спектакллари орасида – «Бой ила хизматчи» (Ҳамза, 1920, 1939), «Макр ва муҳаббат» (Ф.Шиллер, 1921), «Ревизор» (Н.Гоголь, 1925, 1952), «Маликаи Турандот» (К.Готцци, 1927), «Номус ва муҳаббат» (К.Яшин, 1936), «Ҳам-

лет», «Отелло», «Юлий Цезарь» (У.Шекспир, 1935, 1939, 1949; 1941, 1958, 1984), «Муқанна» (Ҳ.Олимжон, 1943), «Жалолiddин», «Мирзо Улуғбек» (М.Шайхзода, 1944; 1961), «Алишер Навоий» (Уйғун, И.Султон, 1945, 1948), «Навбахор», «Парвона», «Зебуннисо» (Уйғун, 1949; 1966; 1983), «Шоҳи сўзана», «Оғриқ тишлар», «Тобутдан товуш» (А.Қаҳҳор 1952, 1958; 1954; 1962), «Ганг дарёсининг қизи» (Р.Тагор асари асосида, 1956), «Қирол Лир» (У.Шекспир, 1966), «Шоҳ Эдип» (Софокл, 1968), «Олтин девор», «Истанбул фожиаси» (Э.Воҳидов, 1970; 1988), «Келинлар кўзғолони» (С.Аҳмад, 1976), «Ўн учинчи раис» (О.Абдуллин, 1981), «Юлдузли тунлар» (П.Қодиров, 1983), «Қиёмат қарз», «Шошма, куёш» (Ҳ.Умарбеков, 1985-й.лар) ва б. асарлар бор.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, т-р фаолиятида кескин ўзгаришлар рўй берди. Ижодий жамоа ҳар томонлама эркин иш юритиш, репертуар тузиш имкониятига эга бўлди. 2001 й. 21 сент.дан т-р номи ўзгартирилиб,

«Ўзбек миллий академик драма театри» деб атала бошланди. Жамоа замонавий мавзуда спектакль яратиш б-н бирга буюқ тарихий шахслар, қатағон қурбонларининг бадий тимсолини яратишга эътиборни кучайтирди. Натижада У.Шекспир

замондоши К.Марлонинг «Соҳибқирон Темур» драмаси ўзбек саҳнасида илк бор саҳналаштирилди. Абдулла Ориповнинг «Соҳибқирон Темур» драмаси, Усмон Азимовнинг Чўлпон ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Кундузсиз кечалар» томошабинларга тақдим этилди. «Жар», «Хотинлар гапидан чиққан хангома», «Сабъаи сайёр», «Алишер Навоий», «Абдулфайзхон», «Меҳробдан чаён», «Чимилдиқ», «Қаллиқ ўйин», «Машраб», «Муҳаббат султони», «Дарахтлар тик туриб жон беради», «Ҳамлет», «Қирол Лир», «Етти фарёд», «Антиқа қудалар», «Ўзбекча рақс» ва б. сўнгги йиллар яратилган энг яхши спектакллардир. Ёқуб Аҳмедов, Рихси Иброҳимова, Эркин Комилов, Толиб Каримов, Ёдгор Саъдиев, Саидкомил Умаров, Теша Мўминов, Зухра Ашурова, Жамшид Зокиров, Гавҳар Зокирова, Мадина Мухторова, Тоҳир Саидов, Дилбар Икромова, Учқун Тиллаев, Муқаддас Холиқова, Саида Раметова, Раъно Ярашева ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Т-рнинг бош реж. Валижон Умаров (2005).



Ўзбек миллий академик драма театри.

Театр биноси 2001 й.да замонавий талабларга жавоб берадиган қилиб қайта таъмирланди. Таъмирдан сўнг бино бутунлай янги қиёфага эга бўлди, замонавий техник-муҳандислик асбоблари б-н жиҳозланди. Бош тарзи устунлардан ташкил топган, пештоқи эгик ёй шаклида, 3 та кириш эшиги равоқли. Фойе ва зали оғир қурилмалардан халос этилди: фойе шифтига нақшинкор безакли гумбаз, томоша залининг шифтига эса осмонда сузиб юрган булутлар тасвирланган осма гумбаз ишланган, унинг атрофи гул япроқларини эслатувчи қандиллар б-н ҳошияланган. Зални ёритишда 7 қисмли нодир ёритиш тизими қўлланган. Бинонинг 2 ён томони 7, 8 м га кенгайтирилди. 1-қаватда вестибюль, 2-қаватнинг ўнг қанотида «Мақом» мусиқа салони, чап қанотида т-р раҳбарияти хоналари, 3-қаватда т-р музейи жойлашган. Бинонинг ер ости қисмига кичик зал, ходимлар учун спорт зали ва б. хоналар, гардероб ишланган. Бош тарзидаги стилобат кенглигида 2 та касса барлар жойлашган.

Зал деворлари ганчкорлик усулида дарпардалар кўринишида безатилиб, оралиқларига бир маромда такрорланувчи зарҳалланган кўк кошинкори вертикал йўллар ишланган. Саҳна пардаси зардўзи кашталар б-н жозибадор безатилган. Катта (540 ўрин) ва

кичик (110) залдаги ўриндик, фойе ва зинанинг ёғоч тўсиқлари Италиядан келтирилган; залнинг пойдевори яшма тошларидан, фойе поли оч рангли мрамрдан қадама усулида ишланган. Эшиклар ёғоч ўймакорлигида жозибадор безатилган. «ЎЗБЕКИСТОН» – Ўзбекистон йўлидаги метро бекати; Афросиёб ва Ўзбекистон кўчалари кесишган жойда. 1984 й. 7 дек. да фойдаланишга топширилган. Меъмори А.Табибов, муҳандиси А.Зокиров ва б. Гумбазли платформа зали 2 ер ости вестибюли, кўча ости йўлакларига эга. Чироқлар шишадан ва металлдан пахта чаноқлари шаклида ишланган (рас. В.Дудин), деворлар далаларга обиҳаёт бериб оқаётган сирланган сополдан ишланган сув тасвири б-н (рас. Р.Муҳаммаджонов), шифти эса ганч ўймакорлиги б-н (ҳалқ устаси А.Султонов ва б.) безатилган. Бекатни безашда мрамар, гранит, керамика, ганч, металл, шиша ва б.дан фойдаланилган. «ЎЗБЕКИСТОН» (Тараққиёт кўч., 45) – 4 юлдузли меҳмонхона. 1974 й. қурилган (меъморла-



«Ўзбекистон»
меҳмонхонаси.

ри: Л.И.Ершова, Л.И.Рашчулкин). «Ўзбектуризм» миллий компанияси тасарруфида. 17 қаватли бино корпусида 495 номер бор. Икки қаватли блок-ресторан (450 ўринли 2 зал, 100 ўринли банкет зал, 250 ўринли кафе, 100 ўринли тунги бар, 100 ўринли чойхона) асосий корпусга туташган. Бинони қуришда замонавий ва миллий меъморий услуб уйғунлашиб кетган. Безаш ишларида мрамор, гранит, шиша, чиганок, алюминий, қимматбаҳо ёғочдан фойдаланилган; ич томони витраж, керамика, металл, ганч ва нақшинкор ёғоч б-н безатилган. Меҳмонхона яқинида *Амир Темури хиёбони*, *Темурийлар тарихи давлат музейи*, шаҳар ҳокимлиги биноси бор.

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» (Матбуотчилар кўч., 32) – ҳафталик ижтимоий-маънавий газета. Муассислари: Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси. Дастлабки сони 1956 й. 4 янв.да «Ўзбекистон маданияти» номи б-н ҳафтада 2 марта чиққан. 1981 й.дан ҳоз. номда кўпайтирилган ҳажмда (8 бет) чоп этилади. Саҳифа-

борилади. Мумтоз ўзбек адабиётига, маънавий меросимизга доир тадқиқотлар, адабий танқид ва адабиётшуносликда кечаётган жараёнлар б-н бирга тарихий адолат ва ижтимоий фикр ривождаги янгиликлар ҳам ёритилади. Шунингдек, газ. саҳифаларида иймон-этиқодга, умуман маънавий-ахлоқий қадриятларга кенг ўрин берилган. Газ.да ўзбек шоир ва ёзувчиларининг янги асарларидан намуналар мунтазам ёритилади. Муштарийлар кино, т-р, меъморчилик, дизайн, тасвирий ва амалий санъатдаги янгиликлар, мумтоз кўшиқчилик, замонавий эстрада ва рақс санъатидаги жараёнлар б-н кенг танишиб бордилар. Ёш, истеъдодли ижодкорларнинг янги асарларини ҳам доимий равишда ўқиб бориш мумкин.

Газ.га турли даврларда Одил Ёқубов, Мумтоз Муҳамедов, Раҳмат Файзий, Воҳид Зоҳидов, Лазиз Қаюмов, Асқад Мухтор ва б. муҳаррирлик қилганлар. Ҳоз. муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев (1988–2000; 2004 й.дан). Адади 8000 нусха (2009).

ларида адабиёт ва санъат масалалари б-н узвий боғлиқ ҳолда халқ ҳаётининг барча қирралари акс эттириб

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ («Адолат» СДП) (марказий аппарати манзили Чилонзор тумани, Комил Ёрматов кўч., 14) – 1995 й.да ташкил топган. Мамлакатда вужудга келган илк социал-демократик партия. Партиянинг асосий мақсади – Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, ислохотларнинг жадаллашувига, ҳуқуқий-демократик, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва пировардида, Ўзбекистоннинг жаҳонда ривожланган мамлакатлар сафидан мустаҳкам ўрин олишига муносиб ҳисса қўшиш. Партиянинг ғоявий негизини социал-демократиянинг 3 асосий принципи: сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий адолат ташкил этади. Қонун устуворлигини таъминловчи адолатли ижтимоий муносабатлар ўрнатилгандагина одил жамият қуриш мумкин бўлади. Партия шу йўналишдаги ишларни бажаришни ўзининг асосий вазифаси деб ҳисоблайди. У ўрта-ҳол ва кам таъминланган аҳоли табақаларига таянади ҳамда уларнинг сиёсий, ижтимоий иродасини намоён этишга интилади. Партиянинг олий органи – қурултой, 5 й.да 1 марта чақирилади. Партиянинг 74 мингдан зиёд аъзоси бор (2009). Партиянинг нашри: «Адолат» газ. «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси – Исмоил Саифназаров. «Адолат» СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси 10 депутатдан ташкил топган.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент ш. Кенгаши 1995 й. таъсис этилган. Шаҳар Кенгаши 11 туман Кенгашидан иборат бўлиб, уларда аёллар ва ёшлар б-н ишлайдиган «Хотин-қизлар Кенгаши» ва «Ёш адолатчилар Кенгаши» фаолият юри-



«Ўзбекистон» анжуманлар саройи. Қурилиш жараёни.

тади. Партия Тошкент ш. Кенга-
шининг 2500 аъзоси бор (2009).
Ўзбекистон Республикаси Олий
Мажлис Қонунчилик палатасига
«Адолат» СДП Тошкент ш. Кен-
гашидан 1 киши, Халқ депутат-
лари Тошкент ш. Кенгашига 4
киши депутат этиб сайланган.
«Адолат» СДП Тошкент ш. Кен-
гаши 1-котиби – Парида Пармо-
нова (2006 й.дан).

**«ЎЗБЕКИСТОН» АНЖУМАН-
ЛАР САРОЙИ** (Тараққиёт кўч.,
1) – Тошкент ш.нинг 2200 йилли-

«Ўзбекистон» анжуманлар саройи (макети).



ги муносабати б-н қурилган муҳ-
ташам иншоот («Ташгипрогор» ва
«Пўлат қурилма лойиҳа» ин-тла-
ри лойиҳаси асосида; бош пуд-
ратчи – «Нефтвазмонтаж» қўшма
корхонаси). Ўзбекистон Респуб-
ликаси Президентининг 2008 й.
5 июндаги қарори асосида бун-
ёд этилган. Қурилиш ишлари
2008 й. май ойида бошланиб,
2009 й.нинг июль ойида якунлан-
ган. Сарой малакали пойтахт
қурувчилари томонидан бунёд
этилган. Саройнинг ички пардо-

зи ва жиҳози Германия, ташқи
томон кўриниши Греция мута-
хассислари томонидан амалга
оширилган.

«Ў.» а.с.да мамлакат миқёси-
да, шунингдек, эътиборли халқ-
қаро ташкилотлар фаолияти до-
ирасида турли-туман тадбирлар,
учрашувлар, тантаналар ўткази-
лади. Сарой 9,5 минг м² дан зиёд
майдонни эгаллаган. Унинг 2200
ўринли битта ва ҳар бири 300
ўринли 2 та конференц-зали
бор. Олд қисмини баланд колон-
налар безаб турибди. Тепасида
бал. 50 метрли, 52 диаметрли
гумбаз ўрнатилган. Ташқи беза-
гида замонавий қурилиш матери-
аллари, ноёб оқ мраммар, ойна-
дан кенг фойдаланилган.

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКА-
ДЕМИЯСИ (ЎзБА)** (Рашидов
кўч., 40) – Ўзбекистон тасвирий
ва амалий санъатининг йирик
арбобларини бирлаштирувчи
ҳамда маданият, меъморлик,
тасвирий ва амалий санъат, санъ-
атшунослик, дизайн, музейшу-
нос, илмий, ижодий, таълим ти-
зимига ёш мутахассислар тайёр-
лашга илмий методик раҳбарлик
қилувчи олий илмий методик
ташкилот; Ўзбекистон бадий
ҳаётининг маркази. 1997 й.да
Тошкент ш.да ташкил қилинган.
ЎзБА таркибида 37 академик
(фахрий аъзолари б-н) бор.
Олий органи – Бошқарув кенга-
ши; мажлислар оралигида ака-
демия фаолиятига Раис (1997
й.дан Т.К.Қўзиев) бошчилигида-
ги Бошқарув раҳбарлик қилади.
ЎзБАда халқаро алоқалар, ах-
борот ва маркетинг, таълим, ме-
тодика ва ижодкор ёшлар б-н
ишлаш, молия-иқтисод ва мод-
дий техник таъминот, м-зий ҳи-
собхона, ижодий бўлимлар бош-
қармалари мавжуд.

ЎзБА бадий таълим тизими-
да *Санъатшунослик институ-*

ти, Камолиддин Беҳзод номидаги *Миллий рассомлик ва дизайн институти*, Респ. рассомлик коллежи, Респ. тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати, А.Хўжаев номидаги Респ. дизайн коллежи, Тошкент ш., республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган тасвирий ва амалий санъат академик лицейлари ва коллежлари, и.ч. устахоналари ва лаб.лар бор. Академия таркибида Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазма зали, «Хамар» халқаро алоқалар м-зи, *Бадий кўргазмалар дирекцияси*, Замоनावий санъат м-зи, Тошкент фотография уйи, ЎзБА махсус фонди, Ўзбекистон бадий ижодкорлар уюшмаси, «Оқтош» Ўзбекистон рассомлари ижод уйи, Камолиддин Беҳзод мемориал мажмуи (боғ ва музей б-н бирга), Халқаро маданият карвонсаройи, Тошкент халқаро биеннале дирекцияси (2001 й.дан ҳар 2 й.да ўтказилади – 2001, 2003, 2005), Тошкент халқаро болалар расмлари биеннале дирекцияси (ҳар 2 й.да), Тошкент халқаро фототанлови дирекцияси (2002 й.дан ҳар йили) каби ташкилотлар фаолият кўрсатади.

БА «Санъат» журн.ни, и.т.лар материалларини, санъат ва ма-

даниятга доир турли ад.ларни нашр этиб боради. Голландия, Греция, Франция, Швеция, Корея Республикаси, Сурия, Япония ва б. мамлакатларнинг БА-лари б-н ҳамкорлик қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ГЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ – қ. *Геология музейи.*

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ – қ. *Жаҳон тиллари университети.*

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ – қ. *Жисмоний тарбия институти.*

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ (Мироншоҳ кўч., 123) – 1945 й. Ўрта Осиё давлат т-р санъати ин-ти сифатида Тошкент ш.да ташкил этилган. 1954 й. Театр ва рассомлик санъати ин-тига айлантирилган. 1997 й. ин-тнинг рассомлик санъати ф-ти мустақил ин-т мақомида ажралиб чиқди (қ. *Миллий рассомлик ва дизайн институти*) ва ин-т Тошкент давлат санъат ин-ти номи б-н атала бошлади. 2007 й.дан ҳоз. номда. Ин-т 4 таълим йўналиши (актёрлик санъати; реж.лик санъати; санъатшунослик; техноген санъати) бўйича бакалаврлар, 14 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрлайди. Ин-т таркибида 3 ф-т (т-р санъати; санъатшунослик ва техноген санъати; малака ошириш), магистратура ва аспирантура бўлими, 13 каф., ўқув т-ри, спорт зали, телестудия, 2 рақс зали, 17 махсус ижодий

устахона – маҳорат аудиториялари, 13 ўқув хонаси мавжуд. Аспирантура ва докторантура фаолият кўрсатади. 2008/2009 ўқув йили ин-тда 200 дан ортиқ проф.-ўқитувчи, жумладан 20 проф., 10 фан д-ри, 25 фан номзоди ва 43 доцент ишлади; 1000 га яқин талаба таълим олди. Ин-т ташкил этилгандан бери 8781 малакали мутахассис тайёрланди. Ин-тда 2000 й.дан «Қалдирғоч» газ. нашр этилади. «Санъат садоси» радиоси фаолият олиб боради. **ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ МУЗЕЙИ** (Амир Темур шоҳкўчаси, 16) – маданий-маърифий, илмий муассаса; Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган бадий музей. 1918 й.да Тошкент ш.да Халқ ун-ти музейи сифатида асос солинган; кейинчалик Марказий бадий музей, 1924 й.дан Т. санъат музейи, 1935 й.дан ҳоз. номда. Туркистон ўлкашунослик музейининг бадий бўлимидан ва б. музейларнинг фондларидан, шахсий тўпламлардан санъат асарлари келтирилиб бойитилган, музейда 19-а. рус рассомларининг нодир асарлари тўпланган. Музей фонди 50 мингдан зиёд экспонатга эга (2009).

Музейда Ўзбекистон халқ амалий санъати, Ўзбекистон тасвирий санъати, рус санъати, Фарбий Европа санъати, хорижий Шарқ халқлари санъати бўлимлари, хазина, таъмирлаш устахонаси, фотолаборатория бор, лекторий ташкил этилган. Музей Ўзбекистон тасвирий санъати бўйича и.т. ишлари олиб боради, хазинасидаги санъат асарлари асосида мавзули кўргазмалар ташкил этади, чет мамлакатлар кўргазмаларида иштирок этади.

Музей экспозицияси санъат жанри ва турларига ажратилган



Ўзбекистон Бадий академияси.



Ўзбекистон давлат санъат музейи.

ҳолда хронологик тартибда тuzилган. Ҳар бир залдаги экспонатлар санъат турлари, мактаблари, анъаналар ва ҳоз. ривожланиш м-зларига қараб жойлаштирилган. Экспозиция Ўзбекистоннинг қад. санъат ёдгорликлари – Зараутсой расмларини, Холчаёндан топилган ҳайкалларни, сўнг Ўзбекистон халқ амалий безак санъатини намойиш этиш б-н бошланади.

Музей фондининг катта қисмини Ўзбекистон тасвирий санъати асарлари ташкил қилади. Музей, шунингдек, бой ўзбек амалий санъати тўпламига эга: ганч, ёғоч ва тош ўймакорлиги намуналари, заргарлик, гиламчилик, каштадўзлик, кулолликка мансуб қимматли буюмлар ўзбек халқининг қад. ва бой амалий безак санъати ҳақида мукамал маълумот беради. Музейда Фарб (Италия, Испания, Германия, Нидерландия, Франция, Буюк Британия) ва Шарқ (Ҳиндистон, Хитой, Япония, Вьетнам, Мьянма) мамлакатларининг тасвирий санъат асарлари ва амалий санъати намуналарига кенг ўрин берилган.

Музей дастлаб князь Н.К.Романов саройида, 1935–66 й.лар Халқ ун-ти биносида жойлашган. 1974 й.дан (1966 й. Тошкент зилзиласида вайрон бўлган Халқ ун-ти биноси ўрнида) музей учун

Бино тарҳи содда куб шаклида, тарзлари металл синч (каркас)ли конструкциялар б-н тўртбурчакли қисмларга бўлинган, пойдевор ва пештоғи кулранг мрамор б-н қопланган. Музей биносида 1997 й.дан қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

«ЎЗБЕКИСТОН» ДАВЛАТ ТЕННИС КЛУБИ (Ифтихор кўч., 1) – 2001 й. ташкил этилган. Майд. 4,25 гектар. Клуб ҳудудида ёпиқ теннис корти (1997 й. қурилган) ва сув спорти саройи (2002 й. қурилган) жойлашган. 2 қаватли ёпиқ теннис корти таркибида 2 та VIP хона, матбуот м-зи, компьютер хонаси, бар, 2717 томошабинга мўлжалланган трибуна ва б. бор. Сув спорти саройи таркибида 2 қаватли ёпиқ сузиш ҳавзаси, бар, саройга ташриф буюрувчилар учун 3 холл, 50 м x 25 м ли сузиш ҳавзаси (чуқурлиги 2,5 м), сакраш учун мўлжалланган сув ҳавзаси (чуқурлиги 5,5 м), 1 та VIP хона, матбуот м-зи, 1200 томошабинга

«Ўзбекистон» давлат теннис клуби.

мўлжалланган трибуна, машқ зали, аэробика зали, конференц-зал, 2 та сауна ва б. бор. Клубда синхрон сузиш, сузиш, сув полоси, таэквандо, бокс, кикбоксинг, мини-футбол бўйича мусобақалар ўтказилади. Ҳар ойда 2000 га яқин киши спортнинг турли хиллари б-н шуғулланади. Теннис, синхрон сузиш, сузиш, сув полоси, таэквандо, профессионал бокс, кикбоксинг, мини-футбол бўйича халқаро ва респ. мусобақалари ўтказилади. Шунингдек, клуб Ўзбекистонда теннис ва спортнинг сув турларини янада ривожлантириш, спорт соҳасида хорижий мамлакатлар б-н муносабатларни мустақамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш ва ёшларни спортга жалб этиш, олимпия захиралари ҳамда юксак даражали спортчиларни тайёрлаш бўйича ҳам ишлар олиб боради. Яқинида «Ҳабиб Абдуллаев» ва «Бодомзор» метро бекатлари жойлашган.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ (Ўзбекистон кўч., 16^а-уй) – ёзувчиларнинг кўнгилли ижодий жамоат ташкилоти. 1934 й. 8–11 мартда бўлган Ўзбекистон ёзувчиларининг 1-қурултойида ташкил этилган. Бунгача улар турли тўғарак ва уюшмалар ҳолида фаолият кўрсатган. Жумладан, 1919 й. «Чигатой гурунги» номли адабий тўғарак атро-



фида уюшган жадидлар ўзбек миллий адабиётининг шаклланишига ҳисса қўшган. 1926 й.да Самарқандда «Қизил қалам» номи адабий ташкилот тузилган, бу ташкилотнинг Қўқон, Фарғона, Наманганда маҳаллий шохобчалари иш олиб борган. Уюшмага турли йилларда Раҳмат Мажидий, Ҳ.Олимжон, Ойбек, Ш.Рашидов, Уйғун, Абдулла Қаҳҳор, С.Азимов, Ўлмас Умарбеков, Одил Ёқубов, Абдулла Орипов ва б. раҳбарлик қилган. 2009 й. 30 апр.дан уюшма раиси Б.Ш.Алимов. Уюшманинг 700 дан ортиқ аъзоси бор. Вилоятларда ўз бўлимларига, Дўрмон қишлоғида ижод уйига эга. Муассислигида «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Ёшлик» журн.лари ҳамда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газ. нашр этилади. 2002 й.да Халқаро алоқалар ва бадиий таржима кенгаши ташкил этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ТЕАТРИ (Навоий кўч., 55) – болалар, ўсмирлар ва ёшлар театри. 1928 й. Т.да врач С.Этьен ва рассом С.Мальт томонидан рус ёш томошабинлар т-ри сифатида ташкил этилган. 1998 й. май ойидан ҳоз. номда. Т-р «Том тоғанинг кулбаси» (Б.Стоу) спектакли б-н очилган. «Золушка», «Қор маликаси», «Оппоқойим ва етти гном» каби эртаклардан ташқари катта ёшдаги болалар учун ҳам спектакллар («Дон Кихот», «Икки бойга бир малай», «Горькийнинг ёшлиги» ва б.) қўйилган. Т-рда турли йилларда реж.лардан А.Гинзбург, Н.Ладигин, Я.Лобач, И.Радун, актёрлардан В.Султонова, Г.Цинкобуров ва б. ишлаган. «Қалтакесак» (А.Володин), «Азизим Елена Сергеевна» (Л.Разумовский) каби спектакллар шуҳрат қозонган. Т-рнинг ижодий йўналиши миллий анъа-

налар, шунингдек, рус ва Европа сахна санъатига асосланган. Т-р спектакллари икки тил (ўзбек ва рус)да кўрсатилади.

«Зўраки табиб», «Қафтдаги юлдуз» («Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида) каби спектаклларда ўзбек халқ масхарабозлик ва қизиқчиликларидан кенг фойдаланилган ва улар замонавий сахна топилмалари б-н бойитилган. «Театр зинапоялари» туркуми остида қўйилган спектаклларда жаҳон т-ри тарихи ёритиб борилмоқда. Т-р репертуаридаги спектакллар янги гоёлар, ижодий фантазиялар синтези ва янги ифода воситалари б-н суғорилган («Умар Хайём буржи», «Шарора доимий раққоса», «Гугурт ушлаган қиз», «Томдаги скрипкачи», «Иблис аёл», «Маликаи Турандот», «Тухфа қилинган севги ҳикояси», Навоий дostonлари асосида яратилган «Қушлар тили» ва б.).

Т-р труппаси кўпгина халқаро фестиваллар (Қоҳира, 1992; Москва, 1992, 1998; Самара, 2000; Исроил, 2002 ва б.) қатнашчиси. Т-рнинг ўзи «Хумо» номи б-н ёшлар театри, рақс ва мусиқа халқаро фестивалини ўтказди.

Т-рда реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Г.Мустафин, балетмейстер М.Искандарова; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ф.Режаметова, Ж.Юсупов; артистлардан А.Мальчакова, А.Холмирзаев, А.Картаев, Д.Купрей, Б.Йўлдошев, В.Васильева, О.Қаюмов, Л.Саидўғли, А.Бекмуродов, В.Владимилова, А.Тренина ва б. фаолият кўрсатмоқда.

Т-рнинг бадиий раҳбари ва бош реж. – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Н.Абдураҳмонов.

ЎЗБЕКИСТОН ИПАКЧИЛИК ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ипакчилик илмий тадқиқот институти (Ипакчи кўч., 1) – пиллачилик ва ипакчилик муаммоларини ўрганадиган и.т. муассасаси. 1927 й. 12 ноябрда Ўрта Осиё ипакчилик ва ипакшунослик ин-ти номи б-н ташкил қилинган. 1931–91 й.ларда Ўрта Осиё ипакчилик и.т. институти. 1991 й.дан ҳоз. номда. 2007 й.дан Ўзбекистон қ.х. илмий-и.ч. маркази таркибида. Ин-тда ипак қурти селекцияси, наслчилиги, ипак қурти касалликларига қарши кураш, пиллага дастлабки ишлов бериш ва стандартлаш каби бўлим ва лаб.лари мавжуд.

Ин-т олимлари томонидан ипак қуртининг 60 дан ортиқ зот ва дурагайлари яратилган. Ин-тда тут ипак қуртининг хавфли касаллигига қарши курашнинг ягона биологик усули ишлаб чиқилди. Ипак қуртининг жаҳон генофонди яратилди. Ин-тда ипак қурти зотларининг 100 дан ортиқ, тут навларининг 200 дан ортиқ коллекциялари бор. Ин-тда 64 ходим жумладан, 5 фан д-ри, 7 фан номзоди ишлайди (2009).

ЎЗБЕКИСТОН ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ АКАДЕМИЯСИ – қ. *Ички ишлар вазирлиги академияси.*

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ – қ. *Касаба уюшмалари.*

ЎЗБЕКИСТОН КИМЁ-ФАРМАЦЕВТИКА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (Дўрмон йўли кўчаси, 40), Абдулла Султонов номидаги Ўзбекистон кимё фармацевтика илмий тадқиқот институти – 1964 й.да ташкил этилган. 1996 й.дан ҳоз. номда. Ин-тга унинг асосчиси, кимёгар олим Ўзбекистон

ФА мухбир аъзоси А.Султонов (1913–83) номи берилган. Ин-тда 10 илмий-амалий лаб. ва бўлим, шунингдек, тажриба – и.ч. бўлими мавжуд. Ин-тнинг асосий илмий-амалий йўналиши табиий бирикмалар ва синтетик моддалар асосида янги дори воситаларини олиш, уларга илмий-техник хужжатлар (регламент, фармакопея мақолалари) тайёрлаш ҳамда тажриба-саноат намуналарини и.ч., нефткимё, газ, озик-овқат ва б. саноат корхоналари учун зарур бўлган катализаторлар олиш, каталитик жараёнларни ишлаб чиқиш ва саноатга татиқ қилиш муаммолари устида тадқиқотлар олиб боришдан иборат. Ин-тда 200 дан ортиқ янги бирикмалар синтез қилинган; препарат намуналари олиниб фармакологик фаоллиги ўрганилган. Олиб борилган изланишлар асосида яллиғланишга қарши илгари маълум бўлган дорилардан фаоллиги юқори бўлган ўзгача 3 та дори воситаси (фенсулқал, бензкетозон, дихлотазол) яратилди.

Ин-тда 90 га яқин ходим, жумладан, 2 акад., 4 фан д-ри, 14 фан номзоди ишлайди (2008). **ЎЗБЕКИСТОН КОНСЕРВАТОРИЯСИ**, Ўзбекистон давлат консерваторияси (Ботир Зокиров кўч., 1) – 1936 й. Тошкент олий мусиқа мактаби (1934) негизида Тошкент консерваторияси номи б-н ташкил этилган. 2002 й.дан ҳоз. номда. Консерватория композиция, мусиқашунослик, хор ва опера-симфоник дирижёрлиги, европа классик, миллий ва эстрада йўналишидаги ижрочилик, замонавий техноген, мусиқий пед., танқид ва журналистика ихтисосликлари бўйича мутахассислар тайёрлайди. Консерваторияда 6 ф-т (мусиқашунослик-бас-



Ўзбекистон консерваторияси.

такорлик ва фортепиано; оркестр; хонандалик ва хор дирижёрлиги; шарқ мусиқаси; эстрада ижрочилиги; малака ошириш ва қайта тайёрлаш), 21 каф., лаб., халқ мусиқа кабинети, ихтисослашган илмий м-з, 2 музей бор. 1999 й. магистратура бўлими, 2003 й. иқтидорли болалар акад. лицейи ташкил этилди. Шунингдек, унинг таркибида мусиқали театр-студия, симфоник, ўзбек халқ, пуфлама ва эстрада чолғулари оркестр ва ансамбллари, «Биг Бенд» оркестри, хор жамоалари, «Мусиқа» нашриёти, фонотека, кутубхона (250 мингдан ортиқ асар) фаолият кўрсатади. Консерваторияда 232 проф.-ўқитувчи, жумладан, 36 фан д-ри ва проф., 71 фан номзоди ва доцент ишлайди; 1374 талаба таҳсил олади (2008). Ў.к.да турли йилларда М.Ашрафий, Н.Яблановский, М.Насимов, Н.Ҳошимов, Х.Азимов, И.Акбаров, Сайфи Жалил, М.Тожиев, Ю.Барсов, Я.Пеккер, А.Одилов, Ф.Кароматли, В.Пўлатов, А.Гекельман, А.Абдуқаюмов, С.Қобулова, Т.Алиматов ва б. фаолият олиб борган. Консерватория ташкил этилгандан буён 8598 мутахассис ва 319 магистр тайёрланди (2008).

Консерваториянинг илмий-услубий фаолияти, асосан, ўзбек мумтоз ва замонавий мусиқа, Марказий Осиё ва жаҳон халқлари мусиқа ижоди, мусиқа назарияси ва тарихи, ижрочилик масалалари б-н боғлиқ.

2002 й.да Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Қаримов ташаббуси б-н қурилган янги биноси (бош меъмор В.Спивак; меъморлар: А.Калисломов, Р.Шокиров ва б.; рассомлар: О.Хабибулин, В.Ган, Р.Худойбергандов ва б.) энг замонавий ускуналар ва чолғулар б-н таъминланган. Умумий ҳажми 35 минг 180 м², 305 аудиторияси, 4 концерт зали, 4 овоз ёзиш студияси, спорт заллари ва б. мавжуд. **ЎЗБЕКИСТОН КЎЧАСИ** – Тошкент ш.нинг м-зий кўчаларидан бири. Амир Темур ва Бунёдкор шоҳкўчалари оралиғида. Уз. 3 км атрофида. 19-а.нинг 2-ярмида Т.нинг Янги шаҳар қисмида ташкил топган дастлабки кўчалардан бири. Кўчага дастлаб чор Россияси маъмурияти томонидан Маҳрам (Кўқон йўлидаги истеҳкомлардан бири) номи берилган. Ўша даврда кўчада *Тошкент тупроққўргони*, генерал М.Г.Черняевнинг уйи, Пиёнбозор, товуқбозор, савдо уйлари, касалхона, дорихона, кутубхо-

на, шахсий меҳмонхоналар ҳамда ҳарбий қисмлар бўлган. 1925 й. 19 янв.дан Ў.к. деб юригилади. Йўналишида Ўзбекистон Республикасининг Президенти девони, Давлат ва жамият қурилиши академияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Алишер Навоий номидаги давлат акад. катта т-ри, «Жаҳон» ахборот агентлиги, «Оила» илмий-амалий м-зи, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Давлат божхона, мулк қўмиталари, Марказий банк, «Ўзбекино» миллий агентлиги, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси, «Пахтакор» стадиони, Ўзбекистон шахмат федерацияси, Ўзбекистон БА ва унинг Марказий кўргазмалар зали, Т. метрополитени, «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси, Шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг шаҳар бўлими, «Тошкент универмаги» супермаркети, «Бунёдкор» ва «Ўзбекистон» метро бекатлари ва б. жойлашган. 1994 й. авг.да реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган. Йўналишида Буюк Турон, Нуронийлар, Рашидов, Туроб Тўла кўчалари б-н туташган.

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ (ЎзЛиДеП), Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати (ижроия қўмитаси манзили Миробод тумани, Нукус кўч., 73) – 2003 й. дек.да ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади – тадбиркорлар ва ишбилармонлар кенгроқ фаолият кўрсатиши учун янги имкониятларни очиш, бозор иқтисодиёти, ҳуқуқий давлат принципларига



Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргазмаси.

асосланган демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратиш, халқнинг, аввало, ёшларнинг онгига демократик қадриятларни етказиш ва жорий этиш б-н боғлиқ ҳаракат дастурини амалга оширишга куч ва имкониятларни сафарбар қилиш. Партиянинг олий органи – съезд, 3 й.да камида 1 марта чақирилади. Партиянинг 158 мингдан зиёд аъзоси бор (2009). Партиянинг нашри: «XXI аср» газ. Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси – Муҳаммадюсуф Тешабоев. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси 41 депутатдан ташкил топган.

ЎзЛиДеП Тошкент ш. Кенгаши 2003 й. 14 дек.да таъсис этилган. Кенгашнинг ташкилий-партиявий ишлар; мафкуравий, ташвиқот-тарғибот ишлари; аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги роли ва мавқеини ошириш; ёшлар б-н ишлаш, «Сиёсий таълим маркази» ва тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш бўлимлари мавжуд. Партия Тошкент ш. Кенгашининг 20515 аъзоси бор (2009). Кенгашдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 4 киши, Халқ депутатлари Тошкент ш. Кенгашига 22 депутат сайланган. ЎзЛиДеП Тошкент ш. Кенгаши раиси – Эркин Тошев (2007 й.дан).

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ КЎРGAЗМАСИ (Олмазор кўч., 183^а-уй) – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида жойлашган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Қаримов ташаббуси б-н бунёд этилган. Очилиш маросими 2006 й. 25 авг.да бўлиб ўтган. Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимида. Кўргазма биносининг лойиҳалаш ишлари «ТошкентбошпланЛИТИ» ин-ти томонидан амалга оширилган. Бинонинг тўрт томонига нақшинкор айвонлар ўрнатилган. Кўргазма бунёд этилишида пойтахтнинг қурилиш ташкилотлари ҳамда «Усто» бирлашмасининг ёғоч ўймакорлари иштирок этган. Кўргазмада халқимизнинг заргарлик, кандакорлик, пичоқчилик, гиламдўзлик, кулолчилик, зардўзлик, дурадгорлик каби хунармандчилик санъати соҳасида яратган асарлари кенг жой олган. Умумий майд. 1113 м² бўлиб, кўргазма учун ажратилган майдон ҳажми 1005 м² ни ташкил этади. Кўргазма атрофида 20 гектарга яқин боғ бунёд этилиб, ободонлаштирилган. Боғда 2007 й.да Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорга ҳайкал ўрнатилган. Кўргазма ажодларимиздан қолган бетакрор маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва кенг миқёсда тар-

ғиб этишга хизмат қилади. Кўргазма экспозицияси мунтазам бойитилиб борилади. Бундан ташқари кўргазма залида маданий, маърифий тадбирлар ўтказилиб турилади. 2009 й. мартда ушбу санъат кошонасида «Ташаббус» кўрик-танловининг «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер» ва «Энг яхши ҳунарманд» номинациялари бўйича шаҳар ва респ. кўрик танлови ўтказилди.

«ЎЗБЕКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Афросиёб кўч., 12) – Миробод туманидаги маҳалла. Афросиёб, Абдулла Авлоний, Ат-Термизий, «Боғишамол» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й.дан ҳоз. номда. 19-а. 2-ярмидан *Янги шаҳар*га қараган. Дастан «Сапёрлар», «Госпиталь», «Кафанов» номлари б-н аталган. Аҳолиси 1 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, Ҳарбий суд биноси, босмахона, «Дента люкс» стоматология хонаси, «Соғлом ҳаёт» фирмаси, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

«ЎЗБЕКИСТОН» МАҲАЛЛАСИ (Форобий кўч., 415^а-уй) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. Собир Раҳимов туманидаги «Чигатой Оқтепа», Шайхонтохур туманидаги «Бўстон», «Жарариқ», «Белтепа» маҳаллалари б-н че-

гарадош. 1985 й. ташкил топган. Аҳолиси 3398 киши, асосан, ўзбеклар (99%). Маҳалла гузарида 2008 й. «Фаровон» тўйхонаси қурилди. Ҳудудида авто-сервис, мебель и.ч. корхонаси, «Дор ус-салом» жоме масжиди бор.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ (ЎЗА) (Буюк Турон кўч., 41) – етакчи информацион агентлик. Ахборотларни ўзбек, инглиз ва рус тилларида тарқатади. У ўз фаолиятини Т.да 1918 й.дан Ростанинг бўлими сифатида бошлаган. Кейинчалик ТАСС тизимида республика телеграф-ахборот агентлиги – ЎзТАГ мақомида иш юритган. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Қаримовнинг 1992 й. 6 фев.даги фармони б-н Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА сифатида қайта ташкил этилди.

ЎЗА – Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлиси ва Вазирлар Маҳкамаси фаолияти б-н боғлиқ расмий ҳужжатларни асл манбадан олиб тезкорлик б-н тарқатадиган ягона давлат ахборот агентлигидир. ЎЗАда дунёдаги йирик ахборот агентликлари, хусусан, Хитой, Туркия, Россия, АҚШ ва б. мамлакатларнинг агентликлари б-н ахборот алмашинуви яхши йўлга қўйилган. ЎЗА мамлакат ичкари-сида ва хорижда мингдан ортиқ обуначисига эга; ЎЗА ахбороти ҳамда

Шайхонтохур туманидаги «Ўзбекистон» маҳалласи гузари.



Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги.

суратларидан фойдаланувчилар орасида нафақат газ. ва журналлар, телевидение ва радиостанциялар, балки Ўзбекистондаги, МДХ давлатларидаги ва б. мамлакатлардаги элчихоналар, бизнес марказлар, вазирлик ва идоралар ҳам бор. ЎЗА 2008 й. майда янги бинога кўчиб ўтган.

Агентликнинг Республика ахбороти, маҳаллий ахборот, халқаро ахборот, таржима ва фотоахборот таҳририятлари мавжуд. ЎЗА мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўз мухбирлари ва фотомухбирларига эга. **ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИ**, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи (Олмазор кўч., 183^а-уй) – Т.нинг марказий қисмида жойлашган, Ўзбекистондаги энг катта маданият ва истироҳат боғи. Умумий майд. 45 гектар. Боғнинг бир



қисми 1938 й.да ёшлар ташаббуси б-н, асосан, ҳашар усулида қурилган ва ёшларга боғлиқ номлар б-н аталиб келинган. 1991 й.да *Алишер Навоий* таваллудининг 550 йиллиги тантаналари муносабати б-н Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси б-н боғ обод қилинди ва ҳоз. ном б-н атала бошланди. Кейинчалик кенгайтирилиб, бутунлай янги қиёфадаги боғ бунёд этилди. Миллий боғ Алишер Навоий мемориал мажмуи, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси биноси, Маданият ва санъат кўргазмаси саройи, «Истиқлол» санъат саройи, Абулқосим мадрасаси, «Наврўз» ресторани, фавворали айлана ҳовуз, айлана шаклидаги саҳна ва амфитеатр б-н яхлит уйғунлик касб этган. Боғдаги табиий паст-баландликлардан оқилона фойдаланиб, сўлим маскан, ажойиб манзара яратилган. Кўкаламзор (чинор, қарағай, терак, акация, арча, тол, каштан ва б., майсазор ва гулзорлар) хушманзара кўринишга эга. Боғ ҳудудидан оқиб ўтувчи канал (унга 2 та чархпалак ўрнатилган) сунъий кўлни (сатҳи 9 гектар) сув б-н таъминлайди. Кўлда 2 та оролча бор, уларга ўтиш учун 2 та ёйсимон кўприк қурилган, соҳилида чўмилиш оромгоҳи, қайиқ базаси жойлашган (дам олувчиларга 20 та катамаран, 10 та қайиқ, 2 та моторли қайиқ хизмат қилади). Миллий боғда шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун қулайликлар яратилган: ўриндиқли 2 та очиқ томошагоҳ, 10 аттракцион, шахмат-шашка павильони, болалар т.й., кутубхона, овқатланиш ва салқин ичимликлар савдо шохобчалари бор. Боғда Наврўз (2000 й.дан) ва Мустақиллик (2005 й.дан) бай-



Ўзбекистон миллий боғи.

рамларининг бош тантаналари ҳамда халқ сайиллари ўтказилди, турли маданий-маърифий тадбирлар уюштирилади.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси (Истиқлол кўч., 33) – 1870 й.да Т. оммавий кутубхонаси номи б-н асос солинган. 1886 й.дан Туркистон оммавий кутубхонаси, 1919 й.дан Туркистон халқ кутубхонаси деб аталган. 1925 й.дан Ўзбекистон давлат кутубхонаси, 1929 й.дан Ўрта Осиё давлат кутубхонаси, 1934 й.дан Ўзбек давлат оммавий кутубхонаси, 2002 й.дан ҳоз. номда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфида. 1948 й.да Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати б-н кутубхонага шоир номи берилган. Ў.м.к. Республика илмий техника кутубхонаси ва *Ўзбекистон миллий китоб палатаси* (фонди 3,5 млн. сақлаш бирлигидан иборат)ни ўзида бирлаштирган йирик билим масканидир. Фондида 6,5 млн. сақлаш бирлигидаги ҳужжатлар

бор (2009); шундан 5,2 млн. китоб ва даврий нашрлар, 541,7 минг микрофильмлар, 364,8 минг чет тиллардаги адабиёт, 33,9 минг техник норматив ҳужжатлардир. Улар орасида ўзбек ва Шарқ мумтоз адабиёти намуналари (тўплами), жаҳоннинг 75 дан ортиқ тилларидаги китоблар мавжуд. 300 ўринли 9 та қиротхона, 20 ўринли интернет м-з, медиа м-з, 10 ўринли интернетга уланган ўқув компьютер м-зи бор. Китобхонларнинг ўртача қатнови йилига 500 мингни, китоб берилиши 1,7 млн. нашрни ташкил этади; 13 мингдан зиёд турли хусусиятга эга бўлган маълумотлар бериш амалга оширилади.

Ў.м.к.да куйидаги бўлимлар мавжуд: миллий библиография, нодир китоблар ва қўлёзмалар, хорижий адабиётлар ва хорижий алоқалар, илмий-услубий тадқиқотлар, маданият ва санъат бўйича илмий ахборот, автоматлаштириш ва ахборот технологияси, маркетинг тадқиқотлари, нашриёт-тахририят, китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондларни бутлаш, ҳужжатлар-

га ишлов бериш ва каталоглар, китобларни сақлаш, маълумотнома-ахборот, ўсмирлар бўлими, кутубхоналараро абонемент, фондларни депозитар сақлаш, даврий нашрлар, норматив-техник ҳужжатлар ва саноат каталоглари, назорат-диспетчерлик, техник жиҳозлаш, маъмурий хўжалик бўлимлари.

Ў.м.к.нинг ноёб ва нодир нашрлар фонди 250 мингдан ортиқ бўлиб, шундан 16 мингга яқини Нодир китоблар ва қўлёзмалар бўлимида сақланади. Улар орасида Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Қалблар севгани», 1843), «Хазойин ул-маоний» («Маънолар хазинаси», 1856) девони, Замахшарийнинг «Муқаддимат ул-адаб» («Адаб илмига муқаддима», 1307), Абдураҳмон Жомийнинг «Силсилат уз-заҳаб» («Олтин занжир», 1581), достони «Бил фавоид-из-зиёйи» (1549) асари қўлёзмалари, шунингдек, «Туркистон тўплами», А.Л.Кун томонидан тузилган 1200 дан ортиқ ноёб фотосуратларни ўз ичига олган «Туркистон альбоми», Ш.Иброҳимов тузган «Тақвим» (1871), ўзбек тилида чоп этилган илк газета ва журналлар, Л.Магнитскийнинг «Арифметика» (1703), Б.Эрбелонинг «Шарқ кутубхонаси» (1697) ва б. мавжуд.

Ўзбек адабиётининг йирик вакиллари Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ва б.нинг ҳаётлигида илк бор нашр этилган асарлари катта аҳамиятга эга. Кутубхонага ҳар йили турли манбалардан ўртача 20 – 25 минг нусха нашрлар келиб тушади.

Кутубхона республикада нашр этиладиган асарларнинг 2 назорат нусхасини олади. 2003

й.дан хорижий даврий нашрлар обунаси учун (у хоҳ қоғозда, хоҳ электрон кўринишида бўлсин) валюта маблағи б-н таъминланган. 1956 й.дан Халқаро китоб айирбошлаш ишлари, 30 мамлакат ва 150 дан ортиқ муассасалар б-н кенг алоқалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 й. 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона б-н таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ў.м.к. республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ҳисобланади.

ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ (ЎзМТДП) (ижроия кўмитаси манзили: Навоий кўч., 30) – 2008 й. 20 июнда «Ўзбекистон миллий тикланиш» демократик партияси (1995 й. тузилган) ва Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг (1998 й. тузилган) бирлашиш қурултойида, икки партия негизида ташкил этилган. Партия миллий руҳ ва дунёқарашга эга бўлган, руҳан ва қалбан ватанпарварлик ғояларини, сиёсий жиҳатдан ўз тақдирини ўзи белгилашга, ўз ўзини бошқаришга интилаётган, ўзлигини англаш, миллий бирлик ва миллий тикланишни муҳим ҳаётий мақсадлари деб ифода этаётган фуқароларнинг қарашлари ва манфаатларини бирлаштиради. Зиёлилар, миллий тараққиёт йўлидан бораётган мулкдор ва тадбиркорлар, ижодий фаолият б-н машғул интеллектуал меҳнат соҳаси вакиллари, истиқлол ғоясига садоқатли ёшларни ҳимоя қилади. Партиянинг олий органи съезд, 5 й.да 1 марта чақири-

лади. Партиянинг 186334 аъзоси бор (2009). Партиянинг нашри: «Миллий тикланиш» газ. Партия Марказий Кенгаши ижроия кўмитаси раиси – Ахтам Турсунов. ЎзМТДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси 29 депутатдан иборат.

ЎзМТДП Тошкент ш. Кенгаши 2008 й. 15 сент.да таъсис этилган. Кенгашнинг Ижроия кўмитасида мафкуравий ва маънавий-маърифий ишлар, ташкилий-партиявий ва кадрлар б-н ишлаш, хотин-қизлар ва ёшлар ишлари бўлимлари мавжуд. Партиянинг Тошкент ш. Кенгашининг 3709 аъзоси бор (2009). ЎзМТДП шаҳар кенгашидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 3 киши, Халқ депутатлари Тошкент ш. Кенгашига 9 киши депутат этиб сайланган. Шаҳар Кенгашининг ижроия кўмитаси раиси – Рустам Қосимов.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети (ЎЗМУ) («Ёшлик» талабалар шаҳарчаси) – 1918 й. 12 майда маърифатпарвар *Мунавварқори* Абдурашидхонов ташаббуси б-н Мусулмон халқ дорилфунуни сифатида Тошкент ш.да очилган. 1918–19 й.ларда Туркистон халқ ун-ти, 1919 й.дан Туркистон давлат ун-ти, 1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти (САГУ), 1960 й.дан Тошкент давлат ун-ти (ТошДУ) деб номланган. 1995 й. Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 й. 28 янв.даги фармонида мувофиқ, ун-тга миллий ун-т мақоми берилди ва ҳоз. номи б-н аталди.

1928 й.дан ун-т ф-тлари асосида Ўрта Осиё Пахтачилик ин-ти, Ўрта Осиё пахтачилик ва ирригация политехника ин-ти (ҳоз. Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти), Ўрта Осиё тиббиёт ин-ти, Тожикистон қ.х. ин-ти, Тожикистон агрономия-пед. ин-ти, Ўрта Осиё ирригация муҳандислари ва техниклари ин-ти, Ўрта Осиё геология қидирув ин-ти, Ўрта Осиё индустриал ин-ти (ҳоз. Тошкент техника ун-ти) ва бошқа ин-т ҳамда и.т. муассасалари ажралиб чиқди. 1991 й. шарқ ва юридик ф-тлари негизда Т. шарқшунослик ин-ти ва Т. юридик ин-ти ташкил топди.

ЎзМУ 46 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар, 115 мутахассилик бўйича магистрлар тайёрлайди. Кейинги йилларда биоинформатика, генетика, ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер лингвистикаси, экология, социология, сиёсатшунослик йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди. Ун-тда 13 ф-т (биология-тупроқшунослик; география; геология; журналистика; иқтисодиёт; кимё; механика-математика; тарих; фалсафа; физика; хорижий филология; ўзбек филологияси; ҳуқуқшунослик), 95 каф., 16 илмий лаб., олий пед. ин-ти, амалий физика и.т. институти, олий ад. ҳамда олий журналистика курслари, 2 акад. лицей, ўқув-амалиёт м-зи, ижтимоий тадқиқотлар м-зи, амалий экология ва табиатдан унумли фойдаланиш м-зи мавжуд. Шунингдек, д-рлик диссертацияси-



Ўзбекистон миллий университетининг бош биноси.

ни ҳимоя қилиш бўйича 7, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш бўйича 5 ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ун-т тарихи музейида мазкур ўқув даргоҳи тарихига оид тематик, нодир китоблар ҳамда қўлёзма манбалар кўر-газмалари, қад. ёдгорликлар, ноёб осори атиқалар ва б. нодир экспонатлар сақланади. Ун-т ботаника боғида дарахт ва ўсимликларнинг янги навларини яратиш устида и.т.лар ва амалий машғулотлар олиб борилади. Ун-т ахборот ресурс м-зи (3 млн.дан ортиқ асар)да интернет тизимига уланган компьютерлар хизмати ташкил этилган. Булардан ташқари ун-тда маданият саройи, нашриёт, босмахона, ахборот хизмати, телерадиостудия, фотостудия, 6 спорт мажмуи, талабалар турар жойлари,

даволаш-соғломлаштириш муассасалари бор. 2008/09 ўқув йили ун-тда 1276 проф.-ўқитувчи, жумладан 21 акад., 225 фан д-ри ва проф., 600 фан номзоди ва доцент ишлади; 19 докторант, 220 аспирант ва 156 тадқиқотчи и.т.лар олиб борди. 12 мингга яқин талаба таълим олди. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ун-тнинг 23 талабаси Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендиясига, 24 талабаси Мирзо Улуғбек номидаги, 27 талабаси Алишер Навоий номидаги стипендияга сазовор бўлган (2008).

Ун-тда муҳим фан тармоқлари бўйича илмий мактаб ва йўналишлар яратилди. Хусусан, ун-т олимларининг мате-

матика ва механика (В.И.Романовский, Т.А. Саримсоқов, С.Ҳ.Сирождидинов, М.С.Салохиддинов, Ш.А. Аюпов, Ш.О. Алимов, М.Т.Ўрозбоев), физика (С.В.Стародубцев, С.У. Умаров, Р.Х.Маллин), кимё (О.С. Содиков, К.С.Аҳмедов, С.Ш.Рашидова), биология (Е.П.Коровин, Т.З.Зоҳидов, А.Т.Тўлаганов), тупроқшунослик ва агрокимё (С.Н.Рижов, Х.А.Абдуллаев), биокимё ва биофизика (Ё.Х. Тўрақулов), баланд тоғларни ўзлаштириш (И.А.Райкова), генетика (Ж.А.Мусаев), геология (А.С.Уклонский, Т.Н.Долимов) соҳасидаги тадқиқотлари машҳур.

Ун-т проф.-ўқитувчилари Москва, Санкт-Петербург, Омск ун-тлари, Россия гидрометеорология ин-ти, Океанология ин-ти, Рязань ш.даги Ост-Лазер м-зи ва

б. илмий муассасалар б-н ҳамкорликда и.т.лар олиб боради. Шунингдек, Франция, Бельгия, Чехия, Хитой, Германия ва б. мамлакатлардаги илмий муассасалар б-н ҳам ҳамкорлик ўрнатилган. Ун-т ташкил топгандан бери 120 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди (2008).

Ун-тда «ЎЗМУ хабарлари» журн. (1997) ва «Ўзбекистон миллий университети» кўп нусхали газ. (1918) чиқади. 2008 й.дан «Журналистика масалалари» илмий альманахи чоп этилмоқда.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ (Навоий кўч., 30) – кўп жилдли Ўзбекистон миллий энциклопедияси (ЎЗМЭ), соҳа энциклопедиялари, изоҳли ва кўп тилли лугатлар, маълумотномалар тайёрлаш ва нашр этишга ихтисослашган илмий-маърифий муассаса. Нашриётнинг дастурий йўналиш фаолиятига, шунингдек, ўзбек халқининг бой тарихий, маданий ва адабий меросига, миллий кадриятларга оид, тиббиёт, соғлом авлод, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, туризмга доир илмий, илмий-оммабоп, бадний адабиётлар, ўқув дарсликлари ҳамда ўқув қўлланмаларини нашр этиш ҳам қиради. Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлиги тизимида.

Дастлаб 1968 й. 18 янв.да Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тининг энциклопедия бўлими (1965) негизида Ўзбек совет энциклопедияси Бош редакцияси номи б-н ташкил этилган. 1990 й.дан Қомуслар Бош таҳририяти деб юритилган. Унинг негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997



2000–2006 й.ларда нашр этилган 12 жилдли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси».

й. 20 мартдаги қарори б-н «Ў.м.э.» Д.и.н. ташкил этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 й. 11 июндаги қарори асосида нашриётга Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти ва Абу Али ибн Сино номидаги Тиббиёт нашриёти қўшилиши муносабати б-н қайта ташкил этилган.

Нашриётда 6 та илмий таҳририят ва бўлим бор. Нашриёт ўтган давр мобайнида 100 дан ортиқ номда турли фан соҳалари бўйича энциклопедия, лугатлар, маълумотнома, адабиётлар, оммабоп китоблар, дарслик ва ўқув қўлланмалар чиқарди. Жумладан, 2000–06 й.ларда 12 ж.ли «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» (60 мингга яқин мақолани ўз ичига олади), 2006–08 й.ларда 5 жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» (Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти билан биргаликда) нашр этилди. Шунингдек, Имом Бухорийнинг «Ҳадис» (1–4-жилдлар), «Хотинқизлар энциклопедияси», «Болалар энциклопедияси», «Ислом энциклопедияси», «Буюк ипак йўли», «Ўзбекистон Республикаси» (рус, ўзбек ва инглиз тилларида), «Ўзбек исмлари изоҳли лугати», «Маънолар махзани» (ўзбек халқ мақолларининг изоҳи), «XX аср ўзбек шеърияти антологияси», «Тошкент» энциклопедиясини нашр этди. Нашриётга турли даврда акад.лар

И.Мўминов, К.А.Зуфаров ва б. бош муҳаррирлик қилган. Ҳоз. бош муҳаррири проф. Н.Тўхлиев (1988 й.дан).

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 15-мавзе, 60) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Бободехқон», Аҳмад Дониш, Ойбек маҳаллалари б-н чегарадош. 1980 й. «Ўзбекистон 50 йиллиги» номи б-н ташкил этилган. 1991 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3150 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида спорт майдончаси, 2 та дорихона, 6 та савдо дўкони, новвойхона мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИ – Ўзбекистон мусулмонларига раҳбарлик қилувчи диний ташкилот. 1943 й. 20 окт.да Т.да бўлиб ўтган Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойида таъсис этилган. *Ҳазрати Имом мажмуаси* таркибига қиради. Дастлаб Шайх Эшон Бобоҳон ибн Абдулмажидхон ҳовлисида иш бошлаган. 1956 й.дан *Бароқхон мадрасаси*да фаолият юритган. 1992 й.дан Мовароуннаҳр мусулмонлари идораси, деб юритилган. 1996 й.дан ҳоз. номи б-н аталади. У давлатдан ажралган мустақил ташкилот сифатида фаолият юритади. Идора Ўзбекистондаги мусулмонлар ўртасида диний ишларни бошқариб туради, фатволар беради, мас-

Ўзбекистон
муслмонлари
идораси.



жидларга
имом-хатиб-
лар тайинлай-
ди, диний хо-
димлар тай-
ёрлайди.

Моддий жиҳатдан муслмонлардан масжидларга тушадиган хайр-эҳсон, ёрдамчи хўжаликлар ва б. ҳисобига таъминланади. Идора раҳбар органи – Олий ҳайъат. Унинг раиси муфтий ҳисобланади. Идоранинг ҳуқуқшунослик, халқаро алоқалар, таълим ва кадрлар тайёрлаш, масжидлар ва фатво бўлимлари бор. Т.даги Имом Бухорий номидаги ислом интида (1971) ва 9 та ўрта махсус ислом билим юрти (шулардан 2 таси хотин-қизлар билим юрти) да кадрлар етиштирилади. Идора муассислигида «Ҳидоят» журн. ва «Ислом нури» газ. нашр этилади. Идора тасарруфидаги «Мовароуннаҳр» нашриёти диний адабиётлар, диний тақвим ва б.ни чоп этади. Муслмонлар идораси хорижий мамлакатлардаги кўпгина диний ташкилотлар б-н алоқа қилади. Ҳар йили 3,5–4 минг кишининг ҳаж сафарини уюштиришда фаол иштирок этади. Идора ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонунга риоя қилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин со-

ҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятини янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 2003 й. 23 авг.даги 364-сон қарорига асосан идора қошида махсус жамғарма ташкил этилди. У ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини асраш, халқимиз, аynикса, ёшларимизни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш ҳамда дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Халқаро Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият бўйича муассасаси ISESCO (АЙСЕСКО) Т.ни 2007 й.да Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиши муносабати б-н Ҳастимомда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси б-н кенг кўламда бунёдкорлик ишлари олиб борилди (қ. *Ҳазрати Имом мажмуаси*), хусусан, Ў.М.и. учун янги, замонавий муҳташам бино қурилди. Унинг ҳар бир хонаси энг замонавий иш

қуроллари ва компьютер техникаси б-н жиҳозланди.

Идорага турли йилларда Эшон Бобоҳон Абдумажидхон ўғли (1943–57), Зиёвуддинхон Бобоҳонов (1957–82), Шамсуддинхон Бобоҳонов (1982–89), Муҳаммадсодиқ Муҳаммадюсуф (1989–93), Мухторжон Абдуллаев (1993–97), Абдурашидқори Баҳромов (1997–2006) раислик қилган. Ҳоз. раиси (2006 й.дан) Усмонхон Алимов.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ (Навой кўч., 30) – Т.даги дастлабки нашриёт ва матбаа корхонаси. Асосан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий адабиётларга ихтисослашган. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимида. 1925 й.да Ўрта Осиё давлат нашриёти негизида Ўзбекистон давлат нашриёти (Ўздавнашр) номи б-н ташкил этилган. Республикада 30-й.ларнинг 2-ярмига қадар барча турдаги адабиётлар Ўздавнашрда нашр қилинган. 2-жаҳон уруши йиллари республикадаги мустақил нашриётлар Ўздавнашрга бирлаштирилган, матбаа корхоналари, китоб савдоси ишлари ҳам унинг ихтиёрига берилган. Ўздавнашр

бўлимлари негизда «Ўқитувчи» (1949), Давлат бадий адабиёт нашриёти (1957), «Медицина» (1958), «Ёш гвардия» (1960) нашриётлари ташкил этилган. 1964 й.дан Ўздавнашр «Ўзбекистон» нашриёти деб атала бошлаган. 2004 й.да «Ўзбекистон», «Меҳнат», «Ўзбланкнашр» нашриётлари, Тошкент матбаа к-ти бирлаштирилиб, «Ў.» н.-м.и.у.га айлантирилди. Унинг таркибига болалар нашрлари: «Гулхан», «Фунча» журн.лари, «Тонг юлдузи», «Класс!» газ.лари, «Китоб дунёси» газ.си тахририятлари киритилди (нашриёт тарихи ҳақида яна қ. *Ноширлик*).

«Ў.» н.-м.и.у. ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ад.лардан ташқари Ўзбекистон Респ.си қонунларини, Респ. ҳукумати қарорларини ва б. расмий материалларни, турли меъёрий ҳужжатларни, шунингдек, юридик ад.ларни, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежлари учун дарсликлар, ўқув ва методик қўлланмалар, юбилей тантаналарига бағишланган альбомлар ва б. ад.ларини нашр қилади. Сўнгги йилларда «Ў.» н.-м.и.у. Ўзбекистон Республика Президенти Ислом Каримов асарларининг 16 жилдини ўзбек ва рус тилларида китобхонларга тақдим этди. Босмаҳонасида 2003 й.да замонавий рангли газ.ларни чоп этиш цехи ишга туширилди. Ҳоз. кунда (2009) бу цехда 50 дан ортиқ газ. ва журн. чоп этилмоқда. Уларнинг бир галлик тиражи 800 минг нусхага яқини ташкил этади. «Ў.» н.-м.и.у. 2008 й.да 9,8 млн. нусхадан зиёд китоб маҳсулотларини чоп этди. **«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»** (Матбуотчилар кўч., 32) – ижтимоий-сиёсий газета. Муассиси Ўзбе-

кистон Халқ демократик партияси. Ҳафтада 3 марта, рус тилидаги нашри – «Голос Узбекистана» эса 1 марта чиқади. Дастлабки сони 1918 й. 21 июнда – «Иштирокиюн» («Коммунист») номи б-н чиққан. Кейинчалик «Қизил байроқ» (1920), «Туркистон» (1922), «Қизил Ўзбекистон» (1924), «Совет Ўзбекистони» (1964) номларида нашр этилган. 1991 й.дан ҳоз. номда. Газ.га турли йилларда У.Эшонхўжаев, Қамчинбек, К.Алиев, Қ.Сорокин, М.Шермухаммедов, М.Ромиз, М.Ҳасанов, В.Раҳимий, А.Худойбаҳтов, М.Усмонов, Р.Мажидий, А.Ўразаев, Р.Абдурахмонов, С.Азимов, О.Абдурахмонов, С.Ражабов, Ҳ.Фуломов, Ш.Рашидов, М.Қориев, Л.Қаюмов, Ў.Усмонов, Р.Раҳмонов, Ш.Убайдуллаев, А.Суюн ва б. муҳаррирлик қилган.

Ўзбек адабиёти ва журналистикасининг улкан намоёндалари – Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий (Жулқунбой), Ҳамид Олимжон, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Собир Абдулла, Зулфия ва б. ўзларининг илк ижодларини шу газ. саҳифасида эълон қилган.

Ҳаётнинг барча соҳаларида бошланган ислохотлар моҳиятини очиб бериш, истиқлол сиёсатини халқ қалбига олиб кириш, янгича онг, янгича тафаккурни шакллантириш, мустақиллик мафкурасини яратиш – газ.нинг асосий вазифасидир. Сиёсат, маънавият ва маърифат, парламент ва ҳуқуқ, ижтимоий ҳаёт ва иқтисодиёт, экология ва сиҳатсаломатлик, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик, хатлар ва оммавий ишлар ҳамда тижорат бўлимлари бор. Мамлакатнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида ўз

муҳбирларига эга. Адади 17000 (2009). Бош муҳаррири Сафар Остонов (2002 й.дан).

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ – қ. *Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти*.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ТОВАР-ХОМАШЁ БИРЖАСИ (Бобур кўч., 77) – юқори харидоргир товарлар, хомашё маҳсулотлари савдосини амалга оширадиган етакчи биржа, очиқ акциядорлик жамияти. 1994 й. 8 апр.да «Тошкент» универсал товар-фонд биржаси (1991)нинг «Тошкент» республика фонд биржаси ва Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржасига бўлиниши натижасида ташкил топган. 12 филиали (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент вилоятдан ташқари барча вилоятларда) ва 350 дан ортиқ савдо майдончалари, шу жумладан, Қозоғистонда – 4, Қирғизистонда – 3, Тожикистонда – 3, Россияда – 3, Хитой Халқ Республикасида, Туркия, Латвия, Покистон, Афғонистонда биттадан савдо майдончалари бор. Биржада мамлакатдаги ва чет эллик харидорлар учун нефть маҳсулотлари, кўмир, пахтани қайта ишлаш маҳсулотлари (пахта толаси, линт, шрот, шулха), рангли ва қора металллар, цемент, минерал ўғитлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б.нинг мунтазам савдоси ўтказилади. 2007 й.да юқори ликвидли маҳсулотлар номенклатураси 159 тага етди. Биржа савдоларида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ўзига керакли товар-хомашё ресурсларини миллий валютага ва асосли нархларда сотиб олиш имкониятларига эга. Мунтазам ва кундалик биржа савдоларининг бутун республика ҳудуди-



Ўзбекистон Республикаси товар-хонашў биржасида аукцион савдо.

ни қамраган ягона электрон тизими барпо этилган. Биржада 1980 брокерлик идоралари, 2885 трейдерлар аккредитация қилинган (2008).

2007 й.да биржа бозорининг асосий сегментида озиқ-овқат маҳсулотлари (25%), нефть маҳсулотлари (14%), қурилиш материаллари (26%), рангли ва қора металллар (7%), пахта ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (8%), суюлтирилган газ ва полиэтилен (8%) ва б. маҳсулотлар муҳим ўринни эгаллади. **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АМАЛИЙ САНЪАТ МУЗЕЙИ** – қ. *Амалий санъат музейи.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ (Мустақиллик майд., 5) – Ўзбекистон Республикасида ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Вазирлар Маҳкамаси иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор ва фармойишлари ижросини таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республи-

касининг Конституцияси, «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида» (1993 й. 6 май; янги таҳрири 2003 й. 29 авг.)ги қонун асосида олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимига ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органларига бошчилик қилади, уларнинг ҳамжихатликда фаолият олиб боришини таъминлайди. Вазирлар Маҳкамаси ўз ваколатлари доирасида: иқтисодий, ижтимоий-маданий жараёнларни бошқаради; мулкчиликнинг барча шакллари уйғунлаштириш ва уларнинг тенглиги, иқтисодиётни монополиядан чиқариш, бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий механизмини ишга солиш асосида эркин тадбиркорлик учун шарт-шароитлар яратади; хўжалик юритишнинг янги шакллари барпо этишга ва мустаҳкамлашга ёрдамлашади; Ўзбекистон Республикасида пул-кредит тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўради, ягона нарх сиёсатини ўтказиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминот борасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади; Ўзбекистон

Республикаси Давлат бюджетини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш истиқбол кўрсаткичларини ва энг муҳим дастурларини ишлаб чиқишни ҳамда уларнинг ижросини ташкил этади; бошқарув тизимасини такомиллаштириш тўғрисида, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади; фан ва техникани ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга оширади; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг меҳнат қилишга, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланишга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш чора-тадбирларини кўради, ижтимоий таъминот тизимини такомиллаштиради; соғлиқни сақлаш, халқ таълимини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, маданиятни ривожлантиришга кўмаклашади; Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва мудофаа қобилятини, давлат чегаралари қўриқланишини таъминлаш, давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш чора-тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашади; давлат бошқаруви органларининг табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини биргаликда ўтказиш ҳамда республика ва халқаро аҳамиятга молик йирик экологик дастурларни амалга ошириш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради, йирик авариялар ва фалокатларнинг, шунингдек, табиий офатларнинг оқибатлари-

ни тугатиш чора-тадбирларини кўради; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни таъминлайди, ҳукуматлараро шартнома ва битимлар тузади, уларни бажариш чора-тадбирларини кўради; ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳасида раҳбарликни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари, давлат ва хўжалик қурилиши бошқарувининг бошқа раҳбарларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан шакллантирилади. Президент Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этади ҳамда уни вазифасидан озод қилади. Вазирлар Маҳкамасининг аъзоларини Бош вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти тасдиқлайди ва вазифасидан озод қилади.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 й. 14 фев.даги қарори б-н тасдиқланган Регламентида белгиланган. Вазирлар Маҳкамасининг иши чораклик режаларга мувофиқ олиб борилади. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари йилнинг ҳар чорагида камида 1 марта ўтказилади. Вазирлар Маҳкамасининг доимий органи сифатида Бош вазир (2003 й. 11 дек.дан Шавкат Миромонович Мирзиёев) ва унинг ўринбосарларидан иборат таркибдаги Вазирлар Маҳкамасининг Раёсати фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда унинг самарали ишлаши учун шахсан жавоб беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан халқаро муносабатларда Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради ҳамда ҳукуматлараро шартномалар ва битимларни имзолайди.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади. У қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча органлар, корхоналар, муассасалар,

ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати мажлисларига тайёргарлик кўриш, тегишли қарорлар лойиҳаларини, таҳлилий, ахборот ва б. материалларни тайёрлаш, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг бажарилишини мунтазам равишда текшириб бориш учун Вазирлар Маҳкамасининг девони фаолият кўрсатади. Девоннинг асосий таркибий бўлинмалари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти б-н келишилган ҳолда Бош вазир томонидан лавозимга тайинланади. Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмаларига: Иқтисодий ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари; Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари; Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари; Ёқилғи-энергетика комплекси,

кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари; Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари; Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаментлари, тегишли бўлимлар киради.

Вазирлар Маҳкамаси «*Правда Востока*» газ.сининг муассиси, «*Халқ сўзи*» ва «Народное слово» газ.ларининг ҳаммуассидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси биноси (1968, меъмори Б.Мезенцев ва б.; муҳандиси В.Кричевский ва б.) 7 қаватли бўлиб, темирбетон блоклардан тикланган, 1-қавати V шаклидаги устунлардан иборат; тарзидаги вертикал чизиқлар феруза ранг девор йўллари б-н бинога улуғворлик бахш этган. 1999 й. фев.да содир бўлган кўпурувчилик вақтида шикастланган бино 2000 й.да таъмирланди. Таъмирлашда бинони мустаҳкамлаш, «Хукумат уйи» талабига мос янги меъморий ечимини ҳал этишга аҳамият берилди. Бинонинг янги кўриниши кўркам, салобатли ҳамда вазмин: очик қолдирилган 1-қавати қизил мармар девор б-н беркитилди; асосий кириш эшиги устидаги том чизигидан чиқиб юқорига кўтарилган ойна деворда республика герби ва байроғи ўрнатилди. Бинонинг тилларанг ойналари сиртларига ишлатилган гранитлар пойдевор сиртидаги қопламалар б-н уйғун. Бинонинг ички қисми ҳам қайта таъмирланди, хоналар пардозланиб улуғвор кўринишга эга бўлди (ганчкорлик ишларида М.Султонов, М.Усмонов ва б.; наққошлик ишларида А.Каримов ва б. усталар иштирок этган). Бинонинг ички ҳовлиси пирамида шаклидаги махсус шаффоф ойнали том б-н ёпилиб «қишки боғ» тусини олган. Бино

майдондаги бошқа иншоотлар б-н уйғунликда мажмуа ҳосил қилади, атрофи кўкаламзорлар, гулзорлар б-н сўлим масканга айлантирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «КАМОЛОТ» ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ – қ. «*Камолот*».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ (Ўзбекистон кўч., 6) – Ўзбекистон Республикасининг 1991 й. 15 фев.да қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ мамлакатнинг Давлат банки сифатида ташкил этилиб, 1992 й. 2 июлда мазкур қонунга киритилган ўзгаришга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига айлантирилган.

Марказий банк фаолиятининг асослари 1995 й. 21 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунда белгилаб берилган. Ушбу қонунга мувофиқ, Марказий банк ўз сарф-

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки.



ҳаражатларини ўз даромадлари ҳисобидан амалга оширувчи, иқтисодий жиҳатдан мустақил юридик шахс ҳисобланади ва у давлатнинг мутлақ мулкдир.

Унинг асосий вазифалари: монетар сиёсатни ҳамда валютани тартибга солиш соҳасидаги сиёсатни шакллантириш, қабул қилиш ва амалга ошириш; респ.да ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш; банклар, кредит уюмлари, микрокредит ташкилотлари ва ломбард (гаровхона)лар фаолиятини лицензиялаш, тартибга солиш ва назорат қилиш; қимматли қоғозлар бланкалари и.ч.ни лицензиялаш; Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта резервларини, шу жумладан, келишув бўйича ҳукумат резервларини сақлаш ва тасарруф этиш, шунингдек, Молия вазирлиги б-н биргаликда давлат бюджетининг касса ижросини ташкил этиш.

М.б. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдордир ва ўз ваколати доирасида қарорлар қабул қилиш борасида мустақилдир.

Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент ш.да юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳудудий Бош бошқармалари ҳамда юридик шахс мақомида Ахборотлаштириш Бош маркази, Инкассация бирлашмаси, «*Давлат белгиси*» ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган.

Марказий банк ишига унинг олий органи – Бошқаруви раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга бўлиб, нақд пулсиз ҳисоб-

китоблар шакллари ва қоидаларини, шунингдек, юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

Марказий банк валютани тартибга солиш ва валютани назорат қилиш давлат органидир. У ўзининг баланс ҳисобварақларида олтин ва б. қимматбаҳо металлларни, нақд чет эл валютасини, чет эл банкларида, халқаро молия ташкилотларида ҳисобварақлар ва депозитларда бўлган чет эл валютаси қолдиқларини, чет эл ҳукуматлари банклари ва халқаро молия ташкилотлари чиқарган ёки кафолатланган чет эл валютасидаги қимматли қоғозларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг халқаро резервларини шакллантиради. Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг банки, маслаҳатчиси ва фискал агенти (хазина вакили) сифатида иш тутади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ КИТОБ ПАЛАТАСИ (Навоий кўч., 30) – Ўзбекистондаги библиография ва матбаа статистикаси соҳасидаги марказ. 1926 й. 3 янв.да Самарқандда ташкил этилган. 1934 й.дан Т.да. 2002 й.га қадар Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ҳузурида иш юритган, кейин эса *Ўзбекистон миллий кутубхонаси* таркибига ўтказилган. Ў.Р.м.к.п. (МКП) республикадаги барча нашриёт ва нашриёт ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар маҳсулотини қабул қилади, уларнинг статистикаси б-н шуғулланади, барча китоблар, шунингдек, журн.лар, тўплам ва газ.лардаги асосий материаллар библиографиясини тайёрлайди, матбаа нашрларининг халқаро стандарт белгиларини жорий этиш ва мил-

лий матбаа архивини ташкил этиш б-н шуғулланади. Таркибида назорат нусхасини қабул қилиш ва матбуот статистикаси, кундалик библиография, библиографик маълумотномалар, каталоглар, матбаа архиви каби тармоқлар мавжуд. 1927 й.дан респ.даги матбуот нашрларининг мажбурий нусхасини олиб, улар асосида илмий библиография, матбуот статистикасини амалга оширади. 1969 й.дан ўзбек тилида, 1971 й.дан рус тилида алифбо ва систематик каталоглар ёрдамида турли библиографик маълумотномалар тайёрлайди. Миллий матбаа библиографияси электрон шаклда ҳам тайёрланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ (Мустақиллик майд., 6) – ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади. Сенат аъзолари Ўзбекистон Республикаси ҳудудий бирликлари давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида депутатлар орасидан тенг миқдорда – 6 кишидан сайланади.

Сенатнинг 16 нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, и.ч. соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Президенти томонидан тайинланади. Сенат аъзоларининг умумий сони 100 кишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» (2002 й. 4 апр.), «Ўзбекистон Респуб-

ликаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» (2002 й. 12 дек.)ги Конституциявий қонун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» (2003 й. 29 авг.) каби қонунлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ваколат муддати 5 й.

Сенат мутлақ ваколатларига: Сенат Раисини ва унинг ўринбосарларини, қўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Республика Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Олий судини, Олий хўжалик судини сайлаш; Президентнинг тақдимига биноан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раисини тайинлаш ҳамда уни лавозимидан озод этиш; Президентнинг Республика Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини, Республика Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш; Президентнинг тақдимига биноан Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва б. вакилларини тайинлаш ҳамда уларни лавозимидан озод этиш; Президентнинг тақдимига биноан Республика Марказий банки бошқарувининг раисини тайинлаш ва уни лавозимидан озод этиш; Президентнинг тақдимига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш; Бош прокурорнинг тақдимига биноан Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; Республика Бош прокурорининг, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Республика Марказий бан-



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати.

ки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари б-н боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилиш киради.

Олий Мажлиснинг Сенати мажлислари заруратга қараб, лекин йилига камида 3 марта ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қўмиталари: Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси; Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси; Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси; Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси.

Сенаторлар умумий сонининг 25 фоизигача Сенатда доимий асосда ишлайди. Сенатда доимий ишловчи Сенат аъзолари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият б-н шуғулланишлари мумкин эмас.

Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Сенатнинг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Сенаторни дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Олий Мажлиснинг Сенати томонидан ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида қонунчилик жараёни қуйидагича: қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади. Олий Мажлиснинг икки палатали тузилишидаги қонун қабул қилиш тартибига кўра, қонун лойиҳаси дастлаб Қонунчилик палатасига киритилади. Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун Сенатга юборилади. Сенат эса қонунни маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади. Агар қонун лойиҳаси Сенат томонидан рад этилса, у Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун 10 кун ичида Президентга имзолаш

учун юборилади. Президентнинг қонунни имзолаш муддати 30 кун этиб белгиланган. Республика Президенти қайтадан муҳокама қилиш ва овоз беришни ўтказиш учун қонунни ўз эътирозлари б-н парламентга қайтаришга ҳақли. Агар қонун аввалги қабул қилинган таҳририда Олий Мажлиснинг иккала палатасида ҳам 2/3 қисмдан иборат кўпчилик овоз б-н маъқулланса, қонун Президент томонидан 14 кун ичида имзоланиши керак. Қонун белгиланган тартибда эълон қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг нашрлари: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари Ахборотномаси», «Халқ сўзи», «Народное слово» газ.лари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биниси 2005 й. собиқ Ҳукумат уйи биниси ўрнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси б-н бунёд этилди. Бино 3 қисмдан ташкил топган: марказий кириш қисми ва унинг икки ёнидаги ўнг ва чап қанотлардан иборат, 4 қаватли қилиб қурилган, шунингдек ер ости қавати ҳам эга. Марказий қисми ҳашаматли 4 устунда жойлашган 3 ички гумбазли пештоқдан ташкил топган, пештоқ орқали кенг

ва ёруғ миёнсарой (вестибюль)га кирилади, миёнсарой айлана шаклидаги салобатли мажлислар зали бн боғланган. Миёнсаройнинг тепасидаги қаватда кичик мажлислар заллари жойлашган. Бинонинг чап



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси.

қанотида сенаторлар иш хоналари, қабулхоналар, Конституцион суд ишчи хоналари ҳамда Ҳисоб палатаси ишхоналари ва заллари жойлашган. Бинонинг ўнг қанотини сенаторларнинг ишхоналари, сақланиб қолган ва таъмирланган «Баҳор» концерт зали учун машқ заллари ва б. қўшимча хоналар эгаллаган. Бинонинг ички ва ташқи пардозларида маҳаллий ва замонавий ашёлардан тайёрланган миллий меъморий безаклар ишлатилган. Ички безакларда ганчкорлик (М.Усмонов, А.Пўлатов, Х.Азизов ва б.), тоштарошлик (ҳайкалтарош Р.Бузруков ва б.) маҳорат бн қўлланган; намоёнлар (В.И.Бурмакин, Р.Худойбергенов ва б.), gobелен (А.Икромжонов эскизи) ва б. бн зийнатланган. Бино Мустақиллик майдонидаги иншоотлар ва кўкаламзорлар, фавворалар бн ажойиб уйғунликда, Анҳор бўйига туташган томонидаги ҳудудда сўлим маскан ҳосил қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ (Бунёдкор шоҳқўчаси, 1) – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қуёи палатаси. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайлов

округлари бўйича кўп партиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли бн сайланадиган 120 депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасига сайлов унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси илк бор 2004 й. 26 дек. ва 2005 й. 9 янв.да ўтказилган сайловлар асосида шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг асосий принциплари тўғрисида» (2002 й. 4 апр.), «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» (2002 й. 12 дек.), «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги (2007 й. 11 апр.) Ўзбекистон Республика-

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати 5 й.

Қонунчилик палатаси депутатлари доимий асосда ишлайди. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият бн шуғулланишлари мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Қонунчилик палатасининг розилигисиз жинойи жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазо чораларига тортилиши мумкин эмас. Депутатни, дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Республика Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан ҳал этилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. Бир шахс фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Сиёсий партиялардан кўрсатилган хотин-қизлар сони депутатликка номзодлар умумий сонининг камида 30%ини ташкил этиши лозим.

сининг конституциявий қонунлари, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» (2003 й. 29 авг.) каби қонунлар ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатаси мутлақ ваколатлари: палата Спикери ва унинг ўринбосарларини, кўмиталарнинг раислари ва уларнинг ўринбосарларини сайлаш; Республика Бош прокурорининг тақдимига биноан Қонунчилик палатаси депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари б-н боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш; сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт соҳасидаги у ёки бу масалалар юзасидан, шунингдек, давлат ички ва ташқи сиёсати масалалари юзасидан қарорлар қабул қилишдан иборат.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси мажлислари сессиялар даврида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмиталари: Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси; Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари кўмитаси; Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси; Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси; Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси; Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитаси; Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология кўмитаси; Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси; Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси; Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси.

Қонунчилик палатаси таркибида: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракциялари фаолият олиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биноти (1998) мужассамоти ечимида меъмор маъмурий жамоат биноларига хос мумтоз услубдан фойдаланган. Бино тарҳи мурабба шаклида (86x86 м), устунлар қатори б-н қамраб олинган, устунлар бошчасига барглар гулдастаси ишланган. Бино тарзлари тилларанг яхлит ойналар б-н қопланган, ойнаванд девор тепадан пастга тушгунча 3 марта ичкарига киритилиб ўзига хос кўриниш касб этган. Бино феруза ранг гумбаз (бал. 11,5 м, диаметри 34,5 м) б-н ёпилган, гумбаз устига анъанавий тожсимон ойнаванд туйнук ишланган. Бино атрофидаги оқ устунлар феруза гумбаз ҳамда тилларанг ойналар б-н уйғунлиқда бинога кўркамлик, салобат бахш этган. Бинонинг 500 ўринли мажлислар зали айлана шаклидаги амфитеатр услубида ҳал этилган (президиум ва нотиқлар минбари ҳам бўлинмаларнинг бирига жойлаштирилган), залнинг галереяли 2-ярусидан меҳмонлар ва оммавий ахборот вакилларига жой ажратилган. 1, 2 ва 3-қаватларда иш хоналари, парламент гуруҳларининг мажлислари учун кичик заллар жойлашган. Бино ички безакларида ёғоч ўймакорлиги (С.Раҳматуллаев, Ҳ.Одилов, Ҳ.Фаниев, М.Иброҳимова), ганчкорлик (М.Султонов, М.Усмонов, А.Пўлатов, М.Қосимов ва б.), наққошлик (Х.Нуралиев, З.Болтабоев ва б.)дан маҳорат б-н фойдаланилган (айниқса, гумбаз ости нақшлари жозибадор), миниатюра расмлар б-н зийнатланган (Ф.Камолов, Х.Назаров, Ф.Раҳматуллаев).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ – қ. Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ (Яҳё Фуломов кўч., 70) – Ўзбекистон Республикасининг олий илмий ташкилоти. Асосий вазифаси Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ривожланишини таъминлаш талабларидан келиб чиққан ҳолда устувор, истиқболли ва илғор илмий йўналишларни белгилаш, истиқболли фундаментал ва амалий ҳамда инновацион тадқиқотлар дастурларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш, ўз тасарруфидаги муассасаларнинг шу мақсадга қаратилган ташкилий ва таркибий масалаларини ҳал этишдан иборат. Академиклар ҳамда ўз тасарруфидаги илмий муассасалар илмий ходимлари ва мутахассисларини бирлаштиради. Ҳар йили ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот тақдим этади.

Ўзбекистон ФА 1943 й. 27 сент.да собиқ иттифоқ ФА нинг Ўзбекистон филиали негизида Т.да ташкил қилинган ва 1943 й. 4 нояб.да тантанали очилган.

Ўзбекистон Республикаси ФА тизимида 35 и.т. муассасаси, 2 илмий и.ч. бирлашмаси ва 2 м-з, 3 минтақавий бўлим (Қорақалпоғистон, Хоразм, Самарқанд), 4 минтақавий илмий м-з [Бухоро, Фарғона, Андижон-Наманган, Жан. (Қашқадарё-Сурхондарё)], 2 ботаника боғи (Тошкент ва Қорақалпоғистон), «Фан» нашриёти, архив, аспирантлар уйи ва меҳмонхона ҳамда маданий-маърифий, даволаш-соғломлаштириш ва ҳўжа-

лик ташкилотлари му-
жассамланган. Акаде-
мия таркибида шунинг-
дек, Хоразм Маъмур
академияси (1998),
Алишер Навоий номи-
даги Адабиёт музейи
(1967), Ўзбекистон та-
рихи давлат музейи
(1992), Темурийлар та-
рихи давлат музейи
(1996), «Қатагон қур-
бонлари хотираси»
музейи (2001), «Фан-
нум» илмий-ўқув м-зи
(1993) мавжуд. 1933 й.
ташкил топган Асосий

кутубхона ва унинг тизими-
га кирган кутубхоналарнинг ум-
вий фонди 5 миллиондан ортиқ.

Академия илмий муассаса ва
ташкилотларида 5464 ходим,
жумладан, 1985 илмий ходим
(улардан 340 киши фан д-ри ва
893 киши фан номзоди) ишлай-
ди. Академия и.т. муассасалари-
да 119 мутахассислик бўйича
309 аспирант ва 46 докторант
таълим олади (2008).

ФА Президиуми академия
зиммасига юклатилган барча ва-
зифаларни амалга оширувчи
ташкилот-бошқарув органи
ҳисобланади ва ўз тасарруфи-
даги и.т. муассасаларининг фа-
олиятига бевосита илмий-услу-
бий раҳбарлик қилади. ФА пре-
зиденти ҳузурида жамоатчилик
асосида ишлайдиган и.т. муас-
сасалари директорлари кенгаши
мавжуд.

ФА Президиуми таркиби-
га академия президенти, 3
вице-президент (илмий йўна-
лишлар бўйича), бош илмий
котиб, минтақавий бўлимлар
раислари кирилади. Академия
илмий ташкилотларига раҳ-
барлик қилиш физика-матема-
тика ва техника, табиий, иж-
тимоий-гуманитар фанлар



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
Президиуми биноси.

йўналишлари бўйича вице-
президент хизматлари орқали
амалга оширилади.

Академия академиклари ва
и.т. муассасалари директорла-
ридан ташкил топган Умумий
мажлис ФА нинг юқори органи
ҳисобланади. Умумий мажлисда
республикада фаннинг ривожла-
ниши масалалари муҳокама эти-
лади, академия фаолиятининг
асосий ташкилий масалалари
ҳал қилинади, унинг ҳақиқий
аъзолари сайланади. Ўзбекис-
тон ФА таркибида 105 акад. бор
(2009).

Ўзбекистон Республикаси
ФАда илм-фан соҳасида юксак
муваффақиятларга эришган
олимлар учун Ал-Хоразмий
(1992 й. таъсис этилган), Заҳи-
риддин Муҳаммад Бобур (1993),
Ҳ.М.Абдуллаев (1993) номида
медаллар таъсис этилган.

Ўзбекистон ФА нашриётчи-
лик ишини, асосан, «Фан» наш-
риёти орқали амалга оширади.
ФА да «Ўзбекистон Республи-
каси Фанлар академияси маъру-
залари», «Гелиотехника», «Таби-
ий бирикмалар кимёси», «Ин-
форматика ва энергетика муам-
молари Ўзбекистон журнали»,
«Механика муаммолари Ўзбекис-

тон журнали», «Ўзбек
тили ва адабиёти»,
«Ўзбекистон биология
журнали», «Ўзбекистон
кимё журнали», «Ўзбе-
кистон математика
журнали», «Ўзбекистон
тарихи», «Ўзбекистон
физика журнали»,
«Ўзбекистонда ижти-
моий фанлар» илмий
журн.лари, «Фан ва
турмуш» илмий-омма-
боп журн. нашр этила-
ди.

Мустақиллик йил-
ларида ФА ходимла-
рининг 200 дан ортиги респ.-
нинг юксак мукофотлари б-н
тақдирларган. Акад. М.С.Аб-
дуллаҳўжаева 2006 й.да ва ака-
демиянинг Қорақалпоғистон
бўлими Тарих, археология ва
этнография ин-ти бўлим муди-
ри Ф. Хожаниязов 2008 й.да
«Ўзбекистон Қаҳрамони» унво-
нига сазовор бўлишган.

Ўзбекистон Республикаси
ФА ходимларидан С.Ю.Юнусов
(марҳум), Ф.Н.Жаҳонгиров,
Ш.Ш.Саъдуллаев, О.З.Содиқов,
И.Ф.Отабоев, А.С.Саидов,
М.С.Саидов, акад. Э.В.Ртвелад-
зе Ўзбекистон Республикаси
Давлат мукофоти лауреатлари
бўлишган (2007).

Ўзбекистон ФА президентла-
ри: Т.Н.Қори-Ниёзий – 1943–47
й.лар; Т.А.Саримсоқов – 1947–52
й.лар; Т.З.Зоҳидов – 1952–56
й.лар; Ҳ.М.Абдуллаев – 1956–62
й.лар; У.О.Орифов – 1962–66
й.лар; О.С.Содиқов – 1966–84
й.лар; П.Қ.Ҳабибуллаев – 1984–
88 й.лар; М.С.Салоҳиддинов –
1988–94 й.лар; Ж.А. Абдуллаев
(ФА президенти вазифасини ба-
жарувчи) – 1994–95 й.лар;
Т.Ж.Жўраев – 1995–2000 й.лар;
Б.С.Йўлдошев – 2000–2006 й.лар;
Ш.И.Солиҳов – 2006 й.дан.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИ, Республика ўқувчилар саройи (Фурқат кўч., 2) – мактабдан ташқари ўқув-тарбия ишлари олиб борадиган муассаса. Фаолиятининг асосий мазмуни ўқувчиларнинг бўш вақтларини қамраб олиш, мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида билим, кўникма ва малака, комил инсонга хос бўлган хислатларни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларда мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ҳар томонлама ривожланган келажақ авлодни тарбиялаш, уларда ватанпарварлик, Ўзбекистон мустақиллиги ва демократик тамойилларга садоқатни шакллантириш, халқимизнинг урф-одатлари, маданияти ва давлат тилига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ўқувчиларнинг қизиқишларига, иқтидорига, мустақил билим олишлари ва ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароит яратишга қаратилгандир. 1935 й. князь Н.К.Романовнинг собиқ саройида (Сайилгоҳ кўч., 19) ташкил этилган. 1980 й.дан янги бинода (меъморлар Ф.Турсунов, З.Раҳимова, Т.Содиқов, О.Содиқов, Н.Зоидов). Бино умумий мақсаддаги хоналар атрофига тўпланган ва ўзаро боғланган 7 блокдан иборат. Интерьер-

ларни безашда ганч ўймакорлиги (М.Усмонов) ва ёғоч ўймакорлиги (Н.Иброҳимов), рангбаранг паннолар (Ю.Чернишев)дан фойдаланилган. Ўқувчилар саройида бадиий-нафосат, тасвирий ва амалий санъат, маънавият ва маърифат, услубий, умумий-ташкилий бўлимлар фаолият кўрсатади. Бўлимлар фаолияти мазмунини бойитиш ва янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика «Камалак» болалар ташкилоти, Республика Байналмилал маданияти м-зи, Республика болалар, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари б-н ўзаро ҳамкорлик асосида иш олиб боради. 54 номдаги тўғаракларда 2872 ўғил-қиз касбхунар малакаларини эгаллайди. Саройда 200 ўринли кинозал, кўргазма зали, ўлкашунослик музейи, хореография ва йиғма репетиция (100 ўрин) заллари, тўғарак машғулотлари хоналари, оммавий тадбирлар учун махсус зал ва хоналар бор (2009). Ўқувчилар саройи узлуксиз таълим тизимининг таркибий қисми бўлиб, у ўғил-қизларни қўшимча ижодий таълим-тарбия ва бошланғич касб-хунарга йўналтиришда, ўқувчиларнинг бўш вақтларини ташкил

этиш, жумладан, бадиий ижодкорлик, халқ хунарамандчилигининг тур ва

шаклларини танлаш ҳамда амалиётга жорий этишда самарали фаолият олиб боради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ АКАДЕМИЯСИ (Мирзо Улуғбек кўч., 104) – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари учун юқори малакали ҳарбий кадрлар тайёрловчи муассаса. 1995 й. 2 сент.да ташкил этилди. Академия олий қўмондонлик таркибига, тезкор-тактик ихтисосга эга олий малакали ҳарбий, илмий-педагогик ва илмий кадрлар тайёрлашга, тадқиқотлар ўтказишга, шунингдек, ЎзР Қуролли Кучлари учун катта ва олий офицерларни тезкор-стратегик тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлик малакасини ошириш учун ҳарбий фан муаммоларини ўрганишда фундаментал, қидирув ва амалий тадқиқотлар ўтказиш, ҳарбий сиёсат, қуролли кучлар қурилиши ва тайёргарлиги бўйича амалий масалаларни тадқиқ этишга мўлжалланган. Академияда тингловчилар 2 й. давомида сабоқ олишади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ МУЗЕЙИ (Мирзо Улуғбек кўч., 98) – 1965 й.да ташкил этилган. 1975 й. 7 майда ҳоз. биносига кўчган. Умумий майд. 3 минг м² дан ортиқ. Экспонатлари 10 мингдан зиёд. Музейнинг асосий иш фаолияти экспозициялар (буюм-ашёлар, ҳужжатлар, жанговар мукофотлар ва қурол-яроғлар) орқали ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ҳарбий ватанпарварлик, она юртга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган.

Музей биноси «Жасорат» номли боғда жойлашган. Бино олдида қўлида қурол ушлаган аскар ҳайкали қўйилиб, унда



Ўзбекистон Республикаси ўқувчилар саройи.



Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Марказий музейи.

«Ватан ҳимоячисига» ёзуви бор. Ҳайкал атрофида ўзбекистонлик 2-жаҳон уруши қаҳрамонлари ва Истиклол фидойилари номлари мраммарга ўйиб ёзилган.

Боғ хиёбони бўйлаб 2-жаҳон уруши давридаги ва жанговор замонавий, ҳақиқий техника (МИГ-21 самолёти, «Катюша» ЖМ-13 машинаси, танклар, пушқалар, гаубицалар) қўйилган. Разведкачилар, десантлар, ҳаво ҳужумидан мудофаа жангчилари, денгизчилар, учувчилар, артиллериячилар, танкчилар, пиёда аскарлар, чегарачилар, ҳарбий тиббиёт ходимлари, алоқачилар ва сапёрлар бюстлари ўрнатилган. Ҳарбий хизматга чақирилганлар боғда қасамёд қилишади.

Биноси 3 қаватдан иборат бўлиб, эскпозициялар 3 ҳарбий тарихий даврга бўлиб ёритилган: 1-давр – «Темурийлар давридаги ҳарбий санъат (14–15-а.лар)», 2-давр – «Ўзбекистон иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939–45 йиллар)», 3-давр – «Ватан ҳимояси – муқаддас бурч» деб номланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ПРЕЗИДЕНТИ – Ўзбекистон Республикасида давлат бошлиғи, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда

фаолият юртишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Ўзбекистонда президентлик лавозими 1990 й. 24 мартда таъсис этилган. Президентнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-бобида белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 й. Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериб сайлаш тартиби йўли б-н сайланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 7 й. Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тартиби қонун асосида белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президент лигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадирлар. 1991 й. 29 дек. ва 2000 й. 9 янв.да, 2007 й. 23 дек.да муқобиллик асосида тўғридан-тўғри умум-халқ Президент сайловлари ўтказилди. Бу сайловлар натижасида Ислом Каримов Президент этиб сайланди.

Ўзбекистон Республикасининг Президентига Конституцияга мувофиқ кенг ва хилма хил ваколатлар берилган. Бу ваколатлар давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларига тааллуқли бўлиб, мамлакат иқтисодиёти ва умуман жамият ривожланишига сезиларли таъсир ўтказилади.

2003 й. 24 апр.даги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунига мувофиқ, Президент ваколатларининг бир қисми, биринчи галда, давлат, суд тизими ва махсус хизматларнинг раҳбарларини, чет давлатлардаги дипломатик ва б. вакилларни тайинлаш масалалари, амнистия эълон қилиш ваколати Олий Мажлиснинг Сенатига ўтказилди. Конституция 89-моддасининг таҳрири принципаал равишда ўзгариб, бу модданинг «Ўзбекистон Республикасининг Президенти айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади» дейилган 2-қисми олиб ташланди.

Президент ваколатлари ҳамда вазифаларининг шу тарзда қайта тақсимланиши Ўзбекистон Республикасидаги конституциявий ислохотларнинг изчиллиги, мамлакатни модернизация қилиш, жамият ҳаётини либераллаштириш, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва унинг фаолиятида сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамиятини сезиларли даражада ўсаётганлиги б-н белгиланади.

Президент фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир. У Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир

қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўради.

Президент мамлакат ичида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради. Олий Мажлисга ҳар йили мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг

энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади.

Президент Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади. Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, Хавфсизлик кенгашини тузади ва унга раҳбарлик қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.

Фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, мамлакатнинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини 3 кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.

Президентнинг ваколатлари жумласига фуқаролик, сиёсий бошпана бериш, Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари б-н тақдирлаш, афв этиш тўғрисидаги ҳужжатларни



Ўзбекистон Республикасининг Президенти девони биноси.

қабул қилиш масалаларини ҳал этиш ҳам киритилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Президент чиқарган норматив ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди томонидан ҳал қилинади (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 109-модда).

Президент Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади; вилоят ҳокимларини ҳамда Тошкент ш. ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик бу масалаларни тегишли халқ депутатлари Кенгашлари-

нинг тасдиғига киритади. Президент Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қиммати-га доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини ўз қарори б-н лавозимидан озод этишга ҳақли. У республика бошқаруви органларининг, шунинг-

дек, ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатиши, бекор қилиши мумкин.

Президент Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ёки Сенат таркибида уларнинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда ёхуд улар бир неча марта Конституцияга зид қарорлар қабул қилган тақдирда, шунингдек, икки палата ўртасида Олий Мажлиснинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди б-н бамаслаҳат Қонунчилик палатаси ва Сенатни тарқатиб юбориши мумкин. Бундай ҳолатда уч ой мобайнида янги сайлов ўтказилади. Палаталар фавқулодда ҳолат жорий этилган даврда тарқатиб юборилиши мумкин эмас.

Президент қабул қиладиган ҳужжатлар, унинг ҳаракатлари «Ўзбекистон Республикаси Президентининг хабарномаси»да, шунингдек, республика газларида расман эълон қилинади.

Президент ўз вазифасини бажариб турган даврда бошқа ҳақ тўланадиган лавозимни эгаллаши, вакиллик органининг депутати бўлиши, тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланиши мумкин эмас.

Президентнинг шахси дахлсиздир ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги қонун (2003 й. 25 апр.) б-н муҳофаза этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат қурилиши соҳасидаги тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида ваколати тугаши муносабати б-н истеъфога чиққан Президент Конституцияга мувофиқ умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллаши кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўз фаолиятини амалга ошириш учун Президент девонини тузади, турли хизмат бўлинмаларини шакллантиради. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Тошкент ш.нинг *Оқсарой*даги қароргоҳида фаолият юритади. «Дўрмон» (Қибрай тумани) қароргоҳида турли халқаро учрашувлар, олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш маросимлари ва б. тадбирлар ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони биноси (Ўзбекистон кўч., 43) Тошкент ш.нинг марказий қисмида жойлашган (1964, меъморлар В.Березин, А.Файнлейб, Р.Блезе, С.Эшонхўжаев ва б.; муҳандис Э.Леннишмидт ва б.). Асосий бино 6 қаватли бўлиб, 1-қаватга 900 ўринли мажлислар зали туташган. Бино аниқ геометрик шакллардан фойдаланилгани, нисбатларнинг аниқ ва монументаллиги, бадий кўркем ва меъморий жиҳатдан оддий-

лиги б-н ажралиб туради. Асосий бино (уз. 94 м) шим.га қараган, 3 бўлакдан иборат. Бино тарзидаги вертикал бўлинишлар, катта ҳажмдаги деразалар ҳамда асосий кириш эшиги мутаносиблиги бинога алоҳида улуғворлик бахш этган. Бинонинг жан. томони ҳам шу тарзда ҳал этилган, унга қуёш нурини тўсuvчи махсус мосламалар ишланган. Мажлислар зали биносида вестибюль, фойе, кутубхона, ошхона ва б. қўшимча хоналар мавжуд; залга асосий бинонинг 2-қаватидаги махсус йўлакдан ўтилади; бинонинг ғарб томонидаги ойналар олдига алюминий пластинка (асалари инига ўхшаш тўсиқ)лар қўйилган, жан. томони қабарик блоклардан ташкил топган. Бино пардозида юқори сифатли мрамр плиталар, кошинлар, сувоғида майдаланган мрамр бўлакчалар ва б. ишлатилган; атрофидаги худуд кўкаламзорлар, гулзорлар б-н сўлим масканга айлантирилган.

ЎЗБЕКИСТОН РУС АКАДЕМИК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИ (Мустафо Камол Отатурк кўч., 24) – Т.даги кўҳна театрлардан бири. 1934 й. асос солинган. 1936–99 й.лар т-р М.Горький номи б-н юритилган. 1967 й.дан Академик театр. 1999 й.дан ҳоз. номда. Т-р ўз номидан келиб чиқиб, М.Горький асарларини саҳналашти-

Ўзбекистон рус академик давлат драма театри.

ришга эътибор берди («Тубанликда», «Душманлар», «Мешчанлар», «Егор Буличёв ва бошқалар», «Сўнгилар», «Қуёш болалари» ва б.).

2-жаҳон уруши йиллари «Батальон ғарбга боради», «Рус кичилари», «Олеко Дундич», «Генерал Брусиллов» сингари спектакллар қўйилди. Урушдан кейин т-р жамоаси Т. санъат ин-тини тугатган ёшлар б-н мустаҳкамланди (М.Мансуров, К.Ефремова, Е.Злобин, Д.Алексеев, Н.Алексеева ва б.). 50-й.ларда «Чин инсон қиссаси» (Б.Полевой), «Қандала» (В.Маяковский), «Қашшоқ қалб тарихи» (М.Горький), «Иркутск воқеаси» (А.Арбузов), «Шоҳи сўзана» (А.Қаҳҳор), «Паранжи сирлари», «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Ҳамлет» (У.Шекспир), «Зулмат ҳоқимияти» (Л.Толстой) каби спектакллар б-н театр ўз мавқеини мустаҳкамлади. Мумтоз асарлардан «Жиноят ва жазо», «Чайка», «Дон Карлос», «Ревизор», «Юксий сайёҳ» ҳамда «Ламағчаллик киши», «Хатолар комедияси», «Момо ер», «Валентин ва Валентина», «Авлобар бекаси», «Уч пуллик опера» каби спектакллар юзага келди.

Мустақилликдан сўнг кучли актёрлар гуруҳи шаклланди, турли мамлакатлар муаллифларининг асарларини саҳналашти-



риш йўлга қўйилди: «Графиня Юлия» (А.С.тринберг), «Ҳамма боғда» (Э.Олби), «Буюк магия» (Э.Де Филиппо), «Жорж Данден ёки жинни қилинган эр» (Ж.Мольер), «Хизматкорлар» (Ж.Жене), «Ҳар тўқисда бир айб» (А.Островский), «Меҳмонхона бекаси», «Арлекино» (К.Гольдони), «Аёллар тангоси» (В.Асланова) ва б.

В.Русинов, Н.Мягкова, Н.Сундукова, Э.Дмитриева, О.Овчинникова, Л.Стоцкая, Г.Луковникова, В.Кудашкин, О.Володина, С.Архипов, Д.Абдулина, О.Васильев, И.Кирьянов, А.Кошелев, К.Мошченко, И.Ненашев, А.Ўрмонов, Л.Хўжаева, Т.Ҳошимова ва б. театрнинг етакчи актёрларидир. Т-рнинг бадий раҳбари – В.М.Шапиرو.

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ (Рашидов кўч., 3) – Ўзбекистон ФАнинг йирик и.т. ва маданий-маърифий муассасаларидан бири. 1876 й.да Тошкент музейи асосида ташкил этилган. 1883 й. Туркистон оммавий кутубхонаси б-н бирлаштирилган. 1943 й.дан Ўзбекистон ФА таркибида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 й. 21 апр.даги 203-сон қарорига мувофиқ мустақил и.т. муассаса сифатида қайта ташкил этилган ва 1994 й. 5 авг.даги 402-сон қарорига биноан унга давлат музейи мақоми берилган. Музейнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон ва Ўрта Осиё халқларининг моддий ва маънавий, тарихий ёдгорликлар коллекцияларини тўплаш, қайта таъмирлаш, сақлаш ва уларни илмий асосда ўрганиш; ўзбек хал-



Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

қининг жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб берадиган асл ҳужжатлар, қўлёзмалар, моддий-маънавий ёдгорликлар ва топилмалар асосида доимий ҳамда вақтинчалик ва кўчма кўргазмалар ташкил этиш ва б. Музей фондида 250 мингдан ортиқ экспонат жамланган. Шундан 60 мингтаси археологияга, 80 мингдан зиёди нумизматикага ва 16 мингга эса этнографияга доир. Музейда 100 мингга яқин архив ҳужжатлари ва китоблар сақланади (2009).

Музейнинг янги экспозицияси 2003 й.да ўзбек халқининг тарихи ва унинг давлатчилигини ўрганиш концепцияси асосида яратилган бўлиб, Ўзбекистон тарихининг энг қад. даврлардан ҳоз.гача бўлган даврини акс эттиради. 2003–08 й.ларда музей 30 га яқин кўргазмалар тайёрлади. Жумладан «Ўзбек халқ ҳунармандчилиги», «Хоразм Маъmun академиясининг 1000 йиллиги», «Тошкент: кеча ва бугун» ва б. Музей хорижий мамлакатларда (АҚШ, Япония, Корея, Малайзия, Германия) ўтказилган кўргазмаларда ҳам фаол иштирок этган.

Музей 1964 й.дан 1887 й. қурилган собиқ Туркистон давлат палатаси биносида фаолият юргизган. 1992 й. апр.дан собиқ

Ленин музейи биносига кўчиб ўтган. Мазкур бино (1970, меъмори Е.Розанов, В.Шестопалов ва б.) Тошкент ш.нинг марказида жойлашган.

Бино мурабба тарҳли, 20 та зал (умумий экспозиция майд. 3,2 минг кв.м.), маърузалар (500 кв.м.) ҳамда конференция (170 кв.м.) заллари, устахоналар,

фонд, иш хоналаридан иборат. Анъанавий панжара услубида ишланган қуёш нуридан сақловчи тўсиқлар оддий геометрик шаклдаги бинога жозибдорлик бахш этган; кенг йўлка (пандус) бино олди майдонига олиб бориб, 2-қават вестибюль б-н боғланади. Бино 1999–2003 й.ларда қайта таъмирланди (меъмор Р.Искандаров ва б.), ички тузилиши ўзгартирилди, янги дизайнда замонавий техника б-н жиҳозланди. Устахоналар, фонд ҳамда ходимларнинг иш хоналари 1-қаватда жойлашган. Бино интерьери миллий анъаналарда (ганчкорлик – М.Усмонов ва б.; ёғоч ўймакорлиги – Қ.Ҳайдаров ва б.) зийнатланган, таъмирлаш даврида маҳобатли деворий расмлар (рассом А.Икромжонов, А.Алиқулов) б-н безатилган.

ЎЗБЕКИСТОН ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ (Буюк Турон кўч., 2) – ўзбек халқининг бой бадий меросини сақлаш, тасвирий санъат асарларини тўплаш ва ютуқларини тарғиб қилишга қаратилган маданий-маърифий муассаса. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки тасарруфида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 12 окт. «Ташқи иқтисо-

дий фаолият миллий банки галереяси ташкил қилиш тўғрисида» ги қарорига биноан асос солинган. 2004 й.дан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ташаббуси б-н Тошкент ш.да махсус қурилган бинога жойлаштирилган (бош меъмори В.Н.Бреусенко; бош муҳандиси Г.В.Костина). Тўртбурчак тарҳли бино меъморликнинг энг сўнги ютуқларини қўллаган ҳолда бунёд этилган, пойдевори, зиналари мрамор б-н қопланган, ички безакларида ганч ўймакорлигидан фойдаланилган.

Галереяда 15 та кўргазма хонаси (умумий экспозиция майдони 3,5 минг кв.м.), зарур техника ускуналари б-н жиҳозланган мажлислар зали ҳамда хазина, маъруза ва кино заллари, кутубхона, моҳир уста студияси, устахоналар, бадий салон, кафетерий бор. Галерея хазинасида 20-а. бошидан ҳоз. кунгача яратилган Ўзбекистон тасвирий санъатининг 1000 дан зиёд рангтасвир ва графика асарлари ҳамда нодир нумизматика намуналари сақланади. Ўзбекистон тасвирий санъатининг 20-а. бошларида ижод қилган П.Беньков, Л.Бурэ, А.Волков, Усто Мўмин, М.Курзин, Н.Кашина, кейинроқ Н.Қарахан, А.Абдуллаев, Ҳ.Тансиқбоев, Н.Қўзибоев, Ч.Аҳмаров ва б.нинг асарлари б-н бир қаторда замонавий тасвирий санъат намояндлари – Ўзбекистон БА академиклари Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, А.Мирзаев, С.Раҳметов, С.Абдуллаев каби рассомларнинг асарлари ҳам экспозициядан ўрин олган. Галерея Ўзбекистон



Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси.

рангтасвир асарларини тўплаш, сақлаш, респ. бой маданиятини ўрганиш, тасвирий санъат асарлари кўргазмаларини уюштириш, халқаро маданий алоқаларни йўлга қўйиш орқали кенг кўламда тарғиб ишларини амалга оширади.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ (Ўзтелерадио) – қ. *Радиоэшиттириш, Телевидение.*

ЎЗБЕКИСТОН ТРАВМАТОЛОГИЯ ВА ОРТОПЕДИЯ ИНСТИТУТИ – қ. *Травматология ва ортопедия институти.*

ЎЗБЕКИСТОН ФТИЗИАТРИЯ ВА ПУЛЬМОНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ, Республика ихтисослаштирилган Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий маркази (Ш.Алимов кўч., 1) – фтизиатрия ва пульмонология соҳасида респ.да илмий, услубий мувофиқлаштирувчи ва консултатив марказ. 1932 й. Самарқандда Сил и.т. институти номи б-н ташкил этилган. 1936 й. Тошкентга кўчирилган. 1977 й. институтга акад. Ш.А.Алимов номи берилган. 1989 й. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология и. т. институти деб аталган. 2008 й.дан ҳоз. номда.

М-з сил эпидемиологияси ва олдини олиш ҳамда нафас аъзоларининг бошқа касалликларини тадқиқ этади; аҳолига фтизиатрия ва пульмонология ёрдами кўрсатишнинг ташкилий шаклларини такомиллаштиради; сил ҳамда бронхлар ва ўпканинг ўзига хос хасталиклари диагностикаси, дифференциал диагноз ва силни

жарроҳлик йўли б-н даволаш усулларини ишлаб чиқади. Респ. тиббиёт ин-тларидаги сил ва пульмонология каф.лари фаолиятини ҳамда силга қарши диспансерлар ишини назорат этади ва уларга методик жиҳатдан раҳбарлик қилади. М-зда биринчи марта беморлар саломатлигини меҳнатга ва касбга яроқли қилиб тиклашнинг илмий асослари ишлаб чиқилди.

М-зда 4 илмий бўлим (сил терапияси, жарроҳлик, эпидемиология ва диспансер ишини ташкил этиш, пульмонология), 6 лаб. ва 500 ўринли клиника бор, унда ўпка ва бошқа аъзолар (плевра, суяк ҳамда бўғимлар, сийдик-таносил аъзолари, шунингдек, тери, кўз, лимфа тугунлари ва мия қобиклари) сили ҳамда ўпканинг носпецифик касалликлари (бронхиал астма, ўпканинг сурункали обструктив касаллиги, пневмония, фиброзловчи альвеолит ва б.) б-н оғриган беморлар даволанадилар; клиника 11 та бўлимдан иборат. Шунингдек, илмий тиббий ахборот, ташкилий-методик бўлимлари, кутубхона, виварий, музей ва б. бор (2009). М-зда Тошкент тиббиёт академияси ва Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тининг фтизиатрия кафедра-

лари ҳамда Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг DOTS – directly observed treatment with short course (бевосита кузатув остидаги қисқа курсли кимётерапия) маркази фаолият кўрсатади. М-зда 426 ходим, жумладан 10 фан д-ри, 27 фан номзоди, 1 акад., 1 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва б. хизмат қилади. М-зда фтизиатрия ва пульмонология бўйича аспирантура, докторантура ва клиник ординатура бор. М-з қошида фтизиатрия ва пульмонология мутахассисликлари бўйича д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ёқлаш ҳуқуқи берилган ихтисослаштирилган кенгаш фаолият кўрсатади.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ (ЎзХДП) (ижроия кўмитаси манзили: Мустақиллик майд., 5/3) – 1991 й.да ташкил топган. Партиянинг асосий мақсади – аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламлари манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилишдан иборат. Партиянинг олий органи – қурултой, ҳар 5 й.да 1 марта чақирилади. Партиянинг 359683 аъзоси бор (2009). Партиянинг марказий нашрлари: «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газ.лари. ЎзХДП Марказий Кенгаши ижроия кўмитаси раиси – Латиф Фуломов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги партиянинг фракцияси 28 депутатдан иборат. Фракция раҳбари, палата спикери ўринбосари – Аслиддин Рустамов.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши 1991 й.да таъсис этилган. Партиянинг вилоят мақомига эга бўлган Тошкент ш. ташкилоти 11 та туман ва туман мақо-

мидаги «Ёшлик» талабалар ш.часи кенгашлари ва 30769 нафар аъзони бирлаштирган (2009). Партиянинг Тошкент ш. Кенгаши ижроия кўмитасида парламентчилик иши, мафкуравий ва маънавий-маърифий ишлар ва ташкилий-кадрлар б-н ишлаш бўлимлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида партиянинг Тошкент ш.дан сайланган 1 нафар депутати, Халқ депутатлари Тошкент ш. Кенгашида 13 аъздан иборат депутатлик гуруҳи фаолият кўрсатади. Тошкент ш. кенгаши ижроия кўмитаси раиси – Учқун Шоимқулов.

«ЎЗБЕКИСТОН ШАМПНИ» (Султонали Машхадий кўч., 186) – вино саноати корхонаси. Очиг турдаги АЖ (1996 й.дан). Маҳаллий винобоп узум навларидан турли маркали шампань винолари, мавжланувчи вино ва алкохолсиз ичимликлар, оқ, пушти, қизил винолар, коньяк спирти ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. «Ўзвиносаноатхолдинг» компанияси таркибида. Т.га эвакуация қилинган Харьков, Цимлянск, Ростов-Дон ва Инкерман шампань з-длари негизида 1943 й.да б-пиво з-ди худудида ташкил этилган. 1944 й.дан маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлаган. 1960 й.дан «Тошкент шампань з-ди», 1996 й.дан ҳоз. номда. Корхонанинг мавжланувчи «Ўзбекистон шампани» шампанланган виноси, сақлаб етилтирилган «Золотой Орфей», «Олтин фаввора» шампань виноси, газланган «Нафис» вино ичимлиги, «Ўзбекистон» портвейни халқаро кўргазма ва ярмаркаларда совринларга сазовор бўлган.

Йиллик и.ч. ҳажми 2,5 млн. бутилка шампань виноси ва газланган вино ичимлиги. Маҳсу-

лотлари хориж давлатларига экспорт қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази (Шайхонтоҳур кўч., 1) – 1997 й. 12 мартда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ФА (1991) негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этилган. 1997 й. 3 ноябрда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига ўтказилган. Таркибида и.т. муассасалари, луб толали экинлар тажриба ст-яси, Қорақалпоғистон деҳқончилик ин-ти бор. Вилоятларда м-знинг бўлимлари тузилган. М-з Ўзбекистон ва жаҳон фани ҳамда амалиётининг илгор ютуқларидан фойдаланган ҳолда респ. агросаноат мажмуининг энг муҳим муаммолари бўйича и.т.ларни ташкил этади; давлат бошқаруви органлари б-н ҳамкорликда деҳқончиликда ҳосилдорлик, чорвачиликда маҳсулдорликни ошириш, қ.х.ни интенсивлаш, экинларнинг янги серҳосил навларини яратиш ва р-нлаштириш, замонавий технологияларнинг илмий асосланган тизими дастурларини тайёрлайди; яратилган илмий ва техник ишланмаларнинг деҳқончилик, чорвачилик, ирригация, мелиорацияга жорий этилиши устидан муаллифлик назорати ишларини амалга оширади; қ.х.ни ташкил этиш ва юритишнинг жаҳон тажрибасини ўрганади; халқаро ва хориждаги етакчи и.т. марказлари б-н ҳамкорликни ривожлантиради; юқори малакали илмий кадрлар (фан д-рлари, фан номзодлари) тайёрлайди.

М-зда илмий-техника Кенгаши ва Раёсат ташкил этилган. М-з ҳузурида фалсафа ва чет тиллар кафедраси, аспирантура бўлими, Республика илмий қ.х. кутубхонаси бор. Марказнинг и.т. муассасаларида 1000 дан зиёд илмий ходим, жумладан, 10 акад., 60 дан ортиқ фан д-ри ишлайди (2008).

ЎЗБЕКИСТОН ҚЎГИРЧОҚ ТЕАТРИ – қ. *Қўғирчоқ театри.*

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ (Амир Темура шохқўчаси, 41) – йўловчилар, почта ва юкларни ҳаво йўллари орқали ташишни амалга оширади. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига мувофиқ, 1992 й. 28 январда Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси негизда ташкил этилди. Авиакомпанияда чет эл авиакомпаниялари ва миллий авиакомпания самолётларига техник хизмат кўрсатиш ва ўқув-амалиёт м-зларини ташкил қилиш, ҳаво флотини унификациялаш ва модернизация қилиш, ҳаво ҳаракати бошқарув тизимини модернизациялаш бўйича дастурлар амалга оширилади. Мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш ва учини хавфсизлигини мунтазам ошириб бориш авиакомпаниянинг асосий мақсади ҳисобланади. Авиакомпания мунтазам ҳолда дунёнинг 40 дан ортиқ шаҳарларига халқаро рейсларни амалга оширди (2009). Жами 22948 рейсдан 12492 таси халқаро, 10456 таси маҳаллий йўналишларда амалга оширилди. Авиакомпания ҳафтасига ўртача 441 рейсда 55 йўналишга хизмат кўрсатди. Дунёнинг 25 мамлакатада унинг ваколатхоналари очилган. Ҳозирда авиакомпания ихтиёрида Боинг-767-300ER, Бо-

инг-755-200, А-310, RJ-85, ИЛ-114-100, ТУ-154, АН-24, ЯК-40 ва ИЛ-76 юк самолётлари бор. Компания таркибида «Авиатаъмирлаш» корхонаси, «Махсус авиашлиари» авиакомпанияси (Сергели авиаотряди негизда ташкил қилинган), Ҳаво йўллари бош агентлиги (авиабилетлар сотиш бўйича Ўзбекистондаги йирик марказ) ва б. фаолият кўрсатади.

«ЎЗБЕКНАВО», «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси (Навий кўч., 2) – респ.да эстрада санъати соҳасида фаолият юритувчи ташкилот. 1996 й. Ўзбек давлат эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзбек давлат филармонияси негизда «Ўзбекнаво» гастроль концерт бирлашмаси номи б-н ташкил этилган. 2001 й.дан ҳоз. номда. Асосий вазифаси: Ўзбекистон эстрада санъатини ривожлантириш, эстрада жамоалари, яққа ижрочилар фаолиятини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш, уларнинг ижодий, иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, респ. ҳудудда ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини амалга ошириш, яққа ижрочилар ва эстрада гуруҳларининг фаолият юритиши учун лицензиялар бериш; эстрада соҳасида ахборот маълумотлар базасини яратиш, мониторинг ўтказиш ва б. «Ў.» республикада ўтказиладиган миллий байрамлар, юбилей тантаналари ва б. расмий давлат тадбирларига масъул бўлиб, улар учун махсус шоу-дастурлар, томоша, концертлар тайёрлайди. Ёш иқтидорли санъаткорларни рағбатлантириш мақсадида Маъмуржон Узоқов ва Жўраҳон Султонов номидаги (Марғилон), Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги (Самарқанд), Комилжон Отани-

ёзов номидаги (Хоразм), Ф.Мамадалиев ва О.Юсупов номидаги (Андижон) анъанавий хонандалик танлови, «Асрлар навоси» кўҳна миллий созлар ижрочилари (Бухоро), «Янги тароналар» ҳамда «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада мусиқа танловлари ва б.ни ўтказди. «Ў.» бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоятларда бўлимлари мавжуд.

«ЎЗГАРИШ» МАҲАЛЛАСИ (Сергели, 5-мавзе, 45^а-уй) – Сергели туманидаги маҳалла. Ҳабибий, «Гулистон», Шукур Бурҳонов маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. ташкил топган (Ҳабибий маҳалласи таркибидан ажралиб чиққан). Аҳолиси 6120 кишидан иборат бўлиб, турли миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудда 45 та 9 қаватли бино бор.

«ЎЗКАБЕЛЬ» (Дўрмон йўли кўч., 2) – электротехника саноатининг йирик корхонаси. Т.га эвакуация қилинган «Электрокабель» з-ди асосида 1941 й. ноябрда ташкил қилинган. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибида. Энергетика, геология, т.й. транспорти, алоқа, машинасозлик ва б. саноат тармоқларида ишлатиладиган турли хил кабель маҳсулотлари: юқори кучли электр кабеллари, шаҳар телефон тармоқлари ва узоқ масофалар алоқа кабеллари; қопламали электр симлари, пайвандлаш, электр энергиясини узатиш симлари, нефть насослари учун кабеллар, геофизика кабеллари ва симлари ишлаб чиқаради.

Корхонада мис катанка и.ч.-дан бошлаб мураккаб кабель маҳсулоти турларини и.ч.гача тўлиқ технологик цикл яратилган. 1995 й.дан ОАЖ. 2005 й.дан чет эл инвестицияси иштирокидаги

Ўзбекистон–Швейцария қўшма корхонаси акциядорлик жамияти («Zegomax» компанияси корхона акцияларининг 64% га эга). Корхона хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган ускуналар б-н жиҳозланган. Маҳсулотлари сифати халқаро стандартларга жавоб беради. 2008 й.да 4 минг км шаҳар телефон алоқа кабеллари, 1,3 км геофизика кабеллари, 21,5 минг км ёритиш тизими кабеллари ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, экспорт 41,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Маҳсулотлари Россия, Грузия, Туркменистон, Озарбайжон, Қозоғистон, БАА, Эрон ва б. мамлакатларга чиқарилади.

«ЎЗКАРЛСБЕРГ» (Темирчи кўч., 1) – Ўзбекистон–Дания қўшма корхонаси, МЧЖ. Марказий Осиёдаги йирик пиво пиширувчи з-д. 2006 й.да «Sarbast Plus» номи б-н ташкил қилинган. 2008 й.дан ҳоз. номда. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 1 млн. гекалитрни ёки 0,5 л сифимидаги 200 млн. шиша идишни ташкил этади. Соатига 50 минг шиша идишга пиво қуйиш тезлигига эга. 400 дан ортиқ ходим ишлайди. Майд. 10 гектар. Sarbast Original®, Sarbast Extra®, Tuborg Green® пиволарини тайёрлайди. Кўргазма, ярмаркаларда диплом ва совринларга сазовор бўлган.

ЎЗКИМЁФАРМ», С.К.Ислombeков номидаги «Ўзкимёфарм» (Шевченко кўч., 23) – ОАЖ (1996 й.дан). Ўзбекистон бозорларини юқори самарадор, ишончли, арзон дори воситалари б-н таъминлайди. Ампулалари, дозилар, таблеткалар, суюқ дозилар ва шарбатлар (маҳаллий ўсимлик хомашёси асосида) ишлаб чиқаради. «Ўзфармсанот» акциядорлик концерни таркибида. 1942 й.да м-зий дори-

хона омбори лаб. негизида ташкил этилган. З-дда 2-жаҳон урушидан сўнг (1947) гуруч шулхасидан фитин олишнинг янги технологияси ўзлаштирилди ва ҳозирда ушбу препарат фақат «Ў.» корхонасида ишлаб чиқарилади. Корхонанинг йиллик дори и.ч. ҳажми 12370 минг ўрам (4076450 минг сўм)ни ташкил этади. Ҳозирда корхона дори препаратлари номенклатураси 100 номдан иборат 14 фармакотерапевтик гуруҳни ўз ичига олади. Маҳсулотлари МДХ давлатларига экспорт қилинади. Корхона халқаро кўргазмаларда ва кооперациялараро биржаларда иштирок этади.

«ЎЗПАХТАМАШ» (Э.Мараимов тор кўч., 92) – очиқ турдаги АЖ. 1947 й.да ҳукуматнинг қ.х. машинасозлиги корхонасини қуриш тўғрисидаги қарорига асосан Тошкент механика з-ди номи б-н ташкил этилган. 1955 й.да пахта тозалаш саноати корхоналари учун эҳтиёт қисмлар ва технологик қурилмалар и.ч.га йўналтирилди. 1955–95 й.гача «Ўзбекпахтамаш», 1995 й.дан «Тошкент машинасозлик» з-ди ОАЖ. 2003 й.дан ҳоз. номда. Корхона мураккаб пахта тозалаш техникасининг ягона ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади. Йиллик и.ч. ҳажми 3714,60 млн. сўм. Маҳсулотлари Туркменистон, Қозоғистон, Тожикистонга экспорт қилинади.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШ-БАНК», Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноатқурилиш банки (Шаҳрисабз кўч., 3) – 1991 й. 25 июлда ташкил этилган. Банкнинг йирик акциядорлари таркибига «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ва унинг таркибига кирувчи компаниялар, Навоий ва Олмалик тоғ-метал-

лургия ком-тлари, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбеккўмир» АЖ, «Ўзбекинвест» суғурта компанияси, чет эл компаниялари гуруҳи ва б. корхона, ташкилотлар кирази. Булардан ташқари акциядорлар қаторида 3,5 минг юридик ва 31,6 минг жисмоний шахслар бор (2008).

Банк корпоратив мижозларга ҳисоб-касса хизмати; кредитлаш; инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш; лизинг ва факторинг операциялари; капитал қўйилмаларини молиялаштириш ва инвестиция маблағлари эгалари топшириғи бўйича хизматлар; миллий валютадаги пул ўтказмалари ва халқаро пул ўтказмалари; индивидуал омонатчиларнинг жамғарма ҳисобларини очиш ва б. хизматлар кўрсатади.

Банкнинг респ. ҳудудида 49 та филиали, 94 мини банки, 189 омонат кассаси, 159 валюта алмаштириш пункти, жумладан Тошкент ш.да 13 филиали, Марказий амалий минтақавий филиали ҳамда Тошкент ш. минтақавий филиали фаолият кўрсатади.

Тошкент ш. минтақавий филиали (Мустақиллик кўч., 5) турли соҳадаги хўжалик юритувчи йирик ишлаб чиқариш корхоналари, давлат-акциядорлик жамиятларига, қурилиш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация, йирик савдо корхоналарига, 11,9 минг юридик ва 237,3 минг жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади.

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ» ЎЗБЕК-КИСТОН МИЛЛИЙ КЎРГАЗМА КОМПАНИЯСИ (Амир Темурашшоҳ кўч., 107) – моддий ва маънавий фаолият соҳаларидаги ютуқларни оммавий намойиш этади. Шунингдек, ком-



«Ўзэкспомарказ»
Ўзбекистон
миллий кўргазма
компанияси.

си», «Flora
Ехро» анъана-
вий кўргазмала-
ри ва хорижий
мамлакатлар

пания мамлакатнинг савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш ва чуқурлаштириш, экспорт қудратини ошириш ва давлат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашади. Дастлаб, 1963 й. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси номи б-н ташкил қилинган. 1992 й. сент.да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ респ. халқаро савдо объектлари мажмуаси тузилди, «Ўзэкспомарказ» савдо кўргазма м-зи номи б-н унинг таркибига кирди. 2005 й. 18 апр.дан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги қошидаги ОАЖ. Умумий майд. 48 гектар. Таркибида 5 кўргазма павильони, «Аквабоғ», «Тошкентленд», Япон боғи, 4 ресторан, меҳмонхона мавжуд.

Кўргазма заллари 1000 дан 2700 м² гача майдонни эгаллаган бўлиб, замонавий кўргазма жиҳозлари б-н таъминланган. Марказий павильон майд. 4892 м², 500 кишига мўлжалланган конференц-зал, 2712 м² ли кўргазмалар зали, очиқ намойиш майдончасидан иборат.

«Ўзэкспомарказ» павильонларида ҳар йили 25 дан зиёд кўргазма тадбирлари ўтказилади. «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», «Ўзбекистон АгроМиниТехЭкспо», «Пахта ярмарка-

миллий кўргазмалари, айниқса эътиборга лойиқ. «Ўзэкспомарказ»да Италия, Молдавия, Польша, Чехия, Россия, Словакия, Ҳиндистон, Хитой ва б. кўплаб мамлакатлар кўргазмалари бўлиб ўтган. «Ўзэкспомарказ»да хорижий ҳамкорлар томонидан қуйидаги соҳалар бўйича халқаро кўргазмалар ўтказиш анъанага айланган: «Соғлиқни сақлаш», «Стоматология», «Фармацевтика саноати», «Нефть, газ», «Қурилиш», «Телекоммуникация ва компьютер технологиялари», «Озиқ-овқат маҳсулотлари ва технологияси», «Кончилик иши», «Қутқарув ва фавқулодда вазиятлар», «Мебель ва и.ч. технологияси», «Тўқимачилик», «Транспорт ва логистика», «Автомобилошароити», «Қишлоқ хўжалиги», «Полиграфия, ноширлик иши, реклама», «Пахта ва шойи дунёси» ва б.

«Ўзэкспомарказ», шунингдек, хорижий мамлакатларда ҳам турли мавзуларда миллий ва тармоқлар бўйича кўргазма ва ярмаркалар ҳам уюштилади.

«Ўзэкспомарказ» худудидаги 500 ўринли конференц-зал ва 400 ўринли кинолекторийда конгресслар, симпозиум ва пресс-конференциялар ўтказиш учун барча шароитлар мавжуд. «Ўзэкспомарказ»нинг осма йўл, «Аквабоғ» ва «Тошкентленд» боғларини ўз ичига олган дам

олиш зонасида бир вақтнинг ўзида 1000 киши ҳордиқ чиқариши мумкин.

«ЎЗЭЛЕКТРАППАРАТ-ЭЛЕКТРОШЧИТ» (Таллимаржон кўч., 1) – энергетика машинасозлигининг йирик корхонаси, ОАЖ. «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибида. Паст вольтли бутловчи ускуна ва асбоб-аппаратуралар (электр ст-ялар энергоблоклари кичик ст-ялари ва б. учун тегишли қурилмалар, катод Ҳимояси ст-ялари, бошқариш пультлари, реле қурилмалари ва б.) ишлаб чиқаради. 1941 й. 15 окт.да Т.га эвакуация қилинган Харьков «Электр станок» машинасозлик з-ди ускуналари базасида Тошкент «Электр станок» з-ди номи б-н ташкил этилган ва электр жиҳозлари ҳамда фронт учун миналар ишлаб чиқарган. 1946 й.да бу з-д Москвадан эвакуация қилинган «Юқори частота тоқлари» з-ди б-н бирлаштирилиб, Тошкент электр техника з-дига айлантирилди. Урушдан кейинги даврда турли электр жиҳозлари и.ч. ўзлаштирилди. 1971–91 й.ларда Ўрта Осиё «Электраппарат» и.ч. бирлашмаси. 1991 й.дан бирлашма таркибидаги корхоналар [Т. электро-техника з-ди (бош корхона сифатида), Т. пластмасса буюмлари з-ди, «Тошэлектромаш» з-ди, Андижон «Электроаппарат» ва б.] мустақил юридик мақомга эга бўлди.

2005 й.дан Ўзбекистон–Россия–Буюк Британия қўшма корхонаси – очиқ акциядорлик жамияти. 2008 й.да 25 млрд. сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилган.

ЎРДА – ўрта асрлардаги шаҳар қалъаси; Т.нинг ҳарбий-маъмурий м-зи (9–19-асрлар). Дастлаб, тахм. ҳоз. Эскижўва майд. худудида жойлашган. 10-а. географ-

лари (Ибн Ҳавқал, Мақдисий, Истаҳрий)нинг ёзишича, шаҳар арки ёки шаҳристон (кўҳандиз)-нинг икки дарвозаси, ичида ҳоким саройи; зиндон бўлган. 15–17-а.лар шаҳар ҳудудининг кенгайиши муносабати б-н унинг жан.да – Бешёғочдаги Қоратош маҳалласида янги Ў. қурилган. 19-а.да у «Эски Ўрда» номи б-н машҳур бўлган. Ў. мажмуасида маъмурий бинолар ва сарой бўлган; ундан фақат 15-а. охири –16-а.га оид ҳаммом биноти (қ. *Қоратош ҳаммоми*) харобалари сақланган. 17-а. бошларида Бухоро хони Имомқулихон шаҳар б-н Ў.ни бутунлай вайрон қилган. 18-а. 80-йилларида *Юнусхўжа* ҳукмронлиги даврида Шайхонтохур даҳасида янги мудофаа девори б-н ўралган кичик Ў. ҳам қурилган. 19-а. бошида Қўқон хони Олимхон қўшинлари Т.ни босиб олаётган пайтда Юнусхўжа Ў.си вайрон қилинган. 19-а. 30-йилларида Қўқон хони Т.ни ўз ҳокимиятининг шим.-ғарбдаги таянч маскани деб ҳисоблаб, Анҳор каналининг чап соҳили (тахм. ҳоз. «Анҳор» кафеси ўрни ва унинг ён атрофи)да янги Ў. қурдирган. У дастлаб шаҳардан девор ва канал б-н ажралиб турган. Ў. ичкарида мустақамланган қаср, гарнизон казармалари, қурол-яроғ омборлари, маъмурий бинолар қурилган. Ў. қалъаси 10 минг аскар сиғишига мўлжалланган эди (майд. қарийб 20 гектар). Ў.да шаҳар ва вилоят ҳокими учун махсус қўрғон – қароргоҳ бўлган. Кейинчалик Т. учун қўшимча мудофаа девори қурилиши б-н Ў. шаҳар таркибига киритилган. Шаҳарнинг янги деворида Лабзак, Қўймас, Оққўрғон (Қашқар), Қўқон дарвозалари (қ. *Шаҳар дарвозалари*) қурилган. Т. чор Россияси

Тошкент бекларбеги Ўрдаси (тарихий сурат).



қўшинлари томонидан босиб олинган (1865), Черняев ўз штаби б-н Ў.даги хон (бекларбеги) саройига, босқинчи аскарларнинг бир қисми сарой ёнидаги сарбозлар ётоқхоналарига жойлашди. Офицерлар эса Ў. ташқарисидagi эгасиз қолган хонадонларда яшай бошлади. Лекин мустамлакачилар Ў.нинг тошкентликлар томонидан қамал қилинишидан хавотирланиб, ўша йили зудлик б-н қурилган *Тошкент тўпроққўрони*га кўчиб ўтдилар. Ў.даги хон саройи ва Ў. девори кейинроқ бузиб ташланди ва *Янги шаҳар*га кўшиб юборилди.

«ЎРДА» МАҲАЛЛАСИ (Навоий кўч., 7⁶-уй) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Шайхонтохур», «Ҳадра» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. шу номда ташкил этилган («Ўрда» атамаси тарихи ҳақида қ. *Ўрда*). Аҳолиси 2192 киши, кўп миллатли (30% ўзбеклар). Маҳалла ҳудудида Санъат саройи, Ўзбекистон Ёшлар т-ри, «Пахтакор» стадиони, Тошкент Ислон ун-ти мавжуд. Акад.лар Ўктам Орипов, Соибжон Неъматов, композитор Тўхтасин Жалилов, Ўзбекистон халқ артисти Шаҳодат Раҳимова шу маҳаллада яшаган. **«ЎРИКЗОР» МАҲАЛЛАСИ** (Б.Бобоев кўч., 136) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Ракат», «Тепа» маҳаллалари б-н чегарадош. Илгари «Ракат» маҳалласи таркибида бўлган. Маҳалла ҳудудида аввал ўрикзор боғлар бўлган, номи шундан.

Аҳолиси 3830 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида Навоий кон-металлургия комитига қарашли меҳмонхона, Байналмилал маданият м-зи, Кўзи ожизлар жамияти, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Ракат» жоме масжиди жойлашган.

«ЎРИКЗОР» МАҲАЛЛАСИ (Боситхон 2-тор кўч., 32) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Кўксарой» маҳалласи б-н чегарадош. 1990 й. 16 сент.да ташкил топган. Маҳалла ҳудудида илгари ўрик дарахтлари сероб бўлган. Маҳалла номи шундан олинган. Маҳалла қаршисида ҳалқа йўли ёқасида эса «Карвон» бозори бор. Аҳолиси 7240 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида «Ўрикзор» амбулаторияси, озик-овқат, сабзавот дўконлари, овқатланиш шохобчалари, чойхона, новвойхоналар, ўрта мактаб, болалар боғчаси, иқтисодий ва сервис коллежи бор.

ЎРОЗБОЕВ Муҳаммад Тошевич (1906.20.5–1971.9.5) – механик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1960). Техника фанлари д-ри (1947), проф. (1938). 1925 й.дан Т.да. Москва олий техника билим юрти (1932), Москва ун-ти (1934)ни тугатган. Т. тўқимачилик ин-тида каф. мудири ва ди-

ректор ўринбосари (1936–47), Ўзбекистон ФА Иншоотлар ин-ти директори (1947–57), Илмий-техника давлат к-ти раиси (1957–61). Ўзбекистон ФА Механика ин-тида бўлим мудирлари (1961–63), Т. политехника ин-ти ректори (1963–71), Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ҳамда Механика ва бошқариш жараёнлари бўлими акад. котиби (1970–71), «Фан ва турмуш» журн. бош муҳаррири (1970–71). Асосий илмий ишлари механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги назариясига оид. Ўзбекистонда сейсмик мустаҳкамликнинг динамик назарияси ва қобиқлар назариясига оид илмий мактаб яратган. Давлат мукофоти (1952), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1967) лауреати. Чигатой қабристонига дафн қилинган. Ўзбекистон ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти, Т. кўчаларидан бири Ў. номи б-н аталади.

«ЎРТА МАСЖИД» МАҲАЛЛАСИ (Уйсозлар кўч., 45) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Бинокор», «Иқбол», Муқимий ва Қўйлиқота маҳаллалари б-н чегарадош. 1990 й.гача «Нурафшон» маҳалласи деб аталган, 1990 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 7500 киши, асосан, ўзбеклар (70%). Маҳалла худудида маданият саройи, уй-созлик ком-тлари, 2 та поликлиника ва б. мавжуд.

ЎРТА ЧИРЧИҚ ТУМАНИ – Т. вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шим.шарқда Юқори Чирчиқ, шарқда Оҳангарон туманлари, шим.да Тошкент ш., Зангиота тумани, ғарбда Қуйи Чирчиқ, жан.да Оққўрғон ва Пискент туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,49 минг км². Аҳолиси 169 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек,

қозоқ, татар, рус, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди (2008). Туманда 1 шаҳар (Тўйтепа), 2 шаҳарча (Туябўғиз, Янгиҳаёт), 13 қишлоқ фуқаролари йиғини (Ангор, Дўстлик, Истиқлол, Навоий, Охунбобоев, Оқота, Уйшун, Пахтакор, Пахтаобод, Юнучқала, Янгитурмуш, Ўртасарой, Қорасув) бор. Туман маркази – Тўйтепа ш.

Туман худуди Чирчиқ дарёсининг чап соҳилидаги текисликда жойлашган. Иқлими континентал. Қиши совуқ, ёзи иссиқ. Январнинг ўрта т-раси 0–4°, энг паст т-ра –19°, –20°. Июлники 28–30°, энг юқори т-ра 41–42°. Ўртача йиллик ёғин 450–460 мм. Вегетация даври 300 кун. Туман худудидан Полвонов номидаги Тошкент, Қорасув каналлари, шим.-ғарбидан Чирчиқ дарёси оқиб ўтади. Туман жан.да Туябўғиз сув омбори жойлашган. Тупроқлари бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан шўра, қамиш, юлғун ва б. ўсади. Ҳайвонлардан чиябўри, тулки, юмронқозиқ, сувилонлар учрайди.

Туманда йирик, ўрта бизнес ва кичик корхона ҳамда микрофирмалар фаолият кўрсатади. «Дайсен Интернейшенал» МЧЖ, «Прима Фаввора» МЧЖ, «Фетекс Текстиль» ҚК ишлаб турибди. И.ч. бирлашмалари, металл-конструкциялари, темир-бетон, полиэтилен пленкаси и.ч. корхонаси, пахта тозалаш з-длари, тикувчилик ф-каси, дон қабул қилиш корхонаси бор. Туман қ.х., асосан, пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган. Ў.Ч.т.да пахта, дон, шунингдек, картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари, беда экилади. Тумандаги жамоа ва шахсий хўжаликларда қорамол, қўй ва эчки, парранда, йилқи боқилади. Ў.Ч.т.да Республика шоли-

корлик илмий тадқиқот ин-ти, 74 умумий таълим, болалар санъат, спорт мактаблари, академик лицей, гимназия, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. Туман марказий кутубхонаси, марказий маданият уйи, 2 маданият ва истироҳат боғи, 8 клуб муассасаси бор. 3 стадион, спорт заллари, отиш тирлари, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи майдончалари мавжуд. Туман марказий касалхонаси, 3 поликлиника, туғуруқхона, дорихона, қишлоқ врачлик ва фельдшер-акушерлик пунктлари аҳолига хизмат кўрсатади.

Ў.Ч.т. автомобиль йўллари орқали Тошкент ш. ва б. шаҳарлар б-н боғланган. Туман худудидан Тошкент – Ангрэн т.й. ўтади.

ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон ФА С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти (Мирзо Улуғбек кўч., 77) – 1956 й. Ўзбекистон ФА таркибидаги Кимё (ҳоз. Умумий ва ноорганик кимё) ин-тининг алкалоидлар кимёси лаб. (1943) негизида ташкил этилган. Ин-тга 1999 й. унинг асосчиси С.Ю.Юнусов номи берилган. Ин-тининг асосий фундаментал илмий ва амалий йўналиши ўсимликлар таркибидаги биологик фаол моддалар ҳамда синтез йўли б-н олинган бирикмаларни кимёвий, фармокологик, фитотоксикологик ва технологик тадқиқ қилиш, молекуляр генетик изланишлар олиб бориш, доривор препаратлар, биологик фаол қўшимчалар, биореактив, ўстирувчи моддалар, гербицидлар, фунгицидлар, дефолиантлар ва б. ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини кашф этиш, уларни олиш технологияларини ишлаш-

дан иборат. Ин-т таркибида 13 лаб., органик синтез бўлими, тажриба и.ч. корхонаси, компьютер м-зи, маркетинг бўлими, сертификатлаш ва стандартлаш бўлими, босмахона, кутубхона (140 мингга яқин асар) бор. Ин-тда аспирантура, докторантура ҳамда д-рлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш фаолият кўрсатади. Ин-тда 141 илмий ходим, жумладан 1 акад., 21 фан д-ри, 71 фан номзоди ишлайди (2009). Ин-т Россия, Қозоғистон, Франция, Бельгия, Буюк Британия, Туркия, Хитой, Покистон ва б. мамлакатлардаги и.т. муассасалари б-н илмий-амалий ҳамкорлик қилади. Ин-тнинг 4 илмий ходими 2007 й. Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотида сазовор бўлган. Ин-тда 1965 й.дан «Химия природных соединений» («Табиий бирикмалар кимёси») журн. нашр этилади.

«ЎТКИР» МАҲАЛЛАСИ (Нашриёт 1-тор кўч., 22) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Истироҳат», «Жарбулоқ», Зулфизар маҳаллалари б-н чегарадош. 1940 й.да ташкил топган. Аҳолиси 5200 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла гузаридида кичик дўкон ва чойхона мавжуд.

«ЎҚИТУВЧИ» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ (Навоий кўч., 30) – йирик нашриёт ва китоб маҳсулотлари чоп этувчи корхона. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимида. «Ўқувпеддавнашр» номи б-н 1936 й. ташкил қилинган (1950–59 й.ларда яна шу ном б-н аталган). 1941–49 й.ларда Ўздавнашр нашриёти таркибида бўлган. 1960 й.дан «Ўрта ва

олий мактаб» нашриёти, 1964 й.дан «Ўқитувчи» деб номланган. 2004 й. «Ўқитувчи» нашриёти ва Тошкент китоб-журнал фабрикаси негизидида «Ў.» н.-м.и.у. ташкил этилди. Унинг асосий фаолияти барча турдаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчи ва ўқитувчиларига, шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига, мактабгача тарбия муассасалари ходимларига, ота-оналарга мўлжалланган ад.лар – дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик адабиётлар, турли хил луғат ва маълумотномалар, болалар учун турли китоблар нашр этишга йўналтирилган.

ЎҚЧИ – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Мерганча, Олмазор, Тепақишлоқ маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. *Тошкент тупроққўргонига* ёндошган. 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (600 нафар кишидан ортиқ) бўлиб, ҳунармандчилик, жумладан, бўзчилик, қизалиш (от ёпиғи) тикувчилиги, нилчилик (мато ранглаш), катта икки ғилдиракли Қўқон арава ўқини яшаш, дегрез (чўянгар)лик, савдо-сотик, шаҳар атрофидаги мавзеларда, хусусан Қорасув ҳавзасида деҳқончилик (шоликорлик) ва боғдорчилик б-н шуғулланган. 19-а.нинг 60–70-й.ларидан маҳалланинг бир қисмида маҳаллий яҳудий савдогарларнинг турар жойлари, шаҳар бозорида эса Жухудраста пайдо бўлган. Ў.да бино қилинган 3 масжиддан бири жума, яъни Катта масжид номи б-н юритилган. Маҳалла гузаридида новвойхона, баққоллик ва мўрча (ҳаммом) ҳамда савдо растаси бўлган.

Ў.нинг жан.-шарқидида Анҳор бўйида Т. шаҳрининг Қўймас (Қатағон) дарвозаси жойлашган. Анҳорнинг сўл соҳилида қад кўтарган Тали Қўймас қўргонини ва дарвозани Қатағон ва Қиёт уруғига мансуб ўқчи сарбозлар қўриқлаган. Шу боисдан маҳалла Ў. номи б-н юритилган. Уни кесиб ўтган савдо йўли Ўркўча, Қўймас (аҳоли оғзида эса Тупроқ кўча), кейинчалик Тошкўча деб тилга олинган. 19-а. охирида Ў. маҳалласида ўғил болалар ва қиз болалар учун алоҳида-алоҳида 2 савод чиқариш мактаби фаолият кўрсатган, янги очилган мактаб ўқитувчилари учун дастлабки билим юрти очилган. 1937–38 й.ларда 76-сонли ўрта таълим мактабининг кўп қаватли биноси қад кўтарган.

«Ўқчи» маҳалласи (Ўқчи кўч., 42) – Шайхонтохур туманидаги ҳоз. маҳалла. «Ўрда», «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 2520 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Республика киночилар уйи, Тошкент давлат иқтисодиёт ун-ти коллежи, савдо растаси, 3 та ресторан, кафе, 2 та новвойхона мавжуд. 2006 й.дан бошлаб маҳалла ҳудудида «Жисонг Корея индустриал» ўзбек-корейс қўшма корхонаси томонидан замонавий инфратузилмага эга «Янги шаҳар» мажмуасини бунёд этиш ишларига киришилди. Маҳаллада давлат арбоби Акмал Икромов, акад.лар Содик Азимов, Сабоҳат Азимжонов, Карим Шониёзов, Абдулаҳад Муҳаммаджонов, шоира Зулфия Исроилова, Меҳнат Қаҳрамони, уста Муҳаммаджон Ёқубов, ёзувчи Асқад Мухтор ва б. яшаган.

ҚАДИМГИ ҚАБРИСТОНЛАР – археологик ёдгорликлар, қад. ва ўрта асрларга оид қабр мажмуалари ва якка қабрлар. Т. худудида Қ.қ.ни ўрганиш Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзолари (хусусан Н.П.Остроумов) томонидан 19-а. охирларида бошланган. Кейинги даврда қазиш ишларини *Тошкент археология экспедицияси* олиб бормоқда. Қ.қ. тупроқ қабрлари ва оссуарийли қабр иншоотлари (наус) тарзида учраган. Тупроқли қабрларда жасад чуқурлар ва катакомба (лаҳад)ларга кўмилиб, устига тупроқ уюб ёки текислаб кўйилган. Энг қад. қабрлар *Чилдустаронтепа*да топилган. Булар сўнгги жез даври (мил.ав. 2-минг йиллик 2-ярми)даги кўчманчи чорвадор қабилалар қабрларидир. Жасад удумга кўра лаҳадга сопол идишлар, жез қурооллар, безаклар ва ҳ.к. билан бирга кўшиб кўмилган. Соз тупроқли ер ости сағаналари ва йўлакли мағораларга кўмиш ҳам шунга ўхшайди. Бунда қазилган лаҳад тагига ёки супага қамиш ёки шох-шабба тўшаб, бир ёки бир неча жасад ёнма-ён кўйилган ва ёнига озик-овқат солинган сопол идишлар, темир қурооллар, безаклар кўшиб кўмилган. Бундай қабрлар илгариги Луначарский қишлоғи (ҳоз. шаҳарнинг Мирзо Улуғбек туманида), Қорасув канали бўйлари (ҳоз. Археология кўч.), 4-Тошавтомаш турар жой

массиви, Дўмбробод ва Қатортол кўчаларида топилган. Т.воҳасининг *Қовунчи маданияти* даврида яшаган кўчманчи ва ўтроқ аҳолига тегишли қабрлар 1–6-асрларга оиддир. Оссуарийли наусларда мурданинг суяги гўшtidан ажратилиб, махсус идишлар – оссуарийлар (остадон) ёки сопол идишларда кўмилган. Т.даги оссуарийлар, одатда, овал ёки тўғри тўртбурчак шаклда бўлган, сирти ўйма ёки тирнама геометрик ёки қабартма чилвир нақшлар б-н безатилган. Идишлар қопқоқлар б-н бекитилган, қопқоқлар тутқичининг учлари куш шакли ёки

Тўйтепа ва Хўжа Парихонтепадан топилган оstdонлар.



одам юзи кўринишида ишланган. Оссуарийлар наусларга бир қатор қилиб териб кўйилган ёки ташландиқ қалъа деворига ўйилган махсус тоқчаларга ўрнатилган. Якка ҳолда кўмилган оссуарийлар бутун Т. худудида учраб туради (қ. *Хўжа Парихонтепа*) тўп-тўп қилиб кўмилганлари эса Луначарский қишлоғи яқинида ва *Хонободтепа*да топилган. Улар 7–8-асрларда Т. воҳасида яшаган ва оташпарастликка эътиқод қилган ўтроқ аҳолига тегишли. Иккала типдаги қабрлар Т. воҳасининг оташпараст аҳолисига тегишли бўлиб, маҳаллий аҳоли ислом ақидалари ва маросимларини ўзлаштириб борган сари бундай кўмиш маросимлари барҳам топган (8-а.).


ҚАЛДИРҒОЧБЇЙ МАҚБАРАСИ, Ҳазрати Амир мақбараси (Шайхонтохур тор кўч.) – мёморий ёдгорлик (15-а. 1-ярми). *Шайх Хованди Тоҳур мажмуаси* таркибида, кўҳна қабристоннинг шим.да, Мақбара пишиқ ғиштдан (25x25x5 см) чортоқ тарҳли (9,48x9,48 м) бир хонали (тарҳи 6x6 м), кўш қават гумбазли қилиб қурилган; 12 қиррали ташқи кулоҳсимон чўққи гумбази пишиқ ғиштдан ганч қоришмасида терилган. Мақбара ичига жан. томондаги эшик орқали кирилади, хонадаги тепага чиқиладиган айлана зиналар қалин девор ичига жойлашган; хона ўртасида сағана бор,



Қалдирғочбий мақбараси.

тағхона ичидан бир неча жасад қолдиқлари топилган. Мақбара безакларидан 15-а.га мансуб шарафаларнинг қолдиқларигина сақланган. 1970 й.да ташқи гумбази таъмирланган. *Мухаммад Солиххўжа*нинг ёзишича, мақбара Дашти Қипчоқ шаҳзодаларидан бирига оид бўлган. Ушбу шаҳзода Шайх Умар Богистонийнинг муридларидан бўлиб, улардан кейинчалик ўзи дафн қилиниши учун шу жойдан бир парча ер сўраб олган. Шаҳзода умрини мазор жойлашган ерда тоат-ибодатда ўтказган, уйининг томига уя солган қалдирғочларга меҳр б-н қарагани учун туркий аҳоли уни Қалдирғочбий деб атаган. Археологик маълумотларга кўра, Қ.м. 14-а. қурилганлиги тахмин қилинади. **ҚАМАРНИСО КЎЧАСИ** – Собир Раҳимов тумани худудида. Талабалар кўч. билан Катта ҳалқа йўли ораллиғида. Уз. 3 км атрофида. Шаҳар м-зини Шифокорлар ш.часи билан боғлаб турувчи кўчалардан бири. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг ташкил топган. 1969 й. 24 фев.дан хотин-қизлар етакчиларидан Қамарнисо (Шамсиқамар Ғойибжонова,

1897–1969) номи б-н юритилади. Йўналишида Шифокорлар ш.часи, Политехника касб-хунар коллежи, Тупроқшунослик ва агрохимё и.т. институти, ёнилғи қуйиш шохобчаси, «Қамарнисо» тўйхонаси, «Аквапласт» корхонаси, «Беруний» маҳалла гузари, автотеххизмат, «Шифокорлар» ш.часи бозорчаси, бошбекат, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Таркибида 6 та тор кўча бор. **ҚАНҚА**, Қанқатепа – мил.ав. 3-а. – мил. 12-а. бошига оид қад. шаҳар харобаси. Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани худудида, Оҳангарон дарёсининг қад. ўзани чап соҳилида. Шоҳрухия археологик ёдгорлигидан тахм. 8 км шим.-шарқда қад. карвон йўли устида жойлашган. Қад. Хитой ёзма манбаларида – Битан (Битянь). Дастлаб, Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги аъзоси Е.Т.Смирнов (1898), кейинчалик М.Е.Массон (1934), сўнгра Моддий-маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти (Қ.Абдуллаев, Ф.Ҳасанов, Д.Алимова, 1969–72), 1974 й.дан Ўзбекистон ФА Археология ин-ти томонидан текшириш ишлари олиб борилмоқда. Қ. тўғри тўртбурчак шаклида, умумий майд. 200 гектар бўлиб, бир неча қатор мудоффа девори ва хандақлар б-н ўралган, арк 3 шахристон ва рабоддан иборат бўлган. Шахристон I нинг майд. 6,5 гектар, шим. қисмида арк (бал. 40 м) жойлашган. Унинг атрофи хандақ б-н ўралган. Арк ва Шахристон I ни 3 томондан майд. 50 га дан ортиқроқ Шахристон II ўраб олган. Шахристонларга ташқаридан рабод (майд. 10 гектар) ёндошган. Мил.ав. 1 – мил. 1-а.ларда шаҳар равнақ топган. Шахрис-



Қанқа. Арк қисмининг ҳозирги кўриниши. Сопол идишлар (10–12-а.лар).

тонлар ва рабодда кўча-кўйлар, майдонлар, ҳовуз ва оқар сув тармоқлари ҳамда пахса ва йирик хом ғиштлардан бино қилинган турар жой қолдиқлари сақланиб қолган. Қ.дан мил. 1–2-а.ларда зарб этилган кумуш ва мис тангалар (жумладан, 4–11-а.ларга оид тангалар хазинаси), олтин ва қимматбаҳо тошлардан ишланган тақинчоқлар, сопол ҳайкалчалар, остодон (оссуарий), сирланган ва сирсиз сопол идишлар, тош, суяк ва металлдан ишланган қурол ва асбоблар ҳамда деворий расм қолдиқлари топилган. Турли хилдаги бундай ашёвий топилмалар шубҳасиз, Қ.да темирчилик, кулчилик, тикувчилик, суяк ўймакорлиги ривож топганидан далолат беради. 8-а. бошида араблар истилосидан кейин вайрон бўлган, кейинчалик (9-а.) тикланган (қ. *Харашкат*). **«ҚАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ** (Амир Темурашхон шохкўчаси) – Ўзбекистон ФА тизимидаги илмий-маърифий муассаса. Ўзбекистон Республикаси Президентининг

«Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги (2000 й. 1 май) фармони асосида Юнусободдаги Бўзсув соҳилида – «*Шаҳидлар хотираси*» ёдгорлик мажмуида (2002 й. 31 авг.) барпо этилган (меъмори А.Турдиев ва б.). Президентнинг 2008 й. 5 майдаги «Қатағон қурбонлари хо-



«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи.

тираси» музейи фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига биноан, музейнинг мавжуд биноси реконструкция қилинди, иккита янги экспозиция залини ўз ичига олган қўшимча бино қуриш ишлари якунланди (бош лойиҳачи: «Ташгипрогор»; бош пудратчи: «Паркентсувқурилиш» ва «Тошшаҳарйўлқурилиштаъмир» трестлари). Музейнинг янги биноси ва экспозицияларининг тантанали очилиш маросими 2008 й. 31 авг. да ўтказилиб, унда Президент Ислом Каримов қатнашди.

Музей Россия империяси ва совет тузуми даврида Ватан озодлиги йўлидаги фаолияти ва ҳаракатлари учун қатағон этилган ватандошлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган. Музейнинг илмий-тематик экспозицияси 3 зал ва 10 бўлимдан иборат: Туркистоннинг чор Россияси томонидан босиб олинishi ва маҳаллий халқнинг бунга қарши кураши; Миллий уйғо-

ниш ҳаракати, унинг намоён бўлиши ва амалий йўналишлари; Туркистон мухторияти ҳукуматининг тугатилиши ва совет давлати қатағон сиёсатининг бошланиши; Ўрта Осиё минтақасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат; Совет давлатининг коллективлаштириш ва қулоқлаштириш компанияси ҳамда унинг фожиали оқибатлари; 20-а. 30-й.ларининг бошларидаги сиёсий қатағонлар; 1937–38 й.лардаги сиёсий қатағонлар (катта террор); 1940–50 й.лардаги сиёсий қатағонлар; 1980 й.лардаги қатағонлар («Пахта иши» компанияси); Мустақиллик йилларида тарихий адолатнинг тикланиши, қатағон қурбонлари хотирасининг абадийлаштирилиши, миллий қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида амалга оширилган тарихий ишлар.

Тарихчи олимлар «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси б-н ҳамкорликда архив материаллари асосида қатағон

қурбонлари мавзуи бўйича китоблар ва б. нашрлар тайёрланди [«Қишлоқ фожияси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сурғун» (Р.Шамсутдинов), «Чўлпон» (Н.Каримов), «Абдулла Қодирий» (С.Мирвалиев), «Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши ку-

раш» (Қ.Ражабов) каби монографиялар, Мунавварқори ва Ботунинг танланган асарлари нашр этилган]. Музей ходимлари Ўзбекистон ҳужжатли ва бадий фильмлар киностудияси ҳамда «Ўзбекфильм» студияси б-н ҳамкорликда «Барҳаёт хотира», «Армонли йиллар кўзгуси», «Фидойи олим», «Миртемир», «Армонли тақдирлар» сингари ҳужжатли фильмлар яратган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси ва гоёси асосида лойиҳаланган ва бунёд этилган бино анъанавий меъморлик услуби (айвон, гумбаз, пешайвон, равоқ ва б.)да қурилиб, миллий безаклар б-н зийнатланган. Музей биноси мурабба тарҳли (20x20 м), бал. 20 м, гумбазли (бал. 6,2 м, диаметри 5,8 м). Бинонинг пастки қисмида техник-муҳандислик, маъмурият ва б. қўшимча хоналар жойлашган, улар кўرғазма зали б-н махсус йўлак ва зинапоялар орқали узвий боғ-

ланган. Бино безагида мрамор, ҳақиқ, гранит тошлар, рангли кошинлардан фойдаланилган, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, наққошлик, кошинкорлик услубларида безатилган. Музейда қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш, уларни ёд этиш б-н боғлиқ маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб турилади. Музей биноси мамлакатимизнинг ноёб меъморий иншоотларидан бири ҳисобланади.

ҚАТОРТОЛ КЎЧАСИ – Чилонзор тумани ҳудудида. Кўча 2 қисмдан иборат. Муқимий ва Кичик ҳалқа йўли кўчалари оралиғида. Уз. 4,5 км атрофида. 18-а.да шу номдаги ҳудудда ташкил топган. Қадимда Самарқанд, Бухоро ва б. шаҳар савдо карвонларининг Самарқанд дарвозаси кўч. орқали Т.га кириб келадиган асосий йўлларида бири бўлган. Т.зилзиласи (1966)дан сўнг қ.х. маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган Қатортол мавзеси ҳудудида украиналик қурувчилар томонидан Чилонзор турар жой мавзелари қурилиши муносабати б-н кўча тубдан реконструкция қилинган. Дастлаб Қатортол кўчаси деб юритилган. 1987 й. 29 апр.да «Правда» газетаси» номи берилган. 1989 й. 8 сент. да кўчанинг тарихий номи қайта тикланган. Йўналишида Чилонзор 5–10 ва Чилонзор-Марказ турар жой мавзелари, «Қатортол» савдо м-зи, қабристон, «Олтин мерос» жамғармаси, «Янги аср авлоди» нашриёти, «Ҳосилот» ва «Империл» ресторани, умумий овқатланиш масканлари, хорижий фирма ва компания офислари, кўп қаватли турар жой бинолари ва

б. жойлашган. *Чўпонота кўчаси* б-н кесишган.

«ҚАТОРТОЛ» МАҲАЛЛАСИ (9-мавзе, 17) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Чўпонота», «Кўтарма», «8-мавзе», «Навбахор» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳалла ҳудуди илгари дарахтзор бўлганлиги, айниқса, тоғлар сероблиги сабабли шундай аталган. Аҳолиси 5950 киши, асосан, руслар, шунингдек, 12 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 23-меҳрибонлик уйи, ўрта мактаб, 2 та болалар боғчаси, ёшлар м-зи мавжуд.

«ҚАТОРТОЛ-1» МАҲАЛЛАСИ (Қатортол кўч., 6^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Оқтепа», «Боғистон», Лутфий ва «8-Мавзе» маҳаллалари б-н чегарадош. Маҳаллага 1959 й. асос солинган. Дастлаб «Қурилиш» маҳалласи деб юритилган. 1992 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 1760 киши, асосан, ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Маҳалла ҳудудида 37-оилавий поликлиника, «Қатортол» савдо м-зи, «Назокат» ресторани, 4 та дорихона, 10 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар мавжуд.

«ҚАТОРТОЛ-2» МАҲАЛЛАСИ (Машраб 1-тор кўч., 2) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Мевазор», «Бўрижар» ва «Ботирма» маҳаллалари б-н чегарадош. 1962 й. ташкил этилган. Аҳолиси 220 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада масжид, новвойхона, чойхона мавжуд.

ҚАФҚОЛ ШОШИЙ (тўлиқ исми Абу Бакр Муҳаммад ибн Али Исмоил Қафқол аш-Шоший ал-Кабир; 904–976) – шофиъийлик мазҳабининг етакчи олимларидан бири, муҳаддис, фақиҳ. Ҳазрати Имом (қисқача – Ҳастимом) номи б-н машҳур. Манбаларга кўра, у оғирлиги 0,5 г келадиган жажоки қулф-калит ясагани

учун «Қафқол» («Қулфчи») лақаби берилган. Чуқур билими, улкан ишлари эвазига Имом ал-Кабир («Улуғ имом») деб таърифланган. Шош (Бинкат)да ҳунарманд оилада туғилди. Самарқанд, Бухоро, Термиз ш.ларида бўлиб, ўзидан аввал ўтган алломалар мероси б-н танишди. Таниқли муҳаддис ва илоҳиётчи Ҳайсам ибн Кулайб кўлида таълим олди. Араб Шарқи мамлакатлари бўйлаб узоқ сафарда бўлди, анча вақт Бағдодда яшайди. Куфа, Дамашқда бўлган. Машҳур имом Абул Аббос Аҳмад ибн Умар ибн ас-Сурайжий (850–918)нинг шогирди бўлган. Халифаликда турли лавозим, вазифаларни адо этган. Қ.Ш. дипломат, шоир сифатида ҳам машҳур бўлган. Византия кўшинлари халифалик пойтахтига таҳдид солиб турганда (10-а. 60-й.лари) лашкарбоши Тағфур халифага назмда битилган ультиматум-мактуб жўнатган. Қ.Ш. халифа топшириғига кўра унга муносиб жавоб ёзган. Қ.Ш. Мовароуннаҳрда, хусусан, Шошда шофиъийлик мазҳабини тарғиб этиб, диний билимларнинг тарқалишига, шариат асослари қарор топишига ҳисса қўшди. У қонуншунослик, мантиқ каби соҳаларга оид «ал-Жадал ал-

Қафқол Шоший қабри.



ҳасан» («Диалектика гўзаллиги») номли баҳс-мунозарага оид асар ёзган. Шунингдек, унинг «Китоб фи усул ал-фиқҳ» («Фикҳ усуллари китоби»), «Шарҳ ар-рисола» («Рисола шарҳи») асарлари бор. Қафқол Шошийнинг «Жавомий ал-калим» («Ҳикматли иборалар тўплами»), «Адаб ал-Қози» («Қозининг одоби»), «Далоил ан-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «Маҳосин аш-шариат» («Шариат гўзалликлари») каби асарлари тўғрисида манбаларда

қайд этилган. Афсуски, бу асарлардан бирортаси мамлакатимиз китоб хазиналарида мавжуд эмас. Фақатгина марҳум муфтий Зиёвуддинхон ибн Эшон Бобохон ҳазратлари 1970 й. Суриянинг Дамашқ ш.даги «Зоҳирия» кутубхонасида сақланадиган Қ.Ш.нинг «Жавомий ал-калим» асарининг қўлёзмасидан фото нусхасини олиб келганлар, холос. Қ.Ш. шеърлар ҳам ёзган. Улардан айрим парчалар олим Тожиддин ас-Субкийнинг «Табакот аш-Шофиъия» («Шофиъийлик мазҳаби даражалари») китоби орқали сақланиб қолган.

Қ.Ш. Тошкентда вафот этган. Унинг қабри устига мақбара қурилган (қ. *Қафқол Шоший мақбараси*). Кўҳна Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида жойлашган Имом Қафқол Шоший зиёратгоҳи бевосита у зотнинг номлари б-н боғлиқ бўлиб, халқ орасида «Ҳастимом» (Ҳазрат Имом) деб аталади.

ҚАФҚОЛ ШОШИЙ МАҚБАРАСИ (Зарқайнар кўч., 123) – меъморий ёдгорлик (1541–42). Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн



Қафқол Шоший мақбараси (16-а.).

Исмоил *Қафқол Шоший* қабри устига бунёд этилган. Дастанбаки мақбара сақланмаган. Ҳоз. мақбара Т. ҳокими Наврўз Аҳмадхон (Бароқхон)нинг сарой меъмори Фулом Ҳусайн томонидан қурилган. Мақбара ёнидан илгари катта қад. йўл ўтган, у шаҳарни кўчманчи аҳоли яшайдиган шим. туманлар б-н боғлаган. Мақбара тўғри тўртбурчак тарҳли (13,3х12,5 м) катта хона ва унинг тўридаги сағанали хонадан иборат. Мақбара пештоғи ёрқин мовий, яшил, оқ ва сариқ тусдаги кошин қопламалар б-н безатилган. Улардаги ёзув (китоба)ни хаттот Қудрат ёзган. Қ.Ш.м.дан Шайх Зайниддинбобо мақбарасига ер ости йўли ўтганлиги манбаларда қайд этилган.

Қафқол Шоший мазори Т.нинг энг зиёратгоҳ қадамжоларидан саналган. *Абдуллахон II* Т.да бўлганида уни бир неча марта зиёрат қилган. Қ.Ш.м. асосида кейинчалик Ҳазрати Имом мажмуаси вужудга келган. 1960 й. таъмирланган. 2007 й. тубдан қайта таъмирланган.

ҚАШҚАР, Қошғар – *Шайхонтоҳур* даҳасидаги қад. маҳалла. Турк, Ила, Тожик маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Бир чеккаси Янги шаҳарга туташган. Қарийб 130 хонадон яшаган. Аҳолиси 1830-й.ларда Қўқон хони томонидан, асосан, Қашқардан кўчириб келтирилган қашқарликлар (номи шундан), бир қисми ўзбеклар бўлган; савдо-сотик, шаҳар ташқарисидagi ерлари (Оққўрғон, Бўз, Яланғоч ва б. мавзелар)да деҳқончилик ва боғдорчи-

лик б-н шуғулланган. Қ.да 4 та карвонсарой, бозор, масжид, баққоллик дўконлари бўлган (20-а. боши). Маҳалланинг шарқий чеккасида шаҳар дарвозаларидан бири – Қашқар дарвозаси жойлашган эди. Черняев бошлиқ рус кўшинлари дастанбаки 1864 й. окт.да Т.га шу томондан ҳужум қилган, лекин кўп талафот бериб чекинган. 1865 й. Т.ни рус кўшинлари босиб олгач, Қ.даги эгасиз қолган хонадонларга рус офицерлари жойлашиб олган. Қ.да Ҳамза мактаб очиб бир муддат ишлаган эди. Маҳаллада маърифатчи ва адабиётшунос олим Миёнбузрук Солиҳов (1892–1939) яшаган. Тошкент зилзиласи (1966) эпицентри Қ.да бўлган. Иморатлар қаттиқ шикастланган. Қ. ўрнида Қашқар маҳалла турар жой мавзеи барпо этилган.

«Қашқар» маҳалласи (Марказ-4, 20) – Юнусобод туманидаги ҳоз. маҳалла. «Матонат» маҳалласи б-н чегарадош. 1969 й. 19 апр.да «Марказ-4» мавзесидa «Марказ-4» маҳалласи ташкил этилган. 1990 й. 14

майда «Қашқар мавзеси» номи берилган. Аҳолиси 2434 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида Фурқат номидаги маданият уйи, Т.Содиқов номидаги мусиқа мактаби, шаҳар ИИБга қарашли спорт мажмуаси мавжуд.

ҚАЮМ РАМАЗОН (тахаллуслари: Қаяум, Ўктам, Турғунбой қори, Рамазон қори) (1900–1938.4.10) – ўзбек педагоги, журналист, театр танқидчиси, тилшунос. Т.да туғилган. *Мунавварқорининг* янги усул мактаби ҳамда мадрасада, Боку пед. институтида (1916–17) ўқиган. 1918–21 й.ларда ўқитувчилар тайёрлаш курси ва бошланғич мактабларда ўқитувчи. Фитрат б-н бирга «Чигатой гурунги»ни ташкил қилган ва унда котиб бўлиб ишлаган (1919). «Қизил байроқ» ва «Туркистон» газ.ларида адабий ходим (1921–23). Фан к-ти ҳузуридаги Тил ва адабиёт ин-тида доцент (1934–37). Ўзбек мактаблари учун дастлабки она тили дарсликларини яратган. «Она тили» (Фитрат ва Ш. Раҳимий б-н бирга, 1918), «Билим йўллари», «Езув йўллари» (1919), 4 китобдан иборат «Ўзбекча тил сабоқлиги» (Мунавварқори ва Ш. Зуннун б-н ҳамкорликда, 1925–26), «Ер юзидаги тиллар орасида ўзбек тили» (1930), «Ўзбек тилининг имло қоидалари» (1931), «Ўзбек тилининг бирлашган имло қоидаси» (1934), «Ўзбек тили иш китоби» (Ш. Шамсий б-н ҳамкорликда, 1935–36) китоблари муаллифи. «Халқ душмани» сифатида отиб ташланган. 1957 й.да оқланган.

ҚАЮМОВ Малик Қаюмович (1912.22.4) – кинореж., кинооператор. Ўзбекистон халқ артисти (1948). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1946). Т.да туғилган. Бутунитифок кинематография ин-тида

ўқиган (1930–32). Фаолиятини Т. «Шарқ юлдузи» кинофабрикасида кино артисти ҳамда кинооператор ёрдамчиси сифатида бошлаган (1929–31). Дастлаб «Бағдодда «америкон пахтаси» (1931), «Қумликдаги воҳа» (1932), «Ўлим қудуги» (1939) каби фильмларда роллар ўйнаган. Т. кинохроника студиясида оператор, аynи пайтда «Союзкинохроника»нинг Ўрта Осиё мухбири (1932–40). Хужжатли фильмлар м-зий студиясининг 2-жаҳон уруши фронтларидаги ҳарбий кинооператори. Т. бадий ва хужжатли хроникал фильмлар студиясида кинооператор, реж., хроника директори, бадий раҳбари (1946–60). Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар студиясининг директори, бадий раҳбари (1961–75). Қ. ижодий фаолияти давомида 200 дан ортиқ хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар яратди. «Эл-юрт ҳурмати» ордени (1999) ва «Жасорат» медали б-н мукофотланган (1995).

ҚИБРАЙ ТУМАНИ – Т. вилоятидаги туман. 1933 й. 1 дек.да ташкил этилган (1933–91 й.ларда Оржоникидзе тумани, 1991 й.дан Қ.т.). 1962 й. 24 дек.да Калинин (ҳоз. Зангиота) тумани б-н бирлаштирилди. 1964 й. 31 дек.да қайтадан тузилди. Жан.-ғарбдан Тошкент ш., жан.дан Юқори Чирчиқ, шарқдан Бўстонлик, ғарбдан Тошкент туманлари, шим.дан Қозоғистон Республикаси б-н чегарадош. Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 186,6 минг киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, рус, тожик, татар ва б. ҳам яшайди (2008). Туманда 2 шаҳарча (Қибрай, Салор), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Байтқўрғон, Ёнариқ, Май, Матқобулов, Оққовоқ, Салор, Тузел,

Чинобод, Янгиобод, Ўнқўрғон, Қизилтут, Қипчоқ) бор. Туман маркази – Қибрай шаҳарчаси.

Туман вилоятнинг шим. ва шим.-шарқда, Чирчиқ дарёси водийсида жойлашган. Рельефи шим.-шарқий қисмида қир ва адирлардан иборат. Ер юзаси шим.-шарққа томон баландлашиб боради. Ўртача бал. 300–400 м. Жан. томонидан Чирчиқ дарёси, шим.дан Бўзсув, Зах ва Хоним каналлари, ўрта қисмидан Катта Қорасув канали оқиб ўтади. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Иқлими континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27–29⁰, янв.ники –2⁰. Ёзда энг юқори т-ра 41–42⁰ га етади, янв.да энг паст т-ра –29⁰. Вегетация даври 210–220 кун. Йиллик ёғин 300–400 мм. Ёввойи ўсимликлардан турангил, терак, жийда, дўлана, тол, юлғун, қамиш, янтоқ ва б. бор. Чирчиқ дарёсининг қайирларида ёввойи ҳайвонлардан қуён, сув каламуши, сичқон, ғоз, ўрдак, қирғовул, лойхўрак, сўфитўрғай, сувилонлар, ондатра яшайди.

Туманда 10 йирик саноат корхонаси, 34 қўшма корхона, 2400 га яқин кичик ва ўрта бизнес субъектлари, Тошкент иссиқлик электр м-зи, ГЭСлар каскади, мева-сабзавот консерваси ва пиво-алкоголсиз ичимликлар к-тлари, ғишт з-ди, «Тошкент» паррандачилик хўжалиги, тухум етиштириш бўйича саноат и.ч. бирлашмаси, «Афсар», «Карвон» ҚК ва б. бор. Қ.т.да дон, картошка ва сабзавотлар, озуқа экинлари экилади. Боғ ва токзорлар, иссиқхона хўжаликлари бор. Туманда қорамол, қўй ва эчки, парранда боқилади. Туман Тошкентга қ.х. ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб беради.

Туман ҳудудида 13 и.т. лойиҳа-конструкторлик ва таж-

риба ташкилотлари ишлаб турибди. 51 умумий таълим мактаби, 7 коллеж, 1 лицей, 44 мактабгача тарбия муассасаси фаолият юритади. Тошкент аграр ун-ти, 4 мусиқа мактаби, кутубхона ва клуб муассасалари (жумладан, маданият уйи, саройлар), стадион, сузиш ҳавзаси, 6 касалхона, 35 қишлоқ врачлик, амбулатория ва қишлоқ даволаш маскани, фельдшер-акушерлик пункти аҳолига хизмат кўрсатади. Болалар санаторийси, «Бўстон», «Ботаника», «Умид гулшани», «8 Март», «Турон», «Навбахор», «Қибрай» санаторийлари, «Энергетик» мавсумий дам олиш уйи ва б. бор. Туман Тошкент ш. б-н автобус ва электрлаштирилган т.й. транспорти орқали боғланган.

ҚИЁТ – Шайхонтоҳур даҳасидаги қад. маҳалла. Фарбдан Қорёғди маҳалласи, шимолдан Шайхонтоҳур кўч. (ҳоз. Навоий кўч.), шарқдан Анҳор канали б-н чегараланган. Юздан ортиқ хонадон бўлган. Аҳолиси (қарийб 650 киши), асосан ўзбекларнинг қиёт қабиласидан бўлиб, хунармандчилик, савдо-сотиқ б-н шуғулланган. Дала ҳовлилари Миробод, Қорасув, Олтинтепа, Шўртепа, Оққўрғон, Бўз, Чилдухтарон ва б. мавзеларда бўлган. Қ.даги Бекмуҳаммадбий масжидида *Муҳаммад Солих-хўжанинг* бобоси Абдурахим-хўжа (19-а.), 1863 й.дан унинг ўзи ҳам имомлик қилган.

Қ.да бир неча булоқ бўлган, шулардан жар бошидагисига *Лашкар қушбеги 2* тегирмон қурдириб, даромадини тўнғич ўғли Эшонқулидодхо номидаги мадрасага вақф қилиб берган. Маҳаллага энг яқин дарвозалар – Қўймас ва Қиёт (Истахрий асарида – Фаргад, кейин Қўқон дарвоза деб аталган). Қўқон

дарвозасини қўриқлаш қиётликларга топширилган. Россия империяси қўшинлари 1865 й. 14–16 июнь кунлари Т.га бостириб кирганида қиётлик ҳимоячилар Абдурахмон Ясовул бошчилигида душман аскарларига қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Маҳалла ўрнига 30-й.ларда ва айниқса 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан кейин кўп қаватли турар жой бинолари қурилган.

«ҚИЗМОЗОР» ҚАБРИСТОНИ (Буюк ипак йўли кўч., ТТЗ-1 мавзеи) – Мирзо Улуғбек туманидаги қабристон. Майд. 0,88 гектар. 16-а. ўрталаридан мавжуд. Ривоят қилинишича, қабристонга нуфузли хонадонга мансуб қиз биринчилар қаторида дафн этилганлиги сабабли шу ном б-н аталган.

ҚИПЧОҚ КЎЧАСИ – Сергели тумани ҳудудида. Йўлдош (Спутник) ш.чани Сергели мавзесидан ажратиб туради. Файзли кўч. билан Спутник-16 мавзеси оралигида. Уз. 2,5 км атрофида. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг ташкил топган. Дастлаб Сергели кўч. деб юритилган. 1993 й. 13 сент.да Қорайўл кўч. номи берилган. 1995 й. 24 июлдан Кипчоқ (шу жойда аввалдан муқим яшаган туркий қавмга оид уруғ номи) кўч. деб юритилади. Йўналишида Сергели 1, 2, Спутник 1, 1М, 2–4 турар жой мавзелари, бозор шохобчалари, кафелар, ошхона, новвойхона, дорихона, оптика магазини, стоматология поликлиникаси, «Қуддус шариф» жоме масжиди, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, уй-жой мулкдорлари ширкати, 2 қаватли фин уйлари, кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

«ҚИПЧОҚ» МАҲАЛЛАСИ (Қипчоқ кўч., 14) – Сергели туманидаги маҳалла. «Оқибат»,

«Янги ҳаёт», «Ёшлик», «Баҳор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й. ташкил топган. Маҳалла номи 17–18-а.ларда шу ҳудудга келиб жойлашган қозоқларнинг Ўрта жузга мансуб қипчоқ уруғи номидан олинган. Аҳолиси 1650 киши (517 хонадон)дан иборат (2008). Миллий таркиби, асосан, қозоқлар ва ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 7 кўча, озиқ-овқат дўконлари, дорихона, кафе, новвойхона ва б. мавжуд. Маҳалла 2006 й. тубдан қайта қурилган.

«ҚИЧҚИРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 1/3 мавзеси) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Бўстон», «Пахта», «Навбахор» маҳаллалари б-н чегарадош. 1994 й. «Чўлпон» номи б-н ташкил топган. Маҳалла ҳудудидан Қичқириқ анҳор суви ўтганлиги туфайли 2005 й.дан «Қичқириқ» маҳалласи деб атала бошланди. Аҳолиси 5750 киши, асосан ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида 2 та болалар боғчаси, хусусий мактаб-боғчаси, дорихона, хусусий фирмалар мавжуд. **«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК»** (Шахрисабз кўч., 36) – акциядорлик тижорат банки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 й. 30 мартдаги қарорига мувофиқ «Фалла-банк» акциядорлик тижорат банки базасида, унинг ҳуқуқий вориси сифатида ташкил этилган. Банкнинг акциядорлари Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Тараққиёт ва тикланиш жамғармаси ҳамда «Ўздонмаҳсулот», «Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзагросугурта» компаниялари, шунингдек, бошқа юридик ва жисмоний шахслар.

Банк қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолига уй-жой қуриш, ижтимоий инфратузилмани ри-

вожлантириш, турмуш шароитини яхшилаш мақсадлари учун; и.ч. ва қурилиш корхоналарига материал техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизациялаш, янги турдаги маҳсулотларни и.ч. мақсадлари учун кредитлар ажратади, лизинг хизматларини кўрсатади; қишлоқ жойларида ичимлик суви иншоотларини, газ таъминоти тизимини, замонавий йўллар, спорт мажмуалари, болалар боғчалари, врачлик пунктлари каби лойиҳалар қурилишини молиялаштириш мақсадида инвестицион фаолиятни амалга оширади ҳамда юридик ва жисмоний шахслар учун универсал банк хизматларини кўрсатади.

Банкнинг Тошкент ш.да ва вилоятларда фаолият кўрсатаётган 41 та филиали ва 89 та мини-банклари томонидан 27 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектларга ва 43 мингдан ортиқ жисмоний шахсларга банк хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Тошкент ш.да банкнинг Тошкент ш. минтақавий бўлими ва Тошкент вилоят минтақавий бўлими фаолият кўрсатмоқда. **ҚОБУЛОВА** Саодат (1925.15.12–2007.12.10) – опера хонандаси (лирик-колоратурали сопрано), Ўзбекистон халқ артисти (1957). 1941 й.дан Т.да. Москвадаги Ўзбек опера студияси (1954) ҳамда Тошкент консерваториясини (1969) тугатган. Муқимий т-рида (1941–48) Қамар, Мохим, Нурхон (С.Абдулла; Т. Жалилов мусиқаси, «Тоҳир ва Зухра»; К.Яшин, «Нурхон») ролларини ижро этган; асосан, концерт ижрочилиги б-н шуғулланган. 2-жаҳон уруши йилларида ҳарбий қисмлар, госпиталларда маданий хизмат қилган. 1954–86 й.ларда Навоий т-ри яккахон хонандаси. Қ. ижоди кўпроқ

ўзбек операларида яратган Жамила, Лайли («Лайли ва Мажнун»), Зухра («Тоҳир ва Зухра»), Асал («Гулсара»), Хури («Зайнаб ва Омон»), Дилором («Дилором»), Ойхон («Майсаранинг иши»), Санобар («Ҳамза»), Гулнор («Зулматдан зиё») каби образларида намоён бўлди. У ўзбек опера хонандаларидан биринчилар қатори чет эл мумтоз операларида партияларнинг моҳир ижрочиси сифатида ҳам танилган.

Унинг репертуаридан халқ ашулалари, ўзбек мумтоз мусиқа намуналари («Галдир», «Наврўз», «Баёт-1, 2, 3, 4, 5», «Сарахбори Оромижон», «Талқини Баёт», «Самарқанд Ушшоғи», «Бухоро Ироғи», «Дугоҳ»), ўзбек композиторларининг асарлари («Дугоналар», «Давра кўшиғи», С.Юдаков; «Баҳор», Т.Содиқов; «Келса ногоҳ», М.Бурҳонов; «Кашмирда», М.Ашрафий ва б.) асосий ўрин олган. Қобулова Д.Зокировнинг «Кўрмадим», «Эй сабо», «Булбул», Х.Тўхтасиновнинг «Қора кўзлар», «Айлагач», Ф.Тошматовнинг «Карвон келди» ва б. асарларининг биринчи ижрочиси. «Дўстлик» (1998), «Буюк хизматлари учун» (2001) орденлари б-н мукофотланган.

ҚОВУНЧИ МАДАНИЯТИ – мил. ав. 2-а. – мил. 6-а.га оид археологик маданият. Дастанлар ўрганилган жой – *Қовунчи*тепа харобаси номидан олинган. Қ.м. Тошкент воҳаси, Сирдарёнинг ўрта оқими ва Фарғонанинг шим.-ғарбий қисмида тарқалган. 1934–37 й.ларда Қ.м. комплексларида қазиш ишлари олиб борган археолог Г.В.Григорьев уни 2 босқич – Қовунчи 1 ва Қовунчи 2 га ажратган (у Қовунчи 1 мил.ав. 2-минг йиллик охири ва 1-минг йиллик бошига оид, Қовунчи 2 мил.ав.

6-а. – мил. бошларига оид, деб белгилаган). Археолог А.И.Тереножкин Т. воҳаси ва Сўғддаги ёдгорликларни ўрганиб, Қовунчи 1 ни мил.ав. 2–1-а.ларга, Қовунчи 2 ни мил. боши – 6-а.га оид деб топди. Археолог Л.М.Левина эса сопол мажмуаларини ўрганиб, Қовунчи 1 ни мил.ав. 1 – мил. 3-а., Қовунчи 2 ни мил. 4–5-а.га оид, деб белгилашни таклиф этди ва Қ.м. ни яна Қовунчи 3 босқичи (6–8-а. боши)га ажратади. Шоштепани ўрганиш натижасида биринчи марта маданий қатламларнинг аниқ стратиграфияси белгиланди. Бу эса Қ.м. аниқ даврини (Қовунчи 1 мил.ав. 2–1-а.лар; Қовунчи 2 икки босқичга бўлиниб, унинг 1-босқичи мил. 1–4-а.лар, 2-босқичи – 5–6-а.лар) белгилашга асос бўлди. Қ.м. Тошкент воҳасидаги қад. деҳқончилик б-н шуғулланган туб аҳоли маданияти (қ. *Бурганли маданияти*) асосида «халқларнинг буюк кўчиши» даврида Т. воҳасига кириб келган сарматлар, хуннлар, усун ва б. халқларнинг этник маданияти таъсирида ривожланган. Тошкент воҳаси Қ.м. шаклланишининг асосий м-зи бўлган. Қовунчи мажмуаларида меъморлик анъаналарига асосланган, юксак мудофаа иншоотларига эга бўлган шаҳарсозлик, сопол идишлар ва ҳайкалчалар шак-

Қовунчи маданияти. Сопол идишлар.



лининг ўзига хос хусусиятлари таркиб топган. Қ.м. воҳада шаҳарлар ва шаҳар маданияти пайдо бўлиши ҳамда ирригация системаларининг такомиллашиши асосида деҳқончиликнинг янада ривожланиш даврида тарқалган. Қовунчи мажмуалари асосида Т. шаҳар маданияти пайдо бўлган ва янада ривожлана бошлаган. Ўша даврдаги аҳоли масканлари арк ва унинг атрофида 1 ёки 2 қишлоқдан иборат бўлиб, уларнинг айримлари мудофаа деворлари б-н ўралган. Шаҳарлар хунармандчиликнинг ҳар турли касб-хунарлари қарор топган жой ва савдо-сотиқнинг асосий таянч манзили ҳисобланган. Металлга ишлов бериш (темирчилик, жез асбоблар қуйиш) анча ривожланган. Кулолчиликда сопол идишлар яшаш асосий ўрин эгаллаган, уларнинг тури, шакли кўпайган. Сопол идишларнинг таги текис бўлган. Қовунчи 1 да қувача, товоқ, қизғиш ёки бўғиқ қўнғир ранг берилган сопол идишлар; Қовунчи 2 да қулоқли хурмачалар, бандлари ҳайвон шаклидаги турли идишлар ва хурмачалар учрайди. Қ.м.га хос идиш қопқоқлари, кўралар, шунингдек, диний маросим буюмлари, 2 бошли кўчқор ёки шохли хўкиз бошлари шаклида ясалган ўчоқ пойтагликлари топилган, улардан тутатқи солинадиган ва қурбонлик қилинадиган идиш сифатида ҳам фойдаланилган (яна қ. *Амалий безак санъати*). Хўжалиги деҳқончилик ва яйлов чорвачилигига асосланган қовунчиликлар жамиятида аҳоли деҳқончилик маъбудалари, олов ва аждодларга сиғинишган. Мил. дастлабки асрларида (4-а.дан) Қ.м. жан.га томон тарқалиб, Сўғд, Қашқадарё худудидаги

маҳаллий маданий мажмуаларга таъсир эта бошлаган. Бу эса қовунчиликларнинг жан.га кўчиб ўтганлигидан далолат беради. 6-а.га келиб, Ўрта Осиёнинг марказий р-нларидаги воҳалар б-н иқтисодий ва савдо алоқаларининг кучайиши ҳамда умумсўғд маданияти таъсирида Т. воҳасида Қ.м. 6-а.дан ўзига хос аломатларини йўқотди, секин-аста бутун Мовароуннаҳрга хос ягона маданият вужудга кела бошлади.

ҚОВУНЧИТЕПА – археологик ёдгорлик, шаҳар харобаси. Янгийўл ш.да, Куркулдак каналининг сўл соҳилидаги дўнгликларда жойлашган. Майд. – 25 гектар. Арк (50х50 м), шаҳристон (150х100 м)дан иборат. Атрофи мудофаа девори ва хандақ б-н ўралган. Жан. ва ғарб томонида хунармандлар маҳаллари – рабодлар туташган. 1970 ва 1976 й.ларда Ю.Ф.Буряков томонидан тадқиқ этилган. Ёдгорликдаги маданий қатлам 4–12,5 м ни ташкил этади. Қ.да илк марта фанда *Қовунчи маданияти* деб ном олган янги моддий маданият мажмуи очилган. Археологик қазималар жараёнида турли даврларга оид турар жой ва и.ч. меъморлиги мажмуи ва моддий маданият қолдиқлари, жумладан сопол идишлар, металл, тош ва суяқдан ишланган меҳнат қуроллари, рўзгор буюмлари, диний эътиқод ашёлари, зеб-зийнатлар топилган. Даврий жиҳатдан ҳаёт 5 босқичда давом этганлиги аниқланди. Биринчи босқич – энг қадимий даврда хўжалик ўралари, ўчоқлар, *бурганли маданиятига* хос қўлда кўпол ишланган думалоқ тагли баъзан бўяма нақшли сопол идишлар, мил. ав. 6–3-а.ларга мансуб. Иккинчи босқич – мудофаа девори б-н ўралган

шаҳарнинг бунёд этилиши, уй-жойларни йирик хом гишдан қурилиши, Қовунчи I–II даврига хос ясси тагли қўлда ишланган сопол буюмлари б-н характерланади. Қовунчи I сополларининг ўзига хос хусусияти – таги ясси кўза ва туваклар дастаси ҳайвонлар, аксарият кўйлар – зардуштийликдаги бахт-фароғат маъбуди – Фарн рамзи шаклида, сопол ҳайкалчалар – икки қарама-қарши томонга қараган кўй каллалари шаклидаги тагдонлар ва б. Қовунчи II даврида кўйлар ўрнига буқаларнинг бошчаси, шунингдек, ҳайвон шакллари бўлмаган дастакли туваклар эгаллаган. Учинчи босқич – шаҳар ва унинг атрофидаги ҳаётнинг гуллаб яшнаши (3–5-а.лар, Қовунчи II). Тўртинчи босқич – шаҳристонда 5–6-а.ларда аста-секин ҳаётнинг сўна бошлаши. Бешинчи босқич – хароба ўрнида кичик қишлоқнинг вужудга келиши (15–16-а.лар).

ҚОДИРИЙ – қ. *Абдулла Қодирий*.

ҚОДИРОВ Пиримқул (1928. 25.10) – ёзувчи, адабиёшунос олим. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1988). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1978). 1946 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тининг шарқшунослик ф-тини тугатган (1951). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1963–83), Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кўмитаси раиси (1989–94), Ўзбекистон Олий Кенгаши (Маданият ва маданий мерос кўмитаси раиси; 1991–95), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси ўринбосари; 1997–2000) депутат.

«Қадрим» (1961), «Эрк» (1968), «Мерос» (1974), «Акрамнинг саргузаштлари» (1974), «Яйра институтга кирмоқчи» (1979), «Нажот» («Бахиллар ва ботирлар», 1980) қиссалари, «Уч илдиз» (1958), «Қора кўзлар» (1966), «Олмос камар» (1976), «Юлдузли тунлар» (1979), «Авлодлар довони» (1989), «Она лочин нидоси» (2000) романлари, «Тил ва дил» (1972), «Халқ тили ва реалистик проза» (1973), «Тил ва эл» (2005) рисоалари муаллифи.

Қ.нинг «Қадрим» қиссаси асосида «Сенинг изларинг» (реж. Р.Ботиров) бадиий фильми, «Юлдузли тунлар» романи ва «Жон ширин» ҳикояси асосида кўп серияли видеофильмлар (реж. М.Юнусов) суратга олинган. Унинг «Бобур», «Инсоф» пьесалари сахналаштирилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981), «Эл-юрт ҳурмати» (1998), «Буюк хизматлари учун» (2006) орденлари ва «Шуҳрат» медали (1994) б-н мукофотланган.

ҚОДИРОВА Тўлқиной Фозилжоновна (1935.25.7) – меъмор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган архитектор (1976), проф. (1996). Т.да туғилган. Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1959). Санъатшунослик ин-тида кичик, катта илмий ходим (1959–80), Ўзбекистон меъморлар уюшмаси раиси (1980–92). 1996 й.дан Т. архитектура ва қурилиш ин-ти меъморий муҳитлар дизайни кафедраси проф.; 2005 й.дан меъморлик тарихи ва назарияси кафедраси мудири. Қ. фаолияти шаҳарсозлик, меъморлик тарихи ва назарияси, замонавий меъморликда халқ анъаналаридан унумли фойдаланиш масалаларига багишланган. Қ., шунингдек, бир қанча турар жой,

меъморий бинолар ва шаҳарсозлик мажмуалари лойиҳалари муаллифи. Тошкент, Наманган, Қўқон, Бухоро каби шаҳарлар м-злари учун ўтказилган танловлар ғолиби. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1988).

«ҚОЗИГУЗАР» МАҲАЛЛАСИ («Катта Қаъни» кўч., 19) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Катта Қаъни», Алихонтўра Соғуний маҳаллалари, трамвай депоси ва Чилонзор тумани б-н чегарадош. 1967 й. тузилган, 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг «Чўпонота», «Қангли» маҳаллаларидан кўчиб келганлар кўпчиликини ташкил этган. 1997 й.дан «Қозигузар» деб номланган (Оқт. тўнтаришидан аввал Бешёғоч даҳаси қозиси бўлган Абдурахмон қози шарафига шундай аталган). Аҳолиси 3250 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида 3 та озиқ-овқат дўкони, 2 қурилиш моллари дўкони, темирчилик устахонаси бор.

ҚОЗИХОНА, Тошкент қозихонаси – фуқаролик ишларини шаръий асосда кўрувчи муассаса. Қозилар давлат бошлиғи ёки унинг жойлардаги ноиблари (ҳокимлар) томонидан кенг исломий илмларга эга шахслар орасидан тайинланган. Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби Т.да ҳам Қ. мавжуд бўлиб, унда қози, муфти, аълам каби амалдорлар фаолият юритган. «*Тарихи жадидайи Тошканд*» асарига кўра, Т.даги Маҳкама масжидида Хожа Аҳрор замонидан (15-а.) Қўқон хони Олимхон давригача (1798–1810) шаҳар қозилари ҳукм чиқарадиган жой бўлган. *Чорҳокимлик* даврида (18-а. 2-ярми) ҳар бир даҳада алоҳида қозилар иш кўрган ва бундай тизим 20-а.нинг биринчи чорагига қадар сақланиб

қолган. Қўқон хонлиги даврида Т.да Маҳмудхўжа эшон, Низомиддинхожа қозикалон, Шарифхўжа қозикалон, Исахўжа қозикалон, Ҳакимхўжа қозикалон кабилар фаолият юритгани маълум. Аксарият қозикалонлар шаҳар ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий ҳаётида, шаҳар ободончилик ишларида чуқур из қолдирган. Т.да қозикалонлик мансаби Ҳакимхўжа қозикалон вафотидан сўнг (1875) мустамлака маъмурияти томонидан бекор қилинган. Қўқон хонларининг ёрлиқларига кўра Тошкент Қ.си «Дор ул-қазо» деб аталган. Қозилик мансаби эса, «Муҳим-и қазо», «Мансаби қазо-и», «Қозикалони» каби атамалар б-н ифодаланган. Қозиларнинг вазифа ва ваколатлари, асосан, анъанавий тарзда, Қ. хужжатларини рўйхатга олиш (китобат-и сукук ва сижиллат), васиқалар, ривоятлар ва б. хужжатларни қайд этиш (дар сабт-и васойиқ ва ривоёт ва махзарот), даъволарни ҳал этиш (қатъ-и хусумот), никоҳ шартномаларини тузиш (уқуди анкаҳа), меросга доир масалаларни кўриш (матрука-и муслимин), васийликка тайинлаш (авсия), ожиз (етим)лар ҳуқуқини ҳимоя қилиш (забт-и амвол-и айтом ва мажанин) каби вазифалардан иборат бўлган. Шунингдек, ҳукмдор томонидан қозиларнинг халқ олдида ўзининг яхши хулқи б-н намуна бўлиши, шариат ва адолат борасида бепарво бўлмаслиги, хужжатларни расмийлаштириш ҳаққи (ужра-и китобат), никоҳ пулидан (никоҳона) ва б. тўловлардан ташқари аҳолидан ортиқча пул олмаслик каби айрим мажбуриятлар ҳам белги-ланган.

1865 й. Т. чор Россияси томонидан босиб олинган, шаҳар-

даги қозилик ишлари ва қозилар фаолияти Бухоро, Хива ёки Қўқон хонлигидаги Қ. фаолиятдан тубдан фарқ қилган. Хусусан, Т.даги қозилик ишлари дастлаб 1865 й. 6 авг.да қабул қилинган «Туркистон вилоятини бошқариш тўғрисидаги муваққат Низом», кейинчалик 1867 й. 11 июлдаги «Еттисув ва Сирдарё вилоятларини бошқариш тўғрисидаги Низом» асосида олиб борилган. Унга кўра қозилик 2 босқичга – қозилик маҳкамалари ва қозилар съезди маҳкамаларига бўлинган ва қозилар сайлаш орқали вазифаларга қўйилган. 1886 й. 12 июлдаги «Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисидаги Низом»га кўра, қозилик ишлари тартиб қоидаларига айрим ўзгаришлар киритилган. Бироқ, қозиликка кўрсатилган номзодларни мансабга тасдиқлаш мустамлака маъмурияти қўлида қолган. «Қози» сўзи эса «халқ судьяси» деб ўзгартирилган. Амалда эса, маҳкама ҳужжатларида аввалгидек «қози» сўзи ишлатилган. Окт. тўнтаришидан сўнг қози, аълам ва муфтий каби Қ. хизматчиларининг имзосини тасдиқловчи шахсий муҳрлар ўрнини оддий доира шаклдаги қайси даҳага қарашли эканлигини кўрсатувчи жумлалар ёзилган давлат муассасаси муҳрлари эгаллай бошлаган. Бу тартибдаги қозилар фаолияти Туркистонда, жумладан Т.да 1928 й.гача амал қилган.

ҚОЗОҚМОЗОРТЕПА – археологик ёдгорлик (6–8, 10–12-а.лар). Т.нинг жан.-шарқий қисмида (Чилонзор 13-мавзеси, Лutfий кўч.да) жойлашган. Баландлиги 3 м, диаметри 12 м ли тепалик кўринишида сақланган. Номи 18-а.да жунғорларнинг босқини даврида қозоқларнинг Т. вило-

яти ҳудудига кириб келиши б-н боғлиқ. Арк ва унга ёндошган кенг қишлоқдан иборат бўлган. Аркдаги илк ўрта асрларга оид бино харобалари сақланган, қишлоқ ўрни ҳоз.да қабристонга айлантирилган. Қишлоқдаги ҳаёт 10–12-а.ларда қайта жонланган. Қазिशмалар натижасида 10-а.га оид кулолчилик устaxonаси, устанинг асбоб-ускуналари, кўплаб сопол буюмлар топилган. Ҳоз. қабристон *Чўпнота мақбараси* атрофида 19–20-а.ларда вужудга келган.



Қозоқмозортепа топилмаси:
сопол хурмача.

ҚОРАСАРОЙ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудида. Т.нинг кад. кўчаларидан бири. Абдулла Қодирий ва Чуқурсой кўчалари оралиғида. Уз. 5 км атрофида. Қадимда ҳоз. Қумлоқ бекати атрофида Себзор даҳасига қарашли Қорасарой дарвозаси бўлган. Номи шундан олинган. Хитой, Россия ва Дашти Қипчоқдан Т.га келаётган ва Т.дан чиқиб кетаётган савдо карвонларининг асосий йўналиши шу кўча ва дарвоза орқали ўтган. «Қорасарой» «буюк сарой» маъносини англатади. Кўча қадимда халқ тилида Қорасарой дарвозаси деб юритилган. 1893 й. Қорасарой кўч. номи берилган. Йўналишида Ҳазрати Имом мажмуаси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, шаҳар Санитария-эпидемиология назорати м-зи, туман солиқ инспекцияси, 2-туғуруқ мажмуаси, шаҳар марказий йўллари ва сунъий иншоотлари-

ни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси, 28-мактаб, 54-оилавий поликлиника, ёнилги куйиш шохобчаси, «Тошмармар» корxonаси, 127-автокорxона, Қорақамиш ва Қичқирӣқ канали, «Ғойибота» қабристони, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, шахсий ва кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Мустақиллик даврида кўча йўналишида кенг қамровли реконструкция ва ободонлаштириш ишлари олиб борилган.

«ҚОРАСАРОЙ» МАҲАЛЛАСИ (Зарқайнар, 19-берк кўча, 58) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Гуручариқ», «Ҳастимом», «Намуна» маҳаллалари б-н чегарадош. 1998 й. тумандаги 4 маҳалла – «Ривож» (1937 й. ташкил қилинган), Бобур (1935 й. ташкил этилган), «Наврўз» (1941 й. ташкил қилинган), «Работ» (1939 й. ташкил топган) бирлашувидан ташкил топган. Маҳалла номи шаҳарнинг 12 дарвозасидан бири, собиқ, «Наврўз» маҳалласи ҳудудида жойлашган Қорасарой дарвозаси номидан олинган. Аҳолиси 6000 га яқин, 9 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 2 болалар боғчаси, туғуруқ мажмуаси, оилавий поликлиника, 2 спорт мажмуаси, Республика ёш техниклар ижодиёт м-зи ва турли маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган. Маҳалланинг «Бобур» ҳудудида Ўрта Осиё мусулмонлари диний идорасининг муфтилари Эшон Бобоҳон ибн Абдумажидхон (1860–1957) ва Зиёвуддин ибн Эшон Бобоҳон (1908–82) ҳамда «Ривож» ҳудудида жамоат арбоби Ҳусниддин Асомов яшаб ўтган.

ҚОРАСУВ ДАҲАСИ – шаҳарнинг шим.-шарқидида – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудидаги

даҳа. 1980 й.нинг 1-ярмидан бошлаб кўп қаватли турар жой бинолари қуриш ишлари олиб борилган. Таркибида Қорасув 1, 2, 3, 4, 6-турар жой мавзелари бор. Даҳа ҳудудида Қорасув канали ўтган.

ҚОРАСУВ КАНАЛИ, Ўнқирғоқ Қорасув канали – *Бўзсув* каналининг сўл тармоғи. Оққовоқ-2 ГЭСнинг пастки бьефидан бошланади. Уз. 35 км, шундан 24 км Тошкент ш.нинг Мирзо Улугбек, Ҳамза, Миробод ва Сергели туманлари ҳудудидан оқади. Сув ўтказиш имконияти 18 м³/сек. Ўртача чуқ. 1,5–2 м, эни 10–14 м. Каналда 4 тўғон (сув чиқариш қурилмаси) қурилган. Каналнинг бош тўғонига темир-бетон ётқизилган. 12 м³/сек. сув ўтказилади. Қ.к. 4,1 минг гектар экин майдонини, шунингдек, Тошкент ш.нинг жан. ва жан.-шарқини сув б-н таъминлайди.

ҚОРАСУВ КЎЧАСИ – Ҳамза тумани ҳудудидаги марказий кўчалардан бири. Паркент ва Мухтор Ашрафий кўчалари оралиғида. Уз. 2 км атрофида. Янги ташкил этилган кўчага 1967 й. 29 мартда таниқли авиаконструктор Б.П.Лисунов (1898–1946) номи берилган. 2009 й. 21 апр.дан ҳоз. номда. Йўналишида Авиасозлар 4-турар жой мавзеси, Авиасозлар шаҳарчаси, Авиасозлар маданият саройи, Авиасозлар техник спорт саройи, кинотеатр, савдо мажмуалари, бекатлар ва турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари жойлашган. Барча турдаги транспорт воситалари, жумладан, трамвай ҳаракати йўлга қўйилган. Яқинида Авиасозлар деҳқон бозори, Қорасув канали ва «Шош» ресторани мавжуд.

«ҚОРАСУВ» МАҲАЛЛАСИ (Олтинкўл кўч., 115) – Миробод туманидаги маҳалла. «Олтинкўл», «Сарикўл», «Оқуй», А.Фитрат

маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й. ташкил топган. Маҳалла ҳудудида Қорасув ўтганлиги сабабли шундай аталган. Аҳолиси 3 мингдан ортиқ, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада ўрта мактаб, 4-сонли туғуруқ мажмуаси, «Медик Пласт» корхонаси, озиқ-овқат дўконлари ва б. мавжуд.

ҚОРАСУВ-1 ҚАБРИСТОНИ (Фарғона йўли кўч.) – майд. 2 гектар. 1906 й.дан мавжуд. Бу қабристоннинг ўрни Китоб вилоятининг собиқ беги, чор Россиясининг генерал-майори, шарқшунос Жўрабек Қаландар қори ўғли (1840–1906)нинг ерлари бўлган ва у шу ерни қабристонга ажратган. Ўзи ҳам шу ерга дафн этилган. Жўрабек 1902 й.да ўзининг шу жойдаги боғида (нодир қўлёмаларга бой катта кутубхонасида) *В.Бартольд* б-н учрашган. Қабристон ёнида масжид бор.

ҚОРАТОШ – *Бешёғоч* даҳасидаги қад. маҳалла. Қўрғонтепа, Олмазор, Яланқар, Зевак, Машраб маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Ривоятларга кўра қадимда бир киши Маккаи мунавварадан бир парча қора тош олиб келиб шу ерга ўрнатган ва аҳоли анча вақтгача шу тошни муқаддас санаб келган (бу тошнинг жойлашган ери тахм. ҳозирги Беньков номидаги рассомлик коллежи ўрнида бўлган). Маҳалла номи шундан келиб чиққан. Маҳаллада қарийб 200 хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Масжид, темирчилик ва баққолик дўконлари, сартарошхона бўлган (20-а. боши). 15–17-а.ларда маҳалла ўрнида Т. ҳокимининг ўрдаси бўлган. Шунинг учун бу жой 19-а.да ҳам Эски ўрда деб аталган. Ҳоз. Қ. ҳудудида Ўзбе-

кистон Республикаси ўқувчилар саройи, маъмурий бинолар қурилган.

«ҚОРАТОШ» МАҲАЛЛАСИ (Асадулла Хўжаев кўч., 3) – Шайхонтохур туманидаги маҳалла. «Гулбозор», «Чақар», «Эшонгузар», «Чорсу» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. 12 окт.да «Қоратош» номи б-н янгитдан ташкил топган. Қадимда «Кўмирчи» ва «Жирли масжид» номлари б-н аталган. Ҳоз. маҳалла гузари орқа томонида сув тегирмон ва мойжувоз бўлган. 1995–96 й.ларда маҳалладаги эски уйлар ўрнига кўп қаватли уйлар қурилган. Президент Ислон Каримов ташаббуси б-н маҳалла гузари ва 1500 ўринга эга 324-ўрта мактаб биноси фойдаланишга топширилди. Аҳолиси 7500 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 51 та кўп қаватли уй, ўрта мактаб, болалар боғчаси, кўплаб дўконлар бор.

ҚОРАТОШ ҲАММОМИ – меъморий ёдгорлик (15–16-а.). 1981 й. *Тошкент археология экспедицияси* томонидан Қоратош кўчасида очилган. Қ.х. даҳлиз, супали ечиниш хоналари, миёнсарой, унинг асосий ўқлари бўйлаб жойлашган хоналар (бу хоналарда иссиқ ва илиқ сувли ҳовузчалар бўлган) қад. анъанавий шарқ ҳаммомлари тарҳида қурилган. Хоналар саҳнига япалоқ ғишт ётқизилган; оқава сув учун ариқчалар қилинган. Хушбўй моддалар ва кул суви (ишқорли сув) учун мўлжалланган ҳовузчалар девори ва тубига сувга чидамли маҳсус қоришма қопланган. Деворлар кулранг ва пушти ранг ганч б-н сувалган, супа тепасидаги деворлар гулдор сирли сопол парчинлар б-н безатилган. Қ.х. шаҳарнинг шу ерида жойлашган ўрда иншоот-



Қоратош ҳаммоми харобаси.

лари мажмуига кирган ва нуфузли кишиларга мўлжалланган.

ҚОРАҚАМИШ – Собир Раҳимов туманидаги турар жой даҳаси. Қурилиш ишлари 1966 й. бошланган (лойиҳа муаллифи Т.Горгадзе, Т.Курдиани, Д.Каримова ва б.). Даҳа композициясида шаҳар транспорти, савдо шохобчалари, маиший хизмат корхоналари ва муассасалари б-н қулай боғланиш кўзда тутилган. Асосий кўчалари: Қорақамиш, Сағбон, Келес йўли ва б. Даҳада Қорақамиш деҳқон бозори, савдо ва умумий овқатланиш мажмуалари, супермаркетлар, мактаб ва боғчалар, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, ресторан ва кафелар, маъмурий бинолар бор.

ҚОРАҚАМИШ ДЕҲҚОН БОЗОРИ (М.Ўрозбоев кўч.) – қ.х. маҳсулотлари б-н савдо қилувчи бозор. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимида. 1980 й. Эски жўва бозоридан ажралиб чиққан. 2003 й.дан МЧЖ. Умумий майд. 6952 м². Савдо жойлари сони 342 та. Бозор бир неча марта қайта таъмирланган. 2005 й. «Ёшлик» шохобчаси умуман қайта қурилди. Бозорда ҳўл ва қуруқ мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, зиравор ва дориворлар, кўкатлар, нон ва қандолат маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, гуллар ва б. б-н савдо қилинади. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида ҳар

бир маҳсулот турлари учун алоҳида расталар ажратилган. Бозорда озиқ-овқат ва саноат моллари дўконлари, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Бозор яқинида турар жой бинолари жойлашган. Бозорнинг жами 897 ўринга эга 6 та шохобчаси («Тансиқбоев», «Шифокорлар», «Чуқурсой», «Ёшлик», «Чигатой», «Табассум») бор.

ҚОРАҚАМИШ КЎЧАСИ – Собир Раҳимов тумани ҳудудида. Сағбон ва Мухбир кўчалари оралиғида. Уз. 3 км атрофида. Т. зилзиласи (1966)дан сўнг аҳолини турар жой б-н таъминлаш мақсадида ташкил топган. 1971 й. янги ташкил топган кўчага 2-Қорақамиш номи берилган. 1978 й. 15 сент.дан С.Зиёмов кўч. деб номланди. 2008 й. 9 июндан Қ.к. деб юритилади. Йўналишида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, Қорақамиш 2/1, 2/2, 2/5 турар жой мавзелари, Қорақамиш канали, Меҳнат ва уруш фахрийлари пансионати, туман ободонлаштириш бошқармаси, 236-мактаб, «Чигатой» ўқув машғулот стадиони, «Табассум» савдо мажмуаси, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, «Оймомо» маданият ва истироҳат боғи, кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган.

ҚОРЁҒДИ – Шайхонтоҳур даҳасидаги қад. маҳалла. Қудуқбоши, Занжирлик ва Қиёт маҳаллари б-н чегарадош бўлган. Шайхонтоҳур кўчасига туташган. 130 дан ортиқ хонадон яшаган (аҳолиси қарийб 450 киши). Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, хунармандчилик ва савдо-сотиқ б-н шуғулланган. Қ.да мактабхона, баққоллик ва сабзавот дўконлари, чойхона, бир неча пойабзал ва дурадгорлик

устахоналари, 3 масжид бор эди (20-а. боши). Баъзи олимлар (А.Муҳаммаджонов) фикрича, Қ. 10–11-а.ларда шаҳар (Бинкат) ташқарисида вужудга келган янги қишлоқ (арабча: ал-Қаръят ал-ҳадиса; номи шундан) бўлган. 14-а.да шаҳар кенгайгач, Қ. унинг таркибига қирган. Лекин ўзбекларда марҳум хотирасига бағишлаб ўтказиладиган маросимлардан бири Қ. деб аталиши ҳам маълум. Қ.да машҳур тарихчи *Муҳаммад Солиххўжа* туғилган ва яшаган. Унинг асарида маҳалла Қорабоғди деб қайд этилган. «Қ.» маҳалласида давлат арбобларидан Акмал Икромов, Асадулла Хўжаев таваллуд топган. Ҳоз. Қ. ҳудудида «Пахтакор» стадиони, Санъат саройи, «Шодлик» меҳмонхонаси ва б. қурилган.

«ҚОРЁҒДИ» МАҲАЛЛАСИ (Садоқат кўч., 1) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Бекобод», «Боғичинор», «Истироҳат», «Шарқгули» маҳаллалари б-н чегарадош. Қад. «Қ.» маҳалласи Шайхонтоҳур даҳасида жойлашган бўлиб, маҳаллада катта жоме масжиди ва мадраса бўлган. 1966 й.ги Тошкент зилзиласидан сўнг маҳалла аҳолисининг кўп қисми Октябрь мавзесига кўчиб келган. У даврда маҳалла «Ульянов» номи б-н аталган, 1993 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 2910 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, «Абу Ҳурайра» жоме масжиди, 2 та дорихона, 2 озиқ-овқат дўкони, тамадди-хона мавжуд.

ҚОРИЕВ Абдувоҳид, Абдурауфқориев Абдувоҳидқори (1855–1938.12.1) – жамоат ва дин арбоби, педагог. Т.да туғилган. Дастлаб Кўкча даҳалик мактабдор Ёқубхўжа эшондан эски усулда сабоқ олган. 1870–80

й.ларда Эшонқулидодхоҳ ва 1880–88 й.ларда Бухородаги Эр-назарбой мадрасаларида таҳсил кўрган. 1888–1906 й.ларда Шайх Хованди Тоҳур даҳасидаги Мирзаабдуллабой масжид-мадрасасида имом, мударрис, шу даҳа қозиси. 1906 й.да Тошкент ш. думаси аъзоси. 1907 й.да Россия Давлат думасининг депутаты. У Думага маҳаллий аҳоли номидан Пирмуҳаммад аълам Турсунмуҳаммад ўғли б-н ҳамкорликда ишлаб чиққан талабномасини топширган. Шу йили аҳолининг ўз ҳақ-ҳуқуқи учун курашга чорловчи «чақириқ»ларни ўзбек ва тожик тилида ёзиб тарқатган. Шунинг учун 1909 й.да Тула вилоятига 5 й.га сургун қилинган. У рус адиби Л.Н.Толстой б-н шахсан кўришиб, суҳбатлашиб, 1910 й.да унинг дафн маросимида иштирок этган.

Қ. сургундан қайтгач, 1917 й. апр.гача мударрис, апр. ойдан «Шўройи ислом», 1918 й.дан «Фуқаҳо» («Хуқуқшунослар») жамияти аъзоси. Ўрта Осиё Маҳкамаи шария идорасининг раиси. 1923 й.да шу идора делегацияси таркибида Уфага бориб, Усмон Қуръонини олиб келишда иштирок этади. 1926 й.да Макка ш.да бўлиб ўтган халқаро мусулмонлар конгресси иштирокчиси.

Қ. 1937 й.да асоссиз равишда қамоққа олинган ва 1938 й. калтаклаб ўлдирилган. 1957 й.да оқланган.

ҚОРИЕВА Бернора Раҳимовна (1936.28.1) – балерина, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1964), проф. (1985 й.дан). Т.да туғилган. Тошкент (1952) ва Москва Катта опера ва балет театри қошидаги академик хореография билим юртини (1955), Тошкент маданият ин-тини тугатган (1980). 1955 й.дан Навоий

номидаги опера ва балет т-рида балерина, балетмейстер. 1985–98 й.ларда Ўзбекистон т-р арбоблари уюшмаси раиси, 1994–2002 й.лар Навоий номидаги опера ва балет т-ри директори ва бадий раҳбари. Қ. репертуари асосини жаҳон мумтоз ва замонавий балетлар ташкил қилади: Мария («Боқчасарой фаввораси»), Шопениана («Шопениана»), Жизель («Жизель»), Одетта-Одиллия («Оққуш кўли»), Фригия («Спартак»), Хоним («Хоним ва безори»), Нина («Маскарад»), Сари («Момақалди роқ сўқмоқларида»), Донна Анна («Дон Жуан»), Анна Каренина («Анна Каренина»). Миллий репертуарда у гавдалантирган Меҳри («Сухайл ва Меҳри»), Соҳани, Зарина («Севги тумори», «Севги ва қилич»), Нурхон («Танавор»), Наргис («Афсоналар водийсида») образлари маданий ҳаётда катта воқеа бўлди. У «Муҳаббат афсонаси» опера-балетининг балет партиялари ижодкоридир. 80-й.ларнинг 1-ярмида Ҳамза, Блок, Тургенев асарлари асосида «Заҳарли ҳаёт», «Нотаниш аёл», «Элегия» балетларини яратилишида (композитор Р.Вильданов б-н ҳамкорликда) фаол қатнашиб, ўзи Марьям, Аёл ҳамда Ася Полозова ва Лиза Калитина каби рус аёлларининг драматизмга тўла поэтик образларини яратди. Кетма-кет Жульетта, Офелия («Ромео ва Жульетта», «Ҳамлет»), Дездемона («Отелло») образларини гавдалантирди. «Бернора Қориева рақсга тушди» ва «Мен балеринаман» фильмлари ишланган. Давлат мукофоти (1970), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1982) лауреати. «Дўстлик» ордени (1996) б-н мукофотланган.

ҚОРИЁҚУБОВ Муҳитдин (1896.1.5–1957.22.2) – ашулачи, опера хонандаси (баритон), актёр, ўзбек мусиқали театри асосчиларидан. Туркистон Республикасининг биринчи халқ ҳофизиди (1923), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1930), Ўзбекистон халқ артисти (1936). 1921 й.дан Т.да. Москвада театр санъати ин-тида (1922–24) ўқиган. Тамарахоним б-н Жаҳон амалий санъат кўргазмаси (1925, Париж), шунингдек, Берлин концерт сахналарида ўзбек кўшиқ, ялла ва лапарларини янгича талқин этиб, замонавий ўзбек санъатини илк бор Европада тарғиб этган. Ўзбек давлат сайёр концерт-этнографик труппаси (1926–29 й.ларда бадий раҳбар), Ўзбек давлат мусиқали театри (1929–33), Ўзбек давлат опера ва балет т-ри (1939–47 й.ларда етакчи яккахон хонандаси), Ўзбек давлат филармонияси (1936 ва 1946–52 й.ларда директори ва бадий раҳбари) ташкилотчиси. Миллий операларда Хусрав («Фарҳод ва Ширин»), Новфал («Лайли ва Мажнун»), Улуғбек («Улуғбек»), Маҳмуд Торобий («Маҳмуд Торобий»), Эр Таргин («Эр Таргин») ва б. бош партияларни маҳорат б-н талқин қилган.

Концерт репертуаридан халқ ашула ва кўшиқлари («Ғайрағайра», «Олмача анор» ва б.), Тамарахоним б-н ижро этган лапарлар («Билакузук», «Илила ёрим, илила» ва б.), опералардан ариялар ўрин олган. Чигатой қабристонига дафн этилган. Халқ бадий жамоалар дирекцияси, Т.даги кўч.лардан бири Қ. номи б-н аталган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

ҚОРИ-НИЁЗИЙ Тошмуҳаммад Ниёзович (1897.2.9–1970.18.3) –

математик олим, педагог, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1943), Ўзбекистон ФА биринчи президенти (1943–47), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1939). Физика-математика фанлари д-ри (1939), проф. (1931). 1926 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1929), шу ун-т ректори (1932–33), Ўзбекистон Маориф халқ комиссари ва айна вақтда Ўзбекистон ХКС ҳузуридаги Фан к-ти президиуми раиси (1937–38), Т. ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-ти математика каф. мудир (1939 й.дан). Ўзбекистон ХКС раиси ўринбосари (1939–43), айна вақтда Ўзбекистон ФА филиали Президиуми раиси (1940–43). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси (1947–62) ва физика-математика фанлари бўлими раиси (1954–60), «Фан ва турмуш» журн. бош муҳаррири (1939–70). Ўзбекистон халқларининг маданий ҳаёти тарихига оид илмий ишлар муаллифи. Элементар ва олий математика бўйича ўзбек тилидаги биринчи дарсликларни тузган. «Ҳаёт мактаби» эсдаликлар китобида респ.да фан, маориф ва маданият тараққиёти тарихи ўз аксини топган. Давлат мукофоти (1952) ва Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Чигатой қабристонига дафн қилинган. Ўзбекистон пед. фанлари и.т. ин-ти, Т.даги кўчалардан бири унинг номи б-н аталган.

ҚОСИМ ШОШИЙ (тўлиқ исми-шарифи Абу Али Ҳасан ал-Қосим ибн Имом Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ал-Қаффолаш-Шоший) (10-а.) – фақиҳ, *Қаффолаш-Шоший*нинг ўғли. Қ.Ш.дан Хуро-

сон ва Ироқ фақиҳлари таълим олишган. Қ.Ш. «ат-Тақриб филфуруъ» («Фуруъга яқинлашиш») асари туфайли манбаларда улуғ имомлардан бири сифатида эътироф этилган. Ибн Халликоннинг ёзишича, «Бу асар шофиъий мазҳабидаги мўтабар китоблардан бўлиб, кимнинг ҳузурида бу китоб бўлса, бошқасининг ҳожати йўқдир». Исломшунослиқда Қ.Ш.нинг «ат-Тақриб» асари турли фикрий манбаларни ўрганиш ва тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

ҚОСИМБОЙ ҚОРАТУТИЙ МАДРАСАСИ – *Шайхонтохур* даҳасига қарашли Мўғулкўча маҳалласи гузарида, Мўминшайх азизлар мазорини ёнида қурилган мадраса (1871). Маҳалла номи б-н Мўғулкўча мадрасаси деб ҳам аталган. Мадраса 1865 й.ги Тошкент мудофаасида фаол иштирок этган шаҳарлик бойлардан, Қоратут маҳаллалик Қосимбой Ражаббой ўғли маблағига пишиқ гиштдан бунёд этилган. «*Тарихи жадидайи Тошканд*» асарига кўра, мадраса биноси икки томони айвонли бир хонақоҳ – жоме масжид, гумбаз ва 10 та хужрадан таркиб топган. Кейинчалик 1884 й.да Қосимбой мадраса саҳни кенгайтириш учун мадрасага туташ бўлган ички ва ташқи қисмлардан иборат ҳовлини вақф қилган. Мадрасанинг асосий вақф мулкларига Қосимбой Қоратутийнинг авлодлари мутаваллилик қилган. Архив ҳужжатларида Қосимбойнинг Қоратут маҳалласида 3 хужрали масжид қурдиргани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Қ.Қ.м. шўролар даврида бузиб ташланган.

ҚОСИМЖОНОВ Рустам Машруқович (1979.5.12) – шахматчи, халқаро гроссмейстер (1997). 17-жаҳон чемпиони (2004),

«Ўзбекистон ифтихори» (2000). Т.да туғилган. ЎзМУнинг компьютер технологияси ф-ти бакалавриатини тугатган (1999). Ўзбекистон ёшлар биринчилиги голиби (1990).

Ўсмирлар ўртасида Осиё биринчилиги (1994, Дўҳа)да олтин, жаҳон биринчиликлари (1994, Сегед; 1995, Гуарпуова)да бронза медалларини қўлга киритган.

Ўзбекистон (1997, 2000) ва Осиё (1998, Техрон) чемпиони, ёшлар ўртасида жаҳон биринчилиги (1999, Ереван) ва кучлилар ўртасидаги жаҳон кубоги (2002, Ҳайдаробод)да кумуш медаль совриндори.

1996 й.дан Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, жамоа таркибида Осиё чемпиони (1999, Шэньян), 32–37-жаҳон шахмат олимпиадалари қатнашчиси (1996, Ереван; 1998, Элиста; 2000, Истанбул; 2002, Блед; 2004, Кальвиа; 2008, Дрезден). Истанбул шахмат олимпиадасида 1-тахтада кўрсатган натижаси учун бронза медали б-н тақдирланган.

1999, 2001 ва 2002 й.ларда шахсий жаҳон чемпионатларида иштирок этган. «Шахмат – сеҳрли олам» китоби (2008, рус ва ўзбек тилларида) муаллифи. Амир Темур ордени б-н мукофотланган (2004).

ҚОСИМОВ Миржалол Қўшоқович (1970.17.9) – футболчи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи (1994), «Ўзбекистон ифтихори» (2002). Т.да туғилган. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-ти (1996) ва Т. иқтисодиёт ун-ти (1999)ни тугатган. Ўсмирлар ўртасида жаҳон (1987, Канада), ёшлар ўртасида Европа (1988, Чехословакия) чемпиони, Ўзбекистон кубоги голиби (1993, 1997, 2002, 2003), Ўзбекистон

(1998, 2002, 2003), Россия (1995), Осиё ўйинлари (1994, Хиросима) чемпиони. Т.нинг «Пахтакор» (1987–91, 1993, 1997–98, 2002–04), Владикавказнинг «Алания» (1992, 1994–96, 2004), Самаранинг «Крылья Советов» (1999–2000), Дубайнинг «Ал-Шабаб» (2001), Муборакнинг «Машъал» (2005) футбол клубларида ўйнаган. 2006 й. «Машъал» футбол клубида мураббий, айти пайтда Ўзбекистон терма жамоасида катта мураббий, 2007–08 й.ларда «Бунёдкор» футбол клубида, 2008 й.дан Ўзбекистон терма жамоасида бош мураббий. «Фидокорона хизматлари учун» ордени (2004), «Шухрат» медали (1994) б-н мукофотланган.

КУВАИДТЕПА, Қ у ф а й т е п а – археологик ёдгорлиги; Нўғойқўрғон шаҳар харобасининг сақланган қисми (1–16-асрлар); Т.нинг жан.-ғарбида (Саъдий кўч.), Салор каналининг ўнг соҳилида. Дастлаб, В.В.Верещагин (1868) қайд қилган. Е.Т.Смирнов (1896), Туркистон археологик ҳаваскорлари тўғараги аъзолари (1899) кузатиш ишлари олиб борган, В.Э.Эгерт (1916) археологик қазилар ўтказган. М.Е.Массон Қ.ни текширган, планини олган (1923), С.Б.Лунина, З.И.Усмонова, Ю.Ф.Буряков (1966)лар археологик кузатув ишлари, Тошкент археология экспедицияси (Д.Г.Зильпер, А.А.Грицина) қазилар олиб борган (1972 ва 1978–81).

Қ. Салор соҳили бўйлаб трапеция шаклида чўзилган. Истеҳкомли арк (фақат бир қисмигина сақланган) ва шахристондан иборат, Қ.ни *Қовунчи маданияти*га мансуб ўтроқ ва чорвадор аҳоли барпо этган. Уларнинг

фаолияти натижасида тепа остида 4 м ли маданий қатлам ҳосил бўлган. Унда пахса ва ғиштдан қилинган ҳашаматли иморатлар йўқ; Қовунчи II илк босқичига хос моддий маданият мажмуаси сопол идишлар, ёрғучоқлар, хўкиз боши шаклидаги осма ўчоқ тагликлари, темир меҳнат қуроллари, камон ўқи пайконлари ва тақинчоқлардан иборат. Қ.даги ҳаётнинг кейинги даври 3–4-а. охиридан бошланади; бу даврда у худудий жиҳатдан кенгайган ва эҳтимол, ташқи мудофаа девори б-н ўралган. Шаҳар қазилмаларида 3–5-а.ларга оид хом ғиштдан бино қилинган турар жойлар, дегрезлик ва ибодатхона қолдиқлари топилган; бу Т. худудида ўрганилган энг қад. ибодатхона ёдгорлиги ҳисобланади. Сақланган қолдиқлар асосида унча баланд бўлмаган (0,3 м), саҳнига хом ғишт терилган такурси устига қурилган бино мажмуаси тикланди. Бу мажмуа м-зи атрофи қалин пахса девор б-н ўралган, шарқий деворида супаси бўлган кенг квадрат ҳовлидан иборат. Атрофи ўралган ҳовлига у б-н бир саҳнда қурилган ёрдамчи бинолар ёндошган. Диний мажмуа бу ерда 6–8-а. бошларигача мавжуд бўлган. Қ.даги бошқа иморатлар сингари ибодатхона ҳам араблар истилоси вақтида ёқиб юборилган (8-а. боши). Чочга Сўғддан келадиган савдо йўлларида бирида жойлашганлиги туфайли Қ. тезда қайта тикланган. 9–10-асрлар араб тарихчилари ва географлари ўз асарларида Чоч вилоятининг бошқа шаҳарлари қаторига *Банункат*ни ҳам киритганлар. Банункатни Ю.Ф.Буряков Қ. харобасининг айнан ўзи деб ҳисоблайди. Банункат 10–12-асрларда *Бинкат* б-н бир

қаторда Т. худудидаги ривожланган иккинчи шаҳар бўлган. 13-а. бошларида Қ.ни Чингизхон қўшинлари вайрон қилган, у фақат 15–16-а.ларда қисқа муддатга тикланган.

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ (1907.25.10–1999.22.6) – болалар шоири. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1957). Т.да туғилган. Қ.х. техникумини тугатган (1930), Ўрта Осиё давлат ун-ти (1931–32) ва Тошкент тиббиёт ин-ти (1932–37)да ўқиган. Мактабда ўқитувчи (1930–32). Ислон шоир котиби (1941–45). «Ўқувчига эсдалик» (1946), «Шеър ва эртаклар», «Синов» (1947), «Орзу», «Баҳор келди» (1948), «Қирқ ўғил, қирқ қиз» шеърий тўпламлари (1951) ҳамда «Янги уй» (1953), «Китоб», «Бу бинони ким қурган?», «Оқ тоғлар», «Тентаксой» каби асарларида инсон меҳнати улуғланган. «Қандай бўлмоғим керак?» (1960), «Жуда қизик, жуда чиройли» (1961), «Она-бола меҳри» (1963), «Бола бошидан, ўғлон ёшидан» (1964), «Қанотли дўстлар» (1978), «Чўпон бобо қўшиғи» (1979) ва б. шеър ва эртаклар тўплами нашр қилинган. «Табиат алифбеси» (5 китоб, 1974–80)да болаларни Ўзбекистоннинг бой ва гўзал табиатини севишга, сув ва ҳавосини мусаффо сақлашга чақирган. «Китоб ва Офтоб» (1986), «Мен сизга бир ҳикмат айтаман» (1987) каби асарлар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1969).

«ҚУЙИ ДАРХОН» МАҲАЛЛАСИ (Чевар кўч., 38) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Кўркамоבוד», «Оқмачит», Хуршид маҳаллалари б-н чегарадош. 1966 й. ташкил топган. Аҳолиси 3600

киши, асосан, ўзбеклар яшайди. Маҳалла ҳудудида сартарошхона, озиқ-овқат дўкони, новвойхона, тўйхона мавжуд.

ҚУЛОҚТЕПА – археологик ёдгорлик (5–8-а.лар ва 10–15-а.лар). Т.нинг шим. қисмидаги (Ҳасанбой қишлоғи ҳудудида) истехкомли қишлоқ харобаси. Қорақамиш канали зонасида. 1968 й. *Тошкент археология экспедицияси* текширган. Қўрғоннинг пирамидасимон тепалик шаклидаги аркининг бал. 12 м бўлиб, қишлоқдан сойлиқ б-н ажралган. Умумий майд. – 700х200 м. Арқдаги қазишмалар натижасида хом ғишт ва пахсадан қурилган маҳобатли бино қолдиқлари чиққан. Биринчи босқич (5–8-а.)да арқ 2 қаватли бўлган. Пастдаги йўлаксимон хоналар омборхоналар бўлиб, тепасида турар жой, ҳашаматли хоналар жойлашган, уларга пастдан пандус орқали чиқилган. Кейинги босқичда, пастки хоналар тупроқ б-н тўлдирилиб, устидаги 2 қаватда ҳаёт давом этган, унга ташқи пандус орқали чиқилган. Ривожланган ўрта асрларда ташланди арқ атрофида қишлоқ жойлашган. 15-а.да Амир Темур ва Темурийлар даврида арқда чегара кузатув пункти бўлган.

«ҚУМАРИҚ» МАҲАЛЛАСИ (Т.Арслонқулов кўч., 18) – Сергели туманидаги маҳалла. Аэропорт ёнида жойлашган. «Обод», «Ўзгариш» маҳалласи б-н чегарадош. Маҳалла номи унинг ҳудудидан оқиб ўтадиган Қумариқ номидан олинган. 1957 й. ташкил топган. Аҳолиси 3950 киши (2008). Асосан ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳаллада 20 та кўча, 2 болалар боғчаси, мактаб, озиқ-овқат дўконлари, «Шахтестиль» корхонаси ва б. мавжуд.

ҚУШБЕГИ ДАҲАСИ – Яккасарой туманида, Кичик ҳалқа йўли, Қушбеги кўч. ва Салор канали оралиғида жойлашган. 1980-й.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб «Ивановалик тўқимачилар», 1990 й.дан Қ.д. деб аталади. Даҳада «*Тошқаятестиль*» кўшма корхонаси, «Тоштўқимачитекс механика» шўба корхонаси, «Тўқимачи» стадиони, кўп қаватли турар жой бинолари жойлашган.

ҚУШБЕГИ КЎЧАСИ – Яккасарой тумани ҳудудида. Т. автомобиль ҳалқа йўли б-н Усмон Носир кўч. оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. 20-а.нинг 30-й.лари йўналишида Т. тўқимачилик комити фойдаланишга топширилиши муносабати б-н ташкил топган. Дастлаб Физкультурний кўч. деб юритилган. 1976 й. 9 сент.да Ивановалик тўқимачилар кўч. номи берилган. 1990 й. 2 мартдан Қ.к. деб юритилади. Йўналишида «*Тошқаятестиль*» ўзбек-турк кўшма корхонаси, «Тоштўқимачитекс механика» шўба корхонаси, шаҳар ветеринария бошқармаси, Яккасарой спорт мажмуаси, «Султон», «Қушбеги» ва «Бошлиқ» тўйхоналари, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари жойлашган. **«ҚУШБЕГИ» МАҲАЛЛАСИ** (Қушбеги мавзеси, 12^а-уй) – Яккасарой туманидаги маҳалла. «Бошлиқ», У.Носир, «Тўқимачи» маҳаллалари ҳамда Сергели тумани б-н чегарадош. 20-а.нинг 50–60-й.ларида бу ерлар тўқайзорлар, қамишзорлар бўлган. 1983–85 й.ларда кўп қаватли уйлар қурила бошланган. Шу даврда «Бошлиқ» маҳалласидан «Қушбеги» маҳалласи ажралиб чиққан. 1986 й.дан шу номда. Ўтмишда Қўқон хонлиги даврида Т.ни *Лашкар қушбеги* бошқарганлиги маълум (1810–42

й.лар). Ундан ташқари шу даврда Бешёғоч даҳасининг Қушбеги мавзеси шу ерда жойлашган (номи шундан олинган). Аҳолиси 10700 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ресторан, 24 та озиқ-овқат дўкони, 4 та кафе, 4 та новвойхона, ўрта мактаб, 2 та коллеж ва лицей мавжуд.

ҚЎЗИБОЕВ Неъмат Мирзабоевич (1929.20.7–2004.14.5) – ранг-тасвир устаси, Ўзбекистон БА академик (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1970). 1942 й.дан Т.да. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1947) ва Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-ти (1953)ни тугатган. 1953 й.дан Республика рассомлик билим юртида, 1959 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог, 1984 й.дан проф. (1985 й.дан Қ. устахонаси мавжуд бўлган). Қ. асарларида мазмуннинг теранлиги, давр руҳи, кишилар кайфиятини ифода-лашда маҳорати намоён бўлди: «Ўзбой ўзанида», «Қидирувчилар», «Янги йўл», «Чўпонлар

Н. Қўзибоев. «Баҳор».



хузурида» каби маиший жанрга оид асарлар, «Юнус Ражабий», «Миршоҳид Мироқилов», «Нодирабегим», «Абдулла Қодирий», «Ибн Сино», «Беруний», «Навоий ва Султон Ҳусайн», «Навоий» портретлари, «Баҳор», «Фарғона водийси», «Кўқон манзараси» каби тасвирлар ва б. Асарлари республика ва чет эл музейларида сақланади. «Эл-юрт хурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

«ҚўЙЛИҚ» АВТОБОШБЕКАТИ (Фарғона йўли кўч.) – Тошкент вилоят бошбекатлари и.ч. давлат унитар корхонаси таркибиде. «Қ.» а.дан Тошкент вилоят туманларига жами 18 йўналишда ҳамда Ангрен, Олмалиққа автобуслар қатнайди. Қўйлиқ–Красногорск, Қўйлиқ–Дўстобод, Қўйлиқ–Ҳамза, Қўйлиқ–Оққўрғон, Қўйлиқ–Янгибозор ва б. йўналишларда ҳам йўловчилар ташилади. Бир суткада 1500 дан зиёд йўловчига хизмат кўрсатилади. «Қ.» а.да аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида ахборот-маълумот воситалари, алоқа бўлими, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этилган.

ҚўЙЛИҚ БУЮМ БОЗОРИ (Фарғона йўли кўч.) – кенг халқ истеъмолчи товарлари б-н савдо қилади. 2003 й.да Қўйлиқ деҳқон бозоридан ажралиб чиққан, ўша йилдан МЧЖ. Умумий майд. 17312 м², савдо ўринлари сони 1237 та. Бозорда маҳаллий ва хорижий мамлакатлардан келтирилган товарлар, жумладан, кийим-кечаклар, пойабзал, бош кийимлар, газламалар, уй-рўзгор ва хўжалик буюмлари, гиламлар, девонхона буюмлари ва ҳ.к. сотилади. Бозор атрофи ҳунармандлар устахонаси ва дўконлари б-н ўралган. Қ.д.б.да озиқ-овқат ва


умумий овқатланиш шохобчалари бор. Яқинида 9 қаватли турар жойлар, автобошбекат, автотураргоҳ жойлашган.

ҚўЙЛИҚ ДАҲАСИ – Миробод ва Сергели туманлари ҳудудида. Янги Қўйлиқ, Мунис, Сарбон, Кубейтепа ва Т. автомобиль ҳалқа йўли б-н чегараланади. Лойиҳалаш ва қурилиш ишлари 1963 й. бошланган (муаллифлари: И.Воронина, Б.Вайсман, В.Першин ва б.). Даҳанинг 1-, 2-, 3-, 4-мавзелари Миробод тумани ва 5-, 6-мавзелари Сергели туманида. Турар жойлар ҳалқа йўли ёқаси ва мавзелардаги кўч. четларига жойлаштирилган. Болалар боғчалари ва мактаблар эса ана шу турар жой гуруҳлари орасига қурилган. Даҳада савдо шохобчалари ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, бозорлар бор. Қ.д. ўрнидаги мавзе қадимдан мавжуд бўлган. Бу ердан тарихда карвон йўли ўтган («Қўйлиқ» номи ҳақида қ. *Қўйлиқота жоме масжиди*).

ҚўЙЛИҚ ДЕҲҚОН БОЗОРИ (Фарғона йўли кўч.) – шаҳардаги йирик бозорлардан. «Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси тизимига киради. 1936 й. ишга туширилган. Бозор бир неча марта «Тошбошплан» ин-ти лой-

иҳалари асосида реконструкция қилинган, замонавий услубда таъмирланиб, янги жиҳозлар б-н таъминланган, қўшимча бинолар қурилган. 1996 й.дан ОАЖ. Майд. 51245 м², савдо ўринлари 2050 та. Бозорда хўл ва куруқ мевалар, сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, зираворлар, нон ва қандолат маҳсулотлари, гўшт, балиқ, сут маҳсулотлари, донли маҳсулотлар, кўкатлар ва б. б-н савдо қилинади. Бозор ҳудудида гўшт-сут сотишга мўлжалланган бино бор. Харидорларга қулайлик яратиш мақсадида маҳсулотлар турлари учун алоҳида расталар ажратилган. Бозорнинг Чирчиқ дарёси бўйидаги ҳудудида 2006–07 й.ларда 8 та қ.х. маҳсулотлари савдо шипони, балиқ ва калла-поча павильонлари, новвойхона қуриб фойдаланишга топширилди. Бозор ҳудудида озиқ-овқат, хўжалик моллари дўконлари, умумий овқатланиш шохобчалари мавжуд. Қ.д.б.нинг 159 та ўринга эга «Сувсоз», «Корейс», «Чо Мен Хи», «Соловьев» шохобчалари бор. Бозор яқинидан Т. автомобиль ҳалқа йўли, Чирчиқ дарёси ўтади. Атрофида автотураргоҳ, кўп қаватли турар жойлар жойлашган.


Қўйлиқ деҳқон бозори.



ҚЎЙЛИҚОТА ЖОМЕ МАСЖИДИ (Миробод тумани Истиқбол кўч., 4/2) – ўрта асрларга оид мақбара ўрнида барпо этилган масжид. Дастлаб Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган, Самарқанд қозикалонининг ўғли Ҳофиз Қўйлиқий мақбараси бунёд этилган (15–16-а.). Ривоятларга кўра, у тўғрилиқ ва эзгуликни тарғиб этиб, чорвачилик б-н машғул бўлган, кўйларни тез кўпайтириш йўлларини яхши билган. Шу минтақадаги аҳоли ҳам, асосан чорвачилик б-н шуғулланган ва Ҳофиз Қўйлиқийнинг бу борадаги билимдонлиги туфайли, уни авлиё даражасида кўришган. 1854 й. йўл қурилиши натижасида мақбара зиён кўрган ва маҳаллий аҳоли томонидан Қўйлиқота қабри ҳозирги ўрнига кўчирилган. 1989 й.да аҳоли талабига кўра мақбара қайта таъмирланиб, масжид барпо этилган. Унда, асосан, Қўйлиқота ва Хонобод маҳаллалари аҳолиси намоз ўқийди.

ҚЎЙЛИҚОТА МАҲАЛЛАСИ (А.Солижонов 1-берк кўч., 9) – Миробод туманидаги маҳалла. «Парвона», Баротхўжа, «Матонат» маҳаллалари б-н чегарадош. 1951 й. маҳаллага «Қўйлиқота» номи берилган. Аҳолиси 1 минг кишидан ортиқ, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 10 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 3 та кўча, Қўйлиқота жоме масжиди ва қабристон, «Жўраота» дўкони ва б. мавжуд.

ҚЎЙЛИҚОТА МАҲАЛЛАСИ (Табассум кўч., 5 уй) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Муқимий ва «Катта Қўйлиқ» маҳаллалари б-н чегарадош. Аҳолиси 3000 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида «Махсусэлектртармоққурилиш», «Марказий магистрал электр тармоқ» очиқ акциядорлик бирлашмалари мавжуд.



Қўйлиқота мақбараси.

ҚЎРФОНТАГИ – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Шўртепа, Қоратош, Тиканлимозор ва Девонбеги маҳаллалари б-н чегарадош бўлган. Шаҳар деворига туташгани учун шундай аталган. 100 дан ортиқ хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, косибчилик, савдосотиқ, шаҳар ташқарисидаги ерларида деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланган. Қ.да бир неча баққоллик дўконлари, тегирмон, жувозхона бўлган (20-а. боши). Ҳоз. Қ. ҳудуди реконструкция қилинмоқда.

ҚЎРФОНТЕПА – шаҳар харобаси (6–12-а.лар). Ангрен ш. яқинида, Ниёзбошисойнинг қуйилиш ерида жойлашган. Дастлаб, Д.П.Вархотова ва В.А.Нильсен (1960) қазилар ишлари олиб боришган 1962 ва 1963 й.ларда Қ.дан 10–11-а.ларга оид мис ва кумуш тангаларнинг 2 та хазинаси топилган. 1963 й. О.М.Ростовцев аркнинг кесик ерларидан палеолит даври чақмоқтош қуролларини чиқариб олган. Шу йили катта терракота ҳайкали парчаси топилиши муносабати б-н Қ.ни Ю.Ф.Буряков текширган. Аркда чақмоқтош қуроллар мажмуи, 10-а.га оид сополлар,

шиша идиш парчалари тўпланган. Сои бўйдан катта тегирмонтош бўлаги топилган, ундан маъданларни майдалаш (янчиш)да фойдаланган бўлишса керак. Маъдан янчиладиган ерга сойдан сув келтирилган. Текширишларга кўра Қ.да палеолит давридаёқ ҳаёт бўлган. Кейинчалик мил. 1-минг йиллик 2-чорагида ҳаёт қайта жонланган. Илк ўрта асрларда Қ.да қаср типидagi кичик истеҳком қад кўтарган. 9–10-а.ларда у майд. 16 гектарга келадиган қишлоққа айланган. Археологик материалларга кўра Қ.даги ҳаёт 12-а.гача давом этган.

ҚЎШЖОНОВ Матёқуб (1918. 5.5–2005.16.8) – адабиётшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1978), филология фанлари д-ри (1972). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942–45). 1946 й.дан Т.да. Ўрта Осиё ун-тини (1950) тугатган. Шу ун-т (ТошДУ)да доцент (1957–60), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1960–75), директор (1975–86), етакчи илмий ходим, илмий маслаҳатчи (1986 й.дан). Асосий илмий ишлари 20-а. ўзбек адабиётининг ривожланиш тамойиллари, адабий танқид ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва ёзувчи маҳорати масалаларига бағишланган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977). «Эл-юрт хурмати» (1999), «Буюк хизматлари учун» (2003) орденлари б-н мукофотланган. Чигатой қабристонига дафн этилган.

ҚЎШИЛИШ – мезолит даври (мил. ав. 12-минг йиллик)га оид ибтидоий одамлар манзилгоҳи. *Бўзсув* каналининг чап соҳили (Қўшилиш мавзеси)да жойлашган.

1966 й. В.А.Захаревич топган. 1967 й. Ў.И.Исломов текширган. Қ.да тошдан ишланган меҳнат қуроллари, ибтидоий одамлар истеъмол қилган ҳайвонларнинг суяк қолдиқларидан иборат маданий қатлам қайд қилинган ва ўрганилган. Қ. ва ундан қадимги роқ ёдгорликларни ўрганиш сўнгги палеолит давридан бошлаб Т. худудида узлуксиз одам яшаганлигидан далолат беради. **«ҚЎШТУТ» МАҲАЛЛАСИ** (Абу Бакр Шоший кўч., 103) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Гузарбоши», «Чигатой дарвоза», «Эски шаҳар», Ҳофиз Кўҳакий ва Абу Бакр Шоший маҳаллалари б-н чегарадош. 1997 й. собиқ «Қўштут», «Пичоқчилик», «Заргарлик», «Шаршинтепа» кичик маҳаллалари ва «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласининг бир қисмини бирлашувидан ташкил топган. Аҳолиси 6840 киши, асосан (97%) ўзбеклар. Маҳалла худудида 24-ўрта мактаб, болалар боғчаси жойлашган. **«ҚЎШЧИМОЗОР» ҚАБРИСТОНИ** («Қўйчимозор») (Хўжалик тор кўчаси, 1) – Т.нинг шим.-ғарбида. Майд. 5 гектар. Тахм. 16-а.дан мавжуд. Ўша даврда қабристон шаҳар кўрғонидан ташқарида бўлган. *Ҳожа Бахриддин доно* мақбараси бор. 19-а. 2-ярмидаги Т. нажорбошиси уста Исохожи ва унинг зурриётлари (уста Аминжон, уста Абдумалик ва б.), халқ рассоми Жалил Ҳақимов, ёзувчи Аҳмад Шораҳмедов, фан арбоби Субутой Долимов, акад. Тўлқин Миркомиллов ва б. дафн этилган. **«ҚЎШЧИНОР» МАҲАЛЛАСИ** (Юнусобод, Турғун Пўлат кўч., 5-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Туркистон», «Адолат», Файратий маҳаллалари б-н чегарадош. 1982 й.дан шу номда. Аҳолиси 5030 киши, турли

миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худудида спорт майдончаси, савдо шохобчалари, маҳалла гузари, кўп қаватли турар жой бинолари, уй-жой мулкдорлари ширкати жойлашган. **«ҚЎШҚЎРҒОН» МАҲАЛЛАСИ** (Кўшқўрғон кўч., 48) – Сергели туманидаги маҳалла. «Обод», Жомий ва «Маданият» маҳаллалари б-н чегарадош. 1878 й. ташкил топган. Аҳолиси 4200 кишидан ортиқ (665 хонадон). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар. «Кўшқўрғон» жоме масжиди, маҳалла қабристони, «Ёшлар» маданият уйи, «Эльбрус» тўйхона-ресторани жойлашган. **ҚЎҒАЙТЕПА** – қ. *Қувваидтепа*. **ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ**, Республика кўғирчоқ театри (Афросиёб кўч., 1) – Давлат кўғирчоқ т-рига асос солган (1939) П.Дониёров, С.А.Уразова, Е.Г.Подгурская ўзбек халқ кўғирчоқ т-ри аъёнлари ва рус кўғирчоқ т-ри тажрибаларига суянган. 1979 й. 25 окт.да театр мухташам замонавий бинога кўчди. Бино «Ойгул ва Бахтиёр» (Ҳ.Олимжон достони, Зулфия ва С.Сомова инсценировкаси) спектакли б-н очилди. Машҳур спектакллари: «Кул, кулавер, Ойхон» (Ҳамзанин «Майсаранинг иши» асари асосида), «Семурғ – бахт қуши» (Зулфия, С.Сомова), «Кенжа қиз» (М.Халил), «Сеҳрли кийик» (А.Қобулов), «Ўткир шохли бузоқча» (Р.Фарҳодий), «Те-

мирчи ва малика ҳақида эртақ» (Исфандиёр), «Сеҳрли тўрқовоқ» (Я.Хаимов), «Фотиманинг саргузаштлари» (Н.Ҳабибуллаев), «Сеними, бўри, шошмай тур!» (Л.Хайт), «Пахтаой» (В.Борисов), «Насриддиннинг 41 пашшаси» (З.Аълам), «Сеҳрли ҳарфлар ороли» (Ҳ.Имомбердиев) ва б.

Мустақилликдан сўнг т-р янги ижтимоий шароитда болаларга хизмат қилишдан ташқари мамлакатимизда энди шакллана бошлаган бошқа кўғирчоқ т-рларига яқиндан ёрдам берди. «Карвонсарой» (И.Лукьянова), «Ур, тўқмоқ» (С.Преображенский), «Бахт ахтарган Ҳасан» (Е.Сперанский), «Чодир жамол» (Ш.Юсупов), «Нўхот бола» (Ҳ.Имомбердиев), «Иссумбоси» (япон эртаги асосида Н.Норматов ва Ш.Юсупов пьесаси) ва б. спектакллар аънавий т-р воситалари асосида яратилди.

«Алпомиш» достонининг 1000 йиллигига бағишланган «Қанотли одамлар» (Н.Тўлахўжаев), Навоий юбилейига атаб «Лисон ут-тайр» (Х.Расул), «Шум боланинг саргузаштлари» ва «Яна Андерсен» (Ф.Фулом ва Г.Андерсен асарлари асосида) ва б. кейинги йиллар маҳсули. Т-р ўзбек, рус тилларида томошалар кўрсатади.



Республика кўғирчоқ театри.

ФАЗАЛКЕНТ КЎЧАСИ – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида. Темур Малик ва Авайхон кўчалари оралигида. Уз. 2 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида ташкил топган. Дастлаб Калинин номи б-н юритилган. 1968 й. 26 янв.да Ҳ.Хусанбоев номи берилган. 2006 й. 16 янв.дан Бўстонлиқ тумани м-зи – Фазалкент номи б-н юритилади. Йўналишида Т. вилоят ички ишлар бош бошқармаси спорт мажмуаси, туман ободонлаштириш бошқармаси, кафе, минимаркет, новвойхона, савдо, турли сервис хизмат кўрсатиш масканлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари жойлашган. Дўрмон йўли ва Шукур Бурҳонов кўчалари б-н кесишган.

ФАЙРАТИЙ (тахаллуси; асл номи Абдураҳим Абдуллаев) (1902. 15.2–1976.17.1) – Ўзбекистон халқ шоири (1972). Т.да туғилган. Дастлаб «Намуна» мактаби (1917–18) ва ўқитувчилар тайёрлаш 2 йиллик курсида (1918–19) ўқиган. Т.даги тўлиқсиз ўрта мактабда ўқитувчилик қилган (1919–23), Бокуга бориб, ўқитувчилар семинариясида таҳсил олган (1926). Тошкент қ.х. машинасозлиги э-дида ишчи ва адабиёт тўғараги раҳбари (1928–31), Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир (1931–35), Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида адабий эмалдош (1942), мактаб ўқувчилари саройида адабиёт тўғараги раҳбари (1946–76).

«Эр товуши» (1927), «Яшаш тароналари» (1928), «Темп» (1931), «Олов танлар» (1932), «Танланган асарлар» (1934), «Севги» (1939), «Олтин ёшлик» (1940), «Аср садоси» (1972) каби шеърлар ва «Қутулиш» (1928), «Ҳашар» (1929), «Қора юраклар» (1931), «Ҳикоялар» (1957) каби ҳикоялар тўпламлари, «Оқин ҳукми» (1931), «Узоқдаги ёр» (1967), «Бахмал қирғоқ» (1971) қиссалари нашр этилган. Ф. 30-й.лар адабий жараёнида фаол иштирок этиб, шу давр гоёлари ифодаланган шеърлари, айниқса, уйғур халқининг мусибатли ўтмишига бағишланган «Онамга хат» (1935) ва «Жинаста» (1937) дostonлари б-н машҳур бўлган. Ф. болаларга бағишлаб «Йўқолган бола» (1935), «Ўрмон мушуги», «Тошсоқа канали» (1940) дostonларини, «Менинг ёшлигим» (1935), «Унутилмас кунлар» (1957), «Рустамнинг саргузашти» (1961) қиссаларини ёзган. Шунингдек, Ф.нинг болалар ҳаётидан олинган «Омон», «Тинчлик ўрмони», «Учрашув», «Ўрмонда», «Қанотли дўстлар», «Али кичкина», «Тугмагул» каби пьеса ва инсценировкалари мавжуд. Уларнинг аксари респ. қўғирчоқ т-рларида сахналаштирилган. Чигатой қабристонида дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири ва маҳалла Ф. номи б-н аталган.

ФАЙРАТИЙ МАҲАЛЛАСИ (Файратий кўч., 32) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Жомий, «Қўшчинор», «Наврўз», Фуломмаҳмуд Абдуллаев, «Оқибат», «Шаҳристон» маҳаллалари б-н чегарадош. 1960 й.да аҳоли сонининг кўплиги сабабли собиқ Карл Маркс маҳалласи иккига бўлиниб, шоир Файратий номи берилган. Аҳолиси 3500 киши, ўндан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Оқилота қабристони жойлашган.

«ФАЛАБА» МАҲАЛЛАСИ (Қорақамиш 2/4, А.Юнусов кўч., 23) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Ниҳол», «Табасум», «Умид», «Обод» маҳаллалари б-н чегарадош. 1986 й. ташкил топган. Аҳолиси 6500 киши, асосан ўзбеклар. Шунингдек, бошқа миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, болалар боғчаси ва б. жойлашган.

ФАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ДАҲАСИ – Ҳамза тумани ҳудудида, Оҳангарон, Темирчи кўчалари ва Т. вилоятининг Гўзал ҳамда Тузель маъмурий-ҳудудий бирликлари оралигида жойлашган. 1985 й.да кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши муносабати б-н ташкил этилган. Таркибида 1-, 2-, 4-мавзелари бор. Даҳада, шунингдек, яқка тартибдаги уй-жойлар ҳам қурилган. «Янгиобод» деҳқон

бозори, шаҳар архиви, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш масканлари, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, АЁҚШ ва б. муассасалар мавжуд.

«ҒАЛЛА-АЛТЕГ» (Элбек кўч., 37) – дон маҳсулотлари корхонаси. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибида. 1909 й.да Тошкент 1-ун тортиш з-ди номи б-н ташкил этилган. 1918 й.да национализация қилинган. 1995 й.дан ОАЖ. 1998 й.дан «Ғ.-А.» ОАЖ деб номланади. Корхонанинг Тошкент вилояти туманларида «Янгийўл», «Паркент», «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» дон қабул қилиш шохобчалари мавжуд. Асосан, олий нав, 1- ва 2-нав ун, макарон, макка ёрмаси, кепак омухта-ем маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Маҳсулот и.ч. ҳажми – 80000 т ун, 25000 т га яқин омухта-ем (2008).

ҒАНИ АЪЗАМОВ МАҲАЛЛАСИ (Қичқириқ кўч., 9) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. «Қичқириқ», «Навбахор», «Тараққиёт», «Чимбой», «Гуручариқ» маҳаллалари б-н чегарадош. 1958 й. «Абдулла Набиев» номида ташкил топган. 2003 й.дан ҳоз. номда. Маҳалла тарихи 20-а.нинг 50-й.ларидан бошланади. 1958 й.дан уй-жой қуриш ишлари бошланган ва «А.Набиев» маҳалласи ташкил қилинган. Аҳолиси 2780 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла худудида ГСКБ з-ди жойлашган. Маҳалла номи Ўзбекистон халқ артисти, маҳаллага 30 йил (1966–96) оқсоқоллик қилган Ғани Аъзамов номига қўйилган.

ҒАНИЕВ Наби (1904–1953.29.10) – кинореж., ўзбек киносининг асосчиларидан. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Т.да туғилган. Мос-

квадаги олий давлат бадий-техник устахонасининг рабфакида ўқиган (1921–25). 1925 й. Тошкентда киностудия ишга туширилгач, Ғ. Тошкентга қайтган ва умрининг охиригача шу киностудияда ишлаган. «Киноактёр», «Киносценарий» каби китоблар муаллифи, «Ўзбекистон кино дўстлари» жамиятини тузган, кинотехникум очилишида фаоллик кўрсатган. Унинг «Юксалиш», «Рамазон», «Йигит» фильмлари ўзбек бадий киносининг шаклланишида муайян босқич йўлини ўтаган.

2-жаҳон уруши йиллари Ғ. «Биз енгамиз» фильми суратга олинишида қатнашган ва «Довюрак дўстлар» фильмини яратган. Кейинчалик унга катта шуҳрат келтирган ва ўзбек киносининг дурдоналаридан бўлган «Тоҳир ва Зухра» (1949), «Насриддиннинг саргузаштлари» (1947), «Фарғона қизи» (1948) каби фильмлари экранлаштирилган. «Қорақалпоқ диёрида», «Фар-

Ғафур Ғулом ҳайкали.



ғона водийси», «Канаш», «Ўзбек рақси усталари» (1949–57) каби ҳужжатли фильмларни яратган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2001). Чигатой қабристонига дафн этилган. Т. кўчаларидан бирига Ғ. номи берилган.

ҒАФУР ҒУЛОМ (тахаллуси; исми ва фамилияси Ғафур Ғуломов) (1903.10.5–1966.10.7) – Ўзбекистон халқ шоири (1963), Ўзбекистон ФА акад. (1943). Т.да туғилган. Қўрғонтеги маҳалласидаги эски мактаб ва мадрасада, рус-тузем (1916) ва «Ҳаёт» мактабларида ўқиган (1918). Ўқитувчиларни тайёрлаш курсини тугатиб, «Чўлпон» мактабида муаллимлик қилган (1919). «Умид» ва «Урфон» мактабларида (1919–23; 1928), болалар уйида (1926) мудир. «Камбағал деҳқон» (1928 й.дан), «Шарқ ҳақиқати» (1930 й.дан) газ.ларида масъул котиб, «Муштум», «Ер юзи» журн.лари, «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим (1930–42). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида катта илмий ходим (1943–66). «Динамо», «Йигит», «Эгалари эгаллаганда», «Хитойдан лавҳалар» (1931), «Тирик қўшиқлар» (1932), «Кўкан» (1934), «Сизга» (1935), «Чашма» (1939), «Янги шеърлар» (1946), «Ўзбек элининг гурури» (1949), «Шараф қўлёмаси» (1950), «Танланган асарлар» (4 жли, 1956–59) шеърини тўплам ва дostonлари, «Жўрабўза» ҳикоялар тўплами, «Нетай» (1932), «Тирилган мурда» (1935), «Шум бола», «Ёдгор» (1938) қиссалари ва «Мухбир суди» (1929) пьесаси ва б. фелъетонлар, очерклар, публицистик ва илмий мақолалар муаллифи. В.Маяковскийнинг «Ҳайқириқ» (1929), Ҳоди Тоқтошнинг «Муҳаббат тавбаси» (1931) дostonини ўзбек тилига

таржима қилган. Болаларга бағишланган шеърлар ҳам ёзган («Тонготар кўшиғи», 1949 ва б.). Давлат мукофоти лауреати (1946). «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000). Чигатой қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири, маҳалла, метро бекати, маданият ва истироҳат боғи, нашриёт-матбаа ижодий уйи Ф.Ф. номи б-н аталган. Ф.Ф. номига қўйилган маданият ва истироҳат боғида 2003 й.да шоирга ҳайкал ўрнатилган (меъмор М.Ш. Мусаев, ҳайк. Р.Миртожиев). Ф.Ф. яшаган уйга (Арпаоя кўч.) ёдгорлик лавҳаси қўйилган (1968), уй-музейи очилган (1983).

Тошкент

Тошкент Осиёнинг кўркли ўрнида,

Мақталса арзийди, оз эмас – анча.

Тошкентнинг ложувард тоза кўкида

Шаббода тинмайди тонгдан кечгача.

Узоқ Ҳинд, Хитойда қон кечган кўёш

Тошкент осмонида ҳордиқ олади.

Озод ўлка устига нур тўкиб ёввош,

Улуғ қурилишларга кўзин солади.

Тошкентнинг сувлари шунчалар тоза:

Чирчиқ, Оҳангарон, Бўз, Анҳор, Солор.

Беқасам жилоли шу буюк фазо

Рангини, тўғриси, Тошкентдан олар.

Бу ернинг меваси шунчалар асл,

Кумуш бутуқларда ёқутдай кўркам.

Бу ерда узун йил билмайди фасл,

Тошкентни ватан деб билади кўклам...

«**ФАФУР ФУЛОМ**» – Ўзбекистон йўлидаги метро бекати. *Фафур Фулом* номига қўйилган (меъморлар А.Табибов, Ф.Музаффарова; муҳандис О.Зокиров ва б.). Абдулла Қодирий кўч. Фафур Фулом кўч. б-н туташган жойда барпо этилган. Яқинида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, цирк биноси жойлашган. 1989 й. 6 ноябрда фойдаланишга топширилган. Бекатнинг ер ости йўловчилар зали ва икки вестибюли бор. Бадий-меъморий безакларни рас. С.Султонмуродов ишлаган. Гоя ва мавзуларнинг образли ечимини топишда бадий сополдан ишланган ўзига хос композициялардан фойдаланилган. Зал устунлари кўпқиррали, тепа қисми бир оз йўғонлашган. Майин нур сочувчи электр ёриткичлар шифтдаги куббалар ортига беркитилган. Бекатни безашда маҳаллий қурилиш материаллари – мрамор, гранит, шунингдек, металл, шишадан фойдаланилган.

ФАФУР ФУЛОМ КЎЧАСИ – Шайхонтохур ва Собир Раҳимов туманларининг ҳудудий чегарасидаги м-зий кўчалардан бири. Навоий ва Собир Раҳимов кўчалари оралиғида. Уз. 1,5 км атрофида. Қадимда халқ тилида Тахтапул кўч. деб юритилган. Тахтапул дарвозаси шу кўча йўналишида бўлган. Дастлаб Чор Россияси маъмурияти томонидан расман 1893 й. Тахтапул номи берилган. 1960 й. Собир Раҳимов, 1968 й. кўчанинг 1-ярмига Ойбек номи берилган. 1990 й. 28 июнда Ойбек номи бошқа кўчага олиниб, ўрнига Фафур Фулом номи қўйилган. Мустақиллик даврида кенг реконструкция, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. Автотранспорт воси-

таларининг икки томонлама ҳаракати йўлга қўйилган. Йўналишида Ҳадра, Себзор ва Жанггоҳ даҳалари, Ҳадра майд. ва меҳмонхонаси, Т. давлат цирки, «Ўзкимёсаноат» компанияси, «Ўзбеккўмир» АЖ, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Фафур Фулом» метро бекати, банклар, маиший хизмат кўрсатиш масканлари, хорижий фирма ва компания офислари, 42-мактаб, 9-оилавий поликлиника, 8-дорихона, фитобар, ёнилғи қуйиш шохобчаси, кўп қаватли турар жой бинолари ва б. жойлашган. Йўналишида Абдулла Қодирий кўч. билан кесишган. Зулфияхоним, Алихонтўра Соғуний ва Коҳота кўчалари б-н туташган.

ФАФУР ФУЛОМ МАҲАЛЛАСИ (Қирқгул берк кўч., 15) – Чилонзор туманидаги маҳалла. Бешёғоч даҳасида жойлашган. «Бешёғоч» ва «Олмазор» маҳаллалари б-н чегарадош. 19–20-а.лар бошларида «Арпаоя», шўролар даврида «В.И.Чапаев» маҳалласи деб аталган. Маҳалла ҳудудида 1936 й.да Т.да биринчи 4 қаватли 2 та уй қурилиб, зиёли ва етук мутахассисларга берилган. 1966 й.даги зилзиладан сўнг маҳалла ҳудуди тубдан ўзгарди. 1993 й. маҳаллага шу ерда яшаган акад.-шоир Фафур Фулом номи берилди. Аҳолиси 729 киши, асосан, ўзбеклар, шунингдек, 20 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида Муқимий т-ри, Иқтисодиёт ун-ти, лицей ва б. бор.

ФАФУР ФУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ (Бунёдкор шохкўчаси, 21) – Т.нинг гарбий қисмида, Чилонзор туманида жойлашган. Майд. 22 гектар. 1967 й. ҳашар йўли б-н бунёд этилган. Дастлаб Ўзбекистон комсомоли 40 йил-



лиги, 1990 й.дан Мирзо Улуғбек номи б-н аталган. 2003 й. *Ғафур Фулом* таваллудининг 100 йиллиги муносабати б-н боғга унинг номи берилди ва шоир ҳайкали ўрнатилди. Боғда 2 мингга яқин дарахт (каштан, оқ қайин, заранг, қора арча, терак, тол, чинор ва б. манзарали дарахтлар, мевали дарахатлардан ёнғоқ, ўрик, тут) ўсади. Ҳар йили 4 мингдан ортиқ гул кўчати экилади. Майсазорлар майд. 5 гектар. Боғдаги жонли бурчақда 40 турга яқин ноёб қуш ва ҳайвонлар боқилади. Боғда умумий майд. 7 гектарли 2 та кўл мавжуд. Дам олувчилар учун 22 та аттракцион ва 15 қаҳвахона хизмат кўрсатади. Боғда замон талабларига жавоб берадиган спорт майдончаси, шахмат-шашка клуби, стол теннис клуби, тиббиёт хонаси, 3 маданий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган майд., болалар майдончаси ва б. бор. Боғдаги кўлда дам олувчилар катамаран ва қайиқларда сайр қилишлари мумкин. Боғда карнай-сурнайчилар жамоаси, «Улуғбек юлдузлари» бадийий жамоаси, дамли асбоблар оркестри, «Шум бола» кўғирчоқ театри фаолият кўрсатади. Шунингдек, боғ турли оммавий

Ғафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг асосий дарвозаси.

ва маданий-маърифий, жумладан «Эъзоз давраси», «Барҳаёт сиймолар», «Маънавият гулша-

ни» каби туркум тадбирлар ҳамда мактаб ўқувчиларининг қишки ва ёзги таътил кунларида «Зумрад қиш қувончлари», «Чоршанба болалар куни», «Маҳалла болаларининг ёзги таътиллари ўтказиш майдончаси» каби анъанавий ҳамда спорт тадбирлари мунтазам ўтказилади. Боғдаги қаҳвахоналарда бадийий жамоларнинг чиқишлари бўлади. Спорт-соғломлаштириш гуруҳи фаолият юритади.

ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ (Шайхонтохур кўч., 86) – Ўздавнашрнинг адабий-бадий бўлимлари негизидан 1957 й. Адабиёт ва санъат нашриёти номи б-н ташкил этилган. 1964–66 й.ларда ушбу нашриёт «Тошкент» бадий адабиёт нашриёти, 1966 й.дан эса Ғафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти деб номланган. 2002 й. 10 апр.дан «Ёзувчи» нашриёти (1990 й.дан фаолият кўрсатган) ва Рангли босма фабрика б-н бирлаштирилиб, ҳоз. номи б-н аталади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тасарруфида. Асосий фаолият йўналиши мумтоз, ҳоз. замон ва жаҳон адабиёти намуналари, болалар адабиёти, оммабоп ва

санъатга оид турли китоб ва альбомлар, рисодалар, дарсликлар, буклет ва плакатлар чоп этишдан иборат. Нашриётда Алишер Навоийнинг 15 ж.ли асарлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, Машраб, Бедил, Бобур, Нодира, Увайсий, Фурқат каби ўзбек мумтоз шоирларининг, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир, Ғафур Фулом, Ойбек, Миртемир, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби ёзувчи ва шоирларнинг асарлари чоп этилган.

ҒАФУР ГУЛОМ УЙ-МУЗЕЙИ (Арпаоя кўч., 1) – адабий мемориал музей. 1944–66 й.ларда шоир яшаган ва ишлаган уйда 1983 й. 1 окт.да очилган. Музей фондида 11000 ортиқ экспонат бор (2009). Музей иккита бинода жойлашган. Янги бино 2003 й.да Ғ.Фуломнинг 100 йиллик юбилеи арафасида қурилиб, 2004 й. 10 майда фойдаланишга топширилган. Янги бинода Ғ.Фуломнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида маълумот берадиган фотосуратлар, буюмлар, уй жиҳозлари, китоблар, уйнинг кичкина макети ва ш.к. сақланади. Мемориал қисми 2 қаватдан иборат. Биринчи қаватда болалар хонаси, ётоқхона, кичик ижодхона, иккинчи қаватда эса миллий руҳда безатилган меҳмонхона ва катта ижодхона акс этирилган. Бу қисмдаги экспонатлар, асосан, Ғ.Фулом ишлатган ёзув қуроллари, китоблар ва буюмларни ташкил этади. 2008 й. музейни 6000 дан ортиқ киши кириб кўрди.

ҒАФУРОВ Маҳмуджон (1917. 20.10–2000.5.1) – хонанда (тенор), актёр. Ўзбекистон халқ артисти (1950). Т.да туғилган. 1939 й.дан Муқимий театрида актёр-хонанда, Навоий театри яқкаҳон хонандаси (1951–53).

Муқимий театрида саҳналаштирилган муסיқали драмаларда Тоҳир («Тоҳир ва Зухра»), Алпомиш («Алпомиш»), Ҳайдар («Нурхон»), Турсунали («Олтин кўл») каби бош қаҳрамонлар образлари Ф. ижросида ўзининг ҳаётий талқинини топган. Навоий т-рида Қодир («Гулсара»), Фарҳод («Фарҳод ва Ширин»), Қайс («Лайли ва Мажнун»), Тоҳир («Тоҳир ва Зухра») ва б. партияларда муваффақият қозонган. Айни пайтда Ф. оперетта устаси сифатида ҳам танилган. Навоий, Машраб, Муқимий, Фурқат, Махтумқули ғазаллари б-н айтиладиган мумтоз кўшиқларнинг моҳир ижрочиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени (1998), «Шуҳрат» медали (1994) б-н мукофотланган. Ғойибота қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бирига унинг номи қўйилган.

ҒОЙИБОТА ҚАБРИСТОНИ (Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўч., 312) – Т.нинг шим.ғарбида. Майд. 7,5 гектар. 19-а.нинг 80-й.ларидан мавжуд. Яссавия тариқати шайхларидан Ҳусан Шайх (Ғойибота номи б-н машҳур) номи б-н боғлиқ. «Ғойибота» мақбараси (19-а.) бор. Қабристонга жамоат арбоби Ҳуснитдин Асомов, муфтий Шамсиддин Бобохонов, Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуджон Фафуров ва б. дафн қилинган. **ҒУЛОММАҲМУД АБДУЛЛАЕВ МАҲАЛЛАСИ** (З.Шокиров кўч., 2) – Юнусобод туманидаги маҳалла. «Ҳуснобод», «Шаҳристон», Ғайратий маҳаллалари б-н чегарадош. 1987 й. ташкил топган. Шу ҳудуддаги жамоа хўжа-

лигига 42 йил давомида раис бўлиб ишлаган Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номи берилган. Аҳолиси 1937 киши, турли миллат вакилларидан иборат. Маҳалла ҳудудида Маҳамат Носирхожи масжиди, Оқилота қабристони ва б. мавжуд.

ҒУЛОМОВ Яҳё Ғуломович (1908.1.5–1977.10.1) – тарихчи-археолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1958), тарих фанлари д-ри (1950), проф. (1955). Т.да туғилган. Ўзбекистон эрлар билим юрти (инпрос)ни (1926), Самарқанддаги Ўзбекистон пед. академиясини (1930) тугатган. Тошкент пед. техникумида ўқитувчи (1931–32), Ўзбекистоннинг қад. ва санъат ёдгорликларини муҳофаза қилиш к-ти (Узкомстарис)да илмий ходим, илмий котиб (1933–40), собиқ иттифоқ ФА Ўзбекистон филиали Тарих, тил ва адабиёт ин-ти археология бўлими мудири (1940–43). 1943–77 й.ларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти қад. ва ўрта асрлар тарихи бўлими мудири, айни вақтда ин-т директори вазифасини бажарувчи (1956–59). 1936 й.дан бир неча археологик экспедициялар (Т., Бухоро, Фарғона, Хоразм ва б.)га раҳбарлик қилган ва уларда қатнашган. Зарафшон ва Фарғона водийларида, шунингдек, Т. воҳасида олиб борган и.т.лари Ўзбекистонда тош, энеолит ва жез даври, унинг моддий-маданият ёдгорликларини ўрганишга катта ҳисса бўлиб кўшилди. У Т. тарихи ва унинг ёдгорликларини ўрганишга алоҳида аҳамият берган. Тошкент

канал

канал буйлаб, Тўйтепада махсус археологик тадқиқотлар ўтказган. Т. зилзиласи оқибатларини тугатиш бўйича шаҳарда бошланган улкан қурилишлар муносабати б-н қад. Т.нинг археологик обидаларини қайд этиш ва ўрганиш мақсадида махсус Т. археология экспедициясини ташкил этган. Қадимги Т. ва унинг тарихига бағишланган бир қанча мақола ҳамда рисоалар муаллифи. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Минор қабристонига дафн этилган. Т.даги кўчалардан бири ҳамда Ўзбекистон ФА Археология ин-ти Ф. номига қўйилган.

«ҒУНЧА» (Навоий кўч., 30) – кичик ёшдаги болаларнинг адабий-бадиий безакли журнали. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати. 1958 й. янв.дан нашр этилади. Фафур Ғулом ташаббуси б-н «Ғ.» деб аталган. Журн. 4 хил рангли бўлиб, унинг саҳифаларида болалар ёзган шеър, эртақ, ҳикоя ва чизган расмлари бериб борилади. Шунингдек, ўзбек ижодкорларининг болаларга аталган асарлари, жаҳон болалар ёзувчилари ижодидан намуналар чоп этилади. Унда янги топилмоқлар, бошқотирмалар, тез айтишлар берилиб, ўқувчилар ўртасида турли танловлар журн. вариантыда ўтказилади. Шу б-н бирга болаларнинг мактаб, санъат, спорт ва жамоат ишларидаги илк ютуқлари мунтазам равишда ёритилади. Адади 111513 нусха (2009).



«ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ» – Юнусобод йўлидаги метро бекати, Амир Темур шоҳқўчаси бўйлаб жойлашган. Акад. Ҳабиб *Абдуллаев* номига қўйилган (меъмор А.Н.Адилова, муҳандислари: В.Журавлев, О.Зокиров). 2001 й. 26 окт.да фойдаланишга топширилган. Бекат устунли бўлиб, вестибюллари ва йўловчилар зали Т. метрополитенида биринчи марта қўлланган конструктив ечимлар асосида қурилган. Ён томонлари платформали икки оралиқли бекат йўловчилар оқимини ажратади, бу йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратади. Устунлари қизил гранит б-н қуйма декоратив капитель, ён деворлари оқ мрамор, гранит тошлардан вертикал қўшимчалар б-н безатилган. Вестибюлларнинг бирида олимнинг ҳайкали, орқа деворда унинг кашфиётлари ва ишларини кўрсатувчи ранг-баранг қимматбаҳо минераллардан терилган Ўзбекистон харитаси ишланган.

ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ МАҲАЛЛАСИ (Яланғоч даҳаси, 30^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Шаҳрисабз», «Умид», «Баҳор», «Олимлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. дек.-да ташкил топган. Акад. Ҳ.М.Абдуллаев номи б-н аталади. Аҳолиси 3200 киши, аксарияти руслар (2240 киши), шунингдек, ўзбеклар (680) ва 13 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла худу-

дида «Ситора савдо» МЧЖ нон и.ч. корхонаси жойлашган.

ҲАБИБИЙ (тахаллуси; ҳақиқий исми – Зокиржон Холмуҳаммад ўғли) (1890–1980.16.4) – Ўзбекистон халқ шоири (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). 1936 й.дан Т.да. Қўқон ва Андижон мадрасаларида таҳсил кўрган. Навоий адабий меросини ўрганиш китида (1938), Катта Фарғона канали қурилишида ишлаган (1939). Ўзбекистон Давлат филармонияси, Тошсовет номли т-р (ҳоз. Муқимий номидаги т-р)да адабий эмақдош. Ўзбекистон ФАда илмий ходим (1940–46). Асарлари шарқ мумтоз шеърятининг аънавий жанрларида ёзилган. «Танланган асарлар» (1967), «Наврўзи олам» (1973), «Девон» (1975) ва б. шеърый тўпламлари нашр этилган. Ҳ. ижодида севги ва вафо, ватанга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат ҳамда садоқат ғоялари устуворлик қилади. Ҳ.нинг 40 минг байтдан иборат поэтик ижоди мумтоз шеърятнинг ғазал, мураббаъ, мухаммас, рубоий, туюқ, қасида ва б. жанрларида ёзилган. 100 дан ортиқ шеърига куй басталанган. Ҳ. Хўжа Аламбардор (Камолон) қабристонига дафн қилинган.

ҲАБИБИЙ МАҲАЛЛАСИ (Сергели-5 мавзеси, 322-мактаб биноси) – Сергели туманидаги маҳалла. «Ўзгариш», Шукур Бур-

ҳонов ва «Гулистон» маҳаллалари ҳамда Зангиота тумани б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган. Ўзбекистон халқ шоири *Ҳабибий* номи берилган. Аҳолиси 5240 кишидан иборат (2008). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар. Маҳалла худудида спорт мажмуаси мавжуд.

ҲАДРА – *Шайхонтохур* даҳасидаги қад. маҳалла. Жанггоҳ, Ҳовузбоғ, Гулбозор, Дегрез ва Шўртепа маҳаллалари б-н чегарадош бўлган, Тошкўча (Шайхонтохур кўч.)га туташган. Ҳ.да 100 га яқин хонадон яшаган. Аҳолиси, асосан, ўзбеклар бўлиб, майда савдо ва ҳунармандчилик, шаҳар ташқарисидаги ерларида боғдорчилик ва деҳқончилик б-н шуғулланган. Этиқдўзлик, темирчилик устахоналари, 2 новвойхона бўлган (20-а. бошлари).

«Ҳадра» маҳалласи (Ҳадра даҳаси, 7) – Шайхонтохур туманидаги ҳоз. маҳалла. «Жанггоҳ», «Гулбозор», «Ўқчи», «Олмазор» маҳаллалари б-н чегараланган. 1966 й.га қадар бир қаватли уйлар ва тор кўчалардан иборат бўлган. Тошкент зилзиласи (1966)дан сўнг маҳалла худудида кўп қаватли уйлар қурилган. 1993 й. 30 мартда «Ҳадра» номи б-н янгитдан ташкил топган. Аҳолиси 4773 киши, кўп миллатли. Маҳалла худудида Ўзбек миллий академик драма театри, Кимё технология ин-



Ҳадра майдони.

ти, Марказий телеграф, Ёш томошабинлар т-ри, Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика давлат солиқ кўмитаси ва б. мавжуд.

ҲАДРА ДАҲАСИ – Т.нинг марказий ва қад. турар жой мавзеларидан бири. Ҳоз. Навоий, Фафур Фулом, Абдулла Қодирий ва Абай кўч. оралиғида жойлашган. Ҳадра маҳалласи ва унинг атрофидаги «Дегрез», «Ҳовузбоғ», «Гулбозор», «Занжирлик», «Шўртепа», «Илла», «Баландмасжид» ва «Говкуш» каби маҳаллалар ҳудудини қамраб олган. 1966 й. Т. зилзilasидан сўнг, ҳудуддаги шахсий турар жой уйлари ўрнида кўп қаватли турар жой бинолари бунёд этилди ва Марказ-14 мавзеси номи берилди. 2000 й.нинг 23 мартдан Ҳ.д. номи б-н юритилади.

ҲАДРА МАЙДОНИ – Навоий, Зарқайнар, Фурқат ва Фафур Фулом кўч. оралиғида жойлашган. «Ҳадра» сўзи арабча-форсча сўз таркибидан иборат бўлиб, «Ҳадди роҳ», яъни «йўлнинг чеккаси, чегараси» ёки «адирли жой» деган маънони билдиради. «Ҳадра» жой

номи сифатида пайдо бўлиши 10–12-а.ларга тўғри келади. Яъни, Эски шаҳар ҳудудида *Бинкат* ш. бунёд этилиши муносабати б-н ҳоким қароргоҳи, саройи чекка қисмида вужудга келганлиги эътироф этилади. Дастлаб 1939 й. бу жойда хиёбон ташкил этилган, 1948 й. 24 дек.да майдонга Комсомол номи берилиб, 1951 й.гача ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилган. 1960 й.нинг 1-ярмидан бошлаб, Ҳ.м. номи б-н юритилади. 1975 й. Ҳ.м.да Ўзбек давлат циркиннинг янги биноси фойдаланишга топширилди. 1982 й.да майдон реконструкция қилинган. Мустақиллик йиллари Ҳ.м. ва унинг атрофида тубдан қайта таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, Фафур Фулом кўч.дан Фурқат кўч.га ўтиш учун ер ости йўли бунёд этилди. Майд. ёнидаги Фафур Фулом ва Зарқайнар кўч. тубдан тартибга келтирилди. Майд. ёнидаги трамвай депоси бошқа жойга кўчирилиб, унинг ўрнида замонавий кўп қаватли

турар жой биноси, теннис корти бунёд этилди. Яқинида «Ҳадра» даҳаси ва меҳмонхонаси, Планетарий, Ўзбек миллий академик драма театри, Ўзбек давлат драма театри, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Чорсу буюм бозори, Болалар ижодиёти маркази, «Фафур Фулом» метро бекати жойлашган.

«ҲАДРА» СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАСИ (Зарқайнар кўч., 1) – 1996 й.да қурилган. 12-қурилиш трести ОАЖ тасарруфида. Майд. 0,5 гектар. Таркибида қишки теннис зали (2 та корт), ёзги теннис майд. (хард қопламали 2 та корт), машқ зали, сауна, 80 томошабинга мўлжалланган трибуна бор. Асосан, теннис секцияси ишлайди. Секцияда 200 киши шуғулланади. Мажмуада ёш теннисчилар ўртасида шаҳар ва респ. мусобақалари ўтказилади. Яқинида «Фафур Фулом», «Чорсу» метро бекатлари бор.

ҲАЗРАТИ ИМОМ – қ. *Қафқол Шоший*.

ҲАЗРАТИ ИМОМ ЖОМЕ МАСЖИДИ (Қорасарой кўч., 49) –

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида яратилган лойиҳа асосида юртимиз усталари томонидан миллий услубда бунёд этилган меъморий обида (2007). Масжид номи буюк аллома – *Қафқол Шоший* исми б-н боғлиқ. Бинода жума кунлари 5 минг намозхон ибодат қилиши мумкин. 2007 й. 27 дек.да Адлия бошқармаси рўйхатидан ўтган. Масжид «Ҳазрати Имом», «Шоший», «Истиқлол» ва «Намуна» маҳаллаларига хизмат қилади. Устунсиз барпо этилган хонақоҳнинг уз. 77 м, эни 22 м, меҳроби б-н қўшиб ҳисобланса 24 м келади. Қанотлари ҳам бўйига 35 м, энига 25 м. Масжид шифтига 14 та катта, 48 та кичик қандил, хонақоҳ шифтининг ўртасига шакли узунчоқ ликобни эслатадиган гумбаз ўрнатилган. Масжид миноралари (2 та) бал. – 52 м. Ҳовлидаги айвонларга Ҳиндистондан келтирилган сандал дарахтидан ясалган, бўйи 8,6 м лик нақшинкор устунлар ўрнатилган.

Ҳазрати Имом жоме масжиди хонақоҳи.



Масжид шифтидаги безак.



ҲАЗРАТИ ИМОМ МАЖМУАСИ, Ҳастимом (Қорасарой кўч., 47) –меъморий ёдгорлик (16–21-а. боши). *Қафқол Шоший* қабри атрофида шаклланган. Қорахонийлар даврида ғиштдан қурилган мақбара сақланмаган, унинг замин қисмлари 10–11-а.ларга, юқори қисми

эса 14–15-а.ларга хос бўлиб, Самарқанд услубида қурилган, ҳоз. кўринишида 1541–42 й.лари меъмор Фулом Хусайн тарҳи асосида қурилган (қ. *Қафқол Шоший мақбараси*). Қафқол Шоший мазорининг жан.да, йўл четида чиллахона жойлашган бўлиб, у ер ости йўли орқали Шайх Зайниддинбобо мақбараси б-н боғланган деб ривоят қилинади. 16-а.да қурилган *Бароқхон мадрасаси* шаҳарнинг энг кўркем обидаларидан саналган. Унинг деворлари, тоқлари ва пештоғига ранг-баранг кошинкор нақшлар ишланган. 1579 й. Абдуллахон II маблагига қўш услубида Шайх Бобоқожи мақбараси қурилган (сақланмаган). 16-а.да мажмуа таркибида сайроғ боғ барпо этилган, айвонлар қурилган, ҳовуз атрофи кўкаламзорлаштирилган, халқ сайиллари ўтказилган.

19-а. ўрталарида Бароқхон мадрасаси қаршисида Қўқон хонлигининг Т.даги ноиб Мирза Аҳмад Қушбеги томонидан «*Мўйи Муборак*» мадрасаси

бунёд этилган (1857). 2007 й. мадраса таъмирланиб, машхур Мусҳафи Усмон музей-кутубхонасига айлантирилди. Томига янги гумбаз ўрнатилди. Ҳ.и.м. таркибидаги *Намозгоҳ* жоме масжиди ҳам 19-а. ўрталарига оид (1845–67). Ўтмишда шаҳарнинг тўрт даҳа аҳолиси жума ва ҳайит намозларини ўқиган масжидлардан бири бўлган. Тошкент ислом институти (маъҳади) 1971–2006 й. охиригача шу бинода фаолият юритиб келган. 2007 й.даги таъмирлаш ишлари натижасида Намозгоҳ масжиди асл қиёфасига қайтди. Масжид ҳовлисида Ислом институти учун икки қаватли янги бино қуриб берилди.

«Мўйи Муборак» мадрасаси ғарбида 20-а. бошида *Тилла шайх жоме масжиди* қурилган. Шўролар даврида (1930-й.ларда) масжид ёпилиб, артелга айлантирилган. 1943 й.дан қайта фаолият юритган. 2007 й.ги қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг масжид биноси янада кўркамлашди. Шу йили янги, икки минорали (бал. 52 м), қўш гумбазли улкан гўзал иншоот – *Ҳазрати Имом жоме масжиди*

бунёд этилди. Масжид пойтахт-тимиздагина эмас, юртимиздаги энг катта масжид ҳисобланади.

Ҳ.и.м.нинг шим.-шарқий қисмида *Ўзбекистон мусулмонлари идораси* учун маҳсус, янги, икки қаватли ғиштли бино қурилди. Мажмуа ўртасидан кесиб ўтган асосий йўлга қад. шаҳар-созлик руҳида қайроқтош, ёндош ва туташ йўлакларга эса ғишт ётқизиблиб хиёбон барпо этилди; кўм-кўк хиёбонга арча, оқ қайин ва б. манзарали дарахтлар экилган. Миллий услубда ўрнатилган ёриткичлар мажмуага кўрк бағишлайди. Ҳозирда мажмуа ҳудуди Т.ликларнинг сеvimли сайилгоҳ, зиёратгоҳларидан бирига айланди.

ҲАЙВОНОТ БОҒИ, Тошкент ҳайвонот боғи (Боғишамол кўч., 232^а-уй) – маърифий ва и.т. ишларини олиб борадиган муассаса. 1924 й.да 3 гектар майдонда Ўрта Осиё ун-ти биолог олимлари ташаббуси б-н чор Россияси генерал-губернаторининг дала ҳовлисидаги кичик ҳайвонот бурчаги негизда ташкил этилган. 20-а.нинг 40-й.лари охирида 200 турдан ортиқ ҳайвонлар жамланган ҳайвонот боғига айланди. Ўзбекистон Республикаси

Республикаси ҳукумати қарорига кўра, 1994–97 й.ларда Ҳ.б. учун барча замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган янги Ҳ.б. қурилди. *Ботаника боғи* яқинида жойлашган мазкур боғ-

га 1997 й. сент.да Тошкент Ҳ.б. кўчиб ўтди. Умумий майд. 22,7 гектар, 415 турдаги 5000 га яқин жонивор, шу жумладан, сүтэмизувчиларнинг 74 тури, қушларнинг 101 тури, рептилияларнинг 39 тури, амфибияларнинг 5 тури, балиқларнинг 184 тури, умуртқасиз ҳайвонларнинг 17 тури сақланади (2009). Аквариум бўлимида денгиз аквасистемаси барпо этилган бўлиб, унда денгиз жониворлари, аюла ва балиқлар, полиплар ва б. яшаши учун шароитлар яратилган. Ҳ.б. йиртқич қушлари (қорақуш, калхат, болтаютар, кондор ва б.) кўпайтиришга ихтисослашган. Ноёб ва йўқолиб бораётган ҳайвонлар турларини кўпайтириш бўйича илмий ишлар олиб борилади. 2006–07 й.ларда 2 та янги бўлим (умуртқасизлар, кемирувчилар) ташкил этилди. Чет эллардаги 86 ҳайвонот боғлари б-н ҳайвонлар ва илмий ахборотлар алмашиш бўйича ҳамкорлик қилади. 1998 й.дан Европа–Осиё ҳайвонот боғлари ва аквариумлар минтақавий уюшмасига аъзо. Ҳ.б. Ашхобод, Термиз, Душанба, Олмаота боғларининг ташкил топишида бевосита иштирок этган.

ҲАЙРАТИЙ МАҲАЛЛАСИ (Ҳайратий кўч., 1^а-уй) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Тақачи», «Латифгузар», Абдулла Қодирий ва «Бешқайрағоч» маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. «Бешқайрағоч» маҳалласидан ажраб чиққан. Маҳалла 19–20-а.ларда (1870–1964) яшаб ижод этган шаҳрихонлик шоир ва ҳуқуқшунос Мулла Соли Ҳошим ўғли – Ҳайратий номи б-н аталади. Аҳолиси 2000 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада Ўзбекистон халқ устаси Маҳмуд *Усмонов* яшаб ўтган.

ҲАЙСАМ ИБН КУЛАЙБ ШОШИЙ (тўлиқ исми Абу Саъид



Ҳазрати Имом мажмуасининг схемаси.

Ҳайсам ибн Кулайб ибн Сурайж (Шурайх) ибн Маъқил Шоший Бинкасий Туркий Маъқилий Адиб (?–947), Имом Шоший – муҳаддис, сайёҳ, ҳофиз, адиб. Бинкатда туғилган. Илм-маърифат ўрганиш мақсадида Бухоро, Самарқанд, Насаф ва Термизда бўлиб, таниқли муҳаддислар (жумладан, Абу Исо Муҳаммад Термизий)дан сабоқ олган. Сўнгра Балх, Бағдодда илмини оширган. «Муснад ал-Кабир» («Муснади Шоший») асари муаллифи. «Мовароуннаҳр муҳаддисси» сифатида дунёга машҳур бўлган. Шошда вафот этган.

ҲАКИМ НАЗИР (Назаров Ҳаким Назирович; 1915.15.10–2008. 15.5) – болалар ёзувчиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1984). Т.да туғилган. Тошкент кечки пед. ин-ти (1941) ва Москвада Олий адабиёт курсини (1956) тугатган. Ёшлар газ. ва журн.ларида (1933–41), Ўзбекистон радио кўмитасида (1942–53), Бадиий адабиёт ва санъат нашриётида (1956–61) ишлаган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1953–54), адабий маслаҳатчи (1954–78). «Қишлоқдаги жиянларим» (1948), «Ҳикоялар» (1951) тўпламлари, «Қўкорол чироклари» (1954; қайта ишлангани – «Сўнмас чақмоқлар», 1958), «Сув гадоси...» (1962), «Ёнар дарё» (1965), «Кўктерак шабадаси» (1968), «Кенжатой» (1976) қиссалари, «Лочин қанотлари» (1973) романи, «Чиранма гоз – хунаринг оз» пьесаси, очерклар, ҳикоя ва мақолалар муаллифи. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981). «Эл-юрт ҳурмати» орденни б-н мукофотланган (2000). Камолон қабристонига дафн этилган.



Жалил Ҳакимов нақш безаган қутича. 1938.

ҲАКИМОВ Жалил (1920.16.5–1980.29.10) – наққош. Т. наққошлигининг йирик вакили; Ўзбекистон халқ рассоми (1969). Т.да туғилган. Тошкент бадиий ўқув-ишлаб чиқариш к-тида ўқиган (1935–38). 1948 й.гача умумий таълим мактабларида ўқитувчи, 1948 й.дан пионерлар саройида тўгарак раҳбари, 1951 й.дан Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида наққошлиқдан дарс берган. Ҳ. қоғоз, ёғоч, ганчга бўяма нақш ишлаш санъати (айниқса ҳандасий нақшлар ечими)ни пухта эгаллаган, уста ижодида гулли гириҳни кўп қўллаб ажойиб безаклар ишлаган. Т.даги «Мовий гумбазлар» чойхонаси (1970); Тошкент марказий универмаги (1971), Тошкент вокзали (1978) ва б. жамоат биноларидаги нақшин безаклар устанинг маҳоратидан дарак беради. Меъморий обидалар (Амалий санъат музейи бинноси ва б.)ни таъмирлашда қатнашган. Ҳ. безаган хонтахта, курси, қутича ва б. буюмлар респ. ва чет мамлакатлардаги кўргазмаларда намойиш этилган. «Қўшчимозор» қабристонига дафн этилган.

ҲАКИМХЎЖА ҚОЗИКАЛОН (1802 – ?) – Т.нинг сўнги қозикалони. 1865 й.да чор Россияси кўшинлари Т.ни қамал қилганида шаҳар мудофааси раҳбарларидан бири. Шаҳар рус кўшинлари томонидан эгаллангач, Ҳ.қ. Абулқосим эшон, домла *Солиҳ-*

бек охунд сингари нуфузли кишилар б-н М.Г.Черняев қароргоҳига бориб, Тошкент ш.ни идора этиш хусусида у б-н музокара олиб борган (1865 й. 12 июль). Ҳ.қ. ҳамма масалада ўз халқи манфаатлари сақланган ҳолда амниятнома тузилишига сабабчи бўлган. 1866 й. Туркистон вилояти ҳарбий губернатори генерал Романовский номига лаганбардорлар муҳри босилган тавсифномага имзо чекмагани туфайли генерал б-н муносабати ёмонлашган.

1867 й.да фон *Кауфман* Т.га келганида Ҳ.қ. хусусидаги таърифларни эшитиб, унинг уйига боради. У б-н суҳбатлашиб муаммоли масалаларда унинг маслаҳатларига муҳтож эканлигини билдирган. Кауфман уста дипломат бўлгани учун Ҳ.қ.дан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлади. Бу ҳийлани пайқаган қозикалон ўз аризасига биноан вазифасидан бўшатилади. Қозикалон мансаби бекор қилингач, Ҳ.қ.нинг ўғли Муҳиддинхўжа қози Себзор қозилигига сайланади ва 25 й.ча бу вазифани адо этади.

ҲАМЗА Ҳакимзода Ниёзий (1889.6.3–1929.18.8) – шоир, драматург, композитор, реж., педагог, жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1926). Мадраса (1899–1906) ва рус-тузем мактаби (1908)да таҳсил кўрган. Марғилон ва Қўқон ш.ларида ўқитувчилик қилган (1910–13, 1915). Ўқитувчилар учун дарслик ва қўлланмалар тузган. «Кенгаш» ва «Хуррият» журн.ларида муҳаррир (1917), Фарғона, Бухоро, Хоразм вилоятларида маданий-маърифий муассасаларда турли лавозимларда хизмат қилган. Х. арузни халқ кўшиқлари шакли (бармоқ вазни) б-н бойитди. Ҳ. «Девон» шеърлар

тўплами (1905–14; ўзбек ва тожик тилларида), «Янги саодат» қиссаси (1915), «Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари» (1916), «Майсаранинг иши» (1926), «Паранжи сирлари» (1927) пьесалари ва ўнлаб қўшиқлар муаллифи. Ҳ. 1910–21 й.лар орасида бир неча марта Т.да бўлган. Эски шаҳарнинг Маҳсидўзлик маҳалласидаги «Тўфон» меҳмонхонаси, Кўкалдош мадрасасида бир муддат яшаган. «Турон» ва Колизей т-рларида спектакллар қўйган, концертлар берган. Қашқар дарвоза маҳалласида мактаб очиб муаллимлик қилган. Т.даги туманлардан бири, метро бекати, Чилонзор ва Ҳамза туманларидаги маҳалла Ҳ. номи б-н аталган.


«ҲАМЗА» – Чилонзор йўлидаги метро бекати. *Бунёдкор шоҳкўчаси* ва Муқимий кўчаси кешишган ерда жойлашган. 1977 й. 7 ноябрда очилган (меъморлари: А.Лошкарёв, А.Хуршудов, Г.Чернов). Бекат зали бир гумбазли, икки ер ости вестибюлли. Вестибюллар ва зали умумий яхлит гумбаз б-н ёпилган. Гумбазнинг ички юзаси бекат-

«Ҳамза» метро бекати.



нинг пиёдалар ўтиш йўлини, вестибюллар ва платформа залини туташтирган. Гумбаз шаклини платформа залининг йўл четидаги деворлари давом эттиради; улар муқарнас кўринишдаги декоратив ўймакорлик б-н ишланган, оч рангли мрамор б-н қопланган. Чироқлар тоқга ўйиб ишланган ари занжир (6 қиррали катаклар) кўринишида бўлиб, шифтда манзарали намоён ишланган (рас.лар: Ш.Абдурашидов, А.Бухорбоев).

ҲАМЗА МАҲАЛЛАСИ (5-мавзе, 43^а-уй) – Чилонзор туманидаги маҳалла. «Халқлар дўстлиги», «Оқтепа», «Чарх Камолон-3» маҳаллалари б-н чегарадош. 1991



й. Чилонзор даҳаси, 5-мавзеси ҳудудида ташкил топган. *Ҳамза* номига қўйилган. Аҳолиси 2855 киши, кўп миллатли (20 дан ортиқ). Маҳалла ҳудудида «Ҳамза» метро бекати, ўрта мактаб, «Агробанк», кинотеатр, 2 та болалар боғчаси, озиқ-овқат дўконлари, ресторан, кафелар жойлашган.

ҲАМЗА МАҲАЛЛАСИ (Қорасув кўч., 31) – Ҳамза туманидаги маҳалла. «Наврўз», «Бирлашган», «Авиасозлар», М. Улугбек маҳаллалари б-н чегарадош. 2001 й. 7 дек.да ташкил топган. Шоир *Ҳамза* номи берилган. Аҳолиси 7220 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида теннис корти, сув ҳавзаси, Авиасозлар саройи бор.

ҲАМЗА ТУМАНИ (Фарғона йўли кўч., 21) – Т.даги маъмурий-ҳудудий бирлик. 1968 й.да ташкил қилинган. Туман Амир Темур хиёбони ва Истиқбол кўч. бўйлаб Фарғона йўли кўч.гача, Тошкент

автомобиль ҳалқа йўли бўйлаб, Оҳангарон йўлидан Паркент кўч.гача давом этади. Майд. 3,37 минг гектар, шу жумладан, кўкаламзор ерлар 615 гектар. Аҳолиси 204,9 минг киши (2009). Кўчалар сони 356 та. Асосийлари: Истиклол, Тараққиёт, Фарғона йўли, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, Жарқўрғон, Ҳамза ва Оҳангарон. Ҳамза туманида 50 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 2769 та корхона ва ташкилот, 2169 кичик корхона ва микрофирма, 266 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Подъёмник», «Ўзэнерготэмир», «Тошкентвино», «Фалла-Алте», «Ўзбек қоғози», «Ўзбекистон шампани», «Тошдонмаҳсулот», «Тошкентгуруч» АЖ, «Фарм Гласс» ҚК ва б. қурилиш ташкилотлари; т.й. транспорт корхоналари – тепловоз ва вагон деполари, Т. юк ортиш-тушириш т.й. станцияси бор. Шунингдек, туманда 78 транспорт ва алоқа корхоналари жойлашган.

Кейинги йилларда ташкил қилинган «Фарм Гласс» Ўзбекистон–Британия, «Туфин» Ўзбекистон–Исроил, «Лок-Колор-Синтез» Ўзбекистон–Швейцария, «Хобас-Тапо» Ўзбекистон–Германия–Швейцария, «NWA» – Ўзбекистон–Россия қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар и.ч. йўлга қўйилган.

Ҳ.т.да Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми, 3 и.т. институти, 28 умумий таълим мактаби, 41 мактабгача тарбия ва 2 боғча-мактаб муассасаси, 5 муסיқа мактаби, 3 ихтисослашган мактаб-интернат, 5 касб-ҳунар коллежи, 2 лицей, бизнес мактаби бор. 9 касалхона, 30 поликлиника ва амбулатория муассасаси, 1 қон қуйиш ст-яси фаолият



Ҳамид Олимжон ҳайкали.

кўрсатади. Аҳолига 58 савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, 176 улгуржи савдо корхонаси, 3 бозор, 361 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси хизмат қилади. 10 жамоат кутубхонаси, 2 кинотеатр, 2 маданият саройи, 3 маданият уйи, дам олиш зонаси, 1 стадион, 46 спорт зали, 2 бассейн, 116 спорт майдончаси бор.

Тумандаги 19-а.да қурилган Тошкент тиббиёт академияси биноси (илгариги кадет корпуси), Рим-католик черкови (Польша костели биноси, 1914–17 й.лар) республика аҳамиятидаги меъморий ёдгорликлардир.

Туман ҳудудида Франция, Туркия, Хитой, Индонезия, Украина, Япония давлатлари элчихоналари ва Корейс миллий маркази жойлашган.

ҲАМИД ОЛИМЖОН (1909.12.12 – 1944.3.7) – шоир, публицист, олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1943). 1931 й.дан Т.да Самарқанддаги билим юртида (1923–28). Педагогика академиясининг ижтимоий-иқтисодий фанлар ф-тида (1928–31) ўқиган ва айни пайтда газ.-жур-

нал таҳририятларида ишлаган. Маданий қурилиш и.т. институти (1932) ҳамда Тил ва адабиёт ин-ти (1934–37)да илмий ходим. Ўзбекистон ўқув-пед. нашриётида бўлим мудирини (1937–38), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1939–44). Шеърини тўпламлар, «Зайнаб ва Омон», «Ойгул билан Бахтиёр» (1938), «Семурғ ёки Паризод ва Бунёд» (1939) дostonлари муаллифи. 2-жаҳон уруши йилларида баллада ва шеърини тўпламлар, «Муқанна» тарихий драмаси (1942–43)ни ёзган. «Ўрик гуллаганда», «Севги десам...», «Тинимсиздир ёлғиз шаббода...», «Шодликни куйлаганимнинг сабаби», «Ўзбекистон» сингари шеърлари ўзбек лирикасининг энг яхши намуналари ҳисобланади. А.С.Пушкин («Кавказ асири», «Сув париси» дostonлар), М.Ю.Лермонтов («Замонамиз қаҳрамони» қиссасидаги «Бэла»), М.Горький («Челкаш», ҳикоялар) ва б.нинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Чигатой қабристонига қайта дафн этилган. Т.даги метро бекатларидан бири, майд., кўча, Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла Ҳ.О. номи б-н аталган; шоир номига қўйилган майд.да ҳайкал ўрнатилган (1990; ҳайк. Я.Шапиро, меъмор С.Одилов). **«ҲАМИД ОЛИМЖОН»** – Чилонзор йўлидаги метро бекати. Мустақиллик ва Абдулла Қодирини кўчалари кесишган жойда, Ҳамид Олимжон майд.да 1980 й. 18 авг.да очилган (меъморлари: Я.Мансуров, В.Русанов, А.Табибов, Ҳ.Убайдуллаев). Яхлит тоқ кўндаланг белбоғлар б-н алоҳида қисмларга ажратилган, миллий услубда бўртма сопол безаклар ишланган. Бекат зали саҳнида оқ мармар ва рангбаранг шиша сополаклардан ҳайкалтарошликка хос ишланган 9 та устунсимон чироқ ўрнатил-



Ҳамид Олимжон майдони.

ган (рас. И.Липене, С.Бондерева). Вестибюлдаги намоёнлардан бирига Ҳамид Олимжоннинг горельефи ишланган (хайк. И.Жабборов).

ҲАМИД ОЛИМЖОН МАЙДОНИ – Мирзо Улуғбек туманида, Абдулла Қодирий ва Мустақиллик кўчалари кесишмасидаги кўприк ёнида жойлашган. 1980 й.да 4 та 20 қаватли турар жой бинолари қурилиши ҳамда «Ҳамид Олимжон» метро бекати ишга туширилиши муносабати б-н ташкил топган. 1990 й. майда майдонга шоирнинг ҳайкали (хайк., Я.Шапиرو, меъмор С.Одилов), ҳайкал пойида фаввора ўрнатилган. Атрофи кўкаламзорлаштирилган, банклар, хорижий компания ва фирма офислари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари, сервис хизматлари бор.

ҲАМИД ОЛИМЖОН МАҲАЛЛАСИ (Мустақиллик 1-берк кўч., 4) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. «Оққўрғон», «Дархон», «Лашкарбеги» маҳаллалари б-н чегарадош. 1977 й. «Ҳамид Олимжон» метро бекати очилиши муносабати б-н маҳалла шу

ном б-н аталган. 1993 й. «Янги Дархон» ва Ҳ. Олимжон маҳаллалари қўшилиб, шу ном қолдирилган. Аҳолиси 3130 киши, асосан (70%) ўзбеклар, бошқа миллат вакиллари ҳам яшайди. Маҳалла ҳудудида Ирригация ва мелиорация ин-ти, Респ. марказлашган кардиология м-зи ва вилоят СЭС корхоналари бор. Маҳаллада акад.лар Ёлқин Тўракулов, Фиёс Умаров, ҳайкалтарош В. Рябцев ва б. яшаб ўтган. **ҲАМИД СУЛАЙМОНОВ МАҲАЛЛАСИ** (Усмон Носир кўч., 19) – Яккасарой туманидаги маҳалла. Абдулла Қаҳҳор, «Конституция», «Туркистон» ва Миробод туманидаги «Миробод» маҳаллалари б-н чегарадош. Навоийшунос олим Ҳамид Сулаймонов номига қўйилган. Аҳолиси 2979 киши, 17 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида 15 та кўча, 3 та ресторан, 4 та озиқ-овқат дўкони, 4 та мактаб жойлашган.

ҲАМИД ФУЛОМ (Фуломов Ҳамид Убайдуллаевич) (1919.25.4–2005.21.8) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1979). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби

(1969). Т.да туғилган. Педагогика ин-тининг рус тили ва адабиёти ф-тида таҳсил олган (1938–41). Ўзбекистон давлат нашриётида муҳаррир (1941–42), республика радио комитетида суҳандон ва муҳаррир (1943–44), «Қизил Ўзбекистон» газ.да масъул котиб (1944–54), «Литературная газета»нинг Ўзбекистон бўйича махсус муҳбири (1956–58), Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатида котиб (1958–65), «Шарҳ юлдузи» журн.да бош муҳаррир (1965–71), Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида директор (1971–81). 20 дан зиёд шеъррий тўпламлар муаллифи. 2 китобдан иборат «Машъал» (1958–61), «Сенга интиламан» (1963), «Тошкентликлар» (1967), «Бинафша атри» (1976), «Мангулик» (1978) каби романлари нашр этилган. Мусиқали драма театри учун «Ўғил уйлантириш» (1963), «Тошболта ошиқ» (1965), «Ажаб савдолар» (1968), «Муҳаббат навоси» каби пьесаларини ёзган. Давлат мукофоти (1980), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974). «Эл-юрт хурмати» (1988) ва «Меҳнат шўхрати» (2004) орденлари б-н тақдирланган. Тешиққоққоқ қабристонини дафн этилган.

ҲАМИДУДДИН ТОШКАНДИЙ (?–1446) – олим ва шоир. Форс ва араб тилларида ижод қилган, баъзи китобларга шарҳлар битган. Чунончи, Саъдуддин Тафтазонийнинг «ат-Талвиҳ» асарида «Ҳошият ал-ҳошият ат-талвиҳ»ни ёзган. Асар араб грамматикаси устида баҳс қилади. «Шарҳ ар-рисолат фи одоб ал-баҳс» («Одоб ал-баҳс» рисоласига ёзилган шарҳ») асари муаллифи. Ҳасанхожа Нисорий ўзининг «Музаққир ал-аҳбоб» асарида «Мавлоно Ҳамидуддин ширинсухан, суҳбати латия, ул-

фати одам эди, шакаррез шеърлар ёзар эди. У киши Тошкентда вафот этди», деб Ҳ.Т.нинг икки байтини келтириб ўтади.

ҲАМРОБОВ Иброҳим Ҳамробоевич (1920.5.5–2002.29.6) – геолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), геология-минералогия фанлари д-ри (1957). Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). 1933 й.дан Т.да. Урта Осиё ун-тининг геология ф-тини тугатган (1942). Чорух-Дайрон геология-қидирув партияси ва Помир экспедициясида геолог (1942–48), Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-тида катта илмий ходим (1947–49), лаб. ва бўлим мудири (1949–2002), директор ўринбосари (1958–59), директор (1960–92), маслаҳатчи (1992–2002). Ўзбекистон ФА Ер ҳақидаги фанлар бўлими раиси (1994–96). Асосий илмий ишлари Ўрта Осиё магматизми, айрим мажмуали формацияларнинг геокимёвий ва металлогеник хоссаларига бағишланган. 1950-й.ларда Ўрта Осиёда олтин б-н маргимушнинг узвий парагенезисини аниқлади. Шу асосда янги олтин конлари (Чормитон, Мурунтов, Томдитов ва б.) топилди. Ҳ. олтинли руда конлари ҳосил бўлишида Ер ички тузилишининг аҳамияти ҳақидаги ғояни ривожлантирди. Давлат мукофоти (1966), Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1989) лауреати. «Шухрат» медали б-н мукофотланган (1994). Геология ва геофизика ин-тида Ҳ.нинг хона музейи ташкил қилинган. Минор қабристонига дафн этилган.

ҲАМРОЕВ Раззоқ (1910.30.11–1981.5.5) – актёр, реж., педагог.

Ўзбекистон халқ артисти (1951). 1946 й.дан Т.да. Тошкент т-р ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1954). Муқимий номидаги т-рда актёр, реж. (1946–58; 1977 й.дан), бош реж. (1959–76). 1954 й.дан Тошкент т-р ва рассомлик санъати ин-тида дарс берган, проф. (1978 й.дан). Т-рдаги роллари: Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Панталоне («Маликаи Турандот»), Рустам («Рустам»), Муқимий («Муқимий»), Ҳамза («Ҳамза»), Навоий («Навоий Астрободда»); кинодаги роллари: – Нозим («Тоҳир ва Зухра»), Хўжа Насриддин («Насриддиннинг саргузаштлари»), Навоий («Алишер Навоий»), Муқимий («Фурқат»), Тоштемир дорбоз («Дорбозлар»), Мирзакарим қутидор («Ўтган кунлар»), Ибн Ироқ («Абу Райҳон Беруний»), Жаъфарбек («Жайхун») ва б. Саҳналаштирган спектакллари: «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Даврон ота», «Олтин кўл», «Нурхон», «Гули сиёҳ», «Фарғона тонг отгунча», «Тошболта ошиқ» ва б. Давлат мукофоти (1948) ва Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1970) ларуеати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003). Чигатой қабристонига дафн қилинган.

«ҲАРБИЙЛАР» МАҲАЛЛАСИ (Авиасозлар шаҳарчаси, 22) – Ҳамза туманидаги маҳалла. Чўлпон ва «Машинасозлар» маҳаллалари б-н чегарадош. 2005 й. ташкил топган. Маҳаллада асосан ҳарбийлар оилалари яшаши боис шундай аталган. Аҳолиси 2864 киши, асосан, руслар, ўзбеклар ва 15 га яқин миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида зобитлар клуби, кутубхона, стадион ва сузиш ҳавзаси мавжуд.

ҲАСАН ИБН СОҲИБ ШОШИЙ, тўлиқ исми Абу Али Ҳасан ибн Соҳиб ибн Ҳамид ал-Ҳофиз Шоший (?–926) – имом, муҳаддис, хофиз. Шошда туғилиб ўсган. Кўп юртларни илм талабида кезган, жумладан Хуросон, Ироқ, Макка, Мадина, Яман, Мисрга бориб ҳадис эшитган. У нафақат ҳадислар, балки ўзи сафар қилган мамлакатлар шаҳарлари, катта олимлар, шайхлар тўғрисида маълумотлар қолдирган. Кўплаб олимлар ундан ҳадис ривоят қилишган. Олим қатор араб манбаларида «Ҳофиз» дея ҳурмат б-н тилга олиниб, ишончли муҳаддис сифатида эътироф этилган.

ҲАСАНБОЙ ДАҲАСИ – Юнусобод тумани ҳудудида, Тошкент автомобиль ҳалқа йўли, Ҳасанбой кўч. ва Қорақамиш канали оралиғида жойлашган. Қадимда шаҳарга кириб келувчи қарвон йўллари шу ердан ўтган. Ҳудуди, асосан, боғ ва экинзорлардан иборат бўлиб, Тошкент тумани жамоа хўжалиги тасарруфида бўлган. Мустақиллик йиллари шаҳар таркибига киритилган. Даҳада «Исломобод», «Беруний», «Шарқ ҳақиқати», «Гулистон», «Ҳасанбой» маҳаллалари ташкил этилган. Ҳ.д.да яқка тартибдаги турар жойлар, мактаб, боғча, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари, турли сервис хизматлари бор. Тошкент вилоятининг Ҳасанбой қишлоғига ўтиш жойида қурилиш материаллари сотилади.

ҲАСТИМОН – қ. *Ҳазрати имом мажмуаси*.

ҲАСТИМОН МАҲАЛЛАСИ (Зарқайнар 14-берк кўча, 106)– Собира Раҳимов туманидаги маҳалла. Шоший, «Намуна», «Истиклол», Ҳофиз Кўҳакий маҳал-

лалари б-н чегарадош. 1998 й. ташкил этилган. Аҳолиси 6296 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида Ҳазрати Имом мажмуаси, 2 та болалар боғчаси, 6 та савдо шохобчаси мавжуд.

ҲАШАР – одамлар ўз меҳнатлари б-н бир-бирларига кўрсатадиган ихтиёрий ёрдам; бирор муҳим ишни кўплашиб холисона бажариш. Ўтмишда одатда оғир меҳнат талаб қилинадиган ишларда, чунончи дала ишларида, турар жой ва хўжалик бинолари, ёрдамчи бинолар, жамонат бинолари қуришда, канал ва ариқлар қозишда, ариқ ва ҳовузларни тозалаш, кўприк қуриш ва б.да Ҳ. усули қўлланган. Т.да кўпгина маҳалла идоралари, чойхоналар, клублар, масжидлар, боғлар Ҳ. билан қурилган. Ҳ.нинг қудрати, айниқса, Т. зилзиласи (1966)дан кейин шаҳарни қайта қуришда яққол намоён бўлди. Мустақиллик йилларида Ҳ. янгича мазмун касб этиб, Рўза ва Қурбон ҳайитлари, Наврўз, Мустақиллик байрамлари ёки муҳим саналар олдидан умумхалқ хайрия Ҳ.и ўтказиш анъанага айланди.

ҲОВУЗ – сунъий сув иншооти. Илгари Т.да ичимлик сувини сақлаш ва салқинидан фойдаланиш учун қурилган. Ҳ.нинг тўртбурчак, айлана, кўп (6–8) қиррали кўринишга эга турлари бўлган. Асосан, масжидлар ёнида, шаҳар майдончалари, боғлар, чорбоғлар, сарой ҳовлиси ва маҳаллаларда бунёд этилган; атрофи тошлар б-н қоплаб ёки дарахтлар экиб мустаҳкамланган. Ҳ. бўйи ва унинг атрофида ўзига хос микроклим пайдо бўлган. 18-а.га оид ёзма манбаларда қайд этилишича, Т.нинг марказий майдони – Регистон ва Шайхонтоҳурда энг катта Ҳ.лар (Т.да 500 га яқин Ҳ.) бўлган.

Унинг атрофида тут, чинор дарахтлари ўсган. Баъзи маҳаллалар (мас., Каттаҳовуз, Ҳовузбоғ) ўша ердаги Ҳ.лар номи б-н аталган. Кузда Ҳ.лар тозаланган ва сув б-н тўлдирилган. Т.да водопровод қурилиши муносабати б-н Ҳ. сувига бўлган эҳтиёж аста-секин йўқола борди. Ҳоз. кунда шаҳар ичида микроклим яратиш мақсадида кўпгина сунъий кўллар (сув ҳавзалари) барпо этилган, улар *фавворалар* б-н уйғунликда ажойиб манзара, сўлим масканлар ҳосил қилади. **ҲОВУЗБОҒ МАҲАЛЛАСИ** – Т.нинг марказида жойлашган қад. маҳалла. Дегрез, Эски Намозгоҳ, Қаландархона, Маҳкама ва Жангоҳ маҳаллалари б-н чегарадош. Фарбида Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди ва Кўкалдош мадрасаси, сўнг «Бобойи Обрез» мақбараси бўлиб, Шайх Хованди Тоҳур ва Шайх Умар Боғистонийнинг пир-устозлари шу мақбарага дафн этилган. Ҳ.м.нинг шарқида Ҳовузбоғ масжиди ва мадрасаси ҳам бўлган.

«Ҳовузбоғ» номи тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Ўтмишда (тахм. 15-а.) бир гуруҳ тошкентликлар ҳаж сафарига бораётганларида Шероз ш.дан ўтишган ва у ердаги машҳур Шероз боғларини кўриб маҳлиё бўлишган. Сафардан қайтгач, ўша боғнинг мўъжаз нусхасини яратишни ният қилишган. Беш-олти йил деганда бу ният амалга ошган, уз. тахминан 100 қадам келадиган ҳовуз боғ м-зига жойлашган. Ҳовузнинг атрофида боғ, гиштли масжид ҳам бўлган (номи шундан). Ривоятларга кўра, Ҳ.м.га Хожа Аҳрор Валий, Абдурахмон Жомийлар келган, Жоме масжидига туташ уйда шоир *Хислат* яшаган, ҳозирги «Болалар дунёси» магазини ўрнида Мулла *Тўйчи ҳофиз* уйи бўлган.


Ҳозирда Ҳ.м. ўрнида Ўзбек драма тетри биноси, «Ҳадра» спорт-соғломлаштириш мажмуаси, «Чорсу» буюм бозори, Хожа Аҳрор Валий жоме масжиди жойлашган. Ҳ.м.да Моштабиблар сулоласи, Зокир оқсоқол, Карим Зокиров, кинорежиссёр Наби Ганиев ва б. яшаган.

ҲОЖИНОВА Мақсуда Аъзамовна (1912.8.7–1981.4.11) – механика соҳасидаги олима. Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). Техника фанлари д-ри (1958), проф. (1959). Т.да туғилган. Г.В.Плеханов номидаги Москва Халқ хўжалиги ин-тини битирган (1936). Тошкент тўқимачилик ин-ти (ҳоз. *Тўқимачилик ва енгил саноат институти*)да ассистент, сўнгра доцент (1944–53), каф. мудири (1957–81), ин-т ректори (1957–74). Асосий илмий ишлари пахта, каноп (зиғир) толарининг механик хоссаларини ўрганишга оид. Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Ҳ. калта каноп толасидан тўқимачилик ипи олиш технологиясини ишлаб чиқди ва саноатга татбиқ этди. Ҳ. газлама пухталигини синашнинг самарали усулини яратди. Хўжа Аламбардор (Камолон) қабристонига дафн этилган. Тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти биносида ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. **ҲОЖИБОД МАҲАЛЛАСИ** (Шароф 9-тор кўч., 33) – Учтепа туманидаги маҳалла. «Учтепа», «Тақачи», «Кўркамобод», «Чаманзор» маҳаллалари б-н чегарадош. Ҳаж сафарига борувчи фуқаролар кўп бўлганлиги учун шундай аталган. 1966 й. ташкил топган, дастлаб Фафур Фулом номи б-н аталган. 2006 й.дан ҳоз. номда. Аҳолиси 3100 киши.

Маҳалла ҳудудида озиқ-овқат дўкони, ўрта мактаб, болалар боғчаси, дорихона бор.

ҲОМИДХОНОВ Музаффар Зоҳидхоневич (1916.26.7–1972.25.6) – энергетика соҳасидаги олим. Ўзбекистон ФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), техника фанлари доктори (1961), проф. (1962). Т.да туғилган. Ўрта Осиё индустриал ин-тини тугатган (1940). Шу ин-тда ўқитувчи, Чирчиқ электр кимё ком-тида синовчи-муҳандис (1941–45), Т. политехника ин-тида доцент, каф. мудири (1946–62), Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-тида лаб. мудири ва директор (1956–62), Ўзбекистон ФА Президиуми бош илмий котиби (1962–71), Т. Политехника ин-ти ректори (1971 й.дан). «Фан ва турмуш» журн. бош муҳаррири (1972). Асосий илмий ишлари янги юқори самарали автоматлаштирилган ростланувчи ўзгарувчан ва ўзгармас ток электр асбоблари назариясини, ҳисоблаш усуллари ва рационал схемаларини ишлаб чиқишга, ток ва кучланиш ўзгартиргичлари, уларни бошқариш ва муҳофаза қилиш қурилмаларини татбиқ этишга бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Чигатой қабристонига дафн этилган. Техника ун-ти автоматика ва телемеханика каф.да ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Т. кўчаларидан бири Ҳ. номи б-н аталади.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ, Ҳ о ф и з Кўйкий, Ҳ о ф и з Т о ш к а н д и й, тўлиқ исми Султон Муҳаммад (?–1584) – тарихчи олим. *Улугбекнинг* шогирди Али Қушчининг набираси. Паркентлик Камолиддин оиласида туғилган. Кўҳакий таҳаллуси шундан олинган («Кўҳ» – «тоғ» маъносини бил-



Ҳофиз Кўҳакий мажмуасидаги сақланиб қолган ёзги масжид.

«Мавлоно Кўҳакий ақлий ва нақлий илмларда зўр олим бўлган... Баҳс ва жадал илмининг қойдаларини аъло даражада етказган». «Ҳофиз Кўҳакий Тошкент аҳолиси ва олимларининг ифтихори бўлиб, Дашти Қипчоқ, Фарғона, Мовароуннаҳр, Бухоро, Эрон ва Хуросонда кенг шухрат қозонган олимдир».

«Тарихи жадидаий Тошканд» асаридан

диради). Кейинчалик Т.га кўчиб келган. Халқ ўртасида Ҳофиз Кўйкий, Ҳофиз Тошкандий номлари б-н машҳур бўлган. Тарих, араб тили ва грамматикаси, мантиқ, ҳуқуқшунослик ва диний илмлар б-н шуғулланган. У ўз ҳаётида икки катта олимдан таълим олган. Биринчиси Қозихон лақабли қози Низом Бадахший, иккинчиси Мавлоно Асомиддин Иброҳим бўлган.

Ҳ.К. 1528 йил Ҳиндистонга – Бобур ҳузурига, 1569 йил Акбар саройига элчи бўлиб борган. Ҳиндистондан Маккага, у ердан Туркияга келиб, турк султони б-н учрашган. Вазирликка қилинган таклифни рад этиб, ўз юртига –

Т.га қайтиб келган (1570-й.ларда). Т.нинг ҳоз. Сағбон кўч.дан ўз ҳовлисида қурдирган мадрасасида мударрислик қилган (қ. *Ҳофиз Кўҳакий мажмуаси*).

Ҳ.К., шунингдек, Ироқ, Миср, Сурия, Афғонистон, Эрон ва б. мамлакатларга ҳам саёҳат қилган.

Ҳ.К. турли масалаларга оид бир неча илмий асарлар тасниф этган: «Тарихи Тошканд» («Тошкент тарихи»), «Тарихи оли Чингиз» («Чингиз авлоди тарихи»), «Рисола фи фанн ат-тафсир вал-усул вал-фуруъ вал-л-мантиқ вал-калом» («Тафсир, фикҳ асослари ва тармоқлари мантиқ ва калом илми ҳақида рисола»), Абдураҳмон Жомийнинг «Фавоиди зиёия» номли араб тили грамматикасига оид шарҳига ҳошия», «Шарҳ аш-шарҳ одоб ал-мунозара» («Мунозара қондаси» шарҳининг шарҳи), Мавлоно Асомиддиннинг грамматикага оид «Мезон ул-адаб» («Билим мезони») асарига «Ужолат ул-баён фи шарҳ ал-мезон» («Мезон шарҳининг тезкор баёни») ва б. Муҳаммад ибн Адноннинг икки жилдлик «Тарихи Туркистон» асарини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган ва унга баъзи маълумотларни қўшиб бошқа ном б-н атаган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида унинг «Шарҳ аш-шарҳ одоб ал-мунозара» («Мунозара қондаси» шарҳининг шарҳи») китобининг араб тилида кўчирилган нусхаси сақланмоқда. Ҳ.К. 1584 й. Тошкентда вафот этган ва баъзи маълумотларга қараганда, Қаффоли Шоший мақбарасига кираверишда ўнг тарафга дафн этилган.

Собир Раҳимов туманидаги Ҳ.К. яшаган маҳалла *Ҳофиз Кўҳакий маҳалласи* дейилади.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ МАЖМУА-СИ (Сағбон кўч., 60) – меъморий ёдгорлик (16-а.). *Ҳофиз Кўҳакий* томонидан қурдирилган. Унинг ўзи шу мадрасада кўп йиллар давомида талабаларга илм ўргатган. Ҳ.К.м. тўғри тўртбурчак тарҳда, бош тарзи пештоқли, 1 қаватли. Чортоқ шаклдаги дарвозахонадан киради, ҳовли ўртасида ҳовуз бўлган. Фарбида мезанали баланд минора, ундан бир оз нарида олд томони қатор устунли, шифтлари нақшинкор айвон (ёзги масжид), кўп гумбазли хонақоҳ (қишки масжид) ҳамда талабалар учун равоқли қатор хужралар қурилган. Мажмуадан ёзги масжид, хонақоҳнинг тенг ярми, ҳовлининг бир қисми, бир неча хужрагина сақланиб қолган.

ҲОФИЗ КЎҲАКИЙ МАҲАЛЛА-СИ (Сағбон кўч., 1–10 берк кўч.) – Собир Раҳимов туманидаги маҳалла. Шоший, «Қўштут», «Эски шаҳар» маҳаллалари б-н чегарадош. 1996 й.гача «Коммуна» деб аталган, 1996 й.дан машҳур аллома *Ҳофиз Кўҳакий* шарафига шундай аталган. Аҳолиси 2614 киши, асосан, ўзбеклар. Маҳалла ҳудудида *Ҳофиз Кўҳакий мажмуаси* жойлашган. Маҳаллада Ўзбекистон халқ хофизи Муҳаммаджон Каримов, шарқшунос Лазиз Азиззода ва б. яшаб ўтган.

ҲОШИМОВ Ўткир (1941.5.8) – Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1991). Т.да туғилган. ТошДунинг филол. ф-ти журналистика бўлимини тугатган (1964). «Қизил Ўзбекистон» (1959–62), «Тошкент ҳақиқати» (1963–66), «Тошкент оқшоми» (1966–82) газ.ларида адабий ходим, бўлим мудир, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир (1982–85), «Шарқ юлдузи» (1985–95),

«Театр» (2005 й.дан) журн.ларида бош муҳаррир.

Биринчи йирик насрий асари – «Чўл ҳавоси» (1963). «Одамлар нима деркин» (1965), «Шамол эсаверади» (1966), «Қалбинга кулоқ сол» (1973) қиссалари эълон қилинган. «Баҳор қайтмайди» (1970), «Дунёнинг ишлари» (1982) қиссалари ёзувчига шуҳрат келтирган. Ёзувчининг «Муҳаббат», «Дехқоннинг бир куни», «Урушнинг сўнги қурбони», «Ўзбек иши» каби новеллалари ўзбек ҳикоячилигида муҳим ҳодиса бўлди. «Нур борки, соя бор» (1976), «Икки эшик ораси» (1986) каби романлари нашр этилган. «Хазон бўлган баҳор», «Инсон садоқати» (1975), «Виждон дориси», «Тўйлар муборак» (1979), «Қатағон» (1995) каби драма, комедия, бир неча киноценарийлар муаллифи.

Ҳ.нинг мустақиллик йилларида бир неча асар («Тушда кечган умрлар», 1994) ва публицистик китоблари нашр этилди («Дўстлик ҳурматдан бошланади», «Истиқлолни асрайлик», «Мардлик» ва б.). «Дафтар хошиясидаги битиклар» (2001) китоби ижтимоий-маънавий ҳаётда муайян из қолдирган.

1-, 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис депутаты. Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси (1995–2004). Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1986). «Меҳнат шуҳрати» (1996), «Буюк хизматлари учун» (2001) орденлари б-н мукофотланган.

ҲОШИМОВ Ҳокимжон Ҳошимович (1915.23.3–2009.11.3) – педагог, Халқ ўқитувчиси (1991), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1959). Т.да туғилган. Тошкент пед. ин-тини тугатган

(1939). 1936 й.дан «Ўқитувчилар газетаси»да адабий ходим, масъул котиб. 1947 й.дан Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабда она тили ва ад. ўқитувчиси, 1948–2001 й.ларда мактаб директори. Ҳ. ҳақида Ўзбекистон телевидениеси томонидан «Умр мазмуни» ҳужжатли фильми тайёрланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

ҲУВАЙДО МАҲАЛЛАСИ (Хувайдо кўч., 43) – Шайхонтоҳур туманидаги маҳалла. «Бўстон», Ш.Шоюсупов маҳаллалари б-н чегарадош. 1962 й. ташкил топган. Маҳалла номи 18-а.да яшаган шоир Хўжаназар Ғойибназар ўғли Хувайдо шарафига қўйилган. Аҳолиси 3100 киши, асосан, ўзбеклар (98%). Маҳалла ҳудудида ўрта мактаб, 39-оилавий поликлиника, болалар боғчаси, «Хувайдо» жоме масжиди, 2 озик-овқат дўкони жойлашган. Маҳалла гузарида оталар чойхонаси, нуронийлар истироҳат боғи бор. Унинг марказида 2-жаҳон урушида ҳалок бўлганларга ёдгорлик ўрнатилган. Маҳаллада Ўзбекистон халқ шоири Пўлат Мўмин яшаб ўтган. Ўзбекистон халқ шоири, «Ўзбекистон Қаҳрамони» Эркин Воҳидов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, проф. Манзура Ҳамидова шу маҳаллада истиқомат қилади. Фотиҳ Асқаров ва Обидхўжа Ортиқхўжаев томонидан «Менинг маҳаллам Хувайдо» китоби (2003) нашр этилган.

ҲУДУДИЙ КОММУНАЛ-ФОЙДАЛАНИШ БИРЛАШМАСИ (Глинка кўч., 25) – Тошкент ш. туманларининг коммунал таъмирлаш, аварияни тиклаш хизматлари, иссиқлик, иссиқ ва совуқ сув таъминоти, оқова сув хизматларининг ҳудудий корхоналари ва ташкилотлари ҳамда коммунал мақсадлардаги бош-

қа хизматлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 й. 22 июлдаги қарорига асосан Тошкент ш. ҳокимлигининг Уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси негизда ташкил этилган. Аҳолига ва ижтимоий соҳа объектларига комплекс коммунал хизматлар кўрсатиш, уларни ичимлик суви, марказий иситиш б-н таъминлашни ташкил этиш; уй-жой коммунал хўжалиги объектларини мавсумий фойдаланишга тайёрлаш ишларини амалга оширишда уй-жойлардан фойдаланиш корхоналари (ширкатлари)га кўмаклашиш, кўп қаватли уйларни тўлиқ таъмирлаш ишларини белгиланган тартибда ташкил этиш; хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамда ягона буюртмачи хизматларини, уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича муқобил пудрат ташкилотларини шакллантириш учун ташкилий-иқтисодий шароитлар яратиш; туманлардаги даҳа ва мавзеларни ободонлаштириш ва санитария жиҳатидан тозалаш ишларини ташкил этиш ва бошқалар б-н шуғулланади. Бирлашма таркибида «Тошиссиқлик-қуввати» ИЧБ, «Тошкент иссиқлик маркази» ОАЖ, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси, «Тошшаҳарнур» ИЧБ, «Шарқ-шабада» ЁАЖ, «Тошкентлифт трести», «Махсустрас» ИЧБ, «Тош-

кент коммунал таъминоти» ОАЖ, «Коммунал таъмирлаш» МЧЖ ва б. ташкилотлар фаолият кўрсатади.

ҲУМОЮН ДАҲАСИ – Мирзо Улуғбек туманида, Аҳмад Югнакий даҳаси, Қорасув канали ва Т. вилоятининг Геофизика шаҳарчаси оралиғида. 1970 й.нинг 2-ярмида ташкил этилган. 1990 й.гача турли номларда аталган. Даҳада 40 дан зиёд кўп қаватли турар жой бинолари, маъмурий бинолар, савдо ва умумий овқатланиш масканлари, маиший хизмат кўрсатиш ва турли сервис хизматлари, оилавий поликлиника, кичик ва ўрта бизнес субъектлари, ўқув муассасалари бор.


ҲУМОЮН МАҲАЛЛАСИ (Ҳумоюн кўч., 3^а-уй) – Мирзо Улуғбек туманидаги маҳалла. Аҳмад Югнакий, Ал-Форобий маҳаллалари б-н чегарадош. 1993 й. ташкил топган, бобурий подшоҳ Ҳумоюн Мирзо номи б-н аталган. Аҳолиси 4995 киши, кўп миллатли, 20 миллат вакиллари яшайди. Маҳалла ҳудудида болалар боғчаси, ўрта мактаб, нейрохирургия касалхонаси жойлашган.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО КЎЧАСИ – Бектемир тумани ҳудудидаги м-зий кўча. Бектемир ва Оҳангарон кўчалари оралиғида. Уз. 5 км атрофида. 20-а.нинг 1-ярмида Т. вилоятининг Ўрта Чирчиқ туманига қарашли Бектемир кўрғонининг кенгайиши ва санот корхоналари қурилиши муносабати б-н ташкил топган. Даст-

лаб Лихачёв кўч. деб юритилган. 1992 й. 6 апр.дан Ҳусайн Бойқаро (1438–1506) номи б-н юритилади. Йўналишида туман ҳокимлиги ва унга тегишли муассасалар, «Тошкентспирт», «Иргидромаш», «Шошэнергия» корхоналари, «Сергелибетон» корхонаси филиали, «Сувчи» бозори, «Қуёшча» болалар майд., 158-дорихона, «Зафар» стоматология поликлиникаси, кўп қаватли маъмурий ва турар жой бинолари ва б. жойлашган. Таркибида 3 та тор кўча бор. Йўналишида Бектемир канали б-н кесишган. Роҳат ва Юқори Чирчиқ кўчалари б-н туташган.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО МАҲАЛЛАСИ (Юқори Чирчиқ кўч., 2^а-уй) – Бектемир туманида жойлашган. Абай, Бектемир маҳаллалари б-н чегарадош. 1992 й. ташкил топган; 2005 й.гача «Маърифат» маҳалласи деб аталган. Аҳолиси 3284 кишидан иборат (2009). Миллий таркиби, асосан, ўзбеклар. Маҳаллада 3 та кўча, мактаб, 3 та болалар боғчаси, кутубхона, «Ниҳол» спорт мажмуаси, болалар ижодиёт м-зи мавжуд.

«ХУСНИОБОД» МАҲАЛЛАСИ (Юнусобод тумани, 2-мавзе) – Юнусобод туманидаги маҳалла. Фуломмаҳмуд Абдуллаев маҳалласи б-н чегарадош. 1975 й. ташкил топган. Аҳолиси 6300 киши, кўп миллатли. Маҳалла ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш объектлари, савдо дўконлари мавжуд.



Мил. ав. 70-минг йиллик – Обираҳмат горидида юқори палеолит даври одамлари яшаган гордан топилган одам суяклари дунёда ягона ҳисобланади.

Мил. ав. 40-минг йиллик – Бўзсув канали соҳилида қадимги тош даврига оид Бўзсув 1–6 манзилгоҳлари бўлган.

Мил. ав. 12-минг йиллик – Бўзсув каналининг чап соҳили (Қўшилиш мавзеси)даги ибтидоий одамлар (мезолит даври) манзилгоҳи аниқланган.

Мил. ав. 2-минг йиллик ўрталари – Чилдухтаронтепада кучманчи қорвадорларнинг қабристони топилган.

Мил. ав. 2-минг йиллик ўрталари – Қорақамиш канали соҳилида қадимги манзилгоҳ мавжуд бўлган.

Мил. ав. 9–6-а.лар – Тошкент яқинидаги Бурганлисой соҳилида (Чирчиқ водийсида) Бурганли маданияти вужудга келган.

Мил. ав. 6–4-а.лар – Қорасув, Салор, Жўнарик ёқаларида (Шоштепада) илк қишлоқлар вужудга келган.

Мил. ав. 6 – мил. 8-а.лар – Қовунчитепа шаҳар харобаси шу даврга мансуб.

Мил. ав. 3-а. – мил. 3-а. – Қадимги Чоч вилояти ташкил топган. Чоч вилоятида «Қанға» давлати ҳукмронлик қилган (Хитой манбаларида «Кангюй», «Кандзюй» номлари б-н тилга олинади).

Мил. ав. 2 – мил. 6-а.лар – Қад. Чоч воҳасида Қовунчи маданияти тарқалиши (Бўзгонттепа, Товкаттепа, Куваидтепа, Шоштепа ва б.)

Мил. ав. 2-а. охири – 1-а. боши – Хитой йилномаси «Хань шу»да Чирчиқ водийсидаги Юни (Юйни) шаҳри номи қайд этилган.

Мил. ав. 2–1-а.лар – Шоштепада қадимги шаҳар белгилари пайдо бўлган.

Мил. ав. 1-минг йиллик охири – мил. 1-минг йиллик боши – Тошкентнинг шарқий қисми ҳудудида Мингтепа мозорқўргони бўлган.

Мил. 1–2-а.лар – Суяқдан ясалган ёзув таёқчаси (стиль) қадимги Шошда ясаиб, ишлатилган.

Мил. 2–3-а.нинг 1-ярми – «Чоч» атамасининг илк бор Култтепа (Чимкент вилояти) топилмаларида учраши.

262 й. – Сосонийлар подшоси Шопур I нинг «Зардушт каъбаси» қоятош ёзувларида Чоч номи учраган.

Мил. 3–4-а.лар – Юни ш. таназулуга учраб, оз муддатдан сўнг Чжеше (Шош) деган янги ном б-н қайта тикланган.

Мил. 3–8-а.лар – Чочда пул зарбхонаси фаолият юритган.

Мил. 5-а. ўрталари; 488 й.дан – Чжеше (Шош) савдогарлари Хитой императори саройига совға-саломлар етказган.

585 й. – Чоч Фарбий Турк хоқонлиги таркибида. Суғдий Шош ҳокимининг айланаси 10 ли (5 км га яқин) келадиган қароргоҳи мавжуд бўлган. Унинг жан.-шарқида тахт ўрнатилган диний иншоот бўлиб, унда йилига 2 марта ҳоким бошчилигида қурбонлик маросими ўтказилган.

605 й. – Турклар маҳаллий суғдий ҳокимни тахтдан тушириб, ўрнига туркий ҳокимни қўйган.

630 й.лар – Хитой сайёҳи Сюань-Цзяннинг маълумотига кўра, Чжеше (Шош) мулки теграси 1000 ли га (яъни 500 км га) яқин бўлиб, жанубдан шимолга томон чўзилган. Унинг таркибидаги ўндан ортиқ катта ва кичик шаҳарларнинг ўз ҳокими бўлган.

Мил. 5–8-а.лар – илк ўрта аср шаҳар, қишлоқ, деҳқон қасрларининг вужудга келиши (Юнусобод Оқтепаси, Чилонзор Оқтепаси, Фозилтепа ва б.). Хонободтепадан Чоч ҳокимларининг тангалари чиққан.

Мил. 6-а. охири – Чоч пойтахти Мингўрик ўрнида бўлган, у араб манбаларида «Мадинат аш-Шош» деб қайд этилган.

Мил. 7–13-а. боши – Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида Шоҳнишинтепа қаср-кўшки мавжуд бўлган.

713 й. – Баҳодур Тудун Шош вилояти ҳокими бўлган.

713 й. – Араб қўшинлари (20 минг киши) илк марта Шошга кирган ва катта ўлжа б-н қайтган.

737–739-й.лар – Арабларнинг Сирдарё бўйидаги ғалабаси Фарбий Турк хоқонлигининг парчаланишига олиб келган. Натижада Шошни бирмунча вақт араб ноиб-ҳокимлари, маҳаллий туркий сулола вакиллари б-н идора этган.

740 й. – Шош мустақил ҳокимлик бўлиб, унинг chegarаси шарқда Чу водийсигача етган ва Тароз шаҳрида доимий Шош гарнизони жойлашган.

749 й. – Хитойликлар Шош ҳокимини бўйсунмагани учун қатл этганлар, ҳокимнинг ўғли ёрдам сўраб арабларга мурожаат қилган.

751 й. – Талас дарёси бўйидаги жангда арабларнинг Зиёд ибн Солиҳ бошчилигидаги қўшини Хитой

қўшинини буткул тор-мор этган. Хитойнинг ғарбга юриши тўхтатилган.

Мил. 8-а.нинг 70-й.лари – Чирчиқ водийсининг шимоли-ғарбий чегаралари бўйлаб Сойлиқ қишлоғи ёнидаги тоғдан Сирдарё соҳилигача узун мудофаа девори – Канпирдевор қурилган. Девор қолдиқлари тахм. Чиноздан Қовунчигача сақланган.

Мил. 9-а. – Бўзсув-Кайковус бўйида Бинкат шаҳри бунёд этилган.

Мил. 9-а.нинг 30-й.лари – Халифалик вайрон бўлган мамлакатни ва Шош канали (Бўзсув)ни тиклаш учун 2 млн. дирҳам ажратган. Бинкат – йирик савдо-хунармандчилик марказига айланиб борди.

Мил. 10-а. охири – 12-а. ўрталари – Бинкат (Чоч) шу даврдан бошлаб Қорахонийлар давлати таркибига кирган.

11-а. – Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарийнинг асарларида «Тошкент» номи дастлаб тилга олинган.

11–12-а.лар – Шош вилояти Қорахонийлар давлати таркибида алоҳида удел (мулк) мавқеида бўлган. Шаҳар атрофида зодагонларнинг кўплаб чорбоғлари юзага келган.

13-а. боши – Чирчиқ водийси қисқа муддат Хоразмшоҳ Муҳаммад салтанати таркибига кирган.

1214 й. – Хоразмшоҳ найманлар хони Кучлукдан мағлубиятга учрагач, Шош вилоятидаги айрим истеҳкомларни бузиб, аҳолисини мамлакат ичкарасига кўчиришга фармон берган.

1220 й. – Тошкент вилоятига мўғуллар бостириб келган.

13-а.нинг 1-ярми – Собиқ шахристон бирмунча вақт ташланди ҳолатда бўлган, сўнг шаҳар қаддини ростлаган. Мўғуллар даврида Тошкентда зарбхона бўлган.

13–14-а. 1-ярми – Тошкент вилояти Чингизхоннинг ўғли Чигатойхон улуси таркибида бўлган.

1370–1405 й.лар – Амир Темур ва Темурийлар давлати таркибида Тошкент яна кучли қалъа сифатида машҳур бўлган.

14-а. охири – Зангиота мақбараси қурилган.

1404 й. – Тошкент Улугбекка мулк тарзида берилган. Шаҳар 1404 й. охирида Хитойга қарши отланган улкан қўшиннинг тўпланиш манзилларидан бири бўлган.

1361, 1363–64, 1365, 1391, 1397, 1404–1405 й.лар – Амир Темур Тошкентда бўлган.

1406 й. – Тошкент Халил Султон қўшинлари қамалига бардош берган, фақат очарчилик туфайли шаҳар таслим бўлган.

1479 й. июль – Абдурахмон Жомий Тошкентда бўлган.

1485 й. – Тошкент Мўғулистон хони Юнусхон тасарруфига ўтган.

15-а. – Иброҳимота мақбараси меъморий ёдгорлиги бунёд этилган.

15-а. – Чорсудаги Жоме масжиди бунёд этилган.

15-а. – Тошкентнинг ҳисори, мудофаа девори, бир қанча дарвозалари бўлган. Дарвозалар таъмирлангач,

Амир Темур даврида уларни қўриқлаш топширилган жанговар қисм (отряд) мансуб бўлган улус, қабила ва уруғ номлари б-н атала бошланган.

15-а. охири – Хожа Аҳрор томонидан Шайх Хованди Тоҳур қабрини зиёрат қилиш кенг ташвиқ этилган. Юнусхон мақбараси қурилган.

1503 й. – Тошкентни Шайбонийхон эгаллаган ва шаҳарни бошқаришни Жонибек Султонга, сўнгра Суюнчўжахонга топширган.

1525–1532 й.лар – Тошкентни Суюнчўжахон вафотидан сўнг, ўғли Келди Муҳаммадхон идора этган.

1579 й. – Тошкентни Абдуллахон II эгаллаган. Бироқ кўп ўтмай яна мустақил бўлган.

1580 й. май–июнь – Абдуллахон II узоқ муддатли қамалдан сўнг Тошкентни эгаллаб, мудофаа деворларини бузиб, шаҳарга ўт қўйишни буюрган.

1588 й. – Шаҳар аҳолиси Абдуллахон II ноиби, Тошкент вилоятининг ҳокими Ўзбекка қарши исён кўтарган.

16-а. охири – 17-а. боши – Чоч, Шош ва Бинкат атамалари муомаладан чиқиб, Тошкент топоними кенг қўллана бошлади.

1613 й. – Имомқулихон Тошкентни қўлга олади ва ўғли Искандарни шаҳар ноиби этиб тайинлайди. Тошкент аҳолиси Искандарни ўлдиргач, Имомқулихон шаҳар аҳолисини қатағон қилган.

1723 й. – Тошкент қалмоқлар (жунғорлар) га бўйсуннишга мажбур бўлган. Гарчи шаҳарни уларнинг ноиби Жўлбарс расман бошқарса-да, амалда уни маҳаллий хўжалар идора этган.

1736 й. – Бир гуруҳ тошкентлик савдогарлар биринчи марта Тошкентдан Макарьев ярмаркаси (Қозон ярмаркаси) га жўнаб кетдилар.

1739 й. 9 ноябрь – Оренбургдан Тошкентга биринчи рус савдо қарвони кириб келган.

18-а. ўрталари – Шаҳар 4 даҳага бўлиниб, ҳар бир даҳани алоҳида ҳоким бошқарган. Бу тарихда «чорҳокимлик» даври деб юритилади.

1784 й. – Шайхонтоҳур даҳаси ҳокими Юнусхўжа қолган уч даҳани ҳам ўз тасарруфига олиб, чорҳокимликка барҳам берган.

1804–1809 й.лар – Тошкентни Юнусхўжа ўғиллари аввал Маҳмудхўжа, сўнгра Султонхўжа бошқарган. Қўқон хони Олимхон Тошкентга қарши Умархон бошчилигида қўшин жўнатган, шаҳар эгалланиб, уни идора этиш Юнусхўжанинг бошқа ўғли Ҳомидхўжага топширилган.

1810 й. – Олимхон Тошкентни унга итоат этмаганликда айблаб, шаҳарни босиб олган ва уни Қўқон хонлиги таркибига қўшиб олган. Шаҳар хон ноиблари томонидан идора этила бошланган.

1822–1842 й.лар – Тошкент вилоятида Хонариқ қазилган.

19-а.нинг 30-й.лари – Лашкар бекларбеги томонидан Анҳорнинг чап соҳилида янги Ўрда қурилган ва шаҳар мудофаа девори таъмирланган.

1847 й. – Тошкентда Қўқон хонининг ноиби Азиз Парвонани зулмига қарши халқ кўзғолони бўлиб ўтди.

- 1850 й.** – Абулқосим шайх мадрасаси қурилган.
- 1863 й. апр.– май** – Тошкентда Қўқон хонлигига қарши халқ кўзғолони бўлиб ўтди.
- 1864 й. 4 окт.** – Чор Россияси кўшинлари Тошкентни босиб олиш учун биринчи марта уриниб кўрди.
- 1865 й. 14–16 июнь** – Тошкентни чор Россияси босиб олди.
- 1865 й.** – Анҳор устига ёғочдан Тошкентдаги биринчи кўприк – Ўрда кўприги қурилган.
- 1865 й. авг.–окт.** – Анҳор каналининг чап соҳили Қўймас (Қатагон) дарвозаси ташқариси (ҳоз. Ўзбекистон кўч.) да генерал Черняев Тупроққўрғон қурдирган.
- 1866 й. 27 март** – Туркистон области ҳарбий губернатори М. Г. Черняев ўрнига генерал-майор Д. И. Романовский тайинланди.
- 1866 й. апр.** – Тошкентда кучли зилзила содир бўлган.
- 1866 й.** – Дастанбаси бошланғич рус мактаби очилган.
- 1867 й.** – Тошкент вино комбинати ишга тушган.
- 1867 й.** – Шаҳар бошқармаси тузилган.
- 1867 й. 11 июль** – Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган.
- 1867 й.** – Тошкент шаҳри Туркистон генерал-губернаторлиги ва Сирдарё области маркази бўлди.
- 1867 й.** – Туркистон генерал-губернаторлиги канцеляриясида дастанбаси идора архиви ташкил этилган.
- 1868 й.** – Тошкентда ҳарбий округ штаби ҳузурида дастанбаси босмаҳона ташкил этилган.
- 1868 й.** – Шаҳарда городскойлик лавозими жорий этилган.
- 1868 й. 22 январь** – Туркистон статистика к-ти тузилган.
- 1868 й. 4 февраль ва 4 апрель** – Тошкентда кучли зилзила содир бўлди.
- 1869 й.** – Тошкентда европаликлар учун дастанбаси клуб пайдо бўлган.
- 1869 й.** – Тошкентда ҳарбий госпиталь ташкил этилган.
- 1870 й.** – Шаҳарда биринчи босма газета – «Туркестанские ведомости» чиқа бошлаган.
- 1870 й.** – «Туркистон вилоятининг газети» нашр этила бошлаган.
- 1870 й.** – Табиатшунослик, антропология ва этнография ҳаваскорлари жамияти Туркистон бўлими ташкил қилинган.
- 1870 й.** – Тошкентда дастанбаси жамоат кутубхонаси – Туркистон оммавий кутубхонаси ташкил этилган.
- 1871 й.** – Ўзбек тилидаги биринчи босма китоб (Ш. Иброҳимов, «Тақвим» – «Календарь») нашр этилган.
- 1873 й.** – Шаҳарда телеграф алоқаси ўрнатилган.
- 1873 й.** – Тошкент астрономия расадхонаси ташкил этилган.
- 1874 й.** – Тошкентда биринчи дорихона очилган.
- 1875 й.** – Кредит (қарз) берувчи дастанбаси муассаса (Россия империяси Давлат банкининг Тошкент бўлими) ташкил этилган.
- 1875 й.** – Тошкентда биринчи омонат касса очилган.
- 1876 й.** – Туркистон музейи (ҳоз. Ўзбекистон тарихи музейи) ташкил қилинган.
- 1877 й.** – Шаҳар думаси, шаҳар маҳкамаси жорий этилган, европаликлардан шаҳар ҳокими сайланган бўлган.
- 1878 й.** – Тошкентда биринчи марта шаҳар бюджети кирим-чиқим шаклида тузилган.
- 1879 й.** – Тошкентда Туркистон ўқитувчилар семинарияси очилган.
- 1880 й.** – Тошкентда биринчи туғуруқхона (12 ўринли) очилган.
- 1881 й.** – Шаҳарда гимназия ташкил қилинган.
- 1882 й.** – Шаҳар боғи барпо этилган.
- 1883 й.** – Тошкентда Ҳадра маҳалласида аёллар ва болалар учун мўлжалланган биринчи амбулатория очилган.
- 1884 й. 19 декабрь** – Шайхонтохур даҳасининг Занжирлик маҳалласидаги Эшонқулдодҳо мадрасасида дастанбаси рус-тузем мактаби очилган.
- 1886 й.** – Тошкент шаҳрида хунармандлар ишлаган маҳсулотларнинг кўргазмаси бўлиб ўтган.
- 1886 й. 29 нояб.** – Тошкентда кучли зилзила содир бўлган.
- 1887 й.** – Тошкентда телефон алоқаси ўрнатилган.
- 1887 й.** – Тошкент уезди ташкил этилган.
- 1890 й.** – Туркистон генерал-губернаторлигининг боғи ташкил этилди.
- 1892 й.** – Кирха архитектура ёдгорлиги (готика услубида) қурилган.
- 1892 й.** – Тошкентда Россия империяси мустамлакачилик зулмига қарши халқ кўзғолони («Вабо исёни») бўлган.
- 1894 й.** – Янги шаҳарда реал билим юрти очилган.
- 1894 й.** – Янги шаҳарда рус театри очилган.
- 1895 й.** – Тошкентда Туркистон археология ҳаваскорлари тўғараги ташкил этилган.
- 1896 й. янв.** – Дастанбаси илмий-адабий журнал «Среднеазиатский вестник» нашр этила бошлаган.
- 1896 й.** – Тошкентда дастанбаси хунар билим юрти очилган.
- 1896 й.** – Сирдарё вилояти ҳарбий губернаторлигининг боғи ташкил этилди. Кейинчалик бу боғ ҳайвот боғига айлантирилган.
- 1897 й.** – Россия империясида, жумладан, Тошкентда аҳоли рўйхати ўтказилган.
- 1897 й.** – Тошкентда биринчи овозсиз фильм намойиш қилинган.
- 1897–98 й.лар** – Тошкентда илк бор водопровод қурилган.
- 1898 й.** – Тез тиббий ёрдами клиник касалхонаси дастанбаси эпидемияга қарши муассаса сифатида ташкил этилган.
- 1899 й.** – Тошкентда Туркистон ўлкаси врачлари жамияти тузилган.
- 1899 й.** – Тошкентда почта ташиш бошланган.
- 1899 й.** – Закаспий темир йўли Тошкентга узайтирилган.

1900 й. – Туркистон тиббиёт жамияти ташкил этилган.
1900 й. – Почта-телеграф идораси негизда Тошкент почтамити вужудга келган.
1901 й. – Шаҳарда дастлабки темир йўл вокзали курилган.
1901 й. – Ўрта Осиёдаги дастлабки сейсмик станция («Тошкент») га асос солинган.
1901 й. – Петербург шарқшунослик жамиятининг Тошкент бўлими ташкил этилган.
1901 й. – Ўрта махсус ҳарбий ўқув юрти – кадетлар корпуси ташкил этилган.
1901 й. – Тошкентда кўнка (от тортадиган трамвай) нинг дастлабки йўли ишга туширилган.
1903 й. – Театр томошалари учун мўлжалланган бино – «Колизей» қурилиши бошланган.
1905 й. – Тошкентда Европа типдаги дастлабки меҳмонхоналар («Национал», «Регина» ва б.) қуриб, ишга туширилган.
1905 й. – Тошкент кушхонасига асос солинган (1929 й.дан комбинат).
1906 й. – Оренбург темир йўли Тошкентгача узайтирилиб, Закаспий темир йўли б-н туташтирилган.
1908 й. – Туркистон ўлкаси табиатшунослари ва врачлари жамияти ташкил этилган.
1909 й. 21 апр. – Шаҳар думаси томонидан Тошкент шаҳрининг биринчи расмий герби тасдиқланди.
1909 й. – Тошкентда дастлабки автобус қатнови ташкил қилинган.
1909 й. – Биринчи ун тортиш заводига асос солинган.
1909 й. – Дастлабки электр станция қурилган.
1910 й. – Шаҳардаги биринчи кинотеатр – «Хива» ишга туширилган.
1912 й. – Шаҳар электр б-н ёритила бошланган.
1913 й. – Эски шаҳар касалхонаси (ҳоз. Абу Али ибн Сино номидаги 1-шаҳар клиник касалхонаси) га асос солинган.
1913 й. – «Турон» маданий-маърифий жамияти ташкил топган.
1913 й. – Тошкентда дастлабки электр токи б-н юрадиган трамвай қатнай бошлаган.
1915 й. – Ҳоз. Миробод бозори очилган.
1916 й. – Ўрта Осиё темир йўл клиник касалхонасининг дастлабки биноси қурилган.
1916 й. 25 июнь – Россия империясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши Тошкентда халқ кўзғолони бўлиб ўтган.
1917 й. – Эски шаҳар ва Янги шаҳар расмий маъмурий бирликлар деб белгиланди.
1917 й. 3 март – Ишчи деп.лари Совети тузилган.
1917 й. 5 март – Солдат депутатлари Совети тузилган.
1917 й. 28 март – Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ташкил топган.
1917 й. 7 апр. – Муваққат ҳукумат Туркистон комитети – Туркистонда давлат ҳокимиятининг Марказий органи тузилди.
1917 й. 15(2) апр. – «Наша газета» (ҳоз. «Правда Востока» газетаси) нинг биринчи сони чиққан.

1917 й. 14 ноябрь – Россиядаги Октябрь тўнтарыши [1917 й. 24–26 окт. (6–8 ноябрь)]дан сўнг тўрт кунлик жанглардан кейин Тошкентнинг Янги шаҳар қисмида совет ҳокимияти ўрнатилган.
1918 й. – Турон кутубхонаси ташкил этилган.
1918 й. 12 май – Мунавварқори Абдурашидхонов ташаббуси б-н ўлкада биринчи олий ўқув юрти – Мусулмон халқ дорилфунуни очилган (1918–19 й.ларда Туркистон халқ ун-ти, 1919 й.дан Туркистон давлат ун-ти, 1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти).
1918 й. – Бадиий музей (ҳоз. Ўзбекистон Республикаси давлат санъат музейи) ташкил этилган.
1918 й. – Туркистон халқ консерваторияси очилган.
1918 й. – Туркистон Шарқ ин-ти ташкил қилинган.
1918 й. – Туркистон ҳарбий округи тузилган.
1918–19 й. – Тошкентда саноат, йирик савдо корхоналари ва банклар национализация қилинган.
1918 й. апр. – Тошкент Туркистон АССР пойтахти бўлди.
1918 й. 21 июнь – «Иштирокиюн» (ҳоз. «Ўзбекистон овози») газетаси чиқа бошлаган.
1919 й. – Тошкентда Маннон Уйғур бошчилигида драма труппаси ташкил этилган.
1920 й. – Тошкентда маориф ин-тлари (инпрослар) очилган (1929 й.дан педагогика техникумларига айлан-тирилган).
1920 й. май – Тошкент давлат цирки очилди.
1922 й. – Ботаника боғи ташкил этилган.
1923 й. – Аҳоли рўйхати ўтказилган.
1923 й. апр. – Туркистон давлат ун-ти Ўрта Осиё давлат ун-тига айлантирилди.
1923 й. фев. – «Муштум» журнаliga асос солинган.
1924 й. – Шаҳарда ҳайвонот боғи ташкил этилган.
1924 й. – Тошкентда дастлабки маданият уйи вужудга келган.
1924 й. 7 июнь – Тошкентда кучли зилзила содир бўлган.
1924 й. 27 окт. – ЎзССР ташкил этилиб, унинг пойтахти Тошкент шаҳри (1925 й.11 фев.да Самарқанд) деб белгиланди.
1925 й. – Ўрта Осиё давлат нашриёти негизда Ўзбекистон давлат нашриёти («Ўздавнашр») ташкил этилган.
1925 й. – «Шарқ юлдузи» кинофабрикаси ташкил этилган (1958 й.дан «Ўзбекфильм» киностудияси).
1925 й. – «Ер юзи» (ҳоз. «Гулистон») журнали нашр қилина бошлаган.
1925 й. янв. – Тошкентда биринчи нотариал контора ташкил этилган.
1925 й. дек. – Хотин-қизлар учун «Янги йўл» (ҳоз. «Саодат») журнали нашр этила бошлаган.
1926 й. – Аҳоли рўйхати ўтказилган.
1926 й. – Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли ташкил этилган (1929 й.дан Ўзбек давлат мусиқа-ли театри).
1927 й. – 1-шаҳар юқумли касалликлар клиник касалхонасига асос солинган.

1928 й. – Рус ёш томошабинлар т-ри иш бошлаган (1998 й. майда Ўзбекистон ёшлар т-рига айлантирилди).

1928 й. – Шаҳар кўчаларида биринчи электр фонарлар пайдо бўлган.

1928 й. – Тошкентлик ихтирочилар В. П. Грабовский, И. Ф. Белянский ҳаракатдаги тасвирни бир жойдан иккинчи жойга узатадиган ва қабул қиладиган аппарат яратган.

1928 й. 11 дек. – «Шарқ ҳақиқати» (ҳоз. «Тошкент ҳақиқати») газетасининг биринчи сони чиққан.

1929 й. ноябрь – Шаҳарни районлаштириш бошланган. Дастлаб Тошкент 4 районга бўлинган (Ленин, Октябрь, Пролетар, Сталин р-нлари).

1929 й. – Куйбишев (ҳоз. Мирзо Улуғбек) тумани тузилган.

1929 й. – Беруний номидаги Тошкент политехника ин-ти (ҳоз. Техника ун-ти) га асос солинган.

1929 й. – Октябрь (ҳоз. Шайхонтохур) тумани тузилган.

1930 й. – ЎзССР пойтахти Самарқанддан яна Тошкентга кўчирилган.

1930 й. – Ўзбек давлат респ. ёш томошабинлар т-ри иш бошлаган.

1930 й. 16 июнь – Тошкент декрет вақти жорий этилган.

1931 й. – Темир йўл транспорти муҳандислари ин-ти ташкил этилган.

1931 й. – Ўрта Осиё давлат тиббиёт ин-ти ташкил этилган (1935 й.дан Тошкент давлат тиббиёт ин-ти, ҳоз. Тошкент тиббиёт академияси).

1931 й. – Ўрта Осиё молия-иқтисод ин-ти ташкил этилган.

1932 й. – Врачлар малакасини ошириш ин-ти ташкил этилган.

1932 й. – Марказий телеграф ташкил қилинган.

1932 й. – Қоғоз ф-каси ишга тушган.

1932 й. – Тўқимачилик ком-ти қурилиши бошланган (1934 й.да дастлабки маҳсулот олинган).

1932 й. – Тошкентда тўқимачилик ин-ти (ҳоз. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти) ташкил этилган.

1932 й. – Жангтоҳ майдони ўрнида маданият ва истироҳат боғи бунёд этилган (1992 й. май ойдан Абдулла Қодирий номида).

1934 й. – Ўзбекистон давлат радиокомитети ташкил этилган.

1934 й. – Ҳоз. Тошкент давлат рус академик драма театрига асос солинган.

1934 й. – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари ин-ти ташкил этилган.

1934 й. – Ўзбекистон меъморлар уюшмаси тузилган.

1934 й. – Тошкентда такси пайдо бўлган.

1934 й. 7–11 март – Ўзбекистон ёзувчиларининг 1-қурултойида Ёзувчилар уюшмаси ташкил этилган.

1935 й. – Шаҳар санитария-эпидемиология ст-яси ташкил этилган.

1935 й. – Князь Н. К. Романовнинг собиқ саройида Республика пионер ва ўқувчилар саройи ташкил этилган.

1935 й. – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика ин-ти (ҳоз. Тошкент давлат педагогика ун-ти) ташкил этилган.

1935 й. – Ўзбекистон давлат илмий тиббий кутубхонаси ташкил қилинган.

1935 й. – Тошкентда телефон-автомат ўрнатилга бошланган.

1935 й. – Бешёғоч бозори ишга туширилган.

1936 й. – Киров райони (ҳоз. Юнусобод тумани) тузилган.

1936 й. – Олий мусиқа мактаби (1934) негизда Тошкент давлат консерваторияси ташкил этилган.

1936 й. – Фрунзе райони (ҳоз. Яққасарой тумани) тузилган.

1936 й. – Тошкент шаҳар давлат автомобиль инспекцияси ташкил этилган.

1936 й. – «Ўқувпеддавнашр» ташкил этилган.

1936 й. – Ўзбек давлат филармонияси (1957 й.дан М. Қориёкубов номида) ташкил этилган.

1937 й. – Тошкент фармацевтика ин-ти ташкил этилган.

1938 й. – Ўзбекистон давлат симфоник оркестри ташкил этилган.

1938 й. – Ўзбекистон композиторлар уюшмаси ташкил этилган.

1938 й. 15 янв. – Тошкент вилояти тузилган.

1939 й. 20 июнь – Ўзбек давлат мусиқали т-ри негизда Ўзбек давлат опера ва балет театри ташкил қилинган (1948 й.дан Алишер Навоий номи б-н аталади; 1959 й.да «Академик», 1966 й.да «Катта театр» ун-вонлари берилди).

1939 й. 30 нояб. – Респ. комедия ва сатира т-ри ишга тушган (1940 й.дан мусиқали драма ва комедия т-ри номи б-н қайта ташкил этилди; 1972 й.дан Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали т-ри).

1939 й. – Респ. кўғирчоқ театри иш бошлаган.

1939 й. – Тошкент иссиқлик электр м-зи ишга туширилди.

1939 й. – Аҳоли рўйхати ўтказилган.

1939 й. – Тошкентни реконструкция қилиш биринчи комплекс плани ишлаб чиқилган.

1940 й. – Иттифоқ ФАнинг Ўзбекистон филиали (ЎзФАН) ташкил этилди.

1940 й. – Болалар темир йўли (Бешёғочдаги маданият ва истироҳат боғида) очилган.

1940 й. – Гематология ва қон куйиш ин-ти ташкил қилинган.

1941 й. – Авиация заводи ишга туширилган.

1941 й. – Энергетика ин-ти (1955 й.дан Ўзбекистон ФА Энергетика ва автоматика ин-ти) ташкил этилди.

1942 й. – Кимё-фармацевтика з-ди ташкил этилди.

1943 й. 20 окт. – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси (ҳоз. Ўзбекистон мусулмонлар идораси) таъсис этилган.

- 1943 й. 4 нояб.** – Ўзбекистон ФА ташкил этилган.
- 1945 й.** – Респ.да ягона ихтисослаштирилган гинекология санаторийси ташкил этилган.
- 1945 й.** – Тошкент давлат т-р ва рассомлик санъати ин-ти (2007 й.дан Ўзбекистон давлат санъат ин-ти) га асос солинган.
- 1946 й.** – Лак-бўёқ э-ди ташкил қилинган.
- 1946 й. 3 нояб.** – Тошкентда кучли zilзила содир бўлган.
- 1947 й.** – Тошкентда илк бор троллейбуслар қатнай бошлаган.
- 1947 й. 30 апр.** – Соатсоз уста А.А.Айзенштейн томонидан фронтдан олиб келинган соат механизми асосида шаҳар м-зида бунёд этилган Тошкент куранти очилди.
- 1947 й.** – Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет т-ри биноси қурилган ва т-р майдони (1990 й.дан Навоий номидаги майдон) барпо этилган.
- 1948 й.** – Чет тиллар педагогика ин-ти ташкил этилган.
- 1948 й.** – «Миконд» заводи ишга туширилган.
- 1948 й.** – Шаҳар яқинидан Тошкент минерал суви топилган.
- 1949 й.** – П. Беньков номидаги Респ. бадий билим юрти ташкил қилинган.
- 1949 й.** – Радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйига асос солинган.
- 1954 й. 9 фев.** – «Ташкентская правда» газетасининг биринчи сони чиққан.
- 1955 й.** – Тошкент электротехника алоқа ин-ти ташкил этилган.
- 1955 – 64 й.лар** – Тошкент (Туябўғиз) сув омбори – «Тошкент денгизи» барпо этилган.
- 1956 й.** – «Пахтакор» футбол жамоаси тузилган.
- 1956 й.** – Тошкентдаги биринчи телевизион минора (180 м баландликда) қурилган.
- 1956 й. 18 май** – Москва ва Сталин районлари тугатилиб, унинг худуди Октябрь ва Фрунзе (ҳоз. Шайхонтохур ва Яккасарой) туманларига кўшиб берилди.
- 1956 й. 5 нояб.** – Тошкент телевидениесининг тажриба-синов кўрсатувлари бошланган.
- 1957 й.** – Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти ташкил қилинган.
- 1957 й.** – «Баҳор» давлат халқ рақс ансамбли тузилган.
- 1957 й.** – Изолятор э-ди (ҳоз. Реле ва автоматика заводи) ишга туширилган.
- 1957 й.** – Шаҳар газ таъминоти трести ташкил этилган.
- 1957 й.** – Шаҳарда дастлабки 200 хонадон суюлтирилган газ б-н таъминланган (табиий газ 1960 й.дан берилган).
- 1958 й.** – «Тошкент» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилган.
- 1958 й.** – Ўзбекистон давлат архиви тузилган.
- 1958 й.** – Тошкентда Ўзбекистон ФА Математика ин-тида дастлабки ҳисоблаш м-зи ташкил этилган.
- 1958 й.** – Тошкент ш. Давлат суғурта бошқармаси (Тошкент ш. давлат страхованиеси) ташкил этилган (Тошкентда дастлабки суғурта агентликлари 1921 й.да пайдо бўлган).
- 1958 й. 7–13 окт.** – Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг Тошкент конференцияси ўтказилган («Тошкент руҳи» тушунчаси шундан кейин пайдо бўлган).
- 1959 й. 13 март** – Марказий район тугатилиб, унинг худуди Киров (ҳоз. Юнусобод) ва Куйбишев (ҳоз. Мирзо Улугбек) туманларига кўшиб берилди.
- 1959 й.** – Аҳоли рўйхати ўтказилган.
- 1959 й.** – Бадий кўргазмалар дирекцияси ташкил қилинган.
- 1960 й.** – Тошкент иссиқлик тармоғига асос солинган.
- 1961 й.** – Тошкент шаҳри Биродарлашган шаҳарлар жаҳон федерациясига аъзо бўлган.
- 1962 й.** – Шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилган.
- 1963 й. 4 янв.** – Чилонзор тумани ташкил қилинган.
- 1963 й.** – Тошкентда Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ташкил этилган.
- 1964 й.** – Санъат саройи қурилган (1990 й.дан Алишер Навоий номида).
- 1964 й.** – Тошкентда биринчи никоҳ уйи очилган.
- 1964 й.** – Шаҳарда ижара хизмати ташкил этила бошлаган.
- 1965 й.** – Респ. болалар кутубхонаси очилган.
- 1966 й. 4–10 янв.** – Ҳиндистон бош вазири Л. Б. Шастри б-н Покистон президенти М. Айюбхон Тошкентда учрашиб, «Тошкент декларацияси» га имзо чекдилар.
- 1966 й.** – «Ёшлик» спорт мажмуаси очилган.
- 1966 й.** – Шаҳарда гаровхона (ломбард) ташкил этилган.
- 1966 й.** – Киночилар уйи очилган.
- 1966 й. 26 апр.** – Тошкентда кучли zilзила содир бўлган.
- 1966 й. 1 июль** – «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газетасининг биринчи сони чиққан.
- 1967 й. 20 янв.** – Сергели тумани ташкил этилди.
- 1967 й.** – Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларини муҳофаза қилиш жамияти ташкил этилган.
- 1967 й.** – Тошкент археология экспедициясига асос солинган.
- 1967 й. май.** – Ўзбекистон телевидениесининг мунтазам кўрсатувлари рангли тасвирда ҳам берила бошлаган.
- 1968 й.** – Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг халқаро биринчи кинофестивали бўлиб ўтган.
- 1968 й. 31 янв.** – Ҳамза тумани ташкил этилган.
- 1968 й. 25 сент.** – Шаҳарда Алишер Навоийнинг 525 йиллик юбилеи муносабати б-н «Шоирлар хийбони» очилган (1991 й. да реконструкция қилинди).
- 1969 й.** – Тошкент ш. атрофини бирлаштириб турувчи Тошкент автомобиль халқа йўл ишга туширилган.

- 1969 й.** – Тошкентда трактор 3-ди ишлаш бошлади.
- 1969 й.** – Тошкент Бош планини лойиҳалаш ин-ти (1976 й.дан Бош план ин-ти) ташкил этилган.
- 1970 й.** – Собир Раҳимов тумани ташкил этилган.
- 1970 й.** – Болалар хори (Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиштириш давлат комитети қошида) тузилган.
- 1970 й.** – Шаҳарда дастлабки ноғиронлар ва қариялар уйи ташкил этилган.
- 1970 й.** – «Ўзбектелефильм» ташкил қилинган.
- 1970 й. 20 май** – «Матонат» ёдгорлик мажмуаси очилган.
- 1971 й.** – Тошкентда Имом ал-Бухорий номидаги Ислоҳ ин-ти ташкил этилган.
- 1971 й.** – Тошкентда Оперетта театри очилган.
- 1971 й.** – Фарҳод бозори очилган.
- 1972 й.** – Автомобиль транспорти ва йўллари ин-ти ташкил қилинган.
- 1972 й.** – Ўрта Осиё педиатрия тиббиёт ин-ти (1989 й.дан Тошкент педиатрия тиббиёт ин-ти) ташкил этилган.
- 1973 й.** – Тошкентда метрополитен қурилиши бошланган.
- 1973 й.** – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш музейи очилган.
- 1973 й.** – Шаҳар архиви ташкил этилган.
- 1974 й.** – «Зарафшон» ресторанининг янги биноси ишга туширилган.
- 1974 й.** – Тошкентда маданият ин-ти ташкил этилган (1989 й. Абдулла Қодирий номи берилди).
- 1974 й.** – «Ўзбекистон» меҳмонхонаси қурилган ва фойдаланишга топширилган.
- 1974 й.** – Тошкентда Хирургия илмий м-зи очилган.
- 1975 й.** – Ҳоз. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ва ЎЗА биноси қурилган.
- 1975 й.** – Ўзбек давлат циркининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- 1976 й.** – Тошкентда респ.да энг йирик отчопар қурилган.
- 1977 й.** – Акмал Икромов тумани (2005.6.05 дан Учтепа тумани) тузилган.
- 1977 й. 6 нояб.** – Тошкент метрополитени «Чилонзор» йўлининг биринчи участкаси (9 бекат) фойдаланишга топширилди.
- 1977 й.** – Тошкент телемарказининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- 1978 й.** – «Тошкент» автовокзали қурилган.
- 1978 й.** – Республика халқ амалий санъат усталари бирлашмаси – «Усто» ташкил этилган.
- 1979 й.** – Дуторчи қизлар ансамбли ташкил этилган.
- 1979 й.** – Аҳоли рўйхати ўтказилган.
- 1980 й.** – Ойбек уй-музейи очилган.
- 1980 й. 18 авг.** – Тошкент метрополитени биринчи («Чилонзор») йўлининг иккинчи участкаси (3 бекат) фойдаланишга топширилди.
- 1980 й.** – Авиасозлар маданият ва техника саройи қурилган.
- 1981 й.** – Тансиқбоев уй-музейи очилган.
- 1981 й.** – «Истиклол» (собик «Халқлар дўстлиги») саройи очилган.
- 1982 й.** – «Чорсу» (собик «Москва») меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.
- 1982 й.** – Киночилар уйининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- 1983 й.** – Фафур Фулом уй-музейи очилган.
- 1983 й. сент.** – «Тошкент» энциклопедияси (рус тилида) нашр этилган.
- 1984 й.** – Тошкент марказида Космонавтлар майдони очилди.
- 1984 й. нояб.** – Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» йўлининг биринчи участкаси (5 бекат) фойдаланишга топширилди.
- 1985 й.** – Тошкентда иккинчи телевизион минора (бал. 375 м) қуриб битказилди.
- 1986 й.** – Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира т-ри ташкил этилган.
- 1987 й. ноябрь** – Тошкент метрополитени «Ўзбекистон» йўлининг иккинчи участкаси (2 бекат) фойдаланишга топширилди.
- 1988 й.** – Абдулла Қаҳҳор уй-музейи очилган.
- 1988 й.** – Авлоний уй-музейи расмий равишда очилган.
- 1988 й.** – Тошкент ш. табиатни муҳофаза қилиш к-ти ташкил этилган.
- 1988 й. 13 сент.** – Тошкент б-н Сизтл (АҚШ) шаҳарлари ўртасидаги биродарлашганлик рамзи сифатида Тошкентда «Тинчлик боғи» очилган.
- 1989 й.** – Аҳоли рўйхати ўтказилган.
- 1989 й.** – БМТ қарори б-н Тошкентга «Тинчлик элчиси» фахрий унвони берилган.
- 1989 й. 21 окт.** – Тошкентда «Ўзбекистоннинг давлат тили ҳақида» қонун қабул қилинди.
- 1989 й. нояб.** – Тошкент метрополитени иккинчи («Ўзбекистон») йўлининг учинчи участкаси («Фафур Фулом» ва «Чорсу» бекатлари) фойдаланишга топширилди.
- 1990 й. март** – Бектемир тумани тузилди.
- 1990 й. 24 март** – Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгашида Ўзбекистоннинг биринчи Президенти сайланди.
- 1990 й. 20 июнь** – Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 12-чақириқ 2-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларацияси эълон қилинди.
- 1991 й. 1 янв.** – «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газетасининг 1-сони чиқди.
- 1991 й. 9 фев.** – Адабиёт музейи олдидаги «Шоирлар хиёбони»да Алишер Навоий таваллудининг 550 й.лиги муносабати б-н шоирнинг янги тагсупага ўрнатилган ҳайкали очилди.
- 1991 й. 30 апр.** – Тошкент метрополитени 2-йўлининг охириги участкаси (2 бекат: «Тинчлик» ва «Беруний») фойдаланишга топширилди.
- 1991 й. 6 май** – Архитектура ва қурилиш ҳамда Кимё-технология ин-тлари ташкил этилди.

1991 й. 13 май – Молия ин-ти ташкил этилди.

1991 й. 15 июль – Тошкент давлат ун-тининг шарқшунослик ф-ти негизида Тошкент шарқшунослик ин-ти ташкил этилди.

1991 й. 31 авг. – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилинди ва Ўзбекистон ССР Ўзбекистон Республикаси деб номланди; Тошкент ш. унинг пойтахти деб белгиланди. 1 сент. Мустақиллик байрами куни сифатида нишонланадиган бўлди.

1991 й. 5 сент. – Тошкентдаги майд.ни Мустақиллик майд. деб аташ тўғрисида Президент фармони эълон қилинди.

1991 й. 28 сент. – Тошкентда Алишер Навоий ҳайкали ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи очилди.

1991 й. сент. – Тошкент давлат ун-тининг юридик ф-ти негизида Тошкент юридик ин-ти ташкил этилди.

1991 й. 25 окт. – Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Тошкент ш. ташкилоти тузилди.

1991 й. 1 нояб. – Тошкентда Ўзбекистон Халқ Демократик партиясининг 1-таъсис қурултоғи очилди.

1991 й. 18 нояб. – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 12-чақириқ 8-сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги қонун ва Давлат байроғи тасдиқланди.

1991 й. 18 нояб. – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳри мақоми ва давлат ҳокимияти органлари тўғрисида» қарорига мувофиқ Тошкентда ҳокимлик лавозими жорий этилди.

1992 й. 11 янв. – Халқ депутатлари Тошкент ш. Кенгашининг навбатдан ташқари 8-сессиясида Тошкент ш. ҳокимлиги тузилди.

1992 й. 13 янв. – Тошкентда Респ. байналмилал маданият м-зи ташкил қилинди.

1992 й. 21 янв. – Тошкентда Ўзбекистон миллий олимпиада қўмитаси ташкил топди.

1992 й. 28 янв. – «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилган.

1992 й. 11 фев. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан «Ёшлик» талабалар ш.часи мустақил маъмурий ҳудуд сифатида ташкил этилди.

1992 й. 7 май – Тошкентдаги марказий шоҳқўчалардан бирига Амир Темур номи берилди.

1992 й. 8 май – Тошкент ш. туманларининг айримлари, жумладан, Киров–Юнусобод, Куйбишев–Мирзо Улуғбек, Октябрь–Шайхонтохур, Ленин–Миробод, Фрунзе–Яккасарой деб қайта номланди.

1992 й. 15 май – Тошкентда Жаҳон тиллари ун-ти ташкил этилди.

1992 й. 7 авг. – Тошкент авиация и.ч. бирлашмасида ИЛ-114 самолётининг биринчи синов парвози бўлди.

1992 й. авг. – Мустақиллик майд.даги Ленин ҳайкали ўрнига Мустақиллик монументи ўрнатилди.

1992 й. 23 сент. – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия ун-ти ташкил этилди.

1992 й. сент. – «Ўзэкспомарказ» Ўзбекистон миллий кўргазма компаниясига асос солинган.

1992 й. окт. – Тошкентда космик алоқа халқаро телефон ст-яси ишга тушди, у «Интелсат» алоқа йўлдоши орқали Ер юзининг исталган нуқтаси б-н боғланиш имконини беради.

1992 й. 8 дек. – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 11-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Унинг 6-моддасига мувофиқ, Тошкент ш. Ўзбекистон Республикасининг пойтахти деб белгиланди.

1992 й. – «Тошкент» энциклопедияси ўзбек тилида нашр этилди.

1993 й. 3–4 янв. – Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозғистон давлатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди.

1993 й. 2 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1993 й. апр. – Тошкент ва Берлин шаҳарлари биродарлашди.

1993 й. 13–14 май – Тошкентда «Бозор иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари» мавзуида биринчи Халқаро симпозиуми бўлиб ўтди.

1993 й. 30 июнь – Тошкентдаги Марказий хиёбон (собик Инқилоб хиёбони) Амир Темур хиёбони деб номланди.

1993 й. 31 авг. – Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида Амир Темур ҳайкали очилди.

1993 й. 1 сент. – Тошкентда Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди.

1993 й. 4 сент. – Тошкентда «Туркистон» саройининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

1993 й. 24 окт. – Тошкентда БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси расмий равишда очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

1994 й. 16 март – Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Тошкент шаҳар чегаралари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1994 й. 19 март – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1994 йилни Мирзо Улуғбек йили деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

1994 й. 28 май – 5 июнь – «Юнусобод» спорт мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун теннис бўйича биринчи халқаро турнир ўтказилди.

1994 й. 15 июль – Халқ депутатлари Тошкент ш. Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

1994 й. 26 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон миллий боғи, Ўзбекистон кўчасида олиб борилаётган ободонлаштириш ишлари ва Олой бозорининг янги савдо расталари б-н танишди.

1994 й. 2 сент. – Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси ташкил этилди.

1994 й. 8 сент. – Қатар давлати пойтахти Дўҳада бўлиб ўтган ўсмирлар Осиё чемпионатида тошкентлик шахматчи Рустам Қосимжонов олтин медални қўлга киритди.

1994 й. 12 окт. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки галереясини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1994 й. 23 нояб. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1994 й. 6 дек. – Буюк адиб Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

1994 й. 15 дек. – Шанхай ш.да Шанхай б-н Тошкент ўртасида биродарлашган шаҳарлар мақомини белгилаш тўғрисида битим имзоланди.

1994 й. 29 дек. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Амир Темура таваллудининг 660 йиллигини байрам қилиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1995 й. 18 фев. – Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг биринчи таъсис съезди бўлиб ўтди.

1995 й. 31 март – Тошкент–Нью-Йорк ҳаво йўли очилди.

1995 й. 19 апр. – Ўзбекистон Республикаси Президенти «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясини ташкил қилиш тўғрисида» фармон чиқарди.

1995 й. 3 июнь – Тошкентда «Миллий тикланиш» демократик партиясининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

1995 й. 4 июнь – Тошкент–Афина ҳаво йўли очилди.

1995 й. авг. – Тошкентнинг Бобур кўчаси бошланишидаги Бўрижар канали устидаги Бешёғоч кўприги замон талаблари асосида қайта қурилди. Янги кўприкнинг уз. 93 метр, кенлиги 30 метрни ташкил этди.

1995 й. 25 авг. – Тошкент ш.да Ҳиндистоннинг «Тата проджектс лимитед» фирмаси томонидан қурилган 600 ўринли меҳмонхона фойдаланишга топширилди.

1995 й. 30 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация и.ч. бирлашмасининг чилангар-йиғувчиси Эркин Ҳайдарович Алимухамедовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

1995 й. 2 сент. – Тошкентдаги «Пахтакор» стадионида Марказий Осиё ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

1995 й. 2 сент. – Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

1995 й. 14 сент. – Тошкент давлат ун-тига Мирзо Улуғбек номи берилди (2000 йил 28 январдан Ўзбекистон миллий ун-ти).

1995 й. 15–16 сент. – Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

1995 й. 26 окт. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1996 йилни «Амир Темура йили» деб эълон қилиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

1996 й. 14 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Темурийлар тарихи давлат музейини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

1996 й. – АҚШнинг «Олден Стар Инк» компанияси б-н ҳамкорликда Роҳат кўли атрофида 150 гектар майдонда «Тошкент гольф клуби» ташкил этилди.

1996 й. 1 сент. – Тошкентда Халқаро Олимпия шон-шухрати музейи очилди.

1996 й. окт. – Тошкентда беш юлдузли «Интерконтиненталь» меҳмонхонасининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди.

1996 й. 18 окт. – Тошкентда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

1996 й. 18 окт. – Тошкентда туркийзабон давлат бошлиқларининг Амир Темура таваллудининг 660 йиллигига бағишланган 4-саммити бўлиб ўтди.

1996 й. 24 окт. – Тошкент ш.да «Амир Темура ва унинг жаҳон тарихида тутган ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

1996 й. 30 окт. – Тошкент ва Бишкек ш.лари томонидан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1996 й. 6 нояб. – Тошкент ва Берлин ш.лари ўзаро биродарлашди.

1996 й. 6 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 1997 й.ни «Инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди.

1997 й. 23 янв. – Тошкент ш. ҳокимлиги томонидан «Тошкент шаҳри рамзи тўғрисида»ги қарор қабул қилинди.

1997 й. 23 янв. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадий академиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони эълон қилинди.

1997 й. 11 март – Миллий рассомлик ва дизайн ин-ти ташкил этилди.

1997 й. – Миллий рақс ва хореография олий мактаби ташкил этилди.

1997 й. 20 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкентда «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриётини ташкил этиш тўғрисида» қарор чиқарди.

1997 й. 20 март – Тошкент зарбхонаси ишга туширилди.

1997 й. 17 июнь – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги 301-сонли қарори қабул қилинди.

1997 й. – Юнусобод спорт мажмуаси қурилиши 2-навбати (ёпиқ корт) яқунланиб, фойдаланишга топширилди.

1997 й. 26 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н «Тошмахсуспардозқурилиш» АЖ 42-қурилиш бошқармасининг сувоқчилар бригадаси бошлиғи Холхўжа Мукаррамович Умаровга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

1997 й. 1 сент. – Тошкентда янги ҳайвонот боғи очилди.

1997 й. 15–16 сент. – Тошкентда «Марказий Осиё – ядро қуролларидан холи зона» мавзусида халқаро конференция ўтказилди.

1997 й. 17 сент. – Тошкентда «Амир Темура ва Темурийлар даврида Марказий Осиё ва Европа» мавзусида халқаро илмий конференция очилди.

1997 й. 28 нояб. – Тошкент ш. ва Россия Федерациясининг Свердловск вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1997 й. 5 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1998 йилни «Оила йили» деб эълон қилди.

1998 й. 16 янв. – Тошкент ва Киев ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1998 й. 24 янв. – Тошкент ш. ва Россия Федерациясининг Саратов вилояти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1998 й. 24 фев. – Тошкент педагогика ин-тига ун-т мақоми берилди.

1998 й. 4 март – Тошкентда Респ. шошилич тиббий ёрдам ўқув м-зи ташкил этилди.

1998 й. май – Тошкент ва Украинанинг Днепропетровск ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1998 й. 28 июнь – Тошкент–Дакка ҳаво йўли очилди.

1998 й. 30 июнь – Тошкент–Париж ҳаво йўли очилди.

1998 й. 28 сент. – Тошкентда Осиё тараққиёти банки ваколатхонаси очилди.

1998 й. 13 окт. – Тошкент ва Қозон ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1998 й. 30 окт. – Тошкент ва Остона ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

1998 й. 6 нояб. – Тошкентда ЮНЕСКО ижроия к-тининг 155-сессияси бўлиб ўтди.

1998 й. 5 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилди.

1998 й. – «Пахтасаноатилм» илмий и.ч. маркази ташкил этилди.

1998 й. 18 дек. – Нукус ва Шевченко кўчалари кесишган чорраҳадаги хиёбонда қорақалпоқ шоири Бердақ ҳайкали очилди. Кейинчалик ушбу ҳайкал «Нукус» к/т олдига кўчирилди.

1999 й. 15 янв. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Хотира майдонида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

1999 й. 7 фев. – Ўзбекистон рус акад. драма театрининг қайта қурилган янги биноси тантанали очилди.

1999 й. 16 фев. – Тошкент ш.да террорчи кучлар – сиёсий ва диний экстремистлар томонидан уюштирилган террорчилик ҳаракати оқибатида 16 нафар бегуноҳ инсон ўлдирилди, 120 киши тан жароҳати олди.

1999 й. 26 фев. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг биносини тубдан қайта таъмирлаш лойиҳаси ва Хотира майдонида олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

1999 й. 2 март – 9 май – Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

1999 й. 30 март – «Интерконтинентал» меҳмонхонаси ҳар йили ўтказиладиган Европа «Интерконтинентал» отеллари кўрик танловида биринчиликни олди.

1999 й. 7 апр. – Тошкент ислон ун-ти ташкил этилди.

1999 й. 1–2 май – Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

1999 й. 9 май – Ўзбекистон Республикасида биринчи бор 9 май Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланди; Тошкентда Хотира майд. ва «Мотамсарона» ҳайкали очилди.

1999 й. 17 май – Тошкент–Самарқанд йўналишида электр поезд қатнови йўлга қўйилди.

1999 й. 10 июнь – Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилди.

1999 й. 19–20 июль – Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий «Тошкент декларацияси» қабул қилинди.

1999 й. 25 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони б-н Юнусобод туманидаги 273-ўрта мактаб директори Мавлуда Исматовага «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

1999 й. 27 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Юнусобод тумани ҳудудида «Шаҳидлар хотираси» зиёратгоҳи бунёд этиладиган жойни кўздан кечирди.

1999 й. 28 авг. – «Шератон–Тошкент» (ҳоз. «Марказий») меҳмонхонаси очилди.

1999 й. 2 сент. – Учтепа туманининг Маннон Уйғур кўч. йўналишида Қурилиш ва коммунал касб-хунар коллежи очилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

1999 й. 3 сент. – Тошкент ислон ун-тининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

1999 й. 20–21 сент. – Тошкентда «Буюк ипак йўлини тиклаш» бўйича халқаро конференция бўлиб ўтди.

1999 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон

Каримов 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилди.

1999 й. – Тошкентда «Тошкент-плаза» халқаро савдо кўргазма мажмуаси бунёд этилди.

2000 й. – Аҳмад Дониш ва Кичик ҳалқа йўли чорраҳасида кўприк қурилди.

2000 й. 9 янв. – Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланди.

2000 й. 28 янв. – «Тошкент давлат университетига Ўзбекистон миллий университети мақомини бериш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди.

2000 й. 20 март – Тошкентда Ўзбекистон банклар ассоциациясига қарашли Банклараро молиявий хизмат м-зи биноси ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

2000 й. 31 март – Халқаро бизнес м-зи иш бошлади.

2000 й. 12 май – Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси очилди.

2000 й. 7 июль – Бельгиянинг Кортрейк ш.да Абу Али ибн Сино ҳайкали (ҳайк. Р.Миртожиев) ўрнатилди.

2000 й. 25 авг. – Иқтидорли ёшлар учун «Ниҳол» мукофоти таъсис этилди.

2000 й. 29 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Аҳмад Дониш–Уста Ширин–Мискин–Хусниддин Асомов (ҳоз. Кичик ҳалқа йўли) кўчалари устида бунёд этилган кўприк, собиқ «Алпомиш» саройида бунёд этилган «Ўзкўргазмасавдо» биноси ва Божхона кўмитасининг янги биноси б-н танишди.

2000 й. 2 сент. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Собир Раҳимов туманининг Умид кўч.да бунёд этилган қурилиш ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи б-н танишди.

2000 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2001 йилни «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилди.

2000 й. дек. – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»нинг 1-жилди (сўнгги 12 жилди 2006 й.да) нашрдан чиқди.

2001 й. 15 март – Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш з-ди ишга тушди.

2001 й. 23 март – Тошкент ва Боку ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

2001 й. 1 май – Тошкентда Ўзбекистон шошилиқ тиббий ёрдам м-зи фаолият бошлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

2001 й. 25 июнь – Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида Австриянинг «SOS – Киндердорф интернационал» хайрия ташкилоти ҳомийлигида 14 оилавий коттеждан иборат илк «SOS – Болалар маҳалласи» очилди.

2001 й. 29 авг. – Кичик ҳалқа йўлининг 7,5 километрлик масофаси фойдаланишга топширилди.

«Юнусобод» спорт мажмуаси ҳудудида Сув спорти саройи, «Тошкентленд боғи» мажмуи яқинида «Япон боғи» очилди.

2001 й. 30 авг. – Ўзбек миллий акад. драма театрининг янги биноси очилди.

2001 й. 1 сент. – Тошкент метрополитенининг учинчи йўли Юнусобод йўналиши синовдан ўтказилди.

2001 й. 8 сент. – Тошкент ва Москва ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

2001 й. 21 сент. – Ҳамза номидаги ўзбек акад. драма театрига Ўзбек миллий академик драма театри мақоми берилди.

Халқ депутатлари Тошкент ш. кенгашининг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

2001 й. 26 окт. – Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг 6 бекатдан иборат биринчи навбати («Мингўрик» бекатидан «Ҳабиб Абдуллаев» бекатигача бўлган қисми) фойдаланишга топширилди.

2001 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2002 й.ни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилди.

2002 й. 16 янв. – «Тошкент шаҳрида Халқаро Вестминстер университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони қабул қилинди.

2002 й. 1 март – Ўзбекистон БАнинг кўргазмалар залида пойтахт тадбиркорларининг биринчи «Ташаббус» кўрик танлови бўлиб ўтди.

2002 й. 22 март – Тошкент давлат консерваториясининг янги биноси очилди.

2002 й. 26 март – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентда бунёд этилган Респ. шошилиқ тиббий хизмат илмий м-зи билан танишди.

2002 й. 16 апр. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваторияси деб қайта ташкил этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

2002 й. 3 май – Тошкентда «Пойтахт» меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

2002 й. авг. – Тошкентнинг Фарҳод, Усмон Носир, Гавҳар ва Ҳамза Умаров кўчалари чорраҳаси – Жан. вокзал рўпарасида бунёд этилган замонавий кўприк фойдаланишга топширилди.

2002 й. 31 авг. – «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи очилди.

2002 й. 27 нояб. – Москва ш.нинг Серпухов майд.да буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ҳайкали (ҳайк. Р.Миртожиев) очилди.

2002 й. 5 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2003 й.ни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилди.

2002 й. 11 дек. – Тошкент ш. ҳокимлигининг қарорига мувофиқ, таниқли япон рассоми ва жамоат арбоби, Халқаро маданият қарвон саройи асосчиси Икуо Хироямага «Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси» унвони берилди.

2002 й. 20 дек. – Тошкент ш.да украин халқининг озодлик куйчиси, шоир Тарас Шевченко ҳайкали очилди.

2002 й. – Ўзбекистон БА таркибида «Тошкент фото уйи» ташкил этилди.

2002 й. – Ўзбек давлат оммавий кутубхонаси Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси давлат миллий кутубхонаси деб номланди.

2003 й. 4 фев. – Тошкент ш. ҳокимлигининг «Тошкент шаҳар рамзи (герби) тасвирини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2003 й. 19 фев. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янгитдан очилган Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

2003 й. 2 май – Тошкентда қайта қурилган «Дедеман» (собиқ «Дўстлик»), «Ташкент Палас» (собиқ «Тошкент»), «Гранд де мир» (собиқ «Россия») ва янгитдан бунёд этилган «Радиссон» меҳмонхоналари фойдаланишга топширилди.

2003 й. 4–5 май – Тошкентда Европа тикланиш ва тараққиёт банки кенгашининг навбатдаги йиллик саммити ўтказилди.

2003 й. 6 май – Тошкент Халқаро Вестминстер ун-ти очилди.

2003 й. 10 май – Тошкентда Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фулом ҳайкали ва Арпаоя кўчасида қайта қурилган адиб уй-музеи очилди.

2003 й. 27 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари б-н танишди.

2003 й. 27 авг. – Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида янги Тошкент планетарийси очилди.

2003 й. 5 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2004 йилни «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилди.

2004 й. 23 март – Тошкентда озарбайжон шоири ва маърифатпарвари Низомий Ганжавий ҳайкали очилди.

2004 й. 26 март – Япониянинг Соко ун-тида Алишер Навоий ҳайкали (ҳайк. Р.Миртожиев) очилди.

2004 й. 30 март – Тошкент ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-ти асосида Тошкент ирригация ва мелиорация ин-ти ташкил этилди.

2004 й. апр. – Латвия Республикасининг пойтахти Рига ш.да Мирзо Улуғбек ҳайкали очилди; Тошкент ва Рига ш.лари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

2004 й. 13 июль – Ливия пойтахти – Триполи ш.да тошкентлик ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер

Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовар бўлди.

2004 й. 11 авг. – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасидаги маъмурий-худудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотларга ва бошқа топонимик объектларга ном бериш ишларини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори ва низоми қабул қилинди.

2004 й. 29 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бунёд этилган Ўзбекистон тасвирий санъат галереясини, Амир Темур шоҳқўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишган чорраҳадаги янги кўприкни, «Чорсу» деҳқон бозори яқинида барпо этилган 4-оилавий поликлиника ва маҳалла гузарини бориб кўрди; Собир Раҳимов туманида Туркиянинг «Седат текстил» фирмаси б-н ҳамкорликда янги ташкил этилган «Сағбонтекстил» кўшма қорхонаси фаолияти б-н танишди.

2004 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2005 й.ни «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилди.

2004 й. 10 дек. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик майд., Сенат биноси ҳамда унинг атрофида олиб борилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

2005 й. 22 апр. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Халқ депутатлари Тошкент ш. кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қатнашди ва нутқ сўзлади.

2005 й. 6 май – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорига кўра, Тошкентнинг Акмал Икромов тумани номи ўзгартирилиб, унга Учтепа номи берилди.

2005 й. 27 июль – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик майд.даги бунёдкорлик ишлари б-н танишиб, Эзгулик аркасида Мустақиллик монументигача поёндоз йўл барпо этиш тўғрисида тавсиялар берди.

2005 й. 29 июль – Тошкент тиббиёт ин-тлари негизида Тошкент тиббиёт академияси ташкил этилди.

2005 й. 30 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мустақиллик майдонида қад ростлаган Эзгулик аркасини кўздан кечирди ва майдонда «Бахтиёр она» ҳайкалини барпо этиш гоёсини илгари сурди.

2005 й. 30 авг. – Эски шаҳар худудида Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта очилди. Ўзбек либослари галереяси ҳамда Болалар ижодиёти уйи фойдаланишга топширилди.

2005 й. авг. – Чкалов номидаги Тошкент авиация и.ч. бирлашмасида «ИЛ»нинг янги авлоди – «ИЛ-76 ТД90 ВД» самолёти ишлаб чиқарила бошланди.

2005 й. 1 сент. – Мустақиллик майдонидаги Эзгулик аркаси қуриб битказилди.

2005 й. 5 сент. – Тошкент–Бухоро йўналишида йўловчи ташувчи тезюрар электр поезда қатнай бошлади.

2005 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2006 й.ни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилди.

2005 й. 28 дек. – Мустақиллик майд.да Мустақиллик монументи олдига ўрнатилган «Бахтиёр она» ҳайкали ва Эзгулик аркаси очилди.

2005 й. 28 дек. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги Ўзбекистон миллий ун-ти ҳамда Тошкент давлат техника ун-тининг тубдан қайта таъмирланган талабалар турар жойлари) б-н танишди.

2005 й. 28 дек. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент Марказий т.й. вокзали биноси ҳамда унинг атрофида ниҳоясига етказилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

2005 й. – «Бунёдкор» футбол клуби («Нефтьгазмонтаж-Қурувчи» номи б-н ташкил этилди.

2006 й. 3 фев. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мустақиллик ва Эзгулик монументи тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2006 й. 4 апр. – Шайхонтохур туманидаги Қоратош мавзесида 55-оилавий поликлиника, «Мурувват-текс» тикувчилик корхонаси ва маҳалла м-зи, «Самарқанд дарвоза» маҳалласида 14-оилавий поликлиника фойдаланишга топширилди.

2006 й. 22 авг. – Катта ҳалқа йўлининг Сергели, Қўйлиқ ва Отчопар бозорига борадиган кўчалар чорраҳасида кўприк (йўл ўтказгич) ва Эркин кўрғони ҳудудидан ўтадиган ва ҳалқа йўлини боғловчи янги йўл фойдаланишга топширилди.

2006 й. 22 авг. – Чилонзор туманининг ҳоз. Бунёдкор шоҳкўчаси ва Кичик ҳалқа йўли кесишмасидаги янги кўприк фойдаланишга топширилди.

2006 й. 22 авг. – Учтепа туманининг Юсуф Саккокий кўчасида янгитдан барпо этилган 8-оилавий поликлиника, замонавий спорт мажмуаси, «Журжоний» маҳалла гузари фойдаланишга топширилди.

2006 й. 25 авг. – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида Ўзбекистон маданияти ва санъати кўرғазмаси биноси очилди

2006 й. 25 авг. – Юнусобод туманида «Универсал» спорт саройи фойдаланишга топширилди.

2006 й. 25 авг. – Тошкент давлат техника ун-тида спорт зал, ёпиқ сув ҳавзаси, баскетбол, волейбол, мини-футбол майд.ларига эга спорт мажмуаси очилди.

2006 й. 30 авг. – Тошкент ш.да М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат ун-тининг филиали очилди.

2006 й. 30 авг. – Мустақиллик майдонида 14 қаватли ва унинг ёнида 7 қаватли маъмурий бино янгитдан барпо этилиб фойдаланишга топширилди.

2006 й. 30 авг. – Тошкент ш.да 14 қаватли «Пойтахт-бизнес» м-зи фойдаланишга топширилди.

2006 й. 2 окт. – Тошкент Халқаро бизнес м-зининг «Реклама сервис» бўлими негизида «Тошкент реклама-сервис» давлат унитар корхонаси ташкил этилди.

2006 й. 3 нояб. – Латвия Республикаси пойтахти Рига ш.да Абу Али ибн Сино ҳайкали (ҳайк. Р.Миртожиев) очилди.

2006 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 й.ни «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилди.

2007 й. янв. – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкilotи (АЙСЕСКО) Тошкентни «Ислом маданияти пойтахти», деб эълон қилди.

2007 й. 15 март – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳри «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинган муносабати б-н ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2007 й. 25 апр. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахтимидаги Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

2007 й. 5 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент ш.даги Ҳазрати Имом мажмуасида ниҳоясига етказилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди.

2007 й. 24 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида асосан Тошкент ш. «12-трест» очиқ акциядорлик жамиятининг 50-қурилиш бошқармаси монтажчи-пайвандчилар бригадаси бошлиғи Тоир Дадахоновга, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси «Боинг» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси Зархўжа Саидазимовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилди.

2007 й. 28 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Мирзо Улуғбек туманида янгитдан барпо этилган Зиёлилар кўчаси ва кўча бошида қайта бунёд этилган т.й. ўтказгич (кўприк)ни кўздан кечирди.

2007 й. 28 авг. – Тошкент ш.да И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ ун-ти филиали очилди.

2007 й. 30 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Ўзэкспомарказ»да бўлиб, амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари б-н танишди, кўрғазма экспозицияларини кўздан кечирди.

2007 й. 17 сент. – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор ҳайкали очилди.

2007 й. 9 окт. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент ш.да Ёшлар ижод саройини бунёд этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

2007 й. 16 окт. – 2 нояб. – ЮНЕСКОнинг Париж ш.да бўлиб ўтган Бош конференциясининг 34-сессиясида Тошкент ш.нинг 2200 й.лигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2007 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2008 й.ни «Ёшлар йили» деб эълон қилди.

2007 й. 18 дек. – Ўзбекистон либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Тошкент ш. сайловчилари вакиллари б-н учрашуви бўлиб ўтди.

2007 й. 23 дек. – Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Ислом Каримов Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб қайта сайланди.

2008 й. 6 фев. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрини қўшимча равишда автобуслар б-н таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2008 й. 1 март – Тошкентда Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияхоним ҳайкали очилди.

2008 й. 18–28 апр. – Лондон ш.да бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловида тошкентлик 18 ёшли Беҳзод Абдураимов финалда иштирок этиб, 24 мамлакат вакиллари орасида мутлақ голиб деб топилди.

2008 й. 9 май – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов пойтахт м-зида бунёд этилаётган Ёшлар ижод саройи б-н танишди.

2008 й. 5 июнь – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида «Ўзбекистон» анжуманлар саройи биносини қуриш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2008 й. июнь – Тошкент ш. марказида «Ўзбекистон» анжуманлар саройини қуриш ишлари бошланди.

2008 й. 29 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов янгитдан бунёд этилган Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш инти, Ёшлар ижод саройи бинолари, Тошкент ислом унтининг янги биноси ва жаҳон андозалари даражасида тубдан реконструкция қилинган «Пахтакор» марказий стадиони б-н танишди.

2008 й. 31 авг. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, жумладан, «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг янгитдан барпо этилган бинолари б-н танишди ва музейнинг янги экспозициясини кўздан кечирди.

2008 й. 12 сент. – Боку ш.нинг Озодлик майд.да Алишер Навоий ҳайкали (ҳайк. Р.Миртожиев) очилди.

2008 й. 28 сент. – 6 окт. – Теннис бўйича навбатдаги «Тошкент оупен» халқаро аёллар турнири ўтказилди.

2008 й. 12 окт. – Тошкент ш.да «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбек либослари галарейаси томонидан ташкил этилган «Style.Uz-2008» халқаро дизайн ва мода ҳафталиги очилди.

2008 й. 17 окт. – Тошкентда қурилиш ва коммунал соҳа бўйича Германиянинг «KNAUF» ўқув м-зи ўз иш-ни бошлади.

2008 й. 2 дек. – Бобур кўч. йўналишидаги «Тошкент» аэропорти кўприги тубдан қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди ва рамзий дарвоза ўрнатилди.

2008 й. 7 дек. – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 16 й.лигига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2009 й.ни «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилди.

2009 й. 25 фев. – Афросиёб кўч. йўналишида Туркменистон давлатининг янги элчихонаси биноси очилди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркменистон Президенти Г.Бердимухамедов иштирок этди.

2009 й. 2 апр. – ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида Тошкент ш.нинг 2200 й.лик юбилейига бағишланган тадбирларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

2009 й. 27 апр. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида Турин политехника университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

2009 й. май – Тошкент ш. марказидаги курант тубдан қайта таъмирланиб унинг ёнида янги курант бунёд этилди.

2009 й. 18–23 май – Берлин ш.да биродарлашган Тошкент ш.нинг 2200 й.лигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

2009 й. 26 май – Тошкент ш.нинг 2200 й.лигига бағишланган «Кечаги ва бугунги Тошкент» мавзусида фотосуратлар кўرғазмаси очилди.

2009 й. 26–27 май – Тошкент ш.нинг 2200 й.лигига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

2009 й. август – муҳташам «Ўзбекистон» анжуманлар саройини қуриш ишлари якунланди.

Каримов И. Биздан озод ва обод Ватан қолсин // Ҳалоллик ва фидойилик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин // Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 2-ж., – Т., 1995.

Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз // Пойтахтимиз – муқаддас остонамиз // Тошкент шаҳар сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 8-ж., – Т., 2000.

Каримов И. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак // Мақсадимиз – тинчлик ва бунёдкорлик // Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессиясида сўзланган нутқ. Асарлар тўплами, 10-ж., – Т., 2002.

Каримов И. Ўзбекистон халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди // Азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлсин // Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ. Асарлар тўплами, 13-ж., – Т., 2005.

Каримов И. Инсон манфаатларини, унинг фаровон ҳаёти ва бахтли келажагини таъминлаш – энг устувор вазифамиздир // Пойтахт сайловчилари вакиллари билан учрашувда сўзланган нутқ. «Тошкент оқшоми», 2007 й. 19 окт.

Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч, – Т., 2008.

Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари, – Т., 2009.

Абдураззаков У.А., Пулатов Г. П. Город, победивший стихию. – Т., 1974. (О Ташкенте)

Адылов С., Максумов П., Турсунов Ф. Город, рожденный дважды: Ташкент. – М., 1970.

Алимов У. Ҳазрати Имом (Ҳастимом), Т., 2008.

Алимова Д., Филанович М. Тошкент тарихи. Қадимги даврдан бугунгача. – Т., 2009.

Аминджанова М. Т., Рахимов М. Р. Город древний, город юный. – Т., 1981.

Аминов М. Н. Шаҳри азим – Тошкент. – Т., 1983.

Бабаджанова Г. И., Колбинцев А. П., Маньковская Л. Ю. По древним городам Узбекистана: Ташкент. Самарканд. Шахрисабз. Бухара. Хива. – М., 1988.

Бартольд В. В. Ташкент // Сочинения: В 9-ти т.–М., 1965.–т. 3 с. 499–502.

Бартольд В. В. История культурной жизни Туркестана. – Л., 1927. (Ташкент, с. 163–175).

Бейсембиев Т. К. «Таърихи Шахрухи» как исторический источник, Алма-Ата, 1987.

Булатова В. А. Бароқхон мадрасаси. – Т., 1972.

Булатова В. А. Қафқол Шоший мақбараси. – Т., 1972.

Булатова В. А., Маньковская Л. Ю. Памятники зодчества Ташкента (XIV–XIX вв.) – Т., 1983.

Буряков Ю. Ф. Генезис и этапы развития городской культуры Ташкентского оазиса. – Т., 1982.

Буряков Ю. Ф. Историческая топография древних городов Ташкентского оазиса / Ответственный редактор И. Ахраров. – Т., 1975.

Буряков Ю. Ф. Тошкент воҳасининг қадимий қарвон йўллари. – Т., 1978.

Буряков Ю. Ф., Қосимов М. Р., Ростовцев О. М. Тошкент областининг археологик ёдгорликлари. – Т., 1975.

Восифий. Бадоеъ ал-вақоеъ / Форсчадан Наим Норқулов таржимаси. – Т., 1979.

Воҳидов Ш. XIX аср Тошкент тарихчилари. – Т., 1996.

Гаевский В. С. Историческая справка о городе Ташкенте. – Т., 1979.

Гейер И. И. Кустарные промыслы в Ташкенте: Тетрадь 1. – Т., 1903.

Гейер И. И. Весь русский Туркестан. – Т., 1908.

Гейер И. И. Ташкент // Гейер И. И. Туркестан. – Т., 1909.– с. 300–309.

Голендер Б. Мои господа ташкентцы. – Т., 2007.

Голендер Б. Окно в прошлое. Туркестан на старинных почтовых открытках // Ответственный редактор акад. Э. Ртвеладзе. Т., 2002.

Диваев А. Предание о возникновении азиатского города Ташкента // Протоколы заседаний и сообщения членов Туркестанского кружка любителей археологии. – Т., 1900. – Год 4-й. – с. 145–151.

Диваев А. А. Промыслы и занятия туземцев азиатского города Ташкента. – Т., 1901.

Добросмыслов А. Медико-санитарные и ветеринарно-санитарные части в городе Ташкенте. – Т., 1910.

Добросмыслов А. И. Ташкент в прошлом и настоящем. – Т., 1912.

Древний Ташкент / Под редакцией И. Ахрарова. – Т., 1973.

Древности Ташкента / Ответственный редактор Я. Г. Гулямов. – Т., 1976.

Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. Т., 1998.

Зиёев Ҳ. Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар. – Т., 2008.

Зияев А. Центр Ташкента – прошлое и настоящее / Общество охраны памятников истории и культуры Узбекистана. – Т., 1987.

Зияев А. Базары Ташкента // В прошлом и настоящем. // Историко-архитектурный очерк. – Т., 2008.

Зияев А. Комплекс Хазрати Имам в Ташкенте / Историко-архитектурный очерк. – Т., 2008.

Зияев А. Комплекс Шайхонтохур / В прошлом и настоящем // Историко-архитектурный очерк. – Т., 2008., 1–48 стр.

Зияев А. Зангиата / В прошлом и настоящем. // Историко-архитектурный очерк. – Т., 2008.

Зыкин В. Восстание в Ташкенте в 1892 году. М.; Т., 1932.

Иброҳимов А. Ёруғлик, Т., 2006.

Иброҳимов А. Ўзбек маҳалласи, Т., 2007.

Иброҳимов А. Ҳастимом хотиралари, Т., 2008.

Исмоилова Ж. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Тошкентнинг «Янги шаҳар» қисми тарихи. – Т., 2004.

История Ташкента. – Т., 1988.

Исхаков М., Камолитдин Ш., Бабаяров Г. Заметки по истории нумизматики раннесредневекового Чача (III–VII вв.) – Т., 2007.

Конопка С. Р. Туркестанский край. – 2-е изд. – Т., 1912. (Ташкент, с. 21–56).

Маев Н.А. Путеводитель от С.–Петербурга до Ташкента. СПб., 1870.

Маев Н. Азиатский Ташкент // Туркестанский край: Статистический комитет. Ежегодник. Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1876. – вып. 4. – с. 260–313.

Маллицкий Н. Г. Ташкент. Исторический очерк // Известия Ташкентской городской Думы. – 1915. – № 1. – с. 10–21; № 2. – с. 76–91.

Маллицкий Н. Г. Ташкентские махалля и мауза: (С планом города). – Т., 1927.

Маллицкий Н. Г. Тошкент маҳалла ва мавзелари. – Т., 1996

Массон М. Е. Прошлое Ташкента // Известие АН УзССР. – 1954. – № 2. – с. 105–132.

Мукминова Р. Г. Тўрт аср олдинги Тошкент. – Т., 1984.

Мукминова Р. Г. Ўзбекистоннинг ўрта аср шаҳарлари тарихидан лавҳалар. – Т., 1974.

Мукминова Р., Филанович М. Ташкент на перекрестке истории. // Очерки древней и средневековой истории города // – Т., 2001.

Мулла Олим. Тарихи Туркистон. – Т., 1915.

Мулладжанов И. Р. Население Ташкента. – Т., 1983.

Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Т., 1983.

Муҳаммад Солиххўжа. Тарихи жадидаи Тошканд (Тошкентнинг янги тарихи). 2 жилдли, форс тилида]. – Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти, – Инв. № 7791.

Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т., 1988.

Муҳаммаджонов А. Қадимги Тошкент. – Т., 2002.

Муҳаммадкаримов А. Тошкентнома. // Тарихий-топонимик лавҳалар // 1-китоб. – Т., 2004.

Муҳаммадкаримов А. Тошкент бўйлаб топонимик саёҳат. – Т., 2000.

Муҳамедов Н. Шош воҳаси олимларининг илмий-маънавий мероси. – Т., 2007.

Набиев А. Тошкент воҳасини суғориш тарихидан. – Т., 1975.

Набиев Р. Н. Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки. – Т., 1966.

Ниёзов А. Тошкент метроси. – Т., 1975.

Озодаев Ф. Тошкент тарихидан очерклар: (XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тарихи). – Т., 1961.

Орипов Ф. О. Тошкент ўтмишидан лавҳалар: (Этнографик материаллар асосида) // Масъул муҳаррир Ҳ. З. Зиёев. – Т., 1987.

Остроумов Н. П. Сарты. Этнографические материалы. Т., 1908.

Пармузин Б. С. Ташкент: Путеводитель. – Т., 1981.

Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. // Ташкент, глава X–XIII, стр. 95–127 // СПб. 1868.

План города Ташкента. – Т., 1890.

По улицам Ташкента. – [2-е изд.]. – Т., 1971.

Поливанов Е. Д. О происхождении названия Ташкента // В. В. Бартольд туркестанские друзья, ученики и почитатели. – Т., 1927. – с. 395–400.

Попов Г. В. Исторический обзор землетрясений Ташкентского района. – Т., 1939.

Пулатов Х. Ш. Базары старого Ташкента // Пути развития архитектуры Узбекистана. – Т., 1983.

Пўлатов Х. Ўзбекистон архитектура ёдгорликлари. Ўқув қўлланма. – Т., 2003.

Ртвеладзе Э. В. История и нумизматика Чача // Вторая половина III–середина VIII в. н. э. // – Т., 2006.

Рўзиева М. Тошкентнинг ўтмиш қиёфаси // (Масъул муҳаррир К. Шониёзов). – Т., 1984.

Салтыков-Щедрин М.Е. Господа ташкентцы. СПб., 1872, М., 1960.

Содиқова Н. С., Буряков Ю. Ф. Қадимги ва ҳозирги Тошкент. – Т., 1965.

Соколов Ю. А. Ташкент, ташкентцы и Россия. – Т., 1965.

Султонов Ў. А. Муҳаммад Солиххўжа ва унинг «Тарихи жадидаи Тошканд» асари // (Масъул муҳаррир А. Ўринбоев). – Т., 2007.

Ташкент: Атлас туриста. – М., 1988.

Ташкент: Атлас. – Т., 2006.

Ташкент: Малый атлас. – Т., 2007.

Ташкент: (к 2200 летию): Библиографический указатель литературы // Составители Н.М.Ахметшина,

А.С.Джапарова, Г.Б.Ахмаджанова, ред. И.З.Мамина-
ва. Т., 2008 – 192 стр.
Ташкент: Краткий путеводитель-справочник. – Т.,
1981.
Ташкент: Краткий справочник. – [2-е изд.]–Т., 1958.
Ташкент: Энциклопедия. – Т., 1983.
Ташкент – 2000: (Альбом).– Т., 1983.
Ташкентское землетрясение 26 апреля 1966 года.
– Т., 1971.
Ташкентское отделение общества востоковедения.
– Т., 1902.
Тошбеков Э. Тошкент аҳолиси ва шаҳар истиқбо-
ли. – Т., 1967.
Тошкент – Ислом маданияти гавҳари // Ранг-тас-
вирли китоб. Ўзбек, рус ва инглиз тилида. Т., 2001.
Тошкент: Энциклопедия. – Т., 1992.
Тошкент: (Адабиётлар кўрсаткичи). – Т., 1983.
Тошкент: (Йўл кўрсаткич). – Т., М., 1971.
Тошкент: Йўлланма. – Т., 1962.
Тошкент: / (Матнлар муаллифи Л. Қаюмов). – Т., 1975.
Тошкент: Фотоальбом / Р. А. Сафаров таҳрири
остида. – Т., 1977.
Тошкент: Қисқача справочник / Р. Ф. Фуломов таҳ-
рири остида. – Т., 1958.
Тошкент атласи / Ўзбекистон ФА. География бўли-
ми. – М., 1984.
Тошкент маҳаллалари // Маълумотнома // (Тузув-
чи Б. Х. Қосимов). – Т., 2006.
Тошкент маҳаллалари: анъаналар ва замонвий-
лик // Тарихий-этнографик тадқиқотлар тўплами // (Масъ-
ул муҳаррир т. ф. д. З. Х. Орифхонова). – Т., 2002.
Тошкент кўчалари. – 2-нашри.–Т., 1972.
Тошкент қардошлик шаҳри: Тўплам. – Т., 1970.
Тошкентда офат ва жасорат: Тошкент зилзиласи
ҳақида / Муҳаррир С. Акбарий; тўпловчи Ш. Саъдул-
ла. – Т., 1966.
Туркестанский альбом // Этнография, археология,
история, индустрия. Составитель А.Л.Кун. Т., 1871–1872.
Туркестанский сборник // Туркестанский сборник
статей, относящихся к Средней Азии и к Туркестан-
скому краю в особенности // Составители В.И.Межов
(1–416 тт.), Н.В.Дмитровский, А.А.Диваев, И.П.Зиков,
Ю.Ф.Бонч-Осмоловский (417–543 тт.), А.А.Семёнов
(544–591 тт.), Е.К.Бетгер (592–594 тт.) СПб.–Т., 1867–
1887, 1907–1916, 1939.
Турсунов Ф., Ҳобилов Б. Тошкент истиқболи. –
Т., 1968.
Тюриков В.И. Истории о Ташкенте: Очерки. – Т.,
1983.
У истоков древней культуры Ташкента / Ответ-
ственный редактор Г. В. Шишкина. – Т., 1982.

Филанович М. И. Ташкент: Зарождение и разви-
тие города и городской культуры. – Т., 1983.
Ходжиев Э. Х. Экономические и политические свя-
зи Ташкента с Россией. – Т., 1992.
Холматов К., Баратов П. Тошкент шахрининг ир-
ригация шохобчалари. – Т., 1983.
Хорошхин А. П. Очерки о Ташкенте // Сборник
статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876.–
с. 77–118.
Хуршут Э. Ши-Чач-Ташкент. – Т., 1992.
Чеботарева В. Г. Ташкент в прошлом и настоя-
щем: (Краткий исторический очерк). – Т., 1968.
Чехович О. Д. Городское самоуправление в Ташкен-
те XVIII в. // История и культура народов Средней Азии:
(Древность и средние века). – М., 1976. – с. 149–160.
Шагалов В. Д., Кузнецов А. В. Каталог монет Чача
III–VIII вв. – Т., 2006.
Шарқ дарвозаси // Ранг-тасвирли китоб. Ўзбек ва
рус тилида. Стамбул–Тошкент, 2004.
Шевяков А. И. Население Ташкента в конце XIX –
начале XX вв. – М., 2000.
Шишкин В. А. Ўзбекистон шаҳарлари: [Самарқанд.
Бухоро, Тошкент]. – Т., 1944.
Шишов А. Сарты. Этнографическое и антрополо-
гическое исследование. – Т., 1905.
Шишов А. Исторический очерк о Ташкенте // Сбор-
ник материалов для статистики Сырдарьинской обла-
сти. – Т., 1901. – т. 32а.– кн. 64. – с. 701.
Эварницкий Д.Н. Путеводитель по Средней Азии
от Баку до Ташкента в археологическом и историчес-
ком отношениях. Т., - 1893, стр. 158–167.
Юнусхўжаева М., Мирисмоилова У. Тошкент та-
рихига оид хужжатлар / (Масъул муҳаррир Б. Аҳме-
дов). – Т., 1983.
Яхёев А. Абулқосим мадрасаси // Буклет. Ўзбек,
рус ва инглиз тилларида. – Т., 1998.
Яхёев А. Тошкент обидалари. – Т., 1983.
Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 8-ж., 514–
533-б. – Т., 2004.
Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ
тавсифида: (XIX аср). – Т., 1983.
Қодирова Т. Ф., Пармузин Б. С. Тошкент: (Фото-
альбом). – Т., 1979.
Қораев С. Тошкент топонимлари. – Т., 1991.
Қорабоев Қ. Тошкентнинг геологик замини. – Т., 1982.
Ҳамиша навқирон Тошкент. (Фотоальбом). Т.,
1998.
Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. –
Т., 1965.
Ҳожиев Э. Тошкентнинг Россия шаҳарлари билан
алоқаси: (XVIII аср охири – XIX аср бошлари). – Т., 1973.

ЙИРИК МАҚОЛАЛАР МУАЛЛИФЛАРИ

Абдиев Ҳабиб
Абдуллаев Абдулхай
Абдуллаев Аъло
Абдуллаев Неъмат
Абдурахимов Абдуқаюм
Абдурахмонов Қаландар
Абдусатторов Абдусамад
Акромов Акмал
Алашев Шейхали
Алимов Ўткир
Алимова Дилором
Алимова Маҳфуза
Алимухамедова Хулқар
Алиқулов Ҳайдар
Аминов Муроджон
Аминов Собиржон
Аширбоев Самихон
Аширов Сервер
Аширова Моҳина
Аъзамов Абдулла
Аҳмедов Ашраф
Аҳмедов Сирожиддин
Аҳмедов Эркин
Аҳмеров Қудрат
Бегматов Соиб
Беков Олим
Бешимова Замира
Бобобеков Ҳайдарбек
Буряков Юрий
Бўриев Омон
Бўриева Хайрия
Голендер Борис
Давлатов Олим
Дадабоев Ҳамидулла
Долимов Элбек
Дўстмухамедов Тоҳир
Ёқубов Солиҳ
Жавлонов Шавкат
Жалилов Ҳабибулла
Жуманиёзов Қадам
Жўрабеков Отабек

Жўраев Рисбой
Зайнутдинова Ильмира
Зиёев Ҳамид
Зоиров Дилшод
Зокиров Саидфозил
Зокиров Шуҳрат
Зокиров Ўткир
Зуфаров Тўхтамурад
Ибрагимов Рашод
Ибрагимова Салтанат
Илёсов Собит
Иномжонова Гулнора
Имомхўжаев Ахбор
Имомхўжаева Озода
Исломов Зоҳиджон
Исломов Ўткир
Исматуллаев Эргаш
Исомилова Жаннат
Камолиддинов Шамсиддин
Каримбеков Қобулбек
Каримов Баҳодир
Каримов Зубайдилло
Каримов Иброҳим
Каримов Наим
Каримова Сурайё
Кременцова Алла
Мадвалиев Абдуваҳоб
Мадраимов Абдумажид
Мажидов Абдурашид
Маллабоев Аваз
Маннонов Абдурахим
Маннонов Абдушукур
Мансуров Шомуҳиддин
Мансуров Яшнар
Мақсудов Давронбек
Маҳамадалиева Дилором
Мирзаев Тўра
Мирзаев Шавкат
Мирзажонов Азимжон
Мирмахмудов Мирсаид
Миролимов Мирмуҳиддин

Мусаев Нуриддин
Мусаев Соат
Муҳамедов Неъматулло
Муҳаммаджонов Абдулахад
Муҳаммаджонов Омонулло
Муҳаммадиев Насриддин
Муҳаммадкаримов Абдулазиз
Муҳиддинов Фатҳиддин
Мўминов Асрор
Мўминов Неъматжон
Наримонова Умидахон
Насимов Нурилло
Неъматов Ислонжон
Никқадамбоева Ҳилола
Нигматов Асқар
Норматов Умарали
Носиров Отабек
Нуриддинов Салоҳиддин
Нурматов Олимжон
Нуртоев Бахтиёр
Орипов Раҳимжон
Орифхонова Зоя
Ортиқов Абдужалил
Отахўжев Саттор
Очилов Норали
Пўлатов Хайрулла
Ражабий Ҳасан
Ражабов Қаҳрамон
Расулов Ҳожиакбар
Раҳмонов Мамажон
Раҳмонқулова Наргиза
Рихсиев Каримжон
Саидуллаева Манзура
Саидхонов Носир
Сапаев Ойбек
Сафаров Бахтиёр
Содиқов Тоҳир
Содиқов Ҳамдам
Солиҳов Шавкат
Солиев Абдусами
Субҳонов Шавкат
Султонов Ўқтам
Суёнов Азамат
Таштаева Саида
Тожибоева Олтиной

Тожиева Зулхумор
Тоирова Муяссар
Тошев Нурёғди
Турсунов Тошпўлат
Тўлқин Эшбек
Тўхлиев Нурислом
Тўхтамирзаев Мирзаҳаким
Уватов Убайдулла
Умаров Абдусалом
Усмонов Саидқосим
Усмонова Ҳосиятхон
Филанович Маргарита
Холбоев Сотимжон
Хўжаев Аблат
Холназаров Султон
Шарипов Фазлитдин
Шердонов Чори
Шокиров Ўткир
Шомуротова Нигора
Шораҳмедов Даврон
Шоёқубов Шохалил
Эргашев Фатхулла
Эрназаров Азиз
Эшонхўжаев Мирёқуб
Юсупов Равшан
Юсупов Шариф
Яҳёев Абдужаббор
Қаршибоев Муртазо
Қодиров Муҳсин
Қодирова Тўлқиной
Қосимова Гулмира
Қутибоев Зокиржон
Қўзиев Турсунали
Қўчқоров Хайрулла
Ғаниев Абдуқаҳҳор
Ғанихўжаев Омон
Ғафурбеков Тўхтасин
Ғаффоров Нодир
Ҳакимов Акбар
Ҳамдамов Рустам
Ҳамидова Марфуа
Ҳасанов Фаҳриддин
Ҳасанов Рустам
Ҳасанова Машхура
Ҳомидов Муҳаммадайюбхон

**«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ»
ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ**

Директор – Нурилом Тўхлиев
Директор ўринбосари – Муроджон Аминов

Нашрни тайёрлашда бевосита иштирок этганлар:

Ҳабиб Абдиев, Ҳулкар Алимўхамедова, Салтанат Ибрагимова, Фахриддин Ҳасанов (таҳририят мудирлари), Абдурашид Мажидов (етақчи илмий муҳаррир), Башорат Аъзамова, Рустам Баратов, Зулфия Ғуломова (1-тоифа илмий муҳаррирлар), Абдуқаҳҳор Дадабоев (2-тоифа илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими: Искандар Ҳодиев (бўлим бошлиғи), Асомиддин Бурҳонов (бош рассом), Адҳам Сулаймонов (сураткаш).

Дизайн ва компьютер бўлими: Асқар Ёқубжонов (етақчи компьютер дастурчи), Саида Исломова, Мухтабар Абдуллаева, Доно Ҳасанова (операторлар).

Нашрни тайёрлашда иштирок этганлар:

Иброҳим Каримов, Абдуваҳоб Мадвалиев, Соат Мусаев, Асрор Мўминов, Султон Холназаров, Даврон Шораҳмедов.

**ТОШКЕНТ
энциклопедия**

**«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти**
(Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй).
Тошкент – 2009
Факс: (371) 244-24-91
E-mail: ume2@yandex.ru
Нашриёт сайти: www.ensiklopediya.uz

Оригинал-макет «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриётида тайёрланди.
2009 йил 15 июлда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими 84x108¹/₁₆. Таймс гарнитураси. 93,24 нашриёт-ҳисоб табағи. 82,32 шартли босма табақ.
Адади 5000 (1-гал босилиши 3500). Баҳоси шартнома асосида. 08-877-буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилиб,
«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида муқоваланди
(Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30-уй).

T64 Тошкент: Энциклопедия/ Бош тахрир ҳайъати: А.Ақромов, Б.Ш.Алимов, М.Н.Аминов ва бошқ. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. -784 б.: рангли сурат, харита.

И. Ақромов А. ва бошқ.

ББК 63.3(5Ў)+92

ISBN 978-9943-07-096-7



9 789943 070967